92
У-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

92
Ў—28

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ
Муроджон АМИНОВ
Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ
Наим КАРИМОВ
Нажмиддин КОМИЛОВ
Жўра МУСАЕВ
Элшод НАБИЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Даврон ШОРАҲМЕДОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Турсунали ҚЎЗИЕВ
Азим ҲОЖИЕВ
Зуҳриддин ҲУСНИДДИНОВ

Ў 1500100000 / 358–2004 – 04

ISBN 5–89890–082–9

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004

92
Ў-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

11420

8

СОЛНОМА — ТЎЙТЕПА

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Адабиёт. Б. ВАЛИХЎЖАЕВ, Р. ИНОҒОМОВ, Т. МИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Э. ОЧИЛОВ, О. ШАРАФИДДИНОВ, А. ҲАЙИТМЕТОВ. **Амалий ва тасвирий санъат.** Н. АБДУЛЛАЕВ, Б. Ф. ЖАЛОЛОВ, К. ОҚИЛОВА. **Астрономия, геодезия ва космонавтика.** С. П. ИЛЁСОВ, А. А. ЛАТИПОВ, М. М. МАМАДАЗИМОВ, К. Т. МИРТОЖИЕВА, Н. НИШОНБОЕВ, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. **Биология.** Ж. АЗИМОВ, О. АШУРМЕТОВ, О. МАВЛОНОВ, Ў. ПРАТОВ, Б. О. ТОШМУҲАМЕДОВ, Ж. Ҳ. ҲАМИДОВ. **География, геология ва геофизика.** Қ. Н. АБДУЛЛАБЕКОВ, А. А. АБИДОВ, Ш. С. ЗОКИРОВ, Б. А. ИСАҲОЖИЕВ, А. СОЛИЕВ, П. Н. ҒУЛОМОВ. **Дин тарихи.** А.А. АЗИМОВ, Ш. ИСМОИЛОВ, А. МАНСУРОВ, А. Қ. МЎМИНОВ, А. А. ҲАСАНОВ. **Жисмоний тарбия ва спорт.** А. ИМОМХЎЖАЕВ, К. ЮСУПОВ, К.Д. ЯРАШЕВ, Т. С. УСМОНХЎЖАЕВ. **Журналистика.** Х. ДУСТМУҲАММАД, Б. ДУСТҚОРАЕВ, А. МЕЛИБОЕВ. **Иқтисодиёт.** С. САЛИМОВ, М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш. ШОДМОНОВ, А. УЛМАСОВ, А. ҚОДИРОВ, С. ҒУЛОМОВ. **Кимё.** С. Н. АМИНОВ, Қ. АХМЕРОВ, С. ИСМОИЛОВ, Т. ОТАҚЎЗИЕВ, Н. ПАРПИЕВ, С. ТЎХТАЕВ. **Математика.** Т. АЗЛАРОВ, А. АЪЗАМОВ, Ш. А. АЮПОВ, Ш. ЁРМУҲАМЕДОВ, Г. ЖУРАЕВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОИМҚУЛОВ, Ж. ҲОЖИЕВ. **Меъморлик.** П. Ш. ЗОҲИДОВ, Ҳ. ПУЛАТОВ, Э. В. РТВЕЛАДЗЕ, М. ЮСУПОВА. **Мусиқа.** О.Н. АЗИМОВА, А. Ф. НАЗАРОВ, Р. Ю. ЮНУСОВ, Т. Б. ҒАФУРБЕКОВ. **Педагогика.** Қ. ЙЎЛДОШЕВ, А. СУЛАЙМОНОВ, М. ҚУРОНОВ, К. ҲОШИМОВ. **Тарих.** Д. АЛИМОВА, А. АСҚАРОВ, О. БЎРИЕВ, Ҳ. ДАДАБОЕВ, А. ЗИЁЕВ, Ҳ. ЗИЁЕВ, М. ИСҲОҚОВ, Ш. КАМОЛИДДИНОВ, А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, Ш. ПИРИМҚУЛОВ, Қ. РАЖАБОВ, Т. ҒИЁСОВ. **Театр, кино, цирк, хореография, балет.** О. РИЗАЕВ, Ж. ТЕШАБОЕВ, Т. ТУРСУНОВ, М. Х. ҚОДИРОВ. **Техника.** Ф. АБДУЛЛАЕВ, Э. ЁҚУБОВ, Р. ЗОҲИДОВ, Т. РАШИДОВ, Р. ТОЖИЕВ, Х. ХУДОЙНАЗАРОВ, Т. ШИРИНҚУЛОВ, С. ҚОДИРОВ, Э. ҚОСИМОВ. **Тиббиёт.** С. АРИФОВ, С. БАҲРОМОВ, Ў. Б. ЗОКИРОВ, Н. М. МАЖИДОВ, Ш. Ш. ШОВАҲОБОВ, Н. Ҳ. ШОМИРЗАЕВ, Э. Й. ҚОСИМОВ. **Тилшунослик.** А. ДАВЛЕТОВ, Н. МАҲКАМОВ, Н. МАҲМУДОВ, А. НУРМОНОВ, Қ. СОДИҚОВ, Э. УМАРОВ, О. ШОМАТОВ. **Фалсафа.** Ў. АБИЛОВ, Ҳ. АЛИҚУЛОВ, Қ. Н. НАЗАРОВ, Б. О. ТЎРАЕВ, М. ҚОДИРОВ, Э. ҒОЗИЕВ, Ў. ҲАЙДАРОВ. **Физика.** К. МУҚИМОВ, А. С. НУЪМОНХЎЖАЕВ, Ў. Ҳ. РАСУЛОВ, Н. Й. ТЎРАЕВ, Қ. Ғ. ҒУЛОМОВ, П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ. **Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик.** Р. З. ЖУМАЕВ, С.А. ЖЎРАЕВ, В. С. КИМ, М. Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ, А. Х. САИДОВ, А. М. ҚОСИМОВ. **Қишлоқ хўжалиги.** Б. Ж. АЗИМОВ, Ш. АКМАЛХОНОВ, С. Н. АЛИМУҲАМЕДОВ, Ҳ. БЎРИЕВ, У. НОСИРОВ, Ш. НУРМАТОВ. **Ҳуқуқ.** Ғ. А. АБДУМАЖИДОВ, А. ИНОЯТОВ, Ҳ. Р. РАҲМОНҚУЛОВ, А. ТЎЛАГАНОВ, М. М. ФАЙЗИЕВ.

---

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н.ТЎХЛИЕВ.

Директор ўринбосарлари — Д. А. ШОРАҲМЕДОВ, М. Н. АМИНОВ.

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М.ИСЛОМБЕКОВА (етакчи илмий муҳаррир), С. МИРЗАБЕКОВА (1-тоифали илмий муҳаррир), Ф. ШАМСИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Биология, тиббиёт ва кимё илмий таҳририяти. Ҳ.ЗОКИРОВ (мудир), С. ИБРОҲИМОВА, О. МАВЛОНОВ, Р.МАЪРУПОВ (етакчи илмий муҳаррирлар), З. ҒУЛОМОВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

География ва геология илмий таҳририяти. А.АБДУРАҲИМОВ (мудир), Ҳ.АЛИМУҲАМЕДОВА (етакчи илмий муҳаррир), И.КАРИМОВ (1-тоифали илмий муҳаррир), О. ИСАҲОЖИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти. С. ХОЛНАЗАРОВ (мудир), И. АБДУЛЛАЕВА (1-тоифали илмий муҳаррир), С. ЙЎЛДОШЕВ (2-тоифали илмий муҳаррир).

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти. А.МАЖИДОВ (мудир), С.ТОИРОВ (етакчи илмий муҳаррир).

Маданият ва санъат илмий таҳририяти. М.АШИРОВА (мудир), Ш. АЛИМОВА, О. БЕКОВ, М. ҒАФФОРОВА (етакчи илмий муҳаррирлар).

Тарих илмий таҳририяти Ф. ҲАСАНОВ (мудир), Г. ХЎЖАЕВА (етакчи илмий муҳаррир), И. МЕЛИҚУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти. А.МАДВАЛИЕВ (мудир), Ҳ.АБДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир).

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти. С.МУСАЕВ (мудир), Н.МУТАЛОВ (етакчи илмий муҳаррир), Р. БАРАТОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти. Э.ИНОҒОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ, М.РАСУЛОВА (етакчи илмий муҳаррирлар), Х.ПЎЛАТХЎЖАЕВ (1-тоифали илмий муҳаррир), Ж.ЮНУСОВ (2-тоифали илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими. И.Р.ҲОДИЕВ (бошлиқ), А.БУРҲОНОВ (бош рассом), М.ОЛИМОВ (етакчи техник муҳаррир), А. ЭГАМБЕРДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир), А. ЁҚУБЖОНОВ (етакчи илмий программист), А. СУЛАЙМОНОВ (суратчи), М.АБДУЛЛАЕВА, С. ИСЛОМОВА, С. САФАРОВА, Д. ҲАСАНОВА (операторлар).

С

СОЛНОМА, тарихий солнома — мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий ҳаётида рўй берган муҳим воқеалар тадрижий равишда баён этиб борилган ёзма ёдгорлик. С., одатда, тарихий воқеаларнинг бевосита иштирокчиси томонидан ёзилган (яна қ. *Йилнома*).

СОЛИҲ (араб. — салоҳиятли, яроқли) — эзгу иш, савобли амал. Қурьонда имон б-н С. амалларни қилишга буюрилган оятлар кўплигидан ашъария таълимотида С. амал ҳам имон таркибига киритилган. *Мотуридийлик* таълимотида эса мазкур амал имон таркибига кирмаслиги таъкидланган. Акс ҳолда унга амал қилмаган мўминлар имондан ажралиб қолишлари мумкин.

СОЛИҲ — Қурьонда зикр этилган пайғамбарлардан бири. Қурьонга кўра, Самуд қавмини ҳидоятга бошлаш учун пайғамбар қилиб юборилган. Ҳижоз б-н Шом орасида Ҳижр деган жойда яшовчи бу қавм нафсоний лаззатларга берилган, ҳузурбахш ичимликлар ичиб, ўзлари ясаб олган бутларга сиғинар эди. С. уларни фақат Аллоҳга ибодат қилишга чақиради. Бироқ қавм ҳидоят йўлига юриш ўрнига С.ни масхара қила бошлайди ва ҳақиқатдан ҳам пайғамбар бўлсанг, бизга мўъжиза кўрсат деб даъво қилади. Шунда С. Аллоҳдан ўзига бир мўъжиза беришини сўраб дуо қилади. Аллоҳ С.нинг дуосини ижобат қилади ва С. мўъжиза кўрсатиб харсанг тошдан туя чиқаради. С. қавмни туяга озор бермасликка чақириб, ҳавзадан бир кун туя, бир кун қавм сув ичиши лозимлигини билдиради (Қамар сураси, 27—28-оятлар). Аммо, қавм туяни сўйиб юборади, С. ва унинг оиласини йўқотишга қасд қилади. Шунда осмондан кучли чақмоқ юборилиб, улар ҳалок этилади (Ва-з-зориёт сураси, 44-оят). С. ўзига имон келтирган кишилар б-н бирга Фаластиндаги Рамла деган жойга бориб, умрининг охиригача шу ерда яшайди.

СОЛИҲ Али Абдуллоҳ (1942, Сана вилоятининг Байт ал-Аҳмар қишлоғи) — Яман давлат арбоби. Маршал. 1958 й.дан Яман Араб Республикаси қуролли кучлари сафида. Қуролли кучлар қошидаги зобитлар ўқув юртини тугатган (1962). Монархияни агдариб, республика тузумини ўрнатган 1962 й. сент. инқилобида қатнашган. Бронетанк қўшинлари билим юртида ўқиган (1964—66). Танк взводи, бронетанк полки командири (1966—75), ҳарбий округ қўмондони (1975—78). 1978 й.дан Яман Араб Республикаси президент кенгаши аъзоси, қуролли кучлар бош қўмондони ўринбосари. 1978 й. 17 июлдан Яман Араб Республикаси президенти, қуролли кучлар бош қўмондони. 1990 й. Яман Араб Республикаси б-н Яман Халқ Демократик Республикаси бирлашгандан кейин Яман Республикаси президенти.

СОЛИҲБЕК ОХУНД (тўлиқ исми Мулла Солиҳ охунд додхоҳ Қозоқбойбек Убайдуллабек ўғли) (1805, Тошкент — 1868, Томск, Россия) — давлат арбоби, уламо, мударрис, Подшо Россияси қўшинларига қарши Тошкент мудофаасининг раҳбари. Отаси — Қозоқбойбек Қўқон хонлигининг энг нуфузли кишиларидан бири бўлган, унга додхоҳ унвони берилган; Тошкент ш.да амалга ошириладиган ишларда унинг маслаҳати муҳим аҳамият касб этган. С.о. дастлаб Тошкент мактаб-мадрасаларида, сўнг Бухорода (1832—42) таҳсил олиб, охунд илмий унвонига сазовор бўлган. Шералихон (1832—44) томонидан юборилган «Муборакнома»га мувофиқ хон саройида маслаҳатчи вазифасини бажаради, кўп ўтмай Тошкентга қози ва раис ҳамда Хожа Аҳрор Валий, Кўкалдош мадрасаларига бош мударрис лавозимига тайинланади. Худоёрхон (1862) даврида ҳам унинг мавқеи кўтарилади. *Маллахон* тахтга келгач (1858—62), С.о.ни Қўқонга чақиртириб «Қозилик ва бошқа амалларга» ёрлиқ беради. Султон Саидхон (1863—65) даврида ҳам хоннинг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. *Алимқул* б-н бирга ва у шаҳид бўлгач, якка ўзи Тошкент мудофаасини бошқаради. Барча маблағини шаҳар муҳофазаси учун сарфлайди. Генерал М. *Черняев* б-н ўртада тузилган шартнома аҳдларини тузишда фаоллик кўрсатган. Бу шартнома қабул қилиниб, ўртада «Аҳднома» битилгач, кутилмаганда Черняев шартномани бузиб, ўз хоҳишига мос келадиган 2-шартномани тузади. С.о. унга имзо чекишдан бош тортади. Шу сабабли 9 нафар шериги б-н судсиз Томск ш.га сургун қилинади. Тошкент ш.нинг 37 нафар нуфузли кишилари С.о.ни сургундан қайтариш учун императорга «Илтимоснома» (1867) юборадилар. Унга қайтиш учун рухсат берилганлигини эшитган рақиблари одам ёллаб С.о.ни заҳарлаб ўлдирганлар.

Манбаларда С.о. Хожа Аҳрор Валий мадрасасини ўз маблағи ҳисобидан тузаттиргани, Кўкалдош мадрасасини ҳам таъмирлаб, 3 ошиёнлик ҳужраларини ганч сувоқ қилдиргани маълум. С.о. уламо бўлиш б-н бирга кучли тиб олими ва қасиданавис шоир ҳам бўлган.

Ад.: Ибрат, Фарғона тарихи, [«Мерос» китобида] Т., 1991; Ўринбоев А., Бўриев О., Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида (XIX аср), Т., 1983.

Сирожиддин Аҳмедов.

СОЛИҲОВ Рустамхон Собирович (1947.4.4, Тошкент) — биокимёгар олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (2003). Биол. фанлари д-ри (2000), проф. (2001). ТошДУни тугатган (1970). Ўзбекистон ФА Биокимё ин-тида илмий ходим (1973—76), илмий котиб (1976—79), катта илмий ходим (1979—98), 1998 й.дан ҳужайра биол.си лаб. мудири. Илмий ишлари биологик фаол оқсилларни, асосан, нерв толаларини ўстирувчи омиллар (нейротрофинлар)ни ҳар хил манбалардан ажратиб олиб, уларнинг тузилиши ва хоссаларини ўрганишга бағишланган. С. раҳбарлигида Ўрта Осиё илонлари заҳари таркибидаги ферментлар ва ўстирувчи омиллар тузилиши ҳамда хусусиятлари ўрганилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

СОЛИҲОВ Шавкат Исмоилович (1944.12.12, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995). Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1998). Биол. фанлари д-ри (1984), проф. (1984). Ўрта Осиё

ун-тини тугатган (1967). ТошДУ табиий бирикмалар кимёси кафедрасида илмий ходим (1967—73), Ўзбекистон ФА Биоорганик кимё бўлимида катта илмий ходим (1973—92), Ўзбекистон ФА О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё ин-ти директори (1993 й.дан), айни вақтда, оқсиллар ва пептидлар кимёси лаб. мудири. Ўзбекистон миллий ун-ти табиий бирикмалар кимёси кафедраси мудири (1998 й. дан). Асосий илмий ишлари оқсиллар ва пептидлар тузилиши ҳамда хоссаларини ўрганишга оид. С. Ўрта Осиё жониворлари заҳари таркибидаги токсинлар, ферментлар ва ш. к. биологик фаол моддаларнинг тузилиши ҳамда функциясини ўрганди, 50 дан ортиқ физиологик фаол оқсиллар ва пептидларни ажратиб олди, булардан 15 тасининг кимёвий структурасини аниқлади. С. раҳбарлигида гўза фитогормонининг таъсир механизми ўрганилиб, этилен, ауксин, цитокинин рецепторлари функциясини текшириш асосида дефолиациялаш ва ўстириш фаоллигига эга моддаларнинг скрининг мезони, кам госсиполли кунжара олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Ас.: Яд каракурта (в соавторстве), Т., 1985.

СОЛИҲОВ Энмарк Шокирович (1934.12.9, Самарқанд) — композитор, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984). Тошкент консерваториясини тугатган (1963). Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси эстрада-симфоник оркестрида (1964—65) ва «Ўзбекконцерт» (1973—76)да бадиий раҳбар. Ўзбекистон консерваториясида педагог (1968—73), доцент (1996 й.дан) ва эстрада ижрочилиги кафедраси мудири (1996—98), Ўзбекистон композиторлар уюшмаси раиси (1975—82), Ўзбекистон мусиқа жамияти ташкилотчиси ва раиси (1987—91). Ижодида оммабоп мусиқа жанрларига алоҳида аҳамият берган. «Қиз бола», «Қайдасан», «Соғинди жон», «Баҳор оҳанглари», «Севги баҳори» каби эстрада қўшиқлари, «Хўжа Насриддин» опереттаси, «Ойгул парининг совғалари», «Мўъжизали доира» мюзикллари, «Қалбингда қуёш», «Номерга 100 сатр», «Маргиёна», «Яна ўша Насриддин» ва б. бадиий ва ҳужжатли фильмларга мусиқалар ёзган. Шунингдек, «Оташин қўшиқ» балети, симфоник концерт ва камер асарлар муаллифи.

СОЛКАШЛИК — мевали дарахтларнинг йил ора ҳосил бериши. Бу хусусият, асосан, уругли мевалиларга хос. С. ноклардa, одатда, олмага қараганда жуда кам учрайди. С., асосан, агротехникага боғлиқ. Парвариши яхши (тупроги ишланадиган, ўгитланадиган, суғориладиган, бутаб туриладиган) усимлик тўқималарида керакли миқдорда озиқ моддалар тупланиб, гул куртакларининг шаклланишига, яъни келаси йил ҳосилига замин яратилади ва бундай дарахтлар ҳар йили ҳосил берали.

Одатда, мевали дарахтлар кўп гул очади. Олма ва нок дарахтларининг 10—15% гули мева тугса, серҳосил ҳисобланади. Агар дарахтда гул жуда кўп бўлса, бир йиллик новдалар суст ўсади, барглари майдалашади. Натижада дарахтлар келгуси йили ҳосил учун керакли миқдордаги гул куртакларини шакллантира олмайди. Шу давргача ҳар йили ҳосил бериб келган дарахт солкаш бўлиб қолади.

С. мева навига ҳам боғлиқ. Айрим олма навлари (мас., *Симиренко*) яхши табиий шароитда старлича парвариш қилинса, айримлари эса (мас., Делишес) қўшимча парвариш қилингандагина ҳар йили ҳосил берали. С.ни йўқ қилишда ёки уни камайтиришда пайвандтагнинг аҳамияти катта. Мас., кучсиз ўсувчи пайвандтаг (парадизка, дусен)га уланган олма дарахти ҳар йили ҳосил берали. С.ни бартараф этишда ҳар бир навнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ташқи муҳит шароити, айниқса, агротехника талбирлари мажмуи катта аҳамиятга эга. Ҳар йили ҳосил беришга ёрдам берувчи тадбирларни ишлаб чиқишда боғларга экиладиган навлар таркибини тузиш, агротехнология талабларини тўлиқ ва сифатли ўтказиш муҳим роль ўйнайди.

СОЛО (лот. solus — бир, якка) — 1) кўп овозли мусиқа асарларида яккахон хонанда ёки созанда томонидан хор, оркестр ёки ансамбль жўрлигида ижро этиладиган мустақил *партия;* 2) якка хонанда ёки якка-навоз созандага мўлжалланган мусиқа асари ёки яхлит асар парчаси. *Концерт* асарларида жўрсиз С. — *каденция* дейилади.

СОЛОВКИ ОРОЛЛАРИ — Оқ денгиздаги бир гуруҳ ороллар. Онега қултигига киравериш жойида (РФ Архангельск вилояти). Майд. 347 км². Гуруҳ таркибига 6 орол кирали, йириклари Соловки, Анзер, Катта ва Кичик Муксалма, кичиклари Катта ва Кичик Заяцкий ороллари. Энг баланд жойи 107 м (Голгофа тоғи). Гранит, гнейслардан ташкил топган. Рельефи паст-баланд тепаликлар. Кўп қисми аралаш ўрмонлар б-н қопланган, бир қисми ботқоқлашган. Ороллардa кул кўп. 15-а. бошида С.о.да монастирь барпо қилинган. Монастирь 16—20-а. бошларида сургун жойи бўлган. 1923—39 й.ларда, асосан, сиесий маҳбуслар учун қаттиқ режимли лагерь ва турма жойлашган. 1991 й. монастирь Рус православ черковига қайтарилган. 16-а.да қурилган монастирь овқатхонаси (трапезная), Преображение собори, қалъа деворлари сақланган. 1974 й.дан С.о. давлат тарихий меъморий ва табиат музей қўриқхонасига айлантирилган.

Соловки монастири.

СОЛОДЛАР — тупроқ тини; ер усти сувлари таъсирида вужудга келган ортиқча намлик шароитда *шўртоблардан* ривожланади. Ўрмон-дашт ва дашт зоналарда, шунингдек, қуруқ ҳамда чала чўл даштларда тарқалган. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик майдонларида профили аниқ ифодаланмаган солодлашган тупроқлар учрайди (А. Н. Розанов, 1948).

СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ — Тинч океанлаги архипелаг, Меланезияда, Янги Гвинея о.дан шарқда. Йирик ороллари: Бугенвиль, Гуадалканал, Сан-Кристобаль ва б. Майд. 40,4 минг км². Энг баланд жойи 3123 м. С.о.нинг шим.-гарбий қисмида *Папуа-Янги Гвинея*, қолган қисмида *Соломон Ороллари* давлатлари жойлашган. Ороллар 1568 й. испан денгизчиси Менданья де Нейра саёҳатидан кейин европаликларга маълум бўлган.

СОЛОМОН ОРОЛЛАРИ (Solomon Islands) — Тинч океанинг жан.-гарбий қисмида жойлашган давлат. Соломон о.ларининг жан.-шарқий қисмини ва яқин атрофлаги Санта-Крус ва б. ороллари ўз ичига олади. Майд. 28,45 минг км². Аҳолиси 495 минг киши (2002). Пойтахти — Хониара ш. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади.

Давлат тузуми. С. О. — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлат. Амалдаги конституцияси 1978 й. 7 июлда қабул қилинган. Давлат бошлиги Буюк Британия қироличаси бўлиб, унинг номидан генерал-губернатор иш юритади, у мамлакат парламентининг тавсияси б-н 5 й. муддатга С.О. фуқаролари орасидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий парламент, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. С. О. нинг аксари қисми вулкан отилиши натижасида ҳосил бўлган. Энг баланд жойи 2743 м (Бугенвиль о.да). Сўнмаган вулканлар, иссиқ булоқлар бор. Боксит, никель, фосфорит, олтин, мис конлари топилган. Иқлими субэкваториал, жуда сернам. Ўртача ойлик т-ра 26—28°. Йиллик ёғин 2300—7500 мм. Дарёлари қисқа ва серсув. Ороллар-нинг кўп қисми доим яшил ўрмон б-н қопланган (пальма, фикус ва б.). Қурғоқчил жойларда саванналар, соҳилларда мангролар ўсади. Ҳайвонлардан каламуш, кўршапалак, тимсоҳ, калтакесак, илон, баҳайбат қурбақалар, қушлардан кабутар, тўтиқуш ва б. яшайди.

Аҳолисининг кўпчилиги (93%) меланезия ирқига мансуб бўлган, австронез ва папуас тилларида сўзлашувчи халқлардан иборат, қолганлари полинезияликлар. Улар йирик ороллар соҳили бўйидаги кичик қишлоқларда яшайди. Шаҳар аҳолиси 18%. Расмий тил — инглиз тили. Диндорларнинг аксарияти христианлар.

Тарихи. С.О.га қарийб 6 минг йил аввал Папуа-Янги Гвинеядан қабилалар кўчиб бориб ўрнашган. 1568 й. испан денгиз сайёҳи А. Менданья де Нейра маҳаллий аҳолидан олтинни алмаштириб олганида ороллари «Соломоннинг олтин мамлакати»га қиёс қилган ва ороллари шу ном б-н аташ одат бўлиб қолган. 1885 й. ороллар Германияга тобе бўлиб қолди, 1893 й. ороллар-нинг деярли ҳаммаси Буюк Британияга топширилди. 1-жаҳон урушидан кейин Бугенвиль ва Бука о.ларини бошқариш учун Австралияга мандат берилди, жан. ороллар инглиз протекторати бўлиб қолаверди. 2-жаҳон уруши вақтида ороллардa Япония ва Америка қўшинлари ўртасида жанглар бўлиб ўтди. Урушдан кейин миллий мустақиллик учун ҳаракат кучайди. 1976 й. мамлакатга ички ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи берилди, 1978 й. ороллар мустақилликка эришди. С.О. 1978 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 7 июль — Мустақиллик куни (1978).

Соломон Ороллари герби.

Соломон Ороллари байроги.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. С.О. лейбористлар партияси, 1988 й. тузилган; С.О. либерал партияси, 1976 й. асос солинган; Халқ иттифоқчи партияси, 1979 й. ташкил этилган; С.О. миллий ҳаракати партияси, 1993 й. тузилган; Тараққийпарвар халқ партияси. С.О. касаба уюшмалари кенгаши, 1986 й. тузилган.

Хўжалиги. Иқтисодиётининг асосини қ.х. ташкил этади, аҳолининг аксарияти шу соҳада банд. Тропик деҳқончилик устун. Кўп миқдорда кокос пальмаси ўстирилади, унинг мевасидан копра (магиз) ва кокос мойи олинади. Какао, зираворлар, банан, ананас, шоли, ямс, таро, ер ёнғоқ, тамаки ва б. етиштирилади. Чўчқа, қорамол, парранда боқилади. Ўрмонларда қимматбаҳо нав ёғоч тайёрланади. Балиқ овлаш ривожланган. Саноати кичикроқ ёғочсозлик, мебель, озиқ-овқат (ёг, консерва, тамаки), жут, кўнчилик корхоналаридан иборат. Асбест, совун, синтетик газлама ишлаб чиқарилади. Ёғоч ўймакорлиги, бўйра, сават тўқиш, қайиқ, садаф буюмлар ясаш ҳунармандчилиги мавжуд. Кейинги йилларда сайёҳлик ривожланмоқда. Юкларнинг кўп қисми денгиз орқали ташилади. Автомобиль йўллари уз. 1330 км. Асосий денгиз порти ва халқаро аэропорти — Хониара. Четга кокос магизи, пальма мойи, ёғоч, какао, музлатилган балиқ чиқаради. Четдан озиқ-овқат, ёқилги, машина, кимёвий мол ва б. олади. Австралия, Япония, Корея Республикаси, Буюк Британия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — С.О. доллари.

7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг таълим олиши мажбурий. Бошланғич мактабда ўқиш муддати 7 йил, ўрта мактабда 5 йил. Дарслар инглиз тилида олиб борилади. Давлат мактаблари б-н бир қаторда хусусий диний мактаблар ҳам бор. Хониара ш.да ун-т маркази (1970), пед. коллежи (1958), техника ин-ти (1969) мавжуд. Хониара ш.да Миллий кутубхона (1974), Миллий музей, Ботаника боғи ва Маданий марказ фаолият кўрсатади.

Маҳаллий тилда «Агрикалса ниус», «Соломон ниус» жур.лари, инглиз тилида «Соломон войс», «Соломон стар» ҳафтаномалари нашр этилади. 1976 й.да С.О. радиоэшиттириш хизмати ташкил этилган. 1996 й.дан телекўрсатувлар бериб борилади.

СОЛОМОНОВА Тамара Евгеньевна (1927.9.7, Тошкент) — мусиқашунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1977), проф. (1981). Тошкент консерваториясини тугатган (1952). Р.Гли-

Соломон Ороллари табиати манзараси.

эр номидаги мусиқа мактаби (1952—56), Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти (1955—63), Тошкент консерваторияси (1963 й.дан)да педагог, илмий ишлар бўйича проректор (1973—89), кафедра мудири (1989—98). Илмий фаолияти ўзбек анъанавий мусиқасининг ритм масалаларига бағишланган. 20-а. Ўзбекистон мусиқа тарихига бағишланган илмий, илмий-услубий ва Марказий Осиё мусиқасига доир оммабоп дарслик ва тўпламлар тузувчиси.

СОЛОХА — скиф «подшо» мозорқўрғонларидан бири (мил. ав. 4-а.). Украинанинг Запорожье вилоятидаги Большая Знаменка қишлоғидан 12 км жан.-шарқда жойлашган. Н. И. Веселовский томонидан талқин қилинган (1912—13). С. тепалиги (бал. 18 м) тагидан иккита «подшо» қабри топилган. Улардан бири (марказий) қад. даврларда талон-торож этилган, иккинчиси (четдаги) бутун сақланган. Қабрга подшо б-н бирга

Скиф жангчилари акс эттирилган олтин тароқ.

унинг хизматкорлари (вино сузувчи ва қуролбардори) қўшиб кўмилган. Қабрдан қурол-аслаҳалар, ҳокимият рамзи — жез чўқмор, олтин ва кумушдан ясалган идишлар, тақинчоқлар, билагузуклар ва б. чиққан. Жанг қилаётган скифлар шакли туширилган олтин тароқ, айниқса, бадиий қимматга эга. Подшо қабридан гарбироқда 5 та от скелети сақланган ўра, жез тақинчоқлари бўлган эгар-жабдуқ ва отбоқар қабри топилган. С. скиф қабилаларининг ҳаёти, урф-одати ҳақида илмий маълумотлар беради. С.дан топилган олтин буюмлар антик даврнинг нозик амалий санъат намунаси сифатида машҳур.

СОЛПУГАЛАР, фалангалар (Solifugae) — ўргимчаксимонлар туркуми. Гавдасининг уз. 1—7 см. Гавдаси яхлит бош кўкрак, 3 бўғимли кўкрак ва 10 бўғимли йирик қорин бўлимларидан иборат. Хелицераси йирик, қисқичга ўхшаш. Танаси ва оёқлари қалин тук ва қил б-н қопланган. Трахея б-н нафас олади, 800 га яқин тури маълум; кўпроқ тропик ва субтропик минтақаларнинг нам кам бўладиган ҳудудларида тарқалган. Ўрта Осиё чўлларида йирик қунғир-сариқ тусли каспий солпугаси ва тутунраш С., тог олди ҳудудларида бирмунча кичик (2—3 см) сариқ рангли каршчи солпугаси учрайди.

С. ўргочиси ин қазиб, унга 30 дан 200 тагача тухум қўяди. Тухумдан чиққан болаларини қўриқлайди. С. — тунги йиртқич, ҳашаротлар, қўпоёқлилар, ўргимчаклар, заҳкашлар, баъзи қушлар жўжаси, майда калтакесаклар ва кемирувчилар боласига ҳужум қилади.

СОЛТ-ЛЕЙК-СИТИ — АҚШнинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Жордан дареси бўйида, унинг Катта Шур кўлга қуйилиш ерида жойлашган. Юта штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 181,7 минг киши (2000). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тоғли штатларнинг муҳим саноат ва савдо-молия марказларидан. Кончилик ва рангли металлургия (мис эритиш) саноатлари ривожланган. АҚШнинг ғарбий ракетасозлик марказларидан. Радиоэлектроника, хусусан, ЭҲМ, алоқа воситалари ва ҳарбий мақсадлар учун турли жиҳозлар, назорат-ўлчов приборлари, авиация ва автомобиль деталлари, тиббиёт асбоблари, кончилик ва металлургия саноати учун жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари, ун-т бор. Шаҳарга 1847 й.да асос солинган. С.да 2002 й.да қишки 19-Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

СОЛУ (Solow) Роберт Мертон (1924.23.8, АҚШ, Нью-Йорк) — америкалик иқтисодчи. Гарвард ун-тида В. *Леонтьев* кўлида сабоқ олган. Колумбия ун-тини тугатган. С. 1950 й.дан Массачусетс технология ин-тида дарс берган. 1961—63 й.ларда АҚШ Президентининг иқтисодий маслаҳатчиси.

С. ғоялари *неокейнсчилик* таълимотини танқид қилиш асосида юзага келди. С. неокейнсчиликнинг айрим қарашларини танқид қилиш асосида иқтисодий ўсишнинг неоклассик назариясини ривожлантирди ва уни ҳисоблаш усулларини яратди. Иқтисодий ўсишни таъминлашда капиталнинг энг муҳим ўринда туришини кўрсатди. С., шунингдек, бюджет сиёсати назарияси, шаҳарлар иқтисодиёти ва ердан фойдаланиш, ишсизлик назарияси ва б.га ҳам катта ҳисса қўшди. Нобель мукофоти лауреати (1987).

СОЛУР, салур — қадимги туркий-ўғуз қабилаларидан бири. С. лар мил. 2—4-а.ларда турк (хитойча теле) номи б-н аталган 44 туркий қабилалар тарқибида бўлган. Айни замонда телеглар Шарқий Туркистон ҳудудида, Анқарони Тангри тог. ларида яшаган, кейинчалик Туркистон ҳудудида тарқалган. *«Девону лугатит турк»*да С. 22 уруғдан иборат деб кўрсатилган. С.лар қалмиқ Сайхун (Сирдарё, Иссиқкўл атрофидаги жойларда ва унинг шимолидаги Или дареси бўйларида яшаганлар, сўнгра Хоразм ва Хуросонга кўчиб, турли қисмларга бўлиниб кетганлар. С.ларнинг бир қисми ўзларини туркман деб атаган, бошқа бир қисми 1370—1424 йилар Самарқанд орқали Шарқий Туркистонга, сўнгра Хитойнинг ғарбий ўлкалари (Гансу ва Шинжанга борib утроқлашган (қ. *Сариғлар*). Ўз даврида Ғарбга кўчиб кетган С.лар туркий б-н аралашиб кетган. Ҳоз. Туркия ҳудудида ушбу атама б-н аталадиган жой номлари учрайди.

СОЛЬФАТАРЛАР (итал. solfo — олтингугурт) — Ер пўстининг вулканли р-нларида, вулкан кратерлари ва уларнинг ён бағирларидаги майда бушлиқ ва ёриқлардан, қотган лава оқимларидан ажралиб чиқувчи кул миқдорлари иссиқ (100—300°) олтингугурт гази, сув бути ва карбонат ангидрид аралашган водород сульфид газлари. С. сўнмаган вулканлар атрофида учрайди. Аста-секин, аммо узоқ вақт муттасил равишда газлар ажратувчи вулканларга Нелнольц яқинидаги Сольфатара вулкани мисол бўлади. Баъзи С. саноат миқёсида олтингугурт ажратади (яна қ. *Фумаролар*).

СОЛЬФЕЖИО (итал. solfeggio, «соль» ва «фа» мусиқа товушлари номидан) —1) *мусиқа ўқувини* ривожлантиришга мўлжалланган ўқув фани. Нотага қараб куйлаш, куйларни эшитиб нотага ёзиб олиш ҳамда уларни таҳлил этиш каби машқлардан иборат. Ўзбекистон мусиқа таълими тизимининг барча босқичларида, шунингдек, умумтаълим мактабларида («мусиқа» фани таркибида) ўтилади; 2) махсус вокал машқлар (қ. *Вокализ*).

Ад.: Ҳамроев И., Бир овозли сольфежио, Т., 1960; 1971; Ҳамроев И., Мацокина Е., Икки овозли сольфежио, Т., 1970.

СОЛЯР МОЙИ — нефтни ҳайдаш жараёнида ҳосил бўладиган ўзига хос ҳидли мойсимон суюқлик. С.м.нинг кимёвий таркиби ҳайдалаётган нефтга боғлиқ. Қайнаш т-раси 240—400°, 350° да 60—70% ҳайдалади, қотиш т-раси — 20° атрофида, алангаланиш т-раси 125° дан юқори. С.м. мотор ёнилғиси, металларга ишлов беришда тобловчи-совитувчи суюқлик сифатида, кўнчилик, тўқимачилик саноатида ишлатилади.

СОЛЯРИГРАФ (лот. sol(is) — қуёш ва *...граф*) — Қуёш радиациясини қайд қилиб борадиган асбоб. Қуёш нурларини қабул қилиб оладиган термоэлектр асбоб — соляриметр ва уни автоматик тарзда қайд қилувчи қисм — гальванографдан иборат. Соляриметр Қуёшнинг ҳаракатига мослаштирилиб бориши турли, қайд қилувчи қисм эса қоғозларни. С. Қуёш ва Қуёш системасидаги сайёраларни ўрганишда қўлланади.

СОЛЯРИЙ (лот. sol — қуёш) — бемор ҳар қуёш нурида тобланадиган махсус жиҳозланган очиқ майдончa (қ. *Ҳаво ва қуёш ваннаси*).

СОЛҒУРИЙЛАР — Форс (Эрон)даги солғурий атабеклар сулоласи (1148—1270). С. туркманларга мансуб бўлиб, солғур (чуқур солур) қабиласи *салғуқийлар*нинг тарбия юриши чоғида Форсга келиб ўрнашган. С. сулоласи асосчиси Сонқур Жан. Эрондаги мавқеини мустаҳкамлаш учун салжуқийларнинг ўзаро ички низоларидан усталик б-н фойдаланган ва Форс вилоятида мустаҳкам ўрнашиб олган (1148—61). Сўнг ибн Ҳинн лаври (1203—31)да вилоят маълум даражада юксалган бўлса-да, сўнг Хоразмшоҳлар вассалига айланган, ниҳоқ муносабатлари б-н иттифоқчилик мустаҳкамланган. Саъднинг вориси ва ўғли Абу Бакр даври (1231—60)да Форс мўғул хонларидан *Ўқтойхон*, сўнгра *Ҳулокухон*нинг вассали бўлган. Абу Бакр мўғуллардан Қутлуғхон унвонини олган. Унинг набираси малика Абаш хотун (1265—70) Ҳулокунинг ўғли Мангу Темурга турмушга чиққач, С.га қарашли ҳудудлар мўғуллар измига ўтган. Шоир *Саъдий* отабек Абу Бакр саройида яшаган.

СОМ — Қирғизистон Республикаси пул бирлиги. 1993 й. 10 майда муомалага киритилган. 1 С.=100 тийин. Халқаро ифодаси KIS. 1, 5, 10, 20, 50, 100, 200, 500, 1000 номиналдаги банкнотларда чиқарилган. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 42,51 С. (2003, окт.).

СОМ ТИЛЛАРИ — *сом-ҳом* (афроосиё) *тиллари* макрооиласининг бир тармоғи; Ғарбий Осиёда ва Африкада Саҳрон Кабирнинг шим. томонларида (жумладан, барча араб мамлакатларида, Исроил, Эфиопия, Эритрея, Сомали, Жибути, Туркия, Мальта давлатларида, қисман Мали, Чад, Кения, Грузия, Озарбайжон, Арманистоннинг айрим ҳудудларида, АҚШ ва Жан. Африкада) тарқалган тиллар. Бу тилларда 230 млн. дан ортиқ киши сўзлашади. С.т. қуйидаги гуруҳларга бўлинади: шим.-шарқий (оссурий ва бобил лаҳжаларига эга бўлган ўлик *аккад тили*); шим.-ғарбий (жонли тиллар: *иврит* ва Сурия, Эрон, Ироқ, Туркия ва б. ҳудудлардаги янги оромий лаҳжалари; ўлик тиллар: амори, угарит, ханаан, қад. яҳудий тиллари, оромий лаҳжалари, пальмира, набатий, фаластин тиллари ва б.); жан.-марказий (бир-биридан кучли фарқ қилувчи сўзлашув лаҳжалари бўлган *араб тили* ҳамда Малта оллари малта тили); жан.-чекка (жонли тиллар: мехрий, жибболий, сўқотра ва бир қанча ўлик тиллар); эфиоп-сом (жонли тиллар: тиграй, тигре, *амхара*, аргобба; ўлик тиллар: мине, сабе, катабан, эфиоп). Кейинги 3 гуруҳ баъзи адабиётларда «жанубий» ёки «жан.-ғарбий» деб ҳам аталади.

С.т. нинг қад. фонетик тизими араб тилида яхши сақланган. Бу тилларда ундошлар сони чекланган: асосан чўзиқ а, и, у ва қисқа а, и, у. Феъллар ва улар асосидаги номларнинг ўзакларн, асосан, ундошлардан (3 та, баъзан ўзлашма сўзларда ундан ортиқроқ) ташкил топади ва у, асосий луғавий маънони билдиради; қисқа унлиларни ифодаловчи ост-уст белгиларининг ўрни алмашувлари, суффикс, префикс ва инфикслар маъноии муайянлаштириш ва грамматик категорияларни ифодалаш учун хизмат қилади. Мас. арабча «ктб» ўзагидан қуйидагиларни ўқиш мумкин: «катаба» — у ёзди, «кутиба»— ёзилди, «актаба» — ёздирди: «китоб» — ёзувчи, мирза, «китоб» — хат ёки китоб, «мактаб» — ёзиш жойи ва вақти, мактаб ва б. С.т. да феъллардаги нисбатлар, баъзан майллар, бир қатор маъно нозикликлари «боб» (араб.-нав; бошқа тилларда ўзак, асос тушунчаларига тўғри келади)лар орқали ифодаланади. Боблар феълнинг дастлабки маъносини у ёки бу даражада ўзгартиради. Сўз ясалиши ҳам, асосан, унли ва ундошларнинг ўрин алмашуви ва қисман аффиксация орқали амалга ошади. Одатдаги сўз тартиби: кесим, эга, тўлдирувчи; аниқловчи доимо аниқланмишдан кейин туради. С.т. да барбар, кушит, роман, туркий, юнон тилларидан ўзлашган сўзлар учрайди.

С.т. нинг энг қад. ёдгорликлари аккад тилидаги *мисқат* ёзувлари ва *миср ёзуви*даги фаластинча атоқли исмлар ва жой номларидир (мил. ав. 3—2-минг йилликлар ва мил. 1-минг йиллик); шунингдек, қад. яҳудий ва иврит тилларида (мил. ав. 12-а.дан финикий ёзувида), оромий лаҳжалари, айниқса, сурёний лаҳжасида (мил. ав. 8-а.), эфиоп тилида (4—20-а.лар, бўғинли эфиоп ёзувида) ҳам кўплаб ёзма манбалар мавжуд. Араб тилида жуда бой адабиёт сақланган (4-а.дан араб ёзувида). Угарит, финикий-пуна, мине, катабан тилларида ҳам мил. ав. 14—13- ва мил. 4-а.ларга оид матнлар сақланганлиги маълум. С.т. дан араб тили — оромий ёзувидан келиб чиққан араб ёзувидан, иврит — анъанавий қад. яҳудий ёзувидан, амхара ва тиграй тиллари — бутунли эфиоп ёзувига асосланган ўз ёзувларидан, малта тили эса лотин алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланади.

Ад.: Крымский А. Е., Семитские языки и народы, 2-изд., ч. 2-3, М., 1909—12; Гранде Б. М., Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении, М., 1963.

Абдуқодиров Мадвалиев.

СОМАЛИ — Шарқий Африкадаги ярим орол. Ҳинд океанининг Адан кўлтиғи ўраб туради. Ер юзасининг катта қисми денудацион плато, шимда тоғлар бор (энг баланд жойи 2406 м). Иқлими субэкваториал, шимда тропик иқлим. Йиллик ёғин 100—600 мм. Дарёлари мавсумий. Соҳил қисми чўл, акацияли чала чўл, марказий қисми қуруқ саванналардан иборат. Дарё водийларида ўрмонлар бор. Ярим оролда *Сомали, Жибути* ва *Эфиопия*нинг шарқий қисми жойлашган.

СОМАЛИ (Soomaaliya). Сомали Демократик Республикаси (Jamhuuriyadda Dimoqraadiga ee Soomaaliya) — Шим.-Шарқий Африкада, Сомали я.о.да жойлашган давлат. Майд. 638 минг км². Аҳолиси 7,8 млн. киши (2002). Пойтахти — Могадишо ш. Маъмурий жиҳатдан 18 вилоят (region)га бўлинади.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 1990 й. қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан муваққат президент

СОМАЛИ
1:30 000 000
Бабуги
Босасо
2406
Берберо
Харгейса
Гальмайо
Беледуэйне
Ал-Дере
Байдаба
Афлойе
МОГАДИШО
Мерка
Жамаме
Кисимайо
Экватор
50° шв. у.
1 Жибути

Сомали герби.

Абдулқоссим Салад Ҳасан). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент (Ўтиш миллий мажлиси), ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Қирғоқ чизиғи кам парчаланган, соҳилининг аксари пасттекислик. С. ҳудудининг марказий қисмини 500—1500 м баландликдаги плато эгаллаган. Унинг шим. чеккалари баландлашиб бориб, массивларга бўлинган. С. Африка платформасининг шим.-шарқида жойлашган. Энг баланд жойи — Шимбирис тоғи (2406 м). Пьезокварц, тантал, ниобий, қалай, уранторий, темир руда ва тоштуз конлари бор. Иқлими экваториал, муссонли, қурғоқчил. Шим.да тропик чўл ва чала чўл иқлим. Йиллик ёғин жан. ва ғарбда 500—600 мм, шарқда 100 мм гача. Ёмғир, асосан, апр.—июль ва окт.—дек. ойларида ёғади. Шим.да янв.нинг ўртача т-раси 25—30°, июлда 32°. Асосий дарёлари — Жуба ва Ваби-Шабалининг қуйи оқимида кема қатнайди. Ҳудудининг катта қисми чўл. Тупроғи қизғиш-қўнғир ва қизил-қўнғир. Ўсимлик сийрак. Дарё водийлари ва жан. даги соҳилда тропик ўрмонлар, тоғларда эфир мойли дарахт ва бутазорлар, воҳаларда хурмо ва кокос пальмазорлари бор. Жан.-ғарбдаги саванна ва чала чўлларда кийик, зебра, қўтос, жирафа, арслон, қоплон, сиртлон, чиябўри, фил, тўнғиз, дарёларда тимсоҳ, ўрмонларда маймунлар яшайди. Заҳарли илон, қуш кўп.

Аҳолисининг кўпчилиги — сомалилар (95%); араблар, африкалик бантулар ва б. ҳам яшайди. Расмий тил — сомали ва араб тиллари. Шаҳар аҳолиси 37,2%. Ҳукмрон дин — ислом. Йирик шаҳарлари — Могадишо, Харгейса, Бербера, Кисимайо, Байдабо.

Тарихи. С. ҳудуди қадимда Пунт деб аталган, бу ерда палеолит давридаёқ манзилгоҳлар бўлган. Мил. 1-а.да йирик шаҳарлар пайдо бўлиб, уларнинг аҳолиси араб, ҳинд ва юнонлар б-н савдо қилган. 7—8-а.ларда мусулмон араблар кўчиб кела бошлаган. 12—16-а.ларда Зейла (Адал), Ифат, Ҳадя ва б. султонликлар бўлган. 16-а. охири — 17-а. бошларида улар майда амирликларга бўлиниб кетган. 17—19-а.ларда С. ҳудудининг бир қисми Уммон, Занжибар султонлиги, Туркия қўл остида бўлган. 19-а. охирида Сомали я.о.ни қўлга киритиш учун Европа давлатлари ўзаро кураш бошлади. 20-а. бошларига келиб С. уч давлат (Буюк Британия, Франция, Италия) мустамлакасига айланди. Мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши 1899—1920 й.ларда бир неча марта қўзғолон кўтарилди. 2-жаҳон уруши вақтида Италия армияси Британия С.сини босиб олди. 1941 й. бошларида инглиз аскарлари бу ерлардан Италия армиясини суриб чиқариб, оккупация тартибини ўрнатди. Уруш йилларида дастлабки сиёсий ташкилотлар тузилди. Урушдан сўнг миллий озодлик ҳаракати авж олди. 1960 й. собиқ Британия ва Италия С.лари бирлашиб, мустақил С. Республикаси ташкил этилди. Аммо мамлакатда турли кучлар ўртасидаги ўзаро кураш тухтамади. 1969 й. ҳарбий гўпториш солир бўлди, президент А. А. Шермарк ўлдирилди. С. Демократик Республика деб эълон қилинди, ҳокимият ҳарбийлар қўлига ўтди, генерал Муҳаммад Сиад Барре президент бўлди. Бир қанча илгор ислоҳотлар ўтказилди. 1991 й. янв.да ҳукумат қўшинлари б-н мухолифатчи гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар натижасида Бирлашган С. конгресси (БСК) ҳокимиятни қўлга олди, президент М. С. Барре лавозимидан четлатилди, Али Маҳди Муҳаммад муваққат президент этиб тайинланди. Ўша йил нояб.да БСК фракциялари ўртасида можаро чиқди. Генерал Муҳаммад Фараҳ Айдид бошчилигидаги фракция муваққат президент тарафдорларига қарши қуролли ҳаракат бошлади. Уруг-қабилачиликка асосланган гуруҳларнинг можароси мамлакатда давлат ҳокимиятининг барбод бўлишига олиб келди. 1992 й. октябрда С. шимолида БМТ тинчликпарвар кучлари жойлаштирилди. 2000 й. май — авг. ойларида Жибутининг Арта ш.да Африка ва Европа давлатлари воситачилигида ўтказилган анжуманда С.даги турли уруғларнинг вакиллари Ўтиш миллий мажлиси — парламентни сайладилар, шу парламент мамлакатнинг муваққат президентини сайлади. С. — 1960 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 1 июль — Мустақиллик куни (1960).

Сомали байроги.

Могадишо шаҳри.

Сиёсий партиялари ва гуруҳлари, касаба уюшмалари. Бирлашган С. конгресси, ҳарбий-сиёсий гуруҳ, 1989 й. тузилган; С. инқилобий социалистик партияси, 1976 й. таъсис этилган; С. миллий альянси, ҳарбий-сиёсий гуруҳ, 1992 й. ташкил қилинган. С. касаба уюшмалари умумий федерацияси, 1977 й. тузилган.

Хўжалиги. С. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши 59%, саноат улуши 10%, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 30 % дан зиёд.

Иқтисодиётнинг асосини қ.ҳ., жумладан, кўчманчи чорвачилик ташкил этади. Туя, қорамол, қўй ва эчки боқилади. Қ.х.да маккажухори, оқ жухори, ер ёнгоқ, шоли ва б. экилади. Четга сотиш учун банан, шакарқамиш, пахта, тамаки етиштирилади. Соҳилда балиқ овлаш ривожланган.

Саноати, асосан, қ.х. хом ашёси ва балиқни қайта ишлайдиган айрим корхоналардан иборат. Кисимайодаги гўшт к-ти, Могадишодаги сут з-ди, Ласкорайдаги балиқ консерва з-ди, Жоуҳардаги қанд-шакар з-ди уларнинг энг йирикларидир. Тўқимачилик, кўнчилик, металл ишлаш, пахта тозалаш, ёг, бинокорлик материаллари ва б. корхоналар ҳам бор. Ҳунармандчилик (заргарлик, қуролсозлик, суяк ўймакорлиги, тўқувчилик, тери ишлаш) ривожланган. Оз миқдорда ниобий рудаси ва тоштуз қазиб олинади. Т.й. йўқ. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 2 минг км. Асосий денгиз портлари: Бербера, Могадишо, Кисимайо, Мерка. Могадишода халқаро аэропорт бор. Четга тирик чорва (экспортнинг 80% дан ортиги), банан, гўшт, хом тери, гўшт ва балиқ консерваси, қимматбаҳо ёғоч турлари чиқаради. Четдан саноат моллари, машина ва транспорт ускуналари, нефть маҳсулотлари олади. Саудия Арабистони, Япония, Италия, АҚШ, Германия ва б. мамлакатлар б-н савдо қилади. Пул бирлиги — сомали шиллинги.

Тиббий хизмати. Аҳолига тиббий ердам давлат даволаш муассасаларида кўрсатилади (1970 й.дан бепул.) Врачлар Миллий ун-тнинг тиббиёт ф-тида ва чет эллларда тайерланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 20-а. бошларида диний ва аср ўрталарида ўрта мактаблар очила бошлади. 1974 й. мажбурий 8 й.лик таълим жорий этилди. Шундан сўнг қўйидаги таълим тизими вужудга келди: 5—6 ёшли болалар учун диний мактаб, 7 ёшдан бошлаб 4 й.лик бошланғич, 4 й.лик тўлиқсиз оралиқ, 4 й.лик тўлиқ ўрта мактаб. Бошланғич мактаб учун ўқитувчилар оралиқ мактаб негизида 3 й. давомида, оралиқ мактаб учун ўқитувчилар эса 4 й. давомида тайерланади, ҳунар-техника тайёргарлиги 2—4 й. давомида амалга оширилади. Могадишодаги С. миллий ун-ти (1954)да дарслар сомали, араб, инглиз ва итальян тилларида олиб борилади. Могадишода индустриал, тиббиёт, денгизчилик ва балиқчилик, ветеринария, ислом мактаблари, Бурао ва Харгейсада техника коллежлари бор. Илмий муассасалари: Маданият академияси (1972), Харитаграфия департаменти (1966), С. тараққиёт ва бошқарув ин-ти (1966), Геол. департаменти (1964), Марказий қ.х. илмий-тадқиқот ст-яси (1965), Гигиена ва касалликларнинг олдини олиш лаб. ва б. Миллий ун-т кутубхонаси ва б. кутубхоналар, Могадишода миллий музей мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ.лари «Хиддигта Октобар» («Октябрь юлдузи», сомали тилида чиқадиган кундалик ҳукумат газ., 1973 й.дан), «Хорсейд» («Илгор», итальян ва араб тилларида чиқадиган ҳукумат ҳафтаномаси, 1965 й.дан), «Хеган» («Сергак», инглиз тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1978 й.дан). С. миллий ахборот агентлиги (СОННА) ҳукуматга қарашли бўлиб, 1963 й.да ташкил этилган. С. радиоэшиттириш хизмати, Харгейса радиоси, Могадишо радиоси сомали, араб, амхара, итальян, суахили, француз ва афар тилларида эшиттириш олиб боради. Миллий телекўрсатув хизмати 1983 й.дан ишлайди.

Оромо халқи яшайдиган қишлоқ.

Адабиёти. Сомалиларнинг оғзаки ижодиёти бой. Турли даврларда султон Вийл-Ваал (16-а.), Рааге Угас (19-а. охири — 20-а. ўрталари), миллий қаҳрамон Муҳаммад бин Абдулло Саид ал-Ҳасан (1860—1920), Али Дух, Каман Булхан (19-а. охири — 20-а. 40-й.лари), лашкарбоши Исмоил Мире (1884—1950) каби шоирлар машҳур бўлган. 2-жаҳон урушидан кейин шоир Абдуллоҳи Султон (Тимоалде), Абдуллоҳи Қарше (миллий малҳия муаллифи), шоир ва драматурглар Ҳусайн Али Фараҳ, Али Сугулле, Ҳасан шайх Мўмин миллий озодлик ва ватанпарварлик руҳида асарлар ёзишди. Қосим Ҳилолий Скиффо, Абдуллоҳи Исса Сангуб, Мусоҳожи Исмоил Галал жўшқин шеърлар б-н майдонга чиқдилар. Нуриддин Фараҳнинг «Қийшиқ қобиргалан», Фараҳ Муҳаммад Жоми Аулнинг «Жаҳолат — муҳаббатнинг душмани», Муҳаммад Дахир Афрахнинг «Мана-Фай» асарлари дастлабки сомали романларидир. 20-а. охирларида Муҳаммад Иброҳим, Муҳаммад Хаши Дама, Абди Қайс каби адиблар ижод қила бошладилар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ўтроқ аҳоли новдадан тўқиб, сирти лой б-н сувалган кулбалар ва бостирмасимон синчли иморатлар («мондулло»), кўчманчилар эса новдадан тўқилган, сомон, туя териси ва бўйра б-н қопланган йигма ўтовлар («аггал»), соҳил аҳолиси тўртбурчак, ясси томли, икки нишабли уйлар («яриш») қурадилар. 8-а.дан порт шаҳарларда араб меъморлиги руҳида оҳактош-чиғаноқдан бинолар, масжидлар барпо этилган. Зейладаги мачит (12-а.), Могадишодаги Арба-Рукун (1268), Фахриддин (1269), Абдул Азиз (1307), Бравадаги Абукар Саид (15—16-а.лар) масжидларининг қолдиқлари, Могадишодаги минора (1238) сақланган. 19-а. охири — 20-а. бошларида шаҳарлар қурилиши қоришиқ меъморлик руҳида олиб борилди. 60-й.лардан бошлаб шаҳарларни режалаш ва ободонлаштириш ишлари тартибга солинди, уй-жой қурилиши ривожланди. Бу ишларга Х. Дири ва б. меъморлар бошчилик қилди. Жамоат ва саноат иншоотлари қурилди, миллий озодлик кураши қаҳрамонлари шарафига обидалар қўйилди.

С.да тасвирий санъат унча ривожланмаган. Қад. ёдгорликлар — мил. ав. 1-минг й.лик — 600 й.ларга мансуб қояларга ўйиб ишланган ёки бўёқ б-н чизилган жониворларнинг расмлари, тош қабрлар, нақшланган ёдгорлик тошлари сақланган. 1960 й.дан кейин махсус таълим олмаган бўлса ҳам рангтасвирдан хабардор рассомлар ишлай бошлади. Уста Абди Муҳаммад маҳаллий мавзуларда манзарали композицияларни чизади, рассом Сўфий халқ турмуши, маҳаллий урф-одатларни ифодалайди. Бадиий ҳунармандликда ёғочсозлик катта ўрин эгаллади. Ёғочдан турли рўзғор анжомлари, эгар, болалар ўйинчоқлари ясалиб, уларга мураккаб нақшлар солинади. Новдадан гулдор сават, кажава, турли идиш, безаклар ясалади. Кулоллик, кўнчилик ривожланган. Кўчманчиларда буқа, фил, каркидон терисидан эгар-жабдуқ, жуздон, соябон, қин ясаш одат бўлган.

Мусиқа маданияти қадим замонларда вужудга келган. Ўрта асрлардаги С. мусиқасида араб маданиятининг таъсири сезилади. Бир қанча халқларда, айниқса, кўчманчиларда меҳнат жараёни ва халқ турмуши б-н боғлиқ бўлган қад. мусиқа шакллари ҳали ҳам сақланиб қолган. Ов б-н боғлиқ мусиқий жанрлар кенг тарқалган. Ҳайвон қиёфасига кириб ижро этиладиган, ов бошланишига, ёмғир мавсумига, никоҳ тўйига, фарзанд туғилишига бағишланган анъанавий рақс ва қўшиқлар бор. Қишлоқ жойларда дала ишлари, туя суториш б-н боғлиқ қўшиқлар ёнига сиёсий воқеаларга бағишланган қўшиқлар (хесс) қўшилди. Чолғу асбоблари — чапуа барабани деб аталган маросим чолғусидан ташқари думаари, медонде, насаро деб аталган катта-кичик барабанлар мавжуд. Кинаанда удни, шарееро гитарани, сеезе бир торли скрипкани эслатади. Замонавий мусиқада ев-

Сомали. Саванна жирафалари.

ропача санъатга, кўпроқ эстрада жанрларига анъанавий шооба, береи ва б. услублар сингдириб юборилган. М. А. Сангуба, А. Нажи, Али Жерир каби композиторлар, Муҳаммад Жама Жоф, Али Элми каби хонандалар, Халида Абдуллоҳи Даллес, Харера Исмани Луния каби шоира-қўшиқчилар машҳур. Могадишодаги Миллий театрда мусиқа фестивраллари ўтказилади. Муҳаммад Иссе раҳбарлигидаги С. рақс ансамбли (1971 й.да тузилган) хорижий мамлакатларда гастролда бўлади.

СОМАЛИ, сомали тили — *сомҳом тиллари* оиласининг *кушит тиллари* шарқий гуруҳига мансуб ва Сомалида, Жибути жан.да, Эфиопия шарқида ва Кениянинг шим.-шарқида тарқалган; араб тили б-н бирга Сомали Демократик Республикасининг расмий тили. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 9 млн. кишига яқин. Асосий лаҳжалари: исаак, иссе, дарод, дагил, хавия ва б. С.т.да чўзиқлиги ва ҳосил бўлиш ўрнига кўра фарқланувчи 20 та унли бор, унлилар гармонияси мавжуд; сўз урғуси эркин. Морфологиясида отлар 2 жинс категориясига эга, 4 келишик бўйича ўзгаради. Суффиксация ва сўз қўшиш асосий сўз ясовчи воситаларидандир. Луғат таркибида кўплаб арабий ўзлашмалар учрайди. С.т. учун 1973 й.дан лотин графикаси асосидаги ёзув жорий қилинган.

СОМАЛИЛАР — халқ. Сомалининг асосий аҳолиси (6,1 млн. киши). Шунингдек, Эфиопия, Кения ва б. жойларда ҳам яшайди. Умумий сони 7,7 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Сомали тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. С., асосан, чорвачилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик (сорго, тамаки, пахта ва б.) ва дарё бўйида яшовчилари балиқ овлаш б-н шуғулланади.

СОМАТИК НЕРВ СИСТЕМАСИ — одам ва ҳайвонлар *нерв системаси*нинг бир қисми. Тана мускулларини, тери ва бўғимларни *иннервация*лайди; организмнинг сенсор ва мотор функцияларини таъминлайди. Умуртқали ҳайвонларда скелет кўндаланг тарғил мускуллари С. н. с. ҳисобланади. Уларни орқа мия олд шохларининг мотонейронлари ва бош мия устуни қисмининг баъзи мотор ядролари иннервация қилади. Бу мотонейронлар ҳаракатининг уйғунлиги тўғридан-тўғри ёхуд мускул, пайлардан ахборот оладиган нейронлар, шунингдек, бош миянинг турли қисмларидаги марказлар ва б. сенсор ёки сезувчи мотонейронлардан келувчи интернейронларнинг синаптик таъсири воситасида ҳосил қилади. Нерв системасининг соматик ва висцерал, яъни ички нерв системасига ажратилиши (қ. *Вегетатив нерв системаси*) шартлидир.

СОМИЙ ШАМСУДДИН (1850.17 Янв — 1904.1.6, Истанбул) — турк. ишкиловедист олими. Юнон, итальян, француз тиллари, геогр., математика, тарих, тиббиёт, кимё тарихи бўйича мутахассис. Истанбулда турли лавозимларда ишлаган. С.Ш. «Франшуча — туркча луғат» (1-ж., 1882; 2-ж., 1888; 3-ж., 1901; 4-ж., 1905), «Қомус ул-аълом» («Машҳур шахслар қомуси») (1888–98 йлар, 6 жилдли), «Қомуси туркий» (2 жилдли), «Қомуси арабий» ва б. китоблар муаллифи. Асарлари жаҳон фани тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

СОМИЙЛАР, семитлар [қад. яҳудийча Шем ёки Сим (Сом) — Нуҳ ўғилларидан бирининг номи] — 1) Олд Осиёда ўз давлатларини барпо этган ва *сом тиллари*нинг аждоди бўлган тилларда сўзлашган қад. халқлар (ҳозирги С.нинг ота-боболари); 2) сом тиллари оиласига кирадиган тилларда сўзлашадиган қад. ва ҳоз. халқлар.

«С.» термини фанга 18-а.нинг 80-й.ларида немис олимлари А. Л. Шлёцер ва И. Г. Эйхгорн томонидан киритилган. «*Библия*»нинг «*Қадимий аҳд*» қисмида бир қанча халқлар афсонавий *шажара* асосида умумий ном б-н «Сим ўғиллари» деб аталган. Бирор халқни С.га киритишнинг асосий шарти сом тилларида сўзлашганлиги (ёки сўзлашиши) дир. Сом тиллари сом-ҳом тиллари оиласининг бир тармоғини ташкил этади. С. тил жиҳатидан қад. мисрликларга қардошдир.

Фандаги маълумотларга кўра, С.нинг аждодлари қалимда Саҳрои Кабирнинг шим. да яшаган деб тахмин қилинади. У ердан тахм. мил. ав. 5-минг йиллик бошларида иқлим шароитларининг кескин ўзгариши натижасида шарққа қараб силжиган бўлсалар керак.

Энг кенг тарқалган фикрларга кўра, мил. ав. 4-минг йиллик охири — 3-минг йиллик бошларида С. катта гуруҳ (Шарқий ва Ғарбий)га бўлинган (тилга қараб). Шарқий (шим.-шарқий) гуруҳ Жан. икки дарё оралиғининг шим. қисмида жойлашади ва шумерлар б-н қўшилади (мил. ав. 3-минг йиллик боши). Бу гуруҳ вакиллари аккад тилида сўзлашган. Мил. ав. 3-минг йиллик ўрталарида аккадликлар Жан. икки дарё оралиғининг жан. қисмларига кириб боради, сўнгра С. нинг шим.-шарқий гуруҳ тили шумер тилини сиқиб чиқаради. Бу гуруҳнинг кейинги тақдири Аккад. Осиёси. Бобил тарихи б-н боғлиқ.

С.нинг Ғарбий гуруҳи, ўз навбатида, 2 ёки 3 гуруҳга бўлинади. Шим. ғарбий гуруҳи Фаластин, Сурия, Шим. икки дарё оралиғида 2 марта келиб жойлашган бўлиб, унинг вакиллари амориллар ва ханаанлар, кейинчалик финикиялар ва яҳудийлар (мил. ав. 2-минг йиллик охиридан) ва С.нинг алоҳида гуруҳи — арамеялар бўлиб, арамеяларнинг алоҳида қабилалари (халдейлар) Жан. икки дарё оралиғига силжиган ва ҳатто Тигр дарёси бўйларигача кириб борган. С.нинг 3-ғарбий-сомий) гуруҳи мил. ав. 2-минг йилликда Арабистонга оқдулини эгаллаган. Шу гуруҳнинг бир қисми у вақтда Жан. Арабистондаги қад. давлатлар (Маина, Саба, Катабан, Хадрамаутнинг аҳолиси (минейлар, хадрамаутлар, сабейлар, катабанларни ташкил этган. Бу гуруҳ вакиллари мил. ав. 1-минг йилликда Эфиопия (Ҳабашистонга тарқалган бўлиши эҳтимол. Жан. С.нинг шим. гуруҳи мил. ав. 2- ва 1- минг йилликда ливъячилар, самуд ва б. дан иборат бўлган, мил. ав. 1-минг йиллик бошларида улар бир умумий ном б-н *арабла*р деб аталган. Арабларнинг Арабистон я. о. дан бошқа мамлакатларга чиқиши (мил. 7-а.) С.нинг кенг миқёсда тарқалишидан бири ҳисобланади. Ҳозир сомий тилида сўзлашадиган халқларга: арабларр, Жан. Арабистонда яшайдиган Жанубий С.нинг жан. қичик гуруҳи авлодлари (махри ва шахрилар, Сокотра о. аҳолиси), Эфиопияда яшайдиган амхара ва б. халқлар, Исроил яҳудийлари, сурияликлар киради.

Ад.: Дьяконов И. М., Семитохамитские языки, М., 1965; Крачковский И. Ю., Очерки по истории русской арабистики, Соч., т. 5, М.–Л., 1958; Крымский А., Семитские языки и народы, т. 2–3, М., 1909–1912.

Жамил Тўрақулов.

СОМНАМБУЛИЗМ (лот. somnus — уйқу ва ambulo — юрмоқ), лунатизм — уйқуда юриш, бунда бемор уйқуда одатдаги ҳаракатларни гайриихтиёрий бажаради (мас., юради, кийинади, буюмларини олиб тахлайди) ва яна ўрнига ётиб уйқусини давом эттиради. Кучли товуш ёки бирор таъсирловчи ёрдамида уйғотилса, у дарров ўзига келади ва қилган хатти-ҳаракатларини мутлақо эслай олмайди. Бунга ўхшаш ҳолат *эпилепсия*да ҳам кузатилади, шу боис уни С.дан фарқлаш лозим. С. жуда чарчаб қолганда, астеник *невроз*лар-да, *истерия*да,оғир касалликлардан тузалаётганда пайдо бўлиши мумкин. С. уйқу пайтида мияда нерв системасининг тормозланиши механизми ҳаракат функциясини бажариладиган соҳасига тарқалмасдан рух беради. Натижада, кўпгина тормозланишга ухлаб ётган одамнинг тушида гапиришни, ўрнидан туриб юришни мисол қила олади. Баъзи дарё рух-рост бўлишилар С. деб аталади. Бунда ухлаб ётган одам ўрнидан туриб, мақсадсиз юради ёки кўрган тушига қараб ҳаракат қилади, ҳатто уйқудан туради, бироқ ҳеч нарсани эслаб қолмайди. С.га учраган истерик табиатдан одам бўлган тақдирда ҳеч ўзгариш ясаб ташлайди.

С. хуружлари пайтида уйқудаги одам йиқилиб тушиши, жароҳатланиши мумкин, шундагина у уйғониб кетади. Бахтсиз ҳолисга рух бермасликни учун С.га учраган киши ётган уйининг деразалари ва эшикларини ёпиб, электр асбобларини учириб қўйиш лозим. С. б-н касалланган одамни ҳудди ухлаб ётган одамни уйғотгандек оҳиста, паст овоз б-н уйғотиш лозим. С.га мубтало бўлган одам уйини текширтириши ва даволаниши керак.

СОМОН — ғоят майдаланган галла пояси; ем-хашак. Бугдой, арпа, жавдар, сули ва б. галла экинларини хирмонда ҳўкиз, от, эшак б-н янчишда (ҳўп) мол туёғи таъсирида поя эзилиб, майда С. ҳосил бўлади. 100 кг баҳорги арпа ва бугдой С.нининг тўйимлиги 22–33 озуқа бирлигига тенг. Бугдой ва арпани комбайнда янчишда эса бирларининг кўп қисми янчиш жараёнида майдаланиб, вентилятор шамоли таъсиридан учиб кетади, майдаланмаган поя кўп чиқади. С.да 30–42% клетчатка, 35–40% атрофида азотсиз экстракт моддалар, 1,3–2,8% протеин ва б. бор. Молларга едиришдан олдин С.га махсус усулларда: қайноқ сувда бўктириш, қайноқ бугда буглаш, барда, лавлаги турпи, қирқилган илдизмевалар б-н аралаштириш, каустик сода, кальцийли сода, аммиакли сув, суюқ аммиак ва оҳак суви, ош тузи, карбамид эритмаси б-н ишлов бериш унинг ҳушхўрлиги ва тўйимлилигини оширади. С.дан моллар тагига тўшама учун фойдаланилади. Шунингдек, С. маҳаллий қурилиш материали ҳисобланади, сомонсувоқда лойга қўшилади, сувоқнинг мустаҳкамлиги ва ёрилмаслигини таъминлайди.

СОМОН ЙЎЛИ — Шим. қутби *Вероника сочлари* юлдуз туркумида бўлиб, осмонни деярли катта айлана бўйлаб ураб олган хира нурланувчи йўл; Шим. ярим шардаги Оққуш юлдузлари туркумидан бошланиб, жан.га иккита алоҳида тармоқ ҳолида чўзилади ва бизга кўринмайдиган *Жанубий Бут* юлдуз туркумида бирлашади. С.й.нинг тузилиши жуда мураккаб: баъзи жойда 30 тача кенгайса, баъзи жойда 4–5° тача тораяди. С.й.нинг равшанлиги ҳамма жойларда бир хил эмас. С. йўлнинг энг хира қисми Аравакаш юлдуз туркуми атрофида жойлашган. *Галилей* 1610 й.да С. й.ни кузатиб, унинг жуда кўп сонли хира юлдузлар тўпламидан иборатлигини тасдиқлади. С.й. юлдузлари тўпламлари тартибсиз бўлмай, ўзаро тортиш кучи б-н боғланган системани ҳосил қилади. Бу юлдузлар системаси *Галактика* деб аталиб, унинг маркази Оққуш, *Қавс* юлдуз туркумлари оралиғида жойлашган.

Сомон йўли. Ер сунъий йўлдошидан олинган сурат.

СОМОНИЁН ЧЎҚҚИСИ — Ўрта Осиёдаги энг баланд чўққи (7495 м). Номидаги Фанлар Академияси тизмасида, ундан Пётр I тизмасининг ажралган жойида. Ён бағирлари, асосан, қалин фирн ва муз қатлами б-н қопланган. Чўққига биринчи марта Тожикистон-Помир экспедицияси қатнашчиси Е. Абдалаков чиққан (1933).

СОМОНИЙ — Тожикистон Республикаси пул бирлиги. 2000 й. 30 окт.да муомалага киритилган. 1 С.=100 дирҳам. Халқаро ифодаси TAC. 1, 5, 10, 20, 50, 100 номиналлари банкнотларда чиқарилади. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 3,09 С. (2003., окт.).

СОМОНИЙЛАР — 9–10-а.ларда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сулолалар. С.нинг оилавий нисбаси, яъни ота. С.нинг аждоди бўлмиш Сомони уларнинг аждоди бўлмиш Сомонхудот исми б-н боғлиқ. Сомонхудотнинг келиб чиқиши ҳақида турли хил маълумот ва фикрлар мавжуд. Абу Бакр *Наршахий* (10-а.) ва Ҳамза Исфаҳоний (10-а.) келтирган маълумотларга қараганда, Сомонхудот Балх вилоятидаги Сомон қишлоғидан, ал-Муқаддасий (10-а.) нинг маълумотига кўра эса, у Самарқанд вилоятидаги Сомон номли қишлоқдан бўлган. «Саъдийа» номли асардан (17-а.) да келтирилган маълумотларга кўра, унинг асл исми Арқуқ бўлиб, у Фарғонадан Термизга кўчиб келган ва у ерда Сомон номли да Бухоро, Фарғона, Тохаристон, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сулолаларга асос солган. Ўрта асрларшунослигига асос солган. Ўрта асрларкишлоғига асос солган.

Хутталон ва ў. вилоятларда ҳам Сомон номли қишлоқлар бўлганлиги қайд этилган. Бу маълумотлар «Сомон» топонимни ўрта асрларда Ўрта Осиё ҳудудларида ва ундан ташқари ерларда ҳам кенг тарқалган жой номи бўлганлигидан далолат беради.

Кўпчилик манбалар (Ҳудуд ал-олам, Ибн Ҳавқал, Беруний, Гардизи ва ҳ.к.) га кўра, Сомонхудот сосонийлар давридаги машҳур саркарда *Баҳром Чўбин* (6-а.) нинг 4- ёки 5-пуштидаги авлоди бўлган. Баҳром Чўбининг келиб чиқиши *эфталийлар* б-н боғлиқ. У сосонийларга қарши кўзғолон кўтариб (590 й.) мағлубиятга учрагандан кейин Фарғонага қочиб келган ва туркий маликага уйланиб, умрининг охиригача ўша ерда қолиб кетган. Унинг авлодлари ҳам ўзларини подшоҳлар оиласига мансуб деб ҳисоблаганлар ва Сосонийлар давлатидаги шаҳаншоҳлар олий тахтига даъво қилганлар. Сомонхудотнинг шажарасида келтирилган аждодларидан айримларининг (Жуба, Жамчан, Тамғас каби) туркий исмлари бўлган. Шунинг диққатга сазоворки, туркийларнинг ривоятларида Сомон-ябғу (яъни Сомонхудот) туркийларнинг ўғузхонлан кейинги даврларда яшаган аждодлари қаторида тилга олинган.

Ўрта Осиёга араблар бостириб келганда, Сомонхудот, айрим маълумотларга кўра, Балх вилоятидан Марвга Хуросон амири Асад ибн Абдуллоҳ ал-Қушайрий (725/727 ва 735/738 й.лар)нинг олдига келиб, ундан душманларига қарши қуролли ёрдам беришини сўрайди. Араблар ёрдамида душманларини енггач, Сомонхудот ислом динини қабул қилади ва ўғлининг исмини амирнинг шарафига Асад қўяди. Асаднинг Нуҳ, Аҳмад, Яҳё ва Илёс исмли ўғиллари ал-Маъмуннинг Марвдаги саройида хизматда бўлган ва *Рофи ибн Лайс қўзғолони*ни бостиришда фаол қатнашган. Бунинг эвазига ал-Маъмун уларни бир

нечта вилоятларга амир этиб тайинлайди (819—820 й.). Хусусан, Нуҳ — Самарқанд амири, Аҳмад — Фарғона амири, Яҳё — Шош ва Уструшона амири, Илёс эса Ҳирот амири этиб тайинланади. Улар дастлаб Хуросон амирлари бўлган *тоҳирийларга* тобе бўлган ва ҳарбий куч тўплаб, Араб халифалигининг шарқий чегараларини қўриқлаб туришган, шунингдек, шим.даги туркларга қарши бир неча бор юришлар қилишган. *Нуҳ ибн Асад Исфижобни босиб олиб (840 й.),* уни ўзига тобе қилади. Шундай қилиб, aка-укаларнинг *тўнғичи бўлган Нуҳ ибн Асад* Самарқанд ва Суғднинг катта қисмини, шунингдек, Фарғона ва б. бир қанча шаҳарларни ўз ҳокимияти остида бирлаштиради. Нуҳнинг вафо*тидан кейин (842 й.)* сулоладаги етакчилик унинг укаси Аҳмад ибн Асад оиласига ўтади. Унинг 7 та ўғли бўлиб, улар отасининг вафотидан кейин (866 й.) Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарларида ҳокимиятни ўз қўлларига оладилар. Фақат Бухоро ш. тоҳирийлар қўлида эди. Илёс ибн Асад вафотидан кейин унга қарашли бўлган Ҳирот ш.да ҳам ҳокимият С.нинг қўлидан кетди. Тоҳирийлар ҳокимияти тугатилгандан кейин (873 й.) Бухорода бир муддат сиёсий беқарорлик ва тартибсизликлар юз берди. Шунда С. оиласининг бошлиғи бўлган Наср ибн Аҳмад маҳаллий деҳқонлар таклифига биноан, Бухорога укаси Исмоил ибн Аҳмадни ҳоким қилиб юборади. Шундай қилиб, Бухоро ҳам С. қўлига ўтиб, уларнинг қудрати яна ҳам ортди. Наср даврида С. туркларнинг Шовғар ш.га юриш қиладилар. Деярли бутун Ўрта Осиё ерлари уларнинг ҳокимияти остида бирлашгандан кейин оила бошлиғи Наср халифа ал-Муътамиддан Мовароуннаҳрни бошқаришга махсус ёрлиқ олди (875 й.). Кўп ўтмай Исмоил акаси Насрга бўйсунишдан бош тортиб, унга қарши қўшин тортади. Ака-ука қўшинлари орасида бўлиб ўтган жангда (888 й.) Наср мағлубиятга учрайди ва натижада Исмоил ибн Аҳмад бутун ҳокимиятни ўз қўлига олади. У Тароз ш.га юриш қилиб, уни босиб олади (893 й.) ва натижада бой Шалжи кумуш конларига эгалик қилади. Ўша йилнинг ўзида Аҳмад Уструшонадаги афшинлар сулоласининг охирги вакилларини йўқ қилади ва вилоятни буткул ўзининг ҳокимиятига бўйсундиради. С.нинг кучайиб бораётганидан хавфсираган араб халифаси Исмоилни ҳокимиятдан четлатиб, ўрнига Хуросон амири *Амр ибн Лайс* Саффорийни тайинлайди (898 й.). Амр қўшини б-и Мовароуннаҳрга йўл олганда, Исмоил унга қарши чиқиб, бир неча жангдан кейин уни мағлубиятга учратади (900 й.) ва натижада *саффорийларга* қарашли бўлган Хуросонни ҳам ўз ерларига қўшиб олади. Шундан қилиб, Исмоил ибн Аҳмад ҳукмронлиги даврида Талас водийсидан Хуросонгача бўлган ерларни ўз ҳокимияти остида бирлаштирди. Исмоил ибн Аҳмад вафотидан кейин (907 й.) ҳокимият унинг авлодлари қўлига ўтди: Аҳмад ибн Исмоил (907—914 й.лар), Наср ибн Аҳмад (914—943 й.лар), Нуҳ ибн Наср (943—954 й.лар), Абдулмалик ибн Нуҳ (954—961 й.лар), Мансур ибн Абдулмалик (961—976 й.лар), Нуҳ ибн Мансур (976—997 й.лар), Мансур ибн Нуҳ (997—999 й.лар), Абдулмалик ибн Мансур (999—1000 й.лар). Шундан кейин мамлакатдаги ҳокимият қорахонийлар сулоласининг қўлига ўтиб, С. ҳокимияти тугатилди. Сулоланинг охирги вакили Исмоил ал-*Мунтасир* (1000—1005 й.лар) қорахонийлар сулоласига қарши кураш олиб бориб, С. ҳокимиятини тиклашга уринди, лекин натижа бўлмади ва охири ўзи ҳам ўлдирилди. Шу б-н С. сулоласи тарих саҳнасидан бутунлай кетди.

Маъмурий бошқарув тизими. С. сулоласининг ҳокимиятдаги вакиллари амир деб аталган бўлиб, уларга даргоҳ (сарой аҳли) ва *девонлар* (ҳарбий бошқармалар) бўйсунган. Вазир мансабига, асосан, Жайҳонийлар, Балъамийлар ва Утбийлар аслзода оилаларининг вакиллари тайинланар эди. *Жайҳоний* ва *Балъамий* улардан энг машҳур вазирлардир. С.да вазир девонидан ташқари 10 девон бўлиб, улар учун Бухородаги Регистон майдонида махсус катта бино қурилган эди. С.нинг бошқарув тизими, асосан, маҳаллий деҳқонлар, аслзодалар ва дин арбобларидан ташкил топган бўлиб, ҳар бир амалдор араб ва форс тилларини мукаммал билиши, шунингдек, диний ва дунёвий фанлардан хабардор бўлиши шарт эди. Бундай одамларни аҳл ал-қалам (қалам аҳли) деб аташган. Сарой ҳарбий қўмондонлари ҳожиб, Хуросон лашкарбошиси эса сипоҳсолор деб аталган бўлиб, бошқарув ишларига катта таъсир ўтказиб келишган. С.нинг солиқлардан келиб тушадиган йиллик даромади 45 млн. дирҳамни ташкил қилган бўлса, бу маблағдан 20 млн.га яқини бошқарув тизимида хизмат қилаётган амалдорлар ва қўшин эҳтиёжларига сарфланган. Хизмат учун иш ҳақи ҳаммага ҳар 90 кунда, яъни бир йилда 4 марта мунтазам равишда бериб турилган.

10-а. бошида С. ҳукмронлиги остидаги мулклар қуйидаги вилоятлардан ташкил топган: Бухоро, Самарқанд, Уструшона, Фарғона, Шош, Исфижоб, Хоразм, Кеш, Насаф, Чағониён, Хутталон, Бадахшон, Балх, Тохаристон, Гузгонон, Ғарчистон, Марв, Ҳирот, Ғур, Нишопур ва Гургон. Вилоятларда бошқарув ҳокимлар қўлида бўлиб, улар амир томонидан тайинланган. Бу мансабга кўпинча маҳаллий ер эгалари ва вилоят ҳокимлари хонадони вакиллари тайинланар эди. Шаҳарларнинг бошқаруви раислар қўлида бўлиб, улар ҳокимлар томонидан тайинланган. Мас., С. ҳукмронлиги даврида Тохаристон шаҳарларида баничурийлар сулоласи, Хуросонда симжурийлар сулоласи, Гузгонда фариғунийлар сулоласи, Хоразм ва Исфижобда маҳаллий туркий сулолалар, шунингдек, Чағониён, Ғазна, Сижистон, Ғур ва Ғарчистонда маҳаллий сулолалар ҳукм сурган.

С.нинг сарой маъмурияти ичидаги амалдорларининг бир қисмини форслар, қолган қисмини маҳаллий туркийлар ташкил этган. Вилоятларда ҳам худди шундай аҳвол кузатилган. Ҳарбий ва мудофаа ишлари тўла туркийларнинг қўлида бўлган. 10-а. га келиб Исфижоб, Тароз ва б. шаҳарларнинг туркий аҳолиси кўплаб ислом динини қабул қилганликлари туфайли С.нинг бошқарув тизимида уларнинг салмоғи ошиб кетган. Хусусан, Алптегин, Сабуктегин, Али Арслон, Алптегин, Симжурий, Бектузун, Қоратегин, Аяч, Алтунтош, Баничур, Тош сингари машҳур тарихий шахслар ва уларнинг авлодлари шулар жумласидандир. Шунингдек, турли вилоятлар ва шаҳарларни Инаж, Ил-Мангу, Сабукра, Бойқаро, Алхунмиш, Бойтуз, Тузтош, Кунбош, Субошитегин, Камтегин, Фаёзбек, Хуморбек, Хумортош, Ойтуғдибек, Билгатегин, Фатегин, Шукртегин, Айтуғмиш ва б. ҳукмдорлар бошқарган.

Ҳокимият С. қўлидан кетиб, қорахонийлар қўлига ўтгандан кейин уларнинг деярли барчаси иккиланмай янги ҳукмдорлар хизматига ўтишган. Шунинг учун Буғрохон 992 й.да Исфижобдан юриш қилиб, Самарқанд ва Бухорони эгаллаганда, унга ҳеч ким қаршилик кўрсатмаган. Чунки маҳаллий аҳоли, шу жумладан, амалдорлар ҳам, уларга Мовароуннаҳрнинг араблардача бўлган асл эгалари сифатида ва ислом динини қабул қилиб, ўз ерларига қайтиб келган ҳукмдорлар деб қарашган.

Шундан қилиб, С. бошқарув тизими аниқ ва мукаммал равишда тузилган бўлиб, ўзида давлатчиликнинг ўша даврда энг илғор анъаналарини мужассамлаштирган. Лекин қонунчилик нуқтаи назаридан С. ҳукмронлигини тенг ҳуқуқли мустақил давлат сифатида қараш ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки у даврда, яъни 9—10-а.ларда, Аббосийлар халифалигида марказий ҳокимият заифлашиб, вилоятлардаги маҳаллий ҳокимият кучайгани ва деярли мустақил ички сиёсат олиб боргани б-н, барча маҳаллий сулолалар, шу жумладан, С. ҳам, расман бўлса-да, Бағдод халифаларига бўйсунган эдилар. Улар фақат маъмурий бошқарувда ва хўжалик ишларини юритишда халифалар томонидан берилган кенг ҳуқуқлар ва уларни ўз бошқариш ваколатларига эга бўлганлар. Шариат нуқтаи назаридан ҳам, халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам, Хуросон ва Мовароуннаҳр маъмурий жиҳатдан Аббосийлар халифалигининг ажралмас қисми, С. эса халифаларнинг шу вилоятлардаги ҳокимиятни бошқариш учун тайинланган волийлари ҳисобланган. Демак, С.нинг ҳукмронлиги давлатчилик сифатида эмас, балки Аббосийлар халифалигининг таркибида Бағдоддан тайинланган ва нисбатан мустақил ички сиёсат олиб борган маҳаллий ҳукмдорлар сулоласининг ҳокимияти сифатида баҳоланиши мумкин.

Маданияти. С. бошқарув тизимининг ташкил топиши сиёсий барқарорлик ва иқтисодий кўтарилиш, маданий ҳаётнинг равнақига имкон берди. Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв ва Нишопур каби шаҳарлар илмий ва маданий марказ сифатида тараққий қила бошлайди. Форсий-дарийда назм, наср ва илмий асарлар ёзила бошланди. 9—10-а. ларда, айниқса, Бухоро ш. маданий жиҳатдан юксалади. Пойтахтда амир саройида турли соҳаларга оид қўлёзма китоблар сақланадиган каттагина кутубхона барпо этилади.

Мовароуннаҳрда меъморлик ва санъат янги тараққиёт босқичига ўтди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган ва Марв каби шаҳарларда кўплаб сарой, масжид, мадраса, минора, хонақоҳ, мақбара, тим ва карвонсаройлар қурилди.

Ад.: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий, Бухоро тарихи [форс тилидан А. Расулев таржимаси], Т., 1991; Босворт К. Э., Мусульманские династии, М., 1971; Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996; Негматов Н. Н., Государство Саманидов (Мавераннахр и Хорасан в IX—X вв.), Душанбе, 1977; Караев О., История Караханидского каганата X — начала XIII вв., Фрунзе, 1983.

Шамсиддин Камолиддинов.

СОМОНИЙЛАР МАҚБАРАСИ — қ. *Исмоил Сомоний мақбараси.*

СОМОНЧИСОЙ, Тойчисой — Қашқадарё вилоятидаги сой. Пачкамар довонидан 3 км ўтгач, Элликбош тизмаси жан. ён бағридаги Жангабулоқ булоғидан бошланади. Уз. 84 км, ҳавзасининг майд. 496 км². Асосан, ёмғир, қисман қор эришидан тўйинади. Ўзан бўйлаб чиқадиган ер ости сувлари ҳисобига сойда йил бўйи сув оқади. Қуйи ўзанида доимий сув оқими деярли бўлмайди.

Қурғоқчил йилларда сойдан умуман сув оқмайди. Ўртача кўп йиллик сув сарфи, бошланишидан 61 км гача 0,070 м³/сек., оқим модули 0,2 л/сек. Сойнинг кўп сонли (54 та) тармоқлари ёзда қуриб қолади.

СОМОСА (Somoza) Анастасио (1896—1956) — Никарагуа президенти (1936—47, 1950—56), амалда диктатор. Ўлдирилган.

СОМСА — хамирли таом тури. Ўзбек пазандалигида С., асосан, тандирга ёпиб тайёрланади. Ҳозир газ духовкаларида ҳам пиширилади. Ҳар қандай С. тайёрлаш учун буғдой унидан хамир қорилиб, жилд тайёрланади. Гўшт ишлатиладиган С.нинг баъзи турлари учун оширилган, баъзан эса оширилмаган хамир тайёрланади, тандирга ёпишдан олдин қизиган тандирга намакоб сепилади (айрим ҳолларда духовка ёғланади). С.нинг масаллиқларига қараб фармуда С., гўшт С., варақи С., кўк С., қовоқ С., ялпиз С., картошка С. каби турлари бор (Яна қ. *Варақи сомса, Кўк сомса*).

СОМ-ҲОМ ТИЛЛАРИ, африка-осиё тиллари — Африканинг Атлантика океани қирғоғи ва Канар о.ларидан Қизил денгиз қирғоғигача бўлган шим. қисмида, Ғарбий Осиё ҳамда Мальта о.да тарқалган тиллар макрооиласи. С.-ҳ.т. да (асосан, араб тилининг турли лаҳжаларида) сўзлашувчиларнинг гуруҳлари шу тиллар тарқалган минтақадан ташқаридаги кўпгина мамлакатларда ҳам учрайди. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 320 млн. кишидан ортиқ. С.-ҳ.т. 5 тармоққа бўлинади: *сом тиллари*, қад. *миср тили*, *барбар-ливия тиллари*, *чад тиллари*, *кушит тиллари*. Баъзи таснифларда б-тармоқ сифатида *омот тиллари* кўрсатилса-да, бу фикр ҳали тўлиқ тасдиқланмаган.

С.-ҳ.т.нинг сом тармоғи тарқалиши ва сўзлашувчилар сони бўйича алоҳида ўрин тутади. Инсоният ҳоз. кунда фойдаланиб келаётган энг асосий алифболар (араб, лотин, юнон, қад. ва ҳоз. ҳинд) ушбу тармоққа мансуб финикий тили ёзувидан келиб чиққан. Финикий тили, шунингдек, аккад, оромий, угарит, қад. яҳудий, набатий, фаластин ва б. бир қанча тиллар ўлик тиллардир. Шу тармоқдаги энг кенг тарқалган тил *араб тилидир*. Унда 20 га яқин араб мамлакатларидаги 200 млн.дан ортиқ киши сўзлашади. Яна жонли тиллардан расмий тил даражасидаги мальта, *амхара*, *иврит* тилларини, шунингдек, кам сонли аҳоли сўзлашадиган меҳрий, жибболий, сўқўтра, тиграй, тигре, аргобба каби тилларни кўрсатиш мумкин. Миср тармоғи Қад. Мисрда мил. ав. 4-минг йиллик охиридан мил. 5-а.гача бўлган даврга мансуб иероглифик ёдгорликлар ва демотик (халқона) ёзувдаги ҳужжатлардан маълум қад. миср тилини ҳамда қибтий (копт) тилини (қад миср тилининг 3—17-а.лардаги давомчиси) қамраб олади. Қибтий тил юнон алифбоси асосидаги ёзувга эга, у 17-а. дан умумистеъмолдан чиққан, лекин ҳоз. гача Мисрдаги православ черковининг ибодат тили ҳисобланади. Барбар-ливия тармоғи Шим. Африка ва Саҳрои Кабирда тарқалган барбар халқларининг кўплаб тил ва лаҳжаларини қамраб олади. Булар: ташелхит (шилх, шлух); туарег тиллари (тамашек, танеслемт, гхат); зенет тиллари (риф, сенхайя, кабил); зенага, тамазигхт ва б. Ушбу тармоққа қад. ливия тиллари ва гуанч (Канар о.лари) каби ўлик тиллар ҳам киради. Кушит тармоғига кирувчи тиллар, асосан, Эфиопия ва Сомалида, шунингдек, Кения, Танзания, Уганда, Судан ва б. Шим.-Шарқий Африка мамлакатларида тарқалган (50 дан ортиқ тил ва лаҳжалар). Сўзлашувчилар сони 30 млн. кишига яқин. Бу тармоқда сомали, оромо, балашш, сидамо, афар-сахо кабилар йирик тиллар ҳисобланади. Чад тармоғи 150

дан ортиқ тил ва лаҳжаларни қамраб олади ва 3 гуруҳга: ғарбий чад, марказий чад, шарқий чад гуруҳларига бўлинади. Марказий Суданда, Нигерия, Камерун ва Чад Республикасининг Чад кўли атрофилаги ҳудудларида қўлланадиган мазкур тилларнинг энг йириги хауса бўлиб, у қабила ва элатлараро алоқа воситаси ҳам ҳисобланади (унда 30 млн. дан ортиқ киши сўзлашади). Умуман, чад тилларида 40 млн.га яқин киши сўзлашади.

Мазкур тасниф бир қалар нисбийдир, чунки мазкур тиллар пайдо бўлиш даври, ўзаро яқин алоқаларнинг йўқолиши, турли сабаблар б-н бошқа тиллар қуршови ва таъсирида қолиши туфайли бир-бирларидан анча узоқлашиб кетганлар. Олиб борилган қиёсий-тарихий тадқиқотлар фақат 1000 га яқин сўз ўзакларининг С.-ҳ.т. учун умумий бўла олишини кўрсатган. Ҳоз. кунда «Сом-ҳом тиллари» ёки «Ҳом-сом тиллари» (ривоятларга кўра, Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғиллари Ҳом ва Сом номидан) термини умумий тилшуносликда эскирган ҳисобланиб, унинг ўрнида «Афроосиё тиллари» («Африка-Осиё тиллари») термини қўлланмоқда. С.-ҳ.т. нинг бошқа хусусиятлари ҳақида тегишли мақолаларда маълумот берилган (қ. *Араб тили, Амхара тили, Барбар тили, Иврит, Кушит тиллари, Миср тили, Оромо тили, Сомали тили, Хауса*).

Ад.: Дьяконов И. М., Семито-хамитские языки, М., 1965; Порхомовский В. Я., Афразийские языки. В кн.: Сравнительно историческое изучение языков разных семей. Задачи и перспективы, М., 1982.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

СОН — нарсаларни санаш, миқдорни белгилаш учун қўлланиладиган математик восита; мат.нинг асосий тушунчаларидан бири. Нарсаларни санашга бўлган эҳтиёж туфайли энг содда кўринишда ибтидоий жамоа даврида вужудга келган, инсоният фаолияти доирасининг кенгайиши б-н такомиллашган. Дастлаб, бутун мусбат (натурал) С.лар, кейинчалик чексиз натурал С.лар қатори (1, 2, 3, 4, 5...) тушунчаси келиб чиқди. Натурал ва туб С.лар қаторларининг чексизлиги ҳамда етарлича катта С.ларни номлаш, белгилаш масалалари мил. ав. 3-а.даёқ юнон математиклари *Евклид* ва *Архимед*нинг асарларида таҳлил қилинган.

С. устидаги тўрт амал қоидаларини ўрганиш б-н арифметика шуғулланади. С. тушунчасининг такомиллашиши каср С. тушунчасини киритиш б-н бошланди. Каср С. бирор миқдорни ўлчаш, яъни бу миқдорни бошқа бир миқдор — улчов б-н таққослаш натижасида келиб чиққан. С. тушунчасининг кейинги такомиллашиши фан ривожининг натижасидир. Мас., алгебранинг тараққиети манфий сонлар тушунчасига олиб келди. 6—12- а.ларда ҳиндлар масалалар ечишда манфий сонларни қўллаган элилар. С. тушунчасининг ривожланишига урта аср Шарқ математиклари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Европада манфий С.ларни биринчи марта Р. *Декарт* (17-а.) киритди. Ҳамма бутун, каср (мусбат ҳам манфий) С.лар ва ноль — рационал С.лар дейилади. Узлуксиз равишда ўзгарадиган миқдорларни ўрганиш учун иррационал С. тушунчаси киритилади. 18—19-а.ларда алгебрада тенгламалар назариясининг ривожланиши комплекс С. тушунчасига олиб келди. С. тушунчасини ва унинг хоссаларини 19-а.да немис математиклари Г. *Кантор*, Р. *Дедекинд*, К. Вейерштрасс ва италиялик математик Ж. Пеано ўз ишларида тўла асослаб бердилар (яна қ. *Пи сони, Алгебраик сонлар, Рационал сонлар, Комплекс сонлар*).

Ад.: Математика, ее содержание, методы и значение: т. 1, М., 1956; Депман И. Я., История арифметики, М., 1965; Матвиевская Г. П., Учение о числе на средневековом Ближнем и Среднем Востоке, Т., 1967; Феферман С., Числовые системы, пер. с англ., М., 1971.

СОН — қуруқликда яшовчи умуртқалилар орқа оёги; одамда оёқнинг чаноқ-сон бўгимидан тизза бўгимигача бўлган қисми. С. скелети сон суягидир. С. сон суяги, мускуллар, қон томир ва нервлардан ташкил топган. Уларни тери ости пардаси, ёг қатлами ва тери қоплаб туради. С. териси остидан С. нинг катта венаси ўтади. С. мускуллари олдинги, ички ва ташқи гуруҳларга бўлинади. С. болдир, оёқ кафти ва панжалар б-н қўшилиб, оёқни ташкил этади. Бўгимоёқлилар сони оёқнинг 3- ёки 4- бўгим асосидан бошланадиган ҳаракатчан аъзосидир.

СОН (тилшуносликда) —1) мустақил сўз туркумларидан бири; предметнинг миқдорини, саноқ жиҳатдан тартибини билдирувчи сўзлар гуруҳи. С. ҳам сифат ва равиш каби белги тасаввурини билдиради ва шу жиҳатдан ўша туркумларга яқин туради. Сифат предметнинг белгисини, равиш ҳаракатнинг белгисини. С. эса предметнинг миқдори, саноги ва тартибига кўра белгисини билдиради. С.лар отлар б-н бирга қўлланиб, бир неча предметларнинг йиғиндисини, аниқ миқдорини (бешта китоб) ёки ноаниқ миқдорини гунтача болаг ифодалайди. С. ҳарфлар б-н ифодаланади (бир, ун, эллик) ёки араб ва рим рақамлари б-н (3, 5, 10, V, IX, XX) кўрсатилади.

С.лар маъно хусусиятига кўра, 2 асосий турга бўлинади: миқдор сонлар ва тартиб сонлар. Миқдор С.лар предметнинг миқдори, саноғига кўра белгисини кўрсатади. Ўзбек тилида миқдор С.лар 6 турга бўлинади: саноқ С., дона С., чама С., жамловчи С., тақсим С. ва каср С. Саноқ С. — предметнинг саноғини билдирувчи миқдор С. тури (бир, икки, ун, юз). Дона С. — предметнинг миқдорини доналаб кўрсатувчи миқдор С. Бундан С.лар саноқ С.га -та қўшимчасини қўшиш б-н ҳосил қилинади (бешта китоб, қирқта дафтар). Предметларни доналаб кўрсатишда С.лар жуфт, метр, нусха, нафар, бош, тун каби ҳисоб (нумератив) сўзлар б-н бирга қўлланади: бир жуфт қўшиқ, икки метр атлас, беш тун урик ва б. Чама С. предметнинг ноаниқ миқдорини, тахм. ҳисобини кўрсатади. Миқдор С.нинг бу тури 2 усул б-н: саноқ С.га -тача, -лаб, -ларча аффиксларидан бирини қўшиш (унтача, ўнлаб, ўнларча) ва турли С.ларни жуфтлаш ёки айрим сўзлар б-н бирга қўллаш [бир-икки кун, ун-ун икки яшар бола, беш ойлар чамаси аввал, ўттизга яқин (қарийб ўттизга) уй бузилди] орқали ҳосил қилинади. Жамловчи С. бир турдаги предметларнинг йиғиндисини ифодалайди, уларни жамлаб кўрсатади; саноқ С.га -ов, -ала аффиксларини қўшиш б-н ҳосил қилинади (бешов, олтов; учала, тўртала). Тақсим С. предмет миқдорини тенг қисмларга тақсимлаш, гуруҳлаш йўли б-н билдиради ва саноқ С.га -тадан аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинади (бештадан бўлиб келмоқ, тўрттадан қалам ушламоқ). Каср С. бутуннинг қисмларини билдиради ва, одатда, саноқ С.нинг чиқиш ва бош келишик шаклидаги бирикмаси орқали ифода ланади: учдан икки ($\frac{2}{3}$), ўндан бир ($\frac{1}{10}$). Ярим (ёрти), чорак, нимчорак сўзлари ҳам каср С.лардир. Тартиб С. предметнинг аниқ миқдорини, кетма-кетлигини ифодалайди. Улар сифатларга яқин бўлиб, улар каби предмет белгисини билдиради; саноқ С.ларга —(и)нчи (баъзан -ламчи) аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлади: биринчи, иккинчи, ўнинчи; бирламчи, иккиламчи.

Тузилишига кўра, С.лар 4 турга бўлинади: содда С. — биргина сўздан ифодаланади: бир, ун, эллик, минг; мураккаб С. — икки ёки ундан ортиқ узакнинг бирикувидан ҳосил бўлади: ун икки, қирқ беш, бир юз эллик олти, икки минг тўртинчи; жуфт С. — бирдан ортиқ С.нинг нисбий тенг бўлганиши асосида ташкил топади ва тахм. миқдорни билдиради: беш-олти киши, ун-ун беш кун, эллик-олтмиш хонадон; такрорий С. — бир хил узакларнинг айнан такрорланишидан ҳосил бўлади ва жамлаш ёки тақсимлаш маъноларини ифодалайди: бир-бир айтиб чиқди, бешта-бешта бўлиб сафланмоқ, китобни унта-унта қилиб таҳламоқ.

Таркибий қисмларининг бирикиш усули ва билдирадиган маъносига кўра, С.нинг 2 тури фарқланади: кўпайтма С. — қисмлари билдирган миқдорнинг кўпайтмасидан иборат бўлган миқдорни билдирувчи мураккаб С.: беш минг (5×1000), уч юз (3×100), уч миллион (3×1000000); қўшилма С. — қисмлари билдирган миқдорнинг йиғиндисидан иборат бўлган миқдорни билдирувчи С.: ун саккиз (10+8), етмиш беш (70+5) ва ш.к. С.лар ганда, асосан, аниқловчи, ўрнига қараб бошқа барча ган бўлаклари вазифасида кела олади;

2) грамматик миқдор маъносини ифодаловчи шакллар тизими; С. категорияси. Ўзбек тилида С. категориясининг 2 тури мавжуд: бирлик С. — бир турдаги нарса-буюмлардан биттасини (ўқувчи, дафтар, дарахт); предметнинг бир (якка) шахсга тегишлилигини (укам, дафтаринг, қалами); олмошларда шахснинг яккалигини (мен, сен, у); феълларда ҳаракатни бир (якка) шахс бажаришини (олдим, келдинг, кўрамаи, ўқийсан, борали) билдиради; кўплик С. — предметнинг бирдан ортиқлигини, кўплигини, унинг бирдан ортиқ (кўп) шахсга тегишлилигини (китоблар, дарахтлар; китобимиз, мактабингиз, уйлари); олмошларда шахснинг бирдан ортиқ (кўп)лигини (биз, сиз, бизлар, улар); феълларда ҳаракатни бирдан ортиқ шахс бажаришини (бордик, борганмиз, борамиз; ишласак, ишласангиз) билдиради. Отларда бирлик С.ни кўрсатадиган махсус қўшимча йўқ, кўплик С. эса -лар аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Кўп тилларда бирлик С. кўплик С.га қарама-қарши қўйилади. Бироқ айрим тилларда (сом тилларида, Австралия ва Американинг маҳаллий тилларида) иккилик С., баъзан учлик С. ҳам учрайди.

Ад.: Ўзбек тили грамматикаси, 1-ж.; Т., 1975; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. Т., 1980.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

СОНАТА (итал. sonata, лот. sonare — янграмоқ) — камер-чолгу мусиқасининг асосий жанрларидан. 3 қисмли туркум асар, баъзан 1, 4, 5 қисмлилари ҳам учрайди. 3 қисмли мумтоз С.нинг 1- ва 3- қисмлари тез, 2-қисми вазмин сурьатлидир. 1-қисми (соната аллегроси) 3 йирик бўлимдан ташкил топади: қарама-қарши мусиқий мавзуларни намоён қилиш (экспозиция), уларни бир-бирига таққослаб ривожлантириш (2-бўлим), сўнгра асосий куйларни ўзаро яқинлаштириб бирлаштириш (реприза). «С.» атамаси 16-а.дан маълум бўлиб, аввалбошда *кантата*дан фарқли ўлароқ ҳар қандай чолгу пьеса ҳам С. дейилган. 17-а. бошларида С.нинг 2 кўринишни (черков С.си ва камер С.) шаклланди. 18-а. ўрталарида Д. Скарлатти, Ф. Э. Бах клавир С.лар ёзишган, Й. Гайдн, В. Моцартлар С.нинг мумтоз намуналарини яратдилар. С. ривожи ва юқори чўққиларга чиқишида Л. Бетховен С.лари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Л. Бетховен С.ни ранг-баранг мавзу ва мазмун, мураккаб шакл б-н бойитиб, жанр имкониятларини кенгайтирди. Ф. Шопен, Р. Шуман, Ф. Лист, И. Брамс, Э. Григлар С. ривожига катта ҳисса қўшдилар. Романтизм даври ва 20-а. композиторлари ижодида ҳам С. асарлари муҳим ўрин эгаллади. Ўзбекистонда илк С.ларни 1940—50 й.ларда Ик.Акбаров, Ф. Назаров, Г. Мушель, А. Козловский каби композиторлар яратишган. Кейинчалик, Э. Солиҳов, Н. Зокиров, А. Эргашев, Д. Сайдаминова, Ҳ. Раҳимов, Н. Гиёсов ва б. композиторлар ижодида ривожланган.

С.нинг кичик ҳажмдаги тури — сонатина ўзининг соддалиги, ижро услубининг оддийлиги б-н ажралиб туради.

СОНГАЙ — Нигер, Мали, Буркина-Фасо, Нигерия ва Бениндаги халқ. 1,6 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Сонгай тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. С. деҳқончилик, чорвачилик, балиқ овлаш б-н шуғулланади.

СОНЕТ (итал. sonetto) — 14 мисрадан иборат турғун шеърий шакл. С. қатъий қонун—қоидалар асосида яратилади. У 4 банддан иборат бўлиб, 1- ва 2- бандлар 4 мисрадан (катрен), 3- ва 4- бандлар 3 мисрадан (терцет) ташкил топади. Катренлар, кўпинча, авав авав ёки авва авва шаклида, терцетлар эса cde dcd ёки cde cde шаклида қофияланган бўлади. Энг муҳими — қофиялар тўла ва жарангдор бўлиши лозим. С. фақат шаклан эмас, мазмунан ҳам шундай талабларга жавоб бериши керак. Мас., унинг 1-бандида асосий фикр айтилади, 2-бандда бу фикр ривожланади, 3-бандда ечим, 4-бандда эса хотима ифодаланади. С. 13-а.да вужудга келган. С.нинг мустақил шеър тури сифатида шаклланишида Ф. *Петрарка*нинг хизмати катта. Данте, П. Ронсар (1524—85), В. Шекспир, И. Гёте каби шоирлар С.нинг мумтоз намуналарини яратганлар. Россияда илк бор 18-а.да В. Тредиаковский, А. Сумароковлар, кейинчалик А. Пушкин, М. Лермонтов, А. Фет каби шоирлар, 20-а.да А. Блок, В. Брюсов, А. Ахматовалар С.лар яратганлар. С. ўзбек шеъриятида 30-й.ларда пайдо бўлди. Усмон Носир, Барот Бойқобилов, Рауф Парфи ва бошқалар С. ёзганлар.

СОНИЙ, шайх Ҳамад бин Халифа Ол Соний (1950, Дўҳа) — Қатар давлат арбоби. Буюк Британиядаги Сандерхест ҳарбий билим юртини тугатган (1971). Генерал-майор. 1971 й.дан ҳаракатланувчи батальон командири, сўнг қуролли кучлар бош қўмондони. 1977 й. 31 майда валиаҳд шаҳзода деб эълон қилинган ва мудофаа вазири этиб тайинланган. Кейинчалик Режалаштириш олий мажлиси раиси. 1979—91 й.ларда Ёшларга гамхўрлик қилиш қўмитаси раиси. 1995 й.дан Қатар Давлати амири.

СОНИЯ — қ. *Секунд.*

СОНЛАР НАЗАРИЯСИ — математиканинг бутун, рационал ва алгебраик сонларнинг хоссаларини ўрганиш б-н шуғулланадиган бўлими. С. н. қадимдан бевосита арифметиканинг ривожланишидан вужудга келган. Пифагор (мил. ав. 6-а.) мактабида бутун сонларнинг бўлиниши, мукаммал сонлар структураси ўрганилди, сонлар синфлар (мас., туб сонлар, мураккаб сонлар, квадрат сонлар)га ажратилди. $x^2+y^2=z^2$ тенгламанинг бутун сонларда ечими берилди (қ. *Пифагор сонлари*). Юнон математиклари *Евклид, Эратосфен* ва *Диофант*нинг ишлари С.н.га бағишланган эди. С.н.нинг айрим масалалари Хитойда (2—6-а.лар) ва Ҳиндистонда (7—12-а.лар) ҳам ўрганилган.

Европада С. н.нинг равнақи француз математиги П. Ферма (17-а.) ишлари б-н бошланди. Л. *Эйлер* (18-а.) функционал қаторлар б-н айрим чексиз кўпайтмалар орасидаги айниятларни исботлаб, аналитик С. н.га асос солди ва С.н.нинг кўп тасдиқларини исботлаб берди. Эйлер гоялари таққослаш назариясининг ривожланишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Аввал С. н. айрим натижаларнинг тўплами бўлса, немис математиги К. *Гаусс*нинг ишларидан кейин у мунтазам назарияга айланди. Гаусс таққослаш назариясини яратди, формалар назариясига асос

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

солди. Ҳоз. замон С. илми асосан, 4 қисмга бўлиш мумкин: элементар усуллар (бу қисмга оид усуллар фақат элементар мат. ва чексиз кичиклар анализига асосланади), аналитик С.н., алгебраик С.н. (рационал сонлар майдони устидаги алгебраик сонларни ўрганиш б-н боғлиқ бўлган масалалар, синфлар майдонларининг назарияси, ўзаролик қонунлари ва б.ни ўз ичига олади; диофант тенгламалари ва диофант яқинлашишлари (бу қисмга алгебра ва анализ усуллари б-н юқори даражали Диофант тенгламалари ечимларининг сонини ва чегараларини топиш ҳамда ҳақиқий коэффициентли тенгсизликларни ёки бутун тенгсизликлар тизимини бутун сонларда ечимини топиш масалалари киради).

С.н.нинг далил ва ғоялари мат.нинг қисмлари ҳам татбиқларида, мас., ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси, эҳтимоллар назарияси, каррали интегралларни тақрибий ҳисоблаш, машинавий мат., кристаллография ҳамда узатувчи механизмлар назариясида қўлланилади.

Ад.: Хассе Г., Лекции по теории чисел, пер. с нем., М., 1953; Виноградов И. М., Сонлар назарияси асослари, Т., 1965; Ожигова Е. П., Что такое теория чисел, М., 1970; Постников А. Г., Вероятностная теория чисел, М., 1974.

СОНОР УНДОШ, сонант (лот. sonorus — жарангдор, жарангловчи) — овознинг иштирокига ва ҳосил бўлиш усулига кўра алоҳида хусусиятларга эга бўлган ундошларнинг умумий номи. С.у.ларда овоз шовқинга қараганда кўпроқ бўлади ва улар шу хусусияти б-н унлиларга яқин туради. Улар ўзбек тилида 5 та: л, р, м, н, нг (ŋ). Баъзи адабиётларда й ва w (лабланган в) ундошлари ҳам сонорлар қаторига киритилади. Л—ён ундош, р— титроқ ундош, м, н, нг — бурун ундошлари. С.у.лар артикуляцион жиҳатдан ундош, акустик сифатларига кўра эса унли товушлардир.

СОНОРА — Мексикадаги штат. Тинч океан соҳилида. Майд. 184,9 минг км². Аҳолиси 2,21 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Эрмосильо ш. Ҳудудининг катта қисми паст ва ўртача баландликдаги тоғлардан иборат. Шарқида Ғарбий Сьерра-Мадре тоғлари бор. Иқлими субтропик, қуруқ иқлим. Йиллик ёғин 200—600 мм. Чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. С. — Мексиканинг ривожланган штатларидан. Экспорт учун пахта, помидор ва эрта пишар сабзавотлар етиштирилади. Гўшт чорвачилиги ривожланган. Мис, графит, сурма қазиб олинади. Рангли металлургия, пишиқ овқат, ип газлама, цемент корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Балиқ ва денгиз ҳайвонлари овланади. Бош порти — Гуаймас.

СОНОРИЗМ, сонористика (лот. sonorus — жарангдор сўзидан) — 20-а. мусиқа услубларидан. *Конкрет мусиқа, электрон мусиқа,* шунингдек, мусиқий *импрессионизм* тамойиллари асосида 1960 й.ларда юзага келган (К. Пендерецкий, Д. Лигети ва б.). 1970-й.лардан О. Мессиан, В. Лютославский, Р. Шчедрин, А. Шнитке ва б. композиторлар ижодида ривож топган. С.да товушлардаги баланд-пастлик, ритмик муносабатлар эмас, балки биринчи ўринда тембр (товуш бўёғи), турли мусиқий бирикмалар садоланишининг ўзига хослиги туради. Унда аккордлар ўрнида товушларнинг ноанъанавий қўшилмалари, созларнинг янги чалиш усуллари қўлланилади. Ўзбекистонда М. Тожиев, Р. Вильданов, Т. Қурбонов, Ф. ва Д. Янов-Яновскийлар, М. Бафоев ва б. композиторлар асарларида учрайди.

СОНТОШ ДОВОНИ — Тяньшан тоғларидаги довон. Иссиққўлдан шарқроқда, Қирғизистон ҳудудида. Бал. 2195 м. С. орқали Иссиққўл ботиғидан Олмаотага халқаро автомобиль йўли ўтган.

СОПЛО — газ, ҳаво (буғ) ва суюқликни пуркаш ҳамда уларнинг оқими йўналишини ва тезлигини ростлаб туриш учун мўлжалланган конуссимон учлик.



Сопло. 1. Оқим тезлиги паст сопло; 2. Оқим тезлиги юқори сопло (Лаваль сопло); p_0 — бошланғич босим; p_a — чиқишдаги босим; $F_{кр}$ — критик юза; F_c — чиқишдаги юза; v — тезлик.

Гидравлик турбина, буғ турбинаси, форсунка, реактив двигателларда (расмга қ.) ишлатилади. С.нинг кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак (ясси С.), думалоқ (ўқ бўйича симметрик С.) ёки ихтиёрий шаклда (фазовий С.) бўлиши мумкин. С.да оқим йўналишида суюқлик ёки газ оқими тезлиги товуш тезлигидан кичик ёки катта бўлади. Энергиянинг сақланиш қонунига мувофиқ тезлик ошган сари босим ва т-ра пасайиб боради. С. газ ёки суюқлик оқимининг ҳисоблашда ана шу хусусиятини ҳисобга олиш керак бўлади. С. техникада буғ ва газ турбиналарида, ракета ва ҳаво реактив двигателларида, магнит газодинамика қурилмаларида, самолётлар синалаётган аэродинамик қувурлар ва б.да кенг ишлатилади.

СОПОЛ — махсус лой (тупроқ, сув, қисман қум ва тузлар аралашмаси)дан ишланиб, оловда қиздириб тайёрланган маҳсулот, кулолчилик буюмлари. Лой 2 хил усулда — қўлда ҳамда *кулолчилик чархи* ёрдамида шакл бериб ясалади, сўнг тупроқ (хум)хонага киритиб С. пиширилади. Рўзғорда тоғора, коса, лаган, кўза, офтоба, хум ва б.л., меъморлик (кошин, сополак, парчин ва б.) ҳамда санъат (ҳайкалча ва б.лар) соҳаларида С. буюмлари кенг қўлланади. Безаклар (ўйинчоқлари, айрим безак буюмлари (ҳайкалча, нирик ҳайкаллар) ҳам шу усулда тайёрланади. Фойдаланиладиган лой таркибига қараб С.нинг ранги турлича (оч сариқ, қизғиш, кулранг ва б.) бўлади. Аиғоб (лойга чайиб олинган С. сопол қуритилиб, яна хумдонда пиширилади. С.га безак ишлари ҳам турлича: бўртма, ўйма нақшлар унинг ҳулларида, қирма гуллар С. ангобга чайиб олингандан сўнг ишланади; хумдонга бир бор кириб чиққан буюмлар гуллар ишлангандан кейин яна бир бор хумдонда қиздирилади. С. буюмлар 2 хил — сирланган С. ҳамда сирланмаган С. (терракота)га бўлинади. С. неолит давридан маълум бўлиб, сирланмаган С. қадимийдир. Сирланган С. буюмлар и.ч. Ўрта Осиёда 10—12-а.ларда юксак тараққий этди. Ўзбекистон ҳудудида С. буюмлар и.ч. кенг йўлга қўйилган; С. буюмларни безатишнинг жиҳатидан бир-биридан фарқланувчи кулолчилик мактаблари шаклланган (яна қ. *Керамика*).



1. Мил. ав. 5-минг йилликка мансуб сопол идиш (Навоий вилояти).
2. 20-асрда яратилган сопол идишлар (уста М. Раҳимов иши).

СОПОЛИМЕРЛАНИШ — 2 ёки ундан ортиқ турли мономерлар иштирокидаги *полимерланиш.* Мас., бутадиеннинг стирол б-н, винилхлориднинг винилацетат ва малеин ангидрид б-н полимерланишини С.га мисол бўла олади. С. хоссалари (модификациялари) нуқтаи назаридан ўзгаришли, шунингдек, янги хоссаларга эга бўлган полимерлар олишда қўлланади. маълум мономерлар асосида олинган полимер материаллар турини анча кўпайтиришга имкон беради.

СОПОЛИМЕРЛАР — макромолекуласи 2 ва ундан ортиқ структура звенолардан иборат *полимерлар.* Ҳар қайси турдаги структура звенолари макромолекула чегарасида бир-бири б-н алмашинувчи узлуксиз узун блоклар ҳосил қилган С. блоксополимерлар дейилади. Бир хил кимёвий таркибли макромолекулалар иккиламчи звеноларига бир ёки бир неча бошқа таркибли мономер бириктирса бўлади. Бундан С. пайвандланган С. деб аталади. Кимёвий звенони бир макромолекулада турлича типларни бир-бирига бириктириб хоссалари олдиндан маълум бўлган материаллар ҳосил қилиш мумкин (қ. *Полимерланиш*).

СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ — Ўзбекистоннинг жан. ҳудудларида деҳқончилик б-н шуғулланувчи *жез даври* қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий ривожланиши ҳолати археологик манбаларда акс этган моддий маданият мажмуаси (мил. ав. 2-минг йиллик). Келиб чиқиши жанубдан қад. Шарқ тамаддуни б-н боғлиқ бу маданият ёдгорликлари Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти, қисман Тожикистон ҳудудларидан топиб ўрганилган (*Сополлитепа, Жарқўтон,* Мулалитепа, Бустон, Бўйрачи, Нурек, Тандирйул). Унинг энг қад. ва биринчи бор топиб ўрганилган ёдгорлиги Сополлитепа бўлиб, ушбу археологик маданият ҳам шу ёдгорлик номи б-н аталадиган бўлди. Сополлитепа ва Жарқўтонда ўтказилган кенг кўламли изланишлар С.м.нинг моддий ва маънавий дунёси ҳақида тўлиқ маълумот беради. Шунга қарамай, Жан. Ўзбекистонда шу маданиятга тегишли 20 га яқин ёдгорлик топиб ўрганилган.

С.м. учун хом ғиштлардан қурилган маҳобатли архитектура, суғорма деҳқончилик, юксак даражада ривожланган кўп тармоқли ҳунармандчилик, айниқса, унинг кулолчилик, металлургия, заргарлик, тўқимачилик ва терига ишлов бериш соҳалари яхши ривожланган. Диний эътиқод замнида оловга сиғиниш муҳим роль ўйнаган.

Бустон бозқичининг сопол турлари.

С.м.нинг Жарқўтондек ёдгорлиги мисолида ўзбек давлатчилигининг илк илдизларини кузатиш мумкин. Топилмалар тарихий таҳлилига кўра, С.м.да Зардушт исломигача қадар оловга топиниш ва хаума ичимлигининг илоҳийлаштирилиши кучли бўлган. Унинг далили сифатида Жарқўтон ибодатхонасининг очилиши ва ўрганилишини кўрсатиш мумкин (қ. *Жарқўтон оташкадаси*). Ашёвий далиллар таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги якуний хулосага келиш мумкин: 1) Ўзбекистон Республикасининг жан. вилоятларида мил. ав. 2-минг йилликнинг биринчи ярми давомида қад. Шарқ тамаддунига хос тарихий шароитда С.м. базасида юксак ривожланган қад. илк шаҳар маданияти таркиб топди; 2) агар Сополлитепа унинг қад. шаҳарсозлик маданиятига хос барча аломатлари б-н протошаҳар, яъни Авестода тилга олинган вара индошини эслатса, Жарқўтон ёдгорлиги Ўзбекистон ҳудудида биринчи бор шаклланган том маънодаги қад. шаҳардир; 3) муайян ёдгорликни қад. шаҳар деб аташни учун қўйиладиган илмий талаблардан келиб чиқилганда ҳам

Мулали босқичига тегишли тош мунчоқлар.

Жарқўтон у талабларга жавоб бериши мумкин бўлган ноёб ёдгорликдир. Қад. шаҳарларга хос бўлган биринчи аломат — шаҳар майдонида арки аъло ва шаҳристон таркиб топган бўлиши лозим бўлса, Жарқўтонда бу содир бўлган, яъни 100 гектарлик Жарқўтоннинг 3 гектари арки аъло ва қолган қисми шаҳристон майдонини ташкил этади. Иккинчи аломат — ўтроқ деҳқончилик маданияти аҳолиси зич жойлашган маскан мудофаа деворлари б-н ўраб олинган бўлиши. Учинчи аломат — шаҳар арки қисмида маҳобатли бинонинг, яъни умумшаҳар жамоалари бошлиғи қароргоҳининг таркиб топиши Жарқўтонда ўз аксини топган. Тўртинчи аломат — шаҳар майдонида барча учун баробар хизмат қилувчи бош саждагоҳ — диний мафкура маркази шаклланган бўлиши. Бешинчи аломат — қад. шаҳарда ҳунармандчиликнинг юксак даражада таркиб топган бўлиши. Шаҳар ҳунармандчилик маҳсулотлари ички бозор ҳамда ташқи бозор учун ҳам кенг кўламда ишлаб чиқарилган. Мас., кулолчилик маҳсулотларининг узоқ Хитой ҳудудларигача кириб борганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар ушбу қад. шаҳар маданиятида мавжуд. Демак, бу ўша давр шаҳар аҳолиси таркиби ҳақида фараз қилишга ишора бўлиб, қад. Жарқўтон шаҳар аҳолиси эркин деҳқон жамоалари — кашоварзлардан ташқари шаҳар ҳунар ва савдо аҳлидан ҳам иборат бўлган. Шаҳар ҳаёти нафақат диний, балки дунёвий жиҳатдан ташкил этилган бошқарув тизими асосида қурилган. Шаҳар ҳукмдорининг маҳобатли кошонасининг арки аълода шаклланиши бунга далолатдир.

Ад.: Аскаров А., Абдуллаев Б., Джаркутан, Т., 1983; Аскаров А., Ширинов Т., Древнебактрийский храм огня в Южном Узбекистане. В сб. Градостроительство и архитектура, Т., 1989; Сарианиди В. И., И здесь говорил Заратуштра, М., 1992; Аскаров А., Ранная городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии, Самарканд, 1993; Аскаров А., Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана, Т., 1977.

Аҳмадали Асқаров.

СОПОЛЛИТЕПА — Сурхондарё вилоятининг (Музработ тумани) Шеробод чўлини кесиб ўтган Ўланбулоқсой ёқасига жойлашган жез даврига оид археологик ёдгорлик. У 1968 й. археолог Л. Альбаум томонидан топилган. 1969—74 й.ларда А. *Асқаров* томонидан ўрганилган С.нинг майдони тахм. 3 га. Унинг 1 га га яқин марказий қисми мудофаа деворлари б-н ўраб олинган. Қалъа атрофидаги майдонининг катта

1

2

Сополлитепа қишлоқ жамоасининг жез муҳри.

қисми бузилиб, пахта далаларига айлантирилган. Тепанинг устки қисмида сопол синиқлари қалашиб ётганлиги учун у маҳаллий аҳоли орасида С. деб аталган.

С.да ўтказилган археологик қазишмалар натижасига кўра, унинг марказий қисми мурабба (82×82 м.) шаклида қурилган қалъадан иборат. Қалъанинг томонлари гўё 3 қатор мудофаа деворлари б-н ўраб олинган. Аслида эса, қалъани ўраб олган деворлар тизими ички ва ташқи йўлаксимон қопқонлардан ташкил топган бўлиб қалъа ташқи мудофаа чизигида томонларга параллел қилиб 8 та йўлаксимон қопқонлар жойлаштирилган. Қалъанинг ички мудофаа чизиғининг марказига ва ҳар тўрт томон бурчакларига битта-дан, ҳаммаси бўлиб 8 та йўлаксимон қопқонлар жойлаштирилган. Йўлаксимон қопқон тизимининг жойлашиш режасига кўра, қалъага кириш дарвозаси ҳам гўё 8 та. Аслида эса ҳақиқий дарвоза қалъа жан. томонининг марказига жойлашган, қолган «дарвозалар» ҳарбий хавф тутилганда қопқон вазифасини бажарган. Қалъанинг ички мудофаа тизимида, йўлаксимон қопқонлар оралиғида, ҳар томонда иккитадан мурабба шаклида қурилган хоналар бўлиб, уларга қалъа ички томонидан эшик очилган. Айнан ана шу хоналар томон қалъа ичига жойлашган турар жой мажмуалари оралаб тор кўчалар ўтган. Қалъа ичидаги турар жой мажмуалари унинг ички деворлари бўйлаб жойлашган. Улар ана шу кўчалар орқа-

Сополга битилган пиктографик ёзув белгилари.

ли 8 та маҳаллага бўлинган. Қалъа марказида эса очиқ майдон бор. Қалъа дарвозасидан бошланган кенг йўл ва тор кўчалар ана шу майдон б-н боғланган. Буларнинг барчаси С. жамоаларининг мудофаа тизимини ташкил этган. Бундай мураккаб меъморий иншоот олдиндан уйланган аниқ режа асосида қурилган. С. қалъа қурилишининг меъморий тарҳи протошаҳар таркибини эслатади, уни махсус ўйлаб топилган мудофаа режаси эса амалий тажрибадан келиб чиқиб, қалъа бош режаси ғоясига қатъий бўйсундирилган. Айнан, мана шундай мудофаа тизими С. хавфсизлигини юқори даражада таъминлаб олган. С. мудофаа тизимини ташкил этган узун йўлаклар дастлаб мудофаа иншоотлари вазифасини бажарган. Уларга мудофаа иншоотлари сифатида талаб сунгач, секин-аста бошқа мақсадларда фойдаланилган. Мас., шим. ва шарқий ички йўлаклар хилхона сифатида фойдаланилса, ғарбий ва жан. йўлаклар кулолчилик устахоналари сифатида фойдаланилган. Ҳар бир маҳаллада уруғ жамоаларининг хилхоналари бўлиб, марҳумлар мудофаа деворлари остига, уйларининг поли остига кўмилган. Уруғ бошлиқларининг қабрлари эса, одатда, оила учоғи рўпарасида учратилади.

С.да ўтказилган қазиш жараёнида 150 дан ортиқ турар жой мажмуалари очилди. Уларни маҳалла бўйича тақсимлаганда ҳар бир маҳалла майдонига 15—20 тагача оилавий турар жой мажмуалари тўғри келади. Лекин, улар бир вақтда бунёд этилмаган. С.да одамлар қанча вақт яшаганлигини ўрганиш мақсадида унинг ҳар хил жойларида шурфлар солинди. Шурф кесмаларига кўра, мудофаа иншоотлари ва уй-жой мажмуалари пойдеворси қурилган. Оилавий уй-жой мажмуалари кўп хонали бўлиб, ҳар бир оилага қарашли кўп хонали уйнинг бири деворининг остида мўрили ўчоқ, иккинчисида сандал ўрни ёки тоза кули қурбонгоҳ чуқурчаси, учинчисидан эса омборхона сифатида фойдаланилган. Булар оила бирлигини англатувчи муҳим белги эди. Бир неча шундай оила бирликлари катта патриархал уруғ жамоасини ташкил этган. С. ана шундай катта патриархал уруғ жамоаларидан 8 тасини бирлаштирган қишлоқ жамоаси эди. С. уйлари ва мудофаа иншоотлари сомон қўшилган хом гиштлардан қурилган. Уй деворлари андаваллар ёрдамида силлиқ қилиб сувалган (топилмалар орасида сопол андава ҳам бор), сувоқ устидан ҳаворанг оҳак б-н оқланган.

Ҳар бир патриархал жамоа маҳалласи қошида уларнинг кундалик эҳтиёжлари учун керакли ҳунармандчилик цехи ва металл ўрнини устахоналари мавжуд. Ҳунармандчилик соҳаси бирлари тўқимачилик маҳсулларига мослаб қурилган. Улар кенг ва узун бўлиб, тахта пастоҳини ўрнатишга мўлжаллаб қурилган. Ана шундан хоналарда уруғ бошлари, сулҳ тароқлари, тош ва сопол қолоқтошлар кўпроқ учратилган. С.да тўқимачилик ипак, пахта ва ҳайвон жуни ҳам ишлаб қўлланилган. Ҳаққи тўлаш ва бошқа ишларни бажарувчи топилмалар бор.

С. сополлари чархда ясалган, 2 қаватли хумлари ишлатилган. Улар нафис, жарангдор, пишиқ. Кулолларнинг сопол идишлари асосан эллипсоид шаклга қаратган. Улар жуда сифатли узун оёқли пиалалар, конуссимон косалар ва пиёлалар, қадаҳлар ва хумчалар, кўза ва кўзачалар, хум ва хумчалар, чойнак ва пиёлалар, тогора ва лаганлардан иборат.

С.да жездан қирғич ва пичоқлар, болта ва теша-лар, игна ва бигиз, иск. кема ва ранда ишлари, қулоқ ва муҳр, сурмадон ва хилма хил ишлар, билагузук, соч тўрмакловчилар, сирға ва узуклар, тилла қўш ва қон тўкичлар ишлаб чиқарилган.

С.да 158 та қабр очилган. Уларнинг деярли барча ашёлари далиллари бутунлигича бизгача етиб келган. Қабрлар ҳоз. замон қабрларидан фарқ қилмайди: аёлларча, аёлчаларнинг ғарбий четида, ундан пастроқда лаҳад — жасадхона, унинг оғзи ярим ғиштлар б-н беркитилган. Айёлча лаҳаддан чиққан тоза тупроқ б-н тўлгизилиб усти суваб қўйилган. Биргина фарқи С. лаҳадлари кенгроқ, қабр оғзига яқин бўш майдонга турли идиш товоқлар, меҳнат ва б. ҳарбий қуроллар, тақинчоқ, безак буюмлари ва б. қўйилган. Лаҳадда эркаклар ғужанак ҳолда ўнг томони б-н, аёллар эса чап томони б-н ётибди. Ҳар икки жинс ҳам кафанда эмас, балки ҳаётлик вақтидаги байрамона кийимда

Дуралғорлик асбоблари.

Жезлардан ясалган ҳайвонлар ва одам ҳайкалчалари.

кўмилган. Эркаклар қабрида меҳнат ва ҳарбий қуроллар, аёллар қабрида турли хил тақинчоқ ва безаклар учраган. Қабрлардан топилган ашёлар таркибига қараб, марҳумларнинг касбини аниқ айтиш мумкин. Демак, сополлитепаликлар ижтимоий ҳаётнинг давом этиши» ҳақидаги ибтидоий ақидага кўра, скиф подшолари ва қабила сардорлари б-н уларнинг хотин ва чўриларидан бир қисмини мажбурий ўлдириб бирга кўмиш одат тусини олган. Ана шу одатнинг дастлабки илдизлари С.да кўзга ташланади, қабрларда одам жасади ўрнида майда ҳайвон скелетлари учратилган, бундай қабрлар *кенотаф* номи б-н аталади. Уларга бедарак йўқолган марҳум ўрнига жамоа дафн анъанасига кўра, унинг тирик жон мулкидан бир қўйни ўлдириб кўмиш лозим топилган. С. кенотаф қабрларининг деярли барчаси эркакларга тегишли эди.

С. аҳолиси эътиқодида қўёшга, оловга сигиниш ўз аксини топган. Унинг излари айрим хоналар майдонида учратилган сандал ўтхонаси сифатида қабул қилинган тоза кулли чуқурчалар эди. Буларнинг барчаси оташпарастлар эътиқодига алоқадор белгилар эди.

С. жамоаси мазкур масканда 150—200 йилдар чамаси яшаб, сув танқислигидан, сувга қулай янги унумдор ерлар қидириб, Шеробод дарёсини қад. Узбекистон жанубий соҳилларига кўчиб кетадилар. Бу воқеалар мил. ав. 2-минг йилликнинг биринчи ярмида содир бўлди. С. деҳқончилари янги жойни ўзлаштириб, Ўзбекистон жанубида энг қад. илк шаҳарни барпо этдилар. У шаҳар Ўзбекистон тарихида Жарқутон номи б-н аталиб, унинг протошаҳри С. ҳисобланади.

Ад. Аскаров А., Сапаллитепа, Т., 1973; Аскаров А., Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана, Т., 1977.

Ҳамдам Аскаров.

СОПРАНО (итал. sopra — юқорида устидан) — 1) хонандаларнинг энг юқори овози. Диапазони биринчи октава «до»дан учинчи октава «до» — «ми» гача (аёлларда), иккинчи октава «ля»гача (болаларда). С. бошқа овозлардан «боши» регистр устунлиги б-н фарқланади. Кучли товушлари драматик (Пуччининг «Турандот» операсидаги Турандот партияси), юмшоқ тембрли лирик (Гуноднинг «Фауст»идаги Маргарита), *колоратурали* С. каби турларга ажратилади; 2) хордаги энг юқори овозбўлинади; 3) баъзи созларнинг юқори ли партия; 4) саксофон оиласи. С.ли регистри гури (мас., С.ли саксофон).

СОРБЕНТЛАР (лот. sorbens — ютувчи) — газ, буғ ва эриган моддаларни ютиш учун қўлланадиган қаттиқ ёки суюқ моддалар. Ютувчи модда сорбент, ютиладиган модда эса сорбтив ёки сорбат дейилади. Адсорбция, абсорбция ва капилляр конденсация каби оддий жараёнлар йиғиндисидан иборат мураккаб физикимёвий жараён сорбциядир. Агар сорбентнинг ютилиши унинг сорбент бўлиши натижасида бўлса, ион алмашинуви натижасида бўлса, ҳ. таъсирланиши натижасида бўлса, бундай жараён хемосорбция деб аталади. Хемосорбция кўпинча сорбент сатҳида содир бўлади. Фаолланган *кўмир, силикагель, алюминий оксид, цеолитлар* кенг тарқалган С.дир. Синтетик йонлончи смолалар (қ. *Йонитлар*) ҳам муҳим С. ҳисобланади. Суюқ С. кимё саноатида қўлланади.

СОРБИТ (инглиз олими Г. К. Сорби номидан), металлшуносликда — пўлат ва чўян структурасини ташкил этувчилардан бири; *цементит* ва *феррит* аралашмаси. Совитилганда юзберадиган диффузион ўзгаришлар натижасида *аустенит*дан ҳосил бўлади. С.нинг микроструктураси пластинкасимон (нормаллаш, яъни сорбитлаш натижасида ҳосил қилинади) ёки донадор (термик яхшилаш натижасида ҳосил қилинади) бўлади. С. структурали пўлатнинг пластиклиги ва зарбий қовушоқлиги юқори, жуда мустаҳкам, шунинг учун машиналарнинг кўпгина деталлари, рельслар, бандажлар ва б. сорбитланади.

СОРБОННА (Sorbonne) — талаба ва ўқитувчиларнинг илоҳиёт коллежи ва ётоқхонаси. 1257—1554 йилларда Парижнинг Лотин кварталида мавжуд бўлган (асосчиси руҳоний Р. де Сорбон номидан). 1554—1792 йилларда Париж университетининг геология ф-ти; 17-асрдан *Париж университетининг* кенг тарқалган 2-номи.

СОРБЦИЯ (лот. sorbeo — ютаман) — газ, буғ ва эриган моддаларнинг қаттиқ ёки суюқликда ютилиши. Ютувчи жисмлар *сорбентлар*, ютилувчи модда сорбат (ёки сорбтив) дейилади. С.нинг қуйидаги турлари бор: *адсорбция, абсорбция, хемосорбция* ва капиллярларда конденсация — ютувчи моддани ғовак ва капиллярларида суюқ фаза ҳосил бўлиши. С. — кўпгина табиий жараёнларнинг асосий таркибий қисми; у кимёда кенг қўлланади. Муҳим сорбентларга фаолланган кўмир, силикогель, цеолитлар, емектит, навбахтит ва б. киради.

СОРЛАР (Buteo) — қарчиғайлар оиласига мансуб қушлар уруғи. 25 тури бор. Европада, Африка ва Америка қитъаларида, Мадагаскар ва Гавайя оролларида тарқалган. Ўртача катталикда, уз. 28 см дан 70 см гача, вазни 140 г дан 2 кг гача. Қанотлари ва думи кенг. Патлари кўпроқ сариқ ва малла рангда. Ўрмон, дашт ва тоғли ҳудудларда ҳамда тундрада яшайди. Уясини дарахтлар, қоялар, жарликлар ва ерга қуради. Кулай жойга қурилган уялардан ҳар йили фойдаланади. 2—4 та тухум қўяди. Тухумини кўпроқ модаси босади. Инкубация даври 30—40 кун. Болаларини уяда 45—55 кун боқади. Асосан, кенг тарқалган кемирувчилар, айрим турлари қалтакесак, илон, қуён, йирик ҳашаротлар б-н озиқланади. Озиқ кам бўлган йиллари С. болалари ўртасида каннибализм кузатилади, яъни катта ёшдаги болалари кичиги ва нимжонини ейди. С.нинг 2 тури Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил китобига киритилган.

Сариқ сор.

СОРМАЙТ — асосини темир ташкил қиладиган қаттиқ қотишмаларнинг умумий номи. С. 20-а. 30-й.ларида Сормово з-ди (Россия)да ишлаб чиқилган

жойлашган. Улар ана шу кўчалар орқа-



Сополга битилган пиктографик ёзув белгилари.

бир оилага қарашли кўп хонали бўлиб, ҳар бири деворининг остида мўрили ўчоқ, иккинчисида сандал ўрни ёки тоза кули қурбонгоҳ чуқурчаси, учинчисидан эса омборхона сифатида фойдаланилган. Булар оила бирлигини англатувчи муҳим белги эди. Бир неча шундай оила бирликлари катта патриархал уруғ жамоасини ташкил этган. С. ана шундай катта патриархал уруғ жамоаларидан 8 тасини бирлаштирган қишлоқ жамоаси эди. С. уйлари ва мудофаа иншоотлари сомон қўшилган хом гиштлардан қурилган. Уй деворлари андавалар ёрдамида силлиқ қилиб сувалган (топилмалар орасида сопол андава ҳам бор), сувоқ устидан ҳаворанг оҳак б-н оқланган.

Ҳар бир патриархал жамоа маҳалласи қошида уларнинг кундалик эҳтиёж буюмлари ва б. қўйилган. Аҳолида эркаклар гўзанак ҳолда ўнг томони б-н, аёллар эса чап томони б-н ётибди. Ҳар икки жинс ҳам кафанда эмас, балки қабрга қўйилган. Ҳаёт давомида эркаклар ва аёллар ўртасида меҳнат тақсимоти ҳам бўлган. Эркаклар овчилик, балиқчилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Аёллар эса уй ишлари, ўтов ёки уй тозалиги, болаларни тарбиялаш, ошхона ишлари, кийим-кечак тикиш, ип йигириш, гилам тўқиш ва ҳ.к. ишларни бажарган. Аёллар ҳунармандчилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқарган. Улар ўтов ёки уй ичида ўтириб, ип йигирган, гилам тўқиган, кийим-кечак тикиган, ошхона ишларини бажарган. Ўтов ёки уй ичида ўтириб ишлаш аёлларнинг ташқи дунёдан ажралиб қолишига олиб келган. Аёллар ўтов ёки уй ичида ўтириб ишлаганлиги сабабли ҳам ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда аёллар ҳиссаси катта бўлган.

Дурадгорлик асбоблари.

Сариқ сор.

бўлган йиллари С. болалари ўртасида каннибализм кузатилади, яъни катта ёшдаги болалари кичиги ва нимжонини ейди. С.нинг 2 тури Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил китобига киритилган.

СОРМАЙТ — асосини темир ташкил қиладиган қаттиқ қотишмаларнинг умумий номи. С. 20-а. 30-й.ларида Сормово з-ди (Россия)да ишлаб чиқилган

(номи шундан). Қаттиқ С.да 25–31% хром (Cr), 2,5–3,5% углерод (C), 3–5% никель (Ni), 4,5% марганец (Mn), 2,8–4,2% кремний (Si), 0,08% гача олтингугурт (S) ва б. бўлади. Структураси жиҳатдан юқори хромли чўянга яқин туради, термик ишланганда қаттиқлигини оширтирмайди. С.нинг бошқа айрим хоссалари: Роквелл бўйича қаттиқлиги 50 дан ортиқ, эриш т-раси юқори (1275°) ва б. Штамплар, ўлчов асбоблари ва б. деталлар С.дан тайёрланади. Деталь ва асбобларнинг тез ейиладиган сиртларига эритиб ёпиштириш ва б. мақсадларда ҳам ишлатилади.

СОРОКИН (Sorokin) Питирим Александрович (1889.21.1, Турья, Пермь губернияси — 1968.10.2, Уинчестер, Массачусетс штати, АҚШ) — келиб чиқиши рус бўлган америкалик социолог. Ўнг эсерлар етакчиси. 1920 й.дан Петроград ун-ти проф. Аксилинқилобий фаолияти учун шўролар ҳукумати уни мамлакатдан чиқариб юборган (1922). 1923 й.дан АҚШда. 1930–64 й.ларда Гарвард ун-ти проф. Шу ерда социология ф-тини ташкил этиб, уни бошқарган. С. АҚШ социологиясида ҳукмрон бўлган эмпирик йўналишни танқид қилган ва «интеграл» социология тўғрисидаги таълимотни ривожлантирган. Ижтимоий борлиқни инсониятдан юқори турувчи ижтимоий маданий мавжудлик деб билган. Тарихий жараённи маданият асосий типларининг циклик алмашинуви деб тушунтирган, бу маданиятлар негизида тил, ахлоқ, санъат, фан, дин биргаликда мавжуд бўлади. Ҳоз. маданият умумий инқирозини бошдан кечирмоқда деб ҳисоблаган С. бу инқирозни материализм ва фаннинг ривожланиши б-н боғлайди ҳамда диний «идеалистик» маданиятни юксалтирибгина инқироздан чиқиш мумкин, деб изоҳлайди. Ғарб социологиясида С.нинг ижтимоий мобиллик ва ижтимоий стратификациянинг ўрганиш соҳасида қилган эмпирик тадқиқотлари ҳам юқори баҳоланади.

Абдуғани Холбеков.

СОРОРАТ (лот. Soror — сингил) — никоҳ одатларидан бири. Эркакнинг бир неча опа-сингилларга уйланиши. Баъзи олимлар С. ибтидоий жамоа даврида урф бўлган гуруҳли никоҳнинг қолдиғи дейишади. С. Осиё, Америка, Африка ва Океаниянинг кўпгина халқларида ҳам мавжуд бўлган. С. баъзи давлатларда хотини вафот этган эркакнинг ўз қайин синглисига уйланиши тарзида сақланган. Кўпинча бу одатни етим болалар тарбияси учун ғамхўрлик б-н боғлайдилар. С.ни дастлаб Л. Морган қайд этган ва Ж. Фрейзер эса фанга киритган. Ўзбекларда никоҳнинг бу тури сақланган бўлиб, тўй ишлари мулк б-н боғлиқ, кин. Чунки одатига кўра, эри вафот этгандан кейин эркак қайта уйланиши учун яна қалин тўлаши лозим бўлган. Марҳуманинг синглисига уйланганда эса, деярли қалин тўламаган ва фақат тўй харажатлари берилган, холос. Шунингдек, марҳуманинг фарзандлари етимлик азоб-уқубатини тортмаслигига ҳам эътибор берилган.

Ад.: Кисляков Н. А., Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л., 1969; Бўриев О., Шомарданов И., Насриддинов К., Ўзбек оиласи тарихидан, Т., 1995.

СОРТАМЕНТ (франц. assortir — саралаш, танлаш), сортимент — маҳсулотнинг маркаси, ўлчами ва шакли бўйича таркиби. «С.» термини, асосан, металлургияда металл прокатлар (масалан, рельсларга нисбатан, «сортимент» эса ёғоч материаллар и. ч.да ёғоч буюмларга нисбатан қўлланилади.

СОРТЕПА, Сартепа — қадимги қалъа — қўрғон харобаси (мил. 1–8-а.лар). Андижон вилояти Балиқчи тумани марказидан 1,5 км жан.да Қорадарё ўзанида жойлашган. Илк бор *Давон* подшолиги пайтида пайдо бўлган, сўнгра кенгайиб деҳқончилик воҳасининг ўзига хос марказига айланган. Бунга унинг қулай географик ҳудудда — Қорадарёнинг унумдор ўзанида жойлашгани сабаб бўлган бўлиши керак. Ҳоз. ёғочлиндан арк қисм ва унинг яқинида иккита майда тепа сақланиб қолган. Арк майд. 1,7 га бўлиб, ундаги маланни қалин қалинлиги 6,5 м ни ташкил этади. С. 4 томондан қалин пахса девор б-н ўраб олинган. Шарқий девор томонда дарвоза ўрни кўриниб туради. Археологик қазишмалар натижасида учта қурилиш даврида олд меъморий қолдиқлар ва ашёвий далиллар аниқланган. Ёдгорлик 8-а. бошларида араблар истилоси пайтида бузиб юборилган.

СОСНОВЕЦ — Польшанинг жан. қисмидаги шаҳар. Юқори Силезия агломерациясида, Катовице воеводасида. Аҳолиси 244,1 минг киши (1999). Тошкўмир қазиб олинадиган р-н марказы. Қора металлургия, кон машинасозлиги, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, тог музейи бор.

СОСОН — Эрондаги сосонийлар сулоласи бобокалони. Аҳоманийлар даври (мил. ав. 558–330) да оташпарастларнинг Стахр (ҳоз. Истахр) даги Анахита бутхонасининг коҳини (мубод) бўлган. Сосонийлар давлатини идора этган Эрон шаҳаншоҳлари ўзларини С. наслидан деб билдилар.

СОСОНИЙЛАР — Яқин ва Ўрта Шарқда мил. 3–7-а.ларда ҳукмронлик қилган эрон шоҳлар сулоласи, келиб чиқиши Порсо вилоятидан. *Форслар* бўлиб, Порсонинг С. уруғидан бўлган Гаюр Папакнинг отаси *Сосон* номи б-н аталган. Папакнинг ўғли *Ардашир I* С. давлатининг асосчиси бўлган. С. сулоласининг гуллаб яшнаган даври *Шопур I*, Яздигард II, Фируз ва *Хусрав I Ануширвон* даврларига тўғри келади. С. сулоласи вакиллари: Ардашир I (224–239), Шопур I (239–272), Ҳурмузд I (272–273), Баҳром I (273–276), Баҳром II (276–293), Баҳром III (293), Нарсе (293–302), Ҳурмузд II (302–309), *Шопур II* (309–379), Ардашир II (379–383), Шопур III (383–388), Баҳром IV (388–399), Яздигард I (399–420), *Баҳром Гур* (421–439), Яздигард II (439–457), Ҳурмузд III (457–459), Фируз (459–484), Балаш (484–488), Кубод I (488–496, 498–531), Жомосп (496–498), Хусрав I Ануширвон (531–579), Ҳурмузд IV (579–590), *Хусрав II Парвиз* (591–628), Кубод II (628), Ардашир III (628–629), *Яздигард III* (632–651).

СОСОНИЙЛАР ДАВЛАТИ — Яқин ва Ўрта Шарқда *сосонийлар* сулоласи бошқарган давлат (3–7-а.лар). 224 й. *Ардашир I* Парфия шоҳи Ардавон V ни мағлубиятга учратиб, 226 й. пойтахт Ктесифон шаҳрини эгаллаб, янги давлат тахтига ўтирган. Бу давлатнинг барча ҳукмдорлари «шаҳаншоҳ» унвони б-н тахтни бошқарганлар, давлат эса Эроншаҳр («ориёлар подшолиги») ёки «эронийлар шоҳлиги» деб аталган. Эрон, унинг ғарби ва шарқидаги ҳудудлар (Ардашир I ва Шопур I даврида) бирлаштирилган. С.д.га шоҳлар коҳинларга таяниб иш кўришган, янги оташкада («олов саройлари») бунёд этилган. Ардашир I даврида *зардуштийлик* давлат дини деб эълон этилган, зардуштий руҳонийлар давлатда катта сиёсий, иқтисодий таъсир кучига эга бўлишган, бошқа динлар таъқиб қилинган.

Сосонийлар давлати. Терракотадан ясалган сосонийлар ҳайкалчаси.

Ҳукмронлиги даврида 4-а.нинг бошларида С. империясининг ошганлиги. Баҳром II Рим б-н бўлган жанг (283) да мағлубиятга учраган С. шарқдаги бир қанча вилоятларидан ажралди. Шопур II даврида улар қайта босиб олинди. Месопотамиянинг айрим ерлари, Арманистоннинг бир қисми Рим б-н бўлган урушларда С. га тобе этилган. Шопур II даврида С. марказлаштирилган, маҳаллийлик кучайган. С.д. шарқини ва шим. қабилалар бирлашмаси хионийлар, кидарийлар ва б.лар қарши 5-а. урушларида муваффақиятли кураш олиб борган. Лекин *эфталийлар* б-н бўлган жангда енгилган, шоҳ Фируз ўлдирилган (484). Натижада Марказий шарқда бўлган ерларидан ажраб, эфталийларга оғир солиқ тўлаш мажбуриятини олган. С.д. аҳолиси расмий равишда 4 табақага бўлинган: коҳинлар, ҳарбий зодагонлар, амалдорлар ҳамда деҳқон ва ҳунармандлар. 5-а. охирида мамлакатда маздакийлик таълимотлари кенг тарқалган. Маздакийлар ҳаракати тор-мор этилган. С.д. шоҳлари бир неча ислоҳотлар ўтказганлар. Кубод I ва Хусрав I даврида солиқлар 5-а. даги солиқларга анча енгил бўлган. Коҳинлар ва йирик ер эгалари мулки «олий жанглар» фойдасига мусодара қилинган. С.д. иқтисоди томонидан 6-а. бошида анча ривожланган, ташқи сиёсатда ҳам катта ютуқларга эришган. С.д. 558–568 й.ларда эфталийларни енгиб, Амударёнинг сўл қирғоғи ва Афғонистондаги катта ҳудудни ўз ига қўшиб олган. Ямани забт этилган (570 й.). С.д. ҳудудига босқин қилган турклар тор-мор этилган (589 й.). Тахт учун кураш авж олган. 20 й. давом этган урушлар С.д.нинг иқтисоди ва сиёсий қудратига путур етказди. Эрон маданияти сосонийлар даврида жуда юксалди. Яздигард III даврида (632–651) С.д.ни араблар босиб олди.

Ад.: История стран зарубежного Востока в средние века, М., 1957; Пигулевская Н. В. и др., История Ирана с древнейших времен до конца XVIII века, Л., 1958; Луконин В. Г., Культура сасанидского Ирана, М., 1969.

Сосонийлар шоҳи Ардашир II нинг тахтга ўтказилиш маросими. Чап тарафда Митра маъбудаси. Тоқи Бўстондаги рельеф.



СОССЮР (Saussure) Фердинанд де (1857.26.11, Женева — 1913.22.2, Вюфлан-сюр-Морж) — швейцариялик тилшунос. Женева (1875), Лейпциг, Берлин (1876–80) ун-тларида ўқиган. Женева ун-тининг проф. (1891 й.дан). С.нинг биринчи асари ҳинд-европа тилларидаги вокализмнинг ўрганишга, тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнаган бўлса, унинг «Умумий тилшунослик курси» (1916) 20-а. Европа тилшунослиги ривожига катта таъсир кўрсатган. С. биринчи бўлиб тилни муайян тизим сифатида ўрганишни таклиф этди, тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасини, *диахрония* б-н *синхрония*ни ўзаро фарқлаган, тилшуносликни семиологиянинг (семиотиканинг) бир қисми деб ҳисоблаб, асосий белги табиатини кашф этди. С.нинг тилшуносликдаги қарашлари Женева тилшунослик мактаби вакиллари Ш.Балли, А. Сеше асарларида, француз социологик мактаби намояндалари А. Мейе, Ж. Вандриес ва б.нинг илмий ишларида, структурализм қоидаларида акс этган. Европа структуравий тилшунослигига асосчиси сифатида С. тилшуносликнинг, шунингдек, хорижий семиотиканинг айрим йўналишлари, антропология, адабиётшунослик ва эстетиканинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

СОТИМ УЛУҒЗОДА (1911.11.9, Чуст — 1997, Душанбе) — тожик ёзувчиси, драматург, адабиётшунос. Тожикистон ФА мухбир аъзоси (1951). Тошкент Ўқитувчилар ин-тини тугатган (1929). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг 1-котиби (1944–46). Ижоди 1930 й.дан бошланган. «Ўт ичида» драмаси (1944)да халқнинг фашизмга қарши кураши тасвирланган. «Ҳимматли дўстлар» (1947), «Ёшлигимиз тонги» (1951) қиссалари, «Излончилар» комедияси (1951) онла муаммолари ҳақида. «Янгиган ...» (1953) романи урушдан кейинги қишлоқ қурилиш ва бўз ерлари ўзлаштирилига бағишланган. С.У. «Ибн Сино» (1953), «Шоир қисмати» (1957), «Рудакий» (1958), «Восеъ» (1960) киноссенарийлари, «Гавҳари шамчироқ» (1962) комедияси, «Восеъ» романи (1967) муаллифи. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Ёшлигимиз тонги [қисса], Т., 1958; Восеъ [роман], Т., 1970.

СОТИМОВ Нуъмон Юнусович (1939.15.12, Андижон) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), физика-мат. фанлари д-ри (1977), проф. (1978). Москва ун-тини тугатган (1962). Ўзбекистон ФА Математика ин-ти аспиранти, кичик илмий ходим (1962–68), ТошДУ да катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири (1968–74), Москвадаги Математика ин-тида катта илмий ходим (1974–76). 1976 й.дан ТошДУ (ҳоз. Ўзбекистон Миллий ун-ти)да доцент, проф., декан (1985–87), кафедра мудири (1976 й.дан). Илмий ишлари дифференциал тенгламалар, оптимал бошқарув ва зиддиятли жараёнлар назариясига оид. Оптимал бошқарув назариясида Беллман тенгламаси ечимларининг дифференциалланувчилик хоссасини тадқиқ этган. Зиддиятли жараёнларга мансуб таъқиб этиш масаласини ечиш усулини яратган; учрашувдан четлашиш масаласи ечимининг мавжудлиги учун етарли шартлар таклиф этган. Комплекс дифференциал тенгламалар б-н ифодаланган бошқарилувчи жараёнларни ўрганиш назариясига муҳим ҳисса қўшган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985).

Ас.: Методы решения задачи уклонения от встречи в математической теории управления, Т., 2000; Методы решения задачи преследования в теории дифференциальных игр, Т., 2003.

СОТТИ ҲУСАЙН (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳусаинов Сотти) (1906, Қўқон — 1942.5.9, Тошкент) — танқидчи ва адабиётшунос. Москвадаги Кечки Адабиёт ин-тида ўқиган (1934–35). «Ёш ленинчи» газета муҳаррир (1927–28). Москвадаги СССР халқлари музейида ходим. «СССР ҳуқуқмати қонунлари мажмуаси» жур.нинг ўзбекча нашрида муҳаррир (1934–37). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис

винининг 1-китоби (1944—46). Ижоди 1930 йлан бошланган. «Ўт ичида» драмаси (1944)да халқнинг фашизмга қарши кураши тасвирланган. «Ҳиммatли дўстлар» (1947), «Ёшлигимиз тонги» (1951) қиссалари, «Изловчилар» комедияси (1951)

2003.

СОТТИ ҲУСАЙН (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳусаинов Сотти) (1906, Қўқон — 1942.5.9, Тошкент) — танқидчи ва адабиётшунос. Москвадаги кечки Адабиёт ин-тида ўқиган (1934—35). «Ёш ленинчи» газ.да муҳаррир (1927—28). Москвадаги СССР халқлари музейида ишл. «СССР ҳукумати қонунлари мажмуаси» журнали ўзбекча нашрида муҳаррир (1934—37). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида рақс

ўринбосари (1937—38). Тил ва адабиёт ин-тида директор (1938—40). Ўзбекистон КП (б) МҚда бўлим мудири (1941—42). С.Ҳ.нинг «Дуохон» ва «Жоҳиллик балоси» илк пьесалари 1921—22 й.ларда ёзилган ҳамда Қўқон ш. маданият клубида саҳналаштирилган. «Лойқалар» («Ғалаба») пьесаси 1930 й.да Ўзбек давлат драма театри саҳнасида қўйилган. Шундан кейин у «Қизил таёқчилар» (1935) ва б. пьесаларни ёзган. С.Ҳ. матбуот, театр, мусиқа, адабиёт, таржима масалаларига бағишланган мақолалар эълон қилган. У Ҳамза меросини ўрганиш ишини бошлаб, «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва фаолияти» (1941) монографиясини чоп этган ва Ҳамзанинг «Танланган асарлар»ини Ю. Султонов б-н бирга нашрга тайёрлаган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1974.

СОФ МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ — муайян давр давоми (одатда ой, чорак, йил)да мамлакат иқтисодий фаолиятининг умумий якунларини тавсифлайдиган кўрсаткичлардан бири; *ялпи миллий маҳсулот* (ЯММ)дан таркибига тегишли даврда истеъмол этилган асосий капитал қиймати киритилмагани б-н фарқ қилади. С.м.м. қиймати *миллий ҳисоблар тизими* асосида ҳисоблаб чиқилади. Назарий жиҳатдан олганда С.м.м хўжалик фаолияти натижаларини ялпи ички маҳсулот ва ЯММга қараганда аниқроқ ҳисоблаш имконини беради, чунки у тегишли даврда яратилган қийматни ҳисобга олади. Лекин амалиётда С.м.м. ҳисоб-китобларидан ЯММга қараганда камроқ фойдаланилади, бу эса истеъмол этилган капитал қийматини аниқ ҳисоблашнинг мураккаблиги б-н боғлиқ.

СОФИЗМ (юн. sophisma — ҳийла, жўмбоқ) — бирор беъмани фикрни асословчи муҳокама ёки хулоса. С.да ёлғон муҳокама чин муҳокамадек қилиб кўрсатилади ёки мантиқ қонунларини бузиб хулоса чиқарилади. *Аристотель* С.ни «сохта исбот» деб атаган. С. — ҳақиқатни ёлғон, ёлғонни ҳақиқат деб тушунтиришдан иборат бўлиб, рақибни алдаш, уни нотўғри йўлга йўналтиришга ва шу тарзда ўз мақсадига эришишга мўлжалланган мантиқий усулдир. Мана бу мисолда одамнинг шохи борлиги шундай исботланади: — Йўқотмаган нарсаларинг ўзингда бўладими? — Ҳа. — Сен шох йўқотмагансан? — Ҳа. — Демак, шохинг ўзингда. Сен шохли одамсан.

Мантиқ илмини яхши эгаллаган кишилар бундай ҳийлагарликни осонгина фош эта олади. С. соддадил кишилар қалбида ҳақиқатга, адолатга шубҳа уйғотувчи, уларни тўғри йўллан адаштирувчи маккорлик қуролидир.

СОФИСТИКА (юн. sophistike — ҳийлагарлик б-н мунозара олиб бориш) — 1) Юнонистонда *софистлар* яратган фалсафий оқим. Унинг йирик вакиллари: Горгий (тахминан мил. ав. 483—375), *Протагор* ва б.; 2) мантиқ қонунларини атайин бузиб, ёлғон далилларга асосланган ҳолда муҳокама юритиш. С. ташқи томондан тўғри бўлиб туюлади, аслида эса мантиқий хато мулоҳазаларга таянали (яна қ. *Софизм*).

СОФИСТЛАР (юн. sophistes — моҳир, доно) — 1) Юнонистонда ақлли, билимдон кишилар, махсус ҳунар эгалари; 2) мил. ав. 5-а.нинг 2-ярми — 4-а.нинг 1-ярмида Юнонистонда донолик ва чиройли сўзлашувга ўргатувчи ўқитувчилар, файласуфлар. Улар маълум миқдордаги ҳақ олиш эвазига кишиларга мунозара олиб бориш санъатини, рақибининг мулоҳазаларидаги заиф томонларни топиб, уларга зарба бериш, ўз фикрини бошқаларга ўтказиш, мунозарада енгиб чиқиш усулларини ўргатишган. Бунда *софистика* услубидан фойдаланишган. Шу мақсадда рақибни довдиратиб қўядиган мантиқий *софизм* ва парадокслар ўйлаб чиқаришган. *Протагор*, Горгий, Гиппий, Продик ва б. машҳур С.дир. С. алоҳида бир мактабни ташкил этишмаган. Лекин уларнинг этика, сиёсат, билиш назарияси соҳасига қизиқишларида умумий томонлари бор. Мил. ав. 5-а.да Юнонистон маънавий ҳаётида фалсафанинг талқиқот объектини лунё муаммоларидан инсон ва унинг маънавий олами муаммосига буриш кўзга ташланади. С. «инсон ҳамма нарсаларнинг ўлчовидир» деган гояга таяниб иш юритишган. *Аристотель* С.ни «сохта донолик ўқитувчилари» деб атаган.

СОФИЯ — *Болгария* пойтахти. София сойлигининг жан. чеккасида, Витоша тоғи этакларида, 530—650 м баландликда жойлашган. София вилоятининг маъмурий маркази. Банкя, Нови-Искир ва б. шаҳарлар б-н алоҳида маъмурий бирлик — Катта С.ни ташкил этади. Аҳолиси 1,09 млн. киши (2001). Иқлими мўътадил континентал иқлим, янв.нинг ўртача т-раси 2°, июлники 20°, йиллик ёгин 600—650 мм. Шаҳарнинг шарқий чеккасидан Искир дарёси оқиб ўтали, шаҳар атрофларида минерал булоқлар бор. С. Ғарбий ва Марказий Европа давлатларини Яқин Шарқ мамлакатлари б-н боглаб турувчи водийлар орқали ўтган қад. йўллар устида жойлашган транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга.

Ас София черкови

Шаҳарга Сердика номи б-н мил.ав. 1-а.да асос солинган ва Рим, кейинроқ Византияга қарашли Болқон ерларининг муҳим маъмурий маркази ва савдо пункти бўлган. 809 й.да Средец номи б-н Биринчи болгар қироллиги (681—1018) таркибига кирди. 1018—1194 й.ларда Византия ҳукмронлиги остида бўлган. 14-а. охиридан С. деб (Аё София черкови номидан) аталиб келинмоқда. 1382 й.да С.ни турклар босиб олди ва Румайла бекларбеклигининг қароргоҳига айлантирилди. 16—18-а.ларда С. Болқон я.о.нинг Истанбуллан кейин 2-ўриндаги йирик ҳунармандчилик ва маданий маркази бўлган. 1877—78 й.ларда рус қўшинлари С.ни турклардан озод қилди. 1879 й.дан Болгария пойтахти.

С.— мамлакатнинг иқтисодий, илмий ва маданий маркази. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 1/6 қисми С.га тўғри келади. Машинасозликнинг турли соҳалари, хусусан, электротехника ва радиоэлектроника, станоксозлик ва приборсозлик, кўтарма-транспорт жиҳозлари и.ч., рангли ва қора металлургия, кимё, резина, целлюлоза-қоғоз, полиграфия, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Болгария ФА, ун-т, ин-тлар, геогр. жамияти, консерватория, бадиий галерея, археология, этнография ва б. музейлар, театрлар бор. Меъморий ёдгорликларидан Аё София черкови (5—6-а.лар), Александр Невский мақбара-ҳайкали (1904—12) ва б. сақланган.

СОФИЯ ИБОДАТХОНАСИ, Аё София (Авлиё София) ибодатхонаси — Истанбуллаги меъморий ёдгорлик. Византия меъморлигининг буюк маҳобатли ёдгорлиги (532—537). Меъморлари траллик Анфимий ва милетлик Исидор. С.и. тарҳи 3 *нефли* гумбазли *базилика* шаклида бўлиб, ён нефлари 2 қатламли, гумбази ярим айланасимон. Ўрта нефи кенг ва баланд, томи улкан гумбаз б-н қопланган. Ибодатхона уз. 77 м, гумбаз диаметри 31,5 м. Гумбази 4 устунга ҳамда бағалидаги равоқларга таянган. Гумбаз асосига 40 та дераза ишланган. Интерьерида орлер тизими (колоннада, равоқ ва б.) дан фойдаланилган. Рангли мармар ва кошинлар б-н серҳашам безатилган. 6-а.да вайрон бўлган гумбази 1374 й.да кичик ҳажмда қайта тикланган. 1453 й.дан масжидга айлантирилиб, кейинчалик ташқи кўриниши турк меъморлигига хос услубда қайта қурилган. 4 томонига найзасимон минора ишланган (16—18-а.лар). Ҳозир музей.

София ибодатхонаси.

Вазирлар Маҳкамаси биноси.

СОФИЯ УНИВЕРСИТЕТИ, Климент Охридский номидаги София университети — Болгариянинг биринчи ва йирик олий ўқув юрти. 1888 й. олий пед. курслари сифатида ташкил этилган. 1889 й. Олий билим юрти. 1904 й.дан ун-т; 1905 й.дан славян маърифатпарвари, қад. болгар адабиёти асосчиларидан бири Климент Охридский номида. 1944 й. қайта ташкил этилган. 2-жаҳон урушидан сўнг Болгариянинг етакчи илмий-пед. марказига айланган. Унинг негизида тиббиёт, иқтисодиёт, агрономия, зоотехника, қ.х., ўрмон хўжалиги, ветеринария ин-тлари ташкил этилган. 1970-й.лардан ун-т ф-тлари Болгария ФА илмий муассасалари б-н ўзаро ҳамкорлик қилади (ўқув марказлари доирасида). Фалсафа, тарих, славян филологияси, гарб филологияси, мат., физика, кимё, биол., геология, геогр., ҳуқуқшунослик ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 14 минга яқин талаба таълим олади. Кутубхонасида 700 мингдан ортиқ асар бор. Илмий асарлар нашр этади.

СОФОКЛ (Sophokles) (тахм. мил. ав. 496—406) — юнон драматурги, шоир, сиёсий ва ҳарбий арбоб. Антик манбаларга кўра, 123 драма ёзган, шулардан 7 таси («Аякс», 442 й.дан олдинроқ; «Антигона», тахм 441; «Трахиналик аёллар», ёзилган вақти номаълум; «Шоҳ Эдип» ва «Электра», 430—15 й.лар орасида; «Филоктет», 409; «Эдип Колонда», 401) ва айрим драмаларидан парчалар, баъзи лирик шеърлари етиб келган. С. ўтмишдоши Эсхил ва издоши Еврипиддан фарқли ўлароқ, воқеликни қандай бўлса, шундай қабул қилиб, Юнонистоннинг гуллаган даврндаги демократия асосларига шубҳа б-н қарамаган. С. антик давр трагедиялари учун устувор аҳамиятга эга бўлган шахснинг маънавий шаклланиши муаммосини ечишда дунёнинг Парвардигор томонидан идора этилишини назардан қочирмаган. Унинг «Трахиналик аёллар» трагедиясидан бошқа барча асарлари олижаноб кишиларнинг номлари б-н аталган ва бу асарларнинг қаҳрамонлари мураккаб вазиятда дўқ ва пўписаларга ёхуд муросасозликка даъват этувчи кенгаш ва маслаҳатларга қарамай, ўз мақсадлари сари интиладилар. Антигона «норасмий қонун»га итоат этиб, давлат қонунини бузади ва акасидан жудо бўлади; Электра қатл этилган отасининг ўчини оламан, деб ўзини-ўзи азоб-уқубатларга гирифтор этади; Эдип, тақдири азалдан қанчалик қочишга уринмасин, отасининг қотили ва онасининг эри бўлиб чиқади. Ана шу тарзда С. трагедияларининг қаҳрамонлари, ўз истакларига қарши ўлароқ, тақдири азалнинг қурбони сифатида гавдаланадилар. С. воқеанинг табиий оқимини акс эттирар экан, тасвирга илоҳий кучларни жалб этмайди, томошабин унинг асарларида камдан-кам ҳолдагина фолбин, башоратчиларга дуч келади. С., Эсхилдан фарқли ўлароқ, трагедиянинг трилогия кўринишларидан воз кечиб, ҳар бир асарида сюжетнинг мустақиллигига эришади. Унинг иккинчи янгилиги 3 актёр иштирокидаги саҳналардан самарали фойдаланишидир. С. жаҳон адабиёти тарихидан бир неча монументал образларни яратган ижодкор ва жиддий драматик композициялар устаси сифатида ўрин эгаллаган. С. асарлари театр санъати юксак тараққиёт даражасига кўтарилган ҳоз. даврда ҳам ўз қимматини йўқотмай, жаҳон драматургиясининг шоҳ намуналари бўлиб қолмоқда. С.нинг «Шоҳ Эдип» (1969), «Антигона» асарлари ҳоз. Ўзбек миллий театри (1971), «Электра» трагедияси эса Аброр Ҳидоятов номидаги театрда саҳналаштирилган.

Ас.: Шоҳ Эдип, Т., 1979.

СОХТА ҚУРАКБУРУНЛИЛАР, қил-қуйруқлар, ирик қуракбурунлилари (*Pseudoscaphirhynchus*) — осетрсимонлар (бакра балиқлар) оиласига мансуб чучук сув балиқлари уруғи. Гавдасининг дум томонида яхлит суяк қатқонининг булиши б-н ҳақиқий куракбурун балиқлардан фарқ қилади. 3 тури Орол денгизи ҳавзаси дарёларида учрайди. Барча турлари Ўрта Осиё учун эндемик. Катта амударё С.қ. узунлиги 75 см гача, вазни 2,5 кг гача; майда балиқлар б-н озиқланади. 6—7 ёшида вояга етади, апрелда увилдириқ ташлайди. 2 [illegible] С.қ. 37 мингтагача тухум қўяди. Кичик амударё С.қ. 27 см гача, Сирдарё С.қ. 30 см гача. Барча С.қ. нодир, Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

СОХТА ОЁҚЛИЛАР (*Sarcodina*) — бир ҳужайрали ҳайвонлар синфи (қ. *Саркодалилар*).

СОХТА СИМКУРТЛАР — қоражуқ[illegible]лар ва чангутлар оиласига мансуб қунғизлар личинкасининг умумий номи. Улар *симкуртлар* б-н биргаликда тупроқда яшайдиган зараркунанда ҳашаротларнинг катта гуруҳини ташкил этади. Уларни қорсилдоқ қунғизлар личинкаси — ҳақиқий симкуртлардан фарқлаш учун С.с. деб аталади. Суғорма деҳқончилик минтақасида С.с.дан маккажўхори, ғалла ҳамда қумлик [illegible] [illegible] ва б. учрайди (яна қ. *Дала суваракаси*, *Маккажўхори зараркунандалари*).

СОЦИАЛИЗМ (лот. socialis — ижтимоий) — хусусий мулкни тугатиш (умумий мулкка айлантириш) орқали эркинлик ва тенглик, барча фаровонликка эришиш мумкин деб ҳисобловчи таълимот. С. тарафдорлари ана шу йўл б-н қурилган ижтимоий тузумни идеал жамият деб ҳисоблаганлар. «С.» атамаси Францияда 19-а.нинг 30-й.ларида истеъмолга кирган. Лекин ижтимоий адолат жамияти б-н боғлиқ тасаввурлар «олтин аср» тўғрисидаги қад. тонларга бориб тақалади. Бу тонларнинг асосчиси *Платон* ҳисобланади. У «Сиёсат», «Давлат», «Қонунлар» каби асарларида моҳиятан С.га ўхшаш жамият тўғрисидаги фикрларни баён этган. Унинг ижтимоийлик ғоясини ўрганган *Аристотель* уша вақтдаёқ хусусий мулкчиликни [illegible] асосланган жамият тараққиёт йўлини [illegible] тавкидлаган. Умумий тенглик, «олтин аср» бораcидаги [illegible] кейинчалик утопик (хаёлий)

С.нинг [illegible] К. *Маркс* ва Ф. *Энгельс* [illegible] С. [illegible] кўра, С. *коммунизмнинг* қуйи фазаси [illegible] Т. Мор (1478—1535), Т. Кампанелла, Г. Б. Мабли (1709—85), Морелли (18 а.), Ш. *Фурье*, А. *Сен-Симон* [illegible] Г. Бабёф (1760—97), М. *Бакунин*, К. *Маркс*. [illegible] В. И. *Ленин* ва б. [illegible]

С. [illegible] Октябрь [illegible] 20-а. 20-й.ларининг охири — 30-й.ларининг бошида СССРда, 2-жаҳон урушидан кейин эса бошқа мамлакатларда [illegible] ҳам [illegible] қарор топиши туфайли С. [illegible] қисмида етилди. [illegible] режимларининг [illegible] қурилиши [illegible] С. [illegible] деб аталган [illegible] хос белгилар эди. [illegible] режим [illegible] ва [illegible] бўҳронга [illegible] ривожланган мамлакатлардан орқада қолиб кетишга, жаҳон [illegible] айри ҳолда яшашга олиб келди. Ўзбекистон ҳам шундай жараёнлардан четда қолмади. Бу ерда ҳам деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарлар, [illegible] кулоқ қилиш, жамоалаштириш сиёсати, бошқа хўрликлари қатағонларга С. қуриш [illegible] жараён сифатида асосланган [illegible]. Айрим мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда [illegible] «капитализмни четлаб С.га ўтиш» мумкинлиги тўғрисидаги сохта назариялар ҳам ўйлаб топилди.

20-а.нинг 80-й.лари охири — 90-й.лари бошида СССРда ва б. мамлакатларда бошланган ўзгаришлар бозор иқтисодиётига ва демократик жамиятга ўтишга қаратилди. Мустақиллик жамият аъзолари учун янгича ижтимоий муносабатлар қарор топтиришни [illegible] барча [illegible] бордам берди.

[illegible]

СОЦИОЛИНГВИСТИКА [illegible] тилнинг жамият [illegible] ижтимоий [illegible] тилшунослик [illegible] Ўзбек [illegible] ҳам [illegible] тил [illegible] Ижтимоий [illegible] жамият [illegible] гуруҳлар [illegible]

С. [illegible] тил [illegible] ижтимоий [illegible] б-н [illegible] жамоаларга [illegible]

Ҳозирги С. [illegible] муҳим муаммоларни [illegible] ва [illegible] ўзаро таъсирланувчи [illegible] билингвизм (икки тиллилик) ва [illegible] бир-бирига ижтимоий қараш [illegible] ўзаро таъсирланиши, ижтимоий жиҳатлари [illegible] ижтимоий гуруҳлар [illegible] функционал тақсимланишини ўзаро [illegible] сақлаб қолиш мақсадида [illegible] ҳарҳамлар [illegible] ва б.

Ўзбекистонда фан сифатида С. ва социолингвистик тадқиқотлар [illegible] ривожланиб келмоқда. Ўтган асрнинг 70—80-й.ларидаги айрим социолингвистик изланишлар бир томонлама — ўша вақтдаги тил сиёсати нуқтаи назари ва талаблари асосида олиб борилган.

СОЦИОЛОГИЯ (лот. societas — жамият ва ...логия) — бир бутун тизим ҳисобланган жамият, ҳақидаги ва айрим ижтимоий тартиботлар, жараёнлар, ижтимоий гуруҳлар, шахс ва жамият му[illegible]

[illegible] Шу [illegible] фан [illegible] нинг [illegible]

Жамият [illegible] (*Платон*, [illegible] *Аристотель* [illegible] Ибн Сино, Беруний [illegible] Фаробий [illegible] С. [illegible] Конт [illegible] Г. Спенсер [illegible] 19-а. [illegible] Ф. Теннис (1855—1936), Г. Зиммель (1858—1918), В. Парето (1848—1923), П. Сорокин (1889—1968) [illegible] Америка [illegible] Ж. Дьюи (1859—1952), Я. Морено (1892—1974), Ж. Хоманс (1910), Э. Мэйо (1880—1949) ва б.) Кейинчалик С. [illegible] Т. Парсонс (1902—79), Р. Мертон (1910) [illegible] П. Лазарсфелд (1901—76) [illegible] С. предмети [illegible]

С. [illegible] Ф. *Кант* (1798—1857), В. [illegible] (1853—1932), В. Парето (1848—1923) [illegible] ижтимоий дунё [illegible] Спенсер, Л. Гумплович, [illegible] Дарвин ва б.) жамиятни биологик дунё [illegible]

[illegible] Психологик қарашлари (Д. С. Милль (1806—73), Мак-Дугалл [illegible] [illegible] Ж. Мид [illegible] Я. Морено [illegible]

Ҳозирги даврда функционализм [illegible] С. [illegible] Т. Парсонс, Р. Мертон [illegible] Ф. Теннис (1855—1936), Г. Зиммель, Л. Визе (1876—1969) [illegible] С. [illegible]

20-а.нинг 2-ярмида [illegible] С. [illegible] Стресс, [illegible] С. [illegible] Лекин [illegible] 2 [illegible] С. [illegible] С. [illegible]

Ўзбекистонда ҳам С. [illegible] ижтимоий борлиқ муаммолари [illegible] С. [illegible] Ўзбекистонда кенг кўламли [illegible] методологик муаммоларни [illegible]

ижтимоий дунёга [illegible] С. фанига [illegible] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «С. ва бошқарув методологияси» кафедраси фаолият кўрсатмоқда. Бир неча [illegible] «*Ижтимоий фикр*» [illegible] Ўзбекистон ФА. [illegible] Кабирбеги[illegible] С. муаммолари (акад. В. Қобулов), ижтимоий жараёнлар [illegible] (Н. Алиқориев), [illegible] (Р. Убайдуллаева), демографик жараёнлар [illegible] (О. Ата-мирзаев) [illegible] (М. Бекмуродов, А. Бегматов) [illegible] (Б. Фарфиева) [illegible] С. — Р. Р. Убайдуллаева; [illegible] С. — Қ. Абдураҳмонов, экологик С. — А. Қаҳдоров; [illegible] С. — М. [illegible] С. — А. Асобеков [illegible]

[illegible]

СОЦИОМЕТРИЯ (лот. societas — жамият ва ... метрия — *ўлчайман*) — *социология* соҳаси. Ижтимоий гуруҳлардаги кичик гуруҳ (оила, жамоа, синф ва б.) аъзолари ўртасидаги бевосита эмоционал муносабатларни ўрганиш ва уларнинг даражаларини ўлчашда қулланиладиган С. гуруҳ аъзоларининг бир-бири б-н ўзаро субъектив муносабатларини, индивидларнинг гуруҳдаги мавқеи, [illegible] б-н тадқиқ қилади. С.ни америкалик социолог Я. Морено (1892—1974) асос солган. Унинг методига кўра, муайян гуруҳдаги ҳар бир хусусиятни шахсларнинг ўзаро муносабатларини аниқлаш учун [illegible] сўралади. Олинган маълумотлар матрица, график, схема [illegible] Уларга [illegible] гуруҳдаги [illegible] муносабатлари [illegible] маълумотлар [illegible] муносабатларнинг [illegible]

ли, холос. Ҳоз. даврда С.нинг модификациялари ишлаб чиқилган (Я.Л. Коломинский, И. П. Волков). С.нинг бу тури тест саволлари ёрдамида болалар жамоасидаги шахслараро муносабатлар ҳақида тўлароқ ахборот тўплаш имконини беради.

С.нинг назарий ва амалий натижалари меҳнат жамоаларининг ижтимоий ривожланишини бошқаришда, тарбиявий ишда ва ҳ.к.ларда кенг қўлланилади.

Эргаш Ғозиев.

СОЧ (мўй, туқ, жун) — одамнинг бош терисидан ўсадиган ипсимон шох унум. С. майин, дағал, жингалак бўлади. С.нинг тери устидаги қисми тола, тери остидаги қисми эса илдиз дейилади. С. илдизи С. халтачасида жойлашган. Халтачага атрофидаги ёғ безларининг йўли очилади. Халтачанинг ички қисмида С. пиёзчаси ва сўрғичи жойлашган. С. сўрғичида қон томирлар ва нервлар бўлади. С., асосан, азот ва олтингугуртга бой оқсилли шох модда — кератиндан ташкил топган. С. ранги қора, малла, оқиш бўлади, бу, асосан, сочдаги пигментлар миқдорига боғлиқ. Ёш ўтган сайин сочдаги пигментлар камайиб, у оқара бошлайди (қ. *Соч оқариши*). С.да пигмент мутлақо бўлмаса, у туғма оқ бўлади (қ. *Альбинизм*). С., асосан, пиёзчадан ўсади. С.нинг ўсиши организмнинг умумий аҳволига, нерв ва эндокрин система ҳолатига, моддалар алмашинуви, овқатланиш тарзи, шунингдек, уни парвариш қилишга боғлиқ. Соғлом С. пишиқ ва эластик, жилоли бўлиб йилтираб туради. Юқори т-ра ва ишқорлар (нашатир спирти, сода, кир совун ва б.) таъсирида С. ҳолати ўзгаради, у тўкилувчан ва мўрт бўлиб қолади. Нерв ва эндокрин система фаолиятининг ўзгариши ва б. омиллар таъсирида ёғ безлари кўплаб ёғ ишлаб чиқаради, натижада С. ҳаддан зиёд ёғли бўлиб кетади. Турли касалликлар ёки С.ни нотўғри парвариш қилиш (бошни бот-бот, айниқса, қаттиқ сув ва ишқорли совун б-н ювиш, С.ни тез-тез жингалак қилиш) унинг ўсишига зарарли таъсир этади; у жуда қуруқ, хира бўлиб қолади ва тўкилиб кетади.

Соч касалликлари. Ёғ безлари функциясининг бузилиши С.нинг ўзгаришига сабаб бўлади. Натижада бош терисида майда кепакка ўхшаш тангача — қазғоқ пайдо бўлади, бу кўпинча *себорея* касаллигида кузатилади. С. тўкилиб, ўрнидан янги С. чиқиб туришининг бузилиш сабаблари ҳар хил; баъзан С. бутунлай тўкилиб, кал бўлиб қолиши ёки, аксинча, С. зўр бериб ўсиши мумкин. Бош кийимнинг оғир ёки тор бўлиши, узоқ вақт парик кийиб юриш, шунингдек, офтобда бошяланг юриш ва бошқалар С. тўкилишига сабаб бўлади. Қиш кунлари бошяланг юриш ярамайди, акс ҳолда юза томирлар қисилиб С. озиқланиши бузилади. С. структураси ва кўринишининг ўзгариши терининг замбуруғ касалликларида (микроспория, трихофития, калдак) ҳам кузатилади. С.да касаллик пайдо бўлса, албатта, врачга мурожаат қилиш зарур.

Соч парвариши. Сочларни мустаҳкамлаш учун организмнинг умумий аҳволини яхшилаш, очиқ ҳавода кўпроқ юриш, физкультура, спорт б-н шуғулланиш, овқатланиш, уйқу тартибига риоя қилиш керак.

Сочни ювиш. Ёғли С.ни ҳар ҳафтада, қуруқ ва нормал С.ни ҳар 10—14 кунда юмшоқ сув б-н ювиш лозим. Агар юмшоқ сув бўлмаса, водопровод сувини қайнатиб тиндириб қўйиш керак; бунда тузлар идиш тагига чўкади, кейин сувни бошқа идишга қуйиб олиб ишлатилади. Сувни юмшатиш учун бир литрга бир чой қошиқ ичимлик содаси, бура ёки ярим чой қошиқ новшадил спирти қўшиш мумкин. Бошга совун тегизиш ярамайди, акс ҳолда С. мўрт бўлиб қолади, совунни қўлда кўпиртириб суртган маъқул. С.га кирсовун ишлатиш мумкин эмас. С. ранги, жилоси бирдай туриши учун бошни ювиб бўлгандан сўнг, бир литр сувга бир ош қошиқ мойчечак (ромашка) қўшиб чайиш керак. Бошни иссиқ сув б-н ювиш лозим (сув т-раси 50—55° дан ошмаслиги керак). С. қуруқ бўлса, ёғли совунлардан фойдаланган маъқул. Бошга қатиқ ёки тухум сариғини суртиб рўмол танғиб қўйиш, 5—10 мин.дан кейин ювиб ташлаш яхши наф беради. Қуруқ С.ни ёғлироқ қилиш мақсадида С.га бирор иситилган ўсимлик мойи (мас., канакунжут мойи) суртиш, маълум вақт ўтгандан кейин бошни ювиб, лимон шарбати ёки бир литр сувга бир ош қошиқ сирка қўшиб чайилади. Ёғли С.ни ҳар қандай атир совун, шампунь ёки сувоқсовун б-н ювса бўлади. Кекса ёшида кишиларда соч мўрт ва тўкилувчан бўлиб қолади. Бундай ҳолларда бош ювишдан олдин унга тухум сариғи ва ўсимлик мойи суртиш, бошни рўмол б-н танғиб, ярим соатдан кейин совунлаб ювиш лозим. Оқарган С.ни сиркали сувда чайилса, у жилоланиб туради. С.ни тўғри тарашга одатланиш керак, калта С. тагидан, узун С. кадан тарайди. Тўкилувчан С.ни тарашда кенг тишли тароқ ёки соч чўткаси ишлатилади, лекин ҳалеб чўтка б-н тараш ярамайди, у терини шикастлаши мумкин. Бошни енгил массаж қилиб туриш яхши наф беради. Ҳар бир кишининг алоҳида тароғи бўлиши керак.



Сочнинг тузилиши (схема) — бўйича кесилган: 1 — соч кутикуласи; 2 — пўст моддаси; 3, 4 — эпидермиснинг мугуз ва ўсадиган қавати; 5 — терининг бириктирувчи тўқима асоси; 6 — соч халтачасининг ташқи қавати; 7 — соч халтачасининг ички қавати; 8 — шишасимон парда; 9 — ташқи илдизли қин; 11, 12 — ички илдизли қин қаватлари; 13 — қин кутикуласи; 14 — ёғ бези; 15 — сочни кўтарадиган мускул; 16 — соч пиёзчаси.

Саидҳусан Арифов.

СОЧ (Pastor roseus) — чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб қуш. Танасининг уз. 23 см ча. Нарининг боши ва бўйнидаги патлари қора-бинафша тусда, металл каби ялтирайди, дум ва қанот патлари қора, яшил-бинафша рангда, қолган жойлари пушти. Оёқлари қизил-қўнғир. Тумшуғи калта, йўғон. Бошида узун қора патли кокили бор. Модаси оқишроқ, ёш индивидлари сарғиш, қум рангда. Уясини колония бўлиб, қоя, жар ва б. ерларга қуради. 4—6 та тухум қўяди. Жан.-Шарқий Европа, Жан.-Ғарбий Сибирь, Олд ва Ўрта Осиёда тарқалган. Март ойидан Ўзбекистонда ҳам учрайди. Асосан, чигиртка ва б. зарарли ҳашаротлар б-н озиқланади. Узум, гилос, олча каби меваларни еб, боғдорчиликка қисман зарар келтиради.

Соч.

СОЧ ОҚАРИШИ — соч рангининг ўзгариши; соч илдизи пигментининг камайиши ёки йўқолишидан келиб чиқади. Асосан, киши қариганда кузатилади; 35—40 ёшларда битта-иккита соч оқара бошлайди, баъзан соч вақтидан илгари оқариши ҳам мумкин. Дастлаб чаккадаги, кейинроқ бориб бутун бошдаги соч оқаради; қош ва киприклар кечроқ оқаради. Қариганда С.о. нормал физиологик ҳолатдир. Ёшликда С.о. га нерв ва эндокрин система фаолиятининг бузилиши, камқонлик, витаминлар етишмаслиги, асабий ҳолат, ўта толиқиш ва б. сабаб бўлади.

Вақтидан илгари С.о. ирсий бўлиб, наслдан-наслга ўтиши ҳам мумкин. Оқарган соч дастлабки жилосини йўқотади. Уни [illegible] қилиш мақсадида хина, басма, қора чинни каби ўсимлик бўёқлари ёки кимёвий бўёқлардан фойдаланиш тавсия этилади. Соч бўёқларига ружу қилавериш ярамайди, буйрак касалликлари, ҳомиладорлик ва бола эмизиш даврида соч бўёғичлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Соч бўяшдан олдин врач б-н маслаҳатлашиб олган маъқул.

СОЧ ТЎКИЛИШИ — сочнинг бутунлай ёки қисман тўкилиши. Қариганда С.т. ёш улғайиши б-н терида юз берадиган ўзгаришларга, шунингдек, соч оқариши каби нормал физиологик ҳолатга ёки организмнинг умумий қаришига боғлиқ. Вақтдан илгари С.т. турли сабабда кузатилади, кўпинча бирор бетобликнинг аломати бўлиши мумкин. Баъзан соқол-мўйлов, қош ва киприклар, шунингдек, қўлтиқ ости ва қов соҳасидаги жунлар ҳам тўкилади. С.т.га кўпинча *себорея* сабаб бўлади. Баъзан С.т. оғир юқумли касалликлар (грипп, безгак, дизентерия ва б.), шунингдек, организмда витаминлар (хусусан, А, С, В, B_2) етишмаслиги, жигар, меъда-ичак, нерв системаси, қалқонсимон без ва жинсий безларнинг сурункали касалликлари оқибатида рўй беради.

Симптоматик С.т. айрим юқумли касалликлар, мас., захмда кузатилади; бунда соч тапа-тапа бўлиб тушиб кетади; бемор тузалгандан кейин тўкилиб кетган соч ўрнига яна соч чиқади. Ўта толиқиш, уйқусизлик оқибатида ҳам С.т. мумкин. Кўпинча аёлларда С.т.га сочни ҳар хил турмаклаш, перманент, яъни узоқ сақланадиган жингалак қилиш сабаб бўлади. Вақтдан илгари С.т. ўрта ёшдаги эркакларда учрайди. Бунда икки чакка ва тепадаги соч тўкила бошлаб, бир неча йиллардан сўнг бутунлай қолмайди ёки бошнинг чакка қисмида қолади, яъни «тепакал» пайдо бўлади. Одатда, «тепакал» туғишган ака-укаларда учрайди ва насл сурадиган (тепакаллик тери тузилишининг ирсий хусусиятларига ҳам боғлиқ). Уя- уя бўлиб С.т. нерв системаси ва ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, шунингдек, организмнинг заҳарланиши (чириган тишлар, тонзиллит, гайморит ва б. сурункали ўчоқли инфекциялар) сабаб бўлади. С.т. гўё тўсатдан рўй берганга ўхшайди. Дастлаб 1—2 жойдан 20 тийинлик тангадек катталикдаги жойда соч тўкилиб, улар кенгайиб боради ва бир-бирига қўшилиб, хийлагина жойни эгаллаб олади, бунда соч бутунлай тушиб кетади. Соч тўкилган ердаги тери силлиқ, ялтироқ, яллиғланмаган бўлади. Сочнинг бу хилда тўкилиши, одатда, сурункали кечиб, унга даво қилиш анча мушкул бўлади, ҳатто даволангандан кейин ҳам С.т. такрорланиши мумкин. Баъзан соч пиёзча қисмининг тўла ривожланмаганлиги туғма С.т.га сабаб бўлади. Айрим дориларни суркаш, ичиб юриш ёки сочни нотўғри парвариш қилиш оқибатида ҳам С.т. мумкин. Даво С.т. нинг хили ва сабабига қараб олиб борилади. Кўп С.т.нинг дастлабки аломатлари пайдо бўлганда дарҳол врачга учрашиш лозим.

С.т.га сабаб бўлган омиллар бартараф этилгандан кейин тўкилган соч ўрнига янгиси чиқа бошлайди. С.т.нинг олдини олиш лозим. Спиртли ичимликлар ва чекишга ружу қилмаслик тавсия этилади.

СОЧИ — РФ Краснодар ўлкасидаги шаҳар (1896 й.дан). Қора денгиз соҳилидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 359,6 минг киши (1998). С. денгиз соҳили бўйлаб Шепси дарёсидан Псоу дарёсигача 150 км га чўзилган (1961 й. чегараси доирасида) ва Адлер, Хоста, Марказий, Лазаревск туманларини ва Магри, Макопсе, Аше, Лазаревск, Головинка, Лоо, Дагомис, Мамайка, Хоста, Кудепста, Адлер ва Красная Поляна курорт шаҳарчаларини ўз ичига олади. Йирик аэропорт (Адлер) бор. Бутун соҳил курорт зонасига айлантирилган: РФнинг энг йирик денгиз бўйи бальнеологик ва иқлим курортларидан бири. Иқлими нам субтропик иқлим (янв.нинг ўртача т-раси 6°, июлники 25°, 28°. Йиллик ёғин 1400 мм. Йилнинг энг яхши даври — сент. ва окт. Мацестанинг водород сульфидли ва натрий хлоридли сувлари айниқса,

Адлер курорт мажмуаси.

Сочи ш. «Дагомис» туристик мажмуаси.

машҳур. С.да 50 санаторий, 82 дам олиш уйи, 10 туристик база ва кемпинг, 3 туристик лагерь бор. Курортлар эҳтиёжини қондиришга ихтисослашган 40 саноат корхонаси (гўшт, сут, мева-консерва, нон ва б.) мавжуд С.да Краснодар политехника ин-тининг умумтехника ф-ти, Курортология ва физиотерапия, тоғ боғдорчилик ва гулчилиги илмий тадқиқот ин-тлари, п.т. ўрмон тажрибаси ст-яси, 4 музей (шу жумладан, Н.А.Островский номидаги адабий-мемориал музей, ўлкашунослик музейи ва б.), театр, дендрарий, цирк, тисс-самшит ўрмонзорлар қўриқхонаси бор. Шаҳарга 1838 й.да асос солинган. Курорт сифатида 1902 й.дан ривожлана бошлади.

СОЧМА КОНЛАР — туб конларининг физик ва кимёвий емирилишидан ҳосил бўлган тоғ жинслари, минераллари ва руда бўлакларининг ер юзаси айрим жойларида қайта тўпланиши. С.к. кучли ва нураш жараёнларига чидамли бўлган минераллар (олмос, олтин, платина, касситерит, монацит, рубин, сапфир, ильменит, циркон, каҳрабо ва б.) ҳосил қилади. С.к. шағал қумтош ва қумлар тарқалган жойларда вужудга келади. Бу қимматбаҳо минералларнинг ўлчамига кўра, уларни қазиб олиш иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланади. Пайдо бўлиш жараёнига кўра, эллювиал, делювиал, пролювиал, аллювиал, литорал, гляциал ва эол (бархан) турларига бўлинади. С.к.нинг айрим генетик турларда ҳосил бўлишидаги кетма-кетлик доимо сақланавермайди; баъзан бундай жараён олдинги босқичларнинг бирида тугайди. Ҳосил бўлиш вақтига кўра, қад. (мезозой, палеозой ва токембрий), одатда, қазиладиган тўртламчи (антропоген) ва ҳозирги С.к. фарқ қилинади. С.к. ётиш шарои-

тига кўра юзадаги ва кумилган; таркибига кўра бир ёки кўп минерали; тузилишига кўра бир қатламли ва кўп қатламли; шаклига кўра планчисимон, қатлам-қатлам, линзасимон, узисимон С.к.га бўлинади. С.книнг узунлиги юзлаб м дан бир неча км га, эни бир неча м дан ўнлаб м га, қалинлиги эса бир неча см дан ўнлаб м га етади. С.кдан 50% га яқин олмос, титан, олтин ва қалай, 10% ча платина, 100% титан минераллари ва кахрабо очиқ ёки ёпиқ усулда қазиб олинади. Кўп йиллаб тўнгиб ётган жойларда 10—15 м дан ортиқ чуқурликдаги С.к. ва музи эриган жойларда 15—40 м дан ортиқ чуқурликдаги С.к.нинг фойдали қазилмалари ёпиқ усулда қазиб олинади. Конларни механизациялаштирилган очиқ усулда қазиш кенг тарқалган бўлиб, бу усулда 15—18 м чуқурликдаги, ағдалар ёрдамида эса 60 м гача чуқурликдаги фойдали қазилмалар қазиб олинади. Таркибида қум бўлган тог жинси гравитацион бойитиш қурилмасига тушади, унда тог жинси сув оқимида ювилади ва олтин, платина, олмос, оптик кварц ва б. кристаллари, рангли металл концентратлари ажратиб олинади. РФ (Колима ва Чукотка) ва АҚШдаги (Аляска ва Калифорния) олтинли, ЖАРдаги олмос, Малайзия, Индонезия, Таиланд, Мьянманинг денгиз соҳилидаги қасситерит, Украина, Австралия, Хиндистон, АҚШдаги титан минераллари, Намибиядаги олмос С.к. йирик конлар ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Нурота ва Чатқол тизмалари водийларида турли миқёсдаги С.к. мавжуд. Шим. Нурота тоғлари багридаги Каттасув ва Оқчоп сойлари ўзан ва қайирларидаги С.к. олтин сочма конлари сирасига киради.

СОЧПОПУК, чочпопук — ёйларнинг соч тақинчоғи. Учлари попукчалар б-н тугалланадиган 2—4 (баъзан 15—20 ва ундан ортиқ) қалин қора ип, ипак ва жундан эшилган тутамлардан иборат. Тутамларга турли шаклдаги (қуббали цилиндр, конус) *найча*лар қалалади; қаламлар С.да ёй каби жойлашади, қаламлар остидан попукчалар тақилади. Баъзан қаламлар орқасида тумор, бежали ошлар ҳам осилади.

1. Сочпопук (19-а. охири — 20-а. бошлари. Тошкент).
2. Майда соч уримларига тикиладиган сочпопук.

Сочнинг соғ уримига қўшиб урилади, майда урилган соғ уримларига ҳамда киним ёпқа елка қисмига тикиб қўшиладиган чилари кенг тарқалган. Шунингдек, 20-а.нинг охирларида қиғталар учун *ўрмача* тикиб қўшиладиган тури ҳам юзага келди.

«СОЮЗ» — космосда узоқ вақт учиш, маневрлар ўтказиш, орбитада бошқа космик кема (КК)ларга жуфтлашиш ва улар б-н туташишга мўлжалланган кузатиш совет ККларининг ҳамда КК ларни ишга ўчириш дастурининг номи. 1967—81 йилларда орбитага 40 та «С» тақдирланган. Шу жумладан, 2 таси космонавтни учирилган «С» бакасида «Салют» ва «Мир» орбитал ст-яларига жанубий экипажларини олиб чиқиш ва космонавтларни Ерга қайтариб олиб тушиш учун мўлжалланган «С-Т» ва «С-ТМ» космик кемалари ишлаб чиқилди. 1979—86 йилларда 15 та, «С-Т» космик кемаси (шулардан 1 таси космонавтсиз), 1986—94 йилларда 19 та «С-ТМ» космик кемаси (шулардан 1 таси космонавтсиз) учирилган.

СОЯ, Сўя (Glycine) — дуккаклиларга мансуб бир йиллик ўсимлик ўсимликлар туркуми, дуккаги дон ва мойли экин. 10 тури Африка ва Жан. Шарқий Осиёнинг нам тропик ва субтропикларида, 1 ёввойи тури Узоқ Шарқда учрайди. Ватани — Хитой. С. жуда қадимдан экилаётган экин. Мил. ав. 5-минг йилликдан бошлаб экиб келинади. АҚШ, РФ, Хиндистон, Япония, Корея, Индонезия, Украина, Молдавия, Грузия ва Ўзбекистонда етиштирилади. Жаҳон бўйича С. экин майд. 73,6 млн.га, ўртача дон ҳосилдорлиги 22,1 ц/га (2000). Ўзбекистонда 20-а.нинг 60-й.ларидан кени тарқала бошлади. Одатда С. (G.max) турининг илдизи яхши ривожланган, ук илдиз, серпох, тупроққа 2 м чуқурликкача кириб боради, асосий қисми ҳайдалма қатламда жойланади (илдизида туганак бактериялар ривожланади). Поясн дағал, цилиндрсимон, тик ўсади, аммо ётиб қоладиган навлари ҳам бор. Бўйи 15 см дан 2 м гача, шохланади, ён шохлари 2—8 та бўлади. Барги сертук, бандли, бандининг уз. 8—20 см, барг шапалоғининг уз. 13—15 см., Гули майда, оқ ёки пушти, шингил гултўпламга йиғилган, барг қўлтиғида жойлашади. Меваси дуккак, сариқ, қора, кўнғир, сертук. Ҳар бир дуккагида 2—6 та дон бор, 1000 та дони вазни 40—425 г. Таркибида 24—45% оқсил, 13—37% ёғ, 20—32% углеводлар, 1—2 % липитин, Д. В. Е ва б. витаминлар бор. Уругидан

Соя: 1 — ҳосилли тупи, 2 — уруғдан ивитиб ундирилган ниҳол

ёғ, оқсил ва пишлоқ олинади. Уғиллаври 75—200 кун. С. иссиқсевар ва намсевар, ерусевар қисқа кун экинлари. 21—23 °С ҳароратда униб чиқади. 8—10 да ўсиб чиқади. С. уғлаш чаноқлаш, ўсиш даври 35—55 кун давом этади. Уғлаш С. экин ва мошни ва *Соя мошни* олинади. Дони, пишиб етилмаган ғумбуғи дуккаги овқатга ишлатилади. С. уруғидан ёғ, творог, қиличоғи маҳсулотлари олишда фойдаланилади. Сомони, тўшоғи, кўк новда, силосга оғуқ сифатида чорва молларига берилади. Ўзбекистон шароитида янги 1981—88 йилларда С.нинг Ўзбекистон 2, Ўзбекистон 6, Дўстлик навлари чиқарилган ва барча вилоятлар учун р-ланштирилган.

Касалликлари: бактериоз, септориоз, аскохитоз, фузариоз.

Зараркунандалари: тунламлар, ўргимчаккана, қоракуя.

Ҳалима Отабоева

СОЯ МОЙИ — соя ўсимлиги уруғидан пресслаш ёки экстракциялаш усули б-н олинадиган мойсимон суюқлик. Тозаланмаган С.м. яшил тусли жигарранг, рафинацияланган эса оч сариқ рангли; мойларининг олеин-линол гуруҳига мансуб. Зичлиги 922—934 кг/м³ (15 да), қотиш т-раси —15 дан —18 гача, йод сони 120—141. Таркибида 7—12,1% пальмитин, 2—5% стеарин, 20—30% олеин, 44—60% линол ва 5—11% линолен кислоталари бор. С.м. ярим қурийдиган мойлар туркумига киради, таркибида тўйинган ёғ кислоталарининг оғлиги ва линол кислотанинг кўплиги (озуқавий қийматининг юқорилиги) б-н бошқа мойлардан фарқланади. Озиқ-овқат мойи сифатида, гидрогенланган С.м. эса маргарин ва *совун* ишида қўлланади.

СОЯБОНГУЛДОШЛАР — қ. *Зираксимонлар.*

СОЯГИ — қон ичида ҳаёт кечириш учун зарур. Ҳаракат, Қизиқиш, Самарқанд. Ишончи комил (ёрининг тинч ухлаши учун қўлланилади. 2) Оқ киши (унинг ҳаёти мақсад қилиб олинган кишига қаратиб айтилади).

СОЯГИХОНА — мошни қуритиш учун пайдодан қурилган махсус хона. Мошни қуритишнинг энг қад. усулларидан бири. Қишлоқларе ва воҳаларнинг тоғолд ҳудудларида кўп учрайди. С. атрофи очиқ, шамол кам туриладиган, одамлар ва ҳайвонлар ҳаракатидан холи бўлиши керак. Хона ичи шамол ўтиб турини учун тирқишлари шахмат усулида тартиб билан 60—70 см. кенгликда 12—14 см. тирқишлар қолдирилади. Хона ичида ердан ярим қадар ёғоч токчалар ўрнатилиб, уларга қилтаклаш қилиб 20—30 см.ора ликда ҳосилли ёки сим тортилади.

Соягихона

С.да қуритиш учун тугамлари кўкимтир тусдан Оқ кишмиш танлаб узилади, узум бошлари бир сутка сой жойда сувлантирилади ва сараланб, С.га осиб чиқилади. Қуритиш совуқ, ним қуёшли муҳитда давом этани учун, машина яшил ўшлаш узум тусини сақлаб қолади. Қуритиш 30—40 кун давом этади, соғи майиз чиқиши 20—22%. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида Қора кишмиш навлари ҳам соя жойда қуритилиб, соғи майизлар тайёрланмоқда.

СОЯКИ, Замбилбоши — халқ селекциясида яратилган ҳўраки ва винобоп узум нави. Тошкент вилояти Паркент тумани ва қўй жойлаш. Тупи кучли ўсади, барги йирик, уч бўлакли, бет томони ялтироқ, силлиқ. Гули икки жинсли. Узум боши ҳажм. сершингил, ёпқи сиғимли ёпқоғи чиққан, 700—800 г (3—4 қатор) боради. Ғужуми ўртача, думалоқ, ени бўйи 18—19 мм, қўнғир қорадан томони сариқимтир, оч яшил, қалин, эни сўнги. Таркибида 20—22% қанд, 6—7 г/л кислота бор. Ҳосилли фаол ҳарорат йиғиндиси 3100° да 150 кунда, дон. охири — сент. ўртасида пишиб етилади. Ҳосилдорлиги ўрта пишиқ навлари. Ҳосилдорлиги 150—160 ц/га. Энг юқори ҳосилдорлиги 250—274 ц/га. Узуми яхшилаб етилмаган қизилиш, оқ мускателлар, шамол ва ёмғирларда ёрилади, узум бошлари тезда чиришга осиб, қиш фаслигача сақлаш мумкин.

СОҚА (араб.) — 1) ҳарбий юриш ёки ҳарбий амалиётлар чоғида асосий қўшинларнинг ён орқаларини сақлаш учун махсус ажратилган қисм. *Чингизхон, Амир Темур* сувориш қисм. *Чингизхон, Амир Темур* мардлар, *Бобур*, ўзбек хонлари қўшинларида мавжуд бўлган ва у аскар, мўғулча ғанимлар атамаси б-н ифодаланган (қ. *Арқарбеги*). 2) жанг пайтида турли ғанимлар, хусусан, ғанимнинг ғанимлар ёрдамлар, ғанимнинг ғанимлар ўқ, қилич, найза синари қуроллари ёки ёнилғи сақланиш мақсадида тегиза ва ёпиқлар қилиб ғанимлаган металл қалпоқчалар кийдирилган. Тарихий манбаларда кўп учрайди. Жой номларининг таркибига кирган (мас., *Тошсоқа қанали*).

СОҚИ — Жан. Тожикистонда яшовчи ўзбеклар (ғанимлар уруғи) орасида ғумбирга жўрнатилиб куйловчи достончилар шу ном б-н юритилади (яна қ. *Бахши*).

СОҚИЙ (форс.) — қ. *Косагул.*

СОҚИЙНОМА (*соқий* ва *нома*) — 1) Шарқ мумтоз адабиётида маснавий шаклидаги лирик жанр. Одатда, ҳар бир банди бевосита соқийга мурожаат сифатида бошланиб, кейин шоирнинг кечинмалари тасвирланган. С. расман марҳумлар хотирасига бағишланса-да, унда шоирнинг фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари ҳам ўзига хос лирик тарзда акс этган. Форс тилидаги дастлабки С.лар Низомий («Лайли ва Мажнун» дебочасида), Салмон Ҳофиз қаламига мансуб. Ўзбек адабиёти тарихида бу жанрни Алишер Навоий асослаган. Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» асаридаги 32 банд (458 байт)дан иборат С.си қўйилган масалаларнинг кенглиги, аниқ тарихий шароит ва воқеалар б-н бевосита боғланганлиги жиҳатдан диққатга сазовор. Унда Навоийнинг ижодий услубга эга. Унда Навоийнинг шахсий турмуши б-н боғлиқ деталлар ҳамда шоирнинг ўз даври ва замондошларига берган баҳоси поэтик ифодасини топган. Навоийдан кейин форс, тожик ва туркий тилларда (*Фузулий*, Суруш ва б. томонидан) бир неча С. яратилган; 2) енгил ва жонли сураётган машҳур доира усули (бака-бака-бум-бум); мазкур усулда айтиладиган ашула йўллари номи. Шашмақомнинг Савт ва Мўғулчалар шўъбалари таркибида бўлиб, улар номи б-н қўшиб аталади. Мас., С.и Савти Сарвиноз (Бузрук мақомида), С.и Савти Калон, С.и Савти Сағо (Растда). Дастлаб С. жанридаги шеърлар б-н, кейинчалик вазн жиҳатдан мос келадиган бошқа газаллар б-н ҳам ижро этилган. С. йўллари рақсга жўрнавоз сифатида ҳам айтилган.

СОҚОВЛИК — тутма ёки илк болалик даврида рўй берган карлик оқибатида келиб чиқадиган нуқсон. Эшитиш қобилияти сақланиб қолганда эса С.ка нутқ маркази ёки марказий нерв системасининг зарарланиши сабаб бўлади. Агар марказий нерв системаси енгил зарарланган ёки унга вақтида тегишли даво қилинган бўлса, унда айрим ҳолларда нутқ фаолиятини тиклаш мумкин (яна қ. *Алалия, Афазия*).

СОҚЧИ (ҳарбий ишда) — постни кўриқлаш ва мудофаа қилиш б-н жанговар топшириқни бажарувчи қуролли кўриқчи, посбон (қ. *Қоровуллик хизмати*).

СОҒАРЖ, Соғарч — ўрта асрларда Мовароуннаҳрдаги вилоят ва катта қишлоқ. Самарқанддан шим. -тарбда, 5 фарсах масофада (Иштихон ёнида) жойлашган. С. қишлоғи номи илк бор 9—10-а.лардаги араб географлари асарларида учрайди. *Ёқут Ҳамавий* С.ни Иштихон ила тобе бўлганини ёзган. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома»сида ёзилишича, С. қўшин тўпланадиган қароргоҳ бўлган. Хусусан, Амир Темур *Тўхтамиш* б-н бўладиган урушдан олдин С.да лашкар тупланган. 15—17-а.лардаги вақф ҳужжатларида С. қайд этилган. 1557 й. Насаф вилояти ҳокими Ҳудойберди султонга С. вилояти *Абдуллатиф II* томонидан суюргол қилиб берилган. Насаф эса, Ибодулла султонга топширилган. 1605 й. *Боқи Муҳаммад* 14 ёшли *Надр Муҳаммадхон*га С. вилоятини инъом этган. Тахт учун курашда ёрдами учун 1611 й.да *Имомқулихон* С.ни қозоқ хонларидан Ишимхоннинг ўғли Жонибек султонга берган. Мангитлар (1753—1920) ҳукмронлиги даврида С. Бухоро

ба қўрғон деб аталган. *Маҳмуд ибн Вали* С.ни обод қишлоқ деб ёзган, 19-а.да ҳам обод жой деб тилга олинган. С.дан бир қанча уламолар чиққан (мас., халифа Умар ибн Хаттоб наслидан бўлган йирик уламолардан шайх Бурҳониддин Соғаржий, 12-а.). Ҳоз. С. харобалари Оқдарё туманидаги Янгиқўрғон қишлоғидан 4 км нарида сақланган.

Манба: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий, Абдулланома, Т., 1999.

СОҒИМ ДАВРИ — чорва моллари елинида сут ҳосил бўлиши, йиғилиши ва вақт-вақти б-н соғиб олиниши давомийлиги. Асосан, сут сигирлардан, қисман эчкилар, совлиқлар, биялар ва туялардан соғиб олинади. С.д. ҳайвон туққанидан бошлаб, то сутдан чиққан муддатига қадар давом этади. С.д. маҳсулдорлиги ва зотига қараб сигир ва эчкиларда 8—10 ой (сигирларда зоотехния амалиётида 305 кун қабул қилинган), қўйларда 4—5 ой, бияларда 9 ой ва ундан ортиқ, туяларда 10 ойни ташкил этади. С.д.нинг бошларида сут бериши миқдори кўпроқ, охирроғида камайиб боради. Туғишга 1,5—2 ой қолганда соғиш тўхтатилади. С.д.ни узайтириш учун молларни озиқлантириш ва соғиш режимига қатъий амал қилиш талаб қилинади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ — аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий ва тиббий тадбирлар тизими. С.с. касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, соғлом турмуш ва меҳнат шароитини яратиш, юқори меҳнат қобилиятини ва узоқ умр кўришни таъминлашга қаратилган умумий тадбирларни кўзда тутади; унинг асосий вазифаси беморларга замонавий, ихтисослашган ҳамда мос тарзда ёрдам кўрсатишдан иборат.

С.с. Шарқда, хусусан Ўзбекистонда узоқ тарихга эга. Айниқса ўрта асрда бу ҳудудда табобат илмида юқори босқичларга эришилди. Шу даврда юнон ва б. тиллардан қад. тиббий асарлар араб тилига таржима этилиб, улардаги тавсиялар амалиётда қўлланила бошлаган. Айни вақтда Шарқ мутафаккирлари табобат илмидан жаҳоншумул асарлар яратганлар. Бу борада Абу Райҳон *Беруний*нинг «Тиббиётда доришунослик» («Китоб ассайдана фи-т-тиб»), Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» («Ал Қонун фи-т-тиб») асарлари машҳур бўлиб, жаҳон табобатида узоқ даврлар мобайнида асосий қўлланма бўлиб келган. Айниқса, Абу Али *Ибн Сино* даволашнинг янги усулларини қўллаб табиб (ҳаким) сифатида ўз даврида жуда машҳур бўлди. Кейинги даврларда ҳам табиблик Туркистонда соғлиқни сақлашнинг асосий шакли бўлиб келди. Табиблар мадрасаларда таълим олишган ёки устоз-шоғирдлик йули б-н турли касалликларга, синган-чиққанлар, яра-чақаларга даво қилишни, хасталикларнинг олдини олишни ўрганишган. Уларнинг кўплари нафақат беморларни даволаш, балки дори-дармонлар тайёрлаш б-н ҳам шуғулланганлар. Соҳибқирон Амир Темур бошқа маърифий ишлар қатори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишига ҳам алоҳида эътибор берган. Бошқа мамлакатлар машҳур табибларини пойтахт Самарқандга олиб келиб, махсус шифохоналар очган.

Мовароуннаҳр ва Хурозонда 8—9-а. даёқ шифохоналар учун махсус бинолар қурида бошлаган. Шифохоналар 15-а.да Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда ҳам кўп бўлган. Бундай жамоат шифохоналари «Дор уш-шифо» («Даволаш уйи») номи б-н юритилиб, уларда замонасининг билимдон табиблари беморларни даволашган. «Дор уш-шифо»лаги махсус дорихоналарда доришунослар беморлар учун дори-дармонлар тайёрлаб беришган. Аксарият шифохоналарда табиблар беморларни даволашдан ташқари, табобат илми б-н ҳам шуғулланган. Шифохоналар очишга Алишер Навоий ҳам катта аҳамият берган.

Манбалардан маълум бўлишича, кейинги йилларда ҳам Туркистоннинг баъзи вилоятларида махсус шифохоналар бўлган. Хусусан, машҳур алиб Восифий Зайниддин Маҳмуд (1485—1551) «Нодир воқеалар» («Бадоеъ ул-вақоеъ») асарида Тошкентнинг шаҳар қўрғонидан ташқаридаги Кайковус чорбоғи ҳақида қизиқарли воқеаларни баён қилиб, бу ерда хон ва султонлар учун шифохона бўлганлигини ёзган. У даврларда сув, ҳаво, осмон, ер тозалигига, яъни замонавий тушунча — экологияга аҳамият берилган.

Туркистонни чор Россияси босиб олганидан кейин ўлкага Ғарбга хос тиббий муассасалар кириб келди. Подшо ҳукумати Туркистондаги ўз қўшинларининг манфаатини кўзлаб 1868 й. Тошкентда ҳарбийлар ва амалдорлар учун касалхона (лазарет) очди. Кейинчалик бошқа шаҳарларда ҳам катта-кичик касалхоналар, шифохоналар очила бошлади. 1872 й. Самарқандда, 1873 й. Хивада, 1891 й. Бухорода унчалик катта бўлмаган касалхоналар очилди. Лекин улар, асосан, давлат хизматчилари ва рус фуқароларига хизмат кўрсатган. Хусусан, аёлларга туғруқхона ёки касалхонада тиббий хизмат кўрсатиш иши узоқ вақтгача уюшмаган ҳолда қолиб кетаверган. Фақат 1880 й. Тошкентда хайрия йули б-н атиги 4 ўринли туғруқхона ташкил этилди, аёллар ва болаларга мўлжалланган амбулаториялар очилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, С.с.га доир уюшган мунтазам тизим йуқлиги учун собиқ Туркистон гўпроғида кўпгина юқумли касалликлар ҳаддан ташқари кўп учрар, баъзида эпидемияга айланиб, қанчалан-қанча кишиларнинг ёстиғини қуритар эди. Чунончи, 1872 й.даги вабо эпидемияси вақтида Туркистон ўлкасида 38 минг киши нобуд бўлди. 1892 й.дан 20-а. бошларигача 6 марта вабо эпидемияси бўлиб, ҳар сафар минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Ўлкада безгак, лейшманиоз, трахома, ришта ва б. касалликлар ҳам анча кўп учрар эди. Мас., Бухоролек катта шаҳар аҳолисининг бешдан бир қисмидан кўпроғи ришта касаллигига гирифтор бўлган.

Ўтган асрнинг 20-й.ларида бу борада бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тузилиб, ўлкалаги мавжуд касалхона, амбулаториялар ва б. тиббий муассасалар давлат тасарруфига ўтказилди. Даволаш ва эпидемияларга қарши курашиш учун сайёр отряддар тузилди, бактериологик лаб. ишга туширилди, умумий ўринлар сони 7 мингга яқин касалхоналар очилди. Ўлкада чин чечак, вабо, ришта, безгак, трахома, лейшманиоз сингари касалликлар, асосан, туғатилди, сил, тери касалликлари ва б. касалликлар сезиларли даражала камайди.

Ўлкада С.с. тизимининг моддий-техник базаси босқичма-босқич кенгайтирилиб, мустаҳкамланди. Тошкентдаги йирик касалхоналарда тор мутахассисликлар бўйича ихтисослашган кўз, қулоқ, асаб касалликлари бўлимлари ва б. ташкил этилди. Самарқандда янги касалхона, Қўқонда болалар касалхонаси, Фарғонада беморларни физиотерапевтик усуллар б-н даволайдиган махсус шифохона очилди. Тошкентда шу соҳадаги кичик хусусий касалхона негизида 1919 й. 150 ўринга мўлжалланган физиотерапия ин-ти барпо этилди.

1920 й. Тошкентда силга қарши дастлабки диспансер иш бошлади. 1922 й. врачлик-санитария назорати ташкилоти тузилди. 1924 й. Тошкентда тери-таносил касалликлари диспансери, Бухорода эса тропик тиббиёт ин-ти (ҳоз. Самарқандлаги тиббиёт паразитологияси и.т. институти) очилди. 1924 й.га келиб Туркистонда 6 тропик ст-я ва унинг жойлардаги тармоқлари ишлаб турли. 1924 й. республикада 53 касалхона, 151 амбулатория (уларнинг 79 таси қишлоқ жойларида), 40 фельдшерлик пункти ва б. муассасалар бор эди. Шу йилларда тиббиёт таълимини йулга қўйиш ва маҳаллий аҳолидан тиб мутахассислари тайёрлашга киришилди. 1918 й.да Тошкентда дастлабки тиббиёт ўқув юрти — ҳоз. Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт билим юрти, орадан бир йил ўтиб, олий тиббиёт мактаби очилди, фельдшерлик курслари, қисқа муддат ўқитиладиган жарроҳлик курслари, мурувват ҳамширалари курслари ташкил этилди. Олий тиббиёт мактаби 1920 й.да Ўрта Осиё давлат ун-ти таркибидаги тиббиёт ф-тига айлантирилди. Бу ф-тда ўқишга ёшларни тайёрлаш учун республиканинг кўпгина шаҳарларида ишчи ф-тлари очилиб, уларга ўзбек ҳамда бошқа ерли аҳоли йигитқизлари жалб этилди. Ўрта Осиё давлат ун-ти олий маълумотли тиббий ходимлар тайёрлашдагина эмас, балки жойларда янги тиббиёт ўқув юртлари очишда ҳам муҳим ўрин тутди. 1925 й. вилоятларнинг марказларида тиббиёт марказлари очилди. Ун-тнинг тиббиёт ф-ти 1931 й. мустақил тиббиёт ин-ти (Тошкент тиббиёт институти)га айлантирилди. Самарқандда ҳам *Самарқанд тиббиёт институти* очилди. 1932 й. *Тошкент врачлар малакасини ошириш институти* ташкил этилди. 1937 й. *Тошкент фармацевтика институти* иш бошлади. Айни вақтда илмий тадқиқот ин-тлари ҳам барпо этилди. 1937 й. Тошкентда сил, 1940 й. қон қуйиш ин-тлари бор эди. Саноат корхоналари ва қишлоқ жойларига кўплаб врачлар юборилди, шаҳар ва қишлоқларда янги касалхоналар, поликлиникалар, амбулаториялар очилди, ҳавоси соф ва хушманзарали жойларда иқлимий курортлар, шифохоналар барпо этилди.

1941—45 й.лардаги уруш даврида Ўзбекистон С.с. тизими зиммасига анча масъулиятли вазифа тушди. Жароҳатланган ва шикастланган жангчилар учун госпиталлар очиш, С.с. тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, ўлканинг санитария ҳолатини барқарор сақлаб туриш керак эди. Тез орада 130 дан ортиқ харбий госпиталлар очилди, Ленинграддаги Ҳарбий тиббиёт академияси, Москва тиббиёт ин-ти ва б. тиббий и.т. муассасалари Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. Республикада уруш ногиронларини даволаш учун махсус жарроҳлик шифохоналари очилди.

Урушдан кейин республикада бир қанча тиббий илмий тадқиқот ин-тлари қайтадан иш бошлади ва янгилари пайдо бўлди (санитария, гигиена ва касб касалликлари, онкология ва радиология, педиатрия илмий тадқиқот ин-тлари ва б.). 1955 й. *Андижон тиббиёт институти*, 1972 й. Ўрта Осиё, ҳоз. *Тошкент тиббиёт педиатрия институти*, 1990 й. эса *Бухоро тиббиёт институти* очилди. Кейинчалик 1-ТошТИ нинг Урганч филиали, 2-ТошТИнинг Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тининг Нукус филиали ташкил этилди. Кардиология, гастроэнтерология, эндокринология, неврология, гематология, пульмонология, аллергология, ревматология ва б. соҳалар бўйича хизмат кўрсатадиган йирик клиникалар ишга туширилди. Ўзбекистонда шифохоналар сони 1010 та, улардаги ўринлар сони 140072 та бўлди (2003). Советлар тузуми даврида С.с. муассасалари тармоғи анча кенгайган бўлса-да, лекин экологик номутаносибликлар туфайли ташқи муҳитнинг бузилиши, хусусан, ерга турли хил кучли кимёвий моддалар солиниши, нахта яккаҳокимлиги ва б. ижтимоий нохушликлар натижасида аҳоли орасида турли ички касалликларнинг кўпайиши кузатилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасини қайтадан ислоҳ қилиш бошланди, С.с. тизимининг асосий тамоили — профилактик йўналишни тиклаш; унинг замонавий ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тадбирларини кучайтириш; тиббий таълим тизими ва кадрлар тайёрлаш соҳасини такомиллаштириш; и.т. ишларини давр ва жамият ҳаётининг талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта ташкиллаштириш; мамлакатда сифатли ва етарли миқдорда дори-дармон, тиббий ашёлар ҳамда шу соҳага тааллуқли техник воситалар ишлаб чиқарадиган саноат вужудга келтириш; С.с. муассасаларининг моддий техник базасини янада яхшилаш; даволаш-профилактика муассасаларининг бир қисмини давлат тасарруфидан чиқариб, мулкчилик шаклини ўзгартириш асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ўзбекистонда С.с. ишларини ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқаради. Қорақалпоғистон Республикасида С.с. вазирлиги, вилоятлар, шаҳарлар ҳамда туманларда тегишли бошқарма ёки бўлимлар мавжуд. Республикада С.с.ни ривожлантиришда ЎзР Касаба уюшмалари федерацияси, шунингдек, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Қизил ярим ой» жамияти, «Нуроний» жамғармаси ва б. ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда (қ. *Ижтимоий жамғарма*).

Бозор муносабатларига ўтиш С.с. соҳасига ҳам янги талаблар қўйди. Хусусан, маъмурий-бошқариш сарф-харажатларини камайтириш; беморларни даволаш жараёнида кундузги камхаражат ва самарали усуллардан фойдаланиш; шифохоналар иш ҳажмининг бир қисмини поликлиникага кўчириш, кам самарали ўринлар сонини қисқартириш; шартнома асосида бажариладиган ишлар учун ҳақ олиш ва б. чоралар кўрилмоқда.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан давлат эпидемиология хизмати фаолиятига боғлиқ. Ўзбекистонда санитария-эпидемиология ст-ялари ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ташкилий-услубий ва мувофиқлаштирувчи ишларини олиб борадиган «Саломатлик» марказлари бу вазифани амалга оширмоқда.

Республикада «*Саломатлик» институти*, унинг вилоятлар ва шаҳарлардаги шохобчалари радио ва телевидение ҳамда матбуотдан фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни кенг тарғиб қилиб боради.

Болаларга ихтисослашган тиббий ёрдам берувчи муассасалар тармоғи барпо этилди. Республикада ишлаб чиқилган «Соғлом авлод учун» дастури аввало мунтазам ўтказиб туриладиган тиббий текширишлар асосида саломатлиги заиф ва касалманд мактаб ўқувчилари ва ўсмирларни аниқлаб, уларни ва умуман ёш авлодни соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириб боришни кўзда тутади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун 1993 й. 7 майда ЎзР нинг I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

Ўзбекистонда тиббий таълимнинг узлуксиз бўлишига ва мутахассисларнинг ўз малакаларини ошириб боришига катта аҳамият берилади. Тошкентда врачлар малакасини ошириш ин-ти ишлаб турибди. Унинг 43 кафедраси ва ҳар хил ихтисосликка мўлжалланган курсларида ҳар йили 8—10 минг врач ўз малакасини оширади.

Мамлакатда С.с. соҳасидаги ислоҳот босқичма-босқич олиб борилди. Биринчи босқичда (1991—94 й.лар) бутун эътибор оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш хизматини такомиллаштириш, демографик кўрсаткичларни барқарорлаштириш, юқумли касалликларни камайтиришга қаратилди.

Иккинчи босқичда (1994—98 йй.) поликлиникалар ва бир қанча даволаш-профилактика муассасалари хусусийлаштирилди, амбулатория-поликлиника хизмати ривожлантирилиб қайта тузилди. Натижада, аҳолининг касалхонада ётиб даволаниши 1997 йдаги 18,3% ўрнига 2001 йда 13,8% га камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқлари ижтимоий инфраструктурасини 2000 йилгача бўлган даврда ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига (1996 й. 21 май) мувофиқ, С.с. соҳасида мутлақо янги муассаса — қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этиш ва аҳолига дастлабки фельдшерлик ёрдами эмас, балки малакали врачлик ёрдами кўрсатиш кўзда тутилди. ҚВП учун ҳамма кўрсаткичлар — модлий таъминот, кадрлар, замонавий асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар б-н таъминлаш бўйича халқаро стандартларга мос келадиган махсус мезон ишлаб чиқилди.

1998 йдан С.с.нинг ривожланишида янги давр бошланди — 1998 й. 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н 1998—2005 йй.дарда С.с. тизимини қайта қуриш Давлат дастури қабул қилинди. Унда мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш талаблари кўрсатиб берилди. Бу дастур асосида С.с.нини бирламчи бўғинини мустаҳкамлаш ва умумий врачлик амалиётини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Ҳамма вилоятларда ҚВПнинг кенг тармоқлари ташкил этилди, натижада икки босқичли, яъни ҚВП ҳамда туман марказий шифохонаси орқали тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Мазкур ишлар Жаҳон банки б-н ҳамкорликда «Саломатлик» лойиҳаси асосида амалга оширилди. Бу С.с.нини бирламчи бўғини муассасаларини бошқариш ва молиялаштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва умумий амалий тиббий ходимлар тайёрлаш имконини берди.

Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг янги шакли жорий этилди. Натижада мамлакатнинг ҳамма ҳудудларида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга, уйга врач чақириш б-н малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ўртасидаги вақтни анча қисқартиришга муваффақ бўлинди. Ҳоз. Республика *шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази*, Нукус ш. ва барча вилоят марказларида унинг филиаллари ҳамда марказий туман ва шаҳар касалхоналари бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда кадрлар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди.

Тиббий кадрлар тайёрлашда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Тиббиёт олий ўқув юртларида ўқиш муддати 7 йилга узайтирилиб, бакалавр ва магистрлар, шунингдек, олий малакали тиббий ҳамширалар — ҳамширалар иши бакалаврлари тайёрланадиган бўлди.

Оналар ва болаларни муҳофаза қилиш хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари узоқ муддатга мўлжалланган Давлат дастурларида [«Оналар ва болалар соғлиғини» (1998), «Соғлом авлод» (2000), «Она ва бола» (2001), «Авлодлар ва ўсиб келаётган авлодлар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида» (2002)] белгилаб берилди. Экстрагенитал касалликларни аниқлаш ва бунёдкорларни соғломлаштириш учун фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш иши янгича концепцияда, уларни контрацептив воситалар б-н таъминлаш ҳажми кўпайтирилди, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида барвақт ва ақли қарилликлар б-н турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, экстрагенитал касалликлари бор аёлларда ҳомиладор бўлиш ва туғишнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари анча фаоллаштирилди. Туғма нуқсонли ва ирсий касаллиги бор болаларнинг туғилишини олдини олиш мақсадида оналар ва болаларда скрининг ўтказиш тизими ташкил этилди, генетика Давлат регистрини яратиш ишлари олиб борилмоқда.

С.с. тизимидаги ўзгаришлар «Саҳат-саломатлик» журнали, «Ўзбекистон тиббиёт журнали» ва тиббиёт соҳаларига оид журналларда ёритиб борилади.

Ад.: Каримов Ш. И., Муҳамедиярова Р. Г. ва б., Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Муаммо ва истиқболлар, Т., 1998; Наширов Ф. Ғ., Она ва бола саломатлиги пулла, Т., 2001.

Ламия Асадова.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ — қ. *Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари.*

СОҒУНИЙ — қ. *Алихонтўра* Шокирхўжа ўғли.

СОҲИБ-ГАРАЙ I (? — 1551, Боқчасарой) — давлат арбоби. Қозон хони (1521—24), Қрим хони (1532—51). *Гарайлар* сулоласидан. *Менгли-Гарайнинг* ўғли. Онаси — Нур Султон нўғай. 1521 йда С.-Г. қозонликлар таклифига кўра, Қозон хони бўлган. Ўша йили укаси — Қрим хони Муҳаммад Гарай б-н биргаликда Москва князлигига ҳарбий юриш қилиб, Москвани эгаллаган. Москва ёнма-ён қолган *Василь III* Қрим хонига ҳар йили ўлпон тўлаб туриш мажбуриятини олган. Бироқ, Москва князини Қозон устига ҳарбий юриш қилишга тайёргарлик кўраётганлиги учун Қозон хонлигига б-н Усмонли турк султонлиги ўртасида ҳарбо шартнома тузилган (—1). 51 ёшида Аждодининг ёнига — Гўри Амир Сафо Ғарнини қўйиб, 1524 й. бошида Истанбулдаги ва султонлик ҳарбий ёрдам кўрсатган (—1) биринчи мадад Истанбулга ўтган (—1). Қрим хони бўлиб (1532), Қозон хонлиги б-н ҳарбо-сиёсий тўқнашувларга (1533) ҳамда қариндошлик ришталари (1532—37), Москва (1541), Қози Волга (1546—47) ва Шим. Кавказ (1551)да қўшин юришлар уюштирган. Сарой фитналари натижасида ўлдирилган.

СОҲИБИ — Ўрта Осиёда халқ селекциясида яратилган узумнинг ҳамма навларининг умумлаштирувчи номи. Шарқий ботаник-географик навлар гуруҳига киради. Ўзбекистон (Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кўпроқ), Арманистон, Туркманистон, Ироқ, Туркия, Хиндистонда етиштирилади. Тупи кесаги. Барги кенг, тўғарак. Гули икки жинсли. Ўрим бошланиши 450—500 г., тўкумининг ўртача оғирлиги 22, ани 39 мм, тўкумининг, тук қатлам, пусти юпқа, эллипсоидсимон, қирғоқлик. Таркибида 22% қанд, 4,2 г/л кислота бор.

Соҳиби узуми нави.

Ҳосили ўртача 150 кунда, авг. охири — сентябрда тўлиқ пишади. Ҳосилдорлиги 170—180 ц/га. Қул, рита касалликларига чидами ўртача. Янгилигида истеъмол этилади.

СОҲИБКОР (араб. — эга ва форс.-тожик. — иш) — 1) бирор иш, касбнинг яхши, моҳир устаси, миришкори. Мас., С. боғбон, С. полизчи ва б.; 2) корхона эгаси. Ўтмишда С. ўз корхонасида уста ва халфаларни ёллаб ишлатган. Одатда, уларнинг сони 15—30 тагача етган (яна қ. *Тадбиркорлик*).

СОҲИБНАЗАРОВ Насрулло (1944.9.1, Тожикистонинг Ромит тумани) — ёғоч ўймакори, Ўзбекистон халқ устаси (2002). 1958 йдан Самарқанд туманини «Ўзбекистон» к-зида қурувчи, 1967 йдан Самарқанд махсус илмий таъмирлаш-н-ё. устахонасида ёғоч ўймакори. С. анъаналарни ижмакорлик сирларини ўрганиб малакасини ошириб борди. У Тиллакори мадраса, «Регистон» мехмонхонаси, Садриддин Ҳожи ўз-муқаддас ёдгорликлар учун ўймакорлик ишлари тайёрлаган.

СОҲИБОВ Дамин Назарович (1907.5.5, Қаттақўрғон ш. — 1980.1.10, Тошкент) — биокимёгар олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973), тиббиёт фанлари д-ри (1949), проф. (1949). Ўрта Осиё ун-тини тугатгач (1933), биокимё кафедрасида ассистент (1937—39), доцент (1939), анча вақтда Тошкент фармацевтика ин-тида илмий-ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, директори (1944—52) ва биокимё кафедраси мудири. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—44). ТошТИ биокимё кафедраси (1954—62) ва Ўзбекистон ФА Ўсимлик тиббиёти ин-ти проф. (1962—64), Ўзбекистон ФА Биокимё ин-тида лаб. мудири (1964—69; маслаҳатчи). 1969 йдан ТошДУ биол. ф-тида проф. Илмий ишлари, асосан, илон заҳаридан турли биологик фаол моддалар ажратиб олиш, уларнинг организмга таъсирини ўрганишга оид.

Ад.: Ҳамид и биохимия змеиных ядов (в соавторстве), Т., 1972.

СОҲИБОВ Шоҳназар (1903.16.5, ҳоз. Вобкент тумани Кумушкент қишлоғи — 1973.21.3, Душанбе) — ўзбек ва тожик ҳофизи, созанда, бастакор. Ўзбекистон (1944), Тожикистон (1957)да хизмат кўрсатган санъат арбоби. Самарқанд мусиқа ва хореография ин-ти (1928—32), Москва Ўзбек опера студиясининг композиция синфида (1935—41) таълим олган. Самарқанд (1931—33) ва Бухоро (1933—35) мусиқали драма театрлари, Ўзбекистон радиоқўмитаси халқ чолғу асбоблари ансамблининг (1945—47) мусиқа раҳбари, Ўзбек давлат филармонияси (1943—45), Тожик давлат филармонияси (1947—50)да бадиий раҳбар. Тожикистон халқ ижоди уйида катта илмий ходим (1950—66). 1966 йдан Тожикистон радио ва телевидениеси Шашмақом ансамблининг раҳбари. С. Бухоро ижрочилик мактаби анъаналарини давом эттириб, мумтоз ашулалар ва мақом йўлларини ўзбек ва тожик тилларида маҳорат б-н куйлаган. С. вокал-рақс сюитаси, бир қанча қўшиқлар ва маршлар яратган. Ф. Шаҳобов, Б. Файзуллаевлар б-н Тожикистонда Шашмақомни нотага олиб, В. Беляев таҳририда нашр эттирган (1950—1967, Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати, (1972).

СОҲИБОЕВ Ризо (1917.22.9, Бишкек — 1974.23.2, Тошкент) — журналист, жамоат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968). Самарқанд халқ ҳужалиги ин-тини тугатган (1938). Меҳнат фаолиятини 1941 й. «Қизил Ўзбекистон» газ.да адабий ходимликдан бошлаган. Сунгра шу газ.да ташкилот бўлими мудири, муҳаррир ўринбосари. 1949—55 йлар Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги Партия тарихи ин-ти директори ўринбосари, Ўзбекистон Телеграф агентлиги (ЎзТАГ)нинг директори (1955—60), ЎзССР Олий Кенгаши Президиумининг котиби (1960—71). 1971 йдан ЎзССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Информация агентлиги (ЎзТАГ) директори. С. бир қанча газ-рий ва публицистик мақолалар муаллифи. Тошкент шаҳри кўчаларидан бири унинг номига қўйилган.

СОҲИБҚИРОН (араб. — саодатли, бахтиёр, тожиб) — 1) илми нужум (астрология) ва афсоналарда — Зуҳра ва Муштарий ёки Зуҳра ва Қуёш сайёраларининг бирлашиши, яъни улар эклиптикасининг маълум бир даражасида тўқнаш келиши вақти (қиронда тутилган бола, бундай боланинг бахтли, улуғ мартабали бўлиши олдиндан башорат қилинган; 2) Шарқ мамлакатларида, хусусан, Эрон ва Туронзаминда кўпгина ҳукмдор, жаҳонгир унвони (Фаридун, Чингизхон ва ҳ.к.); 3) *Амир Темур*нинг шарафли унвони.

«СОҲИБҚИРОН» — ўзбек халқ достони. Ўғай оналар туҳмати б-н чақалоқлигидаёқ ота-онасидан ажратилган эгизаклар тақдири ҳақидаги достонлар туркуми («Қиронхон», «Ойпарча», «Одилхон», «Чорёр», «Зорлиқ б-н Мунглиқ» ва б.)га киради. «С.»да фарзандсизлик туфайли чекилган оҳу зорлар, кундошларнинг мол-дунё ортгириш йўлидаги гаразли ниятлари, қабиҳликлари, шоҳнинг адолатсиз ҳукми. Бўтакўзнинг эндонда азоб тортиши, эгизаклар тақдири, саргузаштлари ва ҳ.к. фантастик ҳодисалар б-н уйғунликда ифодаланган. Унда муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалалар, оммa онгига асосланган ҳолда борадиган услубда баён қилинган. «С.» дагига ўхшаш сюжет бошқа халқлар ёзма адабиётига ҳам ўтган (А. С. Пушкиннинг «Шоҳ Султон, ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак» асари).

Нашри: Соҳибқирон. Достон, Т., 1964.

СОҲИЛ — 1) қуруқликнинг сув ҳавзаси (денгиз, кўл, дарё ва б.) қирғоғи бўйлаб чўзилган ва уларга ишлаб бўлган қисми, рельефи ҳоз. замон ва қад. рельеф шаклларига мос бўлади. С. 3 зона: 1) денгизбўйи — денгиз террасалари зонаси, 2) ҳоз. замон қирғоқ шаклари ривожланаётган қирғоқ зонаси, 3) сув бетан қад. қирғоқ шаклига ва соҳилбўйи зонасидан иборат (яна қ. *Қирғоқ*); 2) Саҳро Кабир жанубида чўллар б-н фаслий нам ўрмонлар ўртасида жойлашган саванна зонаси.

СПАЗМ (юн. spasmos — тортишиш) — мускулларнинг бенихтиёр таранглашиши, қисқариши. Кўндаланг тарғил (скелет) мускуллари спазми (мас., бадан *фалаж*ларда) ва қон томирлар девори (мас., *стенокардия*да), бронхлар (қ. *Бронхиал астма*), қизилўнгач (*кардиоспазм*), ичаклар ва б. силлиқ мускуллар спазми фарқланади. Скелет мускуллари С. ғала ҳаракат қилиш қийинланади, силлиқ мускуллар С.да турли аъзолар функцияси бузилади.

СПАЗМОЛИТИК МОДДАЛАР (*спазм* ва ... *лиз* — силлиқ мускулли аъзолар (томир, бронх, меъда-ичак, ўт, сийдик йўллари ва б.) деворини бўшаштирадиган дорилар. Миотроп ва нейротроп С. м. бўлади. Силлиқ мускулларга бевосита таъсир этадиган миотроп С.м.га папаверин, но-шпа, эуфиллин, дибазол ва б., силлиқ мускулларнинг қисқаришига сабаб бўладиган нерв импульсларини ўқотадиган нейротроп С.м.га эса *холиноситик моддалар* (м-холиноситиклар — атропин, спазмолитин ва б.) ҳамда симпатомиметик дорилар (адреналин, эфедрин, изадрин) киради. С.м. *стенокардия*, *бронхиал астма*, мия томирлари спазми, *холецистит*, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси, ўт ва буйрак тоши касалликларида қўлланади.

СПАЗМОФИЛИЯ (юн. spasmos — тортишиш ва philia — мойиллик), шайтонлаш — қонда кальций миқдорининг камайиши натижасида пайдо бўлиб, вақт-вақтида шайтонлаб қолиш б-н кечадиган касаллик. Одатда, 2 ёшгача бўлган болаларда, айниқса баҳорда кўпроқ кузатилади.

Болани яхши парвариш қилмаслик, нотўғри эмизиш, тоза ҳавода кам олиб юриш С.нинг ривожланишига сабаб бўлади. Касалликнинг яширин ва очиқ шакли бор. Яширин шакли бола нервининг ўта қўзғалувчанлиги б-н характерланади. Бошқа касалликлар қўшилганда, айниқса *рахит* зўрайганда очиқ шаклга ўтади, бунда ҳар хил мускулларда тортишиш ва тишишиш рўй беради. Кўпинча бола чинқириб йиғлаганда товуш ёриғи торайиб, мускуллари тортишиб қолади (*спазм*).

Баъзи болаларда қўл ва оёқ панжаси мускулларининг тортишиши кузатилиб, бу бир неча соатдан бир неча кунгача чўзилиши мумкин.

Шайтонлаш пайтида боланинг ҳушдан кетиши С.нинг хавфли кўринишлари. Дастлаб боланинг ранги оқаради, кўз мус-

қуллари уча бошлайди, сўнгра умумий шайтонлаш бошланади. Боланинг боши орқага тортиб кетади, оғзидан сўлак оқади, лаблари кўкаради, нафаси ўнгаради, беихтиёр сийиб юборади ва ичи кетади. Талваса бир кунда бир неча марта тутиб, ҳар сафар 20—30 минутгача давом этиши мумкин. Одатда, болала хуружлан сўнг ҳеч қандай асорат қолмайди. Айрим ҳолларда нафас ёки юрак фаолиятининг тўхтаб қолиши натижасида ўлим рўй бериши мумкин.

Болада тиришиш пайдо бўлиши б-н врач чақириш лозим. Боланинг нафас олиши қийинлашса, врач келгунча унга тоза ҳаво ёки кислород ёстиғидан кислород бериш керак.

Хуруж пайтида бола баъзан тилини тишлаб олади ёки тили нафас йўлини тўсиб қўяди, шунинг учун бинт б-н тилни тортиб турган маъқул.

С.нинг олдини олишда болани тўғри парвариш қилиш, врач тавсия этган парҳез таомлар б-н овқатлантириш, тоза ҳавода олиб юриш катта аҳамиятга эга.

СПАЙНИКЛАР (Diplozoon) — моногенетик сўрғичлилар синфига, диплозоонидлар оиласига мансуб урутнинг номи. Бир неча тури бор. Уз. 8 мм гача. Карпсимон балиқлар жабрасида, кенг тарқалган тури — паралоксал спайник *оқча балиқлар* жабрасида паразитлик қилади. Ёш С. алоҳида яшайди. Кейинчалик ёш паразитлар қорин ва елка сўрғичлари ёрдамида бир-бирига ёпишиб олиб яшашга ўтади. Бундай С. дан бирининг уруғ йўли иккинчисининг тухум йўлига очилади. Натижада улар бир-бирини уруғлантиради. Бу паразитлар ўзини-ўзи оталантира олмайди. Вояга етган паразитларнинг балиқлар жабраларига ёпишиш учун ёпишувчи дисклари, клапанлари ва илмоқчалари мавжуд.

СПАРТА (Лакедемон) — Лаконика (Пелопоннес)даги юнон шаҳар-давлати (полиси); мил. ав. 8—6-а.ларда Пелопоннеснинг жан. қисмини босиб олгач, йирик давлатга айланган. Ривоятга кўра, С.даги давлат тузумига Ликург (9—8-а.лар) томонидан асос солинган. Спартиатлар (С.нинг тўла ҳуқуқли фуқаролари) ўзларига бириктириб қўйилган илотлар б-н тенг равишда давлат ер бўлакларига эгалик қилишган, ўзлари эса, асосан, ҳарбий иш б-н машғул бўлишган. Ҳунармандчилик ва савдо периэклар қўлида бўлган. С. — олигархик давлат тузумига эга полиснинг юксак намунаси; давлат ишлари герусия, сўнгра эфорлар коллегияси томонидан ҳал этилган. Афина ва С. ўртасидаги рақобат 431—404 й.лардаги Пелопоннес урушига олиб келган. С. унда ғалаба қозонib Юнонистон устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Мил. ав. 4—3-а.ларда С.да товар-пул муносабатлари тараққий этган, бу мулкий табақаланишни янада кучайтирган. С. Фива б-н Левктра (371) ва Мантинея (362) олида бўлган жангларда мағлубиятга учрагач, 2-даражали давлатга айланиб қолган. 146 й. Рим томонидан бўйсундирилган, мил. ав. 27 й. Римнинг Ахайя провинцияси таркибига кирган. Қад. С. ўрнида ҳоз. Грециянинг Спарта ш. жойлашган.

СПАРТА ТАРБИЯСИ — мил. ав. 8—4-а.ларда *Спарта* давлатида болаларнинг болаларини тарбиялаш тизими. 7—20 ёшдаги болалар 7 ёшдан оилада тарбияланган, кейин давлат интернатларида ҳарбий-жисмоний тайёргарлик кўришган. Ўқиш ва ёзишни ўрганишган, буйруққа бўйсунишни, уни сўзсиз бажаришга ва ғалабага эришиш кўникмаларини шакллантирилган, ҳарбий интизом асосида ҳаёта ўргатилган. Тартиб-интизом йилдан-йилга қийинлаштириб борилган. Катталарга сўзсиз бўйсунган, енгил кийимда, оёқ кийимисиз юришга, қаттиқ ўрин-жойда ётишга ўргатилган. Махсус жисмоний машқлар бажарилишни белгилаб қўйилган. 15—20 ёшлагилар учун ҳарбий машқлар б-н бирга, хорда қуйлаш асосий машғулотлар сирасига киритилган. Ёшларнинг ақлий ривожланиши муҳим ҳисобланган ва саволларга аниқ ҳамда қисқа жавоб бериш махсус машғулотлар жараёнида ўзлаштирилган. Қизлар оилада тарбияланган, лекин уларнинг тарбия тизимига югуриш, қураш, диск ва найза улоқтириш каби машқлар киритилган. 18—19-а. педагогик фикр тараққиётида С.нинг муҳим ижобий таъсири бўлган. Бу тарбиянинг айрим жиҳатлари кейинги йилларда Франция ва Россия ҳарбий ўқув юртларида ҳам қўлланилган.

СПАРТАК (Spartacus) (? — мил. ав. 71) — Қад. Римда қўтарилган қулларнинг йирик қўзғолони [мил. ав. 73 (ёхуд 74) — 71] раҳбари. Фракиялик шоҳлар хонадонига мансуб бўлган. Римликларга асир тушиб, қул қилиб сотиб юборилган ва Капуядаги гладиаторлар мактабига олинган. Бир гуруҳ гладиаторлар (тахм. 70 киши) б-н Везувийга кочган. Тез орада унинг лашкари қочоқ қуллар ва озод ижарадорлар ҳисобига кўпайиб 10 минг кишига етган. С.га қарши юборилган римликлар отрядлари (дастлаб 3 минг, сўнгра 10 минг киши) тор-мор қилинган. Қўзғолон Кампаниядан Италиянинг жан. вилоятларига тез тарқалган. С. ўз армиясини (тахм. 70 минг киши) Апулия ва Лукания томон бошлаган. С. армияси Рим ҳарбий тартиботига дош бера олмай, С. қаттиқ ҳарбий интизом ўрнатган. 72 й. Рим сенати С.га қарши 2 армия юборган. Бирок С. қўшинни уларни енгиб ўтишга, тор-мор келтиришга мажбур қилган. С. армияси Адриатика денгизи соҳили бўйлаб бўлиб Италиянинг шим. Италия ва Цизальпин Галлияси (ҳоз. Шимолий Италия) томон ўтган ва Мутина яқинидаги жангда Рим проконсули Кассий қўшинини енгган. С.нинг ресжаси, афтидан, қулларни Италиядан олиб чиқиб кетиш бўлган. Бироқ Кассий устидан қозонилган ғалабадан сўнг қўшинини Жан. томон қайтирган. Римга қўзғолончиларга қарши курашни учун 6 та янги легион ташкил этилган, қўмондон этиб енгил сиесин арбоб *Красс* тайинланган. Красс армияси қўзғолончилар б-н жангга киришмай, уларни таъқиб этган. С. Сицилияга ўтиб олиш учун кемалар етказиб бериш ҳақида қилмишлик қароқчилар б-н келишган. Лекин қароқчилар С.ни алдашган. С. армияси жан.томон Мессина бўғозига етиб келганда, у ортидаги Италиядан ажралиб қолган (Красс денгиздан денгизгача уз. 55 км, кенглиги ва чуқ. 4,5 м хандақ қазишни, уни девор б-н мустаҳкамлашни буюрган). Спартакчилар бу истеҳкомни ёриб ўтганлар, штурм чоғида қўзғолончиларнинг тахм. 2/3 қисми ҳалок бўлган. С. армиясининг тахм. 5 минг кишиси асир олинган ва сўнгги жангда С. ўзини 70 минг кишига етказган, сўнгра Брундизия томон йўл олган, мақсади Грецияга ўтиб олиш эди. Рим сенати С.ка қарши *Помпей* Гней ва Марк Лукулл бошчилигида қўшин юборган. Рим армияларини ўзаро қўшилиб ҳаракат қилишларидан хавфсираган С. Красс б-н Апулия ва Лукания чегарасида ҳал қилувчи жанг қилишга мажбур бўлган (71 й. баҳори). С. армияси (тахм. 60 минг кишн) тор-мор келтирилган, С. жангда ҳалок бўлган. Тахм. 6 минг қўзғолончи Римдан Капуяга борадиган йўл бўйлаб ўрнатилган дорларга чормихлаб қўйилган. Қўзғолон тарқоқ ҳолда яна бир неча йил давом этган. С. қўзғолони Римда ҳокимиятни императорлик бошқаруви шакли ўрнатилишини тезлаштирган. Чунки, қуллорлар қулчилик тузумини сақлаб қолиш учун кучли давлат ҳокимияти зарурлигини англаганлар.

СПАРТОКИЙЛАР — Боспор подшолари сулоласи (мил. ав. 438— мил. ав. тахм. 2-а.). Энг машҳурлари: Спарток I (мил. ав. 438—433), Левкон I (мил. ав. 389/388 — 349/348), Перисад I (мил. ав. 4-а.).

СПАССКИЙ Борис Васильевич (1937.30.1, Ленинград) — шахматчи, халқаро гроссмейстер (1956), жаҳоннинг 10-чемпиони (Т. В. *Петросян* устидан ғалаба қозонган, 1969—72). Кўп халқаро турнирлар голиби. 1976 й.дан Франциядa яшайди.

«СПЕЙС ШАТТЛ» (инг. Space Shuttle — космик мокн) — АҚШнинг кўп марта фойдаланиладиган транспорт космик кемаси. Массаси 2000 т гача, уз. 56 м. 1-босқичи қаттиқ ёқилғили ракета двигатели бўлган 2 та тезлатқичдан иборат. 2-босқичи (орбитал) бортида астронавти бўлган қанотли; у орбитадан чиққандан сўнг «самолёт-режимда ерга гупа олади. 1-марта 1981 й. апрел астронавтлар б-н учирилган. 1999 й.гача 5 та орбитал босқич — «Колумбия», «Челленжер» (1986.28.1.да ҳалокатга учраган), «Дискавери», «Атлантис», «Эндевер» қурилган.

СПЕКТАКЛЬ (лот. spectaculum — томоша) — театр санъати асари. Постановкачи-реж. бошчилигида театр жамоаси (актёрлар, рассом, композитор, балетмейстер ва ҳ.к.) томонидан яратилади. С. асосида пьеса (опера ва балет композитор партитураси, либретто, сценарий) мазмуни б-н белгилануви тонний ният ётади. Танланган пьесанинг талқин режалари, декорация ва либосларнинг эскизлари, ролдар тақсимоти театр бадиий кенгашида муҳокама қилинади. Реж. пьеса ва образларнинг талқин воситаларини муайян гоя ва бадиий ғояга бўйсундиради, С.нинг кўринишлари, ечими ва рамзий нишораларни рассом б-н ҳамкорликда ҳал қилади. Актёрлар б-н ишлаш, мизан-саҳналарни белгилаш, саҳнавий образлар ва улар ўртасидаги муносабатларни шакллантириш С. яратиш жараёнининг ҳал қилувчи шартларидан биридир. С. синтетик асар бўлгани учун ундаги бегак, жиҳоз, либос, пардоз, мусиқа ва рақс воситалари, чироқлар ва турли эффектлар уни янада бойитади. Яна қ. *Театр, Режиссёрлик санъати, Актёрлик санъати.*

СПЕКТР (лот. spectrum — тасаввур, тасвир) (физикада) — 1) тизимни ёки жараённи тавсифловчи бирор-бир физик катталикнинг барча қийматлари мажмуи. С. дискрет (узлукли) ва узлуксиз бўлади; 2) бирор-бир нурланишда мавжуд бўлган тўлқин частоталари мажмуи; 3) ҳар бир йўналишда муайян узунликли ёки частотали монохроматик тўлқин тарқаладиган қилиб ажратилган электромагнит нурланиш; 4) экран, фотопластинкадаги тасвир; 5) электромагнит нурланиш кўринадиган ёруғликлан иборат бўлганда С. ҳосил қиладиган рангли йўл.

Турли хил нурланишларнинг модда томонидан ютилиш ва чиқариш С.лари, электромагнит тўлқинлар ўзгарувчан токларининг частота С.лари, Қуёш хромосферасининг С. ва б. кўпгина С.лар ўрганилган. Бу нишлар оптик спектрал асбоблар, тўлқин ва частота ўлчагичлар ва б. ёрдамида амалга оширилади. Кўпинча тебранин частотаси С.идан фойдаланилади. Тебранишнинг табиатига қараб электромагнит тебранишлар С.и, акустик С., оптик С. хиллари маълум. Электромагнит тебранишлар С.и, айниқса, оптик диапазондагиси (тўлқин уз. 10^{3}—10^{-3} мкм) етарли даражада ўрганилган. Оптик С.нинг чиқарини (объектдан ёруғлик чиқётганда ҳосил бўлади), ютилиш (модддан ёруғлик ўтаётганда ҳосил бўлади), сочилиш ва қайтариш жараёнларида содир бўладиган хиллари бор. У кимёвий таҳлилда, атом ва молекулар физикада ва б.да қўлланади. Тебраниш С.и чизиқли ва тутаи хилларга бўлинади. Чизиқли С. частоталари бир-биридан маълум катталикда фарқ қилувчи гармоник тебранишларни, тутаи С. эса частоталари турлича бўлган гармоник тебранишларни ўз ичига олади.

СПЕКТРОГЕЛИОГРАФ (*спектр* ва *гелиограф*) — бирор кимёвий элемент (кўпинча, водород — Н ёки кальций — Са) нинг нурланишига мос спектр соҳаси нурларида Қуёш гардиши (ёруғликнинг қуёш гардиши бўйлаб тақсимланиши) ни суратга олишга мўлжалланган астрономик қурилма. С.да фотопластинка Қуёш спектрининг исталган соҳасидаги қисқа оралиқни даратиб оладиган иккинчи чиқиш тирқишни орқасига жойлаштирилади. С.ни Қуёш тасвири ва фотоплёнкага нисбатан ҳаракатлантириш йўли б-н Қуёш гардишининг фотосуратини олиш мумкин. Баъзи телескопларга айни вақтда ҳар хил спектрал чизиқларда Қуёш гардишининг икки тасвирини олишга имкон берадиган қўш С. ўрнатилади. Космик тадқиқотларнинг ривожланиб кетганлиги муносабати б-н ракеталар ва Ер сунъий йўлдошларига ҳам С. ўрнатилади. Бундан мақсад ультрабинафша ва рентген нурларида спектрогелиограммалар олишда, Қуёшни ҳар жиҳатдан ўрганишда С.нинг аҳамияти катта.

СПЕКТРОГЕЛИОСКОП (*спектр, гелио...* ва юн. skopeu — қарайман) — Қуёш сиртини визуал кузатишга имкон берадиган спектрал астрономик асбоб. С. катта спектроскоп-монохроматордан иборат; унинг кириш тирқиши текислигида узун фокусли объектив ёки кўзгу ёрдамида Қуёш тасвири туширилади, чиқиш тирқиши эса Қуёш спектридан баъзи спектрал чизиқ (одатда, қизил водород чизиғи Нα) ни ажратиб олади. Тирқишлар кетма-кет жойлашганлиги туфайли кузатувчида кўриш таассуроти йўқолмаслиги учун иккала тирқиш ҳам синхрон тебранма ҳаракатга келтирилади. Натижада кузатувчи Қуёш атмосферасини ёки Қуёш гардишидан ташқарида ҳосил бўладиган *протуберанецлар, хромосфера* ва б.ни кузатишга мувофиқ бўлинади. Тирқиш ўрнига призма ўрнатиш ҳам мумкин; у мотор воситасида айлантирилади ва Қуёш гардишининг тасвири бўлакларга бўлиб кузатилади. С. биринчи марта 1891 й. америка олими Э. Хейл ва француз астрономи А. Деландр конструкциялари асосида яратилган.

СПЕКТРОМЕТРИЯ (*спектр* ва ... *метрия*) — спектрларни ўлчаш назарияси ва усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланадиган илмий соҳа. Тўлқинлар узунликларининг оптик диапазонида С. амалий *метрология, спектроскопия* ва чизиқли тизимлар назарияси бўлимларини бирлаштиради. С. спектрал асбоблар (спектрометр, спектрорезистометр ва б.)нинг принципиал схемаларини танлаш ва ҳисоблаш усулларини оптималлаш учун хизмат қилади. С. ёрдамида олинган натижалар назарий ва амалий ишларда кенг қўлланади.

СПЕКТРОСКОПИЯ (*спектр* ва ... *скопия*) — физиканинг электромагнит нурланиш спектрларини ўрганувчи бўлими. С. усуллари б-н атом, молекулаларнинг энергия сатҳлари, улардан ҳосил бўлган макроскопик тизимлар ва энергия сатҳлари орасидаги *квант ўтишлар* ўрганилади. Булар модданинг тузилиши ва хоссалари тўғрисида муҳим маълумотлар беради.

С.нинг пайдо бўлиши (И. *Ньютон* биринчи бор Қуёш нурларини спектрга ажратган вақти) 1666 й.ларга тўғри келади. Асосан, 19-а.нинг бошидан спектрал систематик равишда ўрганилган. С. маълум белгиларга кўра, мас., электромагнит тўлқинларнинг тўлқин узунлигига кўра радиоспектроскопия (радиотўлқин соҳаси), оптик спектроскопия, рентген спектроскопияси ва ҳ.к., текширилаётган тизимларнинг хилига қараб атом спектроскопияси, молекулар спектроскопия ва б. бўлимларга бўлиб қаралади.

Атом С.си спектрларни таҳлил қилиш йўли б-н атом электронлари қобиқларининг тузилишини аниқлаш; спектрал чизиқларнинг ўта нозик структурасини ўрганиш орқали атом ядроларининг моментлари ҳақида маълумотга эга бўлиш; спектрал чизиқларнинг равшанлиги, ютилиши, кенгайиши ва сурилиши орқали атомлар ҳосил қилган муҳитнинг хоссаларини ўрганиш б-н шуғулланади. Кристалл-

лар С.си да кристаллардаги *энергетик* ҳолатлар ва улар орасидаги утишларни ўрганувчи муҳим усуллар қаралади. С. электронли ва фононли (панжарани квантланган тебранишлари) бўлади. Молекулаяр С. — ҳар хил жисм молекулаларидан тушилган мураккаб газ, суюқлик ва қаттиқ ҳолатдаги моддаларнинг спектрларини текширади. Рентген нурлари С.си модданинг электрон тузилишини ютилаётган, чиқаётган рентген нурлари спектрлари ҳамда фотоэлектрон нурланиш спектрлари орқали ўрганади.

Ядро С.си С.нинг алоҳида тармоқ соҳаси ҳисобланади. У атом ядросининг тузилиши, ядро кучлари ва ядронинг турли хоссаларини ўрганади. Ядро С.сини альфа-, бета- ва гамма- С.си деган ҳам мумкин.

СПЕКТРОФОТОМЕТРИЯ — ўлчашлар техникасининг *спектрометрия, фотометрия* ва *метрологиянинг* ўз ичига олган соҳаси. Спектрларнинг ютилиш, қайтарилиши, тарқатилиши спектрал коэффициентларини ҳамда муҳитлар, қопламалар, сиртлар, нурлатгичларнинг спектрал ёркинликларини миқдорий ўлчаш усуллари ва сабабларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади.

СПЕНДИАРОВ (Спендиарян) Александр Афанасьевич [1871.20.10 (1.11), Украина, Кахонка ш. — 1928.7.5, Ереван] — арман композитори, дирижёр, жамоат арбоби. Арманистон халқ артисти (1926). Арман мусиқасининг классиги, миллий симфонизм («Эриван эскизлари», 1925 ва б.) ва опера («Алмаст», 1928) ижодчиси. Симфоник, вокал-симфоник, хор ва б. асарлар муаллифи. Арманистон опера ва балет театрига С. номи берилган (1939). Ереванда С. уй-музейи мавжуд. 11 жилдли мукаммал асарлари тўплами нашр этилган (1943—85). Тошкентда 1953 й.да «Алмаст» операси саҳналаштирилган.

СПЕНС (Spence) Майкл (1943, Монтклер, АҚШ, Нью-Жерси штати) — асли канадалик америкалик иқтисодчи. Принстон (1966) ва Оксфорд (1968) ун-т-ларини тугатган. Гарвард ун-тида иқтисодиёт д-ри. Асимметрик ахборотли бозорлар, меҳнат бозори, ташқи сигналлар назариялари соҳаларидаги тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Нобель мукофоти лауреати (2001, Ж. Акерлоф, Ж. *Стиглиц* б-н бирга).

СПЕНСЕР (Spenser) Герберт [1820.27.4, Дерби ш. — 1903, 8.12, Брайтон ш.] — инглиз файласуфи ва социологи, *позитивизм* асосчиларидан бири. Ф. *Бэкондан* кейин умумий билим тизимини яратишга уринган олим ҳисобланади. С. ўзининг асосий асари 10 жилд «Синтетик фалсафа тизими» китоби устида узоқ ишлади (1862—96). Ибтидони маданиятни ўрганишга муҳим ҳисса қўшди. *Конт* ишлаб берган социологиянинг асосига эволюция тоҳисини қўйган. Унинг «Социология асослари» асарининг ўзагини биология ва ижтимоий организмлар ўртасида ўхшашлик мавжуд, деган қоида ташкил этади. С. қарашларига эволюцион-тарихий ёндошув структурали-функционал ва тизимли ёндошувлар б-н қўшилиб кетган. Унинг фикрича, ижтимоий организм 3 та асосий «тизим»дан иборат: «регулятив», «ҳаёт учун воситалар ишлаб чиқувчи», «тақсимловчи». «Регулятив» тизимни таҳлил қар жой. С. қолибларни «ижтимоий назорат» воситаларига қаратади. Хусусан, у сиёсий бошқарувни ижтимоий назоратнинг бир тури сифатидагина тушунтиради. Бу тарибларни ибтидоий жамиятдаёқ мавжуд бўлган шаклдардан ўтиб келган ва аста-секин ривожланиб борган. Ҳар қандай ижтимоий тартибот ижтимоий ҳаракатларнинг мустаҳкам тузилмаси сифатида шаклланади. С. назариясини ривожлантирган эволюционизмнинг олий мақсади ва тараққиётнинг асосий мезони деб билган, синфни қуришни қоралаган. С. социологик таълимотининг баъзи ғоялари ижтимоий организм концепцияси, мувозанат назарияси ва б.лар ни замонавий социология мактаблари ҳуқуқ ўзлаштирган.

СПЕРМА (юн. sperma — уруғ, пушт), шаҳват — одамда жинсий алоқада эркакларда, шунингдек, эркак ҳайвонларда ажралдиган суюқлик; эркаклик жинсий безлари ишлаб чиқаради. Қуюқ, оч кулранг, ёпишқоқ ҳилди. С. *сперматозоид* ва уруғ суюқлигидан иборат. С. таркибида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, кальций, калий, натрий тузлари ва б. органик, анорганик моддалар бўлади. С. балоғатга етиш даврида пайдо бўлиб, воята етганда кўпаяди ва ёш улғайган сари камая боради. Ҳар бир жинсий алоқада ажралган С. миқдори ҳар хил турларда турлича: одамда 2—6 мл, буқада ўртача 4—5 мл, отда 60—100 мл, чўчқада 250 мл гача, қўчқорда 1—1,5 мл. С.даги сперматозоид миқдори ҳайвонларнинг яшаш шароитига қараб ҳам ҳар хил (қўчқорда 30% га, буқада 14% га яқин, от ва чўчқада 7—8%) бўлади. С.нинг уруғлантириш таъсири сперматозоидинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Организмнинг баъзи патологик ҳолатларида С.да сперматозоид бўлмаслиги (азооспермия), миқдорининг камайиши (олигоспермия), ҳаракатсиз (некроспермия) ёки гайритабиий ҳолатда (тератоспермия) бўлиши мумкин. С. бепуштлик сабабини аниқлашда суд тиббиёт экспертизасида текширилади. С. сифатини баҳолаш, уни сақлаш, танлаш ва ишлатиш усуллари ҳайвонларни сунъий қочиришда ҳам аҳамиятлидир.

СПЕРМАТОГЕНЕЗ (*сперма* ва юн. genesis — пайдо бўлиш, ривожланиш) — ҳайвонларда ва кўпчилик эркаклик гаметалари шаклланиш жараёнларининг ягона кетма-кетлиги. Эркаклик жинсий ҳужайралари — сперматозоидлар ёки спермияларда ифодаланган. Ривожланаётган жинсий ҳужайралар уруғ синиқлигида бўлганда С. қалинлик, ҳажм, сатҳи ва спермогенезлар шаклланишига қараганда ифодаланган. Қалинлик қаватида ишлаб ҳужайралар — сперматогониялар бир неча марта *митоз* бўлиниш ва ўсиш интерфазаси — ИНК репликацияланади. 2 даврга ўтади ва, 1-тартиб сперматоцитларга айланади. 3 даврга 2 марта бўлиниб етилиш, яъни мейоз содир бўлади. 1-бўлинишда ҳар бир сперматоцитдан 2 талаб 2-тартиб сперматоцитлар, 2-бўлинишда 4 та бир хил гаплоидли сперматидлар ҳосил бўлади. Хромосомалар сони 2 баравар камаяди. Спермидлар С.нинг 4-даврига ўтиб, спермотоидларга айланади. Бу даврда уларнинг акросомаси, хивчини ва қўшимча ядроси ҳосил бўлади, ипоят даражада кўп қисми рибосомалар. *Ядроси конденсацияланган* ва ҳаракатланмайдиган ҳужайралар — спермотоидлар ёки спермиялар ҳосил бўлади. Спермиялар ичидан ўлиб, уларнинг тўқималарида ҳаракатланиш ҳамда С. 3 кунлаб (буқаларда) 20 кунгача давом этади. С. қуёнсимон ҳайвонларда уруғ йўлида, термафродит ҳайвонларда ва термафродит тоғайларда, товуқларда мезонефрал рул беради. Ўсимликларда спермотоидлар антеридияларда ҳосил бўлади.

СПЕРМАТОГОНИЙЛАР (*сперма* ва юн. gonos — туғилиш, уруғ, насл) — *сперматогенезнинг* 1-даврдаги ташкил этувчи уруғ ҳужайралар. Уруғ найлари девориндаги ихтисослашмаган бирламчи жинсий ёки уруғдонининг берк учидаги махсус ҳужайралардан ривожланади. С.да интенсив *митоз* бўлиниш боради. Митоз сони тур учун мос бўлиб, 3 дан 6 мартагача содир бўлади. Сут эмизувчилар ва айрим б. ҳайвонларда С.нинг ҳар хил турларига эга бўлган 2—4 типи маълум. Сперматогенезнинг 2-даврида С. 1-тартиб сперматоцитларни ҳосил қилади.

СПЕРМАТОЗОИД (*сперма* ва юн. zoon — тирик организм ва eidos — кўриниш) — одам, ҳайвон ва кўпчилик ўсимликларнинг эркаклик жинсий ҳужайраси. Одам ва ҳайвонларда уруғдонда пушт ҳужайраси (*сперматогонийлар*)дан ҳосил бўлади. С.нинг бошчаси, бўйни, танаси ва думи бўлади. Одам ва кўпгина умуртқасиз ҳамда умуртқали ҳайвонлар С.и ҳивчинсиз ёки думсиз бўлиб, улар ҳаракатга ҳаракат қилади. Баъзи ўсимликлар, моллюскалар, қисқичбақасимонлар ва каналар С.и думсиз ва турли шаклда, амебасимон ҳаракатланади. С.ларнинг бир неча ўн минг дан ортиқ миқдорда, ҳайвонларда бир неча мл



Сперматозоидлар. А — ҳайвонларнинг хивчинли (1—5) ва хивчинсиз (6, 7) спермотозоидлари: *1* — қурбақанинки, *2* — денгиз типратиканиники, *3* — тетрадон балиқники, *4* — денге чўчқасиники, *5* — опоссумники, *6* — ҳаре қисқичбақасиники, *7* — аскариданики. Б — ўсимликлар спермотозоидлари: *1* — мохнинг яшил сувўтлариники, *2* — саговник сувўтлариники, *3* — офиоглосум папоротникники, *4* — қирқбўғинники, *5* — папоротниклариники, *6* — саговникники. В — сут эмизувчилар спермотозоидининг тузилиши: *1* — акросома, *2* — ядро, *3* — орқа бўлим, *4* — думнинг асосий бўлими, *5* — учки бўлим, *6* — ҳалқа, *7* — митохондриялар, *8* — бошқ центриоль, *9* — учки центриоль.

Гистокимёвий усуллар ёрдамида С. таносида оксидланиш-қайтарилиш ферментлари, гликоген, фосфокиназалар ва АТФ борлиги аниқланган. Бу ҳол С. таносини энергия манбаи жанглигидан далолат беради. Муҳит т-раси, осмотик босими, кислоталилигининг ўзгариб туриши С. функциясининг бузилиши ва тезда ҳалок бўлишига олиб келади. С. миқдорининг камайиши (олигозооспермия) кўпинча *бепуштлик*ка сабаб бўлиши мумкин.

Ўсимликларда ҳаракатчан С. (антерозоидлар антеридийларда ҳосил бўлади. Кўпчилик уруғли ўсимликлар С.и хивчинсиз, фаол ҳаракатланмайди; улар спермийлар деб аталади. Яшил ва қўнғир сувўтлар, айрим губан замбуруғлар, нўхатлар, қирққулоқлар, қирқбўғимлар, плаунлар, саговниклар ва гинкго С.нинг 2 ва ундан кўпроқ хивчини бўлади. С.лар пелвологга қобилиятини бўлмаслиги, кўпинча манза (чанг саговникларда пирик) бўлиши б-н ўсимликларнинг бошқа ҳужайралардан фарқ қилади.

СПЕРМАТОФОР (*сперма* ва юн. phoros — олиб юрувчи) — *спермато*зоидлар б-н тўлган капсула; сперматозоидларни сақлаши ва қариб қолишдан ҳимоя қилади. С. дарё моллюскалар, жулуклар, потонофоралар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, қурилиқ бўғимоёқлилар учун хос. Қисқичбақасимонлар, уринчаксимонлар ва ҳашаротлар С.ни оёқлари ёки пайпаслагичлари ёрдамида жинсий йўлига киритади. Айрим осьминогларда С. б-н тўлган пайпаслагич — текоколпа яқин пайпаслагич даврида сувга ажралиб сувга ёпишиб, уруғланишни амалга оширади. Тритон ва саламандрлар С.ни бирор нарсага ёпиштириб қолдиради; урғочиси уни клоакаси б-н олади. Айрим ҳашаротларнинг яқин С.ни урғочиси қорин қисмига ёпиштириб қўяди. С. ёрдамида уруғланиш сувда уруғланиш б-н қуруқликдаги қўшилиш ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди.

СПЕРМИЙ (*сперма* сўзидан олинган) — таянч хромосомали эркаклик жинсий ҳужайраси: 1) сперматозоидининг уни; 2) уруғли ўсимликларнинг хивчинсиз уруғ ҳужайраси; фаол ҳаракатланмайди.

СПЕРРИ (Sperry) Роджер Уолкотт (1913.20.8) — америкалик психолог ва нейрофизиолог. Оберлин коллежи (Огайо штати) ва Чикаго ун-тида (Канзас) шу ун-тда. Гарвард ун-ти, Калифорния технология ин-тида проф. Илмий изланишлари нерв системасининг тузилиши, кўриш нейрофизиологияси, комиссуротомия (чап ва ўнг бош мия ярим шарларини бириктириб турувчи йўлларни жарроҳлик усулида кесиш) асоратлари, чап ва ўнг мия ярим шарларининг вазифаларини ўрганишга қўшган ҳиссаларига учун мос. Нобель мукофоти лауреати (1981, Д. Хьюбел ва Т. Визел б-н ҳамкорликда).

СПЕССАРТИН [Германиядаги Гарбий Баварияниинг Шпессарт (Spessart) платоси номидан] — *гранатлар* гуруҳига мансуб минерал, таркибида марганец ва темир аломогранат. Кимёвий формуласи $Mn_3Al_2[SiO_4]_3$ бўлиб, изоморф аралашмалар (Fe^{2+}, Mg^{2+}, Ca^{2+} ҳамда Y^{3+})га эга. С.нинг ферроспессартин, кальцийли ва берилли (BeO 0,4% гача) турли ва берилийли (BeO 0,4% гача) турлари маълум. Куб сингонияли кристаллари бошқа гранатларникидек, лекин зич доналар агрегатлар ҳолида ҳам учрайди. Ранги оч пуштидан қўнғир-қизилгача. Қаттиқлиги 7—7,5; зичлиги 3,8—4,2 г/см³. С. кўпинча гранитли пегматитлар-

ва, метаморфик тог жинсларида ва скарнларда, қимматбаҳо тош сифатида ишланадиган олмосранг, пушти-сариқ турлари пегматитларда учрайди. Ўзбекистондаги пегматит ва славецли майдонларда кенг тарқалган.

СПЕЦИЯ, Ла-Специя — Италиянинг ним, қисмидаги шаҳар. Специя провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 91 минг киши (2001). Лигурия денгизи соҳилидаги порт. Машинасозлик (кўсуқан, кемасозлик), нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Мамлакатда энг йирик денгиз ва археология музейлари бор. Шаҳар 12-асдан маълум. 14—16-асларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. Туризм ривожланган. Харбий денгиз базаси.

СПИД (AIDS — Acquired Immunity Deficit Syndrome) (рус. синдром приобретённого иммунного дефицита сўзларининг бош ҳарфларидан олинган) — қ. *Орттирилган иммун танқислиги синдроми.*

СПИДВЕЙ (инг. speed — тезлик ва way — йўл) — *мотоцикл спорти* тури, трекда, шунингдек, стадионнинг ямалак йўлкасида мотоцикл б-н пойга ўтказиш. Бу спорт тури 20-а. бошларида Австралия ва Жан. Африкада вужудга келди. Мусобақалар 500 см³ классли мотоциклларда 280—400 м узунликдаги трассаларда ўтказилади. С. бўйича жаҳон чемпионати: шахсий ҳисобда 1934 й.дан, жамоа ҳисобида 1960 й.дан, жуфтликлар ўртасида 1970 й.дан, яхмалакда 1966 й.дан, тупроқ ётқизилган трекда (1000 м ли масофа) 1971 й.дан ташкил қилиб келинади.

СПИДОМЕТР (инг. speed — тезлик ва *метр*) — транспорт машиналарининг ҳаракат тезлигини (км/соатда) кўрсатадиган асбоб. Магнит индукцияли ва механик хиллари бор. Магнит индукцияли С. машинанинг узатмалар қутисидаги иккиламчи вал б-н бириккан ўзгармас магнит майдонининг С. ичи бириктирилган диск ёки цилиндрда индукцияланадиган уюрма токлар



Спидометр схемаси: 1 — вал; 2 — магнит; 3 — диск; 4 — пружина; 5 — курсаткич; 6 — шкала; 7 — ҳисоблагич.

магнит майдони б-н ўзаро таъсирлашувига асосланган. С. мили машинанинг ҳаракат тезлигига мос равишда бурилади. Механик С. марказдан қочма куч га асосан ишлайди (яна қ. *Тахометр*). С. механик ёки электр усулда машина трансмиссияси ёки гилдиракларидан ҳаракатга келтирилади. С.нинг бир узелига транспортнинг ўтган йўлини кўрсатувчи ҳисоблаш механизми уланатилади.

СПИКА — *Сунбула* юлдуз туркумининг энг равшан α-юлдузи. Юлдуз катталиги 1,0. С. деярли эклиптикада жойлашган; у гигант юлдуз эмас, аммо диаметри бўйича Қуёшдан 5 марта катта, 740 марта ёруғ ва ундан 58,28 парсек (190 ёруғлик йили) узоқда жойлашган.

СПИКУЛАЛАР (лот. spiculum — учи, mut — наштар) — 1) айрим умуртқасизларнинг оҳак ёки кремнийдан иборат скелет элементлари. Гобактилилар (1, 3, 4 ва кўп ўқли игналар шаклида), 8 нурли кораллар, эгат қориначали *моллюскалар*, *игнатерилилар* (голотуриялар) ва аспидиялар учун хос; 2) *нематодаларда* эркаклик жинсий органларининг бир қисми. Айрим нематодаларда С. клоака тешигидан чиқарилиб, ургочиси жинсий тешигини кенгайтириш учун хизмат қилади; бошқаларида С. тарновсимон шаклда, бир-бири устига тахланиб, ургочиси жинсий йўлига уруғ ҳужайраларни ўтказиш вазифасини бажаради. Олатда, С. 2 та, баъзан 1 та бўлади.

СПИЛИТЛАР (юн. spilos — дог, ҳол) — кучли ўзгаришга учраган базальт тог жинслари, сув ости вулканларидан лаванинг қуйилиши натижасида ҳосил бўлган. Бу жинсларда дала шпати иккиламчи альбитдан иборат. С. микролит, баъзан диабаз структураси; альбитлашган плагиоклазнинг ингичка ва узун микролитларидан ҳосил бўлиб, уларнинг оралиқлари хлорит ва руда минерали б-н тўлган. С. спилитли туфлар, шарли лавалар ва уларга яқин бўлган жинслар б-н биргаликда денгиз тагида ҳосил бўлган чўкинди жинслар орасида учрайди. С. Ер пўстидаги чуқур ёриқлар зонаси б-н алоқадор. С. бурмали минтақалар ривожланишининг илк босқичларида сув ости шароитида юзага келган вулканик қатламларда кенг тарқалган (Кавказ, Урал, Олтой, Қозоғистон ва б.). Ўзбекистоннинг Зирабулоқ-Зиёвуддин, Томди, Нурота, Ҳисор тоғларида бор.

СПИН (инг. spin — айланмоқ) — квант табиатга эга бўлган элементар зарралар импульсининг хусусий моменти. Элементар зарраларнинг хусусий магнит моменти С. магнит моменти деб аталади. Атом ядроси (ва баъзан атом)

Спин. Протоннинг спин моменти.

ҳаракат миқдорининг хусусий моменти ҳам С. деб аталади. «С.» тушунчасини 1925 й.да америкалик физиклар Ж. Уленбек ва С. Гаудсмитлар киритган. «С.» терминининг қўлланилишига сабаб, дастлаб электроннинг ўз ўқи атрофида айланувчи зарядланган шарча деб тасаввур қилинган. Импульснинг хусусий моменти ва хусусий магнит моменти ана шу ҳаракат туфайли мавжуд, деб ҳисобланган.

С. Планк доимийси $\hbar$ бирликларида ўлчанади ва $/\hbar$ га тенг; бу ерда $/$ ҳар бир турдаги зарраларга хос бутун (0 ҳам) ёки ярим бутун мусбат сон бўлиб, С. квант сони деилади (одатда, уни қисқача С. деб аталади). Шунга мувофиқ, зарра бутун (0, 1, 2, ...) ёки яримбутун (1/3, 3/2,...) С.га эга деилади.

Замонавий тушунчаларга асосан, С. магнит моменти худди заряд ва масса каби электроннинг тавсифловчи асосий катталикдир. Электрон С.нинг қиймати $L=1/2\hbar$ га тенг (бунда $\hbar$ — Планк доимийси). С.нинг танлаб олинган йўналиш z га (мас., ташқи магнит майдон йўналишига) проекцияси фақат квантланган $L_z=s\hbar$ қийматларга эга бўла олади, бунда s — С. квант сони. У асосий квант сони — n, орбитал квант сони — l ва магнит квант сони — m дан фарқли равишда каср қийматларга, яъни $s = -1/2, +1/2$ қийматларга эга бўлиши мумкин. Электроннинг С. магнит моментининг проекцияси $\mu_z = -s\frac{e\hbar}{m} = \frac{e\hbar}{2m}$ га тенг (бунда e ва m электрон заряди ва массаси), яъни электрон С.и магнит моментининг ташқи магнит майдон йўналишига проекцияси фақат иккита қийматга эга бўлади. Демак, электроннинг С.и 1/2 $\hbar$ га тенг.

Электрон С.ини ҳисобга олиш В. *Паулига* ўзининг бир квант ҳолатидаги ихтиёрий физик тизимда икки электрон мавжуд бўлмаслиги принципини таърифлашга имкон берди (қ. *Паули принципи*). Электронда $\frac{1}{2}$ С.нинг мавжудлиги атом спектрларининг мультиплет тузилишини (нозик тузилишни) спектрал чизиқларнинг Зеeман ҳодисасида ажралишини тушунтириб беради. *Зеeман эффекти* ни, яъни электрон атом-ларининг электрон қобиқларини тузилиши тартибини, *ферромагнетизм* ва б. ҳодисаларни тушунтириб беради.

Ҳозирда элементар зарралар ҳам С.га эга. Мас., протон, нейтрон, нейтрино ва улар антизарраларининг С.и электрон С.и каби $\hbar$ бирликларда 1/2 га, π ва К — мезонлар С.и 0 га, фотон С.и эса 1 га тенг. Фотоннинг нисбатан тинч турган ҳолатдан сакраш ҳосил бўлмаслиги сабабли, унинг импульсининг хусусий моментини ўлчаб бўлмайди. Лекин назарий сабоқ, шунингдек фотоннинг тўлиқ моменти 1 га каррали бўлмаслиги *квант электродинамикаси* асосларидан бўлса ҳам, фотон С.и 1 га тенг деб олишга асос бўлади. Нейтрино С.и 1/2 га тенглиги бета-емирилиш вақтида импульс моментининг сақланиш қонунидан келиб чиқади.

Зарралар С.и шу зарралар бўйсунадиган статистика б-н бир қийматли боғланган. Квант механикада «С.» тўғрисидаги тушунчалар В. Паулига тегишли. Паули кўрсатмалари (1940) майдоннинг квант назариясига асосан бутун С.ли зарралар *Бозе — Эйнштейн статистикасига* (бозонлар), яримбутун С.ли зарралар эса *Ферми — Дирак статистикасига* (фермионлар) бўйсунади. Фермионлар, мас., электронлар учун Паули принципи ўтғри, бозонлар учун эса ўринсиздир.

Зарралар С.и релятивистик эффектдир (буни П. *Дирак* исботлаган). Электронда С. ва С. магнит моментининг мавжудлиги *Дирак тенгламасидан* келиб чиқади.

Ад.: Ботодзюбов Н. Н., Ширков Д. В., Квантовые поля, М., 1980.

СПИНОЗА (Spinoza, d'Espinosa) Бенедикт (диний исми Барух) (1632. 24.11, Амстердам — 1677.21.2, Гаага) — нидерланд файласуф-пантеисти. Аждоди Португалиядан кўчиб келган яҳудийлар эди. Руҳоний бўлиш мақсадида иудаизм фалсафаси ва илоҳиётини ўрганади. Лекин унда мустақил фикрлашга мойиллик, табиий фанларга ҳамда Р. *Декарт* фалсафасига қизиқиш пайдо бўлди. Яҳудий дини пешволарини ишдан эркинлигига риоя этмасликда айблади, унинг мустақил танқидий фикри яҳудийлар жамоаси б-н ихтилоф чиқишига олиб келди, натижада у 24 ёшида «даҳшатли ёлғон таълимоти» учун бу диний жамоадан ҳайдалди.

С. фалсафада пантеистик нуқтаи назардан фикр юритиб, худо б-н табиатни айнан бир нарса — ягона, абадий ва чексиз бўлган *субстанция* деб билди. Субстанция атрибут ва модуслардан иборат. Атрибут — субстанциянинг моҳиятини ифодаловчи асосий хусусият. Инсон фақат иккита атрибутни — тафаккур ва ёйилишни (материя) билади. Модуслар — субстанциянинг ўзгарувчан ҳолатлари, яъни табиатдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса. Субстанция ва унинг атрибутлари ўзгармас, модуслар эса ўзгарувчан. Субстанция ўзининг сабабидир, у ўзини ўзи яратади. Субстанция ва унинг атрибутлари ҳақидаги таълимот С. фалсафасининг асосий қисмини ташкил этади. Субстанция ва унинг атрибутлари ҳақидаги таълимотдан келиб чиқадиган хулосалар С. фалсафасининг иккинчи қисмини ташкил этади. Бу қисмда С. инсон ва унинг ахлоқи, давлат ва унинг вазифалари ҳақида фикр юритади. Ақлни билишда катта аҳамият берсада, ҳиссиёт билиш ролини етарлича баҳолаш олмади. С. «Этика» асарида инсон масаласини таҳлил қилади. Унинг фикрича, инсон ўз фаолиятида ҳам ижтимоий қонунларга ёки ёмонликдан нафратланишга асосланмайди, балки ўзини сақлаб қолиш ва фойда олиш йўлида ҳаракат қилади. Демак, инсон фаолияти ҳаёт учун қурашга қаратилган. У эркинликни билишга зарурият деб тушуниб, зарурият ва эркинликнинг бирлиги ҳақидаги диалектик таълимотни ривожлантирди. Унингча, инсон ақл б-н қўрқувни енгиши, табиатни билиш орқали эркинликка эришиши мумкин. Асосий асарлари: «Сиёсий трактат», «Декарт фалсафасининг принциплари», «Ақлни такомиллаштириш ҳақида трактат» ва б.

Абдулла Авлонов.

СПИНОР (инг. spin — айланмоқ) — тайин координаталар тизимида ишорасигача аниқланган қийматлар қабул қиладиган математик миқдор. Бир координаталар тизимидан иккинчисига ўтилганда бу қийматлар махсус қонун бўйича ўзгаради. Амалда С. фазовий координаталари орқали текширилади. С.лар квант механикасининг кўп масалаларида қўлланилади (қ. *Спинор ҳисоби*).

СПИНОР ҲИСОБИ — математиканинг махсус табиатли миқдорлар — *спинор*лар хоссаларини ўрганувчи бўлими. Спинор компонентлари вектор, тензор ва б. тушунчалар каби координаталар тизими ўзгартирилганда маълум қонунга бўйсунади. Мас., координаталар тизими бирор тўғри чизиқ атрофида 2π га бурилса, спинорнинг барча компонентлари ишораси ўзгаради.

Спинор тушунчасини 1913 й.да француз

олими Э. Картан киритган. 1927 й.да немис математиги Б. В. Варден электроннинг спин ҳодисасини ўрганишда бу тушунчаларни мустақил кашф этиб, «спинор» атамасини киритган. С.ҳ. да ковариант ва контравариант спинорлар, спинорлар устида амаллар, валентлик ва ў. тушунчалар текширилади.

Бир валентли спинор иккита комплекс сон (ξ^1, ξ^2) ёрдамида берилиб, $(-\xi^2, -\xi^1)$ сонлар ҳам шу спинорни аниқлайди. Фазодаги координаталар тизими бирор ўқ атрофида θ бурчакка бурилганда бу спинор компонентлари $\xi'^1=\alpha\xi^1+\beta\xi^2$, $\xi'^2=\gamma\xi^1+\delta\xi^2$ формулалар бўйича ўзгаради; бунда $\alpha=\lambda+i\mu$,

$$\beta=\nu+i\rho,\ \gamma=-\beta,\ \delta=\alpha,\ \lambda=\cos\frac{\theta}{2}.$$

$$M=\sin\frac{\theta}{2}\cos\varphi_1,\ \nu=\sin\frac{\theta}{2}\cos\varphi_2,$$

$$\rho=\sin\frac{\theta}{2}\cos\varphi_3,$$

бунда $\cos\varphi_1$, $\cos\varphi_2$, $\cos\varphi_3$ — ўқнинг йўналтирувчи косинуслари.

С.ҳ. квант механика, кимёвий валентлик назарияси, *Равшан геометрияси* ва б. соҳаларда қўлланади.

СПИРАЛ ГАЛАКТИКАЛАР — ташқи кўринишини спирални эслатувчи гигант юлдуз системалари. Телескопда кузатилганда катта равшан ядроси кўринади, унинг атрофини ядродан бошланувчи спирасимон бир неча шохобча ўраб туради. С.г. кўпинча бир томонга ўралган икки шохобчадан иборат бўлади. Баъзан дарахт шохчаларига ўхшаш эркин шохобчали С.г. кузатилади. Ҳатто битта тармоқли С. г. мавжуд. Ҳамма шохобчалар денгли бир текисликда, яъни *Галактиканинг* айланиш текислигида жойлашган. *Андромеда туманлиги* ҳам, бизнинг Галактика ҳам С.г. (*Самон йўлининг* айрим қисмлари иккита ажралган ҳолда кўринади) ҳисобланади. Астрономик кузатишлардан Қуёш системаси спирал тармоқлардан Қуёш системаси спирал тармоқлар орасидаги оралиқда жойлашганлиги аниқланган. Айрим С.г. (мас., NGC 1300) да тармоқлар ядродан эмас, балки у б-н «кўприк» ёрдамида боғланган ва ундан бир неча ўн *парсек* масофадан бошланади. Бундай С.г. узилган С.г. деб аталади. С.г. ўз ўқи атрофида айланади. Айланиш тезлигини ўлчаб, галактикаларнинг массасини тахм. ҳисоблаб чиқариш мумкин (яна қ. *Галактика, Галактикалар*).

СПИРАЛЛАР (юн. spira — ўрам) — белгиланган нуқта атрофида кўп марта ўралиб, унга борган сари яқинлашадиган ёки ундан узоқлашадиган эгри чизиқлар. Белгиланган нуқта қутб координаталари тизимининг боши сифатида қабул қилиниб, С.нинг тенгламаси $r=f(\alpha)$ шаклда ёзилса, $f(\alpha)$ узлуксиз функция $f(\alpha+2\pi)>f(\alpha)$ шартни қаноатлантиради. Архимед спирали $r=k\alpha$, $(k>0)$; логарифмик спираль $r=ae^{k\alpha}$; гиперболик спираль $r=k/\alpha$; клотоида ёки Корню спирали (параметрик кўринишдаги тенгламаси)

$$x=a\int_0^t\cos\frac{\pi u^2}{2}du,\ y=a\int_0^t\sin\frac{\pi u^2}{2}du$$

энг кўп учрайдиган С.дир (расмга қ.). С. хоссаларидан фан ва техниканинг турли соҳаларида фойдаланилади.

СПИРИЛЛАЛАР — спираласимон ёки ёйсимон бактериялар. Ўлчами ҳар хил (эни 0,6—0,8 дан 2—3 мкм гача, уз. 1—3,2 мкм дан 30—50 мкм гача). Спора ҳосил қилмайди; граммусбат, ҳаракатчан. Баъзи турлари лаб. муҳитида яхши ўниб чиқмайди. С. сапрофит, чучук ва шўр сув ҳавзалари, оқмайдиган ифлос сувлар ва ҳайвонлар ичагида яшайди. Айрим С. касаллик пайдо қилади.

СПИРИТИЗМ (лот. spiritus — жон, руҳ) — марҳумларнинг руҳи нариги дунёда яшашига ва у б-н кишилар (фол кўриш, арвоҳларни чақириш ва б. усуллар б-н) мулоқотда бўлишига ишониш. Унинг келиб чиқиши қад. анимистик (қ. *Анимизм*) эътиқодларга, буддизм, ҳиндуийлик, ионон таълимотларига, уларнинг таъсирида баъзи ислом фирқаларида ҳам шаклланган тасаввурларга бориб тақалади. С.да руҳлар б-н махсус кишиларгина (сеҳргарлар, коҳинлар) боғлана олади деб ҳисобланган.

СПИРИТУАЛИЗМ (лот. spiritualis — руҳий) —руҳ воқеликнинг бирламчи асоси, материядан мустақил мавжуд бўлган алоҳида номоддий субстанция деб ҳисобловчи фалсафий қараш.



Спираллар. 1-архимед спирали. 2-параболик спираль. 3-гиперболик спираль. 4-корню спирали (клотоида).

орасида учрайди. С.
кўп ёриқлар зонаси б-н
мали минтақалар ри
лик босқичларида сув
юзага келган вулканик
тарқалган (Кавказ, Ур
зоғистон ва б.). Ўзбекис
булоқ-Зиёвуддин. Т
Ҳисор тоғларида бор

СПИН (инг. spin — ай

р дўстимага чу
ихокялор. С. бур-
вожданишнинг
оси шароитида
катламларда кеш
рча. Олой. Ко-
истоннинг Зира
омли, Нурота.

часасен
моменти
йўналиш
та қийм
тронлан
Элект
Паулига
ги ихти
электро

]. лыги электрон С.и магни
нинг ташқи магнит майдон
лига проекцияси фақат икки-
атга эга бўлади. Демак, элек
г С.и 1/2 h га тенг.

рон С.ини ҳисобга олиш В.
ўчисини бир квант ҳолатида.
ўрий физик тизимда икки
мавжуд бўлмаслиги принци-

синда иудаизм фалсаф
тили ўрганади. Лекин
фикрлашга мойиллик,
ҳамда Р. *Декарт* фалса
пайдо бўлди. Яҳудий д
ни виждон эркинлигига
ля айблади, унинг муст
фикри яҳудийлар жамо
чиқишига олиб келди.

раси ва иқлимие-
унда мустақил
айний фаолиятга
расига қизиқиш
кни педагоглари-
риоя этмаслик-
ракил ташкилий
сси б-н ахтироф
натижада у 24

нталари оркали Спинорлар квант механикаси соҳаларида кўлланилади (Исроил)

СПИНОР ХИСОБИ —

нинг махсус табиатли м
спинорлар хоссаларини ўр
ки. Спинор компонент
тензор ва б. тушунчалар
Натижа

текширилади.
нинг кўп ма
и (к. *Символ*

математика-
иклорлар —
ташувчи бўш-
лари вектор.
каби коорди-

(300) за
элос. бал
ситасида
бир неча
бошланғ
ри С. Д
атрофида
теллигин
ларнинг ч
икка

ки у б-н «кўзгуни» ю-
боғланган ва унинг
ўз [illegible] масофадан
ли. Бундай С.г. узл-
деб аталади. С.г. ўз ўқи
айланади. Айланиш
и ўқ..аб. галактика-
текислиги тахм. хнооб-
дагн мумкин (яна қ.







$-\frac{\rho}{2}$



3



Фалсафий термин сифатида франц. олими В. Кузен (1792—1867) киритган. Хулоснинг мажмуавийлиги ва жонлилиги абадиятига ишонувчи барча диний эътиқодлар ўзининг моҳиятига кўра С. га киради. 19—20-а. ларда франц. ва итальян фалсафасида бир неча мактаб вакиллари С. деб аталган. [illegible] ни ҳам [illegible] сифатида ҳам ишлатилади.

СПИРОГИРА (Spirogyra) — коньюгаталар синфига мансуб сувўтлар туркуми. Чучук сувларда кенг тарқалган. Ипсимон шохланмаган 4—200 мкм кенгликда, бир қатор ҳужайралардан иборат. Ҳужайраларида биттадан бир нечтагача спирал ўралган хроматофоралари бўлади. Вегетатив ва жинсий кўпаяди. Вегетатив кўпайиши иплардаги бир қанча ҳужайраларга ажралиши ёки ипларнинг [illegible] орқали содир бўлади. Жинсий конъюгация орқали кўпаяди: 2 та спирогира ипларининг параллел жойлашиб, конъюгацияланишидан [illegible] ҳосил бўлган зиготадан янги С. ўсиб чиқади. 340 га яқин тури маълум. Ўзбекистонда ва унинг атрофидаги кўлларда кўп учрайди; кўпинча сув юзасида ёки сув тубидаги балчиқда «бақатўни» деб аталадиган тўпламлар ҳосил қилади.

СПИРОХЕТАЛАР (Spirochaetales) — бактериялар тартиби. Ҳужайрасининг диаметри 0,2—10,0, уз. 5—500 мкм, спирал буралган протоплазматик цилиндр ва унинг деворидан иборат. Сиртдан кўп қаватли қобиқ, яъни қин б-н ўралган. Цилиндр б-н қин ўртасида битта ёки бир неча фибриллалар жойлашган. Фибриллалар цилиндрнинг 2 учига бириккан, ўрта қисми эркин. Уларнинг таркиби ва тузилиши бактерияларнинг хивчинларига ўхшаш бўлганлигидан сузиш вазифасини бажариши мумкин. С. бўлиниш орқали кўпаяди. Грамманфий, спора ҳосил қилмайди; факультатив аэроб ёки анаэроб. 1 оиласи, 8 уруғи маълум. Кўпчилик турлари эркин яшовчи сапрофитлар; бир қанча турлари моллюскалар ва термитларда комменсал ёки ҳайвонлар ва одамда паразитлик қилади (захм, лептоспироз ва б. касалликларни қўзғатади).

СПИРОХЕТОЗЛАР — одам ва ҳайвонларда патоген спирохеталар қўзғатадиган, эпидемиологияси ва клиник кўриниши ҳар хил инфекцион касалликлар гуруҳи. Спирохеталар узун ёки қисқа спиралсимон бўлиб, [illegible] қисмларга ажралади. Дезинфекцияловчи воситалар ва бир қанча дори препаратлари уларга тез таъсир этади.

С. ҳамма жойда учрайди. Уларнинг кўпчилиги яхши ўрганилмаган. Инсон

С. га [illegible], бит ёки кана орқали юқадиган [illegible] [illegible]. [illegible] [illegible] С. [illegible] [illegible] бактериялар [illegible] қасалликлар [illegible].

[illegible] [illegible] [illegible] ҳам [illegible].

Кўпчилик С. [illegible] кимёвий препаратлар ва антибиотиклар [illegible] [illegible] [illegible].

СПИРТ ЛОКЛАР — [illegible] смолалар [illegible] спиртдаги эритмаси (30—40%). С. л. [illegible] табиий смолалар (шеллак, копал, канифоль, [illegible]), синтетик смолалар [illegible]. [illegible] С. л. [illegible] мебель, чарм ва б. га сайқал беришда қўлланади.

СПИРТ САНОАТИ — озиқ-овқат саноатининг озиқ-овқат хомашёсидан, ёғоч, картошка, меласса ва дондан (хом спирт) ва ректификацияланган спирт ишлаб чиқарадиган тармоғи. Озиқ-овқат хом ашёсидан олинадиган спирт фақат таркибида алкоголь бўлган ичимликлар учун эмас, балки [illegible], тиббиёт, радиоэлектроника, парфюмерия ва б. соҳаларда ҳам қўлланилади. Техника [illegible] спиртнинг кўп қисми, асосан, озиқ-овқат учун [illegible] [illegible] синтез йўли б-н олинади.

[illegible] ва қадимги [illegible] [illegible] маълум. 11-асрда Италияда узум виносини ҳайдаш йўли б-н вино спирти олинган. 14-асрда спирт ишл. Ғарбий Европа ва Россияда анча ривожланган эди. 19-аср охири — 20-а. бошларида Россияда йирик спирт з-длари қурилган.

20-асрнинг 90-йилларига қадар Ўзбекистонда С. с. унчалик ривожланмаган эди. 1940 й. гача республикада фақат Самарқанддаги спирт-арақ з-ди, «Тошкентвино» к-тининг спирт цехи мавжуд эди, холос. Республика халқ хўжалиги [illegible] ва техник спиртлар [illegible]

[illegible] 1990 [illegible] [illegible] 1642 минг дал (2001).

Янгиюл [illegible] 1995 [illegible] [illegible] спирт [illegible] [illegible] минг дал [illegible] [illegible] спирт ишлаб чиқарилган.

Республикада [illegible] [illegible] «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси [illegible] [illegible] [illegible] корхоналари [illegible] Марказий Осиё [illegible] [illegible].

Ўзбекистон [illegible] корхоналарида 4012,8 минг дал хом ашё этил спирти [illegible]. «Ўзкимёсаноат» [illegible] акциядорлик компанияси корхоналарида 2637,1 минг дал синтетик спирт ишлаб чиқарилди (2002).

Ривожланган мамлакатларда С. с. асосан АҚШ, Германия, Буюк Британия, Италия, Франция, Бразилия каби давлатларда тараққий этган. АҚШда «Шенли дистиллерс», «Жозеф Э. Сигрем энд санс», «Бартон дистиллинг»лар этил спирт ишлаб чиқарувчи асосий фирмалар ҳисобланади. Германия, Франция ва б. мамлакатларда озиқ-овқат спирти ишлаб чиқарувчи з-длар, асосан, давлат монополияси таркибига киради.

[illegible]

СПИРТЛАР — углеводородларнинг тўйинган углерод атомларида бир ёки бир неча гидроксил гуруҳ (—OH) тутган ҳосилалари. Ароматик ҳалқасидаги углерод атомларида —OH гуруҳи тутган бирикмалар — *феноллар*, тўйинмаган углерод атомларида —OH гуруҳи тутган бирикмалар эса еноллар дейилади. Углеводород радикалининг таб-

иатига кўра С. алифатик [illegible] [illegible] ароматик ва гетероциклик [illegible]. Молекуласидаги OH гуруҳлари сонига қараб С. бир атомли, икки атомли (*гликоллар*), уч атомли (*глицерин*) ва кўп атомли [illegible] бўлади. [illegible] OH гуруҳи [illegible] [illegible] (CH_3OH) [illegible] [illegible] учламчи [illegible] атомлари б-н бириккан [illegible] мумкин. Шу сабабли [illegible].

[illegible] [illegible] [illegible] CH_3 — OH [illegible] [illegible] [illegible] OH гуруҳи [illegible] углерод атомининг рақами б-н кўрсатилади. Мас., CH_3 — CH_2OH — CH_3 — пропанол-2; $HOCH_2$ — CH_2 — CH_2OH пропандиол-1,3.

Бир атомли алифатик қуйи С. [illegible] суюқликлар. Молекуласидаги углерод атоми [illegible] [illegible] С. [illegible] [illegible] [illegible] юқори [illegible] [illegible] С. [illegible] [illegible].

С. [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]. Юқори С. сувда эримайди. Баъзи С. кристаллсольватлар ҳосил қилади, мас. $CaCl_2 \cdot 4C_2H_5OH$, $MgCl_2 \cdot 6C_2H_5OH$, $CuSO_4 \cdot CH_3OH$. Кўпчилик С. сув ва бошқа [illegible] эритувчилар б-н аралашиб, *азеотроп аралашмалар* ҳосил қилади.

С. молекуласида OH гуруҳи бўлгани сабабли [illegible] кучсиз кислота хоссаларини намоён қилади. С. ишқорий, ишқорий-ер металлар б-н [illegible] бирикмалар — алкоголятлар, мас., NaOR, $Ca(OR)_2$, $Al(OR)_3$ ҳосил қилади. С. га кислоталар таъсир эттирилса мураккаб эфирлар ҳосил бўлади (қ. *Этерификация*). Бирламчи С. оксидланганда *альдегидлар* ва кислоталар, иккиламчи С. оксидланганда *кетонлар* ҳосил қилади; учламчи С. оддий шароитда оксидланмайди. Бир атомли алифатик С. кучсиз наркотик таъсирга эга, баъзи С. заҳарли.

С. табиатда эркин ҳолда ва мураккаб эфирлар ҳолида учрайди. С. галогеналкилларни гидролизлаб (масл. бензил С. ва б.), олефинларни гидратлаб ва [illegible], шунингдек, триметилкарбинол

[illegible] олинади. С. кўпинча карбонил бирикмалар (альдегидлар, кетонлар, карбон кислоталар ва б.)ни гидрогенлаш, алюминий гидриди, водород б-н қайтариб олинади. Алкоголь [illegible] учун [illegible] спирт [illegible] [illegible] [illegible]. С. [illegible] муҳим [illegible] бўёқлар, синтетик толалар, [illegible], хушбўй [illegible] ва кир ювиш воситалари, *пластификаторлар* ва *юқори сифатли ёқилғилар* ишлаб чиқаришда хом ашё ҳисобланади. Кўпчилик спиртлар [illegible] эритувчилар ва [illegible] сифатида ишлатилади.

Ад.: [illegible] Практикум по органической химии, М., 1979; [illegible] Химия [illegible], М., 1987.

[illegible]

СПИТАК ЗИЛЗИЛАСИ — 1988 й. 7 дек. шимолий Арманистоннинг [illegible] содир бўлган. Магнитудаси 7,0, кучи 9 баллдан ортиқ. Зилзила ўчоғидан ажралиб чиққан энергия 10^{23} жоулга тенг бўлиб, ер юзасида ёриқлар, кўчки ва [illegible] ҳосил қилган. Баъзи ёриқларнинг уз. 4—5 км га чўзилган. Кучли [illegible] тебранишлар [illegible] [illegible] қилган. Натижада Спитак шаҳри [illegible], 20 га яқин шаҳар, 342 та қишлоқ жуда катта зарар кўрган. 130 дан ортиқ саноат корхонаси ишдан чиққан. [illegible] 25 минг киши ҳалок бўлиб, 19 минг киши жароҳат олган. Кўплаб [illegible] бузилган.

СПИТАМЕН (юн. — Spitamenes; [illegible]) (?—мил. ав. 328) — Суғдиёнадаги [illegible] Александр (Искандар)га қарши кўтарилган халқ қўзғолонининг (қ. *Спитамен қўзғолони*) раҳбари. [illegible] В. В. [illegible] [illegible] С. [illegible] [illegible] [illegible] [illegible]. С. [illegible] [illegible] *Бесс* [illegible] Доро III [illegible] [illegible]. Бесс [illegible] [illegible] юнон-македон [illegible] [illegible]. *Арриан*нинг [illegible] [illegible] Александрнинг [illegible] [illegible] [illegible] Александрга [illegible] [illegible] Апама *Салевк I* [illegible] [illegible] [illegible] [illegible].

С. нинг [illegible] сифатида [illegible] [illegible] [illegible]. С.

ҳақида кўплаб мақолалар, В. Яннинг «Курган узре тоқлар», Я. Плёсовнинг «Суғдиёна», М. Қориевнинг «Суғд қоплони» романлари, [illegible] асарлар яратилган.

[illegible]

СПИТАМЕН ҚЎЗҒОЛОНИ — Суғдиёна ва Бақтрияда Александр бошчилигидаги юнон-македон истилочиларига қарши озодлик ҳаракати (мил. ав. 329—327 йиллар). Раҳбари — *Спитамен*. Мил. ав. 329 й. кузида бошланган. Спитамен бошчилигидаги қўзғолончилар Мароқанда (Самарқанд)даги юнон-македон гарнизонини қуршаб олиб, [illegible]. Александр уларга қарши Фарнух бошчилигида 3 минг пиёда ва 800 отлиқ қўшин жўнатган. Спитамен Политимет (Зарафшон)нинг қуйи оқимидаги ерларга чекинган. Бу ерда қўзғолончиларнинг отлиқ қўшинлари б-н бирлашиб ҳужумга ўтади. Қўзғолончилар [illegible] юнон-македон қўшинининг катта қисми қириб ташланган, қолган қисмлари [illegible]. Спитамен яна Мароқандани қамал қилган. Александр Спитаменга қарши Андромах, Менедем ва Каран бошчилигида отлиқ ва пиёда қўшин юборган. Спитамен бундан хабар топиб [illegible] [illegible]. [illegible] 2 [illegible] [illegible] [illegible]. Шундан кейин Спитаменга қарши Александр [illegible]. Спитамен [illegible] чекинган. Александр уни таъқиб этмаган, лекин Зарафшон [illegible] 120 минг кишини қириб ташлаган, [illegible]. Александр Суғдиёнадан бир неча қалъа ва [illegible] Мароқандда катта қўшин қолдириб, [illegible] Бақтрия [illegible] Навтакага қайтган. Мил. ав. 328 й. баҳорида қўзғолоннинг 2-босқичи бошланган. Кўплаб суғдийлар турли қалъаларда [illegible] юнон-македон [illegible]. Бу даврда Суғдиёна қўзғолоннинг ўчоғи бўлган. Спитамен Александрнинг [illegible] 600 отлиқ б-н Бақтрияга [illegible]. Юнонлар [illegible] Спитаменга қарши чиқиб, уни

даштга чекинишга мажбур қилган. Спитамен Зарафшоннинг қуйи оқими бўйларига кетган. Мил. ав. 328 й.нинг кузида Спитамен бу ердаги қалъалардан бирини эгаллаб, 3 минг отлиқ б-н Суғдиёна пойтахти томон юрган. Юнонлар бутун кучларини унга қарши ташлайдилар, жангда кўзғолончилар маглубиятга учрайдилар. Суғдиёна ва бақтриялик зодагонларнинг бир қисми Спитаменга хиёнат қилиб истилочилар томонига ўтиб кетганлар. Мил. ав. 328 й. охирида Спитамен хонтона ўлдирилган. Айрим тарихчилар уни Александр ҳужумидан қўрққан массагетлар ўлдирган деб ҳисоблайдилар. Баъзи маълумотларга қараганда, Спитаменни ўз хотини ўлдириб, бошини Александр ҳузурига келтирган, бироқ Искандар уни ўта совуқ кутиб олган. Шунга қарамай, С.қ. тутамаган, унинг 3-босқичи бошланган. Шу туфайли Александр мил. ав. 328—327 йлар қишловини Суғдда ўтказишга мажбур бўлган. Кўзғолончилар тог қалъаларида курашни давом эттирганлар. Ҳоз. тадқиқотларга кўра, улар жан.-шарқий ҳудудларда жойлашган. Александр маҳаллий аҳоли қаршилигини куч б-н енга олмаслигига ишонгач, уларга яқинлашишга ҳаракат қилган, уларга нисбатан сиёсатини ўзгартирган. Тоғли ҳудудлардаги кўзғолон бошлиқлари Оксиарт, Сисимитр, Хориен кабиларни афв этиб, мол-мулкини қайтариб берган. Оксиартнинг қизи *Роxанакка* уйланган. Маҳаллий зодагонларнинг аксарияти Александр ҳокимиятини тан олиб унинг хизматига ўтиб кетишган. Мил. ав. 327 й. охирида Суғдиёна Александр томонидан батамом эгалланиб, кўзғолон бостирилган.

Ад.: Арриан Флавий, Поход Александра, М.—Л., 1962; Ўзбекистон халқлари тарихи, 1-ж., Т., 1950; Шахермайр Ф., Александр Македонский, М., 1986; Гафуров Б., Цибукидис Д.И., Александр Македонский и Восток, М., 1980.

Баҳодир Эшов.

СПЛАНХНОЛОГИЯ (юн. splancha — ички аъзолар ва ... *логия*) — *анатомиянинг* бир бўлими; *ички аъзоларни* ўрганади.

СПЛАНХНОПТОЗ (юн. splancha — ички аъзолар ва ptosis — тушиш) — қ. *Ички аъзоларнинг пастга тушиши.*

СПЛЕНОМЕГАЛИЯ (юн. splen — талоқ ва megas — катта) — *талоқ* (қора жигар)нинг катталашуви. Кўпинча талоқ касалликлари (ўсмалар, кисталар, абсцесслар)да, умумий инфекциялар (сепсиз, безгак, ич терлама, тепкили терлама ва б.)да, қон (мас., лейкоз, лимфогранулематоз) ва жигар касалликларида кузатилади. С. талоқда қон айланишининг бузилиши (мас., тромбозлар), талоқ функциясининг кучайиши (гиперспленизм) ва б. асоратларга олиб келади.

Давоси: операция қилиб талоқ олиб ташланади (спленэктомия).

СПЛИТ — Хорватиядаги шаҳар. Адриатика денгизи соҳилидаги порт. Аҳолиси 190 минг кишн (1998). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Атрофидаги шаҳарлар б-н ирмоқ саноат тугунини ташкил қилади. Кемасозлик, цемент, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари, ГЭС мавжуд. С.да Биология-океанография ил.т. институти, Денгиз археологияси ва б. музейлар, бадиий галерея бор. Туризм маркази ва йирик курорти. Қад. Рим меъморлиги — император Диоклетиан саройи (тахм. 300 й.) ва ренессанс меъморлиги ёдгорликларидан ратуша, черковлар (11—16-а.лар) сақланган. С. яқинида Салона антик шаҳар (мил. ав. 2-а. — мил. 4-а.) қолдиқлари топилган.

СПОДУМЕН (юн. spodumenos — кула айланган, spodos — кул) — занжирли силикатларнинг кичик синфига, *пироксенлар* гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $LiAl[Si_2O_6]$. Моноклин сингонияди; 1 — 10 см, баъзан 1 м ва ундан ортиқ узунликлари призматик кристаллар ҳосил қилади. Кулранг, сарғиш, яшил, пушти, баъзан рангсиз бўлади. Шишасимон ялтирайди. Тиниқ пушти ва бинафша рангпушти туслагилари *кунинит*, зумрад ранг-яшили *гидденит* деб аталади. Қаттиқлиги 6,5—7; зичлиги 3,1—3,2 г/см³. С. бошқа пироксенлардан нур синдириш кўрсаткичининг кичиклиги б-н фарқланади. Гранитли пегматитларда кварц, микроклин, альбит, берилл, лепидолит, танталит, баъзан поллуцитлар б-н бирга учрайди. Тез ўзгарувчан бўлиб, эвкрипит агрегатларига ($LiAlSiO_4$) ёки альбит б-н серицитга айланади. Нураш пўстида гилли минераллар ҳосил қилади. С. литий рудаларининг асосий минералларидир; кунцит б-н гидденит қимматбаҳо тошлар ҳисобланади. Хорижда Мадагаскар о., АҚШ, Бразилия, Мьянма ва Афғонистонда маълум. Ўзбекистонда Чатқол, Кетмончи, Лолабулоқ, Олтинтоғ, Султон Увайс тоғлари, Қирқбулоқ пегматитларида ўрганилган. С. хорижда электр керамикаси и.ч.да фойдаланилади. Тиниқ, чиройли рангли турлари безак тошлар ва ҳатто қимматбаҳо тошлар сифатида ҳам ишлатилади.

СПОНГОЛИТЛАР (юн. spongos — ғовак ва lithos — тош) — кремнийли чўкинди тог жинси. Бир неча ун ва қум ўлчамли нинасимон шаклли кремнийли бўлакларнинг спикула ковушоқлари туташишидан ҳосил бўлади. С. тар-кибида уларнинг миқдори 50% дан ортиқ бўлиб, мустаҳкам цементли турни ҳосил қилган. Оч кулранг, яшилсимон кўринишда, қора бўлади. Қад.ла ҳосил бўлганлари ич. кемаларда ва говакларда учрайди. Минерал таркиби, асосан, аморф опалдан, қисман халцедондан иборат. Таркибида радиолярия ва фораминифера чиганоқлари, кварц ва глауконит доналари, темир гидрооксидлари ва б. учрайди. Бу жинслар ўз номи денгизларининг 250—300 м чуқурликларида ҳосил бўлади. Таркиби 10—15% бўлут спикулаларидан иборат минерогенли ипат ва опал-халцедонли гелдар деилади. С. Москва син., Урал олдида бўр, Шарқий Уралнинг ен ётқизиқларида қуйи карбон ва Кавказда палеоген ётқизиқларида маълум. Саноатда адсорбент сифатида ишлатилади ва ҳайвон ёғларини, нефть маҳсулотларини турли қўшимчалардан тозалаш учун фойдаланилади.

СПОНДИЛЁЗ (юн. spondylos — умуртқа) — умуртқа поғонасининг сурункали касаллиги. Умуртқаларнинг суяк тўқималари ўсасида ўсимталар ўсиб кетиши туфайли умуртқалар шаклининг ўзгариши. Моддалар алмашинувининг бузилиши организмда оҳак тузларининг кўп йиғилишига сабаб бўлади. Кўпинча кексаларда умуртқа поғонасига кўп йил давомида оғирлик тушиб бориши ва ён улгайиши б-н модлалар алмашинувининг бузилиши оқибатида рўй беради. Эркакларда аёлларга нисбатан кўп учрайди. Ёшларда С.нинг вужудга келишига *умуртқа поғонасининг қийшайиши* сабаб бўлади, чунки бунда оғирлик умуртқа поғонасига бир хилда тушмайди. Баъзан С. ич терлама ёки *ревматизм* касаллиги оқибатида ҳам вужудга келиши мумкин.

Сплит шаҳри. Диоклетиан саройи.

С.да умуртқа поғонаси оғриб, анчиқа-ниши бошқа ва оёқ қисмида ҳаракатланиши бузилади. Оғриқ асосан, ушқлан турганда рўй беради, бундан ҳолларда ҳаракат қилиш анча қийин бўлади, оёқ оғрийди, оёқларда сезгирлик камаяди. Бемор керинганда сийдик ушлаб қолиши қийинлашади, оғриқ пасаяди. Оғриқ қуйи-ча ҳуруж б-н кечиб, об-ҳаво ўзгарганда кучаяди, бунда бўини, кўкрак ва оёқ умуртқаларининг сурункали *радикулити* пайдо бўлиши мумкин.

С.нини олдини олиш учун *организмни чиниқтириш*, дам олиш ва меҳнат режимига риоя қилиш, физкультура ва спорт б-н мунтазам шуғулланиш керак.

С.ни даволашда массаж, даво гимнастикаси, рационал овқатланиш ва ҳар хил физиотерапевтик муолажалар буюрилади.

СПОНДИЛИТ — умуртқа поғонасининг сурункали яллиғланиши. Қуйинча сил касаллиги сабаб бўлади. Ҳам. актиномикоз, стафилококк инфекцияси (умуртқа поғонасининг ўткир ва сурункали *остеомиелити*), ревматизма алоқадор артрит ва б. касалликларда С. камроқ учрайди.

Сил С.нда умуртқа поғонасининг кўкрак бўлимида, ҳам С.нда бўини бўлимида, ревматизма алоқадор С.да бел ва кўкрак бўлимларида ўзгариш рўй беради. Сил С.и аксари 10 ёшгача бўлган болаларда, ҳам С.и 40—50 ёшларда, ревматизма алоқадор С. 20—30 ёшларда бошланади. Касаллик, одатда, аста-секин, беморга билинмасдан ривожланади.

С.да умуртқалар танаси емирилиб, умуртқа поғонасининг шакли ўзгаради. Умуртқа поғонасининг бурчак ҳосил қилиб қийшайиши — букрилик С.нинг энг тавсифловчи белгисидир. Умуртқалар танаси бир текис емирилганда ён томонга қийшайиш (сколиоз) рўй бериб, қўпроқ умуртқа поғонасининг бел бўлимида кузатилади (қ. *Умуртқа поғонасининг қийшайиши*).

С.да умуртқа поғонаси ва уни ўраб турган мускуллардаги тинимсиз кучли оғриқ умумий сил интоксикацияси белгилари: ланжлик, ҳолсизлик, ҳарорат т-расининг кўтарилиши ва ориқлаб кетиш б-н бирга кечади. Касаллик оғирлашганда умуртқа поғонасининг шакли ўзгаради (букрилик), кўпинча уни ўраб турган тўқималарда оқма яралар пайдо бўлиб, орқа миянинг зарарланиши кузатилади. Жараён сўнгандан кейин оғриқ йўқолади, беморнинг умумий аҳволи яхшиланади. Бироқ буни соғайиш деб бўлмайди. Одатда, инфекциянинг «яширин» ўчоқлари бўлиб, улар касалликнинг қайталанишига олиб келиши мумкин.

С.га клиник-лаб. ва рентгенологик текширувлар асосида диагноз қўйилади. Бемор антибактериал препаратлар, ортопедик методлар (гипс корсет, корсет ва умуртқа поғонасини фиксация қилишнинг бошқа методлари) б-н, шунингдек, санаторий-курортда даволанади. Баъзан операция қилишга тўғри келади.

СПОНТАН НУРЛАНИШ (лот. spontaneus — ярлиқ) — атом, молекула ва б. квант тизимларининг ўз-ўзидан электромагнит тўлқинлар нурланиши; улар ўзининг юқори энергетик ҳолатдан қуйи энергетик ҳолатларга ўз-ўзидан ўтиши жараёнида вужудга келади. Хусусан, атомларнинг ўзининг ҳолатдан сони e марта камайгунча ўтган вақт ўзининг ҳолатининг яшаш вақти деб аталади ва у 10^{-7} — 10^{-9} с оралиқда бўлади. С.ндаги ҳар бир фотон энергияси $h\nu_{ik}=\varepsilon_i-\varepsilon_k$ формула орқали ифодаланади, бунда ν_{ik} — фотон частотаси, ε_i — юқори энергетик сатҳ; ε_k — қуйи энергетик сатҳ. Мажбурий нурланиш-энергетик сатҳ. Мажбурий нурланишлардан фарқли равишда, С.н. квант тизимига таъсир этаётган ташқи электромагнит нурланишга боғлиқ бўлмайди. Ёруғлик манбаларининг кўпчилиги, мас., иссиқлик таъсирида чўғланган лампа спонтан нурлатгич ҳисобланади. С.нда турли йўналишдаги тебранишлар бир-бирини жуда тез ва тартибсиз равишда алмаштириб турадиган жойига биноан, С. эндоспорадан сув ўсимликлари С.и (зооспоралар)нинг ҳаракатланиш органи — хивчинлари бўлади. Қуруқликда ўсадиган юксак ўсимликларда С. хивчинсиз; қаттиқ қобиқ б-н ўралган; шамол ёрдамида тарқалади. С. ўлчами 3—5 мкм дан 25—50 мкм, баъзан 200 мкм гача (ипсимон сувўтлар). С. овал, цилиндрсимон, шарсимон, ипсимон ва б. шаклда; сирти ғадир-будур, ҳар хил ўсинталари бўлади. Сирти қобиқ б-н ўралган С. 10 кундан 3—5 йилгача, баъзан 25 йилгача (қоракуя) ҳаётий хусусиятларини йўқотмайди.

Ўзбекистоннинг юра ётқизиқларидан ажратилган споралар.

Айрим замбуруғлар 1 сутка давомида 30 млн. спора ҳосил қилади. Бугдой донида 8 млн.дан 20 млн.гача, битта бошоғида 200 млн.гача спора ҳосил бўлади. Плаунлар С.и дан тиббиёт, металл қуйиш, тог жинслари ёшини аниқлашда фойдаланилади; 2) бир ҳужайрали паразит ҳайвонларда қалин пўст б-н қопланган бир ёки кўп ҳужайрали ҳосила. Тарқалиш ва ноқулай шароитдан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради; 3) бактериялар ва археобактерияларда тинч ҳолатдаги репродуктив ҳужайра. Ҳаёт цикли охирида вужудга келади. Кўпайиш ва ноқулай шароитдан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Она ҳужайра ичида (эндоспора) биттадан ҳосил бўлади. Юқори ҳарорат, сувсизлик, радиация, эритувчилар ва б. ноқулай шароитларга чидамли. С. қулай муҳитга тушганида кўкариб чиқиб, янги вегетатив ҳужайра ҳосил қилади.

СПОРАЛИ ЎСИМЛИКЛАР — асосан, *споралар* ёрдамида жинсий ва жинсиз кўпаядиган ўсимликлар. Кўпчилик С.ў. ноқулай муҳит шароитини спора ҳолатида ўтказади. Айрим С.ў.да споралар камдан-кам пайдо бўлади, улар, асосан, танасининг бўлакларга бўлиниши йўли б-н кўпаяди. Тубан спорали ўсимликлар ва юксак спорали ўсимликларга бўлинади. Тубан спорали ўсимликлар сувўтлар, бактериялар, замбуруғлар ва лишайниклардан; юксак спорали ўсимликлар эса плаунлар, қирқбўғимлар, қирқкулоқлар, селагинелла ва айрим қазилма

усимликлардан иборат. С.у. очиқ уруғлилар ва *ёпиқ уруғлиларга* қарама-қарши қўйилади. Лекин уруғли ўсимликларнинг чанг доначалари ва мўртак халтачаси юксак С.уларнинг споралариға гомолог ҳисобланади.

СПОРАЛИЛАР (*Sporozoa*) — бир ҳужайралилар кенжа дунёсига мансуб ҳайвонлар типи. Хивчинлилардан келиб чиққан. С. турли ҳайвонлар ва одамнинг ҳужайра, тўқима ва органларида паразитлик қилиб, оғир касалликларни келтириб чиқаради. Паразит ҳаёт кечириш таъсирида тана тузилиши бирмунча соддалашган. Ҳаракатланиш органоидлари, қисқарувчи ва озиқа ҳазм қилувчи вакуоллари ривожланмаган. Ҳаёт цикли спора ҳосил қилиш б-н тугалланади, спора қобиғи паразитни нокулай муҳит таъсиридан ҳимоя қилади. С. ҳаёт цикли жинссиз, жинсий ва спорогония жараёнлари алмашиниб туради. Жинссиз кўпайиш ҳужайранинг кўп марта бўлиниши (шизогония), жинсий кўпайиш эса кўпчилик спораларида икки хил типдаги гаметалар (анизогаметаларнинг копулциясидан иборат. Факат грегариналар бир хил типдаги гаметалар (изогаметалар) ҳосил қилади. Зиготаси, одатда, қалин пўст б-н ўралган бўлиб, ошқозда дейилади. Ооцистда ичида спорогония натижасида спороцистлар ҳосил бўлиши б-н паразитнинг ривожланиш цикли тугалланади. С. типига 400 дан ортиқ тур киради. С. типи грегариналар ва кокцидиясимонлар синфларига ажратилади. Айрим С.нинг ривожланиши битта хўжайинда ўтади (кўпчилик кокцидиялар) ва оошистлари ёрдамида тарқалади. Бошқа С.нинг ривожланиши иккита хўжайинда, яъни жинссиз кўпайиши бир хўжайинда, гаметогенез ва спорогония даврлари бошқа хўжайинда ўтади. Бундай С. ҳайвонлар ва одамга алиментар йўл б-н (зарарланмаган ҳайвон зарарланган ҳайвонни ейиши) ёки қон сўрувчи ҳашаротлар орқали (безгак паразитининг чивин орқали юқиши) ўтади.

СПОРАНГИЙ (*спора*[*лар*] ва юн. angeion — идиш) — бир ҳужайрали (замбуруғлар ва кўпчилик губан ўсимликларда) ёки кўп ҳужайрали (юксак ўсимликларда) орган. С.да споралидар етилади. С. номи замбуруғлар ва губан ўсимликларда уларда ривожланаётган спораларнинг тузилиши (зооспорангий) ёки сонига (моно-, тетраспорангий), ташқи кўриниши (пистокарпий), спораларнинг ҳосил бўлиш усулига (митоспорангий, мейоспорангий) боғлиқ. Юксак ўсимликлар фақат мейоспорангий ҳосил қилади. Йўсинлар С.си спорогония кўсакчасидан иборат. Қирққулоқлар ва қирқбўғимларда С. спорофилларда ёки улар қўлтиғида битталаб ёки тўп бўлиб (соруслари) жойлашади. Бир хил спорали қирққулоқларда С. бир хил типда, ҳар хил споралиларда С. икки хил (микро- ва метаспорангиялар), микро- ва метаспоралар ҳосил қилади, уларнинг ўлчам ва ўрочи ўсимта ривожланиши.

СПОРОФИЛЛ — қирққулоқ ёки уруғли ўсимликлар барги. С.да ёки барг қўлтиғида *спорангийлар* пайдо бўлади. Губ қирққулоқларнинг микро- ва метаспорангиялари спорокарпиларда вужудга келади. Микроспорангийлар ривожланаётган ҳар хил спорали ўсимликлар С.ларида микроспорофиллар, метаспорангийлар ривожланган С.лар эса метаспорофиллар деб аталади. Микро- ва метаспорофиллар ташқи кўринишининг бир хил, уруғли ўсимликларда эса ҳар хил бўлиши мумкин.

СПОРОФИТ (*спора*[*лар*] ва ... *фит*) — ривожланиш даврида жинсий ва жинссиз насл галланиб турадиган ўсимликларнинг жинссиз насли; споралар ҳосил қилади. С. уруғли ва яккаланган ҳайвонларнинг гаметалар қўшилиб ҳосил қилган зиготадан ўсиб чиқади. С.нинг ҳар бир ҳужайраси иккита спиралсимон ДНК молекуласидан иборат бўлган хромосомали. Губан ўсимликлар (вольвоксимонлар, улотриксилар ва б.) С.и таллоид ёки лапоид бўлиши мумкин (қўнғир, қизил ва баъзи яшил сувўтлар). С.да жинсий кўпайиш органи — спорангийлар шаклланади. Спорангийларда редукцион бўлиниш (қ. *Мейоз*) орқали гаплоид мейоспоралар ҳосил бўлади. Мейоспоралардан таллоид жинсий бўғин *гаметофит* шаклланади. Ўсимликларнинг ҳар хил гуруҳи ҳаёт циклида С. бир хилда намоён бўлмайди. Губан ўсимликларнинг изоморф насл алмашинувида С. морфологик жиҳатдан гаметофитдан фарқ қилмайди (айрим яшил ва қўнғир сувўтлар). Гетероморф насл алмашинувида С. тобе (монострома, кулгериев сувўтлари) ёки устунлик қилиши (сифонсимон ва қўнғир сувўтлар) мумкин. Юксак ўсимликлар цикли гетероморф бўлиб, йўсинсимонлардан бошқа барчасида С. устунлик қилади. Йўсинсимонларда С. гаметофитнинг устида ҳосил бўлади ва унинг ҳисобидан озиқланади.

СПОРТ (инг. *sport* — ҳавас, завқ, жисмоний шуғулланишнинг ҳаракатли қисми, *жисмоний тарбия* воситаси ва ҳ.к.) — *жисмоний машқларнинг* турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими. С.нинг мақсади кишиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний ривожланишини ошириш бўлиб, мусобақаларда юқори натижа ва галабаларга эришишдир. Дастлабки С. мусобақалари Юнонистонда милод. ав. 1453 йил бўлиб ўтган. 19-а.нинг 2 ярмида яшаган Пьер де Кубертен (1863—1937) ташаббуси билан Халқаро олимпиада қўмитаси (ХОҚ) ташкил қилинган ва унинг С. ҳаётга татбиқ қилиш бошланган. 1896 йилда 1-олимпиада *Ўйинлари* ўтказилган.

С.нинг асосий 3 та турларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ: оммавий С., ишқий С. ва ютуқ фани сифатидаги С. — юқори натижалар С.и. Оммавий С.нинг асосини жисмоний такомиллашуви шарт, у кишиларнинг сиҳ, саломатлигини ҳамда, жисмоний ривожланиш даражасини кўра четараланади. Ўқув фани сифатидаги С. — барча турдаги таълим муассасалари ва кўпгина кучларда ҳарбий жисмоний тайёргарлик дастурларига киради. Юқори натижалар С.и ва яхши С. кўрсаткичлари рекордларга эришиш учун шароит яратади, инсоннинг жисмоний тайёргарлигини намоён этади, жисмоний тайёргарликларнинг самарали восита ва усулларини оммани амалиётга татбиқ этишга ёрдам беради.

Тараққиёт жараёнида С. жисмоний тарбия доирасидан чиқиб, мустақил умуммаданий, сиёсий, эстетик, иқтисодий аҳамият касб этди. С. дунёда халқаро алоқаларни кенайтиришга, халқларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ва дўстлиги ва тинчлик ривожланишига ҳиссасини қўшмоқда. 19-а. ўрталаридан бир неча Ғарб мамлакатларида профессионал С. ривожлана бошлади. У томошабоплиги, оммавийлиги, катта даромад манбаи бўлиб бораётганлиги б-н даромадли тусга эга.

С. турларининг 2 асосий гуруҳи мавжуд: миллий С. турлари ва халқаро С. турлари. Миллий С. турлари ҳар бир халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, меҳнат фаолияти ва дам олиш шароити асосида ривожланган. Халқаро С. турлари муайян шароитларда мусобақалар ўтказишнинг умумлаштирилган тизимларидан иборат бўлиб, бунда мусобақа иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини, натижаларни ҳисобга олиш ва баҳолашнинг халқаро миқёсда бир хил тартибга келтириш, шунга қоидалардан фойдаланишга асосланган махсус чекланлар назарда тутилади. С. билан шуғулланишда жисмоний тарбия ва С.ни бошқариш давлат органлари, халқаро С. ташкилотлари томонидан маъқулланган воситаларни қўллашга йўл қўйилмайди. Юқори С. кўрсаткичларига эришиш мақсадида стимуляторлардан, допинг медикаментларидан, Халқаро олимпиада қўмитаси ман этган бошқа воситалардан фойдаланган С.чи мусобақалардан четлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасида С. умумдавлат иши ҳисобланиб, жисмоний маданият б-н бирга аҳолининг барча қатламларини ва ёш гуруҳларини қамраб олган. Мамлакатда 50 дан ошиқ С. тури оммалашган, улардан 30 тури Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» (2002 й. 31 окт.), «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида» (2003 й. 3 июнь), «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2003 й. 4 нояб.) қарорлари ЎзР да С.ни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорлар асосида яшил болалар С. инвентарларини барпо этиш лагери, *спорт анжуманлари ва жиҳозлари*, кийим-кечаклар ва чарм пойабзал маҳсулотларини республикала в.ч., мактабларда, айниқса, қишлоқ мактабларида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш, аҳоли орасида С. маданиятини юксалтириш, оммавий С. тарғиботини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга татбиқ этишга киришилди. Жумладан, Ўзбекистон телевидениесининг 4-канали С. каналига айлантирилди. Жисмоний тарбия ва С. соҳасини кадрлар б-н таъминлаш мақсадида олий таълим муассасаларида болалар С. и учун педагог мураббийлар тайёрлаш, С. журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган. Спорчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари қонун б-н мустаҳкамланган. Чунончи, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2000 й. 26 май)да давлат бошқарув органлари, жисмоний тарбия ва С. жамоат бирлашмалари, спорт клублари ва марказлари, бошқа ихтисослаштирилган спорт ташкилотлари ва муассасалари спорчиларга зарур ижтимоий-маиший шароитларни яратишлари ҳамда уларнинг сиҳат-саломатлиги муҳофаза қилинишини таъминлашлари шарт қилиб қўйилди. Спорчиларнинг айрим тоифалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. С. мусобақаларида қатнашувчи шахслар суғурта полисларига эга бўлишлари шарт. С. соҳасида жуда катта ютуқларга эришган фуқаролар, жисмоний тарбия ва С.ни ривожлантиришда алоҳида хизмат кўрсатган С. устозлари, спорчиларни тақдирлаш мақсадида «Ўзбекистон ифтихори», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорчи» фахрий унвонлари таъсис этилди. Мамлакатда С. матбуоти шаклланди: «Спорт» газ., «Ўзбекистон футболи», «Теннис +», «Books plus futbol» (Тошкент), «Футбол экспресс» (Андижон), «Аср футболи» (Наманган), «Интер футбол» (Косонсой) каби газ.лар нашр этилмоқда.

Сотт Мусаев, Комил Ярашев.

Теннисчи Ирода Туленкова

Бокчи Муҳаммадқодир Абдуллаев. Сидней олимпиадасининг голиби (2000).

«СПОРТ» — ижтимоий-сиёсий газ. Муассиси: ЎзР маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Тошкент шаҳрида ўзбек ва рус тилида нашр қилинади. Дастлаб (1932 й. 2 июндан) «Физкультурник Востока» («Шарқ физкультурачиси») номи б-н чиқа бошлаган. 1934—39, 1953—91 йилларда «Ўзбекистон физкультурачиси», «Физкультурник Узбекистана» номлари б-н нашр этилган. 1991 й. 3 январдан ҳоз. номда. Ўзбекистон ва жаҳондаги спорт воқеалари, мусобақаларини, жисмоний маданият, соғ-

Кўпкари (улоқ).

тилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» (2002 й. 31 окт.), «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган ўзлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида» (2003 й. 3 июнь), «Оммавий спорт тадбиротини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2003 й. 4 нояб.) қарорлари ЎзР да С.ни ривож-

лом турмуш тарзи ва олимпиада ғояларини кенг тарғиб қилиш газетнинг асосий вазифасидир. «Соғлом авлод учун», «Дунёга довруғи достон», «Олимпия умидлари», «Яшил майдон» каби доимий рукнлари бор. Газ.ларнинг кенг оммалашувида Ҳамид Тожибоев, Эркин Жабборов, Юрий Ковалев, Альберт Назарянц, Евгений Романика, Сафар Остонов, Татьяна Кистанова каби журналистларнинг ҳиссаси катта бўлди. 1993 йдан «Ўзбекистон футболи» илова газ. ҳам чиқарилади. Газлар таҳририяти мини-футбол бўйича оммавий мусобақа ташкилотчисидир. «С.»нинг мамлакат вилоятларида ўз мухбирлари бор. Адади — ўзбекча нашри 5 минг, русча нашри 2,5 минг (2004). Бош муҳаррири Аслидин Болиев.

СПОРТ АНЖОМЛАРИ ВА ЖИҲОЗЛАРИ — жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари, мусобақалари учун мўлжалланган аслаҳалар, махсус қурилма ва асбоб-ускуналар. Халқаро ёки миллий (спортнинг миллий турлари учун) спорт федерациялари тасдиқлаган стандартлар (қоидалар, нормалар)га мувофиқ тайёрланади ва стандартлар бўйича халқаро ёки давлат ташкилотлари томонидан рўйхатга олинади. Спорт анжомлари (снарядлар), спорт жиҳозлари, пойабзал ва кийимлари мавжуд. Спорт ўйинлари учун тўплар, чавгонлар, ракеткалар; камон, рапира, қилич, шамшир; енгил атлетикада найза, ланпак, босқон, ядро, лангарчўп; гимнастика анжомлари; оғир атлетикада — штанга, тошлар; коньки, чанги ва б. спорт анжомлари ҳисобланади. Эшкаклн (академик қайиқ, байдаркалар, каноэ) ва елканли (яхталар) қайиқлар, чаналар, велосипедлар (трекка, шоссега, тандемга мўлжалланган), турли мотоцикллар, спорт автомобиллари, картлар, планёрлар ва спорт самолётлари каби снаряд-аппаратлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Спорт жиҳозлари қаторига спорт ареналарининг ускуналари: дарвозалар, тўрлар, қалқонлар (шчитлар); тўсиқлар, боксчилар ринги, гимнастика гилами ва б.; спорт мусобақалари ва машғулотларда ишлатиладиган махсус техника (фотофиниш, электр табло, турли тренажерлар ва б.) киради. Спорт кийими ва пойабзали ҳар бир спорт тури учун халқаро спорт федерациялари томонидан қўйилган техник, гигиеник ва эстетик талабларга мувофиқ бўлиши керак. Айрим спорт турларида кийим ҳимоя воситаси вазифасини бажаради (шлемлар, ниқоблар, кўзойнаклар, қўлқоплар ва ҳ.к.). Пойабзал махсус мосламалар (тишлар, зарбани юмшатувчи амортизаторлар, қопламалар ва б.)га эга бўлади.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ — спортнинг асосий турларидан бири. Аслида эркакларнинг махсус гимнастика анжомлари (снарядларида ва эркин машқлар бўйича ўтказилувчи мусобақаларни ўз ичига олади. Катта жисмоний куч, чаққонлик, қўрқмаслик, ҳаракатларни мувофиқлаштиришда аниқликни талаб этади. Замонавий С.гда 19-а. бошида немис мутахассиси Ф.Л.Ян (F.L.Jahn) асос солган. 1973 й. Халқаро олимпиада қумитаси тасдиқлаган замонавий С.г. дастурига эркаклар ўртасида 6 эркин машқлар, отда, ҳалқаларда бажариладиган машқлар, таяниб сакраш, мувозин (параллель) брусьяларда ва ёйсимон тарзда ўрнатилган 2 брусьяда машқлар киритилган. Аёллар ўртасида (таянib сакраш, ҳолада, ҳар хил баландликдаги қўшноялда бажариладиган ва эркин машқлар) ўтказиладиган шахсий ва жамоа биринчиликлари киради. Ҳар бир машқда мажбурий (Халқаро С.г. федерацияси томонидан белгиланадиган) ва эркин (расмий талабларни инобатга олиб спортчиларнинг ўзлари тузадиган) композиция бўлади. Машқларнинг бажарилиши 10 балли тизим асосида баҳоланади. Халқаро С.г. федерацияси — FIJ (1881 й. тузилган)га 100 дан ортиқ мамлакат аъзо. 1896 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган, 1903 й.дан жаҳон чемпионатлари ўтказиб келинади.

Спорт гимнастикаси.

Ўзбекистонда С.г. кенг ривожланиб бормоқда. Республикада мазкур спорт турига ихтисослашган 7 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 70 нафардан ортиқ мураббий 1000 дан ортиқ ўғил-қизга ўқитувчилик қилади. Халқаро тоифадаги спорт устаси О.Чолметова, А.Горденко 2004 й. Афинада бўлиб ўтадиган 28-ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритдилар. Халқаро тоифадаги спорт устаси А.Фокин, А.Марьясов, Ўзбекистон спорт устаси Ф.Хужаев, А.Ишкова, Б.Гайфуллина, Н.Жалилова, С.Акопянц, К.Хасанов, И.Рахматов, Р.Осимов, Н.Пономарев ва б. мамлакатимиз ҳамда хорижда ўтказилаётган йирик мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келади.

СПОРТ ЖАМИЯТЛАРИ (Ўзбекистонда) — жисмоний тарбия ва спорт ёрдамида ижтимоий фойдали ишларни бирлаштирувчи ташкилотлар. Ўзбекистонда *«Ёшлик» ихтиёрий спорт жамияти*, *«Динамо»* жисмоний тарбия ва спорт жамияти, «Талаба» спорт уюшмаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг *Марказий ҳарбий спорт клуби* фаолият кўрсатади.

СПОРТ ЗАЛИ — спорт ўйинлари (волейбол, баскетбол, теннис), спортнинг гимнастика, бокс, қураш, оғир атлетика, қалқибоблик турлари бўйича машғулот ва мусобақа ўтказишга мўлжалланган махсус бино ёки *Спорт иншоотлари*).

СПОРТ ИНШООТЛАРИ — соғломлаштириш, ўқув-машқ ҳамда ҳар хил спорт мусобақаларини учун мўлжалланган алоҳида бино, қурилишлар мажмуаси. Замонавий С.нининг намунали сифатида қад. *Олимпия* ид.даги палестра ва *гимнасий*, *стадион*, *ипподром*, *цирк* кабиларни айтиш мумкин. Юнонистон ва Қад. Римдаги *амфитеатр* ва *колизей*ларда

«Жар» спорт мажмуаси (Тошкент).

«Соғлом авлод» стадиони (Андижон).

стадион ва ширклар бирлаштирилган. 19-а.га келиб С.и. қурилиши жадаллашди. Сувнн сув ҳавзалари яратилди (1820—30), *гимнастика* заллари (1850) қад. шаклда такроран услубларштирилди. 1896 й.дан *Олимпиада ўйинларини* тикланиши С.и. қурилишининг кўпайишига имконият яратди. 20-а.га келиб С.и. ҳар бир давлатнинг ўз миллий меъморлик анъаналари асосида янги замонавий меъморий услублар ўз-ни бойитилди. Булар Рим (1960), Токио (1964), Мюнхен (1972), Москва (1980), Сеул (1988), Атланта (1996), Сидней (2000) ва ў. Олимпиада мажмуалари ўзига хос лойиҳаланштирилган: Япония (Токио)даги йирик Олимпиада иншооти Йойоги стадиони (1964, меъмори К. *Танге*, муҳандиси И. Цубои) замонавий япон меъморлигининг энг яхши асарларидан бири ҳисобланади. Бинода *осма конструкциялар*дан фойдаланиш юқори тежамкорликка эга бўлиб, янги пластикани вужудга келишига имконият яратди.

Замонавий С.и. 50 га яқин спорт турларига хизмат қилади. Асосий қурилишлар машқ ва мусобақа ўтказиладиган майдон, зал ва ёрдамчи хоналардан иборат (гардероб, душ, судьялар хонаси, спорт жиҳозлари сақланадиган хона ва б.). С.и. мажмуасига муҳандислик қурилмалари (электр, сув, канализация, вентиляция)дан техник фойдаланиш, томошабинлар учун қурилма иншоотлари (трибуна, фойе, буфет, санузел ва б.) киради. Шунингдек, С.и. очиқ ва ёпиқ (машғулотлар талабига кўра), бир ёки бир неча спорт турларига мўлжалланган (мас., гимнастика ва б. спорт ўйинлари учун универсал заллар), шунингдек, умумий ҳудудда жойлашган спортнинг ҳар хил турлари учун ихтисослашган спорт мажмуалари сифатида қурилади (мас., очиқ майдонли С.и.: *футбол*, *енгил атлетика*, *чанги спорти*, трамплин, велотрек ва б., ёпиқ майдонли С.и.; бадиий гимнастика, сув ҳавзаси, *корт*, *конькида югуриш спорти* ва б.). Замонавий С.и дан йил бўйи фойдаланиш мақсадида бир шаклдан иккинчи шаклга (ёзда очиқ, қишда ёпиқ) айлантириладиган мавсумли иншоотлар бунёд этила бошланди [Япониядаги Халқаро Йокогама стадиони (1997, 72 370 ўринлиқли), Сен-Денидаги «Стат де Франс» стадиони (1999, 80 000 ўринлиқли, унда енгил атлетика ва регби ўйинлари ўтказилади. Ўринлиқларини махсус мухлислик қурилмалари ёрдамида кўпайтириш ёки қисқартириш мумкин). Сиднейдаги «Австралия» стадиони (1999, 80 000 ўринлиқли, майд. 16 га, томи 30 000 кв м, лойиҳаси Австралия миллий цилиндр шаклида ишланган). Сеулдаги «Сангам» стадиони (2001, 64 677 ўринлиқли, трибуна тепаси елканли мақалли балиқчилар қайиги шаклида қурилган). Шим.-Ғарбий Лондондаги «Янги Уэмбли» стадиони (қурилиши 2003 й. и бошланган, 90 000 ўринлиқли, меъмори Норман Форест компьютер технологияси ёрдамида томини ёзда очиқ, қишда ёпиқ қилиб силжийдиган шаклда лойиҳалаштирган) ва б.].

«Бумер» спорт мажмуи.

Ўзбекистонда 60—80-й.ларда С.и. лойиҳалари Давлат буюртмаси асосида лойиҳалаш ин-тлари томонидан бажарилган [Тошкентдаги Митрофанов номидаги (1963), Навоийдаги «Дельфин» (1965) сув ҳавзалари, *Пахтакор* стадиони ва б.]. Мустақилликдан кейин жисмоний тарбия ва спортга, С. и. қурилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Стадионлар, спорт заллари, спорт майдонлари қурии жадал олиб борилмоқда. Бунёд этилаётган С.и. юқори савиядаги халқаро мусобақалар ўтказиш имконини бермоқда (Юнусобод теннис корти ва сув ҳавзаси, 1996; Фарғонадаги «Тошлоқ» марказий ўйингоҳи, 1996; «Жар» спорт мажмуаси, 1998;

«Истиқлол» теннис мажмуи (Фарғона).

«Қарши» теннис корти, 1998; Термиз кураш мажмуаси; 1999; Бухородаги «Хумо» (1999) ва «Бухоро» спорт мажмуалари, 2002; Наманагандаги «Ёшлар» спорт мажмуаси, 2003; Андижондаги «Олимпия захиралари» спорт коллеж мажмуаси, 2003; Термиз ш.даги «Дельфин» сузиш мажмуаси 2003 ва б.).

СПОРТ КЛУБИ — спортчилар ва спорт ихлосмандларини бирлаштирувчи жамоат ёки хусусий ташкилот. Дастлабки спорт клублари 17—18-а.ларда Буюк Британияда пайдо бўлган. Ҳаваскорлик С.к. ва профессионал С.к. бўлади. Ҳаваскорлик С.к.нинг бюджети касаба уюшмаларининг ажратма маблағлари, спорт иншоотларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи, аъзолик бадалларидан ташкил топади. Профессионал С.к. йирик хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, профессионал спорт ташкилотлари ва ҳомийлар томонидан ажратиладиган маблағ ҳисобига фаолият кўрсатади. Ҳаваскорлик С.к.га таълим муассасалари С.к., Қуролли кучлар — армия С.к. ва ҳ.к. мисол бўла олади. Профессионал С.к.га «Гольф-клуб», «Манчестер юнайтед», «Реал», «Бавария» ва б. спорт клубларини намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда футбол, волейбол, теннис, шарқона якка курашга ихтисослашган бир қанча клублар фаолият кўрсатади. Уларда турли ёшдаги болалар шуғулланади. Бу клублар, асосан, *спорт мактаблари* вазифасини бажармоқда.

СПОРТ КУБОГИ — қ. *Кубок*.

СПОРТ МАКТАБЛАРИ — юқори малакали спортчиларни тайёрлайдиган ихтисослашган ўқув-тарбия муассасаси. Ўзбекистонда С.м.нинг 3 асосий тури мавжуд: болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ва ўсмирлар ихтисослашган олимпия мактаблари ҳамда олий спорт маҳорати мактаблари. С.м. Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, касаба уюшмалари ва б. ташкилот ҳамда идоралар қошида тузилган. Тошкентда дастлабки С.м. 1934 й. очилган. Узоқ йиллар давомида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчиқ ш.ларида спорт интернатлари (ҳозир олимпия ўринбосарлари коллежлари) фаолият кўрсатиб келди ва республика терма жамоалари учун кўп минглаб иқтидорли спортчиларни тайёрлаб берди. Улар орасида юзлаб халқаро спорт мусобақаларининг совриндорлари бор. ЎзРда 570 дан ортиқ ҳар хил турдаги С.м. фаолият кўрсатади (2004).

СПОРТ ПСИХОЛОГИЯСИ — психология соҳаси; спорт мусобақалари ва машқлар вақтида инсон психикасининг ҳолати, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилади. С.п. 20-а.нинг 60—70-й.ларидан ривожлана бошлади. С.п.нинг асосий вазифаси спортчиларнинг психик ва жисмоний камолотига таъсир ўтказувчи муҳим шарт-шароитларни аралаб беришдир. Бундан ташқари, С.п. спортчиларнинг шахс сифатида ривожланишига, ютуққа эришишларига психологик ёрдам кўрсатиш б-н ҳам шуғулланади. Мураббий б-н шогирд муносабатлари, ўзаро таъсир, гуруҳий мослик, ўзаро ёрдам, жамоанинг илиқ руҳий муҳити, уни бошқариш муаммолари ҳам тадқиқ этилади. Спортчиларни муваффақиятсизлик туфайли юзага келган стресс, депрессия ҳолатларидан олиб чиқишнинг йўллари, ҳиссий зўриқишлар, шижоатлиликнинг олдини олиш воситаларини яратиш унинг тадқиқот предметига киради.

Эргаш Ғозиев

СПОРТ СУВ ҲАВЗАСИ — спорт иншооти, унда сузиш ва сув полоси учун (50×21 м, чуқ. 1,8—2,3 м), трамплин ва вишкалардан сакраш учун (18—20×14—21 м, чуқ. 3,5—5,5 м), сузишга ўргатиш учун (ҳар хил шакл ва катталикда, чуқ. 1 м гача) мўлжалланган ҳовузчалари бўлади. Сув ҳавзалари белгиланган санитария стандартлари талабларига мос бўлиши ва мунтазам кимёвий-бактериологик назоратдан ўтказилиб турилиши шарт.

СПОРТ ТАСНИФИ — спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш тизими. Миллий ва халқаро С.т. мавжуд. Унвон ва спорт разрядлари спортчиларга спорт маҳорати ва расмий мусобақаларда кўрсатган натижалари асосида берилади. Республикада спорт маҳорати даражасини баҳолашнинг ягона тизимини таъминлаш учун Ягона спорт таснифи (ЯСТ) жорий этилган. Ягона С.т. бўйича I, II, III катталар ва ёшлар разрядлари, халқаро миқёсдаги спорт устаси ва Ўзбекистон Республикаси спорт устаси унвонлари берилади. Спорт устозлари, йўриқчи-услубчилар, раҳбар ходимларнинг иш натижалари Ўзбекистон Республикаси давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг «Жисмоний тарбия ва спорт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш нормативларини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ баҳоланади.

СПОРТ ТИББИЁТИ — тиббиётнинг жисмоний машқлар ва спортнинг одам организмига, унинг айрим системалари ва аъзоларига таъсирини ўрганадиган соҳаси. Асосий вазифаси жисмоний машқларнинг организмга саломатликни мустаҳкамлайдиган, меҳнат қобилиятини оширадиган ва умрни узайтирадиган омил сифатидаги таъсирини ўрганиш ҳамда жисмоний машқлар ва спорт машғулотларининг рационал услубларини ишлаб чиқишдан иборат. С.т. тиббиётнинг мустақил соҳаси сифатида ривожланади. У одамни ўрганиш усулига (хусусан, организм ва унинг айрим системалари ҳамда аъзоларининг функционал имкониятларини аниқлаш соҳасида), илмий муассасалари ва физкультура ҳамда спорт соҳасидаги мутахассис врачлари [illegible]. С.т. кўпинча клиник ва назарий тиббиёт фанлари б-н бевосита боғлиқ. С.т., асосан, мускул, суяк ва б. системаларда, шунингдек, айрим аъзоларда жисмоний машқлар ва спорт б-н шуғулланиш натижасида пайдо бўладиган морфологик ўзгаришларни ўрганадиган функционал динамик анатомия, турли аъзолар ва системалар фаолиятига ҳар хил спорт юкламаси таъсирида пайдо бўладиган ўзгаришларни ўрганадиган физкультура ва спорт физиологияси, спортчининг саломатлиги ва меҳнат қобилиятига таъсир қиладиган мураккаб биокимёвий жараёнларга алоқадор маълумотларни қайд қиладиган ва умумлаштирадиган спорт биокимёси, турли характердаги гигиеник омиллар (кийим-бош, пойабзал гигиенаси, машқлар ўтказиладиган жой, спорт иншоотлари қурилишлари, санитария меъёрлари ва б.)ни ўрганадиган физкультура ва спорт гигиенаси; физкультура ва спорт машғулотлари б-н боғлиқ шикастланишларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқадиган спорт травматологияси; турли дори воситаларининг организмга таъсирини ўрганадиган спорт фармакологияси ва бошқалар б-н шуғулланади. С.т. спорт машқлари б-н норационал шуғулланиш натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган патологик ўзгаришларни ўрганади ва уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқади.

СПОРТ УСТОЗИ, т р е н е р — жисмоний тарбия мураббийси — спортнинг муайян тури бўйича мутахассис. У спорт жамиятларида, билим юртларида ва б. жойларда спортчиларнинг машқларига раҳбарлик қилади; спортчилар ва спорт жамоаларининг тўғри жисмоний ривожланиши, спортда камолотга эришиши ва тарбияси учун жавоб беради. Спорт устозлари, асосан, жисмоний тарбия ин-тларининг спорт ф-тлари ва тренерлик мактабларида тайёрланади. Халқаро ва б. нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритган спортчилар ва жамоаларни тайёрлаганлик учун фахрий спорт унвонлари берилади. Жумладан, мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони таъсис этилган (1996 й. 26 апр.).

СПОРТ ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ — жисмоний маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги халқаро (жаҳон ва минтақавий) ҳамда миллий нодавлат ташкилотлар. 1-халқаро федерация 1881 й. гимнастика бўйича тузилган. Энг йирик спорт федерацияси футбол бўйича халқаро федерация (*ФИФА*) ҳисобланади.

Ўзбекистонда спортнинг олимпиада турлари, олимпиада дастурига кирмайдиган турлари ва миллий турлари бўйича жами 63 та федерация фаолият олиб боради (2004).

СПОРТ ЎЙИНЛАРИ — мусобақалар турлари; унинг асосида нишон (рақиб дарвозаси, майдончаси ва ҳ.к.)ни спорт анжоми (одатда, тўп) б-н турли техник ва тактик усуллар ва воситалар ёрдамида ишғол этиш, белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказиладиган ва махсус кўникмаларни талаб қилади. С.ў.да табиий ҳаракатлар ва жисмоний машқлар (югуриш, сакраш, улоқтириш ва ҳ.к.) комплекси қўлланилади. С.ў.нинг 3 асосий тури бор: жамоавий С.ў. (*баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, хоккей, регби, сув поплоси* ва б.), шахсий С.ў. (*шашка, шахмат* ва б.) ва шахсий ҳамда жуфтлик С.ў. (*теннис, бадминтон*). Катта жисмоний кучни талаб қиладиган С.ў., одатда, фақат эркаклар ўртасида ўтказишга мўлжалланади.

СПОРТ ҚАЙИҚЛАРИ — эшкак эшиш ва *елканли кема спорти* ҳамда сув туризми учун мўлжалланган қайиқлар. Эшкакли С.қ. сирасига *академик қайиқлар, байдаркалар, каноэ*, шлюпкалар, одамлар эшкак эшиб сайр қиладиган қайиқлар ва б. киради. Моторли С.қ. (мас., скутерлар) тургун ёки осма двигателлар б-н таъминланган бўлади. Шунингдек, каюталли елканли моторли С.қ. ҳам бўлиб, улар крейсерлар пойгасида қўлланилади.

СПОРТЧА ЮРИШ — енгил атлетика тури; одатдаги юришдан тик ҳолатда таянилаётган оёқни, албатта, тўғри ҳолда, тиззани букмасдан юриш б-н, югуришдан — ҳаракатнинг бетаянч босқичи бўлмаслиги (товонни босиш шартлиги) б-н ажралиб туради. С.ю. тезлиги одатдаги юришдан 2—2,5 баравар юқори бўлади, бунга катта (105—115 см) ва тез-тез (минутига 180—200 та) қадам ташлаш б-н эришилади. Мусобақалар стадион йўлкасида ва асфальт йўлларда ўтказилади. Эркаклар 10—50 км (расмий халқаро мусобақаларда — 20 ва 50 км), ўсмирлар — 3—10 км; айрим мамлакатларда аёллар — 3—20 км масофада мусобақалашадилар. С.ю. мусобақалари 19-а. 2-ярмида аввал Буюк Британияда, кейин Канада, АҚШ, Швеция, Франция, Германия ва б. мамлакатларда ўтказила бошлади. 1908 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди.

СПОТ (инг. spot — нақд, ҳақи дарҳол тўланадиган) — нақд товар ёки валюта олди-сотдиси тўғрисида биржа ёки биржадан ташқари келишув тури. С. шартларида сотилган товар ҳақи дарҳол тўланади, товарнинг ўзи эса харидорга эртасига етказиб берилади. Орадаги бир кун мобайнида келишув ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ўтказиш ишлари бажарилади.

СПРИНТЕР (инг. sprint — қисқа масофага югуриш) — қисқа масофалардаги мусобақаларга (енгил атлетика, конькида югуриш, сузиш, велосипед спорти ва б.да) ихтисослашган спортчи.

СРИМБЕТОВА Гулпаршин (1945, Мўйноқ тумани) — қорақалпоқ хонандаси (лирик-драматик сопрано). Қорақалпоғистон (1973), Ўзбекистон (1974) ва Бошқирдистон (1977) халқ артисти. Тошкент консерваториясини тугатган (1970). Нафаси кенг, жарангдор овоз соҳибаси. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат филармониясида яккахон хонанда (1961—63 ва 1970 й.дан). Репертуаридан халқ қўшиқлари («Дембермес», «Бибисанам», «Эшвой», «Адиннан» «Элларим борди» ва б.), композитор («Нукус гуллари», «Ёр-ёр

айтайин», Н. Муҳаммаддинов) ва бастакорлар асарлари («Дуторим менинг», Ҳ. Турдиқулов) ўрин олган. Қозон, Уфа, Москва каби шаҳарларда гастролда бўлган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

СРИНАГАР (кашмирча — муқаддас шаҳар) — Ҳиндистоннинг шим. қисмидаги шаҳар. Жалам дарёси бўйида, Кашмир водийсида, 1600 м баландликда жойлашган. Жамму ва Кашмир штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 910 минг киши (2001). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Тўқимачилик саноати ривожланган: пиллакашлик, шойи тўқиш, жун газлама ф-калари бор. Ёғочсозлик, озиқ-овқат, машинасозлик, кўн-тери саноати корхоналари фаолият кўрсатади. Ҳунармандчилик ривожланган: гилам, кашмири шол рўмол, ипак газлама тўқилади, кумуш ва заргарлик буюмлари тайёрланади, ёғоч ўймакорлиги б-н шуғулланади. 2 ун-т, йирик аэропорт бор. Меъморий ёдгорликлардан Жоме масжиди (15-а.), Бобурийлар давридан қолган боғ-парклар сақланган. С. Жалам дарёсининг ҳар икки соҳили бўйлаб чўзилган ва 9 кўприк орқали боғланган. Шаҳарда ички алоқалар, асосан, қайиқлар орқали амалга оширилади, шу сабабли С.ни «Осиё Венецияси» деб ҳам аташади.

СССР — қ. *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи*.

ССУДА (рус.) — моддий бойликлар гарови ҳисобига фоиз тўлаш ва қайтариб бериш шарти б-н муайян муддатга қарзга бериладиган пул ёки моддий бойлик. С. жуда қадимдан маълум бўлиб, натурал и.ч. ҳукмрон бўлган жамиятда, асосан, моддий маҳсулот тарзида берилган. Пул пайдо бўлгач, С.нинг пул шакли кенг қўлланилди. Кредит муносабатларида пул маблағлари кредит шартлари асосида қарзга берилса, С. муносабатларида бошқа турдаги бойликлар тегишли шартларга мувофиқ қарзга берилади. Аксарият банклар муайян мақсадларни молиялаш учун мақсадли С. беради. Қисқа (1 йилгача) ва узоқ (бир неча йилга) муддатли С.лар бор. С. муддатида қайтарилмаса банк гаров мулкини мусодара қилиши ва уни сотиб, С. бўйича узилмаган қарзни қоплайди. Қимматли қоғозларни ҳам гаровга қўйиб, улар эвазига С. олиш мумкин. Қарз тўлангач, қоғозлар қайтариб берилади. С. муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси б-н тартибга солинади.

ССУДА КАПИТАЛИ — вақтинча фойдаланиб қайтариш, маълум фоиз ҳақ тўлаш шарти б-н қарзга бериладиган пул капитали. С.к.нинг иқтисодий маънодаги ўзига хос хусусияти шундаки, у фоиз кўринишида фойда келтиради. С.к. эгаси томонидан и.ч.га қўйилмайди, балки фоиз кўринишида фойда олиш учун вақтинча бошқа ишбилармонга берилади. С.к. «ўз-ўзидан кўпайиш» қобилиятига эга. Унинг товар ресурслари қийматини ифодаловчи пулдан фарқи ҳам шунда.

Кредитга бериладиган С.к.нинг муддати бўйича фарқланадиган бир қанча турлари мавжуд. Мас., пул капиталлари бозорида, асосан, фирмалар, банклар ва б.нинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларига хизмат кўрсати-

лади; бу бозорда пулдан ташқари қисқа муддатли С.к.нинг манбаи сифатида векселлар, депозит сертификатлари, банк акцептлари сингари қисқа муддатли қимматли қоғозлар муомалада бўлади, яъни сотиб олинади ва сотилади; узоқ муддатли С.к. бозорида (қарзга олинадиган маблағлар бозори, капиталлар бозори) узоқ муддатли қарз капиталини жалб этиш бўйича операциялар ўтказилади, мас., узоқ муддатли облигацияларни сотишдан тушган маблағлар кўчмас мулк (ипотека) бозори орқали С.к. бозорида қатнашади.

С.к.га бўлган талаб (шунингдек, таклиф) мамлакат хўжалиги ҳолати ва келажагини кўрсатувчи индикатор бўлиб хизмат қилади. Узоқ муддатли капиталга бўлган талабнинг ўсиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даврига киришлигидан дарак беради. Қисқа муддатли ссудалар бекарор иқтисодиёт даврида, айниқса, кўп фойда (уларга бўлган талаб кескин ошади) келтиради. Шу б-н бирга узоқ муддатли ва қисқа муддатли С.к. орасидаги зарур балансни сақлаш учун (умуман мамлакатдаги хўжалик муносабатларини барқарорлаштириш ана шундай балансга боғлиқ бўлади) давлат бу ишни ўз вақтида ва мақсадли йўналтирган ҳолда бошқариб туради.

С.к. бозори турли кредит муассасалари ҳамда фонд бозорлари орқали фаолият кўрсатади.

Аҳмаджон Ўлмасов.

СТАБИЛИЗАТОР (лот. stabilis — тургун, доимий) — и. ч. жараёни, машина параметрлари, электр катталиклар ва б. кўрсаткичларни бир меъёрда ушлаб турадиган асбоб, мослама ёки модда. Мас., авиация С.и — самолётнинг

Феррорезонанс кучланиш стабилизаторининг электр схемаси: $U_{тар}$ — тармоқ кучланиши 127/220В; $U_{юк}$ — барқарорлаштирилган кучланиш 220В; Др1 — тўйинган дроссел; Др2 — тўйинмаган дроссел; АТР — автотрансформатор; С — конденсатор; Пр 1, 2 — тармоқ кучланишлари 220 ва 127В учун сақлагичлар; $W_к$ — компенсация чулғами; Л — назорат лампочкаси.

бўйлама тургунлиги ва бошқариш ченлигини таъминлайдиган қўзғ. қаршилиги қўшилмас қисми. Кучланиш ёки ток С.и тармоқдаги кучланишнинг ўзгаришга ва нагрузка қийматидан қатъи назар кучланиш ёки токни автоматик тарзда барқарорлаштириб туради. Лентага С.и кемани чайқалишини камайтиради, у *гироскоп* принципига асосланган. Фотографик С. фото эмульсияларнинг экспозициясини секундлаш ёки унга бараварини бериш учун ишлатиладиган модда. С. сифатида симоб, оттин, платинанинг комплекс бирикмалари ва б. оғир металларнинг тузлари ишлатилади. Полимерлар С.и ҳам уларнинг экспозициясини тўхтатувчи модда; оксидланишга қаршилик кўрсатувчи антиоксидантлар, фотоёруғ ва фотооксидланишни тўхтатувчи фотостабилизаторлар, нурланиш таъсири остида эскиришга қаршилик қилувчи антирадлар ва б.дан иборат.

СТАБИЛИТРОН [лот. stabilis — тургун, доимий ва электрон] — электр занжиридаги маълум қисмидаги кучланишни бирдай тутиб туриш (барқарорлаш) учун ишлатиладиган икки электродли газ разрядли ёки ярим ўтказгичли асбоб (*диод*). Иши унда ўтадиган токнинг ўзгаришига қараб кучланишнинг қисман ўзгаришга асослангган. Яримўтказгичли, тож разрядли ва тутовчи разрядли хиллари бор. Яримўтказгичли С. учун барқарорловчи кучланиш 3—180 В, тож разрядли С. учун 300 В—30 кВ, тутовчи разрядли С. учун 70—160 В. С.лар электрон асбобларда қўлланилади.

СТАВРИДАЛАР (Trachurus) — олабуғасимонлар туркумига мансуб балиқларнинг бир уруғи. 10 тури маълум. Гавдаси 50 см ча, вазни 400 г ча. Ён чизиғида суякли қалқончалар бор. Дунё океанининг илиқ ва субтропик қисмида тарқалган. Гала бўлиб, узоқ жойларга кўчиб юради. Қисқичбақасимонлар ва майда балиқлар б-н озиқланади. Япон, Қора, Болтиқ ва Азов денгизларида учрайди. Овланади.

СТАВРОЛИТ (юн. stauros — бут ва lithos — тош), бут тош — *силикатлар* кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Fe_2Al_9[SiO_4]_4O_6(OH)_2$бўлиб, унда FeO—15,8%, Al_2O_3—55,9%, SiO_2—26,3%, H_2O—2%ни ташкил қилади. С.нинг рух-С. (ZnO—7,5%гача), люсакит (Co—8,5%гача ва NiO—0,9%гача), нордмаркит (Mn_2O_3—11,6%гача) хиллари маълум. Моноклин сингонияда кристалланади. Кристаллари донадор агрегатлар бўлиб, бутсимон кўшалоқлик хос. Қаттиқлиги 7—7,5; ўртача зичлиги 3,7 г/см³. Мўрт. Ялтироқлиги шишасимон. Рангі қизғиш-қўнғирдан қўнғирроқ қорага, камдан-кам шаффоф бўлади. С. бақа кристаллик системасининг жаъми ҳосил қилувчи минерали ҳисобланади. С. метаморфик жинсларнинг ўзига хос минерали бўлиб, асосан, кристаллик сланецларга регионал метаморфизмнинг амфиболитли фациясида (темировий С.и, кальцийли С.и, силлиманит С.ли ҳамда гнейсларда) тарқалган. Кам учрайдиган шаффоф кристаллари баъзан бекасам тош сифатида ишлатилади. С. Россияда Урал, Шим. Кавказда, Олтой сочмаларида; шаффоф кристаллари Қавказ(олди), АҚШ, Австрия ва Германияда учрайди.

СТАВРОПОЛЬ (1935—43 йиллар Ворошиловск) — РФ Ставрополь ўлкасидаги шаҳар (1785 йилдан), ўлка маркази. Ставрополь қирғоғида жойлашган. Ғ.и станцияси. Автомобиль йўллари тутуни. Аҳолиси 344,2 минг киши (1998). С. 1777 йил Россия ҳудудларини жан. томон кенгайтириш учун истеҳком сифатида бунёд этилган. 1822 йилдан Кавказ вилояти, 1847 йилдан Ставрополь губерниясининг маркази. Шим. Кавказнинг йирик саноат ва маданият марказларидан бири. Машинасозлик ва металлсозлик (станоклар, асбоб, автомобиль кранлари, автомобиллар, электр аппаратура ва б. ишлаб чиқарилади), кимё (кимё ускуналари, кимёвий реактивлари ва доминофосфорлар ишлаб чиқарилади), енгил (кун-пойабзал ва тикувчилик), мебель саноатлари корхоналари бор. Қурилиш материаллари, полиграфия к-лари ишлаб турибди. 5 олий ўқув юрти (политехника, қ.х., тиббиёт, пед ин-тлари, Москва кооператив институтининг филиали), бир қанча ўрта махсус билим юрти, 2 театр (драма ва кўғирчоқ театрлари), 3 музей фаолият кўрсатади. Бир қанча илмий тадқиқот ин-тлари мавжуд.

СТАВРОПОЛЬ ЎЛКАСИ — РФ таркибидаги ўлка. 1924 й. 13 февр.да ташкил этилган [Жан.-шарқий вилоят (ўлка); 1924—1937 йилларда Шим. Кавказ ўлкаси; 1937—1943 йилларда Оржоникидзе ўлкаси]. Майд. 66,5 минг км². Аҳолиси 2730,5 минг киши (2002), асосан, руслар (84%), шунингдек, арман, қорачай, черкас, абаза, нўғай, осетин, кабардин, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Маркази — Ставрополь ш. Шаҳар аҳолиси 54%. Бошқа йирик шаҳарлари: Пятигорск, Невинномисск, Кисловодск. С.ў. таркибида 26 маъмурий туман, 18 шаҳар, 7 шаҳарча бор.

С.ў.га Кавказ олдининг марказий қисми, Каспийбўйи пасттекислигининг ғарбий қисми ва Катта Кавказнинг шим. ён бағирлари киради. Ғарбида Кубань дарёсининг кенг террасалари сингари. Текислик ҳудудининг катта қисмини платосимон Ставрополь қирлари эгаллаган. Асосий дарёлари: Кубань (юқори оқими) ва ирмоқлари (Теберда, Кичик ва Катта Зеленчук), Кума, Калаус, Егорлик. Бир неча кўл бор. Табиий газ конлари мавжуд. Шарқий қисмида нефть, тоғларда мис ва кўргошин-рух, полиметалл конлари, тошкўмир, барит, ўтга чидамли тил, доломит, мармар, шифобахш балчиқ, турли хил минерал ва термал булоқлар мавжуд. Текислик қисмининг иқлими континентал дашт иқлими. Январнинг ўртача т-раси —3,4°, —4,9° (тоғларда — 10°, —20° гача пасаяди), июлники 22°—25°. Йиллик ёғин 300—600 мм, вегетация даври 207—220 кун. Тупроқлари, асосан, қоратупроқ ва каштан тупроқлар. Ўрмонлар, кўпинча, тоғли жойларда. Кенг барглі, баландроқда игна барглі ўрмонлар, ундан юқорида субальп ўтлоқлари бор. Ёввойи ҳайвонлардан, дашт ерларда кемирувчилар, типратикан, тулки, бўри, латча, сайғоқ, Кума дарёси бўйидаги қамишзорларда ёввойи мушук, қобон, Манич водийсидаги кўл ва ботқоқликларда сув паррандалари, тоғларда бугу, елик, қўнғир айиқ, сиҳовсин, олтой тийини яшайди. Ҳар хил қуш кўп. Тоғ этаклари, тур учрайди. Тоғли қисмида Теберда қўриқхонаси жойлашган. С.ў.га Кавказ қўриқхонасининг бир қисми ҳам киради.

Кисловодск. Нарзан зонаси

Пушкин галереяси.

Саноатининг асосий тармоқлари: озиқ-овқат (ўсимлик ёғ, ёғ, мева-сабзавот консерва ва б.), енгил (тўқимачилик — Невинномисск жун к-ти, пойабзал), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (станоклар, асбоб-ускуналар, ўғит арматура, чорвачилик ва паррандачилик учун машиналар; «Кинотехника» корхонаси, совитқич асбоблари, автокранлар, «КамАЗавтокомпонент», электр ўлчаш асбоблари, электр техникаси буюмлари, яримўтказгич техникаси ва б.), кимё ва нефть кимёси (минерал ўғитлар, «Невинномиссказот», синтетик смолалар ва пластмассалар, «Ставропольполимер», техника углероди, уй-рўзғор кимёси маҳсулотлари) саноатлари корхоналаридир. Табиий газ, нефть, рангли металл рудалари, тошкўмир (тоғли қисмида) қазиб олинади. Невинномисск, Ставрополь иссиқлик электр ст-ялари, Кубань ГЭСлари каскади бор. Асосий саноат марказлари: Ставрополь, Невинномисск, Пятигорск, Нефтекумск, Буденновск, Георгиевск, Лермонтов.

С.ў. — йирик қ.х. райони. Бугдой, макажўхори, кунгабоқар, қанд лавлаги ва б. экилади. Мевачилик, токчилик ривожланган. Майин жунли қўйчилик, гўштли-сут чорвачилиги мавжуд. Катта Ставрополь, Невинномисск ва б. каналлар, сув ирмоғи системалари бор. Затеречный — Грозний нефть қувури, Ставрополь — Украина — Москва — Санкт-Петербург газ қувурлари мавжуд. Т.й.лар уз. 944 км. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 7459 км. Минеральные Воды ва Ставрополь халқаро аэропортлари бор.

С.ў. Россиянинг энг йирик курорт р-нларидан биридир. Ўлкада 30 дан зиёд санаторий ва курорт фаолият кўрсатади. Мавжуд 130 дан зиёд минерал булоқнинг 90 тасидан даволаш мақсадида фойдаланилади. Ессентуки, Железноводск, Кисловодск, Пятигорск, Кавказ минерал сувлари каби курортлар машҳур. С.ў.да 7 олий ўқув юрти, 8 илмий тадқиқот ин-ти, 7 музей, 4 театр бор.

СТАВРОПОЛЬ ҚИРЛАРИ — Кавказолдининг марказий қисмидаги платосимон баландлик. Асосан, РФ Ставрополь ўлкасида. Кубань, Кума дарёлари ва Кума-Манич ботиги оралиғида. Бал. 300—600 м, энг баланд жойи 831 м. (Стрижамент тоғи). Дарёларининг кенг водийлари, жар ва сойликлар С. қ.ни айрим супасимон тоғларга ажратиб қўйган. Кўп қисми экинзор, баландроқ қисмлари ўрмонли даштдан иборат. Кубань-Егорлик сув системаси ва Катта Ставрополь каналларидан суғорилади.

СТАГНАЦИЯ (франц. stagnation, лот. stagno — қўзғалмас қиламан, тўхтатаман) — иқтисодиётда пасайишдан олдин юз берадиган, пасайиш б-н бирга кечадиган тургунлик ҳолати. Ич., савдода ҳам кузатилди. Ривожланган капиталистик мамлакатларда 1930—39 йилларда, 2-жаҳон уруши (1939—45)дан кейин юз берган. Ўзбекистонда 1991—95 йилларда кузатилди. С. инвестиция жараёнларининг, ш.ч. қувватларининг тўлиқ банд этилмаслиги, сурункали ишсизлик, иқтисодий ўсишнинг секинлашуви ёки ноль даражаси ва б.да кўринади. С.да реал ялпи ички маҳсулот ҳажми тургун ҳолатда сақланади, баъзан пасайиб кетади. С. давомийлиги тургунлик ва танглikнинг нақадар чуқурлиги ва давлат тадбирлари (тадбиркорларга имтиёзлар, солиқларни, экспорт божларини камайтириш, давлат буюртмаларини тиклаш, ҳисоб ставкаларини камайтириш ва б.)нинг таъсирчанлигига боғлиқ.

С. ҳолатида застлаб *талаб*нинг камайиши натижасида ш.ч. қисқаради, *таклиф*нинг қисқариши б-н нарх ўсади, бу эса фойдани ошириб, ш.ч.га қўшимча инвестициянни рағбатлантиради. Натижада ш.ч. жонланиб, давлат фаол тартибларни шароитда С. даври қисқариб, иқтисодиёт С.дан чиқиб кетади.

СТАГФЛЯЦИЯ (лот. stagno — қўзғалмас қиламан ва inflatio — шишмоқ, пуфланган) — иқтисодиётда чуқурлашиб бораётган пасайиш б-н ўсиб бораётган инфляциянинг қўшилиши, иқтисодиётнинг тургунлик, инфляция б-н тавсифланувчи ҳолати. С. нисбатан кам учрайдиган ҳодиса. С. белгилари: иқтисодий ўсиш гоят суст боради ёки юз бермайди, ишсизлик кўпаяди, тиришчилик қиймати ўсади, инфляция кучаяди, ш.ч. қувватлари тўла ишлатилмайди, инвестиция жараёни сустлашади, ижтимоий бекарорлик ортади. С. ривожланган Ғарб мамлакатларида 70-йлар —80-йлар бошида жаҳон бозорида хом ашё-ёқилғи товарлари нархларининг бир неча баравар кўтарилиши оқибатида пайдо бўлди. 90-йлар бошларида СССР парчаланганидан кейин вужудга келган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мустақил давлатларнинг деярли барчасида чуқур С. ҳолати юз берди.



лари каби курортлар машҳур. С.ўда 7 олий ўқув юрти, 8 илмий тадқиқот ин-ти, 7 музей, 4 театр бор.

СТАВРОПОЛЬ ҚИРЛАРИ — Кавказолдининг марказий қисмидаги платосимон баландлик. Асосан, РФ Ставрополь ўлкасида. Кубань, Кума дарёлари ва Кума-Манич ботиғи оралиғида. Бал. 300—600 м, майди, инвестиция жараёни суслашади, ижтимоий беқарорлик ортади. С. ривожланган Ғарб мамлакатларида 70-й.лар —80-й.лар бошида жаҳон бозорида хом ашё-ёқилғи товарлари нархларининг бир неча баравар кўтарилиши оқибатида пайдо бўлди. 90-й.лар бошларида СССР парчаланганидан кейин вужудга келган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мустақил давлатларнинг деярли барчасида чуқур С. ҳолати юз берди.

СТАДИОН (юн. stadion — мусобақалар ўтказиладиган жой) — асосий спорт майдони томошабинлар учун трибуналар, югуриш, сакраш йўлкалари, гимнастика ва спорт ўйинларига мўлжалланган майдончалар, ёрдамчи бино ва хоналарни ўз ичига олган спорт иншооти. Ҳоз. замонавий С.ларнинг кичик ўлчамлари пускаси Юнонистоннинг Олимпия, Афина, Дельфа ва б. жойларида бунёд этилган бўлиб, улар Олимпиада ўйинлари ҳамда бошқа мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган. Бу С.лар тўғри тўртбурчак ёки тақасимон арена ли бўлиб, ёнида томошабинлар учун жой қилинган. Олимпиада ўйинларининг тикланиши (1896) кўпгина мамлакатларда йирик С.лар қуриш учун туртки бўлди (1-Олимпиадани ўтказиш мақсадида антик Афина С.и таъмирланди). Қадимги С.лардан фарқли равишда, ҳоз. С.лар мусобақалар жойигина бўлиб қолмай, уларда соғломлаштириш ва ҳар хил спорт турлари бўйича ўқув-тренировка машғулотлари ҳам ўтказилади. 1950—60 йилардан устиёпиқ С.лар қуриш кенг авж олди. Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда замонавий спорт иншоотлари, жумладан, С.лар қурилишига эътибор кучайди. Ҳозир мамлакатда 350 та яқин С. бор (2004).

СТАЗ (юн. stasis — димланиб қолиш, ҳаракатсизлик) — майсимон аъзолар (капиллярлар, веналар, лимфа томирлар ва б.)да улардан ўтаётган физиологик суюқлик, мас., қон (гемостаз), лимфа (лимфостаз) ва б.нинг димланиб, тўхтаб қолиши. Кимёвий ва физик омиллар, бактериялар заҳари таъсирида, томирлар иннервациясининг бузилиши ва б. оқибатида рўй беради. Тиббиёт амалиётида «С.» термини кўпроқ капиллярлар ёки венада қон тўхтаб қолишини ифодалайди.

СТАЙН (Стейн) Уильям Хоуард (1911.25.6, Нью-Йорк — 1980.2.2) — америкалик биокимёгар. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1960 йдан). Гарвард ун-тини тугатган (1933). 1938 йдан Нью-Йоркдаги Рокфеллер тиббиёт тадқиқотлари ин-тида ишлаган. Илмий ишлари оқсиллар тузилишини ўрганишга оид. Нобель мукофоти лауреати (1972, С. Мур ва К. Б. Анфинсен б-н ҳамкорликда).

СТАЛАГМИТЛАР (юн. stalagma — томчи) — ғорлар ва б. ер ости карст бўшлиқлари тубидаги устунсимон, конуссимон ва б. шаклли оқиқ-томчи (асосан, оҳактошли) ҳосилалар. Минераллашган (асосан, калъций карбонат) томчиларнинг чўкмага томиб, ундан туйинган карбонат газининг чиқиб кетишидан ҳосил бўлади. С. ўлчамлари

Денивонгорлаги сталагмитлар

карст бўшлиғи ҳажмига боғлиқ равишда турлича бўлади. Диаметри 5 м. бўлганлиги бир неча см дан 30 м гача етади ва у доимий равишда ўсиб боради. Ўрта Осиёдаги йирик ғорларда (Қарлуқ, Амир Темур, Чилустун, Ҳазрат Довуд ва б.) кенг тарқалган (қ. *Ғорлар*).

СТАЛАКТИТЛАР (юн. stalaktos — томчилаб оқиш) — карст ғорларининг шифти ва деворларида пайчa, узунчоқ муз, пиюла шаклида оқиб тушиб қотган (кўпинча оҳактошли) ҳосилалар. Ҳосил бўлиши ва минерал таркиби *сталагмитлар*никига яқин ўхшаш. Фақат С.лар юқоридан пастга қараб ўсади. Ер остига сизиб кирган сув тог жинслари — оҳактошларни эритиб, минераллашади ва ғор шипидан томиб туради. Сувнинг буғланиши натижасида ис гази чиқаради, қолган қўшимча монокарбонат $CaMg(Co_3)_2$ С.ни ҳосил қилади ва ўсиб бориш жараёнида сталагмитлар б-н ўзаро қўшилиб устун (сталактон) ҳосил қилади. Шарқий Европа мамлакатларида (Чехия, Венгрия, Сербия ва Болгария) С., сталагмит ва сталактонли ғорлар кўп учрайди. Всемирная энциклопедия ғорларнинг бир неча қисмга ажратилган ҳолда С.ларни ўз ичига олган ғорлар деб ҳисоблайди. Ғорларнинг С., сталагмит ва сталактонларини кузатиш, ҳароратни ўлчаш, сувдаги ҳаво миқдорини аниқлаш, ғорлар ҳосил бўлишини ўрганиш ҳозирги кунда кенг тарқалган. Ғорларда машғулотлар ўтказиш, *Ғорлар*.

СТАЛИН (Жугашвили) Иосиф Виссарионович (псевдо. — Коба, Сосо ва б.) (1878, Груздаги Гори ш. — 1953.5.3, Москва) — СССР давлат ва сиёсат арбоби. Инқилобий ҳаракатга Гори шаҳридаги черковно-приходская школа (1894) ва Тифлис диний семинариясида ўқиган пайтларидаёқ фаол қатнаша бошлаган. 1898 й. РСДРП сафларига кирган. 1902 й. 12 мартда 6 марта камалак, сўнгра қамоқхона, 4 марта қамоқ ва сургунлар қилган. 1903 йдан большевиклар қаторида. 1907 йда РСДРП Бюк комитетининг раҳбарларидан бири. В. И. Ленин таъкидлаши, унинг ташаббуси б-н 1912 й. январда РСДРП МК ва МК Рус бюросига кооптация қилинган (сайланган) ва шундан 1917 й. «Правда»нинг таҳрир ҳайъати, РСДРП (б) МК Сиёсий бюроси, Ҳарбий-инқилобий марказ аъзоси. 1917 22 йларда миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари, ички ишлар халқ комиссари, 1919 22 йларда давлат назорати халқ комиссари, 1918 йдан Россия Ҳарбий инқилоби кенгаши аъзоси. 1922 53 йлар партия МК бош котиби.

20-й.ларда партия ва давлатда етакчи бўлиш учун кураш давомида, партия аппарати ва сиёсий фитналардан фойдаланиб, партияда бош бўлиб олди ва мамлакатда мустабид режимни ўрнатди. Мамлакатни жадал индустриаллаштириш ва мажбурий коллективлаштириш сиёсатини ўтказди. 20-й.ларнинг охири — 30-й.ларда ҳақиқий ва тахмин қилинган рақибларини йўқ қилди. Оммавий террор ташаббускори бўлди. 30-й.ларнинг охиридан фашистлар Германияси б-н яқинлашиш сиёсатини тутди [қ. *Совет-Германия битимлари* (1939)], бу ҳол 2-жаҳон урушида халқ фожиасига олиб келди. 1941 йдан СССР ХКС (Министрлар Совети) раиси. Уруш йилларида С. Давлат Мудофаа комитети раиси, Мудофаа халқ комиссари, Олий Бош қўмондон. 1946—47 й.ларда СССР Қуролли кучлари вазири. Совет Иттифоқи Маршали (1943), генералиссимус (1945). Уруш йилларида С. АҚШ президенти Ф.Д. Рузвельт ва Буюк Британия бош вазири У. Черчилл б-н бирга гитлерчиларга қарши ҳарбий иттифоқ (коалиция) тузди. Уруш тугаганидан сўнг у

Добшинг ғоридаги муз сталактитлар.

жаҳон сотциалистик тизимини яратишнинг ғоявий раҳномаси ва амалиётчиси бўлиб қолди. Бу ҳол «совуқ уруш» ҳамда СССР б-н АҚШ ўртасидаги ҳарбий-сиёсий қарама-қаршиликни келтириб чиқарди ва қўрқитиш сиёсатини кучайтирди.

«Марксизм ва миллий масала» (1913), «Октябрь революцияси ва рус коммунистларининг тактикаси» (1924), «Ленинизм асослари тўғрисида» (1924), «Буюк ўруснинг инқилоби» (1929), «Диалектик ва тарихий материализм тўғрисида» (1938), «Марксизм ва пешқадамлик масалалари» (1950) ва б. асарларида сиёсатнинг назарий асосларини ишлаб чиққан. С. тириклик чоғида, ҳатто Ленин сиймоси унинг қарашларини мутлақлаштирилган, фаолиятни ва шахсни ҳаёли илоҳийлаштирилган. КПСС Съезди (1956)да Н.С. *Хрущев* С. шахсига ситқинини ва унинг фаолиятини кескин қоралади. Кейинчалик мамлакатнинг коммунистик раҳбарлари С.ни сиёсий реабилитация қилишга бир неча бор уринишлар.

С. ўз сиёсий фаолиятида Туркистон ва Ўзбекистонда сотциализм асосларини ўрнатишга оид жорий этиш усулларини қўллаган. *Бухоро бўлқинини* амалга оширши учун ҳарбий ишлар халқ комиссари Л. Д. *Троцкийга* «Фрунзе ренегатга қара қурилк бўл ҳаракат қилинг», деб таъкидлаган (1920 й. авг.). Туркистон АССР раҳбарларини «босмачилик»ка қарши муросасиз кураш олиб боришларини айтган. Кейинчалик А. *Икромов*, Ф. Хўжаев, С. *Сеидаҳмедов*, бошқа давлат ва жамоат арбоблари С.нинг курсатмаси б-н қатлон қилинган. Жасади дастлаб Москва Қизил майдонидаги мавзолейга (В.И. Ленин ёнида) қўйилган. КПСС 22-сьезди қарори б-н эса мавзолей орқасига дафн этилган (1961 й.нояб.).

Лит.: Режим личной власти Сталина. К истории формирования, М., 1989; История и сталинизм, М., 1991; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

СТАЛИНГРАД ЖАНГИ — 2-жаҳон уруши давридаги энг йирик жанглардан бири (1942 й. 17.7 — 1943 й. 2.2). Сталинград атрофи ва шаҳар ичидаги мудофаа жангларида (18 нояб.гача) Сталинград (маршал С. К. Тимошенко, 23 июлдан генерал-лейтенант В. Н. Гордов, 9 авг.дан генерал-полковник А. И. Ерёменко), Жан.-Шарқий (7 авг. — 27 сент.да генерал-полковник А. И. Ерёменко) ва Дон (28 сент.дан: генерал-лейтенант, 1943 й. 15 январдан генерал-полковник К. К. Рокоссовский) фронтларининг совет қўшинлари қизғин қаршилик кўрсатиб, немис фашистларининг 6-ҳарбий ва 4-танк армиялари ҳужумини тухтатди. 19—20 ноябрда Жан.-Ғарбий (22 окт.дан, генерал-лейтенант, 7 январдан генерал-полковник Н.Ф. Ватутин), Сталинград (28 сент.дан; генерал-полковник А. И. Ерёменко) ва Дон фронтларининг совет қўшинлари ҳужумга ўтиб, Сталинград атрофида душманнинг 22 дивизиясини (330 минг кишини қуршаб олдилар. Деб.да совет қўшинлари душманнинг қуршаб олинган группировкасини қутқариш учун қилган ҳаракатларини қайтариб, ҳеч нарсага келтирди. 31 янв. — 2 февр.да немис фашистлари армиясининг қолдиқлари (91 минг киши) генерал-фельдмаршал Ф. Паулюс бошчилигида асир тушдилар. С.даги галаба жуда катта сиёсий, стратегик ва халқаро аҳамиятга эга бўлди.

СТАНДАРТ (инг. standard — мезёр, намуна, ўлчов) — кенг маънода — бошқа объектларни таққослаш учун дастлабки объект деб қабул қилинган намуна, андоза, модель; стандартлаштирилган объектга қўйиладиган ва аккредитация органлари томонидан тасдиқланган мезёрлар, қоидалар, талабларни белгиловчи мезёрий-техник ҳужжат. С. инсон фаолиятининг барча соҳалари: фан, техника, саноат, қ.х., ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт ва ўта талабчан. Қўлланиш соҳасига қараб, давлат стандарти (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди), тармоқ стандартлари (тармоқлар вазирликлари тасдиқлайди), корхона ва бирлашмалар стандартлари (корхоналар ва бирлашмалар бошқа давлат ва жамоат арбоблари С.нинг курсатмаси б-н қатлон қилинган. Жасади дастлаб Москва Қизил майдонидаги мавзолейга (В.И. Ленин ёнида) қўйилган. КПСС 22-сьезди қарори б-н эса мавзолей орқасига дафн этилган (1961 й.нояб.).

Ат.: Режим личной власти Сталина. К истории формирования, М., 1989; История и сталинизм, М., 1991; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

СТАЛИНГРАД ЖАНГИ — 2-жаҳон уруши давридаги энг йирик жанглардан бири (1942 й. 17.7 — 1943 й. 2.2). Сталинград атрофи ва шаҳар ичидаги мудофаа жангларида (18 нояб.гача) Сталинград (маршал С. К. Тимошенко, 23 июлдан генерал-лейтенант В. Н. Гордов, 9 авг.дан генерал-полковник А. И. Ерёменко), Жан.-Шарқий (7 авг. — 27 сент.да генерал-полковник А. И. Ерёменко) ва Дон (28 сент.дан: генерал-лейтенант, 1943 й. 15 январдан генерал-полковник К. К. Рокоссовский) фронтларининг совет қўшинлари қизғин қаршилик кўрсатиб, немис фашистларининг 6-ҳарбий ва 4-танк армиялари ҳужумини тухтатди. 19—20 ноябрда Жан.-Ғарбий (22 окт.дан, генерал-лейтенант, 7 январдан генерал-полковник Н.Ф. Ватутин), Сталинград (28 сент.дан; генерал-полковник А. И. Ерёменко) ва Дон фронтларининг совет қўшинлари ҳужумга ўтиб, Сталинград атрофида душманнинг 22 дивизиясини (330 минг кишини қуршаб олдилар. Деб.да совет қўшинлари душманнинг қуршаб олинган группировкасини қутқариш учун қилган ҳаракатларини қайтариб, ҳеч нарсага келтирди. 31 янв. — 2 февр.да немис фашистлари армиясининг қолдиқлари (91 минг киши) генерал-фельдмаршал Ф. Паулюс бошчилигида асир тушдилар. С.даги галаба жуда катта сиёсий, стратегик ва халқаро аҳамиятга эга бўлди.

СТАНДАРТ НАВ — қ.х. экинларининг муайян агроиқлимий зонада районлаштирилган ва барча турдаги селекция ва нав синаш шларида эталон (андоза) қилиб танланган энг яхши нави. Синалаётган янги навлар ҳосилдорлиги ва б. қимматли ҳўжалик белгилари бўйича С.нга қиёслаб баҳоланади (қ. *Нав*).

СТАНДАРТЛАШ — стандартлар белгилаш ҳамда уларни фан ва техника, халқ ҳўжалиги тармоқларида қўллаш жараёни. С. фан, техника ва амалий тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига таянади. С.нинг вазифаси: атамалар бирликларини, терминлар ва белгиларни қабул қилиш; маҳсулотлар ва н.ч. жараёнларига техник талабларни қўйиш; хавфсизликни таъминлайдиган ва меҳнат бойликларини дерайдиган шароитларни белгилаш. С. халқ ҳўжалигини бошқаришда муҳим роль ўйнайди. С. ишлаб чиқариш тармоқларини, корхоналардаги н. ч. жараёнларини, мезёрий-техник ҳужжатларини жорий этилиши ва уларга амал қилинишини, сифат корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва б. ишларни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасида С. масалаларини ўз «Ўзстандарт» агентлиги шуғулланади (яна қ. *Стандарт*).

СТАНИСЛАВСКИЙ (Алексеев) Константин Сергеевич (1863.1.1 — Москва — 1938.7.8) — актёр, реж., педагог, театр назариётчиси. Халқ артисти (1936). Петербург ФАнинг фахрий акад. Рус театрининг йирик ислоҳотчиси. 1898 й. (В. Немирович-Данченко б-н) Москва Бадиий академик театрига асос солган. Театр ижодий фаолиятини бошлаб беришда б-н саҳна реализми ривожланишида бошқачини ҳам бошлаб, жаҳон театрига катта таъсир этди (қ. *Станиславский системаси*). А. Чехов, М. Горький пьесаларини саҳналаштириб, С. ва Немирович-Данченко режиссёрлик ва актёрлик санъатининг янги йўлларини очди. «Доктор Штокман» (Г. Ибсенда Доктор Штокман, «Тубанликда» (М. Горький) Сатин, «Ваня тоға» (А. Чеховда Астров, «Уч опа-сингил» (А. Чеховда Вершинин, «Ақлнинг балоси» (А. Грибоедовда Фамусов, «Ҳар тўкинда бир айб» (А. Островскийда Крутицкий каби

охиридан фашистлар Германияси ва
якилларини сиёсатини тутди [қ. *Совет-Герман битимлари* (1939)], бу ҳол 2-жаҳон урушида халқ фожиасига олиб келди. 1941 йилдан СССР ХКС (Министрлар Совети) раиси. Уруш йилларида С. Давлат Мудофаа комитети раиси, Мудофаа халқ комиссари, Олий Бош қўмондон. 1946—47 йилларда СССР Қуролли кучлари вазири, Совет Иттифоқи Маршали (1943), генералиссимус (1945). Уруш йилларида С. АҚШ президенти Ф.Д. Рузвельт ва Буюк Британия бош вазири У. Черчилл б-н бирга гитлерчиларга қарши ҳарбий иттифоқ (коалиция) тузди. Уруш тугагандан сўнг у

СТАЛИНГРАД ЖАНГИ — 2-жаҳон урушининг энг йирик жангларидан бири (1942 й. 17.7 — 1943 й. 2.2). Сталинград атрофи ва шаҳар ичидаги мудофаа жангларида (18 нояб.гача) Сталинград (маршал С. К. Тимошенко, 23 июлдан генерал-лейтенант В. Н. Гордов, 9 авг.дан генерал-полковник А. И. Ерёменко), Жан.-Шарқий (7 авг. — 27 сент.да генерал-полковник А. И. Ерёменко) ва Дон (28 сент.дан; генерал-лейтенант, 1943 й. 15 январдан генерал-полковник К. К. Рокоссовский) фронт-

техник тафсилотлар. Ишлаб чиқаришни бир жинсли маҳсулотлар турларини назорат қилиш усули; ўзаро алмашувчанлик даражасини ошириш имкон туғилади, и. ч. жараёнларини автоматлаштириш осонлашади, маҳсулотлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш самарадорлиги ошади, маҳсулот қайси корхонада ишлаб чиқарилганлигидан қатъий назар истал-

этди (қ. *Станиславский системаси*). А. Чехов, М. Горький пьесаларини саҳналаштириб, С. ва Немирович-Данченко режиссёрлик ва актёрлик санъатининг янги йўлларини очди. «Доктор Штокман» (Г. Ибсендан Доктор Штокман, «Тубанликда» (М. Горький) Сатин, «Ваня тоға» (А. Чеховдан Астров, «Уч опа-сингил» (А. Чеховдан Вершинин, «Ақлнинг балоси» (А. Грибоедовдан Фамусов, «Ҳар кимда бир айб» (А. Островскийдан Крутицкий каби

ролдари классик драматургия имкониятларини очишга ижтимоий теран ёндашиш намунаси бўлди. 1918 йилан Катта театрнинг опера студияси (кейинчалик Станиславский номидаги опера театрини бошқарган. «Евгений Онегин» (П. Чайковский), «Шоҳ қаллиғи» (Н. Римский Корсаков) каби операларни саҳналаштирган. 1935 й. Опера-драматик студиясини ташкил этди.

СТАНИСЛАВСКИЙ СИСТЕМАСИ — театр санъатининг К. С. *Станиславский* томонидан ишлаб чиқилган саҳна назарияси ва услубининг номи. С.с. рус ва жаҳон театри илғор анъаналари ҳамда Москва бадиий академик театри (МХАТ) амалий фаолияти асосида, Станиславскийнинг ижодий ва педагогик тажрибаси маҳсули сифатида юзага келган. С.с.да 1-марта-ижодий жараённи онгли ўзлаштириш муаммоси ҳал қилинади, актёрнинг образга узвий кириш йўли текширилади. Театр санъатида реалистик йўналишнинг назарий асоси бўлиб, бу йўналиш «кечинма санъати» деб аталади. С.с. саҳнада ҳиссиётни ташқи томонидан кўрсатиб, актёр ижрочилигини касб (ҳунар)га, қолипга айлантирувчи, актёр ижодига илҳомнинг ўзи етарли деб қаровчи санъатга қарши қаратилган. Саҳна хатти-ҳаракати хусусидаги таълимоти С.с.нинг асосини ташкил қилади. Станиславский диққатини асосий масалатеатрда актёрнинг табиий, ижодий кайфияти ва саҳнавий образ яратиш масаласига қаратиб, ўз системасини 2 қисмга: актёрнинг ўз устида ҳамда роль устида ички ва ташқи томонидан ишлашига ажратади. С.с. актёр олдига қатор вазифалар қўяди. Ана шу вазифалар орасида энг муҳими актёрнинг пьеса мазмунини тўлиқ тушуниши, тавсия этилган муҳитда ўзини унга мос ва уйғун ҳис эта билишидир. Мазкур тамойилни амалга ошириш мақсадида К. С. Станиславский «жисмоний ҳаракат методи», «қалб кўзи билан кўра билиш», «ҳаракат таҳлили» ва «олий мақсад» қоидаларини ишлаб чиқди. Актёр ўз олдига «олий мақсад», яъни аниқ ғоявий-ижодий ният қўйсагина, унинг ижоди бадиий етук ва таъсирли бўлади.

Ўзбек профессионал театри 20-а.нинг 30-й.ларидан эътиборан С.с.га амал қилиб келади. М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат ин-тида актёр ва реж.ларни тайёрлашда С.с. қўлланиб келинади.

Муҳсин Қодиров.

СТАННИН (лот. stannum — қалай), қалай колчедани — сульфидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби Cu_2FeSnS_4, унда: Cu — 29,5%, Fe — 13%, Sn — 27,5%, S — 29,9% ҳамда Zn, Sb, Cd, Pb ва Ag аралашмалари мавжуд. Пегматитлар, кварц-дала шпатлари томирлари ва грейзенлар б-н боғлиқ юқори т-рали С. куб симметрияли бўлса, кассетерит-сульфид конларида кенг тарқалган паст т-рали С. тетрагонал симметрияга эга, унинг кристалл структураси халькопиритникига ўхшаш. Ўзига хос яшил товланувчан, кулранг. Қаттиқлиги 3—4,5, ичлиги 4,3 — 4,5 г/см³. Мурт, электрни яхши ўтказади. Қалай рудаларининг қарариш араланмаси. С. гидротермал конларда ҳосил бўлади, вольфрам-қалай конларида кассетерит (SnO_2), халькопирит, арсенопирит, вольфрамит ва б. минераллар б-н ассоциацияда учрайди. С.нинг йирик тупламлари РФ (Дальнегорский, Хета, Сахз), Тожикистон, Канада, Буюк Британия, Боливияда маълум. Ўзбекистонда Чатқол-Қурама тоғлари — Навғарзон, Ланжарак, Сартарлонда; Ўзбекистон гарбида — Қизқўрғонда доломитларнинг метасоматик ўзгариши натижасида юзага келган тилит, франкенит, ефазерит ва пирит б-н ассоциацияда учрайди. Концентрацияси юқорироқ бўлса қалай рудаси сифатида фойдаланиш мумкин.

СТАНОВОЙ ТИЗМАСИ — Шарқий Сибирдаги тоғлар. Олёкма дарёсининг ўрта оқимидан бошланади ва Учур дарёси (Алдан ҳавзасининг бошпача чўзилиб боради. Уз. 700 км, эни 100—180 км, ўртача бал. 1500 м, энг баланд жойи 2412 м (Катта Токо кўлидан жан.-гарбда). Шим. ва Жан. тизмалардан иборат. Гумбазсимон баланд қисмларида қояли чўққилар учрайди. С.т. Шимолий Муз океани ва Тинч океанга қуйиладиган дарёлар ўртасидаги сувайиргичдир. Асосан, кристалли сланец ва гнейслардан тузилган. 1300 м гача баландликда тилоғоч ва қарағай ўрмонлари ўсади, баландроқда (1650—2700 м) ер бағирлаб ўсадиган кедр, қайин, зирк чангалзорлари учрайди. Баланд қисмларида тог тундраси жойлашган. Олтин, тошкўмир, слюда конлари бор.

СТАНОК (рус.), дастгоҳ — металл, ёғоч, тош, суяк ва б.га ишлов бериш, газлама тўқиш учун мўлжалланган машина. Вазифасига кўра, токарлик, силлиқлаш, пармалаш, фрезерлаш, тўқиш С.лари ва б. хилларга бўлинади. Ишлов бериш аниқлигига кўра, нормал (Н), юқорироқ (П), юқори (В), жуда аниқ (С) ва жуда юқори аниқ (А) С.лар бўлади. Оғирлиги жиҳатдан 100 кН (10 т) дан ортиқ (оғир), 100 кН (10 т) гача (ўртача оғир) ва 10 кН (1 т) гача (енгил) хилларга бўлинади. Кўпчилик С.лар автоматик бошқариш тизимларига эга. Ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган С.лари ҳам яратилган. Ўзбекистонда қайта тикланувчи С.лари ишлаб чиқарилади.

СТАНФОРД УНИВЕРСИТЕТИ АҚШдаги етакчи ун-тлардан бири. Калифорния штатининг Станфорд ш.да 1885 й. Миллион мерос ҳисобига ташкил этилган. Станфорд ин-т. парки ва номланган илмий-саноат ҳудудининг муҳим таркибига киради. Геол., гуманитар ва аниқ фанлар, ҳуқуқшунослик, тиббиет, пед., жисмоний тарбия бўлим ва мутахассислар тайёрланади. 13 миллиондан ортиқ талаба таълим олади. Кутубхонаси (1885 й. ташкил этилган) 3,5 миллиондан ортиқ асар сақланади.

СТАРА-ЗАГОРА — Болгариядаги шаҳар. Средна-Гора тоғларининг жан.ёнбағрида. Аҳолиси 143,9 минг киши (2001). Транспорт йуллари тутуни. Кх. ривожи марказ. Машинасозлик (станоксозлик, саноат роботлари, оғир-ошқоз саноати учун ускуналар, электрон ҳисоблаш техникалари ишлаб чиқариш), тикувчилик, ошқ-овқат, тамаки, мебель саноати корхоналари бор. Шаҳар яқинида йирик кимё к-ти қурилган. С. қадимда Берое, Август-Транн, Эски Загра (турқча) деб аталган. 1877—78 йилларда Россия—Туркия урушида қаҳрон бўлиб, кейинчалик қайта тикланган.

СТАРА-ПЛАНИНА (болғар тилида — кекса тог), Болқон тоғлари — Болгариядаги тог системаси. Ғарбдан шарққа 555 км га чўзилган бир неча бурмали тог тизмаларидан иборат. Энг баланд жойи 2376 м (Ботев тоғи). Тог чўққилари текис, шим. ён бағирлари ётиқ, жан. эса нисбатан тик. Сланец, гранит, оҳактош ва қумтошлардан тузилган. Карст ривожланган. Бош тизма шимолга томон Дунай текислигигача пасайиб боради. Иқлими мўътадил нам. Йиллик ёғин 800—1000 мм. Шим. ён бағрига ёғин кўп тушади. Қишда тоғлар қор б-н қопланади. С.-П. дан Дунай ва Марица дарёлари ирмоқлари бошланади. Ён бағирларида 1700 м баландликкача дуб, қорақайин, юқори қисмида игна барғли дарахтлар ўсади. Энг баланд қисми ўтлоқ. Фойдали қазилмалардан кўмир, мис, темир-кўргошин-рух рудалари бор. Минерал булоқлар ва курорт кўп.

СТАРК — кечпишар кузги олма нави. АҚШдан олиб келинган. Дарахти кучли ўсади. Барглари йирик, тўқ яшил. Апр.да гуллайди. Гуллари йирик, пуштиранг. Кинг Девид, Пармен, Симиренко каби навлардан яхши чангланади. Меваси йирик, вазни 140—160 г, юмалоқ-чўзиқ. Мева банди калта. Пўсти юпқа, қаттиқ, силлиқ мулойим, кўкимтир-сариқ, сирти қизғиш билинар-билинмас чизиқлар б-н қопланган. Эти оқ сариқ, қаттиқ, сершув, таъми нордон-ширин, хушбуй. Меваси авг. ойининг охирларида терило олинади. Март ойигача яхши сақланади. Паст навларидан 3—4 нави, баланд навларидан 6—7 нави ҳосилга киради. Касалликлар ва зараркунандаларга чидами юқори. Меваси кам тукилади. Ўзбекистонда интенсив типдаги боғдорчилик хўжаликларида экилади.

СТАРКРИМСОН — кечпишар олма нави. 1952 й.да АҚШ да Старк Делишес навининг куртак мутацияси тарзида даргалий олинган. Дарахти кучли ўсади, шохлари суст ривожланиши б-н бошқа олма навларидан фарқ қилади. Асосий новдаларининг ички ва ташқи қисмлари ҳам, новдалари калта ва йўғон, сариғимтир-кўкиш. Кўлтиқ яқинидаги сўғи 3-йили ҳосилга киради. Голден Делишес, Жонатан, Ренет, Симиренко, Кинг Девид каби навдарнинг яхши чангловчиси. Меваси ширинлик, шакар ва чучқ-конуссимон. Пўсти тиниқ, усти мумгубор б-н қопланган. Сирти гўқ қизил, ширин нуқталари бор. Эти сариғимтир-оқ, қарсилдоқ, нафис, сершув, ширин-нордон. Хушбуй кучли. Меваси авг. охири — сент. бошларида териб олинади, яхши сақлаш мумкин. Асосан, тог олди ноқулларида етиштирилади. Касалликлардан кам зарарланади. 1993 йилан Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари учун р-нлаштирилган.

СТАРОДУБЦЕВ Сергей Васильевич (1914.24.10, Анхобод — 1967.19.3, Тошкент) — физик олим. Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964). Техника фанлари д-ри (1946), проф. (1947). 1935 й.дан Тошкентда. Ленинград ун-тини тугатган (1935). Ўрта Осиё ун-тида ўқитувчи (1935—41). Тошкент тўқимачилик ин-тида кафедра мудири (1938—42). 1942 й.дан Ленинградда ишлаган. Ўзбекистон ФА вице-президенти (1956—66). Ядро физикаси ин-ти директори (1966 й.дан).

Илмий ишлари, асосан, физик электроника, атом ядроси физикаси, ядро ва радиация физикаси, радиоактив изотоплар ва нурлардан техникада фойдаланиш, соф материаллар технологиясига оид. Олтингугуртли кадмий кристаллари асосида зарядли заррадар ҳисоблагичини яратган, гамма-нурланишларнинг моддалар б-н ўзаро таъсирини ўрганган. С. вакуум электроникаси бўйича Тошкент мактабининг шаклланишига катта ҳисса қўшган. Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти, Тошкент кўчаларидан бири С. номи б-н аталган.

СТАРТЕР (инг. starter — ишга туширгич) — 1) *ички ёнув двигателини* юргизиб юборини учун мўлжалланган мослама ёки агрегат. Энергия манбаига кўра, электр, пневматик, гидравлик ва б., ишга тушириш принципига қараб, инерцион, тўғри ишлайдиган ва комбинацион С.ларга, ишлатиш воситасига қараб, электр турбинали, пневматик, гидравлик ва бензинли С.ларга бўлинади. Автотрактор двигателлари электр С. б-н, самолёт двигателлари эса пневматик, электр С. б-н юргизиб юборилади. Инерцион С.да маховик айлантирилиб, бунда тўпланган энергия асосий двигатель валини (С. валининг асосий двигатель валига тишлаштириш йўли б-н) буради. Тўғри ишлайдиган С. асосий двигатель валини бевосита айлантиради. Электр С. (расмга қ.) электр двигатель, редуктор, двигателнинг асосий вали б-н тишлашадиган ва ажратадиган мосламадан иборат; айланиш тезлиги катта (13000 айл/мин гача) бўлади. Турбинали С.да турбинадан двигатель сифатида фойдаланилади; қуввати 110—300 кВт (150—400 о.к.)га тенг. Гидравлик ва пневматик С., одатда, насос ёки компрессорлардан иборат; 2) ёруғлик техникасида люминесцент лампаларни ёндирадиган қурилма.



Стартер. Автомобилнинг электр стартери: *а* — стартер деталлари; *б* — ярим ярим муфтаси, *в* — роликлар ва турткичлар, *г* — ярим ярим ялт

СТАТИКА (юн. statike — жисмларнинг оғирлиги ва мувозанати ҳақидаги таълимот) — *механика* бўлими; жисмларнинг уларга қўйилган кучлар таъсирида мувозанатда бўлиш шарти ўрганилади. Қаттиқ жисмлар С.си, суюқликлар С.си (*гидростатика*) ва газлар С.си (*аэростатика*) га бўлинади. Қаттиқ жисмлар С.си эса аналитик ва геометрик С.га бўлинади. Аналитик С. асосида мумкин бўлган кўчишлар принципи ётади; бу принцип ёрдамида ихтиёрий механик тизимнинг мувозанат шартлари аниқланади. Геометрик С. механиканинг асосий қонунларидан келиб чиқувчи, тажриба ва кузатишлар натижасида аниқланган қуйидаги аксиомаларга асосланади: 1) инерция аксиомаси — жисмга қўйилган кучлар тизими ўзаро мувозанатлашса, жисм тинч ҳолатда бўлади ёки тўғри чизиқли текис ҳаракат қилади. 2) мувозанат аксиомаси — эркин жисмнинг исталган 2 нуқтасига миқдорлари тенг, йўналиши эса шу нуқталардан ўтувчи тўғри чизиқ бўйича қарама-қарши томонга йўналган 2 та куч таъсир этса, бундай кучлар ўзаро мувозанатлашади; 3) параллелограмм аксиомаси — жисмнинг бирор нуқтасига қўйилган турли йўналишдаги 2 кучнинг тенг таъсир этувчиси миқдор жиҳатдан шу кучларга қурилган параллелограммнинг улар қўйилган нуқтадан ўтувчи диагоналига тенг ва шу диагонал бўйича йўналади; 4) таъсир ва акс таъсир аксиомаси — 2 жисмнинг бир-бирига ҳар қандай таъсири ўзаро таъсирга эга бўлиб, бу таъсирлар ҳар доим катталиги жиҳатдан тенг ва йўналиши жиҳатдан қарама-қаршидир. Бу қонунни биринчи бўлиб И. *Ньютон* таърифлаган. Геометрик С. услубларидан фойдаланиб қаттиқ жисмларнинг мувозанат ҳолатлари ўрганилади. Бунда, асосан, қуйидаги 2 турдаги масалани ечиш кўрилади: 1) жисмга қўйилган кучлар тизимини оддий кўринишга келтириш; 2) жисм мувозанатда бўлиши учун унга қўйиладиган кучлар тизими қандай шартларни қаноатлантиришини аниқ-

лари. С. нинг асосий тушунчаларига моддий нуқта, мутлақ қаттиқ жисм, сапок тизими, эркин жисм, куч, бирор нуқтага ёки ўққа нисбатан куч моменти, жуфт кучлар киради. Кучларни ва уларнинг моментларини қўшиш векторларни қўшиш қоидаси бўйича амалга оширилади. Берилган жисмга таъсир этувчи барча кучлар F_i нинг геометрик йиғиндисига тенг бўлган R катталикка бу кучлар тизимининг бош вектори, шу кучларнинг O марказга нисбатан моментлари $m_O(F_i)$ нинг геометрик йиғиндисига тенг бўлган M_O катталикка эса марказга нисбатан кучлар тизимининг бош моменти дейилади.

$$R = \Sigma F_i;\ M = \Sigma m_O(F_i)$$

Демак, мутлақ қаттиқ жисмга қўйилган кучлар тизими битта бош вектор ва битта бош моментга келтирилар экан. Ҳар қандай кучлар тизимини мувозанатда бўлиши учун бу кучлар тизимининг бош вектори ва ихтиёрий келтириш марказига нисбатан бош моменти нолга тенг бўлиши зарур ва етарлидир. С. масалаларини график услублардан фойдаланиб ечиш кучлар кўпбурчаги ва арқонли кўпбурчакни ясашга асосланган.

Ад.: Бутенин Н. [illegible], Назарий механика [illegible] курси, Т., 1966; Шоҳайдарова П. ва б., Назарий механика, Т., 1991; Зоиров Ж., Назарий механика, Т., 1998.

СТАТИКАНИНГ «ОЛТИН ҚОИДАСИ» — катта кучни кичик куч билан мувозанатлайдиган оддий механизм (ричаг, блок ва б.)лардан фойдаланиб, бирор иш бажаришда кучдан неча марта ютилса, масофадан шунча марта ютқазилишини ифодалайдиган қоида. Бу қоидани оддий мисолларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Мас., юк ричаг ёрдамида кўтарилса, ричагни ҳаракатга келтирувчи куч, одатда, кичик бўлади, лекин шу куч қўйилган нуқтанинг силжиши эса катта бўлади.

СТАТИСТИК МЕХАНИКА — жуда кўп сонли бир хил зарралардан ташкил топган тизимлар хоссаларини шу зарраларнинг хоссалари ва уларнинг ўзаро таъсирлари асосида ўрганувчи физика бўлими (қ. *Статистик физика*).

СТАТИСТИК ФИЗИКА — назарий физика бўлими. Жуда кўп миқдордаги бир хил зарралар (молекула, атом, электрон ва б.)дан ташкил топган макроскопик жисмлар, яъни тизимлар хоссаларини алоҳида зарралар хоссалари ва уларнинг ўзаро таъсирлари асосида ўрганади. Агар тизим сони чекланган молекулалардан ташкил топган бўлса, классик механика қонуниятларидан фойдаланиб тизимнинг физик хоссаларини ўрганиш мумкин. Бунинг учун молекулаларнинг [illegible] вақтдаги фазодаги ўрни [illegible] ва [illegible]

[illegible]

С. ф.да тизимни ташкил этувчи кўп миқдордаги зарралар хусусиятларига уларнинг динамик нуқтаи назаридан характерловчи физик катталиклар қийматлари бўйича [illegible] қонуниятларини ўрганиб, бу қонуният асосида ҳисобланган ўртача физик катталиклар ёрдамида тизим хусусиятлари аниқланади.

Тизимни ташкил этган зарралар классик механика ёки квант механика асосида тавсифланишига қараб, С. ф.да классик статистика ёки квант статистика дейилади. Квант статистика умумийроқ бўлиб, классик статистика унинг хусусий ҳолидир. Аммо ҳоз., амалда жуда кўп масалаларни ҳал қилишда классик статистика етарлидир.

С.ф. 2 бўлим: мувозанат С.ф. ва номувозанат С.ф.дан иборат. Номувозанат жараёнлар С.ф.и мувозанати бузилган тизимларда жараёнларнинг боришини ифодаловчи тенгламаларни келтириб чиқариш, кинетик коэффициентлар (иссиқлик ўтказувчанлик, диффузия, ёпишқоқлик [illegible]) молекуляр характеристикалар орқали ифодаланишини аниқлаш ва номувозанат термодинамиканинг асосий каби масалалар б-н шуғулланади. Мувозанатли жараёнлар С.ф.си [illegible] хусусий ҳоли бўлиб, термодинамик мувозанатдаги тизим хоссаларини, улар орасидаги боғланишларни, шу-

[illegible]

$$\int f(q,p)\,dq\,dp = 1$$

[illegible] молекула массаси, k — Больцман доимийси, T — абс. т-ра. [illegible] тақсимот функцияси [illegible] ихтиёрий физик катталик [illegible]

$$F = \int F(q,p)\,f(q,p)\,dq\,dp.$$

$f(q,p)$ вақт ўтиши б-н ўзгармаса, бу тизимнинг статистик мувозанат ҳолатида турганлигидан далолат беради.

Статистик мувозанат ҳолатдаги тизимга тегишли ҳар қандай физик катталикнинг ўртача қиймати ўзгармайди, аммо физик катталикнинг муайян вақтдаги қиймати унинг ўртача қийматидан фарқ қилади. Физик катталик қийматининг унинг ўртача қийматидан фарқи флуктуация деб аталади. Флуктуация миқдор жиҳатдан ўртача флуктуация орқали аниқланади. Кўп ҳолларда флуктуациялар кичкина қийматларга эга бўлиб, амалда уларни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Мас., бирор идишга жойлашган газ берилган бўлиб, уни характерловчи макроскопик параметрлар $V = 10^{-3}$ м³, $T = 273$K ва $P = 101325$ Н/м²

[illegible]

$$n_i = \frac{1}{e^{(\varepsilon_i-\mu)/kT}-1}$$

фермионларнинг ўртача сони эса

$$n_i = \frac{1}{e^{(\varepsilon_i-\mu)/kT}+1}$$

ифодалар б-н аниқланади. Бунда ε_i — i энергетик сатҳга тўғри келувчи энергия, μ — зарранинг кимёвий потенциали. Агар зарралар [illegible] даражада кичик, т-ра эса [illegible] юқори бўлса, [illegible] Ферми — Дирак статистикаси ва Бозе — Эйнштейн статистикаси классик статистикага ўтади.

С. ф.нинг ривожланиши, асосан, 19 а.нинг ўрталарида бошланган. Унга Ж. *Максвелл*, Р. *Клаузиус*, Л. *Больцман*, 20 а.да эса немис физиги П. Друде, Г. *Лоренц*, Ж.У. *Гиббс*, поляк физиги М. Смолуховский, А. *Эйнштейн*, Ш. *Бозе*, Э. *Ферми*, П. *Дирак* ва б. С.ф.нинг ривожланишига ҳисса қўшишган.

Ад.: Ансельм А.И., Основы статистической физики и термодинамики, М., 1973; [illegible] Введение в статистическую физику, М., 1980.

[illegible]

СТАТИСТИК ҲИСОБОТ — корхоналар, ташкилотлар, [illegible] белгиланган муддатларда [illegible] статистика органларига топшириладиган мажбурий [illegible] ҳисоботлар мажмуи.

СТАТИСТИКА (лот. status — ҳолат, вазият) — 1) турли ҳодисалар ва жараёнларга миқдорий ҳисоблаш, маълумотларни йиғиш, ишлаш ва таҳлил қилиш [illegible] ижтимоий ҳаётнинг [illegible] умумий қонуниятларини ўрганадиган [illegible] ижтимоий фанлар тармоғи. Тор маънода С. бирон-бир ҳодиса ёки жараёнга [illegible] маълумотлар [illegible] мажмуи [illegible] С. мураккаб ва серқирра [illegible] фанлар мажмуидан иборат бўлиб, [illegible] ижтимоий ҳаётнинг [illegible] ўрганади ва таҳлил этади. [illegible] С.нинг асосий бўлимлари: С.нинг умумий назарияси — миқдорий [illegible] умумий [illegible] иқтисодий С. [illegible] халқ хўжалиги кўрсаткичлари [illegible] тармоқлараро [illegible] ўрганади (қ. *Иқтисодий* [illegible]); иқтисодиёт тармоқлари С.и — саноат, қ.х., қурилиш, транспорт, алоқа С.и ва б.; [illegible] демографик С., меҳнат [illegible] С.; ижтимоий [illegible] С. — аҳоли турмуш [illegible] кўрсаткичлар [illegible] ижтимоий ҳаётнинг турли [illegible] ўрганади ва б.к. Уларнинг [illegible] ўрганади [illegible] халқ хўжалиги [illegible] асосий [illegible] жамият ҳаётининг [illegible] тармоқлардаги [illegible] ижтимоий [illegible] жараёнларни [illegible]

иборат. Бу вазифаларни бажариш учун С. фанида илмий статистик кузатиш, [illegible] ўзига хос [illegible] хусусиятлари ва [illegible] ўртачалари [illegible] статистик гуруҳлаш [illegible] комбинацион [illegible] жадваллар каби [illegible] усуллар ишлаб чиқилган ва амалиётга қўлланилади. С.да [illegible] қонуният [illegible] кўрсаткичлар [illegible] муҳим роль ўйнайди. С. усуллари қўлланиладиган бир қатор соҳалар ва шунга хос [illegible] [illegible] С. тармоқлари бор. Мат. ва [illegible] [illegible] *математик статистика* С. фанининг алоҳида бўлимини ташкил этади. Математик С. статистик [illegible] статистик маълумотларни [illegible] уларни [illegible] математик [illegible] ўрганади. Тошкент [illegible] С. бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрланади.

21 [illegible] ҳодисалар ва жараёнлар [illegible] ахборотларни [illegible] қайта ишлаш, таҳлил [illegible] амалий фаолият [illegible] миллий, минтақавий [illegible] халқаро С.га бўлинади. Халқаро С. ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг халқаро қиёсийлигини таъминлашга [illegible] турли мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий [illegible] даражаси, [illegible] ва тенденцияларини ўрганади. Халқаро С.да БМТ нинг [illegible] статистика [illegible] етакчи роль ўйнайди. Миллий [illegible] статистик маълумотлар [illegible] йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш [illegible] ягона [illegible] ягона дастур ва услубият бўйича [illegible] статистика органлари раҳбарлигида амалга оширилади. Ўзбекистонда С. амалиёти б-н Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар, туман бошқарма (бўлим)лари шуғулланади.

С. амалиётининг бошланиши [illegible] пайдо бўлиши даврига тўғри келади. Қадимги [illegible] хўжалик ва ҳарбий [illegible] аҳоли, ер, мулк ҳисоби бўйича С. [illegible] амалга оширилгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Фан сифатида С. 17 а. [illegible] инглиз иқтисодчи олими У. *Петти* [illegible] Унинг асарларида [illegible] ижтимоий-иқтисодий [illegible] сиёсий арифметика [illegible] С. [illegible]

нослик фанининг пайдо бўлиши ҳам муҳим роль ўйнайди. 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а. бошларида С. жадал ривожланди. Айниқса, давлат монополистик капитализми шароитларида С.нинг техник воситалари ва иқтисодий имкониятлари мукаммаллашди.

Монополияларнинг иқтисодий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш эҳтиёжлари, аҳолининг табиий кўпайиши ва кўчиши ўрганилди, аҳоли, саноат ва қ.х. рўйхатлари ўтказилди. Биринчи навбатда, рўйхатни ўтказадиган давлат С. ташкилотлари шаклланди ва такомиллашди. Статистик маълумотларни қайта ишлашда математик усулларни қўллаш С. назариясини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик бошқарувидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш С.да ҳам туб бурилиш ясади. Ҳоз.даврда Ўзбекистонда иқтисодиётни халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистикага ўтказиш ҳамда маҳаллий шароитларга уйғунлашган *миллий ҳисоблар тизимини* ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, макроиқтисодий кўрсаткичларни хорижий давлатлар кўрсаткичлари тизими б-н таққослаш ва таҳлил қилиш энг зарур вазифалардан бирдир. Шу мунособат б-н Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 1994 й. 13 сентябрда «Ўзбекистон Республикасини халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимига ўтказишнинг давлат дастури»ни қабул қилди ва бу дастур изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида» қонунида (2002 й. 12 дек.) республикада С. ишини ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган.

Ҳамидулла Набиев.

СТАТОР (инг. stator, лот. sto — тураман) — 1) электр машинада — магнит ўтказгич вазифасини бажарувчи қўзғалмас қисм. Ўзак ва станинадан иборат. Ўзак лок б-н изоляцияланган электротехника пўлати листларидан (0,35—0,5 мм қалинликда) пакет (таҳлам) тарзида ясалади. У қуйма ёки пайвандлаб ясалган корпус — станинага маҳкамланган; 2) гидротехникада — гидроагрегат массасидан нагрузкани ва сув босимини ГЭС биносига узатувчи қисм; *гидротурбина*нинг пойдевор қисми. У спиралсимон бетон камерали қилиб ясалади. Йирик турбиналар учун мўлжалланган С., одатда, пайвандлаб тайёрланади.

СТАТОЦИСТЛАР (юн. statos — турғун, ҳаракатсиз ва ... *циста*), эшитиш пуфакчаси — умуртқасиз ҳайвонларнинг мувозанат органлари, тана қопловчи остида жойлашган чуқурча ёки пуфакча шаклида; айрим ҳайвонлар (медуза, ленгиятипратиканларида тана юзасига бўртиб чиқиб турган қалқасимон ўсимталар иборат. С. бунга тирик сувўтларнинг 1 ёки бир неча ноталитлар (статолитлар) жойлашган. Тана ҳолати ўзгаранда статолитлар жойидан сурилиб, пуфак деворидаги киприкли эпителийнинг сезгир ҳужайраларини ёки рецептор ҳужайралар б-н боғланган хитин ўсмаларини (бўғимоёқлиларда) қўзғатади. Нерв импульси марказий нерв системасига ўтиб, у ерда организмни ўз ҳолатига қайтарадиган жавоб ҳаракатланиш реакциясини пайдо қилади. С. тузилиши ва функцияси умуртқали ҳайвонларнинг ички қулоғида жойлашган мақулага ўхшаб кетади.

СТАТУС (лот. status — ҳолат, вазият) — ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуини ифода этувчи, ҳуқуқ нормалари б-н белгиланган ҳолат (қ. *Мақом*).

СТАТУС-КВО (лот. status quo — муайян пайтдаги ҳолат) халқаро ҳуқуқда — мавжуд бўлиб турган ёки муайян фурсатда мавжуд бўлган ва сақлаб қолиш ёки тиклаш тўғрисида сўз бораётган снёсий, ҳуқуқий ёки бошқа ҳолат. Халқаро ҳуқуқ амалиётида, шунингдек, «С.-к.» анте беллум (лот. ante bellum) термини ҳам ишлатилади, у уруш бошланишидан аввал мавжуд бўлган ҳолатни англатади.

СТАТУТ (лот. statuo — қарор қиламан) — 1) бирон ташкилотнинг ваколати ва тартибини белгилаб берувчи устав, қоидалар мажмуи; 2) орден С.и — орденнинг тасвири, орден б-н мукофотлаш ва уни тақиш тартиблари тўғрисидаги қоидалар; 3) баъзи мамлакатлар (Буюк Британия, АҚШ ва б.)да қонун ҳужжатларининг номланиши.

СТАФИЛИНЛАР (Staphylinidae) — калта устқанотли қўнғизлар оиласи. 30 мингдан ортиқ тури маълум. Танаси ингичка ва чўзиқ (1,5—40 мм); уст қаноти калта, боши, кўкраги ва қорни ўзаро бириккан, ҳаракатчан. Қанотларининг боши йирик, оёқлари ҳаракатчан. С. кенг тарқалган. Ҳазон, дарахт пўстлоқлари остида, қуш ва б. ҳайвонлар ҳамда чумолилар инида яшайди. С.нинг кўпчилиги энтомофаглар, шунингдек, паразит, сапрофаг (чириган ҳайвон қолдиқлари б-н озиқланиб, некрофаг (ҳашаротларни ҳам) ҳам маълум. Личинкаларини (Aleocharabilineata, Xenopsellaspp.) маълум. Уларнинг боши етак қўнғизлари карам пашшасининг ривожланишини б-н. Ғарбий Европа ва Осиё қўнғизларининг кўпчилиги ва б. б-н озиқланиб, йирик турлари қ.х. зараркунандаси. Paederus туркумида кирадиган С. қонида кучли модда бўлиб, тегилганда киши терисида яллиғланиш пайдо қилади.

Ғаниев Ҳамро.

Стафилинид қўнғизи.

СТАФИЛОКОККЛАР (юн. staphyle — шингил ва кокклар) (Staphylococcus) — Micrococcaceae оиласига мансуб шарсимон бактериялар туркуми. С.ни Р. *Кох* (1878 й.) ва Л. *Пастер*лар (1880 й.) биринчи бўлиб аниқлашган. Ф. *Розенбах* (1884 й.) беморларининг ириннинг илинланган учоқларидан С.ни ажратиб олиб, унинг биокимевий хоссаларини ўрганган. С. ҳамалоқ шаклда бўлиб, суртмаларда, асосан, узум шингилига ўхшаб кўринади. С. ҳаракатсиз, факультатив, анаэроб, граммусбат, хивчин ва спора ҳосил қилмайди, патоген турларида микрокапсуласи бор. С. табиатда кенг тарқалган микроорганизмлар бўлиб, уларнинг сапрофит, шартли-патоген ва патоген турлари маълум. Одам терисида ва шиллиқ қаватларида 14 тури учрайди.

С., асосан, ҳавода, сувда, олам ва ҳайвонларнинг нормал микрофлораси таркибида, патоген турлари микроб ташувчи одам, ҳайвонларда учрайди ва уларда касаллик қўзғатади. С. организмга, асосан, тери, ҳаво-томчи, чанг, алиментар йўллар орқали киради. Ҳоз. С. қўзғатадиган жуда кўп касаллик аниқланган. Кўп ҳолларда С. иккиламчи инфекциянинг ривожланишига сабаб бўлади.

Патоген С. тушган сут ва сут маҳсулотлари, торт, музқаймоқ ва б. озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилинганда заҳарланиш (токсикоинфекция) кузатилади.

СТАХАНОВ (1937—40 й.ларда Серго, 1937 й.гача ва 1940—78 й.ларда Кадиевка) — Украинанинг Луганск вилоятидаги шаҳар. Луганскдан 53 км ғарбда. Т.й. станцияси. Аҳолиси 113,7 минг киши (1990-й.лар ўрталари). С. 19-а.нинг 40-й.ларида тошкўмир кони ишга туширилиши б-н вужудга келган. Донбасснинг оғир саноат марказларидан бири. Шаҳар яқинидан кўмир қазиб олинади. Кокс кимёси, кимё, металлургия, машинасозлик, вагонсозлик, ферроқотишма, қурум, гидрожиҳозлар з-длари, кўмир бойитиш ф-каларн, бир қанча ўрта махсус билим юртлари, тарихий-бадиий музей мавжуд. Шахтер А.Г.Стаханов номига қўйилган.

СТАЦИЯ (лот. statio — жой, ўтиш) — муайян турдаги ҳайвон яшаши учун зарур шароит (рельеф, иқлим, озиқ, паразитлар мавжудлиги ҳам. Туручун экологик бўлган С. турларда ичида мослашганлиги ҳисобланган. Хусусий маънода «С.» тушунчаси тур ҳаёт кечиришган жойни англатади (қушларда С., уя қурадиган С., тунаш С. ва ҳоказо С. бошқасидан рельефи, ўсимликлари б-н фарқ қилади. Тур, одатда, бир неча С.ларга бўлиш. Турни С. турининг ҳаётида ҳар хил аҳамиятга эга. Мас., қишлаш С.и ҳайвонни қишки совуқдан асрайди; тарқалиш С.и турнинг кўпайиши ва катта майдонни эгаллашига ёрдам беради. С. тушунчаси кўпроқ қўрқувчилар яшайдиган ҳайвонларга нисбатан ишлатилади ва мазмунан яшаш жойи тушунчасига яқин келади.

СТЕАРИН (юн. stear — ёг, мой) — техник стеарин кислота, юқори ёг карбон кислоталарининг аралашмаси (асосан, стеарин ва пальмитин кислоталари). С. оқ ёки сариқ рангли ярим-шаффоф, қўлга ёғдек ўтказадиган қаттиқ масса. Зичлиги 920 кг/м³ (20°да), суюқланиш т-раси 53—65° (навига кўра). Ҳайвон ёғлари гидролизларини дистиллаб ёки ўсимлик мойларини гидрогенлаб олинади. Совун, шам ишлаб, резина, тўқимачилик ва б. саноат тармоқларида ишлатилади.

СТЕАРИН КИСЛОТА, октадекан кислота, $CH_3(CH_2)_{16}COOH$ — алифатик қаторнинг бир асосли тўйинган карбон кислотаси. Рангсиз кристалл модда. Мол. м. 284,47. Суюқланиш т-раси 69,6°, қайнаш т-раси 376,1°. [13,3 кПа босимда (100 мм сим. уст.)]. Зичлиги 849 кг/м³ (70°да). Сувда эримайди, органик эритувчиларда оз эрийди. С.к. табиатда кенг тарқалган юқори ёг кислоталаридан бири. С.к.нинг глицеридлари кўпчилик ёг ва мойларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. С.к.ни *стеарин*дан чўктириш ва дистиллаш усулида, олеин кислотани гидрогенлаб ва б. усулларда олиш мумкин. С.к.нинг ишқорли тузлари — совун. С.к. органик синтезда, аналитик кимёда, вулканизацияда ва резина тайёрлашда ишлатилади. Натрий, литий, кальций, кўргошин ва б. металларнинг стеаринатлари пластик суртмалар компоненти сифатида, косметик моддалар олишда қўлланади.

СТЕАТИТ — минерал (ёғли ўсма); қ. *Тальк*.

СТЕВИЯ (Stevia rebaudiana Bem.) — мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Ватани — Парагвай. Японияя, Хитой, Индонезия, Болгария ва б. мамлакатларда устирилади. Бўйи 1,5 м га боради. Барглари ингичка, уз. 4—7 см, қарама-қарши жойлашган, тукли. Қисқа кун ўсимлиги, кузда гуллайди. Нессиқликка ва намга талабчан субтропик экин. С. баргида (6,0%—6,5%), поясида (1,5%) ва илдизида (0,6%) шириниши сахарозага нисбатан 150—300 баробар юқори бўлган қимматбаҳо стевиозид моддаси бор.

Стевиозид кондитер саноатида, сақич ичимликлар, шарбат, сақич, ҳар хил ширинликлар ва консервалар тайёрлашда шакар ўрнида кенг миқёсда ишлатилади, ундан дори-дармон сифатида, қанд диабети касаллигига ва семизликни даволашда фойдаланилади. Уни уруғидан кўпайтиришга нисбатан қиш фаслида пешкхонада, ёзда эса бевосита далада пешкларидан кўпайтирилади. Қаламча кўчатлари апрелнинг ўзида қалампаралардан кўпайтириш осон. Қаламча ҳарорати 14—15° 2-ярмида, гунроқ ҳарорати 14—15° бўлганда 60×25—40, 70×25—30 ва 90×15—20 см схемада намланган пуштага жойлаш. Баҳорда ва кузда ҳар 10 —12 кунда, ёзда 6—8 кунда суторилиб турилади. Қатор оралари ўсув даврида 4—5 марта культивация қилинади.

С.нинг ҳосили кўк баргпон бўлиб, вегетация даврида 2 марта — июнь ва окт. ойларида шоналаган даврида ўриб олинади. Қуруқ барг бўйича ҳосилдорлиги 6—25 ц/га. Саноатда қайта ишланиб, стевиозид моддаси олинади.

1986 й. С. уруғи ва кўчати Ўзбекистонга Парагвайдан олиб келинган. Ўзбекистон ўсимликшунослик п.т. ин-тида 1987—88 йилларда ўсимликнинг биологияси ва уни кўпайтириш усуллари ўрганилди. С.нинг Ширин ва Шакарўрганилди. С.нинг Ширин ва Шакарбарг навлари яратилди (1994) ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экиш учун Давлат реестрига киритилди.

Ад.: Ким Ю. М., Стевия — новая сахаросная культура. Сб. «Использование мировых коллекций растительных ресурсов для создания сортов интенсивного типа в условиях Средней Азии». Т., 1991.

Бобир Аҳмеов.

СТЕГОЦЕФАЛЛАР, қопқоқбошлилар (Stegocephalia) — совутбошлилар синфи. — сувда ва қуруқликда яшовчи қадимги ҳайвонлар. С. қолдиғи юқори палеозой ва қуйи мезозой ётқизиқларидан топилган. Танасининг уз. 10 см дан 4 м гача. Калла суягининг қопқоғи яхлит қоплам ҳосил қилган. Танаси сиртида суякли қалқончалар бўлган. С. дарё, кўл, ўрмон ва ботқоқликларда яшаган. Баъзи С. ҳозирги *амфибия*ларга яқин туради. С.нинг кўп қисми лабиринтодонтларга киритилган.

СТЕЙНБЕК (Steinbeck) Жон Эрнст (1902.27.2, Салинас, Калифорния штати — 1968.20.12, Нью-Йорк) — америка ёзувчиси. Илк романи — «Олтин коса» (1929). «Тортил-Флэт кварталы» (1935) романи эпизодлардан иборат бўлиб, унда материализмнинг гуманизмга салбий таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилган. «Ва жанги бой берди-лар» (1936) романи ҳамда «Сичқонлар ва одамлар ҳақида» (1937) қиссаси б-н танилган. «Нафрат учқуни» (1939) романи америка адабиётининг мумтоз намуналн ҳисобланади. «Газаб шингилларн» (1939), «Консервалар растаси» (1945), «Алашган автобус» (1947), «Жаннатдан шарқда» (1954), «Хавотирли қиш» (1961) романи, «Американи излаш йўлида Чарли б-н саёҳат» (1962) очерклар китоби ва б. асарлар муаллифи. «Хайбатли тоғлар» ҳикоялар тўплами ўзбек тилига таржима қилинган (1963). Нобель мукофоти лауреати (1962).

СТЕЙНИЦ (Steinitz) Вильгельм (1836.14.5, Прага — 1900.12.8, Нью-Йорк) — шахмат бўйича 1-жаҳон чемпиони (1886—1894). 1862—83 йилларда Лондонда яшади. 1883 йдан — АҚШда. И.Цукерторт б-н матчда голиб чиқиб чемпион унвонини олган (1886). Бу унвонни М.И.*Чигорин* ва И.Гунсберг б-н бўлган матчларда (1890) сақлаб қолган. Лондон (1872), Вена (1873, 1882), Нью-Йорк (1894, 1897)даги халқаро турнирларнинг голиби. С. жаҳон биринчилиги учун бўлган матчда Э. *Ласкер*га ютқазди. Шахматда позицион ўйин назариясини ишлаб чиқди.

СТЕКЛОВ Владимир Андреевич (1863.28.12, Горький (ҳоз. Нижний Новгород) — 1926.30.5, Қрим; Санкт-Петербургда дафн этилган) — рус математиги. Петербург ФА акад. (1912) вице-президенти (1919—26). Н. А. *Добролюбов*нинг жияни.

Илмий ишларининг асосий қисми аниқ математик усулларни табиатшуносликка қўллашга, *математик физика*нинг чегаравий масалаларига бағишланган. Потенциаллар назариясига, *Гильберт фазоси* тушунчасига катта аҳамият берди. Соҳа чегарасида нолга айланувчи функциялар учун аниқ константал Пуанкаре тенгсизлиги типидаги функционал тенгсизлик киритди.

СТЕКОЛЬНИКОВ Борис Абрамович (1889, Саратов — 1974, Тошкент) — хирург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

фан ва техника арбоби (1963), тиббиёт фанлари д-ри (1941), проф. (1948). Саратов ун-тини тугатган (1915). Ўрта Осиё ун-тининг топографик анатомия ва оператив хирургия кафедрасида ординатор (1920–22), ассистент (1923–34), доцент (1935–41), кафедра мудири (1941–66). 1966 й.дан Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти хирургия клиникаси мудири. Илмий ишлари баъзи патологик жараёнларда кўкрак қафаси аъзоларининг жойидан кўчишига оид.

СТЕЛЛИТ (инг. stellite — фирманинг номидан, лот. stella — юлдуз) — асосини кобальт (Co) ташкил қиладиган қуйма қаттиқ қотишмалар гуруҳининг умумий номи. Таркибида хром (Cr, 27–33%), вольфрам (W, 13–17%), кремний (C, 1,8–2,5%) ва б. элементлар бўлади. Жуда қаттиқ, ейилишга чидамли ва коррозиябардош материал. Юқори т-раларда ҳам қаттиқлигини сақлайди. С. деталь ва асбоблар (мас., клапанлар эгарлари, газ турбиналари куракчалари, кимё аппаратлари ва б.)нинг иш сиртига суюқлантириб қоплаш учун ишлатилади.

СТЕМПКОВСКАЯ Елена Константиновна (1921, Минск вилоятидаги Мазуршчина қишлоғи — 1942.26.6, Белгород вилоятидаги Зимовенька қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкент педагогика ин-тида ўқиган. Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «1-Боёвут» қишлоғида яшаган. 1941 й.дан армияда. Радиотелеграфчилар курсини тамомлаган. 1942 й. янв.дан фронтда. 216-ўқчи полки ўқчи батальони (Жан.-Ғарбий фронт 21-армиянинг 76-ўқчи дивизияси) радисти, кичик сержант. 1942 й. 26 июнда Белгород вилояти Зимовенька қишлоғи ёнидаги жангда алоқани таъминлаган ва ўзи ҳалок бўлган (1946 й. 15 майда Қаҳрамон унвони берилган). Тошкентдаги 89-мактаб С. номи б-н аталган ва у ерда ёдгорлик ўрнатилган. Тошкент педагогика ун-ти биносида ёдгорлик лавҳаси бор.

СТЕНДАЛЬ (Stendhal) (тахаллуси; асл исм-шарифи Анри Мари Бейль) (1783.23.1, Гренобль — 1842.23.3, Париж) — француз ёзувчиси. Адвокат оиласида туғилган. 1799 й.да ҳарбий вазирлик хизматига кирган. Наполеон I армиясида хизматда бўлган (1806—14). Сўнг Италияга келиб, Ж. *Байрон* б-н танишган. Италиян романтикларининг «Conciliatore» («Яраштирувчи») жур. б-н ҳамкорлик қилган. 1815 й.дан бошлаб С.нинг дастлабки асарлари эълон қилина бошлаган. Бу асарлардаги республикачилик руҳи ва черков шаънига айтилган номуносиб сўзлар Австрия полициясида С.га нисбатан шубҳа уйғотади. Ҳаёти хавф остида қолган С. 1821 й.да Парижга қайтиб, мақолалар ёзади, романтизм ҳақидаги мунозараларга киришади ва публицистик рисолалар эълон қилади.

1830 й. Июль инқилобидан кейин С. аввал Триестда, сўнгра Рим яқинидаги бир шаҳарчада француз консули лавозимида хизмат қилади. С. ҳаётининг бу шаҳарчадаги сўнгги 10 йили қизғин ижод б-н кечади.

С. ижоди 18–19-а.ларнинг туташ нуқтасида бошланганига қарамай, у империя ҳалокатга учрагунига қадар ҳаваскор ёзувчи даражасидан юқори кўтарилмади. 1814 й.дан Тиклаш (Реставрация)нинг сўнгига қадар бўлган даврда С.нинг ижтимоий-фалсафий ва адабий-эстетик қарашлари узил-кесил шаклланди. У шу даврда «Гайдн, Моцарт ва Метастазио ҳаёти» (1817), «Италиядаги рангтасвир тарихи», «Рим, Неапль ва Флоренция» (1817), «Муҳаббат тўғрисида» (1822), «Россини ҳаёти» (1824), «Расин ва Шекспир» (1823–25), «Рим бўйлаб сайр» (1829) сингари публицистик, фалсафий-психологик, шунингдек, санъат ҳақидаги асарлари ва йўл хотираларини эълон қилди. У қарийб 30 й. давом этган изланишлардан кейин йирик бадиий асарлар ёзишга киришиб, «Арманс» (3 ж.ли, 1927), «Қизил ва қора» (1831), «Парма ибодатхонаси» (1939) романлари, «Ванина Ванини» (1829) ҳикояси, «Виттория Аккорамбони», «Ченчи» (1837), «Герцогиня Паллиано» (1838) ва «Кастролик аббатиса» (1839) сингари новеллаларини яратди. Бундан ташқари, С. шу даврда «Худбиннинг хотиралари» (1832) ва «Анри Брюлар ҳаёти» (1835) автобиографик қиссалари, «Люсьен Левен» (1834–36), «Ламьель» (1839–42) романлари, «Минна Ванғел» (1829–36) қиссаси ва б. асарларини ёзди.

Танқидий реализмнинг шахсга тарихийлик принципи асосида ёндашиш, воқеалар ва характерларнинг ҳаққонийлигига эришиш, хулқ-атворларни синчковлик б-н ўрганиш, онг-шуур ҳаракатини таҳлил этиш ҳақидаги талаблари С. реализмининг асосини ташкил этади. С. «Арманс» романида шу принципларга амал қилишга уринган бўлса-да, бу принциплар ёзувчининг шоҳ асари — «Қизил ва қора» романида ўзининг мукаммал ифодасини топган.

«Қизил ва қора» романи С.нинг юксак маҳорати б-н 19-а.нинг таҳлилий хроникаси даражасига кўтарилган. Асарда тасвирланган кишилар жамиятнинг турли табақаларига мансуб бўлиб, Франциянинг ҳаёти ва ахлоқини ёритади. С. Жюльен Сорель образи орқали француз жамиятининг ижтимоий табақалари ва бу жамиятда кечган курашни катта бадиий куч б-н кўрсатган. С.нинг тугалланмай қолган «Люсьен Левен» романида ҳам Июль монархиясининг дастлабки йилларидаги сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий ҳаётнинг кенг манзараси тасвирланган.

С. ижоди француз адабиётининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатди ва жаҳон миқёсида шуҳрат қозонди. С.нинг тасвирлаш маҳорати, жамият ҳаётини бадиий таҳлил қилиш санъати романдан романга ўсиб борди. С. адабиётшунослик, санъат тарихи, фалсафа ва психология масалаларига оид асарлар ҳам яратган. Унинг асосий асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Собрание сочинений, т. 1–15, М., 1959; Қизил ва қора, Т., 1956; Парма ибодатхонаси, Т., 1960.

Ад.: Сулейманова Ф. К., «Люсьен Левен» Стендаля, Т., 1962; Реизов Б. Г., Стендаль. Философия истории. Политика. Эстетика, Л., 1974.

Наим Каримов

СТЕНО ҚОНУНИ — *кристалларнинг* доимийлиги ҳақидаги қонун. 1669 й. даниялик табиатшунос Н. Стено томонидан аниқланган. Унга кўра, муайян т-ра ва босимда, бирор модда барча кристалларининг 2 қиррали бурчаклари, уларга мувофиқ бўлган кристалларнинг бурчаклари б-н (ўлчами ва қирраларининг шаклидан қатъи назар) бир хил бўлади. Стено табиий кристалларнинг кўп қиррали шаклларини кузатиш мобайнида, кўп қиррали кристалларнинг қирралари кристалл панжарадаги ясси атом тўрларига мувофиқ бўлади деб ҳисоблаган. У кварц, гематит, пирит ва олмос кристаллари ўсишининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ёзган. С. қ. кристалл моддаларнинг таснифи ва уларни аниқлаш (бурчакларни *гониометр* ёрдамида ўлчашга асосланган).

СТЕНОБИОНТЛАР (юн. stenos — тор ва bios — яшовчи) — ташқи шароит омиллари ёки омиллар гуруҳи ўзгармайдиган доимий муҳитда яшовчи организмлар. Ҳароратга нисбатан стенобионтлик стенотерм, шўрланишга нисбатан — стеногалин, гидростатик босимга нисбатан — стенобат дейилади. Стенобионтлик ҳамда тупроқнинг кимёвий таркибига нисбатан ҳам бўлади. Муайян омилни кам миқдорда талаб қиладиган ёки талаб қилмайдиган организмларга нисбатан омил номига

-фоб кўниб яшайдилар (мас., галофоб, кальциефоб ва б.). С.га фақат битта ҳаёт омили турлича даражалилик қилувчи ёки симбиоз яшовчи, океаннинг маълум чуқурлиги б-н боғланган, торда ва нам тропик ўрмонларда тарқалган организмлар киради. Бирданига бир неча омилларга нисбатан стенобионт организмлар ҳам бўлади. Мас., тоғ дарёларида яшайдиган балиқлар юқори ҳарорат ва кислород танқислигига, нам тропик ўрмонларда тарқалган ҳайвонлар ва ўсимликлар нам танқислиги ва паст ҳароратга нисбатан С. бўлади. Стенобионтлик турнинг тарқалишини чеклаб туради. С.га қарама-қарши жараён *эврибионт* дейилади.

СТЕНОГРАММА (юн. stenos — тор, сиқиқ, қисқа ва ...*грамма*) — оғзаки нутқ турлари (нутқ, бир маъруза, нутқ ва ш. к.)нинг *стенография* усулида сўзма-сўз ёзувидан иборат матн.

СТЕНОГРАФИЯ (юн. stenos — тор, сиқиқ, қисқа ва ...*графия*) — қисқартирилган тезкор ёзиш усули ва шундай ёзис; алоҳида қисқа белгиларнинг мавжудлиги, сўз унсур (қисм)ларини қисқартириш ёки ёзмай ташлаб кетиш, сўзлар ва сўз бирикмаларини қўшиб ёзиш С.нинг асосий белгиларидир. С. оғзаки нутқни синхрон (нутқ жараёнида) ёзиб олиш ҳамда ёзув техникасини такомиллаштиришга имкон беради. Стенографик ёзув тезлик бўйича оддий ёзувдан 4–7 марта устунроқдир. С. жуда қадимдан маълум бўлган (Юнонистонда мил. ав. 350 й.га мансуб С. белгилари ёзилган мармар тахтача топилган). Қад. Римда мил. ав. 1-а. да Цицероннинг қули Тирон римча С. тизимини кашф этган ва Тирон ноталари деб аталадиган бу тизим 11-а. гача қўлланиб келган.

«С.» термини 1602 й.да Англияда стенограф Ж. Уиллис томонидан қўлланган. С. белгилари дунё тиллари учун умумийдир. Фақат ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти ва ундаги ҳар бир фонеманинг оз ёки кўп учрашига қараб белги танланади. Ҳоз. С.да геометрал ва қия ёзув (курсив) тизимлари фарқланади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Англияда: геометрал С. Ж. Уиллис (1602) томонидан, қия ёзув С.си эса С. Бордли (1789) томонидан яратилган. Геометрал С. белгилари ҳар хил геометрик шаклларнинг бўлакларидан иборат бўлиб, амалда ёзиш учун ноқулай деб топилган. Қия ёзув С.сидаги белгилар оддий ёзув белгиларининг айрим унсурларидан иборат бўлиб, асосий хат чизиқ устида ёзилади ва хат текислиги яхши сақланади. Шу сабабдан қия ёзув тизими геометрал тизимдан афзалроқ ҳисобланади. Қисқартириш усулига кўра, С. тизимларининг 2 тури: морфологик ёки имловий (оддий ёзув имлосига амал қилган ҳолда сўзларни бошланғич ҳарфигача қисқартирилади) ва фонетик (қисқартириш мақсадида яхши эшитилмайдиган товушлар ёзувда тушириб қолдирилади) турлари фарқланади. Геометрал тизимлар қисқа сўзлар нисбатан кўпроқ бўлган тиллар (мас., инглиз, француз, испан тиллари) учун, қия ёзув тизимлари эса узунроқ сўзлар кўпроқ бўлган тиллар (мас., славян, скандинав ва немис тиллари) учун қўлланади.

Рус тили учун стенографик тизим 1860 й.да биринчи марта амалда қўлланган. Россияда Октябрь тўнтаришигача ҳам, ундан кейин ҳам бир қанча стенографик тизимлар ишлаб чиқилган. 1933 й.да СССР да Давлат ягона С. тизими (қия ёзув С.си асосида) жорий этилган. Бу тизим ўзбек тилига биринчи марта 1937 й.да қўлланган (1925–33 й.ларда ўзбек тилида рус тилидаги С. тизимидан фойдаланилган). Ўзбекистонда кўп йиллардан бери С.ни ўқитиш-ўргатиш бўйича курслар ҳамда стенографик хизмат идоралари фаолият кўрсатиб келмоқда. С. ривожига М. Мақсудов, М. Муродов, М. Раҳимова, А. Шораҳмедов ва б. катта ҳисса қўшганлар. Кейинги даврда аудио-видеотехниканинг ривожи ва ундан кенг фойдаланиш С.га ва стенографистларга бўлган эҳтиёжни бир қадар камайтирди.

Ад.: Муродов М., Стенография дарслиги, Т., 1952; Юрковский А. М., Стенография сквозь века, М., 1969.

Абдураззоқ Мадалиев

СТЕНОЗ (юн. stenos — тор, қисқа) — найсимон аъзолар (ҳиқилдоқ, трахея, бронхлар, қизилўнгач, ичаклар, артериялар ва б.), шунингдек, физиологик тешиклар (мас., юрак чап бўлмачаси ва қоринчаси орасидаги тешик)нинг торайиши. С. тугма ва ҳаётда орттирилган бўлади. Тугма С. ҳомила ривожланишидаги нуқсонлар (қизилўнгач ёки меъданинг чиқиш жойидан торайиши)дан иборат. Ҳаётда орттирилган С. органик ва функционал бўлади. Органик С. аъзолар деворидаги ўсмалар, яллиғланиш ёки шикастлан кейин чандиқлар пайдо бўлиши ҳисобига юзага келади. Функционал С.да аъзолар мускулларининг вақтинча торайиши, мас., буйракдаги тош силжиши натижасида сийдик йўлининг торайиши — спазм рўй беради.

С.да аъзоларнинг мускуллари гипертрофияга учраб, улар ичидаги ҳаракат (овқат, ҳаво, қоннинг юриши) қийинлашади, кейинчалик мускуллар тонуси пасаяди, аъзонинг С.га учраган жойидан юқориси кенгайиб кетади, торайган жойдан моддалар ўтиши қийинлашади. С.ни компенсацияли — аъзо ўтказувчанлиги қисман бузилган, лекин аъзо фаолияти ва инсон саломатлиги жиддий ўзгармаган; субкомпенсацияли — аъзонинг торайган жойидан модда ўтиши қийинлашиб, аъзо фаолияти бузилган; декомпенсацияли — аъзонинг торайган жойидан моддаларнинг мутлақ ўтмай қолиб, аъзо фаолиятининг бузилиши, шунинг ҳисобига организмда жиддий асоратлар юзага келиши (мас., меъданинг пилорик жойи декомпенсацияланган С.ида овқат мутлақо ўтмасдан, бемор организмида сув-туз мутаносиблигининг бузилиши) каби даражалари бор. С., асосан, хирургик усулда даволанади.

СТЕНОКАРДИЯ (юн. stenos — тор, қисқа ва kardia — юрак), юрак қисилиши — юрак ишемик касаллигининг кенг тарқалган шакли; кўкрак соҳасида тўсатдан пайдо бўладиган гижимловчи оғриқ С.нинг асосий белгисидир. С.да оғриқ тўш орқасида бўлиб, кўпинча тўш суягидан чапроқда — юрак соҳасида ҳам сезилиши мумкин. Тўсатдан тутган оғриқ бир неча мин.дан ярим соатгача давом этиб, чап қўлга, куракка, елка ва бўйинга, баъзан эса ўнг томонга, орқага, ўнг қўлга тарқалиши мумкин. Кўпинча оғриқ хуружи ўлим ваҳимаси б-н кечади.

С. хуружига *атеросклерозда* юрак тож томирларининг торайиши ва қисилиши (спазми) оқибатида юрак мускулларининг қон б-н етарли таъминланмаслиги сабаб бўлади. Бу аввал нисбий характерда бўлиб, фақат жисмоний машғулот пайтида (юрак мускулларининг озиқ моддалар ва кислородга эҳтиёжи ошганда) кузатилади. Зўриқиш С.си деб аталадиган бу ҳолатда оғриқ хуружи кўпинча тез юрганда, баландликка кўтарилганда юз беради ва, одатда, бемор ҳаракатдан тўхтаганда ўтиб кетади. Ҳаракат давом эттирилса, оғриқ қайта пайдо бўлиши мумкин ва бемор ҳар 100—200 қадамдан кейин тўхташга мажбур бўлади. Айрим ҳолларда зўриқиш С.си ҳаяжонланганда, шунингдек, чекканда, спиртли ичимликлар ичганда, тўйиб овқатланганда юз бериши мумкин. Кейинчалик касаллик зўрайиши натижасида оғриқ хуружлари организмнинг тинч ҳолатида (тинч ҳолатдаги С.) ҳам пайдо бўлади. Тинч ҳолатдаги С. кўпинча кечаси, одам ухлаб ётганда рўй беради. С. хуружи 1—2 мин. давом этиб, нитроглицерин шимилганда ўтиб кетади. Айрим ҳолларда С. нинг оғир хуружи ярим соатдан кўпроқ давом этиб, нитроглицерин фойда бермаслиги ва миокард инфаркти кузатилиши мумкин.

Кўкрак қафасининг чап томонида ги ҳар қандай оғриқ С.га хос бўлавермайди. Неврит, юрак нерв(?) тизимлари, умуртқа поғонасининг бўйин ва кўкрак бўлими касалликлари ва б.к. да ҳам С. сингари оғриқ бўлиши мумкин. Шунинг учун кўкрак соҳасидаги оғриқ б-н кечадиган касалликларни фақат врач текширгандан кейингина аниқлаш мумкин (?) керак.

С. хуружининг олдини олиш мақсадида жисмоний ҳаракат қилмаслик (мас., тез юрмаслик, баландликка кўтарилмаслик, ҳаяжонланишдан, руҳий зўриқишлардан қочиш ва б.), овқатни тўлиқ тирмаслик лозим. Бутунлай ётиб олмаслик ҳам керак, чунки жисмоний меҳнат қилиш, оғриқ бўлмаса, кўпроқ шуғулланиш мумкин. Даво физкультураси беморнинг умумий ҳолатини яхшилайди. Оиқатни оз миқдорда, лекин дам-бадам еб туриш керак (яна қ. *Юрак-томир системаси*).

СТЕНОФАГИЯ (юн. stenos — тор, ва ...*фагия*) — ҳайвонларнинг бир хил (монофагия) ёки бир неча хил озиқ турига (олигофагия) ихтисослашуви. С. муайян озиқ хилини топиш ва ҳазм қилиш учун зарур бўлган анатомик, физиологик ва биокимёвий мосламалар б-н боғлиқ. Мас., кавш қайтарувчи туёқли ҳайвонлар ошқозони 4 камерали, паразит тасмасимон чувалчангларда ичак бўлмайди. Гуҳумхўр илонларнинг ўткир қоziqтишлари ичак бўшлиғига чиқиб турган ютилган тухумнинг пўчоғини ёзишга ёрдам беради; сиртлонлар тиши суякни майдалашга мослашган. Монофаглар организмида ишлаб чиқариладиган махсус ферментлар кўпинча уларнинг бошқа ҳайвонлар ҳазм қилолмайдиган озиқ (мас., тери, жун, пат, мум ва б.) ни ҳазм қилишга ёрдам беради. Қийин ҳазм бўладиган органик моддалар ва энергия б-н озиқланиш ҳайвонларнинг экосистемалардаги моддалар ва энергия айланишидаги аҳамиятини оширади. С. турлари хилма-хил ва улар орасида озиққа нисбатан конкуренция кучли бўлган биогеоценозлар (тропик ўрмонлар)да кенг тарқалган. С.нинг акси — эврифагия кўп хил озиқ турига мосланишни англатади.

СТЕПАНОВ Александр Иванович (1903.21.10 — 1981.10.12) — Ўзбекистон халқ артисти (1950). 1924—45 й.лар Саратов, Архангельск, Хабаровск, Минск, Одесса театрларида ишлаган. 1946—58 й.лар Тошкентдаги М. Горький номидаги рус драма театрида актёр. «Серсавромад жойида Жадов, «Айбсиз айбдорлар»да Незнамов, «Ақлдан балодир»да Чацкий, «Макр ва муҳаббат»да Фердинанд, «Ҳамлет»да Лаэрт, «Сўнаклар»да Артур, «Гулкин ва узумчилар»(?) каби ролларида [illegible] «Уриэль Акоста»нинг Уриэль Акоста ролида [illegible].

СТЕРАДИАН (стерео... ва радиан) — фазовий бурчак ўлчов бирлиги. Учи шар марказида бўлиб, шар сиртидан шар радиусининг квадратига тенг юз ажратадиган фазовий бурчак С. сифатида қабул қилинган; ср деб белгиланади. Тўлиқ сфера шар сирти 4π га тенг. С.нинг уни ўлчов тизимидаги ўрни қўшимча бирлик $\frac{4\pi}{?}$ га тенг С. ни ташкил қилади.

СТЕРЕО... (юн. stereos — қаттиқ, ҳажмли, фазовий) — қўшма сўзлар бўлагини [illegible] қаттиқ, қаттиқ жисм маъносини (мас., *стереометрия*), 2) ҳажмдорлик, фазовий тасвирланишни ифодалашни (мас., *стереоскоп*, *стереограф*) билдиради.

СТЕРЕОГРАФ (стерео... ва ...граф) — аэрофотосуратлар бўйича топографик хариталари тузиш учун мўлжалланган универсал механик лойиҳалаш асбоби. С.да топография хариталари тузиш учун аэрофотосуратлар 3 та ва ундан ортиқ устида олинишини керак. С. координатомер, кареткалар, сурғичлар, қаламлар, коррекциялаш тузатиш киритувчи механизмлар ва лойиҳалаш элементларидан иборат. Аэрофотосуратлар ҳар доим горизонтал жойлаштирилади.



Стереограф схемаси: 1 — аэросуратлар; 2 — коррекция (тузатиш) текисликлари; 3 — сурғичлар; 4 — кареткалар; 5 — қаламлар; 6 — лойиҳалаш ричаглари; 7 — проекциялар маркази.

Координатометр каретка сурилганда лойиҳалаш ричаглари проекциялар марказлари атрофида айланиб, аэрофотосуратлар ва сурғичларни қия коррекциялаш текисликлари бўйича суради. Натижада қаламларнинг баландлик бўйича вазияти ўзгаради ва суратлар кўпинча равишда сурилади (қиялик бурчакларининг таъсири йўқолади). С. ёрдамида объектларнинг тасвири харитага туширилади.

СТЕРЕОКИМЁ (стерео... ва кимё) — кимёнинг молекулалардаги атом ёки атомлар гуруҳи (радикаллар)нинг фазовий жойлашишини ўрганадиган соҳаси. С. ривожланиб 19-а. охирларида Я.Г. *Вант-Гофф* [illegible] Бунинг асосида [illegible] тузилиш назарияси [illegible] Бундай асимметрик [illegible] изомерлар фарқланади [illegible] Мас., 2,2'-динитродифенил-6,6'-дикарбон кислота [illegible] изомерлари мавжуд:



I II

Органик молекулаларда жойлашган гуруҳлари бирикмаларда тақсимланиши [illegible] оптик изомерия ҳодисаси ҳам кенг учрайди. Изомериянинг бу турида молекулада асимметрик атом — тўртта бошқа-бошқа гуруҳ (атом ва радикаллар) б-н боғланган бўлади. Бундай бирикмалар, мас., сут кислота $CH_3CH(OH)COOH$, оптик фаол, яъни қутбланган нурнинг қутбланиш текислигини буриш хусусиятига эга ва шу сабабли 2 шаклда (оптик антиподлар) мавжуд бўла олади. Улардан бири қутбланиш текислигини ўнгга, иккинчиси эса чапга буради:



Оптик изомерияни ойнали кўзгу изомерия деб ҳам аталади, чунки фазовий изомерлар бир-бирининг кўзгудаги аксини эслатади. Асимметрик атом сифатида азот, олтингугурт, кремний, фосфор ва б. атомлар бўлган бирикмалардаги изомерия ҳодисаси ҳам ўрганилган. С. органик кимёдан ташқари анорганик *координацион бирикмаларни* ҳам ўрганади. Қаттиқ жисмлар назарияси ва кристаллар кимёсига ёндашиб, янги қарашлар ўтказади. С. полимерлар, дорилар моддалари ва б. фаол муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Потапов В. М., Стереохимия, М., 1988; Парпиев Н. А., Раҳимов Х. Р., Муфтахов А. Г., Умумий кимёнинг назарий асослари, Т., 2004.

Боттир Азимов(?).

СТЕРЕОСКОП (стерео... ва ...скоп) — жисмларни ҳажмий кўриш учун мўлжалланган оптик асбоб. Буюм тасвирлари [illegible] иккита [illegible] ҳажмий тасвир ҳосил қилинади. Стереоскопларда кўзгу, линза ва б. оптик деталлар қўлланилади. Икки кўз б-н бир вақтда S_1 ва S_2 нуқталарга қараб, тасвирлар ёрдамида тасвирлар бир-бирининг устига туширилса, стерео-эффект ҳосил бўлади, яъни ҳажмий тасвир олинади. Ҳажмий тасвирда



Ойна-линзали стереоскоп: а — умумий кўриниши; б — табиий стереомоделга ҳосил қилиш схемаси.

Кўпинча муҳандислик-геодезия масалалари, жумладан, харита чизиш, лойиҳалаш ишларини бажариш ва б. масалалар ечилади. Стереотасвирда ўлчаш ишлари ҳаракатланувчи маркали асбоблар ёрдамида бажарилади. Стереотасвирда нуқтанинг координаталарини аниқлаш учун махсус усуллар мавжуд. С.ларнинг компьютерлашган вариантлари ҳам бор.

СТЕРЕОТЕЛЕВИДЕНИЕ (стерео... ва *телевидение*) — томошабинда кузатилаётган тасвирлар чуқурлиги ва ҳажмдорлиги таассуротини пайдо қиладиган телевидение тизими. Чуқурлик ва ҳажмийлик таассуроти одамнинг кўриш бинокулярлиги (икки кўз б-н кўриш) хусусияти оқибати. С.да айнан бир объектнинг тасвири бир-биридан маълум масофада жойлашган икки камерадан туриб узатилади. Шунда объектнинг стереожуфтлигини ҳосил қилаётган икки тасвири шаклланади. Телевизор экранида бу тасвирлар томошабинга алоҳида-алоҳида таъсир қилади, яъни чап кўзга стереожуфтликнинг чап тасвири, ўнг кўзга ўнг тасвири кўринади. Оқ-қора ва рангли ҳажмий телевидениенинг бир неча системаси мавжуд. Булар телевизион кузатувчиларни узатиш учун ҳам (ёғли), амалий мақсадларда ҳам (тиббиёт) қўлланилади.

СТЕРЕОТИПИЯ (стерео... ва юн. typos — нусха — қолиб, тах, жуфт) ва бошқа нусха нашр этиш учун босмахона қолипи (стереотип) тайёрлаш ва ундан нусхалар босиш усули. Стереотип метал, пластмасса ёки резинадан тайёрланади. Матн шрифтлари ёки тасвир унинг сиртига бўртиб чиқиб туради. С.нинг қуйма, электротипик ва прессли усуллари бор.

С. иш унумдорлиги юқори бўлган ротацион машиналар учун қолиплар тайёрлашга, бир вақтнинг ўзида китоб, газ. ва б. турли жойларда босишга имкон беради. Стереотип матрицаларни сақлаб қўйиб, матбаа маҳсулотларини бир неча марта нашр қилиш мумкин. Ҳозир бу усул камроқ қўлланади.

СТЕРИЛИЗАЦИЯ (лот. sterilis — тоза, бепушт), стериллаш — 1) (тиббиёт ва биологияда) — турли моддалар, хирургия асбоблари, боғлов материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва б.ни микроорганизмлардан бутунлай тозалаш. Тиббиётда *асептика*нинг муҳим усулларидан. С. физик ва кимёвий усуллар ёрдамида амалга оширилади. Физик усулларга термик (иссиқлик) ва нур б-н С. қилиш киради. Кимёвий С. совуқ С. деб ҳам юритилади, бунда сунъий материаллар ёки иссиқликка чидамсиз асбоблар микробларни ўлдириш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар ёрдамида С. қилинади.

Иссиқ С. сув буғи ва қуруқ иссиқ ёрдамида амалга оширилади. Сув буғи б-н С. қилиш автоклавларда 110 дан 140° гача ҳароратда 2—4 атм босим остида ўтказилади. Боғлов материаллари, матолар, жарроҳлик асбоблари, суюқликлар, суюқ дорилар, резина буюмлар сув буғи ёрдамида С. қилинади.

Қуруқ иссиқ С. махсус қуритиш шкафларда 160—200° қуруқ иссиқ ҳаво ёрдамида бажарилади. Бу усул шиша, чинни ва метал асбобларни С. қилишда қўлланади. Нур б-н С. қилиш ионловчи нурлар ёрдамида бажарилади. Амалиётда β ва γ нурларидан фойдаланилади, бунда нурланиш дозаси 25000 грейдан кам бўлмаслиги лозим.

Кимёвий С.да этилен оксид гази, спирт, формалин буғларидан фойдаланилади. Оптик асбоблар, фибро толали асбоблар, сунъий материаллар, жарроҳлик ипларини, махсус жарроҳлик асбоблари (скалпеллар) кимёвий усулда С. қилинади.

2) озиқ-овқат саноатида — консервалаш усули, микроорганизмлар ва уларнинг спораларини йўқотиш, шунингдек, узоқ муддат сақланадиган озиқ-овқат маҳсулотларида ферментлар таъсирини тўхтатишдан иборат. Иссиқ ва совуқ С. бор. Иссиқ С. махсус мосламалар — стерилизаторлар (мас., автоклавларда) маҳсулотларни 100—120° гача қиздириш йўли б-н, совуқ С. маҳсулотларга, мас., радиоактив моддаларнинг ионловчи нурларини таъсир эттириш орқали бажарилади. С. консервалар и. ч.да қўлланади.

СТЕРИНЛАР, стероллар — стероидлар синфига мансуб циклик спиртлар. Кўпчилик С. — оптик фаол кристалл моддалар, улар органик эритувчиларда эрийди, сувда эримайди. Микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвонлардаги С.нинг умумий ўтмишдоши сквален углеводородидир, у циклланиб ланостерин ($C_{30}H_{50}O$)га ёки унинг изомери циклоартенолга айланади, кейинчалик булардан таркибида 27—29 углерод атоми бўлган турлича С. ҳосил бўлади. Ҳайвон С.нинг энг муҳими — *холестерин*; замбуруғларда, жумладан, хамиртурушда кўплаб учрайдиган — эргостерин, ўсимликлардаги кўпчилик С. турлари (фитостеринлар) ичида энг кўп учрайдиган β-ситостерин ва стигмастеринлар. С. юқори тузилган ҳайвонларнинг нерв тўқималари, жигари, сперма тўқималарида бўлади; улар юқори ёғ кислоталари б-н мураккаб эфирлар ҳосил қилади. С. ўсимликларда эркин ҳолда ёки ёғ кислоталари б-н (стеридлар), углеводлар б-н (фитостеролинлар) ёхуд иккаласи б-н бириккан ҳолда бўлади.

С. табиий *липидлардан* ишқорий совунлаб олинади. Стероид С. сирка кислотадан биосинтетлаб ҳосил қилинади. асосан, гормонал препаратларни синтезлашда хом ашё сифатида қўлланади.

СТЕРЛИТОМОҚ — Бошқирдистон Республикасидаги шаҳар (1782 й.дан). Оқ Идилнинг чап соҳилидаги пристань. Т.й. станцияси. Аҳолиси 264,6 минг киши (1998). С. 1766 й.да тузилган(?) қишлоқ сифатида вужудга келган. 1919—22 й.ларда Бошқирдистон Мухтор Республикасининг пойтахти бўлиб турган.

Кимё, машинасозлик, озиқ-овқат, ёғочсозлик ва б. саноат корхоналари бор. «Каустик», «Сода» и.ч. бирлашмалари, станоксозлик, қурилиш машиналари, механика з-длари, тикувчилик, пойабзал, кўнчилик ф-калари ишлаб турибди. Пед. ин-ти, Уфа нефть ин-тининг умумтехника ф-ти, драма театри, тарихий-ўлкашунослик музейи бор.

СТЕРЛЯДЬ (Acipenser ruthenus) — осётрсимонлар оиласига мансуб балиқ. Уз. 65—125 см, вазни 1,5 дан 16 кг гача. Каспий, Болтиқ, Оқ, Баренц ва Қора денгиз ҳавзасидаги дарёларда тарқалган. Эркаги 3—7 ж.да, урғочиси 5—12

Стерлядь

ж.да жинсий етилади. 1—2 ж.да бир марта, баҳорда 4 минглан 137 мингтагача увилдириқ ташлайди. Қишда чуқурчаларга кириб олади. Умуртқасизлар, уларнинг личинкалари ва б. ҳайвонлар б-н озиқланади. Ҳовуз ва кўлларда кўпайтирилади. Овланади.

СТЕРОИДЛАР — кимёвий табиатига кўра *изопреноидлар*га мансуб органик бирикмалар синфи. С. тирик табиатда кенг тарқалган, микроорганизм, ўсимлик ва ҳайвонларда кўплаб учрайди. Барча С. стеран углеводородларининг ҳосилаларидир, биогенетик жиҳатдан эса сквалендан ҳосил бўлади. С. — оптик фаол кристалл моддалар, органик моддаларда сувга қараганда яхши эрийди. Табиий С. қуйилаги синфларга бўлинади: *стеринлар*, ўтсафро кислоталари, стериод *гормонлар* (андроген гормонлар, *андрогенлар*, кортикостероидлар, эстроген гормонлар), юрак-фаол стероидлари, юрак гликозидлари, буфогенинлар, стероид сапогенинлар (сапонинлар) ва стероид алкалоидлар. Табиий С.дан ташқари, кўп сонли «синтетик С.» ҳам олинган. С. тиббиётда кўплаб ишлатилади, кимёда аҳамияти муҳим.

СТЕФАН-БОЛЬЦМАН ДОИМИЙСИ (α) — *мутлақ қора жисм* энергиявий ёритувчанлигини ифодаловчи қонун таркибига кирган асосий физик доимий. σ б-н белгиланади. $\sigma = 5{,}67032 \cdot 10^{-8}$ Вт/(м$^2 \cdot$К^4) (қ. *Стефан-Больцман нурланиш қонуни*).

СТЕФАН-БОЛЬЦМАН НУРЛАНИШ ҚОНУНИ — мувозанатли нурланаётган *мутлақ қора жисм*нинг вақт бирлиги давомида юза бирлигидан нурланаётган электромагнит тўлқинлар; бу тўлқинларнинг йиғинди энергияси мутлақ т-ра T нинг тўртинчи даражасига пропорционал эканлигини ифодалайдиган қонун:

$$E_j = \int_0^{\nu} \varepsilon_{\nu,j}\, d\nu = \sigma T^4,$$

бунда $\varepsilon_{\nu,j}$ — мутлақ қора жисмнинг нур чиқариш қобилияти, ν — нурланаётган тўлқин частотаси, σ — *Стефан-Больцман доимийси*. Бу қонунни австриялик физик И. Стефан (1835—93) тажрибалар асосида 1879 ж.да исталган жисм учун таърифлаган. 1884 ж.да Л. *Больцман* назарий жиҳатдан бу қонун фақат мутлақ қора жисм учун тўлқ тўғри эканлигини кўрсатган. Кейинги аниқ ўлчашлар С.—Б.н.қ.нинг тўла бажарилишини ва $\sigma = 5{,}67032 \cdot 10^{-8}$ Вт/(м^{2}К^4) эканлигини тасдиқлайди. С.-Б.н.қ. *Планк нурланиш қонунининг* натижаси сифатида келтириб чиқарилган. С.-Б.н.қ. юқори т-рани ўлчашда қўлланилади.

СТЕФАНОПУЛОС Константинос (1926, Патрас ш.) — Греция давлат арбоби, Афина ун-тининг юридик ф-тини тугатган. Адвокатлик б-н шуғулланган (1954—74), миллий бирлик ҳукуматида савдо бўйича давлат котиби (1974), Греция ички ишлар вазири (1974—76), ижтимоий таъминот вазири (1976—77), Греция Бош вазири ҳузурида маслаҳатчи (1977—81). 1964, 1974, 1981 ж.ларда турли партиялардан мамлакат парламенти депутати этиб сайланган. Тикланиш демократик партияси асосчиси (1985), шу партиядан Афина сайлов округи бўйича депутат (1989—94). 1995 ж. 8 мартдан Греция Республикаси президенти. 2001 ж. март ойида расмий ташриф б-н Ўзбекистонда бўлган.

СТЕФЕНСОН, Стивенсон (Stephenson) Жорж (1781.9.6, Уайлем, Нортамберленд — 1848.12.8, Тэнтон-Хаус, Честерфилд) — инглиз конструктори ва ихтирочиси. Паровозлар қуриш б-н шуғулланган. 1814 ж. ёрдамчилари Р. Тревитик ва Ж. Стила б-н биринчи паровоз «Блюхер»ни яратди, 1829 ж. мукаммалроқ «Ракета» паровозини ясади. 1823 ж. Англия (Ньюкасл) да биринчи паровозсозлик з-лига асос солди. У биринчи т. ж. линияси (Стоктон—Дарлингтон) қурилишига бошчилик қилди. Дунёда биринчи бўлиб т. ж. техникасига доир масалалар: т. ж. кўприклари ва б. суньий иншоотлар қуриш, тош таянчлар устига темир рельслар ўрнатиш ва б. масалаларни ҳал қилган.

СТЕХИОМЕТРИЯ (юн. stoicheion — асос, элемент ва ... *метрия*) — кимёнинг реакцияга киришувчи моддаларнинг миқдорий нисбат қонунларини, кимёвий формулалар ва кимёвий реакциялар тенгламасини келтириб чиқариш б-н шуғулланувчи бўлими. *Авогадро қонуни, Гей-Люссак қонунлари, таркибнинг доимийлик қонуни, массанинг сақланиш қонуни, каррали нисбатлар қонуни* С.нинг асосини ташкил этади. Стехиометрик ҳисоблашлар кимёвий технология ва металлургияда кенг қўлланади.

СТИВЕНСОН (Stevenson) Теофило (1952.23.3) — кубалик спортчи, бокс бўйича огир вазида Олимпиада ўнинлари (1972, 1976, 1980) ва жаҳон (1974, 1978, 1986) чемпиони. Олимпиада мусобақаларида энг яхши жанг маҳорати ва усулини намоиш этганлиги учун Халқаро ҳавасқор боксчилар уюшмаси (АІВА) нинг В.з. Баркер кубоги б-н тақдирланган.

СТИГЛЕР (Stigler) Жорж Жозеф (1911—1991, Рентон ш., АҚШ) — американлик иқтисодчи. Вашингтон штати ун-тини тугатган (1931), Чикаго ун-ти д-ри (1938). С. биринчилардан бўлиб формал микроиқтисодий назарияларда саноат ташкилотлари тўғрисидаги билимларни кенг қўллаш ғоясини илгари сурди. Реал бозор жараенларини баҳолашда рақобат ва монополиянинг классик моделларини қўлланади. С. меҳнат тақсимоти, саноат тузилмалари, бозорлар фаолияти, иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг сабаб ва оқибатлари муаммоларини чуқур таҳлиқ этган. С. иқтисодий тафаккур тарихи соҳасида ҳам таниқли олим. У Д. *Рикардо*дан АҚШнинг машҳур иқтисодчиси ва жамоат арбоби Ж. К. Гэлбрейттача бўлган иқтисодчи олимларнинг тоялларини таҳлил этган ва унинг бу таҳлиқоти барча мутахассислар томонидан юқори баҳоланади. Нобель мукофоти лауреати (1982).

СТИГЛИЦ (Stiglitz) Жозеф (1943.9.2, Гари ш., АҚШ) — американлик иқтисодчи. 1967 ж.да Массачусетс технология ин-тида д-рлик даражасини олган. Йель, Гарвард ва Стенфорд ун-тларида дарс берган. АҚШ президенти Б.Клинтоннинг иқтисодий маслаҳатчилари кенгаши аъзоси (1993—1997). 1997—2000 ж. Жаҳон банки вице-президенти ва бош иқтисодчиси. 2001 ж.дан Нью-Йорк ш.даги Колумбия ун-ти проф. С. ассиметрик ахборотларга асосланган бозор назариясини асослаб берди. Мукаммал ахборотга эга бўлишнинг иқтисодий самарасини исботлади. Нобель мукофоти лауреати (2001; Ж. Акерлоф ва М. *Спенс* б-н бирга).

СТИЛИСТИКА (юн. stylos — ёзув, хат таёқчаси), услубшунослик, услубият — тилшуносликнинг тил услубларини тадқиқ этувчи, тилнинг лексик-фразеологик, фонетик, морфологик, сўз ясалиши ва синтактик сатҳларда *синхрония ва диахрония* нуқтаи назаридан функционал қатламланишининг моҳияти ва ўзига хосликларини ўрганувчи, адабий тилни турли лисоний вазиятларда, ёзма адабиётнинг хилма-хил тур ва жанрларида, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида

қўллаш меъёрлари ва усулларини тавсифловчи тармоги. С.да параллел синонимик тил ифодаларидаги маъновий ва экспрессив нозикликлар, лисоний бирликларнинг ўзаро муносабатдош вариантлари ўрганилади. Бундай вариантларда улар орасидан муайян нутқий вазият учун зарур бўлганини танлаб олиш имконияти мавжуд бўлади.

Замонавий С. турли лингвистик йўналишлар ва мактабларда турлича тушунилади, шу б-н бирга ҳар бир нуқтаи назар, С.нинг асосий ўрганиш мавзуи бўлмиш услубнинг серқирралиги сабабли, ўз объектив асосига эга. С. тил меъёр (нормалари б-н узвий боғлиқдир. С. ўз навбатида функционал С., лисоний бирликлар С.си, матн С.си, бадиий адабиёт (бадиий нутқ) С. си, амалий С., қиёсий С., тарихий С. каби турларга бўлинади.

Функционал С. адабий тилнинг ўз тарихан шаклланган кўринишлари (функционал-услубий бирликлари) асосида табақаланишини, яъни услублар тизимини, бу тизимнинг ички структуравий шаклланиш қонуниятларини ўрганади ва тавсифлайди. Функционал С. назарий тадқиқот мавзуи сифатидаги адабий тилнинг асосий функционал-услубий бирликларини типологик таснифлаш ва ажратишнинг умумий принципларини ишлаб чиқади.

Лисоний бирликлар С.си адабий тилда одатдаги нутқий вазиятларда, турли маъновий ва экспрессив мазмундаги матиларда барча сатҳлар бирликларининг мавжуд тил меъёрлари нуқтаи назаридан амал қилиши (қўлланиши)ни ўрганади. Бунда лисоний бирликларнинг вариантлари (вариантдор шакллар, параллел тузилмалар, лугавий ва синтактик синонимлар)нинг услубий бўёғини чоғиштириш муҳим аҳамиятга эга. Лисоний бирликлар С.си бир томондан функционал С. б-н бевосита боғлиқ бўлса, иккинчи томондан матн С. сига жуда яқин туради.

Бадиий адабиёт (бадиий нутқ) С. си тилнинг адабиётда қандай қилиб санъат ҳодисасига айланганини текширади, унинг бадиий қўлланиши, унда эстетик ва коммуникатив вазифаларнинг бирга қўшилиши усулларини аниқлайди. Бадиий асар С. си фақат ёзувчининг тилдан фойдаланишдаги ўзига хослигини, асар тилининг хусусиятларини тадқиқ этиш б-н чегараланади. Услубнинг муҳим унсури бўлган тилнинг асардаги вазифасини аниқлашга ёрдам беради, аммо асар тилининг барча хусусиятларини ўрганиш унинг мавзунга кирмайди. Кўпинча бир масалани С. ҳам, адабиётшунослик ҳам ўрганади. Бадиий нутқ С.си тил материалининг аниқ бир бадиий тизимдаги эстетик вазифасини аниқлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун бадиий адабиёт С.сида энг муҳим тадқиқот мавзуи ёзувчи ва муайян бадиий асар тилидан иборат бўлади, яъни индивидуал услуб муаммоси биринчи ўринга қўйилади. Аниқ бир асар тилини таҳлил қилиш орқали умумлашма хулосалар чиқарилади, бир қанча асарларга, ёзувчилар ижодига хос хусусиятлар аниқланади (мас., Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шуҳрат ижодларининг ўзига хос услубий хусусиятлари). Натижада бадиий нутқнинг бир қанча қонуниятлари, типологик принциплари ишлаб чиқилади.

Қиёсий С. — турли тиллардаги услубий ҳодисаларни қиёслаб ўрганиш. Қиёсий С. таржима назарияси б-н узвий алоқадордир. Тарихий С. тилнинг турли тарихий даврларда қўлланишини тадқиқ этади. У нафақат муайян тил услубий меъёрларининг ўзгариб туришини, балки адабий тил тузилишининг шаклланиш ва ривожланиш йўлларини, адабий тил б-н бадиий нутқнинг ўзаро муносабатлари тарихини ҳам ўрганади. Амалий С. нутқ маданияти талабларига мувофиқ келувчи услубий тавсияларни қамраб олувчи амалий соҳа ҳисобланади.

С.нинг фан сифатида шаклланиши, ривожланиши ва ўрганилиши Ғарбда антик даврларга, Шарқда эса ўрта асрларга тўғри келади. С. Шарқ мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистонда, гарчи ҳозиргидай алоҳида соҳа сифатида бўлмаса ҳам, лекин тилшунослик (грамматика, луғат), адабиётшунослик (илмий бадеъ, истиора, тафсир), шунингдек, илми иншо, воизлик, нотиқлик санъати каби фанлар таркибида ўргатиб келинган. Ўтган асрда Ўзбекистонда С., айниқса умумий-функционал С. ва бадиий адабиёт С.си мустақил фан тармоги сифатида шакллана ва ривожлана бошлади. Бунда Фитрат, Чўлпон, Ойбек, П. Қодиров каби ёзувчиларнинг, М. Қўшжонов, Қ. Самадов, И. Қўчқортоев, А. Шомақсудов сингари олимларнинг ҳиссалари катта.

Ад.: Винокур Г. О., Избранные работы по русскому языку, М., 1959; Виноградов В. В., Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика, М., 1963; Ефимов А. И., Стилистика русского языка, М., 1969; Ўзбек тили стилистикаси, Т., 1983.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

СТИЛЬБ (лот. stilbo — ярқирайман, порлайман) — СГС бирликлар тизимида равшанлик бирлиги; қисқача сб б-н белгиланади. 1сб=10^4кд/м^2 = $3{,}14 \cdot 10^4$ апостильб = 3,14 ламберт.

СТИПЕНДИЯ (лот. stipendium — ҳақ, маош) — олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқийдиган талабалар, и.ч.дан ажралган ҳолда и.т. иши олиб борувчи аспирант, докторант ва малака ошириш курслари тингловчиларига ҳар ойда мунтазам бериб туриладиган пул нафақаси. Ўзбекистонда С. давлат бюджетидан тўлаб борилади. Янги қабул қилинган талабаларга кириш тест саволлари бўйича олган баллари натижаларига қараб С. берилади. Олий ўқув юрти талабаларига ўқитилаётган ўқув фанларини ўзлаштириш даражасига қараб С. миқдори белгиланади. Талабаларга С. миқдорини белгилашнинг табақалаштирилган шаклига амал қилинади ва талабанинг сессия якуни бўйича тўплаган умумий рейтинг бали унга асос қилиб олинади. Бакалавр, магистр ва аспирантлар учун давлат С.ларининг турли шакллари жорий этилган. Уларнинг энг юқориси Ўзбекистон Республикаси Президенти С.сидир, 10 йўналиш бўйича бакалавр (1993 ж.дан), магистр (2002 ж.дан) ва 5 йўналиш бўйича аспирант (1993 ж.дан)ларга берилади. Шунингдек, ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари бакалаврлари учун муайян йўналишлар бўйича Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний, Ибн Сино номидаги давлат С.лари таъсис этилган. Мазкур С.лар олий ўқув юртларида аъло ўқийдиган, жамоат ишларида фаол иштирок этадиган, и.т. ишлари б-н шуғулланадиган ва белгиланган махсус имтиҳонларни муваффақиятли топширган юқори курс бакалаврларига берилади. Айрим ин-т ва ун-тларнинг турли номдаги (мас., Замахшарий, Беҳзод номидаги) С.лари, жамғармалар (мас., Амир Темур, Соғлом авлод учун жамғармалари)нинг С.лари ҳам мавжуд. Турли мулк шаклларига асосланган корхона, фирма, қ.х. ширкатлари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари томонидан олий ўқув юртларига юборилган талабалар, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ана шу корхона, фирма, ширкат, ташкилотларнинг ўзлари шартномада белгиланган миқдорда С. тўлайдилар.

Аспирант ва докторантлар С.сининг миқдори олий ўқув юртлари, и.т. институтларининг категориялари ҳамда уларнинг аспирантура ва докторантурага кириш арафасидаги маошига қараб белгиланади. 2001 ж.гача касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига ҳам С. берилган.

Асқарали Сулаймонов.

СТИРЛИНГ ДВИГАТЕЛИ, ташқи ёнув двигатели — ташқаридан келтириладиган иссиқлик энергияси-



Ташқи ёнув двигателининг схемаси: *1* – қизиган бўшлиқ; *2* – қиздиргич; *3* – қисувчи поршень; *4* – регенератор; *5* – совиткич; *6* – совуқ бўшлиқ; *7* – иш поршени; *8* – ташқи ичланич; *9* – тишли педаираклар; *10* – ромбсимон механизм.

ни фойдали механик ишга айлантирадиган двигатель. Ишлаш ихтиросчиси Р. Стирлинг 1816 й. яратган. У қиздирилган ҳаво б-н ишлайди. С.д.да иш жисми сифатида газ (гелий ёки водород) дан фойдаланилади. Газнинг босими 10 — 20 МПа. Газ берк фазода бўлиб, двигатель ишлаши пайтида алмашинмайди, балки қизиши ва совиши натижасида фақат ҳажми ўзгаради. Регенератор бу фазони юқори ва пастки бўшлиққа бўлади. Юқори бўшлиққа қиздиргичдан иссиқлик келади, пасткисидан совитувчи сув б-н чиқариб юборилади. С.д. цилиндрида 2 та *поршень* (бири иш, иккинчиси ҳайдаш) бўлади. Двигателда иш цикли 4 тактда (сиқиш, қиздириш, иш йўли ва совитиш) бажарилади. С.д. юк автомобиллари ва кемаларида ишлатилади.

СТИРЛИНГ ФОРМУЛАСИ — 1 дан n гача бутун сонлар кўпайтмаси 1·2·3... $n=n!$ (n факториал) учун тақрибий формула:

$$n! \approx \sqrt{2\pi n}\left(\frac{n}{e}\right)^n$$

(бунда π=3,14159..., e=2,71828... натурал логарифм асоси). Бу формулани биринчи марта 1730 й. шотландиялик математик Ж. Стирлинг (1690—1770) эълон қилган. С.ф.нинг нисбий хатоси n ўсиши б-н нолга интилади ва n=10 дан бошлаб 1% дан ортмайди. С.ф. асосан *эҳтимоллар назарияси* ва сонлар назариясида қўлланади.

СТИРОЛ (фенилэтилен, винилбензол, этинилбензол, цинна мен), $C_6H_5CH=CH_2$ — ароматик углеводород, ўзига хос ҳидли рангсиз суюқлик. Мол. м. 104,14. Суюқланиш т-раси —30,628°, қайнаш т-раси 145,2°, зичлиги 906 кг/м³ (20° да). Метанол, этанол, ацетон, эфирлар, углеводородлар, сирка кислотада эрийди, сувда эримайди. Ўзи ҳам кўпчилик органик моддаларни яхши эритади. Ўсимлик смоласи (стиракс)да, натурал газ ва б. углеводород газлари пиролиз маҳсулотларида, нефть маҳсулотларини крекинглаш ва пиролизлаш маҳсулотларида, тошкўмир ва қўнғир кўмир смолаларида, сланец мойида ва ҳ.к.да бўлади. С. кимёвий реакцияларга шиддатли киришади, полимерланади. С. асосан, полистирол, шунингдек, турли сополимерлар, мас., бутадиен-стирол каучуклар, полиэфир смолалар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Бундан ташқари С. *фенолформальдегид смолаларини* модификациялаш учун ҳам ишлатилади.

С.нинг буғлари шиллиқ пардаларга таъсир этади, унинг ҳавода рухсат этилган концентрацияси 5 мг/м³. С. саноатда, асосан, 500—630 °С да сув буғи оқимида этилбензолни каталитик дегидрогенлаб олинади.

СТИХИЯ (юн. stoicheion — дастлабки нарса, ибтидо, элемент) — 1) қад. натурфалсафада — табиатнинг асосини элементлари (мас., қад. ҳинд фалсафасида — сув, олов, дарахт, металл, ер; юнон фалсафасида — ер, сув, ҳаво, олов, кейинроқ эфир ва ҳ.к.); 2) табиатда рўй берадиган, киши қаршилик кўрсата олмайдиган ҳодиса, кучли табиий офат (ёнғин, тошқин, шамол, тўфон ва ҳ.к.).

СТОИЦИЗМ (юн. Stoa — пешайвон, юнон фалсафаси мактаби тарафдорлари йиғилиши ўтказиладиган жой) — юнон фалсафасидаги оқимлардан бири. С. тарихи 3 даврга бўлинади: қад. Стоя (мил. ав. 3—2-а.лар; асосчилари — китионлик *Зенон*, Хрисипп, Клеанф); ўрта Стоя (мил. ав. 2—1-а.лар; намоёндалари — Панэтий, Посидоний); кейинги Стоя (мил. 1—2-а.лар; намоёндалари — Сенека, Эпиктет, император Марк Аврелий ва б.). С. вакиллари биринчи бўлиб фалсафани физика, этика ва мантиққа бўлди. Стоиклар физикага *Гераклит*нинг абадий алангаланувчи ҳамда сўнувчи олов ҳақидаги таълимотини қайта тиклади. Уларнинг фикрича, мантиқ илми тушунча ва муҳокама сўзларини тўғри тузиш ва қўллашга ўргатиши лозим. Гносеологияда стоиклар *сенсуализм* мавқеида турдилар. Этикада бурч тушунчасини илгари сурдилар, табиатга мос келадиган ҳаёт-нигохини ҳаммага тавсия этдилар. Уларнинг фикрича, инсон ер юзини ер шарининг таркибий қисми деган, унинг ҳаёти тақдир сўзсиз ҳукмини қондириш деганидан. Тақдирга тан бермаслик беҳудадир. Инсоннинг ҳақиқий бахти руҳини ҳотиржамлигида, ҳурфикрлардан иборатдир. Бундан фазилатлар кишига ҳаётий ҳаракатлари оқибатида эмас, балки *ҳаракатнинг ўзи* — ақлга мувофиқ, мезон ва жавҳардир. Бу ҳарбий-деспотик ҳолатлар стоицизм ёстиғини қитиқлаганди. С.да ақл ва одоб қоидаларига мослаштирилган ҳаётнинг имконини ўлимни ихтиёр этиш оқланади. С. *материализм* ва *христианлик* ғояларига таъсир кўрсатган.

СТОКГОЛЬМ — Швеция пойтахти. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази. Меларен кўлини Болтиқ денгизининг Сальтшён кўтини б-н боғловчи даре бўйида ва қирғоққа ёндош ороллар жойлашган. Иқлими мўътадил океан иқлими, қиши нисбатан юмшоқ (январнинг ўртача т-раси — 3 °С гача), ёзи салқин (июлнинг ўртача т-раси 18 °С), серёмғир ва кучли шамоллар бўлади. Йиллик ёғин 600 мм чамасида. Атрофидаги кичикроқ шаҳарлар б-н бирлашиб, Катта С. агломерациясини ташкил қилади. Аҳолиси 751,2 минг киши (2000). Қадимда (мил. ав. 1-а.да) С. ўрнида қишлоқ бўлган. С. ҳақидаги илк маълумотлар 1252 йил оид манбаларда учрайди. 13-а. ўрталарида шаҳар ҳуқуқини олган, 14-а.дан Швециянинг бош шаҳри. Ўрта асрларда С. ҳунармандчилик маркази, муҳим савдо порти бўлган. 1900-й.лардан саноати жадал ривожланди, хусусий банклар ташкил қилинди. Шаҳар т.и. орқали Гётеборг, Мальмё ва б. шаҳарлар б-н боғланди. С.да халқаро конгресс, конференция ва музокаралар ўтказилади. Катта С. мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 10%ни беради. Саноатининг асосий тармоқлари — машинасозлик ва металлсозлик. Машинасозлик, асосан, электротехника ва радиоэлектроника соҳаларига ихтисослашган. Шунингдек, озиқ-овқат саноати учун ускуналар, компрессорлар, транспорт машиналари ишлаб чиқарилади. Полиграфия саноати ривожланган. Енгил, озиқ-овқат, фармацевтика ва кимё саноати корхоналари бор. С.да йирик банклар, саноат компанияларининг бошқарув органлари жойлашган. С. порти юк ортиб-тушириш бўйича мамлакатда 4-ўринда. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Метрополитен қурилган (1973).

Шаҳарнинг тарихий маркази — Эски шаҳар ўрта аср кўринишини қисман сақлаб қолган. Шаҳарнинг савдо-маъмурий ва маданий маркази — Нормальмда рикслаг биноси, банк ва концернлар бошқарув органлари, ун-т биноси, опера театри, марказий вокзал ва б. жойлашган.

Меъморий ёдгорликлардан ўрта асрларда қурилган Сторчюрка ва Ридларда қурилган Сторчюрка роман-готика черковлари, Дротнингхольм ва Қирол саройлари, ратуша ва б. сақланган.

С. — мамлакатнинг маданий ва илмий маркази. Шаҳарда ун-т, олий техника мактаби, тиббиёт ин-ти, мусиқа ва б. санъат мактаблари, Швеция ФА, Қироллик адабиёт, тарих ва осори атиқалар академияси, Қ.х. академияси, Стокгольм шаҳри кўриниши.

саҳхона, миллий, замонавий санъат, этнография, табиий-тарих, денгиз, очиқ осмон остидаги ва б. музейлар, кутубхоналар бор. С.да 25 дан ортиқ театр, цирк академияси фаолият кўрсатади. 1912 й.да С.да 5-Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

СТОКГОЛЬМ УНИВЕРСИТЕТИ — Швециядаги энг йирик ун-т. 1877 й. ташкил этилган. 1960 й.дан ун-т мажлиси эга. Ҳуқуқшунослик, тарих, фалсафа, лингвистика, ижтимоий фанлар, физика, мат., кимё, биол., геогр. бўйича мутахассислар тайёрлайди. 26 мингга яқин талаба таълим олади. Кутубхоналарида 700 мингдан ортиқ асар сақланади.

СТОК-ОН-ТРЕНТ — Буюк Британиянинг марказий қисмидаги шаҳар, Стаффордшир графлигида, Трент дарёси бўйида. Аҳолиси 254,2 минг киши (1990-йлар охири). Транспорт йўллари тугуни. Дарё порти. Англиянинг қадимдан «кулолчилик округи»нинг йирик маркази бўлиб, шаҳар ва унинг атрофидаги корхоналарда мамлакатда ишлаб чиқариладиган чинни-фаянс ва керамика буюмларининг тахм. 4/5 қисми тайёрланади. Шунингдек, металлургия, лок-бўёқ, шиша саноати корхоналари бор. Шаҳар яқинида кўмир қазиб олинади.

СТОКС (Stokes) Жорж Габриель (1819.13.8, Скрин, Ирландия — 1903.1.2, Кембриж) — инглиз физиги ва математиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1851 й.дан) ва унинг президенти (1885—90).

Кембриж ун-тини тугатган (1841). 1849 й.дан шу ун-т проф. Илмий ишлари оптика, гидродинамика ва математик физикага оид. Оптикада *Ньютон халқаси*, аберрация, интерференция, люминесценция, флуоресценция ва ёруғликнинг қутбланишини ўрганди. Хусусан, фотолюминесценция тўлқин узунлиги ўзгаришини ҳисоблаб чиқди (*Стокснинг қонуни*). Суюқликлар ҳаракатини ўрганиб, *Навье—Стокс тенгламаси*, *Стокс қонуни* ни ишлаб чиққан. Кинематик ёпишқоқлик бирлиги ном унинг шарафига қўйилган. С.матда сирт бўйича ва уни ўраб турган эгри чизиқ бўйича олинган интегралларни боғловчи Стокс формуласини аниқлаган.

СТОКС — СГС бирликлар тизимида кинематик *ёпишқоқлик* бирлиги; Ж. Г. *Стокс* шарафига қўйилган. Қисқача Ст б-н белгиланади: 1Ст=1 см²/с. Зичлиги 1 г/см³ муҳитнинг динамик ёпишқоқлиги 1 пуазни ташкил этадиган кинематик ёпишқоқликка тенг. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да 1 С.нинг қиймати 10^{-4} м²/с га тенг. Амалда, кўпинча, С.дан 100 марта кичик бўлган бирлик — сантистокс (сСт) ишлатилади.

СТОКС ФОРМУЛАСИ — математик анализнинг асосий формулаларидан бири. Ёпиқ контур L бўйича олинган эгри чизиқли интегрални шу контур б-н чегараланган Σ сирт бўйича олинган интеграл орқали ифодалайди:

$$\int_L P\,dx + Q\,dy + R\,dz = \iint_\Sigma \left(\frac{\partial Q}{\partial z} - \frac{\partial R}{\partial x}\right) dz\,dy + \left(\frac{\partial R}{\partial y} - \frac{\partial Q}{\partial z}\right) dy\,dz + \left(\frac{\partial P}{\partial z} - \frac{\partial R}{\partial x}\right) dx\,dz$$

Бунда контур L нинг айланиб чиқиш йўналиши Σ сиртнинг ориентацияси б-н мос бўлиши керак. С.ф. вектор шаклда

$$\int_L \vec{a}\,d\vec{z} = \iint_\Sigma \mathrm{rot}\,\vec{a}\,d\vec{s}$$

кўринишида ёзилади, бунда $\vec{a} = P\vec{i} + Q\vec{j} + R\vec{k}$, $d\vec{z}$ — контур элементи, $d\vec{s}$ — сирт элементи, $\vec{n}$ — сиртга ўтказилган ташқи нормалнинг бирлик вектори. С.ф.нинг физик маъноси: вектор майдоннинг контур L бўйича олинган циркуляцияси майдон уюрмасининг сирт Σ орқали ўтадиган оқимига тенг. С.ф.ни Ж. *Стокс* 1854 й.да исботлаган.

СТОКС ҚОНУНИ — чегараланмаган ёпишқоқ суюқлик ичида секин илгариланма ҳаракатланаётган қаттиқ шарга суюқлик кўрсатадиган қаршилик кучи F ни ифодаловчи қонун: $F=6\pi\eta v r$. Бунда η — суюқликнинг динамик ёпишқоқлик коэффициенти, v — шарнинг суюқликка нисбатан ҳаракат тезлиги, r — шар радиуси. Бу формулани 1851 й.да Ж. Г. *Стокс* келтириб чиқарган. С.қ. *Рейнольдс сони* кичик бўлган ҳоллар учунгина тўғри келади, яъни $Re<<1$. Ундан коллоид кимё, молекуляр физика ва метеороло-

жойлашган. С. порти юк ортиш-тушириш бўйича мамлакатда 4-ўринда. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Метрополитен қурилган (1973).

Шаҳарнинг тарихий маркази — Эски шаҳар ўрта аср кўринишини қисман сақлаб қолган. Шаҳарнинг савдо-маъмурий ва маданий маркази — Нормальмда ривожланган. Банк ва конторлар бошқарув органлари, ун-т биноси, опера театри, марказий вокзал ва б. жойлашган.

Меъморий ёдгорликлардан ўрта асрларда қурилган Сторчюрка ва Ридархольмсчюрка роман-готика черковлари, Дротнингхольм ва Қирол саройлари, ратуша ва б. сақланган.

С. — мамлакатнинг маданий ва илмий маркази. Шаҳарда ун-т, олий техника мактаби, тиббиёт ин-ти, мусиқа ва б. санъат мактаблари, Швеция ФА, Қироллик адабиёт, тарих ва осори атиқалар академияси, Қ.х. академияси, ра-

шина саноати корхоналари бор. Шаҳар яқинида кўмир қазиб олинади.

СТОКС (Stokes) Жорж Габриель (1819.13.8, Скрин, Ирландия — 1903.1.2, Кембриж) — инглиз физиги ва математиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1851 й.дан) ва унинг президенти (1885—90).

Кембриж ун-тини тугатган (1841). 1849 й.дан шу ун-т проф. Илмий ишлари оптика, гидродинамика ва математик физикага оид. Оптикада *Ньютон халқаси*, аберрация, интерференция, люминесценция, флуоресценция ва ёруғликнинг қутбланишини ўрганди. Хусусан, фотолюминесценция тўлқин узунлиги

$\vec{a} = P\vec{i} + Q\vec{j} + R\vec{k}$, $d\vec{z}$ — контур элементи, ds — сирт элементи, $\vec{n}$ — сиртга ўтказилган ташқи нормалнинг бирлик вектори. С.ф.нинг физик маъноси: вектор майдоннинг контур L бўйича олинган циркуляцияси майдон уюрмасининг сирт Σ орқали ўтадиган оқимига тенг. С.ф.ни Ж. *Стокс* 1854 й.да исботлаган.

СТОКС ҚОНУНИ — чегараланмаган ёпишқоқ суюқлик ичида секин илгариланма ҳаракатланаётган қаттиқ шарга суюқлик кўрсатадиган қаршилик кучи F ни ифодаловчи қонун: $F=6\pi\eta\upsilon r$. Бунда η — суюқликнинг динамик ёпишқоқлик коэффициенти, υ — шарнинг суюқликка нисбатан ҳаракат тезлиги, r — шар радиуси. Бу формулани 1851 й.да Ж. Г. *Стокс* келтириб чиқарган. С.қ. *Рейнольдс сони* кичик бўлган ҳоллар учунгина тўғри келади, яъни $Re<<1$. Ундан коллоид кимё, молекуляр физика ва метеороло-

СТОКГОЛЬМ
1 : 230 000
Планда кўрсатилган:
1. Қирол қаройи
2. Скансен бел-мужейи
3. Ратуша
4. Риксдаф(парламент)
5. Марказий вокзал

гияда фойдаланилади. С.қ. ёрдамида коллоид зарралари ва б. майда зарраларнинг тезликларини аниқлаш мумкин. Кичик ўлчамли шарнинг ёпишқоқ суюқликда пастга тушишининг чегаравий тезлиги

$$v_{чег} = \frac{2r^2 g(\rho' - \rho)}{9\mu}$$

формула бўйича топилади, бу ерда ρ ва ρ' — суюқлик ва шар моддасининг зичлиги, g — эркин тушиш тезланиши. С.қ. *вискозиметрида* жуда ёпишқоқ суюқликларнинг ёпишқоқлик коэффициентини аниқлашда қўлланилади.

СТОЛ ТЕННИСИ — кичик конток ва ракеткалар б-н столда ўйналадиган спорт ўйини. Шарқий Осиёда пайдо бўлган. 20-а.нинг 20-й.ларидан кўп мамлакатларга тарқалган. Дастлаб «пинг-понг» (франц. ping-pong — конткнинг ракетка ва столга урилишида чиқадиган овози деб аталган. С.т. учун, одатда, стол ўлчами 152,5×274,3 см; бал. 76 см; тўри 183×15,25 см бўлади. Ёғоч ракетканинг юзига резина пластина қопланади. Конток оқ пластикдан ясалади, диаметри 37,2—38,2 мм, оғирлиги 2,4—2,53 г. Ўйин майдончасининг ўлчами 6—7 × 12—14 м. Расмий мусобақалар спорт залларида ўтказилади: эркаклар ва аёллар — жамоа бўлиб, якка ҳолда ва жуфтликда ҳамда аралаш жуфтликда мусобақалашадилар. Ўйин 3 ёки 5 партиядан ўйналади. Ўйинчилардан бири 21 очко тўпласа, у голиб ҳисобланади. Агар ҳисоб 20:20 бўлиб қолса, унда ўйинчилардан бири 2 очко ортиқ тўплагунча ўйин давом эттирилади. С.т. Халқаро федерацияси (ITTF, 1926 й. ташкил этилган) 130 дан ортиқ миллий федерацияни бирлаштиради. 1926 й.дан ҳар 2 йилда жаҳон биринчилиги ўтказилади, 1988 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Ўзбекистонда С.т. кенг оммалашган. Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади. Ўзбекистон С.т. федерацияси 1993 и ITTFга аъзо бўлиб кирган. Ўзбекистонлик Мансура Иноятова, Саида Бурҳонхўжаева, Светлана Гета жаҳон чемпионатида (Доха ш., Қатар, 2004 и. март) 1-ўринни олиб, олтин медаллар б-н тақдирланишди. Улар б-н бирга Нодира Бурҳонхўжаева, Малина Аюпова ҳам бир қанча халқаро турнирларда голиб бўлишган.

Стол тенниси.

СТОЛ ТЕНА (ист. Мена) — осмонинг Жан. қутби яқинидаги кичик воллуз туркуми. С.т. *Олтин балиқ, Жанубий Гидра, Октант*, Хамелеон ва Учар Балиқ воллуз туркумлари орасида жойлашган; равшан воллузлари йўқ. Ўзбекистонда кўринмайди.

СТОЛБУР — ипсимонлилар оиласига мансуб усимликлар ва айрим бегона ўтларда учрайдиган вирусли касаллик. Ўзбекистонда С. б-н кўпроқ помидор, бақлажон, ширин қалампир, картошка яқинлари касалланади. Касалликка чалинган усимликларининг новдалари учлари барглари оқарали, бураліб, ўсишдан орқада қолади, гул оталиқлари қурийди, оналиқлари ривожланмайди, меваси қаттиқлашади, бемаза, қисман оқиш этли бўлиб қолади. С.ни қўйнечак, бангидевона, итузум ва б. ўтлар илдизларида қишлаб чиқадиган пикала личинкалари тарқатади.

Кураш чоралари: бегона ўтларни йўқотиш ва пикалаларга қарши кураш; кучатларни мақбул муддатларда ва қалинроқ экиш; қатор оралларини мульчалаш. С.га чидамли навларни экиш ва б.

СТОЛЕТОВ Александр Григорьевич [1839.29.7 (10.8), Владимир — 1896.15(27).5, Москва] — рус физиги. Москва ун-тини тугатган (1860), шу ун-т ўқитувчиси (1866 й.дан), проф. (1873 й.дан). Асосий илмий ишлари электр ва магнетизм ҳодисалари муаммоларига оид. С. темирнинг магнит хоссаларини ўрганиб (1872), магнит қабулчанликнинг магнит майдон кучлангандлигига боғлиқлик эгри чизиғи максимум қийматга эга бўлишини кўрсатган. Электромагнит ва электростатик бирликлар нисбатини аниқлаб, ёруглик тезлигига яқин қийматни ҳосил қилди (1876). Ташқи фотоэффект ҳодисаси устида кузатишлар олиб бориб (1889—99), фототок кучининг ёруглик интенсивлигига боғлиқлик қонуни (Столетов қонунининг кашфиёти). С. фотоэффектни ўрганишда ишлаб борган тажрибаларда қўлланган электр схема замонавий *фотоэлемент* тимсоли бўлиб қолди. Фотоэффект ҳодисаси устида олиб борган текширишлари уни жаҳонга танитди. С. таъсир разряди назариясига катта ҳисса қўшди, моддаларнинг критик ҳолатини ва б.ни ўрганди. Москва ун-тида физика лабораторияси очди.

СТОЛИПИН Петр Аркадьевич (1862.5.4, Дрезден — 1911.5.9, Киев) — Россия давлат арбоби. Петербург ун-тини тугатган (1884). 1889 й.дан Россия Ички ишлар министрлигида хизмат қилган. Гродно (1902), Саратов (1903—06) губернилари губернатори, Россия Ички ишлар министри (1906 и. 26 апр.дан), шу пайтда Министрлар Совети раиси (1906 и. 8 июл.дан). С. ҳукумат раиси бўлган Россия қ.х. асосида унинг иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш тизимини амалга оширишга киришди. Россияда крестьянлар Деҳқонларга қишлоқ жамоасидан ажралиб чиқиб, уларга алоҳида чек ерлари (помещик даромадининг ҳақидаги фармон (1906 и. 9 ноябрь), унинг асосида III Давлат думасининг қонуни (1910 и. 14 июнь) қабул қилинган, ислоҳотлар бошланди. С. танаффусли ва унинг инициаторида тайёрланган ислоҳотлар Столипин ислоҳоти сифатида маълум бўлган. Унга кўра, деҳқонларга ажратилган чек ерларини сотиб олиш ва сотишга рухсат берилди. Ислоҳот давомида ер тузиш ишларида асосий эътибор деҳқонларнинг чек ерларида хуторлар ташкил этишга қаратилган. Ислоҳотдан кўзда тутилган яна бир мақсад Россиянинг марказий губерияларидан деҳқонларни Сибирь, Урал, Олтой, Туркистон ва б. чекка ўлкаларга кўчириш бўлган.

Подшо Россиясининг кучирувчилик сиёсати оқибатида С. ислоҳоти пайтида Туркистон ўлкасида рус аҳолисининг сони 20-а. бошларида 197 420 кишига етган (19-а. охирларида улар 70 745 киши бўлган), уларнинг аксарияти ҳоз. Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудларига, Фарғона водийсига жойлаштирилган.

С. суиқасд натижасида ўлдирилган.

Ад.: Россия на рубеже веков: исторические портреты, М., 1991; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

СТОЛЯРОВ Владимир Павлович (1918.15.7, Чоржўй — 1971.16.12, Тошкент) — Ўзбекистон халқ рассоми (1958). Самарқанд бадиий билим юртида таълим олган (1933—37). Республика ёш томошабинлар театрида (1938—39), Республика халқ ижоди уйида (1939 й.дан) ишлаган. С. амалий санъат, безак санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган. Халқ усталари (кандакор, тўқувчи, кашталдўз ва б.) учун болалар бўлими ўйинчоқларини яратган. Унинг асарларида асосида эрталган бадиий бўкмалар кўпинча мазмунли бўкмак бадиалган. Навоий театри учун саҳна пардалари, кашталдўзлик («Гулҳурия», попопда тикилган, ишл., бахмал, 1965), ҳайкалтарошлик («Санъат халқимизга», 1958; «Байрам», 1958, ҳаммкорликда; «Гиря», 1962 ва б., ҳаммаси Амалий санъат музейида) учун яратган бадиий композициялари, айниқса, дикқатга сазовор.

СТОМАТИТ (юн. stoma — оғиз, itis — яллиланиш) — оғиз бўшлиги шиллиқ қаватининг яллиланиши. С. мустақил касаллик ҳолида кечиши, шунингдек, бошқа касалликлар (қизамиқ, қизилча, грипп, кандидоз) белгиси бўлиши мумкин. Яллиланиш тилда бўлса — *глоссит*, милкда бўлса — *гингивит* деб аталади, бўлардан ҳар бирининг ўзига хос белгилари бор. С. моддалар алмашинуви касалликлари (авитаминоз, диабет), нерв ва ички аъзолар касалликлари, витамин етишмовчилиги, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши оқибатида пайдо бўлади. Чекиш, спиртли ичимликларга ружу қилиш, жуда иссиқ ёки жуда совуқ, нордон ва шўр овқатлар ейиш ҳам С.га сабаб бўлиши мумкин. Айрим дориларга нисбатан сезувчанлик ортганда, хусусан, ўз-ўзини даволаганда, балоғатга етиш даврида, ақл тиш чиқиши қийинлашганда (қ. *Тиш*) ҳам С. рўй беради.

С. шаклларн ҳар хил бўлишига қарамай, уларнинг умумий ўхшаш белгилари бор: оғиз бўшлигининг шиллиқ қавати қизаради, атрофилари тўқимачилик ишлаб чиқаришда, бепиллаб гурали, жағ ости лимфа безлари катталашади ва б. С. ўткир ва сурункали кечади.

С.нинг катарал, ярали некротик ва афтоз хиллари фарқ қилинади. Айрим дорн моддаларининг ёқмаслиги оқибатида, шунингдек, кимёвий моддалар таъсирида медикаментоз С., оғиз бўшлиги шиллиқ қаватининг ўткир кесувчи парсалар, чирнган тиш чеккаси, нотўғри қўйилган тиш протезидан жароҳатланиши натижасида травматик С. пайдо бўлади. травматик С.нинг Беднар афтаси (чақалоқлар афтаси) шакли чақалоқларда кузатилади. С.нинг олдини олиш учун чирнган тишларни ва ни олиш учун умумий касалликларни организмнинг умумий касалликларини ўз вақтида даволаш, шиллиқ қават ни ўз вақтида даволаш, шиллиқ қаватнинг яллиланишига сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш лозим.

СТОМАТОЛОГИЯ (юн. stomatos — оғиз ва — *логия*) — клиник тиббиётнинг оғиз ва — *логия*) — клиник тиббиётнинг оғиз ва жағ соҳаси; оғиз бўшлиги аъзоларн: тил, лаб, лунж, оғиз шиллиқ қавати, милклари, тишларнинг ва жағ суяклари, оғиз бўшлиги ва жағ-юз соҳасининг бошқа аъзолари касалликларини, уларни олдини олиш усулларини ўрганади.

Оғиз бўшлиги аъзолари касалликлари *Гиппократ, Ибн Сино*, Гален, Целс ва б. олимлар томонидан тавсифланган. Ибн Сино асарларида илк бор тишлар қамашиши ва оғриқларининг турлари баён этилиб, шундай ҳолларда нималардан фойдаланиш кўрсатилган.

14-а.да француз врачи Гиле Шолиак тиш сугурадиган асбоб ихтиро қилди. 15-а. охирида итальян врачи Ж. Д. Аркале тишни олтин, кўргошин ва қалай фолгаси б-н пломбалаш мумкинлигини кўрсатади. 17—18-а.ларга келиб С. клиник тиббиётнинг мустақил соҳасига айланди. 19-а. да тишни пломбалаш ва ясама тишлар тайёрлаш техникаси пухта ишлаб чиқилди. 19-а. охири —20-а. нинг биринчи ярмида физиология, анатомия, патология, биокимё ва б. фанларнинг тараққиёти стоматологик касалликлар этиологияси, патогенези, даволаш чоралари ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда С. фани 1954 й.дан шаклланди, шу йили ТошТИда стоматология ф-ти очилди. 1956 й.да махсус стоматологик кафедралар ташкил этилди. Кейинчалик бундай кафедралар Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тларида, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида ҳам очилди, 1994 й. Бухоро тиббиёт ин-ти ташкил этилиб, унинг таркибида стоматология ф-тининг очилиши С. фанининг янада равнақ топишига замин яратди.

Ўзбекистонда С. фани ривожига А. Г. Гуломов, М. В. Парадоксов, А. Т. Бусенгин, М. В. Бусенгина, шунингдек, В. А. Епишев, С. А. Зуфаров, М. М. Мирёқубов, Э. У. Маҳкамов, Т. Х. Сафаров, М. В. Бегметов ва б. катта ҳисса қўшганлар.

Ҳоз. замон С. фани терапевтик, хирургик, ортопедик, болалар С. каби бўлимларни ўз ичига олади. Терапевтик С. тиш (кариес, пульпит, периодонтит, некрознес хасталиклар) ҳамда оғиз шиллиқ қавати, лаб, тил касалликларн диагностикаси, давоси ва профилактикаси б-н шуғулланади. Хирургик С. тиш олишдан ташқари юз-жағ ва унга қўшни соҳалардаги яллигланишлар, ўсмалар, шикастланишлар, тугма ва орттирилган нуқсонларни ўрганади, оғиз бўшлиги ва юз-жағ операциялари, пластик операцияларни амалга оширади. Ортопедик С. ортопедик ва ортодонтик усуллар б-н бирламчи ва иккиламчи тишлар қатори ҳамда тугма ва орттирилган тишлар нуқсонларини даволайди, ясама тишлар б-н тиш қатори нуқсонларини тиклайди. Болалар С.ни бола ривожланишининг турли даврларида ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда терапевтик, жарроҳлик, ортопедик-стоматологик ёрдам кўрсатади. Шу б-н бирга стоматологик касалликларнинг комплекс профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқади.

Стоматологик касалликларни даволашда турли дори-дармонлар, лазер ва инфрақизил нур, ультратовуш, физиотерапия усуллари ва ҳ.к. дан фойдаланилади.

Озода Йўлдошхонова.



В.П.Столяров. «Гиря» ҳамкори

СТОУН (Stone) Ричард (1913—1991, Лондон) — инглиз иқтисодчиси. Кембриж ун-тини тугатган (1935). 1945 й.дан Кембриж ун-тида дарс берган, молия ва бухгалтерия ҳисоби ф-ти проф., Иқтисодий жамият ва халқаро статистика ин-ти президенти (1955). С. кўпгина мамлакатларда қўлланилаётган *миллий ҳисоблар тизимини* яратди. Иқтисодий қарашларида *неокейнсчилик* тарафдори бўлиб, иқтисодий ўсишнинг кўп секторли моделини яратди, амалий эконометрика соҳасида талқинот-



лар шишади, безиллаб туради, жаг ости лимфа безлари катталашади ва б. С. ўткир ва сурункали кечади.

С.нинг катарал, ярали некротик ва афтоз хиллари фарқ қилинади. Айрим дори моддаларининг ёқмаслиги оқибатида, шунингдек, кимёвий моддалар таъсирида

тология ф-ти очилди. 1956 й.да махсус стоматологик кафедралар ташкил этилди. Кейинчалик бундай кафедралар Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тларида, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида ҳам очилди, 1994 й. Бухоро тиббиёт ин-ти ташкил этилиб, унинг таркибида стоматология ф-тининг очилиши С. фанининг янада равнақ топишига замин яратди.

Ўзбекистонда С. фани ривожига А. Г. Ғуломов, М. В. Парадоксов, А. Т. Бусигин, М. В. Бусигина, шунингдек, В. А. Епишев, С. А. Зуфаров, М. М. Мирёқубов, Э. У. Маҳкамов, Т. Х. Сафаров, М. В. Бегметов ва б. катта

лар олиб борди. Унинг миллий ҳисобларга молия баланси тизимини киритиши катта янгилик бўлди. Амалий эконометрика соҳасида 1954 йил чиққан «Буюк Британияда истеъмол афзалликлари ва харажатлар ҳисоби. 1920–1938» китоби классик асар ҳисобланади. Нобель мукофоти лауреати (1984).

Ас.: Метод «затраты-выпуск» в национальные счета (пер. с англ.). М., 1966.

СТРАБОН (Strabon) (мил. ав. 64/63 — мил. 23/24) — юнон географи ва тарихчиси. Кўп саёҳатлар (Юнонистон, Кичик Осиё, Италия ва Миср) қилган. Антик давр географик билимлари якуни бўлган «География» (мил. ав. тахм. 7-й., 17 китобдан иборат) ва «Тарихий хотиралар» деган (бизгача етиб келмаган) асарлар муаллифи. Асарда Гарбий ва Марказий Европа, Кичик Осиё, Шим. ва Шарқий Қора денгиз соҳиллари ҳақида географик маълумотлар тўпланган. Шу б-н бирга асарда кўплаб тарихий, этн. машиий тафсилотлар келтирилган, хусусан, Крим ял-о. ва Днепр бўйига келиб жойлашган қабилалар, *скифлар*, роксоланларнинг хўжалиги ва маиший турмуши ҳақида, Шим. ва Шарқий Қора денгиз соҳилларида жойлашган антик шаҳарларнинг қурилиши, турмуши, хўжалиги, тарихи, Боспор давлатининг тарихи ва хўжалиги ҳақида қимматли маълумотлар жойлашган. «География»да, шунингдек, қад. Ўрта Осиё геогр.си, унда яшаган қабилалар (*саклар*, парфянлар, бақтрияликлар, даҳлар ва б.) ва уларнинг урф-одати, тили, Буюк ипак йўли ўтган жойлар ҳақида қимматли маълумотлар ҳам бор.

СТРАВИНСКИЙ Игорь Фёдорович [1882.5 (17).6, ҳоз. Ломоносов — 1971.6.4, Нью-Йорк, Венецияда дафн этилган] — рус композитори, пианиночи ва дирижёр. Атоқли хонанда Фёдор Стравинский (1843—1902)нинг ўғли. 20-а. мусиқасининг ислоҳотчиларидан. Петербург ун-ти (1900—05)да ва мусиқадан Н.Римский-Корсаков (1903—05)да таҳсил кўрган. 1914 й.дан Европа, 1939 й.дан АҚШда яшаган. Деярли 65 йиллик ижодий фаолияти давомида рус мусиқаси анъаналарига таянган. Шунингдек, мусиқий импрессионизм («Қақнус» балети), мозий рус фольклори («Петрушка», «Муқаддас баҳор» балетлари), неоклассицизм («Пульчинелла» балети, «Шоҳ Эдип» опера-ораторияси ва б.), жаз мусиқаси («Рэгтайм», «Обнус концерти»), диний мусиқа («Псалмлар симфонияси», «Тренлар», «Реквием», «Мотам канонлари»), додекафония («Дилан Томас хотирасига», «Агон», «Жон Кеннеди эгасига» ва б.) каби услубларга ўзига мос тарзда мурожаат қилган. С. асарлари бош фантазияси, куйлари, ритмикаси, оркестрлаш усулларининг оригиналлиги, шаклан рант-баранглиги б-н қимматлидир. С.нинг ижодий мероси ва концерт фаолияти замонавий мусиқа ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. С. 20-а.да «Нур — Шарқдандир'» деган даъватни такрорлаб, Шарқ мавзуларига мурожаат этган. Ўзбекистонда унинг қатор камер-чолғу ва симфоник (2- симфониясн — премьера тарзида) асарлари, балет мусиқаси мунтазам ижро этилмоқда.

Ғулистон Ғафурбеков

СТРАСБУРГ, Страсбур — Франциянинг шарқий қисмидаги шаҳар, Иль дарёсининг Рейн дарёсига қуйилиш ерида жойлашган. Эльзасининг тарихий пойтахти. Қуйи Рейн департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 267 минг киши (1999). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Дарё порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Машинасозлик, тўқимачилик, ёғочсозлик, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, консерватория, музейлар бор. С. келгилар қишлоғи ўрнида бунёдга келган. С. номи б-н б-а.дан маълум. 925 й.дан Германия қиролигги таркибида. Ўрта асрларда йирик саноат маркази бўлган. 1681 й.дан Франция таркибига кирган. 1871—1919 й.ларда Германия таркибидаги Эльзас-Лотарингия империя ерининг маркази эди. *Версаль сулҳ шартномаси*га кўра, 1919 й.да Францияга қайтарилган. Меъморий ёдгорликлардан собор (11—16-а.лар), готика черкови (13—14-а.лар), епископ саройи (1722—28), ратуша (1730), Роганов саройи (1732—42) ва б. сақланган.

СТРАСБУРГ УНИВЕРСИТЕТИ — Франциядаги қад. ун-тлардан бири. 1621 й. асос солинган. 1870—71 й.ги Франция — Пруссия урушида Франция мағлубиятга учрагач ёпилган ва унинг ўрнига Кайзер Вильгельм ун-ти ташкил этилган. 1919 й. қайта тикланган. 1935—45 й.ларда Клермон-Ферран ш.да жойлашган ва Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг марказларидан бири бўлган. 1947 й. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати медали б-н мукофотланган. С.у. таркибида 3 ун-т фаолият кўрсатади. Тиббиёт, мат., физика, кимё, физиология, биокимё, ботаника, зоол., умумий биол., геол., географика, тарих, филол., геология, ҳуқуқ, иқтисодиёт фанлари ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрланади. 30 мингдан ортиқ талаба таълим олади. Кутубхонасида 3 миллиондан ортиқ асар сақланади.

СТРАТЕГ (юн. *strategos, stratos* — қўшин ва ago — бошлаб бораман) — Юнонистонда кенг ҳарбий ва сиёсий ваколатларга эга бўлган ташқарбошилар. Ҳоз. маънода — йирик ҳарбий операциялар (амалиётлар)га раҳбарлик қилувчи саркарда.

СТРАТЕГИЯ — қ. *Ҳарбий стратегия*.

СТРАТИГРАФИК ЗОНА (хронозона) — умумий стратиграфик шкаланинг бир қисми, ярута тобе. Ўзидан юқори ва пастки ётқизиқларда қатларимланган қолдиқ организмлар қолдиқларининг ўзига мос комплекслари қатламларини ўз ичига олади. «С.» номи шу комплекснинг ин характерли белгига ёки иккита гурига қараб берилади. С.нинг бағзилари бир неча континентларда ажратилган ва планетар миқёсга эга. С. лар ордовик ва силурда граптолитлар, мезозойда аммонитлар, бур., палеоген ва неогенда планктон фораминифера ва наннопланктонлар бўйича ажратилади.

СТРАТИГРАФИЯ (лот. stratum — тўшама, қатлам ва *графия*) — *геологиянинг* Ер пўсти кесимидаги тог жинслари маҳсулининг шаклланиш изчиллигини ва жойлашган ўринлари дастлабки нисбатини ўрганувчи бўлими. С. чўкинди тог жинслари қатламларини кузатиб, ўтмиш геологик даврларда уларнинг фациал ўзгаришларини ҳамда ён атроф (қуйи ва устки) қатламларда тақрорланмайдиган ўзига хос белгиларга эга бўлган ва маълум бир бирликка мужассамлашган тог жинсларининг стратиграфик йиғиндисини талқиқ қилади. Ер органик дунёсининг тақрорланмас тараққиётини акс эттирувчи чўкинди қопламлардаги қазилма организмларнинг таркибини аниқлаш ўрганилаётган ётқизиқлар ёшини ҳамда ўхшашлигини белгилашда аҳамиятга эга (қ. *Биостратиграфия*). Шу жиҳатдан С. *палеонтология* ва *геохронология* б-н узвий боғлиқ. С.нинг асосий вазифаси стратиграфик кесмаларни ажратиш, уларнинг тарқалишини кузатиш, турли кесмаларни ва узилиб бир-биридан узоқлашган кесма бўлакларини ўзаро қиёслашдир. С. ёрдамида Ер пўстининг геологик ривожланиш тарихини тиклаш мумкин; чўкинди формациялар шаклланишининг вақти ва шароитлари аниқланади, регионал ривожланишнинг тектоник ҳамда геодинамик жараёнлари тикланади; геологик хариталар тузиш учун зарур бўлган барча категориядаги кўлами ва стратиграфик схемалар ишлаб чиқилади. С.нинг назарий асослари, принцип ва усулларига 20-а.да жуда кўп олимлар ҳиссаларини қўшган. Биринчи бўлимларнинг асослари ва бағзи бир қоидаларига 17—19-а.лардаек Дания, Англия, Франция ва Германия олимлари томонидан асос солинган. Даниялик олим Н. Стено (1638—86) тог жинслари қатламланишининг кетма-кетлиги қонунини аниқлади. 19-а. 1-ярмида инглиз олимлари Р. Мурчисон ва А. Седжвик, француз Ж. Кювье ва Броннн тадқиқотлари С.нн янада ривожлантирди. 18-а. охирларида Гарбий Европада Ер пўстини ташкил қилган ётқизиқларни бирламчи (хол. палеоген ётқизиқлари), иккиламчи (мезозой) ва учламчи (кайнозой) давр жинсларига бўлиш қабул қилинган. Дастлабки икки термин тегда ўз аҳамиятини йўқотди. 1759 й. италиялик геолог Ардуино таклиф қилган учинчи термин ҳоз. ҳам қўлланилади [қ. *Учламчи система (давр)*]. 1829 й. энг янги бўш ётқизиқларни француз геологи Ж. Ленуайе тўртламчи давр ётқизиқлари номи б-н ажратди [қ. *Тўртламчи система (давр)*]. 19-а.нинг 1-ярмида турли мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида геологик система (давр)лар ажратилди ва Ер тарихида уларнинг изчиллиги (кетма-кетлиги) белгиланиб, умумий бўлинмалари қабул қилинди ва аввал ажратилган системалар, бўлимлар қайд қилинди. 1900 й. француз геологи Э. Реневье фақат система бўлимларининггина эмас, балки ярус бўлимларини ҳам ўз ичига олган йиғинма, «хронограф»ни таклиф этди. Умумий стратиграфик шкала 20-а. ўртасларида Ер тараққиётининг энг қад. босқичлари интенсив равишда ўрганила бошлади ва ягона системасини белгилаш имконияти туғилди. С.да қатламланишнинг изчиллиги ҳақидаги қонун асосий ўрин тутади; бу қонунга мувофиқ, қатламлар нормал ҳолатда ётганда ҳар бир остки қатлам устки қатламга нисбатан қадимийроқдир. Бу қонундан истисно ҳоллар фақат тектоник деформация натижасида қатламларнинг дастлабки ётиши бузилгандагина кузатилади ва бунда қатламлар тўнтарилган ҳолатда ҳам ётиши мумкин. Ўтган геологик даврлар ҳавзаларида қаватланган тог жинслари қатламлари муайян изчилликда ётади, бу қатламларни ўрганиб, стратиграфик устун (колонка) тузиш мумкин. Бу устунларни қиёслашда турли методлардан фойдаланилади, булардан энг кенг тарқалгани ва ишончлиси палеонтологик метод бўлиб, у Ер органик дунёсининг тақрорланмайдиган прогрессив тараққиётига асосланган. Палеонтологик метод палеоэкологик маълумотлар ҳисобга олинган тақдирдагина қўлланиши мумкин. Қазилма организмларнинг барча гуруҳлари стратиграфик корреляция мақсадларида фойдаланилади. Жуда кўп миқдорда учрайдиган майда организмлар қолдиқлари, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Спора-чанг анализи ҳам ҳудди шундай хусусиятлари б-н ажралиб туради, бу анализ фанерозой барча бўлинмаларининг чўкинди қатламлари ёшини аниқлашда қўлланилади. Тўкембрийнинг анча қад. ётқизиқларида ҳайвонлар қолдиғи нихоятда кам, кўк-яшил сувўтларнинг ҳаёт фаолияти изтари кўплаб учрайди, улардан 1960-йиларда юқори тўкембрийнинг карбонат қатламларини бўлиш ва корреляция қилишда муваффақиятли фойдаланилди. Анча қад. ётқизиқларни ўрганишда чўкинди ва магматик тог жинсларидаги турли элементлар (К, V, Рь)нинг радиоактив парчаланишига асосланган изотоп усули етакчи аҳамиятга эга. Чўкинди жинсларнинг изотоп ёшига оид маълумотлар жуда кам. Аниқлашнинг рубидий методи турли гилли жинслар ва нордон эффузивларни аниқлашда қўлланилади. Кўрсатилган методлар ёрдамида чўкинди қатламларга кириб қолган турли интрузив тог жинслари ёши ҳақидаги анча тўлиқ маълумотларни олиш мумкин. Бундан ташқари, чўкинди ва вулканоген қатламларни корреляция қилишда литологик ва геокимёвий тадқиқотлар, разведканинг геофизик усулларидан фойдаланилади. Корреляциянинг барча методларини қўллаш натижасида бутун Ер шари учун умумий йиғма стратиграфик бўлинмалар системаси белгиланди. С. регионал геологик тадқиқотларда асос бўлиб хизмат қилади ҳамда майдонининг тектоник хусусиятларини тушунтириш, фойдали қазилмаларни қидириш ва разведка ишлари йўналишини аниқлашга ёрдам беради. Стратиграфик кесмани батафсил ўрганмай туриб геологик харитадар тузиш мумкин эмас. С.нинг методлари — биостратиграфик, литологик, радиологик, экостратиграфик ҳамда вулканогенликни тикланишдан иборат.

Кўпгина биотик ўзгаришлар (кўплаб қирилиб кетиш, таксонлар хилма-хиллигининг ҳаддан тез кўпайиши, янги турларнинг пайдо бўлиши)га эволюцион ўзгаришлар б-н бирга турли хил абиотик омиллар (океан ҳавзасининг кенгайиши ёки қисқариши, океан сатҳининг кўтарилиб-пасайиши, иқлим ва ҳаво ҳароратининг ўзгариши, атмосфера ва гидросфера таркибидаги ўзгаришлар ҳамда космик ҳодисалар)нинг ҳам таъсири катта. Ўзига хос фарқ қилувчи шундай ўзгаришлар изини Ернинг геологик тарихида Халқаро стратиграфик шкаланинг деярли барча бўлинмалари четараларида учратилган. Ўзбекистонда қўлланиладиган стратиграфик бирликлар шкаласи баъзи бир бўлим ва ярусларни бўлиниши ва индексланиши (ҳудудий хослик белгилари туфайли) б-н бир оз фарқланади. Ўзбекистоннинг стратиграфик тузилишини ўрганишга олимлардан А. Д. Архангельский, Т. А. Сикстель, О. Н. Сергунькова, Ю. М. Кузичкина, З. М. Абдуазимова ва б.лар ҳисса қўшган. Ҳар бир мамлакатда стратиграфик шкаланинг умумий ва маҳаллий бўлинмалари стратиграфик кодекс қоидалари системаси асосида ажратилади. Геологик вақтни ўлчашнинг эталони қилиб умумий халқаро стратиграфик шкала қабул қилинган (2-Халқаро геологик конгресс Болонье, 1881 й.). 20-а.нинг ўрталарида унга қўшимча қилиб стратиграфик шкаланинг анча йирик бўлинмаси — эон мобайнида шаклланган эонотема киритилган; эра мобайнида шаклланган ётқизиқларни билдирувчи, аввал ишлатилган «гуруҳ» термини, «эратема» термини б-н алмаштирилди. Сда асосий стратиграфик бўлинмаларнинг қуйидаги таснифи қабул қилинган:

Умумий	Регионал	Маҳаллий
акротема	горизонт (кичик горизонт)	комплекс
эонотема	лона	серия
эратема	географик ном берилган қатламлар	свита (кичик свита)
система		пачка (пачкалар)
бўлим		
ярус (кичик ярус)		
зона	бўлим звено поғона	тўртламчи давр ётқизиқлари учун

Махсус С. бўлинмаларда литостратиграфик, биостратиграфик, иқлимий стратиграфик, сейсмостратиграфик белгилар ажратилади.

Умумий стратиграфик бўлинмаларга геохронологик мувофиқ келиши:

Стратиграфик	Геохронологик
1.Акротема	1. Акрон
2.Эонотема	2.Эон
3.Эратема (гуруҳ)	3. Эра
4.Система	4. Давр
5. Бўлим	5. Эпоха
6. Ярус	6. Аср
7. Зона (хронозона) бўлим	7. Фаза
8. Звено	8.Пора
9. босқич	9.Термохрон-криохрон

Юқорида кўрсатилган стратиграфик бўлинмаларнинг ҳар бири Ернинг табиий ривожланиш босқичи ва унинг органик дунёсига мувофиқ келади; улар барча материкларда ва 1970-йилларда ўтказилган бургилаш ишлари кўрсатганидек, океан ботиқларида ҳам аниқланди. Баъзи талқиқотчиларнинг фикрича, геологик яруслар ва стратиграфик зоналар фақат маҳаллий аҳамиятга эга; бу фикр агар фаунаси бошқалардан ажратилган ҳолда ривожланган ва Дунё океани б-н боғлиқ бўлмаган (мас., Қора денгиз—Каспий ҳавзасининг неоген ётқизиқлари) алоҳида палеоҳавза материаллари асосида ажратилган ярус ва зона учун тўғри бўлади. Агар ярус ва зоналарнинг стратотипи қилиб очиқ океан ҳавзаларининг кесимлари олинса, бу бўлинмаларни бутун Ер шари бўйлаб кузатиш мумкин. Антропоген (ёки тўртламчи) система учун бўлинмаларнинг палеоиқлим маълумотларига асосланган, уларнинг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи ўз шкаласи таклиф қилинган. Мавжуд маълумотларнинг кўрсатишича, геологик бўлимлар, ярус ва зоналар токембрийда ҳозирча ажратилмайди, система ва эратемалар фанерозойгагига нисбатан бутунлай бошқача асосланишга эга; уларга эквивалент бўлган протосистема ва протоэратемалар — фитемалар тўғрисида гапириш тўғрироқ бўлади. Ягона ёки умумий стратиграфик шкаланинг бўлим, ярус ва зоналарини ҳамма ерда ҳам исталгандек аниқлаб бўлмайди ва кесимлар тузилишининг маҳаллий хусусиятларини акс эттирмайди. Шунинг учун кўп р-нларда стратиграфик тасниф-нинг асоси бўлиб, маҳаллий стратиграфик кичик бўлимлар хизмат қилади; агар улар палеонтологик асосга эга бўлса ва йўналиш бўйича ўз таркибини сезиларли ўзгартирган ётқизиқларни ўз ичига олса, унда горизонтларга (тахм. ўлчами бўйича ярус ва кичик ярусларга мос келадиган ва зоналар (локал зоналар)га ажратилади. Аксинча, агар маҳаллий бўлинмаларни ажратишда тог жинслари литологик таркибининг ўзига хос хусусияти етакчилик қилса, бундай ҳолатда литостратиграфик бўлинма нинг алоҳида системаси қабул қилинади. Охирги халқаро стратиграфик шкала 2000 йда Бразилияда ўтган 31-Халқаро геологик конгрессда қабул қилинган.

Ад.: Абдуазимова З. М., Абдуллаев Н. Р., О международной стратиграфической шкале, Т., 2000; Степанов Д. Л., Месежников М. С., Общая стратиграфия (Принципы и методы стратиграфических исследований), Л., 1979.

Ион Абдуазимова

СТРАТИСФЕРА (лот. stratum — қатлам ва *сфера*) — Ер пўстининг, асосан, чўкинди ва дастлаб чўкинди бўлган (метаморфик) жинслардан таркиб топган устки қисми. Платформаларда С.нинг қалинлиги 3 км гача, геосинклиналларда 15 км гача. С., асосан, гил, гилли сланец, қумтош, оҳактош ва доломитлардан иборат (қ. *Чўкинди жинслар*).

СТРАТИФИКАЦИЯ (лот. stratum — тўшама, қатлам, ва facio — бажараман) — 1) ўсимликлар ўрни (ланаклари) униб чиқишини текширириш учун нам муҳитда сақлаш; ўрталарга экишдан олдин ишлов бериш усули. Асосан, мевали, манзарали, ўрмон дарахтлари, буталари, аирим доривор ўсимликлар ўрталари ланаклари) учун қўлланилади. С. учун қум, қипиқ, торф увоқлари ва б. ишлатилади. Махсус чуқур ёки яшикларда ўрут (ланак) лар нам қум б-н аралаштирилиб 3—5 ҳароратда сақланади. Олма ва нок ўрутлари 120—130, ёнғоқ, писта ва бодом 45—60, беҳи ўрути 60—70, шафтоли ва урик данаги 90—100, тоғолча данаги 150—200, олча ва гилос данаги 200—250 кун С. қилинади. Олма, нок, беҳи, бодом, ёнғоқ ва б. мева ўрутлари окт.—ноябрда экиланда, баҳорича С. даврини ерда ўтказиб, яхши униб чиқиши ҳам мумкин. Тоғолча, олча, гилос ва б. мевали дарахт данакларни эса С. даврини тўлиқ ўтказиши учун мевадан ажратилгач, қумланиб, кузгача сақланади; 2) атмосфералари мувозанат шартларини белгиловчи ҳаво т-расининг вертикал бўйича тақсимланиши; ҳавонинг вертикал силжиши ортишига ёки камайишига ёрдам беради. Нотўғри С.да баландлик ошиши б-н т-ра пасаяди, бу атмосфера конвенциясига имкон беради.

СТРАТИФОРМ КОНЛАР — фойдали қазилмаларнинг вулканоген-чўкинди ва қат-қатли чўкинди тог жинслари қалин қатламларидаги бир ёки бир неча стратиграфик горизонтда тўпланган уюмлари. С.к. сингенетик-мамматик ва эпигенетик-постмагматик йўллар б-н ҳосил бўлади. Карбонатли жинслар қатламларидаги кўргошин-рух (АҚШ, Миссисури штатидаги конлар) ҳамда қумтош ва сланец қатламларидаги мис конлари (Қозогистон, Жезқазган кони) С.к. учун характерли. С.к.ла қатлам таналари ўзини сингдирган ва улар б-н мувофиқ ётган тог жинсларига нисбатан кўп. Улар рудаларнинг оддий минерал таркиби б-н фарқ қилади, бу эса рудали жинсларнинг бир ёки бир неча қатламларида мис, рух, кўргошин сульфидларининг тўпланиши ва ҳамроҳ минералларнинг миқдорига боғлиқ. С.к. катта ҳажмлари кенг қамровли ривожланишда ер бўйлаб, асосий рудали р-нлар ва провинцияларга шакланади ёки. Миссисипи водийси (қаранг *Рух конлари*) С.к. термини, улиб конларининг пайдо бўлиш муаммоси вужудга 1969 йда Нью-Йоркда ўтказилган конференцияда қабул қилинган. Узбекистонда С.к. сирасига Учқулоч (Шим. Нурота тизмаси), Сариқон, Конжанлов (Чатқол тизмаси) каби қўргошин-рух конлари киради.

Ҳажми 25000 м³ ли стратостат.

СТРАТОСТАТ (лот. stratum — қатлам ва юн. statos — қўзғалмас) — *стратосферага* учириш учун мўлжалланган *аэростат*. Кишилик С. экипажи (механизмлар, ошиқ-овқат ва б. юритилган ҳолда) герметик берк қилиб ясалади. Махсус ўтмас асбоб ва аппаратлар б-н жиҳозланади. Кўтарилиш баландлиги ва учиш массасига қараб С. ҳажми 100000 м³ гача бўлади. Ердан туриб автоматик тарзда бошқарилаётган С.лар кенг тарқалган. 20-а. 30-йилларида экипажли С.лар кўп учирилган. Хозир С.лар в.т. мақсадларида, аэрофотосъёмка, парашютдан сакраш, метеорологик ракеталар учириш ва б.да фойдаланилади.

СТРАТОСФЕРА (лот. stratum — қатлам ва юн. sphaira — шар) — тропосфера устида юқори кенгликларда 8—10 км, экватор яқинида эса 16—18 дан то 50—55 км баландликларгача булган оралиқда жойлашган, т-раси —40° (—80°)дан то 0° гача орталадиган атмосфера қатлами. С. қатламининг қуйи чегараси — тропопауза географик кенглик, йил вақти ва циклон фаолиятига қараб ўзгаради. Одатда, тропопаузадан 24—25 км гача қуйи С. ва қолгани юқори С.га ажратилади. Қуйи чегарасида ўртача т-ра йил вақти ва кенгликка қараб —45° дан —75° гача, юқори чегарасида —20° дан +20° гача бўлиб, сув бути миқдори жуда оз бўлади. Лекин 20—30 км баланд-

ликда баъзан сульфсимон булут ҳосил бўлади. У кунлик девран қўринмайди, кечаси қуёш нури таъсирида ялтираб кўринади. Сульфсимон булут, асосан, эҳлаган сув томчиларидан иборат. *Аэрология* ва *Ернинг сунъий йўлдошлари* сферика С. ҳақидаги С.да ҳам ҳаво алмашинуви бўлиб, т-ра ва шамол тезлиги ўзгариб туради. Шамолнинг максимал тезлиги С.нинг юқори қисмида жуда катта тезда 60—80 м/с, қишда 80—100 м/с етади. Асосий шамол ғарб томонидан эсиб, 20 км баландликда ёғ пакетлари ўз йўналишини шарққа томон ўзгартиради. С.даги доимий газларнинг ўзаро миқдори *тропосфера*даги синарлидир. Бироқ С.да озон, ҳатто муайян қатламларда тропосферадагига қарганда кўп бўлиб, унинг асосий миқдори 25—35 км баландликлар орасида тўпланган. С.да маълум даражада *атмосфера*га мос келади. Озон қатлами Қуёшдан келаётган қисқа тўлқинли, айниқса, ультрабинафша нурларни ютиб қолади, натижада ҳаво т-раси ортади. С.даги озон қатлами ультрабинафша нурларни Ер сиртига ўтказмайди, акс ҳолда Ерда ҳаёт бўлмас эди.

Бадар Мухторов

СТРАУМАЛ Борис Петрович (1900.25.7, Слоним ш., ҳоз. Белоруссия, Гродно вилояти — 1987.29.4, Тошкент) — селекционер олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1960), қ.х. фанлари д-ри (1962), проф. (1967). Ўрта Осиё ун-тини қ.х. ф-тини тугатган (1927). Ўзбекистонда биринчи МТС ташкилотчиси ва директори (1929—31), СоюзНИХИ директори (1931—39), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва ўрта толали гўза навлари селекцияси лаб. мудири (1942—71). 1971 й.дан Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилиги в.т. ин-тида катта илмий ходим. Илмий ишлари янги гўза навларини яратиш, селекция-уруғчилик ишлари схемаси ва методикасини ишлаб чиқишга бағишланган. У мадда толали С-4001, С-4018, оқ толали С-4727, С-4480, Чимбой 3010, С-4891 гўза навларини яратган.

Ас.: Сорта хлопчатника с основами селекции, Т., 1974; Соят 108-Ф, Т., 1977.

СТРАХОВ Николай Михайлович [1900.2(15).4, Болхов ш., ҳоз. Орёл вилояти — 1978, 13.7, Москва] — рус геологи ва геокимёгари, СССР ФА акад. (1953), ҳоз. замон назарий *литология*си асосчиларидан бири. Асосий илмий ишлари Қора, Каспий, Орол денгизлари, Балхаш кўли, Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанларидаги ҳоз. чўкиндилар генезисини аниқлашга бағишланган. С. *литогенез*нинг 4 типини аниқлади ва уларнинг Ер тарихидаги эволюциясини тавсифлади; *диагенез, катагенез* ва *гумид* руда ҳосил бўлиши назарияларини ишлаб чиқди; ёнувчи сланецлар, тузлар, темир ва марганец рудалари, оҳактош-доломитли ҳм жинсларини текширди. С. чўкинди жинслар геокимёси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди, миграция шакллари, қад. сув ҳавзалари, океан, денгиз ва дарёларда Fe, Mn, P, V ва б. кимёвий элементларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганди.

СТРАШЕНСКИЙ (Молдавиядаги Страшена шаҳрачаси номидан)— ўрта кечишпар ҳўраки узум нави. Молдавия узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида *Каттакўрғон* х Додрелябн дурагайини мураккаб турлараро дурагай Мускат де Сен Валье б-н чатиштириб чиқарилган (М.С.*Журавель*, Г.М.Борникова, И.П.Гаврилов, Н.И.Гузун). Туни кучли ўсади. Барглари йирик, ромалоқ, уч-беш бўлмали, четлари сал кертикли ва пастга эгилган, тери томони тукли. Гули икки жинсли. Узуми авг.-сентяб пишади. Узум боши йирик, цилиндрсимон, конуссимон, ўртача тиғиз, чочоқ. Ғужуми йирик, юмалоқ, тўқ бинафша, қувоқ губор б-н қопланган. Эти гўштдор, сершув. Қуртаги бўрттандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 2900° бўлганда 155 кунда пишади. Таркибида 20—22% қанд бор. Новдаларя яхши пишади. Совуққа чидами ўртача. Ҳосилдорлиги 200—250 ц/га. Рага касаллигига чидамли, кулранг чиришга чидамсиз.

Страшенский узум нави.

СТРЕПТОКОКК (юн. streptos — занжир ва *кокклар*) — ҳаракатсиз бактериялар туркуми (диаметри 0,6—1 мкм). Ҳаво чанги, одам териси ва б.да учрайди. Бўлиниб кўпаяди, натижада ҳар хил узунликлаги шарсимон ҳужайралар занжири ҳосил бўлади. С. спора ҳосил қилмайди; граммусбат; шакар ва спиртни бижғитади. Айрим турлари амалий аҳамиятга эга: сут кислота С.и лактозани бижғитиб сут кислота ҳосил қилади. Бу жараёндан сут маҳсулотлари (простокваша ва б.) олишда фойдаланилади. Полисахаридларни декстранга айлантирувчи айрим турлари қон ўрнини босувчи суюқлик тайёрлашда қўлланилади. Касаллик туғдирувчи турлари *ангина, саламас*, йирингли касалликлар пайдо қилади; қонни заҳарлайди. Баъзи С.лар эритроцитларни емириш (гемолиз) хусусиятига эга.

СТРЕСС (инг. stress — босим, кучланиш, таранглик) — одам ва ҳайвонларда кучли таъсиротлар натижасида содир бўладиган ўта ҳаяжонланиш, асабийлик ҳолати. Организмда ҳар хил таъсиротларга нисбатан ривожланадиган номахсус нейрогормонал реакция. «С.» терминини канадалик патолог Г. Селье таърифлаб, тиббиётга киритган (1936). Олим С. ҳолатига олиб келувчи омилни стрессорлар деб, улар таъсирида организмда рўй берадиган ўзгаришларни мослашиш (*адаптация*) синдроми деб атади. Физик (песиқ, совуқ, шикастланиш ва б.) ва психик (қўрқув, қаттиқ товуш, ўта хурсандчилик) стрессорлар ажратилади. Организмда бу омиллар таъсирини енгишга қаратилган мослашувчи биокимёвий ва физиологик ўзгаришлар ривожланади, бу стрессорнинг кучи, таъсир этиш муддати, одам ёки ҳайвоннинг физиологик системаси ва руҳий ҳолатига боғлиқ. Нерв системаси юқори ривожланган одам ва ҳайвонларда, ҳаяжонга кўпинча стрессор вазифасини ўтайди ва у физик стрессор таъсирига замин тугдиради. Одамда бир хил кучдаги С. ҳам хавфли, ҳам ижобий бўлиши мумкин. Шунинг учун маълум бир даражадаги С.лар-сиз фаол ҳаёт кечириб бўлмайди, чунки С.лар бўлмаслиги бу ўлим б-н баробар деган эди Г.Селье. Демак, С.лар нафақат хавфли, балки организм учун фойдали ҳам бўлиши мумкин (эустресс), бу ҳолат организм имкониятларини ишга солади, салбий таъсиротларга чидамлилигини оширади (мас., инфекциялар, қон йўқотиш ва б.), маълум бир соматик касалликлар (мас., ярa касаллиги, аллергия, юрак касалликлари ва б.) кечишини енгиллаштиради ёки беморнинг улардан фориғ бўлишига ёрдам беради. Зарарли С.лар (дистресс) организм резистентлигини пасайтиради, кўпгина касалликларнинг кечишини оғирлаштиради. С. таъсирида касалликлар пайдо бўлишида организмнинг дастлабки ҳолати катта аҳамиятга эга. Мас., *гипертония касаллиги* б-н оғриган беморда С. оғирроқ яъни гипертоник *кризлар* б-н кечади.

Г. Селье, С. натижасида ривожланадиган касалликлар ё стрессорнинг кучли таъсир этиши, ёки гормонал ти-

зимнинг «нотўғри» реакция беришига боғлиқ деб ҳисоблаган. Чунки айрим ҳолларда дистресс унча кучли бўлмаган стрессор таъсирида юзага келади. С.нинг организмга ижобий ёки салбий таъсир этиши организмнинг ушбу стрессорга нисбатан реакциясига боғлиқ. С. ҳолатини фаол ўзгартиришга қаратилган чоралар организм чидамлилигини оширади ва натижада касаллик ривожланмайди ёки, аксинча, фаол курашиш бўлмаса, мослашиш синдроми сусайиб, оғир ҳолатларда организмни нобуд бўлишигача олиб келиши ҳам мумкин. Организмдаги ҳамма ўзгаришларни назорат қилишда миядаги катехоламинлар миқдори катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, нерв системаси организмнинг С.га реакция бериш ҳолатини белгилайди (қ. *Нейро-гуморал регуляция*).

Ҳоз. «С.» термини жуда кенг маънода тушунилади, мас., нерв системаси бўлмаган қуйи ҳайвонлар, ҳатто ўсимликларда ҳам сув миқдори ёки ҳарорат кескин ўзгарса, уларда кечаётган физиологик жараёнлар бузилади.

Музаффар Зокиров.

СТРИХНИН (Strychninum), $C_{21}H_{22}N_2O_2$ — кучала уруғидан олинадиган *алкалоид*. Мол. м. 334,42. Суюқланиш т-раси 282°, қайнаш т-раси 270°. 1818 й.да француз кимёгарлари П.Ж.Пельтье ва Ж. Б.Каванту кашф қилганлар. С.нинг тузилишини инглиз кимёгари Р.Робинсон 1946 й.да аниқлаган, америкалик кимёгар Р.Б.Вудворд 1954 й. С.нинг тўлиқ синтезини ишлаб чиққан. С. мураккаб полициклик бирикмадир, заҳарли; зарарли ҳайвонларни қиришда ишлатилади. Тиббиёт амалиётида С. нитрат қўлланади. Марказий нерв системасини қўзғатади, айниқса, орқа мия фаолиятини кучайтиради, катта дозалари тетаник талвасага олиб боради; кўриш, эшитиш, таъм билиш сезгиларини фаоллантиради; томирларни ҳаракатлантирувчи марказ ва нафас марказини қўзғатади. Скелет мускулларини таранглаштиради, парез ва фалажларда нерв системаси функциясини нормаллаштиради.

СТРОБОСКОП (юн. strobos — тартибсиз ҳаракат ва skopeo — қарайман) — бирон бир буюм ёки манзарани кузатаётганимизда шу буюм ёки манзара йўқолганда ҳам унинг қиёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлиб тураверишни ҳодисаси (кўриш инерцияси)ни намойиш қилиш учун мўлжалланган асбоб. Умумий ўқда айланадиган иккита дискдан иборат. Биринчи дискда, худди соат циферблатидагидек, бирон бир такрорланувчи жараённинг турли фазаларига



Стробоскоп схемаси

мос шакллар туширилган. Иккинчи дискда қатор узунчоқ тирқишлар очилган. Дисклар айлантирилганда кузатувчи кузатиш дарчаси ва шу узунчоқ тирқишлар орқали қараб, биринчи дискдаги шакллар ҳаракатининг бирин-кетин кўради. Ҳар бир шакл б-н навбатдаги шакл ҳаракати орасида муайян бир оний вақт ўтади. Лекин кузатувчига шаклларнинг ҳаракати яхлит (узлуксиз) бўлиб туюлади. Бу қалўйинчоқ асбобнинг ишлаш принципи одам кўзининг кўриш иллюзияси хоссасига асосланган. С. хусусиятидан кўпгина и.т. ишларида, ҳар хил асбоблар ясашда, кинематография ва телевиденияда кенг фойдаланилади (қ. *Стробоскопик эффект*).

СТРОБОСКОПИК ЭФФЕКТ — узлукли кузатиш жараёнида тез ҳаракатланаётган жисмнинг қўзғалмас тарзда кўриниши ёки жисм ҳаракатининг алоҳида фазалари тез алмашиниб турганда жисмнинг ҳаракат қилаётгандек бўлиб туюлиши. Агар бирор жисм ёки сурат узлуксиз кузатилмасдан муайян вақт оралиғида кузатилса, уларнинг тасвири худди узлуксиз кузатилаётгандек тасаввур қолдиради. Бунга кўриш инерцияси ҳодисаси сабаб бўлади. Буни умумий бир ўқда айланувчи икки дисклан иборат асбоб (стробоскоп)да кузатиш мумкин. Кўз олдида оддий стробоскоп затвори ν частота б-н t вақт давомида очиб-ёпилса, тез ҳаракатланаётган жисм жуда кичкина жойга силжийди, шунинг учун у кўринади. Кўринаётган образнинг сақланиш вақти τ ичида затвор ν марта очилади, шунинг учун ҳаракатланувчи жисмнинг бир неча «оний» ҳолатлари бир вақтда кўринади. Ҳозирги стробоскопларда узлуксиз кўриш импульсли лампалар воситасида амалга оширилади. Одатда, ҳаракатнинг кетма-кет фазаларини тасвирловчи кадрлар секундига 24 марта алмашинса, кўриш инерцияси ва руҳий омиллар туфайли ҳаракатнинг узлуксизлиги самарасига эришилади. С.э., мас., кинематографиянинг асосини ташкил қилади.

СТРОМБОЛИ — Тиррен денгизидаги сўнмаган вулкан, Липари архипелагида, Италия ҳудуди. Денгиз сатҳидан бал. 926 м (денгиз тубидан 2700 м). Кратери 700 м баландликда. Мунтазам равишда вулкан бомбалари ва газ отилиб туради. Кратеридан чиқаётган газлар лаванинг шафағидан сиқиниб кечаси узоқдан яққол кўринади. Шу сабабли уни Ўрта денгиздаги маяк деб атаганлар. Вулкан отилишининг типларидан бири ҳам С. деб аталади.

СТРОНГИЛИДЛАР (Strongylidae) — нематодалар синфига мансуб тугарак чувалчанглар туркуми. Уз. 4 мм дан 7 см гача. Оғиз капсуласи кучли ривожланган, хўжайин тўқимасига ёпишиш вазифасини бажаради. 10 га оиласи бор. Энг муҳим оилаларидан бири — Strongylidae га 22 та уруғ киради. С. сут эмизувчилар, қушлар ичагида ва б. органларида паразитлик қилади. Оралиқ хўжайинсиз ривожланади. Одам ва ҳайвонларда стронгилоз касаллигини пайдо қилади.

СТРОНЦИАНИТ — карбонатлар синфига мансуб минерал. Илк бор 1787 й. Стронциан ш. (Шотландия) яқинида топилган, номи шундан. Кимёвий таркиби $Sr[CO_3]$. Одатда, Ca, Ba, Pb аралашмаларига эга. Ромб сингонияда кристалланади. Агрегатлари яхлит, донадор, зич ва толасимон, ингичка найсимон бўлиб тузилган. Рангсиз ёки оқиш, сарғиш ва кулранг бўлиб, ялтираши шишадек. Мурт. Қаттиқлиги 3,5—4; зичлиги 3,6—3,8 г/см³. Гидротермал жинслар орасида целестин, барит, кальцит, сульфидлар б-н ассоциацияда учрайди; кўпинча чўкинди тоғ жинсларидан гилли-оҳактошларда чизиқлар кўринишида бўлади. С. Ўзбекистонда Қурама тоғ тизмаларидаги Табошар конида (1932), кальцийстронцианит тури эса, Етимтоғ олтингугурт конида топилган.

СТРОНЦИЙ (лот. Strontium), Sr — Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент. *Ишқорий-ер металлар* гуруҳига киради. Тартиб рақами 38, ат. м. 87,62. Табиий С. 4 та барқарор изотоплан иборат: ^{84}Sr (0,55%), ^{86}Sr (9,87%), ^{87}Sr (7,02%) ва ^{88}Sr (82,56%). С.нинг масса сонлари 80 дан 97 гача бўлган бир неча сунъий радиоактив изотоплари, жумладан, ураннинг парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган энг узоқ вақт мавжуд бўлувчи маҳсулотлардан ^{90}Sr ($T_{1/2}$=27,7 й.) ҳам олинган. С.ни 1790 й.да инглиз минералоги Кроуфорд Шотландиянинг Стронциан (Strontian) шаҳри яқинида топилган стронцианит минерали таркибида кашф қилган. Металл ҳолдаги С.ни амальгама кўринишида 1908 й.да инглиз кимёгари Г.Дэви электролиз йўли б-н гидроксиддан ажратиб

олган. С. Ер пўстининг масса жиҳатдан $4\cdot10^{-2}$ % ини ташкил қилади. Унинг 30 га яқин минерали маълум. Улардан целестин $SrSO_4$ ва стронцианит $SrCO_3$ саноат аҳамиятига эга.

С. кумушсимон оқ, юмшоқ металл. Суюқланиш т-раси 770°, қайнаш т-раси 1380°, зичлиги 2,63 г/см³. С. атом радиуси 0,215 нм, ион радиуси 0,12 нм. Кимёвий фаоллиги ва хоссаларига кўра, у *кальций* б-н *барий* ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди. С. ҳавода тез оксидланади, сув б-н шиддатли реакцияга киришади, кўпгина элементлар б-н бевосита бирикади. Бирикмаларида 2 валентли. Металл ҳолдаги С.ни $SrCl_2$ нинг суюқланмасидан эритмасини электролиз қилиш йўли б-н олиш мумкин. Саноатда С. целестин ва стронцианит концентратларини аввал бойитиш, юқори т-рада (900—950°) кўмир иштирокида қайтариш, ҳосил бўлган SrS ни гидролизлаш, CO_2 ёки HNO_3 таъсир эттириб, $SrCO_3$ ёки $Sr(NO_3)_2$ га айлантириш ва сўнгра уларни термик парчалаш йўли б-н олинади. С. микроорганизмлар, ўсимлик ва тирик организмларнинг таркибий қисмидир. Денгиз радиоляриясидан (акантариясидан) скелети С. сульфат-целестиндан иборат. Денгиз сувўтининг 100 г қуруқ моддаси таркибида 26—140 мг, қуруқликдаги ўсимликда 2,6 мг, денгиз ҳайвонларида 2—50 мг, қуруқликдаги ҳайвонларда 1,4 мг, бактерияларда 0,27—30 мг С. бўлади. Суяк тўқималарида С. кальций б-н бирга тўпланиб унинг аналоги сифатида моддалар алмашинувида иштирок этади. Металл ҳолдаги С. мис, бронза ва баъзи қотишмалар таркибига қўшилади, электр вакуум техникасида газларни ютувчи восита сифатида ишлатилади. С.нинг радиоактив изотопларидан ^{89}Sr телеграф кабелларидаги нуқсонларни аниқлашда, ^{90}Sr эса электр батареяларида манба сифатида ишлатилади. С. бирикмалари заҳарли эмас, одам организмига тушганда улар кальций бирикмаларига ўхшаш таъсир этади, аммо ядро синовлари пайтида атмосферада йиғиладиган ^{90}Sr изотопи инсоният учун ўта хавфлидир. С. б-н ишлаганда ишқорий ва ишқорий-ер металларга оид қўлланма ва қоидаларга риоя қилиш лозим.

Стронций бирикмалари. С. хона т-расида кислород б-н бирикиб оксид, юқори босим остида эса пероксид ҳосил қилади. С. оксид, SrO — рангсиз кристаллар. Суюқланиш т-раси 2430°, зичлиги 4,7 г/см³. Оҳакка ўхшаш; сув б-н бириккanda кўп миқдорда иссиқлик ажратиб чиқариб С. гидроксидга айланади. С. карбонатни 1100°да термик парчалаш йўли б-н олинади.

С. гидроксид, $Sr(OH)_2$ — рангсиз кристаллар. Суюқланиш т-раси 375°, зичлиги 3,625 г/см³. Сувда кальций гидроксидга нисбатан яхши эрийди. Кучли асосли хоссага эга, сув б-н октагидрат $Sr(OH)_2\cdot8H_2O$ ҳосил қилади, сувли эритмаси CO_2 ни ютиб $SrCO_3$ беради. Октагидрат қуруқ ҳавода моногидратга, 100° да сувсиз гидроксидга, 400° дан юқорида SrO га айланади. С. гидроксид қанд и.ч.да патокада қолган қандни ажратиб олишда ишлатилади. Бунда патокага $Sr(OH)_2$ қўшилганда, $C_{12}H_{22}O_{11}\cdot SrO\cdot5H_2O$ таркибли қийин эрийдиган модда ҳосил бўлади. Бу моддага CO_2 таъсир эттирилса, SrO С. карбонатга айланиб чўкмага тушади, қанд эса эритмада қолади.

С. галогенлар б-н бирикиб умумий формуласи SrX_2 бўлган рангсиз кристалл ҳолидаги галогенидлар беради. С. йодид SrI_2 нинг суюқланиш т-раси 402°, зичлиги 4,549 г/см³, сувда яхши эрийди. С. бромид $SrBr_2$ нинг суюқланиш т-раси 643°, зичлиги 4,216 г/см³, сувда яхши эрийди. С. фторид SrF_2 нинг суюқланиш т-раси 1190°, зичлиги 4,94 г/см³, сувда жуда оз эрийди. С. хлорид $SrCl_2$ нинг суюқланиш т-раси 873°, зичлиги 3,052 г/см³, сувда яхши эрийди. С. галогенидлари совиткичлар саноатида, тиббиётда ва косметикада ишлатилади.

С. гидрид, SrH_2 — рангсиз кристаллар, зичлиги 3,27 г/см³; 800° да суюқланмасдан С. ва водородга ажралади. Азот атмосферасида қиздирилса, сариқ рангли С. имид SrNH ҳосил бўлади. С. нитрид Sr_3N_2 — қора рангли кристаллар; сув таъсирида осон парчаланади:

$$Sr_3N_2+6H_2O \to 3Sr(OH)_2+2NH_3\uparrow$$

С. углерод б-н CaC_2 каби сувни парчалаб ацетилен ҳосил қиладиган С. карбид SrC_2 беради. С.нинг кислородли бирикмалари С. карбонат, С. нитрат, С. сульфат муҳим аҳамиятга эга.

С. карбонат, $SrCO_3$ — рангсиз кристаллар; зичлиги 3,7 г/см³. Сувда оз эрийди, қисман гидролизга учраши сабабли эритмаси ишқорий реакцияга эга. Кислоталар таъсирида осон парчаланади. Юқори сифатли пўлат олишда (пўлатни олтингугурт ва фосфордан тозалашда), каустик сода и.ч.да адсорбент сифатида, пиротехникада, махсус оптик шишалар, сирлар ва эмаллар тайёрлашда қўлланади.

С. нитрат, $Sr(NO_3)_2$ — рангсиз кристаллар. Суюқланиш т-раси 645°, зичлиги 2,986 г/см³. 645° дан юқорида кислород чиқариб С. нитритга $Sr(NO)_2$ айланади, кейинги қиздириш натижасида эса SrO ва азот оксидларига ажралади. Сувда яхши эрийди. Ёритқич ракеталар, трассирловчи ва ёндирувчи ўқ ва снарядлар таркибига киради.

С. сульфат, $Sr(SO_4)_2$ — рангсиз кристаллар; зичлиги 3,96 г/см³. 1152° да бошқа модификацияга ўтади. 1580° да суюқланмасдан SrO ва CO_2 га парчаланади. Сувда жуда оз эрийди. Юқори т-рада кўмир иштирокида қайтарилса, С. сульфид SrS ҳосил бўлади. Пиротехникада, шиша, сир ва эмаллар и.ч.да қўлланади.

Ад.: Касымова С.С., Милюков Е.М., Петровский Г.Т., Стронций в стекле, Л., 1978; Касымова С.С., Биогенные элементы, Т., 1990.

Сталина Қосимова.

СТРУВЕ Василий Васильевич [1889.21.1(2.2) — ҳоз. Санкт-Петербург — 1965.15.9] — рус шарқшуноси, Қад. Шарқ мамлакатлари тарихини ўрганиш бўйича мутахассис, СССР ФА акад. (1935), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1943), тарих фанлари д-ри (1934).

Петербург ун-тини тугатган (1911). Ленинград ун-тида қарийб 50 йил дарс берган (1916—65); Эрмитажнинг Миср бўлими мудири (1918—33), СССР ФА Этнография (1937—40) ва Шарқшунослик ин-тлари (1941—50) (1959 й.дан 1965 й.гача шу ин-тнинг Қад. Шарқ бўлими мудири) директори. Уруш йиллари (1941 й.дан) Тошкентда яшаган. 2 жилддан иборат Ўзбекистон тарихини яратишда бевосита иштирок қилиб, республикада тарих фанининг ривожига маълум ҳисса қўшган. Қад. Шарқ, жумладан, Қад. Миср, Шумер, Бобил, Оссурия, Урарту, Эрон, Фаластин, Кичик Осиё, Қора денгиз соҳили ва Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тарихига оид асарлар муаллифи.

Ас.: История Древнего Востока, М., 1941; Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии, Л., 1968.

СТРУВЕ Василий Яковлевич [1793.4(15)4, Альтона (Германия) — 1864.11(23)11, Петербург] — рус астрономи, Петербург ФА акад. (1832). Дерпт (ҳоз. Тарту, Эстония) ун-тини тугатган (1810). С. 1818—39 й.ларда шу ун-тнинг расадхонаси раҳбари. Пулково расадхонасининг асосчиси ва 1839 й.дан унинг директори. С. Дунай дарё-

синиинг қўйилишидан то Шим. Муз океанигача бўлган меридиан ёйи узунлигини (25°20′) ўлчаган. Пулково расадхонасидаги барча телескоплар С. буюртмасига асосан ясалган ҳамда ўрнатилган. У Галактика маркази томон йўлдузлар сонининг ортиб боришини, йўлдузлараро муҳитнинг мавжудлигини кашф этган. С. қўшалоқ йўлдузлар ҳамда йўлдузларгача бўлган масофаларни ўлчашга доир тадқиқотлар олиб борган.

СТРУКТУРА (лот. structura — тузилиш, боғланиш) — 1) муайян нарсаларнинг тузилиши, қурилиши; таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги; 2) объектнинг яхлитлиги ва айнан ўзлигини англатадиган, ички ташқи ва ички ўзгаришларда асосий хусусиятларини сақлаб қоладиган барқарор алоқалари мажмуи. С. *система*ни ташкил этади. С. нарса ва ҳодисани бир хил ёки ҳар хил жинслилиги, унинг муайян нисбий мустақил қисмларга, элементларга, компонентларга бўлинишини; бу қисмлар, элементлар, компонентларнинг ўзаро таъсир ва акс таъсирларини, улар ўртасидаги алоқадорлик ва боғланишларни, бу боғланишларга оид қонуниятларни; нарса ёки ҳодисанинг қандай элементлардан ташкил топганлигидан қатъи назар, бу элементларнинг органик бирлигини, уларнинг яхлитлиги ва бир бутунлигини ифодалайди. С.ни билиш — элементларни аниқлаш, уларнинг ўзаро алоқадорликларини аниқлаш, бу элементлар бир бутунлигининг ўзига хос табиатини тушуниб олишдир.

Кейинги вақтларда табиатшунослик ва ижтимоий фанлар соҳаларида тадқиқот объектини чуқурроқ ўрганиш мақсадида системали ёндашиш, структуравий анализ усуллари ишлаб чиқилди. Бу усулларнинг қўлланиши уларнинг самарали ва истиқболли эканлигини кўрсатмоқда. Оламни фалсафий ва табиий-илмий билиш реал мавжуд системаларнинг С. хусусиятларини билишга анча тўғри келади.

СТРУКТУРАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК — тилшунослик йўналишларидан бири; тилга нисбатан илмий қарашлар ва уни тадқиқ этиш усуллари мажмуи. Тилни аниқ ажралиб турадиган структур (таркибий) элементлар (лисоний бирликлар, уларнинг туркумлари ва б.)га эга бўлган белгилар тизими тарзида тушуниш ва тилни қатъий (аниқ фанларга ухшатиб) формал тавсифлашга интилиш мазкур қарашлар ва усуллар асосини ташкил этади. С.т. ўз номини тил структурасида бўлган алоҳида нисбоғ туфайли олган. Тил структураси (тузилиши) эса, одатда, тилнинг тизимини муайян сатҳлар доирасида иерархик (поғонали) боғланишда жойлашган ва тартибга солинган элементлари ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Тилни структур жиҳатдан тавсифлаш аниқ бир мавзуни умумлашган инвариант (ўзгармас) бирликлар ёки қолиплари, морфемалар, фонемаларни ажратиш ва уларни аниқ нутқий булаклар б-н муносабатини қатъий қўлланиш қоидалари асосида аниқлашга имкон берувчи таҳлилни талаб қилади.

С.т. тоғлари асосида структуравий (формал) грамматика юзага келди, машина таржимаси б-н боғлиқ масалалар кун тартибига олиб чиқилди ва маълум даражада уз ечимини топди. Тилшуносликда математик тадқиқот усулларининг кенг қўлланишига имкон тутилди. С.т. гарчи 20-асрнинг 20–30-йилларида алоҳида йўналиш сифатида шаклланган булса-да, унинг пастлабки куртаклари қад. ҳинд тилшуноси Панини асарларида, ўрта асрлардаги универсал грамматикаларда, Р.Декарт ва Г.В.Лейбницнинг фалсафий-лингвистик грамматикаларида учрайди. С.т.нинг пайдо бўлишида И.А.Бодуэн де Куртенэ, Ф.Ф.Фортунатов, Э.Сепир, Л.Блумфилд, айниқса, Ф.де *Соссюр*нинг илмий изланишлари ва амалий фаолияти муҳим роль ўйнаган. С.т. нинг концепция ва методлари унинг айрим мактаблари (Прага лингвистик тўгараги — функционал тилшунослик; Копенгаген мактаби — *глоссематика*; Америка мактаби — дескриптив тилшунослик) ҳамда бу мактабларга мансуб бўлмаган Э.Бенвенист, А.Мартине, Л.Курилович, Е.Д. *Поливанов* ва б. олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

С.т.нинг 50-йилгачага бўлган ривожланиш босқичида тилни формал тавсифлаш, унинг мазмун жиҳатини инкор қилиш, тил тизимини математик тизим сифатида тушуниш устунлик қилганлиги сабабли С.т. қаттиқ танқидга учраган. 50-йиллардан кейин эса лисоний маънони ўрганиш кучаяди, маъно-мазмунни тавсифлашнинг структур усуллари ишлаб чиқилади. Бу даврда фонологик таҳлил усуллари грамматика ва семантикага кўчирилади. С.т.нинг ўзи эса янги йўналишларга қўшилиб кетиб, 70-йиллара алоҳида йўналиш сифатида барҳам топади. С.т. ишлаб чиққан усуллар алабиётшунослик, этнология, психология, антропология, математика ва кибернетика каби фан соҳалари — гуманитар фанларда ошкора ҳам ошкормас қўлланмоқда.

Бу борадаги изланишлар учун қаранг: *Звегинцев В.А.* Очерки по общему языкознанию. М., 1964. *Гухман М.М.* Понятие структуры и его применение в лингвистике. М., 1972. *Реформатский А.А.* Введение в языковедение. М., 1967. *Ревзин И.И.* Современные структурные лингвистики. М., 1977.

СТРУКТУРАЛАР ГЕОЛОГИЯСИ *тектоникани*нг бир бўлими. Ер пўстида тог жинсларининг жойланиши, пайдо бўлиш қонуниятларини, уларнинг деформацияга ва сиқилиш пайтларини ўрганади. С.г.да «Структура» термини тог жинсларининг фазодаги ўрни ва тектоник ҳаракатлар натижасида уларнинг ўзаришн сифатида тушунилади. С.г.нинг асосий вазифаси — деформацияни келтириб чиқарувчи структура шаклларининг ташқи кўринишни (морфологиясн) ва жинслар силжишларн кинематика жараснинг талқин этишдан иборат. С.г. турли структура шакллари: қатламлар, бурмалар, дарзликлар, ушкмалар, ушлиқли бурилишлар (шапкама, силжима, суриама, шарьяжлар) ва математик ҳосилаларни ўрганади. *Тектоник структуралар. Янгиси жараслар* натижасида вужудга келган тектоник структура шаклларидан ташқари, *эскн жараслар*да чукиш-ларининг қатланиш жараёнида шаклланган седиментацион структуралар ҳамда трапганнн он кучлар (мас., сув ости силжималари) юзага келиши натижасида ҳосил бўлган трапганнон структуралар мавжуд. С.г. фондали қазилмаларни разведка қилиш ва уларни қазиб олиш б-н бевосита биргаликда вужудга келди ва ривожланмоқда. С.г. 19-а.да Канада ва АҚШда (Ч.Р. Ван Хайз, Ч.Лизс ва Б. ва Р.Уиллислар — тектоник узилишлар, бурмалар, клнважлар), Россияда (Н.А. Головкинский — Шарқий Европа платформасида қатламларнинг ҳосил бўлиши; А.П.Карпинский, В.А.Обручев — Олтой, Саян, Урал тоғларида рудали конларнинг тузилиши); Ғарбий Европада (А.Гейм, М.Бертран, Э.Арган — Альп тоғларининг суриама ва бурмалари) вужудга келди. 20-а. ўрталарида С.г.нинг ривожланишига рус геологлари Н.С. Шатский, А.Л.Яншин — платформалар, И.М.Губкин — нефтли структуралар; А.В.Пейве, В.Е.Хаин — чўкўр ер ёриқлари, бурмалар ва узилиш пайдо бўлишидаги горизонтал ҳаракатлар. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда С.г. ривожланишига фойдали қазилма конларини башоратлаш ва излаш ишларида кенг қўлланилишига А.В. ҳамда В. А. Королевлар ҳисса қўшди. С.г. геология-

нинг *геология съемкаси*, *геоморфология*, *стратиграфия* ва *литология*, *петрография*, *гидрогеология* ва *муҳандислик геологияси* фондали қазилмалар геологияси ва кончилик ишлари каби соҳаларн б-н узвий боғлиқ. С.г. геотектониканинг назарий масалаларини ишлаб чиқишда муҳимдир. Тарихий анализ методи ёрдамида структураларнинг шаклланиш қонуниятларини аниқлашда ҳам С.г.дан фойдаланилади. Структура шаклларн геометрнясини билишда тог жинсларининг деформациясини ўрганишнинг физик методлари кенг қўлланилади. Шуна кўра тог жинсларининг петрографик структура ва текстуралари тог жинсларининг тектоник деформацияларн (*тог жинсларн тузилишини* акс эттиради. Микроструктураларни ўрганишни С.нинг махсус бўлими — *петротектоника* ташкил қилади. 20-а. ўрталарндан С.г. маълумотларига суянган ҳолда тектоника ва геодинамика фанлари кенг ривожланди.

СТРУКТУРАЛИЗМ (лот. structura — тузилиш, жойланиш, тартиб) — тилшунослик, адабиётшунослик, этнография, тарих ва ш.к. гуманитар фанларда структур усуллар ва моделлаштиришдан, формаллаштириш, *семиотика*, математикалаштириш элементларидан фойдаланиш б-н боғлиқ йўналиш; 20-а.нинг 20-й.ларида пайдо бўлган. С.нинг талқинот объекти безги тизимлари (тил, фан, санъат, мифология, мода, реклама) мажмуи сифатида олинган маданиятдир. С.нинг асосини нарса ва ҳодисаларнинг инвариант муносабатлари йнгинднси тарзида тушуниладнган тузилма (структуралар ташкил этади. С.дан ибтидоий қабилалар маданиятини ўрганишда ҳамда фольклоршунослнкда самарали фойдаланилди (қ. *Структуравий тилшунослик*).

СТУДЕНТ (лот. studens — қунт б-н ишловчи, шугулланувчи) — қ. *Талаба*.

СТУДИЯ (итал. studio — ўқиш, ўрганиш) — 1) рассом ёки ҳайкалтарош устахонаси; 2) рассом ёки актёрлар тайёрлайдиган мактаб; 3) ижодий фаолият б-н бир қаторда саҳна (ёки тасвирий) санъати асосларини ўрганадиган, асосан, ёшлардан ташкил топган театр (ёки рассомлар) жамоаси. С.нинг профессионал ва ҳаваскорлик турлари бор; 4) бадиий ва б. фильмлар яратувчи ижодий ва техник кино ходимлари жамоаси; 5) радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар олиб бориладиган махсус бино (радиостудия, телестудия); 6) овоз ёзиш хонаси. Мусиқий асарлар ижроларини электр (магнитофон каби) ва электрон (синтезатор ва б.) воситалар ёрдамида ёзиб олиб *фонограмма* тайёрлайдиган махсус жой (мас., «Тарона рекордс» С.си ва б.).

СТУПА (санскритча — чўққи) — асосан, думалоқ ёки тўртбурчак шаклда қурилиб, диний маросимларга мўлжалланган буддавий меъморий иншоот. Тарихий манбаларда қайд қилинишича, Будданинг жасади куйдирилиб, кули 8 булакка бўлиниб, махсус қурилган С.ларга қўйилган. Улар Ҳиндистоннинг 8 шаҳрида — Рожгрих, Вайсали, Капилавасту, Аллакап, Рамгарам, Ветхадип, Кушинагар ва Пипдалпкап шаҳрида бор. Кейинчалик С.га ёлғорлик сифатида Буддапнпг муқаддас деб саналган лъюдари (сочи, тиши ва б.)

Фаё̄ненадаги ступа.

сақланган қутичалар жойлаштирилган. С.ларнинг ички бўшлиқ эмас, яхлит тош, оҳактош, ҳом ғишт, пахсадан тикланган, шакли минорасимон, қўнғироқсимон ёки шарсимон бўлади. 4–5 см дан бир неча м гача. Дунёдаги энг баланд С. Мьянманинг Янгон шаҳридаги Шведагон (пойдевори 20 м, бал. 99 м) — меъморлик обидаси ҳисобланади. С.нинг атрофи ўралиб, 4 томонда кўрилган. Буддизм тарқалган мамлакатларда С.лар «дагоба», «субургон», «чортон», «*пагода*» деб номланган. Ўрта Осиё ҳудудидаги С.лар I—4-асларда оид бўлиб, асосан, жан. ҳудудда жойлашган. Ўзбекистондаги *Ўрмала минораси*, Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа ҳамда Ажинатепа (Тожикистон), Марв (Туркманистон) С.лари илмий ўрганилган.

Баҳодир Турғунов.

Шарқий Ҳиндистондаги ступа (8-а.).

СТЭНЛИ Уэнделл Мередит (1904.16.8, Риквилл, Индиана штати — 1971.15.6) — америкалик биокимёгар ва вирусолог. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1941 й.дан). Принстондаги Рокфеллер ин-ти илмий ходими (1932–48), Берклидаги Калифорния ун-ти проф. (1948 й.дан). Илмий ишлари энзимлар ва оқсиллар вирусларининг табиатини ўрганишга оид. Илк бор вирусни микробиологик услуби б-н эмас, балки Ж.Д. *Самнер* ва Ж.Мортон усули б-н суюқ экстрактни кристаллаб ажратиб олган. Вирус б-н зарарланган бир тонна тамаки барглардан бир неча г кристалл ҳолдаги тирик вирус ажратиб олишга муваффақ бўлган ва унинг оқсил модда эканлигини исботлаган (1935). Полиомиелит вирусини ажратиб олиб, таркибини текширган (1955). Нобель мукофоти лауреати (1946, Ж.Х.Нортроп б-н ҳамкорликда).

СТЮАРТЛАР — Шотландия (1371–1714) ва Англия (1603–49, 1660–1714) даги қироллар сулоласи. Энг машҳурлари: Мария Стюарт, Яков I (Шотландияда Яков VI), Карл I, Карл II, Яков II.

СУАХИЛИ, савоҳилий (араб. — соҳил сўзидан) — банту гуруҳига мансуб халқ. Танзания (2060 минг киши), Мозамбик, Конго Демократик Республикаси ва б.да яшайди. Умумий сони 2,4 млн. киши (1990-йилар ўрталари). *Суахили тилида* сўзлашади. Диндорлари — суннийи мусулмонлар. «Суахили» номи 12-а.дан маълум. С.лар этногенезида Шарқий Африканинг соҳиллари ҳамда Занзибар ва б. ороллларда яшаган маҳаллий банту қабилалари, миллоднинг бошларидан бу ерларга кела бошлаган ҳиндлар, араблар ва форслар, шунингдек, араблар томонидан Африканинг ички р-нларидан қул қилиб келтирилган турли қабилалар қатнашган. Ўрта асрларда С.ларнинг Кильва, Пате, Малинди каби шаҳар-давлатлари мавжуд бўлган. С.лар, асосан, деҳқончилик, балиқ овлаш, ҳунармандчилик, кемасозлик б-н шуғулланади.

СУАХИЛИ ТИЛИ, кисуахили — *банту тиллари*нинг шарқий гуруҳига мансуб тил; энг аввало суахили халқи шу тилда сўзлашади. Шарқий ва Мар-

Фаё этепадаги ступа.

олинган қутичалар жойлаштирилган. С.ларнинг ичи бўшлиқ эмас, яхлит ош, оҳактош, хом гишт, пахсадан иклангaн, шакли минорасимон, ўнгироқсимон ёки шарсимон бўла- и. 4—5 см дан бир неча м гача. Дунё- аги энг баланд С. Мьянманинг Ян- он ш.даги Шведагон (пойдевори 20 , бал. 99 м) — меъморлик обидаси исобланади. С.нинг атрофи ўралиб, 4 а дарвоза қурилган. Буддизм тарқал-

Шарқий Ҳиндистондаги ступа (8-а.).

аги энг баланд С. Мьянманинг Эн-
он шлаги Шведагон (пойдевори 20
, бал. 99 м) — меъморлик обидаси
ысобланади. С.нинг атрофи ўралиб, 4
а дарвоза қурилган. Буддизм тарқал-

Шарқий Ҳиндистондаги ступа (8-а.).

ликаси ва б.да яшайди. Умумий сони 2,4 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). *Суахили тилида* сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. «Суахили» номи 12-а.дан маълум. С.лар этногенезида Шарқий Африканинг соҳиллари ҳамда Занзибар ва б. оролларда яшаган маҳаллий банту қабилалари, милоднинг бошларидан бу ерларга кела бошлаган ҳиндлар, араблар ва форслар, шунингдек, араблар томонидан Африканинг ички р-нларидан қул қилиб келтирилган турли қабилалар қатнашган. Ўрта асрларда С.ларнинг Кильва, Пате, Малинди каби шаҳар-давлатлари мавжуд бўлган. С.лар, асосан, деҳқончилик, балиқ овлаш, ҳунармандчилик, кемасозлик б-н шуғулланади.

СУАХИЛИ ТИЛИ, кисуахили — *банту тиллари*нинг шарқий гуруҳига мансуб тил; энг аввало суахили халқи шу тилда сўзлашади. Шарқий ва Мар-

кадаги Африка мамлакатларида тарқалган (масалан, Бирлашган Танзания Республикаси, Кения Республикаси ва Уганда Республикасида инглиз тили б-н бир қаторда расмий тил ҳисобланади). Турли манбаларга кўра, сўзлашувчиларнинг умумий сони 35—55 млн. киши атрофида. С. киунгуҷа, кимвита, кингаре, киунгуҷа, кимвита, кимбату, киаумба каби 20 га яқин лаҳжалар иборат. С. тахм. 7—8-а. ларда Шарқий Африка қирғоқ халқларининг Африка ички худудлари ва Шарқ мамлакатлари б-н савдо алоқалари туфайли ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнида шаклланa бошлаган. Турли даврларда С.да кимвиту, кимвита ва киунгуҷа лаҳжалари устунлик қилган. Киунгуҷа лаҳжаси ҳақиқий С. ареали (Занзибар о.)дан ташқарига чиқиб, Шарқий ва Марказий Африкага тарқалган ва адабий тилга асос бўлган. Банту тиллари ичида С. катта миқдордаги арабизмлар (барча сўзларнинг 40%) мавжудлиги, қад. ёзув анъанасига эгалиги б-н ажралиб туради. С. 10—11-а.лардан араб графикаси, 20-а. бошларидан эса лотин графикасига асосланган ёзувга эга.

СУБ... (лот. sub — остида, пастда, ёнида) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: 1) бирор нарсанинг остида, тагида ёки яқинида жойлашганликни (мас., *субтропиклар, субарктика, субмарина*); 2) тобеликни, бўйсунишни (мас., *субинспектор, субординация*); 3) иккинчи даражалиликни, асосий эмасликни (мас., *субаренда*) билдиради.

СУБА — бир неча саркорлик (р-н)дан иборат вилоят. Бир саркорлик бир неча парганалардан ташкил топган. Ҳиндистонда *бобурийлар* ҳукмронлиги даврида вилоятлар С. деб, унинг ҳокими эса с у б а д о р деб аталган. Ҳиндистоннинг бутун ҳудуди 15 С.га — Шоҳ Жаҳонобод, Акбаробод, Ажмир, Аҳмадобод, Ауд, Аллоҳобод, Бангала, Биҳар, Кашмир, Декан, Аврангобод, Малъва, Мўлтон, Кобул, Таттага тақсимланган.

СУБАЛЬП МИНТАҚА — мўътадил ва субтропик кенгликлардаги тоғларнинг баландлик минтақаси. С.м.да субальп ўсимликлари ва иқлими ҳукмрон. Альп минтақасидан пастда ва ўрмон минтақасидан юқорида жойлашган. С.м. баландлиги жойнинг кенглигига ва иқлимнинг континенталлигига боғлиқ. Ўзбекистонда 2400 м дан баландда учрайди. Қингир-қийшиқ дарахт ва буталар. Баланд ўтлар ўсади. Ёзги яйловлар сифатида фойдаланилади.

СУБАНТАРКТИКА МИНТАҚАСИ — Жан. ярим шардаги географик минтақа, шимолда мўътадил ва жанубда антарктика минтақалари оралиғида. 58—60 ва 65—67° ж. кенгликлар оралиғида жойлашган. Асосан, океанларга тўғри келади. Иқлими совуқ, ҳавонинг ўртача т-раси қишда —5° дан —15° гача, ёзда 0—2° гача. Кучли, тўхтовсиз шамоллар эсади. Ёғин миқдори 500 мм. [illegible]

СУБАРКТИКА МИНТАҚАСИ — Шим. ярим шардаги географик минтақа, шимолда арктика минтақаси б-н жанубда мўътадил минтақа оралиғида. 60—65° шим. дан 67°—73° ш. кенгликлар оралиғида. Иқлими совуқ, январнинг ўртача т-раси материк ва оролларда —5° дан —40° гача, июлники 5—12°. Йиллик ёғин 300—500 мм. Грунт чуқур музлаган. С.м.нинг шимолида совуқ шим. қисмида тундра зонаси, бир қисми ўрмон-тундра ва жан. қисмида ўрмон-тундра зонаси жойлашган.

СУБВЕНЦИЯ (лот. subvenire — ёрдамга келмоқ) — марказий органлар томонидан муайян тадбирни, объектни мақсадли молиялаш учун ажратиладиган пул нафақаси. Мақсадли фойдаланиш талаблари бузилганда С. уни берган органга қайтариб олинади. Давлат маҳаллий ва маҳаллий ривожлантириш дастурлари, лойиҳалари С. орқали пул б-н таъминланади. С. манбалари ва мақсадларига кўра *дотация* ва *субсидиядан* фарқ қилади.

СУБИРРИГАЦИЯ (*суб*... ва *ирригация*) — *тупроқ остидан суғориш* тури; грунт сувлари сатҳини сунъий кўтариш йўли б-н тупроқнинг ўсимлик илдизи тарқалган қисмини намлашни ифодалайди. С. ни фақат *коллектор-дренаж шохобчаси* қурилган гидроморф ва ярим гидроморф тупроқларда қўллаш мумкин. Очиқ зовурларда тўғон солиш, ёпиқ дренажда гидрантларни беркитиш, шунингдек, уларни суғориш суви б-н тўлдириб грунт сувлари сатҳи кўтарилади. Мас., Хоразм воҳасида С. май ойи ўрталарида, экинлар ҳали ёш бўлиб, оддий усулда эгатлар орқали сув бериш учун эгат очиш қийин бўлган даврда амалга оширилади. Фарғона водийсида суғориш тармоқларининг этагида жойлашган хўжаликларда ва. ойида сув танқислиги сезилганда, шунингдек, юза ётиб сув бериш сонини камайтиришда С. дан фойдаланилади.

СУБЛИМАЦИЯ (лот. sublimo — юқори кўтараман) — моддаининг кристалл (ёки қаттиқ) ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтмай туриб, бевосита газ ҳолатга ўтиш жараёни; иссиқликнинг ютилиши б-н содир бўлади (I жинс фазовий ўтиш).

Қаттиқ жисмларнинг ҳаммаси, мустасносиз, озми-кўпми С.ланади. Баъзи моддаларда, мас., қаттиқ карбонат ангидрид, йод, камфора, нафталинларда С. [illegible] бошқа моддаларда [illegible] [illegible] Моддани махсус [illegible] [illegible] бериш [illegible] [illegible] [illegible] С. [illegible] мисоблашади. Метеоритлар [illegible] ... учун ҳам С. дей [illegible].

С.нинг қаттиқ моддаларни [illegible] космик аппаратларни юқори т-радан ҳимоялашда ва [illegible].

СУБЛИМАЦИЯ [illegible] — инсоннинг қувватини ижтимоий фаолияти юксак мақсад ва объектларга йўналтирилиши, кучайтирилиши. «С.» тушунчасини З. Фрейд ўзининг *психоанализ* назариясида илгари сурган (1900). Ушбу таълимотга кўра, жинсий ва ақлий [illegible] ҳаётида қамалиб [illegible] табиий мойиллик қуввати маданий фаолиятга, ақлий ҳамда ижодий фаолиятга қаратилади, сарф этилади. Бунда С. психологик ҳимояни таъминловчи омил сифатида хизмат қилади. Жамият ва шахсга мутаносиб психиканинг эркин кўринишларини улаган йўли б-н ва юзага келадиган жиддийлик, зўриқишни камайтириш ҳолисасини унинг вазифаси ҳисобланади. С. масалаларига *билишдир психологияси*, ижод психологиясида муҳим аҳамият берилади. *Ижтимоий психологияда* уни шахс социализацияси жараёни б-н боғлайдилар. С. турлисидаги неовфурлар психиканинг биологик [illegible] акс этиради.

СУБЛИТОРАЛ (*суб*... ва *литорал*) — океан ва денгизлар тубининг литоралдан бевосита пастроқда жойлашган қирғоқ бўйи қисми. Сув қайтгандан кейинги сув сатҳидан сув ости ўсимликлари ўсадиган энг пастки чегара (батиал)гача чўзилган. Сув ҳавзасининг табиий шароитига қараб С.нинг қуйи чегараси 40 м дан 150 м гача чуқурликда ётади. С. эни 10 ёки 100 м дан (Қора, Беринг, Охота денгизлари) то 1500—2000 м гача (Баренц денгизи). С. даги ўсимликлар қўнғир, қизил ва кўк сувўтлардан, ҳайвонот дунёси моллюскалар, чувалчанглар, қисқичбақасимонлар, игнатерилилардан иборат. С. зонасидан умуртқасизлар овланади. Устрицалар, мидиялар, денгиз тароқчалари, краблар, улок Шарқ денгизларида [illegible] муҳим аҳамиятга эга. Треска, пикша, камбала ҳам [illegible] денгиз қарағи [illegible] олинади.

СУБМИТТИ ЮЛДУЗЛАР, субмитт... [illegible] — [illegible] сферик [illegible] қисмларни [illegible] кўрсатади. Бир хил массали бош кетма-кетлик юлдузларга қараганда кичикроқ т-рага эга, атмосфераларида металл атомлари миқдори кам. [illegible] фарқланадиган боғланишда бўлиниб [illegible]. Бош кетма-кетликка нисбатан [illegible] 1,5—2 юлдуз катталигида пастроқда жойлашган диаграмма кетма-кетлик ҳосил қилади.

СУБОРБИТАЛ ПАРВОЗ — космик учиш аппаратининг 1-космик тезлик (7,91 км/с)дан кичик тезликда, яъни Ер сунъий йўлдоши орбитасига чиқмасдан баллистик траектория бўйлаб учиши. С.П.дан мақсад — космик кемаларни синаб кўриш, табиий-биологик тадқиқотлар ўтказиш ва б. АҚШ да 1961—61 й.ларда астронавтлар «Меркурий» дастури бўйича 2 та, СССРда 1975 й.да космонавтлар «Союз» дастури бўйича 1 та С.п. қилган. Бу парвозлар астронавтлар А. Шепард (1961 й. 5 май) ва В. Гриссом (1961 й. 21 июль) бўлган. С.п.нинг ўтиш муддати — 15 ва 16 мин., узоқлиги 486 ва 504 км, бал. 186 ва 189 км.

СУБОШИ — лашкарбоши, саркарда, қўшин бош қўмондони. Бу унвон Турк хоқонлигида салтанат учун қилган буюк хизматлари, саркардалик истеъдоди б-н ном қозонган шахслар (мас., Турк хоқонлигида Култегин, Мўйюн, Ишбар қоғон) номига берилган. *Қорахонийлар* қўшинида С.нинг ростсўйлик, шижоат ва бошқарувлик, ҳарбий вазифалар тоқими. Турли ҳарбий маҳорат ишлата билишлик талаб қилинган. *Салжуқийлар* салтанатида «С.» атамаси қабила бошлиғи, вилоят, ўлка ҳокими маъноларида қўлланилган. Салжуқийлар сулоласи асосчиси *Салжуқ* ҳам С. унвонига эга бўлган. Вилоят ҳокимларига С. унвони кўпроқ арабча «амир» унвони ҳам берилган. С. султон фармонига мувофиқ ҳарбий юришга чиққан. Усмонли турклар давлатида С. лавозими мавқеини аста-секин бой берган, у чекка вилоятларда *марзбон* вазифасини бажарган. Унинг вазифасини бошбуқ, мири ашират, *рейс* деб аталган амалдорлар эгаллаган. Айни шу маънода С.нинг Ўрта Осиёда ҳам фаолият кўрсатганлиги тарихий манбаларда акс этган. Ҳоз. Туркияда ернинг бошқарувчи шахс С. атамаси б-н аталади.

СУБСИДИЯ (лот. subsidium — ёрдам, нафақа, қўллаб-қувватлаш) — давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар маблағлари ёки махсус фондлардан жисмоний ва юридик шахсларга, маҳаллий органларга, бошқа давлатларга бериладиган пул маблағи ёки натура шаклидаги ёрдам. Маблағлар қўриниши аниқ мақсадли С.лар *бевосита* С. ёки бошқа имтиёзларни жорий этиш *билвосита* С. деб аталади. С. давлат томонидан қайтарилмаслик шарти б-н ажратилади. С.лар иқтисодиётни *диверсификациялашни* тезлаштириш, экспорт-импортни мувозанатлаш турини, фан-техника янгиликларини ўзлаштиришни йўлга қўйиш, миллий саноатни устириш, айрим ҳудудларни ривожлантириш, камбағал ва б. мақсадларда ажратилади. Жаҳон бозоридаги нархни ушлаб туриш учун бозорга қўшимча товарларни чиқаришни ва бўлганда давлат бу товарларни ташқарига ўтказиб турган фирмаларга С. бериб, товарларни сақлаб туриш харажатларини қоплайди. Давлатнинг иқтисодий дастурларида иштирок этадиган корхоналар ҳам С. олади.

СУБСТАНЦИЯ (лот. substantia — моҳият) — нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, асосини ифодаловчи тушунча. Одатда, материя, модда сўзининг синоними сифатида қўлланилади. С. фалсафада хилма-хил олимнинг, объектив реалликнинг, табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури тарихини, инсон билимларининг натижаларини ҳам ўзига қамраб олувчи конкретликнинг ниҳоятли ички асоси, билиш нуқтаи назаридан чеклаш тушунчаси сифатида талқин этилади. Бундай универсал моҳият муайян нарса, ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқадорликлари орқали намоён бўлади. Юнон файласуфлари С. деб нарсаларнинг доимий, туб ва ўзгармас хусусиятини, асл моҳиятини англашган, унга *акциденция* тушунчасини қарама-қарши қўйишган. Кейинчалик схоластлар бутун мавжудотнинг асл моҳиятини ташкил этувчи С. — хулосир деган ғояни илгари сурганлар (қ. *Схоластика*). С.нинг моддий сабаби ва илоҳий С. ҳақидаги дуалистик талқинни Р. *Декарт* олға сурди, у *Спиноза* фалсафасида янада ривожлантирилди. И. *Кант* С.ни тафаккурнинг априор шакли, яъни тажрибадан олинган билимларни синтезловчи шакли деб ҳисоблади. Унинг фикрича, С.нинг доимийлиги барча вақт мобайнида ўткинчи бўлган нарсаларга нисбатангина ноёб бўлади. *Гегель* С.ни нарсаларнинг ўзгарувчан, ўткинчи томонларининг ягоналиги сифатида таърифлаб, уни «ҳар қандай ҳақиқий ривожланишнинг асоси» дейди.

Шарқ фалсафасида Форобий С.ни энг умумийлик сифатида тушунтирган. Ибн Сино С.ни субстанционал умумийлик ва акциденциал умумийликнинг ўзаро муносабати доирасида талқин этиб, уларнинг бир-бири б-н боғланганлиги, бири иккинчисига мавжуд бўла олмаслигига эътиборни қаратди. С.ни тушунишда ҳам материалистик, ҳам идеалистик қараш бор. Материалистлар С. деб объектив реалликни, материяни, идеалистлар эса, худони, мутлақ ғояни, руҳни, умуман моддий бўлмаган асосни тушунадилар. Позитивистлар С.ни мавҳум тушунча сифатида таърифлаб, бу тушунча тадқиқотчининг чегитиб, унинг фикрини йўқ нарсага боғлаб қўяди, ҳолбуки олам ҳиссий-хилликлар ва уларнинг бирликларидан иборат. Бунга эса моддийлик ҳам, замонийлик ҳам кирмайди деб ҳисоблашади. Ҳоз. замон табиатшунослиги учун С. фақат расмий тушунча бўлиб, ҳодисаларни ифодаловчи деган маънони билдиради.

СУБСТИТУЦИЯ (лот. substituo — ўрнига қўяман, ўрнига алмаштираман) — васиятда ўринбосар меросхўр (субститут)нинг тайинланиши. В о р и с л и к ҳ у қ у қ и д а мерос қолдирувчининг васиятномасида мерос очилгунча асосий меросхўрнинг вафот этиб қолиши ёки уни қабул қилмаслиги эҳтимолини ҳисобга олиб, қўшимча меросхўр кўрсатилади. Асосий меросхўр қонунда назарда тутилган сабабларга кўра меросдан маҳрум этилган ҳолатларда ҳам ворисликка субститут чақирилади. Субститут сифатида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўра, меросхўрлар қаторига киришкиришмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай шахс тайинланиши мумкин.

Х а л қ а р о ҳ у қ у қ д а давлатларнинг моддий жавобгарлиги шакллари дан бири, реституциянинг бир кўриниши: қонунга хилоф равишда йўқ қилинган ёки зарар етказилган мулкни, шу жумладан, бинолар, транспорт воситалари, санъат бойликлари, хусусий мулкни тенг қийматли бошқа мулк б-н алмаштиришдан иборат.

СУБСТРАТ (лот. substratum — тўшалма, асос) — 1) б и о л о г и я д а — ўтроқ яшайдиган организмлар ёпишадиган асос; ташқи муҳитнинг таянч элементи, мас., бентосдаги организмлар учун сув туби. С. микроорганизмлар ва ўсимликлар учун озиқ муҳити ҳам бўлади; 2) б и о к и м ё д а — фермент таъсирида ўзгарадиган модда.

СУБСТРАТ (т и л ш у н о с л и к д а) — муайян бир лингвогеографик ҳудудда тарқалган тилда барча тил сатҳларида

мансуб белги ва ҳолисаларнинг мажмуи. Бу белги ва ҳолисалар келиб чиқишига кўра аввал шу ҳулудда мавжуд бўлиб, кейин йўқолиб кетган тилга тегишли бўлади, бошқача айтганда, С. маглуб тилнинг голиб тилла қоллирган излари. Мас., румин тилининг лак С. и — лакларнинг йўқолиб кетган тилининг излари. С. манбаи голиб тилга қариндош бўлиши ҳам, қариндош бўлмаслиги ҳам мумкин. С.ни у б-н ёндош ҳолисалар — а д с т р а т (келгиндилар тили таъсири остида маҳаллий аҳоли тилида ҳосил бўлган тил ҳолисалари; бегона тилнинг маҳаллий тилга таъсири б-н боғлиқ икки тиллилик кўриниши) ва с у п е р с т р а т (лот. superstratum — «устки қатлам, қават» — муайян бир лингвогеографик ҳулудда тарқалган тилдаги лисоний белги ва ҳолисалар мажмуи бўлиб, улар маҳаллий тилга сингиб йўқолиб кетган келгиндилар тилининг изларидир) ҳолисаларидан фарқлаш керак.

СУБТРОПИК МИНТАҚАЛАР — Ернинг ҳар икки ярим шаридаги географик минтақалар, 30° ва 40° кенгликлар орасида жойлашган. Совуқ ойнинг ўртача т-раси 0° дан юқори. С.да йил бўйи ўсимликлар вегетацияси давом этади. Ёз б-н қишнинг ҳаво т-раси катта фарқ қилади. Ёзда тропик, қишда мўътадил ҳаво массалари ҳукмрон. Денгиз бўйидан қуруқлик ичига кириб борган сари ёгин миқдори камайиб, иқлим континенталлашиб боради. Субтропик иқлимнинг 2 тури: материк субтропик иқлим ва океан субтропик иқлим мавжуд. Материк субтропик иқлимда ёз иссиқ ва қуруқ, қиш беқарор, нисбатан совуқ бўлади. Июлнинг ўртача т-раси 24—30°, янв.да 0—4° бўлади. Ёгин 300—500 мм, тоғларнинг шамолга рўпара ён бағриларида 800—1000 мм. Океан субтропик иқлимга ҳаво т-расининг йил давомида кескин ўзгармаслиги, ёзда анча паст (20° атрофида), қишда илиқ (12° чамасида) т-ра бўлиши хос. С.м.да тупроқ, асосан, қизил ҳамда кулранг-жигарранг, сариқ-қўнғир тупроқлар. Ўсимлик дунёси хилма-хил. Чўл ва чала чўллардан доим яшил ўрмонларгача мавжуд. Ҳар бир материкда С.м.нинг 3 асосий — ғарбий океан бўйи ёки ўрта денгиз бўйи, континентал ва шарқий океан бўйи секторлари ажратилади. Континентал С.м. материкнинг ички қисмларига хос. Уларда ёгин кам (200—400 мм), янв.нинг ўртача т-раси 0—4°, об-ҳаво беқарор. Ёз иссиқ ва қуруқ (28—30°). Ёзда иссиқ 50° га етгани ва қишда совуқ —10° дан паст бўлгани қайд этилган. Ёгин қиш ва баҳорда ёгади. Ўзбекистонда Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Денов туманлари шу минтақада жойлашган. Асосан, чўл ва чала чўл зонасига киради. Сув бор ерлар ўзлаштирилиб, воҳаларга айлантирилган. Иссиқсевар ўсимликлар, жумлалан, магнолия, пальма дарахти экилади, ингичка толали пахта, шакарқамаш, субтропик мевалар (лимон, хурмо, апельсин ва б.) етиштирилади.

СУБТРОПИК ЎСИМЛИКЛАР — асосан, доим яшил, барг тукалиган баъзи мевали дарахтлар ҳамда буталар. Буларга *авокадо, анжир, анор, апельсин, мандарин, лимон, грейфрут, зайтун, хурмо, чилонжийда* (уноби), *писта, мушмула, ток, дафна* ва б. киради. С.ў. мазали, тўйимли ва доривор хусусиятга эга мева беради. Меваси янгилигича, консерваланган ҳамда қуритилган ҳолда истеъмол қилинади. С.ў. вегетация давринин узунлиги, қишда тиним даврига ўтиши б-н тропик ўсимликлардан фарқланади. Асосан, *субтропик минтақаларда* етиштирилади. Оранжерея ёки траншеяларда, шунингдек, уй шароитида ўстирилади. С.ў.нинг совуққа чиламлилиги турлича. Мас., лимон совуққа чиламсиз, анжир, анор, хурмо чиламлироқ. Ўзбекистонда С.ў.нинг баъзи турлари (апельсин, мандарин, лимон ва б.) оранжерея ёки траншеяларда, шунингдек, уй шароитида ўстирилади. Сўнгги йилларда субтропик мевалар Шрелер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ин-тининг *Жанубий Ўзбекистон тажриба станциясида*, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги лимонарий ширкат хўжалигида, Сурхондарё вилоятидаги Денов ўрмон хўжалигида ва б. бир қанча вилоятлардаги айрим хўжаликларда, шунингдек, томорқаларда ўстирилиб, кўчатлари етиштирилмоқда.

Ад.: Кульков О. П., Мухамедзянов Ш. З., Ўзбекистоннинг субтропик ўсимликлари, Т., 1968; Животинская С., Восточная хурма в Узбекистане, Т., 1989; Зайцев Ю. И., Цитрусовые в комнате, Т., 1990.

Рахсивой Жўраев.

СУБТРОПИК ҒЎЗАЛАР, ғўзанинг субтропик шакллари — ҳозир экилаётган *ғўза*нинг юксак даражада маданийлаштирилган эволюцион шакллари. Улар хўжалик аҳамиятига эга бўлган қарийб барча белги ва кўрсаткичлар бўйича узоқ танлаш ва жаҳон пахтачилигининг қимматли генофонди маҳсулидир. С.г. узоқ яшамайдиган, симподиал ва кескин симподиал ярим ўтсимон бута. Тукланиш даражаси, барг пластинкасининг катталиги ва шакли, чигитларининг тукланиши, тупининг типи, бутимлари оралиғининг узунлиги, симподиал шохларининг типи, кусакларининг катталиги ва шакли, толасининг узунлиги, тола чиқиши ва б. сифатлари ўзгариб туради. Толаси оқ, оч сариқ, бақувват ва узун, еввойи ҳолда ўсиш қобилиятини йўқотган. С.г. турли касалликларга нисбатан экологик чиламлилиги, ҳосилдорлиги, кусагининг йириклиги, толасининг технологик сифати яхшилиги туфайли дунёдаги ғўза экиладиган барча мамлакатларда кенг тарқалган. Ареалнинг турли қисмларида агроэкологик шароитларга кўра экологик-географик шаклларнинг ўша жойлар шароитига мослашган гуруҳлари, мас., *мексика ғўзасининг* Шарқий Америка, Урта Осиё, Шим. Хитой, Жан. Африка, Болқон ва б.да ўсалиган алоҳида гуруҳлари шаклланган.

Абдумавлон Абдуллаев.

СУБУТОЙ, Субэдэй (13-а.) — *Чингизхон*нинг йирик саркардаларидан бири. Шим. Хитой, Мовароуннаҳр, Хуросон, Закавказье, Дашти Қипчоқ, Русь, Шарқий Европани истило этишда шуҳрат қозонган. Урянхат қабиласидан. Чингизхоннинг энг яқин тўққиз ўрлуқ (сафлош)ларидан. Жанглардан бирида бир кўзидан ажралган; жасорати учун «баҳодир» унвонини олган. С. мингбоши сифатида қўшиннинг сўл қанотига (қанот қўмондони — Мухали нуён) мансуб эди. Чингизхон Мовароуннаҳрни истило қилаётган даврда (1219—20) С. Нур қалъаси (Нурота)ни талон-торож қилган. Сўнгра Чингизхоннинг амрига мувофиқ *Жебе нўён* б-н бирга (20 минг кишилик қўшин б-н) мамлакатдан қочган *Муҳаммад* хоразмшоҳни таъқиб этиб, Хуросон, Каспий денгизининг жан.-даги вилоятлар, Закавказье шаҳарларини вайрон қилган ва Шим. Кавказга чиққан. Бу ерда *Калка жангида* руслар ва қипчоқларнинг бирлашган қўшинларини буткул тор-мор келтирган. С. рус князликларининг чегара ҳулудлари, қипчоқларнинг яйловларини талон-торож этиб шим.га Волга Булгориясига юриш қилган, бироқ булғорларнинг қаттиқ қаршилигига луч келиб, Мўғулистонга қайтиб кетган (1224—25). Ўқтой қооннинг Хитойга қилган юришида (1230—35) қатнашган. С. *Ботухон*нинг Шарқий Европага қилган юриши (1236—42)да бош ҳарбий маслаҳатчи сифатида доимо у б-н бирга бўлган.

Фахриддин Ҳасанов.

СУБЪЕКТ (лот. subjectus — остида, пастда, асосида турувчи) — мантиқнинг ҳукм чиқарилаётган предметни биллирувчи термини. Грамматик анъаналарда «С.» термини ҳукм (фикр) предметига мувофиқ келувчи ган бўлагини биллириш учун қўлланган. Бу термин Ғарбий Европа синтактик терминологиясида айнан, таржимасиз қолдирилган; рус грамматикасида унинг калькаси — «подлежащее», ўзбекчада эса русча терминнинг мазмуний калькаси («эга») қўлланади. «С.» грамматик, мантиқий (коммуникатив, психологик) ҳамда семантик С. тушунчаларини бирлаштиради. Кўпчилик ҳолларда улар ёки асосан грамматик С. эгага тенг бўлади. Мас., «Бола йиглаянти» гапидаги «бола» сўзи бир пайтнинг ўзида ҳам С., ҳам эга ҳисобланади.

СУБЪЕКТ — фаол фаолият кўрсатувчи, билувчи, онг ва иродага эга бўлган индивид ёки ижтимоий гуруҳ. «С.» тушунчасини юнон файласуфлари *субстанция* тушунчаси б-н бир хил маънода тушунишган. Аристотель асарларида С. тушунчаси субстанция б-н айнанлаштириб, индивидуал борлиқ сифатида берилган. 17-а.дан С. тушунчасини гносеологик маънода талқин этиш бошланди. Янги давр материалистлари С.ни объектив ва азалий мавжуд бўлган ташқи воқеликни пассив акс эттириш, идрок қилиш, ундан нусха олиш б-нгина чегараланган билувчи материя сифатида тушунтиришган. Улар С.нинг моҳиятида ётувчи ҳақиқий фаолликни, яъни билиш жараёнида айнан шу фаоллик воқеликни чуқурроқ, кенгроқ, батафсилроқ, мукаммалроқ билиб олишга имкон яратишини тушуниб ета олишмади. Чунки у даврда С. фаоллигининг замирида унинг аниқ фаолияти ётиши ҳақидаги гносеологик тамойил яратилмаган эди. Идеалистлар *объект*нинг мавжудлиги С. фаолиятининг натижаси деб талқин этишди. Улар С.ни индивид онги, худо, ғоя ва б. тарзида тушунтириш асосида унинг билиш жараёнидаги фаоллик ролини изоҳлашга ҳаракат қилишди. Ҳоз. замон гносеологик тадқиқотларида С. объект б-н боғлиқликда олиб қаралади, айрим концепцияларда объектнинг С.дан мустақил ҳолда мавжудлиги таъкидланади. Айни пайтда С. объектга фаол ўзгартирувчи таъсир қилади ва С. объектни «инсонийлаштиради». Бундай С. б-н объектнинг ўзаро алоқадорлиги асосида ижтимоий-тарихий амалиёт ётади. С. ҳисобланган индивид ва унинг онги ҳам тадқиқот объекти бўлиб келиши мумкин. Индивид С. сифатида жамиятнинг бир аъзоси, тарихий жараённинг бир вакили сифатида у мансуб бўлган жамият аъзоларига хос билимларга эга ва шу нуқтаи назардан оламга қарайди. Индивид ижтимоий мавжудот, шу маънода С. ижтимоий мазмун касб этади, яъни жамият аъзоси бўлган айрим индивид ҳам, жамиятнинг ўзи ҳам С. бўлиб келиши мумкин. Жамият уни тадқиқ этувчи тадқиқотчи учун эса объектдир, ўзидан ташқи олам учун уни ўрганувчи С.дир. Инсон ўз эҳтиёж ва амалий ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, ташқи оламни ўзгартириш, ўзига мослаштириш асосида иккинчи табиатни яратди. Бу ҳолат С. объектни ўз хоҳишига кўра ўзгартирганлигининг оқибатидир. Бу жараёнда С.нинг ўзи ҳам ўзгариб боради.

СУБЪЕКТИВ ИДЕАЛИЗМ — қ. *Идеализм.*

СУБЪЕКТИВ ҲУҚУҚ — муайян (жисмоний ёки юридик) шахснинг конкрет ҳуқуқи. Мас., хусусий мулк эгаси ўз мулкига эга бўлиши, ундан фойдаланиши ва унга хўжайинлик қилиши ҳамда ўз ҳуқуқини бошқа шахслардан поймол қилмасликларини талаб этиши мумкин. С.ҳ. эгаси зарур ҳолларда ўз ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун давлат ёрдамидан фойдалана олади (мас., судга мурожаат қилиши мумкин). Ҳимоя шаклига кўра, С.ҳ. мутлақ ва нисбий С.ҳ.ларга бўлинади. Мутлақ С.ҳ.да С.ҳ. эгаси номаълум кенг шахслар гуруҳидан муайян ҳаракатни қилишни ёки қилмасликни талаб этиши мумкин. Нисбий С.ҳ.да С.ҳ. эгасининг талаби фақат конкрет шахс ёки шахслар гуруҳига қаратилган бўлади (мас., кредиторнинг қарздорга нисбатан бўладиган муносабатдаги ҳуқуқи).

СУБЪЕКТИВИЗМ — воқеликни субъектга қараб биладиган, яъни онгни бирламчи яратилган, бошқа ҳамма нарсалар онгнинг шакли, мазмуни ёки унинг ижоди маҳсули ҳисобланади деб изоҳловчи қараш. С. тушунчасини *Декарт* жорий қилган. Ж. *Беркли* идеализми бундай С.нинг энг кескин шакли ҳисобланади. Кантчиликни шу хилдаги С.нинг ўртача кўриниши дейиш мумкин. Неопозитивизмнинг турли кўринишлари ҳам бир жиҳатдан шундай С.га яқин келади. С. сўзи тор маънода — интеллектуал ҳақиқатнинг, шунингдек, ахлоқий ва эстетик қадриятларнинг соф субъективлиги, уларнинг мутлақ аҳамият касб этишини инкор қилиш тўғрисидаги таълимотдир. Камдан-кам ҳолларда бундай С. назарияда *солипсизм*га, этикада эса — *эгоизм*га олиб келади. Хусусан, *софистлар* ва *кирена мактаби* вакиллари назарияда, гедонистлар — этикада. Янги давр (19-а.)да эса, хусусан, Штирнер субъективистлар бўлган эди.

СУБЭКВАТОРИАЛ МИНТАҚАЛАР — Ернинг ҳар икки ярим шаридаги географик минтақалар. *Экваториал минтақа* ва *тропик минтақа* орасида жойлашган. Ҳаво массалари мавсум бўйича ўзгаради: ёзда экваториал, қишда тропик ҳаво (пассатлар) ҳукмрон. Ўртача ойлик т-ралар 15°дан 32° гача. Йиллик ёгин 200 мм дан 2000 мм гача. Ландшафт зоналари меридионал йўналишда ўзгаради: доим нам ўрмонлар, типик саванна, чўллашган саванна ва сийрак ўрмонлар. Тоғларда ўрмон-яйлов ва ўрмон-дашт баландлик минтақалари мавжуд. Тупроқлари подзоллашган латерит тупроқдан қизил-қўнғир саванна тупроқларгача ўзгаради.

СУБҲОНИЙ — халқ селекциясида чиқарилган эртапишар серҳосил маҳаллий ўрик нави. Дарахти кучли ўсади. Шох-шаббаси кенг ёйилиб ўсади. 25—30 ёшли дарахтининг бал. 12 м га боради. Меваси йирик, 40—50 г. Пўсти тигиз, эти тўқ сариқ, таъми нордон-ширин, хушхўр. Меваси таркибида 14—18% қанд, 0,6—1,2% кислота., 20—25,7% қуруқ модда, 23,8—26 мг% витамин С бор, данагидан осон ажралади. Данаги йирик (3 г гача), магзи ширин. Пишган, лекин териб олинмаган меваси тўкилмай дарахтнинг ўзида туршакка айланади. Кўчати ўтқазилгач, 8—9-йили ҳосилга киради, меваси июнь охири — июль бошларида пишади. 15—20 ёшида тупидан 200—400 кг ҳосил олинади, яхши парвариш қилинганда дарахти 50—60 й. мева беради. Нам етарли ерларда мўл ҳосил қилади. Мевасидан юқори сифатли *баргак* олинади (26% баргак тушади), компот, мураббо пиширилади. Касалликларга чидамли нав. Асосан, Тошкент вилояти, Фарғона водийсида экилади.

Субҳоний ўрик нави.

СУБҲОНҚУЛИХОН (1625 — Бухоро — 1702.14.9) — Бухоро хони (1680—1702), Балх ҳокими (1651—80), *аштархонийлар*дан. *Надр Муҳаммадхон-*

нинг ўғли. Надр Муҳаммадхон Бухоро хони бўлгач, ўғли С.ни Соли Сарой шаҳри, сўнгра Балх вилояти ҳокими қилиб тайинлайди (1642). Кўп ўтмай у бу лавозимдан олиниб, Қаҳмердга ҳоким бўлган. С.нинг катта акаси *Абдулазизхон* отасини ҳокимиятдан четлаштириб, Бухоро хони бўлгач, С. Балхга — отаси ҳузурига йўл олган. С. Балх вилоятида мустаҳкам ўрнашиб олиб, Балх ва Балахшон ҳокимлигини қўлга киритган (1651). С. Бухородан мустақил сиёсат юритган. 1658 й.да Абдулазизхоннинг пири Абдулғафforхўжа воситачилигида Бухоро ва Балх ўртасида тинчликка эришилиб, С. акасининг ҳокимиятини расмий тан олган. *Муҳаммад Юсуф Муншийнинг* ёзишича, 1680 й. 2 фев.да кексайиб қолган Абдулазизхон С.га Бухоро хонлиги тахтини топшириб, ўзи ҳажга жўнайди. С. марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун солиқлар миқдорини ошириб, қўшинни кўпайтирган. *Анушахоннинг* вориси *Аранг Муҳаммадхон* 1687 й. Бухорога босқин қилганида С. бу ҳужумни қайтариш б-н чекланмай, 1688 й.да ўздирилган хон ўрнига Хива тахтига ўз ноиби амир Ниёз эшик оғабоши (Шоҳниёз)ни ўтқазган. Шу тариқа *Абдуллахон II* даврлагидек Хива хонлиги яна Бухорога қўшиб олинган ва минтақада ягона ўзбек давлати қарор топган. С. даврида Бухоро хонлигининг Шарқ давлатлари б-н дипломатик муносабатлари яхшиланган. Бобурийлардан *Аврангзеб* 1689 й.да Забардастхон, Усмонли турк султонларидан Аҳмад II 1691 й.да Мустафо човуш бошчилигидаги элчиларни Бухорога жўнатган. С. б-н Аврангзеб ўртасида бир неча марта (1671—87) ўзаро *мактублар* алмашилган. С. томонидан Балх ва Бухорода кўплаб меъморий обидалар, жумладан, Балхда мадраса, Бухорода Дор уш-шифо, Регистонда катта ҳовуз; Арка саломхона ва жоме масжиди, шунингдек, Аминобода чорбоғ қурилган. Бу даврда, айниқса, тиббиёт илми ва адабиёт ривожланган. Дор уш-шифода беморларни даволаш б-н бир қаторда илмий ишлар ҳам олиб борилган. С.нинг тиббиётга оид китоблар жамланган нодир кутубхонаси бўлган. У «Иҳйо ат-тибби Субҳоний» («Субҳоний тиббиёти бўйича даволаш»), «Лубб уллавойиҳ ул-қамар фил-ихтиёрот» («Бахтли соатни аниқлашда ой манзилларининг моҳияти») номли илми нужумга оид рисола ёзган. С. «Нишоний» тахаллуси б-н шеърлар битиб, саройда ўтказилган мушоираларда ўзи ҳам шеърлар айтган.

С. Бухоро яқинидаги Баҳоуддин мажмуасидаги Даҳмаи шоҳонда (Абдуллахон II қабри яқинида) дафн этилган.

Манбалар: Мир Муҳаммад Амини Бухорий, Убайдулла-наме, Т., 1957; Муҳаммад Юсуф Мунши, Мукимханская история, Т., 1956; Хожа Самандар Термизий, Дастур ул-мулук, Т., 1997.

Ад.: История Узбекистана (XVI—I половина XIX в.), т. 3, Т., 1993.

Қаҳрамон Ражабов.

СУВ, водород оксид, H_2O — водород (11,19%) ва кислород (88,81%) дан иборат энг содда кимёвий бирикма. С. рангсиз, ҳидсиз суюқлик (қалин қатламда зангори рангли). Мол. м. 18,0160. Ернинг геологик тузилиши тарихи ва унда ҳаётнинг пайдо бўлиши, физик ва кимёвий муҳит, иқлим ва об-ҳавонинг шаклланишида С. муҳим аҳамиятга эга. Ҳеч қандай тирик организм С.сиз ҳаёт кечира олмайди. С. қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги барча технологик жараёнларнинг зарурий қисмидир.

С. табиатда кенг тарқалган. Ер юзининг қарийб $^3/_4$ қисмини ташкил қилади. Гидросфера — океанлар, денгизлар, кўллар, С.ҳавзалари, дарёлар, Ер ости С.лари, тупроқлар намини ўз ичига олган Ернинг сувли пўсти 1,4—1,5 млрд. км³ ни ташкил этади. Атмосферада С. буғ, туман, булут, ёмғир, қор ҳолатида бўлади. Қуруқликнинг 10% га яқин қисми муз б-н қопланган. *Литосферада* гидросферадагига яқин миқдорда, яъни 1—1,3 млрд. км³ С. бор. Ер мантиясида улкан миқдорда (13—15 млрд. км³) С. бор. Барча тирик организмлардаги С. Ер юзидаги дарёлар С.нинг ярмига тенг. Ердаги ҳамма С. бир-бири б-н ва атмосфера, литосфера, биосферадаги С. б-н ўзаро таъсирда бўлади (қ. *Сув айланиши*).

Табиий шароитда С. таркибида доимо эриган тузлар, газлар ва органик моддалар бўлади. Улар миқдори С.нинг ҳосил бўлишига ва шароитига боғлиқ. С.даги туз концентрацияси 1 г/кг гача бўлса — чучук, 25 г/кг гачаси — тузли, ундан юқориси — шўр С. дейилади. Ёғин С.и, чучук, кўл ва дарё С.и кам минералли бўлади. Океан С.нинг шўрлиги 35 г/кг га яқин, денгизники камроқ, чучук С.да HCO_3^-, Ca^{2+} ва Mg^{2+} ионлари кўпроқ. С.нинг минераллиги ошган сари SO_4^{2-}, Cl^-, Na^+ ва K^+ ионларининг концентрацияси кўпайиб боради.

Табиий С.да эриган газлар — азот, кислород, карбонат ангидрид, асл газлар, баъзан, водород сульфид, углеводлар бўлиши мумкин. С.да органик моддалар концентрацияси оз — дарёларда ўртача 20 мг/л, Ер ости С.ларида янада оз, океан С.ида эса 4 мг/л.

Водороднинг 2 та барқарор изотопи (^1H ва ^2H) ва кислороднинг 3 та изотопи (^{16}O, ^{17}O, ^{18}O) борлиги туфайли 9 та турлича изотопли С. маълум. Ердаги барча С. да таркибида водороднинг изотопи — тритий (^3H) бўлган 10^{-18}—10^{-20}% ли «ўта оғир» С. бор (қ. *Оғир сув*).

С. кенг тарқалганлиги ва унинг инсонлар ҳаётидаги аҳамияти катталиги туфайли қадимдан ҳаёт манбаи ҳисобланади. Қад. дунё файласуфлари фикрича, С. ҳаёт учун зарур бўлган 4 унсурнинг бири, бир (олов, ҳаво, тупроқ қатори). Шу б-н бирга С. совуқлик ва намлик ташувчиси деб ҳам қаралган. 18-а. охиригача С.ни индивидуал кимёвий элемент деб келинди. 1781—82 й.ларда инглиз олими Г. Кавендиш С.ни илк бор водород ва кислород аралашмасини электр учқуни б-н портлатиб синтез қилган. 1783 й.да француз олими А. Лавуазье бу тажрибани такрорлаб, С.нинг водород ва кислороддан таркиб топганлигини исботлади. 1772 й. француз физиги Делюк С.нинг максимал зичлиги 4° да бўлишини аниқлади. С.нинг муҳим физик-кимёвий хоссалари 1-жадвалда берилган.

Сувнинг физик-кимёвий хоссалари

Кўрсаткич	Қиймати
Суюқланиш (музлаш) т-раси °	0
Қайнаш т-раси °	100
Зичлиги, кг/м³ 4°да	1000
0°да	916,7
20°да	998,0
Моляр иссиқлик сиғими С, Ж/(к-моль)	75,3
Моляр суюқланиш иссиқлиги, кЖ/моль	6,00
Диэлектрик ўтказувчанлиги 20°да	78,5
Моляр бўғланиш иссиқлиги, кЖ/моль	40,8
Қовушқоқлиги, н.с/м² 20° да	0,001
Диполь моменти, Кл.м	$6{,}1 \cdot 10^{-30}$
Сирт таранглиги, н/м, 20°да	0,0728
Ёруғлик нурини синдириш кўрсаткичи, 20°да	1,3333

С. — универсал эритувчи. Унда газлар яхши эрийди. С. электролит бўлганлигидан кўпгина кислота, асос ва тузларни эритади. С.нинг ўзи ҳам яхши эрувчан модда. Водород б-н кислород қўшилиб сув ҳосил бўлишида иссиқлик ажралиб чиқади. $2H_2+O_2=2H_2O$ реакцияси 300° т-рагача жуда секин боради. 550° да портлаш юз беради.

С. — ниҳоятда барқарор бирикма. С. молекулалари 1000° дан юқори т-рада ниҳоятда оз даражада водород ва кислородга ажралади (термик диссоциация). 2000° да С.нинг термик парчаланиши 1,8% га, 3092° да 13% га, 5000° да 100% га етади. С. ультрабинафша нурлар (фотодиссоциация) ёки радиоактив нурлар (радиолиз) таъсирида ҳам парчаланади. С. радиоактив парчаланганда H_2 ва O_2 дан ташқари водород пероксид ҳамда бир қатор эркин радикаллар ҳосил бўлади. С. бирикиш ва парчаланиш реакцияларига киришади, кимёвий реакцияларда иштирок этади. Сув ўзига хос ғайриоддий (аномал) хоссаларга эга: сирт таранглиги юқори, ковушқоқлиги кичик, суюқланиш ва қайнаш т-раси юқори, суюқ ҳолатдаги зичлиги қаттиқ ҳолатидагидан катта. +4° дан юқори т-рада ҳам, ундан пастда ҳам С.нинг зичлиги 1000 кг/м³ дан паст бўлади. Бу ҳодиса С.нинг зичлик аномалияси деб аталади. Тоза С.нинг солиштирма иссиқлик сиғими барча суюқ ва қаттиқ моддаларникидан катта (4,18 Ж/г); демак, 1 г С.ни 1° иситиш учун бошқа моддаларни иситишга сарфланадиган иссиқликка нисбатан кўпроқ иссиқлик талаб қилинади. Бу С.нинг иссиқлик сиғими аномалияси деб аталади. Тоза С.нинг эҳтиётkorлик б-н аста-секин совитиб борилса, у 0° дан паст т-рада ҳам (—33° гача) музламаслиги мумкин. Бундай «ўта совиган» С. барқарор бўлмайди; уни силкитилса ёки ичига бирор кристалл ташланса, дарҳол музлаб қолади. Шунингдек, тоза С.ни аста-секин «ўта иситиш» (+27° гача қадар) ҳам мумкинлиги аниқланган. Ўта иситилган С. ҳам барқарор бўлмайди; бир оз чайқатилса, бундай С. жуда кўп миқдорда буғ ҳосил қилиб қайнайди. Сув молекуласи 2 та водород ва 1 та кислород атомидан таркиб топиб, боғлар орасидаги бурчак 104,5°. Кислород атоми атрофидаги электронларнинг носимметрик тақсимланиши натижасида электрон булути манфий электр зарядининг маркази кислород атомининг мусбат заряди марказига мос келмайди. Натижада сув молекуласидаги катта электрик диполь моменти вужудга келади. Бу эса сувнинг қутбланиш хоссасини намоён қилади.

Қутбланган сув молекуласи қутбланган моддаларни яхши, қутбланмаган моддаларни эса оз эритади. Сувга бўлган мойиллигига қараб, функционал гуруҳлар: гидрофил (сувга тортилувчи), сув б-н яхши сольватланадиган, гидрофоб (сувдан қочадиган) ва дифиль тузилишларга эга бўлади.

С. — кенг ишлатиладиган модда. С. кислород, водород, ишқор, нитрат кислота, спирт, альдегид, сўндирилган оҳак ва б. кўпгина кимёвий маҳсулотлар и.ч.да иштирок этадиган кимёвий реагентдир. С. *бошловчи материаллар* учун зарур компонент. Қайнатиш, эритиш, суюлтириш, кристаллаш учун технологик компонент сифатида кўпгина и.ч. жараёнларида ишлатилади. Техникада электр ва иссиқлик элтувчи, буғ машиналарида иш жисми, босим узатувчи сифатида қўлланади.

Организмдаги С. барча ўсимликлар, тирик организмлар ва микроорганизмларда моддалар алмашинуви учун зарур асосий восита, шунингдек, бир қанча кимёвий ферментатив реакцияларнинг субстрати ҳисобланади.

Фотосинтез жараёнида С. карбонат ангидрид б-н биргаликда органик моддалар ҳосил бўлишида қатнашади ва шу б-н бирга Ерда тирик организмлар ҳосил бўлиши воситаси ҳисобланади.

С. тўқималар фаолиятини, озиқ моддалар ва алмашинув маҳсулотлари (қон, лимфа, ўсимликлар шарбати)нинг силжишини, физик *терморегуляцияни* ва ҳаёт фаолиятига тегишли бошқа жараёнларни таъминлайди. Организмларда жуда кўп миқдорда С. бўлади. Одам танасидаги барча суюқлик ва тўқималар таркибида массасига нисбатан 65% чамасида С. бўлади. Одам овқатсиз бир ойдан ортиқроқ чидаши мумкин, лекин С. сиз тикка бир неча кундан ортиқ чидай олмайди. С.да организмнинг яшаши учун зарур бўлган органик ва анорганик моддалар эрийди.

Одамнинг С.га бўлган физиологик эҳтиёжи, иқлим шароитига қараб, суткасига 3—6 л ни ташкил этади.

Санитария ва хўжалик-рўзғор эҳтиёжлари учун кўп миқдорда С. талаб қилинади. С. марказлашган системадан етарли миқдорда берилган тақдирдагина ювинди ва чиқиндиларни С. канализацияси ёрдамида оқизиб юбориш мумкин. Аҳоли яшайдиган жойларнинг санитария маданияти С. б-н таъминланиш даражасига (кишига бошига суткасига қараб белгиланади (киши бошига сутка ҳисобида). Аҳолининг соғлиғи ва санитария яшаш шароитларига бевосита ёки билвосита салбий таъсир этиши хавфининг олдини олишда С.даги кимёвий моддаларнинг энг катта белгиланган миқдорда бўлиши, илмий асосланган гигиена нормативлари муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли истеъмол қиладиган С. эпидемиологик жиҳатдан хавфсиз бўлиши керак. С.да касаллик қўзғатадиган бактериялар ва вируслар бўлмаслиги лозим.

Ад.: Эгамбердиев Р., Инсон ва сув, Т., 1971; Раҳимов Ҳ. Р., Анорганик химия, Т., 1984; Ахметов Н. С., Общая и неорганическая химия, М., 1998; Егоров А. С., Аминова Г. Х., Экспресс курс неорганической и органической химии, Ростов-на-Дону, 2002.

Собиржон Аминов.

СУВ АЙЛАНИШИ, намлик айланиши — сувнинг Ер географик қобиғида узлуксиз кўчиш жараёни. Кўпинча, унинг фазовий ўзгаришлари б-н бирга кузатилади. Асосан, сувнинг бўғланиши (расмга қ.), сув буғининг масофага кўчиши (8), унинг конденсацияланиши, булутларнинг ёғин шаклида тушиши (2, 3), тушган ёғин сувининг ердан сизиб ўтиши (5) — инфильтрацияси ва сувнинг оқиб тушишидан (6, 7) таркиб топган. Сув ҳавза, тупроқ ва ўсимликлар юзасидан буғланиб атмосферага сув буғи шаклида кўтарилади. Атмосферада сув буғи турбулентли диффузия воситасида юқорига тарқалади ва ҳаво оқими ёрдамида Ер устининг бир жойидан бошқа жойларига кўчади. Нам ҳаво т-расининг пасайиши натижасида сув буғи ҳам адиабатик (қ. *Адиабатик жараён*), ҳам иссиқликни қайтариш натижасида суюқ ёки қаттиқ ҳолатга ўтиб конденсацияланади; булут ва туманлар ҳосил бўлади. Сув буғининг конденсацияланиши қисман Ер усти гидрометеорларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, булутлар ҳаво оқимлари орқали ҳам кўчирилади. Сув Ер юзасига булутлардан ёғин шаклида тушиб яна буғланади ва ҳ.к. Бунда қуруқликка тушган сувнинг бир қисми ҳавзаларга оқиб тушади. Иссиқликнинг айланиши ва атмосферанинг умумий циркуляцияси б-н бирга С.а. асосий иқлим ҳосил қилувчи жараёнлардан биридир. Ер юзидан сувнинг умумий миқдори ҳоз. геологик ва тарихий даврда ўзгармай қолади; бунда Дунё океанининг сатҳи ва атмосферанинг ўртача нам сақлаши ҳам ўзгармайди. Бу, демак, бутун Ер шари учун узоқ давр давомидаги ёғин буғланишига тенгдир. Ерга бир йилда ўртача тушадиган ёғин миқдори қатлами бал. 1000 мм, яъни 511 минг км³ га тенг (тахм. Қора денгиздаги сув миқдоридан 7 марта зиёд). Бу миқдорнинг 21% (108 минг км³) қуруқликка тушади ва 79% (403 минг км³) океанларга ёғади. Барча ёғинларнинг деярли ярмиси ш.к.нинг 20° ва ж.к.нинг 20° орасида тушади. Иккита қутбий зоналарга жами ёғиннинг атиги 4% тўғри келади. Дунё океани учун буғланиш ёғинлар миқдоридан кўп, қуруқлик учун эса — кам. Дунё океани юзасидан



Ерда сув айланиш схемаси.

йилига ўртача 1250 мм (450 минг км³) қалинликдаги сув қатлами бугланади, шундан 1120 мм океанга ёғин шаклида қайтиб келади ва 130 мм — қуруқликдан оқиб тушади. Йилига қуруқлик юзасидан ўртача 410 мм (61 минг км³) сув қатлами бугланади, ёғин эса қуруқликка 720 мм миқдорда тушади. Бугланишдан ташқари қуруқлик оқиб тушиш орқали 310 мм (47 минг км³) сув йўқотади (бу эса Қора денгиздаги сувнинг миқдоридан $^1/_2$ марта кўпроқ). Ернинг айрим минтақа ва областлари учун С.а. таркибини ташкил этувчиларнинг нисбати ўртача шароитлардан кескин фарқланиши мумкин. Ёғинларнинг умумий миқдори бугланишдан анча кўп ёки кам бўлган областлар мавжуд. Океанлар юзасидан бугланган сув ёғин шаклида нафақат океанларга, балки сув буги ҳаво оқими б-н кўчирилган материк устига ҳам тушади. Қуруқликка сув шаклида ёғадиган ёғинлар асосий қисмининг келиб чиқиши океан б-н боғлиқ. Қуруқликка ёғиб ва яна бугланиб, ушбу сув такроран шу материк ёки материк областига ёғиши мумкин (ички С.а.). Ички С. а. барча ёғинлар миқдорининг айрим қисмини ташкил қилади.

Тоҳир Мухторов.

СУВ АЙҒИРЛАРИ, бегемотлар (Hippopotamidae) — жуфт туёқлилар туркумига мансуб кавш қайтармайдиган сут эмизувчилар. Териси қалин, сийрак юнг б-н қопланган; оёқлари калта; тумшуғининг учки қисми кенгайган; ошқозони 3 бўлмали, пастки курак ва қозиқ тишлари доим ўсиб туради. Африканинг тинч оқадиган ва ботқоқлашган сув ҳавзаларида яшайди; ўсимлик б-н озиқланади. Битта бола туғади. 2 уруғининг биттадан тури бор. Оддий сув айғири, яъни гиппопотам (юн. hippopotamos — дарё оти) гавдасининг уз. 4,0—4,5 м, думи 35—50 см, вазни 1,3—3,2 (баъзан 4,5) т. Боши катта, кўзлари бўртиб чиқиб туради. Тана тузилиши ва ҳаёти сувда яшашга мосланган. Кўзи, қулоғи ва бурнини сувдан чиқариб, узоқ вақт сувда туриши мумкин. Кечаси сувдан чиқиб озиқланади. Пода бўлиб юради; 40—50 йил яшайди. Пакана С.а. уз. 170—175 см, думи 15—17 см, вазни 250—275 кг; танаси бочкасимон, паст бўйли, боши нисбатан кичик ва калта; якка ёки жуфт бўлиб юради. 35 йилга яқин яшайди; сони камайиб кетган. С.а.ни ов қилиш ман этилган. Пакана С.а. Халқаро Қизил китобга киритилган.

Сув айғири.

СУВ БИЛАН ДАВОЛАШ, гидротерапия — даволаш, гигиена ва профилактика мақсадида сувдан фойдаланиш. Бу муолажа қадимдан маълум. 19-а.га келиб илмий жиҳатдан асослаб берилади. С.б.д. муолажалари душ, ванналар, ювиниш, баданни ҳўл сочиқ б-н ишқалаб артиш, бошдан сув қуйиш, ҳўл чойшабга ўралиб ётишдан иборат.

С.б.д.да теридаги нерв охирлари (рецепторлар)га сувнинг т-ра, механик ва кимёвий омиллари таъсир кўрсатади. Бу таъсиротлар рефлектор равишда марказий нерв системаси орқали организмнинг барча аъзолари ва системаларида жавоб реакциясини пайдо қилади. Хусусан, касал аъзода жуда кучли реакция пайдо бўлади. Гарчи кўпчилик сув муолажаларини уй шароитида мустақил равишда ўтказиш мумкин бўлса-да, бироқ уларни фақат врач тавсия этиши лозим. У ҳар бир бемор организмининг функционал имкониятларига ва реактивлигига мос келадиган муолажаларни танлаб беради.

С.б.д. муолажаларида сув т-расининг қўзғатувчи таъсири асосий ўринни эгаллайди. Муолажа учун совуқ сув (20° гача), салқин, яъни индифферент сув (20—33°), илиқ (37—39°) ва иссиқ сув (40—42°) ишлатилиши мумкин. Т-ра омилининг таъсири одам гавдаси б-н сув ўртасида иссиқлик энергияси алмашинуви содир бўлишига асосланган. С.б.д.нинг асосий мақсадларидан бири табиий омиллардан фойдаланиладиган бошқа даво усуллари каби организмни тетиклантиришдан иборат. Бунга муолажани тўғри дозалаш йўли б-н эришилади.

Терига совуқ ва салқин сув б-н таъсир қилинганда ундаги майда томирлар сиқилади, иссиқлик йўқолиши камаяди. Тери томирларининг торайиши қон оқишига қаршиликни кучайтиради, бу эса юрак қисқаришларини тезлаштиради ва кучайтиради, қон босими бир оз ошади. Совуқ сув нерв системасига қўзғатувчи таъсир кўрсатади. Бунда тери оқаради ва ушлаб кўрилганда совуқ туюлади (реакциянинг биринчи фазаси). Совуқ сув б-н таъсир қилиш давом эттирилаверса, терининг торайган томирлари кенгаяди, бунда томирлар девори мускулатураси тонуси ошади ва қон оқими тезлашади. Бу организмнинг иссиқлик йўқотишига ва моддалар алмашинувининг кучайишига олиб келади. Тери қизаради ва ушлаб кўрганда илиқ туюлади (реакциянинг иккинчи фазаси). Бемор илиб, жуда роҳатланади, сиҳат тортади ва тетик бўлади. Совуқ ва салқин сув таъсирини механик таъсирот — ишқалаш, уқалаш б-н қўшиб олиб борилса, роҳатбахш сезги пайдо бўлади.

Индефферент, яъни тана т-расига яқин т-радаги сув тинчлантирувчи таъсир кўрсатади, бироқ муолажанинг узоқ давом этиши одамни ҳолдан тойдиради.

Илиқ сув нерв системасини тинчлантиради ва уйқунинг яхшиланишига ёрдам беради.

Иссиқ сув таъсирида дастлаб тери томирлари қисқа муддатга торайди. Бунда юрак уриши тезлашади, қон босими бир оз ошади, кўп тер чиқади. Кейин тери томирлари жуда кенгайиб кетади, бироқ тана анча иссиқ сув ичида бўлганидан иссиқлик ажралмайди. Бу муолажада юрак томир системасига зўр келиши сабабли қон айланишининг бузилиши, стенокардия, гипертония касаллигида, шунингдек, рўйи рост атеросклерозда иссиқ сув муолажалари буюрилмайди.

С.б.д.да т-ра таъсирини, муолажа давомийлигини, таъсир этиш майдонини ўзгартириш йўли б-н организмнинг қатор аъзолари ва системаларида турли реакцияларни пайдо қилиш мумкин.

С.б.д. муолажаларида т-ра омили б-н бир қаторда механик омил — сув босими (умумий ванна қабул қилишда) ва унинг оқимидан ҳам (душ, чўмилишда) фойдаланилади. Бунинг таъсирида маълум даражада терида ва ички аъзоларда қон айланиши ўзгаради; тери веналари босилади ва юракка қон оқиб келиши анча ортади ва қорин бўшлиғидан қон оқиб кетиши кучаяди. Зарурат бўлганда (даво мақсадига қараб) механик қўзғатишни қўшимча тазйиқ — уқалаш, массаж ёки сувни тегишли босим остида юборишга имкон берадиган махсус мосламалар қўллаш йўли б-н кучайтириш мумкин.

Оддий ичучук сувнинг кимёвий қўзғатувчи таъсири жуда кам, минерал сувлар, денгиз суви (қ. *Бальнеотерапия*), шунингдек, даво мақсадида терини таъсирлаш учун моддалар (турли экстрактлар ва б.) қўшилган сув анча кучли таъсир кўрсатади.

С.б.д. организмни чиниқтириш, шунингдек, баъзи касалликларни даволашда яхши наф беради. Мас., совуқ сув б-н ўтказиладиган муолажалар нерв ва юрак-томир системаси функциясининг баъзи бузилишларида, моддалар алмашинувини ошириш мақсадида (мас., ет босишда) буюрилади. Иссиқ С.б.д. турли сурункали яллиғланиш касалликларида қўлланади (яна қ. *Ванналар*).

СУВ БИЛАН ИСИТИШ — энг кенг тарқалган *иситиш* тизими. Турар жойлар, жамоат ва саноат биноларини иситишда қўлланилади. Иситиладиган хоналарга иссиқлик манбаи (қайноқ сув) иситиш асбоблари ва қувурлар орқали боради. С. б-н и. тизими таркибига сув иситкич (қозон, иссиқлик алмашиш аппарати), иситиш асбоблари (радиаторлар, конвекторлар, панеллар, регистрлар), сув қувурлари, кенгайтириш идиши, сувни очиб-ёпиш ва ростлаш арматураси киради. *Сув иситкич* сувни 50—90° гача иситиб беради. Оддий қозонларда сув иситиш учун ўтин, кўмир ёки газ ёқилади. Электр қозонларда электр токидан фойдаланилади. Иссиқлик алмашиш аппаратлари тизимига тарқатиладиган сувни меъёрий т-рага мослаштириб беради. Иситиш асбоблари ичида ҳаракатланадиган қайноқ сув ва буғ б-н хоналарни иситиб беради. Иситиш асбоблари ва қувурларидаги иссиқ сув совиб, яна иситкичга қайтиб келади, қизиган сув кенгайтириш идишида кенгаяди, натижада қувурлар ёрилиб кетмайди.

Сув билан иситиш. Марказлашган иситиш тизими: *1* — ҳаво кенгайтиргич (вантуз); *2* — иситиш асбоби; *3* — манометр; *4* — чўкинди идиши; *5* — тройник; *6* — сув насоси (элеватор).

С. б-н и. тизимида иссиқ сув ҳаракатининг табиий ва мажбурий усуллари бор. Сув табиий ҳаракатланадиган тизимда иситкичда қизиган (енгил) сув иситиш асбоблари ҳамда сув қувурларида қисман совиган (оғир) сувнинг т-раси ва зичлиги фарқи ҳисобига ҳаракатланади (яъни узлуксиз айланиб туради, циркуляцияланади). Сув қозони иситиш асбобларидан қанча паст ўрнатилса, тизимда сув шунча яхши айланади ва хоналар шунча яхши исийди. Бундай тизим шахсий уй-жойларда кўп қўлланилади. Кўп қаватли турар жойларда сув мажбурий ҳаракатланадиган (сув насослари ёрдамида айлантириладиган) тизимдан фойдаланилади. Бунда қозон б-н иситиш асбобларининг ўзаро баланд-паст ўрнатилишининг фарқи йўқ.

С. б-н и. тизимлари икки ёки бир қувурли ва оқова бўлиши мумкин. Бир қувурли тизим схемада ҳар бир иситиш асбоби битта қувурга (стоякка) уланади. Қувурдан ўтаётган сувнинг бир қисми иситиш асбобига кириб ўтади, бир қисми тўғри ўтиб кетаверади. Икки қувурли схемада барча иситиш асбоблари икки қувур (иссиқ ва совуқ сув қувурлари)га параллел уланади. Оқова схемада сув барча иситиш асбобларидан ўтади. Иситиш тизими тўғри ишлаши (ҳаво тиқини пайдо бўлмаслиги) учун ундан ҳаво чиқариб юборилиши керак. Шу мақсадда тизимдаги ҳар бир иситиш асбобига энг юқори нуқтага ҳаво чиқаргичлар қўйилади.

Йирик шаҳарларда иссиқ сув иситиладиган объектларга марказлаштирилган усулда етказилади. Бунда С. б-н и. тизими ташқи тармоққа уланади. Агар ташқи тармоқдаги сув т-раси иситишнинг гигиеник талаблари (касалхоналар учун 85°, турар жойлар учун 105°)дан юқори бўлса, иссиқ сувга совуқ сув аралаштириб юборилади (насос ёрдамида) (расмга қ.). Ёзги мавсумда иситиш асбоблари ва қувурлар сувда иситиш тизимида сув занглаб қолмаслиги учун тизимда сув қолдирилади.

СУВ БОБРИ — қ. *Нутрия.*

СУВ БУҒИ — сувнинг газсимон ҳолати. Сувнинг суюқ ҳолатдан газсимон ҳолатга ўтиши натижасида ҳосил бўлади. С.б.нинг бугнинг муаллақ ҳолатдаги сув томчилари б-н аралашмасидан иборат ҳўл тўйинган буғ; намлик аралашмалардан тозаланган қуруқ тўйинган буғ; муайян босимдаги тўйиниш т-расидан юқори т-рага эга бўлган ўта қиздирилган бугларга ажратиш мумкин. Бир хил босимдаги тўйинган буғ ва ўта қиздирилган буғлар т-раларининг фарқи ўта тўйинганлик даражаси деб аталади. Тўйинган ва ўта қиздирилган С.б.дан, хусусан, буғ машиналарида, буғ турбиналарида иш жисми, иситиш тизимларида иссиқлик ташувчи сифатида фойдаланилади. Кўмир, нефть, газ каби органик ёқилғиларнинг ёнишида ажраладиган иссиқлик, оғир элементлар ядроларининг бўлинишида ажраладиган энергия ҳамда электр токининг ўтиши натижасида вужудга келувчи иссиқликлардан фойдаланиб буғ генераторларида С.б. ҳосил қилинади. Замонавий катта буғ қозонларининг ф.и.к. 95 фоизгача етади. Одатда, катта масштабли энергетик иншоотларда қуйидаги параметрларга эга бўлган С.б. ишлатилади: p=20—35 атм, t=400—450°; p=90—140 атм, t=500—550°; p=170—220 атм, t=550—570° ва айрим ҳолларда p=300—350 атм, t=600—700°. Тўйинган С.б.нинг физик хоссалари фақат унинг т-расига боғлиқ. Тўйинмаган С.б.нинг физик хоссалари эса унинг т-раси ва қандай босим остида турганлигига боғлиқ. С.б.ни идеал газлардан четланишини ифодалаш учун сиқилувчанлик коэффициенти $z = \frac{pV}{Rt}$ — дан фойдаланилади, бунда V — бир моль сув бугининг эгаллаган ҳажми, R — газ доимийси, T — т-ранинг мутлақ шкаладаги қиймати. Идеал газ ва босим нолга интилган шароитда С.б. учун z бирга тенг. Т-ра ўзгармас бўлган шароитда босимнинг 300 атм гача ортиб боришида z нинг камайиши кузатилади. Бу камайиш тўйиниш шароитига яқинлашганда жуда кучайиб кетади. С.б.нинг ёпишқоқлиги, босим ўзгармас бўлган шароитдаги иссиқлик сиғими ва иссиқлик ўтказувчанлиги, босимнинг кичик қийматларида т-ра кўтарилиши б-н ортиб боради. Аммо т-ранинг катта қийматларида бу боғланишлар мураккаб характерга эга бўлади. Бу маълумотлар асосида босим ва т-ранинг жуда кенг диапазонларида С.б.нинг термодинамик хоссалари ёритилган жадваллар тузилган.

СУВ ГАЗЧИЛАРИ — қандалаларнинг бир неча оиласи (чўпсимон сув газчилари, велиялар, ҳақиқий сув газчилари). 700 га яқин, Ўзбекистонда 10 дан ортиқ тури маълум. Сув юзасида, баъзан нам ўсимлар орасида ва қирғоқда яшайди. Кўпчилик турлари чучук сувларда, битта уруғига мансуб турлари тропик ва субтропик денгизларда яшайди. Майда С.г. сувўтлар орасида, йирик турлари очиқ сув юзасида сирпаниб ҳаракатланади (номи шундан олинган). Сув юзасига тушиб қолган умуртқасизлар ва уларнинг мурдалари б-н озиқланади. Сув ўсимликларига тухум қўяди.

СУВ ИСИТКИЧ — совуқ сувни бут, қайноқ сув, қайноқ газ ва электр токи б-н иситиш учун мўлжалланган иссиқлик алмашиш аппарати. Сиртки иситиш ва тегишиб иситиш (контакт) усулида ишлайдиган турлари бор. Сиртки иситиш аппаратларида ичида бут ёки қайноқ сув айланиб юрадиган қувурларнинг сирти совуқ сувни иситади. Булар кўпроқ тарқалган. Тегишиб иситиш аппаратларида совуқ сув бут ёки қайноқ сувга бевосита тегиб исийди. Булар камроқ тарқалган. Қозон агрегатларига ўрнатиладиган С.и.ларида совуқ сув атмосферага чиқиб кетаётган газларнинг иссиқлиги ҳисобига исийди. Бундай аппаратлар сув экономайзерлари деб аталади. Газ, электр ёки қаттиқ ёқилғи (ўтин, кўмир) б-н ишлайдиган маҳаллий С.и.лар жумласига ваннахона сув колонкалари, змеевиклар (бурама қувурлар), сув иситиш қутилари, электр сув қиздиргичлар (кипятильниклар) ва б. киради. С.и.лар иссиқ сув б-н таъминлаш ва *сув билан иситиш* тизимларида, қозон агрегатларида, хўжалиқ ва маиший эҳтиёжлар учун иссиқ сув тайёрлаш ва б. мақсадларда кенг ишлатилади.

СУВ КАДАСТРИ — мамлакатнинг сув ресурслари тўғрисида тартиблаштирилган маълумотлар мажмуи. С.к. жами сувларнинг миқдор ва сифат тавсифлари бўйича ҳисобга олиш маълумотларини, шунингдек, сувдан фойдаланишни қайд қилиш ва ҳисобга олиш маълумотларини ўз ичига олади. Сувлардан самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни таъминлаш С.к.ни юритишнинг асосий мақсади ҳисобланади. С.к. маълумотларидан сувдан фойдаланишни режалаштириш ва сув хўжалиги тадбирларини ўтказишда фойдаланилади. С.к. 3 бўлимдан иборат: ер усти сувлари; ер ости сувлари; сувдан фойдаланиш. С.к.нинг ҳар бир бўлимида доимий (каталог), йиллик ва кўп йиллик маълумотлар берилади. Сув ҳавзаларини йиллик ва кўп йиллик кузатиш орқали уларнинг ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар аниқланади (сув ҳавзалари ўзани, ҳажми ва ҳ.к. маълумотлар). Сувлар таркиби бўйича маълумотлар (шўрлиги, минераллашганлиги, ҳарорати ва ҳ.к.) сув ҳавзаларининг сифат кўрсаткичларини ташкил қилади. Бундан ташқари, сув ҳавзалари тўғрисидаги маълумотлар (номи, жойлашган ўрни, гидротехника иншоотлари мавжудлиги) С.к.га киритилади. С.к.да сув мониторинги — сув захираларидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш, уларга барҳам бериш учун сувларнинг ҳолати устидан олиб бориладиган кузатув тизими маълумотлари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳудудидаги ер усти сув ресурслари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар биринчи марта 1933—40 йилларда Давлат гидрология ин-ти томонидан тайёрланиб, сув ресурслари маълумотномаси, дарёлар режими, сув сатҳи маълумотлари ҳақидаги папкалар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси С.к. юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни (1993 й. 6 майда қабул қилинган) асосида олиб борилади. Давлат С.к. ва сув мониторингини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига киради.

СУВ КАЛАМУШИ (*Arvicola terrestris*) — кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Гавдасининг уз. 24 см га, думи 15 см га. Қўнғир-кулранг, қўнғир ёки қора. Европа, Шим. ва Ўрта Осиёда, Россиянинг ғарбий чегарасидан то Байкалгача бўлган жойларда тарқалган. Кўлмаклар ёки секин оқар сув ҳавзалари қирғогида, дарё бўйидаги сув босган ўтлоқларда яшайди; асосан, қирғоққа уя ясайди. Ёзда эса сувдаги қаминлар уюми устида ин қурали. Апр.—сент.да урчийди. Бир йилда 2—3 марта 2—8 талаи бола туғади. Ўсимлик маҳсулотлари б-н озиқланади; экинлар (карам, иллизмевалилар)ни еб, зарар келтиради. Қишга озиқ гамлайди. С.к. *туляремия* касаллиги бактерияларини тарқатувчи асосий манба. Териси паст сифатли мўйна беради.

Сув каламуши.

СУВ КЎПАЙИШИ — қор ва музнинг тезлик б-н эриши, жалалар, сув омборлари сувининг кўйиб юборилиши натижасида қисқа муддат давомида, вақтинча дарё суви сатҳининг кўтарилиши. Йилнинг турли мавсумида рўй бериши б-н тўлинсувликдан фарқ қилади. Агар С.к. дарёнинг турли қисмидаги сув сарфининг тезлик б-н ўсиши натижасида юзага келса, бу ҳолда у оқимнинг қуйи қисми томон катта тезликда тарқалади. Тоғ-лик дарёларида тезлиги соатига 5 км, тоғларда 45 км га етади. Кучли С.к. *тошқинга* сабаб бўлади.

СУВ КЎТАРИЛИШИ ВА ҚАЙТИШИ, сув қалқиши — Ой ва Қуёшнинг тортиш кучи таъсирида денгиз сатҳининг даврий ўзгариши (қ. *Кўтарилиш ва пасайиш*).

СУВ МАССАЛАРИ — сув ҳавзасининг майдони ва чуқурлиги б-н ўлчанадиган ва муайян табиий-географик шароитларда шаклланадиган физик-кимёвий хусусиятлари қисман бир хил бўлган сув ҳажми. С.м.ни шакллантирадиган асосий омиллар мазкур ўлканинг иссиқлик ва сув балансидир. Ер шари ва унинг асосий кўрсаткичлари 1-ра ва шунингдек, 10-жадвалларда келтирилган. Ер шарининг иссиқлик ва сув балансини ёритишда ўзаро боғланган С.м. ажратилади.

Сув массалари тури	Чуқурлиги
юза (биринчи)	150—200 м
юза ости (биринчи ва иккиламчи)	150—200 дан 400—500 м гача
оралиқ (биринчи ва иккиламчи)	400—500 дан 1000—1500 м гача
чуқур (иккиламчи)	1000—1500 дан 2500—3000 м гача
океан туби (иккиламчи)	3000 м дан чуқур

Ҳар бир океаннинг ўзига хос С.м. бор. Мас., Атлантика океанида Голфстрим, Шим. тропик ва б. юза С.м., Шим. субтропик, Жан. субтропик ва б. юза ости С.м., Шим. Атлантика, Жан. Атлантика ва б. оралиқ С.м., Ўрта денгиз С.м., чуқур С.м. ва б.; Тинч океанда — Шим. тропик, Шим. марказий-субтропик, Жан. тропик ва б. юза ости С.м., Шим. Тинч океан, Жан. Тинч океан ва б. оралиқ С.м. Тинч океанининг чуқур С.м.дир.

СУВ МОШАКЛАР (Rallidae) — сув мошаксимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи. Сув ҳавзаларида ҳамда ботқоқликларда яшайди. Оғирлиги 20—30 г дан 1,5—2,5 кг гача. Патлари кўпроқ қизғиш-жигарранг, айримлари қора ёки кўк яшил рангда. Асосан, тунда фаол ҳаёт кечиради. 150 га яқин тури бор. Ер юзасининг дерли ҳамма ҳудудларида тарқалган. Ҳар хил товуш чиқаради. Кўпинча уясини сувга яқин жойга қуради. 3—15 та тухум қўйиб, 20 кунга яқин босади. Болалари 2—3 кунлигидаёқ уясини ташлаб кетади. Жўжаларни бир неча кун ота-онаси боқади. С. умуртқасиз ҳайвонлар ва ўсимликлар б-н озиқланади. Ўзбекистонда 7 тури: қашқалдоқ, гозқанжир, оддий сув мошак, тартар, оддий погониш, митти погониш, кичик погониш тарқалган. Гўшти мазали. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил китобига 16 тур ва кенжа турлари киритилган.

Сув мошак.

СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Сув муаммолари илмий-тадқиқот институти — йирик тадқиқот муассасаси, Тошкент ш.да жойлашган. 1991 й. 20 июлда ташкил этилган. Ин-т таркибида 6 илмий лаб. (сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш методикаси, сувни тежаш усуллари ва суториш технологияси, чўл сув ресурслари, гидрология ва гидротехника, гидрокимё ва сувни тозалаш, гидроэкология ва гидрокимёнинг мелиорантлари) бор (2004).

Ин-тда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари: қўриқчилик муҳитларида гидрология ва гидроэкология, ҳудудлик фаолияти таъсирида сув ресурслари миқдорининг шаклланишини муаммолари, режими, сифати, хусусиятлари ва қонуниятларини комплекс ўрганиш ҳамда ноанъанавий сув манбаларини излаш; сувдан оқилона фойдаланиш, сув ва сув объектларини муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш; гидротехника иншоотларидан фойдаланишда хавфсизлик меъёрларини аниқлаш; сув омборлари ва кўлларда сувнинг гидрокимёвий хусусиятларининг бадиқчиликни ривожлантиришга таъсирини ўрганиш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш; оқова сувлар сифатини ўрганиш ва ундан концентрланган тузларни олиш ва б.

Ин-тда Орол ҳавзасидаги экологик вазиятнинг кескинлашуви шароитида сув ресурсларини ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишнинг илмий асослари, экинларни суторишнинг тежамкор технологиялари, жумладан, экинларни томчилатиб суториш, эгатлы поғоналаб суториш усуллари, дарё ўзанларида рўй берадиган деформацион жараёнларни космослан олинган фотосуратларга қараб аниқлаш усули ва б. яратилди. Ин-т фаолияти Н.Р. *Хамроев*, А.М. *Мухамедов*, Э.Ж.Маҳмудов, С.А.Азимбаев, Э.И.Чембарисов, Л.Шерфединов, М.О.Ёқубов, Б.К.Каримов ва б. номлари б-н боғлиқ. Ин-тда аспирантура ва докторантура бор. «Қўриқчил ҳудудлар сув муаммолари» йиллик тўпламини нашр этади.

СУВ МУҲОФАЗА ЗОНАСИ — дарё, канал, сув омбори ва б. сув манбаларини эрозия маҳсулотлари, касал тарқатувчи микроорганизмлар, кимёвий ва органик моддалар б-н ифлосланишдан сақлаш учун хизмат қиладиган табиий ўрмон ёки экилган дарахтзор минтақаси. С.м.з. нинг кенглиги бир неча юз метрдан ўнлаб километргача бўлиши мумкин. С.м.з. да ўрмон хўжалигини юритишнинг махсус тартиби жорий қилинади: қўриқлаш кучайтирилади, ёғоч тайёрлаш мақсадларида дарахт кесиш тақиқланади, дарахтларни фақат ўрмонзорларни тиклаш, парваришини яхшилаш учунгина кесишга рухсат этилади. Ўрта Осиёнинг дарёлари — Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқлари бўйлаб эни 400 м дан 20 км гача бўлган ўнлаб минг га майдонда полоса тақиқ зона тарзида ажратилган. Айниқса, катта сув омборлари атрофида муҳофаза зоналари барпо этишда табиий ва экилган дарахтзорлардан ташқари қ.х. экинлари ҳам экилади. Бу жойларда ўзлаш ишлари сув ҳавзасининг ифлосланиш хавфини кескин камайтирадиган ҳолда олиб борилади; ғупроқ эрозиясига қарши *алмашлаб экиш* жорий қилинади, кенг марза ва сув сингдиргич каналлар каби оддий гидротехника иншоотларидан фойдаланади. Бевосита қирғоқ яқинида ерни ҳайдаш, чорва боқиш ва чорвачилик биноларини қуриш тақиқланади. Мас., Каттақўрғон сув омборининг С.м.з. деярли 4 минг га майдонни эгаллайди, ундан 3,5 минг га майдонда дарахтзорлар барпо этилган (1000 га ортиғи ниҳоллар). Қайроққум, Жан. Сурхон, Тошкент ва б. сув омборлари атрофида ҳам кент ва б. сув омборлари С.м.з. ташкил этилган. Янги (Чорвоқ, Норак, Тўхтагул, Оқтепа, Туямўйин, Рогун ва б.) сув омборлари атрофида ҳам С.м.з. барпо этилган (қ. *Сув муҳофаза ўрмонлари*).

Ад.: Рахманов В.В., Водорегулирующая роль лесов, Л., 1975; Рахманов В.В., Лесная гидрология, М., 1981.

СУВ МУҲОФАЗА ЎРМОНЛАРИ — сув манбалари ва ҳавзаларини ифлос-ланиш ва лойқа босишдан сақлаш, сув захираларини кўпайтириш, уларнинг мунтазам тўйинишини таъминлашга хизмат қиладиган табиий ва махсус барпо этилган ўрмонзорлар. С.м.ў. шунингдек, сувни тартибга солиш ва тупроқни ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради; тупроқни шамол ва сув эрозиясидан сақлайди; шамол тезлигини пасайтиради, намликнинг тупроқ остига ўтишини кучайтиради; *селнинг* олдини олади; *тупроқ эрозияси* маҳсулотларини ушлаб қолиб, ҳаво ва сувни тозалайди. С.м.ў. сув оқими ўзгарувчанлигини камайтиради; бу б-н гидротехника иншоотлари ва ГЭСларнинг мунтазам ишлашига, шаҳар ва аҳоли пунктларини ичимлик сув б-н, қ.х.ни сугориш суви б-н барқарор таъминлашга имкон беради. С.м.ў. 1-гуруҳ ўрмонларига киритилади. Ўрта Осиё ҳудудида асосий дарёларнинг оқими тоғларда ҳосил бўлади, шу сабабли тоғ ўрмонларининг аҳамияти, айниқса, катта. Ўсимликлар ва кўп миқдорда нам сингдирадиган хазон тўшамаларигина тоғларга ёғадиган ёғинларни, айниқса жала ёмғирларини тутиб қолиши мумкин. Тажрибаларда сув ҳавзаси майдонида дарахтзорларнинг 10% кўпайиши оқимни 12—17 мм оширишини аниқланган. Ўрта Осиё тоғларида ўрмонлар кам: тоғларнинг ўрмонлар б-н қопланиш даражаси 2,47%, жумладан, Ўзбекистонда 2%, Қирғизистонда 4,2%, Тожикистонда 1,8%, Туркманистонда 0,8%, Жан. Қозогистонда 2,5% ни ташкил этади. Шунинг учун ҳам бу минтақада ўрмонларни муҳофаза қилиш ва янги ўрмонзорлар барпо этиш масаласи жуда катта аҳамиятга эга. 1880 й.да Самарқанд (Омонқўтон)да Н.И.Корольков, 1889 й.да Тошкент вилояти (Оқтош)да С.Ю.Раунер биринчи марта Ўрта Осиёдаги тоғ ён бағирларида ўрмонзорлар ташкил этишга асос солдилар. Бу ўрмонзорлар ҳозир ҳам мавжуд. *Арча, писта, ёнғоқ, бодом,* қора арча ва б. тоғлардаги асосий дарахтлар ҳисобланади. Экологик аҳамияти катта бўлган арчазорлар бал. 1200 дан 3000 м гача бўлган тоғларда ўсади. Ўрта Оснёда табиий арчазорлар 492,8 минг га дан ортиқ, жумладан, Ўзбекистонда 192,5 минг га, Қирғизистонда 151,8 минг га, Тожикистонда 124,7 минг га, Туркманистонда 23,8 минг га майдонни, тоғ ён бағирларида экилган арчазорлар 5000 га дан зиёд майдонни эгаллайди.

Ўрмон дарахтлари кўчатлари махсус кўчатхоналарда етиштирилади. Тоғ ён бағирларида терассалар тайёрлаш, кўчатлар ўтқизиш учун машина ва механизмлар комплекси кенг қўлланилади.

Тоғ ўрмонзорларини муҳофаза қилиш ва кенгайтиришда *қўриқхона*ларнинг аҳамияти катта (қ. *Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси, Нурота давлат қўриқхонаси*). Иҳота дарахтзорлари дарё ёқаларида, йирик магистрал каналлар (Жан. Мирзачўл, Катта Фарғона, Қарши, Аму-Бухоро машина канали, Қорақум ва ҳ.к.), хўжаликлараро ва хўжалик каналлари бўйида, сув омборлари (Қайроққум, Каттақўрғон, Жан. Сурхон, Чорвоқ, Туябўғиз ва б.) атрофларида ташкил қилинган. Қирғоқ бўйлари ва қайирларда, асосан, жийда, терак, тол, қайрағоч ва б. экилади.

Ад.: Ханазаров А.А., Мольдерф В.С., Технологические основы создания защитных лесных насаждений в горах, Т., 1988.

Абдушукур Ханазаров

СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИ, сув олгичлар — сув манбалари (дарё, кўл, сув омбори, ер ости сувлари ва б.) дан суғориш, гидроэнергетика ёки шу каби тармоқларга сув олиш учун қуриладиган гидротехника иншоотлари. Далаларни суғориш, яйловларга сув чиқариш, электр ст-яларга сув бериш, аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини сув б-н таъминлаш учун қурилади. С.о.и. сув йўлига зарур миқдорда, сифати сақланган ва сув истеъмоли графигига мувофиқ сув тушишини таъминлаши шарт. С.о.и. тўғонсиз, тўсиқли ва тўғонли бўлади. Тўғонсиз сув олгич, асосан, сувни ўз оқими б-н чиқариш имконияти бўлган шароитларда қурилади. Бу ҳолларда *оқизиқ* ҳосил бўлишини бартараф этиш учун махсус тиндиргичлар қурилади ёки земснарядлардан фойдаланилади. Тўғонсиз сув олгичлар бир қулоқли ёки кўп қулоқли бўлиши мумкин. Бир қулоқли С.о.и. бевосита дарё қирғоғидан бошланади ёки дарё ўзанига кирган бўлади (мас., Норин дарёсида Шим. Фарғона канали, Вахш дарёсида Вахш канали С.о.и.). Кўп қулоқли сув олгичларда дарё қирғоғининг бир неча жойларида бир каналга сув берувчи йўлаклар қазилади (мас., Амударёда *Аму-Бухоро машина канали*, Пахтаарна ва Қорақум каналлари). Кўп қулоқли С.о.и. дарёлардан каналларга узлуксиз сув ўтишини ва сув б-н таъминланишини бирмунча оширади. Йўлкалар тиндиргич вазифасини ҳам ўтайди ва эҳтиёжга кўра, навбатма-навбат ишлатилади.

Суғориладиган майдон дарёдаги сув сатҳидан баландда жойлашган бўлса, машина (насос) С.о.и. — насос станциялари қурилади (1-расм). Тўсиқ (шпора)ли сув олгич дарё суви сатҳи паст бўлган ҳолларда сувни дамлашда тош, шох-шабба каби маҳаллий материаллардан тўсиқ ясаб қурилади (2-расм). Тўсиқ қарши қирғоққача давом этиши шарт эмас. Ҳоз. тўсиқли С.о.и. деярли қўлланилмайди. Тўғонли С.о.и. турғун сув олиш учун дарё



2-расм. Тусиқли сув олгич схемаси: 1 – тусиқ (шпора); 2 – чуқнак; 3 – бош шлюз; 4 – канал; 5 – ювма шлюз; 6 – дарё.



3-расм. Фарғона сув олгич схемаси: 1 – дарё; 2 – эгри чизиқли дамба; 3 – оқим йуналтирувчи дамба; 4 – тўғон; 5 – сутурча; 6 – эгри шлюз остонаси; 7 – бош шлюз; 8 – канал; 9 – қирғоқ.

суви сатҳини бир хил даражада сақлаб туришни таъминлайди. У гидроузел таркибига киради; кичик, ўрта ва юқори босимли, сув олиш шароитига қараб бир томонли — сувни фақат бир қирғоққа берадиган (Чирчиқ дарёсида Чапқирғоқ Қорасув), қўш томонли — сувни иккала қирғоққа оқизадиган (Зарафшон дарёсида Биринчи Май); фронталь — оқим йўналишига перпендикуляр жойлашган (Қуршоб дарёсида Қуршоб) ва ёнбош — оқим йўналишига маълум бурчак остида жойлашган (Амударёда Тахиатош) С.о.и. га бўлинади.

Дарёларда сув сатҳи ва сарфининг кескин ўзгарувчанлиги, оқимларининг жуда ҳам лойқалиги суғориладиган ерларга сув беришни қийинлаштиради. Бу шароитларда С.о.и. дарёда зарур сув сатҳини вужудга келтиради, суғориш учун зарур сувни хоҳлаган вақтда (тошқин, ёз чилласи) беради, каналларни лойқа босишидан ҳимоя қилади.



1-расм. Машинали сув олгич (насос станцияси): 1 – дарё; 2 – сўрувчи қувур; 3 – насос станцияси; 4 – насос; 5 – босимли қувур; 6 – магистрал суғориш канали; 7 – қирғоқ қулуги; 8 – сув кирадиган йўлак.

Ад.: Хусанхўжаев З.Ҳ. Гидротехника иншоотлари, Т., 1978; Гидротехнические сооружения, М., 1978.

Машариф Бақиев.

СУВ ОМБОРИ — тўғонлар ёрдамида сувни йиғиш ва сақлаш учун қуриладиган сунъий сув ҳавзаси. Комплекс фойдаланишга мўлжалланган С.о. халқ хўжалигидаги бир қанча тармоқлар (суғориш, сув таъминоти, электр энергияси, кемачилик, балиқчилик, тошқинларга қарши кураш ва б.) эҳтиёжини қоплайди. Йил давомида дарё оқимларининг ўзгариб туриши ва уни ҳудуд бўйлаб нотекис тақсимланганлиги С.о. барпо этишга зарурат туғдиради. С.о. оқимни фасллар ва йиллар бўйича тартибга солади, канал ва б. сув ўтказиш иншоотлари б-н бирга ҳудудлар бўйлаб қайта тақсимлашга имконият яратади.

С.о. катта хўжалик аҳамиятига эга бўлгани сабабли 20-а. охирига қадар Европа, Осиё, Африка, Шим. ва Жан. Америка, Австралия ва Океанияда 130 дан ортиқ жуда йирик сув омборлари барпо этилган. Танганикадаги Оуен-Фолс (ҳажми 250 км³, сув юзаси майд. 69000 км²), Канададаги Даниэль Жонсон (тегишлича 142, 1940), Россиядаги Братск (169; 5500) С.о. жаҳондаги энг йирик сув омборлари ҳисобланади.

Ўрта Осиё ҳудудида сув омборлари, асосан, экинзорларни суғориш, энергетика ва сув таъминотини яхшилаш учун қурилади. Ўрта Осиё ҳудудида 75 та С.о. мавжуд (2004). Уларнинг яхлит умумий ҳажми қарийб 50 млрд. м³. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида йирик сув омборлари (Тўхтагул, Қайроққум, Чордара, Чорвоқ, Норак, Туямўйин ва б.) қурилган (қ. жадвал). Сув омборлари қурилиши натижасида Ўзбекистонда 4,3 млн.га дан ортиқ ерда суғорма деҳқончилик қилиш, сув ресурсларидан гидроэнергетика ва балиқчилик мақсадларида янада кенгроқ фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Сув хўжалиги мақсадларида барпо этиладиган С.о.нинг тўлиқ ҳажми 3 қисмдан: фойдаланиб бўлмайдиган (ишлатилмайдиган), фойдали ва резерв (жадал бўшатиладиган) ҳажмдан иборат. Фойдаланиб бўлмайдиган ҳажм тўлиқ ҳажмнинг бир қисми бўлиб, нормал иш шароитларида оқимни тартибга солиш учун ишлатилмайди; унинг баландлиги фойдаланиб бўлмайдиган сатҳ ҳажми дейилади. Бу сатҳдан юқоридаги сув фойдали ҳажм (ёки қуйилиш призмаси)ни ҳосил қилади. Фойдали ҳажмга мос келадиган сув сатҳи нормал сатҳ дейилади. Нормал сатҳдан юқориси резерв сув ҳажми ҳисобланади, сув ташлагич иншоотлари орқали тошқин сувларини ўтказиб юборишга хизмат қилади. С.о. дарё оқимини мавсу-

Ўзбекистондаги сув омборлари
(ҳажми 10 млн. м³ дан ортиқ бўлган сув омборлари)

Номи	Фойдаланишга топширилган (реконструкция қилинган) йили	Тўлиқ ҳажми, млн.м³	Сув олиш манбаи (дарёлар)	Тўғоннинг максимал баландлиги, м	Максимал сув чиқариш имконияти м³/сек.
Республика аҳамиятидаги (вилоятлараро) сув омборлари					
Андижон	1983	1900	Қорадарё	121,0	250,0
Каттақўрғон	1951(1968)	900	Зарафшон	31,2	140,0
Талимаржон	1988	1525	Амударё	35,0	370,0
Туямўйин	1979	7800	Амударё	28,0	1277,0
Чорвоқ	1977	2000	Чирчиқ	168,0	1650
Вилоят аҳамиятидаги сув омборлари					
Бухоро вилояти					
Тўдакўл	1977	800	Зарафшон	4,0	50,0
Шўркўл	1977	170	Зарафшон	14,5	35,0
Қуйимозор	1960	350	Зарафшон	28,1	46,0
Жиззах вилояти					
Жиззах	1973	100	Сангзор	25,0	40,0
Зомин	1986	52,0	Зоминсув	73,5	60,0
Қоровултепа	1987	53,0	Зарафшон	40,0	50,0
Наманган вилояти					
Варзиқ	1989	18,2	Ғовасой	39,0	20,0
Косонсой	1968	165,0	Косонсой	64,0	50,0
Чортоқ (қурилиш давом этмоқда)	1975	30,0	Чортоқсой	37,0	50,0
Эскиер	1978	18,5	Ғирвонсой, Намангансой	23,0	10,0
Самарқанд вилояти					
Оқдарё	1989	131,5	Оқдарё	20,0	70,0
Тусунсой	1989	52,1	Тусунсой	40,6	40,0
Қорасув	1988	29,0	Қорасув	15,0	2,7
Қоратепа	1981	24,0	Қоратепасой	36,0	4,0
Сурхондарё вилояти					
Дегрес	1962	12,7	Хўжаконсой	12,8	5,0
Жанубий Сурхон	1967	800,0	Сурхондарё	30,0	150,0
Оқтепа	1973	120,0	Амударё	14,0	19,0
Тўпаланг (қурилиш давом этмоқда)	—	5000	Амударё	—	—
Учқизил	1952	160,0	Сурхондарё	11,5	15,0
Тошкент вилояти					
Оҳангарон	1989	260,0	Оҳангарон	100,0	480,0
Тошкент	1963	250,0	Оҳангарон	36,5	45
Фарғона вилояти					
Каркидон	1967	218,4	Кувасой, Қорадарё	70,0	50,0
Кўрғонтепа	1981	24,0	Шоҳимардон	45,0	5,0
Қашқадарё вилояти					
Деҳқонобод	1981	27,2	Кичик Ўрадарё	36,2	12,0
Пачкамар	1968	260,0	Ғузор	70,0	30,0
Чимқўрғон	1960	500	Қашқадарё	33,0	350,0
Камаши	1958	250,0	Яккабоғдарё	14,9	5,0
Ҳисорак	1990	180,0	Оқсув	138,5	260,0

мий ва кўп йиллик тартибга соладиган турларга бўлинади. Мавсумий тартибга соладиган С.о. аниқ йиллик тўлиш ва сарфланиш циклига эга. Оқимни кўп йиллик тартибга солувчи С.о. серсувлик йилларида ортиқча сувни йиғиб, сув кам бўлган йилларда эса йиғилган сувдан фойдаланишга имкон беради. Ўрта Осиё ҳудудидаги С.о. дан суғориш мавсумида сув фойдаланиб бўлмайдиган ҳажм даражасигача олинади. Кўпинча вегетация даврида мавсумий тартибга солинадиган С.о.нинг фойдали ҳажми тўла ишлатилади.

Ҳавзанинг жойлашишига қараб дарё ўзанидаги (тўғон ўзанни ва водийдаги оқимнинг бир қисмини тўсади) ва тўлдириладиган С.о.га (ўзандан четдаги табиий ёки сунъий ҳавзадан фойдаланилади) бўлинади. С.о.даги асосий иншоотлар — тўғон (сувни тўсувчи), сув чиқаргич (сувдан фойдаланувчиларга сув бериш) ва эҳтиёт ташлама (ортиқча сувни чиқариб юборишни таъминлайди). Тўлдириладиган С.о.да, булардан ташқари, ҳавзани чегараловчи дамбалар, сув келтиргич ва чиқаргич каналлар ҳам бўлади (қ. *Каттақўрғон сув омбори*).

С.о. ни лойқа босиши жуда хавфли. Баъзи ҳолларда лойқа б-н тўлиши сабабли С.о. бутунлай ишдан чиқади. Лойқа босиш жараёнига дарёда тўғон қурилгандан сўнг *оқизиқларнинг* чўкиши сабаб бўлади. Оқизиқларнинг асосий манбалари сувдаги лойқа, тупроқ, шамол ва сув эрозияси маҳсулотлари. Ўрта Осиёдаги С.о. ни жуда тез лойқа босади. Мас., Қашқадарёда қурилган Чимқўрғон С.о. 20 йилда 60 млн. м³, Ғузордарёдаги Пачкамар С.о. 9 йилда 17 млн. м³, Жанубий Сурхон С.о.нинг тўртдан бир қисми 25 йилда лойқа б-н тўлди; Сирдарёдаги Учқўрғон С.о. ҳажми 19 йил давомида 60% га қисқарди.

С.о. нинг лойқа босишига қарши курашда қуйидаги чоралар қўлланади: оқим лойқаланадиган тошқин вақтида С.о.да сув сатҳи пасайтирилиб, жуда лойқа дарё суви катта тезликда ўтказиб юборилади; айланма каналлар барпо этилади, сўнгра чўкиб қолган оқизиқ (пульпа)лар земснарядлар б-н чиқариб ташланади, сув йўлида оқизиқларни чўктирадиган тиндиргичлар қурилади; муаллақ оқизиқлар кўп бўлган лойқа оқим тўғон тагидаги махсус сув ташлагич орқали чиқариб юборилади (яна қ. *Сув хўжалиги*).

Ад.: Хусанхўжаев З.Х., Гидротехника иншоотлари, Т., 1978; Водохранилища мира, М., 1979; Авакян А.Б., Салтанкин В.П., Шарапов В.А., Водохранилища, М., 1987; Никитин А.М., Водохранилища Средней Азии, Л., 1991; Ҳикматов Ф.Ҳ., Сирлибоева З.Р., Айтбаев Д.П., Кўллар ва сув омборлари, Т., 2000.

Аббос Содиқов.

СУВ ОСТИ АППАРАТИ — сув остида кузатувлар, тадқиқотлар, қидирув ишлари ва б. олиб бориш учун мўлжалланган қурилма. Баъзиларида тадқиқотчи олимлар бўлади, баъзиларининг узатган маълумотлари ерда ёки кемада туриб қабул қилинади. С.о.а.нинг ўзи сузар (мас., *батискаф*, спорт-сайёҳлик ва ғаввослик қурилмалари) ёки дрейфланувчи трос ёрдамида кемага тир-

каб қўйиладиган (мас., батипланлар) ёки сув тубига тушиладиган (мас., гидростатлар, батисфералар) турлари бор. С.о.а. сув тубига 10000 м дан ҳам чуқурга туширилиши мумкин (мас., Тинч океанидаги *Мариана ботиғи* (ботиғига туширилган «Триест» батискафида рекорд натижага эришилган, 19019 м, 1960).

СУВ ОСТИ АРХЕОЛОГИЯСИ — қадим ва ўрта асрда кема чўкиши ёки тектоник ҳодисалар натижасида сув остида қолиб кетган моддий маданият ёдгорликларини ўрганувчи археология соҳаси. С.о.а. бўйича дастлабки қидирув ишлари 1904 й. Этей денгизи (Грецияда профессионал ғаввослар иштирокида амалга оширилган. Акваланг кашф қилингандан кейин археологларнинг ўзлари ҳам бевосита сув остида қолиб кетган шаҳарларни ўргана бошлаганлар. С.о.а. Ўрта Осиёда қирғиз археологлари томонидан қўлланилиб, улар Иссиққўл тубида қолиб кетган ўрта аср шаҳарларини ўрганганлар.

СУВ ОСТИ ВОДИЙЛАРИ, сув ости каньонлари — денгиз ва океанлар тубининг эрозион, тектоник кучлар таъсирида ўйилиши натижасида ҳосил бўлган узун чўзилган тўғри ёки эгри-бугри чуқурликлар. Денгиз ва океанларнинг материк саёзлиги, ён бағри ва тубида учрайди. Эрозион С.о.в. дарёларнинг денгизга қуйилиш қисмининг чўкиши ёки денгиз сатҳининг кўтарилиши оқибатида ҳамда қуруқликдан келтирилган турли майда жинсларга бой денгиз ости суспензион оқимларнинг иши натижасида ҳосил бўлади. Баъзи С.о.в. йирик дарёлар қуйилиш ерининг давоми ҳисобланади. Денгиз сатҳининг кўтарилиши натижасида дарёларнинг сув остида қолиб кетган водийлари яхши сақланган (Гудзон, Ҳинд, Конго ва б.). Материк ён бағирларида бундай водийлар V симон шаклдаги жўякларни, нишаб аккумулятив шлейфлар ва океан туби текисликларида чуқ. 50 м дан бир неча юз м гача, эни 1—3 км, уз. 100 ҳатто минг км га чўзилган эгри-бугри водийларни вужудга келтиради. Тектоник С.о.в. океан ўрталиқ сув ости тизмалари зоналарининг марказий (рифт) қисмида материк четларининг ёрилиши, синишидан юзага келади. С.о.в.нинг келиб чиқишида музликлар ҳам бевосита роль ўйнайди.

СУВ ОСТИ КЕМАСИ — асосан сув остида сузишга мослаштирилган кема. Стратегик, оператив-тактик ҳамда бошқа жанговар вазифаларни сув остида ҳамда сув устида бажаришда фойдаланилади. Бу кемаларнинг томчисимон ёки ситарасимон шаклдаги корпуси пўлат ёки титандан ясалади. С.о.к. сув остида атом қурилмалари, электр токи аккумуляторлари; сув устида атом энергияси ёки дизель қурилмаси, сув остига унча чуқур тушмаган ҳолатда эса дизель қурилмалари ёрдамида ҳаракатланади.

С.о.к. бажарадиган вазифасига қараб, баллистик ракеталар ва ўз-ўзидан мўлжал оладиган қанотли ракеталар, торпедалар, ракета-торпедалар, миналар б-н қуролланирилади; гидроакустик, радиолокацион аппаратура б-н жиҳозланади. Асосий қуролига қараб, стратегик ёки оператив-тактик вазифани бажаради. Асосий қуроли — ядро заряд лари ёрдамида узоққа отиладиган баллистик ракеталар. Бундан С.о.к.ла, одатда, кема океанда узоқ вақт туришига имкон берадиган электр қурилмалар бўлади. Оператив-тактик вазифалар бажарадиган С.о.к. ракета ва торпеда отувчи, мина қўювчи, радиолокацион лозорлик ҳамда транспорт-десантлик вазифаларини бажарувчи кемаларга бўлинади. Душманнинг сув усти кемалари б-н курашишга мўлжалланган С.о.к. ўз-ўзидан мўлжал оладиган ракета-торпедалар б-н қуроллантирилади. Мина қўювчи С.о.к. турли мақсадларга мўлжалланган миналар ва мудофаланиш торпедалари б-н қуролланади.

С.о.к.ни қуриш 17-а.дан бошланди. Биринчи С.о.к.ни Лондонда голланд олими К. ван Дреббел (1620), Россияда ҳаваскор ихтирочи Ефим Никонов (1724), Шим. Америкада Д. Бушнелль (1776), Францияда Р. Фултон (1801), Германияда В. Бауэр (1850) қурди. Бу С.о.к.ларида мис ёки темирдан ясалган корпус, сув тўлғазиш учун цистерна, эшкак ёки қўлда айлантириладиган эшкакли парраклар бўлган; улар душман кемасининг корпусига махсус мосламалар ёрдамида маҳкамлаб қўйиладиган миналар б-н қуролланган (миналар душман кемаси корпусига хода ёки гарпун б-н етказилган).

20-а. бошларига келиб ҳарбий-денгиз флоти бўлган давлатларнинг деярли ҳаммаси жанговар С.о.к. қура бошлади. 20-а. 50-йилларидан бошлаб дастлаб АҚШ ва СССР, кейин эса Буюк Британия ва Франция давлатлари атом қурилмалари бўлган С.о.к. қура бошлади. Бу ҳол С.о.к.нинг сув остида узоқ вақт бўла олишига ва юриш тезлигини кескин оширишга имкон берди. 60-йилларда СССР ва АҚШ да атом бомбаси б-н қуролланган С.о.к. пайдо бўлди.

СУВ ОСТИ СПОРТИ — турли масофага тез сузиш, шўнғиш, мўлжал олиш, туризм ва махсус анжомлар (ак-валанг, маска, тахтали фонлаштаний сув остида) ни қўллаш. Бу спорт тури қадим замонлардан маълум бўлиб, сув остида турли мусобақалар ўтказилган, шунингдек, сувга шўнғиб сув остидан маржонлар, чўккан кемаларни бўлаклаб олиб чиқишда кўл келган.

1959 й. Монакода Сув остида сузиш спорти халқаро федерацияси ташкил этилди. 1957 й. сув остида ов қилиш бўйича жаҳон ва Европа чемпионати ўтказилди. 1967 й.дан сув остида мўлжал олиш ва сув остида даст б-н сузиш, 1968 й.дан сув остида сузиш бўйича Европа, 1976 й.дан жаҳон чемпионати ўтказила бошланди. Сув остида даст б-н сузиш 100, 200, 400, 800, 1500 м, 4×100, 4×200 м та сув ҳавзаси (бассейнда ўтказилади. 1500 м та сузиш эса очиқ сув ҳавзаларида ташкил қилинади. Сув остида сузиш бўйича мусобақа 50 м та анжомсиз ва 100, 400, 800 м та шунинг анжомларидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

С.о.с. сув остида кино ва сурат олиш; ишлар қилиш; ҳарбий ишлар ва шу кабиларни бажаришда амалий аҳамиятга эга.

СУВ ОСТИ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ — сув остидаги манзара ва объектларни кузатиш учун мўлжалланган *телевидение*.

С.о.т.да сув ости телевидение қурилмасидан фойдаланилади. Бу қурилма сигналларни қабул қилувчи ва узатувчи трубкалар; объектив; сатр ёйиш блоки, кадр ёйиш блоки; кучайтиргичлар, ёритлик манбалари ва б. қисмлардан иборат. Асосий аппарати — сув остидаги телевизион камера. С.о.т.дан чўккан кемаларни қидириш, кемалар, гидротехника иншоотларининг сувга ботиб турган қисмларини текшириш, ғаввосларнинг ишини кузатиш, денгиз ва океанларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ўрганиш, балиқ тўдаларини, нефть конларини қидириш, сув ости миналарини излаш, сув ости қуролларини синаш ва б. мақсадларда фойдаланилади. С.о.т. тизимидан бир неча юз метр чуқурликда исталганча вақт давомида фойдаланиш мумкин.

СУВ ОСТИ ТИЗМАЛАРИ — океан ва денгизлар тубидаги бўйлама чўзилган ва бал. 4000—5000 м га етадиган кўтарилмалар. Узунлиги юзлаб — минглаб км га, эни бир неча юз км га етади. Алоҳида чўққилари баъзан тизмалар, бурмали-палахсали тоғлар, вулкан тизмалари, ёйсимон ороллларнинг бурмали-палахсали тизмалари ва вулканлардан ҳамда Ер пўстининг ёриқларидан оқиб чиққан базальт лавларидан ҳосил бўлган океан ўрталиқ тизмаларидан иборат. Мас., Шим. Муз океанида Ломоносов, Менделеев, Гаккел ва б., Атлантика океанида Ўрта Атлантика, Африка—Антарктида, Ҳинд океанида Арабистон—Ҳиндистон, Мальдив ва б., Тинч океанида Жан. Тинч океан, Чили, Гавайи ва б. С.о.т. бир-биридан чуқур ботиқлар орқали ажралган. Уларнинг кўпчилигида текшириш ишлари бўлиб ўтган, ҳаракатдаги вулканлар бор.

СУВ ПОЛОСИ, ватерполо — сувда, яъни узун бўйлаги ҳовуз (30×20 м, чуқурлиги камида 1,8 м да тур б-н жамоа бўлиб ўтиладиган спорт ўйини; ҳар жамоада 7 тадан ўйинчи қатнашади. Ҳовузга 3×0,9 м лик 2 та дарвоза ўрнатилади. Ўйинининг мақсади — рақиб дарвозасига иложи борича кўп тўп тушириш. С.п. тўпининг айланаси 68—71 см, оғирлиги 400—450 гр. 1967 й.дан бошлаб пластмасса тўп б-н ўйналади. Қоидага кўра, мусобақа соф ўйин вақти 5 мин. дан бўлган 4 бўсқичда 2 минутлик танаффус б-н ўтказилади. Ҳар қандай усулда сузиш, тўпни 1 қўлда олиб юриш ва отиш мумкин (фақат дарвозабонигина 2 қўлида ўйнашга, қўлида тўп бўлмаган рақибга ҳужум қилиш ман этилади. Қоидани бузганлик тўпни ўйинга киритиш ҳуқуқини рақибга бериш, ўйиндан чиқарб юборилиш (45 сек. ёки дарвоза ишғол қилингунга қадар) б-н жазоланади. Ўйинининг дастлабки қоидаларини ишлаб чиққан В.Уилсон инглиз (1876). 19-а. охири — 20-а. бошларидан С.п. Европа мамлакатларида оммалаша бошлади.

Сув полоси.

1926 й. Халқаро ҳаваскорлар сузиш федерацияси (FINA) ҳузуридаги С.п. қўмитаси тузилган. 1973 й.дан жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилади. 1900 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Ўзбекистонда С.п. ўйинлари 1946 й.дан уюштирила бошлаган. Мамлакатимизда «Меҳнат», «Локомотив», «Спартак», «Ёшлик» ва б. жамоалар бор. Ўзбекистон С.п. федерацияси 1993 й. ташкил этилган. Эркин *Шагаев* спортнинг шу тури бўйича олимпиада чемпионидир.

СУВ РЕСУРСЛАРИ — фойдаланиш учун яроқли бўлган ер усти, ер ости сувлари ва тупроқдаги нам захиралари. С.р. асрий (ер усти қатламларида, кўлар ҳажмининг бир қисмини ва б.) турларга бўлинади. С.р. денгизда сув объектлари — дарё, кўл, денгизлар ҳам тушунилади, чунки улардан кема қатнови, гидроэнергетика, балиқ хўжалиги, дам олиш, туризм ва б. мақсадларда фойдаланилади. Гидросферадаги тургун сув захираларининг фақат 2,5% гина чучук сув (уининг фақат салкам 1% дан кишилар фойдалана оладилар), 70% музликлар, қолгани тупроқ нами шаклида. Дарёлар, кўллар ва кўчмлик ер ости сувлари ҳам чучук. Ернинг Дунё океани, ер ости сувлари, музликлар, тупроқдаги нам, дарё (ўзан) сувлари, атмосфера бўғлари— гидросферада, айрим ҳисоб-китобларга кўра, 1454327,2 минг км³ тургун С.р. бор. Назарий жиҳатдан С.р. битмас-туганмас, чунки бу ресурслардан оқилона фойдаланилганда С.р. айланиб-янгиланиб туради. Леда С.р. айланиб-янгиланиб туради. Лекин қўпгина мамлакатларда С.р. дан қ.х., саноат, коммунал хўжалиги ва б. мақсадларда фойдаланишнинг ортиши ҳамда турли омиллар таъсирида, биринчи навбатда ишлатиладиган ифлос сувларни тозаламай дарё ва кўлларга оқизилиши натижасида 20-а. охирига келиб инсоният олдида сув тақчиллиги муаммоси пайдо бўлди. БМТ томонидан келажакда инсониятни чучук сув б-н таъминлаш муаммоларига бағишланган С.р. бўйича 3-жаҳон форуми ўтказилди (2003, Япония, Киото), 2003 й. Халқаро чучук сув йили деб эълон қилинди.

Ўрта Осиёда С.р., асосан, дарё оқимлари ва ер ости сувларининг динамик захиралари (тикланадиган ресурслар), шунингдек, тоғлардаги музликлар ва кўлларнинг асрий сув захираларидан ташкил топади. Дарё оқимларидан тоғларда мавсумий қор қатламлари, музликлар ва қорликларнинг эриши, шунингдек, ёғинлар натижасида ҳосил бўлади. Тоғлардаги ер ости сувлари юқоридаги санаб ўтилган сув олиш манбалари ҳисобига вужудга келади. Тоғ олди ва суғорма минтақаларда ер ости сувлари, асосан, ер усти сувлари ҳисобига тўйинади. Дарё ва ер ости сувларининг С.р. ўзаро бир-бирига боғлиқ. Ер ости сувларидан жуда катта миқдорда фойдаланиш дарё оқимини камайтириб юборади. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида дарё сувларининг йиллик ресурслари 114 км³ ни, жумладан, Амударёда (Зарафшон ва Қашқадарё б-н бирга) — 74,7 км³, Сирдарёда — 39 км³, Тожан ва Мургобда — 2,4 км³ ни ташкил этади. С.р. ҳудудий жиҳатдан нотекис жойлашган бўлиб, тоғларда ҳосил бўлса-да, кенг тармоқли суғориш каналлари ёрдамида, асосан, текисликларда фойдаланилади.

С.р.нинг ҳудудий жиҳатдан нотекислиги сув истеъмолидаги танқислиги вужудга келтиради. Уни бартараф этиш учун оқимнинг бир қисми минтақадан бошқасига қайта тақсимланади. Оқимни қайта тақсимлаш Амударё (Қорақум, Амў-Бухоро, Катта Ҳисор, Қарши каналлари ва б.) ва Сирдарё (Катта Фарғона, Катта Андижон, Катта Наманган, Жан. Мирзачўл каналлари ва б.) ҳавзаларида жуда катта ҳажмда амалга оширилган (қ. *Дарёларни ҳавзалараро оқизиш, Давлат сув фонди*).

Ад.: Ирригация Узбекистана: в 4-х, т., т. 1—4, Т., 1975—1981; Львович М.И., Мировые водные ресурсы и их будущее, М., 1974; Баҳритдинов Б.А., Ўрта Осиёнинг дарё ва зовур сувлари гидрохимияси, Т., 1983.

СУВ САТҲИ — дарё ва кўллардаги сув юзасининг денгиз сатҳига нисбатан баланд ёки пастлиги (сувнинг нисбий сатҳи). С.с.нинг ўзгариб туриши, асосан, дарё сувн сарфи ва кўл ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ. С.с.нинг табиий ўзгариб туриши эса, асосан, иқлим шароитларига боғлиқ. Кўллардаги С.с.нинг йиллик ўзгариши бир неча см дан 2—3 м гача, катта дарёларда 5—12 м (баъзан 30—35 м) гача етади. С.с.нинг ўзгариши сув ўлчаш шохобчаларида аниқланади.

СУВ САҚЛОВЧИ ГОРИЗОНТ — сув ўтказадиган бир хил таркибли ёки литологик таркиби ва гидрогеологик хусусиятлари ўхшаш бўлган тоғ жинсларининг ер ости суви б-н тўлган бир ёки бир неча қатлами, дарзлик бўшлиқлари, ғоваклар, бўшлиқлар. С.с.г. бурғи қудуғи ва б. манбаларни етарли оқим б-н таъминлайдиган даражада ўзида сув йиға оладиган қатламдир. Бир-бири б-н гидравлик равишда боғланган С.с.г. сувли мажмуани ҳосил қилади. Агар ер ости сувлари сув ўтказмайдиган қатламларга нисбатан устки ва остки томонлан чегараланган ва атмосфера босимидан юқори босим остида бўлса, С.с.г. босимли ҳисобланади. Босимсиз сувли горизонтда ер ости сувларининг сатҳи ўтказувчанлик зонасининг

устки чегараси бўлиб, унда босим атмосфера босимига мос келади (қ. *Тог жинсларининг сув ўтказувчанлиги*).

СУВ СИҒИМИ — сувга ботирилган қаттиқ жисм, мас., сузиб кетаётган кема сиқиб чиқарадиган сув миқдори (ҳажми). Ҳажмий ва оғирлик бўйича сиғимлар фарқ қилинади. Ҳажмий С.с. жисмнинг сувга ботиб турган қисми сиқиб чиқарган сув ҳажмини билдиради. Оғирлик бўйича С.с. *Архимед қонуни*га мувофиқ жисмнинг оғирлигига тенг бўлади. Бундай сиғим миқдор жиҳатдан ўзгармай қолади. Ҳажмий С.с. сувнинг зичлигига қараб ўзгариши мумкин. Сувга ботирилган жисмга шу жисм сиқиб чиқарган сув оғирлигига тенг кўтариш кучи таъсир қилади. Агар жисмнинг оғирлиги кўтариш кучидан катта бўлса, жисм сувга чўкади, кичик бўлса, — чўкмайди, мабодо тенг бўлса, жисм сувнинг истаган жойида туриши мумкин. С.с. кемачиликда, амалий ва назарий и.т. ишларида, жисмларнинг солиштирма оғирлигини аниқлаш ва б.да қўлланилади.

СУВ ТАЪМИНОТИ — аҳолини, жамоат бинолари ва саноат корхоналарини, транспорт, қ.х. ва б.ни сув б-н таъминлашга оид тадбирлар мажмуи.

С. т. бир неча минг йиллардан бери маълум. Қад. Миср ва ер ости сувларини жуда чуқур қудуқлар қазиб, оддий механизм б-н чиқаришган. Бунда сопол, ёғоч, металл (мис ва қўрғошин) қувурларидан фойдаланишган. Қад. Римда йирик марказлаштирилган С.т. тизими бўлган. Ўрта Осиёда С.т. мил. ав. 6—5-а.лардан маълум. Қадимги Самарқанд шаҳри С.т.да шаҳарга киравериш-да катта тўғон қурилган, унинг устидан шаҳарга катта ариқ ўтказилган. Ариқ изғари ҳозир ҳам мавжуд (қ. *Афросиёб*).

С.т.да қўлланиладиган муҳандислик иншоотлари комплекси С.т. тизими ёки водопровод деб аталади. Аҳоли яшайдиган пунктлардаги барча С.т. тизимлари марказлаштирилади. С.т.нинг коммунал (жамоат бинолари ва аҳолини сув б-н таъминлайдиган) ҳамда и.ч. (саноат ёки қ.х.ни сув б-н таъминлайдиган) хиллари бор. С.т.да табиий сув манбалари — очиқ ҳавзалар (дарё, кўл, денгиз, сув омбори ва б.) ҳамда ер ости сувлари (булоқлар, артезиан сувлари ва б.)дан фойдаланилади. Аҳоли эҳтиёжи учун энг яроқли сув — ер ости сувларидир. Лекин ер ости сувлари аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ қондира олмайди. Шунинг учун йирик шаҳарлар ва саноат корхоналари чучук сувли очиқ ҳавзалар сувидан таъминланади.

С.т.нинг умумий схемаси: сув қабул қилиш иншооти *1*, I насос ст-яси *2*, сув тозалаш иншоотлари *3*, тоза сув резервуари *4*, II насос ст-яси *5*, сув йўллари *6* (қувурлар, бетон ариқлар ва б.), водопровод тармоғи *7* ва босим минораси *8*дан иборат (расм). Маҳаллий шароитга қараб, С.т. схемаси ўзгариши мумкин. Мас., ҳавза сувини тозалашнинг кераги бўлмаса, сув тозалаш иншоотларини қуришга эҳтиёж қолмайди. Агар сув ҳавзаси сув б-н таъминланадиган объектдан баланд жойлашган бўлса, насос ст-ялари қурилмайди.

Ер ости сувларини чиқариш учун қувурли қудуқлар ва горизонтал сув йиғгичлардан фойдаланилади. Булоқ сувлари кантаж иншоотлари (тиштин идишлар, камералар ва б.)га йиғилади. Кўпинча, ер ости ҳавзаларидан сув насос ёрдамида юқоридаги идишга тўпланади, у ердан *насос станцияси* ёрдамида истеъмолчиларга юборилади. Насос ст-ялари, одатда, марказдан қочма насослар, ростлаш, сақлаш ва назорат-ўлчаш аппаратлари б-н, кўплари телебошқариш қурилмалари б-н таъминланади, баъзилари тўлиқ автоматлаштирилади.

Тозалаш иншоотларида тозаланган сув водопровод тармоғи орқали истеъмолчиларга тарқатилади. Саноат корхоналарида (маълум шароитда) С.т.нинг айланма ва кетма-кет фойдаланиш тизимлари қўлланилади. Айланма тизимда и.ч.да ишлатилган сувни совитиб, тиндириб, тозалаб, ундан яна фойдаланилади. Кетма-кет фойдаланиш тизими бир корхонада ишлатилган сувдан бошқа бир корхонада фойдаланишни кўзда тутади, натижада сув анча тежалади.

Аҳоли яшайдиган пунктлар, асосан, маҳаллий сув ҳавзалари суви б-н таъминланади. Мас., Тошкент шаҳри Чирчиқ, Бўзсув ва б. табиий сув ҳавзаларидан сув ичади. Тошкентнинг С.т. марказлаштирилган, яъни барча С.т. тизимлари бир-бирига уланган. Аҳолига бериладиган сув сифати қатъий санитария қоидаларидан ўтказиб турилади. Бу иш шаҳар ва туман санэпидстанциялари ҳимоясига юкланган. Қ.х.нинг сувга бўлган эҳтиёжлари, дарелар, каналлар, сув омборлари, коллекторлар, ноклар, сув тарқатиш иншоотлари, насос ст-ялари ва б. суториш маълумотлари орқали қондирилади.

СУВ ТОШҚИНИ — дарё, кўл ёки денгиз суви сатҳининг кўтарилиши натижасида қуруқликни сув босиши. Дарё суви, асосан, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиб, қор ёки муз-ликлар қисқа вақтда кўп миқдорда эриганда, қаттиқ жала қуйганда тошади. Дарё ўзанига мўл тушиб қолганда ҳам тошқин рўй беради. Денгиз соҳиллари ва ороллар-да шамол пайтида ёки океанда зилзола отилганда тўлқин кўтарилиши натижасида ҳам С.т. вужудга келади.

С.т.ни олдини олиш учун сув омборлари қурилиб, ортиқча сувни унга буриб юборилади, сув сақларига мустаҳкам тутун, дамбалар қурилади.

СУВ ТРАНСПОРТИ — транспорт тури. Табиий (дарё, кўл, денгиз, океан ва қўлтиқлар) ва сунъий (канал, сув омборлари) сув йўллари орқали юк ва пассажирлар ташилади. С.т. *дарё транспорти* ва *денгиз транспорти*га бўлинади.

СУВ ТУРБИНАСИ — қ. *Гидротурбина*.

СУВ ТУШИРГИЧ — канал ва дарёларда сув оқими ошиб тушадиган тўсиқ (бўсага). Бунда сув оқимини йўналтириш учун тўсиқ юқорисига тўғри тўртбурчак, учбурчак ёки трапеция шаклидаги тешиклар қилинади. Улар ён томондан тиргак ёки оралиқ деворлар б-н чегараланади. С.т. юпқа деворли; кенг тўсиқли ва шаклдор тўсиқли бўлади. Тошқин даврида ёки сув кўпайганда сув омборидан ортиқча сувни чиқариб ташлаш, шунингдек, тўғон ёки шлюздан пастки иншоот (пастки бьеф) га керакли сувни ўтказиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти сув ташлама (обвартов) деб аталади. У тўғон тепасига ва юқорини бьеф сирти остига қилинган ёки иккаласи пастбаланд ўрнатилган тешик (қувур)лардан иборат бўлиши мумкин. Бунда сувнинг тезлиги оғиб-ошиб бўладиган гидротехника иншоотлари бўйича ё-н тартибга солинади. Унинг автоматик тарзда ишлайдиган (мас., сифонли) турларида ўзгичлар бўлмайди. Сув омборини сувдан бўшатиш, уни чўкиндилардан тозалаш ва сувни пастки бьефга ўтказишга мўлжалланган тешикли гидротехника иншооти сув бўшатмаси деб аталади.

СУВ УСТУНИ МИЛЛИМЕТРИ — босимнинг тизимга кирмаган бирлик; қисқа мм сув устуни ё-н белгиланади. 1 мм сув устуни =9,80665 Па=10⁻⁴ кгк/см²=7,3556·10⁻² мм симоб устуни.

СУВ ФОНДИ — муайян мамлакат ҳудудидаги сув объектлари мажмуи (қ. *Давлат сув фонди*).

СУВ ХЎЖАЛИГИ — халқ хўжалиги тармоғи; сув ресурсларини ўрганиш, ҳисобга олиш, ундан комплекс фойдаланишни режалаштириш, суториш системаларини эксплуатация қилиш, ер ости ва ер усти сувларини ифлосланишдан, тутаб қолишдан сақлаш, шунингдек, уни истеъмолчиларга етказиб бериш б-н шуғулланади. С.х. экинфасига ерларни суторини, ҳайвонларни сув б-н таъминлаш; тупроқ қатламининг зовлиб кетиши ва жарликлар ҳосил бўлишининг олдини олиш; ерларни, бинолар, иншоот ва б. объектларни сув тошқини ва сув босишдан муҳофаза қилиш; саноат, қ.х., аҳолини сув б-н таъминлаш (қ. *Сув таъминоти*), сув энергиясидан фойдаланиш; балиқчилик ва балиқ овлаш, кема қатнаши ва ёғоч оқизиш ишлари учун зарур бўлган иншоот ва мосламаларни қуриш; сув ресурсларининг беҳуда сарфланиши, камайиб кетиши ва ифлосланишидан муҳофаза қилиш ва б. ишлар киради.

Сув ресурсларидан фойдаланиш тартибига кўра, халқ хўжалиги тармоқлари сув истеъмолчи ва сувдан фойдаланувчи тармоқларга бўлинади. Сув истеъмолчилар (саноат, қ.х., коммунал хўжалиги) сувни манбадан олиб, аксарият тамомила истеъмол қилади ёки бир қисмини ўзлаштиради ва буглантириб юборади, қолган қисмини эса сифатини ўзгартирган (оқова) ҳолда қайтаради. Натижада манба сувининг сифати, миқдори ва режими ўзгаради. Сувдан фойдаланувчилар (гидроэнергетика, сув транспорти, балиқчилик ва б.) сувнинг ўзидан эмас, унинг энергиясидан ва сувли муҳитдан фойдаланадилар, натижада манбадаги сув сифати, миқдори ва режими ўзгармайди.

Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги жуда кўп сув истеъмол қилади. Унинг қиссасига суторма деҳқончиликда тўлиқ сарфланадиган умумий сув миқдорининг 80—90% га яқини ёки йилига 64 млрд. м³ тўғри келади. Унинг асосий қисми суторма деҳқончиликда сарфланади. Ариқ ювалардаги сув ресурсларининг муҳим хусусияти — уларнинг ҳудудлар бўйича нотекис тақсимланганлиги, шунингдек, дарё оқимининг вақт (йиллар ва мавсумлар бўйича оқим ўзгариши) оралиғида нотекис тақсимланишидир. Айрим ҳудудларда сув ресурслари ва унга бўлган эҳтиёж ўртасидаги номувофиқликни йўқотиш учун гидротехника иншоотлари: дарё ва каналлар оқимини кўп йиллик, йиллик, мавсумий ва ой, ҳафта ва сутка давомида тартибловчи сув омборлар (қ. *Сув омбори*), дарё оқимини ҳудуд бўйлаб тақсимловчи *каналлар*; дарё ва сув омборлари ва шаклдан сув олувчи насос станциялари (қ. *Насос станциялари*) қурилади. *Гидротехника иншоотлари* комплексининг мажмуи сув хўжалиги системасини ташкил этади. Суториш ва халқ хўжалигининг бошқа мақсадлари учун сувга бўлган эҳтиёж кучайган ҳозирги даврда бир қанча тармоқларга хизмат қиладиган кўп мақсадли йирик сув омборлари қурилмоқда (мас., Чорвоқ, Норак, Тўхтағул ва б. сув омборлари ирригация ва гидроэнергетикага хизмат қилади), сувни ҳавзаларо тақсимлаш ва уни узоқ масофаларга олиб бориш ишлари амалга оширилмоқда (мас., Амударё сувни *Аму-Бухоро машина канали* орқали Зарафшон дарёси ҳавзасига оқизилмоқда).

Ўзбекистонда С.х. тарихи жуда қадимий. Сирдарё ва Амударё этакларида мил. ав. 8—7-а.лардан бошлаб суторма деҳқончилик қилинганлигининг археологик далиллари мавжуд. Самарқанд воҳаси, Фарғона водийсида қадимий суториш иншоотлари (каналлар, тўғонлар, коризлар) қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган. Йирик суториш каналларидан *Бўзсув*, Занг кабилар қадимий тарихга эга. 10-а.да Пасттоғ дараси (Жиззах вилояти Фориш тумани)да қурилган Хон банди (сув сиғими 1,5 млн.м³), 16-а.да Самарқанд вилоятида қурилган *Абдуллахон банди* ўша давр-нинг ноёб иншоотларидан бири бўлган.

Ўзбекистонда С.х. системаси 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб эски суғориш тармоқларини тиклаш, янгиларини қуриш, суғориладиган янги ерларни ўзлаштириш (Мирзачўл, Далварзин, Қумқўрғон даштлари, Жиззах чўли, Қизилқум чеккаси) ва унинг сув таъминоти, хўжаликлараро суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва б. б-н боғлиқ ҳолда шаклланади (қ. *Канал, Мелиорация*). Қ.х. суторма деҳқончиликка асосланган Ўзбекистонда сувни истеъмолчиларга ўз вақтида ва керакли миқдорда етказиб бериш мақсадида кўплаб канал, гидроузел, гидротехника иншоотлари, сув омборлари, дренаж насос станциялари, коллектор-дренаж тармоқлари қурилди. Республика С.х.да 4,3 млн.га суториладиган ерлар ва 19,5 млн.га сув чиқарилган йўловларни сув б-н таъминлаш учун умумий сув сарфи 2500 м³/сек бўлган 75 та йирик канал, умумий ҳажми 18,6 млрд. м³ бўлган 53 сув омбори ва 25 сел омбори, 32,4 минг км хўжаликлараро ва 176,4 минг км хўжалик суториш тармоқлари, 5000 га яқин насос агрегатлари ўрнатилган 1479 донмий насос ст-ялари ва б. иншоотлар қурилган. С.х. §з қурилиш индустрияси ва механизациялашган сув қурилиш ташкилотларига эга. С.х. тизимида и.т. ин-тлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (Ўрта Осиё ирригация и.т. ин-ти, «Сувлойиҳа» бирлашмаси, Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти, коллежлар), лойиҳа-изланув муассасалари фаолият кўрсатади. С.х.га умумий раҳбарликни Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги олиб боради. Вазирликнинг вилоятлар бошқармалари ҳамда ирригация тизимлари гидроузеллар, каналлар, насос ст-ялари ишларини бошқаради. *Гидрометрия* хизмати жойларда сув тақсимотини ҳисобга олади ва назорат қилади.

СУВ ХЎТИКЧАЛАРИ (Asellidae) — тенг оёқлилар турқумига мансуб қисқичбақасимонлар оиласи. Ҳовуз, кўл ва тинч оқадиган суларда кўп учрайди. Кенг тарқалган турларидан бири сув хўтикчасининг уз. 12—20 мм, 6 жуфт оёқлари ёрдамида сув тубида ҳаракатланади. Қорин бўшлиғидаги пластинкасимон жабралари ёрдамида нафас олади. Тухум қўйиб, жуда тез кўпаяди. С.х.нинг урғочиси тухумдан чиққан болаларини кўкрак оёқлари асосидаги халтачасида олиб юради. Детрит, сувўтлар, дарахтдан тушган ва чириган барглар б-н озиқланиб, сувни тозалайди; ўзлари эса балиқлар озиғи ҳисобланади.

СУВ ЧАЁНЛАРИ (Nepidae) — қандалалар оиласи. Уз. 15—50 мм, қорин бўлимининг кейинги учида узун нафас олиш най-и бор. Олдинги оёқлари тут-



Сув таъминоти. Умумий схема (шаҳар учун): *1* — сув қабул қилиш иншооти; *2-I* — кўтариш насос ст-яси; *3* — сув тозалаш иншооти; *4* — тоза сув идиши; *5-II* — кўтариш насос ст-яси; *6* — сув қувурлари; *7* — водопровод тармоғи; *8* — сув босимли минора.



Сув туширгич схемаси: *а* — юпқа деворли; *б* — кенг тўсиқли; *в* — шаклдор тўсиқли.

Сув чаёни.

қичга айланган. 200 га яқин тури, жумладан, Ўзбекистонда 2 тури тарқалган. Ўсимликларга бой оқмайдиган ёки секин оқадиган сув ҳавзаларида учрайди. Йиртқич, майда сув ҳайвонлари, жумладан, балиқ чавоқларини еб, бирмунча зиён етказади.

СУВ ЧАНҒИ СПОРТИ — сувда шатакчи катер ёрдамида махсус чанғилар б-н ҳаракатланишдан иборат мусобақа. Сувда сузиш спортидан ажралиб чиқиб, алоҳида спорт тури сифатида 1930-й.ларда АҚШда шаклланди. С.ч.с.да қатнашчилар 3 та йўналиш бўйича мусобақалашадилар: слалом, фигурали учиш ва трамплиндан сакраш. Ҳар учала йўналишда эркак ва аёллар қатнашиши мумкин. Халқаро С.ч.с. федерацияси 1947 й. тузилган. Унга 60 дан ортиқ мамлакат аъзо. 1949 й.дан жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилади.

СУВ ЧЎЧҚАЧАСИ, капибар (Hydro-choerus) — сув чўчқалари оиласига мансуб кемирувчи ҳайвон. Оиланинг ягона вакили. Гавдасининг уз. 100—130 см, оғирлиги 60 кг ва кўпроқ (ҳоз. яшаётган кемирувчиларнинг энг йириги). Танаси оч қўнғир тусли сий-

Сув чўчқачаси.

рак дағал жун б-н қопланган. Оёқлари узун, бармоқларида туёқсимон тирноқлари бор. Думсиз. Яхши сузади ва шўнгийди. Йилда бир марта 5—6 бола туғади. Марказий ва Жан. Американинг тропик ўрмонларидаги кўл ва дарёлар қирғоғида ҳамда ботқоқликларида оила ёки кичик тўда бўлиб яшайди. Ўсимликлар б-н озиқланади. Баъзан экинларни еб, зарар келтиради. Гўшти ва териси учун овланади. Қўлга тез ўрганади.

СУВ ЭРОЗИЯСИ — нишаб ерларда тупроқнинг устки унумдор қатламлари ҳамда тупроқ она жинсининг ёмғир ва қор сувлари, суғориш таъсирида емирилиб, ювилиб кетиши. (қ. *Тупроқ эрозияси*).

СУВ ЭЧКИЛАРИ (Kobus) — қувушшохлилар оиласига мансуб сут эмизувчилар уруғи. 5 та тури бор. Африкада тарқалган. Гавдасининг уз. 125—220 см. Эркаклари шохларининг уз. 30—100 см, тўғри ёки дирасимон ягилган, ҳалқасимон йўғонлашган. Ўрта туёги нисбатан узун, учи ингичкалашган. Бўйнида ёли бор. Яхши сузади, хавф туғилганида сувга тушиб, жон сақлайди. Типик вакили а.с.д. С.э. Жан. ва Шарқий Африкада учрайди. Гавдасининг уз. 2,2 м, бўйи 130 см ча. Юнги кулранг, қизғиш-қўнғир тусла товланади. Томоғи, кузи ва думи атрофида оқиш ҳоллари ва йўли бор. Эркаги шохли (уз. 80 см ча). Тери безларидан бадбўй ҳид ажратади. Сув ҳавзаларига яқин саванна ва ўрмонларда, баъзан дарё қирғоғидаги бутазорларда тўда бўлиб ўтроқ яшайди. Бўғозлик даври 7—8 ой. Йилда битта бола туғади. Териси учун овланади. Айрим турлари муҳофаза қилинади.

СУВ ЎЛЧАШ ҚУРИЛМАЛАРИ — маиший ва техника мақсадларида ишлатиш, қ.х. экинларини суғориш ва б.га истеъмол қилинадиган сув сарфини ҳисобга олиш учун мўлжалланган гидротехника иншоотлари ва техника асбоб-ускуналари. Одамзод сувни ўлчашга қадимдан эҳтиёж сезган. Қад. Шарқ мамлакатлари (айниқса, Миср) да қурғоқчилик кўп бўлиши сабабли суньий суғориш иншоотларига эҳтиёж катта бўлган. Мил. ав. 2-минг йиллик ўрталаридан бошлаб ариқлар қазилган, ламба ва тўғонлар, сув чиқариш қурилмалари (шалуфлар) қурила бошлаган. Сув танқис бўлганлиги учун уни тежаб ишлатиш ва ўлчаб тақсимлаш зарур бўлган. Бунинг учун тўғонларда сув сатҳини (демак, сув ҳажмини) кўрсатадиган белгилар қилинган. Суғориш иншоотлари ва сувни ҳисобга олиш воситалари борган сари такомиллаштирилиб борилган. Мас., ўзбек қомусий олими *Аҳмад ал-Фарғоний* Мисрдаги Нил дарёсига қурган сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо этган. Бу сув ўлчаш қурилмаси илмий-техник ва меъморий жиҳатдан гоят улуғвор бўлган. Миср аҳолиси шу иншоот кўрсатган сув сатҳига мос равишда (агар сув сатҳи юқори бўлса кўпроқ, паст бўлса камроқ) солиқ тўлаган. Бу иншоот ҳозир ҳам сақланиб қолган. Ўрта Осиёда қадимдан сув тақсимоти б-н шуғулланувчи шахс — *мироб* лавозими мавжуд бўлган. Ҳоз. Ўзбекистонда бу иш б-н хўжаликларда гидротехник шуғулланади.

С.ў.қ. жумласига сув тақсимлаш постларида қурилган сатҳ кўрсатиш белгилари бўлган иншоотлар, гидротехника зулфинлари, ростлаш иншоотлари сув тўсгичлар, кўтармалар ва б. гидротехника иншоотлари киради. Маиший ва техника мақсадларида истеъмол қилинадиган сув миқдори сув ҳисоблагичлари (счетчиклари) б-н ҳисобга олинади. Бундай ҳисоблагичлар ҳонадонлар, хўжаликлар, корхоналарга ўрнатилади. Бу ҳисоблагич труба орқали вақт бирлигида оқиб утадиган (сарф бўладиган) сув ҳажмини (м./сек ёки м./сек) ўлчайди. Бундай ҳисоблагичларнинг бир томонидан сув кириб, иккинчи томонидан истеъмолчига боради. Сув ҳисоблагич парракларини айлантиради, парраклар ҳисоблаш аппаратини ишга туширади. Сарф бўлган сув миқдори ҳисоблагич ларчасидан кўриниб туради.

СУВ ЎРГИМЧАГИ (Argyroneta aquatica) — Argyronetidae оиласига мансуб ўргимчакларнинг ягона тури. Ўргимчаклар туркумининг чучук сувда яшайдиган ягона вакили. Эркагининг уз. 15—20, урғочиси 10—12 мм. Бош кўкраги қизғиш-қўнғир, қорни ҳўлланмайдиган кулранг туклар б-н қопланган. Сув тагида нафас олиши учун керак бўладиган захира ҳаво пуфак ҳолида С.ў. нинг туклари устида сақланади (бу пайтда у кумуш ранг тусла кўринади). Уясини сув ости ўсимликларига қуради. Европа ва Осиёнинг ўсимликларга бой, оқмайдиган ёки

Сув ўргимчаги.

секин оқар сув ҳавзаларида яшайди. Асосан, жан. ва ўрта минтақаларда (жумладан, Ўзбекистонда) учрайди. Ҳашаротлар личинкаси ва майда қисқичбақасимонлар б-н озиқланади. Урғочи ўргимчак сув остида захира ҳаво сақланадиган қўнғироқ шаклида ин қуриб, унга тухумга тўлган пилласини қўяди ва уни ёш ўргимчаклар чиққунча қўриқлайди.

СУВ ЎСИМЛИКЛАРИ — қ. *Гидрофитлар*.

СУВ ЎТКАЗМАЙДИГАН ҚАТЛАМ — ўзидан табиий босимли эркин сувни ўтказмайдиган ёки деярли ўтказмайдиган (гиллар, гилли сланецлар, дарэсиз оҳактошлар, яхлит кристалли жинслар) тоғ жинслари ёки устки ва остки томонидан сувли горизонт б-н чегараланган тоғ жинсларининг қатлами. С.ў.қ.нинг сувли қатламга нисбатан сув ўтказувчанлиги 10—100 марта кам. Сув ўтказувчанлиги ёмон бўлган тоғ жинсларига гиллар, қумоқ тупроқлар, алевролитлар киради. Сувни яхши ўтказувчи сувли қатламлар тошқотишма, шағал ва қумлардир. С.ў.қ.лардан гравитацион сувларни

чиқариб олиш қийин бўлганлиги учун ер ости сувлари бурғи қудуқлари орқали сувни яхши ўтказадиган қатламлардан тортиб олинади. С.ў.қ. деформацияланганда ёки устки қатлам юпқа бўлганда сув ёки оқма қум тўсатдан ериб чиқади.

СУВ ҚАНДАЛАЛАРИ (Cryptocerata) — ярим қаттиқ қанотлилар туркуми. Кенг тарқалган. 6 оиласи бор. Гавдаси 2—120 мм. Танаси сувда сузишга яхши мослашган. С.қ.нинг мўйлови боши ёнидаги чуқурчаларга яширинган. Оёқлари кураксимон; олдинги оёқлари ёрдамида ўлжасини тутади. С.қ. — йиртқич, сувдаги ҳашаротлар личинкаси, қисқичбақасимонлар б-н озиқланади. Баъзан ёш балиқчаларни еб, балиқчиликка зарар келтиради. Ўрта Осиё сув ҳавзаларида сув чаёнлари (5 тур), сув эшакчалари (20 тур), силлиқ қандалалар (10 га яқин тур) ва сув газчилар (7 тур) оилаларига мансуб С.қ. тарқалган.

СУВ ҚУНДУЗЛАРИ — қ. *Бобрлар*.

СУВ ҲАВЗАСИ — ер юзасининг табиий ёки суньий пастқам ёки чуқур жойларида табиий ёки суньий равишда сув тўпланишидан ҳосил бўладиган, ё бўлмаса, сув йўлини тўсиб ва тўғон қуриб ҳосил қилинадиган секин оқар ёки оқмас сув манбаи. С.ҳ. доимий ёки мавсумий (серёгин йилларда пайдо бўладиган) турларга бўлинади. Доимий С.ҳ.га океанлар, денгизлар, дарёлар, кўллар, табиий сув омборлари, жилғалар, ариқлар ва б. киради. Мавсумий (вақтинчалик) С.ҳ. суньий сув омборлари, каналлар, ҳовузлар ва б.дан иборат. Мас., Ўзбекистон ҳудудидаги Орол денгизи, Амударё, Сирдарё, Чирчиқ дарёлари табиий С.ҳ., Тошкент денгизи, Чорвоқ сув омбори, Андижон сув омбори ва б. суньий С.ҳ. ҳисобланади.

СУВ ҲОВУЗИ — *Каттақўрғон туманидаги* шаҳарча (1947 й.дан). Туманнинг жан.да, Каттақўрғон ш.дан 5 км, туман маркази (Пайшанба)дан 15 км узоқликда жойлашган. Яқин т.й. станцияси — «Каттақўрғон» (5 км). Аҳолиси 5,9 минг киши (2000). Аҳолининг асосий қисми Каттақўрғон сув омбори б-н боғлиқ сув хўжалиги ташкилотларида ишлайди. Шаҳарчада 2 умумий таълим мактаби (1100 дан зиёд ўқувчи), кутубхона, клуб, тикувчилик цехи, касалхона (20 ўрин), фельдшер-акушерлик пункти, дорихона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

СУВА — *Фижи* Республикаси пойтахти. Аҳолиси 77,4 минг киши (1996). Иқлими тропик, нам иқлим, ўртача т-ра 24°, йиллик ёгин 3000 мм. Вити-Леву о.нинг шарқий соҳилидаги порт, четга шакар-қанд, копра, кокос мойи, банан, олтин чиқарилади. Аэропорт бор. Мамлакатнинг саноат, савдо ва маданий маркази. Озиқ-овқат саноати ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Жан. Тинч океан ун-ти бор. Туризм ривожланган.

СУВАЙИРҒИЧ — Ер юзасида ёгин сувлари оқимини турли томонларга йўналган икки ён бағир бўйича ажратиб турувчи чизиқ, чегара. Ер остида эса С. — турли томонларга ҳаракатланувчи ер ости сувлари оқимини ажратиб турувчи шартли чизиқ. С. тогли ўлкаларда гизмаларнинг қирраларидан ўтади. Текисликларда эса ясси ерлардан, ботқоқликлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай жойларда С.ни чизиқ тарзида кўрсатиш мумкин эмас. Тинч океан ҳавзаси б-н Атлантика океани ҳавзасини чегаралаб турувчи чизиқ Ернинг бош С. деб ҳисобланади.

СУВАЙШ — Мисрдаги шаҳар. Сувайш муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 417,6 минг киши (1990-й.лар охири). Сувайш каналидан Қизил денгизга чиқиш жойидаги порт. Халқаро аҳамиятга эга савдо-транзит маркази. Нефть кимёси ва нефтни қайта ишлаш, цемент, озиқ-овқат саноатлари, кемасозлик ва кема таъмирлаш корхоналари бор. Ҳоз. С. яқинида мил. ав. 2-а.да Нил дарёсини Қизил денгиз б-н боғловчи кема қатнайдиган канал қурилган. Қадимда С. (юн. Клизма) савдо маркази сифатида машҳур бўлган. С.нинг ривожланиши 1869 й.дан Сувайш канали қурилиши б-н жадаллашди.

СУВАЙШ БЎЙНИ — Ўрта денгизни Қизил денгиздан ажратиб турувчи қуруқлик, Миср ҳудудида. Африка б-н Осиё материгини бирлаштириб туради. Энг кенг жойи 112 км. Тектоник чўкмадан иборат. Ер юзаси гилли текислик, гарби қумтепа ва барханлардан иборат (энг баланд жойи 107 м). Иқлими субтропик чўл иқлими. Шўрхоклар, шўр кўллар (Катта Шўр кўл ва б.) бор. С.б. орқали *Сувайш канали* ўтказилган.

СУВАЙШ КАНАЛИ — *Мисрнинг* шим.-шарқий қисмидаги кема қатнайдиган шлюзсиз денгиз канали. Ўрта денгизни Қизил денгиз б-н бирлаштириб туради. Атлантика ва Ҳинд океанлари ўртасидаги энг қисқа сув йўли (Африкани айланиб ўтишни 8—15 минг км га қисқартиради). С.к. ҳудуди Осиё б-н Африка оралиғидаги шартли географик чегара деб қабул қилинган. Канал кема қатнови учун 1869 й. 17 нояб.да расмий очилган. Уз. 161 км (каналнинг чиқишдаги давоми б-н эса 173 км). Кенглиги 120—150 м, ўзанининг тубида 45—60 м. Чуқурлиги фарватерида 12,5—13 м. Кемалар канални ўртача 11—12 соатда сузиб, ўтади. Каналга кираверишдаги энг йирик портлар: Ўрта денгизда *Порт Саид* ва Қизил денгизда *Сувайш*. С.к. трассаси *Сувайш бўйни*нинг энг тор ва паст қисмидан, қатор кўл (Тимсоҳ кўли, Катта ва Кичик Шўр кўллар) ҳамда Манзала лагунаси орқали ўтган. Канал зонасини ичишга яроқли сув б-н таъминлаш учун Нил дарёсидан уз. 180 км чучук сувли Исмоилия ва Порт Саид йўналишида Аббосия каналлари қазилган (Қадимги Мисрда мил. ав. 2 минг йилликда Нил дарёсини Қизил денгиз б-н боғлаган канал — Фирьавилар канали қазилган). С.к. нефтга бой Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини ҳамда Осиё, Австралия ва Шарқий Африкани Ғарбий Европа б-н боғловчи халқаро денгиз йўлида жойлашган. Каналда ташилаётган жами юкларнинг 70% дан кўпроғи нефть ва нефть маҳсулотларига тўғри келади. Канал қурилиши 1859 й. 25 апр.да француз (Линан ва Мужель) ва итальян (Негрелли) муҳандислари лойиҳаси бўйича бошланган. Канал қазишда ҳар ойда Миср деҳқон (фаллоҳ)ларидан 60 минг киши мажбуран жалб қилинган. 1882 й.да Англия Мисрни босиб олгач, С.к. Буюк Британиянинг яқин Шарқдаги энг катта ҳарбий-стратегик базаси бўлиб қолди. С.к.ни 1956 й.га қадар, асосан, Англия ва Францияга қарашли компа-

Сувайш канали схемаси.

ниялар бошқариб келган. 1956 й. 26 июлда Миср ҳукумати канални национализация қилди. Канал орқали ўтадиган кемалардан олинадиган бож ҳақи МАР иқтисодиётига катта даромад келтиради.

СУВАЙШ ҚЎЛТИҒИ — Қизил денгиздаги қўлтиқ. Синай я.о. б-н Африка қирғоқлари оралигида. Уз. 325 км. Эни 15—46 км. Энг чуқур жойи 80 м. Сув сатҳининг кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади. С.қ. Сувайш канали орқали денгиз б-н туташган. Энг катта порти — Сувайш.

СУВАРАКЛАР (Blattoptera) — ҳашаротлар туркуми. Уз. 4—95 мм. Олдинги кўкрак бўғими бошини қисман ёпиб туради. Мўйловлари узун, қилсимон, кўп бўғимли. Оғиз органлари кемирувчи. Қанотлари пардасимон, олдинги қанотлари нисбатан қалин. Бир қанча турларининг қаноти ривожланмаган ёки бўлмайди. Оёқлари югурувчи. Эркаклари қорин бўшлигида ҳид безлари бўлади. Чала ўзгариш орқали ривожланади. 3600 га яқин тури бор; асосан, тропик ва субтропикларда тарқалган. С. — тунги, яширин ҳаёт кечирадиган ҳашаротлар. Ўсимлик қолдиқлари орасида, тошлар остида, ерлаги ёриқларда яшайди. Тухумларини махсус капсула — оотекага қўяди. 3—4 ойдан 3—4 йилгача ривожланади. Ҳамма нарсани еяверади. Қора суварак ва сариқ суварак синантроп бўлиб, Ер юзининг ҳамма жойида хонадонларда яшайди. С. уйда озиқ захиралари, хона ўсимликлари, китобларга ва теридан тикилган кийимларга зиён келтириши, ичбуруг бактерияларини ва гельминтлар тухумларини тарқатиши мумкин. Ўзбекистонда С.нинг 30 га яқин тури, жумладан, хонадонларда 2 тури (сариқ суварак ва қора суварак) тарқалган.

СУВБУЛДУРУҚ, сажа (Syrrhaptes paradoxus) — булдуруқлар оиласига мансуб қуш. Уз. 40—42 см, вазни 300 г гача. Нарининг қорин қисми қора, қолган жойлари сарғиш, қора йўлли; модасининг ранги хирароқ. Оёқлари уч бармоқли, патлар б-н қопланган. Панжасида ёстиқчалари бор. Қанот ва дум патлари узун. Жан.-Шарқий Европа, Ўрта ва Марказий Осиёнинг дашт ва ярим даштларида яшайди. Ўзбекистонда уя қуриб, бола очади. Уясини ўсимликлар остига (ерга) қурали. 2—3 тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси галма-галдан 30 кун босади. Асосан, ўсимлик уруглари ва куртаклари б-н озиқланади. Сўнгги йилларда сони камайиб бормоқда.

Сувбулдуруқ.

СУВБУРГУТЛАР (Haliaeetus) — қарчигайлар оиласига мансуб йиртқич қушлар уруғи. 8 тури бор. Уз. 60—110 см, вазни 2—3 кг дан 6—9 кг гача. Ўзбекистонда оқ думли сувбургут ва узун думли сувбургут (баҳор, куз ва қишда) учрайди. Пати, асосан, жигарранг тусла. С. ер юзида кенг тарқалган. Даре, денгиз ва кўл қирғоқларида яшайди. Қоя ва дарахтларга уя қуради. Уялан 30—50 ва ундан кўп йил фойдаланади. 1—3 та тухум қўяди. Уни 35—40 кун босади. Болалари 65—75 кунлигида уясидан учиб чиқади. Асосан, балиқлар, сув ва сув бўйида яшовчи қушлар б-н озиқланади. Узун думли С. ва оқ думли С. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи рўйхатига, «Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида»ги Конвенциянинг (CITES) II Иловасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Сувбургут.

СУВГА САКРАШ — спорт тури; *трамплин*дан (1 ва 3 м) ва минора-вишка (5, 7,5, 10 м)дан С.с. усуллари бор. С.с. турли хил айланишларни ўз ичига олади ва сувга калла ёки оёқ ташлаб кам сув сачратиб тик тушиш б-н тугайди. С.с.нинг дастлабки ҳолатда олд томон б-н туриб ва тескари туриб, қўлларга таяниб туриб, айланишлар йўналишлари бўйича — олдинга, орқага ва буралиб-буралиб; мураккаблиги бўйича — мураккаблик коэффициенти (сони ва буралишларнинг мураккаблиги)га кўра сакраш кўринишлари бор. Спорт тури сифатида С.с. 19-а. ўрталарида Германияда пайдо бўлган. 1890 й. дастлабки халқаро мусобақалар ўтказилган. 1-Европа чемпионати 1926 й.да, жаҳон чемпионати 1973 й.да ўтказилган. Олимпиада ўйинлари дастурига 1904 й. (аёллар учун 1912 й.) киритилган. Олимпиада мусобақалари трамплинда туриб 5 та мажбурий ярим айланиб сакраш ва аёллар учун 5 та эркин сакраш ҳамда эркаклар учун 6 та эркин сакраш, минорада туриб 4 та мажбурий ва аёллар учун 4 та, эркаклар учун 6 та эркин сакраш машқларидан ташкил топади. Мусобақалар 2 босқичда — дастлабки ва финал (8 энг кучли спортчи иштирокида) босқичда утказилади. Ҳар 2 ҳолда ҳам дастурни спортчилар тўлиқ бажаришлари керак.

СУВГА ЧЎКИШ — бахтсиз ҳодиса. Бунда нафас йўллари суюқлик (одатда, сув) ёки суюқ массалар (балчиқ, лой) б-н тўлиши натижасида нафас ва юрак фаолияти қаттиқ бузилади. С.ч., одатда, катта сув ҳавзаларида чўмилганда ёки бирор сабабга кўра содир бўлади.

Яхши сузадиган одам ҳам (сувда чўмилиш қоидаларига риоя қилмаса ва эҳтиёт чоралларини кўрмаса) чўкиб кетиши мумкин. Узоқ масофага сузиб чарчаш, шунингдек, калла ташлаганда шикастланиш (бошнинг тошга ёки бирор қаттиқ нарсага урилиб кетиши) С.ч.га сабаб бўлади. Калла ташлаган одам (калла ташлаш техникасини билмаса) сув юзасига урилиб кетиши туфайли бўйин, куз, биқин соҳасига зарб етказади, бу эса ҳушдан кетишга олиб келади. Бошнинг ҳавза тубига урилиши бўйин умуртқаларининг синиб кетиши хавфини туглиради. Мастлик ҳам С.ч.га сабаб бўлиши мумкин, маст одам ўзини идора қилолмай, чўмилиш қоидасини бузади. Бундан ташқари, у совуқни ёмон сезганлиги учун совқотиб, ҳушдан кетиши мумкин. Офтобда қизиб туриб, бирдан сувга тушиш натижасида ҳарорат кескин ўзгарганда, меъда овқатга тўлиб кетиб, овқат ҳазм бўлиши тезлашганда, сувга бирдан тушиб қўрққанда ҳам кишининг ҳушдан кетиши кузатилади.

С.ч.да содир бўладиган ўлим оғир патологик ўзгаришлар — гипоксия (кислород етишмаслиги) таъсирида юз беради.

Чин, «қуруқ», нафас ва юракнинг бирдан тўхтаб қолиши (синкопаль) натижасидаги С.ч. фарқ қилинади. Чўкаётган одамнинг ҳаёт учун курашиши чин С.ч.нинг энг характерли белгисидир.

«Қуруқ» С.ч. ҳушдан кетиш б-н бирга кечади. Бундай ҳолларда одам чўкмаслик учун фаол қаршилик кўрсата олмай, бирдан сув тубига чўкиб кетади. Ҳиқиллоққа озроқ миқдорда тушган сув товуш бойламларини спазмга олиб келади ва одам нафас ололмай қолади, лекин сувнинг ўпкага ўтишига йўл қўймайди. Шунинг учун С.ч.нинг бу тури «қуруқ» С.ч. деб аталади. Бунда нафас йўлларида сув бўлмайди, тери ҳам унча кукармайди, фақат оғиз ва бурунда бир оз суюқлик бўлади.

Синкопаль С.ч.да нафас б-н бир вақтда юрак ҳам тўхтайди. Бунда майда томирлар спазмга учрагаиидан терининг ранги оқариб кетади.

С.ч.да сувнинг т-раси алоҳида аҳамиятга эга. Киши совуқ сувга чўкса, гавда т-раси тезда пасаяди, бу — организмда моддалар алмашинувининг секинлашишига сабаб бўлади ва унинг кислород танқислигига чидамлилигини оширади. Бунда чўккан одамни тирилтириш эҳтимоли бўлади.

Чўккан одамга ёрдам бериш. Агар одам ҳушидан кетмаган бўлса, уни тинчлантириб, ҳўл кийимларини ечиш, баданини қуруқ қилиб артиш, бошқа кийим кийдириш керак; ҳушдан кетган, лекин томири ва юраги ураётган бўлса, нашатир спирт ҳидлатиш, кўкрак қафасини сиқиб турган кийимлан бўшатиш, нафасини яхшилаш учун тилидан тез-тез тортиб туриш лозим. Юрак ва нафас тўхтаган бўлса, организмни тирилтиришнинг оддий усуллари қўлланади. Аввало, иложи борича тезлик б-н нафас йўлларидаги суюқликни чиқариб ташлаш лозим; ёрдам бераётган одамнинг букилган тиззасига шикастланган киши қорни б-н ётқизилади, юқори нафас йўллари ва меъладан сув оқиб тушиши учун боши пастга осилтириб қўйилади. Сувни чиқариб юборганлан кейин дарҳол сунъий нафас олдиришга киришилади (чўккан одамнинг оғзи қум, қусуқ массаларидан тезда тозаланади). Сунъий нафас олдиришнинг кўпгина усуллари орасида «оғиздан-оғизга» ва «оғиздан-бурунга» нафас бериш яхши наф беради.

Чўккан одамнинг (қай аҳволда бўлмасин) оёқ-қўлларини ишқалаш, массаж қилиш йўли б-н иситиш чоралари кўрилиши лозим.

Барча усуллар чўккан одамни сувдан чиқариб олган заҳотиёқ то врач етиб келгунча (қирғоқда, қайиқда) бажарилади ёки беморни зудлик б-н касалхонага олиб борилади.

СУВДА ВА ҚУРУҚЛИКДА ЯШОВЧИЛАР (Amphibia) — сувдан қуруқликда яшашга ўтган дастлабки умуртқали ҳайвонлар синфи. Қуруқликда яшашга ўтиш б-н С. ва қ.я.нинг тузилиши балиқларга нисбатан такомиллашган, хусусан, скелетнинг таянч вазифасини бажаришга ўтиши б-н узун найсимон суяклар пайдо бўлиши оёқларнинг вужудга келишига сабаб бўлган. Қуруқликда яшаш атмосфера ҳавоси б-н нафас олишга имкон берувчи орган — ўпканинг ривожланишига, қон айланиши, нерв системаси ва сезги органларининг такомиллашувига олиб келган. Шунинг б-н бирга С. ва қ.я. скелетида тогайнинг кўп бўлиши, нафас олиш, қон айланиши, айириш, нерв системаси ва б. органларнинг содда тузилганлиги, личинкасининг ён чизиқлари, думи, юрагининг 2 камерадан, қон айланиш системасининг бир доирадан иборатлиги уларни қуруқликда яшовчи энг содда тузилган умуртқали ҳайвонлар эканлигини кўрсатади. Кўпчилик С. ва қ.я.нинг ҳаёти вояга етган даврида ҳам сув б-н бевосита боғлиқ.

С. ва қ.я. юқори девон даврида қадимги панжа қанотли балиқлардан келиб чиққан; улар балиқлар б-н ҳақиқий қуруқликда яшовчи ҳайвонлар (амниотлар) ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди. Стегоцефаллар деб аталган қадимги С. ва қ.я. бош қутиси скелети 1 м гача бўлган. Улар карбоннинг ўрталаригача қуруқликда яшовчи ягона умуртқалилар бўлган. Карбон даври охиридан бошлаб қуруқликда судралиб юрувчилар ҳукмронлик қила бошлаган. Ҳозирги судралиб юрувчилар юра давридан маълум.

Ҳоз. С. ва қ.я. танаси уз. 2—3 см дан 1,8 м гача. Териси юмшоқ ва юпқа бўлиб, шилимшиқ безлар ишлаб чиқарадиган суюқлик б-н доимо ҳўлланиб туради. Тери газ ва сув алмашинуви вазифасини ҳам бажаради. Терининг бу хусусияти уларнинг қуруқлик муҳитига тўлиқ мосланишига имкон бермаган. Бир қанча турлари терисида заҳарли суюқлик ишлаб чиқарадиган безлар ҳам бўлади. С. ва қ.я. ҳоз. қуруқликда яшовчи умуртқалилар орасида энг содда тузилган бўлиб, скелетида тогайлар кўп. Олдинги оёқлари, одатда 4 бармоқли, кейингиси — 5 бармоқли. Думли С. ва қ.я.дан сиренларнинг кейинги оёқлари, оёқсизларнинг иккала жуфт оёқлари, кўкрак қафаси бўлмайди; оғиз бўшлиги тубидаги мускулларнинг қисқариши туфайли ҳаво ўпкага ўтади. Айрим саламандраларда ўпка бўлмайди. Миянча кучсиз ривожланган. Думсиз С. ва қ.я.да ўрта қулоқ ва ногора пардаси ривожланган. Юраги 3 камерали, ўпкасиз С. ва қ.я. юраги 2 камерали. Чап юрак бўлмасига артерия қони, ўнг юрак бўлмасига вена қони ва теридан артерия қони келади. Артерия ва вена қони юрак қоринчасида аралашиб кетади. Гавдадаги бошдан бошқа барча органлар аралаш қон б-н таъминланади. Буйраги кўпчилик балиқларникига ўхшаш тана буйрак (мезонефрос); буйрак ва жинсий безлар йўли клоакага очилади. С. ва қ.я. — гавда ҳарорати ўзгариб турадиган (пойкилотерм) ҳайвонлар. Ҳоз. С. ва қ.я. 3 туркум 25—30 оилага мансуб 400 га яқин турни ўз ичига олади. Ўзбекистон ҳудудида думсизлар туркумига мансуб 2 тури (бақа ва қурбақа) тарқалган; думлилар туркумидан тритонлар аквариумларда боқилади. С. ва қ.я., асосан, сувда кўпаяди. Кўпчилик думсизлар ва айрим думлилар учун ташқи уругланиш, кўпчилик думлилар ва барча оёқсизлар учун ички уругланиш хос. Одатда, тухум қўяди; айрим турлари тирик тугади ёки тухумдан тирик тугади. Личинкаси вояга етган давридан кескин фарқ қилади (айниқса, думсизлар итбалиги); метаморфоз орқали ривожанади. Айрим қуруқликка тухум қўювчи думсизлар метаморфоз ривожланади. Думлиларнинг айрим турлари (аксолотль, альп тритони ва б.) учун неотения (вояга етмасдан кўпайиш)

Сувда ва қуруқликда яшовчилар: *1* — ҳалқали червяга; *2* — протей; *3* — қизил сочта тритон; *4* — кичик осиё тритони (ургочиси); *5* — эркаги; *6* — саламандра; *7* — аксолотль; *8* — кўк қурбақа.

хос. Вояга етган С. ва қ.я. ҳар хил умуртқасизлар, асосан, ҳашаротлар, итбалиқлар, микроскопик ҳайвонлаар ва ўсимликлар б-н озиқланади. С. ва қ.я. зараркунанда экосистемаларнинг асосий компоненти бўлиб, кўпчилик умуртқасизлар сонини чеклаб туришда ҳамда бошқа ҳайвонларга озиқ сифатида катта аҳамиятга эга. Думсизларнинг айрим турлари (мас., бақалар) бир қанча мамлакатларда истеъмол қилинади. Айрим С. ва қ.я. лаб. ҳайвонлари сифатида аҳамиятга эга. Сув ҳавзаларининг ифлосланиши туфайли айрим турлари сони камайиб бормоқда. 41 тури ва кенжа тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

Очил Мавлонов.

СУВДА СУЗИШ, спортча сузиш — спорт тури, расмий белгиланган масофага муайян усулда спортча сузиш (эркин тарзда, *брасс, баттерфляй* усулида, орқа б-н), шунингдек, сув остида, амалий, синхрон (бадиий) сузишни ўз ичига олади. Халқаро олимпиада қўмитаси таснифига кўра, С.с.га *сувга сакраш* ва *сув полоси* ҳам киради, С.с. замонавий 5 курашнинг таркибий қисми ҳисобланади.

С.с. тарихи 15—16-а.ларга тўғри келади. Сузувчиларнинг дастлабки спорт мусобақалари 1515 й. Венецияда ўтказилган. Илк сузиш мактаблари 18-а.нинг 2-ярми — 19-а.нинг бошларида Германия, Австрия, Францияда очилган. 19-а. охирида сунъий сув ҳавзалари қурила бошлагач, спортча сузиш оммалашиб кетди. 1890 й. С.с. бўйича 1-Европа чемпионати ўтказилди. С.с. 1896 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди (аёллар 1912 й.дан қатнашади). Халқаро ҳаваскорлар сузиш федерацияси (FINA, 1908 й. асос солинган)га 130 дан ортиқ мамлакат миллий федерациялари аъзо.

Ўзбекистонда қадимдан сувда турли ўйин ва мусобақалар ўтказилган. С.с. спорти республикада 1924—25 й.лардан ривожлана бошлади. Ана шу даврда илк гидростанциялар қурилган. Чунончи, Тошкентда Бўзсув тўғон б-н тўсилиб, сунъий сув омбори ҳосил қилинди. Бу ерда 2 та сув станцияси қурилиб, сузиш ҳавзаси ва баландликдан сувга сакраш миноралари бунёд этилди. 1927 й. 1-марта шу ерда Тошкент ва Самара (Россия) ш.лари жамоалари ўртасида сузиш мусобақаси бўлиб ўтди. 1930 й. Тошкент тўқимачилик к-ти қошида стадион ва уз. 50 м ли суви иситиладиган очиқ ҳавза қурилиб ишга туширилди. 1935 й. Андижоннинг сунъий сув ҳавзасида 1-марта республика сув спорти байрами, С.с. бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди, 1937 й. Тошкентдаги темирйўлчилар истироҳат боғида очиқ сув ҳавзаси қурилиб, сузиш бўйича 1-болалар-ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди. 1939 й. Ўзбекистонда С.с. бўйича республика федерацияси тузилди. Ўтган асрнинг 60-й.ларида Тошкентда (жисмоний тарбия ин-ти қошида, «Меҳнат резервлари» спорт жамияти ҳузурида, Армия спорт клубига қарашли), Навоий ш.да, бошқа вилоятларда суви истиладиган ёпиқ ва очиқ сув ҳавзалари қурилиб фойдаланишга топширилди. Республикада қобилиятли ёш спортчи-сузувчилар етишиб чиқа бошлади. Олимпиада ўйинлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган С.*Бабанина*, Н.Устинова, С.Искандарова, С.Конов, С.Заболотновлар спортнинг ана шу турида шуҳрат қозонлилар. Ҳозир республикамизнинг вилоят ва туман марказларида 200 дан ортиқ сув ҳавзалари мавжуд.

Сувда сузиш. Халқаро миқёслаги спорт устаси Саида Искандарова.

СУВЕРЕНИТЕТ (франц. souverainete — олий ҳокимият)— ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги. С.ни ҳурматлаш — халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатларнинг асосий принципи. У БМТ Устави ва б. халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциявий ҳуқуқ фанида давлат С.и, миллат С.и, халқ С.и тушунчалари ишлатилади. Давлат С.и — ҳокимиятнинг мамлакат ичида олийлиги ва ташқи муносабатларда тўла мустақиллиги. Давлат С.и ҳақидаги ғоя Жан Болен (16-а., Франция)га тегишлидир. Унинг фикрича, С. давлатнинг энг муҳим белгиси ҳисобланади, бунда абадий, мутлақ, бўлинмас олий ҳокимият назарда тутилади. Давлат С.и тушунчаси кейинги даврларда янада ривожлантирилди ва бойитилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат С.и алоҳида бобда ўз ифодасини топган, Конституциянинг 1-моддасида «Ўзбекистон суверен демократик республика» эканлиги қайд қилинган. Миллат С.и — миллатнинг тўла ҳокимиятини, унинг тўла сиёсий эркинлигини, уз миллий ҳаетини белгилаш реал имкониятига эгалигини, мустақил давлатни ташкил қила олишгача бўлган ҳуқуққа эгалигини билдиради. Халқ С.и — халқнинг тўла ҳокимиятини англатади, яъни халқ жамият ва давлатни бошқаришда реал иштирок этиш учун ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воситаларга эга бўлади. Халқ С.и — барча демократик давлатларда конституциявий тузум принципларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида курсатилишича, «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади» (7-модда).

СУВЁРГАН КЎЛИ — Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги кўл. Қум массивлари орасида жойлашган. Уз. 6—7 км, эни 200—700 м. Бир-бири б-н туташ бир неча кўллан иборат. С.к.га Пахтаарна каналининг ўнг тармоғи — Сувёрган каналининг суви қўйилади. Вегетация даврида майдони (айниқса, сув камчил бўлган йилларда) жуда ҳам кичрайиб қолади. Кўлнинг ўртача чуқ. 1,5 м, баъзи жойларда 5—6 м. Суви тиниқ, бир қисмида ичишга яроқли бўлса, баъзи қисмларида шўр. Қиш ойларида кўп қисми қуруқликка айланиб қолади. Кўлнинг туби, асосан, қумли, баъзи ерларида сариқ, кўкимтир, қора лойқалардан иборат. С.к.да қамиш ва қўға, атрофидаги қумликларда юлғун, янтоқ, черкез ва эфемерлар ўсади. С.к.да турли балиқлар яшайди.

СУВЁРГАН МАДАНИЯТИ — Хоразм воҳасининг чўл зонасига оид жез даври археологик маданияти (мил. ав. 2-минг йилликнинг 1-ярми — 1-минг йиллик бошлари). Амударёнинг қад. дельтаси ўнг томондаги чўл ичига ёриб киргани учун Сувёрган номи б-н аталган. Хоразм археология-этнография экспедицияси (С.П. Толстов, Я. Ғуломов, М. А. Итина ва б.) томонидан тадқиқ этилган (1945—46). С.м. қабилалари, С. П. Толстовнинг фикрича, Ўрта Осиёнинг Жан.-Ғарбий вилоятларидан Хоразмга келган янги этник гуруҳ бўлиб, уларнинг моддий маданияти Жан.нинг ўтроқ деҳқончилик маданиятига ўхшаш бўлган. С.м. ўз тараққиётида 3 босқични (Қамишли, Бозорқалъа, Қовунчи) босиб ўтган.

С.м.га оид сопол идишлар яхши пиширилиб, сирти қизилга бўялган, сирти ва ультратовушлар ёрдамида зарарсизлантириш киради. Бунда сувни ичимлик сувининг сифат даражаларига жавоб берадиган талабга келтириш мумкин. Қайнатиш С.з.нинг муҳим усулларидан бўлиб, бу жараёнда сувдаги барча микроорганизмлар ўлади ва сувнинг табиий мазаси бузилмайди. Лекин кўп миқдордаги сувни қайнатиш имкони йўқ, шу сабабли барча мамлакатларда водопровод сувлари хлорлаб зарарсизлантирилади. Сувни хлорлаш биринчи марта 1910 й.да амалга оширилган. Бу усул аҳоли саломатлигини сақлашда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланганда сўнг у кенг кўламда йўлга қўйилди.

Суверган маданиятига оид сопол парчалари.

тига туқ қизил ранг тул солинган сопол парчалари, тош ёрғучоқлар ва деҳқончилик қуроллари ҳам учрайди. Аммо сополларнинг сирти Жан.нинг қад. деҳқончилик қабилаларининг сопол буюмларидан фарқ қилиб, асосан, тўрсимон чизма нақш ва схематик бошоқ тасвири б-н безатилган. Бу топилмалар мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталарида Ўрта Осиё қабилаларининг йирик кучишларидан далолат беради. Жан. ва Жан.-Шарқий йўналишлардаги 2-йирик кўчиш мил. ав. 2-минг йилликнинг охири — 1-минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу босқичда С.м. жамоалари бўлган қабилалар ҳам фаол иштирок этган. Археологик топилмалар ушбу шим. чорвадор қабилаларнинг Ўзбой, Атрек, Тажан, Мургоб, Амударё ва Сирдарё ирмоқлари бўйлаб ҳаракат қилганликларини кўрсатади. Мил. ав. 1-минг йилликнинг бошларига келиб, С.м. ўрнига *Амиробод маданияти* пайдо бўлган.

Ад.: Толстов С. П., Древний Хорезм, М., 1948; Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964; Ғуломов Я. Ғ., Хоразмнинг суғорилиш тарихи, Т., 1959.

СУВИЛОНЛАР (Colubridae) — илонлар оиласи. Уз. 10 см дан 3,5 м гача. Ташқи кўриниши ва ранги ҳар хил. Тиши кўп, жаг тиши қанотсимон ва танглай суякларида ўрнашган. Айрим турларида юқори жағдаги орқа тишлар заҳар безлари б-н боғланган. 1600 га яқин тури маълум. Антарктидадан бошқа барча қитъаларда учрайди. Ўзбекистонда 6 уруғга мансуб 10 тури тарқалган. Ерда, дарахтда, сувда, сув бўйида, алоҳида инда яшайди. Умуртқасизлар ва майда умуртқали ҳайвонлар б-н озиқланади. Кўпчилиги тухум қўяди; айрим турлари тирик туғади. Ўқ илон ва бойга заҳарли. Ўзбекистонда сувилон, рангдор чипорилон ва гуллор чипорилон кенг тарқалган. Сувилон балиқчилик хўжаликларига қисман зиён келтиради. С.нинг 10 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

Оддий сувилон.

СУВКЕСАРЛАР (Rynchopidae) — балиқчилар туркумига мансуб қушлар оиласи. 3 тури тропик минтақада тарқалган. Гавласининг уз. 45 см ча. Оқ-қора тусда. Қанотлари узун ва ингичка. Тумшуғи катта; остки тумшуғи усткисидан анча узун. Осиё, Африка, Американинг тропик ҳамда субтропик минтақаларидаги йирик ички сув ҳавзалари ва дарёларнинг қўйилиш жойларида яшайди. Тўда бўлиб қумга уя қуради. 3—4 га тухум қўяди. Тухумларини урточиси босади. Майда балиқлар, ҳашаротлар ва б. ҳайвонлар б-н озиқланади. Сув устида остки тумшуғини сувга бир оз ботириб, пастлаб учади; тумшуғига тушган ўлжани ҳавога улоқтириб, яна ҳавода тутиб олади.

СУВЛИ ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР —таркиби оксидловчи (аммоний нитрат, натрий нитрат, натрий перхлорат ва б.), ёнувчи, *портловчи моддалар*, дисперс алюминий, *тринитротолуол, гексоген*, тетранитропентаэритрит), сув (одатда, 5—20%) ва боғловчи қўшимчалардан иборат портловчи аралашма. Сув портловчи моддаларнинг қизишини, ташқи таъсирларга сезгирлигини, портлаб кетиш хавфини камайтиради. С.п.м. *портлатув ишларида*, қаттиқ тоғ жинслари (гранитлар, кварцитлар ва ш.к.) ни портлатишда ишлатилади.

СУВ-МОТОР СПОРТИ — спортнинг техник тури, моторли кемаларда тезлик мусобақалари ва туризмни ўз ичига олади. С.-м.с. мусобақаларида 16 ёшга тўлган ўғил ва қизлар ҳамда моторли кемаларни бошқариш ҳуқуқи берилган, сузишни яхши биладиган шахсларгина иштирок этиши мумкин. Спорт тури сифатида 20-а. бошларида пайдо бўлди. 1908 й. 3 классдаги моторли кемаларда пойга Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. 20-а.нинг 20-й.ларидан жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилади. 1922 й. Халқаро сув-мотор уюшмаси (УИМ) тузилди, унга 50 га яқин мамлакат аъзо.

Ўзбекистонда С.-м.с. билан 1960 й.дан шуғулланилади. Ўша йили 1-мусобақа Туябўғиз сув омборида ўтказилган. Мамлакатнинг сув ҳавзаларида, хусусан, Тошкент денгизида С.-м.с. мусобақалари ўтказиб турилади.

СУВНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ — аҳолини етарли ва сифатли ичимлик суви б-н таъминлаш (қ. *Сув таъминоти*) ҳамда инсон саломатлигига зиён етказмаслик мақсадида хўжаликда ишлатиладиган ва ичимлик сувни микроорганизмлардан тозалаш. С.з. кимёвий ва физик усуллар ёрдамида амалга оширилади. Физик усулларга қайнатиш, ультрабинафша нурлар, гамма нурлари ва ультратовушлар ёрдамида зарарсизлантириш киради. Бунда сувни ичимлик сувининг сифат даражаларига жавоб берадиган талабга келтириш мумкин. Қайнатиш С.з.нинг муҳим усулларидан бўлиб, бу жараёнда сувдаги барча микроорганизмлар ўлади ва сувнинг табиий мазаси бузилмайди. Лекин кўп миқдордаги сувни қайнатиш имкони йўқ, шу сабабли барча мамлакатларда водопровод сувлари хлорлаб зарарсизлантирилади. Сувни хлорлаш биринчи марта 1910 й.да амалга оширилган. Бу усул аҳоли саломатлигини сақлашда катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланганда сўнг у кенг кўламда йўлга қўйилди.

Сувни хлорлашнинг самарадорлиги сув муаллақ моддалардан тўлиқ халос қилинишига, хлорнинг оптимал дозаси тўғри танланиши ва хлор б-н сувнинг тўла-тўкис аралашиш вақти (30—60 мин)ни тўғри танлашга боғлиқ. Хлор сувга қўшилгач, фақат микроблар б-н эмас, балки органик моддалар б-н ҳам реакцияга киришиши ҳамда муаллақ моддаларга юғилиши мумкин. Шунинг учун сувга қўшиладиган хлор миқдорининг оптимал дозаси тажриба йўли б-н тўғри танлаб олиниши зарур.

Кейинги йилларда сувни хлорлашнинг янги усуллари топилди. Бунда электролит сифатида махсус тайёрланган натрий хлорид эритмаси, юқори минераллаштирилган ер ости суви ёки денгиз сувидан фойдаланиш мумкин. Бунда гипохлорид электролиз йўли б-н водопровод станциясида С.з. учун ишлатилади. Бу усул иқтисодий жиҳатдан тежамли.

Ривожланган мамлакатларда сувни озон ёрдамида зарарсизлантириш кенг йўлга қўйилган, бунда энг катта сув тармоғи иншоотларида сув озон б-н зарарсизлантирилади. Озон фақат бактериоцид хусусиятга эга бўлиб қолмай, балки сувнинг органолептик хусусиятларини ҳам яхшилайди.

С.з.да қўлланадиган ноёб усулларга сувни ультрабинафша нурлар б-н, симоб-кварц ёки симоб-аргон лампалари ёрдамида зарарсизлантириш киради. Бу усулларнинг барчаси инсон саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган.

Гўзал Искандарова.

СУВНИ ТОЗАЛАШ — сув таъминоти манбалари (дарёлар, кўллар, сув ҳавзалари, сув омборлари ва б.)дан водопровод тармоғига келиб тушадиган сувнинг сифатини белгиланган меъёрга келтириш учун мўлжалланган технологик жараёнлар мажмуи. Саноат корхоналари ва маиший корхоналардан чиқадиган оқова сувларни тозалашни ҳам

ўз ичига олади. Сув таъминоти ва канализация тизимидаги, корхоналардаги муҳандислик иншоотлари ёрдамида ҳамда биологик ва кимёвий усулларда амалга оширилади.

Ер юзасидаги табиий сув манбалари (дарёлар, кўллар ва б.) сувини водопровод тармоғига юборишдан олдин тиндирилади, тиниқлаштирилади ва зарарсизлантирилади. Тозалаш иншоотларида тиндириш ва тиниқлаштиришда сув таркибидаги муаллақ ва коллоид (майда) зарралар сув тагига чўкади, сувга махсус идишларда алюминий сульфат ва хлорли темир б-н ишлов берилади, сув шағал, қум қавати, баъзан эса говак сопол фильтрдан ўтказилади. Тиниқ сувни зарарсизлантириш (турли микроорганизм ва вирусларни ўлдириш) учун унга суюқ ёки газ ҳолатдаги хлор, гипохлоритлар — NaClO, $Ca(ClO)_2$ ва хлор қўш оксид ClO_2, хлорли оҳак қўшилади, тиндирилган сув ва ер ости сувларини зарарсизлантириш мақсадида, шунингдек, озон ва ультрабинафша нурлар ҳам қўлланади. Бунда симоб-кварили ёки аргон-симобли лампалардан фойдаланилади. Агар сув қаттиқ (таркибида кальций ва магний тузлари умумий миқдори меъёрдагидан юқори) бўлса, юмшатилади (қ. *Сувни юмшатиш*). Ер ости сувлари кўпинча аэрация усулида темирсизлантирилади (ҳаво кислороди б-н бойитилади). Сувни кремнийсизлантириш (метасиликат кислота H_2SiO_3 ва унинг тузлари миқдорини камайтириш) учун оҳак, натрий алюминат $NaAlO_2$, баъзан куйдирилган доломитдан фойдаланилади. Сув таркибидаги бошқа эриган тузларни кетказиш учун у чучуклаштирилади (қ. *Сувни чучуклаштириш*) ёки *ионитларда* тузсизлантирилади. Сув таркибидаги водород сульфид, метан, радон, карбонат ангидрид ва б. эриган газларни кетказиш учун сув дегазацияланади (қ. *Дегазация*). Сув таркибидаги ортиқча фторни камайтириш учун сув фаоллаштирилган алюминий оксид орқали сузиб ўтказилади. Агар сув таркибида радиоактив моддалар борлиги аниқланса, у дезактивацияланади (қ. *Дезактивация*). Агар сувда нохуш ҳид бўлса, фаоллашган кўмир, *озон, калий перманганат* ёки хлор қўш оксид б-н ишланади (қ. *Сорбция*).

Оқова сувлар (саноат корхоналари, маиший корхоналар ва турар жойлардан чиқадиган ифлос сувлар) ва ёгин сувларни тозалаш масалалари табиатни маҳофаза қилишнинг муҳим бир қисми ҳисобланади. Оқова сувлар таркибидаги балчиқ, коллоид ва эриган моддалар тиндиргичларда чўктирилади, зарарли моддалар биологик усулларда зарарсизлантирилади (қ. *Биологик сузгич, Сувни зарарсизлантириш*), корхоналардан чиқаётган сувлар тозалаш иншоотларида тозаланади. С.т.нинг физик-кимёвий, термик ва б. усуллари ҳам бор.

Табиий сувларни саноатда қўлланадиган усуллар ёрдамида микроорганизмлар, тузлар ва газлардан буткул тозалашнинг имкони йўқ. Шу сабабли уларнинг ичимлик сувидаги миқдори белгиланган маълум меъёрдан кўп бўлмаслиги талаб этилади. Мас., ичимлик сувининг 1 мл даги микроорганизмларнинг умумий сони 100 тадан ошмаслиги, ичак таёқчалари гуруҳи бактерияларининг сони 3 тадан ошмаслиги шарт. Сувнинг умумий қаттиқлиги 7 ммол/л гача, қуруқ қолдиқ 1000 мг/л гача, *водород кўрсаткичи* — pH 6,0 дан 9,0 гача бўлиши керак. Айрим ҳолларда ичимлик сувининг қаттиқлиги 10 ммоль/л гача, қуруқ қолдиқ 1500 мг/л гача, темир ва марганец ионларининг миқдори тегишлича 1 ва 0,5 мг/л гача бўлишига рухсат этилади. С.т. халқ хўжалигида ва аҳоли соғлиғини сақлашда жуда муҳим талбир ҳисобланади.

Ўзбекистон шаҳар ва туманларида сув таъминоти марказлаштирилган. Аҳолига бериладиган ичимлик суви юқорида айтилган усулларда тозаланади, санитария кўригидан ўтказиб турилади. Бу иш б-н шаҳар ва туман санитария-эпидемия ст-ялари (СЭС) шуғулланади. Йирик саноат ва маиший корхоналарнинг оқова сувлари маҳаллий тозалаш иншоотларида тозалаб чиқарилади (яна қ. *Сув таъминоти*).

СУВНИ ЧУЧУКЛАНТИРИШ — кучли минералланган ва шўр денгиз сувларини хўжаликда ишлатиладиган ва ичимлик сув ҳолига келтириш; табиий сувлар таркибидаги тузлар концентрациясини (1 г/л гача) камайтириш. С. ч. нинг дистиллаш, музлатиш, электродиализ, гиперфильтрация ва б. усуллари бор. Сувнинг агрегат ҳолатини ўзгартириб (дистиллаб, музлатиб) ҳам, агрегат ҳолатини ўзгартирмай (электродиализ, гиперфильтрация) ҳам сув чучуклантирилади. Тузли сувларни дистиллаб чучуклантиришда аввал у қиздирилади ва ҳосил бўлган буг конденсатланади (қ. *Дистилланган сув*). Музлатиб чучуклантиришда тузли сув музлатилганда чучук сув музи кристаллари ва бу кристаллар орасида тузли сув музи кристаллари ҳосил бўлиш хоссасидан фойдаланилади. Эриш жараёнида аввал тузли сув музи кристаллари суюқ ҳолатга ўтади. Электродиализ усули б-н С.ч.да сувдаги туз эритмаларининг катион ва анионлари чучук сувни ўтказмайдиган махсус ион алмашинувчи мембраналар орқали чиқариб юборилади. Гиперфильтрация (қаита осмос) усулида эса анетилцеллюлоза ёки полиамид смолалардан тайерланган ярим киритувчан мембраналар сув молекулаларини ўтказиб, сувдаги туз эритмаларининг гидратланган ионларини тутиб қолади. Бу усулларнинг ҳаммаси махсус қурилмаларда амалга оширилади (яна қ. *Диализ, Осмос*). Ер юзидаги кўп мамлакатларда чучук сув танқислиги боис океан, денгиз суви, ер ости сувлари чучуклантирилади. Баъзи йирик кемаларда С.ч. қурилмалари бўлади. Улар шу кема эҳтиежи учун сувни чучуклантириб беради.

СУВНИ ЮМШАТИШ — кимёвий ишлов бериш йўли б-н сувнинг қаттиқлигини йўқотиш. Бунда сувга сода, натрий фосфат каби тузлар қўшилади. Шунда кальций ва магний $CaCO_3$, $MgCO_3$, $Ca(PO_4)_2$ ва $Mg_3(PO_4)_2$ тарзида чўкади. С.ю.нинг ионит усули ҳам бор. Ионитлар сувда эримайдиган табиий ёки сунъий материаллар, мас., сульфат кислота б-н ишлов берилган кумир, сунъий алюмосиликатлар ёки турли смолалардан иборат. Сув ионитлар орқали сузилганда уларнинг ионлари (зарядли заррачалари) сувдаги қўшимчалар ионига алмашинади, натижада сув юмшайди.

СУВНИНГ РАДИОАКТИВЛИГИ — ер ости, булоқ, дарё, кўл ва денгиз сувларида барча маълум радиоактив моддаларнинг мавжудлиги. Таркибида уран, радий ва радон бўлган сувлар амалий аҳамиятга эга. Бу моддалар сувга атмосферадан ва тупроқ ҳамда тоғ жинсларидан ювилиб келиб қўшилади. Тоғ жинслари таркибида радиоактив элементлар (уран, торий, радий ва б.) бўлган минераллар, шунингдек, изотоплари радиоактив кимёвий элементлар (прометий, полоний ва б.) бор. Сувда табиий радиоактив изотоплар б-н бирга ядро портлаши натижасида вужудга келадиган сунъий изотоплар ҳам мавжуд. Табиий радиоактив моддалар миқдори келиб чиқишига қараб кўп даражада фарқ қилади. Сунъий радиоактив моддалар сув ҳавзаларига атмосфера ёғинлари ва ядро ёқилғиси и.ч. корхоналаридан чиқувчи оқова сувлар сифатида келиб қўшилади. Радиоактивли сувлардан уран конларини излаб топишда, сейсмологияда (сувда Rn концентрациясининг ўзгариши ер қимирлашидан дарак беради), бальнеологияда — асаб касалликлари, юрак-қон томир системаси, нафас органлари, бўғим ва б. касалликларни даволашда фойдаланилади. Ўзбекистонда радонли минерал сувларнинг катта кони Самарқанд вилоятида «Нагорное» т.й. станцияси яқинида топилган.

СУВНИНГ ШЎРЛИГИ — 1 л сув таркибидаги туз миқдори. Денгиз ва океанларнинг тропик минтақаларидаги қисмида бошқа жойлардагига қараганда С.ш. юқори бўлади. Шимл.га борган сари С.ш. камаиб боради. С.ш. промилледа ўлчанади. Дуне океанининг ўртача шўрлиги 35°.

СУВНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ — таркибида Ca^{2+} ва Mg^{2+} ионлари бўлган сувнинг хоссаси. С.қ. 2 хил: нокарбонат қаттиқлик — сувда кальций ва магний сульфатлар эришидан келиб чиқади; карбонат қаттиқлик — сувда кальций ва магний бикарбонатлар эришидан ҳосил бўлади.

Сувнинг умумий қаттиқлиги шу қаттиқликлар йиғиндисига тенг. Умумий қаттиқлик 1 л сувдаги кальций ва магний ионларининг миллиграмм-эквивалентлари йиғиндиси (мг-экв/л) б-н ўлчанади. Қаттиқлиги 4 мг-экв/л дан кам бўлган сув юмшоқ, 4—8 мг-экв/л бўлган сув ўртача қаттиқ, 12 мг-экв/л дан ортиқ бўлган сув эса жуда қаттиқ сув ҳисобланади. Табиий С.қ. турлича. Дарё ва кўл сувининг қаттиқлиги 0,1—0,2 мг-экв/л (тайга ва тундра), ер ости суви, денгиз ва океан сувининг қаттиқлиги 80—100 мг-экв/л. С.қ. туфайли буг қозонлари деворларига чўкмалар чўкади, кир ювганда совун кўп сарфланади. Қаттиқ сувда сабзавот, гўшт яхши пишмайди ва ҳ.к. С.қ. катта бўлса, сийдикда тош пайдо бўлади. Марказий сув таъминотида, асосан, истеъмол қилинадиган С.қ. 7 мг-экв/л гача бўлишига йўл қўйилади. С.қ. катта бўлганда *сувни юмшатиш* усуллари қўлланади.

СУВОН — Корея Республикасидаги шаҳар, Сеул ш.дан жанубда. Кёнгидо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 755,5 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Қ.х. райони (шоли, тамаки ва б.) маркази. Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган.

СУВОР, Сувар — *Волга-Кама Булгориясидаги* шаҳар. 9-а.да барпо этилган; ёзма манбаларда 10-а.дан қайд қилинган. Истахрий ва Муқаддасийлар сувор элати ҳақида хабар берганлар. С. шаҳар харобаси Татаристон Республикасидаги Кузнечиха қишлоги яқинида (Волганинг чап ирмоғи Утка дарёсининг юқори оқими бўйида) жойлашган. С.нинг катта рабоди бўлиб, шаҳар атрофи мудофаа хандақлари ва тўсин-ходалар б-н ўралган эди. 1933—37 й.ларда А. П. Смирнов раҳбарлигида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида С.дан турар жой (пахса ва тўсинлардан ишланган) қолдиқлари, гиштин сарой (ишил ва кўк кошин парчалари б-н қопланган), дон омбори, сопол буюмлар, қурол-аслаҳа, безак буюмлари топилган. С.да ҳунармандчилик ва савдо (Эрон, Хоразм, Византия, Русь, Грузия б-н) тараққий этган. Танга зарб қилинган (10-а.). Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик б-н ҳам шуғулланган. С. 10—12-а.ларда равнақ топган. 14-а. охирида таназзулга учраб, ташландиқ ҳолга келган. Айрим олимлар (А.П.Ковалевский, В. Ф. Каховский) «чуваш» этноними «сувар»нинг ўзгарган шакли деб ҳисоблайдилар.

СУВОРА (форс. — отлиқ) — 1) Шашмақомнинг Бузрук мақоми асосида яратилган куй ва ашулалар. С.нинг ашула йўли оддий 2/4 такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилади. С.нинг яна 3 хили (С.-1, 2, 3) машҳур чолгу куйларидир. С.-1 Бухоро Ироғидаги *соқийнома*нинг варианти бўлиб, унда «Зебо пари» авжи тушириб қолдирилган. Унинг 2- ва 3-қисмлари 6/8 ва 3/4 ўлчовларидаги усуллар жўрлигида ижро этилади. 2- ва 3- С.лар сурнай йўлларидандир; 2) Хоразмда машҳур бўлган мақом ашула йўллари ва мумтоз ашулалар туркуми. Мақомларда асосий шўъбалардан кейин ўрин олган С.лар 13/4 ўлчовидаги мураккаб усулларга асосланган. Шунингдек, оддийроқ (6/8, 3/4, 3/8) такт ўлчовидаги (кекса устозлар айтишича — отнинг йўрга юришидан ҳосил бўлган ритмик тузилмага асосланган) мураккаб шаклли С. ашула йўллари ҳам халқ орасида кенг тарқалган. Улар 7 та йирик ашула туркумларига бирлашган бўлиб, ҳар биттасида 2 тадан Савт ва Уфарлар мавжуд: «С.» («Тани» ёки «Она С.»), «Чапандози С.» («Тожик С.»), «Якпарда С.», «Хушпарда С.», «Қажҳанг С.», К. Отаниёзов яратган «VI—С.» ва Ҳ. Болтаев ижодига мансуб «Қорчмоний С.»лар. С.лар шеърий матнида кўпроқ тасаввуф мавзуидаги мухаммаслар қўлланилган. Хоразмда хонандаларнинг ижодий мусобақа (дийралишма)лари С. ижросига асосланган. Полвон Дуэчи, Шерозий, Ҳ. Болтаев, К. Отаниёзов, Ж.Султонов, Р. Жуманиёзов, Ф. Давлетов ва б. С.ларнинг моҳир ижрочиларидир. С. йўлларидан М. Юсупов, А. Отажонов, С. Ҳайитбоев каби композиторлар фойдаланишган.

Ад.: Харратов М., Хоразм мусиқий тарихчаси (2- нашри), Т., 1998; Матёқубов О., Мақомот, Т., 2004.

Ботир Матёқубов

СУВОРИЙ (форс.) — 1) от-уловда юриш; 2) отлиқ аскар, чавандоз (қ. *Отлиқ аскарлар*).

СУВОРОВ Александр Васильевич (1729.13.11, Москва — 1800.6.5, Петербург) — рус саркардаси, генералиссимус (1799). Дворян оиласида туғилган. Отаси — Василий Иванович (1705—75) генерал, сенатор ва генерал-губернатор бўлган. Ҳарбий хизматни капралликдан бошлаган (1748). 1774 й. авг.да у Е. И. *Пугачёв* бошчилигидаги қўзғолонни бостириш учун Уралга юборилган. *Етти йиллик уруш* қатнашчиси, *рус- турк урушлари* (1768 —74 ва 1787—91) да бир неча галабага эришган ва Измаил қалъасини қаттиқ ҳужум б-н эгаллаган (1790). Польша қўзғолони (1794)ни бостирган қўшинларга қўмондонлик қилган. *Павел I* тахтга чиққандан сўнг армияда С. назариясига зид бўлган прусс ҳарбий уставлари, формаси ва тартиби жорий қилинган. 1797й. С. истеъфога чиқарилган. 1798 й. Россия французларга қарши иттифоққа қўшилади. Австрия ҳукумати Павел I олдига С.ни Италиядаги иттифоқчи қўшинларга бош қўмондон этиб тайинлаш масаласини қўяди. Павел I ноилож рози бўлади. 1799 й.да Адда ва Треббия дарёлари бўйида ва Нови ш. яқинида француз қўшинларини тормор келтириб, Италия ва Швейцарияга қилинган ҳарбий юришларни муваффақият б-н якунлаган, сўнгра Швейцария Альпидан ошиб ўтиб, қуршовдан чиқиб кетган. С. «Полк тузиш», «Ғалаба илми» каби ҳарбий-назарий асарлар муаллифи. Уруш олиб бориш, жанг қилиш усуллари, қўшинни тарбиялаш ва ўқитиш масалалари ҳақида ўз даврига нисбатан анча оригинал ва илгор фикрлар системасини яратган. С. стратегияси ҳужумкор характерда бўлиб, душманни жанг майдонида бутунлай тор-мор қилишни асосий мақсад қилиб қўйган. Колонналар ва ёйиқ саф тактикасини ривожлантирган, ақидапарастлик ва эскиликка қарши курашган. Собиқ СССРда 1942 й. 29 июлда Суворов ордени таъсис этилган ва 1943 й. 21 авг.да Суворов билим юртлари ташкил этилган. Москва, Санкт-Петербург, Очаков, Измаил, Киев ва б. шаҳарларда музейлар очилган ва ҳайкаллари ўрнатилган. Бир қанча аҳоли пунктлари С. номи б-н аталган.

СУВОҒРИҚ, сууару, трипаносомозлар — туя, от, эшак, хачир ва б. уй ҳайвонлари ҳамда ёввойи ҳайвонларда учрайдиган сурункали инвазион касаллик. Касалликни Trypanosoma туркумига мансуб содда хивчинлилар қўзғатади, асосан, Ўрта Осиёда тарқалган. Сув ҳавзалари бор жойларда (шунинг учун С. деб аталган) қон сўрувчи ҳашаротлар (чивин ва сўна) орқали касал ҳайвонлардан юқади. Инкубация даври 12—20 кун. Трипаносомалар ҳайвон қонининг зардоби (плазмаси)да паразитлик қилади ва ўзидан заҳарли модда (трипанотоксин) чиқариб, организмнинг ҳамма аъзоларини, биринчи навбатда, нерв системасини заҳарлайди. Касал ҳайвоннинг тана ҳарорати кўтарилиб, нерв тугунчалари катталашади, озади, камқонлик пайдо бўлади, кўзи ва териси зарарланади, кўпинча ўлади.

Даволаш: қонга (венага) наганин, антрицид, саморин, беринил ва б. антигельминтиклар юборилади.

Олдини олиш: қон сўрувчи ҳашаротлар йўқ қилинади, соғлом ҳайвонлар қонига антигельминтиклар юборилади.

СУВСАРЛАР (Mustelidae) — йиртқичлар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. Гавдаси чўзиқ, эгилувчан, оёқлари калта ва 5 бармоқли, тирноқлари ичига тортилмайди. Айрим турларида бармоқлари орасига парда тортилган; денгиз қундузи (калан)нинг орқа оёқлари эшакка айланган. С. — товонда ва ярим товонда ҳаракатланувчи ҳайвонлар. Юнги қалин ва юмшоқ. Кўпчилик С. йилда 2 марта туллайди. Анал безлари ўткир ҳидли суюқлик ишлаб чиқаради. С. систематикаси аниқ ишлаб чиқилмаган. Одатда, 64 тур, 24 уруғга ажратилади. Ўзбекистонда 9 тури (қундуз, асалхўр, бўрсиқ, тоғ сувсари, олақўзан, қора латча, оқ латча, сассиққўзан, америка норкаси) учрайди. Ҳар хил биотоплар (сув, қуруқлик)да яшайди; ин ковлайди ёки бошқа ҳайвонлар қазиган инлардан фойдаланади. Америка норкаси иқлимлаштирилган, асосан, махсус мўйначилик фермаларида боқилади. Қутичлик С. ноғор ҳайвонлар; зараркунанда кемирувчиларни қириб фойда келтиради. С. қимматли мўйнаси учун овланади, бир қанча турлари мўйначилик фермаларида боқилади. Қутичлик турлари сони кескин камайиб кетганлиги сабабли Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Сувсарлар. *1* — сассиққўзан; *2* — сувсар; *3* — рассомаха; *4* — норка.

СУВСИЗТОВ ТИЗМАСИ — Ҳисор тизмасининг жан. тармоқларидан бири. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа ўзаланган. Шим.-шарқда Шеробод дареси уни Бойсун тизмасидан ажратиб туради, жан.-ғарбда Кўҳитанг тизмасининг жан. этакларига қадар чўзилган. Энг баланд жойи 2127 м. Сувайиричқисми, асосан, текисланган юзалардан иборат. Унинг жан.-шарқий ён бағри Шеробод дарёси водийсига тик тушган. Юқори юра даври оҳактошлари, гипс ва тузларида карст рельеф шакллари (воронка, ботиқ, қудуқ, ғор ва кўллар) кенг тарқалган. Тектоник жиҳатдан тизма антиклиналь структура, палеоген, юра, бўр даври оҳактошлари, мергель, гипс, гил, қумтош, конгломерат, гипс-тузлардан ташкил топган. Иқлими кескин континентал. Йилнинг ўртача кўп йиллик т-раси 10—12°, янв.нинг ўртача т-раси 0,5—1°, июлиники 25° гача. Йиллик ёғин 450—500 мм. Кўп қисми оҳактошлардан ташкил топганлиги сабабли ер усти оқар сувлари кам, бироқ унинг ён бағри ва этакларидан кўплаб сersув карст булоқлари чиқади. Бўз тупроқлар тарқалган. Ўсимликлардан, асосан, эфемер ва эфемероидлар ўсади. Йайлов сифатида фойдаланилади.

СУВ-СУВЛИ РЕАКТОР — занжир ядро бўлиниш реакциясини амалга оширувчи нейтронларни секинлаткич ва иссиқлик элтувчи сифатида сувдан фойдаланиладиган ядро реактори; *иссиқлик реакторининг* бир тури. У иссиқлик ажратувчи элементлар жойлаштириладиган фаол зонали, сув б-н тўлдирилган цилиндрик корпусдан иборат. С.-с. р.ла ядро ёқилғиси сифатида ^{235}U изотопи б-н бойитилган (2—5%) уран (II)-оксидидан фойдаланилади.

С.-с.р.нинг энергетик ва тадқиқот олиб бориладиган хиллари бор. Баъзи энергетик С.-с. р.лар (расмга қ.) сувни мажбуран циркуляция қилиш оқибатида ишлайди; бунда сувнинг т-раси қайнаш т-расидан паст бўлади. Бундай С.-с.р.да сув буғ-генераторга ўтади, у ерда иссиқликни иккинчи (буг-турбинали) контурдаги сувга узатиб совийди. Шунингдек, суви фаол зонасида қайнайдиган ва реакторнинг ўзида ёки ундан ташқарида буғни сепаратлайдиган энергетик С.-с.р.лар ҳам бор. Буғ бундай реактордан тўғридан-тўғри турбинага ўтади. С.-с.р. кичик габаритли, содда ва уни ишлатишда ишончли, унинг солиштирма қуввати юқори. Юқори қувватли С.-с.р.лар атом электр станцияларда қўлланади. Кичик қувватли (100—150 МВт ли) С.-с.р.лардан кемаларда ва кўчма энергетик қурилмаларда фойдаланилади. Оммавий ишлаб чиқариладиган С.-с.р.нинг қуввати 440 ва 1000 МВт.

Сувли боғим остида бўлган сув-сувли реактор. *1* — ёқилғи элементлари жойлашган фаол зона; *2* — кориз (иссиқлик ташувчи)нинг киришда ва чиқишдаги стрелка б-н кўрсатилган.



СУВ-ТУЗ АЛМАШИНУВИ — одам ва ҳайвонлар организмида сув ва тузларнинг қабул қилиниши, сўрилиши, тақсимланиши, эҳтиёжи ҳамда ажралиши б-н боғлиқ жараёнлар мажмуи. С.-т.а. организм ички муҳитидаги суюқликлар миқдори, кислота-ишқор мувозанати, ионлар таркиби, осмотик миқдорининг доимийлигини таъминлайди (қ. *Гомеостаз*). Дастлаб тирик мавжудотлар океанларда пайдо бўлганлиги учун кўпгина денгиз умуртқасизларининг ички суюқликлари (асосий ионлар бўйича) денгиз суви таркибига ўхшаш. Эволюция жараёнида организмда ички муҳит суюқликлари тизими шаклланди ва уларда ион таркиби ҳамда сув миқдорини бир меъёрда сақлаб турувчи механизмлар ривожланди.

Организмдаги сувнинг умумий миқдори бўшлиқичлилар гуруҳига кирадиган ҳайвонлар (медузалар)да 95—98% атрофида, сут эмизувчиларда 60—70% ва ҳашаротларда 45—65%. Одамда сувнинг умумий миқдори гавда оғирлигига нисбатан 60%ни, ҳужайра ичи суюқлигида 40%, ҳужайра ораси суюқлигида 16%, томир ичи суюқлигида 4,5% ни ташкил қилади. Тўқималардаги физик кимёвий жараёнларни ионлар (Na^+, K^+, Ca^{2+}, Mg^{2+}, Cl^-, SO_4^{2-}, HCO_3^- ва б.) ҳамда микроэлементлар таъминлайди. Чучук сувда яшайдиган ҳайвонларда электролитлар ичак устки қобиғи ёки оғиз ва клоака шиллиқ қаватларидан сўрилиб, қон ва лимфа орқали организм ҳужайраларига тарқалади. Буғ таркиби бўйича ҳужайра ичи ва атрофи суюқликлари тубдан фарқ қилади: ҳужайра ичида K^+, Mg^{2+} ва фосфатлар, ҳужайра атрофида Na^+, Ca^{2+}, Cl^- кўп. Ионлардаги номутаносиблик плазматик мембрана фаоллиги ва ҳужайра кимевий компонентларига аирим ионлар бирикканлигини ён бериб, ҳужайра ичида ҳам ионлар бир хилда тарқалмаган. Na^+ ҳужайрага нисбатан ўзаклар ташқарисида кўпроқ. Ca^{2+} — митохондрияларда. Организмда туз-лар сақланишида ионлар (айниқса Na^+) ушлаб қоладиган вазопрессин ва альдостерон гормонларининг ишлаб чиқарилишини кучайтиради. Қонда Ca^{2+} миқдорининг кўпайиши кальцитонин ишлаб чиқарилишини кучайтириб, ионнинг суякка ўтиши ва буйраклар орқали ажралишини таъминлайди. Гипокальциемия ҳолати эса паратиреоид гормон секрециясини кучайтиради, бу омил Ca^{2+} нинг суяклардан резорбция қилинишини таъминлайди ва буйраклар орқали чиқарилишини камайтиради. Сув-туз гомеостазини таъминловчи аъзо ва системалар марказий нерв системаси томонидан назорат қилинади.

Мухсин Зокиров.

СУВЧЕЧАК — ўткир юқумли касаллик; т-ра кўтарилиши, тери ҳамда шиллиқ қаватларга серозли пуфакчалар тошиши б-н кечади. Фильтрланувчи вируслар қўзғатади. Кўпинча 10 ёшгача болаларда учрайди. Вируслар беморбўталганда, гапирганда, акса урганда ҳаво орқали соғ одамга ўтади. С. б-н оғриган бола такрор оғримаслиги мумкин. Инкубацион даври 10—21 кун (кўпинча 14 кун). Дастлаб боланинг дармони қурийди, т-раси 39—39,5° гача кўтарилади, юзига, танасининг турли қисмларига тошма тошиб, кейинчалик пуфакчаларга айланади. Пуфакчалар тиниқ суюқликка тўла бўлиб, атрофи қизариб туради. Улар аксари бошининг сочли қисми, юз, бадан ва оёқ-қўлга тарқалади. Кейинчалик пуфакчалар ёрилиб ўрнида пўст ҳосил бўлади. 1—3 ҳафтадан кейин пўстлар тушиб кетади, ўрнида чандиқ қолмайди.

С. юпқаси бўлганнинг ҳамма қисмига бир вақтда эмас, балки 1—2 кун оралатиб тошади. Баъзан улар оғиз, томоқ, бўрун-ҳалқум шиллиқ пардасига ҳам тошиши мумкин. Ҳар гал тошма тошиши олдидан бемор иситмалайди, тошмалар қуриб битгач, ҳарорат нормаллашади.

С. асоратлари кам кузатилади. С. тошмалари кўз мутуз пардасида бўлса, *кератит*, томоқда бўлса, *ларингит*, зифирок болаларда — *абсцесс, зотилжам, шилфаденит, отит, сарамас, флегмона* пайдо бўлиши мумкин.

Бемор кўпинча уйда врач назоратида даволанади. Бола қашиниб, терисини тирнаб юбормаслиги учун тирноғини олиб турии, қўлини доим тозалаб ювиб қўйиш зарур. Тошмаларга калий перманганат эритмаси ёки бриллиант кўки сурганат эритмаси ёки бриллиант кўки суртилади; оғзини дезинфекцияловчи эритмалар б-н чайиб туриш тавсия этилади. С. жуда юқумли, шунинг учун бемор болани алоҳидалаб қўйиш лозим.

СУВЧИ — сув ташиб берувчи махсус касб. С.лар сув манбаларидан хонадонларга, гузарлар, чойхоналар ва карвонсаройларга сув ташиб бериб тирикчилик ўтказишган. С.лар Ўрта Осиёнинг сув танқис айрим шаҳарларида, мас., Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида 20-а. бошларига қадар мавжуд эди. Хива хонлиги саройида шундай лавозим бўлган. Бухорода эса, С.ни мешкобчи деб аташган. Шаҳарларнинг сувдан фойдаланиш (водопровод) иншоотлари б-н таъминланиши натижасида С.га эҳтиёж қолмаган.

СУВЎТЛАР (Algae) — тубан ўсимликлар дунёчаси; содда тузилган, асосан, сувли муҳитда ўсади. С. бир ҳужайрали микроскопик катталикда колония бўлиб яшайдиган, кўп ҳужайрали ва уз. 60 м гача бўлган турларни ўз ичига олади. Айрим турларида тўқималар ривожланган. Танасининг ҳужайралари ихтисослашмаган, ўтказувчи тўқималари ривожланмаган. Ризоидлари субстратга ёпишиш учун хизмат қилади. Кўк-яшил ва прохлорофит С. — прокариотлар; уларни, одатда, мустақил гуруҳ сифатида *цианобактерияларга*, эвгленасимон С.ни кўпинча бир ҳужайрали ҳайвонларга (хивчини бўлиши, айрим турларининг голозой озиқланиши туфайли) киритилади. Эукариот С. ҳужайраси хлоропластлари (хроматофорларида пиреноид, ҳаракатчан С.да хивчин, баъзан кўзча, қисқарувчи вакуола бўлади. Кўпчилиги *автотроф*, бир қанча турлари гетеротроф ва голозой озиқланади. С.нинг бир қисми гетеротроф, жумладан, паразит озиқланишга ўтган. Вегетатив, жинсиз ва жинсий (гологамия, изогамия, анизогамия, оогамия) кўпаяди. С. зооспоралар ҳосил қилиб кўпайиши б-н юксак ўсимликлардан фарқ қилади.

Биокимёвий хусусияти (пигменти, ҳужайра қобиғи таркиби, захира озиқ моддалар хили)га ва ҳужайрасининг субмикроскопик тузилишига биноан,

Кўк-яшил сувўтлар: *1* — кладофера; *2* — энтероморфа; *3* — ульва; *4* — каулерпа. **Қўнғир сувўтлар:** *5* — саргассум; *6* — даминарин; *7* — фукус; *8* — родимения; *9* — дазия.

С. 10 бўлим: кўк-яшил, қизил, тилларанг, диатом, динофит, қўнғир, сариқ-яшил, эвгленасимон, яшил, харасимонларга ажратилади. 41000 дан ортиқ тури маълум. Денгизларда қирғоқдан бошлаб 200 м гача ва унлан ҳам чуқурроқда, чучук ва ўта шўрланган сув ҳавзалари, қайноқ булоқлар, тупроқда, жумладан, тоғ ва даштларда учрайди. Хивчинли лаврга эга бўлган С. 2 гуруҳга бўлинади: *а* ва *в* хлорофиллга эга бўлган яшил С. (эвгленасимонлар, яшил С., харасимонлар) ҳамда *в* хлорофиллсиз, лекин кўпинча *с* хлорофиллга эга бўлган сариқ-қўнғир С. (тилларанг, диатом, сариқ-яшил С.). С.нинг ҳар хил бўлимлари турли хил бир ҳужайрали организмлардан мустақил ҳолда келиб чиққанлиги тахмин қилинади.

С. биосферада органик моддаларни илк бор ҳосил қилувчи организмлар сифатида жуда катта аҳамиятга эга; океанларда С.и биомассаси 1,7 млрд. т га яқин (1 йилда 550,2 млрд. т). С. 1 га сув юзасига нисбатан 1,3—2,0 т қуруқ биомасса ҳосил қилади.

Ер атмосферасида эркин кислороднинг пайдо бўлиши ҳам С. б-н боғлиқ. С. энг қад. организмлар бўлиб, улардан бошқа ўсимликлар келиб чиққан. Кўпчилик бир ҳужайрали С. замбуруғлар б-н симбиоз яшаши туфайли лишайниклар ҳосил бўлган (қ. *Лишайниклар*). С.нинг Ер юзидаги геокимёвий аҳамияти кальций ва кремнийнинг табиатда айланиши (диатом С. қолдиқлари) б-н боғлиқ. Йирик С. овқат учун ишлатилади, чорва озиғи сифатида қўлланади ва тиббиётда альгинатлар, йод ва микробиология саноати учун зарур бўлган агар-агар олинади. Ламинария, макроциста, порфира ва б. С. денгизларда махсус кўпайтирилади (қ. *Аквакультура*). Кўпчилик С.дан оқова сувларни биологик тозалаш ва сув ҳавзаларининг ифлосланишини аниқлашда биоиндикатор сифатида фойдаланилади. С.ни ўрганувчи фан — *альгология* дейилади.

Ўктам Пратов.

СУВҲИЛОЛ (Bolboschoenus Palla.) — ҳилолдошларга мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми, туганак илдизпояли бегона ўт. Ўзбекистонда денгиз бўйи С.и (B. martinucus) ва яссипоя С. (B. planiculmis) ўсади. Пояси тик, бўйи 50—100 см. Барглари кенг тасмасимон. Гуллари тўқ жигарранг, бандсиз ёки калта бандли, мураккаб соябонсимон тўпгулга йиғилган. Меваси уч қиррали ёнғоқча. Май—окт.да гуллайди ва

Сувҳилол.

мевалайди. Йирик туганакли илдизпояси ер бағирлаб ўсади. Туганаклари, илдизпояси, уруғилан кўпаяди. Уруг ниҳоллари ҳамда туганакли поялари апр.—июнда кўкаради. Ўрта Осиёда шолига катта зарар келтирали. Беда, суғориладиган дон экинлари орасида, ботқоқликларда ҳам учрайди. Асосан, суғориш шохобчалари бўйларида ўсади.

Кураш чоралари: агротехника ҳамда кимёвий талбирларни уйғунликда қўллаш, экинзорларга гербицидлар пуркаш, туганак ҳосил бўлиш даврида реглон (1—3 кг/га) б-н дорилаш.

СУД (славянча суль — иш) — *одил судловни* амалга оширувчи давлат органи; муайян давлатнинг қонунларига асосан процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва б. тоифалаги ишларни кўриб чиқади ва ҳал қилади. Айрим шахслар ўртасида, улар б-н давлат идоралари, корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, жамоат бирлашмалари ўртасида мулкий ва номулкий низоларни, қонунбузарликларга доир ишларни кўриб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассасалар, ташкилот ҳуқуқлари ва қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилади. С. бошқа давлат органларидан, жамоат бирлашмалари ва ҳар қандай шахслан мустақил ва холисона фаолият юритиши, барча ишларни фақат қонунга бўйсуниб кўриб чиқиши ва ҳал этиши лозим. С.лар одатий ва фавқулодда С.ларга бўлинади. Фавқулодда С.ларни ташкил этиш деярли барча замонавий конституцияларда ман этилган. Одатий С.лар умумий ваколатли ва ихтисослашган, яъни ҳарбий, хўжалик (арбитраж, савдо), божхона, солиқ (молиявий), меҳнат низолари бўйича ва ҳ.к. судлар бўлиши мумкин. Суднинг алоҳида турлари конституциявий ва маъмурий С.лар ҳисобланади. Бакан мамлакатларда, шунингдек, линий С.лар (мас., мусулмон мамлакатлари — Эрон, Покистон, Судан ва б.да шариат С.лари) ва одатий ҳуқуқ С.лари (мас., тропик Африка ва Океаниядаги бир қанча мамлакатларда қабила С.лари) ҳам мавжуд. С., шунингдек, инстанцияларга кўра биринчи инстанция С.и, апелляция, кассация ва назорат С.лари, ҳудудий даражаси бўйича: туман (шаҳар), вилоят, округ ва олий С.га бўлинади.

С. ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликка хос кўп асрлик тарихга эга. С. фаолиятини қалимлан халқ маланияти, анъаналари ва маъпавий негизига асосланиб, обру-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар амалга оширишган. Улар чиқарган қарорлар ҳар қандай шубҳадан холи ва барча учун мажбурий ҳисобланган. Ўзбекистонда қарийб 13 а. давомида шариат қонунларига амал қилган *қозилик суди* ҳамда халқ урф-одатлари ва анъаналарига суяниб қарор қабул қилган *бийлар суди* мавжуд бўлган. Ўрта Осиёни забт этганидан сўнг мустамлакачи чор ҳокимияти Россия қонунларига амал қилувчи С.ларни тузди. 1917 й. Окт. тўнтаришидан сўнг «халқ» С.лари ва трибуналлар таъсис этилди. Улар коммунистик партия ва инқилоб манфаатларига хизмат қилди, қонунга эмас, «пролетарча онг»га суянарди. С. ўрнини кўп ҳолларда «махсус кенгаш», «учлик комиссия» каби маъмурий тузилмалар эгаллаганди. С. адолатга эмас, ваҳшиёна қатагон, шафқатсиз жазолашга хизмат қилди. С. батамом партия ва совет ижроия органларига қарам эди.

Мустақиликка эришилгандан сўнг Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг таркибий вазифаси сифатида суд-ҳуқуқ ислоҳоти ўтказилмоқда. С. ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил иш юритиши ва С. фаолиятининг бошқа асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида эътироф этилди (106—116-моддалар), янги *суд тизими* барпо қилинди, «С. лар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг

қонуни (1993 й. 2 сент., янги таҳрири 2000 й. 14 дек.) ва бир қатор қонунлар амалга киритилди. С. томонидан чиқарилган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Қонунда белгиланган ҳолларда ташқари С.ларда барча ишлар ошкора юритилади (қ. *Судловнинг ошкоралиги*). С. ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ва муайян жойлаги кўпчилик аҳоли суллашалиган тилда олиб борилади. Айбланувчи, судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи б-н таъминланади. С. ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юрилик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. С. нинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ғафур Абдумажидов.

СУД АЖРИМИ (ЎзРда) — жиноят ишини кўриш пайтида 1-инстанция суди чиқаралиган ҳукмдан бошқа суд қарори. С.а. чиқариш тартиби ҳал қилинаётган масаланинг характерига боғлиқ. Ишни қўшимча тергов ўтказиш учун прокурорга юбориш, янги айблов бўйича ёхуд янги шахсга нисбатан иш қўзғатиш, ишни тугатиш ёки тўхтатиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, рад этиш тўғрисидаги ажримлар, шунингдек, хусусий ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади. Бу ажримлар алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади. Бошқа барча ажримлар суднинг хоҳиши б-н юқорида кўрсатилган тартибда ёки ўз жойида чиқарилиб бу ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади. Суд муҳокамаси вақтида суднинг чиқарган ҳар бир ажрими дарҳол эълон қилиниши керак.

Фуқаролик ва хўжалик процессида 1- инстанция суди чиқарган С.а. ишни мазмунан ҳал қилмайди, лекин уни ўз вақтида, тўғри ҳал этиш мақсадида қабул қилинади. С.а. маслаҳатхонада, мураккаб бўлмаган масалалар бўйича эса, бевосита суд мажлиси чоғида кенгашиб, қабул қилиниши мумкин. Бунда чиқарилган С.а. суд мажлиси баённомасига киритилади ва дарҳол эълон қилинади.

Давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ёки мансабдор шахсларнинг иш юзасидан аниқланган қонунга хилоф ҳолатларга эътиборларини жалб қилиш зарур бўлса, жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларни кўрсатиб, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

С.а.ни юқори босқич суди (суд раёсатидан ташқари) юқори инстанция судларининг ҳукм, ажрим ва қарорларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқиб қабул этади ва суд залида дарҳол эълон қилади.

СУД БАЛЛИСТИКАСИ — ўқ отар қурол ва ўқ-дорилар ҳамда улар қолдирган изларни топиш ва талқиқ қилиш усуллари б-н шуғулланувчи кимёвий ва физикавий усулларга асосланган криминалистик таълимот. С.б. ўқ излари, ўқ узилган жой ҳамда ўқнинг учиб ўтган масофаси, йўналиши, қурол тури, унинг хусусий белгилари ва б.ни аниқлайди.

СУД ИЖРОЧИСИ (ЎзРда) — фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судларнинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва б. қарорларини, жиноят ишлари бўйича ҳукм, қарор ва ажримларининг мулкий жазони ижро этиш, моддий қийматликларни ундиришга оид қисмларини, шунингдек, қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий идораларнинг қарор ва фармойишларини мажбурий равишда амалга оширувчи мансабдор шахс. С.и., одатда, олий юридик ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлиши талаб қилинади. С.и.ни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Департаментнинг ҳудудий бўлимлари лавозимига тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. С.и. томонидан қўйиладиган талаблар республика ҳудудидаги барча корхоналар, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахс ва фуқаролар учун мажбурийдир. С.и. ижрони қарздорнинг турар жойида ёки унинг мулки турган жойда бажаради. С.и. томонидан қарорларни мажбурий ижро эттириш учун қўлланиладиган чоралар жумласига қуйидагилар киради: қарздорнинг мулкини хатга олиш ва сотиш орқали ундиришни таъминлаш; қарздорнинг иш ҳақи, пенсия ва б. даромадларидан, бошқа шахсларда сақланаётган пул суммаси ёки мулкидан ундириш орқали ижро этиш; суд ҳал қилув қарорларида кўрсатилган предметларни қарздордан ундирувчига олиб бериш ва ш.к. С.и ўз вазифаларини бажараётганида «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (2001 й. 29 авг.) га амал қилади.

СУД МУҲОКАМАСИ (ЎзРда) — суд мажлисларида муайян ишларни кўриш ва ҳал қилиш. С.м.ни суд мажлисида раислик қилувчи ташкил қилади, унда кўриладиган масала доирасини белгилайди, иштирок этувчиларни таклиф этади, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ва таъминлайди, даъвогар, жавобгар, судланувчи, жабрланувчи ва б.нинг талаблари, эътирозлари, фикр-мулоҳазалари эътиборга олинишини ва далилларнинг текширилишини таъминлайди. С.м. баъзан ишни бошқа судга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига, жамоат бирлашмаларига юбориш б-н ҳам тугалланади. С.м. холисона, синчковлик б-н, муҳокама қатнашчиларининг эркин фаоллиги ва ташаббускорлиги руҳида ўтказилиши лозим. С.м. ўтказиш тартиби процессуал қонунларда батафсил баён этилган (Ўзбекистон Республикаси ФПК, 162—202- моддалар; Ўзбекистон Республикаси ХПК, 125—134-моддалар; Ўзбекистон Республикаси ЖПК, 406—427-моддалар).

СУД НАЗОРАТИ (ЎзРда) — қуйи судлар чиқарган қарорларнинг юқори судлар томонидан текширилиши. Суд қарорлари асосли, қонуний ва адолатли бўлмаса, шу жумладан, иш бўйича янги ҳолатлар очилган бўлса, С.н. тартибида ўзгартирилади ва бекор қилади.

СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини С.о.ҳ.ҳ. ва давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. С.о.ҳ.ҳ.ни амалга ошириш тартиби «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва процессуал кодексларда батафсил баён қилинган. Ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлигидан хабар топган шахс судга мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаатни суд ФПК да белги-

ланган фуқаровий судлов ишларини юритиш қоидалари асосида кўриб чиқали. Конституциявий суднинг ваколатларига киритилган, шунингдек, баъзи бир масалалар бўйича С.о.ҳ.ҳ. ни амалга ошириш тартиби алоҳида қонун ҳужжатларида белгиланган. Мас., жиноят процесси иштирокчилари ва б. манфаатлор шахслар дастлабки терговга оид масалалар бўйича фақат юқори турувчи дастлабки тергов идораларига ҳамда прокурорга шикоят бериши мумкин (ЖПК, 27-модда).

СУД ПЛЕНУМИ (ЎзРда) — судьялардан иборат таркибдаги суд тузилмаси. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мавжуд энг юқори суд инстанциялари. Уларнинг таркибига тегишинча Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг ва хўжалик судларининг раислари ҳам киради. С.П. мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қатнашади, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Раиси, Адлия вазири ва Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судида бир йилда 2 марта чақирилади ва С.П. аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли бўлади.

С.П.: ишларни назорат тартибида кўради, суд амалиётини муҳокама қилади ва қонунларни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради, шунингдек, тегишинча Олий судга Олий хўжалик суди ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгашларининг таркибини ҳамда матбуот органининг таҳрир ҳайъатини сайлайди; С.П. ва Раёсати регламентларини тасдиқлайди; бир қанча бошқа ташкилий масалаларни кўради. С.П.нинг қонунларни қўллаш масалалари бўйича берган тушунтиришлари барча судлар, қонунни қўллаётган давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир (Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 15—22, 45—49-моддалари). Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми одил судлов фаолиятига оид муҳим масалаларни қўшма мажлисларида кўради. Мас., 1996 й. 20 дек.да «Суд ҳокимияти тўғрисида» қўшма қарор чиқарилган.

Ғафур Абдумажидов.

СУД ПСИХОЛОГИЯСИ — психология соҳаси; қонун бузувчилар (криминал психология) ва гувоҳлар (гувоҳлар психологияси)га тааллуқли масалалар доирасини ўрганади. Адолатли ҳукм чиқаришга ёрдам бериш мақсадида бирон-бир қилмиш ёки жиноятнинг психологик шарт-шароитлари ва (умумий ёки хусусий) сабабларини тадқиқ қилади. Судья, терговчи, адвокат ва б. ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларининг психологиясини, бу тизимдаги шахсларни ихтисосликка саралаш ва уқитиш методларини ўрганиш С.п.нинг вазифасидир. Жазо мудлатини ўташ мобайнида жиноятчиларни қайта тарбиялаш, уларда жиноятчилик туйғуларини бартараф этишда ҳам С.п.нинг аҳамияти катта.

СУД ТЕРГОВИ (ЎзРда) — жиноят ишлари бўйича *суд муҳокамасининг* асосий, масъулиятли қисми. С.т. айблов хулосасини ўқиб эшиттириш б-н бошланади. Дастлаб судланувчидан эълон қилинган айбига иқрорлиги ёки иқрор эмаслиги сўралади. Сўнгра тарафларнинг таклифларини инобатга олиб далилларни текшириш тартиби белгиланади. Башарти С.т. судланувчини сўроқ қилишдан бошланса, ундан кейин жабрланувчи сўроқ қилинади. Гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва б. суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисидаги масалани суд ишнинг муайян ҳолатларини ва тарафларнинг таклифларини инобатга олиб ҳал қилади. Барча далиллар текшириб чиқилгандан сўнг С.т.ни тўлдириш масаласи ҳал қилинади ва С.т. тамомланади. (ЖПК, 439—448-моддалар).

СУД ТИББИЁТИ — тиббиётнинг бир бўлими; дастлабки тергов ва суд амалиётида юзага келадиган тиббий ва биологик муаммоларни ўрганади.

«С.т.» атамасини илк бор 1690 й. немис олими Иоган Бонн тавсия этган. С.т. бир-биридан узоқроқ соҳалар — тиббиёт ва ҳуқуқ фанларини ўзаро боғлайди. Қадим замонлардаёқ соғлиққа путур етганда ёки ўлим рўй берганда ҳуқуқий масалаларни ҳал этишга врачлар жалб қилинган. Хитойда 13-а.да Сун-Ци таҳрири остида «Си-Юань-Лу» китоби чоп этилган бўлиб, унда мурдани кўздан кечириш, ундаги ўзгаришлар, жароҳатлар, заҳарланишлар ва ҳ.к. ҳақида маълумотлар келтирилган. Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида мурдадаги ўзгаришларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилган. Китобнинг IV—V жилдларида заҳар ва заҳарланишлар, механик жароҳатлар ҳақида маълумотлар берилган. Ибн Сино жароҳатларни фарқлаб тасвирлаш ҳақида фикр юритган.

Ўзбекистонда С.т. фанининг ривожланиши 20-а.нинг бошларига бориб тақалади. 1922 й. Тошкентда Туркистон ун-тининг тиббиёт ф-ти қошида С.т. кафедраси ташкил этилиб, С.т. экспертизаларини расман утказиш ва кадрларни тайёрлаш ишлари бошланди.

ЎзР да С.т. фанининг қуйидаги тизимлари мавжуд: С.т. фани ва унинг келиб чиқиш тарихи; С.т. экспертизасининг процессуал ва ташкилий асослари; ташқи таъсиротлар натижасида жароҳатланиш ва ўлимнинг келиб чиқиши; тирик шахслар суд тиббий экспертизаси; мурдалар суд тиббий экспертизаси; ашёвий далиллар суд тиббий экспертизаси; жиноий ва фуқаролик ишлари материаллари бўйича суд тиббий экспертизаси; тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касбий ҳуқуқбузарликлари бўйича суд тиббий экспертизаси. Шунингдек, С.т. қонунлар асосида тиббий маълумотларни таҳлил қилади.

С.т. тиббиётнинг бошқа соҳалари, хусусан *патологик анатомия* (мурдаларни текширишда), *фармакология* ва *токсикология* (заҳарланишларни ўрганишда), клиник фанлар (тирик шахсларни кўриклан ўтказиш), *гематология* ва *иммунология* фанлари б-н (ашёвий далилларни текширишда) узвий боғлиқ.

Ўзбекистонда С.т. фанининг ривожланишида И.В. Марковин, М.И. Райский, Н.Ф. Колосова, С.Ш.Шахабутдинов, Ф.Ж. Тўлаганов, Ж.Ж.Жалолов ва б.нинг хизматлари катта. Мамлакатдаги мавжуд тиббиёт ин-тларида С.т. кафедралари мавжуд, у ерда ва ҳуқуқшунослик йўналишидаги ўқув муассасаларида С.т. фани ўқитилади. С.т. экспертлари врачлар малакасини ошириш ин-тларида ўз малакаларини оширадилар. Ҳоз. С.т. кафедраларида магистрлар тайёрланмоқда. Ўзбекистонда суд тиббиётчиларининг илмий жамияти ташкил этилган (1954). «Ўзбекистон суд тиббиёти экспертларининг илмий мақолалар тўплами» чоп этилмоқда (1975 й.дан), 1990 й.дан бошлаб «Судтибэкспертиза» илмий-уқув-амалий бирлашмаси фаолият кўрсата бошлади.

Ад. Жалолов, Ж.Ж., Суд тиббиёти, Т., 1996.

Иброхим Бахриев

СУД ТИЗИМИ — муайян давлатдаги барча судларнинг йиғиндиси; улар умумий вазифани бажаради, *одил судловни* амалга оширишга доир муносабатлар б-н узаро боғланган бўлади. С.т. бўғинларининг ҳар қайсиси ваколатлари бир хилда бўлган судлардан ташкил топади. Ўзбекистон Республикасида суд тизими қуйидаги судлардан ташкил топган: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди; Ўзбекистон Республикаси Олий суди; Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди; Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент ш. судлари; фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари; жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари; ҳарбий судлар; Қорақалпогистон Республикаси хўжалик суди; вилоят ва Тошкент ш. хўжалик судлари (Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 1-моддаси). Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига қараб судларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин.

СУД ТУЗИЛИШИ — 1) судларнинг вазифалари, ташкилий принциплари ва фаолияти, тузилиши ва ҳуқуқлари доирасини белгиловчи нормалар йиғиндиси. Ўзбекистон Республикасида С.т. нормалари ЎзР Конституцияси, қонунлари, низомлар ва б. норматив ҳужжатларда ўз ифодасини топган; 2) суд идоралари тизими (қ. *Суд тизими*).

СУД ФОТОГРАФИЯСИ — криминалистик суратга олиш методлари ва техник воситалари тизими. Тергов, тезкор-қидирув тадбирлари ва экспертиза ўтказилаётганда қўлланилади. С.ф. га воқеа юз берган ёки тинтув ўтказилган жойлар, ашёвий далиллар, жиноят излари, қуроллари ва б.ни суратга олиш киради. С.ф. далилларни тасвирлаш ва текшириш учун хизмат қилади. Тасвирловчи С.ф.га ўлчовли (масштабли, стереофотографик), макросъёмка (кичик объект ва изларнинг суратлари), таниб олишга мўлжалланган (юзни олд ва ён томондан экс эттириш), репродукциявий (ҳужжатлар нусхаси) ва б. турдаги суратлар киради. Текширув С.ф.га инфрақизил, ультрабинафша, рентген, гамма нурлар, микрофотография, голография, ранг ажраткичлар ёрдамида олинадиган фотосуратлар киради. С.ф. суратларидан далил сифатида фойдаланилади. Улар тергов ҳаракатлари баённомасига ёки эксперт хулосасига илова қилинади.

СУД ХАРАЖАТЛАРИ (ЎзРда) — ишларни судда кўриш б-н боғлиқ процессуал чиқимлар. Фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлари бўйича С.х.га давлат божи, томонлар, гувоҳ ва экспертларнинг судга келиши учун йўлкира, эксперт мутахассис ва таржимонга тўланадиган хизмат ҳақи, ишга тааллуқли бирор жойни кўздан кечириш, бошқа ҳаракатларни бажариш учун қилинадиган сарф ва суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш б-н боғлиқ чиқимлар киради. Даъвогар даъво суммасининг миқдорига қараб бож тўлайди. Меҳнат, муаллифлик, ихтиро, кашфиёт б-н боғлиқ низолар ва алимент ундириш ҳақидаги аризаларни кўриш учун бож олинмайди. Суд даъвони қаноатлантирса, даъвогар қилган С.х. жавобгардан ундирилади ёки давлат бюджети ҳисобидан тўланади (ФПК, 103—121-моддалар, ХПК, 90—94-моддалар, МҲЖК, 301—302-моддалар).

Жиноят ишлари бўйича С.х.га суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон ва ш.к.га бериладиган, ашёвий далилларни сақлашга, юборишга ва экспертиза ўтказишга, шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун сарфланган, юридик маслаҳатхонага тўланадиган ҳамда ишнинг юритилиши давомида қилинган бошқа харажатлар киради. С.х. маҳкумлардан ундирилиши мумкин. Таржимонга тўланадиган сумма, шунингдек, судланувчи оқланган, жиноят таркиби бўлмагани сабабли тугатилган ишлар бўйича С.х. давлат ҳисобига ўтказилади, лекин иш жабрланувчининг шикояти бўйича кўзгатилган бўлса, ундан ундирилади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилган шахс узрсиз келмаса, тергов ва суд ҳаракатларини ўтказиш кечиктирилгани б-н боғлиқ С.х. ана шу шахсдан ундирилади.

СУД ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ — судга чақирилаётганлик тўғрисида расмий хат. С.ч. қ.да ким, қайси сифатда (даъвогар, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ), қаерга, кимга ва қачон келиши кўрсатилади. Чақирув қоғозида чақирувга келмасликнинг жавобгарлиги, таъсир чоралари баён этилади (мас., гувоҳни мажбуран келтириш, айбланувчига эҳтиёт чорасини ўзгартириш). С.ч.қ. суд мажлисига раислик этувчи топширигига кўра, суд котиби томонидан тўлдирилади. С.ч.қ. билан судга чақирилганларга кўрсатилган вақтдаги иш ҳақи тўлиқ сақланади.

СУД ЭКСПЕРТИЗА МАРКАЗИ, Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази — Ўзбекистонда *суд экспертизаси* масалалари бўйича илмий-методик ва мувофиқлаштирувчи марказ. ЎзР Адлия вазирлиги ҳузурида дастлаб Тошкент и.т. криминалистика лаб. ташкил топган (1951). Унинг негизида Хадича Сулаймонова номидаги Тошкент суд экспертизаси и. т. институти ташкил қилинган (1958). Сўнг Республика и.т. криминалистика марказига (1995), кейин эса С.э.м.га айлантирилган (2003). Унинг фаолияти суриштирув, дастлабки тергов ва судлар топшириқларига асосан суд экспертизаларини ўтказиш, криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида и.т.ларни амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига методик ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган йўналишлар бўйича олиб борилади. Бу ерда 34 турдаги суд экспертизаси бажарилади. Марказнинг Тошкент ш.да ҳужжатларнинг криминалистика экспертизаси, суд баллистика ва изшунослик, суд-автотехника, материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистика экспертизаси, одам ДНК сининг суд биологик экспертизаси, суд-иқтисодий экспертизаси, суд қурилиш-техникавий ва суд фоноскопия экспертизаси лаб. ва бўлимлари, Андижон, Гулистон, Бухоро, Нукус, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Урганч, Қарши шаҳарларида бўлинмалари бор. Марказ ходимларининг суд экспертизасининг назарияси, ўзбек тилидаги дастхатларни, имзоларни, ўқ отар қуроллар б-н етказилган жароҳатларни, наркотик моддалар ва дори-дармонларни, нефть маҳсулотларини, одам ДНК сини экспертиза қилиш бўйича ва ш.к. илмий ишлари экспертиза амалиётида кенг қўлланади. Марказ олий юридик ўқув юртлари талабаларини ўқитиш ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларнинг

малакасини оширишда фаол иштирок этади. Марказнинг илмий кутубхонасида суд экспертизасининг барча йўналишлари бўйича 15 мингдан ортиқ махсус адабиётлар бор. Илмий ишлар, қўлланмалар, эксперт тадқиқоти методларига оид китобларни нашр этади.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ — фан ва техника ютуқларидан жиноий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий процессда фойдаланишнинг бир шакли. У ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Суриштирувчи, терговчи, суднинг топшириғига биноан, махсус билимларга эга шахс (эксперт) ўзига тақдим этилган ашёвий далиллар, воқеа-ҳолатларни текширади. Эксперт тадқиқоти натижалари бўйича экспертнинг хулосаси тузилади. Унда экспертиза ўтказиш асослари, шароитлари, текширилдиган объектлар, ҳал қилинадиган масалалар, эксперт аниқлаган маълумотлар баён этилади. Экспертнинг хулосаси далиллар манбаи бўлиб, унда аниқланган маълумотлар далиллар сифатида қабул қилинади. Ашёвий далиллар ва эксперт текшируви учун олинган намуналар, тирик одам танаси ва унинг қисмлари, мурда, воқеа жойидаги ҳолат, ҳужжатлар С.э. объектлари жумласига киради. С.э. ҳал этиладиган масаласи, объекти, предмети ва услубиётининг умумийлиги бўйича криминалистик, транспорт-муҳандислик, тиббий ва психиатрик, қ.х., экологик, биологик, иқтисодий, техник-муҳандислик ва б. экспертизаларга бўлинади. Ҳар бир турдаги С.э. ўзига хос услубиётга биноан ўтказилади. С.э. қуйидаги асосларга кўра тузилади: экспертларнинг сони бўйича — якка тартибда ўтказиладиган ва комиссиявий экспертизалар; тадқиқотнинг ҳажми бўйича — асосий ва қўшимча экспертизалар; кетма-кетлиги бўйича — бирламчи ва қайта экспертизалар; қўлланадиган билим соҳаларининг сони бўйича — бир турдаги ва комплекс экспертизалар, объектлар сони бўйича — кам объектли ва кўп объектли экспертизалар. С.э.ни тайинлаш ва ўтказиш тартиби ҳамда экспертнинг хулосасини баҳолаш қоидалари тегишли процессуал қонунларда белгиланган.

С.э. ни махсус ташкил қилинган нхтисослашган давлат муассасаси ўтказади. Ўзбекистонда С.э. Х.Сулаймонова номидаги Республика *суд экспертиза маркази* ва унинг ҳудудий бўлинмалари. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Суд-тиббий экспертизаси Бош бюроси ва унинг қисмлари, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент ш. судларида С.ҳ.ларида апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш 3 нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатларида жиноят ишлари апелляция ва кассация тартибида 5 нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Жиноят ишини кўришда унинг суд таркибига тайинланган ёки сайланган судьялар ва халқ маслаҳатчилари қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида ишларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш камида 4 судьядан иборат таркибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва ҳарбий ҳайъат таркибида иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари ишлари 1-инстанцияда, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради, суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади, суд статистикасини тақдил қилади, қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

СУД ҲОКИМИЯТИ — ҳокимиятлар бўлиниши қонунасига кўра, давлат ҳокимиятининг алоҳида ва мустақил қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ё-н бир қатордаги тармоғи. У ишда ягона судловни амалга ошириш ваколатлари, яъни жиноий, фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва конституциявий иш (ишлар)ларни процессуал, қонун ё-н белгиланган тартибда кўриб чиқиш ваколатлари йиғиндисини, баъзи мамлакатларда, шунингдек, ҳуқуқ нормаларини изоҳлаш ваколатларини, қонун ижодкорлиги ваколатлари ва б. 2-даражали ваколатларни; б) юқорида қайд этилган ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизимини мужассамлаштиради (қ. *Суд тизими*). С.ҳ. ваколатлари асосий — одил судловни амалга ошириш ваколатлари ва ёрдамчи ваколатларга бўлинади. Ҳоз. замон демократик давлатларида С.ҳ.нинг асосий ваколатлари турли тонифадаги судлар зиммасига юкланади.

Ўзбекистон Республикасида С.ҳ. ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлиги, қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган. Мамлакатимизда С.ҳ.нинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва фаолият юритишининг қонуний асоси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонуни ва б. қонун ҳужжатлари ё-н белгиланади. Конституцияда мустаҳкамланишича, «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади» (106-модда).

Зайниддин Исломов.

СУДАКЛАР, стлатар (Lucioperca) — окбўтасимонлар оиласига мансуб балиқларининг бир уруғи. 5 тури маълум. Гавдасининг уз. 130 см ча, вазни 20 кг гача. Орқа ёнининг 1-ҳужайра ҳажмининг ярмига эга. Орқаси яшил-кулранг, икки ёнида 8—12 та қўнғир қора йўллари бор. Ёлка ва дум сузгичларида қора доғлари бўлади; бошқа сузгичлари сариғи тусда. Эркаги сув тубида уя ясаб, ину ичида уруғчиси ташлаган увилдириқни қўриқлайди. Балиқ ва б. ҳайвонлар ё-н озиқланади. Европа, Шим. Америка ва Осиё сув

Судак.

ҳавзаларида, жумладан, Болтиқ, Қора, Азов, Каспий, Орол денгизи ва баъзи дарёларда тарқалган. Иссиққул, Балхаш ва б. сув ҳавзаларида иқлимлаштирилган. Орол денгизида уруғи март — апрель ойларида қирғоққа келади. Сирдарё ва Амударёга ҳам ўтади.

СУДАН, Судан Республикаси (Жумҳурия ас-Судан) — Африканинг шим.-шарқида жойлашган давлат. Майд. 2,5 млн. км². Аҳолиси 37,09 млн. киши (2002). Пойтахти — Хартум ш. Маъмурий жиҳатдан 26 штатга бўлинади.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 1998 й. 30 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1993 й.дан Умар Ҳасан Аҳмад ал-Башир), у тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (парламент), ижрочи ҳокимиятни президент тайинлайдиган ҳукумат амалга оширади.

Табиати. С. ҳудудининг катта қисми бал. 300—1000 м бўлган плато; шим.да унинг тизайгина қисмида Ливия ва Нубия чўллари, жан.да Марказий Африка тоғлиги (энг баланд жойи — Кинъети тоғи, 3187 м), ғарбда Дарфур ва Корлофан платолари, шарқда Эфиопия тоғлигининг этаклари жойлашган. Қизил денгиз соҳили — энсиз паст текислик. Мис, олтин, хромит, темир, марганец рудалари, нефть, мармар, гипс конлари бор. Иқлими — шим.да тропик чўл иқлими, иссиқ ва қуруқчил, жан.да экваториал, муссонли. Хартумда ўртача т-ра янв.да 22°, июлда 33°. Йиллик ёғин шим.да 20 мм гача, мамлакат ўрта қисмида 100—300 мм, жан.да 1000 мм дан ортиқ. Асосий дарёси — Нил ва унинг ирмоқлари — Оқ Нил ва Кўк Нил. Дарёлардан экинзорларни суғоришда,

Судан герби.

ирмоқ ларнинг ва гидроэнергия олишда фойдаланилади. С. жанубий баланд бўйли ўтлар ўсувчи саванналарда қизил ферралит ва алферрит тупроқлар, шимолроқдаги чўлга айланган қуруқ саванналарда қизил-қўнғир ва қизғиш қўнғир тупроқлар, айрим жойларда қўқматир-оғир тупроқлар тарқалган. Тропик, гидроморф ва аллювиал тупроқлар ҳам учрайди. Жанубий тоғларда тропик ўрмонлар бор, баобаб ва акация кўп. Ҳайвонот дунёси бой: кайик, гиппопотам, фил, қоплон, арслон, гиппопотам, жирафа, фил, қоплон, арслон, бегемот ва б., қушлардан туякуш, марабу, пеларка, судралиб юрувчилардан питон, дарёларда тимсоҳ, ҳар хил балиқлар бор. Бома, Диндер, Нимуле, Саутери миллий боғлари, Эрковит кўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолисининг аксарияти араблар. Нил водийсида нубийлар, шим.-шарқида бежалар, шунингдек, динка, азанде, нуэр, шилак халқлари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 35%. Расмий тил — араб тили. Расмий дин — ислом. Христианлар ҳам бор. Йирик шаҳарлари: Хартум, Омдурман, Шим. Хартум, Порт-Судан, Жуба, Ал-Убайд.

Тарихи. С. ҳудудида тош давридан одам яшай бошлаган. Мамлакатнинг катта қисми (қадимда Куш мамлакати, 7-а.дан Нубия) да қад. миср ликлар ва яқин бўлган сом-хом ва кушит қабилалари истиқомат қилганлиги маълум. Мил. ав. 2-минг й.ликда жан.дан келган негроид қабилалар уларга қўшилиб кетган. Мил. ав. 16—12-а.ларда С. Миср га тобе бўлган. Мил. 6-а.да христианлик тарқала бошлади. 7-а.га келиб, С.да Алоа, Мукурра ва Нокатия христиан давлатлари пайдо бўлди. 7-а. ўрталаридан араблар кириб кела бошлади. Натижада мамлакат шим. ва ғарбий ҳудудларида ислом дини ва араб маданияти тарқалди. 14-а. охири — 16-а. бошларида мусулмон давлатлари (Дарфур, Сеннар султонликлари ва б.) вужудга келди. 1820—22 й.ларда С.нинг катта қисмини Миср ҳукмдори *Муҳаммад Али* босиб олди. С. гарчи Усмонли турк империяси таркибига расман қўшилган бўлса-да, амалда Миср мулкига айланди. 19-а.нинг 60-й.лари охири —70-й.лар бошларидан С.да Буюк Британия таъсири кучая бошлади. Инглиз мустамлакачиларининг шафқатсиз зулмига қарши халқ оммаси кўп марта кўзғолон кўтарди (қ. *Маҳдийчилар кўзғолони*).

Судан байроғи.

1899 й. инглизлар С.ни Буюк Британия ё-н Миср нинг муштарак мулки (кондоминиум) деб эълон қиладиган битимни Миср га мажбуран имзолатди. С. расман Англия-Миср Судани деб атала бошлади. С. амалда Англиянинг мустамлакасига айланиб, унинг асосий пахта базаси бўлиб қолди. Шарқда миллий озодлик кураши юксалган шароитда С.да дастлабки сиёсий ташкилотлар тузилди. 2-жаҳон уруши вақтида С. ҳарбий қисмлари Эритрея, Миср, Ливия, Тунисда фашист давлатлари қўшинларига қарши жанговар ҳаракатларда қатнашди. Урушдан кейин мамлакатда миллий озодлик ҳаракати кучайди. 1955 й. нояб.да инглиз ва Миср қўшинлари С.дан олиб кетилди. 1956 й. 1 январда С. мустақил давлат деб эълон қилинди. 1958—64 й.ларда С.да диктаторлик режими ўрнатилди. 1969 й. давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятни Ж. Нимейри бошлиқ ҳарбийлар қўлга олди. 1972 й. С. жанубий мухторият мақомини олгач, 17 й.лик фуқаролар урушига чек қўйилди. 1980 й.дан, айниқса, ислом қонунчилиги бутун мамлакатга жорий этилганидан (1983) кейин, жан.да яна фуқаролар уруши бошланди. 1985 й.да Нимейри режими ағдариб ташланди ва 1986 й.да С. ал-Маҳди бошчилигида

Хартум шаҳри.

коалицион ҳукумат тузилди; сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. 1989 й. ҳарбий тўнтариш содир бўлиб, Миллий нажот инқилобий қўмондонлиги Кенгаши олий қонун чиқарувчи ва ижрочи орган бўлиб олди, у 1993 й. Умар Ҳасан Аҳмад ал-Баширни мамлакат президенти этиб тайинлади ва ўзини ўзи тарқатиб юборди. 1999 й. 1 янв.дан сиёсий партиялар фаолиятига рухсат берилди. 2000 й. 13—22 дек.да президент ва парламент сайловлари ўтказилди. У.Ҳ.А. ал-Башир яна С. президенти этиб сайланди. С. 1956 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 1 янв. — Мустақиллик куни (1956). ЎзР суверенитетини 1991 й. 30 дек.да тан олган.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Ал-Умма («Миллат») партияси, 1945 й. асос солинган; Бирлашган демократик партия, 1967 й. тузилган; Миллий конгресс партияси, 1999 й. ташкил этилган. С. ишчи касаба уюшмалари федерацияси, 1950 й. асос солинган, Халқаро араб касаба уюшмалари конфедерацияси ва Африка касаба уюшма бирлиги ташкилотига киради.

Хўжалиги. С. — қолоқ аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 46,3%, саноатнинг улуши 22,8%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 30,8%.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80% банд бўлиб, экспорт тушумининг 95% ни таъминлайди. Қ.х. да фойдаланиладиган 8,4 млн. гектар ернинг 2,6 млн. гектари суғориладиган, 5,4 млн. гектари лалми ерлардир. Пахта энг муҳим экспорт экини бўлиб (Африкада Мисрдан кейин 2-ўрин), Гезира, Оқ ва Кўк Нил, Атбара водийларида етиштирилади. Кордофан платоси, Кўк Нил ва Атбара водийларида кунжут, Дарфур ва Кордофан платоларида ер ёнғоқ, ҳамма воҳаларда оқ жўхори, тариқ экилади, шим.да хурмо етиштирилади ва маккайсано барги териб олинади. Техника экинларидан шакарқамиш ва б. етиштирилади. Ақоқиё (араб елими) етиштиришда дунеда етакчи ўринда туради. Чорвачилигида қорамол, қўй, эчки, туя, хачир, пилқи ва б. боқилади.

Саноатида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 5% банд бўлиб, у асосан маҳаллий қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш ва ёгочсозлик корхоналаридан иборат. Озиқ-овқат саноатида ёг, сут, қанд-шакар, консерва з-длари, енгил саноатда тўқимачилик, пойабзал, пахта тозалаш, шунингдек, машинасозлик ва металлсозлик, кемасозлик, нефть, цемент, минерал ўғит и.ч. корхоналари бор. Оз миқдорда олтин, уран, хром, темир, марганец рудалари ва гипс қазиб олинади. Кейинги даврда нефть қазиб чиқариш кўпайди. Денгиз сувидан туз ажратиб олинади. Йилига ўртача 1,33 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари: Хартум, Омдурман, Порт-Судан, Атбара, Водий-Мадони. Т.й. узунлиги 5,5 минг км, автомобиль йўллари уз. 21,4 минг км. Асосий денгиз порти Порт-Судан. Нил ва унинг ирмоқларида кема қатнайди. Хартумда халқаро аэропорт бор. Четга пахта, хом нефть, оқ жўхори, ақоқиё, ер ёнғоқ, кунжут, чорва моллари чиқаради, четдан машина ва ускуна, буғдой, нефть маҳсулотлари, транспорт воситалари, дори-дармон олади. Саудия Арабистони, Хитой, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Япония, БАА билан савдо қилади. Пул бирлиги — судан динори.

Тиббий хизмати. Врач ва фармацевтлар Хартум ун-тининг даволаш ва фармацевтика ф-тларида, ўрта малакали тиббиёт ходимлари 14 тиббиёт мактаб ва коллежларида тайёрланади. Шим. Хартумда ўрта маълумотли ветеринария мутахассислари тайёрлайдиган 2 й.лик ин-т (мактаб) бор.

Судандаги қишлоқлардан бири.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 19-а.гача С. шимолида 2—3 й.лик мусулмон мактаблари бўлган. Мустамлакачилар келгач, инглиз таълим тизими намунасидаги 4 й.лик бошланғич, 4 й.лик оралиқ, 4 й.лик ўрта мактаблар тузила бошлади. 1970 й. мактаб тизими ислоҳ қилиниб, 7—13 ешдаги болалар учун 6 й.лик бошланғич, 6 й.лик ўрта (3 й.лик тўлиқсиз ва 3 й.лик тўлиқ) мактаб жорий этилди. Қизлар мактабида уй-рўзғор ва тикувчилик ҳам ўргатилади. Бошланғич синф ўқитувчилари пед. ўқув юртида, тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчилари пед. марказларида 2 й. давомида тайёрланади. Ҳунар-техника таълими бошланғич ва тўлиқсиз мактаб негизида 4 й. давомида олиб борилади. Хартум ун-ти, Қоҳира ун-тининг Хартум филиали, Омдурмандаги ислом ин-ти, Жуба ун-ти, Водий-Мадонидаги Гезира ун-ти каби олий ўқув юртлари, шунингдек, 2—3 й. давомида ўрта махсус таълим даражасида маълумот берадиган бир қанча ин-т ва коллежлар (Хартум политехника ин-ти, тиббиёт коллежи ва б.) ҳам бор. Хартум ун-тининг кутубхонаси, Омдурмандаги Оммавий кутубхона, Хартумда Миллий музей, Этн. музейи, Табиат тарихи музейи, Мероэда Музей-Қўриқхона мавжуд. Илмий тадқиқотлар ун-тларнинг лабораторияларида, Африка ва Осиё ин-тида, Хартумдаги саноат тадқиқотлари ин-тида, бир қанча вазирликларга қарашли илмий муассасаларда олиб борилади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. С.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари: «Ал-Айём» («Кунлар», араб тилида чиқадиган кундалик газ., 1953 й.дан), «Ал-Қувват ал-Мусаллаха» («Қуролли кучлар», кундалик газ., 1969 й.дан), «Ас-саҳафа» («Матбуот», араб тилида чиқадиган кундалик газ., 1962 й.дан), «Судан стандард» («Судан байроги», инглиз тилида ҳафтасига 2 марта чиқадиган газ., 1973 й.дан), «Судан нуш» («Бугунги Судан», инглиз тилида чиқадиган ойлик жур., 1976 й.дан). С. ахборот агентлиги (СУНА) ҳукумат ахборот маҳкамаси, 1970 й. асос солинган. Давлат Миллий радиоэшиттириш ва телекўрсатув корпорацияси мавжуд.

Адабиёти. Кўҳна С. тамаддуни (цивилизацияси) Қад. Миср ва юнон маданиятлари б-н боғлиқ равишда ривожланган. 7-а.дан араб тили сингиб, адабий асарлар шу тилда ёзила бошлади. 17—18-а.ларда Ҳаммад ибн Муҳаммад

ибн Али ал-Мумапух ва Муҳаммад ал-Жаали каби атоқли шоирлар ижод қилдилар. 19-а. халқ шеъриятида (Х. Абу Синна, Умм Мусеймасхоним, Бинт ал-Маккавий ва б.) чет эл истилочиларига қарши кураш, араблар бирлигига даъват оҳанглари янграйди. Мумтоз адабиёт намояндаларидан Муҳаммад Саид ал-Аббосий, Абдуллоҳ Абдураҳмон, Ҳусаин ал-Заҳра ижоди ажралиб туради. Яҳё ас-Салавий Нил водийси халқларини «бирғаликда курашиш»га чақирувчи шеърлари б-н машҳур бўлди. 20-а.нинг 10—20-й.ларида миллий матбуот юзага келди. 30-й.ларда Абу Жуккул, Али Аҳмадоний, Ҳамза ал-Малик Тунбул, Юсуф Башир ат-Тижоний каби шоирлар адабиётни ривожлантирдилар. Муҳаммад Аҳмад Маҳжуб ва Абдулҳалим Муҳаммаддар қисса ва роман жанрида ижод қила бошладилар. 20-а.нинг 2-ярмида шоирлардан Тож ас-Сирр Ҳасан, Жили Абдураҳмон, Жаъфар Ҳамид ал-Башир, Муҳаммад Мифтоҳ ал-Файтурий, ёзувчилардан Усмон Али Нур, Абу Бакр Холид, ат-Тайиб Заррук ижтимоий мавзуларда асарлар ёзишди. С.да халқ оғзаки ижоди ҳам кенг ёйилган. Шимолий С.да фольклар жанрлари бошқа араб мамлакатлари оғзаки ижолига, жанубий С.да эса тропик Африка маданияти намуналарига ўхшаш.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Илк неолит даври (мил. ав. 7-минг й.лик охири — 4-минг й.лик бошлари)га оид лойдан ишланган ҳайвон ҳайкалчалари, сопол идишлар, қояга ишланган суратлар топилган. Мил. ав. 2-минг й.ликда С. санъати Қад. Миср маданияти ўзанида ривожланган. Мил. ав. 1-минг йиллик охиридан моддий маданиятда ўзига хос белгилар пайдо бўла бошлаган. Мил. ав. 22—18-а.ларда хом

Судан табиати манзараси.



гиштдан тўғри бурчакли кулбалар, зодагонлар учун кўп хонали уйлар (Арейкада), ибодатхоналар (Сулба ва Кавада), истеҳкомлар (Семна, Куммада), саганалар барпо этилган. С.да христианлик тарқалиши б-н (мил. 6-а.нинг 2-ярми) меъморий услуби ва деворий расмлари *копт санъатига* яқин бўлган черковлар қурила бошлади. 15—16-а.ларда Ғарбий С. меъморлигининг Шарқий Африка ўрта аср тош меъморлигига ўхшаш жиҳатлари кўп бўлган. 19—20-а.ларда Қизил денгиз бўйларида маржон оҳактошларидан тикланган уйлар. С. жанубидаги негроид қабилаларида лой ва шох-шаббадан тўқима қилиб ясалган, томи ўт ва похол б-н ёпилган кулбалар аҳолининг асосий турар жойи бўлган. 20-а. ўрталаригача замонавий иморатлар фақат Хартум, Порт-Судан, Атбара ва б. йирик шаҳарларда қурилди. 1956 й.дан саноат ва турар жой биноларини лойиҳа асосида кенг кўламда барпо этиш, шаҳарсозликни тартибга солиш ишлари олиб борилди, жаҳон меъморлиги тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилинди.

20-а. ўрталаридан тасвирий санъатда дастгоҳ рассомлиги миллий мактаби вужудга келди, унда маҳаллий безак ва европача анъаналарни бирга қўшиш одат тусига кирган. Кейинги йилларда М. Куа, А. Ҳамид каби ҳайкалтарошлар, Х. Аббос, М. О. Башир каби рассомлар, А. А. Борхан каби графика усталари етишиб чиқди. С. тасвирий ва амалий санъатида ёгоч ва лойдан ҳайкалчалар ясаш кенг тарқалган. Шимолий С. араблари орасида кандакорлик, теридан турли анжомлар ясаш, жан. халқларида пичоқчилик, бадиий тўқимачилик анъанавий машғулот ҳисобланади.

Мусиқаси кўпгина халқларнинг мусиқий анъаналарини ўз ичига олади. С. чолғу асбоблари хилма-хил. *Лира*симон торли тамбур ва унинг турлари — кисир (нубийларда), бене-бене (Ғарбий С.да), бангия (Шарқий С.да), том (Жан. С.да); торли-камонли ум-кики, тор (тўртбурчак доира), турли барабанлар — долюка (лой барабан), дингир (сув тўлдирилган барабан), таба ва б. Жанубий С.даги динка, нуэр, шиллук ва б. халқларнинг барабан ансамбллари бор. Пуфлаб чалинадиган асбоблар: зумбара (металл най), пенах (қовоқ пўсти), гарин (шох), қамиш найлар ва б. Ғарбий С.даги кўпгина қўшиқлар рақс б-н бирга ижро этилади. Хасис, жаррари, мардум рақс-қўшиқлари кўчманчи чорвадор турмуши ва меҳнати б-н боғлиқ. Шунингдек, қироат, азон, мадҳия, зикр каби жанрлари ҳам мавжуд. Михера бит-Аббуд, Шарифа бит-Билол каби хонандалар ватанни, мустақиллик йўлидаги курашчиларни мадҳ этувчи қўшиқлари б-н машҳур бўлган. Кейинги йилларда мамлакат жан. билан шим. анъаналари яқинлашуви натижасида турли мусиқий услубларнинг ўзаро таъсири кучайди. Миллий фольклор ансамбли, Мусиқа ва театр ин-ти ташкил топди. Мусиқа арбобларидан композитор ва хонандалар Муҳаммад ал-Амин, И. ал-Кошиф, М. Варди, А. Шурахбил, композитор ва дирижёр А. Маржонни кўрсатиш мумкин.

Театри. С. театр санъати араб маданияти руҳида. 1936 й. Театр жамияти ташкил этилиб, у аввал мактабларда иш олиб борди. 1940 й.дан оммавий спектакллар намойиш эта бошлади. 1950 й. жамият негизида драма ва мусиқа труппалари араб тилида спектакллар қўйишга киришди. 1961 й. Замонавий С. театри, Хартум труппаси ва халқ рақс ансамбллари ишлади. Ёш санъаткорлар Миср ва Италия бадиий мактабларида таълим оладилар.

Киноси. 1968 й. ўқув ва воқеий фильмлар ишлаб чиқарадиган кино бошқармаси ташкил этилди. 1960—70 й.ларда тўла метражли «Умид ва орзулар» (реж. ар-Рашид Маҳди), «Авлодлар кураши», «Ака-ука можароси» (реж. А. Ҳошим), «Африка, инқилоб бонги» (реж. Сулаймон) бадиий фильмлари яратилди. Фильмларни кинопрокат ва импорт қилиш б-н хусусий фирмалар шуғулланади.

СУДАН (араб. — қора танлилар мамлакати) — Африкадаги табиий ўлка. Саҳрои Кабирдан жанубда. Атлантика океани соҳилидан Эфиопия тоғлигигача 5500 км га чўзилган, эни 1000 км. Тахм. 17° ва 4—8° ш.к.лар оралиғида. Майд. 5 млн. км² чамасида. С. токембрий жинсларидан тузилган Африка платформасида жойлашган; унинг синеклизалари Нигер дарёси ўрта оқими, Чад кўли ва Оқ Нил дарёси ботиқларига тўғри келади. Бал. 200—500 м. Ботиқлар оралиғида кристалли жинслардан иборат. Жос, Дарфур ва Кордофан платолари, С.нинг ғарбида Сенегамбия пасттекислиги бор. Энг баланд жойи 3088 м. Иқлими субэкваториал, муссонли иқлим. Қиши қуруқ ва иссиқ. Энг салқин ойининг ўртача т-раси 20—26°. Ёзда жан.-ғарбий муссон шамоллари эсиб ёғин ёғади. Ёғин миқдори шим.-дан жанубга 100 мм дан 2000 мм гача ортиб боради. Йирик дарёлари: Нил, Нигер, Сенегал, Шари, Гамбия ва б. Энг катта кўли — Чад. Ёғин миқдорига қараб ландшафт турлари ҳам ҳар хил. С.нинг аксари қисми саванна. Тупроқлари қизил ферралитли ва альферритли ҳамда қизил-қўнғир тупроқлар. С.ни одатда 3 қисм (Ғарбий, Марказий ва Шарқий С.)га бўладилар. Ўрта асрлар

Судан ўлкасидаги саваннали чўл.

ва кейинги даврларда С. ҳудудида Гана, Мали каби йирик давлатлар мавжуд бўлган. Ҳозир С. ҳудудида Сенегал, Гвинея-Бисау, Гамбия, Мали, Нигер, Чад, Судан, Марказий Африка Республикаси, Камерун, Нигерия, Того, Гана, Кот-д'Ивуар, Буркина-Фасо, Гвинея, Бенин давлатлари жойлашган.

СУДАН ТИЛЛАРИ — африкашуносликда 20-а.нинг 1-ярмида қўлланган ва Судан географик минтақасида — Сахрои Кабирнинг жан.даги ҳудуддан ғарбда, Гвинея қирғоқларидан шарқда Эфиопия тоғликларигача тарқалган тилларни белгиловчи таснифий термин. «С.т.» термини 1905 й.да немис тилшуноси К. Майнхоф томонидан таклиф қилинган. У барча африка тилларини 4 генетик бирикма тарзида гуруҳлаштирган: ҳом тиллари, С.т., банту тиллари ва сом тиллари. С.т. таснифи, тавсифи ва қиёсий ўрганилишига 1910—30 й.ларда яна бир немис олими Д. Вестерман катта ҳисса қўшади. Унинг таснифида африка тиллари 3 йирик оилага (койсан, негр ва сом-ҳом тиллари) бўлиниб, С.т. банту ва нилот тиллари б-н биргаликда негр тиллари оиласига киритилади. С.т. таркибида эса 4 йирик гуруҳ: нигрит; манде тиллари, туркумли тиллар, ички Судан тиллари ажратилади. 20-а.нинг 2-ярмидаги изланишлар, айниқса, америкалик тилшунос Ж. Гринберг таснифи С.т.нинг Майнхоф ва Вестерман томонидан амалга оширилган таснифлари нисбий эканлигини, С.т. га киритилган анчагина тилларнинг бошқа тил оилалари ва гуруҳларига киришини, шу жиҳатдан С.т. ни қайта гуруҳлаш лозимлигини кўрсатди. Энг кенг тарқалган С.т. — *малинке* ва гамбара, фула, акан, *йоруба*, игбо, эдо ва б. *Хауса* тили *сом-ҳом тиллари*га мансуб бўлса-да, унга ён-атрофдаги бошқа тил гуруҳлари сезиларли таъсир кўрсатган. «С.т.» термини ва таснифи ҳануз нисбийлигича қолмоқда.

СУДАНЛИКЛАР (Судан араблари) — халқ, Суданнинг асосий аҳолиси (13 млн. кишига яқин). Шунингдек, Чад (1,29 млн. киши) ва б. мамлакатларда ҳам яшайдилар. Умумий сони 14,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Диндорлари — сунний мусулмонлар. Суданга араблар 7-а. ўрталари — 9-а.ларда Мисрдан ва Қизил денгиз орқали Арабистондан келишган. 9—10-а.ларда уларни африкаликлар б-н аралашувидан араб-судан қабилалари вужудга келган. Ушбу қабилалар ва б. қабила иттифоқлари 1820 й. Миср томонидан бўйсундирилиб расман Усмонли турк империясига қўшиб олинган. Европаликлар, турклар, черкаслар, мисрликларни эфиопия-



Суданликлар. Пахта терими.

лик ва жан. суданлик чўрилар б-н аралашувидан араб тилида сўзлашувчи шаҳар аҳолиси пайдо бўлган. С. деҳқончилик (пахта), чорвачилик б-н шуғулланади.

СУДАНЎТ, судан қўноғи (Sorghum sudanense) — бошоқдошларга мансуб бир йиллик ўт, ем-хашак экини. С.нинг ватани — Судан. Африкада ёввойи ҳолда ўсади. Ғарбий Европа, Африка, Ҳиндистон, Америка, Австралия, Ўрта Осиеда кўк масса, пичан, сенаж, силос учун экилади. Илдизи яхши тараққий этган, тупроққа 1—2 м гача кириб боради. Пояси 0,5—3 м (Суданда 7 м гача), оч яшил тусли. Тупланиб, бир тупда 80—120 поя чиқаради. Барглари оддий, тасмасимон, уз. 45—70 см. Тупгули рўвак, пирамидасимон-овал шаклда, уз. 40 см гача боради. Меваси — пустга ўралган дон. 1000 та донининг вазни 5—15 г. Қўрғоқчиликка чидамли, нам жойларда қумоқ ва қумлоқ тупроқларда яхши ўсади. Уруглари экилгандан кейин 8—10 да 4—7 кунда униб чиқади. Униб чиққан майсалари — 3—4 да совуқда нобуд бўлади. Тупланиш фазасидан бошлаб авж олиб ўсади ва кунига 5—10 см дан бўй бериб боради. Вегетация даври 110—130 кун. С. йилига 3—4 марта ўрилади. Суғориладиган шароитларда гектаридан 700—900 ц кўк масса, 100—150 ц пичан, 25 ц гача дон беради. Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларида С.ни соя, вика ва беда б-н аралаштирилиб экиш яхши натижа беради. Уруглик экиш нормаси 14—22 кг/га, 3—8 см чуқурликда экилади. С.нинг кўк массаси тўйимли озуқа. 100 кг пичанида 57 озуқа бирлиги ва 9 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Таркибидаги протеин миқдори жиҳатидан С. фақат дуккакли ўсимликлар-

Суданўт.

дан кейин туради. Ўзбекистонда Қорақалпоғистон деҳқончилик и. т. ин-тида С.нинг Чимбой 8 (1993) ва Чимбой юбилейи (1985) навлари чиқарилган ва р-нлаштирилган. С. зараркунандаларга чидамли, лекин дон куяси ва барг занг касалликлари б-н зарарланади.

СУДГА БЕРИШ — ишни судда кўриш учун тайинлаш тартиби. Судга айблов хулосаси б-н ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақида қарор б-н прокурордан келган ҳар бир ишни судья 7 сутка ичида суд мажлисида кўришга тайинлайди ёки иш юритишни тўхтатиб туриш ёхуд тугатиш масаласини ҳал қилади. Судья ишни

ўз судловига тегишли, уни судда кўриш учун асослар етарли, суриштириш ва дастлабки терговда қонун талабларига риоя этилган деб ҳисобласа, иш бўйича суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой белгилаб қарор чиқаради. Айни вақтда судья айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини қўллаш ёки узгартириш, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплаш, суд мажлисида иштирок этувчи шахсларни судга чақириш, уларга иш материаллари б-н танишиш учун имконият яратиш чораларини кўради. Ишни судья кўриш учун тайинлаш чогида айбланувчи яширинган бўлса, судья унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақида ажрим чиқариб, ишни прокурорга қайтаради. Айбланувчи суд муҳокамасида иштирок этишини истисно этадиган даражада оғир ва сурункали касалликка чалинганни суд тиббий экспертизасининг хулосаси б-н тасдиқланган бўлса, судья айбланувчи соғайгунча иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқаради (Ўзбекистон Республикаси ЖПК, 49-боб).

СУДЕТ ТОҒЛАРИ — Ғарбий Европадаги тоғлар. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа 310 км га чўзилган. Бўйлама тектоник сойликлар орқали ажралган айрим тизма ва массивлардан иборат. Шим.-шарқдан Чехия массивини ўраб туради. Энг баланд жойи 1602 м (Снежка чўққиси). Асосан, гранит, гнейс, қумтош, сланецлардан тузилган. Тоғ тепалари ясси, ён бағирлари тик. Юқори минтақала альп типли рельеф шакллари, моренали кўллар учрайди. С.т.дан Эльба, Одра, Морава дарёлари бошланади. Иқлими мўътадил, янв.-нинг ўртача т-раси —4°, —7°, июлники 8—14°. Йиллик ёғин 700—1400 мм. Тоғ ён бағирлари ўрмон ва бутазорлар б-н қопланган, тоғ тепаларида ўтлоқ ва торфли ерлар кўп. Бальнеологик курортлар бор. Туризм ривожланган.

СУДЛАНГАНЛИК (ЎзРда) — шахснинг содир этган жиноятi учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат. С. айблов ҳукми кучга кирган кундан бошланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади.

СУДЛАНУВЧИ — жиноят процессида судга берилган *айбланувчи*. С. ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; ўзига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатув ва тушунтириш бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ҳимоячига эга бўлиш ва у б-н ҳоли учрашиш; ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим қилиш; ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, 1-инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати б-н эса — кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси б-н танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътироздар билдириш ҳуқуқига эга.

С.: суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва б. қонунга хилоф ҳаракатлар б-н ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суднинг ажримлари ҳамда бошқа процессуал қарорлари ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт. Айблов ҳукми чиқарилиб, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг С. *маҳкум*, оқлов ҳукми чиқарилганда эса оқланган деб аталади.

Ғафур Абдумажидов.

СУДЛАНУВЧИНИНГ ОХИРГИ СЎЗИ — жиноят ишлари бўйича суд мажлисида тарафлар музокарасининг хотимасида суднинг ҳукм чиқариш учун маслаҳат хонасига кириб кетиши олдидан *судланувчи*нинг судга қарата айтадиган якуний сўзи. С.о.с.ни муайян муддат б-н чеклаб қўйиш тақиқланган, лекин унинг ишга мутлақо алоқаси йўқ мавзулардаги сўзларини суд мажлисида раислик қилувчи тўхтатиб қўйишга ҳақли. С.о.с. вақтида судланувчига ҳеч қандай савол берилиши мумкин эмас. Башарти, судланувчи ўзининг охирги сўзида иш учун муҳим янги ҳолатларни баён қилса ёки ишга алоқадор, лекин текширилмаган далилларни тақдим қилса, суд унинг ёки бошқа тарафларнинг илтимосига кўра, ёхуд ўз ташаббуси б-н суд терговини янгидан бошлаш ҳақида ажрим чиқариши мумкин. Суд тергови тамомлангач, суд музокаралари қайтадан ўтказилади ва С.о.с. эшитилади.

СУДЛОВНИНГ КОЛЛЕГИАЛЛИГИ — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлардан ташқари барча ишлар судларда коллегиал тартибда, яъни ҳайъатда кўрилади. 1-инстанция судида суд ҳайъатига 1 судья ва 2 нафар халқ маслаҳатчилари киради. Ўзбекистон Республикаси Олий судида эса ишларни 3 нафар судья кўради. Апелляция, кассация ва назорат тартибида жиноят ишларини 3 нафар судьядан иборат таркибдаги ҳайъат кўради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг апелляция ва кассация ҳайъатларида 5 нафар судья қатнашади. Назорат тартибида ишларни кўришда суд раёсатлари аъзоларининг кўпчилиги, Ўзбекистон Олий суди Пленумида эса унинг аъзоларидан 2/3 қисми ҳозир бўлиши шарт (Ўзбекистон Республикаси ЖПК, 13-модда).

СУДЛОВНИНГ ОШКОРАЛИГИ (ЎзРда) — барча судларда ишларни очиқ суд мажлисида кўрилиши принципи. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида белгилаб қўйилган. Судда ҳар қандай шахс, жумладан, жамоат бирлашмаларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этиши мумкин. С.о. ишларни жамоатчилик кузатувида холис ва одилона кўрилишини, инсон ҳуқуқларига риоя этилишини, аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалишини таъминлайди. С.о. га оид қоидалар процессуал кодексларда батафсил баён қилинган. Ишлар фақат қонунда белгиланган ҳолларда, жумладан, давлат сирларини ёки тижорат сирларини сақлаш зарур бўлганда, шунингдек, жинсий жиноятларга оид бўлса, суднинг ажримига асосан ёпиқ суд мажлисида кўрилади.

Зарур ҳолларда, вояга етмаганларнинг жиноятлари тўғрисида, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида, жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахслар, уларнинг оила аъзолари ва қариндошлари хавфсиз бўлишини таъминлаш тақозо қилганда, суд ажрим чиқариб ишни ёпиқ мажлисда кўриши мумкин. Ёпиқ суд мажлисида барча процессуал қоидаларга риоя қилинади. Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзув, кино олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати б-н йўл қўйилади. Суд ҳукми ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади (ЖПК, 19-модда, ФПК, 10-модда, ХПК, 8-модда).

СУДОЧЬЕ ДАВЛАТ ОРНИТОЛОГИЯ БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАСИ — Амударё дельтаси биологик мажмуини, кўчманчи қушлар қўниб ўтадиган, улар бола очадиган жойларни қўриқлаш мақсадида 1991 й.да ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида, *Судочье кўли* ва унинг соҳили атрофларида жойлашган. Майд. 50 минг га. Унинг ғарбий чегараси Устюрт чинки бўйлаб, шарқий, жан. чегаралари кўлнинг қирғоқ четлари бўйлаб ўтган. Кўлда кўплаб сузадиган ва сув бўйи қушлари дам олади, кўпаяди. Бу ерда оққушлар, колпицалар, қоравойлар (Қизил китобга киритилган) ва б. турлаги қушлар, шунингдек, овланадиган ондатралар яшайди. Қўриқхона халқаро аҳамиятга эга, кўл сув-ботқоқ ҳавзаларини муҳофаза қилиш бўйича Рамсар конвенцияси рўйхатига киритилган. Кўлнинг ўртача чуқ. 1,5 м, қалин ўсган сув ўсимликлари ёввойи ҳайвонлар учун озуқа базаси ҳисобланади.

Буюртма ҳудудда қушларни ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб борилади, ҳар йили қушлар сонини ҳисобга олиш ишлари бажарилади, ондатра овланади.

СУДОЧЬЕ КЎЛИ — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги кўл. Орол денгизининг жан.-ғарбида. Ғарбий қирғоги Устюртнинг Шарқий чинкига туташ, қолган томонлари Амударё дельтаси б-н чегаралош. Кўлнинг майдони ва таркибидаги туз миқдори тез-тез ўзгариб туради. Чунки, Амударё ва каналлардан ортган сувлар кўлга келиб қуйилади. 1972 й. кўлнинг майд. 96 км² бўлган. Кўлнинг ўртача чуқ. 1—1,5 м.

СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР (Reptelia) — умуртқалилар синфи. Қадимги С.ю. — котилозаврлар ўрта карбонда стегоцефаллардан пайдо бўлган. Кейинчалик стегоцефаллар 2 шохга ажралган; уларнинг биридан — сут эмизувчилар, иккинчисидан — қушлар пайдо бўлган. С.ю. пермдан кайнозой эраси бошларигача Ер юзи фаунасида ҳукмронлик қилган. Мезозойда кенг тарқалган; улар орасида денгизда сузувчилари ва ҳавода учадиганлари бўлган. Энг йирик ҳайвонлар — динозаврлар ҳам мезозой даврида яшаган. Мезозой тугаб, кайнозойнинг бошланиши қадимги С.ю.нинг қирилиб кетиши, сут эмизувчилар б-н қушларнинг кенг тарқалишига тўғри келган.

Ҳоз. С.ю. гавдасининг узунлиги бир неча см дан 10 м гача. Скелети деярли тўлиқ суякланган. Оёқлари бошқа қуруқликда яшовчилар сингари 5 бармоқли типда; айрим гуруҳларда оёқлар бўлмайди. Кўпчилик С.ю. қовурғалари тўш суяклари б-н туташиб, кўкрак қафаси ҳосил қилади. С.ю.да биринчи марта кўкрак қафаси орқали нафас олиш пайдо бўлади. Бош мияси сут эмизувчилар ва қушларникига нисбатан кучсиз ривожланган. Қон айланиш доираси 2 га, юраги 3 камерали, юрак қоринчасида чала парда тусиқ бўлади. Фақат тимсоҳлар юраги қоринчаси тўлиқ 2 га бўлинган, юраги 4 камерали. Айириш органи чаноқ буйраклан иборат; кўпчилигида қовуқ бор. Гаттериялардан бошқа барча С.ю. эркагида копулятив орган бор (илонлар ва калтакесакларда 2 талан). Териси мугуз тангачалар ёки қалқон б-н қопланган (терили сув тошбақаларида бўлмайди), қуруқ, тер безлари бўлмайди ёки кам бўлади.

Ҳоз. С.ю.нинг 8000 га яқин тури, Ўзбекистонда 2 туркум (тангачалилар, тошбақалар)га мансуб 58 тури тарқалган. Антарктидадан ташқари барча қитъаларда учрайди. Кўпчилик турлари қуруқликда, тимсоҳлар, бир қанча тошбақалар ва илонлар чучук сувларда, айрим тошбақалар, илонлар ва тимсоҳлар денгизда яшайди. Тана ҳарорати доимий бўлмаганидан С.ю.нинг фаол ҳаёт кечириши ташқи муҳит ҳарорати б-н боғлиқ. Уругланиши ички; айрим калтакесаклар ва илонлар партеногенез кўпаяди. Кўпчилик С.ю. тухум қўяди; айрим турлари тирик туғади ёки тухумдан тирик туғади. Тухумлари сариқликка бой; қаттиқ оҳак (тошбақалар, тимсоҳлар) ёки пергаментсимон пўчоқ (илонлар, калтакесаклар) б-н қопланган. Пўчоқ тухумни қуриб қолишдан сақлайди. Инкубация даври 1—2 ойдан 1 йилгача ёки кўпроқ (гаттерия). Айрим С.ю. (мас., тимсоҳлар) насли тўғрисида гамхўрлик қилади. Кўпчилиги йиртқич ёки ҳашаротхўр; айрим калтакесаклар (агамалар, игуанлар) ҳаммахўр; қуруқлик тошбақалари, асосан, ўсимликлар б-н озиқланади. Айрим С.ю. тушти истеъмол қилинади, териси ва косасидан ҳар хил буюмлар, илонлар заҳаридан ҳар хил дорилар тайёрланади. Кўплаб овлаш туфайли тошбақалар, кўпчилик илонлар ва тимсоҳлар сонининг камайишига олиб келди. С.ю. сонини тиклаш учун улар сунъий кўпайтирилади (тимсоҳлар); кўпайиш жойлари муҳофаза қилинади, овлаш ман этилади. 150 га яқин тури ва кенжа турлари Халқаро Қизил китобга киритилган.

Судралиб юрувчилар: *1* — гаттерия; *2* — юмшоқ тошбақа; *3* — грек тошбақаси; *4* — геккон; *5* — хамелеон.

Очил Маклотов.

СУД-ТИББИЁТ ЭКСПЕРТИЗАСИ — *суд экспертизаси* турларидан бири; жиноий ёки фуқаровий ишларни олиб бораётганда тиббий масалаларни мутахассислар томонидан ўрганилишидан иборат. С.-т.э.ни тайинлаш ва бажариш тартиби процессуал кодекслар б-н белгиланади. Қонунлар ўлим сабабларини; танага етказилган жароҳатларнинг қай тарздалиги ёки оғир-енгиллигини; айбланувчи ёки гумон қилинувчи, жабрланувчининг ёшини аниқлаш, шунингдек, жабрланувчининг жинсий балоғат ёшини билиш учун, албатта, С.-т.э. ўтказилиши кераклигини назарда тутади. С.-т.э.ни суд экспертиза муассасалари амалга оширади. Керакли текширишлар ўтказиб бўлингач, эксперт хулоса ёзади, уни ҳужжат сифатида расмийлаштиради.

СУДХЎРЛИК — ғоят оғир шартлар б-н қарз бериб, фойда олинадиган фаолият. С.нинг пайдо бўлиши ибтидоий-жамоа тузумининг емирилиш даврига тўғри келади. С. *кредит*нинг қад. шакли бўлиб, дастлаб моддий-натурал ҳолда бўлган. Унинг эгаси ўз истеъмолидан ортиб қолган маҳсулотини муҳтожларга қарзга берган. Пул пайдо бўлгач, С. пулни ғоят юқори фоиз эвазига қарзга бериш шаклига кирган. Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Ўрта Осиёда С. б-н *саррофлар* ва бой савдогарлар шуғулланган. С.да қарзни қайтариш муҳлати, тўланадиган фоиз миқдори оғзаки келишув ёки тилхат б-н расмийлаштирилган. Қарз фоизининг даражаси турли мамлакатларда турлича, ҳатто бир мамлакатдаги шаҳар ва туманларда ҳам ҳар хил бўлган. Олинган қарз пулидан капитал тарзида эмас, тўлов ва харид мақсадларида фойдаланиш, қарз фоизининг ғоят юқори бўлиши, кафолат учун кўчмас мулк, қимматбаҳо буюмларни гаровга қўйиш С.ка хос. Кўп ҳолларда қарздорлар қарзни ўз вақтида уза олмай еридан, уй-жойидан, мол-мулкидан ажралиб хонавайрон бўлган, судхўрлар эса бойиб кетган.

Ислом динида С. ҳаром машғулот (қ. *Рибо*) ҳисобланади. Шу сабабли ислом дини тарқалган мамлакатларда С. яширин тус олган. 20-а. бошларида Ўрта Осиёда С. пахта экадиган муҳтож деҳқонларга ер-мулкларини гаровга қўйиш шарти б-н *бўнак* шаклини олган. Бўнак пулини фойзи б-н қайтара олмаганларнинг ери бойлар қўлига ўтган.

Мамлакатда ички бозор ва товар-пул муносабатларининг етарли даражада ривожланмаганлиги, кредит тизимининг почорлиги, майда товар хўжалиги шаклларининг устунлиги С.нинг сақланиб қолиши учун шароитлар яратади. Ғоят юқори фоизларда чакана қарздар бериш шаклидаги С. ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Лекин бундай фаолият қонун б-н тақиқланган. Маданий бозор иқтисодиёти С.ни рад этади. С.нинг яширин кўринишлари хуфия иқтисодиёт соҳасида яширин битишувларда, жиноий унсурлар орасида учрайди.

Ахмаджон Ўлмасов.

СУДЬЯЛАРНИНГ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ — ижтимоий жавобгарлик турларидан бири. Судья *одил судловни* амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун; суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун, шунингдек, хизмати борасидаги ёки обрўсига путур етказадиган бошқа хатти-ҳаракати учун Судьялар малака ҳайъатининг қарори асосидагина интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин. Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмайди. Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиқлаган низом б-н белгиланади.

СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ (ЎзРда) — *одил судловни* фақат қонунга бўйсуниб амалга оширишни таъминлашга қаратилган демократик ҳуқуқий давлатга хос принцип. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида С.м. алоҳида таъкидланган. Суд фаолиятига бирор тарзда аралашишга йўл қўйилмайди. С.м. судьянинг дахлсизлигини ҳам тақозо қилади. Дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, хат ёзишларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тегишлидир. Судья ва унинг оиласининг хавфсизлиги алоҳида таъминланади. Давлат органдари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш б-н боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт.

Судьядан муайян суд ишларининг моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек, қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади. С.м.га раҳна солмаслик учун судьялар одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини тушириш ёки судьянинг холислигига шубҳа тутдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Судьянинг ваколат муддатини бу муддат тугагунга қадар тўхтатишга ва тугатишга фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда тартибда йўл қўйилади. Судьяга нисбатан жиноят иши қўзғатишга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳақли. Судьяни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳибсга олиш мумкин эмас («Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 60—74-моддалари).

СУЗА — Эрондаги қад. шаҳар (мил. ав. 4-минг йиллик —мил. 10-а.). Мил. ав. 3-минг йилликнинг 2-ярми — 1-минг йилликнинг 1-чорагида Элам пойтахти. С.дан истеҳкомлар, саройлар, мақбаралар, сирланган ғиштларга ишланган бўртма расмлар (жумладан, жангчиларни саф тортиб юришлари тасвирланган расм; ҳоз. Берлин, Лувр давлат музейларида сақланади), ёзувлар битилган стела (устун)лар, бўяма сопол идишлар ва б. топилган.

СУЗДАЛЬ — РФ Владимир вилоятидаги шаҳар, Каменка дарёси бўйида, Владимир ш.дан 35 км узоқликда жойлашган. Гаврилов Посад т.й. станциясидан 28 км жан.-шарқда. Аҳолиси 12 минг киши (1998). С.да тикувчилик ф-каси, сут з-ди ишлаб турибди. Шаҳарда ўрта аср меъморий ёдгорликлари сақланган.

Сузадаги ахоманийлар саройи деворидаги грифон тасвири (мил. ав. 5-а.; Париж, Лувр).

С. дастлаб 1024 й. манбаларида тилга олинган. 12-а. 1-ярмида, Юрий Долгорукий замонида С. Ростов-Суздаль князлигининг маркази, сўнгра Владимир-Суздаль князлиги таркибида. 13—14-а. бошларида Суздаль князлиги пойтахти. Шаҳарни 1238 й.да мўғуллар ёндириб юборган. 1392 й.дан Москва буюк князлиги таркибида. 1796 й.дан Владимир губернясининг уезд маркази. Шаҳарнинг 18-а. тузилиши сақланган. 13—17-а.ларга хос қад. рус санъати меъморий ёдгорликлари яхлит ансамблни ташкил этади. Туризм ривожланган. С. яқинида 12—18-а.ларга оид меъморий ансамбль сақланган Кидекша қишлоғи бор.

СУЗМА — сут маҳсулоти. Асосан, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда уй шароитларида тайёрланади. Қатиқ ёки кувда сариёғи олинган айронни сурп халтага солиб, 3—5 соат илиб қўйилади. Зардоби сизигач, С. ҳосил бўлади. Қатиқ ва айрондаги витаминлар, органик моддалар тўла сақланиб қолади. С. тўйимли ва парҳез маҳсулот ҳисобланади. Туз ва кўкатлар қўшиб истеъмол қилинади, қурт тайёрланади.

СУЗМА ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ (Шарқий)— Бухоро вилояти Қоракўл туманида жойлашган. 1987 й.да очилган. Газли ш.дан 85 км жан.-ғарбда, Чоржуй тектоник поғонасидаги Қоракўл эгилмасининг шим.-ғарбий қисмида, шарқий сузма структураси б-н боғлиқ. Палеозой, юра, бўр, палеоген, неоген ва

Суздаль. Покров монастири.

тўрламчи давр ётқизиқларида 6 та қудуқ қазилган. Юра ётқизиқлари маҳсулдор 3 қатламга бўлинади: терриген (ўрта юра—қуйи келловей), карбонат (ўрта келловей — оксфорд) ва тузли ангидрит (кимериж—титон). Қатламлар, асосан, қумтош, алевролит, аргиллит ва гилдан таркиб топган. Кесимда коллекторларнинг умумий қалинлиги 14—35 м, говаклилиги 4—16,5%. Саноат миқёсидаги газлар юра даврининг карбонат ва терриген ётқизиқларида мавжуд. 16-горизонтда газ дебити 15 минг м³/сут. Уюм ўлчами 4,2×1,7 км. 15 а - горизонтдаги газ дебити 340 минг м³/сут. Уюм ўлчами 4,5×1,8 км. Барча горизонтлардаги газлар енгил (C_nH_n+ юқори =6,46%). Компонентлар (%да): метан 89,81, этан 3,89, пропан 1,67, изобутан 0,16, н-бутан 0,31. Кам олтингугуртли (0,3%), бензин фракциясининг миқдори 82%. Юра даврининг терриген ётқизиқларидаги қатлам сувларининг минераллашганлиги ўртача 206 г/л. Сувлар юқори метаморфлашган бўлиб денгиз генезисига эга. Кон саноат миқёсида фойдаланишга тайёрланган.

СУИҚАСД — кенг маънода — жиноят содир қилиш босқичларидан бири; айбдорга боғлиқ бўлмаган сабаблар б-н охирига етказилмаган, қасдан қилинган ҳаракат. Айбдор ўз мақсадини қанчалик амалга оширганлигига қараб С. тугалланган ва тугалланмаган С.га бўлинади. Жиноят содир этишга С. қилганлик учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 25-моддасига ҳавола этилиб, ушбу Кодекснинг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади.

Тор маънода — бирон кимсани йўқ қилиш, ўлдириш учун қилинган ҳаракат тушунилади (мас., подшоҳга С. қилиш). Шунингдек, ўз жонига С. қилиш маъносида ҳам келади. С. исломда қаттиқ қораланади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисга кўра, икки мусулмон бир-бирига қилич солса, ўлган ҳам, ўлдирган ҳам қаттиқ гуноҳкор бўлиши, ўлдирилган одам С. қилгани туфайли гуноҳда қотил б-н баробар бўлиши таъкидланган.

СУЙ, Суй хонлиги — Хитойдаги сулола ва давлат (581—618). Асосчиси — саркарда Ян Цзянь (Янг Жян); у император Вэнь-ди (581—604 йларда ҳукмронлик қилган) номи б-н машҳур бўлган. У 589 й. мамлакатнинг жан. ва шим.ни бирлаштириб, хитойлик бўлмаган элатларнинг шим.даги ҳукмронлигига чек қўйган. Давлат ҳудуди шарқда денгиз қирғоқларигача, ғарбда Шарқий Туркистонгача, жан.да ҳоз. ХХРнинг Юнван ўлкасигача ва шим. да Ички Мўғулистонгача кенгайган. Мамлакатни бошқаришни марказлаштиришга қаратилган ислоҳотлар ўтказган. Пойтахти — Чанъан (ҳоз. Сиан) бўлган. Вэнь-ди тахта чиққан дастлабки йилларида деҳқонларга ер бостан. Император Ян Гуан (Ян-ди) даврида (605—617) Хитойдаги Буюк каналнинг асосий қисми қурилган. Ян Гуан Кореяга (611—614), Жанда — Вьетнамдаги Вансуан давлатига, Ғарбда — туркий қабилалар ва тугхунларга қарши босқинчилик урушлари олиб борган. Туркий қабилаларга қарши кураш жараёнида у турклари 2 та бўлиб ташлаш ва улар орасига низо солиш, шу асосда вояга келган ички низолардан фойдаланиб ўз мақсадига эришиш режасини амалга оширишга ҳаракат қилди. Ян Гуан қатиққўл, қонхўр, маишатбоз, ортиқча маблағ талаб қиладиган йирик тадбирлар ўтказишни яхши кўрган. С. деҳқонлар кўзғолонлари (611—618) ва ўзаро ички низолар туфайли барҳам топган. 618 й. ҳокимиятни Тайюань (ҳоз. Шаньси вилояти) нойби Ли Юань эгаллаб олиб, янги *Тан* сулоласига асос солган.

СУКАРНО (Sukarno) Аҳмад (1901.6.6, Сурабая — 1970.21.6, Жакарта) — Индонезия жамоат ва давлат арбоби. Бандунг технология ин-тини тугатган (1925). Индонезия миллий партиясини тузишда фаол қатнашган ва унинг 1-раиси (1927). 1929 й. дек.да Голландия мустамлака ҳукумати томонидан ҳибсга олинган ва партия тарқатиб юборилган.



Озодликка чиққандан сўнг, 1931 й. ташкил этилган Индонезия партиясига кирган ва унинг раиси этиб сайланган. 1933 й. яна қамоққа олиниб, Флорес о.га сургун қилинган ва кейинчалик, Жан. Суматрага кўчирилган (1938—42). Индонезия Япония томонидан босиб олинган вақтда (1942—45) С. япон ҳукмдорлари б-н расман холисона муносабатда бўлса-да, мамлакат озодлиги манфаатлари учун курашни ҳамда махфий миллий ватанпарвар ташкилотлар б-н алоқаларни давом эттирган. С. гитлерчилар Германиясини ва милитаристик Японияниинг сиёсатини қоралаган. 1945 й. 17 авг.да у мамлакатда Голландия мустамлака тузуми тугатилганлиги ва мустақил Индонезия Республикаси тузилганлигини эълон қилган. С. Индонезия Республикасининг 1-президенти бўлган. У Осиё ва Африка мамлакатларининг 1955 й.ги Бандунг конференциясини ташаббускори. 1965 й. 30 сент.да ҳарбий гуруҳ ҳокимият тепасига келиши натижасида Индонезия сиёсати ҳаётида С.нинг мавқеи пасайган. 1966 й. мартда ҳокимиятни *Сухарто*га топширган.

СУКАРНОПУТРИ Метавати (1947.23.1 Жакарта) — Индонезия давлат арбоби. Индонезия 1-президенти *Сукарно*нинг қизи. Бандунг ун-тининг аграр ф-тини, Индонезия ун-тининг психология ф-тини тугатган. 1978 й.дан Индонезия Демократик партияси Марказий Жакарта бўлими раиси, Индонезия парламенти вакиллар палатаси аъзоси (1978—92). Индонезия Демократик партияси бошқаруви раиси (1993 й.дан). Индонезия Демократик қурош партияси бошқаруви раиси (1998—2003). Индонезия вице-президенти (1999—2001). 2001 й. 21 июлдан Индонезия Республикасининг президенти.

СУККУЛЕНТЛАР (лот. succulentus — ширадор, серсув) — барги (гавда, илдиз) ёки поянси (кактусгулдошлар ва ихрожининг баъзи турлари) қалин ва серсув кўп йиллик ўсимликлар; ксерофитларнинг алоҳида типи. Марказий, Шим. ва Жан. Америка чўлларида, қисман Жан. Африкада ўсади. С.нинг ўзига хос ташқи тузилишини уларнинг барг ёки поялларида сув тўплаш ва уни узоқ қурғоқчилик шароитида тежаб сарфлашга мослашган. С. — ёруғликсевар ўсимликлар. Улар декоратив ва гола берувчи ўсимликлар сифатида кенг қўлланади.

СУККУР — Покистоннинг марказий қисмидаги шаҳар. Ҳинд дарёси бўйидаги текисликда жойлашган. Аҳолиси 329,1 минг киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Машинасозлик ва металлсозлик, ип газлама, озиқ-овқат саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси бор. Қ.х. маҳсулотлари қайта ишланади. Ҳунармандчиликда қўлда гилам тўқилади; ёғоч ўймакорлиги, кашта тикиш, газлама, тери, металл, ониксдан бадиий буюмлар ясаш б-н шуғулланилади.

СУКРЕ (Sucre), Антонио Хосе де (1795. 3.11 — 1830.4.6) — Америкадаги испан мустамлакаларида мустақиллик уруши раҳбарларидан бири. *Боливар*нинг энг яқин сафдоши, генерал. (1818), маршал (1824). 1810 й. Венесуэлада испанларга қарши курашга раҳбарлик қилган Миранда армиясига кирган. Эквадорга қилинган озодлик юришига бош бўлган. 1822 й. Пичинча жангида испанлар қўшинини енгган. 1824 й. 9 дек.да Перуга қилинган озодлик юриши чоғида Аякуччо ёнидаги ҳал қилувчи жангда

синиб 1825 й. 7 фев. да Ла-Паста киргач Юқори Перу ҳудудида 1825 й. 6 авг.да эълон қилинган Боливия Республикасини барпо этишда муҳим роль ўинаган. 1826 й. 19 апрдан унинг муваққат президенти. 1828 й. 4 мартда боливияликларга қарши кўтарилган исён натижасида мамлакатни тарк этган. 1829 й. 26 февда Хирон якинида Буюк Колумбия ҳудудида бостириб кирган перулик қушинлар устидан ғалаба қозган. 1830 й. — Буюк Колумбия миллий конгресси президенти. Фитначилар томонидан ўлдирилган. Боливиянинг жанубидаги шаҳар, Венесуэланинг шим.-шарқидаги штат, Эквадордаги пул бирлиги С. шарафига қўйилган.

СУКРЕ — *Боливия*нинг расмий пойтахти, Чукисака департаментининг маъмурий маркази. Марказий Кордильера тоғлари ён бағрида, 2700 м баландликда жойлашган. Иқлими тропик иқлим, январнинг ўртача т-раси 12°, июлники 9°, йилига ўртача 700 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 163,5 минг кишн (1997). Транспорт йўллари тугуни. Нефтни қайта ишлаш, цемент, ёғ-мойсозлик, озиқ-овқат, тамаки, тўқимачилик, кун-пойабзал саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси мавжуд. Ун-т (1624), нафис санъат, антропология ва б. музейлар бор. Шаҳарга 1538 йлда Ла-Плата (испанча la-plata — кумуш) номи б-н инсейслар қишлоғи ўрнида асос солинган. Кейинроқ Чукисака деб номланган (аймара индейслари тилида — кумуш тоғ). 1825 йдан мустақил Боливия пойтахти. 1839 йдан мамлакат президенти А. Х. де Сукре номи б-н аталя бошланди. С.да Олий суд биноси жойлашган. Меъморий ёдгорликларидан собор (1571), Ҳукумат саройи (1892), черков ва б. сақланган.

СУКРЕ — Эквадор миллий пул бирлиги. 1884 й. апрда муомалага киритилган. С. =100 сентаво, халқаро ифодаси ECS. С. 2000 й. 10 сентда мамлакатда АҚШ доллари ягона ҳисоб воситаси тарзида қабул қилинди. 25 минг С.=1 АҚШ доллари нисбатида алмаштирилди.

СУЛАВЕСИ, Целебес — Малай архипелагининг йирик ороллардан бири, Катта Зонд о.лари таркибида, Индонезия ҳудуди. Майд. 170 минг км². Гранит ва гнейслардан, мезозой оҳактошлари, ёш чўкинди ва вулкан жинслардан тузилган. Рельефи тоғли, энг баланд жойи — 3440 м (Рантекомбола), Минахаса я.о.да Клабат ва Сотонг), Минахаса я.о.да вулканлар бор, шулар ҳаракатдаги вулканлар бор. Иқлими субэкваториал, муссонли. Иқлими субэкваториал, муссонли. Ўртача ойлик т-лар 25—27°, йиллик ёғин миқ. т-лар 2000—2500 мм. Сернам тропик ўрмонлар, жанд.да баланд бўйли ўтли саванлар, жанд.да баланд бўйли ўтли саванлар, шунингдек, мангр ўсимликлари ҳам бор. Бир неча қўриқхоналар ташкил этилган. Фойдали қазилмалардан темир ва никель рудалари топилган. Кокос пальмаси, кофе плантациялари бор, шоли, батат, зироравончилари бор, шоли, батат, зироравончилар, Балиқ овланади. С.да дар етиштирилади. Балиқ овланади. С.да 1-минт йиллик охиридан 17-а.гача Бонс, Гова, Луду каби давлатлар бўлган. 17-а.дан 20-а. бошларигача голланд мустамлакачилари қўл остида эди. 1949 йдан Индонезия таркибида.

СУЛАВЕСИ, Целебес денгизи — Тинч океанининг ороллараро денгизи, Сулавеси, Калимантан, Миндинао, Сангихе о.лари ва Сулу архипелаги оралигида. Майд. 453 минг км². Энг чуқур жойи 5914 м. Сувининг юза қатламида т-ра 28°, шўрлиги 34,5‰. С орқали Тинч океан сувининг юқори қатлами Ҳинд океанига ўтиб туради. Денгиз туби вулкан жинслари аралашган ҳаворанг балчиқдан иборат.

Сукре шаҳрининг умумий кўриниши.

Сув сатҳининг кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади, бал. 3 м дан ошмайди. Асосий портлари: Манадо ва Таракан.

СУЛАЙМОН — Қўрёзда тилга олинган пайғамбарлардан бири, ҳукмдор. Мил. ав. 965—928 йларда Иерусалим-Иудея подшоҳи бўлган. *Довуд*нинг ўғли, 13 ёшида тахтга ўтирган. Етук билимли, ҳар бир ишда ҳукм чиқаришда отасидан кўра олимроқ бўлган. Ривоятга кўра, у жамики инсу жин, ҳайвонлар ва паррандалар оламига подшоҳлик қилган, қушлар тилини тушунган. Шамоллар ҳам унинг ихтиёрида бўлиб, С. фармонига кўра, у хоҳлаган йилдирган жойда эсарди. С.га берилган мўъжизалардан бири мис конн эди, деб ривоят қилинади: пайғамбар измидаги жинлар ўша мисдан унинг хоҳлаган нарсасини ясаб беришар экан. Жинларнинг С.га қасрлар бунёд этгани, денгиз тубидан дурр жавоҳирлар олиб чиқиб бергани нақл этилади. С. ўз кўл остида бир неча хил қушларни тарбия қиларди. Булар орасида ҳудҳуд (сассиқполвишак) ҳам бўлиб, у Яманнинг Сабо шаҳри қўшпараст малика *Билқис* ҳақида хабар келтиради. С. Билқисга мактуб йўллаб, уни ёлғиз Аллоҳга итоат этишга даъват этади (Намл сураси, 20—37-оятлар).

С. отасининг васиятига кўра, Ақсо масжидини қурдирди (қ. *Ал-масжид ал-Ақсо*). Шарқ ва Ғарбда бир қанча мамлакатларни забт этиб, жаҳонгир бўлди. С.нинг ўлими б-н боғлиқ ривоят жинлар, девлар ғайбни — келажакда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларни билади, деган гумонларни рад этади: жон таслим қилган С. таянган ҳассани узоқ вақт ёғоч қурти еб у ерга қулаб тушмагунча, жинлар С.нинг вафот этганини билмаганлар ва пайғамбар уларга буюрган вазифа — баланд қаср бино қилиш ишини давом эттираверганлар (Сабаъ сураси, 14-оят). Шундай қилиб, С. ўлиб, девлар меҳнатдан қутулган экан. С. яҳудий ва христиан диний адабиётларида Соломон номи б-н маълум.

Ад.: Пайғамбарлар қиссаси, Т., 1993.

СУЛАЙМОН I ҚОНУНИЙ (Suleyman I Kanuni), Сулаймон Буюк (1495.27.4—1566.6.9, Сигетвар) — турк султони (1520—66). Унинг даврида *Усмонли турк империяси* ҳудудий жиҳатдан ўзининг энг юксак чўққисига етган. 1521 й. Белград забт этилган. Мохач жанги (1526)дан сўнг Венгриянинг катта қисми, 30-й.ларда Ироқ, Родос о. ва Эгей архипелагининг бошқа ороллари, Триполитания, Жазоир ва б. ҳудудларни босиб олган. С.1 Қ. Закавказьега эгалик қилиш учун Эрон б-н

узоқ кураш олиб борган. Унинг даврида маъмурий тузилиш ва молия ишлари, айрим вилоятларнинг мавқеи, ҳарбий-лен тизимини тартибга солиш, ер эгалиги шакллари, аҳолидан олинадиган солиқлар ва деҳқонларни ерга бириктириб қўйиш қақида қонунномa жорий этилган. Масжид, сарой, қалъалар ва б. қурилишларга катта эътибор берган. Меъмор Синон қурган бинолар айниқса машҳур. С. І Қ. Венгрияга қилинган юриш чоғида вафот этган.

Ад.: Новичев А. Д., История Турции, т. 1, Л., 1963.

СУЛАЙМОН БУХОРИЙ, Шайх Сулаймон Бухорий Қудратуллоҳ ал-Қундузий (1821 — Бухоро вилояти Қоракўл тумани Қундуз қишлоғи — 1880) — тилшунос олим, шоир, элчи ва сайёҳ. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган. 1846 й.да уни Бухоро амири *Насруллоҳон* Усмонли турк султонлигига элчи ва Истанбулдаги ўзбек қавми раиси қилиб тайинлаган. Истанбулда кўп йиллар яшаб, матбаа ишлари б-н шуғулланган. *Яссавий, Сўфи Оллоёр, Умархоннинг* китобларини нашр эттирган. С.Б. кўп йиллик илмий тадқиқотларини жамлаб, «Луғати чиғатоий ва турки усмоний» (2 ж.ли) луғатини тузган. Луғат муқаддимасига 186 мисрали «Манзумаи чиғатой» автобиографик шеърий асарини киритган. Луғатнинг 1-жилди 8 минг сўздан таркиб топган ва Истанбулда нашр этилган (1882). Ўрта Осиё туркий бадиий адабиётидан намуналарни ўз ичига олган 2-жилди, муаллиф уни тугалланган деб айтган бўлсада, ҳозирча топилмаган. С. Б. луғати география атамалари ва жой номлари жиҳатидан ҳам қимматли манбадир. Унда Яқин ва Ўрта Шарқдаги шаҳарлар ва б. аҳоли масканлари ҳақида нодир маълумотлар бор.

С.Б. «Нақший» тахаллуси б-н шеърлар ёзган. Туркий халқларнинг этнографияси ва халқ оғзаки ижодини тўплаш ҳамда ўрганиш б-н шуғулланган.

Ад.: Ҳасанов Ҳ., Сайёҳ олимлар, Т., 1981; Нурматов Ш., Қоракўл тароnaси, Т., 1996.

СУЛАЙМОН МИРЗО (1514—1590, Лоҳур) — Бадахшон хони (1526 й.дан). *Темурийлар*дан. Султон Вайс Мирзо (Мирзохон) (1485—1526)нинг ўғли. *Бобур* уни отаси вафотидан сўнг ҳоким қилиб тайинлайди. Ҳумоюн даврида ҳам Бадахшонни бошқарган. С.М. табиатан хушфеъл, ҳазил-мутойибага мойил киши бўлган. «Зукко» тахаллуси б-н форс ва турк тилларида ғазаллар ёзган. С.М.нинг Ҳарам бегим исмли хотини давлат ишларида унга маслаҳатчи бўлган. С.М. ўғли Иброҳим Мирзо б-н Бадахшонни бошқарган. Ҳумоюннинг вафотини эшитгач, ўғли б-н 1556 й. Кобулни босиб олиш мақсадида қўшин тортиб, шаҳарни 4 ой қамал қилган. Бироқ *Акбар* Кобул ҳокимлари бўлган укаси Муҳаммад Ҳасан Мирзога ердам га бир неча саркардаларини юборган. С.М. бундан хабардор бўлгач, Бадахшонга қайтган. 1559 й. Балхни эгаллаш учун юриш бошлаган, лекин мағлуб бўлиб, жангда ўғли Иброҳим Мирзо асирга олиниб, қатл қилинган. С. М. Кобулга 4 марта самарасиз юриш қилган. Узоқ йиллар Қундуз вилоятидаги исённи бостириш учун кураш олиб борган. Давлат 2 га бўлинганини, нэвараси (Шоҳрух Мирзо)га қарши курашмоққа қурби етмаслигини билгач, муқаддас жойларни зиёрат қилиш баҳонасида (1575 й.) Бадахшонни Шоҳрух Мирзога ташлаб кетади. Маккада 5 йил туради. Қайтиб келгандан кейин ҳам бобо б-н невара ўртасида кураш давом этган. С. М. куёви Муҳаммад Ҳаким Мирзо б-н 2 йил давомида жанг қилган, натижада 1580 й.да судҳ тузиниб, Толиқондан Ҳиндукушгача бўлган ерлар С.М. тасарруфига кирган. Бадахшонда яна қўш ҳокимият вужудга келган. Ҳар 2 томоннинг кучсизланишидан фойдаланган Бухоро хони *Абдуллахон II* Бадахшонга ҳужум қилиб уни забт этган. С.М. ва Шоҳрух Мирзо Акбар ҳузурига, Аграга кетишган.

Ад.: Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995; Муҳаммаджонов А., Темур ва темурийлар салтанати, Т., 1994.

СУЛАЙМОН СТАЛЬСКИЙ (1869.18.5 — Дағистон Республикаси Қосимкент тумани Ошаг-Стал овули — 1937.23.11) — лезгин шоири, оқин. Дағистон халқ шоири (1934). Камбағал деҳқон оиласида туғилган. Ёш етим қолиб, 13 ёшидан бошлаб рўзғор тебратган. Қарийб 20 й. давомида корандалик қилган. Дағистонда Совет давлати узил-кесил ўрнатилгач (1920), большевикларга яқинлашиб, совет идораларида хизмат қилган. 1930 й. да Дағистонда биринчилардан бўлиб жамоа хўжалигига аъзо бўлиб кирган. Совет давлати лезгин эли ўртасида ашуғлик (бахшилик) санъати б-н машҳур бўлган С.С.ни 20-й.лардаёқ ўз таъсир доирасига тортади ва унинг ижодига инқилобий ғояларнинг кириб келишига эришади. Шунингдек, ижодида 1914—15 й.даёқ кўзга ташланган дин арбоблари ва чор амалдорларини масхара қилувчи ҳажвий шеърларнинг кўплаб-кувватланди. «Қотиллар», «Оқсоқол», «Икки оёқли эшак», «Самовар», «Қаҳатчилик йилларида чиқиган жўхори сотган Векелар овулик мулла Рамазон ҳусусида» сингари ҳажвиялари б-н ал-ҳорт оғзига тушган. С. С. 20—30-й.лар бошларидаги буюртмаси б-н Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши мавзуларида шеърлар ёзади. Аньанавий халқ шеъриятининг совет тартиботи қурилига айланиши мумкинлиги С. С. га бўлган эътиборнинг ҳаддан ошиб усишига сабабчи бўлади. М. Горький Совет ёзувчиларининг 1-съездида уни «20-асрнинг Гомери» деб эълон қилди ва миллий республикаларнинг халқ бахшилари, оқинлари ва ашуғларини С.С. дан ибрат олишга чақиради.

С.С. 1936 й.да дағистон халқ шеърияти аньаналари руҳида «Дағистон» достонини ёзган. Ижоди 50-й.ларга қадар ўзбек мактабларининг адабиёт дастур ва дарсликларидан мустаҳкам ўрин олиб келган.

СУЛАЙМОН ТОҒЛАРИ — Эрон тоғлигининг шарқий чеккасидаги тоғлар. Покистон, қисман Афғонистон ҳудудида. Узунлиги қарийб 600 км, эни 300 км. Энг баланд жойи 3441 м. С.т. кенг ясситоғликлар б-н ажралган ва субмеридионал жойлашган бир неча параллел тизмалардан иборат. Тизмалар орасида кўндаланг дарё ва водийлар бор. Тоғлар Ҳинд дарёси водийсига томон тик тушган. Асосан, оҳактош ва қумтошлардан тузилган. Зилзилалар бўлиб туради. Иқлими қуруқ, субтропик иқлим. Ландшафти, асосан, қуруқ дашт ва тоғ чўлидан иборат. Шарқий ён бағирларида сийрак дарахтли ўрмон ва бутазорлар бор. Водийларда деҳончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланилади.

СУЛАЙМОНИЯ — Ироқнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Сулаймония муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 370 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Киркук — Бахтаран автомобиль йўли ёқасида жойлашган. Қ.х. (чорвачилик, донли экинлар, пахта, тамаки) р-нининг савдо маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик, цемент саноати корхоналари бор.

СУЛАЙМОНИЯ МАСЖИДИ — Истанбулдаги меъморий ёдгорлик (1550—57). Меъмори *Хўжа Синон*. С.м. улкан гумбазли хонақоҳ (тарҳи 69×63 м, бал. 47,75 м, гумбазининг диаметри 26,5 м), 4 томонида найзасимон минора ҳамда ён томонларида пастак равоқли галереялари жойлашган. 1 та катта ва 2 четида 2 кичик равоқли галереялар ҳовлиқ ёки боғдандир. Хонақоҳнинг олд томонида дарвоза гумбази равоқ галереяси қурилишидадир. Ҳовли ва галереялар оқ мармар ёки қопланган. Хонақоҳга ҳовли орқали ўтилади. Хонақоҳ интерьери ўзига хос ҳашаматлар. Тумбаси ва деворлари 4 равоқ мустаҳкам устунларга таянган. Меҳроби ҳарқил мукарнаслар ёки безатилган. Император ва муаззин минбари мармардан ишланган. Девор ва пойгумбазларидаги равоқли дераза ларга ўрнатилган рангли ойналардан тушган ёруғлик хонақоҳни янада жозибали кўрсатади. 1914 й.дан музей. Гиламчилик, ҳайкалтарошлик, ёғоч, металл ва сопол буюмлари, миниатюралар сақланади.

СУЛАЙМОНОВ Ўлжас Умарович (1936.18.5, Олмаота) — қозоқ шоири, жамоат арбоби, дипломат. Қозоқ ун-ти геология ф-тини (1959) ва М. Горький номидаги Адабиёт ин-тини (1961) тугатган. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви биринчи котиби (1983 й.дан). «Қўйлимисан инсонга, кимин!» (1961) достони биринчи фазогир Ю.А. *Гагарин*га бағишланган. «Қуёшли тунлар» (1962), «Қутлуг тонготар» (1964), «Маймун йили» (1967), «Сопол китоб» (1969) шеърий китоблари, «Оқдарё устида» (1970), «Бутун бахт» (1975), «Аз и Я» (1975) ва б. шеърий, насрий, эсэ китобларн муаллифи. Асарларида қозоқ халқи ҳаёти, Шарқ мавзуси, ҳоз. ёшлар тақдири акс этган. Шеърлари фалсафийлиги, ритмик изланишларга бойлиги ва шеърий бирикмаларнинг мураккаблиги б-н ажралиб туради. Ўзбекистонга бир неча марта келган, ўзбек шоирлари б-н ижодий алоқада. Айрим асарлари ўзбек тилида нашр этилган.

Ас.: Аргумоқлар, Т., 1976; Айланайин, Т., 1988; Аз и Я, Алма-ата, 1990.

Сулаймония масжиди.

СУЛАЙМОНОВ Ҳамид Сулаймонович (1910.5.5 — Тошкент — 1979.8.6) — адабиётшунос, матншунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Филол. фанлари д-ри (1961), проф. (1971). Москва кинематография ин-тини тугатган (1932). Тошкент пед. ин-ти ўқитувчиси, кафедра мудири ва ТошДУ доценти (1935—50). 50-й.ларда қатағонга учраган. 60-й.ларда оқланган. Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти сектори мудири (1962—67). Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи (1967—69) ва Қўлёзмалар ин-ти (1978—79) директори. Асосий илмий фаолияти Алишер Навоий ижодиётининг текстологик тадқиқотларига бағишланган. Навоий қўлёзмалари библиографиясини тузган (1946—47) ва шоирнинг «Бадое ул-бидоя», «Наводир уш-шабоб» девонлари қўлёзмаларини топиб (1959), улар шоир томонидан тўпланганлигини исботлаган. *«Хазойин ул-маоний»* танқидий матнини тузган ва нашр эттирган (1958—60). «Девони Фоний» қўлёзмаларини (Франвони Фоний» қўлёзмаларини (Франциядан) топиб, фотонусха асосида нашр эттирган (1965). Ҳофиз Хоразмийнинг 2 ж.ли «Девон»ни фотонусхасини Ҳайдаробод (1975, Ҳиндистон)дан Тошкентга олиб келиб (1977), сўз боши ёзиб чоп эттирган (1980). Хаттотлик ва китобат санъатига оид илмий асарлар ёзган. «Ботига оид илмий асарлар ёзган. «Ботирнома»га ишланган расмлар» (1959), «Навоий асарларига ишланган расмлар» (1980, Ф. Сулаймонова б-н ҳамкорликда), «Амир Хусрав асарларига ишланган расмлар» (1983, Ф. Сулаймонова б-н ҳамкорликда) альбомларини тузган ва чоп эттирган. Тошкент, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Жиззах ш.даги адабиёт музейлари ҳамда Қўлёзмалар ин-тининг ташкил этилишига раҳбарлик қилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979). Тошкент ш.даги кўчалардан бирига С. номи берилган.

СУЛАЙМОНОВА Гулбаҳром Сулаймоновна (1920.1.10, Андижон — 1984, Тошкент) — терапевт олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), тиббиёт фанлари д-ри (1952), проф. (1960). Қозоғистон тиббиёт ин-тини тугатган (1941), ТошТИ факультет терапия клиникасида ординатор (1941—42; 1945—48), ассистент (1948—49), проф. (1953—56), Гематология ва қон қуйиш и.т. институтида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1956—61), 1961 й.дан Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти гематология кафедраси мудири. Илмий ишлари меъда-ичак, нафас, қон яратиш аъзолари касалликлари ва коллагенозларга онд. Лейкозларнинг кечиши ва уларни даволаш усуллари устида тадқиқот олиб борган.

СУЛАЙМОНОВА Ҳадича (1913.3.6, Андижон ш. — 1965.26.11, Тошкент) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1954), юридик фанлари д-ри (1951), проф. (1952), Ўзбекистон ФА акад. (1956). Ўзбекистон ССР МИК ҳузуридаги Совет қурилиши ва ҳуқуқи ин-тини тугатган (1935). Москва юридик ин-ти аспиранти (1939—41), Тошкент юридик ин-ти жиноят ҳуқуқи кафедраси ассистенти, доценти, сўнг мудири (1941—54), ин-т ректори (1954—55), Ўрта Осиё ун-тининг юридик ф-ти декани (1955—56), ЎзССР Адлия вазири (1956—59), ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Адлия комиссияси раиси (1959—64). 1964 й. дан ЎзССР Олий суди раиси. Илмий ишлари жиноят ҳуқуқи, хусусан, Ўзбекистонда ҳуқуқшуносликнинг фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, хотин-қизлар ҳуқуқи масалаларига бағишланган. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тини (1958), республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд экспертизаси и.т. институтини (1959) ташкил этиш ташаббускорларидан. Тошкент ш. даги кўчалардан бирига, суд экспертизаси и.-т. институти (ҳоз. Республика суд экспертиза маркази)га С. номи берилган, Тошкент юридик ин-тида С. музейи бор.

Ас.: Собрание сочинений, т. 1—3, Т., 1967—71.

Ад.: Ҳакимов М. Х., Академик Хадича, Т., 1974.

СУЛАЙМОНШОҲ баҳодир — *Амир Темур*нинг саркардаларидан бири, амир. Довудбекнинг ўғли. Амир Ҳусайн б-н

қурашида Соҳибқиронга яқиндан ёрдам берган. Навқат (Кеш ва Насаф орасидаги қад. шаҳар) яқинидаги Жета лашкари (5000 киши) б-н бўлган жафарзи жангда (1366) С. Соҳибқирон қўшинида (600 киши) бўлган. Амир Темурнинг Эронга қилган 3 йиллик урушида (1386—88) Аббос баҳодир б-н Мовароуннаҳрни ҳимоя қилиш учун қолдирилган. *Тўхтамиш* Амир Темурнинг сафарларидагидан фойдаланиб, Мовароуннаҳрга чопқун қилиб Самарқанд вилоятини талон-торож қилган чоғда (1388) С. баҳодир ва Аббос баҳодир Самарқанд шаҳри мудофаасига бош бўлганлар. Тўхтамиш ва Қамариддинга қарши юришларда иштирок этган. Ёлғор барлос, Шамсуддин Аббос ва Ғиёсиддин Тарҳонлар б-н Туркистонда турган қўшинни бошқарган ва Соҳибқироннинг амрига кўра, Мўғулистонга чопқун қилиб кўп ўлжаларни қўлга киритган (1388 —90). 1391 й. Тўхтамишга қарши юришда Султон Маҳмудхон б-н туманга бошчилик қилган. 1394 й. Улуғбек туғилган даврда Самарқанд ҳокими эди. Шоҳрухни пешкаш б-н кутиб олган. Амир Темур Хуросонни Шоҳрухга берганида С.ни ҳам унинг мулозаматига берган (1397). Соҳибқироннинг *Боязид I* га қарши юришида иштирок этган амирзодалар Шоҳрух, Султон Ҳусайнлар б-н бирга қора татарларни Румдан кўчиришга раҳбарлик қилган, Кўпак туркманга қарши юришда шижоат кўрсатган. *Анқара жанги*да қўшинининг сўл қанот амирларидан бўлган.

СУЛДУЗ, суллус — туркланган мўғул қабилаларидан бири. С.ларнинг катта бир гуруҳи *Чингизхон* қўшини таркибида Дашти Қипчоқ ва қисман ҳоз. Ўзбекистон ҳудуди ҳамда Афғонистоннинг шим.га келиб жойлашган, кейинчалик Озарбайжон, Эронга ҳам ўтишган. Тойжувутлар қабиласи б-н урушганда катта ёрдам берганлари туфайли Чингизхон саройидаги энг нуфузли амирлар С.лардан бўлган. Улар *Мўғуллар давлати* таркибидаги Мовароуннаҳр, Мўғулистон, Хитой ва Эронда хизмат қилишган. Қўнғиротлар амири Қозоғон (1346—58) вафотидан сўнг амир *Баён Сулдуз* бир неча йил Самарқандда ҳокимлик қилган. Балх вилоятининг бир қисмига С.ларнинг қабила бошлиғи Ўлжой буго С. раҳбарлик қилган. С.лар *Амир Темур* ва темурийлар даврида ҳам нуфузга эга бўлишган. Кейинчалик С.лар *Шайбонийхон* хизматига ўтадилар. Тожикистоннинг Балжувон бекдигида С.-боло ва С.-поён қишлоқлари бўлган. С. номи ўзбек қабилалари рўйхатига киритилган урта аср манбаларида учрайди. 16—17-а.ларда С.лар ўтроқлашиб, маҳаллий халқлар таркибига сингиб кетган. Аммо 20-а.нинг бошларида ўзбек уруғ-қабилалари орасида С. номи учрамайди. Чунки бу даврда С.лар Ўрта Осиё ва Афғонистон аҳолисига батамом қориша кетишган.

Ас. Кармышева Б. Х., Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана, М., 1976.

Олег Боровой

СУЛЕМА (лот. sublimatum — юқори кўтарилган), симоб (II)-хлорид, $HgCl_2$ — рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 277—280°, қайнаш т-раси 302°. Сув, спирт, ацетон, эфир ва пиридинда эрийди. Суюлган эритмаси электр токини ўтказмайди, чунки $HgCl_2$ ионларга парчаланмайди. С. инҳоятда заҳарли модда, ўта суюлтирилган эритмалари илон-тошқоқлар, мебеллар ва полларни дезинфекциялашда, органик кимёда катализатор сифатида, қ.хда уруғларга ишлов беришда, бўёқчилик, қўнғирлик ишларида қўлланади (яна қ. *Симоб*).

СУЛИ (Avena) — бошоқдошларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми; галла экини. 70 тури бор. 25 та яқин тури Евросиё ва Шим. Америкада ўсади. Асосан 3 тури — экма С. (A. sativa) мўътадил иқлимли мамлакатларда ва византия С.си (A. byzantina C.) — Ўрта денгиз атрофи, АҚШ жан., Аргентина, Австралияда; қум С. (A. strigosa) — Испания, Франция, Бельгияда экилади. С. қадимий экинлардан ҳисобланади. Европада мил. ав. 2-минг йилликдан бошлаб экилган. Жаҳон деҳқончилигида С. экин майдони 14,4 млн. га ни ташкил этиб, Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада, Хитойда катта майдонларда экилади, ўртача дон ҳосилдорлиги 18,1 ц/га (2000). Экма С. илдизи попук илдиз бўлиб, яхши ривожланади, ернинг ҳайдалма қатламида жойлашади. Пояси тик ўсади. Бўйи 50—120 см. Барги 3—5 мм. Гултўплами супургисимон тарқоқ, баъзан бир ёнли, бошоқ, 2—4 гулли, баъзан бир гулли. Меваси — дон, кўпчилик навларида қобиқли (қобиқсиз шаклларн ҳам бор). С. намсевар, лекин иссиққа унча талабчан эмас. Уруғи паст ҳарорат (4—5°)да униб чиқали. Ўзидан чанглanади. Ҳарорат 16—22° бўлганида яхши ривожланади. Гуллаш даврида намлик етарли бўлиши керак. С. сувни кўп истеъмол қилади. Ривожнинг тепа қисмида етилиши даври бошланганда, пастки қисмида гуллаш давом этади. Ўсув даври 80—110 кун. Куза экиладиган хили бор. С. дони таркибида ўртача 13,3% протеин, 4,7% мой, 40,1% крахмал, 13,2% клетчатка, 4,6% кул. В гуруҳи витаминлари бор. С. донидан ҳар хил ёрмалар ва ун тайёрланади. Дони илиқпермаскилиндрлар кўп, шунинг учун юқори калорияли ва тўйимли ҳисобланади. С. уни бўлими ёки жавдар унига қўшиб нон епишда ишлатилади. Энг қимматли емхашак экини ҳисобланади. Дони, сомони, тўпони, кўк пояси, силоси чорвачиликда молларга берилади. 1 кг сули лони тўйимлилиги 1 *озуқа бирлиги* сифатида қабул қилинган, 87 г ҳам бўладиган протеин бор. Сулаюш, фосфор, калий ўғитларини қўллаш яхши самара беради, агротехнологик тадбирлари *арпа*никига ўхшаш. С. фев. охири — март бошларида экилади (Ўзбекистонда кўпроқ куза экилади). Уруғлик сарфи 100—250 кг/га. Ҳосилдорлиги 20—35 ц/га. Ўзбекистонда кузги С.нинг Дўстлик 85 (1993), Чорвачилик 1, Ютуқ (1981), баҳорги С.нинг кени барги Ўзбекистон (1981) навлари чиқарилган ва барча вилоятлар учун р-нлаштирилган.

Халима Ишбаева

СУЛЛА (Sulla) Луций Корнелий (мил. ав. 138, Афина — 78) — Рим саркардаси, консул (88). С. олий табақали зодагон оиласида таваллуд топган. Африка юришни пайтида нумидияллар шоҳи Бокх ёрдамида Югуртни маҳв этган С.нинг обрў-эътибори ошиб кетади, секин-аста у квестор, легат, ҳарбий трибун лавозимларига кўтарилади. С. саркарда Катулл ишончига киради ва Кичик Осиёнинг жан.-шарқидаги Киликия вилояти претори — ҳокими вазифасини эгаллайди. Парфия ҳукмдори Митридат II б-н сулҳ тузади. Олий бош қўмондон — император сифатида у Юнонистон ва унинг пойтахти Афинани қўлга киритади. С. Понт ва Рим ўртасидаги қарама-қаршиликка чек қўйган. Рим давлати ерларини ўзоқ муддатларга вазифа «феликс» («бахтли») тақсимоти б-н аралаш С. мил. ав. 82 й. юритган ушбу тактатор деб эълон қилиш 79 й. диктаторликни ўзидан соқит қилди ва кўп ўтмай вафот этди. *Нутқларининг* таъкидлашича, С.дан 22 китобдан иборат «Хотиралар» қолган.

Ас. Плутарх, Избранные жизнеописания, т.2, М., 1990.

СУЛОЛА — муайян уруғдан, авлоддан тарқалган, ворислик, валиаҳдлик ҳуқуқига эга бўлган, асосан, бирликетган тахта ўтирган подшолар, амирлар ва ҳокимлар насли. Мас., *аббосийлар, аюбийлар, бувайҳийлар, сомонийлар, темурийлар, тоҳирийлар* ва б.

СУЛС, хатти сулс — *хаттотлик* услуби; араб ёзувидаги хат услубларидан бири. Ғулғула туфайли «халқлар имомн», деб аталган. Ҳусайн хаттидан кейин ихтиро қилинган бўлиб, пахмоқори Ибн Муқла. Ҳарфларининг 4 қисми тўғри, икки қисми ярм чиziқлардан иборат (номи ҳам шундан. С. сули бир варағининг $^1/_3$ қисми ёки 3-қисми деган маънони биллиради). С.да «алиф» (ا), «дол» (د) ва «лом» (ل) ҳарфлари тажакали бўлади, «дол», «ре» (ر) ва «вов» (و) ҳарфлари нафис бўралма (шамра) б-н тугайди; сўз охирида «ҳо» ҳарфи тўлиқ ёзилади. С. дастлаб расмий ҳужжатларни ёзиш, кейинроқ Қуръон кўчиришда қўлланилган; китобларлаги шамс нақши ичидаги ёзув, асар номлари, Қуръон ва ҳадислардан келтирилган ибора ва жумлалар С.да битилган. Китобларда, махсус муфрадот ёки қитъаларда ҳам қўлланилган. Ёқут Мустасъимий С. ёзувида махсус «Ёқут сулси» ёки «Ёқут таърийқи» деб аталувчи услуб яратган.

СУЛТОН (араб. — ҳукмдор, подшоҳ — 1) мусулмон давлатлари бошлиқларининг унвони. 10-а.да ислом мамлакатларида ҳукмдор С. деб юритилган. Шоҳлар, ҳокимлар ва уларнинг фарзандлари исмига С. сўзи қўшиб айтилган. Рум султонлари ҳукмдорларига С. унвони 11-а.нинг 30-й.ларидан берила бошланган. Мазкур унвонни 1-бўлиб салжуқийлардан бўлган Тўғрулбек 1038 й.да олган ва бу унвон 1055 й. Бағдод забт этилганидан сўнг халифа томонидан эътироф этилган. Усмонли турк ҳукмдорлари, Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар сингари мустақил давлат ҳукмдорлари ҳам С. атамаси б-н ифодланган. Мўғул истилосидан кейин Чингизхон хонадонининг ҳар бир вакили С. деб аталган. Темурийлар салтанатида ҳам кенг истеъмолда бўлган. Шайбонийларда С. ҳукмдорлар, сулола вакилларига берилган. Жан. Арабистон ва Ғарбий Африкадаги йирик мулкдорлар, баъзи қабила бошлиқлари, Ҳиндистон ва Индонезиядаги айрим ҳокимлар С. деб номланган. Марокашда 1957 й.гача, Туркияда 1922 й.гача амалда бўлган; 2) киши исмининг таркибий қисми. Мас., Султон Санжар, Султон Боязид, Султон Муҳаммад, Халил Султон, Рукн Султон ва б.

Ас. Петросян Ю.А., Османская империя, Могущество и гибель, М., 1990.

СУЛТОН АКБАРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Акбаров Султон) (1923.3.12 —Тошкент—1997.3.6) — шоир, журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Тошкент вет. ин-тини тугатган (1942). 2-жаҳон урушн қатнашчиси (1942—45). «Ленин учқуни» (1946—47), «Ёш ленинчи» (1952—53), «Қизил Ўзбекистон» (1953—59) газ. ларида ишлаган. Бадиий адабиёт нашриётида бош муҳаррир (1960—63), «Тошкент ҳақиқати», «Сирдарё ҳақиқати» газ. ларида масъул котиб, муҳаррир ўринбосари (1963—64). «Шарқ юлдузи» (1964—66), «Гулистон» (1968) жур.ларида бўлим мудири, масъул котиб, «Ўқитувчилар газетаси»да муҳаррир ўринбосари (1968 й. дан). Ижодни 1940 й.дан бошланган. Баҳшиёна услубда ижод қилган. «Имоним, эътиқодим», «Яралганн қўшиқлар», «Сулоқдум», «Яралганн қўшиқлар», «Сулув сулув эмас, суйган сулув», «Шукрона», «Меҳригиё» (1956), «Довон ва девон», «Кўнгил оҳанглари» (1968) ва б. шеърий тўпламлар муаллифи. С.А. достонавис сифатида ҳам кўплаб асарлар ёзган: «Гирдоб» (1964), «Устоз» (1970), «Қатагон» (1992). Қирғиз эпоси «Манас»нинг 3-китобини ўзбек тилига таржима қилган.

СУЛТОН АЛИ МИРЗО (1483—1500) — Мовароуннаҳр ҳукмдори (1498—1500). *Темурийлар*дан. *Султон Маҳмуд Мирзо*нинг 3-ўғли. Онаси — Зуҳра бегим. Отасининг вафотидан сўнг Қарши вилояти ҳокимн бўлиб, кейинчалик акаси *Бойсунғур*дан Бухоронн (1497 й. дек.), *Бобур* эса, Самарқандни тортиб олган. Бобур ота мерос шаҳри Андижон душман қўлига ўтиши мумкинлиги ҳақида хабар топиб, бекларидан бирини Самарқандда қолдириб, Андижон томон юрган. Бундан фойдаланган С.А.М. Самарқандни ишғол қилади (1498 й. фев.—март). 1499 й.да С.А.М. б-н Муҳаммад Мазид тархон орасида низо вужудга келади. Тархонлар Мовароуннаҳрда катта нуфузга эга эдилар (қ. *Дархон*). Мазид тархон Самарқанд ва унинг атрофидаги мулкларни ўз ўғиллари, қариндош-уруғлари ва яқин кишилари ихтиёрига бериб қўйган эди. С.А.М. тахтга муқим ўрнашиб олгач, Мазид тархонга қарши сиёсат юритади. Натижада Мазид тархон Самарқanddан чиқиб кетади. Шунда Тошкент ҳокими *Султон Маҳмудхон* жияни Хон Мирзони (Мирзохон, С.А.М.нинг укаси) мўғул қўшинлари б-н Самарқандни забт этишга жўнатади. С.А.М. Самарқанд ташқарисида, Ерайлоқда бўлган жангда голиб чиқади. Онаси Зуҳра бегимнинг нодонлиги туфайли ёзилган мактуб сабаб *Шайбонийхон* Самарқандни жангсиз эгаллайди (1500). С.А.М. Кўлоб ялангликида қатл этилади.

СУЛТОН АЛИ ХУРОСОНИЙ (?—?) — хуросонлик табиб. 15-а.нинг 2-ярми ва 16-а.нинг 1-ярмида яшаб ижод этган. Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида, жумладан, Самарқандда узоқ муддат яшаган. Кўп йиллик тажрибалари асосида «Дастур ул-илож» («Касалликларни даволаш бўйича қўлланма», Самарқанд, 1526) ва «Муқаддимайи дастур ул-илож» («Касалликларни даволаш бўйича қўлланмага муқаддима») асарларини ёзган. «Дастур ул-илож»да турли касалликлар ва уларни даволаш йўллари ҳақида маълумот берилган. «Муқаддимайи дастур ул-илож»да эса табобатнинг умумий масалалари — соғлиқни сақлаш, одам аъзоларининг соғ ва касаллик вақтидаги ҳолати, қон томирлари ҳамда касаллик бўҳрони (кризиси) ҳақида фикр юритилган. «Муқаддимайи дастур ул-илож» асари форс тилидан ўзбекчага таржима қилинган. Унинг 19-а. бошларида кўчирилган бир нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида сақланади.

СУЛТОН АҲМАД (? — 1410) — *Жалойирийлар давлати* ҳукмдори (1382—1410). Шайх Увайс I Жалойирийнинг ўғли. С.А. Озарбайжон ва Ироқда ҳукмдорлик қилган. *Амир Темур* Бағдодни забт этгач (1393), С.А. Миср ва мамлук султони Барқуқ (1382—99) ҳузурига қочган. Шундан сўнг у ўз ерларини тоҳида забт этиб, тоҳида қўлдан чиқарган. 1394 й. Амир Темур 2-маротаба Бағдодни эгаллаганда у яна қочган. Бироқ Шом (Сурияда ҳибста олиниб, 1405 й. Амир Темур вафотидан кейингина озод этилган. 1406 й. қайтадан Бағдодда ҳукмронлик қилаётган пайтда туркман *Қора Юсуф* б-н унинг орасида низо чиқиб,



Сули: *1* — оддий сули бошоғи; *2* — византия сулиси; *3* — қора сули.

кейинроқ урушга айланган. Натижада, 1410 й.да Табриз остонасидаги жангда ҳалок бўлган.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996.

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО (1451, Самарқанд — 1494, Оқсув мавзеси, Ўратепа) — Самарқанд ҳокими (1469—94). *Темурийлардан*. *Абу Саид* Мирзонинг катта ўғли. Онаси — Ўрда Буға Тархоннинг қизи. Отаси унга Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимлигини берган. Кейинчалик Тошкент, Шоҳрухия ва Сайрамни ўз тасарруфига киритган. Тошкент ва Сайрамни укаси Умар Шайх Мирзога топширган. Хўжанд б-н Ўратепа ҳам бир неча муддат унинг тасарруфида бўлган. 1493 й. С.А.М. куёви, Тошкент хони Султон Маҳмудхон б-н иттифоқ тузиб Андижонга — Умар Шайх Мирзога қарши юриш бошлайди, улар Андижон, Ахси ва Марғилонни қамал қиладилар. Шу пайтда Ахсида Умар Шайх Мирзо тўсатдан вафот этиб, тахтга 12 ёшли *Бобур* ўтирган. Бек ва амирлар халқни душманга қарши сафарбар этадилар. Султон Маҳмудхон Тошкентга қайтиб кетган. С.А.М. Бобурга Фарғона ҳукмронлигини «инъом» этиб Самарқандга қайтган, бироқ Ўратепага етганда вафот этган. С.А.М. Мовароуннаҳрда нуфузи ниҳоятда баланд бўлган Хожа Аҳрорни ўзига пир тутган. Ойша Султон бегим ва Маъсума Султон бегим исмли қизлари Бобурнинг хотинлари бўлган.

Ад.: Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995; Муҳаммаджонов А., Темур ва темурийлар салтанати, Т., 1994.

СУЛТОН АҲМАДХОН, Олачахон (? — 1504) — *Мўғулистон* шарқий қисмининг хони (1487—1504). *Чиғатойлардан*. *Юнусхон*нинг кенжа ўғли. Эсон Тойши бошчилигидаги қалмоқлар устидан 2 марта қозонган ғалабаси ва уларни қаттиқ қирғин қилгани учун қалмоқлар томонидан «Қон тўкувчи», «Олача» ёки «Олачи», яъни «қонхўр» деб аталган. Умар Шайх Мирзо (Бобурнинг отаси) Юнусхонга Тошкент ва Сайрамни берганида (1487) шаҳар ва вилоятда яшашни истамаган мўғуллар С.А.ни Мўғулистонга кўчишга кўндирганлар. Отаси уни таъқиб этмаган. С.А. Мўғулистонда марказий ҳокимиятга қарши бош кўтарган қабилалар б-н 10 й.га яқин курашиб, ниҳоят ҳокимиятни мустаҳкамлаб олган. Қашқарга эгалик қилиш учун Мирзо Абу Бакр дуғлат б-н муваффақиятсиз кураш олиб борган. *Шайбонийхон*га қарши курашда ёрдам бериш учун акаси *Султон Маҳмудхон* олдига, Тошкентга келган (1503). Ахси ёнидаги жангда улар Шайбонийхон қўшинидан мағлубиятга учрашган, ҳар икки хон асир олинган. Шайбонийхон уларга шафқат қилиб Мўғулистонга кетишларига рухсат берган. С.А. Оқсувда вафот этган.

СУЛТОН БАХТ БЕГИМ (1360/66—1430, Нишопур) — *Амир Темур*нинг қизи. Онаси — Ўлжой Туркон Оғо бегим. С.Б.б. табиатан шаддод, ужар ва эркакларга хос табиатга молик бўлиб, эркакларни унчалик ёқтирмаган. С.Б.б. Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миркага никоҳланган. Соҳибқирон куёвига Хутталон вилоятини инъом қилган. Бироқ Муҳаммад Мирка 1388 й. исён кўтарган, исён бостирилиб Муҳаммад Мирка укаси Абулфатҳ б-н Соҳибқироннинг ўғли Умар Шайх Мирзо фармонига кўра қатл этилган. 1389 й. малика С.Б.б. амир Довуд дуғлатнинг ўғли амир *Сулаймоншоҳ*га никоҳ қилинган.

СУЛТОН ВАЛАД (Sultan Velet) Муҳаммад Баҳоуддин (1226, Қараман, Кўния вилояти — 1312, Кўния ш.) — турк шоири. Жалолиддин *Румий*нинг ўғли. Суфийлар орасида тарбия олган; ўзи ҳам суфийликнинг мавлавия тариқати бошлиғи (шайх) бўлган. С.В.нинг бутун ижоди отасининг ҳаёти, фаолияти ва таълимотини оммалаштиришга бағишланган. Форсий шеърлар девони ва «Валадномa» достонининг муаллифи. Мазкур достон 3 та мустақил қисмдан иборат: «Ибтидонома», «Интиҳонома» ва «Рубобнома». 1- ва 3-қисмларда турк тилининг кўния лаҳжасида ёзилган катта-катта парчалар («салжуқона шеърлар») учрайди. Булар кичик Осиёда яратилган ва санаси аниқ кўрсатилган (1301) дастлабки туркийча шеърлардир. С.В.нинг «Илмнома» рисоласи ҳам бор.

Ад.: Гарбузова В.С., Поэты средневековой Турции, Л., 1963.

СУЛТОН ЖЎРА (тахаллуси; асл исм-шарифи Жўраев Султон) (1910.15.1, Шофиркон тумани — 1943.10.11, Гомель ш.) — шоир. Бухородаги эрлар билим юртида ўқиган, сўнг мактаб ва билим юртида ўқитувчилик қилган (1930—36). 1936—39 й.ларда Андижон педагогика ин-тида ўқиган ва шу ерда дарс берган; 2-жаҳон уруши қатнашчиси; урушда ҳалок бўлган. С.Ж.нинг «Фидокор» (1939), «Шодлигим», «Очиқ чеҳралар» (1939), «Москва» (1941) шеърий тўпламлари эълон қилинган. 1939 й. шоир ижодининг энг самарали палласи бўлиб, у шу йили «Парвозномa» балладаси, халқ ривоятлари асосида «Заргори гилам», «Қаллиғоч», шунингдек, «Карим ва Қундуз» достонларини ёзган. Шоирнинг машҳур итальян астрономига бағишланган «Бруно» достони (1938) 30-й.ларда яратилган ўзбек достонларининг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. Бадиий соддалик, самимийлик, халқ оғзаки ижодига яқинлик С.Ж. шеъриятининг энг яхши хусусиятларидир. С.Ж.нинг адабий меросида болалар ҳаётидан олинган асарлар алоҳида ўринни эгаллайди. Унинг сўнгги асари — «Ирода» драмаси (1942, Восит Саъдулла б-н ҳамкорликда) Андижон вилоят театрида саҳналаштирилган.

Шоирнинг жасади Гомель ш. Лоев туманн Козероги қишлоғида дафн этилган. Андижон, Бухоро ва Шофиркон шаҳарларидаги кўчаларга, шунингдек, Шофиркон туманидаги мактаб, кинотеатр ва фуқаролар йиғинига С.Ж. номи берилган.

Ас.: Енгилган сўнг, Т., 1965; Шеърлар, Т., 1973.

Ад.: Мўминов F., Оташқалб шоир, Т., 1970; Алиев С., Бухорода битилган байтлар, Т., 1992.

СУЛТОН МАҲМУД МИРЗО (1453 — Самарқанд — 1495) — Самарқанд ҳокими (1494—95). *Темурийлардан*. *Абу Саид* мирзонинг 3-ўғли. Отаси даврида Астробод вилояти ҳокими. Абу Саид Мирзо вафоти (1469) дан сўнг Термиз, Чағониён, Ҳисор, Хатлон, Қундуз, Бадахшон ва Ҳиндукуш тоғларигача бўлган ерлар унинг тасаррруфига ўтган. Акаси *Султон Аҳмад Мирзо*нинг вафоти (1494)дан сўнг эса, Самарқанд тахтига ўтирган. У зулмни ҳаддан оширгани учун мамлакатнинг катта кичик аслзодалари, сипоҳийлар ва оддий халқ ҳар тарафга тарқалиб қоча бошлаган. С.М.М. тахтга даъвогар бўлиб келган амакиваччаси Малик Муҳаммад Мирзо ва у б-н бирга келган мирзоларни қатл эттирган. С.М.М. ўз ҳукмронлиги даврида 2 марта *Ҳусайн Бойқаро* б-н жанг қилиб, иккаласида ҳам мағлуб бўлган. *Бобур*нинг Султон Нигор хоним исмли холаси унинг 4-хотини.

Ад.: Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995; Муҳаммаджонов А., Темур ва темурийлар салтанати, Т., 1994.

СУЛТОН МАҲМУДХОН (? — 1404) — *Амир Темур* ҳукмронлиги даврида номигагина Мовароуннаҳр тахтига ўтқазилган хон (1388—1404). *Суюрғатмишхон*нинг ўғли. Амир Темур Хоразмга қилган 4-юришидан қайтиб келгач, Бухорода оламдан ўтган Суюрғатмишхон ўрнига С.М. ўтқазилган. С.М. номига тингалар зарб қилинган. 1395 й. *Тохтамиш*га қарши қилинган 2 юриш вақтида С.М. уруқ-аймоқ бошлиқ қилган ва жангдан кейин хон Саратов ш. яқинида жойлашган Юлуқ ва Ухуклук номли манзилда Соҳибқиронга келиб қўшилган. 1398—99 й.лардаги Ҳиндистон фатҳида фаоллик кўрсатган С.М. қўшиннинг сўл қаноти жувонғарга раҳбарлик қилган. 1402 й.даги *Анқара жанги*да *Боязид I* Йилдиримни асир олишга муваффақ бўлган.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, 1996; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1994.

СУЛТОН МАҲМУДХОН (? — 1508) — Мўғулистон хони (1487—1508). *Чиғатойлардан*. *Юнусхон*нинг ўғли, онаси — Шоҳбегим, Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи. *Бобур*нинг тоғаси. 1487 й. отаси вафот этгач, мўғуллар русумига кўра тахтга ўтқазилган. Бундан хабар топган Умаршайх Мирзо Фарғона томондан, *Султон Аҳмад Мирзо* Самарқанд томондан С.М.га қарши чиққан. Умаршайх Мирзо қўшини Тошкент яқинидаги мустаҳкам Аҳгар қалъасини қамал этган. С.М. қўшинга бош бўлиб мудофаага раҳбарлик қилган ва жангда ғолиб чиққан. 1488 й. Султон Аҳмад Мирзо қўшини устидан Чир (Чирчиқ) дарёси бўйида ғалаба қозонган. Натижада С.М.нинг обрўси, куч-қудрати ошган. Мўғулистоннинг шарқий қисмига укаси Султон Аҳмадхон (Олачахон), ғарбий қисмига ўзи бош бўлиб, қароргоҳи — Тошкент ш.да жойлашган. 1493 й. Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзонинг катта қизи Робия Султон бегим (Қоракўз бегим)га уйланган. Самарқанд ва унинг атрофида С.М.ни Хоникахон деб аташган. С.М. доимо қўшни давлатларнинг ишларига аралашган. Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг С.М. Самарқанд тахтини эгаллаш учун юриш қилган, бироқ 1495 й. Канбой яқинида *Бойсунғур* мирзо томонидан мағлубиятга учраган. С.М.ни Фарғонага юриш қилиши эҳтимолидан хавфсираган Бобур унинг олий ҳокимиятини тан олган. 1498 й. 5 минг кишилик қўшин б-н Самарқандга юриш қилган, бироқ шим.дан *Шайбонийхон* қўшинларн Мовароуннаҳрга келаётганидан дарак топгач, чекинишга мажбур бўлган. У темурийларга қарши курашда Шайбонийхонни ўзига иттифоқчи қилиш мақсадида унга Ўтрор ш.ни берган. Шайбонийхон С.М. ёрдамида Самарқанд, Бухорони қўлга олган. Шайбонийхоннинг кучайиб кетишидан хавфсираган С.М. темурийларни қўллаб-қувватлай бошлаган. *Бобур*га Самарқандни эгаллашида ҳарбий ёрдам берган. Бобур унинг саройида, Тошкентда маълум муддат яшаган (1501—02). 1503 й. С.М. ва укаси Султон Аҳмадхонларнинг бирлашган қўшини Архиён қалъаси (Фарғона) яқинида Шайбонийхон қўшини томонидан тор-мор келтирилган, ака-укалар асир тушган. С.М.нинг Тошкентда вақтинчалик ҳоким қилиб қолдирилган ўғли Султон Муҳаммад шаҳарни ташлаб қочган. Шайбонийхон Тошкентни эгаллаб, уни амакиси Суюнчхўжахонга берган. С.М. ва укасига шафқат қилиб қўйиб юборган. Улар Мўғулистонга кетишган, бир оздан сўнг Султон Аҳмадхон вафот этган. Тахт учун курашда С.М. ёлғизланиб, анча қийинчиликларга дуч келган. У кўмак истаб Шайбонийхон ҳузурига келган. Бироқ Шайбонийхон С.М.ни фарзандлари б-н бирга Хўжанд дарёси бўйида қатл эттирган.

Ад.: Бабур-наме, Т., 1993; Материалы по истории казахских ханств XV—XVII вв., Алма-Ата, 1969; Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, Тарихи Рашиди, Т., 1996.

Фахриддин Ҳасанов.

СУЛТОН МИРҲАЙДАР МАЖМУАСИ — Касбидаги меъморий ёдгорлик (11—16-а.лар). Саидлар авлодидан бўлган Мирҳайдар номи б-н боғлиқ. Мажмуа (90×40 м) ёпиқ ва ярим очиқ бинолар, 3 ҳовлидан иборат. Кенг саҳнли жан. ҳовлидан қатор устунли масжидга (6-а.да бунёд этилган) кириб, ундан ўртадаги ҳовлига ўтилади. Ҳовлининг шим. ва шарқий томонидан қал. мақбаралар, жан. ва ғарбий томонида айвон (16-а.) жойлашган. Айвон (11,6×6,6 м) нинг ғарбий деворн ёқалаб ўтган йўл шим. ҳовлига олиб боради. Ҳовлида 14—16-а.ларга оид мармар сағаналар бор. Мақбаралар 3 хонадан иборат. Хоналар чор қиррали тахмон ва равоқларга ажратилган. Деворларидаги кичик меҳробий 3 токча оралиғида чироқлар учун тутун йўли ишланган. Равоқларнинг бурчак бағаллари майда муқарнаслар б-н безатилган. 1-мақбара (3,3×3,3 м)да Саид амир Шамсиддинбек ал-ҳожи Ҳайдар сағанаси сақланган. Сағана тўқ кулранг мармардан ишланган. Унда 897 ҳижрий (1491 милодий) йил қайд этилган. 2-мақбара (5×5 м)да шахси номаълум 3 та сағана бор. Мақбара гумбазли, бурчакларига 5 қиррали ғиштин муқарнаслар терилган. Ўртадаги ҳовлининг шарқий томонида алоҳида қурилган Ахлибой мақбараси (4,4×4,4 м) ҳам 14-а.га оид деб тахм. қилинади. Масжид-намозгоҳ (20×9,6 м) жан.дан мақбара бостирмасига туташган. Ундаги безаклар 13—19-а.ларга оиддир. Масжиднинг ўрта қисми кенг қатор устунли, бош тарзи иеси пештоқли, пастак гумбазли қалқонсимон бағалларга таянган. Деворидаги токча бурчаклари равоқли, қиррали қилиб безатилган. Масжид олдидаги минора (бал. 8,5 м) эски бинолар ғиштидан қурилган (19-а. охири — 20-а. бошлари), кўриниши пастдан юқорига қараб ингичкалашиб борган, тепаси мезанали. Пастки қисми бир неча бор таъмирланган.

СУЛТОН МУҲАММАД НУР (1472—1530) — хаттот, настаълиқ хати устаси. *Султонали Машҳадий*нинг шогирди. Ҳиротда Навоий ҳомийлигида хаттотлик санъатини ўрганган, ижодини ҳам Навоийнинг шахсий кутубхонасида бошлаган, турли мажлисларда иштирок этган. Асосан, Ҳиротда ижод қилган, маълум муддат Бухорода ҳам бўлган. Навоий унинг санъатини юқори баҳолаб, ўз даврида «ҳеч ким майда настаълиқ хати ёзишда унга тенг келмаган», деб ёзган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган, улардан Салим Котиб, Айний ва б. устозининг хат услубини давом эттирган. С.М.Н. кўчирган қўлёзмалар: Абдулла Ҳотифийнинг «Хамса» достонларидан олинган терма байтлар (1500, Британия музейида); Саъдийнинг «Бўстон» (1501, Теҳрондаги Миллий кутубхонада); Саъдий ва Жомий ғазаллари терма «Девон»и (1519, Теҳрондаги Салтанат кутубхонасида); Низомийнинг «Хамса» (1524, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида); Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» (1528, Истанбулдаги Авлиё София соборида); «Субҳат ул-аброр» (Лоҳурда: Муҳаммад Шафи шахсий кутубхонасида); Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (1528; Теҳрондаги Салтанат кутубхонасида: Беҳзод расм ишлаган); Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» (1530), Навоийнинг «Девон»и (Россия миллий кутубхонасида); «Калила ва Димна» (Ҳиндистон, Рампур ш.да) ва б. С.М.Н. битган қитъалардан 9 таси Россия миллий кутубхонасида сақланади.

Ад.: Баёний М., Аҳвол ва осори хушнависон, 2 ж., Теҳрон, 1967.

СУЛТОН МУҲАММАД ТАБРИЗИЙ (1470 й. охири — Табриз — 1555) — мусаввир, Табриз миниатюра мактаби асосчиларидан. Сафавийлар (Шоҳ Исмоил ва Шаҳзода Таҳмосиб I) саройи кутубхонасида ишлаган. *Беҳзод* б-н ҳамкорликда ижод қилган, шаҳзода Таҳмосибга расм ўргатган. Оға Мирак Исфаҳоний, Мир Саид Али, Музаффар Али ва б. б-н бирга қўлёзма китобларга

Султон Муҳаммад Табризий. «Султон Санжар ва кампир» (1539–43, Британия музейи).

асарлар яратган. Асарлари ёрқин, соф ранглар жозибаси, нозик чизиқлари, ажойиб нақшлар ва пухта ўйланган тарҳи, кўтаринки образлар силсиласи б-н алоҳида ажралиб туради. Навоийнинг «Девон»и (1527), Ҳофизнинг «Девон»и (1537), Низомийнинг «Хамса» (1539–43, Британия музейида), Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1537) асарлари қўлёзмаларига расмлар ишлашда қатнашган, портретлар ва б. алоҳида миниатюралар яратган.

СУЛТОН МУҲАММАД ХАНДОН (15–16-а. 2-ярми, Ҳирот) — хаттот, шоир, насталиқ хати устаси. *Султонали Машҳадий*нинг шогирди, хушхатлиги, хушчақчақликка мойил бўлгани учун «хандон» лақабини олган. Ижодини Навоийнинг шахсий кутубхонасида бошлаган. С.М.Х. кўчирган қўлёзма китобларга баъзан отини ёзмаган. Хондамир хаттотни «насталиқ хатида истеъдоди жуда зўр», деб баҳолаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. С.М.Х. кўчирган Саъдийнинг «Бўстон» асари (1514, Жаъфар Султон Алқаройи мажмуасида), Ҳофизнинг «Девон»и (1519, Кобулдаги Давлат музейида ва яна бир нусхаси 1515, Британия музейида), Хусрав Деҳлавийнинг «Девон»и (1497, Ўзбекистон ФА ШИ да) ва «Қирон ус-садайн» асари (1515, Британия музейида), Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо» (Теҳрондаги Миллий кутубхонада ва бир нусхаси шахсий мажмуада), «Субҳат ул-аброр» (1523, Теҳрондаги Жаъфар Султон Алқаройи мажмуасида), Навоийнинг «Девон»и (1528, Россия миллий кутубхонасида) ва б. қўлёзмалар, кўплаб қитъалари бизгача етиб келган.

СУЛТОН САЙИДХОН (1490, Турфон — 1533.9.7) — Ёркенд хонлиги ҳукмдори (1514—33). *Чиғатойилардан. Султон Аҳмадхон*нинг ўғли. 1503 й. отаси б-н амакиси *Султон Маҳмудхон*нинг Ахси яқинида *Шайбонийхон* б-н бўлган жангида қатнашган. Султон Аҳмадхон вафотидан сўнг тахт учун курашларда акаси Мансурхондан енгилган. С.С. Андижонга, сўнгра Кобулга, қариндоши *Бобур* ҳузурига борган. Бобур уни иззат-икром б-н кутиб олган. 1510 й. Бобурнинг Кобулдан Қундузга юриши чоғида С.С. у б-н бирга бўлган. Тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Саид Муҳаммад мирзо Андижонни шайбонийлардан (Жонибек султондан) қайтариб олгач (1511), Бобурни таклиф этади. Бобур С.С.га Андижон тахтини беради. Қашқар ҳокими Абу Бакр мирзо 20 минг кишилик қўшин б-н Андижонга юриш қилган, С.С. кичик қўшин (1,5 минг киши) б-н Андижондан 2 фарсах узоқликдаги Нут-Нут мавзеида бу катта қўшин устидан зафар қозонган (1511 й. 24 окт.). С.С. шайбонийларга қарши курашда Бобурга ёрдам берган. 1514 й. шайбоний султонлар Андижонга юриш уюштирганлар. С.С. шаҳарни ташлаб Шарқий Туркистонга кетган. 1514 й. Абу Бакр мирзони енгиб, Қашқарни эгаллаган. 1522 й. бутун Шарқий Туркистонни тобе этган. Умрининг сўнгги йилларида Тибетни эгаллаш учун кураш олиб борган. Мамлакатда тартиб ўрнатиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширган. Абу Бакр мирзодан қолган давлат хазинасини мусодара этиб, унинг бир қисмини давлат арконлари, лашкарбошилари, қўшин ва фуқароларга тақсимлаб берган. Оқсу ва Турфон ш.лари ва бир қанча қишлоқлар қайта қурилган. Дин арбобларига катта ҳурмат кўрсатилган. Бироқ С.С. 1522 й.дан бошлаб мамлакатга, ичкиликка берилиб кетиб давлат ишларига эътибор бермай қўйган. Тарихчиларнинг таърифига кўра, С.С. атоқли сиёсатдон бўлиши билан қатъи назар, таниқли олим, шоир, мусиқашунос ҳам эди. Саъид тахаллуси б-н шеърлар ёзган. С.С. моҳир хаттот, мусаввирликда, муҳр ўйиш, ўқ қириш (сайқалгарошлик), заргарлик, отни безаш, кулолчилик, камон, ханжар, шамшир ясаш, дурадгорлик ҳунарларида шуҳрат қозонган. С.С. шоҳорини яхши кўрган, унинг қонун-қоидаларидан сабоқ берган.

Омонбек Жалилов

СУЛТОН САЙИДХОН (? — 1868) — Қўқон хони (1863—65). *Маллахон*нинг ўғли. 1863 й. июлда қирғизлар ва қипчоқлар амир лашкар *Алимқул* бошчилигида ҳокимиятни эгаллаган. С.С. номигагина хон қилиб кўтарилган, амалда давлат ишлари Алимқул қўлида бўлган. Рус қўшинлари бу пайтда Янгиқўрғон, Пишпак, Марки, Авлиеота, Туркистон, Чимкентни босиб олишган. 1865 й. баҳорида М.Г.Черняев бошчилигидаги қўшин Тошкентни қамал қилган. С.С. Алимқул б-н бирга Тошкент мудофаасига раҳбарликни ўз қўлига олган. Алимқул жангда ўлдирилгач, қирғиз ва қипчоқлар қўшини Қўқонга қайтиб кетиб, тахтга бошқа хонни ўтқазиш пайтига тушган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, Тошкент халқи С.С.га содиқ қолиб, уни қайта хонлик тахтига ўтқазишади. Шу равишда Тошкент ўз хонига эга бўлиб, Қўқондан мустақиллигини намойиш қилган.

С.С. Россия тажовузига қарши ёрдам сўраб Туркия султонига, Бухоро амирига ва Қўқонга элчилар жўнатган. Бухорога себзорлик эшон Ҳакимхўжа қозикалон бошчилигида ҳар даҳадан тўрт оқсоқол юборилади. Бухоро амири ўз мактубида С.С. унинг ҳузурига келиб бўйсунишни ва шундан кейингина Тошкентга ёрдам беришни мумкинлигини ёзган. Амирнинг бу талаби қондирилган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Бейсембиев Т.К., Тарихи Шахрухи, Алма-Ата, 1987.

СУЛТОН САНЖАР — *қ. Санжар.*

СУЛТОН САНЖАР МАҚБАРАСИ — Марв (Туркманистон)даги меъморий ёдгорлик (12-а. 40-й.лари). Меъмори *Муҳаммад ибн Отсиз* ас Сарахсий. Султон қалъа марказига жойлашган. Султон *Санжар* (1157 й.да вафот этган) мақбараси бизгача харoба ҳолда етиб келган. Мақбара мураббa тарҳли (ташқариси 27×27 м, ичкариси 17×17 м). Хона бал. 36 м (ички гумбазгача, ташқи гумбаз сақланмаган). Маҳобатли тўртбурчак девор (бал. 15 м, қалинлиги 5 м) устига 8 қиррали пой-

Султон Санжар мақбараси

гумбаз (қалинлиги 1,5 м) ўрнатилган. Пойгумбаз 3 поғонали. 1-поғонаси 4 томондаги равоқларга таянган, 2-поғонасидаги майда равоқчалар 6 қиррали, 3-поғонаси устига гумбаз ўрнатилган. Мақбара ички деворларида оқ, кўк ва қизил рангли бўёқлар сақланган. Нозик ислимий нақшлар б-н безатилган девор тепасида ёзувлар, шарқий гумбазда ишланган ганчкор нақшлар заминида меъмор номи қайд этилган. Мақбарага Салжуқийлар саройи ва масжид туташ бўлган. С.С.м.да турли урушлар кўп путур етказилганига қарамай, ўз маҳобатини йўқотмаган. 1980 й.да қайта тикланган.

Ад.: Всеобщая история архитектуры, в 12 томах, т. 8, М., 1969.

СУЛТОН САОДАТ МАЖМУИ — Термиздаги меъморий ёдгорлик (10—17-а.лар). Термизнинг шарқида жойлашган бу зиёратгоҳ 7 а. давомида шаклланган. 20 га яқин мақбарани ўз ичига олган. Унда Сайиидлар сулоласининг мақбаралари жойлашган. Дастлаб шу атрофдаги ерлар эгаси, пайғамбаримиз авлодларидан бўлмиш Ҳасан ал-Амир (9-а. 2-ярмида вафот этган) мақбараси бунёд этилган. Халқ орасида С.С.м. номи б-н машҳур бўлган мақбаралар 10-а.да, қолганлари, асосан, 15—17-а.ларда ёнма-ён қурилиб, узун ҳовлининг 2 томонини эгаллаган. Мақбаралар пештоқ ва гумбазли чорси хоналар (9×9,05 м ва 10,15×10,25 м) дан иборат. Ҳовлининг тўридаги пештоқ ва икки қанотидаги гумбазли мақбаралар бир хил тарҳда, жан.даги мақбара зиналар ҳисобига кичикроқ қурилади. Шим.-ғарбидаги мақбаранинг қурилма ва безаклари оддий ғишт (27×27×5 см) дан жуфт-жуфт қилиб терилиб, мавжли безак ҳосил қилинган. Ички хона деворларига ғиштдан ҳошияли бўртма равоқлар ишланган. Жан.-ғарбдаги мақбара шим.-ғарбдагидан бир оз кичик, кўриниши оддий, ганч сувоқли. Мазкур 2 мақбара орасидаги пештоқли супа тўрига меҳроб жойлашган. Сиркор кошинлар бинога алоҳида ҳусн бағишлаган. 15—17-а.ларда қурилган мақбараларда ўша даврга хос кўлдуксимон гириҳ нақшлар, ганчкори безаклар кенг қўлланилган. Мажмуа мустақилликдан кейин таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилган.

Ад.: Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А., Средневековые памятники Сурхандарьи, Т., 1982.

СУЛТОН УВАЙС БОБО МАЖМУИ — Беруний (Қорақалпоғистон) туманидаги меъморий ёдгорлик (17—19-а.лар). Султон Увайс (асл исми Суҳайл ибн Омир ибн Румон ибн Ноҳия ибн Мурод) Яманнинг Қаран қишлоғи Муродий қабиласида (мил. 625 й.да) туғилган. Ҳазрати Али ва Муовия аскарлари ўртасидаги Сиффин жанги (657 й.)да 32 ёшида шаҳид бўлган. Суриянинг Софа қишлоғида дафн этилган. Султон Увайс ҳадислар йиғиш б-н шуғулланган (7-а. 1-ярми). Унинг ислом мухлислари 17-а.да рамзий қабр (Шоҳаббос хоз. Берунийда) ва зиёратгоҳ бунёд этишган. Оллоқулихон шайхта атаб катта масжид ва алоҳида 10 та чиллахона қурдирган (19-а.). Мажмуа тўғри тўртбурчак тарҳли (21,5×53 м), шим.дан — жан.га томон йўналтирилган. Султон бобо мақбараси, кейинчалик бунёд этилган (асосан, гумбазли) мақбаралар ва б. атрофи ғиштин девор б-н ўралган ҳовлининг шим. қисмида жойлашган. Жан.да масжид, айвон, ҳужра ва меҳмонхоналар бор. Мажмуага ғарбдан кирилади. С.У. б.м. ўрта аср

Султон Увайс бобо мақбараси.

Хоразм меъморий анъаналари асосида (пишиқ ғиштдан) қурилган. Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси б-н зиёратхона, кириш қисми таъмирланган (2002).

СУЛТОН УВАЙС ТОҒИ — Қорақалпоғистондаги тоғ тизмаси. Қизилқумнинг шим.-ғарбида, Амударёнинг ўнг соҳилида. Кенглик бўйлаб 40—45 км масофага чўзилган, эни 10—15 км. Тоғ унчалик баланд эмас, атрофдаги текисликдан 350—400 м кўтарилиб туради. Энг баланд жойлари: Қорачингил (485 м), Аччиқтоғ (473 м). Жан. ён бағри нишабан тикроқ. Ғарбий қисми бир қанча тепаликларга (Шайххжали, Қуёнчиқ, Зангибобо, Жумуртов) бўлинган. Йиллик ёғин 80—100 мм ёғин тушади. Йиллик т-ра 12°—13°, янв.нинг ўртача т-раси —5°, —8°, июлники 26°—28°. Доимий оқар сувлар йўқ. Уз. 5—12 км ли қуруқ сойлар (Жамансой, Қизилсой, Қазансой, Султонбобосой, Каҳрасой, Ахимбеддинсой)да фақат ёғингарчи-

Султон Саодат мажмуаси.

лик вақтида сув оқади. Тектоник жиҳатдан антиклиналь структура. Кучли бурмаланган палеозой даври метаморфик, чўкинди, вулканик тоғ жинслари (слонец, кварцит, оҳактош ва б.)дан ташкил топган. Чўл тупроқларида шувоқ, ранг каби эфемер ўсимликлар, булоқлар атрофида турли хил буталар ўсади.

СУЛТОН ҲАСАН МАСЖИД-МАДРАСАСИ — Қоҳира (Миср)даги меъморий ёдгорлик (1356—63). Мажмуа масжид, мадраса ва султон Ҳасан мақбарасидан иборат. Тарҳи 68×155 м. Мадраса 4 айвонли, ҳовли майд. (32×34,6 м) 4 томондан равоқли айвонлар б-н ўралган (девор бал. 35 м гача), айвонларнинг энг каттасида масжид хонақоҳи жойлашган. Мадрасага ҳовлининг 4 томонидаги дарвозалан кирилади. Атрофидаги ҳужралар 4 қаватли. Масжид деворлари мармар б-н қопланган, полига кошин ётқизилган. Меҳроб ёнидаги минбар мармардан ишланган. Меҳробнинг 2 ёнида мақбарага кириладиган эшиклар бор. Эшиклардан бири олтин ва кумуш б-н, мақбара (21×21 м) мармар б-н қопланган. Гумбаз ости бағали муқарнаслн (17-а.да қайта тисланган). Ҳовли ўртасидаги мармар устунли кўшк ўртасига фаввора ўрнатилган. Пештоқи (бал. 38 м) муқарнас безаклар тош ўймакорлиги ва қадама нақш б-н жозибадор безатилган. Гулдаста-минораси ўзига хос миллий услубда ишланган. С.Ҳ.м.-м. мамлуклар ҳукмронлиги даври қурилишидан қолган, кўлами ва ҳашамдорлиги жиҳатлан энг аҳамиятли ёдгорликлардандир.

СУЛТОНАЛИ МАШҲАДИЙ (1437 — Машҳад — 1520) — хаттот, шоир, хат назариётчиси; *настаълиқ* хати ривожига ва кенг тарқалишига улкан ҳиссе қўшган. «Султон ул-хаттотин» («Хаттотлар султони») ва «Қиблат ул-куттоб» («Котиблар қибласи») номли юксак унвонлар соҳиби. *Хаттотлик*ка болалигидан иштиёқи баланд бўлган. С.М.нинг устозлари — хаттот Заҳириддин Азҳар ва Хожа Ҳофиз Муҳаммад. С.М. мадрасада таълим олган, сўнг мадрасада дарс берган. 1451 й.дан Ҳиротда яшаб, Султон Абу Саид (1451—69) ва Султон Ҳусайн (Ҳусайн Бойқаро, 1469—1506)лар хизматида бўлган. Ҳиротдаги бадиий муҳит — санъаткорлар даврасн, айниқса, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар б-н ижодий ҳамкорлик қилиш натижасида С.М. устод санъаткор даражасига кўтарилди (Навоийнинг шахсий кутубхонасида китобат ишлари б-н машғул бўлган). Айниқса, С.М.нинг Навоий ижодига муносабати ўзгача бўлиб, шоирнинг



«Наводир ун-ниҳоя» девонининг зарвараги (15-а.нинг 2-ярми. Ўзбекистон ФА, Шарқшунослик институтида).

аксар асарларини бир неча нусхаларда кўчирган; жумладан, Навоийнинг «Илк девон»ини ўзи тартиб этган (1465; дастхат нусхаси Россия миллий кутубхонасида). Ўз навбатида улуг шоир ҳам хаттотга чуқур хурмат б-н қараган, «Мажолис ун-нафоис» асарида унга юқори баҳо берган. С.М. Ҳирот хаттотларига раҳбарлик қилган; ёш мусаввир Камолиддин *Беҳзод*га ўз фарзандидек муносабатда бўлган; уларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли юксак даражадаги санъат асарлари—қўлёзмалар юзага келган. *Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Мир Али Ҳиравий*, Муҳаммад Қосим ва б. кўплаб хаттотларни тарбиялаган.

С.М. кўчирган ва тартиб қилган мўътабар қўлёзмалар ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг ноёб намунаси, ҳам Ҳирот китобат санъатининг шоҳ асарлари, дурдоналари сифатида қадрлидир. Шулардан 50 дан ортиқ китоб ва 500 га яқин қитъалар бизгача сақланган: Ўзбекистон ФА Шарқшунослик института Навоийнинг 3 девони (жумладан, «Наводир ун-ниҳоя» ва б.), Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Ҳотамнома», «Жавоҳирнома» асарлари; Англиянинг Виндзор саройи кутубхонасида Навоийнинг «Девон»и, «Ҳамса» асарлари; Россия миллий кутубхонасида Навоийнинг «Хамса» асари; АҚШ нинг Метрополитен музейида Навоийнинг «Девон»и; Туркиянинг Истанбулдаги Тўпқопу саройи кутубхонасида Навоийнинг «Хамса», Саъдийнинг «Девон»и, Султон Ҳусайний «Девон»и (4 нусха) ва б. қўлёзмалар; у яратган газал, рубоий, қитъалар (ҳусниҳат парчалари, аксарият қисми Туркиядаги Тўпқопу саройида) мураққаъ ва газкираларда дунё кутубхона ва музейларида сақланади (жумладан, 41 та қитъа Россия миллий кутубхонасида).

Алишер Навоий «Девон»и (терма). Хаттотнинг исми битилган саҳифа (15-а. охири, Бодли кутубхонасида). Султонали Машҳадий кўчирган.

С.М. нинг хат санъатига оид «Қавоиди хутут» («Хат қоидалари», 1519 йилги рисоласида Властел қўлёзмаси Россия миллий кутубхонасидаги хаттот ва шоирнинг нодир лирик ва ҳолати ўта аксини топган рисола матни настаълиқ хатида китобат қилиниб, олтин суви б-н ҳалланган, қўлёзма саҳифалари ҳошияларига ўсимлик ва ҳайвонлар тасвирлари ишланган (саҳифа варағидаги унвон ичида мусаввир Жалолиддиннинг номи ёзилган). С.М. ушбу рисолада хат услублари такомилдан, настаълиқ хатини ўстира тухтаган, *Ибн Муқла, Ибн Баввоб* ва б. хаттотларнинг хат усулларини таърифлаган.

С.М. иморатлар, ёзоч ва тошларга ўйиб ёзиладиган хатларни битишга ҳам моҳир бўлган. Султон Ҳусайн қурдирган бинокорларига китобалар, унинг марҳум қариндоши ва яқинларининг қабр тошларига битиклар битган.

С.М. фаолияти, у кўчирган ва битган қўлёзмалар, қитъа, китоба ва битиқлар ўз даврида ва ундан кейин ҳам юқори баҳоланган: Бобур, Хондамир («Ҳабиб ус-сияр»), Мирхонд («Равзат ус-сафо»), Мирзо Муҳаммад Ҳайдар («Тарихи Рашидий»), Абдураззоқ Самарқандий («Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн») ва б.

Ад.: Костюгова Г.И., «Трактат по каллиграфии» Султан Али Машхеди, Л., 1957; Муродов А., Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан, Т., 1971; Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар, Т., 1982; Хакимов М., Алишер Навоийнинг асарларини кўчирган хаттотлар, Т., 1991; Норқулов Н., Темурийлар даври маданияти тарихидан лавҳалар, Хоразм, 1996; Пугаченкова Г.А., Темурнинг меъморий мероси, Т., 1996.

Абдужаббор Мадраимов.

СУЛТОНАЛИ ҚОИНИЙ (15-а. 2-ярми — 1517) — хаттот, шоир; настаълиқ хати устаси. Хаттотликни Азҳар Табризийдан ўрганган. Ижодини Табризда бошлаган, кейин Ҳиротга келиб *Жомий* хизматида бўлган. Навоийнинг шахсий кутубхонасида ижод қилган. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида «табъи ва салоҳияти кўптур», деб таърифлайди, Хондамир «Хулосат ул-ахбор» асарида «настаълиқни баъзият тоза ва яхши услубда ёзади», деб таъкидлайди. С.Қ. ўз ижодида устозининг хат услубини ривожлантиргани ҳи, айниқса, майда настаълиқда яхши ёзган;. Жомийнинг «Девон»и (Техрондаги Салтанат кутубхонасида), Хамадонийнинг «Тамҳидот» (1479, Россия миллий кутубхонасида), Навоийнинг «Ғаройиб ус-сиғар» (Истанбул, Ун-т кутубхонасида 7 та расм бор) асарлари ва б. қўлёзмаларни кўчирган. С.Қ. қўлида қитъалар битган, аксарияти Туркия мажмуаларида, жумладан, 13 намунаси Баҳром Мирзонинг мураққаъси (Истанбул, Ўфқоф, Хазина кутубхонасида) сақланади.

СУЛТОНИЙ, Жауе, Оқпар, Шакарак — ўрта кечпишар мақдалий ҳўраки, майизбоп ва винобоп узум нави. Ўрта Осиёда чиқарилган. Ўзбекистон (Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида кўпроқ), Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистонда экилади. Тупи ўртача кучли ўсади. Барглари ўртача, 5 ўртача кучли ўсади. Барглари ўртача, 5 бўлмали, бети бир оз буришган, орқа ёш тукли. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, вазни 400—500, баъзан 800—1100 г. Конуссимон, тиғиз жойлашган. Гужуми йирик, 5—6 г келади, юмалоқ-чўзиқ, оч сариқ, пишганда қизғиш-қора, офтобга қараган томони тўқ қизғиш-қора. Пўсти қалин, қўнғир нуқталар сариқ. Пўсти қалин, қўнғир нуқталар сариқ. Пулпи қалин, ёғлиги ўртача, сершира, ширин, ёқимли, ўзига хос ҳидли. Эти сершира, еганда қобиқдан осон ажралади. Таркибида 23—24% қанд, 3—3,5% кислота бор. Новдалари яхши пишади. Ҳосилдорлиги 200—240 ц/га. Совуққа чидамсиз, оидиум б-н касалланади. Узун новда қолдириб кесилади. Қуртқинлинкка чидамли. Узуми янгилигида истеъмол қилинади, майиз солинади, юқори сифатли десерт винолари тайёрланади.

Султоний узуми.

СУЛТОНИЯ — Эронда ҳукмронлик қилган *Ҳулокуийлар давлати* пойтахти (14-а.). Шаҳар қурилиши элхонлардан султон *Арғун* даврида (1284—91) бошланиб, Ўлжойтухон ҳукмронлиги вақтида (1304—16) якунланган. С. бешта муҳим карвон йўллари туташган ерда жойлашгани туфайли 14-а.да унинг аҳамияти кучайган. *Амир Темур* Яқин ва Ўрта Шарққа юришлари чоғида С.да қароргоҳ қурган. Мирзо Улуғбек шу шаҳарда туғилган. Ҳоз. С. Эроннинг шим.-ғарбида Занжон ва Қазвин ш.лари оралиғида жойлашган шаҳар.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996.

СУЛТОНОВ Абдулла Султонович (1913.13.3 — Тошкент — 1983.26.10) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1966). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973). Кимё фанлари д-ри (1964), проф. (1966). Ўрта Осиё ун-тини тугатгач (1935), шу ун-т органик кимё кафедрасида ассистент (1935—40), доцент (1940—47). Ўзбекистон ФА Кимё ин-тида лаб. мудири (1947—59). Полимерлар кимёси и.т. институтида директор муовини (1959—63). Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш и.т. институти директори (1964—78), лаб. мудири (1978—83). Асосий илмий ишлари нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси саноати органик катализи муаммоларига онд. С. гидрокрекинг, гидроолтингугуртсизлаш, гидрогенизация, газларни олтингугурт бирикмаларидан тозалаш ва б. кимёвий жараёнларда қўлланадиган катализаторларнинг янги турларини синтез қилган. Карбон кислоталарни декарбоксиллаш ва биологик фаол катализаторларни қўллашнинг назарий асосларини ишлаб чиққан.

Ас.: Химическая теория катализа Д.И.Менделеева и дальнейшие её развития, Т., 1961.

СУЛТОНОВ Абдурайим Султонович (1930.15.10, Чимбой — 1992.15.9, Нукус) — қорақалпоқ композитори ва дирижёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Тошкент консерваториясини тугатган (1955). Қорақалпоқ театри бош дирижёри (1955—57, 1966—71). Қорақалпоқ давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестрининг ташкилотчиси ва раҳбари (1957—63). Нукус мусиқа-хореография билим юртида директор муовини (1963—66) ва ўқитувчи (1963 й.дан), Қорақалпоғистон телевидение ва радиоэшиттириш кўмитаси халқ чолғу асбоблари оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри (1971 й.дан), Қорақалпоғистон композиторлар уюшмаси раиси (1991—92). Симфоник («Қорақалпоқча сюита», Б.Гиенко б-н ҳамкорликда; «Ёшлик») ва вокал-симфоник («Бўзатов») сюиталар, поэмалар, «Қорақалпоқча рапсодия»; шунингдек, «Равшан» (Ж.Оймирзаев), «Бахт», «Арулар», «Дилбарлар» (С.Хўжаниёзов), «Кирли сўқмоқлар» (Т.Сеитжонов) , «Артист тақдири» (И.Юсупов), «Орол овози» (Қ.Дўсанов) каби спектакларга ёзилган мусиқа ва қўшиқлар (Ажиниёз шеърлари — «Севгилим», «Гўзаллар», «Бормикин» ва б.) муаллифи. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

СУЛТОНОВ Абдураҳмон (1946.18.10, Тошкент) — ганчкор уста, меъмор, Ўзбекистон халқ устаси (2001). Тошкент политехника ин-тининг меъморлик ф-тини тугатган (1970). С. ин фаоли

лиятини Тошкент амалий санъат ижодий экспериментал к-тида ганчкорликдан бошлаган. Уста Маҳмуд *Усмоновнинг* шогирди. Тошкент метрополитени («Мустақиллик», «Ҳамза» ва б.) бекатлари, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Зарафшон» ресторани, Тошкент оперетта театри, «Ўзбекистон» санаторийси (Сочи), Миллий боғдаги Навоий ҳайкали гумбази остидаги безаклар, Туркистон саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи (бинонинг ташқи устунлари), Германиядаги Ўзбекистон элчихонаси ва б. учун яратган нафис ганч ўймакорлиги асарлари юксак маҳорат б-н ишланган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

Уста Абдураҳмон Султонов.

СУЛТОНОВ Журахон (1903.29.1 — Марғилон — 1965.19.10) — хонанда, бастакор, Ўзбекистон халқ ҳофизи (1939). Кенг диапазонли, кучли, юмшоқ хириллоқ ва дардли овоз соҳиби. Хонандалик сабоқларини илк бор отасидан олган, кейинчалик Мадали ҳофиздан ялла йўлларини, Болтабой Ражабов, Маматбува Сатторовлардан катта ашула, Содирхон ҳофиз, Мулла Тўйчи ҳофизлардан мақом йўлларини ўзлаштирган. Дастлаб халқ тўй-сайиллари, чойхоналарда хизмат қилган. 1926 й.дан М. Қориёқубов раҳбарлигидаги Ўзбек давлат концерт-этнографик труппасига қатнашган. Марғилон (1928—32) ва Тошкент (1932—36 ва 1940—58) театрларида, Ўзбек давлат филармонияси (1936—39), Ўзбекистон радиоқўмитаси (1950—58)да яккахон хонанда. Муқимий театрида Парфи ҳофиз («Тоҳир ва Зуҳра»), Норкўзи («Нурхон») каби ролларни ҳам ижро этган.

С. халқ орасида «катта ашула пири» номини олган, шунингдек, яллалар устаси, аскиячи сифатида ҳам танилган. Шогирди М. *Узоқов* б-н 25 йилдан ортиқ ҳамнафаслик қилиб, ўзига хос талқин йўлини яратган. Репертуаридан «Ушшоқ» ва «Содирхон Ушшоғи», «Дугоҳ Ҳусайн», «Беш парда Сувора» ва «Савти Сувора», «Ҳануз», «Чор зарб», «Чаман ялла» каби мумтоз ашула ва яллалар, «Боғ аро», «Шафоат», «Хайрул башар», «Отга мин-

дим» ва б. катта ашулалар ўрин олган. У ўзбек халқ куй ва усуллари асосида бир қанча ашулалар ижод қилган. «Найлайин», «Ўлмасун» (Навоий), «Келинг, эй аҳбоблар» (Фурқат), «Бир қалаҳ» (Чустий), «Мубталоман» (С.Абдулла), «Минг қалам» (Ҳабибий), «Бир келсин», «Эй дилбари жононим», «Оҳким» каби катта ашулаларни чолғу жўрлигида ижро этиб янги услуб яратган. С. ижролари Ўзбекистон радиоси ва Санъатшунослик ин-ти фоножамғармаларида сақланмоқда, бир неча граммпластинка, аудиокассета ва компакт дискларга ёзилган. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000). 1997 й.дан Марғилонда С. ва М. Узоқовлар номидаги Республика хонандалар танлови ўтказилмоқда.

СУЛТОНОВ Караматдин (1924.5.9, Қорақалпоғистон, Мўйноқ тумани Оқдарё қишлоғи — 1989, Нукус) — Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси (1973). 1949—51 й.ларда «Қизил Каракалпакстан» ва «Жас ленинши» газ.ларида ишлаган. Илк ҳикоялар тўплами — «Менинг дўстларим» (1956). «Овулдошларим» (1960), «Олтин давр шамоли» (1959), «Давр қўшиғи» (1972) каби ҳикоя ва шеърлар тўпламларида қорақалпоқ халқининг ҳаёти акс этган. 1962 й. «Оқдарё» романини ёзган. Асар ўзбек (1967) ва рус (1974) тилларида нашр этилган. С.нинг «Ажинниёз» тарихий романи (1971) қорақалпоқ халқининг машҳур шоири ва классиги *Ажинниёзга* бағишланган. «Давр таърифи» (1971), «Кексалар ҳикоялари» (1972), «Ўтган кунлар» (1973), «Хотиралар» (1975) каби қиссалар муаллифи. Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мукофоти лауреати (1985).

СУЛТОНОВ Муҳаммад Алиевич (1915.2.2 — Тошкент — 1980.12.7) — гельминтолог олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1968), биол. фанлари д-ри (1963). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1937). Ўзбекистон ФА Зоология ва паразитология ин-тида кичик илмий ходим (1941—43), катта илмий ходим (1943—56), гельминтология лаб. мудири (1956—78), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, директор (1962—66). Илмий ишлари Ўзбекистоннинг уй ва ов хўжалик аҳамиятига эга бўлган паррандалари гельминтлари, от ошқозон букаси ҳамда бошқа ёввойи ҳайвонлар паразитофаунасини ўрганиш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Ас.: Гельминты домашних и охотничье-промысловых птиц Узбекистана. Т., 1967. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана (в соавторстве). Т., 1975.

СУЛТОНОВ Мўмин Маннонович (1947.10.2, Тошкент) — ганчкор уста, Ўзбекистон халқ устаси (2000). Тошкент политехника ин-ти меъморлик ф-тини тугатган (1971). 1961 й.дан Тошкент амалий санъат ижодий экспериментал к-тида ганчкор уста. 1973 й.дан «Устазода» бирлашмасида ижодий раҳбар. Уста Маҳмуд *Усмоновнинг* шогирди. С. шогирдлари б-н Навоий ҳайкали гумбаз ости безаклари, Темурийлар тарихи давлат музейи, Туркистон саройи, Тошкент ш. ҳокимияти, Ўзбек миллий

Уста Мўмин Султонов.

академик драма театри, Ўзбекистон консерваторияси, Германиядаги Ўзбекистон элчихонаси, Малайзиядаги Бутунжаҳон ислом музейи бинолари ва б. иншоотларининг ганчкори безакларини яратган.

СУЛТОНОВ Толи Ҳожиаҳмедович (1950.8.11, Элликқалъа тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Республика рус тили ва адабиёти педагогика ин-тини тугатган (1972). 1972 й.дан Элликқалъа туманидаги 2-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси (1987—2000 й.ларда директор). Дарсни техника воситаларидан, кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда ташкил этади.

СУЛТОНОВ Хайриддин Мадридинович (1956.15.1, Тошкент вилояти Қибрай тумани Тузел қишлоғи) — ёзувчи, публицист. Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1978). «Гулистон» (1974—80) ва «Ёшлик» (1982—85) жур.ларида адабий ходим, бўлим мудири, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир (1980—82), бош муҳаррир (1985—93). 1993 й.дан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим, 2001 й.дан Президентнинг Давлат маслаҳатчиси.

С. ўзининг очерк, ҳикоя ва қиссаларида, асосан, замондошлари ҳаётига мурожаат этиб, уларнинг руҳий оламидаги инсоний гўзалликни, содда, покиза, меҳнаткаш кишиларнинг ёрқин образларини яратган. С. тарихий мавзуларга ҳам мурожаат этиб, Навоий, Улуғбек, Бобур, Абдулла Қодирийга бағишланган асарлар ёзган («Бобурнинг тушлари», қисса ва ҳикоялар). Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция аъзолари б-н бирга қилган сафари таассуротлари асосида эса «Бобурийнома» маърифий романини яратди. С. мазкур асари б-н ўзбек адабиётида маърифий роман жанрини бошлаб берди. Асарлари нафис лиризм, тасвир маданияти, тилининг майин, ширали ва рангинлиги б-н ажралиб туради. С. драматургия ва кинодраматургия соҳаларида ҳам қалам тебратиб, «Чангак», Абдулла Қодирийга бағишланган «Мозийдан бир саҳифа» видеофильмлари, шунингдек, ёзувчининг романи асосида кўп серияли «Меҳробдан чаён» видеофильми сценарийсини яратди. Унинг «Тушларимда кўриб йиғлайман» ва «Ёзнинг ёлғиз ёлғори» сценарийлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган. «Сарҳовузнинг бўйларида» (1992) пьесаси муаллифи. А.Сент-Экзюпери, Ю.Нагибин ва В.Шукшиннинг ҳикоя ҳамда қиссаларини ўзбек тилига таржима қилган. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. «Шуҳрат» медали (1996), «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

СУЛТОНОВ Юсуф (1911.25.9 — Тошкент — 1991.24.6) — адабиётшунос, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1952). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), филол. фан номзоди (1949). Ўрта Осиё ун-тида ўқиган (1930—32). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида директор ўринбосари, директор (1950—52), сектор мудири (1960—86), катта илмий ходим (1986 й.дан). Ўзбекистон КП МК аппаратида бўлим бошлиги ўринбосари ва бўлим бошлиги (1952—60). Ҳамзашуносликка оид дастлабки йирик тадқиқоти «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди» (1940; 3-нашри, 1973)дир. Ҳамзанинг «Танланган асарлар»ини (1939; 5-нашри, 1969, С.Ҳусайнов б-н ҳамкорликда) тўплаб, бир неча марта чоп эттирган. С. ўрта мактабларнинг 10-синфи учун («Адабиёт дарслиги», 1938) ва 9—10-синфлари учун («Ўзбек совет адабиёти тарихи», С. Алимов б-н ҳамкорликда, 1953 й.дан) адабиёт дарсликларини ёзган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

СУЛТОНОВА Вера Андреевна (1917.30.7, Москва) — Ўзбекистон халқ артисти (1975). Қизил Армия марказий театри қошидаги билим юртини тугатган (1937). Ермолова номидаги театрда (1938), Рязань театрида (1939—41), Тошкент ёш томошабинлар театрида (1944—45), Совет Армиясининг Сибирь ва Узоқ Шарқ қисмларига хизмат қилувчи эстрада жамоасида (1945—56), Сталинград вилоят драма театрида (1948—49) ишлаган; 1956—77 й.ларда Тошкент рус ёш томошабинлар театрида актриса. С. сатирик, лирик руҳдаги актриса бўлиб, унинг ижодига ҳаётий деталлардан омилкорлик б-н фойдаланиш хос. «Қоронғуликдаги учрашув»да Варя, «Камбағаллик айб эмас»да Любовь Гордеевна, «Золушка»да ўгай она, «Узоқ-яқин йиллар»да Меҳри она, «Аму қаҳрамонлари»да Бийжон хола каби роллари б-н танилган. У, шунингдек, ўғил болалар образларини ҳам моҳирона ижро этган: Алёша Пешков («Алёша Пешков»), Буратино («Олтин калитча») ва б.

СУЛТОНОВА Рушана Рамиловна (1965.27.11, Бухоро вилояти Газли ш.)— раққоса, балетмейстер, Ўзбекистон халқ артисти (1998). 1979—84 й.лар Хореография билим юртида ўқиган. Тошкент давлат маданият ин-тини тугатган (1991). 1984—94 й.лар Навоий театрида, 1994—98 й.ларда «Баҳор» ансамблида, 1998—99 й.лар «Етти гўзал» ансамблида, 2000 й.дан «Ўзбекрақс»да етакчи раққоса. Шунингдек, 2002 й. ўзи ташкил этган (Ш. Воҳидов б-н бирга-ликда) «Эй санам» ансамблида фаолият кўрсатмоқда. С. рақслари табиийлиги, мусиқавийлиги, оҳангга мос хиром этиши, юқори рақс маданияти б-н ажралиб туради. С. барча вилоятлар бўйича фольклор рақсларини ижро этган. «Дойра чорлайди», «Бухороча», «Қизбола», «Хоразм рақсининг туғилиши» (клипи б-н), «Фироқ», «Баҳор айёми»,

Рушана Султонова. «Андижон полкаси».

«Ноз-ноз», «Бону-бону», «Сарвиноз», «Оразибон лазгиси», «Танавор 2», «Гулсанам», «Учрашув», шунингдек, тожикча, афғонча, лўлилар рақси ва б. қўпгина халқларнинг рақсларининг ижрочиси сифатида танилган. С. ҳақида «Рушана Султонова рақсга тушади» фильмлари (1986, телефильм, реж. Ш.Хўжаев; 2000, реж. Даврон Салимов) ишланган.

СУЛТОНОВА Тошхон (1909.7.1, Фарғона вилояти Тошлоқ тумани — 1989.25.12, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1955). Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1927). Ҳамза театрида ишлаган. С. ижодига ўзбек аёллари образи хос, у айниқса, характерли роллар устаси. Қаҳрамонлари психологияси, уларнинг ички дунёсини очишда ҳаётий унсурлардан омилкорлик б-н фойдаланган, уларнинг миллийлигига алоҳида эътибор берган. «Икки бойга бир малай»даги Смеральдина, «Ревизор»да Анна Андреевна, «Бой ила хизматчи»да Раҳима хола, «Муҳаббат»да Тошхон, «Юрак сирлари»да Рўзвон, «Туркия

Тошхон Султонова Зуҳра ролида («Парвоз»)

ҳақида ҳикоялар»да Фотима, «Отриқ тишлар»да Роҳила, «Ҳуррият»да Хосият, «Парвона»да Адолат, «Мирзо Улуғбек»да Гавҳаршодбегим, «Комиссия»да Туҳфа каби ролларни б-н танилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979).

СУЛТОНХЎЖАЕВ Абдумубин Нўъмонович (1929.12.1, Тошкент) — гидрогеолог олим, Ўзбекистон ФА акад. (1989), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979), геол.-минералогия фанлари д-ри (1970), проф. (1971). Ўрта Осиё политехника ин-тининг тугатган (1952). Ўзбекистон Геология вазирлигига қарашли Гидрогеология ва муҳандислик геологияси ин-тида директор муовини (1962—65), регионал гидрогеология бўлими раҳбари (1965—72). 1972 й.дан Ўзбекистон ФА Сейсмология ин-ти гидрогеокимё лаб. мудири. Илмий ишлари гидрогеология, сейсмик хавфни олдиндан билиш муаммолари — гидрогеосейсмологияга бағишланган. Дарслик ёзган ва Ер ости сувлари кимёвий ва газ таркибининг зилзила олдидан ва зилзила вақтида ўзгариши илмий ишланмасининг (1973) ҳаммуаллифи. Асарлари япон, хитой ва инглиз тилларида ҳам нашр қилинган. С. Японияннинг «Зилзилаларнинг гидрогеокимёвий даракчилари» ассоциациясининг (1988), Россия Табиий ФАнинг (1991) фахрий аъзоси.

Ас.: Ферганский артезианский бассейн, Т., 1972; Радиоактивные эманации при изучении геологических процессов, Т., 1972; Гидрогеохимические особенности некоторых сейсмоактивных зон Средней Азии, Т., 1977; Гидрохимические предвестники землетрясений, М., 1985; Металлогения артезианских бассейнов Средней Азии, Т., 1992; Проблемы прогнозирования землетрясений в Центральной Азии, Т., 1999.

СУЛТОНШОҲ Хоразмшоҳ, Султоншоҳ Маҳмуд, Жалолиддин Маҳмуд Султоншоҳ (? — 1193.19.9) — *Ануштегинийлар* сулоласидан бўлган *Хоразмшоҳлар давлати* шаҳзодаси (1172—93). *Элчи*дан ва Туркон хотуннинг кенжа ўғли. Снинг акаси *Такаш* Жанд вилоятида волий бўлиб тургани учун отаси ўлими олдидан Сни валиаҳд этиб тайинлаган. Аммо, давлат ва ҳарбий ишларга унинг онаси Туркон хотун бош бўлган. Такаш С.га бўйсунишдан бош тортган, у *қорахитойлар* ёрдамида Гурганжга қўшин тортган. С. онаси б-н Нишонурга қочиб бориб Муайяид ад-давла Ой-Або ҳузуридан паноҳ топган. 1172 й. 11 дек.да Такаш расман Хоразм тахтига ўтирган, бироқ С. б-н Такаш ўртасидаги кураш яна 20 й. давом этган. С. Хуросондаги бир қанча вилоят, шаҳарларни эгаллаб, Марв шли ўзига қароргоҳ қилган. У Такашга қарши курашда гоҳ қорахитойлардан, гоҳ *гурийлар*дан кўмак олиб турган.

Ад.: Бунёдов З., Ануштегин хоразмшоҳлар давлати (1097—1231), Т., 1998.

СУЛТОНҚАЛЪА — Байрамали ш.дан (ҳоз. Мари ш., Туркманистон) 8 км узоқликда жойлашган *Марв* шаҳар харобасини ташкил этган қалъалардан бири. С.да 8-а.дан бошлаб аҳоли гавжум яшаган. *Абу Муслим* ҳукмронлиги даври (8-а.нинг ўрталарида Мажан канали бўйига арк, жоме масжиди ва асосий бозорлар кўчирилиши оқибатида С. Марвнинг маъмурий маркази сифатида шаклланган ва 9—10-а.ларда шаҳарга айланган. *Маликшоҳ* ҳукмронлиги даври (11-а.)да қурилган ярим айлана минорали ва 4 дарвозали қалъа деворлари ҳозиргача сақланиб қолган. Қалъа 2 қатор девор б-н ўраб олинган бўлиб, девор ичининг маъмурий ва жамоат бинолари жойлашган жойида арк қурилган. Шаҳарнинг марказида жоме масжиди ва салжуқийлар саройи бўлган. Косиблар рабодда, С.нинг ғарбида кулоллар яшаган. *Салжар* ҳукмронлиги даврининг охирида кўчманчи ўғузлар пойтахтни 2 марта талон-тарож қилган (1153)дан кейин С. 1-марта инқирозга юз тутган. С. 1193 й.да Хоразмшоҳлар давлати таркибида бўлган, 1221 й.да эса, мўғуллар томонидан забт этилган. Мўғуллар Султонбанд тўғонини бузиб ташлаган, натижада Марвнинг қайта тикланиши анча кечиккан. С. харобасида 13—14-а.ларда яна аҳоли яшай бошлаган ва ҳаёт С.дан жан.га силжиб, темурийлар ҳукмронлиги даврига келиб, Мари шаҳрининг ўзагини ташкил этган.

СУЛТОНҲОВУЗ — Мирзачўлдаги оқмас кўл. Сирдарёнинг чап соҳилида. Дарёнинг кўҳна қанири терраса-сида жойлашган, яримой шаклида. Унинг шарқий соҳили анча ёпиқ ва қайирга аста-секин туташиб кетади, қолган соҳиллари эса ёрқин ифодаланган, нисбатан баланд (бал. 20 м дан ортиқ). Кўлининг уз. 5 км, эни 1—2 км, чуқурлиги ўртача 1—3 м. Сирдарёнинг қад. қолдиқ ўзани. Кўл атрофидан сизиб келадиган шўр ер ости суви ва партов сув ҳисобига тўпланади. Баҳор ва ёзда тўлиб, кузда анча саёзланади. Суви шўрроқ, 1 л сувда 5—8 г туз бор (асосан, гидрокарбонат-сульфат тузлари); баъзан сув кам бўлган вақтларда кучли бўланиш натижасида сувда хлорид тузлари тупланади. Шунинг учун ҳам кўл қирғоқлари ботқоқли шўрхокдан иборат. Юзаси қамиш ва қўғалар б-н қопланган. Кўлда ондатра ва нутрия боқилади.

СУЛУ — Тинч океанининг оролларо денгизи, Филиппин ва Калимантан оллари оралиғида. Сулу оллари уни Сулавеси денгизидан, Палаван о. эса Жан. Хитой денгизидан ажратиб туради. Майд. 335 минг км², Энг чуқур жойи 5576 м. Сувининг юза қатламидаги т-ра қишда 25°, ёзда 29°. Шўрлиги 33—34,5‰. Денгиз туби вулкан ва террген жинслари аралашган балчиқдан иборат. Жан. қирғоқлари яқинида маржон рифлари бор. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада тақрорланади (бал. 2—3 м). Балиқ ва б. денгиз ҳайвонлари овланади. Йирик портлари: Пуэрто-Принсеса, Илоило, Замбоанга, Сандакан.

СУЛУКТА — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги шаҳар (1940 й.дан). Туркистон тизмасининг шим. ён бағрида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 22.9 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қўнғир кўмир қазиб чиқарилади. С. Ўрта Осиёнинг кўмир қазиб чиқариладиган энг қад. (11—12-а.лар) марказларидан бири.

СУЛУКТА КЎМИР КОНИ — Фарғона водийсининг жан.да, Туркистон тизмасининг шим. ён бағрида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида жойлашган. Кон 1903 й.дан бошлаб ўрганилган. Унда палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига мансуб ётқизиқлар мавжуд. Кўмирли қатламларнинг умумий қалинлиги 35—120 м. Коннинг баъзи қисмларида 600—750 м чуқурликда ри 414—15-а.нинг янги шаҳри — Абдуллахонқалъага кўчирилган.

Ад.: Бартольд В.В., К истории Мерва, Сочинения, т. 4, М., 1966.

саноат аҳамиятига эга кўмир қатламлари бор. Асосий кумир қазиб олинадиган қатламнинг уз. 22 м, қалинлиги 0,1—18,0 м. Конда қунир кўмир бўлиб, петрографик жиҳатдан фюзенкезил кўмир турларига мансуб. Кон очиқ ва шахта усулида қазиб олинади.

СУЛЬФ..., СУЛЬФО... Лот. sulphur, sulfur — олтингугурт) — кимё, тиббиёт ва б. соҳаларга оид терминларнинг таркибий қисми. Олтингугурт элементларни билдиради; мас., *сульфатлар, сульфидлар, сульфокислоталар.*

СУЛЬФАНИЛ КИСЛОТА, п-аминобензолсульфокислота, $H_2N-C_6H_4-SO_3H$ — рангсиз кристалл модда. Мол.м. 173,18; 280 —300° да парчаланади. С.к. сувдаги эритмадан 0—2° да 2 молекула сувли гидрат ҳолида, 21—40° да бир молекула сувли гидрат ҳолида ва 40° дан юқорида сувсиз ҳолатда ажралиб чиқади. Саноатда С.к. анилин сульфатини 180—200° да қиздириб олинади. Унинг ҳосилалари синтетик бўёқлар олишда ишлатилади. Лаб. да нитритларни ҳамда осмий, рутений, цериЙ ва б. металларни аниқлашда қўлланади. *Сульфаниламидлар* (мас., оқ стрептоцид) ва унинг баъзи ҳосилалари (мас., *альбуцид*, сульгин, сульфидин, сульфадимезин, сульфозол) тиббиётда ишлатилади.

СУЛЬФАНИЛАМИДЛАР — сульфанил кислотасининг кимёвий ҳосилалари, С.нинг (стрептоцид) антибактериал хоссасини биринчи бўлиб 1935 й. немис патологи ва микробиологи Г. *Домагк* аниқлаб, амалий тиббиётга киритди.

Қуйидаги гуруҳларга бўлинади: қисқа муддат таъсир этувчи С. — стрептоцид, норсульфазол, этазол, сульфадимезин ва б.; узоқ вақт таъсир этувчи С. — сульфодиметоксин, сульфопиридазин, сульфален ва б.; маҳаллий қўлланиладиган С. — сульфален-натрий ва б.

С.нинг таъсир механизми улар тузилишининг парааминобензой кислотасига (ПАБК) ўхшашлиги б-н боғлиқ. ПАБК кўпгина микроорганизмлар синтез қиладиган дигидрофол кислотаси таркибига киради. Кимёвий тузилишининг ўхшашлиги ҳисобига С. ПАБКни дигидрофол кислотаси таркибига киришига тўсқинлик қилади. Бундан ташқари, улар дигидроптеротсинтетаза ферментининг фаоллигини сусайтиради. Дигидрофол кислотаси синтезининг бузилиши, ундан тетрагидрофол кислотасининг ҳосил бўлишини камайтиради, натижада нуклеин кислоталарининг синтези бузилади ва микроорганизмларнинг ўсиши ва кўпайиши тўхтайди, яъни С. бактериостатик таъсир кўрсатади. Одам ва ҳайвонлар тўқималарида бундай ҳолат юзага келмайди, чунки улар организмида тайёр дигидрофол кислотаси бўлади.

С. тиббиётда патоген микроорганизмларга қарши восита сифатида қўлланади. С. мевда-ичак йўлидан яхши сўрилади, ҳамма тўқималарга тарқалади. Жигарда унинг метаболитлари ҳосил бўлади. Организмдан буйрак орқали чиқарилади.

С.ни бошқа антимикроб дори воситалари б-н бирга қўллаш мумкин.

С. узоқ вақт қўлланса, уларга нисбатан микроорганизмларга чидамлилик юзага келади. Улар одам организмининг ҳар хил тизимларига нохўш таъсир кўрсатиши мумкин, шу б-н бирга уларга қарши аллергик реакциялар ҳам ривожланади. Шунинг учун С.ни фақат шифокор маслаҳати б-н қўллаш лозим.

СУЛЬФАТ КИСЛОТА H_2SO_4 — 2 асосли кучли кислота. Оддий шароитда ҳидсиз, рангсиз, оғир мойсимон суюқлик; зичлиги 1,83 г/см³(15° да), қотиш т-раси 10,45°, қайнаш т-раси 296,2°. С.к. сувни ўзига ютиб, кўп миқдорда иссиқлик чиқаради. Шу сабабли уни суюлтиришда кислотага сув қўшиш салбий оқибатларга олиб келади (кучли портлаш содир бўлиши мумкин). С.к.ни суюлтириш учун уни оз-оздан сувга қўшилади. С.к. нинг сувдаги эритмаларини совитиш йўли б-н унинг $H_2SO_4 \cdot H_2O$, $H_2SO_4 \cdot 2H_2O$, $H_2SO_4 \cdot 4H_2O$ таркибли гидратлари олинган. С.к. *сульфатлар* ва гидросульфатлар ҳосил қилади. Концентрланган С.к. кучли оксидловчи. Сульфат ангидридининг С.к. даги эритмаси «тутовчи» С.к. ёки *олеум* номи б-н тавчи» С.к. ёки олеум номи б-н ишлатилади. С.к. олтингугурт, олтингугурит колчедани FeS_2, сульфит ангидрид SO_2 ва б. дан ҳам ҳосил қилинади. С.к. кимё саноатининг муҳим маҳсулоти. Ўғит тайёрлашда, металлургия-да, *нефтни тозалашда*, бўёқчилик саноатида, сунъий толалар, *портловчи моддалар*, хлорид кислота олишда, қўрғошинли аккумуляторларда электролит сифатида ва б.да ишлатилади.

С.к. ишлаб чиқаришдаги заҳарли газлар (SO_2 ва NO_2), шунингдек, SO_3 ва H_2SO_4 буғлари анча хавфлидир. Шунинг учун қурилмаларни яхшилаб герметиклаш ва шамоллатиш керак. С.к. метиклаш ва шамоллатиш керак. С.к. метиклаш ва шамоллатиш керак. С.к. ишларини кучли куйдиради, у б-н ишларини кучли куйдиради, у б-н ишлаганда ҳимоя воситалари (кўзойнак, лаганда ҳимоя воситалари (кўзойнак, резина қўлқоп, фартук, этик)дан фойдаланиш зарур.

СУЛЬФАТ ЭФИРИ — *қ. Этил эфири.*

СУЛЬФАТЛАНИШ — *аккумуляторлар батареяси* кўрғошин пластиналарида ҳосил бўлиши. яхлит сульфат массаси ҳосил бўлиши. С. салбий жараён бўлиб, аккумуляторни зарядлаш пайтида унинг тўлиқ тикланишига халақит беради. С.га сабаб шуки, зарядлаш пайтида мусбат ва манфий пластиналар (PbO_2 ва Pb) қисман қўрғошин сульфат ($PbSO_4$) га айланади, оқибатда пластиналар фаол массасининг 50—70 фоизини кўрғошин сульфат эгаллаб олади. Аккумуляторларни мунтазам равишда зарур кучланиш (1,8 В) дан паст кучланишда зарядлаш; электролит сатҳининг пастлиги ва электролитнинг ифлосланиши ҳам С.га сабаб бўлади. С.ни бартараф қилиш учун электролитни алмаштириб, аккумуляторни 2—3 марта қайта зарядлаш керак.

СУЛЬФАТЛАР — *сульфат кислота* тузлари. Бу кислота 2 қатор тузлар ҳосил қилади — ўртача ёки нормал С., мас., аммоний сульфат $(NH_4)_2SO_4$ ва нордон С. ёки гидросульфатлар, мас., натрий гидросульфат $Na-HSO_4$. Нормал С. — асосан, рангсиз, осон кристалланадиган ва сувда эрувчан моддалар; амалий аҳамиятга эга бўлган муҳим тузлардан $PbSO_4$, $CaSO_4$ ва б. сувда оз эрийди, $BaSO_4$ эса сувда эримайди. Таркибида кристаллизацион сув бўлган С. купоросдар деб аталади (мас., мис купороси $CuSO_4 \cdot 5H_2O$). С. табиатда кенг тарқалган ва турли саноат соҳаларида хом ашё сифатида қўлланади.

СУЛЬФАТЛАР, табиий сульфатлар — сульфат кислотасининг табиий тузларидан иборат минераллар синфи. 190 га яқин минерали бор; аммо барқарор ва кенг тарқалган С. сони Ер пўстида нисбатан кам (ангидрит, барит, гипс, целестин, алунит, мирабилит ва б.). С. массаси бўйича Ер пўстининг 0,1%ини ташкил қилади. Кимёвий жиҳатдан С. оддий сувсиз тузлардан ёки кўп қисми оддий ва кристалланган сувли ёки қўшимча анионли қўшалоқ тузлардан иборат. Оддий тузлар учун уларнинг умумлашган формуласи $A_mSO_4]_nZ_p \cdot xH_2O$ ва қўшалоқ тузлар учун $A_mB_n[SO_4]_qZ_p \cdot xH_2O$, бунда А ва В — катионлар, Z — эса қўшимча анионлар ($[OH]^-$, Cl^-, $[CO_3]^{2-}$, PO_4^{3-}). Муҳим турларни юзага келтирувчи катионлар С.да: Fe (айниқса, Fe^{3+}), Na^+, K^+, Cu^{2+}, Mg^{2+}, Al^{3+}, Ca^{2+}, Pb^{2+}, Ba^{2+}. С.нинг асосий структура бирлиги — тетраэдр $[SO_4]^{2-}$. С. кимёвий хом ашё, баъзан металл рудаси. $[SO_4]^{2-}$ анионлари доим бошқа катионлар ва анионлар б-н ажралган ҳолда бўлади, шунинг учун С. орасида оролли структура кўпроқ бўлади. С. структураси бўйича оролли, халқали, занжирли, қатламли ва б. С.нинг кристаллари изометрик габитусга эга. Ранги нон-хромофорлар-

га, минерал қўшимчалар ва структуралар нуқсонига боғлиқ. С.нинг зичлиги 1,5—6,9 г/см³, сувда тез эрувчан. Қаттиқлиги кам, 3,5 дан ошмайди. Деярли барча С. катта сув ҳавзаларидаги седиментогенезда ва гипергенез зоналарида ҳосил бўлади. С. гидротермал конларда барит, баъзан сувсиз С. — ангидрит, целестин ва англезит ҳолида учрайди. Кўпгаб С. мас., гипс, брошантит, ярозит, куворослар вулканларнинг сольфатар ҳаракатларида (мас., алунит) сульфид конларининг оксидланиш зонасида ҳосил бўлади; баъзи кам учрайдиган С. (мас., халькопирит) фумарол ҳаракатлар натижасида пайдо бўлади. С. кимё саноатида металлар (Ba, Sr, Pb,Al) олиш учун хом ашё сифатида; буриладида — гилли эритмани (барит) оғирлаштиришда; резина, қоғоз, лок-бўёқ, шакар саноатида; оина ва керамика н.ч.да; қурилиш ишларида цемент (гипс ва ангидрит) тайёрлашда, фармацевтика, чарм, тўқимачиликда кенг қўлланилади. Баъзи С.дан калий ўғитлари олишда фойдаланилади. Ўзбекистонда гипс ва ангидритнинг Хўжакўл (Қорақалпоғистон), Шарғун (Сурхондарё вилояти), Қамишбоши (Фарғона вилояти), Қўнғиртоғ (Самарқанд вилояти) ва мирабилитнинг Тумрўқ (Қорақалпоғистон) конлари мавжуд.

СУЛЬФГИДРИД ГУРУҲЛАР (тиол, — SH гуруҳлари) — сульфид кислота H_2S (водород сульфид)нинг қолдиғи; нордон тузлар ҳамда органик бирикмалар таркибига киради. С.г.ни сульфид кислота таркибидаги водороднинг органик радикаллар ёки металларга алмашинишн орқали ҳосил қилиш мумкин. Мас., кислотага этилен оксид таъсир эттирилса, қуйидаги бирикмалар вужудга келади:

$$CH_2\text{-}CH_2 + H_2S \rightarrow HO\text{-}CH_2\text{-}CH_2\text{-}SH$$

(O) — тиогликоль

$$2\ CH_2\text{-}CH_2 + H_2S \rightarrow HO\text{-}CH_2\text{-}CH_2\text{-}S\text{-}CH_2\text{-}CH_2\text{-}OH$$

(O) — тиодигликоль

Агар кислотадаги водород ўрнига металл алмашинса, *гидросульфидлар* ҳосил бўлади.

С.г. нинг ўзига хос хусусияти уларнинг осонгина оксидланиб, дисульфид -S-S- боғлар ҳосил қилиши ва қайтарилиб -SH гуруҳларига айланишидир. Шу боисдан С.г. оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига осон киришади.

С.г. сақловчи глютатион (трипептид), А коферменти, цистеин (аминокислота) ва таркибида унинг қолдиғини сақловчи оқсил моддалар организмда кечадиган биокимёвий жараёнларда муҳим роль ўинайди.

СУЛЬФИД РУДАЛАРИ — металлнинг олтингугурли (сульфид ёки колчеданлар), шунингдек, селенли, теллурли, миняқли ва сурмали бирикмаларидан таркиб топган табиий минерал ҳосилалар. С.р.дан, асосан, Ni, Co, Cu, Zn, Pb, Mo, Bi, Sb ва Hg олинади. С.р. таркибида сульфидлардан ташқари, нометалл (кварц, кальцит баъзан барит, слюда) минераллар ҳам бўлади. Таркибидаги сульфидлар ва б. минералларнинг ўзаро нисбатига кўра, яхлит ёки массив (сульфидли кўпроқ) С.р. б-н томирли ёки ҳол-ҳол (носульфид минерали кўп) ва комплекс (полиметалл) С.р. бўлади. Олдин, ёки монометалли ва комплексда ёки таркибида мис, рух, кўргошин сульфидлари бўлган полиметалл С.р. кенг тарқалган (қ. *Полиметалл рудалар.*); уларга мис, кобальт, никель, сурма ва симоб рудалари ҳам киради. Кўпгина С.р.да Pt, Au, Ag, Cd, In, Se, Te аралашма ҳолида учрайди. С.р. конларининг кўпи энлоген конларга мансуб бўлиб, улар орасида гидротермал конлар айниқса кўп. Руда таналари кўпинча томир, қатлам, линза, шток ва қувурсимон ётқизиқлардан иборат; узунлиги ва чуқурлиги юзлаб м дан бир неча км га етади. Уларда С.р. захираси юзлаб млн. ва ҳатто млрд. т. га, руда таркибидаги металл бирикмалари эса 0,1%дан бир неча ўн %га етади. С.р. конлари Ўрта Осиёда Қорамозор, Қизилқум, Чатқол, Туркистон тоғларида бор (яна қ. *Конлар*).

СУЛЬФИДЛАР — олтингугуртнинг металлар, шунингдек, металлмаслар (B, Si) б-н ҳосил қилган бирикмалари. Кўпгина С. — табиий минераллар, мас., пирит FeS_2, молибденит MoS_2, сфалерит ZnS. С.нинг 2 қатори бор: ўрта (нормал) — умумий формуласи Me_2S, нордон (гидросульфидлар) — умумий формуласи MeHS (Me — бир валентли металл.). С. — металларга олтингугурт таъсир эттириб, оксидларни водород б-н қайтариб, сульфатларни кўмир иштирокида қайтариб ва б. усулларда олинади. Табиий С. тегишли металларни олишда, *сульфат кислота* н.ч.да хом ашё ҳисобланади. *Ишқорий -ер металлар*нинг С.и, шунингдек, ZnS ва CdS люминофорлар асосидир. Кўпгина металларнинг С.и — яримўтказгичлар.

СУЛЬФИДЛАР, табиий сульфидлар — минераллар синфи, металларнинг олтингугурли аралашмаси. С. Ер пўстининг 0,15%га яқинини ташкил қилиб, 200 дан ортиқ минерал турини ўз ичига олади. С.га табиий селенидлар, теллуридлар, арсенидлар ҳамда антимонидлар ва висмутидлар яқин. С.да асосий тур ҳосил қилувчи элементлар Pb,Cu, Sb, As, Ag, Bi, Fe, Co ва Ni унлаб минерал турлари таркибига киради. Zn, Cd, Mn, Ge, Sn, Tl, Mo, Hg лар кам турли бирикмалар берса-да, буларнинг ичида ҳам саноат аҳамиятига ега бўлган ва кенг тарқалган муҳим минераллар — *сфалерит* (ZnS), *молибденит* (MoS_2), киноварь (HgS)лар учрайди. С.да изоморф аралашмалар ҳолида учрайдиган элементларга Au, Ag, Ga, Ge, In, Tl ва Re лар киради. H S (мас. As_2S_3, PbSнинг ҳосиласи бўлган олдин С.дан ташқари H_2S, (мас., FeS_2нинг ҳосиласи персульфидлар; мураккаб сульфидлар (мас., $Pb_2Sb_2S_{11}$) ва сульфасолдар $[AsS]^+$, $[SbS_4]^{3-}$ анионлари б-н; кўшалоқ сульфидлар (мас., *халькопирит*лар) ҳам мавжуд. С.нинг кристаллокимёвий маълумотларига асосланган замонавий таснифида, асосий кимёвий гиплари орасида кичик синфлар мавжуд бўлиб, улардан структура типларига мос бўлган гуруҳлар фарқ қилинади. С.нинг энг муҳим гуруҳларига: координацион С.нинг кичик синфига — галенит PbS, сфалерит ZnS, пирротин $Fe_{1-x}S$, пентландит $(Fe,Ni)_9S_8$, кубанит $CuFe_2S_3$, халькопирит, борнит Cu_5FeS_4 ва б. гуруҳлар; С.нинг слоистли кичик синфига — аргентит Ag_2S, хира рудалар гуруҳлари; С.нинг ҳалқали кичик синфига — реальгар AsS гуруҳи; ороллн кичик синфига — пирит FeS_2, кобальтин CoAsS — арсенопирит FeAsS ва б. гуруҳлар; С.нинг занжирли кичик синфига антимонит Sb_2S_3, миллерит NiS, киноварь HgS гуруҳлари; С.нинг қатламли кичик синфига — молибденит MoS_2, аурипигмент As_2S_3, ковеллин CuS ва б. гуруҳлар кирали. С.нинг қаттиқлиги 2—4, қатламли С.да 1—2 гача (молибденит, ковеллин ва б.), персульфидларда эса 5—7 гача (пирит ва б.). Зичлиги 4 г/см³дан ортиқ. С. Ер юзида оксидланганда осонлик б-н сульфатларга, сўнгра гидроксидларга, карбонатларга, баъзан соф тугма элементларга (мас., Cu, Ag) айланади. Кўплаб С. муҳим рудали минераллар бўлиб, рангли, оғир, камёб ва тарқоқ металлар, уларнинг қотишмалари ва бирлашмалари олинадиган хом ашё ҳисобланади. С.нинг электрофизик-жумладан, электрооптик ва яримўтказгичлилик хусусиятлари туфайли улардан, ИК-детекторларнинг сезувчан элементларини, яримўтказгич ва электрооптик қурилмаларни и. ч. да фойдаланилади.

СУЛЬФИДЛАШ — II *рангли металлургиядаги* технологик усул; рудалардан металларни даврий ошини осонлаштириш учун уларни сульфид шаклига ўтказиш. Сульфидловчилар сифатида типс ($CaSO_4 \cdot 2H_2O$) ва пирит (FeS_2) ишлатилади. Улар шихта массасининг 5—7 фоизини ташкил қилади. С. никель и. ч.да кенг тарқалган. Никель рудаси (рудада 1% Ni, 0,025% Co бўлади) керакснт кислоталарда аралашиб, бор 122° Ni ангейлар ҳосил қилинади. С.дан кўрғошинни мисдан ҳомаки тозалашда, рудаларни бойитишда ҳам фойдаланилади; 2) йўлат деталлар сиртининг емилишга чидамлилигини ошириш учун сиртни олтингугурт б-н туйинтириш.

СУЛЬФИТ КИСЛОТА. H_2SO_3 — 2 асосли кучсиз кислота. Сувдаги эритмасининг маълум. Рангсиз, ўткир ҳидли. Кучли қайтарувчи. Ёруғлик таъсирида парчаланади. С.нинг нормал тузлари *сульфитлар*, нордон тузлари эса *гидросульфитлар*дир.

СУЛЬФИТЛАР — *сульфит кислота*нинг тузлари. 2 қатор тузлари мавжуд: ўрта ёки нормал С. (мас., Na_2SO_3 ва K_2SO_3); фотографияда ва матоларни оқартиришда қўлланади) ва нордон С. ёки гидросульфитлар [мас., $Ca(HSO_3)_2$]; ёғочдан целлюлоза олишда ишлатилади.

СУЛЬФИТОМЕТР — суюқ сульфит ангидридни ўлчаш (дозалаш) учун ишлатиладиган асбоб. Бронза корпус, жўмраклар ва шкалали шиша цилиндр-дан иборат. С. шкаласи граммларни кўрсатади. Сульфит ангидридни ўлчаш учун С. сульфит ангидридли баллонга туташтирилади ва жўмрак 2 очилади. Суюқликнинг тушиши жўмрак 1 б-н ростлаб турилади. С. керагича тўлгач, жўмрак 2 беркитилади ва С. баллондан ажратилади. Сульфит ангидридни суюқ ҳолатда ишлатиш учун уни жўмрак 3, газ ҳолатда ишлатиш учун жўмрак 1 орқали олинади. С. вино ва консерва саноатида ишлатилади.

Сульфитометр.

СУЛЬФОКИСЛОТАЛАР, сульфон кислоталар, RSO_3H (R— алифатик, гетероцикллк ёки ароматик қаторнинг углеводород радикали) — таркибида сульфогуруҳ (—SO_3H) бўлган кислоталар: сувда яхши эрийди. С. кислоталик даражасига кўра минерал кислоталарга яқин.

Ароматик С. олиш учун ароматик углеводородлар сульфат кислота ёки олеум таъсирида сульфоланади. Мас.:

$$C_6H_6 + H_2SO_4 \rightarrow C_6H_5SO_3OH + H_2O$$

С.нинг муҳим хусусияти ўз таркибидаги сульфогуруҳни бошқа функционал гуруҳларга алмаштира олишидир. Ароматик С. асосий органик синтезнинг муҳим маҳсулоти (мас., фенолдар н.ч.да); *азобўёқлар*, дориворлар моддалар (сульфаниламид моддалари), *ион алмаштирувчи смолалар* ва б. тайёрлашда ишлатилади. Алифатик С.нинг аммонийли тузи (сульфонатлар) *ювувчи моддалар* учун компонент сифатида қўлланади. Анорганик кимёда «С.» термини баъзан тиокислоталар ёки SO_3 сақловчи олеум таъсирида органик бирикмалар молекуласидаги водород атоми ўрнига сульфогуруҳ (—SO_3H) киритиш. Асосан, ароматик бирикмалар сульфоланади, мас.,

$$C_6H_6 + H_2SO_4 \rightleftarrows C_6H_5SO_3OH + H_2O.$$

С. бошқа электрофиль алмашиниш реакцияларига (мас., нитролаш) қарамасдан ўзаро қайтар реакциядир. Сульфогуруҳнинг ароматик ядронинг қайси жойига жойлашиши реакция шароитига боғлиқ. Шунинг учун С.ни амалга оширишда авваллари сульфоловчи восита танлаб олинади. Юпқа шароитда С. учун *сульфат кислота* ёки сульфат ангидриднинг турли эритувчилар (хлороформ, суюқ олтингугурт (II)- оксиди)даги эритмаси ишлатилади. Саноатда С. учун, асосан, сульфат ангидриднинг ҳаво б-н аралашмаси қўлланади.

Алифатик бирикмаларга сульфогуруҳ, одатда, билвосита усулда, чунончи: ультрабинафша нур воситасида углеводородларга сульфит ангидрид SO_2 ва хлор таъсир эттириб киритилади. С. ҳосилаларни кислоталар таъсирига чидамсиз. С. ва сульфохлорлаш *сульфокислоталар, ион алмаштирувчи смолалар* ва б. н.ч.да кенг қўлланади.

СУЛҲ — 1) умуман келишув, тотувлик, тинчлик; 2) урушувчи томонлар ўртасидаги яраш. Томонларнинг келишуви б-н бутун фронт бўйлаб (умумий С.) ёки унинг айрим қисмида (маҳаллий С.) ҳарбий ҳаракатлар вақтинча тўхтатилади. Умумий С.дан кейин, одатда, *сулҳ шартномаси* тузилади.

СУЛҲ ШАРТНОМАСИ — халқаро шартнома тури. С.ш. асосида уруш тўхтатилади, ҳудудий ўзгаришлар ва давлат чегаралари қайд этилади, бошқа сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий масалалар (қўшинларни олиб чиқиб кетиш, ҳарбий асирларни қайтариш, репарацнялар ва б. тўғрисида) ҳал қилинади. С.ш. преливнар (дастлабки) сулҳ ёки узил-кесил, умумий (урушган ҳамма давлатлар шартнома қатнашчилари ҳисобланса) сулҳ ёхуд *сепарат сулҳ* (урушда қатнашган давлатларнинг айримлари ўртасида шартнома тузилса) кўринишида бўлиши мумкин.

СУМАЛАК — таом тури. Сервитамин, хушхўр ва тансиқ таом. Тайёрлаш усули: жайдари қизил, қайроқи буғдой тозаланиб, совуқ сув б-н ювилади. Занглламайдиган идишга солиниб, уч кун ивитиб қўйилади. Буғдой ниш ургач, тоза тахта (тешикчалар очилган фанер) устига 1—1,5 см қалинлигида ёруғроқ, лекин қуёш нури тушмайдиган жойга тахтага ёйилади ва ҳар куни эрталаб сув сепиб турилади. Буғдой майсаси (кўк) игна бўйи бўлганда (3—4 кундан сўнг) уни бўлакларга бўлиб, тахтадан ажратиб олинади. Кўк қиймаланади ёки ғиштда туйилади ва устидан сув қуйиб аралаштирилади, шарбати докада сузилади. Шу тариқа уч марта шарбат олиниб, алоҳида идишларда сақланади. 0,5 кг ундирилган буғдой учун 2 кг буғдой уни, 1 кг пахта ёғи керак. Қозонда пахта ёғи доғланиб совитилади. Ёққа ун ва биринчи сузилган шарбат аралаштирилади ва баланд оловда қайнатилади.

Сумалак пишириш.

Сўнгра иккинчи сузилган шарбат қуйилади, бу ҳам қайнатач, учинчи сузилган шарбат қуйилиб, баланд оловда қайнатиш давом эттирилади. Тагига олмаслиги учун қозонга ёнғоқдек келадиган 15—20 та енгилик тошчалар ва 10—12 дона ёнғоқ ювиб солинади ва ёғоч кураккча б-н бетўхтов ковлаб турилади. С. 10—12 соат қайнатилади. Тайёр С.нинг ранги оч жигарранг, қуюқ аталадек, мазаси ширин бўлади. С. етилгач, қозоннинг олови олиниб, 5—6 соат димлаб қўйилади.

С. қадимдан, айрим маълумотларга кўра 3000 й. дан бери, баҳорни кутиб олиш, деҳқончилик ишларининг бошланиши арафасида, *Наврўз*да тайёрлаб келинади. 20-а.нинг 90-йилларидан бошлаб С. пиширишни Наврўз байрамида, айниқса, аёллар ўртасида катта тантана б-н ўтади.

СУМАТРА — Малай архипелагининг ғарбий қисмидаги орол, Катта Зонд о.лари гуруҳида. Экваторнинг ҳар икки томонида жойлашган. Индонезия ҳудуди. Майд. 435 минг км². Малай архипелагида катталиги бўйича Калимантан о.дан кейин 2-ўринда. С.нинг атрофида майда орол кўп. Ғарбий қисмининг рельефи тоғли; балчиқли вулканлар, гранитли гумбазлар, тектоник ботиқлар, карстли ясситоғликлар бор. Энг баланд жойи 3800 м. Шарқий қисми ботқоқли аллювиал текислик. Иқлими экваториал, сернам иқлим. Ўртача ойлик т-ра текисликларда 25—27°. Йиллик ёғин 1500—3000 мм, тоғларда 4000 мм дан зиёд. Дарё ва кўл кўп. Текисликлар тропик ўрмонлар, соҳил қисми мангра чакалакзорлари б-н қопланган. Тоғларда доим яшил дуб, каштан, лавр, игна барғли дарахтлар ўсади. Фойдали қазилмалардан нефть, табиий газ, кўмир қазиб олинади. Асосий қ.х. экини — шоли. Каучукли дарахтлар, кокос пальмаси, кофе, чой плантациялари бор. Балиқ овланади. 17-а.гача С. ҳудудида мустақил давлатлар бўлган. 17-а.дан 20-а. бошларигача голланд мустамлакачиларига тобе бўлган. Индонезия Республикаси ташкил топгач, С. унинг таркибига қўшилди.

СУМБАР — Туркманистон ва Эрондаги дарё (қисман Туркманистон б-н Эрон чегарасидан оқади). Атрек дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 245 км, ҳавзасининг майд. 8300 км². Копетдоғ тоғларидан (Эронда) бошланади. Қуйи оқимида йилига 2—5 ойгача қуриб қолади. Ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Асосий ирмоғи — Чандир (чапдан). С.дан суторишда фойдаланилади. Водийси субтропик богдорчилик р-ни.

СУМБУЛ — қ. *Гули сумбул*.

СУМБУЛА — ялпизгулдошлар оиласига мансуб ўт. Ватани Ўзбекистон, Қозоғистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон. Ўзбекистонда С. соя-салқин жойларда, тоғ сой бўйлари, сув сирқиб турадиган унгурларда, булоқлар атрофларида ўсади. Манзарали ўсимлик сифатида боғларда ва хоналарда ўстирилади. Пояси июнь-авг. ойларида споралар ҳосил қилади. Қадимда халқ табобатида ишлатилган.

Сумбула ёки нави.

СУМБУЛА — ялпизгулдошлар оиласи нави. Ўзбекистон саб.хўжалик, полиз экинлари ва картошкачилик ин-тида Голландия намунаси популяциясидан якка танлаш усулида чиқарилган (А. Аббосов, Д.С.Мақсудхўжаев, Д.М. Исломов, 2000). Пиёзбоши юмалоқ, вазни 90—120 г, пўстининг ранги сариқ, ички пўстлари эгилган, оқ, қалинлиги 2,5 мм. Ўсимлиги совуққа чидамли. Пиёзининг таъми сал аччиқ. Ҳосили май ойида пишиб етилади, окт.— ноябрдача яхши сақланади. Нав эрта кузги, авг.нинг иккинчи ярми ҳамда сент.нинг биринчи ярмида экилади. Ушбу муддатда гулпоя чиқармайди. «Тўқсонбости» ва эрта баҳорда экиш мумкин эмас. Ҳосилдорлиги ўртача 400—500 ц/га, яхши парвариш қилинганда гектаридан 700—800 ц ҳосил олинади. Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари учун р-лаштирилган (2003).

СУМБУЛСОЧ, сувсумбул, зуҳра сочи (Adianthum capillus-veneris) — чин қирққулоқларга мансуб кўп йиллик манзарали ўт. Атлантика океани соҳилларида, Қрим, Кавказда учрайди. Ўзбекистонда С. сой-салқин жойларда, тоғ сой бўйлари, сув сирқиб турадиган унгурларда, булоқлар атрофларида ўсади. Манзарали ўсимлик сифатида боғларда ва хоналарда ўстирилади. Пояси июнь-авг. ойларида споралар ҳосил қилади. Қадимда халқ табобатида ишлатилган.

Сумбулсоч.

СУМГАИТ — Озарбайжон Республикасидаги шаҳар (1949 й.дан). Апшерон я.о.нинг шим.-ғарбий соҳилида. *Боку*дан 35 км. Т.й. станцияси. Аҳолиси 273,2 минг киши (1997). С. 1949 й.да кимё ва металлургия саноатининг ривожланиши муносабати б-н кичкина қишлоқ ўрнида вужудга келган. С. саноат молларининг ич. ҳажми бўйича республикада 2-ўринда (Бокудан кейин туради. Саноатининг етакчи тармоқлари: кимё ишлаб чиқариш, синтез. «Химпром» ич. бирлашмалари ва металлургия саноатлари (трубопрокат, алюминий з-длари). Қурилиш материаллари саноати (полимер қурилиш материаллари, ўйилмалар к-лари, темир-бетон буюмлари ва деталь ишлаш з-длари), машинасозлик (компрессор з-ди, енгил пўлат трикотаж ф-каси), озиқ-овқат саноатлари (кормондалари, нефтни қайта ишлаб турибди. Озарбайжон нефть ва кимё ин-ти филиали, шаҳар тарихи музейи, театр фаолият кўрсатади.

СУМИ — Украинадаги шаҳар. Сумы вилояти маркази. Псёл дарёси бўйида. Харьков — Ворожба оралиғидаги т.й. станцияси. Аэропорт бор. Аҳолиси 293,1 минг киши (2001). С.га 1652 й.да асос солинган. 1658—1765 й.ларда Сумы слободасининг маркази. С. 1765 й.дан Сумы провинциясининг маркази. 1780 й.дан Харьков наместничествосининг уезд шаҳри. 19-а. охири — 20-а. бошларида шаҳарда металлсозлик, машинасозлик, шакар-қанд кормондалари қурилди. 1939 й.да Сумы вилояти маркази.

С. — Украинанинг муҳим саноат маркази. Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик («Насосэнергомаш» ч.қ. бирлашмаси, оғир компрессор, чўян қуйиш, электрон микроскоплар, «Сумсельмаш» з-длари), кимё (фосфат ўғитлар, кислота ишлаб чиқарилади), озиқ-овқат (шакар-қанд, ликёр-арақ, сут з-длари, гўшт к-ти), енгил (мовут, тикувчилик, пойабзал ф-калари) саноатлари. Қурилиш к-ти, мебель з-ди бор.

С.да педагогика ин-ти, Харьков политехника ин-тининг филиали, ўрта махсус билим юртлари, театрлар, ўлкашунослик, бадиий-декоратив санъат музейлари, филармония мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан Воскресение (1703). Ильинская (1836) черковлари, Спас-Преображение собори (1776) сақланган.

СУМИ ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. 1939 й. 10 янв.да ташкил этилган. Майд. 23,8 минг км². Аҳолиси 1384,3 минг киши (1997), асосан, украинлар (87,2%), шунингдек, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 48%. 18 туман, 15 шаҳар, 20 шаҳарча бор. Маркази — *Сумы* ш. Бошқа муҳим шаҳарлари: Конотоп, Шостка, Ромни, Тротсянец, Ахтирка, Белополье, Путивль, Дружба, Кролевец. Вилоятда 300 га яқин саноат корхонаси бор. Саноат маҳсулоти и. ч.да озиқ-овқат саноати 36,1%ни, машинасозлик ва металлсозлик 23,2%ни, енгил саноат

10,7%ни ташкил қилди. Озиқ-овқат саноатида пальмар-канд, гўшт ва гўшт-консерва, ун-ёрма, спирт ва тикер-арақ, сут, тармоқлари ривожланган. Машинасозлик ва металлсозлик, электрон микроскоп, насос, оғир компрессор, чўян қуйиш, электр-механика, локомотив капон таъмирлаш ҳамда полиграфия машиналари з-длари ва ў. ишлаб турибди. Ирпик кимё корхоналари «Свема» ич. бирлашмаси таркибига кирса кинофотоплёнка ҳамда магнитофон лентлари чиқарилади. «Химпром» ич. бирлашмаси, кимё реактивлари ва ошловчи экстракт з-ди. Тўқимачилик, тикувчилик, кўн-пойабзал ва мўйна, ўрмон, ёғочсозлик, мебель, чинни-фаянс корхоналари бор.

Қ.х. галла, лавлаги, картошка саб.хўжалик етиштириш ва гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган. Қорамол, чўчқа, қўй ва яқи боқилади.

Т.й. узунлиги 770 км. Автомобиль йўллари уз. 11 минг км дан иборат, қаттиқ қопламали (бетон ва б.) йўллар 2,8 минг км. 2 нед. ин-ти, Харьков политехника ин-ти филиали, 3 музей, драма театри бор.

СУМСАР СВИТАСИ — Фарғона ва Афғонистон—Тожикистон депрессияларида тарқалган, тўқ қизил ранги гил жинсларидан таркиб топган ретионал свита. Қалинлиги 90 м гача, унда молюска ва фораминифера фауналари учрайди. Ёши кечки эоцендан миоценгача. Саноат миқёсида нефть-газли бўлиб, 3 қисмга бўлинади: пастда — асосида фосфоритли желваклар, палеципод ва гастропод ядроларидан иборат бўлган яшил мергелсимон гиллар; унинг устида қумтош қатлари ва гилли-қумтош конларидаги 3-нефтли горизонт; юқорида — яшил қум ва қумтошлар, Сел-Рохо ва Нефтобод конларидаги саноат аҳамиятига молик 2-горизонт.

СУМСАРСОЙ — Наманган вилоятидаги сой. Кўгала тизмасидан (3700 м) бошланади. Уз. 32 км, ҳавзасининг майд. 92,5 км². Юқори оқимида Кўгаласой номи б-н оқади. Айримасой қўшилганидан сўнг С. номини олади. Сой водийсидан шағал тош б-н қопланган. Йиллик ўртача сув сарфи 0,97 м³/сек., оқим модули 10,5 л/сек. км². Чуст туманининг экин майдонларини суғоради.

СУМСАР-ШЕРТОҒ ТОҒЛАРИ — Қашқадарё ҳавзасининг юқори қисмидаги тоғлар. Зарафшон ва Ҳисор тизмаларини туташтиради. Шим.да Жиннидарё, жан. ва жан.-шарқда Оқсув дарёларининг ирмоғи) ажратади. С.-Ш.т. кенглик бўйлаб чўзилган. Энг баланд жойи 2262 м. Тизмаларда Бирдак (1647 м), Сангтор каби довонлар мавжуд бўлиб, улар Оқсув, Жиннидарё, Қашқадарё водиларини бир-бири б-н боғлайди. Тектоник жиҳатидан антиклиналь структура, силур, девон, бўр, палеоген даврлари слланец, қумтош, конгломерат, оҳактош, гил, гипс, диорит, гранит, гранодиорит тог жинсларидан тузилган. Иқлими тог иқлими, йиллик ёғин 600—700 мм, дарё тармоқлари зич. Тўқ бўз, тог жигарранг, тог ўтлоқ тупроқлар, баландтог ўсимликлари, эфемерлар, бутдойиқ, ўрмон, ёғочсозлик, мебель, чинни-фаянс корхоналари бор.

СУН, Сунг хонлиги — Хитой тарихида мавжуд бўлган 2 сулола ва даврлат. Илк С. (420—479). Пойтахти — Цзянканг (ҳоз. Нанкин). Асосчиси — Лю Юй сулоласидан (халқ орасида Лю Сунг деб ҳам номланади), ўзига эса Уди (Жанговар хоқон) деб ном берган. У давлатни мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча снёсий-иқтисодий нелоҳотлар ўтказган. Ушбу хонликда жами 8 ҳукмдор ўтган. Саройдаги фитналар, деҳқонлар қўзғолонлари натижасида 479 й. хонлик барҳам топган. Сўнгги С. хонлик барҳам топган. Сўнгги С. (960—1279). Пойтахти — Кайфин (Кайфэн). Асосчиси — Сўнги Чжоу хонлиги (951—960) саркардаси Чжао Куан-инь (Куангйинг) (927—976). Сўнгги Чжоу хонлигида ҳокимият алмашиниши туфайли юзага келган снёсий вазиятдан фойдаланган Чжао Куан-инь ҳарбий тўнтариш уюштириб, пойтахт Кайфинни эгаллаб, тахтни ўз қўлига олган. У янги давлат ташкил қилиб, унга С. (Сунг), ўзига эса Сунг Тайцзу (С. сулоласи асосчиси) деб ном берган. Тарихда унинг даври Цзинлунг деб ҳам аталади. Чжао Куан-инь давлат ҳудудини кенгайтириш, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, хазинани бойитишга қаратилган бир қатор снёсий, ҳарбий ва иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширган. С. ҳудуди Марказий ва Жан. Хитой б-н чегараланган. Ташқи снёсатда С. асосий эътиборини Шим. Хитойда киланлар томонидан барпо этилган Ляо давлати (916—1124)дан ҳимояланишга қаратган. С. хонлиги 979 й. ҳоз. Пекинни эгаллаб, киланларга кучли зарба беришни режалаштирган. Аммо жангда мағлубиятга учраган, киланлар хонлик пойтахти Кайфинни босиб олишган. С. хони Тайцзун сарой амалдорлари б-н пойтахтни жан.га кочган. С. Ляо давлати б-н сулҳ тузишга, унга ўлпон тўлаб туришга ва қўшин сонини кескин қисқартиришга рози бўлган. Кейинги даврларда С. сулоласи Ляо давлати таъсиридан чиқишга кўп ҳаракат қилса-да, уддасидан чиқа олмаган. 1127 й. пойтахт Линъан (ҳоз. Ханчжоу) ш.га кўчирилган. Шундан кейин С. хонлиги Жанубий С. деб аталди. 1279 й. у мўғуллар томонидан тутатилган.

Абдулаҳад Ҳожаев.

«СУНАНИ АБИ ДОВУД» — 6 та ишончли ҳадис тўпламидан бири. Муҳаддис *Сажистоний*нинг асари. Унгача ҳадис тўпламлари «ал-Жомиъ» ёки «ал-Муснад» деб номланган бўлса, у ўз тўпламини «ас-Сунан» деб атади ва унга суннати набавия ва шариъат аҳкомларини мавзулар бўйича бобларга бўлиб ёзиб чиқди. «Сунан»да 4800 та ҳадис ривоят қилинган. Тўплам 35 фасл, 1871 бобдан иборат. Унга 3 та олим 3 хил шарҳ ҳам битган.

«СУНАНИ ИБН МОЖА» — 6 та ишончли ҳадис тўпламидан бири. Муҳаддис *Ибн Можа*нинг асари. Асар 32 фасл, 1500 бобдан иборат. Ибн Можа ўз тўпламини фиқҳий масалаларга хос мавзуларга бўлиб чиққан. «Сунан»дан жами 4000 та ҳадис жой олган. Уламолар ушбу «Сунан»ни машҳур ҳадислар тўпламлари қаторига қўшиш ёки қўшмаслик масаласида узоқ тортишганлар. Ниҳоят, Ибн Можанинг «Сунан»и 6-ўринда ишончли тўпламлар сафига киритилган.

«СУНАНИ НАСОЙӢ» — 6 та ишончли ҳадис тўпламидан бири. Муҳаддис Насойнинг асари. Насоий биринчи бўлиб «ас-Сунан ал-Кубро» («Катта ҳадислар тўплами»)ни ёзган. Сўнгра Рамла амирининг илтимосига биноан, уни қисқартириб, энг ишончли ҳадисларни қолдириб, унга «ас -Сунан ас-Сугро» («Кичик тўплам» ёки «ал-Мужтабо», яъни «танланган ҳадислар тўплами») деб ном қўйган. Уламолар фикрича, «Сунан» номи б-н ёзилган барча ҳадис тўпламларидаги ҳадисларнинг ҳаммаси саҳиҳ эмас, балки уларда заиф ҳадислар ҳам мавжуд. «Сунан»га Имом Жалолуддин Суютий, шайх Абул-Ҳасан Муҳаммад ал-Ҳанафий ас-Синдий ва Шайх Сирожиддин Умар аш-Шофиъий шарҳ битган.

СУНБОД ҲАРАКАТИ — Шим.-Шарқий ва Марказий Эронда Аббосийлар халифалигига қарши халқ (асосан, деҳқонлар) ҳаракати (755 й.). Ҳаракатни Нишопур атрофидаги Охан қишлоғидан бўлган Сунбод исмли киши бошқарган. С.ҳ.нинг бошланишига асосий сабаб — аббосийларнинг халқдан хирож йиғиш ва мажбурий ишлатиш (қасрлар қуриш, каналлар қазиш ва б.)дан озод қилиш ҳақидаги ваъдасини бажармагани бўлган. Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби *Абу Муслим*нинг халифа Мансур буйруғи б-н ўлдирилиши С.ҳ.га баҳона бўлган. Бу ҳаракат сунний аббосийларга қарши қаратилган бўлиб, унда зардуштийлар, шиалар ва хуррамийлар қатнашган. *Табарий*нинг ёзишича, ҳаракат 2 ой давом этган. Халифа Мансур бу ҳаракатни бостириш учун 10 минг кишилик қўшин юборган. Бу қўшин Ҳамадон б-н Рай ўртасидаги чўлнинг чеккасида Сунбод қўшинини тор-мор келтирган. Шу жангда Сунбод ҳам ҳалоқ бўлган. С.ҳ. б-н бир вақтнинг ўзида Мовароуннаҳрда ҳам аббосийларга қарши ҳаракат бошланган. Унчалик катта бўлмаган бу ҳаракатга Абу Муслим тарафдори — *Исҳоқ* бошчилик қилган.

СУНБУЛА (араб.) — 1) зодиакка тегишли 12 та юлдуз туркумларидан бири; *Вероника сочлари, Ҳўкизбоқар, Илон, Мезон, Гидра, Қарға* ва *Асад* юлдуз туркумлари орасида жойлашган; энг равшан юлдузи 1-юлдуз катталигидаги *Спика* юлдузидир. С. юлдуз туркумида кузги тенгкунлик нуқтаси жойлашган. Қуёш С. туркумида сент. ойида бўлади. Ўзбекистонда баҳор ва эрта ёзда (Ер шарининг шим. кенгликларида) кўринади; 2) шамсия йил ҳисобида олтинчи ойнинг номи. 22 августдан 21 сент. гача бўлган даврга тўғри келади.

СУНГАРИ — Хитойнинг шим.-шарқий қисмидаги дарё, Амур дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 1870 км, ҳавзасининг майд. 524 минг км². Чанбайшань ясситоғлигидан бошланиб, Манчжурия-Корея тоғлари, Сунляо ва Саньзян текисликларидан оқади. Асосан, ёмғирдан тўйинади. Баҳор ва ёзда тўлиб оқади, кучли тошқинлар бўлиб туради. Ўртача сув сарфи 2500 м³/сек. Ноябрдан апрелгача музлайди. Гирин ш.гача кема қатнайди. Юқори қисмида ГЭС ва сув омборлари қурилган. С. водийсида аҳоли зич яшайди.

СУНДАН ТИЛИ — *австронез тиллари*дан бири. Индонезиянинг Ғарбий Ява вилоятида, Суматра о. жан.да тарқалган; сўзлашувчиларнинг умумий сони 21 млн. кишидан ортиқ. Асосий лаҳжалари: баду (энг қад.), бантен, богор-кравант, чианжур, куninган, чиребон ҳамда адабий тилга асос бўлган Бандунг ш. шеваси. Ўзига хос фонетик, морфологик ва синтактик хусусиятлари бор. Лексикасида ономатопоэтик (тасвирий) сўзлар анчагина; унга аввало санскритдан, кейинчалик араб, ява, индонез ва нидерланд тилларидан кўплаб сўзлар ўзлашган.

Дастлабки ёзма ёдгорликлари 8—9-а.ларга мансуб бўлиб, санскритда битилган; кейин қад. ҳинд ёзувларидан кави қўлланган; 16-а.дан араб алифбоси асосидаги жавоан ёзуви, 17-а. 2-ярмидан чачаракан (ява ёзуви) тарқалган. 19-а. охиридан С.т. учун лотин графикаси асосидаги ёзув жорий этилган. С.т.да бой адабиёт мавжуд, бошланғич мактабларда дарс ўтилади, радиоэшиттириш олиб борилади, газеталар чоп этилади.

СУНДАНЛАР, сундалар (ўзларини сунда деб аташади) — Индонезиядаги халқ. Асосан, Ява о.нинг ғарбий қисмида яшайди. 24,5 млн. киши (1990-йлар ўрталари). Сундан тилида сўзлашади. Динлорлари — сунний мусулмонлар, анъанавий эътиқодлар ҳам сақланган. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик (айниқса, тўқимачилик) б-н шуғулланади, бир қисми саноатда банд. С. таркибига хўжалик ва маданиятнинг ар-

Сундан деҳқони шолипоида.

хаик белгиларини сақлаб қолган балуй этн. гуруҳи ҳам киради.

СУНДУКЯН Габриэл Мкртичевич [1825.29.6(11.7) — Тбилиси — 1912.16.(29).3] — арман ёзувчиси, драматург. Арман адабиётида *танқидий реализм* асосчиларидан. Арман театри ташкилотчиларидан бири. Петербург ун-тини тугатган (1850). Илк пьесаси — «Тунги аксириш — яхшиликка» (1863 й. саҳналаштирилган). «Шовқин» (1866), «Яна бир қурбон» (1870), «Бузилган уя» (1873), «Эр-хотин» (1888) каби пьесаларида арман халқининг қисмати ва орзу-интилишлари тасвирланган. Унинг «Пэпо» пьесаси (1871) арман драматургиясининг нодир асарларидан бири ҳисобланади. С. умрининг сўнгги йилларида «Севги ва эркинлик» (1910), «Васият» (1912) драмаларини яратди. С. пьесалари арман драматургияси тарихида бутун бир даврни ташкил этади. У комедия жанрини гор мавзини доирадан ижтимоий умумлашмалар даражасига кўтарди. «Вареньканинг нефати» (1877) қиссаси ҳам бор.

Ас. Избранное. М., 1953.

Ad. Абов Г., Габриел Сундукян, Ереван, 1956.

СУННА (араб. — одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) — исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад (савв)нинг сўз, қилган иши, хатти-ҳаракатлари. С.да тегишли ҳар бир маълумот *ҳадис*ларда берилган ва тўплам қилинган. С. исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳияти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. С. 7-а. ўрталаридан питила бошланган. Бир ярим-икки аср давомида ҳадислар жуда кўпайиб кетган. Ҳадисшунослик энг тараққий қилган 9-асрга келиб улар тартибга солинган, дин, ахлоқ ва фиқҳнинг манбаига айланган. Имом *Бухорий* ва *Муслим ибн Ҳажжож*нинг ҳадис тўпламлари энг обрўли ҳисобланади. С.да араб халифалигининг дастлабки икки асрида ислом динининг тараққиёти ва турли ижтимоий қатламларнинг аҳволини кўрсатадиган тарихий маълумотлар ўз ифодасини топган.

С.нинг энг *бидъат* (С.да учрамаган янгилик) бўлиб, у икки хилдир. Биринчиси — «бидъати ҳасана», яъни С.да учрамаган бўлса-да, ислом дини таълимотига зид бўлмаган одатлар. Мас., Муҳаммад (сав)нинг таваллуд кунини байрамона кутиб олиш; унга аталган мавлуд китобларини ёзиш; рамазон ойида жамоат б-н тунда таровиҳ намози ўқиш; расмий ҳужжатларга муҳр босиш; араб тилини ўргатадиган қоида китобларини таълиф этиш ва ҳ.к. Иккинчиси — «бидъати саййиа», яъни С.да учрамаган ва ислом таълимотига зид одатлар. Мас., хатна муносабати б-н тўй қилиш; дунёдан ўтганларга бағишлаб 7, 20, 40, йил, ҳайит каби номлар б-н худойи маросимларини ўтказиш; никоҳ тўйида қалин тўлаш ва ҳ.к. Муҳаммад (сав) нинг ҳадисларида «Кимки бирор яхши сунатни жорий этса, унга амал қилувчиларнинг савобларидан ўз улушини олиб туради, кимки ёмон сунатни жорий этса, унга амал қилувчиларнинг гуноҳларидан ўз улушини олиб туради», дейилади. Ўзбек тилида С. б-н сунnат сўзларининг ўртасида фарқ бор. Ҳадиснинг барча турлари ҳам С.дир. Суннат — ҳадисларда тарғиб этилган, ибодатда ҳам, муомилада ҳам қўлланиладиган амал. Мас., таҳоратда юз қилинадиган 3 марталик ювиш суннатдир. Ўғил болани хатна қилиш, уйланиш оила қуриш, фарзандларга яхши исм қўйиш сунnат амалларидан саналади.

СУННАТ — қ. *Сунна*.

СУННАТ ТЎЙИ — қ. *Хатна тўйи*.

СУННАТОВ Одил (1951.27.4, Катта-қўрғон ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1973). 1975 йилдан Каттақўрғон ш. 1-мактабида ўйида дирижер, бўлим бошлиғи, бўлими раҳбар, 1984 йилдан 14 мактабда, 1988 йилдан 16-мактабда мусиқа таълими фани ўқитувчиси. Мусиқа мактаби б-н ҳамкорликда мактаб ўқувчиларни ижтимоқкада ўйбек халқ қўшиқларини ўқитишга ўтиш, гуруҳ қатнашчилари Республика «Санат байрами» кўрик танловларида дипломлар б-н мукофотланган.

СУННИЙЛИК (*сунна* сўзидан) — ислом динидаги 2 асосий йўналишдан бири ва энг кенг тарқалган. Жаҳонда С.ка (қолган 7% и *шиалик*ка) мансуб (2004). С. тарафдорлари, асосан, Осиё ва Африкада (Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Хитой, Афғонистон, Туркия, Арабистон п.о. ва Форс қўлтиғи атрофидаги араб мамлакатларида; Сурия, Ливан, Иордания, Шим.-Шарқий ва Ғарбий Африка мамлакатларида), Болқон мамлакатлари, Кипр ва АҚШда яшайди.

Ислом дастлабки даврда ҳеч қандай йўналиш, мазҳаб ва оқимларга бўлинмаган. 7-а.нинг ўрталарида турли сиёсий сабабларга кўра, мусулмонлар сафида бўлиниш пайдо бўлди. Аввал шиалар, кейин *хорижийлар* мусулмонлар оммасидан ажраб чиқдилар. Улар ўзининг ҳақлигини исбот қилиш учун ўз фикрини, йўналишини ҳимоя қила бошладилар, шу тариқа ҳар гуруҳнинг ўзига хос ақидаси шаклланиб борди.

С. бўйича Абу Ҳанифа (*Имоми Аъзам*) нинг «ал-Фиқҳ ал-акбар» асари энг нодир илмий мерос саналади. Бу ишда Абул Ҳасан *Ашъарий* б-н Абу Мансур *Мотуридий*ларнинг хизматлари беқиёсдир. С. йўналишида шу икки аллома асос солган ақидавий мактаблар барча сунний уламолар томонидан эътироф этилган. С. таълимотининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат: 1. Мавжудотларнинг ҳақиқат ва моҳияти бор нарса бўлиб, уларни билиш мумкин. Билиш воситалари — бешта сезги аъзолари, илоҳий манбалар ва ақл. 2. Олам қадим эмас, балки қачондир Аллоҳ тарафидан яратилган. 3. Бутун борлиқни яратган Аллоҳнинг зоти битта, у ўзига хос ҳолатлар ва абадий кўпгина сифатларга эга. 4. Зотий сифатлари санадсиз илм, қудрат, ҳаёт, ирода, эшитиш, кўриш, гапириш Аллоҳнинг азалий ва абадий сифатларидир. Унинг зоти ҳам, сифатлари ҳам ўзи яратган махлуқот ва мавжудотларнинг сифатларига асло ўхшамайди. Унинг сифатлари нуқсонсиз, баркамолдир. 5. Аллоҳнинг исмлари кўп. Ҳадисда 99 та гўзал исмлари зикр этилган (қ. *ал-Асмо ал-ҳусно*). 6. Аллоҳнинг адолатли эканлиги. Ҳикмат ва залолат йўлларини кўрсатиб қўйган, адашган ва куфр йўлини танлаганларни жазолаши адолат ҳисобланади. Бордн-ю, залолат йўлидан адраб қолса — бу Унинг фазли, марҳамати. Асрлмаса адолати ҳисобланади. 7. Пайғамбарларнинг ҳаммасини барҳақ деб тасдиқ этиш. Уларнинг аздан гарчи бўлса-да, муайян бир адад қатъий деб ҳисобланмагани маъқул. Пайғамбарларнинг биринчиси — Одам (ас), охиргиси — Муҳаммад (сав). 8. Пайғамбарларнинг мўъжизаларини ҳақ деб эътиқод қилиш. Шунингдек, авлиёларнинг каромат лари ҳам ҳақ ва ростдир. Ҳеч бир авлиё пайғамбар даражасига ета олмайди. 9. Исломнинг беш рукни — имон келтириш, намоз, рўза, закот, ҳаж ҳар бир мусулмон зиммасига фарзи айн эканлиги. Фарзлардан бирортасини беузр тарк этса ёки шаръан тақиқланган ишларга қўл урса қаттиқ гуноҳкор бўлиши, лекин кофир бўлмаслигини тасдиқ этиш. 10. Имон — Муҳаммад (сав) Аллоҳ томонидан келтирган барча хабар ва маълумотларни ҳақ ва рост эканига тил б-н иқрор этиб, дил б-н тасдиқлаш деб билиш. Солиҳ амалларни кўп қилганда имон нури кўпайиб, гуноҳ ишларни кўп қилганда имон нури озайиб туришини тасдиқлаш ва ҳ.к.

С.да 4 та диний-ҳуқуқий мазҳаб (*ҳанафийлик, моликийлик, шофиийлик, ҳанбалийлик*) мавжуд. С. исломда анъанавий эътиқод йўли деб эътироф этилиб келган.

С. б-н шиалик ўртасида ҳокимият масаласида, айрим диний маросим ва анъаналарда бирмунча тафовутлар бор. Ўзбекистонда, асосан, С.ка эътиқод қилинади.

Ад.: Хусниддинов З., Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

Абдулазиз Мансур.

СУНЪИЙ БУЙРАК, гемодиализатор — хасталанган буйракларнинг чиқарув функциясини вақтинча ўтайдиган аппарат. Асосий вазифаси ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилигида сув- электролит ва кислота-ишқор балансини, қон таркибини нормал сақлаш, модда-

лар алмашинуви маҳсулотларини ва турли заҳарланишлардан ҳосил бўлган токсинларни, шунингдек, шиштанда организмдаги ортиқча сувни чиқариб ташлашдан иборат (гемодиализ).

Америкалик олим Абель 1913 й. диализ аппарати кашф қилиб, тажрибада синаб кўрди. Кейинчалик голландиялик В. Колф (1944 й.) Берк б-н ҳамкорликда клиник талабларга бирмунча жавоб бера оладиган С.б. ихтиро қилиб, амалиётда илк бор қўллади.

С.б.нинг ишлаши моддаларнинг қон ва диализлайдиган махсус эритмадаги концентрациялари фарқи туфайли ярим ўтказувчи мембранадан ўтишўтмаслик хусусиятига асосланган: оқсиллар, қоннинг шаклли элементлари, бактериялар, мол. м. си 30000 дан катта бўлган моддалар мембранадан ўтмайди; азотли чиқиндилар — мочевина (сийдикчил), сийдик кислота, креатинин каби организмни заҳарловчи моддалар эса мембранадан тўсиқсиз ўтиб, махсус эритмага аж-ратиб олинади. С.б. ишлаганда беморнинг билак венасидан насос-механик юрак ёрдамида веноз шунт орқали сўрилаётган қон диализатор капиллярлари орқали ўтади. Капиллярлар сирти бошқа насосдан бериладиган диализловчи эритма б-н ювиб турилиши натижасида қон чиқиндилардан тозаланади.

Артериал-веноз (АВШ) беморни С.б. аппаратига улаш воситаси бўлиб, кейинчалик такомиллаштирилди ва артериал-веноз фистула (АВФ) ихтиро қилинди, лекин бу усулда томирларнинг варикоз кенгайиши, веноз қон оқимининг бузилиши каби нохуш ҳолатлар кузатилади. АВФнинг камкўстсиз варианти «Тошкент буйраким кўчириб ўтказиш маркази»нинг олимлари — акад. Ў.*Орипов* ва шогирдлари

Гемодиализ аппарати.

томонидан ҳал қилинди (1971 й.). Сурункали буйрак касаллиги бор беморларда амбулатория шароитида замонавий АВФ ёрдамида гемодиализ ўтказиш кенг йўлга қўйилди.

Ҳоз. АВФ ҳосил қилишнинг амалиётда турли модификациялари ишлаб чиқилди. Беморларни зудлик б-н гемодиализга тайёрлаш мақсадида (юқори даражадаги уремия, гипергидратация, гиперкалиемия) уларнинг марказий венасига (ўмров ости, сон венаси, бўйинтуруқ веналари) икки ёриқли катетер ўрнатиш кенг қўлланила бошланди. Гемодиализ сеанслари 4—8 соат давом этиб, бу вақтда қон ивиб қолмаслиги учун унга гепарин моддаси қўшиб турилади. Гемодиализ б-н даволашнинг бошланғич даврларида турли хил геморрагик асоратларнинг олдини олиш мақсадида гемодиализ сеанслари регионар гепаринизация (протамин сульфат) б-н олиб борилади.

Гемодиализ муолажаси самарадорлиги гемодиализаторларни диализловчи юзаси майдонига боғлиқ. Диализатор техник хусусиятларининг яхшиланиши, С.б. аппаратларининг такомиллаштирилиши, қоннинг диализатор орқали айланиб ўтиши тезлигининг ошиши (АВФ такомиллашиши) гемодиализдаги беморлар ҳаётининг узайишига олиб келди. Шунингдек, беморларни даволанишга психологик тайёрлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Республикамизнинг ҳар бир вилоятида гемодиализ марказлари бор. Тошкент ш.да 6 та ихтисослаштирилган гемодиализ маркази фаолият кўрсатади, уларда замонавий С.б. аппаратлари ўрнатилган.

Анвар Зуфаров, Искандар Йўлдошев.

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ — бирор осмон жисми атрофида орбита бўйлаб ҳаракатланадиган космик аппарат. Дунёда биринчи марта СССРда Ер сунъий йўлдоши (ЕСЙ) (1957), Қуёш (1959), Ой (1966), Венера (1975) С. й.лари, АҚШ да Марс С. й.лари (1971) учирилган. ЕСЙ нинг минимал учиш бал. 140—150 км, максимал учиш баландлиги бир неча юз минг км. Орбита бўйлаб айланиш даври 1,5 соатдан бир неча суткагача. Экватор текислиги яқинидаги орбитада турувчи ЕСЙ экваториал; Ер қутблари яқинидан ўтувчи орбитадаги ЕСЙ қутбий; айланма экваториал орбитага чиқарилган, Ер сиртидан 35800 км га узоқлаштирилган ва Ер айланиши йўналиши бўйича ҳаракатланиб, Ер айланиш йўналишига мос келувчи ЕСЙ (Ер сиртидаги бирор нуқтасида кўзгалмасдек бўлиб туюлади) стационар деб аталади. ЕСЙ нинг асосий тури орбитал космик кема ҳисобланади ва орбитал ст-ядан таъминланади.

СУНЪИЙ НАФАС ОЛДИРИШ — сунъий йўл б-н (махсус усуллар ёки аппаратлар ёрдамида) ўпкага ҳаво киритиш ва чиқариш, бошқача қилиб айтганда ўпканинг ҳаво алмаштириш функциясини тиклаш. Мустақил нафас олиш тўхтаганда ёки бузилганда (нафас йўлларига ёт жисмлар тушганда, ис текканда, ток урганда, киши сувга чўкканда ва б. ҳолларда) қўлланади.

С.н.о. экспиратор усуллар, қўл аппаратлари — респираторлар ҳамда автоматик респираторлар ёрдамида амалга оширилади.

Экспиратор усуллар аппаратсиз («оғиздан оғизга», «оғиздан бурунга», «оғиздан оғизга ва бурунга») ҳамда аппаратли усулларга бўлинади; аппаратли усулларда жабрланувчи ҳар хил нафас олиб-чиқариш найчалари, ҳаво ўтказгичлар, оғиз-бурун ниқоблари ва б.дан фойдаланади. Сильвестр-Брош усули ҳам қўл б-н бажариладиган, яъни аппаратсиз усулга киради. Экспиратор усуллар, шунингдек, қўл аппаратлари — респираторлар жабрланувчи касалхонага ётқизилгунча кўрсатиладиган шошилинч тиббий ёрдамда, кўпинча стационар шароитида ҳам кенг қўлланади. Улар ҳар хил тузилишдаги иккита бир-бирига туташ мослама — шланг орқали ёки бевосита бирлаштирилган нафас халтаси ёки меши ва нафас ниқобидан иборат.

Автоматик респираторлар жуда кўп сонли ҳар хил ихчам ва стационар, жумладан, нафас б-н боғлиқ ҳолатларни компьютер орқали бошқаралиган, нафасга олинадиган ва чиқариладиган ҳаво аралашмаларини, жабрланувчи қонининг газ таркибини назорат қилиб турадиган ва б. мосламалардан иборат. Қандайлигидан қатъи назар, ҳамма автоматик респираторлар умумий тузилишга эга. Буларга 1) кислороднинг берилиш тезлигини тартибга солиб турадиган мосламаси бор кислород манбаи (кислородли баллон, марказлаштирилган кислород газли магистраль, кислород концентратори); 2) кислородни атрофдаги ҳаво ва зарур бўлганда махсус газли аралашма б-н аралаштириб берадиган аралаштиргич; 3) ҳаво пуфлаш параметрларини бошқариш механизмлари б-н мешни ҳаво ёки газли аралашмага тўлдириш мосламаси; 4) нафас ниқоби, бириктирувчи найча, карбонат ангидрид ва анестетикларни контурнинг тескари қисмидаги ютгичдан иборат «нафас контури» мосламаси киради.

Ўзига хос автоматик респиратор ҳам мавжуд. Ундан инжекцион принципда ҳаво юборишда фойдаланилади; трахеотомик ёки трахеостомик найча орқали трахеяга инжектор киритилади ва у

а — Сильвестр-Брош усули бўйича нафас олдириш; *б* — оғиздан оғизга нафас олдириш.

орқали трахеяга 1—3 атм босим остида тўхтовсиз кислород — газли аралашма юборилади. Бунда ҳаво б-н чиқаётган аралашма ўпкадан инжектор ёнидан тўхтовсиз чиқиб кетади.

Клиника амалиётида С.н.о. қўйидаги ҳолларда қўлланади: фалокат, ҳалокат, бахтсиз ҳолисалар, оғир шикастланишларда ҳодиса содир бўлган жойда, касалхонага олиб кетилаётган вақтда ва касалхона шароитида; аҳволи оғир ва ҳаёти хавф остида турган беморларда жадал муолажа компоненти сифатида. Бундай беморларда мустақил нафас олишнинг энергетик «баҳоси» организм учун жуда юқори бўлади ва мустақил нафас олишни тўхтатиб, аппарат ёрдамида ёрдамчи ёки тўлиқ сунъий нафас олишга ўтиш ўпкада ҳаво алмашиниш функциясининг алмаштирилиши ҳисобига организм аҳволини енгиллаштиради. Бу «режа асосидаги С.н.о.» дир; «интубацион наркоз» б-н катта операциялар ўтказилганда дорилар б-н беморни беҳуш қилибгина қолмай, интубацион найча орқали мустақил нафас олиш ҳам тўхтатилади. Скелет мускуллари функциясини тўхтатиш миоплегия ёки миорелаксация деб аталади, бундай вазиятларда хирургнинг керакли соҳада, мас., қорин бўшлигида операция қилишини енгиллаштириш мақсадида нафас олишни тўхтатибгина қолмай, мускуллар ҳам тўлиқ бўшаштирилади. Бинобарин, фақат интубацион умумий наркоз жорий қилинишининг ўзи кўкрак хирургиясининг жадал ривожланишига, яъни кўкрак бўшлиги аъзоларида бемалол операциялар ўтказишга имкон берди. Бундай операцияларда нафас олишда, асосан, ўпканинг бир бўлаги, операция қилинадиган томондаги бўлаги эса озгина қатнашишини таъминлайдиган махсус мосламалар ва усуллар қўлланади; нерв системасининг баъзи касалликларида, яъни диафрагмал нерв функцияси тўхтаганда ва бе-

мор мустақил нафас ололмаганда бир неча ҳафта, онлаб ва ҳатто ишлаб С.н.о. усулини қўлланга тутри келади.

Юқоридаги ҳолларда С.н.о.да ўтказиладиган талбирлар, қўлланадиган усуллар респиратор терапия деб аталади. Бу физиология ва тиббиётнинг эмас, балки энг замонавий техника ва технологиянинг ҳам ютуги бўлиб, тиббиёт фани ва амалиётида энг илгор усул ҳисобланади.

Жура Собиров.

СУНЪИЙ ТАНЛАШ — одам томонидан энг қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган ҳайвон ва ўсимликларнинг айрим нусхалари, *нат*лари, *навл*арини улардан авлод олиш мақсадида танлаб олиш. С.т. назариясі асосларини. *Ч. Дарвин* ифодалаб берган (1859). У С.т. уй ҳайвонлари зотларини ва экинлар навларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган асосий омил эканлигини кўрсатиб берди. С.т.нинг таъсири ва натижаларини тадқиқ қилиш Дарвиннинг *табиий танланиш* асослаб беришида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ибтидоий даврларда одам фойдали ҳайвонларни ҳонакилаштириш ва истеъмолга яроқли ўсимликлар ўстиришда С.т. онгсиз ҳолда юз берган. Ибтидоий чорвадорлар ва деҳқонлар ҳайвон ва ўсимликларнинг сараларини сақлаб қолишга ва улардан насл, уруг олишга ҳаракат қилишган. Энг яхши ҳайвонларни авлоддан-авлодга сақлаб бориш подани янгилаб, қайта тиклаб туриш имконини берган, яхши уруглар экиш эса барқарор ҳосилни таъминлаган.

18-а.нинг 2-ярмида пайдо бўлган *селекция* маҳорати (муайян услублар асосида танлаш) чорвачилик ва ўсимликшуносликда ўз аҳамиятини тўлиқ сақлаб келмоқда. Илмий С.т. айрим бир қимматли хўжалик белгилари бўйича олиб борилади, бу эса организмларда генетик ва морфологик *корелляция* тизимларининг бузилишига олиб келади. Шу сабабли кўп ҳолларда С.т. нинг қўшимча натижаси тарзида организмларнинг фенотипик ўзгарувчанлиги ортади, умумий ҳаётчанлиги пасаяди.

С.т. нинг ялпи ва якка (индивидуал) танлаш шакллари бор. Ялпи танлашда фенотип бўйича зот ёки нав стандартларига мувофиқ келмайдиган барча нусхалар яроқсизга чиқарилади (зот ёки нав сифатларини сақлаб қолиш мақсадларида ўтказилади). Якка танлашда айрим нусхалар белгиларнинг ирсий барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда, *генотип* бўйича ўсимлик нави ёки ҳайвон зотини бир қанча авлодларда баҳолаш б-н олиб борилади (зот ва навга хос сифатларни такомиллаштиришни таъминлайди).

Баҳодир Норматов, Изатулла Эшматов.

СУНЪИЙ ТИЛЛАР — муайян мақсадни кўзлаб яратиладиган ва табиий тилларнинг ўринбосари сифатида қўлланадиган тиллар. С.т. махсуслашуви мўлжалига қараб, шунингдек, табиий тиллар б-н ўхшашлик даражасига кура фарқланади: халқаро ёрдамчи тиллар, математик ёрдамчи тиллар, информацион тиллар. Халқаро ёрдамчи тиллар табиий тиллар б-н юқори даражада ўхшаш бўлган, умумистеъмолга мўлжалланган, махсуслашмаган тиллардир. Халқаро муомала воситаси сифатида С.т. яратиш гояси француз олими Р. Декарт ва немис олими Г.Лейбницга тегишлидир. Булар тушунчаларнинг мантиқий таснифига таянувчи рационал тил лойиҳалари бўлган. 17—20-а.ларда бундай тилларнинг 1000 га яқин лойиҳаси яратилган бўлса-да, уларнинг айримларигина (волапюк, эсперанто, идо, интерлингва) амалда қўлланган. С.т. априор (табиий тилларга боғлиқ бўлмаган), апостериор (табиий тилларнинг материалини ўзлаштирган) ва априор-апостериор (аралаш) тилларга бўлинади. Халқаро муомалага кирган дастлабки С.т. волапюк (инг. world ва speak сўзларининг фонетик ўзгаришидан: volapük — «жаҳон тили») аралаш С.т. бўлиб, 1879 й.да Германияда И.М. Шлейхер томонидан яратилган. Апостериор С.т. дан *эсперанто* 1887 й.да Польшада варшавалик врач Л.Л.Заменгоф томонидан яратилган. Идо, интерлингва, окциденталь ҳам апостериор С.т. ларга мансубдир, яъни уларнинг яратилишида байналмилал лексикадан унумли фойдаланилган.

Математик ёрдамчи тиллар, бошқача айтганда, турли мўлжалдаги махсус С.т., асосан, мат. мантиқ, лингвистика, кимё, физика ва б. фанларнинг рамзий (рамзларга асосланган) тилларидир. Бундай тилларнинг яратилиши ҳам ўз тарихий босқичларига эга: математик ифодалардаги ҳарфий рамзлар Европада 16-а.дан қўлланган; математик мантиқ тили 19—20-а.ларда, тилшуносликнинг рамзий тил унсурлари ўтган асрнинг 20—40-й.ларида пайдо бўлган.

Информацион тиллар, яъни инсон-машина муомаласига асосланган тиллар ўтган асрнинг 40-й.ларида, ЭҲМнинг пайдо бўлиши б-н бир даврда шакллана ва ривожлана бошлаган (қ. *Информацион тиллар*).

Баъзан «С.т.» термини шаклланиши ва ривожланишига инсоннинг онгли таъсири юқори даражада бўлган табиий тилларнинг кичик тизимларига нисбатан ҳам қўлланади. Мас., лаҳжа ва шеваларга нисбатан адабий тиллар, умумхалқ тилига нисбатан ҳунармандлар ва махсус гуруҳлар тиллари С.т. ҳисобланади.

С.т. ни ҳар икки маънода ўрганиш тилнинг системавийлик, коммуникативлик, яроқлилик, барқарорлик ва ўзгарувчанлик каби хусусиятлари ҳақидаги, шунингдек, инсоннинг тилга онгли таъсири чегаралари ҳақидаги назарий тасаввурларни кенгайтиради.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

СУНЪИЙ ТОЛАЛАР — қ. *Кимёвий толалар.*

СУНЪИЙ ҚОН АЙЛАНИШ АППАРАТИ, сунъий юрак-ўпка аппарати — бемор организмида ёки донорнинг ажратиб олинган аъзосида қон бир текис айланишини ва бир меъёрда моддалар алмашинувини таъминлайдиган аппарат. Юрак ва ўпка вазифасини вақтинчалик ўташга мўлжалланган. Биринчи С.қ.а.а. - автожектор 1925 й.да рус физиологи С.С. Брюхоненко томонидан яратилган. Кейинчалик шу аппарат ёрдамида ҳайвонларда кўпгина юрак операциялари ўтказилди. С.қ.а.а. ўзаро боғлиқ бўлган система ва блоклар комплексидан: «Сунъий юрак»—насос, юриткич, узаткичдан иборат бўлиб, қонни ҳаётни таъминлай оладиган ҳажмий тезликда оқадиган қилиб ҳайдайди; оксигенатор деб аталадиган «Сунъий ўпка» — газ алмашиниш қурилмаси бўлиб, қонни кислород б-н тўйинтириш, карбонат ангидрид газини чиқариб юбориш ва кислота-ишқор мувозанатини нормал сақлаб туриш учун хизмат қилади.

Ҳоз. жаҳонда 100 дан ортиқ типдаги турли мақсадларда ишлатиладиган С.қ.а.а.лари яратилган. Хавфли ўсмалар, яллигланиш жараёнлари ва деструктив шикастларни кимёвий моддалар б-н даволашда, юрак-ўпка фаолияти бузилганда ёрдамчи сунъий қон айлантиришда, клиник ўлим ҳолатидаги беморни тирилтиришда, кўчириб ўтказишга мўлжалланган аъзоларни тирик сақлаб туришда ишлатиладиган С.қ.а.а. бор.

СУНЪИЙ ҚОЧИРИШ (уруғлантириш) — қ.х. ҳайвонларини қочириш (уруғлантириш) учун эркак ҳайвонлардан олинган спермани қуйиккан урғочи ҳайвон жинсий йўлига (бачадон бўйнига ёки бачадонга) сунъий киритиш. Селекция-наслчилик ишида энг маҳсулдор наслли эркак ҳайвонлардан унумли фойдаланиш, ҳайвонлар зотларининг насл сифатларини жадал яхшилаш мақсадларида қўлланади, моллар табиий қочирилганда жинсий аъзо орқали юқиши

мумкин бўлган касалликлар (*бруцеллёз, вибриоз* ва б.)нинг олди олинади. Спермалар наслчилик корхона (станция)ларидаги энг яхши наслдор эркак ҳайвонлардан олинади. С.қ. 5 та асосий техник усулдан иборат: эркак ҳайвонлан сперма олиш, унинг сифатини баҳолаш, махсус шароитда суюлтириш, уруғлантириш қобилиятини йўқотмай совуқ муҳитда сақлаш, урғочи ҳайвон жинсий йўлига киритиш.

Тарихий маълумотларга қараганда, С.қ.нинг ибтидоий усули мил. ав. даврларда отлар зотини яхшилашда қўлланилган. 18—19-а.ларда бу усулга қизиқиш ва уни ўрганиш авж олди. С.қ.ни 1763 й.да немис олими С.А.Якоби балиқларда, 1780—82 й.ларда Италияда Спаланцани ва Росси итларда, 1893 й.да Россияда ветеринар врач Лидеман бияларда қўллаган. 1928—33 й.ларда янги уруғ олиш, сақлаш ва суюлтириш усуллари кашф этилган. Ҳайвонлар спермасини чуқур музлатиш ва уни узоқ муддат сақлаш усули 1946 й.да ишлаб чиқилган.

С.қ. қорамолчиликда йил давомида, қўйчилик ва балиқчиликда мавсумий қўлланилади. С.қ. учун сперма буқалардан ҳафтада 2—4 марта, қўчқорлардан кунига 2—4 марта, чўчқалардан 3 ёки 2 кунда 1, айғирлардан 1 кунда 1 марта олинади. Суюлтирилган ва —2—4°да сақланган буқа спермасидан 3 сутка, қўчқорникидан 24 (баъзан 36) соат, айғирникидан 24—36 соат давомида фойдаланиш мумкин.

Битта наслдор буқанинг бир марталик 4—5 см³ шаҳвати (спермаси)дан ўнлаб, суюлтирилган уруғларидан 1500—2000 бош сигир ва ғунажинни С. қ. мумкин.

С.қ.да урғочи ҳайвонларнинг куйикиш ҳолати мунтазам кузатиб борилади. Қорамолчиликда ҳар куни 3 маҳал (эрталаб, тушда ва кечқурун) подадаги куйиккан сигир ва ғунажинлар ажратилиб, сунъий уруғлантирилади, сўнгра улар 10—12 соатдан кейин яна қайта уруғлантирилади. С.қ.да шприц-катетери, шприц-ярим автомат ва ёритгичли қин ойнаси каби асбоблардан фойдаланилади. Ҳар бир қочирилган она ҳайвон учун махсус карточка юритилади. Карточкада она молнинг лақаби ёки тартиб инвентарь рақами, зоти, ёши, биринчи марта қочирилган ёши, қочириш ва такрорий қочириш муддатлари, уруғи қўлланилган эркак ҳайвоннинг лақаби ёки инвентарь рақами ва зоти, қочирилган она молнинг туғиш муддатлари қайд этилади (қ. *Давлат наслчилик корхонаси*). Ўзбекистонда С.қ. усули 20-а.нинг 50-й.ларидан бошлаб амалиётга киритилди.

Изатулла Эшматов.

СУНЬ-ЦЗИ, Сунь У (мил. ав. 6—5-а.лар) — қад. хитойлик ҳарбий назариётчи ва саркарда. Ци подшоҳлигида туғилган. С.-Ц. 514—496 й.ларда У подшоҳлигида лашкарбоши бўлиб, Чу, Ци ва Цзинь подшоҳликларига қарши зафарли юришларда қўшинга раҳбарлик қилган. 13 бобдан иборат «Ҳарбий санъатга доир рисола» муаллифи.

СУНЬ ЯТСЕН (бошқа исмлари: Сунь Чжуншань, Сунь Вэнь) (1866—1925) — Хитой сиёсат арбоби. 1894 й. Синчжунхой ташкилотини, 1905 й. — Тунмэхой оммавий ташкилотини тузган. 1911—13 й.лардаги Синьхай инқилоби раҳбари. Хитой Республикасининг 1-(муваққат) президенти (1912 й. 1 янв. — 1 апр.). 1912 й. гоминьдан партиясига асос солган.

СУПА — Ўрта Осиё монументал меъморлигида бинолар б-н ўралган ҳовли ўртасига ёки четига (бино деворига туташтириб) ишланган саҳн. Ҳовли юзасидан баланд, усти очиқ ёки ёпиқ (айвонга ўхшаш) бўлади. С. боғнинг серманзара, соя-салқин жойида, дарахтзор тагида, ҳовуз ёки ариқ ёнида ярим доира, мурабба, тўғри тўртбурчак тарҳли қилиб, лой ва ғиштлан, тогли ҳудулларда тошдан қурилади. С.дан ёзда дам олиб ўтириш, ётиш учун фойдаланилади. Каравот, сўри, чорпоя вазифасини ҳам ўтайди.

Ад.: Нозилов Д., Чорбог, Т., 1997.

СУПАСИМОН ЎЛКАЛАР — тектоник ҳаракатлар натижасида теварак-атрофдан бир оз кўтарилган текисликлар. С.ў. заминидаги тоғ жинслари горизонтал ёки бир оз қия, устки қисмини чўкинди жинслар қатлами ёки лава қоплаган бўлади. С.ў.нинг эрозия натижасида парчаланиши, текисланган юзаларнинг тектоник ёриқлар б-н айрим палахсаларга бўлиниши натижасида супасимон тоғлар вужудга келади. Уларнинг усти текис ёки салгина ўр-қир, ён бағирлари кесилгандек тик тушган бўлади. Юзаси текис бўлганлиги сабабли супа деб аталади. Туркистон тизмасининг ғарбий қисми (Жиззах вилояти)да Каттасупа, Кичиксупа номли баланд текисликлар, Фарғона ботиғининг шим.-ғарби (Наманган вилояти)да Супатоғ деган тоғ бор. Баъзан дарё террасалари ҳам супа деб юритилади.

Супа. Тошҳовли саройи (19-а.). Хива.

СУПЕР... (лот. super — юқорида, устида) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми: 1) бирор нарсанинг олий сифатли, юқори даражали эканлигини (мас., *суперэлита*); 2) муайян нарсанинг устида, юқорида жойлашганликни (мас., *суперфиниш, суперобложка*); 3) бош, асосий деган маъюни (мас., *суперарбитр, супермаркет*) билдиради.

СУПЕРОРТИКОН (*супер...* ва *ортикон*) — сезгирлиги юқори бўлган узатувчи *телевизион трубка*. Унда фотокатод еруг тасвирни электрон тасвирга ўзгартиради, бу тасвир икки томонли нишонга кучирилади, бу ерда тасвир чиқиш электр сигналлари (видеосигналлар)га

Суперортикон

айланади ва видеосигналлар кучайтирилади. С. телекўрсатувда ва студиядан ташқарида кўрсатувлар олиб бориш учун мўлжалланган кенг тарқалган узатувчи трубкалардан ҳисобланади.

СУПЕРФОСФАТ, $Ca(H_2PO_4)_2H_2O+SO_4$ (эркин H_3PO_4 аралашмали) — асосий фосфорли ўғит. Табиий фосфатлардан (апатит ва фосфоритдан) ёки апатит концентратидан сульфат кислота б-н ишлаб олинади. Саноатда бир неча хил С. ишлаб чиқарилади. Кукун (оддий) С. — тез таъсир қилувчи, деярли муштланмайдиган, резина ҳиди келадиган кулранг-оқ унсимон универсал ўғит. 19,5% фосфат ангидрид бўлган олий нави ва 18% фосфат ангидрид бўлган биринчи нави ишлаб чиқарилади. Донадор С. кукун С.ни донадорлаш ва қуритиш йўли б-н олинади. Физик хусусиятлари яхши, сақланганда муштлашиб қолмайди. Донадорлар намлиги 2—4% (кукун С.ники 12—13%). Таркибидаги эркин кислота 2,5—1% бўлгани учун ўзлаштириладиган *фосфор* (19,5% дан кам эмас) кукун С.га қараганда бирмунча ортиқ. Қоратов фосфоритидан олинган донадор С. таркибида камида 14% P_2O_5 ва кўпи б-н 2,5% эркин кислота бўлади.

Аммонийлашган С. суперфосфатни суясиз аммиак, аммиакли эритма ёки аммиакатлар б-н тўйинтириб олинади. Унинг таркиби киритилган аммиак миқдорига боғлиқ. Аммиак кам дозада бўлганда С.нинг эркин кислотаси (H_3PO_4) б-н моноаммонийфосфат ($NH_4H_2PO_4$) ҳосил қилади, ўғитда сувда эрувчи P_2O_5 миқдори камаймайди. Аммиак кўп миқдорда киритилганда моноаммонийфосфат ва питратда эрувчан ликальцийфосфат ҳосил бўлади, яъни сувда эрувчан P_2O_5 миқдори камаяди. Яхши физик хусусиятларга эга, намланмайди, муштлашиб қолмайди, сочилувчан, идиш ва қ.х. машиналарининг металл қисмларини емиралиган эркин кислотадан ҳоли. Нисбатан юқори самаралиги б-н ажралиб туради. Қўш С. — апатит концентратини фосфат к-та б-н ишлаб олинадиган концентрланган фосфорли ўғит. P_2O_5 миқдори 44—46%. Марганецли С. таркибида 14—19,5% P_2O_5 дан ташқари 1,5—2,5% марганец бўлади, борли С.да 0,1—0,3% бор ва молибденли С.да 0,1% молибден бўлади.

Дунёда ишлаб чиқариладиган фосфорли ўғитларнинг ярмига яқини С.га тўғри келади. С.ни ҳамма типдаги тупроқларда ҳар хил усуллар б-н ҳамма экинларга қўллаш мумкин.

Суғорма деҳқончиликда қўпроқ аммонийлашган С., шунингдек, *аммофос* қўлланилади, бу ўғитларнинг асосий қисми кузги шудгорда, қолгани ўсув-гуллаш фазасида солинади.

Ад.: Набиев М.Н., Азотнокислотная переработка фосфатов, т. 1—2, Т., 1976; Вишняков А.А., Фосфорные удобрения из каратауских, гулиобских и других фосфоритов, Т., 1972.

Рисқивой Ёқубов.

СУПОРИШ (форс. — топшириқ, ҳавола) — ўзбек ва тожик мумтоз ашула ва чолғу йўллари, айниқса, мақом туркумларининг туширим қисми. Шашмақомда С. шўъбалар туркумининг ижро этилишида уларнинг бирини иккинчисига (мас., Сарахбор шўъбаларидан — талқинларга, талқинлардан — насрларга) узвий боғлаш вазифасини ҳам ўтайди. Баъзан йирик шўъбанинг тугалловчи (хотима) қисми сифатида келган С. *тарона* ҳам дейилади. С.ларда доира усули ўзидан кейин келадиган шўъбалар усулида бўлади. С.нинг яна бир тури ҳар бир мақом биринчи гуруҳ шўъбалари туркумининг тугалловчи қисми бўлиб, одатда, Сарахборларнинг бошланғич кичик бўлагига асосланади.

СУППЛЕТИВИЗМ (лот. suppletivis — тўлдирувчи, қўшимча) — турли ўзакли ёки турли асосли сўзларнинг бир грамматик жуфтликка (бир грамматик қаторга) бирлашуви; бунда ўзак ёки асослар шаклан фарқланишига қарамай, лугавий маъно ўзгаришсиз қолади, «сўзларнинг фарқи» фақат грамматик маъноларни фарқлашнинг грамматик усули ҳисобланади. Мас., ўзбек тилида I ва II шахс бирлик кишилик олмошларининг «мен», «сен» сўзлари б-н, кўплигининг эса «биз», «сиз» сўзлари б-н ифодаланиши, рус тилида «я»нинг муайян келишикларда «меня», «мне» шаклларига эга бўлиши, немис тилида gut (яхши) сўзининг кучайтирма шакли besser (яхшироқ) бўлиши ва б. С.га мисол бўлади.

СУППОРТ, супорт (инг. support — туриб тураман) — металл кесиш (мас., токарлик) станогининг асосий иш органи. Металл кесиш асбоблари ёки ишлов бериладиган буюмларни маҳкамлаш ва суриш учун хизмат қилади. Асосан, кескич тутқич ва йўналтиргич (салазка) дан иборат бўлади. Буюмга ишлов бериш усулига кўра, токарлик, силлиқлаш ва б., кескич тутқичнинг турига кўра, кескичга мўлжалланган ва револьверли; станокка ўрнатилишига кўра, юқорига ўрнатиладиган, олдинга ўрнатиладиган ва б.; ҳаракат йўналиши ва характерига кўра, бўйлама, кўндаланг ва тебранма турларга бўлинади. Универсал С.лар ҳам бор.

СУПРЕМАТИЗМ (лот. supremus — энг юқори, олий) — 20-а. бошларида шаклланган авангард санъат йўналиши. Абстракт санъат тури сифатида асарлари тасвирийликдан ҳоли, турли ранг ва турли ҳажмдаги содда ҳандасий шакллар (тўртбурчак, учбурчак, йўлсимон чизиқ ва б.)нинг асимметрик уйғунлашувидан ҳосил бўлади. Асосчиси К.С.Малевич; В. Кандинский, П. Сезанн таъсирида ҳандасий абстракт изланишларни бирлаштиришга ҳаракат қилди («Қора квадрат», «Динамик супрематизм», 1914 ва б.). С. вакиллари асимметрик композицияларда рангли, ҳандасий шаклларнинг тартиби ва жойлашуви орқали асарларнинг ички ҳаракатини кўрсатишга интилди.

СУР — 1) очиқ ҳавода сояда осиб қўйиб ёки дудлаб қуритилган, қоқи қилинган гўшт, балиқ ва ҳ.к.; 2) қизилга мойил, оч жигарранг, қоракўл тери тури. С. тери ранг-баранг товланади. Унинг гулини ҳосил қиладиган ҳар бир жун икки, уч ва ҳатто, тўрт тусда; таг қисми учига нисбатан қора ёки қорамтир, тўқ жигарранг; учи кумушсимон оқ, тилласимон сариқ ёки оч кўк, бронза, каҳрабо, гавҳар ва б. рангда бўлади. С. терининг қора С. (жунининг таг қисми қора, учи кумушсимон; унча қадрланмайди); кумуш С. (жунининг таг қисми қора, учи кумушсимон оқиш ёки кумушсимон оч сариқ, жуда қадрланади); тилла С. (жунининг таг қисми қора-қўнғир ёки жигарранг, учи эса тилласимон сариқ; яхши қадрланади); оч тилла С. (жунининг таг қисми оч жигарранг, учи оч тилла ранг, тилла С.га нисбатан паст қадрланади) ва б. турлари бор. Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Хоразм вилоятларидаги наслчилик хўжаликларида сур қоракўл қўйларни чатиштириш йўли б-н оқ олтин С., бронза С., оч пушти С., антиқа С., шамчироқ С., пўлат С. терилари етиштирилган.

СУР (араб. — қўрғон, қалъа) — шохдан ишланган карнай, *буг.* Қуръонда айтилишича, қиёмат куни Исрофил фаришта С.ни чалади.

СУР ТУПРОҚЛАР (бўз тупроқлар) — чўл-дашт минтақасидаги ўт ўсимликлар б-н қопланган, тоғ этаклари қия текисликларида тарқалган тупроқ типи. Ўрта Осиёдаги чўл-даштларда кенг тарқалган бўлиб, шағалли ётқизиқлар устидаги лёсс ва лёссимон қумоқларда ҳосил бўлади. С.т. йил давомида қисқа нам ва илиқ, узоқ давом этувчи иссиқ ва қуруқ даврнинг кескин навбатланиб келиши шароитида ривожланади. Йиллик



Сур қоракўл тери намуналари: *1* — кумушранг сур; *2* — шамчироқ сур.

ёғин миқдори 200—600 мм. Ўсимлик қоплами эфемероид ривожланиш циклига эга бўлиб, бутун вегетация давомида ўсадиган кўп йиллик ўсимликлар ҳамда чала буталар б-н аралаш ўтлардан иборат. Тупроқ кесими аниқ генетик қатламларга ажралмаган. Гранулометрик таркибига кўра, асосан, чангсимон, енгил ва ўртача, камдан-кам оғир қумоқли заррачалардан иборат. Тоғ олди тик қияликларида эса тошли-қумоқли С.т. (А — чиринди қатлам қалинлиги 10—20 см, чиринди миқдори 1—3%, усти чимли; В — карбонатли қатлам, асосан, типик ва тўқ тусли; С. — она жинс) генетик қатламлардан ташкил топади. Оч тусли, типик, тўқ тусли ва кам карбонатли С.т. типчалари бор. Оч тусли С.т., денгиз сатҳидан 200—800 м баландликда дарё террасалари ҳамда тоғ этаги текисликларида (айрим ҳолларда ундан юқори, мас., Шеробод шаҳри, қояли Оқтоғ тоғлари ва Қурама тоғларининг кучли эрозияланган жан. қияликларида унинг юқори чегараси 1000—1100 м баландликда) тарқалган; чиринди-ли қатлами қалинлиги 40—50 см. Типик С.т. оч тусли С.т.га нисбатан баландроқда, ёғингарчилик кўп, ҳарорат бирмунча паст бўлган тоғ олди текисликларида, адирлар ва пастликларида (денгиз сатҳидан 500—1000 м баландликда) тарқалган. Чиринди қатлам қалинлиги 60—80 см (юқори қатламларда чиринди миқдори 1,5—2,5%). Тўқ тусли С.т. денгиз сатҳидан 700—1600 м баландликдаги тоғ олди ва паст тоғларда тарқалган. Чиринди қатлам қалинлиги 100—130 см. Кам карбонатли С.т. тоғ оралиқлари лёссли ва Тяньшан тоғ этаклари текисликларидаги шим. қияликларда тарқалган.

С.т.да қ.х. экинлари сугорилиб етиштирилади.

СУРА (араб. — тизма, қатор) — фақат *Қуръон*га хос тушунча. Қуръоннинг бўлимлари С. дейилади, уни шартли равишда боб б-н таққослаш мумкин. Қуръонда 114 та С. бўлиб, ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи С.ларнинг номи С.нинг бошида келган сўздан олинган. Баъзиларининги эса, ўша С.да зикри кўпроқ келган нарсалар, воқеалар, жумла ёки асосий қаҳрамон номига қўйилган. Энг узун С. 286 оятдан, энг қисқаси 3 оятдан иборат. Ҳижрадан олдин нозил бўлган С.лар — «Макка С.лари», ҳижрадан кейин нозил бўлганлари «Мадина С.лари» дейилади.

СУРАБАЯ — Индонезиядаги шаҳар. Шарқий Ява провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,7 млн. киши (1990-й.лар урталари). Транспорт йўллари тугуни (Мадура о.га паром қатнайди). Кали-Мас дареси қуйилиш еридаги порт. Машинасозлик (кемасозлик, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, электротехника), нефть кимеси, ойна-шиша, цемент, енгил саноат корхоналари бор. Батик бўюмлари («батик» матоси тўқиш, еточ ўймакорлиги ва б.) тайёрланади. Ун-т, музей бор.

СУРАКАРТА (Соло) (Surakarta, Solo) — Ява о. (Индонезиядаги султонлик (1743—1950). Матарам султонлигининг ним. қисмини голланд мустамлакачилари босиб олгач, унинг марказий ва жан. қисмида барпо этилган. Маркази — Соло дарёси бўйида жойлашган Суракарта ш. 1812 й. голланд мустамлакачилари С.да ўз назоратларини ўрнатишди. 1942—45 йилларда султонлик япон қўшинлари томонидан босиб олинган. С. расман 1950 й.гача мавжуд бўлган, сўнгра Индонезия республикасининг Марказий Ява вилояти таркибига кирган.

СУРАЛАЙ ҒОЗЛАР (Tadorna) — ўрдаклар оиласига мансуб қушлар уруғи. 7 тури бор. Патлари оқ-қора ва жигарранг, модаси очроқ рангда, Европада, Африка, Австралия, Янги Зеландияда тарқалган. Дашт, ярим дашт ва чўлларда шўр ёки чучук сув ҳавзаларида яшайди. Ўзбекистонда 2 тури: суралай ғоз (T. tadorna) ва ангирт (T. ferruginea) йил давомида учрайди. Танасининг уз. 60 см ча, вазни 1—1,6 кг. Сув ҳавзалари қирғоғига уя қуради; кўпинча тулки, бўрсиқ ва б. ҳайвонлар инидан фойдаланади. 8—15 та тухум қўяди; уни фақат модаси босади. Қисқичбақасимонлар, моллюскалар, ўсимлик уруғлари ва б. б-н озиқланади. Гўшти ва пари учун овланади.

Суралай ғоз.

СУРАМИ ТИЗМАСИ. Лихи тизмаси, Месхи тизмаси — Грузиядаги тоғ тизмаси. Катта Кавказ б-н Кичик Кавказни бирлаштиради. Колхида пасттекислигини Кура ботиғидан ажратиб туради. Энг баланд жойи 1926 м. Энг паст довони — Сурами (949 м). Сурами довонида туннель орқали т.й. ўтказилган. Ён бағирлари кенг баргли ўрмонлар б-н қопланган.

СУРАПАТИ (Surapati) (? — 1706) — Индонезия миллий қаҳрамони. Ява о.да голланд мустамлакачиларига қарши ҳаракат раҳбари (17-а.нинг 80-й.лари — 18-а.нинг боши). Жакартадаги бир голланд савдогарининг қули бўлган. Ғарбий Ява қочиб, голландларга қарши курашаётган партизан отрядларидан бирининг командири бўлган, кейинчалик, Голландия Ост-Индия компаниясида хизмат қилган. Голланд офицерларининг таҳқирига чидамай, ўрмонга қочган. Матарам султони хизматига кирган (1685) ва винган. Картасурага уни қўлга туширган учун келган голланд отряди устидан ғалаба қозонган. Шундан кейин Шарқий Явада мустақил давлат тузган. 1705 й.да голландларга қарши урушда енгилган. 1706 й. қалтис яраланиб, вафот этган. Батафсил ҳаёсининг мулофаа қилинида С.нинг ўғиллари голландларга қарши курашганлар (1719 й.гача). Давлат барҳам топган, С. авлодлари Шарқий Явада 18-а.нинг 60-й.ларигача партизанлик курашини давом эттиришган.

СУРАТ — қ. *Киср*.

СУРАТ — Ҳиндистондаги шаҳар, Гужарот штатида. Аҳолиси 2,1 млн. киши (2001). Арабистон денгизи соҳилидаги порт. Транспорт йўллари тугуни. Тўқимачилик, озиқ-овқат, қоғоз, нефть кимёси, машинасозлик ва электроника саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, аэропорт бор. Ҳунармандчиликда турли матолар, парча, зарқал ва кумуш ипли тўрлар тўқилади; ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Шаҳарга 1613 йда инглизларнинг Ҳиндистондаги дастлабки факторияси сифатида асос солинган.

СУРАТЛИСОЙ РАСМЛАРИ — Олой тоғларининг шим. ён бағридаги Сутоғларисой (Фарғона вилояти) қоятошларига ўйиб ишланган расмлар. 1939 й.да археолог М. Воронец ва Т. Оболдуевалар томонидан топилган. М. Воронец, А. Кабиров, М. Хўжаназаров ва б. томонидан ўрганилган. 500 дан ортиқ расмлар энеолит даври (мил. ав. 4—3-минг йиллик), мил. ав. 7—2-а.ларга мансуб бўлиб (кейинги даврларда ишланганлари ҳам бор), тошжез ва темир б-н (уриб, чўкичлаб) ҳандасий, контур, сой (шарпа), одий чизиқ услубида ишланган. С.р.да ёввойи ҳайвонларни овлаш, қад. чорвадор ва овчи қабилаларнинг хўжалик ҳаёти, диний маросимларнинг ижроси ҳақидаги турли манзаралар тасвирланган. Одамлар, ҳайвонлар (сигир, буқа ва б.), турли буюмлар ва б. тасвири ўзига хос акс эттирилган. С.р. ибтидоий, қад. ҳамда илк ўрта асрлар санъатининг ўзига хос намуналари, шунингдек, муҳим тарихий маълумотлар манбаи сифатида қимматлидир.

СУРГИ ВОСИТАЛАРИ — ичак перистальтикасини кучайтириб, ич юришни тезлаштирадиган моддалар. С.в. ичак шиллиқ пардаси рецепторлари (нерв учлари) ни қитиқловчи таъсир кўрсатади. С.в. қабул қилганда, одам ҳазми моддалари ҳаракатланганда ичакни тола-ланда, шунингдек, мева-ичак шуллари кенгаштириш, оперганнинг тикерлаш ва б. ҳолларда қўлланади. Асосан, бутун ичакка таъсир кўрсатадиган ва бутун ичак бўлаб таъсир этадиган С. в. мавжуд. Сурункали қабзиятда, асосан, бутун ичакка таъсир этадиган С. в. буюрилади. Улар устимлик (равоч, итжумрут, сано) препаратлари бўлиб, таркибида антрацикоидлар тутади. Кимевий тузилиши ва таъсири жиҳатидан антрацикоидларга ўхшаб кетадиган моддалар — фенолфталеин ва изкофенилар синиқ пули б-н олинади. Бу гуруҳ воситалари ингичка ичакдаги ҳазм жараёнини бузмаслиги учун узоқ муддат (ойлар мобайнида) қўлланилиши мумкин. Улар ҳар куни ёки кунора, одатда, кечаси уйқудан олдин буюрилади ва 8—12 соатдан кейин таъсир кўрсатади. Таркибида антрацикоидлар тутувчи препаратларга одам ўрганиб қолиши мумкин, шунинг учун уларни бирини иккинчиси б-н алмаштириб ишлатишга тўғри келади.

Бутун ичак бўйлаб таъсир этадиган С. в. та тузи сурги ва қанақунжут ёғи киради. Тузи сурги сувда яхши эрийди. У диссоциацияланганда ионлар меъда-ичак йўлида яхши сўрилмайди. Ичакда бу тузнинг концентрацияси кўпайганда осмотик босим ошиб кетади, бу ўз навбатида сувнинг ичакда сўрилишини тўхтатиб қўяди. Бу жараён ичакдаги суюқлик ҳажмининг ортиб кетиши б-н боради. Натижада ичак перистальтикаси кучайиб, ич юришади. Шуни айтиб ўтиш керакки, тузли сургилар ичакда сувдан бошқа моддаларнинг ҳам сўрилишини тўхтатади. Шу сабабли, улар заҳарли моддалар меъда-ичак йўлидан кириб, заҳарланиш юз берганда дано сифатида ишлатилади.

Қанақунжут мойининг таъсири шунга асосланганки, у ўт икки бармоқ ичакда парчаланиб, бутун ичакнинг шиллиқ қавати рецепторларини қитиқлаб, перистальтикани кучайтирадиган моддалар ҳосил қилади (қ. *Оқсат ҳазм қилиш системаси*). Тузли сургилар мунтазам ишлатилганда, улар ичакни таъсирланиши натижасида ичак шиллиқ пардаси яллиғланиши мумкин. С.в.ни фақат врач кўрсатмасига мувофиқ ичиш керак, чунки баъзи касалликлар (мас., аппендицит б-н боғлиқ бўлган *қабзият*)да С.в.ни ўз билгича ичиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

СУРГУН — жиноий жазо тури; маҳкумни муайян бошқа бир жойда яшаши учун мажбурий равишда кўчириш. Собиқ шўролар даврида С. қилиш инсон ҳуқуқларини поймол этишнинг ўзига хос усулларидан бири бўлган. С. асосий жазо сифатида ҳам, қўшимча жазо сифатида ҳам 2 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга тайинланиши мумкин эди. Меҳнатга лаёқатли маҳкум С. муддатини, одатда, меҳнат қилиш б-н бирга ўтаган. Қатағонлар даврида қанчалаб-қанча бегуноҳ одамлар, сиёсат, фан, маданият арбобларини совуқ юртларга «халқ душмани» деган тамға билан С. қилинган. *Репрессия*га учраб, С. қилинган минглаб юртдошларимиз Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши шарофати б-н. Президентнинг сайёҳаракатлари туфайли оқланди.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК (1994 й. 22 сент.даги жазо тизимида С. назарда тутилмаган, қолаверса, қонун-қоидаларга олиб келадиган жазо тури бўлмаганлиги учун ўз ифодасини топмаган.

СУРГУТ — РФ Ханти-Мансилар мухтор округидаги шаҳар (1965 й.дан). 1975 й.да Тюмень ш. б-н темир йўл орқали боғланган. Об дарёсининг ўнг соҳилидаги порт. Аҳолиси 274,8 минг киши (1998). С. 1593 й. Остяк қалъаси ўрнида остроғ сифатида барпо қилинган. Шаҳар номи унга яқин бўлган Об дарёсининг тармоқчаси номидан олинган. С. Сибирни руслар томонидан мустамлакага айлантиришда таянч маркази бўлган. 1782 й.дан Тобольск наместничествосидаги шаҳар. 1804—67 й.ларда шаҳар мақомида бўлмаган. 1868 й.дан Тобольск губерняси, 1898 й.дан уезди маркази. 1920-й.лар бошида аҳолиси камлиги боис шаҳарчага айлантирилган. 1930 й.дан Тюмень вилояти таркибидаги Ханти-Мансилар миллий округида. 1950—60-й.ларда нефть ва газ конларининг очилиши муносабати б-н С. тез ривожлана бошлади. 1965 й.да шаҳар мақомини олди. Нефть қазиб олиш саноатининг йирик маркази. Газни қайта ишлаш, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Уй-жой қурилиш, балиқни қайта ишлаш к-тлари бор. Олий ўқув юрти, ўрта махсус билим юртлари, ўлкашунослик музейи мавжуд.

СУРДИНА (франц. sourdine; лот. surdus — жарангсиз сўзидан) — мусиқа чолғу асбобларида товуш кучини пасайтириш ҳамда тембр (товуш туси)ни қисман ўзгартириш (юмшатиш) учун мўлжалланган мослама. Торли-камонли созларда С. уч тишли «тароқ» шаклида бўлиб, харак устидан торларни Сурдиналар.

босиб туради. Мис (баъзан ёғоч) пуфлама чолғу асбобларда эса С. конуссимон ёки конус шаклида ясалиб, созларининг раструби («катта оғиз»)га ўрнатилади. Фортепианода С. педаль б-н ишга тушириладиган модератор бажаради.

СУРДОПЕДАГОГИКА (лот. surdus — кар ва *педагогика*) — *дефектология* тармоғи: кар ёки заиф эшитувчи болаларни махсус ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини ишлаб чиқади. С. га кар ёки заиф эшитувчи болаларни ўқитиш назарияси тарихи, кар ва заиф эшитувчи болаларнинг психологик ривожланиш, ўқув фанларини ўқитиш, талаффузни ўргатиш ва «лаб б-н ўқиш», меҳнатга ўргатиш, тарбиявий ишлар методикалари киради. С. кар ёки заиф эшитувчи болаларнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганиб, махсус ўқув-тарбия жараёни тузилишининг асосларини, махсус ўқув-тарбия муассасаларини ташкил этиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Фан асосларини ўрганиш б-н заиф эшитувчи болаларда оғзаки нутқ шаклланиб боради. Заиф эшитувчиларга оғзаки нутқни ўргатиш учун сўзлар талаффуз қилинганда нутқ органларининг ҳаракати кўрсатилади. Шу ҳаракатларга қараб заиф эшитувчилар товуш ва сўзларни ажратиб олишга, яъни «лабга қараб ўқишга» ўрганади. Нутқ ҳаракатларини такрорлашга ўрганган заиф эшитувчилар гапириш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, карлар махсус ўқув алифбоси — *дактилологи*ядан фойдаланиб гапиришлари ҳам мумкин. Махсус таълим шароитида ўқувчиларда и. ч. фаолиятининг малака ва кўникмалари ҳосил қилинади ва нормал ҳаётга тайёрланади. С. отоларингология, акустика, логопедия, умумий пед., тилшунослик, психология, физиология б-н узвий боғлиқ. С. бўйича и.т.лар Ўзбекистонда Тошкент пед. университетининг дефектология ф-тида олиб борилади.

СУРЕНОТА — Ғарбий Тяньшан тоғ системасига кирадиган тизма. Тошкент вилоятининг шим.-шарқида. Оқсоқотасой б-н Паркентсойнинг сувайиргичи. Ўртача бал. 1800 м, уз. 13 км. Альп бурмаланишида палахсаланиб кўтарилган. Палеозойнинг гранит, порфирит, оҳактошларидан тузилган. Ёзи илиқ, июлнинг ўртача т-раси 23°—26°, янв.ники —1°, —3°. Йиллик ёғин 600—800 мм. Тизма ён бағрларидан бир қанча сойлар оқиб тушади.

1300 м баландликкача эфемерлар ўсади, юқорирокда (1300—2000 м) сибрак арчазорлар учрайди. Тизманинг юқори қисми алп ўтлоқларидан иборат. С. ён бағирлари ёзги яйлов. Тог этакларидан темир руداси кони топилган.

СУРЕПИЦА, дала карами (Brassica campestris) — карамгулдошлар оиласи карам туркумига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар тури; мойли экин. Шим. ярим шарнинг мўътадил иқлимли минтақаларида, шунингдек, Россиянинг жанубига бегона ўт тарзида учрайди. С. Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Хитойда, Ғарбий Европа мамлакатлари, қисман Ўрта Осиёда мой олиш ҳамда ем-хашак учун экилади. Кузги ва баҳорги шаклари бор. Пояси тик ўсади, бал. 20—100 см гача, яхши шохланади, пастки қисми тукли. Пастки барглари бандли, чўзинчоқ. Гултўплами узун шингил, сариқ. Меваси қўлоқ, уз. 3—5 см. 1000 та уруғи вазни 1,4—2,6 г.

Сурепица.

Уруғи таркибида 38—50% мой бўлиб, совун и.ч., озиқ-овқат саноатида, алиф ва бўёқлар олишда ишлатилади. Кунжараси ва кўкати чорва молларига яхши озуқа ҳисобланади.

Зараркунандалари: бургалар, баргхўр, кана, шира, тунламлар, қоракуя.

Касалликлари: илдиз чириши, бактериоз ва б.

Халима Отабоева.

СУРЁНИЙ ЁЗУВИ, сурия ёзуви — финикий-оромий консонант ёзувининг бир тури. Финикий ёзувидагидек тартибга эга бўлган 22 белгидан иборат; ҳарфлари кўшилиб, ўнгдан чапга қараб ёзилади. Бу ёзув I-а.дан адабий оромий лаҳжаларидан ҳисобланган сурёний тили (дастлаб Юқори Месопотамиядаги Эдесса ш. лаҳжаси) учун қўлланa бошлаган. С.ёзнинг асосий кўринишлари эстрангело (юн. «юмалоқ ёзув, хат»): 430-й. ўрталарида Сурия черковининг 2 га ажралиши натижасида пайдо бўлган гарбий сурёний ниқоят ёки серто) ва шарқий сурёний (несториан ёзувларидир. Несториан ёзуви насронийларнинг миссионерлар туфайли Ўрта Осиё ва Хитойга қадар тарқалган. С. ё. факат унлоқ товушларни ифодалаган; 7—8-а.лардан унлиларни ифодаловчи сатрости ва сатроси диакритик белгилар қўлланган. Бу белгилар гурлича жойланган нуқталар ёки кичкина янгича ҳарфлар курининида бўлган; тинни белгилар ҳам қўлланган. 1840 йда С. ёзини несториан тури асосида янги ёзув тури яратилиб, у Эрон ва Ироқда, шунингдек, Туркияда янгочи несториларда қўлланa бошланган.

СУРЁНИЙ ТИЛИ, сурия тили — сом-ҳом тиллари оиласига мансуб оромий тилларининг шарқий гуруҳидаги ўлик тиллардан бири. Юқори Месопотамиядаги қад. Эдесса ҳудудидан Эронгача тарқалган. Мил. 3-а. дан Олд Осиёдаги оромий тилида сўзлашувчи христианларнинг адабий тили бўлган. 8-а.дан бошлаб С.т. аста-секин араб тили томонидан сиқиб чиқарилган. Ҳоз. вақтда Эрон, Ироқ, Сурия ва б. мамлакатларда яшовчи несториан (нестурийлар ва яковит (якубийлар)нинг ибодат тили ҳисобланади. Ёзуви оромий ёзувидан келиб чиққан сурёний алифбосининг 3 кўринишини [эстрангело, яковит (серто) ва несториан]га асосланган. Унда мил. 1-а. га мансуб ўйма ёзув матнлари, 3—14-а.ларга мансуб бой христиан диний адабиёти мавжуд.

СУРИЙЛАР, Сур — Шим. Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган сулола (16-а.). Ҳиндистоннинг Биҳар вилоятидаги афғонларнинг сур қабиласидан чиққан Фарид (кейинчалик *Шершоҳ* номини олган) томонидан асос солинган. Шершоҳ *Бобур*нинг ўғли Ҳумоюнни енгиб, уни Ҳиндистонни тарк этишга мажбур қилган (1540). Натижада Ҳинд дарёсидан Бенгалиягача бўлган ҳудуд С.га тобе бўлган. Шершоҳнинг вориси Исломшоҳ вафоти (1554) дан сўнг С.нинг Деҳлидаги тахтига ўз дамодларини ўтказишда афғон амирларидан ўртасида узоққа чўзилган. Бундан фойдаланган Ҳумоюн Шершоҳ ворисларидан бирининг қўшинини Сарҳиндда енгиб (1555), Ҳиндистонда *бобурийлар* ҳокимиятини тиклади.

СУРИКОВ Василий Иванович [1848.12(24).1, Красноярск — 1916.6(19).3, Москва] — рус рассоми, рангтасвир устаси. Петербург БА да таълим олган (1869—75). Ўқиш давридаёқ академик санъат услубларидан воз кечган, асарларига ҳаётий лавҳалар киритиб, уларнинг таъсирчанлигига эришган, меъморий обидаларни тарихий ҳужжатни тасвирларга ўтказиб берган. 1877 йдан Москвада яшаган. Германия, Испания, Италия, Австрия, Швейцарияда бўлган. С. утмиш тарихини ёзмоқлаб, шу тарих саҳифаларида намоён масалаларни қўриша ҳаракат қилди. Асарларининг колорити ҳам тиник ранглар ҳисобига очилган, ранг суртмалари ритми асар гоясини янада чуқурлаштиради. «Ўқчилар қалъ этилган тонг» (1881), «Меншиков Березовода» (1883), «Бояр хотин Морозова» (1887), «Қорлаҳарчанинг босиб олиниши» (1891), «Сибирнинг Ермак томонидан забт этилиши» (1895), «Суворовнинг Альпдан ўтиши» (1899) ва б. С., шунингдек, портретлар («Сибирь тўзади. Е.А.Рачковская», 1891; «Степан Разин», 1903—10; «Автопортрет», 1913), акварелла мангарадар яратган. Ўзбекистон санъат музейида С. асарлари сақланади (мас., «Қалпа олиб кетилаётган ўқчининг қилиши», 1879 ва б.). Москвадаги давлат ин-тга С. номи берилган. Красноярскда С.нинг уй-музейи бор.

В.И.Суриков. «Қор шаҳарчанинг босиб олиниши» (1891).

СУРИЛМА — тог жинсларининг гравитацион жараёнлар таъсирида ён бағир бўйлаб пастга томон силжиши. Сурилган тог жинсларининг ҳажми бир неча ун м³ дан 1 млрд. м³ гача бўлиши мумкин. С. массa (тана), унинг деворн, сирпанин юзасидан иборат (қ. *расм*). Қалинлиги 1 м дан 20 м гача ва ундан ортиқ бўлади. С.нинг юзаси кенглиги, асосан, ён бағирлар остки қисмида тангсларнинг нуқсонли ёки камлигини сабаб бўлади. Ўлар эса ён бағирларнинг сув юзини шимдирилиб емирилиб қимлигини оқибати, тог жинсларининг нураш ёки етилмаганлик ва ер ости сувлари таъсирида оғирлик кучланишни сабаби жинслар мустаҳкамлигининг камлиги, сейсмик ҳаракатлар, жинсни геологик шароитлари ҳисобга олинмай олиб борилаётган қурилиш ва б. ҳудалик фаолиятлари ён бағирларда йўллар қурилиши, боғ ва экинзорларни ортиқча суғорини ва ҳ.к.) оқибатида келиб чиқади. С.нинг, асосан, 4 тини фарқ қилинади: *сирпаниш* — бунда зуриқиш қуйлаб тушиши погонасина етади; *ювилиш* — ер ости эрозияси нужуда келиб, қатламлар орқси ярим оқилы; *суғилиш* — ён бағирларда сувга тўйинган қум-гилли ва лёссли жинсларда сейсмик тебранишлар натижасида сув ўтказмайдиган 2 қатлам оралигидаги лойсимон масса оқиб чиқади; *сурилиб тушиш* — лойимий босим остида секин-аста деформацияланиш. С.ларнинг юзаки, лойли оқим, сейсмоген турлари ҳам бор. Сейсмоген С.лар ҳажми катта, чуқур, шиддатли бўлади [мас., Усой (1911), Файзобод (1943,1947), Бурчмулла (1946), Ҳайт (1949), Ҳисор (1989) ва б.]. С.ларнинг аниқ вақтини олдиндан айтиш қийин, чунки у метеорологик, гидрогеологик ва сейсмик омиллар б-н боғлиқ. С. кўп ҳолларда сувли ва сув ўтказмайдиган гилли қатламлар навбатланиб жойлашган, ён бағирлар остини сув ювиб кетган жойларда рўй беради. Юзасининг қиялигига қараб жуда ётиқ (5°), ётиқ (5—15°), тикроқ (15—45°), тик (45°) ён бағирларда содир бўладиган С.лар мавжуд. Юзасининг чуқурлиги юза (1 м гача), слаб (5 м гача), чуқур (20 м гача) ва жуда чуқур (20 м дан зиёд) бўлиши мумкин. Сатҳи бир неча м² дан 500—600 м² гача. С.лар тоғли ҳудудлар хўжалигига катта зарар етказади. Уларга қарши ён бағирларда ўсимликлар экиш, сувли қатламга тушадиган сув миқдорини камайтириш ва б. тадбирлар амалга оширилади. Ўзбекистонда 2 минтақа яқин С. майдонлари қайд этилган бўлиб, уларда сўнгги 40 йил давомида 8 минг чамасида майда ва йирик С. рўй берди. Автомобиль йўллари, каналлар, конлар, сув омборлари чеккасидаги қияликларда ташкил С.лар сони 1980 йлдагидан 3—4 баробарга ортди. Ўзбекистонда С.лар, асосан, Чирчиқ, Оҳангарон водийлари тог ён бағирларида, Ғазвасой, Ҳужакент, Оҳангарон, Зарнасой ва б. жойларда, шунингдек, Тожикистон ва Кирғизистонда кўпроқ содир бўлади. С. дунёнинг жуда кўп регионларида учрайди. Аҳоли яшайдиган жойларда вайронагарчиликларга олиб келади. ЮНЕСКО қомида 2002 йда С. бўйича Халқаро конгери ташкил этилган.

Сурилманинг кўндаланг кесими.

СУРИНАМ (Suriname), Суринам Республикаси (Repudlick Suriname) — Жан. Америкaнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган давлат. Майд. 163,3 минг км². Аҳолиси 436,5 минг киши (2002). Пойтахти — Парамарибо ш. Маъмурий жиҳатдан 9 округ (district)га бўлинади.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 1987 й. 30 сент. да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Роналд Венетиан), у парламент депутатлари томонидан 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (бир палатали парламент), ижрочи ҳокимиятни президент ва у тайинлайдиган вазирлар маҳкамаси (вице-президент бош вазир ҳисобланади) амалга оширади.

Табиати. С. ҳудудининг кўп қисми Гвиана нсситоелигида (энг баланд жойи — Вильгельмина тоғи, 1280 м) жойлашган. Шим. шарқий, қисман жойлашган. Шим. шарқий, қисман қазилмалари: боксит, олтин рудалари, нефть; шунингдек, темир рудалари, марганец, хром, камёб металлар (берилл, ниобий, тантал) рудалари, газ конлари ҳам бор. Иқлими субэкваториал, нисбий ва сернам. Ўртача ойлик т-ра 26—28°. Йиллик ёғин 2300—3000 мм. Карантейн, Маровн, Суринам дарёлари серсув, серостона, фақат қўйи қисмида кема қатнайди. Пасттекисликнинг шим. саванна, жангали ва ясетоқликлари латерит тупроқларда доим яшил ўрмонлар ўсади. Мамлакат ҳудудининг 90% ўрмон б-н банд. Ўрмонларда маймун, пума, тапир, ягуар, қушлар, судралиб юрувчилар (жумладан, *анаконда*), саванналда чумолихўр, зирҳлилар ва б. яшайди. Браунсберг табиий боғи ва бир неча қўриқхоналар бор.

Аҳолиси суринамликлар — креоллар, ҳинд ва покистонлик, индонез. негр, индейс, хитой, европалик ва б. Расмий тил — нидерланд тили. Диндорлари христиан, ислом, ҳиндуийлик динларига эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 51%. Муҳим шаҳарлари: Парамарибо, Нив-Никкери.

Тарихи. С.да қадимдан индейслар яшаб келган. 1499 й. испан денгизчиси Алонсо де Охеда бу ерга етиб келган. 1551 й. голланд савдогарлари Суринам дарёси қуйилиш жойида қишлоқ қуришган. 1593 й. С.ни испанлар, 1630 й. инглизлар, 1667 й. голландлар босиб олган. 1682 й. Нидерландия ҳукумати С.ни Вест-Индия компаниясига топширган, 1799 й. уни инглизлар босиб олди. Плантация хўжалиги ташкил қилиш учун Африкадан қул-негрлар келтирила бошланди. 1802 й. Амьен сулҳ шартномасига кўра, С. Нидерландияга ўтди. 1863 й. С.да қулчилик бекор қилинди. 2-жаҳон уруш даврида бу ерда Америка қўшинлари жойлаштирилди. 1945 й. 29 декда Нидерландия Қироллиги С.га ички ишлар соҳасида мухторият ҳуқуқини берди, ташқи сиёсат ва мудофаа масалалари Нидерландия ҳукумати ихтиёрида қолди. 1973 й. нояб.да Қонун чиқарувчи кенгашга ўтказилган сайловда миллий партиялар блоки галаба қозонди. 1975 й. 25 нояб.да С. мустақилликка эришди. Ўша йил дек.дан

Суринам герби.

С.—БМТ аъзоси. Миллий байрами — 25 нояб. — Мустақиллик эълон қилинган кун (1975).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. С. миллий партияси, 1946 й. асос солинган; Миллий бирлик ва бирдамлик учун партия, 1947 й. ташкил этилган; Илғор ислоҳотлар партияси, 1949 й. тузилган; Миллий демократик партия, 1987 й. асос солинган; Янгиланган тараққийпарвар партия. Илғор касаба уюшма федерацияси С-47; Илғор ишчилар ташкилоти, 1948 й. тузилган; С. касаба уюшмалари кенгаши, 1987 й. асос солинган; Давлат хизматчилари федерацияси; С. касаба уюшмалари федерацияси, 1951 й. тузилган.

Хўжалиги. Иқтисодиётининг асосини кончилик ташкил қилади. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 32%, қ.х.ники 10%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 58%. Боксит қазиб чиқариш соҳасида дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Олтин ҳам қазиб олинади. Саноати алюминий, шакарқанд, ёғ, маргарин и.ч., тахта тилиш, ёғочсозлик, консерва корхоналаридан иборат. Йилига ўртача 1,7 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Қ.х. мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. С. ҳудудининг 1%дан камроқ ерида деҳқончилик қилинади. Асосий қ.х. экинлари: шоли, шакарқамиш, банан, цитрус мевалар, кокос ёнғоғи, сабзавот. Қорамол, чўчқа, қўй, эчки боқилади. Ўрмонлар-

Парамарибо шаҳри.

Суринам байроғи

да қимматбаҳо нав ёғоч тайёрланади. Балиқ ва креветка овланади. Т.й. узунлиги 301 км, автомобиль йўллари уз. 4,5 минг км. Асосий денгиз порглари — Парамарибо ва Муйпо. С. четга боксит, алюминий оксиди ва алюминий, шоли, цитрус мевалар, ёғоч-тахта сотади; четдан хом ашё, чала тайёр маҳсулотлар, саноат ускуналари, транспорт воситалари, ёқилғи, озиқ-овқат сотиб олади. АҚШ, Нидерландия, Норвегия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — суринам гульдени.

Маорифи. 1976 й. 6—7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий этилган. Бошланғич мактабда ўқиш муддати 6 й., ўрта мактабда 5—6 й. Давлатга қарашли мактабларда ўқиш бепул, хусусий ўқув юртлари ҳам бор. Дарслар креол, нидерланд, инглиз тилларида олиб борилади. Педагог кадрлар 1 пед. ва 2 ўқитувчилар ин-тида тайёрланади. Парамарибода С. ун-ти (1968 й.дан), Тропиклар и.т. институти, Маданият маркази (кутубхонаси б-н), С. музейи (кутубхонаси б-н) ишлайди.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. «Варе тайд» («Ҳақиқий вақт», кундалик газ., 1957 й.дан), «Вест» («Ғарб», кундалик газ., 1909 й.дан), «Омхоог» («Чўққи», католик ҳафтанома, 1955 й.дан). С. ахборот агентлиги (СНА), миллий ахборот маҳкамаси, 1977 й. асос солинган; «Стихтинг Радио-Омрул Суринаме», ҳукумат тижорат хизмати, 1965 й. тузилган. «Суринамсе Телевиси Стихтинг», ҳукумат телекўрсатув тижорат хизмати, 1965 й. ташкил этилган.

Адабиёти. С. ва нидерланд тилида ривожланаётган адабиётини Х. Схаутен (18-а.), Й. Кинг (19-а.) каби шоирлар бошлаб беришган. 19-а. охири — 20-а. бошларида С. тили тақиқланди, ярим аср мобайнида фақат нидерланд тилидаги асарлар нашр этилди. А. Хельманнинг ҳикоя ва романлари, А. де Комнинг шеърлари юзага келди. 40-йилларда С. тилини тиклаш ҳаракати бошланди. Маърифатпарвар И.А. Кундерс халқнинг миллий онгини уйғотиш учун курашди. Шоирлардан А. Санголарёнинг «Кураш», К. Верлоғенининг «Порлоқ инқилоб» тўпламлари, Р. Добруининг шеърлари ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқди. Б. Вынен, Л. Ван Мюлиреннинг қисса, ҳикоя ва романлари сулар қаторида. Л.Г. Феррар, Рита Рамай ва Дөбрк асарлари С. халқининг мустақиллик йилларги курашини акс эттиради.

СУРИШТИРУВ (Суриди — жиноят ишларини тергов қилишнинг шартлаб олинган. С. миллий, ҳарбий қисмлар, миллий хавфсизлик ва давлат божхона хизмати, четларни қўриқлаш органлари кабилар томонидан олиб борилади. Уларнинг процессуал фаолияти устидан прокурор назорати урнатилган (ЖПК, 38—39-моддалар). С. жиноятларини олдини олиш, содир этилганда оид далиллар тўплаш, либли шахсларни қидириб топиш ва ушлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни тўлдиришга қаратилган. С. кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор қидирув чораларидан иборат. С. жиноят иши қўзғатилганидан бошлаб 10 кунгача олиб борилади ва иши тергочига юборини б-н тугалланади. С.ни иш бўйича тергочининг топшириқларини бажаришни шарт (ЖПК, 339—343-моддалар).

СУРИЯ, Сурия Араб Республикаси (Ал-Жумҳурия ал-Арабия ас-Сурия) — Жан.-Ғарбий Осиёдаги давлат. Ўрта денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган. Майд. 185,2 минг км². Аҳолиси 17,2 млн. киши (2002). Пойтахти — *Дамашқ* ш. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоят (муҳофаза)га бўлинади.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 1973 й. 12 мартда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Башар Асад), у миллий референдумда 7 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Халқ кенгаши (парламент), ижроия ҳокимиятни президент ва Вазирлар Кенгаши амалга оширади.

Табиати. Денгиз соҳилининг аксари қисми текислик ва тошлоқли ясситоғликдан, озроғи пасттекислик (энн 20—30 км)дан иборат. Ғарб ва жан.да Антиливан тоғ тизмаси ва баландлиги 2814 м гача бўлган Аш-Шайх тоғи жойлашган. С. ҳудудининг катта қисмини ғарбдан шарққа томон пасайиб борувчи плато эгаллаган. Ғарбда Ансория ва Аз-Завия тоғ тизмалари, жан.-ғарбда Ал-Друз (энг баланд жойи 1803 м) вулкан массиви жойлашган. С. ҳудудининг жан.-шарқини Сурия чўлининг бир қисми, шим.-шарқини Жазира платоси ташкил қилади. Нефть, темир, мис, марганец, хромит, олтингугурт ва б. конлар бор. Иқлими Ўрта денгизга хос субтропик иқлим. Қиш ва баҳорда ёғингарчилик кўп, ёзи қуруқ. Ўртача т-ра январда 12°, авг.да 27°; йиллик ёғин 700 мм дан кам. Мамлакат шарқида

Сурия герби

қуруқ континентал иқлим. Фурот дарёсининг С. ҳудудидаги уз. 675 км, унинг асосни ирмоқлари — Хобур ва Белих. Шим.-шарқни четлаб ўтади Дажла дарёси узаги, шим.-ғарбда Ўрта денгиз ҳавзасига мансуб бўлган Аз-Аси (Оронт) дарёси ва шим.да Хирс кўли бор. Платода бўз тупроқли қумлоқ-қумоқ чўллар, жан.да тошлоқ-шағалли ҳамада анчагина майдонни эгаллаган. Пастекисликларда шурхок ерлар учрайди. Шарқий Тавр тоғ олди бўз жигар рангва жигар ранг тупроқдан иборат. денгиз бўйида сариқ тупроқ, баландлашган сари тоғ жигар ранг ва тоғ-ўрмон тупроқли ерлар бошланади. Ансория тоғининг шарқий ён бағрида тоғ дашглари учрайди. Соҳил ва тоғ ён бағирларидаги ўрмонларда эман, қарағай, сариқ дарахглари ўсади, дарахтзорлари бор. Ҳайвонот дунёси сиргалон, бўри, чиябўри, қорақулоқ, жайран, ёввойи эшак (онагр), кемирувчи ва судралувчилар, тоғларда сурия айиги, тўнғиз, ўрмон мушуги ва б.лар иборат.

Аҳолисининг 90% араблар ((сурияликлар); улардан ташқари курд, арман, туркман, турк, черкас, фалестинликлар ҳам яшайди. Расмий тил — араб тили. Аҳолининг аксарияти сунний мусулмонлар, шунингдек шиалар, алавийлар, христианлар, маронийлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 52,4%. Йирик шаҳарлари: Дамашқ, Ҳалаб, Ҳимс, Латакия.

Тарихи. С. ҳудудида одам палеолит давридан яшаб келади. Мил. ав. 2-минг йилликнинг 1-ярмида майда шаҳардавлатлар вужудга келган. Мил. ав. 15-а.да С.нинг кўп қисмини Миср, 14-а.да Хетт подшоҳлиги эгаллаб олган, 12-а. бошларида С. озодликка эришсада, 8-а. охирида *Оссурия*га, 7-а. охирида эса Янги Бобил подшоҳлиги, 6-а. ўрталарида Ахоманийларга қарам бўлди. Мил. ав. 333 й. Искандар Мақдуний (Александр) давлати таркибига кирди, бу давлат барбод бўлгач, *салавкийлар* давлатининг вилоятига айланди. Мил. ав. 1-а.да Арманистон подшоси Тигран II С.ни босиб олди, 64 й. Рим, мил. 4-а. охиридан Византия вилоятига айланди. Мил. 633—40 й.ларда Араб халифалиги, 1516 й.да Усмонли турк империяси ҳоб этди ва С. 1818 й.гача Туркия таркибида бўлди. 1832—40 й.ларда Миср қўшинлари томонидан босиб олинди. 1840 й. С.да яна туркlар ҳукмронлиги тикланди. 1918 й. окгда С.ни инглиз қўшинлари босиб олди. 1919 й. Англия-Франция келишувига биноан инглизларнинг ўрнини французлар эгаллади. 20-й.ларда миллий озодлик ҳаракати кучайди. 1928 й. Таъсис мажлисига сайлов ўтказилди, 1930 й. майда С. республика деб эълон қилинди, аммо Франция мандати сақланиб қолди, бу мандат 1943 й.декда бекор қилинди. 1946 й. 17 апрдагина тўла мустақилликка эришди. 1958 й. С. Миср б-н ягона давлат — Бирлашган Араб Республикаси (БАР)га бирлашди, аммо 1961 й. 28 сентда унинг таркибидан ажралиб чиқди ва ўзини Сурия Араб Республикаси (САР) деб эълон қилди. 1963 й. 8 мартда давлат тўнтариши бўлиб, С. Араб социалистик уйғониш партияси (Баас) ҳокимиятни қўлга олди. 1971 й. 12 мартдан Ҳафиз *Асад* президент бўлди.

1967 й. июнда С.га Исроил ҳужум қилиб, мамлакат ҳудудининг бир қисмини (Ғулон тепаликларини) босиб олди. 1973 й. октда С. бошқа араб давлатлари қатори ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб, Исроил томонидан босиб олинган ерларнинг бир қисмини қайтариб олишга муваффақ бўлди. С.— 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 28 декда тан олган ва 1992 й. 24 апр.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 17 апр. — Чет эл қўшинлари чиқариб юборилган кун (1946).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Араб социалистик уйғониш партияси (Баас), 1947 й. апр.да Араб уйғониш партияси сифатида ташкил этилган, 1954 й. дан хоз. номда; С. коммунистик партияси, 1924 й. тузилган; САР Тараққийпарвар миллий фронти, 1972 й. асос солинган, 8 ташкилотни бирлаштирган. С. ишчи касаба уюшмалари умумий федерацияси, 1938 й. тузилган.

Хўжалиги. С. — аграр-индустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 26%, саноатнинг улуши 21%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 53%.

Сурия байроғи.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 50%га яқини шуғулланади. 3,7 млн. гектар ерда деҳқончилик қилинади, шундан 500 минг га суғорилади. Асосий қ.х. экинлари: бугдой, арпа, пахта, тамаки, қанд лавлаги; шоли, ер ёнғоқ, сабзавот, полиз экинлари ҳам етиштирилади. Воҳаларда боғдорчилик ривожланган, ток, цитрус, хурмо ва б. субтропик мевали ўсимликлар ўстирилади, зайтун етиштирилади. Қорамол, қўй, эчки, туя, от, хачир боқилади. Соҳилда балиқ овланади.

Саноатида кончилик устун: нефть, фосфорит, тоштуз, табиий асфальт, олтингугурт қазиб олинади. Электр ст-ялрининг аксарияти нефть асосида ишлайди (йилига ўртача 14,8 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади). Нефть Баниёс ва Ҳимедаги з-ларда қайта ишланади. Кимё (минерал ўғит и.ч.), тўқимачилик (жумладан, ип газлама) ва озиқ-овқат (ун, ёғ, вино, қанд-шакар, тамаки ва б.), электр техника саноати ривожланган. Трактор йиғув, электр мотор, пўлат прокати, бетон шпал з-ди, кўнчилик, пойабзал, бинокорлик материаллари ва б. корхоналар бор. Ҳунармандчилик (олтин, кумуш, мисдан турли буюмлар тайёрлаш) ривожланган. Асосий саноат марказлари — Дамашқ, Ҳалаб, Ҳимс, Латакия, Тартус. Т.й. узунлиги — 1,8 минг



Дамашқ шаҳри маркази.

км, автомобиль йўллари —39,2 минг км, нефть қувурлари — 805 км. Асосий денгиз портлари — Латакия, Тартус, Баниёс. Дамашқда халқаро аэропорт бор. Ироқ ва Саудия Арабистонидан Ўрта денгиз соҳилига тортиб келинган кўпгина нефть қувурлари С. ҳудудидан ўтади. С. четга нефть ва нефть маҳсулотлари, фосфорит, пахта, қ.х. маҳсулотлари, тери, жун ва б. чиқаради, четдан машина ва ускуна, транспорт воситалари, озиқ-овқат, кимё маҳсулотлари ва б. келтиради. Германия, Франция, Италия, Россия, Ливан, Греция б-н савдо қилади. С.нинг ЎзР б-н 2002 й.даги товар айланмаси 1,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Пул бирлиги — сурия фунти.

Тиббий хизмати. С.да тиббий хизмат пулли. Врачлар тайёрлайдиган 3 та мактаб, стоматолог ва фармацевтлар мактаби, ўрта малакали тиббиёт ходимлари тайёрлайдиган 5 та мактаб бор. Ҳалабдаги ун-тда ветеринария ф-ти очилган.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун бошлангич таълим мажбурий. Мактаб диндан ажратилган, аммо диний мактаблар ҳам бор. Бир неча хусусий ўқув юрти мавжуд. Дарслар араб тилида олиб борилади. С.да 4 ун-т ва бир қанча давлат олий ўқув юртлари (Дамашқ ун-ти (1923), Ҳалабдаги ун-т (1960), Ҳимсдаги ун-т (1979), Латакиядаги ун-т (1971), Дамашқ олий технология ин-ти ва б.) ишлайди, уларда пул тўлаб ўқилади. Араб академияси (1919), Дамашқ академияси (1919), қ.х. илмий марказлари бор. Дамашқда ун-т кутубхонаси ва Миллий кутубхона (1880), Ҳалабда Миллий кутубхона (1924), Латакияда Миллий кутубхона (1944), Дамашқда Миллий музей (1919) ва Араб тамаддуни музейи (1976—77), Ҳалабда Археология музейи (1960), Пальмира музейи (1961), Ҳимс, Тартус, Бусрода музейлар мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. Асосий газ. ва журнлари: «Ас-Саура» («Инқилоб», араб тилида чиқадиган кундалик газ., 1963 й.дан), «Ал-Баас» («Уйғониш», араб тилида чиқадиган кундалик газ., 1962 й.дан), «Ал-Жамаҳир ал-Арабия» («Араблар оммаси», араб тилида чиқадиган кундалик газ.), «Нидал ан-Шаъб» («Халқ кураши», араб тилида чиқадиган газ., 1934 й.дан), «Сирия тайме» («Сурия вақти», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1981 й.дан), «Ал-Фидо» (араб тилида чиқадиган кундалик газ.), «Ал-Муҳандис ал-Араби» («Араб муҳандиси» араб тилида 2 ойда 1 марта чиқадиган жур., 1961 й.дан), «Нидал ал-Феллаҳин» («Деҳқонлар кураши», араб тилида чиқадиган ҳафтанома, 1965 й.дан). С. араб ахборот агентлиги (САНА), ҳукумат ахборот маҳкамаси, 1965 й. асос солинган. Радиоэшиттириши ва телекўрсатуви бош дирекцияси, ҳукумат хизмати, 1946 й. тузилган.

Адабиёти. С. халқининг оғзаки ижодида мил. ав. 8—7-асрлар воқеаларини эслатувчи ривоятлар учрайди. Мил. 2—14-асрлар га оид сурия (сурёний) ёзувлари топилган. 8-асрдан араб тили расм бўла бошлади ва 14-асрга келиб лунёвий адабиётдан сурия тилини суриб чиқарди. Ўрта асрларда Абу Таммом, Ал-Буҳтурий, Ал-Мутанаббий, Абу Фирас шеърлари ва Абул Аъло ал-Маарийнинг фалсафий асарлари лунёга келди. 19-а.га қадар С. адабиёти араб мумтоз адабиёти анъаналарини давом эттирди. 19-а. ўрталаридан Ливан б-н Фаластинни ўз ичига олган С. араб маданий уйғониш маконларидан бири бўлди. Франсис Марраш, Ризқалла Ҳассун, Абдураҳмон ал-Кавокибий ва Алиф Исмоқ бу ҳаракатга бош бўлганлар. 1-жаҳон урушидан кейин миллийозодлик кайфиятидаги адабий кучлар (Муҳаммад Курд Али, Халил Мардомбек, Салим ал-Жундий ва б.) Дамашқдаги Араб академиясига бирлашиб, араб адабиёти меросини батафсил ўрганиш ва оммалаштиришга киришдилар. 20-а.ларда реалистик наср (Субҳи Али Ганим, Сами ал-Кийали, Фуад ан-Шаноб, Шавкий ал-Жабрий ва б.га келди. Ҳаракатнинг ал-Зиреклий, Муҳаммад ал-Битор, Муҳаммад Сулаймон ал-Аҳмад каби шоирлар мустамлакачиликка қарши, мустақиллик учун кураш руҳида шеърлар ёздилар. 1951 й. С. ёзувчилар уюшмаси тузилди.

2-жаҳон урушидан кейинги даврда адабиётда миллий руҳни қарор топтириш ҳаракати кучайди. 60-йилларда аёрим алифбо аксарият ошган ва умумсаводликка ўтишга имкоплар ҳосил қилинган ва ёзишнинг тасвирланиш берилдилар. Сўнгги йилларда Ироқлининг араб мамлакатларига бошқинини лаънатловчи шеърлар (Аҳмад Сулаймон Аҳмад, Али Жундий) ва насрий асарлар (Мустафа Сафавий, Закариё Тамират) яратилди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. С.нинг қад. санъат ёдгорликлари неолит даврига мансуб (Дамир-Кану қоятош расмлари, Сакче-Гёзю соноли, тош ва лойдан ясалган ҳайкалчалар). Мил. ав. 2-минг й.ликнинг 1-ярмида шаҳар-давлатлар (Мари, Угарит, Ямхада — ҳоз. Ҳалаб) равнақ топиши б-н бирга меъморлик юксак даражага кўтарилди: мураккаб тархли саройлар, ҳовлили ибодатхоналар қурилди. Мил. ав. 16—14-асрлардаги санъат асарларида Қад. Миср ва Эгей маданиятининг таъсири сезилади. Мил. ав. 9-а.да Оссурия, мил. ав. 4-а.дан мил. 4-а.гача юнон меъморлиги анъаналари руҳида иншоотлар яратилди (Пальмирадаги маҳобатли колонналар ва ибодатхоналар).

5—6-а.ларда С.да маҳаллий илк Византия бадиий мактаби шаклланди (Антиохия, Апамея, Шахба қалъама нақкошлиги). Тош ва сувоқ ўймакорлиги, пол мозаикаси, китоб миниатюраси ривожланди. 7—8-а.ларда С. араб маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, нақкошлик, ҳайкалтарошликнинг янги услублари яратилди. Ўша даврда ўрта аср шаҳарларининг қиёфаси шаклланди, масжид, мадраса, тим, касалхона, карвонсарой, ҳаммом ва б. барпо этилди (Пальмира яқинидаги Қаср ал-Хайр ал-Ғарбий, 8-а., Дамашқдаги тоқи-равоқли жоме масжид, 705—715 й.лар). Салибчилар томонидан роман услубида қурилган қасрларнинг

Қишлоқ манзараси.

ҳарбийлари сақланган (Ҳимс ш. яқинидаги Кларъ, ас-Шевалье қўрғони, 12-а.р. 13—15-а.ларда меъморликда бошқа кўп янгиликлар берилди, ранг-баранг кошинлардан, тошлардан, нақшдан кенг фойдаланилди, ички ҳимоя қўрғонлари ривожланди. Кичик миниатюраси санъати юқори босқичга кўтарилди.

Усмонли турк империяси таркибида бўлган йиллар (1516—1918) да турк меъморлигининг мос ҳолда ўрни. Тасвирий санъатда нақшнинг аслига яқинлаштириш авж олди. 20-а.нинг 60—90-й.ларида Ваҳбий ал-Ҳаririй, Бурҳон Тайёр, Маҳмуд Нофал, Тамимат-Кисравий, Жозеф Абдуҳалил каби меъморларнинг асарлари асосида замонавий бинокорлик конструкцияларидан фойдаланиб, миллий шаклдаги иморатлар қурила бошлади (Дамашқдаги Касаба уюшмалари биноси, Дамашқ ва Ҳалабдаги ун-т корпуслари, Латакиядаги муниципалитет биноси ва б.). Тасвирий санъатда модернизм унсурлари сезила бошласа-да, кўпгина рассомлар маҳаллий бадиий анъаналарни давом эттирдилар (Афиф Баҳнасий, Нозим Жалфарий, Маҳмуд Жалал, Жак Варле, Муҳаммад Фатҳий ва б.). Халқ амалий санъатида каштачилик, кандакорлик, бадиий тўқувчилик ривожланган.

Мусиқаси. С. халқ ва анъанавий мусиқасида ривожланган лад тизими — мақомлар кўп. Чолғу асбоблари жўрнигида қўшиқ айтиш етакчи мусиқий жанрдир. Уд, рубоб, гиҗжак, қонун ва б. чолғу асбоблари кўп тарқалган. Замонавий халқ оркестри таркибига европача скрипка, виолончел, контрабас кабн чолғу асбоблари ҳам киритила бошлади. 1870 й. бастакор Мустафо ал-Башнак ташаббуси б-н Ҳалабда мусиқа мактаби очилди. Миллий бастакорлик мактабини Сезҳи Уздил, Дик Сўккари кабилар ривожлантирдилар. Халқ қўшиқларн ижрочиларидан Шорин Бреҳан, Мутиа Мафи, Сабоҳ Фахрини кўрсатиш мумкин. Мусиқанинг оммалашувида радио ва телевидениенинг хизмати катта. Миллий мусиқа

Латакия манзараси.

калрлари Дамашқ (1962 й. ташкил этилган) ва Ҳалаб (1963) консерваторияларида тайёрланади.

Театри. С. театр санъатининг куртакларн миллий маросим ва байрамлардан бошланган. Профессионал театр 19-а. ўрталарида Дамашқда Абу Халил аз-Қаббоний театр труппасини ташкил этиш ё-н вужудга келди. 1930-йлар охиригача мамлакатга келиб турган Миср труппалари С. профессионал театрининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. 40-йларда Дамашқда Абдуллатиф Фатҳий раҳбарлигида театр ходимлари жамоаси ташкил этилиб, биринчи марта сурия лаҳжасида спектакллар қўйилди (1945—46). 1952 й. Саъдиддин Бақдунис ташкил қилган труппа Дамашқ ва Ҳалабда 1957 йгача гоҳида кўрсатди. 1956 й. Дамашқда ярим профессионал Эркин театр, Ҳалабда Халқ театри ишлай бошлади. 1957 й. пантомима халқ труппаси тузилди. Дамашқда араб миллий драма театрининг очилиши С. миллий ҳаётида катта воқеа бўлди. Мамлакатнинг энг истеъдодли актёрлари шу театрда ишлай бошлади. Театр репертуаридан хорижий мумтоз ва замонавий драматургия асарлари ўрин олди. Ҳозирги драматургия асарлари ҳам кўпгина шу театрда ишлай бошлади. Бундан ташқари Дамашқда «Аш-шавк» («Тиканак») сатира театри, Ҳарбий театр («Қоплон» (реж. Н. Малех, 1972, Карлови-Вари, Локарно ва Дамашқ кинофестивалларида мукофот олган) ва б. фильмлар яратилди. Шундан сўнг Яқин Шарқ мамлакатларида ҳар йили Дамашқ халқаро кинофестивали ўтказилади.

Кинoси. С.да биринчи кино сеанси 1906 й.да бўлган. Биринчи тўла метражли «Айбсиз судланувчи» (реж. Айюб Бадри) бадиий фильми 1928 й. яратилди. 30-й.ларда «Дамашқ осмони остида» (реж. И. Анзур, 1932), «Бурч амри б-н» ва «Қаҳвахона ашулачиси» (ижкала фильм реж. А. Бадри, 1938, 1939) каби фильмлар яратилди. Шундан кейин фильмлар яратилиш мобайнида муайянги салкам 30 й. мобайнида мустамлакачилар ҳукмронлиги даврида кинофильмлар яратиш б-н ҳаваскорларгина шуғулландилар. 60-й.ларнинг 2-ярми ва 70-й.ларда ижтимоий-сиёсий мавзудаги «Юк машина ҳайдовчиси» (реж. Б. Вучинич, 1967, Тошкент 1-кинофестивалида фахрий диплом олган), «Алданганлар» (реж. Т. Салоҳ), «Қочоқ» (реж. Н. Малех, 1972, Карлови-Вари, Локарно ва Дамашқ кинофестивалларида мукофот олган) ва б. фильмлар яратилди. Шундан сўнг Яқин Шарқ мамлакатларида ҳар йили Дамашқ халқаро кинофестивали ўтказилади.

Театри. С. театр санъатининг куртакларн миллий маросим ва байрамлардан бошланган. Профессионал театр 19-а. ўрталарида Дамашқда Абу Халил аз-Қаббоний театр труппасини ташкил этиш ё-н вужудга келди. 1930-йлар охиригача мамлакатга келиб турган Миср труппалари С. профессионал театрининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. 40-йларда Дамашқда Абдуллатиф Фатҳий раҳбарлигида театр ходимлари жамоаси ташкил этилиб, биринчи марта сурия лаҳжасида спектакллар қўйилди (1945—46). 1952 й. Саъдиддин Бақдунис ташкил қилган труппа Дамашқ ва Ҳалабда 1957 йгача гоҳида кўрсатди. 1956 й. Дамашқда ярим профессионал Эркин театр, Ҳалабда Халқ театри ишлай бошлади. 1957 й. пантомима халқ труппаси тузилди. Дамашқда араб миллий драма театрининг очилиши С. миллий ҳаётида катта воқеа бўлди. Мамлакатнинг энг истеъдодли актёрлари шу театрда ишлай бошлади. Театр репертуаридан хорижий мумтоз ва замонавий драматургия асарлари ўрин олди. Бундан ташқари Дамашқда «Аш-шавк» («Тиканак») сатира театри, Ҳарбий театр («Қоплон» (реж. Н. Малех, 1972, Карлови-Вари, Локарно ва Дамашқ кинофестивалларида мукофот олган) ва б. фильмлар яратилди. Шундан сўнг Яқин Шарқ мамлакатларида ҳар йили Дамашқ халқаро кинофестивали ўтказилади.

росита бағишланган «Тескари йўл» (реж. Ҳаддад, 1975), «Қаҳрамонлар икки марта тугилади» (реж. С. Духни) ва «Қизил, оқ, қора» (реж. Б. Сафий, 1977) фильмлари дунёга келди. Мервап Ҳаддаднинг «Ширин муҳаббатим» ва Вади Юсуфнинг «Қопқон» (1980), Н. Малехнинг «Эски суратлар» (1981) фильмлари С. кинематографиясининг сўнгги йилларлари муваффиқиятидир.

СУРИЯ ЧЎЛИ, Бодият аш-Шом — Ғарбий Осиёдаги чўл. Сурия, Ироқ, Иордания, Саудия Арабистони ҳудудларида. Майд. 1 млн. км². Фурот ва Месопотамия пастекислиги томон 800 м дан 500 м гача пасайиб боради. Оҳактошли плато ва лава майдонларидан иборат. Ер юзаси текис. Айрим жойларида бал. 1100 м бўлган якка тоғлар, шўрхок ва тақирли сойликлар учрайди. Кумли ва тошлоқ майдонлар бор. Иқлими субтропик, континентал, қуруқ иқлим, қиши илиқ, ёзи иссиқ. Чўлнинг шим. қисмида январнинг ўртача т-раси 6,9°, июлники 29,2°, йиллик ёғини 100—150 мм. Баҳор ва ёз бошларида хамсин шамоли эсади. С.чда оқар сувлар йўқ. Ўсимликлари жуда сийрак, бута ва эфемерлар ўсади. Аҳолиси кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланади.

СУРИЯЛИКЛАР (Сурия араблари) — халқ, Сурияннинг асосий аҳолиси. Сурияда 11,75 млн. киши яшайди (1990-йлар ўрталари). Шунингдек, Кувайт (100 минг киши)да ҳам яшайди. Умумий сони 11,85 млн. киши. Араб тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар, шиалар, христианлар ҳам бор. Мил. 7-а.да Сурия Араб халифалигига қўшиб олиниши натижасида маҳаллий, оромий тилда сўзлашувчи аҳоли тез сурьатларда арабланган ва С. халқ сифатида шакллана бошлаган. Асосий машғулотлари — деҳқончилик, ярим кўчманчи чорвадорлик; С.нинг бир қисми саноатда банд.

СУРМА (туркча sürme, лот. Stibium), Sb — Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 51, ат.м. 121,25. Табиий С. 2 та барқарор изотопдан иборат. ^{121}Sb (57,25%) ва ^{124}Sb(42,75%). С. нинг сунъий изотопларидан муҳимлари ^{122}Sb($T_{1/2}$= 2,8 кун), ^{125}Sb($T_{1/2}$= 60,2 кун) ва ^{126}Sb($T_{1/2}$= 2 й.).

С. жуда қадимдан маълум. Шарқ мамлакатларида милоддан 3000 й. аввал С.дан турли идишлар ясашган. Қад. Мисрда мил. ав. 19-а.да сурма ялтироғи (табиий) mesten ёки stem номи б-н қошни бўяшда қўлланган. С. Ер пўстининг масса жиҳатидан 4·10 $^{-5}$% нни ташкил қилади. С. кристалл ва аморф шаклларда бўлади. Кристалл ҳолдаги С.

оддий шароитда барқарор бўлиб, кумуш каби оқ, ялтироқ, мўрт металл. Суюқланиш т-раси 630,5°, қайнаш т-раси 1640±5°, зичлиги 6,69 г/см³. Бирикмаларда +5, +3 ва —3 валентли. С. ҳавода қиздирилса, амфотер С.(III)-оксид Sb_2O_3 га айланади. С.нинг кислотали хоссаларини намоён қиладиган оксиди — Sb_2O_5 (антимонат ангидрид) ҳам маълум.

С. техникада қотишма ва бирикмалар (200 дан ортиқ қотишма таркибига кўшилади) ҳолида кўп ишлатилади, чунки С. қўшилган металлнинг қаттиқлиги ортади, қийин оксидланади. С. қотишмаларидан муҳимлари — қаттиқ кўргошин «гартблей», босмахона қотишмалари, *баббитлар*. С.нинг алюминий, галлий, индий б-н ҳосил қилган қотишмалари яримўтказгичлар и.ч.да қўлланади. Ўсимликларда (100 г қуруқ модда ҳисобида) 0,06 мг, денгиз ҳайвонларида 0,02 мг, қуруқликда яшайдиган ҳайвонларда 0,0006 мг С. бўлади. С. одам ва ҳайвон организмига нафас йўллари ёки меъда-ичак орқали киради. С.нинг биологик аҳамияти тўлиқ ўрганилган эмас. Тиббиётда С. лейшманиоз ва баъзи гельминтоз (мас., шистосоматоз)ни даволашда қўлланади. С. ва унинг қотишмалари заҳарли. С.дан кучли заҳарланганда юқори нафас йўлларининг шиллиқ пардалари, кўз ва тери зарарланади. С.дан заҳарланишдан сақланиш учун С. и.ч. жараёнлари механизациялаштирилиши, бино яхши шамоллатилиши лозим.

Сурма бирикмалари. С. водород б-н рангсиз, бадбўй, ўта заҳарли газ — С. гидрид SbH_3 (стибин) ҳосил қилади. Суюқланиш т-раси — 88,5°, қайнаш т-раси 17°, зичлиги 2,2 г/см³ (—17° да, суюқ ҳолатда). С. қотишмаларига (рухли ёки магнийли) суюлтирилган кислоталар таъсир эттириб ёки Sb_2O_3 ни юқори босим остида атомар водород б-н қайтариб олинади. Арсин ва фосфиндан заҳарлироқ бўлгани сабабли қ.х. зараркунандаларига қарши курашда фумигант сифатида қўлланади.

С. кислород б-н 3 та оксид ҳосил қилади. Sb_2O_3, Sb_2O_4 ва Sb_2O_5.

С. (III) - оксид Sb_2O_3 — рангсиз кристалл модда, 570° дан паст т-рада барқарор куб шаклли (зичлиги 519 г/см³), 570° дан юқори т-рада барқарор ромб шаклли (зичлиги 5,75 г/см³) кўринишда бўлади. Суюқланиш т-раси 56°, қайнаш т-раси 1425°. Сувда оз, хлорид ва фторид кислоталарда яхши эрийди.

С. қўш оксид Sb_2O_4 — оқ кристалл модда; вақт ўтиши б-н сарғаяди; зичлиги 7,5 г/см³, 1030° да парчаланиб, Sb_2O_3 га айланади.

С. (V) - оксид Sb_2O_5 — оч сариқ тусли кристалл модда; зичлиги 7,86 г/см³, 357° гача барқарор; ундан юқори т-рада Sb_2O_4 га, 103° да эса Sb_2O_3 гача парчаланади. Сувда оз, хлорид кислотада яхши эрийди. Тиббиётда, ишлаб керамика, сирлар, оловбардош бўёқлар и.ч.да, тўқимачилик ва резина саноатида, кундузги ёруғлик лампалари люминесцент қопламаларининг таркибий қисми сифатида қўлланади.

С. галогенлар б-н умумий формулалари SbX_3 (бу ерда X—F, Cl, Br ва I) ва SbX_5 (бу ерда X — фақат F ва Cl) бўлган галогенидлар ҳосил қилади.

С. (III) - хлорид $SbCl_3$ — рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 73,2°, қайнаш т-раси 221°; зичлиги 3,14 г/см³. Суюқ ҳолатдаги $SbCl_3$ сурма мони деб аталади. С.га хлор бириктириш ёки С. ва унинг оксидларини хлорид кислотада эритиш йўли б-н олинади. Тиббиётда, Sb_2O_3 олишда, рухни қорайтиришда, тўқимачилик саноатида ва аналитик кимёда реактив сифатида ишлатилади.

С. (V) - хлорид $SbCl_5$ — лимон рангли, бадбўй, ҳавода тутайдиган суюқлик. Суюқланиш т-раси 3°; қайнаш т-раси 102°; зичлиги 2,33 г/см³; С. б-н хлорни кучсиз қиздириш ёки $SbCl_3$ га хлор таъсир эттириш йўли б-н олинади.

С. (III)-фторид SbF_3 — рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 292°, қайнаш т-раси 318°, зичлиги 4,38 г/см³. С.ни электролитик рафинирлашда, тўқимачилик саноатида ва тефлон и.ч.да қўлланади.

С. (V)-фторид SbF_5 — рангсиз суюқлик. Суюқланиш т-раси 7°; қайнаш т-раси 149,50, зичлиги 2,99 г/см³.

С. (III)-бромид $SbBr_3$ — рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 97°; қайнаш т-раси 288°; зичлиги 4,15 г/см³.

С. (III)-йодид SbI_3 — 3 та модификацияда учрайди: тригонал, ромб ва моноклин. Қизил рангли тригонал модификацияси кенг тарқалган. SbI_3 нинг суюқланиш т-раси 170°; қайнаш т-раси 401°, зичлиги 4,85 г/см³.

С. олтингугурт б-н 2 та сульфид ҳосил қилади: Sb_2S_3 ва Sb_2S_5.

С. (III)-сульфид Sb_2S_3 3 модификацияга эга: кулранг-қора кристалл ва 2 аморф модификацияда бўлади. Кристалл модификацияси энг барқарор; унинг суюқланиш т-раси 548°; қайнаш т-раси 990°, зичлиги (турли модификацияларники) 4,12—4,64 г/см³. Асосан, металл ҳолдаги С. ва унинг бирикмаларини олишда, пиротехникада, гугурт и.ч.да қўлланади.

С. (V)-сульфид Sb_2S_5 — қизил тусли аморф модда. Зичлиги 4,12 г/см³. 170° гача қиздирилса унидан олтингугурт чиқариб, Sb_2S_3 га айланади. Резина саноатида каучукни вулканизация қилишда ишлатилади.

Ад. Парпиев Н. А., Муфтахов А. Г., Рахимов Х. Р., Анорганик кимё, Т., 2003; Ахмедов К., Жалилов А., Сайфутдинов Р., Умумий ва анорганик кимё, Т., 2003.

Ҳайдар Ҳожиев.

СУРМА РУДАЛАРИ — таркибидаги сурма саноатда фойдаланиш учун техник томондан қулай ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган бирикма ва концентрацияларда мавжуд табиий минерал ҳосилалар. Сурма Ta, Pt, Vi, Ag, In, Se элементлари каби Ер пўстида кам учрайди. Табиатда сурманинг сульфиди — *антимонит* (Sb_2S_3) анча кенг тарқалган, унда 71,4% сурма бор. С. р. баъзан Sb, Cu, Hg, Pb, Fe нинг мураккаб сульфидлари (бартьерит, жемсонит, тетраэдрит, дивингстонит ва б.), шунингдек, сурма оксидлари (сенармонтит, сервантит, стибиконит ва б.), оксихлоридли (надорит ва б.) сурма бирикмаларидан иборат. Қатламли руда таналарида сурма миқдори: 1—10%, томирсимон руда жинсларида 3—50% (ўртача 5—20%) энг ками 1,5—2% ни ташкил қилади. С.р. тог жинсларидаги дарзликларни паст т-рали гидротермал эритмалар б-н тўлдирилиши ҳамда уларни сурма минераллари б-н ўрин алмашинишдан ҳосил бўлади. С.р. саноат конларининг асосий массаси генетик жиҳатдан гидротермал гўрҳинли плутогенли (таркибида сурма бўлган полисульфид рудалар ва комплекслар кўп), телетермал (монометалл антимонитли рудалар) ва вулканогенли (оксидли, оксихлоридли рудалар) синфларига мансуб. С.р. конларининг кўпчилиги телетермал генезисга эга. Саноатда бундай конларнинг, асосан, 2 тури аҳамиятли: остидаги оҳактошларнинг кремнезем ва сурма бирикмалари б-н метасоматик ўрин алмашиши натижасида ҳосил бўлган мустаҳкам қатламсимон уюмлардаги қатламли тана, линза, уялар ва штокверклардан (Қадамжой, Тераксой, Жижикрут — Ўрта Осиё; Сикуанпань — Хитой) ҳамда гидротермал ўзгаришларга учраган сланецларда томирсимон ёки ўзаро кесишган кварц-антимонит таркибли руда таналаридан (Раздольс, Сарилах) фойдаланилади. Ушбу тур С.р., асосан, юқори сифатли кварц-антимонит таркибли монометалл рудалар бўлиб, бу полисульфид комплексли рудалар баъзан ўзида флюорит аралашмаси ва Hg, Au, Ag, Cu, Pb, Zn, W, Sn, As минералларни мужассам қила-

ди. С.р. конлари, асосан, очиқ — сувости усулида қазиб олинади. Томирли конларни шу усул бор рудалар бошланишни талаб қилмаган, бир оз камбадароқ рудалар (равшанлаш-флотацион усулида сурманинг 30—55%ли концентрацияси олиш б-н боғлиқдир. Табиатда С.р. комплекс-полисульфид таркибда учрашидан кон тури кўп; булар қаторига мис-никель-сурмали Садбери (Канада), Норильск (Россия); сурма-волъфрамли Тяошань, Веси (Хитой); сурма-симоб-марганецли Хайдаркон (Қирғизистон), сурма-олтин-кумушли Гравелот (ЖАР), Сонпаши (АҚШ) ва б. Дунёдаги ин шрик сурма конлари сифатида Тяошань, Веси, Сикуанпань (Хитой), Қадамжой (Қирғизистон), Жижикрут (Тожикистон), Сарилах, Разолье (Россия), Хаммимат (Жазоир), Сенапор (Туркия), Чуркини (Боснияда)ларни қайд қилиш мумкин. Ўзбекистонда эса, фақат тарқоқ ҳудудлардаги бўлак-олтин конларида (Қалтасой, Кўкпатос) С.р. кам учрайди. Кушон подшолиги даврида (1—4-асрлар) Марказий Қизилқумдаги конлардан қазиб олиб қайта ишланган сурманинг бошқа металлар б-н қотишмалари кўп ишлатилган (ниш қ. *Сурма*).

СУРМА ЯЛТИРОҒИ — минерал (қ. *Антимонит*).

СУРНАЙ (форс. сур — тўй, байрам ва *най*; тўпда чалинадиган най) — пуфлама-тилчали мусиқа чолғу асбоби. Ўзбек, тожик, уйғур ва б. халқларда кенг тарқалган профессионал созлардан. Асосий танаси 400—550 мм узунликдаги мевали дарахт (ўрик, тут, ёнғоқ) ёғочидан, ички томони цилиндр, баъзида конус шаклида, қарийчаси кенгайтирилган ҳолда ясалади. Бармоқ б-н босиладиган 8 та тешиги бор; 7 таси юза (устки), 1 таси орқа (пастки) томонида жойлашган. С.нинг тилчаси (*найпачоқ*, дудик) оддий камишдан пачоқланиб ип б-н қаттиқ бўғилиб, бир-бирига қапиштирилб ясалади ва мил (нил)ига кийгизилади. Мил чолғу танасига ўрнатилган бачка (форс. бача — бола сўзидан; С.нинг танасига нисбатан бошқача ёғочдан ишланган цилиндр)га кийгизилади. Милнафасини ташқарига чиқишидан муҳофаза эса ижрочи лабига тираниб, унинг (қайвон шохи, суяк, салаф ёки металлдан ишланган) ҳалқа — салаф ўрнатилади. Сурнай диапазони бир ярим — икки октавани ташкил этади (cis-d дан h^1/c^3 гача ва ундан юқори). С.нинг товуши жарангдор, кучли ва жуда ўткир. Фарғона, Андижон, Тошкентда С.нинг мензураси (ички тешиги диаметри) кенгроқ бўлганлиги сабабли товуши

Сурнай.

майинроқ ва юмшоқ. Хоразм С.и товуши кескин ва чийиллоқ. С.да товуш ҳосил қилиш мураккаб бўлиб, созланиши узлуксиз нафас олиш жараёнида асосланади. Мазкур ижро тури Ўзбекистонда «қайтарма нафас» (Хоразмда «дам айлантириш») дейилади. Бунда ижрочи бурнини шиширган ҳолда ҳаҳира ҳавони оғзида сақлайди ва бўрнидан нафас олаётган пайтида ҳаҳиралари ҳавони чакка мушаклари ёрдамида сурнай найчасига йўллайди. Натижада С.га ҳаво юборилишида товуш узилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда С. ижрочилигида, асосан, 2 (Фарғона — Тошкент ва Хоразм) йўналиши машҳур бўлиб, бир неча маҳаллий марказлар мавжуд бўлган: Андижон (Булоқбошидан Ҳожимат меҳтар, *Рустам меҳтар* Юсуфхўжа, *Аюрали меҳтар*, О. *Рустамов* ва б., Фарғонадан Отажон сурнайчи, Қўқондан Ҳамроқул сурнайчи, *Аҳмаджон қўшнай* Умрзоқов ва б., Тошкентдан Убайдуллаевлар, Мирзаевлар, Собировлар сулолалари ва б., Хивадан Сариқ меҳтар, Бобожон сурнайчи, Худойберган Қурбон, кейинги пайтда Й. Тожиев, М. Матёқубов ва б. танилган. С. карнай, ноғора ёки доира жўрлигида оммавийлашган махсус ансамблини ташкил қилиб, милий анъанавий томошаларда, («Сурнай ёр-ёри»), дордорбоз, қўғирчоқбоз ўйинларида («Дордорбоз, қўғирчоқбоз ўйинларида «Дордорбоз», «Дор ўйин», «Уфарлар», Хоразмча», «Дор ўйин», «Тўрғай», «Зувода «Қум пишиғи», «Тўрғай», «Зувонний», «Ротолло» ва б.), турли маросим, йиғин ва сайилларда, рақсларда («Шодиёна», «Катта ўйин», «Дилхирож», «Танавор», «Муножот», Хоразмда «Оразибон», «Норим-норим», «Елпасаланди» ва, айниқса, «Сурнай лазгиси») кенг қўлланилади. С. якканавоз чолғу сифатида ҳам машҳур. Ижро имкониятларининг бойлиги ва ўзига хос хусусиятларга эгалиги туфайли унда чалиниладиган куйлар алоҳида ажралиб турадиган. Шашмақомдаги Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ирок мақомлари шўъбаларидаги асосида яратилган сурнай йўллари «Сурнай Бузруги», «Сурнай Навоси», «Сурнай Орази», «Сурнай Дугоҳи» (савт «Сурнай Уфари б-н) гоят севимлидир. «Мушкилоти Сегоҳ ва Уфари», «Сурнай Ироқи» каби куйларнинг кўпчилиги йирик туркумли асарлардир. Айниқса, Наво мақомининг С. йўллари кенг тарқалган бўлиб, асосан, никоҳ тўйларида ижро этилади. Хоразмда С. учун махсус С. мақомлари мавжуд бўлиб, улар *Танбур чизигида* ўз акснини топган («Мухаммаси Рост», Наво мақомидан «Пешрав занжири», «Уфари Наво» ва б.). Шу ерда, шунингдек, мақом йўллари негизида яратилган мумтоз куйлари ҳам машҳур («Надрамаддини», «Бироллайим» ва б.). С. ҳозирда анъанавий ва баъзи миллий эстрада ансамбллари, халқ чолғу асбоблари оркестрларида ишлатилмоқда. Ўзбекистон композиторларидан А. Козловский («Лола» сюитаси), Сайфи Жалил (1-симфонияси), М. Тожиев (4- ва 6. симфонияларида) ва б. С.нинг ўзига хос тембрини симфоник оркестри воситалари ёрдамида етук бадиий мавқеда ифода этганлар. С.га яқин созлар Кавказ (озарбайжон, арман ва б.) халқлари ва туркларда зурна, Хитойда сона, Ҳиндистонда шеҳнай деб аталади.

Ботир Матёқубов.

СУРОВЦЕВ Борис Николаевич (1902.19.4, Киров вилояти Мамлиж ш. — 1944.21.4, Гомель вилояти, Калинковичи ш.) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1935 й.дан Самарқандда яшаган. 45-мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1924—27 й.лар ва 1941 й.дан армияда. 1942 й. апр.дан 99-алоҳида саперлар батальони (Марказий фронт 65-армиянинг 69-ўқчи дивизияси)нинг бўлинма командири, катта сержант. Репки р-нидаги Радуль посёлкаси яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтишда алоҳида жасорат кўрсатган. 1943 й. 30 окт.да Қаҳрамон унвони берилган. Самарқанд шаҳридаги 45-ўрта мактабга номи берилган.

СУРОН — қўшинларнинг жанг майдонида бир-бирига қарама-қарши турган ёки ҳужум вақтидаги аскарлар ҳайқириғи. Ўрта асрларда чингизийлар, темурийлар ва шайбонийлар қўшинида аскарларнинг жанговар руҳини кўтариш, душманни ваҳимага солиш мақсадида кенг қўлланилган тактик амалиёт. С. арабча «Аллоҳ акбар» ҳамда туркийча «Ҳайу ҳай», «Ура»га мос тушган. Темурийлар қўшинида ўтказиладиган ҳарбий кўриклар чоғида сафда турган жангчилар олий бош қўмондонга ўзларининг бўлажак юришларга шайлигини, кайфиятини изҳор этиш мақсадида бирдан ва бараварига С. солганлар.

СУРУВ — қўй-эчки подаси (қ. *Отар*).

СУРХ КЎТАЛ — Шим. Афғонистондаги Бағлон вилояти ҳудудида жойлашган қад. тепалик. С.к.дан мил. 2—3-асрга оид йирик ибодатхона мажмуи топилган, у Кушон подшолиги давридаги Бақтрия диний меъморлигининг йирик ёдгорлиги ҳисобланади. Кушон подшоси *Канишка*га бағишланган ва олов (ўт)га сиғиниладиган ибодатхоналар чиққан.

СУРХОБ — Тожикистондаги дарё. Орқа Олай тизмасининг шим. ён бағридан Қизилсув номи б-н бошланади. Олай водийси бўйлаб оқади. Ирмоқлари: Аччиқтош, Така, Кўксув, Муксув, Ярхич, Обихингов ва б. Тожикистон ҳудудига ўтгандан сўнг Сурхоб (ўзбекча «Қизилсув») номини олади. Рогун сув омборига қуйилиш жойида, энг йирик ирмоғи *Обихингов* қўшилгандан кейин Вахш номи б-н аталади (яна қ. *Вахш*).

СУРХОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ — Сурхондарё вилояти, Шеробод туманининг шим. -ғарбий қисмида жойлашган 2 мустақил майдондан — Кўҳитанг тизмасининг шарқий ён бағри ва Пайғамбароддан иборат қўриқхона. Пайғамбаророл участкаси водий-тўқай экосистемалари ва бухоро бугусини муҳофаза қилиш мақсадида 1971 й.да ташкил этилган. Кўҳитанг давлат буюртма қўриқхонаси 1986 й.да Пайғамбаророл қўриқхонаси б-н бирлаштирилиб, С. д. қ. га айлантирилди. Вазифаси қўриқхона ҳудудидаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш, ўрганиш, и.т. ишлари олиб боришдан иборат. С.д.қ.нинг тоғ-ўрмон экосистемасига кирувчи Кўҳитанг (денгиз сатҳидан 850—3157 м юқори) қисми (24583 га) гидрологик тармоққа, катта-кичик сойларга бой. Лайлакон, Қизилолмасой каби йирик дарёлари ҳам бор. Қўриқхона ҳудудида *Заравшой расмлари* сақланган дара машҳур. Кўҳитангда туркистон ва зарафшон арчалари (8033 га), туркистон заранги (104 га), турангил (512 га), бухоро бодоми (891 га), жийда (183 га), ширин бодом, ўрик, ёнғоқ, ҳандон писта, саксовул, бутадар ва б. ўсади. Ўсимликларининг 810 тури маълум, уларнинг 29 тури Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Тог ва тог ён бағирларида туркистон силовсини, морўор, осиё муфлони, бури, тулки, қўён, бўрсиқ, ҳар хил зараркунандалар ва қушларининг 130 га яқин тури учрайди.

Сурхон давлат қўриқхонаси. Арчазорлар.

Қўриқхонанинг Пайғамбаророл участкаси (Амударёдаги кичик орол — уз. 8, эни 5 км; 3044 га) ўрмонзор ва тўқайзорлари иборат (1986 й. гача иккала тўқайзорларининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини табиий ҳолда сақлаш мақсадида ташкил этилган мустақил қўриқхона бўлган). 970 гектарини ўрмонзор, қолган қисмини жийда, терак-жийда, ялпоқ ва терак аралаш тўқайзорлар ташкил этади. Шунингдек, оролда чучукмия, ялпоғ ва галофит ўсимликлар ўсади. Тўқайзорларда бухоро хонтули, ёввоий тўнғиз, қамиш мушуги, қушлардан қирғовул, бургут, тасқара, қирғий; ҳинд жайраси, судралувчилардан чўл агамаси, тошбақалар, калтакесаклар, илонлар ва б. кўп учрайди. 12—13-асрларда орол муқаддас ибратгоҳ бўлган. Ривоятларга кўра, оролда мусулмон арбобларидан бири дафн этилган ва унинг қабри устида Зулкифл масжиди бўлган. Шу боис, мусулмонлар бу оролни муқаддас жой, яъни «Пайғамбаророл» деб атаганлар.

Абдушукур Хотамов.

«СУРХОН ТОНГИ» — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. Термиз ш.да ўзбек тилида ҳафтада 2 марта чоп этилади. Дастлаб «Қизил тегарчи» (1932 й. 15 апр.), «Илғор Сурхон учун» (1935 й. 15 март), «Ленин байроғи» (1956 й. 21 март) номларида чиққан. 1991 й.дан ҳоз. номда. Газета турли йилларда Рустам Абдураҳмонов, Юсуф Сулаймонов, Ҳусан Умаров, Ҳалим Боқиев, Ўроз Ерманов, Темур Габилов, Йўлдош Умаров, Абдулла Лутфуллаев, Соатмурод Жўрақулов, Норқул Ҳайитқулов, Геллимурод Саидмаликов муҳаррирлик қилган. Комил Алиев, Зоир Муллажонов, Абрай Ҳамзаев, Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров, Исомиддин Отақулов каби ўткир қалам соҳиблари фаолият кўрсатишган.

Газета саноат ва тижорат, қишлоқ хўжалиги, давлат ва ҳуқуқ, маданият, хатлар бўлимлари мавжуд. Саҳифаларида вилоят ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига доир материаллар берib борилади, адабиёт ва санъатни тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилади. Адади 3500 (2004).

СУРХОН ТОНГИ — ўрганишлар тарихи нави. Ўзбекистон саб.хоъ., полиз экинлари ва картошкачилик ин-тининг Сурхондарё тажриба пунктида ИК-87 америка намунаси пояузлигисидан икки танлаш усули б-н чиқарилган (Б. Турдиқулов, В. Ф. Пивоваров, Е. Г. Добрушкая, 1997). С.т. ўрганишлар тарвузлар орасида энг тезпишар ва ширин нав. Палаги уз. 3,0—3,5 м, бари шаклига кенг, яшил уз. 18—24 см. Тарвузи вазни 3,7—4,7 кг (9—10 кг гача), шакли узунроқ, юзаси силлиқ, туси оч сариқ, юзасида тёмир мийдачалари бор. Пусти қалинлиги, эти қизил, серсув, ширали, баъзан толали. Мева парбати таркибида 8,1% қуруқ модда, 7,9% қанд мавжуд. Уруғи майда, жигарранг, силлиқ. Уруғи апр.-май ойларида экилади, униб чиққанидан кейин 70—75 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—280 ц/га. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида экиш учун р-нлаштирилган.

СУРХОН 142 — серҳосил помидор нави. Ўзбекистон саб.хоъ., полиз экинлари ва картошкачилик ин-тининг Сурхондарё тажриба пунктида ИК-87 америка намунаси пояузлигисидан икки танлаш усули б-н чиқарилган (Б. Турдиқулов, В. Ф. Пивоваров, Е. Г. Добрушкая, 1997). С.т. ўрганишлар тарвузлар орасида энг тезпишар ва ширин нав. Палаги уз. 3,0—3,5 м, бари шаклига кенг, яшил уз. 18—24 см. Тарвузи вазни 3,7—4,7 кг (9—10 кг гача), шакли узунроқ, юзаси силлиқ, туси оч сариқ, юзасида тёмир мийдачалари бор. Пусти қалинлиги, эти қизил, серсув, ширали, баъзан толали. Мева парбати таркибида 8,1% қуруқ модда, 7,9% қанд мавжуд. Уруғи майда, жигарранг, силлиқ. Уруғи апр.-май ойларида экилади, униб чиққанидан кейин 70—75 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—280 ц/га. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида экиш учун р-нлаштирилган.

СУРХОНДАРЁ — Сурхондарё вилоятидаги дарё, Амударёнинг охирги ўнг ирмоғи. Қоровултепа қишлоғидан бир оз юқорироқда Тўполондарё б-н Қоратоғдарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бойсун ва Боботоғ тизмалари орадигидан жан.-ғарб томон оқиб бориб, Термиз ш. ёнида Амударёга қуйилади. Уз. 175 км (*Узунобдарё*нинг бошланиши жамлаш ҳисобида 297 км), ҳавзасининг майд. 13500 км², тоғли қисми 8230 км². С. ҳавзаси шим.да Ҳисор тоғ тизмаси, ғарбда ва жан.-ғарбда Бойсун тоғлари ва шарқда Бобатоғ б-н четланган, жан.да ва Амударё водийси б-н қўшилиб кетган. Энг йирик ва серсув ирмоқлари Ҳисор тоғ тизмасидан бошланади. Сув сарфи ўртача 120 м³/сек., йиллик сув ҳажми 3,8 млрд. м³, шунинг 2,7 млрд. м³ (ёки 70%) Ҳисор тизмаси ён бағирларида ҳосил бўлади. С.нинг йирик ирмоқлари — Туполонларё б-н Қоратоғдарё ҳам Ҳисор тизмасидан оқиб тушади. С.га йирик ирмоқлардан яна *Сангардакдарё* б-н Ҳўжаёнок ларёлари қўшилади. Бир қанча майда ирмоқларидан ташқари ёзда деярли қуриб қоладиган сой ва жилғалар ҳам бор. Ундан энг йирикларидан Вахшивордарё (24 км), Қошқон (32 км), Оққовчинар (61 км), Оқдарё (51 км) ва Бойсун (82 км) сойларидир.

С. Бойсун тоғлари б-н Боботоғ оралигида эни 30 км келадиган кени *Сурхон-Шеробод водийси* бўйлаб оқади. С. ўзани ҳамма қисмида тез емирилувчан жинослардан тузилган. Шу сабабдан С.нинг ўкини тез-тез ўзгариб туради. Қўйи қисмида дарё кени қайир бўйлаб «лайлиб» оқади, натижада эски ўзан ва ўлар орасидаги оролдар йўқолиб, янгилари пайдо бўлади. Қирғоқларни емирилиши ва ўпирилиб тушиши сабабли кўп жойларда тик жарлик шаклини олган.

С. кор-муздик сувларидан тўйинади. Май—июнда сершув, сент.—окт.да энг камсув бўлади. С.нинг этак қисмида (Мангузар қишлоғи ёнида) йиллик сув оқимининг 69% март—июнь, 20% июль—сент. ва 11% окт. — фев. ойларида оқиб ўтади.

С.нинг ўртача кўп йиллик сув сарфи унинг бошланиш қисмида (Қоровултепа қишлоғи ёнида) 76,7м³/сек., 2,42 млрд. м³, қуйи оқимида (Мангузар қишлоғи ёнида) эса 68,2 м³/сек, ёки йилига 2 млрд. м³. Қоровултепа б-н Мангузар қишлоқлари оралигида (164 км) С. ва ирмоқларининг суви қўлланиб суғоришга олинади. Шу икки қишлоқ оралигида дарёга сизот сувлари (тахм. 20—25 м³/сек.) ва партов сувлар келиб қўшилади.

Сурхондарё

С.нинг энг кўп сув сарфи Қоровултепа ёнида кузнинг 250—350 м³/сек., Мангузар қишлоғи ёнида эса 350—450 м³/сек. ўртасида бўлади. Лекин, айрим йиллари энг кўп сув сарфи жуда катта бўлиши мумкин. Мас., 1931 й. 29 апрел Қоровултепа қишлоғи ёнида 680 м³/сек., Мангузар қишлоғи ёнида эса 700 м³/сек. га етган. Энг кам ўртача ойлик сув сарфи дарёнинг юқори қисмида 12—13 м³/сек., қуйи қисмида эса 0,1 м³/сек.га тушиб қолади. Ёз ойларида С. баъзи эгак қисмида қуриб қолади.

С. ҳавза ойқа дарёлардан бошланиши Мангузар қишлоғи ёнида 250—350 м³/сек., ўртасида бўлади. Лекин, айрим йиллари энг кўп сув сарфи жуда катта бўлиши мумкин. Мас., 1931 й. 29 апрел Қоровултепа қишлоғи ёнида 680 м³/сек., Мангузар қишлоғи ёнида эса 700 м³/сек. га етган. Энг кам ўртача ойлик сув сарфи дарёнинг юқори қисмида 12—13 м³/сек., қуйи қисмида эса 0,1 м³/сек.га тушиб қолади. Ёз ойларида С. баъзи эгак қисмида қуриб қолади.

С. ҳавза ойқа дарёлардан бошланиши Мангузар қишлоғи ёнида ўртача ҳисобда 0,9 кг ойқа оқизиқ бўлади. Дарё ўкини тез емирилганидан сувнинг лойқалиги дарёнинг этаги томон кескин ортиб боради ва Мангузар қишлоғи ёнида 1 м³ сувдаги лойқа оқизиқ 2,9 кг га етади. Лойқа оқизиқларининг ўртача йиллик миқдори Қоровултепа қишлоғи ёнида йилига қариб 1980 минг т, Мангузар қишлоғи ёнида эса 6030 минг т га тенг.

С. сувидан тўлароқ фойдаланиш ва унинг ерларни ўзлаштириш мақсадида С. водийсида сув омборлари ва каналлар қурилган. С. ҳавзасида ишлаб турган ирригация тармоқларининг умумий уз. 3164 км, коллектор-зовурлар эса 1360 км. Шулардан энг йирикларидан: Занг, Ҳазорбоғ, Қумқўрғон, Кайдан каналлари ва б.; Учқизил, Дегрез ва Жан. Сурхон сув омборлари қурилган. С. водийси ёндош Шеробод водийси б-н қўшилиб кетган. С.нинг суви *Сурхон-Шеробод канали* ва Жан. Сурхон сув омбори орқали суғоришга сарфланмоқда.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — маданий маърифий муассаса. Термиз ш.да 1934 й.да (1933 й.да уюштирилган халқ хўжалиги кўргазмаси асосида) ташкил қилинган. Музейда Термиз ва термизий алломалар тарихи, қадимшунослик ва тангашунослик, халқ оғзаки ижоди, этнографияси, халқ амалий санъати, ўлка табиати, спорти, тасвирий санъат бўлимлари ҳамда 14 минг нусхадан зиёд асарга эга кутубхона бор. Музей фонди 64 мингдан ортиқ (2004). Экспонатлар Сурхондарё вилоятининг энг қадим замонлардан ҳозиргача бўлган тарихи ва маданияти ҳақида ҳикоя қилади: турли даврларга оид заргарлик буюмлари, турли даврларда зарб қилинган тангалар, ҳунармандлик буюмлари, ганч ўймакорлиги, меъморий ёдгорликлар қолдиқлари, сопол буюмлар, ҳайкалчалар, тўқимачилик дастгоҳлари, уй анжомлари, иш қуроллари мавжуд. Музей маданий-маърифий ишларни амалга оширади, кўргазмалар ташкил этади, илмий ишлар нашр қилади, бошқа кўпгина илмий муассасалар б-н ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. 1941 й. 6 мартда ташкил этилган (1925 й. 29 июндан Сурхондарё округи бўлган). 1960 й. 25 январда Қашқадарё вилояти б-н қўшилган. 1964 й. фев.да қайтадан ташкил қилинди. Республиканинг жан.-шарқида, Сурхон-Шеробод водийсида жойлашган. Жан.дан Амударё бўйлаб Афғонистон, шим., шим. -шарқ ва шарқдан Тожикистон, жан.-ғарбдан Туркманистон, шим.-ғарбдан Қашқадарё вилояти б-н чегаралаш. Майд. 20,1 минг км². Аҳолиси 1874,7 минг киши (2004). Таркибида 14 қишлоқ тумани (Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Кумқўрғон), 8 шаҳар (Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон), 7 шаҳарча (Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сариқ, Элбаён бекати, Ҳуррият), 114 қишлоқ фуқаролар йиғини бор (2004). Маркази — *Термиз* ш.

Юқори Сангардак.

С.в. туманлари ҳақида алоҳида мақолаларга қ.: мас., *Ангор тумани, Денов тумани* ва б.

Табиати. С.в. рельефи тоғ ва текисликлардан иборат, шим.дан жанубга қияланиб ва кенгайиб боради. Тоғлардан оқиб тушадиган кўпдан-кўп дарё ва сойлар дара ҳосил қилган. Сурхондарё ва Шербоддарё оқиб ўтадиган текислик шим., ғарб ва шарқдан баланд Ҳисор тизмаси (энг баланд жойи 4643 м) ва унинг тармоқлари (Бойсунтоғ, Кўҳитангтоғ, Бобботоғ) б-н ўралган. Тоғлар, асосан, юқори палеозой ва мезозой даврлари жинсларидан, текислик қисми эса тўртламчи давр ётқизиқларидан таркиб топган. Бу ерда неотектоника жараёнлари давом этмоқда: теварак атрофдаги тоғлар кўтарилиб, ботиқ чўкиб бормоқда. Тоғлар б-н текислик орасида адир ва тоғ олди зонаси жойлашган. Тоғлар шим. совуқ ҳаво оқимларини тўсиб турини натижасида субтропик ўсимликлар ўстириш учун қулай иқлим шароити вужудга келган. Тоғ зонаси ва адирларда, асосан, ғалла етиштирилади, чорва учун ёзги яйлов. Мутлақ бал. 300—500 м бўлган Сурхон-Шеробод текислигида пахта экилади, боғ - токзорлар барпо қилинган. Жан. қисми кенг қумликлар б-н қопланган. Фойдали қазилмалардан нефть ва газ (Хондоғ, Какайди, Лалмикор, Амударё бўйи текисликлари), тошкўмир (Шарғун, Ҳисор, Бойсун, Кўҳитанг тоғларининг этаклари, полиметалл (Сангардак), ош тузи (Хўжаикон) конлари бор. Гипс, гранит, аргиллит каби қурилиш материаллари, минерал сувли булоқ кўп. Текислик қисмининг иқлими қуруқ субтропик. Ёзи жазирама иссиқ ва узоқ, қиши илиқ ва қисқа. Йиллик ўртача т-ра 16°—18°. Июлнинг ўртача т-раси 28°—32°, янв.ники 2,8°—3,6°. Ўзбекистонда энг иссиқ т-ра ҳам шу вилоят ҳудудида кузатилган (1914 й. 21 июнда Термизда 49,5° иссиқ бўлган). Баъзи йиллари қиш анча совуқ (—20° ва ҳатто ундан ҳам паст). Йил давомида булутсиз кунларининг кўп бўлиши ва қуёш нурининг тик тушиши эффектив т-ралар йиғиндиси юқори бўлишига олиб келади. 10° дан юқори т-рали кунлар текислик қисмида 290—320 кун давом этади. Бу эса вилоятда энг иссиқсевар экинлар (шакарқамиш, ингичка толали пахта) ва мевалар етиштиришга имкон беради. Вилоят тоғлар орасидаги берк ботиқда жойлашганидан бу ерда ёғин кам. Вилоятнинг жан. текисликларида йиллига 130—140 мм, Ҳисор тоғлари ён бағирларида 445—625 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг асосий қисми қиш ва баҳорда тушади. Ғарбий, жан.-ғарбий ва шим.-шарқий шамоллар кўп эсади. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида эсадиган *Афғон шамоли* иқлимга салбий таъсир этади. Вилоятнинг асосий сув артериялари — *Сурхондарё* ва *Шербоддарё* ҳамда уларнинг Қоратоғдарё, Тўполондарё, Сангардакдарё, Хўжаипок каби ирмоқлари. Тоғ қор ва музликларидан, ёғиндан тўйинадиган бу дарёлар вилоят ҳудудининг шим. қисми, тоғ ва тоғ олди зоналарининигина сув б-н таъминлай олади, жан.даги кенг текисликларда доимий сув танқислиги кузатилади. Ер ости (артезиан) сувларидан тобора кенг фойдаланилмоқда. 1957—58 й.ларда Учқизил, 1959—62 й.ларда Жан. Сурхон ва Дегрез сув омборлари, Жарқўрғон гидроузели қурилди. Ҳазорбоғ, Дашнобод, Қумқўрғон, Занг каналлари, Шеробод, Аму-Занг машина суғориш каналлари барпо этилди. Тупроғи текисликларда тақирсимон ва шўрхок оч бўз тупроқлар, тоғ ён бағрида турли хил бўз тупроқлар. Ўсимликлар дунёси ҳам табиий шароити б-н боғлиқ. Жан.даги экин экилмайдиган қумлоқ жойларда қандим, оқ саксовул, черкез, тарроқбош, янтоқ, бутасимонлар; дарё бўйларида юлғун, жийда, туранғил, терак, саватич, қиёқ, қамиш; адир ва тоғларнинг пастки ён бағирларида бир йиллик эфемерлар (лолақизғалдоқ, нўхатак); 1200—2500 м баландликларида эфемерлар б-н бирга арча, писта, қайин, тол, ёнғоқ, олма, заранг ўрмонлари учрайди. Бобботоғ тизмаси ён бағирларида республиканинг энг йирик табиий пистазорлари жойлашган. Баланд тоғ зонаси субальп ва альп ўтлоқлари б-н банд. Ҳайвонот дунёси анча бой: бўри, тулки, чиябўри, айиқ, жайран, қобон, ёввойи эчки, архар, тўқайларда буғу, тўқай мушуги, каламуш, қўшоёқ, юмронқозиқ, кўрсичқон, геккон калтакесаги, кўзойнакли илон (кобра), ўқ илон, жайра, қушлардан улар (тоғ куркаси), қирғовул, майна, қалдирғоч, ғоз, ўрдак, сўфитўрғай, чил, каклик бор. Дарё ва сув омборларида ҳар хил балиқ кўп.

Сина қишлоғи.

С.в. ҳудудида *Сурхон давлат қўриқхонаси* жойлашган.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (78%), шунингдек, тожик, рус, туркман, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2004). Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 93,3 киши. Шаҳар аҳолиси 364,8 минг киши, қишлоқ аҳолиси 1509,9 минг киши (2004).

Хўжалиги. Яқин ўтмишда вилоят иқтисодиётида қ.х. етакчи мавқеда эди. Кейинги йилларда янги тармоқлар вужудга келди.

Вилоятнинг табиий географик ўрни қулай, меҳнат ресурслари ҳам етарли.

Саноат и.ч. тенгиз ва олиқ овқат саноати, қ.х. пахта ва бутлов етиштириш, қорамолчилик ва қўйчилик), транспорт (темир й. ва автомобиль транспорти) салмоқли ўрин тутади.

Саноатининг етакчи тармоқлари: пахта тозалаш, пахтани қайта ишлаш корхоналаридир. Йирик саноат корхоналари: «Жарқўрғоннефть» бошқармаси, Шеробод керамика бадиий буюмлар, Денов ёғ экстракция, Сариосиё тош саралаш з-длари, Шўрчи ун к-ти, Жарқўрғон пиширув-тўқув, Термиз тикувчилик ф-калари, Шарғун кўмир, Хўжаикон туз конлари корхоналари ва б. С.в.да 40 та яқин қўшма, 4000 дан ортиқ кичик ва хусусий корхона ишлаб турибди. Жумладан, Афғонистон б-н ҳамкорликда ташкил этилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган «Намаф» ва «Афруз», «Сурхонтекс» ва б. қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ҳиндистон — Термиз «Фармед» қўшма корхонасида маҳаллий гиёҳлар асосида дори-дармон, Туркия—Термиз «Пулат» қўшма корхонасида миллий гиламлар, палослар тайёрланади. Туманларда қ.х. маҳсулотлари қайта ишланадиган кичик корхоналар, цехлар ташкил этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, пиллачилик, лимончилик. Тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан, буғдой ва арпа) б-н шуғулланилади. Ўзбекистонда энг кўп ингичка толали пахта С.в.да тайёрланади. Вилоятнинг тоғолди туманларида боғдорчилик ва токчилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол, қўй (қоракўл ва ҳисор қўйлари), эчки, йилқи, парранда, қуён боқилади. Жаҳон мўйна ва тери аукционларида жуда қадрланадиган «Сурхон сури» қоракўл териси етиштирилади.

Деҳқончиликда фойдаланадиган ерлар майд. 284,3 минг га, шундан суғориладиган ерлар 271,6 минг га, шу жумладан, 120,8 минг га ерга пахта, 129,7 минг га ерга дон экинлари, 9,1 минг га ерга сабзавот, 1,8 минг га ерга полиз, 5,5 минг га ерга картошка, 16,2 минг га ерга ем-хашак экинлари экилади. 33,5 минг га ер кўп йиллик дарахтзорлар, 12,7 минг га ер мевазор, 5,2 минг га ер тутзор, 15,1 минг га ер токзорлар б-н банд. 854,2 минг га ерни яйловлар эгаллаган. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида коллектор-дренаж тармоқлари қурилган. Вилоятда 151 ширкат, 4715 фермер хўжаликлари бор. Вилоят жамоа ва шахсий хўжаликларида 487,2 минг қорамол (шу жумладан, 227,7 минг сигир), 1042,0 минг қўй ва эчки, 1052,5 минг парранда, 12,2 минг от боқилади (2004).

Сурхондарё вилояти ҳокимияти биноси.

Транспорти. Вилоятда т.й. транспортининг салмоғи катта. Сурхондарёда дастлабки т.й. 1915 й.да (Когон—Термиз) қурилган. Бу вилоятни бошқа региолар б-н боғлайдиган дастлабки муҳим йўл бўлди. 1925 й.да 248 км ли Термиз—Душанба т. й.ни қуришга киришилди. Бу йўлнинг қурилиши Термизни Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари — Тошкент ва Душанба б-н боғлади. 1971 й.га келиб С.в.ни Тожикистоннинг жан. туманлари б-н боғловчи Термиз—Қўрғонтепа — Яван т.й.нинг қуришга киришилди. Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон т.й.нинг қурилиши якунланмоқда. Амударё устидан Ҳайратон т.й. кўприги қурилган. Вилоят ҳудудидан Москва — Душанба, Ашхобод — Душанба т.й.лари ўтган. Термиз — Тошкент, Термиз — Аму-Занг, Термиз — Сариосиё, Термиз — Болдир йўналишларида поездлар қатнайди. Шунингдек, Термиз орқали Душанба — Астрахон, Душанба — Конибодом, Қўрғонтепа — Конибодом, Кўлоб — Астрахон йўналишларида поездлар қатнайди. Вилоятдаги т.й.ларнинг уз. 300 км.

Вилоятнинг ички транспорт алоқаларида автомобиль йўлининг аҳамияти жуда муҳим. С.в.даги қаттиқ қопламали автомобиль йўлларнинг уз. 2,7 минг км. Вилоятнинг асосий автомобиль йўли —*Катта Ўзбекистон тракти*. Автомобилда мамлакатлараро юк ташиш хизмати корхонаси юкларини қўшни Афғонистонга етказиб бермоқда. С.в.нинг йирик шаҳарлари (Термиз ва Денов)дан бир қанча хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг ички туманларига автомобиль транспорти қатнайди. Термиз — Қарши, Термиз — Ҳайратон (Афғонистон), Термиз — Душанба, Термиз — Тошкент, Денов — Қарши, Денов — Шаҳрисабз, Денов — Ғузор, Денов — Урганч, Денов — Самарқанд йўналишлари шулар жумласидан.

Сина Оталиқ мадрасаси.

Кампиртепа. Қадимги шаҳар харобаси.

Термиз шаҳрининг умумий кўриниши.

С.в.да республикада ягона бўлган Термиз дарё порти жойлашган. Термиз ва Сариосиёда аэропорт бор. Термиз аэропортидан Тошкент, Москва, Ашхобод, Олмаота, Самарқанд, Наманган, Бухоро, Андижон ва б. йўналишларда йўловчилар ташувчи самолётлар қатнови йўлга қўйилган.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. Сурхондарё водийси илк ибтидоий одамзод макон топган жой сифатида таърифланади. Бойсун тизмаларидан ўрта палеолит даврига (мил. ав. 100—40 минг й.лик)ларга) оид ибтидоий одам манзилгоҳларининг қолдиқлари топилган.

Сурхондарё тоғларида тош даврининг сўнгги босқичи—юқори палеолитга (мил. ав. 40—12 минг йиллик)лар) доир топилма ҳам кўп. Шулардан бири Тешиктош унгуридан қазиб олинган 8—9 яшар бола суякларидир (антрополог М.М. Герасимов томонидан қиёфаси тикланган). Ушбу топилма «неандерталь одам» номи б-н машҳур бўлиб Ўзбекистоннинг, умуман, Ўрта Осиёнинг ҳоз. замон одами (кроманьон) шаклланиш минтақина тааллуқли жойнинг исботланиш далил бўлди. Воҳада қад. маданиятга мансуб *Аўритом*, *Лагарчинтепа*, *Холчаён*, улан кейинги даврларга оид *Сопаллитепа*, Мирзоли, Мўлали, *Калипиртепа*, *Жарқўрғон*, *Болаликтепа* ва б. археологик ёдгорликлар топилиб ўрганилди.

«Алпомиш» дам олиш мажмуаси.

Кўҳитанг тоғларида аниқланган Зараутсой қоятош расмлари мезолит ёки неолит даврига тегишли. Зараутсойдаги гор шифтлари ва деворларида охра бўёғи ёрдамида расм чизилган. Расмларнинг асосий қисми сиёвойи буқаларни сеҳр-жоду йули б-н овлаш манзарасини акс эттиради (қ. *Зараутсой расмлари*).

Мил. ав. 2-минг йилликнинг 1-ярмида ҳоз. Ўзбекистон жанубига Амударё сўл соҳилидан келган қабилалар Кўҳитанг ва Бойсун тоғолди ҳудудларини ўзлаштириб Сопаллитепа, Жарқўтон, Мўлалитепа аҳоли манзилгоҳларига асос солдилар.

Мил. ав. 329—327 й.ларда вилоят ҳудуди македониялик Искандар томонидан босиб олинган. Кейинчалик Салавкийлар давлати таркибига кирган.

Ўрта асрларда *Буюк ипак йўли*нинг бир тармоғи Сурхондарё (Термиз) орқали ўтган.

Кушон подшолиги ҳудудига кирган *Далварзинтепа* ва Холчаёнда ўтказилган археологик қазишмалар, Эски Термиздан топилган Будда ибодатхоналари шаҳарларнинг нақадар ривожланганлигини кўрсатади. Бу даврда ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигининг тараққий топиши, товар-пул муносабатларининг ривожланиши, меъморчилик, монументал ҳайкалтарошлик, рассомлик ва б. санъатларнинг юксалиши кузатилади.

С.в.нинг ҳозирги ҳудуди, 3—4-асрларда Кушонлар давлати парчаланиб кетгач, эфталитлар давлати, 5—8-асрларда Тохаристон таркибида, кейин Турк хоқонлиги қўл остида бўлди.

661 й.да арablар дастлаб Чағонён ва Термизга ҳужум қилиб бу шаҳарларни фақат 8-асрнинг 2-ярмидагина тўлиқ босиб олишга эришдилар. Ўзбекистон жанубидаги ерлар 11-асрда Чағонён давлати қўлида бўлган. 11-асрда Чағонён ва Термизни эгаллаш учун Ғазнавийлар ва Қорахонийлар ўзаро курашганлар. Термиз Ғазнавийлар давлатига қўшиб олинади, сунгра Хоразмшоҳлар давлати таркибида бўлади. 1220 й.да мўғуллар босиб олди. 1370 й.дан Амир Темур салтанати таркибига кирди. Сурхондарё қадимги тарихи, қад. маданияти, ёдгорликлари ўта машҳур.

Сурхон воҳисидаги олимларнинг кўпчилиги «Термизий» тахаллуси б-н ном чиқарганлар. Улар, тарих, теология, фалсафа, ҳуқуқшуносликка оид асарлари б-н танилган. Ал-Ҳаким ат-Термизий, Шаҳобуддин Собир Термизий, Муҳаммад ибн Ҳамид Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий ва б. алломалар шу воҳадан етишиб чиққанлар. С.в.да машҳур санъаткорлар, бахшилар, халқ артистлари, рассомлар вояга етган.

Вилоятда 2003/04 ўқув йилида 827 умумий таълим мактаби, 2 интернат мактаби, Меҳрибонлик уйи, 18 лицей, 4 гимназияда 517,5 минг ўқувчи таълим олди. 2003 й.да «АКСЕЛС» халқаро ташкилотининг «Ўқишга аълочилик дастури» танловида вилоятнинг ғолиб чиққан ўқувчилари ўқишни хорижда давом эттирмоқдалар. 2004 й.да ҳам таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилиб «АЙ-РЕКС» халқаро ташкилотининг «Бутун олам Сизнинг синфингизда» танловида Термиз тумани ўқувчилари республика ғолиби бўлишди.

1998—2003 й.ларда 35 та касб-ҳунар коллежи ва 2 академик лицей қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу ўқув муассасаларида 80 дан ортиқ мутахассислик бўйича таълим-тарбия берилмоқда. Вилоятдаги 5- ўқув юртида 9,9 минг ўқувчи ўқийди. 16 болалар мусиқа мактабида 1443 ўқувчи, 1 олий ўқув юрти (Термиз давлат ун-ти)да 6,5 минг талаба билим олмоқда. С.в.да Шредер номидаги боғдорчилик, токчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-тининг Жан. Ўзбекистон субтропик ҳамкорлар селекцияси ст-яси филиали кузатилади. Сурхондарё археология музейи, Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи, мусиқали драма театри, болалар кўғирчоқ театри мавжуд. 413 ҳамма кутубхонаси (китоб фонди 3,6 млн нусха), 146 клуб муассасаси, 2 маданият ва истироҳат боғи, болалар боғи, *Термиз ҳайвонот боғи*, спитак мажмуи, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят услубий маркази бор. 4 халқ драма театри, 2 кўғирчоқ халқ театри, 10 ашула ва рақс ансамбл, 6 фольклор-этнографик халқ ансамбллар гуруҳи ва б. маданий муассасалар ишлаб турибди. Жумладан, Бойсун туманидаги «Шалола», Шурчи туманидаги «Кумуш тола», Узун туманидаги «Ровот» ашула ва рақс халқ ансамбллари Буюк Британия, Туркия, Афғонистон ва Хиндистонда бўлиб ўтган халқаро фестивалларда иштирок этишган.

С.в.да Ўзбекистон халқ рассоми Рузи Чориев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. *Раҳимов*, Ўзбекистон халқ бахшилари Ш. *Бозтаев* ва А. *Йўлдошев*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими А. Иброҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Г. Равшанова, Р. Мамадалиев, Ҳ. Орипов, М. Маҳмудова, А. Нарзуллаев, Ғ. Миркўрбонов, С. Қосимова, Н. Аллаяровлар вояга етганлар.

Вилоятда «Бойсун баҳори» халқаро фольклор-этнографик фестивали ўтказилиб борилади. 1999 й.да «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, 2002 й.да Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди.

Соғлиқни сақлаш. Вилоятда 92 касалхона (8715 ўрин), 366 поликлиника, амбулатория ва б. тиббий муассасалар, 179 аёллар консультацияси, 225 болалар поликлиникаси ва хоналари, 149 қишлоқ врачлик пункти, 398 фельдшер-акушерлик пункти, 19 қишлоқ участка касалхонаси, 73 қишлоқ врачлик амбулаторияси мавжуд. Ушбу тиббий муассасаларга 4,2 минг врач (ҳар 10 минг аҳолига 24 врач), 17,6 минг ўрта тиббий ходим ишлайди.

Ҳаким ат-Термизий мемориал мажмуасига кириш дарвозаси.

Давлат дастурига асосан вилоятда Давлат шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Термиз бўлими (140 ўрин) ва барча туман марказий касалхоналари қошида унинг бўлимлари (340 ўрин) ташкил этилган, ҳамда зарурий тиббий ва техник жиҳозлар ўз-н таъминланган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ўз фаолиятида АҚШнинг Прожект Хоуп, Каролифт Интернейшнл, Каунтерпарт Интернейшнл ташкилотлари ўз-н узвий алоқалар боғлаган.

Ўрта Осиё халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД) томонидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси системасидаги ташкилотлар ва нодавлат ташкилотлари ўз-н ҳамкорликда янги даволаш ва профилактика усулларини қўллаш, оила касаллигини даволаш ва уни олдини олиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда ташкил этилган нодавлат муассасалар сони 75 та. С.в.да Хонжиза дам олиш уйи, «Жайрахона», «Учқизил» бальнеологик курорти, болалар ревматология санаторийлари, Денов туманидаги «Ҳазорбог» санаторийси ишлаб турибди.

Спорт. С.в. спортчилари спортнинг кўпгина турлари бўйича ҳар хил даражадаги мусобақаларда иштирок этмоқдалар. Улар (кураш, дзю-до, волейбол, футбол, теннис, бокс ва б.). Сурхондарёдан кўплаб спорт усталари, жумладан, Олимпия ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионлари, Халқаро спорт усталиги соҳиблари етишиб чиққан. Ҳаким ат-Термизий номидаги халқаро курашлар, Ўрол Тўраев, Рустам Эргашев, Эргали Мамарасулов, бир қанча халқаро турнирлар ғолиби, Анталия мусобақаси жаҳон чемпиони Маҳтумқули Маҳмудов, дзю-до бўйича Осиё чемпиони, кураш бўйича халқаро турнирлар ғолиби Абдулла Тангриев каби машҳур спортчилар етишиб чиққан. С.в.да замонавий спорт иншоотларидан «Кураш саройи», стадион, «Дельфин» сув ҳавзаси, «Алпомиш» спорт мажмуи, турли даражадаги халқаро мусобақалар ўтказиладиган теннис корти мавжуд. С.в.да болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади (2004).

Адабиёт. Сурхондарё қадимдан шоир ва уламолар, бахшилар тўпланган воҳалардан биридир. Бу заминда халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт ривожланиб келган. «Алпомиш» достони яратилган макон сифатида шу воҳада байрам қилиниши, 40 дан ортиқ «Термизий», 10 дан ортиқ «Чағонийлар» тахаллуси б-н ижод қилган алломаларининг илмий-адабий мероси бунга тўлиқ исботлайди.

Эски Термизда ислом назариётчиси, муҳаддис ал-Ҳаким ат-*Термизий* яшаб ижод қилган. «Илал аш-шариат ва хатм ул-Аслиёт» асари ислом назариётчилари томонидан энг кўп эслатиладиган китоблардан бири. Бошқа муҳим

Сурхон-Канада қўшма корхонаси.

Жарқўрғон ип-газлама комбинати.

Термиздаги «Курash» саройи ва теннис корти.

асарлари «Китоб ан-наҳи» («Йўриқнома китоби»), «Китоб ал-фуруҳ» («Оллоҳдан қўрқувчилар ҳақида китоб»), «Наврўзнома Хожа Ҳаким Термизий».У Абу Али ал-Жузжоний, Абу Бакр Варроқ ва б. машҳур олимлар устозидир. Андалусиялик йирик исломшунос Муҳиддин ибн ал-Арабий (1165—1240) ўзини Ҳаким Термизийнинг шогирди деб ҳисоблаган.

С.в.да яшаган машҳур муҳаддис Имом *Термизий* ҳадисларни тўплаб бир қанча асарлар яратган. «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» ёки «Сунани Термизий», «Китоб ал-илал», «Китоб аз-зуҳд» ва б. шулар жумласидандир. У Имом *Бухорий*нинг машҳур шогирди ва издоши ҳисобланади.

Сурхондарёнинг Олтинсой ҳудудида тасаввуф илмининг пирларидан бўлган *Сўфи Оллоёр, Хўжаипок ота* (асл номи — Абдураҳмон бин Авф Абу ал-Курайший аз-Зуҳрий), Саид ибн Ваққос, Мавлоно Зоҳид Халифа бобо кабиларнинг ҳоклари бор.

Сурхон воҳасида 10—12-а.ларда яшаб ўтган Дақиқий, Фарруҳий, Адиб Собир Термизий каби йирик шоирлар машҳур.

Чингиз босқини таназзулидан кейин, 16—19-а.лардан яна Термизий тахаллуси б-н бир туркум шоирлар пайдо бўлди. Улар Умар ат-Термизий ас-Суфий, Мавлоно Қулсий Термизий Маҳжуб, Хожа Самандар Термизий, Абдуллоҳ Термизий, Тақий Термизий, Сўфи Оллоёр ва Масиҳо Бойсунийлар эди.

Денов тиббиёт коллежи.

Воҳанинг қад. *Шеробод достончилик мактаби*дан ўзбек достончилигининг машҳур ижрочилари етишиб чиққан, айни шу мактаб Нурота ва Булунғур достончилик мактабларига ҳам ижобий таъсирини ўтказиб турган. 18-а.да бу мактабдан Бобо шоир, Қосим оқинлар, 19-а.да Олим бахши, Ҳолёр бахши, Ниёзали бахши, Шерна бахшилар, 20-а.да эса Шотўра бахши, Мардонақул бахши, Мамарайим бахши, Бўрибой бахши Аҳмедов, Юсуф Ўтаган ўғли, Чоршанба бахши Раҳматулла ўғли, Тошмурод бахши, Хушбоқ бахши Мардонақул ўғли, Қора бахши, Шоберди бахши Болтаев, Бобораҳим бахши Мамарайим ўғли, Абдуназар бахши, Шодмон бахшилар етишиб чиққан. Булардан энг истеъдодлилари «Алпомиш» ва «Гўрўғли» туркумларни достонларни мукаммал биладиган Бобо шоир, Шерна бахши, Мардонақул Авлиёқул ўғли ва Чоршанба бахши Раҳматуллалдир.

20-а.нинг 50—80-йилларида Шукур Холмирзаев, Раъно Узоқова, Эркин Аъзам, Саттор Турсунов, Тешa Сайдалиев, Карим Маллаев, Исомиддин Отақулов, Менгзиё Сафаров, Озод Авлиёқулов, Усмон Азим, Низомжон Парда, Юсуфжон Валиэода, Исмат Норбоев, Шафоат Раҳматулло Термизий, Тоғай Мурод, Болтажон Солиқов, Ҳуррам Мақсалқулов, Сирожиддин Саййид, Ғузом Эгамшукур, Болта Ёриев, Нарзулла Суфиев, Арбоб Чош, Эшқобил Шукур, шоир ва педагог Холмуҳаммад Қулиёзов, Нодир Норматов, Мирзо Кенжабек, 20-а.нинг кейинги йилларида Номоз Эргашев, Зоир Мамажонов, Гуландом Толарида севги, яхшилик, меҳр-оқибат, адолат туйғулари, шунингдек, воҳа кишиларининг ҳаёт ташвишлари, меҳнат жумушлари, урф-одат ва анъаналари муҳим ўрин эгаллаган.

С.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Матбуот, радиоэшиттириш ва телевидениеси. С.в.да 3 вилоят газ., 14 туман газ. чиқади. Вилоятда, шунингдек, 13 тармоқ ва 2 та хусусий газ. нашр этилади. Жами 32 номдаги газ. чоп этилади (2004).

Биринчи радио эшиттиришлар 1954 йдан бошланган. Вилоят радиоси кунига 1 соатлик ҳажмда эшиттиришлар беради. 2003 й. февдан бошлаб С.в. радиотелевидение ўзагини марказий муассасаларидаги «Сурхон садоси» радиоси фаолият кўрсатади. Ҳар куни 15 соатлик радио эшиттиришлар тайёрланиб, эфирга узатилмоқда. 2003 ноябрь ойидан Сурхондарё радиоси қошида «Янги аср» радиостудияси фаолият кўрсата бошлади. Кунига 8 соат эшиттиришлар тайёрланиб эфирга узатилади.

Вилоятда 1 давлат ва 4 тармоқ ва нодавлат телевидениелари мавжуд. 1990 йдан буён фаолият кўрсатаётган Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг кунлик кўрсатувлари ўртача 3—4 соатни ташкил этади.

«Ишонч» телекомпанияси 1997 йдан буён фаолият кўрсатиб, айни пайтда ҳар куни 3 соатлик кўрсатувлар беради.

«АТР Денов» ва «Шеробод» телевидениелари 1995 йдан фаолият кўрсатиб, «Шеробод» телевидениесининг кунлик кўрсатувлари 1 соатни, «АТР Денов» телевидениеси кўрсатувлари 1.5 соатни ташкил этади.

Меъморий ёдгорликлари. Вилоятдаги 359 тарихий ёдгорликлардан 294 таси археология, 26 таси меъморий, 39 таси монументал санъати ёдгорликларидир. Термиз ш.нинг 2500 йиллик юбилейи муносабати б-н 2001—02 йлларда вилоятдаги бир қанча тарихий обидалар ва археологик ёдгорликларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. С.в.даги ёдгорликлар ўзининг қадимийлиги б-н машҳур. Хуросон меъморлик анъаналарида қурилган машҳур *Жарқўрғон минораси* (1108—09 йлар), *Султон Саодат мажмуаси* (10-а., 15—17 асрлар), Деновдаги Чағониён давлати қалъаси қолдиқлари (15-а.), Ҳаким ат-Термизий мажмуоти (11—15-а.лар), Эски Термиздаги *Зурмала минораси* қолдиқлари (2-а.), Термиз атрофидаги *Кокилдор хонақоҳи* (16-а.) ва б. шулар жумласидан.

ЎзМЭ 7-жилдининг 656—657-бетлари орасидаги Сурхондарё вилоятининг табиий ва иқтисодий рангли харитасига қ.

Ад.: Ртвеладзе Э., Аминов М., Сурхондарё, альбом [проф. Н.Тухлиев таҳрири остида], Т., 1996; Рўзиев А. Н., Сурхондарё вилояти, Т., 1996; Пугаченкова Г. А., Очиқ осмон остидаги музей, Т., 1981; Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б., Сурхондарё тарихи, Т., 2004.

Нурислом Тухлиев.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ, Термиз археология музейи — Марказий Осиёда илмга бўлиб, Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш муносабати б-н ташкил этилган (1998). Музей биноси 100 минг экспонатни ўз ичига олувчи 10 та зал ва ҳовлидан иборат. Музей фондларида сақланаётган 8430 та археология фондига тегишли 8430 та, нумизматика фондига тегишли 5000 та экспонат музей ҳисобига ўтказилган. Ҳозирги кунга келиб, 10 мингдан ошиқ археологик ашёлар топилмалар, 9000 дан ортиқ нумизматика фондига оид турли даврларга хос тангалар мавжуд. Музей фондларидаги экспонатларнинг умумий сони қариб 20 мингга етди. 16 минг асар сақланадиган илмий кутубхона фонди ҳам музей таъсарруфида (2004).

Музей биноси устунли пешайвон (талерея) тарзида қурилган. Кирини залидан кўргазмалар қўйилган қуйидаги 9 та залга ўтилади: 1) Сурхон воҳаси тош даврида (мил. ав. 100—3-минг йилликлар); 2) Сурхон воҳаси эса даврида (мил. ав. 3—1-минг йиллик бошлари); 3) Қад. Бақтрия маданияти (мил. ав. 1-минг йиллик бошлари — мил. ав. 4-а.); 4) Бақтриянинг македониялик Искандар ва эллинистик давлатлар даври маданияти (мил. ав. 329 й. — мил. ав. 2-а. ўрталари); 5) Қад. Бақтриянинг Кушон даври маданияти (мил. ав. 1 — мил. 3-а.лар); 6) Шим. Тохаристон илк ўрта асрлар даврида (мил. 4—7-а.лар); 7) Шим. Тохаристон ривожланган ўрта асрлар даврида (9—12-а.лар 1-чораги); 8) Термиз ва Чағониённинг Амир Темур ва темурийлар даври маданияти (1370 й. — 16-а. бошлари); 9) Сурхон воҳаси 16—20-а. бошларида.

Залнинг ўртасида пульт б-н бошқариладиган Сурхондарё вилоятининг топографик рельефи, археологик ёдгорликлар харитаси, тўрда эса кўҳна Термиз ш. қалъасининг лойиҳаси қўйилган. С.в.а.м. базасида 2002 й.нинг ноябрда Ўзбекистон музейларининг илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Музей халқаро миқёсда ўтказиладиган кўргазмалар, анжуманларда ноёб экспонатлари б-н қатнашиш имкониятига эга.

Сайид Шоназаров.

Сурхондарё вилояти археологияси музейи.

Сурхондарё театри биносининг олд кўриниши.

СУРХОНДАРЁ ТЕАТРИ. Манион Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри — Ўзбекистоннинг етакчи театрларидан бири. 1935 й. 5 ноябрда Афандихон *Исломов* саҳналаштирган «Ғолибият» спектакли б-н Термиз шаҳрида очилган. Тошкент ёш томошабинлар театридан келган бир гуруҳ санъаткорлар театр асосини ташкил қилдилар. Театр директори этиб Р.Бобожонов, бош реж. А. Исмоилов, бош рассом Н.Т.Малишевскийлар тайинланди. О.*Фаёзова*, М. *Ҳамидова*, К. *Муслимова*, З. Олимов, Т .Зоҳидов, М. Умарова, Х. Аъзамов, Н. Азизов, Қ. Тулганов ва б. театрнинг илк актёрларидир. Жарқўрғон к-з—с-з театри ҳам С.т.га бирлаштирилди (1936). 30-йилларда театр репертуаридан ўзбек драматургиясининг ижтимоий ҳаёт, коллективлаштириш, гуруҳ кучларга қарши кураш руҳида ёзилган асарлари ўрин олди: «Рустам» (У. Исмонлов), «Гулсара» (К.Яшин), «Уйғониш» (Н.Сафаров), «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Аршин мол олди» (У. Ҳожибеков), «Фарҳод ва Ширин» (А. Навоий) ва б.

Театр 2-жаҳон уруши йилларида оғир синовдан ўтди. Театр жамоасининг бир қисми урушга жўнади. Нишон Ҳодиқметов, Обид Рихсиев, Обид Иброҳимов, Қаюм Тўлаганов, Муҳаммад Шермуҳамедов, Нурмат Азизов каби санъаткорлар жанг майдонларида ҳалок бўлдилар. Фронт ортида қолган қисми — З. Олимов, А. Олимова, Ҳ. Муҳиддинов, Х. *Бобохонова*, Т. Латипова, А. Толипов, М. Ҳамидова, О. Фаёзова, К.Муслимовалар эса турли даврларда асарлар саҳналаштирдилар: «Фронт» (А. Корнейчук), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза), «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла), «Нурхон», «Офтобхон» (К.Яшин) ва б.

1942 й. театр репертуарини яхшилаш мақсадида Денов к-з—с-з театри С.т.га қўшилди. 1943 й. да театрда студия очилди. Театр жамоаси рус ва украин реж. ва актёрлари б-н ижодий мулоқотда бўлди. Уруш йиллари улар Термиз ш.га эвакуация қилинган эди. Харьков оперетта театри артист ва режлари Термиз театри қошидаги ўзбек студиясига мураббийлик қилдилар. «Уйланиш» (Н.Гоголь), «Скапеннинг найранглари» (Ж.Мольер), «Она» (Уйғун), «Ёриштош» (Ш. Саъдулла), «Муҳаббат» (Туйғун), «Ота рози» (Ҳ. Ғулом), «Муҳаббат гунчаси» (F.Мухторов) каби спектакллар б-н театр репертуари бойиди.

1948 й.да иқтисодий қийинчиликлар туфайли театр вақтинча Бухоро театрига қўшиб юборилади.

1957 й.да театр қайта тикланиб, Сурхондарё вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри деб номланди. Вилоят бадиий ҳаваскорларидан тузилган театр ижодий жамоаси дастлабки йилларда томошабинларга манзур спектакллар ярата олмади. 1958 й. аввалларг Термиз театрида ишлаган Ҳ. Бобохонова, Ҳ. Муҳиддинов (Каттақўрғон театридан), С. Нурматов, А. Раҳматов, Н. Пардаев ва б. театрга таклиф этилди. Айни бир пайтда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатганлардан А. Қосимов, З. Солиева, С. Лутфуллаев, Э. Каримов, Р. Каримова, А. Номозовлардан иборат истеъдодли ёшлар келиб қўшилишди. Театр қисқа вақт ичида ўз репертуарини яхшилади. «Биринчи муҳаббат» (Х. Вохит), «Хавфли учрашув» (И. Стаднюк), «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Нурхон» (К. Яшин), «Пилла ая» (Туйғун), «Олтин болта», «Гули сиёҳ» (С. Жамол), «Дўстлар», «Қотил» (Уйғун), «Зарафшон қизи» (Д. Файзий) каби спектакллар муваффақият қозонди.

Сурхондарё театри: «Ўлим ҳалқаси» ва «Хотинимнинг уч ошиғи» спектакларидан кўриниш.

«Гулсара» (К. Яшин), «Қотил она» (И. Аҳмедов), «Аяжонларим» (А. Қаҳҳор), «Ҳижрон алангаси» (З.Фатхуллин), «София таронаси» (Хугаев), «Вьетнам тонги» (Г. Ким), «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Қизбулоқ фожиаси» (Т. Тўла), «Беш кунлик куёв» (Шуҳрат), «Сирли кун» (Д. Валиев), «Сепсиз қиз» (А. Островский), «Момо ер, (Ч.Айтматов», «Бир ўликка бир тирик» (А. Иброҳимов) каби тўлақонли спектакллар б-н ўз мавқеини янада мустаҳкамлади. 1974 й. театр жамоасига М. *Абдуқундузов*, З. Отабоева, К. Бурҳонов, Э. Абдуқодиров, Д.Солиҳова ва б. келиб қўшилди. 1977 й. театр жамоаси оталиғида Жарқўрғон, Музработ, Узун халқ театрлари очилди.

1978 й. театрга Маннон *Уйғур* номи берилди. Ўша йили театр жамоаси рус тилида спектакллар қўйди («Куёв ва келин», «Майсаранинг иши», «Ҳамма билан биргаликда», «Аёллар ҳаётидан» ва б.).

Мустақилликдан сўнг бу театр саҳнасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Кўпроқ тарихий мавзуга, маҳаллий драматургияга эътибор кучайди, комедиялар, эртак-спектакллар, ўзбекона урф-одатларга қурилган асарларга кенг ўрин берилди: «Қамашган кўзлар» (И. Отақулов), «Юлдуз сўнди» (Н.Ҳайитқулов), «Адиб Собир Термизий» (Н. Пардаев), «Садоқатли арвоҳ» (Х. Мақсадқулов), «Олифта» (Ф. Мусажонов), «Узоқдан келган куёв» (Х. Расул), «Темир хотин» (Ш. Бошбеков), «Хотинлар ҳазили» (Ҳ. Муҳаммад), «Жононга бордим бир кеча» (Ҳамза), «Қорбобо ва ялмоғиз» (И. Ниёзматов), «Сеҳрли узук» (М. Қодиров), «Ўчмас чироқ», «Ўлим ҳалқаси» (М. Бобоев), «Уйқусиз тунлар» (Р. Орифжонов), «Осмонсиз уй» (Ш. Пардаев) ва б. Х. Бобохонова, М. Маҳмудова, Р. Маматалиев, А. Номозов, А. Нарзуллаев, Г. Равшанова, Й. Мирқурбонов, Ҳ. Орипов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бош режи ва бадиий раҳбари — *Мансур Равшанов* (2004).

Шомат Саматов.

СУРХОНДАРЁ-ҚАШҚАДАРЁ МУСИҚА УСЛУБИ — ўзбек анъанавий мусиқасининг маҳаллий услубларидан бири. Мазкур ҳудудда яшаётган халқнинг этник таркиби, келиб чиқиши, тарихан қарор топган ижтимоий-иқтисодий шароитлари ушбу услубнинг ўзига хослигини белгилади. Жумладан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўзбек аҳолисининг кўпчилик қисми азалдан ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, асосан чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланаётганлиги сабабли айнан шу жараёнларга боғлиқ халқ қўшиқлари салмоқли ўрин тутади. Мас., Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида кам учрайдиган «соғим қўшиқлари» («Хўш-хўш», «Турей-турей», «Чурей-чурей») соғилаётган жониворларни тинчлантириш, эркалаш ва уларни ийдириш мақсадларида кенг қўлланилади. Деҳқончилик б-н боғлиқ қўшиқлар эса ер ҳайдаш («Қўшчи қўшиғи», «Шох мойлаш», «Қўш ҳайдаш»), ҳосилни ўриш («Ёзи»), хирмонда бугдой ёки арпани янчиш («Майда»), баҳор келиши («Наврўз» ва б.) ва б. пайтларда қўйланади. Айниқса, турли йиғин ва тўйларда эркаклар томонидан ижро этилаётган «қарсак» («бешқарсак») давра ўйин қўшиқлари машҳур. Анъанавий мусиқа чолгулари эса асосан чўпонлар ижодига хос *сибизга*, ғажир най, аёллар томонидан кенг қўлланиладиган *чанеқўбиз*, бахшиларга жўр бўлган *дўмбира* (яқин ўтмишда — *қўбиз*) б-н чегараланган. Мусиқа ҳаётида бошқа ҳудудлардан фарқли ўлароқ бахши-шоирлар ва дўмбиракашлар асосий ўрин тутади. Дўмбирада ижро этилаётган чўпонлар меҳнати б-н боғлиқ чолгу куйлар («Чўпонча», «Қўйларни сулраш», «Қўйларни йиғиш», «Чўпонни чақириш» каби), достон куй («Бахши куй»)лар кенг тарқалган. Бахшилар ижодидаги «*Алпомиш*», «*Гўрўғли*» каби қаҳрамонлик достонлари ҳамда турли мавзудаги *термаларнинг* ижросида махсус «ички овоз» услуби қўлланилади. С.-Қ.-м.у.да достончиликнинг 2 йирик маркази — *Шаҳрисабз достончилик мактаби* ва *Шеробод достончилик мактаби* шаклланган. Сўнгги даврларда бошқа маҳаллий мусиқа услубларига хос мусиқий анъаналар (мас., мақом ижрочилиги санъати) ҳам ёйила бошлаган. Ҳозирда С.Қ.м.у. кўпгина фольклор-этнографик ансамбллар («Шалола», «Бойсун» ва б.), эстрада хонандалари (М.Номозов, С. Қозиева) ижодига асос бўлмоқда, бахшилар танловлари, 2002 й.дан ўтказиладиган «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали орқали жаҳон саҳнасига чиқмоқда.

Ад.: Кароматов Ф., О локальных стилях узбекской народной музыки, М., 1964.

Оқилхон Иброҳимов.

«Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивалидан лавҳа (2004).

СУРХОНДАРЁ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ — 2001 й. 26 ноябрда ташкил этилган. Театр «Туяқуш-боёқуш» (П. Мўмин) спектакли б-н очилган (2002). 240 ўринли залига эга. «Дўстлар» (А. Жамол), «Ўрмонда янги йил», «Абдулла қувноқ ҳангомалари» (Т. Қобилов), «Ялмоғизга алла — қуёнвойга тилла» (З. Шамсутлинова шеърлари асосида) каби спектакллар саҳналаштирилди. Театр фойесида рассом Рузи *Чориев* расмлари галереяси жойлашган бўлиб, рассомнинг портрет, пейзаж жанрларига мансуб жами 55 асари қўйилган.

СУРХОН-ШЕРОБОД ВОДИЙСИ — Ўрта Осиёнинг жан.даги тоғ оралиги водийси. Асосан, Ўзбекистонда, шим. шарқий қисмигина Тожикистонга қарайди. Ҳудудининг чекка қисмлари баланд тоғлар б-н ўралган (жан. бундан мустасно), ўрта қисми шим.дан жан.га нишаб текислик.

Водий тектоник ҳаракатлар натижасида вужулга келган. Альп тоғ ҳосил бўлиши жараёнида (неоген ва тўртламчи давр) қад. геологик денгиз ўрнида улкан тоғ тизмалари ва тоғ оралиги водийлари пайдо бўлган. Тоғлардан оқиб тушган дарёлар ўзанларини тобора кенгайтириб ва чуқурлаштириб бориши натижасида турли геологик даврларга мансуб туб жинслари очила борган, чўкмалар эса аккумулятив жинслар б-н тўлдирилган. Водийнинг ҳоз. морфологик тузилишида Ернинг ички (эндоген) кучлари б-н бирга ташқи кучлар — оқар сув, шамол, нураш ва ҳ.к.нинг таъсири ҳам катта бўлган.

Водий мустақил 2 дарё водийси — Сурхон ва Шеробод водийларидан ташкил топган. Ҳар иккала водий меридианал йўналишга эга. Сурхон водийси бир-бирига тенг Қоратоғ ва Тўполон водийлари б-н бошланади. Ҳисор тизмаси музликларидан (бал. 4000 м чамаси) бошланадиган бу водийларнинг уз. 100 км дан ортади. Водийлар бошланишида тор бўлиб, текисликка томон кенгая боради. Улар Қоратоғ ва Сарижўй қишлоқларидан кейин кенг текисликлар бўйлаб давом этиб, Оқостона қишлоғи ёнида (мутлақ бал. 5556 м) ўзаро туташади ва Сурхон водийси номини олади.

Жан., жануби-ғарбий йўналишда 196 км га чўзилган Сурхон водийси Термиз ш. яқинида (мутлақ бал. 302 м) Амударё водийсига туташиб кетади. Сурхон водийсида бир-биридан яққол ажралиб турадиган 4 тагача аллювиал терраса (кўҳна қайир) бор.

Шеробод водийси Чақчар ва Бойсун тоғлари тармоқларининг тугунидан (мутлақ бал. 3700 м) бошланади. Арча ўрмонлари б-н қопланган тоғлар орасидан Қуйи Мочай қишлоғигача жан.-ғарбий йўналишда давом этади. Шеробод водийси қуйи томон кенгайиб, аввал Бойсун тоғларини, сўнгра Шеробод-Сариқамиш қатор тепаларини кесиб ўтади. Тоғлар орасида 175 км га чўзилган бу водий Шеробод ш. яқинида (мутлақ бал. 444 м) кенг текисликка айланади ва яна 40 км га давом этади.

Сурхон-Шеробод водийси яйловларида.

С.- Ш. в.нинг текислик қисми қарийб 200 км бўлиб, шим.дан жан.га томон пасайиб ва кенгайиб боради. Водийнинг нишаби ўрта қисмида 1 км да 1 м, юқори ва қуйи қисмларида камроқ. Водийнинг текислик қисми экин майдонларига айлантирилган.

С.-Ш.в. ўзига хос географик ўрни, рельефи ва иқлими б-н ўрта Осиёнинг бошқа географик р-нларидан бирмунча фарқ қилади.

Иқлими континентал субтропик: қиши қисқа ва илиқ, ёзи узоқ, иссиқ. Рельефининг хилма-хиллиги т-ра режими ва ёғинлар тақсимотига кескин таъсир кўрсатади. Водийнинг энг иссиқ р-нлари унинг жан. қисмларида. Йиллик ўртача т-ра Шерободда 18°, Термизда 17,4°. Ўзбекистондаги энг юқори т-ра ҳам шу ерда (Термизда 49,5°) қайд қилинган. Водийда юқорига томон ҳаво т-раси орта боради: йиллик ўртача т-ра Деновда 15,6°, Бойсуннинг тоғли қисмида 14,5°. Мутлақ баландлик 1200 м дан паст жойларда янв.нинг ўртача т-раси 0° дан юқори. Иссиқ кунлар С.-Ш.в.да эрта келиб узоқ давом этади. Июль ойининг ўртача т-раси текислик қисмида 28—32°, мутлақ бал. 2500 м дан юқори тоғли қисмларида бу даврда ўртача т-ра 17—18° дан пасаймайди. Ёғиннинг йил давомидаги тақсимланиши рельефга, шунингдек, нам ҳаво массаларининг йўналишига қараб турлича. Йиллик ўртача ёғин водийнинг қуйи қисмида 130—150 мм бўлса, Деновда 360 мм, Бойсунда 445 мм, Сангардакда 790 мм.

Бойсун туманининг умумий манзараси.

С-Ш.в.ни тоғлардан бошланадиган дарё ва сойлар сув б-н таъминлайди. Йирик дарёлари: *Сурхондарё* (ирмоқлари Қоратоғ, Тўполондарё, Сангардакдарё, Хўжаипок) ва *Шерободдарё* (ирмоқлари Шўроб, Сайроб, Майдон). Дарёларнинг асосий сув сарфи март—июнь ойларига (60% дан ортиқ) тўғри келади. Дарёлар сув сарфини тартибга солиш мақсадида Жанубий Сурхон, Учқизил, Дегрез сув омборлари барпо қилинган.

Катта захираларга эга бўлган ер ости сувлари ҳам муҳим сув манбаларидир. Ҳоз. вақтда артезиан сувлари ва кориз қудуқлари сувидан қисман қишлоқларни тоза сув б-н таъминлашда, экин майдонлари ва чорва молларини суғоришда фойдаланилмоқда.

С.-Ш. в.нинг тоғли ва тоғолди зоналари сув б-н етарли миқдорда таъминланган. Бироқ кенг текислик қисмида сув танқислиги кузатилади. Водийнинг табиий географик шароитидаги фарқлар, унинг тупроқлари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг географик тарқалишида ҳам акс этган. Водийнинг текислик қисмида пастдан юқорига томон тақирсимон, типик бўз тупроқлар ҳамда қумоқ, шўрхок тупроқ типлари бир-бири б-н ўрин алмашиниб боради. Ёғин кам тушадиган бундай ерларда янтоқ, шувоқ, шўра, бурган, юлғун, турли хил эфемероид ўсимликлар кенг тарқалган.

Аллювиал ботқоқ тупроқли дарё террасалари ва кенг қайирлар, асосан, қамиш, қиёқ, қўға, ажриқ, мия каби ўтлар, тол, турангил, жийда, патта, юлғун каби дарахт-буталардан ташкил топган тўқайлар, чангалзорлар б-н банд. Асосан, типик бўз тупроқлар кенг тарқалган адир ва тоғ олди зонасида (мутлақ бал. 500—1200 м) нўхатак, қашқарбеда, бетага, қўзигул, лолақизғалдоқ, исмалоқ, қўнғирбош, чалов, наъматак каби турли эфемероид ўт ва бутасимон ўсимликлар ўсади. Тоғли қисмида бўз ва жигарранг тупроқ турлари кенг тарқалган. Бу тупроқларда ёввойи арпа, кийикўт, тоғ лоласи, коврак, серпам ерларда қамиш, юлғун, бутасимонлардан дўлана, наъматак, ёввойи бодом, олча, олма, ёввойи ток кабилар аралаш ҳолда ўсади. Ўртача баландликдаги тоғ зонасида (1700—1300 м) арча, писта, ёнғоқ, ирғай, заранглар катта майдонларни эгаллайди. Ундан юқорисини эса субальп, альп ўтлоқлари эгаллаган.

Македон қишлоғи.

С.-Ш.в.нинг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Бўри, тулки, чиябўри, қобон, қуён барча минтақаларга хос. Фақат тоғ ва тоғ олди зоналарида учрайдиган нодир кийик, айиқ, бўрсиқ каби ҳайвонларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Қарға, чумчуқ, чуғурчиқ, сўфитўрғай, лойхўрак, ўрдак, булбул, чил, калхат, лочин, бургут каби қушлар водийнинг ҳамма жойида учрайди. Судралиб юрувчилардан калтакесаклар ва илонлар, тошбақа; кемирувчилардан юмронқозиқ, сугур, дала сичқонлари, бошқа ҳайвонлардан типратикан, жайра, балиқлардан сазан, зоғора балиқ яшайди.

СУРХОН-ШЕРОБОД ҚАТОР ТЕПАЛАРИ — Сурхондарёдаги қатор тепалар. Сурхондарё ва Бойсун ботиқлари орасида жойлашган. Жан.-ғарбдан шим.-ғарб томон чўзилган. Таркибидаги Калиф-Шеробод тепаси (жан.-ғарбда Қорабозор довонидан бошланиб, шим.-шарқда Шеробод дарёсигача давом этган. Тепанинг ўртача бал. 900—1000 м, энг баланд жойи 1126 м. Шеробод дарёсидан шарқда Шеробод-Сариқамиш тепаси бошланади. Унинг шим. қисми деярли меридиан бўйлаб чўзилган. Энг баланд жойи шим. қисмида (1216 м). Шеробод-Сариқамиш тепасининг жан.-шарқида Ҳовдоғ (бал. 557 м), Учқизил (414 м) ва б. тепалар жойлашган бўлиб, уларнинг нисбий бал. 40—100 м. Ҳовдоғ тепалиги Сурхондарё воҳасини Шеробод воҳасидан ажратиб туради. Тепалар жуда емирилган, ён бағирлари кўплаб сой ва жарлар б-н кесилган, уларни кесиб ўтган баъзи дарёлар (Шеробод, Оққопчиғай ва б.) чуқур даралар ҳосил қилган.

Тепалар тектоник жиҳатдан антиклиналь ва брахиантиклинал структуралардир. Улар бўр, палеоген, неоген ва қуйи тўртламчи даврнинг гил, оҳактош, қумтош, доломит, мергель, конгломератлардан тузилган. Тепаларнинг шаклланиши неоген даврида бошланиб, тўртламчи даврда ҳам давом этмоқда. Иқлими кескин континентал, ёғин кам (130—250 мм), сур-қўнғир, бўз тупроқлар тарқалган. Ўсимликлардан шувоқ, шўра, турли эфемерлар ўсади.

Табиий бойликлардан нефть, табиий газ, минерал-термал ер ости сувлари, йил бўйи фойдаланиладиган яйловлар, совуқ ва иссиқ фаслларда чорва моллари сақланадиган ғорлар бор.

Мурод Маматқулов.

СУРЪАТ (мусиқада) — мусиқа асари ижросининг тезлик даражаси. Одатда, асарнинг мазмуни ва умумий характерига боғлиқ ҳолда (муаллиф томонидан) белгиланади. Нота ёзувида 17-а.дан итальянча атамалар б-н лотин алифбосида кўрсатила бошланган. Асосий С.лар (тезланиш тартибида) ларго, ленто, адажио (секин С.лар), анданте, модерато (ўртача С.лар), аллегро, аллегретто, виво, престо (тез С.лар). Дастлаб, баъзи С.лар мусиқа асарларининг мазмун-ифодавийлигини билдирган (мас., аллегро — шух, ларго — вазмин, виво — жонли ва ҳ.к.), уларнинг айримлари ҳозиргача шу маънони сақлаган. Баъзан, С.лар барчага маълум жанрлар инъикоси сифатида ҳам кўрсатилади (мас., марш, вальс, полька ва ҳ.к. С.ида). Баъзан махсус номи бўлмаган, лекин айни шу С.даги пьеса ёки унинг мустақил қисмларининг номи бўлиб хизмат қилиши мумкин (мас., соната аллегроси). Аниқ С. муайян вақт (одатда, бир дақиқа) давомида ижро этилаётган метр ҳиссаларининг сони б-н кўрсатилади. С.ни аниқ ўлчаш учун (мас., оғзаки анъанадаги мусиқа асарларини нотага олишда) метроном ишлатилади.

СУС — Тунис шарқий соҳилидаги шаҳар, Сус вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 100 минг кишига яқин. Транспорт йўллари тугуни. Ўрта денгиз соҳилидаги порт. Ёғ-мой, тўқимачилик, металлсозлик саноати корхоналари, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш з-ди бор. Кустарь усулда сахтиён тери ишланади. Ҳунармандчиликда тўр, кашта, гилам тўқилади. Археология ва ислом санъати музейлари бор. Шаҳарга мил. ав. 11-а.да асос солинган. 7-а. охиридан араблар қўл остида. 8—9-а.ларда қурилган меъморий ёдгорликлар, хусусан, Катта масжид (9-а.) сақланган. Курортлар бор. Туризм ривожланган.

СУС ХОТИН — мавсум-маросим қўшиғи; фольклор жанри. Қурғоқчилик муносабати б-н ёмғир чақириш маросимида айтилган. Ўрта Осиё, Кавказ ва б. халқлар ўртасида учраган. «Сўз хотин», «Сут хотин», «Сув хотин» деб ҳам юритилган. Қўшиқ, асосан турликлардан иборат бўлиб, бармоқ тизимидаги етти ҳижоли вазнда яратилган, матнида мурожаат, хитоб оҳанглари ҳукмрон. «С.х.»да ўзбек халқининг узоқ ўтмишдаги меҳнат тажрибалари, орзу-истаклари бадиий шаклда ифодаланган. Ҳозир урфдан чиқиб кетган. Тили, ритми, бадиий воситалари жиҳатидан халқ сўз санъати ҳодисаси сифатида ўрганилади.

СУСАМИР ВОДИЙСИ, Сусамир сойлиги — Тяншандаги сойликлардан бири. Шим.дан Талас Олатови б-н Қирғизистон Олатови, жан.дан Сусамиртов б-н Жумғалтов орасида (Қирғизистон) жойлашган. Ер юзаси, асосан, текис. Водийдан Сусамир ва Ғарбий Қоракўл (Норин ҳавзаси) дарёлари оқиб ўтади. Водий туби 2100—2500 м баландликда, қисман ботқоқлашган. Тоғ ўтлоқ даштларидан яйлов сифатида фойдаланилади.

СУСАМИРТОВ — Ички Тяншандаги тоғ тизмаси. Талас Олатовидан жан.-шарқда. С. шим.-ғарбда Чичқан дарёси (Нориннинг ўнг ирмоғи)дан бошланиб, жан.-шарқда Кёкемерен дарёсигача 125 км га чўзилган. Энг баланд жойи 4048 м. Рельефи мураккаб, кўплаб дарё водийлари б-н парчаланган. Унинг шим. ён бағри Сусамир ва Кёкемерен дарёларининг ўнг ирмоқлари (Жалпақсу, Арамсу ва б.), жан. ён бағри эса Норин ва Кёкемерен дарёларининг ўнг ирмоқлари (Қопчиғай, Боор-Тёке, Бурлиқия ва б.) б-н кесилган. Тизманинг сувайирғич қисми ва ён бағирларидаги водийларда қад. ва ҳоз. замон музликлари ҳаракати таъсири натижасида вужудга келган рельеф шакллари (трог, карр, цирк, морена тепалари) кенг тарқалган. Дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимларида эрозион рельеф шакллари (даралар, террасалар) вужудга келган. Тизма ён бағирларида текисланган юзалар («сандиқлар») сақланиб қолган. Тизмадан Норин ва Сусамир водийларини боғловчи бир қанча довонлар (Муз—Тёр —3643 м; Чортош — 3380 м; Ойолма, Сусамир ва б.) бор. С. таркиби гранит, метаморфик сланецлардан иборат. Сувайирғич қисмида музликлар учрайди. Тоғ ён бағирларидан ёзги яйлов сифатида фойдаланилади.

СУСИ — йўл-йўл гулли юпқа мато; арқоқ б-н танда иплар ораси очиқроқ қилиб *олача*дан юпқа ва сийрак тўқилади. Оҳорланган С.нинг очиқ жойлари ёпилиб кетгунига қадар кудунгланиб (тўқмоқ б-н уриб) ишлов берилган. С.дан асосан аёллар ва болалар учун кўйлак, яхтак, чопон ва б. кийимлар тайёрланган. С. 20-а. 40-й.ларигача (асосан Ургутда) ишлаб чиқарилган.

СУСПЕНЗИЯЛАР (лот. suspensio — осмоқ) — суюқ дори тури. Таркибидаги кукун (қаттиқ зарра кўринишидаги) дори моддалари бирор суюқлик (сув, глицерин, ўсимлик мойи)да муаллақ ҳолда туради. С. доривор моддаларни айни эритиб бўлмайдиган ҳолларда тайёрланади. С.ни ишлатишдан олдин яхшилаб чайқатилади. С. конденсатлаб ёки *диспергаш* йўли б-н ҳосил қилинади.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни ҳимоя қилишда пуркаш учун кенг қўлланади. С. дисперсион муҳит (одатда, сув) ва дисперс фаза — пестициднинг қаттиқ зарраларидан ташкил топади. Улар етарли даражада барқарор, яъни тайёрланганидан кейин узоқ вақтгача чўкмайдиган, пуркалгандан сатҳни яхши ҳўллаши ва ёпишқоқ бўлиши керак. С., одатда, ишлатиладиган пайтда, қаттиқ кукун препаратлар — ҳўлланувчи кукунлардан тайёрланади. Уларнинг таркиби (30—90%) пестицидлар, тўлдирувчилар, сирт фаол ва қўшимча моддалардан иборат. Тўлдирувчи модда сифатида кўпинча каолин қўлланади. Деҳқончиликда тупроқни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда ёки бегона ўтларга қарши курашда ишлатилади. Олтингугурт, акрекс, кельтан, гардона, тиодан, фозалон ва б. инсектицид ҳамда акарицидларнинг ҳўлланувчи кукунларидан тайёрланган С. кенг тарқалган.

Бир қатор технологик жараёнларда (қоғоз, лок, бўёқ, пластиклар, резина ва б. ишлаб чиқаришда) С.нинг аҳамияти катта.

СУСУ (ўзларини сосо деб аташади) — Гвинея, Сьерра-Леонедаги мандинго халқлари гуруҳига мансуб халқ. 1,16 млн. кишига яқин (1990-й.лар ўрталари). Сусу тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Асосий машғулоти — деҳқончилик ва балиқ овлаш.

СУТ — одам ва сут эмизувчи ҳайвонларнинг *лактация* даврида сут безларида ишлаб чиқариладиган суюқлик; физиологик жиҳатдан янги туғилган наслни озиқлантиришга мўлжалланган мураккаб кимёвий таркибга ва барча озиқ моддаларга эга. Таркибида сув, оқсил, ёғ, минерал моддалар, витаминлар, ферментлар, гормонлар ва б. моддалар бор. С. таркибида организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур кўпгина озиқ моддаларнинг мақбул нисбатларда бўлиши уни қимматли озиқ-овқат маҳсулотига айлантиради.

Қ.х. ҳайвонлари сути — қимматли озиқ-овқат маҳсулоти. Чорва ҳайвонлари С.дан сариёғ, сир, казеин, қатиқ ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Сигир сути кўп истеъмол қилинади. Қўй, эчки, бия, туя, буйвол, қўтос, шимол буғуси ва б. ҳайвонлар С.дан ҳам фойдаланилади; ҳайвонлар С.нинг таркиби уларнинг тури, ёши, озиқланиши ва сақланиш шароитига, лактация даврига, йил мавсумига қараб ўзгариб туради.

С. оқсиллари, асосан, казеин, альбумин ва глобулиндан иборат. Ширдон ферменти ва кучсиз кислоталар таъсирида казеиннинг ивиши хусусиятидан творог, пишлоқ, казеин и.ч.да фойдаланилади. Альбумин ёш организмнинг ўсиш жараёнларини таъминлашда, глобулин иммун таначаларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди. Оқсиллар таркибига кўра С. казеинли (жуфт туёқлилар — сигир, эчки, қўй) ва альбуминли (бир туёқли — бия, буғу, эшак) С.га бўлинади. Казеинли С. оқсилида камида 75% казеин, альбуминли С.да 50—65% альбумин бўлади. Биологик хусусиятларига кўра альбуминли С. казеинли С.га қараганда фойдалироқ ҳисобланади. С. оқсилида ҳаётий зарур барча аминокислоталар, шу жумладан алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг тўлиқ мажмуи бор; айниқса, С.да лизин, метионин ва триптофан мақбул нисбатларда мавжуд; олтингугуртли аминокислоталар метионин ва цистинга бой. С. оқсилларини организм яхши ўзлаштиради. С. ёғи кимёвий таркибига кўра глицеридлар аралашмасидан иборат, совутилган С.да диам. 0,1 дан 20 мкм (1 мл да 3 млрд. га яқин) ёғ доначалари (суспензия), янги соғилган ва иситилган С.да томчи (эмульсия) шаклида бўлади. Совутган С.да юзага кўтарилган ёғ доначалари қаймоқни ҳосил қилади. С. таркибидаги лактоза — дисахарид, соф оқ кристал кукун, турли бижғиш жараёнларига осон киришади. С.да минерал моддалар органик ва ноорганик кислоталарнинг тузлари шаклида мавжуд. С.даги минерал моддалар: микроэлементлар — кальций, фосфор, натрий, калий, олтингугурт, хлор, магний ва б. (100 г С.да аксарият кальций — 115—130 мг%, фосфор —95—105 мг%), микроэлементлар — рух, мис, марганец, молибден, темир, кумуш ва б. бор. С.да (айниқса, ёзда) витаминларнинг кўп тури учрайди; С. таркибига ферментлар (улардан энг муҳимлари — лактаза, пероксидаза, липаза, амилаза, фосфатаза, каталаза), гормонлар (окситоцин, пролактин, тироксин, фолликулин, адреналин, инсулин ва б.), касалликларга қарши иммунитет пайдо бўлишига

дир. Улар бўр, палеоген, неоген ва қуйи тўртламчи даврнинг гил, оҳактош, қумтош, доломит, мергель, конгломератларидан тузилган. Тепаларнинг шаклланиши неоген даврида бошланиб,

мил. ав. 11-а.да асос солинга
ридан араблар қўл остида. 8
қурилган меъморий ёдгорл
сусан, Катта масжид (9-а.)
Курортлар бор. Туризм рив

СУС ХОТИН — мавсум
қўшиғи; фольклор жанри.
лик муносабати б-н ёмғи
маросимида айтилган. Ўрта
каз ва б. халқлар ўртасида уч
хотин», «Сут хотин», «Сув
ҳам юритилган. Қўши

н, 7-а.
—9-а.ларда
иклар, ху-
сақланган.
ожланган.
-маросим
Курғоқчи-
р чақириш
Осиё, Кав-
раган. «Сўз
хотини» деб
к, асосан

фойдаланилади.
СУСИ — йўл-йўл гулли
арқоқ б-н танда иплар ора
қилиб олачалан матқа ва
лади. Охорланган С.нинг
ри ёпилиб кетгунига қада
ниб (тўқмоқ б-н уриб) и
ган. С.дан асосан аёллар ва
кўйлак, яхтак, чопон ва
тайёрланган. С. 20-а. 40-й.
сан Ургутда) ишлаб чиқа

юпқа мато;
сен очиқроқ,
сийрак тукли-
очиқ жойла-
ар кулунгли-
шлов берил-
болалар учун
б. кийимлар
ларигача (асо-
рилган.

ёғ, минерал ферментлар, гормонлар ва б. моддалар бор. С. таркибида организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур кўпгина озиқ моддаларнинг мақбул нисбатларда бўлиши уни қимматли озиқ-овқат маҳсулотига айлантиради.

Қ. х. ҳайвонлари сути — қимматли озиқ-овқат маҳсулоти. Чорва ҳайвонлари С.дан сариёғ, сир, казеин, ёзда) витаминларнинг кўп тури учрайди; С. таркибига ферментлар (улардан энг муҳимлари — лактаза, пероксидаза, липаза, амилаза, фосфатаза, каталаза), гормонлар (окситоцин, пролактин, тироксин, фолликулин, адреналин, инсулин ва б.), касалликларга қарши иммунитет пайдо бўлишига

Сутнинг кимёвий таркиби (%) ва калориялиги

Сут турлари	Сув	Қуруқ модда							
		Жами қуруқ моддалар	Ёг	Оқсиллар			Сут қанди	Минерал моддалар	Калорияси (1000 г да ккал.)
				Казеин	Глобулин ва альбумин	Жами			
Сигир сути	87,5	12,5	3,8	2,7	0,6	3,3	4,7	0,7	690
Буйвол сути	82,2	17,8	7,5	3,9	0,7	4,5	5,0	0,8	1100
Бия сути	89,9	10,1	1,8	1,1	1,0	2,1	6,7	0,3	520
Туя сути	86,4	13,6	4,5	2,6	0,9	3,5	4,9	0,7	760
Қўй сути	82,1	17,9	6,7	4,6	1,2	6,7	4,6	0,8	1090
Эчки сути	86,3	13,7	4,4	2,6	0,7	3,3	4,9	0,8	730
Бугу сути	63,3	36,7	22,5	–	–	10,3	2,5	1,4	2617
Қўтос сути	82,0	18,0	6,5	–	–	5,0	5,6	0,9	1049
Зебу сути	84,7	15,3	5,2	–	–	4,2	5,1	0,8	865

ёрдам берувчи иммун таначалар (антитоксинлар, агглютининлар, опсонинлар ва б.), газлар (CO_2, O_2, H_2, NH_3) киради (жадвалга қ.). С.ли бижгишни келтириб чиқарадиган бактериялар С.нинг нормал микрофлорасини ҳосил қилади. Янги соғилган С. таркибида антибактериал моддалар (лактенинлар) бўлгани учун у бактерицид хусусиятга эга. Янги соғилган С. бактерияга чидамлилигини 2—3 соат сақлайди, шунинг учун соғилгандан кейин С.ни дарҳол 10° дан паст ҳароратгача совутилади, 4—6° да С.ни икки сутка сақлаш мумкин.

С. заводларда пастерланади ва қайнатилади. Пастерланган С. қаймоғи олинмаган, ёглилиги стандарт нормага етказилган, витаминлаштирилган бўлади.

Ўзбекистондаги С. з-дларида С.дан сепарация усулида қаймоқ, сариёг олинади, пастерланган ва қайнатилган ичимлик С., сут кукуни, қуюлтирилган (консерваланган), витаминлар қўшилган С.лар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади (қ. *Сут саноати*).

Талъат Акмалхонов.

СУТ БЕЗЛАРИ — урғочи сут эмизувчилар, жумладан, одамда лактация даврида сут ишлаб чиқарадиган безлар. Эркак ҳайвонларнинг С.б. ҳаёти давомида рудимент ҳолатда бўлади (қ. *Рудиметар органлар*). С.б. эмбириогенезнинг илк даврида жуфт эпителий йўғонлашуви шаклида муртакнинг қорин томонидан «сут чизиғи» бўйлаб шакллана бошлайди. Кейинчалик сут чизиғи алоҳида тугунчаларга бўлиниб, улардан С.б. ҳосил бўлади. Ҳайвонларда С.б. клоакалиларда жуда содда тузилган; сўрғичлари бўлмайди; С.б. йўли қорин томонга очилади; боласи она ҳайвоннинг юнгига оқиб чиққан сутни ялайди. *Халталилар* С.б.нинг сўрғичлари халтасига очилади. Китсимонларнинг С.б. мускулли махсус чўнтакла жойлашган; мускуллар қисқарганида катта босим остида сут отилиб чиқади. С.б. сони (2 тадан 20 тагача) ва жойлашиши ҳар хил. Кўп болалайдиган ҳайвонлар (тўнгизлар)да С.б. қориндан кўкракгача 2 қатор бўлиб жойлашган. Филлар ва приматларда кўкрак қисмида, туёқли ҳайвонларда қориннинг кейинги қисмида бўлади. Янги туғилган ҳайвон С.б. яхши ривожланмаган. Ҳайвон вояга етиш, бўғозлик ва *лактация* (эмизиш) даврида нерв ва ички секреция безлари таъсирида тез ривожланади.

Одамда С.б. катта кўкрак мускуллари устида, яъни 3- ва 6-қовурғалар оралиғи соҳасида жойлашган. Қизлар балоғатга етганида шакллана бошлаб, *ҳомиладорлик* ва эмизикли даврида тўлиқ ривожланади. Ўртача оғирлиги қизларда 150—200 г, эмизикли аёлларда 300—400 г. С.б. ўртасида атрофи ҳалқасимон доғли сўрғичи бўлади. Сўрғич учига 10—15 та сут чиқариш йўли тешиклари очилади. С.б. 15—20 та безли бўлакчалардан иборат; бўлакчалар шакли, ҳажми секреция фазасига қараб ўзгариб туради. Сут ички секреция безлари (гипофиз, қалқонсимон без ва б.)да ишлаб чиқариладиган гормонлар таъсирида ҳосил бўлади. С.б. безли тўқима ва ёг клетчаткасидан ташкил топган. Лактация даври тугагандан сўнг ёг клетчаткаси кўпаяди. С.б. касалликлари: *мастит*, *мастопатия*, генекомастия ва б.

СУТ КИСЛОТА, 2-гидроксипропион кислота, $CH_3CH(OH)COOH$ — бир асосли оксикислота. Ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларнинг моддалар алмашинувидаги муҳим оралиқ маҳсулот. Рангсиз кристалл модда. Мол. м. 90,1. Сувда осон эрийди. 2 оптик фаол L(+) С.к.: D(-) сут (гўшт—сут) кислота ва рацемик С.к. — ачитқи С.к. маълум. Организмда гликолиз жараёнида, шунинглек, сут, карам ачиганда ҳосил бўлади. С.к. ва унинг тузлари туқимачилик, кунчилик, ачитқи саноатида ва тиббиетда ишлатилади.

СУТ КИСЛОТАЛИ БАКТЕРИЯЛАР (Lactobacterium) — сут кислотали бижгишни пайдо қиладиган граммусбат таёқчалар ва кокклар. С.к.б. углеводларни сут кислотагача бижгитади; спора ҳосил қилмайди, сут, сут маҳсулотлари, усимликлар, ўсимлик қолдиқлари, одам ва ҳайвонлар ичагида учрайди. Гомоферментатив С.к.б. қандни парчалаб, асосан, сут кислотаси ҳосил қилади, улардан қатиқ маҳсулотлари тайёрлашда, саноат миқиёсида сут кислотаси олишда фойдаланилади. Гетероферментатив С.к.б. углеводларни сут кислота, сирка кислота CO_2 баъзан этанолгача парчалайди. Емхашакларни силослаш, карамни тузлашда иштирок этади. С.к.б.дан суньий қон плазмаси тайёрлаш учун зарур бўладиган декстранлар олишда фойдаланилади.

СУТ САНОАТИ — *сут*дан турли сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган озиқ-овқат саноати тармоғи. С.с. таркибига сариёг, сут, қатиқ, қаймоқ, сметана, қуруқ сут, сут консервалари, пишлоқ (сир), творог, бринза, музқаймоқ, казеин ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар кирали. Ўзбекистонда 20-а.нинг 20-й.лари охирларига қадар сутдан хонаки усулларда қаймоқ, қатиқ, айрон, сузма, қағаноқ, пишлоқ, қурт каби маҳсулотлар, қатиқни кувда пишиб сариёг тайёрланган.

Ўзбекистонда биринчи сут з-ди 1928 й.да Тошкент ш.да ишга туширилган. 1940-й.га келиб республиканинг йирик шаҳарларида қурилган 13 та сут з-ди ишлади (уларда 30,4 минг т сут қайта ишланган ва асосан ёғи олинмаган сут-қатиқ маҳсулотлари, сариёг ишлаб чиқарилган). 50-й.лар охирига келиб сут з-длари сони 25 тага етди (293 та сут қабул қилиш пунктлари ташкил этилди), уларнинг 21 тасида буғхоналар қурилди. 1960—70 й.ларда Термиз (1961), Андижон (1962), Урганч (1964), Навоий (1965), Ғазалкент (1966), Наманган (1966), Хўжайли (1968), Жиззах (1969) ш.ларида замонавий сут з-длари ишга туширилди. 1974 й.да Тошкентда бир сменада 150 т сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган сут к-ти фойдаланишга топширилди. 1975—85 й.ларда бир кеча-кундузда 50—30 т сутни қайта ишлайдиган Фарғона, Қўқон, Ангрен, Олмалиқ, Гулистон, Жиззах, Каттақўрғон, Чирчиқ ш.ларида сут к-тлари ишга туширилди.

Сут з-длари сметана, қаймоқ, пишлоқ қадоқлаш ва сутни бутилкаларга қуйиш автомат линиялари б-н жиҳозланди, 156 сепаратор бўлимлари қурилди.

С.с. корхоналарида кичик ешдаги болалар учун сут маҳсулотлари, бўзоқларни боқиш учун суньий сут и.ч. йўлга қўйилди. 1990 й.га келиб Ўзбекистон С.с.да 684,1 минг т ёғи олинмаган сут ва сут маҳсулотлари, 15,9 минг т сариёг, 2,1 минг т қатиқ ва юмшоқ пишлоқ, 20,7 минг т ёгсиз сут маҳсулотлари, 8,2 минг т музқаймоқ ишлаб чиқарилди.

90-й.лардан бошлаб С.с. корхоналарини техник жиҳатлан қайта қуроллантириш, хорижий технологиялар, қадоқлаш автоматлари б-н жиҳозлаш амалга оширилди, чет эл фирмалари б-н ҳамкорликда қаймоқ, казеин, йогурт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, қуввати 10 г/сутка бўлган 15 мини з-длар барпо этилди, қўшма корхоналар қурилди. «Бухоросут», «Фарғонасут» акциядорлик жамиятлари Ўзбекистон—Британия қўшма корхонаси, «Бравосут» (Самарқанд ш.), Ўзбекистон — «Нестле» (Наманган ш.), Тошкент ш.да «Вимм Билль Данн — Марказий Осиё» (Россия — Ўзбекистон) қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

1993 й.да Республика гўшт ва сут саноати вазирлиги, қорамолларни бўрдоқига боқиш бирлашмалари негизида «Ўзгўштсутсаноат» бирлашмаси ташкил этилди.

Республикалаги барча тонфадаги хўжаликларда 4,03 млн. т сут ишлаб чиқарилди (унинг 96% деҳқон хўжаликларида етиштирилди), 790 т сариёг, 6,3 минг т сут ва сут маҳсулотлари, 2715 т музқаймоқ тайёрланди (2003). 2003 й. дек.дан тўлиқ хусусийлаштирилган С. с. корхоналарини бирлаштирадиган «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси таркибида 40 дан ортиқ сутни қайта ишлаш корхоналари ишлайди. Уларнинг и.ч. қувватлари бир сменада 1067,7 т сутни қайта ишлаш, 25 т сариёг, 11,8 т сир, 20,8 т музқаймоқ, 15 т ёғи олинган қуруқ сут ва б.ни ташкил этади (2004). С.с. корхоналари замонавий пастерлаш, стерилизациялаш, совутиш, буғлаш, маҳсулотни қадоқлаш ускуналари б-н жиҳозланган, авторефрижираторлар, сут ва б. маҳсулотларни ташийдиган автомобилларга эга.

Пўлат Турсунхўжаев, Нуриддин Мусаев.

СУТ СОҒИШ ҚУРИЛМАСИ — сутни вакуум ҳосил қилиб соғиш учун мўлжалланган машина ва аппаратлар мажмуи. Электр двигатель, вакуум-насос, пульсатор, соғиш стаканлари, коллектор, вакуум-баллон, вакуум ростлагич, вакуумметр ва сут қувурларидан иборат. Электр двигатель ёки ички ёнув двигатели қувурлар тизимида вакуум ҳосил қилишга мўлжалланган бўлиб, вакуум-насосни ҳаракатга келтиради. Трубопровод вакуум-баллонни молхоналаги магистрал қувур б-н туташтиради. Молхоналаги қувурларга соғиш жўмраклари ўрнатилган. Вакуум-ростлагич қувурда муайян вакуумни сақлаб туради. Қувурда вакуум ҳаддан ташқари ошиб кетса, ростлагич клапани автоматик равишда очилади ва ундаги ҳаво вакууми кучини камайтиради. Қувурлар тизимига вакуум текшириб туриладиган вакуумметр ҳам ўрнатилади. С.с.қ. сут соғиш станоги, сут йиғиладиган ва сақланадиган идиш, елинни ювиш ва соғиш аппаратларини дезинфекция қилиш қурилмалари, шунингдек суньий совитиш мосламалари ва ҳ.к. б-н бутланади.



Сут соғиш қурилмаси схемаси: *1* — электр двигатель; *2* — вакуум-насос; *3* — вакуум-баллон; *4* — вакуумметр; *5* — вакуум-қувур; *6* — соғиш аппарати; *7* — сут йиғиладиган идиш.

СУТ ТИШ — қ. *Тиш*.

СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР (Mammalia) — умуртқали ҳайвонлар синфи. Триас охирида йиртқич *судралиб юрувчилар* — цинодонтлардан келиб чиққан. Цинодонтлар бир гуруҳидан кўп бўртиқлилар (қирилиб кетган), иккинчисидан клоакалилар пайдо бўлган. Кўп бўртиқлилардан Юра даврида пантотериялар, улардан эса ҳозирги халталилар ва йўлдошлилар вужудга келганлиги тахмин қилинади.

С.э.нинг ташқи кўриниши ва ўлчами ҳар хил. Пакана оқ тишлининг (ҳашаротхўрлардан) уз. 4 см, вазни 1,2 г келса, қуруқликда яшовчи энг йирик ҳайвон — африка филининг баландлиги 4,5 м, вазни 7,5 т га яқин. Ҳоз. ҳайвонлар орасида энг йириги кўк китнинг уз. 33 м, вазни 150 т. С.э. бўйин умуртқаларининг 7 та бўлиши, тишларининг ҳар хил тузилганлиги, улар чуқурчалар (альвеолалар)да жойлашганлиги, пастки жағи фақат тиш суякларидан иборатлиги, ўрта қулоғи бўшлигида 3 та эшитиш суякчасининг ва сўлагида крахмални парчаловчи фермент борлиги б-н бошқа умуртқалилардан фарқ қилади. С.э.нинг юмшоқ лаби овқатни олиш вазифасини бажаради. Ичаги мураккаб тузилган, баъзи С.э. нинг ошқозони кўп бўлмали. Ўпкаси альвеолалардан иборат. Тана бўшлиғининг диафрагма ёрдамида кўкрак ва қорин бўшлигига бўлиниши нафас олишини жадаллаштиради. Юраги 4 камерали; фақат чап аорта ёйи сақланиб қолган. С.э. иссиқ қонли — *гомойотерм ҳайвонлар;* артерия ва вена қони тўлиқ ажралган. Эритроцитлари етилган даврида ядросиз. Айириш системаси чаноқ буйрагидан иборат. Бош мияси йирик, унинг олдинги қисми (яримшарлари) пўстлоқ ҳосил қилади. С.э.нинг мураккаб нерв фаолияти ва хулқ-атвори яримшарлар пўстлоғининг кучли ривожланганлиги б-н боғлиқ. Ҳид билиш, кўриш, эшитиш органлари яхши ривожланган. Ҳиқилдоғи мураккаб тузилган; унда овоз пайлари жойлашган. Ташқи қулоқ ривожланган. С.э. атериялар ва териялар (тирик тугувчилар) кенжа синфларига ажратилади. Атериялар протериялар (қирилиб кетган триконодонт ва клоакалилар туркумлари) ва аллотерияларга (қирилиб кетган кўп бўртиқлилар туркуми); териялар эса 3 бўртиқлилар (қирилиб кетган), халталилар ва йўлдошлиларга бўлинади. Халталиларга 1 туркум, йўлдошлиларга ҳоз. 17—23 ва қад. қирилиб кетган 12 туркум киради. Ҳоз. С.э. 4000 га яқин турни ўз ичига олади. Иссиқ қонлилиги, танасининг юнг б-н қопланганлиги (сувда яшовчилар териси остида қалин ёг қатламининг бўлиши), насли тўғрисида ғамхўрлик қилиши (сут б-н боқиши, ҳимоя қилиши, тарбиялаши) ва б. турли хил мосланишга эга бўлиши туфайли С.э. ер юзидаги Шим. қутбдан тортиб Антарктида қирғоқларигача бўлган барча ҳудудларни эгаллаган.

С.э. қадимдан одам ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Кўпчилик С.э. овланган. Бир қанча турлари хонакилаштирилиб, улардан озиқ-овқат манбаи, ишчи кучи ёки қўриқчи сифатида фойдаланиб келинади. 20-а. дан мўйнали С.э.ни хонакилаштириш, улардан лаб. ҳайвонлари сифатида фойдаланиш бошланди. Бир қанча С.э. қишлоқ хўжалиги экинлари, ўрмончилик (айрим кемирувчилар) ва чорвачиликка (асосан, йиртқичлар) зиён келтиради. Айрим С.э. (асосан, кемирувчилар) ўлат, туляремия, қутуриш ва б. оғир

Сут эмизувчилар: *1* — дарахт кенгуруси; *2* — комбат (халталилар туркуми); *3* — чумолихўр; *4* — зирҳли (чала тишлилар туркуми); *5* — катта тақабурун (кўлканотлилар туркуми); *6* — тупайя; *7* — ингичка лори (приматлар туркуми); *8* — денгиз чўчқаси; *9* — учар олмахон (кемирувчилар туркуми); *10* — енотсимон ит (йиртқичлар туркуми); *11* — денгиз мушути (қуракоёқлилар туркуми); *12* — ходзор бугу (жуфт туёқлилар туркуми).

юқумли касалликларнинг тарқалишида иштирок этади.

Одам фаолияти таъсирида С.э.нинг бир қанча турлари сони камайиб, айрим турлари йўқолиб бормоқда. 17-а. бошидан ҳозиргача С.э. нинг 63 тури (1,3%) қирилиб кетган. Режасиз овлаш, қ.х. экинлари, хонаки ва ов қайвонларини муҳофаза қилиш мақсадида қириш, улар яшаш жойининг бузилиши ва қисқариши, интродукция қилинган турлар таъсири ёки табиий омиллар С.э. сони камайиб кетишининг асосий сабаблари ҳисобланади. С.э.нинг 230 тури ва 91 кенжа тури Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган. Шунинг б-н бирга айрим синантроп С.э. ареали ва сони ортиб бормоқда. С.э.нинг 7 тури (жумладан Пржевальский оти, Давид буғуси) фақат тутқунликда ёки ярим тутқунликда (зубр, оқдум гну) сақланиб қолган. С.э. ни муҳофаза қилишда ноёб турларнинг овланишини тақиқлаш, уларнинг яшаш жойини сақлаб қолиш, миллий боғлар, қўриқхоналар ва буюртма қўриқхоналар ташкил этиш, тутқунликда кўпайтириш орқали қайвонларни реакклиматизация қилиш (қайтадан табиий ареалига қайтариш) катта аҳамиятга эга. Қўриқхоналар ташкил этиш орқали зубр, қулан, бухоро буғуси (хонгул), йўлбарс, леопард ва б. қайвонлар сақланиб қолди; сайғоқ, соболь, бобёр ва б. сони қайта тикланди.

СУТ ҚАНДИ — қ. *Лактоза.*

СУТКА (рус. — кеча-кундуз) — қ. *Кеча-кундуз.*

СУТКАЛИ ПАРАЛЛАКС — осмон ёритқичи марказидан Ер маркази ва унинг сиртидаги кузатувчига йўналтирилган чизиқ орасидаги бурчак, яъни ёритқичдан Ер радиусининг кўринма бурчаги. С.п.нинг қиймати ёритқичнинг зенит масофасига боғлиқ ва сутка давомида ўзгариб боради. Агар ёритқич горизонтда бўлса, унинг С.п. энг катта қийматга эришади ва горизонтал *параллакс* дейилади. Қуёш системаси жисмлари горизонтал параллакслари ичида энг каттаси Ойникидир (57′). Қуёш учун 8″, 79 сайёраларники эса 1′ дан кичик. Бу миқдорлар Қуёш системаси жисмларигача бўлган ўртача масофаларни ифодалайди.

СУТЛАМАДОШЛАР (Euphorbiaceae) — икки уруғпаллалиларга мансуб сут ширали ўсимликлар оиласи. Ўт, бута, дарахт ва лианалардан иборат. Барглари навбатлашиб ёки қарама-қарши жойлашган, ёнбарғчали. Гули бир жинсли, бир ёки икки уйли. Чангчилари гулнинг ўртасида. Тугунчаси 3 чаноқли ва 3 устунчали. Меваси, одатда, қусақча, баъзан, ландшимон ёки камдан-кам резавор. Ер шарининг барча қитъаларида, кўпроқ тропик ва субтропик ҳудудларида тарқалган. 7000 га яқин тури бор. Ўзбекистонда 8 туркуми, 150 тури ўсади. С.нинг сутсимон шираси таркибида заҳарли моддалар, каучук ва б. дориворлик моддалар бор. Баъзи турлари (мас., канакунжут, лепадена ва б.) манзарали ва дориворлик ўсимлик сифатида ўстирилади. Айрим турларининг меваси еилади.

СУТО (басуто) — банту халқлари гуруҳига мансуб халқ. Лесото ва ЖАРнинг қўшни туманларида яшайди. Умумий сони 4 млн. кишидан ортиқ (1990-йлар урталари); жумладан, ЖАРда 2,44 млн. киши, Лесотода 1,6 млн. киши. Шунингдек, Ботсванада ҳам яшайди. Сото тилида сўзлашади. Динодорлари — христианлар, бир қисми анъанавий эътиқодларга амал қилади.

СУТПЕЧАК, влопечак (Cuscuta acutum L.) — сутпечакдошларга мансуб кўп йиллик бегона ўт. Пояси чирмашиб ўсади. Бўйи 400—300 см. Барглари юраксимон, уч бурчакли, бандли, поядa кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ ёки пушти, соябон тўпгулга йиғилган. Ниҳоллари апр.-майда ўсади, июл-сентда гуллаб мевалайди. Уруғидан ҳамда илдиз бачки ва куртакларидан кўпаяди. Бир тупи 1500 дан кўпроқ уруғ беради. Уруғлари кузда катта масофаларга тарқалади. Уруғи 15—35°да кўкаради. Илдизи ўқ илдиз, 15—30 см чуқурда куртакли ва бачки илдизлар ҳосил қилади, шулардан янги новдалар ривожланади. Ўрта Осиёда тарқалган. Суторилади-ган ерлар, сернам жойлар, суториш шоҳобчалари, боғларда ўсади. С. ғўза тунлами ва б. зараркунандалар кўпайиши учун макон.

Сутпечак.

Қураш чоралари: ерни кузда чуқур ҳайдаш; экинзорларда культивация ўтказилади, гербицидлар пуркалади.

СУТЯГИН Серго Михайлович (1937.23.2, Москва) — меъмор. Тош ПИни тугатган (1960).1960 й. дан «Ўздавтоинҳи» и.т. ин-тида ишлайди. 1967 й. шу ин-тда 4-архитектура ва қурилиш бўлими (АСО-4) бош меъмори. С. лойиҳаси асосида Ўзбекистонда бунёд этилган йирик жамоат бинолари: *Санъат саройи* (1964), унинг 2-кичик зали (1976), Чирчиқдаги «Турмалар» монументи (1972, ҳайкалтарош Ю. Киселёв), Душанбе шаҳридаги киноконцерт зали (1985, 2300 ўринли), Хивадаги Хоразм тарих музейи (Маъмун академияси, 1978—83), Қўқондаги мусиқали драма театри (1982—87) ва Адабиёт музейи (1989—90), Урганчдаги халқаро аэропорт (1999—2000) ва б. Ҳамза (1965) ва Алишер Навоий (1991) номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари лауреати.

СУФИЙЛИК — қ. *Тасаввуф.*

СУФЛЁР (франц. souffler — пуфламоқ, айтиб турмоқ) — театр ходими; пьесанинг матни (С. нусхаси)га кўра (мусиқали театрда клавир бўйича) репетиция ва спектаклнинг кетишини кузатади, зарурат туғилса, томошабинга сездирмай актёрга роль сўзларини айтиб туради.

СУФФИКС (лот. suffixus — қадалган, бириктирилган), сўнг қўшимча — *аффикс*ларнинг бир тури; сўз охирига қўшиладиган, янги сўз ёки сўз шакли ясайдиган қўшимча. Мас., сувчи, олмазор, оналик, китоблар сўзларидаги -чи, -зор, -хон, -лар қўшимчалари С.лардир. Жойлашиш ўрнига кўра С. аффиксининг инфикс (сўз ўзаги ўртасида бўладиган) ва префикс (сўз ўзаги олдидан қўшиладиган) турларига қарама-қарши қўйилади.

СУФФОЗИЯ (лот. suffossio — ўйиш) — Ер ости сувлари таъсирида тоғ жинслари массивидан майда минерал (хлорли, сульфат, карбонат тузлар ва б.) заррачаларининг механик равишда ювилиш жараёни. С. кўпроқ қумли, лёссли ва б. дисперс жинсларда содир бўлади. С. массивининг тузилиши ва таркибига нисбатан: турли таркибли жинсларнинг қатламларида ва бу қатламларнинг уланиш жойларида; тектоник бузилиш зоналаридаги дарзликлардаги бир жинсли бўлмаган тўлдиргичларда; тоғ жинсларининг уланиш жойларида ва сунъий иншоотлар (фильтр, дренаж ва б.)дан тўкилган материалларда ривожланади. Тоғ жинслари гранулометрик таркибининг турлилик даражасини кўпайиши, ер ости сувлари ҳаракати тезлигининг ошиши С.ни вужудга келтиришга имкон туғдиради. С. тоғ жинслари таркиби ва структурасининг ўзгаришига, уларнинг говаклигини ва сув ўтказувчанлигини ортишига, маҳкамлигини пасайишига олиб келади. Натижада устки қатлам чўкиб, юқорида диаметри 10 м гача, баъзан 100—500 м гача бўлган майда ва йирик ҳалқасимон чуқурлар ҳосил бўлади. С. натижасида юмилган жинслар тоғ ён бағирларида кўчки ҳосил бўлишига имкон яратади. Иншоотлар асосидаги тоғ жинсларда С. уларнинг нотекис чўкишига, шаклини ўзгартиришига ва бузилишига олиб келади.

СУХАРТО (Suharto) (1921.8.6, Кемусу, Жокьякарта яқинида) — Индонезия давлат арбоби, генерал. Индонезия халқининг Голландия мустамлакачиларига қарши қуролли курашида қатнашган (1945—49); Индонезияга тегишли Ғарбий Ирианни озод этиш учун тузилган қўшинларга бошчилик қилган (1962—63). С. захирадаги стратегик пиёда қўшинлар қўмондони (1963—65), кейинчалик ҳокимиятни ҳарбий гуруҳлар бошқарган пайтда пиёда қўшинлар вазири (1965 й. 30 сент.), 1966 й. мартдан ҳокимият тепасида. С. даврида ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар туфайли Индонезия ижтимоий-иқтисодий қолоқликдан чиққан. С. «оилани режалаштириш», яъни туғилишни чеклаш ҳақидаги дастурга имзо чеккан (1990 й. 2 июнь). 1997 й.да Осиё бозорларидаги молиявий-иқтисодий инқироз Индонезияга катта зарар етказган, мамлакатда сиёсий таназзул юз берган (1998 й. май). С. истеъфога чиқишга мажбур бўлган.

СУХОМЛИНСКИЙ Василий Александрович (1918.28.9 — Украинанинг Кировоград вилоятидаги Онуфриевка тумани — 1970.2.9) — педагог, украин ҳамда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, РСФСР (1957), СССР (1968) Пед. ФА мухбир аъзоси. Меҳнат Қаҳрамони (1968). Полтава педагогика ин-тини тугатган (1939). 1947 й.дан умрининг охиригача Кировоград вилоятининг Павлиш қишлоғидаги мактаб директори. «Болаларга жоним фидо» (1969), «Фуқаронинг туғилиши» (1970), «Тарбия тўғрисида» (1973) каби асарларида бошланғич мактаб, оила тарбияси назарияси ва методикаси, ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнатга муносабат, педагогик маҳорат бўйича тадқиқотлар олиб борган, пед.да инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилган.

СУХОНА — РФ Европа қисми (Вологда вилояти) даги дарё. Кубена кўлидан бошланади. С.нинг кўлдан чиқиш жойига шлюзли тўғон қурилган. У Юг дарёси б-н кўшилгандан кейин Шим. Двина дарёси ҳосил бўлади. Уз. 558 км, ҳавзасининг майд. 50,3 минг км², ўртача сув сарфи 463 м³/сек. Юқори оқими-

да (Вологда дарёси қуйиладиган жойгача) илон изи бўлиб саёз ўзанда оқади. Ўрта оқимида саёз жойи кўп, остоналар бор. Қуйи оқимида қирғоғи баланд (30 м гача). Ўзанида остона кўп (энг каттаси Опока). Нишаби жуда кам бўлганидан, баъзан, баҳорда Вологда ва Лежа дарёлари суви босиб, С. суви Кубена кўлига қайтиб оқади. Нояб.да музлайди, апр.нинг 2-ярмида муздан бўшайди. Шим. Двина системаси б-н Шексна ва Волга дарёлари орқали бирлаштирилган. Бошидан охиригача кема қатнайди ва ёғоч оқизилади. С. соҳилида Сокол, Тотьма, Великий Устюг ш.лари жойлашган.

СУХОНЬ (Suchoň) Эуген (1908.25.9, Братислава ёнидаги Пезинок) — словак композитори, педагог, мусиқа жамоат арбоби. Миллий композиторлик мактаби асосчиларидан. Чехословакия халқ артисти (1959). Братислава ва Прага консерваторияларида таълим олган (1927—33). Словак композиторлар уюшмаси раиси (1972—81). Ижодида халқ мусиқа анъаналари б-н замонавий композиция (додекафония, модаллик қаби) услублари уйғунлашган. 2 опера («Гирдоб», 1949 — биринчи миллий опера; «Святоплук», 1960), «Карпатзамин псалми» кантатаси (1938), симфоник ва камер-чолғу асарлари (жумладан, фортепиано учун «Словакия манзаралари», 1957), хорлар («Тоғлар ҳақида», 1942), театр спектакллари ва кинофильмларга мусиқалар ёзган. Гармония ва полифония бўйича назарий асарлар муаллифи. Чехословакия давлат мукофоти лауреати (1951, 1954, 1960, 1973).

СУХУМИ — Грузиядаги шаҳар. Абхазия пойтахти. Қора денгиздаги порт. т.й. станцияси. Аҳолиси 120 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Мил. ав. 6-а.да юнон савдогарлари С. ўрнида Диоскуриада ш.га асос солдилар. 1-а. бошларида Византияга қарашли, Грузия солномаларида дастлаб 736 й.да Цхум номи б-н тилга олинади. 12-а. дан Генуя факторияси, 1724—1810 й.ларда туркларнинг Сухум-Қалъа истеҳкоми. 1864 й.дан Сухум ҳарбий бўлими маркази. Шаҳарда енгил (шу жумладан, кўн-пойабзал), озиқ-овқат (гўшт, сут, консерва, балиқ, тамаки, вино корхоналари), машинасозлик ва металлсозлик саноатлари (приборсозлик, экспериментал газ аппаратуралари з-длари). Сухуми ГЭС (Гумиста дарёсида) ишлаб турибди. 2 ин-т (шу жумладан, Абхаз ин-ти), Экспериментал патология ва терапия ин-ти (маймунлар питомниги б-н бирга), Сухуми ботаника боғи, 3 театр, Д.И. Гулиа адабий-мемориал музейи, Н. А. Лакоба уй-музейи бор.

Сухуми. Ботаника боғи.

С. иқлимий-бальнеологик курорт. Ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 24°), қиши илиқ (янв.нинг ўртача т-раси 6°); йиллик ёғин 1460 мм. Даволаш воситалари: иқлимий терапия, денгизда чўмилиш, минерал сувлар (асосан, ваннасига тушилади).

С. Кавказ ва Қора денгиз бўйидаги муҳим туризм марказларидан бири. Санаторий, дам олиш уйлари, пансионатлар, турбазалар бор.

СУХУШИНА Клара Ивановна (1940.14.12, РФнинг Томск вилоятидаги Колпашева ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Томск педагогика ин-тини тугатган (1963). 1963 й.дан Кемерово вилояти ва Қирғизистондаги мактабларда, 1973 й.дан Зарафшон ш.даги 1-мактабда кимё ва биол. ўқитувчиси. Ўқувчиларни дарсга қизиқтириш учун кимё ва биол.дан турли тажрибаларни ўтказади.

СУХЭ-БАТОР — Монголиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Селенга аймоғининг маъмурий маркази. Аҳолиси 22,9 минг киши (1999). Трансмонголия т.й. магистрали бўйидаги савдо-транспорт тугуни, Орхон дарёсини Селенга дарёсига қуйилиш жойидаги пристань. Ёғочсозлик к-ти, гугурт ф-каси, қоғоз, озиқ-овқат корхоналари, иссиқлик электр ст-яси бор. Шаҳарга 1940 й.да асос солинган ва Монголиянинг биринчи давлат арбоби Сухэ-Батор номи б-н аталган.

СУЧЖОУ, Усянь — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Тайху кўли яқинида. Цзянсу провинциясида. Аҳолиси 3,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Буюк канал бўйидаги порт. Интенсив қ.х. тумани, буғдой, рапс етиштириш, чой плантациялари р-ни маркази. Мамлакатнинг йирик ипак саноати марказларидан. Металлургия, кимё, ойна-шиша, керамика, қоғоз саноати корхоналари бор. Кустарь усулда экспорт учун бадиий кашта тўқилади. Шаҳарга милод. 5-а.да асос солинган. 3—16-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. Тарихий ёдгорлик, боғ ва парк кўп.

СУЭЛЛИ КАНАЛИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги йирик магистрал канал. Амударёнинг қадимда Суэлли деб аталган йирик ирмоғи ўрнида қурилган. *Тахиатош гидроузелидан* 300 м узунликдаги сув узатиш канали орқали сув олади. Сув узатиш каналининг бош қисмида 110 м узунликда (тубининг кенглиги 51 м) сувдаги оқизиқлар чўкадиган тиндиргич қурилган. Умумий уз. 128 км. Энг кўп сув ўтказиш имконияти 133 м³/сек, 42—55 км да 115 м³/сек, канал тубининг кенглиги 16—22 м, чуқ. 2,5—5 м.

Дарёда сув камайган баҳор ойларида сув олишни яхшилаш мақсадида канал бошида 54 м³/сек сув оладиган Файт (1962), 66 м³/сек сув оладиган Бекёб (1965) насос ст-ялари қурилган. Каналда бош сув олиш иншоотидан ташқари 4 та гидроузел бор. Шунингдек, каналда 8 та кўприк, 3 та акведук, 30 та турли насос қурилмалари мавжуд. С.к. тизими Шуманай, Хўжайли, Қўнғирот туманларидаги 102 минг га дан ортиқ ерларни сув б-н таъминлайди.

СУЮНОВ Қудрат (1919.6.2, Нарпай туманидаги Ингичка қишлоғи — 1943.12.9, Чернигов вилояти Короп туманидаги Оболонье қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 й.дан фронтда. 109-ўқчи полки (Марказий фронт 13-армия, 74-ўқчи дивизияси) бўлинма командири. Чернигов вилоятининг Короп туманидаги Оболонье қишлоғи яқинида Десна дарёсининг ўнг соҳилида плацдармни кенгайтириш учун бўлган жангда душман амбразурасини кўкраги б-н тўсиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган. 1943 й. 16 нояб.да Қаҳрамон унвони берилган. Нарпай туманидаги 61-мактабга номи берилган. Самарқанд вилоятининг Оқтош ш. ва у ҳалок бўлган қишлоқда қаҳрамоннинг бюсти ўрнатилган.

Суэлли каналининг бош иншооти

СУЮНОВА Замира Ражабовна (1958.27.6, Китоб тумани) — хонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1999). Тошкент консерваториясини хор дирижёрлиги ихтисослиги бўйича тугатган (1981). Ўзбек ашулачилик санъати сирларини Ғ. *Тошматов*, К. *Исмоилова*, А. *Исмоиловлардан* ўрганган. *Дутор ашулар ансамбли* репертуари шаклланишида хонанда (1979 й.дан), мусиқа раҳбари (1984 й.дан) ва бадиий раҳбар (1995—2002) сифатида хизматлари алоҳида. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқитувчи, доцент (2004 й.дан). Жарангдор, бутун диапазонида тиниқ овозга эга бўлиб, мақом йўллари («Дугоҳ Ҳусайн», «Савти Чоргоҳ», «Сарахбори Дугоҳ тароналари» ва б.), халқ ашула, ялла ва лапарлари («Йўл бўлсин», «Ёр-ёр» ва б.), айниқса, бастакор асарлари (Ғ.Тошматовнинг «Бахтимдан», А. Исмоиловнинг «Ойбулоқ», «Билмам, адашдимми», «Алла», «Аёл қалби» ва б.)ни нозик дид б-н ва бадиий таъсирчан талқин этган. С. ширали, майин овоз соҳибаси. Бастакор сифатида бир қатор («Ватан ишқи», «Алла», «Гул очилса», «Она бўлиб» ва б.) қўшиқ ва ашулалар яратган. Ижролари Ўзбекистон радиоси фоножамғармасига, 3 граммпластинка, бир неча аудиокассеталарга ёзилган. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган телефильм ва видеофильмлар суратга олинган. Англия, Франция, Испания ва Германияда гастролда бўлган.

СУЮНЧИ — бирон қувончли воқеа тўғрисида хушхабар келтирувчига бериладиган совға, мукофот, севинчи. С. узоқ сафарга, ҳарбий хизматга бориб соғ-саломат келган киши тўғрисида, фарзанд (ўғил ёки қиз) туғилганда ва б. ҳақида 1-марта хушхабар келтирган кишига ёшига қараб берилади. С. пул, белбоғ, дўппи, яктак, тўн, кийимлик ва жонлиқ (қўй, эчки) каби шаклларда ҳам берилиши мумкин.

СУЮНЧИ-2 — ўртапишар қовун нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ин-тида Шакарпалак 2580 навини Ҳиндистондан келтирилган ярим ёввойи Кутана нави б-н чатиштириш ва такрорий чатиштириш (беккросс) усулида чиқарилган (А.С. Шчукина, Р. А. Ҳакимов, С. Т. Песпова, С. Халилов; 1995). Асосий поя уз. 1,5—2,5 м, бир тупда 250—300 та оталик, 35—45 та оналик гуллари ривожланади, 1—3 та қовун беради. Қовуни чўзинчоқ-тухумсимон, оғирлиги 2,0—2,5 кг. Сирти тўрли, пўсти оқиш-лимонранг, қўшалоқ жимжима йўл б-н қопланган, эти қизил, карсилдоқ, сершира, ширин, таркибида 10,6—11,8% гача қанд бор. Уруғи йирик, оч сариқ. Уруғи униб чиққанидан кейин 83—87 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 200—250 ц/га. Оқпалак ва фузариоз касаллигига чидамли. Узоқ масофаларга ташишга яроқли. 2002 й.дан Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошкент, Фарғона вилоятларида р-нлаштирилган.

Суюнчи қовун нави.

СУЮНЧХЎЖАХОН, Суюнчак-хон, Суюнчик султон (тахм. 1452—1525, Тошкент) — *шайбонийлардан* бўлган Тошкент хони (1503—25). *Абулхайрхон* ва Улуғбекнинг қизи *Рабия Султон бегимнинг* фарзанди. *Ўзбек улусида* ҳукмронлик қилиш учун шайбонийларнинг Ўрусхон, Кирайхон ва Жонибеклар б-н бўлган курашида қатнашган. *Шайбонийхон* б-н бирга Мовароуннаҳрни босиб олишда фаол иштирок этган. Шайбонийхон Мовароуннаҳрни эгаллагач, Самарқандни пойтахт қилиб, Туркистонни Кўчкунчихонга, Тошкентни С.га берган. Хожа Абулбақо ибн Баҳоуддиннинг «Жоме ал-мақомот» асари (17-а.)да ёзилишича, С. бошлиқ шайбонийлар қўшини Тошкентни қамал қилганда Шайх Хованд Тоҳурнинг авлоди — Хожа Тоҳир шаҳарни қаҳрамонона мудофаасига раҳбарлик қилган, бироқ шаҳар С. қўлига ўтган. С.нинг *чиғатойийлардан* Султон Саидхон б-н Тошкент учун кураши халқ бошига кўп кулфатлар келтирган. 1509 й. 23 фев.да Сайхун (Сирдарё) бўйида Қозоқ хонлигига қарши отланган Шайбонийхон ҳузурига бошқа султонлар қатори С. ҳам Тошкентдан 13 минг кишилик қўшин б-н ёрдамга келган. Рузбеҳон Исфаҳонийнинг ёзишича, бу қўшин ўзининг жиҳозлиги, жанговарлиги б-н алоҳида ажралиб турган ва жангда катта шижоат кўрсатган. 1510 й. Шайбонийхон ўлимидан сўнг Самарқанддаги Бибихоним масжидида шайбоний султонлар Тошкент ҳокими С.га қасамёд қилганлар. С. сулола бошлиғи деб эълон қилинган. С. қариндош-уруғларига Шайбонийхон тортиб олган мулкларини қайтариб берган. Лекин шунга қарамай шайбоний султонлар орасидаги иттифоқ ўз ўрнига тушмаган. 1510 й. шайбонийларнинг ёши улуғи Кўчкунчихон янги хон этиб сайланган. 1511—12 й.ларда С. шайбонийларнинг *Бобурга* ва Султон Саидхонга (1512—14) қарши курашларида қатнашган. С. эсдаликлари *Маҳмуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг* «Тарихи Абулхайрхоний» асарига асос қилиб олинган. С. қабри Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида жойлашган.

Ад.: Ахмедов Б. А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв., Письменные памятники, Т., 1985; Государство кочевых узбеков, М., 1965; История Узбекистана, т.3, Т., 1993.

СУЮРҒАТМИШХОН, Суюрғатмиш ўғлон (тўлиқ исми Суюрғатмишхон ибн Донишмандча ибн Ҳинду ибн Бурҳон ибн Молик ибн Ўқтойхон) (? — 1388) — Балх яқинидаги Ўрпуз мавзеида *Амир Темур* томонидан номигагина Мовароуннаҳр тахтига ўтқазилган чингизий хон (1370—88). Хонлик даражасига кўтарилгунга қадар С. Соҳибқироннинг улуғ бекларидан бири бўлиб, қатор ҳарбий юришларда иштирок этган. Салтанат Амир Темур тасарруфига киргандан сўнг аркони давлат, беклар, амирлар ва нўёнлар б-н иттифоқликда хонликнинг С.га тайин қилинганлиги қайта эътироф этилган. Чингизхон ўз салтанатини ўғиллари ўртасида тақсимлаб берган вақтда (1224) Хоразмдаги Ҳивақ ва Кот ш.лари Чиғатойхон авлодига берилган эди. Соҳибқирон давлат тепасига келгач, Ҳусайн Сўфидан бу ерларни С.га топширишни талаб қилган. Амир Темурнинг 1371—72 й. Хоразмга уюштирган 1-юришида С. ҳам бевосита иштирок этади. 1388 й. Амир Темур 4-марта Хоразмга юришга кетган пайтда С. Бухорода бетоб бўлиб қолади ва бир неча кундан кейин вафот этади. Хоразмдан

қайтган Соҳибқирон нуёнлар, беклар ва давлат арконлари ё-н ўтказилган қурултойда хонлик курсисига С.нинг ўғли Султон Маҳмудни кўтаради.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1966; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1993.

СУЮРҒОЛ (мўғулча — инъом, совға) — бирор ҳукмдор (хон, султон, шоҳ) томонидан салтанат олдида алоҳида хизмат кўрсатган аркони давлат ёки саркардаларга берилган мол-мулк, ер-сув. Мўғуллар истилосидан сўнг Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Яқин Шарқ мамлакатларида расм бўлган. С.га бериладиган ер наслдан наслга мерос бўлиб ўтган. С. эгаси давлатга тўланадиган солиқлардан озод этилиб, олган даромади ва ўзига қарам аҳолидан ихтиёрича фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган. Амир Темур ва Темурийлар салтанатида С. кенг қўлланилган. Соҳибқирон забт этган мамлакатларнинг баъзи вилоят ва туманларини шу ерларнинг олдинги эгаларига, ўз ўғиллари, невaралари, қариндошлари, атоқли лашкарбошилар, амир ва бекларга С. тарзида берган ва улар «дарбаста С.» деб юритилган. Амир Темур ўзининг энг ишончли саркардаларидан бири амир Шоҳмаликка бир қанча ерларни С. қилиб берган. Шоҳрух даврида Шоҳмалик Хоразм вилоятига дарбаста С. этиб тайинланган. Шоҳмалик вафотидан кейин Хоразм унинг ўғли Иброҳим Султонга топширилган. 16-а.дан бошлаб С.нинг аввалги тартибида муайян ўзгариш юз берали. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даврида баъзи қишлоқлар, ер майдонлари шу ерлардан ундириладиган солиқларнинг бир қисми ҳам С. тариқасида бериладиган бўлган. 18-а. ва 19-а.нинг 1-ярмида С. моҳияти тубдан ўзгариб, унинг фақат меросийлиги сақланиб қолган.

Ад.: Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн, Т., 1969.

СУЮҚ ЁНИЛҒИЛИ РАКЕТА ДВИГАТЕЛИ — қ. *Ракета двигатели.*

СУЮҚ КРИСТАЛЛАР, суюқ кристалл ҳолат, мезоморф ҳолат — моддаларнинг суюқлик (оқувчанлик) хоссалари ҳамда қаттиқ кристалларнинг баъзи хоссалари (*анизотропия*) га эга бўлган оралиқ ҳолати. С.к. ҳосил қилган моддаларнинг молекулалари таёқча ёки чўзиқ пластинкасимон шаклда бўлади. Термотроп ва лиотроп хилларга бўлинади. Термотроп С.к. — маълум т-ра оралиғида мезоморф ҳолатда, ундан паст т-рада қаттиқ кристалл, юқори т-рада эса одатдаги суюқлик ҳолатида бўлади. Масалан, *п*-азоксианизол 118,27° да анизотроп бўлиб, суюқ кристаллар ҳосил қилади. 135,85° да эса у изотропликни намоён қилиб, оддий суюқликка айланади. Баъзи моддаларнинг махсус ориентирлардаги эритмаси лиотроп С.к. дейилади.

С.к. молекулаларининг тартибланиш даражасига кўра нематик (*п*-азоксианизол, синтетик полипептид эритмалари) ва смектик (совунниинг суюлган эритмаси) С.к. га бўлинади. Нематик ва смектик С.к.нинг ташқи кўринишини поляризацион микроскоп ёрдамида осонгина ажратиш мумкин. Нематик С.к. ингсимон, смектик С.к. конуссимон, таёқчасимон ва босқичли тузилган.

С.к.нинг холестерик (холестеринниинг пропил эфири) хили ҳам мавжуд бўлиб, унинг молекулалари бир-бирига параллел жойлашган узунчоқ пластинкасимон шаклда. Холестерик С.к. органик суюқликлар ва қаттиқ кристалларнинг оптик фаоллигидан бир неча марта юқори бўлган *оптик фаоллик*ка эга.

Баъзи термотроп С.к. 2 мезоморф ҳолатда бўлиши мумкин (қ. *Полиморфизм*). Бунда структуравий ўтишлар қуйидагича: қаттиқ→смектик→нематик→аморф-суюқ кристалл фаза схемаси бўйича борали ва 1-тартибли фаза ўтиш содир бўлади.

С.к. эластик, магнит ва оптик анизотроплик, ёпишқоқлик, электр ўтказувчанлик ва б. хоссаларга эга.

С.к. 1888 й.да Ф. Рейнитцер ва О. Леманлар томонидан кашф этилган.

Ад.: Пикин С. А., Структурные превращение в жидких кристаллах, М., 1981. Америк Ю. Б., Кренцель Б. А., Химия жидких кристаллов и мезоморфных полимерных систем, М., 1981.

СУЮҚ ШИША, эрувчан шиша — натрий ёки калий силикатларнинг сувдаги эритмаси. Умумий формуласи $Me_2O \cdot nSiO_2$ (бу ерда Me— Na ёки K). Кимёвий фаол, қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар б-н реакцияга киришади. Кислотабардош цемент, силикат бўёқ, говак силикат маҳсулотлар (фильтрлар ва ҳ.к.), иссиқни ва товушни изоляцияловчи материаллар, оловбардош кимёвий толалар и.ч.да, ёғочни чиришдан сақлашда, елим сифатида (силикат елим) ва б. мақсадларда кенг қўлланади (яна қ. *Шиша*).

СУЮҚ ЎҒИТЛАР — саноатда ишлаб чиқариладиган ва тупроққа суюқ ҳолда солинадиган минерал моддалар. С.ў.га сувсиз аммиак (82% азотли), сувли аммиак (18—20% азотли), *аммиакатлар* (30—50% азотли), калий тузларининг эритмалари (14% K_2O ли), фосфат кислота, суюқ комплекс ўғитлар киради (қ. *Комплекс ўғитлар*). С.ўғи асосий ўғит ҳолда ва ўсетаций даврида усимликларни озиқлантириш учун ишлатиш мумкин. Улар тупроққа шудрғлаш ёки экишдан олдин солинса, тупроққа яхши аралашади, сув таъсирида ювилиб кетмайди, ҳосилни аммиакли селитра солинишларига нисбатан оширади. Ўзбекистонда суюқ комплекс ўғитлар ишлаб чиқарилиши 1979 и.дан бошланган. Суюқ комплекс ўғитларнинг кимёвий таркиби: 10% N, 34% P_2O_5, 0,6% FeO_3, 0,7% Al_2O_3, 0,1% CaO, 0,01% Mg, 0,02% F дан иборат. Суюқ комплекс ўғитлар концентрацияли полифосфат кислотани юқори ҳароратда (280—350°) газ ҳолидаги аммиак б-н нейтраллаб, кейин аммиакли сувда эритиб олинади. Суюқ комплекс ўғитлар фосфорни қийин ўзлаштирувчи экинлар учун жуда қўл келадиган фосфорли ўғитдир. Таркибида 27% гача азот, фосфор, калий бўлган суюқ комплекс ўғитларининг экинлар учун агрокимёвий самарадорлиги даражаси уларнинг қўлланиш технологиясига боғлиқ. Суюқ комплекс ўғитни ернинг охири ва кузда ҳам ерга солиш мумкин. С.ў. плуг ёки культиваторга махсус ўрнатилган ўғитлагичларда ерга (ғовак тупроқли ерларга 16—20 см, оғир тупроқли ерларга 12—5 см чуқурликда) солинади.

Ад. Киселев А. В., Романовская Л. И., Применение жидких сложных удобрений в сельском хозяйстве Узбекистана, Т., 1981.

Рисқиев Ёқубжон

СУЮҚЛАНИШ — модданинг қаттиқ кристалл ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтиши; иссиқлик ютилиши б-н кечадиган жараён. Суюқланаётган модданинг таркиби ўзгармаса конгурент С., ўзгарса инконгурент С. дейилади. С. жараёнида модданинг тартибли кристалл тузилиши бузилади, кристаллар юзасида ва кристаллитларнинг ўзаро чегаралари яқинида суюқ микротомчилар пайдо бўлади. Қиздирилган сайин бу микротомчилар йириклашади ва бир-бирига қўйилиб, суюқ фаза бўлиб шаклланади, кристаллар эса фрагментлар шаклига ўтиб то тўлиқ йўқолгунга қадар ўлчамлари кичиклашади. Майда кристалл полидисперс моддаларнинг суюқ ҳолатга ўтиши ўзгармас т-рада эмас, балки маълум т-ралар оралиғида амалга ошали: энг майда кристалларнинг С. т-расидан бошланади ва энг йирик кристалларнинг С. т-расида тугайди. Қаттиқ эритмалар ҳам ўзидаги ғ-ра ориентида суюлади. Бу ғ-ра оралиғи ҳолат диаграммасига мос равишда эритмалар таркибига боғлиқ.

Аморфлик ҳосил моддалар 275° дан (гелий ^3He) 3380° гача (вольфрам W) ғ-ра оралиғида суюқланади. С. ғ-расидан юқорн бўлган бирикмаларга гафний нитрид HfN (3300°), циркоиий карбид ZrC (3887°), тантал карбид TaC (3985°) ва гафний карбид HfC (3890°) киради. Органик моддалар 350—850° да суюқланади. С. табиатда (Ер ости қисмида мум ва қорнинг эриши, минералларнинг магмалар ҳосил қилиб С.и ва б.), фан ва техника, қишлоқ хўжалигида, саноатда муҳим аҳамиятга эга.

СУЮҚЛИК — моддаиинг қаттиқ ва газсимон ҳолатлари ўртасидаги агрегат ҳолат. С.нинг баъзи хоссалари газникига, баъзи хоссалари қаттиқ жисмникига ўхшаб кетади. У қаттиқ жисмга ўхшаб маълум ҳажмни эгаллайди, идишга қўйилганда эса, газ сингари, идиш шаклини олади. Кимёвий таркибига кўра С. 1 компонентли (соф), 2 компонентли (бинар), 3 компонентли ва кўп компонентли (4 ва ундан ортиқ компонентли) суюқ аралашмалар (эритмаларга бўлинади. Физик табиатига кўра С. нормал (одатдаги), суюқ кристаллар ва квант суюқликлар (суюқ ^4He, ^3He ва уларнинг эритмаларига бўлинади. Одатдаги С.лар фазалар билан фазага эга. Гелий ^4He икки суюқ фазада — нормал ва ўта оқувчан фазаларда, суюқ кристалл моддалар эса нормал ва бир ёки ҳатто бир неча анизотроп фазаларда бўлиши мумкин. Нормал С. ташқи таъсир бўлмаганида макроскопик бир жинсли ва изотроп бўлади. Худди шу хоссалари б-н С. газга ўхшайди, аммо анизотроп кристалл қаттиқ жисмлардан кескин фарқ қилади. Аморф қаттиқ жисмлар (масалан, шиша) ўта совитилган С. бўлиб, одатдаги С.дан кинетик характеристикалари сон қийматлари б-н фарқ қилади. Агар С. қиздирила бошланса, унинг *иссиқлик ўтказувчанлик, ёпишқоқлик, диффузия* каби хоссалари газларнинг шундай хоссаларига яқинлашиб боради. *Кристалланиш* т-расига яқинлашганда эса, кўпчилик одатдаги С.ларнинг зичлиги, сиқилувчанлиги, *иссиқлик сиғими*, электр ўтказувчанлиги каби хоссалари мос равишдаги қаттиқ жисмларнинг шундай хоссаларига яқинлашади.

С.ларда молекулалар бир-бирига яқин туради. Шунинг учун ҳар бир молекула ўзининг атрофидаги қўшни молекулалар б-н ўзаро таъсирлашиб туради, С. молекулалари газ молекулалари каби эркин ҳаракат қилмасдан, қандайдир вақт оралиғида ўтроқ ҳолат деб аталувчи ҳолатдаги мувозанат вазият атрофида тебраниб туради. Вақт-вақти б-н С. молекуласи олдинги мувозанат вазиятдан ўз ўлчамларига яқин бўлган масофача узоқликка ўтиб, янги мувозанат вазиятни эгаллаб боради. Шундай С. молекулалари С. ҳажми бўйича бетартиб равишда секинлик б-н кўча бошлайди. С. аниқ ҳажмга эга бўлишига қарамай, маълум шаклни сақлаб қола олмайди ва идишнинг ўзи эгаллаган қисмининг шаклини олади.

Моддаларнинг фаза ҳолати, асосан, т-ра T ва босим P га боғлиқ. Молекулаларнинг ўзаро таъсири ўртача потенциал энергиясининг уларнинг ўртача кинетик энергиясига нисбатан фаза ҳолатини аниқлайдиган катталик $\varepsilon(T, P)$ ҳисобланади. Қаттиқ жисмлар учун $\varepsilon(T, P)>>1$; бу молекулаларнинг ўзаро таъсир кучининг катта эканлигини ва у молекулаларни мувозанат ҳолат яқинида ушлаб туришини кўрсатади. Газлар учун $\varepsilon(T, P)<<1$; бу молекулаларнинг тортишиш кучи уларни бирлигини ифодалайди. С. учун $\varepsilon(T, P)\sim1$. Бу эса С.ни ташкил этувчи молекулаларнинг ўзлуксиз бетартиб ҳаракати ва молекулалар орасидаги ўзаро таъсир кучларининг қўшган ҳиссалари деярли бир хил эканлигини кўрсатади.

С.нинг макроскопик хоссалари *механика, физика*, физик-кимё услубларидан фойдаланиб ўрганилади. Мас., мувозанат ҳолатдаги С.нинг механик ва иссиқлик хоссалари термодинамика услублари; мувозанат ҳолатдан чиқарилган С.ларда содир бўлувчи жараёнлар қайтмас жараёнлар термодинамикаси; яхлит муҳит деб қаралувчи С. ҳаракати гидродинамика; суюқ металларнинг ўзига хос оқими магнит гидродинамика услублари орқали ўрганилади.

Абдуқодир Йўлдошбоевлар.

СУЯК — одам ва умуртқали ҳайвонлар скелетининг асосий қисми. Суяклар бирикгирувчи тўқимаси бир хили. С. бўғимлар, бойламлар, мускуллар ва ўзига бириккан пайлар б-н бирга таянч-ҳаракат аппаратини ҳосил қилади. С. ҳужайралар (остеоцитлар, остеокластлар) ва ҳужайралар оралиғи минерал моддалардан таркиб топган. Остеоцитлар ҳужайралар оралиғи моддаси б-н ўралган; ўсимталар ёрдамида ўзаро туташган; С. тўқимасида моддалар (оқсил, сув, ион) алмашинувини, остеобластлар эса С.лар ҳосил бўлишини, уларнинг сўрилиш (резорбция) жараёнини таъминлайди. Остеобластлар ва остеокластларнинг биргаликда таъсири С. нинг ўсиши ва функционал зўриқишни ўзгаришининг асосини ташкил этади. Ҳужайраларо модда



Катта болдир суяги: бўйига кесилган. *1, 6* — метафизлар тоғайлар; *2, 5* — суякнинг говак қисми; *3* — суякнинг зич қисми; *4* — илик бўшлиғи.

да коллаген (оссеин) толалар ва асосий моддадан иборат, бу моддалар С.нинг пишиқ ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Суяк тўқимаси коллагени ўзига хос полипептидларнинг кўплиги ё-н тоғайдан фарқ қилади. Асосий модда гликопротеидлар ва протеогликанлардан ташкил топган. Минерал компоненти апатит, сульфат ва кальций карбонат кристалларидан иборат. С. эмбрионал ривожланиш даврида бириктирувчи тўқима — мезенхимдан ҳосил бўлади. Бирламчи С. ички тоғай скелетининг суякланишидан (елка, сон ва б.), иккиламчи С. тери ости тангачаларидан (пешона, тепа ва б. С.) вужудга келади.

С. тузилиши ва шаклига кўра узун, яъни найсимон (сон, болдир ва б.), ясси, яъни сербар (тўш ва б.) ва калта (умуртқалар ва б.) бўлади. Найсимон С.ларнинг ўрта қисми (диафиз) ва икки учи (эпифиз) бор. Диафиз зич моддадан, эпифиз ва ясси ҳамда калта С.лар танаси говак моддадан иборат. Диафиз бўшлиғида ва эпифиз говак моддаси оралиғида илик бўлади. С. сирти бириктирувчи тўқимадан ташкил топган суяк усти пардаси — период, ички илик бўшлиғи томонидан худди шунга ўхшаш эндост б-н қопланган. Диафиз 4—15 мкм қалинликдаги пластинкалардан иборат бўлиб, улар орқали қон томирлари ва нервлар ўтади.

С. — кальций ва фосфор депоси ҳисобланади. Паратгормон ва кальцитонин гормонлари қон плазмасида кальций миқдорини ва остеокластларнинг сўрилиш фаоллигини бошқариб туради. С. тўқимаси жуда фаол *регенерация* хусусиятига эга бўлиб, организмда тўхтовсиз янгиланиб туради. Шу сабабдан С.нинг механик хоссалари ҳам организмга тушадиган юкка мос равишда ўзгариб боради. Одам скелети С. таркиби умр давомида янгиланиб туради (яна қ. *Суяк ситими, Суяк чиқиши, Скелет*).

СУЯК СИНИШИ — шикастланиш оқибатида суяк бутунлигининг бузилиши. С.с. травматик ва патологик турларга бўлинади. Травматик С.с. соғлом суякка тўсатдан кучли механик куч таъсир этиши натижасида рўй беради. Патологик С.с. эса бирор касаллик (мас., суяк сили, суяк ўсмаси, остеомиелит, остеопороз ва ҳ.к.) оқибатида мўрт бўлиб қолган суякка кучсиз ташқи таъсир туфайли юз беради. С.с. ёпиқ ёки очиқ бўлади. Ёпиқ синишда синган жой соҳасидаги тери зарарланмайди, очиқ синишда эса тери йиртилиб, суяк бўлаклари теридан ташқарига чиқиб қолади. Очиқ С.с. ёпиғига нисбатан хавфлироқ ҳисобланади, чунки теридаги йиртилган яра орқали инфекция синган соҳага кириб қолиши ва йиринглашга сабаб бўлиши мумкин. Очиқ С.с., асосан, ҳарбий қуроллар таъсири ва йўл-транспорт ҳалокати туфайли содир бўлади.

Синган суяклар сонига кўра С.с.лари монотравма (битта С.с.) ва политравма (бир нечта С.с.)ларга ажратилади. Суякнинг нечта бўлакка бўлинишига қараб оддий (суяк икки бўлакка бўлинса) ва мураккаб (суяк бир неча бўлакка бўлинса) С.с. қайд этилади. Суяк бўлакларининг шаклига кўра С.с.лари кўндаланг, узунасига, қия, винтсимон, Т-симон, V-симон, майдаланган бўлади. Синган суяк бўлаклари жойидан силжимаслиги ёки мускуллар қисқариши натижасида силжиб кетиши мумкин. С.с.нинг фақат болаларга хос бўлган «новдасимон синиш» ва эпифизеолиз турлари мавжуд.

Суяк бўлаклари атрофдаги қон томирлари ва нерв толаларини жароҳатлаши мумкин. Бир нечта майда суяклар ёки битта йирик суяк (мас., сон суяги, чаноқ суяги) синганда ички ва ташқи қон оқиши туфайли травматик шок вужудга келади. С.с.нинг ташқи кўринишдан абсолют (суяк калталашуви, қийшайиши, синиш соҳасида киртиллаш) ва нисбий (шиш, оғриқ, функциянинг бузилиши) белгилари кўзга ташланади.

С.с.ни даволашнинг консерватив (операциясиз) ва оператив усуллари мавжуд. Консерватив даво усуллари (қўлда тортиб ёки тана тортими ёрдамида суяк бўлакларини тўғрилаш, гипс боғлам қўйиш), асосан, оддий С.с.ларида қўлланади. Мураккаб С.с.ларида эса аксарият ҳолларда операция қилинади. Оператив даво усулларидан суяк бўлакларини металл пластинка, штифтлар, бурама мих ва ташқи фиксация аппаратлари (мас., Илизаров аппарати) ва ҳ.к. б-н маҳкамлаш кенг тарқалган.

Суяк бўлакларининг битиши синган соҳада суяк қалоғи ҳосил бўлишига асосланган мураккаб биологик жараёндир. Битиш муддати қайси суяк синганлиги, суяк бўлакларининг ва атроф юмшоқ тўқималарининг ҳолати ҳамда организмнинг умумий аҳволига боғлиқ. Майда ва кўмик суяклар йирик ва узун суякларга нисбатан, болалар суяги эса катталар суягига нисбатан тезроқ битади. Қарияларда суяк битиши секинроқ кечади.

Суяги синган жойни тезда мавжуд нарсалар (картон, фанер, тахтача ва б.) ёки шина қўйиб, устидан дока, рўмол ёки бинт б-н сиқиб боғлаш ва беморни зудлик б-н тегишли касалхонага олиб бориш керак.

СУЯК УНИ — сўйилган моллар суягидан ёғсизлантирилиб, бугда елимсизлантирилиб тайёрланадиган ва қ.х. ҳайвонларига, паррандаларга бериладиган минерал озуқа. С.у. минерал моддаларга, айниқса, кальций (1 кг да 245 г) ва фосфор (118 г) га бой. Асосан, омихта емларга, силоста, концентрат озуқаларга қўшиб, майдаланган илдизмеваларга аралаштириб берилади. С.у. ни, шунингдек, балиқларга, бўтқа ҳолига келтириб мўйнали ҳайвонларга ҳам бериш тавсия этилади. Бир кеча-кундузда соғин сигирларга 60—200, новвосларга (1 ёшгача) 15-40, қўйларга 3-5, уй паррандаларига (товуқ, ўрдак, гоз, курка) 3—10 г дан берилади. С.у. аралаш емга озуқа массасининг 1% миқдорида қўшилади.

СУЯК ЧИҚИШИ — суяк бўғим учларининг бўғимдан ташқарига силжиши. Суяк бўғимдан тўлиқ ёки қисман чиқади. Келиб чиқиш сабабларига кўра С.ч. травматик, одатий, туғма ва патологик турларга бўлинади.

Травматик С.ч. аксарият ҳолларда бўғимни ташкил қилувчи дистал суякка билвосита қаттиқ итарувчи ёки тортувчи куч таъсир этганда ва бўғимда кескин ҳаракат қилиш оқибатида рўй беради. Одам танасида ян кўп С.ч. (барча чиқишларнинг 50%) елка бўғимида учрайди. Деярли ҳамма ҳолларда суяк чиққанда бўғим капсуласи ёрилади ва атроф тўқималарга ички қон қўйилади. Чиққан суяк бошчаси атрофдаги йирик қон томирлари ва нерв толаларини эзиб қўйиши мумкин.

Синган суяк бўлагининг ажралган ҳолати: *1, 2, 3* — кўндаланг синганда; *4, 5, 6* — бўйламасига синганда синган бўлакларнинг силжиши; *7* — суяк қадоғи.



Суяк чиқиши турлари: *1* — елка суягининг чиқиши, *2* — тирсак суягининг чиқиши.

Ташқи кўринишдан С.ч. жароҳатланган бўғимда кучли оғриқ, қўл ёки оёқнинг мажбуран ноқулай ҳолатда бўлиши, бўғимда ҳаракатнинг кескин чекланиши ва ўзига хос деформациялар б-н тавсифланади. Чиққан суякни жойига иложи борича барвақт солиш керак, эскирган С.ч.ни бартараф этиш вақт ўтиши б-н қийинлашиб боради. С.ч.ни жойига солиш учун бир қанча усуллар татбиқ этилган. Улардан баъзилари (мас., *Гиппократ* усули, *Ибн Сино* усули) бир неча асрлардан буён кенг қўлланиб келинади.

Травматик С.ч.да биринчи ёрдам — қўл ёки оёқни рўмол б-н боғлаш ёки тахтакачлаш, оғриқ қолдирувчи дори бериш ва травматологга мурожаат этиш. Мутахассис бўлмаган одамнинг суякни жойига солишга уринишни оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

Баъзан, суяк чиққан вақтда бўғим халтаси ва боғламларининг чўзилиб, бўшашиб кетиши оқибатида, шунингдек, С.ч. етарли даволанмаганда, арзимаган куч таъсирида ҳам суяк яна қайта чиқиб кетаверади. Бу — одатий С.ч.дир. Бу хил С.ч. оператив йўл б-н даволанади.

Туғма С.ч. она қорнидаги ҳомиланинг бирор сабаб б-н нотўғри ривожланиши, бўғим юзаларининг номутаносиблиги оқибатида рўй беради. Кўпинча сон суяги бошчаси, баъзан тизза қопқоғи чиқади. Сон суягининг туғма чиқиши қиз болаларда кўпроқ учрайди. Баъзи одамлар сон суяги чақалоқнинг туғилиш вақтида оёғидан тортиб юборилганлиги учун чиқиб кетади деб нотўғри ўйлайдилар. Сон суяги чаноқ-сон бўғимининг касаллиги туфайли ҳомила ҳали она қорнидалигидаёқ чиқиб бўлади. Шунинг учун янги туғилган чақалоқда травматик С.ч.да учрайдиган оғриқ ва шиш кузатилмайди, бола безовталанмайди. Шу сабабли сон суягининг туғма чиқишини барвақт аниқлаш бирмунча мушкул. Ҳали юрмаган чақалоқларда сон тери бурмаларининг асимметрияси, оёқларни яхши кера олмаслик, бир оёқнинг калталиги, буксаларда ҳаракат вақтида киртиллаш синтари белгиларга қараб диагноз қўйилади. Ультратовуш текшируви, рентгенография (3—4 ойликдан бошлаб) касалликни аниқлашга ёрдам беради. Юриб кетган болаларда оқсоқланиш, «урдаксимон» юриш С.ч. белгиларидир. 1,5—2 ёшгача С.ч.ни операциясиз жойига солиш ва бир неча ой давомида оёқларни кериб ушлаш йўли б-н даволанади. Каттароқ болаларда сон бошчаси операция қилиб жойига туширилади. Чақалоқларнинг оёқларини бирлаштирмасдан эркин йўргаклаш, оёқлар орасини очиб кўтариш сон суяги чиқишини камайтиради.

Патологик С.ч. бўғимни ташкил қилувчи суяклар бўғим юзаларининг орттирилган касаллик (суяк сили, остеомиелит, ревматоид артрит ва б.) оқибатида емирилиши, бўғимни ўраб турган мускуллар фалажи (паралитик С.ч.) сабабли рўй беради. Даво С.ч.ни келтириб чиқарган касалликка қарши қаратилади.

СУЯК ЎЙМАКОРЛИГИ — *ўймакорлик* тури; суякни ўйиб нақш, тасвир ишлаш, кесиб ва йўниб ҳайкалча, буюмлар тайёрлаш санъати. Асосий хом ашё суяк (мамонт ва морж гиши, фил, мол суяги ва шохи, от ва б. ҳайвонларнинг суяги). Керакли ҳажмдаги суяк бўлаги ганлаб олинади, ортиқча қисмлари арралаб олиб ташланади, гадир-будур жойлари эговда текисланади. Суякка гул чизиб, асбоблар (парма, аррача, эгов ва б.) ёрдамида ўйиб нақшлар ҳосил қилинади ҳамда жилоланади.

С.ў. қадимдан йирик ҳайвонлар яшаган ҳудудларда маълум бўлган. Ҳиндистон, Океания, Африка, Россиянинг шим.да тараққий этган; Ўрта Осиё ҳудудида географик шароитга кўра С.ў. ривожланмаган. Халқ амалий безак санъати турларидан — пичоқчиликда ҳамда майда шаклли буюмлар (тугмача ва б.) тайёрлашда С.ў. қўлланилади. 20-а. 60-й.ларидан С.ў. Ўзбекистон амалий безак санъатида бир қадар ривожланди. Жумладан, халқ устаси Ортиқ *Файзуллаев* саъй-ҳаракати туфайли С.ў. да бадиий асарлар — «Чўпон», «Лазги ўйини», «Курант», «Навоий» ва б. яратилди.

Суяк ўймакорлиги. «Чўпон» (уста О. Файзуллаев).

СУЯКЛИ БАЛИҚЛАР (Osteihthyes) — умуртқали ҳайвонлар синфи. Қуйи девон давридан маълум. Уз. 0,7—1,1 см дан 5—7 м гача, баъзан ундан кўпроқ; вазни 1,5 г гача. Ички скелети бирмунча суякланган, баъзи турларида тогайдан иборат. Тангачалари ганоид, космоид ёки суяклан тузилган. Дум бўлакларини тогай ёки суяк нурлар ушлаб туради. Жабралари тўсиқ б-н бўлинмаган, жабра тешиклари жабра қопқоқлари б-н ёпилган. Айрим турларининг сузгич пуфаги иккиламчи тарзда йўқолиб кетган. Уругланиши, одатда, ташқи; айрим турлари тирик туғади. Осморегуляция жабралар ва тери орқали ортиқча сувнинг чиқарилиши орқали амалга ошади. Денгиз С.б.да бу жараён буйрак ва жабралар орқали амалга ошади. Осморегуляция жараёнининг кенг диапозонга эга бўлиши туфайли С.б. ҳар хил шўрланган сувларда яшай олади. Ўткинчи балиқлар денгиздан чучук сувга, чучук сувдан денгизга ўтиши мумкин.

С.б. паррак сузгичли ва нур сузгичли кенжа синфларга бўлинадиган 33 туркум 420 оила ва 20000 га яқин турни ўз ичига олади. Ўзбекистон сув ҳавзаларида С.б. нинг 8 туркум, 14 оилага мансуб 48 тури тарқалган. С.б. нинг 18 тури, жумладан 3 та Ўрта Осиё эндемик тури Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

СУҚРОТ — *Сократ*нинг ажам халқлари ўртасидаги номи.

СУҚСУР, бигиздум (Anas acuta) — ўрдаксимонлар оиласига мансуб қуш. Танасининг уз. 70 см га яқин, вазни 0,7—1,15 кг. Нари урчиш даврида жуда чиройли: боши ва бўйни тўқ қўнғир, бошининг тепа қисми яшил, бинафша тусда товланади, кўкраги оқ, орқаси қора йўлли кулранг, қорни кулранг холли оқ (1-номи шундан); ўрта бошқарув патлари ингичка ва узун (2-номи шундан). Макиёни қўнғир, боши ва бўйни сарғиш холли, қорни кулранг. Яхши учади ва сузади. Уясини ерга ва ўсимликлар орасига қуради. 6—11 та тухум қўяди. Тухумини 22—23 кун босади. Йилда 2 марта туллайди. Ўсимлик ва сув умуртқасизлари б-н озиқланади.

Суқсур.

Европа, Осиё ва Шим. Америкада кенг тарқалган. Ғарбий ва Жан. Европа, Шим. Африка, Осиёнинг ўрта ва жан. қисмида қишлайди. Овланади. Ўзбекистонда баҳор ва кузда қушлар учиб ўтиши даврида учрайди; айрим йиллари жан. ҳудудларда қишлайди.

СУҒД, Сўғд, Сугуд — Ўрта Осиёдаги қад. тарихий-маданий вилоят. Илк марта *ахоманийлар* сулоласи вакилларининг қоятош хотирот битикларида Сугуда шаклида қад. Эрон салтанатига тобе қилинган сатрапликлардан бири, мамлакат номи сифатида қайд этилган. Юнон манбаларида — Согдианой. Бу шакл юнонлар томонидан сўз таркибидаги — анака — тегишлилик, мансублик маъносини билдирувчи нисбат қўшимчасини сўз ўзагига қўшиб юборишдан пайдо бўлган. Хитой манбаларида — Су-ли. С. ёзуви ёдгорликлари мамлакат номини С. ёки Сгуд шаклида кўрсатади. Сугдик ёки Сгудик, Сугдиёнак — Сгудиёнак шакллари «Сугдга тегишли», «Сугдий» каби маъноларда қўлланади. Ўрта асрларда арабий, форсий, туркий манбалар мамлакат номини «С.» шаклида қўллайди.

«С.» сўзининг маъноси фанда турлича талқин қилиб келинади. Мас., Сўч —// Сўз — «куймоқ, ёнмоқ, порламоқ» деб изоҳланган. Бундан С.ни «Муқаддас илоҳий олов (Зардуштийлик тасаввурига кўра) б-н покланган ер» каби маънода талқин этишга ҳаракат қилинган (В. Томашек). Яна бир изоҳга кўра, «С.» сўзи сернам, унумдор ер деб тушунилади. Бунга ҳозирга қадар пастлик, сув йиғиладиган ер «С., Сугут» деб аталишини далил қилиб кўрсатилади. *Авесто*да С. мамлакат номи сифатида бир марта учрайди. «Ардвисура Яшти» —(«Обон Яшт») ва Ардви (Амударё) Ишката, Парута, Моури, Сугуда ва Хваразм томон ҳаётбахш сувларини элтади, дея таъкидланади. Авестонинг Видевдат наскида эса Ахурамазда яратган эзгу юртлардан бири Гава дейилади ва у ерда сугдлар яшайди деб кўрсатилади.

С. мамлакати (пойтахти — Самарқанд, 645—654 й.ларда Кеш) 3 тарихий-географик ҳудудни бирлаштирган. Самарқанд С.и, Бухоро С.и ва Кеш-Нахшаб С.и. Ҳар 3 қисм ўзаро табиий чегарага ҳам эга эди: Зарафшон тоғ тизмалари Самарқанд ва Кеш-Нахшаб ўртасини.

1. Афросиёблик амалдор. 2. Илон ўйнатувчи. Деворий расм. Панжакент (7—8-а.лар).

Карманадан кейин Малик чўли Бухоро ва Самарқанд С.ини ажратиб турган.

*Буюк ипак йўли*нинг марказий тармоқлари С. орқали ўтган. Натижада С. халқаро савдо муносабатларида муҳим ўрин тута бошлаган. Буюк ипак йўли бўйлаб С. савдогарларининг қишлоқлари, шаҳарларида эса уларнинг маҳаллалари пайдо бўлган. С. тили халқаро тил ролини ўйнаган. Бу ҳол Хитой сайёҳлари томонидан С.нинг чегаралари ҳақида нотўғри тасаввурлар ҳосил қилган (Сюань Цзан).

С. мил. ав. 6—2—1-а.ларда аввал ахамонийларга, сўнгра македониялик *Александр* тузган салтанатга, унинг давомчиси Салавк давлатига, Юнон-Бақтрияга тобе бўлган. Мил. ав. 2—1-а.лардан бошлаб С. ўз мустақиллигини тиклашга киришган. Унинг марказий ва маҳаллий тангалари зарб қилина бошлаган. С. аста-секин ҳар 3 қисмни ўз атрофига тўплаган конфедератив давлат уюшмасига айланиб борган.

Мил. 1-минг йилликнинг 1-ярмида С. кушонлар, хионийлар, абдаллар, кидарлар таъсирида бўла туриб, ўз нисбий мустақиллигини сақлаб келди. С. конфедерацияси мил. 6-а. ўрталаридан 8-а.нинг бошларигача сиёсий жиҳатдан кучайиб борган. Араб истилосининг бошлангич давридан (8-а.нинг 1-чораги), то С. подшоси Турғар даври охиригача (738—759 й.лар) С. ўзининг конфедератив хусусиятини сақлашга ҳаракат қилган. Турғардан кейин С.да ихшидлик сиёсий ҳокимият тугаб, мамлакат халифалик таркибига сингдирилган.

Ад.: Смирнова О. И., Очерки из истории Согда, М., 1971; Исҳоқов М., Суғдиёна тарих чорраҳасида, Т., 1990; Исҳоқов М., Унутилган подшоликдан хатлар, Т., 1992; Эшов Б., Суғдиёна тарихидан лавҳалар, Т., 2002.

Мирсодиқ Исҳоқов.

СУҒД АДАБИЁТИ — *суғд тилида* яратилиб, бизгача сақланган ёзма манбалар. Манбаларнинг асосий қисми 4—10-а.ларга тааллуқли бўлиб, булда, *монийликка* тегишли матилар, кундалик турмушга оид ҳужжатлар, турли ёзишмалар, фармон ва ёрлиқлар, суғд астрономик календари, Ўрта Осиё халқлари эпосларини ташкил этади. Турли алифбода битилган бу ёдгорликлар оромий ёзувларида ёзилган бўлиб, Синьцзян ҳудудидан, шунингдек, Муғ тоғидан топилган (қ. *Муғ қалъа ҳужжатлари*). *Афросиёб деворий расмидаги* элчи тасвирида 16 сатрдан иборат ишонч ёрлиги ёзилган. Суғд ёдгорликларидан яхлит бир адабий-бадиий асар сақланмаган бўлса-ла, ранго-ранг сюжетлардан тузилган қочирим сўзлар, ҳикматли ибораларга тўла мактуб ва ёрлиқлар суғдларда бой адабиёт бўлганини кўрсатади.

Суғд ёдгорликлари орасида *Рустам* ҳақидаги эпослан парчалар (5—7-а.) катта адабий қимматга эга бўлиб, буларда Рустамнинг девлар б-н қилган жанги тасвирланган. Рустам образи аввал халқ оғзаки ижодида, кейинчалик ёзма адабиётда яратилди.

Монийликка тааллуқли суғд матилари орасида «Калила ва Димна»даги «Савлоғар ва марварид тешувчи», «Уч балиқ ҳақида», «Тулки ва маймун» масалларига мазмунан яқин бўлган ҳикоя ва масаллар учрайди. «Халқлар рўйхати» номли суғд ҳужжати 8-а.га оид. Бунда ўша вақтда Ўрта Осиёда яшаган 21 халқ ва элатнинг номи берилган.

Ад.: Бертельс Е. Э., История персидско-таджикской литературы, М., 1960; Оранский И. М., Введение в иранскую филологию, М., 1960; Исоҳов М., Суғдиёна тарих чорраҳасида, Т., 1990.

СУҒД ВИЛОЯТИ (1939 й.дан 2000 й. июнгача Ленинобод вилояти) — Тожикистон Республикаси таркибидаги вилоят. Республиканинг шим.да жойлашган. 1939 й. 27 окт.да ташкил этилган. 1962 й.да тугатилиб, 1970 й. 23 дек.да қайта ташкил этилди. С.в. шимол, шим.-шарқ, шим.-ғарб ва ғарбдан Ўзбекистон Республикаси, шарқдан Қирғизистон Республикаси, жан.дан Тожикистоннинг Республикага қарашли туманлари б-н чегарадош. Майд. 26,1 минг км². Аҳолиси 1872 минг кишидан зиёд (2001), асосан, тожик ва ўзбеклар, шунингдек, рус, қирғиз, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

1918—24 й.ларда С.в. ҳудуди Туркистон АССРнинг Самарқанд вилояти Хўжанд уезди, 1924—29 й.ларда Ўзбекистон ССР, 1929 й.дан Тожикистон ССР таркибида. 1939 й.дан вилоят мақомида.

С.в.да 14 туман, 10 шаҳар ва 21 шаҳарча бор. Маркази — *Хўжанд* ш. Асосий шаҳарлари Хўжанд, Уструшона (собиқ Ўратепа), Исфара, Қайроққум, Конибодом, Панжакент, Табошар, Чкаловск.

С.в. ҳудуди республиканинг шим.да (Тяньшан ва Ҳисор-Олай тоғларининг ғарбий қисмида, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзасида). Рельефи ҳар хил: тоғ тизмалари (Туркистон, Зарафшон, Қурама, Ҳисор) б-н бирга адирлар ва улар орасида водийлар (Сирдарё водийси, Зарафшон водийсининг шарқий қисми) бор. Шим. қисмида *Қурама тизмаси*, *Мўғултоғ*, жан.да *Туркистон тизмаси*, *Зарафшон тизмаси*, шунингдек, *Ҳисор тизмаси* жойлашган.

Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 9,7° дан (Анзоб довони) 27,5° гача (Ашт, Хўжанд), энг юқори т-ра 45° (Хўжанд), 46° (Зафаробод). Қиши ўртача совуқ, янв.нинг ўртача т-раси — 12,7° дан (Анзоб довони) —1° гача (Хўжанд). Энг паст т-ра —30° (Зафаробод). Вегетация даври 230 кун. Йилига 100 мм (Конибодом), 250 мм (Ашт), 400 мм (тоғларда) ёғин ёғади. Асосий дарёси — Зарафшон (Фондарё ва Ягноб ирмоқлари б-н), шунингдек, Исфара, Хўжабақирғон, Оқсув (Сирдарё ирмоқлари) ҳам мавжуд. Йирик кўллар: Искандаркўл, Оқсувкон. Шунингдек, Қайроққум ва Каттасой сув омборлари ҳам бор. Тупроқлари бўз, ўтлоқи ва жигарранг тупроқлар. Ўсимлик дунёси вертикал минтақалар ҳосил қилган. Текисликлар ва адирларда шувоқ, лола, тоғ даштларида чалов ўсади, баъзи тоғ ён бағирларида заранг, зирк, арчазорлар учрайди. 3000 м дан баландроқ тоғларда субальп ва альп ўтлоқлари бор. Ёввойи ҳайвонлардан айиқ, бўри, тулки, кийик, товушқон, жайра, бўрсиқ, қобон, сибирь тоғ эчкиси, қор қоплони; қушлардан қирғовул, улар, каклик, булбул, каптар, майна, қизилиштон, зоғ, ўрдак яшайди; балиқлардан лаққабалиқ, сазан, зоғорабалиқ ва б. бор.

С.в.нинг хўжалиги Тожикистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан анча ривожланган. 1980—90 й.ларда республика саноат маҳсулотининг 35%, жумладан, кўмир қазиб чиқариш 100%, гилам тўқиш 99%, газ и.ч. нинг 93% вилоят ҳиссасига тўғри келган. Айни пайтда металлсозлик, енгил, озиқ-овқат, кончилик саноати, қурилиш материаллари и.ч., Анзоб руда к-ти, Шуроб кумир кони, ҳамда Чкаловскдаги к-тлар, Қайроққум ГЭС, Хўжанд шойи тўқиш, Қайроққум гилам тўқиш корхоналари, шунингдек, озиқ-овқат (консерва, ун, гушт-сут к-тлари, ёғмой, вино, қандолатчилик цехлари, нон пиширин бирлашмаси), пахта тозалаш з-длари ҳам мавжуд. Қ.х.нинг муҳим соҳалари — пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, токчилик ҳамда пиллачиликдир. С.в.да республика қ.х. маҳсулотларининг 30% ишлаб чиқарилади. Шунингдек, вилоятда пахтанинг 27%, пилланинг 50%, тамакининг 89%, сабзавот маҳсулотларининг 50% етиштирилади.

Қ.х. экинлари, асосан, Катта Фарғона канали, Шим. Фарғона канали, Тожикистон, Марғолар, Сомгар насос ст-ялари, Хўжабақирғон, Мирзачўл, Деҳмай, Каттасой ва Ашт каналларидан суғорилади. Душанба — Конибодом йўналишидаги Транстожик т.й. Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Шунингдек, Тошкентдан Фарғона водийсига қатновчи поездлар ҳам С.в. орқали ўтади. Т.й.лар узунлиги 173,2 км. Вилоятни республика маркази б-н боғловчи автомагистраль йўли Шаҳристон (бал. 3378 м), Уструшона ва Айний оралигида (Туркистон тизмасида) ва Анзоб (бал. 3372 м, Айний ва Варзоб оралигида, Ҳисор тизмасида) довонлари орқали ўтганлиги боис, ноябрь ойидан май ойигача довонлар ёпилади. Республика марказини вилоят маркази б-н боғлаш мақсадида Уштур туннелини қазиш ишлари 1982 й.да бошланиб, 1993 й.гача 21,5 км узунликда қазиб битказилган эди. Туннель қазиш 1999 й.дан яна давом эттирилди.

С.в.да Тожикистон ФАнинг вилоят бўлими, Тожикистон ҳуқуқ, бизнес ва сиёсат давлат ун-ти, Хўжанд давлат ун-ти ва б. олий ўқув юртлари, Мичурин номидаги боғ ва токчилик и.т. институти фаолият кўрсатади. Суғд вилояти ўзбеклар жамияти (1991 й.дан) ишлаб турибди. 10 га яқин тарих-этнография музейи, 400 га яқин жамоат кутубхонаси, 5 театр, 302 клуб, 10 дан зиёд меҳмонхона, Тожикистон ФАнинг ботаника боғи, 10 га яқин санаторий ва профилакторий, халқаро аэропорт мавжуд. Хазрати Мавлоно меъморий мажмуаси (12-а.), Намозгоҳ масжид-мадрасаси (16—17-а.лар), Мозори Амир Ҳамза Хасти Подшо (11—12-а.лар), Муҳаммад Бошаро (11—12-а.лар, 1342—43 й.лар), Абдуқодир Желоний (15-а. охири — 16-а.), Муслиҳиддин (16-а.) мақбаралари, Кўк Гумбаз (Абдаллатиф) масжиди (16-а.), Мир Ражаб Додҳо мадрасаси (16—17-а.лар), Уструшоналаги масжид (18—19-а.лар) ва б. сақланган.

СУҒД ЁЗУВИ — мил. 1—9-а.ларда мавжуд бўлган, *оромий ёзуви* асосида шаклланган ҳарф-товуш ёзуви; у бир манба — оромий ёзувидан тарқалганлигига кўра *сурёний ёзувига* яқин турали, лекин улар параллел ҳолда мустақил шаклланиб, ривожланганлар. Зарафшон дарёсининг водий ва юқори оқим қисмларида жойлашган *Суғд* (Суғдиёна) вилоятида қўлланган.

С.ё. сомий алифболар сингари консонант ёзув бўлган, яъни ҳарфлар асосан ундош товушларни ифода қилган; унли товушлар махсус белгиларга эга бўлмаган. Дастлаб унда 22—23 ҳарф мавжуд бўлиб, уларнинг деярли барчаси қад. оромий прототипига бориб тақалган ва жойлашиши ҳам оромий алифбосидаги сингари бўлган. Кейинчалик, 4-а. бошларида баъзи ҳарфларнинг алифбодан чиқиб кетиши, баъзи ҳарфларнинг шаклан бир-бирига яқинлашуви, ўхшаб қолиши натижасида ҳарфлар сони 17 тадан иборат бўлиб қолган. С.ё. дастлабки пайтларда график шакллари бўйича оромий ёзувидан унчалик фарқ қилмаган, лигатуралар кўп бўлмаган. 7-а. ўрталарида эса С.ё. нинг қия (курсив) шакли пайдо бўлиши б-н лигатуралар кўпайган, кўплаб ҳарфларнинг ёзилиши бир-бирига ўхшаб қолган. Бу ҳолат қия ёзувни қийинлаштирган ва қўшимча диакритик белгилар қўлланишини тақозо этган.

С.ё. асосан горизонтал ҳолатда ўнгдан чапга қараб ёзилган. Аммо суғдлар 6-а. охиридан бошлаб вертикал йўналишда ҳам (деворлар ва қояларда) ёзганлар, вертикал сатрлар чапдан ўнгга томон жойлашиб борган.

С.ё. нинг мил. 1-а.га оид энг қад. намунаси Самарқанд яқинидаги Талли Барзу деган жойдан топилган, энг сўнгги намуналари эса 8-а. охири — 9-а. бошларига мансуб. Ёдгорликларнинг кўпи 20-а.да Шарқий Туркистондан топилган. Шулардан бири 808—821 й.ларда ҳукмронлик қилган хоқон шарафига битилган, уч тилдаги (суғд, қад. турк ва хитой) қабр тоши ёзувидир. С.ё. намуналарининг аксарияти 4—8-а.ларга тегишли бўлиб, улардан Муғ қалъа харобасидан топилган ҳужжатлар (1933) муҳим илмий аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатлар ва С.ё.нинг баъзи бошқа ёдгорликларида суғд адабий тили меъёрлари, унинг адабий-бадиий услуби яққол сезилади. С.ё., ўз навбатида, қад. туркий *руник ёзуви* ҳамда *уйғур ёзувини* шакллантириш учун асос бўлган.

С.ё. ни ва суғд тилини ўрганишга санкт-петербурглик олим В.А. Лифшиц катта ҳисса қўшган. Ҳоз. кунда Ўзбекистонда ҳам ўзига хос суғдшунослик мактаби вужудга келган: проф. М. Исҳоқов ва унинг шогирдлари суғд ёзуви, суғд тили ва адабиётининг турли жиҳатларини, хусусиятларини ўрганиб келмоқдалар. С.ё. ёдгорликларининг асосий қисми Санкт-Петербург, Лондон, Париж, Берлинда сақланмоқда.

Ад.: Оранский И.М., Введение в иранскую филологию, М., 1960; Дирингер Д., Алфавит, Пер. с англ., М., 1963; Фридрих И., История письма, Пер. с нем., М., 1979.

Абдунаҳоб Мадвалиев.

СУҒД ТИЛИ — эроний тилларнинг шим.-шарқий гуруҳига мансуб ўлик тил. Зарафшон дарёси водийси (ҳоз. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудуди)да жойлашган Суғд (Суғдиёна) давлатининг расмий тили ҳисобланган. «Суғд» топоними қад. ёзма манбалардан «Авесто»да учрайди. Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, 8—9-а.лар (С.т.нинг асосий ёзма ёдгорликлари яратилган давр)да С.т. асосий ёзма ва оғзаки алоқа тили ҳисобланган. Кейинчалик, араблар босқинидан сўнг, С.т. араб, классик форс (тожик) тиллари ҳамда туркий тиллар томонидан сиқиб чиқарилган. С.т. нинг узил-кесил йўқолиши 12—13-

Лотина ўқилиши	Мил.гача 2-а.даги Нисо матидан олинган	Бухоро суғд ёзуви	Мунчоқ теладан топилган ёзувдан	Мил. 4-а.даги суғд ҳужжатларидан	Мил. 7-9-а.лардаги суғд ёзуви
'	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
B	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
C				[illegible]	[illegible]
H	[illegible]				
W	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
Z	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
X (H)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	
J	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
K	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
D (L)	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
M	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
N	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
S		[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
P	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
Č (S)				[illegible]	[illegible]
R	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
Š	[illegible]	[illegible]		[illegible]	[illegible]
T	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]	[illegible]
h			[illegible]	[illegible]	[illegible]

Турли суғд ёдномаларидаги ҳарфий белгиларнинг қиёсий жадвали.

а.ларга тўғри келади. Бу тилнинг баъзи (асосан луғавий) унсурлари ҳоз. ўзбек ва тожик тилларига сингиб кетган.

С.т. бир неча шева ва лаҳжаларга бўлинган. Суғдиёна ҳамда унинг Ғарбий Хитойдаги мустамлакаларида топилган ёдгорликлар тили суғдий шеваларининг ғарбий гуруҳини акс эттиради. Шарқий суғд тармоғи эса ривожланиб, ҳоз. яғноб тилига асос бўлган.

С.т. вокализми чўзиқлиги жиҳатидан ўзаро қарама-қарши қўйилувчи 5 жуфт унли (а—ā, и—ӣ, у—ӯ, э—ē, ӯ—ō), 2 жуфт дифтонг ва ўз жуфтига эга бўлмаган э фонемасидан, консонант тизими эса 19 фонемадан иборат бўлган. Грамматик қурилишида аналитик белгилар б-н бир қаторда қад. флектив турга хос хусусиятлар ҳам мавжуд бўлган.

Суғд ёзуви қад. оромий ёзуви асосида мил. 1-а. бошларида шаклланган. Турли даврларда ўзгариб борганлиги туфайли бир неча кўринишга эга. Энг қад. ёдгорликлари 2—4-а. ларга мансуб. Улар Шарқий Туркистон, Тожикистон (Муғ қалъа харобаси), Афросиёб, Тошкент, Кува ва б. жойларда топилган. Афросиёбдан топилган 16 сатрли ҳужжат матни 7-а. ўрталаридаги Ўрта Осиё халқлари ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумот беради.

СУҒД ҚОЯСИ — македониялик Искандар (*Александр*)нинг Туронзаминга қилган юриши даврида суғдлар томонидан мудофаа қилинган *Навтака* яқинидаги тоғ қалъаси. Антик давр тарихчилари тоғ чўққиларидаги табиий ҳимоя хусусиятига эга бўлган қалъа ва қўрғонларни «қоя» (юн. «петра») деб атаганлар. 328—327 й.лар қишини Александр Навтакада ўтказган. Баҳорда эса С.қ.га яқинлашган. Суғдларнинг кўпчилиги шу қояга қочиб жон сақлаган. Суғдлар у ерга анча вақтга етадиган озиқ-овқат олиб чиқишган. Қиш фаслининг серёғин келганлиги қалъадагиларни сув б-н таъминлаган, македониялликларни эса қалъага яқинлашишларига тўсқинлик қилган. Александр қалъадагиларга музокара олиб боришни таклиф этган ва С.қ.ни топширишса уларни омон қолдиришини айтган. Қамалдагилар «қалъани олиш учун қанотли аскарлар изламоқ керак» деб, таклифни рад этишгани Александрнинг ғазабини келтирган. Александр кимки 1-бўлиб қояга чиқса 12 талант, 2-,3-мукофотларни, энг охирида чиққан аскар 300 дарик олишини эълон қилган. У қамал пайтида тоғларга чиқишга малакаси бор 300 аскарни қалъага жўнатган. Улар чодир тортишда ишлатиладиган михлар тайёрлаб, михларни мўйна тиқиб, уларга эса каноп арқонлар боғлаб, бир-бирига қумаклашиб тоғ пайтида ҳеч ким кўринмаётган тик тоғ чўққисига кўтарилганлар. Чўққига кўтарилишда 30 аскар ҳалок бўлган. Александр қалъадагиларга жарчи юбориб вақтни чўзмасликни, қанотли аскарлар тошгани, улар чўққини олганлигини айтиб тепалагаги аскарларни қўрқитган. Суғдлар бундай кутилмаган ҳолисадан саросимага тушиб, қояни жуда кўп одам эгаллаган деб ўйлаб таслим бўлишган. Жуда кўп аёллар ва болалар, шу жумладан, Александрнинг ҳали ҳаёт бўлган лушмандари орасида энг кучлиси ҳисобланган ва Суғдда катта обрўга эга бўлган Оксиартнинг хотини ва болалари асир олинган. Александр бир кўришдаёқ Оксиартнинг қизи *Роҳшанак*ни севиб қолиши, уни уйланиши шунга олиб келганки, Оксиарт, *Арриан*нинг ёзишича, «далиллаб» Александрнинг қошига келган ва унинг дарғазаблигини юмшатган.

Бахтиёр Ғафуров

СУҒДИЁНА КИШМИШИ — ўрта пишар хўраки узум нави. Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илм.-тад. ин-тининг Самарқанд филиалида *Победа* ва *Қора кишмиш* навларини чатиштириб чиқарилган (К.В.Смирнов, Е.П.Перепелишина). Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача, 5 бўлмали, юзаси бироз бурмали, остки қисми туксиз. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, оғирлиги 800—900 г, шингиллари ўртача ҳавол, гужуми йирик — 5 г гача, мумғубор б-н қопланган. Пўсти юпқа, таъми ширин, хушхўр. Тўлиқ пишганда қанд моддаси 25—26% га етади. Ҳосили авг. охири — сент. бошларида тўлиқ етилади.

Суғдиёна кишмиши.

Ўртача ҳосилдорлиги 180—200 ц/га, янгилигида истеъмол қилинади, майиз солинади (25—26,2% майиз тушади).

СУҒДИЙЛАР, суғдлар — Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳасининг қад. аҳолиси. Бу минтақада С. этник уюшма сифатида мил. ав. 12—11-а.ларда

Суғд иншида Гуранинг жетаншаси

пайдо бўлган. *Августа* китобида Гава номли юртда С. яшаган деб кўрсатилган («Валерианга», I фрагмент). Ахоманийлар қоятош битикларидаги Суғда номли қарам сатраплик аҳолиси С. бўлган.

С. ҳар 2 воҳада деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Мил. ав. 8—7-а.ларда *Кухтепа, Афросиёб, Узунқир*, Сангиртепа, Ерқўрғон ш. харобалари ўрнида бўлган қад. шаҳарлар Суғд халқи шаҳарсозлигининг илк йирик марказлари эди.

С. узоқ муддат турли салтанатлар таркибида бўлиб келганлар. Жумладан, ахоманийлар, юнонлар, кушонлар, хионийлар, эфталийлар, кидарийлар, Турк хоқонлиги даврида ҳам нисбий мустақиллик руҳини сақлаганлар.

Мил. ав. 2—1-а.лардан бошлаб С. ўз ҳудудларида янги конфедератив давлат тизими атрофида бирлашдилар. Асосий пойтахт шаҳарлар Самарқанд бошчилигида *Кеш, Бухоро*, Нахшаб(*Насаф*) кабилар эди. Айни шу даврдан умумсуғд алифбоси ёзуви амал қила бошлаган ва унинг кўплаб ёдгорликлари бизгача етиб келган.

С. Буюк ипак йўли халқаро муносабатларда катта нуфузга эга эдилар. *Суғд тили* халқаро тил даражасига кўтарилган. *Суғд ёзуви* эса, қад. туркий-рунний, уйғур-туркий, мутул. манжур ва б. Шарқ ёзувларига график асос бўлиб хизмат қилган. С. ут ёзма ёдгорликларида халқ сифатида «Студик ноб»-«Суғд халқи» деб аталган.

С. Шарқини Туркистонга савдо б-н келиб, Буюк ипак йўлидаги шаҳар ва қишлоқларда, 4—5-а.лар давомида (бўлки олдинроқ) шу ерларда қолиб яшаганлар. Бу ердаги вилоятларнинг кўпчилигида савдо-сотиқ ишлари С.нинг қўлида бўлган. Дунхуан ва Гузичжоу вилоятларининг ҳокими маълум вақтларгача С.дан бўлган. 6—8-а.лар давомида буларнинг ҳам кўпчилиги туркийлашиб кетган.

Ад.: Исҳоқов М., Суғдиена тарихи чорраҳасида, Т., 1990; Исҳоқов М., Уларнинг позволларидан хатлар, Т., 1992; Согдийские документы с горы Мут, вып. 1—3, М., 1962—63.

Марсувар Исҳоқов

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ҒАЛЛА ВА ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР ИНСТИТУТИ — галлачилик соҳасидаги йирик илмий тадқиқот маркази. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий и.ч. маркази таркибида. 1997 й. 25 авг.да ташкил этилган. Андижон вилоятининг Куйганёр посёлкасида жойлашган. Ин-тда 11 та бўлим (дон экинлари селекцияси; дон экинлари агротехникаси; уруғчилик; агрокимё; дуккакли ва ем-хашак экинлари селекция ва агротехникаси; бирламчи селекция материалларини яратиш ва уларни баҳолаш; ўсимликларни ҳимоя қилиш; ўсимликлар физиологияси, биокимёси ва сифат таҳлили; механизация; иқтисодиёт; филиаллар фаолиятини мувофиқлаштириш ва фан ютуқларини и.ч.га жорий этиш) фаолият кўрсатади. Ин-нинг Қорақалпоғистон Республикаси, 10 вилоят (Андижон вилоятидан ташқари)нинг туманларидаги ширкат хўжаликларида ва тажриба ст-яларида жойлашган вилоят филиаллари, Ғаллаорол филиали, Избоскан туманида «Истиқлол» тажриба хўжалиги бор. Ин-т филиаллари ва тажриба хўжалигининг ер майд. 2695 га. Ин-т илмий фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбекистоннинг турли тупроқ ва иқлим шароитларига мослашган, касалликларга чидамли, маҳсулдор, дон сифати юқори бошоқли ва дуккакли экинларнинг янги навларини яратиш, уларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда бирламчи уруғчилик тизимини ташкил этишдан иборат.

Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар институтининг галла экинлари тажриба майдони.

Ин-тда турли мамлакатлардан келтирилган бошоқли дон экинлари навларининг 8 минг, дуккакли экинларининг 700 дан ортиқ навлари коллекцияси тўпланган. 1997—2004 й.ларда юмшоқ кузги буғдойнинг 12, тритикаленнинг 1, ҳўраки кўк ноҳатнинг 1 янги нави яратилди. Улардан Чиллаки, Андижон 2 ва Андижон 4 кузги юмшоқ буғдой навлари Давлат реестрига киритилди. Бу навларнинг бирламчи уруғчилик тизими ташкил этилиб урғи кўпайтирилмоқда. Ин-тда 6 фан д-ри, 18 фан номзоди ва 50 дан ортиқ малакали илмий ходим ҳамда мутахассислар ишлайди (2004). Ин-т фаолияти Р.И. Сиддиқов, Т.Жалолов, С. Тешабоев, И.У. Эгамов ва б. олимларнинг номлари б-н боғлиқ. Ин-т республикадаги 10 дан ортиқ и.-т. ин-тлари, РФ Краснодар ш.даги П.П. Лукьяненко номидаги Қишлоқ хўжалиги и.т. ин-ти, олий ўқув юртлари ҳамда бир қатор халқаро илмий марказлар (ИКАРДА) б-н ҳамкорлик қилади.

Равшан Сиддиқов.

СУҒОРИШ, ирригация — тупроқни манбалардан олинган сув б-н сунъий намлаш. *Мелиорация*нинг бир тури. С. тупроқнинг ўсимлик илдизи тарқалган қисмида энг қулай сув режимини ҳосил қилади. Бу эса ўсимликларнинг тупроқдан озиқ моддалар — минерал ва органик ўғитларни ўзлаштиришига қулай шароит яратади ва қ.х. экинларидан юқори ҳосил олишни таъминлайди. С. ер ҳосилдорлигини суғорилмайдиган шароитларга қараганда 8—10 марта оширади, интенсив деҳқончиликни жорий этиш имкониятини беради. Бу эса сув хўжалиги қурилишига ва ерларни мелиоратив ўзлаштиришга сарфланган капиталнинг тез (3—5 йил ичида) қопланишини таъминлайди.

Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Россия, Япония, Миср (экин экиладиган ҳамма майдони суғориладиган)да, АҚШ, Мексика, Италия, Болгария, Франция ва б. мамлакатларда суғориладиган ерлар 20-а.да айниқса тез кенгайиб борди, йирик суғориш системалари барпо этилди. 20-а.нинг 50-й.ларида дунёда суғориладиган жами ер майд. 121 млн.га, 80-й.ларда 230 млн.га дан кўпроқни, 20-а. охирида 271,4 млн.га ни ташкил этди. Осиёда 191,2, Шим. Америкада 30,4, Европада 24,6, Африкада 12,5, Австралияда 2,4 млн. га экин майдонлари суғорилади (1999).

С. қадимий даврлардан бошлаб суғормасдан ҳосил олиб бўлмайдиган нессиқ минтақаларда, кейинчалик эса ётин нотекис ёғадиган, натижада қ.х. экинларидан барқарор ҳосил олинмайдиган зоналарда ривожланди. Миср, Месопотамия, Ўрта Осиё, Мексика, Эроннинг қуруқ иқлимида одамлар тошқин сувлар босадиган майдонларда озиқ-овқатга яроқли ўсимликларни ўстиришга ўрганди. Кейинчалик бундай ерлар марзалар б-н ўралиб, уларда сувни узоқ вақт сақлаб қолиш ва қ.х. экинларидан мунтазам ҳосил олиш имкони яратилди. Сурхондарё воҳаси, Фарғона водийсининг шарқий қисми, Амударё дельтаси, Зарафшон дарёси ҳавзасида ўтказилган археологик қазишлар мунтазам С. Ўрта Осиёда мил. ав. 2-минг йилликда бошланганлигидан далолат беради. Амударёнинг қуйи оқимида мил. ав. 8—7-а.дан мил. 3-асргача С. жуда тараққий этган. С.нинг ривожланиши ва суғориладиган майдонларнинг кенгайиши б-н сувни узоқ масофаларга олиб бориш эҳтиёжи пайдо бўлди. Бош иншоотн содда бўлган дастлабки *канал*ларнинг барпо қилиниши мил.дан ав. 1-минг йиллик ўрталарига тўғри келади. Ўрта асрларда суғорма деҳқончиликда буюк кашфиёт — биринчи сув кўтаргич — *чигир* яратил-

Эгатлар бўйлаб суғориш.

ди. Натижада ариқлар ёки табиий сув манбаларидан баландда жойлашган кичикроқ ер участкаларини суғориш мумкин бўлди.

Ўрта Осиёда суғориладиган ерларнинг кескин кенгайиши 19-а. охирларига тўғри келади. Аммо янги ерларни режали ўзлаштириш ва деҳқончиликка яроқсиз бўлиб қолган суғориладиган ерларни қайта тиклаш, катта майдонларни С. имкониятини берадиган йирик суғориш системаларини барпо этиш фақат 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб олиб борилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда фақат 1965—90-й.ларда суғориладиган ерлар майдони 5,8 млн.га (1965)дан 8,8 млн.га га етади. Ўзбекистонда эса 2001 й.да 4,3 млн.га суғориладиган ерларда деҳқончилик қилинди (1914 й.да 1,8 млн.га).

Суғориладиган ер майдонларининг кенгайиши қ.х.да сув истеъмолининг кўпайишига олиб келди. Натижада *сув омбори* қуриш йўли б-н дарё оқимларини мавсумий, кейинги йилларда эса кўп йиллик тартибга солиш муҳим масалага айланди. Юқори қувватли *насос*ларнинг яратилиши қарийб 250—300 м³/с сувни босқичма-босқич баландликка кўтариб, қ.х. экинзорларини машина ёрдамида суғоришга имкон берди. Ҳоз. даврда Орол денгизи ҳавзасида жами йиллик ҳажми 105 млрд. м³ бўлган умумий оқимнинг 95 млрд. м³ суви С.га сарфланмоқда. Бу эса сув ресурсларини тўлдириш ва суғориш системасининг барча бўғинларида сувни тежашни тақозо қилади. Сув ресурсларини тўлдириш асосан сувни ҳавзалараро қайта тақсимлаш (Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл, Қоракум ва б. каналлар), оқова ва шўрланган дренаж сувларидан қайта фойдаланиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

С. усуллари ва турлари. С. тупроққа меъёрланган (белгиланган) миқдорда сув беришини таъминлайдиган, гидротехника қоидаларига асосланган техникавий, агротехник ва ташкилий-хўжалик тадбирлари мажмуидан иборат. С. ўтказиладиган вақтига қараб мунтазам ва даврий турларга бўлинади. С. мақсадига қараб эҳтиёт (яхоб), шўр ювиш, вегетацион, озиқлантирувчи (шарбат) ва б. турга бўлинади. Айрим ҳолларда бир турлаги С. бир қанча мақсадларда ўтказилиш мумкин.

Қадимдан маълум бўлган оқизиб сув бериш усуллари (бостириб, тахталарга бўлиб, эгатлар олиб) аста-секин такомиллашиб С.нинг *ёмғирлатиб суғориш, томчилатиб суғориш* ва *тупроқ остидан суғориш*, аэрозоль усулида суғориш сингари такомиллашган усуллар яратилди. Иқлим қуруқ бўлган Ўрта Осиёда экинлар кўп миқдорда сув талаб қилади, шунинг учун суғориладиган майдонларда асосан тупроқ (ер) устидан оқизиб сув бериш ва қисман ёмғирлатиб суғориш усули қўлланилади.

Кейинги йилларда С.нинг механизациялаштирилган, ярим автоматлаштирилган, автоматлаштирилган ва б. турлари пайдо бўлди (яна қ. *Суғориш нормаси*).

Ад.: Мамедов А.М., Ирригация Средней Азии, М., 1969; Коржавин Б.Д., Ўзбекистонда суғориш ишлари Т., 1976; Ирригация Узбекистана; т. 1—4, Т., 1975—1981; Муҳаммаджонов А.Р., Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. Т., 1972; Муҳаммаджонов А.Р., Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари, Т., 1997; Мирзаев А., Суғориш ва зах қочириш мелиорацияси, Т., 1979; Орошение земель в Средней Азии и Казахстана, М., 1980.

Ярим қаттиқ полиэтилен сув қувурлари билан суғориш. Сирдарё вилояти.

СУҒОРИШ НОРМАСИ — қ.х. экинларини етиштириш учун вегетация даври давомида майдон бирлига зарур бўлган сув миқдори, м³/га б-н ўлчанади. С.н. нетто ва бруттога бўлинади. Нетто С.н. биринчи сув беришдан охирги сув беришгача даврда дала сув истеъмолининг (эвапотранспирация) умумий миқдорига тенг. Табиий намлик беқарор бўлган зоналарда С.н. ҳисоб-китобларида вегетация давридаги етиш миқдори нетто-дан айрилади. Нетто С.н. экинлар тури, нави, тупроқ, иқлим, гидрогеологик ва мелиоратив шароитларга боғлиқ (қ. *Суғориш режими*). Брутто С.н.да нетто С.н. дан ташқари суғоришда сувнинг зарурий сарф (исроф) бўладиган миқдори (нормаланган даражада) ҳам ҳисобга олинади. Бундай сарфлар сувнинг ўсимлик илдизи тарқалган қисмдан пастга сизиши, сувнинг оқовага чиқиши ва суғориш жараёнида бўғланиб кетиши б-н боғлиқ. Зарурий сарфлар миқдори суғориш усули, шунингдек, дала тупроқ грунтининг сув ўтказиш имконияти, дала нишаби ва б. шароитларга боғлиқ. Вегетация даврида ҳақиқий сув сарфи бир марталик сув бериш нормалари (тупроқ қатламини турли экинларда 0,3 дан 1,2 м гача чуқурликда намлашга етарли 600—1200 м³/га миқдорлаги сув) йиғиндиси тарзида топилади.

Ўрта Осиёнинг қурғоқчил зоналарида тупроқ шароитларига қараб С. н. (минг м³/га): гўза учун 6—10, дон экинлари учун 4 гача, маккажўхори учун 5 гача, қанд лавлаги учун 6, кўп йиллик ўтлар учун 12, сабзавот экинлари учун 6 гача боради.

СУҒОРИШ РЕЖИМИ — алмашлаб экиш таркибидаги экинларга сув бериш нормаси, муддати ва сонини оптимал уйғунлаштириш; муайян шароитларда экинлардан энг юқори ҳосил олишни таъминлайди. С.Р.ни белгилаш учун турли қ.х. экинларини етиштиришда зарур бўлган сувнинг умумий сарфи (сув истеъмоли миқдори) уларни парвариш қилишнинг айрим босқичларига нисбатан аниқланади.

Вегетация давомида сув бериш муддатлари ўстирилаётган экинларнинг биологик хусусиятлари, об-ҳаво шароитлари, суғориладиган ерларнинг тупроқ-грунт ва гидрогеологик хусусиятларига боғлиқ. Тўғри ташкил этилган С.р. суғориладиган ерларда экинлардан юқори ва барқарор ҳосил олишни, ер ва сувдан самарали фойдаланишни таъминлайди. С.р. сув бериш усули ва тартибини ҳисобга олиб белгиланади.

Икки сув бериш оралиғида тупроқ нами маълум чегарада ўзгаради. Унинг юқори чегараси қондириб сув берилган ва бўғланишдан ҳимоя қилинган тупроқ намлиги — тўлиқ *дала нам сиғими* ҳисобланади. Тўлиқ дала нам сиғими аксарият тупроқ массаси ёки ҳажмининг 15—36% ини ташкил қилади. Намликнинг қуйи чегараси сувталаблик (сув бериш олди) намлиги дейилади. Унинг миқдори тўла дала нам сиғимининг 55 дан 85% ига тенг бўлиши мумкин. Бундай намликда навбатлаги сув беришни кечиктириш экин ҳосилини камайтириб юборади. Сув бериш навбатлари ўсимлик тупроқдаги намга жуда талабчан, гоят сувталаб бўладиган даврда сув б-н таъминлашни мўлжаллаб белгиланади. Галла экинларда най ўраш — бошоқ чиқариш; гўзада шоналаш — гуллаш — кўсак тугиш — кўсакнинг етилиши; кунгабоқарда саватча чиқариш — гуллаш; картошкада гунчалаш — ялпи туганак тугиш фазалари гоят сувталаблик даври ҳисобланади.

Помидор, бақлажон, ширин гармдори каби экинлар ялпи барг чиқариш даврида мўъталил намлик режимини, мевалари пишиш даврида юқори намлик режимини талаб қилади, ҳосилни териш даврида сув бериш тўхтатилади. 1 га ерлаги экинга бир марта бериш учун зарур бўлган сув миқдори сув бериш нормаси дейилади. Ҳамма сув бериш йиғиндиси эса суғориш нормасини ташкил қилади, сув бериш ораларидаги даврлар йиғиндиси эса суғориш мавсуми деб юритилади. С.р., шунингдек, чизма-таҳлил усуллар б-н ҳам аниқланади (қ. *Гидромодуль, Гидромодуль бўйича районлаштириш*).

Ад.: Аҳмедов Х.А., Суғориш мелиорацияси, Т., 1977; Расчётный режим орошения сельскохозяйственных культур в бассейнах рек Сырдарьи и Амударьи, Т., 1967; Авлиякулов А.Э., Орошение культур хлопкового севооборота, Т., 1988.

СУҒОРИШ СИСТЕМАСИ — муайян ер майдонлари ва уни суғоришга хизмат қиладиган гидротехника (сув олиш иншоотлари, каналлар, трубопроводлар ва б.) ва ёрдамчи иншоотлар (йўллар, кўприклар ва б.) мажмуи. Одатда суғориладиган майдонларда *коллектор-дренаж тармоғи* ҳам қурилиши сабабли С.с. баъзан гидромелиорация системаси ҳам дейилади. С.с. комплексига уларни ишлатиш учун зарур бўлган иншоотлар, коммуникация ва қурилмалар (энергия таъминоти, алоқа, телемеханика, таъмирлаш базалари ва б.) ҳам киради. С.с.нинг сув олиш иншоотларидан хўжаликларга сув тарқатадиган иншоотларгача бўлган қисми хўжаликлараро С.с. дейилади. Уни сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация қилади. С.с.нинг сувни тарқатадиган иншоотдан суғориладиган далаларгача бўлган ва дала ичидаги қисми хўжаликнинг С.с. (ички хўжалик С.с.) дейилади.



Суғориш тармоғи схемаси: *1* — дарёдан сув оладиган бош иншоот; *2* — магистрал канал; *3* — хўжаликлараро тақсимлагич; *4* — хўжалик тақсимлагичлари; *5* — хўжаликлардаги тақсимлагичлар; *6* — ўқариқлар; *7* — суғориладиган эгатлар; *8* — гидротехника иншоотлари узеллари; *9* — сув чиқаргич қулоқлар.

Ўрта Осиёнинг С.с. суғориладиган майдон катта-кичиклиги, суғориш манбаи режими, канал ва б. иншоотлари техник даражаси, сув олиш усули, ерларнинг мелиоратив ҳолати, асосий қ.х. экинлари ва б.га кўра жуда хилма-хил. Табиий шароитлари (жойлашиш баландлиги, рельефи, иқлими, гидрогеологик тузилиши, тупроқ қоплами ва б.)га кўра тоғли, тоғолди, водий, дельта С.с. бор. С.с. (ёки унинг асосий қисми)нинг техник даражаси бўйича инженерлик, ярим инженерлик ва ноинженерлик турлари мавжуд.

Манбадан сув олиш усулига қараб С.с. ўзи оқар ва сувни машина ёрдамида кўтариб ол ажратилади. Аммо биринчи турдаги С.с.да ҳам магистрал ёки хўжаликлараро каналлардан насос ёрдамида чиқариладиган сув б-н катта ер майдонларини суғориш мумкин. Агар суғориладиган майдоннинг ярмидан кўпи турли даражада шўрланган бўлса ва ҳар йили шўр ювиш талаб қилинса, бундай С.с. нинг мелиоратив ҳолати ёмон ҳисобланади. Суғорадиган ер майдони бўйича давлат, вилоятлараро ва туманлараро аҳамиятга эга бўлган С.с. мавжуд (қ. *Сув хўжалиги*). Суғорадиган майдоннинг катта-кичиклигига қараб, С.с. жуда кичик (3 минг га дан кам), кичик (3—10), ўртача (10—30), катта (30—50) ва жуда катта (50 минг га дан ортиқ) турларга бўлинади. Мас., Ўзбекистонда Мирзачўл С.с. 300 минг га, Қарши С.с. 850 минг га, Украинадаги Каховка С.с. 800 минг га ерни суғоришга мўлжалланган.

20-а.нинг охирларига келиб жаҳондаги кўпгина мамлакатлар (Миср, Бразилия, Ҳиндистон, Эрон, Мексика, Покистон, АҚШ, Судан ва б.) да жуда катта майдонларни суғориш имкониятини берадиган йирик С.с. барпо қилинди.

Машариф Боқиев.

СУҒОРИШ ШОХОБЧАЛАРИ — суғориш манбаларидан суғориладиган ерларга сув олиб борувчи доимий ва муваққат сув ўтказгичлар (канал, трубопроводлар) тармоғи; *суғориш системасининг* энг муҳим таркибий қисми. С.ш. вазифаси, узунлиги ва аҳамиятига қараб магистрал канал, унинг тармоқлари (шохобчалари), тақсимлагич канал, участка канали, шунингдек, муваққат суғориш шохобчасига бўлинади. Суғориш манбаидан олинган сувни канал тармоқлари ёки каналларга етказиб берадиган бош канал магистрал канал дейилади. Магистрал каналдан сув олувчи ва аҳамияти (сув сарфи, сув б-н таъминлайдиган майдони, узунлиги) бўйича бош каналнинг давоми бўлган канал тармоқ канал дейилади. Тақсимлагич каналлар хўжаликлараро ва хўжалик С.ш.нинг кичик қисми бўлиб, сувни бевосита далаларга берадиган участка сув тарқатгичларига

Мирзачўлда барпо этилган новли суғориш

бўлинади. Ўзбекистонда С.ш. очиқ ёки ёпиқ бўлади. С.т.нинг асосий қисми очиқ типда.

С.ш.да сув тупроқ ўзандан оқиши ёки ўзанга антифильтрация қопламалар (бетон, темир-бетон, асфальт-бетон, плёнка ва б.) ётқизилиши мумкин. Темир-бетон новли С.ш. кенг тарқалган, бунда новлар тиргакларга ўрнатилади ва чоқлари гермик бирлаштирилади. Тупроқ ўзанли каналларда сизилишга кетган сув сарфи антифильтрацион қопламали ва трубопроводли каналларга қараганда анча кўпроқ бўлади. Суғорма деҳқончилик минтақаларида сув танқислиги шароитида сувнинг исрофланишига қарши курашиш мақсадида юқори фойдали иш коэффициентига эга бўлган С.ш. барпо қилинмоқда.

Машариф Боқиев.

СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК, обикор деҳқончилик — қ.х. экинларини суғориб етиштириш. Чўл, чала чўл ва қурғоқчил зоналарда, шунингдек, вегетация давринин айрим босқичлари нам б-н етарли таъминланмаган ҳудудларда вужудга келган. *Деҳқончилик*нинг энг интенсив турларидан бири. С.д. экинлардан энг юқори ва барқарор ҳосил етиштиришни таъминлайди, далмикор деҳқончиликка нисбатан 8—10 марта кўпроқ ҳосил беради. Бундай шароитларда ердан самарали фойдаланиш, такрорий ва қўшимча экинлар экиш мумкин.

С.д. *неолит* давридан бери маълум. Иссиқ ва қуруқ ўлкаларда, мас., Месопотамия, Ўрта Осиё, Мисрда ҳар йили дарёлар тошиб сув босадиган ерларда деҳқончилик маданиятининг дастлабки ўчоқлари пайдо бўлди (қ. *Лиман усулида суғориш*). Экин сув қайтганидан кейин қолган лойқага экилган. С.д.нинг ибтидоий шакли — мотига (дастаки сўқа) деҳқончилиги ана шундай вужудга келган. Йирик суғориш каналларини барпо этиш қулдорлик жамиятида бошланади. Мексикада суғоришнинг бошқа бир усули — ерни сувга яқинлаштириш қўлланилган: ўсимлик тупроқ солинган махсус сол (чинампа)да ўстирилган.

Кўпчилик мамлакатларда суғориладиган ерлар жами экин майдонларининг 1—15% (АҚШ, Мексика, Италия, Франция, Руминия, Польша ва б.), бир қатор мамлакатларда ярми ёки ундан кўпроғини ташкил этади (Афғонистон, ВСР, Эрон ва б.); айрим мамлакатларда эса фақат суғориб (Миср, Саудия Арабистони, Уммон ва б.) деҳқончилик қилинади. С.д. (млн.га; 1999) Ҳиндистон (59), Хитой (52,5), АҚШ (21,4), Россия (4,6), Ўзбекистон (4,3), Испания (3,6), Украина (2,5) мамлакатларида жадал ривожланмоқда. Шунингдек, С.д. Буюк Британия, ГФР, Бельгия сингари намлик етарли ва ҳатто ортиқча бўлган мамлакатларда ҳам ривожланмоқда.

Суғорма шароитларда асосан дон (шоли, буғдой, маккажўхори, тариқ, жўхори, дуккакли дон), техника экинлари (гўза, канон, зигир, шакарқамиш, ва б.), ем-хашак, сабзавот, мева ва резавор мевалар ўстирилади.

С.д.ни олиб бориш учун суғориш системалари барпо қилинади. Экинлар таркиби қатъий ихтисослашади. *Алмашлаб экишда* етакчи экин кўпроқ экилади. Суғориладиган экинларни парвариш қилиш технологиясида иқлим ва тупроқ шароитлари, экиннинг хусусияти ва нави б-н боғлиқ бўлган сув бериш муддатлари ва нормаларини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. С.д.да тупроқни ишлаш; асосий (капитал) ва жорий (эксплуатацион) текислаш — суғориладиган майдон бўйлаб сувнинг равон оқишини таъминлаш учун ер юзасини текислаш; 30—35 см чуқ.да шудгорлаш ва ерга экишдан олдин ишлов бериш (бороналаш, чизеллаш ва б.); далани такрорий экиш учун тайёрлаш; бутун вегетация давомида экин қатор ораларига ишлов бериш (чопиқталаб экинлар майдонларида ҳар бир суғоришдан кейин тупроқни юмшатиш); муваққат суғориш шохобчаларини, ўқариқ ва даҳаналарни текислаш ва б. ишлар бажарилади. С.д. ўғитлар самарадорлигини оширишга қулай шароитлар яратади. Суғоришда ўғитлар тезроқ ўзлаштирилади ва экинлар улардан тўлароқ фойдаланилади. С.д.да минерал ўғитлар солиш миқдори кўпайтирилади (одатда 30—50% гача). Шунингдек, маккажўхори, картошка, сабзавотлар, мева дарахтлари майдонларига гўнг (20—40 т/га) солинади, *кўкат ўғит*лар ҳами қўлланилади.

Ўрта Осиёдаги суғориладиган ерларда, асосан, ғалла, гўза ва алмашлаб экишда уларга йўлдош экинлар (беда, маккажўхори, ем-хашак экинлари, жўхори ва б.), шунингдек, сабзавот-полиз экинлари, мева дарахтлари, ток, шоли, қанд лавлаги, тамаки ва б. экилади.

Ад.: Эрматов А.Қ., Суғориладиган деҳқончилик, Т., 1983; Абдуганиев А.А., Повышение экономической эффективности использования орошаемых земель в Узбекистане, Т., 1983.

Султон Холназаров.

СУҒУРЛАР (Narmota) — тийинлар оиласига мансуб кемирувчилар уруғи. 15 тури бор. Танасининг уз. 60 см ча,

Суғур

думи 20 см ча, оғирлиги 2,5—9 кг. Бўйни калта, кузи катта, қулоқ супраси кичик. Жунлари қалин ва узун. Евросиё ва Шим Америкада тарқалган. Ўзбекистонда узун думли (қизил) С. ва кўк С. учрайди. Тоғ ҳамда пасттекисликлардаги ўтлоқларда яшайди. 1—6 та кириш-чиқиш тешикли мураккаб уялар (3 м ча чуқурликда, 8 м ча узунликда) қазийди. Қишда уйқуга киради. Ойда бўлиб ҳаёт кечиради. Колония ҳосил қилади. Май ойида болалайди. Болалари июнь—июль ойларида уясидан чиқади. 2 йилда жинсий вояга етади. Ҳар хил ўтлар (асосан, бошоқли), баъзан чувалчанг, моллюска ва ҳашаротлар б-н озиқланади. Ёғи ва мўйнаси учун овланади. Кўк С. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи рўйхатига ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

СУҒУРТА — табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, ёғин ва б.), ҳар хил бахтсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ва бошқа пул қопламалари тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш б-н боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими. С. кўп асрлик тарихга эга. С. муассасалари дастлаб ўрта асрларда, денгиз орқали олиб бориладиган савдодаги хавф-хатарлар б-н боғлиқ ҳолда пайдо бўлди. Кейинчалик бошқа соҳаларга ҳам ёйилди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида С. фуқароларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи восита бўлган.

С. жамғармаси миллий иқтисодиёт захира жамғармасининг муҳим ва ўзига хос бўғини ҳисобланади, миллий иқтисодиётни турли тасодифлардан молиявий ҳимоя қилади. Ривожланган мамлакатларда С. иши ниҳоятда тараққий этган бўлиб, бу мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида С. бадал (мукофот)лари ҳажми ўртача 8—12% ни ташкил этади.

С. қилинадиган объектга қараб мулкий С. (мас., юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий манфаатлари, бинолар, экинлар, уй ҳайвонлари, молмулк, транспорт воситаларини суғурталаш), шахсий С. (инсон, соғлиғи, ҳаёти, меҳнат қобилиятини суғурталаш), учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик С.си (транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини, кредит олувчиларнинг банк олдидаги кредитни уз вақтида қайтариш жавобгарлигини суғурталаш ва б.га бўлинади. С. тартиби ва шартлари, турлари, объектлари мамлакатдаги қонунчилик б-н белгиланади. Мустақилликка эришгунига қадар 1918—91 й.ларда Ўзбекистон Республикасида С. фаолиятини собиқ Иттифоқ миқёсида ягона бўлган давлат суғурта идораси («Госстрах») ва унинг иттифоқдош республикалардаги бошқармалари амалга оширган. 1991 й.дан ЎзРда ўтказилган чуқур иқтисодий ислоҳотлар жараёнида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида давлат С. органлари қайта ташкил этилди, уларга рақобатда бўла оладиган турли мулкчилик шаклида С. компаниялари ва агентликлари вужудга келди. С. хизмати бозори, С. фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий-қонунчилик асослари яратилди. 1993 й.да 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 й. 25 фев.даги фармонига кўра Молия вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсатиб келаётган Давлат суғурта бош бошқармаси *«Ўзагросуғурта» суғурта компанияси* шаклида қайта ташкил этилди, *«Кафолат» суғурта компанияси*, *«Мадад» суғурта агентлиги*, *«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси* ва б. ўз фаолиятини бошлади.

Суғурталаш мажбурий ва ихтиёрий шаклларда амалга оширилади. Мажбурий С.нинг ўзи мажбурий ва мажбурий давлат С.сига бўлинади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жорий этилади. Ўзбекистонда умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти, сув, ҳаво, т.й. транспортлари йўловчилари, транспорт воситалари эгаларининг фуқоролик жавобгарлиги ва б.га мажбурий суғурта турлари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини қўриқлаш, Давлат божхона, Давлат солиқ қўмиталари ходимлари мажбурий давлат С.сига олинган ва бундай С. турлари учун суғурта бадали (мукофоти) давлат бюджети ҳисобидан тўланади. Ихтиёрий С. турлари С. муносабатларида қатнашувчи томонларнинг ўзаро розилиги ва ёзма шартнома асосида амалга оширилади, С. жавобгарлиги ҳажми (С. нархи), С. бадали (мукофоти) миқдори, С. ҳодисаси юз берганда тўланадиган С. пули (С. қопламаси, товони) суммаси — шартнома шартлари суғурта қилувчи б-н суғурта қилинувчи томонлар ўртасида келишилади. Ўзбекистон Республикасида жами С. компанияларининг С. жавобгарлиги 3,25 трлн. сўмни, йиғилган бадаллар (мукофотлар) тушумлари суммаси 21,7 млрд. сўмни, тўланган С. пули (қопламалари) суммаси 2,4 млрд. сўмни ташкил этади; С. тўловларининг умумий тузилмасида мол-мулк С.си 70%, шахсий С. 6,2%, жавобгарлик С.си 5% дан иборат бўлди (2002). 2004 й.да Ўзбекистонда 20 дан ортиқ, шу жумладан 10 та йирик давлат-акциядорлик, нодавлат С. компаниялари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида С. соҳасида тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, нормалари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган.

Республикада С.га оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг янги «Суғурта фаолияти тўғрисида» қонуни (2002 й. 5 апр.) б-н тартибга солинади (яна қ. *Суғурта компаниялари*, *Суғурта хизматлари бозори*).

Хўжаёр Шеннаев, Баҳодир Шамсуддинов.

СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ — суғурта фаолиятини амалга оширишга ихтисослашган юридик шахс, *суғурта хизматлари бозори*нинг профессионал иштирокчиси. ЎзР да С.к. белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан кейин юридик шахс мақомини олади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олганидан сўнгтина суғурта фаолиятини амалга оширади. Суғурта компанияларига ҳаёт суғуртаси ва ҳаёт суғуртасидан ташқари умумий суғурта турларини ўтказиш учун лицензия алоҳида-алоҳида берилади. Ҳаёт суғуртасини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган С.к. ушбу суғурта туридан ташқари бошқа умумий суғурта турлари б-н шуғулланиши мумкин эмас ёки аксинча.

С.к. турли мулк шаклларида фаолият кўрсатишлари мумкин. Ўзбекистон суғурта бозорида очиқ акциядорлик жамияти шаклида фаолият юритаётган суғурта компаниялари кўпчиликни ташкил этади. Улар таркибида энг йирик «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик С.к. ва *«Кафолот» суғурта компанияси*, *«Мадад» суғурта агентлиги* ва «ALSKOM» очиқ акциядорлик С.к., «Осиё темир йўл» С.к. ва б. бор.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 20 тадан ортиқ С.к. фаолият кўрсатади (2004). Яна қ. *Суғурта хизматлари бозори*.

Хўжаёр Шеннаев.

СУҒУРТА ПОЛИСИ, суғурта васиқаси — суғурта шартномаси юридик кучга кирганини тасдиқлайдиган ҳужжат (қ. *Полис*).

СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ — суғурта хизматлари олди-сотдиси б-н боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи. Суғурталовчилар, қайта суғурталовчилар, суғурта брокерлари ва агентлари С.х.б. нинг профессионал иштирокчилари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган кенг қамровли ислоҳотлар ва суғурта соҳасида давлат монополиясининг бекор қилиниши С.х.б. нинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратди. С.х.б. ҳудудий жиҳатдан халқаро, минтақавий ва миллий С.х.б.га бўлинади. Халқаро С.х.б. нисбатан тараққий этган баъзи давлатлар суғурта ташкилотларининг халқаро миқёсда кўрсатаётган суғурта хизматларини қамрайди. Чунончи, АҚШнинг «АИГ» (Америкэн Интернейшнл Групп) суғурта компанияси жаҳоннинг 100 дан зиёд мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам суғурта фаолиятини амалга оширади. Минтақавий С.х.б. ҳудудий, савдо-иқтисодий, маданий жиҳатдан бирбирига яқин бўлган мамлакатларнинг С.х.б. дир. Бунга *Европа Иттифоқи* минтақавий С.х.б. ни мисол қилиб келтириш мумкин. Алоҳида давлатлар ҳудуди доирасида фаолият кўрсатувчи С.х.б. бозори — миллий С.х.б. ҳисобланади. Кейинги йилларда миллий, минтақавий С.х.б. нинг халқаро С.х.б. га интеграциялашув жараёнининг кучаётганлиги кузатилмоқда.

С.х.б. суғуртанинг у ёки бу соҳасида ихтисослашганлигига қараб ҳаёт суғуртаси б-н боғлиқ С.х.б.; ҳаёт суғуртасидан ташқари умумий суғурта хизматлари бозорига бўлинади. Мас., АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқининг айрим давлатларида ҳаётни суғурталаш б-н боғлиқ суғурта хизматлари бозори анча ривожланган.

Ўзбекистон суғурта бозорида 20 дан зиёд суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатади. Энг йирик суғурта компанияларига «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини, «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси ва *«Мадад» суғурта агентлиги*ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон суғурта бозорига хос хусусиятлардан бири—мавжуд суғурта ташкилотларининг иқтисодиётнинг турли тармоқларига ихтисослашганлигидир. Чунончи, «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси

деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш соҳасини ва аҳолини суғурта ҳимояси б-н таъминлашга, «Кафолат» шаҳарлардаги юридик ва жисмоний шахс-ларга суғурта хизматини кўрсатишга, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси экспорт-импорт операцияларини суғурта ҳимояси б-н таъминлашга, «Биржасавдосуғурта» юкларни суғурта қилишга, «ALSKOM» суғурта ташкилоти алоқа ва телекоммуникация соҳаларига суғурта хизматларини кўрсатишга, «ISHONSH» суғурта ташкилоти тижорат банкларининг мулкий манфаатларини суғуртавий ҳимоялашга ихтисослашган.

С.х.б. дунёнинг барча мамлакатларида давлат томонидан тартибга солинади. Бундан мақсад, суғурта муносабатларида қатнашувчи томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

1998 й.да ҳукумат қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида суғурта фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга бўлган давлат суғурта назорати инспекцияси ташкил этилган.

Хўжаёр Шенкаев, Баҳодир Шамсуддинов.

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ — фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) б-н суғурта ташкилоти (суғурталовчи) ўртасида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асоси. Суғурта бўйича мажбуриятлар шартнома тузиш ёки мажбурий суғуртани расмийлаштириш орқали вужудга келади. С.ш. ёзма шаклда тузилиши лозим. С.ш. битта ҳужжатни тузиш асосида ёки суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма аризаси ёки оғзаки мурожаатига биноан имзоланади. С.ш.нинг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (гувоҳномаси) топшириш йўли б-н тузилиши мумкин. Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича С.ш.нинг ўзи ишлаб чиққан шаклларини қўллашга ҳақли.

С.ш.нинг муҳим шартлари Ўзбекистон Республикаси ФК да (929-модда) белгилаб қўйилган. Мулкий С.ш.да суғурта қилдирувчи б-н суғурталовчи ўртасида: суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида; юз бериши эҳтимоли тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида; суғурта пули миқдори тўғрисида; суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби ҳақида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса; суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати; шартноманинг амал қилиш муддати ҳақида келишувга эришилиши лозим. Шахсий С.ш.да тарафлар ўртасида: суғурталанган шахс ҳақида; суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимоли тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисасизнинг хусусияти; суғурта пули миқдори; суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддатлари; шартноманинг амал қилиш муддати ва б. ҳақида келишувга эришилиши лозим.

С.ш. тузилаётганда суғурта қилдирувчи ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суғурталовчига хабар қилиши шарт. С.ш. бўйича тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва асосларда жавобгар бўлади. С.ш. амал қилишининг бошланиши, муддатидан оллин бекор бўлиши ёки ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмаслиги ҳоллари қонунда кўрсатилган. Умрбод С.ш. 20 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар б-н тузилади. 1-гуруҳ ногиронлари б-н бундай шартнома тузилмайди.

Сотиболди Бобоқулов.

СУҒУРТА ҚОПЛАМАСИ, суғурта пули — суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта шартномасига мувофиқ суғурта компанияси томонидан суғурталанувчига тўланадиган пул маблағлари. Қоидага кўра, С.қ. миқдори кўрилган зарар миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. С.қ. суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта суммаси доирасида тўланади. Суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталанувчи тезда бу ҳақда суғурта компаниясига хабар бериши зарур. Тегишли хабар олиниши биланоқ, суғурта компанияси вакили суғурталанувчи иштирокида (зарурият бўлганда бошқа манфаатдор шахсларни жалб этган ҳолда) суғурта ҳодисаси юз берганлик сабабларини ўрганади ва кўрилган зарар миқдорини аниқлайди. Суғурта ҳодисаси рўй бериш сабаблари ва кўрилган зарар миқдори суғурта далолатномасида ўз аксини топади. Суғурта далолатномаси суғурта компанияси томонидан суғурталанувчига суғурта қопламасини тўлаш учун асос бўлади (қ. *Суғурта*).

СУҲАЙЛИЙ Аҳмад Амир Низомуддин (1512 й. в. э.) — хуросонлик шоир. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Алишер Навоийнинг «Мажолис уннафонс» асарида тилга олинади. Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлган. Бу давр шоир ижодининг энг гуллаган ва Алишер Навоий б-н ҳамсуҳбат бўлган дамларига тўғри келади. Шоир Ҳусайн Воиз *Кошифий* «Анвори Суҳайлий» («Калила ва Димна») китобини С.га бағишлаган. С.нинг «Йилия» қасидаси, «Лайли ва Мажнун» маснавийси ҳамда ўзбекча ва форсча 2 девони бор.

СУҲРАВАРДИЙЛАР — машҳур мутасаввифлар. Эроннинг Суҳравард ш.да тугилган (12-а.) 3 қариндош: Нажиб Суҳравардий (1097—1168), Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Яҳё Суҳравардий (1155—1191) ва Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий (1144—1234). Нажиб Суҳравардий кейинги иккаласининг устози бўлган. Яҳё Суҳравардий тасаввуфда «ишроқ» (нур) фалсафасини яратган. Умар Суҳравардий *суҳравардийлик* тариқатига асос солган. С., асосан, Багдод мадрасаларида таълим олиб, шу ерда ижод қилганлар.

С. асарлари жаҳонда кўп марта нашр этилган, аммо уларнинг таълимоти илоҳий илмга мансуб бўлганидан собиқ совет даврида эътибор топмади. Мустақилликка эришилгач, ахлоқ-одоб, қалбни поклаш ҳақидаги алломалар тафаккури, насиҳатлари ўрганида бошланди. Умар Суҳравардий 35 ёшида Багдодда «шайхлар шайхи» даражасига кўтарилган дин арбоби бўлган. У Ироқ мамлакатининг элчиси сифатида Ироқ, Хоразм, Эрон, Салжуқия орасидаги урушларни тўхтатган. Умар Суҳравардий Ироқнинг Хоразмдаги элчиси бўлган. Умар Суҳравардийнинг ўгли Шайх Зайниддин (қ. *Зайниддинбобо*) диний ва жамоат арбоби сифатида Тошкентга келади.

Омонулла Файзуллаев.

СУҲРАВАРДИЙЛИК, суҳравардия — тасаввуф тариқати. Асосий гояси — одамларнинг қалби ва руҳини поклашга ундаш. Асосчиси — Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий (1144—1234). 12-а. охири — 13-а. бошида Ироқда, Икки дарё оралиги ҳудудида зоҳидлик мактаби доирасида таркиб топган. С. шаҳарликлар тариқати бўлиб, аъзолари сони савдо-ҳунарманд аҳли ва жамиятнинг ўқимишли қатламлари ҳисобига кўпайиб борган. Умар Суҳравардий суннийлик ақоидчиси бўлиб, мўътадил суфийлик қарашларини таргиб қилган ва Багдоднинг сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Унинг асарлари Абу Ҳомид *Ғазолий* асарлари б-н бирга С.нинг гоявий асоси бўлган. Умар Суҳравардий 2 та асар ёзган. Биринчиси, «Кашф ал-фидойих ал-йўнанийна ва рашф ан-насаих ан-имонийа» бўлиб, юнон фалсафасини, жумладан, Арис-

тотель перипатетизмини танқид қилишга бағишланган. Иккинчиси, бизгача етиб келган асари «Авориф улмаориф» бўлиб, у 63 боблан иборат, асосан, тасаввуф гносеологияси, одоб-ахлоқи, психология амалиётига бағишланган. Унда дунёвий илм б-н илоҳий илмнинг узвий боғланиши тан олинган. Асарда «дунёвий илм — гўёки сут, илоҳий илм эса — унинг қаймоги» деб ҳисобланган. Бу б-н муаллиф материяга қараганда руҳ юқорироқ мавқега эга демоқчи. Бу китоб кейинги даврларда яшаган барча суфийларнинг авлодлари учун тасаввуф ахлоқи ва амалиёти масалалари бўйича қўлланма вазифасини ўтаган. Асар араб, форс, немис, инглиз тилларида илгарилари ҳам, 20-а.да ҳам кўп марта нашр этилган. С. кейинчалик Ҳиндистон (Синд, Панжоб, Мултон, Гужарот)да тарқалган ва чиштийлик тариқати б-н бир қаторда энг таъсирли тариқат саналган, дастлабки даврда бу мамлакатга келиб қолган камсонли мусулмонларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнаган. С. Шарқ мамлакатларида кенг тарқалиб, ҳар хил даврдаги алломалар унга ўз ҳурматларини биллиришган. Мас., Алишер Навоий уни эъзозлаб тилга олади. Шайх Саъдий Умар Суҳравардийни ўзининг устози деб билган. Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин Кулол ҳам С. тариқатига мансуб эди.

С. 16—17-а.ларга келиб бир неча мустақил оқимлар (шаттария, баҳоия, жалолия, жамолия, маҳмудия, давлатшоҳия ва б. оқимлар)га бўлиниб кетди.

Омонулла Файзуллаев.

СФАКС — Туниснинг шарқий соҳилидаги шаҳар. Сфакс вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 248,8 минг киши (1998). Шоссе йўллар тугуни. Т.й. станцияси. Ўрта денгиз бўйидаги порт, четга фосфорит ва қ.х. маҳсулотлари чиқарилади. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё (суперфосфат и.ч.), металл-созлик, кўн-пойабзал саноатлари корхоналари бор. Кустарь усулда гилам тўқилади ва сахтиён тери ишлаб чиқарилади. Қ.х. райони (зайтун плантациялари) маркази. Ҳунармандчилик ривожланган. С. римликлар шаҳри ўрнида 9-а.да бунёдга келган. Рим ва Византия даврида қурилган меъморий ёдгорликлардан шаҳар девори (9-а.), саройлар, Катта масжид (9-а.) сақланган. Халқ санъати музейи бор.

СФАЛЕРИТ (юн. sphaleros — алдамчи), рух алдамчиси — сульфидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби ZnS (67,1% Zn ва 32,9% S). Изоморф аралашмалари: Fe(26% гача), Mn (8,4% гача), Cu (15% гача), Cd (9,2% гача), In (2,5%гача), Hg(35% гача), Sn (2% гача), Ti (1% гача), Ga, Co, Ag. Темирга бой (10% дан кўпроқ) тури марматит, рангсиз ва оч ранглиси клейофан деб аталади. С. структураси — S атомларидан ташкил топган зич кубик ҳолатда бўлиб, тетраэдрик бўшлиқларда Zn атомлари жойлашган, ZnSнинг гексагонал модификацияси вюрцит деб аталади. С.нинг аралашмаларсиз хили рангсиз ва шаффоф, таркибида Fe борлари жигаррангдан-қорагача, Fe аралашмаси оз бўлганларининг яшил-саргиш ранги Cdга, қизил ранги таркибидаги Mn, Cu, Ag, In ва Ti га боғлиқ. Олмосдек ялтироқ. Қаттиқлиги 3,4—4; зичлиги 3,9—4,1 г/см³. Мўрт. Пьезоэлектрик ва пиро-

электрик хусусиятларга эга. Асосан *гидротермал конлар* (галенит, пирит, халькопирит, арсенопирит, кварц, кальцит, барит, доломит б-н бирга) ҳамда *чўкинди конларда* ҳосил бўлади. Оксидланиш зонасида рух сульфати (госларит) ва рух карбонати — *смитсонит*га, *метаморфизм*да *цинкит*га, франклинит, *виллемит* ва б. минералларга айланади. С. рух учун асосий руда бўлиб, ундан яна Cd, In ва Ga каби қимматбаҳо нодир металлар ҳам ажратиб олинади. С. Қурама тоғлари ён бағридаги (Ўзбекистон, Тожикистон) ҳўрғошин-рух (Қўрғошинкон, Олтинтопган, Сардоб), олтин-кумуш (Лашкарак, Қўшбулоқ), мис-молибден (Қалмоққир), кас-ситерит-сульфидли (Новгарзонсой) ва б. кўпгина рудали конларда гидротермал шароитда пайдо бўлади. Ўзбекистон Ғарбида Учқулоч, Ўзбекистон жанубида колчедан-полиметалли Хондиза, Тозачорва (Ҳисор тоғлари) конлари мавжуд.

СФЕН (юн. sphen — пона) — қ. *Титанит*.

СФЕРА (юн. sphaira — шар) — барча нуқталари фазонинг бирор *O* нуқтасидан бир хил *R* масофада ётадиган берк сирт, *O* нуқта С. маркази, С. марказини унинг бирор нуқтаси б-н туташтирувчи *R* кесма С. радиуси дейилади. Тўғри бурчакли декарт координаталари тизимида С. 2-тартибли марказий сирт бўлиб, қуйидаги тенглама б-н ифодаланади:

$$(x-a)^2+(y-b)^2+(z-c)^2=R^2,$$

бунда *a*, *b* ва *c* — марказнинг координаталари, *R* — сфера радиуси.

С. марказидан ўтувчи текислик уни катта айлана бўйлаб кесади. С.га ўтказилган уринма текислик уриниш нуқтасига ўтказилган радиусга тик бўлади. Юзи $S=4\pi R^2$ га тенг. Фазонинг С. б-н чегараланган ва унинг марказини ўз ичига олган қисми *шар* дейилади. Шарнинг ҳажми $V=\frac{4}{3}\pi R^3$ формула б-н ифодаланади.

СФЕРИК АБЕРРАЦИЯ — оптик тизимлар геометрик *аберрацияси* турларидан бири; бош оптик ўқда ҳосил бўлган тасвирнинг ноаниқликка ёки бузилишига олиб келувчи линзаларга хос камчилик. С.а. ҳодисаси оптик ўққа параллел ва ундан ҳар хил масофада ўтувчи нурлар оптик тизимдан ўтиб ўқни турли нуқталарда кесиб ўтишидан келиб чиқади (шаклга қ.). Шаклдаги нурлар оптик ўқни кесиб ўтган 1 ва 2 нуқталар орасидаги масофага бўйлама С.а., нурлар йўлида қўйилган экранда нуқта ўрнига ҳосил бўлган кичик доира кўринишидаги ёрутликка кўндаланг С.а. дейилади. Эгрилик радиуси 1:6 нисбатда олинган икки ёқли қабариқ линзаларнинг қабариқроқ томонини буюмга қаратиб ўрнатилса, энг кичик С.а. ҳосил бўлади.



Сферик аберрация.

Танлаб олинган 2 линзали тизимда С.а. амалда ҳосил бўлмайди. Бундай хусусиятга эга тизим апланатик тизим дейилади.

СФЕРИК АСТРОНОМИЯ — *астрометрия* бўлими; ёритқичларнинг (юлдузлар, Қуёш, Ой, сайёралар, сунъий осмон жисмлари ва б.) осмон сферасидаги кўринма вазияти ва ҳаракатини аниқлаш б-н боғлиқ масалаларни математик усулда ечиш услубларини ишлаб чиқади. С.а.нинг асосий тушунчаси осмон сферасидир. Осмон сферасидаги ёритқичга бўлган ҳар бир йўналиш сферада нуқта б-н, текислик эса доира б-н тасвирланади. Осмон сферасидаги нуқталарнинг ўзаро жойлашиши ва ҳаракатини ўрганиш учун координата системалари қўлланади (қ. *Астрометрик координаталар*). Бир координата системасидан иккинчи координата системасига ўтиш сферик тригонометрия формулалари ёрдамида амалга оширилади.

С.а. нинг муҳим вазифаларидан бири вақт ҳисоби астрономик системасининг назарий асосини яратишдан иборат. Ернинг ўз ўқи атрофида ва Қуёш атрофидаги даврий ҳаракати вақт ҳисобининг асоси қилиб олинади. Ер айланиши қайси нуқта (*баҳорги тенгкунлик* ва Қуёш) га нисбатан олинишига қараб вақт ҳисоби юлдуз ва қуёш суткаларида олиб борилади. *Календарга* Ернинг Қуёш атрофида айланиш даври — тропик йил асос қилиб олинган. Астрономияда вақт ҳисоби бевосита тропик йилларда, ўртача уз. 365, 25 сутка бўлган календарь йилларда ёки узлуксиз йил ҳисоби (яъни Юлий даврида олиб борилади.

Ёритқичларнинг кузатишдан топилган ўринлари қуйидаги сабабларга кўра ҳақиқий ўринларига нисбатан силжиган бўлади: 1) *прецессия* таъсирида Ернинг ўқи йўналишини даврий равишда (26000 йилда) ўзгартириб, конус сиртини ҳосил қилади. Ер ўқининг бундай илгарилама ҳаракати *нутация* туфайли кичик тебранишларга ҳам эга; 2) осмон сферасида юлдузларнинг кўринма ўрни унинг ҳақиқий ўрнидан ёруғлик аберрацияси туфайли фарқ қилади. Бу ҳолиса кузатувчи ва ёритқичларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракати натижасида, яъни Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракати туфайли йиллик аберрация. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли суткали аберрация таъсирида рўй беради. Аберрация натижасида ёритқич апекс томон силжиган бўлади; 3) Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ва Қуёш атрофидаги ҳаракати натижасида кузатувчи ёритқичга нисбатан ўз йўналишини ҳам ўзгартиради, яъни параллактик силжиш рўй беради. Шунинг учун Қуёш системасидаги жисмларни кузатганда уларнинг координаталарини Ер марказига (суткали параллакс), юлдузларни кузатганда қуёш системасининг марказига, яъни Қуёшга (йиллик параллакс) ҳисоблашлар йўли б-н келтирилади. Параллактик силжишнинг катталиги ёритқичгача бўлган масофага боғлиқ; 4) *рефракция* туфайли ёритқич зенитга томон кўтарилган бўлиб кўринади. Ёритқичларни кузатиш натижасидан юқорида келтирилган омилларни ҳисобга олиш б-н географик координаталар, азимут ва вақтни ҳисоблаш каби амалий ҳамда назарий масалалар ечилади. Кузатиш натижалари асосида астрономик доимийликларни аниқлаш С.а.ни фундаментал астрометрия ва осмон механикаси б-н. Қуёш системасидаги жисмларнинг сирт координаталарини аниқлаш уни амалий астрономия б-н узвий боғлайди. Бундан ташқари, С.а. Қуёш ва Ой тутилишини, юлдузларнинг Ой томонидан тусилишини, сайёраларнинг қуёш гардишидан ўтишини ва б. ҳисоблаш усулларини ҳам ишлаб чиқади.

СФЕРИК ГЕОМЕТРИЯ — сфера устида жойлашган геометрик шаклларни ўрганувчи математик фан. Сферани текислик б-н кесганда айлана, кесувчи текислик сфера марказидан ўтса, **катта доира** деб аталувчи айлана ҳосил бўлади. Диаметрал қарама-қарши бўлмаган ҳар 2 нуқтадан фақат битта катта доира ўтказиш мумкин (1-расм, 1); катта доиралар сферанинг геодезик чизиқлари бўлиб, тўғри чизиқнинг планиметрияда бажарган вазифасига ўхшаш роль ўйнайди. Лекин тўғри чизиқнинг истаган кесмаси шу кесма учларининг орасидаги энг қисқа масофа бўлади, сферада эса катта доира ёйи қўшимча ёйдан кичик бўлгандагина энг қисқа масофа бўлади (1-расмда $\breve{A}mB<AB$). С.г.да параллел геодезик чизиқлар мавжуд эмас; 2 та катта доира ҳамиша 2 та нуқтада кесишади.

Сферадаги *AB* кесма узунлиги, яъни катта доиранинг *AmB* ёйи унга мос келган марказий бурчак *AOB* б-н ўлчанади. 2 та катта айлана ёйларидан тузилган *ABC* бурчак *B* нуқтадан шу айланаларга ўтказилган уринмалар орасида *A'B'C'* бурчак б-н ёки *OBA* ва *OBC* текисликлар ҳосил қилган икки ёқли бурчак б-н ўлчанади (1-расм, 2).

Сферада 2 та катта доира кесишиб, тўртта сферик икки бурчак ҳосил қилади (1-расм, 3). Сфера радиуси *R*, икки бурчакнинг бурчаги *A* (радианда) берилган бўлса, юзи $S=2R^2A$ формула бўйича топилади.

Ҳар бир жуфти қарама-қарши нуқталарда кесишмайдиган 3 та катта доира 8 та *сферик учбурчак* ҳосил қилади (2-расм, *а*). Улардан бирининг элементлари маълум бўлса, қолганларининкини топиш мумкин. Шунинг учун, одатда уч томони ҳам катта доиранинг ярмидан кичик бўлган учбурчак қаралади (Эйлер учбурчаги). Сферик учбурчакнинг *a*, *b*, *c* томонлари уч ёқли *OABC* бурчакнинг ясси бурчаклари б-н *A*, *B*, *C* бурчаклари эса шу уч ёқли бурчакнинг икки ёқли бурчаклари б-н ўлчанади (2-расм, б). Сферик учбурчакларнинг хоссалари текисликдаги учбурчаклар хоссаларидан анча фарқ қилади. Планиметриядаги учбурчаклар тенглигининг 3 аломати сферик учбурчаклар учун ҳам ўринли. Бундан ташқари, мос бурчаклари тенг 2 сферик учбурчаклар тенг бўлади.

Сферик геометрия. 1-расм. 2-расм.

Ҳар қандай сферик учбурчакда битта томон қолган икки томон йиғиндисидан кичик ва айирмасидан катта, учала томон йиғиндиси ҳамиша 2π дан кичик. Унинг бурчаклари йиғиндиси *s* учун $\pi < s < 3\pi$ тенгсизлик ўринли. Сферик учбурчакнинг юзи $R^2\varepsilon$ га тенг, бунда $\varepsilon = s - \pi$; *R* — сфера радиуси.

Ер шарининг сирти, юлдузли осмон кўринишини сферага ўхшашлиги учун геодезия ва астрономияда С.г.нинг амалий аҳамияти катта.

СФЕРИК КООРДИНАТАЛАР — фазодаги эгри чизиқли координаталар тизимларидан бири, сфера симметриясига эга масалаларни ўрганишда қулай. Агар *Oxyz* — Декарт координаталари тизими бўлса, M нуқтанинг С.к. r, θ, φ қуйидагича аниқланади: $r=OM$, θ — $\overrightarrow{OM}$ вектор б-н *Oz* ўқининг мусбат йўналиши орасидаги бурчак, φ эса *Oxz* текисликни *Oz* ўқи атрофида M нуқтани қоплагунча буриладиган бурчак (баъзи ҳолларда θ ўрнига $\frac{\pi}{2}-\theta$ бурчак қаралиши ҳам мумкин). С.к. б-н тўғри бурчакли Декарт координаталар орасидаги боғланиш $x=r\sin\theta\cos\varphi$, $y=r\sin\theta\sin\varphi$, $z=r\cos\theta$ формулалар б-н ифодаланади. С.к. математика, механика, физика, астрономия ва б.да қўлланилади.


Сферик координаталар.

СФЕРИК ТРИГОНОМЕТРИЯ — мат. нинг сферик учбурчакларнинг томонлари б-н бурчаклари орасидаги боғланишни ўрганувчи бўлими. *ABC сферик учбурчак* бурчаклари *A*, *B*, *C*, томонлари *a*, *b*, *c* бўлса (расмга қ.) улар қуйидагича ўзаро боғланган:

$$\frac{\sin a}{\sin A}=\frac{\sin b}{\sin B}=\frac{\sin c}{\sin C}, \qquad (1)$$

$$\cos a = \cos b\cos c + \sin b\sin c\cos A, \qquad (2)$$


Сферик тригонометрия.

$$\cos A = -\cos B\cos C + \sin B\sin C\cos a, \qquad (2а)$$

$$\sin a\cos B = \cos b\sin c - \sin b\cos c\cos A, \qquad (3)$$

$$\sin A\cos b = \cos B\sin C - \sin B\cos C\cos a \qquad (3а)$$

Бурчаклар ва томонлар белгиларини доиравий усулда, яъни

$$A\to B\to C\to A(a\to b\to c\to a)$$

кўринишда алмаштириб, (2) ва (3) формулалардан яна 8 та формула ҳосил қилинади. С.т. формулалари сферик учбурчакнинг 3 та элементи (бурчаги ёки томони) бўйича қолган 3 та элементини топишга имкон беради.

С.т. текислик тригонометриясидан анча олдин вужудга келган. Тўғри бурчакли сферик учбурчакларни ечиш б-н юнон математикларидан Менелай (1-а.) ва Птолемей (2-а.) шуғулланган. Ихтиёрий сферик учбурчакларнинг асосий формулаларини ўрта аср Шарқи олимларидан Ибн Ироқ ва *Абулвафо* топган. Сферик учбурчакларни ечишнинг барча ҳолларини Насриддин *Тусий* ўрганган (яна қ. *Сферик геометрия*).

СФЕРИК УЧБУРЧАК — сферадаги учта катта айлана ёйининг кесишувидан ҳосил бўлган учбурчак. Аслида Ер сиртида чизилган оддий учбурчак ҳам С.у. бўлади. С.у. бурчакларининг йиғиндиси π=180° дан ортиқ, лекин 3π = 540° дан кам: $\pi<A+B+C<3\pi$. С.у. бурчаклари ва томонлари орасидаги муносабатлар сферик геометрия ҳамда сферик тригонометрияда ўрганилади. С.у. кўпинча астрономик ва геодезик тадқиқотларда қўлланилади.


Сферик учбурчак.

СФЕРИК ФУНКЦИЯЛАР — сферик симметрияга эга соҳаларга оид масалаларни ўрганишда қулай бўлган махсус функциялар кетма-кетлиги. Математиканинг физика, техника ва б. соҳаларидаги татбиқларида қўлланади. *Сферик координаталардаги Лаплас тенгламаси* б-н боғлиқ

$$\left(\frac{\partial^2}{\partial\theta^2}+\operatorname{ctg}\theta\frac{\partial}{\partial\theta}+\frac{1}{\sin^2\theta}\frac{\partial^2}{\partial\varphi^2}+n(n+1)\right)Y_n(\theta,\varphi)=0$$

тенгламани қаноатлантиради ва коэффициентлари *Лежандр кўпҳадлари* б-н ифодаланадиган чекли тригонометрик кўпҳад кўринишида ёзилади. Математик физика масалаларида потенциаллар кўпинча С.ф. орқали Фурье қатори кўринишида изланади.

СФЕРО... (юн. sphaira — шар) — қўшма сўзларнинг биринчи қисми. Геометрик шакллар — шар ёки сферага оидликни билдиради. Мас., сфероид, сферолит ва б.

СФЕРОЛИТЛАР (*сферо...* ва юн. lithos — тош) кристаллар қотишмаси — жуда ингичка игнасимон кристаллар агрегатларидан тузилган радиал нурсимон шарчалар. Магматик ва чўкинди тоғ жинсларида учрайди. С.нинг минерал таркиби ва ўлчами турлича. Магматик жинслардаги С. кўпинча дайкаларнинг четки қисмларидаги эндоген контакт ҳосилалар ҳисобланади. Нордон лаваларда асосий шишасимон массалар қотаётганда яхлитланиш йўли б-н пайдо бўлиши мумкин. Асосий лавалар (вариолитлар)да бундай ҳосилалар вариоллар деб аталади. Дала шпати ва кварцдан ҳосил бўладиган сферолитсимон ҳосилалар псевдосферолитлар деб аталади. Чўкинди жинсларда карбонатли, марганецли, темирли, фосфатли, хальцедонли ва б. С. учрайди. Бундай С. одатда, моддалар кристалл структурасини йўқотаётганда ҳосил бўлади; уларнинг кўпи пайдо бўлишига кўра конкрецион ҳосилаларга яқин (қ. *Конкрециялар*).

СФИНКС, Сфинга — 1) юн. мифологиясидаги қанотли ярим аёл, ярим урғочи шер; Фива яқинидаги қоя устида яшаб, йўловчиларга топиб бўлмайдиган топишмоқ айтиб жавоб ололмагач, уларни еган. С. топишмоғи («Ким эрталаб 4 оёқлаб, тушда 2 оёқлаб, кечқурун 3 оёқлаб юради?») ни Эдип топган (унинг жавоби: «Инсон болаликда 4 оёқлаб, улғайганда 2 оёқлаб ва кексайганда 3 оёқлаб юради»); шу жавобдан сўнг С. қоядан ўзини ташлаган; 2) Қад. Мисрда танаси шерники, калласи одамники (баъзан ҳайвонники) бўлган афсонавий махлуқ ҳайкали.

Сфинкс. Бўялган ёғ идиш (лекиф). Фанагория сфинкси (мил. ав. 5-а.).

СФИНКТЕР (юн. sphingo — қисаман, sphinkter — сиқувчи мускул) — ҳалқасимон мускуллар. С. организмдаги табиий ташқи тешикларни (мас., оғиз, ташқи чиқарув тешиги) ёки найсимон аъзонинг бир қисмидан иккинчи қисмига (мас., меъдадан ўн икки бармоқ ичакка, қовуқдан сийдик чиқариш каналига) ўтиш йўлидаги тирқишлар қисқарганда уларни торайтиради ёки беркитади. С. маълум тарангликда бўлади. Кўз ёй пардаси ҳалқасимон мускули ҳам С.га киради. Баъзи С.лар кўндаланг-таргил, бошқалари силлиқ мускуллардан таркиб топган. С.ларни вегетатив нерв системаси иннервациялайди.

СФРАГИСТИКА (юн. sphragis — муҳр) — тарих фанининг муҳрларни ўрганадиган соҳаси. 18-а.да дипломатиянинг бўлими сифатида шакллана бошлаган. Вазифаси ҳужжатларни тасдиқлашдан ҳамда уларнинг ҳақиқийлигини аниқлашдан иборат бўлган. 19-а. охиридан С.нинг қад. давлат муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши тарихини ўрганадиган фан сифатидаги янги даври бошланган. С. давлат аппаратидаги ислоҳотларни акс эттирувчи муҳрларни хронологик тасифлаш асосида ривожланиб борди. С. материаллари амалий санъат, геральдика, нумизматика, ономастикани ўрганишда, қад. архивларни аниқлашда муҳим манбадир. Муҳрни 10—15-а.ларда фақат олий ҳокимиятдаги кишилар қўллаган ва ўз типик белгилари б-н князь, епископ (Россия), шаҳар ҳокими, мингбоши, ноиб, қози, муфтий муҳри (Ўрта Осиё) ва б.га бўлинган(яна қ. *Муҳр*).

СХЕМА (юн. schema — қиёфа, ташқи кўриниш) — 1) муайян қурилма, иншоот, машина ва б.нинг умумий муҳим томонлари шартли белгилар б-н масштабсиз ифодаланган чизма; 2) бирор нарсанинг умумий тасвири, баёни, ифодаси.

СХЕМОТЕХНИКА — радиотехника, алоқа, автоматика, ҳисоблаш техникаси ва б.нинг электрон қурилмаларини таҳлил ва синтез қилиш муаммолари-

ни ўз ичига олган илмий-техникавий йўналиш. Юқорида санаб ўтилган қурилмаларнинг аниқ ишлашини таъминлаш ва уларнинг таркибига кирадиган элементларнинг параметрларини ҳисоблаш учун қўлланади. «С.» термини 20-а. 60-йилларида кўп функцияли электрон қурилмаларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ равишда пайдо бўлган. С.нинг назарий базасини чизиқли ва ночизиқли электр занжирлари назарияси, электродинамика, математик дастурлаш, автоматлар назарияси ва б. ташкил қилади. Электр ва радиоэлементлар (резисторлар, конденсаторлар, диодлар, транзисторлар ва б.) ва интеграл микросхемалар электрон қурилмаларнинг элементлар базаси сифатида хизмат қилади.

СХОЛАСТИКА (юн. scholastikos — мактабга, олимга оид) — диний дунёқарашни назарий асослашга интилувчи диний фалсафа. Ўрта асрларда Ғарбий Европада тараққий этган. У илоҳиётақида асосларини рационалистик методика ва формал мантиқ масалалари («масала талашиш») б-н боғлайди. С.нинг асосий мақсади — динни ҳимоя қилиш. Схоластлар *Платон*, *Аристотелнинг* таълимотларни ўз мақсадларига мослаштириб, христианлик ақидаларини асослаш йўлида талқин этишган. С. бир неча даврга бўлинади. Илк С. (11—12-а.лар) Иоанн Скот Эриугена, Ансельм Кентерберилик таъсирида бўлган. Худони табиат б-н, яратувчини яратилган б-н айнанлаштириш Эриугена таълимотига хос эди. Шу сабабли черков ҳукмдорлари Эриугена китобларини «сўнгги нусхасигача ёқиб ташлаш»га фатво беришган. Универсалиялар хусусидаги баҳсда схоластик *реализм* (Гильом)га *номинализм* (Росцелин), шунингдек, *концептуализм* (Абеляр) қарама-қарши туради. Етук С. (12—13-а.лар) Буюк Альберт ва Фома Аквинскийнинг христиан аристотелизми ва аверроизм (Сигер Брабантский ва б.) бўлиб, у асосан Париж ун-тида кенг ёйилган. Кейинги С. (13—14-а.лар) вакиллари — Иоанн Дунс Скот, У. Оккам. С.га Уйғониш даври гуманистлари қарши чиққанлар. Уларнинг таъсирида С. ўзининг мафкуравий устувор мавқеини йўқота бошлади. С.нинг янгидан жонланиши, айниқса, Испанияда жонланиши (16—17-а.лар, Ф. Суарес, М. Молина) контрреформация б-н боғлиқдир. Кўчма маънода С. — ҳаётдан ажралиб қолган, беҳуда, мавҳум фикр юритиш.

СЦЕНАРИЙ (итал. scenario) — 1) пьеса мазмунининг қисқа баёни, импровизация театри, томоша, балет спектакллари, оммавий томоша ва б. ўйинлар яратиладиган сюжет тузилиши; 2) кино саноати ва телевидение воситалари ёрдамида тавлалантириб кўрсатишга мўлжалланган адабий асар. Дастлабки фильмларда сюжетлар ўта содда бўлиб, қоғозга туширилмаган, фильм ижолкорлари уларни ўз миясида сақлаган. Кейинроқ фильмлар мазмуни чуқурлаша борган сари С. ғоявий-эҳтиёж тутилди. «Овозсиз кино» даврида С. шакли режа-схема тарзида бўлиб, суратга олиниши керак бўлган объектларнинг кадрма-кадр белгиланиб, қаердан ва қандай суратга олиниши кўрсатилган ҳолос. С.лар «техник», «рақамли», «темир» номлари б-н юритилган. Суратга олинаётган воқеа нималар бошланиб нима б-н тугалланиши, актёр ўзини қандай тутиши, кадр нимани англатиши қайд этила бошлагандан сўнгтина киноспенарий адабиётнинг алоҳида жанри сифатида кино асарига айланди. Шундай қилиб, 20-а. бошларида сценарийнавис (кинодраматург) термини пайдо бўлди. Ўзбек киносининг дастлабки йилларида Л.Сайфулина, В. Соббереў, Д. Бассалиго, Н. Кладо ва б. сценарийчилар етакчилик қилган. Биринчи ўзбек киносценарийчиси С. Хўжаев бўлган. Ўзбекистонда С. жанрининг ривожланишида кинорежиссёр Наби *Ғаниев*нинг хизматлари алоҳида. Э. Ҳамроев, А. Шароповлар ҳам дастлабки ўзбек сценарийчиларидан. Кейинчалик К. Яшин, С.Абдулла, А. Қаҳҳор, М. Шайхзода, Т.Тўла, Р. Файзий, О. Ёқубов, С. Аҳмад, С. Абдуқаҳҳор, У. Назаров, Ф. Мусажонов, Ш. Бошбеков, У. Азим, О. Агишев, Р. Мукаммаджонов, М. Мелкумов, К. Ёрматов, Ш. Аббосов, Ю. Розиқов ва б. етакчи сценарийчилардан.

Аътор Ёқубхўжаев.

СЦИНКЛАР (Scincidae), сцинксимонлар — *калтакесаклар* оиласи. Гавдаси бир неча см дан 65 см гача; узун, силлиқ ёки қиррали тангачалар б-н қопланган. Оёқлари қисман ёки тўлиқ редукцияга учраган; тупроқда ин қазиб яшайдиган С.нинг кўзи

Сцинк.

бўлмаган. 1200 га яқин тури маълум; кени тарқалган, ер юзасида, ярим дарахтда ва тупроқда ин қазиб яшайдиган турлари бор. Ҳашаротлар ва дирим ирик турлари мавда умуртқалилар б-н озиқланади. Ўзбекистонда 5 тури (оддийранг мабуя, ўзунюк, сцинк, Олои, тўғ ва Осие илонқўпруқлари) тарқалган.

СЦИНТИЛЛЯТОРЛАР — ионловчи нурланиш ёки элементар зарралар таъсирида ёруғлик чақнаши — *сцинтилляция* содир қиладиган *люминофорлар*. Ионловчи нурланиш ёки заррачаларнинг ёруғлик энергиясига айланадиган энергия миқдори (конверсион эффективлик) ва ёруғланишни давомийлиги С.нинг муҳим характеристикалари ҳисобланади. Кристаллофосфорлар (мас., ZnS, NaI), органик кристаллар (мас., антрацен, стильбен), пластмасса эритмалари, инерт газлар С. вазифасини бажариши мумкин. С. *сцинтилляцион ҳисоблагичларда* қўлланади.

СЦИНТИЛЛЯЦИЯ (лот. scintillatio — милтиллаш) — ионловчи нурланишлар (мас., тез электронлар) таъсирида *сцинтилляторларда* ҳосил бўладиган қисқа муддатли (10^{-3}—10^{-9} с) ёруғлик чақнаши (*люминесценция* чақнаши). С.ни дастлаб инглиз олими У. Крус ZnS экрани α-заррачалар б-н нурлантирилса кузатган (1903). Сцинтилляторнинг атом ва молекулалари ярадланган заррачалар энергияси ҳисобига уйғонган ҳолатга ўтади; атом ва молекулалар уйғонган ҳолатдан асосий ҳолатга ўтишида ёруғлик чақнаши — С. кузатилади. С.нини нурланиш спектри ва ёруғланишнинг давомийлиги люминесценловчи модда (сцинтиллятор) табиатига, равшанлиги эса ионловчи нурланишнини табиатига, заррачаларнинг хилига ва бу заррачаларнинг сцинтилляторнинг атом ва молекулаларига узатаётган энергиясига боғлиқ (мас., α-зарра ва протонларнинг С.си β-зарраниинг С.сига қараганда равшанроқ). Ҳар бир С. битта зарра таъсирининг натижасидир; бу ҳодисадан сцинтилляцион ҳисоблагичларда элементар заррачаларни қайд қилишда фойдаланилади. С. дастлаб 1932 й.да литийни тезлатилган протонлар б-н бомбардимон қилинганда унинг ядроларини парчаланишида кузатилган.

СЦИНТИЛЛЯЦИОН ҲИСОБЛАГИЧ — ядро нурланишлари ва элементар зарралар (протон, нейтрон, электрон, γ-квант, мезон ва б.)ни қайд қиладиган асбоб. Ионлаштирувчи нурланиш таъсирида *люминесценция* ҳосил қиладиган модда — сцинтиллятор, ёруғлик чақнашини электр токи импульсига айлантириб берувчи асбоб — фотоэлектрон кўпайтиргич ва шу импульсларни қайд қилувчи электрон тизимдан иборат.

С.ҳужайраларидан зарралар сцинтилляторни ушиб, унинг атом ва молекулаларини ионлаш б-н боғлиқ, уларни уйғотади. Атомлар уйғонмаган (дастлабки) ҳолатга ўтганда улар фотонлар чиқаради. Фотонлар фотоэлектрон кўпайтиргич катодига тушиб, бу ердан электронларни ўраб чиқаради, натижада кўпайтиргич анодида электр импульси ҳосил бўлади, ўша борган ва қайд қилинади.

Сцинтилляторлар вазифасини турли қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар бажарини мумкин. Кристаллари қайд қилишда нодоранлик кристаллар — NaI (Tl), CsI (Tl), катта оқимли зарраларни қайд қилишда эса органик сцинтилляторлар ишлатилади. Суюқ сцинтилляторлар ё-н антинейтрино ва секин нейтронлар қайд қилинади.

СЦИФОМЕДУЗАЛАР (Scyphozoa) — бўшлиқичилар типига мансуб ҳайвонлар синфи. Танаси бирмунча типик шаклсимон дилпирок моддадан иборат. Шаклн сомбонга ўхшаш, эркин, якка яшайди. Оғиз тепини сомбонининг остки томони марказида жойлашган. Ошқозони чала тусиқлар ёрдамида тўртта камерага бўлинган. Оғиз тепини атрофида ва сомбони четида жуда кўп пайпаслагичлари бор. Медуза қавирқ томонида б-н оғзини суқади. С. иштирок. ҳар хил планктон организмлар б-н озиқланади. Кўпчилик турлари айрим жинсли. Ҳаёт цикилда жинсий медуза ва жинсиз полип даври галланиб туради. Жинсий безлар оғиқ ошқозон камералари деворида жойлашган. Етилган тухумлар ва сперматозоидлар оғиз тешиги орқали сувга чиқади. Тухум ҳужайралари сувда уруғланади. Уруғланган тухумдан эркин сузувчи киприкли *планула* личинка чиқади. Личинка субстратга ёпишиб, майда *полип* сцифистомни ҳосил қилади. Сцифистом кўндаланг куртакланиб эфираларга, эфиралар эса ёш медузаларга айланади. С. нинг ҳаёти, асосан, медуза даврида ўтади. Полип даври жуда қисқа. С. медузаси йирик (сомбонининг диаметри 1 см дан 2 м гача), полиплари майда (баландлиги 1—3 мм). 200 га яқин тури 5 та туркум (коронаталар, дискомедузалар, кубомедузалар, ставромедузалар, илдизоғиз медузалар)га бўлинади. Деярли барча денгизларда аурелия медузаси, яъни денгиз ликопчаси учрайди. Айрим С. (мас., илдизоғиз медуза, хризопсалмус, қутб медузаси) пайпаслагичларида жойлашган игувчи ҳужайралари суюқлиги заҳарли бўлиб, «куйдириш» хусусиятига эга. Австралия қирғоқлари яқинида учрайдиган хризопсалмус медузаси одам учун айниқса хавфли.

Сцифомедузалар: *1*—илдизоғиз медуза; *2*—қутб медузаси.

СЬЕРРА-ЛЕОНЕ (Sierra Leone), Сьерра-Леоне Республикаси (Republic of Sierra Leone) — Африканинг ғарбида, Атлантика океани соҳилида жойлашган давлат. Майд. 72,3 минг км². Аҳолиси 5,6 млн. киши (2002). Пойтахти — Фритаун ш. Мамлакат жуғрофий 3 вилоят (провинсия)га ва Ғарбий вилоятга бўлинади.

Давлат тузуми. С.-Л. — республика. Буюк Британия Бошқилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1991 й.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1996 й.дан Аҳмад Тежан Кабба). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис (парламент), ижрочи ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Океан соҳилларининг аксари қисми паст, ясси, қумли. Ҳудудининг кўп қисмини Леон-Либерия қирлари (энг баланд жойи — 1948 м) эгаллайди, бу қирларда темир, тиллан рудалари, олмос, мамлакат гарбида бокснт конлари бор. Иқлими экваториал муссонли иқлим. Май ойидан сент.гача ёғингарчилик, окт.дан майгача қуруқ мавсум. Энг салқин ой — авг.да ўртача т-ра соҳилда 24°, энг иссиқ ой — апр.да 27°, мамлакат ички ҳудудида 21—24°. Йиллик ёғин тўгларда 4000 мм дан ортиқ, мамлакат ички ҳудудида 2000—2500 мм. Дарёлари сершув, серостона. Асосий дарёлари: Каба, Рокел, Жонг, Сева, Моа, Тупроғи қизил-сариқ ферралит, соҳилда ботқоқли ва аллювиал, мангрозорларда шўр тупроқ. Мамлакат ҳудудининг ярмига яқини, шим.да асосан саванна, жан.да бутазорлардан иборат. Ҳудудининг 5% га яқинини эгаллаган тизмалари ва тепаликларнинг нам шарқий ёнбағирлари доим яшил ва аралаш ўрмонлар б-н банд. Ҳайвонот дунёси шафқатсиз қириб юборилган бўлса-да, айрим жойларда маймун (шимпанзе, бабуин, маканки ва б.), кийик, зебра, сиртлон, қоплон, ўрмон ичкарисида фил, бегемот, буйволларнинг митта турлари, дарёларда тимсоҳлар сақланиб қолган. Қуш ва ҳашарот, соҳил яқинидаги сувларда балиқ кўп. Лома-Маунтинс, Мамунта-Майоза ўрмон қўриқхоналари ташкил қилинган.

Аҳолиси. 2 асосий этник гуруҳ: ғарбий атлантика ва манде тил оилаларига бўлинган халқлардан иборат. Расмий тил — инглиз тили; крио, манде ва темне тиллари ҳам тарқалган. Аҳолининг аксарияти маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади, бир қисми христиан ва мусулмон. Шаҳар аҳолиси 37%. Йирик шаҳарлари: Фритаун, Кенема, Макени, Коиду, Бо.

Тарихи. С.-Л. ҳудудида одам палеолит давридан яшай бошлаган. 2 минг йил аввал темирдан меҳнат қуроллари ясалганлиги маълум. 7—8-а.ларда бу ерда димба ёки булом элатларини шимдан келган манде, коранко ва б. халқлар соҳилга суриб юборган. 15-а. ўрталарида қарор топган қабила-уруғчилик анъаналари 20-а. бошларигача давом этган.

Европаликлардан биринчи бўлиб бу ҳудудга 1462 й. португалияликлар етиб келиб, унга Сьерра-Леоне (Шерлар тоғи) номини берди. 16-а.да инглиз қул савдогарлари келиб, 1662 й. дастлабки қалъани қурдилар. 18-а.да қул савдоси расман тақиқлангач, инглизлар томонидан озод қилинган бир неча юз қул «эркинлар шаҳри» — Фритаун манзилгоҳига асос солдилар. 1808 й. Фритаун ва унинг атрофидаги ерлар, кейинчалик бутун мамлакат Англия мустамлакасига айланди. 1898 й. маҳаллий халқ мустамлакачиларга қарши катта қўзғолон кўтарди. Англия ҳукумати юборган армия қўзғолончилардан 2 минг кишини қириб, 100 га яқин қишлоқни йўқ қилиб юборди, 98 қабила бошлиғини отиб ташлади. 1-жаҳон урушидан сўнг маҳаллий ишчилар касаба уюшмаларини туза бошладилар. 2-жаҳон урушидан кейин миллий озодлик кураши кучайди. Сиёсий партиялар тузилди, 1955 й. давомида бўлиб ўтган галаёнлар натижасида Англия ҳукумати бироз ён босишга мажбур бўлди. 1961й 27. апр.да С.-Л. Британия Ҳамдўстлиги доирасида мустақилликка эришди. С.-Л. ҳукумати барча мамлакатлар б-н дўстона муносабатларни ривож-

Сьерра-Леоне герби.

лантириш, ирқий камситишга қарши кураш, Африка қитъасидаги можароларни тинч йўл б-н ҳал этиш тарафдори эканини билдирди. С.-Л. — 1961 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 27 апр. — Мустақиллик куни (1961). ЎзР суверенитетини 1991 й. 21 дек.да тан олган.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Умумхалқ конгресси, 1960 й. тузилган; Халқ-демократик партияси, 1991 й. ташкил этилган; Бирлашган инқилобий фронт, 1991 й. қўзголончи гуруҳ сифатида тузилган, 1999 й. партияга айлантирилган; Миллий бирлик партияси, 1995 й. асос солинган; Тинчлик ва бирлик партияси, 2002 й. ташкил этилган. С.-Л. Меҳнат конгресси, 1966 й. асос солинган.

Хўжалиги. С.-Л. — кончилик саноати бир мунча ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 52%, саноатнинг улуши 16%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 32%.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Мамлакат ер фонди 7,2 млн. гектар, шундан 4 млн. гектари деҳқончилик учун яроқли, аммо 0,8 млн. гектар ердан фойдаланилади, 2,2 млн. гектар ер яйлов. Соҳил яқинидаги мангрозор ботқоқликлар ўзлаштирилиб, шоли экила бошлади. Экспорт учун пальма ёнғоғи, кофе, какао, ер ёнғоқ, занжабил, цитрус мевалар, ички эҳтиёж учун шоли, маниок, маккажўхори, тариқ, оқ жўхори, батат, шакарқамиш, тамаки етиштирилади. Чорвачилик суст ривожланган, қорамол, қўй, эчки, чўчқа боқилади. Балиқ овлаш ва парранлачилик ривожланган.

Фритаун шаҳри.

Саноати. Конларда олмос, темир рудаси, боксит, рутил, олтин қазиб олинади. И.ч. саноати мустақиллик йилларида ташкил этилди. Нефть ва қ.х. хом ашёсини қайта ишлайлиган, қурилиш материаллари, пойабзал ишлаб чиқарадиган корхоналар, тамаки ф-каси ва пиво з-ди, кимё, металлсозлик саноати корхоналари, автомобилларни таъмирлаш устахоналари бор. Йилига ўртача 237 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Т.и. узунлиги 84 км, автомобиль йўллари — 11,7 минг км. Асосий денгиз порти — Фритаун, халқаро аэропорти — Лунги. С.-Л. четга олмос, боксит, какао, кофе дони, пальма ёнғоғи магзи чиқаради; четдан машина ва ускуна, кимё ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтирали. АҚШ, Нигерия, Япония, Европа Иттифоқи мамлакатлари б-н савдо қилади. Пул бирлиги — леоне.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Мустақиллик эълон қилинганидан кейин 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий этилди. Давлатга қарашли мактаблар б-н бир қаторда хусусий мактаблар ҳам бор. Бошланғич мактаб 7 й.лик. Фритаун ва унинг атрофида дарслар инглиз тилида, вилоятларда кўп тарқалган маҳаллий тиллардан бирида олиб борилади. Бошланғич мактабни тугатган болалар ўрта мактабла ёки ҳунар-техника ўқув юртида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Ўрта мактаблар 7 й.лик умумий таълим мактаблари ва 3—4 й.лик замонавий ўрта мактаблардан иборат. Ҳунар-техника таълими бошланғич ва замонавий ўрта мактаб негизида олиб борилади; уларда ўқиш муддати 1—3 й. Фритаун ва Кенемадаги техника ин-тлари махсус ўрта маълумот беради. Бошланғич мактаб ўқитувчилари пед. билим юртларида, ўрта мактаб ўқитувчилари пед. коллежларида тайёрланади. Фритаундаги С.-Л. университети (1967)ни тугатган мутахассислар тўлиқ ўрта мактаб ва пед. коллежларида дарс бериши мумкин. Мазкур ун-т мамлакатдаги илмий фаолиятни мувофиқлаштирувчи марказ вазифасини ҳам бажаради. Бундан ташқари Денгиз биол.си ва океаншунослик ин-ти (1966), Фура-Бей коллежи ҳузурида Африкани ўрганиш ин-ти, Санъат, адабиёт ва тарихни ўрганиш б-н шуғулланувчи С.-Л. жамияти (1918), геол. хизмати (1918) бор. Фура-Бей коллежи кутубхонаси (1827), Ж. Томас кутубхонаси, турли вилоят ва

Сьерра-Леоне байроғи.

шаҳарларда кутубхоналар, Фритаунда Миллий музей мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. Асосий газ.лари: «Дейли мейл» («Кундалик почта», ҳукуматга қарашли инглиз тилида чиқалиган кундалик газ., 1931 й.дан), «Ви юн» («Суҳбатлош», инглиз тилида ҳафтасига 2 марта чиқалиган газ., 1963 й.дан), «Кроникл» («Хроника», инглиз тилида чиқалиган ҳафталик газ., 1983 й.дан), «Прогресс» («Тараққиёт», инглиз тилида чиқалиган ҳафталик газ.), «Фор пипл» («Халқ учун», инглиз тилида чиқалиган ҳафталик газ., 1983 й.дан). С.-Л. ахборот агентлиги (СЛЕНА) миллий ахборот агентлиги, 1980 й. ташкил этилган. С.-Л. радиоэшиттириш хизмати, ҳукумат маҳкамаси, 1934 й. тузилган. С.-Л. радиоэшиттириш хизмати қарамоғида 1963 й. телекўрсатувга асос солинган.

Абадиёти инглиз тилида 20-а. ўрталарида юзага келган. Халқ оғзаки ижодиёти унга самарали таъсир ўтказган. Машҳур адиблари — Р. С. Исмон, А. Никол, У. Контон. Р. Коулнинг ўз ҳаётидан ёзган «Коссоулик болакай» қиссаси дастлабки насрий асарлардан бўлди. 50—60-й.ларда новелла, роман, драмалар, янгича шеърий услублар пайдо бўлди. М. Синанинг «Шинаванда сержант» ҳажвий ҳикояси, Н. Файлнинг давлат мадҳияси матни, «Бошпанасиз йигит» ҳикояси, Ф. Гарти ва б.нинг ҳикоя, роман ва шеърий тўпламлари нашр этилди. Контоннинг «Африкалик йигит» романида ижтимоий ва ахлоқий муаммолар, ирқий ўзаро муносабат масаласи кўтариб чиқилган. Исмоннинг «Меҳрибон ота» пьесаси миллий масалага бағишланган.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. С.-Л. қишлоқлари одатда гепаликларга қурилган. Аксарият турар жойларнинг девори лойдан ёки тўқима новдалардан тикланиб, ранг-баранг расмлар солинади, конуссимон томи похол б-н ёпилади. Тарҳи тўғри бурчакли, томи пальма барги б-н ёпилган синчли кулбалар ҳам учрайди. 15—17-а.ларда португаллар қурган бир неча кўргон сақланиб қолган. 18-а. охирларида пайдо бўлган Фритаун, Макени, Лунсар ш. ларининг қиёфаси қишлоқлардан деярли фарқ қилмайди. Фақат Фритаунда инглиз викториан меъморлиги ва замонавий руҳдаги бинолар бор.

С.-Л. ҳудудида юмшоқ тош (стеатит) дан ясалган ҳайкалчалар (иболат қилаётган киши, от ва фил устидаги чавандоз, жониворлар қиёфалари), ёғоч ниқоблар, фил суяги б-н безатилган буюмлар топилган. 20-а.нинг 2-ярмида чет эллара ўқиб келган рассомлар ижодида ластгоҳ санъати вужудга келди: М. Берни-Никол маҳобатли панноллар, Ц. Лейбер-Блейк реалистик портретлар яратишли. Ганада таълим олган ҳайкалтарош П.М.Карело шу мамлакат бадиий мактаби анъаналарини қабул этиб, халқ санъати руҳида асарлар яратди. Бадиий ҳунармандчиликда фил суяги ўймакорлиги, бадиий тўқувчилик, кулолчилик, ёғочсозлик ривожланган.

Мусиқаси. Меҳнат жараёнлари, ҳаётий воқеалар қўшиқсиз утмайди. Севги, меҳнат, маросим, муножот қўшиқлари кенг тарқалган. Театрлаштирилган рақс томошаларига жўр бўладиган қўшиқлар алоҳида туркумни ташкил этади. Чолғу асбоблари — канғбай деб аталувчи 1 мембранали, санғбай деб аталувчи конуссимон, хутамба деб аталувчи қум соат шаклидаги барабанлар, фил гипидан ясалган труба, ёғоч най, банжо, ксилофонни эслатувчи баланжа ва б. Саёқ бахши — гриотлар қаҳрамонлик, муҳаббат, ҳажвий қўшиқларни ижро этиб, халқ санъатини таргиб қилади. 20-а. бошларида вояга етган профессионал композиторлар орасида С. Колриж-Тейлор ижоди («Ғайавата» ораторияси, «Афсонавий балладалар» ва б.) алоҳида ўрин олади.

Театри. С.-Л.да замонавий театрнинг ривожланиши халқнинг ўзига хос маданияти қарор топиши ва мамлакатдаги анъанавий санъатнинг тикланиши б-н боғлиқ. Мустамлакачилик йилларида кўпгина инглиз ҳаваскорлик драма ва мусиқали драма жамоалари У. Шекспир, С. Моэм, Ж. Жильберт пьесаларини саҳналаштирган. 2-жаҳон урушидан кейин мактаб ва диний миссиялар қошида африкаликларнинг ҳаваскорлик жамоалари тузила бошлади. 1958 й. драматург, реж. ва актёр Д. Акар «Сьерра-Леоне актёрлари» группасини ташкил этди ва ўзининг «Акс садосиз водий» ва «Тамба нилоси» пьесасини саҳнага қўйди. Мустақилликка эришгач, ҳаваскор жамоалар кўпайди. Р.С. Исмоннинг «Меҳрибон ота», «Янги ватанпарварлар», А. Карғбонинг «Жиянининг камзули», О. Масоннинг «Отасининг иродаси» пьесалари томошабинларга кўрсатилди. Комедия жанри ривожланди. Фура-Бей коллежи қошидаги тажриба студиялари драматург, реж. ва актёрларни тайёрлайди. Ҳаваскорлик жамоаларини бирлаштирувчи Миллий театр уюшмаси ташкил этилган. Фритаундаги театр-концерт зали мамлакат театр ҳаётининг асосий марказларидан биридир.

Лимбалар қишлоғи манзараси.

СЬЕРРА-НЕВАДА — АҚШнинг жан. қисмидаги тоғ тизмаси. Кордильера тоғ системаси таркибида. Уз. 750 км. Энг баланд жойи 4418 м. Асосан, гранодиоритлардан тузилган. Шарқий этакларида иссиқ булоқлар, балчиқ вулканлари бор. Ғарбий ён бағри қия, қуруқ водий кўп. Сернам ўрмон б-н қопланган, 3000 м дан баланд қисми алъп ўтлоқлари. Тоғ чўққилари қор б-н қопланган. С.-Н.дан Тинч океан соҳилларида жойлашган шаҳарларни сув б-н таъминловчи сув қувурлари ўтказилган. Йирик миллий парклар ташкил қилинган.

СЬЮДАД-ХУАРЕС — Мексиканинг шим. қисмидаги шаҳар, Рио-Браво-дель-Норте дарёси бўйида, АҚШнинг Эль-Пасо ш. қаршисида жойлашган. Чиуауа штатида. Аҳолиси 1,2 млн. киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Металлсозлик, пахта тозалаш, кўн-пойабзал, озиқ-овқат ва б. саноат корхоналари, ун-т бор. Қ.х. (пахта, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Шаҳарга 1659 й.да Эль-Пасо-дель-Норте номи б-н асос солинган. 1888 й.дан шаҳар мақоми берилган ва ҳоз. номи б-н аталади. Туризм ривожланган.

СЭЙ (Say) Жан Батист (1767.5.1, Лион — 1832.15.11, Париж) — француз иқтисодчиси, тадбиркор, йирик буржуазия мафкурачиси, эркин савдо ва давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслик тарафдори. С. 1819 й.да Санъат ва ҳунармандлик миллий консерваториясида саноат иқтисодиёти кафедрасини бошқарди, 1831 й.дан Коллеж де Франсда сиёсий иқтисод проф. А. *Смит* таълимотини таргиб этиш ва уни тўлиқ изоҳлаш баҳонасида С. устозининг гояларини ривожлантирди ва тўлдирди. С. иқтисодчилардан биринчи бўлиб бойликнинг меҳнат назариясини нафлиликка асосланган субъектив назария б-н алмаштиришга уринди. У и.ч. омиллари назариясини асослаб қийматни яратиш жараёнида меҳнат, капитал ва табиат (кўпроқ ер)нинг тенг иштироки гоясини илгари сурди. И.ч.нинг омили нархи ундан ишлаб чиқариладиган товар нархи б-н, охир-оқибатда бу товарга бўлган талаб б-н белгиланади. С. умумий товарлар ортиқчалиги мавжуд бўлиши имкониятларини инкор этади. С. томонидан ишлаб чиқариш (таклиф) ўзига мос истеъмол (талаб)ни юзага келтириши асосланган бозорлар назарияси (бозорлар қонуни; «Сэй қонуни» деб ҳам аталади) таърифлаб берилди. Асосий асарлари: «Сиёсий иқтисод рисоласи» (1903), «Сиёсий иқтисод катехизиси» (1917), 6 жилдли «Сиёсий иқтисод курси» (1828—1830), «Тўлиқ амалий сиёсий иқтисод курси» (1829) ва б.

СЭНДБЕРГ (Sandburg) Карл (1878. 6.1, Гейлсберг, Иллинойс штати — 1967.22.7, Флет-Рок, Шим. Каролина штати) — америкалик шоир, фольклорчи. Дастлабки тўплами — «Чикаго ҳақида шеърлар» (1916), «Ғалла янчувчилар» (1918), «Тутун ва пўлат» (1920) ва б. тўпламларида жиддий ижтимоий муаммолар кўтарилган. С. шеърияти учун урбанизмга хос образлилик, тилининг «газетабоплиги», фольклор қўшиқларига яқин бўлган эркин шеър яратиш маҳорати характерлидир («Америкача қўшиқлар тўплами», 1927). У. Уитмен анъаналарида ёзилган «Халқми -ҳа!» достони ёзувчининг 20-а. 30-й.ларидаги кескин руҳий ҳолатини ифодалайди. Кейинчалик унинг ижодида фалсафий лирика устунлик қила бошлайди («Асал ва туз», 1963). «Хотиралар қояси» (1948) тарихий романи ҳамда «Авраам Линкольн» таржимаи ҳоли (1—6-ж.лар, 1926—39) машҳур.

СЮАНЬ ЦЗАН (тахм. 600—664) — хитойлик сайёҳ. Будда дини роҳиби. 627 й. Чангъанда ҳиндистонлик буддист олим Пўмидўло б-н танишиб, унинг таъсирида Ҳиндистонга боришга аҳд қилади. *Тан* давлати ҳудудидан бошланган (629) С.Ц.нинг сафари *Турк хоқонлиги* таъсири остидаги йўллардан ўтган. Хэси йўлаги (коридори), Ивергул (ҳоз. Қумул, хитойча Хами) орқали Турфонга келган. Бу ерда у Турфон (Гаочан) давлати ҳукмдори ҳузурида бўлган. С.Ц. Қорашар, Кучар, Ақсу, Музрат довони, Иссиқкўл, Тароз (Суйе), Чоч, Самарқанд, Бухоро, Темир

Сюань Цзан. Расм.

дарвоза (Тэмэнгуан), Афгонистоннинг шим. вилоятлари, Ҳиндукуш тоғлари орқали Ҳиндистонга борган (630). У ерда барча буддизм маданияти марказларини, машҳур ибодатхоналарни зиёрат қилади. Ҳиндистоннинг шим. шарқидаги Наланда (Наланто) ибодатхонасида 5 й. таҳсил олади. 640 й. бу ерда 18 мамлакатдан келган вакиллар иштирокида ўтказилган катта халқаро анжуманда маъруза қилиб йирик буддавий роҳиблар қаторидан жой олади. С. Ц. кўп ноёб китобларни олиб 645 й. Чангъанга қайтиб келади. Тан ҳукм-дори Ли Шимин (627—650 й.ларда Тайзунг номи б-н тахтни бошқарган) уни Лоянгдаги саройига таклиф қилиб, Марказий Осиёдаги мамлакатлар, халқлар, иқтисодий аҳвол ва ҳарбий кучлар ҳақида суҳбатлашган ҳамда бу ҳақда батафсил ёзма маълумот беришни топширган. Бу даврда Тан сулоласи Турк хоқонлигига қарши кураш олиб бораётгани туфайли бундай маълумотлар ниҳоятда зарур эди.

С.Ц.нинг йўл хотиралари асосида ёзган «Да Танг сиюжи» («Буюк Танг саёҳатномаси») асари Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим манбадир. С. Ц. бундан ташқари ўзи б-н Ҳиндистондан келтирган китобларни хитой тилига таржима қилиш б-н шуғулланган. Маълумотларга кўра, у жами 1335 бобдан иборат бўлган 74 та асарни таржима қилган. С.Ц. Чангъандаги «Юйхуа ши» ибодатхонасида вафот этган.

Абдулаҳад Хўжаев.

СЮЖЕТ (франц. — предмет, мазмун, нарса) — бадиий асар мазмунини ташкил этадиган, бир-бири б-н ўзаро боғлиқликда кечадиган, қаҳрамонлар ўртасидаги алоқалардан таркиб топган воқеалар тизими. Барча эпик, драматик ва лиро-эпик турдаги бадиий асарларда С. мавжуд бўлади. Ҳар бир адабий турда С. ўзига хос характерга эга. Кўпгина лирик асарларда кўзга яққол ташланиб турадиган С. тизими йўқ. Улардаги ҳис-туйғу, ўй-кечинмалар ривожи қайсидир маънода лирик асар С.ини ташкил этади. Айрим адабиётшунослар сюжетлилик умуман лирик турга хос хусусият эмас, деб ҳисоблайди. Чунки лирик асарда воқеалар тизими бўлмаслиги ҳам мумкин. Айни чоқда, С. фақат воқеалар тизимидан ҳам иборат эмас.

Бадиий асарда тасвирланган воқеалар тизимининг ўзаро муносабатига кўра С. асосан хроникал (воқеабанд) ва концентрик (воқеабанд бўлмаган) турларга бўлинади. Хроникал С. да воқеалар орасидаги вақт муносабати етакчилик қилади (мас., Д. Д. *Дефонинг* «Робинзон Крузо», *Сервантеснинг* «Дон Кихот», *Ойбекнинг* «Навоий», П. *Қодировнинг* «Юлдузли тунлар» асарлари). Концентрик С.да эса асарда тасвирланган воқеалар орасидаги сабаб — натижа муҳим аҳамият касб этади (мас., *Пушкиннинг* «Евгений Онегин», О. *Ёқубовнинг* «Муқаддас», «Улуғбек хазинаси» асарлари). Аммо бадиий асарларда юқоридаги С.ларнинг ҳар икки тури уйғунлигидан таркиб топган шакли кўпроқ учрайди (мас., *Абдулла Қодирийнинг* «Ўтган кунлар», *Чўлпоннинг* «Кеча ва кунлуз» асарлари).

Бадиий асар С.и тасвирланаётган воқелик ва асарда иштирок этадиган қаҳрамонлар масаласига бевосита боғлиқ. Чунки С. асосидаги воқеликда қаҳрамонлар ҳаракат қилади ва, энг муҳими, ҳақиқий бадиий асарларда аввало қаҳрамонлар ўз дарди-дунёси б-н намоён бўлади. Ф.М. *Достоевскийнинг* «Жиноят ва жазо» романида Раскольников, А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романида Саидий, *Тоғай Муроднинг* «Отамлан қолган лалалар» романида Деҳқонқул образлари атрофида воқеалар санъаткорона тарзда уюштирилган.

Бадиий асар С. и экспозиция, *тугун*, воқеа ривожи, кульминация, ечим сингари бир қатор унсурлардан таркиб топади. Мас., Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги Хулоёрхон б-н Анварнинг тўқнашуви эпизоди асарнинг кульминацион нуқтаси саналади. Сўнгра воқеалар ечими келади. Бадиий асарда С. унсурлари баъзан турлича ҳажм ва турлича тартибда келиши мумкин. Шунингдек, айрим асарларда экспозиция ёки ечим сингари С. унсурлари бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу асло камчилик эмас, аксинча, ўқувчини бадиий тафаккурга чорлайди, тасаввурини кенгайтиради. Баъзи адабиётшунослар пролог (муқаддима) ва эпилог (хотима)ларни ҳам С. элементи сифатида кўрсатадилар (А. Қодирий романларида бу унсурлар мавжуд). С. *композиция, конфликт, фабула* каби адабий тушунчалар б-н ҳам мустаҳкам боғланган.

Ад.: Иззат Султон, Адабиёт назарияси, Т., 1979; Қуронов Д., Адабиётшуносликка кириш, Андижон, 2002.

Баҳодир Каримов.

СЮИТА (франц. suite — қатор, изчиллик) — чолғу мусиқанинг асосий турқумли шакллардан бири ва мусиқий жанр. Қисмлар тартиби, сони, характерининг маълум қонун-қоида б-н қатъий чегараланмаганлиги, аксарият ҳолларда қушиқ ва рақс б-н узвий боғлиқлиги С.ни соната ва симфониядан ажратиб туради. Бир неча мустақил (олатда, контраст) қисмлардан ташкил топиб, улар умумий бадиий мақсадда бирлаштирилади. С.нинг илк кўринишларида 16-а.га хос секин ва тез сурьатли рақслар қиёсланган. 17-а.да И.Я. Фробергер ижодида қалимий рақс С.нинг мумтоз намунаси юзага келган. У 4 рақс — ўртача сурьатли аллеманда, тез — куранта, секин — сарабанда ва жадал — жигалан ташкил топиб, лютня, клавесин, оркестр ва б. учун мўлжалланган. Классик С.нинг юксак намуналарини И.С.Бах ва Г.Ф.Генделлар яратган (18-а.). Драматик спектаклларга ёзилган мусиқий лавҳалардан тузилган С.лар (Э. Григнинг «Пер Гюнт», Ж. Бизенинг «Арлезианка»), шунингдек, балет С.лари (П. Чайковский, Д. Шостакович, И. Стравинский ва б.), кинофильмга ёзилган мусиқий лавҳалардан танланган С.лар (С. Прокофьев, Г. Свиридов) ҳам кенг урин олган. «С.» атамаси бир қанча рақслардан иборат мусиқали хореографик композицияни ҳам билдиради. 19—20-а.ларда рақсий бўлмаган (Р. Шуман, «Карнавал»; А. Шёнберг, Фортепиано учун С. ва б.), баъзан дастурли (Н. Римский-Корсаков, «Шаҳризода»; М. Мусоргский, «Кўргазмалан суратлар»), вокал (Д. Шостакович, «М.Цветаеванинг 6 га шеъри») С.лар яратилди. Ўзбекистон композиторларидан В. Успенский, А. Козловский, М. Бурҳонов, М. Ашрафий, С. Юдаков, Д. Соатқулов, Д. Зокиров, Б. Гиенко, С. Бобоев, Сайфи Жалил кабилар симфоник ва ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, шунингдек, фортепиано ва б. созлар учун турли С.лар яратишган.

СЮЙ БЭЙХУН, Жю Пэон (1895.19.6, Цзянсу провинцияси — 1953.26.9, Пекин) — хитой рассоми, 20-а. Хитой тасвирий санъатида янги йўналиш асосчиларидан бири. Шанхайда (отаси Сюй Дачжандан) ва 1919 й.дан Парижда таълим олган. Пекинлаги БА маркази директори ва Умумхитой адабиёти ва санъати ассоциацияси раиси (1949—53). С.Б. «гуллар-гуллар», «одамлар» жанрларида, акварел (қоғоз, тушь ва б.)да, Хитойда биринчилардан бўлиб мойбўёқда ижод қилган; ижодида миллий бадиий анъаналарни Европа реалистик рангтасвири ютуқлари б-н уйғунлаштирди, асарларида

Сюй Бэйхун «Мушуклар» (1930-й.лар).

майин ишланган шакллар кучли ва аниқ чизиқлар б-н қўшилиб кетади. С. Б.нинг табиатни акс эттирган асарлари («От», 1930 ва б.) ёрқин нафосати б-н ажралиб турса, жанрли ва тарихий композициялари («Жангоҳ ўйлари» ва б.) қаҳрамонлик руҳи б-н йўғрилган, портретлари (меҳнат аълочилари ва миллий озодлик армияси қаҳрамонлари)га ўткир руҳ ва ижтимоий хусусиятлар хос.

СЮЛЛИ-ПРЮДОМ (Sully-Prudhomme) (тахаллуси; асл исм-шарифи Рене Франсуа Арман Прюдон) (1839.16.3, Париж — 1907.7.9, Шатне-Малабри, О-де-Сен департаменти) — француз шоири, Франция академияси аъзоси (1881). Париж ун-тини тугатган. Илк китоби — «Бекат ва шеърият» (1865). «Ҳарбий таассуротлар» (1870) китоби Франция-Пруссия уруши воқеаларига бағишланган. «Беҳуда мулойимлик» (1875) шеърий тўплами ғамгин руҳда бўлиб, ички интим туйғулар б-н йўғрилган. «Адолат» (1878) фалсафий достонида адолатни ташқи дунёдан эмас, одамнинг кўнглидан қидириш керак, деган фикрни илгари сурган. «Бахт» (1888) достони инсон бахти, илм, саховат ва фидойилик ҳақида. С.-П. нинг Лукрецийдан қилинган таржимага «Сўзбоши»си (1869), «Эркин танлов психологияси» (1906) ва б. рисолалари, «Паскалнинг ҳақиқий дини» очерки (1905), жамиятшунослик ва санъатшуносликка оид бир қанча ишлари, жумладан, «Поэтик васиятнома» (1901) позитивизм фалсафаси руҳида ёзилган. Нобель мукофоти лауреати (1901).

СЮНИК ПОДШОЛИГИ — Арманистоннинг жан.-шарқий қисмида мавжуд бўлган давлат (10-а.нинг 2-ярми — 12-а.лар). Асосчиси — Смбат; 970 й. подшоҳ деб эълон қилинган. 11-а.нинг 1-ярмида Васак I ва Смбат II даврида равнақ топган. Сюник тоғ ўлкасида 43 қалъа, 48 монастир ва 1000 дан зиёд қишлоқ бўлган. Аҳолининг асосий машғулоти — деҳқончилик ва чорвачилик. С. п. 1170 й. *салжуқийлар* томонидан босиб олинган.

СЮНЬ-ЦЗИ (мил. ав. тахм. 313 — тахм. 238) — қад. хитой файласуфи. *Конфуций* таълимотини системага солишга урингган. Мэн-цзи (мил. ав. тахм. 372—289)га қарама-қарши ўлароқ, инсон табиатан ёвуздир, деб ҳисоблаган. Унингча, инсон ташқи таъсир, тарбия, амалий фаолият туфайлигина яхши фазилат эгасига айланади. Фикрларини «Сюнь-цзи» китобида баён қилган. С.-ц. гоялари кейинги хитой мутафаккирлари, айниқса Хань даври (мил.ав. 3-а. — мил. 3-а.) файласуфларига катта таъсир ўтказган.

СЮНЯЕВ Рашид Алиевич (1943.1.3, Тошкент) — космолог ва астрофизик олим. Россия ФА акад. (1992), техника фанлари д-ри (1973), проф. (1985). Рентген астрономиясининг асосчиларидан бири. Космик расадхоналар («Рентген», «Квант», «Мир», «Гранат») илмий раҳбари. Москва физика-техника ин-тини тугатган (1966). Москвадаги Космик тадқиқотлар ин-ти бўлим мудири (1974 й.дан). 1990-й.лардан Германиядаги Макс Планк номидаги Астрофизика ин-ти директори. Илмий ишлари нейтрон юлдузлар физикаси, «қора ўра» атроф муҳитининг тузилиши, галактикалар тўдалари физикасига, уларнинг рентген нурланишининг компакт космик манбалари назариясига, модда ва нурланишларнинг экстремал шароитларда ўзаро таъсирига оид.

СЮРРЕАЛИЗМ (франц. surrealisme — ўта реализм) — 20-а.нинг 10—20-й.ларида француз адабиётида пайдо бўлиб, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, театр, кино соҳаларига, кейинчалик бошқа мамлакатлар (Бельгия, Чехословакия, Югославия, АҚШ, Мексика, Япония)га ҳам тарқалган авангардлик йўналиши. Маркиз де Сад, Ж. Нерваль, шунингдек, А. Рембо, Лотреамондан А. Жарри, Г. Аполлинер ва С. Ревердига қадар бўлган ёзувчилар ижоди С.нинг пайдо бўлишида манба вазифасини ўтаган. С. вакиллари ақлий фаолиятдаги, ҳатто жамият ҳаётидаги шаклланган тизимни тубдан ўзгартириш даъвоси б-н чиққанлар. С.нинг янги адабий йўналиш сифатида майдонга келишида «Litterature» («Адабиёт», 1919 —24) жур. муҳим роль ўйнади. Бу жур. атрофида бирлашган Л. *Арагон*, Л. Бретон, Ф. Супо каби ёзувчилар С.га

Сюрреалистик йўналишдаги асар намунаси: С. Дали. «Мадонна Порт-Льигат» (1950).

асос солдилар. Кўп ўтмай, улар даврасига П. Элюар, Р. Деснос, А. Арто ва б. келиб қўшилишди.

С. мияга илк бор келиб қолган сўз, нутқ парчалари, турли-туман хаёлларнинг дастлабки, кутилмаган бир ҳолатдаги ажабтовур шаклини ҳар қандай ижодий фаолиятнинг хамиртуруши, асоси, деб эълон қилган. Сюрреалистик театр (асосчиси А. Арто) ва кинематографияда ҳам айрим саҳна ва кадрларнинг бир-бири б-н мантиқсиз боғланиши ва умуман ақл-заковат доирасидан четга чиқиш «ҳақиқий реаллик» сифатида тан олинган.

Дастлаб сюрреалистларнинг турфа тўғарагига С.нинг исёнкорлик руҳига учган, теварак-атрофдаги дунё тартиботини хуш кўрмаган, инсоннинг жамиятдаги ҳаётида учраб турадиган қийинчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш хаёли б-н яшаган йирик ёзувчилар ҳам аъзо бўлишган. С.нинг ижтимоий тизимни қайта қуриш ҳақидаги нияти афсонавор уйдирма эканлигини тушунган, С. эстетикасидаги бадиий асарга хос маънодорлик ва яхлитликнинг бекор қилинганини кўрган катта истеъдод эгалари сюрреалистлар сафини тарк этганлар. 30-й.ларнинг охирига келиб, мистикага ошкора равишда берилган А. Бретон бошчилигидаги айрим шоирларгина С.га содиқ бўлиб қолдилар ва улар сафи тақлидчилар ҳисобига кенгайди. 40-й.ларнинг бошларида А. Бретон, С.Дали, И. Танги ва б.нинг муҳожирликка кетиши б-н С.нинг маркази АҚШга кўчди. Францияда С.ни қайта тиклашга қаратилган уриниш самара бермади.

С. адабий-бадиий йўналиш сифатида ўз умрини ўтаган бўлса-да, унинг гул-

лаган даврида ишлаб чиқилган айрим бадиий усул ва воситалардан тасвирий санъат, театр ва кинодан ташқари, амалий санъатда ҳам истифода этилмоқда.

Ад.: Андреев Л. Г., Сюрреализм, М., 1972.

Наим Каримов.

СЯНБИ, шибай, сяби — қад. Хитойнинг шим.да яшаган қабилалар иттифоқи. Хитой манбаларига кўра, С.лар мил. ав. 8—5-а.ларда шанруң (тоғлик одамлар) ёки баййи (оқ ажнабийлар) деб номланган туркийлар таркибидаги бир қавмдир. «С.» атамаси Хитойнинг шим.-шарқидаги тоғ номидан олинган. Мил. ав. 3-а.да ҳунлар ўзларининг шарқидаги қабилаларини тобе этишга ҳаракат қилганда, айрим қавмлар Сянби тоғига қочиб борган, улар ҳам «С.» деб аталган. Мил. ав. 140—86 й.ларда С.лар жан.-ғарб томонга кўчган ва ҳунларга эл бўлган. Ҳунлар ғарбга кўчгач, С.лар улар ҳудудини эгаллаган. Шундан сўнг С.лар кучайиб қабилалар иттифоқига айланган. Мил. 2-а.да хитойлар б-н узоқ вақт кураш олиб борганлар. 3-а.нинг 1-ярмида С.ларнинг мурун қабиласи ҳоз. ХХРнинг Кўккўл (Цинхай) ўлкасига кўчиб, у ердаги чиянларни тобе этиб, Туюйхун давлатини ташкил қилган. С.ларнинг тўба сянби (тоба сянби) деб аталган қисми Мўғулистонда қолиб, сўнгги Ян (Хоуян), Ғарбий Ян (Сиян), Жан. Ян(Нанян) каби хонликларни барпо этган. 386 й. тўба сянбилар Тўбагўй бошчилигида Шим. Вэй хонлиги (386—534) ташкил этишган. Ушбу хонлик емирилгач, С.ларда яна бўлиниш юз берган. Уларнинг шифу номли бир қисми Ғарбий Чин (Сицин), туфа номли бошқа бир қисми Жан.Лянг (Нанлянг) ҳокимлигини тузган. 8—9-а.ларда С.лар бошқа халқларга қўшилиб кетиб, алоҳида этнос сифатида тилга олинмаган.

Абдулаҳад Хўжаев.

СЯНГАН, Гонконг — Хитой таркибидаги махсус маъмурий район. Мамлакатнинг жан.-шарқий қисмида, Жан. Хитой денгизи соҳилида. Сянган о., Цзюлун я.о., шунингдек, яқин атрофидаги 235 та оролни ўз ичига олади. Майд. 2905 км², шундан қуруқлик қисми 1095 км², қолган қисми денгиз акваторияси. Маъмурий маркази — Сянган ш. Аҳолиси 6,68 млн. киши (1998). Асосан, хитойлар (98%), шунингдек, тибет-мьянмалар, ҳинд, инглизлар ва португаллар ҳам яшайди. Аҳоли буддизм, даосизм, конфуцийлик, ислом, ҳиндуизм, христиан динларига эътиқод қилади. Расмий тили — хитой ва инглиз тили.

Сянган шаҳрининг соҳил қисми.

С. қирғоқлари қўлтиқлар б-н парчаланган. Соҳил яқинида майда қояли орол кўп. Ер юзаси тоғли, энг баланд жойи 939 м. Иқлими субтропик, муссонли иқлим, январнинг ўртача т-раси 15—16°, июлники 25—27°. Йиллик ёғин 2000 мм гача. Доим яшил тропик ўрмонлар бор.

С. Хитой б-н «бир давлат — икки тузум» тамойилига асосланади. Бу тамойилнинг мазмуни Хитойнинг ички р-нларида социалистик тузум устувор бўлса-да, С.да капиталистик система ва ҳаёт тарзи сақланиб қолган. С.нинг ўз бошқарув органлари бўлиб, улар ташқи сиёсий фаолият ва мудофаадан ташқари барча соҳаларни мустақил равишда бошқарадилар. С.да сиёсий демократияга амал қилинади. С.нинг бошқарув органлари — маъмурият бошлиғи, ҳукуматдан иборат. Шунингдек, Маъмурий мажлис, Қонун чиқарувчи мажлис ва Суд фаолият кўрсатади. Маъмурий бўлинмалардан ташқари сиёсий, молиявий ва ҳуқуқий департаментлар ҳам мавжуд. Маъмурият бошлиғи маҳаллий аҳоли орасидан сайлов ёки консультация йўли б-н 5 йилга сайланади. Пул бирлиги эркин конвертация қилинадиган — сянган доллари.

С.нинг ҳоз. ҳудуди мил. ав. 3-а. охирларидан Хитой давлати таркибида бўлиб келган. 1840—42 й.лардаги Англия—Хитой уруши даврида Сянган о. инглизлар томонидан босиб олинган. 1842 й.ги Нанкин битимига асосан Буюк Британиянинг «абадий мулки»га айланган. 1856—60 й.лардаги Англия-Франция-Хитой уруши натижасида Цзюлун я.о.нинг жан. қисми ҳам Англия мулкига қўшилди. 1898 й. июнда Пекинда имзоланган конвенцияга кўра, Англия Цзюлун я.о.нинг яна бир қисми ва ёндош ороллар (Янги ҳудуд) ни 99 йил муддат б-н ижарага олди. 2-жаҳон уруши вақтида ҳудудни японлар босиб олди. 1945 й. 30 авг.дан яна инглизлар қўл остига ўтди. ХХР ташкил топгач (1949), Пекин ҳукумати С.нинг мустамлака мақомини тан олмай, уни Хитойдан «тортиб олинган» ҳудуд деб қаради. 1982 й.дан С. масаласи бўйича Хитой ва Буюк Британия ҳукуматлари ўртасида музокаралар бошланди ва 1984 й. 19 дек.да Хитой ва Буюк Британия томонидан қўшма декларация имзоланди, унга кўра 1997 й. 1 июлдан С. Хитой юрисдикцияси остига ўтди. Шундан қилиб, Хитой С. устидан суверенитет ўрнатди ва С. мамлакатнинг махсус маъмурий р-ни деб аталa бошлади.

С. хўжалиги унинг «савдо факторияси» ролини ташсирида шаклланган. Бунга сабаб унинг чуқур сувли бандаргоҳларга бойлиги ва умуман табиий ресурсларининг йўқлигидир. Саноати четдан келтириладиган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар асосида ишлайди. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 4/5 қисмидан ортиғи экспорт учун мўлжалланган. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг асосий қисми улгуржи ва чакана савдо, экспорт-импорт операциялари, транспорт, алоқа, молия ва суғурта, кўчмас мулк операциялари, ижтимоий ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ишлаб чиқарилади. Иқтисодий фаол аҳолининг 63% ҳам шу соҳаларда банд. Қайта ишлаш ва қурилиш соҳасида 28% иқтисодий фаол аҳоли банд бўлиб, ЯИМ нинг 23% ишлаб чиқарилади. Саноатнинг етакчи тармоқлари — тўқимачилик ва тикувчилик. Хорижий инвестицияларнинг асосий қисми ҳам ана шу тармоқларга сарфланади. Шунингдек, соат, пластмасса буюмлар (асосан, ўйинчоқлар) ишлаб чиқарилади. Электроника ва электротехника, полиграфия саноатлари ривожланмоқда. Қ.х. да турли сабзавот экинлари экилади. Экспорт учун гулчилик ривожланган. Балиқ овланади. С.

порти жаҳонда энг йирик портлардан. Бажариладиган операциялар тури бўйича Сингапурдан кейинги ўринни эгаллайди. Четдан халқ истеъмоли буюмлари, жиҳозлар, машина ва механизмлар, электротехника товарлари келтирилади. Экспортда кийим-кечак (33%, дунёда 2-ўринда), заргарлик буюмлари ва ўйинчоқлар (11%, дунёда 3-ўринда), электротехника ва оптика товарлари, соатлар, оргтехника ва ҳ.к. чиқарилади. Туризм ривожланган, йилига 6 млн. сайёҳ келиб-кетади. С.да 8 та олий ўқув юрти бор.

С. — йирик халқаро молиявий марказ. Дунёдаги 100 та энг етакчи банкларнинг 83 таси бу ерда ўз операцияларини бажаради. С. валюта бозорида ўтказиладиган операциялар ҳажми бўйича Осиёда Сингапур ва Токиодан кейин 3-ўринда. С. Жаҳон савдо ташкилоти ва б. халқаро ташкилотларга аъзо.

СЯНГАН (инг. Виктория) — шаҳар, *Сянган* махсус маъмурий р-нининг маъмурий маркази. Сянган о.да. Цзюлун ш. б-н тор бўғоз орқали ажралиб туради. Аҳолиси 3,5 млн. киши (1995). Йирик порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг савдо-саноат ва халқаро валюта-молия маркази. Метрополитен қурилган. Ун-т (1911) бор. Туризм ривожланган.

СЎГАЛ — терининг вирусли касаллиги. Кўпинча ёш болалар ва ўсмирларда учрайди. Касаллик бемор б-н яқин мулоқотда бўлганда, уй-рўзғор буюмлари орқали юқади. Теридаги майда жароҳатлар (шилиниш, чақаланиш), кўп терлаш ва б. ҳам С.га сабаб бўлиши мумкин. Оддий, ясси ва оёқ кафтларида учрайдиган С.лар бор. Оддий С. кўпин б-н нўхат катталигида, оғриқсиз, ғадир-будур тугунча бўлиб, кўпинча қўл панжасида учрайди. Баъзан тугунчалар кўпайиб, катталашиб кетади. Оёқ кафтидаги С. оёқнинг пойабзал қисадиган жойларида, айниқса, кўп терлайдиган оёқда жуда қаттиқ, ғадир-будур, кулранг тугунчалар шаклида пайдо бўлади. Болалар ва ўсмирларда учрайдиган ясси С. кўпинча юз, бўйин ва қўл панжасининг устки қисмида оч пушти сарғимтир, думалоқ ёки япалоқ тугунчалар кўринишида вужудга келади. Кексаларда учрайдиган С. тана, бўйин ва юзда кулранг, жигарранг ёки қорамтир, усти ёғ б-н қопланган доғлар кўринишида бўлиб, оддий С.га ўхшайди. Оёғи терлайдиган кишиларда С. усти оқариб қолади, шилиниб оғриб, юриш қийинлашади. Умуман С. оғримайди, қичишиб ачишмайди ва беморни безовта қилмайди.

С.ни фақат врач даволаши керак. Ўзбошимчалик қилиб ҳар хил куйдирувчи дорилар ишлатилса, С. яраға айланиб кетиши мумкин. С.нинг олдини олиш учун оёқдаликка риоя қилиш, яъни оёқ-қўлларни ҳар куни ювиб туриш лозим.

СЎЗ — тилнинг нарса-ҳодисалар, жараёнлар ва хусусиятларни номлаш учун хизмат қиладиган энг муҳим структур-маъновий бирлиги; ўз товуш қобиғига эга бўлган, борлиқдаги нарсалар ҳақидаги тушунчани, улар ўртасидаги алоқани ёки уларга муносабатни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги, *лексеманинг* нутқда муайян шакл ва вазифа б-н воқеланган кўриниши. С. гап учун қурилиш материали бўлиб хизмат қилади, лекин, ундан фарқли равишда, хабар ёки тугал фикр билдирмайди. Ўзида лексик ва грамматик маънони бирлаштирган ҳолда С. муайян сўз туркумига мансуб бўлади, ўз таркибида муайян тил тизимида олдиндан тайин бўлган барча грамматик маъноларни ифодалайди.

Тилшуносликда «С.» атамаси лексемага нисбатан ҳам қўлланади ва лексик С. деб юритилади. Мас., «сўз ясалиши», «ясама сўз» бирикмаларида «сўз» худди шу маънода қўлланади. Лексеманинг нутқда муайян шаклда воқеланган ҳолати тилшуносликда сўз шакл, лексема шакл ёки морфологик сўз деб ҳам юритилади.

С.нинг товуш ва маъно томони бор. Лекин ҳар қандай товуш йиғиндиси С. бўлавермайди. Товуш ёки товуш бирикмаси С. бўлиши учун маънога эга бўлиши, яъни муайян тил эгалари шу товушлар воситасида бирор нарсани англаши ёки бир-бирига англатиши керак. С. маъносида умумийлик ва якkaликнинг, барқарорлик ва ўзгарувчанликнинг диалектик ўзаро муносабати акс этади. Маънонинг барқарорлиги ўзаро тушунишни қулайлаштирса, унинг ўзгарувчанлиги (С. нинг аниқ бир маъносидаги ўзгаришлар) С. дан борлиқдаги янги тушунча ва нарсаларни номлашда фойдаланишга имкон беради, бадиий сўз санъатининг муҳим омилларидан ҳисобланади. С. нинг кўп маънолилиги ҳам айнан маънонинг ўзгарувчанлиги б-н боғлиқ. Сўзловчининг номланаётган нарсага муносабати С. маъносининг сўзловчи ҳис-туйғуси-ни, шахсий фикрини ифодаловчи эмоционал жиҳатини ташкил этади. С. тилда муайян тизимни шакллантирадики, бу тизим С.нинг грамматик белгиларига (сўз туркумлари), С. ясалиши алоқаларига ва семантик муносабатларига (синонимлар, омонимлар, антонимлар) асосланади.

Булардан ташқари, луғавий маънога эга бўлмаган, лекин ўз товуш қобиғига, ўзига хос маъно, вазифасига эга бўлган, шу б-н бирга сўз ясаш ёки сўз шаклини ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган морфемалардан фарқланувчи тил бирликлари ҳам «С.» деб юритилади. Булар ёрдамчи С.лар (билан, лекин, каби, худди), ундовлар (оббо, эҳҳе, вой), тақлид сўзлар (миёв, дукур-дукур, ялт-юлт) ва модал сўзлар (шубҳасиз, демак, эҳтимол)дир.

Азим Ҳожиев.

СЎЗ БИРИКМАСИ — икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзнинг тобе грамматик алоқа (мослашув, бошқарув ёки битишув) асосида бирикиши натижасида ҳосил бўлган, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг номини билдирадиган синтактик тузилма — нутқ бирлиги: итнинг кўзи, китобни ўқимоқ, ойдин кеча ва б. Ҳар қандай С.б. бирдан ортиқ мустақил сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлади, тузилади ва 2 қисмдан — ҳоким ва тобе қисмдан ташкил топади: олий маълумот (олий—тобе қисм, маълумот — ҳоким қисм).

С.б. компонентларининг таркибига кўра содда ва мураккаб турларга бўлинади. Компонентларининг ҳар бири бир сўз шаклига тенг бўлган С.б. содда С.б. ҳисобланади: сайроқи қуш, йигирма хонадон, тез югурмоқ каби. Компонентлари ёки улардан бири бирдан ортиқ сўздан, сўз бирикмасидан иборат бўлган бирикмалар мураккаб С.б. дейилади. Мас., олий маълумотли мутахассис (олий маълумотли — тобе қисм, мутахассис — ҳоким қисм).

Таркибидаги ҳоким қисмнинг қайси сўз туркумидан бўлишига кўра С. б. нинг 2 тури фарқланади: от С.б., феъл С.б. От С.б. ҳоким компоненти феълдан бошқа туркумга оид сўз (от, сон, равиш) б-н ифодаланган С.б. дир (юк машинаси, барча ўқувчилар, гўзал қишлоқ ва б.). Феъл С.б. ҳоким қисми феъл б-н ифодаланган С.б. лардир (боғни айланмоқ, китоб ўқимоқ, тез юрмоқ каби). Таркибидаги тобе сўзнинг синтактик вазифасига кўра 3 тури фарқланади: аниқловчили С. б. (янги китоб), тўлдирувчили С.б. (укамни ўйнатдим) ва ҳолли С.б. (тез гапирмоқ, қишлоқда яшамоқ).

С. б. мазмун ва оҳанг тугаллигига эга бўлмайди, фикр ифодаламайди ва шу хусусияти б-н синтактик бирлик бўлмиш гапдан фарқланади.

Азим Ҳожиев.

СЎЗ ТАРТИБИ, гап бўлакларининг тартиби — гап бўлакларининг ўзаро маълум грамматик қонун-қоидалар асосида, маълум синтактик, мазмуний, услубий қиймати б-н боғлиқ ҳолда жойлашуви. Гап бўлаклари тартибининг ўзаро қарама-қарши қўйилувчи бир неча турлари бор. Булардан энг асосийси тўғри тартиб ва тескари тартиб оппозициясидир. Тўғри тартибда синтактик тузилма қисмлари (гап бўлаклари, қўшма гап предикатив қисмлари ва б.) маълум қонун-қоидалар асосида одатдагича жойлашади. Мас., ўзбек тилида аниқловчининг аниқланишдан, эганинг кесимдан, тўлдирувчи ёки ҳолнинг кесимдан олдин жойлашуви тўғри тартиб ҳисобланади: баҳаво ерлар, Карим ўқиб бўлди, китобни ўқиди, тўсатдан келиб қолди каби. Тескари тартибда маълум услубий, семантик мақсад ва б. сабаб б-н синтактик тузилманинг (ундаги гап бўлакларининг, қўшма гап предикатив қисмларининг) тўғри, одатдаги тартиби ўзгаради, инверсия юз беради. Мас., у келди (тўғри тартиб) — келди у (тескари тартиб), кеча кетди (тўғри тартиб) — кетди кеча (тескари тартиб) каби. Тўғри тартиб кўпинча дарак гапларга хос бўлиб, илмий, расмий услублар учун характерлидир. Тескари тартиб эса асосан сўзлашув, бадиий ва қисман публицистик услубларга хос бўлиб, бу ҳолат кўпинча мазмунни сезиларли ўзгартирмаса-да, нутқнинг таъсирчанлигини, эмоционаллигини оширади. Лекин баъзан тескари тартиб бўлакларнинг синтактик вазифасини ҳам, гапнинг мазмунини ҳам ўзгартириб юборади: Қувноқ болалар куйладилар — Болалар қувноқ куйладилар; чарм маҳси (чармдан ишланган) — маҳси чарм (маҳсибоп). Бундай ҳолларда С.т.нинг эркин ва боғлиқ турлари фарқланади. Сифатловчи б-н сифатланмишнинг (қувноқ болалар) гапдаги ўрни боғлиқ тартибни кўрсатади. Эркин тартибда гап бўлакларининг ўрнини ўзгартириш мумкин. Бунда мазмун ва синтактик ҳолат эмас, фақат услубий хусусият ўзгаради: Кинога кеча кўплашиб бордик — Кеча кўплашиб кинога бордик — Кўплашиб кеча кинога бордик каби.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ — тилдаги сўзларнинг уларда умумий категориал маънонинг (мас. отларда предметлик, феълларда ҳаракат-ҳолат), грамматик категориялар ягона тизимининг, ўзига хос сўз ўзгариш, шакл ва сўз ясалиш типларининг, синтактик вазифалар умумийлигининг мавжудлигига қараб ажратиладиган гуруҳлари (Баъзи адабиётларда «сўзларнинг лексик-грамматик категориялари» деб ҳам аталадит. Демак, сўзларни гуруҳларга, туркумларга ажратишда асосан уларнинг синтактик, морфологик ва маъновий (семантик) хусусиятларининг ўхшашлиги ҳисобга олинади. С.т. аввало 2 асосий гуруҳга бўлинади: мустақил С.т. ва мустақил бўлмаган С.т. Биринчи гуруҳга ўзбек тилида мустақил сўзлар, иккинчи гуруҳга эса *ёрдамчи сўзлар, ундовлар, тақлид сўзлар* ва *модал сўзлар* киради. Мустақил сўзлар лугавий маънога эга, номинатив вазифа бажарадиган, яъни предмет, ҳодиса, белги, ҳаракат кабиларни атайдиган ёки унга ишора қиладиган ва гапнинг мустақил бўлаги вазифасида кела оладиган сўзлардир.

Сўзлар жумлада эгаллаган позицияларига кўра ҳам тасниф қилиниши мумкин. Гапда бир хил синтактик позицияда тура оладиган ёки бир хил синтактик вазифа бажара оладиган сўзлар бир С.т.га киритилади. Бунда синтактик вазифаларнинг йигиндисигина эмас, балки ушбу вазифалардан ҳар бирининг муайян С.т. га хослик даражаси ҳам муҳимдир. Бу вазифалар бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади. Мас., ўзбек тилида, бошқа бир қанча тилларда бўлганидек, от ва феъл туркумидаги сўзлар ўрни б-н эга вазифасида ҳам, кесим вазифасида ҳам кела олади, лекин феъл учун кесимлик вазифаси бирламчи, эгалик вазифаси иккиламчи ҳисобланади. Худди, шунингдек, отлар учун эгалик вазифаси бирламчи, кесимлик вазифаси эса иккиламчи ҳисобланади.

Ҳар бир сўз туркуми ўзига хос грамматик категориялар тўплами б-н ажралиб туради. Бу категориялар (мас., отлардаги келишик, эгалик, сон; сифатлардаги даража; феъллардаги шахс-сон, майл, нисбат ва б.) ҳар бир С. т. даги аксарият сўзларга тегишли бўладики, бу нарса сўзларни туркумларга ажратишнинг морфологик мезони саналади.

Ҳоз. мактаб грамматикаларидаги С.т. тизими, яъни сўзларни туркумларига ажратиш қад. даврларга бориб тақалади. Мил. ав. 4-а.да Аристотель С.т.ни 7 га, мил. ав. 5-а.да ҳинд тилшунослари Яска, Панини 4 га бўлганлар. Кейинроқ, мил. ав. 2—1-а.ларда александриялик филологлар Фракиялик Дионисий, Аполлоний Дискол, римлик Варронлар аралаш морфологик, семантик ва синтактик асосларда 8 га (от-исм, феъл, равиш, сифатдош, артикль, олмош, кўмакчи, боғловчи) бўлганлар. Бунда исмлар ўз навбатида от, сифат ва сон гуруҳларини қамраб олган. С.т.нинг бу тизими маълум даражада араб грамматик анъаналарига ҳам таъсир кўрсатган: араблар ҳам феъллан бошқа мустақил сўзларни «исм» термини б-н атайдилар. Кейинги даврларда (урта асрлар ва 19—20-а.ларда) европа ва рус тилшунослигида бу борада бир қанча таснифлар амалга оширилган бўлса-да, улар кўпинча александрияликлар таснифига таянган ҳолда бажарилган. Турли тилларда С.т. сони ва айрим туркумларнинг ҳажми турличадир. Мас., С.т. сони ҳоз. рус тилида кўпинча 10 га деб, ўзбек тилида эса 10—12 га деб (турли дарсликлар) кўрсатилади. Булар 6 га мустақил (от, сифат, сон, олмош, равиш ва феъл), 3 га ёрдамчи (кўмакчи, боғловчи, юклама) ва 3 га алоҳида (ундовлар, тақлид сўзлар, модал сўзлар) С.т. дир. С.т. сонининг барқарорлашмаганлиги келгусида бу соҳада янги изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Ад.: Ўзбек тили грамматикаси [2 ж.ли], 1-ж., Т., 1975; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм, Т., 1980; Ревзина О. Г., Ревзин И. И., Лингвистические исследования, вып. 2, ч. 2, М., 1975.

Ибодулла Мирзиев, Неъмат Маҳкамов.

СЎЗ УРҒУСИ — *қ. Урғу.*

СЎЗ ШАКЛИ — муайян грамматик шакллаги муайян сўзни билдирувчи термин. Нутқ бирлиги бўлмиш сўз ҳамма вақт (яъни нутқда) муайян маъно ва вазифани билдирувчи шаклга эга бўлади ва у сўз шакли ҳисобланади. Бу хусусият фақат мустақил сўз туркумларига, шунда ҳам фақат от, сифат ва феъл туркумларига оид сўзлар учун хосдир. Бу туркумларга оид сўзлар нутқда ўзи мансуб бўлган туркумга хос муайян грамматик маъно ва вазифани воқелантирувчи (реаллаштирувчи) шаклларда қўлланади. Мас., отлар сон ва келишик категориясига хос шакллардан бирида (дўстларга — кўплик сон, жўналиш келишиги шакли), феъллар нисбат, замон категориясига хос шакллардан бирида (кўрсатди — орттирма нисбат, ўтган замон шакли) қўлланади. Лекин муайян грамматик маъно ва вазифага эга бўлган сўз нутқдан шу маъно, вазифани қайд этувчи кўрсаткичсиз (шакл ясовчисиз) ҳам қўлланиши мумкин. Мас.: «Стол устидаги китоб эътиборимни тортди» гапидаги «китоб» сўзи бирлик сон, бош келишик шаклида, лекин шу маъноларни ифодаловчи кўрсаткичга эга эмас. Буни «ноль кўрсаткичли шакл» дейилади. Буларнинг махсус грамматик шакл эканлиги ўзига зид бўлган, бир-бирига нисбатан қараладиган бошқа шакл (шаклларга нисбатан белгиланади. Мас., юқорида келтирилган гапдаги «китоб» сўзининг бирлик сон шакли экани «китоблар» кўплик шаклига нисбатан, бош келишик шакли экани эса махсус кўрсаткичга эга бўлган бош-қа келишик шаклларига (мас., қаратқич — «китобнинг», чиқиш — «китобдан» шаклларига) нисбатан белгиланади, яъни келишик шакли деб қаралади.

Алим Ҳожиев.

СЎЗ ЯСАЛИШИ — 1) муайян тилда мавжуд бўлган усуллар, намуна ва қолиплар асосида, маълум воситалар ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш (сўз ҳосил қилиниши). Мас., аффикс ёрдамида С.я. (сўз+ла > сўзла, маза + ли >мазали), «қил» ёрдамчи феъли ёрдамида С.я. (таслиқ қилмоқ, роҳат қилмоқ). Бу ерда «ясалиш» сўзи «ясамоқ» феълининг мажҳул нисбат шакли ҳисобланади ва жараённи ифодалайди; бирикманинг ўзи эса лингвистик термин эмас; 2) тилшунослигнинг «Фонетика», «Лексикология»га ўхшаш алоҳида соҳасини (бўлимини) билдиради. Мас., ўзбек тили морфологияси, ўзбек тили синтаксиси, ўзбек тили сўз ясалиши. Бу ўринда «С.я.» бирикмаси тилшуносликка оид термин ҳисобланади. Тилшунослигнинг бу бўлимида янги ясама сўзларнинг пайдо бўлиши ва бунинг шарт-шароитлари, ясама сўз таркибий қисмларининг (С.я. асоси ва сўз ясовчининг) моҳияти, шунингдек, С.я. б-н боғлиқ бошқа тушунча ва ҳодисаларнинг моҳияти ўрганилади. Мас., С. я. маъноси, С.я. типи ва қолини, С.я. меъёри, С.я. имконияти, С.я. даги маҳсуллилик-маҳсулсизлик ҳодисаси, С.я. нинг асосий усуллари, воситалари ва б. Шу асосда тилнинг С.я. тизими таҳлил этилади.

Ҳоз. ўзбек тилида ясама сўзлар, асосан, аффикслар ёрдамида ҳосил қилинади, яъни морфеманинг бир тури сўз ясаш учун хизмат қилади. Ҳар қандай ясама сўзнинг таркиби С.я. асоси ва сўз ясовчидан иборат бўлади: ҳуқуқшунос (ҳуқуқ — С.я. асоси, -шунос — сўз ясовчи), текисламоқ (текис — С.я. асоси, -ла— сўз ясовчи). С.я. асоси ясама сўз бўлиши ҳам мумкин: билимли (билим — С.я. асоси, -ли — сўз ясовчи). Ўзбек тилида фақат мустақил сўзлардан, уларнинг ҳам от, сифат, феъл туркумига оид сўзлардан янги-янги сўзлар ясалади. Демак, мустақил сўз туркумларидан фақат от, сифат ва феъл туркумларигина С.я. тизимига эга. Ўзбек тили лугат (лексик) таркибининг бойиши, ривожланишида С.я.нинг муҳим ўрни бор.

Алим Ҳожиев.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ — инсоннинг асосий шахсий ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан бири; ҳоз. даврда аксарият мамлакатларда «ахборот эркинлиги» деб аталадиган умумий ҳуқуқнинг таркибий қисми. Ўз фикрини оммавий тарзда (оғзаки ва оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзма) баён этиш имкониятини билдиради. С.э.га демократия кўринишларидан бири сифатида қаралади. Ўзбекистонда С.э. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган. Конституцияга кўра, «ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга» (29-модда). Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўйича ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига ҳам эга. Бироқ амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун б-н белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун б-н чекланиши мумкинлиги Конституцияда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонунида давлат сирлари тоифалари аниқланган ва улар ҳақидаги маълумотларни олиш ва тарқатиш чегараланган.

Демократик мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг фаолияти С.э.га асосланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам алоҳида моддада ана шу қоида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Унга кўра, «оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди... Цензурага йўл қўйилмайди» (67-модда). Фуқаролар оммавий ахборот воситаларида, жумладан, телевидение ва радио, матбуотда ўз фикрларини эркин баён қилиши, сўзлаши мумкин.

Эркин фуқаролик жамиятининг қонунчилик ва суд амалиёти С.э. суистеъмол қилинишининг олдини олиш мақсадида унга нисбатан муайян чеклашлар тизимини ишлаб чиққан. Хусусан, жаҳоннинг кўпчилик давлатларида С.э.дан қонуний давлат ҳокимиятини зўрлик б-н агдариш, давлат сири ва қонун б-н муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ошкор қилиш, жиноятлар содир этишга ундаш, миллий, ирқий, диний ва б. адоватни келтириб чиқариш, бошқа шахсларни ҳақоратлаш ва туҳмат қилиш, жамоат ахлоқи ва одобни бузиш мақсадида фойдаланиш ман қилинади. Бу ҳақда қонунчиликда тегишли юридик жавобгарлик белгиланади. Фавқулодда режим ва ҳарбий ҳолат амал қилаётган даврда С.э.ни чеклашлар ортиши мумкин.

Ўзбекистонда С.э.га оид конституциявий қоидалар қуйидаги қонунларда аниқлаштирилган ва ривожлантирилган: «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» (1997), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1997), «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1997), «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» (1996), «Ноширлик фаолияти тўғрисида» (1996), «Реклама тўғрисида» (1998), «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида» (2002). Ушбу қонунларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда С.э.ни таъминлаш кафолатларига, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилгандир.

Акмал Саидов.

СЎЗ ЎЙИНИ — бадиий адабиётда айрим сўзларнинг шаклий ўхшашлиги асосида турли маънода қўлланилиши. С.ў. халқ оғзаки ижоди ва мумтоз шеъриятда кўп учрайди. Фақат С.ў.га асосланиб яратилган жанр *туюқ* деб аталади. Мас.,

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от,
Насиҳатни ёд қилиб ол, фарзандим,
Елгиз юрма чанг чиқармас ёлгиз от.

(Эргаш Жуманбулбул ўғли).

Бадиий сўз санъатидан *тажнис* ҳам С.ў. асосида яратилади.

СЎЗАК, гонорея, триппер — гонококклар қўзғатадиган юқумли венерик касаллик. Кўпинча, тасодифий жинсий алоқа қилиш оқибатида келиб чиқади. Касаллик, асосан, жинсий йўл б-н юққанлиги учун аксарият сийдик чиқариш канали ва жинсий аъзолар зарарланади. Инфекция манбаи С. б-н оғриган эркак ёки аёл. Жинсий алоқада гонококклар жинсий аъзолар ва сийдик чиқариш каналининг шиллиқ қаватига тушиб, уни яллиғлантиради. Баъзан касаллик бемор ишлатган буюмлар (сочиқ, мочалка, кўрпа-тўшак, кийим-кечак ва б.) дан фойдаланганда ҳам юқиши мумкин. Чунончи қизларга касаллик бемор онадан ўтади; бунга жинсий аъзолардан ташқари, кўз (қ. *Бленнорея*) ва оғиз шиллиқ пардаларининг С. оқибатида яллиғланиши сабаб бўлиши мумкин.

Касаллик аломатлари, одатда, С. юққанидан сўнг орадан 3—5 кун ўтгач пайдо бўлади. С. б-н касалланган эркакларда сийдик чиқариш каналининг олдинги қисми яллиғланади, ачишади, қизийди ва оғрийди, сийганда оғриқ зўраяди; сийдик чиқариш ка-

налининг ташқи тешиги қизариб, шишади; торайиб қолади, йиринг ажралади, сийдик равон келмайди, кечалари оғриқли эрекция кузатилади. Беморнинг аҳволи айтарли ўзгармайди, баъзан иштаҳа пасайиши, дармонсизлик, бир оз т-ра кутарилиши мумкин. Ташқи (*баланопостит*) ва ички (*простатит*, эпилидимит, *оофорит*, эндометрит) жинсий аъзолар, қовуқ (*цистит*), бўғимлар (*артрит*) ва б. яллиғланиши мумкин. С. ўз вақтида даволанмаса, бошқа аъзоларга тарқалиши, йиллаб чўзилиши ва ниҳоят сурункали тус олиши мумкин. Жинсий алоқа, аччиқ, шўр овқатлар ейиш, спиртли ичимликларга руҳу қилиш оқибатида касаллик бот-бот қўзиб туради. С. нинг кўп учрайдиган асоратларидан простатит ва уруғ пуфакларининг яллиғланиши эркакни жинсий ҳаётга яроқсиз қилиб қўйиши, шунингдек, бепуштликка сабаб бўлиши мумкин. Бемор узоқ вақт даволанмаса, бошқа аъзоларга ҳам тарқалиши хавфи бор. Шунинг учун С. б-н оғриган ёки шубҳа қилинган ҳар бир киши албатта врачга мурожаат этиши керак. Бемор тери ва венерик касалликлар диспансерида даволанади. Баъзан даво пайтида сийдик каналида оғриқ, ачишиш, йиринг камаяди. Бемор ўзини соғлом ҳис қилади ва жинсий алоқа қилаверади, лекин организмда ҳали гонококклар бўлиши мумкин. Тўлиқ даволанмай жинсий алоқа қиладиган беморлар атрофлагилар учун жуда хавфли бўлиб, касалликни бошқаларга юқтиради ва турли ноҳуш оқибатларга сабаб бўлади. Шунинг учун соғайган беморлар бир неча марта лаб. текширувидан ўтказилиб, касаллик аломати топилмагач соғлом ҳисобланади. С. б-н оғриган кишиларда иммунитет пайдо бўлмайди, бир киши С. б-н бир неча марта оғриши мумкин (*реинфекция*). Ўз вақтида даво қилинса, бемор бутунлай соғайиб кетади.

С.нинг олдини олишда тасодифий жинсий алоқадан сақланиш, *шахсий гигиена*га риоя қилиш, аҳоли ўртасида тери-таносил касалликларига онд суҳбатлар ўтказиш ҳамда тарбиявий ишлар олиб бориш зарур.

СЎЗАНА (форс. — игна б-н тикилган) — машина ёки қўлда матога *кашта* тикиб тайёрланадиган бадиий буюм. Ип газлама, шойи, бахмал каби сирга матоларга турли чизгилар (бекма, ирма, попопда кашта тикилади. Кашта шимни сифатида мато ранги С. колоритини ҳосил қилишда муҳим роль ўинаши б-н *шакл*дан фарқ қилади. Нақш мужассамоти марказий майдон (баъзан гул ва б.) ва ҳошия (тақрорланувчи 1—2 нақш бўлагидан тузилган тўртбурчак, мураббо шаклга эга бўлиб, асосан, ўсимликсимон (баъзан тасвирли, сюжетли) нақшгуллардан иборат. Нақш мужассамотининг асосий чизиқлари *кема* сўзамида матога тушириладн. С.нинг бадиийлиги, нафосати чекларнинг маҳорати, унинг ижодий дили б-н белгиланади. Айниқса, *зардўзлик*да тайёрланадиган С.лар жилоси, жозибаси б-н ажралиб турали. С., одатда, хонани безатиш учун деворга осилади (айрим минтақаларда келин-куёвларнинг ўрни устига ёпилади).

Сўзана (19-а. охири. Шаҳрисабз).

Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида С. қадимдан кенг тарқалган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз ва б.да ўзига хос тарзда тайёрланган С.лар каштаси, нақши, ранги жиҳатдан хилма-хил бўлиб, улардан намуналар республика ва хорижий мамлакатлар музейларида, хусусий тўпламларда сақланади. 20-а.нинг 20—30-й.ларида С.нинг асосий мужассамоти шаклланди (ҳошия ингичкалашди, гуллар етакчи ўринни эгаллади). 40-й.лардан машина каштадўзлигининг ривожланиши б-н С. каштолари машинада ҳам тикила бошланди, мавзуи, тасвирли С. мужассамотлари юзага келди. 20-а. охирига келиб Ўзбекистон мустақиллиги (1991)дан кейин амалий безак санъатининг барча соҳаларида бўлганидек, *каштадўзлик* (жумладан, унинг С. тури) ҳам жадал ривожланди. С. учун мато ва каштолар учун иплар саноатдан кенг йўла қўйилди. Бунда Бухоро (З. Аъзамбердиева, Т. Обиджонова ва б.), Сурхондарё (А. Холерова ва б.), Самарқанд (Ё. Раҳматуллаева, М. Ҳалилова ва б.), Тошкент (Ш.Давлатов, Ф.Ғаниева ва б.), Қашқадарё (З. Ҳамидова ва б.) каби С. тайёрлаш марказларининг қиёсан катта. Замонавий мужассамотли, нафис колоритли, серқирра, рангбаранг С.лар яратилмоқда, улар халқаро кўргазмалар (АҚШ, Франция, Индия ва б.)да намойиш этилади, музей ва хусусий тўпламларда сақланади.

С. мужассамотларини яратишда расссомлар амалий санъат усталари б-н ҳамкорлик қилмоқда.

СЎЗЛАШУВ ТИЛИ — *оғзаки адабий тил* турларидан бири; кундалик турмушдаги алоқа-аралашув учун хизмат қилади, муомала ва таъсир кўрсатиш вазифасини бажаради. Миллий алоқа-аралашув воситаси сифатида миллатнинг шаклланиш даврида вужудга келади. С.т. адабий тилнинг янада, амал қилиш шакли сифатида унинг асосий белгиларига (лаҳжалардан устун туриш, барқарорлик, меъёрийлик, қўлланиш соҳасининг кенглиги) эга бўлади. С.т.-тарихий категория. С.т.нинг турли миллий тиллардаги тарихи унинг оғзаки шаклда мавжуд бўлганлиги туфайли манбаларда қайд этилмаган.

С.т. бир қатор ўзига хос белгилари б-н, жумладан, олдиндан ўйлаш ва тил материалини олдиндан танлаб олишнинг бўлмаслиги, нутқий алоқанинг суҳбатдошлар орасида бевосита бўлиши, нутқ жараёнининг эркинлиги, расмийликдан ҳоли бўлиши ва ш. к. б-н ажралиб туради. Тилнинг барча соҳалари (фонетика, морфология, лексика ва б.) бўйича ҳам С.т.нинг алоҳида хусусиятлари бор. Мас., фонетика бўйича бу нарса ўзига хос талаффузда кўринса, лексикада унинг ўзига хос сўзларга (арголар, жаргонлар, диалектизмлар ва б.га) эгалигида намоён бўлади. С.т. хизмат кўрсатадиган алоқа-аралашув жараёнида нафақат соф лисоний воситаларнинг ўзи, балки қўл ва юз б-н қилинадиган имо-ишораларнинг ҳам катта аҳамияти бор: бундай имо-ишоралар сўзловчи нутқининг янада аниқ ва таъсирчан бўлишини таъминлайди, пауза ёки айрим сўзлар ва фикрлар ўрнини босади. С.т. унсурлари бадиий адабиётда ҳам, унинг таъсирчанлигини ошириш, маҳаллий колоритни кўрсатиш мақсадида ҳам кенг қўлланади.

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ — қ. *Услуб*.

СЎЗЛИК — ишлаб чиқиш, ўқиш ёки бошқа турдаги маълумотномага киритишга мўлжалланган сўзлар (мақолалар номи) рўйхати. Муайян фан соҳаси ичида амал қилувлар бўйича С. тузилади. Бундан С. муқобила қилиниб, тузилганлари сўзи алифбо тартибидаги (умумлифбо) С. тузилади.

СЎЗНИНГ КЎЧМА МАЪНОСИ — қ. *Кўчма маъно*.

СЎЗНИНГ ЛЕКСИК МАЪНОСИ — сўзнинг материал қисми — *лексема* билдирадиган маъно. Муайян товушлар маҳсулини маълум объектив воқеликка боғлаш б-н киши онгида вужудга келадиган мазмун-мундарижа, англатиш маъно. Мас., «болаларни ўйнатиш» ташкил этиш биринчи сўз ҳали ёш, вояга етмаган одамни, тўлақин, иккинчи сўз эса ҳаракатни (бола б-н боғланган ҳаракатни) билдиради. Демак, «бола» ва «ўйна» сўзларидан ифодаланадиган мазкур конкрет маънолар шу сўзларнинг лексик маъноларидир. С.л.м. муайян сўзнинг аниқ мазмунини (нарса, белги, ҳаракат тушунчаларини ифодалаш, эмоцияларни билдириш) ташкил этади. С.л.м. ўзак-негизнинг ўзи б-н ифодаланади; ясовчи аффикслар ҳам сўзлаги материал қисмининг ичига киради. Шу жумладан лексик маъно *сўз ясалиши* ва *лексикология* б-н боғлиқдир. С.л.м. шу сўзнинг ўзгаганда тегишли ҳусусий маъно бўлиши б-н бир қанча ўхшаш сўзлар учун умумий ҳисобланадиган, умумийлик характерига эга бўлган грамматик маънодан фарқ қилади.

СЎЗОҚ СВИТАСИ (Фарғона водийсидаги Сўзоқ қишлоғи номидан) — зоцен даврига мансуб маҳаллий ётқизиқлар мажмуи. 1937 й.да ажратилган. Ўрта Осиё жан. (Тошкент атрофи, Фарғона водийси, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Афғонистон-Тожикистон депрессияларида кенг тарқалган регионал свита. Яшил рангли гил, мергель, айрим жойларда қизғиш қумтош, гипс ва доломитлар қатламчаларидан таркиб топган. Қалинлиги 10—90 м. Бу свитада эрта зоцен даврига оид ҳайвон қолдиқлари мавжуд. С.да саноат миқёсидаги нефть Фарғона ботиғида очилган.

СЎК — оқланган тариқ. Деҳқончилик б-н шуғулланадиган аҳоли ўртасида жуда қадимдан тайёрланган. Хонаки усулда С. олиш усули: тариқ катта қозонда бир қайнатиб олинади, ёйиб қуритилади, қозонда қовурилади. Қовурилган тариқ ўтирда янчиб оқланади. С.ни сутга (6—8 соат) ивитиб истеъмол қилиш мумкин, ундан талқон, *сўк оши* тайёрланади.

Ҳозирги даврда ёрма саноати корхоналари оқланган ҳом С. *(ёрма)* савдо тўкинларида сотилади.

СЎК ОШИ — сувқ таом. Қайноқ сувга сўк (оқланган тариқ) солиниб, 15—20 мин. қайнатилади. Сўк пишиши олдидан туз солинади. Таом бир оз совигач, қатиқланади (баъзан майда тўғралган пиёз қўшилади). С.о. илгари кўп ҳайланг, пичан ўрими ва бошқа қ.х. ишлари пайтида кўп истеъмол этилган. Ҳозир ҳам чанқоқ босди таом тарзида тайёрланади.

СЎКЧАК — тут ипак қуртларини боқиш ва оиқлантириш учун қўлланиладиган махсус қурилма. Қуртлар учун озиқланиш майдони. С.лар маҳаллий шароитларда турли маҳаллий материаллар (қамиш, терак, тол ва тут)лардинг ўтган новдаларидан тайёрланади. Саноатбоп ипак қуртларини боқишда металлдан ясалган С.лар ишлатилади. Иқтисодий жиҳатдан самаралор бўлган кўп қаватли уз. 2 м., эни 1 м ва бўйи 1,8 м этажеркалар қўлланилади. Қуртларнинг кичик (1, 2 ва 3) ёшлари учун 5 қаторқатор ози майдонига эга бўлган (қаторлар ораси 30—35 см) С.лардан, катта ёшларида (4 ва 5 ёшлар) эса ораларидан битта қатор олиниб 3 та қатори қолдирилган (қатор оралиги 60—70 см) С.лардан фойдаланилади. Ҳар бир қути қуртлар учун кичик ёшларда (1—3) 12 м², катта ёшларда (4—5) 60—70 м² озуқа майдони ажратилади. Кўп ҳолларда озуқа майдонига қараб меъёр бўйича қуртлар бир ҳонада кўпи б-н 2 қаторли сўкчакларда жойлаштирилади.

Сўкчак. Кичик ёшдаги қуртлар боқиладиган ва қўш жойланган сўкчаклар.

СЎЛАК — *сўлак безларидан* ишланиб оғиздаги тиниқ ёпишқоқ суюқлик (секрет). С. ейилган овқатни намлаб овқат луқмаси ҳосил бўлишига имкон беради. Одам сўлаги 99% сув ва унда эриган органик ҳамда анорганик моддалардан иборат. Катта одамларда бир кеча-кундузда 1,5 л гача С. ажралади. С. таркибида микроорганизмлар, лейкоцитлар, фермент-лардан амилаза, лизоцим, оқсиллардан альбумин, глобулин, шунингдек, холестерин, глюкоза ва витаминлар бор. Овқат хили, организмнинг физиологик ҳолати, киши ёшига қараб С. сифати ва миқдори ўзгаради. С. оғиз бўшлигига тушган бактерияларни юбуд қилиш хусусиятига ҳам эга.

Ҳайвонлар (мас., илонлар) сўлагида заҳарли моддалар бўлиб, улар ҳимоя ва ҳужум қилиш воситаси сифатида ишлатилади. Тўғарак чувалчанглар, баъзи қушлар сўлагидаги шилимшиқ моддалардан ин қуришда ёпиштириш учун фойдаланилади. Кейинчалик ҳашаротлар, баъзи моллюскалар ва умуртқалилар сўлагида карбоангидразалар, баъзи йиртқич бошоёқлилар сўлагида заҳарлар ва шилликдан ташқари, протеазалар, нуклеазалар (РНК-аза, ДНК-аза) бўлади.

СЎЛАК БЕЗЛАРИ — оғиз бўшлиғига сўлак чиқарадиган ҳазм безлари; булар оғиз бўшлиғи шилимшиқ қаватида (лаб, лунж, танглай ва тилда) жойлашган. Эволюцион жиҳатдан оғиз бўшлиғининг ривожланиши б-н боғланган. Дастлаб функционал С.б. ҳашаротларда пайдо бўлиб, овқат ҳазм қилиш системасининг олдинги қисмида жойланган. Айрим ҳайвонларнинг С.б. заҳарли моддали (мас., айрим илонлар заҳари) ёки қон ивишининг олдини олдиган (мас., зулуқларда гирудин) секрет ишлаб чиқарали. Серозли ва шилимшиқ сўлак ажратадиган безлар ҳамда аралаш безлар фарқ қилинади. Булардан ташқари яна 3 жуфт — қулоқ олди, тил ости ва жағ ости С.б. бор. Одамда қулоқ олди С.б.нинг (ташқи эшитув йўлларининг олдида жойлашган) йўли оғиз бўшлиғининг кириш қисмига, жағ ости С.б.нинг (пастки жағда) йўли тил остига очилади. Тил ости С. б.нинг йўли жағ ости С.б. б-н қўшилиб кетган. С. б.нинг секрети (сўлак) овқат ҳазм қилишининг дастлабки босқичида қатнашади. Одамда С.б. касалликларидан сўлак тоши касаллиги, эпидемик паротит ва б. учрайди.

СЎМ — 1) энг қадимги атамалардан бири бўлиб, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида «С.» пул солинган қопча (халта) маъносида қўлланилган. 14-а.да Олтин Ўрда хонлигида оғирлик бирлиги бўлиб, муайян оғирликдаги кумуш қуйма (ёмбиғи)ни ифодалаган.

1920-й.ларда, ЎзССР ташкил этилганидан кейин совет рубли банкнотлари ва хазина билетлари номиналида иттифоқдош республикаларнинг миллий тилларидаги пул бирликлари номлари, жумладан «сўм» номи ёзилган ҳолда чиқарилган *рубль* Ўзбекистон ҳудудида муомалада «С.» деб аталган.

2) Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги. 1 С. = 100 *тийин*. Халқаро ифодаси UZS. С. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага чиқарган сўм банкнотлари.

тон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги 1994 й. 16 июндаги фармони б-н 1994 й.нинг 1 июлидан республика ҳудудида ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси сифатида муомалага чиқарилган.

Муомалага 1994 й.да 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўмлик, 1997 й. 1 мартдан 200 сўмлик, 2000 й. 1 июлдан 500 сўмлик, 2001 й. 1 сентябрдан 1000 сўмлик банкнотлар чиқарилган. Кейинчалик, 1, 5, 10, 25, 50 сўм қийматидаги тангалар муомалага киритилган. Қимматбаҳо металлар суви юритилган турли қийматдаги юбилей тангалар эса турли саналар нишонланиши муносабати б-н ва нумизматик мақсадда чиқарилган (қ. *Танга*).

С.нинг муомалага киритилиши Ўзбекистон пул муомаласи ва ҳисоб-китоблар тизимини ташкил этиш ҳамда республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Миллий валюта пул белгиларини муомалага чиқариш ва унинг барқарорлигини таъминлашни Ўзбекистон Республикасининг *Марказий банки* амалга оширади.

Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари =1020 сўм 07 тийин (2004 й. июнь).

Файзулла Муллажонов.

СЎНАЛАР, сўналар (Tabanidae) — *икки қанотлилар*га мансуб калта мўйлов ҳашаротлар оиласи. Гавдаси калта ва йўғон, қанотлари кенг ва кучли. Оғиз органлари санчувчи-яловчи, умуртқали ҳайвонлар терисини осон тешади. 3000 га яқин тури бор. Одатда, ўрмон, дашт ва чўл минтақаларида кенг тарқалган, сув ҳавзаларига яқинроқ жойларда учрайди. Яхши учади, қўнғли кундуз кунлари фаол ҳаёт кечиради. Кўпчилик турларининг урғочиси йирик туёқли ҳайвонлар, баъзан одам қонини сўради. Чаққанда оғрийди. Хартуми ёрдамида терини тешиб, жароҳатлаган жойига сўлагини пуркайди. Сўлаги таркибида қонни ивитмайдиган фермент бўлади. Урғочи С. ўз вазнидан 1,5—3 марта кўпроқ (40—300 мг) қон сўради. Эркак С. гуллар шираси ва б. суюқликлар б-н озиқланади. Урғочиси тухумларини сув устида ўсган ўсимликлар барғига қўяди. Тухумдан чиққан личинка сувда, сув тубидаги балчиқда ёки қирғоқ яқинидаги нам тупроқда ривожланади; чиритган ўсимлик қолдиги ёки майда ҳайвонлар б-н озиқланади. С. туляремия, қуйдирги, отлар анемияси касалликларининг қўзғатувчиларини юқтиради. Ёмғир С.и, тиллақўз С., ҳақиқий С. уруғларининг турлари кенг тарқалган. Ўзбекистонда С.нинг 6 уруғга мансуб 53 тури учрайди. Асосий турлари: ҳўкиз С.и, кулранг С., буғу С.и.

Сўна.

СЎНКЎЛ — Марказий Тяньшандаги Сўнкўл сойлиғидаги кўл (Қирғизистонда). 3016 м баландликда. Майд. 278 км². Энг чуқур жойи 22 м. Тектоник йўл б-н ҳосил бўлган. С.ни денгиз сатҳидан 3600—3900 м баландликдаги Сўнкўлтов тизмасининг унчалик баланд бўлмаган чўққилари ўраб туради. 10 га яқин тоғ дареси қўшилади, лекин, Норин дареси (Сирдарё ирмоғи) қўшиладиган биригина Кўкжарти дареси оқиб чиқади. Кўл сувида кари, осман каби балиқларини қўпайтириш соҳасида тажрибалар ўтказилган. Ёзда кўлга қўплаб парранделар учиб келади.

СЎРИ — тоқ ўстиришга мўлжалланган ғарвғ мослама. Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида кенг тарқалган. Тоқларини ердан кўтариш учун тик устунлар қўйилади ва устуларининг 3—3,5 м ли базиал қисмидан бир томонга қияликтириб яна 3—4 м узунликда ходача ёки тахталар ўрнатилиб, уларнинг уч қисмига тирақ устунлар қўйилади. Тик қўйилган устунларга ва С.нинг устига 40—50 см оралиқда ғарвғлар боғланади. Соҳибкор Ризамат *Мусамуҳамедов* томонидан тоқни С.да ўстиришнинг яхшиланган *воши* усули ишлаб чиқилган. Тоқни С.да ўстириш усули халқ тажрибаси асосида вужудга келган. С.да ўстириладиган тоқнинг ғанг, маданг ва бир йиллик новдалари атрофга кенг таралиб йирик ўсади. Барглари ҳаво ва қўёшдан яхши фойдаланади, ассимиляция жараёни кучаяди. Натижада узум бошлари катталашади, ранг киради, шираси ортади, касалликлардан кам зарарланади.



Сўри.

СЎРИЛИШ, резорбция — турли моддаларнинг ҳужайра элементлари орқали қон ва лимфага ўтиши. Овқат ҳазм қилиш йўлида (асосан, ичакда), шунингдек, ўпка, плевра, бачадон бўшлиғида, қовуқда, тери юзаси ва б.да содир бўлади. Сув, туз ва баъзи моддалар (глюкоза, витаминлар) деярли ўзгаришсиз, кўпчилик овқат моддалари ферментлар таъсирида эпителий қаватидан осон ўтадиган оддий бирикмаларга айлангандан сўнг сўрилади. С.да моддалар физик жараёнлар (*диффузия* ва ҳ.к.) натижасида ҳаракатланади. Сўрилган моддалар барча орган ҳамда тўқималарга тарқалиб, энергия ҳосил бўлиши ва ҳаракатланиш жараёнида сарфланади. С. мураккаб физиологик жараён; одам ва юксак ҳайвонлар овқат ҳазм қилиш йўлида С. ички ворсинка (ўсимталари ҳамда микроворсинкалар орқали юз беради. Углеводларнинг моносахаридга, оқсилларнинг аминокислотага парчаланиб сўрилиши фосфорилланиш жараёнига имкон беради. Ёғлар олдин дива моноглицеридларга, кейин глицерин ҳамда ёғ кислоталарига парчаланиб сўрилади. С. нерв ҳамда гуморал-гормонал механизм орқали бошқарилади. С.нини бўшлиқни баъзи фермент ва С.да ишлироқ нафаси айрим ўтказувчиларнинг етишмаслиги сабабли рўй беради, гоҳо ярси хусусиятга ега. Бу камчиликлар организмга фермент, витамин, туз ва б. моддаларни киритиш йўли б-н бартараф қилинади.

СЎРОВ — социологик тадқиқотларда қўлланиладиган дастлабки ахборот йиғиш услуби. С. ёрдамида ўрганилаётган объект тўғрисида эмпирик маълумот тўпланади. С. жамоатчилик фикрини, яъни фуқаролар, ижтимоий гуруҳларнинг жамият муаммоларига муносабатини ўрганишга қаратилади ҳамда ижтимоий ахборот тўплаш, аҳолининг истеъмол талабини ўрганиш ва ш.к. мақсадларни назарда тутади. Ижтимоий ахборот ижтимоий аҳамиятга молик воқеалар тўғрисидаги билимлардир. С. жараёнида респондентлар (социологик тадқиқотда ахборот олиш манбаи сифатида ишлатилаётган шахслар) *сўровномала*ги саволларга ёзма жавоб берадилар. С. социологик ахборотнинг ишончлилигини, яъни тадқиқотларда олинган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаши зарур.

СЎРОВНОМА, анкета — 1) ишга қабул қилишда тўлдириладиган расмий ҳужжат. Ўзбекистондаги айрим ташкилотларда кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси б-н бир қаторда С. шаклидан ҳам фойдаланилади. Ундаги саволлар, баъзи қўшимчаларни ҳисобга олмаганда, шахсий ҳолимнинг шахсий ҳужжатларидаги ёзувларга айнан мувофиқ келиши керак. С.да ишга кирувчи (тўлдирувчи)нинг имзосидан ташқари кадрлар б-н шуғулланувчи (ҳужжатни текшириб олувчи)нинг ҳам имзоси бўлади; 2) тўлдираётган одам ҳақида бирон-бир маълумот олиш ёки муайян дастур бўйича тузилган саволларга жавоб олиш учун бериладиган сўров варақаси. С. тузиш, уни тарқатиш, ўрганиш (анкеталаштириш) ижтимоий фанларда, аҳоли рўйхатини ўтказишда, жамоатчилик фикрини ўрганишда қўлланилади (қ. *Сўров*).

СЎРОҚ (ҳужжатда) — шахсдан *кўрсатув* ва тушунтирув олиш воситаси. С.ни суриштирувчи, терговчи, прокурор; суд ишларини юритиш чоғида эса — суд олиб боради. *Терлов* ёки суд иши олиб борилаётган тилни тушунмайдиган шахс таржимон иштирокида С. қилинади. Ҳ ёшгача бўлган гувоҳ ва жабрланувчини С. қилишда унинг ота-оналаридан бири ёки бошқа қонуний вакили ва педагог иштирок этади. *Гумон қилинувчи* ва *айбланувчи* С. қилинганда унинг ҳимоячиси ҳозир бўлиши шарт. С. вақтида қийноққа солиш, зўравонлик, шафқатсизлик ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этиш жиноят ҳисобланади. С. қилинувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши шарт. Вояга етган гувоҳ ва жабрланувчи С.да атайлаб ёлғон кўрсатув берса ёки кўрсатув беришдан бош тортса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади. Қонун суд маслаҳатхонасида муҳокама қилинган ҳолатлар тўғрисида — судья ва ҳалқ маслаҳатчисини, жиноят иши бўйича — ҳимоячи ва бошқа шахсларни С. қилишни тақиқлайди. Гумон қилинувчининг ва айбланувчининг яқин қариндошлари гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари б-н С. қилиниши мумкин. С. қилишнинг шартлари ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 96—124-моддаларида батафсил белгиланган.

СЎРОҚ БЕЛГИСИ — гап охирида қўлланадиган тиниш белгиларидан (?). Бу белги асосан мазмунидан сўроқ англашилган гаплар охирига қўйилади ва шу гапнинг ифода мақсадига кўра сўроқ гап эканлигини кўрсатади (Нега келмадинг? Кўрқдингми?). Бу белги ўзбек тилига рус тилидан кирган, 19-а. охирларидан. «*Туркистон вилоятининг газети*» саҳифаларида айрим матнларда қўлана бошлаган.

С.б. ўзбек адабий тилида қуйидагича қўлланади: 1. Соф сўроқ гаплар (содда ёки қўшма) охирига қўйилади. Бундай гаплар таркибида сўроқини билдирувчи лексик ёки грамматик воситалар: сўроқ олмошлари ва сўроқ юкламаларининг этиши (Шаҳардан қачон келдинг? Кимни кўрдинг? Соғлиги яхшими? Ботир-чи?) ёки иштирок этмаслиги мумкин. Кейинги ҳолатда сўроқ маъноси ёзувда сўроқ белгиси б-н, оғзаки нутқда оҳанг б-н ифодаланади (Соат беш бўлди. — Соат беш бўлдими?). 2. Тақризларда, иқтибосларда бирон сўз ёки жумла ноаниқ бўлса, хато қўлланса, гумон ва англашилмовчиликни билдирса, ўша сўз ёки жумладан сўнг қавсга ўраган ҳолда қўйилади. Баъзан жумладаги хато жуда кўпол бўлса, С.б. қўша қўлланиши мумкин. 3. Сўроқ гап типидаги сарлавҳалардан кейин қўлланади: Театр ёшларга нима берди? Ҳуқуқий меъёрларни биласизми? Риторик сўроқ гаплар охирида баъзан С.б., баъзан сўроқ ва ундов белгилари қўша қўлланади: Дунёда онадан улуғ зот борми?!

СЎРОҚ ГАП — гапларнинг қузатилган мақсадга кўра турларидан бири; сўзловчининг бирор номаълум ва ноаниқ нарса-ҳодисани билиш учун тингловчига мурожаатини ифодаловчи, сўроқ мазмунли гап. Асосий хусусияти (вазифаси)га кўра С.глар 2 турли бўлади: соф С.глар ва риторик С.глар. Соф С.г. тингловчидан жавоб талаб қилади (Олимжонни қачондан бери биласиз?). Риторик С.г. ўзида тасдиқ ёки инкор мазмуни бўлган, тингловчидан жавоб талаб қилмайдиган гапдир (Шундай гўзал ватан борми дунёда? Болани ким севмайди?). Баъзи С.гларда сўроқ мазмуни б-н бирга шубҳа, ҳайрат-таажжуб, буйруқ маъноларн ҳам сезилиб туради (Ёпирай, шу ишни сен бажардингми? Тезроқ бормайсизми? — Тезроқ боринг).

С.г. қуйидаги воситалар ёрдамида тузилади: 1) гап таркибида мустақил сўроқ сўзлар (ким, нима, қачон, қаерда, қанча, неча, нега каби сўроқ олмошлари) ёрдамида (Уни ким кўрибди? Қачон келасиз?); 2) -ми, -чи, -а(-я) ва б. сўроқ юкламалари ёрдамида (Кеча театрга бордингми? — Йўқ. — Бугун-чи? Бугун борасанa?); 3) сўроқ олмошлари ва сўроқ юкламалари бўлмаганда, сўроқ оҳангининг ўзи б-н ҳосил қилинади (Фамилиянгиз? Исмингиз? Кеча кўринмадингиз?).

СЎРУВЧИЛАР, трематодалар (Trematoda) — *ясси чувалчанглар* синфи. Ҳайвонлар, баъзан одамнинг ички паразити. Тўғри ичакли киприкли чувалчанглардан келиб чиққан. Гавдасининг уз. бир неча мм дан 5 см (баъзан 1,5 м) гача. Шакли барғсимон, баъзан чўзиқ. Одатда, 2 сўрғичи бор. Оғиз сўрғичи гавдасининг олдинги учида, унинг тубида оғиз тешиги жойлашган. Қорин сўрғичи оғиз сўрғичидан орқароқда, баъзан гавдасининг кейинги қисмида. Тана қоплоғичининг эпителий ҳужайралари паренхимага ботиб кирган, киприксиз. Ҳаёт цикли мураккаб насл галланиши ва хўжайин алмашиниш орқали боради.

Тухуми сувга тушганида ундан киприкли личинка — *мирацидий* чиқади. Личинка 1-оралиқ хўжайин (моллюска) танасига ўтиб, спорацистага айланади. Спороцистада пелагонез личинка даврида кўпайиш орқали 2-личинка — редийни ҳосил қилади. Редийлар ичида 3-личинка — думли церкариялар етилади. Церкариялар сувга чиқиб, 2-оралиқ хўжайин (сув ҳашоротлари личинкаси)ни зарарлайди ва цистага ўралиб, метацеркарияга айланади. 5000 дан кўпроқ тури бор. С. — қайвонлар ва одамда *трематодоз* касаллигини пайдо қилади.

СЎТА (*арабча*) — битта йўғон эпли ўқда жойлашган тўпгул. Бандсиз тузлари бошоқдаги каби зич жойлашади (мас., *кучала, игир* ва б.). Маккажўхорининг тўпмевасини кўпинча С. деб атайдилар.

СЎФИ, Суфий (тахаллуси; асл исм-шарифи Илёс Мулла Муҳаммад ўғли) (1860, Гурлан тумани — 1918, Хива) — шоир, демократик йўналишдаги адабиёт вакили. Муҳаммад Аминхон мадрасаси ҳамда Бухоро мадрасасида ўқиган. Моддий қийинчиликларга қарамай 40 ёшларида мадрасани тугатган. Лекин бирор касб эгаси бўла олмаган. Умрининг охиригача мадраса ҳужраларидан бирида яшаган. Талабалик давридаёқ шоир сифатида танилган. Ҳаётининг кўп қисми саёҳатда ўтган. Урганч, Тошҳовуз, Мангит, Хўжайли, Қўнғирот, Шовот, Ҳазорасп ва б. жойларда бўлган. Халқ ҳаётини ўрганган; газалларини ингичларда ўқиб бериб, омма орасида машҳур бўлган. Мумтоз шоирлар газалларига назиралар битган. Унисга эргашган, унга муҳаммаслар боғлаган. Газалларида эркин муҳаббат, садоқат, меҳру вафони куйлаган, маърифатни, адолатни улуғлаган («Устоз», «Мударрис», «Дарс», «Ҳайф» ва б.). Асарларида тасаввуфий-фалсафий ва маърифий-ахлоқий қарашлар уйғунлашиб кетган. Шеърларида бадиий санъатлардан кенг фойдаланган. С.нинг 6000 мисрали девони сақланган.

СЎФИ — қ. *Муаззин*.

СЎФИ ОЛЛОЁР (1644, Каттақўрғон беклиги Минглар қишлоғи — 1724, Денов) — тариқат арбоби ва мутасаввуф шоир. Шайхлар мактаби ва Бухородаги жўйбор шайхлари даргоҳида таълим олган. Ўз даврининг барча асосий илмларини эгаллаган, араб ва форс тилларини ўрганган. Бухоро хони Абдулазизхон томонидан бош маҳкамасига тўра этиб тайинланган. Дарвешона феъл, шоирона кўнгил соҳиби бўлган С. О. бу давомидан тезда истеъфо бериб, ўз даврининг машҳур шайхи Намруд ва шоирга тушиб, тариқат талабларини бажариб, шайхлик мартабасига кўтарилган, вилоятлар (карома соҳиби) бўлиб етишган. Туркий ва форсий тилларда ижод қилган С. О. ижодининг асосини ўзлашиш ислом маърифатини кенг халқ орасига етиш ва тасаввуфнинг инсонни камолот ҳ-н боғлиқ ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат. У «Маслак ул-муттақин» («Тақводорлар маслаги»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар мурод»), «Махзан ул-мутеъин» («Итоатгўйлар хазинаси») асарларини форсий, «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи»), «Фатҳ ул-ғанӣ» («Ғанӣ тангриси») маснавийларини туркий тилда яратган. Форсий ва туркийда битилган бошқа шеърлари ҳам мажмуа «Мевалар муносабати» номли мангумага ҳам унга нисбат берилган.

С.Олнинг шоҳ асари «Маслак ул-муттақин» бўлиб, 12 минг байт, 135 та қитъа-киёмлар (рубоий)дан иборат. Илоҳий маърифатнинг баланд талқинига бағишланган бу асар ўз орасида шуҳрат топганидан сўнг дўсту яқинлари ундан туркий тилда ҳам шундай бир китоб ёзишни илтимос қилдилар. Бунга жавобан у «Маслак ул-муттақин»ни бирмунча қисқартириб, ўзбек тилида назмда битган ва унга «Сабот ул-ожизин» деб ном берган. Ўзбек фалсафий-дидактик адабиётининг етук намунаси бўлмиш ушбу асарда тасаввуф таълимотининг маъвонин-ахлоқий масалаларини кенг ёритиш ҳ-н у туркий тасаввуф адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган.

Асарларида ислом аҳкомлари, тариқат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирма-бир таърифлаб берган. Ахлоқий-таълимий аҳамияти жиҳатидан, хусусан, «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилиб келган. Унинг диний-тасаввуфий руҳдаги панду ҳикматга йўғрилган асарлари нафақат Туркистон, балки Қавқазлан тортиб Этил (Волга), Ёйиқ (Урал) дарёлари воҳалари, Ҳожитархон (Астрахан), Булғор, Оренбург ва б. минтақаларда яшовчи халқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Улар кўп нусхаларда кўчирилган. 19-а.нинг охирларига келиб эса Тошкент, Қозон, Боку, Истанбул ва б. шаҳарларда тошбосма йўли ҳ-н бир неча марта босилиб чиққан.

С.О. асарлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган, уларга бағишлаб шарҳлар ёзилган, луғатлар тузилиб, у қўлланган тасаввуфий истилоҳ-тимсоллар кенг шарҳланган.

Ас.: Сабот ул-ожизин, Т., 1991.

Ад.: Зоҳид Р., Сўфи Оллоёр. Алабиёт кўзгуси, Т., 1996; Туркистоний С., Сўфи Оллоёр. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар, Т., 1994; Бертельс Е. Суфи Оллаяр и его эпоха. Материалы для изучения. Самарканд, 2002.

Ҳусан Ёқубов

СЎФИ ОЛЛОЁР МАСЖИДИ — Денов (Сурхондарёдаги меъморий слоғлик (17–18). *Суфи Оллаяр* номи б-н боғлиқ. Умумий узун. 14,0×16,2 м, майдон 11,1×9,7 м, икки томонлама айвон ҳамда кўшимча хоналардан иборат. Деворлари қалин пахсадан, томи гумбазли. Шим.-шарқий тарафда меҳробсимон равоқлар, тоқчанинг ганчкори нақшлари билан Хоразмдаги меҳробларни анча чуқур. 2 томонидаги 4 равоқда бўрма ганч нақшлар қилинган. Бунда безаклар жам тарбаи айвон девор-ларида ҳам бор. Айвонлари 7 устун, ҳовлиқўлдаги 6 устун (Л.И.Ремпель устунларидан бирида қурилиш даврини аниқлаган) узма ва ранги нақшлар б-н безатилган. Устун ва девора панжаралари қайта тикланган. 1977 й. Т.А. Арнавская томонидан ўрганилган.

Суфи Оллаёр масжидидаги ганчкори нақшлар

СЎФИЗОДА (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммаднариф Эшмўрдиев) (1880.29.1, Наманган вилояти Чуст ш. — 1937, Тошкент) — Ўзбекистон халқ шоири (1926), маърифатпарвар, мураббий. 20-а.бошидаги янги ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларидан. Ўз билимини ошириш учун Истанбул ун-тига кирган, лекин ўқишни давом эттира олмаган. Туркистонга қайтиб, 1910–13 йиллар Қўнғиротда ўқитувчилик қилган.

С.нинг дастлабки шеърлари 19-а. 90-йиллар шеъриятининг мумтоз намояндалари Муқимий, Фурқат, Муҳйилар таъсирида майдонга келган. Айниқса, 1893 й. да Қўқонда яшаб, Муқимий атрофидаги шоирлар б-н якин муносабатда бўлиши С. дунёқарашининг шаклланишида, адабий маҳоратининг ўсишида ўзига хос мактаб бўлган. «Ваҳмий» тахаллуси б-н мансаб-мартаба йўлида ўз миллатини сотиб кетувчи хоин ва риёкор маҳаллий амалдорларни фош этувчи кескин ҳажвиялар ёзган. Ушбу ҳажвиялар учун «даҳрий» деб эълон қилиниб, қатл этишга ҳукм этилган. Шоир қочишга, 1900–13 йилларда она диёридан узоқда ҳаёт кечиришга мажбур бўлган. 1899 йдан С. Чустда (2 йил), Миср вилоятида яшаган. Ливия, Бокуда, сўнгра Арабистон, Хиндистон, Туркияда бўлган. Шаҳарлари ҳ-н Кавказ ва Оренбург матбуотида, Тошкентда чиқадиган «*Туркистон вилоятининг газети*», «*Садои Туркистон*» газеталарида фаол қатнашиб турган. Ниҳоят, 1913 йилни охирларида Чустга қайтиб, янги усуллаги мактаб очган. Бу мактаб ўз даврида шаҳарда дунёвий билим ўргатувчи ягона илм ўчоғи бўлган. Бундан ташқари, у Камарсалда ҳам болалар учун «Дорулаймон» («Етимлар уйи») ва катталар учун кечки курслар очган. Лекин бу мактаблар тезда ёпиб қўйилган. «Мударрисни қувиб, мактабни ёпган чустилар, биллар...» деб бошланадиган кинои ва қочирикдар тўла шеъри матбуотда эълон қилинган. С. ишга танаффусга учраб, уз вазифаси бош олиб кетишга мажбур бўлган. 1915 й. Хиндистонда, кейинроқ Афғонистонда яшаган. Бу вақтда у ушбуни «Сирож ул-ахбор» («Хабар ёқсин») дани форсий шеърлари б-н амир Ҳабибуллохон назарига тушган ва унинг рухсати б-н мактаб очиб, ни бошлаган (1918). Кўп ўтмай, янги амир Озонуллохон уни маориф вазирлигига ишга олган.

1919 йда у Афғонистон делегациясига таржимон бўлиб, Туркистонга келган ва улардан узр сўраб, юртида қолган. Бироқ унинг ота юртидаги ҳаёти яна нотинч кечган. Ниҳоят, шуро ҳукумати томонидан тазйиқ остига олиниб, 1937 йда қатлгоҳ қилинган.

Ас.: Тарона лар, Т., 1968; Ажаб, Суфизода. Ибрат [Танланган асарлар], Т., 1999.

Ад.: Содиқов Миён Бузрук, Суфизода ва унинг шеърлари, Т., 1934; Қосимов Б., Долимов У., Маърифат дарғалари, Т., 1990.

Бегали Қосимов.

СЎФИЛАР СУЛОЛАСИ МАҚБАРАСИ — қ. *Тўрабекхоним мақбараси*.

СЎФИТЎРҒАЙ (Galerida cristata) — чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш. Танасининг уз. 180–190 мм, вазни 45 г гача. Бошида патлардан иборат «қокил»и бўлади. Ерда яхши югуради.

Суфитўрғай.

Патлари қўнғир-кулранг, усти қорамтир доғли, қорни эса сарғиш-оқ, томоқ ва кўкрагида қўнғир холлари бор. Ғарбий ва Марказий Европа, Осиё ва Шим. Африкада тарқалган. Уясини ерлаги пана жойларга қуради. 3–4 та тухум қўяди. Моддаси уни 12–13 кун босади. Болалари 9–10 кундан кейин уяни тапаб кетади. С. ҳашаротлар, ўсимлик қисмлари ва уруғлари б-н озиқланади. Ўзбекистонда ўтроқ яшайди.

СЎФИХОНОВЛАР, Бобохон (1900, ҳоз. Қозоғистоннинг Сайрам тумани — 1980.3.2, Тошкент) ва Акмалхон (1905, Сайрам тумани — 1987.11.7, Тошкент) Сўфихоновлар — ака-ука ҳамнафас хонанда ва созандалар. Ўзбекистон халқ ҳофизлари (1944). Анъаначилик санъатини бобо-ри Сотилхўжа ва оталари Сўфибобо-лардан ўрганишган. С. 1935 йда ҳам ҳофизлардан ўрганишган. С. 1935 йда ҳам Тошкентга келиб, дастлаб «Яли-яли», «Наво» каби анъаналарни ё-н тиклаган. Тўпчи ҳофизлари «Баёт-1, 2, 3, 4», «Гирё-1, 2», «Шаҳноза-Гулёр», И.Ик-ромовдан «Мунажот» ва «Чўли Ироқ», Ризқи Раҳабийдан «Дутор», «Тошкент Ироқи», «Кўчинчор», «Каримқулбеги» каби мақом йўллари ва анъаналарини ўзлаштиришган. С. Ўзбекистон радиокўмитаси (1937–41, 1944–48), Ҳамза номидаги Ўзбек давлат драма театри (1941–44) ва Ўзбек давлат филармонияси (1948–58, 1948–60)да хонанда ва созанда. Сизнинг ижро услуби овозларининг бир-бирига текис қўшилиши, йирик шаклдаги асарларни равон-равон айтиши, жўрнавоз созларни ашулининг ифодавийлигига қараб танлаши ё-н белгиланади. «Насри Сегоҳ», «Галдир-1, 2», «Қаландар-1, 2, 3, 4», «Самарқанд Ушшоғи», «Сорихон Ушшоғи» каби мураккаб ашулаларни С. талқинида жозибали ёйдлари ҳам мукаммал ижро этилган. Шунингдек, уларнинг репертуаридан катта ашулалар, ялла-лар («Ул кун жонон», «Гулюз узра», «Найлайин»), ўзбек бастакорларининг асарлари (Х. Тўхтасиновнинг «Оворай», Р.Ражабийнинг «Оворай-Айлагач», «Кулиб» ва б.) ва ўзлари яратган «Этдим табибга», «Фарзанд» (Ҳофиз газаллари), «То муҳаббат» (Навоий), «Айлар» (Муқимий), «Яхши билан», «Оқил бўлсанг» (Маҳзумкули) каби ашулалар ўрин олган. С. ижросида В.А. Успенский нотага ёзиб олган «Наво», «Талқини Баёт», «Чўли Ироқ» ашула йўллари «Навоий шеърларига мусиқалар» (1949) тўпламида нашр этилган.

Ака-ука Сўфихоновлар.

СЎХ — Фарғона водийсидаги сероув дарё. Олай ва Туркистон тизмаларининг шим. ён бағирларидан 5550 м ча баландликдаги музликдан бошланади. Уз. 124 км, ҳавзасининг майд. 3510 км², сув ҳавзасининг бал. 3480 м. Далбек, Шудмон ва Хўжаочкан сойлари Зардали қишлоғи ёнида бирлашиб, С. дарёсини ҳосил қилади. Юқори қисмида жуда чуқур ва тор (эни 4–10 м) даралан оқади. Адирлар зонасига чиққач, дарё водийси кенгайиб 500 м га етади. Шундан сўнг дарё кенглиги 70 км, уз. 50 км ли, тош ва шағалдан тузилган ёйилма конус ҳосил қилади. Дарёнинг айрим қисмларида иккинчи ва учинчи террасалари бор. С.Фарғона водийсига оқиб чиққач, тармоқларга бўлиниб кетади. Дарё музлик ва қордан тўйинади, чунки ҳавзасига ёғадиган йиллик ёғин миқдорининг 71% қор ва 29% ёмғирга тўғри келади. Ҳавзасининг майд. 244 км²ли 364 музлик бор. Энг йириги Арчабоши (12 км²). Ўртача оқим модули 17,0 л/сек. км². С. сувининг лойқалиги ўртача (0,99 кг/м³). Адирлар оралиғида дарёга Сариқўрғон сув тутуни ва Ўчи ГЭС, этагида Қўқон гидротутуни қурилган. С. Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Данғара, Учқўприк, Бағдод туманлари ерларини сув ё-н таъминлайди. Дарё водийсида Қўқон ш. жойлашган. «Чўнғора» ва б. курортлари бор.

СЎХ ГАЗ-НЕФТЬ КОНИ — Фарғона вилояти Риштон туманидаги кон. Қўқон ш.дан 30 км жанд.да антиклиналь бурмада жойлашган. 1956 йда ишга туширилган. Структурасининг марказий қисмидан Сўх дарёси кесиб ўтади, рельефининг мутлақ бал. 850–864 м. Шим. Сўх бурмасида палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиқлари бор. С.г.қ.да 1946–68 йларда 139 та бурғи қудуги қазилиб, ундан 59 тасидан саноат миқёсида нефть ва газ олинган. С.г.к. кўп қатламли, газ ва қисман нефть палеоген ётқизиқлари горизонтларида учрайди; 6-горизонтдаги нефть увомида газ қалпоғи бор. Бўр ва юра даврлари горизонтларида ҳам газ увомлари мавжуд. 2-горизонт 1070–1350 м чуқурликда очилган. Қатлам, асосан, майда қумтошлардан иборат, қалинлиги 14 м, говаклиги 9–38%, газлилик майд. 7,7 км², увом бал. 240 м. Газ зичлиги 0,676 г/см³. Барча

горизонтларда газнинг таркиби турлича. Нефть уюми шарқий кўтарилмада очилган, 4-горизонт риштон қатламлари орасида жойлашган, оҳактошли, остки қисми майда қумтошли. Фойдали қалинлиги 3 м. Ғоваклиги 2,76—16,4%. Қатлам 1300—1420 м чуқурликда очилган. Нефть-газлилик майдони 1038 га. Нефть зичлиги 0,880 г/см³. Таркиби (%да): асфальтенлар 0,90, акциз смоласи 14,7, кокс 2,5, парафин 7,9. Нефть енгил, кам олтингугуртли (0,12%). 8-горизонт бухоро қатининг юқори қисмида жойлашган, қумли оҳактошлар, гил, ангидрит ва қумтошлардан иборат. Қалинлиги 33 м, маҳсулдор қатчаларнинг умумий қалинлиги 16 м, ғоваклиги 15—21% бўлиб, 1470—1590 м чуқурликда очилган. Конда 1961 й. бўр ётқизиқларидаги газ оқими 8-горизонтнинг гумбазига йўналтирилган. 1963 й. қатламдаги босимни бир меъёрда сақлаш учун нефть чегараси ташқарисига сув бостирилган ва 1964—67 й.лар давомида босим пасайиши олди олинган. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

СЎХ МАКОНЛАРИ — қ. *Обишир горлари.*

СЎХ СВИТАСИ — қуйи тўртламчи даврга мансуб ётқизиқлар. 1932 й. мустақил свита сифатида ажратилган. С.с. Фарғона, Исфара, Шоҳимардон атрофларида, Норин дарёси водийсида мавжуд, қалинлиги 1000 м гача. С.с., асосан, қум, шағал ва *конгломерат*лардан таркиб топган. Свита жинслари юра, бўр ва учламчи давр ётқизиқларининг ювилиши ва оқин сувлар фаолияти натижасида вужудга келган. С.с. ётқизиқлари қурилиш материаллари сифатида ишлатилади.

СЎХ ТУМАНИ — Фарғона вилоятидаги туман. 1942 й. июлда ташкил этилган. 1959 й. 7 мартда Риштон туманига қўшиб юборилди. 1990 й. 27 фев.да қайтадан тузилган. Қирғизистон б-н чегарадош. Майд. 0,22 минг км². Аҳолиси 51569 киши (2003). Туманда 4 қишлоқ фуқаролари йиғини (Охунбобоев, Равон, Сўх, Хушёр) бор. Маркази — *Равон* қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди Фарғона вилояти жан.да, Сўх дарёси водийсида жойлашган. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, шағал бор. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси — 6,7°, энг паст т-ра —27°, июлнинг ўртача т-раси 23,6°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин 180 мм. Тупроқлари бўз тупроқ ва ўтлоқи тупроқлардан иборат. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, паррандалардан каклик, бедана, зоғча, қарға, тўрғай, сассиқпопишак, қаллирғоч; кемирувчилардан каламуш ва б. учрайди. Сувларда ҳар хил балиқлар бор.

Сўх туманининг тоғли қисми

Аҳолиси, асосан, ўзбек ва тожиклар, шунингдек, қирғиз, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 255 киши. Аҳолининг барчаси қишлоқда яшайди.

Хўжалиги. Туман асосан қ.х.га ихтисослашган. Кичикроқ корхоналар жумладан, 50 хусусий корхона ҳамда ширкат, деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга дон, сабзавот, уруглик картошка, ем-хашак экинлари экилади. Боғдорчилик ривожланган.

Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туманда 27 умумий таълим мактаби, 1 касб-ҳунар коллежи, 3 лицей, деҳқон бозори, маданият саройи, марказий стадион, марказий касалхона бор. Туман ҳудудида дам олиш ва хушманзара жойлар мавжуд. Туман марказида С.т. телестудияси фаолият кўрсатади. С.т. Ўзбекистоннинг қад. тарихий масканларидан ҳисобланади. Сўх ҳавзасида жойлашган *Селунгур горилан* палеолит даврига мансуб ашёлар топилган. С.т. Сўх—Ҳайдаркон қад. кончилик ҳудудини ҳам ташкил қилади. 11-а.дан Буюк ипак йўлининг жан. тармоги С.т.дан ўтган.



1890-й.ларда Сўх қишлоғи ҳудудидан илон шакли бўрттириб туширилган тош тумор топилган. Унинг устки қисмида равоқсимон ушлагич бор, қуйи қисми тўртбурчакли қути шаклида. Археологларнинг аниқлашича, бу тумор мил. ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йиллик бошларига мансуб. Шунингдек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон сари юришидан аввал бир йил Сўхда турганлиги тўғрисида маълумотлар бор. С.т.да «Садои Сўх» газетаси чиқарилади.

СЎҚИМ — сўйиш учун семиртирилган буқа, ҳўкиз, сигир (қ. *Бўрдоқига боқиш*).

СЎҚОҚСОЙ, Самсараксой — Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги сой. Чирчиқ — Оҳангарон ҳавзасида жойлашган. Чатқол тизмасининг жан.-ғарбий ён бағридан оқиб тушувчи Саритупроқсой ва Мискенсойнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 33 км, ҳавзасининг майд. 75,4 км². Қорасувга қуйилади. Сўқоқ қишлоғига қадар сой ён бағирлари баланд, тор ва чуқур водийда, шағал ва харсанг тошларга тўла нишаби катта ўзанда оқади, шу қишлоқдан бошлаб водийси анча кенгая боради, ён бағирлари паст ва ётиқ. С. ҳавзаси анча серсув, Ўртача кўп йиллик сув сарфи 1,96 м³/сек. Қорёмғир сувларидан тўйинади. Йиллик оқимнинг 60—70% март—май ойларига тўғри келади. С.нинг асосий ирмоғи — Чашмасой (ўнгдан). Сойдан апр.—май ойларида сел келади. С. ҳавзасида «Сўқоқ» дам олиш уйи, болалар оромгоҳлари бор.

Т

Т — ўзбек кирилл алифбосининг йигирманчи ҳарфи. Тил олди, портловчи-шовқинли, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Сўзнинг боши (тан, тош, тог), ўртаси (ватан, четан, қаттиқ) ва охирида (йиғит, одат, ҳаракат) кела олади. Сўз бошида энг кўп қўлланалиган ҳарф-товушлардан. Бир қанча ўзлашма сўзларнинг охирида кетма-кет келган ундошларнинг сўнгтиси т бўлса, кўпинча талаффузда тушиб қолади: пас(т), дўс(т), дарах(т), машинис(т) каби. Яна бир гуруҳ сўзларда сўз охиридаги д товуши т товушига алмашади: ёд (хотира) — ёт, қанд—қант, савод—савот, баланд—бала(н)т каби. Аксинча, ўгиз шеваларида сўз бошидаги т баъзан д га алмашади: тог—дог, темир—демир, тиш—диш каби. Лекин юқоридаги ҳар учала ҳолат ҳам имло (ёзув)да акс этмайди. Т ҳарфи ўзбек халқи тарихан қўллаган барча ёзув турлари (алифболар)да ўзига хос кўринишларга эга бўлган. Булар қуйидаги жадвалда келтирилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬙	Мил. ав. 6 — 4 - а
Урхун - Енисей ёзуви	𐰚 𐰚 𐰚	5 — 8 - а
Туркий (уйғур) ёзув	𐰓 𐰓 𐰓 𐰓	8 — 13 - а
Сўғд ёзуви	𐰚	Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а
Араб ёзуви	ت ط	13 - а — 1929 й.
Лотин ёзуви	T	1929 — 1939 й.
Кирилл ёзуви	T	1940 — 1995 й.
Лотин ёзуви	T	1995 й. дан

ТАБАРГУЛ (Polianthus tuberosa) — чучмомагулдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик туганак пиёзли ўтсимон ўсимлик. Буйи 60—120 см. Барглари узунчоқ. Гули оқ, хушбўй, тўпгули бошоқсимон. Ватани — Марказий Америка. Шим. Африка ва Жан. Европанинг баъзи ҳудудларида, Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида манзарали ва эфир мойли ўсимлик сифатида экилади. Кузда гуллайди; туганак пиёзидан кўпайтирилади. Унинг очилган гулидан парфюмерия саноатида ишлатиладиган қимматбаҳо эфир мойи олинади. Манзарали Т. навларидан гулдасталар ясашда фойдаланилади.

ТАБАРЗИН — қад. қурол тури, дастаси олдий болтага нисбатан узунроқ бўлган ойболта. Ўрта асрларда отлиқ аскарларнинг асосий қуролларидан ҳисобланиб, от эгарининг олд томонига осиб юрилган; қаландарлар қўлларида кўтариб юришган. Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр ҳамда Ҳиндистон тарихига оид манбаларда Т. тез-тез кўзга ташланади.

ТАБАРИЙ, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий [839, Табаристон (Эрон)нинг Амул ш. — 923.16.2, Бағдод] — тарихчи, фақиҳ ва филолог. Маҳаллий зодагон оиласида туғилган. Амул ш.да дастлабки таълимни олган. Райда машҳур муҳаддис ва фақиҳлар қўлида ўз билимини оширган. Сўнгра Бағдод, Басра, Куфага бориб, замонасининг машҳур уламоларига шогирд тушган. 867 й. Мисрга борганида етук олим сифатида эътироф этилган. У Бағдодга қайтгач, «ал-Жаририййа» деб аталган ўзининг фиқҳ (ҳуқуқ) мактабига асос солган. Унинг тарафдорлари *Ибн Ҳанбал* қарашларини танқид қилишган. Аҳмад бин Комил Абу Бакр, Абдулазиз бин Муҳаммад ат-Табарий, Абдуллоҳ бин Аҳмад ал-Фарғоний унинг етук шогирдлари эди.

Т. фиқҳ ва тарих илмларини мукаммал эгаллаб, бу илмлар ва Қурьон, ҳадислар бўйича араб тилида 20 дан ортиқ асарлар ёзган. «Китоб ихтилоф ал-фуқаҳо» («Фақиҳларнинг ихтилофлари ҳақида китоб») асари турли мактабларга мансуб фақиҳлар дунёқарашининг таҳлилига бағишланган. Қурьони карим тафсирига бағишланган «Тафсир ал-Қурьон» (20 жилд, 30 жилд қилиб нашр этилган) асари уни мусулмон оламига танитган. «Тарих арусул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифалар тарихи», «Тарихи Табарий» номи б-н машҳур) асарида қад. Эрон подшоҳлари, Рим ва Византия императорлари, халифалик ҳудудидаги юртлар (хусусан, Хуросон ва Мовароуннаҳр)нинг 915 й.гача бўлган тарихи ўз ифодасини топган. Асарда Туркистон халқларининг араб босқинчиларига қарши кураши ва қўзғолонлар (Бухоро, Вардона, Самарқанд ва Фарғонадаги жанглар; *Абу Муслим ҳаракати, Муқанна қўзғолони, Рофе ибн Лайс қўзғолони* ва ҳ.к.) ҳам кўрсатилган. «Тарихи Табарий» асари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унинг араб тилидаги мавжуд матни М.Я. де Гуе (1836—1909) тарафидан Лейденда 15 жилд қилиб нашр этилган (1879—1901). Бу асарни *Бальамий* қайта ишлаб ва янги маълумотлар б-н бойитиб, форс тилига таржима қилган. Бальамий асари («Табарий — Балъамий тарихи» номи б-н ҳам машҳур)ни Т. Зотенберг француз тилига (1874), Муҳаммад Юсуф *Баёний* ўзбек тилига (1882) таржима қилишган.

«Тарихи Табарий» В.И. Беляев томонидан арабчадан рус тилига қисқартирилган ҳолда таржима қилинган ва Тошкентда нашр этилган (1987). Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондларида бу асарнинг Муҳаммад Содиқ Кошғарий (18-а.) томонидан уйғур, Баёний (19-а.) томонидан ўзбек тилига қилинган таржимаси сақланади.

Ас.: История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В.И.Беляева), Т., 1987.

Ад.: Материалы по истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв., Т., 1988.

Қаҳрамон Ражабов.

ТАБАРИСТОН — қ. *Мозандарон.*

ТАБАРИЯ КЎЛИ, Твериада кўли, Ғанисарет кўли, Галилей кўли — Фаластин тарихий вилоятидаги кўл, Исроил давлати ҳудудида (кўлнинг шарқий соҳилидан Исроилнинг Сурия б-н чегараси ўтган). Ал-Ҳор тектоник ботиғининг шим. қисмида, денгиз сатҳидан 212 м пастда жойлашган. Майд. 145 км². Энг чуқур жойи 48 м. Ғарбий ва шарқий қирғоқлари тик ён бағирли, шим. ва жан. паст. Т.к. орқали Иордан дарёси оқиб ўтади. Кўлдан балиқ овланади. Кема қатнайди. Ғарбий соҳилида Исроилнинг Тиверия ш. жойлашган. Библиянинг Янги аҳд қисмида Т.к. Исонинг афсонавий фаолияти б-н боғлиқ. Шу сабабли кўл атрофлари диндорларнинг зиёратгоҳ жойи.

ТАБАСАРАН ТИЛИ — кавказ тиллари оиласининг *нах-дағистон тиллари* гуруҳига мансуб. Дағистон Республикасининг Табасаран ва Хив туманларида тарқалган тил. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 95 минг кишидан ортиқ. Жан. ва шим. лаҳжаларга эга, уларнинг ҳар бири ўз шева гуруҳларидан иборат. Алабий Т.т. асосан жан. лаҳжа негизида шаклланган. Фонетик тизимида 6 унли ҳамда 50 дан ортиқ ундош, жумладан пш, тт, кк, чч каби портловчи жарангсиз қўш ундошлар мавжуд; урғу кучсиз ва кўчувчан. Морфологиясида отлар келишик ва сон бўйича ўзгаради; келишик тизими жуда ривожланган: 44 келишик мавжуд. Феъллардаги замон ва майл тизими ниҳоятла мураккаб. Луғат таркибида соф табасаран сўзларидан (улар 60 фоиздан ортиқ) ташқари араб, форс, туркий ва рус тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам мавжуд. Т.т. ёзуви 1932—38 йилларда лотин графикаси асосида, 1938 йилдан рус графикаси асосида шакллантирилган.

ТАБАСАРАНЛАР — Дағистондаги халқ (78,2 минг киши), РФда жами 93,6 минг киши (1990-йилар ўрталари). Умумий сони 98 минг киши. Табасаран тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. С. деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик (гилам тўқиш, ёғоч ва тош ўймакорлик ривожланган) б-н шуғулланади.

ТАБАСКО — Мексиканинг жан.-шарқий қисмидаги штат, Мексика қўлтиғи соҳилида. Майд. 24,7 минг км². Аҳолиси 1,89 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Вилья-Эрмоса. Рельефи текислик, ҳудудининг катта қисми ботқоқлашган. Иқлими тропик, иссиқ (ўртача ойлик т-ралар 23—27°) ва сернам (йиллик ёғин 2000—5000 мм). Сув тошқинлари хўжалигига катта зарар келтиради. Иқтисодиёти нефть-газ саноати ва плантация хўжалигига ихтисослашган. Шоли, какао экилади, мевачилик ривожланган. Т.й. ва шоссе йўллари Т.ни мамлакатнинг бошқа ҳудудлари б-н боғлайди.

ТАБАҚА — муайян халқ ичида ижтимоий мавқеига қараб бўлинадиган гуруҳ. Т. урф-одат ёки қонунда мустаҳкамланган, авлоддан авлодга ўтиб келадиган ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлган. Т.лар ўтмишда анъанавий эзгагонлик ва аслзодалик тушунчалари мавжуд бўлган жойларда вужудга келган.

Шарқ мамлакатларида жамиятни турли Т.ларга бўлинганлиги тарихий манбаларда қайд этиб ўтилган. Мас., қад. Ҳиндистонда *варналар, касталар* мавжуд бўлган. Мусулмон мамлакатларида ҳарбийлар, аҳли қалам, уламолар, қозилар, раият ва б. алоҳида Т.га ажралган. Марказий Осиёда жамиятни Т.га ажратишнинг шартли равишда 2 та бўлиши мумкин. Биринчиси, синфни Т.га ажратиш, унинг тарихи *ибтидоий жамият*нинг емирилиши ва синфий муносабатларнинг шаклланиши, давлнинг келиб чиқиши б-н боғлиқ. Мас., қабила бошлиқлари, қоҳинлар жамиятнинг имтиёзли Т.сини ташкил этишган (қ. *Табу*). Иккинчиси, ижтимоий Т.га ажратиш Т.нинг бу шакли ҳам илк ёзма манбаларга кўра (Авесто) Марказий Осиёда қад. тарихга эга. Араблар истилоси, ислом дини тарқалганидан сўнг, янада кенг тарқалган. *Сайид, хўжа, тўра, лашкар, бек* ва б. жамиятнинг юқсак Т.сини ташкил этган бўлса, оддий фуқаро — қорачалар деб номланган. Мас., сайидлар пайғамбар авлодлари саналиб, улар мусулмон жамиятида имтиёзли ижтимоий Т.ни ташкил қилганлар ва динлорлар орасида катта обрў-эътиборга эга бўлишган. Халқ сайидларни баъзан авлиёлар қаторига қўйган. Хўжалар исломда оқсуяклар Т.си сифатида сайидлардан кейин туриб, баъзи мусулмон мамлакатларида ҳозир ҳам уларнинг имтиёзлари сақланиб қолган. Ўтмишда хўжалар б-н оддий фуқаролар (қорача) ўртасида қула-андачилик муносабатлари чекланган. Ижтимоий муносабатлар ривожланиши б-н жамиятда ижтимоий тафовут йўқолиб боради. Ўрта Осиёда 20-а.га қадар турли ижтимоий Т.лар мавжуд бўлган.

Т.чиликнинг юксак намунаси Францияда бўлиб, у ерда 14—15-а.лардан бошлаб жамият Т.ларга бўлинган. Юқори Т. аристократия ва майда дворинлар (жентри)дан иборат эди. Руҳонийлар бошқа Т.га мансуб бўлиб, улар бир оз қуйироқда турсалар-да, махсус имтиёзга эга эдилар. Олий халқни эса кейинчалик «учинчи Т.» деб атай бошладилар. Т.ланиш бошқа давлатларда турлича шаклларда кўринади.

Сайфулло Турсунов.

ТАБАҚА (араб. — қатлам) — 1) *мусиқа*нас қаторлари: 3, 5, 7 Т.; 2) ўймакорликда *пардоз* тури (қ. *Табақа пардоз*).

ТАБАҚА ПАРДОЗ — ўймакорликда *пардоз* тури; ўйма гул — нақшларни 2 ёки 3 қатламли ўймалар б-н пардозлаш усули. Ўймалари унча чуқур бўлмаса-да, нақшлар ҳажмлор кўринишга эга бўлиб, ажойиб жозибадорлик ҳосил қилади. Пардозлар ичида энг мураккаби бўлгани учун устадан юксак касбий маҳорат талаб этади. Бухоролик усталар Т.п. усулини кенг қўлланди. Жумладан, *Усмо Шариф* Муродов Т.нинг имкониятларидан маҳорат б-н фойдаланиб, жозибалор накш мужассамотлари яратган.

ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМ — умумий ўрта таълим мактабларни юқори синф ўқувчиларининг қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида ўқув режаси ва дастурлар асосида олиб борилдиган таълим тури. Т.нинг мохияти таълими б-н алоқаси ўқув-тарбиявий ишларининг муҳим асоси ҳисобланади. Т.т. жараёнида юқори синф ўқувчиларининг касбини танлаштарларига алоҳида эътибор берилади. Шу сабабли аврим мактаблар билим асосларини чуқурлаштиришга, ўқувчиларни муайян касбга йўналтиришга мўлжалланган бўлади. Т.т.да умумий ўрта таълим тизимидаги асосий ўқув предметлари мазмунини чуқур ўзлаштириш, бевосита керакли ўқув материалларини ўрганиш кўзда тутилади. Т.нинг муҳим жиҳати унинг маълум соҳага йўналтирилганлиги ва бу таълим жараёнида ўзига хос предметлар тизимининг ўқитилишидир. Т.нн ташкил этишда мактаблардаги имкониятлар пухта ўрганилади. Т.да маълум миқдорда қўшимча дарс машғулотлари ўтказиш ёки ўқув режасидаги айрим предметларни танлаб олиб, уларни чуқурроқ ўзлаштиришни режалаштирилади. Унинг у ёки бу шаклини танлашда мактаб ва ўқувчиларнинг имкониятларидан келиб чиқилади. Т.т.да ўқувчилар ўз қизиқишлари асосида йўналишлар бўйича гуруҳларга бўлиниб, таълим маълум касбга йўналтирилган тарзда амалга оширилади. Т.т. касбга йўналтириш ва йўлланишнинг муҳим асоси ҳисобланади ҳамда бирор мутахассислик соҳасидаги билим ва кўникмаларни эгаллаш б-н боғлиқ билимлар асосида амалга оширилади. Т.т.да ўқувчилар касбга йўналиш ва қизиқишидан қатъи назар, барча ўқув предметлари бўйича тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлишади. Т.т. ўқувчининг қайси бўлим ёки қайси предметни чуқур ўрганган бўлишига қарамай, олий ўқув юртига кириш учун белгиланган имтиҳонларда қатнашиш имконини беради ва унга тайёргарлик босқичи вазифасини ўтайди.

Т.т. асосида ўқувчилар танланган мутахассислиги бўйича чуқур билим асосларини эгаллашади ва амалий малакаларга эга бўлишади. Т.т. касб танлашнинг асоси ҳисобланади ва ўқувчиларнинг ўз қизиқиши ва мойилликлари асосида касб гайёргарлиги сирларини эгаллашларида муҳим ўрин тутади.

Рустам Келдиёров, Нуриллә Аҳмедов.

ТАБИАТ — одамнинг онгидан ташқарида ва ҳам ижтимоий-тарихий ҳодисалардан ташқарида мавжуд бўлган ҳодиса. Т.ни фалсафада Т.га стихияли кучлар (*Демокрит*), илоҳий дунёнинг инъикоси (*Платон*), ўйғун жараён (*Нифлар*), мукаммаллик (*Аристотель*) деб қаралган. Диний таълимотларда Т. руҳий ибтидонинг моддий тажаллосининг деб ҳисобланган ва худо Т.дан юқори туради деб тушунилган. Уйғониш даврида Т.га ҳамма табиий ўйғунлик ва мукаммалликнинг юзага чиқиши сифатида қаралди. Янги даврда Т.га бўлган муносабат Т.нинг илмий ўрганиш объектига айланишида катта роль ўйнади.

Т. объекти фазо ва вақтда мавжуд моддда, материядир. Улар чексиз маълум нарсаларнинг (элементар заррлар, антизарралар, қум, тош, тупроқ, сув, ҳаво, жонсиз) ва жонли мавжудот, планеталар, юлдузлар, галактикалар ва б. самовий жисмлар, физик майдонлар) мажмуидан иборатдир. Бир вақтлар (фаннинг сўнгги маълумотлари бўйича бундан 20 млрд. йил аввал) бу жисмлар бошқа кўринишда бўлган. Бўлажак млрд. йилларда у яна ўзгариб боради. Т. одамнинг, жамиятнинг ватани. Одамнинг ҳаёти Т.нинг, биосферанинг ўйғун шароитига боғлиқ. Бу шароит салбий томонга ўзгартирилса, одамнинг нормал яшашига путур етказилади, экологик муаммолар пайдо бўлади. Илмий-техника ютуқларидан нотўғри фойдаланиш — биосферанинг бузилишига олиб келади. Бинобарин Т.ни пухта билиб, ундан самарали фойдаланиш, унга ғамхўрлик ва оқилона муносабатда бўлиш доим (қ. *Табиатни муҳофаза қилиш*). Инсоннинг Т.га бундай муносабатда бўлишида фан асосий омил бўлиб келмоқда. Ер ва коинотда инсоннинг фаолияти фаолдашмоқда. Коинотнинг узоқ-узоқ жойлари (мас., метагалактикалари)да ҳеч бораётган ҳодисаларни кенгроқ ва чуқурроқ билиш Т. ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради.

Ориповлар Файзуллаев.

1

2

1 — Зомин қўриқхонасидаги табиат ёдгорлиги. *2* — Аср давомида ёдгорликка айланган эгилак дарахтлар.

ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ — жонли ва жонсиз табиат яратган нодир, диққатга сазовор объектлар: ғорлар, шаршаралар, ажойиб шаклли қоятошлар, даралар, гейзерлар, булоқлар, очилиб қолган жойлар, катта ёшли улкан дарахтлар. Т.ёдан илмий, эстетик, рекреация, саёҳат, туризм, истироҳат, тарбиявий мақсадларда фойдаланилади. Ўзбекистонда бундай Т.ёдан жуда кўп: қад. одамларнинг қолдиқлари топилган Тешиктош ғори, Сайроб, Бойсун, Хўжакентдаги қад. чинорлар, Қўйтош, Қирққиз, Одамтош, Хўжакентдаги қоятошларга чизилган расмлар шулар жумласидандир. Мамлакатда 400 дан зиёд Т.ё. рўйхатга олинган. Т.ё. давлат томонидан қўриқланади.

ТАБИАТ КОМПОНЕНТЛАРИ — табиатни ҳосил қилувчи асосий таркибий қисмлар, яъни тог жинслари, рельеф, ер усти ва ости сувлари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳаво массалари. Булар ландшафт компонентлари деб ҳам юритилади. Т.к.нинг ўзаро нисбатига қараб ландшафтлар хилма-хил бўлади. Т.к.нинг нисбати ўзгарса, ландшафт ҳам ўзгаради. Шу сабабли, табиатни ўзгартириш мақсадида унга таъсир кўрсатилса, яъни сув омборлари ва тўғонлар қурилиш, ботқоқликларни қуритиш ва дарахтларни кесиш каби фаолиятлар натижасида юзага келадиган оқибатларни ҳисобга олиш зарур.

Табиат музейининг кўргазма залида.

ТАБИАТ МУЗЕЙИ, Ўзбекистон давлат табиат музейи — Марказий Осиёдаги дастлабки йирик илмий-маърифат муассасаси. «Тошкент музейи» номи б-н 1876 й. Тошкент шаҳрида ташкил этилган. 1921 йилда музей қад. ёдгорликларни сақлаш, санъат ва табиат ашлари бўйича қўмита тасарруфига ўтказилиб, Ўрта Осиё бош музейи номини олди. 1930 йилда табиат бўлимлари, қ.х. музейи ҳамда Зоология боғи б-н бирга Ўрта Осиё табиат музейи ва ашлаб чиқарувчи кучлар номи берилди. 1935 й. январь ойида Ўзбекистон Давлат табиат музейига айлантирилди. 1944 йилдан музей бой илмий фондларни сақлайдиган муассаса сифатида Ўзбекистон ФА тизимига, 1963 йилдан эса Ўзбекистон маданият ашлари вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Музейда зоология ва ботаника; геол. ва геог.; илмий-маърифий; фонд ёки жамғарма бўлимлари бор. Музей кўргазма заллариға Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожлани-

ши, органик дунё эволюцияси, одамнинг пайдо бўлиши, республика табиати ва унинг бойликлари, улардан фойдаланиш тўғрисида кўплаб табиий экспонатлар, коллекциялар ва кўргазмали материаллар қўйилган.

Музейда жами 372021, жумладан ботаника бўйича 10496, зоология бўйича 359642 (шундан 355045 ҳашаротлар), геол. бўйича 1883 экспонат бор (2004). Музейда ўлкашунослик ва музейшунослик масалалари бўйича и.т. ишлари ҳам олиб борилади. Музейни ҳар йили 50 мингдан ортиқ киши кириб кўради.

Эргаш Исломов.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — табиат ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланишга, табиатни инсон манфаатларини кўзлаб онгли равишда ўзгартиришга, табиат бойликлари ва умуман табиатни, унинг гўзаллиги, мусаффолигини сақлаб қолишга ва янада бойитишга қаратилган барча тадбирлар мажмуаси. Т.м.қ. тадбирлари мажмуасига давлатлар, халқаро ташкилотлар, жамоат, илмий-техник, и.ч., иқтисодий ва маъмурий ташкилотлар, ҳар бир одам томонидан амалга ошириладиган тадбирлар киради.

Ҳоз. вақтда инсон яшаб, тўхтовсиз муносабатда бўлиб келаётган табиий муҳит узоқ геологик даврлар (4,5—4,7 млрд. йил) мобайнида бир қанча омилларнинг биргаликда таъсирида, яъни Қуёш нури, Ернинг массаси, гравитация кучи, кўлами, айланма ҳаракатлари, тектоник ҳаракатлар, ҳаво ва сув қобиқларининг вужудга келиши ва ўзгариши, экзоген жараёнлар таъсири, органик дунёнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти таъсирида таркиб топган. Табиий муҳитнинг ҳолати ўзаро таъсир этиб турувчи кўп омилларнинг мураккаб мажмуида таркиб топган табиий мувозанатга боғлиқ. Чунки бир жойнинг иқлими Қуёш нурининг тушиш бурчагига, яъни географик кенглик, ер юзасининг тузилиши, шамоллар, океанларнинг узоқ-яқинлиги, оқимлари ва б.га; ўсимликлар қоплами эса иқлим, ер юзидаги тоғ жинслари, рельеф, тупроқларга боғлиқ. Бу табиий омилларнинг биронтасида ўзгариш рўй берса, табиий мувозанат бузилади, бу эса табиий муҳитда ўзгаришларга сабаб бўлади. Баъзан, табиатнинг бирор компонентига кўрсатилган арзимаган таъсир ҳеч кутилмаган катта ўзгаришларга, хусусан хавфли ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай тирик мавжудот ўз атрофини ўраб турган табиий муҳит б-н ўзаро таъсирда бўлади, ундан ўзига керакли нарсаларни олади, шу муҳитда мослашади, муҳит таркибига, ундаги модда ва энергиянинг айланма ҳаракатига маълум даражада ўзгариш киритади. Ернинг ҳаво қобиғидаги ҳоз. газлар таркиби, миқдори, айрим фойдали қазилмалари, мас., оҳактош, тошкўмир, кўнгир кумирнинг ҳосил бўлиши, тупроқ қопламининг таркиб топиши, ривожланиши организмларнинг ҳаёт фаолияти натижасидир. Органик дунёнинг табиий муҳит б-н ўзаро таъсири биологик эволюция жараёнида янги турларнинг пайдо бўлиши, рақиб турлар сонининг кўпайиши ёки камайиши ва атроф муҳитнинг ўзгариши натижасида ўзгаради.

Ерда *одам*нинг пайдо бўлиши органик дунё б-н табиий муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Инсон табиатга меҳнат қуроллари воситасида яйловлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида таъсир кўрсатади. У ўзининг табиат б-н бўлган ўзаро таъсири усулларини такомиллаштириб боради. Натижада инсон яшай оладиган ҳудуд кенгаяди, фойдаланиладиган табиий элементлар сони ва ҳажми ортади, бинобарин, инсоннинг табиатга тазйиқи сифат жиҳатидан ҳам, кўлам жиҳатидан ҳам кўпаяди. Инсон ўзи яшаши ва фаолият кўрсатиши учун табиий муҳитдан ташқари яна сунъий муҳитни ҳам бунёд этади. Мас., шаҳарлар, турар жой бинолари, боғлар, сув омбордари, йўллар ва б. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, фан ва техниканинг тараққий этиши б-н, табиий бойликларнинг аҳамияти, улардан фойдаланиладиган соҳалар, уларни ишлатиш шакллари ҳам ўзгариб боради. Қадимда бир неча хил кимёвий элементлардан фойдаланилган бўлса, ҳоз. вақтда мавжуд барча элементлардан фойдаланилади. Шу б-н бирга кўпчилик фойдали қазилмалар тобора кўпроқ қазиб чиқарилмоқда. Инсоннинг табиатга таъсири кучайишидан, антропоген ландшафтлар кўпаймоқда. Ҳайвонот ва ўсимлик оламидан режасиз фойдаланиш ёки инсон фаолияти б-н боғлиқ бошқа сабаблар туфайли 16-а.нинг охирларидан 20-а.нинг 70-й.ларигача умуртқали ҳайвонларнинг 250 тури ва кичик турлари буткул йўқолиб кетди. 80-й.лардан бошлаб ҳар йили ўртача 1 та ҳайвон тури ва 50 га яқин ўсимлик тури йўқолиб бормоқда. Қуш ва сут эмизувчиларнинг 1000 дан ортиқ тури йўқолиб кетиш арафасида турибди. Йил давомида 1 млрд. т ёқилғи ёқилади, атмосферага юзлаб млн. т азот оксиди, олтингугурт, углерод, қурум, чанг ва б. чиқарилади. Тупроқ ва сувлар саноат ва маиший чиқиндилар (бир неча млрд. т), нефть маҳсулотлари (бир неча млн. т), минерал ўғитлар (юз млн. т га яқин), оғир металлар, радиактив чиқиндилар б-н ифлосланади.

Инсон табиий шароит ва бойликлардан кўп мақсадларда фойдаланади. Бу эса айни пайтда, табиатни тегишлича муҳофаза қилишни ҳам тақозо этади. Булар: хужалик, соғлиқни сақлаш ва гигиена, нафосат (эстетик), туризм, илмий ҳамда тарбиявий мақсадга мувофиқ фойдаланиш. Мақсадга мувофиқ фойдаланиш деганда, табиат бойликларидан мамлакат ёки бутун инсоният манфаати йўлида фойдаланиш тушунилади. Бунда ҳоз. ва келажак авлоднинг манфаатларини кўзлаб фаолият юритиш назарда тутилади. Ўз тараққиётини оддиндан узоқ муддатга илмий асосда режалаштира оладиган ва табиий мувозанатни ўзгартирмасдан фойдалана оладиган жамиятгина тараққиётга эришади.

Табиий бойликлардан оқилона фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиши қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонентларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, 5 қонуният мавжуд: 1) табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари б-н боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради; 2) табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси; 3) табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33—35 йиллик ва кўп йиллик); 4) зоналлик; 5) регионаллик.

Инсоннинг табиат б-н ўзаро таъсири жамият тараққиёти, и.ч. усуллари мукаммаллаша борган сари жадаллашади, табиатдан, унинг бойликларини, қурилиш ва и.ч. текникаси, алоқа воситалари йирик шаҳарларни ўзгартириб, йирик воҳалар, маданий ландшафтлар яратишга, ҳосилдор экин ҳамда мевалар, маҳсулдор чорва моллари етиштиришга имкон беради. Лекин баъзан чуқур ўрганмасдан инсон қудратига ортиқча баҳо бериб, табиатга таъсир кўрсатиш табиатни фойдаланиб бўлмайдиган ҳолатга, унинг бузилиши ва ифлосланишига олиб келиши мумкин. Бундай манзара инсониятнинг бутун тарихи мобайнида кузатилади. Лекин 19-а.гача инсоннинг табиатдан фойдаланиш кўлами унча катта бўлмагани учун инсон фаолиятининг табиатга таъсири ҳам камроқ бўлган.

20-а.нинг 2-ярмида саноат и.ч.нинг ривожланиши, қ.х.да турли хил кимёвий моддаларнинг кўп қўлланилиши, катта майдонларда муттасил бир хил экинларнинг етиштирилиши, транспорт воситаларининг ортиқча кўпайиб кетиши, шаҳарларнинг йириклашиб кетиши, табиат муҳофазасига етарлича эътибор берилмаганлиги табиий муҳитнинг бузилишига, айрим жойларнинг ифлосланиб кетишига сабаб бўлди. Айрим кончилик саноати р-нларида табиий муҳит жуда бузилиб кетган. Катта майдонларни кон чиқинди жинслари эгаллаган, чуқур очиқ карьерлар ер ости суви сатҳини пасайтириши натижасида ўсимлик қоплами қуриб бормоқда. Рекультивация ишларига, хусусан ривожланаётган мамлакатларда етарлича эътибор берилмайди. Ҳоз. вақтда Т.м.қ. муайян ўлка ёки мамлакат доирасидан чиқиб, умумжаҳон муаммосига айланиб бормоқда. Ернинг озон пардасидаги ўзгаришлар, дунёда ҳароратнинг кўтарилиб бораётгани, қутбий ва тоғ музликларининг қисқариб бораётгани ана шундай муаммолардан. Айниқса, қайта тикланмайдиган табиий бойликларнинг камайиб бораётганлиги ва атроф табиий муҳитнинг ифлосланаётгани бир қанча мамлакатларда, айниқса, ривожланган мамлакатларда Т.м.қ. тадбирларини кўришга мажбур этди. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда ўрмонларни кесиш чекланди, ердан кадастр асосида фойдаланиладиган бўлди, дарё ва кўллар сувлари тозаланиб, балиқларни кўпайтириш бошланди. Овчилик тартибга солинди, кўриқхоналар, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар кўпайтирилди.

Бироқ 20-а.нинг ўрталаридан бошлаб зарарли чиқиндили и.ч. корхоналарининг ривожланаётган мамлакатларга кўчирила бошлангани бу мамлакатларда атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий қийинчиликлар туфайли табиатни муҳофаза қилишга етарли маблағ ажратишга қодир эмас. Т.м.қ. соҳасида халқаро қатъий ҳамкорликнинг йўқлиги ҳам табиий бойликлардан фойдаланишда ва Т.м.қ.да етарлича самара бермаяпти.

Ҳоз. вақтда Т.м.қ.ни таъминлаш масалалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган. Лекин буларни амалга ошириш жуда катта маблағ сарфлашни талаб қилади. Бунинг устига қиргин қуролларини и.ч., уларни сақлаш ҳам табиий муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан қиргин қуролларни ишлашни таъқиқлаш, борларини йўқотиш ҳам табиат муҳофазасида катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда 20-а.да, айниқса, унинг 2-ярмида қ.х.да монокультура тизимининг қўлланиши, гербицид ва пестицидларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши, мавжуд сув захираларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида атроф-муҳит ҳолатида катта салбий ўзгаришлар рўй берди. Орол денгизи деярли қуриди, унинг атрофида чўллашиш кучайиб кетди, ер ости сувлари шўрлиги даражаси ошди. Инсон саломатлиги учун зарур шароит бузилди, камқонлик, гепатит, зотилжам каби касалликлар кўпайди. Пахта монокультураси таъсирида бошқа ҳудудларда ҳам инсон ҳаёти учун зарур бўлган экологик вазият ёмонлашди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, дастлабки кунлардан бошлаб, Т.м.қ.га, республика ҳудудини экологик таназзулдан муҳофаза қилишга киришди. Табиатни ва унинг компонентларини муҳофаза қилиш тўғрисида бир қанча қонунлар қабул қилинди. Булар «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992 й. 9 дек.), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993 й. 6 май), «Ер ости бойликлари тўғрисида» (1994 й. 23 сент.; 2002 й. 12 дек.да янги таҳрирдаги), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996 й. 27 дек.), «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997 й. 26 дек.), «Давлат кадастрлари тўғрисида» (2000 й. 15 дек.), «Ўрмон тўғрисида» (1999 й. 15 апр.), «Чиқиндилар тўғрисида» (2000 й. 5 апр.)ги қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-, 54-, 55- ва 100-моддаларида Т.м.қ.га оид нормалар баён этилган. Конституциянинг 11-боби 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб кўрсатилган. 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», дейилган. Мамлакатимизда «Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси» ташкил қилинган (1996 й. 26 апр.да Олий Мажлис томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади). Қўмита қуйидаги вазифаларни бажаради: атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан назорат қилиш; Т.м.қ. фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқариш; Т.м.қ. ҳамда ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш, экологик вазиятни бошқариш.

Ўзбекистон Т.м.қ. соҳасида бир қанча халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилади ва дастурларда, жумладан, БМТнинг атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП)да иштирок этади. ЮНЕП ва айрим ривожланган мамлакатлар б-н ҳамкорликда Биологик хилма-хилликни сақлашнинг миллий стратегияси ва 10 дан ортиқ миллий экологик қонунлар ишлаб чиқилди. 1993 й. март ойида Қозоғистоннинг Қизилўрда ш.да Ўрта Осиёдаги 5 давлатнинг Олий даражадаги учрашувида Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро кенгаш ва унинг ижроия қўмитаси ҳамда Оролни қутқариш халқаро фонди ташкил этилди. Унинг вазифаси Орол денгизи, унинг соғлом экологик шароитини тиклаш, мазкур регионни тоза ичимлик суви б-н таъминлаш, ҳудуд санитария-гигиена муҳитини яхшилашдир.

Ўзбекистонда 10 дан ортиқ ўрмон хўжалиги, 8 та қўриқхона, 2 миллий боғ, бир қанча буюртма қўриқхона мавжуд. Уларда *табиат ёдгорликлари*, камайиб кетган ўсимлик ва ҳайвонлар қўриқланади, ўрганилади ва кўпайтирилади. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти, 12 та вилоят ва Қорақалпоғистон жамияти, Ўзбекистон география жамияти, ЭКОСАН, бир қанча илмий-оммабоп ва илмий журналлар, радио ва телевидение, вақтли матбуот Т.м.қ. ҳақидаги билимларни тарғиб қилмоқда. Аҳоли ўртасида табиат, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳақидаги билимларни тарғиб қилиш, аҳолининг географик, экологик маданиятини кўтариш Т.м.қ.да катта аҳамиятга эга. Табиатни, унинг бойликларини муҳофаза қилиш, географик экология ўқув курслари ўрта махсус ва олий юртларининг табиат-

шунослик мутахассисликлари талабаларига махсус курслар сифатида ўқитилмоқда.

Ад.: Каримов И.А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997; Акрамов З. М., Рафиков А.А., Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря, Т., 1990; Нигматов А.Н., Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳуқуқи, Т., 2004; Рафиқов А.А., Геоэкологик муаммолар, Т., 1997; Тўхтаев Л., Ҳамидов А., Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш, Т., 1994; Ғуломов П.Н., Инсон ва табиат, Т., 1990.

Потиҳкамол Ғуломов.

ТАБИАТ РЕСУРСЛАРИ, табиий бойликлар — жамиятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида хўжаликда фойдаланиладиган ҳамда инсониятнинг яшаши учун зарур бўлган, уни ўраб турган табиий муҳитнинг барча *табиат компонентлари*, энергия манбалари. Т.р.га Қуёш энергияси, Ернинг ички иссиқлиги, сув, ер, минерал бойликлар, ўсимликлар, тупроқлар, ҳайвонот дунёси киради. Т.р. тугайдиган (кўпгина фойдали қазилмалар), тугамайдиган (сув, ҳаво, Қуёш нури, Ернинг ички энергияси) ва тикланадиган (биологик элементлар, айрим фойдали қазилмалар) бойликларга бўлинади. Табиий хом ашёларни кўп даражада истеъмол қилувчи кучларнинг жадал ривожланишига боғлиқ равишда Т.р. б-н таъминлаш муаммолари янада долзарблашиб бормоқда. Тупроқ, атмосфера ва гидросферанинг ифлосланишига қарши курашишда жаҳоннинг барча мамлакатлари келишиб фаолият юритишлари зарур бўлиб, Т.р. муҳофазаси глобал характерга эга бўлмоқда. Т. р.ни ўзлаштиришнинг муҳим босқичлари — уларни аниқлаш (разведка қилиш), ўрганиш, алоҳида турлари бўйича кадастрлар (мас., *ер кадастри, сув кадастри*) тузишдан иборат. Ўзбекистон Республикасида Т.р. кадастрларини тузиш ва юритиш Ўзбекистон Республикасининг «Давлат кадастрлари тўғрисида» қонуни (2000 й. 15 дек.)га мувофиқ олиб борилади.

Т.р.ни баҳолашнинг илмий асосланган 3 типи мавжуд: технологик, иқтисодий, ижтимоий. Т.р.ни тўғри баҳолаш улардан фойдаланишда энг юқори самараларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Инсон тафаккури ўсиши б-н боғлиқ ҳолда Т.р. турлари ҳам кенгайиб бормоқда, бунда энг замонавий техник воситалардан фойдаланилади. Илмий-техник тараққиётни ривожланиб бориши б-н тугайдиган Т.р. ўрнини босувчи янги сунъий материаллар ишлаб чиқарилмоқда. Дунё океани бойликлари ўзлаштирилмоқда. Ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши йўлида Т.р.дан самарали фойдаланиш ва табиатда экологик мувозанатни таъминлаб турувчи янги сифатли технологияларни яратиш талаб этилмоқда. Хом ашё ва энергия манбаларидан режали тарзда фойдаланиш уни узоқ муддатга етишини таъминлайди (яна қ. *Табиатни муҳофаза қилиш*).

ТАБИАТШУНОСЛИК, табиийёт — *табиат* ҳақидаги фанлар тизими, табиий фанлар мажмуи. Табиатнинг инсон онгидаги акси бўлган Т. жамиятнинг ривожланиши б-н мукаммаллашади. Т.нинг мақсади — табиат ҳодисаларининг моҳиятини аниқлаш, табиат қонунларини билиш ҳамда улардан амалда фойдаланиш имкониятларини очиб бериш. Т., асосан, фундаментал фанлар бўлган механика, физика, кимё ва биол.дан ташкил топган. Астрономия, геол., тиббиёт фанлари, қ.х. фанлари, экология каби кўплаб билим тармоқлари шу фундаментал фанлардан келиб чиққан. Т. табиатда юз бериб, рўёбга чиқиб турадиган материя ҳаракатининг механик, физик, кимёвий ва биологик шаклларини ўрганади ва ўргатади; уларнинг ҳаракатланиш, ўзгариш, ривожланиш қонуниятларини очиб беради, бу қонуниятларнинг узлуксизлигини исботлайди. Т. тарихи умумжамият тарихи б-н мустаҳкам боғлиқдир. Т. тушунчаси фақат табиий шароитларни эмас, ижтимоий меҳнат жараёнида яратиладиган моддий бойликларни ҳам ифодалайди. Т.ни алоҳида фан сифатида ўрганиш гоялари Форобий, Ибн Сино рисолаларидан маълум. Абу Райҳон Беруний эса Т.ни мустақил фан сифатида ривожлантиришга ҳисса қўшган, ҳатто Т.ни ҳам бўлимларга бўлган ва геодезия, фармакогнозияни мустақил фанлар сифатида баён этган. Математика Т.нинг бир соҳаси сифатида келиб чиққан. Евклид, Диофант, Герон, Хоразмий, Улуғбек, Коший каби олимлар математик қонунларни Т. қонунлари асосида кашф этадилар. 17-а.дан назарий Т. яратилди. Бунинг негизида Ньютон классик механикасининг 3 аксиомаси ётади. Айниқса, унинг иккинчи $\left(\overline{F} = m\frac{d^2r''}{dt^2}\right)$ аксиомаси 18-а.да Т. соҳасида кашф этилган муҳим қонунларнинг дедуктив асоси бўлди. Натижада Т. қонунларини математик равишда исботлашга имкон яратилди. Бу даврда Лагранж, Эйлер, Гаусс, Лаплас, Бернулли ва б. олимлар кашф этган қонунларни ҳамма фанларга татбиқ этиш ҳаракатлари пайдо бўлди-ки, бу аслида нотўғри бўлиб чиқди. 19—20-а.ларда Т.нинг бу йўналишини механицизм деб, янги табиат қонунлари кашф этила бошлади. Ж. Томсон электрони, А. Беккерль радиоактивлик ҳодисасини кашф қилиши Т.да, биринчи навбатда, физикада илмий инқилобга асос бўлди. А. *Эйнштейн*нинг нисбийлик назарияси, Ч. *Лайелнинг* геол.даги, Ч. *Ларвин*, Ж. Кювье, Вейсман ва Морганнинг биол.даги, К. Бэрнинг эмбриологиядаги, шунингдек, молекуляр генетика ва ген инженерияси соҳасидаги ютуқлар Т. мазмунини бойитди. Т.нинг интенсив тараққиёти ҳоз. замон илмий-техник жараёнини муттасил тезлаштирмоқда. 21-а.да Т., техникашунослик ва жамиятшуносликни ҳамкорликда ривожлантириш давр талабидир.

Омонулла Файзуллаев.

ТАБИБ ИЛОН (Elaphe longissima) — сувилонсимонлар оиласи тури. Бўйи 2 м гача. Кичкина боши бўйнидан бир оз ажралиб турали, думи узун. Териси сиртдан силлиқ тангачалар б-н қопланган. Баъзан танасининг орқа томони ва бошининг усти саргиш-кулранг, қорамтир ёки қора бўлади. Ўрмон ва бутазорларда яшайди. Ургочиси тупроққа 5—8 та тухум қўяди. Кемирувчилар, майда қушлар б-н озиқланади. Ғарбий Европанинг жан. қисмида, Украинанинг жан.-ғарбида, Кичик Осиё, Закавказье ва Шим. Эронда тарқалган. Қад. юнонлар ва римликларнинг тиббий эмблемасида табиблик худоси — Эскулап қўлига илон ўралган асо тутқазилган. Эронликлар эса унга Т.и. деб ном беришган.

Табиб илон.

ТАБИБИЙ Аҳмад (тахаллуси; асл исмшарифи Аҳмад Али Муҳаммад ўғли, 1869—Хива—1911) — шоир, таржимон, табиб. Хива мадрасаларидан бирида ўқиган. Отасидан ва замонасининг машҳур табиби Яхшимуродбекдан табибликни ўрганган, Муҳаммад Раҳимхон II (*Феруз*) саройида табиблик қилган. Шеъриятда шуҳрат қозонган. Ўзбек ва форс-тожик тилларида, мумтоз адабиётнинг анъанавий жанрларида ижод қилган. Шеърларидан 5 девон — «Туҳфат ус-султон», «Мунис ул-ушшоқ», «Ҳайрат ул-ошиқин» (ўзбек тилида), «Миръот ул-ишқ», «Мазҳар ул-иштиёқ» (форс-тожик тилида) тузган. Уларда реал ҳаётни, соф муҳаббатни улуғлаган («Айдадинг», «Озоридур» ва б.).

Т. ўзбек адабиётида *мухаммас* жанрини ривожлантирган: Навоий, *Саъдий*, *Жомий*, *Зебуннисо*, *Мунис*, *Огаҳий*, *Мирзо Голиб* ва б.нинг газалларига 518 та мухаммас боғлаган. Хоразм шоирлари ҳақида «Мажмуат уш-шуарои пайрави Феруз Шоҳий», «Мажмуаи мухаммасоти аш-шуарои Феруз Шоҳий» (1909) тазкираларини тузган. Иккинчи мажмуаси, асосан 33 шоир мухаммасларидан ташкил топган. Унда даставвал *Огаҳий* газалларига, сўнг Феруз шеърларига боғланган мухаммаслар, кейин эса Ферузнинг «Оромижон нигорим, сарви равон нигорим» газалига *тахмис*, мухаммас ва мусаддаслар келтирилган. Хотима қисмида эса шу тўпламга кирган Умидий, Доий ва Хаёлийнинг вафоти ҳақида хабар, Баёнийнинг «Мажмуат уш-шуарои пайрави Феруз Шоҳий»га ёзган тақризи берилган.

Т. «*Вомиқ ва Узро*» қиссасининг ўзбекча шеърий (маснавий) вариантларини яратган (8100 байт). Фузулийнинг «Ҳафт жом» асарини форс-тожик тилидан ўзбекчага таржима қилган. «Етти равза» номли асар ҳам ёзган. Асарларининг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ас.: Танлаган асарлар, Т., 1968.

Ад.: Ғаниҳўжаев Ф., Табибий, Т., 1978.

ТАБИБЛИК — халқ табобати асосида беморларни даволаш. Шарқ халқларида бир неча минг йиллик тарихга эга бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб, ривожланиб келган. *Авестода* таъкидланишича, табиблар қарор топган қонунқоидалар асосида беморларни даволашган. Табиблар одамларни шунчаки гиёҳлар ва маъданлардан тайёрланган дори-дармонлар б-н даволабгина қолмай, ҳатто кўз жарроҳлиги амалиётини ҳам бажаришган. Ўрта асрларда фақат Хоразм ва Хуросонда эмас, савдо ва маданият маркази бўлган Самарқанд, Бухоро ва б. шаҳарларда ҳам табиблар беморларни марказлашган сиҳатгоҳларда даволаш б-н шуғулланишган. Табиблар замонасининг ўқимишли ва тиббиётда маълум тажрибага эга кишилари бўлган (қ. *Соғлиқни сақлаш*). Ниҳоятда тажрибали, етук, ўқимишли табибларни халқ ҳаким деб атаган. Буқрот (*Гиппократ*), Жолинус (*Гален*), Абу Бакр ар-*Розий*, Абу Али *ибн Сино* каби ҳакимлар машҳур. 20-а.нинг 20-й.ларига қадар Ўзбекистонда тиббиёт ўчоги бўлмаганлиги сабабли, Т. отадан болага ўтадиган касб бўлиб келган. Табиблар орасида Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китобидан фойдаланиб маҳаллий гиёҳлардан турли дорилар тайёрлаб синган-чиққанларни даволаган обрў-эътиборлилари талайгина. Тошкентлик ака-ука табиблар Восидхон ва Хомидхон Зоҳидхоновлар тиббиёт соҳасида илмий рисолалар ёзишган, терапия, гигиена масалаларига аҳамият беришган. Тошкентлик Акмалхон Маҳмудхонов, Комил Салимов, Иброҳим Шукуров, самарқандлик Уста Тўхта Назар ўғли, бухоролик Бурхон Саидов ва б. машҳур табиблар кишилар дардига малҳам бўлишган. Айрим табиблар эса ҳайвонларда тажриба қилиб кўриб, синган-чиққанларни даволашган. Табиблар фойдаланган баъзи бир доривор воситалар ва усуллар кейинчалик ботаника (доривор ўсимликлар), тиббиёт, зоология ва б. илмий соҳаларнинг ривожланишига асос бўлди.

Шўролар даврида Т. касби маълум вақтгача *врач* фаолиятига зид қўйилиб, ниҳоятда камситиб келинди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг илмий тиббиёт б-н бир қаторда Т. касби ривож топиб, доривор ўсимликлар б-н кўплаб касалликларни, синган-чиққанларни даволаётган табиблар ҳам фаолият кўрсатишади.

ТАБИБУЛЛАЕВ Саъдихон (1906.15.6, Бухоро — 1992.11.9, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1949). Бухоро педагогика билим юрти (1922—24), Москвадаги Ўзбек драма студияси (1924—27)да ўқиган. 1927—92 й.лар Ҳамза театрининг актёри. Асосий роллари: Табиб (В. Ян, «Ҳужум»), Ёсуман (А.Навоий, «Фарҳод ва Ширин»), Хлестаков (Н. Гоголь, «Ревизор»), Ҳасан элликбоши (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Яхшивой (К. Яшин, «Номус ва муҳаббат»), Мансур (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Мирзакаримбой (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Сухсуров (А.Қаҳҳор, «Тобутдан товуш»), Масхара (У. Шекспир, «Қирол Лир»), Мусулмонқул (И. Султон, «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари»), Ислом ота (Ҳ. Муҳаммад, «Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома») ва б. Масхара образида қаҳрамонининг бўрттирилган сатирик хусусиятларини чуқур фожиавийлик б-н уйғунлаштиради. Образ табиати, кўриниши, хаттиҳаракатлари, нутқининг равонлиги, сержило овози, гримларини либосга узвийлигини таъминлаш Т. ижодига хосдир. Унинг ижросидаги катта-кичик, ҳатто увоқ образлар ҳам спектаклда муҳим аҳамият касб этган. Руҳи баланд ва меҳнаткаш, ҳаётда хўрланган, жамиятда камситилган кимсалар қиёфасини гавдалантириш б-н бирга калондимог ва буқаламунлик, риёкорлар ички ва ташқи оламини очишда ноёб усуллар танлай билган. У бир қанча фильмларда ҳам суратга тушган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

Саъдихон Табибуллаев «Зебуннисо» спектаклида.

Тошпўлат Турсунов.

ТАБИИЁТ — қ. *Табиатшунослик*.

ТАБИИЙ БИРЛИКЛАР ТИЗИМИ — асосий бирликлар қилиб фундаментал физик доимийлар (мас., гравитацион доимий G, ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги c, *Больцман доимийси* k ва *Планк доимийси* h, *Авогадро сони* N_A, электрон заряди e, электроннинг тинчликдаги массаси m_e ва б.) қабул қилинган бирликлар тизими. Т.б.т.ни биринчи бўлиб М. *Планк* таклиф этган (1906). Т.б.т.даги асосий бирликларнинг ўлчами табиат ҳодисаларига асосланиб аниқланади; бу хусусияти б-н у бошқа бирликлар тизимидан бутунлай фарқ қилади. Т.б.т.да узунлик, масса ва вақт бирликлари ўта кичик қийматга (мас., Планк тизимида $4{,}03\cdot10^{-17}$ м га; $5{,}42\cdot10^{-8}$ кг га; $1{,}34\cdot10^{-43}$ с га мос) ва, аксинча, т-ра жуда юқори қийматга эга ($3{,}63\cdot10^{32}$ С). Шунинг учун Т. б.т.ни амалда қўллаш ноқулайдир. Бироқ Т.б.т.ни қўллаш кўпинча назарий физика тенгламаларини соддалаштириб ёзишга имкон беради.

ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАР — қ. *Табиат ресурслари*.

ТАБИИЙ ГАЗЛАР — турли ҳолатларда учрайдиган газ компонентлари мажмуи. Т.г. табиатда учрайдиган ҳолатига қараб қуйидагича таснифланади: ат-

мосфера газлари (кимёвий, биокимёвий, радиоген йўл б-н ҳосил бўлган *газлар* аралашмаси): *ер пўсти газлари* (тупроқдаги, тупроқ остидаги, балчиқдаги ва биоген йўл б-н ҳосил бўлган торф газлари CO_2, N_2, O_2 CH_4 ни CO, NH_3, H_2 ва б. б-н аралашмаси); чўкинди жинслар газлари (нефть ва тошкўмирдаги газлар, кимёвий йўл б-н ҳосил бўлган аралаш газлар: CH_4, N_2, CO_2 CH_4 ни H_2 ва б. газлар б-н аралашмаси); денгиз ва океан газлари (биокимёвий, кимёвий ва радиоген йўл б-н ҳосил бўлган газлар: CO_2, N_2 ни H_2O_2, NH_3 ва б. б-н аралашмаси); метаморфик жинслар газлари (кимёвий йўл б-н ҳосил бўлган газлар: CO_2, H_2 ни N_2, H_2S, SO_2 ва б. б-н аралашмаси); вулкан газлари (кимёвий йўл б-н ҳосил бўлган газлар: CO_2, H_2, SiO_2, HCL, HF ни N_2, CO, NH_3 ва б. б-н аралашмаси); коинот газлари (реликт газлар, юлдузларнинг ташқи қатламлари атмосферасидан ажралган газлар ёки янги ва жуда янги портлашда ажратилган газлар: H_2, He, ионлашган водород, CO аралашмалари, CH, OH радикаллари б-н); (яна қ. *Ёлғончи табиий газлар*).

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР — табиатда модда ва энергия ўзгаришлари ҳамда умуман, табиий *географик мажмуа*ларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи барча ҳодисалар. Булар атмосфера циркуляцияси, намликнинг айланиши, рельеф ҳосил бўлиши, нураш, тупроқ ҳосил бўлиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг мавсумий ҳамда асрий ўзгаришлари, компонентлараро алоқаларда рўй берувчи жараёнлардан иборат. Т.г.ж.ни тадқиқ этиш *ландшафт*ларни динамик тузилма сифатида ўрганишга, уларни муҳофаза қилиш ва ўзгартиришнинг оқилона йўлларини танлашга имкон беради. Географик мажмуалараро ҳамда компонентлараро модда ва энергия алмашинувини аниқлаш айниқса катта назарий аҳамиятга эга. Т.г.ж. вақт давомида (даврий) ва муайян тартибда (бирин-кетинлик б-н) такрорланиб туради. Мас., ҳаво ҳарорати, намлиги, шамоллар, ёруғлик кеча-кундуз давомида, турли хил об-ҳаво фасллар давомида, фасллар йил давомида алмашиниб (такрорланиб) туради. Шунингдек, тог жинсларининг нураши, сув тошқини ва б. ҳам муайян тартибда такрорланади.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЗОНАЛАР, қуруқликнинг табиат зоналари — иқлим омилларига боғлиқ равишда, асосан, иссиқлик б-н намлик миқдори ва нисбатига қараб муайян тартибда қонуний алмашиниб борадиган географик (ландшафт) қобиқнинг йирик бўлинмалари. Зоналар алмашинуви экваторлан қутбларга ва океанлардан материк ичкарисига томон юз беради. Улар, одатда, кенглик бўйлаб чўзилган бўлиб, аниқ чегараларга эга эмас, аста-секин бир-бирига утиб боради. Ер юзида рўй берадиган ҳодисалар Ернинг ички кучларига ва Қуёшдан келадиган радиация миқдорига боғлиқ. Ер шар шаклида бўлганлиги учун Қуёшнинг нур энергияси бир текисда тақсимланмайди. Бу омиллар табиий шароити бир-биридан тубдан фарқ қиладиган Т.г.ларни вужудга келтиради: Қуёшнинг нур энергияси экваторлан қутбларга томон турли миқдорда тушганлигидан т-ра, буланиш, булутлар, ёғинлар, рельеф ва шамоллар, нураш ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари, сув, ўсимликлар ва б. зоналар ҳосил қилган. Ҳар бир янги учун уни ташкил этган *табиат компонентлари* ва жараёнлари (иқлим, гидрологик, геокимёвий, геоморфологик, тупроқ ва ўсимлик қопламаси ҳамда ҳайвонот дунёсининг типик хусусиятлари хос. Кўпгина Т.г.з.га унинг энг ёрқин индикатори — ўсимлик типига қараб ном берилган (ўрмон зонаси, дашт зонаси, саванна зонаси ва ҳ.к.). Зоналар, ўз навбатида, нисбатан тор бўлимлар — табиий географик кичик зоналарга ажратилади, мас., дашт зонасида қуруқ ва типик дашт зонаси, мўътадил минтақа ўрмонлари зонасида тайга, аралаш ва кенг баргли ўрмонлар зонаси фарқ қилинади. Ер шарида *табиий географик минтақалар* ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бирининг зонал системаси — текисликларда зона ва кичик зоналар, тоғларда *баландлик минтақалари* тўплами мавжуд.

Шим. ярим шарда қуйидаги зоналар бор: Арктика муз саҳролари, тундра, ўрмон тундра, мўътадил минтақа ўрмонлари, мўътадил минтақа ўрмон-даштлари, мўътадил минтақа чала чўллари, мўътадил минтақа чўллари, субтропик доим яшил ўрмонлар ва бутазорлар, субтропик аралаш муссонли ўрмонлар, субтропик ўрмон-даштлар, субтропик дашт лар, субтропик чала чўллар, субтропик чўллар, сернам тропик ўрмонлар, тропик сийрак ўрмонлар, қуруқ ўрмонлар ва саванналар, тропик чала чўллар, тропик чўллар, субэкваториал муссонли аралаш ўрмонлар, экваториал ўрмонлар (гилея) зоналари. Жан. ярим шарда эса тундра зонаси, ўрмон тундра зонаси, мўътадил минтақа чўллари зонаси учрамайди.

Т.г.з. палеогеографик ривожланиш жараёни давомида сезиларли ўзгаришларга учраган. Қуруқлик ва денгизлар майдонининг, рельеф, иқлим шароитлари материклининг ўзгариши б-н боғлиқ ҳолда зоналар ҳам ўзгариб келди ёки бошқалари б-н алмашди. Баъзи зоналар четарасида инсон фаолиятлари ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Зона ва кичик зоналарни шартли ажратишга талқинчилар турлича ёндошадилар.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК МИНТАҚАЛАР — географик қобиқнинг энг йирик зонал табиий географик бўлими. Ҳар бир Т.г.м. иссиқлик ва намликнинг алоҳида режими, ҳаво массалари, уларнинг циркуляцияси, биогеокимёвий ва геоморфологик жараёнларнинг кетма-кетлиги, ўсимликларнинг вететашия даври, ҳайвонлар миграцияси, моддаларнинг айланма ҳаракати ва б. хусусиятлари б-н фарқ қилади. Иқлим омиллари, асосан, иссиқлик ва намликка боғлиқ равишда ҳар бир Т.г.м. ичида *табиий географик зоналар* ажратилади. Минтақалар экватордан қутбларга ва тог этакларидан чўққиларга томон, шунингдек, паст атмосфера босимли станционар серёғин областлардан арил ландшафтли, об-ҳавонинг антициклон ҳолатдаги юқори босимли областлари томон ўзгариб боради.

Қуруқликда 1 экваториал ва 2 талаи субэкваториал, тропик, субтропик, мўътадил, субқутбий (субарктика ва субантарктика), қутбий (арктика ва антарктика) минтақалар ажратилади. Қуруқликлаги Т.г.м.га ўхшаш минтақалар Дунё океанида ҳам кузатилади. Уларнинг жойлашган ўрни радиация баланси оқибатида келиб чиқадиган иссиқлик, буғланиш, булутлилик, сувнинг шўрлиги ва зичлиги б-н, эсадиган шамоллар ва денгиз оқимлари, сувнинг вертикал циркуляцияси, таркибидаги кислород, планктон ва организмлар миқдори б-н белгиланади. Одатда, бу шароитлар кенгликлар бўйича аста-секин ўзгаради, денгиз оқимлари эса Кориолис кучига мувофиқ тарзда ўз минтақа чегарасидан чиқиб бошқа минтақа хусусиятларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Шунинг учун, океанларнинг географик минтақаларини белгилашда асосий сув массаларининг конвергенция чизиғи, қутбий ўлкаларга яқин областлардаги кўп йиллик ва мавсумий музлар ва ш.к. табиий чегаралар муҳим аҳамиятга эга. Яна минтақалар тўғрисида алоҳида мақолаларга қ. (*Антарктика минтақаси, Арктика минтақаси* ва ҳ.к.).

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК МУҲИТ — қ. *Географик муҳит.*

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ОБЛАСТЬ — *табиий географик районлаштиришнинг* таксономик бирлиги. Ландшафтларни ёши, қандай етган ёткизиқлари, рельефи, гидрографик хусусиятлари, биоценозларининг турлари ва ривожланиш тарихи бўйича бирлаштиради. Одатда, *табиий географик ўлка*нинг таркибий қисми (баъзан синоними) сифатида қўлланилади. Т.о.т. турли зона ва кичик зоналарга тааллуқли бўлиши мумкин.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШ — ер юзасининг ички бирлиги ва табиатининг ўзига хос хусусиятига эга ҳудудий бўлинмалари системаси. Т.г.р. — *табиий географиянинг* синтез шаклларидан бири, яъни ўзига хос илмий тадқиқ қилиш жараёнидир. Т.г.р.нинг объекти — турли таксономик қийматга эга бўлган табиий ҳудудий комплекслар. Вазифаси эса, шу комплексларни аниқлаш, харитага тушириш ва маълум тартиб б-н тавсифлаб беришдан иборат. Т.г.р. орқали географик қобиқнинг табиий-ҳудудий комплексларга табақаланиш сабаблари, уларнинг бир бутунлиги, четараларн, структураси ва уларда кечадиган табиий географик жараёнлар аниқланади. Районлаштириш табиий муҳитнинг барча ёки деярли барча компонентларини қамраб олувчи белгилар мажмуи ҳамда рельеф, иқлим, тупроқ ва ш.к. аниқ бир хусусий белгилари бўйича амалга оширилади. Ҳар бир регионга зонал (ер юзасига тушадиган қуёш радиациясининг кенглик бўйлаб тақсимланиш б-н белгиланадиган) ва азонал (Ер пўстининг гипсометрик ўрни, унинг таркиби ва ҳаракати, денгиз ва қуруқликларнинг нисбати) омиллар таъсир этади. Т.г.р.нинг назарий асосини ҳудудий табиий географик дифференциация қонунияти ташкил этади. Зонал белгиларга кўра табиий географик минтақалар, табиий географик зоналар ва табиий географик кичик зоналар, азонал белгиларга кўра табиий географик ўлкалар ва табиий географик областлар ажратилади. Районлаштиришнинг сўнгги босқичи — табиий географик район бўлиб, у ҳар икки — зонал ва азонал шароитларга мос бўлиши керак. Т.г.р.да маълум принцип ва методлар (комплекслилик принципи, генетик бирлилик, бир хиллилик, ҳудудий умумийлик принциплари ва бош омил методи, ландшафт типологик харитани таҳлил қилиб ҳудудий комплексларни аниқлаш методи)га амал қилинади. Т.г.р.да аниқланган табиий ҳудудий комплексларни маълум бир тартиб б-н харитада акс эттириш ва тавсифлаб беришда таксономик бирликлар схемасидан фойдаланилади. Мас., Ўрта Осиё табиий географик ўлкасини районлаштиришда қуйидаги схема қабул қилинган: ўлка — провинция — кичик провинция — округ — район. Т.г.р. масштабига кўра 3 хил бўлади: майда масштабли (ўлка, зона, провинция каби таксономик бирликларни аниқлаш б-н боғлиқ бўлган ва масштаби 1:1000 000 дан майда бўлган районлаштиришлар), ўрта масштабли (кичик провинция, округ ва район бирликлари, масштаби 1:1000 000 дан 1:100000 гача) ва йирик масштабли районлаштиришлар (1:100000 ва ундан йирик масштабли бўлиб, кўпроқ кичик ҳудудларни талқин қилишда қўлланилади ва бевосита дала шароитида тўпланган маълумотларга асосланади).

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ХАРИТАЛАР — табиатда содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар (табиат компонентлари)ни алоҳида ёки уларнинг қонуний уйғунлигини (географик жойлашиш ҳолатини ҳамда улар орасидаги ўзаро боғланишини) тасвирловчи махсус харитаси. Табиий ҳодисалар харитаси деб ҳам юритилади. Геологик, геофизик, геокимё, геоморфологик, метеорологик ва иқлим, гидрологик (қуруқлик сувлари), океанологик (океан ва денгиз сувлари), тупроқ, геоботаник, зоогеографик ва б. махсус мавзули хариталар (мас., денгиз ва дарё навигация харитлари), шунингдек, ландшафт харитлари Т.г.х.нинг асосий типлари ҳисобланади. Тасвирланаётган ҳодисаларни илмий тадқиқ этиш усулларига ва мавзунинг умумлаштириш даражасига қараб аналитик (мас., жасига қараб аналитик элементлари), иқлимнинг алоҳида элементлари), комплекс (синоптик, топографик харитлар) ва синтетик (иқлимни районлаштириш харитлари) Т.г.х.га бўлинади. Фойдаланиш мақсадларига кўра, ўқув харитлари, илмий-маълумотнома, тарғибот ва ташвиқот, оперативхўжаликлар, навигация, картадастр, йўллар, туристик ва б. харитларга, тасвирланаётган майдонига кўра дунё, ярим шарлар, материклар, океанлар, алоҳида давлатлар, республикалар, вилоятлар ва б. маъмурий бирликлар харитларига бўлинади. Аниқ мақсадлар учун ихтисослаштирилган харитлар, мас., табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, табиий географик башорат ва ҳ.к. харитлар ҳам тузилмоқда. Т.г.х. тузишда дала кузатишлари ва махсус съёмка (ландшафт ва б.) материалларидан, шунингдек, аэро- ва космик суратлардан кенг фойдаланилади. Табиий объектларнинг шакли, ўлчамлари, сифат ва миқдор тавсифлари ҳамда динамикасини ҳар тарафлама акс эттиришда мавжуд барча харитаграфик усуллардан фойдаланилади.

1963 й.да Ўзбекистоннинг биринчи «Табиий географик атласи», 1982—85 й.ларда 2 қисмдан иборат «Ўзбекистон атласи» илмий-маълумотнома нашр этилган. 1994—2004 й.ларда Ўзбекистоннинг 1:1000000 ва 1:1500000 масштабли деворий табиий, экологик, иқлим ва табиатни муҳофаза қилиш харитлари, 1:2000000 масштабли Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий ўқув харитаси нашр этилди. Майда масштабли атлас харитлари янгиланди.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЎЛКА — табиий географик районлаштиришнинг йирик бирликларидан. Т.г.ў. йирик табиий ҳудудий мажмуа бўлиб, майдони бир неча юз минг км² дан млн. км²гача бўлиши мумкин. Т.г.ў. кўп ҳолларда макрорельеф тузилиши жиҳатидан яхлит бўлиб, Ер пўстининг йирик морфоструктураси (платформа, плита, қалқон, бурмали ўлка)га тўғри келади. Мас., Шарқий Европа текислик ўлкаси, Ўрта Сибирь ясситоғлик ўлкаси, Ўрта Осиё текислик ўлкаси, Ўрта Осиё тоғли ўлкаси ва ҳ.к. Т.г.ў.ларни аниқлашда орографик ва морфоструктуравий хусусиятлардан ташқари макроиқлим ва атмосфера жараёнларининг макрорегионал хусусиятлари, кенгликлар бўйлаб минтақаланиш каби хусусиятлар ҳам эътиборга олинади.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ — Ернинг *географик қобиғи* табиий таркиби ва унинг структуравий қисмлари: барча даражадаги табиий ҳудудий мажмуаларини (шунингдек, сув ҳавзаларини ҳам) ўрганувчи фан; табиатшунослик фанларининг муҳим тармоқларидан бири. Табиий *географик мажмуа*ларнинг макон ва замонда объектив мавжудлигини эътироф этиш Т.г.ни энг муҳим методологик тамойилларидан бири.

География қобиқнинг мураккаб тузилиши ва хусусиятлари уни ҳар томонлама тадқиқ қилишни, яъни бир бутун ҳамда алоҳида компонентлар бўйича ҳам ва ундаги катта-кичик табиий географик мажмуалар бўйича ҳам тадқиқ қилишни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, Т.г.нинг тармоқланишига олиб келади. Ҳоз. кунда Т.г.нинг қуйидаги асосий тармоқлари мавжуд: умумий *ер билими, регионал география, ландшафтшунослик, палеогеография*, хусусий география (*иқлимшунослик, геоморфология, биогеография* ва ҳ.к.).

Тарихи. Дастлабки географик тасаввурлар юнон олимлари Фалес (мил. ав. 625—547 й.лар), Анаксимандр (мил. ав. 610—347 й.лар), Милетлик Гекатей (мил. ав. 546—480 й.лар), Геродот (мил. ав. 486—425 й.лар), Платон (мил. ав. 427—347 й.лар), Аристотель (мил. ав. 384—322 й.лар)нинг табиат фалсафаси ёки тарихга оид асарларида учрайди. «География» номли биринчи илмий асар Эратосфен (276—194 й.лар) томонидан яратилган. Бу асар ўз даврига тўпланган географик маълумотларни тартиб б-н таҳлил қилишнинг энг дастлабки намунаси бўлган. Юнон олимларининг асарларида ҳоз. вақтда ҳам мавжуд бўлган математик геогр., мамлакатшунослик, районлаштириш ва тасвирий геогр. каби йўналишларга асос солинган эди. Географик хариталарнинг илк намуналари ҳам улар томонидан яратилган.

Илм-фан, маърифат ва маданият, шунингдек, Осиёда, яъни ғарбда Ўрта денгиз бўйларидан, шарқда Хитой чегарасигача, шим.да Орол денгизи кенгликларидан жан.да Арабистон денгизи қирғоқларигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган Шарқ оламида ривожлана бошлади. Бу даврда, айниқса, 9—11-а.ларда фан ва маданият тез суръатларда ривожланди, юзлаб илм-фан намояндалари, олимлар етишиб чиқди. Улардан Мовароуннаҳр ва Хуросон олимлари етакчи ўринларни эгаллаган. Ўша даврда яшаб, ижод қилган ва жаҳон фанида ўчмас из қолдирган Муҳаммад ибн Мусо ал-*Хоразмий*, *Аҳмад ал-Фарғоний*, *Жайҳоний*, *Абу Зайд* ва *Абу Маъшар Жаъфар*лар, Абу Райҳон *Беруний*, Маҳмуд *Кошғарий* кабилар шундай олимлардан. Улар Ер меридиани узунлигини аниқлаш, жойларнинг географик координаталари жадвалларини тузиш, географик хариталар тузиш, айрим географик ҳодиса ва жараёнларнинг сабабларини изоҳлаш, турли мамлакатлар табиатини тасвирлаб ёзиш ишларини давом эттирдилар. Кўпгина тарихий-географик ва астрономик-геофизик асарлар ёзилди. Ўрта асрлардаги Шарқ олимларининг географик мероси И.Ю.*Крачковский*, Ҳ.*Ҳасанов*лар томонидан таҳлил қилинган.

Т.г.нинг ривожланиши тарихида 15—16-а.ларда Европадаги Уйғониш даври б-н боғлиқ бўлган *Буюк географик кашфиётлар* муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўша вақтда янги ерларнинг европаликлар учун маълум бўлиши табиатшуносликнинг, шу жумладан, Т.г.нинг тараққиёти учун ҳам туртки бўлди. Инсонларнинг географик тасаввур доираси анча кенгайди. Ўша даврда Мовароуннаҳрда Ҳофизи Абрў, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо *Улуғбек*, *Бобур*, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо кабилар ўз асарлари б-н тасвирий географиянинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Т.г.нинг тарихидаги яна бир муҳим босқич 19-а.нинг 1-ярмидан 20-а.нинг 60-й.ларигача давом этиб, янги илмий Т.г.нинг шаклланиши б-н тавсифланади. Бу даврнинг бошланиши немис табиатшуноси А. *Гумбольдт* асарларига бориб тақалади. Унинг буюк хизмати *табиат компонентлари* орасидаги ўзаро алоқадорликнинг таҳлили геогр. фани учун қандай аҳамиятга эга эканлигини очиб беришда эди. Т.г.даги бу гоя кейинчалик В. *Докучаев*, Л.С.*Берг*, А. Григорьев, С.В.*Калесник* ва б. томонидан ривожлантирилди. Натижада Ернинг географик қобиғи, табиий географик комплекс ва *ландшафт* ҳақидаги таълимотлар юзага келди. Бир қанча табиий географик қонуниятлар аниқланди, янги изланиш методлари яратилди, илмий экспедициялар уюштирилди. Жойларнинг табиий шароити ва табиий бойликларини ўрганиш ишлари жадаллашди. Шарқий Европа текислиги, Кавказ, Ўрта Осиё, Сибирь ва Узоқ Шарқ регионларининг табиати ва табиий ресурслари ҳақида йирик илмий асарлар юзага келди. Шулар қаторида Ўрта Осиёда изланишлар олиб борган табиатшунос олимлар Н.А.Димо, Р.И. Аболин, Д. Н. Кашкаров, Е.П.Коровин, Қ.З.Зокиров, И.А.Райкова, Н.Л.Корженевский, В.М.Четиркинларнинг ишлари аҳамиятли бўлди.

20-а.нинг ўрталаридан бошлаб Т.г. тадқиқотларининг, географик муассаса ва илмий марказларнинг кўлами янада ортди. Географлар сони ҳам ошди, янги-янги илмий йўналишлар шаклланди. Жумладан, геофизика, геокимё, экологик йўналишлар ривожланди. Янги илмий тушунчалар (географик фазо, Ернинг ландшафт қобиғи, ландшафтлар морфологияси, антропоген ландшафт ва ҳ.к.) ҳамда географик қонуниятлар (ландшафт қобиғининг мозаиклиги, дискретлиги, географик зоналликнинг даврийлик қонуниятлари, қутбий асимметрия) вужудга келди. *Табиий географик районлаштириш* ишлари янги босқичга кўтарилди. Унинг назарий асослари, методлари такомиллашди. Т.г. конструктив босқичга ўтди. Табиий компонентларни амалий мақсадларда баҳолаш, уларнинг тараққиёт йўналишларини аниқлаб, келажакдаги ўзгаришларини башоратлаш тамойиллари ва методлари ишлаб чиқилди. Ўзбекистонлик географ олимларнинг давраси анча кенгайди. Таниқли олимлар Л.С.*Бабушкин*, О.Ю.Пославская, Н.А.*Когай*, М. Қориев, Н.Д.*Лозимов*, Ҳ. *Ҳасанов*лар қаторига П.Баратов, М.Маматқулов, П.Ғуломов, А.Саидов, Ю.Султонов, Л.*Алибеков*, А.Абдулқосимов, А.Рафиқов, Ш. Зокиров, Ш.Эргашев, И.Ҳасанов, И.Аблуганиев, И.Назаров каби олимлар келиб қўшилди. Улар Ўзбекистон ва унинг айрим ҳудудларининг табиий ва антропоген ландшафтларини тадқиқ қилдилар, табиий географик районлаштириш, табиий географик баҳолаш, табиий географик мажмуаларнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва башоратлаш ишларида самарали меҳнат қилдилар.

Назарий асослари. Умумий Т.г.нинг назарий асослари негизида қуйидаги энг муҳим географик қонуниятлар ётади: 1) географик қобиқнинг бир бутунлик қонунияти; 2) айланма ҳаракатлар қонунияти; 3) географик қобиқнинг даврийлик қонунияти, яъни барча табиий географик ҳодиса ва жараёнларнинг маълум вақт давомида такрорланиш қонунияти; 4) географик қобиқнинг ҳудудий табақаланиш қонунияти, яъни ривожланиш жараёнида газларнинг қобиқ структурасининг майдонда ўзгариши, каттакичик табиий ҳудудий мажмуаларга бўлиниши. Бу қонуният табиий географик районлаштириш учун назарий асосдир; 5) географик зоналлик қонунияти — табиатда географик минтақалар ва табиат зоналарининг мавжудлиги шаклида намоён бўлади; 6) географик зоналликнинг даврий қонунияти, яъни бир типдаги географик зонанинг турли географик минтақаларда учраши қонунияти; 7) азоналлик қонунияти географик минтақаларнинг географик узунлиги бўйича секторларга бўлиниши, ландшафт зоналарининг ҳам шу йўналишда табақаланиши ва ландшафтларнинг баландлик минтақалари мавжудлигида ўз ифодасини топиши; 8) зоналлик ва азоналликнинг бир бутунлиги қонунияти; 9) Ер шарининг қутбий асимметрия қонунияти. Унинг асосида Ернинг шакли, қуруқлик ва сувларнинг, организмларнинг тақсимланиши, иқлимлар, географик қобиқ структураси, музликлар майдони ва шакллари, геологик тарихига кўра шим. денгизларнинг Жан. ярим шардагилардан фарқ қилиши ётади; 10) географик қобиқнинг ривожланиш қонунияти, бу ривожланишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч — табиатдаги зонал ва азонал ҳодисаларнинг ўзаро курашидан,

ривожланиш шакли эса даврийликдан иборат; 11) географик қобиқнинг нотекис ривожланиши қонунияти. Турли ландшафтлар турли ешда бўлиб, турлича тезликда ривожланади. Бу қонуниятнинг муҳим томони шундаки, ландшафтлар бири иккинчисидан таркибига кўра эмас, балки ёшига ва ривожланиш босқичи ҳамда суръатларига қараб ҳам фарқ қилишини ҳисобга олиниши ва ландшафтлар ўзгартирилаётганда бу қонуниятга амал қилинишини тақозо этади.

Умумий Т.г. ҳозирги вақтда географик қобиқнинг бир бутунлиги ва ривожланиши тўғрисидаги янги гоялар б-н бойиди, ландшафт қобиғи, географик фазо назариялари олга сурилди, сайёравий миқёсдаги географик башоратга асос солинди, географик системалар ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилди. Ер юзасининг морфоструктураси ва морфоскульптураси ҳақидаги янги тасаввур вужудга келди. Ландшафтларнинг ёши ва уларни таснифлашнинг регионал муаммолари таҳлил қилинди, Т.г.нинг экология б-н яқинлиги ва узвий боғлиқлиги асослаб берилди. Инсон фаолиятининг географик қобиқдаги табиий жараёнларга, географик муҳитга бўлган таъсирининг салбий ва ижобий оқибатларини ўрганиш, бу оқибатларни олдиндан айтиб бериш, и.т.ларда геофизикавий, геокимёвий, математик, экологик методларни қўллашга бўлган эътибор кучайди, янги экологик йўналиш юзага келди. Ҳоз. замон Т.г.да табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва *табиатни муҳофаза қилиш* муаммоаси асосий ва долзарб муаммо ҳисобланади.

Т.г.нинг ҳудудларни табиий географик тавсифлаш методлари ҳам такомиллашиб борди. Бу кейинги йилларда яратилган кўплаб монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмаларида акс этган. Ҳоз. кунда Т.г. фани ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг кўпчилиги, асосан, унинг объекти ва предметининг мураккаблиги, ўзига хос хусусиятлар б-н ва фаннинг ҳоз. тараққиёт босқичида халқ хўжалиги қўяётган вазифаларнинг мураккаблиги б-н боғлиқдир. Шундай муаммоларнинг айримлари «инсон—табиат» системасидаги ўзаро таъсир оқибатида юзага келаётган муаммолардан. Сайёравий миқёсда рўй бераётган иқлим ўзгариши, регионал кўламда Орол ва Оролбўйи муаммолари, чўллашиш, табиий ресурсларнинг тез суръатларда камайиши, табиий муҳитнинг ифлосланиши каби муаммолар шулар жумласидан.

Ад. Анучин В.А., Теоретические основы географии, М., 1972; Зокиров Ш.С., Ландшафтшунослик асослари, Т., 1994; Ҳасанов И. А., Ғуломов П. Н., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002; Калесник С.В., Общие географические закономерности Земли, М., 1970; Мильков Ф.Н., Общее землеведение, М., 1990; Юренков Г.И., Основные проблемы физической географии и ландшафтоведение, М., 1982.

Шуҳрат Зокиров.

ТАБИИЙ КАУЧУК — қ. *Каучук*.

ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯ — бозорда муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришда рақобатли шароитларни яратиш технологик хусусиятларга кўра мумкин бўлмайдиган ёки иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлмайдиган ҳолат. Т.м.лар фаолияти уларнинг мамлакат иқтисодиётида эгаллаган аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан тартибга солинади.

Т.м. таркиби турли мамлакатларда турлича. Кейинги йилларда кўпчилик мамлакатларда Т.м.лар доирасини қисқариб бориши кузатилмоқда. Ўзбекистонда Т.м. соҳалари халқаро амалиётга нисбатан бирмунча кенгроқ. Уларнинг шаклланиши ўтиш даврида иқтисодиётни қайта қуриш ва бошқариш бўйича юзага келган тузилмалар б-н боғлиқ. Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги (1997 й. 25 апр.; янги таҳрирда 1999 й. 19 авг.) қонунига мувофиқ Ўзбекистонда қуйидаги соҳаларда Т.м. субъектларининг фаолияти давлат томонидан тартибга солинади: нефть, нефть ва газ конденсати, табиий газ ва кўмир қазиб чиқариш, нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувурлар орқали ташиш, электр ва иссиқлик энергиясини и.ч. ва узатиш, т.й.ларда юк ва йўловчилар ташиш, умумий эркин фойдаланиладиган электр ва почта алоқаси хизматлари, сув қувурлари ва канализация хизматлари. Портлар ва аэропортлар кўрсатадиган хизматлар ҳам Т.м.лар тизимига киритилган.

Т.м. соҳаларида давлат иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири уларни таркибий жиҳатдан қайтадан ташкил этиш, яъни Т.м.ларни янада самарали фаолият кўрсатишига ёрдам берувчи бозор муносабатлари изига кўчириш ҳисобланади. Т.м. субъектлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси назорат қилади (яна қ. *Монополия*, *Монополиядан чиқариш*).

ТАБИИЙ НИТРАТЛАР — минераллар синфи, азот кислотасининг табиий тузлари. Т.н.нинг асосий минераллари: натрийли, калийли, аммонийли селитралар, дарапскит, нитромагнезит, нитрокальцит, нитробарит, герхардтит, ликазит, буттгенбахит. Структураси табиий карбонатларникига ўхшаш, лекин барқарорлиги кам. Т.н., одатда хиралашган тузсимон массалар, юпқа қоплама доғлар сифатида ва пўстлоқчалар кўринишида учрайди. Барча селитралар сувда яхши эрийди, совитиш хусусиятига эга. Табиатда Т.н., асосан, 2 йўл б-н: биоген ва қуёш радиацияси ёки чақмоқ чақиш таъсирида атмосферадаги азотнинг оксидланиши натижасида ҳосил бўлади. Т.н. қуруқ-иссиқ иқлим шароитида тўпланади, акс ҳолда улар сувда тез эриб кетади. Конлари Ҳиндистон, Жазоир, Италия, АҚШ, Венгрия ва б. мамлакатларда бор. Чилида Т.н. галогенид, сульфат, селенат ва баъзи иодатлар б-н ассоциацияда учрайди. Бу конларда калий ва натрий селитраси асосий захираларни ташкил қилади. Ишқорли Т.н. азотли органик жисмлар ва ишқорли тузлар (мас., тоғ жинслари дарзликлари ва бўшлиқларида калий ва натрий селитраларининг уюмлари)нинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлади. Ҳоз. даврда Т.н. чекланган миқдорда қазиб олинади, чунки азот бирикмаларининг асосий массаси кимёвий йўл б-н олинади. Т.н.нинг кўп тарқалганлари — натрий ва калий селитралари, асосан, азот кислотаси и.ч.да ишлатилади. Т.н.дан *азотли ўғитлар* тайёрлашда фойдаланилади.

ТАБИИЙ СМОЛА — қ. *Смола*.

ТАБИИЙ СУЛЬФАТЛАР — қ. *Сульфатлар*.

ТАБИИЙ СУЛЬФИДЛАР — қ. *Сульфидлар*.

ТАБИИЙ ТАНЛАНИШ — организмлар эволюциясининг асосий ҳаракатлантирувчи омили. Т.т. ҳақидаги таълимот Ч. *Дарвин* томонидан яратилган (1858—59). Олимнинг фикрича, Т.т. — яшаш учун курашнинг натижаси бўлиб, фойдали индивидуал ўзгаришларга эга бўлган организмларнинг яшаб, насл қолдириши, фойдасиз ўзгаришларга эга бўлган организмларнинг эса қирилиб кетиши, яъни мослашган формаларнинг яшаб қолиши ва мослашмаган формаларнинг нобуд бўлишидан иборат биологик жараён. Ирсий ўзгарувчанлик Т.т. нинг таъсири учун зарур замин ҳисобланади. Т.т. нинг бевосита натижаси эса организмларнинг ташқи муҳитнинг муайян шароитига мосланиши мукаммаллашишидан иборат. Т.т. туфайли организмлар хилма-хиллиги орта боради; прогрессив эволюция жараёнида организмлар тузилиши ҳам мукаммаллашиб боради; муҳит шароитларига етарли даражада мослаша олмаган турлар нобуд бўлади.

Т.т. ҳақидаги Ч. Дарвин концепцияси С. С. Четвериков, Р. Фишер, С. Райт, И. И. Шмальгаузен, Ж. Холдейн, Ф. Г. Добржанский ва б. олимларнинг ишларида янада ривожлантирилди. Т.т. нинг генетик моҳияти популяцияда ихтисослашган муайян генотипларнинг сақланиб, генларнинг кейинги авлодга узатилишида танланиб иштирок этишидан иборат. Т.т. алоҳида олинган фенотипга ёки генга таъсир этмайди, балки генотипнинг ташқи муҳит б-н ўзаро таъсири натижасида шаклланадиган (қ. *Генотип*) муайян *фенотип* (тирик организмнинг барча белгилари йиғиндиси)га таъсир қилади. Т.т. организмлар ўзгарувчанлигининг бевосита сабабчиси бўлолмайди, лекин мутацияларнинг тезлиги ва йўналишига таъсир кўрсатади. Бу жараён Т.т. нинг ижодий роли дейилади. Т.т. таъсири йирик популяцияларда аниқ билинади. Популяциялари индивидлар сонининг камайиб бориши б-н тасодифий омилларнинг аҳамияти ортиб боради. Т.т. айрим организмларга таъсир қилиш (индивидуал танланиш) б-н бирга организмлар гуруҳига ҳам таъсир кўрсатади (гуруҳли танланиш). Бу жараён алоҳида организм учун фойдасиз, лекин улар гуруҳи учун фойдали бўлган белгиларнинг сақланиб қолишига имкон бериши мумкин. Шу тариқа юксак ҳайвонларда альтруистик белгилар шаклланади, мас., қушларнинг қичқириғи уларнинг ўзини душманга ошкора қилиб қўйганидан айрим индивидга зарарли бўлсада, хавф тўғрисида огоҳлантирувчи сигнал бўлгани туфайли туркинг бошқа индивидлари учун фойдали ҳисобланади. Табиатда Т.т. бир неча йўналишда таъсир қилади ва ҳар хил натижага олиб келади. Шунинг учун Т.т. ҳаракатлантирувчи танланиш, дизруптив танланиш, тургунлаштирувчи танланиш, жинсий танланиш каби хилларга ажратилади. Антидарвинизмга мансуб турли концепциялар Т.т. ни эволюциянинг асосий омили сифатида тан олишмайди (яна қ. *Сунъий танлаш*).

ТАБИИЙ ТЕНГЛАМАЛАР, натурал тенгламалар — эгри чизиқнинг k эгрилиги ва σ буралишини унинг s ёйи функцияси сифатида ифодаалайдиган тенгламалар:

$$k=k(s),\ \sigma=\sigma(s).$$

$k(s)$, $\sigma(s)$ функциялар эгри чизиқнинг фазодаги вазиятига (координаталар тизимининг танланишига) боғлиқ бўлмай, фақат эгри чизиқнинг шаклига боғлиқ ва унинг шаклини тўла аниқлагани учун бу тенгламалар чизиқнинг табиий (натурал) тенгламалари дейилади. Табиий тенгламалари бир хил бўлган икки эгри чизиқ бирбиридан фазодаги ўрни б-н фарқ қилади.

ТАБИИЙ ФТОРИДЛАР — минераллар кичик синфи, фторли водород кислотасининг оддий ва қўшалоқ тузлари. Турли таснифбўйича 50 тача минерал турини ўз ичига олади; асосийлари флюорит ва криолит. Т.ф. Na, K, Ca, Mg, Al элементлари, камёб ер элементлари (TR), камроқ Cs, Sr, Pb, Bi, B ва б.нинг фтор б-н табиий бирикмаси. R_nF_m (флюорит, виллиомит NaF, селлант MgF_2 ва б.) сингари оддий тип ва R ва M — катионлари бўлган $R_n[MF_m]$ мураккаб типларга бўлинади. Оддий Т.ф. мустаҳкам жойлашган координацион кристалл структурага эга, куб ва гексагонал сингонияли. Мураккаб Т.ф. қуйидаги гуруҳларни ташкил қилади: фтороалюминатлар (мас., криолит), фторобор атлар (мас., ферручит $Na[BF_4]$), фтороберилллатлар (сянхуалинит $Li_2Ca_3[SiO_4]_2\ Be_2F_2$), фторосиликатлар (мас., малладрит $Na_2[SiF_6]$). Мураккаб Т.ф.га, одатда, қўшалоқ ва уч қўшалоқ фторидлар: нейборит $NaMgF_3$ ва гагаринит $NaCaTRF_4$ киради. Баъзи тадқиқотчилар томонидан фторидлар синфига фторкарбонатлар — бастнезит, паризит ва топаз гуруҳи минераллари киради. Кўпчилик Т.ф. кам тарқалган бўлиб, энг кўп учрайдиган — флюорит, у турли генезисли конларда мавжуд. Т.ф. рангсиз ёки оч рангли, шаффоф, шишасек ялтирайди. Қаттиқлиги 4—5; зичлиги 2—3,2г/см³. Т.ф. вулканларнинг сублиматларида (ферручит, авогадрит, криптогалит ва б.) вужудга келади, гранитларнинг акцессорли минералларида, ишқорли жинслар ва уларнинг эффузивли аналоглари (флюорит)да учрайди. Улар карбонатит (флюорит), гранитли пегматит, грейзен, гидротермал ҳосила (флюорит), ишқорли гранит ва уларга боғлиқ бўлган метасоматитлар (криолит, флюоцерит, гагаринит) ҳамда луэврит, фойяит ва уртитлар (виллиолит) ривожланишининг кечки босқичлари учун характерлидир. Кўплаб алюмофторидлар, криолит (томсенолит, ральстонит, пахнолит, веберит, хиолит ва б.)ларнинг гидротермал ўзгаришида пайдо бўлади. Оксидланиш зонасида кўпинча эндоген Т.ф.дан гипергенли: геарксутит, криолит, флюеллит ривожланади, чўкинди қатламларда флюорит (ратовкит) учрайди. Т.ф. дан флюорит ва криолитлардан металлургия, керамика ва кимё саноатида фойдаланилади. Баснезит ва паризит камёб ер элементлари олиш манбаи ҳисобланади. Т.ф.дан флюорит Чаткал-Қурама регионидаги Новгарион, Кенкол, Каскана, Обираҳмат (қазиб олинган) ва б. конларда мавжуд.

ТАБИИЙ ЯЙЛОВ — табиий ўт қопламига эга бўлган ва чорва моллари эркин ҳолда утлатиладиган тоғлар, қир-адирлар ва чўлларда жойлашган майдонлар (ўтлоқлар). *Маданий яйлов*лардан сарф-харажат талаб этилмаслиги ва ўт қопламининг хилма-хиллиги, турли тупроқ-иқлим шароитларида жойлашганлиги б-н ажралиб туради (қ. *Яйлов*).

ТАБИИЙ ҲУДУДИЙ МАЖМУА — қ. *Географик мажмуа*.

ТАБИИЙ ҲУҚУҚ — давлат ва ҳуқуқ назариясида инсоннинг табиатидан келиб чиқадиган ва шу туфайли муайян давлатда уларнинг қонуний тан олиниши ёки олинмаслигига боғлиқ бўлмайдиган принциплар, қоидалар, ҳуқуқ ва қадриятлар йиғиндисини англатувчи гушунча. Т.ҳ. тояси Юнонистон ва қад. Римда пайдо бўлиб, Сократ, Аристотель, Цицерон, Ульпиан ва б. Рим юристларининг номлари б-н боғлиқдир. Ўрта асрларда илоҳийшунос Фома Аквинский уни ривожлантирди. Бироқ бу ғоялар мустақил илмий мактаб ва табиий-ҳуқуқий таълимот сифатида 17—18-а. буржуа инқилоблари арафасида шаклланди. Унинг кўзга кўринган намояндалари: Г. Гроций, Т. Гоббс, Ж. Локк, Вольтер, Ш.Л. Монтескье, Ж.Ж. Руссо, А. Н. Радищевлардир. Ўзбек халқининг Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий каби аждодлари ҳам ҳуқуқни табиат ёхуд Аллоҳ томонидан инсонларга берилган имкониятлар мажмуи деб тушунганлар.

Т.ҳ. назарияси тарафдорлари жамиятда икки, яъни позитив ва Т.ҳ. мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Позитив ёки ижобий ҳуқуқ — муайян давлатда расман тан олинган ва амалда бўлган ҳамда қонунларда ва давлат ҳокимиятининг бошқа ҳуқуқий ҳужжатларида, шу жумладан, давлат томонидан санкцияланган одатларда ифодаланган ҳуқуқдир. Т.ҳ. мактаби вакиллари феодал ҳуқуқини, айниқса, қирол абсолютизми давридаги ҳуқуқни танқид қилиб, унинг чекланганлигини, адолатсизлигини, давлат ҳокимияти қабул қиладиган қонунлар инсонларнинг огир қарамликдаги аҳволини, ўзбошимчалик ва зулмни мустаҳкамлашга хизмат қилганлигини қоралаганлар.

Т.ҳ. позитив ҳуқуқдан фарқ қилиб, инсон табиатидан, моҳиятидан, адолат, ахлоқийлик каби умумий олинган ахлоқий тамойиллардан келиб чиқади. Шу боис у оқил ва адолатлидир, алоҳида давлатларнинг четаралари б-н чекланмаган; балки барча давлатлар ва халқларга тарқалади. У инсон табиати ва моҳияти каби абадий ва ўзгармасдир. Унинг асосий ахлоқий ва ҳуқуқий тоғлар — инсоннинг ишлаб, овлаш, ғанимлик, ирқий бўлиш, меҳнат қилиш, онда, мулк, алифентлик, зулмга қаршилик кўрсатиш кабиларга бўлган тўғма ажралмас ҳуқуқларининг мавжудлигидир. Уларни муҳофаза қилиш ва таъминлаш ҳар қандай сиёсий тузилманинг, биринчи навбатда, давлатнинг вазифаси бўлиши керак.

Т.ҳ. назарияси 20-а.нинг 2-ярмида янада ривожлантирилди ва бутун дунёда инсон ҳуқуқлари учун олиб борилаётган умумий курашнинг назарий асосига айланди. Т.ҳ.ларни соф ирқий маънодаги ҳуқуқлар деб аташ қийин, бироқ у позитив ҳуқуқ, яъни давлат ўрнатадиган ҳуқуқ ёрдамида реал ҳуқуқларга айланиши мумкин.

Т.ҳ. назариясининг асосий ғоялари АҚШнинг Мустақиллик декларациясида (1776 й.), Франциянинг Инсон ва фуқаро ҳуқуқи ва эркинликлари декларациясида (1789 й.) ва б. давлатларнинг ҳуқуқий ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Инсоннинг табиий, тутма ҳуқуқлари кўп давлатларнинг ҳоз. замон ҳуқуқий тизимларида конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳам инсоннинг Т.ҳ.ларини, адолат, ҳақиқат, озодлик, мустақиллик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгиламоқда. Жумладан, ЎзР Конституциясининг 24-моддаси «ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи» сифатида яшаш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Маърифий жамиятда табиий ва позитив ҳуқуқни қарама-қарши қўйиш учун асослар йўқ, чунки Т.ҳ. ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ягона умуминсоний тизимини ташкил этувчи инсон Т.ҳ.ларини мустаҳкамлайди ва ҳимоя қилади.

Зайниддин Исломов.

ТАБИН-БОГДО-ЎЛА — Олтой тоғларининг жан.-шарқидаги тоғ массиви. РФ, МХР ва Хитой чегарасида, Аргут дарёси ҳавзасининг юқори қисмида жойлашган. Энг баланд жойи 4356 м (Найрамдал тоғи). Кам парчаланган, бир неча баланд ва ўтиш қийин бўлган довонлар мавжуд. Т.-Б.-Ў. Олтойдаги музлик марказларидан биридир (жами музлик майд. 160 км²). Қад. ва ҳоз. замон музликлари иши натижасида келиб чиққан рельеф шакллари (карр, цирк, трог, морена уюмлари) ва қоялар мавжуд. Тог массиви гершен бўрмаланиши даврида шаклланган. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, давомли, ёзи салқин, қиеқа, ёғингарчилик кам. Тог этакларида паст бўйли қайинлар ўсади, баландроқ жойлари яйлов, ундан юқорида тог тундралари, тош чочмалари мавжуд. Жан. ён бағрининг дарё (Кобдо, Манас) ҳавзаларида тилогоч ўрмонлари бор.

ТАБЛА (араб. табл — урма чолғу) — ҳинд урма зарбли чолғуси. Иккита — одатда каттароқ (паст товушли) дайян ҳамда кичикроқ (юқори товушли) байян деб аталувчи ноғорачалардан иборат. Ёғоч, сопол ёки мисдан ишланган косахоналари 2 қатламли тери б-н қопланади. Ижродан аввал булар терини устига ун, темир қиринлиси ва елим аралашмасидан тайёрланган махсус қуқун суриларди. Ижрочи Т.ни қўл бармоқлари ва кафтлар б-н уриб, турли усуллар чалади. Т. якканавоз ҳамда турли мумтоз мусиқа (жумладан, *рага*) ансамбларида асосий жўрнавоз чолғу сифатида кенг қўлланилади.

Табла.

ТАБЛАН ЧЎҚҚИСИ — Ҳисор тог тизмасининг жан.-гарбидаги чўққи. Сурхондарё вилоятидаги Ҳалқажар сойи ҳавзасида; бал. 2426 м. Т.ч. атрофлари арчазор.

ТАБЛО (лот. tabula — тахта) — ёруғлик сигналлари ёки ёзувлар пайдо бўладиган электр ёки электрон қурилма (шчит). Саноат корхоналари ёки автокорхоналардаги диспетчерлик хизматида, стадионлар ва спорт майдонларида, тижорат рекламаларида қўлланади.

ТАБОР (чехча — tabor) — 1) чехлар, поляклар, руминлар, венгерларда — қароргоҳ, юк ортилган аравалар — ўгруқ; 2) ўтмишда казакларда — ўгруқи бор қўшин қароргоҳи, ўгруқи бор қўшин қаринлошлик ришталари б-н боғлиқ бўлган кўчманчи лўлилар (циганлар) гуруҳи.

ТАБОШАР — 9—10 а.ларда *Илоқ конлари* гуруҳидаги металл кони. Қурама тизмаси жан.-гарбий ён бағридаги Қорамозор тогининг Табошарсой ҳавзасида жойлашган. Конда 50 дан ортиқ шахта бўлиб, уларнинг кўпчилиги қия ва тик ҳолда, уз. 70 м гача. Сойнинг ўрта қисмида руданинг уз. 1 км гача, таркибида ҳар хил минераллар, кумуш, кўрғошин, баъзан мишьяк ҳам учрайди. Сойнинг ўнг соҳилида 20 тача шахта жойлашган, улардан тахм. 1,5 км жан.роқда яна 8 та йирик шахта бор. Бир неча шахта Табошар-Конжўл йўли бўйлаб кетган.

ТАБОҚ — нонширлик ва матбаа маҳсулотини ўлчаш бирлиги. *Муаллифлик табоғи, нашриёт-ҳисоб табоғи, босма табоқ, қоғоз табоғи* каби ўлчов бирликлари бор.

ТАБРИЗ, Таврис — Эроннинг шим.-гарбий қисмидаги шаҳар. Ажичай дарёси водийсида, 1364 м баландликда жойлашган. Шарқий Озарбайжон остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1997). Транспорт йўллари тугуни. Мамлакатнинг муҳим савдо ва саноат марказларидан. Машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, кўнпойабзал саноати корхоналари бор. Тўқимачилик ривожланган, ип ва шойи газламалар, гилам тўқилади. Уни-т бор. Шаҳарга 3—4-а.ларда Сосонийлар томонидан асос солинган. 13-а. охири — 16-а. бошларида Эрон ҳудудидаги турли давлатларнинг пойтахти бўлган. 18—19-а. бошларида Табриз хонлигининг пойтахти. 19—20-а. бошларида Қожар шоҳлари валинаҳдлари қароргоҳи. Меъморий ёдгорликлардан Алишоҳ жоме масжиди (1310—20), Кўк масжид (1465) қолдиқлари сақланган. Ўрта асрларда Т. бадиий ҳунармандчилик ва тасвирий санъатнинг йирик маркази бўлган (қ. *Табриз миниатюра мактаби*).

ТАБРИЗ МИНИАТЮРА МАКТАБИ — ўрта асрларда Табризда шаклланган тасвирий санъатдаги услубий йўналиш. Илк намуналари 13-а. охири — 14-а.ларга мансуб. Энг ривожланган даври 16-а.нинг 30—40-й.ларига тўғри келади. Т.м.м. санъатига дастлабки даврда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, айниқса, Хитой миниатюрасининг таъсири кучли бўлган. Кейинчалик бу санъат анъаналари ижодий ўзлаштирилиб, янги образ тузилиши, ранглар гаммасига эга бўлган услуб яратилган. 14-а.да, айниқса, 16-а.да Табриз *китобат санъати*нинг муҳим марказига айланган. 15-а.да марказ Ҳиротга кўчирилади, *Ҳирот миниатюра мактаби*нинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. 16-а.да Табриз сафавийларнинг марказига айлангач, тасвирий санъат яна юксалди. *Султон Муҳаммад Табризий* бошчилигидаги маҳаллий рассомларга Камолиддин *Беҳзод*нинг бош қилиб тайинланиши, Ҳирот миниатюраси анъаналари б-н Т.м.м. анъаналарининг қўшилиб кети-

Табриз миниатюра мактаби. «Рустам Суҳроб жасади олдида» («Шоҳнома» достонига ишланган, 16-а., Табриз).

ши юксак даражадаги китобат санъатини юзага келтирди: бадиий шакл мукаммаллашди, кўп шаклли мураккаб композициялар юзага келди, асарлар эпик характерга эга бўлди, тасвирда меъморий манзара кенг ўрин эгаллади, янги серҳашам безаклари, нафис ритми ва ёркин бўёқлар тузилиши ўз навбатида миниатюранинг таъсирчанлиги ва жозибасини оширди. Анъанавий ишқий, мифологик мавзулар ўрнини сарой ҳаётини акс эттиришга интилиш эгаллади, мавзу доирасининг кенгайиши б-н расмларда демократик оҳанглар, халқ ва унинг урф-одатлари, реал кундалик ҳаёти ва табиат манзаралари ҳам ўз аксини топди, алоҳида варақларда асарлар яратилди, дабдабали портрет юзага келди. Султон Муҳаммад, Оға Мирак, *Қосим Али, Мир Саид Али* ва бошқалар Т.м.м.нинг йирик вакилларидир. Т.м.м. намояндалари «Шоҳнома» (1524, Санкт-Петербург), Низомийнинг «Хамса»си (15-а. охири — 16-а., Истанбулдаги Тўпқопу саройида), Рашидуддиннинг «Жомиъ ат-таворих» (1528—29, Россия миллий кутубхонасида) ва б. қўлёзма китобларни бадиий безаган. Т.м.м. ўрнини *Исфаҳон миниатюра мактаби* эгаллади. Бироқ Т.м.м. Эрон, Туркия, Ҳиндистон миниатюра санъатига яна кўп йиллар давомида таъсир кўрсатган.

Элмира Исмоилова.

ТАБУ (полинезча — тақиқлаш) — 1) ибтидоий жамият босқичидаги халқларда тарқалган тақиқлаш тизими. Т.нинг энг мукаммал кўриниши *Полинезияда* сақланган. Бу сўз аслида Полинезияда пайдо бўлиб, дастлаб машҳур инглиз денгиз сайёҳи Ж.Кук (1828—79) томонидан Европага маълум қилинган ва баъзи этиб берилган. Полинезия халқлари диний эътиқодларига кўра, ҳар бир инсон туғилиши б-н қудратли ғайри табиий куч — «мана»га эга бўлади. «Мана» жуда хавфли бўлиб, бировга тегса ўлим келтириши мумкин. У табақаларга қараб ҳар хил кучга эга, қулларда «мана» бўлмаган, аммо аксинча, буюк сардорлар қудратли «мана» эгаси ҳисобланган. «Мана» тушунчаси «Т.» сўзи б-н бевосита боғлиқ. Ниманики «мана» эгаси бўлса, ўша нарса хавфли, яъни унга тегиш ман қилинган — Т. қўйилган. Полинезия халқларида жуда кенг тарқалган Т. тизимини ким бузса, риоя қилмаса қабила боғлиқлари, эҳлагонлар томонидан қаттиқ жазоланган. Шунингдек, ўша давр тасаввурларига кўра, Т.ни бузган одамнинг ғайри табиий кучлар, руҳлар, ҳудолар касаллик ёки ўлим б-н жазолайди, деб тушунилган. Ороллик-ларда худо ва руҳга, коҳин ва қабила бошлиқларига алоҳадлар бўлган ҳамма нарса Т.лаштирилган. Т. тизими жамиятда табақаланишни ифодалаган. Т. объектлари — буюмлар, сўзлар, ҳайвонлар ва б. бўлиши мумкин. Аксарият Т.лар модлий буюмларга тааллуқли бўлади. Т. инсоният жамияти шаклланаётган даврда индивид хатти-ҳаракатини жамоа манфаатларига бўйсундириш эҳтиёжи б-н боғлиқ равишда келиб чиққан бўлиши мумкин. Т. уруғчилик жамиятида инсон ҳаётининг муҳим томонларини, аввало экзогамия никоҳи меъёрларига риоя қилиниши (мас., уруғ ичида жинсий алоқаларнинг тақиқланиши)ни тартибга солган. Жамият тараққий этган сари Т.нинг бир қисми одат ҳуқуқий меъёрига айланган, кўпчилиги эса динга тақиқ сифатида киритилиб, уни бузиш гуноҳ ҳисобланган. Ҳоз. даврда ҳам Т.нинг баъзи кўринишларини учратиш мумкин. 2) Тилшуносликда муайян сўзлар, иборалар ёки атоқли отларни қўллашни тақиқлаш, ман этиш. Ибтидоий даврларда табиат ҳодисаларининг сирини била олмаган инсон кўрқув уйғотадиган сеҳрли ва зарарли ёвуз кучлардан, жин, арвоҳлардан, офатли касаллик ва ниятқач ҳайвонлардан сақланишнинг ягона чораси уларнинг номини айтмаслик ман этиш, атамаслик деб тушунган. Аниқса, киши номига нисбатан Т. кенг тарқалган. Мас., уларнинг номини, лоҳия ёки подшоҳнинг, маъбудларнинг номини ва баъзи қариндошлар (қайнота, қайнона, эр, қайнонанинг номини айтиш, уларни овоз чиқариб чақириш тақиқланган ва бундан атоқли отлар тегишли тавсифни ифодалар б-н алмаштирилган. Овланадиган, ҳимоячилик манбаи бўлган ҳайвон номлари, кишини сескантирадиган жониворлар ва б. воқеа-жараёнлар ҳам баъзан Т.лаштирилган. Мас., чаён сўзи, ўзбек шеваларида янак, беном, гаплида, айриқчирук, бешбўғин ва б. номлар б-н аталган. Ҳоз. пайларда ўлим ҳақида, оғир касаллик ҳақида тўғридан-тўғри гапирмаслик, ёқимсиз, ноҳуш нарсаларни эслаш, эслатишдан қочиш одатини ҳам Т.га киритиш мумкин. Т. сўзлар ўрнига бошқа сўзлар — *эвфемизмлар* қарор бўладики, бошқа тиллар сингари, ўзбек тилида ҳам бундай сўзлар кўпчиликни ташкил этади.

Оғил Бўриев, Абдуҳалиқ Мирзаев.

ТАБУЛАТУРА (лот. tabula — тахта, жадвал) — 1) *нота ёзувининг* илк шаклларидан. Муайян чолғу асбобига мўлжалланган бўлиб, унда мусиқа асари жадвал шаклида, мусиқий товушлар эса ҳарфлар, рақамлар ва б. махсус белгилар ёрдамида ифодаланади. Мусулмон Шарқи мусиқа илмида 10-а.дан маълум. Форобий, Сафиуддин ал-Урмавий, аш-Шерозийлар уд учун, Комил Хоразмий танбур пардаларига мослаштирилган Т.ларни яратган (қ. *Танбур чизиғи*). Европада 14—18 а.ларда қўлланилиб, орган, лютня, клавир каби чолғулар учун мўлжалланган; 2) клавишли мусиқа чолғу асбоблари учун қайта ишланган кўп овозли вокал-хор асарлар тўплами. 16—17-а.ларда жорий этилган.

ТАБУЛЯТОР (лот. tabula — жадвал, ёзув) — электр механик рақамли ҳисоблаш машинаси; бунда перфорацион ленталарга белгиланган сон ва рақамли ахборотлар автоматик тарзда ишланади, ҳисоблаш натижалари қоғоз лента ёки махсус хос қоғозга ёзилади. Т. таркибига: бошқариш қурилмаси, перфокарталардаги ахборотларни киритиш қурилмаси; ахборотни «босиш» ёки перфокартага чиқариш қурилмаси киради. Т. машина-ҳисоблаш ст-ясининг асосий технологик жиҳози ҳисобланади.

ТАБУН (нем. Tabun) ($CH_3N(C_2H_5O)P(O)CN$ — цианофосфат кислота диметиламидининг этил эфири. Мол. м. 162,13. Рангсиз суюқлик; суюқланиш т-раси –50°, қайнаш т-раси 230° га яқин (парчаланади), учувчан, зичлиги 1087 кг/м³ (20° да). Сувда оз, органик эритувчиларда яхши эрийди. Фосфор оксихлорид POCl₃ га диметиламин гидрохлорид, этил спирти ва калий цианид таъсир эттириб олинади. Т. нервни фалажлантириб ҳаракатчанлигини йўқотади. Ҳаводаги миқдори 0,3 мг/л бўлганда 1 минута, 0,01 мг/л бўлганда 2 минута, концентрацияси 50—70 мг/кг ли суюқ томчи ҳолдагиси терига тегканда кучли заҳарланиш рўй беради ва ўлимга олиб келади. Газ сақланишида противогаз ва ҳимоя кийими кийиш зарур.

ТАВАККАЛ, Таваккалхон, Тавакқул султон (? — 1598) — Қозоқ хонлиги хони (1586—98). Шигайхонининг ўғли. 1581—82 й.ларда *Абдуллахон II* саройида хизмат қилган. Т. ва отаси Шигайхон Абдуллахонининг Тошкент ва Туркистонининг шайбонийлардан бўлган ҳокими Бобохон (Бобо султонга ва баъзи қозоқ султонларига қарши курашида катта ёрдам берган. Шу хизматлари туфайли 1575 й. Шигайга Хўжанд вилояти тархон ёки суюрғол тариқасида берилган. Офаринкент вилояти Т.га туҳфа қилинган (1582). Бироқ хонининг унга нисбатан муомаласи ёмонлашганидан балғумон бўлиб Дашти Қипчоққа қайтган. Мустақил бўлиш учун *Мўғулистон* ва *Бухоро хонлиги* б-н кураш олиб борган. Абдуллахонга қарши курашда ёрдам берганлиги учун Бобохон Ясси ва Сайрон вилоятларини унга суюрғол қилиб берган. Т. Шарқий Туркистондаги Чалиш ва Турфан вилоятлари ички ишларига аралашган, бу вилоятлар ҳокими унинг кўрсатмаси б-н тайинланган. Россия б-н дўстона алоқа ўрнатишга ҳаракат қилган. Россия Ўрта Осиё хонликлари б-н музокараларда Т.дан воситачи сифатида фойдаланишга ҳамда Т. б-н Эрон шоҳи *Аббос I* ўртасида Бухоро хонлигига қарши иттифоқчилик шартномаси тузилиши учун кўп уринган. 1594 й. январда подшо ҳукумати Т.га ҳарбий ёрдам беришни вазда қилган. 1595 й. май-июлда Т. ҳузурида Вельямин Степанов бошчилигидаги рус элчилари бўлган. Абдуллахон ва унинг ўғли *Абдулмўминхон* вафотидан сўнг Т. Мовароуннаҳрни эгаллашга уриниган. Укаси *Ишимхон* б-н авваал Тошкентни, сўнгра Самарқандни эгаллаб, Бухорога юрган. Бухоро якинидаги жангда оғир яралар бўлиб Тошкентга қайтган ва ўша ерда вафот этган.

Ю. Ахмедов Б. А., История Бабура, Т., 1982; *Ахмедов Б. А.*, Материалы по истории казахских ханств XV—XVIII веков, Алма-Ата, 1969.

Жасур Турсунов.

ТАВАЛЛО (тахаллуси; асл нем-шарифи Ғулғалар Хўжамёров) (1883— Тошкент —1937.10.11) — шоир, публицист. Бекларбеги мадрасасида, рус-тузем мактабида ўқиган. Ўзбек ва форс адабиёти классикларининг ижодини, шунингдек, араб ва форс тилларини ўрганган. 1905 й.дан «Туркистон вилоятининг газети», «Садои Фарғона», «Тараққий» каби газ. ва жур. ларда шеър ва мақолалари б-н мунтазам қатнашган. 10-й.лардан вақтли матбуотда «Тавалло» тахаллуси б-н шеър ва мақолалари босила бошлаган. 1914 й. 30 августа Мунавварқори, Авлоний, М. Подшохўжаев, Хусанхўжа Даҳахўжа ўғли (ёзувчи Саид Аҳмаднинг отаси), Сандабдулло Санакарим ўғли Сандалимбоев, Комилбек Норбеков (жами 12 киши)лар б-н биргаликда Тошкентда «Нашриёт» ширкатини тузиб, китоб чиқаришни йўлга қўйган. 1915 й.да эса Авлонийлар таъсисчиларидан бўлган «Турон» жамиятида фаолият кўрсата бошлаган. 1918—19 й. ларда Тошкентнинг дастлаб Эски шаҳар, сўнг Янги шаҳар ижроия қўмиталарининг аъзоси бўлган. Кейинчалик турли хўжалик ишларида ишлаган. «Равнақ ул-ислом» (1916) газетасининг тўпламида унинг ҳаётлик даврида чоп этилган. Тўпламга 70 та шеър киритилган. Асар туркчилик, исломчилик руҳида. Вазн ва оҳанг анъанавий — аруза.

Т. шеърларида миллат ва Ватан тушунчалари кенг ўрин эгаллаган («Ёрдам этмак куни етди сиза Турон аҳли...»). Т. 1937 й. 14 августа «Турон», «ақсилинқилобий», «Миллий иттиҳод» ва б. ташкилотлар-нинг аъзоси бўлганликда, «шеърларининг да миллатчилик ғояларини илгари сурган»ликда айбланиб, қамоққа олинган. 1937 й. 10 ноябрда НКВД қошидаги учлик ҳукми б-н отиб ташланган. 1968 й. 18 октда оқланган.

ТАВАНХОНА — тўй ва зиёфатларда меҳмонларга патнис тузаладиган, совға-саломлар, тўёналар, тавалар қабул қилиб олинадиган махсус хона. Т. Хоразмда қасноқхона, Жан. Ўзбекистоннинг айрим туманларида эса, шарватхона ҳам дейилади. Тавандларни қабул қилиш, меҳмонларга патнис тузаш учун Т.га бошлиқ қилиб қўйилган аёл — «тавонбоши», «тавончи» деб аталган.

ТАВКВЕРИ — ўрғатишлар қадимги грузин винобоп узум нави. Ўзбекистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистонда экилади. Тупи кучли ўсади. Барглари йирик, чўзиқ, беш бўлмали. Гули функционал урғочи. Узум боши ўртача, конусеимон, ўртача типиз. Ғужуми ковалоқ, тўқ бинафшаранг, губор б-н қопланган. Пўсти қалин. Эти серсув, хушта'ъм. Куртаги бўрттандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 3000° бўлганда 140 кунда пишади. Новдалари яхши етилади. Ҳосилдорлиги 100—140 ц/га. *Милдью* касаллиги б-н кучли, оидиум б-н ўртача касалланади. Енгил вино, юқори сифатли узум шарбати тайёрланади.

Тавквери узум нави.

ТАВОИС (дастлабки номи Арқуд) — Бухоро воҳасидаги тарихий вилоят (рустоқ) ва шаҳар. Милоднинг бошларида бу ерда *оташкада* ва *оташгоҳ* бўлган. Арабларнинг илк марта бу жойда тошсини кўришгач, «Зот ут-тавоис» — «Тошуслар эгаси» деб ном беришган. *Табариййнинг* ёзишича, Т.да *Қутайба ибн Муслимнинг* махсус қароргоҳи бўлган. 730 й. 17 ноябрда арабларнинг Т.да шиддатли жанг бўлиб ўтган. Бу жангда туркийлар енгилган. Илк ўрта асрларда Т.да жоме масжиди ва катта ҳисор (қўрғон) бўлган. Т. ўртасидан Абу Муслим ариғи оқиб ўтган. Т. Бухоро — Самарқанд катта йўлининг устида жойлашган бўлиб, *Наршахийнинг* ёзишича, қад. вақтларда ҳар йили куз фаслида у жойда 10 кун нуқсонли молларнинг бозори бўлган. Фарғона, Чоч (Шош) ва б. жойлардан келган савдогарлар бу ерда савдо-сотиқ б-н шуғулланган. Т. аҳли деққончилик ҳам қилган, шу туфайли балавлат кишилар кўп бўлган. Т.дан кўплаб уламо ва мухаддислар [жумладан, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тавоисий (? — 956)] етишиб чиққан. Сўнгги ўрта асрларда Т. 2 қишлоққа: Т.и Боло ва Т.и Поёнга бўлинган. 19—20-а.ларда бу мавзе Бўйон деб номланган. Т. яқинида илк ўрта асрларга оид Шаҳри вайрон тепалиги бор. Ҳозир Т. Навоий вилояти, Қизилтепа туманига қарашли қишлоқ. Унга киравериш-да товусга ёдгорлик ўрнатилган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; История ат-Табари, Т., 1987; *Абдулкарим ас-Самъонийнинг*, Насабнома (Ал-Ансоб), Бухоро, 2003.

Ашрафхон Ражабов.

ТАВОФ (араб. — атрофида айланмоқ) — *Каъба* атрофида айланиш жараёни. *Ҳаж* ва *умра* маросимлари таркибига киради. Умра қилувчилар 1 марта, ҳажга келганлар 3 марта Т. амалини адо этади. Бошқа пайтларда ҳам, айниқса, жума кунлари ва рамазон ойида, Макка аҳли ва унинг меҳмонлари Каъбага юксак иззат-эҳтиром юзасидан уни Т. қилади. Т.нинг шартлари *намозни*нг шартлари кабидир. Т. қилишда Каъбага яқинлашилгач, унинг Қора тош жойлаштирилган бурчагига келиб, қўлини унга қарата чўзади ва имконият бўлса ўпади. Сўнг Каъба атрофида соат милига қарши тарзда 7 марта айланилади. Ҳар сафар махсус дуолар ўқилиб, гуноҳлар кечирилиши сўралади.

ТАВОЧИ (мўғулча — ҳисобчи) — 13—19-а.ларда Ўрта Осиё, Хуросон ва Эронда ҳукмдорнинг фармон ва топшириқларини тегишли жойларга зудлик б-н етказувчи олий ҳарбий мансабдор, алъютант. Т. зиммасига ҳарбий юриш режалаштирилганда салтанат туман ва вилоятлардан, тобе юртлардан ҳукмдор фармонида белгиланган миқдорда озиқ-овқат, от-улов, ем-хашак, қурол-аслаҳа ва қўшин жам қилиш, лашкарғоҳга йиғилган лашкарни кўрикка тайёрлаш, юриш чоғида, дам олиш ва ов қилиш учун қўшинни қулай манзилларга жойлаштириш, ганим қароргоҳига яқин келингач, уни қамал қилувчи қисмларни зарур ва қулай истеҳкомларга жойлаштириш, қўшинларнинг умумий аҳволини назорат қилиб туриш, жиноятчилар ва асирларнинг жазога тортилишидан ҳукмдорни бохабар қилиш, қамал хавфи туғилганда теварак-атрофдаги аҳолини қалъа ёки қўрғонга кўчириб келиб жойлаштириш сингари вазифалар юклатилган. Т., шунингдек, сарой амалдорлари ишларини ҳам назорат остига олган. Сарой соқчилари ётиш Т. си томонидан доимий назоратда бўлган. Т. ўз вазифасига кўра, Сомонийлар, Ғазнавийлар ва Салжуқийлар салтанатида мавжуд бўлган ориз ҳамда нақиб лавозимларига мувофиқ келган. Бухоро хонлигида ҳарбий нозир — нақибга қўшинни жойлаштириш, қурол-аслаҳа б-н таъминлаш, ҳарбий ҳаракатлар вақтида лашкарнинг илгор, аръергард, ўнг қанот, сўл қанот ва марказий қисмлари ҳамда пистирмадаги вазиятдан хабардор бўлиш масъулияти юклатилган. Хива хонлигида Т. лавозимининг муҳим ролга эгалиги тарихий асарлар ва архив ҳужжатларида ўз аксини топган.

ТАВР ТОҒЛАРИ, Торос (туркча Toros'lar) — Туркиянинг жан. қисмидаги тоғ системаси. Ўрта денгиз соҳили бўйлаб тахм. 1000 км га чўзилган. Кичик Осиё ва Шарқий Тавр тогликларининг жан.даги тизмалар. Энг баланд жойи 3726 м (Темирқозиқ чўққиси). Асосан, оҳактошлардан, шунингдек, кристалли сланец ва метаморфик жинслардан тузилган. Т.т.нинг марказида айрим чўққиларнинг бал. 3000 м дан юқори, рельефи альп типли, қад. музликларнинг излари сақланган. Ғарбий қисмида карст ландшафти учрайди. Шим. ён бағирлари тиканли буталар ўсадиган чўл ва даштлан, жан. ён бағри сернам бўлганлигидан доим яшил ўрмон ва бутазорлардан иборат, юқори қисми игна баргли ўрмонлар ва альп ўтлоқлари б-н қопланган. Т.т.ни Дажла, Фурот дарёлари кесиб ўтади. Миллий боғлар ташкил этилган.

ТАВРИКА — қадимда (мил. ав. 5-а.дан) таврлар яшаган *Крим* я.о.нинг жан. қисми. Ўрта асрларда (15-а.гача) Кримнинг барча қисмининг аталиши.

ТАВРИЯ — *Крим* я.о.нинг ўрта асрларда кенг тарқалган номи; 19—20-а. бошларида Т.га, шунингдек, Таврия губернияси таркибидаги Жан. Украина туманлари ҳам киритилган (Шим.Т.).

ТАВРИЯ ТОҒЛАРИ — қ. *Крим тоғлари.*

ТАВРЛАР — Кримнинг жан. қисми (Таврика)нинг энг қад. аҳолиси (мил. ав. 9-а. — мил. 4-а.). Хўжалиги: чорвачилик, овчилик, балиқ овлаш, тўқимачилик, жез қуйиш. Т. қабилалари мустаҳкамланган қишлоқларда яшашган. Херсонес, Боспор подшолигига қарши курашишган. Мил. 1-а.дан қўшни халқлар (тавроскифлар ва б.) б-н аралашиб кетган.

ТАВРОТ (қад. яҳудийча «тора» — таълимот, қонун) — *иудаизм* дининнинг муқаддас китоби. Т. 5 та китоб (Ибтидо, Чиқиш, Ловий, Сонлар, Иккинчи қонун)нинг умумий номи. Иудаизм ва ислом ақидаси бўйича, Т. Аллоҳнинг *Мусо*га Жаброил орқали туширган китоби. Кўпинча у «Мусо қонунлари» деб ҳам аталади. Т. ёзувлари оғзаки тарзда мил. ав. 11—6-а.лар ўртасида шаклланган. 5-а.да Фаластинда китоб шаклига келтирилган. Т.да дунёнинг яратилиши, Одамато, Момоҳаво, тўфон, Бобил минораси ва тиллар чатишуви, илк яҳудий пайғамбарлари, яҳудийларнинг Мисрдан чиқиб асирликдан қутулиши, уларга Фаластинни муқаддас ер сифатида берилиши, Мусонинг худодан олган кўрсатмалари, Яхвага сиғинишнинг бошланиши, диний ақида, тартиб ва маросимлар, яҳудийларнинг 40 й. Синай я.о.да кўчманчиликда ҳаёт кечириши, яҳудийлар худо томонидан танланган халқ экани баён қилинади. Т.ни асрлар давомида талқин ва қайта талқин этиш натижасида иудаизмнинг яна бир муқаддас китоби — *Талмуд* шаклланган.

Қуръонда Т. ҳақида бир қанча оятлар бор. Қуръонга кура, Инжилдаги каби Т.да ҳам яҳудийлардан бўлмаган Аҳмад исмли пайғамбарнинг дунёга келиши ҳақида айтилган. Мусулмон адабиётида «*Қадимги аҳд*» да учрайдиган барча китобларни Т. деб атайдилар.

Эйдор Иброҳимов

ТАВТОЛОГИЯ (юн. tautologia — айнан ўша сўз) — 1) бир фикрни, мазмунни бошқа сўз ёки сўзлар (сўз бирикмаси, гап) б-н такроран ортиқча ишлатиш, сўзни ортиқча такрорлаш. Мас., чин ҳақиқат, гап гапирмоқ, бутундай ва тўлалигича каби. Т. тушунчаси *плеоназм* тушунчаси б-н боғлиқ; баъзан Т.ни плеоназмнинг бир кўриниши деб ҳисоблашади. Аслида улар бир хил ҳолиса эмас. Т., плеоназмдан фарқли ўлароқ, нутқ ҳолисаси ҳисобланиб, тил тизими ва меъёри доирасига кирмайди. У, одатда, сўзловчининг мантиқан ва тил жиҳатдан етарли даражада саводхон эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам француз тилшуноси Ш. Балли уни нуқсонли плеоназм деб атаган эди. Услубий ғализлик натижаси бўлмай, муайян услубий восита сифатида қўлланганда, Т. нутқнинг эмоционал таъсирчанлигини оширади, лекин илмий ва расмий услубларда Т.га йўл қўйиб бўлмайди; 2) мантиқда ўзига хос ҳукм, унда таърифланадиган тушунча айнан ўзи воситасида таърифланади, яъни таърифнинг аниқловчи қисми аниқланувчи қисмида ифода этилган маънони такрорлайди. Натижада мазмун бир хил бўлиб қолаверади-ю, уни ифодалаган сўзлар эса турлича бўлади. Тушунчаларни тўғри таърифлаш — мантиқий талаблардан бири. Таърифланаётган тушунча ўзи б-н эмас, бошқа тушунчалар б-н ифодаланиши ва тушунчанинг моҳияти очиб берилиши лозим. «Одам инсоний хислатларга эга бўлиши лозим», «тоби қочган одам касалдир» каби таърифларда қайтариқ мавжуд. Шундай қайтариқ мантиқда Т. деб аталади.

ТАВФИҚ ал-ҲАКИМ (Ал-Ҳаким Ҳусайн Тавфиқ, 1898.9.10, Искандария — 1983, Қоҳира) — араб ёзувчиси ва жамоат арбоби (Миср). Араб тили академияси (Қоҳира) аъзоси. Қоҳирадаги Олий юридик мактабни тугатган (1924). Парижда Европа халқлари адабиёти ва санъатини ўрганган. 1927—34 й.ларда адлия идораларида терговчи. 1943 й. гача Маориф ва Таълим вазирликларида ишлаган. 1959—60 й.да Мисрнинг ЮНЕСКОдаги вакили. Ижоди асосан мустамлакачиликка қарши кураш, хотин-қизлар озодлиги мавзуларига бағишланган. Т. ал-Ҳ. араб адабиётида ижтимоий турмушни тасвирловчи биринчи роман («Руҳнинг қайтиши», 1933) муаллифи. «Чақирилмаган меҳмон» (1918), «Янги аёл» (1924), «Найчи» (1934), «Провинция терговчисининг хотиралари» (1937), «Шаҳризода» (1934), «Пигмалион» (1942), «Қамоқхона ҳаёти» (1964), «Пармачининг тақдири» (1966) каби насрий асарлари машҳур. Адабиёт соҳасидаги Миср Давлат мукофоти лауреати (1961). Унинг «Тугён» романи (1974) ва айрим ҳикоялари ўзбек тилида нашр этилган.

ТАВФИҚ ФИКРАТ (1867.24.12 — Истанбул —1915.19.8) — турк шоири, маърифатпарвар, журналист. Истанбулдаги Галатасарой лицейида ўқиган. Бир қатор ўқув юртларида муаллимлик қилган, шеърлар ёзган. «Сарвати фунун» («Фанлар бойлиги») мажмуаси (1892—1944)нинг ёзув ишлари мудири (1895—1901). Илк шеърий китоби — «Рубоби шикаста» («Синиқ соз», 1904). Т. Ф. адабиётга мумтоз шеърият таъсирида кириб келган, сўнгроқ ғарб адабиёти йўлида шеърлар ёза бошлаган. Унинг шеъриятда яратган янгиликларидан бири — шеърдаги энг кичик бирлик бўлган байтда фикрнинг якунланиши мажбуриятини йўқ қилган, насрдаги ифоданинг кенг имкониятларидан назмда фойдаланган, вазн ва қофияга алоҳида эътибор берган. Туркча б-н аруз орасидаги ҳамоҳангликни мувофиқлаштиришда гоят гўзал натижаларга эришган.

Т.Ф. шеърларининг мавзуси хилма-хил. «Сарвати фунун»дан кетгач, ижтимоий санъат тушунчаси б-н боғлиқ бўлган ижтимоий шеърлар ёзган («Тутун», «Тонг отса», «Эрта» ва б.). Уларда халқнинг машаққатли ҳаётини тасвирлаган. Баъзи шеърларида эса панднасиҳат биринчи ўринга ўтади. «Рубобнинг жавоби», «Холуқнинг дафтари», «Жермин» каби қатор шеърий тўпламлари бор.

ТАВҚ (араб. — қушлар бўйнидаги ҳалқа) — заргарлик буюми; аёлларнинг бўйнига тақиладиган тақинчоқ. *Тиллабарғак* б-н ансамбль ҳосил қилади. Т. босма усулида 4 япроқли гул ва ҳандасий нақшлар б-н безатилган ҳамда лаъл, шиша ва б. кўзлар қадаш учун уячалар ҳосил қилинган тўртбурчак шаклидаги япроқчалар ва уларнинг ўртаси (маркази)да жойлашган шокилалар б-н безатилган юлдузсимон ёки гул шаклидаги турунждан тузилган. Орқа томонининг юзасига нафис ўсимликсимон нақшлар туширилган. Т.нинг ўзаро бириктирилган япроқчаларининг атрофи дурлар қатори б-н ҳошияланган. Қадимдан 20-а. бошигача Самарқанд усталари яратган қуйма Т.да қушнинг бўртма шакли аниқ яратилгани кузатилади, уларга турли шаклдаги шокилалар (юлдуз, ҳилол б-н юлдуз шакли, баъзан танга) осилган. Даврлар ўтиши б-н шакли бутундай ўзгариб кетган. Баъзан уни хафабанд деб ҳам атайдилар.

Тавқ (19-а. 2-ярми, Бухоро).

ТАВҚА, Тауке — қозоқ хони (1680—1718). Хон ҳокимиятини мустаҳкамлашда олий мулкдор табақа — султонларни кучсизлантириш учун бийларга таянган. Т. даврида тузилган «Жети Жарғи» («Етти Ёргу») қонунлари рус тарихида «Тауке қонунлари» номи б-н машҳур. Бу қонун бир қанча одатларни (қонли ўч олиш, аёлларнинг тенгсизлиги ва б.) расмийлаштирган. Т.нинг хон ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатлари зое кетган, қозоқ хонликлари парчаланган ҳолда қолган. Жунгарлар истилоси хавфи остида, Пётр I нинг шарқий сиёсатининг фаоллашуви, хўжалик алоқаларининг мустаҳкамланиши натижасида Т.нинг Россия б-н алоқалари кучайган. 1716 й. Т. жунгарларга қарши курашда ёрдам сўраб Россияга мурожаат қилган.

ТАВҚЕ (араб. — шоҳ ёрлиғи, фармони, муҳри) — *хаттотлик* услуби, араб ёзувидаги хат услубларидан бири. Шоҳ фармон ва нишонлари, қозихона, маҳкама ҳужжатлари, асосан, Т.да битилган. Ҳарфларнинг ярми текис чизиқ, ярми доира чизиқлар асосида ёзилади; ёзув тез битилганлиги учун ҳарфлар, сўзлар қўшилиб ёзилган. Ҳарфлар шакллари *сулс* ёзувиникига ўхшаб кетади, аммо «Т.»да «алиф» ва ҳарф таёқчалари бирмунча калтароқ, ҳарфлардаги эгмалар ёй шаклида эмас, кўпроқ ўткир бурчак ҳосил қилиб букилади. *Насх* ёзувчи хаттотлар Т.ни осон эгаллаган. Ибн Муқла, Ибн Баввоб ва б. хаттотлар Т. хатининг устасидир.

Баъзи ҳолларда Қуръон суралари бошланиши, келтирилган ибора ва жумлалар ҳамда китоб хотималари шу хатда битилган.

ТАВҒАЧ, Табғач, Тамғач, Табқоч, Тўба-Тоба, Туғбат — илк ўрта асрларда туркий халқлардаги тарихий-этник атама: 1) Хитой манбаларида тўба(туғбат) деб номланиб, улар қурган хонлик Шим. Вэй сулоласи (386—534) деб аталган. Тўбадар *сянби*ларнинг авлоди бўлган; 2) Туркий битикларда Т. атамаси *Тан* сулоласини англатган; 3) Маҳмуд Кошғарий «Девону луғатит турк» асарида Т.ни 20 она турк қабиласидан бири сифатида қайд этиб, Т.ларнинг яшаган ҳудуди Юқори Чин (Хитойнинг шим.) далиги, аммо кейинги даврда бу ҳудуд «Мочин» деб ўзгарганлигини, шунингдек, мамлакати қад. ва катта хон маъносида «Тавғач хон» дейилишини ёзган. *Қорахонийлар* ўзларини «Тавғач хон», «Тамғач хон» деб аташган.

ТАВҲИД (араб. — яккахудолик) — умумий маънода — яккахудолик ҳақидаги таълимот (қ. *Ваҳдоният*). Шаръий истилоҳда эса, Т. — исломда Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Аллоҳнинг бирлигига эътиқод қилиш.

Т. исломда (суннийликда ҳам, шиаликда ҳам) расман эътироф этилган ақидаларнинг биринчиси, моҳиятан, асосий ва марказий ақида. Мазмунан шундай тасаввурни ифода этгани учун Қуръоннинг 112-«Ихлос» сураси ҳам баъзан Т. сураси деб юритилади.

ТАГАЛ ТИЛИ, тагало, тагалог — *австронез тиллари* макроойласига мансуб филиппин тилларидан бири; дастлаб Филиппин Республикасининг энг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлмиш Лусон оролининг ўрта ва жан. қисмида, кейинчалик оролнинг шим.-ғарбий қисмлари ва Лусондан жан.даги бошқа оролларда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 15 млн. кишига яқин. Т.т. мустамлака давригача қабилалараро тил, 20-а. бошидан умуммиллий тил мақомида бўлиб, 1959 й. «пилипино» (филиппин тили) деган ном олган. 1973 й.да эса инглиз тили б-н бир қаторда Филиппин Республикасининг расмий тили деб эълон қилинган. Лаҳжалари 10 дан ортиқ бўлиб, улар тагалларнинг тарқалиш ҳудудига мос ҳолда манила, батаан, булакан, батангас каби номларга эга; лексика ва имло бўйича ўзаро фарқланади. Адабий тили манила лаҳжаси асосида шаклланган. Т.т. 100 дан ортиқ филиппин тиллари орасида 20-а. бошигача адабий тил сифатида шакл-

ланган ягона тилдир. Фонетикасида 5 унли ва 16 ундош фонема мавжуд. Отларга нисбатан феълларда морфологик категориялар (замон, нисбат) яхши ривожланган. Гапда сўз тартиби белгиловчи аҳамиятга эга эмас. Лексикасида испан, инглиз, хитой, араб, ҳинд тилларидан ўзлашган сўзлар кўп. Т.т. мустамлака давригача қад. ҳинд ёзувидан келиб чиққан бўғинли ёзувдан фойдаланган. 17-а. бошларидан лотин графикаси асосидаги ёзув жорий этилган.

ТАГАЛЛАР (ўзларини — тагалог деб аташади — Филиппиндаги халқ. Лусон о. марказий ва жан. қисмининг асосий аҳолиси. 15,4 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). *Тагал тилида* сўзлашади, бой адабиётга эга. Диндорлари — католиклар. Асосий машғулоти — деҳқончилик, балиқ овлаш. Т., асосан, денгиз соҳили, дарё водийлари, кўл атрофларида яшайдилар («Т.» айнан — сув бўйида яшовчилар, номи шундан).

ТАГАНРОГ — РФ Ростов вилоятидаги шаҳар (1775 й.дан). Азов денгизининг Таганрог қўлтигидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 289,8 минг киши (1998). Шаҳарга 1698 й.да Пётр I нинг буйруғи б-н қалъа сифатида асос солинган. Шаҳар РФ жан.даги муҳим саноат маркази. 40 дан ортиқ саноат корхонаси ишлаб турибди. Вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 1/6 қисмига яқинини шу корхоналар беради. Машинасозлик ривожланган. Металлургия з-дида пўлат прокат, қувур ишлаб чиқарилади. Буғ қозонлари, комбайнлар, кема таъмирлаш, темирчилик, электротермик асбоб-ускуналари з-длари, озиқ-овқат, енгил, шу жумладан, кўн-пойабзал, қурилиш материаллари, кимё саноатлари корхоналари бор. Радиотехника, пед. ин-тлари, картиналар галереяси, ўлкашунослик музейи, А.П.Чехов адабиёт ва тарихий-меъморий музей қўриқхонаси, драма театри мавжуд.

ТАГАНРОГ ҚЎЛТИҒИ — Азов денгизининг шим.-шарқий қисмидаги қўлтиқ. Долгая ва Белосарайская қум тиллари қўлтиқни денгиздан ажратиб турали. Уз.140 км, эни кираверишида 31 км, ўртача чуқ 5 м. Дек.дан мартгача музлаб ётади. Т.қ.га Дон, Кальмиус, Миус ва Ея дарёлари қуйилади. Соҳилида Мариуполь (Украина), Таганрог (РФ) портлари бор.

ТАГАР МАДАНИЯТИ — Енисей дарёсининг юқори ва ўрта ҳавзалари бўйида тарқалган темир даври маданияти (мил. ав. 7—3-а.лар). Енисейдаги Тагар о. номидан олинган (Минусинск котловинаси теграсида). Т.м. учун скиф типидаги қурол-аслаҳалар, от анжомлари, жез қозонлар ва кўзалар, санъатда «ҳайвон услубида» нақш бериб ишланган буюмлар хос. Т.м. тарқалган ҳудуд Евросиё жез қўйиш ишлаб чиқарилишининг энг йирик марказларидан бири ҳисобланади. Т.м. одамлари европеоид ирққа мансуб бўлишган. Мангилгоҳ, кон қолдиқлари, мозор-қўрғонлар топилган. Хўжалиги: деҳқончилик, чорвачилик, жез қўйиш ва жезлан турли қуроллар тайёрлаш.

Тагар маданияти. *1* — жез пичоқлар; *2* — жез ханжар; *3* — жез пайкон; *4* — жез болгача; *5* — сопол идиш; *6* — жез қозон; *7, 8* — ҳайвонлар шаклида ишланган жез туқачалар.

ТАГДЎЗИ — сидирга *кашта* тикиб безак яратиш усули; шу усулда тайёрланган бадиий буюмлар ҳам Т. деб аталади (мас., Т. дўппи ва б.). Одатда ироқи кашталарда таги бир хил рангдаги ип (ипак) б-н сидиргасига тўлдириб, мужассамоти нақшли бўлса, нақшлари ҳам турли рангдаги иплар б-н сидирга қоплаб тикилади. Т. зардўзликнинг *заминдўзи* усулида ҳам қўлланади.

ТАГИСКЕН — сўнгги жез даврига оид археологик ёдгорлик. 1959 й. Қизилўрда (Қозоғистон) ш.нинг жан.-ғарби, Сирдарёнинг қад. ўзани Инқардарё яқинидан топилган. Т. 1960—63 й.ларда СССР ФА Хоразм археологик экспедицияси (С.П. Толстов раҳбарлигида) тадқиқот ишларини олиб борган. Тадқиқотлар натижасида Т.дан 70 дан зиёд мозорқўрғон аниқланган. Дафн иншоотлари улкан бўлиб, айримларининг диаметри 25 м гача. Т. 2 қисмдан: Шим. Т. ва Жан. Т.дан иборат. Шим. Т. мил. ав. 9—8-а.ларга оид бўлиб, хом гиштдан қилинган ҳашаматли дафн иншооти қолдиқлари ва унинг атрофидан 14 та ҳар хил ҳажмдаги қабр топилган. Уларга қабила бошлиқлари, атрофдаги қабрларга эса, уларнинг қариндошлари дафн этилган. Қабрлардан олтин ва жез исирга, маржон, жез мих, ўроқ, пайкон ва сопол идиш (кўза, коса, тувак)лар топилган. Жанубий Т.дан мил. ав. 7—5-а.ларга оид сак қабилаларининг дафн иншоотлари очилган. Қабрлардан эгар-жабдуқ, жез уқ учи, ёгоч қинли шамшир, ойна ва нақшланган сопол идишлар, скифча усулда ишланган олтин билагузуклар, эгар-жабдуқларнинг жездан ясалган буюмлари топилган. Моддий маданиятда сўнгги жез даврига оид маҳаллий маданият анъаналари б-н Ўрта Осиё жан.даги бирмунча юксак маданият Жан. Урал савроматлари, Қозоғистон саклари ва Жан. Сибирнинг скиф типидаги маданияти б-н алоқадор бўлган.

ТАГЛАР — арман мумтоз мусиқа жанри. Йирик ва мураккаб шакллаги якка хонанда томонидан ижро этилаётган ашула йўлларидан иборат. Диний ва дунёвий мазмунга, лирик-мушоҳадали, эпик ва драматик характерга эга. 10-а.да гусан (профессионал ашулачи-достончи ва созанда)лар ижоди негизида юзага келган (Г. Нарекаци ва б.). Тага ижодкорлари (тагасацлар)нинг анъаналари *ошиқлар* санъати ривожига замин яратган.

ТАГОБИ, Ангури сиёҳ — хўраки ва винобоп ўртапишар узум нави. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистонда экилади. Тупи кучли ўсади. Барглари ўртача, беш бўлмали, сал кертикли, бети бир оз буришган, орқа томони тукли. Узум боши ўртача ва йирик, конуссимон, шингиллари ҳавол. Ғужуми ўртача ва йирик, юмалоқ, уруғсиз, қора, ялтироқ, юпқа ғубор б-н қопланган. Пўсти қалин. Эти сершира, хуштаъм. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 2800° бўлганда 135—140 кунда пишади. Таркибида 21—22% қанд, 5,2% кислота бор. Новдалари яхши пишади. Ҳосилдорлиги 150—160 ц/га. Совуққа чидамли. Янгилигида истеъмол қилинади, турли винолар, шарбатлар, майиз тайёрланади.

Тагискен. Дафн иншооти (мил. ав. 9—8-а.лар).

ТАГОР Рабиндранат (Тҳакур Робиндранатҳ; 1861.7.5 — Калькутта — 1941.7.8) — ҳинд ёзувчиси ва жамоат арбоби. Бенгал тилида ижод қилган. Калькутта ва Лондон ун-тларида ўқиган (1878—80). Англияда чиқалиган «Гьянанкур» ва «Бҳарати» жур.ларида дастлабки шеър, достон ва мақолалари босилган (1875 й.дан). Ватанига қайтгач (1880), «Валмика даҳоси» (1881) мусиқали драмасини ёзган. Илк шеърий тўплами — «Оқшом қўшиқлари» (1882) пантеистик руҳда. «Табиат интиқоми» (1883) пьесаси. «Тонгги қўшиқлар» (1883), «Суратлар ва қўшиқлар» (1884) шеърий тўпламларида пок муҳаббат улугланган. «Бибҳа соҳили» (1883) ва «Донишманд ража» (1886) тарихий романларида зулм ва адолатсизлик қораланган. Т. 1884—1911 й.ларда «Браҳма Самаж» диний-маърифий жамиятининг котиби вазифасида ишлаган. Ҳиндистон Миллий Конгрессининг 2-конгресси (1886) ишларида фаол қатнашган. Унинг «Читра» (1896), «Лаҳза» (1900) шеърий тўпламлари, «Ража ва Раний» (1889), «Қурбонлик» (1890), «Читрангода» (1892), «Малини» (1895) фалсафий драмалари ва «Ҳисоблар» (1891), «Жазо» (1893), «Нур ва соялар» (1894) каби ҳикояларида ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши кураши тасвирланган. «Шадҳода» жур.ида сиёсий ва ижтимоий мақолалари чоп этилган. Калькутта яқинидаги Шантиникетонда мактаб очиб, ўқитувчилик қилган. 20-й.ларда Вишвабҳарати ун-тига асос солган. «Кўзга тушган чўп» (1902), «Ҳалокат» (1905) романлари ва «Бузилган уя» (1903) қиссаси б-н бенгал адабиётида маиший-психологик роман жанрини бошлаб берди. 1902 й. Т.нинг хотини, отаси, ўғли оламдан ўтади. Унинг бу мусибат ва изтироблари «Хотира» (1903), «Фарзанд» (1903), «Паром» (1906) шеърий тўпламларида акс эттирилган. «Гора» романи (1907—10), «Қасос» (1905) драмаси ва «Почта» (1912), «Консерватизм қалъаси» (1912) пьесаларида Т. Ҳиндистондаги барча миллат вакилларини, улар қайси табақа ва диний мазҳабдан бўлишидан қатъи назар, озодлик учун курашда ягона иттифоққа бирлашишга даъват этади. Унинг «Халқ қалби» номли қўшиғи (1911) Ҳиндистон Республикасининг, ватанпарварлик ҳақидаги «Менинг олтин Бенгалиям» қўшиғи (1913) эса Бангладеш Халқ Республикасининг миллий гимнига айланган. «Гитанжали» («Бахшида қўшиқлар», 1910) шеърий тўплами учун унга нуфузли мукофот берилган. «Турналар парвози» (1914—16) шеърий туркуми шоирнинг Ғарб мамлакатларига қилган сафари, 1-жаҳон уруши ва инсоният тақдири ҳақидаги ўйларини акс эттирган.

«Тўрт ҳаёт» (1916) қиссаси, «Хонадон ва жаҳон» (1915—16) романи миллий озодлик ҳаракати воқеаларига бағишланган.

30-й.ларда Т.нинг сиёсий қарашлари янада ўсади, у ўз ижодида миллий озодлик ҳаракатига эътибор қаратади. Бу даврда «Интиҳо ҳақида достон» (1929), «Тўрт қисм» (1934) романлари, «Япроқлар» (1936), «Тунги шам» (1938), «Сўнгги шеърлар» (1941) шеърий тўпламлари нашр этилди.

Т. 30-й.ларда бадиий асарлар б-н бир қаторда кўплаб дарсликлар, фалсафа ва дин бўйича илмий рисолалар ёзди, миллий озодлик ҳаракати масалаларини адабиётда янада кенгроқ ёритишга катта эътибор берди, ҳинд шеъриятида янги сиёсий жанрни яратди («Африка», 1936; «Будда ихлосмандлари», 1937 ва б.). Т. ижоди, ҳоз. бенгал адабий тилининг шаклланишида, шеъриятнинг янги шакл ва мазмун б-н бойишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. У ўз шеърларига мусиқа басталаб, оммавий қўшиқлар яратган.

Асарлари жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган. Т.нинг «Ҳалокат» романи асосида тайёрланган «Ганг дарёсининг қизи» драмаси (1956) ва «Почта» пьесаси (1961) ҳоз. Ўзбек миллий театрида саҳналаштирилган. «Ўзбекфильм» киностудияси «Ганг дарёсининг қизи» фильмини яратган (1961). 8 ж.ли асарлар тўплами (1958—65) ўзбек тилида нашр этилган. Нобель мукофоти лауреати (1913).

Ад.: Ҳошимов И., Рабиндранат Тагор (ҳаёт ва ижодий йўли), Т., 1961; Кўзга тушган чўп, Т., 1973.

Сандулла Йўлдошев, Улфатхон Муҳибова.

ТАГУИ — ўртапишар хўраки, майизбоп узум нави. Арманистон узумчилик, виночилик ва мевачилик и.т. ин-тида *Каттақўрғон* ва *Пушти кишмиш* навларини чатиштириб чиқарилган (Р.А.Ергесян). Тупи кучли ўсади. Барглари ўртача, беш бўлмали, орқа томони силлиқ. Гули икки жинсли. Узум боши ўртача, конуссимон. Ғужуми ўртача ва йирик, чўзиқ, кўкиш-сариқ, юпқа ғубор б-н қопланган. Пўсти юпқа, эти гўштдор, серсув. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 3220° бўлганда 140—150 кунда пишади. Новдалари яхши етилади. Ҳосилдорлиги 120—150 ц/га. Касалликлар ва зараркунандаларга чидами ўртача. Узуми янгилигида истеъмол қилинади, юқори сифатли майиз тайёрланади.

«ТАДБИРКОРБАНК» — Ўзбекистондаги йирик акциядорлик тижорат банки. 1993 й. 7 янв.да «Ўздеҳқонсаноатбанк» негизида ташкил этилган. Бошқаруви Тошкент ш.да. Банкнинг йирик таъсисчилари: *«Бизнес-фонд»*, *«Мадад» сугурта агентлиги* ва б. Жисмоний ва юридик шахслардан иборат акциядорлари 24 мингдан ортиқ. «Т.» кенг тармоқли универсал банклардан бири бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда 13 та филиали, республика (Тошкент ш.) ва вилоятлар марказларида амалиёт бўлимлари, 69 туман бўлими, туман бўлимлари қошида 42 минибанк ишлайди (2003).

Банк фаолиятининг асосий йўналиши — қишлоқда тадбиркорлик ва мулкчиликнинг янги шаклларини ривожлантиришни молиявий қўллабқувватлашдан иборат. «Т.» республика қ.х. корхоналарига — деҳқон ва фермер хўжаликларига, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига, кооперативларга, қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи хусусий корхоналар ва фирмаларга турли банк хизматлари кўрсатади. Бундан ташқари, банк кредитлар жалб этиш ва бериш, мижозлар ва мухбир банкларнинг ҳисобварақларини юритиш, пул жамғармаларини қабул қилиш ва жойлаштириш, тўлов ҳужжатлари ва б. қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш ва сақлаш, *факторинг* ва *лизинг* хизматлари кўрсатишни амалга оширади. Банк мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиётни жадал ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқда. «Т.» томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига қ.х. техникаси ва минитехнологиялар, эҳтиёт қисмлар олиш учун лизинг хизматлари кўрсатишни кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес субъекларини кредитлашда экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот и.ч.га, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли моллари и.ч. б-н боғлиқ бўлган лойиҳаларга асосий эътиборни қаратмоқда. 2003 й.да 41 мингдан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатди. Банкнинг устав капитали 2,2 млрд. сўм, ўз капитали 3,85 млн. сўм, берилган кредитлар 12,1 млрд. сўм, йиллик фойда 642,7 млн. сўм, жами активлари 33,4 млрд. сўм, захира капитали 507,3 млн. сўм (2003).

Кезиёр Турсунов

ТАДБИРКОРЛИК — капитал сарфлаб товар ва хизматлар яратиш б-н фойда топишга қаратилган иқтисодий фаолият, *бизнес*нинг асосий тури; Т. мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус б-н иқтисодий фаолият кўрсатишидир. Т. ноёб қобилият, ер, меҳнат, капитал, ахборотлар б-н бир қаторда иқтисодиёт ва и.ч.нинг бош омилларидан бири ҳисобланади. Т. бизнесга киради, лекин ҳар қандай бизнес Т. бўлавермайди. Бизнесда товар ва хизматлар яратилиб, бозордаги *талаб* қондирилганда Т. фаолияти юзага келади.

Т. тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалса-да, Т. тушунчаси 18-а.да пайдо бўлган ва кўпинча «мулкдор» ибораси б-н бир маънода қўлланилган. Хусусан, А. *Смит* тадбиркорни фойда олиш учун бирон-бир тижорат гоясини амалга ошириш мақсадида таваккалчилик б-н иш кўрувчи мулкдор деб тавсифлайди. Ҳоз. замон Ғарб адабиётида ҳам Т. фойда олиш мақсадида хўжалик юритиш санъати, иқтисодий ва ташкилий ижодкорлик ва ташаббуснинг эркин намоён бўлиши, новаторлик, хавф-хатарга доим тайёр туриш каби белгилар б-н тавсифланади.

Т. қуйидаги тамойилларга таянади: бозор талабига кўра мустақил иқтисодий фаолият олиб бориш; фойда олишдан иборат мақсадга эга бўлиш; иқтисодий масъулият ва мажбуриятни ўз зиммасига олиб, таваккалига иш қила билиш; янгиликка интилиш; белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш; тадбиркорлик сирини сақлаш; ижтимоий масъулиятни ҳис этиш, яъни ўз жамоаси, халқи фаровонлигини таъминлашни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билиш ва б. Ташкилий жиҳатдан Т. жисмоний ва юридик шахслар фаолиятидан иборат. Т. бизнес сифатида, асосан, саноат, аграр ва сервис соҳаларда кечади. Т. мулкий жиҳатдан 4 хил кўринишга эга: давлат тадбиркорлиги; хусусий тадбиркорлиги; жамоа тадбиркорлиги; аралаш Т.

Иш кўлами жиҳатидан кичик, ўрта ва йирик Т.ка бўлинади. Улар бир-биридан капитал миқдори, ишловчилар сони, яратилган маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати (ҳажми) ва олинган фойда миқдорига қараб фарқланади. Т. ғоят мураккаб фаолият бўлганидан, махсус истеъдод, тайёргарлик ва тажрибани талаб қилади. Ер юзида Т. б-н аҳолининг 8—10% шуғулланади, холос. Хитойда 2002 й.да аҳолининг 12,5% Т. қилган. Ўзбекистонда 2003 й. меҳнатга лаёқатли аҳолининг 15,4% Т. б-н шуғулланди. Улардан микрофирма соҳиблари (минг киши) — 214,0, кичик корхона эгалари — 17,3, урта корхона эгалари — 7,4, фермерлар — 87,5, якка тартибда Т. қилувчилар — 97,1, майда деҳқон хўжалиги соҳиблари — 160,0дан иборат бўлди (2004).

Ўзбекистонда Т. тарихан кўҳна ҳолиса ҳисобланса-да, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати б-н утказилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 20-а.нинг 90-й.ларидан бошлаб кичик ва ўрта савдо, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусийлаштирилиши муносабати б-н хусусий Т. анча ривожланди. Республикада иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» қонуни (1991, 15 фев.), «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» (1995, 12 дек.), «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (1999, 15 апр.), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» (2000, 25 май) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 й. 23 фев.даги «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги» фармони Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асосий таянчи бўлган тадбиркорлар тоифасини шакллантиришга ҳуқуқий базани яратди.

Аҳмаджон Ўлмасов, Рустам Ҳасанов.

ТАДРИЖ (араб. — босқичма-босқич илгарилаш, юксалиш) — мумтоз шеъриятдаги бадиий усуллардан бири; шеърда, асосан, ғазалларда муайян образ (ёки тушунча)ни ўхшатишлар воситаси б-н даражама-даража ривожлантириб боришдан иборат. Т. кўпинча мусалсал (занжир ҳосил қилувчи, силсилали) ва воқеабанд (сюжетли) ғазалларга хос бўлиб, бунда китобхон кўз ўнгида бир образ, тушунча ёки ҳолатнинг ўхшатишлар силсиласи орқали ифодаланган мукаммал бадиий тасвири намоён бўлади. Мас., Навоийнинг:

Ёрдин айру кўнгул мулке дурур
султони йўқ,
Мулкким султони йўқ, жисме
дурур ким, жони йўқ,

байти б-н бошланадиган ғазалида ёрдан ажралган кўнгилнинг ҳолати ҳақида сўз боради. 1-мисрада ёрдан ажралган «кўнгил» «султонсиз мамлакат»га ўхшатилса, 2-мисрада «султонсиз мамлакат» «жонсиз жисм»га ўхшатилади ва ҳ. Ўхшатишлар ғазалнинг охиригача даражама-даража ривожлантириб борилади ва мукаммал композициянн вужудга келтиради: ёрдан ажралган кўнгил — султонсиз мамлакат — жонсиз жисм — гулу райҳонсиз қора туфроғ — маҳи тобонсиз қоронгу кеча...

Навоийдан бошқа мумтоз шоирлар ижодида ҳам Т. асосида яратилган воқеабанд ва мусалсал ғазаллар учрайди.

ТАЖАН — Туркманистондаги шаҳар (1925 й.дан). Тажан воҳасида, Тажан дарёси бўйида. Т.и. станцияси. Аҳолиси 42,2 минг киши (1990- й.лар ўрталари). Пахта тозалаш з-ди, гилам цехи, қурилиш материаллари ва конструкциялари к-ти, сут з-ди бор. Т. яқинида (жан. да) Тажан сув омбори жойлашган. Тажан ва Мурғоб дарёлари оралигида йирик табиий газ захиралари топилиши б-н Т. газ саноатининг муҳим марказларидан бирига айланди.

ТАЖАН (Туркманистон чегарасидан ташқаридаги қисми Ҳерирул) — Афғонистон, Эрон ва Туркманистондаги дарё. Уз. 1150 км. Ҳавзасининг майд. 70600 км². Афғонистон ҳудудида тахм. 3000 м баландликдан бошланади. Ҳирот воҳасигача тоғлар орасидан тор водийда, остоналар орқали оқади. Ҳирот ва Тажан воҳасида водийси кенг. Энг йирик ирмоқлари: Ишлан ва Кашафруд. Т. сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Дарё Ҳирот воҳасидан чиққач, Эрон б-н Афғонистон чегарасидан, сўнгра Туркманистон б-н Эрон чегарасидан оқади. Т. Тажан воҳасида ирригация каналларига таралиб, сўнг тугайди. Суви жуда лойқа. Дарё, асосан, қордан, қисман, ёмғирдан сув олади. Март — май ойларида тўлиб оқади. Қишда музламайди. Ўртача сув сарфи Пули Хотун яқинида (дарё тугаган жойдан 325 км юқорида) 30 м³/сек., энг кўп сув сарфи 990 м³/сек. Дарёнинг Туркманистон б-н Эрон чегарасидан ўтган қисми ёз охирида кўпинча қуриб қолади. Т.га Туркманистон ҳудудида иккита сув омбори — Тажан (ҳажми 142 млн. м³) ва Тажан-2 (ҳажми 180 млн. м³) қурилган. 1960 й.дан Амударё сувининг бир қисми Қорақум канали орқали Т.га қуйилмоқда. Т. бўйида Тажан ш. бор.

ТАЖИМУРАТОВА Айсулу (1948. 16.11, Кегейли тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Нукус педагогика ин-тини тугатган (1971). 1971 й.дан Нукус ш.даги 4-мактабда, 1992 й.дан 37-лицейда кимё-биол. ўқитувчиси. Дарсни техник воситалардан, кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда давлат таълим стандартлари талаблари асосида ташкил этади. II даражали «Соғлом авлод учун» ордени б-н мукофотланган (1997).

ТАЖНИС (араб. — ўхшаш, шаклан ўхшаш, ҳамжинс, ҳамшакл) — оғзаки ва ёзма адабиётдаги бадиий санъатлардан. Т.да *омонимлар* нозик сўз ўйинларини ишлатишга имкон беради. Шарқ бадиийёт илмида Т.ни лафздошлик даражаси ва имлосига қараб бир неча турларга ажратганлар. Агар Т. бирикма лафздошлигига асосланган бўлса «тажниси мураккаб» (мас.: ёқилди — ё қилди, ёзаман—ёза мен), агар Т.нинг тузилиши бир хил бўлиб, ёзилиши ҳар хил бўлса «тажниси лафз» деб аталган. Ўзбек адабиётида Т.ни шеърий санъат сифатида ишлатишнинг 7 тури борлиги қайд этилган. У, айниқса, ёзма шеъриятнинг деярли барча жанрларида бадиийликни юзага келтириш, сўз ўйинлари ҳосил қилиш, сўз маъноларининг хилма-хил товланишларини намойиш қилиш мақсадларида қўлланган. Мумтоз шеъриятда қофияларида Т.ли (омонимли) сўзлар ишлатилган номалар, ғазаллар, қитъалар, туюқлар, фардлар кўп. Шоирлар шеърда, мисра ёки байтда бир-бирига шаклан ўхшаш, жинсдош сўзларни турли маъноларда қўллашиб, чиройли Т. лар яратганлар. Айниқса, Т. туркий халқлар шеъриятининг ўзига хос жанрларидан бири бўлган *туюқ*ларда кенг қўлланган.

Бўлди чун умринг кунининг вақти туш.
Нафси саргашт отини кўп чоима, туш.
Ҳобғоҳ этгил қаноат манзилин,
Йўқса ҳаргиз кўрмагингдир рост туш.

(Огаҳий).

Биринчи мисрадаги «туш» куннинг туш пайтини, киши умрининг ўртасини; иккинчиси отдан туш—ёшингни ўйлаб иш қил, инсофга кел; учинчиси уйқуда туш кўрмоқ маъноларида ишлатилган. Т.ли қофиялар туюқнинг жанр компонентларидан биридир. Бобур ижодидан бошлаб 2 мисрасида Т. сўзлар қофия бўлиб келувчи фардлар ҳам яратила бошлаган. Т. 15-а. ўзбек шеъриятида Юсуф Амирий, Лутфий, Навоий яратган туюқларда кенг қўлланилган. Унинг санъат сифатидаги намуналари Бобур, Убайдий, Мунис, Увайсий, Комёб, Огаҳий, Амирий, Рожий Марғилоний шеъриятида ҳам учрайди. Кейинчалик: Ҳабибий, Чархий, Ғафур Ғулом, Восит Саъдулла ва б. Т.ларнинг оригинал турларини топишиб, шеъриятга киритдилар.

Т. халқ оғзаки ижодида ҳам бадиийликни юзага келтириш омилларидан бири бўлиб келган.

Ад.: Раҳмонов В., Шеър санъатлари, Ленинобод, 1972; Рустамов А., Навоийнинг бадиий маҳорати, Т., 1979; Орзибеков Р., Туюқ: Лирикада кичик жанрлар, Т., 1976.

Раҳмонқул Орзибеков.

ТАЖОҲУЛИ ОРИФОНА (араб. — билиб туриб билмасликка олиш) — мумтоз шеъриятда ўхшатиш усулларидан бири; шоир ўхшатиш манбаини кучайтириб, бўрттириб кўрсатиш мақсадида ўша манбага (одатда ёрга, маҳбубага) нисбатан бир ёки бир неча ўхшатиш қўллайди, лекин гўё ўзини нодон кишиларча тутиб, ўзини билмасликка солиб, ушбу ўхшатишларининг тўғри-нотўғрилиги ҳақида бошқалардан сўрайди. Аслида эса шоирнинг ўзини билиб билмасликка солиши шартли бўлиб, унинг ўхшатишларида камчилик, хатолик йўқ; унинг асл мақсади ёр қиёфасини муболағали тавсифу ўхшатишлар асосида киши кўз ўнгида аниқ гавдалантиришдан иборатдир. Мас., Лутфийнинг

Малак ё ҳур, билмом, ё парисан?
Бу рафтор ила ё кабки дарийсан?

байтида шоир маъшуқа сиймосини малак, ҳур, париларга, унинг юришини эса кабки дарий (каклик тури) юришига ўхшатади-ю, ўзини билмасликка солиб, айни қайси ўхшатиш тўғрилигини билмагандай, бу ҳақда сўраб кўради. Тўғридан-тўғри ўхшатишга нисбатан бу хил яширин ўхшатиш, қиёслаш байтнинг таъсирчанлигини оширади, ўқувчига завқ бағишлайди.

Т.о. санъати кўпинча ғазалнинг матласидан мақтасигача давом эттирилади, яъни барча байтлар шу санъат асосида ёзилади. Мас., Атоийнинг

Менгиз ё равзан ризвонмидур бу?
Оғиз ё гунчан хандонмидур бу?

байти б-н бошланадиган ғазали охиригача шу санъатга асосланиб яратилган. Т.о. санъати мумтоз шеъриятимизда кенг қўлланган бўлиб, ундан деярли барча шоирлар фойдаланганлар.

Ад.: Ҳожиаҳмедов А., Мумтоз бадиият малоҳати, Т., 1999.

ТАЖРИБА — воқеликни амалий жиҳатдан ҳиссий-эмпирик билиш жараёни. Т. кенг маънода — уқув, малака ва билимнинг бирлигидан иборат. Шунингдек, фалсафада билишнинг эмпирик усулларидан бири — эксперимент усули ҳам Т. деб аталади. Т. қадимдан фалсафа тарихида муҳим тадқиқот объекти бўлиб келган. Шарқ фалсафасида бирор нарсадаги муайян хосса ёки хусусиятни текшириб кўриш мақсадида ўтказилган синов ҳам Т. деб аталган. Абу Райҳон Беруний Т.ни эксперимент ва кузатиш б-н боғлаб тушунтириш тарафдори бўлган. У Ибн Сино б-н мунозарада фикран фараз қилиб кўришга нисбатан амалий эксперимент ишончлироқ маълумот беришини таъкидлаб, фикрий мулоҳазалар оғиздан-оғизга ўтиш б-н ўзгариб бориши ва асл маъносини йўқотиши мумкин деб, амалий Т.нинг аҳамиятини юқори қўйган. *Эмпиризм* ва *сенсуализм* вакиллари билимларимизнинг энг ишончли ва ягона манбаи ҳиссий маълумотлардир, деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича, билимларда сезгилардан илгари бўлган нарсаларнинг ўзи йўқ, ҳамма билимлар энг аввало сезгилар орқали ҳосил қилинади. Идеалистик эмпиризм намояндалари Д. *Юм*, Ж. *Беркли* Т. асосида объектив реаллик ётишини инкор этиш асосида уни сезгилар мажмуасидан иборат деб билишган. Ф. Бэкон, Гоббс, Локк, Дидро, Гельвецийлар эса Т.нинг манбаи моддий олам деб материалистик эмпиризм нуқтаи назарида туришган. *Рационализм* вакиллари Декарт, Спиноза, Лейбниц фикрича, оламни мантиқий билишда Т.га эҳтиёж йўқ, чунки Т. узуқ-юлуқ, бир томонлама, саёз ва юзаки, номукаммал билимларни беради. Бундай билимларни системалаштириш, умумлаштириш, чуқурлаштириш учун ақлий тафаккур керак бўлади деб, билишда Т.нинг ролини камситишади. И. *Кант* Т.ни тушунишда рационализмни ҳам, эмпиризмни ҳам жиддий танқид қилган. Унинг фикрича, одамлар мушоҳаданинг шундай бир априор (тажрибагача бўлган) шаклига эгаки, унинг ёрдамида сезгилар орқали олинган маълумотлар синтез қилинади ва улар тасаввурдаги бўйича қатъий тартибга солинади. *Гегель* билишни кўп босқичли деб тушунади, у оламнинг билиш жараёнида эришган натижалари б-н қўйган мақсади ўртасида доимо фарқ бўлади, яъни эришилган натижалар мақсадга етмайди, оқибатда билувчи истаган нарса б-н эришган натижани таққослаш асосида предметга қараш ҳам ўзгариб боради ва шу тарзда предмет ҳақидаги янги билимлар пайдо бўлади, ана шу янги билимларнинг ҳосил бўлиш жараёни Т.дир, деб ҳисоблайди. Прагматист ва инструменталистлар фикрича, Т. нарсалардан «инструментал» маънода фойдаланишдир, экзистенциалистлар Т.ни субъектнинг бевосита ички кечинмалари дунёси сифатида талқин этади, неопозитивистлар Т.ни субъект онгининг турли ҳолатлари деб ҳисоблашади. Марксча файласуфлар назарида, Т. практика (амалиёт) категориясига мансубдир.

Кишиларнинг ҳаёти мобайнида орттирган билимлари, уқув ва малакалари мажмуаси бўлган Т. авлоддан авлодга ўтиб боради. Т. фанни бойитишнинг, назария ва амалиётни ривожлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бахтиёр Тўраев.

ТАЖРИБА ДАЛАСИ —1) қ.х. соҳасидаги тажриба муассасаси; Т.д.да жойнинг табиий ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда қ.х. экинлари етиштиришнинг рационал усулларини ишлаб чиқиш мақсадида дала тажрибалари ўтказилади. Т.д. қишлоқ хўжалиги фанлари ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Ҳоз. даврда мустақил муассаса сифатида ўз аҳамиятини йўқотди. Кўпгина Т.д. асосида тажриба ст-ялари, баъзи ҳолларда эса ин-тлар ташкил этилган. Ҳозир ҳам сақланиб қолган Т.д. муайян ин-тлар ихтиёрида бўлиб, доимий тажриба майдони вазифасини бажаради. Ўзбекистонда деҳқончиликка доир дастлабки Т.д.дан бири *Мирзачўл тажриба даласи* бўлган; 2) дала тажрибалари ўтказиладиган ер участкаси. Қ.х. экинларининг биологик ва агротехник хусусиятларини, уларни турли табиий ва хўжалик шароитларида етиштириш усулларини ўрганиш учун мўлжалланади. Т.д.нинг тупроги мазкур зона учун типик, унумдорлиги жиҳатидан бир хил, рельефи текис, нишаби тупроқни бир текисда намлашга имкон берадиган даражада бўлиши тажриба натижаларининг аниқлигини таъминлайди. Т.д. учун сўнгги 3—4 йил давомида ҳар йили бир хил экин экилган, ўгит солиш, тупроққа ишлов беришда ягона система қўлланилган ерлар танланади ва ҳ.к. Майдондаги пайкалларнинг катта-кичиклиги ва тажриба такрорийлиги дала тажрибасининг аниқлигига таъсир кўрсатади. Тажрибалар муайян сондаги вариантлардан иборат бўлган маълум бир схема бўйича бажарилади. Тажриба кичик пайкалларда ўтказилса ва жуда аниқ натижалар олиш зарур бўлса, тажриба 6 мартагача такрорланади (мас., Давлат нав синовида 50 м² катталиқдаги пайкалларда). Пайкал тахм. 100 м² гача катталаштириб борилганда тажриба аниқлиги ортиб боради, уларни янада катталаштириш тажриба аниқлигини пасайтиради. Алоҳида-алоҳида ишлов беришни талаб қилмайдиган пайкалларда агротехника тажрибаларининг асосий қисми катталиги 50—200 м² келадиган пайкалларда ўтказилади. Машина ва қуролларни алоҳида-алоҳида ишлатишни талаб этадиган тупроққа ишлов бериш усуллари ёки бошқа агротехника тадбирларини синаб кўришда ҳар бир пайкал 300 ва, ҳатто, 1000 м² гача катталаштирилади. Т.д.да ўсимликлар ҳосилини миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобга олиб бориш шарт, бу эса дала шароитларида ҳосилнинг ўрганилаётган шу усулларига қай даражада боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Абдукарим Зикирёев.

ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ — қишлоқ хўжалиги бўйича и.т.лар олиб борадиган муассаса. Қ.х. экинларини етиштиришда ва чорвачиликда илмий жиҳатдан асосланган усуларни яратиш учун и.ч.га яқин бўлган шароитларда тажрибалар ўтказади. Дастлабки қ.х. тажриба ст-ялари Европа мамлакатларида, хусусан Англия ва Франция (1835), Германия (1852) ва Россияда (1886) пайдо бўлган. Ўзбекистон ҳудудида бундай ст-ялар 19-а. охирларида ташкил этила бошлаган. 1898 й.да Тошкент яқинида *Туркистон қишлоқ хўжалиги станцияси* ташкил этилди. 1914 й.дан Мирзачўл, Андижон қишлоқ хўжалиги Т.с.ларида гўза навлари синови ўтказилган. Кейинчалик 1913 й.да Фарғона Т.с., 1929 й.д Туркистон селекция ст-яси ташкил этилди. Кейинчалик бу ст-я асосида Гўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. институти ташкил топди. И.т. ишларининг характерига қараб, тармоқ, комплекс ва тажриба-селекция ст-яларга бўлинади. Тармоқ қишлоқ хўжалиги Т.с. деҳқончилик ёки чорвачилик йўналишида и.т. ишларини олиб боради. Улар кўпинча тармоқ илмий-талқиқот ин-тлари ёки олий ўқув юртлари таркибида ишлайди. Комплекс қишлоқ хўжалиги Т.с. кўп тармоқли бўлиб, вилоят қ.х. тажриба ст-ялари ҳисобланади ва шу вилоят қ.х. корхоналари учун хизмат кўрсатади, фан ва илгор тажриба ютуқларини тарғибот қилади ва ишлаб чиқаришга татбиқ этади. Тажриба-селекция станциялари и.т. ин-тлари ҳузурида ташкил этилади ва қ.х. экинларининг янги навларини яратиш, муайян тупроқ-иқлим шароитлари учун нав агротехникасини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Уларнинг қарамогида тажрибалар ўтказувчи экспериментал хўжаликлар иш олиб боради. Бу хўжаликларда и.ч. тажрибалари ўтказилади ва унинг натижалари тўғридан-тўғри қ.х. ишлаб чиқариш корхоналарига фойдаланиш учун тавсия этилади.

Абдукарим Зикирёев.

ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИ — и.т. муассасасига илмий тавсияларни синаб кўриш мақсадларида биркитиб қўйилган хўжалик. Одатда бир-биридан тупроқ-иқлим ва хўжалик шароитлари жиҳатидан фарқ қиладиган минтақаларда жойлашган бўлади. Т.х.да илмий янгиликлар муайян ҳудуднинг шароитларига максимал яқинлаштирилган шароитларда текшириб кўрилади. Бу ишларни амалга оширишда и.т. институти ходимлари б-н бирга мутахассис-амалиётчилар ҳам иштирок этади. Тажриба хўжаликлари ўсимликшунослик ва деҳқончилик б-н шуғулланувчи тармоқ и.т. ин-тлари таркибида ўсимликларнинг истиқболли навларини синаш, кўпайтириш ва уларни и.ч.га жорий этиш, экиладиган экинларни ўстириш технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш, янги қ.х. техникаси ва қуролларини синаш ва б. бўйича илмий-амалий иш олиб боради. Мас., Ўзбекистон пахтачилик ин-ти таркибида Марказий тажриба хўжалиги (Тошкент вилояти), Янгиобод, Ҳазарбоғ, Дустлик (Сурхонларё вилояти), Ўзбекистон (Фарғона вилояти, Қува тумани) ширкат тажриба хўжаликлари бор.

ТАЗАР — ер остидаги сув, ёмғир, қор сувларини ингиб шаҳар ташқарисига чиқариш ва оқинлилар учун катта (йўғон) сопол қувурдан ёки гишт ва лойдан тайёрланган махсус қурилма. Қадимдан заҳоб ерларнинг сувини қочирадиган *зовур* услубидаги қувурлар бўлган. Қад. Миср, Рим, Юнонистон ва Ҳиндистонда Т. қўлланилган. Далварзинтепадан мил. 2—3-а.ларга оид бой-зодагон уйининг поли остидан (3,5 м чуқурликдан қазиб олинган 20 та Т.нинг уз. 93—98 см, диаметри 42—46 см бўлган) топилган. *Афросиёбдан*, Тожикистоннинг Қўрғонтепа будда ибодатхонасидан (2—3-а.лар), Термиздаги Қоратепа будда ибодатхонасидан (2—3-а.лар), Афғонистоннинг Ойхоним ш. харобасидан (мил.ав. 4-а.), *Марядаги* Абдуллахон шаҳар-қалъа харобасидан топилган Т.лар ўзига хослир. Ўрта Осиёда (11—16-а.лар) арк, ўрда, қалъа, турар жой меъморлиги, мадраса ва ҳаммомлар қурилишида Т.дан фойдаланилгани ҳақида ёзма маълумотлар сақланган. Ҳозирги кунда кўпқаватли уйлар, жамоат бинолари ва б. қурилишларда *канализация* тизимидан фойдаланилмоқда.

Тазар (Далварзинтепа, 2—3-аср).

ТАЗКИРА (араб. — эслатмоқ, зикр этмоқ) — ўрта аср форсий ва туркий тилларлаги адабиётшунослик жанрларидан бири. Кенг маънода — тарих, тасаввуф, санъат соҳасидаги воқеа ва шахслар ҳақида эсдалик руҳидаги асар, мас., «Тазкират ул-авлиё» (*Фаридиддин Аттор*), «Тазкирай Муқимхоний» (*Муҳаммад Юсуф*), «Тазкирай хаттотон» (*Рудакий*), «Тазкирай авлиёи туркий» (*Рушдий*) ва б. Тор маънода — шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, асарларидан намуналар келтириб тузилган туплам. Т.да бир неча асрда яшаган ёки муайян давр шоирларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида турли тарзда маълумот берилади. Шоирларни қамраб олиш жиҳатидан тарихий-замонавий ва замонавий Т.га бўлинади. Тарихий-замонавий Т.да бир неча аср давомида яшаб ижод этган шоирлар ҳақида («Лубоб ул-албоб» — Авфий, «Тазкират уш-шуаро» — Давлатшоҳ Самарқандий ва б.), замонавий Т.да эса тузувчининг замондошлари ҳақида («Мажолис ун-нафоис», «Тазкират уш-шуаро» — Мутрибий ва б.) баҳс юритилади. Асарда шоирлар ҳар хил услубда — «абжад» тизимида, сулола ва араб алифбоси асосида, географик услубда, Т. тузувчи томонидан шахсан кўрганлик, ижодий мулоқотда бўлган-бўлмаганлик асосида жойлаштирилади. Шоирлар ҳақидаги маълумотлар алоҳида кичик мақола — фиқрадан иборат бўлади. Унда шоирнинг исми, тахаллуси, қаерданлиги, ижоди, шеърларидан намуналар, табиатидаги ўзига хос хусусияти, қай даражада шуҳрат топганлиги ва б. шеърий ёки насрий тарзда баён этилади. Баъзан 2 тилда маълумот бериш ҳоллари ҳам учрайди («Мажмуаи шоирон»). Т.лар тузувчисининг адабий-эстетик услубдари қайси адабий йўналишига мансублиги жиҳатидан фарқланади. Шарқ адабиётшунослигида бизгача етиб келган дастлабки Т.ни Абу Мансур ас-*Саолибий*, ўзбек адабиётида *Алишер Навоий* яратганлар. Адабиёт тарихини ўрганишда Т.ларнинг аҳамияти катта.

Ҳабиб Абдуназар.

ТАЗМИН (араб. — шеърдан бир парча олиш, кўчириш) — поэтик санъат тури. Шоир фикр ва ҳис-туйғусини тасдиқлаш, исботлаш ёки давом эттириш учун бирор кимса ижодидан шоҳбайт — афоризм даражасига кўтарилган машҳур мисрани ўз шеърида келтириши. Т. мисра газалнинг 1-мисраси ёки матлаи сифатида келади. Эпиграф — тезис сифатида келтирилган шу мисра ёки байт Т.чи шоир яратаётган мисра ва байтлар учун қолин, моя ролини ўтайди. Т. мисра фикрни тасдиқлаш б-н бирга уни мантиқий давом эттириш имконини яратади, кўпчиликка маълум ва машҳур Т.нинг муаллифи атайлаб эслатилмайди, аке ҳолда муаллифга ишора қилинади. Т. бир неча хил: мисранинг ярми, тўлиқ сатр, икки, уч, олти байти Т. қилиниши мумкин. Баъзан шоир Т.ни ўз ижодидан олиш ҳоллари ҳам учрайди. Мас., Бобур ўзининг:

Гар васл муяссар ўлмаса нетгаймен,
Бошимни олиб қай сорига кетгаймен?

байтини «Жамолинг васфини», «Васфингни неча улусдин эшиттаймен», «Ишқинг йўлида...» шеърларида Т. қилган.

Ад.: Орзибеков Р., Ўзбек лирик поэзиясида тазал ва мусаммат, Т., 1977.

ТАЗОД, мутобиқа, мутазод (араб. — зидлаш) — бадиий гасвирнинг таъсирчан ва кенг қўлланадиган воситаларидан. Насрда ҳам, назмда ҳам учрайди. Ўзаро зид тушунчаларни ифодаловчи сўз ёки ибораларни ишлатишда кўзга ташланади:

Гаҳе тобтим фалакдан нотавонлиг,
Гаҳе кўрдим замондан комронлиг.
Басе иссиг-совуг кўрдим замонда,
Басе аччиг-чучук тоттим жаҳонда.

(Навоий).

«Нотавонлиг— комронлиг», «иссиқ-совуқ», «аччиг-чучук» сўзлари воситасида Т. яратилган. Т., дастлаб фольклор ва қад. бадиий адабиётда ишлатилган. Навоий асарларида юксак шеърий санъат даражасида тараққий этган. Ўзбек шоирлари ижодида ҳам Т. учрайди (F. Гулом, «Сен етим эмассан», Э.Воҳидов, «Юрак ва ақл» ва б.).

Ад.: Ҳусайний А., Бадойиъ ус-санойиъ, Т., 1981.

ТАИЗ, Таизз — Яман Республикасининг жан. қисмидаги шаҳар. Таиз вилоятининг маъмурий маркази. Сабр тоғлари этагида, 1200 м баландликда жойлашган. Аҳолиси 318 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Мамлакатнинг жан. қисмидаги савдо-транспорт маркази. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Пластмасса ва алюминийдан турли буюмлар, металл идишлар ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган.

Т. ўрта асрларда Яманнинг йирик савдо шаҳарларидан бири эди. 18-а.га келиб ўз мавқеини йўқотди. 1962 й.гача Яман имомининг қароргоҳи бўлган. Меъморий ёдгорликлардан ал-Музаффар масжиди (13—14-а.лар), ал-Ашрафия масжиди (13-а.) ҳамда шаҳар девори ва б. сақланган.

ТАИЛАНД (Thai), Таиланд Қироллиги (Ratcha Anachak Thai, таилар тилида Пратет-Тан) — Жан.-Шарқий Осиёда, Ҳиндихитой я.о.нинг марказий қисми ва Малакка я.о.нинг шим. қисмида жойлашган давлат. Майд. 514 минг км². Аҳолиси 62,4 млн. киши (2002). Пойтахти — *Бангкок* ш. Маъмурий жиҳатдан 73 вилоят (changwad)га бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — конституцияли монархия. Амалдаги конституцияси 1997 й. 27 сент.да қабул қилинган. Давлат бошлиги — қирол (1946 й.дан *Пуминон* Адульядет). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (2 палатали парламент), ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ҳудудининг ярми пасттекислик, қолгани деярли тоғлик (Кхунтхан, Танентаунжи ва б.)дан иборат. Т.нинг шарқини Корат платоси эгаллайди. Фойдали қазилмалардан қалай, вольфрам, рух, ёнувчи сланец, қўрғошин, плавик шпат, темир, марганец рудалари, сурма, барит, асил тошлар, қўнғир кўмир, калий ва тоштуз, газ, нефть конлари бор. Иқлими субэкваториал, муссонли. Ўртача йиллик т-ра текислик ва тоғолди р-нларида 22—29°, қишда шим. тоғларда —10°, —15° гача пасаяди. Йиллик ёғин 1000—2000 мм. Асосий дарёси — Менам-Чао-Прая (Менам). Т.нинг шарқий ва қисман шим.-шарқий чегарасида Меконг, гар-

Таиланд гербн.

бий чегарасида Салуин дарёлари оқади. Пинг ва Мун дарёлари ҳавзасида йирик сув омбори бор. Мамлакат ҳудудининг 60% га яқини ўрмон б-н қопланган. Малакка я.о. ва Корат платосининг қизил ва сариқ латерит тупроқли ерларида қалин, кўп ярусли (50—60 м баландликдаги) субэкваториал нам ўрмонлар, шим.даги қизил тупроқли ерларда тропик ўрмонлар катта майдонни эгаллайди. Жан.да бамбукзорлар, Корат платосида саванна ва бутазорлар, дарё водийларидаги ўтлоқи тупроқларда ҳам ўрмонлар бор. Ҳайвонот дунёси хилма-хил: Т. рамзи бўлган оқ фил (аксарияти хонакилаштирилган), одамсимон маймун (гиббон), лемур, малайя айиғи, қоплон, йўлбарс, тўнғиз, олмахон, шим.даги тоғларда кийиклар бор. Қушлардан тустовуқ, товус, тўтиқуш, ёввойи товуқ ва б., ботқоқликларда қарқара, сиём қизилтомоқ турнаси учрайди. Илоннинг 100 га яқин, калтакесакнинг 75 га яқин, капалакнинг 500 га яқин тури бор. Дарёларида балиқ, тимсоҳ кўп. Кхаявй, Тхунгсалэнглуай ва б. миллий боғлари, кўпгина қўриқхоналар бор.

Аҳолисининг 3/4 қисмини тай гуруҳига мансуб халқлар (сиём ёки кхонтай ва б.), 1/5 қисмини лаолар ташкил этади. Мамлакат жан.да малайлар, ғарби ва жан.-ғарбида каренлар, монлар, жан.-шарқда кхмерлар яшайди. Расмий тил — тай тили. Расмий дин — будда-

Таиланд табиати манзараси.

вийлик. Малайлар исломга, хитойлар будда ва даосизмга эътиқод қилади. Католик ва протестантлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси — 18,3%. Йирик шаҳарлари, Бангкок, Чиангмай, Чонбури.

Тарихи. Т. ҳудудида одам палеолит давридан яшайди. Мил. 1—2-а.ларда *монлар*нинг дастлабки давлати вужудга келган. 13-а.да шим.дан келган тай қабилалари монлар б-н қўшилиб кетган; биринчи йирик тай давлати — Сукотан барпо этилган (1238). 1350 й.да асос солинган Аютия (Сиём) қироллиги унинг ўрнини эгаллаган. 16- ва 18-а.ларда Сиём Бирма б-н уруш олиб борган ва бироз вақт унга тобе бўлиб қолган. Озодлик курашига 16-а.да Нарессуан, 18-а.да Таксин бошчилик қилган. 19-а. ўрталарида Сиём Буюк Британия, Франция, АҚШ б-н тенг ҳуқуқли бўлмаган битимлар тузган. 19-а. охири — 20-а. бошларида ер ислоҳоти ва б. ислоҳотлар ўтказган. 1932 й. давлат тўнтариши натижасида конституцияли монархия эълон қилинган. 1939 й. мамлакат Т. деб юритила бошлади. 1940 й. Т. билан Япония ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. 1942 й. янв.да Т. АҚШ ва Буюк Британияга уруш эълон қилди. 1943 й.га келиб мамлакат амалда Япония томонидан оккупация қилинди. Т.да озодлик кураши кучайди. «Озод Тай» оммавий ширин ҳаракати ташкил топди. 1945 й. 19 авг.да Т. Японияга қарши урушаётган коалиция давлатларига сулҳ таклиф этди. Урушдан кейинги йилларда мамлакатда бир неча марта ҳарбий тўнтариш бўлиб, нотинчлик ҳукм сурди, ҳукуматлар алмашиниб турди. 1991 й.ги ҳарбий тўнтариш (1932 й.дан буён 17-тўнтариш)дан сўнг Жамоат тартибини сақлаш миллий кенгаши ҳокимият тепасига чиқди. Т. — 1946 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 5 дек. — қирол туғилган кун (1927). ЎзР суверенитетини 1991 й. 26 дек.да тан олган ва 1992 й. 6 майда дипломатия муносабатларини ўрнатган.

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Демократик партия (Прачатипат), 1946 й. асос солинган; Халқ партияси (Ратсадон), 1986 й. тузилган; Маънавий куч партияси (Паланг там), 1988 й. ташкил этилган; Миллий тараққиёт партияси (Чат паттана), 1991 й. асос солинган; Янги умид партияси (Ванг май), 1990 й. тузилган; Бирдамлик партияси (Еккапап), 1989 ташкил этилган; Адолат ва озодлик партияси (Серитхам), 1992 й. асос солинган; Тай миллий партияси (чат тай), 1974 й. собиқ ҳукмрон Таиланд халқи бирлашган партияси асосида ташкил этилган.

Таиланд байроғи.

Т. меҳнат конгресси, 1975 й. тузилган; Тай касаба уюшмалари конгресси, 1982 й. ташкил этилган.

Хўжалиги. Т. ривожланган аграр-индустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши 12%, саноатнинг улуши 39%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши — 49%.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакат ҳудудининг 38% ишланади, шундан 1/5 қисми (2,6 млн. гектар) суғорилади. Асосий деҳқончилик ерлари Менам водийси ва Корат платосида жойлашган. Шоли, маккажўхори, тапиока, шакарқамиш, дуккаклилар, тариқ, батат, ер ёнғоқ, канакунжут, чой, кофе, каноп, кокос пальмаси, пахта, тамаки, зираворлар, цитрус мевалар, манго, ананас ва б. етиштирилади. Каучук олинадиган дарахтзорлар бор, пилладачилик ва сабзавотчилик ривожланган. Чорвачилигида қорамол, фил, чўчқа, парранда боқилади. Ички сув ҳавзаларида ва денгизларда балиқ овланади. Ўрмонларда қимматбаҳо тур дарахтлар (тик, янг, сал, эбен, сандал ва қизил дарахт) тайёрланади.

Саноати. Минерал хом ашё захиралари негизида кончилик ривожланган. Қалай, қўрғошин-рух, вольфрам ва марганец рудалари, нефть, плавик шпат, асбест, қимматбаҳо тошлар қазиб олинади ва қисман қайта ишланади. И.ч. саноатининг асосий тармоқлари: озиқ-овқат (шоли оқлаш, кокос мойи, қанд-шакар и.ч. ва б.) ва тўқимачилик (жутдан каноп йигириш ва тўқиш). Ёғочсозлик саноати ва каучукни дастлабки қайта ишлаш корхоналари бор. Асосан импорт хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар негизида нефтни қайта ишлаш, кимё, цемент, қоғоз, металлургия, металлсозлик, автомобиль йиғув ва б. корхоналар ишлайди. Йилига ўртача 74 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Ҳунармандчилик ривожланган. Асосий саноат марказлари: Бангкок, Чиангмай.

Т.й. узунлиги — 4 минг км, автомобиль йўллари уз. — 62 минг км. Дарё ва денгиз транспорти ривожланган. Денгиз портлари: Бангкок, Пхукет, Саттахин. Бангкокда халқаро аэропорт бор. Т. гуруч, тапиока, каучук, қанд-шакар, қалай ва б. металл рудалари, асил тош-

лар, газлама экспорт қилади. Четдан нефть ва нефть маҳсулотлари, машина ва ускуналар, кимёвий моддалар, қора металл ва истеъмол молл.ари сотиб олади. Япония, АҚШ, Сингапур, Европа Иттифоқи мамлакатлари б-н савдо қилади. Т. билан ЎзРнинг 2002 й.ги товар айланмаси 7,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Пул бирлиги — бат.

Тиббий хизмати. Т.да давлат тиббий муассасалари б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам бор. Врачлар 4 та олий тиббиёт мактабида тайёрланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларга мажбурий бепул таълим жорий қилинган. 1977 й.дан умумий таълим мактабининг янги тизими қабул этилган: бошланғич мактаб 6 й., ўрта мактаб 6 й. Дарслар тай тилида олиб борилади. Хусусий мактаблар ҳам бор. Т.да 13 ун-т, жумладан, Бангкокдаги Чулалонгкорн (1917), Таммасарт (1933), Касетсарт (1943) ун-тлари, Чиангмай ш.да ун-т, бир қанча ин-т ва коллеж бор. Илмий муассасалари: Бангкокда Сиём илмий жамияти, ун-тлар ҳузуридаги и.т. марказлари, қ.х., экология ва б. илмий-тадқиқот ин-тлари. Айрим илмий ишлар хорижий ва халқаро жамғармалар томонидан пул б-н таъминланади. Бангкокда Миллий кутубхона (1905), Таммасарт ва Чулалонгкорн ун-тларининг кутубхоналари, Миллий музей бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Т.да тай, хитой, инглиз тилларида ўнлаб газ. ва журлар нашр этилади, муҳимлари: «Бангкок пост» («Бангкок почтаси», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1946 й.дан), «Дейли ньюс» («Кундалик янгиликлар», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1964 й.дан), «Нейшн» («Миллат», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1971 й.дан), «Сиам рат» («Сиём мамлакати», тай тилида чиқадиган кундалик кечки газ., 1950 й.дан), «Сиамрат уикли ревью» («Сиём мамлакатининг ҳафтаги янгиликлари», тай тилида чиқадиган ҳафталик), «Синсянь жибао» («Янгиликлар», хитой тилида чиқадиган кундалик газ., 1946 й.дан), «Тан рат» («Тай давлати», тай тилида чиқадиган кундалик газ., 1956 й.дан). Т. ахборот агентлиги (ТНА) — миллий ахборот маҳкамаси, 1977 й. тузилган. Радиоэшиттириш 1938 й.дан, телекўрсатув 1955 й.дан бошланган. Т. миллий радиоэшиттириш хизмати ва Т. телевидениеси ҳукумат назоратида.

Бангкок шаҳри.

Адабиёти. Тай озгаки ва ёзма ижодиётининг дастлабки ёдгорликлари 13-а. охирига оид. Улар тошларга ёзилган йилномалардан иборат. Мустақил бадиий ижодиёт тарзидаги адабиёт ўрта асрларда юзага келди. Бу давр адабиёти ҳинд адабиётининг таъсирида ривожланди. Буддавийликнинг ижтимоий ҳаётдаги ҳукмронлиги адабиётда ҳам ўз аксини топди. Ҳукмдорларни таърифловчи мадҳиялар ва диний ривоятлар асосий ўрин олди. 18-а. охирида дунёвий мавзуга бурилиш бошланди. Дастлабки насрий асарлар яратилди («Рачалабки насрий асарлар яратилди («Рачатират», 1785 ва «Уч қироллик ҳукмронлиги», 1802). 19-а. ўрталарида адабий асарлар тилини халққа яқинлаштириш ва тақлидгўйликдан воз кечиб, миллий адабиётни камол топтириш ҳаракати бошланди. Сунтон Пу ижоди бунга мисол бўлади. 20-а.нинг 20—30-й.ларида реалистик йўналиш юзага келди, шу руҳдаги ҳикоя, қисса, романлар пайдо бўлди. 2-жаҳон урушидан кейин адабиётда оилавий турмуш мавзуи устунлик қила бошлади. Сибурапиннинг «Келинк қила бошлади. Сибурапиннинг «Келинк қила бошлади» (1955), Сена Саулажакка тик боқиб» (1955), Сена Саулажакка тик боқиб» (1955), Сена Саувапонгнинг «Иблис» (1957) романлари, Суват Варадилок ва Лао Кхамхомнинг ҳикояларида ўткир ижтимоий муаммолар кўтарилди. Акат Дамкенг, Луанг Вичит Ватакан, Малай Чупинит, Макат Тьянрайонг, адиба Докмайсот ва б. инсоннинг аҳволи-руҳиятидаги зиддиятларни ифодаловчи асарлар ёзишди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Т. ҳудудида милоднинг дастлабки асрларидан монларга, бироз кейинги даврдан кхмерларга мансуб ибодатхоналар (Лампхун ва Чиангмайда) сақланган. 13-а.дан буддавийлик руҳидаги миллий санъат шаклланди. Шу даврда диний мажмуаларнинг тайларга хос типи — «вата» вужудга келди. Саванхалокдаги Чанг Лом (13-а.), Сукотандаги Махатат (Сукхотхай, 1345) «вата» ибодатхоналари шу жумлага киради. Сиём давлати равнақ топган давр (14—19-а.лар)да тўғри бурчакли режалар асосида шаҳарлар барпо этилди, атрофи ғишт девор б-н ўралди, Бангкок, Аютия ва б. шаҳарларда мураккаб шаклли «вата» ва саройлар қурилиб, ранг-баранг кошин ва расмлар б-н ўймакорлик усулида зийнатланди. Шунингдек, Бангкокда қирол Чакри сулоласи катта саройи (18-а.), Ражабопит ибодатхонаси (18-а. ўрталари), Бенгамабопит мармар ибодатхонаси (1900) яратилди. 19-а. охиридан замонавий европача ва америкача услубдаги банк, меҳмонхона, маъмурий бинолар қурила бошлади. 1950—70 й.ларда меҳмонхона, банк, замонавий маъмурий бинолар қуриш янада авж олди.

Неолит ва жез даврларидан Квай дарёси водийсида даҳмаларга қопланган сополлар, қояларга ишланган расмлар, милоднинг дастлабки асрларидаги Будданинг маҳобатли ҳайкаллари сақланган. Миллий санъат 13-а.дан шакллана бошлади. 14—19-а.ларда ҳайкалтарошлик равнақ топди. 19-а. охиридан Европа ва Америка санъатининг таъсири сезилди. 20-а.нинг 2-ярмида илғор санъаткорлар (рассомлардан Фуа Харабитак, Тави Нандакван, ҳайкалтарош Хъен Йимсари, график Манита Пу Ари) замонавий анъаналарга эргашган ҳолда миллий санъат анъаналарини ҳам сақлаб қолишга интилдилар. Амалий безак санъатининг ҳар хил турлари: локли рангтасвир, чармдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, бадиий тўқувчилик ривожланган.

Мусиқаси. Т.да диний маросим ва байрамлар, тўй, фарзанд туғилиши ва б. қадимдан қўшиқ ва мусиқа б-н нишонланади. Фонг си деб аталган тари-

Бангкокдаги Будда ҳайкали.

хий балладалар кенг ёйилган. Тўй қўшиқлари хат лион жанри таркибига киради. Мусиқий чолгу асбоблари хилма-хил: 2 торли скрипка (сау дуонг ва сау о), 3 торли скрипка (сау сам сай), 3 торли уд (сёунг), цитра (кхим), флейта (кхлий), дамли най (пинай), барабанлар (тхон, рамана, кхлонг), гонглар, ксилофон (рападек) ва б. 19-а. охирида европача мусиқа ва чолгу асбоблари кириб кела бошлади. 20-а.нинг 50-й.ларидан миллий мусиқий маданиятни юксалтириш ҳаракати бошланди. Замонавий композиторлардан Монтри Трамоте, Нарис, хонандалардан У. Сукантхамалаи, Т. Айлин, чолгучилардан Т. Конглаитонг, Н. Тайминлар машҳур.

Театри ва киноси. Т.нинг мумтоз театри ҳиндларнинг «Рамаяна» эпосидан бошланган. 15-а.да тайлар бу асарнинг «Рамакиян» деб аталган варианти асосида кон, нанг, лакон томошаларини яратдилар. Кон — ниқобли пантомима театри бўлиб, барча ролларни эркаклар ижро этади. Ниқобларда қаҳрамонларнинг қиёфаси тасвирланган бўлади (оч кўк ранг — Рама, оқ ранг — Хонуман ва ш.к.). Актёрлар гапирмайди, мати саҳна орқасидан ўқиб турилади. Томошалар оркестр ва қўшиқчилар жўрлигида олиб борилади. Нанг — фонус театри. Иштирокчиларнинг гавдалари буйвол терисидан қора ва рангдор қилиб ясалади. Томоша пайтида актёрлар иштирокчиларнинг ҳаракатини қироат б-н тушунтириб борадилар. Аксарият ҳолларда турмушдан олинган саҳналар кўрсатилади. Лакон — тайларнинг мумтоз драмаси бўлиб, ундаги матнни актёрларнинг ўзи гапиради. Кичик хор эса воқеаларни изоҳлайди, қаҳрамонларга таъриф беради. Бу театрда рақс асосий ўринда бўлади. Лаконнинг ликэ ва нора турлари ҳоз. замон томошаларида яшаб келмоқда. Т.да доимий театр йўқ. Нафис санъат департаменти ҳузурида ҳаваскорлар труппаси ташкил этилган. Т.да ҳар йили 50—70 бадиий фильм яратилади. «Шер наъраси» (реж. С. Жаручино) ва «Қуролланган киши» (реж. Ю. Чатри) фильмлари шу жумлага киради.

ТАИЛАР — Ҳиндихитой, Жан. Хитой ва Шим.-Шарқий Ҳиндистондаги халқлар гуруҳи (сиамлар, чжуан, лао, буи, шань, тай ва б.). 70 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Тай гуруҳига мансуб тилларда сўзлашади. Т. аждодлари — Янцзи дарёсининг жан. соҳилларида яшаган сиюэ ва лоюэ қабилалари мил. ав. 2—1 минг йилликларда Жан.га силжиб Меконг, Хонгха ва Менам-Чао-Праи водийсидан монлар ва кхмерларнинг аждодларини суриб чиқариб, қисман улар б-н аралашиб кетганлар. 14-а. бошига келиб Т. ҳозир яшаб турган ҳудудларни эгаллаганлар. Деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, овчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади.

ТАИТИ — Тинч океандаги вулкан ороли. *Жамият ороллари* гуруҳидаги энг катта орол. Майд. 1042 км². Тор бўйин (2 км) орқали туташган иккита тог массивидан иборат. Асосан, базальт жинслардан тузилган. Энг баланд жойи 2241 м (Орохена тоғи). Маржон рифлари б-н ўралган. Сернам тропик ўрмонлар б-н қопланган. Аҳоли тропик деҳқончилик, балиқ овлаш, марварид йиғиш б-н шуғулланади. Туризм ривожланган. Йирик шаҳри ва порти — Папаэте.

ТАИТИЛИКЛАР — халқ. Таити ва Жамият о.ларига мансуб бошқа ороллар нинг асосий аҳолиси. 130 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Полинез гуруҳига кирувчи таити тилида сўзлашади. Диндорлари — кальвинистлар, бир қисми — католиклар. Асосий машғулоти — деҳқончилик (кокос пальмаси, шакарқамиш ва б.), қисман балиқ овлаш. Т. ўзига хос маданиятини сақлаб қолган.

ТАЙ (бо) — Жан. Хитойдаги (Юньнань вилояти) халқ. 1 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Тай тилида сўзлашади. Антропологик жиҳатдан — жан. монголоидлар. Диндорлари — буддавийлар. Асосий машғулоти — деҳқончилик.

ТАЙ ТИЛЛАРИ — қариндош тиллар оиласи; Ҳиндихитой ярим оролида (Таиланд, Лаос, Вьетнам, Бирма) ва Жан. Хитой ҳамда Шим.-Шарқий Ҳиндистоннинг унга туташ ҳудудларида тарқалган ва уларда 80 млн.га яқин киши сўзлашади. Т.т.нинг генеалогик қариндошлиги хусусида 2 хил фаразия мавжуд бўлиб, уларнинг биринчисига кўра ушбу тиллар *хитой-тибет тилларига*, иккинчисига кўра эса *австронез тиллари* оиласига мансуб. Лекин ҳар иккала фаразия ҳам ҳозиргача тўлиқ тан олинмаганлигидан Т.т.нинг ўзини алоҳида оила деб ҳисоблаш мумкин. Т.т. асосан қуйидаги гуруҳлардан иборат: 1) ҳақиқий Т.т.; буларнинг ўзи 3 гуруҳга бўлинади: жан.-ғарбий [тай (сиём), лаос, тан, кҳамти ахом, юан, кхин ва б.]; марказий [тай (тхо), нунг, чжуан (жан. лаҳжалари)]; шим. [чжуан (шим. лаҳжалари), буи]; 2) дун-шуй тиллари (дун, шуй, мак, тхен); 3) сек; 4) лаккя; 5) бе; 6) ли тиллари; 7) лакуа; 8) лаки; 9) гэлао тиллари. Барча Т.т. типологик жиҳатдан ўзаро яқин ҳамда *аморф тилларга* мансубдир. Кўпчилик тай ёзувлари ҳинд ёзувидан келиб чиққан (улар муайян шаклий хусусиятларига кўра кхмер ёзуви гуруҳи, бирма ёзуви гуруҳи деб ажратилади). Хитой ва Вьетнамдаги баъзи Т.т. (чжуан, дун, ли, тай, нунг) учун 20-а.нинг 2-ярмида лотин графикаси асосида ёзувлар яратилган.

Ушбу тиллар оиласида аҳамияти ва тарқалишига кўра ҳақиқий тай тили 1-ўринда туради. Бу тил баъзи алабиётларда кхон тай ёки сиём тили деб аталади, асосан Таиландда тарқалган. Унда 40 млн. га яқин киши сўзлашади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қулланади. Таиланд Қироллигининг расмий тили, шу б-н бирга, шу мамлакатдаги хитойлик, вьетнамлик, малайяликлар ва б. учун миллатлараро муомала тили ҳисобланади. 4 га асосий лаҳжаси бор: марказий, жан., шим. ва шим.-шарқий. Улар фонетик, қисман лексик жиҳатдан узаро фарқланади. Адабий тил Бангкок аҳолиси сўзлашадиган марказий лаҳжага асосланган. Типологик жиҳатдан бошқа барча Т.т. сингари аморф тил ҳисобланади. Фонетик тизими 20 ундош ва чўзиқлик-қисқалик жиҳатдан қарама-қарши қўйиладиган 24 унли (6 таси дифтонг) фонемадан иборат. Бўғинлар маълум оҳанг (тон)ларда талаффуз этилади. Маъно фарқловчи 5 га оҳанг мавжуд. Сўз ясалиши асосан сўз қўшишдан иборат. Морфологияси аналитик хусусиятга эга. Адабий тил халқ сўзлашув тили асосида ҳоз. Таиланднинг шим. қисмида 13—14-а. ларда шакллана бошлаган. Жан. ҳинд ёзувидан келиб чиққан қад. кхмер ёзуви тай ёзувига (1283 й.) асос бўлган.

ТАЙБЭЙ — Хитойдаги шаҳар. *Тайвань* о.нинг шим. қисмида. Тайвань провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,64 млн. киши (1999). Транспорт йўллари тугуни. Халқаро аҳамиятга эга 2 га аэропорти бор. Т. Цзилун аванпорти б-н биргаликда ягона саноат комплексини ташкил этади. Т. — оролнинг энг катта шаҳри ва йирик саноат маркази. Машинасозлик (кемасозлик, радиоэлектроника), металлургия, кимё, цемент, ёғочсозлик, қоғоз, енгил ва озиқ-овқат саноатлари корхоналари мавжуд. Хва-Канг, миллий сарой музейлари, Чан Кайши мемориали бор.

ТАЙВАНЬ, Формоза — Тинч океандаги орол, Осиёнинг жан.-шарқий қирғоқлари яқинида, материкдан Тайвань бўғози орқали ажралган. Атрофидаги майда ороллар б-н Хитой провинциясини ташкил этади. Майд. 36 минг км². Маъмурий маркази — *Тайбэй* ш. Аҳолиси 22,3 млн. киши (2001). 1 км² га 621,7 киши тўғри келади. Расмий тил — хитой (мандарин) тили. Аҳоли буддизм, даосизм ва христиан динларига эътиқод қилади. Пул бирлиги — янги тайвань доллари.



Тайбэй — Тайваннинг бош шаҳри ва маъмурий маркази.

Т.нинг қирғоқ чизиғи текис, шарқий қисмида Тайваньшан сувайирғич тизмаси ўтган. Ғарбий соҳили текислик. Шим.да бир неча сўнган вулкан бор. Кучли зилзилалар бўлиб туради. Иқлими шим.да субтропик, жан.да тропик, муссонли иқлим, янв.нинг т-раси 15—20°, июлники 25—30°. Йиллик ёғин 1500—2500 мм. Тез-тез тайфун бўлади. Дарёлари серсув. Ҳудудининг ярмига яқини доим яшил ўрмон б-н қопланган, 3300 м дан баланд қисми бутазор ва ўтлоқлар. Фойдали қазилмалардан нефть, табиий газ, кўмир қазиб олинади, олтингугурт конлари бор. Текисликларда шоли, чой, батат, шакарқамиш, ананас ва ҳ.к. экилади.

Орол ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1—2-а.лардаги Хитой манбаларида учрайди. 1590 й.да Т.ни португаллар босиб олиб, Формоза (гўзал, нафис) деб атаганлар. 1624 й.дан голландлар назоратида бўлди. 1861 й.да улардан озод этилиб, маъмурий жиҳатдан Хитойнинг Фуцзянь провинцияси таркибига киритилди. 1887 й.да эса алоҳида провинция қилиб ажратилди. 1894—95 й.лардаги Япония — Хитой урушидан сўнг орол японларга ўтди. 2-жаҳон урушида японлар енгилгач, Т. 1945 й.да Хитойга қайтарилди. 1949 й.да ХХР ташкил этилгач, маглуб бўлган гоминданчилар Т.га ўрнашиб олдилар ва «Хитой Республикаси ҳукумати»ни туздилар. Т.да амал қилинадиган конституцияга мувофиқ Т. ҳукумати оролни 6 й. муддатга сайланган президент бошқарадиган «Хитой Республикаси» деб номлади. ХХР ҳукумати эса Т. маъмуриятига «бир давлат — икки система» шаклини таклиф этди. Унга мувофиқ орол тинч йўл б-н ягона Хитой юрисдикцияси остидаги ўз ижтимоий тизимига эга маъмурий р-н бўлиши лозим. Т. ҳукумати эса бунга қарши ва у «бир мамлакат — икки ҳокимият» шаклини таклиф этмоқда. Т.нинг олий бошқарув органлари — Миллий мажлис ва 5 асосий палата (юан) дан иборат. Президент, Миллий мажлис ва палаталар 6 йил муддатга сайланади. 40 дан ортиқ партия рўйхатга олинган, етакчи партиялар — демократик прогрессив партия, гоминдань партияси (Миллатпарвар партия).

2-жаҳон урушидан сўнг Т. иқтисодий ўсиш ва экспорт бўйича дунёда энг юқори суръатларга эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан кучли маъмурий тузилмага айланган. Ҳозирда Т. Шарқий Осиёнинг «Тўрт кичик иқтисодий аждар»и — Корея Республикаси, Сингапур ва Сянган гуруҳидаги янги индустриал мамлакат ҳисобланади. 1991 й.дан Осиё-Тинч океан иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотига аъзо. Т.нинг ялпи ички маҳсулоти 270 млрд. доллардан зиёд бўлиб, жаҳонда 20-ўринни эгаллайди. Иқтисодий ўсиш суръати — 65,1%. Компьютер, электрон уйрўзғор аппаратураси, кийим-кечак, пойабзал, спорт яхталари и.ч. бўйича жаҳон хўжалигида етакчи ўринни эгаллайди. Т. электроника таркибий қисмлари, мебель, тўқимачилик, металлургия, кимё, аниқ машинасозлик маҳсулотларининг йирик экспорт қилувчиси. Асосий саноат тармоқлари: тўқимачилик, радиоэлектроника, кемасозлик, озиқ-овқат, цемент, ўрмон-ёғочсозлик, пўлат эритиш. Йирик саноат шаҳарлари: Тайбэй, Цзилун, Тайчжун, Гаосюн. Камфара и.ч. ва экспорт қилишда дунёда 1-ўринда. Ҳудудининг 24% экин майдони. Асосий экини — шоли, шунингдек, шакарқамиш, батат, ананас ҳам етиштирилади; чой плантациялари бор. Чорвачиликда қўй боқилади. Балиқ овланади.

Т.ни дунёнинг 29 давлати тан олган. Асосий савдо ҳамкорлари — АҚШ, Япония, Сянган.

Тайвань табиати манзараси.

ТАЙВАНЬ БЎҒОЗИ — Осиё материгининг шарқий қирғоғи б-н Тайвань о. оралигидаги бўғоз. Жан. Хитой ва Шарқий Хитой денгизларини бирлаштириб туради. Уз. 398 км, энг камбар жойининг эни 139 км, энг саёз жойининг чуқурлиги фарватерида 8,6 м. Т.б.да Пэнхуледао о.лари бор. Йирик портлари: Гаосюн, Фучжоу ва Сямин.

ТАЙГА — мўътадил минтақанинг игна баргли дарахтлардан иборат ўрмонлари. Евросиё, Шим. Америкада катта майдонларни эгаллаган. Т.да дарахт турлари кўп эмас, ўрмон манзараси деярли бир хил. Тўшама ўсимликлари кам. Ер юзаси яшил йўсинлар б-н қоп-

Тайга ўрмонлари.

ланган. Тупроғи кулранг. Т. дарахт турларига қараб, ёруғ Т. ўрмонлари ва коронги Т. ўрмонларига бўлинади. Ёруғ Т. ўрмонларида қарағай, тилоғоч, коронги Т.да қора қарағай, оқ қарағай, кедр ўсади. Қиши қаттиқ совуқ, ёзда т-ра 10—20° атрофида бўлади, ёғин миқдори 300—600 мм, ботқоқликлар бор. Т. бошқа маъноларда ҳам қўлланилади: Шарқий Сибирда бепоён кимсасиз қалин ўрмонлар, Олтойда ўрмон б-н қопланган тоғлар, Тувада ялангоч тог, Монголияда ҳайвонлар кўп бўлган қалин ўрмонлар тушунилади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ — олий мактабларда унга кирувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини ошириш ва кириш учун зарур бўлган билимлар беришга йўналтирилган тизилма. Т.б.га умумий ўрта мактаб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларни битирган ўқувчилар, шунингдек ҳарбий хизматдан қайтган ўрта маълумотга эга шахслар қабул қилинади. Т.б.га кирувчилар махсус суҳбатдан ўтказилади ва шартнома асосида қабул қилинади. Т.б.да муайян мутахассислик бўйича олий ўқув юртига кириш тестларини ечишга хизмат қиладиган фан соҳалари чуқур ўргатилади. Т.б. олий мактабга кирувчиларни олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари ва тест топшириқларидан ўтишга тайёрлайди. Т.б.ни битирганларга олий ўқув юртига кириш-да ҳеч қандай имтиёз берилмайди.

ТАЙКОНАВТ (хитойча — тайкуп — космос) — Хитойда космик парвозни амалга оширадиган ёки космик кема экипажи аъзоси сифатида қатнашадиган шахс. Россия ва б. мамлакатларда *космонавт*, америкада *астронавт* деб аталади. Хитойда биринчи Т. 38 ёшли подполковник Ян Ливэй бўлди. У 2003 й. 15 октябрь куни «Шэнь-чжоу-5» («Муқаддас кема») космик кемаси (КК) да космосга парвоз қилди. У космосда 21 соатдан кўп вақт бўлиб, Ер атрофини 14 марта айланиб чиқди (600 минг км дан ортиқ масофани босиб ўтди). Ян Ливэй 17 окт. куни эрталаб парашют ёрдамида ККнинг тушириш аппаратида сог-саломат Ички Монголия чўлларига тушди. У космосга парвоз қилган 241-шахс бўлди. Бу парвоз Хитойнинг Бошқариладиган космик парвозлар муҳандислик дастури (Се Минбо) га асосан амалга оширилди. Хитойлик Т.нинг космосга муваффақиятли парвозидан сўнг Хитой ҳам Россия ва АҚШ дан кейин космик мамлакатлар сафига қўшилди.

ТАЙЛОР (Тэйлор) (Tylor) Эдуард Бернетт (1832.2.10, Лондон — 1917.2.1, Уэллингтон, Сомерсетшир) — инглиз этнограф, ибтидоий маданият талқинотчиси. Г. Спенсер б-н биргаликда эти. ва маданият тарихидаги эволюцион мактаб асосчиси. Динларнинг келиб чиқишидаги анимистик назариясини ишлаб чиққан (қ. *Анимизм*). «Ибтидоий маданият» (1—2-жилд, 1871) ва «Антропология» (1881) каби асарлар муаллифи.

ТАЙМ (инг. time — вақт) — тўп б-н ўйналадиган спорт ўйинлари (футбол, коптокли хоккей ва б.)да ўйин вақтининг босқичи, бир қисми. Мас., баскетбол ўйини ҳар бири 20 мин.лик, футбол ўйини ҳар бири 45 мин.лик 2 Т.дан иборат.

«ТАЙМС» («The Times» — «Давр») — Буюк Британияда инглиз тилида чиқадиган кундалик газета. 1785 й.дан Лондонда «Таймс ньюспейперс лимитед» компанияси томонидан нашр этилади.

ТАЙМ-АУТ (инг. time out) — спорт ўйинларида қоидаларда назарда тутилган танаффус. Жамоа, унинг устози (мас., баскетболда) ёки спортчи (мас., шахмат бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаларида) илтимосига кўра танаффус қилинади.

ТАЙМИР — Кара денгизидаги орол. Таймир я.о.нинг қирғоғи ёнида (РФ Красноярск ўлкаси). Уз. 37 км, ўртача эни 18,5 км. Майд. 350 км². Энг баланд жойи 235 м (Негри тоғи). Асосан, усти тўртламчи давр ётқизиқлари б-н қопланган қумтош ва сланецлардан тузилган. Тундра ўсимликлари ўсади.

ТАЙМИР (ДОЛГАН-НЕНЕЦЛАР) МУХТОР ОКРУГИ — РФ Красноярск ўлкаси таркибида. 1930 й. 30 дек.да ташкил этилган. Округ ҳудуди бутунлай қутбий доира орқасида, Шарқий Сибирнинг чекка шим.да, Таймир я.о.да жойлашиб, ғарбдан шарққа 1200 км, шим.дан жан.га 800 км масофага чўзилган. Т.м.о. таркибига Кара ва Лаптевлар денгизларидаги архипелаг ва ороллар ҳам киради. Майд. 862,1 минг км². Аҳолиси 39,8 минг киши (2002), асосан, руслар (67%), шунингдек, долган, ненец, нганасан, эвенк миллат вакиллари ва б. ҳам яшайди. Т.м.о. ҳудудида 1 шаҳар (Дудинка), 1 шаҳарча (Диксон) бор. Маркази — Дудинка ш. Шаҳар аҳолиси 66,3%. Т.м.о. ҳудудидаги Норильск ш. бевосита Красноярск ўлкаси маъмуриятига бўйсунади.

Табиати. Т.м.о. Осиёнинг чекка шим. қисмини — Таймир я.о. ва Ўрта Сибирь ясситоғлигининг шим. қисмини эгаллайди. Округ ҳудуди 3 асосий қисмга бўлинади: шим.да Бирранга тоғлари, жан.да Ўрта Сибирь ясситоғлиги ва улар орасида жойлашган Шим. Сибирь пасттекислиги. Кара денгизи ва Лаптевлар денгизи б-н ўралган. Орол кўп. Фойдали қазилмалардан рудалар, тошкўмир, оқ тузи конлари бор. Иқлими арктик ва субарктик иқлим. Январнинг ўртача т-раси —30°, июлиники 2°—13°. Йиллик ёғин 110—350 мм. Вегетация даври 40—80 кун. Кўп ерлар тунгиб ётади. Асосий дарёси — Енисей. Кўл ва ботқоқланган ерлар кўп. Типик тундра ва торф-глейли, жанд.да подзол, Енисей дарёси водийсида қайир ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Т.м.о.да пакана даур тилоғочи ўсади. Ер шарининг бирон бошқа қисмида тилоғоч бунчалик шим.да учрамайди (72°50′ ш.к.). Ёввойи шим. бугуси, тог қўчқори, қутб тулкиси, бўри, лемминг, оқ қуён, қушлардан оқ бойқуш, оқ каклик учрайди. Ёзда кўплаб қар хил қушлар учиб келади. Сувларда қар хил балиқлар бор.

Хўжалиги. Т.м.о.нинг маҳаллий аҳолиси қалимдан бугучилик, балиқ ва мўйнали ҳайвонларни овлаш б-н шуғулланиб келган. Красноярск ўлкасидаги бугуларнинг 2/3 қисми Т.м.о.да. Енисей дарёси ва кўллар балиққа бой. Балиқчилик хўжаликлари. Дудинка, Хатанга, Усть-Портда балиқ-консерва з-длари бор. Ер остидаги музхоналарда йил давомида балиқ сақланади. Мўйнали ҳайвонлар (қутб тулкиси, ҳаворанг тулки) кўпайтириш б-н шуғулланувчи фермерлар ва жамоа хўжаликлари ишлаб турибди. Чорвачилик сут етиштиришга ихтисослашган. Сабзавотчилик ривожланмоқда. Норильск яқинида кончилик саноати мавжуд (кўмир, мис, никель, кобальт ва б.). Норильск кон-металлургия к-ти (ҳоз. «Норильский никель» корхонаси) 1952 й.дан маҳсулот бермоқда. Ер шаридаги энг шим. Дудинка — Норильск — Талнах т.й. (1937 й.дан), Усть-Хантай ГЭС бор. Т.м.о. иқтисодий алоқаларида Шим. денгиз йўли ва дарё ҳамда авиация транспортининг аҳамияти катта. Асосий портлари: Диксон, Дудинка, Хатанга. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 262 км. Округ маркази б-н авиалоқа ўрнатилган. Дудинка зооветеринария техникуми, Таймир округ ўлкашунослик музейи мавжуд. Округ радио эшиттиришлари рус, ненец, долган ва нганасан тилларида олиб борилади.

1-минг йилликнинг охиридан бошлаб Таймир ҳудудида ҳоз. долган ва ненецларнинг аждодлари бўлган самодий қабилалари яшаган. Улар бугучилик, овчилик ва баъзи жойларда балиқ овлаш б-н шуғулланган. Руслар бу ҳудудларга дастлаб 16-а. ўрталарида пайдо бўлган. Улар шу жойларни эгаллаш мақсадида аҳоли пунктлари барпо этишган. 1920 й. охирида Таймирда касбкорлик бирлашмалари тузилди, кейинчалик улар касбкорлик артелларига айланди. 1930 й. Енисей дарёсидаги Усть-Портда балиқ консервалари з-ди қуриб ишга туширилди.

ТАЙМИР КЎЛИ — Таймир я.о.даги кўл (РФ Красноярск ўлкаси). Майд. 4560 км². Энг чуқур жойи 26 м. Уз. 250 км. Энн бир неча км дан 80 км гача. Қирғоқлари қўлиқ ва қўлтиқчалар б-н ўйилган. Тўла Юқори Таймира дарёси қўйилиб, Қуйи Таймира дарёси оқиб чиқади. Бир йилда 3 ой музламайди. Қўлда балиқ тури кўп.

ТАЙМИР ЯРИМ ОРОЛИ — Осиёнинг энг шим.даги ярим орол (Красноярск ўлкасида). Майд. 400 минг км² (РФдаги энг катта я.о.). Ўрта Сибирнинг шим.да, Кара денгизининг Енисей қўлтиғи б-н Лаптевлар денгизининг Хатанга қўлтиғи орасида. Жан.да Ўрта Сибирь ясситоғлиги б-н четарадош. Табиатига кўра уч қисмга бўлинади: 1) соҳил бўйи денудацион камбар текислиги; асосан, тўртламчи давр ётқизиқларидан таркиб топган. Рельефи — сертепа текислик. Тундра ландшафтлари асосий ўрин тутади; 2) Бирранга тоғлари шим.-шарқдан жан.-ғарбга томон ўзаро параллел йўналган тизмалардан иборат. Уз. 800 км, эни 250 км. Энг баланд жойи — Бирранга тоғи (1146 м.). Уз. 5 км гача бўлган бир неча тог музлиги бор (умумий майд. 40 км²); 3) Шим. Сибирь (Таймир, Енисей-Хатанга) пасттекислиги. Туз гумбазлари учрайди. Рельефи — сертепа текислик, мутлақ бал. 50—200 м. Т.я.о.нинг иқлими қаҳратон совуқ; замини доимий тўнгиб ётади. Йиллик ёғин 120—250 мм. Янв.нинг ўртача т-раси —30°, —35°, июлиники 1°—12°. Энг паст т-ра —61°, энг юқори т-ра 30°. Дарёлари: Пясина, Юқори ва Қуйи Таймира, Хатанга. Кўл кўп. Аҳоли кўпроқ бугучилик б-н шуғулланади. Таймир тошкўмир ҳавзаси ва кўтлаб туз конлари бор.

«ТАЙМС ОФ ИНДИЯ» («The Times of India» — «Ҳиндистон даври») — Ҳиндистонда инглиз тилида чиқадиган энг нуфузли кундалик газета. 1838 й. дан Аҳмадобод, Бомбай ва Деҳлида нашр этилади.

ТАЙМУР Маҳмуд (1894.16.6, Қоҳира — 1973.25.8, Швейцария) — араб ёзувчиси (Миср). Араб тили академияси (Қоҳира)нинг ҳақиқий аъзоси. Миср адабиётида реалистик новелла жанри асосчиларидан бири. Ижоди 1920 й.дан бошланган. Дастлабки ижодида А.П.Чехов, Г. де Мопассан асарларининг таъсири сезилади. Ҳикояларида Миср деҳқонларининг аянчли турмуши тасвирланган, «Мажҳул нидо» (1939), «Бўронларда азобланган Салва» (1947) романларида символизм таъсири кўзга ташланади. Т. «Шамруҳ» (1958), «Кўк чироқлар» (1960) каби ижтимоий мавзудаги романлар, бир неча қисса ва драмалар муаллифи. Айрим асарлари ўзбек тилида нашр этилган: «Араб ҳикоялари» (1957), «Ҳикоялар» (1958) ва б.

ТАЙПИН ҚЎЗҒОЛОНИ — Хитойдаги Цин сулоласига қарши кўтарилган деҳқонларнинг энг йирик қўзғолони (1850—64). Унга Хун Сюцюань, Ян Сюшин ва б. бошчилик қилган. 1850 й. ёзида Цзиньтянь (Гуанси вилоятида бошланган. Т.қ. дастлаб локал характерга эга бўлган. Қўзғолонга пухта тайёргарлик кўрилган, қатъий интизомга бўйсунган армия тузилган. Қўзғолончилар Янцзи водийсида «Самовий мўлкўллик давлати» («Тайпин тяньго») барпо этганлар. Маркази Нанкин ш. бўлган (1853). Қўзғолончилар сони 20—30 мингдан 300—500 минггача етган. Қўзғолон раҳбарлари Хитойда и.ч.ва истеъмолда барчанинг тенглигига асосланган утопик аграр дастурни эълон қилишган. 1853 й. майда қўзғолончилар Пекинга юриш қилган, бироқ 1855 й. майда улар ҳукумат қўшини томонидан тор-мор келтирилган. 1853—56 й.ларда Марказий Хитойда қўзғолончилар галабага эришиб катта ҳудудларни эгаллашган. Бироқ 1856 й.дан қўзғолон раҳбарлари ўртасида келишмовчилик вужудга келиши оқибатида қўзғолончилар сафи заифлашган. Цин ҳукумати Англия ва Франция ёрдамида 1864 й. қўзғолонни бостирган.

ТАЙСОН Майк Жеральд (1966.30.6, Нью-Йорк) — профессионал боксчи, оғир вазнда мутлақ жаҳон чемпиони (1987—1992). 1985 й.дан профессионал боксга ўтди, WBC (Халқаро бокс комитети) таснифи бўйича оғир вазнлилар орасида энг ёш жаҳон чемпиони бўлди (1986). Т. ҳар бир учрашувни муддатидан олдин — нокаут б-н якунлаганлиги учун «Темир Майк» номини олди. Қонунни бузганлиги учун озодликдан маҳрум этилганлиги (1992, 1999), унинг бокс фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Т. 2002 й.да жаҳон чемпионлиги учун бўлган учрашувда Леннокс Льюис (Буюк Британия) га ютқазди.

ТАЙФУН (хитойча тай фин — катта шамол), тропик қуюн — Тинч океанининг Жан.-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ (шунингдек, Филиппин о.лари ва улардан шарқ томонда жойлашган Гуам о.лари)да ниҳоятда кучли шамолли тропик *циклон*ларнинг маҳаллий номи. Т. кўпроқ Япония о.лари, Хитой қирғоқлари, Корея я.о. қирғоқларида юз беради; баъзан Узоқ Шарқда Камчаткагача етиб келади. Тезлиги 30—50 км/соат (баъзан 100 км/соат) гача етади. Т., кўпинча, июлдан окт.гача бўлади. У денгизда катта тўлқинларни юзага келтиради ва 1000 мм га етадиган ёғингарчилик олиб келади. Шарқий Осиёнинг қирғоқ ўлкаларида Т. катта харобаликлар, сув босиши ва б. фалокатларга сабаб бўлади.

ТАЙЮАНЬ — Хитойдаги шаҳар, Фиҳэ дарёси (Хуанхэ дарёси қавзаси) бўйида. Шаньси провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,95 млн. киши (1998). Транспорт йўллари тутуни. Қора металлургия, оғир машинасозлик, кимё, енгил саноат корхоналари мавжуд. Шаҳар яқинидан тошкўмир, темир рудаси, оҳактош қазиб олинади. Т. — Хитойнинг қад. шаҳарларидан бири. Цин сулоласи (1644—1911) даврида Шаньси провинциясидаги энг катта шаҳар бўлган. Меъморий ёдгорликларидан Цзиньци, Шэнмудань ибодатхоналари (6—7-а.лар), шаҳар яқинидаги Тяньлуншан тоғида ғор ибодатхонаси (6-а.) бор.

ТАКА, теке — туркман қабилаларидан бири. Т.лар 17—18-а.ларнинг 1-ярмида Болхон тоғи водийсида, Хоразмда ва Амударё бўйларида яшаган ва уларнинг катта бир қисми Тажан воҳасини эгаллаган. Т.ларнинг асосий қисми 18-а. охири — 19-а.нинг бошларида Ахалтака ва Мурғоб водийларига кўчган; Марвни 19-а.нинг ўрталарида эгаллаган. Т.лар 2 гуруҳга: отамиш (бег, аноули ва векил номли йирик уруғларга) ва тўхтамишга бўлинган. 1897 й.да Т.лардан Мурғоб воҳасида 20 минг хўжалик, Тажан ва Қааққада 7 минг хўжалик, Ахалнияда 9 минг хўжалик бўлган. Т.лар деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. 19-а.нинг бошида Т.лар бошқа туркман қабилалари б-н аралашиб, туркман халқи таркибига сингиб кетган (қ. *Туркманлар*).

ТАКА — эчкининг эркаги, урғочи эчкиларни кўчириш учун танлаб олинадиган зотли эркак эчки. Эчки ва қўй пода (сурув)ларини етаклаб юриб, чўпонлар меҳнатини енгиллаштирувчи жонивор. Улоқлик пайтида бичиб қўйилган (эркаклик жинси томири узиб қўйилган ёки олиб ташланган) бўлса кўпинча «серка» дейилади. Эчкилар сурови сифатини яхшилашда ва эчкилар маҳсулдорлигини оширишда (айниқса, наслчилик хўжаликларида) Т.лар зотига алоҳида эътибор берилади; Т.ларда жинсий уйғониш эрта (6 ойда) бошланади. Лекин насл олишга 1,5—2 ёшида жалб этилади. Эркин кўчиришда бир Т.дан мавсумда ўртача 25—35, сунъий кўчиришда 250—300 ургочи эчкини

уруғлантириш учун 5—6 й. давомида фойдаланилади. Т.ларни боқиш, асраш, парвариш қилиш зооветерария тартиб-қоидалари асосида ташкил этилади.

ТАКАЛИ — Навоий вилояти Нурота туманидаги довон. Бал. 2000 м. Довондан Нурота туманини Хатирчи туманини б-н боғлайдиган сўқмоқ йўл ўтади. Бу довонга Нурота туманидаги Тиканли қишлоғи орқали борилади. Довон атрофида булоқ кўп.

ТАКАЛИСОЙ ҒОРИ — мустье даврига оид ғор (мил. ав. 40—30-минг йиллик). Самарқандан 50 км жан.-шарқда, Тахтақорача довонида жойлашган. Археолог Д.Н.Лев текширган (1951). Т.ғ.нинг уз. 25 м, кириш қисмининг бал. 2 м. Кираверишда 9 м² майдончанинг қора тупроқли лой қатлами орасидан (25—40 см чуқурликда) суяк парчалари, кўмир қолдиғи, 3 дона узунчоқ оқ тош парракчаси ва бир қанча тош синиқлари топилган.

ТАКАСОҚОЛ (Dodartia L.) — сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. Ўзбекистонда ягона тури — шарқ Т.и (D. orientalis L.) учрайди. Поясн сершох, деярли баргсиз. Тўпгули шингилсимон, 3—7 гулли, қорамтир-бинафша, шохлари учида сийрак шингиллар ҳосил қилади. Илдизи яхши ривожланган. Июнь-сент. ойларида гуллаб уруғлайди. Тоғ этакларида, йўл ёқалари, боғ ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади.

ТАКАТОШ РАСМЛАРИ — Молғузар тоғининг шим. ён бағридаги Такатош дара қоятошларига ўйиб ишланган тасвирлар. 1956 й.да А. Муҳаммаджонов томонидан топилган; 1970—71 й.ларда археолог А. Кабиров томонидан ўрганилган. 1000 дан ортиқ расмлар жез даврининг сўнгги даври (2-минг йиллик 2-ярми — 1-минг йилликнинг бошиға мансуб (кейинги даврларда ишланганлари ҳам бор), тош, жез ва темир буюмлар б-н уриб, схематик, контур, соя услубида безакли қилиб ўзига хос ишланган. Т.р.да қуролланган кишиларининг ёввойи ҳайвонларни ов қилиши, диний маросимлар ижроси

Такатош расмлари.

ҳақида турли мангзаралар, кўплаб одамлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, турли буюмлар тасвирланган. Т.р. ибтидоий ва қад. санъатнинг нодир намуналси, шунингдек, муҳим маданий ва тарихий манба сифатида қимматлидир.

ТАКАШ Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (тўлиқ исми Алоуддин Такаш ибн Эл-Арслон ибн Отсиз ибн Ануштегин) (таҳм. 1152—1200.3.7) — *ануштегинийлар* сулоласидан бўлган *Хоразмшоҳлар давлати*нинг ҳукмдори (1172—1200 й.).

Т. отаси Эл-Арслон вафоти арафасида Жанд вилояти волийси бўлиб турган. Шунинг учун Эл-Арслон кенжа ўғли *Султоншоҳ*ни валиаҳд қилиб тайинлайди ва Султоншоҳ тахтга ўтирган (1172). Т. Султоншоҳни тан олмаслигини айтгач, Султоншоҳ унга қарши онаси маслаҳати б-н қўшин жўнатган. Т. эса *қорахитойлар* маликаси Чэн Тиён (1164—1177)га ҳар йили улпон тўлаб туриши ҳақида ваъда бериб, ўгай укаси Султоншоҳ б-н курашни учун қарбий ёрдам сўраган ва ундан олган қўшин б-н Турганч (Кўҳна Урганч)га юриш қилган. Султоншоҳ ва онаси Туркон хотун Хуросонга қочган. Турганчни қўлга киритгач, Т. 1172 й. 11 декла халқнинг мадади б-н расман Хоразм тахтига ўтирган. Лекин, укаси б-н Хоразм тахти учун яна 20 й. кураш олиб боришга мажбур бўлган. Султоншоҳ вафотидан сўнг Хуросоннинг Толиқон -Марвирул - Ҳирот йўналишидаги ерлар Т.га ўтган. У ўғли Носируддин Маликшоҳни Марвга, бошқа ўғли Қутбиддин Муҳаммад II ни Нишопурга волий қилиб тайинлаган. Шундан сўнг Т. Шарқий Эронга ўз таъсирини ўтказиш б-н бирга, Ғарбий Эрон ишларига ҳам аралаша бошлаган. Т. Султоншоҳга қарши курашаётган вақтида (1172—1193) гурийлар, салжуқийлар ва аббосий халифалар, ҳатто баъзан қорахитойлар б-н ҳам яхши муносабатларни сақлаб улар б-н дўстона мактублар ёзишиб турган (бу мактублар мазмуни сақланиб қолган).

1192—93 й.ларда салжуқийлар султони Тўғрул III Т. б-н яхши муносабатни сақлаш учун унинг ўғли Юнусхонга ўз қизини берган ва сулҳ шартномасини тузган, бунга кўра Рай хоразмшоҳ мулки деб тан олинган. Лекин, Тўғрул III шартномани бузган. Тўғрул IIIга халифа ан-*Носир* ҳам қарши бўлиб, у Т.га мактуб ёзиб Тўғрул III га қарши курашда ёрдам сўраган. Т. 1194 й. 4 мартдаги жангда Тўғрул III қўшинларини маглубиятга учратиб, унга қарам ерларни ўз тасарруфига қўшиб олган, лекин, халифага ўлжадан ҳеч нарса тегмаган. Бу улар ўртасидаги муносабатларнинг бузилишига олиб келган. Тўғрул III вафот этгач, Эрон ва Ироқи Ажам ерлари Хоразмга ўтади, салжуқийлар сулоласи барҳам топади. Т. ўша йилдан эътиборан «султон» унвонини қуллай бошлади.

Т. 1195 й.да Кирмонни унга бўйсундирган. Умрининг охирги йилларида *исмоилийлар* б-н муваффақиятли кураш олиб борган. 1200 й. халифа б-н муносабати яна ёмонлашган Т. Багдодга юриш қилган, лекин ярим йўлда Нишопур ва Хоразм оралиғидаги Шаҳристон ш.да вафот этган. Унинг жасади Гурганчга келтирилиб ўзи қурдирган катта мадраса қошидаги мақбарага дафн қилинган.

Ўрта аср муаллифларининг ёзишича, Т. адолатпарвар, иқтидорли, буюк дипломат ва лашкарбоши бўлган. Т. мусиқани севган, улни жуда яхши чалган, ҳозиржавоб бўлиши б-н бирга сиёсий аҳволни тўғри баҳолаб, қарбий кучдан тўғри фойдалана олган.

Т. қипчоқ хони Жонкишининг қизи Туркон хотунга уйланган. Унинг б-н бирга келган қипчоқлар кейинчалик мамлакат таянчлиғига сабаб бўлган.

Т. даврида Хоразмшоҳлар давлати кучайган. У ўғли Қутбиддин Муҳаммадга марказлашган мустаҳкам давлат ва ташкилий жиҳатдан қудратли қўшинни мерос қолдирган.

Ад.: Бунеодов З., Ануштегиы — Хоразмшоҳлар давлати (1097—1231). Т., 1998; Тапорин О., Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври, Т., 1998; Насавий Ш., Султон Жалолиддин Мангуберди тарихи, Т., 2000.

Неъмат Полвонов.

ТАКАШ МАҚБАРАСИ — Кўҳна Урганчдаги меъморий ёдгорлик (13-а. бошлари). Хоразм шоҳи *Такаш* (1200 й.в.э.) га атаб қурилган. Мақбара мураббо тарҳли (11,45×11,45 м), пойгумбази (бал. 12,5 м) гўласимон гаворли, гумбази қулоҳий. Унга жан. томондаги пеш-

Такаш мақбараси.

тоқ орқали кирилади. Пештоқ равоқи сопол мукарнаслар б-н пардозланган. Девор қалинлиги 3,5 м, ташқи томонбазидаги майда ясси равоқчалар ичи нақшлар б-н тулдирилган, баъзиларига мовакни ерғичи учун тобдонлар ишланган, тепаси мукарнас косалар б-н безатилган. Ички пойгумбази ва гумбазида ҳам унга хос меъморий шаклар қўлланилган, ғишт, яшик, меробилари ёпиш ўймакорлиги намуналари ҳақиқий санъат асарилир. Ташқи қиёфасида унга хос жиҳатлари акс этган.

ТАКЛАМАКОН — Хитойнинг ғарбий қисмидаги чўл. Тарим текислигининг марказий қисмида. Дунёда энг йирик қум чўлларидан бири. Майд. 271 минг км². Узунлиги ғарбдан шарққа 1000 км дан ошиб, эни 400 км гача. Ер юзаси текис бўлиб, тўпламчи даврда Шим. ва шарққа томон 1200—1300 м дан 900—1000 м гача пасайиб боради. Чўлнинг ғарбий қисмида қумтошлардан иборат бир неча қоялн қатор тепалар (Чўнтоғ, бал. 1664 м), қумоқ ва тепа тепаликлар (Моязғон, 1635 м, Тухтақозн, 1560 м) бор. Унинг жан.-ғарбида барханлар, шим.-шарқида бал. 300 м гача бўлган қум уюмлари учрайди. Чекка қисмидаги катта майдонларни шўрмоқлар эгаллаган. Иқлими кескин континентал, қуруқ иқлим. Йилига 50 мм дан кам ёғин ёғади, баъзи йилларда умуман ёғмайди. Кучли шамоллар эсиб, қум бўронлари бўлиб туради. Кунъзун дан оқиб келадиган дарёлар қумга сингиб кетади. Ҳўтан дарёсининг ёлғиз чўлни кесиб ўтиб, Тарим дарёсига қуйилади. Ер ости сувлари чуқур. Чўлнинг катта қисмида ўсимлик деярли учрамайди. Дарё водийларида терак, жингил, янтоқ, шўра, саксовул ўсади. Ҳайвонот дунёси камбағал. Аҳоли воҳа ва дарё водийларида яшайди, чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланади. Т.да фойдали қазилмалардан нефть, газ, кўмир конлари, полиметалл рудалари топилган.

ТАКЛАМАКОН ЁДГОРЛИКЛАРИ — Такламакон чўлидан топилган қад. ёдгорликлар. Қум босган кўплаб кўҳна шаҳар қаробалари аниқланган. 1979 й. Лобнор кўли яқинидан оқувчи Қунчи дарёси бўйида бундан 5—6 минг йил илгари яшаган одамларнинг қабри топилган. Жасадлар бошига учли кигиз қалпоқ кийгизиб қўйилган, улар қонгдан дағал тўқилган мато б-н ўралган. Қабрдан, шунингдек, палос-гилам, кигиз, терига ишлов бериб қилинган этик нусхалари, нафис тўқилган сават лар ва улар ичидан чиққан буғдой донлари топилган. Топилмалар Такламакон чўли атрофида қадимда анча юксак маданият, хусусан, ҳунармандчилик ва деҳқончилик ривож топганлигини кўрсатади. Жасадлар махсус лабораторияларда ёрдамида Наижин ш.(ХХР)да текширилганда уларнинг ёши 6 минг йилдан ошганлиги аниқланган. Айрим жасадларнинг нафақат териси, балки ички аъзолари ҳам яхши сақланган; ҳатто кичик томирлари микроскоп ёрдамида текширилганда, унда ёғ ва тери безлари аниқ кўринган. Жасадлар орасида «Круроно гўзали» номини олган ўрта ёшли аёл жасади алоҳида эътиборга молик (қ. *Круроно гўзалари*). Олимлар унинг ўпкасидаги кремний ва кислород бирикмасини ҳисобга олган ҳолда, у чўлда юз берган қум бўронида қолиб кетиши натижасида бевақт вафот этган деган тахминга келишган. Аёлнинг ёши 42—45 дарда бўлиб, у сарғиш сочли, киприкларн узун, юзқа лабли, Туркистон халқларига хос қирра бурун, гўзал бўлган. Япония олимлари жасад асосида унинг асл қиёфасини тиклашган.

Абдулазиз Ҳожаев.

ТАКЛИФ — қ. *Талаб ва таклиф.*

ТАКОМИЛЛАШМАГАН ЗАМБУРУҒЛАР (Deuteromycetes ёки Fungi imperfecti) — шохланган кўп ҳужайрали замбуруғмицелийли юксак (ҳақиқий) замбуруғлар синфи. Ҳаёт цикли гаплоид фазада ўтади. Вегетатив ва конидиялар (споралар) орқали жинссиз кўпаяди. Кўп Т.з. мицелий иплари бирикиб, гетерокариоплар — генетик ҳар хил сифатли ядролар ҳосил қилиш ва бу ядроларни ўзаро алмашиш хусусиятига эга. Натижада гаплоид ҳолатдаги хусусиятлар қайта ўзгаради ва тур ичида янги шаклар вужудга келади. Т.з. нинг табиатда кенг тарқалган 30 минга яқин тури бор. Улар моддалар айланишида муҳим роль ўйнайди — тупроқда кўпайиб, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларини парчалайди. Бир қанча Т.з. ўсимликларда паразитлик қилади; баъзилари озиқ-овқат ва б. нарсаларни моғор босгиради. Пенициллл ва аспергиллардан антибиотиклар олинади. 4 тартиби — гифомицетлар, меланкониаллар, стерил мицелийлар ва сфероспидаллар мавжуд.

ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — сарфланган и.ч. омиллари (табиий захиралари, ишчи кучи ва и.ч. воситаларини қайта и.ч. йўли б-н тиклаш. Унинг ўзгармас кўламда қайтарилиб турилиши оддий такрор и.ч. ҳисобланади. Агар шу жараён янгидан кенгайтирилган кўламда такрорланса *кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш* дейилади.

Оддий такрор и.ч.да фойдаланилаётган и.ч. омиллари, шу жумладан, капитал ва меҳнат ҳажми, муайян муддат давомида ўзгармайди. Бу омилларнинг илгаригидек унумдорлиги натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори камаймайди (акс ҳолда торайган и.ч. пайдо бўлади) ҳам, кўпаймайди ҳам. Кенгайтирилган Т.и.ч.да, бошқа ҳамма шароитлар бир хил бўлган ҳолда, и.ч. омиллари ҳажмининг ўсиши и.ч.нинг ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг ўсишига олиб келади. И.ч.нинг бир ёки бир неча омилларининг кўпайиши ҳисобига юзага келадиган кенгайтирилган Т.и.ч. учун, одатда, қўшимча капитал қўйилмалар талаб этилади (и.ч.га инвестиция жалб этилади). Иқтисодий тараққиёт фақат кенгайтирилган Т.и.ч. бўлгандагина юз беради. Бутун жамият миқёсида ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) кенгайтирилган Т.и.ч. оллинги даврда жамғарма учун ишлаб чиқарилган ЯИМнинг бир қисмидан фойдаланишни тақозо этади. Мамлакатнинг тикланадиган ва тикланмайдиган табиий ресурслари унинг миллий бойлигининг бир қисми ҳисобланади. Тикланадиган бойликлар — ўрмонлар, балиқ захиралари, қ.х. ер майдонлари ва б.дир. Бу табиий захиралар, одатда, узоқ муддатли Т.и.ч. такрор ҳосил бўлиш циклига эгалиги б-н ажралиб туради. Кўпгина фойдали қазилмалар — нефть, тошкўмир, боксит, темир рудаси тикланмайдиган захираларга киради. Шунинг учун улардан тежамкорона ва самарали фойдаланилади.

Демографияда «Т.и.ч.» тушунчаси аҳоли сонининг тикланиши жараён-

Такламакон ёдгорликлари: Археологлар томонидан қабрнинг очилиши ва япон олимлари томонидан таъмирланган «Круроно гўзали».

ларини тавсифлаш учун қўлланилади. Шартли равишда 2 та болали оила оддий Т.и.ч.ни, 3 та ва ундан кўп болали оилалар кенгайтирилган Т.и.ч. ни билдиради.

ТАКРОРИЙ ЛОГАРИФМ ҚОНУНИ — эҳтимоллар назариясининг мазмуни жиҳатидан катта сонлар қонунига яқин бўлган лимит теоремаларидан бири. Т.л.қ. қўшилувчилар сони ортганда боғлиқсиз тасодифий миқдорлар йиғиндиларининг маълум шартларда ортишининг аниқ тартибини кўрсатади. Мас., $X_1, \dots, X_n$ — тасодифий миқдорлар эркли ва улардан ҳар бири 1/2 эҳтимоллик б-н иккита +1 ёки −1 қийматни қабул қилади. Агар $s_n = X_1 + \dots + X_n$ бўлса, ҳар қандай мусбат $\delta \geq 0$ учун бирор N натурал сонидан катта, n нинг чексиз кўп қийматларида

$$S_n < (1+\delta)\sqrt{2n\ln\ln n},$$

$$S_n > (1-\delta)\sqrt{2n\ln\ln n},$$

тенгсизликлар 1 га тенг эҳтимоллик б-н бажарилади. «Т.л.қ.» атамаси юқоридаги ифодаларнинг $\ln\ln n$ кўпайтувчиси б-н боғлиқ бўлиб, метрик сонлар назарияси асосида келиб чиққан. Т.л.қ.га оид биринчи натижани 1924 й.да А.Я. Хинчин олди. Кейинчалик А. Н. Колмогоров (1929) ва В. Феллер (1943) ишларида ривожлантирилди.

ТАКРОРИЙ ЭКИНЛАР — 1) даладаги асосий экин ҳосили ўриб-йиғиб олинганидан кейин ўрнига иккинчи марта экиладиган экинлар; экилган йилининг ўзидаёқ ҳосил беради. Ердан унумлироқ фойдаланишга ва майдон бирлигидан кўпроқ миқдорда қ.х. маҳсулоти олишга имкон беради. Кузи илиқ, узоқ давом этадиган сернам р-нларда ва суғорма деҳқончилик минтақаларида қўлланилади. Ўрта Осиёда ангиз экинлар экилади (мас., кузги арпа ўриб олинганидан кейин ўрнига бошқа дон экини — маккажўхори, жўхори, нўхат, мош экилади) ва 2-ҳосил олинади (дон ёки кўк масса). Бу жойларда ўриб олинадиган экинлар ҳам экилади. Асосий экин физиологик етилмасдан (мас., кўк озуқа учун кузги жавдар) ўриб олинганидан кейин ўрнига озуқа учун маккажўхори экиш ҳам мумкин; 2) бир экиннинг ўзини бир майдонга босим икки ёки бир неча йил мобайнида қайта экиш. Ғўза, шоли, буғдой ва б. экинлар етиштиришга ихтисослаштирилган зоналарда кенг қўлланилади. Ўғитлар етарли ва суғориладиган шароитларда такрор экилганда ҳосилдорлик пасаймайди. Бу усул алмашлаб экишга кирмайдиган участкаларда ҳам қўлланилади. Мас., бир далада сурункасига 2—3 йил канон етиштириш шулар жумласига киради.

ТАКРОРЛАШ (психологияда) — муайян билимлар, материаллар, ақлий ҳаракатларининг эсга туширилиши ва ўзлаштирилишига имкон берадиган жараён. Т. матндаги сўзларнинг маъносига қараб улар ўртасида фикрий алоқалар ўрнатиш, нарса ва ҳодисалар моҳияти ичидан янги муносабатларни очиш, у ёки бу фаолият усулларини инсон томонидан фаоллаштириш воситаси ҳисобланади. Т.нинг бошқа бир вазифаси ҳаракат, кўникма ва малакаларни юзага келган вазиятларга биноан турлича мезонлар бўйича такомиллаштириш саналади. Т. юзасидан махсус танланган машқларни бажариш, ақлий ҳаракатлардан фойдаланиш ўзгарувчан шароитларда ҳам ижобий натижаларга эришишни таъминлайди. Т. натижасида шахс фикр-мулоҳазаларини умумлаштириш, яхлитлаш, англаш хусусиятига эга бўлади. Ҳаракат, кўникма, малака ва машқларни кўп маротаба Т. эвазига улар автоматлашиш имкониятига эришади. Т.да матнни яхлит, сидирғасига, қисмларга ажратиб, режага асосланиб, материаллар ичидан маънодош сўзларни танлаш, узлуксиз машқ қилиш воситаси б-н алоқа, муносабат ўрнатилади. Т.нинг самарадорлиги кўп жиҳатдан маъноли ёки маъносиз материалларга, уларнинг осон ёки мураккаблигига, шахснинг кайфиятига, қизиқишига, интилишига, ёш хусусиятига боғлиқ.

Эргаш Ғозиев.

ТАКСАЦИЯ (лот. taxatio — баҳоламоқ), ўрмон таксацияси — ўрмон ресурсларини ҳисобга олишда, дарахтларнинг ёши, бўйи, сифати, тайёрланадиган ёғоч захираси кабиларни баҳолаш. Т.да махсус кўрсаткичлар (дарахтлар сони ва йиллик ўсиши, тур таркиби, яқин йилларда кесишга мўлжалланган дарахтлар захираси ва б.) қўлланилади. Дарахтларни ўлчаш тўғрисидаги фан ва ўрмонларнинг маҳсулдорлиги тўғрисидаги таълимот — дендрометрия ўрмон Т.сининг илмий асосини ташкил этади (қ. *Ўрмончилик*).

ТАКСИ (франц. taxi), таксомотор — йўловчилар ёки юк ташишда фойдаланиладиган енгил ёки юк автомобили. Одатда кира ҳақи таксометр бўйича тўланади. Биринчи Т.лар Лондонда 1903 й., Москвада 1907 й., Петербургда 1937 й., Тошкентда 1934 й. пайдо бўлган. Т. сифатида кўплаб ишлаб чиқариладиган енгил ва юк машиналари, махсус автомобиллардан фойдаланилади. Муайян йўналишлар бўйича белгиланган вақт оралатиб қатнайдиган Т.лар маршрутли таксилар деб аталади. Бундай Т.лар учун маълум қийматдаги ҳақ ставкаси белгилаб қўйилади.

ТАКСИЛА (юн. Taxila, қад. ҳиндча Таккхасила ёхуд Такшашила) — қадимда Ҳиндистон я.о.нинг шим.-ғарбидаги шаҳар (ҳоз. Покистоннинг Равалпинди ш.дан 35 км нарида), *Гандхара* давлати пойтахти. Мил. ав. 3—2-а.ларда Т. Маурийлар империяси шим.-ғарбий қисмининг маъмурий маркази бўлган. Т.нинг энг қад. археологик қатлами мил. ав. 6-а.га оид. Т. савдо ва ҳунармандчиликнинг йирик маркази, ҳинд, эллин, Эрон ва Ўрта Осиё маданиятлари мужассам бўлган шаҳар эди. У шунингдек, қад. ҳинд фани ва маорифи маркази сифатида ҳам машҳур. Т. 5-а. нинг 2-ярмида *эфталийлар* босқинида қаттиқ шикастланган, аҳоли шаҳарни ташлаб кета бошлаган ва 7-а.га келиб ташландиқ ҳолга келган. 1913 й.дан бошлаб олиб борилаётган археологик қазиш ишлари қад. ҳинд жамиятининг турли жабҳаларини ўрганишга доир қимматли материаллар берди.

ТАКСОДИ, ботқоқ сарв (Taxodium) — таксодидошлар оиласига мансуб барг тўкадиган игнабаргли дарахтлар туркуми. Бал. 30—50 м, тана диаметри 12 м гача боради. Игнабарги майин, тасмасимон, учли, уз. 9—15 мм, кенглиги 1—2 мм, окт. ойида сарғайиб, куз ва қишда тўкилади. Шох-шаббаси пирамидасимон, нафис, пастга эгилган. Пўстлоғи қизғиш-қўнғир. 500 й.дан кўпроқ яшайди. Ёруғсевар ўсимлик, тез ўсади. 10-й.дан бошлаб гуллайди ва мева беради. Уруғи ва қаламчасидан кўпаяди. Оддий ботқоқ сарв (T. distichum) ва мексика Т. (T. mucronatum) турлари бор. Шим. Американинг жан.-шарқида ботқоқлар ва денгиз бўйларида, 1400—2300 м баланд тоғларда ўрмонлар ҳосил қилиб ўсади. Манзарали дарахт сифатида жаҳондаги кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Кавказнинг Қора денгиз бўйларида, Украинанинг жануби-ғарбий қисми, Ўрта Осиёда экилади. Ёғочи чиришга бардошли, қурилишда, мебель ва турли асбоблар ясашда ишлатилади.

ТАКСОН — ўзаро қариндошлик муносабатлари б-н боғланган ва б. гуруҳлардан алоҳидаланган муайян таксономик категориялар: тур, уруғ, оила ва б.га мансуб бўлган организмлар гуруҳи. Т. муайян биологик объектларга тегишли бўлиши б-н таксономик категориялардан фарқ қилади. Мас., «китсимонлар» ёки «умуртқалилар» тушунчалари тасниф қилиниши лозим бўлган организмлар гуруҳини билдиради. Шундай қилиб, «тур», «оила» ва

бошқалар Т. бўлолмайди, лекин муайян тур, мас., оддий қарағай, уй пашшаси Т. ҳисобланади (яна қ. *Таксономик категориялар*).

ТАКСОНОМИЯ (юн. taxis — жойланиш, қатор ва nomos — қонун) — *систематиканинг* организмларни тасниф қиладиган назарий ва амалий бўлими. Терминни швед ботаниги О. Декандол (1813) тавсия этган. Баъзан Т.дан систематика ва тасниф синоними сифатида фойдаланилади, лекин систематика, одатда, организмларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги, Т. эса тасниф принциплари, усуллари ва қонуниятларини ўрганадиган фан ҳисобланади. Таснифнинг анъанавий усуллари организмларнинг ўхшашлиги ва улар белгилари гомологлигини ҳамда келиб чиқиши умумийлигини аниқлашга асосланган. Т.нинг асосий вазифаси организмлар табиий таснифини ишлаб чиқаришга имкон берадиган таксономик категориялар ва улар *иерархияси* тўғрисида рационал таълимот яратишдан иборат.

ТАКСОФОН, телефон-автомат — абонентни бошқа абонент б-н бир марта улаб берадиган оммавий телефон аппарати. Маҳаллий (шаҳар, қишлоқ) алоқа, шаҳарлараро алоқа, ҳам маҳаллий, ҳам шаҳарлараро алоқа Т.ларига бўлинади. Асосий қисми: электр занжирлари блоки бўлган танга (ёки жетон) текшириш қурилмаси ва пул йиғгич. Электр занжирлари блоки Т.ни телефон ст-яси б-н улайди ва узади, нутқларни қабул қилади ва узатади; ташланган танга (ёки жетон) ни текширади, абонент жавоб бермаса, тангa (ёки жетон)ни қайтаради. Т.да рақами 3 хонадан кам бўлган (01, 02, 03 ва б.) махсус хизмат идоралари б-н пулсиз гаплашиш мумкин. Т.га танга ёки махсус жетон ташланади. Махсус карточка б-н ишлайдиган Т.лар ҳам мавжуд (2004).

ТАКТ — тилшуносликда нутқнинг фонетик бирликларидан бири; нутқ занжиридаги бир ҳалқа сифатида *бўғиндан* катта, *фраза* (синтагма)дан кичик бўлади, бошқача айтганда, Т. фразанинг бир *урғу* б-н бириккан, қўшилган, бир ёки бир неча бўғиндан иборат бир қисмидир. Аксар тилларда барча мустақил сўзлар, ўз урғуларига эга бўлганликлари сабабли, алоҳида Т.ларга ажралади; мустақил бўлмаган, ёрдамчи сўзлар эса, урғуга эга бўлмаслиги сабабли, ўзлари алоҳида Т. ҳосил қила олмайди, балки урғуга эга бўлган мустақил сўзлардан аввал (ҳинд-европа тилларида) ёки улардан сўнг (туркий тилларда) жойлашиб, улар б-н биргаликда Т. ҳосил қилади. Мас., «Ўқиш учун ярода керак» жумласида 3 та Т. бор (ў-қиш учун; я-ро-да; ке-рак).

ТАКТ (лот. tactus — тегиш сўзидан) — *метр* бирлиги; кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг алмашинувига асосланиб, энг кучли ҳиссадан бошланади. Оддий (2,3 ҳиссали) ва мураккаб (бир неча оддий метрик) гуруҳчалардан ташкил топган Т.лар бўлади. *Нота ёзувида* вертикал чизиқ (такт чизиғи) б-н ажратилади. Т. таркиби ўлчов б-н белгиланади. Тенг Т.ларга ажратиб бўлмайдиган мусиқа намуналари (йиғи, катта ашула каби) ёзувида Т. чизиқлари воситасида мусиқа жумлаларининг чегарасигина кўрсатилади.

ТАКТАК (Hordeum bulbosum Tom.), харбума, тоғарпа — бошоқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик, бегона ўт. Бўйи 50—190 см. Бошоғи 6—13 см, эни 6—7 мм, қалами, мўрт. Остки гул қипиғининг қилтиғи 4—6 см, Т.нинг ер ости қисми кичикроқ пиёзга ўхшаш туганак ҳосил қилади. Май—июнь ойларида гуллаб, мева тугади. Адир ва тоғ ёнбағирларида, воҳалардаги ғалла экинлари орасида ва маргзорларда, йўл ёқаларида ўсади. Пичанзорларда, йўл ёқаларида ўсади. Баъзан дони бои ўсимлик ҳисобланади. Баъзан дони озиқ-овқат учун ишлатилади. Пояси тез дағаллашгани ва серқилтиқлиги туфайли бошоқлагунга қадар ўриб олинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тарқалган.

Тактак пиёзчаси, пояси ва бошоғи.

ТАКТИКА (юн. tasso — сафлайман) — 1) ҳарбий санъатнинг таркибий қисми; қуролли кучларнинг турли қўшин турлари (флот кучлари), қўшилмалар, қисмлар(кемалар) ва бирикмалар ҳамда қуруқликдаги, ҳаводаги ва денгиздаги махсус қўшинларни жангга ва уни олиб боришга тайёрлаш назарияси ва амалиётини ўз ичига олади. Т. оперативлик санъати ва стратегияга бўйсунади; 2) белгиланган мақсадга эришиш учун ишлатиладиган восита ва усуллар мажмуаси.

ТАКЯХОНА (араб. — мусофирхона) — мусулмон мамлакатларида бой-сармоядор кишилар томонидан қурилган, мусофир, камбағал, уйсиз шахсларга вақтинча ёток, бошпана сифатида бепул хизмат кўрсатадиган меҳмонхона. Т. асосан карвонлар йўли устида, турли зиёратлар мақсадида тез-тез меҳмонлар келиб турадиган жойларда қурилган.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ — бозор иқтисодиётининг фундаментал тушунчалари.

Талаб (товарлар ва хизматларга талаб) — харидор, истеъмолчининг бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга чиққан ва пул имкониятлари б-н таъминланган эҳтиёжлари. Эҳтиёж *пул* ва *нарх* воситасида талабга айланади. Расман олганда талаб истеъмол катталиги миқдоридир. Товарлар дунёсидаги хилма-хилликка мос равишда талаб ҳосил бўлади. Мас., озиқ-овқат товарлари, саноат моллари, маиший ва ижтимоий хизматларга бўлган талаблар товарларга талаб тузилмасини ташкил этади. Мазмуни ва ҳаракати жиҳатидан ҳақиқий, ўсаётган, барқарор қондирилган, қондирилиши кечиктирилган, қондирилмаган, меъёрдаги ва б. талабларга бўлинади. Ҳар бир истеъмолчининг, яъни алоҳида шахс, оила, корхона, фирманинг бирор товар тўпламига ёки товарларга билдирилган талаблари якка талаб дейилади. Муайян товарга ёки товарлар тўпламига барча харидорлар билдирган талаб йиғиндиси бозор талаби, барча бозорларда барча товарларга жамият миқёсида билдирилган ижтимоий талаб япи талаб дейилади. Талаб миқдорининг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилади. Уларнинг орасида энг муҳими *нарх* омилидир. Товар нархининг пасайиши сотиб олинадиган товар миқдорининг ўсиши ва аксинча, нархнинг ўсиши харид миқдорининг камайишига олиб келади. Маҳсулот нархи б-н сотиб олинадиган товар миқдори ўртасидаги тескари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади $\left(Тв = \frac{1}{P} \cdot Q\right)$; бунда Тв — талаб, P — нарх, Q — талаб этилган товар миқдори. Истеъмолчи учун нарх сотиб олишга халақит қилувчи тўсиқ сифатида намоён бўлади. Бу тўсиқ қанча юқори бўлса, у шунча кам товар сотиб олади. Юқори нарх истеъмолчининг харид қилиш истагини сўндиради, паст нарх эса бу истакни кучайтиради. Шу сабабли талаб миқдори пул даромадлари, харид

қобилияти ҳажмига тўғри мутаносибликда (талаб эластиклиги), нарх даражасига тескари мутаносибликда ўзгаради. Шунингдек, харидор диди, ўринбосар товарларнинг ва уларнинг нархи, товарларни насия (кредит)га сотилиши, товарнинг мода (расм-русум)га кириши каби олиллар ҳам талаб ўзгаришларига таъсир кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитларида даромаднинг талабга таъсири даромад самараси дейилади. Самара ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Т.ни шакллантиришнинг асосий қуроли — *рекламадир*.

Таклиф — муайян вақтда ва муайян нархлар б-н бозорга чиқарилган ва чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори б-н ифода этилади; таклиф ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ларнинг ўз товарларини сотишга (бозорга) таклиф этиш истаги. Бозорда товар нархи б-н унинг таклифи миқдори ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд: нарх қанчалик юқори бўлса, бошқа шароитлар ўзгармаган ҳолларда, сотиш учун шунча кўпроқ товар таклиф этилади, ёки аксинча, нарх пасайиши б-н таклиф ҳажми қисқаради. Таклиф нархга нисбатан тўғри мутаносибликда ўзгаради ва бундай боғлиқлик таклиф қонуни дейилади (T_t=Q·P); бунда T_t — таклиф, P=нарх; Q — таклиф этилган товарлар миқдори. Бундай боғлиқлик товар таклифи миқдори (Q) б-н унинг нархи (P) ўртасидаги боғлиқликни таклиф эгри чизиғи (S) орқали чизма ҳолда ифода этилади: мас., 10 сўм нархда 3 товар бирлиги таклиф этилади, агар нарх 15 сўмга кўтарилса, таклиф ҳажми 5 бирликка қадар кўпаяди, агар нарх 20 сўмга етса, таклиф ҳажми 6 бирликка етади. Шундай қилиб, таклиф миқдорининг ўзгаришлари таклиф эгри чизиғида бир нуқтадан иккинчисига кўчишида ўз ифодасини топади. Эгри чизиқнинг ижобий оғиши товар нархи б-н унинг таклифи миқдори ўртасидаги бевосита боғлиқликни акс эттиради.

Товар таклифига, товарнинг ўз нархидан ташқари бир қатор омиллар: шу товарни и.ч. зарур бўлган ресурслар нархлари; қўлланиладиган технология; солиқлар ва дотациялар; тақчиллик ёки нархлар ўзгаришларини кутиш; бозордаги сотувчилар сони ва б. таъсир кўрсатади. Мас., ресурсларнинг арзонлашуви муайян товарни ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, бу эса унинг таклифи ўсишини стимуллайди. Таклифнинг ўзига таъсир кўрсатадиган омиллар ўзгаришларига, биринчи навбатда, нарх ўзгаришларига сезгирлиги таклиф эластиклиги деб аталади.

Т. ва т.нинг туб мазмуни уларнинг нарх орқали ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлишидир. Бу алоқадорлик — талаб ва таклиф қонуни бозор иқтисодиётининг объектив қонуни ҳисобланади. Т. ва т. қонунига кўра бозордаги таклиф ва талаб фақат миқдоран эмас, балки ўзининг таркиби жиҳатидан ҳам бир-бирига мос келиши керак, шундагина *бозор мувозанатига* эришилади. Бу қонун *айирбошлаш* қонуни бўлиб, бозорни бошқарувчи ва тартибловчи куч даражасига кўтарилади. Унга кўра бозордаги талаб ўзгаришлари дарҳол ишлаб чиқаришга етказилиши керак. Бозордаги Т. ва т. нисбатига қараб ишлаб чиқариш суръатлар ва тузилмаси ташкил топади. Жамият бу қонундан бозор мувозанатига алоқадор омилларга таъсир этиш орқали фойдаланади.

Т. ва т. қонунинг назарий асослари дастлаб А. *Маршалл* асарларида ифодалаб берилган.

Ад.: Шодмонов Ш. ва б., Иқтисодиёт назарияси, Т., 2003; Тожибоева Д., Иқтисодиёт назарияси, Т., 2003.

Аҳмаджон Ўлмасов, Муҳтор Расулов.

ТАЛАБА (араб. — изловчи, ўрганувчи), студент — Ўзбекистонда олий ўқув юрти, АҚШ, Буюк Британия ва б. айрим мамлакатларда олий ва ўрта махсус ўқув юрти ўқувчиси.

Ўзбекистонда Т.дан фарқли равишда мамлакатдаги ўрта махсус таълим масканларида таҳсил олаётган ёшлар ўқувчи, олий ҳарбий ўқув юртларида билим олаётганлар тингловчи, ўрта ҳарбий ўқув юртларида ўқиётганлар курсант дейилади.

Туркистонда ислом дини ёйилгач (7—8-а.), бошлангич мактабдан сўнг билим олиш б-н машғул бўлган ҳар бир киши Т. ҳисобланган. Мадрасалар пайдо бўлган 10-а.лардан уларда таҳсил олаётган кишиларгина Т. дейила бошлаган. Европада 11—13-а.ларда ун-тлар ташкил топгандан сўнг, уларда фаолият кўрсатадиган ҳар бир одам, яъни сабоқ берувчи ҳам, сабоқ олувчи ҳам студент деб аталган. Кейинчалик ун-тларда ўқитувчилар учун магистр, профессор ва б. илмий унвонлар жорий этилгач, фақат сабоқ оладиган кишиларгина студент деб юритиладиган бўлган.

Т. жамият тараққиётига жиддий таъсир кўрсатади ва, айни вақтда, ҳар бир мамлакат илмий-интеллектуал салоҳиятининг даражасини билдириб, ривожланиш истиқболларини белгилаб беради. Чунки мамлакат иқтисоди ва маданиятининг юксалиши, халқ хўжалигига илм-фан ютуқлари жорий этилиши учун олий мактабларнинг Т.лари чуқур назарий билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига Т. сони кўп бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатда Т.лар миқдори сезиларли даражада ортди. Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаби ҳамда академик лицей ва касбҳунар коллежини битирган ҳар бир кишининг Т. бўлишига ҳаққи бор. Т. давлат ҳисобидан, шунингдек, шартнома асосида ўз ёнидан таҳсил кўриши мумкин. Мамлакатимизда Т.лар бакалавриат ва магистратура сингари 2 босқичда олий таълим оладилар.

Т. ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий жиҳатдан энг фаол, ҳаракатчан, жонкуяр қисми ҳисобланади. Бевосита илм-фанни ўзлаштириш б-н машғулликлари учун Т.лар жамиятнинг интеллектуал илғор қатлами саналади. Шунинг учун ҳам Т.ларнинг чуқур касбий ҳамда маънавий-ахлоқий тайёргарликка эга бўлишига катта эътибор қилинади. Ўзбекистонда Т. ёшларнинг мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, миллий истиқлол гоясини тўлиқ эгаллаб олишларига имконият яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида қатнашиш Т.ларнинг ватанпарвар шахс сифатида шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда Т.ларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун уларнинг барчасига стипендия берилади, яшаш жойига муҳтож Т.лар ётоқ б-н таъминланади, ёшларга турли илмий, бадиий ва спорт тўгаракларида иштирок этиш имкониятлари яратилган. Т.лар ўртасида ҳар 2 й.да 1 марта универсиадалар ўтказиб турилиши уларнинг жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб ўсишларига маълум даражада ёрдам беради. 2002/03 ўқув йили Ўзбекистондаги олий ўқув юртларида 232254 Т. таълим олди.

Қозоқбой Йўлдошев.

«ТАЛАБА» СПОРТ УЮШМАСИ — ЎзРдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ҳамда талабаларининг спорт уюшмаси. 2002 й. 25 дек.да тузилган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари, магистр, аспирант, проф.-ўқитувчилари, илмий ходимлари, ишчи, хизматчилари ўртасида жисмоний тарбия, спорт ва туризмни оммалаштиришга даъват этилган. Тошкент ш., вилоятлар ва

Қорақалпоғистон Республикасида уюшманинг бўлимлари, олий ўқув юртларида эса «Талаба» спорт клублари тузилган. «Т.» с.у. ҳар 3 й.да 1 марта 20 га яқин спорт турлари бўйича *универсиадалар* утказади. Универсиадалар оралигида спорт турлари бўйича чемпионат ва кубок мусобақаларини уюштиради. 1-универсиада Наманган ш.да бўлиб утган (2000).

Уюшма сафида 87 184 аъзо бўлиб, улардан 20 минга яқини спорт секцияларида мунтазам шуғулланади, 9272 нафар 3- ва 2-разрядли, 2742 нафар 1-разрядли, 858 нафар спорт усталигига номзод, 636 нафар спорт устаси, 97 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси бор (2003). Олий таълим муассасаларидаги 120 та спорт зали, 52 та футбол майдони, 71 та қўл тўпи майдони, 150 та волейбол майдони, 113 та баскетбол майдони, 87 та юғуриш йўлакчаси, 11 та сузиш ҳавзаси, 42 та теннис корти «Т.» с.у. аъзолари хизматида.

ТАЛАНТ — қ. *Истеъдод.*

ТАЛАС — Қирғизистондаги шаҳар (1944 й.дан). Талас вилояти маркази. Талас дарёси водийсида, дарё бўйида. Тароз т.й. станциясидан 90 км. 1280 м баландликда. Тароз т.й. станцияси ва Бишкек б-н автомобиль йўли орқали богланган. Аҳолиси 32,6 минг киши (1999). Ёг-мой з-ди, нон к-ти, пиво з-ди, қурилиш материаллари корхоналари, тикувчилик ф-каси, Бишкек пойабзал и.ч. бирлашмаси филиали, ГЭС бор.

ТАЛАС — Қирғизистон Республикасидаги дарё. Қирғизистон тизмасининг жан. ён бағрида, Қорақўл номи б-н бошланади, Қорасой қишлоғи ёнида Учқўшўй ирмоғи қўшилгач, Т. номини олади. Т. Чу дарёсига етмасдан анча узоқда Мўйинқум чўллари орасида кичик-кичик кўллар ҳосил қилиб тугайди. Уз. 661 км, ҳавзасининг майд. 52700 км². Муз, қор сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи Қорасой қишлоғи ёнида 32 м³/сек. Тоғли қисмида ва айниқса, текислик қисмида (Тароз ш.дан қуйида) Т.нинг суви кўплаб ариқ ва каналлар орқали суғоришга олинади. Энг йирик ирмоқлари: Учқўшўй, Кўлба, Бештош, Урмарал, Кумуштоғ, Қорабура, Кенгкўл ва Нелден. Т. бўйида Тароз, Талас ш.лари жойлашган. Т.да Киров сув омбори бор.

ТАЛАС ВИЛОЯТИ — Қирғизистон Республикасининг шим.-ғарбий қисмидаги вилоят. Талас водийсида жойлашган. Шим., шим.-ғарбдан Қозоғистон, жан.-ғарбдан Ўзбекистон ва Жалолобод вилояти, шарқдан Норин ва Чу вилоятлари б-н чегарадош. Т.в. 1944—55 й.ларда мавжуд бўлган, 1955—80 й.ларда туман, 1980 й.да қайтадан ташкил қилинган. Умумий майд. 11,5 минг км². Аҳолиси 199,9 минг киши (1999). Маркази — Талас ш.

Т.в.нинг ер юзаси тоғли ва шу туфайли мураккаб рельеф шаклларига эга. Ғарбдан шарққа 230 км га чўзилган, энг кенг жойи 80 км. Водийни қуршаб турган Қирғизистон ва Талас Олатовлари шарқда бир-бирига яқинлашиб, тоғ тугунини ҳосил қилади. Бал. 650 м дан 4500 м гача. Водий томондаги тоғ ён бағирлари дарёлар б-н парчаланган.

Т.в. турли хил қазилма бойликларига эга. Конлардан Жерой олтин кони, Аччиқтош олтингугурт колчедан кони катта аҳамиятга эга. Улар геологик жиҳатдан яхши ўрганилган. Саноат захираси бўйича бу конлардан олтин ажратиб олиш ва сульфат кислотасини и.ч. имконияти бор. Кўмир, қурилиш материаллари мавжуд. Иқлими континентал. Ёғингарчилик оз. Текисликларда ёзи иссиқ, қурғоқчил, қиши совуқ. Июлнинг ўртача т-раси 20—22°, янвлики —6°, —7°. Йиллик ёғин ғарбда 200 мм, шарқда 400 мм гача, вегетация даври 130—160 кун.

Вилоят дарёлари, асосан, Талас дарёси системасига киради. Т.в.даги Қарқара дарёси Ахси дарёсига қуйилади. Талас дарёси катталиги бўйича Қирғизистонда 3-ўринда туради. Вилоятда табиий кўллар йўқ. Талас Олатовида музликлар учрайди. Тупроғи, асосан, бўз тупроқ. Тоғ ён бағирларида (1600—2500 м)кўпинча карбонатли қўнғир тупроқ ва тоғ қора тупроғи учрайди. Ўсимликлардан чала чўлда шувоқ-эфемерли ва шувоқ-бетага ўсимликлар ўсади. Баландтоғ ўтлоқли минтақада (2500 м дан юқорида) арча, қарағай, пихта ўрмонлари бор. Гляциал-нивал минтақада (3400—3600 м дан юқорида) қоятош ва шағаллар орасида альп ўсимликлари ўсади. Талас дарёси бўйларида (Кумуштоғдан Қорақўлгача) терак, тол ва б. кенг баргли дарахтлар бор. Тоғ ён бағирларидан яйлов сифатида фойдаланилади.

Ёввойи ҳайвонлардан айиқ, силовсин, архар, тоғ такаси, кийик, қобон, бўри, сугур, ҳар хил кемирувчилар, қушлар, дарёларда балиқ кўп. Т.в.да Талас давлат комплекс ва зоология қўриқхоналари бор.

Т.в. Қирғизистон Республикасида қ.х. маҳсулотлари айрим турларини етиштиришда муҳим аҳамиятга эга. Озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш материаллари корхоналари бор. Шулардан энг йириклари: Талас ш.даги сут, пишлоқ з-длари, Қорабура туманидаги ёг заводи. Шунингдек, нон, пиво з-длари, гўшт к-тлари, тикувчилик, пойабзал ф-калари фаолият кўрсатади. Қурилиш корхоналаридан гишт з-ди, уйсозлик к-ти, темир-бетон буюмлари корхонаси, шағал саралаш з-длари мавжуд. Қайинди конидан гранит қазиб олинади.

К.х.нинг асосий тармоғи— чорвачилик. Қўй, эчки, қорамол, чўчқа боқилади. Паррандачилик, йилқичилик ривожланган. От зотларини яхшиловчи Талас йилқичилик з-ди мавжуд. Деҳқончиликда галла, тамаки, озуқа, илдиз мевали ўсимликлар экилади. Вилоятнинг қуйи деҳқончилик р-нларида токчилик, тоғ этакларида мевачилик ривожланган.

Вилоятдаги транспортнинг асосий тури автомобиль транспорти. Йирик шаҳарларни туташтирувчи магистрал автомобиль йўллари бор.

Талас ш. ҳаво йўли орқали Бишкек, Жалолобод, Тўқтагул, Янгибозор (Чатқол тумани) б-н богланган.

Т.в.да 3 халқ театри, адабий-этнографик музей, рассомчилик-ҳунармандчилик музейи, 4 маданият ва истироҳат боғи, Манас гумбази бор. Манас эпосининг 1000 й.лик юбилейи муносабати б-н ноёб Манас мажмуаси қурилган.

ТАЛАС ВОДИЙСИ — Шим. Тяньшан орасидаги тектоник водий. Қирғизистоннинг шим. қисмида. Мўйинқум чўлига туташиб кетади. Т.в. учбурчак шаклида бўлиб, шим.-шарқи очиқ. Талас тизмаси б-н Қирғизистон тизмаси туташган ердан Тароз ш. яқинигача 230 км га чўзилган. Эни энг тор жойида 1 км дан, энг кенг жойида 80 км гача. Шим.да Қирғизистон тизмаси, жан.да Талас Олатови, ғарбда Қоратовнинг жан.-шарқий тармоқлари б-н ўралган. Водий марказидан Талас дарёси оқиб ўтади. Баландлиги ғарбий қисмида 600 м, шарқий қисмида 2000 м дан зиёд. Рельефи мураккаб, асосан, кенглик бўйлаб чўзилган бир қанча паст тизмалар мавжуд. Водийни ўраб олган тизмалар ён бағирлари сланец, қумтош, гранит, оҳактошлардан ташкил топган. Тизмаларнинг пастки қисми ва Талас дарёси водийси тўртламчи давр ётқизиқлари б-н қопланган.

Т.в. ва уни ўраб олган тизмаларда текислик ва тоғолди чала чўл, тоғолди ўртача баландликдаги тоғ дашти ва ўртача баландликдаги тоғ ўрмон ўтлоқ-дашти, баланд тоғлик ўтлоқ ва ўтлоқ дашт субальп, альп, доимий қорлик ва музлик ландшафт минтақалари тарқалган.

Талас водийсининг юқори қисми.

Т.в. тоғлар б-н ўралганлиги учун атрофдаги туманларга нисбатан қиши унча совуқ бўлмайди. Йиллик ўртача т-ра 2000 м баландликда ҳам 5°, 8°. Вегетация даври 140—160 кун. Йиллик ёғин 200—300 мм.

Асосан, бўз тупроқ, баланд тоғ ён бағирларида тоғ қорамтир, дарё қайирларида эса ўтлоқи аллювиал тупроқлар учрайди. Шувоқ, чалов, бетага ўсади. Воҳанинг ғарбий ва марказий қисмларида воҳалар мавжуд, суғорилиб маданий экинлар, шу жумладан, қанд лавлаги, буғдой, тамаки ва сабзавот экилади. Боғ кўп. Тоғ ён бағирлари чорвачилик учун яйлов. Талас дарёсида сув омбори қурилган. Т.в.да Талас ш. жойлашган.

ТАЛАС ЖАНГИ — Талас (Тароз) дарёси бўйида араб ва хитой қўшинлари ўртасида юз берган ҳал қилувчи жанг (751). 8-а.нинг 1-ярмида *Тан* империяси *Буюк ипак йўли*ни эгаллаш ва бу йўлдаги давлатларни ўзига бўйсундириш учун бир неча бор урушлар қилган. Мовароуннаҳрдаги мураккаб ички аҳвол (арабларга қарши халқ қўзғолонлари), Фарғона ҳокимининг Чоч ҳокимига қарши курашида Хитойдан ёрдам сўрагани бу юришларга баҳона бўлган. Тан давлати 750 й. миллати корейс бўлган Гао Сяньчжи (Гав Шанчжи) қўмондонлигида катта қўшин жўнатган. Бу қўшин фарғоналиклар б-н иттифоқликда Чочни олиб вайрон қилган, катта ўлжа (туялар, отлар, олтин, кумуш)ни қўлга киритган. Чоч ҳокими қатл қилинган, унинг ўғли араблардан ёрдам сўраган. 751 й. июль ойида арабларнинг Зиёд ибн Солиҳ қўмондонлиги остидаги қўшини Гао Сяньчжининг хитойлар, фарғоналиклар, қашқарликлар, кучарликлар ҳамда қарлуқлардан иборат йирик қўшини (араб манбаларига кўра 70 минг киши) б-н Талас дарёси бўйида тўқнашган. Т.ж. 5 кун давом этган. Тўқнашув жараёнида Тан армияси таркибидаги қарлуқлар арабларга қарши курашдан бош тортган ва хитойликларнинг *арьергард*ига зарба берганлар. Хитой қўшини бутунлай яксон қилинган. Гао Сяньчжи ёрдамчилари Ли Сийе ва Дуан Шоушилар б-н бирга зўрга қочиб қутилган. *Ибн ал-Асир*нинг ёзишича, хитойликлардан 50 минг киши ўлдирилиб, тахм. 20 минг киши асир олинган. Асирга тушган Хитой жангчилари орасидан танлаб олинган ҳунармандлар Самарқандга келтирилган. Улар Самарқандда қоғоз и.ч. саноатини янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлар. Хитойлик ҳунармандлар ҳатто Месопотамия шаҳарларига ҳам келтирилган. Т.ж. Марказий Осиё халқлари тарихида ўта муҳим роль ўйнайди. У Тан империясининг Ўрта Осиё ҳудудини эгаллаш йўлидаги тажовузкорона сиёсатига узил-кесил чек қўйган. Аммо бу Ғарб б-н Шарқ ўртасидаги савдо алоқаларини бутунлай узилишига олиб келмаган.

Абдулаҳад Хўжаев.

ТАЛАС ОЛАТОВИ — Ғарбий Тяньшандаги тоғ тизмаси. Қирғизистон ва Қозоғистон республикалари ҳудудида жойлашган. Кенглик бўйлаб шарқдан ғарбга 270 км га чўзилган. Бал. 400 м га яқин. Ғарбда Оқсув дарёсининг юқори оқимида тугайди. Энг баланд жойи — Манас чўққиси (4484 м). Жан. қисмидан жан.-ғарбга Чатқол, Писком, Угом, Қоржонтов каби тизмалар ажралиб чиққан. Т.О.Талас, Сирдарё, Чирчиқ дарё водийларини бирбиридан ажратиб туради.

Тизмада Колба, Майдонтол каби довонлар бор. Т.О.нинг шим. ён бағри қисқа ва Талас водийсидан тик кўтарилган. Тектоник жиҳатдан антиклинорий структурадир. Тизманинг ўқ қисми палеозойнинг гранитларидан, ён бағирлари эса метаморфик сланец, қумтош ва оҳактошлардан ташкил топган. Сувайиргич қисми қояли, доимий қор ва музликлар мавжуд.

Т.О.нинг этакларида дашт ўсимликлари ва буталар, ён бағирлари, сувайиргич ва унга яқин қисмларида субальп ва альп ўтлоқлари тарқалган. Унинг ён бағирларини кесиб оқувчи дарё бўйлари ва ён бағирларида қорақарағай, оққарағай, арча дарахтлари учрайди.

ТАЛАШҚОНТЕПА I — кўҳна шаҳар (мил. ав. 6—4-а.лар). Шеробод (Сурхондарё)дан 15 км жан.-ғарбда жойлашган. Т.нинг тарҳи айлана шаклида, диаметри 130 м, майд. 1,6 га дан кўпроқ. Қалинлиги 5 м га яқин бўлган пахса ва тўғри бурчакли хом ғиштлардан қад кўтарган девор б-н ўраб олинган. Деворда диаметри 5 м дан кўпроқ бўлган 15 та айлана миноралар қурилган. Т.да турли йилларда Э.В.*Ртвеладзе*, А.С.Сағдуллаев, Ш.Р.Пидаев, Ш.Б.Шайдуллаев каби археолог-олимлар тадқиқот ишлари олиб боришган. Қазишлар натижасида пилиндрсимон идишлар, кремний ва жездан ишланган ўқ учлари, ўтир дасталари, қирғичлар, қайроқтошлар ва деҳқончилик б-н боғлиқ бўлган буюмлар топилган.

ТАЛЕЙРАН (Талейран — Перигор) (Talleyrand-Perigord) Шарль Морис (1754.13.2 — Париж — 1838.17.5) — француз дипломати. 1797—99 й.лар (Директория даврида), 1799—1807 й.ларда (Консуллик ва Наполеон I империяси даврида), 1814—15 й.лар (Людовик XVIII даврида) ташқи ишлар вазири. 1814—15 й.лардаги Вена конгрессида француз делегацияси раҳбари. 1830—34 й.ларда Лондонда элчи. Энг буюк дипломатлардан бири, нозик дипломатик «ўйинлар» устаси.

ТАЛИҚОН, Толиқон, Талқон — ўрта асрларда Шим. Афғонистондаги қалъа, шаҳар ва вилоят. Т. ўрта асрларда Тохаристоннинг пойтахти бўлса-да, Балхдан 3 марта кичик эди. Т. Қундуздан шарқда, Қундуздарё ирмоғи Талиқон дарёси бўйида жойлашган. Т. мустаҳкам истеҳкомли, савдо йўллари кесишган ерда жойлашгани учун обод ва бой шаҳар ҳисобланган. Ўрта асрларда уни, шунингдек, «Хуросон Т.и» деб ҳам аташган, чунки айни вақтда бу номдаги яна 2 шаҳар Қазвин ва Рей вилоятларида ҳам бўлган. *Маҳмуд ибн Вали*нинг ёзишича, Маймана вилоятидаги шаҳар ҳам Т. деб аталган.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида Т. шаҳри Афросиёб подшолиги даври воқеалари муносабати б-н қайд этилган. Қадимда Т. атрофида чегара, тош минораси бўлган, уни сосонийлар шоҳи Варахран V (421—438 й.ларда ҳукмронлик қилган) бунёд этган. Араблар истилоси арафасида Т. алоҳида бир мулк бўлиб, уни Саҳрак ёки Суҳроб номли шоҳ идора этган. 10-а.да Т. шаҳри Гузганон вилояти шоҳига тобе бўлган. 12-а.да Т. манбаларда яна Хуросоннинг алоҳида вилояти тарзида қайд этилган ва унга бир қанча шаҳар ва қишлоқлар қараган. Т. қалъаси ўрта асрларда Мансуркўҳ ёки Нусраткўҳ деб номланган. У жуда мустаҳкам бўлиб, 13-а.да Чингизхон қўшинлари уни куч б-н эгаллай олмай, 7 ой қамал қилиб олишга мажбур бўлишган. *Амир Темур* ва темурийлар даврида Т. дастлаб Пирмуҳаммад ибн Жаҳонгир мулки, сўнгра Шоҳрух даврида унинг ўғли Иброҳим Султонга тегишли бўлган. 16-а. охирида Т.ни темурий Султон Маҳмуд Мирзо ва Хисравшоҳнинг ноиблари идора этишган. 1503—04 й.ларда Тохаристон ва Бадахшоннинг катта қисмини Шайбонийхон қўшинлари босиб олганда бу вилоятлар Шайбонийхоннинг укаси *Маҳмуд Султон*га инъом этилган. Шайбонийхон ўлимидан сўнг (1510) Тохаристон ва Бадахшоннинг катта қисми яна темурийлар (Мирзахон ўғли Сулаймоншоҳ) тасарруфида бўлган. Бироқ унинг набираси ва вориси Шоҳрух Мирзо даврида Т. Бадахшон шоҳларидан Шоҳ Имод қўлига ўтган. 1584 й. Т.га шайбонийлар қўшини келиб шаҳар Маҳмуд султон ибн Сулаймон султонга қараган. У, ўз навбатида, Шайбонийларнинг Балхдаги ноиби Абдулмўмин Султонга тобе бўлган. Т. вилоят маркази мақомини Аштархонийлар даврида ҳам сақлаб қолган. 18-а.нинг 1-ярмида Т. ёрийлар сулоласидан Мир Султоншоҳ тасаррруфига ўтган. 18-а. ўрталаридан Афғонистон таркибида.

Ад.: Ахмедов Б., История Балха, Т., 1982; Камолиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начало XIII вв., Т., 1996.

Шамсиддин Камолиддинов.

ТАЛЛ МОЙИ, таллол — қора тусли қовушоқ суюқлик. Зичлиги 960—990 кг/м³; 30—50% смола кислоталари, 35—55% ёғ кислоталари (олеин, линолен ва б.), 8—20% нейтрал моддалар, 4—10% петролей эфирида эримайдиган (оксидланган) моддалар, 8% гача сув ва бир оз миқдорда бадбўй ҳидли аралашмалардан иборат. Сульфатли совунни қайта ишлаб ҳосил қилинади.

Т.м. эмульгаторлар, алифмой, сиккативлар, линолеум, алкид смолалар, совун и.ч.да қўлланади. Талл ёғ кислоталари лок-бўёқ саноатида, озиқ-овқат ёғи ўрнида ишлатилади.

ТАЛЛИ-БАРЗУ, Узунтепа — сўнгги антик ва илк ўрта асрга оид шаҳар харобаси. Самарқанд ш.дан 6 км жан.да жойлашган. Г.В.Григорьев (1936—38), Зарафшон археологик экспедицияси (1939) қазишмалар ўтказган ва натижада шаҳарнинг мил. ав. 1-минг йилликдан мил. 8-а.гача бўлган 6 та маданий қатлами аниқланган. Т.-Б.нинг умумий майд. 5 га, тўртбурчак шаклида, атрофи кўплаб шинаклари ва буржлари бўлган қалин девор б-н ўраб олинган. Шаҳарнинг марказида куҳандиз (бал. 18 м) жойлашган, 5—6-а.ларда бу ерда қаср-ли мустаҳкам қўрғон қурилган. Аҳоли деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик б-н шуғулланган. Т.-Б.дан қизил рангга бўялган қадаҳлар, икки бошли қўчқор кўринишидаги кабоб қўраси, нақшинкор сопол идишлар, ҳайкаллар, ёзув намуналари топилган. Араб халифалигининг Суғдни босиб олиши жараёнида (8-а. боши) вайрон бўлган.

ТАЛЛИЙ (юн. Thallos — яшил новда; спектрининг ёрқин яшил чизиқларига кўра номланган, лот. Thallium), Tl — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 81, ат. м. 204,37. 2 та барқарор изотопи: ^{203}Tl (29,5%) ва ^{205}Tl (70,5%) ва ^{207}Tl—^{210}Tl радиоактив изотоплари бор. ^{207}Tl, ^{204}Tl радиоактив изотопи сунъий усулда олинган. Инглиз кимёгари У. Крукс 1861 й.да сульфат кислота з-дининг қўрғошин камерасидан чиқадиган балчиқни спектроскоп ёрдамида текшириб, номаълум элементга тааллуқли яшил чизиқлар борлигини кўрди. Кейинроқ француз кимёгари К.О. Лами Т.ни илк бор металл ҳолда ажратиб олди ва унинг хоссаларини аниқлади.

Т. тарқоқ элемент; Ер пўстининг массa жиҳатдан $4{,}5 \cdot 10^{-5}$% ини ташкил қилади. Т. минералларига лорандит $TlAsS_2$, крукезит $(Cu, Ag, Te)_2Se$, врбаит $Tl (As, Sb)_3 S_5$, гутчинсонит $(Cu, Ag, Tl)_2 S \cdot Pb \cdot 2As_2S_3$ ва 1958 й.да Ўзбекистонда топилган минерал авиценнит $3Tl_2O_3 \cdot 2Fe_2O_3$ лар киради. Т. кўпинча галлий ва индий б-н бирга учрайди. Т. оғир металларнинг полиметаллик рудалари чиқиндиларини қайта ишлаб, соф Т. эса унинг сульфати эритмасини электролиз қилиб олинади.

Т. кумуш ранг-оқ металл, ҳавода тез оксидланади. Физик хоссаларига кўра қўрғошинга ўхшайди. Т.нинг суюқланиш т-раси 303,6°, қайнаш т-раси 1457°, зичлиги 11,85 г/см³. Унинг қаттиқ ҳолатдаги 2 та (α, β) модификацияси маълум. Т. кимёвий фаол элемент. Кўпчилик металлмаслар б-н бевосита бирикади, кислоталарда эрийди, ишқорлар б-н реакцияга киришмайди. Т. бирикмаларида 1 ва 3 валентли. Т. гидроксид TlOH кучли асос. Т. нитрат кислотада эриб, таллий нитрат $TlNO_3$ ҳосил қилади. Лекин хлорид кислотада оз эрийди. Т.нинг 1 валентли бирикмалари барқарорроқ ҳисобланади.

Т.нинг ўзи ва унинг бирикмалари жуда заҳарли. Мас., таллий сульфат $Tl_2(SO_4)$, кемирувчиларга қарши заҳарли модда сифатида ишлатилади. Т. ва унинг бирикмалари оптик асбобларда, ярим ўтказгичлар техникасида, катализатор сифатида, антидетанатор ўрнида ишлатилади; таллий бромид б-н таллий йодиддан ташкил топган қаттиқ эритмаларнинг монокристаллари (Т. хлорид ҳамда Т. бромиднинг монокристаллари) инфрақизил нурларни ўзидан ўтказади. Т. карбонат оптик шишалар синтезида, Т.нинг ўзи селенли ток тўғрилагичлари тайёрлашда ишлатилади.

Т. ҳайвон ва ўсимлик тўқимасида доимо бўлади. Тупроқда ўрта ҳисобда 10^{-5}%, денгиз сувида 10^{-6}%, ҳайвон организмида $4 \cdot 10^{-5}$% миқдорда Т. мавжуд. Одам бир кеча-кундузда овқат ва сув орқали 1,6 мкг, ҳаво орқали 0,05 мкг Т. олади. Т. киши организмига нафас ва овқат йўли, тери орқали кириши мумкин. Т.дан кучли заҳарланган кишининг 1—2 суткадан кейин меъда-ичаги (кўнгли айнийди, қусади, қорни оғрийди, ичи суради, ичи қотади), ўпкаси зарарланади, сочи тўкилади, авитаминоз пайдо бўлади. Жуда оғир заҳарланганда полиневрит, телбалик ва кўрмай қолиш ҳоллари учрайди. Т. организмдан сийдик (72%) ва нажас (14%) б-н чиқиб кетади.

Ад.: Парпиев Н.А., Раҳимов Х.Р., Муфтахов А.Ғ., Анорганик кимё, Т., 2003.; Касымова С.С., Биогенные элементы, Т., 1990.

Комил Тожиев.

ТАЛЛИМАРЖОН — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги шаҳар (1975 й.дан). Қарши чўлининг ўзлаштирилиши муносабати б-н 1964 й.да ташкил этилган. Таллимаржон сув омбори ёнида жойлашган. Аҳолиси 9,9 минг киши (2004). Т.да Қарши канали ва насос ст-ялардан фойдаланиш бошқармаси, шу бошқарманинг марказий таъмирлаш устахонаси, автокорхона ва б. бор.

Таллимаржон шаҳри. Клуб биноси.

Шаҳарда умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи (чилангар, электриклар тайёрлайди), очиқ сузиш ҳавзасига эга бўлган спорт мажмуаси, касалхона, туғруқхона, поликлиника ва дорихона мавжуд. Таллимаржон т.й. ва автомобиль йўллари орқали (80 км) Қарши шаҳри б-н боғланган.

ТАЛЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ — Ўзбекистонда қурилаётган йирик иссиқлик электр станцияларидан бири. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Нуристон шаҳарчасида, Таллимаржон сув омборидан 7 км узоқликда жойлашган. Ст-я қурилиши 1988 й. янв.да бошланган. Лойиҳа қуввати 3200 МВт (800 МВт ли 4 энергоблокли). 1-энергоблоки 2004 й. охирида ишга туширилади. Асосий ёқилги тури — таркибида олтингугурт кам бўлган Шўртан газ конидан олинадиган табиий газ. Т.и.э.с. вилоятдаги газ конлари, сув хўжалиги объектлари ва б. истеъмолчиларни электр энергияси б-н таъминлайди.

ТАЛЛИМАРЖОН СУВ ОМБОРИ — Қашқадарё вилоятидаги йирик гидротехника иншооти. Қарши магистрал канали этагида барпо этилган. Таллимаржон т.й. станцияси яқинида, Амударё ва Қашқадарё ўртасида сувайиргич вазифасини бажарувчи текисликда жойлашган. 1965—73 й.ларда қурилган. 1977 й.да қисман, 1985 й. тўлиқ ишга тушурилган. Т.с.о. Қарши магистрал канали суви б-н кузги-қишки мавсумда 6 ой давомида тўлдирилади. Уз. 14 км, кенглиги 5,5 км, ўртача чуқ. 19,8 м, қирғоқ чизиги уз. 36 км, майд. 77,4 км², умумий ҳажми 1,53 млрд. м³, фойдали иш ҳажми, 1,4 млрд. м³. Т.с.о.нинг асосий иншоотлари мажмуи 1- ва 2-тупроқ тўғонлари, насос ст-яси, сув оқиб келадиган ва чиқиб кетадиган канал, дренаж, насос ст-ясидан иборат. Сув қудратли электр насослари орқали 26,6 м баландликкача кўтарилиб берилади. Қарши чўлида ўзлаштирилган қўриқ ерларни сув б-н таъминлайди. Суғориш мавсумида омборда тўпланган сув Қарши магистрал каналига сув ўтказиш имконияти 360 м³/сек. бўлган сув чиқаргич орқали берилади.

ТАЛЛИН (собиқ Ревель) — шаҳар, Эстония пойтахти. Йирик индустрия, илмий ва маданий марказ, транспорт йўллари тугуни, денгиз порти. Аэропорт бор. Фин қўлтиғининг жан. соҳилида, Таллин бухтаси ёнида жойлашган. Шаҳарнинг шим.-шарқий (Пирита) қисмидан Пирита дарёси оқиб ўтади. Иқлими денгиз иқлими. Фев.нинг

Таллин шаҳрининг умумий манзараси.

ўртача т-раси —5,8°, июлники 16,4°. Йиллик ёғин 600 мм гача. Майд. 145,9 км². Аҳолиси 404 минг киши (2000). Шаҳар 4 маъмурий туманга бўлинган.

Археологик маълумотларга кўра, шаҳар 10-а.да вужудга келган. Дастлаб, *Идрисий*нинг 1154 й. тузилган дунё харитасида Коливань (халқ эпоси қаҳрамони — Калева) номи б-н тилга олинган. 1219 й. данияликлар ҳоз. Т. ўрнидаги эстонларга қарашли кўҳна шаҳарни босиб олиб, унга Ревал (Ревель) деб ном бердилар. Бироқ эстонлар шаҳарнинг янги номини қабул қилмай, уни Таллин (Taani linna — Дания шаҳри) деб атай бошладилар. Т. савдо-ҳунармандчилик маркази ва денгиз порти сифатида тез ривожланди. 1285 й. *Ганза* иттифоқига кирди, 13—14-а.ларда Болтиқ бўйидаги энг йирик шаҳарлардан бирига айланди. Т.ни 1710 й.да Россия босиб олган. 19-а. охири — 20-а. бошларида Т. йирик саноат марказига айланган. 1940 й. 6 авг.да Т. Эстония ССР таркибига киритилди. Уруш даври (1941—45)да Т. катта талафот кўрди. Урушдан кейин шаҳар бутунлай қайта тикланди. Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик (кемасозлик) ва металлсозлик. Айниқса, электроника, электротехника, приборсозлик саноатлари тез ривожланмоқда. Йирик корхоналари: «Вольта» электр моторлари з-ди, электроника, радиотехника, кабель, назорат-ўлчов приборлари з-длари. Машинасозлик, экскаватор, кема таъмирлаш, кимё-фармацевтика з-длари, кимё, фанер-мебель, уйсозлик, целлюлоза-қоғоз к-тлари, кондитер, мебель ф-калари бор. Тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, кўн-пойабзал корхоналари, элеватор ишлаб турибди. Балиқ, сут, гўшт, маҳсулотлари, консервалар, турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Т.да Эстонияда ишлаб чиқариладиган ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 2/5 қисми тайёрланади.

Шаҳар тузилишида марказий ўрин эгаллаган ўрта аср қурилиши (Эски шаҳар) сақланган. Эски шаҳарнинг ўзи 2 қисм: Тоомпеа тепалигидаги қисми (13—14-а.ларда қурилган қаср б-н) ва ундан жан.-шарқдаги Қуйи шаҳардан иборат. Дом собори (13—15-а.лар) ва б. бор. Қуйи шаҳарда 13—16-а.лар девор қолдиқлари, 17-а. ер ости қалъаларининг қисмлари, ўрта асрга хос тор кўчалар ва кўплаб меъморчилик ҳамда санъат ёдгорликлари сақланиб қолган.

Т.да 4 олий ўқув юрти (политехника, пед., бадиий мусиқа ва театр санъати), бир қанча ўрта махсус ўқув юрти, Эстония ФА ва унинг ин-тлари, ботаника боғи жойлашган. 13 музей (тарих, бадиий, табиий фанлар, шаҳар, театр ва мусиқа ва б.), 5 театр, консерватория, филармония, «Таллинфильм» киностудияси, телемарказ бор. Шаҳар халқаро туризм маркази. Меҳмонхона, туристик база, кемпинглар фаолият кўрсатади. Т.нинг Пирита, Кадриорг боғи, Эски шаҳар қисмлари меҳмонлар ва саёҳларнинг севимли дам олиш жойларидир.

Пирита — таллинликларнинг дам олиш маскани.

ТАЛЛОМ (юн. thallos — новда, ўсимта), танача — тубан ўсимликлар (сувўтлар, замбуруғлар, миксомицетлар, лишайниклар, айрим жигарсимон йўсинлар)нинг новда ва барглларга бўлинмаган яхлит танаси. Улар Т.ли ўсимликлар дейилади. Баъзи денгиз сувўтлари (мас., каулерпа) ташқи томондан новда ва баргсимон тузилишга эга бўлса-да, анатомик соддалиги, ўсиш хусусияти ва кўпайиш органларининг тузилишига кўра юксак ўсимликлардан фарқ қилади. Барг ва новдаларга бўлинмаган айрим гулли ўсимликлар (раффлезиялар) Т.ли ўсимлик ҳисобланмайди, чунки улар паразит ҳаёт кечиргани сабабли иккиламчи соддалашган.

ТАЛЛОМЛИ ЎСИМЛИКЛАР, таллофитлар (Thalophyta) — тубан ўсимликларга нисбатан ишлатиладиган ном. Т.ў. танаси поя ва барглларга ажралмаган; яхлит талломдан иборат (яна қ. *Таллом*).

ТАЛМИҲ (араб. — ишора қилиш, бирор нарса томонга енгил назар ташлаш) — мумтоз шеъриятда кенг қўлланган бадиий санъатлардан бири. Бунда шоир машҳур бир қисса, воқеа ёки асарга ишора қилиш орқали ўз фикрини мухтасар ҳикоя қилади. Шунга кўра, Т. шеърда оз сўз б-н кўп маънони ифодалаш санъати дейилади. Мас., Атоий

Сен бути Чин ишқида ҳолимни
айб эткан киши
«Мантиқ ут-тайр» ичра кўрсун
Шайх Санъон қиссасин

байтида ўзининг бир гўзал ишқида не ҳолга тушганини батафсил баён қилиб ўтирмай, Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достонидаги машҳур «Шайх Санъон қиссаси»га ишора қилади: Шайх Санъон воқеасидан хабардор киши меннинг ҳолатимни сира айб қилмайди, дейди. Шу тариқа, бутун бир китобга жо бўладиган фикр бир байтга сингдирилади.

Т. 3 кўринишда намоён бўлади: эжоз, мусовот ва баст. Эжоз — оз сўз б-н кўп маънони ифодалаш. Мусовотда сўз ва маъно тенг. Баст эса маънони кўп сўз б-н ифодалашдан иборат. *Истиора* ва *ташбиҳ* эжоз жумласидан бўлиб, ортиқча баён ва шубҳани бартараф этиш учун батафсил маълумот келтириш б-н боғлиқ санъатлар баст ҳисобланади. Бу санъатлардан энг кўп қўлланадигани —эжоз.

Шарқ мумтоз адабиётида Т. санъатига кўп шоирлар мурожаат қилган. Замонавий шоирлар ижодида ҳам Т.нинг гўзал намуналари мавжуд.

Ад.: Атоуллоҳ Ҳусайний, Бадойиъ ус-санойиъ, Т., 1981; Шамси Қайси Розий, Ал-мўъжам, Душанба, 1991.

Эргаш Очилов.

ТАЛМУД (қад. яҳудийча ламейд — ўрганиш, таълимот) — *иудаизм*да муқаддас ҳисобланадиган кўп жилдли диний ёзувлар тўплами. Мил. ав. 4-асрдан мил. 5-а.гача яҳудий руҳонийларнинг *Тавроти*ни шарҳлаши ва қайта изоҳлаши натижасида вужудга келган. Т. иудаизм динига хос ақидалар, ибодат ва маросим талаблари, ахлоқий, ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олади.

ТАЛОНЧИЛИК — жиноят ҳуқуқига кўра ўзганинг мулкини талон-торож қилиш. Т. ошкора ёки яширин равишда содир этилиши мумкин. Агар айбдор жабрланувчилар ёки бошқа шахслар кўз ўнгида Т. қилаётганлигини ва улар айбдорнинг ҳаракатлари хусусиятини тушунаётганлигини била туриб, Т. ни амалга оширса, у ошкора деб ҳисобланади. Агар талон-торож қилинганлигини одамлар сезмасалар ёхуд буюм олинганлиги фактини кўра туриб, уни қонуний ҳисобласалар ва айбдор ҳам шунга умид қилган бўлса, у ҳолда Т.ни ошкора деб тан олиниши мумкин эмас. Яширин равишда бошланган талон-торож баъзан ўзгалар мулкини очиқдан-очиқ эгаллашга айланиб кетади. Бундай ҳоллар, мулкни эгаллаш жараёнида жиноятчини сезиб қолишганида, лекин жиноятчи буни тан олмай ўз ҳаракатларини давом эттириб, мулкни ошкора эгаллаб олганда содир бўлади. Т. мулкдорга мулкий зарар етказишдек ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқаради. Мулкни амалда эгаллаб олиш, яъни жиноятчида талон-торож қилинган нарсадан фойдаланиш имконияти пайдо бўлиши вақтидан бошлаб бу жиноят туғалланган ҳисобланади.

Т. учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-модласида жавобгарлик масаласи берилган. Бунда Т. нинг квалификация таркиби соғлиқ ва ҳаёт учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш, ёхуд шундай зўрлик ишлатиш б-н қўрқитиш каби ўзига хос белгини ўз ичига олади. Худди жисмоний зўрлик каби, жисмоний зўрлик ишлатиш б-н қўрқитиш орқали руҳий зўрлик ҳам Т.нинг квалификация белгиси ҳисобланади. Т.да зўрлик мулкдорга, шунингдек, реал ҳолда ёки айбдорнинг фикрича, талон-торожга тўсқинлик қилувчи бошқа шахсларга нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин. Инсонга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш б-н қўрқитиш Т. турининг моҳиятини ўзгартиради. Бундай ҳолларда жиноят 2 объектли бўлиб қолади: мулк муносабатлари б-н бирга соғлиқ, шахсий эркинликни ва бадан дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга зарар етади ёки уларга бевосита хавф туғилади.

Мирзаюсуф Рустамбоев.

ТАЛОҚ — одам ва умуртқали ҳайвонларнинг қорин бўшлигидаги тоқ паренхиматоз орган. Асосий қон резервуарларидан бири (қон «депо»си); қон яратилиши, *моддалар алмашинувида* иштирок этади; иммунобиологик ва ҳимоя функциясини бажаради — антителолар ишлаб чиқаради, бактерия ва токсинларни тутиб қолиб, зарарсизлантиради, яшаб битган эритроцит ва тромбоцитларни емиради. Қоннинг ҳосил бўлиши, бузилиши, қайта тақсимланишида ва организмнинг ҳимоя реакцияларида қатнашади.

Т. ҳамма умуртқали ҳайвонларда бор. Тўғарак оғизлилар, баъзи икки хил нафас олувчи балиқлар ичаги, ошқозони ёки ўрта ичак шиллиқ қават бурмалари деворида лимфоид тўқималар тўплами бўлиб, бу Т. вазифасини бажаради. Қолган умуртқали ҳайвонлар талоғи ичакдан алоҳида бўлиб, орқа ичактутгич, ошқозон ёки тўтри ичакнинг бошланиш қисмида жойлашади. Судралиб юрувчилар (гаттериялардан ташқари) ҳамда қушларда рудиментлашган. Т. бўлак-бўлак ёки парраксимон бўлади.

Одамда Т. эмбрионал ҳаётнинг биринчи ойида меъданинг дорзал

тутқичи ичида тўпланган мезенхима тўқимасидан ривожланади. Т. узунчоқ овал шаклли, уз. 12 см, кенглиги 7—8 см, оғирлиги 150—200 г. Лекин Т.нинг ҳажми ва оғирлиги индивидуал бўлиб, организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ ҳолда жуда ўзгариб туради. Мас., тинч ҳолатда Т. кенгайган, қон йўқотилганда эса сиқиқ бўлади. Бир томони қабариқ (диафрагмал), иккинчи томони ботиқ (ички) бўлиб, чап биқиннинг 9,11 қовурға соҳаларига жойлашган. Ташқи томондан серозпарда ва бириктирувчи тўқима капсуласи б-н қопланган. Капсуладан Т. ичига деворлар ёки трабекулалар тарқалади. Трабекулалар Т. ни оқ ва қизил пульпа б-н тўла алоҳида бўлакчаларга бўлади. Қизил пульпа қоннинг шаклли элементлари (эритроцитлар)га бой вена синусларидан ташкил топган. Оқ пульпа эса лимфоцитлар ишлаб чиқарадиган лимфа тўқималаридан тузилган; улар мальпиги таначалари деб аталади. Т. касалланганда (мас., *спленомегалия*) анча катталашади.

ТАЛОҚ (араб. — қўйиб юбормоқ, ажралмоқ) — шариатга кўра никоҳнинг бекор қилиниши. Эр томонидан шу сўзнинг айтилиши хотинни барча хотинлик мажбуриятидан тўла озод қилади. Бу ҳолатда эрнинг хотинга берган мол-мулк (маҳр)и хотинда қолади, эр хотинини *идда* муддати ўтгунча моддий таъминлаб туриши керак. Шариатда иккинчи Т.дан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилади (Қуръон, 2:229). Учинчи марта Т.дан кейин эса шариат бунга йўл қўймайди. Т. қилинган хотин бошқа эрга чиқиши учун белгиланган идда муддатини ўташи керак. Ислом ҳуқуқида аёл ҳам Т. талаб қилиши расман эътироф этилади. Ўзбекистон Республикасида эр б-н хотин ажралиши Оила кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади (яна қ. *Никоҳни бекор қилиш*).

Ад.: Ҳидоя (1-ж.), Т., 2000; Мухтасар, Т., 1994.

ТАЛХАБСОЙ — Сурхондарё вилоятидаги сой. Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағридан бошланади (950 м). Уз. 16 км, ҳавзасининг майд. 75 км². Қор ва ёмғир, ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,100 м³/сек. Баҳорда суви кўпайганда Амударёга қуйилади.

ТАЛХАТАН БОБО МАСЖИД-МАҚБАРАСИ — Марв (Туркманистон)даги меъморий ёдгорлик (11-а.). Бино тўғри тўртбурчак тарҳли (10×18 м), 4 хонали, гумбазли. Масжид (7,3×7,3 м) бино мужассамотида асосий ўринни эгаллайди. Масжиднинг 2 ёни йўлкаларида хоналар, тўрида мақбара жойлашган. Мақбара Талхатан қишлоғида халқ орасида ҳурмат қозонган кекса бобо номи б-н боғланган. Ташқи ва ички безакларининг бир хил хусусиятга эгалиги, яхлитлиги, ундаги ғиштлар (25×25×5 см)нинг ўзига хос маҳорат б-н терилганлигидадир. Ғиштлардан гириҳ ва ислимий нақшлар ҳосил қилинган. Хоналар ичига ғиштдан равоқ, бағал, меҳроб ҳошияларн ва устунгўшалар ишланган. Девор қалинлиги 1,5 м га яқин. Мақбара қад. бўлишига қарамай, меъморларнинг бадиий маҳорати, салобати яхши сақланган.

ТАЛҲАТ ПОШО, Меҳмет Талъат (1874, Туркия — 1921.16.3, Берлин) — *Ёш туркlар* инқилобининг фаол иштирокчиси, «Иттиҳод ва тараққий» партияси раҳбарларидан бири, Туркиянинг бош вазири (1917 й. фев. — 1918 й. окт.). 1890 й.дан иттиҳодчилар сафида фаоллик кўрсатган. 1896 й.да Салоникига сургун қилинган. Усмонли ҳуррият жамиятининг асосчиси (1906). Бектошия суфийлик тариқатида ҳам қатнашган. Ёш туркlар инқилобидан кейин турли ҳукуматларда ички ишлар вазири, почта ва телеграф вазири (1913—17) лавозимларини эгаллаган. Усмонли турк султонлиги парламенти депутати. «Иттиҳод ва тараққий» партияси МК раиси. Биринчи жаҳон уруши арафаси ва уруш пайтида Т.П., *Анвар Пошо* ва *Жамол Пошо*дан иборат триумвират (учлик) амалда Туркия султонлигини бошқарган. Т.П. ҳукумати туркчилик ва исломчилик йўлини изчил давом эттириб, ташқи сиёсатда Германияни қўллаб-қувватлаган. Туркиянинг подшо Россиясига қарши курашида Туркистон халқлари қувватлашини умид қилган. Туркия ва унинг иттифоқчиси Германия урушда енгилгач, Т.П. ўз сафдошлари б-н истеъфога чиққан (1918.8.10). Улар Истанбулни тарк этиб (1918.2.11), Одесса орқали Германияга кетишган. Т.П. Берлинда *Дашнакцутюн* аъзоси томонидан отиб ўлдирилган.

Ад.: Алиев Г.З., Турция в период правления младотурок, М., 1972; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

ТАЛЬ Михаил Нехемьевич (1936.9.11, Рига — 1992) — шахматчи, халқаро гроссмейстер (1957), хизмат кўрсатган спорт устаси (1960), жаҳоннинг 8-чемпиони (М. *Ботвинник* б-н матчда ғалаба қозонган, 1960—61); СССР чемпиони (1957—58, 1967, 1972, 1974, 1978).

ТАЛЬ (голл. tailid) — юк кўтаралиган осма қурилма. Дастаки, электр ва пневматик хиллари бўлади. Дастаки Т. муқим ва кўчма хилларга бўлинади. Бундан Т. б-н юкни 12 м гача баланд-ликка кўтариш мумкин. Электр Т. юкни 4—30 м баландликка кўтаради, кўтариш тезлиги 8—20 м/мин. Электр Т. ҳаракатланадиган осма йўл бир ёки икки рельсли бўлади. Т.да электр токидан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолларда пневматик Т. қўлланади. Т. цехлар, устахоналар ва б. жойларда ишлатилади. Т.лар б-н 0,25—10 т юкни кўтариш мумкин.

Таль.

ТАЛЬК (нем. Talk; араб — talg) — варақсимон силикатларнинг кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Mg_3[Si_4O_{10}](OH)_2$ бўлиб, унда MgO—31,7%, SiO_2—63,5%, H_2O — 4,8%. Баъзан магний Fe, Ni, Al, Cr б-н ўрин алмашиши мумкин. Т.нинг вилемсеит (никелли), миннесотаит (темирнинг миқдори 50—80%), стеатит (гилватасимон ёғли минерал; зич массивли) аталит (ингичка толали) турлари мавжуд. Ўта асосли тоғ жинсларининг магнезиал силикатларини гидротермал ўзгариши маҳсули. Агрегатлари варақ ва тангачасимон шаклда, ушлаганда ёғлиқсимон. Юпқа варақчалари шаффоф ёки қисман нур ўтказади. Ялтираши шишадек, садаф каби товланиб туради. Варақчалари эгилувчан, лекин қайишқоқ эмас. Баргсимон ёки ингичка донали, баъзан 10 см гача бўлган нотўғри шаклли пластинкасимон, уланиш текислигида эгилувчан шаффоф тангачаларга осон ажралувчи мўрт агрегатлар ҳосил қилади. Ранги оқ, яшилроқ. Қаттиқлиги 1, зичлиги 2,6—2,8 г/см³. Оловбардош, иссиқлик ва электрни яхши ўтказмайди. Т. конлари магнитга бой бўлган тоғ жинсларининг ўзгариш маҳсулот, контакт метасоматик жараёнлар б-н боғлиқ бўлиб, кўпинча гидротермал босқинда доломитлар б-н интрузив жинслар контактида юзага келади. Т. сланецлар ва лиственитларнинг жинс ҳосил қилувчи минерали. Т.дан лок-бўёқ, резина, қоғоз, атир-упа саноатида тўлдирувчи, техникада қаттиқ суркама, кислота ва оловга чидамли материал сифатида, айниқса керамикада кўп ишлатилади. Темирсиз стеатитли Т.дан бежак тошлари сифатида фойдаланилади. Ўзбекистонда Нурота, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Чатқол-Қурама тоғларида Т. намоёндлари, Султон-Увайсда эса кичик кони мавжуд.

ТАЛҚИН (араб. — тушунтириш, насиҳат) — 1) ўзига хос (3/8+3/4 ёки 9/8 такт ўлчовидаги) доира усули (ланг ёки оқсоқ деб ҳам юритилади); 2) шу усул асосида яратилган куй, ашула ва мақом йўллари. Т. йўлидаги ашулалар дастлаб насиҳатомуз, ибратли мазмундаги шеърлар б-н ижро этилгани учун шундай ном олган. Т. Шашмақом ашула бўлими таркибида муайян шўъба бўлиб, *Сарахбор* ва унинг тароналаридан кейинги ўринни эгаллайди. Т.лар Ироқдан ташқари барча мақомларда мавжуд: Бузрук мақомида Талқини Уззол (Хоразм туркумида Талқини Бузрук), Ростда Талқини Ушшоқ (Талқини Рост). Навода Талқини Баёт (Талқини Наво), Дугоҳда Талқини Чоргоҳ, Сегоҳда Талқини Сегоҳ деб номланади. Т.лар *наср* шўъбалари ва ундаги уфар қисмлари б-н ҳамоҳанг, мантиқан узвий боғлиқ бўлиб, бирбиридан асосан доира усуллари б-н фарқланади. Номдош намуналарнинг куй тузилиши, авжда намудларнинг келиши ҳам бир хил. Т.лар салобатли ва улуғвор янграйди, чуқур лирик-фалсафий ҳолатни ифодалайди. Уларни маҳорат б-н ижро этувчи ҳофизларни халқ орасида талқинчи, талқинхон деб аташган. Т. усулидаги ҳамда диний мазмундаги шеърларга ўқиладиган (хонақоий) ашула йўллари машҳур бўлган; 3) бадиий асарларнинг ижодкорона ёндошган ҳолда ижро этилиши.

Раҳмон Юнусов.

ТАЛҚИНЧА — *талқин* доира усули асосида яратилган мақом ашула йўли, талқин шўъбасига ўхшатма, назира; Шашмақомнинг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан *Мўғулча* ва *Савт*ларнинг муайян шохобчаси. Т.лар Бузрук мақомининг Мўғулчаи Бузрук, Савти Сарвиноз, Ироқи Бухоро, Ростнинг Савти Ушшоқ, Савти Калон, Савти Сабо, Наврўзи Сабо, Навонинг Савти Наво, Мўғулчаи Наво, Мустазоди Наво, Сегоҳнинг Мўғулчаи Сегоҳ шўъбаларида учрайди ва шу шўъбалар номи б-н қўшиб аталади (мас., Талқинчаи Савти Сарвиноз, Талқинчаи Мўғулчаи Дугоҳ ва ҳ.к.). Ироқнинг Чанбари Ироқ шўъбаси, шунингдек, кўпгина мумтоз куй ва ашулалар (мас., «Баёт IV», «Баёти Шерозий IV»), бастакорларнинг асарлари ҳам Т. усулида ижро этилган.

ТАЛҒАР — Қозоғистондаги шаҳар (1959 й.дан). Олмаота вилоятида, Орқа Или Одатовининг шим. ён бағрида, Олмаота ш.дан 25 км узоқликда жойлашган. Аҳолиси 42 минг киши (2003). Тикувчилик ва намат ф-калари, спирт, вино, ёғ-мой з-длари, қурилиш материаллари корхоналари бор.

ТАМАҒИРЛИК — бировдан бир нарса қутиш ва унинг илинжида бўлиш; моддий наф кўриш, очкўзлик, дунё орттиришга интилиш ва ш.к. ғаразли ниятлар б-н қилинган хатти-ҳаракат. Ҳуқуқда жиноят мотивларидан бири. Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддаси «к» бандида ғаразли ёки бошқа паст ниятларда жиноят содир этилиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, ЖК 97-моддаси 2-қисми «и» бандида ҳам Т. ниятида одам ўлдирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

ТАМАКИ — томатдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми, наркотик ўсимлик. Т.нинг 60 дан ортиқ тури маълум. Ёввойи ҳолда тропикларда, Америка ва Австралияда ёввойи турларидан N. alata ва N.sandera ўсади. Икки тури — тамаки (N. tabacum L.) ва *махорка* (N. rustica) экилади. Т.нинг мавжуд агроэкотиплари 3 гуруҳга бўлинади: L.) папирос тайёрланадиган барги майда шарқий Т. гуруҳлари — Кичик Осиё ва Болқон я. о.да тарқалган; 2) Америка папирос Т.лари — Жан. Америкада экилади, баланд бўйли, намга чидамли Т.лар; 3) сигара Т. гуруҳлари — Бразилия, Гавана, Сематра тамакилари. Т.нинг ватани — Жан. Америка. Тахм. 1518 й.да Португалия ва Испанияга келтирилиб, дастлаб манзарали ўсимлик сифатида ўстирилган, кейин бошқа мамлакатларга чекиладиган. Жаҳонда асосий экин майдонлари 4,75 млн. га. (1994). Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Бразилия, Болгария, Туркия, Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистонда ва б. мамлакатларда экилади. Ўзбекистонда асосан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида етиштирилади. Экин майд. 8,7 минг га, ўртача ҳосилдорлиги 29,2 ц/га (1997).

Т. наркотик хом ашё олиш учун экилади. Пояси (2 м гача) тик, ғовак, ўзакли. Барглари кетма-кет жойлашган, яхлит, тухумсимон, учи ўткир. Гуллари икки жинсли, беш бўлмали, пушти, қизил ёки оқ, ўзидан чанглаланади. Меваси кўсакча, 1000 дона уруғи вазни 0,05—0,12 г. Уруғида 30—35% техник мой мавжуд. Ўсимлиги (асосан барги)да никотин, анабазин, никотилин ва б. алкалоидлари тўпланади. Т. экилгач, 40—60 кунда гуллайди, 70—140 кунда пишади. Соф Т.нинг қуритилган барглари да 1—4% никотин, 1% эфир мойи, 4—13% углеводлар, 7—13% кул моддаси, 4—7% смола ва б. бор. Иссиқсевар ўсимлик, —1—3° да нобуд бўлади. Т. уруғи 10—12° ҳароратда унib чиқади, намга талабчан, суғориладиган сур тупроқли ерларга экилади. 4—8 марта суғорилади. Ўзбекистонда Американ 287С, Дюбек-Ўзган-9, Дюбек-44-07, Измир навлари ўстирилади. Парник ва иссиқхоналарда етиштирилган кўчати далага май ойида кенг қаторлаб (қатор ораси 60—70 см) экилади. Вегетация даври ўртача 100—120 кун. Етилган барглари ўсув даврида қўлда 5—7 марта йиғиб олинади, ипга тизилиб, салқин жойда шамоллатилади, қуёш нурида, махсус барг қуритиш биноларида қуритилади. Ферментлаш э-дларида барглarга дастлабки ишлов берилади. Баргидан *тамаки саноати* корхоналарида папирос, сигара, сигарет, трубкали Т., ҳидлама Т. ва б. ишлаб чиқарилади.

Тамаки: гуллаган шохчаси ва барги.

Тамакизорлар. Ургут тумани.

З а р а р к у н а н д а л а р и: тамаки трипси, тамаки шираси, тамаки ва кузги тунлам, симқуртлар, сохта симқуртлар; к а с а л л и к л а р и: тамаки мозаикаси, илдиз чириши.

Ад.: А б д а к а р и м о в Д.Т., Х у ш в а қ т о в С.Х., У м у р з о қ о в Э.У. Тамакичилик, Т., 1985

Ҳалима Отабоева.

ТАМАКИ САНОАТИ — озиқ-овқат саноатининг тамаки ва махорка хом ашёси тайёрлаш, тамаки ферментлари, тамаки ва махорка маҳсулотлари (чекиладиган папирос, сигара, сигарилла, ўрама тамаки, искалма тамаки, чайналма тамаки) ишлаб чиқариш б-н шуғулланувчи тармоғи. Тамаки ф-калари дастлаб 17-а.да Англия ва Голландияда, 18-а.нинг 1-ярмида Россияда қурилган ва дунёда биринчи бўлиб папирос Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон ҳудудида биринчи тамаки ф-каси рус саноатчиси И.И.Первушин томонидан 1877 й.да Тошкентда қурилган. Кейинчалик хом ашё тақчиллиги сабабли ёпилган. 1925 й.да Тошкентда тамаки ф-каси қурилиб, 1926 й.да 203 млн. дона папирос ишлаб чиқарди. 1949 й.да корхона сигарет и.ч. асбоб-ускуналари б-н жиҳозланади, 1966 й.дан фильтрли сигаретлар, 1974 й.дан юқори сифатли сигаретлар и.ч. ўзлаштирилди. 1975 й.да Ўзбекистон Т.с.да 111 млн. дона папирос, 4013 млн. дона сигарет, шу жумладан 738 млн. дона фильтрли сигарет ишлаб чиқарилди.

Республикада тамаки етиштириш учун иқлим, об-ҳаво шароитларининг қулайлиги, малакали ишчи кучи, Марказий Осиё мамлакатлари бозорига кириш имкониятлари борлиги туфайли 1994 й.да Буюк Британиянинг *«Бритиш америкэн тобакко»* компанияси б-н ҳамкорликда «ЎзБАТ акциядорлик жамияти» тамаки-махорка маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилди.

1994 й.дан бошлаб Тошкент сигарет ф-каси, Ургут ферментация з-ди (Самарқанд вилояти) реконструкция қилинди, 1997 й.да йиллик қуввати 12 млрд. дона сигарет бўлган янги Самарқанд сигарет ф-каси қуриб битказилди. Компания Ўзбекистон Т.с. га 1994—2003 й.ларда жами 285,1 млн. доллар бевосита инвестиция киритди. 2002 й.да Москвада ўтказилган жаҳон тамаки кўргазмасида «Хон Lights» ва «Хон Ultra Lights» сигаретлари олтин, «Карвон» сигарети кумуш медаллар б-н мукофотланди. Республика Т.с.да 6,5 млрд. дона сигарет ишлаб чиқарилди, 9 минг т га яқин тамаки барги экспорт қилинди (2003). Республика Т.с. маҳсулотлари (тамаки барги, сигарет) Россия, Украина ва б. мамлакатларга экспорт қилинади.

Т.с. Хитой, АҚШ, Франция, Болгария, Россия, Бразилия, Ҳиндистон, Италия ва б. мамлакатларда ривожланган.

Тамаки баргларини қуритиш.

ТАМАНЬ ЯРИМ ОРОЛИ — Ғарбий Кавказ олдидаги ярим орол. РФ Краснодар ўлкаси таркибига киради. «Тамань» сўзи адигей тилида «темен» — ботқоқлик демак.

Шим.дан Азов денгизи, жан.дан Қора денгиз, ғарбдан Керчь бўғози б-н ўралган. Майд. 2000 км² га яқин. Қирғоқлари паст, қўлтиқлар б-н кесилган (энг йириги Тамань қўлтиғи). Рельефи кенглик бўйлаб чўзилган антиклиналь қатор тепалардан иборат, палеоген ва неоген даврларига мансуб гилли тоғ жинсларидан ташкил топган. Т.о.да балчиқли вулкан конуслари (умумий сони 25 дан ортиқ) бор, уларнинг бал. 164 м гача.

Қатор тепалар орасидаги пастқам ерлар тўртламчи давр ётқизиқлари б-н тўлган. Булардаги ҳамма томони берк шўр сув ҳавзалари ва қўлтиқчалар шўрхокзорлар б-н туташиб кетади. Нефть, ёнувчи газ, темир руда конлари очилган. Иқлими қуруқ, йилига 400 мм гача ёғин тушади. Ер юзасининг анча қисми ҳайдалган, буғдой, маккажўхори экилади. Токчилик, боғдорчилик ривожланган. Т.я.о.да Темрюк ш. бор.

ТАМАРА (Тамар) (12-а.нинг тахм. 60-й.лари ўртаси — 1207) — Грузия подшоси (1184—1207). Унинг даврида Грузия катта ҳарбий-сиёсий муваффақиятларга эришган. Грузия қўшинлари Шамхор яқинида Озарбайжон отабеги Абубакр ва унинг иттифоқчилари устидан (1194), Басиани яқинида — Рум султони Рукниддин устидан ғалаба қилиб (1202), Карсни (1204) эгаллаганлар ва деярли бутун Закавказьени Т. ўз ҳокимиятига бўйсундирган. Византиядан тортиб олинган ерларда *Трапезунд империяси* тузилган, у узоқ вақт Грузиянинг таъсир доирасида бўлган. Эрзинк султони, Арзирум амири, Хилат султони; шунингдек, Шим. Кавказ тоғларидаги ҳукмдорлар Грузиянинг вассали бўлишган. Йирик мулкдорлар қонун чиқарувчи ҳокимиятни жамиятнинг олий табақа вакилларидан тузилган мажлисга берилишини, Т.га эса фақат ижроия ҳокимияти ҳуқуқини қолдиришни талаб этишган. Мунозаралар натижасида Т. давлат масалаларини ёлғиз ҳал этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, уни Олий давлат кенгаши аъзолари («Дарбози») б-н бирга ҳал этадиган бўлган. Т. даврида мамлакатда йўллар, кўприклар, карвон саройлар, қалъалар, черковлар, монастирлар қурилган. Т. илм-фанга ҳомийлик қилган. Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони Т.га бағишланган.

ТАМАРАХОНИМ (тахаллуси; асл исми ва фамилияси Тамара Артёмовна Петросян) [1906.16(29).3, ҳоз. Янги Марғилон шаҳарчаси — 1991.30.6, Тошкент] — қўшиқчи ва раққоса, балетмейстер, ўзбек профессионал рақси асосчиларидан. Ўзбекистон халқ артисти (1932). Москва театр техникумида ўқиган (1923—24). Ёшлигидан санъатга қизиққан: дастлаб Марғилон, Фарғона аёллари орасида рақсга тушиб, қўшиқ айтган. *Юсуфжон қизиқ* Шакаржонов, *Уста Олим* Комиловлардан ўзбек рақс ҳаракатларини, Ҳамза, К. Станиславский, Немирович-Данченко ва б.дан қўшиқчилик, актёрлик маҳоратини қунт б-н ўрганди. Саҳна фаолиятини 1919 й. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий труппасида бошлаган. Кейинчалик Юсуфжон қизиқ труппасида ишлаган. 1921—22 й.лар Тошкент рус опера ва балет театрида, 1924 й.дан Муҳиддин *Қориёқубов* раҳбарлигидаги концерт труппаси (1926 й.дан Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли, 1929 й.дан Ўзбек давлат мусиқали театри)да фаолият кўрсатган. 1925 й. Парижда бўлиб ўтган Жаҳон безак санъати кўргазмасида М. Қориёқубов б-н биргаликда иштирок этиб, ўзбек санъатини илк бор Европада намойиш этган. Т. ўзбек лапар ва ялла намуналарини саҳнавий ижро

шароитига мослаштириб, нигчта ифодавий воситалар (мимика, рақс, диалог ва б.) б-н бойитиб, улар негизида бир неча кичик мусиқий инсценировкаларни яратди, миллий оммабоп (эстрада) санъат ривожига асос солди. Т. ижросидаги қўшиқ ва лапарлар («Лолахон», «Қорасоч», «Билагузук», «Ойижон», «Фабриканинг йўлидан», «Қизлар, шитобингиз нима?», «Гулёр», «Етимлар йиғиси», «Туйғуной», «Эрк болалари» ва б.), «Синахирож», «Дилхирож», «Қаринаво», «Усмония» сингари рақслари халққа манзур бўлган.

1925—29 й.лар Андижон, Қўқон, Самарқанд театрларида саҳналаштирилган мусиқали драмаларда Ҳалима (F. Зафарий, «Ҳалима»), Ширин (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин»), Гулчеҳра (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон») сингари ролларни ижро этди. 1929—34 й.лар Самарқанддаги Ўзбек давлат мусиқали театри (1931 й. театр Тошкентга кўчирилган)да, 1934—35 й.лар Хоразм театрида ишлади. 1934 й. М. Яновскийнинг «Ференжи» балетида Инара ролини ўйнади. Ўзи ташкил қилишда қатнашган республика балет мактаби 1935—47 й.лар Т. номи б-н юритилган. 1935 й. Лондонда бўлиб ўтган биринчи халқаро халқ рақси ва мусиқа санъати фестивалида (Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов, Абдуқодир Исмоиловлар б-н) қатнашиб олтин медальолишга сазовор бўлган. 1937 й. Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати декадасида ҳам иштирок этган. 1936—41 й.лар Ўзбек давлат филармонияси, айни вақтда, Ўзбек давлат мусиқали театри (1939 й.дан Ўзбек давлат опера ва балет театри)да раққоса ва балетмейстер. 1941—69 й.ларда Ўзбек давлат филармониясининг мусиқа ансамблида бадиий раҳбар, балетмейстер ва актриса. Т. 2-жаҳон уруши йилларида концерт бригадалари б-н армия қисмларида хизмат қилди. Т. қайси халқ қўшиқ ва рақсини ижро этмоқчи бўлса, ўша халқнинг тарихи, этнографияси, маҳаллий урф-одатлари, санъати ва маданиятини батафсил ўрганиб, сўнг ижро этган. Унинг ижросида «Эрта билан» (қўқонча), «Ялдама ёрим» (марғилонча), «Омонёр» (андижонча), «Фарғонача рақс», «Бухорoча рақс», «Мавриги», «Лазги» (хоразмча), «Бибижон» (туркманча), «Янги ой» (мўғулча), «Никоҳ тўйи» (грузинча), «Эшикни қоқма» (озарбайжонча), «Гулизор» (туркча), «Чандо» (индонезча), «Хумор кўзлар», «Бинти шалобия» (арабча), «Бандай тоғи» (японча), «Чўпон рақси», «Торази» (корейсча), «Ширин забон» (афғонча), «Нилуфар» (ҳиндча), «Паризодой» (қирғизча), «Жўра жоним» (тожикча), «Гармончи» (татарча), «Ой да Галя и Султан» (украинча) каби 500 дан ортиқ қўшиқ ва рақслар 86 тилда янграган. У устози Уста Олим Комилов б-н кўплаб ўзбек халқ рақсларини саҳналаштириб, ўзига хос (аёллар ва эркаклар рақси ҳаракатларини мужассам этган) услубини яратди, янги замонавий рақслар, темаланган рақс сюжетларини, янги хореографик композицияларни («Гул ўйин», «Садр», «Занг», «Пилла», «Кема ўйини» каби) ижод қилди. У ўзбек халқ рақс ҳаракатлари б-н Европа мумтоз балет рақслари ҳаракатларини уйғунлаштирувчи дастурлар («Баҳор», «Наво», «Қизил ва оқ атиргуллар уруши» ва б.) яратди, булар миллий ўзбек балетини юзага келишида, миллий хореографияни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. У биринчи ўзбек балетларидан «Гуландом» (Е. Брусиловский, 1938) либреттосини Уйғун ва М. Яновскийлар б-н биргаликда яратди, уни саҳналаштириб, бош ролни ўзи ижро этди. М. *Турғунбоева*, Г. *Раҳимова*, Р. *Каримова*, Г. Мавлонова, Ҳ. *Комилова*, И. Оқилов, Л. *Петросова* кабилар Т.нинг шогирдларидир. Т. Франция, Норвегия, Германия, Италия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон каби давлатларда гастролда бўлган. Тошкент ш. кўчаларидан бири (ўзи яшаган кўча)га Т.номи берилган. Тошкентда Тамарахоним уй музейи фаолият кўрсатмоқда. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

Тамарахоним. Бухорoча рақс.

Ад.: А в д е е в а Л.А., Тамара Ханум, Т., 1959; Ш и р о к а я О.И. Тамара Ханум, Т., 1973.

Моҳина Ашурова.

ТАМАРХЎТ КЎЛИ — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги кўл; Кишттут дарёси бўйида. Тамархўт қишлоғи ёнида, 3000 м баландликда. Тоғ қулашидан ҳосил бўлган. Кўл доира шаклида, диаметри 500 м. Суви тиниқ. Кўлда осман балиқ кўп. Қирғоғида қайин дарахтлари, атрофида арчазорлар, субальп ва альп ўтлоқлари бор.

ТАМАУЛИПАС — Мексиканинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 79,8 минг км². Аҳолиси 2,75 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Сьюдад-Виктория ш. Йирик шаҳарлари: Матаморос, Рейноса, Тампико ва б. Т. шарқий қисмининг рельефи лагунали денгизбўйи пасттекислиги, ғарби бал. 1300—1800 м ли тоғлардан иборат. Энг баланд жойи 4054 м. Иқлими қурғоқчил субтропик иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 15—30°. Йиллик ёғин шим.да 800 мм дан, жан. да 800—1000 мм гача. Катта майдонлар чала чўл яйловларидан иборат. Т. — мамлакатнинг йирик нефть-газ саноати р-ни. Тампико ш. яқинида йирик нефть конлари бор. Қ.х.да пахта, шакарқамиш экилади. Чорвачилик ривожланган. Пахта тозалаш корхоналари бор.

ТАМБОВ — РФ Тамбов вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Т.й. ва автомобиль йўллари тугуни. Цна дарёсидаги пристань. Аҳолиси 316,9 минг киши (1998). 1636 й.да Москва давлати томонидан жан. ҳудудларини эгаллаш мақсадида қалъа сифатида барпо этилган. 1719 й.дан Тамбов провинцияси, 1779 й.дан наместничествоси, 1796 й.дан губернияси маркази. РФнинг йирик индустрия маркази. Машинасозлик ва металлсозлик (кимё саноати учун асбоб-ускуналар, приборлар, автомобиллар ва қ.х. машиналари учун эҳтиёт қисмлар), кимё (бўёвчи моддалар, резина-асбест буюмлари) ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган; қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Тикувчилик, мебель саноати, иссиқлик электр маркази бор. Ун-т, 11 ўрта махсус билим юрти, и.т. институтлари, драма, қўғирчоқ театрлари, филармония, картиналар галереяси, ўлкашунослик музейи. Г.В. Чичерин уй-музейи мавжуд.

ТАМБОВ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1937 й. 27 сент.да ташкил этилган. Майд. 34,3 минг км². Аҳолиси 1179,6 минг киши (2002), асосан, руслар (97,2%), шунингдек, украин, белорус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 23 туманга бўлинган, 8 шаҳар, 12 шаҳарча бор. Маркази — Тамбов ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Мичуринск, Моршанск. Шаҳар аҳолиси 57,2%.

Табиати. Т.в. Шарқий Европа текислигининг марказида жойлашган ва Ока-Дон (Тамбов) пасттекислигининг марказий қисмини эгаллайди. Жар кўп. Ўртача бал. 110—115 м (энг баланд жойи 219 м). Фойдали қазилмалари: ҳар хил гиллар, оҳактош, қумтош ва фосфоритлар. Дарё водийсида торф ётқизиқлари бор. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси — 10,5°, —11,5°, июлники 19,4°—20,5°. Йиллик ёғин 450—500 мм. Вегетация даври 185 кун. Дарёлари: Цна ва унинг ирмоқлари. Ҳудудининг 10% ўрмон.

Хўжалиги. Т.в. — индустриал-аграр р-н. Саноат ишлаб чиқаришида оғир саноат — машинасозлик, металлсозлик (ялпи саноат маҳсулотининг 45%), енгил саноат (29%) ва озиқ-овқат саноати (26%) тармоқлари алоҳида ўрин тутади. Кимё машинасозлиги корхоналари Тамбов («Тамбовполимермаш»), Моршанск ва Первомайскийда («Химмаш»); Тамбовда вагон таъмирлаш, Мичуринскда локомотив таъмирлаш з-длари бор. Тамбов, Мичуринскда автомобиль ва трактор эҳтиёт қисмлари, Моршанскда тепловозлар учун жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Анилин-буёқ, техник резина буюмлари з-длари (Тамбов), қад. саноат тармоқларидан мовут к-ти (Рассказово, Моршанск), тикувчилик ф-калари (Тамбов, Мичуринск, Моршанск), ун, шакар-қанд, мой, гўшт, тамаки корхоналари ишлаб турибди.

Тамбов шаҳар мэрияси.

Қ.х.да ғалла, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка экилади. Сабзавотчилик, боғдорчилик ривожланган. Чорвачилиги сут-гўштга ихтисослашган. Хўжаликларида қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, парранда боқилади. Т.й. узунлиги 736 км. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 5120 км. Цна дарёсида кема қатнайди. Асосий автомагистраллари: Москва — Тамбов — Волгоград, Тамбов — Елец — Орёл. 3 олий ўқув юрти, жамоат кутубхоналари, филармония бор. 25 тага яқин санаторий-курорт ва дам олиш муассасаси фаолият кўрсатади.

ТАМБУР (франц. tombour — доира; асли арабчадан) — меъморликда биноларнинг ташқи эшиклари олдига қурилган кичик хона, даҳлиз. Хоналарни иссиқ ва совуқ ҳаво киришидан сақлайди. Асосан йирик жамоат бинолари, савдо иншоотлари, томоша заллари олдига, баъзан биноларга тақаб алоҳида қурилади.

ТАМИЛ АДАБИЁТИ — Жан. Ҳиндистондаги Тамилнад штати халқининг адабиёти. Т.а. санскрит адабиёти таъсири остида мил. 1-минг йилликда шаклланган. Тамил тилидаги дастлабки (1—3-а.лар) ёзма ёдгорликлар — «Эттутохей» («Саккиз тўплам»), «Паттуппатту» («Ўн қўшиқ китоби») назмда яратилган бўлиб, улар «санги шеърияти» дейилади. Унда «порул» (поэтик мазмун) ўзини 2 хил: «пурам» («ташқи маъно») ва «ахам» («ички маъно») тарзида намоён этади. «Пурам»да тамил халқининг кундалик муаммолари, қаҳрамонликлари, одил шоҳ мадҳияси, баъзан ҳарбийлар куйланган. «Ахам»да эса севги, оилавий муносабатлар кўпроқ акс этган. Шеъриятда (6—12-а.лар) «тиней» («турлар») тоифасидаги тўпламлар кўп яратилган. Мас., «Аинтиней эжубади» («Беш мавзули тинейга 70 та шеър») ёки «Тинеймалей нуттраимбади» («Тиней мавзусига юз элликта шеър гулчамбари») ва б. «Тирукурал» («Муқаддас кураллар», 6-а.) ва «Наладияр» («Тўртликлар», 6—9-а.) дин, ҳаёт ва севги мавзусидаги афоризмли шеърий тўпламлардир. 13-а.ларга келиб Т.а. ривожланиб, ҳикматли сўзлар, чуқур маъноли шеърлардан иборат тўпламлар яратилиб, шеърий таржимаи ҳол жанри шаклланди. Шиваизмга оид рисолалардан Мейкандарнинг «Сиванянаподам» («Шиваизм ҳақида илмлар») тўплами машҳурдир. Бу даврда «талапуранам» («маҳаллий пуранлар») жанри кенг тус олди. 19-а.га келиб ижтимоий-маданий ҳаётда кўтарилиш бўлди, маърифатпарварлик гоялари ўсди, биринчи тамил жур. «Тамил патрика» (1831) ва «Свадеса-миттиран» (1880) газ. нашр этилди. Т. насрчилигининг отаси, шри-ланкалик ёзувчи Арумугу Наварала (1823—79) ҳам шу даврга мансуб бўлиб, у 1-синфлар учун тамил тилида қўлланма ёзган. Биринчи тамил романи «Мудалнёр Пратан тарихи» (1879) муаллифи С. Ведаянагам Пиллаи (1826—89) ҳамда А. Мадавия (1874—1926), Мареинмалея Адигал (1876—1950) ва б. ёзувчилар тамил романини мавзу ва ғоявий жиҳатдан юқори поғонага кўтардилар. С. Айер (1881—1925) ва б.нинг дастлабки асарларида халқнинг колониализмга қарши кайфиятлари баён этилган. Натеса Састири (1859—1906) детектив ҳикояга, Ражам Айяр (1872—98) публицистикага асос солган. Дастлабки тамил роман ва ҳикояларида маърифатпарварлик гоялари, романтик мотивлар устун бўлиб, аёлларга паст назар б-н қараш қораланган. 20-а. тамил шеъриятида Суппирамания Баради (1882—1921) ижоди ўзига хос ўрин тутган («Миллий қўшиқлар», 1908; «Туш», 1910; «Барадининг 66 шеъри», 1917 ва б.). Кейинги давр Т.а. тараққиётида М. Барадаражаннинг (1912) «Кўмир бўлаги», Лакшмининг (1912) «Аёл қалби» романлари, Жаганнадан (1906) ва Г. Ажаҳирисамининг (1923) ҳикоялари, Б.С. Рамайянинг (1905) драмалари катта роль ўйнади.

Ад.: Бычихина Л. В., Дубянский А. М. Тамильская литература, М., 1987.

Ўзфатхон Муҳибова.

ТАМИЛ ТИЛИ — дравид тилларининг жан. гуруҳига мансуб. Ҳиндистондаги Тамилнад штатининг расмий тили, Сингапурда 4 та расмий тилдан биттаси. Ҳиндистондан ташқари Шри-Ланка, Мьянма, Малайзия ва б. жойларда тарқалган. Ҳаммаси бўлиб 65 млн. дан ортиқ (1996) киши сўзлашади.

3 та лаҳжа гуруҳи бор: шим.-шарқий, ғарбий ва жанубий. Шри-Ланка лаҳжаси жан. гуруҳга яқин туради. Морфология ва синтаксисда ўзига хос ҳодисалар мавжуд. Мас., феълларнинг «кучли», «ўртача» ва «кучсиз» га бўлиниши. Сўз ясалиши ва лексикада (жумладан, ижтимоий-сиёсий ва илмий терминологияда) бошқа ҳинд тилларига нисбатан санскрит тилидан камроқ сўз олиши б-н ажралиб туради.

Ҳоз. адабий тил меъёрлари 3—4-а.ларда шаклланган, 13—14-а.ларда узилкесил қайд этилган. Т.т.нинг адабий ва оғзаки шакли ўртасида жиддий фонетик-морфологик фарқлар бор, бироқ адабий ва ёзма шакларнинг яқинлашуви кузатилмоқда. Ёзуви *браҳмининг* жан. шаклидан келиб чиққан. Энг қад. эпиграфик ёдгорликлар мил. ав. 2—1-а.ларга мансуб.

Ансориддин Иброҳимов.

ТАМИЛЛАР — Ҳиндистон (асосан, Тамилнад штати) даги халқ. 61 млн. киши (1990-й.лар ўрталари); Шри-Ланканинг шим.да тахм. 2,8 млн. киши; шунингдек, Сингапур, Мьянма, Малайзия, Австралия ва б. ерларда яшайди. Умумий сони 64,1 млн. киши. Тамил тилида сўзлашади. Диндорлари — ҳиндуизмга эътиқод қилади, сунний мусулмонлар ва христианлар ҳам бор. Т.нинг этногенези дравид халқлари б-н боғлиқ. Мил. 3-а.дан Ҳиндистон тарихида Чола, Чера, Пандья каби тамил давлатлари маълум. 11—12-а.ларда тамил давлатлари ўзаро бирлашганлар. 1337 й.да Вижаянагар империяси вужудга келиб, 16-а.да Жан. Ҳиндистоннинг барча ҳудудини қамраб олган. 18-а. охири — 19-а. бошларида Т. ерлари инглиз мустамлакачилари тасарруфига ўтган. Т. деҳқончилик, чорвачилик, балиқ овлаш ва ҳунармандчилик б-н шуғулланадилар.

ТАМИЛНАД (1969 й.гача Мадрас) — Ҳиндистоннинг жан. қисмидаги штат, Ҳинд океанининг Бенгалия қўлтиги соҳилида. Майд. 130 минг км². Аҳолиси 62,1 млн. киши (2001), асосий қисми тамиллар. Маъмурий маркази — *Ченнай* ш. Штат ҳудуди Ҳиндистон я.о. жанубий чеккасининг шарқий қисмидаги аллювиал денгизбўйи текислиги ва Декан ясситоғлигининг жан. чеккасини эгаллайди, ғарбда уни 2500 м гача баландликдаги тоғлар чегаралаб туради. Иқлими тропик муссонли иқлим, йиллик ёғин 600—1200 мм. Йирик дарёси — Кавери. Барг тўкувчи тропик ўрмонлар штат ҳудудининг 10% дан ортиғини эгаллаган.

Т. — мамлакатнинг аҳолиси зич штатларидан. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми қ.х.да ишлайди. Етакчи тармоқ — деҳқончилик. Экин майдонининг катта қисмида озиқ-овқат экинлари (шоли, буғдой, маккажўхори, дуккакли экинлар, сабзавотлар) етиштирилади. Техника экинларидан ер ёнғоқ, пахта, шакарқамиш, кофе, чой, зираворлар экилади. Кокос пальмаси плантациялари бор. Чорвачиликда қорамол, қўй боқилади. Балиқ овланади. Ўрмончилик ривожланган. Денгиздан ош тузи олинади. Лигнит, боксит, магнезит конлари бор. Асосий саноат тармоғи — тўқимачилик (марказлари — Коимбатур, Мадурай ш.лари). Озиқ-овқат, кўн-тери, машинасозлик (тўқимачилик машиналари, мотоцикллар, тракторлар, электроника ва радиоэлектроника жиҳозлари), қора металлургия саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари, асосан, цемент ишлаб чиқарилади. Кимё, нефтни қайта ишлаш, алюминий з-длари бор. Ҳунармандчилик ривожланган: кўн-тери, металл буюмлар тайёрланади, ипак матолар тўқилади. Асосий саноат маркази ва порти — Ченнай ш. Штат Ҳиндистоннинг тамил халқи яшайдиган тарихий вилояти номи б-н аталган.

ТАММ Игорь Евгеньевич (1895. 26.6(8.7), Владивосток — 1971.12.4, Москва) — рус физиги, илмий мактаб асосчиси, акад. (1953), Меҳнат Қаҳрамони (1953). Москва ун-тини тугатган (1918). Шу ун-тда (1921—41 ва 1954 й.дан), СССР ФА Физика ин-тида (1934—71) ишлаган.

Илмий ишлари квант назария, қаттиқ жисм физикасига оид. *Черенков — Вавилов нурланиши* назариясини яратди (1937), ядро зарралари ўзаро таъсирининг тақрибий усулини ишлаб чиқди (1945). Бошқариладиган термоядро реакциясини амалга оширишнинг ва СССР да водород бомбани яратишнинг назарий асосини яратди (А. Д. *Сахаров* б-н ҳамкорликда, 1950). Нобель мукофоти лауреати (1958).

ТАМПА — АҚШнинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар, Флорида штатида. Аҳолиси 303,4 минг киши (2000). Мексика қўлтиги соҳилидаги порт, четга, асосан, фосфоритлар, цитрус мевалар чиқарилади. Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг йирик саноат ва савдо-молия марказларидан. Озиқ-овқат, кимё, полиграфия, металлургия, металлсозлик, кемасозлик, радиоэлектроника саноатлари корхоналари, 2 ун-т бор. Иқлим курорти. Туризм ривожланган. Т. яқинидан фосфорит қазиб олинади.

ТАМПЕРЕ, Таммерфорс — Финляндиянинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар, турли баландликдаги Насиярви ва Пюхяярви кўлларини боғлаб турувчи Кокемяэн-Йоки дарёси бўйида жойлашган. Аҳолиси 193,1 минг киши (1999). Иқтисодий аҳамияти бўйича мамлакатда Хельсинкидан кейин 2-ўринда. Муҳим саноат маркази. Транспорт йўллари тугуни. Машинасозлик, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз, озиқ-овқат саноати корхоналари; ГЭС, ун-тлар, бадиий галерея, музейлар бор. Шаҳар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1405 й.га оид манбаларда учрайди. 1779 й.дан шаҳар мақомини олган. 19-а. ўрталаригача йирик тўқимачилик маркази бўлган. Меъморий ёдгорликларидан собор (1902—07), вокзал биноси ва б. сақланган.

ТАМПИКО — Мексиканинг шарқий қисмидаги шаҳар. Тамаулипас штатида, Пануко дарёсининг қуйилиш ерида жойлашган. Мексика қўлтиги соҳилидаги порт. Мамлакатнинг йирик нефть қазиб олинадиган ва қайта ишланадиган р-ни маркази. Кимё, озиқ-овқат саноатлари ва қ.х. машинасозлиги корхоналари бор. Балиқ овланади. Т.дан Мехико ва Рейноса ш.ларига газ, шунингдек, Туспан ва Поса-Рика ш.ларига нефть қувурлари ўтказилган. Т.га мустамлакачилар келгунга қадар асос солинган. 1683 й.да қароқчилар томонидан вайрон қилиниб, 1823 й.да қайта тикланган.

ТАМТАМ, там-там (ҳиндча товушга тақлид атама) — урма чолғу, *гонг* тури. Қадимдан жан.-шарқий Осиёда диний маросимларда қўлланилган. 18-а. охиридан симфоник оркестр таркибига кирган (Ф. Ж.*Госсек*нинг «Мирабо ўлимига бағишланган мотам марши», 1791). Турли (мис, кумуш, сурма ва б.) металлар қоришмасидан болғалаб кўп қатламли, қалин (8—10 мм) баркаш шаклида (диаметри — 600-1500 мм) ясалади. Кигизли тўқмоқ б-н урганда паст, ғувулловчи товуш чиқаради.

Тамтам.

ТАМШУШ — Қашқадарё вилоятидаги сой. Хўжагулбарс тоғидаги кичик кўл ва булоқлар сувидан ҳосил бўлган. Уз. 22 км, сув сарфи 3,3 м³/сек.; ҳавзаси майд. 125,3 км². Ҳисорак қишлоғи яқинида Оқдарёга қуйилади. Шаҳрисабз туманидаги Тамшуш, Ҳисорак қишлоқлари экин майдонларини сув б-н таъминлайди. Сой бўйлаб Тамшуш довонига йўл чиқади.

ТАМШУШ ДОВОНИ — Сурхондарё вилоятидаги довон. Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбида, денгиз сатҳидан 4113 м баландликда жойлашган. Тамшуш ва Оқдарё ҳавзаларида. Уз. 3,5 км, эни 440 м. Май ойидан окт.гача довондан ўтиш мумкин, қолган вақтларда қор б-н қопланиб ётади. Довондан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг чорва моллари яйловларга ҳайдаб ўтилади.

ТАМШУШДАРЁ — Сурхондарё вилоятидаги дарё. Ҳисор тизмасининг жан. дан бошланади. Уз. 38 км, ҳавзасининг майд. 380 км². Дарёга 22 та сой қуйилади. Т. ўзанининг кенглиги 60 м, қирғоқлари тик ва баланд. Ўртача йиллик сув сарфи 6 м³/сек. Тўполондарёга қуйилади. Қор-ёмғирдан тўйинади. Баҳор-

да суви кўпаяди, тез-тез сел келади. Водийсида ўтлоқлар бор, ёввойи ток, тол, олча, бодом, дўлана ўсади. Т. Тамшуш, Шартут қишлоқлари ва чорва яйловларини сув б-н таъминлайди.

ТАМҒА — 1) турк-мўғул чорвадор қавмларда хусусий мулкнинг кенг тарқалган белгиси. Дарахтларга, қуроляроғларга, тери (ҳайвон териси) ва б.га қўйилган. Мас., чорвачиликда қорамол, отларга ва паррандаларга босиладиган махсус белги(нишон). Хўжаликларда наслчилик ишларида, жонли мулк тариқасида ҳисобга олишда Т. қўйилади. Унинг бир неча усуллари мавжуд: молнинг қулоғига эн солиш, қирқиш, қуймичига белгини қиздириб босиш, қулоғига серияли рақамлар битилган сирга тақиш; паррандалар оёғига ҳалқа тақиш ва б. 2) Ўрта Осиё, Закавказье, Яқин ва Ўрта Шарқнинг айрим мамлакатларида ва 13-а.даги мўғуллар истилосидан сўнг Россияда савдо, ҳунармандчилик, турли касб-ҳунарлардан пул б-н олинадиган солиқ. 16-а.нинг 70-й.ларигача мавжуд бўлган. Эронда шоҳ *Тахмасп I* томонидан бекор қилинган.

ТАМҒАЛИДАРА РАСМЛАРИ — Чу-Или тоғининг жан.-ғарбий ён бағридаги Тамғалисой дараси қоятошларига ишланган расмлар. Олмаотадан 160 км шим.-ғарбда. 1890 й.да рус археологи Н. Н. Пантусов топган, А. А. Топов, А. Г. Максимова томонидан ўрганилган. Тасвирларнинг 1 қисми мил. ав. 2-минг йилликка, асосий қисми мил. ав. 7—5-а.ларга мансуб, шунингдек улар орасида 6—8-а.ларга оидлари ҳам учрайди. Ҳайвонлардан ёввойи буқа, тоғ эчкиси, қоплон, жайрон, буғу, от, туя,

Тамғалидара расмлари.

қўй, эчки ва б.нинг тасвирлари, турли рамзий белгилар, чавандозлар, рақс тушаётган одамлар, овчиларнинг итлар ёрдамида ёввойи ҳайвонларни овлаш манзаралари қоятошларга ўйиб ишланган. Т.р. Ўрта Осиё, Қозоғистон ҳудудида яшаган халқлар тарихи, турмуши, маданиятини ўрганишда нодир манба сифатида қимматлидир.

ТАН, Танг — ўрта асрларда Хитойда мавжуд бўлган марказлашган давлат ва сулола (618—907). «Т.» атамаси — магрурланиш, тасодиф маъносини англатади. Асосчиси — Ли Юан (566—635) бўлиб, Гаозу номи б-н тахтни бошқарган (618—626). Т. давлатининг ташкил топиши 610 й. Хитойда Суй сулоласига қарши бошланган халқ қўзғолони б-н бевосита боғлиқ. Йирик амалдорлар фурсатдан фойдаланиб тахтни эгаллашга интилган. Улардан Шаньси ўлкасининг раҳбари Ли Юан туркий қавмлар б-н яқин бўлгани учун катта салоҳият ва имкониятга эга бўлган. У 3 нафар ўғиллари б-н туркий қавмлар ёрдамида Суй сулоласини ҳимоя қилиш баҳонасида пойтахт Чанъан (ҳоз. Сиан)га кириб олган ва ўзини император деб эълон қилиб, ўз ҳокимиятини Т. деб атаган. 630 й.дан Т. фаол ташқи сиёсат юргиза бошлаган ва даставвал *Буюк ипак йўли*ни қўлга киритишга ҳаракат қилган. 640 й. Турфон (Гавчан) давлатига ҳужум қилиб уни йўқ қилган, сўнгра Шарқий Турк хоқонлиги, Уйғур хонлиги ва Ғарбий турк хоқонлиги каби давлатлар б-н уруш олиб борган. Бу уруш жараёнида Т. улар ўртасидаги зиддиятлардан тўла фойдаланиш ва бири б-н дўстлашиб, иккинчисини йўқотиш, уларни ичидан заифлаштириб, сўнгги (пировард) галабани қўлга киритиш амалиётини қўллаган. 645—668 й.ларда Т. Кореяни тобе этган, сўнг Манжуриядаги мохэ ва кидон қабилалари ҳокимиятини тугатган. 747 й. Т. армияси ҳоз. Қиргизистоннинг Тўқмоқ (Суёб, Суйё) вилоятига, 748 й. Помирдаги Кичик Болурга (Сяо Боли), 750 й. Шош (Тошкент)га ҳужум қилган, Шош ҳукмдори ўлдирилган, унинг ўғли араблардан мадад сўрашга мажбур бўлган. 751 й.даги *Талас жанги*да Т. армияси тор-мор келтирилган. Шундан сўнг Т. империясининг Марказий Осиёдаги фаолиятига чек қўйилган. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий аҳвол ёмонлашган; кетмакет халқ қўзғолонлари содир бўлиши ички сиёсий таназзулни кучайишига ва Т. империясини 15 та майда ҳокимликларга бўлиниб кетишига олиб келган.

Абдулаҳад Хўжаев.

ТАН ЖАЗОСИ, жисмоний жазо (ҳуқуқда) — ибтидоий жамоа даврида, шунингдек, *мусулмон ҳуқуқида* жиноят содир этгани учун жиноятчини жисмоний қийнаш, азоблаш, унга тан жароҳати етказиш. Асосан зино, туҳмат, ўғирлик, қароқчилик (босқинчилик), одам ўлдириш ёки уни жароҳатлаш, маст қилувчи ичимликлар истеъмол қилиш, диндан қайтиш, исён кўтариш ва б. жиноятларга нисбатан белгиланган. Бундай жазоларни дарра б-н уриш, шахснинг қўл ва оёғини кесиш, тошбўрон қилиб, осиб ёки бошини танасидан жудо қилиб ўлдириш б-н амалга ошириш кўзда тутилган. Т.ж. асосан қамчилар орқали ижро этилган. Қамчи туя ёки бошқа ҳайвон терисидан ишланган.

Мусулмон давлатларида энг кўп тарқалган жазо турларидан бири қўлларни кесиш жазосидир. Бундай жазони тайинлаш учун ўғирланган пул ёки моддий бойлик миқдори белгилаб қўйилган. Уйга, масжидга кириб, чўнтакка тушиб содир этилган жиноятлар учун сўзсиз қўллар кесилган. Кесиш асосан бармоқларни, билагигача, оёқни эса тўпиғигача кесиш орқали ижро этилган. *Шариат* қоидаларига кўра, ўғирлик ва босқинчилик йўли б-н фуқароларнинг мулкини эгаллаш катта гуноҳ, ўта оғир жиноят ҳисобланган. Шариатга оид манбаларда қароқчилар мусулмон ёки *зиммий*нинг молини олган бўлса, уларнинг ўнг қўллари б-н чап оёқлари кесилган. Агар молларини олмасдан, уларни ўлдирган бўлсалар, жиноятчиларнинг ўзлари ҳам ўлдирилган. Агар айблорлар молни олмасдан туриб, шахсга тан жароҳати етказган бўлса, уларнинг барчасидан етказилган тан жароҳати даражасида қасос олинган. Борди-ю, жиноятчилар мол-мулкни олиб, сўнг шахсга жароҳат етказган бўлса, уларнинг қўл-оёқлари кесилган.

Янги ижтимоий муносабатларнинг таркиб топиши баробарида мусулмон давлатлари ҳуқуқида 19-а.нинг 2-ярмидан янги жиноят, савдо, процессуал ва б. қонун ҳамда колекслар асосида маҳкама ишларини юритиш уставорлик қила бошлади (*Жазо*).

Гулчеҳра Маткаримова.

ТАН ОЛИШ, халқаро ҳуқуқий тан олиш — янги давлатлар ёки ҳукуматлар ёхуд бошқа органларни мавжуд давлатлар томонидан халқаро ҳуқуққа мувофиқ тан олиш; бу ҳол ана шу давлатлар ёки ҳукуматлар ёхуд бошқа органлар б-н расмий ёки норасмий, тўла ёки қисман, доимий ёки вақтинчалик муносабатлар ўрнатиш имконини беради. Халқаро ҳуқуқий Т.о.нинг турли кўринишлари бор: давлатни Т.о., ҳукуматни Т.о., қўзғолон кўтарган томонни Т.о., миллий озодлик органларини Т.о., қаршилик кўрсатиш органларини Т.о. ва б. Ҳоз. дипломатия амалиётида у ё бу мамлакат ҳукуматлари б-н мавжуд давлатнинг янги ҳукумати ёхуд янги пайдо бўлган давлат ҳукумати б-н дипломатик муносабатлар ўрнатиш ёки дипломатик муносабат ўрнатишга розилик бериш бундай Т.о.нинг кенг тарқалган шак-

ли ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқий Т.о.нинг асосий шакллари *де-юре* ва *де-факто*дир. Бирон-бир шартларсиз расман Т.о. тўғрисида, де-юре ва де-факто Т.о. тўғрисида, дипломатик муносабатлар ўрнатиш ёки бундай муносабатлар ўрнатишга рози бўлиш тўғрисида баёнот бериш расмий тан олиш ҳисобланади. Муайян мамлакат ҳукуматининг бошқа мамлакатнинг расмий тан олинмаган ҳукумати б-н алоқа ўрнатиши, бир-бирини тан олмайдиган давлатларнинг халқаро анжуманлар ёки халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиши норасмий Т.о.ни билдирали. Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Республикасини жаҳоннинг 160 дан ортиқ давлати тан олди. Мамлакатимиз б-н 120 дан ортиқ давлат дипломатик алоқа ўрнатган.

ТАНА — одам ва умуртқали ҳайвонлар гавдасининг асосий қисми; бундан бош, қўл-оёқлар ва дум (ҳайвонларда) мустасно.

ТАНА (қорамолчиликда) — ургочи ёш моллар гуруҳи. Уларнинг ёши бузоқлар гуруҳидан сўнг бошланиб, 10—12 ойлигидан то жинсий вояга етиб, қочиб, бўғоз бўлишига (24—30 ойлигида) қадар давом этади. Зотли ва жадал парваришланган Т. ривожи яхши ўтади ва биологик томондан тез етилади. Улар зот андозаси вазнига етганида (300—390 кг) 14—16 ойлигида уруглантирилиб, бўғозлиги аниқланганлан сўнг (20—22 ойлигида) ғунажинлар гуруҳига ўтказилади.

ТАНА, Цана, Дембеа — Эфиопиядаги кўл. Эфиопия тоғлигидаги тектоник сойликда, 1830 м баландликда жойлашган. Майд. 3,1—3,6 минг км² (мавсум бўйича ўзгариб туради), Чуқ. 70 м гача. Орол кўп. Т.га жуда кўп дарё қуйилади, кўлдан Аббай (Кўк Нил) дарёси оқиб чиқади. Балиқ овланади. Кема қатнайди.

ТАНА — Дон дарёсининг сўл қирғоғида, Азов ш. (Ростов вилояти) атрофида мавжуд бўлган қад. шаҳар. Венециялик ва генуялик савдогарларнинг савдо манзилгоҳи сифатида 12-а. охиридан маълум. 13—14-а.ларда Олтин Ўрда ҳукмронлиги остида. 1475 й. турклар томонидан эгалланган ва бир оздан сўнг барҳам топган.

ТАНА КОНСТИТУЦИЯСИ — қ. *Одам конституцияси.*

«ТАНАВОР», «Тановар» (форс. - жасур, қудратли, кучли) — 1) ўзбек халқ лирик куйи; Фарғона водийсида кенг тарқалган. Ўн бешдан ортиқ ашула ва чолғу йўллари маълум. Ашула йўлларидан оммавийлашган «Т.-1» халқ

шеъри («Қора сочим») б-н, «Т.-2» Муқимий шеъри («Энди сендек...») б-н айлатилади. Т. ашулаларида ўзбек аёлининг маънавий гўзаллиги ўз аксини топган. Т.нинг чолғу йўлларидан «Гулбаҳор» куйи б-н кетма-кет ижро этиладиган варианти оммавийлашган. «Т.-1»ни 1937 й. А.Козловский Ҳ.Носирова ижросида нотага олиб, хонанда ва симфоник оркестр учун қайта ишлаган, кейинчалик «Т.» номли симфоник поэма (1952) ва балет (1968) яратган. «Т.-2»ни Т. Содиқов хонанда ва оркестр учун, М.Бурҳонов жўрсиз хор учун қайта ишлаган. Т. вариантлари ва уларнинг оҳангларидан С. Василенко ва М. Ашрафий («Бўрон»да Норгул, «Севги тумори»да Иззат партияларида), Г.Мушель («Ғазаллар» циклида) ва б. фойдаланишган, Т. асосида Ю. Ражабий «Юзни ойдек...» қўшиғини яратган. Т. куйининг турли йўлларини А. Козловский (10 га яқин вариантини), Ю. Ражабий (5 дан ортиқ вариантини) ва б. нотага олган. Буларнинг айримлари Ж.Султонов, Б.Мирзаев, Т.Қодиров талқинида оммавийлашган; 2) анъанавий ўзбек халқ рақси. Т. куйининг турли йўллари асосида ижро этилади, 1943 й. *М. Турғунбоева* саҳналаштирган Т. рақси кенг тарқалган. Унда ўзбек қизининг севгилиси б-н учрашиш ва висолга етиши муқаррарлиги акс эттирилган.

Ад. Танаворлар (тўпловчи ва нашрга тайёрловчи И.Ғаниева), Т., 2003.

«ТАНАВОР» РАҚС ТЕАТРИ — миллий балет, ўзига хос театр тури. Бунда муайян замонавий ва тарихий мавзулар, инсоннинг ички дунёси, кечинмалари, ҳис-туйғулари мусиқа асосида, рақс ҳаракатлари воситалари б-н акс эттирилади. 1984 й. октябрь ойида Ўзтелерадиокомпанияси қошида рақс ансамбли сифатида 16 раққоса ва 2 раққос б-н иш бошлаган. Ташкилотчиси ва бадиий раҳбари Юлдуз *Исматова*. Жамоа 1997 й.дан «Ўзбекрақс» миллий бирлашмаси таркибида. «Шарқ аёли» деб аталган биринчи дастурда «Муножот», «Афғонча», «Анор-анор», «Раққоса келди», «Парвоз айлади», «Хоразмча», «Доира», «Арабча», «Эй сарви равон», «Рок уфориси қашқарчаси», «Ўхшар» рақслари ҳамда икки ёшнинг севги изҳори, совчи кутиш, нон ушатиш, келин салом, бешик тўйи каби этнографик лавҳалар асосида ўзига хос спектакль яратишга ҳаракат қилинди. Кейинги «Гул сайли» номли дастур ҳам шу йўналишда яратилди. Том маънодаги рақс театри Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида яратилган «Севги нидоси» (либретто муаллифи М.Бобоев; Қ.Комилов мусиқаси, 1991) спектакли б-н бошланади. Навоийнинг асл матни ва гояларига таянган ҳолда Баҳром (Н. Хотамов) ва Дилором (Н. Саидова)нинг севги фожиаси ёритилади. Барча воқеалар, қаҳрамонларнинг изтироблари, ҳис-туйғулари рақс ҳаракатлари, пластика, юз ифодалари, нигоҳлари орқали акс эттирилади. Балетмейстер Ю.Исматова, асосан, Фарғона рақс услубига таянган ҳолда ўрни-ўрнида бошқа услубларга ҳам мурожаат қилди, баъзан балетнинг оёқ учида юришидан фойдаланди. Шу йўналишда театр М. Бафоев б-н ҳамкорликда «Нодира» (1992), «Улуғбек буржи» (1994), «Қадимий маросимлар» (1995), А.Икромов мусиқаси асосида «Темурий маликалар» (1995), «Шарқ тароналари» (1997), Қ.Комилов мусиқаси асосида «Увайсий» (1998), А.Мансуров мусиқаси асосида «Сирли қутича» (2000), «Зумрад ва Қиммат» (2001), халқ куйлари ва сўзлари асосида «Севги васфи» (9 та «Танавор» рақси, 1995), ««Эзгу ният дарахти» (2000), «Мозийдан садо» (2001) спектакллари б-н театр жамоаси миллий балет, миллий рақс томошаси яратишда тажрибаси ортиб борди. Театр ижодий жамоаси қўйидаги йўналишларда фаолият кўрсатди: халқ оғзаки ижодиёти, маросимлари, куйлари, рақсларини муайян сюжет ипига териб театрлаштириш;

«Танавор» рақс театри: «Темурий маликалар» ва «Нодира» спектаклларидан кўриниш.

буюк шоирлар, қаҳрамон ўзбек аёллари ҳаёти ва ижодига бағишланган рақс томошалари туркумини яратиш; халқ тарихини ёритиш, буюк саркардалар ҳаёти ва кураши ҳақида ҳикоя қилиш; болаларга атаб спектакллар яратиш. Театр ўз миллий балет ва театрлашган томошаларида мавжуд барча рақс услубларидан фойдаланиш, эътибор бермай келинган халқ рақслари ҳаракатларини ва тарихда бўлган баъзи композициялар, ҳаракатларни тиклаш, айни чоғда ҳоз. кунда жаҳон балет ва рақс санъатида мавжуд янги изланишлардан илҳомланиш йўлидан бормоқда. Ҳар бир спектаклга махсус либослар, тақинчоқлар, оёқ ва бош кийимлар тикилади. «Т.» р.т. Ўзбекистонда ўтказиладиган барча байрамлар ва тадбирлар («Наврўз», «Шарқ тароналари» ва б.)дан ташқари Франциянинг «Одеон» театрида бўлиб ўтган «Нозим кечаси»да, ЮНЕСКО қароргоҳида (1995), АҚШда Ўзбекистон кунлари доирасида (1998), Нидерланд халқаро фестивалида (1999) ўз дастурларини намойиш этишди. Театрнинг энг муҳим спектакллари телефильм қилиб ишланган.

Театр жамоаси: 34 раққоса, 3 раққос, 12 созанда, 2 хонандани бирлаштирди (2004). Раққосалардан Д.Мирзаева, З.Сафарова, Н.Юсупова, Р.Жўрабоева, У.Акромова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар; ёш раққосалардан Г.Абдиева, Н.Қаршибоева Ўзбекистон Давлат «Ниҳол» мукофоти ва Мукаррама Турғунбоева мукофоти совриндорлари.

Ад.: Авдеева Л., Қодиров М., Исматова Ю., «Тановар» рақс жилолари, Т., 2002.

Муҳсин Қодиров.

ТАНАИС — 1) антик шаҳар (мил. ав. 3-а. — мил. 5-а.). Дон дарёсининг қуйи оқими бўйида жойлашган. Мил. бошларида Боспор давлати таркибида бўлган. Т. Боспордаги юнонлар б-н Азов ва Дон бўйидаги кўчманчилар ўртасидаги муҳим савдо маркази бўлган. Мил. 3-а.нинг 40-й.ларида *готлар* раҳбарлик қилган қабилалар иттифоқи томонидан буткул вайрон қилинган. 4-а.нинг 2-ярмида қайта тикланган, лекин кичик бир манзил сифатида 5-а. бошига қадар мавжуд бўлган. Т.дан турар жой, мудофаа деворлари, миноралар, дарвозалар қолдиқлари, битиклар, қабрлар ва б. топилган; 2) юнон муаррихлари томонидан Дон ва баъзан Сирдарёнинг аталиши.

ТАНАИС ДАРЁСИ БЎЙИДАГИ ЖАНГ, Яксарт жанги — Ўрта Осиё халқларининг *Александр* (македониялик Искандар)га қарши олиб борган жангларидан бири (мил. ав. 328). Танаис (ҳоз. Сирдарёнинг юнонча номларидан, бошқа бир номи — Яксарт) бўйида содир бўлган. Александр дарё бўйига ўрнашиб олгач, *Александрия Эсхата* (Чекка Искандария) ш.ни қуришга киришган. Бироқ дарёнинг ўнг қирғоғида (қад. Тошкент воҳасида) яшовчи саклар (қанғарлар) қабила иттифоқи бошлиги укаси Картазис бошчилигида катта отлиқ қўшин юборib, унга Александр қурдирган истеҳкомни бузиб ташлаб, македониялик жангчиларни бу ерлардан қайдаб юборишни буюради. Саклар Суғдиёнада кўтарилган *Спитамен қўзғолони*дан хабар топиб, агар қўзғолон муваффақият б-н тугаса македониялик-ларга қарши ҳужумга ўтмоқчи эдилар. Улар дарёнинг нариги бетидан туриб босқинчиларга қарши бетўхтов камон ўқи ёғдирадилар. Александр қўшини дарё қирғоғига катта ўқларни отишга мўлжалланган машина (қурилма)ларни ўрнатиб, саклarни ўққа тута бошлаган ва шу ўқ ёмғири панасида камончилар б-н сопқончилар дарёни кечиб ўтадилар. Улар саклarнинг илғор қисмини чекинишга мажбур қилиб, бу б-н фаланга ва отлиқларнинг дарёдан ўтиб олишига имкон яратиб берганлар. Дарёнинг ўнг соҳилида қаттиқ жанг бошланиб кетган. Уни 2 босқичга бўлиб таърифлаш мумкин. Биринчи босқич — македон қўшинининг илғор қисми жанги. Саклarга қарши македониялик-ларнинг сарисса (найза) б-н қуролланган отлиқ отряди ташланади. Саклар уларни ўраб олиб ўққа тутадилар. Александр ёрдамга пиёда аскарларни жўнатади. Саклар рақибларини қўздан қочирмасдан атайлаб чекина бошлаганлар. Иккинчи босқич — асосий кучлар жанги ва саклarнинг умумий чекиниши. Дастлаб саклар македон қўшини ҳужумларини муваффақият б-н қайтаришган. Шундан сўнг Александр жангга ўзининг барча отлиқ қўшинларини ташлаган. Саклар чўл ичкарисига чекина бошлаганлар. Александр саклarни 15 км масофагача таъқиб этган. *Арриан*нинг ёзишича, жазирама иссиқ, ташналикдан қийналган Александр «айниган кўлмак сувини ичиб касал бўлиб қолган». Аслида эса *Кир II*нинг машъум хатосини ёдида тутган Александр саклар ерининг ичкарисига кириб боришга журъат этмаган, чунки саклар уларни мамлакат ичкарисига алдаб олиб кириб тор-мор қилишлари мумкин эди. Аррианнинг ёзишича, саклardан 1000 киши, жумладан, уларнинг саркардаларидан бири Страк ҳалок бўлган, 150 киши асир олинган. Квинт Курций Руфнинг ёзишича, македониялик-лардан 60 суворий, 100 нафар пиёда аскар ҳалок бўлган, 1000 киши яраланган. Жангдан сўнг саклар Александр олдига элчилар юбориб сулҳ тузган бўлсаларда, курашни давом эттирганлар.

Манбалар: Арриан, Анабасис Александра, Т., 1911; Квинт Курций Руф, История Александра Македонского, М., 1963.

Ад. Шониёзов К., Қанг давлати ва қанглилар, Т., 1990.

Фахриддин Ҳасанов.

ТАНАКЎЗИ — ҳураки, майинбон узум нави. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача, беш бўлмали, орқаси сийрак тукли. Гули икки жинсли. Узум боши катта (буйи 18—22 см, эни 6—9 см), цилиндрсимон, ўртача тиғиз, гужуми йирик, думалоқ. Июлда пишади. Таркибида ўртача 20% қанд, 5% кислота бор. Ҳосилдорлиги 110—150 ц/га. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида томорқа боғларда ўстирилади.

ТАНАТОЛОГИЯ (юн. tanatos — ўлим ва ... *логия*), — ўлим, унинг сабаблари, механизми ва белгиларини, шунингдек, ўлим олди азобларини енгиллаштириш масалаларини ўрганадиган фан. Умумий ва хусусий Т. ажратилади. Умумий Т. ўлим сабабларидан қатъий назар, унинг умумий қонуниятларини, ўлимни аниқлаш, уни ҳар хил сабабларидаги *терминал ҳолат*ларнинг хусусиятларини, шунингдек, ўлим содир бўлгандан сўнг мурдада юзага келадиган ўзгаришларни, мурдаларни текшириш усулларини, уларни сунъий консервация қилиш б-н боғлиқ масалаларни ўрганади. Хусусий Т.да комплекс маълумотларнинг изчил таҳлили (касаллик тарихи, касалликнинг клиник ва морфологик кўриниши ва б.) қўлланиб, шулар асосида клиник-анатомик эпикриз тузилади. *Суд тиббиёти* Т.си қасдан содир этилган ва тўсатдан юз берган ўлимда мурдалаги клиник, биокимёвий ва морфологик ўзгаришлар моҳиятини, мурдаларни суд тиббиётига оид текшириш муаммоларини ва суд-тергов б-н боғлиқ турли масалаларни ўрганади. Соғлиқни сақлаш тизимида касалликларнинг олдини олиш, ташхис хатоликларини аниқлаш, жароҳатланишнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқишда соғлиқни сақлаш муассасаларига ёрдам беради. *Реаниматология* ривожланиши б-н ҳаётий функцияларнинг сусайиш қонуниятлари ва уларнинг терминал даврда тикланишини ўрганадиган экспериментал Т. ҳам вужудга келди.

ТАНБУР — қад. торли мусиқа чолғу асбоби. Форобийнинг мусиқа рисоласида Хуросон Т.ининг парда тузилиши келтирилган. Ўзбек, тожик, уйғур ва б. халқларда профессионал соз сифатида кенг тарқалган. Ноксимон ўймакосаси йўтон ва узун дастаси б-н бирга яхлит тут ёғочидан ясалади; умумий уз. 110—130 *см*. Косасининг қопқоғи, кўпинча, юпқа ёғоч тахтачадан қилинади, унда резонатор тешикчалари бор. Пан-ни б-н боғланган 16—19 пардаси бўлиб, олтинчиси, одатда, ижро этиладиган асарнинг лад-тоналлик хусусиятига кўра юқори ёки паста суриб қўйилади. Коса қопқоғида чўпдан яна 4 та лах пардаси бўлади. Т.нинг 3 та торидан биринчиси (юқоридан) асосий, 2 таси ёрдамчидир; биринчиси ва учинчиси унисонга, иккинчиси уларга нисбатан кварта, баъзан квинта ёки секунда паст созланади. Т. қўлнинг кўрсаткич бармоғига қийиладиган *нохун* б-н турли услубда (торларни юқоридан ва пастдан уриб) чалинади. Т. Ўзбекистонда бошқа торли чертма созлардан фарқли ўлароқ, диатоник товушқаторга эга. Т.нинг торлари узун ва ингичка, пардаларни йўғон (диаметри 3 мм гача) бўлганлигидан торни турлича куч б-н босиб, тотовуш баландлигини ярим тонгача ўзгартириш мумкин. Мазкур йўл б-н Т.да куйларга ўзига хос тебратма сайқал, нолалар берилади. Т.нинг ўзига хос нозик ва таъсирчан овози, кенг диапазони туфайли Бухоро Шашмақоми ижросида асосий якканавоз ва (вокал қисмларда) жўрнавоз соз ҳисобланади. Т.нинг кенг бадиий имкониятлари *Т. Алиматов* ва унинг шогирдлари талқинида намоён бўлмоқда. Т.нинг чортор (4 торли), панжтор (5 торли), шаштор (6 торли) турлари бор. Т.нинг электр *адаптер* б-н жиҳозланган турлари эстрада ижрочилигида қўлланилаяпти. Ж. Султонов, Ф.Мамадалиев, О.Ҳотамов, композиторлардан Сайфи Жалил («Қалбимда»), М.Маҳмудов («Наво» симфонияси), М.Бафоев («Лиссон ут-тайр») ва б. Т. имкониятларидан ижодий фойдаланишган.

Танбур.

ТАНБУР ЧИЗИҒИ, Хоразм танбур чизиғи — Хоразм танбур чизиғи — 19-а.нинг 2-ярмида Хоразмда юзага келган нота ёзуви. *Табулатура Хоразмий* жорий қилган. Танбурнинг 17 та пардаси ва очиқ симига мўлжаллаб чизилган 18 горизонтал чизиқларга жойлаштирилган нуқталардан иборат. Чизиқ устига қўйилган нуқталар куй ижроси жараёнида танбурнинг муайян пардасида нохуннинг тепадан пастга, пастдан тепага чертилишини билдиради. Вертикал чизиқлар пардалар йўналишини



Танбур чизиғидан парча.

кўрсатади. Т.ч.даги нуқталар асосан нимчорак ва баъзан чорак ноталар чўзимига тенг. Чизиқларнинг ости-устига нуқталар қўйилиб, уларнинг устма-уст ёки ёнма-ён жойлашиши танбур зарблари («икка зарб», «қўш зарб»лар)га ишора деб билинади. Пауза (жимлик) аломати. «скун» (о) б-н ифодаланади. Донра усуллари узун-қисқа зарбларни англатувчи бўғинлар воситасида кўрсатилади: «гул», «тақ», «та-қа», «так-қа» ва ҳ.к. Куй бўлаклари («хона», «бозгўй», «ҳанг»), тўхтовлар ёйли чизиқ (стрелка) ишораси ёрдамида белгилаб юборилади. Танбур чизигида шеърий матнлар ҳам берилган. Улар тўлиқ ёки лавҳа тарзида куй йўлини англатувчи нуқталардан алоҳида, бир чеккада ёзилади. Аксарият ҳолларда шеърларнинг фақат бошланғич мисралари келтирилади. Унга қараб ашулачилар ғазалнинг қолган қисмларини эсга солиб оладилар. Танбур нотаси араб ёзувига ўхшаб, ўнгдан чапга ўқилади. Комил Хоразмий Т.ч. ёрдамида Хоразм мақомларидан Ростнинг бошланғич қисмини, унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзо мазкур мақомнинг қолган қисмларини ҳамда Бузрук, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомларининг 19-а. охирида маълум бўлган чолғу (чертим) ва ашула (айтим) йўлларини ёзиб олган. Унинг ўндан ортиқ кўчирилган нусхалари бизгача етиб келган. 2002 й. топилган Ҳазорасп нусхасида юқорида номлари келтирилган мақомлардан ташқари Зиҳи Наззора, Қаддим хамлиғи (Ургажий), Мискин, Раҳовий, Садри Ироқ, Охёр, Чоки гирибон деб номланувчи айтим йўлларидаги туркум ёзиб қолдирилган. Булар «Дутор мақомлари», яъни дутор жўрлигида айтилувчи мумтоз йўллар ҳисобланади. Хоразмлик мусиқашунослар олдиндан қад. Шарқ нота ёзуви намуналаридан хабардор бўлганлар. Т.ч. ихтиро қилинишидан аввал Муҳаммад Шариф Қанбар Бобо исмли дуторчи — дутор учун шундай нота яратишга уринган, аммо ўнг қўл ҳаракатларини қоғозга тушира олмаганлигидан бу иш амалга ошмай қолган. Шунингдек, Т.ч.да Сафиуддин ал-Урмавий нота жадвалидаги ўхшаш унсур (элемент)лар мавжуд. Т.ч.нинг тикланиши, тадқиқ қилиниши, замонавий нота ёзувига кўчирилишига В. Беляев, В. Успенский, Т.Содиқов, М.Юсупов, Ил. Акбаров, кейинчалик бу ишнинг ривожига ва бевосита ижро қилинишига (амалда садолантирилишига) О.Бобоназаров, ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат ун-ти ўқитувчилари Б.Раҳимов, Р.Болтаев, М.Матёқубов, С.Худойберганов ва б. ҳисса қўшганлар.

Ад.: Бекчон М., Девонзода М.Ю., Хоразм мусиқий тарихчаси, 2-нашри, Т., 1998; Ражабов И., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963; Матёқубов О., Мақомат, Т., 2004.

Ботир Матёқубов.

ТАНГА, тангалар (туркий «тамға» сўзидан) — металл (олтин, кумуш, мис; ҳоз. вақтда миснинг турли қотишмалари, никель ва алюминий)дан ясалган пул бирлиги, муомала ва тўлов воситаси. Тухумсимон ёки думалоқ шакли фойдаланиш учун қулай. Тангалар аверси (юзи) ва реверси (орқа томони) ва гурти (четки) орқали бир-биридан фарқланади.

Т.лар деярли бир вақтда (мил. ав. 8—7-а.) Лидия давлати (Кичик Осиё)да ва Эгина о. (Юнонистон)да пайдо бўлган. Т. пул-товар муносабатларининг ривожланиши б-н юзага келган ва товар айирбошлашда эквивалент ролини ўйнаган бошқа буюмлар (чорва моллар, дон, чиганоқ, мато ва б.)дан фарқ қилиб, универсал тўлов воситаси вазифасини бажарган. Қадимги Т.лар тасвир (ҳукмдорнинг тасвири, унвони, исми, герби) ва изоҳлар (танга чиққан давлат ва шаҳарнинг номи, йили) б-н зарб қилинган.

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки металл Т.лар мил. ав. 6-а.да *Доро I* даврида зарб

Танга (аверси — а, реверси — р): 1. Юнон-Бактрия. Деметрий драхмаси (мил. ав. 2-а. бошан). 2. Евкратид драхмаси (мил. ав. 171—155 й.лар). 3. Кушонлардан Канишка динори (2-а. 1-ярми). 4. Евкратид олтин статери (мил. ав. 185—175 й.лар). 5. Чоч ҳукмдори Сочак бронза тангаси.

этилган, оғирлиги 8,4 г ни ташкил этган «дарик» деб номланган тилла тангалар, деб тахмин қилинади. Мил. ав. 3—1-а.ларда ва ундан кейинги даврда зарб этилган Т.лар намуналари ҳозиргача сақланиб қолган. Улар жумласига Антиох I (мил. ав. 281—261 й.лар), Евтидем I (мил. ав. 235—200 й.лар), Деметрий I (мил. ав. 200—185 й.лар), Ев-кратид I (мил. ав. 171—155 й.лар), Митридат II (мил. ав. 124—88 й.лар) ва Гермей (мил. ав. 75—55 й.лар) Т.лари киради.

8-а.нинг ўрталарида Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланганидан сўнг савдо муомаласини амалга ошириш учун вазни 4,3 г бўлган олтин динор, маош ва солиқлар тўлови учун вазни 2,8 г. бўлган кумуш дирҳамлар ва кундалик савдо-сотиқ учун мис тангалар — фулуслар зарб этилиб, муомалага чиқарилган. Амир Темур даврида Самарқандда Т.лар зарб этиладиган махсус зарбхоналар ташкил этилган, биринчи марта туркий ном, яъни «танга» деб аталган, вазни 4,5—4,7 г бўлган кумуш Т.лар, вазни 2 г ни ташкил этган олтин динорлар ва вазни 1,8 г бўлган ва кумушдан тайёрланган мирилар зарб этила бошлаган.

1. Амир Темур мис фулуси. Самарқанд, 1383 й., оғирлиги 4, 132 г. 2. Амир Темур ва Султон Маҳмуд кумуш мири, 1388 й., оғирлиги 1,59 г. 3. Султон Шоҳруҳ кумуш тангаси, Самарқанд 1435 й., оғирлиги 5,06 г.

19-а.нинг 2-ярмида Хива, Бухоро, Қўқон хонликларида олтиндан «тилла», кумушдан «танга», мисдан «пул» (чақа) деб аталадиган Т.лар зарб қилинган.

Қоғоз пуллар пайдо бўлиши б-н муомалада Т.нинг роли кескин пасайди, асосан, 20-а.дан бошлаб Т. қоғоз пулларни майдалаш ва майда тўлов воситаси ёки мамлакат асосий пул бирлигининг муайян қисмини (*доллар*да цент, *лира*да чентезимо, *сўм*да *тийин* ва б.) ифодалайдиган пул бирлиги воситаси сифатида ишлатила бошлади, олтин ва кумуш Т.лар чиқарилиши тўхтатилди (махсус эсдалик ва юбилей олтин, кумуш, платина Т.лар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий валютаси — сўмни муомалага киритгандан кейин жездан ясалган ва қиймати 1, 3, 5, никель б-н қопланган 10, 20, 50 тийин бўлган Т.лар чиқарилди.

Республика тарихидан муҳим саналарга бағишлаб эсдалик ва нумизматик аҳамиятга эга бўлган кўплаб юбилей Т.лар зарб этилди. Дастлаб 1994 й.да Мустақилликнинг 3 йиллигига бағишлаб 10 сўмлик, Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб 1 сўмлик, 1996 й. 1 сентябрда Амир Темур таваллудининг 660 й.лиги муносабати б-н олтин ва кумушдан 100 сўмлик ҳамда 1998 й.да Алишер Навоий, кейинчалик эса, Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мусо Ал-Хоразмий каби буюк алломалар портретлари туширилган юбилей Т.лар зарб этилди.

Т.ларни *нумизматика* фани ўрганади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага чиқарган тангалар: 1. Қиймати 50 тийинлик; 2. 5 сўмлик; 3. 10 сўмлик; 4. 50 сўмлик тангалар.

1. Ўзбекистон Республикасида Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига чиқарилган юбилей тангаси, қиймати 1 сўм, олтин суви юритилган; 1994. 2. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига чиқарилган юбилей тангаси; қиймати 50 сўм, олтин суви юғуртирилган; 1996. 3. Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига чиқарилган юбилей тангаси, қиймати 100 сўм, олтин суви юғуртирилган; 1996.

Ад.: Зограф А.Н., Античные монеты, М.—Л., 1951; Федоров-Давыдов Т.А., Монеты рассказывают, М., 1963; Ртвеладзе Э.В., Древние монеты Средней Азии, Т., 1987; Нумизматика Узбекистана, Т., 1990; Ртвеладзе Э.В., Великий шелковый путь, Т., 1999; Ртвеладзе Э.В., Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана, Т., 2003; Темурийлар сулоласи тангалари, Т., 1996.

Файзулла Муллажонов.

ТАНГАЖЕВАК — зарғарлик буюми; аёллар бўйинларига тақадиган тақинчоқ. Тангалардан тузилган ёки тангалар б-н турли мунчоқ ва гумордардан таркиб топган *жевак* тури. 19-а. охири — 20-а. бошларида кенг тарқалган.

ТАНГАНЬИКА — Африкадаги кўл, Конго Демократик Республикаси, Танзания, Замбия ва Бурунди ҳудудларида. Майд. 34 минг км². Шарқий Африка ёриқлари зонасидаги тектоник ботиқда, 773 м баландликда. Уз. 650 км, эни 80 км гача, энг чуқур жойи 1470 м (чуқурлиги бўйича Байкал кўлидан кейин 2-ўринда). Қирғоқлари текис, баъзи жойларда баланд ва тик. Т.га Малагараси ва Рузизи дарёлари қуйилади. Лукуга ва Луалаба дарёлари орқали оқиб чиқали. Кўл суви чучук. Фаунаси эндемикларга жуда бой. Бегемот, тимсоҳ, сузувчи паррандалар тури кўп. Атрофида миллий боғлар ташкил этилган. Балиқ овланади. Кема қатнайди. Портлари: Китома, Бужумбура, Калима. Т.га европаликлардан биринчи бўлиб 1858 й.да инглиз сайёҳлари Р.Бёртон ва Ж.Спик борганлар.

ТАНГАСОЙ — Самарқанд вилоятининг жан.-шарқидаги сой. Зарафшон тизмасининг 2360 м баландликдаги булоқлардан бошланади. Уз. 25 км. Сув сарфи 1,10 м³/сек.дан 0,3 м³/сек.гача. Ургут тумани экин майдонларини суғоришга сарфланади.

ТАНГАЧАЛИЛАР (Squamata) — *судралиб юрувчилар* туркуми. Гавдаси ҳар хил шаклдаги тангачалар ва қалқонлар б-н қопланган. Тангачалар остида суяк пластинкалар жойлашган. Калла суяги чакка қисмидаги суяклар редукцияга учраган. Юқори жағ квадрат суяги кўпинча бош қутиси б-н ҳаракатчан бириккан. Клоакаси кўндаланг тирқишсимон. Эркагининг копулятив органи бир жуфт. Кўпчилик Т. (калтакесаклар, илонлар) тухумлари юмшоқ пергаментсимон пўст б-н қопланган; бу пўст остида оқсил парда бўлмайди. 3 кенжа туркум: калтакесаклар, амфибиясимонлар ва илонларга бўлинади. 6600 тури бор. Антарктидадан бошқа барча қитъаларда тарқалган. Ўзбекистонда Т.нинг *калтакесаклар* ва *илонлар* кенжа туркумига мансуб 58 тури тарқалган; 16 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАР — қ. *Капалаклар.*

ТАНГЕНС (лот. tangens — уриниш) — тригонометрик функциялардан бири, tgx б-н белгиланади ва $tgx = \frac{\sin x}{\cos x}$ тенглик орқали таърифланади. (инглизча адабиётларда ва дастурлаштириш тилларида tan(x). tgx сон ўқининг $\frac{\pi}{2} + \pi n$, $n \in Z = \{\ldots -1, 0, 1, \ldots\}$ нуқталаридан бошқа ҳамма нуқталарида аниқланган π даврли тоқ функция. tgx нинг қийматлар соҳаси барча ҳақиқий сонлар тўплами дан иборат. Эркли ўзгарувчи $x - \frac{\pi}{2}$ дан $+\frac{\pi}{2}$ гача ўзгарганда $y = tg\ x$ функция $-\infty$ дан $+\infty$ гача монотон ўсади.

ТАНГЕНСЛАР ТЕОРЕМАСИ — учбурчакнинг иккита томони узунликлари б-н улар қаршисидаги бурчаклар тангенслари орасидаги муносабатни ифодаловчи теорема. Учбурчакнинг томонлари узунликларини a, b, c бу томонлар қаршисидаги бурчакларни, мос равишда, A, B, C десак, Т.т. шундай ёзилади:

$$\frac{a-b}{a+b} = \frac{tg\frac{A-B}{2}}{tg\frac{A+B}{2}}, \quad \frac{b-c}{b+c} = \frac{tg\frac{B-C}{2}}{tg\frac{B+C}{2}}, \quad \frac{a-c}{b+c} = \frac{tg\frac{A-C}{2}}{tg\frac{A+C}{2}}$$

Бу формулаларни немис математиги Региомонтан (1436—76) топган.

ТАНГЕНСОИДА (*тангенс* ва юн. eibos — кўриниш, шакл) — $y = tgx$ нинг графиги. Т. — ясси чизиқ. Абсциссалар ўқи Ox ни $x = \pi n$, $n \in Z$ нуқталарда 45° ли бурчак остида кесиб ўтади. Т. чексиз



кўп алоҳида-алоҳида, ўзаро конгруэнт чизиқлардан иборат. Т.ни чизиш учун, аввал, уни узунлиги π га тенг бўлган бирор оралиқда мас., $\left(-\frac{\pi}{2}, \frac{\pi}{2}\right)$ чизиб, ҳосил бўлган чизиқни Ox ўқи бўйлаб πn масофаларга ўнгга ва чапга силжитиш кифоя, Т. $\frac{\pi}{2} + \pi n$, нуқталардан ўтувчи асимптотага эга, бунда $n = +1, \pm 2, \ldots$

ТАНГИ — тоғлардаги тор дара, қисиқ. Т.нинг ён бағирлари тик тушган баланд қоялардан иборат бўлади. Т. тектоник ёриқларда ва тоғ дарёси қиялиги катта бўлган жойларда вужудга келади. Тожикистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида жой номлари таркибида кўп учрайди: Каттатанги, Кичкинатанги, Чортанги ва б. Ён бағирлари пастроқ, қоятошлар камроқ бўлса, ертанги деб аталади.

ТАНГИМУШ — Сурхондарё вилоятидаги дара. Шим.-шарқда Такасакраган ва жан.-ғарбда Шеробод тизмаларини кесиб ўтган. Бойсун сойлигини Сурхондарё водийси б-н туташтиради. Уз. 2 км га яқин. Жуда тор, юриш қийин. Кўп жойда, айниқса, ғарбий қисмида, тош уюмлари учрайди. Узунқудуқ (Сурхондарё водийсида) ва Даштигоз (Бойсун сойлигида) қишлоқларини боғлайдиган сўқмоқ йўл ўтган.

ТАНГЛА — Хитойдаги тоғ тизмаси. Тибет тоғлигининг марказий қисмида. Уз. 700 км, энг баланд жойи 6096 м (Басудан-Ўла тоғи). Тизманинг атрофдаги текисликлардан нисбий бал. 1000 м чамасида. Асосан, оҳактош ва гилли сланецлардан тузилган. Чўққилари гумбазсимон, ён бағирлари ётиқ. Баланд тоғ дашти ва тошлоқ чўл ландшафти хос. Тоғ тепаларида музликлар бор.

ТАНГЛАЙ — бурун ва оғиз бўшлиғини бир-биридан ажратиб турадиган анатомик тузилма. Қаттиқ ва юмшоқ Т. бўлади. Қаттиқ Т. юқори жағ суягининг танглай ўсиғи б-н танглай суяги кўндаланг пластинкаларининг бирикувидан вужудга келади. Юмшоқ Т. шиллиқ парда б-н қопланган мускуллардан иборат. Юмшоқ Т.нинг орқа учида ўсиқча— тилча бор. Юмшоқ Т. ён томонларида равоқлар ҳосил қилиб, тил ва ҳалқум б-н бирлашади. Равоқлар орасида ҳар икки томонда (учбурчак шаклида) муртак бўшлиғи бўлиб, унда танглай муртаги жойлашган. Қаттиқ ва юмшоқ Т. шиллиқ қавати остида майда сўлак безлари, шиллиқ қаватида эса қон томирлари ва нервлар бор.

Т. касалликлари туғма ва орттирилган бўлади. Юмшоқ ёки юмшоқ-қаттиқ Т.нинг туғма нуқсони кўп учрайди. Бу эмбрионал ривожланиш даври (ҳомила)да танглай ўсиқларининг ўзаро ёки юмшоқ танглайнинг мускулли тузилмаси б-н жипслашмай қолишидан юзага келади. Буни «бўри танглай» дейилади. Т. нинг орттирилган касалликла-

Танглай: 1 — танглайнинг кўндаланг бурмалари; 2 — сўлак безларининг танглайга очилиш йўллари; 3 — танглай муртаги; 4 — равоқлар; 5 — тилча.

рига унинг шикастланиши ёки касалликлан зарарланиши, яллиғланиши (мас., *стоматит*), хавфли ва хавфсиз ўсмалар ва б. киради.

ТАНГО (испан. tango) — 1) 18—19-а.лар оралигида Лотин Америкасида қора танли аҳолининг рақс ва қўшиқлар б-н ўтказиладиган ҳар қандай байрам ҳамда шу байрамлар ўтадиган жой ифодаси; 2) замонавий бал рақси. 19-а. 2-ярмида андалусийча Т., креолча Т., аргентинча Т. каби турлари оммалашган. Мусиқа ўлчови 2/4, суръати ўртача, ритмикаси ўзига хос урғу (синкопа)лар б-н ажратилади. Ижрочилар жуфт бўлиб, бир-бирининг елкаларини ушлаб рақсга тушади. 1910-й.ларда Парижда аргентинча Т. асосида европача Т. ривож топиб, ўзига хос, алоҳида эҳтирос б-н ижро этиладиган салон ва эстрада рақси (кейинчалик, куй ва ашула) сифатида бутун дунёда тарқалди. Ритмикаси охирги сакконзталик ҳиссадаги кескин урғуси б-н ажралиб туради. Ўзбек эстрада санъатига 1950-й.лар охирида Б. Зокиров ижросидаги «Арабча танго» (суриялик бастакор Дариє аль Атрашнинг Я. Френкель қайта ишлаган ашуласи) б-н кириб келди. Кейинчалик, А. Назаров («Кет, муҳаббат», Н. Ҳамроқулов), А. Расулов («Дилором», Ғ. Ёқубов) ва б. композиторлар турли Т.ларни яратган.

ТАНГРИ — 1) Худо, *Аллоҳ*. *Тангричилик* динида худонинг номи. «Т.» атамаси кўп Осиё халқларининг энг қад. мифологик фондига киради. Т. қад. шумер тилида (мил. ав. 3-минг йиллик) тенгри, тенгир, денгри, денгир; олтойча тенгри, тенгери; озарбайжонча денгри, денгир; хакасча тигир, тер; тувача дээр; чувашча тура; якутча тангара; монголча тэнгэр; бурятча тэнгэри, тэнгри; қалмиқча тэнгер; японча тэнри. У қад. ҳунну тилида ҳам мавжуд бўлган (мил. ав. 3-а. ва ундан ҳам аввалроқ). Тадқиқотчилар Т.ни кенгроқ талқинда шумерча — тенгир — «коинот», «денгиз» б-н боғлайдилар. Т. ҳақидаги тасаввур осмон руҳи эгаси ҳақидаги анимистик диний эътиқодлар асосида шаклланган бўлиб, унда осмон ҳам бевосита ўзининг кўринишида, ҳам Т. яшайдиган фазо сифатида тасаввур этилган; 2) Ислом динини оммавий равишда қабул қилган туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда *Аллоҳ*нинг номларидан бири сифатида ишлатилади.

Баҳтиёр Каримов.

ТАНГРИЧИЛИК — қад. туркий ва қад. олтой халқлари дини. Қад. *Шумер* давлатида (мил. ав. 3-минг йиллик) *Тангрита* сажда қилганлар. Тил ва этник жараёнлар тараққиётининг ностратик (борей) концепциясига асосланган тадқиқотчилар фикрича, 5—6 минг йиллар муқаддам қад. Шумердан Олтойгача бўлган улкан ҳудудда протоолтой қабилалари яшаган. Қад. шумерлар қад. турк тилига яқин бўлган протоолтой тили лаҳжасида сўзлашганлар. Шу даврда Т. протоолтой халқларининг энг қад. дини, инсоният тарихидаги илк монотеистик динлардан бири сифатида шаклланган. Мил. ав. 2-минг йилликда Месопотамияга қад. сомий, мил. ав. 1-минг йилликда ҳоз. Эрон, Афғонистон ва Турон текислиги ҳудудларига орий қабилалари кириб келиши натижасида протоолтойларининг катта қисми Олтой, Саян тоғлари, ҳоз. Шим. Хитой, Монголия ва Сибирь томонга кетишга мажбур бўлишган ва бу ерда олтой халқлари сифатида шаклланган. Илгариги ҳудудда қолган қисми эса, ғолиб халқларга муайян даражада қўшилиб кейин пайдо бўлган бошқа динларни (зардуштийлик, буддизм, яҳудийлик, христианлик) қабул қилишган. Т. қадим замонда жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири бўлган. Қад. олтой халқидан келиб чиққан туркий, монгол, тунгус-манжур, корейс ва япон халқларида Т.нинг излари ҳозиргача сақланиб қолган. Мил. ав. 1-минг йилликдан бошлаб олтой халқларининг туркий халқлар гуруҳи Ғарбга қайтиш борасида ҳаракатини кучайтирган. *Ҳуннулар*, сак, массагет, юэйжи, кушон, эфталийлар ягона осмон руҳи — Тангрига сажда қилганлар. Баъзи тадқиқотчилар (М. Ажи) фикрига кўра, ҳоз. христиан динининг рамзлари сифатида қаралаётган кўп нарсаларнинг бошланғич шакллари (мас., хоч, ибодатхоналар, ибодатлар, иконалар, черков қўнғироқлари ва б.) мил. 4-а.да *гунн*лар б-н Европага келган.

Ад.: Сулаймонов О., Азия, Алма-Ата, 1975; Антонов Н.К., Наследие предков, Якутск, 1993; Ислам, христианство: возможности духовной консолидации народов Казахстана, Алматы, 2001; Каримов Б. Р., Миллат, инсон ва тил: Тараққиёт муаммолари, Қарши, 2003.

Баҳтиёр Каримов.

ТАНГУТЛАР 1) Тибет-Бирма гуруҳига мансуб халқ. 10-а.да Шим. Хитойда Си-Ся давлатини барпо этишган. Т. Хитой б-н тез-тез урушиб турган. Хоро-Хотодаги археологик қазишмалардан

Тангэ Кэндзо. Токиодаги Олимпиада ўйинлари спорт иншооти мажмуи (1964).

маълум бўлишича, Т. ўз ёзуви ва маданиятига эга бўлган. Мўғуллар томонидан Си-Ся давлати яксон этилгач (1227), улар б-н қўшилиб кетган, бир қисм Т. Цинҳай вилоятидаги тибетликлар таркибига кирган; 2) Дашти Қипчоқ ўзбеклари таркибида ҳам Т. қабиласи бўлган.

ТАНГЭ КЭНДЗО (1913.4.9, Имабари) — япон меъмори. Токио ун-тини тугатган (1938). Биноларни атроф муҳит б-н уйғунлаштириб, қулай, ихчам ва чиройли қуриш йўлларини излаган, миллий меъморлик анъаналарини ижодий ривожлантирган. Анъанавий ёғоч қурилмани эгилувчан темир-бетон қурилмага айлантириб, ундан мақобатли, сирли, безаклор, мураккаб лойиҳадаги «замонавий архитектура» иншоотларини ўзига хос кўринишда яратди: Хиросимадаги Тинчлик парки ансамбли (1951—52), Сидзуокедаги мажлислар зали (1957), Токиодаги Олимпиада ўйинлари спорт иншоотлари мажмуи (1964), Хиросимадаги Халқаро конференция маркази (1989), Иокогамедаги санъат музейи (1989) ва б. Женева (1959), Скопье (1965), Болонья (1970)даги, шунингдек, Сингапур, Таиланд, Австралия, Бруней (1989) шаҳарларидаги Т.К.нинг лойиҳаси асосида қурилган бинолар, шаҳарларни замонавий давр талабида қуриш йўлидаги ижодий ютуғи намуналаридир. Ижодининг янги қирралари Токиодаги «Токио уй-меҳмонхонаси» (2000), Тайвандаги Халқаро президент минораси (2001) каби замонавий иншоотларда ўз аксини топмоқда. Т. кўпгина хорижий мамлакатлар фахрий унвонларига сазовор бўлган, шунингдек, орден ва медаллар совриндори.

Ад.: Кэндзо Тангэ, Архитектура Японии. Традиция и современность, М., 1976.

ТАНДА — *газлама*лари бўйлама ипларни тўқиш учун тайёрланган Т. ипи махсус катта ғалтак (навой)га ўралган бўлади. навой тўқув станогининг орқасига

ўрнатилади. Т. *пахта*, *ипак*, *жигир*, жун толалари, *сунъий толалар*, баъзан, бир неча хил толалар аралашмаси, мас., жун ва пахта толаларидан тайёрланади (қ. *Тўқувчилик*).

ТАНДИР — нон, сомса, кабоб ва б.ни ёпиб пиширии учун қурилган махсус лой ўчоқ. Т. ясаш учун эчки ёки гул жуни, лойга қўшиб қорилади. Яхши пишитилгач, устига намакоб сепиб, латта б-н ўраб қўйилади. Бир неча соатдан кейин қайта тепиб пишитилади. Сўнг эни 20—30 см, қалинлиги 8—10 см, уз. 80—90 см атрофида бўлак-бўлак парчалар тайёрланади ва улардан бир нечасини бир-бирига тикка қилиб ёпиштириб Т. ҳосил қилинади. Айрим тандирсозлар Т. ясаш учун цилиндрсимон чуқур (қолип) қазиб, шу чуқур деворига тайёрланган лой бўлакларини ёпиштирадилар. Т.нинг ички намакоб сепиб силлиқланади. Хонадонларга қурилладиган ўртача Т.нинг ички диаметри 0,8 м чамаси, ердан 0,8—1 м баланд қилиб ўрнатилади. Бундан катта-роқ Т.лар нонвойхоналарга қурилади. Бухоро, Самарқандда Т. ерга ёки махсус супага оғзи тик қилиб қурилса, Фарғона водийси ва Тошкентда ётиқ қилиб ўрнатилади. Атрофларига тутун тортадиган ва ҳаво кирадиган тешик (10—15 см ли)лар қилинади. Янги қурилган Т. нинг ички деворларига пахта ёғи суркаб, бир кеча-кундуз давомида олов ёқиб қўйилади. Шундай қилинса ёпилган нонинг орқасига кесак илашмайдиган бўлади. Т. нон

Тандир.

ёпишдан олдин шох-шабба, янтоқ, гўзапоя, ўтин ва б. б-н оқаргунча қиздирилади (ҳозир газлаштирилган танлардан ҳам учрайди).

ТАНДИР БАРРА, тандир — миллий таом тури. Т.б. кўпроқ тўй, байрам ва йигилишларда зиёфат дастурхонига тайёрланади. Асосан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, шунингдек Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим туманларига (Ургут, Зомин, Фориш)

Тандир барра.

хос. Т.б. тайёрлаш учун ёнбағир ердан диаметри 1 м, чуқ. 1,5 м келадиган ўра қазилади ёки тандир қурилади. Тандир ичи гувала катталигидаги тошлар б-н айлантириб уриб чиқилади. Тандирга атрофидаги тошлар қизигунча ўт ёқилади. Янги сўйилган қўй гўштига туз ва зираворлар сепилиб, арча шохлари қалалиб, тандир ичига осилади. Тандир остида тўпланган чўғ устига гўштдан томган ёғ йиғиладиган катта мис тоғора қўйилади. Тоғора атрофига арчанинг яшил барглардан ташланади. Тандир усти тунука тоғора б-н ёпилиб, атрофи лой б-н сувалади. Т.б. 3 соат чамаси димланади.

ТАНДИР КАБОБ — *кабоб*нинг бир тури. Қадимий тансиқ таомлардан бири. Тайёрлаш усули: қўй ва мол гўштининг ёғсизроқ қисмидан қалинлиги 2—3 см, эни-бўйи 5—10 см ли 100—150 г ли бўлаклар кесилиб 0,5% ли намакобга 30 мин. ботириб қўйилади. Бетига ун, мурч ва туйилган зира аралашмасидан тайёрланган урвоқ сепилади ва тандирга ёпиб, қизаргунча пиширилади. Гўшт қизаргач, чўғини тандирнинг ўртасига тўплаб, бетига кул тортилади ва тандирнинг қопқоғи ёпилиб, 10—15 мин. димланади.

ТАНЖЕР (араб.Танжа) — Марокашнинг шим. қисмидаги шаҳар, Гибралтар бўғози соҳилидаги порт. Танжер провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 525 минг кишидан зиёд (1990-й.лар охири). Шим. Марокашнинг савдо-транспорт ва транзит маркази. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Четга цитрус мевалар, сабзавот, балиқ ва мева консервалари чиқарилади. Озиқ-овқат, тўқимачилик, цемент саноати корхоналари мавжуд.

Т.га мил. ав. 2-минг йиллик охирида финикияликлар томонидан асос солинган. Мил. ав. 1-а.дан бошлаб Рим ҳукмронлиги остида бўлган. 5-а.да вандаллар, 6-а.да Византия эгаллаган. 8-а. бошларидан араблар қўл остига ўтган. Мамлакат шим. қисмининг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан. 1471 й.да Португалия, 1661 й.да Англия ҳукмронлиги остига ўтган. 1684 й.дан Марокаш таркибида бўлиб, Марокашнинг бўлиниб кетиши натижасида махсус режимдаги зона қилиб ажратилган. Марокаш мустақилликка эришгач (1956), яна унинг таркибига кирди.

ТАНЗАНИЯ (Tanzania), Танзания Бирлашган Республикаси (United Republic of Tanzania) — Шарқий Африкадаги давлат. Материкнинг Танганьика қисмини ҳамда Занжибар ва Пемба о.ларини ўз ичига олади. Майд. 945,1 минг км². Аҳолиси 37,2 млн. киши (2002). Пойтахти — Додома ш. Маъмурий жиҳатдан 25 вилоят (материкда 20, Занжибар о.да 3, Пемба о.да 2) (region)га бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — республика. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1977 й.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи—президент (2000 й.дан Бенжамин Уильям Мкапа), у умумий сайлов йўли б-н тўрт ва яширин овоз бериш орқали 5 й. муддатга сайланади ва яна 1 муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент — Миллий мажлис, ижрочи ҳокимиятни президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Мамлакат орол қисмининг 1979 й. тасдиқланган ва 1985 й. кучга кирган конституциясига биноан Занжибар ва Пемба о.лари Т. таркибида мухториятдан фойдаланади.

Табиати. Т.нинг шарқида, 900 км га чўзилган Ҳинд океани қирғоғида майда қўлтиқлар бор. Ҳудуднинг катта қисми Шарқий Африка ясситоғлигида жойлашган. Ясситоғликнинг шарқий чеккасида Паре (энг баланд жойи 2464 м), Усамбара (2570 м), Улугуру (2653 м) ва б. тоғлар бор. Шарқий Африка узилмасида (бал. 1000 м) кучли эзилишлар бўлиб туради. Сўнган (Килиманжаро, бал. 5895 м) ва ҳаракатдаги вулканлар бор. Тоғ этаги б-н Ҳинд океани соҳилидаги пасттекисликлар орасида ясси плато (200—500 м) жойлашган. Олтин, олмос, платина, никель, мис, рух, кобальт, уран, қўрғошин, вольфрам конлари аниқланган. Иқлими экваториал муссонли, иссиқ. Энг иссиқ ой (окт. ёки нояб.)нинг ўртача т-раси ясситоғликнинг ичкарисида 20—22°дан 25—27° гача, энг совуқ ой (июль ёки авг).нинг ўртача т-раси 12—15°дан 20—22° гача. Тоғларда баландлик минтақалари мавжуд. Йиллик ёғин 500—700 мм дан 1000—1500 мм гача, энг кўпи б-н 1500 мм атрофида. Бошқа давлатлар б-н бўлган чегараларда Виктория,

Танганьика, Ньяса кўллари бор. Асосий дарёлари — Пангани, Руфижи, Рувума. Қуруқчил мавсум 5—7 ой. Тупроқларининг аксарияти жигарранг-қизил (ферралит ва альферрит), энг қуруқчил жойларда қизил-қўнғир, баъзан шўрланган тупроқлар. Соҳил ва айрим ботиқларда қора гидроморф тупроқлар учрайди. Ҳайвонот дунёси турли-туман: фил, қора каркидон, бегемот, буйвол, зебра, жирафа, йиртқичлардан арслон, қоплон, сиртлон, чиябўри, павиан маймунлари ва б. Тимсоҳ ва илонлар ҳам учрайди. Қуш кўп. Серенгети, Нгоронгоро, Аруша, Лейк-Маньяра, Микуми, Руаха, Килиманжаро, Рунгва миллий боғлари ва қўриқхоналари бор. Мамлакат жан.-даги Селус миллий боғи дунёдаги энг катта миллий боғлардан биридир.

Аҳолиси. Т.да 120 дан ортиқ халқ яшайди. Аҳолининг кўпчилиги бенуэконго тилларида сўзлашувчи шарқий банту халқларига мансуб. Уларнинг аксариятини ньямвези, суахили, хехе, бена, погоро, маконда ва б. элатлар ташкил қилади. Диндорлари — христианлар, мусулмонлар; қолганлари маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилувчилар. Давлат тиллари — суахили ва инглиз тиллари. Шаҳар аҳолиси 24,4%. Йирик шаҳарлари: Доруссалом, Занжибар, Танга, Мванза, Аруша, Додома.

Тарихи. Т. ҳудудида одам қадимдан яшаб келган. Бу ерда 2 млн. йил аввал яшаган одам суяклари ва қўпол тош қуроллар топилган. Туб аҳолиси бушмен ва готтентот қабилаларига қардош халқлар бўлган. Улар овчилик ва ёввойи меваларни йиғиш б-н кун кечирган.

Танзания герби.

Мил. 1-минг йиллик бошларида банту ва нилот қабилалари деҳқончилик учун яроқли ер ва чорва учун яйлов излаб бу ерга келиб қолган. 7—8-а.ларда Т.нинг материк қисмига, Занжибар ва унга яқин оролларга араблар кўчиб кела бошлаган. 16-а.да бу ерда португаллар пайдо бўлиб, Африка қитъасини мустамлакага айлантириш учун Занжибардан харбий таянч ҳудуд сифатида фойдаланган. 18-а.да Уммон султонлиги араблари португалияликларни суриб чиқарган. 19-а. бошларида Занжибар о. ва Т. соҳили Маскат султонлиги қўлига ўтган. 1856 й. Маскат султонлиги парчаланиши туфайли Занжибар султонлиги ташкил топди. 1884 й. Т.нинг материк қисмини Германия босиб олди. 1890 й. Занжибарда Англия протекторати ўрнатилди. 1-жаҳон урушидан кейин Т.нинг материк қисми (Танганьика номи б-н) Буюк Британия мандатидаги ҳудуд, 2-жаҳон урушидан кейин эса БМТ васийлигидаги инглизлар бошқарадиган ҳудуд бўлиб қолди. Маҳаллий аҳолининг мустамлакачиларга қарши кураши (1888—89, 1891—97, 1905—07 й.лардаги халқ қўзғолонлари) 2-жаҳон урушидан кейин айниқса кучайди. 1961 й. 9 дек.да Танганьика, 1963 й. 10 дек.да Занжибар мустақил деб эълон қилинди. 1964 й. 26 апр.да Танганьика б-н Занжибар Т. Бирлашган Республикасини туздилар. Т. — 1961 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 26 апр. — Иттифоқ куни (1964).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Қайта қуриш ва тараққиёт учун миллий конвенция партияси, 1992 й. тузилган; Бирлашган фуқаролар фронти партияси, 1992 й. асос солинган; Инқилобий партия (Чама Ча Мапиндузи ЧММ), ҳукмрон партия, 1977 й. ташкил этилган. Т. ишчилари иттифоқи (ЖуватА) касаба уюшмаси, 1978 й. тузилган.

Танзания байроғи.

Хўжалиги. Т. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.ҳ.нинг улуши 56%, саноатники 15%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 29%.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 80% дан кўпроғи шуғулланади ва экспорт тушумининг 85% таъминланади. Деҳқончиликка яроқли ерларнинг 25% га экин экилади. Асосий қ.ҳ. экинлари: сизаль, чинингул, пахта, кофе, чой, кешью ёнғоғи, кокос пальмаси, қалампирмунчоқ ва б. Ички эҳтиёж учун бўғдой, шоли, маккажўхори, тариқ, оқ жўхори, маниок, дуккаклилар, мойли ўсимликлар, шакарқамиш, банан ва б. мевалар етиштирилади. Қорамол, эчки, қўй, парранда боқилади, соҳилда балиқ овланади. Тоғлардаги тропик ўрмонларда (Т.да жами 31 млн. гектар ўрмон бор) ёғоч тайёрланади.

Саноати суст ривожланган. Мустақиллик йилларида кончилик саноатида олмос қазиб чиқариш ривожланди. Бук-Риф ва Лупада олтин, Минжингуда фосфорит, Карагве ва Нгарала қалай ва вольфрам, Чамбонгода магнезит, шунингдек слюда, ош тузи, қурилиш материаллари, темир руда қазиб чиқариш йўлга қўйилган. Йилига ўртача 912 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, кўн-пойабзал, қоғоз ва ёғочсозлик тармоқларида 500 дан ортиқ корхона мавжуд. Моши, Кидати, Морогоро, Кагерада йирик қанд з-далари, Моши, Букобада кофе, Амани, Тукуюда чой, Доруссалом, Аруша, Иринга, Додома, Мванзада ун и.ч. корхоналари. Доруссаломда нефтни қайта ишлаш з-ди, Танга, Табора, Доруссаломда 40 га яқин ёғоч тилиш корхонаси бор. Металлургия ва металл ишлаш тармоқлари эндигина ривожланаётир. Қадимдан мавжуд бўлган ҳунармандчилик мустақиллик йилларида янги поғонага кўтарилди.

Ички юклар т.й. ва автомобиль транспортида, ташқи юклар эса Т.й. ва денгиз транспортида ташилади. Т.й. узунлиги 3,6 минг км, автомобиль йўллари уз.— 88 минг км. Автомобиль Занжибар ва Пемба о.ларида асосий транспорт туридир. Доруссалом б-н Бвана-Мкуба (Замбия) ўртасида транзит нефть қувури қурилган. Виктория кўлида кема қатнайди. Асосий денгиз портлари: Доруссалом, Танга, Мтвара, Линди. Доруссалом ва Аруша да халқаро аэропорт бор.

Т. четга кофе, пахта, кешью ёнғоғи, чининғул, сизаль, олмос, тамаки, чой ва б. сотади. Четдан машина ва ускуна, ёқилғи, озиқ-овқат, кимёвий моддалар ва б. сотиб олади. Германия, Буюк Британия, Япония, Кения, ББА, Ҳиндистон, Покистон, Саудия Арабистони ва б. билан савдо қилади. Хорижий сайёҳлик ривожланган. Пул бирлиги — Танзания шиллинги.

Тиббий хизмати. Тиббиёт ходимлари Доруссаломдаги ун-тнинг тиббиёт ф-тида ва чет элларда тайёрланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Т.да бошланғич мактаб 7 йиллик бўлиб, 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун мажбурийдир. Дарс суахили тилида олиб борилади. 3-синфдан инглиз тили ўргатилади. Ўрта мактаб 6 йиллик. Юқори синфларда иқтидорли болалар ун-тга кириш учун тайёрланади. Ҳунар-техника таълими бошланғич мактаб негизида қуйи ҳунар-техника ўқув юртлари ва курсларда 1—4 й. ва ҳунар-техника мактабларида 2 й. мобайнида амалга оширилади. Бошланғич мактабнинг қуйи синфлари учун ўқитувчилар бошланғич мактаб негизида 3 й. давомида, бошланғич мактабнинг юқори синф ўқитувчилари эса тўлиқсиз ўрта мактаб негизида 2 й. давомида тайёрланади. Ўрта мактаб ўқитувчилари Доруссаломдаги ун-тда, Карагведаги миллий педагогика ин-тида ва бир қанча пед. коллежларида тайёрланади. Т.да ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиш пулли. Доруссаломдаги ун-т 1961 йил ун-т коллежи тарзида ташкил этилиб, 1970 йил ун-т мақомини олган.

Илмий ишларни Миллий и.т. кенгаши мувофиқлаштириб боради. Мванзада Шарқий Африка тиббий тадқиқотлар ин-ти, Тангада Шарқий Африка безгак ва юқумли касалликлар ин-ти, Занжибарда денгиз балиқчилиги муаммоларини ўрганиш тадқиқот ташкилоти, Доруссаломда Шарқий Африка метеорология марказининг Танзания бўлими, Арушада қ.ҳ. зараркунандаларига қарши кураш тадқиқот ин-ти, Додомада ҳайвонлар ва жониворлар тадқиқот ин-ти, Занжибарда фольклор ва Африка тиллари тадқиқот маркази ва б. илмий муассасалар бор.

Доруссаломда Миллий кутубхона (1967), Ун-т кутубхонаси, Миллий музей (1937), Занжибар давлат музейи (1925), Доруссалом яқинида Эти. музей-қишлоғи (1966), Доруссаломда Тиббиёт музей-лаб., Додомада Геол. музейи мавжуд.

Занжибар шаҳридаги уммонликлар қалъаси.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ. ва жур.лари: «Дейли ньюс» («Кун янгиликлари», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1972 й.дан). «Ухуру» («Озодлик», суахили тилида чиқадиган кундалик газ., 1961 й.дан). «Мзалендо» («Ватанпарвар», суахили тилида чиқадиган якшанбалик газ., 1972 й.дан), «Газет оф Юнайтед Рипаблик» («Бирлашган республика газетаси», инглиз тилида чиқадиган ҳукумат ҳафтаномаси, 1964 й.дан), «Мфаньякази» («Ишчи», суахили тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1964 й.дан), «Кионгози» («Раҳбар», суахили тилида чиқадиган католик газ., 1950 й.дан), «Мванга» («Нур», суахили тилида чиқадиган ойлик жур., 1986 й.дан). Т. ахборот агентлиги (Шихата) ҳукумат ахборот маҳкамаси, 1976 й. асос солинган. Т. радиоси — ҳукумат маҳкамаси, 1956 й. тузилган; Т. -Занжибар радиоси — ҳукумат маҳкамаси, 1964 й. ташкил этилган; Занжибар телевидениеси, 1973 й. тузилган.

Адабиёти суахили ва инглиз тилларида ривожланмоқда. Суахили адабиёти тарихи 18-а.дан бошланади. Ислом дини руҳидаги мумтоз адабиётда назм устун бўлиб, тарихий, фалсафий ва тарбиявий мазмундаги достонлар, ишқий ва сиёсий шеърлар яратилди. 19-а.да суахили адабий тили халқ тилига яқинлаштирилиб, араб ёзувидан лотин алифбосига ўтилди. Газ.лар нашр этилиб, уларда адабий асарларга ҳам ўрин берилди. Саид Айдарус, Саид Абдалла, Муяка бин Хўжа ал-Ҳасани, Мван Купони— 18—19-а.лар суахили адабиётининг таниқли намояндаларидир. Янги адабиётнинг атоқли вакили Р. Шаабан (1909—62) фалсафий, адабий эссе ва этюдлар, сиёсий мақолалар («Менинг ҳаётим», «Кусалики-ка», «Адили ва унинг ака-укалари», «Сити бинти Саад») ни ёзди. Умар Ҳайём рубоийларини таржима қилди.

Т. адабиётининг шаклланиши ва ривожида жаҳон адабиётидан суахили тилига таржима қилинган асарларнинг роли катта (мас. У. Шекспир, Л. Толстой ва б. ижоди). Инглиз тилидаги адабиёт 20-а.нинг 60-й.ларида юзага келди. Бу тилда ёзилган Ж. Мбонденинг «Макондe ҳаёти» романи ва эртаклар тўплами, П. Палангьонинг «Офтобдаги ўлим» романи, Г. Рухумбика, Г. Калимугого, М. Нжеру, Р. Нгетенинг роман ва қиссалари, Б. Тежани, Р. Роберте, С. Нгузо, К.Хаулининг шеърлари диққатга сазовор. Драматургия жанрида Х. Менсон баракали ижод қилди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ҳинд океани соҳилида 8-а.дан араблар б-н форслар асос сола бошлаган Килва, Чваки, Сонга-Манара, Ква ва б. порт шаҳарлари 13—14-а.ларда равнақ топди, аммо 16-а.да португалияликлар бу шаҳарларни вайрон қилиб ташладилар. Уларда қурилган кўпдан-кўп саройлар ва масжидлар (Килва-Кисиванидаги жоме масжид), турар жойларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. 19-а. охиридан порт шаҳарлар (Доруссалом), савдо марказлари (Моши, Додома),

Серенгети миллий боғи.

Занжибар шаҳри манзараси.

европалик меъморларнинг лойиҳалари асосидаги иморатлар (Мошидаги маданий марказ, 1948—50, меъмори Э. Май) қурилди. 1964 й.дан кейин режали равишда жамоат бинолари ва турар жойлар қуришга киришилди (Дорусса-ломдаги ун-т мажмуаси, Марказий миллий кутубхона, Кивуконидаги колледж бинолари). Қишлоқларда аҳолининг турар жойлари асосий шакли шох-шабба, ўт ва новадан тўқилган чайлалардан иборат.

Т.нинг айрим жойларида юқори палеолит ва неолит даврига мансуб қоятошларга чизилган расмлар сақланган. Ёғоч ва лойдан ишланган ҳайкаллар кўп учрайди, уларда одамлар ёки ҳайвонлар, жанг ва ов манзаралари, ниқоблар тасвирланган. 1964 й.дан халқ санъати анъаналари руҳидаги миллий рангтасвир мактаби вужудга кела бошлади. С. Ж. Нтиро, В. Мача, Ф.К.Мзанги, Т. Ф. Абдалла каби рассомлар етишиб чиқди. Амалий безак санъатининг ёғоч ўймакорлиги, бадиий тўқиш ва кулолчик турлари ривожланган.

Мусиқаси. Т.даги кўп сонли халқлардан ҳар бирининг ўзига хос мусиқаси бор. Ҳаётий ва диний маросим, урф-одат ва удум мусиқаси кенг тарқалган. Чолғу асбоблари жўрлигидаги қўшиқлар кўпинча рақс б-н бирга ижро этилади. Мусиқа асбоблари: нгома (барабан), кийик шохидан ясаладиган баргумму (труба), бамбук ва қамишдан ясаладиган филимби (флейта), скрипкага ўхшаш горли зезе, литунгу ва энанга (цитралар), маримба ва мбира (ксилофонлар), қўнғироқ, хуштак, тартарак ва б. Ғарб мусиқаси таъсирида турли поп-мусиқа шакллари ривожланиб бормоқда. Маданият ва ёшлар ишлари вазирлигининг мусиқа ва театр секцияси халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаш, ўрганиш ва миллий мусиқий асбоблар тўпламини яратиш б-н шуғулланади. Профессионал мусиқа ходимлари Дорусса-ломдаги ун-тининг санъат, мусиқа ва театр ф-тида, консерваторияда, Чангомбедаги санъат коллежида тайёрланади. Композиторлар Э. Макала, Д. Мбилиньи, Л. Филлипо, барабанчилар М. Миньонюса, Т. Ньямбо, Х. Вазири, ксилофончилар А. Омари, А. Матиту, Санди Али, тезе ижрочилари М. Нганза, К. Мутонди машҳур.

Театри ва киноси. Мустамлакачилик йилларида Т. ҳудудида инглизларнинг ҳаваскорлик труппалари бўлган. Мустақилликка эришилгач, африкаликлардан иборат жамоалар тузилиб, суахили ва инглиз тилларида спектакллар қўйилди. 1967 й. Дорруссалом ун-тида театр бўлими очилди. Давлат кинокорпорацияси ташкил этилган, 1972 й.дан киностудия ишлай бошлади. Бадиий фильмлардан «Йўқсул кишининг кураши» (1973, реж. О. Китана) диққатга сазовор.

ТАНЗИМАТ (араб. — тартибга солиш) — Усмонли турк султонлигида ўтказилган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ва шу ислоҳотлар ўтказилган давр (1839—70). Т. 2 даврга бўлинади. Унинг 1-даври «Гулхона хатти шарифи» деб аталиб, 1839—50-й.ларни ўз ичига олади. 1839 й. 3 нояб.да Туркия ташқи ишлар вазири Рашид Пошо Гулхона боғида Усмонли турк султони Абдулмажид (ҳукмронлик даври: 1839—61) дан барча давлат зодагонлари иштирокида ислоҳотга рухсат («хатти шариф») олди. Унда ҳамма фуқароларнинг ҳаёти, виждон эрки ва мулк дахлсизлиги, қонунсизликларга барҳам берилиши, солиқларнинг камайтирилиши ва б. масалалар эълон қилинган. Шунга биноан, 10 й. давомида ҳуқуқ ва маъмурий, молия, ҳарбий иш ва маориф соҳаларига оид бир нечта қонунлар қабул қилинди. Ислоҳотлар натижасида Туркия ҳаётида бир мунча янгиликлар юз берди. Бироқ Туркиядаги йирик зодагонлар унга қаттиқ қаршилик кўрсатишган.

Т.нинг 2-даври *Қрим урушида* Туркия қозонган галабадан кейин бошланди. 1856 й. 18 февр.да султон Абдулмажид янги Т. тўғрисида «хатти ҳумоюн» эълон қилиб, Туркия саноати ва қ.хни Ғарбий Европа мамлакатлари учун очиқлигини билдирди. Мусулмон бўлмаган хорижий сармоядорларга маълум ҳуқуқлар берилди. Бу қонунлар, бир томондан, султонликда давлат бошқаруви, суд ва маъмурий ишларни тартибга келтирди. Туркияда янги адабиёт, санъат, илм-фан, маориф тараққий топа бошлади, миллий зиёлилар пайдо бўлди. Улар орасидан кейинчалик янги усмонлилар деб аталувчи конституцион монархия тарафдорлари ва *ёш туркилар* ўсиб чиқди. 2-томондан, Туркияда хориж капитали таъсирининг ошишига, унинг ғарб давлатларига аста-секин қарам бўлиб қолишига замин тайёрланди. Т. янги султон Абдулҳамид II (ҳукмронлик даври: 1876—1909) томонидан бекор қилинди ва Туркияда истибдод («зулм») даври бошланди.

Ад.: Миллер А. Ф., Краткая история Турции, М., 1948; Новичев А. Д., Турция. Краткая история, М., 1965.

Қаҳрамон Рамазанов.

ТАНК (инг. tank — цистерна, бак) — занжирли (гусеницали) зирҳланган жанговар машина. Турли ниҳоларни йўқ қилиш, экипажни ишончли ҳимоялаш, турли хил тўсиқлардан бемалол ўтиш хусусиятига эга. Зирҳли жанговар машиналар (кейинчалик Т. деб аталди) нинг биринчи лойиҳалари 1911—15 й.ларда рус муҳандислари Д. И. Менделеев, Н. А. Пороховщиков, А. Васильевлар, Англияда Де-Моль (1912), Австрия-Венгрияда Г. Бурштин (1913) томонидан таклиф қилинган. Инглизлар 1916 й.да «Марка-1» Т.ларини ишлаб чиқиб, шу йили уларни биринчи марта Сомма дарёси бўйидаги жангда қўллади. Ҳозир жуда такомиллашган турли русумдаги Т.лар ишлаб чиқарилади.

Т.нинг асосий қисмлари: зирҳли корпус, минора, қурол-яроғ комплекси (асосий ва ёрдамчи қуроллар, ўқ-дори), кузатиш асбоблари, мўлжалга олиш ва б. мосламалар, куч (мотор) қурилмаси, куч узаткичи (трансмиссия), юриш қисми, электр жиҳозлар, алоқа тизими, ёнғинга қарши жиҳозлар, оммавий қирғин қуролларининг шикастловчи омилларга қарши ҳимоя тизимлари ва б. Корпус ва минора Т.нинг барча таркибий қисмларини бирлаштиради ҳамда экипаж, агрегатлар ва ёнилғини шикастланиш ва зарарланишдан сақлайди. Минора қўлда, электр ёки электр-гидравлик юритмалар ёрдамида айлантирилади. Т.нинг корпуси ва минораси легирланган зирҳ пўлати листларини бир-бирига пайвандлаб ясалади, баъзан яхлит қуйма корпуси ва ҳам учрайди. Минора, одатда, қуйма ҳолда бўлади (баъзи ҳолларда пайвандлаб) ясалади. Т.лар снарядга қарши (фақат енгил Т. — ўққа қарши) зирҳланади. Ҳозирги Т.лар корпусининг ички қисми бошқарув бўлмаси (унга механик-ҳайдовчи жойлашади), жанговар бўлма (унга Т. командири, тўп отувчи, ўқловчи жойлашади, агар ўқловчи-автомат мавжуд бўлса, ўқловчи бўлмайди), шунингдек мотортрансмиссия бўлмасига ажратилади. Енилги, одатда, ҳамма бўлмаларга ўрнатилган бакларда, баъзан корпусдан ташқаридаги бакларда сақланади.

Т.нинг асосий қуроли махсус тўп, ёрдамчи қуроли пулемёт ва зенит пулемёти ҳисобланади. Асосан, Т.га ўйиқ ёки силлиқ стволли тўплар ўрнатилади. Ўқ-дорилар комплектига зирҳ тешар, кумулятив (нишонга йўналтирилган), оддий снарядлар ва пластик портловчи моддали снарядлар (ништоотларни бузиш ва жонли кучларга шикаст етказиш учун) киради. Аниқ ўқ (снаряд) отиш қурол стабилизаторлари, баллистик ҳисоблагичлар, отиш учун маълумотларни автоматик суратда тайёрлайдиган қурилмалар, тунда отиш асбоблари ёрдамида амалга оширилади. Т. ичидаги ҳаво фильтр-вентиляция қурилмаси б-н тозалаб турилади. Т.нинг кичик, енгил, ўртача ва оғир турлари бўлади. Улар жойига ва мақсадига қараб ишлатилади.

Т.ларга 4 ёки 2 тактли, поршенли; суюқлик ёки ҳаво б-н совитиладиган махсус двигатель ўрнатилади. Буриш механизмлари сифатида катта тезликда кетаётган Т.нинг бурилишини осонлаштирадиган кўп радиусли механизмлардан, трансмиссия аппаратларини бошқариш мосламалари сифатида — сервоюритма (айниқса гидроюритма)лардан фойдаланилади. Т. юқори тезликда ҳам бир маромда кетиши учун кучли гидравлик демпфер (амортизатор)лар ўрнатилган. Т. герметикланганлиги учун 2 м гача чуқурликдаги кечувлардан ўта олади (агар Т. сув тагида юриш учун мўлжалланган махсус мосламалар б-н жиҳозланса, 4—5 м чуқурликдаги сувлардан ўта олади). Т.да электрон-ҳисоблаш йўл кўрсатувчи ва автоматик йўл топувчи аппаратлардан иборат навигация тизимидан фойдаланилади.

1. Биринчи инглиз тажриба танки. 1916 й.
2. Рус танки (Т-55).

Т. ракета, тўп қуролларини қўллаш, бошқариладиган снаряд (ракета)лардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилади: зирҳ деталлари қалинлаштирилади, снаряд тезлиги эҳтимолига қараб корпусининг тегишли жойларига қалин зирҳлар ўрнатилади; ҳаракат тезлиги оширилади, қуввати кучайтирилади ва ёнилғини бирмунча тежаб сарфлашни таъминлайдиган дизель двигателларидан фойдаланилади. Т.нинг экипажи —3 —4 киши, тезлиги —40 —70 км/соат, массаси 35—55 т (2004).

Транспорт (юк) танкери (АҚШ).

ТАНК ҚЎШИНЛАРИ — қуруқликдаги қўшин тури. Танк, мотоўқчи (механизациялашган, мотопиёда), ракета, артиллерия ва б. бўлинма, қисм, қўшилмалардан таркиб топган. Т.қ. қудратли ўт очиш, кучли зарба бериш ва тез ҳаракат қилиш имконияти ҳамда ишончли зирҳи ҳимояга эга. Бу қўшинлар асосий йўналишларда ялпи ҳаракат қилиб, мустақил ва б. қўшинлар б-н ҳамкорликда душман мудофаасини ёриб ўтиш, юкдушман мудофаасини ёриб ўтиш, юксак маневрли жанговар ҳаракатлар олиб бориш, душман мудофааси ортида ҳаракат қилиб, унинг захираларини тор-мор этиш, энг муҳим марраларни эгаллаш ва уни ҳимоя қилиш ҳамда жанг ва операция мақсадларига тезкорлик б-н эришишни таъминлаш ва б.га қодир. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида Т.қ. мавжуд.

ТАНКЕР (инг. tanker; tank — бак, идиш, цистерна) — суюқ юклар (нефть, бензин, мазут, кислоталар, суюқ олтингугурт, ўсимлик ёғи ва б.)ни кема цистерналари (танклар)га қуйиб ташиш учун мўлжалланган бир палубали, ўзиюрар махсус кема. Т.лардан 19-а. 70-й.ларидан бошлаб фойдаланилади. Т. машина бўлмаси, яшаш ва хизмат хоналари ва юк бўлмасидан иборат. Юк бўлмаси Т.нинг катта-кичиклигига қараб бир неча кўндаланг бўлмачалар (танклар)га бўлинади. Т. ёнғинини олдини олиш ва ўчириш жиҳозлари б-н таъминланади. Кичкина ва ўртача катталикдаги Т.га дизель-энергетика қурилмаси, йирик Т.га буг-турбинали қурилма ўрнатилади. Т.нинг сиғими (дедвейти) — 500 минг *т* дан ортиқ.

ТАНЛАШ — 1) чорвачиликда — наслчиликдаги *сунъий танлаш* усулларидан бири; ҳайвонларни пода ва зот ичидан хўжалик ва селекцион сифат (ташқи кўриниш) ва ва миқдор (тирик вазни, жун ва тивит чиқиши ва б.) белгилари бўйича баҳолаб, насл олиш учун ажратиш; чорва ҳайвонларини танлашда улардаги селекцион белгиларининг асосийлари эътиборга олинади. Мас., қоракўл қўйларида терининг сифати, ҳисори қўйларда вазни, тана шакли, сигирларда сут соғими ва таркиби, йилқичиликда от танасининг ривожи ва шакли асосий Т. белгилари ҳисобланади.

Т. ишлари молларнинг ёшлигидан олиб борилади ва ҳар бир гуруҳ учун ўзига хос баҳолаш ва Т. усуллари қўлланилади. Мас., буқаларни баҳолаш ва Т. 1-босқичда генотипи, 2-босқичда ўсиш қуввати, ривожланиши, экстерьери, уруғлантириш қобилияти, 3-босқичда авлодининг сифати бўйича ўтказилади. Сигирлар экстерьери комплекс баҳосининг 40%ни елин сифат кўрсаткичлари, 25% нни оёқ ва туёқ шакли, мустаҳкамлиги, 20%нни гавда тузилиши шакли, 15% нни сут-дорлик типи ташкил этади.

Т.нинг самарадорлиги популяция сони ва унинг ареалига, ҳайвонларнинг серпуштлиги ва маҳсулдорлигига, белгиларнинг наслдан-наслга ўтиш тарзи ҳамда ўзгарувчанлигига, Т.нинг жадаллиги ва йўналишига боғлиқ.

Укерене кўли.

2) ўсимликшуносликда — *селекция*нинг асосий усулларидан бири; генетик (қ. *Генетика*) усуллар б-н бирга тегишли белги ва хусусиятларга эга бўлган янги навлар яратиш имкониятини беради. Т. ўсимликларнинг ҳосилдорлиги, касалликлар ҳамда зараркунандаларга чидамлилик ва б. белгилари бўйича табиий ва сунъий усулда олиб борилади. *Табиий танланишда* маълум ўсиш шароитида кўпроқ мукаммаллашган ва шу шароитга яхшироқ мослашган ўсимликлар яшаб қолади. Сунъий Т. инсон томонидан олиб борилади. Ўсимликшуносликда Т., шунингдек, экин тури, хўжалик белгилари ва селекция мақсадларига қараб, 3 хил — ялпи, якка ва клон усулда олиб борилади. Ялпи ва якка Т. бир ва кўп мартали ҳамда узлуксиз бўлади. Ялпи (умумий) Т.да қатор белгилари энг яхши ва бир типли ўсимликлар ажратиб олинади. Якка Т.да энг яхши ўсимликлар ажратиб олинади ва уруғлари алоҳида-алоҳида пайкалларга экилади. Ҳар икки усулда ҳам ўсимликлар бир марта ёки кўп марта экилиши мумкин. Клон (қ. *Клон танлаш*) Т.да туганак, қаламча, илдиз ёки пиёзбошлардан фойдаланиб, янги навлар яратиш ҳам мумкин.

ТАНЛАШ УСУЛИ (математик статистикада) — статистик кузатишлар усули. Бунда статистик тўпламнинг умумий хоссалари тўпламнинг ҳамма элементлари эмас, балки ундан танлаб олинган танланмага кирган элементлари орқали ўрганилади. Т.у. математик статистиканинг 2 муҳим бўлими: чекли тўпламдан танлаш ва чексиз тўпламдан танлаш назариясига асосланади. Чекли тўпламдан танлама олиш назарияси сифат бўйича статистик назорат ўтказиш усулининг асоси бўлиб, кўпгина социологик текширишларда қўлланилади. Танлаш тасодифий равишда ўтказилса, эҳтимоллар назариясига кўра, танлаб олинган танланма статистик тўплам ҳақида тўғри маълумот беради. Бу ҳолда статистик тўпламнинг ҳажми (элементлар сони) N тенгламанинг ҳажми n га тенг бўлса, танланманинг элементларига бир хил эҳтимоллик ёзилади. Амалда, кўпинча, танлаб олинган танланма (элементлар) статистик тўпламга қайтарилмайди (қайтарилмайдиган танланма). Агар танлаб олиш ҳар бир танланмани ўрганилаётган тўпламга қайтариш йўли б-н бажарилса, у қайтариладиган танлама дейилади. Қайтариладиган танланма, асосан, назарий текширишларда қўлланилади. Агар танланманинг ҳажми n статистик тўпламнинг ҳажми N дан жуда кичик ($n<<N$) бўлса, бу икки тур чекли танланмалар деярли бир-биридан фарқ қилмайди. Т. у. б-н статистик тўпламнинг сифат ёки миқдор белгилари ўрганилади. Мас., статистик назорат ўтказиш масалаларида N та элемент орасида нечта нуқсонли элемент борлигини аниқлаш шундай масалалардан биридир.

Статистик тўплам чексиз бўлганда ундан олинган танланмани қайтариш ёки қайтарилмасдан олинганлиги аҳамиятга эга эмас. Бу ҳолда танланманинг $\xi_1, \xi_2, \ldots, \xi_n$ элементлари ўзаро боғлиқсиз тасодифий миқдорлар деб қаралса, статистик тўплам белгиларини ўрганиш соддалашади.

ТАНЛОВ (меҳнат ҳуқуқида) — ходимларни муайян лавозимларга танлаб олишнинг махсус тартиби. Бунда ходим иш берувчи томонидан танлаб олинмайди, балки коллегиал орган (мас., олий ўқув юртининг илмий кенгаши, и.т. институти илмий кенгаши, театр-томоша муассасалари бадиий кенгаши)нинг қарори асосида танлаб олинади. Ушбу кенгашларнинг Т.да голиб чиққан шахсни тегишли лавозимга сайлаш тўғрисидаги қарори иш берувчи учун мажбурийдир. Т., асосан, вакант лавозимларни: олий ўқув юртларида кафедра мудири, проф.-ўқитувчи; и.т. муассасаларида — лаб., бўлим, сектор мудири, катта ва кичик илмий ходим лавозимларини; театр, ансамбль, филармония ва б. концерт ташкилотларида — артист, режиссёр, дирижёр, балетмейстер, хормейстер ва рассом лавозимларини эгаллаш учун ўтказилади. Одатда, олий ўқув юртларининг ассистент, ўқитувчи лавозимларига Т. эълон қилинмайди, бу вакант лавозимларга аспирантура ва магистратурани тамомлаган шахслар қабул қилинади. 2 йиллик муддат ўтгач, бу лавозимлар Т. орқали эгалланади (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 й. 30 окт.даги буйруғи б-н тасдиқланган «Олий ўқув юртларига педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартиби ҳақидаги низом»).

Анвар Иноятов.

ТАННАРХ, маҳсулот таннархи — корхонанинг маҳсулот и.ч. ва уни сотиш ҳамда ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун қилган жами жорий харажатларининг пул шаклидаги ифодаси. Товар и.ч.да Т.нинг муҳим элементлари — четдан олинадиган хом ашё, асосий материаллар, электр энергия ресурслари чиқимлари; асосий ва қўшимча иш ҳақи; ижтимоий суғурта ажратмалари; амортизация ажратмалари ва б. сарф-харажатлар. Т.га юқорида санаб ўтилган бевосита и.ч. жараёнлари б-н боғлиқ харажатлардан ташқари ноишлаб чиқариш чиқимлари: идишларга, маҳсулотларни ўраш-жойлаш ва жўнатишга қилинган харажатлар; маҳсулотни сотиш б-н боғлиқ чиқимлар; и.т. ва тажриба-конструкторлик ишлари, реклама ва б. ишлар учун сарфланадиган харажатлар ҳам киради. Нархлар узгармаган ҳолларда маҳсулот Т.ини камайтиришга эришиш корхона учун қўшимча фойда манбаига айланади. Қўшимча фойда эса маҳсулотни сотишдан олинган тушумдан корхонанинг маҳсулотни и.ч. ва сотиш учун сарфлаган харажатлари суммаси айирмасига тенгдир.

Миассар Болтабоева.

ТАННИН (франц. tanner — терини ошлаш) — ўсимликларда кўплаб учрайдиган фенолли бирикма. Т. — аморф очсариқ кукун. Сувда, глицеринда, сирка эфирида эрийди. Сувдаги эритмаси — коллоид эритма, кислотали реакцияга эга, поляризация текислигини ўнгга буради. Оқсиллар ва баъзи табиий полимерлар (целлюлоза, пектин моддалари) б-н мустаҳкам боғ ҳосил қилади. «Таннин» термини дастлаб (18-а. охирида) сувдаги эритмаси хом терини ошлаш хоссасига эга бўлган ўсимлик моддалари аралашмасига айтилган. Т.га табиатда учрайдиган, мол. м. 500 дан 3000 гача бўлган (таркибида фенолли гидроксил гуруҳ сони кўп бўлган) бирикмалар киради.

Т. тери ошлашда, бўёқчиликда хуруш сифатида ва тиббиётда қўлланади.

ТАННИНЛИ ЎСИМЛИКЛАР, ошловчи моддали ўсимликлар — таркибида саноат миқёсида фойдаланиш учун етарли миқдорда *ошловчи моддалар* (таннидлар) бўлган ўсимликлар. Ошловчи моддалар пўстлоқ, барг, ёғоч ва мевалар, асосан, илдиз хужайраларининг паренхимали вакуолаларида тўпланади. Таркибидаги таннин миқдорига қараб юқори таннинли (таркибида таннидлар —20% дан кўп); ўртача таннинли (12—20% гача), кам таннинли ўсимликлар (12% дан кам бўлган) гуруҳларига ажратилади. Т.ў. нинг кўпчилиги тропик минтақаларда, Жан. Осиё, Жан. Америка, Австралияда учрайди. Ўзбекистонда ошловчи моддаларга бой бўлган ўсимликлар: эман, каштан, қорақарағай, тилоғоч, отқулоқ, анор, ровоч, акация, тол, тут, кермак (бўёқчўп) ўсади. Т.ў. нинг 1 гектар плантациясидан 0,5 т гача ошловчи моддалар олиш мумкин.

ТАННУ-ЎЛА — Тива Республикасининг жан.даги тоғ тизмаси, Енисей дарёси юқори оқими б-н Убсу-Нур кўли ҳавзалари орасидаги сувайирғич. Уз. 300 км га яқин. Ўртача бал. 2500—2700 м. Т.-Ў. Ғарбий (энг баланд жойи 3061 м) ва Шарқий (энг баланд жойи 2591 м) қисмларга бўлинади. Палеозой континентал ва денгиз ётқизиқлари (қумтош, оҳактош, гилли сланец, гранит ва конгломератлар)дан ташкил топган. Тоғ этаклари ва ён бағирларида 2000 м гача каштан ва қора тупроқда тоғ дашти ўтлари, ундан юқорида тоғ сур ва подзол тупроқларда сийрак тайга, тоғ тепаларида қурум ва баланд тоғ тундра ўсимликлари кенг тарқалган.

ТАНОБ (араб. — чилвир, арқон) — 1) Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қўлланилган узунлик ўлчов бирлиги. 17-а.да қиймати 39,9 м га тенг бўлган; 2) Ўрта Осиё хонликларида томонлари 60 *газ* дан иборат бўлган майдонга тенг, яъни экин майдонини ўлчаш учун қўлланилган юза бирлиги. 1 Т. 60×60 кв. газ =3600 кв. газ =0,08194 га=900 кв. м (1 га=12 таноб); 3) узунлик ўлчаш, ер ўлчаш, чизиқ тортиш ва ш.к. да ишлатиладиган узун чилвир, режа ип, узун арқон; 4) нақшга шакл берувчи ва нақш мужассамотининг асосини ташкил этувчи чизиқ; табиатдаги анҳор ҳамда йўлнинг шартли тасвири. Нақш мужассамотида Т. турлича кўринишга эга: узлуксиз лавом этиши, баъзан 2 нуқтадан бошланиб, бир-бирига қараб йўналиши ва бир-бирига чирмашиб кетиши, баъзан бир нуқтадан бошланиб, 2 томонга йўналиши ва тақсим четига бориб тугалланиши мумкин. Нақш мужассамотида Т. 2 та бўлса, улар ҳар хил рангга бўялади, бири бош Т., бошқаси ёрдамчи Т. ҳисобланади. Т. 2 та параллел чизиқдан тузилса, «қўш Т.» деб аталади. Нақш мужассамотида Т. биринчи ўринда туради, шунинг учун иш аввало Т.ни чизиб олишдан бошланади, сўнг новдалар, новдалар йўналишига мослаб гул, барг, куртаклар шундай жойлаштириладики, улар ҳеч қачон Т.нинг устидан кесиб ўтмаслиги керак. Т. шунингдек, замин рангларини ҳам бир-биридан ажратиб туради.

Таноб.

ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ — қ. *Венерик касалликлар.*

ТАНОСУХ, таносух ал-арвоҳ (араб.) — руҳнинг кўчиб юриши ҳақидаги диний таълимот. Т. ҳақидаги тасаввурлар жуда қадимдан маълум бўлган. Ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган инсонларда, ҳатто ҳайвон ва ўсимликларда қайта мужассамланиши ҳақидаги тасаввурлар диний эътиқоднинг илк шакллари (*анимизм*) б-н боғлиқ равишда вужудга келган. У баъзан қад. диний ва фалсафий таълимотларда (мас., Юнонистонда метемпсихоз номи б-н, браҳманизм ва ҳиндуийликда *сансара* номи б-н) кенг тарқалган. Анъанавий ислом илоҳиёти Т.ни рад этади, лекин ундан ўта йироқлашган айрим фирқалар (мас., *исмоилий*ларнинг баъзи шохобчалари)да Т. қисман эътироф этилган.

ТАНСИҚБОЕВ Ўрол (1904.14.1 — Тошкент — 1974.18.4) — манзарачи рассом, рангтасвир устаси. Ўзбекистон халқ рассоми (1944). Пенза рассомлик билим юртини тугатган (1924), Ўзбекистон давлат санъат музейи қошидаги тасвирий санъат студиясида таълим олган (1924—28). Т.нинг изланишлар даври бўлган 20—30-й.лардаги ижоди услуб, жанр, мавзу ранг-баранглиги б-н ажралиб туради. Дастгоҳ ва монументал санъатда тарихий, маиший ва портрет жанрларида асарлар яратди. Ғарбий Европа янги санъати, Мексика монументал рассомлари ижоди, Ўрта Осиё деворий рассомлиги ва миниатюра санъати услубларини ўрганди ва шулар таъсирида ижод қилди («Ўзбек портрети», 1927; «Кураш», «Карвон», 1929; «Ўтовда», 1931 ва б.). 30-й.лардан объектни аниқ тасвирлаш Т. ижодининг муҳим белгисига айланди, унда *манзара* жанри етакчи ўрин эгаллади. Т. манзаралар тасвирига ҳаётий лавҳа, инсон фаолиятини ифодаловчи унсурлар киритишга интилди («Мовий манзара», 1935; «Тунги суғориш», 1942). 2-жаҳон уруши йилларида (1942) Москва яқинидаги жанг бўлиб ўтган ерларни ўз кўзи б-н кўрган рассомнинг «Уруш йўлларида» асарлар туркуми майдонга келди. Урушдан кейин қишлоқ ҳаётига бағишланган асарлар яратди: «Тоғдаги колхоз» (1949), «Шоликор колхозда», «Ғўза суғориш» (1949), «Ўзбекистонда баҳор» (1950). Она юртнинг умумлашма бадиий образини яратиш йўлидаги изланишлари самараси сифатида бир қанча асарлари юзага келди («Жонажон ўлка», 1951; «Иссиқкўлда оқшом», 1951; «Тоғдаги яйлов», 1953; «Тоғда куз», 1954 ва б.), улар орасида индустриал манзаралар ҳам учрайди («Қайроққум ГЭСи тонги», 1957 ва б.). «Тоғдаги қишлоқ», «Оқшом» (1962), «Ангрен — Қўқон йўли» (1962), «Чорвоқ қурилишида» (1970), «Мирзачўл канали» (1971) каби лиро-эпик асарларида Ўзбекистоннинг табиати ҳамда инсон меҳнати туфайли ўзгариб

Ў. Тансиқбоев. «Автопортрет» (1939).

«Тоғлар бағрида пичан ўрими» (1954).



«Тоғдаги чироқлар» (1970).

бораётган қиёфаси ўз аксини топган. «Жонажон Ўзбекистон» манзаралари туркуми («Куз тонги», 1972; «Оқшом», 1972; «Менинг қўшиғим», 1972 ва б.) ва б.

Т. асарлари республика ва хорижий мамлакатлар музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади. Рассом 1967—74-й.лар яшаган уйи Т. уй-музейига айлантирилган (1981). Уй-музейда ижодий устахона, меҳмонхона ва б. хоналар бўлиб, кўплаб ҳужжатли архив материаллари, рассомнинг кўргазмаларда намойиш қилинган машҳур асарлари сақланади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973). Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

Ад.: Веймарн Б. В., Урал Тансыкбаев, М., 1958; Каримов Х., Табиат куйчиси, Т., 1970; Такташ Р. Х., Урал Тансыкбаев, Т., 1980; Ўрол Тансиқбоев уй-музейи, Т., 1984.

Турсунали Кўзиев.

ТАНТА — Мисрдаги шаҳар. Нил дарёси дельтасининг марказий қисмида. Ғарбия муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 371 минг киши (1996). Транспорт йўлларининг тугуни. Пахта тозалаш, ёг-мой з-длари, тўқимачилик корхоналари бор. Ҳунармандчиликда миллий кийимлар, уйрўзғор буюмлари тайёрланади.

ТАНТАЛ (юн. Tantalos) — юнон мифологиясида Лидия ёхуд Фригия подшоси; маъбудлар томонидан абадий азоб-уқубатга маҳкум этилган («тантал азоблари»); бўйнидан сувга ботган ҳолда тепасидаги дарахтдан эгилиб турган меваларни кўриб турса ҳам Т. на чанқоқликдан ва на очликдан халос бўла олган, чунки сув унинг лаблари тагидан ўтиб кетган, мевали шох эса унга тутқич бермаган.

ТАНТАЛ (юнон мифологиясидаги *Тантал* номидан). Та—Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 73, ат. м. 180,9479. 2 та табиий изотопи бор: биринчиси радиоактив ^{180}Та (0,012%), иккинчиси барқарор — ^{181}Та(99,99%). Т.ни 1802 й.да швед кимёгари А. Экеберг кашф қилган. Металл ҳолдаги Т.ни илк бор немис кимёгари В. Больтон 1903 й.да ажратиб олган.

Т. Ер пўстининг масса жиҳатидан $2 \cdot 10^{-4}$% ини ташкил қилади. Т. табиатда доим ниобий б-н бирга колумбит (Fe, Mn) $(NbO_3)_2$ ва танталит (Fe, Mn) $(TaO_3)_2$ минераллари ҳолида учрайди.

Т. бир оз кўкимтир-кулранг металл. Соф Т.нинг суюқланиш т-раси 2996°; зичлиги 16,6 г/см³. Т.ни босим остида механик ишлаш мумкин. Т. ҳавосиз жойда қиздирилса, ўзидан кўп миқдорда электрон чиқаради. Т. кимёвий жиҳатдан жуда барқарор, коррозияга учрамайди, асл металлардан кейин биринчи ўринда туради. Фақат, фторид кислота б-н нитрат кислота аралашмасида ва суюлтирилган ишқорларда эрийди. Т. бирикмаларида 2, 3, 4 ва, асосан, 5 валентли. Т. фтор б-н одатдаги т-рада (TaF_5), хлор б-н 250° дан юқори т-рада ($TaCl_5$, $TaCl_3$, $TaCl_4$), бром б-н 300° дан юқори т-рада ($TaBr_5$, $TaBr_3$, $TaBr_2$), йод ва олтингугурт б-н чўғланиш т-расида бирикади. Т. азот б-н 300° да реакцияга киришади. Т. углерод, бор, кремний, фосфор, селен, теллур, сув буғи, углерод (II)-оксид, водород хлорид, водород бромид, водород йодид ва б. моддалар б-н реакцияга кириша олади. Т.нинг ҳавода қаттиқ қиздирилишидан ҳосил бўладиган тантал (V)-оксид Ta_2O_5 ниҳоятда барқарор модда. Т. жуда кўп металлар б-н қотишмалар ҳосил қилади.

Т. ни олиш учун таркибида жуда оз Т. ва ниобий бўлган рудаларни бойитиб, аввал танталит (колумбит) концентрат ҳосил қилинади. Сўнгра концентратни фторид кислота б-н сульфат (ёки нитрат) кислота аралашмасида эритиб, Т. ва ниобийнинг комплекс кислоталари H_2TaF, ҳамда H_2NbF, ҳосил қилинади. H_2TaF, кислотанинг калийли тузи K_2TaF, сувда эримаслигидан фойдаланиб, Т. ниобийдан ажратилади. K_2TaF_4 ни натрий б-н қайтариб Т. олинади. Суюлтирилган K_2TaF, ни электролиз қилиш йўли б-н ҳам Т. олиш мумкин.

Т. одам ва ҳайвонлар организмида масса жиҳатидан 10^{-5}% миқдорда жигар, буйрак, суяк ва юмшоқ тўқималарда учрайди. Биологик роли ҳали аниқланмаган. Организмнинг тирик тўқималари б-н ўзаро таъсир этмаслиги сабабли Т.дан жарроҳликда кенг фойдаланилади.

Т. электроникада, кимё машинасозлигида, ядро энергетикасида, тиббиёт асбоблари тайёрлашда, металлургияда махсус пўлатлар и.ч. да ва б. соҳаларда кенг қўлланади.

Ад.: Парпиев Н. А., Раҳимов Х. Р., Муфтахов А. Ғ., Анорганик кимё, Т., 2003; Касымова С. С., Биогенные элементы, Т., 1990.

Зикрилла Исабоев.

ТАНТАЛ РУДАЛАРИ — таркибидаги Та концентрацияси саноатда фойдаланиш учун техник имконият старли ва иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлган бирикма ва миқдордаги табиий минерал ҳосилалар. Т.р.да тантал таркибли 50 дан ортиқ минерал бор. Т.р. ҳақиқий Т.р. ва комплексли тантал-ниобий рудаларига (қ. *Ниобий рудалари*) бўлинади. Т.р.нинг асосий минераллари: колумбит-танталит, *танталит* ва манган-танталит, вожинит, микролит ва б. Тантал-ниобий рудаларининг асосий минераллари: *колумбит*, гатчеттолит, *пирохлор*, лопарит, иксиолит. Булардан Nb б-н бирга нисбатан қимматбаҳо Та қазиб олинади. Т.р.да Ta_2O_5 нинг ўртача миқдори 0,012—0,03%, баъзан 0,24% (Берник-Лейк, Канада): тантал-ниобий рудалари таркибида T_2O_5 0,02—0,05% бўлади. Т.р. конларининг бир неча хил асосий саноат ва генетик конлари мавжуд. Натролитий типидаги нодир металли пегматитларда (қ. *Пегматитлар*) Т.р. альбит, микроклин, кварц, кам даражада сподумен ёки петалитдан, бир неча юз м дан 1—2 км гача бўлган зонал томирли таналардан иборат. Танталли минералланиш Ta_2O_5 : Nb_2O_5 1:1 дан 3:1 гача

бўлган нисбатда бўлиб, колумбит-танталит, вожинит, иксиолит, микролит ва б. гуруҳлар минералларидан таркиб топган. Нодир металли танталли гранитлар (апогранитлар) катта бўлмаган штоклар ва литийли слюдалар ҳамда топаз б-н бойитилган, ўзида юпқа хол-холли колумбит-танталит, микролитлар бўлган микроклин-кварц-альбитли гранитлар гумбазларидан тузилган. Пегматитларнинг бузилиши натижасида юзага келган нураш пўсти, деллювиал-аллювиал ва аллювиал сочмалар ўзида касситерит ва колумбит-танталит минераллар гуруҳини ташкил қилади. Лопарит таркибли нефелинли-сиенитлар луявирит, фоялитлардан таркиб топган. Ундан ташқари, карбонатитли ва улар б-н ассоциациядаги форстерит-апатит-магнетитли жинслардан; микроклин-альбитли ребикит ишқорли гранитлар ва граносиенитлардан иборат комплекс-ли тантал-ниобий рудали конлардан саноатда фойдаланилади. Озроқ миқдордаги танталлар грейзенли конлардаги вольфрамитлардан олинади. Т.р. гравитацион метод б-н бойитилади; жуда оз хол-холлик бўлганда флотация методи қўлланилади. Концентратлари 13—15% (3 нав) дан 26% (2 нав) гача ва 40% Ta_2O_5 (1 нав); тантал-ниобий рудаларидан олинадиган Ta_2O_5 0,4— 0,6% дан 1—4% гача бўлади. Т.р. хорижда Манитоба, Берник-Лейк (Канада), Параиба, Риу-Гранди-ду-Норти (Бразилия), Шаба (Конго Демократик Республикаси) ва б. конларда мавжуд.

ТАНТАЛ ҚОТИШМАЛАРИ — таркиби асосан *танталдан* иборат қотишмалар. Одатда, тантал вольфрам (W), молибден (Mo), ванадий (V), ниобий (Nb), титан (Ti), рух (Zn), гафний (Hf), рений (Re), углерод (C) ва б. элементлар б-н легирланади. Танталнинг вольфрам б-н ҳосил қилган қотишмалари энг кўп ишлатилади. Таркибида 10% вольфрам бўлган қотишма жуда юқори т-раларда ҳам ўз мустаҳкамлигини, эрозиябардошлигини сақлаб қола олади. Бу қотишма — 130° дан 3000°С гача т-раларда ишлатилиши мумкин. Т.қ.дан реактив двигателларнинг ёниш камералари ва соплолари, деталлари, иссиқбардошлик талаб этиладиган бошқа деталлар, саноат печларининг қиздиргичлари, космик аппаратларнинг иссиқлик ўтказмайдиган қопламалари тайёрланади. Т.қ. электрон техникада ҳам ишлатилади.

ТАНТАЛАТЛАР — танталат кислота тузлари. Умумий формуласи xMe_2O у $Ta_2O_5 \cdot zH_2O$. Метатанталатлар $MeTaO_3$, ортотанталатлар Me_3TaO_4 ва Me_3TaO_5 кўринишидаги тузлар оддий Т.дир. Бу ерда Me — ишқорий металл. Буларнинг ҳаммаси тантал (V)-оксидга турли миқдорда ўювчи ишқор таъсир эттириб олинади. Калий метатанталат $KTaO_3$, натрий метатанталат $NaTaO_3$ *сегнето-электриклардир*.

ТАНТАЛИТ — мураккаб оксидлар гуруҳига мансуб минерал; колумбит-танталит изоморф қаторининг чекка аъзоси (қ. *Колумбит*). Кимёвий таркиби (Fe, Mn) (Ta, Nb)$_2O_6$. Т.да тантал (%да) Nbдан кўп бўлади. Турлари: ферротанталит (FeO:MnO>3:1, FeOнинг миқдори 14%гача); манганотанталит (MnO:FeO>3:1, MnOнинг миқдори 14%гача); Ca, Mg, Sn, Ti, кам ҳолларда W, U, Th ва б. изоморф аралашмалар ҳолида бўлади. Ромбик системада кристалланади; колумбитнинг структура типи. Кристаллари игнасимон. Ранги қора, кулранг, қўнғир, қизгиш-жигарранг. Шаффоф эмас ёки ярим шаффоф. Ярим металлсимон ялтирайди. Синоними — ильдефонсит, қаттиқ тантал рудаси. Колумбит-танталит қаторида Ta_2O_5 миқдори ортиши б-н қонунга биноан физик хусусиятлари ўзгариб боради. Т.нинг қаттиқлиги 6,5—7 ва зичлиги 6,2—8,2 г/см³. Мўрт. Т. колумбитдан спектрнинг инфрақизил областидаги оптик константа б-н фарқ қилади. Генетик жиҳатдан гранитлар, пегматитлар (камёб металли, мусковитли, кварц-дала шпатли ва б.), карбонатитлар ва ишқорли тоғ жинслари б-н боғлиқ; пегматитларда Т. альбит, лепидолит, берилл ва бошқалар б-н ассоциацияда бўлиб, колумбитга нисбатан кечки босқичда кристалланади. Т. асосий массасининг ҳосил бўлиши альбитизация, манганотанталитники — лепидолизация жараёни б-н боғлиқ. Т. нурашга чидамли, фақат эллювиал, камроқ аллювиал сочмаларда тўпланади ва асосан шу ер-нинг ўзида қазиб олинади. Т. танталнинг асосий рудали минерали (қ. *Тантал рудалари*). Т.нинг хорижлаги асосий конлари Канада, Бразилия, Ғарбий Австралия, Мозамбик, Шар-қий Қозоғистон ва Уралда маълум. Ўзбекистонда Марказий Қизилқумнинг пегматит томирларида (1931), Ғарбий Ўзбекистоннинг Чатқол-Қурама регионы гранитоидларида ва Чоқадамбулоқнинг пегматитларида колумбит-танталит минераллари учрайди.

ТАНТАЛ-НИОБАТЛАР — минераллар гуруҳи — Ta, Nbларнинг Fe, Mn, Ca, Na, нодир ер элементлари ва бошқалар б-н табиий комплекс бирикмалари. Гранит, пегматит, карбонатитларда акцессор минерал кўринишида учрайди. Ta, Nb, Y ларнинг рудалари. Умумлашган формуласи $A_nB_mX_p$, бунда A — катионлари йирик ёки ўртача ўлчамда. Т.-н. синфи 100 дан ортиқ минерал ва уларнинг хилларини қамраб олган. Асосий минераллари: *колумбит, танталит, лопарит, пирохлор*, иксиолит, самарскит, эвксенит, микролит ва б. Т.-н. структурасининг асосида А гуруҳи катионлари б-н ўзаро богланган ниобийли (танталли) — кислородли октаэдрлар ётади. U, Th ва TR таркибли Т.-н. метамиктли, кучли радиоактивли бўлиб, ўзида ўзгарувчан миқдорда сув сақлайди; полиморфли модификацияси кўп. Т.-н. майда хол-холлик ҳосил қилиб, йирик кўринишда кам учрайди (кристаллари лопарит, пирохлор, колумбит-танталит учун хос). Ранги қора, тўқ қўнғир, қўнғир-сариқ; манган-танталит пушти, симпсонит оч сариқ рангда. Одатда, ярим шаффоф, шишадек ялтирайди, метамиктли хиллари — смоласимон ялтироқ. Қаттиқлиги 4,5—8, кўпинча 5—6, метамиктли Т.-н.ники бундан камроқ. Зичлиги 3,5—9 г/см³ (Та ва Ti миқдорига боғлиқ). Fe, Mn ва TR таркибли Т.-н. кучсиз магнитли. Т.-н.— нефелинли сиенитларда, гранитларда акцессор минерал; гранитли ва ишқорли пегматитларда, нодир металли альбитлашган гранитлар, дала шпатли метасоматитлар, карбонатитлар, луявритлар ва фойяитларда юқори концентрация ҳосил қилади (қ. *Ниобий рудалари, Тантал рудалари*).

ТАНТИА ТОПИ (лақаби, асл исми Рамчандра Пандуранг) (тахм. 1814—1859.18.4) — 1857—59 й.лардаги Ҳиндистон қўзғолонининг ҳарбий раҳбарларидан бири. Асосан, Канпур, Бунденкханд, Ражпутана ва Гвалиор вилоятларида (*Лакшми Баи* б-н биргаликда) қўзғолончиларга бошчилик қилган. Миллати маратҳ бўлган Т.Т. браҳман оиласида туғилган. Ешлигида *Нана Соҳиб*нинг дўсти бўлган. Нана Соҳиб инглизларга қарши кўтарилган сипоҳийлар қўзғолонига қўшилганда унинг сафдоши, ҳарбий отрядлардан бирининг командири. Т.Т.нинг ҳарбий иқтидори қўзғолон марказларидан бири — Канпур қулагач (1857 й. июль), намоён бўлган. У гвалиорлик қўзғолончиларга бош бўлиб, инглизларнинг генерал Уиндхем раҳбарлик қилган ҳарбий қисмини тор-мор этган (1857 й. 28 нояб.). Гвалиор яқинида инглизларнинг генерал Роуз қўмондонлигидаги армиясидан мағлубиятга учрагач. Деканга кетиб партизанлик уруши олиб борган. Унга хиёнат қилган гвалиорлик заминдор Ман Сингҳ томонидан инглизларга тутиб берилиб қатл этилган.

ТАНТРИЗМ — *буддизм* ва *ҳиндуийлик*даги йўналиш. Мил.нинг бошларида пайдо бўлган, муқаддас ёзув (тантра)лари бор. Йогалар методини ўзлаштириб, сирли маросимлар системасини ишлаб чиққан. Т.нинг диний-фалсафий таълимоти асосида инсон микрокосмдир деган гоя ва аёллар ёки эркаклар жинсий қудратига сиғиниш ҳақидаги тасаввур ётади. Ҳиндистондан ташқари (бу ерда Т. тарафдорлари орий бўлмаган қабилалар вакилларидан ташкил топган) Япония, Непал, Хитой, айниқса, Тибетда тарқалган.

ТАНТЬЕМА (франц. tantieme — қўшимча мукофот) — акциядорлик жамияти, саноат фирмалари, банклар, молия компаниялари ва б.нинг юқори раҳбар ходимларига соф фойдадан тўланадиган қўшимча мукофот. Т. тўлаш ҳақида корхона директорлар кенгаши томонидан таклиф берилади ва бу таклиф акциядорлик жамиятининг умумий мажлисида тасдиқланади. Т. миқдори соф фойдадан муайян фоизларда белгиланади. Кўпинча Т. лавозим маошидан ошиб кетади.

ТАНХОЗДАРЁ — Қашқадарё вилоятидаги дарё. Ҳисор тизмасининг ғарбий ён бағирларидан, 3900 м баландликдаги Кичиқғози кўлидан бошланади. Нишкент қишлоғи яқинида Қашқадарёга қуйилади. Уз. 93 км, ҳавзасининг майд. 425 км². Қарийб 70 км масофада тоғлар орасидан оқади. Қор, ёмғир, қисман музликлардан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 10,1 м³/сек.дан (кўп сувли йилда) 1,67 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгаради. Март—июнь ойларида сersув бўлади, ёз ўрталарида суви камаяди.

ТАНЧА — қ *Сандал*.

ТАНШАНЬ — Хитойнинг шим. қисмидаги шаҳар. Хэбэй провинциясида. Аҳолиси 1,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Мамлакатнинг шим.-шарқий қисмидаги Буюк Хитой текислигининг йирик саноат марказларидан. Қора металлургия, машинасозлик, цемент, ойна-шиша, керамика, енгил (тўқимачилик) саноати корхоналари бор. Т. 1976 й.ги зилзиладан қаттиқ шикастланган. Шаҳар яқинидан кўмир қазиб олинади.

ТАНШИХАЙ (мил. 2-а.) — сянби қабилалар бирлашмаси оқсоқоли. Қабила оқсоқоллари кенгашида бу лавозимга сайланган. Зодагонлар наслидан бўлган ёш, жасур Т. бошқа қабила оқсоқолларини ўзига тобе этиб, сянби қабилалар бирлашмасига бошчилик қилган. 155—166 й.лар мобайнида Т. хуннулар давлатига қарашли бўлган, шарқдан ғарбга томон 14000 ли масофага чўзилган барча ерларни эгаллаб олган ва қисқа муддат ичида улкан салтанатга бошчилик қилган. Т. вафотидан сўнг, унинг давлати парчаланиб кетган. Хуннулар мана шу мағлубиятларидан сўнг, ерларидан, Ватанларидан маҳрум бўлиб олис Ғарбга томон юришларини бошлаганлар (яна қ. *Халқларнинг буюк кўчиши, Гуннлар*).

Ад.: Плетнева С. П., Кочевники средневековья, М., 1982.

ТАНҚИД — 1) бирор нарсага баҳо бериш мақсадида уни таҳлил қилиш, муҳокама қилиш (мас., адабий танқид); 2) муайян нарса ҳақида салбий фикр билдириш; 3) камчиликларни атрофлича асослаш ва ҳал этиш мақсадида биллириладиган фикр-мулоҳазалар йиғиндиси. Шу жиҳатдан Т.га тараққиёт омили сифатида қаралади. Т. асосли бўлса, уни ҳисобга олиш мавжуд камчиликларни бартараф этишга олиб келиб, тараққиётга ижобий таъсир қилади. Т. айрим ҳолларда арзимас нуқсонларни бўрттириб кўрсатиш, эркин фикр билдириш имконини суиистеъмол қилиш эвазига мавжуд муҳитда кескинликни юзага келтириши мумкин. Т. айрим шахс, гуруҳ, жамоага, аниқроғи, улар фаолиятининг натижаларига ҳам қаратилади. Бунда шахсий манфаатлар б-н умум манфаатлари уйғунлиги таъминланса, танқидий фикрлар умум манфаатига хизмат қилади.

ТАНҚИД, адабий танқид, танқидчилик — адабий фаолият тури, бадиий асарни, шунингдек, бу асарда акс эттирилган ҳаёт ҳодисаларини таҳлил ва талқин этиш. Т. кўпинча адабиётшуносликнинг бир қисми сифатида таърифланиб келади. Лекин Т. адабий фаолиятнинг мустақил соҳаси бўлиб, адабиётшуносликдан фарқли ўлароқ, асосан замонавий адабий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларни кузатади, бу жараёнлари етакчи тамойилларни аниқлайди, газ. ва жур. саҳифаларида эълон қилинган адабий асарларга муносабат билдириб, уларни одатда шу даврнинг ғоявий ва эстетик талаблари асосида таҳлил этади. Т. адабий мерос намуналарининг театр, кино, мусиқа ва тасвирий санъатдаги янги талқини масалалари б-н ҳам қизиқиб, ўз эътиборини кўпинча шу асарларнинг ҳоз. замон учун аҳамиятли томонларига қаратади.

Т.нинг асосий вазифаси ёзувчи ёки адабий асарни фақат танқид қилиш эмас, балки адабий асар ёки ҳодисага ҳаққоний баҳо бериш, ундаги ютуқ ва камчиликларни холислик б-н ёритишдир.

Т. бадиий ижод б-н қарийб бир вақтда пайдо бўлган. Ёзувчилар янги ёзган асарларини турли давраларда, йиғин ва саройларда ўқиб беришган, давра қатнашчилари эса шу асарларнинг ютуқ ва камчиликларини қайд этиб, айни пайтда ҳам ўқувчи (китобхон), ҳам танқидчи вазифасини бажариб келишган. Бу Т. тарихининг «оғзаки даври»дир. Т.нинг ёзма адабиётдаги илк намуналарининг пайдо бўлиши эса тазкирачилик мактабининг шаклланиши б-н бевосита боғлиқ. Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» (1487) асари энг қад. тазкиралардан бири бўлиб, унда 9—15-а.ларда Ўрта Осиё, Афғонистон ва Эронда яшаган машҳур шоирлар ҳақида маълумот б-н бирга улар ижодидан намуналар ҳам берилган. Тазкирачиликнинг мумтоз намуналаридан бири — Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» (1491) асарида эса 15-а.да Хуросонда яшаган жами 450 дан ортиқ шоир, ёзувчи ва олимларнинг билим даражаси, дунёқараши, ҳулқ-атвори ва б. тўғрисида маълумот берилган. Шунингдек, Нисорий, Возеҳ, Фазлий, Табибий ва б.нинг тазкираларида муайян ёзувчилар ва уларнинг асарлари юзасидан берилган маълумотлар ўзбек адабиётида Т.нинг пайдо бўлишидаги муҳим омиллардан бўлган.

Т. узоқ вақт мобайнида «амалий» аҳамият касб этиб, ёзувчини мақташ, кўкка кўтариш ёки, аксинча, қоралаш, нуқсонларини фош этиш, унинг асарини эса умумий баҳолаш ва китобхонга тавсия этиш б-нигина кифояланиб келди. Адабиётнинг ривожланиши, унинг олдига жамият томонидан қўйилган вазифаларнинг мураккаблашиши б-н Т. ҳам адабий меҳнат соҳаси сифатида янги қирралар, сифатлар касб этди.

16—18-а.ларда Европа халқлари адабиётида эстетик тафаккурнинг шаклланиши б-н Т. адабий ҳаракатнинг муҳим қисми сифатида ажралиб чиқди. 19-а.да Франциядa Ш.О. Сент-Бёв бошчилигидаги «биографик танқид»нинг, Россияда В.Г.Белинский, Н.А.Добролюбов, Н.Г.Чернишевский сингари рус танқидчилари мактабининг шаклланиши б-н Т. нинг адабий ҳаётдаги аҳамияти беҳад ошди, мақсад ва вазифалари эса тубдан ўзгарди.

Ўзбек адабиётида замонавий Т.нинг пайдо бўлиши 20-а.нинг 10-й.ларига тўғри келади. Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» («Садои Туркистон», 1914) ва «Муҳтарам ёзувчиларимизга» («Садои Туркистон», 1915), М.Беҳбудийнинг «Театр надур?» («Ойна», 1914) сингари мақолаларининг эълон қилиниши б-н ўзбек Т.нинг том маънодаги тарихи бошланди. Ёзувчи ва танқидчилар шу даврда чоп этилган адабий-танқидий мақолаларида бадиий адабиётнинг янги тарихий-маданий даврдаги мақсади, вазифаси ва йўналишини белгилаб беришга ҳаракат қилдилар.

20-й.ларнинг ўрталаридан Т. совет мафкураси таъсирида адабий ҳодисаларга синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндаша бошлади. Натижада ўзбек адабиётига катта зарар келтирган вульгар-социологик Т. майдонга келди. Бундай Т. вакиллари совет воқелигини қабул қилмаган Чўлпон сингари ёзувчиларга қарши қураш эълон қилдилар. Ёзувчи маҳорати эмас, мавзунинг долзарблиги, ғоявийлик бадиий асар қимматини белгиловчи асосий мезонга айланди. 1937—38 й.лардаги қатагон тўлқини бир қадар тинган 2-жаҳон уруши йилларида Ойбекнинг «Навоий» романи, Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» трагедияси, Ғафур Ғулом сингари шоирларнинг янги шеърий асарларининг чоп этилиши муносабати б-н Т. яна жонланиб, адабий ҳаётга бадиий-эстетик талаблар асосида ёндаша бошлади. Шу тарзда Т. ўз тарихининг турли босқичларида адабий ҳаётга ижобий таъсир кўрсатиш, адабий жараёнлаги ижобий тамойилларнинг акс олишига кўмаклашиш ўрнига ёзувчининг эркин ижод этиш ҳуқуқини чеклаб келди. Лекин шу б-н бирга ўтган асрнинг 10-й.ларида ҳам, кейин ҳам Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари ёзувчилар, Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов каби танқидчилар Т.нинг тўғри йўлдан боришни ва адабиёт олдидаги вазифасини ҳалол ўташига ёрдам берадиган ибратли ишларни амалга оширдилар.

Т.нинг адабий портрет, адабий-танқидий мақола, тақриз, библиография, адабий шарҳ, эссе, баҳс, суҳбат, очиқ хат, памфлет сингари жанр кўринишлари мавжуд. Танқидчи Т.нинг бу барча жанрларидан ахлоқ ва одоб мезонларидан чиқмаган ҳолда фойдаланиши лозим.

Ад.: Бурсов Б.И., Критика как литературовед., Л., 1976; Назаров Б., Ўзбек адабий танқидчилиги: ғоявийлик, метод, қаҳрамон, Т., 1979; Ўзбек адабий танқиди тарихи, 1—2-ж.лар, Т., 1987.

Наим Каримов.

ТАНҚИДИЙ РЕАЛИЗМ — 19-а.нинг 20—30-й.ларида жаҳон адабиёти ва санъатида шаклланган бадиий метод. *Классицизм реализмнинг бир кўриниши. Классицизм адабиёти* вакилларининг ўз даврини ўтаган ва эскирган тасвир усулларига қарши, ўтган асрлардаги илғор адабиётларининг энг яхши анъаналарини давом эттириш ва янгилаш мақсадида майдонга келган. Ҳаёт ҳодисаларини бадиий мужассамлаштиришда бу ҳодисаларнинг ижтимоий-тарихий илдизларини очиш Т.нинг асосий мақсадидир. Т.р. ёзувчидан инсонни ҳар томонлан чекловчи, эзувчи, бузувчи ва маънавий инқирозга олиб келувчи ҳаётнинг ижтимоий асосларини танқидий акс эттиришни талаб этади. Т.р. адабиёти ва санъатида тарихийлик принципи ҳаётий воқеалар, кишиларнинг характерлари ва уларни қуршаган шароитнинг муайян давр учун муҳим воқеалар, характерлар ва шароитлар сифатида тасвир этилишида зўҳур беради. Т.р. асарларидаги персонажлар «ортиқча кишилар», «оталар» ва «болалар» ёки янгилик ва эскилик тарафдорлари бўлишидан — улар ўз даврининг маҳсулидир. Аммо тарих ҳаракати, ижтимоий тараққиёт жараёни Т.р.нинг аксар асарларида кишилар субъектив фаолиятининг натижаси сифатида талқин этилади. Шунинг учун ҳам бу асарларда фақат кишиларнинг руҳий олами, ишонч ва эътиқоди улардаги ижобий (эзгу) ибтидонинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Т.р. инсониятни бахтли ва нурли ҳаётга олиб борувчи йўлни кўрсатмайди, балки кишиларнинг шундай ҳаёт сари интилишларида уларга дуч келган тўсиқлар, иллатлар, шароитни кўрсатади. Шунинг учун ҳам бадиий тасвирнинг бу усули Т.р. деб аталади.

Совет адабиётшунослиги Т.р.нинг шаклланишини пролетар ҳаракатининг пайдо бўлиши б-н боғлаб, мазкур бадиий метод вакилларини капитализмга қарши онгли равишда курашган ёзувчилар сифатида талқин этиб келди. Т.р. вакиллари эса шу жамиятдаги ижтимоий адолатсизлик ва шу жамиятда яшовчи айрим кишилар ҳаётидаги маънавий бузилиш ҳолларини халққа бадиий тасвир орқали кўрсатиш ва жамиятни шу йўл б-н даволашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Т.р.нинг Ғарбий Европадаги Бальзак, Диккенс, Теккерей, Флобер сингари вакиллари воқеликни инқилобий ўзгартириш ғоясидан мутлақо узоқ бўлишган. Шунинг учун ҳам улар ижодидаги айрим кишиларнинг руҳий олами, ишонч ва эътиқоди улардаги ижобий (эзгу) ибтидонинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Т.р. инсониятни бахтли ва нурли ҳаётга олиб борувчи йўлни кўрсатмайди, балки кишиларнинг шундай ҳаёт сари интилишларида уларга дуч келган тўсиқлар, иллатлар, шароитни кўрсатади. Шунинг учун ҳам бадиий тасвирнинг бу усули Т.р. деб аталади.

Совет адабиётшунослиги Т.р.нинг 2 тамойил кўзга ташланади. Биринчиси — кишиларнинг кундалик ҳаётини, уларнинг бахтли ҳаёт йўлидаги интилишларини тасвирлаш. Ремарк, Стейнбек сингари ёзувчиларнинг шу йўналишдаги асарларидан, Феллини, Антониони сингари машҳур итальян кинорежиссёрларининг фильмларидан чиқадиган хулоса шуки, инсон ҳаётини яхшилаш, тақдирни ўзгартириш мумкин эмас. Иккинчиси — халқ озодлик ҳаракатлари, шу жумладан, 20-а.даги инқилобий ҳаракатларни бадиий идрок этиш ва шу ҳол туфайли ижтимоий тараққиёт истиқболига умид б-н қараш. Роллан, Лондон, Драйзер сингари ёзувчиларнинг айрим асарларида ана шу иккинчи тамойил устуворлик қилади ва худди шу тамойил улар ижодини социалистик реализм б-н яқинлаштиради.

Совет адабиётшунослиги Л.Н.*Толстой*, Ф.М.*Достоевский*, А.П.*Чехов* каби ёзувчиларнинг 1917 й. гача бўлган рус воқелиги тасвирланган асарларининг Т.р.нинг намуналари сифатида баҳолаб, 1917 й.дан кейинги давр воқеаларига бағишланган рус ёзувчиларининг асарларини эса социалистик реализм методига нисбат бериб келди. Ҳолбуки, худди шу давр рус адабиётида Т.р. етакчи метод сифатида ривожланди ва ҳаттоки совет даври рус адабиётида Т.р. методи тамойиллари асосида кўпгина асарлар яратилди. М.Булгаковнинг «Тарки дунё» («Бег»), М.Шолоховнинг «Тинч оқар Дон», А.Пастернакнинг «Доктор Живаго», А.Солженицинининг «ГУЛАГ архипелаги» сингари асарлари Т.р. методига асосланганлиги б-н фарқланиб туради.

19-а.нинг 2-ярмида ҳажвий йўналишнинг катта мавқе касб этиши б-н ўзбек адабиётида ҳам Т.р.га хос белгилар етакчилик қила бошлади. Аммо бу давр ва, айниқса, жадидчилик даври адабиётида халқни маърифатга чақириш ғоялари устувор аҳамиятга эга бўлгани учун адабиётшунослар бу давр адабиётининг бадиий методини маърифатпарварлик реализми деб баҳолаганлар. Маърифатпарварлик ғояси эса шу даврда жаҳолатга, диний бидъат ва хурофотга қарши қаратилганлиги сабабли жаҳолат танқиди М.Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Тавалло каби жадид ёзувчиларининг асарларида фош этувчи пафос даражасига кўтарилди. 20-й.ларда большевиклар туфайли Ўзбекистонда содир бўлган мудҳиш воқеаларни, мустамлакачиликнинг чидаш мумкин бўлмаган кўринишларини тасвир этишда Абдулла Қодирий («Ўтган кунлар»), Фитрат («Миррих ҳолдузига», ҳикоялар) ва Чўлпон («Бузилган ўлкага», «Вайроналар орасидан», «Кеча ва кундуз», «Новвой қиз», «Ойдин кечалар») каби ёзувчилар Т.р. мето-

дидан маҳорат б-н фойдаландилар. Аммо кейинчалик адабиёт ва нашр ишларини қаттиқ назорат остига олган Совет давлати ўзбек адабиётида Т.р. нинг авж олишига мутлақо имкон бермади. Натижада социалистик реализм ўзбек адабиётининг ягона бадиий методи сифатида узил-кесил шаклланди.

20-а.нинг 70-й.ларида социалистик реализмнинг «очиқ метод» деб эълон қилиниши ўзбек адабиётида Т.р. га хос пафоснинг жонланишига сабабчи бўлди. Абдулла Қаҳҳор шу даврда совет жамияти ҳаётида авж ола бошлаган порахўрликни кескин фош этувчи «Тобутдан товуш» сатирик комедиясини яратди. Ичкиликбозлик, кўзбўямачилик, лаганбардорлик, муттаҳамлик каби ижтимоий иллатларни фош этувчи асарлар яратила бошланди (И.Султоновнинг «Имон» пьесаси, С.Зуннунованинг «Янги директор» қиссаси, «Ташналик» ҳикояси ва б.). Аммо мавжуд ижтимоий тузум, ҳукмрон мафкура ўзбек адабиёти ва санъатидаги жамиятни тозалаш ва даволашга қаратилган бундай тамойилнинг кучайишига йўл қўймади.

Умуман, реализм адабиётнинг асосий методи сифатида жамият ва кишилар ҳаётидаги урчиши ва жамиятнинг ривожланишига тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай иллатларни тасвир этишни, бинобарин, Т.р. методига хос унсурларнинг ҳам бўлишини тақозо этади.

Ад.: Проблемы современного реализма и модернизм, М., 1965; Критический реализм XX века и модернизм, М., 1967; Петров С. М., Критический реализм, М., 1974.

Наим Каримов.

ТАНҲО — Бухоро хонлиги, Эрон, Озарбайжон, Арманистонда 16—20-а. бошларида шартли суратда ер инъом этиш. Т. эгаси — танҳодорнинг ҳокимияти деҳқонлардан ер солиги олиш ҳуқуқи б-н чеклаб қўйилган, натижада деҳқонлар аста-секин унга шахсан қарам бўлиб қолишган.

ТАПАЖОС — Бразилиядаги дарё, Амазонка дарёсининг ўнг ирмоғи. Узунлиги Журуэна ирмоғи бошланган жойдан 2200 км, ҳавзасининг майд. 487 минг км². Журуэна (уз. 1000 км) ва Телис-Пирис (Сан-Мануэл) дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бразилия ясситоглигининг ғарбий қисмидан бошланиб, Амазонка пасттекислигидан оқади. Ўзани серостона, шаршара кўп. Ўртача сув сарфи 15,5 минг м³/сек., ноябрдан мартгача серсув. Сан-Руин ш.гача (қуйилиш жойидан 300 км масофада) кема қатнайди.

ТАПИРЛАР (Tapiridae) — тоқ туёқлилар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. Оёқлари нисбатан калта, олдинги оёқларида 4, орқа оёқларида эса 3 та бармоғи бор; ўрта бармоғи яхши ривожланган. Танасининг уз. 250 см ча, бўйи (яғринидан) 75—120 см, оғирлиги 225—300 кг. Териси жун б-н қопланган. Думи қисқа. Кичик ва серҳаракат хартуми юқори лаби ўзгаришидан пайдо бўлган. Кўзи кичик, тишлари 42—44 та. Тропик ўрмонлардаги оқмайдиган сув ҳавзалари қирғоғида якка яшайди. Тунда фаол. Ўсимликлар б-н озиқланади. Яхши сузади. Ҳид билиш, эшитиш органлари яхши ривожланган; кўзлари яхши кўрмайди. Йилига битта бола туғади. Бўғозлик даври 390—400 кун. 5 тури бор.

Тапир.

Оддий тапир (Жан. Америкада), тоғ тапири (Колумбия, Шим. Перу ва б. денгиз сатҳидан 4000 м баланд жойларда), бэрда тапири (Кордильерадан ғарбда), ҳинд тапири (Таиланд, Малакка я.о., Суматра о. ва б. ҳудудларда) тарқалган. Гўшти ва териси учун овланади.

ТАР, Тҳар — Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларидаги чўл ва чала чўлли текислик. Ҳинд дарёсининг чап соҳили бўйлаб, шим.дан жан.га 850 км масофага чўзилган. Майд. 300 минг км². Ўртача бал. 100—200 м. Аллювиал, денгиз ва эол қумлари б-н қопланган, айрим жойларда қоялар учрайди. Рельефида қум жўяклари ва қум тепа кўп; барханлар учрайди. Иқлими тропик, қуруқ иқлим. Йиллик ёғин 90—200 мм. Тез-тез чангли бўрон бўлиб туради. Пастқам жойларда шўрхок ва тақирлар бор, майдароқ шўр кўл кўп. Ўсимликлари сийрак, дағал ўтлар ва ксерофит бута ва дарахтлар ўсади. Воҳа кўп. Деҳқончилик қилинади, яйлов чорвачилиги ривожланган. Т.нинг ғарбий қисми Ҳинд дарёсидан суғорилади. Суғориш каналлари қурилган.

ТАРАН — *гидравлик зарба* таъсирида босим бўлиши ҳисобига сув чиқарадиган қурилма (қ. *Гидравлик таран*).

ТАРАН, (ҳарбий ишда) — 1) қамал қуроли (учига темир пайкон ўрнатилган тўсин); қадимда, ўрта асрларда қалъа деворларини бузиш мақсадида қўлланилган; 2) эшкакли ёки зирҳли (броненосец) флотларда душман кемасига зарба бериш учун мўлжалланган кема учининг сув ости қисмидаги туртиб чиққан қисми; 3) ҳаво, денгиз ва танк жангида қўлланиладиган усул: самолёт фюзелажи (винти ёки қаноти), кема, танк корпуси б-н душман самолёти, кемаси, танкига зарба бериш.

ТАРАНТО — Италиянинг жан. қисмидаги шаҳар. Таранто провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 201,3 минг киши (2001). Иони денгизининг Таранто қўлтиғи соҳилидаги порт (йилига 30 млн. т дан ортиқ юк ортиб-туширилади). Т. — йирик саноат марказларидан. Мамлакатда энг йирик тўлиқ циклли металлургия к-ти, машинасозлик, нефтни қайта ишлаш корхоналари, денгиз сувини чучитувчи з-д, кокс кимёси з-ди, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Денгиздан балиқ овланади. 12—19-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. Ҳарбий денгиз базаси.

ТАРАНТУЛЛАР — қ. *Бийлар.*

ТАРАСКЛАР (ўзларини пурепеча деб аташади) — Мексикадаги индейс халқларидан бири. Умумий сони тахм. 45 минг киши. Т. тили индейс тиллари орасида алоҳида ажралиб туради. Ҳозирда Т. икки тилда (тараск ва испан) сўзлашади. Испанлар босқини бошланган даврда (16-а. боши) Т.нинг мустақил давлати (пойтахти — Цинцунцан ш.) мавжуд бўлган. Т. ўзларининг этник ҳудудлари ва ўзига хос маданиятларини сақлаб қолганлар. Диндорлари — католиклар, анъанавий эътиқодлар ҳам сақланган. Асосий машғулоти — деҳқончилик (жўхори, сабзавот, мевалар), қўллар атрофида яшовчилари балиқ овлаш б-н шуғулланади.

ТАРАФЛАР (ҳуқуқда) — фуқаролик процессида фуқаролик ишлари бўйича судларда муайян ҳуқуқ кимга тегишли эканлиги юзасидан низолашаётган жисмоний ёки юридик шахслар. Фуқаролик ишларини судда кўриб ҳал қилиш жараёнида 2 тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади. Т.нинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг ФПКда (40-модда) белгилаб берилган. Т. фуқаролик процессуал муомала лаёқатига (ФПКнинг 38-моддаси), яъни судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқатига эга бўлиши лозим. Бундай лаёқатга вояга етган (18 ёшга тўлган) муомала лаёқати чекланмаган фуқаролар эга бўлади. Вояга етмаган ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари уларнинг қонуний вакиллари, ҳомий ва васийлик органлари, бошқа ваколатли органлар томонидан судда ҳимоя қилинади. Меҳнат б-н боғлиқ низоларда ва белгиланган тартибда тўла муомалага лаёқатли деб топилган ҳолларда 16 ёшга тўлган фуқаролар ҳам ўз ҳуқуқларини судда ўзи ҳимоя қилиши мумкин. 14 ёшга тўлмаган фуқаронинг, шунингдек, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомала лаёқатига эга эмас деб топилган шахсларнинг ҳуқуқлари судда уларнинг ота-оналари ва б. қонуний вакиллари томонидан ҳимоя қилинади. Даъвогар — даъво тақдим этиш, унинг предметини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, келишув битими тузиш каби, жавобгар эса — даъвони тан олиш, далил тақдим этиш, қарши даъво қўзғатиш ва ҳ.к. процессуал ҳуқуқларга эга. Қонун улар зиммасига ўз процессуал ҳуқуқларидан инсоф б-н фойдаланиш, қонунни бузмаслик, суд фармойишларини сўзсиз бажариш каби қатор мажбуриятларни ҳам юклайди. Муайян ҳолларда қонун давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари, айрим мансабдор шахсларга ва айрим фуқароларга ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судда даъво қўзғаш ва иштирок этиш ваколатини беради (ФПКнинг 46—49-моддалари).

Жиноят процессида Т. сифатида суд жараёнида иштирок этадиган ва ўз ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида далилларни текширишда қатнашадиган, далиллар тақдим қила оладиган, бошқа тараф хулосалари юзасидан низолашадиган, шикоятлар қила оладиган ва б. жиноий процессуал ваколатларга эга бўлган шахслар қатнашади. Жиноят процессида тараф сифатида судланувчи, унинг қонуний вакили ва ҳимоячиси, давлат айбловчиси (прокурор), иш юзасидан жабрланувчи шахс, фуқаролик даъвогари ҳамда уларнинг манфаатларини судда ҳимоя қилувчи қонуний вакиллари иштирок этади. Уларнинг жиноят процессидаги процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари жиноят процессуал қонунчилигида белгилаб қўйилган.

Хўжалик процессида ўз ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этаётган ёки манфаатини кўзлаб даъво тақдим этилган ташкилот ва б. хўжалик юритувчи субъектлар (шу жумладан, юридик шахс ташкил этмаган якка тадбиркорлар) Т. саналади. Хўжалик ишлари бўйича процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси ХПКда белгиланган (35—36-моддалар).

Йўлдош Турсунов.

ТАРАШ МАШИНАСИ (тўқимачиликда) — толали материаллар (пахта, жун ва б.) тутами (холст)дан *пилта* ҳосил қиладиган машина; *йигириш* жараёнининг асосий машинаси. Т.м.да толалар тўғриланади, бир-бирига параллелланади, хас-чўп ва калта толалар қисман тараб ташланади, пилта тазга тахланади. Т.м. қуйидагича ишлайди. Холст машинанинг холст вали *1* га келтирилади (расмга қ.). Вал айланиши натижасида холст стол 2 устида ёзилиб, цилиндр *3* остидан ўтади ва тез (450—700 айл/мин) айланиб турган қабул барабани *4* га келади. Бунда холст барабан остига ўрнатилган пичоқлар *5* ёрдамида хас-чўплардан тозаланади, панжара *6* орқали машинанинг остига тушади. Сўнгра толалар асосий барабан *7* ва шляпка *9* лар орасидан ўтиб, тўғриланади, таралади ва бир-бирига параллелланади. Асосий барабандан ажратувчи барабан *10* га ўтган толаларни тез (1000—1500 айл/мин) тебранувчи «эшкак» *11* уриб туширади; натижада маҳсулот юпқа қатламли тарам шаклига келади. Тарам воронка *12* га тўпланади, сўнгра валлар *13* орқали ўтиб,



Тараш машинасини схемаси.

зичланади ва пилта шаклида таз *14* га тахланади. Таздан пилталар тайёр маҳсулотлар омборига жўнатилади.

ТАРАҚҚИЁТ — *ривожланишнинг* оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган шакли, унинг юксалиши. Адабиётларда Т.ни кўпинча ривожланиш б-н айнанлаштириб қўйишади, аслида у ривожланишнинг бир йўналишидир. Шунингдек, Т.ни айрим адабиётларда фақат жамиятдаги ривожланиш маъносида қўллашади, бу ҳам бир ёқлама ёндашувдир. Т. фалсафий адабиётларда прогрессив ривожланиш тарзида қўлланилади. Одатда ривожланишнинг 2 муҳим йўналиши бўлиб, бири Т. (прогрессив ривожланиш), иккинчиси *инқироз* (регрессив ривожланиш) дейилади. Т.ни фақатгина жамиятга қўллашнинг хатоси шундаки, жамиятдан ташқаридаги системаларда ҳам юксалиш рўй беради. Мас., муайян тирик организмларнинг Т.и, бемордаги касалликнинг Т.и, кимёвий жараённинг Т.и ва бошқалар. Т. нисбийдир. Ривожланиш бир система учун Т., бошқа система учун регресс бўлиши мумкин. Мас., касалликнинг ривожланиши, касалликни вужудга келтирувчи вируслар учун Т. бўлса, бемор организми учун инқироз (регресс)дир. Ҳар қандай система ўзининг ривожланиши мобайнида Т.ни ҳам, инқирозни ҳам бошидан кечиради. Системанинг равнақ топиши Т.ни англатса, унинг емирилиши эса инқирозни англатади. Т. жонсиз, анорганик табиатга ҳам, жонли, органик табиатга ҳам, жамиятга, инсон тафаккурига, руҳиятига ҳам хос бўлган табиий ва зарурий жараёндир. Т. микро-макро-мегадунёда ҳам содир бўлади. Т. туфайли оламда мукаммаллашиш, юксалиш рўй беради, у вужудга келиш, мураккаблашиш, улғайиш, янгиланиш, тикланиш, система ясалиш жараёнлари тарзида амалга ошади. Т. яхлит жараёндир.

Бахтиёр Тўраев.

«ТАРАҚҚИЙ» — жадидлар газетаси. 1906 й. 14(27) июндан Тошкентда чоп этилган. Ношири ва муҳаррири — Исмоил Обидий. «Т.» том маънодаги илк миллий нашр ҳисобланади. Унинг саҳифаларида чор Россиясининг Туркистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини дадиллик б-н фош қилишга бағишланган мақолалар, хабарлар ва маълумотлар босилган.

«Т.» да босилган фельетон ва б. материалларда танқидий йўналиш, фош қилиш руҳи кучли бўлгани учун у ўша даврнинг энг оммавий нашрига айланган ва жамоатчилик фикрига катта таъсир кўрсатган. Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сўфизода, Нозимахоним, Баҳромбек Давлатбеков, Шокир Мухторий, Зариф Холиқий ва б.нинг оммага миллий озодлик, тараққиёт гояларини тарғиб ва ташвиқ қилувчи асарлари «Т.» саҳифаларида чоп этиб турилган.

«Т.» тутган йўл, газ.нинг маслаги ва мақсади, унда чоп этилган асарлардаги ўткир танқидий руҳ мустамлакачи маъмурларга маъқул келмаган. 19 сони чиққанидан сўнг «Т.» ёпиб қўйилган. Муҳаррири қамоққа олиниб, газ.нинг мол-мулки мусодара қилинган. «Т.»нинг илк сони чиққан 27 июнь 1993 й.дан буён мамлакатимизда «Мат-

буот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифатида нишонланади.

Ад.: Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ., Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни, Т., 1993; Пидаев Т., Матбуот — миллат чироғи, Т., 1999; Абдуазизова Н., Туркистон матбуоти тарихи (1870—1917), Т., 2000.

ТАРАҒАЙТЕПА — антик даврга оид қалъа харобаси (1—4-а.лар). Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманида, Тентаксойнинг чап соҳилида жойлашган. 1968 й. ва 1982 й.ларда тадқиқот ишлари олиб борилган. Квадрат тарҳли (50×50) қалъа бурчакларига доира шаклидаги буржлар ўрнатилган (бал. 8 м). Т.нинг юқори қисмидан кушон подшоларидан Васудева I ва Канишка III даврига оид тангалар, терракотадан ясалган бақтриялик жангчининг бош қисми, қизил ангоб б-н сирланган сопол парчалари топилган.

ТАРАҒОЙ, Амир Тарағой, Тарағойбек (?—1360) — *Амир Темур*нинг отаси. *Чиғатой улуси*нинг нуфузли бекларидан бири, барлос қабиласи оқсоқолларидан бўлган. Т. аждодлари *Чингизхон* ва *Чиғатой* саройига яқин бўлишган, кейинчалик улар Кеш вилоятини идора этганлар. Т.нинг ўзи ҳам Амир *Қазағон*нинг ишончли бекларидан саналган. Чиғатой улуси ҳукмдорлари томонидан Или дарёси бўйида ҳар йили чақириладиган қурултойга бошқа вилоят беклари қаторида Т. ҳам қатнашган. Т.нинг Мовароуннаҳр ва Мўғулистондаги машҳур амирлардан дўстлари кўп бўлган, бу ҳол кейинчалик Амир Темурга қўл келган. Т. беклар хонадонига мансуб бўлсада, отаси Амир Баргул каби ҳарбий ишга майли бўлмаган. Т. тақводор мусулмон бўлиб, кўп вақтини дарвешлар б-н ўтказган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, «Тарағойбек уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисига борур эрди...». Т. *Шамсуддин Кулол*ни ўзига пир тутган. Т.нинг хотини Бухоро фузалоларининг пешвоси — садр ул-шаръиа (шариат қонунларини шарҳловчи)нинг қизи Такина хотун бўлган. Т. фарзанди Темурбекни ёшлигидан махсус мураббийлар назорати остига топшириб, чавандозлик, овчилик, камондан ўқ отиш, қиличбозлик ва б.дан ҳарбий таълим олишига алоҳида эътибор берган. Булар уни келажакда буюк саркарда бўлиб етишида катта роль ўйнаган. Т. Кеш (Шаҳрисабз)даги оилавий хилхонага дафн этилган. Соҳибқирон кейинчалик жоме масжид яқинида, шайх Шамсуддин Кулол мақбараси ёнида янги мақбара қурдириб отасининг хокини ўша ерга кўчирган. Амир Темур ҳарбий сафарлардан қайтишда Кешда тўхтаб, отаси, ўғли Жаҳонгир, пири шайх Шамсиддин Кулол қабрларини зиёрат қилган.

Манба: Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1997;

Ад.: Амир Темур жаҳон тарихида, Париж, 1996; Бартольд В.В., Сочинения, т.2(часть 2), М., 1964; Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995; Радлов В.В., Опыт словаря тюркских наречий, т.3, М., 1963.

ТАРБАҒАТОЙ — Қозоғистон шарқидаги тоғ тизмаси. Хитой б-н бўлган чегарада. Зайсан кўли б-н Олакўл оралиғида. Энг баланд жойи 2992 м (Тостов тоғи). Уз. 300 км га яқин. Т. сланец, конгломерат, оҳактош, вулкан жинсларидан тузилган. Ён бағирларининг қуйи қисмларида чала чўл, юқорироқда тоғ ўтлоқлари учрайди. Водийларда дарахтлар, жан. ён бағирларида буталар ўсади.

ТАРБИЯ — шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чортадбирлар йиғиндиси. Т. инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қад. ва абадий қадриятлир. Т.сиз алоҳида одам ҳам, кишилик жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар Т. туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади.

Педагогик адабиётларда «Т.» атамаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода Т. инсон шахсини шакллантиришга, унинг жамият и.ч.и ва ижтимоий, маданий, маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча таъсирлар, тадбирлар, ҳаракатлар, интилишлар йиғиндисини англатади. Бундай тушунишда Т. фақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни эмас, балки бутун ижтимоий тузум, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидение ва б.ни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, кенг маънодаги Т. тушунчаси ичига *таълим* ва *маълумот* олиш ҳам киради.

Тор маънода Т. шахснинг жисмоний ривожи, дунёқараши, маънавий-ахлоқий қиёфаси, эстетик диди ўстирилишига йўналтирилган педагогик фаолиятни англатади. Буни оила ва тарбиявий муассасалар ҳамда жамоат ташкилотлари амалга оширади. Таълим ва маълумот олиш тор маънодаги Т. ичига кирмайди. Лекин ҳар қандай Т. таълим б-н чамбарчас боғлиқ ҳолдагина мавжуд бўлади. Чунки таълим ва маълумот олиш жараёнида шахснинг фақат билими кўпайибгина қолмай, балки ахлоқий-маънавий сифатлари қарор топиши ҳам тезлашади.

Т. ҳар қандай жамият ва ҳар қандай мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёш авлоднинг, умуман, жамият аъзоларининг Т.си б-н етарлича шуғулланмаган мамлакат турғунлик ва инқирозга маҳкумдир. Негаки, ўсиши ва ривожланиши учун ҳар қандай жамиятда ҳам моддий ва маънавий бойликлар и.ч. тўхтовсиз равишда юксалиб бориши лозим. Бунинг учун ёш авлод моддий ва маънавий бойликлар етиштиришни аждодлари даражасида, улардан ҳам яхшироқ ишлаб чиқара билишлари керак. Ёш авлодда ана шундай моддий ва маънавий қобилиятларни шакллантира билиш учун эса, жамият узлуксиз равишда самарали фаолият кўрсатадиган тарбиявий ин-тлар тизимига эга бўлиши лозим.

Т. жамият тараққиётининг турли даврларида турлича изоҳлаб келинган. Шўро замонида ҳукмрон коммунистик мафкура Т.га синфий ва партиявий ҳодиса сифатида ёндашишни талаб этган. Шунинг учун ҳам синфий жамиятда Т. фақат синфий хусусиятга эга бўлади ва турли синфларнинг Т.си бир-бирига қарама-қарши туради деган қараш қарор топган. Ҳолбуки, дунё илми, айниқса, Шарқ тарбияшунослиги ва ўзбек халқ пед.си тажрибаси Т.нинг синфий кўринишга эга эмаслигини исбот этди. Шунингдек, коммунистик мафкура тазйиқи туфайли Т.да ижтимоий муассасаларнинг ўрнига ортиқча баҳо берилди, бу жараёнда ирсий ва биологик хусусиятлар деярли ҳисобга олинмади.

Шўролар пед.сида Т. орқали ҳар қандай одамни истаган ижтимоий қиёфага солиш мумкин деган қараш ҳукмрон бўлганлиги учун ҳам унинг шахсни шакллантиришдаги ўрнига ошиқча баҳо берилди. Тарбияланувчи шахснинг Т.га берилиш ёки берилмаслик хусусиятларининг ҳисобга олинмаслиги тарбиявий тадбирларга маҳлиё бўлишдек педагогик хатоликка олиб келди. Бунинг натижасида Т. мақсадсиз бўлиб қолди, тарбияланувчиларга алоҳида шахс сифатида эмас, исталган ижтимоий йўналишга солиниши мумкин бўлган қиёфасиз тўда, оломон тарзида қараш қарор топди, Бу ҳол Т.нинг самарасизлигига олиб келди. Чунки Т.нинг асосий объекти бўлмиш шахс ва унинг ўзига хослик жиҳатлари унутилган эди. Шўро педагогик тизимидаги камчиликларнинг илдизи, асосан, мана шу ёндашув тарзига бориб тақалади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Т. ва унга боғлиқ жараёнларга янги ҳамда соғлом педагогик тафаккурга таянган ҳолда ёндашув қарор топа бошлади. Уни изоҳлашда гайриилмий синфий-партиявий ёндашувдан воз кечилди. Т.нинг миллийлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун халқ пед.си бойликлари, ўзбек мутафаккирларининг педагогик қарашлари синчковлик б-н ўрганилаётир. Натижада, Ўзбекистон пед. фани ва амалиётида оила Т.сининг ҳам, ижтимоий Т.нинг ҳам ўзига хос ўрни борлиги тан олина бошланди. Шунингдек, Т.да ирсий ва биологик омиллар ҳам ҳисобга олинадиган бўлди. Айни вақтда, шахснинг шаклланишида Т.нинг ўрнига керагидан ортиқ баҳо бериш ҳам барҳам топди. Бу ҳол Т.га доир ҳолиса ва ҳолатларни тўғри изоҳлаш, тарбиявий тадбирлар тизимини тўғри тайин этиш имконини берди.

Қозоқбой Йўлдошев.

«ТАРБИЯИ АТФОЛ» («Болалар тарбияси») — Бухоро жадидлари ташкил этган маърифий жамият (1908—14). Абдувоҳид *Бурҳонов*, Мукаммил *Бурҳонов*, Ҳамидхўжа Меҳрий, Аҳмаджон Абдусаидов ва б. асос солишган. Жамият фаолиятида С.*Айний*, Усмон Хўжа, М.*Саиджонов* ва б. муҳим роль ўйнаган. Жамият аъзолари сони 100 га яқин бўлиб, уларни Муҳиддин Мансуров, Садр Зиё моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган. «Т.а.» истеъдодли ёшларни хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, усули жадид мактабларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу мактаблар учун ўқув қўлланмалари ва дарсликлар яратиш, хориждаги талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш ишлари б-н шуғулланган. Жамиятнинг саъй-ҳаракати б-н, мас., 1908 й.да Истанбулда бухоролик ва туркистонлик ёшлардан 14 киши таҳсил олган. Жамият кўмаги б-н Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти» ва «Сайҳа» асарлари, шунингдек, С.Айний, А.Бурҳонов, Икром домла ва б.нинг китоблари Туркияда нашр этилиб, Туркистонда тарқатилган. Жамият маърифатпарварлик ишлари б-н бирга ижтимоий масалаларга ҳам эътиборни қаратди. Жамият аъзолари Бухорода маърифатни ёйиш, Фитратнинг Туркистон жадидчилигининг дастури ҳисобланган асарларини тарғиб этиш б-н бирга Бухоро амирлигида ҳукм сурган диний фанатизм ва бидъатга қарши тарғиботташвиқот ишларини олиб борди, шунингдек, амирликдаги ҳар қандай янгиликни бўғишга қаратилган тадбирларга қарши норозилик кайфиятини изҳор этиб турди.

Ад.: Айний Садриддин, Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Хўжаев Файзулла, Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Эргашев Б.Х., Идеология национально-освободительного движения в бухарском эмирате, Т., 1991

Қаҳрамон Ражабов.

ТАРВУЗ (Citrullus) — қовоқдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўт ўсимликлар туркуми; полиз экини. Ватани — Африка (Миср). Ҳиндистонда 3 минг йилдан бери экилади. Ҳиндистон, Америка, Жан. Европа, Хитой, Туркия, Эрон, Япония ва Австралияда кенг тарқалган. Марказий Осиёда Т. экиладиган майдони жиҳатидан полиз экинлари орасида қовундан кейин 2 ўринда туради. Маданий Т.нинг хўраки (C. aedulis Pand.), хашаки (C. colocynthoides Pand.) турлари, ёввойи Т.нинг меваси аччиқ 4 тури маълум. Хўраки Т.нинг дунё бўйича маълум бўлган барча навлари 10 га экологик-географик гуруҳга бўлинади. Ўрта Осиё тарвузи алоҳида экологик-географик гуруҳни ташкил этади. Палаги 4—5 м гача боради. Илдизи чуқур жойлашган ўқ илдиз, барг қўлтиқларидан ўсиб чиққан жингалаклари ёрдамида илашиб, чирмашиб ўсади. Барг банди узун, барглари бир неча бўлакчалардан иборат, ранги оч яшил, оқ ва узун туклар б-н қопланган. Оталик ва оналик гуллари алоҳида-алоҳида жойлашган. Асосан четдан чангланади. Т. мевасининг шакли юмалоқ, овалсимон, цилиндрсимон. Пўсти қалин (1,5 см), ўртача (1,1,5 см), юпқа (1 смдан кам), қаттиқ, эти юмшоқ, серсув, сершира, қумоқ, баъзан толали. Этининг ранги қизил, айрим навлари малинасимон. Уруғи, оқ сариқ, қора, қизил, кулранг. 1000 дона уруғи вазни 40—120 г. Меваси таркибида 8,0—13,5% қуруқ модда, 5,8—11% қанд (фруктоза; хашаки тарвузда 3,2—5% қуруқ модда, 1,2—3% қанд, 1 кг ида 0,09 озуқа бирлиги), 90% дан кўпроқ сув, турли витаминлар (B_1, B_2 PP) ва минерал тузлар, уруғида 25—30% мой, фитин кислотаси бор. Т. иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик, қурғоқчиликка чидамли, уруғи тупроқ ҳарорати 14—16° да уна бошлайди (қулай шароит 20°). Экилгандан кейин 5—6 кунда униб чиқади. Т.нинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навлари бор. Эртапишар навлари 80—90, ўртапишарлари 90—100 ва кечпишарлари 110—120 кунда пишади. Т. янгилигида истеъмол қилинади, саноатда қайта ишлаш учун хом ашё, хашаки Т. чорвачиликда ширали озуқа сифатида фойдаланилади. Табобатда камқонлик, жигар, буйрак, юрак-томир касалликларини даволашда қўлланилади. Шинни, мурабболар тайёрланади. Т. пушта кенглиги 280—360 см қилиб олинган жўякнинг икки томонига туп ораси 70 см қилиб 4—6 см чуқурликда экилади. Уяларга 2—3 кун ивитилган уруғлар 3—4 тадан ташланади, чопиқ пайтида ягана қилиб биттадан ўсимлик қилдирилади. Ўсув даврида қатор оралари 2—3 марта юмшатилади (чопиқ қилинади). Тупроқ шароитига қараб 6—8 марта сув берилади. Т. лалмикор ерларда ҳам яхши ўсади. Ҳосилдорлиги 200—600 ц/га. Ўзбекистонда Т.нинг 15 дан ортиқ навлари р-илаштирилиб, давлат реестрига киритилган. Булардан энг кўп экиладиган навлари: Гулистон, *Дилноз*, Король Куба 92, *Кўзибой*, *Мармар тарвуз*, Манзур, Олмос, *Сурхон тонги*, *Ўзбекистон*, Ўринбой, *Хаит қора* ва б. б. 2000-й.лардан бошлаб Голландия селекциясида чиқарилган эртапишар Крисби, Трофи, Гранит 1-авлоди дурагайлари экилмоқда. Эрта ҳосил олиш учун иссиқхоналарда ёки очиқ далада плёнка остида кўчатидан экиб етиштириш мумкин.

Зараркунандалари: ўргимчаккана, полиз шираси, шумғия, кўк қурт тунлами, оқ чивин.

Касалликлари: фузариоз, бактериоз.

Ад.: Остонақулов Т.Э., Сабзавот экиндари биологияси ва ўстириш технологияси, Т., 1997; Пивоваров В.Ф., Аромов М.Х., Турдикулов Б.Х. и др., Овощные и бахчивые культуры в Узбекистане, М., 2001.

Рафиқжон Ҳакимов, Рафиқа Ғанихўжаева.

Тарвуз: *1* — барги ва гули. Навлари: *2* — Ўзбекистон; *3* — Гулистон; *4* — Чипор тарвуз; *5* — Сурхон тонги; *6* — Манзур; *7* — Кўзибой.

ТАРДУШЛАР — Ўрхун-Енисей битикларида учрайдиган атама; *Турк хоқонлигининг* 2 бўлимидан бирини англатган. Хоқонликнинг сиёсий тузилмасига қабила иттифоқлари б-н бир қаторда географик белгисига кўра 2 ҳарбий маъмурий қабила бирлашмаси кирган: Т. (хоқонликнинг ғарбий қисмида яшовчи қабилалар) ва тёлислар, ёхуд толислар (хоқонликнинг шарқий қисмидаги қабилалар). Улардан ташкил топган лашкар Турк хоқонлиги қўшининг ўнг ва сўл қанотини ташкил этган. Ҳар 2 бирлашмани шадлар бошқарган. Улар хоқон хонадонига мансуб шахслар бўлиб, хоқон томонидан тайинланган. Бу бирлашмалар уйғур давлатлари тузилмасида сақланиб қолган.

Ад.: Малов С. Е., Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии, М.-Л., 1959; Гумилев Л. Н., Древние тюрки, М., 1967.

ТАРЕЛКАЛАР (рус.; итал. piatti:, франц. cymbales) — урма мусиқа чолғу асбоби. Иккита махсус темир қотишмасидан тайёрланган диск (диаметри 25—60 см)дан иборат. Миср, Ҳиндистон, Узоқ Шарқ мамлакатларида қадимдан маълум. Европада 18-а.дан «яничарча (туркча) мусиқа» таъсири остида оммавийлашган. Т. бир- бирига (ёки таёқча б-н) урилганда жарангдор садо беради. У турли оркестр ва эстрада ҳамда жаз ансамблларида қўлланилади.

Тарелкалар.

ТАРЖЕ, таржиъ (араб.— қайтариш, такрорлаш, нақарот) — Шашмақом чолғу бўлими таркибидаги асосий қисмлардан бири. У Рост мақомидан ташқари барча мақомларда мавжуд бўлиб, туркумда иккинчи ўринни эгаллайди. Т.лар мақом номлари б-н қўшилиб, Таржеи Бузрук, Таржеи Наво, Таржеи Дугоҳ, Таржеи Сегоҳ, Таржеи Ироқ деб юритилади. Буларнинг аксарияти *тасниф* қисмига хос, Ироқда эса каттароқ 5 такт ҳажмидаги доира усули жўрлигида келади. Т.лар шакли «хона» ва «бозгўй» куй тузилмаларининг алмашинуви натижасида гавдаланади. Парда тузилиши ва куй мавзуи бўйича Т.лар бир биридан фарқ қилиб ҳар бир мақомнинг таянч погоналари заминида юзага келган оҳанглардан ҳосил бўлади. Уларнинг куй ривожи жараёнида *пешрав* услуби етакчилик қилади. Т.лар таснифларга кўра бироз тезроқ, ҳаракатчан суръатда бўлиб, якка ёки чолғу жўрнавозлиги тарзида ижро этилади.

Ад.: Ражабов И. Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.

ТАРЖИМА — бир тилдаги матнни бошқа тилда қайта яратишдан иборат адабий ижод тури. Т. миллатлараро мулоқотнинг энг муҳим кўриниши. Аслият ва қайта тикланган матн хусусиятига қараб бадиий Т., илмий Т. ва б. турларга ажратилади. Асл нусхани акс эттириш тарзига кўра тафсир, табдил, шарҳ каби кўринишларга ҳам эга бўлиши мумкин. Т. қад. даврларда, турли қабилага мансуб кишилар орасидаги ўзаро алоқа, мулоқот эҳтиёжи туфайли юзага келган. Тилмочлик деб аталадиган бу оғзаки тури ҳозирда ҳам сақланган.

Замонлар оша Т.га бўлган талаблар янгилана боради. Аммо унинг ижодий характери, қайта яратиш санъати эканлиги ўзгармайди. Т.нинг кўлами ва тараққиёти ҳар бир халқнинг маърифий даражасига боғлиқ ва, ўз навбатида, у миллатнинг ижтимоий тафаккурига самарали таъсир этади. «Т.» термини бир тилдан иккинчи тилга ўгириш жараёнини, шунингдек, тайёр таржима асарини англатади.

Бадиий Т.нинг асосий хусусияти тилнинг бадиий вазифасидан келиб чиқади. Тил бадиий асарда эстетик ҳодиса, санъат фактига айланади. Адабий асар тили — алоҳида «бадиий воқелик» унсуридир. Т.да ана шу образли-ифодавий тилдаги бадиий маънони бошқа тилнинг образли ифодавий заминига ўтказиш, образни образ б-н қайта ифодалаш жараёни юз беради. Шунинг учун таржимон асарлаги воқеаларнинг бадиий тафаккур жараёнини янгидан идрок этади. Замонавий Т. талабларига асосан таржимон аслиятнинг санъат асари сифатида шакл ва мазмун бирлигини қайта яратиши, миллий ва индивидуал хусусиятларини сақлаши лозим. Таржимон она тилининг ривожланиш даражаси, Т.чилик анъаналари, тажрибаларига суянади, турли хил тафовутларнинг мавжудлигини ҳисобга олади. Таржимоннинг ижодий қобилияти ва билими унинг имкониятларини кенгайтиради. Т. жараёнида таржимон ҳаммавақт ўз она тилида фикрлайди, она тили унга таҳлил қуроли, синов мезони бўлиб хизмат қилади. Мас., Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини ўгирган Қутб («...Низомий болидан ҳолво пишурдим») Т. нусха кўчириш каби бир иш бўлмай, ижодий жараён эканини, таржимон эса болдан ҳолва пиширувчи моҳир ёзувчи бўлиши кераклигини айтади. Турли даврларда муайян ҳудудлаги адабий муҳит, айниқса, махсус таржима мактабларининг юзага келганлигининг ўзиёқ унинг шаклланган тамойиллари, анъаналари бўлганлигини кўрсатади.

Ҳоз. даврда ҳар бир тараққий этган халқ жаҳондаги юзлаб халқлар тилидан ўз она тилига илм-фан ва маданиятнинг ўнлаб соҳаларига оид материалларни (лирик шеърлар, хабарлар, технология адабиёти ва б.) таржима қилади.

Т. нусха кўчириш эмас; таржимоннинг эстетик эҳтиёжи унинг ихтиёридан ташқари, Т.да из қолдиради. Ёзувчи ҳаёт воқеаларидан олган мушоҳадаларини тилда бадиий ифодаласа, таржимон аслият матнини янги тил воситасида қайта гавдалантиради. Бунинг учун у асарда тилга олинган воқеликнинг муаллиф даражасида пухта билиши керак. Ҳар бир халқ адабиётининг ривожланишида Т. чиликнинг таъсири катта бўлади, зеро Т. тарихи адабиёт тарихи б-н тенгдош. Ўзбек адабиётида ҳам Т.чилик қадимдан ривожланган. Маҳмуд Кошғарий, Рабғузий, Қутб, Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий ва б. ижодида Т. катта ўрин эгаллайди.

20-а. ўзбек ёзувчиларидан Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али ва б. бадиий Т. соҳасида ҳам самарали ижод қилганлар. Бадиий Т. соҳасида М. Осим, Н. Алимуҳамедов, Ш. Шомуҳамедов, К. Қаҳҳорова, О. Шаропов, Ш. Толипов, В. Рўзиматов, Қ. Мирмуҳамедов, А. Рашидов, М. Ҳакимов, И. Ғафуров, М. Мирзоидов, Ҳ. Тўрабеков, Т. Алимов ва б. профессионал таржимон сифатида танилганлар. Ўзбек тилида илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар Т. чилигида ҳам катта ютуқларга эришилган. Бунда Р. Абдураҳмонов, В. Раҳимов, А. Шомаҳмудов, З. Тинчерова каби таржимонларнинг ҳиссаси катта.

Т. амалиётини, унинг ўзига хосликларини, тарихини, тамойиллари, принцип ва қонуниятларини таржимашунослик фани ўрганади, таржимонга ўгириш учун асар танлаш, тиллараро тафовутлар ҳамда аслиятга хос бошқа хусусиятларни, миллий-адабий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда иш тутишда ёрдам беради. 20-а. ўзбек адабиётида таржимашунослик махсус фан тармоғи сифатида юзага келди ва шаклланди. Чўлпон, Санжар Сиддиқ каби моҳир таржимонлар нафақат бу давр таржима адабиётини, айни пайтда таржимашунослик илмини ҳам бошлаб берганлар, таржима ҳақида мақола ва рисолалар битганлар.

Ўзбекистонда таржимашунослик махсус илм сифатида ўтган асрнинг 2-ярмидан шаклланди. Аср охирига келиб, бу соҳада 10 га яқин фан д-ри, 50 дан ортиқ фан номзоди етишиб чиқди. Проф. Ж. Шарипов тадқиқотлари асосан адабиётимиз тарихида таржиманинг ўрнини кўрсатишга бағишланган бўлса, проф. Ғ. Саломов асосан замонавий таржимашунослик масалалари б-н шуғулланди, таржима жараёнига тил ҳамда адабий анъаналарнинг таъсирини кўрсатиб берди. Н. *Комилов* эса мумтоз жанрларнинг ўтмиш ва ҳозирдаги таржималарини тадқиқ этди.

Ўзбек таржимашунослиги асосан адабий йўналишда тараққий этган. Т.нинг лисоний жиҳатлари кейинроқ — ўзбек тилига кўпгина хорижий тиллардан бевосита ўгиришга йўл очилганидан сўнг ривожлана бошлади.

Зуҳриддин Исомиддинов.

«ТАРЖИМОН» — Боқчасаройда Исмоил *Гаспринский* муҳаррирлигида чоп этилган газета. 1-сони 1883 й. 10 апр.да чиққан ва шартномага кўра икки — маҳаллий ва рус тилида бўлиб, бири иккинчисининг айнан таржимасидан иборат бўлган. Кейинчалик И. Гаспринский мавзулар доирасидан таржималар нисбати ва кўламигача ўзгартириб боришга ва газ.ни турк-ислом дунёсининг, айниқса Россия мусулмонларининг чинакам миллий газ.сига айлантиришга эришган. Газ. 1914 й. 11 сент. — Исмоилбек Гаспринский вафотига қадар унинг ноширлиги ва муҳаррирлигида чиққан. Сўнг бу ишни ўғли Рифъат ва сафдоши Ҳасан Сабрий давом эттирганлар. «Т.» дастлабки йилларда ҳафтада 1, 1903 й.дан — 2, 1905 й.дан — 3 марта чиққан. 1912 й.дан кундалик газ. га айланган. Жами 2826 сони чиққан. Газ.га 1905 й.да «Олами нисвон» («Аёллар олами»), 1910 й.дан «Олами сибён» («Болалар олами») газ.лари илова сифатида чиқарилган. Обуначилари 5000 тагача етган. «Т.»нинг муштарийлари Туркистонда ҳам кўпчиликни ташкил қилган.

Газ. туркий халқларнинг умумий адабий тилини яратишга, тил бирлигига алоҳида эътибор берган. Унингча, тил ва дин бирлиги миллатнинг миллат бўлишидаги энг муҳим омиллардан саналган. «Тилда, фикрда, ишда бирлик» сўзлари газ.га шиор қилиб олинган. Газ.да дунё хабарлари, Россия мусулмонлари ҳаёти, машҳур кишилар турмуши, турк дунёси адабиёти намуналари каби доимий мавзулардан олди-қочди ҳангомалар, рекламаэълонларгача бериб борилган. Лекин Туркистон тарихи, кундалик ҳаёти, мактаб-маорифи, тил ва адабиёти, умумий миллий-фикрий уйғонишидаги ҳар бир янгилик газ.нинг ҳамиша диққат марказида турган. Газ. таркибида «Т.» босмахонаси ҳам фаолият кўрсатган. Босмахонада юзга яқин турли-туман рисолалар чоп этилган.

Ад.: Ганкевич В., На службе правде и просвещению, Симферополь, 2000.

Шоҳруҳ Қосимов.

ТАРЖИЪБАНД (араб. — қайтариш, такрорлаш; *банд*) — мумтоз адабиётда лирика жанрларидан. Т. ғазал каби қофияланиб, 5 байтдан 12 байттача бўлади, ҳар банди бир вазнда ёзилиб, бандлар охирида бошқа бир байт такрорланиб келади. Бандлар такрорланувчи байт — таржиъ воситасида ўзаро боғланиши туфайли Т. деб юритилади. Барча бандларнинг охири ўша такрорланадиган байт б-н мазмун жиҳатидан узвий боғланиб келади. Т.да такрорланадиган ушбу байт байт боши деб айтилади.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод *Тарозий* «Фунун ул-балоға» асарида Т.ни 5 турга ажратади: 1) ҳар банднинг қофияси бошқача бўлади, лекин байт такрори сақланади; 2) барча бандлар бир қофияда айтилиб, таржиъ байти такрорланмайди, балки ҳар банднинг охирида бошқа бир байт келади; 3) барча бандлар, жумладан таржиъ байтлар ҳам бир қофияда ёзилади; 4) ҳар бир банд алоҳида, шунингдек, таржиъ байтлар ҳам ғазал каби қофияланади (1-мисрасида қофия бўлмайди) ва уларни жам этса, яхлит ғазал кўринишини олади; 5) ҳар бир банднинг ҳам, таржиъ байтнинг ҳам қофияси алоҳида-алоҳида бўлади.

Т. да шоирлар кўпинча фалсафий қарашлари, фикр-мулоҳазаларини ифодалашган. Бу жиҳатдан Саъдий, Ҳофиз, Навоий ва Фурқатларнинг тасаввуфий мазмундаги Т.лари машҳур. Мас., Навоий:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол
Май истарга — илгимда синган сафол.—

байти такрорланиб келадиган машҳур Т.ида ўзининг олам ва одам тўғрисидаги фалсафий қарашларини тасаввуф таълимоти б-н боғлаб акс эттиради. Ўзбек адабиётида Т. жанрининг дастлабки мукаммал намуналарини Навоий яратган. «Хазойин ул-маоний»да 4 та Т. мавжуд бўлиб, уларнинг иккитаси 10 банд (бири 10, иккинчиси 11 байтдан), учинчиси 8[11 (икки банд 12) байтдан], тўртинчиси 7 (8 байтдан) ни ташкил этади. Уларнинг барчаси фалсафий мазмунда.

Ўзбек адабиётида, шунингдек, Юсуф Амирий, Нодира, Огаҳий, Аваз, Увайсий, Равнақ, Фурқат, Мирий ва бошқалар Т. лар ёзишган. Замонавий шоирлардан Ҳабибий, В. Саъдулла, Чустийлар Т. яратишган. Лекин бу Т. ларда меҳнат нашидаси, ватанга ва ёрга муҳаббат туйғулари тараннум этилган.

Ад.: Айний С., Асарлар, 8-ж., Т., 1967; Адабий турлар ва жанрлар, 2-ж., 1992.

Эргаш Очилов.

ТАРЗ, фасад — меъморликда бино, иншоотнинг ташқи (олд, орқа, ён ҳовли, боғ, кўча) томондан умумий кўриниши. Бош, ён, орқа Т. шакли, нисбати, қисмлари бино, иншоотнинг қандай мақсадга хизмат қилишига, атрофдаги муҳит, бино, ансамблга мувофиқ бўлишига, қурилма хусусиятларига қараб белгиланади.

ТАРЗИЙ Маҳмудбек — қ. *Маҳмуд Тарзий.*

ТАРИМ — Хитойнинг ғарбий қисмидаги дарё. Куньлун, Қорақурум, Тяньшан ва Помир тоғларидан бошланувчи Ёркенддарё, Оқсув ва Хўтан дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Узунлиги Ёркенд дарёси бошланган жойидан 2030 км, Марказий Осиёда энг узун дарё. Ҳавзасининг майд. 1 млн. км². Анча масофада Қашқар (Тарим) текислигининг ғарбий ва шим. чеккасидан оқади. Энг серсув ирмоғи — Оқсув. Ёркенддарё ва Хўтан дарёси баъзи йиллари қуриб қолади. Т. ўрта ва қуйи оқимида жуда сертармоқ, асосий ўзани ҳам тез-тез ўзгариб туради. Дельтаси мураккаб тузилган бўлиб, Кўнчидарёга туташган. Т.нинг асосий қисми Кўнчидарёга оққан йили Лобнор кўлининг майдони кенгаяди, аксинча Кўнчидарё суви Т.га оққан йили Лобнор кичрайиб ёки бутунлай қуриб, Қорабўронкўлнинг майдони кенгаяди. Қадимда Т.га Қашқар, Тизнаф, Керия дарёлари ҳам қуйилган. Т. қор ва ёмғирдан, юқори оқимида музликдан сув олади; май ойидан сент.гача серсув бўлади. Ўрта оқимида энг юқори сув сарфи 2500 м³/сек. Дарё қишда музлайди. Балиққа бой. Сув паррандаси кўп. Т. сувидан экинзорларни суғоришда фойдаланилади.

ТАРИМ ТЕКИСЛИГИ — қ. *Қашқар текислиги.*

ТАРИФ (араб. — тушунтириш, аниқлаш) — корхоналар, ташкилотлар, аҳолига кўрсатиладиган турли и.ч. ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги хизматлар учун тўланадиган ҳақ; тўлов ставкалари тизими. Транспорт, алоқа, коммунал хизмати, божхона Т.лари кенг тарқалган ва улар монопол нарх кўринишлари ҳисобланади.

ТАРИХ — 1) табиат ва жамиятдаги ҳар қандай ривожланиш жараёни. Шу маънода оламнинг яратилиш Т.и, Ер Т.и, барча фанлар Т.и ва б. тушунилади; 2) инсоният ва унинг маҳсули бўлган тамаддунлар ривожи, жамият ва давлатлар ўтмиши тараққиёти жараёнини ўрганувчи фан.

Т. фани — инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни (жамият ривожини) яхлит бир тарзда ўрганади. Т. фани ижтимоий-гуманитар фанлар (*фалсафа, социология, иқтисод, психология, санъатшунослик* ва б.) тизимининг таркибий қисми. Т. фанининг бу гуруҳдаги ўрни унинг тадқиқот предмети ва усуллари б-н белгиланади. Турли ижтимоий ва гуманитар фанлар жамият ҳаётининг алоҳида жиҳатларини ўрганса, Т. фанининг тадқиқот объекти — аҳоли, жамият, мамлакат, давлат ҳаётининг ўтмиши ва ҳозири ҳақидаги фактларни йиғиш, таҳлил қилиш, тўпланган билимларни маълум бир тизимга солиш ва назарий жиҳатдан умумлаштиришдир. Т. фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, Т.ни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиги ва маъносини кўриш имконини беради. Ижтимоий ва гуманитар фанлар Т. тадқиқотлари натижаларига таянади. Фанлараро ёндошув жамият ҳақидаги яхлит тасаввурни шакллантириб, ўтмишни ва ҳозирни англаш орқали жамият ривожи истиқболини кўра билишдек муҳим вазифани ҳал қилади.

Т. фанида, бошқа фанларда бўлганидек, муқаррар ихтисослашув амалга ошмоқда. Ҳоз. замон Т. фани алоҳида бўлимлар ва соҳалардан ташкил топган билимлар мажмуидир. Ихтисослашиш даражасига кўра, уларни бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни жамиятнинг (жаҳон Т.и) бутун ва алоҳида томонларини ўрганувчи бўлим ва соҳалар ташкил қилади. Инсоният Т.ининг айрим ҳодисалари алоҳида ўрганилади. Жаҳон Т.и *ибтидоий жамият* Т.и, *ўрта асрлар* Т.и, *янги* ва *энг янги* Т.га бўлинади. Ҳудудий-географик тамойилга кўра, тарихан бир-бири б-н боғлиқ йирик р-нлар (Европа ва дунёнинг бошқа қисмлари, Қад. Шарқ, Ўрта Осиёнинг баъзи регионлари) ва алоҳида мамлакатлар ҳамда халқларга ажратилади. Комплекс муаммоларни тадқиқ қилиш бир гуруҳ мамлакат ва халқлар Т.ида рўй берган босқичий даврларни ва ҳодисаларни (*Уйғониш даври, Реформация* Т.и ва б.) ўрганиш заруратидан келиб чиқади. Жаҳон Т.ига глобал ёндашув б-н бир қаторда микро тарих (шаҳар ва қишлоқлар, алоҳида шахслар, кундалик маиший турмуш) ҳам ўрганилади. Т.нинг алоҳида томонларини ўрганиш Т. фанининг алоҳида соҳаларини ажратишни тақозо қилди (мас., ҳарбий Т., сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, дин, фан, хотинқизлар Т.и ва тендер талқиқотлари, санъат, интеллектуал, маданият, дипломатия Т.и ва б.).

Иккинчи гуруҳни ёрдамчи ва махсус Т. фанлари ташкил қилади. Уларни алоҳида Т. фанларига ажратилиши ва ривожланиши Т. фанининг хусусий тадқиқот усулларини ишлаб чиқиш заруратидан келиб чиқади. *Антропология, археология, этнография* мустақил ўринга эга. Ёрдамчи Т. фанларига — *манбашунослик, археография, палеография, геральдика, нумизматика* киради. Махсус гуруҳ — бошқа фанлар эҳтиёжидан келиб чиқади (мас., табиий фанлар Т.и, техника Т.и, давлат ва ҳуқуқ Т.и). Т. фанининг тарихини *тарихшунослик* фани ўрганади.

Ўзбекистонда Т. фани. Т. фани асрлар давомида қўлёзма асарларда ифодаланган маиший ҳаёт, воқеа-ҳодисалар, тарихий персонажлар ва шахслар ҳақида ҳикоя қилишдек оддий баёнчиликдан, муайян-тарихий контекстда тарихий ҳаёт йўлининг шаклланиши, босқичлари ва умумий қонуниятларини аниқлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва назарий хулосалар чиқариш каби мураккаб илмий йўлни босиб ўтди.

Ўзбекистоннинг энг қадимги Т.и ҳақида моддий маданият ёдгорликлари ва археологик топилмалар маълумот беради. Мил. ав. 1-минг йилликка оид ёзма манбалар, зардуштийларнинг муқаддас *Авесто* китобида, *ахоманийлар* даври китобаларида (Биҳистун, Нақши Рустам ва б.) Турон ва Мовароуннаҳрнинг табиати, халқлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистоннинг қадимги Т. и ҳақида *Геродот, Ксенофонт, Ктесий, Полибий, Диодор, Страбон, Курций Руф*, шунингдек, хитой, арман, араб муаллифлари яратган ёзма манбаларда маълумотларни учратиш мумкин. Асрлар давомида Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаёти Т.и ҳақидаги маълумотлар сарой йилномачилари, тарихчилар, хонлар, подшоҳлар томонидан ёзилган қўлёзма манбалар шаклида жамлана борди. Ўрта асрлар тарихнавислигида сулолавий Т.га бағишланган *Байҳақий*нинг «Тарихи Байҳақий», *Насавий*нинг «Сийрат ас-Султон Жалол ад-Дин Манкбурни», *Низомиддин Шомий*нинг «Зафарнома», *Шарафуддин Али Яздий*нинг «Зафарнома», *Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон*нинг «Меҳмонномаи Бухоро», *Ҳофиз Таниш ал-Бухорий*нинг «Абдулланома», *Муҳаммад Юсуф мунший*нинг «Тарихи Муқимхонии», *Муҳаммад Амин Бухорий*нинг «Убайдулланома» каби асарлари яратилди.

*Яъқубий*нинг «Китоб ал-булдон» («Мамлакатлар ҳақида китоб»), *Табарий*нинг «Тарихи Табарий», *Беруний*нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»; маълум бир ҳудуд тарихига оид — минтақавий услубдаги *Наршахий*нинг «Тарихи Бухоро», *Насафий*нинг «Китоб ал-қанд фи тарихи Самарқанд» («Самарқанд тарихи ҳақида қанддек китоб») каби нодир қўлёзма манбаларда Ўрта Осиё мамлакатларининг географик ҳолати, йирик шаҳарлари ва аҳолиси, уларнинг турмуш тарзи ва машғулотлари, карвон йўллари, урушлар, галаёнлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига доир турли маълумотлар баён этилган.

Ўрта асрлар тарихшунослигида Амир Темур ва темурийлар даври Т.и, айниқса, муфассал ёритилган. Ўша даврда яратилган «Темур тузуклари», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»; *Абдураззоқ Самарқандий*нинг «Матлаъ ус саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн» («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қўшилиш ўрни»); *Мирхонд*нинг «Равзат ус-сафо» асарларида Амир Темур ва темурийлар салтанатининг ташкил топиши, ички ва ташқи сиёсати, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид муҳим маълумотлар келтирилган.

Ўрта асрларда давлат ишлари, бошқарув тизими ҳақида маълумот берувчи *Форобий*нинг «Фозил одамлар шаҳри», *Юсуф Хос Ҳожиб*нинг «Қутадгу билиг», *Низомулмулк*нинг «Сиёсатнома», *Хондамир*нинг «Дастур ал-вузаро», Муҳаммад Боқирхоннинг «Мувазайи Жаҳонгирий» асарлари яратилди.

Ўрта Осиёда 3 та мустақил — Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари вужудга келиши б-н, 17—19-а.ларда уларнинг Т.ига бағишлаб алоҳида-алоҳида асарлар яратилди. Ўзига хос услуб ва анъаналарга эга бўлган тарихнавислик мактаблари шаклланди. Бухоро ва Хива хонликлари Т. и *Абулғозий Баҳодирхон*нинг «Шажарайи турк» ва «Шажарайи тарокима», Муҳаммад Амин Бухорий, Муҳаммад Шариф, Мирзо Шамс *Бухорий, Мунис, Огаҳий, Баёний* асарларида кенг ёритилган.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандий, Муҳаммад Ҳаким, Аваз Муҳаммад, Ниёз Муҳаммад, Мулла Олим Махдумҳожи асарларида Қўқон хонлиги Т. и баён этилди. Россия томонидан Ўрта Осиё ерларининг босиб олиниши арафасидаги воқеалар, жанглар тафсилотлари, Россиянинг мустамлакачилик сиёсати, 19-а.нинг 2-ярми — 20-а. бошларида *Аҳмад Дониш, Мирзо Абдулазим Сомий Бўстоний, Мирзо Салимбек*ларнинг Бухоро Т.ига оид асарларида келтирилади. Ушбу асарларда ўрта аср тарихнавислиги анъаналарига кўра, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаёт, ташқи алоқаларга оид маълумотлар гарчи муайян бир тартибда берилмаган бўлса-да, жамият ҳаётининг турли йўналишлари бўйича қимматли маълумотларни кўрамиз.

Бу қўлёзма тарихий асарлар ўз даврининг илғор фикрли кишилари томонидан ёзилган бўлса-да, ўша даврдаги ҳукмдорлар раъйидан ўтолмасдан, уларнинг манфаатларига мос қилиб ёзилганлигини, ўз даври ва муҳити, замонаси тартиблари, тараққиёт даражаси тафаккурининг хос кўринишлари таъсирини намоён қилади.

19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишга қаратилган сиёсати туфайли Россия ҳукуматининг махсус топшириғини бажариш учун ўлкага келган рус ҳарбий мутахассислари, дипломатлари, сайёҳлари, савдогарлари ўз мемуарлари, саёҳати хотиралари ва ҳисоботларида ушбу мамлакат ва унинг халқлари Т.и, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, моддий бойликларига оид маълумотларни тўплаб, ёзиб қолдирдилар (мас., Н. Муравьевнинг «Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг.», 1822; Г. Мейендорфнинг «Путешествие из Оренбурга в Бухару в 1820 году», 1826; Н. Ханиковнинг «Описание Бухарского ханства», 1843; Н. И. Веселовскийнинг «Очерки историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времён до настоящего», 1877; М. Терентьевнинг 3 жилдли «История завоевания Средней Азии», 1906; Д. Логофетнинг «Бухарское ханство под русским протекторатом», 1911; ва б.).

Ўрта Осиё Россия мустамлакасига айлантирилиши б-н мустамлакачилик тузуми тартиботлари Т. соҳасидаги и.т. лар кўлами ва мавзусига ўз таъсирини кўрсатди. Рус тарихчиларининг юқорида зикр этилган Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихига оид асарларининг аксарияти ўзининг бир ёқламалиги, метрополия манфаатларига хизмат қилишга мўлжалланганлиги б-н ажралиб туради. Чор маъмурияти и.т. ишлари унинг манфаатларига хизмат қилишини назарда тутиб, маълум миқдорда маблаг ажратди. Айни пайтда илғор рус олимлари, шарқшунос-тарихчиларнинг фан манфаатлари учун Ўрта Осиё тарихи тадқиқотларини амалга ошириш тенденциясини ҳам кузатиш мумкин. 1895 й.да Тошкентда *Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги* ташкил этилди, у Октябрь тўнтаришигача фаолият кўрсатди, тарих, археология, нумизматика, этн. масалаларини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшди. Маҳаллий миллат вакилларидан шарқшунос ҳаваскорлар, шарқ қўлёзмаларини тўпловчилар, қад. ёдгорликларни ўрганувчилар етишиб чиқди: Абу Саид Маҳзум, Мирзо Абдураҳмон, Акром полвон Асқаров ва б. Тошкент давлат кутубхонасининг ташкил этилиши (1870), ўлкашунослар ва олимлар фаолиятида муҳим туртки бўлди. Ушбу кутубхона фондидан библиограф В.И.*Межов* томонидан тузилган Ўрта Осиё ва Туркистон Т.ига оид мақолалар, асарлар, газ. ва жур. материаллари тўпланган «Туркистон тўплами» (594 жилддан иборат) муҳим жой олди. Ўзбекистонни тарихий-маданий жиҳатдан ўрганишга Петербург ун-тининг шарқ факультети маълум ҳисса қўшди. Бу даврга келиб маҳаллий тадқиқотчилар гуруҳи шаклланди. В. Л. *Вяткин* Самарқанд ёдгорликларини ўрганиш жараёнида Улуғбек расадхонасини очди. В. В. *Бартольд* қад. қўлёзмалар маълумотларидан фойдаланиб, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихи ҳақида асарлар яратди («Туркестан в эпоху монгольского нашествия», 1898—1900; «Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времён до XVII века», 1902; «К истории орошения Туркестана» ва б.).

20-а.нинг бошида миллий даврий матбуот «*Садои Фарғона*», «*Садои Туркистон*», «*Ойна*», «*Нажот*», «*Ҳуррият*» саҳифаларида Ўзбекистон Т.и муаммоларига оид илк мақолалар эълон қилина бошлади. Бу мақолалар муаллифлари *жадидчилик* ҳаракати намояндалари бўлиб, улар мамлакат ривожи, миллатнинг тараққийси, ўзликни англашда Т. фанининг ролига алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятида Т. муаммоларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. Беҳбудий комил инсон бўлиб етишишда ва жамиятни бошқаришда Т. фанининг ўрни беқиёслигини таъкидлайди. У «Тарих ва жуғрофия», «Туркистон тарихи», «Сарт сўзи мажҳулдир» каби асарларида фақатгина Ватан Т.ини эмас, Европа ва жаҳон мамлакатлари Т.ини билиш зарурлиги ҳақида сўз юритади. Унинг «Мозий истиқболнинг тарозисидир», деган хитоби Т. тажрибасида ўзининг ҳақлигини исботлади. Беҳбудийнинг тарихий-илмий қарашлари Ўзбекистон Т.ини ва уни яратиш йўлида ўзига хос илмий дастурдир.

Октябрь тўнтариши амалга ошиши б-н, Совет тузумининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, унга хос бўлган и.т.нинг ташкил этишнинг шакл ва усулларини, мақсад ва вазифаларини, методологиясини ишлаб чиқиш илгари сурилди. Коммунистик партия мафкураси асосий эътиборни партия Т.и йўналишига қаратди, тарихий изланиш мактаблари йўқ қилиб ташланди, Т. фанини жадаллик б-н сиёсатлаштириш ва гоялаштириш жараёни юз берди, услубиятда «синфийлик» «бир хиллик» тамойили юзага келиб «тарихни синфнинг ўзи яратади» деган қонда қарор топди.

Тоталитар тузум зиддиятларига қарамасдан, шундай мураккаб шароитда олий таълим тизимида Т. таълимотининг вужудга келиши б-н мутахассис тарихчи кадрлар тайёрлана бошланди. Т. фанининг ташкилий асослари мустаҳкамланди. Ўрта Осиё давлат ун-ти, Самарқанддаги олий пед. ин-тида қўлёзма китоблар, вақфномалар ва васиқалар йиғилиб, илмий талқин қилинди.

Т. фани ривожига Абдурауф *Фитрат* салмоқли ҳисса қўшди. Ўзбекистонда аграр суғориш Т.ига оид бир қанча вақф ҳужжатларини нашр қилди(мас., Три документа по аграрному вопросу в Средней Азии, Л., 1933; Казийские документы XVI века, Т., 1937).

Ўзбекистонда Т. фанининг ривожида проф. Булат *Солиев*нинг ўрни алоҳида. Булат Солиев миллий Т. бўйича умумлашган асар яратишга уринган илк тадқиқотчи эди. У қад., ўрта аср, замонавий тарихчиларнинг турли хил ва кўплаб асарларини, шарқ қўлёзмалари маълумотларини жамлаб, улардан танқидий фойдаланиб, «Ўзбекистон тарихи. XV—XIX асрнинг биринчи ярми», «Бухоро манғитлар сулоласи даврида» (1926), «Ўрта Осиё тарихи», «Ўрта Осиёда савдо капитали» китобларини ёзди. Афсуски, унинг асарларининг аксарияти НКВД томонидан ёқиб юборилган, унинг ўзи ҳам Ўзбекистон илғор миллий зиёлиларининг катта қисми қаторида сталинча қатағон сиёсати қурбони бўлди. Бу сиёсат Т. фанининг ривожланишига, албатта, салбий таъсир кўрсатди. Кўпгина тарихчилар қатағон қилинганлигига қарамай, 40—60-й.лар Т. фанида маълум ютуқлар юзага келди.

1943 й.да СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали Тил, адабиёт ва тарих инти негизида *Тарих институти*нинг ташкил этилиши Т. фани ривожида муайян босқич бўлди, тадқиқотларни маълум илмий йўналишлар ва режа асосида амалга ошириш йўлга қўйилди. Мутахассис илмий кадрлар тайёрлаш

муҳим аҳамиятга эга бўлди. Кейинчалик Тарих ва археология ин-ти тарихий тадқиқотлар бўйича илмий марказга айланди. Бу ин-тнинг ташкил топиши, Ўзбекистон археологияси ва Т. фани ривожида 1-ўзбек мутахассис-археологи Я. *Ғуломов*нинг ўрни алоҳидадир. Я. Ғуломов энг қад. даврлардан Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида ирригациянинг аҳамияти; илк шаҳарларнинг вужудга келиши ва шаҳарсозлик маданиятининг тараққиёти Т.и, ўрта асрларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммолари, қўшни мамлакатлар б-н алоқалари Т.ини тадқиқ қилди (мас., «Хоразмнинг суғориш тарихи қадимги замонлардан ҳозиргача», Т., 1957, 1959). Я. Ғуломов кўпгина илмий нашрларга масъул муҳаррирлик ҳам қилди, у шогирдлар тайёрлаб, ўз илмий мактабини яратди.

Тарих ин-ти ташкил этилган дастлабки йилларданоқ Ўзбекистон Т.ини яхлит бир тарзда мужассамлаштирган кўп жилдлик китоб яратиш ишлари бошланган эди. Бу иш 1947 й. якунланиб, 2 жилдли «Ўзбекистон халқлари тарихи» китоби нашр этилди.

20-а.нинг 50—80-й.ларида Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги сиёсий ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ер ва ундан фойдаланиш, аграр муносабатлар, сунъий суғориш тизими Т.и ҳақида қўлёзма асарлар, ҳужжатли манбалар, археологик ва эти. маълумотлар асосида ёзилган монографик тадқиқотлар вужудга келди. Т. фанининг бу йўналишини ўрганишга А.А.*Семёнов*, Я. Ғуломов, С. *Азимжонова*, А. *Асқаров*, М. Абдураимов, Р. Г. Мукминова, О. Чехович, А. *Муҳаммаджоновлар* салмоқли ҳисса қўшдилар.

Бу даврда Россиянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилиги Т.ини ўрганишда Совет мафкураси расмий андозаларидан четга чиқишга йўл берилмади, Т. фани ниҳоятда сиёсийлаштирилиб, илмий-тарихий тафаккур ҳукмрон мафкура назорати остида бўлганлиги туфайли жуда кўп масалаларнинг асл моҳиятини кўрсатиб бериш имкони бўлмади, натижада Т.ни сохталаштириш кучайиб кетди. 1958 й.да бўлиб ўтган «Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олишнинг прогрессив аҳамияти» мавзусидаги бирлашган илмий сессияда Ўрта Осиёнинг Россия империясига «ихтиёрий қўшилиш»и ҳақидаги уйдирма фанга зўрлик б-н киритилди. Бу мавзу тарихи б-н шуғулланган тадқиқотчиларнинг муаммони холисона, ҳаққоний ёритиш имкониятлари чеклаб қўйилди. Бироқ бундай чеклашларга қарамай, Россия империяси мустамлакачилиги давридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, бошқарув тизими, мустамлакачилик зулми ҳамда унга қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатлари каби масалаларга доир кўпгина архив материаллари ўрганилди ва илмий истеъмолга киритилди.

Т. фанида Совет даври тарихини ўрганиш ҳам ҳукмрон мафкура манфаатларига мослаштирилганлиги сабабли, Ўзбекистонда 1917 й.да Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг ўлкалаги сиёсати, маҳаллий аҳолининг Совет ҳокимиятига муносабати ва унга қарши курашлари, большевикларнинг амалга оширган ижтимоий-иқтисодий тадбирлари ва уларнинг оқибатлари, маданият соҳасидаги сиёсат, колхозлаштириш тарихи каби масалаларнинг моҳияти ҳаққоний ёритилмади. «Партиянинг раҳбарлик ва яратувчилик роли»ни кўрсатиш Т. фанининг энг муҳим вазифаси деб белгиланди. Бундай ёндашув асосида яратилган тадқиқотлар Совет ҳокимияти сиёсатини улуғлаш мақсадларига хизмат қилди. Совет мафкурасининг тазйиқига, давр зиддиятларига қарамай, тарихчилар томонидан жуда кўплаб архив манбаларининг илмий талқинини мужассамлаштирган, жумладан, 4 жилдли «Ўзбекистон тарихи» (1967—70 й.лар), 1 жилдли «Ўзбекистон тарихи» монографиялари; Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Хива ва Бухоро ш.ларининг энг қад. даврларидан то 20-а. ўрталаригача бўлган тарихига бағишланган илк фундаментал асарлар тайёрланди. Улар Ўзбекистоннинг қад. шаҳарлари тарихини умумлаштирилган тарзда акс эттирган тадқиқотлар сифатида қимматлидир.

80-й.ларнинг охиридаги ошкоралик жараёни Т. фани соҳасида тақиқланган, нотўғри талқин қилинган муаммолар атрофида мунозара, янги фикрларни илгари суриш ва тадқиқот олиб бориш имкониятини вужудга келтирди. Т. фанининг энг долзарб муаммолари, уларни тадқиқ қилиш усули ва ёндашувларини аниқлаб беришга қаратилган илмий анжуманлар ташкил қилинди. Бу даврга келиб Ватан тарихининг кўплаб етилган масалаларига янгича баҳо берилди: илгари «босмачилик» деб аталган миллий озодлик ҳаракатлари, Ўрта Осиёнинг Россияга «қўшиб олинган»лиги тўғрисида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди; Ўзбекистондаги жамоалаштириш ва саноатлаштириш тарихи қайтадан кўриб чиқила бошлади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, Т. фани совет мафкураси ва унинг ғоявий қолипларидан озод бўлди. Жамият ҳаётида амалга ошаётган муҳим ижтимоий жараёнлар Т. фани олдига ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини яратиш, тараққиётининг турли босқичларида жаҳон ҳамжамиятида унинг ўрни ва ролини аниқлаш, тарихий билимларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш орқали миллатнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, маданияти, қад. анъаналарига қайтиш вазифаларини қўйди.

90-й.ларнинг ўрталарига қадар Т. бўйича янги назарий ёндашувлар асосида бир қатор мактаб дарсликлари тайёрланди, 7 жилдга мўлжалланган Ўзбекистон тарихининг 3-жилди, К.Шониёзов, Р. Аминова каби талқиқотчиларнинг монографиялари эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 й.да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузурида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» марказини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Мазкур марказда мамлакатимизнинг етакчи олимлари иштирокида 3 жилдли «Ўзбекистон тарихи» (Туркистоннинг Россия томонидан истило қилинишидан ҳоз. давргача) тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш» ҳақидаги 1998 й. июль қарори Т. фанининг вазифаларини стратегик жиҳатдан ўзгартирди. Тарих ин-ти республика Т. тадқиқотларини мувофиқлаштирувчи чинакам марказ мақомига кўтарилди. Ин-тда ўз атрофига мамлакат тарихчиларини бирлаштириб, уларнинг саъй-ҳаракатлари б-н мустақил давлат эҳтиёжларига мос янги йўналишлар зарурлигидан келиб чиққан Ўзбекистон тарихига оид тадқиқотларни маълум бир тизимга солувчи «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» концепцияси ишлаб чиқилди. Мамлакатда Т. фани соҳасидаги и.т. лар ушбу концепция доирасида амалга оширилмоқда. Бу борада И. Каримовнинг тарихчи олимлар ва журналистлар б-н учрашувида баён этган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари муҳим роль ўйнади. Унда президентимиз: «...тарихчиларимиз миллатга унинг ҳаққоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих — халқ маънавиятининг асосидир; ... биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих б-н қуроллантиришимиз зарур», деб таъкидлаб, тарихчилар олдига аниқ вазифаларни қўйди.

Совет даврида ўрганиш тақиқланган, нотўғри талқин этилган мавзулар илмий холислик асосида — миллий мустақиллик нуқтаи назаридан қайтадан ўрганилди. Янги илмий йўналишлар талқиқ қилинди.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш бугунги кунда Т. фанининг энг муҳим муаммосидир. Ўзбек халқи шаклланишининг асосий босқичлари, уларнинг этногенетик жараёнларда қатнашув даражаси, минтақанинг қадим автохтон аҳолиси б-н тарихий ворисийлиги ва генетик алоқаларини ўрганишда К. Шониёзовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» (Т., 2001) монографияси илк қадам бўлди.

Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига бағишланган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари»(Т., 2001) китоби (ўзбек ва рус тилларида) янги илмий йўналишдаги ишларнинг натижаси бўлди.

Маълумки, совет даврида Республикада давлатчилик терминини ишлатиш ҳам мумкин эмас эди. Мустақилликдан кейин Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг энг қадимдан то ҳозиргача бўлган манзарасини акс эттирган асарлар вужудга келди (мас., Шониёзов К., «Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Ўзбек давлатчилиги тарихидан», Т., 1999; Азамат Зиё, «Ўзбек давлатчилиги тарихи», Т, 2000; Аъзамхўжаев С., «Туркистон мухторияти. Миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси», Т., 2000).

Қад. ёзма манбалар талқинини амалга ошириш Ўзбекистоннинг энг қад. тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада жиддий тадқиқотлар амалга оширилди («Қадимги ёзма ёдгорликлар», А. Қаюмов, М. Исҳоқов, А. Отахўжаев ва б., Т., 2000; Авесто Яшт китоби, Т., 2001).

Ўзбекистоннинг қад. даври моддий маданияти ҳақидаги асарлар янги фактлар, далил-фаразлар ва янги хулосаларни тақдим қилди. Ўрта асрлар тарихини ўрганишга доир ишлар ўтган тарихшунослик босқичларидаги камчиликларни тўлдирмоқда (мас., Сулаймонов Р., «Древний Нахшаб», Т., 2000; Населенные пункты Бухарского эмирата (А. Муҳаммаджонов таҳрири остида), Т., 1999; Анорбоев А., Исломов Ў., Матбобоев Б., «Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона», Т., 2001; Муминова Р., Филанович М., «Ташкент на перекрёстке истории. Очерки древней и средневековой истории города», Т., 2001; Каримов Э., «Йасавийа и ходжаган-накшбандийа: история действительная и вымышленная», Т., 2000; Аъзамова Г., «Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва савдо», Т., 2000).

Амир Темур ва темурийлар даври тарихи фаол, комплекс тадқиқ қилинган муаммолардан бири бўлди. 1996 й.да Амир Темур юбилейининг 660 йиллигининг нишонланиши бу мавзуга доир тадқиқотларнинг янада кенгайишида. Амир Темур шахси ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашда муҳим воқеа бўлди. Республика тарихчилари томонидан махсус мавзуга оид монографик, коллектив тадқиқотлар, алоҳида жиҳатлари тарихини ўрганишга бағишланган мақолалар эълон қилинди.

Россиянинг Ўрта Осиёдаги мустамлакачилиги ва унинг салбий оқибатлари ҳақида махфий архивлар, янги тарихий далиллар, тамомила янгича ёндашувлар асосида ёзилган асарлар ва «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш». XVIII—XX аср бошлари, Т., 1998).

20-а.даги маърифатпарварлик ҳаракати — жадидчилик моҳиятини ўрганиш Т. тадқиқотларида янги йўналиш бўлди. Жадидчиликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий замини, жадидларнинг маърифатпарварлик ва ислоҳотчилик ғоялари, мустақиллик ва тараққиёт учун курашлари тарихи, жадидлар тафаккури, миллий давлатчилик ғоялари янги илмий далиллар асосида назарий мушоҳада қилинди (Алимова Д., Рашидова Д., «Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури», Т., 1999 ва б.).

Ўлкада миллий озодлик ҳаракатлари, мустақиллик учун кураш тарихини ёритувчи жиддий тадқиқотлар яратилди. Муаллифлар бой архив манбаларга таянниб, ўлкадаги миллий озодлик ҳаракатининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва мағлубиятга учраши сабабларини кенг илмий таҳлил қилдилар. Мавзу тадқиқотларига хориж тарихшунослиги ҳам жалб қилинди, улар таҳлилига холислик мезони асосида ёндашилди. «Босмачилик» ҳаракатининг асл моҳиятини аниқлаш, истиқлолчилик ҳаракати тарихини даврлаштиришга уринилди (мас., «Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости», Т., 2000; Зиёева Д., «Туркистон миллий озодлик ҳаракати», Т., 2000; Ражабов Қ., «Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920—24 й.лар)», Т., 2002).

Совет тоталитар тузумининг асл моҳияти, сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари илмий холислик б-н тадқиқ этилмоқда. Окт. тўнтариши туфайли зўрлик б-н Совет давлатининг тузилиши, Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишнинг ноқонунийлиги ва унинг салбий оқибатлари, 30—50-й.лардаги қатағонлар, мажбурий жамоалаштириш натижасида қ. х.нинг издан чиқиши, 80-й.лардаги янги қатағонлар — «ўзбеклар иши» мавзулари янги архив маълумотлари асосида ўрганилди (мас., Алимова Д., Голованов А., «Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари», Т., 2000; «Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши», Т., 2001; Шамсутдинов Р., Қишлоқ фожеаси. Т., 2003 ва б.). Ўзбекистон Республикаси мустақиллик даври тарихи масалаларини тарихий нуқтаи назардан ўрганувчи илк тадқиқотлар вужудга келди («Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари». Даврий тўплам, № 3, Т., 2000; «Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари», Т., 2001).

Ҳозир Ўзбекистоннинг энг қад. даврларидан бошлаб то бугунги кунга қадар даврини қамраб олувчи кўп жилдли фундаментал тадқиқот устида иш олиб борилмоқда. Мустақилликнинг асосини мустаҳкамлашда жамият тарихий онгини шакллантириш зарурлиги эътиборга олиниб, тарихий билимларни тарғиб қилиш йўлга қўйилди. Мустақиллик даврида Ўзбекистон тарихчиларининг махсус «Ўзбекистон тарихи» жур.га асос солинди (1998). Т. фанининг энг долзарб муаммоларини муҳокама этувчи Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи» республика мунтазам илмий семинари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси тарихчилар жамияти тузилди (1999). Илк маротаба «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га кўра, Т. фанининг таълим тизими б-н ҳамкорлиги амалиётга йўлга қўйилди. Фан ва таълим муштараклиги мактаб партасидан бошлаб, тарихчи кадрлар тайёрлашга йўналтирилган. Мустақиллик йилларида тарихчиларнинг халқаро илмий ҳамкорлигининг кенг имкониятлари вужудга келди. Ўзбекистон Т. фанининг актуал муаммолари бўйича илмий анжуманлар ўтказиладиган марказга айланиб бормоқда. Ўзбек олимлари халқаро грантларда, ЮНЕСКО томонидан нашр этилаётган «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» номли кўп жилдлик асарни тайёрлашда иштирок этмоқдалар.

Ад.: Каримов И., «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз»]»Тарихий хотирасиз келажак йўқ-]. 7-ж., Т., 1999; Ахунова М., Лунин Б., История исторической науки в Узбекистане, Т., 1970; Сандқулов Т., Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар, 1-китоб, Т., 1993; Тарихшунослик очерклари, 1-2 қисм, Т., 1994.; Мунировв Қ., Хоразмда тарихшунослик, Т., 2002; Тарих фанининг маркази, Т., 2003.

Шоира Асадова.

ТАРИХ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тарих институти — Ўзбекистон, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихини ўрганувчи, тарих соҳасидаги и.т.-ларни мувофиқлаштирувчи, юқори малакали илмий кадрлар тайёрловчи тадқиқот муассасаси. 1943 й. 4 нояб.да СССР ФА Ўзбекистон филиали Тил, адабиёт ва тарих ин-ти негизида ташкил топган. Дастлабки пайтда ин-тда совет жамияти тарихи, янги тарих, қад. ва ўрта асрлар тарихи, археология, этн. ҳамда ҳуқуқ бўлимлари бўлган. Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш борасида олиб борилган и.т. ишлари кўламининг кенгайганлиги ҳамда етарли илмий кадрлар тайёрланганлиги туфайли мустақил и.т. институтлари — Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти (1958, Тошкент), Археология ин-ти (1970, Самарқанд) ажралиб чиққан.

Совет даврида ҳукмрон мафкура таъсирининг катта бўлишига қарамасдан ин-т ходимлари томонидан Ўзбекистоннинг энг қад., ўрта асрлар, мустамлака даври бўйича йирик и.т. ишлари амалга оширилган. Т.и.нинг ривожида Я.Ғуломов, И.Мўминов, М.Андреев, О.Сухарева, К.Шониёзов, Р. Аминова, М. Охунова, Б.Лунин, Ҳ. Зиёев, Р.Ражапова, Д.Алимова ва б. олимларнинг хизматлари катта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1998 й. 27 июль) ин-т ташкилий тузилмаси ва тарих фанининг вазифаларини стратегик жиҳатдан ўзгартирди. Ушбу қарорга кўра, тарихчилар томонидан миллий мустақиллик нуқтаи назаридан ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепцияси ишлаб чиқилган. Институтнинг тадқиқот ишлари шу концепция асосида амалга оширилмоқда. Т.и. Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчилик асосларини юзага келтирган тарихий шарт-шароитлар ва давлатнинг келиб чиқиш масаласини атрофлича таҳлил этиш ва аниқлаш; ўзбек халқи этногенези муаммолари бўйича археологик ва барча турдаги ёзма манбалар талқиқотлари натижаларини жамлаш, ҳар томонлама илмий-қиёсий таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш, энг қадимдан ҳозирга қадар давлатчилик тарихий босқичларида ҳудудимизда яшаган халқларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёти масалаларини ўрганиш, холисона тадқиқотлар натижалари асосида илмий, илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар яратиш устида иш олиб боради. Ин-тда 30 дан ортиқ монография, илмий-оммабоп рисола, 5 та илмий тўплам, 11 дарслик ва ўқув қўлланмаси нашр этилди (1998—2004).

Т.и. қошида Республика тарих тадқиқотларини мувофиқлаштирувчи кенгаш; тарихий алабиётлар, дарсликлар, ўқув қўлланмаларини муҳокама ва чоп этиш бўйича Республика эксперт комиссияси иш олиб боради. Т.и.да докторантура, аспирантура ва тадқиқотчилик тизими мавжуд бўлиб, ундан чет эллик тадқиқотчилар ҳам (жумладан, АҚШ, Корея, Франция, Туркия, Япония ва б. мамлакатлардан) фойдаланадилар. Т.и. қошида тарих фанлари д-ри илмий даражасини олиш учун ихтисослаштирилган илмий кенгаш мавжуд. Т.и. негизида барча тарихчиларни бирлаштирувчи Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинари муntазам фаолият кўрсатади.

Т.и. «Ўзбекистон тарихи» илмий жур.га эга (1998 й. июлда асос солинган, йилда 4 марта нашр этилади). Шунингдек, и.т.лар бўйича даврий тўпламлар, «Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар» ва «Ўзбекистон тарихининг янги саҳифалари» туркумида илмий-оммабоп тўпламлар нашри йўлга қўйилган.

Т.и. ҳузурида ЎзМУ, Тошкент давлат шарқшунослик ин-ти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти, Самарқанд давлат ун-ти ва Низомий номидаги педагогика ун-ти иштирокида «Ўзбекистон тарихи» қўшма кафедраси ташкил қилинган ҳамда тарих фанига ихтисослаштирилган Тошкентдаги 9-, 216- ва Бухородаги 6- ўрта мактаблар б-н ҳамкорлик олиб борилади.

Т.и.да халқаро алоқалар кенг йўлга қўйилган. Жумладан, сўнгги йилларда Тошкентда ўтказилган бир қатор халқаро анжуманларнинг («Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш», 1999, Германия б-н ҳамкорликда; «Марказий Осиё тарих кўзгусида: ўтмишдан келажакка», 2002, Корея б-н ҳамкорликда; «Марказий Осиё цивилизацияларнинг тараққиёт йўлида», 2003, Корея б-н ҳамкорликда; «Шарқ тарихида ёшлар ҳаракати», 2003, Голландия б-н ҳамкорликда) ташкилотчиси бўлди. ЮНЕСКО томонидан нашр этилган «Марказий Осиё цивилизацияларнинг тарихи» кўп жилдлик асарининг муаллифлари таркибида ин-т илмий ходимлари — Д.Алимова, Р.Мукминова, Р.Ражапова, Э. Каримов, А.Муҳаммаджоновлар қатнашдилар.

Т.и.нинг Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, моддий маданият тарихи, этн., тарихий этн. ва этник тарих, тарихшунослик ва илмий библиографик ахборот, мустамлака даври тарихи, мустақиллик даври тарихи бўлимларида 20 та фан д-ри, 25 та фан номзоди фаолият кўрсатади (2004).

ТАРИХ МУЗЕЙЛАРИ — тарихий, маданий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш каби ишларни амалга оширувчи илмий-маърифий, маънавий масканлар. Ўзининг экспозиция ва кўргазмалари воситасида илмий ташвиқот ва маънавий тарбия вазифасини бажаради. *Музейларга* қизиқиш қадимдан бошланган. Тарихий манбаларнинг шоҳидлигича илк музей мил. ав. 3-а.да Искандарияда *музей*ларга аталган биноda — Музейонда қад. санъат ёдгорликлари мажмуаси сифатида ташкил этилган.

Ўзбекистонда ҳам 19-а.нинг 4-чорагидан бошларидан Т.м.га қизиқиш бошланган. Тошкентдаги *Ўзбекистон тарихи Давлат музейи*, Самарқанддаги «Афросиёб», шунингдек, Самарқанд Давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей қўриқхонаси, Хивадаги «Ичан-қалъа» қўриқхонаси кабилар қаторида мустақиллик йилларида вужудга келган Ўзбекистон Республикасида *Темурийлар тарихи давлат музейи* — 1996 й.; *Олимпия шон-шуҳрати музейи* — 1996.; «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи — 2002 й.; Тошкент тарихи музейи — 2003 й.; *Сурхондарё вилояти археология музейи* — 2002 й. каби янги музейлар фаолият олиб бормоқда. Республикамиздаги бир қатор ўлкашунослик музейларидаги тарих фани йўналишидаги бўлимлар замона руҳига мослаб таъмирланди. Ўзбекистон тарихида янги қўлга киритилган ютуқлар асосида бойитилди. Т.м.га ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 23 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси маданий бойликларининг олиб чиқилиши ва олиб кирилиш масаласини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори туфайли Ўзбекистондаги Т.м. дунёнинг таниқли музейлари қаторидан жой олмоқда. Ҳозир жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ривожланишида Т.м.нинг тадқиқотчилик ўрни салмоқлидир. Т.м.нинг асосий мақсади халқ тақдири ё-н боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни холис ёритиш ва кенг мушоҳадага этиб илмий таҳлил этишдир.

Ўткир Аҳмедов.

ТАРИХ ФАЛСАФАСИ — тарихни фалсафий шарҳлаш ва баҳолаш. «Т.ф.» атамаси антик давр фалсафаси ва тарихнавислигида намоён бўлсада, уни фанга М.Ф.*Волтер* киритган деб ҳисобланади. Т.ф.нинг қуйидаги йўналишлари бор: теологик (илоҳиёт) Т.ф. — худонинг иродасини тарихни ҳаракатга келтирувчи куч деб ҳисоблайди; метафизик Т.ф. — ҳеч қандай четгаралар ва доиралар ё-н чекланмайдиган, турли шакл ва кўринишга кирадиган тушунчалар тизимини Т.ф. деб билади; идеалистик Т.ф. — унда гоялар, инсоннинг ахлоқий тушунчалари, маънавий-руҳий кечинмалари асосида тарихга муносабат билдирилади; натуралистик Т.ф. учун инсон ҳиссиёти ва туйғуси орқали оламни англаш, ўтмишга назар солиш ва уни баҳолаш асосий мезондир; материалистик Т.ф. — унда иқтисодий омилларга катта эътибор берилади; тарихни йўналтирувчи куч сифатида моддий эҳтиёж ва иқтисодий зарурият асос қилиб олинади. Тарихда шахснинг ролига қандай баҳо берилишига қараб, алоҳида шахсни устун қўйиб ёки жамоани биринчи ўринга қўйиб фикр юритадиган Т.ф. ҳам мавжуд. Т.ф.да, шунингдек, тарих фани тушунчаси, қонуниятлари, тарихий жараён ва инсон, инсон моҳияти, фаъолияти, ҳатти-ҳаракати, манфаати талқин этилади.

Т.ф. илдизлари антик давр алломалари Геродот ва Фукидиднинг тарихий ҳаракатга лоир қарашларига бориб тақалади. У Полибий, Посидоний, Плутарх қарашларида нисбатан шаклланди. Августин эса илоҳий давлат тарихи фалсафасини яратди ва кейинги минг йилларда тарихий тафаккурнинг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

18-а.га келиб Т.ф.нинг йўналишлари тубдан ўзгарди. Тарихий тараққиётга инсоннинг таъсири, ўрни ва роли, тарихга инсон қалби, ички дунёси, маънавий-руҳий олами маҳсули сифатида қараш тамойиллари шаклланди. Бироқ, бунда ҳам турлича ёндошишлар мавжуд эди. Чунончи, *Лейбниц* тарихда метафизик кучлар ва гоялар устувор деб тушунса, *Гегель* бутун воқеликни тарих деб ҳисоблаб, унда дунёвий ақлни устун қўяди. 19—20-а.ларда тарихни англашда мавҳум мантиқ ва тарихни билиш назарияси ё-н бир қаторда А. Шопенгауэр, Я. Буркхардт, О.Шпенглер тарихни тушкунлик орқали англаш, А.Тойнби оптимизм, марксизм асосчилари эса тарихий материализм гоялари орқали изоҳлаш қарашларини ишлаб чиқди.

Шарқда «Т.ф.» тушунчаси ўзига хос жиҳатларга эга. Форобий қарашларига кўра, жамият тараққиётини илоҳий қонунлар бошқаради. У Аристотелнинг жамият ривожланиши ҳақидаги таълимотини ўз ҳулосалари ё-н бойитди. Беруний эса тарихий тараққиёт босқичларини табиат, астрология, астрономия, кеча ва кундуз, фасллар алмашинуви орқали ўрганди. У «Ҳиндистонни орқали ўрганди. У «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида инсоният тарихига фалсафий нуқтаи назардан ёндошади, тарихни англаш, идрок этишда бутунлай янгича қарашларни ўртага ташлайди. Беруний дунё тарихшунослигида асотирлар, афсоналар ва ривоятларни асосан, *Ўйғониш даврида* бошланган. *Буюк франциз маърифатпарварлари* коллекциялар национализация қилинган (*Лувр музейини* ташкил этиш тўғрисидаги декрет, 1793). 19—20-а.бошларида кўпгина Европа давлатларида тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасига олинган. 2-жаҳон урушидан сўнг ЮНЕСКО ташаббуси ё-н 1954 й.да (Гаага конференцияси) Халқаро конвенция ва «Куролли конфликтлар рўй берганда маданият бойликларини ҳимоя қилиш тўғрисида» баённома имзоланган.Т. ва м.ём. ё-н Халқаро музейлар кенгаши (1946), Маданият бойликларини муҳофаза этиш ва реставрация қилиш халқаро тадқиқот маркази (1959), Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни муҳофаза этиш бўйича халқаро кенгаш (1965) шуғулланади.

Ўзбекистонда ёдгорликларни муҳофаза этиш, асосан, 20-а.нинг 20-йиллардан бошланган. 1920 й. Маориф халқ комиссарлиги қошида музейлар, санъат асарлари ва қад. ёдгорликларни муҳофаза қилиш Туркистон қўмитаси — Турккомстарис тузилган, кейинчалик Средазкомстарис бу иш ё-н шуғулланган. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-и.ч. Бош бошқармаси шуғулланмоқда. Республика ҳудудида ва чет мамлакатларда сақланаётган ноёб қўлёзмалар, маданий, тарихий ёдгорликлар, ҳунармандчилик, халқ оғзаки ижоди намуналари, санъат ва бадиий асарлар, театр-мусиқа, қад. давлатчилик тарихига оид ҳужжатлар, қад. чопғу асбобларини йиғиш, сақлаш ва б. билан шуғулланиш мақсадида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тузилган (1999 й. 12 окт.).

ТАРИХИЙ ГЕОЛОГИЯ — геологиянинг Ер пўсти ва Ернинг геологик тарихи ва ривожланиш қонуниятларини бутунлигича ўрганувчи соҳаси. Т.г. геологик фанлар: *стратиграфия, палеонтология, литология, петрология, геокимё, тектоника, геофизика* ва регионал геол.нинг хулосаларига таянади. Т.г.нинг асосий вазифалари — Ер пўсти шаклланишининг асосий босқичларини ўрганиш, тог жинслари ҳосил бўлишининг кетма-кетлигини белгилаш, тирик организм дунёси ривожланиш босқичларини ўрганиш, эндоген ва экзоген жараёнлар вақтида пайдо бўладиган қонуниятларни аниқлашдан иборат. Т.г. фойдали қазилмаларни ҳосил бўлиш шароитларини ва уларни вақт-вақти ё-н ўзгаришларини ўрганиб, булар орқали баъзи фойдали қазилмаларни қидириш ва башоратлаш учун материал тайёрлаб беради. Т.г. Ер пўсти структурасининг шаклланиш тарихи (тарихий геотектоника)ни ҳам ўрганади, бунда Ер пўстининг ҳаракатлари ва тектоник деформацияларни Ерда бўладиган ўзгаришларнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Т.г. чуқур магматизм, вулканизм ва метаморфизмнинг ривожланиши Ер пўстининг

деформацияси б-н қонунан боғланганлиги масалаларида генетик петрографияга яқиндан ёндашади. Т.г.да бошқа бўлимлардан илгари стратиграфия бўлими тузилиб, 19-а.нинг бошларида алоҳида мустақил фан бўлиб шаклланган. 19-а.нинг 2-ярмида Ч.*Дарвин*, Ч. *Лайель* тадқиқотлари натижасида геол.га эволюцион таълимот кириб келди. Т.г.нинг фан соҳаси бўлиб шаклланиши шу даврга тўғри келади. Геологик жараёнларнинг асосий ривожланиш қонуниятлари (геосинклиналь ва платформаларнинг вужудга келиши ва ўзгариши, материкларнинг шаклланиши, Ер тарихида магматизм характерининг ўзгариши ва б.) Т.г.да ёритилган, Ер пўсти ва планетанинг тўлиқ ривожланишида умумий йўналиш белгиланган. Т.г. ривожланишига Ж. *Кювье*, У. Смит, швейцариялик геолог А. Гресли ҳамда рус олимлари А.П. *Карпинский*, В.О. *Ковалевский*, Н.М. *Страхов* ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар. Бу соҳада Ҳ.М. *Абдуллаев*нинг руда минтақалари ҳақидаги назариялари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

ТАРИХИЙ ЖАНР, тарихий мавзудаги асарлар — адабиёт ва санъатдаги асосий жанр ёки мавзулардан бири; тарихий ўтмиш мавзуида ёзилган асарлар туркуми.

Бадиий адабиётнинг асосий вазифаларидан бири тарихий ўтмишда содир бўлган воқеалар, яқин ёки олис ўтмишда яшаган тарихий шахсларга бағишланган асарлар яратишдир. Илмий тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, ёзувчи ёки шоир тарихий мавзудаги асарда тарих ҳақиқатига суянган ҳолда тўқимадан ҳам самарали фойдаланади. Ёзувчи ёки шоир тарихий шахслар б-н бирга шу шахслар образини ёрқин мужассамлантириш, тасвир этилаётган давр манзарасини кенг ва атрофлича ёритиш мақсадида тўқима қаҳрамонлар образини асарга олиб киради. Тарихий мавзуда асар ёзувчи муаллифдан тасвир этилаётган давр ҳаётини ёки тарихий шахснинг ҳаёти ва фаолиятини тарих ҳужжатлари (архив материаллари, хотиралар ва ҳ.к.) асосида ўрганиш, шу даврнинг тарихий колоритини ҳаққоний ифодалаш, персонажлар нутқида ўша давр кишилари тилига хос хусусиятларни акс эттириш талаб этилади. Ёзувчи ёки шоирнинг тарихий мавзуга мурожаат этишдан мақсади, китобхонларни тарихий ўтмишдаги муҳим воқеалар, тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти б-н таништириш, уларда ўз халқининг тарихий ўтмишига

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи деворига ишланган асарлан лавҳа (А. Аликулов асари, 2002).

нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотиш ва шу йўл б-н маърифатли авлодни тарбиялаш; замондошларни тарихий ўтмиш воқеаларидан, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги ибратли томонлардан сабоқ олишга ундаш; бугунги воқеликдаги айрим нохуш воқеа ва ҳодисаларга тарихий ўтмиш воқеаларини тасвирлаш орқали муносабат билдиришдир.

Тарихий ўтмиш мавзуи асосан насрнинг роман, қисса ва ҳикоя, драматургиянинг трагедия ва драма, шунингдек, шеъриятнинг достон, баллада, лирик шеър каби жанрларида ёритилади. Жаҳон адабиётида тарихий ўтмиш мавзуи У. *Шекспир* ва Ф.*Шиллер*нинг трагедиялари, В.Скотт, Ж.Голсуорси, Л.Н.*Толстой* ва б. ёзувчиларнинг романларида катта маҳорат б-н ёритилган.

Жаҳон адабиётидаги тарихий ўтмиш ҳаётидан олинган айрим асарлар, мас., А.*Дюма* романлари ёки А.С. *Пушкин*нинг «кичик трагедиялар»ида тарихий ҳақиқатдан чекиниш, ҳатто тарихий ҳақиқатга зид ҳодисаларни тасвирлаш ҳоллари учрайди. А.С.Пушкин «Моцарт ва Сальери» асарида буюк немис композиторини Сальери томонидан заҳарланган, деб Моцартнинг ўлими сабабини мутлақо нотўғри талқин қилган. Бундай ҳоллар жаҳон адабиётида шу вақтгача ёзувчининг бадиий нияти б-н боғлиқ ҳолда изоҳлаб келинади. Аммо Т.ж.нинг тараққий этиши б-н ёзувчи ёки шоирдан тарих ҳақиқатига содиқлик талаб этила бошлади.

Ўзбек адабиётида замонавий тарихий асар биринчи марта Абдулла Қодирий томонидан яратилди. Ёзувчининг «Ўтган кунлар» романи б-н ўзбек адабиётида тарихий роман жанри майдонга келди. Ойбек «Қутлуғ қон» романида Қодирий бошлаб берган тарихий роман анъаналарини ривожлантирди ва «Навоий» романи б-н тарихий-биографик роман жанрига тамал тошини қўйди. Кейинчалик О.*Ёқубов* «Улуғбек хазинаси», П.*Қодиров* «Юлдузли тунлар», *Муҳаммад Али* «Сарбадорлар» романлари б-н тарихий роман жанрини янги босқичга олиб чиқдилар. Драматургияда тарихий мавзуда асар ёзиш тажрибасини Фитрат «Абулфайзхон» трагедияси б-н бошлаб берди. Кейинчалик шу жанрда *Уйғун* ва *Иззан Султон*нинг «Алишер Навоий», *Ҳамид Олимжон*нинг «Муқанна», *Шайхзода*нинг «Жалолиддин Мангуберди» ва «Мирзо Улуғбек», Абдулла *Орипов*нинг «Соҳибқирон» сингари трагедиялари вужудга келди ва бу асарлар тарихий шахс образини яратишда драматургиянинг бадиий имкониятлари катта эканини намойиш этди. Шеъриятда эса турли даврларда Рафиқ Мўминнинг «Қапчиғай», Ойбекнинг «Навоий» ва «Ҳамза», Султон Жўранинг «Бруно», Усмон Азимнинг «Халил Султон», Азим Суюннинг «Сарбадорлар» сингари достонлари яратилиб, улар тарихий мавзудаги достонларнинг бадиий тамойилларини белгилаб берди.

Шоирлар тарихий ўтмиш манзараларини ҳаётий воқеалар ва қаҳрамонлар образи орқали тасвир этиш б-н бирга кўплаб эртак-достонлар ҳам яратдилар. Аммо уларни Т.ж.га киритиб бўлмайди. Негаки, тарихий мавзудаги ҳар қандай асарда тарихийлик асосий бадиий мезон бўлиши ва ёзувчи ўз асарида тарих ҳақиқатига қатъий риоя қилиши лозим. Мас., Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) образи мавжудлигига қарамай, уни тарихий ёки тарихий-биографик асар, деб бўлмайди.

Тасвирий санъатда Т.ж. жамият тарихидаги ижтимоий сиёсий аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеалар ва арбобларни тасвирлашга асосланади. Одатда ўтмишни тасвирлайдиган Т.ж., шунингдек, яқин ўтмишда рўй берган ва тарихий аҳамияти замондошлар томонидан тан олинган воқеаларни акс эттиришни ҳам ўз ичига олади; кўпинча *маиший жанр, портрет, манзара* каби бошқа жанрлар б-н, айниқса, ҳарбий воқеаларнинг тарихий мазмунини ёритувчи *баталь жанри* б-н чатишиб кетади. Т.ж. ривожи тарихий нуқтаи назарлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тараққиёти б-н, юксалиш даврлари эса ижтимоий қарама-қаршиликлар шароити, ижтимоий ҳаракатлар, миллатларнинг ўзлигини англашининг ўсиши, санъатда илғор ижтимоий ғояларни акс эттирилиши б-н боғлиқ. Т.ж.да кўпинча тарихий кучларнинг драматик тўқнашуви, миллий озодлик курашлари, халққа тарихни ҳаракатга келтирувчи фаол куч сифатида қараш кабилар ўзининг бадиий ифодасини топади. Т.ж. қадимдан — ибтидоий жамоа даврида бўлиб ўтган муҳим воқеаларни эслаш, хотирлаш ва шу хотираларни тасвирлаш заминида юзага келган. Олд Осиё, Қад. Миср, Ўрта Осиё, Эрон ҳудудларида ҳарбий юришлар, подшо, ҳарбий қўмондонларнинг фаолиятини мадҳ этувчи кўп жуссали мураккаб композицияли асарлар юзага келган; мамлакатлар ички ҳаёти, ташқи алоқалар, элчилар қабули ва б. воқеалар рассомлар ва ҳайкалтарошларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Жумладан, *Тупроққалъа деворий расмлари ва ҳайкаллари, Афросиёб деворий расмлари* ва б. Юнонистонда муҳим воқеалар, тарихий шахснинг қиёфалари афсонавий образ ва композицияларда ифодаланди. Қад. Римда Т.ж. ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди, асарлар ўзининг ўта реаллиги ва тафсилоти б-н диққатга сазовор, бу жиҳатлар, айниқса, рельефли композицияларда намоён бўлди. Ўрта асрларда

диний мавзулардаги асарларда тарихий воқеалар ҳам тасвирланди. Осиё мамлакатларида Т.ж.да салмоқли асарлар яратилди, бу айниқса, деворий расмлар ва воқеабанд рельефларда кўп учрайди, миниатюра ва монументал санъатда кенг ривожланди.

Уйғониш даврида Т.ж. мустақил жанр сифатида шаклланди, 17—18-а.ларда етакчи жанр даражасига кўтарилди (Д.Веласкес, П. Рубенс ва б.), тарихий портретларга эътибор кучайди (ҳайкалтарош Ж. Гудон, рассом Ж. Рейнольдс, Ж. Давид ва б.), 19-а.дан Т.ж.да инсоният тарихида бўлиб ўтган муҳим воқеалар, халқ бошига тушган оғир мусибатлар асарларда ўз ифодасини топди (Ф. Гойя, О.Делакруа ва б.). 19-а. 2-ярми Европа санъатида яратилган асарларда романтик руҳ кучли бўлса, *передвижниклар* асарларида танқидий руҳ етакчи бўлди. 20-а. бўсағасида рамзий умумлашма асарлар яратиш, тарихий портретлар ишлаш кенг ёйилди. 20-а. жаҳон маданиятида мавжуд бўлган турли оқим ва йўналишлар Т.ж. асарларида ҳам намоён бўлди (П. Пикассо, А. Фужерон, О.Дикс, Г.Грос, Р.Гуттузо, Д.Ривера, Д.Сикейрос ва б.).

Ўзбекистон тасвирий санъаатида Т.ж. қадимдан шаклланган ва тараққий этган. Т.ж.нинг дастгоҳ шакллари 20-а. 30-й.ларидан ривожланди. Маҳаллий рассомлардан Б.Ҳамдамий, А. Абдуллаев, Ш. Ҳасанова ва б. ижодида тарихий шахсларни гавдалантириш муҳим ўрин тутади. 50—60-й.лардан ўзбек тасвирий санъатига кенг кўламда маҳаллий рассомларнинг кириб келиши Т.ж. мавзу ва услубининг ранг-баранглигини таъминлади. М.Набиев, Р. Чориев, Ж. Умарбеков ва б. рассомлар ижодида Т.ж.га оид асарлар юзага келди. Мустақилликдан сўнг тарихга, ўтмишга мурожаат этиш ва эътиборнинг ортиши Т.ж.ни янада юксалишини белгилаб берди: *Жалолиддин Мангуберди, Ал-Фарғоний, Амир Темур* кабиларга бағишланган тарихий туркум асарлар яратилди.

Наим Каримов, Неъмат Абдуллаев.

ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛИЗМ (тарихни материалистик тушуниш) — *марксизм*нинг жамият тараққиёти тўғрисидаги қараши. Жамият тараққиётининг энг умумий қонунларини ўрганувчи фан сифатида талқин қилиб келинди. Асосий ғояларини К.Маркс, Ф.Энгельс ва В.И.Ленин илгари сурган. Т.м. жамият моддий ҳаёти — ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга нисбатан бирламчилигини эътироф этади; жамият тараққиётининг асосида моддий и.ч. усули ётади, деган ғояга асосланади. И.ч. муносабатларини устқурмани белгиловчи иқтисодий структура (жамиятнинг базиси) сифатида ажратиб кўрсатади; тарихни ижтимоий-тарихий формацияларнинг алмашинувидан иборат қонуний табиий-тарихий жараён, унинг натижасида коммунизм қарор топади, деб тушунади. 20-а.нинг 20—30-й.ларидан Т.м. доғмалаштирилди ва схемалаштирилди, коммунистик партиялар сиёсатига бўйсундирилди. Унда синфий бўлинишнинг сақланиши, синфий кураш, ижтимоий инқилоб каби воқеаларнинг қонуний эканлиги ва антагонистик формацияларга хослиги уқтириб келинди. Т.м. жамият тараққиёти, унинг ривожланиш қонунларини бир ёқлама ёки бўрттириб талқин этган, инсон омилига етарли эътибор бермаган.

ТАРИХШУНОСЛИК — тарих фанининг тарихини ўрганувчи фан. Т. тарихий билимлар тараққиётини, муайян тарихий босқичда яратилган илмий маҳсулотларни ёки маълум бир муаммога бағишланган тарихий тадқиқотларни ўрганади ва таҳлил қилади. Т. нафақат тарих, балки махсус тарих фанлари (мас., шарқшунослик, этнология, археология ва б.) тарихи б-н ҳам шуғулланади. Т.нинг асосий вазифаси тарих фани ривожини чуқур ва ҳар томонлама холисона англашдан, муайян тараққиёт даврида тўпланган тарихий билимларни таҳлилий тадқиқ этишдан, амалга оширилган ишларнинг натижасини чиқаришдан ҳамда шу асосда тадқиқ этилган долзарб муаммоларни аниқлаб, келгуси тадқиқотларнинг йўналишларини белгилашдан, тарихчиларни муайян тарихий-илмий муаммо доирасидаги адабиётларга йўналтиришдан иборат. Т. ўтмишда кечган ва бугунги кунда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг одамлар онгида қандай акс этишини, тарихий адабиётлар орқали ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнини кузатиш; жамият тарихий ривожининг турли босқичларида тарихий билимларнинг ўсиб бориши жараёнини кузатиш имконини беради. Бошқача айтганда, маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жамият тараққиётининг асосий йўналиши б-н боғлиқликда ифодалайди, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий муҳитнинг тарих фанига таъсирини, у ёки бу йўналишдаги ривожланиш ва таназзулга юз тутиш сабабларини аниқлайди. Т., шунингдек, фан тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган и.т. марказлари тарихини, унда фаолият кўрсатган илмий кадрларнинг салоҳияти, уларнинг фан ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Т. талқиқотларининг бир қанча таҳлил усуллари мавжуд: қиёсий тарихий усул — турли тарихий даврларда тарихий маълумотлар қандай пайдо бўлди, ҳаракатланди, ўзгарди ва ривожланди, жамият тараққиётида тарихий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнини аниқлашда қўлланилади; аниқ таҳлилий усул — олиб борилган Т. талқиқоти воқеа-ҳодисалар тафсилотини келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш жараёнини назарий ва фактик материалларнинг ўзаро алоқасида таҳлил қилади, уларнинг фанда қандай ёритилганлигини ўрганади; мантиқий таҳлилий усул — Т.да катта имкониятларга эга бўлиб, тарихий муаммонинг ўзига хос хусусиятлари, тузилиши, бошқа тарихий ҳодисалар б-н боғлиқлигини ўрганишда қўлланилади. Бошқача айтганда, маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жамият тараққиётининг асосий йўналиши б-н боғлиқликда ифодалайди; хронологик усул — воқеа-ҳодисалар ҳақида турли босқич ёки даврда тўпланган тарихий фактларни ўзаро боғлиқликда ўрганишда қўлланилади. Бу эса турли замонда илмий фикрларнинг ҳаракатини, муаммога ёндашувда концепциялар, қарашлар, гояларнинг ўзгариб боришини хронологик тартибда такрорий ёки хилма-хил жиҳатларини очиб беради; даврий-лаштириш усулида маълум бир тарихий-даврий чегарада тарих фанининг сифат, услуб ва хусусиятларининг ўзгаришига ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таъсири, ҳар бир янги босқичда вужудга келган илмий гояларни ҳаракатлантирувчи омил ва йўналишлар аниқланади; ретроспектив таҳлил — ҳар бир илмий адабиёт ўз даврига тааллуқли бўлиб, унинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ўзида акс эттиради. Т. тадқиқотларда тадқиқотчининг вазифаси ўзидан аввалги босқичларда яратилган илмий асарларни замонавий билимлар нуқтаи назаридан ўрганиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилишдан иборат.

Т. тарих фанига нисбатан янги фан ҳисобланади. Ўрта асрларда яратилган баъзи тарихий асарларда, жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон», Абу Бакр Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг «Тарихи Хоразм», «Шажараи Хоразмшоҳий», Аҳмад Донишнинг «Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари» ва б.да муайян маълумотларни умумлаштиришга, факт ва тарихий жараёнлар баёнида таҳлилий ёндашувга бўлган ҳаракатлар кузатилади.

Ўзбекистонда Т. тарих фанининг махсус соҳаси ва алоҳида талқиқот предмети сифатида 20-а.нинг 2-ярмида шаклланди. Ўзбекистон ФА *Тарих институти* ташкил топгач, бир қатор тарихшунослар, жумладан, В.Я. Непомнин, Р.Н.Набиев, И.К. Долонов, Л.М.Ланда, Х.И.Иноятов, Б.В.Лунинлар муайян муаммоларнинг тарихшунослигини талқиқ қилишга киришдилар. 1968 й. Тарих ин-ти қошида «Т.» сектори, кейинроқ бўлим ташкил этилиши бу соҳанинг ривожига катта ҳисса қўшди (бўлимни 1968—88 й.ларда тарих фанлари д-ри Б.В.Лунин, 1988—92 й.ларда тарих фанлари номзоди В.А.Германов бошқарган, 1992 й.дан тарих фанлари д-ри, проф. Д.А.Алимова раҳбарлик қилиб келмоқда).

Ўзбекистонда тарих фани ва унинг баъзи соҳалари ривожи динамикасини ёритувчи асарлар [Ахунова М.А., Лунин Б. В., История исторической науки в Узбекистане, Т., 1970; XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллиги Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари), 1—2-қисм, Т., 1994; Алимова Д. А., Иванова Л. С., 50 лет изучения истории Узбекистана в годы войны 1941—1945 гг. современные задачи и перспективы ее историографии, Т., 1995; Лунин Б. В., Историография общественных наук в Узбекистане, Т., 1974; Саидқулов Т. С., Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар, Т. С., 1992; Дониёров А. Х., Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари, Т., 2003] яратилди. Шарқшунос олимлар (Лунин Б. В., Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана, т. 1, Т., 1976; т. 2, Т., 1977), мустамлака-тоталитар тузум шароитида Ўзбекистон тарих фани соҳасида хизмат қилган тарихчиларнинг ҳаёти ва фаолияти (Алимова Д. А., Рашидова Д., Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури, Т., 1999; Германов В. А., Историки Туркестана в условиях политического террора 20—30-х годов, Т., 2000; Германов В. А., Профессор Пулат Салиев и его время, Т., 2002) асарларда акс эттирилди; хотин-қизлар муаммоси тарихшунослиги [Алимова Д. А., Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы (20—80-е гг.), Т., 1991]; миллий озодлик ҳаракатлари, уларнинг хорижда ўрганилиши (Зияева Д. Ҳ., Туркистонда миллий озодлик ҳаракати, Т., 2000) асарларда ўз ифодасини топди. Тарих фанининг бошқа муаммолари кўплаб мақолаларда ўзининг Т. таҳлилига эришди.

Т. бўлими томонидан ўтказиш анъанавий бўлиб қолган «Т. ўқишлари» Ўзбекистон тарих фани соҳасида амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб қилиб боради. Ўзбекистонда Т. фани илмий мактабларига Б.В. Лунин, Г.И.Желтова, Ф.Ҳ.Қосимов, Р. Ражапова, Д.А. Алимова каби олимлар томонидан асос солинди.

Т. талқиқотлари мустақиллик йилларида анча кенгайди. 5 та д-рлик, 20 дан ортиқ номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Айниқса, хорижий талқиқотчилар (АҚШ, Корея, Туркия, Россия, Буюк Британия, Германия) Ўзбекистон тарихшунослари б-н илмий-амалий алоқалар ўрнатиб, Ўзбекистон тарихшунослигининг муҳим муаммоларини ўрганишда давом этмоқдалар.

Нодира Мустафоева.

ТАРИЭКАН — ўрта асрларга оид кумуш кони. *Илоқ* давлатига қарашли бўлган. Қурама тог тизмасининг Тариэкан қисмининг шим. ён багрида жойлашган. 120 га каммаҳсулли, сийрак шахталардан иборат бўлган. Т. атрофидан 11—12-а.ларга оид сирли сополлар топилган.

ТАРИҚ (Panicum L.) — бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми; дон экини. Ватани Хитой ва Монголия. Осиё, Америка, Африкада кенг тарқалган. Афгонистон, Ҳиндистон, Жан. Европа, Россия, Грузия, Арманистон, Қозогистонда катта майдонларга экилади. 500 га яқин тури бор. Т. қадимдан экиладиган ўсимлик. Осиё, Европа ва Шим. Америкада (мил. ав. 3-минг йилликдан) ўстирилган, Хитойда 5 минг йилдан бери экиб келинади. Ўзбекистонда кўпинча баҳорикор ерларга дони учун 1 тури — оддий Т. (P. miliaceum L) экилади. Оддий Т. рўвагининг шаклига қараб ёйиқ, чочоқ, сиқиқ, овал, ярим гуж ва гуж кенжа турларга бўлинади. Илдизи попуксимон, 150 см чуқурликкача боради. Пояси — похолпоя (20—150 см). Барглари наштарсимон, тукли ёки туксиз, яшил ёки қизғиш, уз. 18—65 см. Тўпгули рўвак (10—60 см).

Тариқ рўваги ва бошоқчаси.

Гули икки жинсли. Дони қобиқли, шакли юмалоқ, овал ёки чўзиқ, ранги оқ, сариқ, қизғиш, жигарранг; 1000 донаси вазни 4—9 г. Т. иссиқсевар, қурғоқчиликка, шурга чидамли ўсимлик. Уруғи ҳарорат 8—10° бўлганда униб чиқади, 12—15° да майсалари кўкара бошлайди. Ўсув даври 60—100 (120) кун. Далми ерларга апр.нинг охири — май ойининг бошларида, суғориладиган ерларда апр. охирида, такрорий экин сифатида июннинг охири — июлнинг бошларида экилади. Т. донида 10—15% оқсил, 50% углевод, 3,8% мой мавжуд. Донидан спирт олишда, *бўза* тайёрлашда фойдаланилади, *сўк*, ёрма, ун тайёрланади. Оқланган дони (сўк) мазали ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти. Т. уни нон ёпишда кўпинча *жавдар* унига қўшилади. Ўзбекистонда Т.нинг Саратов 853 нави экилади.

Касалликлари: қора куя, бактериоз.

Зараркунандалари: тариқ чивини, поя парвонаси ва б.

Ҳалима Отабоева.

ТАРИҚАТ (араб. — йўл, усул) — *тасаввуфга* хос тушунча. Унга кўра, суфий ёки солик тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиши, доим камбагалликда қаноат қилиб яшаши, таркидунё қилиши, ҳар нарсани худодан деб билиши, худони севиши ва унга интилиши, ихтиёрини пир, муршидга топшириши лозим. Бундан ташқари Т. тушунчаси кўпроқ тасаввуф йўналиш (сулук)и, тармоги маъносида қўлланилади. Тарихда тасаввуф тариқатларини нотўғри тушуниш ва талқин қилиш натижасида баъзи мутаассибликка берилиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Тасаввуфда Т. кўп бўлган, мас., тайфурия, қодирия, суҳравардийлик, бектошия ва б. Ўрта Осиёда *нақшбандия, кубровийлик, яссавийлик* Т.лари тарқалган.

ТАРКВИНИЙ МАҒРУР (Tarquinius Superbus) — Рим ривоятларига кўра, қад. Римнинг сўнгги подшоси (мил. ав. 534/533—510/509). Сервий Туллийни ўлдириб, тахтни эгаллаган; римликлар томонидан қувиб юборилган.

ТАРКИ — ўрта аср шаҳри. Махачқалъа (Доғистон)дан 4 км масофада, Кавказ тоғлари ва Каспий денгизи оралиғидаги тор тоғлик ерда, қумиқлар яшайдиган ҳудудда жойлашган. Волга бўйидан Закавказье ва Эронга борувчи савдо йўли Т.дан ўтган. 1396 й. *Амир Темур* Т.да бўлган. 16—17-а.ларда Т. Шамхалнинг пойтахти бўлган. 17-а.да — Шамхал қалъаси ва саройи бўлган кичик шаҳар. 16—17-а.да шаҳар бир неча ҳарбий тажовузларни бошидан кечирган. 1668 й. С. *Разин* отряддари Т.ни талон-тарож қилган. 1821 й. Т.да тог тепасида русларнинг Бурная қалъаси қурилган. 1844 й. Т. яқинида Петровское истеҳкоми (ҳоз. Махачқалъа ш.) қурилган.

ТАРКИББАНД (араб. — тузилиш, банд) — бир вазида ёзилиб, газал тарзида (тахаллуссиз) қофияланадиган, ҳар банддаги байтлар сони тенг бўлган, ҳар банд охирида бир байт алоҳида қофияланиб келадиган шеър шакли. Лекин такрорланиб турувчи байтлар сақланса-да, бандлар миқдори турли шоирларда турлича. Т. мураккаб тузилишга эга бўлиб, шоирдан алоҳида маҳорат ва тажриба талаб этади. Т. форс-тожик адабиётида 9—11, ўзбек адабиётида 15-а.дан ёзила бошлаган. Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Нодира ва б. Т.да ижод қилишган. Мас., Навоий девонида биттагина Т. бўлиб, у ҳам марсия характерида — «ҳам ота, ҳам муршиду пир» мақомидаги Саййид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишланган. У 7 банд — 56 байтдан иборат. Ҳар банди 7 байтлик газал ва ундан сўнг такрорланиб келган байтдан ташкил топган.

Замонавий шоирлардан В.Саъдулла, *Чустийлар* Т. ёзганлар. Чустий Т.ининг ҳар банди 5 байтдан таркиб топиб, ҳар банд охирида алоҳида байтлар такрорланиб келади.

Ад.: Адабий турлар ва жанрлар, 2-ж., Т., 1992; Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.ли], 2-ж., Т., 1977.

ТАРКИБНИНГ ДОИМИЙЛИГИ ҚОНУНИ — кимёнинг асосий қонунларидан бири. Кимёвий бирикма қандай усулда олинмасин бир хил элементлардан таркиб топади, уларнинг массаси ўзгармас нисбатда бўлади. Мас., сув массасига кўра 11,19% водород (H) ва 88,81% кислород (O) дан иборат. Мол. м. 18,016 га тенг. Бу H_2O формуласи б-н ифодаланиб, бунда 2 атом водородга 1 атом кислород тўғри келади (қ. *Кимёвий формулалар*). Т.д.қ.ни 1809 й.да француз кимёгари Ж. Пруст кашф этган.

Т.д.қ. газсимон ва суюқ моддаларгагина қўлланади. Кристалл моддалар таркиби ҳам ўзгармас, ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин. Таркиби ўзгармас бирикмалар дальтонидлар, таркиби ўзгарувчан бирикмалар эса бертоллидлар деб аталади (қ. *Дальтонидлар ва бертоллидлар*). Кўпчилик бирикмалар, жумладан деярли барча органик бирикмалар дальтонидларга мансубдир.

ТАРМАШИРИН, Алоуддин Тармаширин (? — 1334) — Мовароуннаҳр султони (1326—34). *Чиғатойлардан.* Т. ёшлигида буддавийча Дармашила («дҳарма, яъни Будда қонунига итоат этувчи») номи б-н аталган. Исломни қабул қилгач, Алоуддин деб атала бошлаган. Исломни қабул қилгани, кўчманчилар анъаналарини бузиб, шаҳарда яшай бошлагани, бу салтанат шарқидаги (Еттисув ва Иссиққўл бўйидаги) кўчманчи мўғулларнинг норозилигига ва уларни қўзғолон кўтаришига сабаб бўлган. Қўзғолончилар Т.ни ўлдирганлар, хонлар қарорғоҳи яна бир неча йилга Или дарёси бўйларига кўчирилган.

ТАРНОВ — ўртача кечпишар уруғсиз, винобоп узум нави. Ҳоз. Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. ин-тида *Нимранг* ва *Қора кишмиш* навларини чатиштириб чиқарилган (А. М. *Негруль, М. С. Журавель*). Тупи ўртача ўсади. Барглари ўртача, тўғарак, беш бўлмали, орқа томони тукли. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, конуссимон, тиғиз. Ғужуми ўртача, думалоқ, сарғиш-оч яшил. Пўсти таранг, юпқа мумғубор б-н қопланган. Эти серсув, сершира. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 2900° бўлганда 147 кунда пишади.

Тарнов узум нави.

Новдаси яхши етилади. Ҳосилдорлиги 600 ц/га. Совуққа чидами паст. Шарбатлар, оқ ва шампан винолари тайёрланади. 1959 й.дан Самарқанд ва Тошкент вилоятларида р-нлаштирилган.

ТАРНОВ — баландликдан сув тушириладиган мослама; *новнинг* бир тури. Томдан қор-ёмғир сувларини тушириш, айрим нотекис жойларда (айниқса, тоғли ҳудудларда) камроқ миқдордаги сувни пастга оқизиш учун фойдаланилади. Ёғоч, тунука, сопол ва б.дан ясалади. Томдан қор-ёмғир сувлари оқиб тушиши учун унинг бир неча жойига Т. ўрнатилади. Томга ишланган Т.ларнинг узундиги кўпинча 1 м дан ошмайди, лекин томдан ергача тушадиган узун хиллари ҳам бўлади. Қадимги томи кўп тор ҳовлиларда сувни ариққа чиқариб оқизиш учун тарновнинг шундай узун хиллари ишланган. Кейинчалик узун Т.лар тунукадан қувур шаклида ишланиб, уйнинг сув оқадиган томонларига девор б-н параллел қилиб тик ўрнатиладиган бўлди. Кўп қаватли уйларда Т. асбоцемент, чўян қувурлардан ҳам ишланади ва

Т. талқиқотларининг бир қанча таҳлил усуллари мавжуд: қиёсий тарихий усул — турли тарихий даврларда тарихий маълумотлар қандай пайдо бўлди, ҳаракатланди, ўзгарди ва ривожланди, жамият тараққиётида тарихий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнини аниқлашда қўлланилади; аниқ таҳлилий усул — олиб борилган Т. талқиқоти воқеа-ҳодисалар тафсилотини келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш жараёнини назарий ва фактик материалларнинг ўзаро алоқасида таҳлил қилади, уларнинг фанда қандай ёритилганлигини ўрганади; мантиқий таҳлилий усул — Т.да катта имкониятларга эга бўлиб, тарихий муаммонинг ўзига хос хусусиятлари, тузилиши, бошқа тарихий ҳодисалар б-н боғлиқлигини ўрганишда қўлланилади. Бошқача айтганда, маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жамият тараққиётининг асосий йўналиши б-н боғлиқликда ифодалайди; хронологик усул — воқеа-ҳодисалар ҳақида турли босқич ёки даврда тўпланган тарихий фактларни ўзаро боғлиқликда ўрганишда қўлланилади. Бу эса турли замонда илмий фикрларнинг ҳаракатини, муаммога ёндашувда концепциялар, қарашлар, гояларнинг ўзгариб боришини хронологик тартибда такрорий ёки хилма-хил жиҳатларини очиб беради; даврийлаштириш усулида маълум бир тарихий-даврий чегарада тарих фанининг сифат, услуб ва хусусиятларининг ўзгаришига ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таъсири, ҳар бир янги босқичда вужудга келган илмий ғояларни ҳаракатлантирувчи омил ва йўналишлар аниқланади; ретроспектив таҳлил — ҳар бир илмий адабиёт ўз даврига тааллуқли бўлиб, унинг кучли ва кучсиз жиҳатларини ўзида акс эттиради. Т. талқиқотларда талқиқотчининг вазифаси ўзидан аввалги босқичларда яратилган илмий асарларни замонавий билимлар нуқтаи назаридан ўрганиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилишдан иборат.

Т. тарих фанига нисбатан янги фан ҳисобланади. Ўрта асрларда яратилган баъзи тарихий асарларда, жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон», Абу Бакр Наршахийнинг «Тарихи Бухоро», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг «Тарихи Хоразм», «Шажараи Хоразмшоҳий», Аҳмад Донишнинг «Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари» ва б.да муайян маълумотларни умумлаштиришга, факт ва тарихий жараёнлар баёнида таҳлилий ёндашувга бўлган ҳаракатлар кузатилади.

Ўзбекистонда Т. тарих фанининг махсус соҳаси ва алоҳида талқиқот предмети сифатида 20-а.нинг 2-ярмида шаклланди. Ўзбекистон ФА *Тарих институти* ташкил топгач, бир қатор тарихшунослар, жумладан, В.Я. Непомнин, Р.Н.Набиев, И.К. Додонов, Л.М.Ланда, Х.И.Иноятов, Б.В.Лунинлар муайян муаммоларнинг тарихшунослигини талқиқ қилишга киришдилар. 1968 й. Тарих ин-ти қошида «Т.» сектори, кейинроқ бўлим ташкил этилиши бу соҳанинг ривожига катта ҳисса қўшди (бўлимни 1968—88 й.ларда тарих фанлари д-ри Б.В.Лунин, 1988—92 й.ларда тарих фанлари номзоди В.А.Германов бошқарган, 1992 й.дан тарих фанлари д-ри, проф. Д.А.Алимова раҳбарлик қилиб келмоқда).

Ўзбекистонда тарих фани ва унинг баъзи соҳалари ривожи динамикасини ёритувчи асарлар [Ахунова М.А., Лунин Б. В., История исторической науки в Узбекистане, Т., 1970; XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллиги Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари), 1—2-қисм, Т., 1994; Алимова Д. А., Иванова Л. С., 50 лет изучения истории Узбекистана в годы войны 1941—1945 гг. современные задачи и перспективы ее историографии, Т., 1995; Лунин Б. В., Историография общественных наук в Узбекистане, Т., 1974; Саидқулов Т. С., Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар, Т. С., 1992; Дониёров А. Х., Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари, Т., 2003] яратилди. Шарқшунос олимлар (Лунин Б. В., Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана, т. 1, Т., 1976; т. 2, Т., 1977), мустамлака-тоталитар тузум шароитида Ўзбекистон тарих фани соҳасида хизмат қилган тарихчиларнинг ҳаёти ва фаолияти (Алимова Д. А., Рашидова Д., Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий тафаккури, Т., 1999; Германов В. А., Историки Туркестана в условиях политического террора 20—30-х годов, Т., 2000; Германов В. А., Профессор Пулат Салиев и его время, Т., 2002) асарларда акс эттирилди; хотин-қизлар муаммоси тарихшунослиги [Алимова Д. А., Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы (20—80-е гг.), Т., 1991]; миллий озодлик ҳаракатлари, уларнинг хорижда ўрганилиши (Зияева Д. Ҳ., Туркистонда миллий озодлик ҳаракати, Т., 2000) асарларда ўз ифодасини топди. Тарих фанининг бошқа муаммолари кўплаб мақолаларда ўзининг Т. таҳлилига эришди.

Т. бўлими томонидан ўтказиш анъанавий бўлиб қолган «Т. ўқишлари» Ўзбекистон тарих фани соҳасида амалга оширилаётган ишларни сарҳисоб қилиб боради. Ўзбекистонда Т. фани илмий мактабларига Б.В. Лунин, Г.И.Желтова, Ф.Ҳ.Қосимов, Р. Ражапова, Д.А. Алимова каби олимлар томонидан асос солинди.

Т. талқиқотлари мустақиллик йилларида анча кенгайди. 5 га д-рлик, 20 дан ортиқ номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Айниқса, хорижий талқиқотчилар (АҚШ, Корея, Туркия, Россия, Буюк Британия, Германия) Ўзбекистон тарихшунослари б-н илмий-амалий алоқалар ўрнатиб, Ўзбекистон тарихшунослигининг муҳим муаммоларини ўрганишда давом этмоқдалар.

Нодира Мустафоева.

ТАРИЭКАН — ўрта асрларга оид кумуш кони. *Илоқ* давлатига қарашли бўлган. Қурама тог тизмасининг Тариэкан қисмининг шим. ён багрида жойлашган. 120 га каммаҳсулли, сийрак шахталардан иборат бўлган. Т. атрофидан 11—12-а.ларга оид сирли сополлар топилган.

ТАРИҚ (Panicum L.) — бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар туркуми; дон экини. Ватани Хитой ва Монголия. Осиё, Америка, Африкада кенг тарқалган. Афғонистон, Ҳиндистон, Жан. Европа, Россия, Грузия, Арманистон, Қозоғистонда катта майдонларга экилади. 500 га яқин тури бор. Т. қадимдан экиладиган ўсимлик. Осиё, Европа ва Шим. Америкада (мил. ав. 3-минг йилликдан) ўстирилган, Хитойда 5 минг йилдан бери экиб келинади. Ўзбекистонда кўпинча бакорикор ерларга дони учун 1 тури — оддий Т. (P. miliaceum L) экилади. Оддий Т. рўвагининг шаклига қараб ёйиқ, чочоқ, сиқиқ, овал, ярим гуж ва гуж кенжа турларга бўлинади. Илдизи попуксимон, 150 см чуқурликкача боради. Пояси — похолпоя (20—150 см). Барглари наштарсимон, тукли ёки туксиз, яшил ёки қизғиш, уз. 18—65 см. Тўпгули рўвак (10—60 см).

Тариқ рўваги ва бошоқчаси.

Гули икки жинсли. Дони қобиқли, шакли юмалоқ, овал ёки чўзиқ, ранги оқ, сариқ, қизғиш, жигарранг; 1000 донаси вазни 4—9 г. Т. иссиқсевар, қурғоқчиликка, шурга чидамли ўсимлик. Уруғи ҳарорат 8—10° бўлганда унибчиқали, 12—15° да майсалари кўкара бошлайди. Ўсув даври 60—100 (120) кун. Лалми ерларга апр.нинг охири — май ойининг бошларида, суториладиган ерларда апр. охирида, такрорий экин сифатида июннинг охири — июлнинг бошларида экилади. Т. донида 10—15% оқсил, 50% углевод, 3,8% мой мавжуд. Донидан спирт олишда, *бўза* тайёрлашда фойдаланилади, *сўк*, ёрма, ун тайёрланади. Оқланган дони (сўк) мазали ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти. Т. уни нон ёпишда кўпинча *жавдар* унига қўшилади. Ўзбекистонда Т.нинг Саратов 853 нави экилади.

Касалликлари: қора куя, бактериоз.

Зараркунандалари: тариқ чивини, поя парвонаси ва б.

Ҳалима Отабоева.

ТАРИҚАТ (араб. — йўл, усул) — *тасаввуф*га хос тушунча. Унга кўра, суфий ёки солик тирикчиликнинг барча ташвишларидан воз кечиши, доим камбагалликда қаноат қилиб яшаши, таркидунё қилиши, ҳар нарсани худодан деб билиши, худони севиши ва унга интилиши, ихтиёрини пир, муршидга топшириши лозим. Бундан ташқари Т. тушунчаси кўпроқ тасаввуф йўналиш (сулук)и, тармоги маъносида қўлланилади. Тарихда тасаввуф тариқатларини нотўғри тушуниш ва талқин қилиш натижасида баъзи мутаассибликка берилиш ҳолатлари ҳам кузатилган. Тасаввуфда Т. кўп бўлган, мас., тайфурия, қодирия, суҳравардийлик, бектошия ва б. Ўрта Осиёда *нақшбандия, кубровийлик, яссавийлик* Т.лари тарқалган.

ТАРКВИНИЙ МАҒРУР (Tarquinius Superbus) — Рим ривоятларига кўра, қад. Римнинг сўнгги подшоси (мил. ав. 534/533—510/509). Сервий Туллийни ўлдириб, тахтни эгаллаган; римликлар томонидан қувиб юборилган.

ТАРКИ — ўрта аср шаҳри. Махачқалъа (Догистон)дан 4 км масофада. Кавказ тоғлари ва Каспий денгизи оралиғидаги тор тоғлик ерда, қумиқлар яшайдиган ҳудудда жойлашган. Волга бўйидан Закавказье ва Эронга борувчи савдо йўли Т.дан ўтган. 1396 й. *Амир Темур* Т.да бўлган. 16—17-а.ларда Т. Шамхалнинг пойтахти бўлган. 17-а.да — Шамхал қалъаси ва саройи бўлган кичик шаҳар. 16—17-а.да шаҳар бир неча ҳарбий тажовузларни бошидан кечирган. 1668 й. С. *Разин* отряддари Т.ни талон-тарож қилган. 1821 й. Т.да тог тепасида русларнинг Бурная қалъаси қурилган. 1844 й. Т. яқинида Петровское истеҳкоми (ҳоз. Махачқалъа ш.) қурилган.

ТАРКИББАНД (араб. — тузилиш, банд) — бир вазида ёзилиб, газал тарзида (тахаллуссиз) қофияланадиган, ҳар банддаги байтлар сони тенг бўлган, ҳар банд охирида бир байт алоҳида қофияланиб келадиган шеър шакли. Лекин такрорланиб турувчи байтлар сақланса-да, бандлар миқдори турли шоирларда турлича. Т. мураккаб тузилишга эга бўлиб, шоирдан алоҳида маҳорат ва тажриба талаб этади. Т. форс-тожик адабиётида 9—11, ўзбек адабиётида 15-а.дан ёзила бошлаган. Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Нодира ва б. Т.да ижод қилишган. Мас., Навоий девонида биттагина Т. бўлиб, у ҳам марсия характерида — «ҳам ота, ҳам муршиду пир» мақомидаги Саййид Ҳасан Ардашер хотирасига бағишланган. У 7 банд — 56 байтдан иборат. Ҳар банди 7 байтлик газал ва ундан сўнг такрорланиб келган байтдан ташкил топган.

Замонавий шоирлардан В.Саъдулла, *Чустийлар* Т. ёзганлар. Чустий Т.ининг ҳар банди 5 байтдан таркиб топиб, ҳар банд охирида алоҳида байтлар такрорланиб келади.

Ад.: Адабий турлар ва жанрлар, 2-ж., Т., 1992; Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.ли], 2-ж., Т., 1977.

ТАРКИБНИНГ ДОИМИЙЛИГИ ҚОНУНИ — кимёнинг асосий қонунларидан бири. Кимёвий бирикма қандай усулда олинмасин бир хил элементлардан таркиб топади, уларнинг массаси ўзгармас нисбатда бўлади. Мас., сув массасига кўра 11,19% водород (H) ва 88,81% кислород (O) дан иборат. Мол. м. 18,016 га тенг. Бу H_2O формуласи б-н ифодаланиб, бунда 2 атом водородга 1 атом кислород тўғри келади (қ. *Кимёвий формулалар*). Т.д.қ.ни 1809 й.да француз кимёгари Ж. Пруст кашф этган.

Т.д.қ. газсимон ва суюқ моддаларгагина қўлланади. Кристалл моддалар таркиби ҳам ўзгармас, ҳам ўзгарувчан бўлиши мумкин. Таркиби ўзгармас бирикмалар дальтонидлар, таркиби ўзгарувчан бирикмалар эса бертоллидлар деб аталади (қ. *Дальтонидлар ва бертоллидлар*). Кўпчилик бирикмалар, жумладан деярли барча органик бирикмалар дальтонидларга мансубдир.

ТАРМАШИРИН, Алоуддин Тармаширин (? — 1334) — Мовароуннаҳр султони (1326—34). *Чиғатоийлар*дан. Т. ёшлигида буддавийча Дармашила («дҳарма, яъни Будда қонунига итоат этувчи») номи б-н аталган. Исломни қабул қилгач, Алоуддин деб атала бошлаган. Исломни қабул қилгани, кўчманчилар анъаналарини бузиб, шаҳарда яшай бошлагани, бу салтанат шарқидаги (Еттисув ва Иссиқкўл бўйидаги) кўчманчи мўғулларнинг норозилигига ва уларни кўзғолон кўтаришига сабаб бўлган. Кўзғолончилар Т.ни ўлдирганлар, хонлар қарорғоҳи яна бир неча йилга Или дарёси бўйларига кўчирилган.

ТАРНОВ — ўртача кечпишар урутсиз, винобоп узум нави. Ҳоз. Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. ин-тида *Нимране* ва *Қора кишмиш* навларини чатиштириб чиқарилган (А. М. *Негруль, М. С. Журавель*). Тупи ўртача ўсади. Барглари ўртача, тўғарак, беш бўлмали, орқа томони тукли. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, конуссимон, тиғиз. Ғужуми ўртача, думалоқ, сарғиш-оч яшил. Пўсти таранг, юпқа мумғубор б-н қопланган. Эти серсув, сершира. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 2900° бўлганда 147 кунда пишади.

Тарнов узум нави.

Новдаси яхши етилади. Ҳосилдорлиги 600 ц/га. Совуққа чидами паст. Шарбатлар, оқ ва шампан винолари тайёрланади. 1959 й.дан Самарқанд ва Тошкент вилоятларида р-нлаштирилган.

ТАРНОВ — баландликдан сув тушириладиган мослама; *нов*нинг бир тури. Томдан қор-ёмғир сувларини тушириш, айрим нотекис жойларда (айниқса, тоғли ҳудудларда) камроқ миқдордаги сувни пастга оқизиш учун фойдаланилади. Ёғоч, тунука, сопол ва б.дан ясалади. Томдан қор-ёмғир сувлари оқиб тушиши учун унинг бир неча жойига Т. ўрнатилади. Томга ишланган Т.ларнинг узунлиги кўпинча 1 м дан ошмайди, лекин томдан ергача тушадиган узун хиллари ҳам бўлади. Қадимги томи кўп тор ҳовлиларда сувни ариққа чиқариб оқизиш учун тарновнинг шундай узун хиллари ишланган. Кейинчалик узун Т.лар тунукадан қувур шаклида ишланиб, уйнинг сув оқадиган томонларига девор б-н параллел қилиб тик ўрнатиладиган бўлди. Кўп қаватли уйларда Т. асбоцемент, чўян қувурлардан ҳам ишланади ва



Тарнов турлари: *1* — тарнов ёрдамида чашмадан сув оқизиш; *2* — ёғоч тарнов; *3* — оддий тунука тарнов; *4* — узун тунука тарнов (*1* — қисқич; *2* — сув йиғувчи воронка; *3* — нов).

бинонинг ички қисмида (кўпинча, балконнинг ичкарисида) ва ташқарисида девор орасига ўрнатилади. Булоқлардан қишлоқларга сув келтириладиган, ун тегирмонига сувни йўналтириб берадиган Т.лар ҳам бор.

ТАРОВИҲ (араб. — ҳордиқ чиқариш, тин олиш) — рамазон ойи давомида кечалари ўқиладиган қўшимча нафл намоз. Т. 20 ракаат бўлиб, хуфтон намози б-н бирга ўқилади. Т. намозида Қурьони каримни бошдан оёқ қироат б-н хатм қилиш суннат амаллардан ҳисобланади.

ТАРОЗ, Талас (1936 й.гача Авлиёота, 1936—1938 й.ларда Мирзоян, 1938 й.дан Жамбул, 1998 й.дан Тароз) — Қозоғистон Республикаси Жамбул вилоятидаги қад. шаҳар, вилоятнинг маъмурий маркази. Олмаотадан 545 км ғарбда, Талас дарёсини т.й. кесиб ўтган жойда. Аҳолиси 325 минг кишига яқин (2003).

Археологик маълумотларга кўра, Т. тахм. 5-а.да вужудга келган. Дастлаб, византиялик элчи Земарх томонидан 568 й. қайд этилган. Шаҳар араб, форс манбаларида Талас, Тароз, Янги номлари б-н тилга олинган (8—18-а.лар).

Қад.да Тароз Талас дарёси ёқасида жойлашган. У қалъа, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. 7-а.да Т. муҳим савдо маркази. 751 й. Т. яқинида *Талас жанги* бўлиб ўтган. 9-а. охиридан *Сомонийлар*, 10-а. охиридан Қорахонийлар давлати таркибида. 12-а. охиридан бошлаб *Қорахитойлар* ва *Мўғуллар истилосидан* анча шикастланган Т. таназзулга учрай бошлаган. 16-а. бошида шаҳарда ҳаёт барҳам топган. Т.да ўтказилган қазишмалар чоғида зардуштийларнинг *оссуарийларда* кўмилган қабрлари, деворий расмлар б-н безатилган 11—12-а.ларга оид ҳаммом, коризлар (сув ўтказгич) топилган. 19-а.да Авлиёота қалъаси қурилган. 1864 й.да Т.ни Россия қўшинлари босиб олган. 1920 й.дан Қозоғистон таркибида.

Т. кимё (фосфор, минерал ўғитлар), енгил ва озиқ-овқат (чарм-пойабзал к-ти, жун ф-каси, мебель, тикувчилик, атторлик ф-калари, хром ва резина буюмлари з-длари, шакар-қанд, гўшт ва спирт, арақ к-тлари, вино, сут, балиқ, пиво з-длари) саноатининг муҳим маркази. Машинасозлик (коммунал асбоб-ускуналари, қ.х. машиналарига эҳтиёт қисмлар, агрегат-таъмирлаш з-длари ва б.), қурилиш материаллари саноатлари ривожланмоқда. Т.да 3 олий ўқув юрти (енгил ва озиқ-овқат саноати технология ин-ти, гидромелиорация-қурилиш ва пед. ин-тлари), ўлкашунослик музейи, драма театри бор. Шаҳар аэропорти, т.й. ва автовокзаллар ишлаб турибди.

Т.дан 18 км жан.-ғарбда ноёб меъморий обидалар: Бабажи хотун мақбараси (10—11-а.лар) ва Ойшабиби мақбараси (11—12-а.лар) сақланган.

Ад.: Бернштам А.Н., Памятники старины Таласской долины, Алма-Ата, 1941; Сенигова Т.Н., Средневековый Тараз, Алма-Ата, 1972.

ТАРОЗИ — жисмга таъсир этувчи оғирлик кучи асосида жисмлар вазнини аниқлайдиган асбоб. Т. қад. ўлчаш асбобларидан. Икки елкали ва тарелкасимон паллали оддий Т. қад. Бобилда мил. ав. 2,5 минг йилликда ва Мисрда мил. ав. 2 минг йилликда пайдо бўлган. Савдо, и. ч. ва фаннинг ривожланиши б-н Т. аста-секин такомиллашиб борган. Т.нинг умумий мақсадларга мўлжалланган, намуна (эталон; тошларни текшириш учун) ва лаб. (аналитик, микроаналитик, намуна аниқланадиган ва б.) турлари бор. Ишлаш тарзи бўйича ричагли, электрометрик, гидростатик, гидравлик ва пружинали хилларга бўлинади. Тортиш чегараси бўйича умумий мақсад учун мўлжалланган Т.нинг стол устига ўрнатиладиган — 50 кг гача, кўчма



Столга ўрнатиладиган савдо тарозиси (*а* — умумий кўриниши; *б* — схемаси): *1* — асосий тенг елкали ричаг; *2* — таянч призма; *3, 4* — юк тушадиган призмалар; *5, 6* — паллаларни тўнтарилишдан асрайдиган устунлар; *7* — квадрант; *8* — шкала мили; *9* — шкала.

Қадимги Мисрнинг икки елкали тарозиси (тошлари ҳайвонлар шаклида бўлган).

— 50 кг дан 6 т гача, муқим (вагонетка, автомобиль, вагон, элеватор-бункерларни тортиш учун) — 5 т дан 200 т гача юкни торта оладиган хиллари бор (расмга қ.).

Т.ларнинг барча хиллари ушбу кўрсаткичлар б-н тавсифланади: 1) чегаравий тортиш кучи — метрологик кўрсаткичларини бузмаган ҳолда Т. чидаши мумкин бўлган энг катта статик нагрузка; 2) бўлинмалари қиймати — шкаланинг бир бўлими ўзгаришига мос вазн; 3) тортишда йўл қўйиладиган хатолар чегараси — бир галги тортилган вазн б-н ҳақиқий вазн орасидаги фарқ; 4) тортишлар пайтида шкала кўрсатишидаги йўл қўйиладиган фарқлар — бир жисмнинг ўзини ҳар гал тортиб кўрганда вазни ҳар хил чиқиши. Шу кўрсаткичлар Т.нинг сифатини ва синфини белгилайдиган омиллар ҳисобланади. Ҳозир юкнинг ҳам вазнини, ҳам қийматини харидорга кўрсатиб турадиган электрон Т.лар кўпроқ қўлланади.

ТАРОЗИЙ (асл исми Шайх Аҳмад ибн Худойдод) (14-а. охири — Мовароуннаҳр — 15-а. 1-ярми) — шоир ва адабиётшунос. Мовароуннаҳрда Улуғбек ҳукмронлиги даврида яшаб ижод қилган. Ўша даврнинг машҳур шоирлари Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Саккокийларга замондош бўлган Т. фақат туркий тилдаги эмас, балки араб ва форс тилларидаги адабиётлар, адабиёт назариясига оид асарларни ҳам ўрганган. Бобур «Мухтасар» асарида арузнинг ражаз ва рамал баҳрлари изоҳида унинг шеърларидан мисол келтириши Т.нинг анча етук шоир бўлганлигидан дарак беради.

Т.нинг алоҳида шеърлар девони борлиги номаълум. Ҳозирча унинг «Фунун ул-балоға» («Бадиийлик илмлари») асари маълум бўлиб, бу асар дастлаб «Латойифи Тарозий» («Тарозий совғалари») номи б-н ёзилган (1436—37) ва Улуғбекка бағишланган. Ўзбек адабиётшунослик тарихида шеършуносликка доир ўзбек тилидаги илк назарий қўлланма бўлган «Фунун ул-балоға» 5 қисмдан иборат; 1-қисмда шеърнинг ғазал, қасида, қитъа, рубоий, маснавий, мусаммат, мустазод, фард ва б. турларига кенг илмий изоҳ берилади; 2-қисмда қофия ва радиф масалалари ўрганилиб, қофия шеърнинг асоси эканлиги, қофиясиз шеър бўлиши мумкин эмаслиги таъкидланган; 3-қисмда бадиий тасвирнинг тарсеъ, ташбеҳ, и(й)ҳом, ирсол ул-масал, тазмин, истиора, лаффу нашр, радд ул-матла сингари 97 тури туркий ва форсийзабон шоирлар асарларидан олинган парчалар асосида тушунтириб берилган; 4-қисм ҳажм жиҳатдан асарнинг асосини тишкил этиб, у аруз вазни таҳлилига бағишланган. Т. арузни ўзбек тилидаги шеърият б-н боғлаб, баҳрлар сонини 40 тага, унинг тармоқлари сонини 366 тага етказган. Арузнинг 120 дан ортиқ тури изоҳланган бу қисмнинг анча варақлари уриниб, бир қанча сўзлар ўчиб кетган; охирги, 5-қисм Шарқ шеъриятининг муаммо жанрига бағишланган (бу қисм йўқолган).

Т.нинг ушбу асари яна шуниси б-н аҳамиятлики, унда шу пайтгача номлари бизга номаълум бўлган, туркий тилда ижод қилган Муҳаммад Темур Буго, Ҳожи Ақча Киндий, Бу Насақ, Қутбиддин Сароий, Бу Сиёқа, Жалолий, Шамс Қисорий ҳамда форсийда ёзган Сайфиддин Исфарангий, Мавлоно Сайфиддин, Имом Умид Камолий, Имом Зиёвуддин Форсий, Жалол Самарқандий каби шоирлар эслатилиб, уларнинг асарларидан парчалар келтирилган. «Фунун ул-балоға»нинг ягона қўлёзма нусхаси Англиянинг Бодлеан кутубхонасида сақланади. Ана шу нусханинг факсимилеси асосида «Фунун ул-балоға» ҳоз. ўзбек ёзувида нашр этилди («Ўзбек тили ва адабиёти» жур., 2002 й., 1—6-сон; 2003 й., 1—3-сон).

Ад.: Ҳайитметов А., Темурийлар даврида ўзбек адабиёти, Т., 1996; Ҳайитметов А., Адабий меросимиз уфқлари, Т., 1997.

Абдуқодир Ҳайитметов.

ТАРОЗИЙ Насруллоҳ Мубашшир ат-Тарозий (1922.15.3, Тароз — 2002.20.4, Қоҳира) — йирик ислом уламоси, тарихчи, адиб. Сайид Мубашшир *Тарозий*нинг катта ўғли (Амир Саид *Олимхон*нинг куёви). Форс тили ва адабиёти д-ри (1949), проф. (1970). Қоҳирадаги «Дор ул-кутуб» кутубхонаси нодир қўлёзмалар бўлимида ишлаган (1951—84). 36 жилдлик қўлёзма китоблар каталогини нашр қилдирган. Айнуш Шамс ва ал-Азҳар ун-тларида турк ва форс тиллари ва адабиётидан дарс берган. «Амир Темур ва Темурийлар ҳақида Миср кутубхонасида сақланаётган манба ва қўлланмалар фиҳристи» (1996; 450 бет) ни нашр эттирган. 1996—99 й.ларда Ўзбекистонда ўтказилган халқаро конференцияларда қатнашиб, Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди фаолияти ҳақида маърузалар қилган. Т.нинг шеърий девони ҳам бор. Отатурк тил, тарих ва маданият академияси (Анқара) аъзоси. Истанбулдаги Мармара ун-ти томонидан Т.га турк тили ва адабиёти д-ри (фахрий) унвони (1995), Тошкент давлат шарқшунослик ин-ти томонидан фалсафа фанлари д-ри фахрий унвони (1996) берилган. Қозоғистон ФА фахрий акад., Тароз ш.нинг фахрий фуқароси эди (2001).

ТАРОЗИЙ, Сайид Абу Наср Мубашшир (1896, Авлиёота — 1977, Қоҳира) — уламо, адиб. Тошкентдаги Абулқосим, Бухородаги Мир Араб мадрасаларида ўқиди. Таниқли илоҳиётчи шайх Муҳаммад ал-Асалий аш-Шомий (Шомий домла)дан сабоқ олди. 20-й.лар бошида авж олган худосизликка қарши «Қурьон ва нубувват» («Қурьон ва пайғамбарлик») китобини ёзди. Т.нинг ўзбек тилидаги бу китоби форс, араб тилларида ёзилган бошқа асарлари б-н бирга кўп ўтмай шўролар томонидан мусодара қилинди. Т. «Уламои Туркистон» жамоасининг журнали — «Изоҳ ул-Маром» таҳририятида ишлади (1923), Тароз ш. диний идорасига раҳбарлик қилди, мактаблар очиб ислом динини тарғиб этди. Унинг бу фаолияти шўроларга ёқмас эди. Т. 1930 й. ватанини тарк этишга мажбур бўлди. Муҳожирлик (Афғонистон, Миср)да яшаб илмий-ижодий иш б-н шуғулланди. Т.нинг ислом илоҳиётига оид 47 асари бор, унинг диний мавзудаги мақолалари Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Ироқ, Ливан, Ҳиндистон, Япония, Покистон, Индонезия, Афғонистонда чоп этилган.

ТАРОНА (форс.) — қўшиқ, ашула тури. Ўтмишда рубоий шаклидаги шеърлар б-н ижро этиладиган қўшиқ ва ашулалар Т. деб юритилган. Т. атамаси, айниқса 14—15 а.лардан кенг қўлланила бошлаган. Нажмиддин *Кавкабий* ва *Дарвишали Чангий*нинг мусиқа рисолаларида куй (қўшиқ)нинг муайян шакли сифатида тушунтирилган; *Ўн икки мақом* тизимида Ушшоқ мақоми Т. деб ҳам аталган. «Т.» атамаси бизгача мақомларнинг таркибий қисми (хусусан, 15—17-а.ларда кенг қўлланилган нақш, амал, кор, қавл, рехта, сажъ, савт, зарбайн каби куй ва қўшиқ шакллари)нинг умумлашган номи сифатида етиб келган. Уларни Шашмақом, Хоразм ва Фарғона — Тошкент мақом туркумлари таркибидаги Т.лар орқали тасаввур этиш мумкин. Жумладан, Шашмақомнинг 1-гуруҳ шўъбалари таркибидаги Т.ларнинг умумий сони 57 та бўлиб, улар ҳажман ихчам кўринишдан тортиб, шаклан ривожланган, бастакорлик ижодиётига мансуб ашулаларгача бўлган намуналарни ўзида мужассам этган (мас., халқ қўшиғига яқин бўлган Сарахбори Дугоҳнинг 2- Т.си, бастакорлик ижодиётига мансуб 6-Т.си) ва б. *Хоразм мақомлари* туркумида соф «Т.» номли йўлларидан ташқари, ўзга мақомларда учрамайдиган Сувора, Нақш, Фарёд каби ашула қисмлари мавжуд. Т.га турдош мазкур айтимларнинг мусиқий тузилиши асосан ривожланган шўъба шаклига мос келади, уларнинг ҳар бири мураккаб усулларига асосланиб, мумтоз шоирлар шеърлари б-н айтилади. *Фарғона — Тошкент мақомлари* таркибида дастлабки қисмлардан кейин келувчи ашулаларнинг айримлари ўзининг тузилиши, вазни ва доира жиҳатидан Т.ларни эслатади. Ушбу туркум тароналари ҳам Хоразм мақом тароналари сингари шаклан шўъбалар даражасига етган ашулалардир. Мазкур Т.ларнинг мусиқий тили ҳам, услуби ҳам мураккаб. Баъзан Т.ларнинг куй ривожида намудлар ҳам учрайди. Т.лар кўпинча 3/4, 4/4, 3/4+3,8, 3/4+4/4, 6/4 ва, ҳатто мураккаб 13/4 ўлчовидаги Сувора усулига боғлаб айтилади. Мақом Т.лари мақомларнинг 2 асосий шўъбасини ўзаро боғлайди, ҳажман йирик, табиатан вазмин асосий шўъбалар орасида янгиланиш (контраст)ни юзага келтиради, асосий шўъбаларнинг ижрочи (етакчи ҳофиз)ларига дам олиш имкониятини яратади. Т. атамаси ҳоз. замон мусиқа амалиётида куй, оҳанг маъносида ҳам кенг қўлланилади (мас., «Шарқ тароналари», «Чанг тароналари»).

Шаҳноза Ойхўжаева.

ТАРОНИ — кечпишар хўраки узум нави. Арманистон узумчилик, виночилик ва мевачилик и.т. ин-тида *Эчкизмар* ва *Паркент* навларини чатиштириб чиқарилган (С.А.Погосян, С.С. Хачатрян, Э.Л. Мартиросян). Тупи кучли ўсади. Барглари ўртача, беш бўлмали, орқа томони силлиқ, гули 2 жинсли. Узум боши йирик, конуссимон, ўртача тиғиз. Ғужуми йирик, чўзиқ, тўқ бинафша ранг. Қуюқ ғубор б-н қопланган. Пўсти қалин. Эти ғўштдор-серсув. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат

йиғиндиси 3400° бўлганда 160—165 кунда тўлиқ етилади. Новдалари яхши пишади. Совуққа чидами паст. Ҳосилдорлиги 160—180 ц/га. Оидиум б-н зарарланади. Янгилигида истеъмол қилинади, узоқ сақланади.

ТАРОР ОЛТИН КОНИ — Зарафшон дарёсининг чап соҳилида, Зарафшон тоғ тизмаларидаги Мўғиёи тоғларида жойлашган (Тожикистон, Панжакент тумани). 1967 й. очилган. Т.о.к. юқори карбон ёшидаги кварцли диоритлар штоки ёриб чиққан силур даврига мансуб турли даражада метасоматик ўзгарган чўкинди тоғ жинслари — оҳактош, қумтош ва сланецлар бағрида жойлашган. Генезиси бўйича гидротермал-метасоматик рудалар, асосан, скарнлар, кварцитлар ва уларга турдош бўлган жинслар б-н боғлиқ. Руда таналари Тарор синиги зонасида жойлашган минераллашган жинслардан (скарнлар, кварцитлар, кремнийлар ва ҳ.к.) иборат бўлиб, уларнинг умумий тарқалиш уз. 500—600 м, қалинлиги 30 м гача, чуқурлиги эса 450—500 м ва ундан ортиқ. Конда руда оксидланиши чуқур, туғма элементлар (олтин, кумуш, мис, висмут, сурма), сульфатузли минераллар (тетраэдрит, айкинит, жемсонит, Bi, Ag, Sb ларнинг сульфатузлари) кенг тарқалган. Асосий сульфидли минераллар-арсенопирит, пирит, халькопирит, антимонит ҳамда норуда минераллар—кварц, доломит, кальцит, анкерит ва б.дан иборат. Олтин кони рудалари комплекс (кўп элементли) бўлиб, унинг таркибида ўзгарувчи миқдордаги (21—128 г/т) олтиндан ташқари кумуш, кадмий, индий, висмут ва б. фойдали элементлар мавжуд. Конда бир неча хил руда турлари ажратилиб (сульфидли, гематитли, кварц-кальцитли ва ҳ.к.), улардан саноат аҳамиятига молиги — сульфидли (хира рудали ва арсенопиритли) рудалар ҳисобланади. Тарор олтини туғма, кумушли олтинлардан ҳисобланади.

ТАРОҚБОШ (Bromus dauthonea) — бошоқдошлар оиласи, ялтирбошлар туркумига мансуб бир йиллик ўт. Бўйи 15—20 см. Пояси туксиз ёки қисқа тукли. Барглари қалин, ясси, қисқа тукли. Рўваги тиғиз, уз. 10 см. Чангчиси 3 та, уруғчиси патсимон. Бошоқлари 4 см гача, 6—16 гулли. Бошоқча қипиқчалари наштарсимон, туксиз ёки гадир-

Тароқбош.

будур. Май-июль ойларида гуллаб уруғлайди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида чўл, адир ва тоғ зоналари, экин майдонлари, боғ ва дарё бўйларида ўсади. Т. яйловларда чорва ўтлаши учун яхши кўк ўт ҳисобланади.

ТАРОҚЛИЛАР (Ctenophora) — денгиз умуртқасизлари типи. Танаси шаффоф, диллироқ, овал, тухумсимон, чўзиқ цилиндрсимон ёки бошқа шаклда. Танасининг бир учида оғиз тешиги, 2-учида мувозанат органи (статоцист) жойлашган. Тана девори бўшлиқичлилар сингари эктодерма ва энтодермадан иборат. Эктодерма б-н энтодерма оралиғида диллироқ мезоглий (структурасиз қават) бўлади. Умумий тузилиши радиал симметрияга мос келади. Оғиз тешиги ҳалқумга очилади; ҳалқум ошқозон б-н боғланган. Ошқозондан радиал найлар тарқалган. Бу найлар Т. танаси четига келиб тана бўйлаб жойлашган 8 қатор меридионал найларга уланиб кетади. Меридионал найлар бўйлаб ҳаракат органлари — 8 қатор тароқсимон пластинкалар жойлашган. Ҳар бир тароқсимон пластинка қатор бўлиб бир-бирига ёпишган киприкчалардан иборат.

Т. гермафродит. Тухумдан киприкли личинка чиқади. 1 синф (тароқлилар) 2 та кенжа синф (пайпаслагичлилар ва пайпаслагичсизлар)ни ўз ичига олади. 100 га яқин тури маълум. Барча денгизларда учрайди; эркин сузиб юрувчи, денгиз тубида ўрмаловчи ёки ўтроқ яшовчи ҳайвонлар. Асосан, планктон, баъзан балиқлар увилдириғи ва чавоқлари б-н озиқланади. Ўлжасини оғзи ёки узун пайпаслагичлари б-н ёпиштириб олади. Т. трескасимон балиқлар учун озиқ. Кенг тарқалган тури бероё бошқа Т.ни ейди.

ТАРПАН, Европа ёввойи оти (Equus caballus gmelini) — хонаки отнинг кенжа тури. Қадимда Шарқий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. 19-а.нинг 70-й.ларига қадар Украинанинг дашт минтақаларида учраган. Табиий шароитларда уй ҳайвонлари подалари таъсирида ва қисман одам томонидан овланиши натижасида йўқолиб кетган. Қўлга ўргатиш қийин бўлган. Бўйи паст (қарчиғайигача бал. 116—136 см), танаси пишиқ. Уюр бўлиб яшаган. Гўшти ва териси учун овланган.

ТАРРАК (Cucumis melo ssp. flexuosus Greb.) — ярим маданий *қовун* турига мансуб бир йиллик ўсимлик, полиз экини. Ўрта Осиёда ҳамда Жан.-Ғарбий Осиёда ўсади. Меваси 1 м гача ва ундан ҳам узунроқ бўлиб, эгри-бугри кўринишга эга (шу сабабдан баъзан илонсимон қовун деб юритилади), маласи бодринга ўхшайди. Бодрин каби барралигида истеъмол қилинади. Пишганини еб бўлмайди. Кўпроқ Афғонистон, Эронда етиштирилади. Ҳозир Ўзбекистоннинг айрим жойларида ҳаваскор полизчилар етиштиради.

ТАРРОҲ (араб.) — *лойиҳа* ишловчи уста, *меъмор*, лойиҳачи. *Тарҳ* тузиш санъатини мукаммал эгаллаган муҳандис — уста.

ТАРС (Гёзлю-Куле) — қадимги манзилгоҳ (мил. ав. 6-минг йиллик — мил. 3—4-а.лар). Туркиянинг Тарсус ш. четида жойлашган. Т.даги қазилмалар (1934—38) натижасида Кичик Осиё жан.нинг археологик маданиятини белгиловчи аниқ стратиграфияси аниқланди. Мил. ав. 6—5-минг йилликда Т. — неолит даври манзилгоҳи бўлиб, аҳолиси қорамтир-кўк ранглаги идишлар тайёрлашган. Мил. ав. 3-минг йилликда Т. — атрофи мудофаа девори б-н ўралган мустаҳкам шаҳарча. Мил. ав. 2-минг йилликда *хеттлар* давлати таркибида (хетт муҳрлари топилган). Мил. ав. 1100—850 й.ларда Т.да дастлабки темир буюмлар ясалган. Т. маданиятига оид аҳоли Сурия ва Оссурия б-н яқиндан алоқада бўлган. Мил. ав. 7-а.да Т. Оссурия таркибига кирган. Т.нинг юқори қатламларидан эллинистик ва Рим даврига оид (мил. ав. 4-а. — мил. 3—4 а.лар) қабрлар чиққан.

ТАРТАР — юнонлар мифологиясида жаҳаннам. Ер ости дунёсининг энг туби. Ер осмондан қанчалик узоқ масофада бўлса, Т. ер юзидан шунчалик узоқ чуқурликда жойлашган. *Зевс* унга қулатилган *титанлар*ни ташлаган. Кейинроқ яратилган афсоналарга кўра, Т.да нариги дунё — *Аид* бўлган.

ТАРТАРАК — қушларни чўчитиб ҳайдашда ишлатиладиган асбоб. Т. ясаш учун қалинлиги 0,5—1, эни 4—5, уз. 35—40 см ва 2 дона тахтага бир томондан худди шундай қалинлик ва энли, уз. 20—25 см ли тахтача биркитилиб, «ром» ҳамда уз. 30, диаметри 5—6 см ли қаттиқ ёғоч ғўласидан Т. ўқи ясалади. Бунинг учун ғўлачанинг икки томони 10 см узунликда йўнилиб бир томонидан диаметри 3—4 см даста чиқарилади, ўртасида 1 см чуқурликда тик йўллар очилган гупчак қолдирилади. Сўнгра ром ўққа кийдирилади. Юпқа ёғоч тахтачадан гупчак ўлчамида паррак («тил») ясалиб, унинг бир томони «ром»нинг кўндаланг тахтачаси ўртасига маҳкамланади, бир учи гупчакка тақалиб туради. Тилнинг мустаҳкам туриши учун ўртасига бел қўйилади. Т. дастасидан ушлаб айлантирилганда, «тариллаган» қаттиқ овоз чиқади. Т.дан асосан, боғ, узумзорларни чуғурчуқ ва чумчуқлардан қўриқлашда фойдаланилади.

ТАРТИБ (математикада) — математик объектларнинг сонли характеристикаси. Т. турли объектлар учун турлича аниқланади: 1) $F(x, y) = 0$ алгебраик чизиқнинг тартиби $F(x,y)$ кўпҳад даражасига тенг. Мас., $ax+by=c$ тўғри чизиқ 1-тартибли; *эллипс, парабола, гипербола* 2-тартибли; *лемниската* 4-тартибли чизиқлир; 2) α чексиз кичик миқдорнинг β чексиз кичик миқдорга нисбатан n-тартибли $c_1\beta^n \le \alpha \le c_2\beta^n$, $(c_1 > 0,\ c_2 > 0)$ тенгсизлик б-н аниқланади [қисқача $\alpha=(\beta^n)$]. Мас., x^2+2x^3 миқдор x нолга интилганда x га нисбатан 2-тартибли, x^4 га нисбатан $\frac{1}{2}$ тартибли чексиз кичик миқдорлир. Агар $\frac{\alpha}{\beta}$ нисбат 0 га интилса, α чексиз кичик миқдор β га нисбатан юқори тартибли чексиз кичик дейилиб, $\alpha=0(\beta)$ каби ёзилади. Бу тушунчалар чексиз катта миқдорлар учун юқоридагига ўхшаш таърифланади (яна қ. *Дифференциал ҳисоб, Дифференциал тенгламалар*).

ТАРТИБ СОНЛАР — *натурал сонлар*нинг бошқача номи. Натурал, яъни бутун мусбат сон чекли тўпламдаги элементлар сонини ёки тартибланган кетма-кетликда элемент ўрнини белгилаши мумкин. Биринчи ҳолда натурал сон миқдорий сон, иккинчи ҳолда эса тартиб сон бўлади. Чексиз тўпламлар учун Т.с.ни умумлаштирувчи трансфинит сон тушунчаси киритилади.

ТАРТУ — Эстониялаги шаҳар. Эмайига дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Таллиндан 187 км жан.-шарқда. Дарё порти. Т.й. ва шоссе йўллар тугуни. Аҳолиси 100,1 минг киши (2000). Т. 5-а.дан маълум, 1030 й. манбаларида Ярослав Мудрий қайта қурган Юрьев қалъаси сифатида тилга олинади. 1224—1893 й.ларда Дерпт, 1893 й.дан яна Юрьев, 1919 й.дан Т. деб аталган. 1941 й. 24 июлдан 1944 й. 25 авг.гача Т.ни немис фашистлари эгаллаб турган. Урушдан кейинги йилларда шаҳар қайта қурилди. Саноат аҳамияти жиҳатидан ва маданий марказ сифатида Т. Эстониянинг Таллиндан сўнг 2-шаҳри. Асосий саноат корхоналари: приборсозлик з-ди, «Выйт» қ.х. машиналари з-ди, темирбетон буюмлар з-ди, сут ва гўшт к-тлари, шунингдек, кўн-пойабзал, тўқимачилик, полиграфия саноати корхоналари. Т.да Тарту университети ва Эстония қ.х. академияси, 5 музей, мусиқали драма театри бор. Т.нинг меъморий қиёфаси 19—20-а.ларда вужудга келган. Кўпчилик бинолари классик услубда қурилган (жумладан, Ратуша, 1789 й.). Готика услубида қурилган икки иншоот — Яань черкови ҳамда Пётр-Павел собори сақланиб қолган (иккаласи ҳам 13—14-а.лар).

Тарту шаҳри. Ратуша биноси.

ТАРТУ УНИВЕРСИТЕТИ — Эстониядаги йирик ва қад. олий ўқув юрти. Тарихи 1632 й. Тартуда ташкил этилган ва 1710 й.гача фаолият юритган Густавиан академиясидан бошланади. 1802 й. Дерпт ун-ти номи б-н қайта очилган. 1893—1919 й.ларда Юрьев ун-ти деб номланган. 1919 й.дан ҳоз. номда. 1918 й. Т.у.нинг Воронежга эвакуация қилинган бўлими негизида Воронеж ун-ти, 1946 й. ун-т бўлимлари асосида Эстония ФА нинг бир неча и.т. институти, 1951 й. Эстония Қ.х. академияси ташкил топган. Физика, мат., кимё, биол., тиббиёт, геогр., тарих, филол., иқтисодиёт, ҳуқуқ, пед. ва б. ихтисосликлар, шунингдек теология бўйича мутахассислар тайёрлайди. Бир нечта муаммоли ва соҳа лаб.лари, ботаника боғи, музейлари, кутубхонаси (3 млн.дан ортиқ асар) мавжуд. 7 мингдан ортиқ талаба таълим олади. «Илмий асарлар» нашр этади.

ТАРФ — ёғи олинмаган қатиқдан тайёрланадиган маҳсулот. Т. тайёрлаш учун янги сўйилган қўй ёки эчки қорни намакобда ивитилиб, сўнгра ич томони қириб, яхшилаб ювиб-тозаланиб, пуфлаб шиширилган ҳолда тайёрлаб қўйилади. Баҳор — ёз мавсумида ивитилган чучук қатиқ 1—2 кун оралатиб қоринга солиниб, салқинроқ жойда сақланади. Қорин тўлганидан кейин оғзи маҳкам беркитилиб, осиб қўйилади. Иссиқ таъсирида қатиқ зардоби қорин капилярларидан бугланиб кетади, қоринда эса мазали Т. ҳосил бўлади. Т. асосан қишда истеъмол қилинади. Азалдан чорвадорлар тайёрлаб келган. Ўзбекистоннинг айрим қишлоқларида хонадонларда ҳозир ҳам тайёрланади.

ТАРХАНКУТ ЯРИМ ОРОЛИ — Қрим я.о.нинг ғарбий чеккаси. Қора денгизга туташ. Ер юзаси текислик. Энг баланд жойи — Тарханкут баландлиги (179 м). Асосан, оҳактошлардан тузилган. Ҳар хил ўтлар, шувоқ-бошоқли дашт ўсимликлари ўсади. Қия жарликларда бутазорлар бор. Т.я.о.нинг жануби-ғарбида Тарханкут бурни жойлашган.

ТАРХОН — қ. *Дархон*.

ТАРХУН — Суғд подшоси (тахм. 700—711 й.ларда ҳукмронлик қилган). 707 й. бухороликлар ва турғашлар б-н иттифоқ бўлиб, Ўрта Осиёда арабларга қарши курашган. 709—710 й.ларда араблар б-н битим тузиб, товон тўлаган, шу туфайли Суғд зодагонлари томонидан тахтдан ағдарилиб, қатл этилган.

ТАРҚАТИШ ҚУТИСИ (автомобилларда) — кўп ўқли автомобилнинг етакчи ғилдиракларига буровчи моментни узатиш учун мўлжалланган механизми. Қисмлари: картер, етакчи вал, оралиқ вал, етакланувчи вал ва олд кўприк юритмаси вали. Вазифасига қараб, Т.қ.да тезликни қўшимча пасайтирувчи узатма бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Тезликни қўшимча пасайтирувчи узатмада узатишлар сонини оширувчи шестернялар жуфтлиги мавжуд. У автомобилнинг етакчи ғилдиракларидаги тортиш кучини янада оширишга имкон беради. Одатда, Т.қ. *тезликлар қутиси* орқасига ўрнатилади ва унга карданли вал *(тақсимлаш вали)* орқали уланади. Мураккаброқ Т. қ.да ўқлараро *дифференциал* қўлланади. У олд ва орқа кўприклар юритмаси валларига ҳар хил тезликларда айланишга имкон беради. Бу эса бурилишларда олд ғил-



Енгил автомобилнинг тақсимлаш қутиси (қирқим): *1* — тўғри ёки пасайтирувчи узатмани улаш шестерняси; *2* — етакланувчи вал; *3* — оралиқ вал; *4* — олд кўприкни улаш шестерняси; *5* — етакчи вал; *6* — пасайтирувчи узатма шестерняси; *7* — олд кўприк юритмаси вали; *8* — картер.

дирақларнинг сирпанишини бартараф қилади. Т.қ.ни алмашлаб улаш механизмининг иши тезликлар қутиси алмашлаб улаш механизминикига ўхшайди. Т.қ.га *трансмиссия* мойи қуйиб турилади.

ТАРҚОҚ ЭЛЕМЕНТЛАР — табиатда, асосан, йўлдош элементлар сифатида турли минералларда учрайдиган ва б. металл рудаларидан ёки фойдали қазилмалар (қўмир, туз, фосфорит ва

б.)дан йўл-йўлакай ажратиб олинадиган кимёвий элементлар (рубидий, кадмий, цезий, галлий, индий, таллий, германий, гафний, ванадий, селен, теллур, рений) гуруҳи. Т.э. табиатда жуда кам учрайди. Т.э. бошқа минераллар таркибида қуйидаги: «етакчи» элементининг изоморф ўрин алмашиниши (мас., гафний, цирконли минералларда); фақат микрозондлаш ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган микроминераллар (мас., пиритдаги теллуридлар); «тупроқсимон» аморф минераллар юзасига шимилган сорблашган қўшимчалар (мас., монтмориллонитдаги ванадий, лимонитдаги селен); металлоорганик бирикмалар (мас., кўмирларда) ҳосил бўлиши; кристалл панжараларнинг нуқсонларида Т.э.нинг жойлашиши шаклларида учраши мумкин. Т.э. Ер пўстида нисбатан кўпроқ миқдорда учраганда ҳам, одатда, мустақил минераллар ҳосил қилмайди. Фақат маълум ҳоллардагина Т.э. (Sc, Tl, Ge, V, Se, Te, ва Cd) ўз минералларини ҳосил қилиши мумкин. Уларнинг бошқа элементлар орасида тарқоқлиги ёки ўз минералларининг вужудга келиши табиий жараёнларда Т.э. концентрацияларининг ўзаро нисбати ва уларнинг кенг тарқалган геокимёвий аналоглари б-н аниқланади. Мас., кадмий цинкнинг геокимёвий аналоги бўлиб, чуқур зоналарда доим цинк минераллари орасида тарқалади ва улардан ажратиб олинади, аммо оксидланиш зонасида Cd ва Zn нинг бўлиниши содир бўлади. Бунда Zn чиқиб кетиб, Cd эса ўз бирикмалари шаклида йиғилади (монтепонид CdO, (гриконит CdS, отавит $CdCO_3$, селенид CdSe). Ўрта Осиёда Т.э.нинг юқори бирикмали рудалари (рений, индий, германий, теллур, нодир ер элементлари ва б.) учрайди.

ТАРҒИЛ — *наққошлик*да пардоз тури; нақш мужассамотидаги гул ва барглар (ундаги соя, гул уруғи ва чанглар)ни рангли чизиқлар ёрдамида тасвирлаш. Т. гул ва барглар рангидан ҳамиша тўқ ранглар б-н ишланади. Т. ишланган нақш мужассамотининг бадиийлиги, жозибаси ошади, ўзига хос кўринишга эга бўлади. Т. б-н пардозлаш ўзбек миллий наққошлигида ўзига хослиги ва ранглари б-н ажралиб туради.

ТАРҒИТОЙ — *скифлар*нинг афсонавий бобокалони. *Геродот*нинг ёзишига кўра, скифлар мамлакати қадимда кимсасиз бўлиб, дастлабки инсон Т. бўлган. Ривоятларга кўра, Т.нинг отаси юнонларнинг бош худоси Зевс, онаси Борисфен (Днепр) дарёси маъбудаси бўлган. Бу ривоятга Геродотнинг ўзи ҳам шубҳа б-н ёндашган. Т.нинг 3 ўғли: Липоқсой, Арпоқсой ва Қолоқсой бор эди. Уларнинг подшоҳлиги даврида скифлар ерига осмондан олтин буюмлар: омоч, бўйинтуруқ, ойболта ва қадаҳ тушган. Бу буюмларни дастлаб катта ўғли кўрган. У бориб буюмларни кутариш учун энгашганда олтин буюмлар аланга олган. Шундан сўнг катта ўғил чекиниб, ўртанча ўғил яқинлашган. Олтин буюмларни яна аланга чулғаб олган ва унинг иссиқ тафти икки ака-укани тисарилишга мажбур этган. Шунда 3-кенжа ўғил яқинлашган, аланга ўчиб қолган ва у олтин буюмларни ўз уйига олиб кирган. Шунинг учун акалари подшоликни унга беришга рози бўлишган. Т. исми ўрта асрларда Дашти Қипчоқ аҳолиси ўртасида Тарғутой, Тарқутой, шаклида ҳам кенг тарқалган («Шажарайи турк»).

ТАРҲ (араб.) — *меъморликда* бино, иншоот, боғ ва б. *лойиҳаси*. *Амалий безак санъати* (*наққошлик* ва б.)да безак — нақшнинг хомаки чизмаси, лойиҳаси. Мас., наққош безатиладиган сиртга мослаб нақшнинг шакли (ахтаси)ни олдин қогозга ишлайди, кейин уни деворга кўчиради (девор сатҳини бўлакларга бўлиб чиқади, қайси гул қаерга тушишини аниқлайди). Бу жараён нақш Т.ини тайёрлаш жараёни ҳисобланади. Тажрибали наққошлар Т.ни бирданига деворнинг ўзига чизиб тайёрлашлари ҳам мумкин.

ТАСАВВУР — нарса ва ҳодисалар, ҳолатларни, воқелик образларини эслаш, шунингдек, ижодий хаёл суриш жараёни. *Хотира* шаклида ҳам намоён бўлади. Агар идрок ҳоз. дақиқаларни акс эттирса, Т. ҳам ўтмишни, ҳам келажакни ўзида мужассамлаштиради, умумлашган хусусият касб этади. Лекин Т. идроқдан ўзининг муайян даражада ноаниқлиги б-н фарқланиб туради. Бироқ унинг ҳиссий нарсаларга қаратилган хусусияти маълум турларга ажратиш имконини беради (кўриш, эшитиш, таъм ва ҳид билиш, теритуюш Т.лари). Т.да таниш ҳодисалар, жойлар, саҳналарга асосланиш хотирлашнинг самарали воситаларидан бири сифатида хизмат қилади. Т.ни янги образлар б-н бойитиш фикрлаш топшириқларини ечишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда фавқулоддаги вазиятлар, шарт-шароитлар воқеликка янгича «нигоҳ» ташлаш ёки таҳлил этишни талаб қилса, улар янада ёрқинроқ гавдаланади. Т. билан тафаккурнинг ҳамкорликдаги муносабатлари янгилик унсурлари пайдо бўлишини, ижодий хаёл тимсоллари вужудга келишини таъминлаб туради. Билимларни ўзлаштиришда, касбий малакаларни эгаллашда Т. муҳим аҳамиятга эга. Т. ҳам умумий, ҳам хусусий, ҳам ижтимоий хусусият касб этади. Ижтимоий Т. умумбашарий ва миллий урф-одатларни, маросимлар, анъаналар ҳамда қадриятларни акс эттиради.

Т. қилишнинг физиологик асоси бош мия пўстлоғида пайдо бўлган изларнинг қайта тиқланишидир. Т. барқарор эмас, онгда узоқ сақланмай, янги Т.лар б-н алмашиниб, ўзгариб туради.

ТАСАВВУФ, *суфийлик* — исломда инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комиллик сари йўлловчи таълимот. Т. сўзининг ўзаги ва мазмуни ҳақида олимлар турли фикр ва тахминлар билдиришган. Улар ичида Ибн Халдуннинг фикри ҳақиқатга яқин деб эътироф этилган. У «Муқаддима» асарида Т. «сувф» — «жун», «пўстин» сўзидан олинган бўлиши керак, зеро қадимдан таркидунё қилган зоҳидлар жундан тўқилган кийим ёки пўстин кийиб юришни одат қилганлар, бу б-н улар башанг кийиниб юрувчи аҳли дунёлардан фарқли ҳаёт тарзини ўзларида намоён этганлар, дейди. Т. ва «суфий» сўзлари 9-а.нинг бошларида яшаган Абу Ҳошим Суфийдан бошлаб жорий этилган. Ундан олдинги даврларда бу атама ўрнида «зуҳд» («зоҳидлик», «таркидунёчилик»), «тақводорлик», «парҳезкорлик» каби сўзлар ишлатилган. Ибн Халдуннинг фикрига кўра, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейинги аср кишиларида ҳидоят, ибодат, тақво ва зоҳидлик каби ҳистуйғулар мужассам бўлган. Лекин ҳижратнинг 2-асри ва ундан кейинги даврга келиб, одамларнинг кўпчилигида мазкур хусусиятлар ўрнида дунёпарастлик, дин ишларига бепарволик, кибр ва риёкорлик каби салбий хусусиятлар пайдо бўла бошлагандан кейин обидлик ва зоҳидликни ихтиёр қилган бир гуруҳ кишилар Т. ва суфийлик номи б-н ажралиб чиққанлар. Т. турлича талқин қилинган. Мас., Маъруф ал-Кархий (815 й.в.э.) фикрича, «Т. — ҳақиқат сари интилиш, одамлардан тамагирлик қилмаслик ва фақирликни ихтиёр этишдир». Зуннун ал-Мисрий (859 й.в.э.), «Суфий бойлик истаб ўзини чарчатмас ва йўқотган бойлигига ачиниб, безовта бўлмас», деса, Жунайд ал-Бағдодий (909 й.в.э.) «Т. — қалбни соф тутмоқ, туғма заифлик ва нохуш ахлоқлардан фориғ бўлиб, ҳайвоний ва нафсоний туйғулар устидан ғалаба қилмоқ», деб таъриф берган. Яна у «Т. бир уй бўлса, шариат унга кирадиган эшикдир», деган. Сўфи Оллоёр бу таърифни қувватлаб:

Шариатсиз киши учса ҳавога
Кўнгил берма анингдек худнамога

деб ёзади. Миерлик олим Иброҳим Басюний «Исломда тасаввуфнинг пайдо бўлиши» китобида ҳижрий 3- ва 4-а.ларда яшаб ўтган олимларнинг Т. ҳақидаги 40 та таърифини келтиради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Т. ислом шариати талабларини ҳам ихлос б-н бажарган ҳолда зуҳд, тақво, камтарлик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этиб, нафсни поклаш йўли б-н комил инсон даражасига эришишга ҳаракат қилишдан иборат. Т.нинг ўзига хос истилоҳи мавжуд. Мас., Т. илмидан сабоқ берувчи шахс — шайх, муршид, пир, эшон, хожа, мавло, мавлоно, махдум каби унвонлар б-н танилган. Т.дан сабоқ олувчи шахс — мурид, солик, аҳли дил, аҳли ҳол, мутасаввиф каби номлар б-н аталган. Т. бўйича олий мақомларга эришган соҳибкаромат пирлар — валий, авлиё, қутб, ақтоб, автод, чилтон, абдол, аброр, аҳрор, нужабо, нуқабо, сиддиқ, ғавс ва ҳ.к. дейилган. Т. аҳли баъзан ошиқ, фақир, ҳақир, дарвеш, қаландар, зоҳид, ориф, девона, аҳли муҳаббат, аҳли сулук, рижолул-ғайб, савдойи, гадо каби атамалар б-н ҳам ифода этилган. Т. истилоҳи асосида ижод этган шоирлар мажоз услубини танлаганлар. Шунинг учун ҳақиқат, мажоз, ташбеҳ, истиора каби мантиқий қоидалардан бохабар бўлмаган китобхон Навоий, Фузулий, Атойи, Умар Хайём каби мумтоз адабиёт намояндаларининг шеърларини тўла англаши қийин кечади. Т. тарихида кўпгина олимлар Т.га доир сўзлар изоҳига бағишланган луғат ва қомусларни ёзиб қолдирганлар. Улардан айримлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Т. тариқатларининг инсоният маънавиятини юксалтиришга қўшиб келаётган беназир ҳиссаси бутун дунё халқи томонидан эътироф этилса-да, баъзан ислом оламида Т.га салбий назар б-н қараш, унинг тариқатлари, машойихлари ва кароматларини инкор этиш кўзга ташланади. Бурҳониддин ал-Биқоий (1406—1480)нинг «Тасаввуф инқирози», Абдураҳмон Димашқиянинг «Нақшбандия таҳлили» китоби ва б. китобларда Т.нинг барча тариқатлари ва уларга доир асарлар ҳамда машойихлар қаттиқ танқид қилинган. Азиз-авлиёларнинг мақбара ва мозорларини зиёрат қилиш ширк деб саналган. Ваҳоланки, уларнинг бу даъволари шаръан асоссиздир.

Ислом ҳуқуқшунослигида, яъни шаръий кўрсатмаларни амалга татбиқ этишда 4 та фиқхий мазҳаб бўлганидек, Т.да ҳам бир неча тариқатлар шаклланган. Машҳурлари — тайфурия, жунайдия, ҳакимия, қодирия, *яссавийлик*, *маломатийлар*, рифоия, *кубровийлик*, *суҳравардийлик*, чиштия, акбария, шозилия, *бектошия*, мавлавия, *нақшбандия*, санусия тариқатларидир. Мустақиллик йиллари мамлакатимизда Т. тариқатларини ўрганиш, унга доир асарларни таржима қилиш, атоқли машойихларнинг мақбараларини қайта қуриш ва таъмирлашга аҳамият берилмоқда. Ҳаким *Термизий*, Нажмиддин *Кубро*, Абдухолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад *Яссавий*, *Баҳоуддин Нақшбанд*, *Хожа Аҳрор Валий*, Шайх Зайниддин, *Занги ота*, *Шайх Хованди Тоҳур* ва б. кўплаб Т. тариқатларига мансуб пири комилларнинг ҳаёт ва ижодларини чуқур ўрганиш, қолдирган асарларидан халқимизни баҳраманд этиш борасида муайян ишлар қилинди.

Ад.: Комилов Н., Тасаввуф (1-китоб), Т., 1999; Жузжоний А. Ш., Тасаввуф ва инсон, Т., 2001; Ҳаққулов И., Тасаввуф сабоқлари, Бухоро, 2000.

Абдулазиз Мансур.

ТАСБИҲ (араб. — худони мақташ, шарафлаш) — дуолар ва ибодат сўзларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган мунчоқ шодаси. Т. ишлатиш кенг тарқалган барча динларда учрайди, диндорлик ва тақводорлик белгиси ҳисобланади.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ — *рангтасвир*, *ҳайкалтарошлик*, *графика*ни бирлаштирган нафис санъат тури; воқеликни унинг осонгина илғаб олинадиган фазовий шаклларда кўргазмали образларда акс эттиради. Т.с. турлари ўз хусусиятларига қараб реал борлиқни объектив мавжуд сифатлари — ҳажм, ранг, фазо, шунингдек, предметнинг моддий шакли ва нур-ҳаво муҳити, ҳаракат ва ўзгаришлари ҳиссини яратади, бунда тасвирнинг ҳиссий конкретлилигидан *иллюзионизм*га ўтиш мумкин. Т.с. фақат кўриш мумкин бўлган нарсаларнигина тасвирлаб қолмай, балки асарларида ҳодисаларнинг вақтинчалик ривожи, унинг у ёки бу қисми (фабула), эркин ҳикоянавислик, динамик ҳаракатларни ҳам акс эттириб, дунёни ғоявий ўзлаштириш имкониятларини кенгайтиради. Т.с. инсоннинг руҳий қиёфасини, унинг ўзгалар б-н ўзаро муносабатларини, тасвирий ҳолатнинг психологик ва эмоционал мазмунини ҳам ёритади. Баъзан мавжуд бўлмаган, рассом тасаввурининг маҳсули бўлган образларни ҳам юзага келтиради. Инсоният тарихидаги турли даврларни акс эттиради. Даврнинг фақат ҳиссий ҳолатигина эмас, балки унинг ғоявий моҳияти, сиёсий, фалсафий, эстетик ва этик ғоялари ҳам Т.с.нинг мазмунига айланади. Т.с. образларининг кўргазмалилиги рассомга ҳаётнинг муайян ҳодисасига ўз муносабатини юксак даражада ифодалашига имкон беради; шу туфайли ҳаётни билишнинг фаол шакли сифатида жамиятнинг ижтимоий ҳаётида, маълум тизимнинг оммавий онгини қарор топишида муҳим роль ўйнайди. Оламни билишнинг шаклларидан бири сифатида ижтимоий онгни шакллантиради ҳамда халқ орзуумидларини ифодалаш шакли сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Замонавий шароитда умумғоявий курашларнинг бир бўлаги сифатида намоён бўлади.

Инсониятнинг меҳнат фаолияти, эътиқодлари, диний қарашлари заминида Т.с. пайдо бўлган ва ривожланган. Қад. тош асрининг илк босқичидаёқ инсон ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган буюмларни яратиш, либос, турар жойлар тайёрлаш жараёнида қулайлик, мақсадга мувофиқлик тушунчалари ривожланиб, ритм, симметрия ҳисси ортди. Марҳумлар б-н видолашув, дафн маросимларида марҳумлар қабрига турли буюмлар қўйиш одатларида Т.с.нинг фазовий фикр юритиш, фазовийлик, кенглик, олам тушунча ва тасаввурлари шаклланиб борди. Тош, суяк, кейинчалик сополдан ишланган турли шакл ва ҳайкалларда, қоятошларга, ғор деворларига чизилган, рангда ишланган расмларда ибтидоий инсоннинг меҳнат фаолияти, дунё, борлиқ ҳақидаги ўй-хаёллари, ўзга дунё тўғрисидаги тасаввурлари мужассамлашган (қ. *Ибтидоий санъат*).

Болаликтепадан топилган деворий расмнинг бир қисми.

«Қўшиқ» (Р. Чориев, 1988).

Ижтимоий жамоа тузумининг инқирози ҳамда меҳнат тақсимотининг юзага келиши, ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиши Т.с. ривожида муҳим ўринни эгаллайди. Т.с. инсон фаолиятининг маълум соҳасига айланиб давр руҳияти, унинг сиёсий, маънавий ва ниҳоят эстетик қарашларини акс эттирувчи манбага айланди. Қад. Шарқ мамлакатларида, жумладан Қад. Мисрда Т.с. инсоннинг дунё, борлиқ тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларини, ҳудолар даражасига кўтарилган фиръавнларни улуғлаш қуролига айланди. Юнонистонда Т.с. жамиятнинг эркин фуқаросига қаратилган ва антик мифологиянинг ғояларини пластик моддийлаштирилган кўринишида камол топди. Қад. Рим реализмида мураккаб инсон жисми намоён бўлди.

Инсоният цивилизациясининг муҳим ўчоқларидан ҳисобланган Ўрта Осиё, унинг ажралмас қисми Ўзбекистон ҳудудида ҳам Т.с. ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин эгаллаб, давр ҳамда инсон тафаккуридаги нозик ўзгаришларни ўзида акс эттирди. *Зарафшон расмлари*, Хоразм, Суғд, Бақтрия мажобатли ҳайкал ва рангтасвирлари шунинг далилидир.

Ўрта асрлар Т.с.и услуб жиҳатидан ранг-баранг, турлари кенг ва хилмахил, бу даврда маҳобатли ҳайкалтарошликнинг нодир намуналари юзага келди. Ҳиндистон, Индонезия, Ҳинди-Хитой ўлкаларида бетакрор ҳайкалтаршлик асарлари яратилди. Ўрта Шарқ мамлакатларида *миниатюра*нинг ўзига хос тури яратилган бўлса, Ўрта аср Европа маданиятида ҳайкалтарошлик ва рассомлик диний эътиқод ва дунёқарашлар заминида ўзига хос йўналиш ва мазмун касб этди, икона санъати равнақ топди. *Роман услуби* ва *готика*да барпо этилган меъморий обидаларда *санъатлар синтези*нинг ажойиб намуналари яратилди.

13—16-а.лар Т.с.ида дунёвий мавзу ва қарашларнинг кучайиб боришни тасвирларда борлиқда мавжуд шакл ва кўринишларнинг ортиши б-н белгиланади. Шу ҳаракат ва тараққиётда Т.с.нинг қонун-қоидаларини илмий асосда ўрганишга қизиқиш ортди. Оптика, анатомия, перспектива, нурсоя назариясига оид муҳим тадқиқотлар қилинди. Мойбўёқ техникаси мукаммаллашди, ижодкорлар антик санъат анъаналарига таянган ҳолда Уйғониш даври инсонпарварлик ғояларини моддийлаштиришга ҳаракат қилдилар.

17—19-а.ларда Т.с. услуб жиҳатидан ранг-баранг, миллий маҳаллий мактаблар ривожи б-н санъат оламининг кенгайиши бошланди. Бу даврда, айниқса, *монументал санъат* ўзининг ҳақиқий гуллаш даврини бошлан кечирди, рассомлар, меъморлар, ҳайкалтарошлар, ҳунармандлар санъатлар синтезининг ажойиб намуналарини яратдилар. Бу ютуқларда рассом ва ҳайкалтарошларнинг ўрни алоҳида. Т.с. тур ва жанрлари кўпайди, реалистик йўналишдаги жанрлар (*портрет, манзара, натюрморт, маиший жанр*) етакчи ўринга чиқа бошлади. Уйғониш даври Т.с.ига хос бўлган вазминлик, чизиқ, ранг, фактура мутаносиблиги ўрнини жўшқин шакл ва ранглар ўйини эгаллаб безакдорлик хусусиятларининг ортиши кабилар кузатилади. 17-а.дан Т.с.да *классицизм* йўналиши ҳукм сургани ҳолда борлиқни ўзига ўхшаш шаклларда акс эттирувчи асарлар яратилиши ортиб борди. Академик таълим тизимининг йўлга қўйилиши проф. санъат мактабларининг тараққиётини таъминлади. Мумтоз (классик) реалистик (академик) санъат услубларидан чекиниш, ноанъанавий услублар изланишга интилиш бошланди. Бу ҳол *импрессионизм, постимпрессионизм* ва б. услубларининг шаклланиши ва ривожланишида ўз ифодасини топди.

«Рақс» (Ч. Аҳмаров, 1971).

20-а. Т.с.и мураккаб ва зиддиятли. Бир томонда классик реалистик санъатнинг талаб ва услублари сақлангани ҳолда уни ифодавийлигига эътибор қаратилишида, ишланган ҳар бир образни чуқур мажозий мазмунлар б-н тўлдиришга интилиш кузатилса, аксинча ноанъанавий Т.с. услубида янги ифода ва тасвир воситаларини топишга, бутунлай янгича санъат яратишга интилиш ҳаракати кучлилиги намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Т.с.и жаҳон ҳамжамиятида содир бўлаётган жараёнлар б-н ҳамнафас бўлиб, ҳар бир ижодкор ўз қараш ва кечинмаларини янгича услуб ва шаклларда ифода этишга интилиши б-н характерланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ташаббуси б-н Тошкент ш.да *Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси* барпо этилиб 2004 й. август ойида очилди.

Неъмат Абдуллаев.

ТАСИС (Techical Assissance to Commonwealth of Indepent States) — *Европа Иттифоқи* томонидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларига Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК)нинг грант маблағлари ҳисобидан техникавий ёрдам кўрсатиш дастури. 1991 й.да ишлаб чиқилган. Дастур бозор иқтисодиётига ўтиш ва демократик жамиятни барпо этиш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадларини кўзлайди. Янги технологиялар киритиш учун бегараз маблағлар ажратиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, мутахассислардан иборат гуруҳларни юборишни, профессионал тайёргарликни амалга оширишни, маҳсус тадқиқотлар ўтказиш ва бошқарув масалаларида маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва б.ни амалга оширади.

Т. дастурига киритилиши мумкин бўлган лойиҳаларни фақат унга ҳамкор мамлакатлардаги миллий ва маҳаллий ташкилотлар таклиф қилишлари мумкин. Таклиф қилинган лойиҳа ушбу мамлакат бўйича тайёрланган стратегия ва йўналиш дастурида кўзда тутилган мақсадларга мос келмоғи лозим. Лойиҳа мазкур лавлаглари Т. дастурининг Мувофиқлаштириш бюросига топширилади. Бюро ушбу таклифга баҳо беради ва дастлабки танловдан сўнг кейинги муҳокамалар учун Комиссиянинг ушбу мамлакатдаги ваколатхонаси ёки тўғридан-тўғри Брюсселдаги МДҲ б-н шуғулланувчи Бошқармаси орқали Европа Иттифоқи Комиссиясига тақдим этади. Шундан сўнг ушбу лойиҳа Т. ҳаракат дастурига киритилади. Т. бошқа донорлар ва халқаро ташкилотлар б-н яқин ҳамкорликда ишлайди. Т. нинг мамлакатимиздаги фаолияти 1992 й.да бошланган ва Ўзбекистон Республикаси б-н Европа Иттифоқи ўртасида 1996 й.да имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий сармоялар департаменти ҳузуридаги ЕИКнинг техникавий ёрдамини мувофиқлаштириш Бюроси томонидан бошқарилади.

Т. лойиҳасида Ўзбекистонда амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий ҳажми 1992 йилдан 2003 й.га қадар 125,8 млн. еврони ташкил этди. Т.нинг «Хусусий фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси» бўйича 1997 й.да Фарғона ва Сирдарё вилоятларида чорвачилик ва боғдорчилик соҳасида катта қўламдаги ишлар — фирмаларни бошқариш, фермер хўжаликларини ташкил этиш, фермерлар уюшмаси моделини барпо этиш дастурлари амалга оширилди.

Т. лойиҳасидаги Тошкент ш.да Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузурида ташкил этилган Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази кичик ва ўрта бизнес соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш б-н шуғулланади. Шунингдек, Т. таркибий ислоҳотлар ҳамда ташкилотларни ислоҳ қилиш, қ.х. ва агросаноат тармоғи, инфратузилмаларни, айниқса энергетика ва телекоммуникацияларни ривожлантиришга жиддий эътибор бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Т.нинг умумий қиймати 7,2 млн. евро бўлган «Ўрта Осиёнинг минтақавий нефть-газ инфраструктураси учун кичик хажмдаги инвестицияларни мобиллаштириш» (ИНОГЕЙТ дастури); «Ўрта Осиё темир йўллари телекоммуникацияси» (ТРАСЕКА дастури); «Ғарбий Тяньшаннинг биохилма-хиллигини сақлаш»; «Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаракат режаси ва экологик сиёсатини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш» (NEAP-II) каби лойиҳаларида қатнашмоқда (2004).

Т. томонидан молиялаштириладиган асосий устувор йўналишлар: давлат корхоналарининг қайта ташкил этилиши ва хусусий секторни ривожлантириш; ва хусусий секторни ривожлантириш; озиқ-овқат маҳсулотларини и.ч., қайта ишлаш ва тақсимлашнинг самарали тизимини яратиш; энергетика, транспорт ва алоқа инфраструктурасини ривожлантириш; ядро хавфсизлигини таъминлаш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш; давлат бошқаруви, ижтимоий ҳимоя ва таълим тизимларини ислоҳ қилиш ва б. дан иборат. Ҳар бир мамлакат Т.нинг лойиҳаларини ўзининг ички эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда танлайди.

Фарҳод Қурбонов.

ТАСЛИМ БЎЛИШ, сўзсиз таслим бўлиш, капитуляция — (халқаро ҳуқуқда) — урушаётган томонлардан бирининг енгилганлигини акрор бўлиб, қаршилик кўрсатишни тўхтатиши ва қуролни ташлаши. Т.б. капитуляция тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш тарзида узил-кесил расмийлаштирилади. Одатда, бунда ҳамма қуроллар, техника, ҳарбий мулк қолиб-яроғлар, га ўлжа сифатида, шахсий таркиб эса — асирлар тарзида берилади. Мағлуб томон ҳеч қандай шартлар, қўшимча изоҳларни ўртага қўймай сўзсиз Т.б. актини имзолайди (мас., 1945 й. фашистлар Германияси ва милитаристик Японияниг Т.б.и).

ТАСМАЛИ УЗАТМА — машина механизмларида айланма ҳаракатни бир валдан иккинчи валга тасма ёрдамида узатувчи механизм. Валларга ўрнатилган шкивлар ва тасмалардан иборат. Тасма б-н шкив орасида ҳосил бўлувчи ишқаланиш кучи ҳисобига тасма етакчи шкивдан етакланувчи шкивга буровчи момент узатади. Тасмаларнинг типига қараб, Т.у. ясси, понасимон, дорирвий кесимли ва б. тасмали хилларга бўлинади (расмга қ.). Ясси ва дорирвий Т.у.да битта, понасимон Т.у.да эса бир неча (одатда, камида 6—8 та) тасма ишлатилади. Т.у. оддийлиги, таянархининг пастлиги, ҳаракатни анча узоқ (15 м ва ундан ортиқ) масофага узата олиши, шовқинсиз ишлаши, механизмларни ортиқча зўриқишдан сақлаши ва б. хусусиятлари б-н бошқа узатмалардан фарқ қилади; тасмаларнинг тез ейилиши, узилиши, ўлчами катталиги, вал ва шкивларга катта куч тушиши, узатиш нисбатининг доимий эмаслиги ва б. унинг камчиликдир. Т.у., 30 кВт дан бир неча юз кВт гача қувват узатишда қўлланилади. Т.у. автомобиллар, станоклар, тикув машиналари ва б.да ишлатилади.



Тасмали узатма схемаси ва тасмаларининг кесимлари: *а* — ясси тасмали; *б* — понасимон тасмали; *в* — дорирвий тасмали; *г* —ярим понасимон тасмали; *1* ва *3* — етакчи ва етакланувчи шкивлар; *2* — тасма.

ТАСМАН (Tasman) Абел Янсзон (1603, Лутгегаст, Гронинген провинцияси — 1659, окт., Жакарта) — голландиялик денгизчи сайёҳ, Нидерландиянинг Ост-Индия компаниясида хизмат қилган. 1638—41 й.ларда савдо кемасига қўмондонлик қилиб, Шарқий Осиё денгизларида сузган. Шим.-да Япониягача сузиб бориб, Бонин о.ни кашф қилишда (1639) қатнашган. Океания (1642—43) ва Австралияни (1644) тадқиқ қилган экспедицияларга бошчилик қилган. Т. 1-экспедициянинг мақсади бўлган «номаълум жан. материк»ни излаш давомида Ван-Димен Ернинг жан. ва шарқий соҳилларини (1853 й.да орол унинг номига қўйилган), Янги Зеландиянинг ғарбий соҳили, Три-Кингс ва Тонга о.ларини, Фижи гуруҳидаги баъзи ороллари топиб харитага туширган. 2-экспедиция Карпентария қўлтиғининг жан. ва ғарбий соҳиллари, Австралиянинг шим.-ғарбий қисмигача етиб борди. Иккала экспедиция Австралиянинг алоҳида қуруқлик эканлигини, тахмин қилинган жан. материк б-н туташ эмаслигини тасдиқлади. Австралия б-н

Янги Зеландия оралиғидаги денгиз, орол, Янги Зеландиянинг Жанубий о.даги қўлтиқ, музлик ва б. географик объектлар Т. номи б-н аталган.

ТАСМАН ДЕНГИЗИ — Тинч океанининг чекка денгизи. Ғарбдан Австралия б-н Тасмания о., шарқдан Янги Зеландия, Норфолк ва Янги Каледония о.лари ўраб турали. Майд. 3336 минг км². Энг чуқур жойи 6015 м. Сувининг т-раси юза қисмида фев.да шим.да — 27°дан жан.да 14—15°гача, авг. ойида шим.да 23°дан жан.да 9—11°. Шўрлиги 35—35,5‰. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади (5,3 м гача). Балиқ овланади. Асосий портлари: Сидней, Брисбен, Ньюкасл, Окленд, Нью-Плимут. Денгиз сайёҳ А. *Тасман* номи б-н аталган.

ТАСМАНИЯ — Австралиянинг жан.-шарқий қирғоғи яқинидаги орол. Материкдан Басс бўғози орқали ажралган. Атрофидаги ороллар б-н Австралиянинг Тасмания штатини ташкил этади. Штат майд. 68,4 минг км². Аҳолиси 470 минг киши (2000), асосан, инглиз-австралияликлар. Маъмурий маркази — Хобарт ш. Орол қирғоқлари қояли, тик. Марказий қисми ўрмонлар, баланд бўйли ўтлар б-н қопланган плато, энг баланд жойи 1617 м (Осса тоғи). Иқлими шим.да субтропик, жан.да мўътадил нам иқлим. Йилига 600—2100 мм ёғин ёғади. Дарёлари серсув ва серостона. Тупроқлари қўнғир ўрмон, тоғ-ўтлоқи сариқ ва қизил тупроқ. Эвкалиптли ва игна баргли ўрмонлар, ўтлоқ ва ботқоқликлар бор. Ҳайвонот дунёси *Австралия зоогеографик областига* мансуб.

Т. — мамлакатнинг саноати ривожланган штатларидан. Энергия кўп талаб этувчи саноат тармоқлари етакчи ўринда. ГЭС кўп. Фойдали қазилмалардан мис, темир, рух, кўрғошин, қалай, олтин, мис, тошкўмир қазиб олинади. Йирик рангли металлургия корхоналари, целлюлоза-қоғоз, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ёғоч тайёрланади. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Қ.х.да чорвачилик (қўйчилик, қорамол боқиш) етакчи ўринда. Деҳқончиликда, асосан, ем-хашак экинлари, донли экинлардан буғдой экилади. Сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланилади. Асосий порти — Хобарт.

Орол 1642 й.даги А. *Тасман* экспедициясидан кейин европаликларга маълум бўлган. 1788 й.да Англия мустамлакаси деб эълон қилинган. 1853 й.гача Ван-Димен Ери, ўша йилдан Т. деб аталган. 1815 й.да Т.га ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқи берилган. 1901 й.да Австралия Иттифоқи тузилгач, Т. унинг таркибига штат бўлиб кирди.

ТАСМАНИЯЛИКЛАР — Тасмания о.нинг туб аҳолиси, лайли овчи қабилалар. 1806—76 й. мобайнида инглиз мустамлакачилари томонидан бутунлай қириб ташланган. Тахминий баҳоларга кўра, 19-а. бошида Т.нинг сони бир неча минг киши бўлган. Хўжалиги, техникаси, маданий тараққиёти жиҳатидан улар 19-а.да Ер юзидаги энг қолоқ этник гуруҳлардан бири саналган. Т.нинг қабилавий тиллари ва лаҳжалари, уларнинг ижтимоий тузуми, этногенези деярли ўрганилмаган. Т.ла диний эътиқодлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мунозарали.

ТАСМАСИМОН ЧУВАЛЧАНГЛАР, цестодлар (Cestoda) — ясси чувалчанглар синфи. Ҳайвонлар ва одам ичагида, баъзан бошқа органларида паразитлик қилади. Гавдаси тасмасимон (номи шундан), уз. мм нинг бир неча улушидан 30 м гача, бош (сколекс), бўйин ва стробилладан иборат. Бошида ёпишув органлари (сўргичлар, илмоқлар, хартумлар ва б.) жойлашган. Бўйин қисми ўсувчи ёш бўғим (проглотид)лардан иборат. Стробиласи, одатда, бир нечтадан ўнлаб, ҳатто юзлаб бўғимларга бўлинган. Жинсий органлари гермафродит, ҳар бир бўғимида битта ёки бир жуфтдан бўлади. Танаси ботиб кирган киприксиз эпителий б-н қопланган. Ичаги бўлмайди, танасининг юзаси орқали ичакдаги суюқ озиқни сўриб олади. Жуда серпушт, айрим турлари бир йилда 600 млн.гача тухум қўяди. Ҳўжайин алмаштириб ривожланади. Тухумлари ичида ташқи муҳитда 6 илмоқли онкосфера личинкалар ривожланади. Тухумлар оралиқ ҳўжайин ичагига тушганида личинкаси қон орқали турли органларга бориб, пуфак (финна)га айланади. Асосий ҳўжайин финнали орган (гўшт, жигар ва б.)ни еб, паразитни юқтиради. Асосий ҳўжайин ичагида финнадан чиққан личинка ичак деворига ёпишгач, янги бўғимлар чиқариб ўсади. Айрим Т.ч. 2 оралиқ ҳўжайинда ривожланади. 9—10 туркум, 3000 га яқин тури бор. Тиббий нуқтаи назардан қорамол тасмасимон чувалчанги, эхинококк, занжирсимон тасмали чувалчанглар, қўй мия қурти, сербар Т.ч., лангула ва б. катта аҳамиятга эга.

Тасмасимон чувалчанглар: *1* — чўчқа тасмасимон чувалчанги; *2* — унинг боши; *3* — эхинококк; *4* — унинг финнаси.

ТАСМАЧИСОЙ (Тасманчисой, Ўртабулоқ; юқори ва ўрта оқимида Жизмонсой) — Наманган вилояти Хатирчи туманидаги сой. Оқларёнинг ирмоғи. Уз. 38 км, ҳавзасининг майд. 33 км². Оқтов тизмасининг жан. ён бағридаги булоқдан бошланади. Қор-ёмғир сувлари, қисман булоқлардан тўйинади. Т. суви суторишга сарфланади. Наванлак қишлоғидан қуйироқда сой ҳар йили қуриб қолади. Мурдаш қишлоғи ёнида ўртача кўп йиллик сув сарфи, 0,099 м³/сек, оқим модули 3,0л/сек.км². Энг кўп суткалик сув сарфи март-да, сув тошқини март — апр.да кузатилади.

ТАСМЎЛА МАДАНИЯТИ (археологияда) — Марказий Қозоғистондаги илк темир даври маданияти (мил. ав. 7—3-а.лар). Павлодар вилоятининг Тасмўла дарасидаги мозорқўрғон номи б-н аталган. Скифлар маданиятига хос «ҳайвонлар тасвири услуби»да ишланган ноёб санъат дурдоналари топилган. Хўжалиги кўчманчи чорвачилик бўлган.

ТАСНИФ (араб. — саралаш, тартибга солиш), классификация — илм ёки инсон фаолиятининг бирор соҳасига оид ўзаро бир хил тушунчалар системаси. Т. ҳар бир фанга хос муҳим мантиқий амал бўлиб, унинг воситасида шу фан доирасида тўпланган билимлар қатъий тартибга солинади. Фанни ўрганишда бундай Т. қулайлик туғдиради. Т.да бўлинувчи ва бўлувчи тушунчалар ўзининг қатъий ўрнига эга бўлади. Т. натижасида фанда муҳим аҳамият касб этувчи жадваллар, чизмалар, графиклар, кодекслар вужудга келади. Табиий ва сунъий Т.лар бир-биридан фарқ қилади. Табиий Т. объектларининг муҳим белгиларига асосланади (мас., кимёвий элементларнинг даврий системаси). У и.т.нинг натижаси ва муҳим воситаси бўлиб, билиш жараёнида катта аҳамиятга эга. Сунъий Т. асосида объектларнинг номуҳим белгилари ётади ва турли-туман предметларни тартибга солиш учун хизмат қилади (мас., кутубхонада китобларни алфавит бўйича жойлаштириш). Т.да мантиқдаги бўлиш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим. Т.лаш давр ўтиши б-н ўрганилаётган объект ҳақидаги билимларимизнинг ривожланишига мос равишда такомиллаштириб, тузатилиб, ривожлантирилиб борилади. Т.лаш ҳар бир тушунчанинг тафаккур тизимидаги ўрнини аниқлаб беради. Т.лаш натижасида ҳосил бўлган билим предметнинг асосий хусусиятлари ҳамда улар ўртасидаги муносабатларини аниқлашга имкон яратади ва бу билимлар тартибга солинган билим ҳисобланади.

Билимларнинг келиб чиқиши, илмлар тартиби, структураси ва ўзаро муносабатини ўрганишда фанлар Т.и муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу масала б-н ўтмишда кўп олимлар, жумладан, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Ф. Бэкон, Декарт, Миль, Спенсер, Кант шуғулланган.

Баҳтиёр Тўраев.

ТАСНИФ — 1) Шашмақом чолғу бўлимида биринчи, моҳияти бўйича бош қисм. Т.лар мақом номи б-н қўшилиб, Таснифи Бузрук, Таснифи Рост, Таснифи Наво, Таснифи Дугоҳ, Таснифи Сегоҳ ва Таснифи Ирок деб юритилади. Ушбу намуналарнинг аксарияти қад. кўринишга эга доира усули жўрлигида янграйди. Т.лар мақом ижрочилигида етакчи чолғу бўлмиш танбур машқларидан келиб чиққан. Ҳар бир Т.да муайян мақомнинг таянч пардалари негизида ўзига хос куй-оҳанглар баён этилади. «Хона» ва «бозгўй» куй тузилмаларининг навбатма-навбат алмашинуви натижасида Т.ларнинг умумий шакли гавдаланади, ривожи жараёнида эса *«пешрав»* услуби етакчилик қилади; 2) Эрон ва Озарбайжонда (тесниф) кичикроқ шаклдаги мақом *тароналарига* ўхшаш лирик ашулалар.

ТАСОДИФ — қ. *Зарурият ва тасодиф.*

ТАСОДИФИЙ ЖАРАЁН — бирор система ҳолатларининг тасодифга боғлиқ равишда вақт бўйича ўзгариши.

Амалиётнинг кўпгина масалалари ушбу Т.ж.ларни ўрганишга олиб келади: 1) $x(t) = \sum_{k=0}^{n} b_k \cdot \xi(t-k)$, бунда $\xi(n)$ — боғлиқ бўлмаган тасодифий миқдорлар, $t \in Z = \{\dots -1, 0, 1, \dots\}$. 2) $x(t) = \sum_{k=1}^{n} \xi(k)\varphi_k(t)$, $a \le t \le b$, $\varphi_k(t)$, $k=1, 2, \dots$ — $[a, b]$кесмада берилган функциялар тизими. 3) $x(t)=\xi\cdot\cos(\lambda t+\eta)$ кўринишдаги тасодифий гармоник тебраниш радиотехникада муҳим ўрин тутади, бунда ξ ва η ўзаро боғлиқ бўлмаган тасодифий миқдорлар, λ — тайин бир сон. Броун ҳаракати Т.ж.га мисол бўла олади. (Ω, A, P) — эҳтимоллик фазоси бўлсин. σ — алгебра A га нисбатан ўлчовли ва параметр t га боғлиқ тасодифий миқдорлар оиласи $\xi(t)$. Т.ж. дейилади. Бунда параметр t ихтиёрий табиатли тўплам T да ўзгариши мумкин (тасодифий функция). Параметр t кўпинча амалиётда вақт деб талқин қилинади. Агар $T = Z$ ($T=R$) бўлса, $\xi(t)$ Т.ж. дискрет (узлуксиз) вақтли Т.ж. дейилади. Агар Т. ж.нинг ўрта қиймати $M\xi(t)=m$ ўзгармас сон ва корреляцион функцияси $B(t, s)=M\xi(t)\xi(s)$ фақат $t-s$ айирмага боғлиқ бўлса, Т.ж. $\xi(t)$ кенг маънода стационар дейилади. Дискрет вақтли кенг маънода стационар жараён $\xi(t)=\int_{-\pi}^{\pi} e^{i\lambda}\,dz(\lambda)$ кўринишида тасвирланади.

ТАСОДИФИЙ МИҚДОР — тажриба натижасида у ёки бу қийматларни қабул қилувчи миқдор. Телефон станциясига маълум бир вақт оралиғида мижозлардан келадиган чақириқлар сони, бир йил давомида бирор вилоятда бўладиган ёмғирли кунлар сони, ятда бўладиган ёмғирли кунлар сони, статистик равишда танланган кишининг бўйи Т.м.ларга мисол бўла оланинг бўйи Т.м.ларга мисол бўла оланади. (Ω, A, P) — эҳтимоллик фазоси бўлсин, бунда $\Omega=\{\omega\}$ элементар ҳодисалар, бунда $\Omega=\{\omega\}$ элементар ҳодисалар фазоси, A — Ω нинг барча қисм тўпламлари σ-алгебраси, P — эҳтимоллик функцияси бўлса, Ω да аниқланган ўлчовли функция Т.м. дейилади. Ω да аниқланган $\zeta(\omega)$ функциянинг Т.м. бўлиши ихтиёрий ҳақиқий x сон учун $\{\omega:\zeta(\omega)<x\}$ тўплам A га тегишли эканлигини билдиради $F(x)=P\{\omega:\xi(\omega)<x\}$функция Т.м. $\zeta(\omega)$нинг тақсимот функцияси дейилади. Агар Т.м. чекли ёки саноқли $x_1, x_2, \dots x_n, \dots$қийматларни $p_1, p_2, \dots p_n, \dots$ эҳтимоллар б-н қабул қилса, $\xi(\omega)$ Т.м. дискрет Т.м. дейилади. Агар Т.м. $\xi(\omega)$нинг тақсимот функцияси $F(x) = \int_{-\infty}^{x} \varphi(x)dx$ кўринишида бўлса, $\xi(\omega)$ узлуксиз Т.м. дейилади, бунда $\varphi(x) \ge 0$ ва $\int_{-\infty}^{\infty} \varphi(x)dx = 1$ Биномиал қонун ва нормал қонун бўйича тақсимланган Т.м. лар амалиётда кенг тарқалган. $\xi(\omega)$ Т.м. 0, 1, 2, ..., n тибларга эга. $\xi(\omega)$ Т.м. 0, 1, 2, ..., n тибларга эга. $\{\xi\omega:(\omega)=k\}=$ қийматларни $p_k=p$ $C_n^k p^k q^{n-k}$ эҳтимоллик б-н қабул қилсин, бунда $p>0$, $q=1-p$, $C_n^k = \frac{n!}{n!(n-k)!}$.

У ҳолда $\xi(\omega)$ биномиал қонун бўйича тақсимланган Т.м. дейилади. Агар $\varphi(x) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-a)^2}{2\sigma^2}}$ бунда $\sigma>0$, a — ихтиёрий ҳақиқий сон) бўлса, унга мос узлуксиз Т.м. $\xi(\omega)$ нормал қонун бўйича тақсимланган Т.м. дейилади.

ТАСОДИФИЙ ҲОДИСА (эҳтимоллар назариясида) — маълум шартлар бажарилганда рўй бериши ҳам, бермаслиги ҳам мумкин бўлган ёки бериши аниқ p ($0 \le p \le 1$) эҳтимолликка эга бўлган ҳодиса. Агар кўп тажрибалар ўтказилганда Т.ҳ.нинг рўй бериш частотаси бирор p сонига яқинлашса, мана шу сон Т. ҳ.нинг эҳтимолидан иборат бўлади. Мас., янги туғилган боланинг ўғил бўлиш эҳтимоли кўпроқ (0,515) лиги кўплаб кузатишлар асосида ҳисобланган.

ТАСПАР (Хитой манбаларида Тобо хоқон, асли туркий номи Арслон) (?—581) — турк хоқонларидан бири (572—581). *Бумин* хоқоннинг ўғли. Т. акаси *Муғон* хоқоннинг вафотидан сўнг тахтга чиққан. Т. даврида Турк хоқонлигининг куч қудрати энг юқори погонага кўтарилган. Давлат чегаралари ғарбда Қора денгиздан шарқда Манжуриягача, шим.да Енисей дарёсидан жан.да Амударёгача кенгайган. Т. хоқон буддавийлик динига ҳомийлик қилган ва ўзи ҳам шу динни қабул қилган. Буддавийлик роҳиби Чинагупта ўн йил (574—584) ўзининг диндошлари б-н хоқон қароргоҳида яшаган ва таргибот ишларини олиб борган. Турк тилига буддавийликнинг баъзи сутралари таржима қилинган, хоқон қароргоҳида эса бир нечта ибодатхона ва монастирлар қурилган. Унинг даврида турк ва суғд тиллари давлат тили вазифасини ўтаган. Т.нинг вафотидан сўнг Турк хоқонлигида ўзаро уруш-жанжаллар бошланиб кетган ва натижада, 603 й.да бу улкан давлат 2 қисмга бўлиниб кетган.

Ад.: Гумилев Л.Н., Древние тюрки, М., 1967; История Востока, т.2, М., 1995.

ТАССО (Tasso) Торквато (1544.11.3, Сорренто — 1595.25.4, Рим) — италъян шоири. Шоир Бернардо Тассонинг ўғли. Болонья ун-тини тугатган (1565). Диний маърифат таъсирида фалсафий скептицизмдан воз кечган, суфиёна йўлдан борган. Асарлари *классицизм* ва *барокко* услубларида яратилган. Турклар б-н Европа халқлари орасида тўқнашувлар содир бўлиб турган бир пайтда Т.нинг «Годфредо» тарихий достони (1574—75; 1580) «Озод қилинган Қудус» номида тўла нашр этили-

ши ўша давр ижтимоий ҳаётига жавоб бўлган. Асарда Уйғониш даври учун хос бўлган гуманизм принциплари б-н индивидуализм ва контрреформация даври ахлоқи ўртасидаги кураш ўзининг ёрқин ифодасини топган (қайта ишланган варианти «Истило қилинган Қуддус», 1593). Т.нинг «Аминта» пастораль драмаси (1573) бу жанрнинг чўққиси бўлди. Асарда чўпон Аминта ва Сильвия севгиси орқали муҳаббатнинг қудратли кучи, Уйғониш даври *пантеизми* ҳақидаги курашлар ифодаланган. Бизга қадар Т.нинг 28 фалсафий диалоги ва шеърият назариясига оид илмий рисолалари ҳам етиб келган. Т. ижоди 17–18-а. Ғарбий Европа адабиёти тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Вольтер, Э.Спенсер, Ж.Мильтон, Лопе де Вега ва б. бевосита Т. ижоди таъсирида бўлганлар.

ТАСТИБУТОҚ ҚАБРИСТОНИ — *жез даврига* оид ёдгорлик (мил. ав. 13–12-а.лар). Ғарбий Қозоғистондаги Тастибутоқ дарёчаси соҳилидаги Тастибутоқ овули яқинидан топилган. 3 ёдгорликдан иборат. Тастибутоқ I ва II -қабристон, III-эса, манзилгоҳ. Археолог В.С.Сорокин қазишма ишлари олиб борган (1956–58). 57 та қўрғон очилган, юзга яқин қабр қазилган, уларнинг 10 таси тош қутидан, қолганлари эса ёрма гўрлардан иборат. Қабрлардан сиртига чизиқли геометрик шаклда нақш берилган сопол идишлар, жез мунчоқлар, билагузуклар, пичоқлар, бигизлар ва турли тақинчоқлар топилган. Аҳоли чорвачилик, қисман ибтидоий деҳқончилик б-н шуғулланган. Т.қ. дан чиққан материаллар унинг *Андроново маданияти*га мансуб қабилалар б-н генетик жиҳатдан бирлигини кўрсатди.

ТАСҚАРАЛАР (*Aegypinae*) — қарчиғайлар оиласига мансуб қушлар кенжа оиласи. Уз. 50 дан 120 см гача, вазни 1,5 дан 12 кг гача. Боши ва бўйни калта парлар б-н қопланган бўлиб, ўлимтикларни еганида ифлосланмайди (*болтаютар* ва хурмо Т.и бундан мустасно). Қанотлари узун, кенг ва кучли; ўлимтик қидириб ҳавода қанот қоқмасдан парвоз қилишга мослашган. Кўпчилик йирик ҳайвонлар ўлимтиги б-н озиқланади. Оёқларидаги тирноқлари қайрилмаганлиги учун ўлжасини тутиб туришга мослашмаган. Фақат болтаютар оёқлари ўлжани тутиб тура олади. Болаларига озиқни жиғилдонида олиб келади. 9 уруғ, 14 тури бор. Жан. Европа, Африка, Марказий ва Жан. Осиёда тарқалган. Ўзбекистонда 4

Тасқара

тури (қора Т., оқ бошли *қумой*, қор қумойи, болтаютар) учрайди; баланд тоғларга уя қуради. Барча турлари Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ТАСҚУЛОВ Қанилбой (1922.15.8, Бўстонлиқ тумани, Оқсоқота қишлоғи 1989.16.7) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 й.дан фронтда. Белоруссия фронти, 65-армиянинг 69-ўқчи дивизияси, 120-ўқчи полки разведкачиси. Т. 1943 й. 15 окт.да десант гуруҳи таркибида биринчилардан бўлиб Днепрни кечиб ўтган ва гуруҳга плацдармда мустаҳкам ўрнашиб олишларига ёрдам берган. 1943 й. 30 окт.да Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Урушдан кейин юртига қайтиб, жамоа хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган.

«ТАТА» («Tata Sons Pvt») — Ҳиндистондаги йирик миллий монополист гуруҳ. Бомбейлик савдогар Жамшид Татанинг савдо фирмаси асосида юзага келган. 1877 й.да фирма мамлакатда биринчи саноат корхонаси — Нагпур тўқимачилик ф-касини ва 1907 й.да мамлакатда биринчи металлургия з-дини қурди. 2-жаҳон уруши бошларида гуруҳга Ҳиндистон марказий банки, суғурта ва транспорт компаниялари, тўқимачилик, галантерия ва цемент корхоналари, гидроэлектр ст-ялари кирди. Ҳиндистон миллий мустақилликка эришгач (1947) ҳамда денгиз ва авиацияда юк ташиш, суғурта иши ва тижорат банклари миллийлаштирилгач, «Т.» фаолияти, асосан, саноатда давом этди. 20-а.нинг 70-й.ларида «Т.» қудратли концернга айланди, ўз маблағини қора металлургия (активининг 30% ортиғи), машинасозлик ва автомобилсозлик (15% дан ортиқ), энергетика (10%), кимё (5% дан ортиқ) ва б. соҳаларда фаолият кўрсатди. «Т.» асосан хусусий экспортчилардан бири ҳисобланади. Гуруҳни «Тата санз прайвит» компанияси бошқаради. 70-й.ларнинг бошида гуруҳга кирган компанияларнинг умумий активи 8,5 млрд. рупияни, ишчилари сони 140 минг кишини ташкил этди. 20-а.нинг 80-й.ларида Ўзбекистонда қурилиш ишларида иштирок этди ва Тошкент ш.да меҳмонхона мажмуини қурди.

ТАТАББУ (араб. — эргашиш, издошлик) — қ. *Назира*.

ТАТАР ТИЛИ — *туркий тиллар*дан бири. Россия Федерациясининг Татаристон Республикасида, Бошқирдистон, Чувашистон, Марий Эл, Удмуртия, Мордовия республикалари ва қўшлаб вилоятларининг айрим туманларида, шунингдек, Ўрта Осиёда, Қозоғистон ва Озарбайжон республикаларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 7 млн. кишига яқин (20-а. охири). Сезиларли фонетик ва морфологик тафовутларга эга бўлган 3 лаҳжаси бор: ўрта, ғарбий (ёки мишар), шарқий (ёки сибир татарлари лаҳжаси).

Т.т. фонетикаси 10 унли фонеманинг мавжудлиги, лаб-тиш в фонемасининг, ч қоришиқ ундошининг йўқлиги, баъзи унлилар позициясининг умумтуркий ҳолатдан фарқланиши б-н ажралиб туради. Морфологиясида аналитик замон шакллари, етакчи феълнинг кўмакчи феъллар б-н қўшилиб, ҳаракатнинг давомийлиги, жадаллиги, тугалланган-тугалланмаганлиги каби маъноларни ифодалаши кенг тарқалган. Лексикасида арабча, форсча, русча ва рус тили орқали ўзлашган байналмилал сўзлар кўпчиликни ташкил этади. Эски адабий Т.т. ёзма ёдгорликлари 13-а.га мансуб. 19-а.нинг ўрталаридан адабий тил халқ тили б-н яқинлаша бошлайди. Ҳоз. адабий Т.т. фонетик ва лексик жиҳатдан ўрта лаҳжага, морфологик жиҳатдан ғарбий лаҳжага яқин. Ёзуви 1927 й. гача араб графикаси, 1927–39 й. ларда лотин графикаси, 1939 й. дан рус графикаси асосида шаклланган.

Ад.: Современный татарский литературный язык. Лексикология фонетика, морфология, синтаксис, М., 1969–71; Татарская грамматика в трёх томах, Казань, 1993.

ТАТАРИСТОН (Татарстан), Татаристон Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Шарқий Европа текислигида жойлашган. Майд. 68 минг км², Аҳолиси 3,8 млн. киши (2002). Пойтахти — Қозон ш. 43 туман, 20 шаҳар, 20 шаҳарча бор.

Давлат тузуми. Т. — республика. Давлат бошлиғи президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Давлат кенгаши

(парламент), ижрочи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Т. ҳудудининг аксарият қисми Волганинг сўл соҳилидаги текисликдан иборат. Чекка жан.-шарқда Бугульма-Белебей қирлари, унг соҳилда Волга бўйи қирлари жойлашган. Нефть, газ, битум, гипс, оҳактош, доломит, қўнғир кўмир, торф конлари бор. Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси −13° дан −15° гача, июлда 19–20°. Йиллик ёғин — 400–450 мм. Асосий дарёлари — Волга ва Кама ҳамда Каманинг ирмоқлари — Вятка, Иж, Оқ Идил. Қуйи Кама ва Самара сув омборларининг бир қисми Т. ҳудудида. Т.нинг шим. қисми ўрмон зонасида, жан. қисми ўрмон-дашт зонасида жойлашган. Тупроқлари подзол, кулранг ўрмон ва қора тупроқлар. Бутун ҳудуднинг 16% ўрмон (тоғтерак, оқ қайин, липа, эман, заранг дарахтзорлари). Ҳайвонот дунёси: бўри, тулки, бугу, тийин, бурундуқ, сугур, куён, қушлардан каркур, каклик, тўхта-тувалоқ ва б. Қуйи Кама миллий боғи, Волга-Кама қўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолиси, асосан, татарлар (48,5%) ва руслар (43,3%)дан иборат. Чуваш, мордва, удмурт, украин ва б. ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 74%. Давлат тиллари — татар ва рус тиллари. Диндорлари — мусулмон суннийлар ва христианлар. Йирик шаҳарлари: Қозон, Набережние Челни, Алмат. Нижнекамск, Зеленодольск.

Тарихи. Т. ҳудудида одам илк палеолит давридан яшай бошлаган. Тош даврининг барча босқичларига хос манзилгоҳлар топилган. 6–7-а.ларда Т.нинг Турк хоқонлиги б-н алоқаси кучайган. 9-а.гача ҳозирги Т. ҳудудида мажор (мадьяр) қабилалари яшаган. Кейинчалик уларни Волга-Кама булғорлари суриб чиқарган. 10–14-а.ларда Т. *Волга-Кама Булғорияси* таркибига кирган. 1236 й. мўғуллар бостириб келган ва у 1241 й.да *Олтин Ўрда* хонлигига қўшиб олинган. 14-а. охири — 15-а. бошларида Қозон татарлари шаклланган ва Олтин Ўрда барбод бўлгач, Т. ҳудудида Қозон хонлиги ташкил топди (1438). Рус қўшинларининг юришлари (1545–52) натижасида Қозон хонлиги босиб олинди. 1708 й.да Қозон губернияси ташкил этилди. 18–19-а.ларда ўлкада саноат ва маданият ривожланди. Мовут тўқиш, кемасозлик, кўнчилик, мис эритиш, совунгарлик корхоналари барпо этилди. 1804 й. *Қозон университети* очилди. 1861 й. деҳқонлар ислоҳотидан кейин деҳқонларнинг Бездна қўзғолони бўлиб, уни талабалар ҳам қўллаб-қувватладилар. Т. меҳнаткашлари 1905–07 й.лардаги инқилобда фаол қатнашдилар. 1917 й. фев. инқилобидан сўнг миллий-демократик ташкилотлар, жумладан, таниқли инқилобчи М. Вахитов бошчилигида Мусулмон социалистик қўмитаси тузилди. 1917 й. 26 окт. (8 нояб.)да Қозонда Шўро ҳокимияти ўрнатилди. 1918–19 й.ларда Т. ҳудуди 2 марта оқ гвардиячилар қўлига ўтди. 1920 й. 27 майда РСФР таркибида Т. АССР ташкил этилди. 1990 й. 27 августда Т. Олий Кенгаши республиканинг давлат суверенитетини эълон қилди. 1992 й.дан Т. Республикаси деб атала бошлади. 1991 й. президент лавозими таъсис этилди.

Хўжалиги. Т. — Россия Федерацияси таркибида иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган республикалардан бири. Ялпи маҳсулотда саноатнинг улуши 46,2%, қ.х.ники 7,5%, қурилишники 8,2%, транспортники 5,1%.

Саноати. Катта нефть конлари очилиши туфайли иқтисодиётда туб ўзгаришлар рўй берди. Ромашка, Шугурово, Бавли ва Зай дарёси бўйларидаги нефть ва газ конлари ишга туширилди. Нижнекамск нефть кимёси саноатининг йирик марказига айланди («Нижнекамскнефтехим» ва «Нижнекамскшина» и.ч. бирлашмалари). Кимё саноати (Қозондаги синтетик каучук ва рўзғор кимёси, Менделеевскдаги кимё з-длари), машинасозлик ва металл ишлаш (Набережние Челнидаги кўп юк ортиладиган машиналар, Қозон, Бугульма, Елабуга, Чистополь, Зеленодольскдаги компрессор, нефть ва транспорт машина-ускуналари, газ аппаратлари, станок, ЭҲМ, вертолёт, соат ва совуткич и.ч.), моторсозлик (авиадвигателлар), тиббиёт (кимё-фармацевтика бирлашмаси, даволаш асбоб-ускуналари) саноати ривожланган. Енгил саноатда кўн-пойабзал, мўйначилик, тикув, трикотаж, зиғир толасини қайта ишлаш ва б., озиқ-овқат саноатида гўшт, сут, сариёғ-пишлоқ, қанд-шакар тармоқлари етакчи ҳисобланади. Бу тармоқларнинг корхоналари Қозон, Зеленодольск, Чистополда жойлашган. Ёғочсозлик саноати дуруст ривожланган. Электр энергетика саноати мазут ва

Қозон шаҳридаги Кремль.



Қозон шаҳри.

табиий газ негизига қурилган (Нижнекамск ва б. иссиқлик электр ст-ялари).

Қишлоқ хўжалиги дон-чорвачилик йўналишида ривожланган. Буғдой, сули, гречиха, жавдар, арпа, қанд лавлаги, кунгабоқар, маккажўхори, картошка, сабзавот, техника ва ем-хашак экинлари етиштирилади. Ғарбда богдорчиликка эътибор берилади. Чорвачилигида қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, парранда боқилади. Қўёнчилик ва асаларичилик ривожланган.

Транспорти. Т.да автомобиль, т.й., ҳаво транспорти ривожланган Т.й. узунлиги — 879 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. — 12357 км. Волга, Оқ Идил, Вятка дарёларида кема қатнайди (ички сув йўллари уз. — 933 км). Қозон ш.да халқаро аэропорт бор. Т. ҳудудида бир неча йирик нефть ва газ қувурлари, жумладан Алматдан Шарқий Европага тортилган нефть қувури, шим.-ғарбда Уренгой—Марказий Россия ва Уренгой — Помари—Ужгород қитъалараро газ қувурлари ўтади.

Тиббий хизмати. Т.да 15 минг врач аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ҳар 10 минг аҳолига 44 врач тўғри келади. Врачлар Қозондаги тиббиёт ин-тида тайёрланади. 150 дан ортиқ санаторий-курорт муассасалари, жумладан, Бакирово, Васильево, Ижевск минерал суви, Варзи-Ятчи курортлари, Тарловкадаги иқлимий курорт мавжуд.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 20-а.нинг 90-й.лари охирида 24 мингдан кўпроқ мактабда 500 мингдан зиёд, 65 та ўрта махсус ўқув юртида 55 минг ўқувчи, 15 та олий ўқув юртида 70 мингга яқин талаба таълим олди. Муҳим олий ўқув юртлари: Қозон ун-ти, техника, тиббиёт, технология ун-тлари, ветеринария-тиббиёт академияси. РФ Фанлар академиясининг Қозон илмий маркази, нефть и.т. ва лойиҳа ин-ти, компрессор машинасозлик илмий и.ч. бирлашмасида и.т.лар олиб борилади. Қозонда Т. бирлашган давлат музейи, Тасвирий санъат музейи, Адабиёт музейи, Бугульмада ўлкашунослик музейи ва б. музейлар бор.

Адабиёти. Т. ёзма адабиёти бой тарихга эга. Шоир Ғалининг «Юсуф ва Зулайхо» достони (13-а. боши), муаллифи номаълум бўлган «Кесикбош» ва «Тақводорларга насиҳат» асарлари бизгача етиб келган. Қозон хонлиги Россияга қўшиб олиниши ва халқнинг истибдодга қарши кураши адабиётда ўз аксини топди («Пугачёв ҳақида қўшиқ» ва б.). Ўрта асрларда татар мумтоз адабиёти суфийлик руҳида давом этди.

19-а. татар шеъриятида реализм услуби қарор топди. Абдужаббор Қандалий (1797—1860), Мифтоҳитдин Оқмулла (1831—95) ва Яков Емельянов (1848—99) шу оқимнинг атоқли намояндаларидир. 19-а. охирларида маърифатпарварлик ҳаракати кучайди. Қаюм Носирий (1825—1902) адабий ва илмий-маърифий асарлари б-н замонавий татар тилига асос солди. Шу даврда дастлабки роман ва драмалар пайдо бўлди. 20-а. бошларида А.Тўқай, О.Иброҳимов, Мажид Ғафурий ва б. адиблар татар халқининг огир аҳволи ва истибдодга қарши кайфиятини, алолатга бўлган орзу-умидларини ифода этдилар. Окт. инқилобидан сўнг татар адабиёти ҳам совет адабиёти ўзанидан боришга мажбур бўлди. 2-жаҳон урушида қатнашган ва унинг даҳшатларини тасвирлаган татар адиблари Ф.Карим, А.Алиш, О.Кутуйлар орасида *Муса Жалил* алоҳида ажралиб туради. Унинг фашистлар зиндонида ёзган «Маобит дафтари» шеърлар китоби муаллифга абадият келтирди. 20-а.нинг 2-ярмида ижод қилган шоирлардан И.Юзеев, Ш.Галиев, С.Сулаймонова, Р.Харисов, ёзувчилардан Н. Фаттоҳ, Г.Мухаметшин, драматурглардан Ю.Аминов, С.Шакуров, Т. Минуллинлар халқ ҳаётини имкон қадар ҳаққоний ёритишга интилдилар. Т. билан Ўзбекистон ўртасидаги маданий ва, айниқса адабий алоқалар узоқ ўтмишда бошланган. Икки халқнинг ёзма ва оғзаки ижодиёти бир-бирига яқин. Татар ёзувчиларига Алишер Навоий ижодининг таъсири кучли бўлган. Адиблардан Муҳаммадёр, А.Қандалий, Қ.Носирий, О.Иброҳимов, А.Тўқай ва б. Навоий асарларини ғоят қизиқиб ўрганганлар. 19-а. охири ва 20-а. бошларида икки халқнинг адабий ва маданий алоқалари ривожида татар матбуотининг роли катта бўлди, татар тилидаги газ. ва журнлар Туркистонда кенг тарқалди. Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Суфизода, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдулла Қодирий ва б. ўзбек адиблари татар матбуоти ва адабиётидан баҳраманд бўлдилар. А.Тўқай, О.Иброҳимов, Ф.Амирхон, Муса Жалил ва б. татар ёзувчиларининг назмий ва насрий асарлари ўзбек тилига, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Зулфия, Асқад Мухтор, Эътибор Охунова ва б.нинг асарлари татар тилига таржима қилинган.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Т. ҳудудида неолит даврига мансуб қуш ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари, нақшин гулдор сопол идишлар, жез даврига оид безак буюм ва идишлар топилган. Волга бўйи булғорларининг Сувара, Биляр, Булгор ва б. шаҳарларида мудофаа иншоотлари, тўғри бурчакли турар жойларнинг қолдиқлари, иморатларнинг вайроналари (10—13-а.лар) сақланиб қолган. Олтин Ўрда хонлиги ҳукмдорлиги даврида (13-а. ўрталари) гишт ва тошдан Ўрта Осиё меъморлиги услубига яқин бўлган расмлар, рангдор керамика, нақшли ўймакорлик б-н безатилган қалъа, сарой, ҳаммом, мақбаралар қурилган. Қозон хонлиги Россия томонидан босиб олингач, рус меъморлигининг таъсири кучайди (Қозон Кремли, 16-а.). 18-а.да қисман барокко услуби ёйилди, 19-а.да рус классицизмининг таъсири сезилди (Қозон ун-ти, 1825—30). 20-а. бошларида қоришиқ меъморлик расм бўлди, ёғоч уйлар кўпроқ қурилди. Амалий безак санъати турларидан заргарлик, зардўзлик, патсиз гилам тўқиш, чармдўзлик, тош ва ёғоч ўймакорлиги ривожланди.

Татаристон табиати манзараси.

20-а.нинг 20-й.ларидан Т. меъморлиги умумиттифоқ йўналишидан борди. Эски шаҳарлар (Қозон, Бутульма, Чистополь ва б.) қайта қурилди, янги шаҳарлар (Нижнекамск, Набережние Челни ва б.) барпо этилди. Жамоат биноларидан Қозондаги Матбуот уйи (1933—37, меъмор С.Пэн), Муса Жалил номидаги опера ва балет театри (1933—56, меъмор Н.Скворцов ва И.Гайнутдинов), Қозон ш.даги стадион (1960, меъмор П.Саначин ва б.), консерваториянинг концерт зали (1967, меъмор М.Агишев ва б.), цирк (1967, меъмор Г.Пичуев) қурилди.

19-а.да рангтасвир ва графика санъати (Л.Крюков, В. Турин) ривожлана бошлади. 1895 й. Қозонда очилган рассомлик мактабида П. Беньков, Н.Фешин ва б. дарс берди. 20-а. бошларида М.Галеев, Г.Гумаров каби дастлабки график безакчилар вояга етди. 20-а.нинг 20—30-й.ларида рассомлар (рангтасвирчи, ҳайкалтарош ва график Б.И.Урманҳиров) ижод қила бошлади. 60—90-й.ларда И.Рафиқов, Г.Раҳмонқулов, Л.Фаттоҳов, Х.Ёқубов, Н.Одилов, Р.Нигматуллина, В.Маликов, З. Гимаев, К. Нафиков каби рассомлар, И. Колмогорцева, И.Язинин каби графиклар ижоди машҳур бўлди.

Мусиқаси. Т. профессионал мусиқаси халқ оғзаки ижоди анъаналари асосида вужудга келган. Мусиқий фольклорда қўшиқчилик асосий ўрин тутади: узун куй (лирик ашулалар), қисқа куй (ҳазил ва ўйин қўшиқлари), такмак (лапар), муножот (диний қўшиқлар), баит (эпик термалар) ва б.

Ҳоз. халқ қўшиқларининг аксарияти гармон ёки баян жўрлигида ижро этилади. Чолғу асбоблари: қурай (най тури), чангқўбиз, мандолина, домра, гусли ва б. 1920-й.лардан Г.Камол номидаги мусиқали театр Т. миллий мусиқи маданиятининг марказларидан бирига айланди.

Театр мусиқаси, оммавий қўшиқ жанрлари ривожига С. Сайдашев катта ҳисса қўшган. «Сония», «Ишчи» каби дастлабки татар опералари шу театр-да қўйилади. 20-й.лардан мусиқа техникумлари, радиомарказ, опера студияси очилди; 1937 й. А. Тўқай номидаги филармония, ашула ва рақс ансамбли, Халқ ижоди уйи, 1939 й. Т. опера ва балет театри ташкил этилди. Опера жанрини Н. Жиганов, Ҳ .Валиуллин, М. Музафаров, Ж. Файзи, балетни Ф.Яруллин ва б., мусиқий комедияни Ж. Файзи ривожлантирдилар. А. Аббосов, З.Байрашева, А. Измайлова, Г.Кайбишкая, М. Булатова, Ф.Насридинова, М.Раҳмонқулова, З.Хизматуллина, В.Шарипова каби хонандалар, Ҳ.Фазлуллин, Ж.Садрижиганов каби дирижёрлар, М. Нигмедзянов, З. Сайдашева, Ж. Файзи каби мусиқашунослар машҳур. Мусиқа кадрлари Қозон педагогика ин-тининг мусиқа ф-тида, консерватория ва унинг ҳузуридаги махсус мактабда, мусиқа мактабларида тайёрланади.

Театри. Халқ ўйинлари ва томошалари Т. театр санъатининг илк манбалари бўлди. Миллий театр 19-а. охири — 20-а. бошларида шакллана бошлади, дастлабки ҳаваскор театр труппалари вужудга келди. 1906 й. Қозонда татар тилидаги биринчи театр томошалари кўрсатилди. 1920 й. турли театр жамоалари асосида «Биринчи намунали татар давлат труппаси» (1939 й.дан Г.Камол номидаги Т. академик театри) тузилди. 20—30-й.ларда татар театри тез суръатлар б-н ривожланди. Кетма-кет театрлар: «Сабанчи» (1920), «Эшчи» (1932), кўчма театр (1933), Г.Камол номидаги театрнинг қишлоқ филиали, Мензели қишлоқ театри (1935) ташкил этилди. Уларнинг саҳнасида маҳаллий драматурглардан К.Тинчуриннинг «Америкалик», «Ёлқансиз қайиқ», «Кандра дарёсида», Ф.Бурнашнинг «Кекса Камол», Т. Изнингдек, У.Шекспир, Ф.Шиллер, П.Бомарше, Н.Гоголь пьесалари қўйилди. 50—60-й.ларда режиссурнинг янги авлоди (М.Салимжонов, П.Исанбет, Р.Тумашев, М. Мустафин) театр соҳасида иш бошлади. Бошқа халқларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг театр жамоалари б-н ижодий алоқалар кенгайди, гастроль сафарлари уюштирилди: Г.Камол номидаги Т. академик драма театри Тошкентга бир неча бор келиб, ўз спектакларини намойиш этди. Қозонда ёш томошабинлар театри, Т. драма ва комедия театри, қўғирчоқ театри, Т. сайёр драма театри ишлайди. Театр санъатининг таниқли арбоблари: Х.Г. Абжалилов, Ф.Халитов, Ш.Бикти-миров, В.Павлова, Г.Шамуков ва б.

ТАТАРЛАР — халқ, Татаристоннинг асосий аҳолиси (1765 минг киши, 1990-й.лар ўрталари). РФнинг Бошқирдистон, Мари Республикаси, Мордовия, Удмуртистон, Чувашистон республикалари, Нижний Новгород, Киров, Пенза ва б. вилоятларида ҳам яшайди. Шунингдек, туркий тилда сўзлашувчи Сибирь (сибирь Т.лари), Крим *(қрим татарлари)* ва б. қавмларни ҳам Т. деб аташади. Умумий сони — 6,71 млн. киши. РФдаги умумий

Татарлар. Анъанавий кийимда.

сони (қрим Т.идан ташқари) 5,52 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Татар тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Деҳончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

Биринчи марта «Т.» этноними 6— 9-а.ларда Байкал кўлининг жан.-шарқий соҳилларида яшовчи кўчманчи мўғул қабилалари орасида учраган. *Мўғуллар истилоси* даври (13-а.)да «Т.» номи Европага маълум бўлган. Туркий тилли қабилаларнинг Урал ёни ва Волга бўйига кириб бориши мил. 3— 4-а.ларга тўғри келиб, *гунлар* ва б. қабилаларнинг Шарқий Европага истилоси даври б-н боғлиқ. Т. угор-фин халқлари б-н аралашиб кетган. 5— 7-а.ларда туркий кабилалар Турк хоқонлиги босқини муносабати б-н Ғарбий Сибирь, Волга бўйи ва Урал ёни минтақаларига қайта кириб келишган. 7— 8-а.ларда Азов бўйидан Волга бўйига булғорлар келиб, туркийлар ва маҳаллий угор-финлар б-н бирга *Волга-Кама Булғорияси* давлатини тузганлар. 15— 16-а.лардаги давлатлар (Қозон, Астрахон, Крим, Сибирь ва б. хонликлар) даврида Т.нинг алоҳида гуруҳлари — Ўрта Волга бўйи ва Урал ёни (Қозон Т.и, мишарлар), Астрахон Т.и, Сибирь Т.и, Крим Т.и ва б. Т. шакллана бошлаган (яна қ. *Татаристон*).

ТАТЕВИ — кечпишар хўраки узум нави. Арманистон узумчилик, виночилик ва мевачилик и.т. ин-тида *Эҳсиэмар* ва *Паркент* навларини чатиштириб чиқарилган (С.А. Погосян, Э. Л. Мартиросян). Тупи кучли ўсади. Барглари ўртача, тўғарак, беш бўлмали.

Татеви узум нави.

Гули икки жинсли. Узум бош йирик, цилиндрсимон, тиғиз ёки ўртача тиғиз. Ғужуми жуда йирик, юмалоқ, пушти, усти мумғубор б-н қопланган. Пўсти қалин. Эти гўштдор, серсув. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 3380° бўлганда 158—162 кунда пишади. Новдалари яхши етилади. Совуққа чидами паст. Ҳосилдорлиги 165—195 ц/га.

ТАТЕВОСЯН Оганес Карапетович (1889.1.3, Ереван — 1974.3.7, Москва) — манзарачи рассом, Ўзбекистон халқ рассоми (1945). Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик билим юртида таълим олган (1911— 17). 1917— 66 й.ларда Ўзбекистонда, 1966 й.дан Москвада яшаган. Манзара устаси бўлган Т. асарларида Ўзбекистон табиатини, унинг меҳнаткаш халқини, Шарқни – қад. Самарқанд ва Бухорони ўзига хос тарзда тасвирлади: «Эски Самарқанд» туркуми («Пешин. Кўча манзараси», 1915; «Регистон майдони туш пайтида», 1916; «Тунда чойхона», 1916; «Шердор мадраса олдида», 1917 ва б.), «Сайил» (1918), «Бог йўли» (1928), «Қовун бозори» (1929), «Каттақўрғон сув омбори қурилишида» (1940), «Баҳор» (1961), «Баҳор. Тошкентнинг чеккаси» (1961), «Баҳор ташвишлари» (1962) ва б. Плакатлар, натюрмортлар («Лолалар», «Атиргуллар», 1947; «Мевалар», 1950 ва б.) яратган. Асарлари республика ва хорижий мамлакатлар музейлари ва тўпламларида сақланади.

ТАТЛАР, татлар — РФдаги халқ. Асосан, Доғистон (12,9 минг киши; жами 19,4 минг киши, 1990-й.лар ўрталари) ва Озарбайжон (10,2 минг киши)да ҳамда Эронда яшайдилар. Тат тилида сўзлашади. Диндорлари — мусулмон-суннийлар. Этногенезида қадимги Шарқ халқлари, хусусан, Ўрта Осиё халқлари иштирок этган. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, уйғур, қрим-татар, озарбайжон, туркман, турк, гагауз, қумиқ, қорачой-балқар, қорайим, қарағас, қорақалпоқ, ногай, қипчоқ, татар, бошқирд, чувашлар этногенезида иштирок этган. Тилининг асосини қипчоқ-ўғуз лаҳжалари ташкил этади. Ёзуви 1927 й.гача араб, 1928 й.гача лотин, 1939 й.гача кирилл алифбосига асосланган. Ислом динига эътиқод қилувчилар. Ислом келгунга қадар шомонийлик, христианлик, монофизитлик, зардуштийлик, буддавийлик ва иудаизмга эътиқод қилганлар. Ҳозирги кунда христиан-православ, христиан-монофизитлар, христиан-несторианлар, иудаистлар, суннийлар мусулмонлар, христиан-монофизитлар. Деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

ТАТРА ТОҒЛАРИ — Карпат тоғларидаги энг баланд тог массиви. Чехия, Словакия ва Польша ҳудудларида жойлашган. Уз. 65 км, энг баланд жойи 2655 м (Гердоховски-Штит тоғи). Гранит, гнейс ва оҳактошлардан тузилган. Т.тда алъп рельеф шакллари, мореналар, кар кўллари кенг тарқалган. Карст ғорлари (Беланская, Анабастрова б.) учрайди. Т.т. ён бағирларида 1800 м баландликкача қорақайин, оққарағай, қарағай, тилоғоч ўрмонлари, ундан баландда бутазорлар, алъп ва субалъп ўтлоқлари бор. Татра миллий боғи, метеорологик расадхона ташкил қилинган. Туризм ривожланган. Курорт кўп, қишки спорт маркази.

ТАУАНТИНСУЙУ (кечуа тилида — бирлашган тўрт вилоят) — *инклар* давлати (1438—1536). Пойтахти — Куско ш. Т. 4 қисмга бўлинган: Колъсуйу (Чилининг шим. қисми, Боливиянинг деярли барча ҳудуди ва Аргентинанинг шим.-ғарбий қисми); Кондесуйу (ҳоз. Перунинг жан.-ғарбий қисми); Чинчасуйу (Перу ва Эквадор ҳудудидаги Анд тоғларининг ғарбий ён бағри) ва Антисуйу (Перу ва Эквадор ҳудудидаги Анд тоғларининг шарқий ён бағри). Бундай бўлиниш инк Пачакути томонидан қилинган деган фикр мавжуд. Т.да жуда кўп қабилалар яшаган, аҳолиси 8—15 млн. кишини ташкил этган. Расмий тили — кечуа. Давлат бошлиғи олий инка ҳисобланган. Ривожларга кўра, 1-ҳукмдор — Манко Капак, сўнгтиси — *Атауалъпа* бўлган. 1532—35 й.ларда Ф.Писарро ва Д.Альмагро раҳбарлигида испанлар Т.ни босиб олиб, унинг бой маданиятини вайрон қилганлар.

О. Татевосян. «Самарқандаги қовун бозори» (1929).

ТАУБЕ Генри (1915.30.11, Саскатун, Канада) — америкалик кимёгар. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1959). Америка фан ва санъат академияси аъзоси (1961). Станфорд ун-ти проф. (1962 й.дан). Асосий илмий ишлари электронлар кўчиши реакцияларини тадқиқотига оид. Илк бор (1940 й. охирларида) сувдаги эритмада сольватланган катион мавжудлигини (3 валентли хром ионн мисолида) исботлаган. Комплекс бирикмаларнинг сувдаги эритмалари беқарорлиги б-н уларнинг электрон тузилиши орасидаги боғлиқликни аниқлаган (1952). Молекуляр азот рутений комплексининг сувдаги эритмаси координациясида бир молекула сувнинг урнини эгаллаши мумкинлигини исбот қилган (1967). Нобель мукофоти лауреати (1983).

ТАУНГУ — Мьянманинг жан.-шарқидаги ўрта аср давлати. Ситаун дарёси соҳилидаги текслик устига қурилган истеҳком (таун-гу) сифатида 1280 й. вужудга келган. Таунгу ш. атрофида барпо этилган. 1347 й. Т. ҳокими қирол унвонини қабул қилган. Ава давлати кулагач (1527), Т. ягона, йирик, мустақил Бирма давлати бўлиб қолган. 16-а.да унинг ҳокимлари парчаланган Бирмани Т. атрофида бирлаштиришга уринганлар. Қирол Байинчаун бунга эришган. Унинг даврида (1551—81) Бирма кучли давлатга айланган.

ТАУНС (Townes) Чарл Хард (1915.28.7, Гринвилл, Жанубий Каролина) — америкалик физик, квант электроника асосчиларидан бири. Гринвилд (1931—37), Калифорния технология ин-ти (1937—39) да ўқиган. Колумбия ун-тида (1948 й.дан; 1950 й.дан проф.), Массачусетс технология ин-тида (1961—66 й.дан проф.) ишлаган. Калифорния ун-тида физика бўлими бошлиги (1967 й.дан). Асосий илмий ишлари квант электроникага оид. Н.Г.*Басов* ва А.М.*Прохоров*лан мустақил тарзда биринчи квант генераторини — мазерни яратган (1954). Америкалик физик А.Шавлов б-н биргаликда оптик квант генератори — *лазер*ни яратиш мумкинлигини асослаб берган (1958). Квант электроника ва чизиқли бўлмаган оптика усулларини *астрофизика*га қўллаб, бошқалар б-н ҳамкорликда космосдаги мазер эффектини очган (1969). Нобель мукофоти лауреати (1964; Н.Г.Басов ва А.М.Прохоров б-н ҳамкорликда).

ТАУРАГЕ — Литвадаги шаҳар. Юра дарёси бўйида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 30,7 минг киши (1990- й.лар ўрталари). Ҳисоблаш машиналари элементлари, сопол з-длари, мева-сабзавот, гўшт к-тлари, ёғочсозлик корхоналари, ёғ-пишлоқ з-ди; халқ театри бор.

ТАУСАҒИЗ, тоғсақич (Scorzonera tau-saghyz) — қоқиндошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик. Илдизи йўғон, сертармоқ. Пояси кўп шохланмаган, бўйи 20—50 см, барглари навбатлашиб жойлашган, учи сариқ саватча б-н тугайди. Саватчасида 30—50 та сариқ, тилсимон, икки жинсли гуллари

ўрнашган. Меваси пистача. Т. Қозоғистонда Қоратов тизмасининг тошли ва шағалли ён бағирларида усади. Қуруқ илдизининг 9—28% ини каучук ташкил этади. Каучукнинг сифати тропикда ўсадиган гевея каучугидан юқори. Т.дан 1948 й.гача кенг миқёсда каучук олиш учун фойдаланилган; сунъий каучук ич. йўлга қўйилгандан кейин фақат илмий мақсадларда ишлатила бошланди. Ўзбекистон ФА Ботаника институти ходимлари С.Х. Чевренди ва О. Н. Бондаренко (1948) Фарғона водийсида янги Т. ўсимлигини топишиб, унга Ўзбекистон таусағизи деб ном беришган.

ТАУТ (Таш) Бруно (1880.4.5, Калининград — 1938.24.12, Анқара) — немис меъмори, назариётчи. Функционализм намоиндаси. «Ринг» меъморлик гуруҳи раҳбари. 1900 й. бошларида Штуттгартда (Т. Фишерда) ўқиган. Москва (1931—32), Япония (1933), кейинчалик Туркияда ишлаган. Т. биринчилардан бўлиб қурилишда шиша ва бетонни қўллаган, ўқув ва турар жой мажмуаларини янги турини ишлаб чиққан [Кёльндаги «немис Веркбунди» кўргазмасидаги «Шишали павильон», 1914, сақланмаган, Берлиндаги Бриц тумани турар жой мажмуаси (1925—31) ва б.]. Меъморликда рангларни кенг қўллашни тартиб қилган.

ТАУТОМЕРИЯ (юн. tautos — худди ўша + meros — улуш, қисм)— қайтар *изомерия* ҳодисаси. Бу жараёнда айни бирикманинг 2 ва бир неча изомери бирбирига айланиб туради. Т. — динамик изомерия. Агар кимёвий системада изомер — таутомер мувозанат қарор топган бўлса, унда ҳар қайси изомердан маълум ва ўзгармас миқдор бўлади. Бу системадаги айрим изомерлар миқдори т-ра, эритмадаги водород ионлари концентрацияси ва б. larга боғлиқ бўлади. Т., асосан, органик бирикмаларда учрайди. Унга кўп ҳолларда молекуладаги водород ҳамда қўш боғ ўрнининг ўзгариши сабаб бўлади. Мас., ацетосирка эфирининг кето-еноль Т.си:

$$CH_3{-}C(=O){-}CH_2COOC_2H_5 \rightleftarrows CH_3{-}C(OH)=CH{-}COOC_2H_5$$

Бу модда бир томондан кетонларга хос реакцияларни, иккинчи томондан енолларнинг хоссаларини намоён қилади. Т. ва таутомер системаларнинг бир неча тури (кето-еноль, циан-изоциан, нитро-изонитро, лактим-лактам, азо-гидразо ва б.) мавжуд. Нитро- изонитро таутомер система учун $CH_3{-}NO_2 \rightleftarrows CH_2{=}NOOH$ мувозанати, циан-изоциан таутомер система учун $HC{\equiv}N \rightleftarrows C{=}N{-}H$ мувозанати мисол бўла олади. Т.ни ўрганишда кимёвий ва физик усуллар қўлланади. Т. техника ва тирик организмлар учун муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина кимё технология жараёнлари (айниқса, дори ва бўёқ моддалар синтези) Т. ҳодисаси б-н чамбарчас боғлиқ.

ТАУЭР, Тоуэр (инг. tower — минора) — Лондоннинг шарқий қисмида, Темза дарёси бўйида жойлашган қаср-қалъа. Т.нинг энг қад. қисми — «Оқ минора» Вильгельм I Фотиҳ даврида (тахм. 1078—85) қурилган. Т. 17-а.гача қирол қароргоҳидан бири бўлиб хизмат қилган. Бу ерда (1820 й.гача) давлатнинг бош турмаси жойлашган; Т.да кўплаб олий мансабдор шахслар (Генрих VI ва Эдуард V укаси Ричард б-н, Томас Мор, Т. Кромвель, Генрих VIII нинг хотинлари — Анна Болейн ва Екатерина Говард ва б.) хуфиёна равишда ўлдирилган. Кейинчалик, бу ерда қурол-аслаҳа омбори (арсенал), казармалар жойлашган; ҳозирда — музей (қад. қуроллар ва жазолаш асбоблари, қирол хонадонига тегишли қимматбаҳо буюмлар мажмуаси ва б.).

ТАФАККУР — инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли; объектив воқеликнинг онгда акс этиши жараёни. Т. атроф муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш қуроли, шунингдек, инсон фаолиятини амалга оширишнинг асосий шарти саналади. У *сезги, идрок, тасаввур*ларга қараганда воқеликни тўла ва аниқ акс эттирувчи юксак билиш жараёнидир. Т. — инсон миясининг алоҳида функцияси. Унинг нерв физиологик асоси биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро муносабатидан иборат. Т. жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз кабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади (қ. *Онг*). Т. *тил* ва *нутқ* б-н чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади. Фикрлаш фаолияти нутқ шаклида намоён бўлади. Нутқ алоқаси жараёнида инсоннинг ҳиссий мушоҳада доираси кенгайиб қолмай, орттирилган тажриба бошқа кишиларга ҳам берилади. Инсон ўзининг Т.и, нутқи ҳамда онгли хатти-ҳаракати б-н бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. У фикр юритиш фаолиятида ўзида акс эттирган, идрок қилган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди, ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон Т.и орқали воқеликни умумлаштириб, бевосита (билвосита) акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар, муносабатлар, хусусиятларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга.

Т. кўпгина фан соҳалари (фалсафа, мантиқ, жамиятшунослик, пед., физиология, кибернетика, биол.)нинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Психологияда Т. воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, ҳолатларнинг инсон учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра бир неча турларга (кўргазмали ҳаракат, кўргазмали-образли, амалий, назарий, ихтиёрий, ихтиёрсиз, мавҳум, ижодий ва ҳ.к.) ажратиб тадқиқ қилинади. Ижтимоий ҳаётда, таълим жараёни ва и.ч.да одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам Т. ёрдамида намоён бўлади. Жамоада танқидий қараш, ўзини ўзи танқид, баҳолаш, текшириш, ўзини ўзи текшириш, назорат қилиш, ўзини ўзи назорат қилиш, гуруҳий мулоҳаза юритишдан иборат Т. сифатлари вужудга келади. Инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ҳам Т. билан узвий алоқададир. Ижодий ишлар, кашфиётлар, ихтиролар, таклифлар Т.нинг маҳсули ҳисобланади. Психология Т.нинг филогенетик (инсоният пайдо бўлиши даври), онтогенетик (киши умри давомида) билишга оид тарихий жиҳатларини ҳам ўрганади. Ҳоз. замон фанининг жуда кўп мураккаб масалалари Т.даги мантиқий жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Эргаш Ғозиев.

«ТАФАККУР» — ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, рангли-безакли журнал. 1994 й.дан Тошкентда нашр этилади. Муассиси — республика Маънавият ва маърифат кенгаши. Журн.нинг асосий вазифаси халқимизнинг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш, шунингдек, миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз меросидан халқимизни баҳраманд қилиш, ислом динидаги инсонпарварлик ғояларининг ёш авлод қалбидан жой олишига кўмаклашишдан иборат. «Олий мезонлар», «Миллат ва маънавият», «Тарих ва тараққиёт», «Хазина», «Шарқу Ғарб

фалсафаси», «Тақдирлаги тадбирлар», «Янги аср муаммолари», «Наср жавоҳирлари» каби рукнлар остида кўплаб қизиқарли мақолалар, ҳикоя ҳамда новеллалар эълон қилинади.

«Т.» ўзига хос маҳорат мактаби ҳамдир. Таҳририятда Озод *Шарафиддинов*, физика-математика фанлари д-ри, проф. Абдулла Аъзам, *Муҳаммад Юсуф*, истеъдодли шоир ва журналистлардан *Сирожиддин Саййид*, Муртазо Қаршибоев каби ижодкорлар меҳнат қилган. Ўртача адади 5—7 минг нусха (2004). Бош муҳаррири — Эркин Аъзам.

ТАФСИР (араб. — шарҳ, тушунтириш, очиб бериш, изоҳ) — ислом анъанасида асосан Қуръони карим оятларини шарҳлаш, тушунтириб бериш. Қуръон оятларини Т. қилиш *Муҳаммад* (сав) даврида вужудга келиб, бу илм Муҳаммад (сав)дан саҳобаларга, саҳобалардан тобеъинларга мерос қолди. Саҳобалар ва тобеъинлар асрида Т. оғзаки ривоят ва нақл шаклида бўлиб, таълиф қилиб ёзилмаган. Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва б. машҳур Т.чи бўлганлар. Т.дан биринчи китоб ёзган шахс Абдумалик ибн Журайжлир (8-а.). Муҳаммад ибн Жарир Табарий, Яҳё ибн Салом, Абу Бакр Нисобурий ва б. муфассирлар Т. ёзишда шуҳрат топдилар. Т. қилишнинг ривожланиши жараёнида Т.нинг турли услублари (саҳиҳ ҳадислар ва саҳобаларнинг қавллари б-н Т. қилиш; ўз фикри ва ижтиҳоди б-н Т. қилиш; оятнинг зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозоси б-н Т. қилиш) пайдо бўлди. Кейинчалик Т.нинг йўналишлари кўпайиб кетди. Ҳозир дунёда Қуръони каримга 1700 дан ортиқ Т. ёзилганлиги маълум.

Ўзбекистон ҳудудидан чиққан Абу Мансур *Мотуридий* машҳур Т.чилардан ҳисобланади. У Қуръон оятларини *аҳл ас-сунна вал-жамоа* нуқтаи назаридан Т. қилган. *Абу Лайс Самарқандий, Замахшарий*, Фахриддин Розий, Маҳмуд *Насафийлар* ҳам Т. ёзишда машҳур бўлганлар. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Қуръони каримни ўзбек тилига таржима ва Т. қилиш имконияти туғилди. Бу соҳада шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, шайх Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур каби уламоларни мисол қилиб келтириш жоиз.

Абдулазиз Мансур.

ТАФТ (Taft) Уильям Хоуард (1857.15.9 — 1930.8.3) — АҚШ давлат арбоби. Йелль коллежи (1874—78) ва Цинциннатидаги юридик мактабда (1878—80) ўқиган. Адвокат, судья бўлган. 1901—04 й.ларда Филиппин о.лари губернатори. 1904—08 й.ларда Т. *Рузвельт* ҳукуматида ҳарбий вазир. 1909—13 й.ларда республикачилар партиясидан сайланган АҚШ президенти. Т. ҳукумати Лотин Америкаси давлатларини АҚШга қарам эттириш йўлини тутган. 1912 й.даги президент сайловида мағлубиятга учраган. Биринчи жаҳон уруши йилларида (1914—18) меҳнат масалалари бўйича Миллий ҳарбий бошқарма раҳбари. 1921 й.дан АҚШ Олий суди раиси. Штатлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш баҳонасида саноатда болалар меҳнатидан фойдаланишни чеклашга қарши бўлган.

ТАФТАЗОНИЙ (тўлиқ исми Муҳаммад ибн Умар Саъдиддин ат-Тафтазоний) (1322, Нисо яқинидаги Тафтазон қишлоғи — 1392.12.8, Самарқанд) — қомусий олим. Т. қарийб 30 й. (1340 й.дан 1372 й.гача) давомида Ҳирот ва Мовароуннаҳрнинг турли шаҳарларидаги мадрасаларда фалсафа ва мантиқдан дарс берган. Сўнгра Темур даъватига биноан Самарқандга келиб, саройда хизмат қилган ва умрининг охиригача шу саройда яшаб ижод б-н шуғулланган. Т.нинг назарий мероси ўрта асрлар фанининг барча соҳаларини ўз ичига олган бўлиб, Қуръон тафсиридан бошқа асарлари араб тилида ёзилган. Бу асарлардан 14—16-а.нинг 2-ярмигача Мовароуннаҳр ва унинг атрофидаги мадрасаларда ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилган. Мантиқ, ҳуқуқ, мат., астрономияга доир асарлар ёзган. Бизгача «Шарҳ ал-ақоид» (Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий» асарига шарҳ) «Таҳзиб ал-мантиқ ва-л-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш»), «ас-Саъдия» (13-а. охири ва 14-а. 1-ярмида яшаган Котибийнинг мантиққа оид «аш-Шамсия» рисоласига ёзилган шарҳ), «ал-мутаввал» (Нутқ санъатига оид «Кенг талқин»), «Мухтасар ал-маоний» (риторикага оид «Қисқача маънолар»), «ал-Иршод ал-ҳодий» (араб тили грамматикасига оид «Йўл бошловчи раҳбар»), «Мақосид ат-толибин» (фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари»), «Рисола фи завое ал-мусаллас» («Учбурчакнинг бурчаклари ҳақида рисола») каби асарлари етиб келган. Т. ўзидан олдин ўтган мутафаккирларнинг асарларига турли шарҳлар ёзган. Жумладан Найсабурийнинг «Арифметика ҳақида қуёший рисола» асарига 2-та шарҳ ёзган: биринчиси — «Қуёш рисола» (1389), иккинчиси — «Учбурчак бурчаклари ҳақида рисола» бўлиб, биринчисининг геометрик қисмини шарҳлайди.

Ад.: Маънавият юлдузлари, Т., 2001.

Севара Сабурова.

ТАФТИШ — 1) бўлиб ўтган иш, ҳодиса ва б. юзасидан ёки ҳақиқий аҳволни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган текширув; 2) корхона, компания, ташкилот, муассасалар молия-хўжалик фаолиятини, мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятини, ҳужжатлар, бюджет муассасаларида бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши; бухгалтерия ёзувларининг тўғри юритилишини текшириш; назорат қилиш омилларидан бири. Т.нинг умумий тартиби ва вазифалари ҳукумат қарорлари ва тегишли назорат идораларининг қўлланмаларида, компания, фирма уставларида белгилаб қўйилади. Қонунлар, низомлар, йўриқномаларга риоя қилиниши, ҳужжатларнинг тўғрилиги ва уларда ҳақиқий аҳвол объектив акс эттирилгани, қоидабузарликлар, солиқларнинг тўғри тўланганлиги, ҳужжатлар бўйича қайд этилган товар-моддий бойликларнинг мавжудлиги Т. қилинади. Режалаштирилган ишларнинг бажарилишини текшириш; хўжалик операцияларининг қонунга мувофиқлиги, молия ва смета интизомига риоя қилинишини текшириш; давлат ёки хўжалик мулкининг ҳимоя қилинишини назорат қилиш, бухгалтерия ҳисобининг тўғрилиги ва бухгалтерия ёзувларининг сифатли расмийлаштирилишини текшириш муҳим аҳамиятга эга. Ваколатли давлат органлари, махсус *аудит* фирмалари (қ. *Аудиторлик хизмати*), акциядорлик жамиятларининг тафтиш комиссия (кўмита)лари томонидан ўтказилади. Т.нинг тезкор (мунтазам, даврий ўтказиладиган), ялпи (комплекс, ҳар томонлама), режали ва б. турлари бор. Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 24 дек.да қабул қилинган. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» қонунида Т. ўтказишнинг тартиби ва ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Тошпўлат Мирзаев.

ТАХАЛЛУС (араб. — қутулиш, халос бўлиш) — бирор ижодкор (шоир, ёзувчи, олим ва ш.к.) ёки сиёсий арбобнинг ўзи учун танлаб олган иккинчи номи. Ҳар бир муаллиф Т.ни муайян мақсадларни кўзда тутган ҳолда қўллайди. Мас., омма ўртасида ўз ижодини таъкидлаб кўрсатиш, ўз исм-фамилиясидан қониқмаслик, муайян хавф-хатар, таҳдиддан қочиш, яшириниш ва б.

Шарқ санъати ва адабиёти намояндалари, катта олимлари ўзларига турли нарсаларга, сифат ва хусусиятларга ишора тарзида (Улуғбек — Муҳаммад Тарағай, Навоий, Лутфий, Бобур, Мужрим-Обид, Мунис, Завқий), машғулоти, касбига нисбатан (Гулханий, Чархий), туғилган ёки яшаган жойига нисбатан (Бухорий, Кошғарий, Марғиноний, Насафий, Тарозий, Хоразмий, Хўжандий, Чустий, Шоший, Югнакий, Яссавий), яшаш тарзи ёки қисматига ишора сифатида (Ғадоий, Ғарибий, Узлат, Муқимий, Фурқат) ва б. омилларга қараб Т. олганлар ёки танлаганлар. Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам кўпчилик ижодкорлар фақат Т. и б-н машҳур бўлишган. Мас., Беруний — Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад, Навоий — Ғиёсиддин ўғли Алишер, Муқимий — Муҳаммад Аминхўжа ўғли, Ойбек — Мусо Тошмуҳаммад ўғли, Яшин — Комил Нуъмонов, Чустий — Набихон Хўжаев; Стендаль — Анри Мари Бейль, Жорж Санд — Аврора Дюпен ва б. Баъзи шоирлар бирдан ортиқ Т. б-н (Навоий — Фоний; Мужрим — Обид; Нодир — Узлат — Маҳжур; Нодира — Макнуна — Комила каби), баъзан бир неча шоир бир Т. б-н («Навоий» Т.ли 10 га яқин шоир бўлган) ижод қилганлар.

Шарқ мумтоз адабиётининг деярли барча намояндалари, кўпчилик олимлар ва баъзи сиёсий арбоблар маълум Т.га эга бўлишган. Т. қўллашнинг адабиётшуносликда аҳамияти катта: баёз, девон, мажмуа каби қўлёзма манбалар матнларида қўлланган Т. туфайли тегишли асарларнинг муаллифлари аниқланган. Навоий Т. нинг шу маънодаги аҳамиятини «Лисон ут-тайр» асарида қуйидагича изоҳлайди:

Саҳна дебосию назм иншосидур,
Ким тахаллус нозими тамгосидур.
Бу ким они бирла топти имтиёз
Не варақким, назм қилди аҳли роз.
Ким бу Саъдий ё Низомийнинг дурур,
Ё бу Хусравнинг, бу Жомийнинг дурур.

Ҳоз. кунда Т.нинг шоир ёки ёзувчи ўз исми ва фамилиясини қўшимчасиз қўллаган кўриниши учрайди: Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон, Жамол Камол, Усмон Азим ва б.

ТАХИАТОШ — Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар. 1953 й. Бош Туркман канали қурувчилари ишчи посёлкаси сифатида вужудга келган.

Шаҳар куранти.

Тахиатош. Шаҳар ҳокимияти биноси.

Амударёнинг чап соҳилида, муҳим транспорт йўллари ёқасида жойлашган. Аҳолиси 50,9 минг киши (2004). Т.й. станцияси. Нукусдан 16 км узоқликда. Шаҳарнинг шим. ва жан. қисмларида қад. суғориш каналларининг ўзанлари сақланган.

Т. Қорақалпоғистоннинг энергетика саноати маркази. Шаҳар иссиқлик электр ст-яси Ўрта Осиё электр системасига туташтирилган.

«Тахиатошдон» акциядорлик жамияти, махсус йўл-кўприк бошқармаси, «Росэнерго» қўшма корхонаси, «Қусшылық» паррандачилик корхонаси, қурилиш ташкилотлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари бор.

Т.да 10 умумий таълим мактаби (10354 ўқувчи), болалар мусиқа мактаби, 3 касб-ҳунар коллежи (транспорт, қурилиш ва иқтисодиёт коллежлари, 2974 ўқувчи), марказий кутубхона ва унинг 8 та филиали, 4 клуб муассасаси, маданият ва истироҳат боғи фаолият кўрсатади. 2 касалхона (220 ўрин), катталар ва болалар поликлиникалари, аёллар консультацияси, рухий касалликлар диспансери, Уруш ва меҳнат фахрийлари ва «Айдын жол» санаторийлари мавжуд. «Халық дауысы» (қорақалпоқ тилида) газ. чиқарилади. Т. махсус йўл-кўприк бошқармаси «Бухоро—Нукус—Қўнғирот—Бейнов» автомагистралининг Устюртдаги (Қўнғирот—Бейнов) қисмида қурилиш ишларини олиб бормоқда. Т.дан Нукусга автобус қатнайди.

ТАХИАТОШ ГИДРОУЗЕЛИ — *Амударёнинг* қуйи қисмида қурилган гидротехника иншооти; қурилиш 1966 й.да бошланган, 1976 й.да қуриб битказилган. Тупроқли тўғон ва тўсиқли дарвозалардан иборат. Тўғоннинг умумий уз. 1650 м, эни 32 м, бал. 8 м. Дарвозали қисмининг уз. 470 м, 25 дарвозадан иборат, ҳар бир дарвозанинг уз. 16 м. Сув сатҳи тўғон тагидан ўртача 5,2 м га кўтарилади. Гидроузел дарвозалари тўлиқ очилганда ундан 10500 м³/сек сув ўтиши мўлжалланган. Икки охирги дарвоза балиқ ўтказишга мослаб қурилган. Гидроузел тўғони Амударёнинг иккала соҳилини боғлайдиган кўприк вазифасини ҳам бажаради. Автомобиллар қатнайди. Гидроузелнинг чап ёнбошида шлюз қурилган. Унинг бўйи 65 м, эни 18 м. Т.г. барпо этилиши б-н дарёнинг ўнг қирғоғидан бошланадиган Қизкетган каналига 7 дарвозали сув чиқаргич-ростлагич қурилди. Ҳар бир дарвозанинг уз. 10 м. Ростлагичнинг максимал сув сарфи 425 м³/сек. Тўғондан 300 м қуйидаги дарёнинг чап қирғоғидан бошланадиган *Суэлли каналига* сув берадиган сув узатиш канали қазилган. Гидроузел Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятида қарийб 1 млн.га ерларни суғориш имкониятларини беради.

ТАХИАТОШ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ — Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош ш.дан 4 км узоқликда, Амударёнинг чап қирғоғида қурилган. Шаҳар ва ст-я қурилиши 1956 й. бошланиб, ст-янинг 12 МВт қувватли биринчи агрегати 1961 й. 10 сент. да ишга туширилган. Шу йили ст-янинг ўрнатилган қувватлари 28 МВт биринчи навбати қурилиши ниҳояси-

Тахиатош гидроузели.

Тахиатош иссиқлик электр станцияси.

га етказилган. 1964 й.да унинг 24 МВт қувватли 2-навбати ишга туширилди. 1969 й. 200 МВт қувватли 3-навбат, 1974 й.да 110 МВт қувватли 4-навбати ишга туширилди. 1980—1985 й.ларда ст-янинг 1- ва 2- навбатлари демонтаж қилинди. 1990 й.да 420 МВт қувватли 5- ва 6- навбати тамомланди ва ст-яни кенгайтириш ишлари ниҳоясига етказилди. Ст-яда ўрнатилган қувватлар 730 МВт ни ташкил этади. Қувватлар 220, 110, 35 кВ кучланишларда узатилади. Оқар сув б-н таъминланган. Асосий ёқилғиси табиий газ, заҳира ёқилғиси мазут. 2003 й.да 2905 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарди. Ст-я Ўзбекистон Республикасининг ягона энергетика системасига уланган.

ТАХИКАРДИЯ (юн. tachys — тез ва kardia — юрак) — юрак қисқаришларининг тезлашуви, юракнинг тез (1 мин.да 100 ва ундан кўп) уриши. Юрак қисқариши ритмиклиги ва сонининг бузилиши, унинг асосий хусусиятларидан бири — юрак автоматизмининг ўзгариши натижасида юзага келади. Соғлом кишиларда жисмоний ва руҳий зўриқиш, овқат ейиш, тана ҳолатини кескин ўзгартириш, мас., ётган жойдан бирдан туриб кетиш ва ҳ.к.да (буни физиологик Т. дейилади) кузатилади. Гавда т-раси кўтарилганда (иситма 37°дан юқори бўлса, томир минутига одатдагидан 8—10 та кўп уради), шунингдек, юрак-томир ва нерв системалари, ички секреция безлари касалликлари ва б.да Т. пайдо бўлади. Юрак иши жуда ўзгарувчан бўлиб, доимо организмнинг қон айланишига бўлган талабига мослашиб туради. Табиий шароитда юрак ишини бошқаришда марказий нерв системасидан сайёр (адашган) ва симпатик нервлар орқали келадиган импульслар етакчи роль ўйнайди. Симпатик нерв таъсирланса, юрак қисқаришлари сони ортади. Юрак қисқариши ритмининг тезлашиши юрак мускулларида моддалар алмашинуви ва қон айланишининг бузилишига олиб келади. *Пульс*нинг тўсатлан тезлашиб мин.-га 160—200 гача етиши пароксизмал Т. дейилади. Т.нинг олдини олиш учун энг аввал уни келтириб чиқарган сабаб бартараф этилади.

ТАХИН ПАШШАЛАР (Tachinidae) — икки қанотли, қисқа мўйловли текинхўр пашшалар оиласига мансуб этномофаг ҳашаротлар. 5000 га яқин тури маълум. Танасининг уз. 3—20 мм, узун ва қаттиқ туклар б-н қопланган (иккинчи «типратикан пашша» номи ҳам шундан). Личинкаси оёқсиз, чувалчангсимон, оқиш. Ғумбаги ёпиқ, сохта пиллада жойлашган. Т.п.нинг ҳамма турлари ҳашаротларнинг (асосан ички, баъзан ташқи) паразити. Личинкаси турли тунлам қуртларида, қўнғизлари личинкаси вояга етган ҳашаротларда ва қандалалар танасида паразитлик қилади. Ҳайвон — хўжайин танасида ёки тупроқда ғумбакка айланади. Вояга етганлари ўсимлик гул шираси ва баргидаги шира б-н озиқланади. Ҳаво очиқ кунлари актив. Баъзи турлари колорадо ва япон қўнғизларига, ипак қурти ҳамда б. зараркунандаларга қарши курашиш мақсадида иқлимлаштирилган. Улардан Gonia cilipeda тури айниқса тажовузкор. Т.п.нинг шу тури ғўза ва кузги тунлам қуртларини 5—20%гача йўқотади.

Катта тахин пашша.

ТАХМАСП I (1513.3.3, Исфаҳон ш. яқинидаги Шоҳобод қишлоғи — 1576.14.5, Қазвин) — *сафавийлар* сулоласидан бўлган Эрон шоҳи (1524—76). *Исмоил I* Сафавийнинг ўғли. 10 ёшлигида тахтга чиққан, ҳокимият амалда *қизилбошлилар* қабила сардорлари қўлида бўлган. Кейинчалик улғайгач, улар б-н курашиб марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаган. Сафавийлар давлатига Ширвон (1538), Шеки (1551)ни қўшиб олган. 1544 й. *Ҳумоюн*га Ҳиндистон тахтини қайтиб олишида ёрдам берган, бунинг эвазига Қандаҳорни олган. Туркия б-н узоқ муддат уруш олиб борган (1534—55). Айни вақтда Т. Хуросонда ўзбек хонлари б-н деярли тинимсиз уруш қилган. 1565 й. тамга солиғини бекор қилган.

ТАХМИС (араб. — бешталик қилиш, бештага етказиш) — *мухаммас*нинг бир тури. Т. бандлари ҳам мухаммас сингари 5 мисрадан иборат; улар бир шоирғагина тегишли бўлмай, балки 2 шоирнинг мисраларидан ташкил топади: дастлабки 3 мисра Т. ёзаётган шоир қаламига, кейинги 2 мисра эса Т. ёзилаётган шоир газалига мансуб бўлади. Т.да ҳар иккала шоирнинг бир бандни ташкил этаётган мисралари мазмун ва шакл жиҳатидан ўзаро мос бўлиши талаб этилади. Т.ни, одатда, фалончи шоирнинг газалига мухаммас, деб таъкидлаб ёзганлар (фақат бир шоирнинг мисраларидан иборат бўлган мухаммасларга баъзан «таъби худ» — ўзиники, ўзининг таъби, деб қўшиб ёзганлар). Т. лар шоирга ёққан газалларга ёзилиши сабабли биргина газалга бир неча Т. қилиниши мумкин. Ўзбек мумтоз шеъриятида Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқатларнинг Навоий, Фузулий сингари шоирларнинг машҳур газалларига ёзган Т.лари маълум. Т. ёзиш шоирдан катта маҳорат талаб этади, чунки Т. яратувчи шоирлар ўзидан аввал яшаб ижод қилган шоирларнинг етук газалларини ривожлантирганлар, анъаналарини давом эттирганлар. Т.нинг сўнгги бандида шоирларнинг *тахаллус*лари эслатиб ўтилади. Т. нафақат ўзбек мумтоз адабиётида учрайди, балки у ҳоз. ўзбек адабиётида ҳам яратилган (Ҳабибий, Собир Абдулла, Эркин Воҳидов ва б.).

ТАХМОН — хона деворидаги кўрпатўшак йиғиб қўйиладиган махсус жой. Ўрта Осиё турар жой меъморлигида меҳмонхона тўрининг ўртасига (2 ёни токчали, чиннилар терилган), ётоқхонанинг 2 ёнига (ўртаси *токчали*, кийимлар тахланган) ишланган. Т.нинг эни ва бўйи тахланадиган кўрпа ва сандиқ жойланишига мўлжалланган. Юқори қисми равоқ ва тўртбурчак шаклда қурилиб, ганчкори безак, муқарнас косачалар ва турли рангдаги ёрқин безаклар б-н пардозланган.

ТАХМОНПЕЧ — безак буюми; *тахмон*га тахлаб қўйиладиган кўрпа, кўрпача ва б. буюмларни киши кўзидан пана қилиб туриш учун тутиладиган парда, тўсиқ. Ўзбекистон ҳудудининг турли минтақаларида ўзига хос усулда кашта тикиб безатилади (яна қ. *Чойшаб*).

ТАХО, Тежу — Испания ва Португалиядаги дарё, Пиреней я.о.да энг узун. Уз. 1010 км, ҳавзасининг майд. 81 минг км². Месета ясситоғлигини шарқдан ғарбга томон кесиб утиб, қуйи оқимида Португалия пастгекислигидан оқади ва Атлантика океанига эстуарий ҳосил қилиб қуйилади. Ўртача сув сарфи Португалия б-н Испания чегараси яқинида 438 м³/сек., нояб.дан март ойигача серсув. Т.га ГЭС ва сув омборлари қурилган. Суғоришда кенг фойдаланилади. Қуйилиш жойидан бошлаб 185 км масофада кема қатнайди. Т. бўйида Толедо (Испания) ва Португалия пойтахти Лиссабон ш.лари жойлашган.

ТАХОМЕТР (юн. tachos — тезлик ва ...*метр*)— машина ва механизм валларининг айланиш частотасини (бурчак тезлигини) ўлчайдиган асбоб. Ўлчаш усулига қараб, айланишлар сонини маълум вақт оралигида ўлчайдиган, бурчак тезликни бирор физик катталикка айлантирадиган ва валнинг айланиш тезлигини маълум тебраниш частоталарига таққослаб ўлчайдиган турларга бўлинади. Т.нинг марказдан қочма, индукцион, электр, электрон ва б. хиллари бор. Марказдан қочма Т.да вал айланганда бурчак тезликка мутаносиб равишда қўзғалувчи массалар силжийди. Силжиш қиймати ричагли тизим орқали кўрсаткичга узатилади. Индукцион Т.да айланувчи доимий магнит ўлчаш тизимининг металл стакани (лиски) да токни индукциялайди. Доимий магнит б-н индукцияланган ток магнит майдонларининг ўзаро таъсирида стакан пружина кучини енгиб, магнитнинг минутдаги айланишлар сонига мутаносиб бурчакка бурилади. Т.нинг кўрсатиши шкаладан ҳисобланади. Электр Т. ўзгармас ёки ўзгарувчан ток генератори (якори синаладиган валда айланади) ва иккиламчи асбоблар — частота бирликларида градусларга бўлинган вольтметр ёки частотометрдан иборат. Электрон Т.нинг иши узгич контактлари очилганда ишга тушириш тизимининг бирламчи занжирида пайдо бўладиган ток импульсларини магнитоэлектрик кўрсаткичли асбоб токига айлантиришга асосланган. Бирламчи занжиридаги импульслар частотаси двигатель валининг айланишига мутаносиб бўлади. Т. автомобиль, авиация спидометрлари ва техниканинг бошқа соҳаларида қўлланади.



Тахометр. Марказдан қочма тахометр: 1 — юклар; 2 — ричаглар; 3 — сирпанувчи муфта; 4 — валик; 5 — пружина.

Тахтакўпир шаҳарчасидаги қурилиш касб-ҳунар коллежи.

ТАХТ (форс.) — саройда ҳукмдор (шоҳ, хон, хоқон, қирол, амир ва б.) расмий қабул маросими, машварат ва турли тантаналар пайтида ўтирадиган, махсус жойга ўрнатилган, қимматбаҳо маъданлар б-н зийнатланган ўриндиқ. Эски мўғул тилида Т. ўран деб номланган ва эски ўзбек тилидаги ўрун га мос келган. Чингизийлар даврида Т.нинг ўнг томонидан тахт вориси, ўзга хонзодалар, ҳукмдорнинг қариндош-уруғи ва котиб, сўл томонидан хотун (малика), ўзга завжалар, рўпарасида эса нўёнлар ўрин эгаллаган. *Амир Темур* ва темурийлар замонида салтанат, ҳашамат ва улугликнинг рамзи бўлган махсус Т. сарой ёки боргоҳнинг марказига ўрнатилган. Муайян тантана, машварат ёки кенгашда қатнашувчи ҳар бир киши ўз мартабасига кўра белгиланган жойни эгаллаган. Т.нинг ўнг томонидан саййидлар, қозилар, қариндошлар, олимлар, руҳонийлар, зодагонлар, чап томонидан амирул умаро, беклар, амирлар, нўёнлар, туманбеги, мингбеги, юзбеги, ўнбеги, рўпарадаги 1-қатордан девонбеги ва ўзга вазирлар, 2-қатордан вилоят ҳокимлари ўрин олган. Ҳукмдор ўтирган Т. ортининг ўнг томонида баҳодирлар, чап томонида эса енгил суворий гуруҳ қўмондони — қоровулбеги жойлашган. Тахт ўрнатилган хонага гиламлар, палослар ва кўрпачалар ёзилган.

ТАХТА — турли ёғоч ғўлаларни бўйламасига тилиш йўли б-н тайёрланадиган маҳсулот. Бинокорлик, мебелсозлик ва идиш (яшик) лар тайёрлашда ишлатилади. Игнабаргли дарахтлар (тилоғоч, қайроғоч, терак, тол, ёнғоқ, тут, чинор ва б.) ғўлалари Т. учун хом ашё саналади. Т.лар шаклига кўра, икки қирраси текис тилинган, икки қирраси чала арраланган ёки умуман арраланмаган, ғўланинг ёнларидан чиқадиган пуштахта (горбил) каби хилларга бўлинади. Қалинлиги 8 мм дан 100 мм гача, узунлиги эса 9 м гача бўлиши мумкин. Қурилишда 30, 40, 50 мм қалинликдаги Т.лар кўп ишлатилади. Т.лар тўғри чизиқлилиги, кўзларининг бор-йўқлиги ва б. сифатларига кўра 6 хилга бўлинади. Т.й.да ишлатиладиган ёғоч ғўлалар шпал деб аталади. Шпалларнинг қалинлиги 13—17 см, узунлиги эса 2,5—2,7 м ни ташкил этади. Шпалнинг тўрт томони тилинган бўлса — қирқилган, икки томони (пасти ва усти) арраланиб, қолган икки томони шундай қолдирилса — ёнбош шпаллар деб аталади.

ТАХТАКЎПИР — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги шаҳарча (1984 й.дан). Туман маркази, Нукус ш.дан 107 км. нарида. Яқин т.й. станцияси Чимбой (55 км). Аҳолиси 17,1 минг киши (2004). Хўжаликлари Қувончёрма каналидан сув олади. «Тахтакўпир» атамасининг келиб чиқишини 20-а.нинг бошларида Қувончёрма каналининг давоми бўлган Босай канали устида хашар йўли б-н тахта (ёғоч)дан қурилган кўприк (шевада «кўпир») б-н боғлайдилар.

Т.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий, давлат ва қурилиш ташкилотлари, «Тахтакўпирдон» акциядорлик жамияти, автокорхона, таъмирлаш устахонаси, МТП, «Тахтақишлоқмаш» (Қозоғистон б-н) қўшма корхонаси, супермаркет, автовокзал мавжуд. 6 умумий таълим мактаби, мусиқа мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, кутубхона, маданият саройи, «Оталар чойхонаси», савдо маркази, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Теннис корти, стадион, спорт клуби бор. «Дори-дармон» акциядорлик жамияти, туман марказий касалхонаси, шошилинч тиббий ёрдам маркази, юқумли касалликлар касалхонаси, 3 поликлиника, аёллар консультацияси, 7 дорихона, ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. Т. — Нукус йўналишида автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

ТАХТАКЎПИР ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1928 й. май ойида ташкил қилинган. 1963 й. Т.т. тугатилиб, Чимбой туманига бирлаштирилган. 1965 й. ўз номи б-н Чимбой туманидан ажралиб чиққан.

Т .т. жанубдан Беруний, жан.-шарқдан Элликқалъа, ғарбдан Қораўзак, шим.-ғарбдан Мўйноқ тума-

«Тахтакўпирдон» акциядорлик жамиятининг дон сақлаш омборхонаси.

ни, шим.-шарқдан Қозоғистон Республикаси ва шарқдан Навоий вилояти б-н чегарадош. Майд. 21,1 минг км². Аҳолиси 42,6 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳарча (Тахтакўпир), 8 овул фуқаролар йиғини (Белтов, Жанадарё, Мулик, Отакўл, Тахтакўпир, Қораой, Қоратеран, Қўнғироткўл) бор. Маркази — *Тахтакўпир* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди Амударё қуйи оқими чап соҳилида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик ва Белтов қирларидан иборат. Шим.-шарқи Қизилқум чўли б-н туташади. Туманда Боршининг тоғи (баландлиги Қоратеран кўлининг юзасидан 35—37 м, Қизилқум б-н туташган жойда), Мискин, Жаланаш қуми, Аманда, Оққум тепаликлари, Қоратақир, Шертактақир текисликлари мавжуд.

Қизилқум чўли қўйлар учун асосий яйлов ҳисобланади. Белтовда қурилиш материалларидан гипс, шағал ва б. бор. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра 11°. Янв.нинг ўртача т-раси —6°, энг паст т-ра —35°. Июлнинг ўртача т-раси 27°, энг юқори т-ра 43°. Йиллик ёғин миқдори 100 мм, асосан, қиш ва баҳорда ёғади. Туман экинзорлари Қизкетган каналидан ажралиб чиққан Қувончёрма канали ва унинг тармоқлари

(Тимпий, Бўзёп, Жилвонёп, Бадракёп)дан сугорилади. Энг йирик Қоратеран кўлида (майд. 126 км²) балиқ урчитилади. Тоғ этагидаги бу кўл соҳиллари дам олиш жойи ҳисобланади. Ундан ташқари Отакўл, Мавдак, Эчкиўлган, Қоракўл, Ақбас ва б. кўллар бор. Тупроқлари ботқоқ, ўтлоқи ботқоқ, шўр, бўз, тақир, сур, қўнғир ва қумли тупроқлардан иборат. Қумликларда саксовул, селин, қуёнсуяк, қизилча, янтоқ, оқбош, ажриқ, қораборак, турангил, жийда, юлғун, тол. Белтов қирларида оқшувоқ ва шўралар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қобон, қуён, жайран, бўри, тулки, чиябўри, бўрсиқ, қўшоёқ, кўрсичқон; судралувчилардан илонлар, ҳар хил калтакесаклар, тошбақа; қушлардан тувалоқ, тўрғай, чумчуқ, қарға, бургут, бойўғли, тўқайларда қирговул, қарчиғай, қирғий, кўлларда ғоз, ўрдак ва б. учрайди. Балиқлардан сазан, лаққа, оқ амур, оқ қайроқ (жерех) ва б. кўп, ондатра ҳам бор.

Аҳолисининг асосий қисмини қорақалпоқ ва қозоқлар ташкил этади, шунингдек, ўзбек, қирғиз, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 2 киши. Шаҳарликлар 17,1 минг киши, қишлоқ аҳолиси 25,5 минг киши.

Хўжалиги. Туман иқтисодий негизини пахтачилик ва чорвачилик ташкил этади. Т.т.да «Тахтакўпирдон» саноат корхонаси, 123 та кичик ва ўрта хусусий корхоналар, 7 акциядорлик жамияти, Қорақалпоғистон — Қозоғистон «Тахтақишлоқмаш» қўшма корхонаси, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Электр энергия Тахиатош иссиқлик электр ст-ясидан олинади.

Туман қ.х. асосан, пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Шоликорликка ва қоракўлчиликка ҳам жиддий эътибор берилмоқда, шунингдек, боғдорчилик, сабзавот ва полизчилик ҳам ривожланган.

Т.т.да 32,7 минг га майдонда деҳқончилик қилинади. Пахта, дон, шоли, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Туманда 10 ширкат, 264 фермер хўжалиги, 1 фермер хўжаликлар уюшмаси мавжуд. Шундан 4 ширкат хўжалиги қоракўлчиликка ихтисослашган, қолганларида, пахта, шоли бугдой етиштирилади. 264 фермер хўжалигидан 254 таси деҳқончилик, 3 таси боғдорчилик, 7 таси чорвачилик б-н шуғулланади. Туман хўжаликларига 5 муқобил МТП хизмат кўрсатади.

Туман ва жамоа шахсий хўжаликларида 3997 қорамол (шундан 1316 сигир), 40255 қўй боқилади (2004), шунингдек, туя, йилқи, эчкилар ҳам бор. 2003/2004 ўқув йилида 23 умумий таълим мактабида 10446 ўқувчи таълим олди. Мусиқа мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, чўпон болалар мактаб-интернати, тест маркази мавжуд. Маданият уйи, 25 кутубхона, 10 клуб муассасаси фаолият кўрсатади.

Туман марказий касалхонаси (235 ўрин), болалар касалхонаси, қишлоқ касалхонаси, стоматология поликлиникаси, 13 фельдшер-акушерлик пункти, 6 қишлоқ врачлик пункти ишлаб турибди (2004). Т.т.да «Айдос қала» санаторийси бор. «Тахтакўпир тонги» туман газ. (қорақалпоқ тилида) чиқади.

ТАХТАҚОРАЧА — Зарафшон тизмасидаги довон. Самарқанд вилояти б-н Қашқадарё вилояти орасида, бал. 1675 м. Зарафшон тизмасининг довондан шарқдаги қисми баландроқ бўлиб, Чақиликалон тоғи деб юритилади. Қоратепа тоғи ғарбга томон пасайиб бориб, Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларига туташади. Т. орқали Самарқанддан Китоб ва Шаҳрисабзга карвонлар қатнаган (ҳоз. ҳам қисқа йўл сифатида фойдаланилади). Довоннинг Самарқанд (Омонқўтон) томони нисбатан қия. Китоб томони эса тикроқ.

Тахтақорача довони.

ТАХТИРАВОН (*тахт* ва форс. равон — юрувчи) — қад. ва ўрта аср Шарқ мамлакатларида 2 узун ёғочга ўрнатилиб кўтариб юриладиган ўриндиқ. 2 учидан 2 киши кўтариб юрган. Т.да подшо, хон, амир, лашкарбоши, турли амалдорлар, шунингдек, маликалар, балавлат хонадонларга мансуб аёллар кўтариб юрилган. Т. кейинчалик Шарқдан Ғарб мамлакатларига, хусусан, Юнонистонга (мил. ав. 4-а.), Римга (мил. ав. 1-а.) ўтган. Дастлаб Т.дан аёллар ва беморлар фойдаланишган. Рим империясида даблабабозлик белгиси ҳисобланган (серҳашам безатилган, кўтариб юрувчининг ташқи қиёфаси, кийими бир хил бўлишига эътибор берилган).

ТАХТИ САНГИН — Тожикистоннинг Қубодиён туманидаги қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 3-а. — мил. 3-а.). Амударёнинг ўнг қирғоғида, Вахш ва Панж дарёлари қўшилган ерда, тор водийда жойлашган. Бу водий ғарбдан Тахти-Қубод тоғи, шарқдан Вахш дарёси б-н чегараланган, 2 қатор тош девор (оралиқ масофа — 2 км) б-н муҳофазаланган. Девор оралиғида турли иншоотлар қурилган. Марказда қалъа-ҳисор (275—165 м.), атрофи тош девор б-н ўралган. Девор қалинлиги 2 м, бал. 8 м, минералари бўлган, атрофига хандақ қазилган. Окс дарёси маъбудига аталган йирик ибодатхона мажмуаси (51×51 м) очилган. У 4 устунли зал (меҳмонхона) дан (12×12 м) иборат бўлиб, атрофи 2 қаторли йўлак б-н ўралган. Ибодатхона деворининг қалинлиги 3 м,

Тахти Сангин топилмаси: Марсий ҳайкалчаси.

йирик хом ғиштдан (50×50×14 см) қурилган. Т. С.дан эллин маданиятига мансуб кўплаб ҳайкалтарошлик намуналари, фил суягидан ясалган буюмлар, ханжар—акинаклар, қимматбаҳо ғилофлар, юзлаб Юнон-Бақтрия, Кушон, парфян ва ҳинд тангалари, 3000 га яқин темир ва 50 жез пайкон топилган.

ТАХУРАР — фақат хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган тўй маросимидаги одатлардан бири. Т. ўғил (суннат) ва никоҳ тўйига атаб қилинган янги кўрпа-тўшакларни тахмондаги сандиқ устига йиғиш — тахт уришга бағишланган: 1) Тошкент ва Фарғона водийсида фақат хатна (суннат) тўйи маросимида ўтказилган. Болани хатна қилишдан бир кун олдин безатилган хонанинг тахмони устига 8 та янги тикилган кўрпа, битта кўрпача ва 2 та ёстиқ тахланиб намойиш қилинган. 2-куни тўй ўтиб бўлгач, болани суннат қилиш вақтида тахт урилган тахмондан тўшак, кўрпа олиниб болани суннат қилиш учун жой ҳозирланган; 2) Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларининг айрим туманларида никоҳ тўйидан кейин 3 кун ўтгач, келин ва куёвга қилинган янги кўрпа-тўшаклар безатилган хонанинг тўрига сандиқ устига тахлаб қўйилган. Сўнг Т. маросими ўтказилган. Маросимга фақат аёллар чақирилган. Уларга таомлар ва ширинликлар тортилган, меҳмондорчилик тугагач, гўшанга (чимилдиқ) йиғиб олинган. Шу б-н Т. тугаган.

ТАЦИТ. Публий (?) Корнелий (P.Cornelius Tacitus) (тахм. 56 — тахм. 117) — Рим тарихчиси. Император Веспасиан томонидан сенаторлар табақасига ўтказилган; бир қанча йирик лавозимларни эгаллаган: претор (88), консул (97), Осиё проконсули (112/113). Т. «Агрикола» (97—98), «Германия» (98), «Нотиқлар ҳақида диалог»(102—106), шунингдек, «Тарих» (105—111) ва «Анналлар»(112—117) тарихий асарлар муаллифи. «Тарих» асари Рим империясининг 69—96 й.лардаги тарихига, «Анналлар» 14—68 й.лардаги воқеалар баёнига бағишланган.

ТАШАҲҲУД — 1) Калимаи шаҳодатни айтиш; 2) намозда қаъда (ўтириш) вақтида ўқиладиган дуо (аттаҳиййот).

ТАШБИҲ (араб. — ўхшатиш) — шеърий санъатнинг бири, сўзларда ифодаланган икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса ёки хусусиятни улар ўртасида мавжуд бўлган бирор ўхшашлик, умумийлик нуқтаи назаридан қиёслаш. Т. 4 қисмдан — мушаббаҳ (ўхшатилган нарса), мушаббаҳунбеҳ (ўхшатаётган нарса), адоти ташбиҳ (ўхшатиш воситалари), важҳи ташбиҳ (ўхшатиш сабаби)дан иборат. Мас., «Алишер шижоатда арслондек эди» жумласида Алишер — мушаббаҳ, арслон — мушаббаҳунбеҳ, дек — адоти Т., шижоат — важҳи Т.дир. Ўхшатилаётган нарса ёки ҳодисаларнинг бирбири б-н қай даражада мос тушишига қараб ташбиҳи том (тўлиқ Т.) ва тўлиқ бўлмаган Т.га бўлинади. Т. тузилиши ва хусусиятларига кўра ташбиҳи сариҳ (очиқ ўхшатиш), Т.и машрут (шартли ўхшатиш), Т.и тафзил (чекиниш йўли б-н ўхшатиш), Т.и акс (тескари ўхшатиш), Т.и тасвия (баробар ўхшатиш), Т. и мусалсал (кетма-кет ўхшатиш), Т. и киноят (киноя йўли б-н ўхшатиш), Т. и мўъкад (таъкид йўли б-н ўхшатиш), Т.и музмар каби кўринишларга эга.

Т. кўпинча бошқа санъатлар б-н аралаш ҳолда келади. Бир қатор шеърий санъатлар эса бевосита Т. заминида пайдо бўлади. Т. фақат сўз ўйини сифатида эмас, балки ижодкор ғояларини бадиий ёрқин ифодалашга хизмат қилади.

ТАШКИЛИЙ ТЕХНИКА — бошқарув ва муҳандислик-техникавий ишларни механизациялаштириш ва автоматлаштиришда фойдаланиладиган техника воситалари мажмуи. Унга ҳужжатлар тайёрлайдиган қурилмалар (мас., ёзув машинкаси, компьютер, принтер ва ҳ.к.), нусха кўчириш аппаратлари (фото, ёруғлик, ксеро..., электр-фото, термо..., электрон ва ҳ.к.), ҳужжатларни ишлаш, сақлаш ва автоматик тарзда излаш воситалари (механизациялаштирилган картотекалар, автоматик излаш қурилмалари ва ҳ.к.), чизмачилик-лойиҳалаш асбоб-ускуналари (чизмачилик асбоблари, тахталари, столлари ва ҳ.к.), ҳисоблаш қурилмалари (логарифмик линейкалар, электрон калькуляторлар), ички ва ташқи алоқа воситалари (телефон, телеграф, телетайп ва ҳ.к.) ва б. киради. Булардан ташқари мебеллар, кичик Т. т. воситалари (ручка-қалам, ўчиргич, хатхабарларни ишлаш машиналари ва ҳ.к.)ни ҳам Т. т.га киритиш мумкин. Муассаса, ташкилот, корхона, фирмалар ва бирлашмалардаги иш юритиш сифати, тезкорлиги, иш самарадорлиги, унумдорлик, саранжом-саришталик кўп жиҳатдан Т.т.га боғлиқ.

ТАШЛАМА, сув ташлама — сув ҳавзаси (сув омбори, кўл ва б.) даги ортиқча сувни (тошқин сувларини) чиқариб юбориш, сувни пастки *бьеф*га ўтказиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти. С.т. тўғон тепасига, юқори бьеф сатҳи тагига қўйилган ёки айни пайтда иккаласи пастбаланд қилиб ўрнатилган тешик (қувур) лардан иборат бўлади. С. т.дан сув чиқарилиши (ташланиши) гидротехника зулфини б-н ростлаб турилади. С. т.нинг автоматик тарзда ишлайдиган турида гидротехника зулфини бўлмайди.

ТАШТДОР — Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатида (12—13-а.лар) султон ҳаммомлари ва ҳовузларининг бошлиғи. Т.нинг қўл остида бир неча ғулом

бўлган. Улар ҳукмдорга жуда яқин одамлар бўлишган. Мас.: Салжуқийлар султони Маликшоҳ (1072—92)нинг Т.и — хоразмшоҳлар сулоласи асосчиси *Ануштегин* бўлган; Алоуддин Муҳаммад ўз Т.и Аёзни *малик* даражасига кўтариб ихтиёрига 10 минг отлиқ лашкар берган. Аёзга яна жаллодлик хизматини ҳам беришган. *Жалолиддин Мангуберди* ҳам Т.и — Жамолиддин Фарруҳга малик унвонини берган, у яна султоннинг шахсий элчиси вазифасини бажарган.

Ад.: Бунёдов З., Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097—1231), Т., 1998.

ТАШХИС (араб. — шахслантириш) — жонлантириш бадиий санъатининг бир тури; турли нарсалар, ҳайвонлар, қушлар, ўсимликлар ва б.га инсоний хусусиятларни кўчириш санъати. Т. оғзаки нутқда ҳам, бадиий асарларда ҳам кенг қўлланади. Т. бадиий тасвирнинг аниқроқ, ёрқинроқ бўлишига хизмат қилади. Ўзбек фольклори, мумтоз адабиёти ҳамда ҳоз. шеърий ва насрий асарларда Т.нинг гўзал намуналари учрайди. Мас.:

Баҳор элга айшу манга изтироб,
Кулуб ҳолима барқ, йиғлар саҳоб.

Ушбу байтда барқ (чақмоқ) ва саҳоб (булут) жонлантирилмоқда.

Ад.: Хожиаҳмедов А., Мумтоз бадиият малоҳати, Т., 1999; Раҳмонов В., Шеър санъатлари, Т., 2001.

ТАШХИС, диагноз — касалликнинг хусусияти, моҳияти ва беморнинг аҳволи ҳақида врачлар берган қисқача таъриф, хулоса, касалликнинг номи. Беморни тўғри даволаш учун Т. аниқ қўйилиши шарт. Тўғри Т. қўйиш учун беморда касалликнинг ўтиш хусусиятларини билиш, касаллик белгиларини барча усуллар б-н ўрганиш ва б. касалликларнинг белгиларига таққослаб кўриш керак. Т.ни расмийлаштиришда асосий касалликдан ташқари, унга қўшилган йўлдош касалликлар ҳам кўрсатилади. Эрта қўйилган (касалликнинг бошланғич белгиларига кўра), клиник (текширишлар натижасига асосланиб), дифференциал (фарқлаш), функционал (аъзолар функциясини текшириб), даво натижаларига қараб қўйилган, шунингдек, вафотдан кейинги (патологоанатомик) ва бошқа Т.лар фарқ қилинади. Ҳар қандай касалликни (мас., ракни) ўз вақтида аниқлаб, тўғри Т. қўйилгандагина даволаш натижаси самарали бўлади.

ТАШҚАРИ, ташқи ҳовли — Ўрта Осиё халқ меъморлигида ўтроқ аҳоли уй-жойининг махсус бир бўлаги; кўча дарвозага яқин томондаги қисми. Меҳмонхона, хўжалик учун зарур хоналар, хизматчилар хонаси, отхона ва б. жойлашган. Т. ҳовли эркаклар учун, *ичқари* ҳовли эса хотин-халаж ва болалар учун махсус қурилган. Уйлар хонадон эгаларининг мавқеига қараб ўзига хос кўринишда бўлган. Мас., савдогар ва амалдорлар хоналони ҳунарманд-деҳқонлар хонадонидан кескин фарқ қилган (қ. *Аҳмадбекхожи меҳмонхонаси*). Ҳунармандлар уйининг Т. сида устахона, омборхона ва кўчага қараган савдо дўкони бўлган.

ТАШҚИ БОШҚАРУВ — *банкрот* бўлган корхонала ишни қайта ташкил этиш жараёни. Т.б. хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик тадбиридир. Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса Т.б. кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризасига кўра хўжалик суди томонидан 12 ёки 36 ой доирасида қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин. Шу муддат ичида корхонага айрим имтиёзлар берилади, хусусан, кредиторларнинг талабини қондириш бўйича илгари қабул қилинган чора-тадбирлар бекор қилинади ва бу талабларни қондиришга мораторий (қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларини тўлаш ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш. Бунда мораторий ташқи бошқарув жорий этилмасдан илгари бажарилиш муддати келган пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловларга тадбиқ этилади) белгиланади.

Кредиторлар йиғилиши тасдиқлаган Т.б. режасида қарздорнинг қарзларни тўлаш қобилиятини қайта тиклаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар назарда тутилиши керак. Бу и.ч. ни ихтисослаштириш, қарзларни узиш, самарасиз и.ч.ни тугатиш, қарздорнинг корхонасини ёки унинг бир қисмини сотиш ва б. бўлиши мумкин.

Банкротлик тўғрисида иш юритишнинг тугатилиши ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ташқи бошқарувчининг ваколатлари тугашига олиб келади.

Т.б.га оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1994 й.да 5 майда (янги таҳрирда 2003 й. 24 апр.)да қабул қилинган. «Банкротлик тўғрисида» қонуни б-н тартибга солинади.

Ўрозмаҳмат Қаландаров.

ТАШҚИ БУРЧАК — учбурчак ёки кўпбурчакнинг бирор бурчагига ёндош (қўшни) бурчак (мас., ∠BCD, расмга қ.). Учбурчакнинг ташқи бурчаги унга қўшни бўлмаган ички бурчаклари йиғиндисига тенг:

Ташқи бурчак.

$$\angle BCD = \angle CAB + \angle ABC.$$

ТАШҚИ САВДО — бир мамлакатнинг бошқа мамлакат ёки мамлакатлар б-н олиб борилган савдоси. Мамлакатдан товарлар чиқариш (*экспорт*) ва мамлакатга товарлар киритиш (*импорт*)дан ташкил топади. Экспорт ва импорт йиғиндиси мамлакатнинг Т.с. айланмасини ташкил этади. Мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқнинг ривожланиши икки томонлама фойда олиш имконини беради. Т.с. мамлакатлараро иқтисодий муносабатларнинг энг олдий ва энг қад. шаклидир. Қад. Миср, Юнонистон ва Рим қулдорлик тузуми даврида ёқ бошқа мамлакатлар б-н икки томонлама савдо-сотиқ муносабатларини амалга оширган. Инсоният тарихида биринчи марта Шарқ ва Ғарб дунёсини бирбири б-н боғлаган *Буюк Ипак йўли* қитъалараро савдони йўлга қўйди. Бу йўл ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган шаҳарларда савдо-сотиқнинг кенг кўлкч ёйишига олиб келган эди.

Т.с.нинг ривожланишига *Буюк географик кашфиётлар*дан сўнг янги денгиз йўлларининг очилиши кучли туртки бўлди. Айниқса, саноат, машиналашган и.ч. халқаро хўжалик алоқаларини янада ривожлантириб юборди. Янги тармоқлар, и.ч. турларининг пайдо бўлиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ички истеъмолдан ташқари қисмини чет эллларга чиқариш ва сотиш имконини берди. Айни пайтда кўпчилик мамлакатларда хом ашё ресурсларига эҳтиёж кескин ошди. Натижада ташқи олди-сотди ҳаракатларини амалга оширишни уйғунлаштирадиган халқаро бозор қарор топди.

Т.с.нинг ривожланишни асосида халқаро меҳнат тақсимоти ва Д. *Рикардо* асослаб берган қиёсий устунлик қонуни ётади. Бу қонунга кўра алоҳида шароитларнинг мавжудлиги, хусусан, қулай географик жойлашув, ноёб табиий ресурслар айрим мамлакатларга товар ва хизматларнинг айрим турларини и. ч.да муайян устунликлар беради. Мамлакат ўзининг қиёсий устунлигидан фойдаланиб айрим товар турларини и.ч.га ихтисослашади, маҳсулотларини бошқа мамлакатларга ҳам сотиш мақсадида катта миқдорда ва юқори сифатда и.ч.га ҳаракат қилади. Бундай товар ва хизматларни ўзларида ишлаб чиқармайдиган бошқа мамлакатлар, ишлаб чиқарганда ҳам уларга кетадиган сарф-харажатларининг нисбатан юқорилигини ҳисобга олиб, ташқаридан товар ва хизматларни киритиш йўлини тутадилар.

Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 140 дан ортиқ мамлакатлари б-н савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширмоқда. 2003 й.да Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 6,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 17,3% кўпдир. Унинг Т.с.да жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари ҳиссаси ортиб бормоқда. Ўзбекистон савдо айланмасининг 62% узоқ хориж мамлакатларига, 38% эса МДҲ мамлакатлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўзбекистоннинг ҳоз. асосий савдо ҳамкорлари — Буюк Британия, Германия, Япония, Швейцария, АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Италия, Нидерландия, Бельгия, Туркия, Франция, Хитой ва б. давлатлар. Республика Т.с.нинг 60%дан зиёдроғи Европага, 33% Осиё, 6,5% Америка қитъаси мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади (2003). Ташқарига товар чиқариш таркибида машина ва асбоб-ускуналар, рангли металлар ва энергия воситалари ўрин олмоқда. Асосийси — Ўзбекистоннинг Т.с.да фақат хом ашё воситалари б-н қатнашувига барҳам берилмоқда, экспорт таркиби сезиларли кенгаймоқда. Ривожланган мамлакатлар б-н савдо алоқалари четдан қўшимча моддий-молиявий ресурсларни жалб қилиш, и.ч.га илғор техника ва технологияни жорий этиш, ички истеъмол бозорини турли-туман кенг халқ истеъмоли товарлари б-н тўлдириш, хизмат кўрсатиш соҳасида хориж тажрибасидан фойдаланиш, қўшимча иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатнинг Т.с. сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги амалга оширади. Т.с. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида» (1991, 14 июнь), «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (1993, 7 май), «Давлат божхона хизмати тўғрисида» (1997, 29 авг.) қонунлари, «Божхона кодекси» (1997, 27 дек.) ва б. қонун ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар б-н тартибга солинади.

Мамлакатлар ўртасида Т.с.ни тартибга солишда *Жаҳон савдо ташкилоти* муҳим роль ўйнайди.

Нурислом Тўхтиев.

ТАШҚИ САЙЁРАЛАР, юпитер гуруҳидаги сайёралар — Қуёш системасининг Марс орбитасидан ташқарида айланадиган сайёралари (*Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон*). Уларнинг баъзи физик хусусиятлари бир-бирига яқин. Баъзан «юқори сайёралар» деб ҳам айтилади (қ. *Сайёралар*).

ТАШҚИ ҚАРЗ — қ. *Давлат қарзи.*

ТАЪБИРНОМА — туш таъбирини баён қилувчи китоблар мажмуи. Т.да туш ва унинг турлари, туш кўриш ҳолати ва пайтлари, таъбир айтиш усули ва шартлари баён қилинади. Т. асосида туш йўриовчиларни таъбирчи, муаббир, рўёчи деб аташган. Таъбирчидан фолбинлик (туш кўрган одамнинг аҳволи, мижози ва исмини яхши билиш, кўрилган нарсани яхши ва ёмон фол очиб, сўнгра таъбирини айтиш) талаб қилинган.

Энг қад. Т. хитойча «И-цзин» номли асардир. Туркий тилдаги дастлабки Т. 8-а. ўрталари — 9-а. бошларида Шарқий Туркистонда яратилган, асл номи «Ирқ битиги» («Фол китоби»)дир. У монийлик ва шаманлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган. Китобнинг мақсади одамларни эзгуликка чорлаш, муайян ахлоқий принципларни тарғиб ва ташвиқ қилишдир. Қад. туркий давридаги яна бир «Фол китоби» моний ёзувида битилган бўлиб, тахм. 9-а. бошларига мансуб. Унда қад. туркийларнинг маълум бир деталлар ёки ҳодисаларга асосланган ҳолда оламни англашга интилиши аён бўлади. Ушбу китобда буддавийлик оқимининг таъсири ҳам бор, чунончи, одам ҳар қандай вазиятда, яъни кўрган туши яхши ёки ёмон натижа келтиришидан қатъи назар, эзгу ишлар қилиши ва бурҳонлар хизматида бўлиши лозим. Умуман, эзгулик ва хайрли ишлар тўғрисидаги ўгитлар барча Т.ларнинг туб моҳиятини ташкил этади.

Т.лар ичида форс тилидаги «Комил ут-таъбир» ўзининг мукаммаллиги б-н ажралиб туради. Бу китоб 20-а. бошларида тошкентлик Мулло Азимхонқори бинни Мулло Юсуфхон томонидан ўзбек тилига таржима қилинган («Комил ут-таъбири туркий», 1916).

Насимхон Раҳмонов.

ТАЪЗИЯ (араб. — юпатиш, ҳамдардлик билдириш) — азадор кишига таасалли бериш, аҳвол сўраш одати. Т.да марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига қариндошлари, дўст-ёрлари, қўшнилари, ҳамкасблари томонидан ҳамдардлик билдирилади. Исломда Т. билдириш савоб ишлардан ҳисобланади. Вафот этган биродарга энг керакли ва фойдали нарса уни дуо қилишдир. Жаноза ва Т.лан мақсад айнан шундай дуодир. Т.нинг муддати ва адади 3 кун ичида бир бор Т. билдириш, мабодо бунинг иложи бўлмаса, сўнг билдирса ҳам бўлади. Кимсанинг вафоти ҳақидаги ёзма хабар — таъзиянома (некролог), мотам маросими ўтказилаётган хонадон — таъзияхона, мотам тутган, азадор киши — таъзиячи дейилади (яна қ. *Аза, Мотам маросимлари*).

ТАЪЛИМ — билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Т. жараёнида *маълумот* олинади ва *тарбия* амалга оширилади. Т. тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади. Лекин у фақат турли типдаги ўқув юртларида ўқитиш жараёнини эмас, оила, и.ч. ва бошқа соҳаларда маълумот бериш жараёнини ҳам билдиради.

Т.нинг мазмуни ва моҳияти жамиятнинг моддий ва маданий тараққиёти даражаси б-н белгиланади. Ижтимоий муносабатлар, умумий маълумотга бўлган эҳтиёж, кишиларнинг касбий тайёргарлигига, Т. ҳақидаги педагогик ғояларга қараб кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида Т.нинг моҳияти, методи, ташкилий шакллари ўзгариб борган (қ. *Педагогика*).

Т. моҳият-эътибори б-н дарс бериш жараёнини, яъни педагог (ўқитувчи) фаолиятини, умуман ўқувчининг билиш, ўрганиш фаолиятига раҳбарлик қилишни ҳамда ўқиш жараёнини, яъни ўқувчи фаолиятини билдиради. Т. жараёни таълим берувчи — ўқитув-

чи ва таълим олаётган ўқувчилар фаолиятининг йиғиндисидан иборат. Т. ва тарбия жараёнида шахснинг сифатлари, дунёқараши, қобилияти ўсади. Т. авлодлар ўртасидаги маънавий ворисликни таъминлайди: кишиларнинг ижтимоий-тарихий тажрибалари ёш авлодга Т. орқали ўтади.

Т. ҳақида турли назариялар мавжуд. Баъзи назариялар Т.ни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишига боғлиқ бўлмаган ҳодиса сифатида баҳолаасалар (қ. *Педоцентризм*), баъзиси Т.нинг синфий характерга эга эканлигини, у жамиятнинг ҳар бир аъзосида муайян сиёсий, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий қарашларни шакллантириш мақсади сари қаратилганлигини таъкидлайди.

Т.нинг мақсади объектив ҳаёт талабларига мувофиқ ҳолда ўзгариб борганидек, Т.нинг характери, йўналиши ҳам унинг мақсадига мувофиқ ўзгариб боради. Т. диалектик тарзда тараққий этиб борадиган ички зиддиятлар жараёнидир. Т. билиш қобилиятлари, ҳис-туйғулар, идрок, шахсни таркиб топтирувчи кучли омилдир.

Т. жамият қурилишининг муҳим муаммоларини ҳал қилиш — жамиятнинг модлий-техника базасини яратиш, ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш, янги кишини тарбиялашга ёрдам беради.

Т. ўқувчининг билиш қобилиятини ўстирувчи асосий омилдир. Ўқувчилар қобилиятини ўстиришга қаратилган тизимлар муайян дидактик қоидалар тарзида намоён бўлади. Дидактик тамойилларда Т.нинг мазмуни ва жараёнларига қўйилган талаблар белгиланади (қ. *Дидактика*). Т.нинг мақсади ва вазифалари ижтимоий тузум, шунингдек муайян ўқув юртлари функциясига мувофиқ тарихан ўзгариб боради. ЎзРнинг 1997 й. 29 авг.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Т. тизимининг барча йўналишларини такомиллаштириш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб берди. 1996 й.дан бошлаб лотин имлосига асосланган янги ўзбек алифбоси жорий этилди ва шу йилдан бошлаб янги ёзув асосида дастурлар, қўлланмалар ва дарсликлар яратишга киришилди. Ўқитувчилар лотин имлоси асосидаги янги ўзбек алифбоси бўйича қайта тайёрлаш курсларидан ўтказилди. Халқ таълими бўлимлари қошида болаларни мактаб таълимига тайёргарлигини белгилайдиган «Ташҳис марказлари» ташкил этилди. Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини рейтинг асосида назорат қилиш, мактаб битирувчиларини якуний аттестациясини компьютер ёрдамида тест орқали амалга ошириш, Т. амалиётини диагностик таҳлил этиш, Т. муассасаларида маркетинг тизимидан фойдаланиш каби қатор педагогик янгиликлар жорий этилди (қ. *Таълимнинг миллий модели*).

Т. мазмуни унинг мақсадига мувофиқ, ижтимоий шарт-шароит, фан ва техника, санъат ҳолати ва ш.к.ни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Касб-ҳунар коллежлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларидаги Т.нинг мазмунига умумий маълумотдан ташқари муайян касб ва мутахассислик учун зарур бўлган махсус билим, малака ва кўникмалар ҳам киради. Т. мазмуни ўқув режа ва дастурлари, дарслик ва б.да ёритилади. Т.да қўйилган мақсадга эришиш учун турли метод, восита, ташкилий тизим ва шакллар (маъруза, суҳбат, тажрибалар ўтказиш, кўргазмали қуролларни қўллаш, кузатиш, машқ ва ш.к.)дан фойдаланилади. Ўқув жараёнида техник воситалар (кино, телевидение, радио, компьютер, ЭҲМ ва б.)ни кенг қўллаш Т. методини ишлаб чиқишга катта таъсир кўрсатади.

Т.ни ташкил этишнинг умумий таълим, алоҳида (индивидуал) таълим, ташкилий таълим, синф-дарс таълими, курс тизими таълими ва б. турлари мавжуд. Ҳоз. шароитда ижтимоий талаблар, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжларига мувофиқ Т. тобора такомиллаштирилиб, янги метод ва шаклларни ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Т.нинг кенг умумий маълумот асосида касбий ихтисослашишнинг аҳамияти тобора ошмоқда, оммавий коммуникация воситалари — радио, телевидение, кино, компьютер, вақтли матбуотдан, шунингдек, ўз устида ишлашнинг турли шаклларидан фойдаланилмоқда.

Комилжон Ҳошимов.

ТАЪЛИМНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ — Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини янгиланган соғлом педагогик тафаккур асосида тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия муассасаларида тайёрланадиган кадрларни интеллектуал, маънавий ва ахлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш бўйича белгиланган - назарий-методологик, амалий-педагогик ёндашувлар мажмуи. Т.м.м.да маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол шахснинг ўз ижодий қобилиятини тўла намоён этишини таъминлаш кўзда тутилади.

Жаҳон таълим тизими тажрибасида мутлақо янгилик бўлган Т.м.м. шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, и.ч. сингари 5 таркибий қисмдан иборат. ЎзРнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида Т.м.м. таркибий қисмлари таърифланиб, уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган. Жумладан, шахс — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчидир. Т.м.м.нинг ўзига хослиги таркибий қисмнинг бошланишидаёқ яққол намоён бўлади. Унда шахсга таълимнинг истеъмолчиси, яъни объектигина эмас, балки уни амалга оширувчи, яъни таълим жараёнининг субъекти сифатида ҳам қаралади. Бу ҳол шахсни таълимнинг истеъмолчисидан бу жараённинг ижрочисига айлантиради, унинг фаоллигини ошириб, ривожланишини тезлаштиради.

Давлат ва жамият — таълим ҳамда кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи, кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафилларидир. Т.м.м.га кўра, давлат ва жамият ўз зиммасига кадрлар тайёрлаш ишини ташкил этиш, таълим жараёнини назорат қилиш ҳамда тайёрланган мутахассислар фаолиятини йўлга қўйиш кафолатини олади.

Узлуксиз таълим — малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади. Т.м.м. шахснинг камолоти умр бўйи давом этадиган узлуксиз жараён эканлигига асосланади. Шунинг учун ҳам таълим тизимларининг баркамол инсонни шакллантиришда иштирок этиши лозим бўлган барча бўғинлар фаолияти узвий ва узлуксиз бўлиши кўзда тутилади. Таълимнинг муайян босқичида бирор шахсда шакллантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар миқдори, тартиби ҳамда бажарилиш жараёни айни шу узлуксиз таълим томонидан амалга оширилиши зарур бўлади.

Фан — юқори малакали мутахассислар тайёрлайди ва улардан фойдаланади, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқади. Т.м.м.нинг бу таркибий қисмига Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида алоҳида аҳамият берилган. Чунки малакали мутахассисларни тайёрлашда фан ютуқларидан фойдаланилганидек, юқори малакали мутахассислар иштирокисиз фаннинг ривожланиши ҳам мумкин эмас. Демак, фан бир вақтнинг ўзида тайёрловчилик, истеъмолчилик, ривожлантирувчилик вазифаларини бажаради.

Ишлаб чиқариш — кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси. Ишлаб чиқариш Т.м.м.нинг энг асосий қисмларидан биридир. Халқ хўжалигининг муайян соҳаси учун зарур бўлган кадрлар миқдори, уларни тайёрлашда таянилиши лозим бўлган иқтисодий ва технологик асослар и.ч. томонидан белгиланади. Жамиятнинг моддий бойликлари и.ч. жараёнда яратилгани учун у кадрлар тайёрлаш тизимининг моддиявий ва моддий-техникавий таъминотини ҳам амалга оширувчи саналади.

Т.м.м.да кадрлар тайёрлаш борасида халқимизга хос миллий хусусиятлар максимал даражада ҳисобга олиниши тақозо этилади. Шунингдек, унда барқамол шахсни шакллантириш ҳамда унинг ақлий, касбий ва маънавий имкониятларини энг самарали йўсинда ишга солиш йўллари аниқ ҳисобга олинган. Т.м.м.да шахсда шакллантирилиши зарур бўлган касбий ва маънавий сифатларнинг уйғунлигига алоҳида эътибор берилган.

Ад.: Баркамол авлод орзуси. Т., 2000.

Қозоқбой Йўлдошев.

ТАЪЛИМНИНГ СИНФ-ДАРС ТИЗИМИ — мактабда ўқув жараёнини ташкил этиш тизими. Унда ўқувчилар ёш хусусиятлари ва ўқиш муддатларига кўра муайян синфларга ажратилиб, таълим ўқув режаси ва дастурига мувофиқ, асосан, дарс шаклида олиб борилади. Т.с.-д.т. индивидуал таълим ўрнида вужудга келиб, унинг айрим белгилари қад. мактабларда ҳам мавжуд бўлган. 10-а.га келиб, Араб халифалигига қарашли Ироқ, Сурия, Миср сингари мамлакатлардаги мактабларда амалдаги «имло» усули ўрнига «тадрис» усули жорий этилиши ҳар бир ўқувчи б-н алоҳида шуғулланишга асосланган ўқитиш тизими ўрнига таълимнинг муайян миқдордаги болалар жамоаси б-н бирваракайига олиб борилиши мўлжалланган *дарс* шаклини юзага келтирди. Лекин ислом пед.сида дарс тушунчаси мавжуд бўлгани ҳолда синф назарий жиҳатдан тўла асослаб, ўқитиш амалиётига татбиқ этган киши буюк чех педагоги Я.А. *Коменский* (1632). «Яхши ташкил этилган мактаб қонунлари» (1653) асарларида ўқитишнинг синф-дарс тизимини ҳар жиҳатдан асослаб берди. Бунга кўра, ўқувчиларни мактабга қабул қилиш вақти, бола ёши, ўқишнинг бошланиш ва тугалланиш пайти, ўқувчиларнинг ўқиш вақти қатъий чегараланадиган, машғулотлар режага мувофиқ муайян тартибда ташкил этиладиган бўлди. Танаффус, таътил сингари тушунчалар Я. Коменский тавсияларига мувофиқ жорий этилган. Т.с.-д.т. 19-а.га келиб Европанинг кўпгина мамлакатларида мактаб таълимининг етакчи тизимига айланди.

Т.с.-д.т. Ўзбекистонда 19-а. охири — 20-а. бошларида жадидлар ташкил этган янги усул мактабларида жорий этилди. Унгача йил давомида мактабга янги ўқувчилар қабул қилинаверган, турли ёшдаги болалар гуруҳларга ажратилмай, бирга ўқитилаверган. 20-а. бошларида дунёнинг кўпгина давлатларида мажбурий таълим жорий қилиниши Т.с.-д.т.нинг кенг ёйилишига сабаб бўлди. Синфларни ташкил этишда асосий кўрсаткич болаларнинг ёш ва да асосий кўрсаткич болаларнинг ёш ва ривожланиш даражасидаги умумий жиҳатдардир. Айни вақтда, бир хил ёшдаги болалар ўртасида тараққиётнинг турли даражасида бўлганлар борлиги учун ҳам синфларни жамлашда турли тажрибалар қилиб кўрилди. АҚШ ва Буюк Британия сингари мамлакатларда ўқувчилар қобилиятига қараб параллел синфларга тақсимланди. Бу ҳол «кучли», «ўрта» ва «бўш» синфларни вужудга келтириб, ўқув материалларини ўзлаштиришни ҳар хиллаштирди.

Т.с.-д.т.да ўқувчи бир дарсда ўзлаштириши керак бўлган билим, кўникма ва малакаларни белгилаб олиш, уни болаларга етказиш тартибини тайин этиш, ўқув материалларини тизимли равишда тақдим этиш нисбатан осон амалга оширилади. Унда ўқувчилар фаоллигини ошириш имконияти ҳам кўп. Чунки ёш ва ақлий имкониятлари бир-бирига яқин бўлган болалар ўқув жараёнида тортинмай, фаол иштирок этиши мумкин. Шунингдек Т.с.-д.т. машғулотларни уюштиришнинг экскурсия, лаб. ишлари, кузатиш сингари шаклларидан фойдаланишни ҳам ин-



Таъминлагичларнинг хиллари: *а* — лентали; *б* — пластинкали; *в* — винтли; *г* — тебранма; *д* — титрама.

кор этмайди. Т.с.-д.т. умумтаълим мактабларидан ташқари, ўрта махсус ва олий таълимда ҳам қўлланилади.

ТАЪЛИМОТ — 1) борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг муайян соҳасидаги, фан тармоқлари, ижтимоий ҳаёт, жамият ва ш.к. ҳақидаги назарий қоида ва хулосалар, илмий қарашлар мажмуи, мас., фалсафий Т.лар, суфийлик Т.и; 2) маълум бир олим ёки мутафаккирнинг нуқтаи назар (қараш)лари мажмуи, мас., Форобий Т.и, Дарвин Т.и ва б.

ТАЪЛИФ (араб. — яратиш, тузиш) — ўтмишда Шарқ мусиқа илмида бирон асар яратишни ифодаловчи атама. Мас., таълифи алҳон — куй яратиш; таълиф ун-нотиқ (нутқли таълиф) — муайян сўзларга яратилган асар, ашула (яна қ. *Илми таълиф*).

ТАЪЛИҚ (араб. — осиш, осиб қўйиш) — *хаттотлик* услуби; араб ёзувидаги хат услубларидан бири. 14-а.да *тавқе* ва *риқо* хатлари асосида ихтиро қилинган, ихтирочилари Тожиддин Салмоний ва Хожа Абулъол. Тез ёзиш услубида ҳарфлар бир-бирига осилиб ёки илиниб тургандай кўринади (номи ҳам шундан). Ҳарфларнинг 5 қисми эгри ва 1 қисми тўғри чизиқлардан иборат. Т. асосан иншо ва мактубларга тегишли бўлиб, муншийлар уни юқоридан чапга қияроқ қилиб чўзиб ёзган. Шу жиҳати б-н *шикаста* хатига ўхшаб кетади. Дастлаб муншийлар, идора котиблари томонидан ишлатилган, расмий ва шахсий ёзишмалар, турли ҳужжатларда қўлланилган. Хожа Абдулқай Мунший, Хожа Ихтиёр ушбу хат устасидир.

ТАЪМ БИЛИШ — қ. *Маза билиш.*

ТАЪМИНЛАГИЧ — сочилувчан ва донали юкларни бункер, юклаш новлари ва б.дан яқинроқ жойга ташиш ёки қайта ишлаш машиналарига бир текисда узатиш учун мўлжалланган қурилма. Икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга лентали, винтли (шнекли), тебранма, титрама ва б. хиллари киради. Булар узунлиги ва ҳаракатлантириш двигателининг қуввати б-н *конвейер-*

дан фарқ қилади. Иккинчи гуруҳдагиларга конвейерларнинг прототиплари бўлган барабанли, дискли, занжирли ва пневматик-винтли хиллари киради. Барабанли Т. сочилувчан, донали, майда ва йирик бўлакли юкларни узатишда ишлатилади. Дискли (тарелкали) Т.лан сочилувчан юкларни узатишда фойдаланилади; бунда юк вертикал ўқда айланувчи дискка тушиб, ундан юк қўзғалмас қилиб маҳкамланган куракча б-н туширилади. Дискнинг айланиш тезлиги юк марказдан қочма куч таъсирида сирғалиб тушиб кетмайдиган қилиб танланади. Занжирли Т. йирик бўлакли юкларни узатишда ишлатилади; бунда бункернинг чиқариш тешигини қопловчи занжирли парда бор. Ҳаракатлантирувчи барабан айланганда занжирлар юкнинг қатламини новга сиқади. Бу б-н юкларнинг сирпаниш тезлигини ростлайди. Пневматик винтли Т. сочилувчан-чангсимон материалларни узатиш учун ишлатилади; материални чиқиш олдида тутиб қолиб, ҳаво оқими таъсирида юклаши б-н винтли Т.лан фарқ қилади.

Барча Т.ларнинг иш органлари тезлигини ва бункердан чиқариш тирқишлари ўлчамини ўзгартириб, титрама Т.да эса тебраниш амплитудаси ва частотасини ўзгартириб иш унумдорлиги ростланади. Т.лар қурилишда, цемент з-дларида, маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари ва б. соҳаларда қўлланади.

ТАЪМИРЛАШ — бирор нарсани асли ҳолига ўхшатиб ёки аслига яқинлаштириб тиклаш, бунёд этиш; маълум қийматга эга қад. санъат асарлари ва моддий-маданий ёдгорликларни тузатиш, яхшилаш, яроқли ҳолга келтириш. Меъморликда Т. тарихий иншоотларни қисман ёки тўла дастлабки қиёфасига келтириш (*реставрация*), кенг маънода тарихий бино ёки мажмуани ўзгартириб қайта қуриш (*реконструкция*) жараёнини ифодалайди. Кўлами жиҳатидан Т. жузъий (маълум қисми) ёки ёппасига (бутунлай) ўтказилиши мумкин. Замонавий Т. назарияси бўйича Т.нинг мақсади тарихий бинонинг қад. асл кўринишини келгусидаги бузилишлардан сақлаб қолиш чорасини кўришдир. Т. синтетик ва аналитик услубларга ажратилади. Синтетик Т.да меъморий ёдгорликнинг дастлабки бутун ҳолатига келтириш, аналитик (археологик) Т.да эса асл қисмларини бузилишлардан тўхтатиб қўйиш. Т. услуби узоқ ўтмишга эга. Ўзбекистондаги қад. ёдгорликлар пишиқ-пухта, чидамли ва мукаммал қилиб қурилганига қарамай, давр уларнинг жозибаси ва кўркини аста-секин емириб борган. Кейинги йилларда Ўзбекистондаги барча маданий ёдгорлик ва обидаларда Т. ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Т.ни муваффақиятли бажариш учун тажрибали халқ усталари (*Уста Ширин* Муродов, Тошпўлат *Арслонқулов*, Шамсиддин Фофуров, Қули *Жалилов*, Абдулла *Болтаев*, Маҳмуд *Усмонов*, Саидмаҳмуд *Норқўзиев* ва б.)дан Т. қоидаларидан ўринли ва моҳирона фойдаланиш талаб қилинган ва улар шунга риоя қилган ҳолда ижобий ривожлантирганлар.



Бибихоним жоме масжидини таъмирлаш жараёни (чапда, тарихий сурат). Бибихоним жоме масжиди пештоқининг таъмирдан кейинги кўриниши.

Турли сабаблар оқибатида емирилган кўҳна обидаларни Т. учун даставвал бино пойдевори археологик жиҳатдан авайлаб, синчковлик б-н ўрганилади. Кейин унинг меъморий тузилиши кошин ва нақшлари, ранги, услубий жиҳатлари тадқиқ қилинади. Уста қад. пойдевор устига қўйиладиган юкни мазкур бино кўтара олиши ёки кўтара олмаслигини ҳам билиши керак. Ниҳоят бино тарихи, қачон қандай мақсадда қурилганлиги, маданият тарихида тутган ўрни муфассал текширилади. Етарли маълумотлар тўплангандан кейин меъморлар, лойиҳаловчилар ва б. ҳамкорликда лойиҳа-смета ҳужжатини тузадилар. Т.да қад. усуллардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Т.нинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: *консервация;* акастилоз-ёдгорликнинг ерда ётган бўлакларини жойига ўрнатиб қўйиш; очиш-ёдгорликнинг барча тарихий қийматга эга қатламларини намойиш этиш; тўлдириш— ёдгорликнинг йўқ бўлиб кетган жойларини тўлдириб қўйиш; янгилаш — бинонинг тарихий нусхасини қуриш, йўқ бўлиб кетган бинони янгидан тиклаш (мас., *Бухорий ёдгорлик мажмуи*). Т. жараёнида замонавий қурилиш ашёлари ва қурилмаларини кўринмайдиган жойларидагина фойдаланиш талаб қилинади.

Тасвирий ва амалий безак санъатида Т., одатда, санъат асарларини сўнгги ҳолатини мустаҳкамлаш ва уларни бузиб турган қатламлардан тозалаш орқали асл ҳолига келтириш б-н амалга оширилади. Аввало бу ишлар асарлар ва буюмларнинг хом ашёси, яратилиш усули, бузилишига сабаб бўлган омиллар ва турларини пухта илмий таҳлил қилиш ҳамда санъат ва моддий маданий ёдгорликлар тарихини чуқур ўрганиш заминида олиб борилади. Бунда спектрал, хроматографик микрокристал ва б. таҳлиллар, рентгенография, макро ва микрофотография, инфрақизил нурлар ва б. воситасида текширишлардан фойдаланилади.

Т. жараёнида асарнинг бузилган қисмлари унга яқин бўлган (монументал рангтасвир учун оҳакли сув, икона ва мойбўёқ рангтасвирининг асоси ҳамда елим рассомлигининг бўёқ қатлами учун ҳайвонот елимлари) ёки махсус синтетик моддалар б-н унинг тузилиши тикланади ёки кимёвий ўзгарган унсурлар (рангтасвир асарининг қорайган лок ва мойи, мис буюмлардаги говак қурумлар), ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати буюмларидан кейинчалик киритилган қўшимчалар қисман ёки тўлиқ олиб ташланади. Рангтасвир асаридаги қўшимчалардан муаллифлик қисмларини идрок қилишга халақит бермайдиганлари сақланади, асарнинг ўзига хос тарихий ёки бадиий қимматга эга бўлган сўнгги қатлами имкон қадар янги асос ва заминга кўчирилади. Тасвирий ва амалий безак санъати асарининг бузилган қисмларини ўзбошимчалик б-н қайта тиклашга йўл қўйилмайди, фақат айрим ҳолдардагина мойбўёқ ва б. рангтасвир асарларида муаллифнинг бўёқ қатлами ва асосини тўлдиришлардан муҳофаза қилиш чораси сифатида Т. қўлланади.

Ад.: Зоҳидов Н., Меъмор санъати, Т., 1978; Ҳаққулов А., Таъмир санъати, Т., 1991; Пўлатов Х., Ўроцов А., Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш, Т., 2002.

Хайрулла Пўлатов.

«ТАЪМИРШУНОСЛИК» — Тошкентдаги масъулияти чекланган очиқ турдаги акционерлик жамияти. Ўзбекистон маданий ёдгорликларини асраш ва таъмирлаш ин-ти (1979—2003) негизида ташкил топган (2004). «Т.» қад. шаҳарларининг тарихий минтақаларини ўрганади, қўриқланувчи минтақалар, тарихий меъморий ва этнографик музей-қўриқхоналар лойиҳасини тузади; тарихий ва маданий ёдгорликларни тадқиқ қилади; меъморий ва маҳобатли санъат ёдгорликларини асраш ва таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиқади. Ўрта Осиё моддий-маданий ёдгорликларини асраш ва таъмирлашга доир илмий-услубий тавсияномалар беради, таъмирлаш учун қад. қурилиш тафсилотларини ўрганади ва қайта тиклайди; қўриқланадиган минтақада жойлашган маҳобатли санъат ёдгорликлари ва *таъмирлаш* майдонлари лойиҳасини ишлаб чиқариш «Т.» жамияти и.т.лари ва лойиҳалари асосида *Регистон ансамбли*, *Шоҳизинда*, *Ичан қалъа*, *Кўҳна арк* ва б. йирик меъморий иншоотлар таъмирланди, *Кўҳна Ўрганч*, *Марв*, Қирғизистон ва Қозоғистондаги меъморий обидаларнинг и.т. ва таъмир лойиҳалари ишлаб чиқилган.

ТАЪРИФ, дефиниция — муайян тушунча ёки терминнинг унга хос муҳим белгиларини акс эттирувчи қисқача ифодаси; бирон предмет ёки воқеа-ҳодисанинг мазмун-моҳиятини очиб, тушунтириб бериш. Т. таниш бўлмаган термин (тушунча)нинг маъносини аввалдан маълум бўлган сўз (термин)лар ёрдамида (номинал Т.) ёки уни таниш сўз (термин)лар бўлган матнга киритиш (контекстуал, матний Т.) орқали юзага келади. Т. фанда катта роль ўйнайди, у ҳар қандай илмий назариянинг муҳим қисмини ташкил қилади. Т.лар орқали фанга янги тушунчалар, терминлар киритилади, узоқ муддат олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари қайд этилади.

ТАЪРИХ (араб. — юз берган) — мумтоз адабиётда машҳур кишиларнинг туғилиши ва вафоти, турли бино-иншоотларнинг қурилиши, китоблар таълифи ва б. муҳим воқеа-ҳодисалар вақтини англатувчи санъат. Т. кўпинча у ёки бу машҳур шахснинг вафоти муносабати б-н ёзилган. Т.да қўлланган сўз ва иборалар, уларни ташкил этган араб ҳарфларининг абжад рақами ўн-и қўшиб ҳисобланганда, маълум бир сана келиб чиқади. Санани билдирадиган сўз ёки ибора Т. модласи, уларни ташкил этган ҳарфларнинг абжад бўйича йиғиндиси жумлага дейилади. Т. фақат мустақил ёзилмай, баъзи бир асарларнинг ичида ҳам келади.

Т.да шоир кўзда тутган сана сўз ёки муаммо усулида ифодаланади. Шунга кўра, Т. сариқ (очиқ, равшан) ва таъмия (беркитилган, яширилган) каби 2 турга бўлинади. Т.нинг сариқ турида сана очиқ ифодаланса, таъминда авдал Т. модласи топилади. Мас., Кавримбек Камий Чимкентдаги бир жоме масжидининг таъмирланиш санаси ҳақида шундай ёзади:

Солн таъмирин савол этган киши,
Эй Камий, равшан жавоб этгил анго:
Мингу уч юз ҳам ўтуз эрди фақат,
Солн таърихи бу итмоми бино.

Камий бу ерда «мингу уч юз ҳам ўтуз» (ҳижрий 1330 й.) деб, мазкур масжиднинг таъмирланиш санасини очиқ баён этади.

Т. ўзига хос қонуният ва поэтик хусусиятларга эга.

Замонавий адабиётда Аниси, Ҳабибий, Ғ.Ғулом, Улфат, Чустий ва б. Т. ёзганлар. Араб ёзуви ва абжад ҳисобига асосланганлиги учун ҳоз. кунда Т. ёзиш анъанаси тўхтаб қолган.

Ад.: Адабий турлар ва жанрлар, 2-ж., Т., 1992.

Эргаш Очилов.

ТАЪСИР ВА АКС ТАЪСИР ҚОНУНИ. Ньютоннинг учинчи қонуни — механиканинг асосий қонунларидан бири. Ньютоннинг таърифига кўра, таъсирга доим тенг ва қарама-қарши йўналган акс таъсир бор, бошқача айтганда, икки жисмнинг бир-бирига таъсири ўзаро тенг ва қарама-қарши томонларга йўналган. Бу таърифда «таъсирга» деихтиёр асосий ўрин, «акс таъсирга» эса иккинчи даражали ўрин ажратилади. Шунинг учун Т. ва а.т.қ. қуйидагича таърифланиши маъқул: икки жисмнинг бир-бирига ҳар қандай таъсири ўзаро таъсир характерига эга бўлиб, уларнинг бир-бирига кўрсатаётган таъсир кучлари ҳар доим катталик жиҳатдан тенг ва йўналиши қарама-қаршидир:

$$\vec{F}_{12} = -\vec{F}_{21},$$

бунда $\vec{F}_{12}$ — биринчи жисмнинг таъсир кучи, $\vec{F}_{21}$ — иккинчи жисмнинг биринчи жисмга таъсир кучи. Т. ва а.т.қ. кичкина ўлчамли элементар зарралар ва тезлиги ёруғлик тезлигига яқин ҳаракатлар учун ўринли эмас.

ТАЪСИР ЭТУВЧИ МАССАЛАР ҚОНУНИ — кимёвий мувозанат шароитида ўзаро реакцияга киришувчи моддалар ва реакция маҳсулотлари, массалари орасидаги боғланишларни ифодаловчи қонун; у массалар таъсири қонуни деб ҳам юритилади. Бу қонунни 1864—67 й.ларда норвегиялик олимлар К.Гульдберг ва П.Вааге лар таърифлаган. Т.э.м.қ.га мувофиқ А ва В моддалар орасида кимёвий реакция тезлиги шу моддалар концентрациялари (фаолликлари)га боғлиқ, $aA+bB \rightleftarrows mC+nD$ тенглама б-н ифодаланадиган қайтар жараёнда чапдан ўнгга борувчи (тўғри) реакция тезлиги А ва В моддаларнинг концентрацияси кўпайтмасига тўғри пропорционал бўлади: $v_1=k_1[A]^a[B]^b$. Ўнгдан чапга борадиган (тескари) реакция тезлиги эса С ва Д моддаларнинг концентрациясига тўғри пропорционалдир: $v_2=k_2[C]^m[D]^n$; бу ерда v_1, v_2 — тўғри ва тескари реакция тезлиги; k_1, k_2 — реакциянинг тезлик константаси; [A], [B], [C], [Д] — А, В, С, Д моддаларнинг концентрацияси; *a*, *b*, *m*, *n* — стехиометрик коэффициентлар (қ. *Стехиометрия*).

Кимёвий мувозанат вақтида тўғри реакциянинг тезлиги тескари реакция тезлигига тенглашади, яъни $v_1=v_2$ бўлади. Реакция тезлиги тенглашганлиги туфайли, реакцияда қатнашувчи моддалар концентрацияси қуйидаги нисбатга бўлади:

$$\frac{k_1}{k_2} = K = \frac{[C]^m[D]^n}{[A]^a[B]^b}.$$

Бу ерда *K* ушбу реакциянинг айни т-радаги мувозанат константаси. *K* нинг қиймати реакцияга киришувчи моддалар табиатига ва т-рага боғлиқ. *K* қиймати қанчалик катта бўлса, реакция шунчалик самарали бўлади. Т.э.м.қ. турли ҳисобларда кенг қўлланади.

ТАЪТИЛЛАР (ЎзРва) — ходимларга иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили дам олиш ва

иш қобилиятини тиклаш учун берилади-ган вақт. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида йиллик меҳнат таътилининг муддати камида 15 иш кунидан иборат этиб белгиланган. Айрим тоифадаги ходимларга уларнинг ёши, соғлиғини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган Т. берилади. Чунончи, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, ишлаётган 1- ва 2-гуруҳ ногиронларига Т. 30 календарь кун, ўқитувчиларга 48 иш куни, и.т. муассасалари кичик ва катта илмий ходимларига 24—48 иш куни, судьяларга 36 иш куни қилиб белгиланган. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнат вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари ҳамда бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, уларнинг ҳам Т.и муддати узайтирилган. Амалдаги қонунчиликда узайтирилган Т.нинг умумий ва энг кам муддати белгиланган. Бундан ташқари *меҳнат шартномасининг* шартларида ҳам узайтирилган йиллик Т. бериш назарда тутилиши мумкин. Меҳнат қонунчилигида айрим тоифа ходимлар учун қўшимча Т. бериш назарда тутилган ва тегишли қонун ҳужжатларида кафолатланган. Қўшимча Т. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш услубияти асосида белгиланади. Ишнинг алоҳида тусда экани, шунингдек, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун қўшимча таътилнинг энг кам муддати, уни бериш шартлари ва тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1997 й. 11 мартдаги 133-сонли қарорига мувофиқ белгиланган. Таътил даврига байрам кунлари тўғри келиб қолса, таътил муддатини ҳисоблашда бу кунлар ҳисобга олинмайди. Йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқариш тартиби Меҳнат кодексининг 142-моддасида кўрсатилган. Қоидага кўра, йиллик асосий таътил 1-иш йили учун 6 ой ишлагандан кейин берилади. Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиниши керак. Айрим тоифа ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра, ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши мумкин (Меҳнат кодекси, 250-модда). Қонунда кўрсатилган ҳолларда ходим таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга. Қонунчиликда ходимнинг хоҳишига кўра, унинг ёзма аризасига асосан таътилни қисмларга бўлишга йўл қўйилади. Бунда таътилнинг фойдаланиладиган бир қисми 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим. Айрим тоифа ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш назарда тутилган. Таътилдан чақириб олишга фақат ходимнинг розилиги б-н йўл қўйилади. Йиллик Т. даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади. Таътил ҳақи жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кунидан кечиктирмай тўланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида *ижтимоий* Т. ҳам бериш назарда тутилган. Жумладан, ходим қуйидаги *ижтимоий* Т. олиш ҳуқуқидан фойдаланади: ҳомиладорлик ва туғиш Т.и (233-модда); болаларни парваришлаш Т.и (232, 234, 235-моддалар); ўқиш б-н боғлиқ Т. (252-256-моддалар); ижодий Т. (258-модда). Бундай Т.ни бериш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 11 мартдаги 133-сонли қарорида кўрсатилган.

Анвар Иноятов.

ТАЭКВОНДО (корейсча: таэ—оёқ, квон—қўл, до—йўл, яъни оёқ ва қўлларнинг ҳаракат йўли) — спорт кураши тури. Бунда эркак ва аёллар белгиланган майдончада ўз вазн тоифаларида (ҳимоя воситаларида) якка-ма-якка олишиш ва махсус машқларни бажариш маҳоратини намойиш этиш борасида якка ва жамоавий тарзда оёқ-қўлларда зарбалар бериш ёки зарба ҳаракатларини қайд этиш бўйича мусобақалашадилар. Т.да мусобақалар 2 йўналишда — Халқаро таэквондо федерацияси (ITF; 1966 й. тузилган, 140 дан ортиқ мамлакат аъзо) ва Жаҳон таэквондо федерацияси (WTF; 1973 й. тузилган, 140 дан ортиқ мамлакат аъзо) йўналишларида ташкил этилади. Т. асли корейс халқининг кураш тури ҳисобланади. Милоддан 600 й. илгари корейслар жанг қилиш ва ҳимояланиш воситаси сифатида унинг усулларини қўллаганлар. Т.нинг ривожланишида субак, хваран ва б. кураш йўналишлари муҳим роль ўйнади.

Таэквондонинг ITF йўналишига 1955 й. КХДРда асос солинган. Бу йўналишда спортчиларнинг бошга тепиши, белдан пастга зарба бериш, умуман, тананинг рухсат этилган қисмига ҳам оёқ б-н тўлиқ зарба бериш тақиқланган. Шунингдек, қўл б-н ҳам кучли зарба беришга рухсат этилмайди. Мусобақалар (5 та вазн тоифасида) 2 бўлимда (ҳар бўлим 2 мин.дан, танаффус — 1 мин.) давом этади. Аниқ зарбаларга очко берилади. Махсус машқларни бажаришга маълум вақт ажратилади ва ижро техникаси баҳоланади.

Таэквондонинг WTF йўналишига 1961 й. Корея Республикасида асос солинган. 2000 й. таэквондо (WTF) Сидней олимпиадаси дастуридан ўрин олди. Таэквондо (WTF) спортчиларининг қўл-оёқларда тананинг белдан юқори, олд қисмига зарбалар беришга рухсат этади. Мусобақалар (8 вазн тоифасида) спортчиларнинг ҳимоя воситаларини кийган ҳолида ташкил қилиниб, 3 бўлимда (ҳар бўлим 3 мин.дан, танаффуслар — 1 мин. дан) давом этади. Аниқ зарбаларга очко берилади. Ғолиб нокаутга ёки очколар кўплигига қараб аниқланади.

Ўзбекистонда таэквондо (ITF) 1989 й.дан оммавийлашди. Ўша йили Ўзбекистон таэквондо (ITF) федерацияси тузилди ва ITFга қабул қилинди. Бу федерация 2000 й.да Ўзбекистон таэквондо (ITF) миллий ассоциацияси номи б-н қайта рўйхатдан ўтди. Унинг вилоятларда бўлимлари тузилган. 40 дан зиёд таэквондо (ITF) клублари фаолият кўрсатади. 200 дан ортиқ мураббий 50 мингдан кўпроқ Т.чи б-н шуғулланмоқда (2004). ЎзРда таэквондо (ITF) мусобақалари мунтазам ўтказилади ва ўзбекистонлик спортчилар халқаро мусобақаларда ҳам иштирок этишади. Пўлат Усмонов, Валерий Пак, Виктор Николаев ва б. таэквондо (ITF) нинг Ўзбекистондаги дастлабки тарғиботчилари бўлишган. Эндиликда улар етакчилигида Ботир Мамедов, Дмитрий Ним, Насриддин Толипов, Шаҳноза Шуҳратжонова, Алефтина Ким, Моисей Ногай каби ўнлаб спортчилар Осиё ва жаҳон чемпионатлари, нуфузли мусобақаларда совриндорлар қаторидан ўрин олишади. Таэквондо (WTF) Ўзбекистонда 1990 й.дан оммавийлашди ва ўша йили республика таэквондо (WTF) федерациясига асос солинди. Бу федерация 1992 й.да Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси номи б-н қайта рўйхатдан ўтди ва 1993 й.да WTFга аъзо бўлди. Унинг вилоятларда бўлимлари бор, 10 та шаҳар таэквондо (WTF) клуби, туманлардаги тўгаракларида 200 га яқин мураббий 17 мингдан зиёд Т.чи б-н машғулот олиб боряпти (2004). Ўзбекистонда таэквондо (WTF) мусобақалари мунтазам ўтказиляпти ва спортчиларимиз халқаро мусобақаларда ҳам қатнашяпти. Олек Пак, Азиз Ли, Алексей Кан ва б. таэквондо (WTF) нинг юртимиздаги дастлабки тарғиботчилари бўлишган. Евгений Хан, Эдуард Хегай, Равшан Тошпўлатов, Умид Дадахонов, Санжар Мансуров, Наталья Микрюкова каби спортчилар Осиё ва жаҳон чемпионатлари, нуфузли мусобақаларда медалларни қўлга киритишган.

Асрор Мўминов.

ТАЯММУМ (араб.) — поклашнинг бир тури. Сув бўлмаганда қум ёки тупроқ б-н таҳорат қилиб, рамзий поклаш. Т.да 4 фарз бор: ният қилиш; тупроқнинг тоза жойини танлаш; икки қўлни тупроққа уриб, юзга суриш (авал чап қўл б-н ўнг қўлга, сўнг ўнг қўл б-н чап қўлга масҳ тортилади); яна кафтларни тоза тупроққа уриб, икки қўлни тирсакларигача масҳ қилиш (уч маротаба).

ТАЯНЧ БУРҒИЛАШ — Ер пўстининг геологик тузилишини чуқур бурғи қудуқлари (ўртача 2,5—3,0 км ва ундан чуқур) қазиш б-н ўрганиш усули. Қудуқ кесимини геофизик, геокимёвий, гидрогеологик ва б. методлар мажмуаси орқали муфассал ўрганилиши б-н бурғилашнинг бошқа турларидан фарқ қилади, Т.б., асосан, ҳудудларнинг умумий геологик шароитини ўрганиш, нефть-газлилигини башоратлаш ва баҳолаш учун ишлатилади. Регионал геофизик тадқиқотлар (сейс-моразведка, аэромагнитразведка, гравиразведка ва б.) маълумотларига таяниб, структуралар мавжудлиги таҳмин қилинган жойларда амалга оширилади. Бурғилаш ишлари, одатда, кристаллик пойдеворига етгача, улар чуқур жойлашган жойларда эса, бурғилаш қурилмасининг техник имкониятидан келиб чиқиб бажарилади. Бурғилаш, асосан, кери олиш йўли б-н амалга оширилади. Т.б.да бажарилган тадқиқотлар ёрдамида қатламларнинг геологик ва литологик тузилиши, уларнинг ёши, коллекторлик хусусиятлари, кесимда нефть, газ ва б. фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги аниқланади. Т.б. маълумотларига асосланиб, келгусида ги бажариладиган регионал ва локал геологик қидирув ишлари лойиҳаланади. Хорижда тоғ жинслари стратиграфияси ва нефть-газлилигини ўрганиш мақсадида Т.б.дан фойдаланилади, баъзан улар стратиграфик қудуқлар деб ҳам аталади (яна қ. *Ўта чуқур бурғилаш*). Ҳоз. тон ҳудудларида ўрта масштабли (1:200000) геологик съёмкалар ўтказилганлиги муносабати б-н Т.б.дан кам фойдаланилади.

ТАЯНЧ ЮЛДУЗ — координаталари аниқланиши керак бўлган осмон объектлари (майда сайёра, *кометалар*, *Ер сунъий йўлдошлари*) атрофида танлаб олинган ва координаталари маълум бўлган юлдуз. Космик навигация масалаларини ҳал қилишда (астрономик усул) мўлжал вазифасини бажаради. Қуёш, сайёралар ва энг ёрқут юлдузлар Т.ю. бўла олади. Мас., энг қулай Т. ю. осмоннинг жанубий қисмидаги Канопус юлдузидир; у эклиптика текислигига перпендикуляр бўлган чизиқ яқинида жойлашган.

ТАҚА — от, эшак ва б. туёқли уй ҳайвонларининг туёқларини механик шикастланишдан асраш учун қоқиладиган металл мослама. Тобланган мустаҳкам углеродли пўлатдан қилинади. Темирчилик устахоналарида темирчилар томонидан қоқилади.

ТАҚВИМ (араб.) — қ. *Календарь*.

ТАҚВОДОРЛИК (араб. тақво — сақланиш, ҳудодан қўрқиш) — барча динларда ўта диндорликни ифодаловчи тушунча. Қуръон ва ҳадисларда Аллоҳ иродасига хос хусусиятлар б-н талқин этилади. Исломда расман эътироф этилган *ақидалардан* бири. Христианликда ва исломда Т. худонинг азалий илми ва қудрати тарзида изоҳланади.

ТАҚИНЧОҚЛАР — *зарғалдоқ* санъатида яратиладиган безак буюмлари; қ. *Зеб-зийнат буюмлари*.

ТАҚИР — 1) чўл ва чала чўл зоналарида лойтупроқдан таркиб топган ва вақт-вақти б-н сув босадиган ғилли аллинг пастликлар. Ёғинли мавсумда юзаси юпқа сув б-н қопланиб, сув бутланиб кетгач, Т. ёрилиб, ўсимлик ўсмайдиган қатқалоққа айланади. Шундай шароитда вужудга келган тупроқларга *тақир тупроқлар* дейилади. Т. майд. бир неча м² дан 10—12 км² гача бўлади; 2) чўллардаги аллинчоғ пастликларда тўб жинси қумоқли-соз тупроқдан иборат бўлган, автоморф шароитларда ривожланган тупроқ типи. Юзасининг полигонал ёриқли қобиқ (қатқалоқ) б-н қопланганлиги, қисман гумус борлиги (0,5% гача), шўрхоклиги (шўрланиши хлорид-сульфатли ва сульфат хлоридли) Т.нинг муҳим белгиларидир. Т.да ўсимликлар деярли ўсмайди. Тупроқ профили қалинлиги 30—40 см дан ошмайди. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Монголия, Ғарбий Осиё, Шим. Америкада тарқалган. Т.ни ўзлаштириш қиммат турадиган мелиорация тадбирлари б-н боғлиқ.

ТАҚИР ТУПРОҚЛАР — чўл зонаси дарёларининг қадимги дельталари ва водийлари, аллювиал террасалар, шунингдек, пролювиал ётқизиқли қияликлар тупроғи; тупроқнинг майда ёриқлар б-н қопланган, 1,5-2 см қалинликдаги пушти ёки оч кулранг қавати. Ўзбекистонда Амударё б-н Қашқадарё дельталари, Зарафшон ва Сурхондарё водийларида учрайди. Т.т. Ўзбекистон тупроқшунослари (Горбунов Б.В., Кимберг Н.В.) томонидан 4 та типчага ажратилган (1962): тақир—ўтлоқи тупроқлар, тақирсимон тупроқлар, тақирлар, тақирсимон қолдиқ — ботқоқ тупроқлар. Юзасининг полигонал ёриқли қобиқ (қатқалоқ) б-н қопланганлиги Т.нинг характерли белгисидир. Суғориладиган Т.т.даги мавжуд агроирригацион қават суғориб деҳқончилик қилиш даврига, ерга солинган маҳаллий ўғит ва чиқиндиларга, шунингдек, оқар сувнинг лойқалик даражасига қараб, 30—40 см, 1 ёки 2 м қалинликда бўлади. Агроирригацион қават ранги, механик таркиби, қовушқоқлиги ва кимёвий хоссалари бир хил бўлган яхлит горизонт ҳосил қилади. Бундай тупроқлар Бухоро вилоятида, Қарши ва Шеробод чўлларида учрайди. Қарши чўлидаги Т.т. ҳайдалма (0—30 см) қаватнинг ҳар гектарида 22—40 т чиринди, 2—3 т азот, 4—7 т фосфор бор. Т.т. ҳар хил даражада шўрланган.

ТАҚЛИД (араб. — ўхшатиш, кўчириш, нусха олиш) — ижтимоий, маънавий ҳаётда, турмуш тарзида, касб-ҳунарда, бадиий ижодда ўзгаларга ўхшашга интилиш, эргашиш. Т. кўпинча санъат, бадиий-эстетик соҳа б-н боғлиқ. Эстетик Т. назариясини ишлаб чиқишга, унинг инсон тарбияси учун муҳим амалий аҳамиятга эталиги лишга уринишлар борасида *Сократ*, *Пифагор*, *Платон*, айниқса, *Аристотель* қарашлари диққатга сазовор. Аристотел «Метафизика», «Поэтика» («Шеър санъати», «Риторика» («Но-

тиқлик санъати»), «Физика» асарларида Т.га эстетик тамойил сифатида қаради, Т.нинг шаклланган назариясини яратди. Унинг фикрича, санъат моҳиятан Оламий ақлга, илоҳий ва табиий оламга бўлган Т.нинг маҳсулидир. *Форобий* ва *Ибн Сино* Аристотелнинг Т. назариясини шарҳлаб, уни юксак поғонага кўтарди. Форобий «Шеър санъати» рисоласида «шеър бирор нарсага Т. қилинган сўзлардан ташкил топиши керак», дейди. Ибн Сино «Фан аш-шеър» асарининг иккинчи фаслини Т. назариясига бағишлаган.

Инсоният тарихида бутун бир маданий-эстетик даврлар Т. б-н боғлиқ; мазкур даврлар жамиятлари тараққиётида Т. катта из қолдирган. Қад. Рим маданиятининг Юнонистон маданиятига тақлидан ривожланганлиги бунинг яққол мисолидир.

Психологияда Т. янги, намунавий нарсалар ва ҳодисалар ташқи кўринишига асосланган ҳолда уларни эгаллашга интилиш жараёни. У барча ёшдаги инсонларга хос хусусиятдир. Т.нинг ташқи ўхшашлигига қарамасдан, ҳар бир ёш давридаги Т. ўзига хос хусусиятларга эга. Илк болаликда олам Т. орқали катталар б-н дастлабки алоқа, мулоқот ўрнатишга интилади. Мактабгача ёшда инсон фаолиятининг муҳим таркибларига киришга ҳаракат қилади. Болалар сюжетли, ролли ўйинлар ижро этишда ошкора вояга етганлар ҳаёти ва фаолиятига, хулқ-атворига кириб боради, воқелик, вазият моҳиятини акс эттира бошлайди. Ўсмирлик ёшида катталарга ёки тенгдошларига ўхшашликка интилиш орқали ўзи учун аҳамиятли шахс фазилати, хулқ-одобини ўзлаштиради. Ўспиринларда касбий фаолиятга Т. қилиш кучлироқ акс этади. Вояга етган одамлар ҳам Т. қилишга мойилдирлар. Улар юриш-туришда, иш юритишда, иморат қуришда, кийинишда, спортда ва ш.к.да Т. қилишга интиладилар.

Абдулла Шер, Эргаш Ғозиев.

ТАҚЛИД (араб. — ўхшатиш, ўхшатма; ясама; анъана), тақлидчилик — 1) муайян бадиий, илмий йўналишга, унинг намояндаларига хос ғоя ва усулларни тушуниб-тушунмай, гайриихтиёрий қайтариш, такрорлаш. Т. анъаналарга ижодий эмас, балки механик ёндашади, у шоир ёки ёзувчини ижодий мустақиллик, ўзига хосликдан маҳрум этади. Т.ни бадиий ижоддаги анъаналарга эргашиш, мавжуд анъаналарни ривожлантирган ҳолда уларни янгилаб боришдек издошликдан фарқлаш керак (Мас., Навоийнинг Жомий ва б. шоирлар ғазалларига *татаббу*лари, Муқимий ва Фурқатнинг Навоий ва Фузулий ғазалларига *тахмис*лари ижодий излошликнинг намуналаридир). Сарой адабиётига хос Т.нинг айрим кўринишларини Амир Умархон ва Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) даврилаги баъзи сарой шоирлари ижодида учратиш мумкин; 2) театрда — оғзаки драматургия; анъанавий масхарабоз ва қизиқчилар театрининг жанри. Унда ижрочилар ўз тана ҳаракатлари, юз ифодалари, кўз қарашлари (мимика), товушлари ва сўзлари орқали қуш ва ҳайвонларнинг, баъзан одамларнинг хатти-ҳаракатларини, ўзаро муносабатларини кулгили қилиб тасвирлайдилар, шунингдек, ижтимоий ҳаёт ва турмушдаги баъзи воқеаларни бўрттириб кўчириб, томошабинларда кулги уйғотадилар (яна қ. *Муқаллид*).

ТАҚЛИД СЎЗЛАР — маъно ва шаклий хусусиятларига кўра, алоҳида гуруҳни ташкил қилувчи, кишилар, ҳайвонлар ва б. жонли, жонсиз нарсаларнинг товушини, ҳаракат-ҳолат образини тақлидан ифодаловчи сўзлар. Т.с.нинг баъзилари товушга тақлидни билдиради, баъзилари эса ҳаракат-ҳолат ва ҳодиса образига тақлидни кўрсатади. Шунга кўра Т.с. нинг 2 тури фарқланади: товушга тақлидни билдирадиган сўзлар; образ (тасвир)га тақлидни билдирадиган сўзлар. Товушга Т.с. эшитиш б-н, образга Т.с. кўриш б-н алоқадордир, яъни товушга Т.с. ифодалаган товушни фақат эшитиш мумкин (қарс-қурс, тақ, дук-дук, гийқ, миёв каби); образга Т.с. ифодалаган ҳолат, ҳаракатни фақат кўриш мумкин (живир-живир, лип-лип, ялт-юлт, ҳанг-манг каби).

ТАҚРИБИЙ ФОРМУЛАЛАР — ҳисоблашларни муайян аниқликда бажаришга имкон берувчи формулалар. Аниқ қийматларни ҳисоблаш мумкин бўлмаган ёки мураккаб бўлган ҳолларда ҳамда назарий тадқиқотларда қўлланади. Мас., $n!=1\cdot2\cdot3...n$ (факториал) ни ҳисоблаш учун Стирлинг формуласи, аниқ интегрални ҳисоблаш учун Симпсон формуласи ва ҳ.к. Одатда, Т.ф. ҳисоблашни исталган аниқликда топишга имкон беради, лекин мат.да анча дағал Т.ф.лар ҳам қўлланади. Т.ф.лар компьютерлар ёрдамида ҳисоблашлар учун асосий воситадир.

ТАҚРИБИЙ ҲИСОБЛАШЛАР — мат. нинг амалиёт учун муҳим бўлими. Дифференциал тенгламалар, математик анализ, алгебра, оптимал бошқарув каби соҳаларда масалаларни ечиш усулларини ишлаб чиқади. Асосий масалалари: 1) бирор аналитик ифода б-н берилган функциянинг хусусий қийматларини аргументларининг берилган қийматларига қараб ҳисоблаш; 2) коэффициентлари сонлардан иборат бўлган алгебраик ва трансцендент тенгламалар ва шундай тенгламалар системасини ечишнинг Т.ҳ.и; 3) функцияларни дифференциаллаш ва интеграллашнинг тақрибий ҳисоблари. Т.ҳ. ёрдамида олинган натижа аниқлигига, асосан, яхлитлаш хатоси ва қўлланилган усул хатоси таъсир этади. Бу хатоликларнинг ҳисоблаш жараёнидаги таъсирини кузатиб бориш учун абсолют хато ва нисбий хато тушунчалари киритилган. Бирор миқлорнинг аниқ қиймати A б-н унинг тақрибий қиймати a орасидаги $\Delta a = |A - a|$ фарқнинг абсолют қиймати a сонининг абсолют хатоси, $\delta a = \frac{\Delta a}{|a|}$ нисбат эса a сонининг нисбий хатоси дейилади. Кўпинча, нисбий хато фоизларда ифодаланади. Т.ҳ.да турли математик жалвалдар ва замонавий ҳисоблаш техникалари муҳим воситадир.

ТАҚРИЗ (араб. — ижобий баҳо) — адабий танқид жанри; янги бадиий, илмий ёки илмий-оммабоп асар таҳлили. Т.да асарнинг библиографик тавсифи, шунингдек, мазмуни, унда кўтарилган муаммолар, асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, муаллиф ижодида, адабиётда тутган ўрни ҳақида маълумот бўлади; асарга баҳо берилади, унинг асосий фазилатлари ва нуқсонлари қайд қилинади. Т. асосан кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланади, уларни янги асарлардан огоҳ қилади, зарурини танлаб олишга кўмаклашади. Ички Т. ҳам бўлади. Мас., нашриётга келган бадиий, танқидий ва илмий-оммабоп асар ички Т.га берилади, бироқ бу Т. матбуотда эълон қилинмайди.

Рус танқидчилиги тарихида Т.нинг ривожида В.Г.*Белинский*нинг роли катта. У Т.ни ҳақиқий санъат даражасига кўтарди. Т. бадиий асар ҳақида шунчаки маълумот берувчи жанр даражасидан адабий ҳаётнинг муҳим масалаларини кўтарувчи, китобхонни ҳаёт ва адабиёт ҳақида ўйлашга ўргатувчи, унинг эстетик дидини тарбиялашга ёрдам берувчи жанрга айланади. Т. характерига кўра хилма-хил бўлади. Мас., кенгайтирилган аннотация типидаги Т.да асар ҳақида библиографик маълумот берилади. Танқидий ёки публицистик мақола Т.ларида конкрет асар муносабати б-н бирон муҳим масала ҳақида фикр юритилади. Эссе (адабий ўйлар) характеридаги Т.да тақризчи ўз фикр-туйғуларини, асарни ўқиш жараёнида ҳосил бўлган таассуротларини лирик тарзда ифодалайди. Ниҳоят, муаллиф ўз асарига ҳам Т. ёзиши мумкин (автотақриз). Бунда муаллифнинг асарга қарашлари баён қилинади ёки у бирон муносабат б-н мунозарага киришади.

Ўзбек адабиётида Т. 20-а. бошларида вақтли матбуот б-н тенг ривожлана бошлаган. Эндиликда Т. ўзбек адабий танқидчилигининг энг муҳим жанрларидан бўлиб қолди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода, Ғафур Ғулом каби ёзувчилар, О.Ҳошимов, С.Ҳусайн, Олим Шарафиддинов, В.Зоҳидов, И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, М. Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, У.Норматов, Н. Худойберганов, И.Ҳаққулов ва б. олимлар ўзбек адабий ҳаётида чуқур из қолдирган Т.лар яратдилар.

Озод Шарафиддинов.

ТАҚСИМ, раппорт — *наққошлик*да нақшнинг маълум тартибда такрорланувчи бўлаги. Ўрта Осиё нақшлари, жумладан, ўзбек миллий нақшлари, асосан, ана шундай такрорланувчи Т.лардан таркиб топади. Безатиладиган сатҳ Т. юзи деб аталади. Уста (наққош)лар Т. юзини қоғозга белгилаб, нақш мужассамотининг бир қисмини чизиб олади, чизма асосида нақшнинг *ахтас*ини тайёрлайди. Такрорланадиган Т. асосида безатилаётган юза тўлдириб чиқилади ва безатилади. Т. турлари: айланма Т. — доира ёки гумбазга мўлжалланиб, нақш мужассамотининг 1/4, 1/6, 1/8 . . . 1/12 ва ҳ.к. қисмини ташкил этади ва доира бўйлаб ёнма-ён такрорланади; тўғри Т. тўғри чизиқ бўйлаб такрорланади; чапу рост Т. ахтаси тўғри ва тескари алмашиниб такрорланади. Анъанавий наққошликда Т.нинг бу турлари, айниқса, *ислимий* ва *гириҳ* нақшларда кенг қўлланилади.



Тақсим.

ТАҚСИМЛАШ ВАЛИ — машина, асбоб, аппаратда операцияларнинг бажарилиш тартибини ва иш циклини таъминлайдиган қисм. *Ички ёнув двигателида* газ тақсимлаш механизмидаги деталь. Кулачокли вал деб ҳам аталади. Сиртида двигателнинг цилиндрлари сонига мос сонли кулачоклари бўлади. Т.в. машинанинг тирсакли валидан айланма ҳаракат олиб, двигатель клапанлари ва цилиндрларининг бир-бирига уйғунлашиб ишлашини таъминлайди. Иш машиналарида, мас., металл кесиш автоматстанокларида Т.в. дастурли қурилма сифатида қўлланади. Турли автоматларда Т.в. берилган дастур бўйича бажариладиган технологик ва иш жараёнларини бошқариш тизимига киради. Бундай тизимларда дастурни ўзгартириш учун Т.в. иш циклига мос равишда алмаштирса бўладиган ёки валда уёқдан буёққа суриладиган, зарур бурчакка буриладиган қилиб (экс-центриситетни ўзгартириб) ясалади.

Ички ёнув двигателидаги тақсимлаш вали (газ тақсимлаш механизми б-н бирга).

ТАҚСИМЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИ — 1) телефон алоқада — телефон ст-ясидан келувчи телефон кабели симларини магистрал (асосий) линиядан тақсимлаш (тарқатиш) тармоғига улаш учун мўлжалланган тақсимлаш қутилари (шкафлари). Шу ердан абонентларга алоҳида-алоҳида симлар жуфти тортиб кетилади. Т.қ.нинг кичик (10 жуфт телефон сими тортишга мўлжалланган); ўртача (10, 20, 30 жуфт симга мўлжалланган) ва катта (300, 600 ва 1200 жуфт симга мўлжалланган) хиллари бор. Телефон Т.қ. ёпиқ (эшикли) қути тарзида ясалади; қути ичида симлар жуфтига мос сонли улаш қисқичлари (клеммалари) бўлади; 2) электр энергетикасида — электр токи и.ч. манбалари (электр ст-яси генераторлари, трансформаторлар, ток кучланишини ўзгартиргичлар ва б.) дан келадиган электр энергиясини қабул қилиб, алоҳида истеъмолчилар (корхоналар, турар жойлар ва б.)га тақсимлаш (тарқатиш) учун мўлжалланган қурилма. Т.қ. таркибига: электр улаб-узгичлар, ажраткичлар, ток ва кучланиш трансформаторлари, ўлчаш асбоблари, йиғиш шиналари, электр реакторлари ва б. асбоб-ускуналар киради. Т.қ.нинг очиқ ва ёпиқ (бинолар ичидаги) турлари бўлади. Очиқ Т.қ. аппаратуралари бинодан ташқарига ўрнатилади. Бундай қурилмалар кучланиш 35 кВ ва бундан юқори бўлганда қўлланади. Кучланиш 35 кВ гача бўлганда Т.қ.нинг барча элементлари металл шкафлар ёки қобиқларга (комплект Т.қ. — КРУ) ўрнатилади. КРУ да ток ўтказувчи қисмларнинг изоляцияси сифатида чинни изолятор ва ҳаво, шунингдек, эпоксид изоляциядан фойдаланилади. Кучланиш 60 кВ ва бундан юқори бўлганда ихчам герметик КРУ қўлланади. Бунда изоляция сифатида элегаз (SF_6) ишлатилади (босим бир неча атмосфера).

ТАҚСИМОТ — ижтимоий такрор и.ч.нинг муҳим бўғини, и.ч.ни *айирбошлаш* ва *истеъмол* б-н боғловчи муносабатлар тизими; иқтисодий ресурслар, яратилган маҳсулот ва хизматларни, уларнинг қиймат шакли ҳисобланган даромадларни иқтисодиёт субъектлари ўртасида тақсимланишига хос бўлган иқтисодий муносабатлар.

Ҳар бир мамлакат ва жамиятда иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзига хос Т. тизими бўлиб, унга тақсимлаш объекти (ресурслар, маҳсулот ва хизматлар), тақсимлаш субъекти — иштирокчилари, тақсимлаш қонун-қоидалари, тақсимлашда иштирок этувчи воситачи инт-лар, тақсимотга оид қонунчилик, Т. сиёсати киради.

Т. ишлаб чиқариш ҳосиласи, бироқ у и.ч.га нисбатан пассив бўлмайди, аксинча унга фаол таъсир этади. Тарихан Т.нинг 3 усули борлиги кузатилади. Анъанавий усул, унга хос белги —ресурсларнинг, яратилган маҳ-

сулот ва хизматларнинг азалдан амал қилаётган урф-одатларга биноан тақсимланишидир. Мас., Ўрта Осиёда ижарачи деҳқон — коранда олган ҳосил деҳқон б-н ер эгаси ўртасида оғзаки келишувлар, мавжуд таомилларга кўра тақсимланган, деҳқон ўз улушидан *ўлпон* тўлаган, *кафсан* улашган ва ҳ.к.

Бозор усули — бу усулда ресурслар бозордаги *талаб ва таклиф*нинг ҳолатига қараб тақсимланади, ресурслар талаб кам ердан талаб кўп жойга ўтади. Т.нинг бозор усули устивор бўлса-да, унинг нобозор усули ҳам қисман мавжуд бўлади, бунда хайри-эҳсон қилинади, муҳтожларга ёрдам кўрсатилади. Режали усулга кўра иқтисодий ресурслар давлат идоралари томонидан юқоридан туриб, ягона давлат режасига биноан тақсимланади. Марказлаштирилган иқтисодиётда ресурслар, пул маблағлари, маҳсулотларни режали тақсимлаш макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражаларда иқтисодиётни бошқаришнинг энг муҳим қуроли ҳисобланади. Режали Т. марказлашган, маъмурий Т. бўлиб, ресурсларни, яратилган маҳсулот ва хизматларни, даромадларни эҳтиёжни ҳисобга олиб эркин тақсимланишига йўл бермайди. Бу табиатан бир текисда тақсимлаш бўлиб, иш натижаларини ҳисобга олмаганидан иқтисодий ўсишга етарли стимул бермайди. Собиқ социалистик мамлакатларда (жумладан СССРда) 1917—1990 йиллар мобайнида амал қилган.

21-а. бошига келиб Т.нинг бозор усули умуминсоний ва устивор усулга айланди. Бозор шароитида ресурсларни талаб-таклиф қонунига кўра тақсимланиши муҳим бўлса-да, даромадларга товар ва хизматлар айирбошланиши сабабли и.ч. натижаси бўлган даромадларни тақсимлаш гоят катта аҳамиятга эга. Бозор тизимига хос тақсимот қонунига кўра даромадлар иқтисодиёт иштирокчилари ўртасида улар ихтиёридаги ресурсларнинг миқдори, сифати ва ишлатилиш самарасига қараб тақсимланади. Бундай тақсимотга кўра иш кучи эгалари *иш ҳақи* ва турли мукофотлар олади, талбиркорлар капитал соҳиби сифатида *фойда* кўради, пул эгалари *фоиз*, ер эгалари *рента* оладилар. Т. дастлаб и.ч. фаолияти б-н боғлиқ соҳаларда юз беради ва бу бирламчи Т. ҳисобланади, унинг натижасида бозор Т. усули ҳосил этган даромадлар ҳисобланадиган асосий даромадлар юзага келади, бу таркибан иш ҳақи, фойда, рента ва фоиздан, шунингдек, ижтимоий сугурта фондига бадаллар, билвосита солиқлардан иборат. Бирламчи тақсимлашда давлат ҳам иштирок этади. Давлат иқтисодиёт иштирокчиси сифатида жамиятга бепул ижтимоий неъматлар-хизматлар етказиб бергани учун ва фуқаролик жамиятига хизмат қилувчи сиёсий институт бўлганидан даромадларнинг бир қисмини солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида *бюджет*га олади.

Иккиламчи ёки қайта тақсимлаш юз берганда асосий даромадлар уларнинг соҳиблари б-н жамиятнинг бошқа аъзолари ўртасида тақсимланади (бевосита солиқлар, дивидендлар, субсидиялар, ижтимоий тўловлар), натижада ҳосила даромадлар юзага келади. Қайта тақсимлаш молия ва кредит механизми орқали юз беради. Бунда давлат, фирма, хонадон, нодавлат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар молияси асосий роль ўйнайди. Улар турли молиявий ажратмалар ташкил этадилар. *Давлат бюджети*дан давлат пенсияси, субсидиялар, нафақа ва ёрдам пули ажратилиб, улар хонадонлар, фирмалар ва нодавлат ташкилотларга берилади ва ўша субъектлар томонидан қайта тақсимланади.

Аҳмаджон Ўлмасов, Рустам Ҳасанов.

ТАҚСИМОТ (математикада) — эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг асосий тушунчаларидан бири. Тасодифий борлиқнинг математик модели сифатида эҳтимоллик фазоси (Ω, A, P) олинади. Бунда Ω — элементар ҳодисалар фазоси, A тўплам Ω нинг тўплам остиларидан тузилган, σ — алгебра ва P эса A да аниқланган эҳтимоллик ўлчови бўлиб, у $P(\Omega)=1$ шартни қаноатлантиради. (Ω, A) да аниқланган ихтиёрий шундай P ўлчов Т. деб аталади. Т.нинг А. Н. Колмогоров аксиомалари орқали бундай аниқланиши умумий бўлса-да, амалиётда, одатда, Ω тўплам соддароқ бўлган ҳоллар кўп учрайди (мас., Ω тўплам кўпи б-н саноқли тўплам бўлган ҳол).

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистиканинг аниқ масалаларида учрайдиган Т., одатда, дискрет, яъни алоҳида эҳтимолликлар б-н аниқланади (мас., биномиал, геометрик, полиномиал ва Пуассон тақсимотлари) ёки зичлик функциялари б-н аниқланувчи абсолют узлуксиз типдаги (мас., нормал, кўрсаткичли, текис) тақсимотлардир. Баъзи тақсимотлар тасодифий миқдорларни функционал алмаштириш натижасида ҳосил бўлган тасодифий миқдорларнинг аниқ ёки асимптотик (лимит) тақсимоти сифатида ҳам ҳосил қилиниши мумкин. Бундай тақсимотлар (*хи*-квадрат тақсимот, Стьюдент тақсимоти, Фишернинг F-тақсимоти) одатда, математик статистикада кенг қўлланилади. Табиат, жамият, иқтисодиёт ва ш.к. соҳаларда учрайдиган тасодифий жараёнларни ифодалашда ҳосил бўлувчи Т.лар, одатда, номаълум бўлиб, улар ўрнига статистик аналоглари — эмпирик Т. қўлланилади. Бу Т.лар тасодифий миқдорларнинг сонли характеристикаларини (математик кутилма, дисперсия, корреляция) тақрибий аниқлаш (статистик баҳолаш)да ва статистик гипотезаларни текширишда кенг қўлланилади.

ТАҚЧИЛЛИК, дефицит (иқтисодиётда) — илгари белгиланган, режалаштирилган ёки зарур даражадаги маблағ, ресурс, товарларнинг етишмаслиги, танқислиги. Т.нинг ялпи миллий маҳсулот тақчиллиги, товарлар тақчиллиги, *бюджет тақчиллиги*, тақчил молияштириш, тақчил иқтисодиёт каби кўринишлари мавжуд. Т. ҳар қандай даражада иқтисодий мувозанатни бузади, қарзларнинг тўпланиб боришига сабаб бўлади.

Товарлар ва хизматлар Т.лиги халқ истеъмол моллари ва хизматларининг аҳоли талаб-эҳтиёжларини қондириш учун етишмаслиги, уларни етарли даражада ишлаб чиқармаслик оқибатида юзага келади. Товар тақчиллиги иқтисодиётнинг беқарорлиги, ундаги мутаносибликнинг бузилиши, такрор и.ч.нинг издан чиқиши оқибатидир. Уни бартараф этиш учун товар и.ч., товар импорти бозор талабига қараб кўпайтирилади.

Бюджет харажатлари даромаддан ортиб кетса бюджет тақчиллиги юзага келади. Бундай Т. макроиқтисодиёт даражасида инфляция жараёнининг ривожланиб бораётганини, давлат молиясининг инқироз ҳолатида эканлигини кўрсатади. Давлат бюджетида Т. бюджетнинг даромад қисмида 20%гача ёки ялпи миллий маҳсулотнинг 7—8% гача бўлишига йўл қўйилади.

ТАҚЯТУЗИ, тақядўзи (араб. тақя — дўппи) — заргарлик буюми; хоразмлик аёлларнинг бош кийимига мустаҳкамланадиган тақинчоқ. Т., асосан айлана, шунингдек мурабба, 6, 8 қирали шаклдор пластинадан тузилган, пластина атрофи гир айланасига металл, маржон ва қимматбаҳо тош мунчоқ ва япроқчалар б-н якунланадиган узун металл занжирли шокилалар б-н ўралган. Т. юзаси босма, кандакори ва шабака усулида нақшлар б-н, айримлари атрофи феруза кўзлар б-н ҳошияланган йирик ва майда қимматбаҳо тошлар қадаб безатилади, марказида пар ўрнатиладиган найчаси ҳам бўлади. Т. пластинаси атрофи 2 қатор феруза ёки зиғирақлар б-н ҳошияланади. Т. бош кийимини бутунлай қоплаб беркитиб туради. Қизларнинг сепига кирган Т. хоразм усталарининг юксак маҳоратини намойиш этади.

Тақятуз (19-а. 2-ярми. Хоразм)

ТАҚҚОСЛАМА — a ва b бутун сонларнинг $(a-b)$ айирмаси берилган бутун m сонига бўлинишини кўрсатувчи муносабат. $a \equiv b \pmod m$ каби белгиланади. m сони Т.нинг модули дейилади, Мас., $11\equiv 2 \pmod 3$, чунки $(11-2)$ айирма 3 га бўлинади, m модуль бўйича таққосланадиган a ва b сонларини $a=qm+r$ ва $b=tm+r$ кўринишида ёзиш мумкин. Шу сабабли улар тенг қолдиқли Т. деб ҳам аталади. Т.нинг кўп хоссалари тенгликларнинг хоссаларига ўхшашдир. Мас., бир хил модулли Т.ни ҳаддлаб қўшиш, айириш ва кўпайтириш мумкин, яъни $a \equiv b \pmod m$ ва $c \equiv d \pmod m$дан $a+c \equiv b+d \pmod m$, $a-c \equiv b-d \pmod m$, $ac \equiv bd \pmod m$ келиб чиқади. Сонлар назариясида $f(x) \equiv 0 \pmod m$ ($f(x)$ — бутун коэффициентли кўпҳад) кўринишидаги ва ундан ҳам умумийроқ Т.ни ечиш, яъни Т.ни қаноатлантирадиган барча бутун сонларни излаш усуллари қаралади. Т. назариясини немис математиги К. Гаусс ишлаб чиққан.

ТАҲОРАТ — намоз ўқиш, ибодат олдидан ювиниш, покланиш. Исломда Т.нинг икки тури мавжуд: вузуъ — кичик таҳорат — қўл-оёқ ва юзни ювиш; ғусул — катта таҳорат — тўла ювиниш, чўмилиш. Т.нинг 4 та фарзи бор; юзни ювмоқ; икки қўлни тирсак ила қўшиб ювмоқ; икки оёқни тўпиғи ила қўшиб ювмоқ, бошнинг тўртдан бир қисмига масҳ тортиш — икки қўлни ҳўллаб суртмоқ. Бу фарзлардан бирортаси бажарилмаса, Т. ҳақиқий бўлмайди. Т.нинг фарзларидан бошқа унинг суннат ва вожиблари ҳам бўлади. Т. олдиган ҳар бир кимса сувни керагидан ортиқ ҳам, оз ҳам сарф қилмаслиги; сувни юзга шапиллатиб сочмаслиги; Т. қилаётганда ўринсиз гаплашмаслиги; инфлюс ерда Т. олмаслиги керак. Т. қилиш учун сув топилмаса *таяммум* қилинади. Т.и бор кишида қуйидаги ҳолатлардан бири юз берса Т. и бузилган ҳисобланади: вужуднинг бирон еридан қон, йиринг, сув чиқса; оғзи тўлиб қусса; тупурган вақт тупугини ярмидан кўпи қон бўлса; кичик ва катта ҳожатга борса ва орқадан ел чиқарса; бехуш ёки маст бўлса; намоз вақтида кулса; уҳласа. Т.ни бузадиган ҳолатлар рўй берса, Т.ни бошқатдан қилиш лозим бўлади.

Тбилиси. Эски шаҳар қисми.

ТАҲРИР — матбуотда босиш, радио, телевиденнедан ўқиш, кўрсатиш ва б. мақсадлар учун мўлжалланган матннинг таҳририят ходими (муҳаррир, адабий ходим ва б.) томонидан ишлаб чиқилиши жараёни. Шартли равишда адабий, илмий, сиёсий Т. фарқланади. Асарнинг мазмуни устидаги Т. илмий ва сиёсий Т. ҳисобланса, қўлёзманинг шакли (композицияси ва услуби) устидаги Т. адабий Т. ҳисобланади. Амалиётда Т. — ягона ижодий жараён бўлиб, муаллифнинг ўзига хос услубини сақлаган ҳолда мазмун ва шаклда мукаммалликка эришиш мақсадига қаратилади. Нашрнинг бадиий безаги ва безак материалларини тайёрлаш жараёни бадиий Т., матнни матбаада қандай териш (шрифт тури, ўлчами ва б.), қандай саҳифалаш ва б.ни белгилаб бериш техник Т. дейилади. Нашрликда китоб қўлёзмасини тайёрлашда муҳаррир бадиий ва техник муҳаррирлар б-н биргаликда ижодий иш олиб боради.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ — босма нашрлар (газ., журнал, илмий китоб, энциклопедик нашр ва б. асарлар)ни тайёрлашга илмий-методик раҳбарликни амалга оширувчи орган. Т.ҳ. нашр фанларни ҳал қилади. Т.ҳ., одатда, нашр муассислари, раҳбарлари томонидан тузилади. Давлат аҳамиятига молик муҳим нашрлар Т.ҳ. давлат раҳбари томонидан тасдиқланади ва ўз низомига мувофиқ иш юритади.

ТАҲРИРИЯТ — оммавий ахборот воситалари (матбуот, нашриёт, радиоэшиттириш, телевидение, кино ва б.)нинг тармоқ, мавзу, ҳудудий ёки тил таомили бўйича ихтисослашган бўлинмаси.

ТБИЛИСИ (1936 й.гача русча транскрипциясида — Тифлис) — Грузия пойтахти. Йирик индустриал, илмий ва маданий марказлардан бири, транспорт тугуни. Тбилиси сойлигида, Кура дарёсининг ҳар иккала соҳилида, 406—522 м баландликда жойлашган. Янв.нинг ўртача т-раси 0,5°, июлники 24,2°. Йиллик ёғин 510 мм. Майд. 348,6 км². Аҳолиси 1280 минг киши [(2002 й.; шаҳар маъмуриятига қарашли аҳоли пунктлари б-н бирга — 1,5 млн. кишига яқин)]. Т. 8 туманга бўлинган.



Т. сўзи илиқ сувли булоқлар номи (грузинча «тбили» — илиқ)дан олинган. Т. шаҳар-қалъа сифатида илк бор йилномаларда 4-а.дан тилга олинади. Подшо *Вахтанг I* Горгасал даври (452—502)да Т. Шарқий Грузиянинг энг йирик иқтисодий марказларидан бирига айланган. Вахтанг I нинг ўғли Дачи шаҳар деворларини қуришни тугатиб (6-а. боши), пойтахтни *Мцхета*дан Т.га кўчирди ва уни Шарқий Грузия давлати бўлмиш Картлининг пойтахтига айлантирди. 7—11-а.ларда Т. арабларнинг, хазарлар, форслар, туркий-салжуқлар ҳужумига дучор бўлган, 8-а. 30-й.ларидан араб амирлигининг қароргоҳи. Грузияда Давид Биноқор подшолиги даврида Т. озод қилиниб (1122), бирлашган грузин давлати-



Шаҳарнинг умумий манзараси.

нинг пойтахтига айлантирилган. 12—13-а.ларда Т. Яқин Шарқнинг энг йирик савдо-ҳунармандчилик ва маданий марказларидан бири. 13—18-а.ларда Т. турли давлатлар таркибида бўлиб келди. 1801 й. Шарқий Грузия Россия империясига қўшиб олингач, Т. Грузия губерниясининг маъмурий маркази ва Кавказдаги рус қўшинлари бош қўмондонининг, 1845 й.дан эса Россия подшосининг Кавказдаги нойиб қароргоҳи бўлиб қолди. 19-а.нинг 2-ярмидан Закавказьеда т.й. қурилиши бошланиши б-н Т.да саноат корхоналари қурилиши тезлашди. Кўн-тери з-длари, тамаки ф-калари бунёд этилди. Бош т.й. устахонаси Т.даги энг катта корхона эди. 1921 й.дан Т. узил-кесил Грузиянинг пойтахти бўлиб қолди.

Т.нинг етакчи саноат тармоқлари — машинасозлик (станоклар, электровозлар, приборлар, қ.х. машиналари, электр техника буюмлари, авиация саноати маҳсулотлари ва б. и.ч.), металлсозлик, енгил (тўқимачилик, кўн-пойабзал, галантерия, тикувчилик ва б. корхоналар), озиқ-овқат (шу жумладан, вино-коньяк, шампан виноси тайёрлаш, мевасабзавот консервалари, тамакичилик, ёғмой, нон з-длари ва б.), ёғочсозлик, шиша ва чинни-фаянс, кимё ва кимё-фармацевтика, полиграфия саноатлари. Қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқарилади. Т.да термал сувлардан иссиқхоналарни иситишда фойдаланилади.

Т. — транспорт йўлларининг йирик тугуни. Ҳарбий Грузия йўлининг охирги пункти. Авиалиниялар орқали МДҲнинг деярли барча йирик марказлари б-н боғланган. Ички транспорт ривожланган — автобус (1933 й.дан), трамвай, троллейбус (1937 й.дан) қатнайди. 1966 й.дан метрополитен ишга туширилган. Дам олувчи ва сайёҳларни ташувчи канат йўллари бор. Бу транспорт йўллари шаҳарнинг марказий кўчаларини тоғли қисми билан боғлайди.

Т. Кура дарёси ва унинг террасалари бўйлаб 30 км га чўзилган. Шаҳарнинг жан.-шарқида тор кўчалар, ўрта асрларда қурилган 2—3 қаватли гиштин уйлари бўлган эски шаҳар жойлашган. Эски шаҳарда Нариқала харобалари (қадимги қисми 4-а., кейингиси 16—17-а.лар), тошдан қурилган Анчисхати (6—17-а.лар) черкови ва Метехи (1278—93) черкови, Сиони кафедрали собори (6—7-а.лар), Ростом подшосининг ҳаммомлари (17-а.) сақланган. Грузия ФА, 11 олий ўқув юрти (шу жумладан, 3 ун-т, консерватория), 14 театр (шу жумладан, опера ва балет театри), 20 дан ортиқ музей (шу жумладан, С. Жанашиа номидаги Грузия музейи, Грузия санъати музейи, Грузия картиналар галереяси, Грузия алабиёти музейи), Ботаника боғи, Давлат кутубхонаси, юздан ортиқ жамоат кутубхонаси, йирик нашриётлар бор. Т. — Закавказьеда туризмнинг йирик марказларидан. Шаҳарнинг жан.-шарқий қисмида Т. бальнеологик курорти жойлашган.

Т.да машҳур грузин ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, жамоат арбоблари (Александр ва Илья Чавчавадзелар, Н. Бараташвили, Акакий ва Георгий Церетели, Н. Николадзе, Нино Пиросманишвили, З. Палиашвили ва б.) ҳамда арман ва озарбайжон маданияти вакиллари (Х. Абовян, Г. Сундукян, О. Туманян, М. Ахундов, М. Шафи ва б.) яшаб ижод қилганлар. А. Грибоедов (Мтацминда тоғидаги пантеонда дафн қилинган). А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, М. Горькийларнинг номлари Т. б-н боғлиқ.

ТБИЛИСИ АМИРЛИГИ — Грузияда ўрта асрларда мусулмон амирлари бошқарган давлат. 8-а.нинг 30-й.ларида Шарқий Грузияда ўрнашиб олган араблар, қароргоҳи Тбилиси бўлган амирлик барпо этганлар. Дастлаб амирга Шарқий Грузиянинг барча ҳудуди тобе бўлган, лекин кейинчалик грузин халқининг қураши оқибатида Т.а. ҳудуди қисқарган. 9-а. бошига келиб амир қўл остида фақат Картлининг ўзи қолган, 11-а.да эса, Тбилиси ш. ва унинг атрофидаги туманлар амирликка тобе бўлган, холос. 9-а. бошида амирлар Халифаликдан ажралиб мустақил бўлиш учун кураш бошлашган. 9-а.нинг 80-й.ларида улар бунга эришганлар ва 11-а. охирига қадар мустақилликларини сақлаб қолганлар. 9—10-а.ларда Т.а. илк ўрта аср грузин давлатларининг грузин ерларини бирлаштириш учун олиб борган курашларида иштирок этган. 11-а.нинг 30-й.ларида Тбилисидаги ҳокимият шаҳар эзгинлари қўлига ўтган. 1122 й. шаҳарни шоҳ Давид Биноқор бошчилигидаги грузин қўшинлари эгаллаган ва Тбилиси бирлашган Грузиянинг пойтахтига айланган.

ТБИЛИСИ УНИВЕРСИТЕТИ. Э. Жавахишвили номидаги Тбилиси университети — Грузиядаги йирик олий ўқув юртларидан бири. 1918 й. тарихчи олим, акад. И. А. Жавахишвили бошчилигидаги грузин олимлари ташаббуси б-н ташкил этилган. 1930-й.ларда Т.у. негизида қ.х.-политехника, пед., тиббиёт ин-тлари, шунингдек бир қанча и.т. муассасалари ташкил топган. 1990 й. мустақил илмий-ўқув муассасаси сифатида қайта ташкил этилган. Физика, мат., кимё, биол., психология, геол., фалсафа, геогр., тарих, филол., иқтисодиёт, ҳуқуқ ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонасида 3 млн.га яқин асар бор. 12 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ТВАРДОВСКИЙ Александр Трифонович [1910.8(21).6, Смоленск вилояти Починков тумани — 1971.18.12, Москва вилояти] — рус шоири ва жамоат арбоби. Москва тарих, фалсафа ва адабиёт ин-тини тугатган (1939). СССР Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби (1950—54, 1959—71). «Новый мир» жур. бош муҳаррири (1950—54; 1958—70). Европа ёзувчилари жамиятининг вице-президенти (1963—68). «Муқаддима» (1933) достони ва «Колхоз раиси кундалиги» (1932) қиссасида қишлоқ ҳаётидаги ўзгаришлар акс этган. «Муравия мамлакати» достони (1936) гоявий-бадиий жиҳатдан Т. ижодида муҳим ўрин эгаллаган. 2-жаҳон уруши йилларида Т. фронт газеталарида ишлаган. (1941—45). «Василий Тёркин» (1941—45), «Йўл четидаги уй» (1946), «Йироқ-йироқларда» (1953—60), «Шу йиллар лирикасидан» (1967) ва б. рус

шеърятида катта воқеа ҳисобланган. Т. рус адабиётшунослиги, рус ёзувчилари ижодининг муҳим муаммоларига бағишланган адабий-танқидий асарлар ҳам яратган («Василий Тёркин» қандай ёзилди?», 1951—56; «Адабиёт ҳақида мақолалар ва мулоҳазалар», 1961; «Блок ҳақида», 1955; «Пушкин ҳақида сўз», 1962; «Бунин тўғрисида», 1965 ва б.). Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Фронт шеърлари», 1941, «Василий Тёркин», 1962 ва б.). Ўзбекистон ҳаётидан шеърлар, мақолалар ёзган.

ТВЕН (Twain) Марк (тахаллуси; асл исм-шарифи Сэмюэл Ленгхорн Клеменс) (1835.30.11, Флорида, Миссури штати — 1910.21.04, Редding, Коннектикут штати) — америкалик ёзувчи, жаҳон адабиётининг йирик намояндаси. Ўспиринлик ва йигитлик йилларида дарбадарликда кун кечирган, турли касблар б-н шуғулланиб, тиришқончлик ўтказган, кейинчалик газ. таҳририятларида ишлаган. Фольклор сюжети асосида ёзилган «Калаверасдан чиққан машҳур сакровчи қурбақа» асари (1865)да соддалиқ америкаликларнинг ҳазил-мутойибаси ва ҳаёти тасвирланган. 1867 й.да Европа ва Фаластин бўйлаб саёҳат қилган. «Чет эллардаги соддалиқ кишилар» (1869) юмористик очерклар, «Тобланганлар» (1872) очерклар китобларига кирган асарлар ана шу саёҳатлар таассуротлари асосида майдонга келган. «Зарҳал аср» (1873, Ч. Уорнер б-н ҳамкорликда) романи молиявий-сиёсий коррупция ҳақида, «Ялтироқ аср» (1874) сатирик романида эса жамият иллатлари ҳажв этилади. Юмористик ва сатирик йўсинда ёзилган «Эски ва янги ҳикоялар» (1875), «Теннесидаги журналистика» (1869), «Мени губернаторликка қандай сайлашгани» (1870), «Қишлоқ хўжалиги газетасига қандай муҳаррирлик қилдим» (1870) сингари тўпламларига кирган асарларида Америка ҳаётининг турли қирралари тасвирланган.

«Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари» (1884) романида америкача ҳаётнинг етук ижтимоий таниқиди, мурувват ва илтифотнинг манфаатпарастлик ва шафқатсизлик б-н ёнма-ён мавжудлиги кўзга ташланса, «Қирол Артур саройидаги коннектикутлик янкилар» (1889) қиссасида ижтимоий қарама-қаршилик дунёси қораланади. «Миссисипидаги эски даврлар» (1875), «Миссисипидаги ҳаёт» (1883) китоблари, «Шаҳзода ва гадо» (1882), «Овсар Вильсон» (1894), «Том Сойер чет элда» (1894), «Том Сойер — жосус» (1897), «Сирли нотаниш одам» (1916) каби роман ва қиссалар муаллифи.

Ёзувчининг 1895 й. дағи жаҳон бўйлаб саёҳати «Экватор бўйлаб» (1897) китобида, шунингдек, памфлетлар туркуми, шу жумладан «Коронгида ўтирган одамга» (1901), «Ҳарбий иболат» (1923 й.да нашр этилган) асарларида акс этган.

Болаларга атаб ёзилган асарлари болалар адабиётининг мумтоз намуналари саналади («Том Сойернинг бошидан кечирганлари», 1876 ва б.). «Том Сойернинг бошидан кечирганлари» ўзбек асари (А. Пирназаров таржимаси) ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган. Шунингдек, «Гекльберри Финнинг бошидан кечирганлари», «Ҳикоя ва памфлетлар» (1959), «Шаҳзода ва гадо» (1962) ва б. асарлари ҳам ўзбек тилига таржима қилинган, мактаб дарсликларига киритилган.

Ас.: Этюд Бесси, Т., 1963; Янки ва қирол Артур, Т., 1984; Овсар Вильсон, Т., 1986.

Раҳматилла Ибодинов.

ТВЕРЬ (1931—90 й.ларда Калинин) — РФ Тверь вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Тверца дарёсининг Волгага қуйилиш жойидаги дарё порти. Т.й. станцияси. Москвадан 167 км шим.-ғарбда. Аҳолиси 457,0 минг киши (1998).

Т. тўғрисидаги дастлабки маълумотлар солномаларда 1164 й.да келтирилган. 1247 й.дан Тверь князлигининг маркази. Русънинг иқтисодий сиёсий ва маданий марказларидан бири. 14-а.нинг 1-ярмида мўғулларга қарши ҳаракатнинг етакчиси бўлган. 1327 й.да шаҳарда мўғулларга қарши катта қўзғолон кўтарилган. 1466 й.да тверлик сайёҳ Афанасий *Никитин* Ҳиндистонга саёҳат қилган. 1485 й.дан Т. Москва давлати таркибида. 1775 й.дан Тверь наместничествоси, 1796 й.дан губерния-си маркази. 1941 окт.-дек. ойларида немис фашистлари шаҳарга жиддий ҳужум қилганлар, лекин 1941 й. 90 й.дарда Калинин) шикаст етказган.

Т.да машинасозлик (вагонлар, экскаваторлар, электр аппаратураси ва б.), енгил (ип-газлама, камвол к-тлари ва б.), кимё (кимё толаси, сунъий чарм маҳсулотлари ва б. и.ч.), полиграфия, озиқ-овқат саноатлари корхоналари бор, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

5 олий ўқув юрти (шу жумладан, университет), 3 театр, филармония, музейлар (тарихий-меъморий ва адабий, Тверь турмуши, Салтиков — Щедрин ва б.), картиналар галереяси мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан «Белая Троица» черкови (1564), Успение собори (1722), классицизм стилидаги тураржой ва жамоат биноларининг ансамбллари (18—19-а.лар) сақланган.

ТВЕРЬ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1935 й. 29 январда ташкил қилинган. Майд. 84,1 минг км². Аҳолиси 1472,0 минг киши (2002), асосан, руслар (94%), шунингдек, украин., карел, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 73,1%. Маркази — Тверь ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Ржев, Вишний Волочёк, 36 маъмурий туман, 23 шаҳар ва 33 шаҳарчадан иборат.

Т. в. Шарқий Европа текислигининг марказий қисмида, Волганинг юқори ҳавзаси сувайирғичида жойлашган. Ғарбий қисмида Валдай қирлари (бал. 346 м гача), жан.-ғарбда Ғарбий Двина пастлиги. Шарқий қисми текислик, жан.-шарқи Волга бўйи пастлиги.

Фойдали қазилмалардан қўнғир кўмир, торф, шишасимон қум, оҳактош, доломит, минерал бўлоқлар мавжуд. Иқлими мўътадил континентал. Янв.-нинг ўртача т-раси —9°, июлники 17°. Йиллик ёғин 650 мм. Вегетация даври 190 кунга яқин. Дарёлари: Волга ҳамда унинг ирмоқлари: Селижаровка, Тверца, Медведица, Молога ва ғарбда Ғарбий Двина, шим.да Мста. 500 дан зиёд кўл, шу жумладан, Селигер, Волго, Пено, Вселут, Стерж; Иваньковское, Угличское, Рыбинское, Вишневолоцкое сув омборлари бор. Тупроқлари подзол, чимли-подзол, глейли-подзол. Ўрмон вилоят ҳудудининг 50%ни, ўтлоқлар катта майдонни эгаллайди, 9% майдони ботқоқлик. Буғу, европа елиги, қўнғир айиқ, бўри, тулки, қур, каркўр, чил, каклик, ёввойи ўрдак ва б. яшайди. Балиқ кўп. Марказий ўрмон қўриқхонаси бор.

Саноатининг асосий тармоқлари: электр энергетика (энг йирик электр ст-ялари: Конаков иссиқлик электр ст-я.си, Калинин АЭС), ёқилғи ва қора металлургия саноати, машинасозлик (Россиядаги йўловчи ташувчи вагонларининг 73%, экскаваторларининг 48%, ҳамда юк вагонлари, дарё кемалари, дастгоҳлар, минорали кранлар, темирчилик-пресс машиналари, саноат асбоб-ускуналари, энгир ўриш техникаси), металлсозлик ва тўқимачи-



Тверь шаҳри. А.С.Пушкин ҳайкали.

лик (асосан, ип-газлама ҳамда ипак ва жун матолар). Кимё ва нефть кимёси (кимё толаси, пластик шиша ва шиша тола, полиграфик бўёқлар, сунъий чарм, резина техника маҳсулотлари), ўрмон ва ёғочсозлик, тикувчилик, целлюлоза-қоғоз, кўн-пойабзал, шиша (Россия ойна-шиша и.ч.нинг 6%), қурилиш материаллари ва чинни-фаянс, полиграфик тармоқлари ривожланган. Энг йирик корхоналари: вагонсозлик ва экскаватор з-длари (Тверь), «САВМА» машинасозлик з-ди, станоклар ишлаб чиқариш (Кимри), «Фаянс» (Конаково), минорали кранлар (Ржев), «Гидропресс» (Нелидово), «Бежецксельмаш», «Тверь мануфактура», «Химволокно», «Искож» (Тверь) к-тлари, Калинин АЭС, Новотверец ва Конаков ГЭСлари. Қўнғир кўмир, торф қазиб олинади. Бош саноат марказлари — Тверь, Нелидово, Вишний Волочек, Ржев, Бежецк, Торжок, Конаково.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик, асосан, сут ва гўшт чорвачилиги; чўчқачилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик ривожланган, Зиғир, картошка, сабзавот (карам, сабзи, лавлаги) етиштирилади. Дон (сули, тариқ, бутдой) ва озуқа экинлари экилади. Волга дарёси ва Селигер кўлида кема қатнайди. Т.й. узунлиги 1790 км. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 14992 км. Т.да халқаро «Мигалово» аэропорти бор. 5 та олий ўқув юрти, 3 театр, картиналар галереяси мавжуд.

44 санаторий ва дам олиш муассасаси, шу жумладан, Кашин бальнеологик курорти бор. Вилоят ҳудудида биосфера қўриқхонаси, «Василёво» меъморий-этнографик музейи ва б. музейлар, «Тверь вилоятининг Пушкин жойлари» тарихий-табиий буюртма ҳудуди жойлашган.

ТВИСТ (инг. twist — айланиш) — замонавий рақс, *рок-н-ролл* шаклларидан. Тез суръат, аниқ ритм, 4/4 ўлчови б-н ажралиб туради. 1960-й.лар бошидан америкалик ҳабаш эстрада хонандаси ва раққос Ч. Чекер ижросидаги «The Twist» (Х. Бэллард мусиқаси, 1960) қўшиғи орқали машҳур бўлиб, 1970-й.ларда кўпгина мамлакатлар ёшлари орасида оммавийлашган.

ТВОРОГ (рус.) — сутни сут ачитқи бактериялар б-н ивитиб, зардобини ажратиб тайёрланадиган маҳсулот. Қаймоғи олинган ёки олинмаган сутдан тайёрланишга қараб ёғли (18%), камёғ (9%) ва ёғсиз бўлади. Қабул қилинган стандартга кўра ёғли Т. таркибида кўпи б-н 65% сув, 11% оқсил, 2,4% сут қанди бўлади, 100 г калорияси 230 ккал (960 кж)га тенг, 1 кг бундай Т. учун ёғлилиги 3,0—3,5% бўлган 5,9—6,9 кг сут сарфланади. Т.да сут таркибидаги фойдали моддалар сақланади. Т. оқсилида инсон ҳаёти учун зарур барча аминокислоталар бор.

Т.ни уй шароитида тайёрлаш учун 3—4 л қайнатилган илиқ сутга 1 стакан қатиқ қўшиб аралаштириб кастрюлкага солинади (баъзан пепсин ёки кальций глюконат тузидан фойдаланилади). Ҳосил бўлган қуйқа бўлаклангач, кастрюлкани сувли тоғорага солиб паст алангала иситилади (қайнаб кетмаслиги керак). Қуйқа бир хил исиши, зардоби ажралиб чиқиши учун аралаштириб турилади. Бўлаклар юзага қалқиб чиққач, элак ёки ғалвир устига икки қават тоза дока солиб сузилади. Зардоб тоза оқиб тушгач, совитилади ва докага сиқиб ўраб устига тахта қўйиб, юк бостириб қўйилади.

Пўлат Турсунхўжаев.

ТЕ РАНГИХАЕАТА (Te Rangihaeata) — маориларнинг игатитан қабиласи сардори (Янги Зеландия). Маориларнинг инглиз мустамлакачиларига қарши курашига (1843 й.дан) раҳбарлик қилган. 1843 й. Т.Р. қабиласининг бошқа бир сардори б-н бирга қабилага тегишли бўлган ҳудудда инглиз манзилгоҳларини йўқ қилинишини талаб қилган. Мустамлака маъмурияти ушбу талабни рад этгач, Т.Р. ва унинг қабила-дошлари мустамлакачилар томонидан ўрнатилган чегара ер белгиларини олиб ташлаб, уларнинг турар жойларига ўт қўйганлар. Маорилар қўзғолони бостирилган.

ТЕАТР (юн. theatron — томошагоҳ) — 1) санъат тури; унинг ўзига хос ифода воситаси актёрнинг омма олдидаги ўйинни жараёнида юзага келадиган сахнавий воқеадир. Т. санъатида ҳам бошқа санъатларда бўлганидек, халқ ҳаёти, тарихи, дунёқараши акс этиб, жамият тараққиёти, маънавияти, маданияти б-н боғлиқ ҳолда ўзгариб, такомиллашиб боради. Т. асосида оғзаки ёки ёзма драматургия ётади.

Т. синтетик санъат бўлиб, жамият ҳаётида, томошабинларнинг маънавий ва эстетик тарбиясида муҳим ўрин тутади. Унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат, рақс, меъморлик ажралмас бирликни ташкил этади. Т.нинг муҳим воситаларидан бири саҳна нутқидир. Актёр қаҳрамоннинг пьесадаги сўзларини ўзлаштириб олар экан, қаҳрамон қиёфасида, ҳолатларда туриб унинг нутқий тавсифини яратади, бошқа персонажлар б-н мулоқотга киришади. Саҳна нутқи характерларнинг очилишида, асар мазмуни, конфликтининг ёритилишида муҳим ўрин тутади (қ. *Саҳна нутқи*). Саҳна асарларининг яратилишида театр рассомлиги (сценография)нинг ҳиссаси катта. Рассом асар мазмуни ва реж. ечимидан келиб чиқиб, декорация яратади. (қ. *Театр декорацияси санъати*). Т.да мусиқанинг ҳам ўрни катта, томоша тури ва жанрига боғлиқ ҳолда у турли вазифани бажаради: драматик спектаклларда ёрдамчи восита бўлса, оперетта, мусиқали драмада сўз б-н баробар ҳукукка эга, опера ва балетда эса ҳал қилувчи аҳамият касб этади. (қ. *Театр мусиқаси*).

Т. санъати узоқ тарихга эга бўлиб, унинг асосий унсурлари (бошқа қиёфага кириш, диалог, тўқнашув каби) инсониятнинг ибтидоий даврларида овчилик, меҳнат ва диний маросим, байрамлар б-н, тотемизм, анимизм каби ибтидоий дунёқараш ва аждодларнинг руҳларига сиғиниш б-н боғлиқ ҳолда шаклланган. Юнонистон, Ҳиндистон, Туронда мил. ав. 5-асрдаёқ Т. жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ҳиндистонда Т. санскрит Т., халқ Т.и шаклларида ҳамда «Маҳобҳорат» ва «Рамаяна» достонлари б-н боғлиқ ҳолда ривожланган; драматургия ва саҳна санъати ҳақида «Натьяшастра» номли рисола яратилган. Кейинроқ Т. Яқин Шарқ ва Римга ҳам ёйилди. Айниқса, Римда Т.нинг янги шакл ва турлари яратилди. Ғарбий Европада Т. санъатининг дастлабки намуналари сайёр актёрлар-жонглёрлар ижодида. Россияда-скоморохлар фаолиятида юзага келган. Уйғониш даврида вужудга келган драма янги шаклдаги прозаик (асосан, ип-газлама ҳамда ипак ва жун матолар). Кимё ва нефть кимёси (кимё толаси, пластик шиша ва шиша тола, полиграфик бўёқлар, сунъий чарм, резина техника маҳсулотлари), ўрмон ва ёғочсозлик, тикувчилик, целлюлоза-қоғоз, кўн-пойабзал, шиша (Россия ойна-шиша и.ч.нинг 6%), қурилиш материаллари ва чинни-фаянс, полиграфик тармоқлари ривожланган. Энг йирик корхоналари: вагонсозлик ва экскаватор з-длари (Тверь), «САВМА» машинасозлик з-ди, станоклар ишлаб чиқариш (Кимри), «Фаянс» (Конаково), минорали кранлар (Ржев), «Гидропресс» (Нелидово), «Бежецксельмаш», «Тверь мануфактура», «Химволокно», «Искож» (Тверь) к-тлари, Калинин АЭС, Новотверец ва Конаков ГЭСлари. Қўнғир кўмир, торф қазиб олинади. Бош саноат марказлари — Тверь, Нелидово, Вишний Волочек, Ржев, Бежецк, Торжок, Конаково.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик, асосан, сут ва гўшт чорвачилиги; чўчқачилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик ривожланган, Зиғир, картошка, сабзавот (карам, сабзи, лавлаги) етиштирилади. Дон (сули, тариқ, бутдой) ва озуқа экинлари экилади. Волга дарёси ва Селигер кўлида кема қатнайди. Т.й. узунлиги 1790 км. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 14992 км. Т.да халқаро «Мигалово» аэропорти бор. 5 та олий ўқув юрти, 3 театр, картиналар галереяси мавжуд.

44 санаторий ва дам олиш муассасаси, шу жумладан, Кашин бальнеологик курорти бор. Вилоят ҳудудида биосфера қўриқхонаси, «Василёво» меъморий-этнографик музейи ва б. музейлар, «Тверь вилоятининг Пушкин жойлари» тарихий-табиий буюртма ҳудуди жойлашган.

ТВИСТ (инг. twist — айланиш) — замонавий рақс, *рок-н-ролл* шаклларидан. Тез суръат, аниқ ритм, 4/4 ўлчови б-н ажралиб туради. 1960-й.лар бошидан америкалик ҳабаш эстрада хонандаси ва раққос Ч. Чекер ижросидаги «The Twist» (Х. Бэллард мусиқаси, 1960) қўшиғи орқали машҳур бўлиб, 1970-й.ларда кўпгина мамлакатлар ёшлари орасида оммавийлашган.

ТВОРОГ (рус.) — сутни сут ачитқи бактериялар б-н ивитиб, зардобини ажратиб тайёрланадиган маҳсулот. Қаймоғи олинган ёки олинмаган сутдан тайёрланишга қараб ёғли (18%), камёғ (9%) ва ёғсиз бўлади. Қабул қилинган стандартга кўра ёғли Т. таркибида кўпи б-н 65% сув, 11% оқсил, 2,4% сут қанди бўлади, 100 г калорияси 230 ккал (960 кж)га тенг, 1 кг бундай Т. учун ёғлилиги 3,0—3,5% бўлган 5,9—6,9 кг сут сарфланади. Т.да сут таркибидаги фойдали моддалар сақланади. Т. оқсилида инсон ҳаёти учун зарур барча аминокислоталар бор.

Т.ни уй шароитида тайёрлаш учун 3—4 л қайнатилган илиқ сутга 1 стакан қатиқ қўшиб аралаштириб кастрюлкага солинади (баъзан пепсин ёки кальций глюконат тузидан фойдаланилади). Ҳосил бўлган қуйқа бўлаклангач, кастрюлкани сувли тоғорага солиб паст алангала иситилади (қайнаб кетмаслиги керак). Қуйқа бир хил исиши, зардоби ажралиб чиқиши учун аралаштириб турилади. Бўлаклар юзага қалқиб чиққач, элак ёки ғалвир устига икки қават тоза дока солиб сузилади. Зардоб тоза оқиб тушгач, совитилади ва докага сиқиб ўраб устига тахта қўйиб, юк бостириб қўйилади.

Пўлат Турсунхўжаев.

ТЕ РАНГИХАЕАТА (Te Rangihaeata) — маориларнинг игатитан қабиласи сардори (Янги Зеландия). Маориларнинг инглиз мустамлакачиларига қарши курашига (1843 й.дан) раҳбарлик қилган. 1843 й. Т.Р. қабиласининг бошқа бир сардори б-н бирга қабилага тегишли бўлган ҳудудда инглиз манзилгоҳларини йўқ қилинишини талаб қилган. Мустамлака маъмурияти ушбу талабни рад этгач, Т.Р. ва унинг қабила-дошлари мустамлакачилар томонидан ўрнатилган чегара ер белгиларини олиб ташлаб, уларнинг турар жойларига ўт қўйганлар. Маорилар қўзғолони бостирилган.

«Олтин девор» спектаклидан (Ўзбек миллий академик драма театри).

фессионал т-рнинг шаклланишига замин яратди. 16-а.дан опера, 18-а. ўрталаридан балет, 19-а. ўрталаридан оперетта мустақил Т. тури сифатида ривожлана бошлади. Т.нинг кейинги тараққиёти классицизмнинг кенг ёйилиши б-н боғлиқ. 18-а. да маърифатчилик оқимидаги Т. тараққий этди. Аста-секин реалистик тенденция кучайди. Айниқса, К. Гольдони, Г. Лессинг, П. Бомарше, Ф. Шиллер ижодида реализм ёркин намоён бўлди. 18-а.нинг охирларига келиб, драма, мелодрама, водевилларда сатирик йўналишининг юзага келиши Т.да демократик асоснинг кучайишига сабаб бўлди. Т. гоявий ва бадиий қурашлар майдонига айланди.

19-а.нинг 1-ярмида вужудга келган романтик йўналиш Т.да гуманистик идеаллар ва кўп ҳолларда хаёлий орзуларнинг ёритилишига олиб келди. Драмада тақлидгўйликдан иборат классицизмга қарши, ўзига хос миллийлик, халқчиллик, тарихийлик ва ижтимоий адолат учун қураш оҳанглари кенг қулоч ёйди. 19-а. охирларидан Т.ни ислоҳ қилишнинг янги даври бошланди. Т. бадиий адабиёт (проза, поэзия), янги драма (А. Чехов, Г. Ибсен, Б. Шоу ва б.) б-н яқинлашди. 19-а. охирларида 20-а. бошларида Т.да, актёрлик санъатида янги таълим услуби *Станиславский системасини* қўллаш бошланди. 20-й.ларда В. *Мейерхольд*, В. Таиров, В. *Вахтанговларнинг* реж.-лик фаолияти Т.нинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. 20-а. ўрталарида Ғарб режиссураси ва саҳна санъатига Б. Брехтнинг ижодий услуби катта таъсир кўрсатди. Замонавий Т. дунё театрининг демократик, халқчил анъаналарини муттасил ўзлаштириб бориши, саҳнавий талқинларнинг рангбаранглиги б-н ажралиб туради.

Ўзбекистон ҳудудида анъанавий Т. жуда қад. ва бойдир. Унинг куртаклари ибтидоий жамоа давридаёқ ов ва б. меҳнат жараёни акс этган тақлидий рақслар, жанговар ва халқ ўйинлари, табиат кучларига топиниш оқибатида юзага келган маросимлар шаклида намоён бўлган. Мил. ав. 7—6-а.лардаёқ Туронда зардуштийлик ва унинг муқаддас китоблар тўплами — Авесто б-н боғлиқ 2 тоифа — кулгили ва қайғули томошалари шаклланган. Юнон — Бақтрия подшолиги даврида Ойхоним, Нисо, Шаҳри Гулгулада махсус театрлар бўлиб, уларда Еврипиднинг «Алькеста», «Ипполит» каби трагедиялари кўрсатилгани маълум. Мил. ав. 1-а.дан мил. 4-а.гача Кушон давлатида Будда дини б-н боғлиқ турли театрлашган томошалар мавжуд бўлган. Айритом ибодатхонаси пештоқидаги чолғучи қизларнинг тасвирлари шуни кўрсатади. Аста-секин Турон Т. санъати диний маросимлар қобиғидан чиқиб, дунёвий мазмун касб этади — инсон ҳаёти, ижтимоий муносабатларини тасвирлашга эътибор кучаяди. 6—7-а.лар

«Отасининг қизи» (Аброр Ҳидоятов номидаги театр).

«Қотил» спектаклидан (Бухоро театри).

Турон мулкидан чиққан чолғучилар, актёр ва раққосалар Буюк ипак йўли орқали қўшни юртларга ижодий сафар қиладилар. 9—12-а.ларда халқ байрамлари, маросимлари, урф-одатлари ва улар б-н боғлиқ томошалар тикланибгина қолмай, аҳоли орасида кенг тарқалди. Масхара ва тақлид Т.и. ривожланди. Амир Темур давлати даври (14—15-а.лар)да Т.санъатида кескин юксалиш рўй берди. Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Клавихоларнинг маълумотларича, бу даврда пойтахт — Самарқандда ва б. нуфузли шаҳарларда театрлашган томошалар уюштирилган. Анъанавий Т. ва б. санъат томошалари, айниқса, Мирзо Улугбек даврида (1394—1449) Мовароуннаҳрда, Ҳусайн Бойқаро даврида (1469—1506) Хуросонда тараққий топди. Ғнёс масхара, Ҳожа Деҳдор, Абдулла Девона, Абдулвосеъ Мунши, Саид Бадр каби Т. санъатининг атоқли намояндалари фаолият кўрсатган. Анъанавий Т.нинг кулгили турлари (масхара, тақлид, зарофат), қўғирчоқ ўйин

«Зуфар ва сеҳргар» (Ёш томошабинлар театри).

«Аҳмад Дониш» спектаклидан (Жиззах театри).

(чодир жамол, чодир хаёл, фонус хаёл) бадиий томоша тизими сифатида ташкил топди.

18-а. охири 19-а. бошларида Т.нинг асосий турлари сақланиб, репертуар ва ижро услубида ўзига хос хусусиятлар ривожланди. Шаҳарларда ижрочи санъаткорларнинг касабаи созанда (мехтарлик) деган уюшмаларининг фаолияти кучайди. Хоразмда «Хатарли ўйин», «Тўкма» томошалари кенг ёйилди. Фарғона водийси ва Тошкентда қизиқчилик ва аския тараққий этди. 19-а.нинг 2-ярмида Қўқонда *Зокир Эшон* бошлиқ 30 га яқин қизиқчилар тўдаси, Бухорода *Тўла масхара* бошлиқ 20 га яқин масхарабозлар тўдаси шуҳрат қозонди.

Кейинчалик ўзбек маданиятининг илғор намояндалари (Фурқат, Беҳбудий, Авлоний ва б.) рус, татар ва озарбайжон театр труппалари томошаларига қизиқиш б-н қараб, маҳаллий зиёлиларни улардан ўрганишга чақирдилар. Шу тарзда янги миллий Т. яратиш ҳаракати юзага келди. 1914 й. Самарқанд (15 янв.) ва Тошкент (27 фев.) да «Падаркуш» драмасини саҳналаштириш б-н янги ўзбек театри ўз фаолиятини бошлайди. Айниқса, А. Авлоний раҳбарлигида «Турон» Т.ининг 1915 й. Ўзбекистон шаҳарларига қилган ижодий сафарининг аҳамияти катта бўлди. 1916 й. Ҳамза Қўқонда Т. тузди. Бирин-кетин Андижон (1919), Хива (1922), Бухоро (1922)да Т.лар ташкил қилинди. 1918 й.дан Маннон Уйғур «Турон» театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри)га раҳбарлик қилиб, унинг профессионал театрга айланишида, репертуарини тузиш, ижро услубини яратишда муҳим роль ўйнади. Т.нинг биринчи бўғин актёр ва реж.лари 1924—27 й.лар Москвада Ўзбек Маориф уйи қошида очилган драмстудияда таҳсил олишган. 20-й.лар сўнгида Рус ёш томошабинлар Т.и. (1928), Ўзбек ёш томошабинлар Т.и. (1929) ташкил топди. Кейинроқ Наманган (1931), Қашқадарё (1932), Сурхондарё (1935) вилояти театрлари, ўнлаб туман ва шаҳар Т.лари юзага келди. Тошкент ва Самарқандда Давлат рус драма театри (1934, 1938). Республика қўғирчоқ театри (1939). Навоий номидаги давлат опера ва балет театри (1939) ўз фаолиятини бошлади, шу йили Давлат комедия театри ташкил бўлди ва у бир йил ўтиб Муқимий номидаги Республика мусиқали драма ва комедия театрига айлантирилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Москва, Ленинград, Киев, Харьков ш.ларидан кўчиб келган театрлар мамлакатимиз шаҳарларида ўз фаолиятини олиб борди. 50—60-й.ларда Ҳамза номидаги академик драма театри ва б. театрларда турли мавзу, сермазмун, ижтимоий-психологик, маиший ва фалсафий, ранг-баранг услубда спектакллар саҳналаштирилди. 1968 й. «Ёш гвардия» театри (ҳоз. Аброр Ҳидоятов номидаги *Ўзбек давлат драма театри*) ташкил қилинди.

«Ўлим ҳалқаси» спектаклидан (Сурхондарё театри).

70—80-й.лар Т.да зиддиятли давр бўлди; бир томондан, миллий анъаналарга эътибор кучайган бўлса, иккинчидан, дабдабабозлик, ҳаётни хаспўшлаб кўрсатиш авж олди. 1976 й. «Илҳом» театр-студияси иш бошлади. 1986 й. Республика Сатира театри ташкил топди. 80-й.ларнинг 2-ярмида ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, жанрлар ранг-баранглиги, томошавийликка интилиш майллари юзага келиб, астасекин кучайиб борди. Бу даврда Аброр Ҳидоятов номидаги Т. етакчи ўринга чиқиб олди.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилингач, ўзбек Т. и ҳаётида ҳам янги давр бошланди. Истиқлол туфайли миллий меросга таяниб ижод қилиш, миллий қадриятлар, анъаналарни тиклашга интилиш жиддий тус олди. Бу даврда ўзбек Т.ила қуйидаги илгор тенденциялар, ижодий изланишлар кўзга ташланади: биринчидан, Т.лар репертуарида тарихий мавзунинг салмоги ошди. Буюк аждодларимиз — алломалар, шоирлар, давлат арбоблари, лашкарбошиларнинг ҳаёти ва тараққиёт учун курашини ёритувчи ўнлаб саҳна асарлари яратилди. Саҳналарда шўролар даврида ҳатто тилга олиш ман этилган Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Бухорий каби алломалар, «Авесто» китоби асосида Зардуштий ҳаётини ёритувчи саҳна асарлари вужудга келиб, давримиз томошабинлари маънавиятини бойитди, тарихий, диний эътиқодга нисбатан қарашларни ўзгартирди. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар ҳақида яратилган 20 га яқин саҳна асарлари маънавий ва маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Иккинчидан, замонавий ўзбек Т.ида тасаввуф б-н боғлиқ «Муҳаббат султони», «Машраб» (Миллий театр), «Хитой маликасининг сири» (рус театри), «Умар Хайём», «Ато этилган муҳаббат тариқати» (Ўзбекистон ёшлар театри), «На фалакман, на фаришта» (Муқимий театри), «Шайҳ санъон», «Рақсу самоъ» («Эски масжид» театр студияси) каби спектакллар Т.ларимизнинг энг мураккаб мавзуларга дадил қўл ураётганлари, янги манбаларни очаётганларидан далолатдир. Шу йўналишда Алишер Навоий асарларини Т. саҳнасида янгича талқин этиш бошланди. Учинчидан, жаҳон ва миллий мумтоз драматургия намуналарини замонавий талқин ва воситаларда саҳналаштириш бошланди. Навоий, Шекспир, Мольер, Айний, Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Ғафур Ғулом асарларининг саҳнавий талқинлари шундан гувоҳлик беради. Тўртинчидан, Т.ларда илгари қолоқлик белгиси сифатида қараб келинган этнография ва фольклор манбалари воситаларидан фойдаланиш бутун бир услубий йўналиш сифатида кўзга яққол ташланиб, саҳна санъатининг миллий ўзига хослигини кучайтиришга хизмат қилмоқда. «Алпомиш» қаҳрамонлик достони асосида пойтахт ва вилоят Т.лари саҳналарида яратилган 10 га яқин спектакллар ҳам бу йўналишнинг истиқболидан нишонадир. Бешинчидан, драматургия ва Т.да замонавий мавзуларда асарлар яратилиб, саҳналаштириш йилдан йилга сезиларли тус олиб бормоқда. Замонавий мавзулар кўпроқ мелодрама, комедия, трагикомедия жанрлари доирасида ишланмоқда. Айниқса, маиший-ахлоқий комедиялар Т.лар репертуаридан кенг ўрин эгаллади.

«Бувам уйланмоқчи» (Сатира театри).

Мустақиллик йилларида Фарғона, Хива, Қарши, Наманган, Термиз ш.ларида қўғирчоқ Т.лари иш бошлади. Аббос Бакиров номидаги жамоатчилик асосида ишлаб келаётган ёшлар театри давлат тасарруфига олиниб, Андижон болалар ва ёшлар театрига айлантирилди (1990).

Ўзбекистонда ўтказилган «Шарқ ва Ғарб» Т. санъати фестивали, «Хумо» халқаро ёшлар театрлари фестивали, «Наврўз», «Андижон баҳори» республика Т. фестиваллари, Германиянинг «Андер Рур» театри б-н «Мулоқот» театри студияси ҳамкорлигида тузилган «Ипак йўли — театр саёҳати» лойиҳаси асосида ўтказилаётган икки томонлама анжуманлар, қўғирчоқ Т.лари фестиваллари Т. санъатининг янги ижтимоий шароитда ривожланишида муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбек театри жамоалари дунёдаги бир қатор мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб, ўзбек Т. санъати ютуқларини намойиш этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 26 мартда эълон қилинган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилган «Ўзбектеатр» ижодий-и.ч. бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори Т. санъати стратегиясини белгилаб берди. Шу асосда «Ўзбектеатр» ижодий-и.ч. бирлашмаси, унинг қошида «Атрмадад» жамғармаси, Театр ижодкорлари уюшмаси тузилди. «Театр» жур. нашр этила бошлади. Мунтазам равишда турли семинар ва фестиваллар ўтказилмоқда. Давлатлараро шартномаларга мувофиқ хорижий мамлакатлардаги ижодий ташкилотлар, халқаро бирлашмалар б-н алоқалар ўрнатилмоқда Америкалик реж. Дэвид Каплан, британиялик Майкл Беркут ва б. ўзбек театрида, Б. *Йўлдошев* Францияда, Н. Абдураҳмонов Исроилда, М. Юсупов АҚШда асарлар саҳналаштирдилар. Ҳамза театрига эски бино ўрнига замонавий муҳташам бино қуриб берилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 21 сентябрда эълон қилинган махсус фармони б-н ушбу театрга «Миллий театр» мақоми берилди.

Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидаги 37 та Т. ва театр студиялар, ўнлаб нодавлат ва хусусий Т.лар фаолият кўрсатади (2004).

Ад.: Авдеев А.Д., Происхождение театра, М.—Л., 1959; Станиславский К.С., Собр соч., т. 1—8, М., 1954—61; Хорижий театр тарихи (русчадан С. Турсунбоев таржимаси), т. 1—2, Т., 1997, 1999; Раҳмонов М., Ҳамза (ўзбек давлат академик драма театри) тарихи, Т., 2000; Қодиров М., Ўзбек театри анъаналари, Т., 1976; Ўзбек театри тарихи, Т., 2003.

Муҳсин Қодиров.

«ТЕАТР» — ойлик, адабий-бадиий, ахборот-реклама журнали. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 26 март фармонининг 5-бандига асосан 1999 й. ташкил бўлган, март ойида журналнинг 1—2-қўшма сони нашрдан чиқарилган. Журналда ўзбек театр санъати тарихи, театр санъати дарғаларининг ижоди, драматургия, режиссура муаммолари, севимли санъаткорлар ҳаёти ва ижоди, саҳна орти заҳматкашлари ижоди, вилоятлар саҳналарида намойиш этилаётган спектакларга тақриз мақолалар, баҳс ва мунозаралар кенг ёритилади.

ТЕАТР ДЕКОРАЦИЯСИ САНЪАТИ, сценография —*тасвирий санъат*нинг *театр* санъати б-н боғлиқ соҳаси; *декорация*, либослар, ёруғлик, саҳна техникаси воситасида спектаклнинг томоша образи (кўриниши)ни яратиш санъати. Театр рассоми саҳнада кўрсатиладиган ҳар бир кўриниш, жой, кийим ва б.нинг эскизларини яратади, шу эскизлар асосида декорация ва либослар тайёрланади. Рассом иллюзия ёрдамида томошабинда турли таассуротлар туғдиради, тарихий давр, тарихий шароит тўғрисида тўғри тасаввурлар ҳосил қилинишига эришади. Т.д.с. театр, драматургия, тасвирий санъат тараққиёти б-н боғлиқ ҳолда ривожланди. Қад. маросим, ўйинларда унинг илк кўринишлари (либос, ниқоб ва б.) намоён бўлди. Юнонистон театрида мил. ав. 5-а.даёқ ёрдамчи қурилмалардан ташқари ҳажмли шакллар б-н тасвирий декорациялар қўшиб ишлатилган; Қад. Рим театрида бу санъат ривожлантирилган, илк бор парда қўлланилган. Ўрта асрларда Осиё (Ҳиндистон, Хитой, Япония ва б.) мамлакатларида саҳнани шартли-рамзий тарзда безаш ҳукмрон бўлган. Уйғониш даврида Италияда перспективали декорациялар шаклланди, шаҳар майдони ёки узоқларга уланиб кетган кўчалар, ўзгармас жойлар ромларга тортилган расмлар ёрдамида яратилди (Браманте, Б. Перуцци, С. Серио ва б.). 17-а. бошларида саҳна механизмлари кенг қўлланила бошланди, айланувчи 3 томонли призма шаклидаги қурилма томошабин кўз олдида декорацияларни алмаштириш имконини берди. Техниканинг такомиллашиши саҳна орти (кулис) ва саҳна — қутини юзага келтирди. 17-а. ўрталаридан саҳнада ён декорациялар пайдо бўлди ва бутун Европага тарқалди. Буюк Британияда (саҳна майдони юқори, қуйи ва орқа саҳналар, томошабин томон туртиб чиққан саҳна олди — просцениумдан иборат) махсус театр биноси шаклланди. Классицизм даврида воқеанинг жой ва вақт бирлиги қонунига бўйсундирилиши ўзгармас декорациялар принципини қарор топишига олиб келди. Ҳиндистон, Ҳиндихитой мамлакатлари театрларида спектаклни безатиш либос, ниқоб, гримлар б-н чекланди (бу анъана 20-а. гача давом этди). 19-а. 1-чорагида Франция, Буюк Британия театрларида диорама ва панорама газли ёритгичларнинг янги шакллари б-н уйғунлаштирган ҳолда қўлланилади. Техниканинг мураккаблашиши бўлим (акт)лар орасида парда, электр ёритгич (1849)ни қўллашга, замонавий мавзу-

Г. Брим «Майсаранинг иши» спектаклига ишлаган декорация эскизи.

Д. Сафоев «Имом ал-Бухорий» спектакли учун яратган саҳна эскизи.

даги асарларни саҳнага қўйилиши реал ҳаётни аниқ акс эттиришга олиб келди.

19-а. охиридан рассомлар театр б-н ҳамкорликда саҳна санъатининг бошқа санъатлар қаторида тутган ўрнини белгиловчи ўзига хос қонуниятларини тадқиқ қилдилар. 20-а.да Т.д.с. саҳна техникаси — синтетик материаллар, люминесцент бўёқлар, коллаж, фото ва кинопроекция, кўзгулар тузилмаси, мураккаб ёруғлик қурилмалари ва ҳ.к. б-н бойиди. 60-й.лардан деярли ҳамма ерда «саҳнадан ташқари» декорациялар, «саҳна — арена»ларга эътибор кучайди. 70-й.лар Т.д.с. халқ санъати б-н йўғрилган оҳангларни қўллаши б-н ажралиб туради, маросим ниқоб-гримлари, қўғирчоқ либослари декорациянинг ажралмас қисмига айланди. Т.д.с. усталарининг драматургия асосида реж. ва рассом тасаввуридаги эркин саҳна асарини яратишга интилиши ортди. 20-а. Т.д.с. ривожланиши жараёнида саҳналаштирувчи рассом спектаклнинг муаллифларидан бирига ва «Т.д.с.»ни спектаклнинг тасвирий режиссура (сценография)си деган тушунчага айлантирди. Бу ҳусусиятлар турли оқимлар қураши жараёнида ривожланди, ҳажмли-фазовий декорациялар, спектаклнинг томоша образи рангтасвирини қўллаш ҳисобига кўркамлашди ва таъсирчанлиги янада ортди. Т.д.с.га дастлоқ ранг-тасвири усталари катта ҳисса қўшдилар. Халқ санъатининг услублаштирилган шаклларига қизиқиш ўрнини саҳна воқеаларининг ички мантиғига бўйсундирилган безак тузилишини излаш эгаллади. Т.д.с.да кекса авлод рассомлари б-н бир қаторда ёш рассомлар ҳам муваффақиятли ижод қилмоқда.

Ўзбекистонда Т.д.с. жаҳон Т.д.с.нинг энг яхши анъаналари таъсирида ривожланди. 20-а. маърифатпарварлар театри дастлабки спектакларида ҳаётий воқеликни саҳнада айнан кўрсатиш, либос ва парлозларни ҳам ҳаётлагидай расмий тарзларда ишлатиш услубини қўллаган, жойларни расмана қилиб қуриш одат тусида бўлганини кўриш мумкин, либослар масаласида ҳам шундай йўл тутилган. Тажриба бироз ортгач, театр асар конфликтидан келиб чиқиб зиддиятли икки томонни бир-бирига қарама-қарши (контраст) тасвирлашга ўтди, ютуқлар б-н бирга камчиликлар ҳам мавжуд бўлган: ҳар бир спектакл учун махсус декорациялар кам ишланган, театрда рассомнинг ўзи бўлмаган, спектакллар кўпинча йиғма декорациялар б-н шартли либослар, буюм ва ашёлар уйма-уй юриб териб келинган, ижарага олинган.

Т.д.с.нинг дастлабки профессионал намуналари 20-а. (бошлари)да Ўзбекистонда яшаган рус рассомлари (С. Юдин, С. *Миленин*, В. *Уфимцев* ва б.) томонидан яратилди, улардан таълим олган ва уларнинг ижодий раҳбарлигида ўзбек театр рассомлари етишиб чиқди (Ш. *Шорасомов*, Ҳ. *Икромов*, М. *Мусаев* ва б.). Халқ ҳаёти, урф-одатларини, амалий безак санъати, либосларини яхши билганлиги рассомларнинг ишларида ўз аксини топди, спектакларга либослар уларнинг чизмалари асосида тайёрланди. Ҳаётни айнан акс эттирувчи услуб иллюзияли декорация ва кўп жиҳатдан шартли либосларни яратилишига олиб келди, актёрларга турмуш тарзини, персонажлар қиёфасини батафсил ва умумлашма тарзда кўрсатиш имконини берди. Ўзбек театри эришилган ютуқларини мустаҳкамлаш б-н бирга декорация санъати ва либослар бобида жиддий изланишлар олиб борди, тасвирий санъатнинг баъзи тамойил ва услубларини ишга солди, образли ечим, маҳобатли тасвир йўлидан борди, кино ва телевидение воситаларидан фойдаланди.

60-й.лар охирларидан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тининг театр рангтасвири (сценография) бўлимини тугатган бир гуруҳ рассомларнинг республика театрларига кириб келиши б-н саҳна асарларининг таркибий қисми бўлган тасвирий воситалар (декорация, либос, грим)да янги давр бошланди. И. *Вальденберг*, В. *Рифтин* ва б.лан сабоқ олган Г. *Брим*, А. Жабборов, Р. Туманков, А. Шибаев, бир оз кейинроқ О. *Оллаберганов*, В. Михайличенко, Т. *Шорахимов*, У. *Сайдалиев* ва б. декорация санъати ва у б-н боғлиқ либос, грим соҳаларида туб ўзгаришлар ясашга ва Т.д.с.ни дастлоқ ва монументал рангтасвир даражасига кўтаришга интилдилар. Ўзбек Т.д.с. том маънодаги профессионал йўлга тушиб олди. Рассом энди спектаклнинг саҳналаштирувчи реж. б-н ҳаммуаллифга айланди. Жумладан, Г. Брим саҳналаштирилган спектакларнинг саҳна маконини асарлар мазмуни ва жанрига мос безашда меъморлик оҳанглари, тамойилларини қўллаб катта ютуқларга эришди («Мария Стюарт», «Бой ила хизматчи», «Шоҳ Эдип», «Абу Райҳон Беруний», «Бухоро», «Истеҳком» ва б.).

80-й.ларнинг охири ва айниқса, 90-й.лар, яъни Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида ўзбек театри тарихни идрок этиш ва ўзлаштиришда, буюк алломалар ва давлат арбоблари ҳаёти ва фаолиятини ёритишда катта ютуқларга эришди, бунда театр рассомларининг хизмати катта: тарихий шахсларнинг саҳнавий образларининг тўлақонли ва теран мазмунга эга бўлишида муҳит тасвирини яратган театр рассомларининг хизмати салмоқлидир. Республика театрларида рассомларнинг кекса, ўрта ва ёш авлоди бир-биридан таъсирланган ҳолда ижод қилмоқда. В. И. Лигай (Андижон), Д. *Сафоев* (Самарқанд), Т. Шорахмедов, А. Жабборов, Б. Қурбонов, Б. *Тўраев*, З. Ботиров, Ш. *Абдумаликов*, Н. Глубокина (Тошкент), Ф. Ражабов (Фарғона) ва б. Т.д.с. тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда.

Ад.: Сосновская А. Г., Пути развития театрально-декорационного искусства Узбекистана, Т., 1989; Қодирова Д. М., XX аср Ўзбекистон театр либослари, Т., 2003.

Дилафруз Қодирова

ТЕАТР МУСИҚАСИ — 1) кенг маънода — барча мусиқали (*опера, балет, оперетта, мусиқали драма, мусиқали комедия, водевиль, мюзикл* ва б.) ҳамда драматик спектакллар учун ёзилган мусиқа; 2) тор маънода — драматик театр спектакл (драма, комедия, трагедия)лари мусиқаси. Одатда, вокал, чолғу, хор ва оркестр мусиқий лавҳаларидан иборат.

Мусиқа катта ўрин эгаллаган драма санъати шакллари қадимдан маълум. Ўзбекистонда қизиқчи-масхарабоз ва қўғирчоқбоз томошалари ва б. мусиқа б-н ижро этилган. Композиторлик санъати ривожи натижасида Т.м. янги погонага кўтарилди, эркин алмашинувчи мусиқий лавҳалар ўрнига муайян спектакларга махсус мусиқа асарлари ёзила бошланди (В.А.Моцарт, Й.Гайдн, Л.Бетховен, кейинчалик Ф.Мендельсон, Р.Шуман, М.Глинка, Г.Берлиоз, Э.Григ, Ж.Бизе ва б.). 20-а.да театр спектаклларидаги мусиқанинг мавқеи янада кучайди, баъзи мусиқа (кантата, оратория каби) жанрларининг саҳнавий турлари юзага келди (К.Орф, И.Стравинский, А.Онеггер ва б.), янги синтетик жанрлар пайдо бўлди (И.Стравинскийнинг «Шоҳ Эдип», «Аскар тарихи» ва б.). Т.м. саҳна рақс ҳаракатларини ифодаловчи, драматик ҳолатларга изоҳ берувчи, рамзий ёки мажозий маънога эга лавҳалар, шунингдек, қаҳрамонларининг ички ҳис-туйғуларини баён этувчи эпизодлардан иборат бўлади. Айни пайтда, у асар саҳналарини ўзаро боғлаб, драматургик вазифаларни ҳам бажаради. Ўзбекистонда Ҳамза, Ҳуршид, Ғ.Зафарий ва б. драматурглар ўз спектаклларида ўзбек мусиқа меросидан кенг фойдаланишган; илк профессионал (махсус яратилган) Т.м. намуналари 1940- й.лар охири — 60-й.ларда пайдо бўлган («Алишер Навоий», М. Бурҳонов 1948; «Йўлчи юлдуз», И.Акбаров, 1957; «Ҳамза», 1960, «Мирзо Улуғбек», 1964, М.Левиев ва б.). Кейинчалик, А.Малахов («Варшава қуйи», «Севги учун 10 кеча-кундуз», 1968), Ф.Янов-Яновский («Изтироб ва умид кунлари», 1974), А.Берлин («Отелло», 1972), 1980—2000-й.ларда А.Эргашев («Уфқ», 1995, «Ўтган кунлар жангномаси», 2003), А.Икромов («Қирол Лир», 1998), Д.Янов-Яновский («Маликаи Турандот», 2000, «Резина сотувчилар», 2004), А.Ким («Иso ва Яхуда», 2002) ва б. композиторлар Т.м. соҳасида ижодий муваффақиятларга эришган.

Ад.: Мирҳайдарова З., Музыка в драматическом театре, Т., 1986.

Закия Мирҳайдарова

ТЕАТРШУНОСЛИК — театр тарихи ва назариясини ўрганувчи фан. Мустақил илмий йўналиш сифатида театр санъатининг умумий тараққиёти б-н боғлиқ ҳолда 20-а.да шаклланган. Т. дастлаб, асосан драма театрлари фаолияти б-н боғланган бўлса, кейинчалик опера ва балет, оперетта, мусиқали драма, болалар театри, кўғирчоқ театри, театр таълими, саҳна нутқи, декорация санъати, саҳна либоси ва пардози, саҳна ҳаракати, ҳаваскорлик театри соҳалари ва йўналишларини ўз ичига олади.

Т. куртаклари Шарқ ва Ғарб мамлакатларида театр санъатини шакланишни ва тараққиётн б-н боғлиқ ҳолда турли даврларда, кўп ҳолларда тарих, фалсафа, адабиётшунослик фанлари ичида вужудга келиб, мукаммалашиб борган. Театр амалиётини назарий жиҳатдан умумлаштириш Юнонистон, Рим, Хиндистон, Хитойда пайдо бўлган. Аристотелнинг «Поэтика»си санъат, жумладан, драма ва театр назарияси бўйича биринчи тажрибадир. Ғарбий Европада драматургия ва театр санъатини тадқиқ этиш Уйғониш даврида антик даврда яратилган қўлёзмаларни ўрганишдан бошланган. Англияда 16-а.да гуманистлар театр санъатининг ахлоқий тарбиядаги ўрни, эстетик аҳамиятини ёқлаб бир қатор илмий асарлар ёзишган. Алоҳида йўналиш сифатида драма назарияси ривожланади. 18-а. театр танқидчиси — янги театр тажрибаларини умумлаштириш (С.Ҳусайн, Чўлпон ва б.). 1929 й.да С.Ҳусайннинг «Ўзбек театри» тўплами, 1935 й.да М.Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» китоби босилиб чиқди.

40—50-й.ларда театр тарихини ўрганишга асосан 2 ташкилот — Санъатшунослик и.т. ин-ти, Театр ва рассомлик санъати ин-ти қошида ташкил

Лейпциг ун-тларида махсус Т. курслари ўқитилиб, Кёльн ва Килда Т. илмий тадқиқот ин-тлари иш бошлади. 1902 й. Берлинда театр тарихини ўрганиш жамияти тузилади. Францияда Т. ёзувчи ва файласуф Д.Дидро асарларида (18-а.) ёрқин кўринди. 19-а.нинг 2-ярми, 20-а. бошларида театр тарихи, драматургия ва актёрлик санъати бўйича фундаментал тадқиқотлар яратилди. 1933 й.да Францияда театр тарихи жамияти тузилди. Россияда 19-а.да П.И.-Сумароков, А.Пушкин, Н.Гоголь, В.Белинский ва б. Т. ривожига катта ҳисса қўшдилар. 1939 й. Петербургда Театр, мусиқа ва кинематография ин-ти иш бошлайди. 20-а.нинг 60—80-й.ларида мазкур даргоҳларда бир қатор ўзбек театршунослари номзодлик ва д-рлик диссертацияларини ҳимоя қилишган. Собиқ иттифоқ доирасида бошқа миллий театрлар қаторида ўзбек театри бўйича ҳам монография ва мақолалар эълон қилинган. Бу ўринда О.Олидор (Кайдалова), М.Григорьев кабиларнинг хизматлари алоҳида.

Ўзбекистонда Т. мустақил фан сифатида 20-а.нинг 50-й.ларида шаклланди. Бунда ҳоз. Санъат ин-тининг ўрни катта. Ин-т малакали театршунос кадрларни тайёрлаб етиштира бошлаши б-н этнография, адабиётшунослик доирасида тетапея қила бошлаган илмий йўналиш профессионал йўлга чиқиб олди. Бироқ Т.нинг дастлабки кўринишлари Фурқат, М.Беҳбудий ва б.нинг маърифатчилик йўналишидаги мақолаларида европа шаклидаги янги театр яратиш ҳаракати б-н боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. 1914 й. Тошкент, Самарқанд ва б. шаҳарларда театр жамоалари таркиб топиб, халқ маданий ҳаётидан ўрин ола бошлаши б-н, театр танқидчилиги ҳам пайдо бўлди. Мирмулла, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Фитрат, Ғ.Юнус, С.Ҳусайн, Чўлпон, С.Сиддиқ каби танқидчилар аниқ спектакларга тақриз ёзиш б-н чекланмай, театр жараёни, тажрибаларни умумлаштиришга киришадилар. Шу тариқа Т.нинг дастлабки кўринишлари майдонга келади. 20-й.лардаёқ Т.да 2-йўналиш кўзга ташланади: бири — анъанавий театр тарихини ўрганиш (Ғ.Зафарий ва б.), иккинчиси — янги театр тажрибаларини умумлаштириш (С.Ҳусайн, Чўлпон ва б.). 1929 й.да С.Ҳусайннинг «Ўзбек театри» тўплами, 1935 й.да М.Солиҳовнинг «Ўзбек театри тарихи учун материаллар» китоби босилиб чиқди.

40—50-й.ларда театр тарихини ўрганишга асосан 2 ташкилот — Санъатшунослик и.т. ин-ти, Театр ва рассомлик санъати ин-ти қошида ташкил

топган театр ва хореография бўлими (1940) ва театршунослик кафедраси ходимлари томонидан олиб борилди. Т.нинг кейинги тараққиётида шу ин-тни битириб чиққан М. *Раҳмонов*, М. *Қодиров*, Т.*Баяндиев*, Ф.*Жўраев*, Л.Авдеева, Т.*Турсунов*, В.Дьяченко, С.Турсунбоев, Э.Исмоиловлар театр тарихига оид турли мавзуларда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бу ишга Москва театр санъати ин-тини тугатган Х.Д.Устабоева, А.Рибник, Я.Фельдман кабилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. 50—80-й.лар анъанавий ва янги ўзбек театри тарихи бўйича манбалар тўплаш ва уларни тартибга солиш авж олди. «Ҳамза номидаги театр» (ўзбек ва рус тилида, 1957), М.Раҳмоновнинг «Ҳамза ва театр» (ўзбек ва рус тилида, 1958), Я.Фельдманнинг «Характер народа и сценические образы» (1962), М.Қодировнинг «Ўзбек халқ оғзаки драмаси» (1963), муаллифлар гуруҳи тайёрлаган «Узбекский советский театр» (1966), С.Турсунбоевнинг «Андижон театри» (1970) китоблари шулар жумласидан. Т.Турсуновнинг драматургия тарихи, Т.Баяндиевнинг қорақалпоқ театри тарихи бўйича тадқиқотлари босилди. Кейинчалик М. Раҳмонов, М. Қодировларнинг монографиялари туфайли Ўзбекистон ҳулудида ўтмишда анъанавий театр узлуксиз фаолият кўрсатиб келганлиги исбот қилинди. Театршуносларнинг 2-бўғини Т.Исломов, Э.Мухторов, М.Тўлахўжаева, М.Ҳамидова, Е.Панова, Т.Йўлдошев, И.Раҳимжонов, Н.Зоҳидова, Н.Ким, Р.Азизова, Ҳ.Икромов, К.Умурзоқовлар актёрлик санъати, режиссура, мусиқали драма жанри, драматургия, болалар театри, саҳна нутқи соҳаларида и.т. ишлари олиб бордилар. С.Қодирова, С.Аҳмедов, О.Ризаев, Д.Раҳматуллаева, Ш.Ризаев, Н.Қурбонбоева, О.Тожибоева, Б.Шодиевлардан иборат театршуносларнинг 3-бўғини ҳам Т. фани методологияси ва ютуқларига таянган ҳолда театр санъатининг турли йўналишларида и.т. ишлари олиб бормоқдалар. Т. фани ичида рақсшунослик ва циркшунослик таркиб топди. Дастлаб рақс санъатини F.Зафарий б-н этнограф Ираида Бахта ўрганишга ҳаракат қилдилар. Мусиқашунос Е.Романовская ҳамкорлигида Фарғона мумтоз рақси «Катта ўйин» ёзиб олинди. Лекин ҳақиқий рақсшуносликнинг пайдо бўлиши Любовь Авдеева номи б-н боғлиқ. Унинг «Тамара Ханум» (1956), «Мукаррама Тургунбаева» (1958), «Ўзбекистон рақс санъати» (рус ва ўзбек тилида, 1963, 1966), «Балет Узбекистана» (1973) монография ва ижодий портретлари нашр этилган. Розия *Каримова* «Ферганский танец» (1973), «Хорезмский танец» (1975), «Бухарский танец» (1977) номли китобларида ўзбек анъанавий рақс санъатининг асосий йўналишларига хос рақс ҳаракатларини тизимли баён этган ва шуларга таянган ҳолда «Танцы ансамбля Бахор» (1979), «Танцы Равии Атаджановой» (1983), «Узбекские танцы в постановке Исахара Акилова» (1987) рақс тўпламлари юзага келди.

Ўзбек цирки тарихини ўрганиш бўйича Тўлқин Обидов (1933—1997)нинг хизмати катта. Унинг «Дорбозлар қиссаси» (1963), «Мастера узбекского цирка» (1973), «Арена Акрама Юсупова» (1976), «Ўзбек полвонлари» (1979) рисолалари ва айниқса, «Традиционный цирк в Узбекистане. Генезис и эволюция» мавзуида Москвада ҳимоя қилган д-рлик диссертацияси (1990) циркшуносликнинг таркиб топишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. 20-а. цирк тарихини ўрганишда Пўлат Тошканбоевнинг ишлари эътиборлидир.

Мустақиллик даврида демократик гоялар, миллий гурур, Ватан туйғусининг кучайиши театршуносларни анъанавий театр тарихига алоҳида эътибор бериб, мавжуд кемтикларни тўлдиришга, 20-а. театр тарихини қайта кўриб чиқиш, уни узлуксиз тарихий жараён сифатида қарашга даъват этди. Томоша санъати, байрамлар тарихини ўрганиш сезиларли даражада ўсди. 20-а. ўзбек театрини яхлит ҳолда тадқиқ этишда М. Раҳмонов, М. Қодиров, Э. Мухторов, М. Тўлахўжаева, Т. Исломов, М. Ҳамидова, С. Қодирова, Д. Раҳматуллаева, Е. Панова ва б.нинг ишлари эътиборли бўлди. Айниқса, М. Раҳмоновнинг 2000 й. Ўзбек миллий академик драма театри тарихининг 1-китоби нашр қилиниши, М. Раҳмонов, М. Тўлахўжаева, Э. Мухторов томонидан шу тарихнинг 2-китоби нашрга тайёрланиши Т.да катта воқеадир. Шунингдек, Л. Авдееванинг «Бернора Қориева» (1995), «Ўзбек миллий рақси тарихидан» (ўзбек ва рус тилларида, 2001), Л. Авдеева, М. Қодиров, Ю. Исматоваларнинг «Танавор рақси жилолари» (ўзбек ва рус тилларида, 2002), Р. Каримованинг «Ўзбек рақслари» (2003) китоблари рақсшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Театршунослар бевосита мустақиллик йилларида театр санъатида юз берган ўзгаришларни, оқим ва тенденцияларни чуқур ўрганиш, истиқболини белгилаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшмоқдалар. Санъатшунослик и.т. ин-ти томонидан чиқарилган «Ўзбекистон санъати (1991—2001)» тадқиқотидан театр, рақс ва цирк санъати ўрин олган. Айниқса, 2002 й. «Ўзбектеатр» томонидан нашр этилган «Истиқлол ва миллий театр» тўплами муҳим воқеадир.

Т. соҳасида юқори малакали илмий кадрларни етиштиришда Санъатшунослик и.т. ин-ти қошидаги аспирантура ва докторантура муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ҳоз. кунда (2004) республикада Т. фанининг турли соҳаларида 9 та фан д-ри, 30 га яқин фан номзоди и.т. ишлари олиб бормоқда.

Муҳсин Қодиров.

ТЕБИНБУЛОҚ ВЕРМИКУЛИТ КОНИ — Қорақалпоғистон Республикасининг Султон Увайс тогларида. Нукус ш.дан 75 км жан.-ғарбда. Кон 1937 й.да қайд этилган. Т.в.к. қуйи карбон даврига мансуб. Габбро-периодит-пироксенит интрузив массивининг кучли биотитлашган ғарбий ва шарқий чеғаралари бўйлаб узлуксиз ривожланган чизиқсимон синиқчалар зоналари б-н боғлиқ емирилиш пўстлоқларида жойлашган. Зоналар уз. 1,2 км, рудаланиш чуқ. 40 м. Алоҳида руда таналарининг уз. 120—450 м, эни эса 18—220 м бўлиб, вермикулитнинг ўртача миқдори 10—15%. Вермикулит сарғиш-қўнғир тусли хол-хол, томир, томирчалар ва уларнинг тўпламчалари сифатида биотитли пироксенитларнинг нураш пўстида ҳосил бўлади. Генезиси бўйича кон якунланган магматик жараёнлар б-н боғлиқ. Унинг заҳиралари 1 млн.т.дан зиёд. Руда осон бойитилади. Вермикулит иссиқликдан изоляция қилувчи материаллар олиш учун ишлатилади. Экологияда — оқар сувларни нефть ва ёғлардан тозалашда самарали фойдаланилмоқда.

ТЕБИНБУЛОҚ ТЕМИР КОНИ — Қорақалпоғистон Республикасининг Султон Увайс тогларида. Нукус—Тўрткўл т.й.дан 5—7 км масофада жойлашган. Кон 1937 й. топилган. Урусой синигида қуйи девон даврига мансуб кремний-карбонатли-терриген ва вулканоген-терриген жинслар орасида жойлашган қуйи карбоннинг пироксенит-габброли интрузив мажмуаси б-н боғлиқ. Темир рудаси таркиби бўйича Уралдаги Кочканар конига ўхшаш, унда темир 16,2%, титан оксиди — 2,0%, ванадий оксиди — 0,15%; фарқи титан оксиди 1,5 баробар юқорилигидир. Асосий минерали — *титан-магнетит*, у ильменитнинг юпқа пластинкасимон ўсимталарини қамровчи магнетитдан иборат. Рудалар зич холдор ёки массив кўринишда, асосан, ўзгарувчан пироксенитлар б-н боғлиқ. Таркибида гематит ҳам учрайди. Руда ва рудасиз пироксенитлар таркибида пирит-халькопирит минералашуви б-н олтин, соф платина, олтин теллуриддари ва платина арсенидлари учрайди. Генезиси бўйича кон якунланган магматик-руда таналари жойлашган интрузив жинсларнинг астасекин совиб бориш жараёнлари б-н боғлиқ. Т.т.к.да бир неча ўн руда таналари аниқланган. Уларнинг энг йириклари коннинг ғарбий ва шарқий участкаларида бўлиб, уз. 2400 м, қалинлиги 100—400 м, тарқалиш чуқ. 500 м га етади. Т.т.к.нинг ресурслари бир неча млрд. тоннани ташкил этади.

ТЕБРАНИШЛАР — муайян вақт оралиқларида такрорланиб турадиган ҳаракатлар. Мас., соат маятниги тебраниши, чолғу асбоблари торларининг ёки камертон оёқчаларининг тебраниши, радиоприёмник контуридаги конденсатор қопламалари орасидаги кучланишнинг тебраниши ва б. шундай такрорланувчанлик хоссасига эгадир. Такрорланаётган жараённинг физик табиатига қараб механик, электромагнит, электромеханик ва б. Т.га ажралади.

Т. табиатда ва техникада кенг тарқалган. Кўпчилик ҳолларда улар салбий таъсир қилади. Рельсларнинг қўшилиш жойидан ўтаётганда поезднинг гилдираклари берадиган турткилар кўприкнинг тебранишига, сузиш винтининг айланиши кема танасининг тебранишига, самолёт қанотларининг тебраниши ҳалокатга олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда Т.ни хавфли чегарагача кўтарилишига йўл қўймаслик учун тегишли чоратадбир кўрилади. Шунга қарамасдан Т. техниканинг турли соҳаларида муҳим аҳамиятга эга. Мас., радиотехника тебранма жараёнларга асосланган. Тебранаётган тизимга кўрсатилаётган таъсир характерига кўра, Т. эркин Т., мажбурий Т., авто Т. ва параметрик Т.га бўлинади. Мувозанат ҳолатидан чиқарилгандан кейин ўзича тебранадиган тизимда юз берадиган Т.га эркин Т.; даврий равишда ўзгарувчи ташқи куч таъсири остида бўладиган Т.га мажбурий Т. деб юритилади.

Автотебранишлар вақтида мажбурий Т.даги каби тебранувчи тизимга ташқи кучлар таъсир қилади, бироқ бундай таъсир кўрсатилиши зарур бўлган вақт моментларини тебранувчи тизимнинг ўзи белгилайди, ташқи таъсирни тизимнинг ўзи бошқаради. Мас., маятникли соатда маятник, кўтариб қўйилган тошнинг ёки буралган пружинанинг энергияси ҳисобига туртки олиб туради, бунда бу турткилар маятник ўрта ҳолатдан ўтаётган моментлардагина берилади. Параметрик Т. вақтида ташқи таъсир ҳисобига тизимнинг бирор параметри, мас., тебранаётган шарча осилиб турган ипнинг узунлиги даврий равишда ўзгариб туради.

Энг содда тебраниш гармоник Т.дир. Гармоник Т.да тебранувчи катталик вақт бўйича синус ёки косинус қонуни бўйича ўзгаради. Бу турдаги тебраниш қуйидаги сабабларга кўра жуда муҳимдир: табиатда ва техникада учрайдиган Т. ўз характери бўйича гармоник Т.га жуда яқин; бошқача кўринишдаги даврий Т.ни устма-уст тушган бир неча гармоник Т. сифатида тасаввур қилиш мумкин. Тебраниш жараёнларининг физик моҳияти турлича бўлишига қармай, улардаги Т.нинг ўзига хос хусусиятлари бир хил қонуниятга бўйсунади. Мас., физик маятник, математик маятник, пружинага осилган юк, электр контурдаги турли Т. ва б.лар бир хил кўринишдаги қуйидаги математик формула орқали ифодаланади:

$$S(t)=A\cos(\omega t+\alpha), \qquad (1)$$

бунда, $S(t)$ — қиймати вақт ўтиши б-н ўзгариб борадиган физик катталик, мас., шарчанинг берилган вақтдаги мувозанат ҳолатидан четлашиш масофаси, маятникнинг оғиш бурчаги, тебраниш контуридаги ток кучи ва б.; A — кузатилаётган физик катталикнинг эриши мумкин бўлган энг катта қиймати — Т. амплитудаси. Косинус ишораси остидаги $(\omega t+\alpha)$ катталик тебраниш фазаси дейилади. Ўзгармас катталик α фазонинг вақтнинг $t=0$ моментидаги қийматидан иборат бўлиб, тебранишнинг бошланғич фазаси дейилади.

Косинус даври 2π га тенг бўлган даврий функция бўлганлигидан, гармоник тебранаётган тизимнинг турли ҳолатлари шундай Т. вақт оралиғи ичида такрорланиб турадики, бу вақт давомида тебраниш фазаси 2π га тенг орттирма олади. Бу вақт оралиғи T тебранишлар даври деб аталди. У $[\omega(t+T)+\alpha]=[\omega t+\alpha]+2\pi$ шартдан топилиши мумкин; вақт бирлиги ичидаги Т. сони тебраниш частотаси ν дейилади. Частота ν Т. даври б-н қуйидагича боғланган $\nu=\frac{1}{T}$, бундан $\omega=\frac{2\pi}{T}$, ω — циклик частота; 2π ичидаги Т. сонини ифодалайди.

Ҳар қандай реал тебраниш тизимида доим қаршилик кучлари мавжуд бўлади. Уларнинг таъсири тизим энергиясининг камайишига олиб келади. Агар камайган энергия ташқи кучларнинг иши ҳисобига тўлдириб турилмаса, Т. сўнади. Сўниш жуда кучли бўлмаган ҳолларда, эркин сўнувчи Т. амплитудаси $A=A_0e^{-\beta t}$ қонуният бўйича вақт ўтиши б-н камайиб боради, бунда β — сўниш коэффициенти; сўнувчи Т. қуйидагича ифодаланади:

$$S(t)=A_0e^{-\beta t}\cos(\omega t+\alpha).$$

Гармоник Т.нинг ўзаро қўшилишидан турли Т., мас., бир хил частота ва турлича фазаларга эга бўлган ўзаро перпендикуляр иккита гармоник Т. йиғиндиси фазалар айирмасига қараб тебранувчи нуқтанинг траекторияси тўтри чизиқ, айлана ёки эллипсдан иборат бўлиши мумкин. Частоталари турлича ва ўзаро перпендикуляр бўлган иккита гармоник Т. йиғиндисини ифодаловчи нуқта ҳаракатининг траекториялари гоят мураккаб чизиқлардан иборат. Бу чизиқлар Лиссажу фигуралари деб юритилади. Гармоник Т.дан иборат турлича мураккаб Т. механика, электротехника, радиотехника, оптика ва б.фан ҳамда техника соҳаларида кўп учрайди.

Ад.: Малов Н. Н., Основы теории колебаний, М., 1971; Детлаф А. А., Яворский Б. М., Курс физики, М., 1989.

Аброр Нўъмонхўжаев.

ТЕВТОНЛАР — герман қабилалари. Мил. ав. 2-а.да кимврлар б-н бирга Рим ерларига киришган, мил. ав. 102 й. Рим саркардаси Г. Марий томонидан тор-мор этилган. Кейинчалик баъзан Т. дейилганда умуман германлар тушунилган.

ТЕВТОН ОРДЕНИ, Немис ордени — католик диний-рицарлик ҳарбий ташкилоти (қ. *Орден*). 12-а. охирида салиб юришлари чоғида Фаластинда асос солинган. 13-а. — 1525 й.да Болтиқбўйида, орден томонидан пруслар, литвалар, поляклардан тортиб олинган ерларда Т.о. давлати мавжуд бўлган. Орден 1410 й. Грюнвальд жангида тор-мор этилган. 1466 й.дан Польша вассали. 1525 й. унинг Болтиқбўйидаги мулклари дунёвий Пруссия герцоглигига айлантирилган.

ТЕГИН, такин (туркийча — қул) — 1) ҳунлар даврида *ябғудан* кейинги 2-олий даражали мансаб; 2) Ғарбий ва Шарқий Турк хоқонлигида (6—8-а.) ҳукмдор — қаган (хоқон)дан кейинги 2-олий лавозим, яъни тахт вориси, қойиммақом. Айни чоғда давлат бошлиғи фарзандлари — хонзодалар исмига қўшиб айтиладиган шарафли унвон. (мас., Култегин, Йўллуғтегин ва б.); 3) Қорахонийлар салтанатида Т. — хонзода муайян мулкка эгалик қилган, ҳарбий ҳаракатларда қўшинни бошқарган. Шарқий Турк давлатлари (уйғурлар ва қорахонийлар)да Т. «хонзода» маъносида мўғуллар босқинига қадар мавжуд бўлган; 4) Сомонийлар, Ғазна-

вийлар ва Салжуқийлар лашкарида узоқ муддат хизмат қилиш эвазига юксак мартабаларга эришган қул, гулом. Хусусан, Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси — *Сабуктегин* субоши — лашкарбоши даражасигача кўтарилган. Хоразмшоҳлар бобокалони *Ануштегин* дастлаб салжуқий Билгатегининг гуломи бўлган. Сомонийлар қўшинида кейинчалик сипоҳсолор унвонини эгаллаган *Алптегин* ҳам турк гуломларидан бўлган.

ТЕГИРМОН — 1) ун тегирмони — донни янчиб унга айлантирадиган қурилма, иншоот. Ибтидоий жамоа давридаёқ пайдо бўлган. Дастлаб, дон-дун тошлар б-н қўлда янчилган. Кейинчалик оқар сув ва шамол кучи б-н ишлайдиган Т.лар қурилган. Ўзбекистон ҳудудида асосан сув тегирмонидан фойдаланилган. Сув тегирмони дўла, коса, шақилдоқ, тош, гупчак, паррак, ёғоч, хомма ва б. қисмлардан иборат. Новдан тушаётган сув парракка урилиб, тегирмон тошини ҳаракатга келтиради. Тегирмон тошга тегиб турадиган ёғоч эса косани тебратади. Дўлдан тушаётган дон косанинг тебраниши натижасида тегирмон-тош чуқурчасига тушади. Тош айланиб донни эзади, унга айлантириб, хоммага тўплайди. Хомма унга тўлганда тегирмончи Т.ни тўхтатиб, унни бўшатиб олади. Қадимда Ўрта Осиёда улов қўшиб ишлатиладиган Т. ва қўл Т.ларидан ҳам кенг фойдаланилган. Сув ва шамол Т.лари ҳозир ҳам айрим жойларда сақланиб қолган. Ўзбекистон ҳудудида шамол Т. йўқ.

Буг машинаси ихтиро қилинганидан сўнг Т. аста-секин такомиллашди. 19-а. бошида буг двигателли Т.лар пайдо бўлди. Ҳозир асосан электр Т.лар кенг ишлатилади. Буларда асосий жараёнлар автоматлаштирилган. Жараёнлар диспетчерлик пунктида туриб бошқарилади. Бунда ун пневматик қурилмалар воситасида қабул қилинади. Дон навларини бўйича элеваторда сақланади. Донни Т.га солишдан олдин тозалаш бўлимида тозаланади, ювиш машиналарида туклари ажратилади, донга ишлов берилиб, кондицияланади ва алоҳида тайёрланган дон аралаштирилади. Тозаланган ва аралаштирилган дон ун тортиш бўлимида унга айланади, тайёр ун жўнатиш бўлимида машина б-н қопларга солинади ва тортилади. Истеъмолчиларга ун махсус машиналарда етказиб берилади. Ун комбинатларидаги н.ч. жараёнларида 30 га яқин машина ва жиҳозлар қатнашади; 2) турли қаттиқ материаллар (тош, мармар, руда ва б.)ни майдалаш учун мўлжалланган машина, қурилма. Материалларни жуда майда (5 мм дан кичик) заррачаларга айлантириши б-н майдалагичдан фарқ қилади. Иш органининг шакли, тури ва тезлигига қараб беш гуруҳга бўлинади: барабанли (секин ишлайдиган шарли, стерженли ва б.), роликли (валикли, юғураакли, ҳалқали, фрикцион-шарли, ўртача тезликда ишлайдиган), болғали (тез ишлайдиган), тебранувчи корпусли титрама (тез ишлайдиган), оқимли (тез ишлайдиган), бармоқли ва б. Барабанли Т. фойдали қазилмаларни бойитишда, цемент н.ч.да, кўмирни кукунлашда, кимё ва металлургия саноатида кенг ишлатилади. Бунда цилиндрик ёки цилиндрик-конус барабан айланганда майдалайдиган жисмлар (чўян ёки пўлат шарлар, цилиндрчалар, думалоқ стерженлар ва б.) эркин ҳаракатланиб, марказдан қочма куч таъсирида материални зарб б-н уриб, эзиб ва сидириб майдалайди. Роликли Т. юмшоқ ва ўртача қаттиқликдаги материаллар (кўмир, цемент, хом ашёси, фосфорит, графит, тальк ва б.)ни қуруқлайин майдалашда ишлатилади. Унинг иши эзиб майдалашга асосланган. У герметик корпус ва унда горизонтал айланувчи майдалайдиган ҳалқадан иборат; ҳалқага иккита ролик пружина б-н сиқилади. Материал майдалайдиган ҳалқага келади ва айланиш давомида роликлар материални эзиб майдалайди. Болғали Т. юмшоқ кўмир, сланец, торфдан чангсимон ёқилғилар тайёрлашда ишлатилади. Т. кожухида болғалари шарнирли ёки бикр маҳкамланган ротор айланади. Материал роторга узатилиб, болғанинг зарби б-н майдаланади. Т.га узатилаётган иссиқ ҳаво материални майдаланиш вақтида қуритади. Тайёр материал ҳаво оқимида ўчоққа узатилади.



Титрама тегирмон: *1* – электр двигатели; *2* – эластик муфта; *3* – вал (дебаланс); *4* – барабан; *5* – пружиналар.

Титрама (вибрацион) Т. ўртача қаттиқликдаги материалларни 2 мм дан 0,06 мм гача ва ундан ҳам майда қилиб майдалашда ишлатилади. Механик вибратор (айланувчи мувозанатлашмаган вал — дебаланс) таъсирида барабан кичик радиусда тез (минутига 3000 мартагача) доиравий тебранади. Барабанга юкланган материал шарларга тез-тез урилиши натижасида майдаланади. Оқимли Т. материалларни жуда майда заррача (0,001—0,05 мм) тарзида туйиш учун ишлатилади. Бунда майдаланадиган материал бир ўқда қарама-қарши жойлашган эжекторларга узатилади ва улардан чиқадиган сиқилган ҳаво, ўта қиздирилган буг ёки иссиқ газлар ёрдамида катта тезлик (500 м/сек) б-н майдалаш камерасига келади. Қарама-қарши учаётган материал зарралари бир-бирига урилиб, майдаланади; майдаланган материал камерадан классификаторга узатилади.

Материалларни юқори частотали, электр импульсли ток б-н майдалайдиган электрофизика усуллари ва б. усуллар ҳам бор.

ТЕГИРМОН ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Бухоро вилоятидаги Олот т.й. станциясидан 20 км жан.-шарқда жойлашган. Кон 1976 й.да очилган. Т.г.к. Чоржўй тектоник погонасининг марказий қисмида, Денгизкўл занжирсимон кўтарилмасининг шим.-ғарбий йўналишидаги эгилган қисмида жойлашган. Юқори юра оҳактошлари шипи бўйича тегирмон бурмаси 2 мустақил — шарқий ва ғарбий тегирмон қуббаларига бўлинган. Т.г.к.да 3 қулоқ қазилган бўлиб, уларда юқори юра карбонат ётқизиқларидаги саноат аҳамиятига молик газ мавжуд. Юра ётқизиқлари 3 қилиқ қатламга бўлинган: терриген, карбонат ва туз-ангидрит. Терриген жинслар кўмирли аргиллит, қумтош ва алевролитлардан (қалинлиги 102 м) иборат. Карбонат қатламнинг (342—362 м) маҳсулдор қисми горизонтларга бўлинган. Газ, асосан шу горизонтларда учрайди. Горизонтлар юқори говакли кесаксимон текстурали — сувўтли оҳактошлардан тузилган бўлиб қатлам-коллекторларни ҳосил қилади. Горизонтлардаги газ қуруқ ва енгил. Горизонтларда конденсат уюми ҳам учрайди. Айрим горизонтлардаги қатлам сувлари хлорид-кальций типига мансуб бўлиб, минераллашган, седиментацион метаморфлашган намакобдан иборат. Кон ҳоз. кунда саноат миқёсида фойдаланишга тайёрланган.



Тегирмон. Қаттиқ материаллар (кўмир, тош ва б.)ни майдалаш тегирмонлари схемаси: *а* – барабанли; *б* – роликли; *в* – ҳалқали; *г* – юғураклар; *д* – болғали; *е* – бармоқли (дезинтегратор); *ж* – титрама; *з* – оқимли.

ТЕГУСИГАЛЬПА — *Гондурас* пойтахти. Чолутека дарёси водийсида, 1000 м баландликда жойлашган шаҳар. Иқлими тропик, иссиқ (январнинг ўртача т-раси 19,6°, июлники 22,6°), йилига 1047 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 813,9 минг киши (1990-й.лар ўртаси). Транспорт йўллари тутуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, кўнпойабзал, ёғочсозлик, керамика саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари (гипс, мармар плиталар) ишлаб чиқарилади. Ун-т, Гондурас академияси, Геогр. ва тарих академияси, миллий музей, миллий кутубхона ва б. бор.

Т.га 16-а.нинг 2-ярмида испанлар асос солган. 18-а.да шаҳар яқинида кумуш, мармар ва олтин конларининг топилиши уни тез ўсишига сабаб бўлди. 1880 й.дан Гондурас пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан Сан-Мигель соборн (18-а.), черков (18—19-а.), саройлар сақланган.

ТЕЗ АЙТИШ — ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир тури. Т.а.да янглишиб кетиш мумкин бўлган қофиядош сўзлардан тузилган жумлалар қўлланади. Унда муайян товушлар, айниқса, жарангли ундошлар такрорланади ва сўзлар *ритм, урғулар* б-н тез айтилади. Мас., Беш мис баркаш, беш мис баркашнинг ичида беш минг мис баркаш. Т.а.да ҳар бир товуш ўз ўрнида тўғри, равон талаффуз этилиши шарт. Товушлар талаффузида янглишган томон (киши) енгилган ҳисобланади. Ўтмишда катта ёшдаги одамлар ҳам ўтиришларда, тўйларда Т.а.да мусобақалашиб, маданий ҳордиқ олганлар. Кейинчалик, асосан, болалар репертуарига айланган, Т.а.лар болаларнинг фикрлаш қобилиятини, сўз бойлигини оширишга ва нутқининг равон бўлишига хизмат қилади.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ — инсон ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавфли ҳолатлар рўй берганда кечаси-ю кундузи кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури ва тизими. Илк бор Т.т.ё. 1918 й. Тошкент ш.да пункт сифатида ташкил этилиб, 1926 й. мустақил Т.т.ё. станциясига, 1974 й. Т.т.ё. клиник касалхонаси б-н бирлаштирилиб, бўлимга айлантирилди. 1983 й. касалхонадан ажратилиб, мустақил шаҳар тез ва шошилинч тиббий ёрдам станцияси деб аталди. Т.т.ё.нинг вазифаси ҳодиса юз берган жойда, уйда, беморни касалхонага олиб кета туриб шошилинч, шу жумладан мутахассис врач томонидан ёрдам кўрсатиш, лозим бўлса, беморларни касалхонага етказишни таъминлашдан иборат. Бундан ташқари, Т.т.ё. хизмати кўзи ёрийдиган аёлларни ёки уйида кўзи ёриганларни врач талабига кўра даволаш муассасаларига олиб боради. Т.т.ё. ходимларини чақириш учун ягона телефон индекси (03) жорий этилган. Т.т.ё. станциялари ходимлари меҳнатга қобилиятсизлик варақалари, суд-тиббий эксперти хулосалари, шунингдек, беморларга ё уларнинг қариндошларига ёзма маълумотнома бериш ҳуқуқига эга эмас. Қишлоқ жойларида кунининг истаган пайтида Т.т.ё. кўрсатиш врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари зиммасига юкланган. Олис ва бориш қийин бўлган жойларга санитария авиацияси воситалари б-н шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилади. Т.т.ё. машиналари радиолаштирилган бўлиб, икки томонлама телефон алоқаси б-н таъминланган, нафас ва наркоз бериш аппаратлари, кислород ингаляторлар, электрокардиограф ва б. зарурий асбоблар б-н жиҳозланган. Йирик шаҳарлар, жумладан Тошкентда ҳам ихтисослаштирилган махсус реанимацион, кардиологик, неврологик, токсикологик, педиатрия, интенсив терапия бригадалари ва б. ташкил этилган. Бу уйда ва йўлда кета туриб ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга имкон беради.

Тегусигальпа шаҳридаги черков.

ТЕЗАВРАЦИЯ (юн. thesauros — хазина) , олтин тезаврацияси — 1) аҳолининг пулга нарсалар сотиб олмай, уни муомалада ишлатмаслик йўли б-н жамғариши; 2) хусусий шахслар томонидан олтинни бойлик (олтин буюмлар, ҳар хил тақинчоқлар шаклида), хазина тарзида тўпланиши; 3) мамлакатнинг олтин захирасини барпо этиш.

ТЕЗАУРУС (юн. thesauros — хазина, бойлик) — 1) муайян тилдаги барча сўзларни қамраб оладиган, уларнинг матнда қўлланиш ҳолатларини тўла-тўкис акс эттирадиган луғат. Жонли тилнинг луғат таркиби доимо ўзгариб туриши сабабли Т. фақат ўлик тиллар материаллари асосида ёки олдиндан белгилаб олинган ёзма ёдгорликлар учун тузилиши мумкин. Муайян ёзув ёдгорликларидан лексикани ёппасига териб олишга асосланган луғатлар (мас., юнон. лотин тилларига тузилган луғатлар) шундай луғатлардан ҳисобланади. Туркийшунослиқда А.К.Боровков, Э.И.Фозилов, А.Нажибларнинг 13—14-а.лар туркий ёзма ёдгорликлари асосида тузилган луғатлари ҳам *глоссарий*, ҳам Т. белгиларига эга. Сўз танлаш принципига кўра ёзувчилар ёки улар ижодига мансуб айрим асар тили бўйича тузилган луғатлар ҳам Т. ҳисобланади; 2) бирон-бир илм-фан соҳасига оид луғавий бирлик (сўз)лар мавзу тартибида жойлаштирилган ва ана шу бирликлар ўртасидаги семантик (тур-жинс, синонимик ва б.) муносабатлар акс эттирилган *идеографик луғат*. Бунда сўзлар алифбо тартибида эмас, балки бир мавзу, бир тушунчага алоқадор сўзларнинг барчаси бир жойда берилади: керакли сўзлар тушунчага қараб қидирилади. Назарий жиҳатдан Т. лексика семантик тизимининг эҳтимолий моделларидан биридир. Амалда ундан ёзувчи индивидуал луғатини бойитиш воситаси сифатида фойдаланилади.

ТЕЗИС (юн. thesis — қоида, исбот) — 1) кенг маънода — баҳсда ёки бирор назарияни баён қилишда айтилган ҳар қандай фикр; тор маънода — асосий фикр, принцип; 2) мантиқда исбот қилишни талаб этувчи фикр, мулоҳаза.

ТЕЗЛАНИШ — тезлик вектори $\vec{v}$нинг сон қиймати ва йўналиши бўйича ўзгариш суръатини ифодаловчи вектор катталик:

$$\vec{a} = \frac{d\vec{v}}{dt} = \frac{d(v\cdot\vec{\tau})}{dt},$$

бунда $\vec{\tau}$ — ҳаракати ўрганилаётган жисм траекториясининг қузатилаётган нуқтасига ўтказилган уринма бўйича йўналган вектор бирлиги. Вақт ўтиб бориши б-н қузатилаётган нуқта тра-

ектория бўйлаб кўча бошлайди ва шунга мос равишда тезлик векторининг йўналиши ва сон қиймати ўзгариб бориши мумкин:

$$\vec{a} = \vec{\tau}\frac{d\upsilon}{dt} + \upsilon\frac{d\vec{\tau}}{dt} = \vec{a}_\tau + \vec{a}_n.$$

Бу формуладан кўринадики, Т. вектори иккита ташкил этувчининг йиғиндисидан иборат: бири (биринчи ҳад) траекторияга ўтказилган уринма бўйлаб йўналган тезликнинг сон қиймати бўйича ўзгаришини тавсифловчи Т., иккинчиси (иккинчи ҳад) тезлик векторига тик, эгрилик марказига қараб йўналган, тезликнинг йўналиш бўйича ўзгаришини тавсифловчи Т. Бу Т.ни мос равишда уринма (тангенциал) Т. ва марказга интилма (нормал) Т. деб аталади. Текис ҳаракат учун $a_\tau=0$. Агар $a_\tau>0$ бўлса, ҳаракатни тезланувчан ҳаракат дейилади, $a_\tau<0$ бўлса сақланувчан ҳаракат дейилади, $a_n=\text{const}$ бўлиб, нолдан фарқли бўлса, ҳаракат текис ўзгарувчан ҳаракат дейилади. Бунда тенг вақт оралиқлари ичида тезликнинг сон қиймати бир хил миқдорда ўзгариб боради. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да Т. бирлиги қилиб 1 м/с² қабул қилинган.

ТЕЗЛАТКИЧЛАР (ядро физикаси да) — электр майдони ёрдамида юқори энергияли зарядланган зарралар (электронлар, протонлар, атом ядролари ва б.) олиш учун мўлжалланган қурилмалар. Зарралар қурилманинг вакуум камерасида ҳаракатланади; уларнинг ҳаракати (траекторияси шакли)ни магнит майдони (баъзан, электр майдони) б-н бошқариб турилади. Зарраларнинг траекториясига кўра, Т. циклик ва чизиқли, тезлатувчи электр майдони характерига кўра, резонанс ва норезонанс турларга бўлинади (норезонанс Т.нинг индукцион ва юқори вольтли хиллари бор). Циклик Т. жумласига электронлар Т.и (*бетатрон, микротрон, синхротрон*) ва оғир зарралар (протонлар ва б.) Т.и (*синхрофазотрон, фазотрон, циклотрон*) киради. Бетатрондан бошқа барча циклик Т. резонанс Т. ҳисобланади. Юқори вольтли чизиқли Т. энергияси 30 МэВ бўлган жадал зарралар дастасини ҳосил қилади. Энг юқори (~20 ГэВ) энергияли электронларни резонанс Т., энг юқори (~500 ГэВ) энергияли протонларни синхрофазотронлар ҳосил қилади. Бирламчи тезлатилган зарралар дастасидан ташқари, Т. бирламчи зарраларни модда-чи иккиламчи зарралар (мезонлар, нейтронлар, фотонлар ва б.) дастаси манбаи ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда ионлар, протонлар ва гелий ионларидан ташкил топган 209 МэВ ли У115М тезлаткичлар, шунингдек, 14 МэВ ли НГ-150 тез нейтронли тезлаткич-генератор, 50 МэВ ли СБ-50 катта токли бетатрон, ток кучи 20 мкА ва энергияси 2 МэВ ли ЭГ-2 электростатик генератор ва ток кучи 10 мкА, қуввати 22 МэВ ли МТ22С микротрон мавжуд.

Т. ҳозирги замон физикасининг асосий қуролларидан бири. Юқори энергияли зарралар дастасидан элементар зарраларнинг табиати ва хоссаларини тадқиқ қилишда, атом ядроси ва қаттиқ жисм физикасида, дефектоскопияда, беморларни нур б-н даволаш ва б. соҳаларда фойдаланилади.

ТЕЗЛИК (механикада) — моддий нуқта ҳаракатининг асосий кинематик кўрсаткичларидан бири; вектор катталик бўлиб, $\vec{\upsilon} = \frac{d\vec{r}}{dt}$ муносабат орқали аниқланади, бунда $\vec{r}$ моддий нуқтанинг фазодаги ўрнини ифодаловчи радиус вектор. Т. векторининг йўналиши ҳаракат траекториясига ўтказилган уринма бўйича йўналган бўлади. Текис ҳаракат тезлиги моддий нуқтанинг вақт бирлиги t да ўтган йўли s б-н ўлчанади, яъни $\upsilon = \frac{s}{t}$. Нотекис ҳаракат учун берилган он (момент)даги Т. катталик жиҳатдан, агар шу ондаги тезликни бундан кейин ҳам сақлаб қолган бўлса, нуқтанинг вақт бирлигида ўтадиган йўлига тенг бўлади, деб қараш мумкин.

Халқаро бирликлар тизими СИ ва Т. бирлиги қилиб 1 м/с қабул қилинган.

ТЕЗЛИКЛАР ҚУТИСИ — механизмларда етакчи валнинг айланишлар сони (тезлиги) ўзгармагани ҳолда етакланувчи валнинг айланишлар сонини погонали тарзда ўзгартириб берадиган механизм. Иши етакчи вал б-н етакланувчи вал орасидаги узатиш нисбатини шестерналар (тишли гилдираклар) ёрдамида ўзгартиришга асосланган. Шунинг учун Т.қ. узатмалар қутиси деб ҳам аталади. Т.қ. алоҳида корпус (қути) ёки бошқа механизмлар б-н бир умумий корпусга жойлаштирилган тишли узатмалардан иборат. Металл кесиш станокларида, автомобиль ва б. транспорт воситаларида ишлатилади.

ТЕЗОҚАР — сувнинг оқимини каналнинг баландликда жойлашган қисмидан пастроқ қисмига катта тезликда ўтказадиган қисқа канал ёки нов шаклидаги гидротехника иншооти. Т. бетон, темир-бетон, харсанг тош каби мустаҳкам қурилиш материалларидан қурилади. Т.нинг ҳажми, ишлаши қўлланилаётган материал доиш бериши мумкин бўлган энг катта оқим тезлиги ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Т.нинг сув сарфи бир неча м³/с дан юзлаб м³/с гача бўлиши мумкин. Оқим тезлигини камайтириш учун Т. тубида, баъзан эса ён деворларида квадрат ёки тўғри бурчакли кесимдан иборат қовурға шаклидаги тадир-будирлар (қабариқ шакллар, думалоқ тошлар) ҳосил қилинади. Бундай ҳолда Т. қурилган материаллардан ясалади.

Т. бошланиш қисми (пешқи; тезоқар нов (шоҳа), сундиргич (сув қирқима қисм энергиясини сундирувчи) ва новни қуйи канал б-н туташтирувчи чиқарғич қисмлардан иборат бўлади. Т.нинг бош қисми юқоридаги канални нов б-н равон боғлайди; новнинг кўпалаган кесими тўғри бурчак ёки трапеция шаклида, энг узарувчан ёки доимий бўлади. Ўзгарувчан энли Т.да оқим энг (шоҳа) торайди ёки кенгаяди. Ўрта Осиёдаги суғориш системаларида (Хоразм вилоятидаги Ғазовот, Поп вил., Самарқанд вилоятида Миёнқол, Тошкент вилоятидаги Шим. Тошкент ва б. каналларда) шоҳанинг юқори қисми кенг, пастки қисми тор бўлган янги конструкциядаги Т. қурилган. Бу эса сувнинг новда равон ёйилиб оқишини ва иншоотларнинг мустаҳкам ва узоқ муддат ишлашини таъминлайди (қ. *Шаршара*).

Зиёвиддин Арифхонов.

ТЕИЗМ (юн. theos — худо) — худо оламдан ташқарида туради, оламни ўз иродаси б-н яратган ва унда мавжуд бўлган мутлақ шахс деб тушунувчи диний дунёқараш. Нариги дунёдаги ҳудони тан олиш Т.ни пантеизмдан, ҳудоиинг доимий фаоллигини тан олиш эса деизмдан фарқлантириб туради. Т. келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро яқин бўлган иудаизм, христианлик ва ислом динлари учун хосдир. «Т.» атамасини дастлаб инглиз файласуфи Р. Кедворт (1617—88) қўллаган.

ТЕЙЛЕР (Theiler) Макс (1899.30.1—1972.11.8) — Жан. Африка врачи ва микробиологи. 1922 й.дан АҚШ да. Тиббиётни Кейптаун ун-тида ўқиб (1917—18), 1922 й.да Лондонда тугатган. 1957 й.дан Рокфеллер фонди (Нью-Йорк) қошидаги соғлиқни сақлаш ва халқаро тиббиёт бўлими лаб. раҳбари, айни вақтда (1964 й.дан) Йельск ун-ти тиббиёт мактабида проф. Илмий фаолияти инфекцион касалликларни ўрганишга доир. Сариқ иситма қўзғатувчисини аниқлаган ва шу касалликка қарши одамларни эмлаш учун 2 та вакцина кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1951).

ТЕЙЛЕРИОЗ — кавш қайтарувчи ҳайвонларда учрайдиган инвазион трансмиссив касаллик. Лимфа боғламлари ва паренхима органларида, сўнгра қон эритроцидларида паразитлик қиладиган Theileria авлодига кирувчи бир ҳужайрали пигментсиз содда паразитлар қўзғатади. Касаллик Европа, Осиё ва Африка давлатларига тарқалган. Қорамолларда Т.зетрепи, T.mutans; қўй ва эчкиларда T.ovis келтириб чиқаради. Қўзиқорин б-н оналик бўлиқлар қаттиқ касалланади. Касаллик қўзғатувчиси соғлом молларга зарарланган йилон каналари орқали юқади. Касаллик, асосан, йилнинг илиқ-иссиқ фаслида, каналларнинг фаол ҳаракати даврида бошланади. Лимфа безлари, талоқ ва жигар катталашади, ширдон шиллиқ қаватида кўмалоқ яралар пайдо бўлади.

Даволаш: глобулин, битумал кўшилган хиноцид, тетрациклин қатори антибиотиклари, симптоматик воситалар (кофеин, фталазол, кобальт хлорид, мис сульфат, витамин B_{12}) яхши самара беради.

Олдини олиш: қорамоллар Т.га қарши пирик вакцинаси ёрдамида эмланади. Қарши курашнинг асосан қўзғатувчини ташувчи каналларни йўқотишга қаратилади. Моллариини каналдан мунтазам кўлан кечирилади, баҳорёз-куз ойларида ҳар ҳафтада бир марта каналларга қарши ишлов берилади, чорвачилик объектлари, молхоналари ҳар 1,5—2 ойда бир марта дезакризация қилинади.

Ҳошим Нуриддинов.

ТЕЙЛОР Брук (1685.18.8, Эдмонтон, Миддлсекс — 1731.29.12, Лондон) — инглиз математиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1712 й.дан). Функцияларни даражали қаторга ёйиш, тор тебранишни, чекли айирмалар назариясига оид муҳим натижалар олган. Магнитларнинг ўзаро таъсири, капиллярлик, снарядларнинг учиши, перспектива соҳаларига бағишланган асарлар ёзган. Фалсафа масалалари б-н ҳам шуғулланган.

ТЕЙЛОР (Taylor) Жефри Инграм (1886.7.3, Лондон — 1975.27.6, Кембриж) — механика соҳасидаги инглиз олими, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1919). Асосий илмий ишлари *ҳаво муҳит механикаси*га доир. Т. турбулентлик назариясига муҳим ҳисса қўшган, қовушоқ суюқликлар оқими барқарорлиги назариясини, турбулент *диффузия* назариясини ривожлантирган, турбулентликнинг ярим эмпирик назариясини яратган, дислокациялар назариясига доир муҳим ишлари бор. Т. аэро ва гидро динамикаси масалалари, ядровий портлаш муаммолари, самолёт ва парашют аэродинамикаси, метеорология масалалари ва б. масалалар б-н ҳам шуғулланган.

ТЕЙЛОР ФОРМУЛАСИ — функциянинг x_0 нуқта атрофидаги қийматини n-даражали кўпҳад ва қолдиқ ҳад йиғиндиси шаклида ифодаловчи формула. Агар $f(x)$ функция x_0 нуқтада n марта дифференциалланувчи бўлса, у ҳолда Т.ф. $f(x)=P_n(x)+r_n(x)$ кўринишга эга бўлади, бунда

$$P_n(x) = f(x_0) + \frac{f'(x_0)}{1!}(x - x_0) + \ldots$$

$$+ \frac{f^{(n)}(x_0)}{n!}(x - x_0)^n, r_n(x) \text{ — қолдиқ ҳад.}$$

$x \to x_0$ да $r_n(x)$ нолга $(x-x_0)^n$ га нисбатан тенгсиз интилади. Инглиз математиги Б. Тейлор (1685—1731) топган.

ТЕЙЛОРИЗМ — ишлаб чиқаришни бошқариш, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантириш ҳамда бизнес самарадорлиги назарияси; америка *менежмент* назариясининг бир йўналиши. 19-а. охири — 20-а. бошларида АҚШ муҳандиси ва олими Ф.У. Тейлор (1856—1915) томонидан ишлаб чиқилган. Тейлор меҳнатни рационал ташкил этиш қонуниятларига асосланган қатъий илмий билимлар тизимини таклиф этди. Унинг ташкилий унсурлари: таннархни ҳисоблашнинг математик усули; меҳнатга ҳақ тўлашнинг табақалашган тизими; вақтни ва меҳнат ҳаракатларини ўрганиш усули (хронометраж); меҳнат жараёнини қисмларга бўлиш ва рационализациялаш; функционал маъмурият; инструкцион карточкалар ва б. (кейинчалик улар америкача «илмий менежмент» таркибига кирди). Тейлорнинг фикрича, ишчиларнинг самарадорлигини ошириш фақатгина меҳнат жараёнини, усулларини, асбобларини стандартлаштириб эришиш мумкин. Ишчилар ўз вазифаларини мутлақо механик тарзда бажаришлари лозим, ишч. бошқарувни эса етарли билим ва малакага эга бўлган ташаббускор маъмурият томонидан амалга оширилиши керак. Тейлор моддий манфаатдорлик тамойилини ўз назариясига асос қилиб олди, яъни *иш ҳақи* ёрдамида ишчи меҳнатини максимал равишда интенсивлаштириш мумкин, деган фикрни олга сурди. Тейлор ижтимоий-фалсафий концепциясининг марказий тамойилига кўра иш ҳақи охир-оқибат ишчининг ишч.га кўшган ҳиссасига мос бўлиши ҳамда ишчи кенгайтиришга олиб келиши лозим. Ўз концепциясини ишч.да Тейлор тадқиқот ўтказишнинг аниқ усуллари — интервью, анкета, кузатиш усулларидан фойдаланди.

Т. асосида 4 та илмий тамойил (бошқарув қонунлари) ётади: эски, ўта амалий иш услубини, меҳнат фаолиятининг ҳар бир алоҳида турини илмий бошқарув услубига алмаштириш; ишчи ва менежерларни илмий мезонлар асосида профессионал танлаш; меҳнат жараёнини илмий ташкил этиш масалалари бўйича маъмуриятнинг ишчилар б-н ҳамкорлиги; ишчилар ва менежерлар ўртасида масъулиятнинг текис ва адолатли тақсимланиши.

Т. тамойиллари дастлаб АҚШда, сўнгра Буюк Британияда меҳнатни ташкил этиш тарзида амалиётга жорий қилинган. Т. кейинчалик америкача менежмент фалсафасининг асосий манбаларидан бирига айланди.

Ад.: Тейлор Ф.У., Научная организация труда, 2 изд., М., 1925; Уолд Н., Маркузе Я., Лайнз Д., Мартин Б., Экономика и бизнес, пер. с англ. М., 1999.

Фарҳод Асбаров.

ТЕЙТЕМ (Tatum) Эдуард Лори (1909.14.12, Боулдер, Колорадо штати, АҚШ — 1975.5.11) — америкалик биокимёгар ва генетик. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1952). Чикаго ва Висконсин ун-тини тугатган (1931), биокимё д-ри (1934). Висконсин, Уретрихт (Нидерландия), Стенфорд (1937—45, 1948—56) ва Йельск (1945—48) ун-тларида ишлаган (1946 й.дан проф.). 1957 й.дан Нью-Йоркдаги Рокфеллер тиббиёт ин-тида проф. Илмий ишлари микроорганизмлар генетикасига оид. Бактерияларда генетик рекомбинация ҳодисасини кашф этган (1947). Молекуляр генетикада «битта ген — битта фермент» деган фундаментал концепция муаллифларидан бири. Нобель мукофоти лауреати (1958, Ж.У.Бидл ва Ж.Лелерберг б-н ҳамкорликда).

ТЕЙШЕБАИНИ — *Урарту* давлатининг йирик маркази (мил. ав. 7—6-а.).

Тейшебаини. Кармир-Блур тепалиги.

Ереван ш.даги Кармир-Блур тепалигида қалъа харобалари сақланган. Маҳобатли иншоот қолдиқлари (150 га яқин хона — устахоналар, омборхоналар, дон омборхоналари, вино сақланадиган ертўлалар ва б.) аниқланган. Қалъа атрофида тўғри режалаштирилган шаҳар жойлашган. Т.дан кўплаб қурол-аслаҳалар (жумладан, Урарту шоҳларига тегишли сербезак дубулғалар, садоқлар, қалқонлар, қиличлар ва б.), санъат буюмлари, тақинчоқлар, миххат ёзувлари топилган. Мил. ав. 585 й. Т. маҳаллий ва скиф қабилалари томонидан вайрон этилган.

...ТЕКА (юн. theke — омбор; идиш, яшик) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми; бир турдаги нарсаларнинг тўпламини ҳамда шу тўпламлар сақланадиган бино, хона маъноларини билдиради (мас., *библиотека, картотека, фонотека, дискотека* каби).

ТЕКЕ (батеке, ўзларини тио деб аташади) — банту гуруҳига мансуб халқ. Конго Демократик Республикасида (1050 минг киши, 1990-й.лар ўрталари), Конго (410 минг киши) ва Габон (20 мингга яқин киши)да яшайди. Диндорлари — асосан, католиклар, анъанавий эътиқодлар ҳам сақланган.

ТЕКЕЛИ — Қозоғистон Республикаси Олмаота вилоятидаги шаҳар. Қоратол дарёси бўйида. Жунгария Олатови этакларида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 22,9 минг киши (2003). Қўрғошин-рух к-ти, ғишт з-ди, трикотаж ва тикувчилик ф-каси бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

ТЕКИС БОСМА — матн ва тасвирларни матбаа усулида кўпайтиришнинг асосий турларидан бири. Бунда босма қолипнинг босма элементларига қуюқ бўёқ суркалади, оралиқ (пробел) элементларига эса сув берилади. Бунга эришиш учун қолип сиртига кимёвий ишлов берилади. Т.б. қолипининг босма ва оралиқ элементлари амалда бир текисликда ётади. Босиш жараёнида қолип навбатма-навбат сув б-н ҳўлланади ва бўёқда думалатилади, сўнгра қолипдан қоғоз (ёки бошқа материал) га босим остида нусха кўчирилади. Т.б.нинг махсус тури *фототипия*



Текис босма: *1* — қолип; *2* — қолипга бўёқ суркалган; *3* — қоғозни бўёқли қолипга қисиш; *4* — босма қолип ва ҳосил бўлган нусха.

ҳисобланади. Т.б.нинг эски усули — *литография* ўрнини ҳозир *офсет босма* усули эгаллаган.

ТЕКИС БОСМА МАШИНАСИ — матн ва тасвирларни кўплаб чоп этишда ишлатиладиган *босма машина*. Бунда қолип текис стол — илгарилама-қайта ҳаракат қилувчи талерга, қоғоз эса айланувчи цилиндрга маҳкамланади. Т.б. м.нинг цилиндри бир циклда 2 марта айланадиган 2 айланишли, 1 марта айланадиган 1 айланишли, стоп-цилиндрли (цилиндри тўхтайдиган) ва реверсив хилларга бўлинади. Т.б.м.да кичик ададли нашрлар босилади.

ТЕКИС ЎЗГАРУВЧАН ҲАРАКАТ — ҳаракат давомида тезланишнинг сон қиймати ўзгармасдан қоладиган ҳаракат. Бунда ҳаракат тезлиги ихтиёрий танлаб олинган тенг вақтлар оралиғида бир хил миқдорда ўзгариб боради. Агар тезлик сон қиймати жиҳатидан вақт ўтиши б-н ортиб борса, бундай ҳаракат текис тезланувчан ҳаракат; камайиб борса, текис секинланувчан ҳаракат деб аталади. Т.ў.ҳ.да жисмнинг t вақтдан кейин эришган υ тезлиги ва унинг вақт давомида босиб ўтган s йўли қуйидаги формулалар орқали аниқланади:

$$\upsilon = \upsilon_0 \pm at; \quad s = \upsilon_0 t \pm \frac{at^2}{2},$$

бунда υ_0 — ҳаракатнинг бошланғич тезлиги, a — ҳаракат тезланиши.

Қаттиқ жисм тўғри чизиқли Т.ў.ҳ.дан ташқари бирор қўзғалмас ўқ атрофида Т.ў.ҳ. қилиши мумкин. Бу ҳолда жисм ҳаракатининг бурчак тезлиги ω ва жисмнинг бурилиш бурчаклари қуйидагича ифодаланади:

$$\omega = \omega_0 \pm \varepsilon t; \quad \varphi = \omega_0 t \pm \frac{\varepsilon t^2}{2},$$

бунда ω_0 — бошланғич бурчак тезлик, ε — бурчак тезланиш.

ТЕКИС ҲАРАКАТ — ҳаракат давомида тезлиги йўналиш жиҳатдан ҳар қанча ўзгарса ҳам, катталик жиҳатдан ўзгармасдан қоладиган ҳаракат. Т. ҳ. тўғри ва эгри чизиқли траектория бўйича юз бериши мумкин. Тўғри чизиқли ҳаракатда жисмнинг кўчиш вектори б-н тезлик вектори битта чизиқда ётади. Эгри чизиқли ҳаракатда эса тезлик вектори ўз йўналишини вақт ўтиши б-н узлуксиз ўзгартира боради ва унинг йўналиши ҳамма вақт ҳаракат траекториясига ўтказилган уринма бўйича бўлади. Т.ҳ.да жисмларнинг бирор υ тезлик б-н t вақт оралиғида босиб ўтадиган йўли $s=\upsilon \cdot t$ муносабат орқали аниқланади.

Қаттиқ жасмлар илгариланма Т.ҳ. қилиши ва қўзғалмас ўқ атрофида текис айланиши мумкин. Биринчи ҳолда қаттиқ жисмни ташкил этувчи ҳар бир нуқтасининг ҳаракат тезлиги υ ҳам сон қиймати, ҳам йўналиши бўйича бир хил бўлиб ўзгармасдан қолади. Айланма ҳаракатда эса, жисмни ташкил этувчи ҳамма нуқталарнинг бурчак тезликлари ω бир хил қийматга эга бўлиб, вақт ўтиши б-н ўзгармайди ва t вақт оралиғида жисмнинг бурилиш бурчаги $\varphi=\omega \cdot t$ муносабат орқали аниқланади.

ТЕКИСЛИК — *геометриянинг* асосий тушунчаларидан бири. Геометрияда Т., одатда, таърифланмайдиган (яъни нуқта, тўғри чизиқ каби) бошланғич тушунча ҳисобланиб, унинг хусусиятлари билвосита геометрия аксиомалари б-н ифодаланади. Мас., икки нуқтаси бирор текисликда ётган тўғри чизиқнинг ўзи ҳам шу текисликда ётади; бир тўғри чизиқда ётмаган учта нуқта орқали битта текислик ўтади; фазода берилган икки нуқтадан тенг узоқликда турган нуқталар тўплами Т. бўлади.

Охирги аксиома масофа тушунчасига асосланган бўлиб, Н.И.*Лобачевский* уни Т.нинг таърифи сифатида қабул қилган. Г.В.Лейбниц Т.ни иккита конгруэнт ажратиш мумкин бўлган сирт деб таърифлаган. Аммо бу хосса Т.ни тўла аниқламайди, чунки ясовчиси синусоида ёки аррасимон мунтазам чексиз синиқ чизиқ бўлган цилиндрик сирт ҳам шундай конгруэнт қисмларга бўлинади.

ТЕКИСЛИК — қуруқликларда, денгиз ва океанлар тубидаги ясси ёки бироз ўр-қир бўлган катта майдонлар. Қуруқликда денгиз сатҳидан паст бўлган ботиқ Т. (мас., Каспийбўйининг шим. ва шарқи), бал. 0 дан 200 м гача бўлган пасттекислик (Ғарбий Сибирь), 200 дан 500 м гача бўлган баланд (Устюрт) ва 500 м дан зиёд ясситоғликларга (Эрон тоғлигининг ички қисмлари) бўлинади. Т. юзасининг ётиқ (Бетпакдала чўлининг ғарбий қисми), қия (тоғ олди шлейфлари) ва ботиқ (Қашқар текислиги) шакллари мавжуд. Мезорельефига кўра ясси, поғонасимон, тўлқинсимон, сертепа, ўйдим-чуқур ва ҳ.к. Т.лар фарқ қилинади. Т.ларнинг келиб чиқиши, геологик структураси ва ривожланиш тарихи турлича. Экзоген жараёнларнинг таъсир этишига кўра денудацион (дастлабки тоғларнинг емирилишидан ҳосил бўлган) ва аккумулятив (чўкинди жинслар тўпланишидан юзага келган) Т.ларга бўлинади. Т.лар Ер юзасининг катта қисмини эгаллайди. Қуруқликдаги Т.ларда катта дарё ҳавзалари, кўллар жойлашган, уларнинг

инсон томонидан ўзлаштирилиши қулай. Энг йирик текисликлар: Шим. Америкадаги Буюк ва Марказий текисликлар, Жан. Америкадаги Амазонка ва Гвиана пасттекисликлари, Европадаги Шарқий Европа, Осиёдаги Ғарбий Сибирь, Турон, Буюк Хитой, Ҳинд-Ганг Т.лари, Африкадаги Саҳрои Кабир ва Судан, Австралиядаги Марказий пасттекисликлар.

ТЕКРУР — Ғарбий Африкадаги (Сенегал дарёси ҳавзаси) давлат (мил. 1-минг йиллик ўртаси — 15-а.). 11-а.нинг 2-чорагидан ислом дини давлат динига айлана бошлаган; 11—13-а.ларда равнақ топган. 13-а. охирида Мали давлатининг сиёсий таъсир доирасига тортилган. 14—15-а.ларда кўп мулклари парчаланиб кетган, 15-а.нинг 2-ярмида уларнинг бир қисми Жолоф давлати, қолгани 15-а. охири — 16-а. бошида Сонгай таркибига кирган.

ТЕКС (лот. texo — тўқийман, ўрайман), толанинг чизиқли зичлиги — тола ёки ипнинг чизиқли зичлигини ифодалайдиган катталик, тола массасининг тола узунлигига нисбати. Толанинг сифат кўрсаткичи. Халқаро бирликлар системаси бўйича Т. (г/км)ларда ўлчанади. 1Т=1г/км=1 мг/м. Т. сони 1 км тола узунлигига неча г масса тўғри келишини кўрсатади. Толанинг чизиқли зичлиги 1 Т.дан кичикроқ бўлса, километрга миллиграмм (мг/км)да ёки милли Т.ларда (мтекс) белгиланади. Калава иплар ва ипларнинг чизиқли зичлиги 1000 Т.дан катта бўлса, килограмм (кг/км)да ёки килотекс (ктекс)да белгиланади; 1 текс=1000 мтекс=0,001 ктекс.

ТЕКСТИЛЬ (лот. textile — газлама, *текс*) — толалар ва иплардан тайёрланадиган маҳсулотлар: газламалар, трикотаж, нотўқима материаллар, гилам, кигиз-намат маҳсулотлари, момиқ пахта, тўқимачилик-атторлик буюмлари, ғалтак иплар, арқонлар ва б. Баъзилари тўқувчилик ва трикотаж машиналарида тўқиш, баъзилари босиш, баъзилари йигириш ва пишитиш йўли б-н тайёрланади (қ. *Гиламчилик, Йигириш, Кигиз босиш, Трикотаж, Тўқимачилик*).

ТЕКСТОЛИТ — пластик материал. Ип-газлама қатламларига синтетик смолалар шимдириш ва 150° т-рада катта босимда пресслаш йўли б-н тайёрланади. Механик мустаҳкамлик ва диэлектрик хоссалари юқори; сувдаги органик эритмаларга чидамли. Солиштирма оғирлиги 1,36—1,4. Бринелл бўйича қаттиқлиги 20—40 кг/мм²; эгилишга мустаҳкамлиги 130—170 МПа, электрик мустаҳкамлиги 27—45 кВ/мм. Механик ишлов бериш асон. Ип-газлама асосидаги Т.дан ташқари, шиша-Т. (шиша толали), асботекстолит (асбест толали), органотекстолит (синтетик толали) Т.лар ҳам бор. Т. лист, стержен ва қувурлар кўринишида ишлаб чиқарилади. Т. роликлар, шовқинсиз шестернялар, подшипникларнинг вкладишлари, шкивлар, қистирмалар ва б. тайёрлашда, кемалар корпусини ясашда, ракеталарнинг иссиқлик изоляцияси сифатида ишлатилади.

ТЕКСТУРА (лот. textura — газлама, тузилиш) — аморф жисмлардаги молекулалар (қ. *Аморф ҳолат*) ёки поликристалларда, кристаллар ва газламаларда толаларнинг муайян йўналишда жойлашуви. Табиатда (мас., баъзи минералларда) учрайди, сунъий усулда ҳам (мас., кристаллаш йўли б-н) ҳосил қилиниши мумкин. Т. материалларда хоссалар *анизотропия*сига сабаб бўлади. Тўқимачиликда толалардан ҳажмдор (текстурланган) ип олишда Т. хоссасига асосланилади. Т. тоғ жинслари ва ёғочда учрайди, магнит Т. ҳам мавжуд.

ТЕКСТУРА — қ. *Тоғ жинслари тузилиши.*

ТЕКСТУРАЛАНГАН ИП — қ. *Ҳажмдор ип.*

ТЕКТИТЛАР (юн. tektos — эриган) — турли шакл ва кичик ўлчамдаги, усти нотекис ўйдим-чизиқли яшил, сариқ ёки қора рангдаги, бутунлигича, эриган характерли скульптура кўринишига эга бўлган силикатли шиша жисмлар. Т.да SiO_2—88,5% гача, Al_2O_3—20,5%, FeO—11,5%, CaO—8,5%. Муҳим элементлардан Ni бўлиб, бошқа шишаларга нисбатан таркибида сув кам бўлади. Т. магнитланиш хоссасига эга эмас. Бу Т.нинг жуда юқори т-ра ва узоқ вақт қизишидан ҳосил бўлганлигини билдиради. «Т.» термини австралиялик геолог Э.*Зюсс* томонидан киритилган (1900), уни эриган метеорит деб ҳисоблаган. Ўтмишда Т.га тааллуқли кўпгина афсоналар тўқилган; улар мўъжизали атрибутлар, туморлар бўлиб хизмат қилган ва табобатда ҳам фойдаланилган. Т. Антарктидадан ташқари ҳамма қитъаларда топилган. Т.нинг хиллари топилган географик жойига қараб номланган: иргизитлар ва жаманшинитлар (Иргиз дарёси ва Жан. Уралдаги Жаманшинит ерлари), молдивит (Жан. Чехия, Жан. Германия), филиппинитлар (Филиппин о.лари), индошинитлар (Ҳиндихитой), австралитлар (Австралия ва Тасмания) ва б. Энг йирик Т. (оғирлиги 3,2 кг) Лаосда топилган. Ўртача зичлиги 2,4 г/см³. Т. палеоген-антропогенли ётқизиқларда ёки Ер юзасининг вулканлар келиб чиқиши истисно бўлган областларида учрайди. Т. табиий тарқалган жойидан ташқарида фақат маданий қатламларда (мас., диний буюм сифатида) учрайди. Ҳоз.га қадар Т.нинг келиб чиқиши ҳақидаги умум қабул қилинган гипотезалар маълум эмас. Баъзиларнинг фикрича, Т. метеорит; бошқалар эса уларни метеорит, астероид ёки кометаларнинг ерга тушиши натижасида ҳосил бўлган деб тахмин қилишади. Ўта характерли скульптурага эга. Вулканли шишалардан фарқли ўлароқ, Т.да кристаллитлар деярли йўқ ва газ пуфакчалари нисбатан кам бўлади.

ТЕКТОГЕНЕЗ — Ер пўсти тектоник структураларни шакллантирадиган тектоник ҳаракат ва жараёнларнинг мажмуи. «Т.» термини нем. геологи Э.Харман (1930) томонидан киритилган. Альпинотип, германотип, сиберетип ва б. ҳамда бирламчи — чуқур структураларнинг шаклланиши ва иккиламчи ёки гравитацион — Ер пўстининг юқори қисмида узилма ва бурмалар ҳосил қилувчи Т.лар фарқланади (қ. *Тектоник ҳаракатлар*).

ТЕКТОНИК БУКИЛМАЛАР — Ер пўстининг *тектоник ҳаракатлар* натижасида вужудга келган чизиқ шаклидаги ҳар қандай пасайиши ёки букилишининг умумий номи. Т.б. Ер пўсти эволюциясининг турли даврларида ҳар хил кучлар таъсири остида пайдо бўладиган кўпгина турли-туманлик б-н тавсифланади. Улар, одатда, ўзлари б-н бир вақтда пайдо бўлган тектоник кўтарилмалар б-н боғлиқ бўлади. Т.б. орасида шартли равишда бир неча гуруҳлар ажратилиши мумкин: геосинклиналли Т.б. — чуқур букилишнинг тор зоналари бўлиб, чўкинди ва вулканоген жинсларнинг қалин қатлами б-н тўлган ва кейинчалик бурмаланишга учраган (қ. *Геосинклиналь*); улар, одатда, Ер пўстининг кучли чўзилиши шароитида вужудга келади. Узун новсимон геосинклиналь букилмалар баъзан тектоник троглар деб аталади (Н. С. Шатский, 1946). Одатда, уларнинг ўрнида бурмаланиш жараёнида йирик *синклинорий*лар шаклланади. Бурмаланган областларнинг ички (эвгеосинклиналь) зонасида жойлашган геосинклиналь Т.б. океан ости Ер пўсти типида ривожланган (мас., Уралдаги Магнитогорск, Тагиль букилмалари); бурмаланган областларнинг ташқи (миогеосинклиналь) зонасида жойлашган геосинклиналь Т.б. континентал (қуруқлик) Ер пўстининг тагига жойлашади. Чекка ёки олд Т.б. тоғлар занжирининг ўсиш олди

томондан сиқилиш шароитида платформалар четида тоғ ҳосил бўлиш ва бурмаланиш эпохасида вужудга келади (мас., Уралолди, Альполди, Месопотамия ва б.) ва уларнинг емирилиш маҳсулоти, асосан, моласслар б-н тўлдирилади; уларнинг букилиши маълум миқдорда ёндош бурмали тоғларнинг кўтарилишини таъминлайди. Геосинклиналь ривожланишининг ороген этапида бурмаланган областларнинг орқа қисмида тоғлараро букилма ҳосил бўлади, улар кўтарилмалар (тоғ тизмалари) оралиғидаги тектоник депрессиялардан иборат ва чекка Т.б. сингари моласслар б-н тўлган. Платформа ички Т.б. ҳам маъжуд бўлиб, булар орасида рифтли букилмалар қад. *авлакогенлар* каби алоҳида ўрин эгаллайди. Эпиплатформали орогенез жараёнида молосс ётқизиқлари б-н тўлдирилган, лекин вулканизм ҳодисасисиз тоғ олди Т.б. вужудга келади. Т.б. олдинги букилмалар ўрнида катта танаффуссиз вақт давомида пайдо бўлган ва анча қад. структураларда узоқ танаффуслан кейин вужудга келган, номувофиқ ҳолда ётган қопламали букилмаларга бўлинади. Т.б. қия синклиналь, синклинорий, грабенлар шаклида бўлади; баъзи ҳолларда Т.б.нинг чўкинди жинслари *тектоник қоплам* кўринишида четга сиқиб чиқарилади.

ТЕКТОНИК ВАЛ — нисбатан камбар (эни бир неча ўн км) ва узун қия (100—300 км), асосан, асимметрик кўтарилма; платформалар учун хос. Бал. 100 м гача (ўртача майд. 200 дан 6000—10000 км^2 гача). Т.в.лар брахиантиклиналь бурмалар (плакантиклиналь)нинг занжири ёки занжирлари (мураккаб валлар)дан иборат. Т.в.нинг катта қисми антеклиза ва синеклизалар ўртасидаги чегара зонасида ёки фундаментнинг ёриқлари устида ривожланади. Ешроқ платформаларда Т.в., одатда, бурмали асосга эга бўлган антиклиналь зоналарнинг кучли зинфлашган кўринишини тақрорлаб, уларнинг ўрнини эгаллайди. Аксари Т.в. доирасида жойлашган майда кўтарилмалар нефть-газ тўпламлари б-н боғлиқ. Одатда, қад. платформалар плиталарида Т.в.лар флексуралар б-н чегараланган ва кўпинча кўтарилмалар ва фундаментни ботқоқлигини чегараловчи ёриқлар зонасини кузатиб боради. Улар чокли Т.в.лар деб аталади. Т.в.ларнинг инверсион, мегавал ёки ўйрик, мураккаб турлари маъжуд. Типик Т.в.ларга Россия плитасидаги Ока-Цна, Дон-Медведица, Вятка валлари киради.

ТЕКТОНИК ДЕФОРМАЦИЯЛАР — Ернинг чуқурликдаги кучлари таъсирида тоғ жинслари таналарининг ёғиш шакли, ўлчами, ички структураси ва ўзаро жойлашишининг ўзгариши. Бунинг натижасида Ер пўстида маҳаллий йўналишда чўзилиш, сиқилиш ёки силжиш рўй беради. Т.д. айниқса чўкинди, вулканик ва метаморфик тоғ жинсларининг дастлабки горизонтал ётишининг бурмаланганлик ва узилишли бузилишларда аниқроқ намоён бўлади. Т.д. магматик тоғ жинслари ва кристалли сланецларда улар таркиб топган минералларининг ётиш йўналишининг ўзгаришига ёки қайта кристалланишига олиб келади (қ. *Тектонитлар, Петротектоника*). Т.д. таснифи, асосан, қат-қатли қатламларни ўрганиш асосида тузилади; бурмали (қ. *Тоғ жинслари бурмаланиши*) ва узилмали Т.д. фарқ қилинади. Бурмаланиш — тоғ жинслари қолдиқ деформациясининг натижаси бўлиб, унда тектоник зўриқиш уларнинг эгилувчанлик чегарасидан ошиб кетади; узилмалар тоғ жинсларининг емирилиши натижасида содир бўлади, унда тектоник зўриқиш уларнинг мустаҳкамлик чегарасидан юқори бўлади.

Ер пўстининг айрим участкалари, уз тузилиши ва геологик тарихи бўйича у ёки бу тектоник режимни ташкил қилган Т.д.нинг муайян мувофиқлиги б-н тавсифланади. Т.д.нинг ташқи кўриниши, типи, ўлчами жуда кўп омиллар — тоғ жинсларининг физик хусусиятлари, йўналиши ҳаракатдаги тектоник кучларнинг жадаллиги ва давомийлигига боғлиқ. Т.д.нинг механизм ва сабаблари — ер қимирлашнинг содир бўлиши ва Ер пўсти ривожланиши умумий муаммоларининг муҳим қисми ҳисобланади (қ. *Сейсмология, Тектоника*). Табиий объектларни муфассал ўрганиш б-н бирга, Т.д. рўй бериш юзасидан туғиладиган турли муаммоларни ҳал қилиш учун 20-а. ўрталаридан физик назарияларга (қ. *Тектонофизика*) асосланган моделларда экспериментал изланишлар олиб бориш ҳамда Ер пўстидан ва Ернинг ички қобигида содир бўлаётган геокимёвий жараёнларни ўрганишнинг аҳамияти ортиб борди. Т.д.да тектоник бузилишлар ёки дислокациялар бўлиб, улар 3 синф: узилишли (дизъюнктивли), бурмали (пликативли), инъективлига бўлинади. Узилишли дислокациялар орасида ташлама-узилма-узилмалар, сурилмалар, тектоник қоплам (шарьяж)лар қисилиш; силжималар парчаланиш шароитларида ҳосил бўлади. Бурмали дислокациялар орасида тоғ жинсларининг бўйлама ва кўндаланг эгик бурмалари маъжуд. Инъективли дислокациялар, магманинг Ер пўсти чўкинди қатламидаги тоғ жинсларига сингиши, чўкинди ёки метаморфик жинслар нонормал ячлити ҳамда туз, тил ва гнейсларнинг қайишқоқлиги б-н боғлиқ. Т.д.нинг интенсивлиги регионал метаморфизмда флюидларнинг фаоллиги натижасида ва чуқурликда т-ра кўтарилганда бирдан ортади.

ТЕКТОНИК СТРУКТУРАЛАР — Ер пўстида тоғ жинслари ётиш шаклларининг қонуниятли такрорланиши. «Т.с.» термини бир қанча майда структуравий шакллардан ҳосил бўлган Ер пўстининг ҳар хил қисмларини ўз ичига олади. Т.с.ни таснифлайдиган энг асосий белгилар масштаб, морфология ва генезис ҳисобланади.

Элементар структурали шакллар (қатлам, бурма, дарзлик, узилишли бузилишлар — ташламалар, узилма, силжиш, сурилма ва шарьяжлар) ва магматик жинслар Т.с. (дайка, силл, лакколит, батолит ва б.) мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида, микроскопик ўлчамли Т.с. ҳосил қилаётган кичик ўлчамдаги структура бирчимига эга бўлиши мумкин. Элементар структурали шаклларнинг қонуний мажмуи каттароқ тартибдаги Т.с.ни, мас., бурмалар гуруҳланиб мураккаб структура шаклларини — антиклинорий ва синклинорийни ҳосил қилади, улар ўз навбатида бурмали системаларни шакллантиради; платформаларда синеклиза, антеклиза, авлакогенлар ажралиб чиқади. Ер пўстининг анча йирик Т.с.нинг замини юқори мантиятача етиб боради ва чуқур структуралар деб аталади. Уларнинг асосийларига континентал ва океан платформалари (плиталар), океанга мансуб, синклиналь ва орогенлардаги ҳаракатдаги минтақалар киради, улар литосфераниг континентал ва океан сегментлари ва континентал қўшилмалари ҳамда чуқур ёриқлар ва рифтлар киради. Асосан, Ер пўстида ривожланадиган чуқур структуралар пўстли структуралар деб аталади. Т.с.нинг вужудга келиши ривожланишининг муайян йўналишга ва тарихга (кинематика) эга бўлган ҳаракатлар таъсирида (қ. *Тектоник ҳаракатлар*) ва жараёнинг динамикасини акс эттирадиган ва тектоник деформацияларни юзага келтирадиган кучлар таъсири остида ҳосил бўлади. Элементар Т.с. ни *структуралар геологияси* ўрганилади. Магматик жисмларнинг микроскопик Т.с. микроструктура анализи методи б-н ўрганилади (қ. *Петротектоника*). Йирик масштабдаги элементар Т.с. мажмуи геотектоникада ўрганилади (қ. *Тектоника*). Т.с.геологик харитадаш, геофизик методлар, айниқса сейсморазведка ҳамда бургилаш б-н ўрганилади.

ТЕКТОНИК ХАРИТАЛАР — Ер пўстининг структурасини тасвирловчи. Ерни бутунича ёки унинг асосий ривожланиш этапларини алоҳида регионлар доирасида акс эттирувчи харитадар. Т.х. геофизик ва б. маълумотлардан фойдаланиб, *геологик харитадар* асосида тузилади. Т.х.ни 2 асосий тоифага: структуравий ва хусусий Т.х.га бўлиш қабул қилинган. Структура харитадари тектоник структураларнинг морфологиясини акс эттиради, Т.х. эса морфологиядан ташқари шу структураларнинг шаклланиш тарихини, уларнинг ривожланиш босқичлари ва даврларини очиб беради, магматизмнинг тектоника б-н боғлиқлигини кўрсатади. Хусусий Т.х. орасида бир неча хил харитадар фарқ қилинади: оддий тектоник, палеотектоник, мавзули ва ихтисослаштирилган (мас., сейсмотектоник) харитадар. Ушбу харитадардан ҳар бири обзорли (1:2000000 ва кичикроқ) ва регионал (одатда, 1:200000 дан 1:1000000 гача) харитадарга бўлинади. Т.х. аввал кичик масштабли тектоник схемалардан фойдаланилган. Шундай схемалардан дастлабкиси Франция ва Швейцариянинг Юра тоғлари тектоник схемаларидир (А. Гресли, 1838). 19-а.нинг охири — 20-а.нинг бошларида Э.Зюсс, Ф. Космат, М. Бертран ва б.нинг асарларида шунга ўхшаш схемалар жуда кенг тарқалган. Россияда 1930й.-ларда А.Д.Архангельский, Н.С.Шатский, Д.В.Наливкин ва б. кичик масштабдаги тектоник схемалар тузишган. 20-а.нинг 2-ярмидан бошлаб умуман Ер юзи, айрим материклар, мамлакатлар (Россия, ХХР, Польша, Чехия, АҚШ, Канада, Австрия, Венесуэла, Мексика, Туркия ва б.)нинг Т.х. нашр этилди. Дунё харитаси бўйича Халқаро комиссия қошида рус олимлари бошқарувида Т.х. бўйича кичик комиссия тузилган бўлиб, улар томонидан Европа ва дунё Т.х. (1980) тузилди. Материклар ва йирик давлатларнинг Т.х. эса 1:1000000 — 1:2000000 масштабда, айрим регионларнинг Т.х. эса 1:250000 — 1:500000 масштабда тузилади. Турли масштабларги Т.х.да структураларнинг морфологияси, тектоник режим ва унинг вақт давомида ўзгариши мумкин қадар тўлароқ акс эттирилиши керак. Т.х.да структура шакллари б-н биргаликда чўкинди ва магматик жинсларнинг формацияси, метаморфизм фацияларн тасвирланади. Т.х.да Ер пўстининг маълум бир участкасига оид тектоник маълумотлар синтези сифатида тектоник районлаштириш ўз ифодасини топади. Ҳозирги Т.х.да даратилган тектоник бирликларнинг (табиий тектоник р-нлар учун) асосий белгилари бурмаланиш ёши ва тектоник режимлар (эвгеосинклиналь, многеосинклинал, ороген ва б.)дир. Махсус Т.х.да айрим тектоник элементларгина тасвирланади. Фойдали қазилмаларнинг башорат лаш харитадарини тузиш ва қидирув ишларини режалаштиришда Т.х.дан кенг фойдаланилади.

ТЕКТОНИК ЦИКЛЛАР (босқичлар) — умумгеологик ва тектоник воқеаларнинг маълум кетма-кетлиги б-н тавсифланадиган. Ернинг катта (100 млн. йил.дан ортиқ)даги геологик тарихи. Т.ц. геосинклинални платформага айлантирадиган тектоник жараёнларнинг маълум кетма-кетлиги бўлиб, бурмаланиш даврлари б-н якунланади. Геосинклиналларда жуда аниқ намоён бўлган. Бунда цикл ўта асосли интрузив-магматик ва асосли тоғ жинслари ҳосил бўлиши ва сув ости вулканизми, қалин чўкинди қатламларнинг йиғилиши ва чуқур денгиз ҳавзаларининг ҳосил бўлиши б-н бошланади. Ороглар ёки пайдо бўлиб, андезитли вулканлар ҳосил бўлади, денгиз ҳавзалари парчаланиб бўлакларга ажралади ва бурмали, сурилмали деформациялар бошланади. Сўнгра, *моласслар* — тоғларнинг емирилиш маҳсулотлари б-н тўлдирилган тоғлараро тошқотган, тоғ олди ва тоғ ораси букилмалари б-н ажралган бурмали ва бурмали-қопламли тоғ иншоотлари шаклланади. Бу жараён регионал метаморфизм, гранит ҳосил бўлиши ер юзасига липарит-базальти вулканлар отилиб чиқиши б-н давом этади. Вокеаларнинг ўхшаш кетма-кетлиги: континентал шароитларнинг, денгиз трансгрессияси б-н, сўнгра яна регрессия б-н алмашинуви, континентал режимнинг ўрнатилиши ва нураш пўсти ҳосил бўлиши платформаларда ҳам кузатилади. Бу жараёнда чўкиндилар типи ҳам тегишлича ўзгариб боради — аввал континентал, сўнгра лагуна чўкиндилари, кўпинча тузли ва кўмирли қатламлар, сўнгра денгиз чақиқ жинслари, цикл ўртасида карбонатли ёки кремнийли чўкиндилар, цикл охирида эса яна денгиз, лагуна ётқизиқлари (тузлар) ва континентал (баъзан музланиш) ётқизиқлари ҳосил бўлади. Бир геосинклиналь зонасида интенсив бурмаланиш — силжиш деформациялари ва тоғ ҳосил бўлиши, асосан, шу зона ичкарисида янги геосинклиналь чўкиш зонаси пайдо бўлиши ва платформада рифтлар системаси авлакогенлар шаклланишига кўпинча мувофиқ келади. Т.ц.нинг фанерозойдаги ўртача давомийлиги 150—180 млн. йил (токембрийда Т.ц. чамаси кўпроқ давом этган). Ушбу цикллар б-н бир қаторда янада йирикроқлари (мегацикллар) — юз млн. йиллаб давом этади. Европада, қисман Шим. Америка ва Осиёда кечки токембрий ва фанерозойда қуйидаги цикллар аниқланган: гренвиль (ўрта рифей); байкал (кечки рифей — венд); каледон (кембрий—девон); герцин (девон—пермь); киммерий (триас — юра); альп (юра—бўр—кайнозой).

ТЕКТОНИК ҚОПЛАМ (шарьяж) — қалинлиги 100 м дан бир неча км гача бўлган тоғ жинсларининг қия эгрибугри узилма юзаси бўйлаб бир неча ўн км гача (баъзан юзлаб км дан кўп) масофага силжиган қатлами. Т.қ. ҳосил бўлишининг сабабларидан бири геосинклиналь системаларда кўндаланг горизонтал сиқилиш натижасидир.

ТЕКТОНИК ҲАРАКАТЛАР — Ер қаърида содир бўлган жараёнлар натижасида вужудга келган Ер пўсти ҳаракатлари; Ер пўсти ва асосан *Ер мантиясидаги* кучлар таъсирида содир бўлиб, пўстни ташкил этган жинсларни деформацияга олиб келади. Т.ҳ., одатда, деформацияга учраган тоғ жинсларининг кимёвий таркиби, фазавий ҳолати (минерал таркиби) ва ички структурасининг ўзгариши б-н боғлиқ. Т.ҳ. бир вақтнинг ўзида жуда катта майдонни ўз ичига олади. Геодезик ўлчашларнинг кўрсатишича, бутун Ер юзаси узлуксиз ҳаракатда бўлади, лекин Т.ҳ. тезлиги катта эмас: йилига 0,01 мм дан 0,1 мм гача етади. Бу ҳаракатлар жуда узоқ геологик вақт (ўнлаб — юзлаб млн. йил) давом этиб, тўпланиши натижасида Ер пўстининг айрим қисмларида йирик силжишлар рўй беради. Америкалик геолог Г. Жильберт (1890) Т.ҳ. ни эпейрогеник (Ер юзида катта майдонларнинг узоқ вақт кўтарилиши ва чўкиши) ва орогеник (муайян зоналарда бурмалар ҳосил бўлиб, тоғ тизмаларининг шаклланиши) ҳаракатларга бўлишни таклиф этди, немис геологи Х. Штилле (1919) бу таснифни ривожлантирди. Унинг асосий камчилиги ўзаро фарқ қилувчи 2 хил жараён — бурма ва узилма ҳосил бўлиши б-н тоғ ҳосил бўлишини ягона оротенез тушунчаси б-н изоҳланишидир. Шу туфайли бошқа таснифлар таклиф этилган. Рус геологлари А. П. *Карпинс-*

кий, М. М. Тетяев Т.ҳ.ни тебранма бурмали ва узилмали ҳаракатларга ажратдилар. Немис геологи Э. Харман ва голланд олими Р. В. ван Беммелен эса Т.ҳ. ни ундацион (тўлқинли) ва ундуляцион (бурмали) ҳаракатларга бўлдилар (қ. *Ер пўсти тебранма ҳаракатлари*). Т.ҳ. содир бўлиш шакли ва вужудга келиш чуқурлиги, механизми ва пайдо бўлиш сабаблари ҳар хил эканлиги маълум бўлди. 18-а. ўрталарида Т.ҳ.ни бошқа принцип бўйича секин (асрий) ва шиддатли бўладиган ҳаракатларга ажратдилар. Тез содир бўладиган ҳаракатлар, одатда, зилзилалар б-н боғлиқ бўлиб, гоят қисқа муддатда кечади. Зилзила вақтида ер юзасидаги силжишлар бир неча м га етади, баъзан 10 м дан ҳам ошади. Лекин бу силжишлар жамланганда секин силжишлардан кўп ҳам ортиқ эмас. Т.ҳ.ни вертикал (радиал) ва горизонтал (тенгенциал) ҳаракатларга бўлиш шартли бўлса-да, бир қадар аҳамиятга эга; бу ҳаракатлар ўзаро боғлиқ бўлиб, бири иккинчисига ўтиб туради. Бунда вертикал ёки горизонтал Т.ҳ.дан бири устун бўлади. Вертикал ҳаракат устун (бирламчи) бўлганда, ер юзаси кўтарилади ва чўкади, жумладан тоғлар пайдо бўлади. Натижада океан ва денгизларда, қисман қуруқликда ҳам чўкинди жинсларнинг қалин қатлами ҳосил бўлади. Горизонтал ҳаракатлар Ер пўсти айрим блокларининг бошқаларига нисбатан юзлаб км, ҳатто минглаб км гача йирик силжишларида, уларнинг юзлаб км келадиган силжималарида, шунингдек, континентал пўст палахсаларининг сурилиши натижасида минг км кенгликдаги океан ботиқларининг ҳосил бўлишида яққол намоён бўлади.

Т.ҳ. муайян даврийликка эга. Нисбатан қисқа муддатли вертикал ҳаракатлар тебранма ҳаракатлар дейилади. Горизонтал ҳаракатлар, одатда, ўз йўналишини узоқ вақт сақлаб қолади ва аслига қайтмайди. Тебранма ҳаракатлар, эҳтимол, денгиз ва дарё террасаларини ҳосил қилади. Т.ҳ. пайдо бўлиш вақтига кўра энг янги ва ҳоз. замон ҳаракатларига бўлинади. Энг янги Т.ҳ. Ернинг ҳоз. рельефида бевосита акс этади, геоморфологик ва геодезик методлар ёрдамида ҳам ўрганилади. Энг янги ва ҳозирги Т.ҳ.ни *неотектоника* ўрганади. Узоқ геологик ўтмишда содир бўлган Т.ҳ. океан трансгрессияси ва регрессиясининг тарқалиши, чўкинди қатламларнинг умумий қалинлиги, улар фацияларининг жойлашиши, депрессияга тўпланган чақиқ жинслар манбаига кўра аниқланади. Литосфера палахсаларининг катта миқёсдаги силжишларини қайта тиклашда палеомагнит соҳасидаги изланишларнинг маълумотлари катта аҳамиятга эга.

ТЕКТОНИКА (юн. tektonikos — қурилишга оид), геотектоника — геологиянинг бўлими; Ер пўсти (литосфера)нинг структураси, ҳаракати, деформацияси ва ривожланиши. Ернинг бутунича ривожланиши б-н боғлиқлиги тўғрисидаги фан (қ. *Тектоник ҳаракатлар, Тектоник деформациялар*). Т.нинг асосий вазифаси Ер пўстининг ҳоз. структураси, ундаги турли тог жинсларининг жойлашиши ва ётиш шароитлари, турлича (кичик бурмалар ва синиқлардан тортиб қитъа ва океанларгача) структура элементларининг қонуниятли уйғунлигини ўрганишдан иборат. Т. геол.нинг кўп соҳалари, айниқса *структуралар геологияси, стратиграфия, петрография, литология, палеогеография*, фойдали қазилмалар ҳақидаги таълимот б-н боғлиқ. Т.да бир неча илмий йўналишлар мавжуд. Умумий ёки морфологик Т. (структуралар геол.си деб ҳам аталади) — литосферанинг турли структура элементларини ўрганади. Регионал Т. — Ер пўстининг айрим участкалари ёки литосферадаги структура шаклларининг тарқалишини ўрганади. Тарихий Т. — тектоник ҳаракатлар ва Ер пўсти айрим структура элементларининг шаклланиши ва умуман структураларни ўрганади, тараққиётнинг асосий этап ва босқичларини белгилайди, унинг умумий қонуниятларини аниқлайди. Фациялар ва қатламлар қалинлигини анализ қилиш йўли б-н турли типдаги чўкинди жинслар (*фациялар*)нинг майдон бўйлаб тақсимланиши, турли кесмалар ва қатламлар қалинлигининг ўзгариши ўрганилади. Формацион анализ муайян тектоник шароитда ҳосил бўлган тог жинслари формациясининг майдонда жойлашиши ва вақтини (кесма бўйича) аниқлайди. Ҳажм методи ёрдамида Ер пўсти тараққиётининг турли этап ва босқичларида ҳосил бўлган тог жинслари йирик комплексларининг ҳажмлари аниқланади ва қиёсланади. Чўкинди ва метаморфик қатламлар кесмаларидаги танаффуслар ва номувофиқликлар анализи тектоник ҳаракатлар фазоллиги ошгизонал ва тарихий Т. материалларидан *тектоник харитлар* тузишда фойдаланилади. Генетик ёки назарий Т. Ер пўсти ва унинг структураси тараққиётини умумий назариясини яратиш мақсадида уларнинг регионал ва тарихий Т. томонидан аниқланган тараққиёт қонуниятларини умумлаштиради. Бунда турли методлар ва, биринчи навбатда, структура анализи методи қўлланилади. Бунда силжиш ва бошқалар б-н боғлиқ бурма, ёриқ, лардлик, узилмалар каби тектоник бузилишларнинг ҳосил бўлиш шароитлари ва кетма-кетлиги қандай бўлганлиги аниқланади. Қиёсий Т. методи бир синфга мансуб структура элементларининг типоморф хусусиятларини ва уларнинг тараққиёт изчиллигини аниқлаш учун имкон борича уларнинг кўпини қиёсий ўрганишдан иборат. Турли типдаги структуралар генезисини ўрганишда тобора кўпроқ аҳамият касб этаётган экспериментал метод кўпинча ўртача ва майда структура шаклларини ўхшашлик тамойилига асосан физик моделлаш б-н шуғулланади. Т.нинг янги соҳаси — *тектонофизика*нинг тараққиёти генетик Т. масалаларини ишлаб чиқишга таъсир кўрсатмоқда. *Неотектоника* Ер тарихининг энг янги (неоген-антропоген) даврига оид тектоник ҳаракатларни ва бу даврда ҳосил бўлган структураларни ўрганади. Ҳоз. тектоник ҳаракатларни ўрганишда махсус методика (асосан, инструментал геодезик методлар) қўлланилади. Т. б-н сейсмологиянинг бир-бирига туташиб, бир-бирини тўлдиришидан *сейсмотектоника* вужудга келди. Т. фойдали қазилмаларни қидирув ва разведка ишларини рационал йўналтиришга имкон беради.

Т. тараққиётининг асосий этаплари ва ҳозирги ҳолати.

Антик даврдаёқ ер юзасида сокинлик ҳукм сурмаслиги, баландликлар ва пастликлар (кўтарилмалар ва ботиқлар) борлиги маълум эди. Ўртаосиёлик буюк олим *Беруний* денгизлар туби кўтарилиб қуриқликка айланиши ва аксинча қуруқлик чўкиб денгизга айланиши, Ер пўстида оғирликнинг мувозанатлашиб туриши ҳақида аниқ фикрлар билдирган. У тоғларнинг пайдо бўлиши ва йўқ бўлиб кетиши табиий омиллар натижасида рўй бериши ҳақидаги назарияни яратди. *Уйғониш даврида* Леонардо да Винчи ва б. олимлар денгиз сатҳидан анча баланд бўлган жойларда тошқотган денгиз чиғаноқларининг топилиши қуруқликнинг кўтарилишидан далолат беради деган хулосага келганлар. 17-а.да Н. *Стено*нинг фикрича, чўкинди тог жинслари қатламлари дастлаб горизонтал ҳолда жойлашган, кейинчалик турли ҳаракатлар натижасида қия ҳолатга келган ва бурмаланган. 18-

аснинг 2-ярмида М.В.Ломоносов ва Ж. Геттон асарларида Ер пўсти тараққиётида вертикал ҳаракатлар — кўтарилишлар ва чўкишлар етакчи роль ўйнайди деилган. Бу гоя 19-а.да немис олимлари Л. Бух, А. Гумбольдт, Б. Штудер ишларида янада ривожлантирилган; бу олимлар «кўтарилиш кратерлари» ҳақидаги дастлабки илмий тектоник гипотезани шакллантиргандар. Бу гипотеза Россияда Д. И. Соколов ва Г.В.Абих (Кавказ бўйича) томонидан қувватланган эди. 19-а. ўрталаридан кон саноати тараққий этиши б-н Ер пўстидаги бурмалар ва узилмалар систематикаси бўйича талқинот олиб борилиб, дастлабки хулосалар швейцариялик геолог А. Гейм ва француз геологи Э. де Маржериннинг (1888) структура терминларида келтирилган. Турли ёшдаги бурмали ҳоналар ер юзаси бўйлаб нотекис жойлашганлиги *геосинклиналлар* назарияси (Америка олимлари Ж. Холл, 1859; Ж. Дэна, 1873; француз геологи М. Бертран, 1887) б-н изоҳланади. *Платформалар*, ҳаракатлар ва Ер пўстидаги деформациялар ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқишда Н. А. Головкинский, А. П. Карпинский каби рус олимлари салмоқли ҳисса қўшдилар. 19-а. охири — 20-а. бошларида Ернинг тараққиёти ҳақида янги фикрлар пайдо бўлди, лекин уларнинг биронтаси ҳам ягона фикр сифатида кўпчилик томонидан қабул қилингани йўқ. Пульсацион гипотеза тарафдорлари (У.Х.Бачер, рус геологлари М.А. Усов ва В. А. Обручев, 1940) контракцион гипотеза камчиликларини тўлдиришга уриниб, Ер бир сиқилиб бир кенгайиб турган деган фикрни билдирдилар. Ернинг кенгайиши ҳақидаги гипотеза 1920—30 й.ларда намоён бўлди. Бу гипотезани Б. Линдеман (1927), немис олими О. Хильгенберг (1933), венгер геофизиги Л. Эдьед (1946) ривожлантирдилар. Австриялик геолог О. Амферер (1906) ва б. талқиқотчилар Ер мантияси, пўст остидаги конвекцион оқимлар Ер пўстидаги тектоник деформациялар манбаидир, деган гояни илгари сурдилар. 1940 й. В. В. Белоусов радиомиграция гипотезасини яратди. Унга биноан, тектоник жараёнларни асосий манбаи радиоген иссиқликдир. А. *Вегенер* (1912) бутунлай ўзгача-дрейфлар гипотезаси б-н чиқди. Океан плиталарининг заминига эриган вулкан тог жинсларининг чўкиши ва сурилаётган плиталарнинг чеккаларини бирмунча кўтарилиши натижасида тог тизмалари, океан *ороллар ёйи зонаси* ҳосил бўлади. Алеут ва Курил о.лари, Япония, Индонезия, Филиппин ва б. материклар шундай пайдо бўлган. Уларнинг океанга қараган қисмларида океан литосфера плиталарининг чўкиш чизигида жойлашадиган океан новлари ҳосил бўлади. Океан плиталарининг чеккалари чўкаётганида чўкиндиларни ўзлари б-н новга олиб кетадилар. Бунда чўкиндиларнинг бир қисми плита б-н пастга кетиб, бир қисми континентларни ёки ороллар ёйи зонасининг чеккасига кириб тог тизмаларини ҳосил қилади. Континентлар ортилган 2 қалин плиталар бир-бирига чети б-н тақаниб, катта букилма ҳосил қилади. Букилманинг кўтарилаётган қисмида аста-секин тоғлар, чўкаётган қисмида «тог илдизлари» вужудга келади (мас., ҳозирги континентларда жойлашган Шим. Помир, Тяньшан, Копетдог ва б.). Литосферанинг асосий олтита улкан плиталаридан ташқари майда плиталари ҳам бор. Бу Арабистон, Эрондаги Загрос тог тизмасини ҳосил қилган плиталар ҳам шулар жумласидир. Шундай қилиб, назарий Т. ва Ер пўсти палахсалари горизонтал йўналишда озми-кўпми сурилиб туради деган *фиксизм*дан фарқли ўлароқ, янги оқим — *мобилизм* пайдо бўлди. Мобилизм ернинг ривожланиш босқичларини, ер пўстининг геофизик ва геохронологиясини ишлаб чиқишдаги муваффақиятлар Ер пўсти тараққиёти илк босқичларини хусусиятларини аниқлашга имкон берди (Е. В. Павловский ва б.). 20-а.нинг 60-й.ларида Ер пўсти юқори мантия тузилишини геофизик усуллар б-н ўрганиш натижасида эришилган муваффақиятлар б-н боғлиқ ҳолда Т. тараққиётида янги давр бошланди. Манти ва борлиги тасдиқланади: океанларни ўрганиш натижасида дунё океан ости тог тизмалари системаси ва уларни мутаққаблаштирган *рифт*лар, шунингдек бу тизмалар бўйлаб чўзилган магнит аномалиялари кашф этилди, қад. геологик даврлар магнит майдонини ориентирлаш методи ишлаб чиқилди. Мобилистик тасаввурларнинг янгича кўриниши пайдо бўлди (Пейве ва б.). Ер моддаси дифференцияси гипотезаларини соф фиксистик ёки мобилистик асосда ишлаб чиқиш давом этди.

Ad.: Бухарин А. К., Брежнев В. Д. и др., Тектоника Западного Тянь-Шаня, М., 1989; Джамалов Д. Б., Зияханов З. и др., Четвертичная тектоника зоны сочленения Срединного и Южного Тянь-Шаня, Т., 1986; Ибрагимов Р. Н., Сейсмогенные зоны Среднего Тянь-Шаня, Т., 1978; Ситников Б. Б., Неотектоника Западного Тянь-Шаня, Т., 1985.

ТЕКТОНИТЛАР — Ернинг чуқур қатламларидаги кучлар таъсирида минераллари муайян йўналишдаги ҳолатни эгаллаган тог жинсларининг умумий номи. Одатда, бундай таъсир қайта кристалланиш, парчаланиш (милонитлар, тектоник брекчиялар), варақсимонликни ҳосил бўлиши б-н бирга содир бўлади. Петроструктура таҳлили (қ. *Петротектоника*) ёрдамида деформациянинг кетма-кет босқичларини ва *динамометаморфизм* вақтида ҳаракатга келадиган сиқилаётган ва парчаланаётган кучланишларнинг йўналишлари аниқланади. Минералларнинг йўналиш хусусиятига қараб Т. модда ҳаракатининг дифференциал типини акс эттирувчи 3 гуруҳга бўлинади: пластинкасимон минераллар (слюда ва б.) сирпаниш юзаси б-н параллел жойлашиб, варақсимонлик ҳосил қилади; минералларда сирпаниш 2 ўзаро кесишган юзада содир бўлади; бурмаларнинг йўналиши бўйича жойлашган зарралар ўқ атрофида айланади. Т. бўлаклари, одатда бурчакли, ўткир қиррали шаклга эга бўлиб, сирпаниш юзаси б-н қопланган, эгилувчан тог жинслари бўлаклари (жумладан серпентинитлар) аксари юмалоқланган бўлади. Лимонитлар палеозой ва протерозой тог жинслари орасида учрайди. Лимонитлашган спилитлар ва талькка айлана бошлаган офиолитли Т. Султон Увайс тоғларида учрайди.

ТЕКТОНОСФЕРА — Ернинг ташқи қобиги, Ер пўсти ва юқори мантияни ўз ичига олади. Т. тектоник ва магматик жараёнлар ҳосил бўладиган асосий областдир. Т. ўзидаги тог жинсларининг таркиби ва физик хусусиятларининг вертикал ва горизонтал ҳар хиллиги б-н фарқланади.

ТЕКТОНОФИЗИКА — тектониканинг тог жинслари қатламларида тектоник деформациялар (бурмалар, узилмалар ва б.) вужудга келишининг физик шароитларини ўрганувчи бўлими. Т. бир турда тузилмаган (мас., донали ёки қатламли) Ер пўстида содир бўлган йирик деформацияларни ўрганишда физика ва механиканинг пластик деформациялар ва қаттиқ жисмлар емирилиши ҳақидаги тадқиқот натижаларидан фойдаланади. Тектоник деформациялар узоқ вақт ва аста-секин ривожланганлиги боис Т.нинг вазифаси — тог жинсларининг пластик деформациясининг барча босқичларини кузатиш, уларда Ер пўсти учун хос бўлган узилишларнинг тарқалиши ва бу деформацияларнинг ўтиш шароитларини ҳисобга олишдир. Т. изланишларининг асосий мақсади илгари Ер пўстида мавжуд бўлган кучланиш майдонларида шаклланган тектоник структуралар генезисини аниқ-

лашдан иборат. Т.нинг аҳамияти шундаки, унда тектоник структураларнинг ҳосил бўлиш механизми тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлиш — Ер пўстида уларнинг тарқалиш қонуниятларини олдиндан кўра билишга имкон беради. Т.да тектоник жараёнларнинг физик моделлаш методи кенг қўлланилади. Т. тадқиқотлари натижасидан чуқур жараёнлар сабабларини ўрганиш, ер қимирлашни башоратлаш, қидирув ва қазиш ишлари ва б.да фойдаланилади. «Т.» термини фанга рус геологлари В. В. Белоусов, М. В. Гзовскийлар томонидан киритилган (1954).

ТЕКУЧЕВ Алексей Никитич (1900, Юқорикурмаярск — 1978) — физик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1950); физика-мат. фанлари д-ри (1945). Москва ун-тини тугатган (1930). 1930 й.дан бошлаб Самарқанд Педагогика академиясида, Ўз ДУ да (1945—56), Рязань давлат педагогика ин-тида ишлаган. Илмий ишлари, асосан, гелиотехника масалаларига бағишланган. У металл плёнкаларнинг оптик хоссаларини ўрганиб, бу плёнкаларнинг ёруғликни акс эттириш ва ютиш коэффициентини аниқлаш усулларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган, сиртларнинг нур ютиш ва қайтариш коэффициентларини аниқлаган.

ТЕЛБАЛИК — руҳий фаолиятнинг бузилишидан иборат *психик касалликларнинг* умумий номи.

ТЕЛЕ... (юн. tele — узоқ) — қўшма сўз бўлаги. Узоқликни, катта масофадаги ҳаракатни билдиради (мас., *телевидение, телеграф*).

ТЕЛЕ, тэлэ — илк ўрта асрларда туркий қабилалар катта бир қисмининг умумий номи. Ушбу этноним илк бора мил. 4-а.га оид Хитой манбаларида учрайди. Улардан маълум бўлишича, мил. 6-а.гача «теле» атамаси Гоби чўлининг шим., Хинган тоғлари (Манжурия)нинг ғарби ва Тяньшан тоғлари атрофидаги кенг ҳудуддан то Орол ва Каспий денгизи бўйларигача тарқалган туркий қабилаларнинг умумий номи сифатида ишлатилган. Ушбу йилномалардан аён бўлишича, Т. қабилалари дастлаб мил. ав. 1-минг йилликда ди, чиди номи б-н аталган, кейинчалик эса, дили, чилэ, динглинг, гаогюй, сўнгра Т. деб атала бошлаган.

Хитой йилномаларида таъкидланишича, бир қанча қабилалар ўз этник номига эга бўлсалар ҳам, келиб чиқиши жиҳатидан Т.ларга бориб тақалиб, қуйидагича номланар эдилар: вэйхо(уйғур), юангэ, сеяньто (сир тардуш), киби, дубо (туба), гулиган (қуриқан), долангэ (теленгут), пугу (буғу), байегу (байирқу), тунло (тўнгра), ҳун, адйе (адиз), сыгйе (изгил), хусйе, байси (оқ си) ва ҳ.к. Сўйшу номли хитой йилномасида (7-а.) Т. қабилаларига мансуб 50 та қабила номи келтирилади. Хитой йилномаларида Т.ларнинг тили *ҳунларнинг* тилига ўхшашлиги қайд қилинади. Ушбу маълумотга асосланилса уларнинг туркий тилли халқ бўлганлиги маълум бўлади.

Т. этноними бўйича турлича фикрлар билдирилган: 1) бир қатор тадқиқотчилар фикрича, Хитой йилномаларидаги Т. атамасининг туркий асли толес (тўлес, тўлас) бўлиб, дастлаб шу шаклда Урхун-Энасой битиктошлари (7—8-а.лар)да учрайди ва Турк хоқонлиги (6—8-а.лар) ва Уйғур хоқонлиги (8—9-а.лар) даврида ушбу давлатларнинг шарқий қанотини бошқариш улар воситасида амалга оширилган; 2) И. Клюкин ва Л. Потаповнинг фикрича, Хитой манбаларидаги Т. этнониминнинг асл туркий шакли тўлас эмас, Т. бўлган; қад. Т. этноними ҳозир ҳам Олтой ва туваликлар орасида мавжуд бўлган телеут, телес этнонимларида кўринади, яъни ушбу этнонимларининг негизи Т. бўлиб, қад. турк-мўғул тилларидаги сўз охирида кўплаб ясайдиган қўшимчалар. -т. -с. ундошлари воситасида телеут ва телесга айланган; 3) ҳоз. япон ва хитой олимларининг фикрича, ди, дили, динглинг, чилэ, теле каби атамалар «турк» этнониминнинг турли даврлардаги хитойча талаффузидир; 4) айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, Т. атамасининг асли «туро» ёки «тура» бўлиб, қад. Эрон манбаларида, шу жумладан, «Авесто»да кўчманчи қабила сифатида тилга олинган «тур» қабиласи б-н алоқалидир. Уларнинг фикрича, ушбу «тур» ёки «туро» сўзларидан «турк» этноними шаклланган.

Т. ва тўлас этноними ҳоз. кунда ҳам теле, тели, телес, телек, тўлўс, доолос (дўўлўс), телеут шаклларида бир қанча туркий халқлар таркибида учрайди.

Ғайбулла Бобоёров.

ТЕЛЕАВТОМАТИКА ТИЗИМИ — бошқариш объектлари ва автоматик тизимнинг бошқариш қурилмалари бирбиридан муайян масофада жойлашган бошқариш тизими; оптимал бошқариш масалаларини ҳал этади. Т.т.да оператор (диспетчер) вазифасини автоматик бошқариш қурилмаси тўла ёки қисман бажаради. Т. т.да *телемеханика* усуллари ва воситаларидан фойдаланилади; у кўпинча телемеханика ва автоматик бошқариш техника воситаларини оддийгина бириктириб тузилади. Телебошқариш, телеўлчаш тизимлари ва техниканинг бошқа соҳаларида қўлланади.

ТЕЛЕБОШҚАРИШ — бирон бир объектнинг ишини назорат қилиш, агар зарур бўлса, иш режимини ўзгартириш, унинг фазодаги ҳолати ёки вазиятини ўзгартириб туриш ва б. учун мўлжаланган бошқариш қурилмалари мажмуи. *Телемеханика*нинг бир қисми. Т.да оператор (компьютер) бошқариладиган объектга юборадиган кодланган электр ёки радиосигналлар алоқа канали орқали узатилади. Т. сигналлари бошқариладиган объектнинг автоматик тизими занжирига таъсир этади. Т. оператор ёки бошқа узатиш қурилмасининг ташқи таъсирини кодланган сигналга айлантирувчи кодлаш ва сигналларни ажратувчи декодлаш қурилмаларидан иборат. Кодлаш қурилмаси алоқа каналида кодланган сигналларни узоқ масофага узатади; декодлаш қурилмаси эса турли командаларнинг сигналларини турларга ажратади. Т. дискрет (узлукли) ва узлуксиз турларга бўлинади. Дискрет бошқариш тизимларида автоматиканинг мос занжирларини танлаш ва бу занжирларга таъминлаш манбаларини улаш ёки узиш учун «улаш», «узиш» каби турли командалар узатилади. Узлуксиз бошқариш тизимлари иш бажарувчи органлари узлуксиз кўп турли вазиятларга эга бўлган механизмлар (мас., харакатланувчи объектнинг рули)ни бошқаради. Бундай органларнинг вазияти автоматик тизимнинг бирор занжиридаги кучланиш қийматини ўзгартириб бошқарилади. Т. қўлланиладиган алоқа каналларининг сонига, селекция усулларига ва сигналларнинг фарқига, аппаратура турига ва конструктив жиҳозланишига қараб турларга бўлинади. Бир неча алоқа канали бўлган тизимлар бошқариш пункти б-н бошқариладиган объект орасидаги масофа унча катта бўлмаган ҳолларда қўлланади. Масофа ортган сари бир каналли алоқа тизимидан ва анча мураккаб кодлаш, декодлаш қурилмаларидан фойдаланилади. Т.дан ҳавода, ер устида, сувда ҳаракатланувчи объектларнинг ҳаракатини (учишини) ёки зарядларни портлатишни масофада туриб бошқаришда ҳам фойдаланилади (қ. *Радиотелемеханика*).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ (*теле...* — ва рус. видение — кўриш) — фан, техника ва маданиятнинг кўринадиган ахборотлар (ҳаракатланувчи тасвирлар)ни радиоэлектрон воситалар ёрдамида муайян масофага узатиш б-н боғлиқ соҳаси; ахборотларни тарқатиш воситаларидан бири. Инсоният ўзи яшаб турган жойдан узоқдаги нарсалар ва воқеаларни кўриш истаги б-н ҳамиша

банд бўлиб келган. Бу истак кўп ҳалқларнинг афсона ва эртакларида ўз аксини топган. Мас., Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида бу истакни бадиий шаклда акс эттирган (хитойлик Фарҳод арман қизи Шириннинг жамолини кўзгуда кўриб ошиқ бўлиб қолади). Халқларнинг бу истаги, асосан, *электроника* «сеҳрли кўзгу» («ойнаи жаҳон») га айланган 20-а. да рўёбга чиқди. Т. тасвир элементларини кетма-кет узатиш (19-а. охирида португал олими А. ди Пайва ва ундан мустақил равишда рус олими П. И. Бахметов томонидан илгари сурилган) тамойилига асосланган. 20-а. 30-й.ларига қадар тасвирларни анализ ва синтез қилишда оптик-механик қурилмалардан фойдаланилган (уларни ишлаб чиқишни немис муҳандиси П. Г. Нипков 1884 й. бошлаб берган). 30-й.лар ўрталаридан бошлаб дастлабки электрон Т. тизими пайдо бўлди. Инсон кўзи узатилган телевизион тасвирларни қабул қилувчи охирги бўғим ҳисоблангани учун телевизион тизимлар кўзнинг кўриш жараёнларини ҳисобга олиб қурилган, яъни Т. кўз хусусиятларига асосланган. Бунда колбачалар ва таёқчалар ўрнида фотоэлементлар ишлатилган. Агар объектив орқали бирор объектнинг тасвири фотоэлементлардан ташкил топган панелга туширилса, тасвирнинг алоҳида элементларидан келаётган ёруғлик интенсивлигига монанд электр сигналлари олинади.

Т. тараққиётида ички фотоэффектни очган (1873) У. Смит (АҚШ) нинг, ташқи фотоэффектнинг асосий қонуниятларини белгилаб берган (1888) А. Г. *Столетов*нинг, радиоалоқани ихтиро қилган (1895) А. С. *Попов*нинг, «катод телескоп» тизимини ишлаб чиққан (1907) ва шу тизим бўйича лаб. шароитида биринчи марта электрон телевизион узатишни амалга оширган (1911) Б. Л. *Розинг*нинг хизматлари катта. 1928 й.да ўзбекистонлик ихтирочилар Б. П. *Грабовский* ва И. Ф. *Белянский*лар электрон-нур ёрдамида харакатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган «радиотелефот»ни яратдилар. Т. электрон тизимлари амалда 1920—40 й.ларда ишлаб чиқарилган асбоблардан фойдаланишга асосланган. Бунга В. К. Зворикин ва Ф. Фарнсуорт (АҚШ), К. Свинтов (Буюк Британия), А. А. Чернишев, С. И. Катаев, А. П. Константинов, Б. Л. Розинг, П. В. Тимофеев, П. В. Шмаков (СССР) ва б. олимлар катта ҳисса қўшишган.

Телевизион тасвирлар 3 жараёнда узатилади: 1-узатувчи объект чиқарган

Телевидение. Ўзбекистон ТВ кўчма телевизион тизими орқали байрам тантанасидан телевизион кўрсатув олиб бориш.

ёки қайтарган ёруғликни электр сигналларига айлантириш; 2-электр сигналларини алоқа каналлари бўйича узатиш ва қабул қилиш; 3-электр сигналларини объектнинг оптик тасвирини ҳосил қилувчи ёруғлик импульсларига айлантириш. Узатишда тасвир элементларини электр сигналларига, қабул қилишда узатилган сигналларни тасвир элементларига кетма-кет айлантириш жараёнига тасвирларни тиклаш дейилади. Тасвирларни анализ ва синтез қилиш жараёнлари синхрон ҳамда синфаз бўлиши керак. Телевизион кўрсатув тизимида чизиқли-сатр ёйилма қабул қилинган; бунда ҳосил қилинадиган тасвир кадри горизонтал-сатр структурага эга бўлади. Тиклашнинг синфазлигини сақлаш учун ҳар қайси сатр ва кадр охирида синхронловчи импульс узатилади. Шу б-н телевизион ст-я ўз таъсир зонасидаги барча телевизорлардаги тикланишларни бошқаради. Т.да оптик тасвирларни ҳосил қилиш ва тиклаш жараёнлари техник жиҳатдан асосан вакуумли электрон-нурли трубка ёрдамида амалга оширилади.

Узатувчи трубкалар ичида ички фотоэффектли *видикон* ва ташқи фотоэффектли суперортикон, қабул қилувчи трубкалардан эса турли *кинескоп*лар кенг тарқалган. Оқ-қора Т.да ёруғлик сигнали (видеосигнал) узатувчи трубкадан чиқишда кучайтирилади ва электр сигналига айлантирилади. Бунда радиоканал ёки кабель канали алоқа канали бўлиб хизмат қилади. Қабул қилувчи қурилмада қабул қилинган сигналлар бир нурли кинескопда ёруғлик нурларига айлантирилади; бунда кинескоп экрани оқ нур нурлатадиган люминофор б-н қопланган.

*Рангли телевидение*да табиатдаги барча рангларни маълум нисбатда олинган 3 та асосий ранг — қизил, яшил ва кўк ранглардан оптик жиҳатдан тиклаш мумкин бўлгани учун телевизион узатиш камераси ёритилганлик сигналини ва асосий ранглар сигналларини яратиши учун бир эмас, балки 3 та трубкадан иборат бўлади. Узатишда (телемарказда) ана шу барча сигналлар кодланади, қабул қилишда (телевизион приёмникда) декодланади. 80-й.лар ўрталаридан бошлаб рақамли Т. тизими устида ишлар олиб борилди ва амалда жорий қилинди. Бу тизимда электр импульсларнинг код (рақам) ли комбинациялари кетма-кетлигидан фойдаланилади. Кабелли Т. тизимидан ҳам фойдаланилмоқда. Унда атмосфера ва б. халақитлар бўлмайди. Кабеллар (ёруғлик ўтказгичлар) асосан ер остидан ўтказилади.

Т. тизимлар қуйидаги асосий белгилари бўйича таснифланади: сифат белгиси бўйича — оқ-қора (монохромли), рангли, стерео-монохромли ва стереорангли; сигналларни қандай шаклга келтириши (видеоинформация) бўйича — аналог ва дискретли (рақамли); алоқа канали спектрининг частотаси бўйича — кенг полосали ва тор полосали.

Т. инсон турмушида муҳим ўринни эгаллади; телевизион эшиттириш сифатида кенг тарқалди. Телевизион аппаратуралар фан, тиббиёт, халқ хўжалигининг турли тармоқларида турли масалаларни ҳал қилишда кенг ишлатилади. Тасвирни узоқ масофага олиб

Режиссёрлик пульти (Германия).

кўрсатиш тажрибалари 20-а. 30-й.ларида бошланди. СССР да 1931 й. 1 окт.-дан қўзғалмас тасвирларнинг кам қаторли телевизион кўрсатувлари мунтазам олиб борилди. Ҳаракатланувчи тасвирларнинг биринчи кўрсатувлари 1932 й. амалга оширилди, 1934 й. овозли Т. пайдо бўлди. 30-й.ларнинг охирида кам қаторли механик Т.лан электрон Т.га ўтилиши Т. тараққиётида янги босқич бўлди. 1962 й.да СССР да космик Т. яратилди. Яқин космосга телевизион хизматни талаб этадиган *ер суньий йўлдошлари* ва орбитал ст-ялар учирилди. Т. Ойнинг Ердан кўринмайдиган томонини ўрганишга имкон яратди, *Ой*, *Меркурий*, *Венера*, *Марс* ва *Юпитер* сайёраларининг фототелевизион суратлари олинди ва б.

Электрон Т. кўрсатувлари тажриба тариқасида 1938 й. Москва ва Ленинградда намойиш қилинди. 1939 й.дан эса мунтазам кўрсатувлар бошланди. Мунтазам телекўрсатувлар Буюк Британия ва Германияда 1936 й., АҚШ да 1941 й., Европа мамлакатларида 20-а. 50-йилларида, ривожланаётган мамлакатларида 60-й.ларда бошланди. Ҳоз. дунёда Т. юксак даражада ривож топди ва инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Барча ривожланган мамлакатлар ўз Т.сига эга, АҚШ ва 3 та умуммиллий телетармоқ — «Эй-Би-Си», «Си-Би-Эс» ва «Эн-Би-Си» фаолият кўрсатмоқда. Англияда «Би-Би-Си», Францияда ТФ, Россияда 1-канал, РТР, НТВ, ТНТ ва б. телестудиялар мавжуд.

Тошкент телемарказининг тажриба синов кўрсатувлари 1956 й. 5 ноябрдан бошланди. 1957 й.да Ўзбекистон Радиоэшиттириш ва Телевидение қўмитаси ташкил этилди, қўмита 1992 й. 7 январда Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясига, Ўзбекистон Президентининг 1996 й. 7 майдаги фармони б-н эса Ўзбекистон Телерадиокомпанияси («Ўзтелерадио») га айлантирилди. «Ўзтелерадио» оммавий ахборот воситаларининг муассасаси, таҳририяти, тарқатувчиси ва ношири ҳуқуқларига эга бўлди. «Ўзтелерадио»нинг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ҳудудий (минтақавий) бўлимлари мавжуд. Ўз ТВ да 4 та канал бор. Уларда ҳар куни 52 соат («Ўзбекистон» — 18 соат, «Ёшлар» — 16 соат, «Тошкент» — 7 соат, «Спорт» — 11 соат) кўрсатув эфирга узатилади. Вилоятлар телекўрсатувлари бир кеча-кундузда 15,5 соатни ташкил этади (2004).

«Ўзтелерадио» жаҳондаги кўпгина йирик телекомпаниялар б-н, жумладан, Американинг CNN, Германиянинг DW, Япониянинг NHK, TBS, FUJI, Кореянинг KB5, Туркиянинг TRT, Россиянинг етакчи телекомпаниялари б-н кенг тармоқли алоқаларга эга. Ўзбекистон ТВ нинг «Ахборот-дастури SCOLA (АҚШ) консорциуми ҳамкорлигида интернет орқали узатиб борилади.

Т. пайдо бўлиши б-н оммавий ахборот воситалари тизимида сифат ўзгариши юз берди — инсоният ижтимоий ҳаёт воқеаларини бевосита кўриш имкониятига эга бўлди, ижтимоий онг б-н ижтимоий борлиқ ўртасида энг қисқа ва қулай йўл барпо этилди, инсон онгига ва ҳис-туйғусига таъсир этишнинг ишончли воситаси вужудга келди.

Т. гарчи сўзни босма равишда кўпайтирмасдан ижтимоий ҳаётни овоз ва тасвир воситасида акс эттирса-да, у матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг бир тури ҳисобланади ва унинг қонун-қоидалари асосида иш кўради. Т. матбуотнинг ижтимоий информация йиғиш ва тарқатиш вазифасининг 3 қирраси бўлмиш тасвир, таҳлил ва таъсир функцияларини тўла бажаради, яъни у ҳаётдаги воқеа ва ҳодисаларни тасвирлайди, уларни таҳлил қилади, ҳаётга ўз таъсирини кўрсатади. Матбуотнинг умуминсонийлик, халқчиллик, миллийлик, ҳаққонийлик ва б. тамойиллари ҳам Т. фаолияти учун бош қонун ҳисобланади. Матбуотнинг ижодий анъаналарига амал қилиш ва янги омиллар яратиш, жамоатчилик фикрини ифодалаш ва б. қонуниятлари ҳам Т. учун бевосита тааллуқлидир. Матбуот материалларининг ўзагини ташкил этувчи *публицистика* ҳам Т. фаолиятида кенг қўлланади ва унинг ўзига хос хусусиятлари б-н бирлашган ҳолда телепублицистикани ташкил этади. Т.да публицистиканинг ҳар 3 — информацион, таҳлилий ва бадиий кўринишлари кенг хизмат қилади.



Оқ-қора телевидение тизими схемаси: ПТК — узатувчи телекамера; У — видеосигналлар кучайтиргичи; ГС — синхрогенератор; М — модулятор; УМТ — тасвир радиосигналларини кучайтиргич; МК — микрофон; УЗ — товуш тебранишлари кучайтиргичи; МЗ — товуш радиосигналларини кучайтиргич; ПА — узатувчи антенна; ПРА — қабул қилиш антеннаси; ВЧ — қабул қилинган тасвир ва товуш сигналларини кучайтиргич; ВК — видеосигналлар кучайтиргичи; БР — кинескоп (К)да тасвирни ёйиш блоки; Гр — радиокарнай.

Т. фаолияти тележурналистика қонуниятлари асосида олиб борилади. Тележурналистика — журналистика қонун-қоидаларининг Т. имкониятлари б-н бирлашмасидан иборат. Тележурналистика жанрлари ҳам матбуот жанрлари б-н Т. хусусиятининг қўшилишидан келиб чиқади. Матбуотнинг информацион, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлари Т. хусусиятлари б-н муштарак ҳолда телехабар, телерепортаж, телелавҳа, телесуҳбат, телеҳисобот, телешарҳ, телеочерк, телефельетон ва б. хилларга айланади. Маълум мавзуга бағишланган телекўрсатувлар йиғиндиси тележурнал деб аталади. Шу б-н биргаликда Т. оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос, алоҳида бир туридир. У ўз функциясини бажаришда публицистика б-н бир қаторда оғзаки нутқ санъати, адабиёт, театр санъати, кино, мусиқа санъати кабилардан ҳам кенг фойдаланади. Шунинг учун ҳам Т. бошқа оммавий ахборот воситалари орасида юқори ўринда туради. Телекўрсатувларда санъатнинг бу хилдаги турларидан кенг фойдаланиш натижасида адабиёт ва санъат турлари б-н муштарак бўлган теленовелла, телеминиатюра, телефильм, телеспектакль, телекомпозиция ва б. жанрлар ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон телевидениеси теледастурларининг ранг-баранглиги республиканинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ишлаб чиқариш, маданий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш ва қизиқарли акс эттириш имкониятини беради.

Эргаш Комилов, Низомиддин Маҳмудов, Мухтор Худойқулов.

ТЕЛЕВИЗИОН АНТЕННА — телевизион тасвир сигналлари ва товушни қабул қилиш ёки узатиш учун мўлжалланган қурилма. Узатувчи ва қабул қилувчи; метрли ва дециметрли диапазонда ишлайдиган турлари бор. Узатувчи Т.а., одатда, горизонтал симметрик вибраторлар тизимидан иборат. Вибраторларнинг жойлашиши йўналганлик диаграммаси (ЙД)нинг шакли (қ. *Антенна*) ва кучайтириш коэффициенти (КК) б-н аниқланади. Узатувчи Т.а. йўналганлик диаграммаси горизонтал текисликда доиравий, вертикал текисликда эса япроқ шаклида бўлади. Агар антенна таянчининг кўндаланг кесими ва кучайтириш коэффициенти кичик бўлса, метрли диапазонда турникет типидаги (кўп қаватли) Т.а. қўлланилади. Метрли диапазонда узатувчи Т.а.нинг кучайтириш коэффициенти 12—15, дециметрлида бир неча ўн бирликка тенг бўлади.



Телевизион антенналар: *1* — умумий антенна; *2* — индивидуал (12 каналли); *3* — индивидуал (йўналтирилган); *4* — хона антеннаси (телескопик); *5* — хона антеннаси (лентасимон).

Қабул қилувчи Т.а.нинг индивидуал (ташқи ёки хонага ўрнатиладиган) ва умумий фойдаланиладиган хиллари бор. Улар бир ёки кўп каналли, кенг полосали бўлади. Умум фойдаланиладиган антенналар бир йўналишли бўлиб, метрли ва дециметрли диапазонда ишлайди. Метрли диапазондаги сигналларни бемалол қабул қилиш мумкин бўлган жойларда бир каналли ташқи индивидуал антенналар, қийин қабул қилинадиган (телемарказдан узоқ) жойларда дециметрли антенналар қўлланилади. Хонага ўрнатиладиган антенналардан телемарказга яқин жойлардагина фойдаланилади. Буларга метрли диапазонда ишлайдиган телескопик (қисқариб-узаядиган) ва лентасимон антенналар киради. Телевизион кўрсатувларни ер суньий йўлдоши орқали узатишда параболик кўзгули антенна тизими ишлатилади.

ТЕЛЕВИЗИОН КАМЕРА, телекамера —объектнинг оптик тасвирини тасвирнинг узоққа узатиш мумкин бўлган электр сигналлари (видеосигналлар)га айлантириб берадиган аппарат. Телевизион кўрсатувлар (телестудия ва телестудиядан ташқаридан узатиладиган, дикторлик ва б.) ҳамда саноат (шу жумладан, сув ости) Т.к.лари фарқ қилинади. Оқ-қора *ва рангли телевидение* учун мўлжалланган Т.к.лар бор. Т.к.нинг асосий қисми фотоэлектрон ўзгартиргич, яъни узатувчи телевизион трубка. Видеосигналлар ана шу трубкада шаклланади. Т.к.нинг бошқа қисмлари: объектив, видеокучайтиргич ва сатрларни ёйиш генератори. Телевизион кўрсатувлар учун мўлжалланган Т.к. кинескопли видеоқидиргич қурилма б-н таъминланади. Бу қурилма телеоператорнинг объектни кўриб туриши ва назорат қилишига имкон беради. Рангли телевидение учун мўлжалланган Т.к.да ёруглик оқими махсус призмалар ёки кўзгулар б-н турли соҳаларга ажратилади. Телестудияда ёки кўчма телевизион ст-яда, одатда, бир нечта Т.к. бўлади. Телережиссёр телевизион кўрсатув сценарийсига мос равишда уларни узатувчи камерага галма-гал улаб туради.

ТЕЛЕВИЗИОН КЎРСАТУВ — қ. *Телевидение*.

ТЕЛЕВИЗИОН МИНОРА — радиотелевизион узатиш ст-яси; телевидение, радиоэшиттириш, радиотелефон ва радиореле алоқаси антенналари ўрнатиладиган таянч. Баландлиги телевизион ст-янинг таъсир радиусига ва узатувчи телевизион антеннанинг сони ҳамда ўлчамига қараб белгиланади. Т.м. қанчалик баланд бўлса, антенналарнинг таъсир доираси шунчалик кенг бўлади. Т.м.га бир нечта телевизион антенналардан ташқари ультрақисқа тўлқинли радиоэшиттириш антенналари, радиорелели алоқа, кўчма радиотелефон антенналари ўрнатилиши мумкин. Баъзан Т.м.га метеорологик кузатиш асбоблари ҳам ўрнатилади. Т.м. металл (пўлат) ёки темирбетондан турли меъморий ечимларда қурилади. Катта шаҳарлардаги Т. м.ларнинг кўпида шаҳар манзарасини кузатиш учун майдонча, кафе ёки ресторан бўлади. Минора ичига барча коммуникация воситалари, юқориги ички қисмига радиоузаткич ва б. электрон жиҳозлар жойлаштирилади.

Дунёдаги энг баланд Т.м.лардан бири Останкино (Москва)даги Телевизион техника марказидир (533,3 м, 1967). Канададаги Торонто Т.м.си дунёдаги энг баланд минора ҳисобланади (550 м, 1974). Токиода 600 м ли Т.м. қуришга киришилди (2004 й.).

Тошкентда 2 та Т.м. бор (180 м, 1956; 375 м, 1985) (қ. *Тошкент телевизион минораси*).

Телевизион камера (умумий кўриниши).

ТЕЛЕВИЗИОН САНЪАТ — борлиқни телевидение орқали тасвирловчи санъат тури. Т.с. «бадиий телевидение» аҳамиятини билдирувчи атама сифатида қўлланилади. Санъатнинг бошқа турлари (кино, театр, адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа ва б.) б-н тўқнаш ҳолда юзага келган. Т.с. нафақат уларнинг асосий тасвирий ифода воситаларини мерос қилиб олди, балки тасвирланаётган воқеага максимал яқинлашув, маҳсулотларни монтаж қилиш, бошловчи ёки телекўрсатув қатнашчиларининг томошабинларга мурожаати, шунингдек, томошаларни даврий ёки сериалларга бўлиб кўрсатишдек ўзига хос санъат яратди. Телевизион кўрсатувларда маълум ғоя ва мақсад кўзда тутилади. Бу ғояни муайян воқеа-ҳодиса замирида амалга ошириш услубига қараб 2 йирик турга: информацион (ҳужжатли) ва бадиий телевидениега ажратилади. Информацион телевидениедаги туркум кўрсатувларда воқелик ҳеч бир ортиқча бўёқсиз, томошабинга асл ҳолида етказилади («Ахборот», «Давр», «Янгиликлар» ва б.). Бадиий телевидениенинг маҳсулотлари эса бадиий санъат ва юксак эстетик талабларга жавоб бер-о-ладиган, воқеликни нафис санъат воситалари, образлар орқали ифода этувчи телевизион драма ва кўрсатувларга асосланади (яна қ. *Телевидение*).

Сабоҳат Ҳайитматова, Феруза Файзиева.

ТЕЛЕВИЗИОН СТАНЦИЯ — телевизион эшиттиришларни тайёрлаш ва радиотўлқинлар ёрдамида узатиш учун мўлжалланган қурилма ва иншоотлар мажмуи; телевизион узатиш тармоғининг асосий бўғини. Т.с. телевизион марказ (телемарказ) деб аталадиган дастурли ва ретрансляцион деб аталадиган узатувчи хилларга бўлинади. Телемарказ — телевизион дастурлар ҳосил қилинадиган телевизион узатувчи тармоқнинг бошланғич бўғини. Телемарказнинг асосий техник базаси аппарат-студия мажмуи ҳисобланади. Унга техник аппаратлар, телевидение орқали кинофильмлар кўрсатиш, телевизион дастур сигналларини магнит лентага ёзиб олиш ва уни намойиш қилиш (қ. *Видеомагнитофон*) жиҳозлари, шаҳарлараро алоқа линиялари бўйича бошқа телемарказлардан келган дастурларни кундалик кўрсатувларга киритиш аппаратлари, шунингдек ўз кўрсатувларини бошқа телемарказларга узатувчи аппаратлар, телевизион студия (телестудия) киради.



Телевизион станция. Телекўрсатувлари узатиш схемаси: *1* – объектив; *2* – оғдирувчи тизим; *3* – электрон туп; *4* – электрон нур; *5* – экран; *6* – сатрлар генератори; *7* – кадрлар генератори; *8* – модулятор; *9* – видеокучайтирич; *10* – синхронловчи импульслар генератори; *11* – узатувчи телекамера; *12* – ультрақисқа тўлқинли (УҚТ) тасвир радиоузаткичи; *13* – генератор; *14* – модулятор; *15* – тасвир радиосигналларини қувват кучайтиргичи; *16* – микрофон; *17* – товуш частотаси кучайтиргичи; *18* – УҚТ товуш радиоузаткичи; *19* – генератор; *20* – модулятор; *21* – товуш радиосигналлари қувват кучайтиргичи; *22* – узатувчи антенна.

Телевизион студия товушдан изоляция қилинган хонадан иборат. Студия деворлари ва шифти товуш ютувчи материаллар б-н қопланади ва конденсирланган ҳаво б-н мажбурий шамоллатадиган тизим б-н таъминланади. Т.с. таркибида муҳаррирлар ва режиссёрлар, дастур тузиш, тайёрлаш ҳамда уни кўрсатиш б-н шуғулланувчи мутахассислар учун хоналар бўлади.

Студиядан ташқари жойлар (театр, студия ва б.)дан телекўрсатишда кўчма телевизион ст-ялар фойдаланилади.

Узатувчи ст-я — тасвир сигналларини товуш сигналлари б-н биргаликда радиотўлқинлар тарзида Ер сиртида тарқатишни таъминлайдиган телевизион кўрсатувчи тармоқнинг охирги бўғими. Бунга телевизион радиоузаткичлар, телевизион антенна ва назоратўлчаш аппаратуралари киради. Телевизион антеннанинг таянчи қанчалик баланд бўлса, узатувчи Т.с.дан шунчалик самарали фойдаланишга имкон беради.

ТЕЛЕВИЗИОН ТЕЛЕСКОП — кузатиладиган осмон ёритқичларининг тасвири телескоп техника ёрдамида ҳосил қилинадиган астрономик қурилма. Биринчи марта 20-а. 50-й.лари ўрталарида Ой ва сайёраларни, кейинчалик эса Ер сунъий йўлдошлари ва б. космик объект (галактика, туманлик) ларни кузатишда қўллана бошлади. Т.т. оптик *телескоп*га ўрнатилган узатувчи телевизион трубка (суперортикон, изокон, видикон), видеокучайтиргич, алоқа канали ва қабул қилувчи телевизион трубка *(кинескоп)* дан иборат. Т.т. спектрнинг ультрабинафша, кўринма ва инфрақизил диапазонларида ишлаши ва космик объект тасвирини узоқ масофага (кабель ёки эфир орқали) узата олиши б-н бошқа нур қабул қилувчи воситалар (фотопластинка, фотоэлемент)дан устун туради. Олинган видеосигналларни қайта ишлашда автоматик асбоблардан фойдаланилади. Т.т. биринчи марта 1952 й. Ойни (Буюк Британия) ва 1954 й. Марсни (АҚШ) кузатишда қўлланилди. *Пулково расадхонаси*да Т.т. б-н 1956 й.дан бошлаб Ой тадқиқ қилинган. Ўзбекистон ФА Астрономия ин-тида Т.т. йўқ. Бу ерда заряд алоқасига асосланган матрицали Қуёш телескопи (ПЗС) ишлаб турибди (2004).



Телевизион телескоп. (схема): *1* – оптик телескоп; *2* – узатувчи телевизион трубка; *3* – видеокучайтиргич; *4* – кинескоп; *5* – камера.

ТЕЛЕВИЗИОН ТРУБКА — телевизион тасвирни узатиш ва қабул қилишда ишлатиладиган электрон-нурли асбоб. Узатувчи ва қабул қилувчи турларга бўлинади. Узатувчи Т.т. оптик тасвирни электр телевизион сигналларга айлантириб беради. Сигналларга айлантириш тамойилига кўра, зарядни йиғмасдан узатувчи (диссектор) ва йиғиб узатувчи хилларга бўлинади. Узатувчи Т.т.лар: фотоэмиссион *(иконоскоп, ортикон)*, иккиламчи электронли (супериконоскоп, суперортикон), фотоўтказувчи Т.т. *(видикон)* ва б. Қабул қилдувчи Т.т. (кинескоп) телевизорда тасвирни намоён қилиш (кўрсатиш) учун ишлатилади.

ТЕЛЕВИЗОР *(mele...* ва лот. *viso* — қарайман) — телестудиядан узатилаётган телеэшиттиришларнинг электр сигналлари (телесигналлар) ни қабул қилиш, кучайтириш ҳамда тасвир ва товушга айлантириш учун мўлжалланган радиоэлектрон қурилма. Рангли ва оқ-қора, стационар ва кўчма хиллари бор. Телевизион марказдан тарқатилган электр сигналларини тўлқинларни қабул қилувчи антенна тутиб, кабель орқали Т.га узатади. Бунда тебранишлар кучаяди, тасвир ва товуш сигналларига ажратади, сўнгра кинескоп ва радиокарнайга ўтади. Генераторлар (сатр ёйини ва кадр ёйини генераторлари) воситасида кинескоп экранида телевизион растр ҳосил қилинади. Оқ-қора Т.да тасвир сигналлари қора ва ёруғ элементлар кўринишида намоён бўлади. Қабул қилиналиган дастурлар сонига қараб, Т.лар бир, уч, беш, ўн икки, ўттиз бир ва б. каналли бўлади. Т.да қабул қилиш учун метрли тўлқинлар диапазонида ишлайдиган телевизион каналлардан фойдаланилади. Дециметрли диапазондаги дастурларни қабул қилиш учун Т.ларга алоҳида мослама — конвертор қўйилади. У дециметрли сигналини қабул қилиб, частотасини биринчи, иккинчи ёки бошқа телевизион канал частотасига мослаб беради. Т.ларнинг тузилиши стандартлаштирилган. Уларнинг соддалаштирилган схемаси каналнинг алмашлаб улаш блоки, тасвир ва овоз каналлари, синхронлаш каналлари, ёювчи блок ва электр қувват б-н таъминловчи блокдан иборат. Телестудиялар бир неча дастурни бир вақтда узатади. Улардан керагини кўриш учун Т.да созлаш блокидан фойдаланилади. Бу блок юқори частотали кучайтиргич б-н туташтирилган бўлади. Тасвир ва товуш сигналлари бир-биридан фарқ қиладиган частоталарда узатилганлиги учун бу сигналлар кучайтирилганидан сўнг юқори частотали тебранишлар ажралади ва бошқа-бошқа мустақил каналлар бўйича кетади. Товуш сигналлари тебранишлари товуш блокига тушади. Тасвир блокида детектор юқори частотали тебранишлардан тасвир сигналларини ажратиб олади. Рангли Т.ларнинг тузилиши анча мураккаб, улар оқ-қора Т.лардан рангли каналли блоки ва рангли кинескопи б-н фарқ қилади. Рангли телевидение тизими 3 каналли бўлади. Монохром ташкил этувчилар — қизил (Қ), кўк (К) ва сариғи (З) ранглар ранг қўргичида аралашади, сўнгра узатгич модуляторига ўтади. Тебранишлар қабул қилгичда қайтадан 3 частота (Қ, К ва З) каналига бўлиниб, рангли кинескопга ўтади. Сифат кўрсаткичлари, экранининг ўлчами ва фойдаланишга қулайлиги бўйича Т. 4 синфга бўлинади: I — III синфдагиси — стационар Т.лар, IV синфдагиси — портатив (кўчма) Т.лар. Одатда, Т. босма монтаждан кенг фойдаланилган алоҳида конструктив блоклардан тузилади. Т.ларда, асосан, ярим ўтказгичли асбоблар, интеграл платалар, транзисторлар қўлланилади. Экрани текис ва электролюминофорда ишланйдиган, жуда катта ва митти экранли Т.лар яратилган.



Телевизор схемаси: *1* – синхронловчи импульсларни ажраткич; *2* – сатрлар генератори; *3* – кадрлар генератори; *4* – оғдирувчи тизим; *5* – тасвир блоки; *6* – тасвир детектори; *7* – видеокучайтиргич; *8* – товуш детектори; *9* – товуш частотаси кучайтиргичи; *10* – товуш блоки; *11* – созлаш блоки; *12* – трубка; *13* – радиокарнай.

ТЕЛЕГРАММА *(теле...* ва *грамма)* — телеграф орқали узатиладиган ҳужжатли хабар. Ички (мамлакат доирасида) ва халқаро (мамлакатлараро) Т.лар фарқланади. Ички Т., ўз навбатида, шаҳарлараро ва маҳаллий, шунингдек, Т.нинг бир йўла бир неча манзилга узатиладиган, хат.-Т., факсимил-Т. (фото-Т.) ва б. турлари бор (яна қ. *Факсимил алоқа*).

ТЕЛЕГРАФ *(теле...* ва *... граф)* — 1) *телеграф алоқа*нинг қисқартирилган номи; 2) телеграммаларни узатиш, қабул қилиш ва эгасига етказиб бериш б-н шуғулланадиган ихтисослаштирилган алоқа корхонаси. Унда телеграф аппарати, телеграф коммутаторлари, факсимил аппарати, операциялар залли, энергетика қурилмалари ва б. техник жиҳозлар бўлади. Т. вилоятлар марказлари ва республика марказида жойлашади. Ўзбекистонда «Ўзбектелеком» АКга қарашли Тошкент телеграф-телефон ст-яси, вилоятлар марказларидаги телеграф-телефон ст-ялари орқали Т. ва телефон хизматлари кўрсатилади.

«Ройсон» русумли телевизор.

ТЕЛЕГРАФ АЛОҚА — дискрет (ҳарфрақамли) хабарларни узоқ масофага тез узатиш ва қабул қилиш ҳамда қабул пунктида қайд этиш; электр алоқанинг бир тури. Сим орқали узатиладиган электр сигналлар ва симсиз радиосигналлар орқали, телеграф аппарати ва фототелеграф (факсимил) аппарат ёрдамида амалга оширилади. Т.а. электр алоқанинг бир тури сифатида 19-а. 30-й.ларида пайдо бўлган. Ахборотларни узатишда дастлаб (почта алоқасидан ташқари) ёруғлик ва товуш сигналларидан фойдаланилган (қ. *Оптик телеграф*). Россияда 1832 йда П.Л. Шиллинг томонидан телеграф аппарати яратилиши б-н Т.а.га асос солинди. Сўнгра Б. С. *Якоби* томонидан электромагнит телеграф аппарати (1839) ва ҳарф босиш телеграф аппарати (1850). С. *Морзе* томонидан электромеханик телеграф аппарати (1844) яратилиши (қ. *Морзе аппарати*) Т. а.нинг ривожланишига ёрдам берди. Ўзбекистонда Оренбург телеграф линияси очилиши б-н бошланган. Ҳозир «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси телеграф ва телефон алоқани ташкил этади. Ўнлаб шаҳарлар б-н Т.а. боғланган.

Узатиладиган хабарларнинг турига қараб, Т.а. умумий фойдаланиш, абонент, идора, факсимил хилларга бўлинади. Умумий фойдаланиш Т.а.си алоқа корхоналарига келувчи телеграммалар, пул ўтказмалари ва б.ни узатиш учун хизмат қилади. Абонент телеграф ёрдамида абонентларнинг хоналарига бевосита ўрнатилган телеграф аппаратидан фойдаланиб мулоқотлар олиб бориш мумкин. Идора Т.а. си кўплаб ҳужжатли хабарлар узатиш ва қабул қилишни талаб қиладиган халқ хўжалиги тармоқлари (т.й., транспорт, фуқаро авиацияси ва б.) да ташкил этилади. Факсимил алоқа (фототелеграф алоқа) расм, график, матнларни масофада туриб узатиш учун хизмат қилади (қ. *Факсимил алоқа*).

Узатишни ташкил этиш усулига қараб, Т.а. симплекс ва дуплекс турларга бўлинади. Икки телеграф ст-ялари (ёки абонентлар) орасидаги симплекс Т.а. хабарларни икки томонга навбат б-н узатишга имкон беради. Хабарларни узатиш ва қабул қилишда битта телеграф аппаратидан фойдаланилади. Дуплекс Т.а.да ахборот бир вақтда иккала томонга узатилади (қ. *Дуплекс алоқа, Симплекс алоқа*).

Ахборотларни узатиш учун хизмат қиладиган Т.а.нинг телеграф аппаратлари охирги ст-ялари, коммутация қурилмалари ва каналлари телеграф тармоғини ташкил этади.

Т.а.да хабарларни узатиш, қабул қилиш ва ишлаш жараёнларини автоматлаштириш, уларга компьютерларни татбиқ қилиш орқали Т.а. такомиллаштирилади.

ТЕЛЕГРАФ АППАРАТИ — телеграф алоқа ўрнатишда электр қурилма сигналларини узатиш ва қабул қилиш учун мўлжалланган қурилма. Биринчи электромагнит Т.а. рус олими П. Л. Шиллинг томонидан ихтиро қилинган (1832) ва амалда ишлатилган. Дастлабки электромагнит аппаратларда хабарлар синиқ чизиқлар кўринишида (қайд қилувчи Т.а.) ёки нуқта-чизиқлар кўринишида (қайд қилувчи Т.а.) ёки нуқта ва тирелар орқали (қ. *Морзе аппарати*) узатилган ва ёзиб олинган. 20-а. ўрталаригача электромеханик Т.а. ишлатилган, 70-й.лардан бошлаб электрон-механик Т.а.дан фойдаланилди, кейинчалик тўлиқ электрон Т.а. ва фототелеграф аппарат (факсимил аппарат) пайдо бўлди.

Т.а. узаткич, қабул қилгич ва ток манбаидан иборат. Т.а.га хабарларни автоматик узатиш ва қабул қилиш қурилмалари ҳам ўрнатиш мумкин. Кўзғалмас ясси тасвирлар (матн ёки жалвал, схема, графика, фотосурат ва б.) факсимил аппарат орқали узатилади (қ. *Факсимил алоқа*).

ТЕЛЕГРАФ КОДИ — телеграфияда қабул қилинган шартли хос белгилар. Бунда ҳар қайси ҳарф (ёки белги) га электр токи элементар сигналлари уйғунлашуви тўғри келади. Агар белгилардаги сигналлар миқдори ҳар хил бўлса, Т.к. нотекис код (мас., *Морзе коди*), агар бир хил бўлса, текис код [мас., беш белгили (каррали) Бодо коди] бўлади (қ. Ж.М.Э. *Бодо, Бодо аппарати*).

ТЕЛЕГРАФ КОММУТАТОРИ — телеграф аппаратлари, линия ва каналларини қўлда улаб-узиш учун мўлжалланган қурилма. Телеграф ст-яларига ўрнатилади, барча чиқиш ва кириш линиялари ва каналларига, телеграф аппаратларига уланади. Энг кенг тарқалган Т.к. шнурли штепселлар тиқиладиган уялари бўлган вертикал панелдан иборат. Т.к. кичик телеграф ст-яларида қўлланади, йирик ст-ярда телеграф аппаратлари, линия ва каналларини улаб-узиш амаллари автоматлаштирилган.

ТЕЛЕГРАФ СТАНЦИЯСИ — абонентлар ёки алоқа муассасалари орасида *телеграф алоқани* таъминлайдиган ст-я; *телеграф тармоғининг* таркибий қисми. Телеграф алоқа каналларини коммутациялаш (ўзгартириш, узибулаш) ва телеграф хабарларини коммутациялаш Т.с.лари бўлади. Т.с.нинг абонент телеграфлаш, тўғри (бевосита) уланадиган, бирлаштирилган ва хабарларни узатиш учун мўлжалланган турлари бор. Т.с.да маҳаллий ва шаҳарлараро телеграф алоқа ўрнатилади. Абонентларни улаш, хабарларни узатиш ва қабул қилиш операциялари асосан автоматик тарзда (баъзи Т.с.да қўлда ҳам) бажарилади. Т.с. электрон ҳисоблаш машиналари (компьютерлар) асосида ишлайди.

Т.с. жиҳозлари: телеграф аппаратлари, автоматик коммутация қурилмалари, кўп каррали улаб-узгичлар, телеграф алоқа каналларини мувофиқлаштириш қурилмалари, сигналлар датчиклари, телеграф хабарларни жамловчилар, назорат-ўлчаш асбоблари, авария ва оператив сигнализация асбоблари ва б. Ўзбекистонда Т.с.лари Тошкент, Нукус ш.ларида ва барча вилоятларнинг марказларида бор. Уларнинг ишини «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси мувофиқлаштириб туради.

ТЕЛЕГРАФ ТАРМОҒИ — охирги (абонент) пунктлардаги телеграф қурилмалари (телеграф аппаратлари), телеграф ст-ялари ҳамда бу пунктлар ва ст-яларни бирлаштирувчи телеграф алоқа каналлари мажмуи. Т.т. каналлари бўйича телеграф алоқа амалга оширилади. Т.т.нинг ички (бир мамлакат ҳудудида) ва халқаро *(телекс)*; коммутацияланувчи (қ. *Коммутация*) ва коммутацияланмайдиган (доимий бириктирилган); умумий фойдаланилган (у бўйича телеграммалар узатилади); абонент телеграфлаш; идорага тегишли (мас., т.й. транспорти, фуқаро авиацияси ва б.); факсимил алоқа (фототелеграф) турлари бор. Т.с. магистрал тармоқлар (мамлакатлар, ўлкалар ва вилоятлараро алоқа узеллари), ҳудудий ёки вилоятлараро (вилоятлар ёки туманлар алоқа узеллари орасидаги) ва маҳаллий (охирги пунктлар орасидаги) тармоқларга бўлинади. Ҳар қайси ҳудудда бош (асосий) узел, вилоят ва туман алоқа узеллари бўлади. Т.т. мамлакат ягона автоматлаштирилган алоқа тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

ТЕЛЕГРАФИЯ — *телеграф алоқани* ташкил қилиш тамойилларини ўрганиш, телеграф сигналларини узатиш усулларини ишлаб чиқиш ва бу усулларни амалга ошириш учун мўлжалланган аппаратларни яратиш б-н шуғулланувчи фан ва техника соҳаси. Телеграф каналлари бўйича хабарларни узатиш сифатини баҳолаш б-н ҳам шуғулланади.

Асосий вазифаларига кўра, Т. илмий-техник фан сифатида қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади: телеграф кодлари (узатишда ҳарф-рақамли хабарларни электр сигналларига ва қабул қилишда аксинча айлантириш); охирги телеграф қурилмалари (телеграф аппаратлари, трансмиттерлар ва реферфораторлар, сигналларни узатиш ва қабул қилиш усуллари, электрон ва рақамли аппаратларни ишлаб чиқиш); телеграф каналлари (линия алоқа воситаларидан самарали фойдаланиш, зарур параметрли каналлар қуриш); телеграф тармоқлари (абонентлар ва охирги пунктларни улаш усулларини танлаш, телеграф ст-яларини энг қулай жойлаштириш, абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш).

Т. бошқа алоқа турларидан фарқли равишда ҳарф, рақам ва тиниш белгиларидан иборат дискрет (узуқ-узуқ) хабарлар б-н иш юритади. Узатиладиган хабарлар ҳам дискрет ҳисобланади. Умумий алоқа назарияси ва ахборотлар назарияси Т.нинг назарий асосини ташкил қилади. Т.да эҳтимоллар назарияси ва мантиқий алгебралан ҳам фойдаланилади. Факсимил алоқа тамойилларини ўрганиш б-н шуғулланадиган фототелеграфия Т.нинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

ТЕЛЕЗИО (Telesio) Бернардино (1509 — Козенца — 1588.2.10) — итальян файласуфи. Неаполь ш.да табиатни тажриба асосида ўрганувчи академияга асос солган. Уйғониш даври табиий илмий эмпиризмининг асосий вакилларидан бири. Табиат ривожига илоҳий кучнинг бевосита таъсирини инкор этган. Нарсаларнинг ўзини ўзи сақлаб қолишга бўлган интилишини бутун борлиқни ҳаракатга келтирувчи куч, ўзини такомиллаштириб боришини эса — мақсад деб ҳисоблаган. «Нарсаларнинг ўз қонунларига кўра табиати тўғрисида» асарини ёзган (1565). Унда илк юнон натурфалсафаси анъаналарига қарши чиққан. Т. *Кампанелла*, Бруно, Декарт, Ф. Бэконга жиддий таъсир кўрсатган.

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ *(теле... ва коммуникация)* — сигнал, белги, матн, тасвир, овоз ва б. турдаги ахборотларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш тизимлари мажмуи. Симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимларидан фойдаланиб амалга оширилади. Бир ёки бир неча турдаги, жумладан, телефон, телеграф, факсимил ахборотлар ва б. ҳужжатли хабарларни, компьютерлараро ахборотлар алмашинуви, телевизион ва радиодастурларни узатишга мўлжалланган Т.лар техника воситалари тўплами Т. тармоғи деб аталади.

ТЕЛЕКС [*теле...* ва инг. ex(change) — алмашинув] — абонентлар орасида икки томонлама бевосита телеграф хабарлар алмашиш учун мўлжалланган халқаро телеграф алоқа тармоғи. «Телекс» коммутация телеграф ст-ялари бўлган мамлакатларнинг миллий телеграф тармоқларини бирлаштиради. Ст-ялар кабель ва радиолиниялар, шунинглек космик алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда телеграф алоқа каналлари бўйича бир-бири б-н хабарлар алмашинади. Абонентларни миллий, халқаро ва қитъалараро коммутация ст-ялари автоматик тарзда (абонент рақамини териб) ёки буюртма бўйича (ст-я операторлари орқали) улайди. Ҳар қайси абонент томонда автоматик тарзда жавоб берувчи қурилмали старт-стоп (улаш-узиш) телеграф аппарати ва чақирув асбоби бўлади. Жаҳондаги 150 дан кўп мамлакат (шу жумладан Ўзбекистон) миллий телеграф тармоқларини бирлаштиради (2004).

ТЕЛЕМАРКАЗ, телевизион марказ — телевизион дастурларни тайёрлаш ва узатиш учун мўлжалланган иншоотлар ва техника воситалари мажмуи. Асосий таркибий бўлинмалари — аппарат-студия комплекси; кўчма телевизион ст-ялар ва кўчма видеоёзув

Телемарказ. Республика телемарказидан телекўрсатув олиб бориш.

Аппаратхоналари жиҳозлар

ст-ялари. Аппарат-студия комплексига телестудия, техник аппаратхоналар (телестудия жойлашган телевизион камералардан келадиган видеосигналларни кучайтирувчи ва ўзгартирувчи жиҳозлар бўлади), режиссёрлик хоналари (видеоназорат қурилмалари бўлади), телекинопроекцион аппаратхоналар (телекиноузаткичлар бўлади) ва видеоёзув аппаратхоналари киради. Т.да ёритиш цехи, бошқа цех ва қўшимча хизматлар (пардозхоналар, кийим танлаш хоналари, мусиқа танлаш хизмати ва б.) бўлади. Т.дан узатиладиган теледастурлар телевизион ст-яга тушади, бу ст-я телеминорада жойлашган антеннаси орқали тасвир ва товуш сигналларини эфирга узатади. Теледастурларни ранг-баранг қилиш, безаш ишларида дизайн, компьютер графикасидан кенг фойдаланилади. Т.да хусусий телевизион дастурлар тайёрлаш б-н бирга халқаро алоқа воситалари орқали бошқа шаҳарларнинг теледастурларини ҳам қабул қилиб, ретрансляция қилиш мумкин. Ўзбекистонда Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда барча вилоятларнинг марказларида Т. бор. Энг йирик Т. — Ўзбекистон Республикаси Телемаркази Тошкент ш.да жойлашган. У 1956 й.да ташкил қилинган. Унинг асосий вазифаси Ўзбекистон телевидениеси каналлари томонидан тайёрланган кўрсатувларни техникавий жиҳатдан таъминлаб эфирга узатишдан иборат. Марказ бир кечакундузда 52 соат кўрсатувларни эфирга узатишни таъминлайди. Янги рақамли марказий аппаратхона ва умумий майдони 600м² бўлган 5 камерали студия қайта жиҳозланиб ишга туширилди, 8, 6 ва 4 камерали рақамли кўчма телевизион ст-я мавжуд (2004).

ТЕЛЕМЕТРИЯ *(теле... ва ... метрия)* — кучланиш, ток кучи, қувват, босим, т-ра, сатҳ, учиш баландлиги, организмнинг биол. кўрсаткичлари, метеорологик маълумотлар ва б. катталикларни *телемеханика* воситалари орқали масофадан туриб ўлчаш. Бевосита ўлчаш ишлари *датчик* ёрдамида амалга оширилади; олинган маълумотлар автоматик тарзда (одатда кодланган радиосигналлар кўринишида) алоқа каналлари бўйича қабул қилиш қурилмасига узатилади. Бу ерда маълумотлар қайд қилиниб, ишлаб чиқилади. Радиоканал бўйича амалга ошириладиган Т. радиотелеметрия деб аталади. Т. метеорология, тиббиёт, космонавтика, энергетика ва б. соҳаларда қўлланади.

ТЕЛЕМЕХАНИКА *(теле... ва механика)* — 1) ахборот (сигнал) ларни масофадан туриб бошқариш ва назорат қилиш мақсадида уларни узатиш ҳамда қабул қилиш усулларини ва техника воситаларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланадиган фан. Т. фан ва техниканинг ахборотларни масофадан туриб узатиш б-н боғлиқ бўлган бошқа соҳалари (*телефон, телеграф, телевидение* ва б.)дан ахборотларнинг жуда аниқлиги (0,1%гача), Т. қурилмаларини автоматлаштириш даражасининг юқорилиги, ахборотларни ишлаб чиқишнинг марказлаштирилиши ва б. омиллар б-н фарқ қилади. Т.нинг бошқариш ва назорат қилиш объектлари — технологик жараёнлар, машиналар, қурилмалар, биологик тизимлар ва б.; 2) ахборотларни кодлаш, уларни симли алоқа ва радиоалоқа каналлари бўйича узатиш воситаларини ишлаб чиқиш, яратиш ва улардан фойдаланиш б-н шуғулланадиган техника бўлими. Т. тизимларида ахборотлар, одатда, бир алоқа канали бўйича узатилади. Т. воситалари газ ва нефть қувурлари, атом электр ст-ялари, баъзи кимёвий корхоналар, автоматик метеорология ст-ялари ва б.да телеўлчаш ва телебошқариш учун қўлланади (қ. *Телеметрия, Телемеханика тизими*).

ТЕЛЕМЕХАНИКА ТИЗИМИ — масофадан туриб радиоалоқа ёки симли алоқа канали бўйича оператор (компьютер) дан бошқариш объектига сигналлар узатадиган ва қайтган ахборотларни назорат қиладиган техника воситалари мажмуи. Бошқариш пункти (БП), бир ёки бир неча назорат пункти (НП) ҳамда БП ва НП ни уловчи алоқа линиясидан иборат.

Т.т.нинг тўпланган (битта НП чегарасидаги) объектларга ва тарқоқ объектларга мўлжалланган хиллари бор. Биринчи турга мисол сифатида алоҳида қурилиш крани, самолёт ва б.ни бошқариш тизимлари, иккинчи турга газ ва нефть қувурлари, суғориш тизимлари, т.й. узеллари, корхона ва б.ни бошқариш тизимлари киради. Т.т.да назорат қилинадиган ва бошқариладиган ахборотларнинг барчаси ёки фақат баъзи турлари узатилиши мумкин. Фақат объектларнинг параметрлари ҳақида ахборот узатиладиган Т. т. телеўлчаш, назорат қилинадиган объектнинг вазияти ҳақидаги ахборот узатиладиганини телесигнализация, фақат бошқариш «буйруқлари» узатиладигани телебошқариш тизими деб аталади. Комплекс Т.т.да назорат ва бошқариш ахборотларининг барча турларини узатиш мумкин.

Т.т. халқ хўжалиги ва саноатнинг турли соҳаларида, космонавтика, авиация ва б.да кенг қўлланилади (қ. *Телемеханика*).

ТЕЛЕНАЗОРАТ — объектларни *телемеханика* воситалари б-н масофадан туриб текшириб туриш. Назорат қилинадиган объектдан ахборотлар бошқариш пунктига, диспетчерлик пунктига ёки ахборотлар йиғиш пунктига узатилади (қ. *Телемеханика тизими*).

ТЕЛЕНОМУСЛАР (Telenomus) — пардақанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг уруғи; яйдоқчи тухумхўрлар. 8 тури маълум. Уз 0,7— 1,5 мм, қора тусли. Асосан Кавказ ва Ўрта Осиёда тарқалган. Личинкаси ўсимлик қандалалари, пашша ва капалаклар, хасва тухумида, паразитлик қилади. Одатда, бир тухумда бир, баъзан кўп (6—16) паразит 2 ҳафтадан 1,5 ойгача ривожланади. Айрим турлари бир йилда 10 марта насл беради. Т.дан ўсимликларни ҳимоя қилишда зараркунандаларга қарши курашнинг биологик усулларида фойдаланилади.

ТЕЛЕОЛОГИЯ (юн.talos — оқибат, мақсад ва *...логия*) — мақсад ва мақсадга мувофиқлик ҳақидаги таълимот. Бу таълимот табиат ҳодиса ва жараёнларига мақсадлар (мақсадга мувофиқлик ёки бирор мақсадга йўналиш қобилияти)ни сабаб қилиб кўрсатади, бу мақсадлар худо томонидан белгиланади (Х. *Вольф*) ёки табиатнинг ички сабаблари ҳисобланади (*Аристотель*, Г. *Лейбниц*) деб билади. Телеологик характердаги концепциялар орасидаги фарқлардан қатъи назар, уларнинг ҳаммасига табиат ва жамият жараёнларини *антропоморфизм* руҳида тушуниш, яъни уларни ҳам одам фаолияти каби қандайдир олдиндан белгилаб қўйилган мақсад, мўлжалга мувофиқ бўлади, деб тасаввур қилиш хосдир.

ТЕЛЕПАТИЯ (*теле...* ва юн. pathos — сезиш, ҳис қилиш) — фикр ва ҳиссиётларни сезги органлари иштирокисиз масофага узатиш ҳодисаси. Баъзи манбаларда ахборот узатувчи б-н уни қабул қилувчи ўртасидаги ўзаро фикрий мулоқотга Т. дейилади. Т. вақт ва фазо жиҳатдан инсондан узоқлашган, бевосита идрок қилиш имкони бўлмаган ҳодисаларни сезиш (ҳис қилиш) қобилияти тўғрисидаги таълимотдир. Инсондаги Т. қобилиятининг илмий ечими ҳали топилмаган. У ҳақда турли қарашлар, талқинлар мавжуд. Фикрни сезги органлари ёрдамисиз, маълум физикавий муҳитсиз ҳам масофага узатиш мумкин деган ёндашув бор. Баъзи психологлар одамларда бундай хусусият бўлишини тасдиқласалар, бошқалари унга шубҳа б-н қарайдилар, ҳатто инкор қиладилар. Онда-сонда учраб турадиган Т. ҳодисаси умумпсихологик қонуниятга эга эмас. Шу боис, ҳоз. замон илмий психологиясида телепатик қобилиятнинг инсонларда мавжудлиги борасида эксперимент маълумотлар тўпланмаган. Келажакда Т. бўйича чуқур ил.лар ўтказилмаса, у *парапсихология* воқелиги сифатида қолиб кетаверади.

Эркин Ғозиев.

ТЕЛЕСКОП (*теле...* ва ...юн. skopeo — қарайман) — осмон ёритқичларини визуал, фотографик, фотоэлектрик ва спектрал усулларда кузатиш учун мўлжалланган астрономик оптик асбоб. Т. *Ой, сайёралар* ва юлдузларнинг тасвирини катталаштириб кўрсатади. Иши осмон ёритқичлари тарқатадиган электромагнит нурланишларини тутишга асосланади. Т.лар гамма -Т., рентген, ультрабинафша, оптик, инфрақизил ва радиотелескоп каби турларга бўлинади. Оптик тизимига кўра, *рефрактор, рефлектор*, кўзгу-линзали тизим ва б. деб аталади (линзалардан йиғилган объективли Т. рефрактор, ботиқ кўзгулардан йиғилган объективли Т. рефлектор дейилади). Т. объективи тушираётган тасвирнинг масштаби объективнинг фокус масофасига, яъни ёруғлик йиғувчи объектив б-н ёритқич тасвири ҳосил бўладиган нуқта орасидаги масофага мутаносиб бўлади. Ўзбекистон ФА Астрономия ин-тида Ўрта Осиёда иккинчи, кўзгусининг диаметри 1,5 м бўлган Т. ва кўп уяли ёруғлик матрицасига эга бўлган Қуёш Т.и бор (2004).

Телескоп. Асосий кўзгусининг диаметри 6 м бўлган рефлектор.

ТЕЛЕСКОП — осмоннинг жан. қисмида жойлашган юлдуз туркуми. Энг ёрут юлдузи 3,5 кўринма юлдуз катталикка тенг. Кузатишга энг қулай вақт — июль ва август ойлари ҳисобланади.

ТЕЛЕСТУДИЯ, телевизион студия — қ. *Телевизион станция, Телемарказ.*

ТЕЛЕТАЙП (*теле...* ва инг. type — машинкада ёзиш) — ахборотларни қабул қилиш ва узатиш учун мўлжалланган ҳарф босиш аппарати. Ёзув машинаси ёки компьютердагига ўхшаш клавишлари бор. Хабарларни алоқа каналлари (Т. тармоғи) бўйича узатиш учун, шунингдек, маълумотларга ишлов бериш автоматик тизимлари (ЭҲМ, компьютерлар) да ахборотни кириш-чиқариш қурилмаси сифатида қўлланади. Қабул қилишда ахборотлар телеграф аппаратидаги рулон қоғозга автоматик тарзда қайд қилинади.



Телетайп. Ишлаш схемаси.

ТЕЛЕТЕРМАЛ КОНЛАР (*теле...* ва юн. therme — иссиқ, қайноқ) — фойдали қазилмаларнинг гидротермал типдаги конлари бўлиб, ер юзасига яқинроқда ҳаракатланадиган, 50° дан 200° гача бўлган қайноқ минераллашган эритмадан минерал массаларнинг чўкиши натижасида ҳосил бўлади. Одатда, қатламсимон уюмлар, нисбатан камроқ оддий минерал таркибига эга бўлган руда (баъзи сурма, симоб, барит, флюорит руда конлари)нинг томирли таналарини ҳосил қилади. Т.к. Ернинг чуқур қисмидаги магматик жинслардан узоқда бўлса ҳам, лекин улар б-н қайноқ минераллашган сувли эритма орқали боғланган деб тахмин қилинади. Бундай конларни америкалик геолог Л. Грейтон (1933) Т.к. деб номлаган. 1969 й.дан бошлаб кўргошин, рух ва мис рудаларининг Т.к. *стратиформ конлари*нинг махсус синфида кўрсатилган.

ТЕЛЕФИЛЬМ — телевидение учун мўлжаллаб ишланган фильм, экран санъатининг бир тури. Асосан, телевидение базасида яратилади. Ҳужжатли, бадиий, мусиқий, илмий-оммабоп, манзарали, тарихий бўлади. Тўлиқ ва қисқаметражли фильмлар ишланади. Катта кинодан кўп қисмли телевизион фильм ва телесериаллар яратиш б-н фарқланади (яна қ. *Ўзбектелефильм*).

ТЕЛЕФОН (*теле...* ва фон) — 1) электр сигналларини товуш сигналларига айлантириб берадиган электр-акустик асбоб. Электромагнитли, электродинамик ва пьезоэлектр хилларга бўлинади. Электромагнитли Т. энг кенг тарқалган. Унинг асосий элементлари доимий магнит, чулғамли қутблар ва мембранадан иборат. Абонент «телефон қилганида» Т. сигналининг ўзгарувчан электр токи таъсирида мембрана тебраниб, товуш ҳосил қилади. Т. *телефон аппарати*, турли радиотехника асбоблари ва б. қурилмаларда ишлатилади; 2) телефон аппаратининг қисқа номи; 3) *телефон алоқа*нинг қисқа номи.



Телефон: *1* — корпус; *2* — тешик-тешикли қопқоқ; *3* — мембрана; *4* — электромагнит чулғами; *5* — доимий магнит.

ТЕЛЕФОН-АВТОМАТ — қ. *Таксофон.*

ТЕЛЕФОН АЛОҚА — *телефон аппарати* ёрдамида абонентлар ўртасида товушли алоқа боғлашга имкон берадиган электр алоқа воситаси. *Телефон тармоқлари* орқали амалга оширилади, амалда исталган масофа орасида, ер юзидаги исталган жой ўртасида товушли алоқа ўрнатишга имкон берали. Шотланд ихтирочиси А. Г. Белл 1876 й.да биринчи электр-акустик қурилма — *телефон* ихтиро қилганидан ҳамда АҚШ (Нью-Хейвен) да 1878 й.да биринчи телефон ст-я қурилганидан бери Т.а. бошланган. Ўша йили инглиз физиги Д. Э. Юз кўмир ўзакли *микрофон* яратди. Америкалик ихтирочи Т. А. Эдисон (1847—1931) кўп йиллар мобайнида Т. а.ни такомиллаштиришга доир ишлар олиб борди. Биринчи оддий АТС лойиҳасини рус ихтирочиси К. Мосцицкий 1887 й.да таклиф қилди. Мураккаб АТС лойиҳасини 1893 й.да рус олими М. Ф. Фрейденберг ишлаб чиқди. Биринчи халқаро телефон линияси (Москва — Петербург) 1908 й.да очилди, 1939 й.да дунёда энг узун кўп каррали Т. а. линияси (Москва — Хабаровск) ишга тушди. Одимлаб қилинчали биринчи АТС 1947 й., координат улагичли АТС 1960 й. жорий қилинди. 20-а. 60-й.ларида квазиэлектрон АТС, 70-й.ларидан бошлаб электрон АТС амалда қўлланила бошланди. Ўзбекистонда (Тошкентда) Т. а. 1887 й. июлай бошланган, 1914 й. Тошкент ш. телефон тармоғи ишга тушган. Республикада дастлабки телефон ст-ялар 1929 й. қурилган, биринчи АТС 1932 й. ишга туширилган, декада-одимли тизимдаги АТС 1956 й. қурилган. Координат АТС 1974 й. пайдо бўлган. Дастлабки шаҳарлараро Т. а. Тошкент — Самарқанд, Самарқанд — Қўқон, Тошкент — Пискент, Тошкент — Тўйтепа линиясида 1924 й. очилган. 20-а. 60-й.ларидан ҳаво алоқа линиялари аста-секин ер ости кабелларига ўтказилди, шаҳарлараро Т.а. учун кабель линиялари б-н бир қаторда радиорелелар, 80-й.лардан алоқа йўлдошларидан фойдалана бошланди. Тошкентда дастлабки телефон-автоматлар (таксофонлар) 1935 й.дан ўрнатила бошланди, бирин-кетин бошқа йирик шаҳарларда ҳам расм бўлди. 20-а. 90-й.ларидан рақамли ва узли телефон тизими пайдо бўлди. Ҳозир республика ва жаҳонининг барча шаҳарлари б-н алоқа ўрнатишга имкон берадиган халқаро телефон-автоматлар мавжуд. Республикамиздаги барча шаҳарлар орасида ва халқаро Т. а. йўлга қўйилган. Республикада Т.а.га доир барча ишлар «Ўзбектелеком» АК тармоқлари орқали амалга оширилади.

Т.а.нинг умумий фойдаланиладиган маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро турлари бор. Маҳаллий Т.а. идоралараро ва ички (корхоналардаги, мас., диспетчерлик алоқаси), ҳаракатдаги объектлар б-н (мас., космик алоқа, поездлардаги алоқа, радиотелефон алоқа ва б.) ва махсус (мас., сув ости кемалари б-н алоқа) турларга бўлинади. Товушни кодланган тарзда узатса бўладиган (қ. *Вокодер*). халқаро алоқа кабеллари тармоғи, зич алоқа линияси аппаратлари ва б. мавжуд. Узли ва рақамли Т.а. борган сари кенг расм бўлиб бормоқда (2004).

ТЕЛЕФОН АППАРАТИ — абонентларнинг гаплашиши учун мўлжалланган электр-акустик аппарат; *телефон тармоқлари*нинг охирги абонент қурилмаси. Амалда қўлланилган биринчи узатиш-қабул қилиш қурилмасини 1876 й.да шотланд ихтирочиси А. Г. Белл ихтиро қилган. Кейинчалик турли мамлакатларнинг ихтирочи ва олимлари уни такомиллаштирган. Т.а.

Телефон аппаратлари: *1* — рақам терғичи тугмачали, автоматик жавоб берувчи; *2* — рақам терғичи тугмачали (автоматик); *3* — рақам терғичи дискли.

гаплашиладиган қисм (*телефон* ва *микрофон*, булар умумий корпус, яъни *рафон*, булар умумий корпусга бирлаштирилади), абонент-трубкага бирлаштирилади), абонент-трубкага бирлаштирилади), абонентни чақирувчи қисм (дискли ёки тугмачали рақам терғич, яъни сигнал (аппаратнинг чақирувчи қисмини гаплашиш қисмига улайди)дан иборат. Т. аларнинг ҳаммаси механо-автоматик режимда ишлайди (яъни рақам териш механик, абонентларни улаш автоматик тарзда амалга ошади). Абонентларга «ўзи» жавоб берадиган, уларнинг телефон рақамларини магнит хотирага қайд қиладиган авторақам тергичли автомат Т.алар ҳам мавжуд.

Микрофон занжирини ўзгармас ток б-н таъминлаш усулига кўра, маҳаллий батареяли ва марказий батареяли (телефон ст-яннинг марказий батареясига уланган) Т. а. фарқланади. Оддий Т. алардан ташқари, шахталарда ишлатиладиган (портлаш хавфи йўқ), диспетчерлик, таксофон (автомат-телефон)лар, *уяли телефон* ва бошқа Т.алар ҳам бор. Бошқариш пульти ва телевизион блоки бўлган Т. а. видеотелефон деб аталади. Бунда абонентлар бир-бирини кўриб туради, расм, фотосурат, мати ва б.ни кўриш мумкин бўлади.

ТЕЛЕФОН КОММУТАТОРИ — телефон ст-ясида абонентларни қўлда улаб-узиш (коммутация) учун мўлжалланган қурилма. Линия (абонент) комплектлари, шнур жуфтлари асбоблари ва телефончиларнинг иш ўрнидаги асбобларидан иборат. Т.к.нинг линия комплектларига телефон линияларини улаш уялари, чақирув клапанлари ёки сигнал лампалари киради. Булар абонентдан чақирувни қабул қилиш ва унга зарур линияни ажратиш учун хизмат қилади. Шнур жуфтлари асбобларига сўровчақирув калити, шнурли штепселлар, гаплашувни тугатиш клапани ёки лампаси киради. Булар абонентни бошқа абонентга улаш ва гаплашиш тугатилиши тўғрисида сигнал олишга имкон беради. Иш ўрни асбобларига микрофонлар, телефонлар, телефон индукторлари ва б. киради. Булар телефончининг абонент б-н гаплашиши ва бошқа абонентга чақирув юборишига имкон беради. Т.к.нинг маҳаллий батарея, марказий батарея б-н ишлайдиган ва аралаш турлари бор. Т.к. асосан кичик телефон ст-яларда қўлланади, йирик ст-яларда абонентларни улаш-узишга доир амаллар автоматлаштирилган.

ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ — алоқа каналларини коммутация қилиш (узиб-улаш) учун мўлжалланган техника воситалари мажмуи; *телефон тармоқлари*нинг бир қисми. Телефон каналлари (абонент ва алоқа линиялари)ни маълум вақтга улайди ва узади; бу мақсадда алоқа йўналиши бўйича телефон ахборотлари оқимини бирлаштиради ва тақсимлайди. Т.е. қўлда (РТС) ва автоматик (АТС) коммутациялайдиган хилларга бўлинади. РТС телефон коммутаторлик б-н жиҳозланади; каналлар оператор-телефончи орқали коммутацияланади. АТС излагичлар ёки координат улагичлар, телефон релеси ва б. ёрдамида автоматик тарзда ишлайди. Коммутация қурилмалари турига қараб, АТС машинали ва декада қадамли, координатали, квазиэлектрон, электрон хилларга бўлинади.

АТС таркибига: коммутация тизими ва бошқариш қурилмаси; телефон алоқаси линиясини коммутация тизимига улайдиган киритиш қурилмалари; электр б-н таъминлаш қурилмалари; ёрдамчи қурилмалар (шамоллатиш, иситиш ва б.) киради. Коммутация тизими (КТ) ва бошқариш қурилмаси (БҚ) автомат залига ўрнатилади. АТС нинг кириш ва чиқишлари КТ орқали БҚ ёрдамида уланади. Кўпгина АТС тизимларида кириш б-н чиқишлар босқичма-босқич уланади. Ҳар қайси босқичнинг ўз БҚ бўлиб, у излаш босқичи дейилади. Мас., декада қадамли АТС да дастлабки босқич бир неча гуруҳ босқичларига ва линия излаш босқичларига эга. Электр б-н таъминлаш қурилмалари тўғрилагичлар, аккумулятор батареялари, автокоммутация батареялари, электр ст-ялар ва б. комплектлардан иборат. Ҳозир Т.с. да асосан квази-электрон, электрон, уяли ва рақамли усуллар қўлланилади. Ўзбекистонда Тошкент (Тошкент телеграф-телефон ст-яси) ва Нукус шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида ва айрим туманларда Т.с.лари мавжуд. Уларнинг фаолиятини «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бошқариб туради.

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ — телефон алоқа ўрнатиш учун мўлжалланган техник иншоотлар ва жиҳозлар мажмуи. Унга *алоқа узели*, телефон ст-ялари, алоқа линиялари ва абонент қурилмалари киради. Т. т. маҳаллий (қишлоқ ва шаҳар тармоқлари), ҳудудий, шаҳарлараро ва халқаро хилларга бўлинади. Қишлоқ Т. т.да охирги телефон ст-ялари ўзаро узел ст-яси орқали, узел ст-ялари эса марказий ст-я орқали уланади, марказий ст-я шаҳарлараро автоматик телефон ст-яга уланади. Шаҳар Т. т. тумanлаштирилмаган (агар шаҳарда битта ст-я бўлса) ва тумanлаштирилган (бир неча ст-я бўлса) бўлади. Шаҳарлараро Т.т. шаҳарлараро автомат телефон ст-ялари (ШАТС), автомат коммутация узеллари (АКУ), уларни ўзаро бириктирувчи алоқа линиялари тўпламидан иборат. АКУ шаҳарлараро каналларни транзит (тўғридан-тўғри) улайди. Халқаро Т.т. халқарор ШАТС, автомат транзит узеллари ва алоқа ҳамда қитъалараро линияларидан иборат. Т.т. телефон ст-ялари ва узеллари иши автоматлаштирилган, автомат телефон ст-я ва АКУ лар татбиқ этилган. Ўзбекистонда Т. т. фаолияти «Ўзбектелеком» АК томонидан тартибга солиб турилади.

ТЕЛЕФОНИЯ — *телефон алоқаға* доир омилларни ўрганиш ва бундай алоқани амалга ошириш учун мўлжаланган аппаратларни ишлаб чиқиш б-н шуғулланувчи фан ва техника соҳаси. Илмий-техник фан сифатида Т. товуш майдони хоссаларини ўрганиш; товуш ўзгартиргичлар ва телефон аппаратларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш; кўп каналли телефон алоқа техника воситаларини ишлаб чиқиш; телефон аппаратлари ва телефон алоқа трактлари орқали узатилаётган товуш сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш; телефон ст-яларининг *коммутация* ва бошқариш аппаратларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш; телефон тармоқларини лойиҳалаш; коммутация аппаратурасининг ишини назорат қилиш ва ишончлигини (пухталиги) ни ошириш усулларини ишлаб чиқиш ва б. масалалар б-н шуғулланади. Т.нинг асосий вазифаларидан бири телефон алоқанинг янги замонавий тизимларини ва аппаратларини ишлаб чиқиш ва амалда жорий қилишдан иборат. Бунда электроника ва электрон техника ютуқларидан фойдаланилади. Телеграф алоқанинг янги замонавий самарадор техникавий воситалари — квазизлектрон ва электрон коммутация воситалари, уяли ва рақамли, ўзи жавоб берувчи ва қайд қилувчи телефон аппаратларини яратишда Т. муҳим аҳамият касб этади.

ТЕЛЕФОНОГРАММА — телефон орқали етказиладиган ва қабул қилинадиган шошилинч расмий хабар. Т. буйруқ, фармойиш, илтимос каби мазмунда бўлиши мумкин. Телефон воситасида бўладиган бундай мулоқот расмий ҳужжат сифатида қабул қилинади ва иш қоғозларининг бир тури ҳисобланади.

ТЕЛЕЦ, Олтинкўл — Олтойнинг шим.-шарқидаги кўл. РФ Олтой ўлкасида, 436 м баландликда. Майд. 325 км². Энг чуқур жойи 235 м. Уз. 77,7 км, эни 5,2 км га. Қирғоқлари метаморфик сланецлар ва гранитлардан тузилган, тик, бал. 800—2400 м. Кўл туби текис, кулранг лойқа б-н қопланган. Кўлга 70 тача дарё қуйилиб, бия дарёси оқиб чиқади. Сувнинг т-раси ёзда 17—18° (жан.да айрим вақтда 24° гача). Кўл баъзан музлайди. Соҳилида Артибош, Ёғоч, Яйлов (Олтой қўриқхонасининг маркази) шаҳарчалари жойлашган. Туризм марказларидан.

ТЕЛЕЎЛЧОВ — қ. *Телеметрия*.

ТЕЛИШЕВСКИЙ Исидор Абрамович (1910.16.12 — Тошкент — 1976.22.2) — дерматовенеролог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974), тиббиёт фанлари д-ри (1966), проф. (1967). ТошТИ ни тугатган (1935). Ўзбекистонда тери ва таносил касалликлари и.т. институтида кичик (1935—37) ва катта (1937—43) илмий ходим, директор (1943—47), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти тери ва таносил касалликлари кафедраси доценти (1947—66), 1966 й.дан мудири ва проф. Илмий ишлари *дерматозлар*ни даволашга оид. Тери касалликларини Чортоқ минерал суви б-н даволаш устида тадқиқот ишлари олиб борган.

ТЕЛЛЕР (Teller) Эдвард (1908.15.1, Будапешт — 2003.10.9, Калифорния штати, АҚШ) — америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1948 й.дан). Венгрияда туғилган, Германия, Дания, Буюк Британияда ўқиган ва ишлаган. 1935 й.дан АҚШ да. Вашингтон ун-ти (1935—41), Чикаго ун-ти (1946—52), Калифорния ун-ти проф. (1953—75). Илмий ишлари квант механика, ядро физикаси, термоядро реакциялар, элементар зарралар физикаси, космик нурлар физикаси ва б.га оид. АҚШ атом бомбасини яратишда иштирок этган (1941—53), унинг бевосита раҳбарлиги остида водород бомбаси яратилган. Космология ва юлдузларнинг ички тузилиши, космик нурларнинг пайдо бўлиши муаммоси ва б. б-н ҳам шуғулланган.

ТЕЛЛУР (Tellurium), Te — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 52; ат. м. 127,60. Т. 8 та барқарор (масса сонлари 120, 122, 123, 124, 125, 126, 128, 130 бўлган) изотопдан иборат. Булардан ^{128}Te (31,79%) ва ^{130}Te (34,48%) кенг тарқалган. Унинг бир неча сунъий радиоактив изотопи олинган. Улардан ^{127}Te ва ^{129}Te ишлаб олинган атомлар ҳолида ишлатилади.

Т. ни дастлаб 1782 йил венгриялик кон муҳандиси Ф. Мюллер фон Рейхштейн олтинли рудани текширии натижасида кашф этган. Немис олими М. Клапрот 1798 йил Мюллер кашфиётининг тўғрилигини тасдиқлади ва янги элементга Ерни шарафлаб «Теллур» (лот. tellus — Ер) номини берди. Т. тарқоқ элемент. Ер пўстининг масса жиҳатидан ~1·10 $^{-6}$% ини ташкил этади. Т. табиатда оғир металларнинг сульфидли рудалари таркибида ва мустақил минераллари — каллаверит $AuTe_2$, креннерит $(Au, Ag)Te_2$, гессит Ag_2Te, тетрадимит Bi_2Te_2S, теллур висмутит Bi_2Te_3 ва б. ҳолида учрайди.

Т. оқиш-кулранг, металлдай ялтироқ, мўрт кристалл модда; зичлиги 6,25 г/см³, суюқланиш т-раси 450°, қайнаш т-раси 990°. Т. ярим ўтказгич хоссасига эга. Одатдаги шароитда Т.га ҳаво ҳам, кислород ҳам таъсир этмайди; лекин Т. кислородда қиздирилганда зангори тусда ёниб, TeO_2 га айланади. Т. —2, +4 ва +6 валентли. Т. б-н галогенлар орасида одатдаги шароитда (йод б-н сув иштирокида) бириккиш реакцияси боради. Т. қиздирилганида металлар б-н реакцияга киришиб, *теллуридлар* ҳосил бўлади. 100—160° да сув б-н реакцияга киришиб, водород ва TeO_2 ҳосил қилади. Водород б-н бевосита бирикмайди; унинг гидрили H_2Te рух теллуридга кислота таъсир этишидан ҳосил бўлади. Концентрланган сульфат кислота Т. б-н $TeSO_3$ таркибли (90° да парчаланадиган) модда ҳосил қилади. Т. ишқорларда секин, зар сувида яхши эрийди. TeO_2 — теллурит кислота ангидриди, TeO_3 эса теллурат кислота ангидридидир. Т.нинг органик бирикмалари ҳам маълум. Т. ва унинг бирикмалари (айниқса, H_2Te) ниҳоятда заҳарли. Т. металл сульфидларни қайта ишлашда ва электролиз йўли б-н олтин, кумуш, мис олишда «анод балчиқ» таркибида ёнаки маҳсулот сифатида ҳосил бўлади. Таркибида Т. ва селен бўлган рудаларни қайта ишлаш йўли б-н Т. ва селеннинг эрувчан бирикмалари ҳосил қилинади. Эритма орқали сульфит ангидрид SO_2 ўтказилса, селен ва Т. чўкмага тушади. Ҳосил қилинган ярим Т.дан қайта суюқлантириш, вакуумда ҳайдаш ёки ҳосилани бўлиб суюқлантириш йўли б-н соф Т. олинади.

Т. селенга нисбатан кам ишлатилади. Саноатда олиниладиган Т.нинг асосий қисми теллуридлар синтез қилиш ва ярим ўтказгичлар учун сарфланади. Т.ли материаллардан микроэлектроника учун керакли ярим ўтказгич пардалар тайёрланади. Висмут ва сурма теллуридлар термоэлектр генераторлар учун зарурий материаллардир. Кадмий теллурид (CdTe) қуёш батареялари, лазерлари, радиоактив нурланиш ҳисоблагичлари тайёрлашда қўлланади. Т.нинг ўзи резина ва пиша саноатида ишлатилади. Металлургияда механик хоссаларни яхшиловчи легирловчи қўшимча сифатида (асосан, қўрғошинга) қўлланади. Натрий ва калий теллуритлардан микробиологияда ва дифтерия диагностикасида бўёқ модда сифатида фойдаланилади. Т. ўсимлик ва ҳайвон тўқималарида доим бўлади, лекин унинг биологик роли тўлиқ ўрганилмаган. Одам бир кечакундузда овқат ва сув орқали 0,6 мг га яқин Т. олади. Ўсимликлар учун ўртача, сут эмизувчилар учун жуда заҳарли. Т. и.ч. да ундан заҳарланиш мумкин. Т.дан заҳарланганда титроқ босади, бош оғрийди, дармонсизланади, томир уриши сусаяди, нитаҳа йўқолади, кўнгил айнийди, тил қорайди, нафас сиқилади, соч тўкилади. Касбий заҳарланишга қарши курашиш талабирлари — меҳнат гигиенаси қоидаларига риоя қилиш, терини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш.

ТЕЛЛУР ЧИЗИҚЛАРИ — нурланишнинг Ер атмосферасидаги газлар томонидан ютилиши натижасида космик нурланиш манбаи спектрида ҳосил бўладиган спектрал чизиқлар. Т. ч.ни асосан, N_2, O_2, O_3, H_2O молекулалари ҳосил қилади. Спектрнинг ультрабинафша қисмида азот ва кислороднинг энг кучли Т.ч. жойлашган. Шунинг учун Т.ч. спектрнинг бу қисми ($\lambda<1800$ Å) да Ер атмосферасини ажратиб олиш учун ишлатилади. Спектрнинг инфрақизил қисмида сув буғининг Т. ч. жойлашган, улар космик нурланишни қисман ўтказади. Т.ч.ни биринчи марта шотланд физиги Д. Брюстер (Brewster) Қуёш спектрини кузатиб қайд қилган (1832).

ТЕЛЛУРИДЛАР — теллурнинг электр мусбат элементлар, асосан, металлар б-н ҳосил қилган бирикмалари. Теллурид кислота H_2Te тузлари. Т. *сульфид*лар ва селенидларга ўхшаш бўлиб, тузилиши ва хоссалари жиҳатидан уларга яқин. Т. компонентларини инерт муҳитда бевосита эритиб ва б. усулларда олинади. Т. телевизор трубкалари, дозиметрлар, нурланиш ҳисоблагичлари, магнит асбоблари, термогенераторлар ва б. да ишлатилади.

Табиий Т. — минераллар; теллурнинг оғир металлар (Bi, Au, Ag, Pd, Cu, Sb, Pt ва б.) б-н ҳосил қилган табиий бирикмалари. Табиий Т. мураккаб, ностехеометрик таркибли. Металлдек ялтироқ, электр ўтказувчан; қаттиқлиги 2—3, зичлиги 6—7 г/см³.

Табиий Т.нинг 40 га яқин тури маълум. Асосий минераллари: алтаит, теллуровисмутит, тетрадимит, калаверит, гессит, мончеит, қотульскит, мегренскит. Табиий Т. колчедан, мисникель, мис-молибден, полиметалл конларида учрайди. Табиий Т.дан асл металлар (Au, Ag, Pt, Pd) ва теллур ажратиб олинади.

ТЕЛЛУРИЙ (лот. tellus — Ер) — Ернинг Қуёш атрофидаги йиллик ҳаракати ва ўз ўқи атрофидаги суткалик айланишини намойиш этувчи ўқув асбоби. Т.да Ерни ифодаловчи кичикроқ шарча бўлиб, у Қуёшни ифодаловчи каттароқ шарча атрофида, яъни ёруғлик манбаи (мас., рефлекторли лампочка) атрофида айланади. Т.да баъзан Ер атрофида айланувчи ва Ойни ифодаловчи жуда кичик шарча бўлиб, бу шарчалар ёрдамида Ер, Қуёш ва Ойнинг ҳаракати намойиш этилади.

ТЕЛЛЬ (Tell) Вильгельм — Швейцария халқи афсоналари қаҳрамони; швейцарияликларнинг *габсбургла*рга қарши 14-а.даги кураши акс этган. Т. камондан бехато отувчи моҳир мерган бўлган. У. Геслер (габсбурглар амалдори) Т.ни кенжа ўғлининг бошига қўйилган олмани камон ўқи б-н уриб туширишга мажбур қилган. Т. бу ишни уддалагач, Геслерни ўлдирган, бу эса халқ кўзғолони кўтарилишига сабаб бўлиб хизмат қилган. Ф. *Шиллер*нинг шу номли драмаси Т. ҳақидаги афсона асосида яратилган.

ТЕЛОМЕРЛАНИШ (рус. тело — тана ва юн. meros — қисм, улуш) — тўғинмаган бирикмалар (мономерлар) б-н реакция занжирини узатувчи (телоген) моддалар ўртасидаги занжир реакция. Т. натижасида мол. м. турлича бўлган маҳсулотлар аралашмаси (теломерлар) юзага келади. Бу маҳсулотларнинг молекулалари мономерлар молекуласи ва чекка гуруҳдан тузилган. Т. қуйидаги схема кўринишидадир:

$$AB + nM \xrightarrow{\text{инициатор}} A(-M-)nB$$

телоген — мономер — теломерлар

Т.ни нур, радикаллар, ионлар б-н инициралаш мумкин. Инициралаш усулига кўра, ионли ва радикалли Т. фарқланади. Радикалли Т. анча кенг ўрганилган.

Этиленнинг углерод (IV) - хлорид б-н Т.и радикалли Т.га мисол бўла олади. Инициатор парчаланиб, радикал ($R^•$) ларни, улар углерод (IV) - хлорид молекулалари б-н реакцияга киришиб, трихлорметил радикалини ҳосил қилади: $R^• + CCl_4 \rightarrow RCl + CCl_3^•$.

Радикалли Т.ни инициралаш мақсадида ацетил ва алкил пероксидлар, ёғ қатор.нинг азобирикмалари, металл органик бирикмалар ва ультрабинафша нурлар ишлатилади. Сўнгги вақтда оксидланиш-қайтарилиш системалари, металлар карбонилларини, γ-нур, термик инициралаш қўлланади. Т.да мономерлар сифатида турли тўйинмаган бирикмалар иштирок этиши мумкин. Т. реакциясидан фойдаланиб энант толаси, лок-бўёқлар ва б. ноёб бирикмалар олинган. Сирка кислота б-н этиленнинг радикалли Т. жараёнида илк бор водород атомининг 1,5 - миграцияси орқали эркин радикалларнинг қайта тақсимланиши кашф қилинган.

ТЕЛПАК — эркакларнинг иссиқ (мўйнали) бош кийими; юмалоқ тепа ва мўйнали жиякдан тузилган. Тери чарм улги ёрдамида бичилади. Тепа қисми калта тукли мўйна (асосан, қоракўл)дан, жияги қундуз мўйнасидан тикилади; астарига узун тукли (қўй ёки тулки) мўйна ишлатилади. Тошкент — Фарғона минтақасида тепа қисми 4 бўлак қилиб бичилади, улар ўзаро улаб тикилганда, қобиргалар ҳосил қилади. Баъзи Т.ларда тепа қисмига бахмал, жигага узун тукли (тулки, сувсар) мўйна ишлатилади, баъзилари мато (мовут)дан тикилиб, қайтармасига қўй мўйнасидан фойдаланилади; баъзан фақат ичига мўйна қопланиб, мўйнали жияксиз Т. тайёрланади. Хоразмда *чўғирма*, баъзи жойларда қал. бош кийими сифатида бўрк деб ҳам аталади.

ТЕЛУГУ (андҳра) — Ҳиндистондаги халқ, Андҳра-Прадеш штатининг асосий аҳолиси. Шунингдек, Тамилнад ва Карнатака штатларида ҳам яшайдилар. 74,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Телугу тилида сўзлашади. Диндорлари, асосан, ҳиндуизмга эътиқод қилади, бир қисми сунний мусулмонлар. Т. деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

ТЕЛУГУ АДАБИЁТИ — телугу (андҳра) халқининг адабиёти. Телугу тили 1-минг йилликларда шакллана бошлаган. Биринчи ёзма ёдгорликлар тошларга ўйиб ёзилган «шасана» ёзувла-

ридир. Телугу тилидаги энг қад. ёзув 575 й.га оид. 7—8-а.ларга тегишли ёзувлар жуда кам сақланган. Шасана ёзувларидаги биринчи шеърий асар 9-а., телугу тилидаги биринчи шеър эса 849 й. га тааллуқли. Палма (10-а.) телугуда «Жинендра ҳақида парана» номли ўз устози ҳақида асар яратган. «*Маҳабҳарата*»нинг Нанная Бҳатта (11-а.) томонидан телугу тилига таржима қилинган нусхаси — «Андҳра Маҳабҳарата» Т.а.нинг илк намунасидир. Сарвалева эса жайнизм ғояси б-н суғорилган 2 та: «Ади пуранам» («Азалият ҳақида достон») ҳамда «Виратаму» («Вират ҳақида асар») достонларини ёзган. Павулуру Малланинг «Павулугантитама» («Математика», 12-а.) трактати бир неча минг шеърий мисралардан иборат. Шу даврда «лакшанагрантхаму» — «шеърият ҳақида трактат»лар (Маллая Речана — «Кавижанашираяму»си, Гокарна Деванинг трактатлари) яратилди. 12-а. Т.а.да Палкурика Сомнаҳта (13-а.)нинг «Анубҳавасарам» («Билиш илми асослари»), «Басава паранам» («Басава ҳақида қисса») ҳамда «Пандитарадҳя — чаритаму» («Авлиё пандит ҳақида қисса») қаҳрамонлик достонлари пайдо бўлди. 14—15-а.ларда телугу тилида кўплигина санскрит асарларининг — пуранлар, математикага оид асарлар, шеърий асарлар, эртак ва масалларнинг таржималари яратилди. 16-а. шоир ва ёзувчиларидан Шринатҳ, Баммер Потана, Кришнадев Рай, Аласани Педдана телугу шеъриятининг ривожига катта ҳисса қўшганлар. 18-а. шеърияти бҳакт-шоир Вемана шатакамулари б-н машҳур.

19—20-а.ларда публицистика ривожланди, янги адабий жанр ва шакллар пайдо бўлди. Т.а.даги маърифатпарварлик ғоялари асосчиси Кандукури Вирешалингам (1848—1919)нинг юмористик асарлари ва «Ражашекҳара ҳаёти» каби романлари ижтимоий-маиший мавзудаги дастлабки асарлардир. 20-а.да романтик шеърият гуллаб яшнади (Г. Аппарао, Р. Суббарао, Д. Кришнашастри). 20-а. 1-ярми адабиётида миллий мустақиллик учун кураш ғоялари (В. Бҳаскараро, В. Сатьянараяна) акс эттирилди. Кейинги даврда Т.а.да гуманизм, реализм ғоясидаги турли ижтимоий мавзудаги романлар, ҳикоялар, новеллалар, фалсафий мавзудаги шеърлар яратилмоқда (Р. Вишванатҳа Шастри, К. Кумар, П. Паламаразу, Р. Редди, М. Рао, Суббарао, Сомасундар ва б.).

Ад.: Гуров Н., Петруничева З. Литература телугу. М., 1967

Тамара Хожиева, Улфатхон Мухибова

ТЕЛУГУ (АНДҲРА) ТИЛИ — дравид тилларидан бири. Ҳиндистоннинг *Андҳра-Прадеш* штатининг расмий тили, қушни штатлар, шунингдек, Шри-Ланка, ЖАР, Мьянма, Малайзия, Сингапур ва б. жойларда тарқалган. Ҳаммаси бўлиб 75 млн. дан ортиқ (1996) киши сўзлашади. Т.т. лаҳжалари 4 гуруҳга бўлинади: шим.-шарқий, марказий, шим.-ғарбий ва жанубий. Улар ўртасидаги фонетик ва морфологик тафовутлар унча катта эмас. Т.т.да грамматик жиҳатдан ўзига хос ҳодисалар мавжуд: 1- ва 2- шахс кишилик олмошларининг махсус шакллари, туслашиш ва туслашишсиз феълларнинг айрим кўрсаткичлари. Энг қад. ёдгорликлари 525—600 й. ларга мансуб. Адабий тил 14—17-а.ларга келиб шаклланган ҳамда унга санскрит ва пракрит тиллари кучли таъсир ўтказган. 19-а. бошида Т. тилнинг адабий шакли оғзаки тилдан жиддий фарқ қилиб қолди 19-а. охиридан оғзаки сўзлашув тилига яқин янги адабий тил учун ҳаракат бошланди. Ёзуви браҳмининг жан. шаклидан келиб чиққан.

Тель-Авив шаҳрининг соҳил қисми.

Ад.: Петруничева З. Н., Язык телугу. М., 1960.

ТЕЛЬ-АВИВ — Исроилнинг бош шаҳри ва маданий маркази. Катталиги бўйича Қуддус ш.дан кейин 2-ўринда. Иқлими субтропик иқлим, янв.нинг ўртача т-раси 12°, июлники 25°. Йиллик ёғин 600 мм. Аҳолиси 364,3 минг киши (2003, шаҳар атрофи б-н 1,14 млн. киши). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Ўрта денгиз бўйидаги порт, четга олмос, тўқимачилик буюмлари, кийим-кечак, электроника ва диний буюмлар чиқарилади.

Т.-А.га 1909 й.да Европадан келган яҳудий иммигрантлар томонидан Яффа ш.дан шимолроқда асос солинган. 1948—50 й.ларда мамлакат пойтахти бўлган. Пойтахт Қуддусга кўчирилган бўлса-да, кўпгина ҳукумат муассасалари, хусусан, Мудофаа вазирлиги ҳам Т.-А.да.

Т.-А. — мамлакатнинг молия ва саноат маркази. Исроилдаги ягона фонд биржаси ва унинг банклари ҳамда суғурта компаниялари, мамлакат саноат корхоналарининг 50% Т.-А.да жойлашган. Саноатининг етакчи тармоқлари: металлсозлик, тўқимачилик, электроника. Шунингдек, машинасозлик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, полиграфия, кун-пойабзал саноатлари ҳам ривожланган. Қурилиш материаллари, мебель ишлаб чиқарилади. Олмоста сайқал бериш корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда лиллий буюмлар танёрланади. 2 ун-т, Исроил давлат филармонияси, музейлар, театрлар, кутубхоналар ва илмий жамиятлар бор. Туризм ривожланган.

ТЕЛЬФЕР (*теле...* ва *phero* — ташиман сўзларидан) — юк кўтариш қурилмаси; чигир ва дастаки ёки электр юритмали юриш қисмларидан иборат. Бир рельсли осма йўлда ҳаракатланади; 1 — 5 т гача юк кўтаради. Цех ичларида юк кўтариш қурилмаси сифатида ишлатилади (яна қ. *Таль*).

ТЕЛЬШЯЙ — Литвадаги шаҳар. Мастис кўлининг шим. соҳилида жойлашган. Кретинга — Шяуляй йўналишидаги т.й. станцияси. Аҳолиси 34 минг киши (1995). «Мастис» трикотаж и.ч. бирлашмаси, ҳисоблаш машиналари, ёг-мой з-длари бор. Қурилиш материаллари, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқарилади. Ўлкашунослик музейи мавжуд. Шаҳар 15-а.дан маълум. (351-б.даги суратга қ.).

ТЕМБР (франц. timbre) — товуш сифати, туси, «бўёғи»; мусиқий товушнинг хусусий белгиларидан бири. Т. туфайли бир баландлик ва бир хил *динамика*даги товушларни фарқлаш мумкин. Т. садоланувчи жисмининг материали, товуш ҳосил қилиш усули, тебраниш хусусиятлари, товуш юзага келувчи ва тарқалувчи муҳит ва б.га боғлиқ бўлиб, *обертон*ларнинг сони ва жадаллиги б-н аниқланади. Нутқда Т. орқали унли товушлар ажратилади. Нутқ *интонация*сида Т. ёрдамида турли ҳиссиётлар (хурсандчилик, ғамгинлик, норозилик, қўрқув каби) ўз ифодасини топади.

ТЕМЗА — Буюк Британиядаги энг катта дарё. Уз. 334 км, ҳавзасининг майд. 15,3 минг км². Котсуолд қирларидан бошланиб, Лондон ҳавзасидан оқади ва кенг эстуарий ҳосил қилиб Шим. денгизга қуйилади. Ўртача сув сарфи қуйи қисмида 260 м³/сек. Қишда тўлиб оқади. Денгиз суви кўтарилганда Т.нинг сув сатҳи Лондон ш. ёнида 6,5 м гача кўтарилади. Кема қатнайди. Лондон шлюзлари денгиз кемалари ҳам кира олади. Т. бўйида Оксфорд, Лондон (дарё ва унинг эстуарийси бўйлаб 60 км масофага чўзилган) шлюзлари жойлашган. Т. каналлар орқали Бристоль кўлтиғи, Ирландия денгизи ва мамлакатнинг марказий қисмидаги саноат марказлари б-н боғланган.

ТЕМИН (Temin) Хоуард Мартин (1934.10.12, Филадельфия) — америкалик вирусолог. АҚШ Миллий ФА ҳамда Санъат ва фанлар академияси аъзоси. Суортмор колледжини тугатган (1955). Калифорния технология институтида фалсафа д-ри (1959). Висконсин штатидаги Мадисон ун-тида онкология проф. (1969 й.дан).

Илмий изланишлари экспериментал эмбриология, ҳайвонлар вирусологиясига оид. РНКдан ДНКга ирсий маълумот ўтказиш (*транскрипция*)ни таъминловчи тескари транскриптаза ферментини кашф қилган (1970). Ҳужайра ирсий аппаратининг ўсма вируслари б-н таъсирлашувига боғлиқ кашфиёт, яъни провирус назарияси муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1975, Д. Балтимор ва Р. Дульбекко б-н ҳамкорликда).

ТЕМИР (лот. Ferrum), Fe — Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 26 ; ат. м. 55,847. Т. 4 та барқарор изотоп: ^{54}Fe(5,84%), ^{56}Fe(91,68%), ^{57}Fe(2,17%) ва ^{58}Fe(0,31%) дан иборат.

Телъавив. Шаҳарнинг марказий қисми.

Т. қадимдан ишлатиб келинган. Инсон дастлаб метеорит темирини билган. Т.нинг қад. халқлар тилида аталиши бунга далиллар: қад. месрликлар тилида «бенипет» — «осмон темири» маъносини билдиради; қад. юнонча sideros, лотинча sidus — юлдуз, осмон жисми б-н боғлайдилар. Мил. ав. 14-а.лардаги хеттлар ёзувида Т. ҳақида осмондан тушган металл деб эсланади. Роман тилларида Т.нинг румоча аталиш негизи сақланиб қолган (мас., франц. fer, итал. ferro).

Мил. ав. 2000-й.ларда Осиёнинг ғарбий қисмида Т.ни рудалардан олиш усули топилган; шундан кейин Т. Миср, Юнонистонда ҳам ишлатилади-ган бўлди; жез даврини темир даври эгаллай бошлади.

Т. табиатда энг кўп тарқалган элемент. Ер пўстида массса жиҳатидан 4,65% Т. бор. Т.нинг 300 дан ортиқ минераллари маълум бўлиб, улар Т. рудаларининг асосини ташкил этади. Т.нинг саноат учун аҳамиятли рудаларига магнетит (магнит темиртош) Fe_3O_4 (таркибида 72,4% Fe бор), гематит (қизил темиртош) Fe_2O_3(70% Fe), гётит (α-FeO(OH) ёки нит $Fe_2O_3 \cdot H_2O$, лепидокрокит γ-FeO(OH) ва гидрогётит (лимонит) $Fe_2O_3 \cdot xH_2O$ (62% га яқин Fe), сидерит $FeCO_3$(48,2% Fe), ильменит $FeTiO_3$ (36,8% Fe) ва б. киради. Табиий силикатлар таркибида ҳам Т. бор. Бундан ташқари, табиатда пирит FeS_2 ҳам учрайди. Планеталараро фазодан Ерга тушадиган метеоритлар таркибида 80—95% Fe ва 5—20% Ni бўлади.

Соф Т. оқ тусли ялтироқ металл. Зичлиги 7,874 г/см³, суюқланиш т-раси 1535°, қайнаш т-раси 2750°. 4 шакл ўзгаришга эга (α-, β-, γ- ва δ-Т.). Бу-лардан α -Т. ҳажмий марказлашган куб шаклида кристалланади, зичлиги 7,87 г/см³, 769° га қадар барқарор, ферромагнит хоссага эга. Бу т-рада α-Т. ўзининг ферромагнитлигини йўқотиб, парамагнит хосса намоён қилади ва β-Т. га айланади, лекин бу вақтда унинг кристаллик тузилишида деярли ўзгариш бўлмайди. 917° да β-Т. γ-Т. га (зичлиги 7,59 г/см³, 1000°да) айланади. 1394° да полиморф ўзгариш содир бўлиб, γ-Т. δ-Т. га (зичлиги 7,41 г/см³) айланади; δ-Т 1535° да суюқланади. Суюқ Т.нинг зичлиги 7,024 г/см³ (1538° да), 6,962 г/см³ (1600°), 6,76 г/см³ (1800°). Т. электр токини яхши ўтказади. Т. одатдаги т-рада пассив, лекин нам ҳавода тез занглайди. Қиздирилганида деярли барча металлмас-лар б-н реакцияга киришади. Т. суюлтирилган кислоталар б-н реакцияга киришиб, кислородсиз шароитда 2 валентли Т. тузларини ҳосил қилади; концентрланган HNO_3 ва H_2SO_4 да Т. пассивланади. Т. одатдаги шароитда ишқорларда эримайди. Т. ўз бирикмаларида +2, +3 валентли, лекин унинг —2, +4 ва +6 валентли маҳсулотлари ҳам маълум. Т. кўпгина комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Мас., калий гексацианоферрат (II) — $K_4[Fe(CN)_6]$ — сариқ рангли кристалл модда (сариқ қон тузи). Бу туз эритмадаги Fe^{2+} ионини очишда қўлланади. Калий гексацианоферрат (III) — $K_3[Fe(CN)_6]$ — заҳарли қизғиш кристалл модда (қизил қон тузи) аналитик кимёда Fe^{2+} ионини очишда ишлатилади. Т. техникада, асосан, *чўян* ва *пўлат* ҳолида олинади. Таркибидаги углерод миқдорига кўра, Т. — юмшоқ Т. (<0,2%С), пўлат (0,2—1,7%С) ва чўян (1,7—5%С)га бўлинади. Техникада темир ва унинг рудалари қора металлар деб аталади. Техник соф Т. -электромагнитлар ўзакларини ишлатилади. Т. техникада, асосан, *чўян* ва *пўлат* ҳолида олинади. Таркибидаги углерод миқдорига кўра, Т. — юмшоқ Т. (<0,2%С), пўлат (0,2—1,7%С) ва чўян (1,7—5%С)га бўлинади. Техникада темир ва унинг рудалари қора металлар деб аталади. Техник соф Т. -электромагнитлар ўзакларини ва электр машиналари якорлари, аккумуляторлар пластиналари учун материалдир. Т. кукуни пайвандлашда, шунингдек, мисни цементациялашда ишлатилади. Т.нинг сунъий радиоактив изотоплари ^{55}Fe($T_{1/2}$=2,6 соат) ва ^{59}Fe ($T_{1/2}$= 45,6 сутка) — изотоп индикаторлар.

Т. замонавий техника учун энг зарур металлардан бири. Лекин соф Т. юмшоқ бўлгани учун оз ишлатилади. Т. бирикмалари саноат, қ.х. ва қурилиш ишларида кенг қўлланади.

Ҳайвон организмлари ва ўсимликларда ўрта ҳисобда 0,02% Т. бўлади. У қондаги гемоглобин таркибига киради, кислород алмашинуви ва оксидланиш жараёнларида иштирок этади. Ўзида кўпгина миқдорда Т. тўплайдиган организмлар (концентраторлар) ҳам бор (мас., темир бактериялар 17—20% гача Т. тўплайди). Ҳайвон ва ўсимликлар организмидаги Т. оқсиллар б-н боғланган бўлади. Ўсимликларда Т. етишмаса, ўсиши секинлашади ва хлорофилл ҳосил бўлиши камаяди, кўпайиб кетса ҳам зарар қилади, мас., шоли кам дон тугади. Одам ва ҳайвонлар Т.ни овқатдан олади (жигар, гўшт, тухум, дуккакли донлар, нон, ёрма,

лавлагида Т. айниқса кўп бўлади). Одам организми учун бир неча-кундузда 60—100 мг Т. керак. Таркибида Т. бўлган дорилар (қайтарилган Т., Т. лактат, Т. глицерофосфат, Т. (II)- сульфат, Бло таблеткаси, феррамид, гемостимулин ва б.) Т. етишмайдиган касалликларда ҳамда қувват дори сифатида ишлатилади.

Темир бирикмалари. Т.нинг бир неча карбонили маълум. Пентакарбонил $Fe(CO)_5$ — сариқ рангли, учувчан, заҳарли суюқлик. Суюқланиш т-раси —20°, қайнаш т-раси 102,5°, зичлиги 1460 кг/м³; 60° да парчалана бошлайди. Органик эритувчиларда эрийди. 180—200° ва 16—20 МПа босим остида $Fe+5CO \rightarrow Fe(CO)_5$ реакцияси асосида олинади. $Fe_2(CO)_9$ — олтинсимон-сариқ кристаллар; парчаланиш т-раси 100°. Органик эритувчиларда оз эрийди. Ҳавода аста-секин оксидланади. Осонгина диссоциланади:

$$Fe_2(CO)_9 \rightarrow Fe(CO)_5 + Fe(CO)_4;$$

ҳосил бўлган $Fe(CO)_4$ тезда турли лигандларни (фосфинлар, тўйинмаган органик бирикмалар ва б.) бириктириб олиб комплекслар беради. $Fe(CO)_5$ ни фотолиз қилиш йўли б-н олинади. $Fe_3(CO)_{12}$ — қорамтир-яшил кристаллар; 140—150° да парчаланади. Органик эритувчиларда оз эрийди. $Fe_3(CO)_8$ ни қиздириш йўли б-н олинади. Т. карбонилари магнитлар, магнитофон лентaларига югуртириладиган ўта юпқа қатлам, турли деталлар, пигментлар, ферритлар, катализаторлар тайёрлаш учун қўлланадиган карбонил темир кукунлари и.ч.да, темирорганик бирикмалар синтезида ишлатилади.

Т.нинг кристаллогидрат кўринишидаги нитратлари олинган. Гексагидрат $Fe(NO_3)_2 \cdot 6H_2O$ — оч яшил кристаллар. Суюқланиш т-раси 60,5°. 100 г сувда 24° да 86,95 г (сувсиз туз ҳисобида) эрийди. Сувсиз $Fe(NO_3)_2$ ва унинг гидратлари беқарор, ҳавода осонгина оксидланади. Нонагидрат $Fe(NO_3)_3 \cdot 9H_2O$ — оч бинафша рангли гигроскопик кристаллар. Суюқланиш т-раси 50,1°; зичлиги 1810 кг/м³.100 г сувда 20° да 82,48 г (сувсиз туз ҳисобида) эрийди. Гексагидрат $Fe(NO_3)_3 \cdot 6H_2O$ — рангсиз, гигроскопик кристаллар; зичлиги 1680 кг/м³; сувда, этанолда, ацетонда эрийди. Т. нитрат гидратлари Т. қиндиларига 20—30% ли HNO_3 эритмасини таъсир эттириб олинади. Сувни тозалашда коагулянт, газламаларни бўяшда хуруш сифатида, оксид каттализаторлар синтезида қўлланади.

Т. олтингугурт б-н сульфидлар ҳосил қилади: Т. (II)-сульфид FeS, Т. дисульфид FeS_2 ва б. Табиий Т. сульфидлари (*пирит* ва *марказит* FeS_2, пиротин Fe_nS_{n+1}) Ер пустида кенг тарқалган (қ. *Олтингугурт*) Т. нинг 2 та хлориди маълум: Т. (II)- хлорид $FeCl_2$ ва Т. (III)-хлорид $FeCl_3$. Т. (II) -хлорид $FeCl_2$ -рангсиз кристаллар; оксидланиши сабабли ҳавода сарғаяди. Суюқланиш т-раси 677°, қайнаш т-раси 1026°; зичлиги 3,162 г/см³. Сувда, этанолда, ацетонда эрийди. Т. қиндиларига 500° да газ ҳолатдаги хлорид кислота таъсир эттириб ёки $FeCl_3$ни водород б-н қайтариб олинади. Органик синтезда катализатор, $FeCl_3$ олишда, антианемик препаратлар компоненти сифатида қўлланади.

Т.(III)-хлорид $FeCl_3$ — тўқ қизил тусли кристаллар. Суюқланиш т-раси 309°, қайнаш т-раси 320°; зичлиги 2,898 г/см³. Сувда, спиртда, ацетонда эрийди. Табиатда молизит минерали кўринишида учрайди. 400—500° да Т.га қуруқ ҳолдаги хлор ёки 500° да Fe_2O_3 га хлорид кислота таъсир эттириб ҳосил қилинади. Сувни тозаланда коагулянт, газламаларни бўяшда хуриш, катализатор сифатида, аналитик кимёда SCN⁻, Sn^{2+} ионларини очишда, фенол ва енолларни аниқлашда қўлланади.

Ад.: Гудзев А. П., Металловедение, 6 изд., М., 1986; Касымова С. С., Биогенные элементы, Т., 1990; А., Раҳимов Х.Р., Муфтаҳов А. А., Анорганик кимё, Т., 2003.

Рустам Мавлонов.

ТЕМИР, туғма темир — минерал, Fe б-н Ni нинг аралашмаси. Топилиш шароитига қараб — теллурли ёки ер темири (никелли темир), метеоритли (космик), доимий никелли (камасит ва тэнит) туғма темирлар фарқланади. Теллурли темир — куб системасида кристалланади, α-темирнинг модификациясидан иборат бўлган камёб минерал. Бир неча т оғирликкача етадиган уюмлар, алоҳида тангасимон, донадор, сим шаклларида ёки булутсимон массалар кўринишида учрайди. Кимёвий таркиби, асосан, қаттиқ эритма берувчи Fe ва Ni дан иборат бўлиб, ферритлар да Ni нинг миқдори 3% гача ва туғма никелда темирли (аваруит, катаринит, октиббегит, жозефинит ва б.) никелнинг миқдори 30% дан 80% гача бўлади. Никель-темирнинг қаттиқлиги 4—5; ферритларнинг зичлиги 7,3—7,8 г/см³, никель-темирники 7,8—8,2 г/см³, ранги оқ кумушранг. Кучли магнитли. Ер пўстида кам ҳосил бўлади ва сақланади. Базальт жинсларда булутсимон тўпламлар, донали кўринишда жуда кўп учрайди (Гренландия яқинидаги Диско о.да, Кассель, Германия ва б.). Гранитларда жуда кам, серпентинит ва перидотитларда кам бўлади. Платинали сочмаларда ҳамда сидеритли чукмаларда, тошкўмирли ва ботқоқ темир рудаларида учрайди. Ўта бекарор ва тезда темир гидрооксидига айланади. Метеоритли туғма темир космик жисмлар шаклланиш жараёнида ҳосил бўлиб, Ерга метеоритлар кўринишида тушади.

ТЕМИР ДАВРИ, илк темир даври — инсониятнинг ибтидоий жамоа ва илк н.ч. ҳужалиги шаклланётган тарихидаги давр. Фанда тош ва жез даврларидан сўнг инсоният ҳаётида содир бўлган тарихий босқич. Бу давр ҳужалиқда оҳангарлик (темир металлургияси) юзага келиши, тарқалиши ва темир қуроллар ишлатилиши б-н белгиланади. «Т.д.» атамаси, гарчи антик дунёда тош, жез асри тушунчалари қаторида юзага келган бўлса-да, фанга 19-а.нинг ўртасларида даниялик археолог К.Ю.Томсен томонидан киритилган. Рудадан темирни ажратиб олиш усули дастлаб Миср ва Месопотамияда (мил. ав. 3-минг йилликнинг 1-ярмида) кашф этилган. Кейинроқ (мил. ав. 2-минг йилликнинг охирида) бу усулни юнонлар билиб олишган. Мил. ав. 11-а.дан бошлаб Фаластин, Сурия, Кичик Осиё, Закавказье, Ҳиндистон ва Хитойда ҳўжалик ва ҳарбий қурол-аслаҳалар ясашда темирдан кенг миқёсда фойдаланилган, сўнгра темир асбоблар ясаш Эрон ва Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқала бошлаган. Темир (метеоритдан ташқари) Америка, Австралия, Тинч океанининг аксарият оролларида ва Шим. минтақаларда 16—17-а.ларда маълум бўлган. Темир табиатда ёмби сифатида учрамайди. У руда заррачалари тўпламини юмшоқ ҳамирсимон ҳолатга киритиш усули б-н олинган. Бу усул темир рудасини 900—1350° атрофида қиздириб махсус кўраларда босқондан конуссимон най орқали ҳавони пуфлаб кучайтириш йўли б-н бажарилган. Кўра тубида крица (1—5 кг лик ғалвирак темир бўлаги) ҳосил бўлиб, уни оловда қиздириб, сувга бостириб, сандонда болға б-н уриб тобланган. Натижада темир рудаси зичланиб, тошқоллардан тозаланган. Бироқ олинган соф темир жуда юмшоқ, ундан ясалган меҳнат қуролларининг сифати паст бўлган. Мил. ав. 9—7-а.ларга келиб металлга термик усул б-н ишлов бериш кашф этилиб, уни пўлатга айлантирилиши янги материал — темирнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Т.д.да ишлаб чиқаришда буюк техника ўзгаришлари юз берди. Темир рудасининг мис ва қалайга нисбатан табиатда сероблиги, мустаҳкам сифати унинг и.ч.да ва ҳарбий соҳада тез

ва кенг тарқалишига олиб келди. Айниқса, қ.хда темир қуроллардан фойдаланишга утиш катта воқеа бўлди. Чунки деҳқончилик майдонларини кенгайтиришда темир асбоб ва қуроллар (болта, кетмон, кўрак), айниқса, темир тишли омоч каби мустаҳкам мосламалар пайдо бўлди. Т.да деҳқончиликдан ҳунармандчилик ажралиб чиқиб, алоҳида и.ч. ҳужалигига айланди.

Темирнинг кенг тарқалиши б-н ишлаб чиқариш ҳужаликларининг ривожланиб бориши шубҳасиз, ижтимоий ҳаётни ҳам тубдан ўзгаришга олиб келди. Йирик қишлоқлар ҳунармандчилик ва ўзаро айирбошлаш савдо марказига айланиб, шаҳарлар қад кўтарди. Улар хомашё ва пахсадан бино қилинган баланд ва қалин деворлар б-н ўраб олинди. Шундай қилиб, темир ва пўлат буюмлардан кенг кўламда фойдаланиш Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқлари тараққиётига ҳам самарали таъсир этди.

Ўзбекистонда Т.д.га оид ёдгорликларни саналаштириш ва дастлабки туркумларга ажратилишига доир талқинотлар С.П.Толстов, А. И. Тереножкин ва Я. Гуломовлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон ҳудудида Т.д. ёдгорликлари мил. ав. 8—6-а.ларга мансуб. Улар Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида ўрганилган: *Кўналиқир, Қалалиқир* ва Динғилжа сингари қад. қалъа ва қишлоқ, шаҳар харобалари, *Тагискен* ва *Уйғарак* қабристон-қўргонлари, Бўкантов қоятош суратлари текширилган. Т.д.да қад. Хоразм ҳудудларида дастлабки йирик суғориш иншоотлари вужудга келган.

1960—70-й.ларда Сурхондарёда Кучуктепа, Жондавлат ва Қизилтепанинг қуйи қатламлари, Пачмоқтепа, Қизилчатепа ёдгорликлари ўрганилди. Л.И. Альбаум Кучуктепадан мил. ав. 6—4-а.ларга оид уй-жой қолдиқлари, кулолчилик, темирдан ясалган уй-рўзғор ва деҳқончилик буюмларини топган. 60-й.ларда Бухоро вилоятида Хазора ёдгорлиги ва Сармичсой петроглифлари текширилди. Қашқадарёда Т.д.га оид Чимкўрғон ёдгорлиги (1972) ўрганилди. 1973 й.да Чордара истеҳкоми (Қоними мех тумани) ва Ромуштепа (Жондор тумани) текширилди.

Т.д.га мансуб археологик ёдгорликлар Тошкент вилоятида Бурганликтепа, Қовунчитепа, Туябўғизтепа ва Бурчмулла хазинаси, Фарғона водийсида эса, Эйлатон ёдгорлиги ва Оқтош қабристони асосида ўрганилган. 80—90-йиллардан Кўктепа (Самарқанд вилояти), *Ерқўрғон* ва *Узунқир* (Қашқадарё вилояти) каби мил. ав. 7—6-а.ларга оид нодир обидаларда археологик қазишлар ўтказилди. Бу ёдгорликларнинг талқинотларида Р. Сулаймонов, М. Филлановић, А. Саъдуллаев, М. Исамиддинов, Ш. Одилов, Б. Матбобоев ва б.нинг ҳиссаси катта бўлди. Т.д.га оид ёдгорликларнинг талқинот натижалари, шубҳасиз, Ўзбекистон тарихининг энг муҳим масалаларидан ҳисобланади. Шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши шаҳарлар ва мамлакатлараро савдо-сотиқ муносабатларининг ривожи ҳамда илк давлатчилик тизимларининг шаклланиши ва ривожи тарихини ўрганишда самарали натижалар бермоқда. Чунки, Т.д.да мамлакатимиз ҳудудида Хоразм, Бақтрия, Суғд, Чоч ва Фарғона каби қад. тарихий-маданий ўлкалар шаклланиб, Катта Хоразм, Юнон-Бақтрия (Бахтар) подшолиги, Суғд маҳаллий ҳокимлар конфедерацияси, Қанғ давлати ва Фарғона афшинлари каби ҳокимиятлар ташкил топган эди.

Ад.: Толстов С. П., Древний Хорезм, М., 1948; Филлановић М. И., Древний Ташкент, Т., 1973; Сулейманов Р. Х., Древний Нахшаб, Т., 2000.

Абдусаҳад Муҳаммаджонов.

ТЕМИР ДАРВОЗА — Сурхондарё вилоятидаги дара: Бойсун тоғларида. Ўрта асрларда шу дара орқали Ҳиндистон б-н Самарқанд савдо алоқалари қилиб турганлиги маълум (қ. *Бузгалахона*).

ТЕМИР ЙЎЛ — 1) йўловчи ва юкларни ташийдиган, техника воситалари ва иншоотлари (поездлар, вагонлар, ст-ялар, автоматика ва телемеханика қурилмалари диспетчерлик хизмати ва б.) мажмуи б-н жиҳозланган транспорт корхонаси. Вазифасига қараб, умумий фойдаланиладиган (магистрал); саноат транспорти, руда конлари ва б. жойларда ишлатиладиган; шаҳар т.й. (трамвай, метрополитен); излари оралиғининг кенглигига қараб, кенг изли ва тор изли бўлади. Рельслар оралиғи 1676 мм (Ҳиндистон, Испания, Аргентина, Чили ва б.), 1520 мм (Россия, Ўзбекистон ва б.), 1435 мм (Европанинг кўпчилик мамлакатлари, Канада, АҚШ), 1067 мм (Япония, Индонезия ва б.); 2) т.й. транспорти қатнайдиган рельсли из; устки қурилма, ер полотноси ва сунъий иншоотлардан иборат. Устки қурилма рельслар, рельс бирикмалари, стрелкали ўтказгичлар, шпал, бруслар ва *балласт* қатламларидан иборат. Ер полотноси кўтарма ва ўймалардан иборат бўлиб, йўл устки қурилмасига замин бўлиб хизмат қилади. Сунъий иншоотларга Т.й. кўприклари, тоннеллар, виадук, дренаж қувурлари, тиргак деворлар ва б. киради. Т.й. ёқалаб йўл белгилари (километрлар, пикетлар ва шу кабилар) ўрнатилади (яна қ. *Темир йўл транспорти*).

ТЕМИР ЙЎЛ АВТОМАТИКАСИ ВА ТЕЛЕМЕХАНИКАСИ — автоматик ва телемеханик бошқариш усуллари ва воситалари ёрдамида поездлар ҳаракатини бошқариш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш б-н шуғулланадиган техника ва фан соҳаси. Асосий техник воситалари сигнализация, марказлаш ва блокировка қурилмаларидан иборат. Бунда йўл блокировкаси, электрожезл тизими, стрелка ва сигналларни марказлаштириш, саралаш тепалиги автоматикаси ва телемеханикаси, поездлар ҳаракатини автоматик бошқариш, марказлашган диспетчерлик асбоб-ускуналари, т.й.дан ўтиш жойларидаги жиҳозларни бошқариш тизимларидан фойдаланилади. Бу мажмуа таркибига кирадиган аппарат-қурилмалар, асбоб-ускуналарни яратиш, текшириш, мақсадли йўлда ишлашини таъминлаш, ривожлантириш йўлида изланишлар олиб бориш, башорат қилиш ва б. омиллар соҳа фани вазифаларидир.

Поездлар ҳаракатини автоматик бошқариш иншоотларига автодиспетчер (автомашинист) ва лозим бўлганда поездлар ҳаракат тезлигини автоматик равишда секинлаштирувчи хавфсизлик автоматикаси киради.

Марказлашган диспетчерликда т. й. участкасининг алоҳида пунктларидаги стрелка ва сигналларни диспетчерлик конасидан, поездларнинг ст-ялар орасидаги ҳаракати эса автоблокировка қурилмалари ёрдамида автоматик тарзда бошқарилади. Поездларнинг турган жойи, йўл ва светофор ҳолатлари диспетчерлик постидаги таблода акс эттирилади.

Электроника ва электрон воситалар тараққиёти туфайли, Т.й.а. ва т.да кейинги 10—15 йил ичида жиддий ўзгаришлар юз берди. Йўлда ишлатилган контактли электр аппаратлар, контактсиз аппаратлар, датчиклар электрон тизимлар б-н алмаштирилди.

ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ — йўловчиларга хизмат қилиш, поездлар ҳаракатини бошқариш ва хизматчи ходимларни жойлаштириш учун мўлжалланган т.й. ст-яси биноси ёки бинолар мажмуи (қ. *Вокзал*).

ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИ — т.й. поездларини жўнатиш ва қабул қилиш учун мўлжалланган корхона. Унда т.й. таркиби ва йўловчиларга хизмат кўрсатилади, юк ва багажлар қабул қилинади, ортилади, туширилади, вагонлардан поездлар тузилади ва ҳ.к. Вазифасига қараб — оралиқ, участка, саралаш, юклаш ва йўловчилар чиқариш; иш ҳажми ва мураккаблигига қараб — синфсиз (иш ҳажми катта ва техник жиҳозланиш даражаси юқори бўлган) ва 1—5-синфли хилларга бўлинади. Т.й.с. таркибига йўллар, вокзаллар, хизмат-техника бинолари, платформалар, саралаш тепалиги, алоқа турлари ва б. киради.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ — юк ва йўловчиларни локомотив ва моторвагонлар воситасида т.й. бўйлаб ташийдиган транспорт тури. Унинг пайдо бўлиши йирик саноат тараққиёти, айниқса, тог-кон ва металлургия саноати тараққиёти б-н боғлиқ. 18-а. охири ва 19-а. бошларида капитализмнинг ривожланиши юк айланмаси тузилмасини тубдан ўзгартирди, темир руداси, кўмир, қурилиш материаллари ва ш.к.ни оммавий ташишга эҳтиёж ўсди.

1825 й. жаҳонда биринчи умумий фойдаланишдаги Стоктон —Дарлингтон т.й. (21 км, Англия) Ж.Стефенсон томонидан қурилган. 30-й.ларда Австрия, Германия, Бельгия, Франция, Россияда ҳам т.й. қурилди. 1850—70 й.ларда Осиё, Африка, Жан. Америка ва Австралияда ҳам қурила бошлади. 20-а. бошларида жаҳонда т.й. тармоғи 1 млн. км дан ошди. 19-а. охири — 20-а. бошларида т.й. тармоқларини тез ривожлантирган сабаблардан бири, унинг катта ҳарбий-стратегик аҳамиятга эгалиги бўлиб, Т.й.т. хўжалик, иқтисодий ва стратегик вазифаларга хизмат қилиш б-н бир қаторда мамлакатлараро, ҳудудлараро маданий алоқаларни ривожлантириш, ижтимоий масалалар, халқаро туризм соҳасида ҳам иштирок этади, мамлакатнинг илмий-техник тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Т.й. транспортининг афзалликларидан бири — бошқа транспортга нисбатан юк ташиш қийматининг арзонлиги, йилнинг ҳар қандай фаслида ва бир йўла катта ҳажмдаги юкларни ташиш имкониятига эгалигидир.

Ўзбекистонда дастлабки т.й. 1886—88 й.ларда *Закаспий темир йўли*нинг Фёдоров ст-ясидан Самарқандгача ётқизилган (подшо Россияси томонидан империянинг жан. чегараларини мустаҳкамлашга қаратилган ва ҳарбий-стратегик мақсадлардаги Закаспий ҳарбий т.й. номи б-н 1880 й. ноябрдан 1886 й. декгача қуриб битказилган Красноводск — Чоржўй т.й.нинг давоми). 1888 й. май ойида Амударё орқали 2,7 км узунликдаги ёғоч кўприк қуриб битказилиши б-н т.й.да Самарқандгача поездлар қатнови бошланди. Кейинчалик бу йўл 1895—97 й.ларда Урсатьевская (Ховос) ст-ясидан Қўқонгача давом эттирилди. 1899 й. т.й. Тошкентга етказилди (қ. *Самарқанд — Андижон темир йўли*). 1890 й. кузида 1874 й.да Россия империясининг махсус т.й. комиссияси қурии зарур деб топган Тошкент—Оренбург т.й. қурилиши бошланди. 1906 й. январда Тошкент — Оренбург т.й. (Тошкент темир йўли) ишга туширилди. 1907 й. Коғон—Бухоро, 1913—16 й.ларда Фарғона ҳалқа т.й.нинг Қўқон—Наманган—Андижон қисми, 1913—15 й.ларда Коғон—Амударё ст-яси ва Қарши—Китоб шохобчалари қурилди. 1917 й.га қадар ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида жами т.й. узунлиги 1,1 минг км эди.

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб фуқароларга уруши йилларида вайрон бўлган т.й. ҳаракат таркиби ва йўл хўжалигини тиклаш учун зарур чоралар кўрилди. Шаҳар ва портларни бирлаштирувчи янги т.й. линиялари қурилишига ҳам эътибор берилди. Фарғона (Искобил) — Кушасой (1922), Қарши—Китоб (1924), Амударё (Самсоново) — Термиз (1925), Асака—Шаҳрихон (1931) ва б. т.й. линиялари қуриб фойдаланишга топширилди. 1929—31 й.ларда қурилган уз. 1452 км бўлган *Туркистон—Сибирь темир йўли* (Турксиб) Ўзбекистон т.й. б-н уланди.

30-й.ларда Ўзбекистон т.й.да ЭУ сериядаги янги паровозлар ишлай бошлади, йирик ст-яларда вагонлар саралашда қулай бўлган махсус мосламалар, ним дўнглик (горка)лар, контейнер майдонлари қурилди, катта, масофаларда т.й. линиялари реконструкция қилинди, поездларнинг ҳаракат тезлиги оширилди, юк ва йўловчилар ташиш кўпайди.

1941—45 й.лардаги уруш даврида Т.й. т.да фронт учун қарув юклар ташилди. Урушдан кейинги йилларда транспортнинг бу соҳасида туб ўзгаришлар қилинди. Локомотивлар қуввати оширилди, поездлар тиғиз қатнайдиган жойларда иккинчи йўллар қурилди. Паровозлар ўрнига электровоз ва тепловозлар қўлланилди. Ст-яларнинг техника б-н жиҳозланиши яхшиланди. Бу даврда магистраль йўллардан саноат шаҳарларига (Тошкент—Ангрен, Тошкент—Чирчиқ) шохобча йўллар қурилди. 1963 йили Красноводск—Боку паром йўлининг ишга туширилиши б-н Тошкент—Красноводск линияси Озарбайжон т.й. б-н мунтазам боғланди. 1964 й. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон т.й.лари бошқаруви Тошкентда бўлган ягона Ўрта Осиё т.й.га бирлаштирилди. 1971 й.да Қозоғистон орқали Россияга чиқадиган Қўнғирот—Бейнов т.й. қурилди. 1982 й. Термиз ш. яқинида Амударё орқали Афғонистонга ўтадиган т.й. ва автомобиль йўли қўприти фойдаланишга топширилди. Аксарият вилоят марказларида янги т.й. вокзаллари қурилди.

1994 й. ноябрда Ўрта Осиё т.й.нинг Ўзбекистон Республикасида жойлашган т.й. корхоналари ва бўлимлари, лойиҳа-конструкторлик ва б. ташкилотлари, муассасалари негизида «*Ўзбекистон темир йўллари*» давлат-акциядорлик т.й. компанияси ташкил этилди. Республика т.й. транспортини ривожлантириш истиқболлари *Нақлиётдаги ҳамкорлик ташкилоти* мамлакатларининг Кветта режасида белгиланган вазифалар қаторидан ўрин олган.

21-а. бошида Ўзбекистон Т.й.т. таркибида ижтимоий соҳалар ва ш.ч.та йўналтирилган корхона муассаса ва ташкилотлардан иборат бўлган ягона технологик-ш.ч. мажмуига айланди. Компаниянинг т.й.дан фойдаланишга масъул бўлган Тошкент, Фарғона, Қўқон, Бухоро, Қўнғирот, Қарши—Термиз минтақавий т.й. узеллари фаолият кўрсатади (2004).

Юк ташишда тепловозлар (республика т.й.да паровоз 1974 й.гача ишлатилди), йўловчилар ташишда тепловоз ва электровозлар хизмат кўрсатади. Т.й.ни электрлаштириш дастлаб 1970 й. Тошкент—Янгийўл участкасида бошланган. Кейинчалик Ҳўжакент—Сирдарё линияси (148 км)да электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. 1985 й.дан т.й.ни ўзгарувчан токда электрлаштиришга ўтилгувчан токда электрлаштиришга ўтилди. 1993 й.да Т.й.нинг Ховос—Бекобод ва Ховос—Жиззах линиялари электрлаштирилди. 2003 й.дан Тошкент—Самарқанд йўналишида «Регистон» электропоезди қатнови йўлга қўйилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ягона т.й. тармоғини вужудга келтириш бўйича уз. 700 км га яқин *Натириш — Учқудуқ — Нукус темир йўли воий — Учқудуқ — Нукус темир йўли* қурилди. 1998 й.дан компания таркибида асосий фаолияти шаҳар атрофи, шаҳарлараро — маҳаллий ва халқаро йўналишларда йўловчи, почта, қўл юки ташишга ихтисослашган ва бир кунда 10 мингдан ортиқ фуқароларга хизмат кўрсатадиган «Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади.

Республика Т.й.т. қурилишини лойиҳалаш ишларини Тошкент транспорт лойиҳалаш-қидирув ин-ти (Ташгипротранс, 1952) ва Тошкент т.й. лойиҳалаш — қидирув ин-ти («Тошгемирйўллойиҳа», 1969) олиб боради. Т.й. транспорти учун муҳандис ва техник ходимлар «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг Акмал Икромов номидаги Тошкент т.й. муҳандислари ин-ти (1931), Тошкент (1932), Самарқанд (1932), Ховос (1979) т.й. транспорти коллежларида тайёрланади.

Жаҳоннинг барча ривожланган давлатларида Т.й.т. етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу транспорт турини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири юқори тезликда ҳаракатланувчи ер усти транспорт турини жорий қилиш ҳисобланади. Бу тизимда ҳаракатланиш тезлиги 200 км/соатдан юқори бўлиб, бундай т.й.лар 2-авлод т.й. тоифасига киритилади. Ғарбий Европа ва Япониянинг баъзи т.й. участкаларида поездлар тезлиги 350—500 км/соатга етказилган. Ривожланган мамлакатларда 20-а.нинг 90-й.ларида т.й. узунлиги (минг км): АҚШда—205, Буюк Британияда — 16,6, Канадада — 93,5, Францияда — 34,6, Японияда —23,9, Италияда — 25,8.

Отабой Раҳматов

ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ — бир неча т. й. линиялари кесишган жойдаги пункт; турли техник иншоот ва қурилмалар мажмуи. Асосий иншоотларига вагонларни саралаш, йўловчилар ва юк ст-ялари, алоҳида ст-ялари ўзаро боғловчи йўллар, айланиб ўтувчи йўллар, йўловчилар учун мўлжалланган бинолар, депо, техник-таъмирлаш ст-ялари ва б. киради. Вазифасига қараб, одди ва б. киради. Вазифасига қараб, оддий транзит узели, катта ҳажмда юк ташириб-ортиладиган транзит узели ва саноат корхоналарига хизмат қилувчи саноат корхоналарига хизмат қилувчи узеллар ҳам бўлади. Т.й.у. *темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси* қурилмаларидан б-н жиҳозланади. Т. й. у.да бир ёки бир неча ст-я бўлиши мумкин.

ТЕМИР КОЛЧЕДАНИ — минерал (қ. *Пирит*).

ТЕМИР КУПОРОСИ — қ. *Темир сульфатлари*.

ТЕМИР ОКСИДЛАРИ — темирнинг кислород б-н бирикмалари: темир (II)-оксид — FeO, темир (III)-оксид — Fe_2O_3, ва темир (II, III)-оксид — Fe_3O_4. Т.о. темирнинг оксиданишидан ҳосил бўлади (қ. *Темир*). Табиий Т.о. (*гематит* Fe_2O_3, *магнитит* Fe_3O_4 минераллари) темир олиш учун хом ашё ҳисобланади (қ. *Темир руداлари*). Т.о. пигмент (темирли сурик) сифатида ишлатилади; ферромагнит Т. о. (Fe_3O_4, γ—Fe_2O_3) *магнит материаллар* и.ч.да қўлланади.

Т.о.дан ташқари темир гидроксидлари ҳам маълум. Темир (II)-гидроксид $Fe(OH)_2$ — 2 валентли темирнинг тузларига ишқорлар таъсир эттирилганда ҳосил бўлади; тезда оксидланиб, FeO(OH)га айланади. Сувда эримайди, кислоталар ва ишқорларда эрийди. Темир (III)-гидроксид $Fe(OH)_3$ — қизғиш-жигарранг модда, кучсиз асос, амфотер. Ишқорлар б-н қўшиб суюқлантирилса, ферритлар деб номланадиган тузлар, газларни тозалашда ютувчи масса компоненти, органик синтезда катализатор сифатида қўлланади.

ТЕМИР РУДАЛАРИ — таркибидаги темир миқдори ва бирикмалари ундан темирни ажратиб олишга техник имконият етарли ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган табиий минерал ҳосилалар. Т.р. минерал таркиби, темир миқдори, фойдали ва зарарли аралашмалари, ҳосил бўлиш шароитлари ва саноатдаги ҳоссалари жиҳатидан хилма-хилдир. Муҳим рудали минераллари: магнетит, магногидрогематит, гётит, гидрогётит, сидерит, темирли хлоритлар. Таркиби, келиб чиқиши ва сифати бўйича Т.р. ҳар хил бўлиб, саноатда фойдаланиладиган турларида темир миқдори 16% дан 72% гача ўзгаради ва шунга қараб бой (Fe 50% дан ортиқ), оддий (Fe 25—50%) ва камбағал (Fe 25% дан кам) рудалар фарқ қилинади. Одатда, Т.р. таркибида зарарли қўшимча элементлар (олтингугурт, фосфор, мис, маргимуш, қўрғошин, рух) учраб, уларнинг миқдори 0,1—0,3 дан (S, P, Cu) ҳамда 0,05—0,09% дан (Ag, Zn, Sn, Pb) ошса руда сифатига салбий таъсир кўрсатади. Темир руداси таркибида фойдали элементлар (Ni, Co, Mn, Cr, Ti, Ni, V ва б.) ҳам мавжуд бўлиб, улар (Mn, Cr, Ni) миқдорининг маълум даражага кўпайиши пўлат сифатини оширса, Ti, V, Co кабилар эса, қўшимча фойдали элемент сифатида ажратиб олиниши мумкин. Т.р. чўянни табиий кўринишда ёки бойитилгандан сўнг эритиш учун ишлатилади. Таркибида 50% дан кам Fe бўлган Т.р., асосан, магнит сепарацияси ёки гравитацион бойитиш методи б-н (Fe 60% гача) бойитилади. Т.р. конлари келиб чиқиши жиҳатидан 3 гуруҳга: магматоген, экзоген ва метаморфоген конларга бўлинади: магматоген (Уралда Кусинск, Качканар скарнлари; ЖАРда Бушвельд конлари мажмуаси; Қозоғистонда Соколов, Сарбай конлари ва б.), экзоген (Қримда Керч; Қозоғистонда Аят; Уралда Алапаевск конлари ва б.) ва метаморфоген (Россияда Кривой Рог, Курск магнит аномалияси; Австралияда Хамерели ва б.). Т.р., асосан, чўян, пўлат ва турли ферроқотишмалар олишда, қисман табиий бўёқлар сифатида ҳамда бурғилаш қудуқларида бурғилаш суюқлигини оғирлаштирувчи қўшимча сифатида ишлатилади. Темир руда конларининг энг йирик захиралари (80% дан кўпроғи) Россия, Бразилия, Канада, Австралия, АҚШ, Ҳиндистон, ЖАР, Швеция ва Францияда жойлашган. Ўзбекистонда унча катта бўлмаган Т.р. конларининг бир нечтаси маълум бўлиб, улардан саноат аҳамиятига моликлари магматоген генезисли магнетит-гематит таркибли Сурёнота (Тошкент вилояти) ҳамда асосан, титан-магнетитли *Тебинбулоқ темир кони* (Қорақалпоғистон) шулар жумласидандир.

ТЕМИР СУЛЬФАТЛАРИ — сульфат кислотанинг темирли тузлари.

Темир (II)- сульфат $FeSO_4$ — рангсиз, гигроскопик кристаллар; зичлиги 3,14 г/см³. Сувда яхши эрийди. Сувдаги эритмасидан — 1,82° дан 56,8° гача

гептагидрат, 56,8°—64° оралиғида — тетрагидрат, 64° дан юқори т-рада моногидрат ҳолида кристалланади. 700° атрофида FeO ва SO_3 га ажралади.

Гептагидрат $FeSO_4 \cdot 7H_2O$ (техник номи — темир купороси, табиатда — мелантерит минерали) — ҳаворанг-яшил кристаллар; зичлиги 1,898 г/см³, сувда (20° да масса жиҳатидан 21%), спиртда, глицеринда эрийди. Тетрагидрат $FeSO_4 \cdot 4H_2O$ — яшил кристаллар, моногидрат $FeSO_4 \cdot H_2O$ — рангсиз кристаллар. $FeSO_4$ б-н аммоний сульфат $(NH_4)_2SO_4$нинг сувдаги эритмасидан кўк-яшил рангли, ҳавода барқарор қўш сульфат $FeSO_4 \cdot (NH_4)_2 \cdot SO_4 \cdot 6H_2O$ (Мор тузи) кристалланади. Темир (II) - сульфат кимёвий реакцияларда қайтарувчи, гальванотехникада электролит компоненти, тахта консерванти, фунгицит сифатида, пигментлар олишда, аналитик кимёда NO_3^- MnO_4^- Ce^{4+} $MnNO_4^-$ ионларини очишда қўлланади.

Темир (III) - сульфат $Fe_2(SO)_3$ — оч яшил гигроскопик кристаллар; зичлиги 3,097 г/см³. Сувдаги эритмасидан $Fe_2(SO_4)_3 \cdot nH_2O$ (бу ерда n=12, 10, 9, 7, 6, 3) кўринишидаги кристаллогидратлар ҳолида кристалланади. Нонагидрат $Fe_2(SO_4)_3 \cdot 9H_2O$ (табиатда — кокимбит минерали). Сувда (100 г да 440 г, 20° да), спиртда, гидразинда эрийди. Қиздирилганда 98° да тетрагидратга, 125° да моногидратга, 175° да сувсиз $Fe_2(SO_4)$га айланади, 600° дан юқорида Fe_2O_3 ва SO_3 га ажралади. $Fe_2(SO_4)_3$ аммоний сульфат б-н бирга қўшилиб оч бинафша тусли гўзал кристаллардан иборат темир-аммонийли аччиқтош $NH_4Fe(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$ ҳосил қилади. Темир (III) - сулфат гальванотехникада электролит компоненти, сувни тозалашда коагулянт сифатида, аччиқтош ва пигментлар олишда ишлатилади.

ТЕМИР ШПАТИ — минерал (қ. *Сидерит*).

ТЕМИР ЯЛТИРОҒИ — минерал (қ. *Гематит*).

ТЕМИР ҚАЛПОҚ — руда (асосан, сульфид) конларининг юқори қисмида бирламчи минералларнинг оксидланиши ҳамда кимёвий нураши натижасида вужудга келган қолдиқ ҳосила. Асосан, *темир*нинг оксид ва гидрооксидлари (гётит, гидрогётит, гидрогематит, турьит ва б.)дан таркиб топган бўлиб, оч ва тўқ қизил, охрали ва қўнғир-қизил рангли бўлади. Т. қ.нинг ҳосил бўлиши юзадаги сувларнинг оксидланиш фаолияти б-н боғлиқ бўлиб, рудали конларнинг иккиламчи бойитилиши б-н содир бўлади. Нураш жараёнида мис, кумуш, рух ва б. металларнинг сульфидлари тез эрийдиган сульфатларда оксидланиб, ишқорсизланади ва руда таналарининг янада чуқурроқ қисмига ўтади. Айни вақтда темирнинг олтингугуртли бирикмаси — пирит, халькопирит ва б. сульфидлар эриган тузлар кўринишида қисман чиқарали, кўп қисми эса, оксидланиш ва гидратацияга учраб, темир оксидининг гидратлари кўринишида ўз жойида қолади. Бу иккиламчи қўнғир темиртошлар темир сульфиди таркибли бошқа рудаларнинг, бирламчи пирит рудаларининг қайта ҳосил бўлиши ҳисобига вужудга келиб, Т.қ. ер юзаси яқинида ҳосил бўлади. Т.қ.нинг тарқалиш чуқурлиги ер юзасидан пастроқда грунт сувлари юзаси б-н чегараланади ҳамда ўнлаб ва юзлаб м га етади. Т.қ.нинг бирламчи сульфид рудаларига нисбатан юқори қисми темирга, пасткилари эса олтинга бой. Т.қ. сульфид рудалари конлари, асосан, мис конларини қидириб топишда даракчи белги ҳисобланади.

ТЕМИР ҚАПИҒ (қад. туркийча қапу — эшик), Дарвозаи оҳанин, Дарбанди оҳанин, Оҳанин дарвозаси — Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан Мовароуннаҳрлаги бир қанча шаҳарларнинг мудофаа деворларидаги темир дарвоза, шунингдек, тор тоғ дараларидаги ўтиш йўлаги. Ўзбекистоннинг жан. ҳудудидаги Бойсунтоғ тизмаси ғарбида жойлашган тор дара — қад. машҳур тоғ йўлаги ҳам Т.қ. дейилган. Унинг номи манбаларда турлича ёзилган. Арабча манбаларда Боб ул ҳадид, мўғулчада Қаҳлата, Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сийар» асарида Танги Чакчак, Муҳаммад Вафо Карминагий «Туҳфаи хоний» асарида Бузгалахона деб қайд этилган ва бу ном 19-а.нинг 2-ярмида ҳам сақланган. (қ. *Бузгалахона*). Қадимда Т.қ. 2 тарихий-маданий ўлка — Бақтрия ва Суғдиёнани боғлаб турган. Археологик талқиқотлар (1985, 1989—90) хулосаларига кўра, Т.қ. ҳудудида, рельефга мослаб, Шўробсой водийсидан ўтиш мумкин бўлган жой бал. 2,7 м (қалинлиги 6,5 қисман тошдан, бир қисми хом ғиштдан, уз. 300 м чамаси мудофаа аҳамиятига эга) девор б-н тўсилган. Унинг баъзи жойларига миноралар ва битта тўртбурчак шаклидаги кичик қўрғон (Шерхожа қўрғони, 80×50 м, ҳозир сақланмаган) ҳам қурилган эди. Қўрғон вақт жиҳатдан тахм. мил. ав. 4-а.га мансуб, дастлабки девор эса, Юнон-Бақтрия подшоҳлиги даврларига тўғри келади. Т.қ. ҳарбий мудофаа мақсадидаги жой бўлиши б-н бирга, халқаро савдо йўлидаги муҳим божхона вазифасини ўтаган. Буюк ипак йўлининг бир тармоғи шу ердан ўтган. Бу ҳақда Руи Гонсалес де Клавихо сафарномасида муҳим маълумотлар келтирилган. У шундай ёзади: «... Темир дарвоза Темурбекнинг ихтиёрида ва унга ҳар йили катта даромад келтиради, чунки кичик Ҳиндистондан Самарқанд подшоҳлигига ва ундан шимлаги ерларга йўл олган савдогарлар шу ердардан ўтади...»

Жиззах вилоятидаги *Илонўтти* тоғ йўлаги ҳам Т.қ. деб аталган.

Оттулла Бўриев.

Темир қапиғ. Бузгалахона дараси.

ТЕМИР ҚОЗИҚ, Олтин қозиқ, Қутб юлдузи — *Кичик Айиқ* юлдуз туркумининг энг равшан юлдузи. Ер осмонида Шим. қутбга энг яқин жойлашган юлдуз бўлиб, қутбгача тахм. 1° Мб масофада жойлашган. Осмондаги барча юлдузлар Шим. қутб атрофида шарқдан ғарбга томон кўринма ҳаракатланиб (Ер ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа томон айланиши туфайли), қутб атрофида концентрик айланалар чизади. Т. қ. юлдузи қутбга жуда яқин бўлганидан юлдузлар гўё уни атрофида айланганидек ва бунда у қўзғалмай тургандек туюлади. Шу боис унга Т. қ. (Олтин қозиқ, Қутб юлдузи) деб ном берилган. Т. қ.ни Катта Айиқ (Етти Қароқчи) юлдуз туркуми «чўмичи» орқали осон топиш мумкин.

Бунинг учун «баркаш»нинг охирги 2 юлдузи орқали тўғри чизиқ тортилиб, «баркаш»нинг оғзи томонига бу 2 юлдуз орасидаги ёй ўлчамидан 5 та қўйилганда айнан Т. қ. юлдузига тақалади. Т. қ. юлдузининг ранги сарғиш; т-раси Қуёш т-расидан анча юқори (7000°); диаметри Қуёшдан 120 марта катта. Унинг нурланиш қуввати Қуёшникидан 10000 марта ортиқ. Т. қ. ҳажми ўзгарувчи (пульсацияланувчи) юлдузлар туркумига киради. Бунда унинг т-раси спектри ва равшанлиги ҳам бир оз ўзгаради. Юлдуз катталиги равшанлигининг максимумида 2,1 минимумида 0,3 га чиқади. Ундан чиққан нур Ергача 472 йилда етиб келади. 1779 й.да В. Гершель унинг йўлдош-юлдузини очган.

ТЕМИРАТКИ — ташқи кўриниши, кечиши ва келтириб чиқарувчи сабаблари турлича бўлган кўпчилик *тери касалликларини* ифодаловчи термин. Қичишиб, усти қипиқланиб турадиган ҳар хил тошмалар қадимдан Т. деб аталган. Қизил ясси Т., пушти Т., юздаги оддий Т., *псориаз* — қипиқли Т., *трихофития* — қирма Т. ва б. фарқ қилинади.

Қизил ясси темиратки — терининг сурункали касаллиги. Бунда билакнинг ички, болдирнинг олд юзасига, бел, жинсий аъзолар терисига қизил, оч пушти ёки бинафша ранг, ўртаси ботиқ, ялтироқ, кўпбурчак шаклида майда тугунчалар тошади. Улар қаттиқ қичишади, катталашиб атрофга тарқалади, баъзан бир-бири б-н қўшилиб, пиликчалар ҳосил қилади. Қизил ясси Т. кўпроқ катта ёшдаги кишиларда баданнинг ҳамма жойида (юздан ташқари), оғиз шиллиқ қаватида, лабнинг қизил ҳошиясида учрайди.

Пушти темиратки — терининг инфекцион касаллиги; турли ёшдаги кишиларда кузатилади. Дастлаб терида юмалоқ ёки овал шаклдаги оч пушти рангли майда доғлар пайдо бўлади. Орадан 4—20 кун ўтгач доғлар баданнинг хийлагина қисмини эгаллайди, ўртаси қазғоқланиб туради. Беморнинг умумий аҳволи ўзгармаслиги ҳам мумкин, баъзан унинг т-раси кўтарилиб, бадани қичишади, дармонсизланади. Кейинчалик доғлар қўнғир тус олиб, орадан 4—8 ҳафта ўтгач, ўз-ўзидан йўқолиб кетади, ўрни қолмайди.

Баъзан аллергияга мойил кишиларнинг касаллик вақтида териси нотўғри парвариш қилинса, ўткир яллиғланиш кузатилади (доғлар қип-қизил бўлиб, намиқиб туради).

Юздаги оддий темираткини стрептококклар қўзғатади. Юзга, оғиз атрофига ҳар хил катталиклаги оч пушти ранг тошмалар тошади. Кўпроқ болаларда кузатилади.

Тукли темиратки, асосан, қўлоёқларнинг ёзиладиган жойлари, кўпинча думба соҳасида учрайди. Шу жойларда ичида тук бўлган, усти қипиқли, ушлаб кўрилганда қўлга қаттиқ уннайдиган майда кулранг тугунчалар пайдо бўлади. Кўпроқ болаларда кузатилади. Касалланган тери қуруқ, ғадир-будур бўлади. Соч фолликулаларида мугузланиш жараёнининг бузилиши оқибатида вужудга келади (қ. *Соч*). Касалликка хос аломатлар бола 2—5 ёшлигидаёқ юзага келиб, балоғатга етган даврида аниқ кўзга ташланади, бора-бора йўқолиб кетади; касаллик аксари қишда қўзийди. Беморни тери касалликлари бўйича мутахассис врач даволайди. Унга дори-дармонлардан ташқари, махсус парҳез буюрилади. Терини тўғри парвариш қилиш тавсия этилади.

ТЕМИР-БЕТОН — бетон ва пўлат арматура бирикмасидан иборат конструкция ва буюмларнинг умумий номи. Т.-б. 19-а.да кашф этилган. Т.-б. буюмларга биринчи патентлар Францияда (Ламбао, 1850; Куанье, 1854; Монье, 1867), Англияда (Уилкинсон, 1854) ва АҚШ да (Гиатт, 1855—87) берилган. Ўзбекистонда Т.-б. конструкциялар 19-а. 70-й.ларидан татбиқ эта бошланган. Т.-б.да зўриқишларни қабул қилишда ҳар иккала материал (бетон ва пўлат) баравар ишлайди. Бетоннинг чўзилишга мустаҳкамлиги сиқилишга мустаҳкамлигидан анча (10—20 марта) паст. Пўлат арматура эса чўзилишга ҳам, сиқилишга ҳам бирдай ишлайди. Агар бетонга арматура қўшилса, унинг чўзилишга мустаҳкамлиги анча ортади. Бетоннинг пўлат арматурага яхши ёпишуви, пўлат б-н оғир бетоннинг т-ра таъсирида чизиқли кенгайиш коэффициентлари бир-бирига жуда яқинлиги (бетон учун $\alpha_B=(1+1,5)\cdot10^{-5}$; арматура учун $\alpha_B=1,2\cdot10^{-5}$) Т.-б.ни ҳосил қилишга имкон беради. Бундан ташқари, бетон арматурага зич ёпишиб, уни занглаш ва ёнғиндан асрайди. Т.-б.дан пойдевор блоклар, девор ва қаватлараро панеллар, ёпма плиталар, йиғма зиналар, устун ва тўсинлар, устунқозиқлар, арка ва фермалар ва б. тайёрланади.

Т.-б.нинг афзалликлари: ўта мустаҳкамлиги; кўпга чидамлилиги; олов-бардошлиги; зилзилабардошлиги; маҳаллий материаллардан фойдаланиш имконияти; конструкцияга исталган шакл бериш мумкинлиги ва ҳ.к. Вазни оғирлиги, иссиқлик ва товушни осон ўтказиши; мустаҳкамлаш ва тузатишнинг қийинлиги; ёрилиши мумкинлиги; бетон ётқизилгач, арматура ҳолатини текшириш қийинлиги каби омиллар унинг нуқсонларидир. Бетонда ёриқ пайдо бўлишининг олдини олиш учун арматура олдиндан зўриқтирилади.

Илгари бетоннинг мустаҳкамлик даражалари маркалар (М) орқали фарқланар эди. Халқаро стандартларнинг янги тизими бўйича бетон мустаҳкамлиги синфлар (В) орқали белгиланади. Мас., бетон ва Т.-б. учун оғир бетоннинг сиқилиш мустаҳкамлиги бўйича қуйидаги синфлар мавжуд: В3,5; В5; В7,5; В10; В12:5; В15; В20; В25; В30; В35; В40; В45; В50; В55; В60. Оғир бетондан ишланадиган Т.-б. конструкцияларда мустаҳкамлик синфи В7,5 дан кам бўлган бетонларни қўллаш мумкин эмас. Такрорий юклар таъсир этадиган конструкцияларда синфи В15 дан юқори бўлган бетонлар қўлланилади. Сиқилувчи Т.-б. элементлари В15 дан кам бўлмаган, катта юк остида бўладиган конструкцияларда эса (мас., кўп қаватли биноларнинг қуйи қават устунларида) синфи В25 дан кам бўлмаган бетонлар қўллаш тавсия этилади. Зўриқтирилган бетон учун В20... В60 бўлган бетон синфлари қабул қилинади.

Т.-б. конструкцияларида қўлланиладиган арматуралар, стерженли ва симли арматураларга бўлинади. Сиртининг шаклига қараб текис ва даврий профилли арматуралар бўлади. Даврий профилли арматура текис арматурага қараганда бетон б-н мустаҳкамроқ боғланади. Т.-б. элементлар камида 0,05% ва кўпи б-н 3,5% миқдорда арматураланади. Механик хоссаларига қараб арматурабоп металл қуйидаги синфларга бўлинади: а) стержен арматуралар: А-I; А-II; А-III; А-IV; А-V; А-VI; б) сим арматуралар: В-I; В-II; B_p-II; К-7; К-19.

Атроф муҳит т-раси — 40° дан 60° гача ўзгарганда бетон б-н арматуранинг асосий физик-механик хоссалари ўзгармайди. Т-ра 60° дан ошганда бетоннинг структураси бузила бошлайди ва мустаҳкамлиги пасаяди, мас., т-ра 200° га етганда бетоннинг мустаҳкамлиги 30—40% пасаяди. Оддий Т.-б. учун 500°—600° иссиқлик критик т-ра ҳисобланади. Шунинг учун оддий Т.-б.ни 200° дан паст шароитда ишлатиш тавсия этилади. Юқори (1700° гача) т-рада ишлайдиган иссиқлик агрегатлари учун иссиқбардош Т.-б.дан фойдаланилади.

Ад.: Низомов Ш. Р., Ҳобилов Б. А., Темир-бетон конструкциялар, Т., 1992; Қосимов Э., Қурилиш ашёлари, Т., 2004.

ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАР — *темир-бетондан* тайёрланган элементлар ва уларнинг бирикмалари. Тайёрланиш усулига кўра, монолит (яхлит), йиғма ва йиғма-қуйма хиллари бўлади. Т.-б. к. янги пайдо бўлган даврларда (19-а. охири, 20-а. бошлари) монолит варианти кенг тарқалди. 20-а. ўрталаридан бошлаб йиғма Т.-б. к. ҳам пайдо бўла бошлади. Эндиликда қурилишни йиғма Т.-б. к. сиз тасаввур этиб бўлмайди.

Монолит Т.-б. к. пойдеворлар, гидротехника ва мелиорация иншоотлари, резервуарлар, сув босими миноралари, бункер ва силос миноралари қуришда ишлатилади. Айниқса, зилзилабардош иморатларни қуришда жуда қўл келади, чунки пойдевор, устун, тўсин ва ёпмаларнинг яхлит ҳолда ишланиши бинонинг зилзила бардошлигини таъминлайди.

Йиғма Т.-б. к. ихтисослашган з-дларда, механизациялашган очиқ полигонларда ёки қурилиш майдонларида тайёрланади ва иншоот қуриладиган жойга ташиб келтирилиб, кўтариш кранлари воситасида йиғилади (монтаж қилинади). Йиғма Т.-б. к. нинг монолит конструкциялардан афзаллиги шундаки, қолип тайёрлаш учун кетадиган меҳнат ва ёғоч сарфи бир неча марта қисқаради (Ўзбекистонда ёғоч камлиги учун бунинг аҳамияти катта), қурилиш муддати камаяди ва нархи ҳам анча арзонлашади, конструкцияларнинг сифати ортади.

Металл ва ёғоч конструкцияларга нисбатан йиғма Т.-б. к. чидамлилиги, оловбардошлиги ҳамда занглашга чидамлилиги б-н фарқланади. Саноат, уй-жой ва фуқаро қурилиши учун темир-бетон қозиқлар, пойдевор блоклари, устунлар, тўсинлар, ферма элементлари, том, ораёпма ва девор панеллари, краноости тўсинлари, иншоот маршлари ва майдончалари, балкон ва карниз плиталари, дераза ва эшик ўрни панеллари, сарбаста (перепадон), дераза ости плиталари ва б. ишлаб чиқарилади. Саноат биноларининг 85% ини йиғма Т.-б. к. ташкил этади. Йўл-транспорт қурилиши учун темир-бетон шпаллар, куприкларнинг йиғма элементлари, йўловчи ва юк ташиш платформалари деталлари, оқова сув қувурлари ва ариқлари, автомобиль йўлларига тушаладиган йиғма плиталар ва б. ишлаб чиқарилади.

Гидротехника иншоотлари учун қобиқ плиталар; қ. х. қурилиши учун устунлар, тўсинлар, турли хил плиталар, молхоналар ҳамда иссиқхоналар, ем сақланадиган траншеялар учун керакли деталлар, қудуқлар учун халқалар ва б. ишлаб чиқарилади. Булардан ташқари босим остида ёки босимсиз ишлайдиган темир-бетон қувурлар, электр ва алоқа симлари учун темир-бетон устунлар ҳам тайёрланади. Бундай маҳсулотларнинг аксарияти стандарт ўлчамларда бажарилади. Йиғма Т.-б. к. учун бетонининг мустаҳкамлиги юқори бўлган турлари (В20—В40)дан фойдаланилади. Темир-бетон элементларнинг чўзиладиган зоналарига қўйиладиган арматуралар олдиндан зўриқтирилса (тортиб таранглаштирилса), Т.-б. к. нинг ёриқлар ҳосил бўлишига қаршилиги ортади. Чўзувчи кучланишлар пайдо бўладиган конструкциялар (эгилувчан элементлар, қувурлар, резервуарлар, миноралар ва б.) да олдиндан зўриқтирилган арматурали темир-бетондан фойдаланиш яхши самара беради. Қолипга қуйилган бетон қоришмаси механизациялашган усулда зичлаштирилади. Кўпинча (айниқса, олдиндан зўриқтирилган конструкцияларни тайёрлашда) арматуранинг ўта мустаҳкам хилларидан, тез қотувчан цементлардан фойдаланилади; бетоннинг қотишини тезлаштириш учун махсус камераларда буғлантирилади.



Темир-бетон конструкциялар. Бир қаватли саноат биноси: *1* — ёпма тўсин; *2* — фонарь; *3* — ёпма панеллари; *4* — кран ости тўсинлари; *5* — устунлар.

Йиғма-қуйма (монолит) Т.-б. к. йиғма элементларнинг қуйма бетон б-н мустаҳкам бирикмаси. Бунда барча таркибий қисмлар биргаликда ишлайди, конструкцияга қўйиладиган юк барча элементларга текис тақсимланади; Т.-б. к. нинг яхлитлиги таъминланади. Т.-б. к. нинг кўтариш имконияти бўйича ҳисоблаш назарияси ўзининг ривожланиш жараёнида 3 асосий даврни босиб ўтди. Биринчи — дастлабки даврда Т.-б. к. ни ҳисоблашда рухсат этилган кучланишлар назариясидан фойдаланилган. Бу назария материаллар қаршилиги фанининг формулаларига асосланган эди. Ривожланишнинг иккинчи даври А. Ф. Лолейт ва А. А. Гвоздевнинг илмий ишларидан бошланди (1931). Бу ишлар асосида яратилган бузилиш босқичи назарияси 1938—55 й.ларда қурилиш меъёрларида асосий ҳисоблаш назарияси бўлиб келди. Шу давр мобайнида Т.-б. к. ларининг мустаҳкамлиги шу назария асосида ҳисобланиб келинди.

Ривожланишнинг учинчи даврида (1955 й.дан) янги усул — четаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш усули яратилди. Бу усул ҳоз. кунда ҳам қўлланилади ва давр талабига мос равишда йил сайин такомиллашиб борилди. Замонавий қурилиш технологиясининг муҳим вазифаларидан бири темир-бетон, шу жумладан, енгил Т.-б. к. яратиш ва амалда жорий этишдан иборат.

Ад.: Асқаров Б. А., Низомов Ш. Р., Ҳобилов Б. А. Темир-бетон ва тош-гишт конструкциялари, Т., 1997; Байков В. Н., Сигалов Э. Е., Железобетонные конструкции, М., 1985.

ТЕМИРДАРАХТ (Argania sideroxylon) — ёғочи қаттиқ ва оғир бир неча тур дарахтларнинг умумий номи. Қўпчилиги тропик ва субтропик мамлакатларда ўсади. Parria persica тури Озарбайжонда (Толиш). Шим. Эронлари ларёлар ёқасида ўсиб, аралаш ўрмонлар ҳосил қилади. Секин ўсади. Бўйи 10 йилда атиги 2—5 м га етади. 200 йил яшайди. Ёғочи пишиқ, оғир, қизғиш; ундан машина ва ускуналарнинг деталлари ишланади. Баргида 5—7% ошловчи моддалар бор.

ТЕМИРОВА Муяссар (1941.2.2. Бухоро тумани Шергирон қишлоғи) — зардўз, Ўзбекистон Қаҳрамони (1995). Ўзбекистон халқ рассоми (1972). 1959 й.дан Бухоро зардўзлик ф-каси (ҳоз. *Бухоро «Зардўз» акциядорлик жамияти*)да уста, цех бошлиғи, бўлим бошлиғи; 1994 й.дан юксак бадиий буюмлар тайёрлаш бўлимининг катта устаси. Зардўз М. *Ахмедова*га шогирд тушиб, анъанавий зардўзлик санъатини пухта эгаллади. Т. эгаллаган малакасини иш фаолиятида маҳорат б-н қўллаб, зардўзлик санъатини нозик дид б-н тайёрланган санъат дурдоналари б-н бойитди; анъанавий зардўзи буюмлар (дўппи, тўн, кавуш ва б.) учун янги нақш мужассамотлар яратди. Т. асарларининг зардўзи либоси мажмуини тайёрлади (1970, Япония ЭКСПО-70 кўргазмасида намойиш этилган), янги замонавий бадиий буюмлардан намуналар республика ва хорижий мамлакатлар музей ва тўпламларида сақланади.

М.Темирова ишларидан намуна.

Т. кўплаб шогирдлар (200 дан ортиқ) тайёрлади. Т. тайёрлаган ишлари б-н 1972 й.дан республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади, у яратган бадиий буюмлардан намуналар

ТЕМИРТИКАН (Tribulus L.) — туятовондошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Пояси ер бағирлаб (учи кўтарилиб) ўсади, бўйи 10—60 см шохланган. Барглари қарама-қарши жойлашган. 5—7 жуфт барғчалардан иборат. Гуллари сариқ. Меваси қаттиқ тиканли. Май-авг. ойларида гуллаб, уруғ беради. Экинлар орасида, боғларда, йўл ёқаларида, дарё, сой бўйларида ва б. ерларда ўсади. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

ТЕМИРТОВ — Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилоятидаги шаҳар (1945 й.гача — Самарқанд посёлкаси). Самарқанд (Нура) сув омбори бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 16] минг киши (2003). Т.да Қарағанда металлургия к-ти ва иссиқлик электр маркази бор. Металл қўйиш-механика, синтетик каучук з-длари, «Карбид» ш.ч. бирлашмаси, озиқ-овқат корхоналари, Қарағанда металлургия к-ти ҳузурида олий техника ўқув юртлари, кимё-механика ва қурилиш техникумлари, мусиқа ва тиббиёт билим юртлари, театр фаолият кўрсатади.

ТЕМИР-УГЛЕРОДЛИ ҚОТИШМАЛАР — таркиби, асосан, темир Fe ва углерод С дан иборат бўлган қотишмалар. Соф ва техник турлари бўлади. Соф Т.-у. қ.нинг ҳолати махсус диаграмма б-н ифодаланади ва бу диаграмма *ҳолат диаграммаси* деб аталади. Соф Т.-у. қ. таркибида баъзи қўшилмалар жуда оз миқдорда бўлади. Техник Т.-у. қ. таркибига доимий қўшилмалар (фосфор P, олтингугурт S, марганец Mn, кремний Si, водород H, азот N, кислород O), легирловчи қўшилмалар (хром Cr, никель Ni, ванадий V, молибден Mo, титан Ti, кобальт Co ва б.) ва модификацияловчи қўшилмалар (магний Mg, германий Ce, кальций Ca ва б.) киради ва уларнинг баъзилари (легирловчи ҳамда модификациловчи элементлар) атайлаб қўшилади. Т.-у. қ. таркибидаги углерод миқдорига қараб, *пўлат* ва *чўянга* бўлинади. Т.-у. қ.нинг таркиби ва структурасини ўзгартириш йўли б-н хилма-хил хоссали пўлат ва чўян ҳосил қилиш мумкин. Т.-у. қ. машинасозлик ва қурилишда кенг ишлатилади.

ТЕМИРЧАКЛАР (Tettigonioidea) — тўғри қанотли ҳашаротлар туркуми катта оиласи, 7 минга яқин тури маълум. Ўзбекистонда 100 дан ортиқ тури учрайди. Орқа оёқлари сакровчи. Кўпчилиги (асосан, эркаги)нинг олдинги қанотида овоз чиқарувчи органи бор. Иссиқ ва илиқ иқлимли мамлакатларда тарқалган. Эшитиш органи олдинги оёгининг болдир қисмида жойлашган. Тухум қўйғичи қиличсимон, узун. Т. ўсимликхўр, шунингдек, йиртқичлари ҳам бор. Ўрмон четлари, бутазорлар, ғорлар, тошлар остида ва б. жойларда яшайди. Тухуми қишлайди; баҳорда тухумдан личинка ривожланади. Личинка 1—2 ой мобайнида 5—8 марта пўст ташлаб тараққий этади. Ҳаёт цикли бир ёки бир неча йил (*диапауза* ҳисобига) давом этади. Баъзи Т. (яшил Т. ва қулранг Т.) қишлоқчилик йиллари экинлар (галла, токзорлар)га зиён келтиради.

Яшил темирчак.

ТЕМИРЧИЛИК — 1) темирни болғалаб турли буюмлар (кетмон, ўроқ, теша ва б.) ясаш касби. Т. кишилик жамиятининг энг қадимги даврларида пайдо бўлган. Мил. ав. 3—4-минг йилликда Эрон, Месопотамия, Миср да темирни совуқлайин ва қиздириб болғалаб, турли хил аслаҳалар, меҳнат қуроллари ва б. буюмлар ясалгани маълум. Ўзбекистон ҳудудида Т. иши махсус дўконда амалга оширилган. Т. дўконида — ўчоқ, кўра, супа, ўра, чўнқунда; иш қуролларидан *сандон*, босқон, *болға*, *омбур*, эгов, чарх, *дам* ва ҳ.к. бўлган. Темирчи темирни оташдондаги ўтга қўйиб қиздиради, металл тобига келиб, оқ тусга киргач, уни сандонга қўйиб, зарур шаклга келгунча болғалайди. Бу ишлар уста, бозғончи ва дамгир томонидан бажарилган. Т. ҳозир ҳам кенг кўламда сақланиб қолган; 2) оғир машинасозликнинг металлни болғалаб, штамплаб, пресслаб турли буюмлар ишлаб чиқариладиган тармоғи. Бу тармоқ 16-а.да Европада биринчи марта сув б-н ишлайдиган механик болға яратилганидан кейин ривожланди. 19-а.ларда машинада штамплаш, бут б-н ишлайдиган болға, *гидравлик пресс* вужудга келди. 20-а. 50-й.ларига келиб Т.нинг янги усуллари, яъни қийин деформацияланадиган материалларни портлатиб юқори тезликда штамплаш, гидростатик пресслаш (гидроэкструзия) ва б. усуллар яратилди. Т. материалларни деформацияшга, яъни уларни емирмай, ташқи куч таъсирида шаклини ўзгартиришга асосланган. Т.нинг кенг ишлатиладиган усулларидан бири *босим билан ишлов бериш*. Бу усул машинанинг энг муҳим деталларини тайёрлашда ишлатилади. Металл ишлашнинг асосий усуллари дастлабки материалларнинг ҳолатига (прокат, қуйма ва б.), жиҳозларга (пресс, болға), асбоблар б-н ускуналанишига ва технологик усулларга боғлиқ. Шу аломатларига қараб, Т. болғалаш, ҳажмий ва лист штамплаш, пресслаш турларига бўлинади (қ. *Металларни ишлаш*).

Болғалаш — металларни босим б-н ишлаш усулларидан бири (қ. *Болғалаш*, *Болғалаш машинаси*). Штамплаш — материалларга босим б-н ишлов бериш; бунда заготовкага штампларда пластик деформация берилиб, зарур шаклдаги буюмлар олинади. Штамплаш 0,5—30 т ли катта болғаларда, 6—100 Мн (600—10000 тонна куч) куч б-н зарб берадиган иссиқлайин штамплайдиган кривошипли прессларда, 750 Мн (75000 тонна куч) куч б-н зарб берадиган гидрав-

Темирчилик устахонаси (Тошкент).

лик прессларда бажарилади. Штамплаш материалларни анча тежайди, буюмлар таннархини камайтиради.

Пресслаш — турли профилли материаллар, симлар, қувурлардан заготовка ва буюмлар олиш усули. Ҳажмий юмшоқ материаллар (пахта, хашак ва б.) ни пакетлашда, иккиламчи хом ашёлар (қиринди, чиқинди)ни қайта ишлаш ва б.да ҳам ишлатилади.

Т. йўли б-н ишлаб чиқариладиган буюмлар автомобиль ва авиация саноатларида, тракторсозлик, асбобсозлик, енгил саноат, уй-рўзғор ва б. тармоқларда ишлатилади.

ТЕМПЕРА (итал. tempera — бўёқни аралаштирмоқ) — 1) бўёқ моддаси ва боғловчи моддаси сувли эмульсия ва тухум сариғидан таркиб топган бўёқ. Боғловчи моддалар таркибига қараб сариқ Т. (тухум сариғи қўшилган), оқ Т. (тухум оқи қўшилган), казеинли Т. ва б. турлари бор. Саноат усулида катта ва кичик тюбикларда ишлаб чиқарилади; 2) Т. бўёқлари ёрдамида яратиладиган *рангтасвир* тури; монументал ва дастгоҳ санъатида кенг қўлланилади. Т.да яратилаётган асарлар сирти лок б-н қопланмайди, шунинг учун улар майин жилосиз сиртга эга. Т. асарларида ранг ва ранг туслари ташқи таъсирга чидамли, ўзининг дастлабки сифатини мойбўёқ рассомлигига нисбатан узоқ вақт сақлайди. Т.ни акварель ва гуашь б-н қўшиб ишлатиш мумкин.

ТЕМПЕРАМЕНТ (лот. temperamentum — мутаносиблик) — қ. *Мизож*.

ТЕМПЕРАТУРА (лот. temperatura — зарур силжиш, ўлчамдорлик, нормал ҳолат) — макроскопик тизимнинг термодинамик мувозанат ҳолатини характерловчи асосий параметрлардан бири. Термодинамик мувозанат ҳолатида турган тизимнинг барча қисмларининг Т.си бир хил бўлади. Агар тизим мувозанат ҳолатдан чиқарилса, унинг иссиқроқ қисмларидан совуқроқ қисмларига иссиқлик узатилиши натижасида маълум вақтдан сўнг тизимнинг ҳамма қисмларида Т.нинг тенглашиши вужудга келиб, термодинамик мувозанат ҳолатига қайтади.

Тизим таркибидаги жисмларни иситиш ёки совитиш, яъни т-расини ўзгартириш уларнинг қарийб барча физик хоссаларига таъсир қилади: жисмларнинг чизиқли ўлчамлари, эластиклиги, электр ўтказувчанлиги ва б. хоссалари ўзгаради. Т.ни ўлчаш учун бу ўзгаришларнинг исталган биридан фойдаланиш мумкин. Т. бевосита ўлчанмайдиган катталик. У бошқа катталикларни ўлчаш орқали аниқланади. Мас., тизимнинг Т.сини иситиш ёки совитиш натижасида газ ҳажми ёки босимининг ўзгариши (суюқлик, жумладан, симобли термометрлар), ўтказгичларнинг электр юритувчи куч (э. ю. к.) лари ўзгариши (термопаралар) ва б. орқали аниқлаш мумкин.

Статистик физикада Т. термодинамик мувозанат ҳолатдаги тизимни ташкил этган зарраларнинг ўртача кинетик энергияларини тавсифловчи катталикдир. Мас., классик статистик физикала термодинамик мувозанат ҳолатидаги идеал газга тегишли илгариланма ҳаракатдаги учта эркинлик даражасига эга бўлган зарранинг ўртача кинетик энергияси Т. орқали қуйидагича ифодаланади:

$$\varepsilon = \frac{3}{2}kT, \qquad (1)$$

бунда k — *Больцман доимийси*.

Термодинамикада мутлақ Т. тушунчаси муҳимдир. Тизимнинг термодинамик мувозанат ҳолатини аниқловчи мос параметрлар ўзгармаганда тизим энергияси u дан *энтропияси* s бўйича олинган хусусий ҳосила унинг мутлақ Т.сини ифодалайди.

$$T = \frac{du}{ds} \qquad (2)$$

Т. мусбат бўлганлиги сабабли, чегараланмасдан орта борса, тизимнинг энергияси ҳам унга мос ҳолда орта боради. Демак, (2) га мувофиқ, энергия орта бориши б-н энтропия ҳам ортади. Т. қийматининг ўзгариш оралиғи жуда кенг бўлиб, амалда мутлақ нолдан 10^{13} К гача ва ундан ҳам катта қийматларга эга бўлиши мумкин.

Темпера. «Шоир ва илҳом париси» (1996, Б. Жалолов асари).

Астрофизикада Т. — муҳитнинг физик ҳолатини ифодаловчи параметр. Осмон жисмларининг Т.сини баъзи назарий фаразларга асосланган ҳолда уларнинг нурланишини ўрганиш йўли б-н аниқланади. Т.нинг қуйидаги хиллари мавжуд: юлдуз (ёки бошқа объектнинг, мас., Қуёш тожи) нинг эффектив Т.си — юлдуз ўлчамига тенг ва юлдуз тарқатаётган тўлиқ нурланишини чақира оладиган *мутлақ қора жисм* Т.си. Равшанлик Т.си — берилган йўналишда кузатилаётган мурайян тўлқин узунликдаги нурланиш интенсивлигига тенг нурланиш чиқара оладиган мутлақ қора жисм Т.си. Спектрофотометрик Т. — кузатилаётган спектрал соҳадаги нурланиш интенсивлигининг нисбий тақсимланишига яқин нурланиш чиқара оладиган мутлақ қора жисм Т.си. Спектрометрик Т. спектрнинг турли соҳаларида турлича бўлиши мумкин. Ғалаёнлаш Т.си — атомларнинг ғалаёнлаш ҳолатлари бўйича тақсимланишини ифодаловчи параметр. Ғалаёнлаш Т.си бир муҳитнинг ўзида турли атомлар ва энергетик сатҳлар учун турлича бўлиши мумкин. Кинетик Т. зарраларнинг иссиқлик ҳаракатининг ўртача кинетик энергиясини ифодаловчи параметр: $\frac{mv^2}{2} = \frac{3}{2}kT$ формула орқали аниқланади: бунда m — зарра массаси, v — унинг ҳаракатланиш тезлиги. Электрон ва ион Т. си — электрон ва ионларнинг кинетик Т.си. Ионланганлик Т.си — спектрал чизиқларнинг нисбий интенсивлиги бўйича аниқланувчи ва модданинг ионланганлик даражасини белгиловчи параметр.

ТЕМПЕРАТУРА ИНВЕРСИЯСИ (атмосферада) — атмосферанинг бирор қатламида баландликка қараб ҳаво т-расининг ортиб бориши. Инверсия қатлами шиддати унинг қуйи чегараси баландлиги, вертикал қалинлиги ва инверсиянинг чуқурлиги, яъни юқори ва қуйи чегаралари орасидаги т-ра фарқи б-н ифодаланади.

Инверсия *тропосферанинг* турли баландликларида ҳосил бўлади. Баландлик бўйича инверсия Ерга яқин, яъни фаол Ер юзасидан бошланадиган инверсия ва эркин атмосфера инверсияга ажратилади. Инверсия қатламларининг қалинлиги бир неча метрдан 2—3 км гача, унинг чуқурлиги 2° дан 10° ва ундан юқорироқ бўлиши мумкин. Т. и. қатлами тўсиқ қатлам ҳисобланади: шу туфайли мазкур қатлам остида ўзига хос метеорологик шароит юзага келади.

ТЕМПЕРАТУРА ШКАЛАЛАРИ — қулай ва етарли даражада аниқлик б-н ўлчаналиган бирор физик катталикнинг узлуксиз кетма-кет келувчи қийматлари ва т-ранинг мос келувчи қийматлари орасида чизиқли боғланиш мавжудлигини ифодаловчи тизим. Т-рани бевосита ўлчаш мумкин эмас. Уни аниқлаш учун термометрик катталик ва термометрик жисм, шунингдек, градус катталиги ва ҳисоблашнинг бошланғич нуқтаси берилган бўлиши, яъни Т.ш.ни аниқлаш керак. Аммо жисм т-расининг ўзгариши унинг қарийб барча физик хоссаларига таъсир қилади. Т-рани ўлчаш учун бу x физик катталикларнинг исталган биридан фойдаланиш мумкин. Т.ш. ни тузиш учун кузатилаётган жисмнинг икки турғун мувозанатли ҳолатини ифодалайдиган $x=x_1$ ва $x=x_2$ нуқталарга мос келувчи t_1 ва t_2 танланади. Мас., бундай нуқталардан бири нормал босимда музнинг эриш нуқтаси ва иккинчиси сувнинг қайнаш нуқтасидир. Т-ралар фарқи t_2-t_1 Т.ш.нинг асосий т-ра оралиғи деб аталади. Термодинамик катталик x б-н t т-ра ўзаро чизиқли боғланган ҳамда қулайлик учун $t=0$ ҳисобланиб, эмпирик Т.ш.га эга бўлиш мумкин. Бу шкалада бўйича т-ра

$$t = t_2 \frac{x-x_1}{x_2-x_1}.$$



Цельсий, Реомюр ва Фаренгейт температура шкалалари.

Дастлабки мукаммал Т.ш.ни 1715 й.да Г. *Фаренгейт*, иккинчи Т.ш.ни 1730 й.да француз табиатшуноси Р. А. Реомюр (1683—1757), учинчисини эса 1742 й.да А. *Цельсий* таклиф этган. Бу Т.ш.лар т-ра бирликлари °F, °R, °C б-н белгиланади. 1848 й.да У. *Томсон* (лорд Кельвин) мутлақ эмпирик Т.ш.ни таклиф этди. Бу *термодинамик температура шкаласи* номини олган. Бунда т-ра мутлақ нолдан бошлаб ҳисобланади. Т-ра бирлиги К да белгиланади. Т-ра бирлиги К да белгиланади. Т-ра бирликлари Ф. Реомюр (°F), Реомюр (°R), Цельсий (°C), Кельвин (К) шкалаларида (қ. *Градус*) нормал босимдаги музнинг (қ. *Градус*) нормал босимдаги музнинг эриш нуқтаси ва сувнинг қайнаш нуқтаси *репер нуқталар* деб қабул қилинган. Бу шкалаларда т-ра оралиғи 180, 80, 100 ва 100 мос равишда. 180, 80, 100 ва 100 мос равишда, 180, 80, 100 ва 100 қисмларга бўлинган бўлиб, т-ра қийматлари қуйидаги муносабат бўйича боғланган:

$t°C=0,8t°R=(1,8t+32)°F=100°C=80°R=212°F.$

Жуда юқори ва жуда паст т-раларни ўлчай оладиган ҳамда термик жисмлар ва катталикларга боғлиқ бўлмаган мутлақ термодинамик Т. ш. (Кельвин шкаласи) термодинамиканинг II қонунига асосан қурилади.

Т-рани ўлчашдаги хатоликларни камайтириш учун термодинамик т-ра шкаласини тузишда аввалгидек музнинг эриш ва сувнинг қайнаш нуқталаридаги жисм хоссаларига асосланмасдан, битта репер нуқтадаги жисм хусусиятларидан фойдаланишга келишилган. Бундай нуқта бир вақтнинг ўзида уч агрегат ҳолат (газсимон, суюқ ва қаттиқ) да бўлган сувнинг *учлама нуқтасидир*. Бу нуқтага мос т-ра 273,15 К га тенг қилиб олинган. Мутлақ термодинамик Т.ш. физикада асосий Т.ш. ҳисобланади.



Цельсий ва Кельвин температура шкалалари.

ТЕМПЕРАЦИЯ (лот. temperatio — тўғри нисбат, мутаносиблик) — мусиқа товушқатори поғоналари орасидаги интерваллар нисбатларини текислаш. Товушларнинг баланд-пастлик муносабатларини қисман ўзгартириш б-н Т.га эришилади. 16—18-а.ларда *гармония* ҳамда кўп овозли мусиқа жанрлари ривожи натижасида ҳозирги 12 поғонали тенг ўлчовли Т. юзага келди (М. Мерсенн, А. Веркмейстер, И. Нейдхарт ва б.). Мазкур Т.дан илк бор И.С. Бах ўзининг «Яхши темперацияланган клавир» (1722—44) ва «Фуга санъати» (1750) туркумларида, кейинчалик П. Хиндемит «Тоналликлар ўйини» (1940) ва б., Ўзбекистонда Г. Мушель ҳам «24 та прелюдия ва фуга» (1975) каби асарларида юксак бадиий даражада фойдаланишган.

ТЕМУР — қ. *Амир Темур*.

ТЕМУР МАЛИК (12-а. охири — 13-а.нинг 1-ярми) — хоразмшоҳ *Муҳаммад* ҳукмронлиги даврида Хўжанд ҳокими, *Жалолиддин Мангубердининг* яқин сафдоши, *мўғуллар истилосига* қарши кураш олиб борган саркарда, халқ қаҳрамони, 1219 й.нинг декда 3 кунлик жангдан кейин *Банокатни* эгаллаган Алоқ нўён бошлиқ 5 минг кишилик мўғул қўшини Хўжандни қамал қилишга киришади. Т.М. илғарироқ ҳар эҳтимолга қарши Сирдарё ўртасидаги оролда, сув 2 шохга бўлиниб оқадиган жойда, бир мустаҳкам қалъа қудириб қўйган эди. Мўғул қўшини сон ва қурол-аслаҳа жиҳатдан устун бўлгани боис шаҳарни мудофаа қилиш қийинлашади. Натижада, Т.М. 1000 кишилик отряди б-н 1220 й.нинг апр.да оролга кўчиб ўтади ва тезликда қалъани жанга тайёрлашга киришади. Шаҳар ва қалъа атрофини душман ҳалқа қилиб ўраб олади. *Манжаниқдан* отилган тошлар оролга етмагандан сўнг мўғуллар хўжандлик ёшлар ва илғари олинган асирлардан ҳашар тарзида фойдаланишга қарор қиладилар. Тахм. 50 минг ҳашарчи теварак-атрофдан тош, шох-шабба ва хашак келтириб дарёга ташлайди, мўғулларнинг 20 минг кишилик қўшини эса жангга киришади. Т.М. устн намат ҳамда сирқали лой б-н сувалган, ўқ отиш учун даричалари бор кемалар ясатади. Кунда тонгда ҳар икки томонга 6 талан кемада сузиб келиб, ёвга қирғин келтиради. Охир оқибат вазият танглашгач, Т.М. оролни ташлаб кетишга мажбур бўлади. У қолган аскарлари ва юклари ортилган 70 қайиқда Сирдарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Барчинлигкент (Қизилўрдадан тахм. 50 км жан.да бўлган) яқинида мўғуллар дарёни тўсиб қўядилар. Т.М. қирғоққа тушиб, душман б-н жанг қилади. Кўп талафот бериб, ёлғиз ўзи Қизилқум чўли орқали 1220 й.нинг ёзида Хоразмга етиб келади. Аскар тўплаб Жўжихон қўшинига кучли зарба беради. Касба (Янгикент) ш.ни мўғуллардан озод қилади. Аммо, салтанатда юзага келган мушкул сиёсий вазият туфайли Хоразмни

тарк этади. Т.М. 1221—32 йлар давомида Султон Жалолиддин б-н биргаликда мўғулларга қарши кураш олиб боради. Жалолиддин ҳалокатидан кейин ўз юртига қайтади. Маълум вақтдан сўнг Т.М. мўғуллар томонидан қўлга олинади ва қатл қилинади.

Т.М. жасорати ҳақида *Мирмуҳсин* «Темур Малик» романи (1986)ни ёзган. *Ашрафий* «Темур Малик» номли симфоник поэма (1963) яратган ва *Навоий театрида* унинг «Темур Малик» балети (1970) қўйилган. Тошкент шаҳридаги шоҳ кўчаларининг бирига Т.М. номи берилган.

Ад.: Рашид ад-Дин, Сборник летописей, т.1, книга 2, [Перевод с перс. яз. О. И. Смирновой], М.—Л., 1952; Бартольд В. В., Сочинения, т.1, М., 1963; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1994.

Ҳамидулла Дадабоев.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» — *Амир Темур*нинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятидан маълумот берувчи тарихий асар. «Тузуки Темур» ва «Тузукоти Темур» номлари б-н аталган. Амир Темурнинг «Тузуклар» муаллифи эканлигини эътироф этадиган олимлар кўпчиликни ташкил этади. Булар орасида «Т.т.»нинг инглизча таржимонлари ва ноширлари Деви ва Уайтлар, машҳур турк қомусий олими Шамсуддин Сомий, қўлёзмаларнинг йирик тадқиқотчиси Н.Д. Миклухо-Маклайлар ҳам бор. Бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрича, асар 16—17-а.ларда Ҳиндистонда ёзилган.

Асар 2 қисмдан иборат. Биринчи қисмда Амир Темурнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Моваройуннаҳрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, сиёсий тарқоқликка барҳам бериши, марказлашган давлат тузиши, 27 мамлакатни, жумладан, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда ҳукмдори *Тўхтамиш*, турк султони *Боязид* I Йилдиримга қарши ҳарбий юришлари, улкан салтанатини мустаҳкамлаш учун турли ижтимоий табақаларга нисбатан қандай муносабатда бўлганлиги буюк соҳибқирон тилидан ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисм машҳур жаҳонгирнинг фарзандларига аталган ўзига хос васият, панд-насиҳатлари ва ўгитларидан иборат. Унда давлатни идора этишда кимларга таяниш, тожу тахт ғаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини танлаш, армиянинг тузилиши ва жанг олиб бориш қоидалари, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва б. мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш йусини ва б. хусусида гап боради.

Асар Амир Темур давридаги ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. «Т.т.» («Тузуки Темурий»нини фанда қайд этилган илк нусхаси эски ўзбек тилда битилганлиги маълум. Бу ҳукмдорнинг турк ҳокимларидан бири — Яман ҳокими Жаъфар Пошо (ҳукмронлик йиллари 1607—12) нинг кутубхонасидаги туркий тилда ёзилган асар б-н боғлиқ. «Тузуки Темурий»нинг сўз бошида келтирилишича, ўртаосиёлик Мир Абу Толиб Ҳусайний ал-Аризий ат-Турбатий Маккан мукаррама ва Мадинан мунавварага ҳаж қилган вақтида асарни ўқишга муяссар бўлган ва 1610 й. Жаъфар Пошонинг топшириғи б-н уни форс тилига ўгирган. Бизгача ана шу форсий нусха тош босмалар, замонавий нашрлар ва қўлёзмалар шаклида етиб келган. Ҳусайний Турбатий форсча таржимани 1637 й. бобурий ҳукмдор Шоҳ Жаҳонга (1628—57) тортиқ қилган. Шоҳ Жаҳон таржима б-н таништириб чиқиб, унда айрим ноаниқликлар ва камчиликлар топган ҳамда йирик олим, Деқан вилоятининг қозикалони Муҳаммад Ашраф Бухорийни (вафоти 1652 й.) ҳузурига чақиртириб, мазкур таржимани мўътабар асарлар, хусусан, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си ва шунга ўхшаш муҳим манбаларга солиштириб чиқиш ва шу йўл б-н таржимадаги хато ва камчиликларни бартараф қилишни топширган. Муҳаммад Ашраф Бухорий кўрсатмага кўра, Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатий нусхасини диққат б-н таҳрир қилган. Шу зайлда асарнинг янги, тўлдирилган таҳрири вужудга келади ва у «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Воқеоти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номи б-н танилади. Кейинчалик ундан кўплаб нусхалар кўчирилгани маълум.

Маълум бўладики, Бобурийлар салтанатида «Тузуки Темурий» асосида иккита мустақил асар вужудга келган ва уларнинг кейинги асрларда тарқалиши б-н боғлиқ ушбу хос тафсилотлар бор.

«Тузуки Темурий» нусхасини дастлаб Ҳиндистонда ишлаган инглиз зобити майор Деви 1779 й.да Англияга олиб келган. Сўнгра араб тили проф. инглиз майори Уайтга уни кўриб чиқиш учун топширган. Уайт «Тузуки Темурий»нини форсча матнини нашрга тайёрлаган, майор Деви эса уни инглизчага ўгиран ва кўрсаткич, изоҳлар б-н таъминлаган. Асар матни ва инглизча таржимаси 1783 й. Буюк Британиянинг Оксфорд ш.да нашр этилган.

Айнан шу нашр дунё мамлакатларига кенг тарқалган ва «Тузуки Темур» ёки «Тузукоти Темур» номи б-н шуҳрат топган. Оксфорд нашри кейинчалик ҳеч бир ўзгаришсиз, жаҳоннинг кўплаб шаҳарларида, мас., 1785 й. Калькутта, 1868, 1963 ва 1992 йларда Теҳрон, 1890 й. Бомбейда чоп этилган. Бу нашрлар кўплаб мамлакатларга, жумладан, Ўрта Осиёга ҳам тарқалган.

Уайт ва Деви нашр этган форсча матндан таниқли шарқшунос Л. Ланглэснинг француз тилига ўгирган таржимаси 1787 й. Парижда нашр қилинди.

1892 й. Л. Ланглэснинг французча нашридан Н. П. *Остроумов* раҳбарлигида Тошкент гимназиясининг бир гуруҳ талабалари асарни рус тилига таржима қилдилар.

1968 ва 1992 й.ларда И. М. *Мўминов* ёзган қисқа сўз боши б-н Н. П. Остроумов нашри чоп этилди.

«Т.т.»нини Деви ва Уайт нашри асосида чиқарилган тошбосма ва кейинги нашрларидан бири асосида *Алихонтўра* Соғуний 1967 й. Тошкентда «Тузуки Темурий»ни ўзбек тилига таржима қилган ва «Гулистон» журналида таржиманинг фақат 30 фонзи эълон этилган. Асар тўлиқ чоп этилмаганлигининг сабаби ва 1989 й. ўзбек тилига қилинган яна бир таржима хусусида акад. Б. Аҳмедов қуйидагича фикр билдиради: «...Ўша вақтда жамиятимиздаги мавжуд аҳвол, аниқроғи расмий ҳокимият маъмурларининг бўлмиш тарихимизни ўрганишга бўлган ёмон муносабати натижасида Алихонтўра Соғуний таржимаси тўла тарзда босилиб чиқмади. Яна шуни ҳам қайд этмоқ лозимки, таржиманинг босилган қисми баъзи камчиликлардан ҳам ҳоли эмас эди. Унда, масалан, айрим жумлаларнинг ташлаб кетилгани аниқланган, асл матндан четга чиқиш ҳоллари мавжуд, киши номлари, жўғрофий атамаларда ва истилоҳларда галатликлар бор. Муҳим тарихий воқеалар, тарихий шахслар, жўғрофий ва этник номлар, турли атамалар ва уларнинг шарҳлари эркин талқин этилган. 1989 й.да Алихонтўранинг ўша нашрини «Тузуки Темур»нинг Бомбейда чоп этилган форсча матнига солиштирган ҳолда ўзбек тилида яна бир таржима амалга оширилди. Уни ўзбек шарқшуноси Ҳабибулла Каромат ҳозирлаб, олдин «Шарқ юлдузи» журналида (Тошкент, 1989, 8-сон), сўнгра алоҳида китоб ҳолида (1991) Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида нашр эттирди».

Мазкур нашрни тайёрлашда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланаётган 1785 й. Калькутта, 1868 й. Теҳрон ва 1890 й. Бомбей нашрларига А. Соғуний таржимаси б-н солиштирилган. Таржима матни форсий асллигидан анча фарқланган боис Бомбей нашри асосида қайтадан ўзбек тилига ўгирилган ва оғир қатлаги даврида ўзбек халқига Амир Темур тўғрисидаги ҳақиқатни етказишга интилган Алихонтўра Соғуний номлари ҳўрмат юзасидан янги таржимада 1-ўринга қўйилган. Бу б-н, 1967 й.да бошланган хайрли ишни ниҳоясига етказиб, марҳум домланинг руҳи покларини шод этиш мақсади кўзланган.

Асарининг «Шарқ юлдузи» журнала чоп этилган таржимаси асосида 1991 й. Боку ва Олмаотада ҳам «Темур тузуклари»нинг қозоқ ва озарбайжон тилларидаги таржима китоблари нашр этилди. 1996 й. асарнинг янги таржимаси қайта ўзбек тилида чоп этилди.

1999 й. шарқшунос Ҳамидулла Қаромат асарни Бомбей нашри асосида 1-марта бевосита форс тилидан рус тилига таржима қилди.

«Тузуки Темурий»нинг Субҳон Баҳши (Деҳли, 1855) ва Муҳаммад Фазл ул-Ҳақ (Бомбей, 1908) тарафларидан амалга оширилган урдуча таржималари ҳам мавжуд.

«Тузуки Темурий» сифатида танилган айнан Деви ва Уайт нашри дунёнинг турли бурчакларида қайта-қайта нашр этилган ва илмий доирада ишончга кирган боис жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. «Малфузоти Темурий», «Воқеоти Темурий» ва б. номлар б-н танилган ва қўшимча адашиб «Тузуки Темурий»га нисбат берилаётган асар нусхасининг юзага келиши тўғрисида араб олими Маҳар Шиҳоб «Темур» номли китобида «Тузуки Темур»нинг юқорида эслатилган инглиз ва франц тилидаги нашрларининг сўз бошларини ўрганиш асосида шундай ёзган: «Ва ниҳоят Амир Темур малфузотларининг Абу Толиб ал-Ҳусайний томонидан қилинган ушбу таржимасидан форс тилига ўгирилган бошқа 2 нусхаси (Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон кўрсатмасига биноан, Муҳаммад Афзал Бухорий томонидан тайёрланган нусхалар назарда тутилмоқда) топилгунга қадар бу ҳол шу зайлда давом этди». Улардан 1-нусхани Ҳиндистонда хизматда бўлган инглиз зобитларидан бири Деҳлига мўғул — мусулмон султонлари набираларининг биридан олишга муваффақ бўлади. Шу боисдан ҳам мазкур нусха Султоний нусха (нусхаи Императория) номи б-н аталади. Малфузотнинг иккинчи нусхаси ҳам Деҳлидан топилиб, уни ҳам инглиз генералларидан бири Британияга олиб кетади. Янги топилиб, 1830 й.да Англияга олиб келтирилган иккала нусханинг қимматли томони шунда эдики, бу икки нусха Амир Темурнинг малфузотларини тўла-тўкис қамраган бўлиб, улар Соҳибқирон ҳаётини охирги йилигача ҳикоя қиларди.

1830 й. Чарльз Стюарт кейин топилган янги иккинчи нусха Британияга келтирилгач, танишиб чиқиб, бир таржиманинг 2 нусхаси эканлигини аниқлади. Бу таржима муаллифи Хиндистонда салтанат юритган Темурий султонлар давлати ҳокимларидан бири бўлган Шоҳ Жаҳон даврида подшоҳ саройида хизматда бўлган мансабдор шахслардан бири Муҳаммад Афзал ал-Бухорий эди. Мутаржимнинг ёзишича, ушбу таржимани у 1670 йилда амалга оширган. Муҳаммад Афзал ал-Бухорий ўз таржимасининг муқаддимасида ишорат қилиб кетган янги (султоний) нусхага киритилган аксар қўшимчалар, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридан олинганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шундай қилиб, Муҳаммад Афзал Бухорий қайта ишлаган ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си асосида тўлдирилган «Малфузоти Темурий» деб номланган янги асар вужудга келди ва тарқала бошлади. Ҳозирда унинг нусхалари бир қанча мамлакатлар кутубхоналарида сақланмоқда. Шарқ қўлёзмалари каталогларининг тузувчиларидан баъзилари ҳам уни «Тузуки Темурий» дан фарқли ўлароқ «Малфузот» эканлигига ишора қилганлар. Албатта, номланиши «Воқеоти Темурий», «Танзиймоти Темурий» ва б. шаклларда ҳам учрайди. Ундан ташқари кейинги асрлардаги гоҳида тўла, гоҳида ноқис нусхаларида хаттотлар томонидан ўзбошимчалик б-н киритилган кўплаб тўқималар, биринчи нусхаларда бўлмаган воқеалар тафсилотлари ҳам учрайди. Бундан ташқари, зикр этилган 2 ҳар хил асарни «Тузуки Темурий» ва «Тузукоти Темурий» номлари б-н бир муқова ичида кўчириб ёзишган. Шу боис ҳатто Европада ва баъзи бир шарқ мамлакатларида шарқ қўлёзмаларининг чоп этилган каталогларида ҳам шундай чалкашлик кўзга ташланади. Бундай камчилик «Т.т.»нинг 1991 ва 1996 й. нашрлари сўз бошида ҳам бор.

«Малфузоти Темурий»дан қатор таржималар амалга оширилди. 1830 й. Англияда Чарльз Стюарт уни инглиз тилига ўгирди. Унда Амир Темур ҳаётининг 39 ёшигача бўлган воқеалар акс эттирилган.

19 а.да Ўрта Осиёда «Малфузоти Темурий»нинг форсийдан эски ўзбек тилига қилинган 3 таржимаси пайдо бўлди. Шарқшунос Стори каталогида келтирилган маълумотга кўра, улардан биринчи 1836 й. Қўқон хони Муҳаммад Алихонининг буйруғига биноан, Хўжанд қозиси Набижон Маҳдум Хотиф амалга оширган. Таржима форс тилидаги ноқис нусхадан қилинган ва Амир Темурнинг 39 ёшигача воқеалари келтирилган. Ҳозир бу қўлёзма Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда.

Бошқаси, Хивада Муҳаммад Юсуф ар-Рожий томонидан 1856—57й.лар «Тузуки Темурий» номи б-н таржима қилинган ва яна бири «Қиссаи Темур» ва «Малфузот» номлари б-н маълум бўлган Паҳлавон Ниёз Девон тарафидан 1857—58 й. лар Хивада ўтирилган асар. Ҳар иккала нусха Санкт-Петербург ш.да М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Россия давлат миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Набижон Маҳдумнинг кўплаб хатолари бор эски ўзбек тилидаги таржимаси асосида рус шарқшуноси Н. П. Остроумов Туркистон генерал-губер-

натори барон А. Б. Вревский ёрдамида «Малфузот»нинг туркий матнини 1891 й. Тошкентда нашр этди.

Н.П. Остроумов нашри асосида «Малфузот» рус шарқшуноси Нил Ликошин тарафидан 1894 й. Тошкентда рус тилига таржима қилинди. 1934 й. Москвада рус олими В.А. Панов томонидан Остроумовнинг мазкур нашри асосида «Малфузот»нинг янги таржимаси нашр этилди.

1992 й. Тошкентда таниқли шарқшунос Ашраф Аҳмедов Н.П.Остроумов нашрига таянган ҳолда Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сининг танқидий матнидан фойдаланиб, «Малфузот»нинг ўзбек тилидаги замонавийлаштирилган эркин табдилини амалга оширди.

Ниҳоят, «Малфузот»нинг Ўрта Осиёда амалга оширилган эски ўзбек тилидаги таржималари асосида, сўнгги йилларда, Ўзбекистон олимларидан Ҳ. Бобобеков, Ҳ. Бобоев, А. Қуронбеков томонидан «Тузуки Темурий» (иккинчи қайта нашрига «Зафарнома» деб ном қўйилган) ҳамда «Қиссаи Темур» («Малфузоти Темурий») китоблари чоп этилди.

Ад.: Темур тузуклари [форсчадан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси], Т., 1991, 1996; Кароматов Ҳ., «Темур тузуклари»ни Ўзбекистонда ўрганиш муаммолари (Темурийлар даври маданий ёдгорликлари), Т., 2003.

Ҳабибулла Кароматов.

ТЕМУР ХОҚОН, Тэмур қаған (1265—1307) — Хитойда Хубилай хоқон томонидан асос солинган Юань империяси (1271—1367) ҳукмдори (1295—1307). Т.х.нинг 13 йиллик ҳукмронлик даври Хитой солномаларида Юань-Чжен (1295—97) ҳамда Да-де (1297—1307) тарзида номланган. Т.х. *Ўқтойхон* авлодларидан Хайду нўён томонидан Хубилай ва унинг ворислари сиёсатига қарши 40 йил давомида олиб борилган курашга чек қўйган, ўзаро урушлар ҳамда турли табиий офатлар туфайли ночор бўлиб қолган *Қорақурум* аҳолисининг аҳволини енгиллатиш мақсадида катта миқдорда мис тангалар зарб қилдириб, уларни бошқа турли товарлар қатори Мўғулистонга жўнатган. 1307 й. Қорақурумда «буюк хоқон (қоон) сайёр котибияти» ташкил этилиши натижасида «Тартиб сақлаш бошқармаси» (сюан-вэй-си) тугатилиб, ўрнига Қорақурум олий доруғаси қароргоҳи таъсис этилган.

ТЕМУРИЙЛАР, Темурийлар даври — ўрта асрларда соҳибқирон *Амир Темур* асос солган марказлашган буюк салтанатни идора этган сулола. Т. ҳулули шим.да Или дарёси ва Хоразм (Орол) денгизидан жан.да Форс қўлтиғига қадар, шарқда Хитой ва Ҳиндистондан ғарбда Трабзун (Қора денгиз)га қадар улкан майдонни қамраган. Давлат тузилиши, қонун ва қоидалари жиҳатидан Т. мусулмон Шарқида ўрта асрларда ҳукм сурган давлатлардан катта фарқ қилмаса-да, аммо унинг бошқарув тизими Туркистон ва Мовароуннаҳр давлатчилигининг асрий анъаналари, салтанатга кирган мамлакатлар б-н маданий алоқалар асосида янги тартиб ва қоидалар б-н такомиллаштирилган.

Марказлашган давлат тепасида: Темур ибн Тарағой Баҳодир (1370—1405); *Шоҳрух* ибн Темур (1409—47); *Улуғбек* ибн Шоҳрух (1447—49); *Абу Саид* ибн Султон Муҳаммад (1458—69);

Мовароуннаҳрда (пойтахти Самарқанд): *Халил Султон* (1405—09); Улуғбек (1409—49); *Абдуллатиф* (1449—50); *Абдулло Мирзо* (1450—51); Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1451—69); *Султон Аҳмад Мирзо* (1469—94); *Султон Маҳмуд Мирзо* (1494—98); *Султон Али Мирзо* (1498—1500).

Хуросонда (пойтахти Ҳирот): Шоҳрух (1396—1447); Улуғбек (1447—49); *Абулқосим Бобур* (1449—57); Шоҳ Маҳмуд Мирзо (1457); Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1458—69); Ёдгор Мирзо (1470), *Ҳусайн Бойқаро* (1470—1506); *Бадиуззамон* ибн Султон Ҳусайн (1506—07); Музаффар Мирзо (1506—07).

Сиёсий ҳаёт. Ниҳоятда кенгайиб кетган давлат Амир Темур вафотидан сўнг ворислар ўртасидаги низолар натижасида заифлаша бошлади. 1405 й.нинг 16 март куни Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори деб эълон қилади. Оқибатда шаҳзода, амир ва вилоят ноибларининг норозилиги кучайиб, исён ва ғалаёнлар кўтарилади. Даставвал Фарғонада Худойдод б-н Шайх Нуриддин Халил Султонга қарши қўзғалиб, Ўратепа ва Фарғонани эгаллаб олди. Бу даврда Хуросонда Шоҳрух, Балх, Ғазни ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад; Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда *Мироншоҳ*нинг ўғиллари Умар Мирзо ва Абубакр Мирзо ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам вилоятлари амир Бердибекнинг тасарруфига ўтади, *Олтин Ўрда* амирларидан *Идику* Хоразмни забт этади. 1405—08 й.ларда Балх, Хуросон, Сейистон, Кермон ва Озарбайжонда темурий шаҳзода ва айрим амирларнинг бирин-кетин кўтарилган ғалаёнлари кучайиб кетади. Валиаҳд Пирмуҳаммад бундай ғалаён ва фитнанинг қурбони бўлади (1407 й. 22 фев.). 1408 й. 22 апр. куни қорақуюнли туркманларнинг етакчиси *Қора Юсуф* б-н бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлиб, Озарбайжон ва Ироқ вилоятлари темурийлар қўлидан кетади.

15-а.нинг 20-й.ларида бу улкан мамлакат 2 давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жан.да жойлашган бўлиб, уни Шоҳрух бошқарган (маркази Ҳирот ш.) эди. Иккинчиси эса, Амударёдан шим.да — Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келиб (пойтахти Самарқанд ш.) уни Улуғбек идора этган эди.

Улуғбек отаси Шоҳрухнинг кўмаги б-н аввал (1413) Хоразмни, сўнгра (1415) Фарғона ва Қашғарни ўз тасарруфига олиб, давлатининг ғарбий ва шарқий чегараларининг хавфсизлигини таъминлаган бўлса-да, аммо унинг шим. ва шим.-шарқий томонлари хавотирли эди. Шу боисдан 15-а.нинг 30—40-й.лари отаси Шоҳрух б-н бирга Дашти Қипчоқда *Абулхайрхон* б-н кураш олиб боришига тўғри келади. Чунки кўчманчи чорвадорлар Мовароуннаҳрнинг вилоятларига муттасил бостириб кирар ва ўтроқ аҳолини ғорат қилар эди. Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса, ташқи сиёсатда Улуғбек Т. нинг бош ҳукмдори Шоҳрухнинг иродасини изчил амалга оширади. Ташқи ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани у отаси б-н маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг рози-ризолиги б-н ҳал этган.

Шоҳрух 1447 й. 12 март куни невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш вақтида Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳрух вафотидан сўнг, Хуросон ва Мовароуннаҳрда темурий шаҳзодалар ўртасидаги низолар яна авж олади. Бу кураш оқибатида замонасининг машҳур олими ва ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1449 й. 27 окт.да 55 ёшида Самарқанд яқинида фожиали суратда ҳалок бўлади. Улуғбек Мовароуннаҳрни 40 й. (1409—49) идора этди. Бу даврда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида кескин кураш давом этганлигига қарамай, у шиддатли ҳарбий юришлар уюштиришга интилмади. Аксинча, у ўз давлатини мустаҳкамлашга, мамлакат бирлигини сақлаб қолишга ва маданий ҳаётни кўтаришга ҳаракат қилди. Улуғбек фожиасидан сўнг, ҳокимиятга бир вақтнинг ўзида Самарқандда Улуғбекнинг куёви *Абдулло Мирзо*, Бухорода эса Мироншоҳнинг набираси Султон *Абу Саид*лар подшоҳ қилиб кўтарилади. Абдулло Мирзо мамлакатда барқарорликни тиклаш учун барча чораларни кўради, аммо Т. тахтида узоқ вақт ўтира олмайди. Аввал у амакиваччаси Абу Саид б-н, сўнгра қариндоши Алоуддавла б-н курашади. Муҳорабада иттифоқчилар ғалаба қозонади. Абдулло Мирзо жангда ҳалок бўлади. Абу Саид Абулхайрхон ёрдамида Самарқандни эгаллаб, Мовароуннаҳрга ҳоким бўлиб қолади.

Т. мулкининг Хуросон қисми бу даврда Шоҳрухнинг набираси *Абулқосим Бобур* тасарруфида эди. 1457 й.гача у Хуросонни ўз қўлида тутиб туради. Ҳар иккала давлат ўртасида низо кучайиб борди. Ёзма манбаларда қайд этилишича, Хуросонда бошбошдоқлик авж олиб, у бўлакларга бўлиниб кета бошлади.

1457 й.да Абулқосим Бобур вафот этгач, Абу Саид Ҳирот ш.ни эгаллаб, салтанатнинг ҳар 2 қисмини бирлаштиради. Бу даврда Султон Ҳусайн (Умаршайхнинг набираси) Хоразмни эгаллаб олади (қ. *Ҳусайн Бойқаро*).

1469 й. баҳорида Абу Саид (Озарбайжон, Ғарбий Эрон ва Ироққача бўлган вилоятларни эгаллаб турган) оққўюнли туркманларга қарши юриш қилади. Мугон (Озарбайжон) чўлида *Узун Ҳасан* б-н бўлган жангда Абу Саид ҳалок бўлади. Отасининг ўлимидан сўнг, Абу Саиднинг ворислари Султон Ҳусайн б-н тўқнашмай Мовароуннаҳрга қайтадилар. 1469 й.нинг 24 мартида Султон Ҳусайн Хуросон ҳокими сифатида Ҳиротнинг тахтини эгаллайди. Натижада Т. мулки яна 2 мустақил қисмга бўлиниб кетади.

Мовароуннаҳрда Абу Саиднинг ўғиллари *Султон Аҳмад Мирзо*, *Султон Маҳмуд Мирзо* ва *Султон Али Мирзо* ҳокимлик қилади. Бу даврда Мовароуннаҳр ҳам ўзаро ихтилофдаги шаҳзодалар ва мулкдор зодагонларнинг вилоят ҳокимликларига бўлиниб кетади. Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида суфийлик таълимотининг йирик намояндалари, хусусан *Хожа Аҳрор*нинг таъсири кучаяди, ҳатто у сиёсий ҳаётда ҳам муҳим роль ўйнай бошлайди. Мас., мамлакат уруш хавфи остида қолиб, эл-юрт бошига оғир ташвишлар тушган пайтда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор бир неча бор уни бартараф қилишга жонбозлик кўрсатади.

Султон Ҳусайн Бойқаро идора қилган давлат Шарқий ва Шим. Эрон вилоятлари ва Хоразмни бирлаштирган эди. У Т.нинг қарийб 40 йил ҳукм сурган сўнгги йирик салтанати бўлиб, унда сиёсий вазият осойишта эмас эди. Хуросонда бетўхтов давом этган ўзаро урушларга, шаҳзода ва амирларнинг бошбошдоқлигига қарамай мамлакат аҳолисининг турмуш тарзи ва маданий ҳаёти Мовароуннаҳрдагига нисбатан юксакроқ эди.

Аммо мамлакатнинг сиёсий ҳаётида кучайиб бораётган кескинлик ички муносабатларда тобора таъсири ортиб бораётган Даштиқипчоқлик ўзбекларнинг Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга олишини ҳамда Т. сулоласининг заифлашувини янада тезлаштирди.

Давлат бошқаруви. Т.да аввал ҳокими мутлақ — Амир Темур, сўнгра эса унинг ворислари бевосита ҳукмронлик қилишган. Салтанатни *девонбеги* — бош вазир бошлиқ 7 вазирликдан иборат аркони давлат — Вазирлик маҳкамаси бошқарган. Улардан 1-си — мамлакат ва раият вазири. У вилоят ва туманлардан тўпланадиган ҳосил, солиқ-ўлпонлар ва мамлакат ободонлиги б-н шуғулланган. 2-си — вазири сипоҳ, яъни ҳарбий ишлар вазири. У навкарларнинг таъминоти (маоши, озиқ-овқат ва қурол-яроғлари) б-н шуғулланган. 3-си — тижорат (савдо) вазири эди. У ташқи савдо божи тамға, чорвачиликдан тўпланадиган закот, эгасиз қолган мол-мулкларнинг тасарруфи, мерос ва меросхўрлар каби масалалар б-н шуғулланган. 4-си — салтанатнинг молия ишлари вазири бўлиб, давлат хазинасининг кирим-чиқимларини бошқарган. Чегара вилоятлари ва тобе мамлакатлар бошқарувини назорат қилиш учун махсус 3 та вазир тайин этилган. Улар мазкур вилоят ва мамлакатлардан давлат хазинасига тушадиган даромадларни назорат қилган. Ўз навбатида бу 3 вазир салтанатнинг «холиса» деб юритилган бош назорат ҳайъатини ташкил этган. Бу 7 вазир девонбегига бўйсунган ва у б-н бамаслаҳат давлатнинг молиявий ишларини амалга оширганлар. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, Амир Темур ва

Амир Темур лашкарининг Сейистонни забт этиши. Миниатюра (1628—1629 й.лар).

Т. ҳукмронлиги даврида салтанат девонхонасида Амир Довуд, Жалолуддин Фирузшоҳ, Ғиёсуддин Шоҳмалик, Алоуддин Алика Кўкалдош ва Алишер Навоийдек доно девонбегилар бу олий мансабда фаолият кўрсатганлар, мамлакатни ободонлиги йўлида беқиёс хайрли ишларни амалга оширганлар.

Девонхона қошида арзбеги, садри аъзам, шайхулислом ва аҳдос қозиси каби лавозимлар мавжуд бўлган. Арзбеги фуқаро ва сипоҳийлардан тушадиган арзу шикоятлар ҳамда мамлакатдаги аҳвол тўғрисида маълумот тўплаш ва бу борада олий даргоҳга ахборот бериб туриш каби вазифаларни бажарган. Садри аъзам — бош садр мамлакатдаги барча вақф хўжаликларини назорат қилган; давлат ҳамда ер эгалари томонидан вақф қилинган ерлар ва мулкларни қайд этган ва вақфномалар тузиб уларни қонунлаштирган. Шайхулислом аҳолининг турли ижтимоий табақалари ўртасида шариат аҳкомлари ва ислом ақидаларининг бажарилишини назорат қилган.

Давлатнинг бош қозиси — қози ул-қуззот «аҳдос қозиси» номи б-н юритилиб у фуқаро ишлари б-н шуғулланган. Салтанат маҳкамасида кирим-чиқимларни қайд этувчи махсус мунши — котиб фаолият кўрсатган.

Мамлакат маъмурий жиҳатдан улус, вилоят ва туманларга бўлиниб, улар ҳоким, ноиб ва туман бошилар томонидан бошқарилган. Улар-

нинг аксарияти ҳарбий — амирлардан иборат эди. Ҳар бир шаҳар ва вилоятнинг молия девони, қозиси, муфтиси, мутаваллиси ва мухтасиби бўлган. Лашкарлар учун ҳатто махсус қозийи лашкар тайин этилган. Ҳар бир шаҳар ва қалъаларда қутвол (комендант) тайинланиб, унга шаҳар ва қалъа истеҳкомларини таъмирлаш ва уларнинг мудофааси юкланган. Фатҳ этилган вилоят ва ҳудудлар темурзодалар ва хизмат кўрсатган амирларга *суюрғол* тарзида инъом қилиниб, улар орқали бошқарилган. Мас., Амир Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгирга Балх вилояти; Умаршайхга Форс вилояти; Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон; Шоҳрухга Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон берилган. Гарчи улуслар марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, аммо улар маълум даражада мустақил эдилар. Уларда алоҳида девонхона, қўшин бўлиб марказий ҳукуматга тобелик хирожининг бир қисмини Самарқандга юбориш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришларида ўз қўшини б-н қатнашиш ёки талаб этилган сонда аскар юборишдан иборат эди.

Суюрғолга эга бўлган вилоят ҳокимлари — шаҳзодалар ўз улусларида иложи борича мустақил ҳукмронлик қилишга интилган. Марказий ҳокимият эса, вазият жиддийлашгандагина уларнинг ички ишларига аралашган. Шубҳасиз суюрғол асосида шаклланган мулкчилик бошқарув тартибининг кучайиши вилоятлар мавқеининг ошишига олиб келган ва ички низоларни келтириб чиқарган. Т.даврида ўрта аср йирик мулкдорлари давлат таянчи бўлиб, маъмурий жиҳатдан унинг такомиллашувига суюрғолнинг кенг тарқалиши жиддий тўсқинлик қилган.

Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамияти катта бўлгани туфайли унинг такомилига алоҳида эътибор берилган. Амир Темур амир ва амир ул-умаро — бош амир каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий этган, қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуроллениши ҳамда уларнинг интизоми масалаларига ниҳоятда аҳамият берган (қ. *Темурийлар ҳарбий санъати*).

Давлатни бошқаришда қурултой ва кенгашлар ўтказиш алоҳида ўрин тутган. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур томонидан Қарши, Самарқанд, Қорабоғ ва б. жойларда ўтказилган қурултой ва кенгашларда шаҳзодалар, давлат маъмурлари, ҳарбий бошлиқлар, уламолар ва мулкдор зодагонларнинг вакиллари қатнашган. Уларда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволига оид масалалар муҳокама этилиб, қарорлар қабул этилган ва тадбирлар белгиланган. Мас., 1403 й.да Кавказнинг Байлақон ш.да чақирилган кенгашга олиму фузалолар таклиф этилган. Улардан мамлакатни бошқаришда, хусусан, унинг ободончилиги йўлида амалга ошириладиган хайрли ишлар — жамоат бинолари ва иншоотлар қурилишларида ўз маслаҳатлари б-н кўмак беришлари сўралган.

Т.даврида ўтказилган қурултой, кенгаш, шоҳона қабуллар ва лабдабали сарой маросимларига ўрта асрлар давлатчилигининг ўзига хос анъаналари мужассам этилган. Тантанали издиҳом тартиби-ю қоидаларидан тортиб, аъёнларнинг тўёна либосу ўринларигача эътибор берилган. Мас., расмий маросимларда амир ул-умаро, беклар бегилар, амирлар, нуёнлар, сардорлар, улус, тумонот ва қўшунот амирлари, шунингдек, минтбошилар, юзбошилар мансаб ва мартабаларига қараб ҳукмдорнинг сўл томонидан; сайидлар, қозилар, уламо, фузало машойих, улуғ ва олий табақадаги кишилар ўнг тарафидан ўрин олганлар. Девонбеги ва вазирлар — тахт рўпарасидан, калонтарлар (шаҳар ҳокимлари), калхудолар (қишлоқ оқсоқоллари) вазирларнинг орқасидан жой олган. Баҳодурлар, қиличбоз йигитлар — тахт орқасида, унинг ўнг тарафидан, қоровуллар эса, тахт орқасининг чап тарафидан ўрин олишган.

Амир Темур ҳаётлик даврида ўқ давлатни бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у «*Темур тузуклари*» номи б-н шуҳрат топган. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми (йўналиши) ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва б. мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби ва б. баён этилади. Шундай қилиб, Т.да давлат тузилиши, қонун-қоидаларни тартибга солиш б-н бир қаторда, олий даргоҳ ҳаёти б-н боғлиқ анъаналар ҳам қарор топган.

Мамлакат ободончилиги. Амир Темур ва Т мамлакат мустақиллиги, эл-юрт осойишталиги ва уни обод этишга катта аҳамият бердилар. Бу даврда Чингизхон ҳужуми ва мўғулларнинг бетўхтов босқинлари оқибатида вайронага айланган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Бавокат (Шоҳрухия) каби қад. шаҳарлар, қалъа ва истеҳкомлар қайта тикланди, яъни шаҳарлар ва қишлоқлар қад кўтарди. Марказий шаҳарлар ва уларнинг теварак атрофида кўркам маъмурий, маърифий ва жамоат бинолари, сув иншоотлари қурилиб, боғу бўстонлар барпо этилди (қ. *Амир Темур боғлари*). Дарё ва сойлардан йирик суторили тармоқлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди, сугорма деҳқончилик майдони кенгайтирилди. Солиқ тизимининг тартибга солинишига б-н мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳамда ички ва ташқи савдо ривожланди.

Соҳибқирон Кеш ш.га алоҳида эътибор бериб, уни Туркистон диёрининг маънавий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Бу шаҳар «Қуббат ул-илм вал-адаб» («Илм ва адабнинг гумбази») деб юритилди. Самарқанд салтанат пойтахтига айлантирилгач, унда Исфаҳон, Шероз, Халаб, Хоразм, Бухоро, Насаф ва Кешнинг меъморубинокорлари қўли б-н саройлар (Бўстонсарой, Кўксарой), масжидлар, мақбара ва хонақоҳлар қурилди. 1403—04 й.ларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де *Клавихо* Амир Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган.

14-а.нинг охири — 15-а.ларда Самарқандда кўркам ва муҳташам биноларидан ташқари, турли-туман ҳунарлардан ташкил топган ҳунармандлар маҳаллалари юзага келди. Кламандлар ихтисослашган ипакчилик, ҳунарли бирорта кишининг Моваройуннаҳрни тарк этишига йўл қўйилмаган. Аксинча, Амир Темурнинг амри б-н Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Халабнинг машҳур пахта йигирувчи ва Анқаранинг мовут тўқувчилари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, ҳуллас, касб-ҳунар соҳасида қайси шаҳарда ном чиқарган ҳунарманд бўлса, Самарқандга кўчирилиб келинган. Шаҳарда турли мазҳаб ва динлардаги кишилар яшаган.

Амир Темурнинг ободончилик фаолияти анъанага айланиб, унинг ворислари томонидан давом эттирилган. Темурий шаҳзодалар, нуфузли амирлар, вазирлар, вилоят ва улус ҳокимлари, ҳатто айрим маликалар ўз шахсий маблағларининг каттагина қисмини масжид, мадрасалар, хонақоҳ, шифохоналар, ҳаммому бозор-раста (чорсу)лар, работу карвонсаройлар, сув иншоотларию боғ-роғлар барпо этишга сарф қилганлар. Масжид ва мадрасалар, шифохона ва хонақоҳларнинг сарфу харажати учун экин майдонлари, тегирмон, обгувоз, мошувоз ва дукончалар вақф этилиб, мударрису талабаларга даҳлсиз (маош) белгиланган.

Ҳирот, Машҳад, Балх ва Марв шаҳарлари ва қасабаларининг обод этилишида Шоҳрух Мирзо ҳамда Улуғбекнинг онаси *Гавҳаршод бегим*нинг ҳиссалари катта бўлган. Мас., 1410 й. Ҳиротда 2 мадраса, хонақоҳ ва ҳаммомли сарой бино қилинган. Ҳиротнинг Саринули Инжил маҳалласида 1432 й.да қад кўтарган мадраса, Машҳалнинг Жоме масжили Гавҳаршод бегимнинг номи б-н боғлиқ. Ушбу мадрасалар қурилишига Қавомуддин меъмор Шерозий бошчилик қилган. Шайх Шаҳобуддин ибн Шайх Рукнуддин мадрасага бош мударрис қилиб тайинланган.

15-а.да Моваройуннаҳрда, хусусан, Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Тошкент ва б. шаҳарларда бинокорлик ишларига, айниқса, Мирзо Улуғбек катта аҳамият берган. Унинг даврида мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, саройлар ва карвонсаройлар қад кўтарган. Қабристон ва иморатхоналар обод этилган. Бу даврда шаҳар ободончилиги, хусусан, меъморлиги ривож топган. Самарқанд Регистони қайта режалаштирилиб, унда мадраса, 210 гумбазли Кўкалдош жоме масжиди, карвонсарой, Муқатта масжиди, Мирзоий ҳаммоми қад кўтарган.

Бу улкан ва ноёб қурилишлар орасида 15-а.нинг 20- й.ларида Самарқандда бино қилинган *Улуғбек расадхонаси* алоҳида ўрин тутади.

15-а.да Хуросон шаҳарлари, айниқса, унинг пойтахти Ҳиротнинг обод этилиши султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг вазири Алишер Навоий номлари б-н боғлиқ. Хуросонда, хусусан, Ҳирот ва унинг теварак атрофида Навоий ва унинг сафдошлари ташаббуси б-н 300 дан ортиқ жамоат бинолари (масжид, мадраса, мақбара, хонақоҳ, ҳаммом, шифохона, сарой, кўшк, истироҳат боғлари, работлар) ҳамда сугориш иншоотлари (ҳовуз, кўприк, банд — сув омборлари) барпо этилган. Қурилишларнинг аксарияти Навоийнинг бевосита ҳомийлиги б-н ёки унинг маблағига амалга оширилган. *Хондамир*нинг ёзишича, Навоий 52 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва бир нечта мадраса, масжид, шифохона ва хонақоҳлар қурдирган.

Моваройуннаҳр ва Хуросоннинг Т. даври бинокорлигида шифохоналар, ҳаммомлар ва истироҳат боғлари алоҳида ўрин тутади. Бундай иншооту истироҳат масканлари Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда 8—9-а.лардаёқ қад кўтариб, 15-а.да эса Самарқанд, Бухоро, Гургонж, Тошкент, Марв, Ҳирот, Газна, Рай, Ҳамадон ва Исфаҳон каби Шарқнинг нуфузли шаҳарларида барпо этилган. Мана шундай шифохоналардан бири темурий маликалардан Мулкат ого томонидан қурилган Дор уш-шифога маълоно Дарвишали боши ҳаким этиб тайинланган. Барча муолажа ишлари унга топширилган. Шифохоналарда махсус дорихоналар бўлиб, дорипазлар беморлар учун дори-дармонлар тайёрлаб берганлар. Бу даврда Ҳирот Дор уш-шифоси, айниқса каҳҳоллари (окулист) гоят шуҳрат топган. Навоийнинг инояти б-н етишиб чиққан Гиёсуддин Муҳаммад, Низомуддин Абдулҳай, Дарвишали, Муҳаммад Юсуф, Абдулҳай дулҳай Туний, Муҳаммад Муъмин каби машҳур табиблар узоқ вақт фаолият кўрсатганлар. Умуман, Навоийнинг ҳомийлигида 12 минг толиби илм, олим, табиб, шоир, мусаввир, заргар, дурадгор ва бинокорлар камол топган.

Темурийлар саройидаги мусиқали базм. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарига ишланган миниатюра.

Салтанатда ҳукм сурган нисбатан барқарорлик, йирик шаҳар ва вилоятларда амалга оширилган ободончилик, сугорма деҳқончиликнинг кенгайиши б-н мамлакатнинг иқтисодий қудратида муҳим ўрин тутган ҳунармандчилик ва товар-пул муносабатларини ривож топган. Илк ўрта асрларда шаклланган 3 қисм (арк, шаҳристон ва рабод)ли воҳа шаҳарлари кенгайиб, кўп дарвозали ягона мудофаа деворн б-н ўралган янги қиёфадаги йирик ва гавжум шаҳарлар қад кўтарган. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Кеш(Шаҳрисабз), Шоҳрухия, Термиз, Насаф ва Аҳсикат каби шаҳарлар ўзининг топографик қиёфаси, аҳолисининг касби-кори, ички ва халқаро ташқи тижорати б-н ўрта асрлар Шарқининг намунали ҳунармандчилик ва гавжум савдо марказларига айланган. Ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топиб, шаҳарларнинг тарихий топографияси тубдан ўзгарган. Уларда ҳунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, гузар, кўчакўй, бозор расталари, тоқу равоқли, гумбазли тимлар —*чорсу*лар қад кўтарган. Кўпгина йирик шаҳарларда «заргарон» («заргарлик»), «мистарон», «сузангарон»(«игнасозлик»), «совутсозон», «сангтарошон» («тоштаровчи»), «шишагарон», «чармгарон»(«кўнчилик») каби махсус ҳунармандчилик маҳаллалари

ташкил топган. Ҳунармандчилик соҳасида тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик ва бинокорлик етакчи ўрин тутган. Самарқандда, айниқса, қоғоз и.ч. алоҳида аҳамият касб этган. Шаҳар яқинида Обирахмат анҳори соҳилида қоғоз ишлаб чиқариладиган махсус обжувозлар ва корхоналар жойлашган (қ. *Ноширлик*).

Ташқи савдо ва пул муносабатлари. Хитойдан Ўрта денгиз бўйлари томон йўналган қад. карвон йўли кесиб ўтган ғоят улкан ҳудудда ягона салтанатнинг барпо этилиши б-н бу халқаро музоқот йўлида Т. шубҳасиз сарбонлик қилиш имконига эга бўлишган. Улар савдо карвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашга, Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаро савдо ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама кенгайтиришга жиддий эътибор беришган. Т.даврида Хитой, Ҳиндистон, Тибет, Олтин Ўрдага тобе Русия, Волга бўйи, шунингдек, жан. Сибирь б-н мунтазам савдо-сотиқ қилинган. Хитойдан, асосан, шойи, чинни, гавҳар ва мушк; Ҳиндистондан ип мато, нил(бўёқ), мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, долчин ва анбар; Русия ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум олиб келинарди; Европадан газмоллар, мовут ва кўпгина бошқа товарлар келтирилган.

Самарқандан чет мамлакатларга: бўз, духоба, шойи газлама, қоғоз, қуруқ мева, гуруч, пахта ва калава (йигирилган ип) ва б. чиқарилган.

Ташқи савдони кенгайтиришда Т.нинг турли мамлакатлар б-н олиб борган элчилик алоқалари муҳим аҳамиятга эга бўлган. 15-а.нинг 20—40-й.ларида Шоҳрух ва Улуғбек идора этган давлатлар б-н Хитой, Тибет ва Ҳиндистон ўртасида мунтазам элчилар алмашиб турилган. 1418 й.да Ардашер бошлиқ Шоҳрух элчилари катта карвон б-н Хитойда бўлган. 1419 й.да эса, бунга жавобан Ли Ди ва Жонг Ку Хитойдан Самарқанд ва Ҳиротга элчи бўлиб келганлар. 1420 й. Шоҳрух ва Улуғбек 530 нафарли элчилик карвонини Хитойга жўнатишган. Шоҳрух элчиларига Шодихожа б-н амир Кўкча, Улуғбек элчиларига эса Султоншоҳ б-н Муҳаммад бахши бошчилик қилган.

Бу даврда Т. Тибет ва Ҳиндистон б-н ҳам элчилик муносабатларини ўрнатишган. 1421 й. Тибетдан Бухоро ва Самарқандга элчилар келган. 1441—42 й.ларда Шоҳрух Ҳиндистонга Бижаянагар саройига тарихчи *Абдураззоқ Самарқандий* бошлиқ элчиларни юборади. У Кермон, Ҳурмуз ва Форс қўлтиғи орқали Ҳиндистонга қилган саёҳатини ёзиб қолдирган.

14-а.нинг охири ва 15-а.нинг 1-ярмида Т. давридаги иқтисодий тараққиётга (ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо) мамлакатда ўтказилган пул ислоҳотлари туртки бўлган. Дастлаб, Амир Темур, сўнгра айрим Т. мамлакатда ягона пул бирлигини жорий этишган. Амир Темур вазни 6 г ли «танга» ва 1,5 г ли «мири» деб юритиладиган 2 хилдаги кумуш тангаларни зарб этган. Бу кумуш тангалар *Суюргатмишхон* ва *Султон Маҳмудхон* номлари б-н Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон, Озарбайжон ва Ироқнинг 40 дан ортиқ йирик шаҳарларида чиқарилган. Шоҳрух Астробод, Бухоро, Домғон, Исфаҳон, Кушония, Кермон, Қум, Нишопур, Марв, Самарқанд, Сабзавор, Султония, Табриз, Хоразм, Ҳирот, Шероз ва б. шаҳарларда ўз номи б-н кумуш тангалар зарб этиб, пулнинг ички савдодаги муомаласини тартибга солган. Бу борада 1428 й.да Улуғбек ўтказган фулусий (мис) пуллар ислоҳоти айниқса катта аҳамият касб этган.

Меҳнаткаш аҳолини ички чакана савдога кенгроқ жалб этиш мақсадида Улуғбек маҳаллий ҳокимиятнинг енгил вазндаги барча чақа пулларини ман этган. Бир вақтнинг ўзида у Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳрухия ва Андижонда зарбхоналар барпо қилиб, бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб эттириб, муомалага чиқарган. Халқ ўртасида Улуғбекнинг чақалари «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи б-н шуҳрат топган. Шу б-н бирга Улуғбек ташқи савдодан келадиган даромадни оширишни мақсадида «тамға» — савдо божини бир мунча кўпайтирган.

Т.да ички ва ташқи савдонинг кенгайиши, касб-ҳунар тармоқларининг ривож топиб, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳажмининг ортиб боришига туртки бўлган.

Деҳқончилик ва суғориш ишлари. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик асосий ўрин тутган. Шу боис Т. деҳқончиликнинг бош омили бўлган суғориш ишларига катта аҳамият берилган. 14-а.нинг охири — 15-а.нинг 1-ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда йирик суғориш тармоқлари қазилиб, *ариқ*лар, сув омборлари — бандлар ва ҳовузлар барпо этилиб, сув танқис вилоят ва воҳалар, шаҳар, қишлоқларнинг сув таъминоти яхшиланган. Қуриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, обикор ерларнинг майдони кенгайтирилган. Янги-янги қишлоқлар, чорбоғлар ва сайилгоҳ бўстонлар барпо этилади. Амир Темур Самарқанд воҳаси, пойтахт ва унинг теварак-атрофини обод этилишига алоҳида эътибор берган. Обирахмат, Мозлаҳин, Бозор, Коранд ва Нахри жалил каби суғориш тармоқлари орқали обод этилган қишлоқларнинг сони 72 тага етган. Янги қишлоқларнинг бир қисми Шарқнинг машҳур шаҳарлари: Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Султония ва Шероз номлари б-н улуғланган.

Соҳибқирон Хуросон, Эрон, Кавказ ва б. вилоятларда ҳам бир қанча йирик суғориш ишларини амалга оширган. Унинг фармони б-н Мурғоб дарёсидан 20 дан ортиқ суғориш тармоқлари қазилиб, Марв воҳаси қайта обод этилган. 1401 й. Кавказнинг Байлақон мавзеида Аракс дарёсидан чиқарилган Барлос канали замонасининг йирик ирригация иншоотларидан бири бўлган. Каналнинг уз. 10 фарсах (60—70 км) бўлиб, кемалар қатнай олган.

Шоҳрух ва Улуғбек ҳукмронлиги даврида суғориш ишлари янада кенгайган. Дашт ларга сув чиқарилиб, бўз ерлар ўзлаштирилган. Хусусий соҳибкорлар эса, ҳатто бир-икки йил давомида солиқ ва тўловлардан озод этилган. Бу даврда Т. Самарқанд, Қашқадарё, Марв воҳалари, Тус водийси ва Ҳиротда йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, деҳқончилик майдонларининг сув таъминотини тубдан яхшилашган. Мас., Ангор канали қайта тикланиб, Зарафшон дарёси сувининг бир қисми Қашқадарё воҳасига ташланган. Мўғуллар томонидан вайрон этилган Мурғоб дарёсининг бош тўғони — Султонбанд тикланиб, Марв ш. ва водийси сув б-н тўла таъминланган. Мирзо Улуғбек томонидан Бухоронинг Сомонжуқ даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилган. Навоийнинг ташаббуси б-н Тус вилоятида Туруқбанд сув омбори қурилиб, ундан 10 фарсах масофада канал орқали Машҳадга сув келтирилган. Бу даврда қ. х.да тараллакорлик, сабзавотчилик, полизчилик, богдорчиликка аҳамият берилган. Чорвачиликда — йилқичилик, қоракўлчилик, туячилик муҳим ўрин тутган.

Т.даврида мулкчилик муносабатлари янада такомиллашган. Мулкнинг, асосан, 4 шакли: «мулки девон» (давлат ерлари), «мулк» (хусусий ерлар), «мулки вақф» (мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ерлар) ва «жамоа ерлари» бўлган. Т. ерларининг катта қисми давлат мулки ҳисобланган, уларни «суюргол» ёки «тархон» тарзида инъом қилиш кенг тарқалган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳрух даврида Хоразм — Шоҳмалик; Фарғона — Мирзо Аҳмад; Тус, Машҳад, Обивард, Нисонн қамраган Хуросон — Бойсунғур; Кобул, Ғазна ва Қандаҳор вилоятлари Мирзо Қайду баҳодирнинг суюрголи эди. Суюргол ёрлигига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил бўлишган.

Тархонлик ёрлигини олган мулкдорлар барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод этилган. Тархонлик амирлар, беклар, сарой амалдорлари, сайиндлар ва б. юқори табақа вакилларига берилган. Шу боисдан давлат солигидан тушадиган даромадининг талайгина қисми тархонлар қўлида тўпланган. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида улар тобе катта кучга айланган.

15-а.да ер майдонлари, сув манбалари, дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор расталари, карвонсаройлар ва б. мадраса, масжид, хонақоҳ, шифохоналарга бириктирилиб, улар «мулки вақф» деб юритилган. Улардан тушган даромал хайрия ишларига (масжид, мадраса, шифохона харажатлари; жиҳози; мударрис, табиб ва талабалар учун) сарф этилган. Давлат ёки вақф, тархон ёки суюргол ерларда коранда бўлиб меҳнат қилувчи зироатчилар «музораъ» деб аталган. Уларнинг ҳиссаси ер эгасининг уруғлик, омоч, ҳўкиз, от ва арава кабилар б-н таъмин этишига қараб, 1/3, 1/4 ёки 1/5 ҳажмда белгиланган. Суғорма деҳқончилик ерлардан «мол» солиғи олинган. Дарё, булоқ ва кориз сувлари б-н суғорилади-ган обикор ерлардан «мол» солиғи ҳосилнинг 1/3 (33%) миқдорида ундирилган. Лалми ерлардан ҳосилнинг 1/6 дан то 1/8 миқдорида солиқ солинган. Мулк ерларининг бир қисми «ушр» миқдорида солиқ тўлаган. Бундай ерлар илм-фан, маърифат ва маънавий ҳаётнинг намояндалари (сайиид, хожа, уламо, шайхлар) тасарруфида бўлган. Мас., 15-а.нинг йирик мулкдори Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор 1300 ушрий мулкидан ҳар йили Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад хазинасига тўланинг ўндан 80 минг ботмон (1 ботмон — 20 кг) миқдорида ушр тўлаган.

Юқорида қайд этилган солиқлардан ташқари фуқародан солиқ йиғувчи (мухассилона), ҳосилни белгиловчи (соҳиб жамона), киримни бошқарувчилар (зобитона, «доруғона»), сув тақсимловчи («миробона») каби тўловлар ундириб олинган. Шунингдек, аҳоли фавқулодда харажатлар учун «авориэот» ва «тавожжуҳоти хоҳижий» каби одатдан ташқари солиқларни ҳам тўлаган.

Маданий ҳаёт. 15-а. ва 16-а. бошларида Самарқанд, Ҳирот, Бухоро ва Фиждувон каби бош шаҳарларда Амир Темур аньаналари давом эттирилиб, олиму муҳандис, шоиру бастакор, меъмору бинокор ва наққошу мусаввирларининг гуруҳи тўпланган эди. Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқандда илм-фан ва санъатнинг тараққиётида Улуғбек ва унинг атрофида йиғилган олимларнинг ўрни ва ҳиссаси ниҳоятда буюклир. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бой ва серқирра маданиятига, ислом дунёсининг маънавий аньаналарига сувинган ҳамда ўз даврининг маданий тажрибаларидан тўла фойдалана билган Улуғбек мамлакатнинг равнақи, айниқса, унинг маънавий камолотида илм-фаннинг ва санъатининг нақадар муҳимлигини яхши тушунарди. У мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш б-н бир қаторда илмий ишлар б-н шуғулланди. Илмий мунозаралар ўтказди. Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилди. Унинг фармони б-н Бухорода (1417), Самарқандда (1417—20) ва Фиждувонда (1433) мадрасалар барпо қилинди. Ҳатто, Бухоро мадрасасининг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёлу эркакнинг бурчидир», деган калима ёзиб қўйилган. Бу мадрасалар заминасининг дорилфунуни ҳисобланиб, уларда Қуръон, ҳадис, тафсир, фиқҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари), риёзиёт (мат.), ҳандаса (геом.), жўғрофия (геогр.), илму аруз (поэтика), араб тили ва унинг морфологияси каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилди. Самарқанд мадрасасида Шамсуддин Ҳавофий, Қозизода *Румий*, Ғиёсуддин Жамшид, Улуғбек, Алоуддин Али Қушчилар турли фанлардан дарс беришган. Бу даврда Самарқандда Улуғбек мадрасасидан ташқари Хоним, Фирузшоҳ, Шоҳмалик, Хожабек, Мирабдували ва Қутбиддин Садр номли мадрасалар ҳам қад кўтарган.

15-а.да Мовароуннаҳр ва Хуросонда *тарих* фани ҳам ривож топди. Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий, *Мирхонд*, Хондамир, Исфизорий, *Давлатшоҳ Самарқандий* ва б. кўпгина тарихчилар Самарқанд ёки Ҳиротда яшаб ижод қилдилар. «Зубдат ат-таворих» муаллифи Ҳофизи Абру, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» номли асарни ёзган Абдураззоқ Самарқандий ўз асарларини Амир Темур ва Т. ҳукмронлик қилган даврга бағишладилар. Мирхонд «Равзат ус-сафо» ва Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» ўз асарида Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган давр воқеаларини баён қилди. Муниддин Исфизорий эса Ҳирот тарихини ёзди.

Т.даврида адабиёт бадиий услуб жиҳатидан такомиллашди, янги погонага кўтарилди. Наср ва назмда кўплаб нодир асарлар яратилди. Бу даврда замонасининг етук шоиру адиблари: Қутб, *Сайфи Саройи*, Ҳайдар Хоразмий, *Дурбек*, *Амирий*, Яқиний, *Атоий*, *Саккокий*, *Лутфий* ва б. яшаб ижод қилдилар. Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони, Атоий девони, Лутфийнинг «Зафарнома» ва «Гул ва Наврўз» достонлари шу давр бадиий адабиётининг дурдоналаридандир. Бу даврда ўзбек шоирлари ичида Лутфий алоҳида ўрин тутди. Навоийга қадар ўзбек шеъриятида Лутфий даражасига етадиган шоир ўтмаган. У ўзбек тилида асарлар, форс тилида қасидалар ёзди.

Бу давр бадиий адабиёти тараққиётида Абдурахмон *Жомий* ҳамда Алишер Навоийнинг хизмати тенгсиз буюкдир.

15-а.да илм-фан ва адабиёт б-н бир қаторда *китобат санъати*, яъни қўлёзма асарларни кўчириб ёзиш ва уни б-н боғлиқ бўлган хаттотлик, мусаввирлик, лаввоҳлик (лавҳа чизиш) ва саҳҳофлик (муқовасозлик) санъати ҳам ниҳоятда тараққий этади. Босмахона ва китоб нашр этиш ҳали вужудга келмаган замонда китоб яратиш ва унинг нусхаларини кўпайтириш оғир меҳнат ва кўп вақт сарф этиладиган мушкул иш бўлган. Айниқса, нафис китоб яратиш ўта мураккаб ва жуда машаққатли бир жараён бўлиб, у қоғозрез (қоғоз тайёрловчи), хаттот, мусаввир, лаввоҳ каби бир неча хил мутахассисларнинг меҳнати ва малакаси б-н боғлиқ эди. 15—16-а.ларда

бир қанча истеъдодли хаттот, мусаввир, лаввоҳлар етишади. Абдураҳмон Хоразмий, *Султонали Машҳадий*, Султонали Хандон, Мирали Қилқалам, Халвоий, Рафиқий шулар жумласидандир.

15-а. ва 16-а. бошларида Т.да тасвирий санъат ҳам тараққий топади. Камолиддин *Беҳзод*, *Мирак Наққош*, Қосимали, *Маҳмуд Музаҳҳиб*, Хожа Муҳаммад Наққош ва Шоҳ Музаффар каби мўйқалам соҳиблари етишади. Беҳзод асос солган Ҳирот мусаввирлик мактаби улкан ютуқларга эришади. Бу давр тасвирий санъат обидалари ўзининг мавзуи ва воқелилигига қараб портрет, ҳаётий лавҳалар, табиат манзаралари, бино ва бадиий асарларга ишланган тасвирлардан иборат бўлган. Бизгача Жомий, Навоий, Абдулла Хотифий, Беҳзод, Ҳусайн Бойқаро, Бобур ва Шайбонийхон портретлари сақланиб қолган.

14—15-а.ларда мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги босқич бўлди. Бу даврда янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбоблари ва мусиқа назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва ҳофизлар етишади. Абдуқодир Найи, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Қосим Раббоний, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Хожа Юсуф Андижоний, Устод Шодий, Нажмиддин *Кавкабий* шулар жумласидандир. Омилкор мусиқачилар б-н бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий ва *Биноий* каби мутафаккир ва шоирлар ҳам мусиқа соҳасида ижод қилдилар. Мас., Улуғбек «булужий», «шодиёна», «ахлоқий», «табризий», «усули равон» ва «усули отлиг»; Навоий «исфаҳоний» куйларини ижод қилади. Жомий ва Биноий мусиқа назариясига доир асарлар яратдилар. Шубҳасиз, мусиқа санъати ҳам 14—15-а.ларда санъатнинг бошқа турлари ва шеърият б-н узвий алоқада янги тараққиёт поғонасига кўтарилади. Моҳир санъаткор-машшоқлар, бастакор ва ҳофизлар етишади, нодир ва бебаҳо санъат асарлари вужудга келади.

Шундай қилиб, Амир Темур асос солган давлат Қад. Шарқда 3 йўналишда (ўтроқ деҳқончилик, дашт чорвачилиги ва шаҳарсозлик) шаклланган цивилизациялар қоришган Турон-Туркистон ҳудудларида ривож топиб қиёмига етган давлатчиликнинг нодир намунаси эди.

Бироқ 15-а. охирида Т. ўртасида авж олиб кетган ихтилофлар, айрим вилоят ҳокимларининг узлуксиз ўзаро курашлари шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо-сотиққа зарар етказиб, воҳаларда деҳқончилик хўжаликларини хонавайрон қилган. Бундай оғир аҳволда давлатнинг иқтисодий ва маъмурий ҳаётида муҳим мавқега эга бўлган юқори табақа вакилларининг бир қисми Т. га нисбатан сотқинлик йўлини тутди. Бу аснода Фарғона ҳокими *Бобур* салтанатини шайбонийлардан ҳимоя қилиш ва унинг барқарорлигини сақлаб қолиш йўлида астойдил курашган. Бироқ бундай шароитда Бобур ҳам ўз Ватанини тарк этиб, ўзга юртларга юзланишга мажбур бўлди. У аввал Афғонистонни, сўнгра Шим. Ҳиндистонни бўйсундириб, Бобурийлар салтанатига асос солди. Бу давлат Т. давлатчилиги удумларини давом эттириб, 3 асрдан ортиқроқ ҳукм сурди. Бу давр мобайнида Ҳиндистон юксалган ва равнақ топган (қ. *Бобурийлар давлати*).

Ад.: Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн, Т., 1969; Ибн Арабшоҳ, Ажоиб ул-мақдур фи ахбори Темур, Т., 1992; Мирза Муҳаммад Хайдар, Тарихи Рашиди, Т., 1996; Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1996; Аҳмедов Б., Улуғбек, Т., 1989; Файзиев Т., Мирзо Улуғбек авлодлари, Т., 1994; Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995; Муҳаммаджонов А., Темур ва темурийлар салтанати, Т., 1996; Захидов П., Архитектурные тайны обсерватории Улугбека, Т., 2003.

Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ — Тошкентдаги Амир Темур хиёбони яқинида бунёд этилган тарих музейи (1996). Музей биноси ўрта аср меъморлиги анъаналари асосида айлана тарҳли, томи гумбазли қилиб, махсус темир-бетондан яхлит супа устига қурилган. Бино 3 қаватли, бал. 31 м (диаметри — ташқи томони 70 м, ичкиси 50 м), уни қуришда темир устун, ғишт, турли бетон блок ва енгил тайёрланган сунъий қурилиш ускуналари қўлланилган. Девор юзасини пардозлашда ганч, мармар ва сопол кошинлар ишлатилган. Қурилишда Тошкент ш. ҳокимияти, «Турон» фирмаси, Тошкент авиация и.ч. бирлашмаси, «Оникс» корхонаси (30 дан ортиқ катта-кичик ҳажмдаги биллур қандиллар, 500 та ёритгичли, оғирлиги 2 т., бал. 8 м «Зумрад» қандил ишлаб берган), «Усто» бирлашмаси қатнашган.

Музейга мармар зиналар орқали бош тарзи (Амир Темур хиёбонидан)даги 3 эшикдан кирилади. 14 та ёгоч ўймакорлигидаги эшик ўзига хос. Атрофи пешайвонли, қатор устунли (20 та, бал. 10 м, муқарнас бошали, пойустуни кулранг мармардан ишланган), турунжлари сиркори сопол б-н безатилган, бинонинг ташқи девори юзасида «сулс» услубида инсонни яхшиликка ундовчи сўзлар битилган. Бино асосида фойе, магазинлар, маъмурият, вестибюль, касса, ахборот-маъруза зали ва б. техник хизмат хоналари жойлашган. 1-қаватда кўргазма ва кинолекция зали (200 ўриндиқли) бор. 2-қаватдаги кўргазма зали 8 бўлимдан иборат. Кўргазма залидаги Темурийлар тарихига оид ноёб экспонатлар Ўзбекистон вилоятларидаги йирик музейлардан келтирилган, шунингдек, 1996 й.да Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмадаги экспонатлар ҳам музейга ўтказилган. Музейда археология, этн., нумизматика ёдгорликлари, қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари бор. Шунингдек, И. Каримовнинг Амир Темурга бўлган ҳурматини ифодаловчи дил сўзлари ва «Темур тузуклари»дан келтирилган иборалар экспонатларни мазмунан бойитган.

Темурийлар тарихи давлат музейи.

Музейнинг кўргазма залидаги «Юксалиш» намоёни.

Кўргазма залининг марказидаги деворий тасвирдан «Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор» номли 3 қисмдан иборат асар ўрин олган. Биринчиси — «Туғилиш» қисмида Соҳибқироннинг туғилиши б-н боғлиқ урф-одатлар рамзий тасвирларда ифодаланган. Иккинчиси — «Юксалиш»да «Рости—расти» («Тўғрилик нажотдир») деган шиор олтин ҳарфлар б-н битилган. Бу қисмнинг марказида тахтда ўтирган Соҳибқироннинг вазир, уламо, ҳарбий аъёнлар даврасидаги машваратлари акс эттирилган. Пастроқда эса Соҳибқироннинг набира ва абиралари (Муҳаммад Султон, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур) бободаридан мерос қолган тузукларни мутолаа қилаётганлари ва Амир Темур яратган меъморий обидалар тасвирланган. Учинчиси — «Фахрланиш» бўлимида мероснинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётганлик гояси ўз аксини топган. Музейга ҳар йили 100 мингдан зиёд томошабин киради.

ТЕМУРИЙЛАР ҲАРБИЙ САНЪАТИ — жаҳон ҳарбий санъати ривожига *Амир Темур* ва унинг авлодлари, хусусан, *Бобур* қўшган салмоқли ҳисса. Бу мутахассислар, саркардалар томонидан ҳақли равишда эътироф этилган. Буюк лашкарбоши ва новатор ҳарбий ташкилотчи ҳисобланмиш Соҳибқирон интизомли армия тузишга, жанг пайтида қўшин қисмларини оқилона бошқаришга, жанг тақдирини ҳал қиладиган жойларга ҳарбий кучларни тезкорлик б-н йўллашга, мавжуд тўсиқ ва говларни тадбиркорлик б-н бартараф этишга, қўшиндаги жанговар руҳни юксак даражада ушлаб туришга эришган. Амир Темур ва темурийлар армияси чорвадорлар қатори косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик б-н машғул ўтроқ аҳолидан ҳам аскар тўплаган. Қўшинда ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилган *отлиқ аскарлар* б-н бир қаторда пиёдалар ҳам хизмат қилган. Соҳибқирон Шарқда биринчилардан бўлиб армияга ўт сочар қурол — тўп(раъд)ни олиб кирган. Темурийлар даврида бу қуролнинг бошқа турлари (зарбзан, фаранги, қозон ва ҳ.к.) кенг ёйилди. Тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи махсус ҳарбий қисм ва бўлинмалар ташкил қилинган. Амир Темур жаҳон ҳарбий иш тарихида 1-бўлиб қўшинни жанг майдонида анъанавий 5 бўлакдан фарқли равишда 7 қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этган. Бу янгилик кейинчалик *Тўхтамиш*, *Шайбонийхон* сингари саркардалар томонидан ўзлаштирилган. *Ибн Арабшоҳ*нинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон қўшинида аёллардан иборат бўлинмалар бўлиб, улар эркаклар б-н бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган.

Темурийлар армияси сон жиҳатдан аниқ ташкил этилган, унинг жанговар тартиби такомиллашиб борган, ўз вақтининг илгор қурол ва техникаси б-н таъминланган, қисмлар бир-биридан кийим-бош, байроқ ва туғлари б-н фарқланган. Бундай фарқланиш жангда қўшинни бошқаришда қўл келган. Душман мудофаасини турли усуллар б-н барбод этиш, рақибнинг йирик шаҳарларига қўққисдан зарба бериш, қалъа, қўрғон ва ҳисорларнинг узоқ муддат муҳосара қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг кўламда қуршаб олиб, қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларни бирин-кетин забт этиш, душманни батамом яксон этгунгача таъқиб қилиш, таслим бўлган мамлакатларни бошқаришга ишончли кишиларни тайинлаш сингари амалиётлар Амир Темур ва темурийларга кўплаб зафарлар олиб келган. Тактика жиҳатдан Амир Темур армияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. Разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жангтоҳда ёки жанговар сафда талаб даражасида ҳаракат қилиши учун зарур тадбир ва чоралар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида тезкорлик б-н бошқаришга алоҳида диққат қаратилган. Ўнлик, юзлик, минглик ва туман қўмондонларини танлаш масаласига олий бош қўмондон масъул ҳисобланган. Соҳибқироннинг ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири — жанг вақтида қўшин қанотларини душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва, ўз навбатида, ганим кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм — қунбулнинг жорий этилиши бўлган. Бундай янги ҳарбий қисм *Александр*, *Ганнибал*, *Чингизхон*, *Людовик XIV*, Буюк Фридрих каби атоқли саркардалар қўшинида бўлмаган. Шайбонийхон армиясида бундай қисм мавжуд эди ва у *тўлғама* атамаси б-н номланган.

Қўшин тўплаш ҳақида махсус буйруқ (тунқол) эълон қилингач, ҳукмдор томонидан тузилган рўйхатга биноан жангчилар от-улови, қуроляроғи, озиқ-овқати, ем-хашаги б-н тўпланиш ерига етиб келган. Ҳар бир аскарга битта ёй, 30 та ўқ, бир садоқ, битта қалқон, битта қўшимча от, ярим ман оғирлигида арқон, бир дона пишиқ тери халта ва битта қозон ажратилган. Ҳар 10 жангчи бир чодир, 2 белкурак, бир керки, битта ўроқ, бир арра, бир теша, битта болта ва 100 дона нина олиб юриши шарт ҳисобланган. Сара жангчиларнинг ҳар 5 таси битта чодирга жойлашган. Ўнбегининг алоҳида чодири ва 5 та қўшимча оти бўлган. Юзбегига ҳам алоҳида чодир ва 10 та қўшимча от берилган. Мингбеги чодирдан ташқари соябон б-н ҳам таъминланган. Соҳибқирон армиясининг турли бўлинма ва қисмларига 313 бек бошчилик қилган. Улардан дастлабки 100 таси ўнбегилик, иккинчи 100 таси юзбегилик, учинчи 100 таси мингбегилик лавозимларини эгаллаган. Дивизия — туманларга Амир Темурнинг фарзандлари, набиралари ва номдор лашкарбошилар раҳбарлик қилган. Етарли миқдорда қўшин тўплангач, у кўрикдан ўтказилган. Темурийлар даврида юриш ёки жангдан олдин лашкарни кўрикдан ўтказиб, унинг жанговар руҳи ва ҳолатини аниқлаш изчилликка айланган. Қўшиннинг жанговар ҳолатини назардан ўтказиш имтиҳон қилиш усули сифатида эътироф этилган овгарта (ов уюштириш)дан унумли фойдаланилган.

Темурийлар ҳарбий юришларга кўпроқ кўклам, ёз ва куз мавсумларида отланишни маъқул билганлар. Сафар қоидасига кўра, ҳар бир саркарда ўз даражаси ва лавозимига қараб қисм ва бўлинмалари б-н асос — жанговар тартибда ҳаракат қилган. Асосни бузган шахс қаттиқ жазоланган. Қўшин жангтоҳга тушганда лашкаргоҳ атрофи аравалар б-н тўсилган, хандақлар б-н ихота қилинган, соқчи бўлинмалар томонидан кўриқлаб турилган. Юриш ёки жанг пайтида бошбошдоқлик, парокандаликни олдини олиш мақсадида ҳар бир бўлинма, гуруҳ, қисмнинг ўз пароли — ўрон белгиланган. Армия сафар чоғида қуйидаги жанговар тартибда ҳаракат қилган: Бош кучлардан анча олдинда қаравул (авангюст), ундан кейин манглай (ҳиравул)(авангард), барангар, жуванғар, қўл(марказ), чағдавул (арьергард) юрган. Қўшин кетидан ўгруқ (обоз) пешма-пеш келган. Олий бош қўмондон жанг майдонини танлашга алоҳида диққат қаратган. Жангтоҳнинг текис, кенг ва қўшин қисмларини жойлаштиришга қулай бўлиши талаб қилинган. Жанг майдонининг сувга яқин бўлиши ҳамда жанг вақтида қуёш нурининг аскарлар кўзига тушмаслиги мақсадга мослик ҳисобланган. Йирик муҳорабалар пайтида дастаси учига ярим ой шакли қадалган жанговар байроқ ва тутлар б-н безатилган олий қўмондон боргоҳи баландликка ўрнатилган. У ердан жангнинг бориши кузатилиб турилган.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Амир Темурнинг 12 минг кишилик қўшини жангга мана бундай тартибда кирган. Душман б-н дастлабки тўқнашувни айғоқчилик б-н машғул бўлган қаравул бошлаб берган. Шундан сўнг ўнг ва чап қанот илғор қисмлари — барангар ҳиравули ва жуванғар ҳиравули мададида асосий илғор қисм — манглай жангга кирган. Манглай ортидан барангар ҳамда жуванғарнинг қолган 2 бўлаги — чапавул ва шағавул кетма-кет ҳаракатга келган. Ушбу кучлар душманни мағлуб этишга кифоя қилмаса, бош қўмондон (амир ул-умаро) бошчилигидаги марказ (қўл)(гўл) ҳал қилувчи ҳужумга ташланган:

Соҳибқирон армияси қатнашган ўлкан жангларнинг тактик бориш манзараси қуйидагича бўлган: қўшин маркази 40 бўлук — полкка тақсимланган ва Олий бош қўмондонга итоат қилган. Ушбу бўлукларнинг сара жангчилардан ташкил топган 12 бўлуки сафининг 1-қаторида, қолган 28 бўлуки 2- ва 3-қаторларда жойлашган. Қирқ бўлукнинг ўнг тарафи олдида амирзодалар қисмлари, сўл тарафи олдида қариндошлар ва иттифоқчилар қисмлари сафи тортган. 2-қаторнинг барангарида 6 бўлук ўз илғори — ҳиравул б-н ўрин эгаллаган. Айни шу миқдордаги бўлук ва ҳиравулга жуванғар ҳам эга бўлган.

2-қатор барангари ва жуванғари олдида юқоридаги тартибда 1-қатор қисмлари жойлашган. Унинг олдида бош илғор — манглай (ёки ҳиравули бузуғи) ҳаракатда бўлган. Енгил суворийлардан иборат 2 бўлук армияни кўккисдан бўладиган ҳамладан муҳофаза қилиш, душман кучлари ҳаракатини кузатиш б-н банд бўлган:

Бобур қўшини дастлаб анъанавий 5 қисмдан ташкил этилган ҳолда ҳаракат қилган. Кейинчалик бу жанговар тартибга жиддий ўзгартиришлар киритилган, марказ (гўл) кучайтирилган. Марказ ўнг қўл ва сўл қўлга тақсимланган ҳамда ўнг ён ва сўл ёндан иборат хосса тобин олдида 1-қатор вазифасида ҳаракат қилган. Хосса тобин ўнг ва сўлдан таркиб топган, 3-қатор вазифасини ўтаган шахсий гвардия бўй олдидан жой олган. Сараланган жасгарлардан тузилган хосса тобин маркази (гўлдан кучлироқ, бўйдан эса кучлироқ қилиб олинган:



Темурийларга қўплаб жиҳозлар келтирган бу ҳарбий тартиб кейинги даврларда Шайбонийлар, Аштарханийлар ва Ўрта Осиё хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) даврида анча ўзгаришларга луч келган.

Манбалар: Бобур Заҳириддин Муҳаммад, Бобурнома, Т., 1960; Темур тузуклари [форсчадан Алихонтўра Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси]. Т., 1991; Гийас ад-дин Али, Дневник похода Тимура в Индию [Перевод, предисловие и примечания А.А. Семенова]. М., 1958; Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Т., 1997; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Темур(Темур тарихида тақдир ажойиботлари), 1-китоб. Т., 1992; Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996.

Ад.: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю., Золотая Орда и ее падение, Т., 1956; Разин Е.А., История военного искусства, т.2. М., 1957; Дадабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Т., 1996.

Ҳамидулла Дадабоев.

ТЕМУРОВ Рашид Маҳмудович (1912.18.1, Бухоро — 1991, Самарқанд) — манзарачи рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Самарқанд бадиий билим юртида (1932—36), Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг рассомлар малакасини ошириш курсида (1938—41) таълим олган. Т. ёркин ранглардан кенг фойдаланади; ранг суртмалари ва шакллари яхлит ва йирик ҳолда олинади. Асарларида Ўзбекистоннинг гўзал табиатини

нозик бўёқларда таъдалантиради, меҳнаткаш халқни, қад ноҳарларини асарларига кўчиради: «Эски шаҳар» (1936), «Тошкент чеккасида» (1939), «Канал қурилишида» (1940), «Самарқанд боғлари» (1951), «Улуғбек мадрасаси. Бахор» (1957), «Бибихоним майдони. Бахор» (1958), «Гуллаган дарахт» (1962), «Тушки танаффус» (1971), «Менинг шаҳрим» асарлар туркуми (1969—80), «Самарқанд сюитаси» (1982) ва б. Т.нинг Самарқанддаги устахонасида музей ўстахона ишлаб турибди.

ТЕМУЧИН — қ. *Чингизхон.*

ТЕНАРДИТ, глаубер тузи (франц. кимёгари Тенар номидан) — сульфидлар синфига мансуб эвапоритларга хос минерал (Na_2SO_4). Механик аралашма тарзида кам миқдорда K, Mg, Cl, Br, H_2O, $CaSO_4$ учрайди. Т. ромбик сингонияда, юқори т-рали фазаси — метатенардит гексагонал сингонияда кристалланади. Оролли структурага эга. Na — полиэдрлар сингидан иборат, улар ўзаро SO_4 тетраэдрлар б-н боғланган. Рангсиз, шаффоф кристаллари дипирамидал ёки плитасимон шаклда бўлади. Т. фумарол фаолиятининг маҳсули бўлиб, шўр сувли кўллар ва қўлтиқларда чўкинди сифатида ҳамда қуриётган шўр кўлларда *мирабилит, эпсомит, астраханит,* гипс б-н бирга ёки мобилитининг сувсизланиши жараёнида ҳосил бўлади. Т.нинг сут ранги оппоқ аэрозоллар агрегатлари кенг тарқалган. Сувда яхши эрийди, таъми тахир-шўр, мўрт, шишасимон ялтирайди. Қаттиқлиги 2,5—3, зичлиги 2,7 г/см³. Т. ўта тўйинган эритмалардан 32,4° да ажралиб чиқади. NaCl бўлганда анча паст (−13,5°С гача) т-рада кристалланади. Т. Қорабўғоз-Гўл (Туркманистон), Қулунда даштидаги Мормишан кўллари, Қозогистон шим.-шарқи ва Ўзбекистоннинг Қораумбет ва Кушкантоғ конларида маълум.

ТЕНГ КУНЛИК — қ. *Баҳорги тенг кунлик, Кузги тенг кунлик.*

ТЕНГ ОЁҚЛИЛАР (Isopoda) — *қисқичбақасимонлар* туркуми. Танасининг уз. 0,1—27 см. Биринчи жуфт кўкрак оёғи оёқ-жағни ҳосил қилади, қолган 7 жуфти бир хил узунликка ва тузилишга эга (номи шундан). Қорин оёқлари пластинкасимон бўлиб, қисман жабрага айланган. Юраги қорин қисмида. Тирик туғиб кўпаяди. Кенг тарқалган. Денгиз, чучук сувлар ва қуруқликда яшайди. Турли органик қолдиқлар, чириётган ўсимликлар, ҳайвонлар мурдаси б-н озиқланади, баъзилари балиқларда ва қисқичбақасимонларда паразитлик қилади. 4500 та яқин тури маълум. Чучук сувларда сув ҳўтикчаси, қуруқликда ҳар хил зах-*каналар*, денгизларда денгиз сураяги кўп учрайди. Кўпчилик Т.о. балиқлар учун озиқ. Айрим турлари денгиз портларидаги ёғоч иншоотларга шикаст етказади.

ТЕНГ ХИВЧИНЛИЛАР — қ. *Чин ипак сувўтлар.*

ТЕНГ ҚАНОТЛИЛАР (Homoptera) — сўрувчи ҳашаротлар туркуми. 30 мингдан ортиқ тури маълум. Оғиз аппарати сўрувчи. Ўсимлик шираси б-н озиқланади. Кўзлари, одатда, мураккаб; кам ҳолларда яхши ривожланмаган ёки йўқ. 2 жуфт тиник тўрсимон қанотлари бор; жуфт тиник тўрсимон қанотлари баъзи турларида олдинги жуфт қанотлари қалинлашган. Олдинги қанотлари ҳам яхши ривожланган, айрим турларида орқа қанотлар йўқ бўлиб кетган. Ички уруғланади. Талайгина Т.қ.да *партеногенез* кузатилган. Т.қ. цикалалар, ўсимлик битлари, *кокцидлар* ва б. кенг кўлланган. Т.қ. зиёнкор ҳашаротлар кўпинча ҳарбий хизматчилик давлатларида ҳарбий хизматларда яшаган, мас., жаҳоннинг 1-урушида 2 миллион ва дарахтларга зиён етказади; ўсимликларда вирус касалликларини тарқатади.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК — конституционализмнинг асосий принципларидан ва демократиянинг муҳим элементларидан бири; фуқароларнинг давлат, қонун, суд олдида тенглигини расман эътироф этишни билдиради. Унга кўра, муайян давлат фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, яшаш жойи, диний муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига тааллуқлиги, шунингдек, бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятга эга бўладилар. Т.ҳ.нинг реаллиги жамият ва давлат тузумининг қанчалик демократиялилигини англатади.

Т.ҳ. тамойилини 18-а. охирида Франция инқилоби илгари сурди («Озодлик, тенглик, қардошлик») ва у кўплик мамлакатларнинг конституциялари ҳамда инсон ҳуқуқлари декларацияларида мустаҳкамланди. Ҳоз. замон давлатларининг конституциявий назарияси фуқароларнинг ҳуқуқда табиий характерга эга бўлган баъзи фарқлари бўлиши мумкинлигини тан олади, мас., жаҳоннинг кўпчилик давлатларида ҳарбий хизматга ўташ мажбурияти фақат эркаклар зиммасига юкланади, кейинги ўн йилликларда эса норитлар, болалар, кам сонли туб халқ вакиллари учун алоҳида конституциявий ҳуқуқлар белгилаб қўйила бошланди ва ҳ.к. Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлари принципини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

ТЕНГЕ — Қозогистон Республикаси миллий пул бирлиги. 1993 й. 15 но-ябрдан муомалага чиқарилган. 1Т. = 100 тиин. Халқаро ифодаси KZT. Барча қоғоз пул белгиларида Қозогистон тарихидаги миллий арбоблар (Қурмонғози Сағирбоев, Чўқон Валихонов, Абай Қўнонбаев ва б.)нинг расмлари туширилган. Валюта курслари бўйича 1 АҚШ доллари = 134,60 Т. (2004, окт.).

ТЕНГЛАМА — тенглик белгиси б-н бирлаштирилган иккита функция. Биррор катталикни бевосита ўлчаш ёки формула ёрдамида ҳисоблаш имкони бўлмаса-да, бу катталик қаноатлантирадиган муносабат (баъзан бир нечта муносабат)ни тузиш мумкин. Мас., $3x-7=2x+5$, $x^2+6=5x$, $\sin x=\cos x$, $2^x=3$ тенгламалар Т.лардир. Бунда x — аргумент, номаълум ўзгарувчи. x номаълум сон қийматларини қабул қиладиган Т.ларни қараймиз. Умуман олганда Т.лари номаълум турли табиатда объект бўлиши мумкин (дифференциал, функционал, интеграл Т.ларда — функциялар; Диофант Т.ларида — бутун сонлар; матрицавий Т.ларда матрицалар ва ҳ.к.). Т.ни ечиш деганда номаълум x нинг Т.лари тўғри тенгликка айлантирадиган барча қийматларини топиш ёки бундай қийматлар йўқлигини исботлаш тушунилади. Номаълумнинг Т.ни тўғри тенгликка айлантирувчи барча қийматлари Т.нинг ечимлари (илдизлари) дейилади. Мас., $2x+3=11$ тенгламанинг илдизи $x=4$, чунки Т.даги x ўрнига 4 қўйилса, бу сон Т.ни тўғри тенгликка айлантиради: $2\cdot4+3=11$. Бошқа ҳеч бир сон бу Т.ни тўғри тенгликка айлантира олмайди. Т. илдизга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Мас., $3^x=-9$ Т. ечимга эга эмас. x нинг ўрнига исталган сон қўйилсада, Т.нинг чап қисми — 9 га тенг бўла олмайди, чунки кўрсаткичли функция $y=3^x$, x нинг ихтиёрий қийматида мусбат қийматлар қабул қилади. Номаълум x қайси тўпламда ўзгаришга қараб, Т.нинг илдизлари сони турлича бўлиши мумкин. Мас., $x^4-81=0$ Т. натурал сонлар тўпламида 1 та ечимга эга: $x=3$; бутун сонлар тўпламида 2 та ечимга эга: $x_1=3$, $x_2=-3$; комплекс сонлар тўпламида эса 4 та илдизга эга: $x_1=3$, $x_2=-3$, $x_3=3i$, $x_4=-3i$. $\cos x=0$ Т. ҳақиқий сонлар тўпламида чексиз кўп ечимга эга: $x_n=\frac{\pi}{2}+\pi n$, $n=0, \pm1, \pm2,\ldots$ Бу x_n сонларнинг ҳар бири $\cos x=0$ Т.нинг илдизларидир. Т.да номаълумлар сони 1 та, 2 та, ..., n та бўлиши ҳам мумкин. Мас., $x^2+y^2=4$ Т. икки номаълумли Т.дир. $a_nx^n+a_1x^{n-1}+\ldots+a_n=0$ (1), ($a_n\neq0$, $n>0$) кўринишидаги Т. алгебраик Т. дейилади, бунда натурал сон n — Т.нинг даражаси дейилади. Чизиқли Т. ($n=1$ бўлган ҳол), квадрат Т. ($n=2$

бўлган ҳол)ларни ечиш усуллари Муҳаммад ибн Мусо ал-*Хоразмий*нинг *«Ал-Жабр вал муқобала»* асарида баён қилинган. Ҳар қандай алгебраик Т. камида битта илдизга эга. $n=3$, $n=4$ бўлган ҳоллар учун (1) Т. илдизларини топиш формулалари мавжуд. $n\geq5$ бўлганда (1) Т. илдизлари учун, умумий ҳолда, формула мавжуд эмаслиги исботланган. Бир номаълумли Т.ларни ечиш учун уларни турли алмаштиришлар ёрдамида содда Т.га келтиришга ҳаракат қилинади. $f(x)=c$ кўринишидаги Т.содда Т. ҳисобланади, бунда c — ҳақиқий сон, $f(x)$ — элементар функциялардан бири. $f(x)$ ўрнига: x^n, a^x, $\log_a x$, $\sin x$, $\cos x$, $\operatorname{tg} x$, $\operatorname{ctg} x$ функциялар қўйилса мос равишда, даражали, кўрсаткичли, логарифмик, тригонометрик Т.лар ҳосил бўлади.

A ва B тўпламлар, F ва G — берилган акслантиришлар бўлсин: $F: A \to B$, $G: A \to B$. Умумий ҳолда, Т. А тўпламнинг $F(x)=G(x)$ тенгликни қаноатлантирувчи x элементини топиш ҳақидаги масаланинг ёзувидир. Хусусан, A ва B даги сонли тўпламлар бўлса, у ҳолда бир номаълум Т.лар ҳосил бўлади.

ТЕНГЛИК — жамиятдаги барча шахс, қатлам, гуруҳ, партия ва ш.к.нинг қонун олдида бараварлигини ифодаловчи тушунча; адолатли жамиятнинг асосий тамойилларидан бири. Т. таъминланган жамиятда унинг барча аъзолари яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, мулкдор бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ижтимоий таъминот олиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларга эга бўлади (яна қ. *Тенг ҳуқуқлилик*).

ТЕНГЛИК — «=» ишораси б-н бириктирилган икки ифода. Т. тўғри ва нотўғри ҳамда сонлардан ва ҳарфлардан иборат бўлиши мумкин.

A ва B объектлар тенглиги $A=B$ каби ёзилади ва қуйидаги хоссалар б-н ифодаланади: 1) рефлексивлик ($A=A$); 2) симметриклик, яъни ўзаролик ($A=B$ бўлса, $B=A$ бўлади); 3) транзитивлик ($A=B$, $B=C$ бўлса, $A=C$ бўлади); 4) $A=B$ ва A учун бирор хосса ўринли бўлса, бу хосса B учун ҳам ўринли. Ўрганилаётган объектларнинг хусусиятларига қараб Т. ҳам турлича таърифланади. Мас., Евклид геометриясига биноан мос томонлари ўзаро тенг учбурчаклар тенг бўлса, аффин геометрияда барча учбурчаклар ўзаро тенг. Т.нинг хусусий ҳоллари тенглама ва айниятлардир.

ТЕНГСИЗ КАПАЛАК (Porthethria dispar L.) — тангақанотлилар туркумига мансуб ҳашарот. Қанотлари ёзилганда эркагиники 5 см, ургочисиники 7 см. Эркак капалак қорамтир-кўнгир, ургочиси оқ ёки қорамтир саргиш рангда. Т.к. дунёда кенг тарқалган ҳашаротлардан бири. Ўрта Осиёда тоғолди ва тоғли зоналарда кўп, пастки текисликларда камроқ учрайди. Қурти олма, нок, олча, олхўри, ўрик, жийда, писта, бодом, ёнгоқ ва б. мевали ҳамда дуб, терак, тол, шумтол, заранг каби ўрмон дарахтлари баргларини жиддий зарарлайди. Зарарланган мевали дарахтлар шу йили мева бермайди.

Т.к. тухум даврида қишлайди, баҳорда тухумдан чиққан қуртлари янги чиққан дарахт барглари б-н тўда-тўда бўлиб озиқланади, катта ёшдаги қуртлари тарқалиб кетади. Июнь бошларида юпқа пилла ичида ёки эски пўстлоқ остида, барглар орасида гумбакка айланади, июнь ойи ўрталарида капалаклари учиб чиқади. Ургочи капалаклар июль ойи бошларида дарахтлар танасининг пастки қисмига, девор ёриқларига 250—500 тагача тухум қўяди. Тухумини танасидан ажратган тукчалар б-н беркитиб қўяди. Йилига бир марта авлод қолдиради. Об-ҳаво қулай келган йиллар жуда кўпайиб, мевали ва ўрмон дарахтларига катта зарар етказади.

Кураш чоралари: қишлаб ётган тухумлари механик усуллар б-н йўқотилади. Ёш қуртларга қарши Би-58 (2,0 л/га), суми-альфа (0,5— 1,0 л/га), нурел-Д (1,0 л/га) ва б. кимёвий препаратлар пуркалади.

ТЕНГСИЗЛИК — сонлар ёки миқдорлар орасидаги муносабат сонлардан қайси бири бошқасидан катталиги ёки кичиклигини кўрсатади. Т.да «>» ва «<» ишоралари қўлланилиб, уларнинг учи кичик сон ёзилган томонга қаратилади. Мас., 5>4 ёки 4<5 муносабат 5 сони 4 дан катталигини кўрсатади. Умуман, $a>b$ бўлиши учун $a-b$ сони мусбат бўлиши керак. Одатда, a сони b сонидан катта эмас (яъни кичик ёки тенг)лигини кўрсатувчи $a\leq b$ ва $b\geq a$ муносабатлар ҳам Т. дейилади. Бир хил ишорали Т.лардан бир нечтаси қўшилиб ёзилиши мумкин. Мас., $a<b<c$.

Т.ларнинг асосий хоссалари: Т.нинг ҳар икки томонига бир хил сонни қўшиш ёки айириш мумкин, яъни $a<b$ га $a+c<b+c$ ёки $a<b$ дан $a-c<b-c$. Т.нинг ҳар икки томонини мусбат сонга кўпайтириш мумкин($a<b$ ва $c>0$ бўлса, $ac<bc$), манфий сонга кўпайтирганда Т.нинг ишораси ўзгаради ($a<b$ ва $c<0$ бўлса, $ac>bc$). Бир хил ишорали Т.ларни ҳадма-ҳад қўшиш мумкин. ($a<b$ ва $c<d$ бўлса, $a+c<b+d$), бир Т.дан тескари ишорали иккинчи Т.ни айириш мумкин ($a<b$ ва $c<d$ бўлса, $a-c<b-d$). Шу каби a, b, c, d мусбат бўлса, бир хил ишорали Т.ларни ҳадма-ҳад кўпайтириш, ҳар хил ишорали Т.ларни бўлиш мумкин.

Математиканинг кўпгина бўлимларида бир неча номаълумли Т.лар қаралади. Бундай Т.ларни қаноатлантирувчи номаълумларнинг барча қийматларини топиш, яъни Т.ни ечиш масаласи қўйилади. Мас. $x^2-x-6<0$ Т. ечими $-2<x<3$ шартни қаноатлантирувчи сонлардан; $x^2+y^2\leq4$ Т. ечими эса маркази декарт координаталари тизимининг бошида бўлган, радиуси 2 га тенг доира нуқталаридан иборат. Ечимлар тўплами бир хил Т.лар тенг кучли Т.лар дейилади. Т.ни ечишда одатда, у тенг кучли Т.лар ҳосил бўладиган қилиб ўзгартирилади. Мас., $2x+4>10-x$ Т. $2x+x>10-4$, $3x>6$, $x>2$ Т.ларга тенг кучли. Математика ва унинг татбиқларида ўзгарувчи миқдорларнинг барча қийматларида тўғри бўлган Т.лар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ТЕНДЕР (инг. tend — хизмат кўрсатиш) — 1) очиқ турдаги (очиқ Т.) ёки чекланган сондаги иштирокчилар учун ёпиқ турдаги (ёпиқ Т.) рақобатли савдо-сотиқ; буюртмани жойлаштиришнинг танлов шакли; 2) қимматли қоғозларга обуна бўлиш, муддатли шартнома бўйича товарлар етказиб бериш, шартномалар тузиш тўғрисидаги ариза, ёзма таклиф; 3) халқаро бозорда машина-ускуналар харид этиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, инжиниринг хизматлари кўрсатиш учун танлов асосида буюртмалар бериш. Ўзбекистон иқтисодиётида бозор муносабатларини шакллантиришда ва ривожлантиришда Т. кенг қўлланилади. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар акцияларининг йирик пакетларини сотишда, катта қурилиш ишларини олиб боришда, халқаро лойиҳаларини амалга оширишда Т. эълон қилинади. Савдони ташкил этиш учун вақтинчалик орган бўлган Т. қўмитаси тузилади.

ТЕНДЕР —1) *паровоз*нинг тирками қисми; унда сув ва ёқилги захираси сақланади ва паровознинг ёрдамчи қурилмалари туради. 3, 4 ва 6 ўқли қилиб ишланади; 2) 2—3 та учбурчакли олд елкани бўлган бир мачтали кема. Денгиз флотида бир мачтали ҳарбий кема ҳам Т. дейилади; 3) авиацияда самолётларни қуришда симларни ёки тросларни тортиш учун мўлжалланган винтли тортқи.

ТЕНЗОР (лот. tensus — кучланиш, таранглаш) — *вектор* тушунчасини умумлаштириб, бир неча маъюда қўлланиб келинаётган математик атама. Бу атама *тензорлар ҳисоби*да координаталарнинг бир тизимидан иккинчи тизимига ўтганда махсус қонун бўйича ўзгарадиган миқдор (катталик)ларни билдиради. Мас., туташ муҳитлар механикасида қайишқоқ (эгилувчан) жисмнинг ҳолатини ифодаловчи миқдор (деформация тензори) ёки қаттиқ жисм массасининг олинган нуқтага нисбатан тақсимланишини ифодаловчи миқдор (инерция тензори), шунингдек, туташ жисмнинг бирор нуқтасида кучланишларни ифодаловчи миқдорлар (кучланишлар тензори). Т.ни ўрганиш координаталар тизимига узвий боғланган, шунингдек, 2-, 3-, n-тартибли эгри чизиқ ва сиртларни аналитик ҳамда дифференциал геометрияда текшириш, 1-даражали ва кўп аргументли формаларни ўрганиш ҳам Т. тушунчасини киритишни талаб қилади. Квадратик форма $\sum a_{ik}dx^i dx^k$ нинг a_{ik} коэффициентлари Т.дир. Бошқача айтганда, Т. шундай $a^{i_1 \dots i_n}_{j_1 \dots j_p}$ сонлар мажмуасидан иборатки, улар n-ўлчовли фазонинг ҳар бир нуқтасида координаталарнинг аниқ тизимида берилган бўлиб, иккинчи тизимга ўтганда қуйидаги қонун бўйича алмашинади:

$$a^{i_1 \dots i_p}_{j_1 \dots j_q} = \sum_{\substack{k_1 \dots k_p \\ l_1 \dots l_q}} a^{k_1 \dots k_p}_{l_1 \dots l_q} a^{i_1}_{k_1} \dots a^{i_p}_{k_p} b^{l_1}_{j_1} \dots b^{l_q}_{j_q},$$

бунда

$$i_k=1,\ 2,\ \dots,\ n;\ k=1,\ 2,\ \dots\ p$$
$$j_l=1,\ 2,\ \dots,\ n;\ l=1,\ 2,\ \dots q,$$

$\{a^i_j\}, \{b^i_j\}$ матрицалар координаталар тизимининг ўзгариш қонуни б-н аниқланувчи матрицадир.. Бу тензор p марта контрвариант ва q марта ковариант Т. берилган дейилади.

ТЕНЗОРЛАР ҲИСОБИ — мат.нинг тензорлар ва улар устида бажариладиган амалларни, тензор хоссаларини чизиқли алгебра ҳамда математик анализ воситалари б-н ўрганувчи бўлими. Т.ҳ. вектор ҳисоби б-н матрицалар назариясининг тараққиёти ва умумлашиши натижасида вужудга келган бўлиб, дифференциал геометрия, Риман фазолари назарияси, нисбийлик назарияси, механика, электродинамика каби фанларда кенг татбиқ этилади.

Тензор табиатли миқдор координаталарнинг ҳар бир тизимида бир неча сон б-н аниқланади. Тизим ўзгариши б-н бу сонлар ҳам ўзгаради ва физик ҳодиса ёки объектнинг ўзини ифодаловчи сонлардан ташқари шундай сон — миқдорлар вужудга келадики, улар шу объект учун тасодифий роль ўйнайди. Т.ҳ.да ана шу миқдорлар таъсиридан қутулиш йўллари кўрсатилади. Т. ҳ. ҳам векторлар ҳисоби каби координаталар тизимини танлашдан озод қилувчи математик аппаратдан иборат. Бирор тизимда берилган тензор компонент (тузувчи) лари исталган бошқа тизимда ҳам аниқланган бўлади. Хуллас, механика, геометрия, физика фанларининг координаталар тизимининг танлаб олинишига боғлиқ бўлмаган аналитик ифодаларини топиш — Т.ҳ.нинг асосий вазифаларидан бири. Уч ўлчовли Т.ҳ.ларга мисоллар: 1 . Табиий фанларда тўғри бурчакли координаталарнинг ҳар бир тизимида 3^i— та $P_{i_1, \dots, i_k}$ сон б-н аниқланадиган миқдорлар (бунда $i_k=1,\ 2,\ 3$), x_1, x_2, x_3 тизимдан x_1', x_2', x_3' тизимга ўтганда, улар $P_{j_1, \dots, j_k}$ кўринишдаги сонларга қуйидаги формула бўйича алмашинади:

$$P_{i_1 \dots i_k} = a^{i_1}_{j_1} \dots a^{i_k}_{j_k} P_{j_1 \dots j_k}$$

бунда: а) $a^i_j = \cos(x_j, x_i')$; б) Т.ҳ. даги келишувга асосан (Эйнштейн қоидаси) бир гал юқорида, бир гал пастда учраган индекс бўйича йиғиштириш бажарилади (мас., $a^k_i b^i_{j_1} = a^k_i b^i_{j_1} + a^k_i b^i_{j_2} + \dots$), бунда $i_1, i_2, \dots, i_k$ — индекслар, k — сон эса тензорнинг валенти дейилади. Кўп ўлчовли фазода ҳам тензор шу каби аниқланади. Мисоллар: $\vec{a}\{a_1, a_2, a_3\}$ векторнинг a_i компонентлари бир валентли тензордир. $\vec{a}\{a_i\}$, $\vec{b}\{b_i\}$ векторларга компонентлари $a_i b_j$ га тенг икки валентли $p_{ij}=a_i a_j$ тензор мос келади. $p_{ij}=p_{ji}$ шартда тензор — симметрик ва $p_{ij}=-p_{ji}$ шарт бажарилганда қия симметрик дейилади. Симметрик тензорларнинг геометрик образи иккинчи тартибли сиртдир: $p_{ik}x^i x^k=1$.

Тўғри бурчакли координаталарга қараганда умумийроқ — аффин координаталарда ҳам тензорларни қараш мумкин.

Тензордаги индекслар жойларининг тартиби унинг таърифида муҳим роль ўйнайди, яъни индекслар ўрни алмашинса, компонентлар умуман айтганда ўзгариши мумкин.

Тензорлар устида бажариладиган амаллар асосан тўрт хил: қўшиш, кўпайтириш, икки (ёки ундан ортиқ) индекс бўйича йиғиштириш ва индекслар ўрнини алмаштириш:

а) қўшиш — тузилиш жиҳатдан фарқи бўлмаган (яъни юқори ва пастки индексларнинг сони бир хил) икки t^{ab}_{cd} ва q^{ab}_{cd} тензорнинг йиғиндиси деб компонентлари қуйидагича аниқланган тензорга айтилади:

$$r^{ab}_{cd} = t^{ab}_{cd} + q^{ab}_{cd}.$$

б) кўпайтириш — тузилиши жиҳатдан бир хил бўлиши шарт бўлмаган икки t^a_{bc} ва q^{cd}_{fgh} тензорнинг кўпайтмаси деб компонентлари қуйидагича аниқланган тензорга айтилади:

$$r^{acd}_{bcfgh} = r^a_{bc} \cdot q^{cd}_{fgh}$$

Тензорлари кўпайтмаси кўпайтувчилар тартибига боғлиқ.

в) йиғиштириш t^{ab}_{cd} тензорни юқоридаги a ва пастдаги d индекслари бўйича йиғиштириш натижаси деб, шундай t^b_{cd} тензорга айтиладики, унинг компонентлари t^{ib}_{cd} га тенг (бунда i индекс бўйича йиғинди олинган, яъни $\sum_{i=1}^{n} t^{ib}_{cd}$). Мас., j^i_i дан иборат матрицани йиғиштириш натижасида, матрицанинг «изи» номли $p^i_i = \sum_{k=1}^{n} p^k_k = p^1_1 + p^2_2 + \dots + p^n_n$ миқдор ҳосил бўлади.

г) ўрин алмаштириш — t^{ab}_{cd} тензорда c ва l индексларни алмаштириш натижасида бошқа $q^{ab}_{cd} = t^{ab}_{bc}$ тензор ҳосил бўлади.

Юқорида кўрсатилган тўрт амални комбинация қилиш натижасида яна бошқа амаллар (симметриялаш, альтернациялаш, индексларни кўтариш, тушириш ва ҳ.к.) ҳосил бўлади.

Тензорлар устида ҳозиргача қаралган амаллар алгебраик амаллар бўлиб, тензорлар анализи (майдони)да эса ўзгарувчан тензорлар (ҳосила, хусусий ҳосила, дифференциал, интеграл, ковариант ҳосила, ковариант дифференциал) қаралади. Т.ҳ.нинг бу бўлими математика, физиканинг жуда кўп масалаларида муҳим татбиқий-амалий тушунчаларни вужудга келтириш имконини беради.

Тарихий маълумот. Т.ҳ. 19-а.да дифференциал геометрия, физика эҳтиёжлари натижасида вужудга келган дифференциал квадратик формалар назарияси асосида яратилган. Шунингдек, Т.ҳ.нинг пайдо бўлишида сиртлар ва кўп ўлчовли фазолар геометриясидаги изланишлар жуда муҳим бўлди. Т.ҳ.ни ҳозирги замон талаблари даражасига етказишда италиялик математиклар Риччи-Курбастро б-н Леви-Чивитанинг хизматлари катта. Риччи ва Леви-Чивита гоялари (1901) дастлаб кенг тарқалмади. Кейинчалик А. Эйнштейн ўзининг нисбийлик назариясининг математик қисмини тамоман Т.ҳ.га асослади (1916).

Ад.: Собиров М.А., Юсупов А.Е., Дифференциал геометрия курси, 2-нашри, Т., 1965; Маллин Р.Х., Майдон назарияси, Т., 1965; Акивис М.А., Гольберг В.В., Тензорное исчисление, 2 изд., М., 1972.

ТЕНЗОМЕТР — юк (куч) тушадиган иншоот элементлари ва машина қисмларида вужудга келадиган деформациялар (шакл ўзгартиришлари) ни ўлчайдиган асбоб. Деформациянинг қиймати ва эластиклик модули (қаттиқ жисмнинг қайишқоқлигини ифодаловчи кўрсаткич) маълум бўлса, материалда ҳосил бўладиган зўриқишларни аниқлаш мумкин. Т.нинг механик ва электрон тури бор. Механик Т. ричаглар (пишанг) тизимидан иборат; унинг учи ўткир оёқлари деформацияланувчи жисмга таянади; жисм узайганда ричаглар ҳаракатга келиб, ўлчов милини бурайди; мил деформация миқдорини кўрсатади. Электрон Т.лар текширилаётган деталга ўрнатилган тензодатчик (узаткич)лардаги электр токининг ўзгаришига асосланади. Тензодатчик сим ёки зарқоғоздан ясалган панжара ёки яримўтказгичдан тайёрланган пластинадан иборат. Тензодатчик қаттиқ жисмларнинг механик деформациясини электр сигналларга ўзгартиради ва шу йўл б-н деформациянинг миқдори аниқланади.



Механик тензометр схемаси: *1* – кўзгалмас призма; *2* – шкала; *3* – мил; *4* – ричагли механизм; *5* – кўзгалувчан призма.

ТЕНИШЕВ Адҳам Раҳимович (1921.25.4, Пенза — 2004.11.7, Москва) — туркийшунос олим. Россия ФА мухбир аъзоси (1984). Турк тили қурими аъзоси (1978), Фин-угор жамияти аъзоси (1982), Бошқирдистон ФА фахрий аъзоси (1992). Ленинград ун-ти шарқшунослик ф-тини тугатган (1949). Филол. фанлари д-ри (1969). Россия ФА Тилшунослик ин-тининг урал-олтой тиллари бўлими мудири (1963 й.дан). Олим иштироки ва раҳбарлигида туркий тилларни қиёсий-тарихий грамматикаси яратилди: «Фонетика» (1984), «Морфология» (1988), «Синтаксис» (1986), «Лексика» (1996). Т. илмий ишлари асосан туркий тилларни қиёсий-тарихий ўрганишга, «Олтин ёруқ» ёдгорлигининг грамматик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган.

Ас.: Строй сарыг-югурского языка, М., 1976; Строй салярского языка, М., 1976; Уйгурские тексты, М., 1984; Уйгурский диалектный словарь, М., 1990; Древнекиргизский язык, Бишкек, 1997.

ТЕННАНТИТ — минерал (қ. *Хира рудалар*).

ТЕННЕССИ — АҚШнинг шарқий қисмидаги дарё. Огайо дарёсининг чап ирмоғи. Аппалачи тоғларининг тарбий ён бағридан бошланадиган Холстон ва Френч-Брод дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 1050 км (Холстон дарёси бошланишидан еридан 1470 км), ҳавзасининг майд. 104 минг км². Ўртача сув сарфи 1800 м³/сек. Тўлин сув даври қиш ва баҳор ойларига тўғри келади. Т. оқими сув омборлари тизими б-н тўлиқ бошқарилиб туради. ГЭС, иссиқлик электр ст-ялари, АЭС қурилган. Кема қатнайди. Т. бўйида Ноксвилл, Чаттануга, Флоренс шлари жойлашган.

ТЕННЕССИ — АҚШнинг жан. қисмидаги штат. Майд. 109,1 минг км². Аҳолиси 5,8 млн. киши (2002), 61 % шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Нашвилл ш., бошқа йирик шаҳарлари: Мемфис, Ноксвилл, Чаттануга.

Т. ҳудудининг катта қисми сертепа платодан иборат, ғарбий қисми пасттекислик, шарқида Аппалачи тоғлари бор. Иқлими субтропик, континентал иқлим. Январнинг ўртача т-раси 3—5°, июлники 25°, йиллик ёғин 1100—1200 мм. Йирик дарёлари — Теннесси ва Камберленд; уларда кема қатнайди.

Т. — мамлакатнинг индустриал-аграр штати. Йирик электр ст-ялар комплекслари қурилган. Етакчи саноат тармоқлари: кимё, атом, рангли металлургия. Электротехника, қ.х. машинасозлиги, автомобилсозлик, ёғочсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари бор. Фойдали қазилмалардан тошкўмир, фосфорит, рух, мармар қазиб чиқарилади. Қ.х.да чорвачилик етакчи ўринда. Деҳқончиликда, асосан, соя, тамаки, шунингдек, маккажўхори, бугдой, пахта, ем-хашак экинлари экилади. Тоғли қисмида боғдорчилик ривожланган. Асосий порти — Мемфис.

ТЕННИС, лаун-теннис (инг. lawn — ўтлоқ, майсазор; «теннис» терминининг келиб чиқиши тўғрисида бир неча тахмин бор: франц. tenez — мана, ол; инг. tens — ўйлик, чунки ўрта асрларда теннисга ўхшаш ўйинни беш кишидан, жами ўн киши ўйнаган; инг. tenia — ришта; тўпни тортилган ипдан ошириб ўйналгани учун) — спорт тури, мовут қопланган резина коптоқ ракетка ёрдамида урилиб *кортда* ўйналади. Коптокнинг диаметри 6,35—6,67 см, оғирлиги 56,7г. Ёғоч, енгил металл ёки пластмассадан ҳар хил ўлчамда тайёрланган ракеткалар оғирлиги 255—400 г. Ўйин кортининг орқа чизигидан рақибининг турга яқин майдончасига коптокни қабосил уланиш б-н бошланади. Коптоқ майдонга тегиб сакрагандан кейин рақиб уни қайтаради (унинг давомида ҳам коптокни иккинчи сакрагандан кейин олишга рухсат этилмайди, фақат иккинчи зарбадан бошлаб коптокни кортга туширмасдан ҳам қайтариш мумкин). Геймла ҳисоб 15:0, 30:0, 40:0 ва ҳ.к. тартда юритилади, агар 40:40 ҳисоби — «тенг» қайд этилса, кейинги очкони ютган «кўп», ютқизган «кам» бўлади. «Кўп»дан кейин очкони ютган геймни ҳам ютади. Сетда олти гейм (6,0...6:4) ютиш лозим, борди-ю ҳисоб 6:5 бўлса, ўйин давом эттирилади. 12 геймдан кейин ҳисоб 7:5 бўлса, голиб аниқланади. Агар 6:6 ҳисоби қайд этилса, «тай-брейк» ўйналади. «Тай-брейк»да голиб чиқиш учун 7 очко тўплаш зарур, агар ҳисоб 7:6 бўлиб қолса, ўйин қайсилар томонининг икки очко ўзиб кетишигача давом этади. Эркаклар ўйинида энг кўп сетлар миқдори — 5, аёлларда —3 та. Т. мусобақалари иккиликка, жуфтлик ва аралаш (бир эркак ва бир аёл) тарзида ташкил қилинади.

Т.га ўхшаш ўйинлар дастлаб Мисрнинг Танис (Танис) шла пайдо бўлган деган тахмин ҳам мавжуд. Бу ўйин 13—14-а.ларда Италия, Франция, Англияда оммалашди. Францияда роҳиблар 5 тадан бўлиб кафтларида Т.га ўхшаш ўйин ўйнашган. 16-а.дан бошлаб ўйинда дастлабки ракеткалар қўлланилди. Замонавий Т. қоидаларини англиялик Вальтер Уингфильд ишлаб чиққан (1874). Шу қоидалар асосида «Уимблдон» турнири (Англия) 1877 й.дан, АҚШ очиқ чемпионати 1881 й.дан, «Ролланн Гаррос» турнири (Франция) 1891 й.дан, Австралия очиқ чемпионати 1905 й.дан ўтказилиб келинади (ҳозирги кунда бу мусобақалар «Улкан тож» мусобақалари дейилади).

Т. 1896 й. Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. Америкалик Дуайт Филлн Дэвис ташаббуси б-н 1900 й.дан жамоалар ўртасида норасмий Дэжаҳон чемпионати ҳисобланмиш Дэвис кубоги ўтказилади. 1912 й. халқаро лаун-теннис федерацияси (ILTF)га асос солинди (1977 й.да Халқаро теннис федерацияси — ITF деб ўзгартирилди). 1965 й.да Халқаро профессионал теннисчилар ассоциацияси (IAPT) тузилди, У 1972 й.да Профессионал теннисчилар ассоциацияси (ATP)га айлантирилди. ATP ҳар йили 4 тонфага бўлинган 77 та мусобақа ўтказади. 1963 й.да Аёллар теннис ассоциацияси (WTA) ташкил қилинди. Ҳозирги кунда WTA 54 та мусобақа ташкилотчисидир (2004). Т. АҚШ, Австралия, Аргентина, Буюк Британия, Германия, ЖАР, Испания, Франция каби давлатларда яхши ривожланган. Бьёрн Борг (Швеция), Жон Макинрой (АҚШ), Иван Лендл (Чехия), Борис Беккер (Германия), Пит Сампрасс (АҚШ), Мартина Навратилова (АҚШ), Штеффи Граф (Германия), Мартина Хингис (Швейцария) каби Т. усталарининг номи машҳур.

Ўзбекистонда Т.га ўхшаш ўйинлар қадимдан ўйналган. Хусусан, «бир тақа» халқ ўйинида Т.га хос жиҳатлар мавжуд. Замонавий Т. Ўзбекистонга 20-а.нинг бошларида кириб келди. Мамлакат миқёсидаги мусобақаларда В. Пушкарев, Ш. Чебатарев, С. Обидов, Р. Ялалова каби теннисчилар мувaффақиятли қатнашиб, спорт устаси талабини бажаришди. Республикамизда Т. 20-а.нинг сўнгги ўн йиллигидан бошлаб кескин ривожланди. Мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг деярли ҳамма шаҳарларида замонавий Т. кортлари бунёд этилди. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Андижон ш. ларидаги бу спорт иншоотларида теннисчилар ва Т. мухлислари учун барча қулайликлар яратилган. 1992 й.да Ўзбекистонлик теннисчилар О.Огородов ва В.Кушенко,

Термиз шаҳри теннис корти.

Ўзбекистон федерацияси тузилди ва ўша йили ITF аъзолигига қабул қилинди. 1994 й.дан Ўзбекистон Дэвис кубоги мусобақаларига қўшилди, теннисчиларимиз Осиё ўйинлари, қитъа чемпионатлари, олимпиада ва б. халқаро мусобақаларда иштирок эта бошладилар. Тошкентда профессионал теннисчилар ўртасида «Президент кубоги» халқаро мусобақасининг ўтказилиши (1994 й.дан) Ўзбекистонда бу спорт турининг юксалиш даврини бошлаб берди. Кейинроқ бу мусобақа ATP тур доирасига киритилди ва жаҳоннинг энг кучли теннисчилари Ўзбекистон пойтахтига ташриф буюришди. 1996 й.да Тошкентда аёллар ўртасида Челленжер мусобақаларига асос солинди ва у WTA турнумидаги мусобақалар орасидан жой олди. Вилоят марказлари ҳам Фьючерс, Челленжер мусобақаларини ўтказишга бошланди. 1997 й.дан раҳбар ҳаваскор теннисчилар ўртасида «Ҳавас» мусобақаларининг бошланиши Т.нинг янада оммалашувида муҳим роль ўйнади. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» (1997 й. 25 дек.) ва «Ўзбекистон Республикасида теннисни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1998 й. 11 сент.) қарорлари Т.нинг тараққиётига кулай шарт-шароит яратди. 1998 й. 20 мартдан «Tennis+» газетаси чиқарила бошланди. 2001 й.дан Дэвис кубоги тарихи бўйича илгарги жамоалари ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақалари ўтказилиб келинади ва у Т.нинг барча вилоятларида ташкиллашган. Мамлакатнинг барча вилоятлари республика Т. федерацияларининг бўлимлари бор. 47 та Т. клуби, Т.га ихтисослашган 76 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатяпти. Ўзбекистонда 15 мингдан зиёд киши Т. б-н шуғулланади, уларга 241 мураббий сабоқ беради (2004). И. *Тўлагатова*, В. Кушенко, О. Огородов, И. Исроилова, О. Омонмуродова Осиё ўйинлари, қитъа чемпионати, универсиада, халқаро мусобақаларда голиб-совриндор бўлишди. Бу теннисчиларнинг галабасида В. Пушкарев, А. Ёлхин, Ф. Султонбеков, Ҳ. Шафиқов каби мураббийларнинг ҳиссаси бор.

Ад.: Мустафин Р., Султонбеков Ф., Теннис, Т., 1993; Янчук В., Яковенко В., Большой мир большого тенниса, Т., 1998; Жумаев К., Муминов А., Юнусобод теннис клуби, Т., 1999.

ТЕНОР (лот. tenor — овознинг текис ҳаракати) — 1) ўрта аср Европа черков (григориан) *хорида* оҳанг ривожидаги асосий, узоқ ушлаб турилади-ган парда (нота шундан). Кейинчалик, кўп овозли асарларда асосий овоз (партия) номи; 2) эркак хонанданинг баланд (ингичка) овози. Диапазони с—с². Лирик (Фауст, Ленский) ва драматик (Хозе, Герман ва б.) турлари бўлиб, биринчисининг юқори регистри кучли, куйни оҳангдор, енгил ҳаракатда намойиш этади; драматик Т. эса инсбатан йўғонроқ, ҳар бир товушга ёркин тембр ва бадиий таъсирли ифода беради. Опера ижрочилигида характери (Трике — «Евгений Онегин»), қаҳрамонона (Зигмунд — «Валкирия»), лирик-драматик (Отелло), Т.—альтино (Мунажжим, «Олтин хўрозча ҳақида эртак») каби турлари ҳам ажратилади. Ўзбекистонда С. Ярашев, Ғ. Абдураҳмонов, А. Азимов, И. Жалилов, К.Сержанов ва б. Т. овозига эга; 3) мис-пуфлама мусиқа чолғу асбоби. Пуфлама созлар оркестрида асосий созлардан; 4) ўзга мусиқа созларининг Т. турлари (саксофон = Т., Т. = тромбон ва б.).

ТЕНОРИТ (итальян ботаниги М. Теноре номидан) — оксидлар синфига мансуб минерал, миснинг табиий оксиди CuO; таркибида 79,89% мис бор. Моноклин сингонияда кристалланади. Ранги қора ва кулранг бўлиб, ўта майда пластинкасимон кристаллардан таркиб топган; концентрик-пўстлоқсимон бўлакчалар шаклида учрайди, баъзан, зич тупроқсимон агрегатлари кузатилади (мас., малаконит). Қаттиқлиги 3,5—4, зичлиги 5,8—6,4 г/см³. Т. мис конларининг оксидланиш зонасида куприт, малахит, хризоколл, туғма мис ва бошқалар б-н, баъзан вулканларнинг сублиматларида ҳосил бўлади. Т. хусусий конлар ҳосил қилмайди, оксидланиш зонасида миснинг бошқа минераллари б-н бирга қазиб олинади. Мис олиш учун хом ашё ҳисобланади.

ТЕНОЧТИТЛАН (Tenochtitlan)— *ацтеклар* давлати пойтахти (14—16-а.лар). Ривоятларга кўра, Тескоко кўлининг ғарбий қисмидаги оролда 1325 й. барпо этилган. Шаҳар харобаси майд. 1000 га ни ташкил этган. Т.ни кўплаб каналлар кесиб ўтган, шаҳар кўтарма

қўприклари бўлган 3 та дамба ёрдамида қуруқлик б-н боғланган. Шаҳар 4 р-н — Куэпопан, Теопан, Мойотлан ва Астакалькога, улар эса ўз навбатида ҳар бири 5 квартал (маҳалла)га бўлинган. Т. марказида маҳобатли ибодатхоналар (бош ибодатхонанинг бал. 30 м), ҳукмдорлар ва зодагонлар саройлари жойлашган; шаҳар доирасида ҳунармандларнинг махсус маҳаллалари — Амантлан ва б. мавжуд бўлган. Мексика испан босқинчилари томонидан босиб олинаётган вақтда Т. буткул вайрон қилинган (1521) ва унинг харобалари ўрнида *Мехико* ш.га асос солинган.

Жалил Турсунов.

ТЕНТАКСОЙ — Андижон вилоятининг шим.-шарқий қисмидаги сой. Фарғона тизмасидаги булоқлардан бошланади. Пахтаобод ш.дан ўтиб Мойлисувга қўшилади. Уз. 126 км. Ҳавзаси майд. 4130 км². Кўп йиллик сув сарфи 35,8 м³/сек. Т.га Чортоқсой ва б. ташлама сувлар келиб қўшилади. Суви Пахтаобод тумани экин майдонларини суторишга сарфланади.

ТЕНТАККУШЛАР (Caprimulgiformes) — қушлар туркуми. 5 оиласи бор: гуаяло ёки жиряклар, бақаоғизлилар, исполин Т., япалоққуйсимон Т., оддий Т. 24 уруғи ва 103 тури мавжуд. Вазни 60 *г* дан 600 *г* гача. Тунда фаол ҳаёт кечиради. Қаноти ва думи узун, патлари юмшоқ, кулранг ёки қўнғир. Тумшуғи кенг ва қисқа, кўзи катта, оёқлари калта. *Япалоққуйсимон Т.* сингари товушсиз учиш хусусиятига эга. Ерда секин ҳаракатланади. Ўлжасини учиб бораётганида тутади. Уя қурмайди. 2 та тухумини ердаги қум ёки тўпланиб қолган чўп-хаслар устига қўяди. Асосан, тропик ўлкаларда (ўтроқ), айрим турлари мўътадил иқлимли минтақаларда (учиб ўтувчи) тарқалган. Ўзбекистонда саман ва оддий Т. бутали чўлларда уя қуради. Тухумини 18—20 кун босади. Ҳашаротлар б-н озиқланиб, қ.х.га фойда келтиради. Т.нинг бир неча турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига ва айрим мамлакатлар Қизил китобига киритилган.

Тентаккуш.

ТЕОДОЛИТ — очиқ жойларда горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчашда ишлатиладиган кўчма геодезик асбоб. Бурчакларни ўлчаш, *триангуляция* ва *полигонометрия* ишларини бажаришда фойдаланилади. Бурчак ўлчаш ишларида горизонтал йўналишда 1′ ёки 30″ аниқликда ўлчайдиган Т.лар қўлланилади. Триангуляция ишларида (ер сирти ҳолатини аниқлашда) аниқлик даражаси янада юқори (0,5″ гача) бўлган Т.лардан фойдаланилади. Аниқлик даражаси юқори бўлган Т.лар универсал Т. деб аталади. Т.лар б-н очиқ жойлари вертикал бурчаклар, масофалар ҳамда йўналишлар, магнит азимутларини ҳам ўлчаш мумкин. Т.нинг асосий қисмлари — кўриш трубаси, горизонтал ва вертикал доиралар. Горизонтал доира лимб ва алидадан иборат. Вертикал доира 15′ ҳия бурчакларни ўлчаш учун мўлжалланган. Янги оптик Т.лар металл лимбли Т.ларга нисбатан ихчам, енгил ва ишлатиш осон. Т.лар тузилиши, аниқлиги ва б. хусусиятларига кўра бир неча хил бўлади (ҳисоб қурилмали, оптик микрометрли, микроскопли, индексли ва б.).



Теодолит схемаси: *1* – лимб; *2* – алидада; *3* – вертикал ўқ; *4* – учоёқ (таглик); *5* – кўтариш винтлари; *6* – штатив; *7* – цилиндрик сатҳ; *8* – марказий винт; *9* – илгак; *10* – кўриш трубаси; *11* – горизонтал ўқ; *12* – таглик; *13* – маҳкамлаш винти; *14* – микрометрик винт; *15* – вертикал доира; VV_1 – кўзатиш ўқи.

ТЕОДОРИХ Буюк, Теодерих (Theodoricus, Theoderich) (тахм. 454 — 526) — *остготлар* қироли (493—526), Италияда остготлар давлати асосчиси. 488 й. Италияга бостириб кирган ва у ердаги ҳукмдор Одоакрни тахтдан ағдариб, қатл эттиргач, ҳокимиятни эгаллаб олган (493 й.). Т. даврида остготлар давлатига Ғарбий Европадаги катта ҳудудлар тобе бўлган. Рим аристократияси б-н яқинлашган остгот зодагонлари манфаатларини ифода этган. Т. остготлар давлати бошқаруви, маъмурияти, қонунчилигида Рим тартибларини сақлаб қолган. Тахм. 512 й. нашр этилган Теодорих эдикти асосини *Рим ҳуқуқи* ташкил қилган бўлиб, у қулчиликни қонунлаштирган, йирик ер эгалигини сақлаб қолган. Т. даврида марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамланиши мамлакатда деҳқончилик ва савдонинг тараққий этишига, фан ва санъатнинг равнақ топишига имкон берган.

ТЕОКРАТИЯ (юн. theos — худо ва *...кратия*) — давлат бошқарув шакли, бунда давлат (одатда, монархия давлатининг бошлиғи бир вақтнинг ўзида диний бошлиқ ҳам ҳисобланади. Теократик давлатлар қадимдан маълум. Мас., Иудеяда мил. ав. 5—1-а.ларда бош руҳоний, яъни олий коҳин давлат ҳокимиятининг тўлиқ эгаси бўлган. Ўрта асрлардаги умавийлар ва аббосийлар халифалиги теократик давлатлар эди. Неъматлар 17-а.да Парагвайда ташкил этган теократик давлат ҳам маълум; имом Шомилнинг Чеченистонда ва 19-а.да Кавказни истило қилиш пайтида чор қўшинларига узоқ вақт қаршилик кўрсатган Чеченистонга яқин ҳудудлардаги бошқаруви теократик хусусиятга эга бўлган. Папа вилояти 1870 й.да Италия бирлашишидан олдин теократик давлат бўлган эди. 1951 й. Тибет ХХРга қўшилгунга қадар Далай-лама (лама руҳонийларининг раҳбари) Тибетдаги дунёвий ҳокимият ҳам бошқарган. Рим католик черковининг олий раҳбари Папа бир вақтнинг ўзида Ватикан давлатининг ҳам бошлиғи ҳисобланади. Теократик тамойиллар фуқаролар ижтимоий ва шахсий ҳаётининг барча томонлари (диний байрамлар ва маросимларга давлат мақоми берилиши, сул ишлари диний қонунлар бўйича юритилишининг тикланиши, бошқа дин вакиллари қувғин қилиниши ва ш.к.) диний тартиблар орқали белгиланиши кучайиши б-н кечади.

ТЕОЛОГИЯ (юн. theos — худо ва *...логия*) — худонинг моҳияти ва иродаси ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи. Худо шахсан ўзини ваҳий орқали кишиларга маълум қилади деган концепцияга асосланади. Муқаддас китоблар ва муқаддаслаштирилган ёзувлар Т.нинг асосий манбалари ҳисобланади. Т. турли диний ўқув юртлари — семинариялар, академиялар, мадрасалар ва б.да ўқитилади. Т. тушунчаси аввало иудаизм ва христианликка нисбатан қўлланган. Т. исломда *илоҳиёт, калом* атамалари б-н ҳам аталади.

ТЕОРЕЛЛЬ (Theorell), Аксель Хуго Теодор (1903.6.7—1982.15.8) — швед биокимёгар. Швеция Қироллик ФА аъзоси (1942 й.дан) ва президенти (1967—69). Стокгольмдаги Каролин ин-тини битириб; тиббиёт бакалаври унвонини олган (1924). Каролин ин-ти, Упсала ун-ти, Берлиндаги Кайзер Вильгельм ҳужайра физиологияси ин-ти (Макс Планк ин-ти) ва Тиббий Нобель ин-тларида ишлаган (Стокгольм).

Илмий фаолияти оксидланиш-қайтарилиш ферментлари ва миоглобинларнинг физик-кимёвий хоссалари (тузилиши ва таъсир механизмлари)ни ўрганишга оид. Нобель мукофоти лауреати (1955).

ТЕОРЕМА (юн. theoreo — қарамайман, текшираман) — матда аксиомалар асосида қатъий мантиқий мушоҳада б-н исботланадиган тасдиқ. Мас., геометрияда Пифагор теоремаси, алгебрада Виет теоремаси. Одатда, «*А* бўлса, *В* бўлади» (қисқача $A \Rightarrow B$) кўринишга (лекин шарт эмас) эга. Бунда *А* тасдиқ Т.нинг шарти, *В* тасдиқ эса хулосаси дейилади. $B \Rightarrow A$ тасдиқ $A \Rightarrow B$ га тескари Т. деб аталади. У ҳар доим тўғри бўлавермайди — алоҳида исбот талаб этилади. Агар тўғри Т. ҳам, унга тескари теорема ҳам исботланса, *А* тасдиқ *В* учун зарурий ва етарли шарт деб аталади ҳамда $A \Leftrightarrow B$ кўринишда ёзилади. Т.лар математик тушунчаларни ўзаро боғлайди ва шу жиҳатдан жуда чуқур-саёзлиги, кенг-торлиги, татбиқи бор-йўқлиги б-н баҳоланади.

ТЕОСОФИЯ (юн. theos — худо ва sophia — донишмандлик, билим) — кенг маънода — энг зўр илоҳий сирларни очишга даъво қилувчи ҳар қандай диний таълимот. Шаклсиз, ягона, ҳимма нарсани қамраб олувчи худо ҳақидаги, барча нарсаларнинг илоҳий моҳияти ҳақидаги тасаввурлар Т.нинг назарий асосини ташкил этади. Файритабиий ва нариги дунёдаги кучлар б-н бевосита алоқа боғлаш мумкинлигини тан олиш Т.ни *спиритизм* ва *оккультизм*га олиб боради. Тор маънода — рус ёзувчиси Е.П. Блаватская (1831—91) ва унинг тарафдорларининг диний таълимоти бўлиб, унда буддизм ва бошқа шарқ таълимотларидаги мистика оккультизм ва ноортодоксал христианлик элементлари б-н қўшилиб кетган.

ТЕПА (археологияда) — асосан, пахсадан ишланган қад. иншоотларнинг харобалари ва уларни тўлдирган маданий қатламлардан ҳосил бўлган дўнглик. Археологик ёдгорликларнинг ушбу тури Ўрта Осиё ва Кавказда (тепа), Яқин Шарқда (араб. — тель, талл), Ҳиндистонда ва Болқон н.о.да (юн. — магула, макелонча — тумба) учрайди. Бу мамлакатлардаги сугорма ўтроқ деҳқончилик ҳўжалиги, айнан мазкур ернинг ўзида кўп асрлар ва ҳатто минг йиллар давомида қишлоқ (жумладан, шаҳар) мавжуд бўлишига имкон берган. Вақт ўтиши б-н вайронага айлана борган иншоотлар янгилари учун асос бўлиб хизмат қилган ва қишлоқ баландлашиб борган. 30—40 м га етган Т.лар кўп қатламли бўлиб, улар мазкур ёдгорликларнинг стратиграфиясини белгилашда муҳим объект ҳисобланади (*Намозгоҳтепа, Сополлитепа* ва б.). География жой номлари таркибида ҳам Т. кўпинча кўп учрайди (мас., Кўрғонтепа, Олтинтепа, Оқтепа ва б.).

ТЕПА-ГАВР — қад. қишлоқ харобаси (мил. ав. 5—2-минг йиллик). Мосул ш. (Ироқ)дан 25 км шарқда жойлашган. Э. А. Спайзер раҳбарлигидаги АҚШ археология экспедицияси (1927 ва 1931—38) текширган. Т.-Г.нинг энг пастки 20-маданий қатлами бу ерда ўтроқ деҳқончилик қишлоғи вужудга келган даврга — Халаф маданияти (мил. ав. 5-минг йиллик)га оид. 19—12-маданий қатламларидан *Убайд маданиятига* оид материаллар топилган. 11—8-маданий қатламлардан бошлаб Гавр маданияти шаклана бошлаган. Бу даврда қўлда ясалган бўяма сопол идишлар ясаш ривожланган, тош тахталардан зодагонларга мўлжалланган мақбаралар қурилган. 8—7-қатламлар (мил. ав. 4—3-минг йиллик бошларидан) дастгоҳда тайёрланган сопол идишлар, цилиндрсимон муҳрларнинг топилиши бу даврда ҳунармандлик тараққий қилиб, ибтидоий жамият емирила бошлаганидан дарак беради. 3—1-маданий қатламлардан Ҳуррийлар маданияти топилган. Ашёвий далиллар Т.-Г.да ҳаёт мил. ав. 2-минг йиллик ўрталаригача давом этганини тасдиқлайди.

ТЕПАНШОҲ — қадимги шаҳар харобаси (мил. ав. 2-а. — мил. 4-а.). Ҳиндистондан Ўрта Осиёга борадиган қад. карвон йўли устида, Кофарниҳон дарёси бўйида (Тожикистон) жойлашган. Т.дан хом гиштдан ясалган минорали ри бўлган тўғри бурчакли арк (қалъа) ва унинг саройи, атрофи очиқ қишлоқ, некрополь ва б. чиққан.

ТЕПАР ЧЎҚҚИСИ — Ўгом тизмасидаги чўққи, бал. 3623 м. Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида. Гранит, мармар ва оҳактошлардан тарқиб топган. Т.ч. атрофидаги қор ва музликлардан Угом дарёси сув олади.

ТЕПАҚЎТОН ТУЗ КОНИ — Қашқадарё вилоятидаги кон; Далмикон туз кони б-н туташган. 1950 й.да очилган. Конининг геологик тузилиши 1959—64 й.ларда ўрганилган. Т.т.к. брахиантиклиналь шаклида жан.-ғарбдан шим.-шарққа чўзилган бўлиб, Тепақўтон тепалигидан иборат. Уз. 15—20 км, эни 5—6 км. Тепақўтон брахиантиклинали ўзагидаги туз қатламлари ювилиб кетган, туз остидаги ангидрит қатламлари эса қор-ёмғир сувлари таъсирида қисман гипсга айланган. Тепақўтондаги свита ётқизиқларининг қалинлиги 850—900 м. 4 қават (йирик қатлам)дан тузилган (пастдан юқорига): 1) ангидрит қавати — кўкимтир кулранг, оқ ангидрит ва қорамтир оҳактош қатламларидан ташкил топган, қалинлиги 155—200 м; 2) данбуритли галит-ангидрит қавати — кулранг, кўкимтир ангидрит ва қорамтир оҳактош, рангсиз галит (ош тузи) қатламларидан тузилган бўлиб, пастки ва юқориги ангидрит қатламларида данбурит минерали учрайди, қалинлиги 130—250 м; 3) туз қавати — рангига кўра 2 қисмга ажралади: пастда 200 м қалинликдаги рангсиз (майдаланганда оқ) ва кулранг ош тузи, юқорида эса 200—250 м қалинликдаги қизил ва пушти ранг туз қатламлари бўлиб, улар орасида 3 та сильвинит (калий тузлари) горизонти жойлашган; 4) юқори гипс-ангидрит қавати — қалинлиги 2—15 м. Т.т.к.да калий ва ош тузидан ташқари ер юзасига чиқиб ётган гипс ва ангидрит қатламлари ҳам мавжуд бўлиб, сульфат кислота учун хом ашё ҳисобланади. Гипснинг данбуритли хилидан қ.х.да микроэлементли ўғит сифатида фойдаланиш мумкин. Бўр ва палеоген даврлари ётқизиқларидаги гиллар ва доломит қатламлари қурилиш материалларидир.

ТЕПКИ — ўткир вирусли касаллик, асосан, болаларда учрайди. Қулоқ олди безлари зарарланади. Т. ҳаво орқали беморнинг сўлак томчиларидан юқади (яна қ. *Паротит*).

ТЕПКИЛИ ТЕРЛАМА — қ. *Тошмали терлама.*

ТЕПЛОВИДЕНИЕ (рус. тепло — иссиқлик ва видение — кўриш) — оддий кўзга кўринмайдиган объектлар чиқарадиган ёки улардан қайтадиган инфрақизил нурланиш бўйича уларнинг кўринадиган тасвирини ҳосил қилиш усули. Қоронғи жойда ёки оптик шаффофмас муҳитда турган объектларнинг ўрнини аниқлаш, мураккаб юзаларнинг айрим жойлари қиздирилганлик даражасини, ношаффоф жисмларнинг ички тузилишини ўрганиш учун қўлланади. Қиздирилган жисм ўзидан кўзга кўринмайдиган иссиқлик нурлари чиқаради. Бу инфрақизил нурланишларни махсус қабул қилгичлар ёрдамида қабул қилиб, бирор усул б-н кўринадиган тасвирга айлантириш мумкин.

Дастлабки Т. қурилмалари 20-а. 30-йилларида иссиқлик нурларини электр сигналига айлантириб берувчи қабул

қилгич сифатида *болометр* ва *термопара* ишлатилган. 1970 й.га келиб, тепловизор деб аталувчи Т. тизими ривожланди. Тепловизор, асосан, қабул қилувчи камера ва тасвирларни кўрсатувчи индикатор қурилмалардан иборат.

Кейинчалик яратилган тепловизорларда махсус усул б-н совитиладиган фотоприёмниклар ҳамда пироэлектрик қабул қилгичлар кенг ишлатилади. Бундай тепловизорлар тўлқин уз. λ=5—6 мкм бўлган нурларни осон қабул қила олади. Улар инсон танасининг айрим жойлари ҳароратини 0,1° аниқликда сезади. Бу эса рак касалликларини ва қон айланиш тизимида мавжуд бўлган бузилишларни олдиндан айтиб беришга имкон беради. Гамма-рентген, ультратовуш, электромагнит тўлқинлардан фойдаланиб ишлайдиган усули — *интроскопия* кенг қўлланилади.

Т. қурилмалари космонавтика, тиббиёт, қурилиш, қ.х., геология, навигация, дефектоскопия, ҳарбий иш ва б. соҳаларда қўлланади.

ТЕПЛОВОЗ — *ички ёнув двигатели* (дизель) ўрнатилган тортувчи куч машинаси; *локомотив*. Иссиқлик двигателидан т.й.да фойдаланиш гояси 19-а. охирларида ўртага ташланган. 20-а. 20-й.ларигача Т.нинг бир неча тури яратилди. Корхона ичида юк ташишда ишлатиладиган *автодрезина*, мотовозлар дастлабки Т.лардир. Биринчи Т. Германияда 1912 й. синаб кўрилган. 1922 й. рус муҳандиси А.Н.Шелест Т.нинг механик узатмаси конструкциясини яратди (лекин унинг гояси 1950 й. Швецияда амалга ошди). СССР да Я. М. Гаккел конструкцияси бўйича дунёда биринчи магистрал Т. 1924 й. яратилди. Кейинчалик Т. конструкцияси такомиллаштириб борилди. 1932 й. биринчи магистрал *электровоз* ясалди.

Т.нинг асосий қисмлари: двигатель, куч қурилмаси, экипаж қисми, ёрдамчи жиҳозлар. Машина бўлимига ўрнатилган двигатель ёнилги (дизель ёнилгиси)нинг иссиқлик энергиясини механик энергияга айлантиради ва уни механик, гидравлик ёки электр куч қурилмаси орқали ғилдирак жуфт-ларига узатади.

Электр куч қурилмали Т. энг кўп тарқалди. Бунда асосий двигателнинг тирсакли вали бош электр генератор якорини, тишли узатма орқали эса ғилдирак жуфтларини айлантиради. Т.нинг магистрал (юк ва йўловчилар учун мўлжалланган) ва манёврчи (вагонларни саралаш ва поездлар тузиш учун мўлжалланган) хиллари бор. Магистрал Т.лар двигателининг қуввати 6000 кВт гача, тезлиги 160 км/соат га етади, манёвр Т.ларининг қуввати 300—1000 кВт. Двигателнинг қувватига қараб, 6—20 цилиндр 1—2 қатор ёки V-симон қилиб жойлаштирилади. Поршень йўлининг цилиндр диаметрига нисбати 0,9—1,4. Т. двигателининг иши айланиш частотаси ва қувват ростлагичлари ҳамда сув, мой т-раси ростлагичлари ёрдамида автоматлаштирилади. Экипаж қисми асосий рама, ғилдирак жуфтлари, букса (гупчак) ва рессорали осмалар ўрнатиладиган икки, уч ёки тўрт ўқли тележкалардан иборат. Машина қисмида двигателдан ташқари асосий генератор, компрессор, аккумуляторлар батареяси, фильтр ва б. жойлаштирилади. Т. бир, икки, уч ва тўрт секцияли (кузовли) бўлади. Барча секциялар биринчи секциялаги пультдан бошқарилади. *Паровоз* Т.нинг ўтмишдоши, *электровоз* унинг истиқболи. Ҳозир т.й.да, асосан, Т. ва электровоздан фойдаланилади.

Икки секцияли юк тепловози.

ТЕПЛОХОД — *ички ёнув двигатели* б-н ҳаракатланадиган кема; ўзиюрар кемаларнинг энг кенг тарқалган тури. Дарёда сузишга мўлжалланган винтли *танкер* « Вандал» биринчи марта Россияда ясалган (1903). Чет элда биринчи транспорт Т.и — «Зеландия» танкери Данияда яратилди (1922). Илгари асосий двигатели дизелли ва эшкак винтининг электр двигателига электр қуввати узатадиган механизми бўлган кемаларни дизель-электроход деб ҳам аташган (қ. *Электроход*).

Т.да асосий двигеталь сифатида 2 ва 4 тактли, кичик, ўрта ва катта тезликда айланувчи ички ёнув двигателлари ишлатилади. Ички ёнув двигателида иш бажарган газлар иссиқлигидан махсус қозонда буг тайёрлаш учун, бугдан эса электр энергия ишлаб чиқариш ва кема эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Т. двигателларининг қуввати — 50000 о.к.гача, тезлиги — 150 км/соат гача. Ҳаво ёстиқли ва сув ости қанотли Т.лар ҳам бор.

ТЕР — *тер безлари* ажратиб чиқарадиган тиниқ суюқлик. Одам тери таркибида 97,5—99,5% сув, оз миқдорда хлорид, фосфат тузлари ва баъзи бир бошқа моддалар (мочевина, сийдик кислота, креатинин ва б.) бор. Тери юзасида тўпланадиган Т. мой безлари ажратган секретга лоймо аралашиб кетали. Т. таркиби организмнинг ҳолатига (яъни қон таркибида турли моддалар бўлишига), терлаш даражасига боғлиқ. Одам бир кеча-кундузда 0,5—1,0 л Т. чиқаради. Бу жисмоний ишнинг жадаллиги, ташқи муҳит ҳарорати ва ичилган суюқлик миқдорига боғлиқ. Кўп дори моддалари организмдан Т. б-н ажралади.

ТЕР БЕЗЛАРИ — одам терисидаги *тер* чиқарадиган ва уни ажраталиган оддий найсимон безлар. Кафт, оёқ таги ва пешона терисида бошқа жойларга қараганда Т.б. кўп бўлади. Оддий Т.б.дан ташқари тананинг айрим жойларида (қўлтиқ остида, орқа чиқарув тешиги атрофида, чов соҳасида ва б.) махсус апокрин безлари жойлашган. Улар ўткир ҳидли секрет ажратиши б-н оддий безлардан фарқ қилади. Т.б. кўп миқдорда тер чиқариб, бадан ҳароратини қисман бошқаради, организмдан азотли ҳосилалар ва ишқорли металл тузлари, асосан, натрий хлоридни чиқариб туради, тери юзасини ҳўллайди. Қўлтиқ ости, чов соҳасида Т.б. нинг яллигланиши (*гидраденит*) кўпроқ учрайди.

ТЕРАК (Populus L.) — толдошлар оиласига мансуб дарахтлар туркуми. Айрим маълумотларга кўра, 100 дан ортиқ тури бор. 30 га яқин тури Евросиё, Шим. Америка ва Шим. Африкада тарқалган. Ўзбекистонда Т.нинг кўкяпроқли Т. ёки зангори баргли Т. (P. pruinosa Schrenk), фурот Т.и (P. euphratica Olid.), *мирзатерак* (P. nigra L.), афгон Т.и (P. afghanica), оқ терак (P. alba), Бахофен тераги ёки *кўктерак* (P.bachofenu Wierzb.) турлари ўсади. Мирзатерак, кўктерак, оқтерак турлари кўп экилади. Т.ларнинг баъзи турлари бўйи 30—45 (баъзан 60) м гача, диаметри 1,5 (айрим дарахтлариники 3) м гача етади. Т.лар танаси тик, шох-шаббаси тухумсимон, пирамиласимон, кенг овалсимон бўлади. Барглари бандли, кетма-кет, барг пластинкаси яхлит ёки кертикли, наштарсимон. Кучаласи цилиндрсимон, бошоқсимон тўпгул, гуллагандан кейин тўкилади. Гули бир жинсли, икки уйли. Аксарияти барг ёзишдан олдин, баъзилари барг ёзгандан кейин гуллайди. Уруги кўсакча, шамол ва сув ёрдамида тарқалади. Нам тупроқда тез униб чиқади. Т. иссиқсевар, ёругсевар, совуққа бардошли (мас., мирзатерак) ўсимлик. Сернам ва унумдор тупроқларда тез етилади, лекин баъзилари шўрхок тупроқни хуш кўрмайди. Т. қисқа умрли (25—30 ёшгача яхши ривожланади) дарахт бўлса ҳам 150—200 йил умр кўрадиганлари ҳам (мирзатерак ва оқтеракнинг айрим дарахтлари) бор.

Тераклисой расмлари.

Тераклисой расмлари — Чатқол тог тизмаси (Тераклисой қирғоқлари)даги қоятошларга ишланган тасвирлар. Тошкент вилояти Паркент тумани ҳудудида. 1963 й.да геолог А.Агапонов ва Чатқол тог-ўрмон кўриқхонаси директори Т. Есиповлар топган. 1966 й.да А.Кабиров томонидан ўрганилган. Т.р. оддий чизиқлар, шакл кўриниши, соя услубида уриб—чўкичлаб ишланган: одам, архар, тог эчкиси, бўри, илон, ғилдирак шаклидаги қуёш, ўқ-ёй ва б. буюмлар тасвири бор; алоҳида якка ҳамда кўп шаклли — ов, рақс ва диний маросимлар ижроси б-н боғлиқ манзаралар тасвирланган. Т.р.нинг асосий қисми мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмида яратилган, аксарияти нафис ҳамда одам ва ҳайвонлар аъзолари бирига мутаносиб қилиб ишланган. Т.р. санъат обидаси сифатида қад. тоғликлар ҳаёти, маданияти, эътиқоди, урф-одатлари ва б.ни ўрганишда қимматли манбадир.

ТЕРАПИЯ (юн. therapeia — даволаш) — 1) консерватив усуллар: дори-дармонлар (*фармакотерапия*), антибактериал (кимётерапия, антибиотикотерапия) ва гормонал моддалар; зардоб ва вакциналар, турли ионловчи нурлар (*нур билан даволаш*); иқлим, балчиқ, минерал сувлар, массаж, электр токи ва б. физик омиллар (санаторий ва курортларда даволаш, *физиотерапия*, шифобахш физкультура; *парҳез* ва б. йўллар) б-н даволаш; 2) *ички касалликлар* тиббиёти, ички касалликлар клиникаси, *ички аъзолар* касалликлари, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари (*этиология*), ривожланиш механизмлари (*патогенез*), касалликни аниқлаш (*диагностика*), даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганувчи клиник фан.



1 — мирзатерак, *2* — кўчаласи, *3* — шохи ва барги.

Юнонистон, Қад. Рим, Шарқнинг Уйғониш даврида Шарқ ва Европанинг буюк врачлари (*Гиппократ, Гален, Ибн Сино*, ар-*Розий*, Парацельс ва б.) илк бор тиббиётда муҳим илмий системалар ва йўналишларни асослаб берди. 17-а.да инглиз врачи Сиденхем Гиппократнинг беморни врач қаровида кузатиш таомилига асосланиб, касаллик жараёни босқичлари ҳақидаги тушунчани шакллантирди ва кўпчилик касаллик белгиларини тавсифлади. Илмий анатомиянинг асосчиси А.*Везалий*нинг ишлари, У.Гарвейнинг қон айланишини кашф этиши, патологик анатомия соҳасида эришилган ютуқлар, беморни сўраш (М.Я.Мудров, Г.А.Захарьин), танани бармоқ б-н уриб кўриш, пайпаслаш, эшитиш каби усулларнинг қўлланилиши ҳамда касалликни аниқлашда экспериментал усуллардан фойдаланиш Т.нинг тиббий-илмий фан сифатида ривожланишига замин бўлди.

Т. 19-а.гача тиббиёт б-н боғлиқ ҳолда ривожланди. Рентген нурларининг кашф этилиши, *рентгенодиагностика*нинг кучайиши, *электрокардиография* ва артериал босимни ўлчаш усулини амалда татбиқ этиш Т.нинг янада ривожланишига олиб келди. Кимё фанининг ўсиши Т.да турли лаб. текширувни усулларидан диагностикада фойдаланиш ҳамда турли дори-дармонлар и.ч. имконини берди. *Микробиология* ва иммунология соҳасидаги ютуқлар вакцина ва зардобларни даво-профилактика мақсадида қўллашга, *серодиагностика*нинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Тиббиётнинг тараққиёти натижасида 19-а.га келиб, *дерматология, невропатология*, гематология, эндокринология, кейинчалик юқумли касалликлар, *фтизиатрия* ва б. мустақил фан сифатида Т.дан ажралиб чиқди.

Патология характерининг ўзгариши, клиник фанларнинг бўлиниши, диагностикада лаб. ва инструментал усулларнинг кенг жорий этилиши ва б. замонавий Т.нинг муҳим масалаларидан бўлиб қолмоқда.

Т.нинг тармоқланиши (мас., *хирургия, урология, физиология*, экспериментал патология ва б.) *кардиология, гастроэнтерология, нефрология, физиотерапия* ва ҳ.к. фанларнинг ҳам мустақил илмий соҳа сифатида ажралишига олиб келди.

Т. соғлиқни сақлаш тамойилларига ва олий нерв фаолияти тўғрисидаги таълимотга асосланади. Ўзбекистонда

тиббиёт олий ўқув юртлари —1- ва 2-Тошкент тиббиёт ин-тлари, Самарқанд тиббиёт ин-ти, Андижон тиббиёт ин-ти, Бухоро тиббиёт ин-ти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида Т. кафедралари бор. Ўзбекистонда Т. фанининг шаклланиши Тошкентда ишлаган терапевт олимлар А.Н.Крюков, Н.И.Рагоза, М.И.Слоним, И.А.Кассирский; ривожланиш тарихи эса А.А.*Асқаров*, Н.И.*Исмоилов*, Э.И.*Отахонов*, З.И.*Умидова*, Р.А.*Каценович*, К.Б.Баҳодиров, Н.А. Мирзоян, Р.А.*Абдуллаев*, К.Й.*Йўлдошев*, А.М.*Убайдуллаев*, Э.F.Қаюмов, Э.Й. Қосимов ва б. номи б-н боғлиқ.

Ҳоз. ўзбек олимлари Ўзбекистоннинг ўзига хос иқлими шароитида турли касалликлар, жумладан, меъда-ичак йўли, қалқонсимон без, юрак-томир ва нафас системаси, гипертония, атеросклероз, стенокардия, миокард инфаркти, ревматизм каби касалликларнинг қай тарзда кечиши, уларнинг олдини олиш, даволаш ва организмнинг функционал ҳолатини тиклаш, шунингдек, бу касалликларни замонавий тиббиёт аппаратлари ёрдамида текшириш, иссиқ иқлимнинг юрак-томир системасига таъсири, клиник эндокринологиянинг турли долзарб муаммоларини ўрганиш устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда (яна қ. *Тиббиёт*).

ТЕРБИЙ (лот. Terbium), Tb — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент. *Лантаноидлар*га киради. Тартиб рақами 65, мол. м. 158,9254. Битта изотоп ^{158}Tb шаклида учрайди. Т.нинг бир неча сунъий радиоактив изотоплари олинган. Лантаноидларнинг иттрий гуруҳчасига киради. Т. кумуш каби оқ металл. Суюқланиш т-раси 1356°, қайнаш т-раси 2480°, зичлиги 8,270 г/см^3. Соф Т. пластик ва яхши деформацияланадиган металл. Кимёвий жиҳатдан фаол. Ўз бирикмаларида 3 ва 4 валентли. Т. рангли металларнинг қотишмаларига оз миқдорда қўшилади. *Люминофорлар* ва лазер материаллари тайёрлашда қўлланади.

ТЕРВЕЛХОН — *Биринчи Булғор подшолиги*нинг иккинчи ҳукмдори (701—718). *Аспарух* вафотидан кейин тахтга чиққан. *Дуло* сулоласидан. 705 й. Византиянинг собиқ императори Юстиниан II ҳокимиятини тиклашга ёрдам берган. Бунинг эвазига Юстиниан II унга «қайсар» («кесар») унвонини ва Загора вилоятини берган. 717—718 й.ларда Т. Византия пойтахти Константинополни қамал қилган арабларни тор-мор келтирган ва бу б-н Византияни улар хавфидан халос этган. Т. даврида Булғория қудратли давлат бўлиб, Византия унга ўлпон тўлаб турган. Унинг вафотидан кейин мамлакатда ҳокимият учун уруш-жанжаллар бошланиб кетган.

Ад.: Краткая история Болгарии. М., 1987.

ТЕРГАЧИ НЕФТЬ КОНИ — Наманган вилояти Косонсой туманидаги кон. Наманган т.й. станциясидан 25—30 км шим.-ғарбда. Кондан 30 км масофада Тергачи—Наманган нефтузатгич қувури ўтади. Кон майдони Чатқол тоғ тизмасининг тоғ олди текислигида, денгиз сатҳидан 700—800 м баландликда жойлашган. Т.н.к. Наманган тектоник поғонасидаги Тергачи бурмаси б-н боғлиқ. Тергачи бурмаси брахиантиклиналдан иборат, шим.-шарқдан жан.-ғарбга чўзилган, асимметрик тузилишга эга. Шим. қаноти тик (15—16°), жан. ясси (8—10°). Шим. ва шим.-шарқий томонларидан кўтарилма-узилма типидаги кўп сонли тектоник бузилишлар б-н мураккаблашган. Жан. ва шим.даги ёриқлар амплитудаси 30—45 м, марказдагиси 130—140 м га етади. Коннинг нефтли горизонтлари қуйи неоген, палеоген ва олай карбонат ётқизиқларида мужассамлашган. Қазилган қудуқларнинг 21 тасидан нефть олинган. Қизил рангли свитадаги нефть оғир, парафинли, кам олтингугуртли, оксидланган, метаннефтенли типга мансуб. Баъзи горизонтлардаги нефть енгил. Таркибида олтингугурт, асфальтен, кокс, парафин, селикагелли смола, акциз смоласи кам. Қизил рангли свита ва айрим горизонтлардаги қатлам сувлари намакоб турига мансуб, минераллашганлиги 78,6—143,1 г/л, кимёвий таркибига кўра хлор-кальцийли. Кондан ҳоз. кунда фойдаланилмоқда.

ТЕРГОВ — *жиноят процессида* жиноий иш бўйича далиллар йиғиш ва текшириш. Т. турлари: *дастлабки тергов* ва *суд тергови*. Т. фаолиятини 3 хил йўналишдаги: прокуратура, милиция ва миллий хавфсизлик терговчилари олиб борадилар. Улар Т. ва процессуал ҳаракатларни мустақил амалга оширадилар. Асосий вазифалари жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган шахсни фош этиш, айби бўлмаган шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликдан иборат. Терговчи ва унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси ЖПКда баён қилинган (35-, 36-моддалар).

ТЕРЕК — Шим. Кавказдаги дарё. Уз. 623 км. Ҳавзасининг майд. 43,2 минг км^2. Катта Кавказнинг шим. ён бағридан бошланади; қуйироқда, Дарьял

Терек дарёси.

дарасида Ён тизмани кесиб ўтади. Тоғлардан чиққандан сўнг пасттекислик бўйлаб оқиб, Каспий денгизига дельта (майд. 4000 км^2) ҳосил қилиб қуйилади. Қор, ёмғир, сизот сувларидан тўйинади. Қиш мавсумида қисқа вақт муздайди. Суви суғоришга сарфланади. Асосий ирмоқлари: чапда — Ардон, Урух, Малка (Баксан б-н бирга); ўнгда — Сунжа. Моздок ш.дан юқорироқда Т.дан Терек-Кума канали бошланади. Тоғли қисмида Т. ва унинг ирмоқларидан электр энергияси олиш учун Баксан ГЭС, Гизельдон ГЭС ва б. қурилган. Дарё балиққа бой. Т. водийсидан Грузия Ҳарбий йўлининг бир қисми ўтади. Т. бўйида Моздок, Кизляр (дельтасида) ш.лари жойлашган.

ТЕРЕК ДАРЁСИ БЎЙИДАГИ ЖАНГ (1395 й., 15—17 апр.) — *Амир Темур* ва Дашти Қипчоқ ҳукмдори *Тўхтамишхон* қўшинлари ўртасида Шим. Кавказдаги Терек дарёси бўйида. Нўғай даштида содир бўлган жанг. Амир Темур 250 минг атрофидаги қўшинини 7 қўлга бўлиб, жанггоҳга жойлаштирган. Марказда асосий қўл, унинг олдида бош ҳиравул (манглай), ортида эса чағдавул (арьергард) турган. Қўшиннинг ўнг ва сўл қанотлари қунбуллар б-н мустаҳкамланган. Тактик жиҳатдан бу ҳарбий қўшилмалар мустақил ҳаракат қилган ва фақат олий бош қўмондонга бўйсунган. Соҳибқирон қўллаётган жанговар тартиб усулининг устун томонларини 1391 й.ги жанг пайтида пайқаб олган Тўхтамишхон ҳам ўз армиясини жанг майдонида худди рақибидек жойлаштирган. 15 апр. чоршанба куни қарама-қарши томон қўшинлари (тахм. 450—500 минг) жанговар байроқ ва туғларини кўтариб, такбир нидосини айтиб бир-бирига юзланади. Жанг муқаддимаси Кунча ўғлон, Бек Ёрлиқ ўғлон, Оқтау, Довул сўфи ва Удурқу қўмондонлигидаги Тўхтамишхон қисмларининг Соҳибқирон қўшини *жувангарига* қаттиқ ҳужуми б-н бошланган. Сўл қанотнинг қўққисдан берилган зарба оқибатида оғир аҳволга тушиб қолганлигини кўрган Амир Темур марказий қўлдаги 27 сара қисмлан кўмак ажратади. Ёрдамга ўз вақтида етиб келган аскарлар душман шиддатини қайтариб, қарши ҳужумга ўтади ва танимни қочишга мажбур этади. Қочаётганларни таъқиб қилишга берилиб кетган анчагина суворийлар жанггоҳдан узоқлашиб кетади. Темурий жангчиларнинг йўл қўйган тактик эҳтиётсизлиги натижасида вужудга келган қулай вазиятдан фойдаланган Тўхтамишхон ўз аскарий сафларини қайта тартибга солиб, таъқибчиларга зўр беради ва уларни тўзитиб юборади. Кутилмаганда Соҳибқирон кўл остида турган қисмлар душман исканжасига тушиб, Амир Темурнинг ҳаёти хавф остида қолади. Шарафуддин Али Яздийнинг тасвирлашича, Соҳибқиронга биринчи бўлиб кўмакка етиб келган амир Шайх Нуриддин раҳбарлигидаги отлиқлар зудлик б-н отдан тушиб, ёпирилиб келаётган хон аскарларини ёйлардан тинмай отилаётган ўқлар б-н тўхтатади. Муҳаммад Озод, Алишоҳ ва Тўкал бавурчи каби беклар араваларни бир-бирига боғлаб гов ясайдилар. Соҳибқирон шу аравалар, улар устига қўйилган тура (қалқон) ва чапар (четан) паноҳида бўлади. Айлана мудофаада қолган Соҳибқиронга Аллоҳдод, Жаку, Ҳусайн Малик қавчин бошлиқ бўлимлар ёрдамга келади. Аммо, Тўхтамишхон қўшинининг ҳамласи борган сари кучаяди. Асосий қўлдан кўмакка ташланган Муҳаммад Султон Мирзо ҳамда Устайбек қўмондонлигидаги қисмларнинг жангга кириши, амир Жаҳоншоҳ ва амир Ҳожи Сайфуддин қўл остидаги жангчиларнинг пистирмадан туриб Дашти Қипчоқ армияси сўл қўлига кучли зарба бериши вазиятнинг маълум даражада ўнгланишига сабаб бўлади.

Жангнинг 2-куни яна Тўхтамишхон қўшинининг ҳужуми б-н бошланади. Хон Исабий ва Бахши Ҳожи қисмларидан иборат жувангарини муҳорабага ташлайди. Соҳибқироннинг ҳировули (авангард)ни улоқтиришга эришган бу қўшин қаноти Амир Темур ба-

рангарида жанг қилаётган амир Ҳожи Сайфуддин туманини қуршаб олади ва тарқатиб юборади. Бир қанча аскарларнинг тўзгиб кетишига қарамай Ҳожи Сайфуддин қолган сафдошлари б-н қаршилик кўрсатишни давом эттирали. Ўз қисмдошларининг матонат б-н курашаётганини кўрган аскарлар ортга қайтиб, улар қаторига қўшилади. Қийин аҳволда қолган бу туманга Жаҳоншоҳ баҳодир, Темур Хожа Оқбўға ва Рустам мирзолар мададга келади. Кечгача давом этган жанг ҳеч бир томоннинг устунлигисиз тўхтайди.

Жангнинг сўнгги куни тағин Дашти Қипчоқ қўшинининг шиддатли ҳужуми б-н бошланади. Тўхтамишхон отлиқ ва пиёдани сафга тизиб, марказ ва қанотларни қўшимча кучлар б-н мустаҳкамлаб, ташаббусни ўз қўлига олиш илинжида жасур ва сара аскарларини жангга киритади. Айни вақтда хоннинг ишончли саркардаларидан бири Яғлибой ҳам жувангар б-н жангга ташланади. Амир Темур ушбу душман жувангарининг анча заифлашиб қолганлигини билган ҳолда асосий зарбани унга қаратади. Натижада, Соҳибқирон жангчиларининг кучли ҳужумларига бардош беролмай пароканда бўлган хон аскарлари қочишга тушади. Яғлибой қисмлари Усмон баҳодир бошчилигидаги барангар томонидан яксон этилиб, улоқтириб ташланади. Яғлибой Усмон баҳодир б-н кечган яккама-якка олишувда ҳалок бўлади. Ниҳоят, Соҳибқирон бутун жанг майдони бўйлаб ҳал қилувчи ҳужумга ўтади. 3 кун давом этган шафқатсиз олишув туфайли тинкаси қуриган Дашти Қипчоқ армияси қаршиликни бас қилади ва узил-кесил маглубиятга учрайди. Тўхтамишхон жанггоҳни хос кўриқчилари паноҳида ташлаб қочишга муваффақ бўлади. Амир Темурнинг ушбу даҳшатли тўқнашув вақтида ўта танг вазиятга тушиб, ундан фақат бор истеъдод, ғайрат ҳамда кучни ишга солиб шараф б-н чиқиб кетиши унинг Тўхтамишхондек қудратли ҳарбий кучга эга бўлган, салоҳиятли саркардадан устун келганлигини кўрсатади.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1966; Шарафуддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1997; Греков Б. Д., Якубовский А. Ю., Олтин Ўрда ва унинг қулаши, Т., 1956; Дадабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, Т., 1996.

Ҳамидулла Дадабоев.

ТЕРЕККОН ОЛТИН КОНИ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти ҳудудидаги кон, Чатқол тоғ тизмасининг жан. қисмида жойлашган. Геологик жиҳатдан протерозой даврига мансуб мармарлашган оҳактошлар ва уларни қоплаб турувчи кварц-слюдали сланецлар бағридан ўрин олган. Кон ҳудудида бир неча руда таналари мавжуд, улардан иккитаси энг йирик бўлиб, саноат аҳамиятига молик (ўртача 4,8 г/т), олтин захираларининг деярли 90% ини ўзида жамлаган. Руда таналари оралиги 20—30 м бўлиб, параллел жойлашган, уларнинг уз. 250 м гача, чуқурлиги 300 м гача, ўртача қалинлиги 3,5 м. Уларнинг ётиш қиялиги 10—30°. Сухар тоғининг асосини ташкил қилувчи брахиантиклиналнинг шарқий қанотида ривожланган синиқлар б-н боғлиқ. Шакли линзасимон ва томирсимон. Олтин рудасининг асосий уюмлари кварц-слюдали сланецлар остида ривожланган кварцли брекчияларда учрайди. Бу руда таналарининг (олтиннинг ўртача миқдори 9,3—26,3 г/т гача) шакли кичик уячасимон бўлиб, олтин руда танасида нотекис тарқалган. Коннинг генезиси — гидротермал-метасоматик; олтин асосан, арсенопирит, пирит ҳамда пирротинлар б-н боғлиқ; улардан ташқари антимонит, сфалерит, киноварь минераллари, хира рудалар ҳам учрайди. Кон 1950-й.лар охиридан бошлаб ўзлаштирилмоқда.

ТЕРЕК-КУМА ПАСТТЕКИСЛИГИ — Шарқий Кавказ олдидаги пасттекислик. Каспий бўйи пасттекислигининг жан.-ғарбий қисми. Жан.да Катта Кавказнинг этаклари, ғарбда Ставрополь қирлари, шарқда Каспий денгизи, шим.да Кума-Манич ботиғи б-н чегарадош. Ер юзаси текислик. Энг баланд жойи 100 м (шарқий қисми океан сатҳидан паст). Эол рельефи шакллари (ҳаракатдаги ва ўсимликлар б-н мустаҳкамланган), шўрхоклар, дельталар, қуруқ ўзанлар, қирғоқ марзалари, кичик қўлтиқ, лагуналар бор. Шим. қисми платформа, жан. қисми тоғ олди ботиғидан иборат. Денгиз, дарё, эол ётқизиқларидан ташкил топган. Иқлими континентал, ғарбий қисми намроқ, шарқий қисми нисбатан қуруқроқ, қиши совуқ, ёзи иссиқ. Янв.нинг ўртача т-раси —5°, —7°, июлники 25—26°, йиллик ёғин 250—350 мм. Дарё тармоқлари кам. Терек ва Сулак дарёлари оқиб ўтади. Ер ости сувлари шўр, фақат қумликларда чучук сув учрайди. Оч каштан, шўрхок, ўтлоқ, ботқоқ тупроқлари тарқалган. Шим. қисмининг ғарбида қуруқ дашт (чалов аралаш шувоқ бошоқдошлар), марказий қисмида чала чўл (қрим шувоғи) ўсимликлар мавжуд. Баҳор фаслида эфемер ва эфемероидлар ўса-

ан, қумликларда юлғун, учрайди. Дашт ва чўл ҳайвон турлари аралаш яшайди. Кулранг юморқозиқ, кўшоёқ, олмахон, қуён, сайғоқ, қарсоқ, тулки; дельталарда қобон, чиябўри, сувда яшовчи қушлар учрайди. Нефть ва газ конлари бор. Катта қисми яйлов сифатида фойдаланилади. Ғалла, шоли, кунгабоқар, ем-хашак, полиз экинлари экилади.

ТЕРЕКСОЙ СУРМА КОНИ — Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг Чатқол туманидаги кон. 1946 й.дан Қаламжой сурма к-ти томонидан қазиб олинади. Минераллашиш зонаси Сарасой антиклиналининг ядро қисмида уни мураккаблаштирувчи ва кенглик йўналиши бўйича чўзилувчи Сухар брахибурмасида жойлашган. Кондаги тоғ жинсларининг аксари қисми оҳакли сланецлар б-н қопланган протерозой мармарларидан иборат. Асосан, протерозой даврига оид сланец ва мармарлар чегарасидаги гидротермал ўзгарган кварцли брекчиялар таркибида 10% *антимонит*, ўртача 7,6% гача олтингугурт руда таналари жойлашган. Брекчиялар таркиби ўзгарувчан бўлиб, кварц-оҳактошли, кварц-сланецли ва кварцли бўлади. Рудалашиш зонаси турли даражада сульфидлашган (пирит, арсенопирит) кулранг, оч кулранг тусдаги брекчиялашган, кварцлашган карбонат-сланецли жинслардан иборат. Рудалашиш зонасининг чегаралари етарлича аниқ. Конда қатлам-линзасимон 4 руда танаси аниқланган бўлиб, 1-руда танаси энг йирик ва сифатли ҳамда қазиб олишга яроқли. Руда танаси 250 м чуқурликкача давом этиб, йўналиши бўйлаб қарийб 300 м, ўртача қалинлиги 3,5 м. Кондан қўшимча кумуш ҳам олинади. Коннинг генезиси гидротермал-метасоматик. Асосий минераллари — пирит, антимонит, туғма олтин. Иккиламчилари — марказит, сфалерит, шинкелит, тетраэдрит, хира рудалар ва халькопирит.

ТЕРЕКТИ ТИЗМАСИ — Олтойнинг марказий қисмидаги тоғ тизмаси. Энг баланд жойи 2820 м. Уз. 120 км. Асосан, кристалли сланецлар ва эффузивлардан таркиб топган. Шим. ён бағри кедр, тилоғоч, оққарағай, жан. ён бағри тилоғоч ўрмонлари б-н қопланган.

ТЕРЕХОВ Глеб Николаевич (1887.27.11, Москва — 1972.5.7, Тошкент) — патолог-анатом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1944), тиббиёт фанлари д-ри (1935), проф. (1946). Москва ун-тининг тиббиёт ф-тини тугатган (1916), ҳарбий врач (1916—22). Ўрта Осиё ун-тининг патанатомия кафедрасида (1935 й.дан ТошТИ кафедраси) ассистент (1926—30), доцент (1930—49), анча вақтда мудир (1934—60), 1960 й.дан консультант. Илмий ишлари лейшманиоз, алиментар дистрофия, пеллагра, чилланир каби касалликларнинг патоморфологиясига оид. Ўрта Осиёда учрайдиган висцерал лейшманиознинг патологик анатомияси устида тадқиқот олиб борган.

ТЕРЕШКОВА Валентина Владимировна (1937.6.3, Ярославль вилояти Масленниково қишлоғи) — рус космонавт-учувчиси (1963), жаҳонда 1-аёл космонавт. Н.Е.Жуковский номидаги Ҳарбий-Ҳаво муҳандислик академиясини тугатган (1969). 1963 и. 16—19 июнда В.Ф. Быковский б-н бирга «Восток» космик кемасида космоста парвоз қилган. Ер атрофини 48 марта айланиб, 70 соат, 47 мин. мобайнида 2 млн. км га яқин масофани учиб ўтган. Собиқ иттифоқ аёллар қўмитаси раиси (1968—87). Халқаро аёллар демократик федерацияси вице-президенти (1969 й.дан). Чет эл мамлакатлари б-н маданий алоқа ва дўстлик жамиятлари иттифоқи президиуми раиси (1987—92). Россия Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази раҳбари (1994 й.дан).

ТЕРИ — одам ва ҳайвонлар танасининг ташқи қоплами. Организмни ташқи таъсиротлардан ҳимоя қилади, сезиш, моддалар алмашинуви, организмдан кераксиз моддаларни чиқариш, терморегуляция ва б.ла қатнашади. Катта ёшдаги одамда Т. сатҳи 1,5—2 $м^2$, қалинлиги гавданинг турли жойида турлича бўлиб, 0,5 мм дан 2 мм гача. Кафт ва товонда 4 мм га етади. Т. бутун баданни қоплаб, оғиз, бурун, сийдик чиқариш канали, анус соҳасида шиллиқ қаватга айланади. Т. ўзига хос ранг ва тусга эга, у донадор ва мугуз қаватларнинг қалинлигига, томирларнинг юза жойлашишига, шу б-н бирга меланин пигментининг кўп-озлигига қараб белгиланади. Т. нинг ранги ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Т. юзаси, одатда, нотекис, унда соч-саноқсиз эпатча, бурма ва чуқурчалар бўлиб, улар бир-бири б-н кесишган жойларда учбурчаклар, ромбиклар шаклини ҳосил қилади. Панжаларнинг дорсал юзаларида булар, айниқса, яққол кўриниб туради. Бармоқларнинг кафт юзаларида тери эпатчалари концентрик айлана шаклида жойлашган. Бу шакллар ҳар бир шахсда ўзига хос нақшни ҳосил қилади. Шахсни аниқлашда (дактилоскопия), одатда, шу нақшлар изидан фойдаланилади.

Т. ташқи эпителиал ва ички (бириктирувчи тўқимали) қаватлардан иборат. Бу қаватлар турли моддалар ишлаб чиқарадиган базал мембрана б-н ажралиб туради. эпителиал қаватда турли бир ёки кўп ҳужайрали безлар бор. Эпителий ажратган қаттиқ моддалар модъюскалар ва баъзи жониворларда скелет ва ҳимоя элементи вазифасини бажаради. Эпителий ҳужайралари цитоплазмасининг қисман ўзгариши бўғимоёқлилар скелети ва паразит чувалчанглар кутикуласини, яъни кимёвий ва механик ҳимоя органини ҳосил қилади. Умуртқасизларда Т. эпителийси бир қават ҳужайрали, умуртқалиларда кўп қават ҳужайрали. Қуруқликда яшовчи умуртқалилар ташқи қават ҳужайраларининг бутунлай шох қатламига айланишидан эпидермисининг узлуксиз янгиланиб туралиган шох қавати вужудга келади. Юқори умуртқалилар Т.сининг шох қатлами ва бўғимоёқлиларнинг хитинли ҳужайра ҳосилалари ранги (1968—87). Халқаро аёллар ташқи муҳитни ўзгартириб туради. Ўрта Осиёда учрайдиган висцерал лейшманиознинг патологик анатомияси устида тадқиқот олиб борган.

ТЕРЕШКОВА Валентина Владимировна (1937.6.3, Ярославль вилояти Масленниково қишлоғи) — рус космонавт-учувчиси (1963), жаҳонда 1-аёл космонавт. Н.Е.Жуковский номидаги Ҳарбий-Ҳаво муҳандислик академиясини тугатган (1969). 1963 и. 16—19 июнда В.Ф. Быковский б-н бирга «Восток» космик кемасида космоста парвоз қилган. Ер атрофини 48 марта айланиб, 70 соат, 47 мин. мобайнида 2 млн. км га яқин масофани учиб ўтган. Собиқ иттифоқ аёллар қўмитаси раиси (1968—87). Халқаро аёллар демократик федерацияси вице-президенти (1969 й.дан). Чет эл мамлакатлари б-н маданий алоқа ва дўстлик жамиятлари иттифоқи президиуми раиси (1987—92). Россия Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази раҳбари (1994 й.дан).

ТЕРИ — одам ва ҳайвонлар танасининг ташқи қоплами. Организмни ташқи таъсиротлардан ҳимоя қилади, сезиш, моддалар алмашинуви, организмдан кераксиз моддаларни чиқариш, терморегуляция ва б.ла қатнашади. Катта ёшдаги одамда Т. сатҳи 1,5—2 $м^2$, қалинлиги гавданинг турли жойида турлича бўлиб, 0,5 мм дан 2 мм гача. Кафт ва товонда 4 мм га етади. Т. бутун баданни қоплаб, оғиз, бурун, сийдик чиқариш канали, анус соҳасида шиллиқ қаватга айланади. Т. ўзига хос ранг ва тусга эга, у донадор ва мугуз қаватларнинг қалинлигига, томирларнинг юза жойлашишига, шу б-н бирга меланин пигментининг кўп-озлигига қараб белгиланади. Т. нинг ранги ташқи ва ички омиллар таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Т. юзаси, одатда, нотекис, унда соч-саноқсиз эпатча, бурма ва чуқурчалар бўлиб, улар бир-бири б-н кесишган жойларда учбурчаклар, ромбиклар шаклини ҳосил қилади. Панжаларнинг дорсал юзаларида булар, айниқса, яққол кўриниб туради. Бармоқларнинг кафт юзаларида тери эпатчалари концентрик айлана шаклида жойлашган. Бу шакллар ҳар бир шахсда ўзига хос нақшни ҳосил қилади. Шахсни аниқлашда (дактилоскопия), одатда, шу нақшлар изидан фойдаланилади.

Т. ташқи эпителиал ва ички (бириктирувчи тўқимали) қаватлардан иборат. Бу қаватлар турли моддалар ишлаб чиқарадиган базал мембрана б-н ажралиб туради. эпителиал қаватда турли бир ёки кўп ҳужайрали безлар бор. Эпителий ажратган қаттиқ моддалар модъюскалар ва баъзи жониворларда скелет ва ҳимоя элементи вазифасини бажаради. Эпителий ҳужайралари цитоплазмасининг қисман ўзгариши бўғимоёқлилар скелети ва паразит чувалчанглар кутикуласини, яъни кимёвий ва механик ҳимоя органини ҳосил қилади. Умуртқасизларда Т. эпителийси бир қават ҳужайрали, умуртқалиларда кўп қават ҳужайрали. Қуруқликда яшовчи умуртқалилар ташқи қават ҳужайраларининг бутунлай шох қатламига айланишидан эпидермисининг узлуксиз янгиланиб туралиган шох қавати вужудга келади. Юқори умуртқалилар Т.сининг шох қатлами ва бўғимоёқлиларнинг хитинли ҳосилалари ранги (1968—87). Халқаро аёллар ташқи муҳитни ўзгартириб яшаш учун атмосферанинг турли т-раси ва таъсирига чидамли бўлишида муҳим роль ўйнайди. Баъзи сут эмизувчилар ҳамда қушларнинг тук ва патлари тана ҳароратини сақлаб туради ва уларга қаттиқ совуқда ҳам яшашга имкон беради. Бириктирувчи тўқима қавати ёки *дерма* Т.нинг қолланган ва эластик толаларини шакллантиради. Бу толалар Т.нинг чидамли ва эластик бўлишига (мас., умуртқалилар, бош оёқли моллюскаларда), шунингдек, балиқларда суякли ва б. тангачалар юзага келиши ҳамда терининг суякланишига (судралиб юрувчиларда) ёрдам беради.



Одам терисининг микроскоп остида кўриниши: *а* — тери усти парда си; *б* — асл тери; *в* — тери ости клетчаткаси; *1* — нервлар; *2* — тегиб кетиш, босим, нессиқ, совуқни сезувчи нерв учлари; *3* — қон томирлари; *4* — тук илдизи; *5* — ёғ безлари; *6* — тери безлари.

Одам Т.си 3 қаватдан — эпидермис (эпителиал қават), ўрта қават — хусусий тери қавати (дерма) ва тери ости ёғ қавати (клетчаткадан ташкил топган (расм). Эпидермисининг ўн базал қават, тиканисимон қават, донадор қават, ялтироқ ва мугуз (шох) қаватдан иборат. Т.нинг устки мугуз қавати жуда чуқур жойлашган ҳужайралардан шаклланади; унда кўп нерв толалари бор. Бу қават иссиқ-совуқ ва ташқи муҳитнинг барча таъсиротларига анча чидамли, у шикастланмаган бўлса, касаллик қузатувчисини ўтказмайди. Унинг уст қисми билинар-билинмас қипиқланиб, кўчиб туради, пўст ташлайди (физиологик пўст ташлаш). Хусусий тери қавати, асосан, пишиқ бириктирувчи тўқима ва асосий моддалардан ташкил топган бўлиб, унда қон ва лимфа томирлари, нерв толалари, ёғ ва *тер безлари*, шунингдек, соч ва тирноқ илдизлари жойлашган. Ёғ безлари юзда, бош, кўкрак ва елкада кўп бўлади; улар ўзидан таркибида ёғ кислота, оқсил, холестерин ва гормонал ёғсимон моддалар ажратиб чиқаради, бу Т. устини мойлаб туради, эластиклигини оширади, Ёғ б-н тер қўшилиб, Т. устида кислотали муҳит ҳосил қилади ва Т.да йирингли касалликларни вужудга келтирадиган микробларни ўлдиради. Ёғ безларининг иши маълум даражада эндокрин система фаолиятига ҳам боғлиқ. Т. нотўғри парвариш қилинса, у юнқалашиб, қуруқлаб қолади, майда ажин тушади, шўралайди, қизил доғлар пайдо бўлади. Т.даги қон ва лимфа томирлари бир-бири б-н чалкашиб тўр ҳосил қилиб, терининг нормал озиқланишини таъминлайди. Т.да нерв чигали ва нерв томирлари кўп. Шулар ёрдамида киши огриқни, нессиқ-совуқни, турли кимёвий таъсиротларни, шунингдек, босимни сезади. Айниқса, бармоқлар, бурун учи, кафт ва орқадаги ўрта чизиқ соҳаси терияси сезгир бўлади.

Т. ости ёғ қавати ёғ б-н тўла катакчалардан иборат, улар бириктирувчи тўқимадан вужудга келади. Бу қаватнинг қалинлиги баданнинг турли ерида турлича, мас., кўз қовоқларида бутунлай бўлмайди, лунж, қорин ва думбада қалин бўлади. Т. ости ёғ қавати нерв ва қон томирларига бой. Т. ранги, асосан, меланин пигментига, қон томирларининг тўлишига ва эпидермис қалинлигига боғлиқ. Турли омиллар, мас., қўёш нури таъсирида ва айрим касалликларда (қ. *Пес*) Т. пигментацияси ўзгариши ёки пигмент бутунлай бўлмаслиги ҳам мумкин.

Т. организм б-н ташқи муҳит ўртасида тўсиқ вазифасини ўтайди. Организмни ташқи муҳитнинг нохуш омилларидан (кимёвий, физик ва биологик) ҳимоя қилади. Мутуз қаватнинг зичлиги, устидаги ёғ бириктирувчи тўқималарнинг чўзилувчанлиги, Т. ости ёғ қаватининг қалин бўлиши организмни турли механик таъсиротлардан, шунингдек, унча кучли бўлмаган ишқор ва кислоталар таъсиридан сақлайди. Бу қават электр токини ёмон ўтказади. Т.даги кислотали муҳит микроблар киришига тўсқинлик қилади; мабодо шикастланган тери орқали микроб кириб қолгудек бўлса, унга қарши таъсир кўрсатадиган моддалар таъсирига учрайди ва шу жойга лейкоцитларга учрайди ва шу жойга лейкоцитлар етиб келиб, қаршилик кўрсатади, шу сабаб Т.сида яллиғланиш аломатлари пайдо бўлади. Т. сув, туз, оқсил, ёғ, витаминлар ва газ алмашинувида иштирок этади. Гавда т-расини сақлашда Т. жуда катта аҳамиятга эга.

Чорва ҳайвонлари Т.си — соч қатлами (жун), эпидермис (терининг сирт пардаси), дерма (тери тўқимаси) ва тери ости ёғ қатламларидан иборат. Соч қатлами қишда тана ҳароратини ушлаб туради, ҳўлланишдан эсрайди, нессиқ вақтда танадан кўп сув йўқолишининг олдини олади. Эпидермис кўп қаватли эпителиал тўқималардан иборат. Эпидермис соч қатлами сует ривожланган ҳайвонлар терисида қалин бўлади. Эпидермисда қон томирлари бўлмайди. У дермадан мембрана б-н ажралиб туради. Дерма терининг асосий қатлами. У бевосита эпидермис тагида жойлашган бўлиб, толасимон оқсиллардан коллаген, эластик ва ретикулиндарнинг мураккаб толалар ўралмасидан иборат. Барча ҳайвонлар дермаси сўргичли ва тўрсимон икки қатламдан тузилган. Дерманинг қалинлиги ҳар хил ҳайвонларда ҳар хил бўлмай, балки бир хил ҳайвон танасининг ҳар хил жойида ҳам ҳар хил бўлади. Энг қалин Т. қорамолларда, энг юпқаси шимол бугусида. Т. молнинг елка қисмида қалин, қорин қисмида юпқа. Т.нинг остки қатлами юмшоқ говаксимон тўқималардан иборат бўлиб, унда ёғ захиралари йиғилади. Т.да ёғ ва тер безлари жойлашган. Т.нинг ранги пигмент ҳужайраларига боғлиқ.

Ҳайвон Т.си чарм-мўйна ва елим н.ч.да ҳам ашё сифатида ишлатилади. Янги шилинган тери таркибида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар, ферментлар мавжуд, массасининг 70% и сувдан иборат. Т. хом ашёси сифатига ҳайвон тури, вазни, унинг яшаш, сақланиш шароити, иқлим, озуқа турлари таъсир этади. Қорамол Т.сининг вазни 25 кг дан ортиқ, қўй терисининг вазни 1—3,5 кг ни ташкил этади.

Адб.: Арифов С., Эшбоев Э., Тери ва таносил касалликлари, Т., 1997; Аҳмедов Н., Содиқова З., Нормал анатомия ва физиология, Т., 2004; Страхов И.П. ва др., Химия и технология кожи и меха, М., 1985.

Саидқосим Арифов, Баҳодир Аҳмедов.

ТЕРИ АНАЛИЗАТОРИ — тери ва баъзи шиллиқ қаватлар (оғиз ва бурун бўшлиғи, жинсий аъзолар ва б.)га ташқи муҳитдан бўлаётган механик, иссиқлик, кимёвий таъсиротларни сезиб, уларни таҳлил ҳамда синтез қилувчи анатомик-физиологик механизмлар мажмуи.

ТЕРИ КАСАЛЛИКЛАРИ — одам ва ҳайвонлар организмидаги шиллиқ қаватлар, тери ҳамда унинг ҳосилалари (соч, тирноқ) патологик ўзгариши б-н ифодаланадиган касалликлар гуруҳи. Одамда учрайдиган Т. к. тошма тошиши, дог, пуфакча, тугунча, қипиқланиш, яраланиш, терининг шилиниши, ёрилиши ва б. тарзида намоён бўлади. Ташқи муҳитдаги ҳар бир физик ва кимёвий омиллар терида турли яллиғланишлар (*дерматитлар*) пайдо бўлишига олиб келади; буларадан қаварши, бичилиш, совқотиш, куйиш бирмунча кўпроқ учрайди. Терининг талайгина касалликларига биологик омиллар, микроскопик замбуруглар (қ. *Терининг замбуругли касалликлари*), бактериялар, ҳайвон паразитлари (қ. *Қўтир*) ва вируслар (қ. *Сўгал, Ўчуқ*) сабаб бўлади.

Ички омиллар: маҳаллий, инфекция ўчоғи бўлиши (мас., муртак безлари, қовуқда), ички аъзолар (меъда, буйрак, жигар) касалликлари экзема, эшакем каби аллергик тавсифдаги (қ. *Аллергия*) Т.к.га олиб келиши мумкин. Организмда оқсил, углевод ва ёғ алмашинувининг бузилиши, шунингдек, витаминлар етишмаслиги, нерв (мас., *нейродермит*) ва эндокрин система фаолиятининг бузилиши (мас., *себорея, ҳусибузар*), томирлар, қон яратиш аъзолари ва б.нинг зарарланиши натижасида ҳам Т.к. юзага келиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси терида яллиғланиш, қон қуйилиши, пигментация ва мугузланишнинг бузилиши, теридаги айрим тузилмалар (бириктирувчи тўқима толалари, ёғ ва тер безлари, соч пиёзчаси ва б.)нинг нобуд бўлиши, қон айланиши ҳамда тери озиқланишининг издан чиқиши каби патологик ўзгаришларга сабаб бўлади. Бунда терига ҳар хил катталикда тош-

малар тошиши (дерматозлар), тугунчалар пайдо бўлиши, баъзан бу тугунчалар ичида қон ёки йиринг тўпланиши мумкин. Тошмалар қичиниши, ачишиши, баъзилари беморни мутлақо безовта қилмаслиги мумкин. Инфекцион (қ. *Ич терлама, Қайталама терлама, Скарлатина, Чечак* ва б.), шунингдек, венерик касалликларда ҳам терига тошмалар тошиши кузатилади. Тошмалар табиатини фақат мутахассис врач тўғри аниқлаб, диагноз қўйиши ва даво тайинлаши мумкин. Ўз билгича даво қилиш турли кўнгилсизликларга олиб келади. Шунинг учун Т.к.га хос дастлабки аломатлар пайдо бўлганда, албатта, врачга мурожаат этиш ва унинг маслаҳатларига бекаму кўст амал қилиш лозим.

Тошкент ш.даги *Дерматология ва венерология илмий тадқиқот институти*да олимлар (С.Арифов, Э.Эшбоев, П. Мендикулов ва б.) томонидан Т.к. устида илмий изланишлар олиб борилади.

Ад.: Арифов С., Эшбоев Э., Тери ва таносил касалликлари, Т., 1997; Арифов С., Фотодермозлар, Т., 2000.

ТЕРИ ЛЕЙШМАНИОЗИ — қ. *Ёмон жароҳат.*

ТЕРИ СИЛИ — организмдаги умумий сил инфекциясининг бир шакли, аксарият иккиламчи сил кўринишида вужудга келади. Ҳоз. кунда кам учрайди. Т.с.нинг сил волчанкаси, скрофулодерма, сўгалсимон тери сили, ярали тери сили, индуратив Базен эритемаси каби клиник хиллари фарқ қилинади. Сил волчанкаси кўп тарқалган. Касалликни сил таёқчаси қўзғатади. Таёқча тери шикастланганда ва кўпинча олдин сил б-н касалланган аъзо ва лимфа тугунларидан ўтади. 5—15 ёшдаги болалар орасида кенг тарқалган. Сил югуругининг бирламчи морфологик элементи дўмбоқча ёки люпомадир, у яримшарсимон, чегараси аниқ, нина учидай ё ундан сал каттароқ сарғиш-қизил рангли юмшоқ бўлади, оғримайди. Юзаси силлиқ, кулрангда товланиб туради, кейинчалик худди шу жойлар пўст ташлайди. Вақт ўтиши б-н дўмбоқчалар катталашади ва бир-бирига қўшилиб кетади. Улар баъзан қуруқ битиб чандиқли атрофия б-н якунланади. Иккинчи хилида эса яралар вужудга келади. Т.с. ўчоқлари беморнинг юзи, бурни, лаб-лунжи, қулоқ супраси ва б.да жойлашади. Бу соҳалардаги дўмбоқчалар беморни хунук, жуда бадбашара қилиб қўяди.

Д а в о с и. Т.с. ҳам силнинг бир кўриниши, шунингдек, у бутун организм касаллиги эканлигини ҳисобга олиб, унга биринчи навбатда умумий даво қилиш зарур. Махсус дори-дармонлар б-н бир қаторда организмнинг умумий қувватп ва иммун қаршилигини оширадиган воситалардан фойдаланилади.

ТЕРИ ҚАНОТЛИЛАР, а й р и қ ў н ғ и з л а р, қ у л о қ қ а з а р л а р (Dermaptera) — ҳашаротлар туркуми. Гавдасининг уз. 3,5—50 мм, елкадан қорин томонга яссилашган. Қорин бўлими учки қисмида қисқичсимон ўсимталари ҳимоя вазифасини бажаради. Олдинги қанотлари калта ва қаттиқ, орқа қанотлари пардасимон ёки бўлмайди. Халқ орасида Т.қ. қулоққа кириб олиб, қисқичлари ёрдамида қулоқни тешади, деган тушунча бор (иккинчи номи шундан). Лекин бу ҳақиқатда тўғри келмайди. Тўлиқсиз ўзгариш орқали ривожланади. Тухумларини тупроқдаги инларига тўп қилиб қўяди. Урғочиси тухумларни ва личинкаларни қўриқлайди. Ҳар хил озиқ б-н озиқланади. Яширин, тунда ҳаёт кечиради. Иссиқ ва нам ерларда учрайди. 1300 га яқин тури маълум. Ўзбекистонда 10 тури учрайди. Ўрта Осиё ҳудудида Осиё Т.қ. кенг тарқалган.

ТЕРИНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ — паразит з а м б у р у ғ л а р қўзғатадиган касалликлар (*дерматомикозлар, кандидамикозлар, микозлар* ва б.).

ТЕРИОДОНТЛАР (Theriodontia) — қирилиб кетган теропсидлар туркумига мансуб судралиб юрувчилар кенжа туркуми. Перм охиридан юра даври ўрталаригача Австралиядан ташқари ҳамма ҳудудларда яшаган. Уз. 10 см дан 3—3,5 м гача. Т. жуда ҳаракатчан, жағлари кучли, қозиқ тишлари яхши ривожланган. типик вакили иностранцевия. Юксак Т.нинг қозиқ тишларидан кейинги тишлари уч қиррали ёки кўп дўмбоқчали бўлган. Перм даври охирида Т. иссиқ қонлиликка ўтган. Триас даврининг Т.и сут эмизувчилар учун хос хусусиятлар (иккиламчи танглай, диафрагма, юнг қоплами)га эга бўлган. Т. орасида ҳаммахўр, ўсимликхўр гуруҳлари учрайди. Т.нинг бир гуруҳи — цинодонтлар тубан Т. б-н ҳалимги сут эмизувчиларни боғлаб турувчи оралиқ звено ҳисобланади. Цинодонтлар перм ва триас даврларида, умуртқалиларнинг келиб чиқишида асосий роль ўйнаган.

ТЕРИОЛОГИЯ, м а м м а л о г и я (юн. therion — ҳайвон ва ...*логия*) — зоологиянинг *сут эмизувчилар*ни ўрганадиган бўлими.

ТЕРИХЎРЛАР (Dermestidae) — қўнғизлар оиласи. 800 га яқин тури маълум. Танасининг уз. 2—12 мм, цилиндрсимон ёки овал, мўйловн калта. Личинкаси ҳаракатчан, танаси хитин қоплагич ва узун туклар б-н қопланган. Т. ҳайвон ва ўсимликнинг қуруқ маҳсулотлари (мўйна, тери, қуруқ мева, гербарий ва б.), айрим турлари гул чанги б-н озиқланади. Ветчина терихўри, музей терихўри, мўйна терихўри каби зараркунанда турлари бор. Т.га қарши курашиш учун омборлар дезинсекция қилинади.

ТЕРКС ВА КАЙКОС ОРОЛЛАРИ — Багама о.ларининг жан.-шарқий қисмидаги Теркс, Кайкос ва 30 дан ортиқ бошқа ороллардан иборат Буюк Британия мулки. Майд. 430 км². Маъмурий маркази — Кокберн-Таун ш. Аҳолиси 14 минг кишидан зиёд, 90% дан ортиғи Африка қитъасидан борган. Расмий тил — инглиз тили. Ороллар маржон оҳактошларидан тузилган бўлиб, рифлар б-н ўралган. Карст кенг тарқалган. Иқлими тропик, нассат, ойлик т-ралар 23—27°. Кучли шамол ва довуллар бўлиб туради. Йиллик ёғин ўртача 1000 мм. Шўр кўл кўп. Доим яшил бутазорлар, кокос пальмаси плантациялари бор. Оролни 1512 й.да испанлар эгаллаган. 17-а.да оролга Бермуда о.ларидан аҳоли келиб ўрнашган. 1766 й.дан Буюк Британия мулки. 1874—1962 й.ларда Ямайка таркибида бўлган. 1959 й.да ўзини-ўзи ички бошқариш ҳуқуқига эга бўлди. Орол муҳим молия марказларидан. Қ.х.да дуккакли экинлар, маккажўхори, мева ва сабзавотлар экилади. Денгиздан балиқ овланади. Балиқ консервалаш, қурилиш материаллари и.ч. корхоналари мавжуд. Йирик оролларда халқаро аэропортлар бор. Туризм ривожланган. Асосий ташқи савдо ҳамкорлари: АҚШ, Буюк Британия, Ямайка.

ТЕРЛАМА — қ. *Тиф.*

ТЕРЛАШ, т е р ч и қ и ш и — организмни совитадиган физиологик механизмларнинг бири. Т.да сув-туз балансн сақланади (қ. *Моддалар алмашинуви*) ва тери юзасидан *тер* ажралади. Т. узлуксиз, асосан, рефлектор тарзда бўлади. Т. рефлекси рецепторлари тери, шиллиқ пардалар ва мускулларда, Т. маркази бош мия, гипоталамус, узунчоқ ва орқа мияда жойлашган. *Терморегуляция*да, айниқса, юқори ҳароратда оғир меҳнат қилинганда, Т.нинг аҳамияти катта. Ҳаво т-раси юқори бўлганда Т. организмни иссиқлаб кетишдан сақлайди. Одам тинч турганида т-ра нормал бўлганда Т. билинмайди, лекин теридан сувнинг бўғланиши ва Т. ҳисобига сезилмайдиган даражада намликнинг йўқолиши кузатилади (организм бир кеча-кундузда ўртача ҳисобда 500 мл га яқин сув йўқотади). Атроф муҳитнинг т-раси кўтарилиши б-н тер безлари ва б. безлар фаолиятининг кучайиши ҳисобига одам кўп терлайди. Мас., 50° дан юқори т-рада 1 соатда 2 л гача тер ажралади. Юқори т-ра шароитида организмдаги сув захирасининг ўрни тўлдирилмаса ҳам сув тер б-н ажралаверади. Бу эса организмнинг сувсизланишига ва кўпчилик физиологик функциялар (нафас олиш, қон айланиши ва б.)нинг бузилишига олиб келади. Узоқ вақт юқори т-ранинг таъсир этиши ва унга ўрганиш Т.ни камайтиради. Шунинг учун иссиқ мамлакатларда яшовчи кишилар териси юқори т-рада ҳам қуруқ бўлади. Т. кўп миқдорда иссиқ ва аччиқ овқат истеъмол қилинганда, сув ичилганда, жисмоний зўриққанда, иситма кўтарилганда, ҳаяжонланганда ва б. ҳолатларда кучаяди. Киши ҳаяжонланганда (мас., қўрққанда) кафт, оёқ таги терлайди, шунингдек, пешонадан ва гавданинг бошқа жойларидан тер чиқади. Баъзи одамлар кўп терлайди. Бундай кишилар, албатта, врачга мурожаат этишлари керак. Ҳеч қандай сабабсиз Т. бирор касаллик белгиси бўлиши мумкин.

ТЕРМА — халқ қўшиқлари тури. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, қирғиз фольклорида кенг тарқалган. Пайдо бўлиш даврига кўра анъанавий ва замонавий турларга бўлинади. Икки асосий кўриниши мавжуд. Биринчиси — *шоир-бахшилар* томонидан махсус «томоқ» усулида («ички овоз» услубида) айтиладиган, нисбатан ривожланган, ритм-ўлчов жиҳатидан маълум эркинликка эга эпик мазмуни Т. Иккинчиси — шоир-бахшилар б-н бирга халқ қўшиқчилари (мас., қозоқларда — «термешн») томонидан ижро этиладиган, турли (насиҳатомуз, лирик, ҳазил ва б.) мазмунда, тор ҳажмли, ритм-ўлчов жиҳатидан аниқ куйлардан иборат, муайян даражада куйчанликка эга. Т. Ҳар иккала турининг шеърий асосини 7—8 ва, баъзида, 5 бўғинли мисралардан иборат бармоқ вазнидаги халқ шеърлари ташкил этади. Кўп бўғинли мисрали шеърлар эса майдароқ (7+4 ёки 3+5+3 каби) туроқларга бўлинади. Т.ларнинг шеърий бўлиниши куйларнинг тузилишида ҳам ўз аксини топади: куй бўлак (оҳанг)ларининг ўзаро нисбатлари (сони, ҳажми) шеърий матни қурилиши (мас., туроқлар сони ва ҳажми) ни қайтаради. Т.да оҳангдорлик б-н речитатив хусусиятлари қоришиб кетган. Одоб ва ахлоқ, ошиқ-маъшуқлар тўғрисида, сўз ва соз таърифи ҳақида («Дўмбирам», «Қўбизим» каби) қатор Т.лар яратилган. Достон Т.лари 50—150 мисра атрофида бўлади. «Кундарим» анъанавий Т.си Гўрўғлининг эпик биографиясидан иборат. Бундай Т.лар *Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Абдулла шоир, Саидмурод Паноҳ ўғли*, Мадраим Шамаи ўғли ва б.нинг «Кундарим», *Ислом шоир*нинг «Бахтиёр авлодларга» каби автобиографик лиро-эпик асарларининг яратилишига асос бўлди. Бахшилар томонидан айрим Т.лар достонлар таркибига сингдириб юборилганидек, достонларнинг баъзи шеърий парчалари ҳам Т.лар сифатида куйланган. Т.лар бахши ва халфалар томонидан ҳозир ҳам куйланиб, уларнинг янги-янги намуналари яратилмоқда.

Ад.: Кароматов Н., Ўзбек халқи мусиқа мероси (20-а.да), Терма, лапар, алла, 2-китоб, Т., 1985.

Олимжон Беков.

ТЕРМА КОШИН — қ. *Кесма кошин.*

ТЕРМАЛ СУВЛАР (франц. therma — илиқ, юн. therme — илиқ, иссиқ) — Ер пўстидаги юқори т-рали (20° ва ундан ортиқ) ер ости сувлари. 20° т-рали изотермалар кўп йиллаб тўнгиб ётган ҳудудларда 1500—2000 м дан, субтропикларда 400 м ва ундан камроқ чуқурликда, тропикларда эса юзада бўлади. Артезиан ҳавзаларда 2000—3000 м ли бурғи қудуқлари ёрдамида 70—100° ва ундан юқори т-рали иссиқ сувлар очилмоқда. Тоғли ҳудудлар (мас., Альп, Кавказ, Тяньшан ва Помир тоғлари)да Т.с. иссиқ булоқлар (т-раси 50—90°), ҳаракатдаги вулканли р-нларда гейзерлар, қайноқ сув ва буғ аралашмалари (т-раси 150—200°) ҳолида намоён бўлади. Кимёвий, газ таркиби ва минераллашувига кўра — чучук ва шўрроқ гидрокарбонатли, натрийли, азотли, карбонат ангидридли ва водород сульфидли, шўр ва намакоб хлоридли, натрийли ва кальций-натрийли, азот-метанли ва метанли, айрим жойларда водород сульфидли сувлар мавжуд (қ. *Минерал сувлар*). Т.с.дан қадимданоқ даволаш мақсадларида, курортларда, шунингдек, техник мақсадларда ҳамда уй-жой ва и.ч. биноларини, иссиқхоналарни иситишда ва б.да кенг фойдаланилади. Т.с. мавжуд бўлган жойларда электр ст-ялар қурилган. Тошкентда қисқа муддат Т.с.дан маиший хизматлар, Қоплонбекда иссиқхоналарни иситиш мақсадларида фойдаланилди. Фойдаланиладиган захирасининг чекланганлиги, хусусан, Т.с.нинг даво хусусиятлари ва сифатли таъми учун Тошкент Т.с.дан ҳозирда фақат бальнеологик мақсадларида фойдаланилади ва истеъмол мақсадларида фойдаланилади. Иссиқлик б-н таъминланишида Т.с. кучсиз термал (20—50°), термал (50—75°), юқори термал (75—100°) сувларга бўлинади (яна қ. *Ер ости сувлари*).

Ўзбекистонда илк маротаба Олтинсой Т.с. кони фойдаланиш захирасини ҳисобга олган ҳолда (иссиқхона хўжаликларини иситиш учун) разведка қилинган. Мазкур Т.с. манбаи Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳудудидаги Оқтовнинг жан. ён бағрида жойлашган.

ТЕРМИЗ — *Сурхондарё вилояти*даги шаҳар. Вилоят маркази. Амударёнинг ўнг соҳилида, Ўзбекистоннинг жан. қисмида, Афғонистон чегарасига яқин, ўртача 310 м баландликда жойлашган. Халқаро дарё порти. Т.й. станцияси. Тошкентдан 708 км. Майд. 27,8 км². Аҳолиси 119,6 минг киши (2004). Иқлими континентал, иссиқ ва қуруқ, ёзи жазирама иссиқ (Ўзбекистондаги энг иссиқ шаҳар — энг юқори т-ра 49,5°, 1914 й. 21 июнда қайд этилган), қиши илиқ ва қисқа. Йиллик ўртача т-ра 16—18°. Янв.нинг ўртача т-раси 2,8—3,6, июлники 28—32°. Баъзида, қишда совуқ — 20° ва ундан ҳам паст бўлади. Йиллик ёғин 133 мм.

Археологик топилмалар, араб ва юнон манбаларида келтирилган маълумотлар Т.нинг Шарқдаги қад. шаҳарлардан бири эканлигидан далолат беради. Шаҳарнинг қулай географик ўрни, стратегик аҳамиятга молик жойда бўлганлиги, шарқий ғарб, жан.ни шимол б-н боғловчи савдо чорраҳасида барпо этилиши, унинг тез суръатлар б-н ривожланишига замин яратган. *Буюк ипак йўли*нинг муҳим бир тармоғи ҳам Т. орқали ўтган.

Қад. Шарқ цивилизациясининг шаклланишида Т.нинг ўзига хос ўрни бор. Кўҳна Т.нинг қалъа қисмида олиб борилган археологик изланишлар натижалари ва ёзма манбаларнинг таҳлилига кўра шаҳарга мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталарида асос солинган. Т. Суғдиёна, Хоразм, Марғиёна ва Парфия давлатлари б-н маданий ва савдо алоқаларини ўрнатган. Топилма-

Термизнинг марказий кўчаси.

ларга қараганда шаҳарнинг Ҳиндистон б-н маданий ва савдо алоқалари ҳам жуда фаол ва узвий бўлган.

Мил. ав. 4—3-а.ларда 10 га майдонни эгаллаган Т.нинг қад. қалъаси ўрнида аҳоли манзили бўлган. Ҳофизи Абруйнинг ёзишича, шаҳар номи «Тарамастха» (бақтрийча «нариги соҳилдаги манзил») сўзидан олинган бўлиб, асрлар давомида турлича аталиб келган (мас., Антиохия, Деметриас, Тармид, Тармиз, Та-ми, Тамо). 10-а.дан Т. деб атала бошлаган.

Т. мил. ав. 3—2-а.ларга келиб Бақтриянинг энг ривожланган, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланди. Ашёвий далилларга кўра бу даврларда шаҳарда меъморлик ва ҳунармандчиликнинг бир қанча соҳалари (кулолчилик, дегрезлик ва металлсозлик, шишасозлик), Салавкийлар, Юнон-Бақтрия шоҳлари товар-пул муомаласи Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларига қараганда анча олдин ривожланганлигидан далолат беради.

Термиз куранти.

Т. шаҳрининг гуллаб яшнаган даври Кушонлар ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бу даврда Т. ҳудудий жиҳатдан кенгайиб, Шим. Бақтриянинг йирик шаҳрига айланган. Шаҳарда шу даврга оид меъморлик ва ҳунармандчилик бинолари ва намуналари, турли нафис сопол ва шиша идишлар, фил суяги, қимматбаҳо металл ва тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари каби топилмаларнинг кўплаб қайд қилинишин бунинг далилидир. Мас., Далварзинтепадан топилган ва фил суякларидан ясалган шахмат доналари (фил ва ҳўкиз-зебу шаклида) ҳоз. кунда ер юзида аниқланган энг қад. шахмат доналари (мил. 2-а.) ҳисобланади. Ўша даврда Т. Кушонлар давлатининг муҳим шаҳри ва буддизмнинг марказларидан бири бўлган.

Шаҳарни Термизшоҳлар идора қилган. Ўша даврда Т. Термизшоҳлар ҳокимлигининг пойтахти бўлиб турган. Араблар босиб олган даврда (686—704) Т. 70 гектарга яқин майдонни эгаллаган, тўртбурчак шаклидаги қалъадан иборат бўлган. 10-а.да ёзилган «Ҳудуд ул-Олам» асарида Т. «Жайхун бўйидаги кўркам ва обод шаҳар. Қалъаси дарё бўйида, улкан бозори машҳур, Хутталон ва Чағониён аҳли шу ерда савдо қилади», деб таърифланган.

10—12-а. бошларида Т. равнақ топган. Тохаристоннинг йирик шаҳри, ҳунармандчилик ва савдо марказига айланган. Бу даврда Т. ҳудуди 500 га дан ортиқ майдонни эгаллаган. Шаҳарда бир қанча маҳобатли бинолар барпо этилган. Шулардан Эски шаҳар қисмида Термизшоҳлар саройи сақланиб қолган.

Шаҳарда темирчилик, шишасозлик, кулолчилик ривожланган. Т.да тайёрланган ҳунармандчилик буюмларига талаб юқори бўлган. Шаҳарда ўнлаб карвонсаройлар фаолият кўрсатган. Ўша даврда Т. йирик маданият ва илмфан маркази сифатида ҳам ном қозонган. Термизлик олиму-уламолар ўрта аср Шарқининг фан, маданият ва маърифатига ўз ҳиссасини қўшган.

Т. вақт-вақти б-н Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Қорахитойлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари таркибида бўлган. 1220 й.да Т. мўғуллар томонидан вайрон қилиб ташланган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида қайд қилинишича, Т. аҳолиси мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатган ва шу боис шаҳар «Мадинат ур-рижол» («Мардлар шаҳри») деб ҳам аталган. Мўғуллар истилосидан сўнг, 14-а.да Т. Сурхондарё соҳилига яқин жойда янгидан қад. кўтарди. Шаҳар ўз ўрнини бир неча бор ўзгартирса-да, асрлар давомида ўз номини Тармита, Антиохия-Тармита, Тармиз, Тирмиз, Термиз кўринишларида сақлаб келган.

Амир Темур Мовароуннаҳрни эгаллагач (1370), Т. Сурхондарё воҳаси б-н бирга Темур давлати таркибига кирди. 1407 й.да Темурий Халил Султон фармони б-н дарё соҳилидаги Т. қалъаси қайта тикланди. Кўп ўтмай ўз тангаларини зарб эталиган катта шаҳарга айланди. 1504—05 й.ларда шаҳарни Шайбонийхон эгаллади. Кейинчалик турли сулолалар тасарруфида бўлиб, 18-а.нинг 2-ярмида шаҳар ўзаро урушлар натижасида бутундай вайрон қилинган. Фақат, унинг атрофидаги Паттакесар ва Солиҳобод қишлоқлари сақланиб қолган.

1894 й. Термиз харобаларидан 8 км нарида жойлашган Паттакесар қишлоғида русларнинг маҳаллий аҳоли томонидан «Тупроққўрғон» деб номланган қалъа истеҳкоми қурилган. Ҳоз. Т. шу Тупроққўрғон атрофида бунёд этилган. 1916 й. Бухоро—Қарши—Термиз т.й. қурилиш муносабати б-н Т.нинг иқтисодий мавқеи ўсди.

Ўзбекистонни қўшни Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва б. давлатлар б-н боғловчи йўл Т. орқали ўтиши шаҳарнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Т.да дастлабки археологик қазишма ишлари Б.П.Денике (1926—27), М.Е. *Массон* раҳбарлигидаги Термиз археологик комплекс экспедицияси (1936—38) томонидан олиб борилган. Эски Т.да археологик қазишма ишлари кейинчалик Ш.Пидаев, Т.Аннаев томонидан давом эттирилиб, шаҳар тарихи янада ойдинлаштирилди.

1933 й.да Т.да биргина пахта тозалаш з-ди ва яна бир неча устахоналар бўлган. Кейинчалик ва айниқса, мустақиллик йилларида, саноат, қурилиш, енгил, озиқ-овқат ва б. корхоналар ишга тушди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари яхшиланди. Шаҳарда янги т.й. вокзали қурилди. Амфитеатр, археология музейи, санъат коллежи, академик лицей, тадбиркорлар маркази, марказий стадион, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, кураш саройи, теннис корти, «Алпомиш» мажмуаси, марказий бозор, «Термизнинг 2500 йиллиги» номли хиёбон бор; шошилинч тиббий марказ қурилиб ишга туширилди.

Амфитеатр.

«Сурхон» меҳмонхонаси.

Т.да жами 2500 дан зиёл корхона бўлиб, микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналардир. Пахта тозалаш, қурилиш материаллари и.ч., енгил ва озиқ-овқат саноати муҳим ўрин тутади.

Т.да ун-т, 8 та коллеж (санъат, иқтисод, ижтимоий-иқтисодий, пед., тиббиёт, банк иши, маиший хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат саноати коллежлари) бор. Акад. ва физика-мат. лицейлари фаолият кўрсатади. 2003/04 ўқув йилида шаҳарда 16 умумий таълим, 2 таянч, 1 бошланғич мактаблари ишлади.

Ўқувчилар саройи, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади. Вилоят ўлкашунослик музейи, Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасидаги «Мерос» тармоқ музейи бор. ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг лойиҳаси ва ташаббуси б-н Т.нинг 2500 йиллигини акс эттирувчи *Сурхондарё археология музейи* бунёд этилди; вилоят мусиқали драма, қўғирчоқ театрлари ишлаб турибди. 4 шаҳар кутубхонаси ҳамда 2 тармоқ кутубхонаси мавжуд. Ҳайвонот боғи бор (қ. *Термиз ҳайвонот боғи*).

Т.да 18 газета чиқарилади, 3 телестудия эшиттиришлар олиб боради. Шаҳар марказий касалхонаси (165 ўрин), юқумли касалликлар касалхонаси (130 ўрин), болалар ва катталар, тиш даволаш поликлиникалари, шаҳар болалар санаторий-боғчаси ва б. тиббий муассасаларда 211 врач, 700 га яқин ўрта тиббий ходим хизмат қилади. Ундан ташқари, вилоятга қарашли 3 та касалхона, вилоят туғруқхонаси, шошилинч тиббий ёрдам маркази, болалар касалхонаси, онкология, кўз касалликлари касалхоналари, эндокринология, сил касалликлари, тери-таносил касалликлари, наркология, асаб касалликлари диспансерлари, «Она ва бола» ва «Репродуктив саломатлик» марказлари, вилоят қон қуйиш маркази фаолият кўрсатади. Таълим муассасаларида, маҳалларда болалар спортини ривожлантириш даражасини ошириш мақсадида тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Т.да ислом дини арбобларидан Ҳаким ат-Термизий, Шаҳобуддин Собир Термизий, Муҳаммад ибн Ҳамид Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий каби олимлар яшаб ўтишган. Т.да 1999 й.да Алпомиш достонининг 1000 йиллиги, 2002 й.да халқаро миқёсда Т.нинг 2500 йиллик юбилейи ўтказилди.

Ад.: Ртвеладзе Э., Аминов М., Сурхондарё. Т., 1996; Пугаченкова Г.А., Музей под открытым небом, Т., 1996; Рўзиев А.Н., Сурхондарё вилояти Т., 1996; Мирзаев Ж., Термиз тарихи, Т., 2001.

Холли Қурбонов, Исмоил Ботиров.

ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИ — Термиз ш. ва атрофининг тарихий даврларини белгилаш ҳамда археологик материаллар тўплаш мақсадида Ўрта Осиёда биринчи марта ташкил этилган илмий экспедиция (1936—38). И.т. ишларига М.Е. *Массон* раҳбарлик қилган. Экспедицияга Ўзбекистон қад. ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитаси (Узкомстарис), Ленинград давлат эрмитажи, Москва динга қарши кураш Марказий музейи, Самарқанд ва Термиз тарих музейлари ходимларидан иборат бир неча гуруҳ (отряд) тузилган. А.П.*Окладников* раҳбарлигидаги гуруҳ *Тешиктош ғоридан* мустье даврига оид боланинг скелети қолдиқларини топиб, дунё аҳамиятига молик кашфиёт қилди. Термиз ш.нинг тарихий топографияси тузилди. Чингизтепа ва Қоратепа қад. будда ибодатхонаси очилди; Антик давр фризлари топилди; Айритом харобасида археологик тадқиқотлар олиб борилди; *Термизшоҳлар саройи*нинг харобаларини ўрганиш ишлари кенг йўлга қўйилди. Термиз ва унинг атроф р-нларининг суғориш тарихи б-н боғлиқ ҳолда ўрта аср меъморий ёдгорликлари ҳам ўрганилди. Мил. ав. 1-а. ва мил 1-а.га оид сопол буюмларнинг комплекс санъат намуналари топилди ва *Кушон подшолиги* тарихини ўрганишга жиддий қадам қўйилди. Ўзбекистонда биринчи марта тош идишга битилган кхарошти ҳинд ёзувининг намунаси топилди. Бу археологик топилмалар, асосан, Ўрта Осиёда қулдорлик жамиятининг пайдо бўлиш, ривожи ва тушкунликка юз тутиш даврларини белгилаб беришда катта рол ўйнади. Умуман экспедиция-нинг фаолияти Термиз ва унинг атроф р-нларини ўрганиш б-н чекланибгина қолмай, балки Ўрта Осиё тарихини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда даврлаштиришда илмий аҳамиятга эга.

Термиз темир йўл вокзали.

ТЕРМИЗ ДАРЁ ПОРТИ — Амударёнинг юқори оқимида, Термиз ш.да жойлашган дарё порти; хўжалик фаолияти б-н шуғулланадиган и.ч. бирлашмаси. 1994 й.дан ташкил этилган. Таркибида «Термиз» дарё порти, сув йўлининг Термиз участкаси, кема таъмирлаш устахоналари бор. Майд. 20,5 га. 1953 й.да қурилган. Ташқи савдо юкларига мўлжалланган сиғими 10 минг т бўлган ёпиқ ва 100 минг т юкка мўлжалланган очиқ

Портнинг юк тушириш-ортиш майдони.

Кокилдор ота мажмуаси.

омборларга эга. Портга кираверишда фумигация камераларига эга бўлган «Термиз порт-экспорт» т.й. ст-яси, 6 км узунликдаги ички порт шохобча йўли, қуввати 7000 т/сутка бўлган нефть қуйиш причали бор.

Порт ташқи савдо экспорт-импорт-транзит ва гуманитар юкларни ортиш-тушириш, юкларни омборхоналарда сақлаш, дарё флоти ёрдамида юкларни Афғонистоннинг Шерхон ва Ҳайратон портларига етказиб бериш, белгиланган тарифларга кўра, йўловчиларни ташиш ва б. вазифаларни бажаради. Т.д.п. Жаҳон халқаро юк ташувчи ва халқаро экспедитор денгиз ва дарё портлари рўйхатига киритилган. Т. д.п.нинг юк ўтказиш йиллик қуввати 600 минг т, юкларни тушириш-ортиш қуввати 900 минг т. Турли мақсадлардаги 17 та теплоход ва юк баржаларига, 10 га яқин порт кранларига эга.

ТЕРМИЗ ТУМАНИ — Сурхондарё вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Жан. ва ғарбдан Афғонистон, шарқдан Тожикистон, шим. дан вилоятнинг Ангор ва Жарқўрғон, шим.-ғарбдан Музработ туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,86 минг км². Аҳолиси 78,6 минг киши (2004). Туманда 5 қишлоқ фуқаролар йиғини (Паттакесар, Пахтаобод, Учқизил, Хотинработ, Янгиариқ) бор. Маркази — Учқизил қишлоғи.

Табиати. Т.т. республиканинг энг жан.да, Термиз ш. яқинида жойлашган. Туман ҳудудининг шарқий қисми Ҳисор тог тизмасининг давоми Тўйинтог, Кайкитог ва унинг этаклари, Хотинработ ва Қизириқ чўллари ҳамда

унинг давоми — Қоракир, Учқизил, Каттақум массиви. Эски Термиз адирлари ва қирлари б-н банд. Бу ердардан яйлов сифатида фойдаланилади. Жан. ва ғарби — Сурхондарёнинг Амударёга қуйилган қисми ва Амударё, Сурхондарё соҳилларидан иборат бўлиб, тупроғи тақир ва шўрхок. Амударё, Қорасув, Шеробод дарёлари туман ҳудуди орқали ўтади. Фойдали қазилмалардан нефть топилган. Тупроғи, асосан, оч саргиш қум аралаш тупроқ. Адир ва сойликларда (шим.-ғарбида) қўнғир қум тупроқ бўлиб, чириндиси анча кам. Сурхондарё соҳилларида тўқай қўнғир тупроғи ва қум тупроқ учрайди. Ўсимликлардан оқ саксовул, черкез, тароқбош, алтирбош, янтоқ; дарё бўйларида жулғун, жийда, терак, қиёқ, қамиш; тоғларнинг баланд қисмида бетага, дарахт ва буталардан арча, ёввойи мевали дарахтлар ўсади. Амударё водийсида тўқайзорлар бор.

Ёввойи ҳайвонлардан дарё бўйларидаги қамишзор ва чўлларда қирговул, каклик, тустовуқ, қуён, жайра, бўри, чиябўри, тулки, ёввойи мушук учрайди. Т.т. ҳудудида *Сурхондарё қўриқхонаси* жойлашган.

Туманда *Занг канали* (Сурхондарёдан сув олади), Галаба, Аму-Занг (Амударёдан сув олади) суғориш каналлари, *Учқизил сув омбори* қурилган. Иқлими кескин континентал. Июль ойининг ўртача т-раси 31,4°, энг юқори т-ра 48° га етади. Янв. ойининг ўртача т-раси 2,8°, энг паст т-ра —21°. Туманнинг жан.-шарқий қисмида *«Афғон шамоли»* эсади ва экинларга зарар етказади. Вегетация даври 226 кундан 266 кунгача. Ёзда т-ранинг юқорилиги, илиқ-иссиқ кунларнинг узоқ давом этиши туманда иссиқсевар субтропик ўсимликлар — ингичка толали пахта, хурмо ва ҳатто шакарқамиш, апельсин, мандарин етиштиришга имкон беради.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (80,2%), шунингдек, туркман, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 91,4 киши тўғри келади.

Хўжалиги. Туман хўжалигининг асосини тармоқлари — пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, мевачилик, полиз ва сабзавотчилик. Ингичка толали пахта етиштириш илк бор Т.т. да синаб кўрилган. Туман ҳудудида Ўзбекистон пахтачилик и.т. институтининг Сурхондарё филиали ишлаб турибди. Бу ерда селекционер олимлар сўнгги йилларда ингичка толали серҳосил ва тезпишар пахта навларини яратмоқдалар. «Термиз 1», «Термиз 16», «Термиз 24», «Термиз 31», навларидан юқори ҳосил олинмоқда. Тумандаги жами 599 корхонадан 92 таси давлат ва 507 таси нодавлат корхоналардир.

Т.т. да 4 қишма корхона, 14 акциядорлик жамияти, 20 масъулияти чекланган жамиятлар ва 339 саноат қурилиш ва б. корхоналар бор.

Эски Термиз қалъаси харобалари.

Академик лицей.

Тумандаги 13 минг га суғориладиган ерда деҳқончилик қилинади, шулардан 5400 га ерга пахта, 5179 га ерга галла, 560,2 га ерга сабзавот, 122,2 га ерга картошка, 104 га ерга полиз экинлари экилади, 394 га мевазор, 242 га ер токзор б-н банд. Иқота дарахтзорлари, ўрмонзорлар мавжуд. Т.т. да 9 ширкат, 1858 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади, паррандачилик ф-каси ишлаб турибди (2004).

Туманда жами 24,6 минг қорамол (шу жумладан, 12,5 минг сигир), 39,6 минг қўй ва эчки, 329,7 мини парранда, 226 от боқилади (2003). Туман ҳудудидан т.й. линияси ўтган. Туман маркази (Учқизил қишлоғи) дан Термизга автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

2003/04 ўқув йилида тумандаги 32 умумий таълим мактабида 22,5 минг ўқувчи, 2 касб-ҳунар коллежида 950 ўқувчи таълим олди. Лицей, болалар мусиқа мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари, 5 маданият уйи ва клуб муассасаси ишлаб турибди. 2 касалхона, 9 қишлоқ врачлик пункти, 18 фельдшер-акушерлик пункти ва б. тиббий муассасаларда 87 врач, 641 ўрта тиббий ходим ишлайди. 2 шошилинч ёрдам ст-яси, 3 дорихона мавжуд (2003).

Туман ҳудудида «Жайранхона» бальнеологик шифохонаси, Республика тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот ин-тининг 180 ўринга мўлжалланган Термиз филиали ташкил этилган. Бу ерда қум ваннаси, бут терапияси, минерал сув, гуз горлари каби даволаш усуллари бор. Беморларни муолажа қилишда минерал сувн, қум ва тоғда ўсувчи доривор ўсимликлардан тайёрланган ичимликлардан кент фойдаланилади. Сайёҳлик масканн барпо этилган.

1990 й. да туманда радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни кучлантириб берувчи телеминора (бал. 368 м) ишга туширилди.

Т.т. ҳудудида Эски Термиз харобалари (умумий майд. 300 га) сақланиб колган. Шунингдек, Қоратепа, Чинқолган. Шунингдек, Қоратепа, Чингизтепа, Қирққиз қалъаси, Тўртауз гумбаз мақбараси харобалари, Зулгумбаз мақбараси, Ўйиқгумбаз, Хўжа Кифл мозори, Уйиқгумбаз, Ҳаким ат-Тер-Рўшиной мақбаралари, Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат меъморий мажмуалари, Катта масжид, Қокилдор ота ёдгорликлар сақланган.

ТЕРМИЗ УНИВЕРСИТЕТИ — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Термиз педагогика ин-ти (1955 й.да асос солинган) негизида Термиз ш.да ташкил этилган. Ун-тда 14 ф-т (физика-мат., табиий-геогр., иқтисодиёт, молия-менежмент, кимё, ўзбек ва рус филол.си, тарих, хорижий тиллар, индустриал-пед., жисмоний маданият, пед. ва мусиқа, муҳандис-техника, ижтимоий-гуманитар фанлар, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш), 48 кафедра, 30 дан ортиқ илмий ва ўқув лаб., 4 компьютер синфи, 2 академик лицей, бизнес мактаби,50 ўринли санаторий-профилакторий, спорт мажмуаси, миллий ансамбль ва ёш томошабинлар театри, «Табассум» кувноқлар ва зукколар клуби, интернет тармоғига уланган 3 кутубхона (300 мингдан ортиқ асар). 3 қироатхона бор (2004). Ун-тда 27 ихтисослик [касб таълими (соҳалар бўйича), мусиқий таълим, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, бошлангич таълим ва тарбиявий иш, мактабгача таълим, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, касб таълими (иқтисодий соҳа), касб таълими (кимёвий технология ва биотехнология), касб таълими (қ.х. маҳсулотларини ич., дастлабки ишлов ва сақлаш технологияси, агроинженерия), филол., ўзбек тили, инглиз тили, немис тили, рус тили, тарих, психология, иқтисодиёт, менежмент, молия, биол., физика, геогр., кимё, мат., амалий мат. ва информатика, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш, агрокимё ва агротупроқшунослик, экология ва табиатдан фойдаланиш] бўйича мутахассислар тайёрланади. 6 мутахассислик бўйича аспирантура фаолият кўрсатади. 2002/03 ўқув йили ун-тда 6700 талаба таълим олди. 536 ўқитувчи, жумладан, 26 фан д-ри ва проф., 152 фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т Россия, Франция, ГФР, Япония, Голландия, Польша, Украина, Австрия, Болгария, Белоруссия, Козогистон, Озарбайжон олимлари б-н илмий ҳамкорлик қилади. Ун-т фаолияти Ж. Омонтурдиев, Ш. Саматов, Х. Раҳмонқулов, Б. Қодиров, А. Абдуллаев, Қ. Жўраев, У. Умаров, Ж. Эсанов, Х. Худойбердиев, С. Турсунов ва б. проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ун-тда «Термиз университети» газ. нашр этилади. 2004 й. гача ун-т 27 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.

ТЕРМИЗ ҲАЙВОНОТ БОҒИ — илмий-маърифий муассаса. ЎзРдаги 2-ҳайвонот боғи (биринчиси Тошкентда). 1938 й. 1 сент.да Термиз ш.да 35 га майдонда ташкил этилган (1934—

Термиз университети.

Термиз ҳайвонот боғига кириш дарвозаси.

37 й.ларда Сурхондарё ўлка музейи қошидаги зоология бўлими). 1942 й.да ҳайвонот боғи ёпилди ва унинг ҳайвонлари *Тошкент ҳайвонот боғига* кўчирилди. 1947 й. 1 майдан қайта иш бошлади. Майд. 22 га, шунингдек, Термиз тумандаги «Янгиариқ» ширкат-фермер хўжалиги ҳудудида ёрдамчи хўжалиги учун 32 га ер ажратилган (2004). Т.ҳ.б.да жониворларнинг 140 тури (умумий сони 434 та, 2003) мавжуд бўлиб, ундан 18 тури Халқаро Қизил китобга киритилган. Ҳайвонот боғида балиқларнинг 15 тури; ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг 2 тури; сут эмизувчиларнинг 94 тури мавжуд. Булар орасида шер, йўлбарс, қоплон, енот, пони, хонгул, қулон, ҳар хил маймунлар, қўнғир айиқ, оқ тирноқ айиқ, турли хил ноёб қушлар бор. Т.ҳ.б. тажриба-ботаника участкасида 120 турдан ортиқ ҳар хил мевали ва манзарали дарахтлар ва буталар ўстирилади.

Ҳар йили «қушлар байрами», сайллар ўтказилади. 2001 й. Т.ҳ.б. халқаро андозалар талабига жавоб берадиган тартибда қайта қурилди. Т.ҳ.б. ҳақида «Энг жанубий» ҳужжатли фильм яратилган (1979). Ҳайвонот боғи МДҲдаги барча ҳайвонот боғлари б-н алоқаларга эга.

Ад.: Термиз ҳайвонот боғи, Т., 1959.

Шомат Саматов.

ТЕРМИЗИЙ ал-Ҳаким, Ҳаким Термизий (тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Башир Ҳаким Термизий) (тахм. 750/760 — Термиз — тахм. 869) — машҳур мутасаввиф. Т.нинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар ўрта аср араб муаллифларидан Тожиддин Субкий, Хатиб Бағдодий, Ибн Ҳажар Асқалоний, Абдураҳмон Сулламий ва б.нинг асарларида, шунингдек, алломанинг ўзи ёзган «Бадъу шаъни Абу Абдуллоҳ» («Абу Абдуллоҳ ишининг бошланиши») автобиографик рисоласида келтирилган. Шунингдек, Т. қабри устига ўрнатилган сағана битикларида ҳам унинг ҳаёти ҳақида баъзи маълумотлар бор. Т. ёшлик йилларида ўз юртида таниқли олимлардан таълим олган. Илмини такомиллаштириш мақсадида Шарқ мамлакатларининг кўп шаҳарларида, жумладан, Балх, Нишопур, Бағдод, Макка ва Мадинада бўлади. Ўша даврнинг йирик алломалари б-н илмий баҳс ва мунозараларда иштирок этади.

Т. қаламига мансуб асарлар кўп. Мисрлик олим шайх Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг далолат беришича, Т. 400 дан ортиқ асар ёзган, улардан 60 га яқини бизгача етиб келган. Улар орасида энг аввало, Муҳаммад (сав) ҳадисларига бағишланган «Наводир ал-усул фи маърифат ахбор Расул» («Расулуллоҳ хабарларини билишда нодир усуллар») китобини айтиш керак. Ушбу асарнинг 2 қўлёзма нусхаси Тошкентда мавжуд бўлиб, улардан бири Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг кутубхонасида, иккинчиси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида сақланади. Алломанинг кейинги йилларда нашр этилган асарларидан тасаввуфга оид 2 китоби: «Китоб ҳақиқат ал-одамия» («Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб») ва «Адаб ун-нафс» («Нафс одоби»)ни кўрсатиш мумкин.

Т. асарларининг аксарияти қўлёзма ҳолда жаҳоннинг йирик шаҳарларидаги қўлёзмалар хазиналарида сақланади. Жумладан, Париж Миллий кутубхонасида қуйидаги асарларининг қўлёзмалари мавжуд: «Китоб уссалот ва мақосидуҳо» («Намоз ва унинг мақсадлари»), «Китоб ул-ҳажж ва асрориҳи» («Ҳаж ва унинг сирлари»), «Китоб ул-иҳтиётот» («Эҳтиёткорлик йўллари»), «Китоб ул-жума ал-лозим маърифатиҳо» («Билиш лозим бўлган жумлалар»), «Китоб ул фуруқ ва манъ ут-тародуф» [«Фарқлар ва тародуф (кетма-кетлик)ни ман қилиш»], «Китоб ҳақиқат ул-одамия» («Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб»), «Китоб урс ул-муваҳаддийн» («Якка худога эътиқод қилганларнинг завқи»), «Китоб ул-аъзо ван нафс ва йусаммо казолика гавр ул-умур» («Аъзолар ва жон ёки ишларнинг моҳияти ҳақида китоб»), «Китоб манозил ал-ибод мин ал-ибода» («Бандаларнинг бандачиликдаги манзиллари ёҳуд Аллоҳга интилувчиларнинг манзиллари ҳақида китоб». Бу китоб 2003 й. «Мовароуннаҳр» нашриётида ўзбек тилида чоп этилди), «Китоб ул-ақл вал-ҳаво» («Ақл ва ҳавойи нафс ҳақида китоб»), «Китоб ул-амсол мин ал-Китоб вас суннат» («Қуръон ва суннатдаги масаллар китоби»), «Китоб ал-маноҳий» («Раддиялар ҳақида китоб»). Дамашқдаги Аз-Зоҳирия кутубхонасида 2 китоб ва 5 рисоласи бор. Искандария (МАР)нинг Мактабат ал-Баладия кутубхонасида 3 та, Лондон кутубхонасида 5 та асари сақланади. Т.нинг бизгача етиб келган муҳим асарларидан бири «Хатм ул-авлиё» (баъзи манбаларда «Хатм ул-валоят») бўлиб, унда Т.нинг валийлик ҳақидаги қарашлари кенг баён қилинади. Валийликнинг ҳаққонийлиги, унинг нубувват (пайғамбарлик) б-н боғлиқ бўлган жиҳатлари асарнинг бош мавзуси ҳисобланади. Т. фикрича, ақл-заковат ўзлаштира оладиган энг олий билим — маърифат ёки ҳикматдир, бу — инсон қалбини ёритувчи «илоҳий нур»дир. Турфа илмларни ўқиб-ўрганиш жараёнида уни эгаллаш мумкин, аммо асл маърифат Аллоҳнинг ўзи ярлақаган зотларгагина насиб бўлади. Т. суфий авлиёларни айни шундай зотлар сирасига киритади. «Хатм ул-авлиё» баъзи фақиҳ ва ҳукмдорларнинг кескин эътирозига ҳам сабаб бўлиб, оқибатда Т. она шаҳри Термиздан чиқиб кетиб, бир қанча муддат Балхда яшаган. Узоқ йиллар давомида алломанинг йўқолиб кетган асарлари сирасига хато равишда киритилган бу асарни Париж и. т.лар маркази исломий маданият бўлимининг аъзоси Усмон Исмоил Яҳё 1965 й. Байрутда нашр этди. Асар муқаддима ва 29 фаслдан иборат бўлиб, унда кўтарилган масалалар мурид ва шайх ўртасидаги савол-жавоб тарзида баён қилинади. Бу китоб тасаввуф илми тарихида валоят (авлиёлик) масаласини 1-марта мукаммал бир назария ва ажойиб мақолалар туркуми шаклида ифода қилган нодир манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. У

Ҳаким Термизий қабри устига ўрнатилган сағана.



Термиз ва Балх атрофида шаклланган тасаввуф аҳли учун маънавий васиятнома ёхуд таълим дастури сифатида хизмат қилган. Илм-фаннинг турли соҳаларида машҳур бўлгани учун Т.ни замондошлари «ал-Ҳаким» деб улуғлашган.

Ад.: Уватов У., Ал-Ҳаким ат-Термизий (ҳаёти ва мероси), Т., 2001; Термиз тазкираси [тузувчи Мирзо Кенжабек], Т., 2001.

Убайдулла Уватов.

ТЕРМИЗИЙ Абу Исо, Имом Термизий (тўлиқ номи Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳок Сулламий Бугий Термизий) (824, Термиз — 892, Буг қишлоғи, ҳоз. Шеробод тумани) — буюк муҳаддис. Сулламий деб нисбат берилишига сабаб боболаридан бири суллам деган араб қабиласига дўст тутинган, Бугий дейилишига сабаб ўша вақтдаги Буг номли қишлоқда вафот этиб, шу ерга дафн қилинган. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолгани учун ал-Дарир тахаллуси б-н ҳам аталган. Т.нинг ёшлик йиллари Термиз ш.да ўтган, дастлабки маълумотни ҳам шу ерда олган. Болалигидан ўта зийраклиги, хотирасининг кучлилиги, ноёб қобилияти б-н ўз тенгқурларидан ажралиб турган. Диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш б-н ўрганган, бу борадаги билимларини янада ошириш учун кўпгина Шарқ мамлакатларига борган. Узоқ йиллар Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Узоқ давом этган сафарлари чоғида қироат илми, баён, фиқҳ, тарих, айниқса, ўзи ёшликдан қизиққан ҳадис илми бўйича ўша даврнинг йирик олимларидан таълим олади. Машҳур муҳаддислардан Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саид, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон ва б. унинг устозлари эди.

Т. Имом Бухорий б-н учрашганида (бу учрашув Нишопурда бўлган ва икки аллома 5 й. биргаликда яшашган) ҳадисининг матнинигина эмас, унинг ҳикмати ва фалсафасини тушуниб етганини эътироф этади. Ўз навбатида Имом Бухорий ўз шогирдини мақтаб, камтаринлик б-н: «Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим», деган. Бу Т.га берилган жуда катта баҳо эди.

Т. йўлда, сафарда бўлганда ҳам, ёки бир жойда муқим турганда ҳам устозларидан, учратган ровийлардан эшитган ҳадисларни ёзиб олар, уларни тартибли равишда алоҳида-алоҳида қайд қилиб борарди. 868 й. хориж сафаридан ўз юртига қайтган Т. илмий-ижодий иш, шогирдлар тайёрлаш б-н машғул бўлди ва йирик муҳаддис олим, имом сифатида шуҳрат қозонди. Тақводорлик, ислом дини ва ўз обрўсига гард юқтирмасликка интилиш, дунё мол-матоси ва бойликка бепарво қараш, охиратнинг ғамини ейиш Т.нинг ҳаёти тарзи эди. Т.нинг шогирдлари унинг ишларини давом эттирди. Улар ичида Макҳул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамод ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад Насафий, Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, Аҳмад ибн Юсуф Насафий ва б.ни кўрсатиш мумкин.

Т. қаламига мансуб асарларнинг аксарияти бизгача етиб келган. «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «аш-Шамоил ан-набавия» ёки «Аш-Шамоил ан-набий саллолоҳу алайҳи ва саллам» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «ал-Илал фил-ҳадис» («Ҳадислардаги иллатлар»), «Рисола фил-хилоф вал-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «ат-Таърих» («Тарих»), «Китоб уз-зуҳд» («Зоҳидлик китоби»), «Китоб ул-асмо вал-куно» («Исмлар ва кунялар китоби») ва б. Т.нинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» бўлиб, 6 та ишончли ҳадислар тўпламидан биридир. Ушбу асар илмий манбаларда «Жомиъ ат-Термизий», «*Саҳиҳи Термизий*», «Сунани Термизий» номи б-н ҳам аталади. Т.нинг муҳим асарларидан яна бири «аш-Шамоил ан-набавия» Муҳаммад (ас)нинг шахсий ҳаёти, у зотнинг суврат ва сийрати, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўз ичига қамраган манбадир. Бу китоб азалдан исломшунос олимлар, тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган. Унинг тили равон, услуби гоятда оддий. Асар форс ва турк тилларига таржима қилинган. «Аш-Шамоил ан-набавия»нинг 1-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар пайғамбарнинг суврат (ташқи қиёфаси)ига, 2-қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса ички дунёси-ю, ахлоқий фазилатларини баён қилишга бағишланган. Китобнинг 16-а.га оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади. «Аш-Шамоил ан-набавия» ўзбек тилига ўгирилиб сўнгги йилларда Тошкентда бир неча бор нашр этилди. 1990 й. Т. таваллудининг 1200 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Мустақиллик йилларида Т.нинг ёдгорлик мажмуаси қайтадан таъмирланиб, қутлуғ зиёратгоҳга айлантирилди.

Ас.: Сунани Термизий, 1-ж., Т., 1999; Шамоили Муҳаммадия, Т., 1991; Саҳиҳи Термизий, Т., 1993.

Ад.: Буюк муҳаддислар (Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий), Т., 1998; Буюк алломаларимиз, Т., 2002; Уватов У., Донолардан сабоқлар, Т., 1994.

Убайдулла Уватов.

ТЕРМИЗИЙ Бурҳониддин Муҳаққиқ — қ. *Бурҳониддин Термизий.*

ТЕРМИЗИЙ Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо (тахаллуси: Самандар) (тахм. 1638, Термиз, — тахм. 1740, Қумқўрғон туманидаги Қоптўқай қишлоғи) — тарихчи олим ва шоир, уламо ва давлат арбоби. Термиз саййидлари оиласида тутилган. Бухорода мадраса таҳсилини олган. Дастлаб Нарпайда қозилик қилган (1660—62). Сўнгра Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, жумладан, Ҳиндистонда дарвеш сифатида яшаган. 1670 й.ларда Бухорога қайтиб, Аштархонийлардан *Абдулазизхон* саройида тарихчи (воқеанавис) лавозимида ишлаган. *Субҳонқулихон* ҳукмронлиги даврида саройда унинг нуфузи ошган. Хива хони *Анушахон* қўшинлари Бухорога бостириб келганида жангларда бевосита қатнашиб, жасорат кўрсатган (1678—80). Элчи сифатида қўшни мамлакатларга борган. Насафда ранс (муҳтасиб) диний лавозимида ишлаган.

Т. форс-тожик тилида Қаршида «Дастур ал-мулук» («Подшоҳларга қўлланма»; 1695) ва Термизда «Анис ул-фуқаро» («Фуқаролар дўсти»; 1734) асарларини ёзган. «Дастур ал-мулук» асари Бухоро хони Субҳонқулихонга бағишланган бўлиб, у муқаддима ва 22 боблан иборат. Китоб ахлоқий-таълимий хусусиятга эга тарихий ва адабий асар бўлиб, унда давлатни бошқариш тўғрисида подшоҳларга қимматли маслаҳатлар мавжуд. Асарда муаллиф яшаган даврда юз берган тарихий воқеалар: Бухоро хонлари

Абу Исо Термизий қабри устига ўрнатилган сағана.

қўшинларининг Хива хонлари Анушахон ва Арангхон босқинларига қарши олиб борган жанглари, Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимиятга қарши кўтарилган исёнлар ва б. баён этилган. Асар қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти ва Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик ин-ти фондларида сақланади. Асар рус тилида факсимилеси б-н (таржимон М. Салоҳиддинова; М., 1971), тожик тилида (нашрга тайёрловчи С. Ҳалимов; Душанбе, 1990), ўзбек тилида (таржимон Ж. Эсонов; Т., 1997) нашр қилинган.

Ас.: Дастур ал-мулук (Назидание государям), М., 1971; Дастур ал-мулук (Подшоҳларга қўлланма), Т., 1977.

Ад.: Термиз тазкираси [тузувчи Мирзо Кенжабек], Т., 2001.

ТЕРМИЗИЙ МАҚБАРАСИ, Абу Исо Термизий мақбараси — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги меъморий ёдгорлик (11—12-а.лар). Абу Исо Муҳаммад *Термизий* қабри устига қурилган. Ҳоз. кунда ёдгорлик бир-биридан равоқлар орқали ўтувчи 4 хона (бўлма)дан иборат яхлит бино кўринишида, хоналар тарҳи 4,3×4,5 м. Шим.-шарқий тарзи айвон қурилиши муносабати б-н кейинчалик тўсилган. 3 хонали бўлма мурабба тарҳли, улардан жан.дагиси гўрхона. Унда мармар сагана бор. Сагана 3 поғонали, муқарнас нақш ва ёзувлар б-н пардозланган. Гўрхонадан тор узун йўлка орқали хонақоҳга ўтилади. Хонақоҳ поли гўрхонага нисбатан пастроқ бўлиб, улар оралиги кенг равоқ б-н ажратилган. Хонақоҳ гумбаз томли, меҳробли. Ёнидаги 2 хонадан шим.-шарқий тарзига чиқилади. Хонақоҳ олдидаги 3 айвон гумбазли, қалқонсимон бағалли, деворларига 4 равоқ ишланган, пишиқ гиштдан ҳошиялар терилган. Т.м. ганчкори безаклар б-н пардозланиб, ташқи деворларига 6 гиштин равоқли намоёнлар ишланган. Тобадонларига оқ ганчдан панжаралар ўрнатилган. Равоқлари гишт қалинлигида ҳошияланган. Т.м. бош тарзини кичик кўшксимон гумбазли қурилма эгаллаган. Ёдгорлик ҳақида илк бор Д. Н. Логофет йўл очеркларида тилга олган. 1945 й. В. Л. Воронина меъморий ўлчамларини бажарган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати б-н Т.м.да таъмирлаш ишлари олиб борилди. Саганаси ва ганчкори панжаралари қайта ўрнатилди.

ТЕРМИЗИЙ МЕЪМОРИЙ МАЖМУИ, Ҳаким Термизий мақбараси — Термиздаги меъморий ёдгорлик (9—15-а.лар). Мажмуа Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким *Термизий* номи б-н боғланган. Т.м.м. асрлар давомида бир неча бор қайта қурилган. Масжид, мақбара, хонақоҳ, қорихона каби бинолардан иборат бўлган. Дастлаб хом гиштдан хонақоҳ (9-а.) бунёд этилиб, Ҳаким Термизий шу ерда яшаб муларрислик қилган. Бинодан кенг ҳовлининг бир қисми, қалин девор тўсиқ ва шим.-шарқий бурчагида унча катта бўлмаган ертўласимон ҳужра сақланган. Вақтлар ўтиши б-н қабр устига, хонақоҳнинг жан. ғарбий бурчагида хом гиштдан жан.га қаратиб мақбара бунёд этилган (9-а.). Термизий мақбараси халқ орасида улугланиб авлиё қабри, муқаддас зиёратгоҳ сифатида эъзозланган. Кейинчалик мақбаранинг шарқий деворига туташтириб кичик қорихона ва ўгли ал-Ҳаким Абдуллоҳ мақбараси (10-а.), шим.да унча катта бўлмаган ҳовлига қараган 3 гумбазли, равоқли йўлак кўринишидаги намозгоҳ масжиди (11—12-а.лар) ҳамда бир қатор кўшимча хоналар қўшилган.

Абу Исо Термизий мақбараси.

Темурийлар ҳукмронлиги даврида (15-а.) хонақоҳ баланд асос (бал. 1,5 м) устига пишиқ гиштдан қайта қурилди. Унга туташ бўлган хоналар таъмирланди. Хонақоҳнинг шим. ва жан. томонларига пештоқ ишланди. Оддий ва аниқ қурилмали хона деворлари равоқ устунлари «ромб» кўринишидаги пойустунга таянган. Ҳаким Термизий мақбараси 9-а.да бунёд этилган хонақоҳ ҳужраларидан бири бўлган. Хонақоҳ ҳовлисининг ғарбидаги 3 гумбазли масжид мақбарага туташ, 3 равоғи ҳовлига қараган. Масжиднинг ғарбий девор марказида кенг ҳошияли меҳроб бор. Ундаги бўртма ёзув, сопол шакллар, оралиқ заминидаги ўйма ганч безаклар ўзига хос. Масжид устунлари гиштдан безакли қилиб терилган. Масжиддан равоқ орқали мақбарага ўтилади. Мақбара ичи ганч ўймакорлигида гилам нусха безакла серҳашам пардозланган. Гумбаз ости шарафасида куфий хатида Қурьоннинг 36-сураси ўйиб ёзилган. Хонақоҳ ичи ҳам юлдузсимон гириҳ нақшлар б-н пардозланган. Равоқларидаги тобадонларига панжаралар ўрнатилган. Мақбара ичидаги оқ мармар сагана темурийлар давридаги тош ўймакорлиги санъатининг юксак намунасидир. Сагана 3 поғонали, асоси ислимий нақш ва ёзувли ҳошиялар б-н, ўрта қисмидаги 3 меҳробий токчанинг марказий (ўрта) қисми муқарнас косачалар б-н, 2 ёни шамчироқ тасвири б-н безатилган. Саганадаги ёзувларда Термизий ҳаёти ва фаолияти тавсифланган. Кичик мақбарада ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилган. Абдуллахон ҳукмронлиги даври (16-а.)да ҳазира (ҳовли) ҳудудида 9 гумбазли масжид (эски масжидни ўз ичига олган) қурилган. Олдида енгил равоқ-устунли айвон жойлашган. 19-а.да 9 гумбазли масжид ўрнида 4 гумбазли масжид бунёд этилган. Жан.дан кираверишда яна бир мақбара (гўрхона ва зиёратгоҳдан иборат) қурилиб, равоқли бўлмалар орқали Термизий мақбараси ва хонақоҳ б-н ўзаро боғланган. Т.м.м. 1955—57 й.ларда илмий ўрганилиб 14—15-а.лардаги кўриниши қайта тикланди. 1980—81 й. ва 2001—2002 й.ларда мақбара ва хонақоҳ қайта пардозланди. Мажмуанинг умумий тарҳи 28,0×29,0 м, мақбара 5,10×4,70 м.

Ҳаким Термизий мақбараси.

ТЕРМИЗ—ШИБИРҒОН—ҲИРОТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ — Ўзбекистонни Афғонистоннинг *Ҳирот* ш. б-н боғлайдиган қаттиқ қопламали йўл. Тахминан мил. ав. 5-а.лардан карвон йўли тарзида пайдо бўлган. Ҳоз. даврда халқаро магистрал йўллар тизимида А—76 гитули берилган. Йўлнинг Термиздан Ҳироттача умумий уз. 854 км. Ўз йўналишида Мозори Шариф, Балх, Темурок, Оқча аҳоли пунктлари орқали Шибирғон ш.га, ундан Андхой, Маймана, Боламургоб, Қалъаи Нов аҳоли пунктлари орқали Ҳирот ш.га боради. Йўл қатнов қисмининг кенглиги 8—10 м ни ташкил қилади. Йўлнинг Термиздан Мозори Шариф, Шибирғонгача бўлган қисми текислик ва чўл зонаси бўйлаб, Андхойгача қум барханликлари оралаб, Андхойдан Қалъаи Новгача тоғ олди ва тоғликлардан ўтиб, Ҳироттача текисликлардан ўтган.

Ҳиротдан Т.-Ш.-Ҳ.а.й.нинг давоми бўлган Карочи, Чохбаҳр, Бандар Аббос денгиз портларига элтувчи автомобиль йўллари бошланади. Ҳиротдан Карочигача бўлган қисми қаттиқ қопламали, уз. 1485 км. Ҳиротдан Бандар Аббос денгиз портигача бўлган йўл (уз. 1858 км), Ҳиротдан Чохбаҳр денгиз портигача бўлган йўл ҳам қаттиқ қопламалидир (1740 км ни ташкил қилади). Сўнгги ўтган чорак аср давомида Афғонистондаги урушлар оқибатида ушбу йўлнинг айрим қисмлари, жумладан Шибирғондан Ҳироттача қисми таъмир талаб бўлиб қолган. Портларга келтириладиган барча халқаро ва маҳаллий юклар шу йўллар орқали ташилади.

Тоҳиржон Мирзаев.

ТЕРМИЗШОҲЛАР — Термиз ва унинг вилоятини бошқарган меросий ҳукмрон сулола (мил. 5—7-а. охирлари). Арабларнинг Шим. Тохаристонга қилган юришлари (7-а. охири — 8-а. боши) муносабати б-н араб-форс ёзма манбаларида (Табарий, Балозурий, Ибн Хурдодбеҳ) қайд этилган. Буддавий роҳиб Сюань-Цзан (тахм. 630 й.)нинг маълумотига кура, Тами (Термиз) мулки ҳудуди ғарбдан шарққа томон 600 ли (180—300 км), шим.дан жан.га томон эса, 400 ли (120—200 км) масофани ташкил этган, яъни Термиздан ташқари Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларни ҳам қамраган. Шаҳарда буддавийлик ҳукмрон мавқега эга бўлиб, унда 12 та монастир ва 1000 га яқин роҳиб, шунингдек, ступалар, будда ҳайкаллари бўлган. Т. ҳокимият тепасига мил. 5-а.да келганлар, бунга улар зарб этган мис тангалар гувоҳлик беради. Тангалар 7-а. охирига қадар зарб этилган. Т.нинг этник келиб чиқиши ноаниқ, *эфталийлар* ёхуд кидарийлар б-н боғлиқ бўлиши эҳтимол. 689—690 й.ларда Термизни арабларнинг қайсийлар қабиласи сардори Мусо ибн Абдуллоҳ эгаллаган ва шаҳардан термизшоҳни қувиб юборибдан, халифаликдан ажраб чиқиб, 15 йил мустақил ҳокимлик қилган. Термизшоҳнинг туркийлар ёрдамида тахтни қайтариб олиш учун қилган ҳаракатлари зое кетган. 704 й. Усмон ибн Масъуд 15 минг кишилик лашкар б-н келиб шаҳарни *ушавийлар* тобелигига қайтаришга эришган. Т. ҳокимияти халифалик томонидан номигагина бир мунча муддат тикланган, Термиз бутунлай халифалик томонидан идора этиладиган бўлган, шаҳар арабларнинг асосий таянч пунктига айланган.

Ад.: Бартольд В. В., Термез, Сочинения, т. 3, М., 1965; Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В., Северная Бактрия — Тохаристан. Очерки истории и культуры, Т., 1990.

Эдвард Ртвеладзе.

ТЕРМИЗШОҲЛАР САРОЙИ — Термиз ҳукмдорларининг қароргоҳи. 11—12-а. меъморлигининг диққатга сазовор намуналаридан. 1926—28, 1936—37 й.ларда қазиб ўрганилган. Сарой мажмуаси катта ҳудудни ишғол этиб, тўғри тўртбурчак тарҳда қурилган. Саройнинг бош тарзида пештоқ бўлиб, кенг ҳовли ўртасида ҳовуз (8,5×8,5 м, унга сопол қувурлардан сув келтирилган), меҳмонхона (катта зал ва даҳлизли), зал олдида 4 та мурабба устунли айвон бор. Қазиш пайтида ганч панжара, рангдор ойна, ганчга бўяб ишланган тасвир қолдиқлари топилган. Сарой бир неча марта таъмир этилган. 12-а.да зал интерьери ганч ўймакорлиги б-н безатилган, деворларга афсонавий махлуқларнинг тасвирлари ишланган. 1220 й.да Термизни Чингизхон қўшинлари қамал қилган, қаттиқ қаршилик кўрсатилгани учун сарой бошқа кўпгина бинолар қатори вайрон қилинган, харобалар сақланмаган.

ТЕРМИК АНАЛИЗ, термография — физик-кимёнинг асосий тадқиқот усулларидан бири; турли моддалар, тоғ жинслари ва минералларни қиздириш ёки совитиш жараёнида уларда рўй берадиган фазавий ўзгаришларни махсус асбоблар (дериватограф ва б.) ёрдамида ёзиб олишга асосланган. Т.а. натижалари термограммада акс эттирилади. Т.а. аниқ ва қулай тадқиқот усулларидан ҳисобланиб, кимё, геол., тупроқшунослик, металлургия, агрономия, озиқ-овқат, цемент, чинни, керамика, тўқимачилик, доришунослик ва б. соҳаларда қўлланади.

ТЕРМИК ДИССОЦИАЦИЯ — қ. *Диссоциация.*

ТЕРМИК ИШЛОВ — қ. *Металларни ишлаш.*

ТЕРМИК ПЕЧЬ — металл буюмларга термик (иссиқлик) ёки кимёвий-термик ишлов бериш учун мўлжалланган саноат печи. Ишлаш услуби жиҳатдан даврий (ваннали печь, камерали печь, аэродинамик қиздириш печи ва б.) ва узлуксиз (индукцион қиздириш қурилмаси, сим чўзиш печи ва б.) ишлайдиган турларга бўлинади. Даврий Т. п., асосан, машинасозлик саноатида металл буюмларни доналаб ёки кичик сериялаб ишлаб чиқаришда, узлуксиз Т.п. эса кўп сериялаб ва оммавий ишлаб чиқаришда қўлланади. Т. п.лар газ ёки электр токида ишлайди. Электр токида ишлайдиган печларда қиздириш кучлироқ ва аниқроқ чиқади. Т.п.ларда



Термик печь. Қўзғалмас тубли камерали печь: *1* — иш бўшлиги; *2* — буюм солиналиган ва олиналиган туйнук; *3* — горелка; *4* — рекуператор (иссиқлик тутиб қолгич).

дист материаллар тобланади, нормалланади ва бўшатилади, т.й. транспорти гилдираклари ва гилдирак бандажлари, углеродли ва занглamас пўлатдан ҳамда рангли металлдан тайёрланадиган полосалар термик ишловдан ўтказилади.

ТЕРМИК ЭКВАТОР — Ер юзида ўртача кўп йиллик ҳаво т-раси энг юқори (26—27°) бўладиган кенглик минтақаси. Янв. ойида географик экваторга тўғри келади, июль ойида 20—25° ш.к.га кўчади. Т.э.нинг ўртача йиллик ҳолати 10° ш.к.га тўғри келади. Т.э.нинг шимолроққа кўчишига сабаб, Шим. ярим шар тропикларида қуруқлик майдонларининг катталиги, чунки қуруқлик океан сувига нисбатан кучлироқ исийди.

ТЕРМИК ҚАРШИЛИК, иссиқлик қаршилиги — жисм (унинг сирти ёки қатлами)нинг молекулаларининг иссиқлик ҳаракати тарқалишига тўсқинлик қилиш хусусияти. Тўлиқ, сиртки ва қатлам Т.қ.лари фарқланади. Тўлиқ Т.қ. — бир жисм (сирт, қатлам) дан иккинчисига иссиқлик узатиш коэффициентига тескари миқдор, сиртки Т.қ. — бир жисм сирти б-н иккинчи жисм сирти орасида иссиқлик алмашиниш коэффициентига тескари миқдор, қатлам Т.қ.ги — шу қатлам қалинлигининг унинг иссиқлик ўтказиш коэффициентига нисбатига тенг миқдор. Мураккаб тизим (мас., кўп қатламли иссиқлик изоляцияси) Т.қ.ги унинг алоҳида-алоҳида қисмлари Т.қ.лари йиғиндисига тенг. Т.қ. сон жиҳатдан иссиқлик оқими бирлиги ($1 Вт/м^2$) ни жисм сиртига ёки модда қатлами орқали узатиш учун зарур т-ра босимига тенг. У $м^2·К/Вт$ орқали ифодаланади. Т.қ. ни билиш *иссиқлик техникаси*, қурилишда, биноларни иситиш ва б. соҳаларда жуда муҳим (қ. *Иссиқлик алмашиниши, Иссиқлик ўтказувчанлик, Иссиқлик ҳаракати*).

ТЕРМИН (лот. terminus — чегара, ҳад) — билим ёки фаолиятнинг махсус соҳасига доир тушунчани ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси. Т. умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади, бинобарин, Т. ва умумистеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир. Систем характерга эгалик, ўз терминологик майдонида бир маънолиликка мойиллик, ҳиссиётийгуни ифодаламаслик, услубий бетарафлик кабилар Т.га хос хусусиятлардир. Биология, мат., тилшуносликда қўлланадиган «функция» сўзини кўп маъноли Т. сифатида эмас, балки терминологик омонимлар, соҳаларо сидир бўлиб турадиган ретерминологик жараён (бир соҳа Т. инин иккинчи соҳа Т.и сифатида қўлланиши ҳосиласи тарзида қаралмоги лозим. Умумхалқ лексикасига доир коммуникатив Т. ҳосил қилишда ҳам кузатилади. Сўз б-н Т. нинг умумий ва хусусий томонлари етарли даражада очиб берилган эмас; кундалик турмушда кенг истеъмолда бўлган сўзлар айни пайтда турли соҳаларга доир Т.лар ҳамдир. Мас., қулоқ, бурун, томоқ — анатомия ва тиббиёт; гизам, шодча, палос — гиламдўзлик; китоб, ручка, дафтар — педагогик соҳа Т.лари бўлиш б-н бирга умумхалқ тилида фаол қўлланади.

Ҳоз. кунда «Т.» сўзи б-н бир қаторда «атама», «истилоҳ» сўзлари ҳам айни маънода қўлланмоқда. Лекин улар «Т.» сўзининг ҳоз. маъносини тўлиқ ифода эта олмайди. «Атама» сўзи кенг маънода бўлиб, географик объектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланади. «Истилоҳ» сўзини эса Т. маъносида тарихий манбалардаги матнлар (мас., адабиёт тарихи, Шарқ фалсафаси ва б.)да бемалол қўллаш мумкин.

Ибодулла Мирзаев.

ТЕРМИНАЛ ҲОЛАТ (лот. terminalis — охирги, сўнгги) — ҳаётнинг сўнгги босқичи; ҳаёт б-н ўлим орасидаги ҳолат. Бунда организм яшаши учун муҳим бўлган орган ва системалар фаолиятида (ҳатто тиклаш мумкин бўлса ҳам) чуқур ўзгаришлар рўй бериб, *гипоксия* кучаяди. Т.ҳ. (бехушлик бошланса-да) нафас рефлекслари ва юрак фаолияти сақланиб турган агония-олди, *агония* ва *клиник ўлим* каби 3 босқични ўз ичига олади. Т.ҳ.нинг давомийлиги асосий касалликнинг оғир-енгиллиги ва организмни жонлаштириш (қ. *Реанимация*) чора-тадбирлари кўрилишига боғлиқ.

ТЕРМИНАТОР (лот. termino — чегаралайман, ажратаман) — сайёра ёки йўлдошлар гардишининг ёритилган (кундузги) ярим шари б-н қоронғи (тунги) ярим шарини ажратувчи чизиқ. Сайёра ёки йўлдошларнинг Т. чизиғидаги нуқталарида Қуёш ботаётган (кечқурунги Т.) ёки чиқаётган (эрталабки Т.) бўлади. Ердан кўринадиган ёритқич гардиши (мас., Ой) да Т. ҳамма вақт эллипснинг ярмига ўхшайди, Т.нинг гардиш бўйлаб силжиши фаза алмашиниш ҳодисасини ифодалайди (мас., Ой фазалари). Атмосфераси бор сайёраларда *рефракция* ва тонг ёруглиги ёки қош қорайиши туфайли Т. чизиғи тунги ярим шар томонга бир оз силжиган бўлади.

ТЕРМИНОЛОГИЯ (*термин* ва ... *логия*) — 1) *лексиканинг* бир соҳаси; муайян фан, техника, и.ч. тармоғининг, санъат, ижтимоий фаолият соҳасининг терминал тушунчалар тизимини б-н боғлиқ терминлари мажмуи; 2) тилшуносликнинг терминларни ўрганувчи соҳаси. Т. тор маънода маълум бир соҳага оид махсус лексика. Мас., физика Т.си, ижтимоий-сиёсий Т., машинасозлик Т.си каби. Т. умумхалқ тилининг лексикаси негизида вужудга келади, бойийди. Ўз навбатида у, умумхалқ тилининг бойиши учун хизмат қилади. Терминологик лексика умумхалқ тили лексикасининг ажралмас қисми сифатида у б-н бирга ривожланади, жамият ва тил тараққиётидаги барча жараёнларни бошдан кечиради. Маълум бир соҳа ёки фан юқори даражада тараққий этгандагина ўша тилда махсус Т. вужудга келади.

Т.нинг ривожланиши, бойиш йўллари ҳар хил: бошқа тиллардан сўз олиш, яни сўз ясаш, айрим грамматик категорияларнинг лексикалашуви, сўз бирикмасининг семантик бир бутун ҳолга келиб қолиши ва б. Бутуни кунда ўзбек Т.синнинг бойиши, асосан, бошқа тиллардан сўз олиш ва ички сўз ясаш ҳисобига рўй бермоқда. У ёки бу соҳа терминологик тизимининг барқарорлигини белгиловчи асосий омил унинг тартибга солинганлиги ва мунтазамлигидир. Т.нинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Мас., умумадабий тилда синонимия, омонимия ва кўп маъволилик тилнинг бойлиги бўлса, Т.да булар салбий ҳодиса ҳисобланади. Мас., биргина тушунчани ифодалаш учун ўзбек тилида яримўтказгич — чалаўтказгич — нимўтказгич терминлари қўлланмоқда. Бу, ўз навбатида, ўқиш-ўқитиш ва ахборот алмашиш жараёнини қийинлаштиради. Шу сабабли ҳам Т. си маълум даражада барқарорланган барча тилларда терминлар доимий тартибга солиб турилади. Тартибга солиш маълум терминологик меъёрлар асосида амалга оширилади. Т. ривожида фан соҳаларига оид махсус луғатларни нашр қилиб туриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тили Т. си маълум тараққиёт йўлини босиб ўтган. Ўзбек тили Т.си соҳасидаги ишларни ўтган асрнинг 50-й.ларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳузуридаги Тил ва Т. комитети бошқарган (1931—37 й.ларда фаолият кўрсатган), кейинчалик Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти қошидаги Т. бўлими (1964 й.дан) олиб борди. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси 1988 й.дан 2004 й.гача ўзбек тили Т.сини тартибга солиш ва такомиллаштириш б-н шуғулланиб келди (2004 й. янв.дан мазкур қўмита фаолияти тўхтатилди).

Неъмат Маҳкамов.

ТЕРМИТ (нем. thermе — иссиқлик) — алюминий ёки магнийнинг баъзи металлар (темир, никель ва б.) оксиди б-н кукунсимон аралашмаси; аланганинг шақтида интенсив ёнади, натижада реакция маҳсулотлари т-раси 2000° дан ошади. Углеродсиз металлар (марганец, хром ва б.) ва ферроқотишмалар (қ. *Алюминотермия, Металлотермия*) олишда, рельсларни пайвандлашда ва янрик металларни қуйишда, енгирчи аралашма сифатида (ҳарбий ишда) қўлланади.

ТЕРМИТ ПАЙВАНД — металларни *термит* ёрдамида бириктириш, улаш. Т.п. учун бириктириладиган деталлар ўтга чидамли материал б-н қопланади, пайвандланадиган жой 400—700° гача қиздирилади ва чоқ ичган термит б-н тўлдирилади. Суюқ термит асосий металл б-н мустаҳкам бирикма ҳосил қилади. Т.п. рельс ва трубаларни учма-уч пайвандлашда, дарзларни эритиб ёпиштиришда, телефон симларини улашда кенг қўлланади.

ТЕРМИТЛАР, қир чумолилар, оқ чумолилар (Isoptera) — қанотларининг бир туркуми. 2600 тури маълум. Асосан, тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган. Чумолиларга ўхшаб (бир неча юздан миллионгача индивиди бирга) жамоа бўлиб уя (ин)ларда яшайди. Жамоада она, ота, ишчи ва кўриқчи индивидлар бор. Она Т. (танаси 140 мм ча; бошқаларники 2—20 мм) 10 йилгача яшаб, умр бўйи (115 млн.гача) тухум қўяди. Маълум даврларда узун, тени қаноатли эркак ва уруғчи Т. (кейинчалик қанотини ташлаб юборади; фасеткали кўзлари бор. Бошқаларида кўз ривожланмаган ёки йўқ) пайдо бўлиб туради. Булар янги колония асосчиларидир. Кўпчилигини қанотсиз ишчи Т. (асосан, уруғочиси) ташкил қилади. Улар уя қуриш, ошланини бошқа аъзоларини овқатлантириш вазифасини бажаради. Уясини ер устига (15 м баландликда, айланаси 20—30 м) ёки тагига, шунингдек, дарахтларга ясаши мумкин. Ўсимликнинг ёғоч қисми б-н озиқланади. Ундан ичакларидаги *симбионт* ишлайди. Қўриқчиларининг бош қисми жағлари жуда ривожланган бўлиб, унга бегона ҳашаротларни киритмайди. Ғ. гури, жумладан, Ўрта Осиёда туркистон термити учрайди. Т. инвазиялари ёғоч қисмини бузади, тропик мамлакатларда эса экинларга ҳам зарар келтиради.

Термитлар. Туркистон термити: *1* — қанотли индивиди; *2* — қанотини ташлаган эркаги; *3* — жинсий етилган уруғчиси; *4* — ишчиси; *5* — қўриқчиси.

ТЕРМО... (юн. thermе — иссиқ, ҳарорат) — қўшма сўз бўлаги. Иссиқликка оидликни билдиради (мас., *термометр, термодинамика*).

ТЕРМОБАРОКАМЕРА — қ. *Барокамера*.

ТЕРМОГРАФ (*термо...* ва *...граф*) — ҳаво, суюқлик ва б. т-расини узлуксиз қайд қилувчи асбоб. Т.да биметалл пластинка, суюқлик термометри ёки қаршилик термометри сезгир элемент вазифасини ўтайди. Метеорологияда сезгир элементи т-ра ўзгаришн б-н деформацияланувчи энг биметалл пластинкали Т. кенг тарқалган. Бу пластинка учининг силжиши милга узатилади ва графаларга бўлинган (даражаланган) лентала эгри чизиқ чизади. Чизиқнинг вертикал бўйича 1 мм узунлиги 1° га тўғри келади. Барабанининг тўла айланиш вақтига қараб, суткали ва ҳафтали Т.ларга бўлинади. Т.нинг ишлаши симобли термометрлар б-н текшириб турилади.

Термограф: *1* — биметалл пластинка; *2* — ричаглар; *3* — милт; *4* — барабан.

ТЕРМОДИНАМИК МУВОЗАНАТ — термодинамик тизим ҳолати; бунда тизимни тавсифловчи барча параметрлар аниқ қийматларга эга бўлиб, бу қийматлар ташқи муҳит ўзгармаса, истаганча вақт давомида ўзгармай қолаверади. Т.м. ҳолатига ўтган тизимда иссиқлик ўтказувчанлик, диффузия кабн ҳар қандай қайтмас жараёнлар тўхтайди.

Тизимнинг ташқи муҳит б-н ўзаро муносабатига қараб, унинг Т. м. ҳолатига ўтганлигини турли физик катталикларнинг кузатилаётган шароитларда ўзгармай қолиши орқали аниқлаш мумкин. Мас., ташқи муҳитдан адиабатик тарзда ажратилган тизимда *энтропия* ўзининг эришиши мумкин бўлган энг катта қийматга эга бўлади; термостатдаги тизим учун эркин энергия энг кичик қийматни олади; ўзгармас ташқи босим таъсирида бўлган термостатдаги тизим учун Гиббс термодинамик потенциали энг кичик қийматга эришади.

ТЕРМОДИНАМИК ПОТЕНЦИАЛЛАР — термодинамик тизим ҳолатини тўла тавсифлайдиган ва ўзаро боғланмаган ҳажм V, босим p, т-ра T, энтропия S, тизимдаги зарралар сони N ва б. макроскопик параметрлар x_i нинг аниқ функциялари. Т. п. ички энергия $U=U(S, V, N, x_i)$, Гельмгольц энергияси $F=F(V, T, N, x_i)$, Гиббс энергияси $G=G(p, T, N, x_i)$, энтальпия $H=H(S, p, N, x_i)$ каби функциялардан иборат. Т.п. бир-бири б-н қуйидагича боғланган: $F=U-TS$, $G=F+pV$, $H=U+pV$. Т.п.дан биттаси маълум бўлса, тизимнинг барча термодинамик хоссаларини аниқлаш мумкин. Ҳар қандай термодинамик тизим учун Т.п. *статистик физика* усули ёрдамида ҳисобланади. Т.п. терминини фанга 1884 й.да француз физиги П. Дюгем киритган. Т.п. усулининг асосчиси Ж. У. *Гиббс* ўзининг илмий ишларида «фундаментал функциялар»ни термин сифатида қўллаган.

ТЕРМОДИНАМИК ТЕМПЕРАТУРА ШКАЛАСИ — термометрик моддаларнинг хоссаларига боғлиқ бўлмаган мутлақ т-ра шкаласи. У. *Кельвин* 1848 й.да таклиф этган. Бу шкалани Кельвин шкаласи деб ҳам аталади.

Совиткичга берилган иссиқлик миқдори Q_c нинг иситкичдан олинган иссиқлик миқдори $Q_и$ га нисбати совиткич т-раси T_c нинг иситкич т-раси $T_и$ га нисбатига тенг:

$$Q_c/Q_и = T_c/T_и.$$

Ушбу муносабат Кельвин томонидан Т.т.ш. учун асос қилиб олинган. Т.т.ш. бўйича т-ранинг бошланғич нуқтаси қилиб ноль Кельвин (0 К) қабул қилинган. 0 К (мутлақ ноль) т-ра — бу идеал газнинг босими нолга тенг бўладиган энг паст чегаравий т-ра. Т-ра 0 К дан паст бўлиши мумкин эмас.

Т.т.ш. бўйича т-ра бирлиги қилиб *кельвин* олинган (К). 1К Цельсий т-расидаги 1° га мос келади. Нормал атмосфера шароитида музнинг эриш т-раси Т.т.ш. бўйича 273,15 К га тўғри келади. Цельсий т-ра шкаласидан Т.т.ш.га ўтиш формуласи:

$$T=273,15+t,$$

бунда t — Цельсий т-ра шкаласи бўйича т-ра қиймати.

Т.т.ш.нинг ясалиши термодинамиканинг 2-бош қонунига ва, хусусан, *Карно цикли* ф. и. к.нинг иш жисми табиатига боғлиқ эмаслигига асосланган.

ТЕРМОДИНАМИК ТИЗИМ — ўзаро таъсирлашаётган ва энергия алмашаётган иссиқлик ҳаракатидаги кўп сондаги зарралар — атом ва молекулалардан ташкил топган физик тизим. Ихтиёрий иссиқлик машинаси. Т.т.га мисол бўла олади. Т.т.нинг ҳолати ҳажм, босим, т-ра каби макроскопик параметрлар б-н аниқланади.

ТЕРМОДИНАМИК ҲОЛАТ — ташқи параметрлар ва т-ра қийматлари б-н аниқланувчи термодинамик тизим ҳолати. Термодинамикада тизим ҳолатининг ташқи ва ички параметрлари фарқ қилади. Тизим параметрлари ўзаро боғлиқ. Босим, т-ра ва солиштирма ҳажм унинг асосий параметрлари ҳисобланади. Агар тизим параметрлари вақтнинг ўтиши б-н ўзгармаса, стационар ҳолат дейилади. Термодинамикада мувозанат ва номувозанат ҳолатлар мавжуд.

ТЕРМОДИНАМИКА (юн. termo иссиқ, dynamis — куч) — термодинамик мувозанат ҳолатида турган макроскопик тизимларнинг умумий хоссалари ва бу ҳолатлар орасидаги ўтиш жараёнлари тўғрисидаги фан. Т. фундаментал қонун ва тамойиллар асосида қурилади.

Т.нинг биринчи бош қонуни тизимнинг энергия сақланиш қонуни бўлиб, унга, асосан, тизим ўзининг ички энергияси ёки қандайдир ташқи энергия манбаи ҳисобига иш бажариши мумкин. Бу қонунни Ю. Р. *Майер* таърифлаган. Г. *Гельмгольц* аниқроқ шаклга келтирган (1874). Термодинамик тизим маълум миқдорда Q иссиқлик олганда унинг ички энергияси маълум ΔU миқдорга ўзгаради ва тизим A иш бажаради, яъни

$$Q=\Delta U+A.$$

Бу қонун *абадий двигател*нинг мавжудлигини инкор этади.

Т.нинг иккинчи бош қонуни қуйидагича: иссиқлик энергияси ишга айланиш жараёнида тўлиқ миқдорда ишга айланмайди, иссиқлик совуқ тизимдан иссиқ тизимга ўз-ўзидан ўта олмайди. Бу қонунни Р. *Клаузиус* таърифлаган (1850). Бу қонунга асосан, ҳар қандай машина узатилган иссиқликни тўлиқ ишга айлантира олмайди, иссиқликнинг маълум қисми совиткичда қолади (қ. *Карно цикли*).

Т.нинг учинчи бош қонуни энтропиянинг мутлақ қийматини аниқлайди: Нернстнинг иссиқлик қонуни деб ҳам аталади. Бу қонунга кўра, ихтиёрий тизимнинг энтропия Sси мутлақ нолга интилаётган ҳар қандай т-ра Т.да босимга, зичликка боғлиқ бўлмаган энг охирги чегаравий қийматига эришади. 1911 й.да М. *Планк* бу қонунни қуйидагича ифодалаган: т-ра мутлақ нолга интилганда тизим энтропияси ҳам нолга интилади, яъни

$$\lim_{T\to 0} S = 0.$$

Т. умумий ёки физик Т.га, Т. қонунларини иссиқлик техникасига татбиқ қилувчи техник Т.га, Т. қонунларини кимёвий ва физик-кимёвий жараёнларга татбиқ қилувчи кимёвий Т. га, Т. қонунлари ёрдамида қайтмас жараёнларни ўрганувчи қайтмас жараёнлар Т.сига бўлинади.

ТЕРМОКАРСТ (*термо* ... ва *карст*) — ҳавонинг йиллик ўртача т-раси кўтарилганда ёки тупроқ т-расининг тебраниш амплитудаси ортганда ер остида музнинг эриб кетиши ёки тўпланиб ётган грунтнинг музсиз тушиши оқибатида ер юзасида чуқурликлар, ўпқонлар ва ер остида бўшлиқлар пайдо бўлиши. Т., айниқса, кўп йиллик музлаб ётган тоғ жинслари ривожланган областларда тарқалган бўлади. Т. натижасида вужудга келган турли ботиқлик, чуқурлик, ўпирилиш, кўл ва ботқоқликларнинг катта-кичиклиги ҳар хил: диаметри 1 неча м дан ўнлаб км га, чуқурлиги эса бир неча см дан ўнларча м га етади. Т. жараёни ўрмонлар кесилиши, ёниши, зовурлар қазилиши ва б. натижасида ҳам ҳосил бўлади. Т.нинг салбий оқибатларини йўқотиш учун бинолар қурилиши аввал музли заминни эритиб, дренажлар ўтказиш, қурилиш мобайнида ва ундан фойдаланилаётганда ер остидаги тўнгиб ётган жинслар ва музликларни эришидан сақлаш керак.

ТЕРМОКИМЁ — *кимёвий термодинамика*нинг бир бўлими. Кимёвий реакциялар жараёнида иссиқлик эффектини ўлчаш ёки ҳисоблаш, модданинг агрегат ҳолати ўзгариши б-н боғлиқ физик-кимёвий жараёнлар, суюлиш, эриш, суюлтириш ва б.ни тадқиқ қилади. Т. физик-кимёвий системаларнинг иссиқлик сиғимини ва уларнинг ҳароратга боғлиқлигини ҳам миқдорий жиҳатдан ўрганади. Т.да иссиқлик сиғими, ёниш иссиқлиги, энтальпия, энтропия, изобар-изотермик потенциал каби катталиклар қўлланади. Улардан кимё-технология жараёнларининг иссиқлик мувозанатини ҳисоблашда фойдаланилади. Т.нинг амалий усули — *калориметрия*. Реакцияларнинг тезлигини аниқлашда моддаларнинг энергетик хусусиятларини билиш, шунингдек, бирикмаларнинг тузилишини ҳисобга олиш муҳим. Реакцияларнинг иссиқлик эффекти ёки иссиқлик сиғимини ўлчашда калориметриядан фойдаланилади. Реакцияга жалб қилиб чиқаётган ёки ютилаётган иссиқлик миқдори ифодаланган қимёвий тенгламалар термокимёвий тенгламалар дейилади. Т.да гомоген (бир жинсли) ва гетероген (ҳар хил жинсли) системалар маълум бўлиб, булар битта ёки бир неча фазалардан ташкил топади. *Гомоген система*га азот б-н кислород газлари аралашмаси, *гетероген система*га эса сув б-н музнинг аралашмаси ёки ҳаво (атмосферадаги кумир ва олтингугурт зарраларининг аралашмаси мисол бўла олади. Сунги система 3 фазадан — 2 та қаттиқ ва 1 та газ фазасидан иборат.

Т. га Г. И. *Гесс* асос солган. У 1840 й. термокимёвий ҳисобларга асосланган принципини эълон қилди, кейинроқ мазкур принцип *Гесс қонуни* номини олади. Баъзи реакцияларнинг иссиқлик эффектини тўғридан-тўғри ўлчаш имкони йўқлиги ёки қийинлиги туфайли уларни Гесс қонуни ёрдамида аниқланади.

Т. 20-а.нинг 2-ярмида квант кимёси, занжир ва ядро реакциялари тасаввурлари б-н бойиди, реакциялар иссиқлик эффекти мутлақ нолга яқин ҳароратлардан бир неча минг даражага бўлган оралиқларда ўлчанилишига эришилди. Биологик жараёнлар радиокимёвий ҳодисалар, космик ва юлдузлараро масофалардаги реакцияларда олинган маълумотлар Т.нинг ривожланишига олиб келди. Т. қонуниятларни технологик жараёнларнинг иссиқлик мувозанатини ҳисоблашда қўлланиб, кимё саноатида мақбул шароитларини аниқлашга ёрдам беради.

Ад.: Дикерсон Р., Грей Г., Хейт Дж., Основные законы химии, т. 1 и 2, М., 1982; Карапетянц М. Х., Дракин С. И., Общая и неорганическая химия, М., 2000.

Қўчқор Асқаров.

ТЕРМОМАГНИТ ҚОТИШМАЛАР — т-ра ўзгарган сари (−60° дан 170° гача) *магнит индукцияси* деярли чизиқли ўзгарадиган металл материаллар. Асосан, 3 гуруҳи маълум: мис-никелли (30—40% мис —Cu), темир-никелли (30—38% никель — Ni) ва легирланган (булар алюминий — Al, 1,5% гача, хром — Ce, 14% гача, манганин — Mn, 2% гача б-н легирланган). Легирланган темир-никелли Т.қ. энг кўп тарқалган. Буларнинг магнит хоссалари қотишмаларнинг магнит хоссаларига нисбатан

яхшироқ бўлади. Т. қ. ўлчов асбоблари (галъванометрлар, электр энергияси ҳисоблагичлари, спидометрлар ва б.), т-ра релеларида қўлланади.

ТЕРМОМАГНИТ ҲОДИСАЛАР — т-ра градиенти мавжуд бўлган ўтказгич ва яримўтказгичларни магнит майдонига киритилганда ҳосил бўладиган ҳодисалар. Бунда магнит майдони электрон (ковак)лар ҳаракатини ўзгартириши натижасида ўтказгич учларида электр потенциаллар ва қўшимча т-рлар фарқи юзага келади. Магнит майдони кучланганлиги, т-ра градиенти, иссиқлик оқимининг йўналиши ва бу ҳодиса ўрганилаётган йўналишга параллел векторларнинг ўзаро вазиятига қараб, Т.Ҳ. қар хил бўлади. Т-ра градиентига перпендикуляр йўналишда ўлчанаётган Т.Ҳ. кундаланг, параллел йўналишда ўлчанаётгани эса бўйлама Т.Ҳ. деб аталади.

ТЕРМОМЕТР (*термо*... — иссиқ ва *метр*) — т-рани ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Иши моддаларнинг кенгайиши, электр қаршилиги, газ босими ва б.нинг т-рага боғлиқлигига асосланган. Т.нинг суюқликли, газли ва қаршиликли турлари бор. Улардан энг соддаси суюқликли Т., асосан, резервуар, найча ва шкаладан иборат. Резервуар суюқлик, мас., симоб б-н тўлдирилган бўлади. Т-ра ортиши б-н резервуардаги симоб кенгая боради ва унга уланган найча ичида симоб кўтарилади. Т-ра қанча юқори бўлса, симоб шунча кенгаяди ва найча бўйлаб у шунча юқори кўтарилади. Мас., −35° дан +750° гача т-рани ўлчашда симоб (−80° дан 170° гача — этил спирти, −200° дан +20° гача — пентан, — 20° дан +300° гача — керосин) б-н тўлдирилган Т.лар ишлатилади. Турмуша, тиббиёт ва метеорологияда суюқликли Т. қўлланилади.

Фан ва техникада −269° дан +1063° гача т-рани ўлчашда газли Т. қўлланилади. Бу Т. газ (паст т-раларда гелий, юқори т-раларда эса азот) б-н тўлдирилган идиш, симобли аниқ *манометр* ва уларни уловчи капиллярлардан иборат.



1. Газли термометр: *1* — газли идиш; *2* — капиллар; 3 — симобли термометр.
2. Манометрик термометр: 1 — баллон; *2* — капиллар; *3* — пружина.

Бунда т-ра газнинг ҳажми ёки босими ўзгаришн орқали аниқланади. Саноатда −60° дан +550° гача т-рани ўлчашда кўпинча манометрик Т.дан фойдаланилади. Бу Т. газ (азот), буғ (хлорли этил) ёки суюқлик (симоб) б-н тўлдирилган баллон ҳамда каналлар ва пружинали манометрдан иборат герметик тизимдан иборат. Т-ра ўзгариши б-н тизимдаги босим ўзгаради, пружина деформацияланади, натижада мил шкала бўйлаб силжийди. Электр қаршилигининг т-рага боғлиқлигига асосланган қаршилик Т.лари ва термоэлектр юритувчи кучнинг т-рага боғлиқлигига асосланган термопаралар ҳам фан ва техникада кенг қўлланилади. Бундай Т.лар ёрдамида −200° дан +500° гача т-рани ўлчаш мумкин.

ТЕРМОМЕТРИЯ (*термо*... ва ...*метрия*) — амалий физика ва метрологиянинг бир бўлими; т-рани ўлчаш усуллари ва воситаларини ўз ичига олади. Т.да амалга оширилаётган ўлчашлар, асосан, Халқаро амалий т-ра шкаласига асосланади. Т. ўлчанаётган т-ра диапазони, ўлчаш аниқлиги ва шароитига қараб т-ра ўлчашнинг янги усулларини ўрганади; т-ра шкалаларини аниқлаш, эталон ва намунавий ўлчов асбобларн, т-ра ўлчайдиган барча асбобларни текширши унинг вазифасига киради. Т-ра ўлчаш усуллари қўлланилаётган асбобларнинг ишлаш принципи, ўлчанаётган т-ра диапазони, ўлчаш шароитига ва керакли аниқликка боғлиқ. Улар 2 гуруҳ: контакт усули — термометрия ва контактсиз усул — нурланиш Т.си ёки пирометрия бўлинади. Контакт усули асосида муҳит т-расини ўлчайдиган асбоб шу муҳит б-н т-равий мувозанатда, яъни муҳит б-н бир хил т-рада бўлиши керак. Т-ра ўлчайдиган барча асбоблар, асосан, сезгирлик элементи ва у б-н боғлиқ бўлган ўлчаш асбоби билан иборат. Т-ра ўлчашда ягоналик ва аниқликни таъминлаш учун т-ра бирлигининг Давлат эталони *кельвин*дан фойдаланилади. Т-ра қийматларини т-ра эталони б-н солиштириб, намунавий асбобларга берилади ва уларга қараб т-ра ўлчайдиган ишлаш асбоблари даражаланади ва текширилади.

ТЕРМОПАРА — т-ра датчиги. Ҳар хил жинсли ўзаро уланган электр ўтказувчи 2 элемент (одатда, металл ёки яримўтказгич)дан иборат. Иши *Зеебек эффекти*га асосланган. Ўтказгич элементларининг контактлари (одатда, кавшар чоки) турли т-рада бўлса, Т. занжирида термоэлектр юритувчи куч (э. ю. к.) вужудга келади, бу э. ю. к.нинг катталиги «иссиқ» ва «совуқ» контактлар т-раси фарқига ҳамда термоэлектродлар сифатида ишлатилган материалларнинг табиатига боғлиқ бўлади. Термоэлектродлар сифатида хромель



Термопарани ўлчаш занжирига улаш: *а* — ўлчаш асбоби *1* симлар *2* орқали термоэлектродларнинг учлари 3 ва 4 га уланган; *б* — термоэлектрод *4* ўзилган жойга уланган; T_1, T_2 — «иссиқ» ва «совуқ» контактлар т-раси.

(никелнинг хром б-н қотишмаси), платинородий (платинанинг родий б-н қотишмаси), мис, константан, алюмель ва б. ишлатилади. Т. б-н 4 К дан 3800 К гача оралиқдаги т-ралар аниқланади.

ТЕРМОПСИС (Thermopsis) — қ. *Афсонак*.

ТЕРМОРЕГУЛЯЦИЯ (*термо*... ва лот. regulo — бошқараман) — одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар (қушлар ва сут эмизувчилар) гавда т-расининг тургунлигини таъминловчи физиологик жараён. Иссиқлик ҳосил бўлиши (организмда оксидланиш жараёни юз берганда) тезлигининг ва тери орқали иссиқлик чиқарини (*термолиз* ва б.)нинг ўзгариши туфайли амалга ошади. Т. ёрдамида сақланиб турувчи т-рада организмда содир бўладиган моддалар ва энергия алмашинуви реакцияларн учун оптималдир. Одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар организмида тўхтовсиз равишда иссиқлик ҳосил бўлиб, у ташқи муҳитга чиқариб турилади. Бирор иш бажариш учун тирик организмда ҳамма вақт энергия сарф бўлади ва ана шу иш (аниқроқ қилиб айтганда, уни таъминловчи кимёвий реакциялар) оқибатида иссиқлик ишлаб чиқарилади. Мускуллар, жигар ва бўйрак жадал ишлаганда иссиқлик, айниқса, кўп ҳосил бўлади. Одам тинч турганда 70% иссиқлик ички аъзолар, 30% эса тинч ҳолатда толалари гарчанд кучсиз бўлса-да, доимо қисқариб турадиган мускуллар ҳисобига ишлаб чиқарилади. Жисмоний меҳнатда иссиқлик ҳосил бўлиши бир неча марта кўпаяди ва бу жараёнда мускуллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Организмдан иссиқлик, асосан, тери орқали, камроқ даражада нафас, сийдик ва нажас б-н ажралиб чиқали.

Т. иссиқлик ҳосил бўлишининг кучайиши (пасайиши) ёки иссиқликни бериш сурътининг ўзгариши ҳисобига амалга ошади. Иссиқлик ишлаб чиқарилиши, асосан, мускулларнинг ишлашига қараб ўзгаради. Совуқ вақтида бир жойда тинч турганда қалтираш Т.га мисол бўла олади. Бунда ҳеч қандай иш бажарилмаганлиги учун

бутун энергия иссиқликка айланади. Киши совуқда қалтираганда иссиқлик ҳосил бўлиши 3 баравар кўпайиши мумкин. Организмдан иссиқлик нурланиши, иссиқлик ўтиши (теварак-атрофдаги жисмларга тегилганда иссиқлик берилиши), тери ва ўпкадан сувнинг буғланиши ва терлаш орқали иссиқлик чиқади.

Одамнинг нормал ҳаёт фаолияти бир неча градус доирасида кечиши мумкин. Гавда ҳароратининг 36° дан паст бўлиши ҳам, 40—41° дан юқори бўлиши ҳам организм учун хатарлидир.

Иссиқлик ҳосил бўлиши б-н унинг ажратилиши ўртасидаги зарур баланс *марказий нерв системаси* ёрдамида бошқариб турилади.

Т. марказлари тана т-расининг доимийлигини сақлаб турувчи жуда кўп ва мураккаб жараёнларнинг барини ҳамда координациясини таъминлайди. Т. жараёнида марказий нерв системасининг назоратида эндокрин система катта роль ўйнайди. Жумладан, қалқонсимон без гормонлари *моддалар алмашинуви*нинг жадаллигини, бинобарин иссиқлик ҳосил бўлишини кучайтиради, буйрак усти бези гормонлари оксидланиш жараёнларини кучайтиради ва тери томирларини қисқартириб, иссиқлик ажратилишини камайтиради.

Одам терморегулятор механизмларига онгли равишда ёрдам бериб, улар ишининг осонлаштириш мақсадида мавжуд об-ҳавога мос келадиган кийим-бош танлай олиши керак. Бу ҳаётга энди келган, ҳали Т. механизмлари такомиллашмаган болалар учун айниқса муҳим. Бола организмининг ҳаддан ташқари совқотиши ёки қизиб кетиши катта ёшдаги кишиларга таъсир этмайдиган ташқи муҳит т-раларида ҳам содир бўлиши мумкин.

ТЕРМОРОСТЛАГИЧ — хона, печь ва б.даги т-рани бир хил тутиб турадиган қурилма. Чизиқли, ҳажмий, термоэлектрик хиллари бор. Чизиқли Т.нинг датчигининг иши сезгир элемент узунлиги т-рага боғлиқ равишда ўзгаришига асосланган (қ. *Дилатометр*). Ҳажмий Т.нинг энг оддийси симобли контакт термометрдан иборат. Бунда симоб муайян т-рага етгач, ижрочи механизм электр занжирини улайди. Датчикли термоэлектрик Т., одатда, терморезисторлар ёки термопаралар қўлланилиши б-н ... Ўлчаш кўприклари ва потенциометрлар б-н биргаликда ишлайди. Т.лар автоматик ростлаш тизимига киради.

ТЕРМОС (юн. thermos — иссиқ, қайноқ) — ичига солинган маҳсулот т-расини бирмунча сақлайдиган қўш деворли идиш. Рўзғор ва умумий овқатланиш Т.лари бўлади. Рўзғор Т.и — металл ёки пластмасса қобиқ ичига жойлаштирилган шиша идиш. Тор ва кенг бўғизли қилиб ишлаб чиқарилади, тиқин ва бурама қопқоқ б-н беркитилади. Сиғими 0,25—3 л. Умумий овқатланиш Т.ида овқат маҳсулотлари сақланади ва ташилади (сиғими 30 л гача). Иссиқ сомса, музқаймоқ ва б. шу каби маҳсулотлар чакана савдосида ҳажми 10 л гача бўлган термоконтейнерлардан фойдаланилади. Бундай Т. алюминийдан тайёрланиб, деворлари орасига бўкилган ... ва б. материаллар б-н тўлдирилади. Оғзи қўш деворли қопқоқ б-н беркитилади.

ТЕРМОСТАТ (термо... ва юн. statos — қўзғалмас) — т-рани доимий сақлаш учун мўлжалланган асбоб; атроф-муҳитдан металл, шиша ёки бошқа материалдан қилинган иссиқлик изоляцияси б-н ҳимояланган идиш. Идишнинг ичида қиздиргич ва *терморостлагич* бўлади. Ўзгармас т-рани таъминлаш учун юза моддалар ёки барқарор фазавий ўтишларнинг суюқланиш ва қайнаш т-ралари, яъни фазавий ўтишлар т-ралари барқарорлигидан фойдаланиладиган ёки махсус қурилмалар — терморостлагичлар қўлланилади. Т.да иссиқлик ташувчилар сифатида спирт, сув ва мой (ўртача т-ра —200 — 800К учун), суюлтирилган газ ва металлар (800К дан юқори т-ра учун) ишлатилади. Жуда паст т-ралар (криоген т-ралар, 120К дан паст) учун мўлжалланган Т. криостат деб аталади. Т.лар физик-кимёвий, бактериологик ва б. тадқиқотларда, электроника, кинофототехника ва б. соҳаларда фойдаланилади.

ТЕРМОСФЕРА (термо... ва юн. sphaira — шар) — *мезопауза*нинг устида 80 — 90 км баландликдан бошланадиган 500 км баландликкача чўзиладиган атмосфера қатлами. Қуёш радиациясининг қисқа тўлқинли нурларининг ютилиши туфайли бу қатламда т-ра тез кўтарилади ва 200 — 300 км баландликда 1500° га етади (яна қ. *Атмосфера*).

ТЕРМОФИЛ ОРГАНИЗМЛАР, термофиллар (термо... ва ...фил) — анча юқори ҳароратда яшашга мосланган организмлар. Термофил микроорганизмлар табиатда қайноқ булоқларда, ўз-ўзидан қизиб кетадиган субстратлар — нам хашак ва ғўзапоя тўпламлари, гўнг ва б.да, тупроқнинг қуёш тафтида кучли қизийдиган юза қатламларида кенг тарқалган. 45°дан юқори ҳароратда кўпаяди ва ўсади. Бактериялар кўпая оладиган максимал ҳарорат 70—90° ва ундан юқори; микроскопик замбуруғлар ва сувўтлар — 55—60°, бир ҳужайрали ҳайвонлар — 45—50°. Облигат Т.о. (айрим бактериялар) 45° дан паст ҳароратда кўпаймайди. Кенг маънода Т.о.га ... ва турли ўсимликлар киради. Термофил ҳайвонлар муайян даражадаги паст ҳароратга чидай олмайди. Мас., мадрепор кораллар ҳарорати 20°дан паст бўлмаган денгизларда тарқалган. Термофил ... лар қайноқ булоқларда яшайди, лекин ҳарорати 50° дан паст бўлади. Арид зонада тарқалган ҳашаротлар орасида Т.о. кўп учрайди (чигирткалар, қўнғизлар). Паст ҳароратда ўз тана ҳароратини бошқара олмайдиган кўпчилик тропик ҳайвонлар, амфибиялар ва б. ҳам Т.о.га киради.

Ад.: Биология термофильных микроорганизмов, М., 1986.

ТЕРМОФИЛ ЎСИМЛИКЛАР (термо... ва юн. phileo — севаман) — иссиқсеварлар, паст ҳарорат (+10° —+5°)да ўса олмайдиган ўсимликлар. Т.ў га иссиқ мамлакатларда тарқалган шоли, бодринг, ғўза ва б. киради.

ТЕРМОФОСФАТЛАР — табиий фосфатларни ишқорий-ер металлар бирикмалари б-н бирга юқори ҳароратда пиширилиб, суюқлантириб тайёрланадиган фосфорли ўғитлар. Фосфат апатит ва б., шунингдек, фторсизлантирилган фосфатлар ҳам баъзан Т.га киритилади. Т. таркибидаги фосфат ангидрид (P_2O_5)нинг, айниқса 20—30% P_2O_5 бўлган ишқорли Т.ни ўсимликлар яхши ўзлаштиради. Ишқорли Т. табиий фосфатларни сода, сода ва ... ёки натрий сульфат б-н бирга пишириб олинади. Таркибида 20% ўзлаштириладиган P_2O_5 ва 12% MgO бўлган магнийли (магнезиал) Т. табиий фосфатларни магнезиал силикатлар — дунит, серпентинит б-н биргаликда пишириб олинади. Бу ўғитлар фосфор ва магний элементлари кам ерларга солинади. Т. нордон тупроқли ерлар учун фойдали.

ТЕРМОЭЛЕКТР ГЕНЕРАТОР — иссиқлик энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириб берувчи қурилма; ток манбаи. Иши термоэлектр ҳодисалардан бири — *Зеебек эффекти*га асосланган. Асосий қисмлари: термобатарея (ярим ўтказгичли термоэлементлар мажмуи), иссиқлик алмашинув қурилмалари. Т-ралар фарқи ҳисобига термобатареяда электр юритувчи куч (э.ю.к.) пайдо бўлади. Иссиқлик манбаига кўра Т.г.нинг изотоп, қуёш, газ ва б. турлари бўлади. Унинг ... электр машиналаридан афзаллиги шундаки, унда ҳаракатланувчи қисмлар бўлмайди, шовқинсиз, узоқ муддат ишлайди. Фойдали иш коэффициенти (ф.и.к.) пастлиги, ҳамма турдаги Т.г.нинг камчилиги. Т.г. узоқ ерларда жойлашган метеорологик станциялар — автоном маёқлар, метеорологик станциялар, космик аппаратлар, турли илмий экспедициялар ва б.да ишлатилади.

ТЕРМОЭЛЕКТР ҲОДИСАЛАР — кетма-кет уланган турли қаттиқ ўтказгичлардан иборат электр токи занжирида электр ва иссиқлик жараёнлари орасидаги ўзаро боғланишга асосланган физик ҳодисалар. Зеебек, Пельтье ва Томсон эффектлари Т.ҳ. бўлиб, улар асосида бу ҳодисаларнинг миқдорий катталиклари аниқланади. Ҳар хил таркибли ва уланиш нуқталарида т-ра турлича бўлган икки ўтказгичда электр юритувчи куч (э.ю.к.) — термо э.ю.к. ҳосил бўлишини немис физиги Т.И. Зеебек 1821 й.да кашф этган. Ҳосил бўлган термо э.ю.к. с т-ранинг 0° ва 100° интервалида қуйидагига тенг:

$$\varepsilon = S(T_2 - T_1),$$

бунда T_1 ва T_2 совуқ ва иссиқ ўтказгич т-раси, S — Зеебек доимийси ва т-ралар фарқи $\Delta T = 1°$ бўлганда ҳосил бўлган термо э.ю.к.нинг миқдорини беради; буни солиштирма термо э.ю.к. дейилади. У контактдаги ўтказгичлар хоссаларига, шунингдек, т-ралар фарқига боғлиқ.

Икки ҳар хил таркибли ўтказгичдан таркиб топган электр занжири термоэлемент ёки термопара ҳисобланади. Зеебек коэффициенти бирлиги В/К да ўлчанади. Соф металларда S 60мкВ/К дан ошмайди. Термоэлементнинг Зеебек коэффициенти қўрғошин (Pb) никкига нисбатан олинади. Соф ва аралашмали ярим ўтказгичлар ва қотишмаларда S жуда катта бўлади. Зеебек эффекти ўтказгичларни кавшарланган нуқтасида электронлар оқими т-ра юқори бўлган томондан катта тезлик б-н совуқ ўтказгич томон ҳаракати б-н боғлиқ ҳодисалар тушунтирилади. Зеебек эффекти термоэлектр ҳодиса бўлса, Пельтье эффекти электротермик ҳодиса (Зеебек эффектига тескари ҳодиса) бўлиб, уни 1834 й.да француз физиги Ж.Ш.А.Пельтье кашф этган. Ток ўтаётган электр занжирининг ҳар хил таркибли икки ўтказгичининг кавшарланган нуқтасида ток ўтиш жараёнида иссиқлик ажралиб чиқади. Бу иссиқлик миқдори Пельтье иссиқлиги дейилади ва қуйидагича ифодаланади: $Q = \Pi I t$, бунда Π — Пельтье коэффициенти; контактдаги ўтказгичлар хоссаларига ва т-рага боғлиқ. У. *Томсон* (Кельвин) Пельтье ва Зеебек коэффициентлари орасидаги термодинамик муносабатни келтириб чиқарди: $\Pi = ST$, бунда T — мутлақ т-ра. У Т.ҳ.дан учинчиси — *Томсон эффекти*ни кашф этди.

1958 й.да термо э.ю.к.нинг яна бир манбаи — электронларнинг фононларга эргашиш эффекти очилди. Агар қаттиқ жисмда т-ралар фарқи юз берса, у ҳолда иссиқ тугунлардан совуқ томонга ҳаракат қилаётган фононлар сони тескари томонга ҳаракатланишга нисбатан кўпроқ бўлади. Натижада фононлар электронлар б-н тўқнашиб, уларни ҳам ўзлари б-н эргаштиради ва совуқ томонда электронлар (иссиқ томонда мусбат) заряд тўплана бошлайди. Бу жараён ҳосил бўлаётган потенциаллар айирмаси фононлар ҳаракатини мувозанат ҳолатига келтиргунча давом этади. Металларда электронлар концентрацияси катта ва у т-рага боғлиқ эмас. Электронлар энергияси т-рага боғлиқ эмас, шунинг учун металларда термо э.ю.к. кичик. Ярим ўтказгичларда ва уларнинг қотишмаларида термо э.ю.к. катта қийматга эришади. Чунки уларда ток ташувчилар концентрацияси кичик ва у т-рага боғлиқ бўлади.

Ток ташувчилар оқимида иссиқлик мувозанатининг бузилиши барча Т.ҳ.га сабаб бўлади. Барча термоэлектрик коэффициентларнинг мутлақ қийматлари ток ташувчилар концентрацияси камайиши б-н катталашади; шунинг учун улар ярим ўтказгичларда металлар ва уларнинг қотишмаларидагига нисбатан юз ва, ҳатто, минг марта катта бўлади. Т.ҳ. т-раларни ўлчашда ва иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантиришда қўлланилади.

Ад.: Иоффе А.Ф., Полупроводниковые термоэлементы, М. — Л., 1960; Займан Дж., Электроны и фононы, пер. с англ., М., 1962.

ТЕРМОЭЛЕКТРОН ЭМИССИЯ, Ричардсон эффекти — ўтказгичлар, қаттиқ ва баъзи суюқ жисмлардан иссиқлик энергияси таъсирида электронларнинг вакуум ёки бошқа муҳитга чиқиш ҳодисаси. Бу ҳодиса вакуумга чиқиш иши паст металлар (W, Mo, Ta) дан 2000—2500 К т-рада ва мураккаб эмиттерлардан 1000 К т-рада ... ўтказгичли катодлардан жисм сиртида кузатилади. Электронлар жисм сиртидан (эмиттер) дан ташқарига чиқиши учун потенциал тўсиқни енгиши зарур; паст т-раларда бу тўсиқни енга олмайди. Металл қиздирилганда электронларнинг кинетик энергияси ортиб, сиртдан ўтиб, сирт атрофида фазовий заряд ҳосил қилади. Фазовий заряднинг электр майдони Т.э. жараёнини сусайтиради. Бунинг олдини олиш учун фазовий заряддан маълум масофада электрод (анод)га мусбат потенциал берилиб, фазовий заряд тортиб олинади, яъни термоэлектрон ток ҳосил қилинади. Термоэлектрон ток эмиттер — катод моддасига, анод кучланишига ва т-рага боғлиқ. Т.э. токининг максимал тўйиниш қийматининг кучланишга боғлиқлиги Чайлд — Ленгмюр формуласи

$$I_s = \sqrt{\frac{2e}{m}}\,\frac{U_a^{3/2}}{\alpha x^2}$$

б-н ифодаланади. Бу ерда m ва e — электрон массаси ва заряди, α — эмиттердан ... бўлган масофа, x — эмиттер ва анод орасидаги танланган масофа, I_s — тўйиниш токи, U_a — анод кучланиши. Тўйиниш токи қийматининг катоддаги т-рага боғлиқлиги Ричардсон — Дэшман формуласи

$$I_s = A \cdot T^2 e^{-\frac{E_T}{kT}}$$

дан аниқланади. Бу формулада $A = \frac{4\pi mek^2}{h^3}$ — универсал доимий, E_T — ўтказгичдан чиқаётган электроннинг чиқиш иши, T — катод т-раси, k — *Больцман доимийси*, h — *Планк доимийси*. Т.э. кўпгина электровакуум асбоблар ва ион асбоблар ишлашининг асоси ҳисобланади. Уни дастлаб 1900—01 й.ларда О.У.*Ричардсон* ўрганган. Ричардсон — Дэшман формуласи ярим ўтказгичли эмиттерлар учун ҳам ўринли, аммо бунда Т.э. ҳодисасининг моҳияти металлардагидан фарқ қилади. Т.э. катодлар ишлаб чиқариш, электровакуум ва газ-разряд қурилмаларнинг асосини ташкил этади.

Ад.: Добрецов Л.Н., Гомоюнова М.В., Эмиссионная электроника, М., 1966; Фоменко В.С., Эмиссионные свойства материалов, Киев, 1970; Никонов Б.П., Оксидный катод, М., 1979.

ТЕРМОЯДРО РЕАКЦИЯЛАРИ — жуда юқори (10^7К ва ундан ортиқ) т-раларда енгил атом ядроларининг ўзаро бирикиш жараёни. Водороднинг 2 изотопи H^2 (дейтерий) ва H^3 (тритий) 1 кг аралашмасининг ўзаро бирикиш реакцияси ${}_1H^2 + {}_1H^3 \rightarrow {}_2He^4 + {}_0n^1 + 17,5$ МэВ натижасида $80 \cdot 10^{12}$ кал иссиқлик ажралиб чиқади. Бу 1 кг уран U^{235} ядросининг бўлинишида ажралиб чиқадиган энергиядан 4 марта ёки 10 млн. кг кўмир берадиган иссиқлик миқдорига тенгдир.

Реакцияга киришувчи ядролар бир-бирига 10^{-15} м масофага яқинлашганда улар орасида ядро кучлари туфайли ўзаро таъсир юзага келади. Ядроларнинг бундай яқин келишига улар орасида итариш кучлари тўсқинлик қилади. Бу қаршиликни енгиш учун ядролар тахм. бир неча юз млн. градус т-рага мос катта тезлик б-н ҳаракатланиши керак. Фақат айрим Т.р. натижасида енгил атом ядроси бўлиниб бир неча ядроларни ҳосил қилиши ва жуда кўп миқдорда энергия ажралиб чиқиши мумкин, мас.,

$$_5B^{11}+p^1 \rightarrow 3_2He^4+8{,}7\ МэВ.$$

Т.р. натижасида асосан, ядроларнинг қўшилиб битта каттароқ ядронинг ҳосил бўлиши кузатилади. Енгил ядролар анча паст т-раларда ҳам қўшилиши мумкин. Чунки зарраларнинг тезликлар бўйича тақсимоти тасодифий бўлгани туфайли, энергияси ўрта қийматдан ортиқ бўлган бирор миқдор ядролар ҳар доим бўлади. Бундан ташқари, ядролар *туннель эффект* натижасида ҳам қўшилиши мумкин, бу ҳол жуда муҳимдир. Чунки туннель эффект ва б. квант т-ра меъёрини анча камайтиради. Шу сабабли, баъзи Т.р. 10^7К тартибдаги т-ралардаёқ етарлича интенсив равишда юз беради.

Айниқса, дейтерий ва тритий ядролари синтези учун шароит яратиш қулай, чунки улар орасидаги реакция резонанс характерга эга ($_1H^2$ ва $_1H^3$ ядроларининг бирикиши учун T=20·10^{6}К етарли). Ана шу модлалар водород бомбаси (яъни термоядро бомбаси) зарядини ташкил қилади. Бундай Т. р.ни амалга ошириш учун керак бўладиган т-рани кучли лазерлар б-н плазмани бир вақтда нурлантириш ёки атом парчаланиши реакцияси натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Водород ядроларининг бирикиб гелий ядроси ҳосил бўлиш реакцияси Қуёш ва кўпгина юлдузларининг энергия манбаи ҳисобланади, уларда т-ра 10^7—10^8К га етади. Протон-протон цикли ва углерод-азот цикли б-н борувчи Т.р. натижасида узлуксиз энергия ҳосил қилинади. Протон-протон циклининг бориши қуйидагича:

$$_1H^1+_1H^1 \rightarrow {}_1H^2+e^++\nu;\ e^++e^- \rightarrow 2\nu$$
$$_1H^1+_1H^2 \rightarrow {}_2H^3+\nu$$

$$_2He^3+_2He^3 \rightarrow {}_2He^4+2_1H^1,$$

жами $4\ _1H^1 \rightarrow {}_2He^4+2e^++2\nu+26{,}7214$ МэВ.

Тўртта $_1H^1$ дан $_2He^4$, иккита e^- позитрон ва ν нейтрино ҳосил бўлиб, 26,7214 МэВ иссиқлик ажралиб чиқади.

Углерод-азот цикли

$$4_1H^1 \rightarrow {}_2He^4+2\nu+2e^-+26{,}73\ МэВ$$

натижасида 4 та протон йўқолиб, битта α — зарра (гелий ядроси) ҳосил бўлади. Углерод ядролари сони ўзгармайди; бу ядролар, яъни углерод $_6C^{12}$ реакция катализатор вазифасини бажаради.

Атом-водород бомбасининг портлаши жараёнида ажралиб чиққан иссиқлик миқдори 50 млн. т тротил қувватидан юқоридир. Аммо водород бомбасидаги портлаш 1 микросекундан кам вақт давом этади ва ундаги Т.р.ни бошқариш мураккаб муаммодир. Т.р. боришини жуда кичик вақт давомида бошқариш термоядро реакторлари ёрдамида амалга оширилади. «Огра», «Альфа», «Токамак» (Собиқ СССР), «Зета», «Скептр» (Англия), «Колумбус», «Стеллятор» (АҚШ) термоядро реакторларининг вакилларидир. Реактор Т.р. берувчи ёқилғи гази б-н юқори босимлар остида тўлдирилиб, электр разряди ёки лазер нури ёрдамида ёқилғи плазмаси ҳосил қилинади. Плазма т-расини меъёр даражасигача кўтариш, уни ушлаш ва бошқариш Т.р. ҳосил бўлишда муҳимдир. «Токамак» реакторида плазмани 70 млн. К гача қиздириш амалга оширилди. Бу Т. р.ни бошқариш мумкинлигини исботлади.

Бошқариладиган термоядро реакцияларини амалга ошириш учун бирор ҳажмда 10^8К тартибли т-ра ҳосил қилиш ва уни шу даражада сақлаб туриш зарур. Бундай т-рада ҳар қандай моддалан иборат деворлари бутланиб кетади. Т.р.ни ҳосил қилиш учун камерадаги плазманинг т-раси ва катта зичлигини маълум вақт сақлаш б-н бирга плазманинг камера ички деворига таъсирини кескин камайтириш муаммоси мавжуд. Шу сабабли, реакция камераси кучли магнит майдони таъсирида бўлади ва бу майдон плазмани камера марказига сиқиб боравераді. Бошқариладиган термоядро синтезини амалга ошириш инсониятга битмас-тугалмас энергия манбаини берган бўлар эди. Шунинг учун, бошқариладиган Т.р.ни амалга ошириш борасида кўп мамлакатларда ишлар олиб борилмоқда.

Ад.: Арцимович Л.А., Управляемые термоядерные реакции, М., 1963; Лукьянов С.Ю., Горячая плазма и управляемый лазерный синтез, М., 1975.

ТЕРМОЯДРО ҚУРОЛИ — қ. *Ядро қуроли.*

ТЕРНОПОЛЬ (собиқ Тарнополь) — Украинанинг Тернополь вилоятидаги шаҳар. Вилоят маркази. Серет (Днестр ирмоғи) дарёси бўйида. Т.й. ва шоссе йўллари тугуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 235 минг кишн (1997).

Т. 1540 йдан Речь Посполита таркибида маълум. 1772 йдан Австрия, 1809—15 йларда Россия империяси, кейинчалик Австрия ва Австрия-Венгрия, 1919—39 йларда Польша таркибида, 1939 й. декдан Украинанинг Тернополь вилояти маркази. 1941 й. 30 июндан 1944 й. 15 апр.гача немис фашистлари қўлида бўлди. Республиканинг саноат марказларидан бири. Енгил (ип газлама к-ти, сунъий кун ъ-ди), озиқ-овқат (гўшт, шакар-қанд, сут ва б.), машинасозлик (шу жумладан, комбайнлар ич.) саноатлари мавжуд. Фармацевтика ф-каси, чинни ъ-ди, мебель к-ти фаолият кўрсатади. 3 олий ўқув юрти (тиббиёт, педагогика-иқтисодиёт ин-тлари), 2 театр, ўлкашунослик музейи (картиналар галереяси б-н биргаликда) ишлаб турибди. Меъморий ёдгорликларидан Воскресение (17-а.), Христорождественская (16-а. охири), Воздвижение (16-а.) черковлари, доминика костёли (18-а.) сақланган.

ТЕРНОПОЛЬ ВИЛОЯТИ — Украинанинг ғарбий қисмидаги вилоят. 1939 й. 4 декда ташкил этилган. Майд. 13,8 минг км^2. Аҳолиси 1172 минг киши (1997), асосан, украинлар, шунингдек, рус, поляк, белорус, яҳудий ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 27%. Т.в. 16 туманга бўлинган, 14 шаҳар, 15 шаҳарча бор. Маркази *Тернополь* ш. Муҳим шаҳарлари — Тернополь, Чортков, Збараж, Залещики, Теребовля, Кременец, Зборов ва б.

Т.в. Подолия қирларининг ғарбий қисмини эгаллаган. Украинанинг ўрмонли дашт зонасида. Вилоят ҳудуди кўп қисмининг бал. 300—400 м (энг баланд жойи 443 м). Шим. қисмида Кременец қирлари, ундан жан.рокда Толтр қирлари жойлашган. Фойдали қазилмалари: қўнғир кўмир, қурилиш материаллари, фосфоритлар. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси жан.да —4,6° дан шим.да —5,7° гача, июлники 19,4°, 18,3°; ўртача йиллик ёғин 600—680 мм. Вегетация даври 165 кун. Энг йирик дарёси — Днестр. Қорапупроқ, подзоллашган сур тусли тупроқлар учрайди. Ўрмонли дашт ўсимликлари ўсади. Далтлар ҳайдалиб (70% ҳудуди), экинзорларга айлантирилган. Т.в. ҳудудининг 12% ўрмон. Ўрмонларда тулки, мадла товушқон, бўрсиқ, қобон яшайди. Ондатра, нутрия, енотсимон ит иқлимлаштирилган.

Т.в.нинг асосий саноат тармоги маҳаллий қ.х. хом ашёси асосида ишлайдиган озиқ-овқат саноати (ун-ёрмадиган, шакар-қанд, мой-сир ва сут, спирт, тамаки-ферментация, консерва ва сабзавот қуритиш з-длари, гўшт к-ти, Бережанида шиша ъ-ди, Тернополда электр арматураси з-ди, қанд лавлаги кавлаш комбайнни, автотаъмирлаш, таъмирлаш-механика, савло асбоб-ускуналари, чинни, темир-бетон з-длари ва қурилиш индустрияси, мебель к-тлари. Кременецда бўр ъ-ди. Чортковда автомобиль з-длари бор. Тернополда, фармацевтика ф-каси, ип газлама к-ти (Украинадаги йирик к-тлардан бири). Тернополь ва Чортковда тикувчилик ф-калари ва сунъий кўн ъ-ди, Теребовляда пойабзал ф-каси, Кременецда пахта ф-каси жойлашган.

Қ.х. галла, лавлаги ва сут-гўшт етиштиришга ихтисослашган. Галла, ем-хашак, техника экинлари, картошка, сабзавот экилади.

Қорамол, қўй ва эчки, чўчқа боқилади. Т.й. транспорти ривожланган. Днестр дарёсида кема қатнайди, аэропорт бор. 3 олий ўқув юрти, 3 музей, мусиқали драма театри ва филармония мавжуд.

ТЕРПЕНЛАР — табиатда кенг тарқалган тўйинмаган углеводородлар, умумий формуласи $(C_5H_8)_n$ n=2, 3, 4 ва ҳ. к. бўлиши мумкин. Барча Т., одатда, *изопрен*нинг полимеризланишидан ҳосил бўлган маҳсулотлар деб қаралади. Т. молекулаларн изопрен бўғимларига қараб, қуйидаги қаторларга бўлинади: хусусий моно Т. (n=2) (кўпинча Т. деганда фақат шу бирикмалар тушунилади); сесквитерпенлар (n=3); дитерпенлар (n=4) (дитерпенлар ҳосилаларига смола кислоталари мансуб); тритерпенлар (n=6) (бунга *стерин* ва *гормонлар* киради); политерпенлар (n бир неча юздан ўнлаб минггача) (табиий *каучук*, *гуттаперча* киради).

Т.нинг ҳар бир қатори, ўз навбатида, қуйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) алифатик ёки ациклик Т. — углерод атомлари очиқ занжирли бирикмалар. Бу гуруҳнинг хусусий Т.и ($C_{10}H_{16}$) 3 та қўш боғлидир (мирцен, оцимен); 2) карбоциклик Т. Бу бирикмаларда бир ёки бир неча углерод атоми халқаси бўлади. Халқалар сонига қараб, Т. қуйидагиларга бўлинади: а) 1 та олти аъзоли халқали моноциклик Т. Бу гуруҳнинг хусусий Т.и 2 та қўш боғлидир (*лимонен*, терпиненлар, терпинолен); б) 2 халқали бициклик Т. Бу гуруҳ Т.и ($C_{10}H_{16}$) 1 та қўш боғлидир (пиненлар, камфен); в) 3 та углерод атоми халқаси бўлган трициклик Т. Бу гуруҳ Т.и ($C_{10}H_{16}$)да қўш боғлар бўлмайди; г) дитерпенлар, тритерпенлар ва политерпенларда 3 талан ортиқ халқа бўлиши мумкин. Т. ҳосилалари функционал гуруҳлари тавсифига қараб, спиртлар, альдегидлар, кетонлар, оксидлар, гидроксидлар, пероксидлар, кислоталар ва ҳ.к. та бўлинади.

Монотерпенлар зичлиги 1000 кг/м^3 гача, қайнаш т-раси 150—190°, сесквитерпенларники 230—300°, дитерпенларники 300°дан юқори. Т. — ҳушбўй; сувда эримайди, органик эритмаларда яхши эрийди.

Т. ва унинг ҳосилалари гуллар, мевалар, ўсимлик баргидан олинадиган эфир мойларининг таркибий қисмидир. Т. ўсимликлардан бўғлатиб, қуруқ ҳайдаб, экстракциялаб олинади. Кимё, атир-упа, фармацевтика, лок-бўёқ, қоғоз, совун саноатида кенг қўлланади.

ТЕРРАКОТА (итал. terra — ер, тупроқ, cotta — қиздирилган) — тор маънода — лойдан ишланиб хумдонда пиширилган сирланмаган ва ранг берилмаган майда ҳайкалчалар; кенг маънода — лойдан тайёрланиб, махсус хумдонларда қиздирилган бадиий ва амалий аҳамиятга эга сирланган совол буюмлар (идишлар, кўза, ҳайкалча, ўйинчоқ, кошин ва б.). Қиздирилгандан сўнг ўзига хос тус (сариш, қизғиш-жигарранг, қора) ва сирт (*фактура*)га эга бўлади. Т. неолит даврндан маълум бўлган. Майда ҳайкалтарошлик асарлари, ҳайкал

Терракота. «Аёл ҳайкали» (6—7-аср, Варахша).

шакллари, саркофаглар, Юнонистон, Қад. Хитой, Ҳиндистон, Америка ҳайкаллари, меъморий қисмлар. Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар меъморлигидаги ўйма Т. безаклари, Италиянинг рельефли меъморий қисмлари, Уйғониш даври портрет бюстлари ва б. бадиий Т.нинг муҳим ёдгорликларидир. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидан кўплаб нодир Т. намуналари топилган. Замонавий ҳайкалтарошликда Т. майда шаклли ҳайкаллар ва б.да ишлатилади.

ТЕРРАСА (франц. terrasse, лот. terra — ер) — 1) (геол. ва геогр.да) дарё, кўл ва денгизлар қирғоқлари ҳамда тоғларнинг ён бағирларидаги келиб чиқиши турлича бўлган, тик ён бағир б-н чегараланган горизонтал ёки нишаб табиий саҳн; шунингдек, улар денгиз сатҳидан пастда сув тагида ҳам учрайди. Т. икка ҳолда ёки устма-уст жойлашган бўлиб, зинапоя кўринишга эга. Т. тектоник кўтарилишлар, иқлимнинг ўзгариши натижасида дарё ўзанининг вақт-вақти б-н ўйилиши, денгиз ва кўллар сатҳининг пасайиши натижасида вужудга келади. Эрозион, эрозион-аккумулятив ва аккумулятив Т. фарқ қилинади. Эрозион Т. тектоник кўтарилишларнинг кучайиши, сув оқимининг кўпайиши ва дарёлар қуйиладиган денгиз ва кўллар сатҳи (базис эрозия)нинг пасайиши оқибатида келиб чиқади ҳамда туб жинслардан тузилган бўлади. Эрозион-аккумулятив Т.нинг юқори қисми дарё ётқизиқлари (аллювий), пастки қисми туб тоғ жинсларидан иборат. Аккумулятив Т. фақат дарё ётқизиқларидан ташкил топган. Дарё Т.си кенг тарқалган бўлиб, улар дарё ўзани ва қайирининг ости ҳисобланади. Т.нинг сони эрозион циклларга ва уларда дарё ётқизиқларининг тўпланиш сонини кўрсатади. Энг юқори Т. нисбатан қад., пастдагиси энг ёши ҳисобланади. Дарё водийсидаги Т. сони турлича бўлади. Мас., Чирчиқ дарёсининг қуйи қисмида 4—5 та, юқори қисмида 20 дан ортиқ Т. бор. Энг кенг Т. текисликларда оқаётган дарёларда бўлиб, эни ўнлаб км ни ташкил қилади. Т.лар қ.х.да, йўллар, шаҳар ва қишлоқлар барпо этишда фойдаланилади; 2) асо-

Дарё террасалари типлари: А — эрозион; Б — аккумулятив; В — эрозион-аккумулятив; а — аллювий; б — туб жинслар.

Зарафшон водийсидаги террасалар.

сий бинонинг умумий томи остида қўшимча қурилган йўлаксимон *айвон, пешайвон*, устунли, баъзан ойнаванд-ли, бир ёки кўп қаватли Т., уч томони очиқ, баъзан усти ҳам очиқ бўлиши мумкин. Дала ҳовли, дам олиш уйлари, санаторийларда кўп учрайди, очиқ ҳавода дам олиш хонаси вазифасини ўтайди. Т.лар бино ва иншоот қиёфасига кўркамлик бахш этиб, фойдаланиш учун қулайлир.

ТЕРРИГЕН ЁТҚИЗИҚЛАР (лот. terra — ер, ...*ген*) — қуруқликлаги чақиқ жинслар ва минерал доначаларининг денгиз, лагуна ва кўл тубларига шамол, дарё ва б. воситалар орқали келтирилиб, тўпланишидан ҳосил бўлган қатлам (қ. *Денгиз ётқизиқлари*).

ТЕРРОРИЗМ (лот. terror — қўрқинч, даҳшат) — сиёсий рақибларни, мухолифларни йўқотиш ёки қўрқитиш, аҳоли ўртасида ваҳима ва тартибсизликлар келтириб чиқариш мақсадидаги зўравонлик ҳаракатлари (таъқиб қилиш, бузиш, гаровга олиш, қотиллик, портлатиш ва б.). Т. якка тартибдаги ва гуруҳли Т. (мас., экстремистик сиёсий тўдаларнинг ҳаракатлари каби) тоифаларга бўлинади. Сиёсатшуносликда давлат Т.и тушунчаси ҳам қўлланади (диктаторлик ва тоталитар режимларнинг *репрессия*лари). Т. ўрта асрлардан бошлаб барча минтақа ва мамлакатларда учраб турган. Лекин ўтган асрнинг охиридан унинг янги кўринишлари вужудга келди (чет эл давлатлари ва ҳукуматлари раҳбарларини, уларнинг дипломатик вакилларини ўлдириш ёки ўғирлаш, элчихоналар, миссиялар, халқаро ташкилотларнинг биноларини портлатиш, аэропортлар ва вокзалларда портлашлар содир этиш, ҳаво кемаларини олиб қочиш, одамларни гаровга олиш ва ҳ.к.). *Халқаро терроризм* кенг тарқалиб, Т. ошкора сиёсий тус ола бошлади. Террорчилар айрим мамлакатлар ҳукумати ва унга яқин тузилмалардан мадад оладиган ҳолларда юзага келди. Улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортди. Террорчилар қўлига ядровий, кимёвий, биологик қурол тушиб қолиши хавфи кучайди, электрон террорчилик пайдо бўлди. Кўп ҳолларда Т. диний *экстремизм, наркобизнес, сепаратизм* б-н боғлиқлиги, чатишиб кетиши кузатила бошлади.

Т.га қарши курашни кучайтириш бўйича аксарият мамлакатларда кўп томонлама конвенциялар ва қонун актлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» махсус қонун қабул қилинди (2000 й. 15 дек.). Ушбу қонунда Т. — сиёсий, диний, мафкуравий ва б. мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф тутдирувчи, мол-мулк ва б. объектларнинг йўқ қилинишини (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб игвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг ЖКга жавобгарлик назарда тутилган ЖКга кўра, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этиш, бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳаракат 8 й.дан 10 й.гача озодликдан маҳрум қилиш б-н жазоланади. Террорчилик ҳаракати одам ўлишига, бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, 15 й.дан 20 й.гача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланади.

Т.ни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа усул б-н оғир оқибатлар юзага келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Ад.: Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997; Каримов И. А., Терроризм хавфи тўғрисида, Т., 2001; Каримов И., Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бу-килмас иродасига боғлиқ, Т., 2004; Ражабова М., Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммолари, Т., 2003.

Мирзаюсуф Рустамбеков.

ТЕРС АЙВОН — уйнинг соя (шим.) томонига, кўчага тескари қурилган *айвон*. Асосан, Хоразм халқ турар жой меъморлигида кенг тарқалган.

ТЕРСКАЙ ОЛАТОВИ — Тинчликдаги тог тизмаси. Жанубда Иссиққўл сойлиги б-н чегарадош. Энг баланд жойи 5216 м. Уз. 380 км. Асосан, гранит, метаморфик сланец, оҳактошлардан тузилган. Шим. ён бағри тик ва баланд, кўплаб дарёларнинг чуқур даралари б-н ўйилиб кетган, жан. ён бағри қия. 3600—4000 м баландликда текис сиртларга қўшилиб кетади. Музликларнинг умумий майд. 1080 км². Шим. ён бағрининг дараларида Тяньшан қора қарағайи ўрмонлари, тог қирралари яқинида баланд тог ўтлоқлари ва ўтлоқ даштлар, жан. ён бағрида тошлоқ тундра бор.

ТЕРТ — ем (кепак, кунжара) ва дағал озуқа (хашак, сомон ва б.)нинг аралашмаси. Хашак сувда 2— 3 марта ювилиб, 25% гача ем ва мол бошига 30 г ош тузи қўшилган, аралаштирилади. илиқ (40— 50°) сувда 2— 3 соат ивитиб қўйилади. Эчки ва қорамолга берилади.

ТЕРЦЕТ (лот. tertius — учинчи) — уч хонандадан ташкил топган ансамбль, шунингдек, улар ижросига мўлжалланган асар номи (одатда, опера, оперетта, кантата жанрларидаги асарларнинг таркибий қисми). 3 та ижрочи (созанда)га мўлжалланган мустақил асарлар кўпинча *трио* дейилади.

ТЕРЦИЯ (матбаада) — босмахона шрифти. Ўлчами (кегли) 16 *пункт* (6,02 мм) га тенг. Китоблар, журналлар, газеталарда сарлавҳаларни, муқовалар ва титул варақларда нашр номини териш учун ишлатилади.

ТЕСЕЙ (Тезей) — Афинанинг афсонавий қаҳрамони ва шоҳи (мил. ав. тахм. 13-а.). Антик давр ривоятлари бир қатор афсонавий жасоратларини Т. номи б-н боғлайди (амазонкалар б-н бўлган урушда ва аргонавтлар сафарида иштирок этган, қароқчи Прокруст, Матирок этган, қароқчи Прокруст, Марафон буқаси, Калидон тўнғизи ва б. устидан ғалаба қозонган); бир қатор тарихий воқеалар, хусусан, Афинани Крит гегемонлигидан халос этилиши, синойкизм (Аттикани бирлаштирилиши), Панафиней ва Синойкий байрамлари, Истм ўйинлари, Афина граждан-ларини илк бор ижтимоий табақаларга — евпатрийлар, геоморлар ва демиургларга ажратилиши Т. номи б-н боғлиқ. Т. шарафига Афинада ҳар ойда Тесей байрами нишонланган. Тесейон ибодатхонаси (мил. ав. 5-а.) қурилган.

ТЕСКАРИ ПРОПОРЦИОНАЛ МИҚДОРЛАР — икки миқдор орасидаги энг содда боғланишлардан бири. Бунда бир миқдор неча марта ортса (камайса), иккинчи миқдор шунча камаяди (ортади). x ва y тескари пропорционал миқдорлар $xy=k$ муносабат б-н боғланган, яъни $x=\frac{k}{y}$ ва $y=\frac{k}{x}$, бунда k — берилган ўзгармас сон.

ТЕСКАРИ СОН — берилган сон б-н кўпайтмаси 1 га тенг сон. Мас., 2 га тескари сон $\frac{1}{2}$; $\frac{3}{5}$ га тескари сон $\frac{5}{3}$; $-\frac{2}{3}$ га тескари сон $-\frac{3}{2}$ ва ҳ.к. 0 га тенг бўлмаган ҳар қандай a сон учун тескари $\frac{1}{a}$ сон мавжуд.

ТЕСКАРИ ТЕОРЕМА — берилган теореманинг шарти хулоса, хулосаси эса шарт бўлган теорема. Т.га тескариси тўғри теорема дейилади. Бундан келиб чиқадики, тўғри ва тескари теоремалар ўзаро Т.лар дейилади. Агар берилган тўғри теорема ўринли бўлса, Т.т. ҳамма вақт ҳам ўринли бўлиши шарт эмас. Мас., тўғрибурчак ромб бўлса, унинг диагоналлари ўзаро перпендикул-яр бўлади (тўғри теорема). Агар тўғрибурчакда диагоналлар ўзаро перпендикуляр бўлса, бу тўғрибурчак ромб бўлади дейиш нотўғри, яъни Т. т. нотўғри. Ўзаро Т.лар зарурийлик ва етарлилик шартлари б-н узвий боғланган.

ТЕСКАРИ ТРИГОНОМЕТРИК ФУНКЦИЯЛАР — $\arcsin x$, $\arccos x$, $\operatorname{arctg} x$, $\operatorname{arcctg} x$, $\operatorname{arcsec} x$, $\operatorname{arccosec} x$ функциялар. Мас., $y=\sin x$ функцияга тескари функция $y=\arcsin x$ (арксинус) функция бўлиб, y $[-1, 1]$ да аниқланган ва қийматлар тўплами $\left[-\frac{\pi}{2}; \frac{\pi}{2}\right]$ кесмадан иборат. $y=\arcsin x$ — ўсувчи, ток функция. Унинг графиги $y=\sin x$ функция графигига тўғри чизиққа нисбатан симметрик бўлади. $y=\cos x$ га тескари $y=\arccos x$ (арккосинус), $y=\operatorname{tg} x$ га тескари (арктангенс) функциялар аниқланади. Т.т. ф.нинг хоссалари мактаб математика курсида ўрганилади.



Тескари тригонометрик функциялар графиги.

ТЕСКАРИ ФУНКЦИЯ — $y=f(x)$ тенгликни x га нисбатан ечиш натижасида ҳосил бўладиган $x=g(y)$ функция. Одатда, x ва y ўзгарувчиларни алмаштириб, $x=g(x)$ каби ёзилади. $y=g(x)$ функциянинг аниқланиш соҳаси. X қийматлар соҳаси Y тўпламдан иборат бўлсин. Агар 1) X дан олинган ҳар бир x_0 элементга Y нинг ягона $y_0=f(x)$ элементи мос келса; 2) Y нинг ҳар бир y_0 элементига X нинг $y_0=f(x_0)$ бўладиган ягона x_0 элементи мос келса, $f(x)$ га тескари функция мавжуд бўлади. Хусусан функция мавжуд бўлади. Монотон ўсувчи ёки монотон камаювчи узлуксиз функцияга Т.ф. мавжуд бўлади. Монотон ўсувчи ёки монотон камаювчи узлуксиз функцияга Т.ф. мавжуд.

Мас., 1) $f(x)=x^2$, $X=[0,\infty]$ функцияга тескари функция $g(x)=\sqrt{x}$; 2) $y=\operatorname{ctg} x$, $X=(0, \pi)$ функцияга тескари функция $g(x)=\operatorname{arcctg} x$; 3) $y=a^x$, $a>0$, $a\neq 1$ кўрсаткичли функцияга тескари функция $y=\log_a x$ — логарифмик функциядир. Ўзаро тескари функцияларнинг графиклари $y=x$ тўғри чизиққа нисбатан симметрик бўлади.

ТЕСЛА (Tesla) Никола (1856—1943) — электротехника ва радиотехника соҳаларидаги серб олими. 1884 й.дан АҚШ да. Айланувчи магнит майдони ҳодисасини баён қилган (1888). Кўп фазали электр машиналарни ва кўп фазали токларнинг тарқалиш схемасини ишлаб чиққан. Юқори частотали ток техникаси (генераторлари, трансформаторлари, 1891 ва б.) яратувчиси. Сигналлар ва энергияни симсиз узатиш мумкинлигини тадқиқ қилган.

ТЕСЛА — *Халқаро бирликлар тизими* б-н магнит индукция бирлиги. Т СИда магнит индукция бирлиги. Т б-н белгиланади. $1Т=1 вб/м^2$, яъни 1 $м^2$ юзадан 1 *вебер* магнит оқими ўтганида магнит индукция 1 Т га тенг бўлади. $1Т=10^4 гс$. Серб олими Н. *Тесла* (Tesla) номи б-н аталган.

ТЕСО (ўзларини тесо деб аташади) — нилотлар гуруҳига мансуб Угандадаги халқ (1,55 млн. киши, 1990-йлар ўрталари). Шунингдек, кўшни Кения (270 минг киши) ва Судан (100 минг киши)да ҳам яшайди. Тесо тилида сўзлашади. Аксарияти анъанавий диний эътиқодларга сиғинади, христианлар ҳам бор. Ўтмишда Т.лар кўчманчи чорвадор бўлганлар, ҳоз. кўпчилиги ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик б-н машғул.

ТЕССИН (Tessin) — ота-бола швед меъморлари. Швед классицизми етакчи намояндаларидан. Никодемус Т. Катта (1615.7.12, Штральзунд — 1681.24. 5, Стокгольм) — фламандлик. 1639 й.дан Швецияда ишлаган. 1649 й.дан сарой меъмори. Стокгольм яқинидаги Дротингхольм саройи (1662—70, швед классицизми ноёб ёдгорликларидан), Кальмардаги собор (1660—80), Гётеборгдаги Густав Адольф майдони ансамбли ратушаси б-н (1669) ва б. Ижодида итальян ва француз барокколарига суянган. Никодемус Т. Кичик (1654.23.5, Ньючёпинг — 1728.10.4, Стокгольм) — Никодемус Т. Каттанинг ўғли. Отасидан сабоқ олган. Ижодида ўзига хослик Рим барокко меъморлиги ва Л. *Бернини* ижоди таъсирида шаклланган. 17-а. палладиочилик услубидан фойдаланган: Стокгольмдаги подшоҳ саройи (қурилиши 1680 й. бошланган, 1697—1760). Подшоҳ мақбараси (1671—1743, отаси ва К.Хорлеман б-н ҳамкорликда, К.Хорлеман ниҳоясига етказган) ва б. Стокгольм маркази реконструкциясининг лойиҳасини яратган (қисман амалга ошган.)

ТЕСТ (инг. test — синаш, текшириш) (психологияда) — шахснинг ақлий тараққиёти, қобилияти, иродавий сифатлари, шунингдек, унинг бошқа руҳий хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт машқлар. Ижтимоий амалиётда Т. одамнинг қандай касб-ҳунар эгаллаши мумкинлиги, унинг касбга лаёқати ёки лаёқатсизлигини, истеъдодли ёки ақли заифлигини аниқлашда, муайян ҳамкорликдаги фаолиятга шахсларни саралашда кенг қўлланилади. Унинг ёрдамида тажрибанинг илмийлик даражаси, кафолатлиги, текширилувларнинг маҳорати, қизиқиши, тўпланган амалий маълумотларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилик кўрсаткичи бир неча мезонларга асосланиб таҳлил қилинади. Т.нинг назарий асосларини инглиз психологи Франсис Гальтон (1822—1911) ишлаб чиққан (1883). «Т.» терминини биринчи марта америка психологи Жеймс Кэттелл (1860—1944) қўлланган (1890). У Т.лар ёрдамида танага таъсир этувчи қўзғатувчиларнинг идрок қилиниши вақтини, рефлекс тезлигини, реакция муддатларини, терига таъсир ўтказишда ҳосил бўлувчи оғриқ сезгиларини, ҳарфлар қаторини эсда олиб қолиш даражаларини аниқлаш мумкин, деб ҳисоблади. Француз психологи А. *Бине* ва унинг шогирди Т. Симон инсоннинг ақлий ўсиши ва истеъдоли даражаларини ўлчаш имконияти борлиги тўғисини олга сурганидан кейин ақлий Т.лар назарияси кенг ёйилди. Миқдорий маълумотларни статистика методикалари ёрдамида ҳисоблаб чиқиш юзага келди. Америкалик Льюис Термен (1877—1955) инсонларнинг ақлий қобилиятларини узлуксиз 50 й. давомида ўрганган.

Ҳоз. даврда Т.лар қуйидаги турларга ажратилади: мақсадга эришув Т.лари (билимларни ўлчашга қаратилган); ақлий Т.лар (зеҳн, ақл-идроқ, ақл-заковат, истеъдодни аниқлашга йўналтирилган); ижодиёт Т.лари (ижодкорлик, бунёд этишлик даражаларини текширувчи); мезоний мўлжал Т.лари (ўқув ёки касбий билимлар ва топшириқларни қайси кўникма, малака, хатти-ҳаракат тизими орқали ўлчаш мумкинлиги); шахсга оид Т.лар (хусусият, безовталаниш, сифат, фазилат, хислатларни ўлчашга алоқадор); проекцияли Т.лар (ташқи таъсирсиз шахс ўзини ўзи ошкор қилишига мўлжалланган) ва б.

ТЕСТЛАШТИРИШ — *тест*лар ёрдамида билим ва кўникмаларни текшириш усули. Т. инсоният тарихидаги энг қад. ҳодисалардан бири ҳисобланади. Қад. Хитойда фуқаролик хизматига киришда имтиҳон олинган. Илк бор «ақлий тест» атамаси 1890 й. америкалик психолог Жеймс Маккин Каттел мақоласида қўлланилган бўлиб, унда коллеж ўқувчиларининг интеллектуал даражасини аниқлаш учун ҳар йили қўлланиладиган туркум тестлар тавсифланган. Француз психологи А. *Бине* ҳам ўз талқиқотларини ақлий салоҳиятни аниқлаш усулларига бағишлади. Нидерландия, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Дания, Франция, Исроил, Финляндия, Канада, Австралия, Янги Зеландия ва б. ривожланган давлатлар Т. бобида етакчи ҳисобланади. Мазкур рўйхатдан аҳолисининг ҳаёт тарзи юқори бўлган мамлакатларнинг жой олиши тасодифий эмас. Бу ерда Т. қўлланиши таълим сифатига таъсир этиши бошқарув сифати б-н боғлиқ бўлса, сифатли бошқарув, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг сифатини оширишга замин яратади.

Т. 1898 й. АҚШда бир неча олий ўқув юртига киришда синаб кўрилиб, абитуриентлар учун ўрта мактаб дастурлари асосида ягона Т. тизимини яратиш зарурлиги ҳақидаги хулосага келинди. 1900 й. айрим хусусий ташкилот ва ун-тлар ташаббуси б-н коллежларга қабул қилиш бўйича имтиҳон кенгаши, 1947 й. дек.да эса таълимни ривожлантириш бўйича Карнеги жамғармаси ҳамда коллежларга қабул қилиш бўйича имтиҳон кенгаши томонидан педагогик Т. хизмати ташкил қилинди.

Ўзбекистонда олий ўқув юртларига киришдаги Т. усули Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори б-н 1992 й. да жорий қилинди. Бу фармон таълимни тубдан ислоҳ қилиш ва демократлаштириш жараёнини бошлаб берди, олий ўқув юртларига қобилиятли ёшларни танлаб олишда ижтимоий адолатни таъминлади. Ўзбекистон Т. тизими хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўзига сингдириб, миллий анъана ва минтақавий ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиб борди. Илғор мамлакатлардаги Т.нинг 1 ва 2 вариантли моделлари ҳамда универсал саволлар китобчаси б-н боғланган Т. тизими Ўзбекистонда янада ривожлантирилди. Шунингдек, юқори даражада мамфиликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг билим ва ақлий даражасини баҳолашда мувофиқлик ҳамда аниқликни таъминлаш учун 1996 й. Т.нинг кўп вариантли тизими ишлаб чиқилиб жорий этилди. Давлат тест марказининг кўп вариантли технологияси ҳамда ихтисослашган автоматлаштириш тизимининг дастурлари ЎзР давлат патент идораси томонидан берилган 30 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари б-н ҳимояланган. Кўп вариантли Т. натижаларининг таҳлили ўқув фанларини ўзлаштириш даражаси, унинг бўлимлари бўйича олинган билимларнинг чуқур ва мустаҳкамлигини изчил кузатишга, таълим жараёнини тубдан такомиллаштириш истиқболларини белгилашга имкон яратади, янги педагогик технология, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича илмий асосланган тавсиялар беради. Т.нинг кўп вариантлилик технологияси, тестологиянинг илмий асосларини тадқиқ қилиш, Т. натижаларини дидактик асосда таҳлил этиш, шунингдек, Т. нинг турли тармоқларда қўлланилиши бўйича 1996 й.дан буён 18 китоб нашр этилди.

Мухсин Мухиддинов.

ТЕТЕРЕВ — Украинанинг Житомир ва Киев вилоятларидаги дарё. Днепрнинг ўнг ирмоғи. Уз. 365 км. Ҳавзасининг майд. 15100 км². Днепр бўйи қирларидан бошланади ва Полесье бўйлаб оқиб, Киев сув омборига қуйилади. Асосан, қор сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойидан 136 км да 18,4 м³/сек. Дек.да музлаб, мартда музан бўшайди. Қуйи қисмида кема қатнайди ва ёғоч оқизилади. Т. бўйида Житомир, Коростишев, Радомишль ш.лари жойлашган.

ТЕТИС [юнонларнинг денгиз маъбудаси (Thetis) номидан] — мезозой-кайнозой бошларида Ўрта денгиз геосинклиналь минтақасида мавжуд бўлган қад. денгиз ҳавзалари системаси. «Т.» термини 19-а.нинг охирларида Э. *Зюсс* томонидан таклиф қилинган. Илгари Т. эгаллаган областлар австралиялик палеонтолог М.Нейман томонидан Марказий Ўрта денгиз деб аталган. Натижада «Т.» термини ўша регионнинг палеозой океанида Палеотетис номи б-н тарқалган. Неогенда Т. ўрнида Алп—Ҳимолай тог минтақаси вужудга келган. Палеоген-неоген денгизлари — мезозой Т.нинг қолдиқлари Паратетис; унинг реликти ҳоз. замон Ўрта, Қора ва Каспий денгизлари ва Форс қўлтиғилар.

ТЕТРА..., ТЕТР... (юн. tetra — тўрт) — ўзлашма қушма сўзларнинг биринчи қисми: тўрттал, тўртвичи маъноларини билдиради (мас., *тетрахлорид, тетрод, тетраэдр*).

ТЕТРАЛОГИЯ (*тетра...* ва *...логия*) — муайян мазмун асосида бирлаштирилган 4 асар. У адабий, мусиқавий (одатда, опера) асар бўлиши мумкин. Мас., Р. Вагнернинг «Нибелунг халқаси» оперa Т.си.

ТЕТРАФТОРЭТИЛЕН, перфторэтилен, $CF_2=CF_2$ — рангсиз, ҳидсиз газ, ҳаҳарсиз. Мол. м. 100,02. Қайнаш т-раси — 76,3°, музлаш т-раси — 142,3°; ичлиги 1519 кг/м³ (қайнаш т-расида). Сувда эримайди, органик эритувчиларда эриди. Дифторхлорметанни пиролизлаб олинади. Политетрафторэтилен (қ. *Фторопластлар*) и.ч. да қўлланади.

ТЕТРАЭДР (*тетра...* ва юн. hedra — ёқ, асос) — уч бурчакли пирамида. Т.нинг ёқлари мунтазам учбурчаклардан иборат бўлса, у мунтазам Т. дейилади. Мунтазам Т. — мунтазам кўпёқларнинг 5 та туридан бири; унинг 4 та уч бурчакли) ёқлари, 4 та учи ва 6 та қирраси бор. Мунтазам Т. қолган 4 та мунтазам кўпёқлилардан фарқли равишда симметрия марказига эга бўлмайди. Мунтазам Т.нинг 6 та симметрия текислиги бўлиб, бу текисликларнинг ҳар бири Т. нинг бир қирраси ва бу қирра б-н учрашмайдиган бу қирранинг ўртасидан ўтади. Т. қирраларининг узунлиги a га тенг бўлса, тўла сирти $S = a^2\sqrt{3}$ ва ҳажми $V = \frac{\sqrt{2}}{12}a^3 \approx 0{,}1179\ a^3$ бўлади.

Тетраэдр.

ТЕТРАЭДРИТ — қ. *Хира рудалар.*

ТЕТРАЭТИЛ ҚЎРҒОШИН, $(C_2H_5)_4Pb$ — металлорганик бирикма, учувчан, рангсиз суюқлик. Мол. м. 323,4. Қайнаш т-раси 195° (парчаланиш б-н), ичлиги 1652,4 кг/м³. Т.к саноатда этил хлоридга қўрғошин-натрий қотишмаси (10% га яқин Na) ни таъсир эттириб олинади. Мотор ёнилғиларига антидетонатор сифатида қўшилади. Жуда заҳарли.

ТЕТРИЛ, 2, 4, 6-тринитрофенилметилнитрамин $C_7H_5N_5O_8$ — оқ кристалл модда, ёруғда сарғаяди. Мол. м. 287,15. Суюқланиш т-раси 129,45° (парчаланиш б-н), қотиш т-раси 128,5°; ичлиги 1730 кг/м³, сувда эримайди. Ацетон, бензол, дихлорэтан нитрат кислотада яхши, спирт ва эфирда қисман эриди, иккиламчи портловчи модда. Т. олтингугуртли эритмаларни нитролаб олинади. Детонаторлар — капсулалар ва портлатгичларда ишлатилади.

ТЕТРОД (*тетро...* ва *электрод*) — тўрт электрод (катод, иккита тўр ва анод) ли электрон лампа. Тўрлардан бири бошқарувчи, иккинчиси экранловчи ҳисобланади. Экранловчи тўр анод б-н бошқарувчи тўр орасидаги паразит сигимни камайтиради, ички кучланишни эса анча оширади. Т. бир неча юз МГц частоталарда ишлайдиган қабул қилувчи-кучайтирувчи ёки генераторловчи лампа вазифасини бажаради ва электрон қурилмаларда ишлатилади.

ТЕТУАН — Марокашнинг ним. қисмидаги шаҳар. Мартиль дарёси бўйида. Тетуан провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 364 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Озиқ-овқат, тўқимачилик, металлсозлик, ёғочсозлик, цемент саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда гилам, ипак матолар тўқилади, кўн-тери ва металл буюмлар тайёрланади. Марокаш саньати ва археология музейлари бор. Шаҳарга 9-а.да асос солинган. Мўъморий ёдгорликлардан шаҳар девори, қалъа-касаба (14—18-а.лар), Катта масжид, сарой (17-а.) сақланган. 1912—56 й.ларда Испаниянинг Шим. Марокаш зонасининг маъмурий маркази.

ТЕФИЯ — *Сатурн* сайёрасининг йўлдошларидан бири. Юлдуз катталиги 10,6, диаметри 1050 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 295000 км. Т. Сатурн атрофини тахм. 2 суткада айланиб чиқади. Т.ни 1684 й.да француз астрономи Ж.Кассини очган. Одиссей кратери (кенглиги 400 км) ва 3 минг км га чўзилиб кетган Итака каньони б-н машҳур. Т. Қуёш системасидаги ўз йўлдошлари (ўлчамлари 20 км дан бўлган Телесто ва Калипсо)га эга бўлган йўлдошдир. Т. 1981 й. «Вояжер-1», 1982 й.да «Вояжер-2» космик аппаратлари ёрдамида ўрганилган. Т., асосан, муз ҳолатидаги сувдан ташкил топган. Т. баъзан Фетида, Тефис, Тетис деб ҳам аталади (яна қ. *Сайёралар йўлдошлари*).

ТЕХАС — АҚШнинг жан. қисмидаги штат. Жануб томондан Мексика қўлтиғига туташ. Т. майдони бўйича Аляска штатидан кейин 2-ўринда, аҳолисининг сони бўйича Калифорния штатидан кейинги ўринни эгаллайди. Майд. 691 минг км². Аҳолиси 21,8 млн. киши (2002). 80% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Остин ш. Йирик шаҳарлари: Хьюстон, Форт-Уэрт, Сан-Антонио.

Техас табиати манзараси.

Ер юзасининг катта қисми плато, соҳили пасттекислик. Ғарбида қояли тоғларнинг тармоқлари бор (энг баланд жойи 2665 м). Иқлими субтропик, ғарбида континентал иқлим. Йиллик ёғин шарқида 1000—1300 мм, ғарбида 200—300 мм. Ўсимликлари саванна ва дуб-қарағай ўрмонларидан иборат.

Т. — индустриал-аграр штат. Нефть, табиий газ, олтингугурт, гелий қазиб чиқарилади. Шунингдек, полиметалл рудалар, уран, тошкўмир конлари бор. Саноатнинг етакчи тармоқлари: нефтни қайта ишлаш, кимё саноатлари. Авиакосмосозлик, рангли металлургия саноатлари ҳам ривожланган. Озиқ-овқат, металлсозлик, машинасозлик корхоналари бор. Қ.ҳ.да деҳқончилик етакчи ўринда. Асосан, пахта, шунингдек, сабзавот, беда, ер ёнғоқ экилади. Мевачилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки боқилади. Йирик портлари: Хьюстон, Бомонт, Порт-Артур ва б.

ТЕХАС ИЛДИЗ ЧИРИШИ, озоний озон — ўсимлик касаллиги, тупроқ замбуруғи Ozonium omnivorum Shear. [Phymatotichum omnivorum (Shear). Dugg.] дан пайдо бўлади. Бу касаллик ташқи карантин объекти. Маданий ўсимликларнинг 2000 га яқин тури, жумладан, гўзада ҳам учрайди. Шоналаш даврида ўсимликнинг илдиз системаси ва поясининг тупроқдан 2—3 см юқори қисми касалланади. Ўсимликнинг сўлиши учидан бошланади ва пастдаги барглларга тез ўтади, барглар қорайиб, мўрт бўлиб қолади, илдизи қизғиш-сариқ доғлар б-н қопланади, пўстлоғи ёғочдан осон кўчади, чунки замбуруғ ўсимлик тўқимаси (камбий)га ва томирларга киради. Замбуруғ илдиз сиртида конидия ва склероций ҳосил қилиб ривожланади; иссиқ нам шароитда қуриб қолган ўсимлик тупи атрофидаги тупроқ юзасида майда оқ толасимон губор кўринишида конидияли бандлар ривожланади. Уларда тезда спора конидиялар ҳосил бўлади. Замбуруғ зарарланган уруғлик ва мицелийли ёки склероцийли кўринишда ўсимлик илдизига ёпишган тупроқ б-н бирга тарқалади. Склероцийлар тупроқда камида 12 й.гача яшовчанлигини сақлайди.

Курош чоралари: карантин, четдан келтирилган уруғликни фитопатологик текшириш.

ТЕХАС УРУШИ (1835—36) — Техасга келиб жойлашган америкалик плантаторларнинг Техасни Мексикадан ажратиб олиш мақсадида Мексика ҳукуматига қарши уруши. Мексика қўшинлари мағлубиятга учрагач, Техас «мустақил» республика деб эълон қилинган, 1845 й. да АҚШ таркибига киритилган.

ТЕХНЕЦИЙ (юн. technetos — сунъий, лот. Technetium), Tc — Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент.

Техас илдиз чириши: *1* — зарарланган ўсимлик тупи ва илдизи; *2* — замбуруғ ипчалари; *3* — конидияси.

Тартиб рақами 43, ат. м. 97,9072. Т. нинг 20 та радиоактив изотопи маълум. Т. ни 1937 й. да Э. *Сегре* б-н италъян кимёгари К. Перрье молибден кароларини дейтронлар б-н бомбардимон қилиб олишга муваффақ бўлган. Ҳоз. Т. ядро реакторларда ураннинг емирилиш маҳсулотларидан ажратиб олинади. Т.нинг энг барқарор изотопи — ^{99}Tc ($T_{1/2}$=2,12·10^5 й).

Металл ҳолдаги Т. жигарранг, унинг сирти нам ҳавода хиралашади. Суюқланиш т-раси 2140°. Зичлиги 11,5 г/см^3. Т. — парамагнит, кимёвий хоссалари жиҳатидан кўпроқ ренийга, бир оз марганецга ўхшайди. Бирикмаларда валентлиги 0 дан 7 гача (+2, +3, +6, +7). Т. сувда ва суюлтирилган хлорид кислотада эримайди, водород пероксид б-н аммоний гидроксид аралашмасида эримаслиги жиҳатидан ренийдан фарқ қилади. Зар сувида ва нитрат кислотада эриб, эритмада пертехнат ионлар (TcO_4^-) ҳосил қилади. Т., асосан, атом саноати чиқиндиларидан олинади. Металл Т. NH_4TcO_4, TcO_2, Tc_2S_7 ни 600—1000° да водород б-н қайтариб олинади. Пертехнатлар коррозия ингибиторларидир. Т.нинг TcO_2, TcO_3 оксиди ҳам маълум. Т. 400° да фтор б-н гексафторид TcF_6, хлор б-н гексахлорид $TcCl_6$ ҳосил қилади. Т.нинг TcO_3X, $TcOX_3$ (X — галоген) таркибли рангли бирикмалари, Tc_2S_7 таркибли сульфиди, TcC таркибли карбиди ва б. бирикмалари, мас., $TcCl_4$, $TcCl_3$, $Tc(CO)_4X_2$, $Tc(CO)_5X$, $(C_5H_5)_2Tc_2$ ҳам маълум.

Т. коррозияга бардошли модда бўлганлиги учун реакторсозлик ва аниқ асбобсозлик ишларида конструкцион материал сифатида, суюқланиш т-раси юқори бўлганлиги учун юқори т-рали термоэлементларда ишлатилади. ^{99}Tc емирилганида γ-нурлар ҳосил бўлмайди. Шунга асосланиб, ундан радиометрия ва дозиметрияда β- стандарт сифатида фойдаланилади.

ТЕХНИК ГАЗЛАМА — машиналар, қурилмалар, иншоотларнинг қисмлари, турли-туман техника буюмлари тайёрлашда ишлатиладиган тўқимачилик матолари. Деярли барча тўқимачилик толалари ва ипларидан тўқилади. Т.г. сифатида баъзи маиший матолар (мас., дока, миткаль, саржа) ҳам ишлатилиши мумкин. Булардан чизмачилик калькалари, қистирмалар, машина ўриндиқларининг ғилофлари тайёрланади. Т.г.ларга маиший газламаларга нисбатан юқорироқ талаблар қўйилади. Кўпчилик Т.г.лар полотноли ўрилишда (қ. *Ўрилиш*) бир ва кўп қатламли қилиб тайёрланади, чунки бу ўрилишда *арқоқ* б-н *танда* орасидаги боғланиш мустаҳкамроқ бўлади (қ. *Тўқимачилик*). Энг кенг тарқалган Т.г.лар: брезент, кирза, кордбоп, тасмабоп, транспортёрбоп матолар, ўт ўчириш енглари тайёрланадиган мато, пресслаш ва фильтрлаш (сузиш) матолари. Булардан ташқари, парашютлар, пуфлама иншоотларнинг қобиқлари, тентлар (соябонлар), сунъий чарм, элаклар тайёрланадиган матолар ҳам Т.г. жумласига киради. Баъзи саноат тармоқларида Т.г. ўрнига синтетик плёнкалар ишлатилади. Ўзбекистонда Т.г.ларнинг барча турлари ишлаб чиқарилади.

ТЕХНИК ДИАГНОСТИКА — машиналар, қурилмалар, техник тизимлар, уларнинг қисмлари, элементлари ва б.да нуқсонлар ва бузилишлар мавжудлигини ифодаловчи аломатларни аниқлаш ва ўрганиш. Машиналар, қурилмалар ва техник тизимларнинг рисоладаги иш маромлари ёки ҳолатларидан муайян даражадаги оғишларни олдиндан билиш, олдини олиш ва бартараф қилиш мақсадида ўтказилади. Т.д. назорат қилинаётган объект (машина, қурилма, телевизор ва б.)ни ташқи кўздан кечириш, махсус диагностика аппаратлари ёки диагностика дастурларидан фойдаланиш йўли б-н амалга оширилади. Ҳаракатланувчи объектлар (автомобиллар, мотоцикллар, тракторлар ва б.) махсус устахоналар ёки таъмирлаш корхоналаридаги диагностика пунктларида, муқим (қўзғалмас) объектлар (станоклар, техник тизимлар ва б.) турган жойида Т.д.дан ўтказилади. Назорат қилинаётган объект ва уни текшириш воситалари (аппаратлари ва б.) биргаликда диагностика тизимини ташкил қилади. Улар ўзаро таъсирлашиб, диагностика алгоритмини амалга оширади. Натижада объектнинг техник ҳолати тўғрисидаги хулоса тузилади (мас., «машина бузуқ эмас», «станок ишга яроқсиз», «телевизорда частоталар детектори ишдан чиққан» каби хулосалар қайд қилинади). Т.д.ни амалга ошириш учун объектнинг математик модели (унинг рисоладаги ва бузуқ ҳолатлари баёни)ни тузиб олиш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мас., шовқин б-н ёки титраб ишловчи объектларни текширишда шовқин ёки титраш эгри чизиқлари (акустик Т.д. усули), микроэлектрон технология ёки пайвандлаш жараёнида объектларни рентген нурларида тасвирлаш модель вазифасини ўташи мумкин.

Диагностика воситаларини аппаратли, дастурли ва дастур-аппаратли турларга бўлиш мумкин. Ҳозир Т.д.нинг компьютерли ва рақамли воситаларидан кенг фойдаланилади. Т.д. техник объектларининг ишончлилигини таъминлаш ва рисоладагидек тутиб туришда жуда муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Услубий жиҳатдан Т.д.нинг тиббий диагностика б-н умумий томонлари мавжуд (қ. *Диагностика, Диагностика воситалари*).

ТЕХНИК ШАРТЛАР — саноат корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (буюм, машина ва б.) учун тузиладиган техник ҳужжатлар тўпламига кирувчи ҳужжат. Унда ўша маҳсулотга қўйиладиган техник талаблар, уни қабул қилиш ва жўнатиш қоидалари, назорат қилиш усуллари, ташиш, фойдаланиш ва сақлаш шартлари кўрсатилади. Техник талаблар маҳсулотнинг асосий кўрсаткичлари, ўлчамлари, хоссалари ва фойдаланиш тафсилотлари, сифат кўрсаткичлари, бутлилиги ва б.ни белгилайди. Қабул қилиш ва жўнатиш қоидаларида маҳсулотни тайёрлаган корхона уни буюртмачига (ёки сотишга) топшириши ва буюртмачи (ёки харидор) нинг уни қабул қилиб олиши пайтида маҳсулотни синаш тартиби ва шартлари ўз аксини топади. Назорат қилиш (синаш, анализ қилиш, ўлчаш ва б.) бўлимида маҳсулотнинг барча кўрсаткичлари ва тафсилотларини аниқлаш усуллари; намуналарни танлаб олиш, синаш жиҳозлари, асбоблари, ашёлари ва реактивларни танлаш қоидалари; синовлар, анализ қилиш, ўлчаш ва натижаларни ишлашга тайёрланиш ва уларни бажариш услубиятини белгилаб қўйилади. Маҳсулотдан фойдаланиш, уни ташиш ва сақлаш бўлимида маҳсулотни йиғиш, ўрнатиш ва қўллашга доир кўрсатмалар, уни идишга жойлаш (ўраш) ва ташиш қоидалари; сақлаш жойи, шартлари ва муддатига доир кўрсатмалар бўлади. Т. ш.нинг алоҳида маҳсулот (буюм) ёки бир неча турдаги маҳсулот (маҳсулотлар гуруҳи) га доир (гуруҳий Т.ш.) турлари бўлади. Т.ш. муайян стандартлар бўйича ишлаб чиқилади. Т.ш.лар маҳсулотни ишлаб чиқарган корхонада тузилади. Ўзбекистонда Т.ш.ни назорат қилишга доир масалалар б-н «Ўзстандарт» агентлиги шуғулланади (яна қ. *Стандарт, Стандартлаш*).

ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР — саноат маҳсулотларини лойиҳалаш, тайёрлаш, синаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, бинолар (иншоотлар)ни лойиҳалаш, қуриш ва таъмирлаш учун зарур бўладиган график ва матнли ҳужжатлар мажмуи. Асосий хиллари: лойиҳалаш ва ишчи ҳужжатлар (қурилишда), конструкторлик ва технологик ҳужжатлар (саноатда), меъёрий-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, умумий техник талаблар, йўриқномалар, синовлар услубияти ва б.). Т. ҳ. махсус стандартлар орқали белгилаб қўйилади. Бу стандартларда Т. ҳ.ни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, бутлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш ва сақлаш тартиби ва қоидалари кўрсатилади (қ. *Стандарт, Стандартлаш*).

ТЕХНИКА (techne — маҳорат, санъат) — моддий бойлик олиш ҳамда одамлар ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида инсон атрофидаги табиатга таъсир қилишига имкон берадиган воситалар ва кўникмалар мажмуи. Асосий вазифаси — инсон меҳнатини енгиллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш. У табиат ресурсларидан самарали фойдаланишга, Ер қаърини, Дунё океанини, космик фазони ўзлаштиришга имкон беради.

«Т.» термини бирор иш (ҳунар) ёки санъатда қўлланиладиган усулларни ҳам билдиради (мас., тўқувчилик Т.си, этикдўзлик Т.си, шахмат ўйини Т.си ва б.).

Т. воситалари доимо такомиллашиб боради, янги *технология*, янгича маҳсулот и. ч. зарурияти туғилиши б-н янгидан-янги Т. яратилади. Т. тарихи ибтидоий жамиятга бориб тақалади. Умуман Т. тарихини қуйидаги 7 босқичга бўлиш мумкин: *1*— оддий и. ч. қуроллари ва усуллари яратилиши; *2* — мураккаброқ и. ч. қуроллари ва усуллари яратилиши; *3* — одам томонидан бошқариладиган мураккаб меҳнат қуроллари яратилиши; *4* — мануфактура и. ч. шароитида машина Т.сининг яратилиши; *5* — илғор мамлакатларда буғ двигатели асосида иш машиналарининг пайдо бўлиши; *6* — электр энергияси асосидаги машиналар тизимининг яратилиши; *7* — автоматлаштирилган машиналар тизими ва космик Т.нинг тараққий этиши, ахборотлар технологияси (мас., *интернет*)нинг ривожланиши.

Т.нинг эволюция босқичи анча узоққа чўзилади. Ибтидоий жамоа тузумида даставвал тош қуроллар, кейинчалик ўқ-ёй, лойдан ясалган идишлар, тош болта ва мис қуроллар пайдо бўлган.

Кейинчалик (мил. ав. 4 — 3 минг йилликда) жездан ясалган меҳнат қуроллари вужудга келди. Кейинроқ темир эритиш ва ундан фойдаланишга ўтилди. Хитойда мил. ав. 2357 йилдаёқ темир маълум эди. Мустаҳкам меҳнат қуролларига бўлган талаб пўлат и.ч.га олиб келди. Деҳқончилик ривожлана бошлагач, сув чиқариш қурилмалари, чархпалак пайдо бўлди.

Ҳарбий Т.да ўқ ёйдан ташқари пўлат қиличлардан фойдаланила бошланди. Кейинчалик қурилишда турли юк кўтариш ричаглари ихтиро қилинди. Одамлар йўлларини яқин қилиш мақсадида сувдан фойдаланиш учун дарахт танасидан қайиқ ясашни ўргандилар. Кейинчалик кўп эшкакли кемалар пайдо бўлди. Тўқимачилик дастгоҳлари яратилди. Кейинги даврларда деҳқончилик б-н бирга ҳунармандчилик ривожланди. Елканли кемалар, шамол тегирмонлари яратилди. Қ. ҳ.да ғилдиракли оғир ва енгил плуглар пайдо бўлди.

15—16-а. асрларда анча такомиллашган домна печлари қурилди. Асосий двигатель ўрнида гидравлик машиналардан фойдаланилди. Бу даврда кончилик, *металлургия* ривожлана бошлади (қ. *Кон саноати*). Ҳарбий Т.да ўт очиш қуроллари, машина ва механизмлар пайдо бўлди.

18-а. охирида *буғ машинаси* ва тўқимачилик машиналарининг пайдо бўлиши саноатда инқилобнинг бошланишидан дарак берди.

19-а.да *босма машина, телеграф аппарати, фотография, ички ёнув двигатели, самолёт, радио, телефон, кинематография, автомобиль* яратилди, ҳарбий техника, т.й. транспорти ривожланди ва б. 20-а.да электр энергиясидан фойдаланиш кучайди, *авиация*, атом техникаси, *ҳисоблаш техникаси, электроника, телевидение*, ракетасозлик, *автоматика, космонавтика* ва б. тараққий этди. 21-а. бошларидан ахборотлар технологияси (интернет, уяли телефон ва б.) ривожлана бошлади.

Қандай вазифани бажаришига қараб, Т. ишлаб чиқариш ва и.ч. да қатнашмайдиган Т.га (маиший хизмат кўрсатиш, и.т., маориф ва маданият, ҳарбий, тиббиёт Т.сига) ажралади. Ишлаб чиқариш Т.сига машиналар, механизмлар, асбоблар, машина, технологик жараёнлар, бошқариладиган аппаратлар, саноат бинолари ва иншоотлари, йўллар, кўприклар, каналлар, транспорт, коммуникация, алоқа воситалари ва б. киради. Ишлаб чиқариш Т.сининг фаол қисми машиналардир. Унга технологик машиналар — металлга ишлов бериш, қурилиш, тоғ-кон, металлургия, қ.х., тўқимачилик, озиқ-овқат, қоғоз тайёрлаш машиналари ва б., транспорт машиналари — автомобиллар, тепловозлар, самолётлар ва б., конвейерлар, элеваторлар, кранлар ва б., назорат-бошқариш ва ҳисоблаш машиналари — электр машиналари, ички ёнув двигателлари, турбиналар ва б. киради. И. ч. техника воситалари орасида энергия ҳосил қилиш ва уни бир турдан иккинчисига айлантиришга хизмат қиладиган энергетика Т.сининг аҳамияти катта. Ҳарбий Т. (танклар, артиллерия, ракета қурилмалари, учиш аппаратлари, сув ости ва сув усти кемалари ва б.) алоҳида Т. воситалари гуруҳини ташкил қилади.

И.ч.да қатнашмайдиган Т.га маиший хизмат кўрсатиш Т.си (кир ювиш, ошхона машиналари ва б.); транспорт Т.си (енгил автомобиллар, велосипедлар ва б.); спорт Т.си (пойга мотоцикллари ва б.) киради. И.ч.нинг тармоқ структурасига қараб (мас., саноат Т.си, транспорт Т.си, қ. х. Т.си) ёки и. ч. нинг алоҳида структура бўлинмаларига қараб (мас., авиация Т.си, мелиорация Т.си), баъзан Т. алоҳида тармоқларининг табиий-илмий асосига қараб (мас., ядро Т.си, совитиш Т.си, ҳисоблаш Т.си ва б.) таснифланади.

Унумдорлик, пухталик ва тежамлилик Т.нинг энг муҳим кўрсаткичларидир. Т.нинг унумдорлиги вақт бирлиги ичида тайёрланган (ишлов берилган, ташилган ва б.) маҳсулот миқдори б-н аниқланади. Т.нинг пухталиги зарур миқдорда сифатли маҳсулот бериш хусусияти ёки технологик вазифани белгиланган муддатда бажариш б-н ифодаланади. Т.нинг тежамлилиги ишлатиладиган хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, ёрдамчи қурилмаларнинг таннархи б-н белгиланади.

Т.нинг унумдорлиги, пухталиги ва тежамлилигини ошириш учун уни такомиллаштириб бориш, иш жараёнларини автоматлаштириш зарур.

Т.нинг тараққиёт даври Т. воситаларини янгилаш суръатини янада тезлаштириш, буюмларни *стандартлаш* ва унификациялаш, радиотехника, электроника, авиация, космонавтика, автоматик бошқариш ва ростлаш тизимлари, ҳисоблаш Т.си, ахборотлар технологияси ва б. ривожланиши б-н ифодаланади. Саноатда автоматлаштиришнинг ривожланиши автомат линиялар ва автомат цехлар, автомат з-длар яратишга олиб келди, ахборотлар технологиялари ривожланди.

Т.ни ривожлантириш фан ва техника тараққиётининг муҳим шартидир. Т.ни ривожлантиришда фан ютуқларидан кенг фойдаланилади. Ҳоз. замон фани, и. ч.нинг муҳим ютуқлари табиий ва Т. фанлари кашфиётларига таянади. Т. фан ютуқлари асосида ривожланиб бориб, фан олдига янги масалалар қўйди. Фан ва Т.нинг ривож-

ланиб, улар орасидаги ўзаро боғланишни тақозо этади. Т.нинг ривожланиши мамлакатларнинг географик, иқлим шароити ва б.га ҳам боғлиқ. Мас., Буюк Британияда кемасозлик, денгиз ва порт ишлари Т.си, Германияда станоксозлик, тоғ-кон ва металлургия Т.си, Японияда электротехника ва радиоэлектроника, Швейцарияда аниқ асбобсозлик Т.си, Финляндияда ёғоч-тахта саноати Т.си, АҚШ ва Россияда ракетасозлик, космонавтика, Ўзбекистонда гидротехника, кибернетика, тўқимачилик, машинасозлик, қ.х.машинасозлиги саноати ва б. ривожланган. Т. истиқболида йирик илмий-техника масалалари — инсоннинг Қуёш системасидаги сайёраларга учиши, жаҳон миқёсида радио, телеграф, телефон ва телевизион алоқаларининг ривожланиши, янги турдаги тиббиёт аппаратлари ва б.нинг яратилиши ва фан ютуқларини умумлаштириш талаб қилинади. Т. тараққиётига Архимед, А. Герон, И. Гутенберг, И. Фёдоров, Х. Гюйгенс, И. П. Кулибин, Леонардо да Винчи, Н. Коперник, Г. Галилей, И. Ньютон, Д. Уатт, Е. А. Черепанов ва М. Е. Черепанов, А. Нартов, П. П. Аносов, Д. Стефенсон, П. Шиллинг, Б. Якоби, С. Морзе, М. Фарадей, Д. Максвелл, Д. И. Менделеев, Г. Бессемер, Р. Дизель, А. Ф. Можайский, В. Рентген, А. Эйнштейн, К. Э. Циолковский, С. П. Королёв ва б. катта ҳисса қўшган. Шарқда Т. тараққиёти Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Аҳмад ал-Фарғоний каби алломалар; кейинчалик Ўзбекистонда И. Ф. Белинский ва В. П. Грабовский (телевидение) каби ихтирочилар, Ўзбекистонда ФА академиклари С. Азимов, Р. Бекжонов, А. Воҳидов, Ҳ. Раҳматуллин, Ў. Расулов, Т. Рашидов, Ҳ. Усмонхўжаев, Ҳ. Фозилов, М. Ўрозбоев, В. Қобулов, П. Ҳабибуллаев, М. Ҳамидхонов, М. Ҳожинова ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

Турсунбой Рашидов, Мирқосим Мирбобоев.

ТЕХНИКА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ — техник объектлар (автомобиллар, технологик агрегатлар ва б.) дан фойдаланиш жараёнида амалга ошириладиган техникавий ва ташкилий тадбирлар мажмуи. Объектларнинг меъёрдаги самарадорлик б-н ишлашини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Барча мавжуд техника воситалари Т. х. к.ни талаб қилади. Ишлаб (ёки юриб) турган техника воситалари ҳам, сақлаб турилганлари ҳам, сақлаш ёки ташиб келтиришдан кейин ишга тайёрланадиган воситалар ҳам Т. ҳ. к.га муҳтож бўлади. Мураккаб техника объектлари (машиналар, станоклар ва б.) учун ягона Т.х.к. меъёрлари белгилаб қўйилади. Булар Т. х. к. тизимини ҳосил қилади ва техник ҳужжатларда ўз аксини топади. Т. х. к. тизимини шартли равишда олдини олиш (профилактика) ва тиклаш (тузатиш, таъмирлаш) каби турларга ажратиш мумкин. Т. х. к. га доир тадбирлар махсус жиҳозланган устахоналар (Т. х. к. ст-ялари) да ҳам, объект (агрегат, станок) ўрнатилган жойнинг ўзида ҳам бажарилиши мумкин. Иккала ҳолда ҳам зарур қурол ва асбоблар, материаллар, назорат-ўлчаш асбоблари, диагностика аппаратлари (қ. *Техник диагностика*), малакали мутахассислар [чилангарлар, электр усталари, двигатель тузатувчилар, пайвандловчилар, вулканизация қилувчи (баллон ямовчилар ва б.)] бўлиши талаб қилинади. Т. х. к. тўғри ташкил қилинса, объектдан фойдаланиш харажатлари камаяди, унинг техник имкониятлари ошади, хизмат муддати узаяди.

ТЕХНИКА ЭКИНЛАРИ — саноат хом ашёси сифатида етиштириладиган (хом ашё берадиган) бир ва кўп йиллик қ.х. экинлари Т. э. бир қанча ботаник оилага мансуб; уларга крахмалли экинлар (картошка, батат ва б.); шакарли экинлар (қанд лавлаги, шакарқамиш ва б.); мойли экинлар (кунгабоқар, канакунжут, ер ёнғоқ, соя, рапс, махсар, хантал, индов, зиғир ва б.); толали экинлар (ғўза, толали зиғир, каноп, жут ва б.); эфир мойли ўсимликлар (атиргул, кўкнор, ёронгул, ялпиз ва б.); каучукли ўсимликлар (гевея, гваюла, кўксағиз, тоғсағиз); ошловчи модда олинадиган ўсимликлар (скумпия, бадан); пўкакли (пўкакли дуб в б.); доривор ўсимликлар (валериана, белладонна, женьшень ва б.) киради. Т. э. ни бу тариқа бўлиш шартлидир, чунки кўпгина бошқа экинлар ҳам техник хом ашё беради (мас., донли экинлар). Баъзи Т. э., мас., ғўза, зиғир, канопдан толадан ташқари мой ҳам олинади.

ТЕХНИКА ЭСТЕТИКАСИ — саноат и.ч. воситалари ёрдамида атрофдаги моддий муҳитни бадиий лойиҳалаш усулларини ўрганиш б-н шуғулланадиган илмий фан. Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини эътиборга олади ва *дизайн*нинг назарий асосини ташкил этади. Т.э. бадиий лойиҳалашнинг ўзига хос хусусиятларини, лойиҳалаш жараёнидаги ўрнини, лойиҳаловчи-рассом фаолиятининг усул ва воситаларини, дизайннинг пайдо бўлиши, ижтимоий-маданий моҳиятини, пайдо бўлиш шароитларини ва ривожланиш истиқболларини, унинг техника, санъат ва маданият б-н ўзаро уйғунлашувини тадқиқ қилади, саноат маҳсулотларига бўлган талабларни ва ассортиментини яратиш тамойилларини шакллантиради. Т.э. илмий фанлар (материалшунослик, рангшунослик ва б.) га, саноат и.ч., социология ва б.га таянади.

ТЕХНИКУМ — қ. *Ўрта махсус ўқув юртлари.*

ТЕХНОГЕН САНЪАТ — 19-а. охири — 20-а. санъатида илм-фан ва техника (фотография, электр, электроника, микротехнология ва б.) ривожи натижасида қарор топган янги йўналиш. Т. с. бадиий ижоднинг бошқа шаклларида қўлланиладиган воситалар (*ранг, композиция, драматургия* ва б.) б-н бирга янги (*ракурс, монтаж*, овоз ёзиш, янги овоз ва рангларни яратиш каби) техник имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳисобига муайян ифодавий натижаларга эришиб, уларни оммавий алоқа воситалари (медиа шакллари — босма нашр, радио, граммёзув, телевидение ва б.) ёрдамида кўпайтиради ва тарқатади. Т. с. тизимида синтетик (қоришма) бадиий шакллар (*фото санъати, кино, телевидение, электрон мусиқа*, лазер мусиқаси, *компьютер графикаси*, WEB-дизайн ва б.) юзага келди. Мазкур жараёнда янги ижод шакллари ва ихтисосликлар (*кинооператорлик*, овоз режиссураси ва б.), махсус жиҳозланган *студия*лар (фотостудия, киностудия, мусиқий студия, овоз ёзиш студияси, вебдизайн студияси ва б.), фаннинг янги йўналишлари (психоакустика, компьютер мусиқаси технологияси каби) ривож топди. Ўзбекистонда Т. с. ривожига катта аҳамият берилиб, Т. с. йўналишлари давлат (олий ва ўрта махсус) таълим тизимига киритилган.

Олимжон Беков, Фарида Сабитова.

ТЕХНОКРАТИЯ (юн. techne — санъат, ҳунар, маҳорат ва ...*кратия*) — 1) ижтимоий тафаккурдаги оқим, унга кўра, жамият бутунлай илмий-техника тафаккури принциплари б-н бошқарилиши мумкин; техниклар, муҳандислар ва олимлар (технократлар) илмий-техника тафаккурининг намояндалари бўлиб, корхоналар ва умуман жамиятдаги барча ҳокимият тадбиркорлар ва сиёсатчилардан уларга ўтиши керак. Технократик концепциялар ҳоз. ижтимоий и.ч.да фан ва мутахассислар мавқеининг ошиб бораётганлигини акс эттиради. Т.нинг барча кўринишларига хос бўлган белги ижтимоий жараёнларни техника ва б. тор ихтисослашган мезонлар асосида бошқаришга эътиборни кучайтириб, сиёсатнинг қадриятли-этик ўлчовларига кам аҳамият беришдир; 2) монополиялаштирилган и.ч. ва давлат аппаратининг юқори мулозимлари — мутахассислар қатламини билдиради; 3) 20-а.нинг 30-й.ларида АҚШда вужудга келган ижтимоий ҳаракат. У миллий миқёсда и.ч.ни илмий режалаштириш натижасида саноат тўнтаришини ёрдами б-н умумий фаровонликка эришишни мақсад қилиб қўйган (раҳбарлари Г. Лоэб, Г. Скот). Ҳаракат 40-й.лар бошида барбод бўлган.

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА — айрим турдаги қ.х. маҳсулотини етиштириш б-н боғлиқ технологик ишлар мажмуи. И.ч. ресурсларига бўлган эҳтиёжлар, улардан фойдаланиш ва бошқа и. ч. кўрсаткичлари, шунингдек, белгиланган и.ч. дастурини бажариш бўйича ташкилий-иқтисодий тадбирлар акс этган норматив режа ҳужжати. Т.х. жадвал шаклида бўлиб, унда кетма-кетликда (одатда хронологик тартибда) барча турдаги ишлар (қабул қилинган технологияга мувофиқ), асосий агротехник тадбирлар, машина, механизм ва агрегатлар таркиби, уруғлик материаллар сарфи нормалари, бажариладиган ишлар ҳажми, баҳолари ва б. кўрсатилади, шунингдек, маҳсулот таннархини ҳисоблашда қ.х.да қабул қилинган услубият бўйича харажатлар турлари акс эттирилади. Т.х. асосида барча маҳсулотлар бўйича бевосита харажат (сарф)лар, бўлинмалардаги доимий ва мавсумий ходимлар сони, техника, уруғлик, озуқа ва б. моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжлар аниқланади, Т.х. ёрдамида бўлинмалар и.ч. топшириқлари шакллантирилади, зарур харажатлар лимити ҳисоб-китоб қилинади, маҳсулотнинг режа таннархи ҳисобланади, маҳсулот бирлигига нарх белгиланади, режалаштирилган ишларни бажарилиши устидан назорат амалга оширилади.

Т.х. барча экин турлари, чорва турлари ёки турдош экинлар ва чорва молларини гуруҳлари ёки айрим иш турлари (ўтлоқ ва яйловларни яхшилаш ва б.) бўйича тузилади. Т.х.ларни хўжалик мутахассислари (иқтисодчи-ташкилотчилар, агрономлар, зоотехниклар, муҳандис-механиклар ва б.) хўжаликдаги конкрет шароитларни ҳисобга олган ҳолда намунавий шакллар асосида ишлаб чиқадилар. Т.х.лар о п е р а т и в (муайян мавсум учун), й и л л и к (бир йил учун) ва и с т и қ б о л (энг илғор прогрессив технология ва машиналар системасини ўзлаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашда янги усулларни жорий қилиш ва б. назарда тутилади) турларга бўлинади. Фан-техника тараққиётининг илғор ютуқларини қўллашни эътиборга олиб тузилган Т.х.лардан техника, технологиядаги янгиликларни, ўзгаришларни киритиш б-н бир неча йил фойдаланиш мумкин (яна қ. *Бизнес режа*).

Султон Холмирзаев.

ТЕХНОЛОГИЯ (юн. techne — санъат, моҳирлик, укув ва ...*логия*) — саноат, қурилиш, транспорт, қ.х. ва б. соҳаларда маҳсулотлар олиш, уларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш усуллари тартибга солинган тизим; шу усулларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва такомиллаштириш б-н шуғулланадиган фан. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос Т.си бўлади: кон ишлари Т.си, машинасозлик Т.си, қурилиш Т.си, қ.х. Т.си ва б.

Мас., қурилиш ишлари Т.си бир қанча операциялар йиғиндисидан ташкил топган: ер ишлари (ерни текислаш, котлован ва траншеялар қазиш); пойдевор ётқизиш; девор тиклаш (ғишт териш, панель ўрнатиш); антисейсмик белбоғлар ва темир-бетон устунлар ишлаш; қаватлараро ва том ёпмаларини монтаж қилиш, том ёпиш; электр, газ ва сув тармоқларини ўтказиш; пардоз ишлари ва ҳ.к. Ҳар қайси операцияни ўзига хос бажариш усуллари бор. Мас., пардозлашда аввал девор текисланади (маяклар ўрнатилади), қора сувоқ, кейин тоза сувоқ қилинади, сўнгра оқланади (бўёқ берилади) ёки гулқоғоз (обой) ёпиштирилади.

Амалда технологик жараёнлар қанчалик пухта ишланган, тавсия этилаётган усуллар чуқур тажриба ва илмий ёндашувга асосланган бўлса, тайёрланадиган маҳсулот (автомобиль, бино ёки иншоот ва б.) шунчалик сифатли бўлади. Т.нинг фан сифатидаги роли ва вазифаси маҳсулот тайёрлашнинг энг замонавий ва самарали усулларини яратишдан иборат. Фан ва техника ривожланиб борган сари Т. ҳам янгиланиб ва ўзгартириб туради. Ҳар қайси соҳада Т.ни ишлаб чиқиш учун технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, типавий технологик жараёнлар, стандартлаштирилган жиҳозлар ва ускуналардан фойдаланишнинг ягона тартиби бўлиши лозим.

ТЕХНОПАРК, т е х н о л о г и к п а р к — фан, таълим ва ишлаб чиқаришни илмий ташкилотлар, лойиҳа-конструкторлик бюролари, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмаси кўринишида ҳудудий уюштириш шакли. Т. юқори малакали мутахассисларнинг бир жойга тўпланиши натижасида илмий-техника ва техника-технология ишланмаларини яратиш ва уларни қўллашни жадаллаштириш мақсадларида ташкил этилади. Ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Кўпинча солиқ имтиёзларига эга бўлади.

ТЕХНОПОЛИС (лот. techne — санъат, ҳунар ва polis — шаҳар) — *инновация* жараёнларини жадаллаштириш, техник-технологик янгиликларни тез ва самарали қўллашга ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар шаклларидан бири. Жаҳон даражасидаги юқори технологик маҳсулот ишланмаларини яратадиган ва уни и.ч.ни ўзлаштирадиган минтақавий марказ Т. ўзагини ташкил этади. Т.нинг фаолият дастури, одатда, фундаментал ва амалий и.т.лар ўтказиш ва уларнинг натижасини и.ч.да қўллашдан иборат бўлади. Т.лар давлат томонидан қўллаб-қувватланади.

ТЕШАБОЕВ Жўра (1933.4.3, Андижон) — киношунос, сценарийчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Санъатшунослик фанлари д-ри, проф. (1991). Киев ун-тини тугатган (1956). 1956—58 й.лар Андижон маориф бўлимида ишлаган. 1958—60 й.лар «Ўзбекфильм»да муҳаррир. 1960 й.дан Санъатшунослик ин-тида аввал аспирант, илмий ходим, 1987 й.дан кино ва телевидение бўлимининг бошлиғи. Айни вақтда 1968 й.дан Тошкент давлат Санъат ин-тида дарс беради. Асосий илмий ишлари кино санъати назарияси ва тарихига оид масалалар, шунингдек, ўзбек экран санъати арбоблари ижодига бағишланган. 30 ҳужжатли кино, 2 мультфильмга сценарий ёзган.

Ас.: Камил Ярматов, М., 1964; Киноискусство Узбекистана, М., 1968; Пути и поиски, Т., 1972; Герой крупным планом, Т., 1975; Рахим Пирмухамедов, Т., 1978; Узбекское кино; традиции и новаторство, Т., 1980; Узбекский экран: поиски и надежды, М., 1982.

ТЕШЕНИТ (Чехиядаги Тешен ш. номидан) — ишқорли габброидлар гуруҳига мансуб магматик тоғ жинси; чиройли қоплама тош. Таркиби, асосан, плагиоклаз, авгит ва анальцимдан иборат; шунингдек, шох алдамчиси, цеолит, иккиламчи минераллардан — апатит, магнетит ва б. ҳам мавжуд. Одатда, диабаз структурали; кичикроқ гипабиссал массивлар ва силл (интрузив уюм)лар ҳосил қилади. Т. Кавказ ва Жан. Сибирда кенг тарқалган.

ТЕШИКҚАЛЪА — илк ўрта асрларга оид йирик қаср харобаси (мил. 7—8-а.лар). Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Бурғутқалъа во-

ҳасида жойлашган илк ўрта аср меъморлиги обидаси. Тарҳи квадрат бўлган қаср, атрофи қалин пахса девор б-н ўралган. Марказда баланд пахса супа устида кўп хонали турар жой минораси қад кўтарган. Унинг деворларига аркалар б-н безатилган ярим устунлар (колонналар) ўрнатилган. Девор б-н минора оралиғига турар жой хоналари ва хўжалик аҳамиятидаги бинолар қурилган. Т.қ. 1938 й. С. П. *Толстов* раҳбарлик қилган археологик экспедиция томонидан текширилган. Мато парчалари, сопол идишлар, безак буюмлари, тангалар топилган. Уларни ўрганиш афригийлар маданиятини талқин этишда асос бўлиб хизмат қилган.

ТЕШИККЎПРИКТЕПА, Эшак кўприктепа — 5—13-а. бошига оид археологик ёдгорлик. Тошкент ш.нинг «Ҳамза» метроси ст-яси яқинида (Халқлар дўстлиги шоҳкўчасида) жойлашган. Т.ни бир неча марта ўлкашунос Д. Д. Букинич (1930-й.лар), ТошДУ археология кафедраси (1950-й.лар), археологлар К. А. Шахурин ва Ю.Ф. Буряков (1962 й.да), Тошкент археология экспедицияси (М. И. Филанович ва б., 1968 й.) текширган. Т. аркли, истеҳкомсиз манзилгоҳ. Бал. 6 м га етадиган арк харобалари сақланган. Дастлаб манзилгоҳ харобасининг майд. 500×600 м бўлган. Арк хом ғишт ва пахсадан қурилган яхлит иншоотдан иборат бўлиб, алоҳида хоналарга бўлинган ва қалин ташқи девор б-н ўралган. Қалъа марказий қисмидаги бинолар 5—8-а.ларга мансуб. Араблар истилоси даврида (8-а.) бинолар бузилган ва ёниб, вайронага айланган. 9—12-а.ларда тепа ҳудуди ва аркида ҳаёт тикланган. Аҳоли темирчилик, металл буюмлар тайёрлаш б-н шуғулланган. Т. Чоч пойтахти *Бинкат*нинг атрофида жойлашган савдо ҳунармандчилик қишлоқларидан бири бўлган. 13-а. бошида бутунлай харобага айланган.

ТЕШИКТОШ ОДАМИ — *Тешиктош ғоридан* топилган *неандерталлар* вакилининг суяк қолдиғи. А. П. *Окладников* ўрганган (1938—39). Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, Т.о. суяк қолдиқлари 8—9 ёшдаги боланиники бўлган. Бола дафн қилинган жой атрофида тог эчкисининг бир неча жуфт шохи ётган. Марҳумни қабрга турли буюмлар б-н кўмиш, дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўла бошлаганлигидан далолат беради. Т.о. калла суягининг ҳажми катта (1490 см³), унинг қопқоғи *питекантроп* ёки *синантроп*никига нисбатан баландроқ. Бироқ ҳоз. болалар-никидан пастроқдир. М. М. *Герасимов* калла суяги асосида Т.о.нинг юз тузилишини тиклаган (1949).

Тешиктош одами (неандерталь) М. М. Герасимов тиклаган.

1973 й. антрополог В. П. *Алексеев* Т.о.ни тўла ўрганиб, скелет қия болага тегишли бўлиб, у инсон эволюциясининг неандерталь фазасига мансуб эканлиги ва Европа ёки Олд Осиё гуруҳига киришини билдирган.

ТЕШИКТОШ ҒОРИ — *мустье маданиятига* мансуб *неандерталларининг* макони. Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Тургандарёнинг Зовталашгансой дарасида, денгиз сатҳидан 1500 м бал.да жойлашган. Ғорнинг шипи тешик, номи ҳам шундан, кириш қисми шим.-шарқ томонга қараган бўлиб бал. 7 м, эни 20 м, уз. 21 м. Унинг умумий майд. 300 кв м бўлиб, шундан 100 кв. м жойи неандерталлар яшаганлигидан гувоҳлик берувчи археологик материалларга эга. Т.г. яшаш учун қулайлиги туфайли ғорни вақт-вақти б-н сув босиб туришига қарамасдан неандерталь одамлар уни бутунлай тарк этмаганлар. Ғорни биринчи марта 1938—39 й.ларда А. П. *Окладников* ўрганган. Т.г. 5 та маданий қатламдан иборат бўлиб, бу манзилгоҳ бир неча маротаба тарк этилганидан далолат беради. Ғорнинг ҳар бир қатламида битталан ва баъзиларида иккитадан гулхан қолдиқлари сақланиб қолган. Гулханлар атрофида кўплаб тог эчкиси, буғу, сиртлон, айиқ, қуён ва ҳар хил қушларнинг суяк қолдиқлари, 3000 га яқин тош буюм, тош учиришдисидан тайёрланган учбурчак шаклдаги 24 та қурол, қирқувчи ва тарашловчи сифатида ишлатилган 65 та қиргич, пайконлар, тош пичоқлар топилган. Мустье маданиятига оид бу хилдаги қуролларнинг кўпчилиги қорамтир кремнийли оҳактош ишма, кварцит ва б. вулқоний тош жинслардан ясалган. Т.г. топилмаларининг энг қимматлиси 25 см чуқурликдан топилган *Тешиктош одами*дир.

ТЕҲРОН — *Эрон* пойтахти. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази. Эльбурс тоғининг жан. этагида, 1100—1300 м баландликда жойлашган. Иқлими субтропик континентал иқлим. Ўртача т-ра январда 2°, июлда 29—30°. Ўртача йиллик ёғин 240 мм. Теҳрон остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 6,7 млн. киши (1997). Транспорт йўлларининг муҳим тутуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти қийматининг 1/3 қисми Т.га тўғри келади. Машинасозликнинг турли соҳалари, хусусан, автомобилсозлик, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, радио- ва телеаппаратуралар, машина электр асбоблари и.ч., таъмирлаш-механика, металлсозлик, нефтни қайта ишлаш, цемент, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё саноати, ойна-шиша, чинни-фаянс корхоналари бор. Ҳунармандчилик (ёғоч ўймакорлиги, чилангарлик, металл ва заргарлик буюмлари тайёрлаш, гилам тўқиш ва б.) ривожланган.

Т. 12-а.да Рай ш. яқинидаги манзилгоҳ ўрнида барпо қилинган. 14-а.дан йирик савдо марказига айланди. 1722 й.да шаҳарни афғонлар вайрон қилган, бироқ тезда тикланган. 1786 й.да Қожарлар сулоласи ҳукмдори Муҳаммадшоҳ Т.ни пойтахт деб эълон қилган. 1870—72 й.ларда шаҳар анча кенгайди, янги қурилишлар амалга оширилди. Шаҳар 20-а. ўрталаридан тез сурьатларда ривожланди. 1943 й.да Т.да 3 иттифоқчи давлат — СССР, АҚШ, Буюк Британия ҳукумати бошлиқларининг конференцияси *(Теҳрон конференцияси)* бўлиб ўтган.

Т. инги ва эски шаҳар қисмларидан иборат. Шаҳар кўчалари кенг, замонавий бинолар, маъмурий идоралар, элчихоналар, меҳмонхоналар қурилган. Истироҳат боғлари, хиёбонлар барпо этилган. Меъморий ёдгорликлардан Шоҳ масжид, мадраса, саройлар сақланган. Гулистон саройида (18-а. охири — 19-а.) олтин, кумушга ўйиб ишланган ноёб буюмлар, гиламлар сақланади. Теҳрон ун-ти, Миллий ва технология ун-тлари, тиббиёт ин-ти, кутубхоналар, археология, этнография музейлари, картиналар галереяси, опера ва балет театри, санъат мактаби ва ҳ.к. бор.

ТЕҲРОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ (1943) — 2-жаҳон уруши давридаги 3 иттифоқчи давлат раҳбарларининг конференцияси. СССР (И.В. Сталин), АҚШ (Ф. Рузвельт) ва Буюк Британия (У. Черчилль) қатнашган. 28 нояб. — 1 дек.да Теҳрон (Эрон)да бўлган. Германияга қарши урушда биргаликда ҳаракат қилиш ва 3 давлатнинг урушдан кейинги ҳамкорлик алоқалари ҳақида Декларациялар ҳамда 1944 й. 1 майдан кечиктирмасдан Европада 2-фронт очиш, Польшанинг урушдан кейинги чегаралари ҳақида ва б. қарорлар қабул қилинган. СССР делегацияси иттифоқчилар истакларини инобатга олиб, Германия армияси тор-мор этилгандан сўнг, Японияга қарши уруш эълон қилишга ваъда берган.

Теҳрон шаҳри. Озодлик минораси.

ТЕҲРОН УНИВЕРСИТЕТИ — Эроннинг биринчи ва энг йирик олий ўқув юрти ҳамда и.т. маркази. 1934 й. ташкил этилган. Адабиёт ва гуманитар фанлар, к.х., стоматология, нафис санъат, ҳуқуқ, тиббиёт, фармацевтика, табиий фанлар, технология, геология, ветеринария тиббиёти, ўрмон хўжалиги, пед., иқтисодиёт ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Бир қанча и.т. институтлари, кутубхоналари (400 минга яқин асар) бор. 25 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

Теҳрон шаҳридаги замонавий бинолар.

ТЁРНЕР (Turner) Нат (1800.2.10, Саутхемптон, Виргиния штати — 1831.11.11, Иерусалим, ҳоз. Кортленд, Виргиния) — АҚШдаги қора танли қуллар кўзғолони раҳбари. Бутун умри қулликда ўтган. Ўқиш-ёзишни ўрганиб олиб, диний таргиб этувчи воиз бўлган. 1831 й. қуллар кўзғолонини ташкилотчиси ва раҳбари. Кўзғолон бостирилгач, яширинib юрган; 30 окт.да қамоққа олинган, кейинчалик осиб ўлдирилган.

ТИАУАНАКО (Tiahuanaco) — Шим. Боливиядаги индейслар шаҳар харобаси ва археологик маданияти (мил. ав. 1-минг йиллик охири — мил. 1-минг йиллик). Т. маданиятининг маркази Титикака кўлидан жан.-шарқда жойлашган; бу ердаги шаҳар харобаси (майд. 40 га)дан турар жой кварталлари, базальт ва кумтошдан ясалган бинолар, жумладан, бал. 15 м лик Акапана эҳроми, Каласасайя ибодатхона мажмуаси, маъбуд ва у томон чопиб келаётган афсонавий махлуқлар тасвири туширилган фриз (пирамон)ли «Қуёш Дарвозаси», «Саркофаглар Саройи» ва б. бинолар харобалари сақланган. Т.дан, шунингдек, тош ҳайкаллар, рангли сопол идишлар ва б. топилган. Т. маданиятини яратувчилар Перунинг марказий қисми қабилалари б-н қардош бўлганлар. Улар деҳқончилик, лама боқиш б-н шуғулланганлар. Т. маданияти Анд вилоятининг қад. санъатига катта таъсир кўрсатган. Мил. 1-минг йиллик охирида Т. барҳам топиб унинг ҳудудини ҳоз. аймара индейсларининг аждодлари эгаллаган.

«ТИБ ҚОНУНЛАРИ» (асл номи «Китоб ал-Қонун фи-т-тиб») — Абу Али *ибн Сино*нинг тиббиётга оид асари. «Т.қ.» ўз давридаги табобатнинг муфассал энциклопедияси бўлиб, унда инсон соғлиғи ва касалликларига оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. Олдинлари табобат, асосан, ҳунар ҳисобланар ва у б-н шуғулланувчилар назарий масалаларга унчалик аҳамият бермай уни амалда қўллаш б-н чекланар эдилар. Ибн Сино эса табобатни илм даражасига кўтарди ва юнон, рим, ҳинд, Яқин ва Ўрта Шарқ табибларининг тажриба ва фикрларига таяниб «Т.қ.»да унинг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини чуқур ишлаб чиқди.

Ибн Сино «Т.қ.»нинг 1-китобини Гўргонда, қолганларини эса Рай ва Ҳамадонда яшаган вақтида ёзган (1015— 1024).

Ибн Сино «Т.қ.»ни ёзишда юнон табибларидан *Гиппократ*, Диоскорид, *Гален*, Орибазий, Павел, Ҳиндистон табибларидан Чарака асарларининг араб тилига таржимасидан; Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидан етишиб чиққан Абу Журайж, Масиҳ ал-Димашқий, Ибн Мосаввайҳ, Собур ибн Саҳл, Саҳробухт, Абу Бакр ар-*Розий*, Абу Саҳл ал-Масиҳий каби олимларнинг тиббий асарларидан манба сифатида фойдаланган. «Т.қ.»нинг ҳар бир китоби, ўз навбатида, қисмларга (фан), бўлимларга (жумла), мақолаларга (мақола) ва параграфларга (фасл) бўлинган.

1-китобда табобатнинг назарий асослари ҳамда амалий табобатнинг умумий масалалари, табобат илмининг таърифи, унинг вазифалари, ҳилт ва *мизож* ҳақидаги таълимот баён қилинади. Кейин одам танасининг «оддий»

аъзолари — суяк, тоғай, асаб, артерия, вена, пай, боғлам ва мускуллар ҳақида қисқа анатомик очерк келтирилади. Касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, кўринишлари, турлари ҳамда уларни даволашнинг умумий усуллари келтирилади. Овқатланиш, ҳаёт тарзи ва ҳаётнинг ҳамма босқичларида соғлиқни сақлаш ҳақидаги таълимот ёритилади. Сурги қилиш, қайт қилдириш ва қон олиш масалаларига айрим боблар ажратилган.

2-*китоб*да ўша даврда ўсимлик, ҳайвон ва маъданлардан олинадиган 800 дан ортиқ дори-дармонлар таърифи, уларнинг даволи хусусиятлари ва қўлланиш усуллари баён қилинган. Муаллиф Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатларидан чиқадиган дори-дармонлардан ташқари Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Африка, Ўрта денгиз атрофи ва б. жойлардан келтириладиган кўплаб дори ва моддаларни ҳам кўрсатиб ўтади. Ибн Сино тавсия қилган кўпгина дорилар фармакопеяда ҳоз. ҳам қўлланади.

3-*китоб*да одам гавдасининг бошидан товонигача бўлган аъзоларида юз берадиган «хусусий» ёки «маҳаллий» касалликлар ҳақида маълумот берилади. Бошқача қилиб айтганда, бу китоб хусусий патология ва терапияга бағишланган. Унда бош мия (шу жумладан, асаб касалликлари ва руҳий касалликлар), кўз, қулоқ, бурун, оғиз бўшлиғи, тил, милк, лаб, томоқ, ўпка, юрак, кўкрак, қизилўнгач ва меъда касалликлари, сўнгра жигар, ўт пуфаги, талоқ, ичак, орқа чиқарув йўли, буйрак, қовуқ, эркак ва аёлларнинг жинсий аъзолари касалликлари ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

4-*китоб* киши аъзоларидан бирортасига хос бўлмаган «умумий» касалликларга бағишланган. Бундай касалликларга турли иситмалар (касаллик давридаги буҳронлар), шишлар (шу жумладан, рак), тошмалар, яра-чақалар, куйиш, суяк синиши ва чиқиши, асабларнинг жароҳатланиши, бош суяги, кўкрак қафаси, умуртқа ва қўлоёқларнинг шикастланиши киритилган. Шунингдек, мазкур асарда узоқ чўзиладиган ва ўта юқумли касалликлар: чечак, қизамиқ, моҳов, вабо ва қутуриш ҳақида сўз боради; заҳарлар ва заҳарланиш ҳақидаги таълимот (токсикология)нинг асосий масалалари ҳам баён қилинади. Китобнинг махсус бўлими инсон ҳуснн ва чиройини сақлашга ва пардоз-андоз воситаларига бағишланган. Жумладан, Ибн Сино сочни тўкилишдан сақлайдиган ҳамда ҳалдан ташқари семириб ёки озиб кетишнинг олдини оладиган воситаларни ҳам тавсия қилади.

5-*китоб* фармакопея бўлиб, унда мураккаб таркибли дори-дармонларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш усуллари ёритилган. Унинг биринчи қисмида турли тарёқлар (зидди-заҳарлар), маъжунлар, ҳаблори, қулча дори (таблетка), элаки дори, шарбатлар, қайнатмалар, шароб, марҳам ва ҳ.к. тавсифи берилса, иккинчи қисмда муайян аъзолар — бош, кўз, қулоқ, тиш, томоқ, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи аъзолари, бутимлар ва турли тери касалликларини даволаш учун ишлатиладиган ҳамда синалган дори-дармонлар келтирилади.

11-а.нинг бошларида ёзиб тугатилган «Т.қ.»нинг кўп сонли қўлёзма нусхалари тарқалиб, тиб илми бўйича энг мукаммал асарга айланади. У Шарқда нақадар машҳур эканлигини жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларнинг кўплигидан ҳам билса бўлади. Эрон олими Яҳё Маҳдавийнинг «Фиҳрист-и нусхаҳои мусаннафот-и Ибн Сино» номли китобининг ўзида «Т.қ.»нинг 130 нусхаси келтирилган. Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида ҳам «Т.қ.»нинг 3 қўлёзмаси сақланади. Шулардан энг қадимийси 1308 йда кўчирилган тўлиқ нусхадир.

Шарқда кўп олимлар, хусусан, Муҳаммад Илоқий Фахриддин Розий, Муҳаммад Наҳчивоний, Ибн ан-Нафис, Қутбиддин Шерозий, Маҳмуд Чағминий, Абдуллоҳ Оқсароний, Садидиддин Козаруний, Абдураҳмон Мисрий, Ҳаким Али Жилоний, Иесҳоққон ибн Исмоилхон, Ҳаким Шифоийхон ва б. «Т.қ.»га шарҳлар ёздилар, уни қисқартириб «Қонунча» номи б-н кичик қўлланмалар туздилар.

«Т.қ.»нинг арабча матни биринчи марта 1593 й. Римда, кейинчалик Қоҳира (1873, 1877, 1879), Теҳрон (1889), Лакнав (1906) ва Лоҳурда (1905) ҳам чоп этилди. «Қонун» кўп ўтмай Ғарб мамлакатларида ҳам шуҳрат топди. 1130 й. таржимонлар гуруҳи ташкил қилинади ва кремоналик Герард (1114—1187 й.) «Т.қ.»ни араб тилидан лотин тилига таржима қилишга киришади, бироқ бу ишни кейин 13-а.да яшаган Герард охирига етказади. Умуман «Т.қ.» лотин тилида 40 мартадан ортиқ тўла ҳолда нашр этилган. Айрим қисмларининг нашри эса сонсаноқсиздир.

19-а.га келиб Европада «Т.қ.»га бўлган қизиқиш орта бошлади ва унинг айрим қисмлари немис, француз, инглиз тилларига таржима қилинди. Асарни ҳоз. замон тилларига таржима қилишни Ўзбекистон шарқшунослари ўз зиммаларига олдилар. улар «Т.қ.»нинг 5 китобини арабчадан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, 1954—61 йлари Тошкентда шифокорлар б-и ҳамкорликда нашр эттилар.

«Т.қ.»ни арабчадан ўзбек тилига таржима қилишда шарқшунос олимлардан А. Расулев, С. Мирзаев, У. Каримов, А. Муродов, А. Қаюмов, А. Ўринбоев ва Қ. Мунировлар қатнашган.

Русча таржимасида М. А. Салье, У. Каримов, Ю. Н. Завадовский, П. Г. Булгаков, С. Мирзаев ва А. Расулевлар иштирок этганлар.

1980 й.да Ибн Сино таваллудининг шамсий ҳисобда 1000 йиллиги муносабати б-н «Т.қ.»нинг қайта ишланган ўзбек ва рус тилларидаги У. Каримов томонидан тайёрланган тўлиқ нашри 1979—1983 й.ларда чоп этилди. Шундан сўнг «Т.қ.» ўзбек ва рус тилларида мухтасар шаклда (3 жилдли ва 1 жилдли) яна 4 марта, рус тилида тўлиқ стереотип шаклда яна 2 марта (10-жилдли) нашр бўлди.

Бу таржималар асосида замонавий тиббиёт ва доришунослигнинг турли соҳаларига оид илмий мақола ва китоблар нашр этиш ҳозир ҳам давом этмоқда.

«Т.қ.» китоби кўп асрлар давомида тиббиётдан асосий дастур бўлиб келган, ҳозир ҳам бир қанча дорилфунунларда ўрганилади.

Сурайё Каримова.

ТИБАСТИ — Саҳрон Кабирнинг марказий қисмидаги тоғлик. Чад Республикасининг шим.да. Энг баланд жойи 3415 м (Эми-Кўси вулкани). Кристалли сланец, лава ва қумтошлардан тузилган. Т.да вақт-вақти б-н сув оқадиган чуқур дара кўп. Йилига 100 мм дан кам ёғин ёғади. Тог этаклари ва водийларида 1200 м баландликкача хурмо, дуб, пальма, акация, ундан баландда чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади.

ТИББИЁТ, медицина, табобат — кишилар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, умрни узайтириш, касалликларнинг олдини олиш, даволаш ҳақидаги билимлар ва шу соҳадаги амалий тадбирлар мажмуи.

Т. тиббий-биологик, клиник, тиббий-ижтимоий ва гигиеник фанларга бўлинади. Тиббий-биологик фанларга: одам гавдасининг тузилишини ўрганадиган *анатомия, гистология* ва *цитология*; организмнинг одатдаги ҳолатини, унда касалликнинг пайдо бўлиши, авж олиши, кечиши ва юз берадиган структур ҳамда функционал ўзгаришларни ўрганадиган нормал физиология ва биокимё; *патологик анатомия* ва *патологик физиология*; организмга дорилар таъсирини ўрганадиган умумий ва клиник *фармакология*, шунингдек, *микробиология, вирусология* ва *паразитология, тиббиёт генетикаси* ва б. киради. Одам касалликлари, уларни даволаш ва олдини олишни ўрганадиган клиник фанлар асосий даволаш усулига кўра, *терапия* ва *хирургия*га бўлинади. Тнинг ушбу қисмлари ҳам, ўз навбатида, маълум орган, системалар касалликларини атрофлича ўрганишга йўналиши бўйича турли соҳаларга бўлинади. Мас., терапияда *кардиология, ревматология, нефрология, гастроэнтерология, гематология, гериатрия, фтизиатрия, педиатрия, неврология, психиатрия, дерматология* ва *венерология, курортология, физиотерапия, рентгенология*, терапевтик *стоматология*; *хирургия*да, умумий хирургиядан ташқари, *акушерлик* ва *гинекология* хирургияси, *травматология* ва *ортопедия, анестезиология, реаниматология, нейрохирургия, онкология, урология, оториноларингология, офтальмология* хирургиялари ажратилади. Клиник фанларнинг ҳар бирида беморни текшириш ва касаллик белгилари *семиотикасини* аниқлаш усуллари бўлими бор.

Ташқи муҳитнинг организмга таъсири ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш тадбирларини ўрганадиган тиббий-ижтимоий ва гигиеник фанларга ижтимоий *гигиена* ҳамда соғлиқни сақлашни ташкил этиш, умумий гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, коммунал гигиена, овқатланиш гигиенаси, радиацион гигиена, меҳнат гигиенаси, эпидемиология ва тиббиёт географияси, шунингдек, тиббиёт этикаси ва деонтологияси киради.

Т.нинг бундай бўлиниши шартли, чунки ижтимоий жараёнлар барча тиббиёт фанларига, шунингдек, илмий-амалий соҳалар (ҳарбий тиббиёт, космик тиббиёт, спорт тиббиёти, суд тиббиёти ва б.)га бевосита тааллуқлидир. Тиббий-биологик фанлар учун характерли бўлган экспериментал усул эса клиник ва гигиеник Т. соҳасига ҳам кенг кириб боркда. Т. табиий фанлар *(биология, физика, кимё)* ва ижтимоий фанлар ҳамда техника б-н чамбарчас боғланган.

Тарихи. Замонавий Т.нинг келиб чиқиши, тараққиёт босқичи кўҳна тарихнинг турли даврларидаги дунёқарашларини ўз ичига олади. Маълумки, турли касалликлар, уларни даволаш ва олдини олиш ҳақидаги билимлар асосан қадимдан кишиларнинг тажриба ва кузатишларига боғлиқ бўлган.

Т.нинг халқ табобатидан мустақил фан даражасига кўтарилишида қад. Миср, Бобил тиббиёти, *Гиппократ* ва *Гален*нинг муҳим ўрни бор. Гиппократ касалликларни аниқлаш, беморнинг ҳаёти ва фаолиятига ташқи муҳитнинг таъсирини ўрганиш, хасталикнинг келиб чиқиш сабабларини топишни ва даволашда бемор организмининг ўзига хос хусусиятларини билиш каби масалалар б-н шуғулланган. Гален эса биринчи бўлиб организмдаги аъзоларнинг тузилиши ҳамда системаларнинг, асосан, ҳайвонлар (маймунлар) организмида тажриба қилиб ўрганган. Унинг анатомия ва физиологияга доир асарлари то 16-а.гача Т.нинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Ўрта Осиё ва умуман Шарқда табобат айниқса, ривож топди. Шу даврда юнон, санскрит ва бошқа қад. Шарқ тилларида ёзилган тиббиётга доир асарларнинг кўпчилиги, жумладан, *Аристотель*, Диоскорид ва Галеннинг доришуносликка оид асарлари сўрёний ва араб тилларига таржима қилинди. Галеннинг «Қиво ал-адвия ал муфрада» («Содда дориларнинг қувватлари») ва Бадиғурснинг «Ал-Абдал ал-адвия ал муфрада» («Содда дориларнинг ал муфрада») каби китоблари ўрнига ўтувчилар») каби китоблари илк бор машҳур табиб ва таржимон Ҳунайн ибн Исҳоқ ал-Ибодий (809—877) томонидан таржима қилинди. Шарқда Абу Ҳанифа ад-Динаворий (815 й. тутилган) «Китоб фи-н-набот» («Ўсимликлар ҳақида китоб»)ни яратиб, унда 482 хил ўсимликнинг доривор хусусиятларини баён этди. Абу Райҳон *Беруний*нинг «Китоб ас-сайдана фи-т-тиб» («Тиббиётда доришунослик») асари ўша давр Т.нинг энг катта ютуғи ҳисобланиб, Ўрта Осиёда доришунослик илми — сайданага асос бўлди. Абу Бакр ар-*Розий*нинг табобат соҳасидаги асарлари умуман жаҳон тиббиётининг ривожланиши, бойитишда тенг улкан аҳамият касб этди. Олимнинг тиббиёт энциклопедияси ҳисобланган 25 жилдли «Ал-Жомиъ ал-кабир ва қад урифа би-л-Ҳовий» («Ал-Ҳовий номи б-н танилган катта тўплам») асари шу даргача Ғарб ва Шарқ Т.ида қадрли бўлиб келди; 10 жилдли «Табобат китоби» ҳамда «Чечак ва қизамиқ ҳақида»ги китоби ҳам Т.да машҳур эди.

Ўрта асрда Абу Али *ибн Сино* Т.нинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг «ал Қонун фи-т-тиб» (қ. *«Тиб қонунлари»*) асари асрлар ошса жаҳон табобатида асосий қўлланма бўлиб келди. Бу асар Т.нинг асосий соҳалари: анатомия, физиология, патология, терапия, доришунослик, гигиена ва б.ни қамраб олган. Иситма, ўлат, чечак, қизамиқ каби юқумли касалликларни қандайдир кўзга кўринмас жониворлар қўзғатиши тўғрисида фикр юритган. У буйрак тошларини операция қилиб олиб ташлаш, трахеотомия қилиш, жароҳатларни даволаш усуллари ҳақида ёзади. Ибн Синонинг бизгача етиб келган энг муҳим асарларидан яна бири *«ал-Адвия ал-қалбия»* («Юрак дорилари»)дир. Унда олим юрак касаллигида қўлланадиган (ўзи топган) дорилар ҳақида ёзади.

Таниқли табиб Абу Мансур тибга оид «Мажмуъа-йи кабир дар адвият муфрада» («Содда дорилар ҳақида катта тўплам»), «Рисола дар иложи амроз-и садр» («Кўкрак касалликларининг даволаш ҳақида рисола»), «Китоб гуно ва гуно» («Мақсадларни мукаммал баён қилган китоб») каби асарлар ёзган. Бундарда ички касалликлар, тери касалликлари, ирсий-безгак касаллиги, уларга қарши дорилар ва даволаш усуллари баён этилган.

Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф *Ихоқий* ҳам касалликларнинг келиб чиқиши, сабаблари, белгилари, уларни аниқлаш ва даволашга оид кўп билимлар соҳиби бўлган.

Ўша даврнинг йирик табибларидан бири *Бадриддин Самарқандий* Муҳаммад ибн Баҳром Калонисий ҳар хил касалликларга қарши мураккаб дорилар тайёрлаб тажрибада синаб кўрган.

13-а.нинг машҳур табибларидан бири Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Али ибн Умар Нажибуддин Самарқандий «Агзият ал-марзо» («Касаллар истеъмол қиладиган овқатлар») номли китобида ҳар бир касалликда қандай таом истеъмол қилиниши ва қайси овқатлардан эҳтиёт бўлиш лозимлиги, шунингдек, овқатларнинг дорилик хусусиятлари ҳақида ёзган.

40 й.дан ортиқ табобат илми б-н шуғулланган Султон Али табиб Хуросоний (15—16-а.) ўз тажрибалари асосида 2 асар ёзган. Улардан бири «Дастур ал-илож» («Касалларни даволаш бўйича қўлланма»)дир. 15—16-а.ларда Ҳиндистонда яшаб ижод этган хиротлик табиб Юсуф ибн Муҳаммад ибн Юсуф Юсуфий ал-Ҳиравий тиббий асарлари ва амалий ишлари б-н Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистонда табобатнинг яна ҳам тараққий этишига ўз ҳиссасини қўшди.

Абдулғозихон ибн Араб Муҳаммадхон Хоразмий (1603—1664) муҳим тиббий асарлари, жумладан, эски ўзбек тилида ёзилган «Манофиъ ал-инсон» («Инсон учун фойдали дорилар») номли асари б-н машҳур.

18-а. нинг 2-ярми ва 19-а.нинг 1-ярмида Хоразмда яшаб ижод этган ўзбек табиби Жаъфархўжа ибн Насрулдинхўжа ал-Ҳусайний ал-Карукий Ҳазо-

распийнинг ўзбек тилида ёзилган «Мултақий ат-тиб» («Тиббий маълумотлар тўплами») асари (1823) 67 бобдан иборат бўлиб, унда асосан, киши аъзоларининг ҳар хил касалликлари ва уларни дорилар б-н даволаш усуллари баён қилинган.

Машҳур ўзбек табиби Маҳмуд Ҳаким Яйфоний Ҳўқандий (1851 й.да туғилган) умрининг кўп қисмини табобатни ўрганишга ва кишилар соғлиғини сақлашга сарфлади. У ўз давригача бўлган шарқ табобати қўлга киритган ютуқларни жамлаб ҳамда шахсий тиббий тажрибалари б-н бойитган ҳолда «Қонун ал-илож» («Даволаш қонуни») ва «Тариқ ал-илож» («Даволаш усули») китобларини ёзиб қолдирган. Уларнинг иккинчисида ўпка, юрак, сут бези, меъда, жигар, ичак, буйрак, қовуқ ва иситма касалликлари, шишлар, тошмалар, мўй ва тирноққа оид хасталиклар, жароҳат ва яралар; суякларнинг синиши, заҳарлар, заҳарли ҳайвонлар чаққанида даволаш ва баъзи русча номдаги дорилар келтирилган.

Боситхон Зоҳидхон ўғли ўз ижодида Беруний, Розий, Ибн Сино, Илоқий, Қумрий ва Самарқандийларнинг асарларидан кенг фойдаланган. Бизгача унинг ўзбек тилида ёзилган 3 асари етиб келган.

Ўрта Осиёда қадимдан доривор ўсимликлар ва овқатли моддаларнинг хусусиятлари, уларнинг киши организмига етказадиган фойда ва зарарлари ўрганилган. Натижада халқ қўлида аста-секин Т.га оид кўпгина маълумотлар йиғилиб борган. Улар эса кейинчалик тиббий асарлар яратишда муҳим манбалардан бири бўлган.

Европада Уйғониш даврида Т. янгидан равнақ топди. 16-а.да кўпгина фанлар, айниқса, Т., физика ва кимёнинг ривожланиши касалликларни даволаш, сабабини билишда бу фанларнинг қонунларидан фойдаланиш имконини берди. Хирургияда, айниқса, жароҳатларни даволашда янги усуллар жорий қилинди. Анатомиянинг асосчиси А. *Везалий* мурдани ёриб текшириш б-н одам организмининг тузилиши ва органлар фаолиятини илмий жиҳатдан аниқ асослаб берди. Инглиз врачи В. *Гарвей* қон айланиш системаси ҳақида асар яратиб, Т.да янги бўлим — физиологияга пойдевор қўйди. Физиканинг тараққиёти натижасида бу даврда микроскоп кашф этилди ва ундан Т.да фойдаланила бошланди. Голландиялик олим Антони Левенгук томонидан микроскопиянинг ривожлантирилиши микробиология соҳасининг шаклланишига сабаб бўлди.

17—18-а.ларда саноатнинг ривожланиши натижасида касб касалликлари ҳақидаги соҳа вужудга келди. Бундай касалликлар сабабини дастлаб россиялик олимлар ўрганиб, Т.га янги — касб касалликлари ҳамда меҳнат гигиенаси бўлимларини киритдилар. Кейинчалик табиий фанлар ва техника соҳасидаги тадқиқотлар доираси янада кенгайди. Табиий фанларнинг ютуқлари Т. тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди, беморни объектив текшириш усуллари (*пальпация, перкуссия* ва б.) ва лаб. диагностика асослари ишлаб чиқилди. Клиник текширув натижаларини, мурдани ёриб текширишда олинган маълумотлар б-н таққослаш усули (А.И. Полунин, Н. И. *Пирогов* ва немис олими Р. Вирхов ва б.) касаллик белгилари орган ва тўқима ҳамда ҳужайраларнинг тузилишидаги ўзгаришларга боғлиқ эканлигини исботлашга имкон берди, бу тадқиқотлар натижасида кейинчалик Т.нинг яна бир янги бўлими — патологик анатомия ва гистология соҳалари вужудга келди.

Энергиянинг сақланиш ва ўзгариш қонунлари кашф этилиши, органик моддаларнинг тузилиши, ўзгариш ва алмашинув йўлларини ўргана бориш биол. ва Т.нинг тараққиётида муҳим босқич бўлди, физиологик ҳодисаларни тушунтириб берган илмий йўналиш ўша қонунларга асосланди.

19-а.нинг 2-ярмида микробиология соҳасида бир қанча янгиликлар яратилди. Эпидемик касалликлардан *вабо*, *ўлат*нинг қўзғатувчилари ва касаллик эпидемиологияси ўрганилди, чечак микроби аниқланди ва унга қарши вакцина тайёрланди (*Э. Женнер*). Маҳоратли врачлар ёрдамида бутун дунёда чечакка қарши эмлаш расм бўлди. Юқумли касалликлар сабаби турли микроблар эканлигини Л. *Пастер* асослаб берди ва бу кашфиёт асосида кишиларни куйдирги, қутуриш каби юқумли касалликларга қарши эмлаб, уларнинг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш имконияти туғилди. Шу даврда Европада безгак, тошмали терлама (тошмали тиф), қайталама терлама ва б. юқумли касалликларни қўзғатувчи микроблар топилди. И.И. *Мечников иммунитет* ҳақидаги таълимотни яратди. Микробиологик кашфиётлар асосида гигиена фани шаклланди ва юксала борди. Ўша даврда Россия ва б. давлатларда ташқи муҳитнинг — ҳаво, сув ва тупроқнинг инсон организмига, шунингдек, ижтимоий омиллар — меҳнат, турмуш тарзи ва овқатланиш шароитларининг ишчилар соғлиғига таъсирини ўрганиш туфайли ижтимоий гигиена муаммоси илмий асослаб берилди.

19-а.нинг сўнгги чорагида шаклланган биокимё фани соғлом организмда ва патологик ҳолатларда моддалар алмашинувини ўрганиш, унинг ўзгаришини текшириш натижасида касалликларни аниқлаш б-н физиология ва патофизиологияни бойитди ва Т.га янги, юқори информатив ва бажарилиши осонроқ лаб. усулларини киритди. Орқа мия нервларидаги сезувчи ва ҳаракатлантирувчи толалар ўрганилди, бу эса организмда нерв системаси фаолиятининг аҳамиятини аниқлашга имкон берди, қон ва лимфа таркиби, безларнинг тузилиши ва функциялари ўрганилди. Рус олимлари С. П. *Боткин*, И.М. *Сеченов*, И.П. *Павлов* тадқиқотлари туфайли марказий нерв системаси ва бутун организмнинг фаолият қонунлари материалистик нуқтаи назардан таърифлаб берилди.

Умуман бу даврда экспериментал Т. тобора ривожланиб борди, француз олими К. Бернар ва рус патофизиологи В.В. Пашутиннинг бу борада олиб борган илмий ишлари умумий патология (кейинчалик А. А. *Богомолец* ва С.С. Халатов асослаган патологик физиология)нинг фан сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Анатомия ва *топографик анатомия*ларни чуқур ўрганиш хирургияда операцияларнинг муваффақиятини таъминлади.

20-а.да Т. да мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Немис олими В.К. *Рентген* икс-нурларни кашф этди ва Т.да рентгенологияга асос солди. Табиий радиоактивликнинг кашф этилиши, ядро физикаси соҳасидаги тадқиқотлар ионловчи нурларнинг тирик организмга таъсирини ўрганувчи *радиобиология* фанини юзага келтирди. Бу соҳадаги кейинги изланишлар даволаш ва диагностика мақсадида радиоактив изотоплардан, нишонланган атомлардан фойдаланиш имконини берди. Т. техникаси ҳам тез ривожланди. Т.га электроника ютуқларининг татбиқ этилиши натижасида организмдаги турли орган ва системалар фаолиятини аниқ белгилаб берадиган усуллар, сунъий юрак, сунъий буйрак ва ҳ.к. ихтиро қилинди. Электрон микроскоп эндиликда ҳужайрадаги энг мураккаб ва нозик ўзгаришларни, майда микробларни аниқлашда зарур қурол бўлиб қолди. Т. кибернетикаси ёрдамида замонавий, ихчам ва қулай протезлар яратилди, шунингдек, операция вақтида беморнинг нафас олиши ва артериал босимини меъёрида сақлаб турадиган турли автоматик системалар ишлаб чиқилди, техника тараққиёти, ўз навбатида, Т.га янги соҳалар (авиация тиббиёти, космик тиббиётини киритди. Ирсият ва организмнинг ўзгарувчанлик қонуниятини ўрганадиган *генетика* фани Т.нинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Ирсий касалликларни ўрганиш тиббиёт генетикасининг пайдо бўлишига олиб келди. Иммунологиянинг ривожланиши иммунологик ўзгаришлар оқибатида келиб чиқадиган касалликларни ўрганадиган иммунопатологияга асос бўлди. К. Ландштейнернинг изогемагглютинация қонуни (1900—01), Я. Янский томонидан одам қони таркиби жиҳатидан 4 гуруҳга бўлиниши кашф этилиши (1907) Т. амалиётида қон қуйишдан кенг фойдаланишга имкон берди. Бу даврда Т.га Пиркенинг сил касаллигини аниқлайдиган аллергик реакцияси (қ. *Пирке реакцияси*) ва *аллергия* термини киритилди. 1939—40 й.ларда микроорганизмларга қарши курашнинг кучли воситаларидан бўлган антибиотиклар ихтиро қилинди ва амалда қўлланила бошлади. *Витаминлар* ҳақидаги таълимот ҳам ривож топди. Ички секреция безларининг тузилиши ва функциясини ўрганиш туфайли эндокринология мустақил фанга айланди, у ривожланиб, гормонотерапия ва гормонал регуляция масалаларини ҳам ўрганишга киришилди. Кимётерапия, гормонотерапия ва марказий нерв системасига таъсир этадиган препаратларнинг қўлланилиши ва турли синтетик препаратларни олиш усулларининг кенгайиши клиник Т.ни тубдан ўзгартирди. Бу даврда янги тиббий жиҳозлар, жумладан, электрон аппаратлар ёрдамида юрак фаолиятини клиник ва экспериментал текширишлар амалиётда кенг қўлланиши натижасида кардиология соҳаси ички касалликлар клиникасидан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Миокард инфаркти, қон ивиши, атеросклероз ва б. клиникаси таърифлаб берилди. Эндиликда кардиология муаммоларини терапевтларгина эмас, балки хирурглар, физиологлар, биокимёгарлар ва б. ҳам ўрганмоқдалар. Қон системасини ўрганадиган фан — гематология ҳам ривожланди. Уруш ҳаракатлари чоғида ҳарбий дала хирургияси юзага келди. Травматизмнинг ўсиши туфайли травматология ва ортопедия шаклланди. В.П. *Филатов*нинг пластик хирургия соҳасидаги ишлари жаҳон Т.ида юксак баҳоланди, Америкалик олим Х.У. Кушинг, рус олимлари А.Л. Поленов, Н.Н. *Бурденко* ва б. нинг ишлари нейрохирургиянинг шаклланишига имкон берди. Сийдик-таносил аъзолари касалликларини хирургик усулда даволаш йўлга қўйилиши туфайли урология соҳаси қарор топди. Наркоз бериш усули такомиллаштирилди. Рус хирурги А. В. Вишневский новокаин эритмаси б-н маҳаллий огриқсизлантириш усулини ишлаб чиқди (1923—30). Замонавий наркоз бериш усули ва антибактериал терапия юрак ва ўпка хирургиясининг ривожланишига йўл очди, сунъий қон айланиш аппарати ва ҳ.к. кашф этилди. Кардиохирургия ҳам янги одимлар ташлади: тугма ва ревматик юрак пороклари хирургик йўл б-н даволана бошланди. Юрак трансплантологиясига асос солинди (Жан. Африка хирурги К. Барнард, 1967).

20-а. бошларида ўсмалар ҳақидаги фан — онкология шаклланди. Кейинги тадқиқотларда ўсмаларнинг, чунончи ракнинг вирусли ва канцероген шакл назариялари юзага келди. Микробиология тез суръатлар б-н ривожланди: силга қарши вакцина тайёрланди (1921, А. Кальмет ва Ш. Герен). Кейинги изланишлар натижасида полиомиелит, дифтерия ва б. инфекцион касалликларни бартараф қиладиган вакцина, зардоблар ихтиро қилинди; риккетсиоз, лептоспирозлар ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилди. Д. И. Ивановскийнинг фильтрланувчи вирусларни ихтиро қилиши (1892) ва Нидерландия ботаниги М. Бейеринкнинг кейинги тадқиқотлари вирусологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишига олиб келди.

Замонавий тиббиётнинг баъзи муаммолари. Илмий техника ривожи, ижтимоий-иқтисодий ўзгариш ва муваффақиятлар туфайли аҳоли соғлиғини сақлашда касалликлар таркибида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди, ўлим камайди, узоқ умр кўрувчилар сони ортди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда илгари дунёда кенг тарқалган ўта хавфли эпидемик касалликлар (вабо, ўлат, чечак ва б.) га барҳам берилди. Кишилар соғлиғига ва халқ хўжалигига катта зарар етказаётган *грипп*, вирусли *гепатит*, орттирилган иммун танқислиги ва б. вирусли касалликларга қарши кураш шу куннинг муҳим тиббий муаммоларидан бўлиб қолмоқда.

Юрак-томир касалликларидан юракнинг ишемик касаллиги (қ. *Инфаркт*), атеросклероз, *гипертония касаллиги* ва б.нинг олдини олиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Асаббузарлик, тамаки чекиш, жисмоний меҳнат б-н кам шуғулланиш, меъёридан кўп овқат ейиш, спиртли ичимликларга ружу қилиш, гиёҳвандлик каби иллатлар бундай касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Лекин бу касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашда замонавий Т. анчагина муваффақиятларга эришди.

Хавфли ўсмаларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш ва даволаш Т.нинг энг долзарб масаласидир. Кимёвий канцероген моддалар ва нурланишнинг таъсирини камайтириш, ўсмалар пайдо қиладиган вирусларни топиш ва организмнинг ҳимоя механизмларини ўрганиш муҳим масалалардандир. Бу борада Ўзбекистон *Онкология маркази* ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Замонавий Т.нинг долзарб масалаларидан яна бири асаб ва руҳий ўзгаришларни ўрганишдир, чунки бир қатор мамлакатларда бунга соғлиқни сақлашнинг биринчи масаласи деб қарашмоқда.

Ташқи муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштириш жуда муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга. Сув, ҳаво, тупроқнинг ифлосланиши ва биосферада экологик мувозанатнинг бузилиши кишилар соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ичимлик сув ва тупроқнинг саноат чиқиндилари б-н ифлосланишининг олдини олиш ўта долзарб масаладир. Ташқи муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш учун кураш халқаро аҳамиятга молик бўлиб қолди. Бу соҳада кейинги йилларда республикада шифокорлар, айниқса гигиенист олимлар ва махсус и.т. институтлари жамоалари кўпгина арзигулик ишлар қилишди. Ҳоз. замон Т.и олдида турган энг муҳим масалалардан яна бири врач б-н бемор ўртасидаги муносабатларнинг (қ. *Тиббиёт деонтологияси*) самарадорлигига эришишдир. Орган ва тўқималарни кўчириб ўтқазишдаги донорлик, тўқималар мос келмаслигини бартараф қилиш ва ушбу муаммога боғлиқ бир қанча масалалар, мас., ўзак ҳужайралардан даволаш мақсадида фойдаланиш Т.да муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланиши. Тошкентда Туркистон ун-ти таъсис этилиши ва унинг таркибида тиббиёт ф-тининг очилиши Ўзбекистонда Т.нинг ривожланишидаги муҳим санадир. Бу ф-т кейин (1931 й.) Тошкент тиббиёт ин-тига айлантирилди.

1918 йилда Тошкентда микробиология лаб. (кейинчалик Эпидемиология ва микробиология и.т. институти ҳамда вакцина ва қон зардоблари и.т. институтлари), 1919 йилда Н.А. Семашко номидаги физиотерапия ин-ти (ҳоз. *Тиббий тикланиш ва физиотерапия институти*), 1924 йилда Бухорода Тиббиёт паразитологияси ва безгак ин-ти (кейинчалик Самарқандга кўчирилган) ташкил этилди. Т. ходимларининг комплекс равишда олиб борган ишлари туфайли безгак ва ришта каби касалликлар тугатилди. Бунда олимларимиздан Л.М.

Исаев, А.А. *Асқаров*, Т.Х. *Нажмиддинов*, И.Қ. *Мусабоев*, Г.Н. *Терехов* ва б.нинг ҳиссаси катта бўлди.

Ўзбекистон Сил и.т. институтида беморларни меҳнат б-н даволаш усули ишлаб чиқилди (Ш.А. *Алимов*). Республика фтизиатрлари сил эпидемиологияси, клиникаси, даволаш ва олдини олиш масалаларини ёритиб беришди. А.Н. Крюков, И.А. Кассирский, З.И. *Умидова*, М.С. *Турсунхўжаева*, Х.И. Янбаева ва б.нинг иштироки ҳамда раҳбарлигида Ўзбекистон иқлимининг юрак-томир тизимига, организмдаги моддалар алмашинувига ва жигар хасталикларига таъсири ўрганилди. Иссиқ иқлимнинг организмнинг физиологик жараёнига таъсирини аниқлашда Н.В. *Данилов*, А.Ю.Юнусов, А.С.*Содиқов*, А.Ҳ. *Ҳошимов*, З.Р. Юнусовлар катта и.т. ишлари олиб бордилар. Гастроэнтерология масалалари республика иқлимига ва маҳаллий аҳолининг турмуш хусусиятлари ва иммун ҳолатига боғлаб ўрганилди, бу соҳада республикамиз олимлари А.А. Асқаров, Э.И. Отахонов, Н.И. Исмоилов, Э.Й. Қосимов ва б.нинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этди. К.А. *Зуфаров* раҳбарлигида меъда-ичак йўлини электрон микроскопда ўрганиш ишлари олиб борилди ва бу соҳа бўйича ноёб атлас яратилди.

Буқоқнинг эпидемиологияси, клиникаси, давоси ва олдини олиш ҳамда биокимёси соҳасида катта тадқиқотлар олиб борилди (С.А. Масумов, Ё.Ҳ. *Тўрақулов* ва б.). Кейинги вақтда назарий ва экспериментал Т.нинг асосий фанларидан бири — патологик физиология соҳасида, чунончи унинг овқат ҳазм қилиш органлари, моддалар алмашинуви патологияси ва аллергология бўлимлари бўйича илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган бир қатор тадқиқотлар олиб борилди (Н.Ҳ. *Абдуллаев*, Ҳ.Ё. *Каримов*, М.М. *Ҳақбердиев*).

Иссиқ иқлим шароитида болаларда ҳазм аъзолари касалликларининг турли жиҳатлари ўрганилди. Педиатрияда гемотерапия, юрак гликозидларини татбиқ этиш ва болалар овқатланиши соҳасида тадқиқот ишлари олиб борилди (С.Ш. Шамшиев, С.Н. Йўлдошева ва б.).

Ўзбекистонда хирургия мактабининг ривожланишига С.А. Масумов, Ҳ.F. Гофуров, В.В. *Воҳидов*, Ў.О. *Орипов*, С.М. Аъзамхўжаев, М.А. *Ашрапова*, Р.М. *Нурмуҳамедов*, Ш.И. *Каримов* ва б. катта ҳисса қўшишди. Умумий хирургия б-н бир қаторда унинг тармоқлари: нейрохирургия, ортопедия ва травматология (Н.М. Шоматов, О.Ш. Шокиров, М.Ҳ. Қориев, Ш.Ш. Ҳамраев ва б.), урология (О.М. Мухторов ва б.), болалар хирургияси (К.Х. Тоҳиров, А.С. Сулаймонов); болалар юқумли касалликлари (Ш.Ҳ. Хўжаев, О.С. *Маҳмудов*, Т.О. *Ламинов*) бўйича ҳам ўтказилган илмий изланишлар яхши самаралар берди. Республикада оториноларингология фани Қ.Ж. *Миразизов* ва б. томонидан анча тараққий эттирилди. Кўз касалликларини аниқлаш ва даволаш масалалари (М.К. Комилов), нафас органларининг профилактикаси, ташҳиси ва даво усулларига тааллуқли янгиликлар қўлга киритилди (А. М. *Убайдуллаев*, Н. Ҳ. Шомирзаев). Гематология ва қон қуйиш соҳаларида камқонликларни барвақт аниқлаш, самарали даволашда, компонент гемотерапияни жорий этиш бўйича ҳам муҳим и.т. ишлари ўтказилди (Х.А. Ҳакимов, С.М. Баҳромов ва б.). Нафас, ҳазм ва юрак-томир системаси касалликларини рентгенологик метод б-н аниқлаш масалалари ёритиб берилди (Ж.М. *Абдурасулов*, Ж.Н. *Маҳсумов*, А. Р. Мансуров, Ш. Мирганиев). Нерв системасининг инфекцион ва томир касалликларига оид тадқиқотлар ўтказилди (А.Р. *Раҳимжонов*, Х.Қ. *Салоҳиддинов*, Н.М. *Мажидов*). Психиатрлар пеллагра ва қутуриш касалликларида психиканинг бузилишини, шунингдек, психозларни даволаш масалаларини ўрганишди (Х. *Олимов*). Ревматизм ва полагра касалликларининг қай тарзда кечиши, буларнинг олдини олиш, даволаш (Р.А. Қорабоева, Т.С. Солиев) жорий этилди. Дермато-венерологларнинг самарали ишлари юмшоқ шанкрни тугатиш, захм, дерматомикозлар б-н касалланишни камайтиришга имкон берди (А.А. Аковбян, У. М. Мираҳмедов, Р.А. Капкаев). Курортологлар маҳаллий курорт ресурсларини ўрганишди.

Республикамизда фармакология фанининг тезлик б-н ривожланиши натижасида 40 дан зиёд янги дорилар яратилди ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этилди (И.К. Комилов, Ў.Б. Зокиров ва б .). Т.нинг асосий тармоқларидан бири — ташқи муҳитни ўрганиш, аҳоли яшайдиган жойларни соғломлаштириш, санитария-гигиена шароитини яхшилаш, шахсий ва овқатланиш гигиенаси соҳасида ҳам кўп ишлар қилинди (А.З. Зоҳидов, F.М.Маҳкамов, Б.Х. Маъзумов, Т.И. Искандаров).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида кўплаб илмий тадқиқот ин-тлари, тиббиёт олий ўқув юртлари, жумладан, *Тошкент фармацевтика институти* ва *Тошкент врачлар малакасини ошириш институти* бор, уларда 3000 га яқин илмий ходим, шу жумладан, 2000 фан номзоди ва 250 дан зиёд фан доктори ишлаб турибди (2004).

Санджалол Баҳромов, Эркин Қосимов, Нажмулла Шомирзаев.

ТИББИЁТ ГЕНЕТИКАСИ — одам генетикасининг бир бўлими. Ирсий касалликлар, уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганади. Т.г. ирсий касалликларни ўрганишда одам генетикасининг ҳамма усуллари (генеологик, биокимёвий, иммунологик усуллар ва эгизаклар усули)дан фойдаланади. 20-а.нинг 60-й.ларида ишто-генетик тадқиқот усуллари ва биокимёвий тестлар катта аҳамият касб этди. Ирсий касалликлар жинсий ҳужайраларнинг хромосомаларидаги ўзгаришларга боғлиқ эканлиги аниқланди. Мас., хромосомалар сони ёки структурасининг ўзгариши бир қанча касалликлар (Даун касаллиги ва б.)га сабаб бўлади.

Ирсий касалликларнинг юзага чиқиш-чиқмаслиги кўпинча муҳит омилларига боғлиқ. Шунинг учун Т.г.нинг вазифаси ирсий касалликларга мойиллик туғдиралиган муҳит шароитларини аниқлаб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ҳам ўз ичига олади. Т.г.нинг ривожланишида эришилган ютуқлар туфайли бир қанча ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш мумкин бўлиб қолди. Т.г. нуқтаи назаридан консультация ўтказиб, мазкур касаллик б-н оғриган ёки наслида шундай бемор бор кишилардан касал фарзанд туғилиш хавфи борйўқлигини олдиндан айтиб бериш — ирсий касалликларнинг олдини олишда энг муҳими ҳисобланади (қ. *Тиббиёт-генетика консультацияси*).

ТИББИЁТ ДЕОНТОЛОГИЯСИ — тиббиёт ходимларининг касбга алоқадор этикаси, дори-дармон, умуман давонинг таъсирини оширишга қаратилган хулқ-атвор таомиллари. Деонтология, яъни кишининг хулқи, одоби ҳақидаги тушунча 16-а.нинг бошларида инглиз файласуфи ва иқтисодчиси И. Бентам томонидан таомилга киритилган. Т.д.га оид маълумотлар узоқ тарихга эга. Аслида, Т.д. кенг фалсафий мазмунга эга бўлиб, бир қанча йўналишлардан иборат:

— шифокор б-н бемор ўртасидаги;

— шифокор б-н беморнинг яқин кишилари ўртасидаги муносабат;

— шифокорнинг ҳамкасблари б-н муносабати ва ҳ.к.

Т.д.га врачнинг сир сақлаши, беморнинг ҳаёти ва соғлиги учун тиббиёт ходимининг жавобгарлиги, тиббиёт ходимларининг ўзаро муносабати масалалари ва б. киради. Т.д.га мувофиқ, тиббиёт ходими беморга катта эътибор бериши, унинг соғлигини тиклаш ёки азобини енгиллатиш учун бутун билимини сарфлаши, беморга унинг

соғлиги ҳақидаги фақат фойда келтира оладиган маълумотларни айтиши (қ. *Психотерапия*), беморнинг врач б-н сирдош бўлишига эришуви зарур. Беморнинг касаллиги ҳақида унинг иштирокида ҳамкасблари б-н сўзлашиши ярамайди.

Т.д.нинг тиббиёт амалиётида тўғри жорий қилиниши, шифокорнинг онги, савияси, маданияти, дунёқараши, билим ва қайси жамиятда яшаётганлиги б-н чамбарчас боғлиқ. Кишилик жамиятининг турли даврларида деонтологик муносабатлар турлича кечган, у замон талабига мос равишда ўзгариб борган.

Т.д. тиббиёт ходимларидан юксак инсоний фазилатлар, софдиллик, зийраклик, одамийлик ва б.га эга бўлишни тақозо этади. Т.д. халқаро кодексини Халқаро врачлар жамияти тасдиқлаган (1949, Женева). Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ин-тини битирувчилар «Ўзбекистон шифокори»нинг қасамёдини қабул қиладилар (1996 й.дан).

Ад.: Қосимов Э. Й., Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор б-н мулоқот санъати, Т., 2002.

ТИББИЁТ ИЛМИЙ КУТУБХОНАСИ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт илмий кутубхонаси — Ўзбекистондаги йирик илмий кутубхоналардан бири. Тошкент ш.да 1935 й. ташкил этилган. Ҳоз. Ўзбекистон биотиббий адабиётларнинг энг кўп китоб сақлагичи сифатида фаолият кўрсатади. Фондида қарийб 1 млн.га яқин асар бор, булар китоблар, вақт-вақти б-н чиқадиган тиббиётга оид нашрлар, авторефератлар, шунингдек, 160 минг нусхадаги чет эл адабиётларидир. Бундан ташқари, Абу Али *ибн Синонинг «Тиб қонунлари»*, *Гиппократ* асарлари, 17—19-а.ларда чоп этилган ноёб китоблар ва тиббиёт фани ҳамда соғлиқни сақлаш асосчилари, шу б-н бирга Ўзбекистон тиббиёт олимларининг асарлари мавжуд. 25 мингга яқин китобхонга хизмат қилади, 900 мингдан зиёд китоб тарқатади. Кутубхона соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва унинг соҳаларига оид биографик кўрсаткичлар нашр этади. Ўзбекистондаги барча тиббиёт кутубхоналарига амалий ва услубий ёрдам беради. Китобхонларга хизмат уй абоненти, ўқув зали, ностанционар шакллар ва б. усулларда амалга оширилади. Кутубхона сўров-қидирув аппарати алифболи, систематик ва фанлар каталоглари, умумий ҳажми 7 млн.дан ортиқ рўйхатга олиш ва мавзуий картотекаларга эга. 1996 й.дан Т.и.к. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ҳужжатлар маркази вазифасини бажармоқда, шунингдек, материалларни кенг тарғиб қилишни амалга оширмоқда. 2002 й.дан Т.и.к.да Ўзбекистондаги китобхонларни ўз соҳасига кўра интернет орқали ахборотлар б-н таъминлай оладиган катта йиғма электрон каталоглар бор. Т.и.к. тиббий кутубхоналар Европа ассоциациясининг бюроси б-н ҳамкорлик олиб боради.

ТИББИЁТ ПАРАЗИТОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Исаев номидаги Ўзбекистон тиббиёт паразитологияси илмий тадқиқот институти — паразитар касалликлар (ришта, безгак, спирохетоз ва б.)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш ва даволаш масалаларини ўрганадиган илмий муассаса. Бухоро тропик ин-ти номи б-н 1923 й.да ташкил қилинган. 1925 й.да Ўзбекистон тропик тиббиёт ин-ти деган ном берилди ва 1931 й.да Самарқанд ш.га кўчирилди. 1940 й.дан Ўзбекистон безгак ва тиббиёт паразитологияси ин-ти, 1958—69 й.ларда Ўзбекистон экспериментал тиббиёт паразитологияси ва гельминтологияси и.т. институти номи б-н юритилади. Ин-тга 1924—64 й.ларда проф. Л. М. *Исаев* раҳбарлик қилган.

Илгари кенг тарқалган ришта, безгак, спирохетоз каби касалликлар, кейинчалик ички органлар ва шаҳар типидаги тери лейшманиози ин-т ходимларининг самарали меҳнати туфайли батамом тугатилди. Ин-т олимлари гельминтозлар, лейшманиозлар ва б. касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш ва йўқотиш устида тадқиқот олиб бормоқдалар.

ТИББИЁТ-ГЕНЕТИКА КОНСУЛЬТАЦИЯСИ — тиббий ёрдамнинг бир тури. *Тиббиёт генетикаси* ва *одам генетикаси* ютуқларига асосланган ҳолда замонавий соғлиқни сақлаш ишида профилактик йўналишда ривожланмоқда. Т.-г.к. ирсий касалликлари бор беморларни ҳисобга олади, уларнинг оила аъзолари ва ўзлари устидан диспансер кузатуви олиб боради, шунингдек, аҳолига генетик маслаҳатлар беради, яъни беморнинг ота-онаси, қариндошларига ёки унинг ўзига оилада мазкур касаллик қайталаниши мумкинлигини тушунтиради. Т.-г.к. ирсий касаллиги бир ёки иккита аллел ген мутациясидан келиб чиққан беморларга; ирсий касаллиги хромосомалар сони ва тузилишининг ўзгариши б-н боғланган беморларга (Даун касаллиги ва б.); ирсий касаллиги ташқи муҳитнинг ноқулай омиллари таъсирида пайдо бўлган беморларга; қариндошларида ирсий касаллик борлиги туфайли ўзларида ҳам шундай касаллик рўй бериши мумкин деб хавфсирайдиган соғлом кишиларга; бир-бири б-н турмуш қурган амакивачча, тогавачча, холавачча, аммаваччаларга, биринчи боласи нуқсон б-н туғилганлиги сабабли бошқа бола кўришдан қўрқадиган ота-оналарга маслаҳат ва ёрдам беради.

Шундай қилиб, ирсий касалликларнинг олдини олишда Т.-г.к.нинг вазифаси ота-оналарни келгуси авлодида шундай касаллик пайдо бўлиш хавфи борлигидан огоҳ қилиб қўйиш, яқин ва узоқ қариндош б-н, шунингдек, яширин ҳолатда мутант ген ташувчи кишилар б-н турмуш қурмасликни тавсия этишдан иборат.

Т.-г.к. фаолияти диспансер кузатуви принципига асосланган, фақат текшириш мақсадида ёки касаллиги хуруж қилганда беморлар махсус стационарга ётқизилади.

Т.-г.к. талабалар, клиник ординаторлар, аспирантлар, шунингдек, малакасини оширaётган врач ва ўқитувчиларга тиббиёт генетикасидан илм берадиган ўқув базаси ҳамдир.

ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот институти — ЎзР даги илмий ташкилий-методик ва консультатив марказ. 1919 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. Дастлаб курортология ва физиотерапия ин-ти деб номланган. Ин-т курорт манбалари ва янги физик омиллардан даво ва профилактика мақсадида фойдаланиш, уларни ўрганиш ҳамда шу соҳада илмий, амалий мутахассислар тайёрлашда етакчи илмий муассаса ҳисобланади. 1925 й.дан ўлкага хос касалликларни физик усуллар б-н даволаш устида иш олиб бориб, Ўрта Осиё ҳудудида курорт иқлимли жойлар, минерал сувлар, шифобахш балчиқ ва б. ни ўргана бошлади. 1932 й. курортология бўлими очилди, шундан буён 100 дан ортиқ минерал сув ва шифобахш балчиқ манбаи ва иқлими курортбоп жойлар ўрганилган ва курорт-санаторий (Чортоқ, Тошкент минерал суви, Чимён, Полвонтош ва ҳ.к.) ҳамда дам олиш уйлари (Шоҳимардон, Оқтош, Чимён, Ситораи Моҳи Хоса, Шаханд, Мироқи, Вандоб) ташкил этилган. Ин-тда беморлар соғлигини тиклашга қаратилган усуллар амалиётга тадбиқ этилмоқда. Ин-тда 8 илмий

бўлим, лаб., виварий, кутубхона ва музей мавжуд: илмий ходимлар орасида 6 фан д-ри ва 17 фан номзоди бор (2004). 160 ўринга мўлжалланган бўлимлар (кардиология, артрология, неврология, гастроэнтерология, гинекология, умумий терапия, физиотерапия, ва б.) да катталар ва болалар ўз соғлиғини тиклайдилар. Ин-тда гипертония ва юракнинг ишемик касалликлари ҳамда репродуктив ёшдаги аёл ва эркаклар соғлиғини тиклаш марказлари ишлаб турибди. Ин-т ходимларидан 12 фан д-ри ва 89 фан номзоди етишиб чиқди, 46 илмий ишлар тўплами, 50 монография, 142 методик қўлланмалар нашр этилди. 1990 й.да Термиз ш.да ин-т филиали очилди. Ин-т фаолияти Е. К. Мўминов, З.А. Долимов, Р. А. *Каценович*, Н. *Мажидов*, К. Й. *Йўлдошев* ва б. олимларнинг номлари б-н боғлиқ.

ТИБЕРИЙ (Tiberius)(мил. ав. 42 — мил. 37) — Рим императори (14 й.дан). Юлийлар — Клавдийлар сулоласидан. *Август*нинг ўгай ўғли. Преторианларга таяниб автократик сиёсат юргизган. Провинциялардаги солиқ тизимини тартибга солишга ҳаракат қилиб, ўз мансабини суиистеъмол қилган ноиблар ва олиб-сотарларни таъқиб остига олган, жамоат бинолари қурилиши ва турли томошаларга сарфланадиган маблағларни, шунингдек, плебейларга тарқатиладиган пул ва ғаллани қисқартирган. Империянинг молиявий аҳволини яхшиланишига эришган.

ТИБЕТ МУХТОР РАЙОНИ, Тибет (хитойча Сицзан) — Хитойнинг жан.-ғарбий қисмидаги маъмурий бирлик, Тибет тоғлиғида. Майд. 1,2 млн. км². Аҳолиси 2,52 млн. киши (1998). Маъмурий маркази — *Лхаса* ш.

Аҳолисининг аксари қисмини тибетлар, шунингдек, уларга яқин цян, ну, дулун, абор, лишми, дафла халқлари ташкил этади. Тибет-бирма гуруҳлари тилида сўзлашади; буддизм-ламаизм динига эътиқод қилади. Асосан, қишлоқларда яшайди, шаҳар кам.

Хўжалиги. Иқтисодиётининг етакчи тармоғи — қ.х. Унинг ялпи маҳсулотининг 60% дан ортиғини деҳқончилик беради. Дарё водийлари ва тоғларнинг ён бағирларида арпа, сули, нўхат, гречиха, жан.-шарқида бугдой ва шоли етиштирилади. Сабзавот экинлари экилади, мевачилик б-н шуғулланилади. Яйлов чорвачилиги ривожланган, қўй, эчки, йилқи, эшак, деҳқончилик р-нларида қорамол, чўчқа боқилади. Чорвачиликнинг асосий маҳсулоти — қўй жуни ва кўн-тери.

Т.м.р. ҳудудида тошкўмир, туз, олтин конлари топилган. ГЭС кўп. Ишлаб берувчи майда корхоналар бор. Лхасада энергетика жиҳозлари ва чўян қуйиш, кўн-тери ва гилам, Чамдода кўнчилик, Шиғацзе ва Жангдзе ш.ларида гилам тўқиш корхоналари ишлаб турибди. Шунингдек, тахта тилиш, гишт з-длари, фармацевтика, тўқимачилик саноатлари мавжуд.

Тарихи. Тибет халқи мил.ав. 6—5-а.ларда Кукунор р-нидан Тибет ҳудудига кўчиб ўтган цянларнинг автохтонлар б-н қўшилиб кетишидан келиб чиққан. Мил. 7-а.дан цянларнинг бир қисми деҳқончилик б-н шуғулланган. Ўша даврда Тибетнинг жан.-шарқий қисмидаги Ярлунга ҳукмдори Намри барча қабилаларни бирлаштирган. Унинг ўғли Сронцзангамбо (649 й.да вафот этган) Тибет давлатига асос солган. 7-а.нинг 1-ярмида Тибетда ёзма манбалар яратилган. Тисонгдэцэн ҳукмронлиги даврида (755—791) Тибет айниқса равнақ топган. 7—9-а.ларда Тибетда заминдорлик муносабатлари юзага келган. 787 й.дан буддизм давлат динига айланган. Лангдарма ҳукмронлик қилган даврда (836—842) буддистлар таъқиб остига олина бошланди, унинг ўлимидан сўнг Тибет бир нечта мустақил ҳокимликларга парчаланиб кетди. 11—12-а.ларда бир қанча будда секталари юзага келди, монастирлар қурилди, уларнинг йириклари атрофидаги ҳудудлар б-н ўзларини мустақил теократик давлат деб ҳисобладилар. 13—14-а.ларда Тибет мўғуллар сулоласи Юаньга тобе бўлган.

Тибетнинг шимолий ландшафти.

Тибет-Сичуань катта йўли.

14-а. охири —15-а. бошида роҳиб Цзонкаба (1357—1419) янги будда сектаси — Гэлуг-бани тузди. Ушбу секта роҳиблари сариқ кийим кийганлиги сабабли, уни «Сариқ дин» деб ҳам аташади. 16-а.дан унинг бошлиги *далай-лама* унвони б-н Тибетни бошқарган. 1720 й. манжурлар Лхасани босиб олди. 1792 й.да эса Цин империяси уни ўз таркибига қўшиб олди.

Синьхай инқилоби (1911—13) даврида Цин сулоласи тугатилиб, манжурлар Тибетдан қувиб чиқарилди. 13-далай-лама Пекин б-н буткул алоқани узганлигини эълон қилди. 1930-й.лар ўрталаригача Тибет-Хитой чегарасидаги кескинлик давом этди. Ўша вақтдан гоминданчилар б-н Тибет ўртасидаги муносабат бир қадар меъёрлашди. Бироқ Тибет инглизлар таъсирида эди. Халқ инқилоби ғалабаси арафасида Тибет маъмурлари гоминданчилар ҳукумати б-н барча алоқани узди, 1949 й. 4 нояб.да ҳукумат, монастир вакилларидан тузилган Буюк мажлисда Тибетни расмий равишда мус-

Тибет. 10-а.да қурилган қаср.



тақил деб эълон қилди. ХХР ҳукумати 1950 й. 20 янв.да Тибет масаласи бўйича баёнот эълон қилди, унга кўра Лхаса музокаралар учун ўз вакилларини Пекинга жўнатиши кўзда тутилган. 1950 й. окт.да Хитой қўшинлари Тибетнинг марказий р-нларига қараб юриш бошлади. Тибет ҳукумати Хитой таклифини қабул этиб, 1951 й. 23 майда Хитой халқ ҳукумати б-н «Тибетни тинч йўл б-н озод этиш масалалари тўғрисида шартнома» имзоланди. Шартномага кўра, Тибетга Хитой таркибидаги миллий мухторият ҳуқуқи берилиши кўзда тутилди. 1950-й.ларнинг 2-ярмида вазият кескинлашди. Лхасада 1959 й. мартда исён кўтарилди. 14-далай-лама Ҳиндистонга ўтиб кетди. 1965 й. Т.м.р. тузилди.

Адабиёти. Тибетликларнинг қад. оғзаки ижоди миф, эпос («Гэсэриада»), афсона, қўшиқ, эртак, афоризмлар кўринишида ифодаланган. Буддизмнинг тарқалиши б-н будда мифлари юзага келди. Ёзма адабиётнинг илк ривожланиши Тибет заминдорлари давлатининг қарор топиши, юксалиши ва инқирозига тўғри келди. Тибет адабиёти қад. туркийлар, айниқса, уйғурлар адабиётига яқин бўлган, унга ўз таъсирини ўтказган. Ўша даврда «Рамаяна»нинг тибетча нақли яратилди. 11—14-а.ларда адабиётнинг анъанавий таркиби: таржима асарлари, тибетлик муаллифларнинг оригинал қўлёзмалари, тарихий асарлари ва ҳ.к.ни яратиш авж олди. Кейинроқ (15—19-а.лар) адабиёт Гэлуг-Ба будда сектасининг сиёсий қарашлари ва диний эътиқодларини системалаштириш ва тарғибот қилишга хизмат қилди. Инсон туйғулари асарларда деярли ёритилмаган. Уларнинг асосий вазифаси — диндорлар интизоми намунаси меъёрларини яратишдан иборат эди. 18-а. бошларида 6-далай-лама Цанжан-жамцо даврида дунёвий лирик шеърият юзага келди. Бироқ бу анъана узоқ давом этмади. Кейинги йиллар адабиётида грамматик, астрологик, астрономик ва тиббиёт соҳаларига оид асарлар яратилди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Тибетнинг муҳим санъат ёдгорликлари заминдорлик муносабатлари авж олган даврларда яратилди. Ўрта аср Тибет меъморлиги мамлакатнинг ёввойи ва чўл табиати б-н мутаносиб равишда ўзининг кескинлиги ва маҳобатлилиги б-н ажралиб туради. Тоғ чўққиларига қалъа-қасрлар қурилган. Тоғ этаклари ва чўққиларида жойлашган монастирлар бир неча қатор деворлар б-н ўралган бўлиб, бош ибодатхона шимолга қараган, атрофида майдонлар, ён бағирларда амфитеатр кўринишида монахлар уй-жойлари бўлган. Лхасадаги Потала сарой-қалъаси ўрта асрнинг ўзига хос меъморий обидаси ҳисобланади.

Тибетнинг ўрта аср тасвирий санъати буддизмга бўйсунган, асосан, монастирларда ривожланган бўлиб, девор ёзувлари ва «тан-ка» иконалари сифатида яратилган. Скульптуралар ёғоч, гил, металлдан ясалган. 20-а.га қадар Тибетда манзарали безак санъатининг каштачилик, жездан ибодат ва маиший буюмлар, мусиқа асбоблари тайёрлаш, гиламлар тўқишнинг анъанавий турлари сақланиб қолган.

ТИБЕТ ТИББИЁТИ — даволаш тизими: қад. ҳинд ва хитой тиббиётига асосланган. 5—6-а.ларда Тибет ҳудудида тарқалган. Т.т. да беморлар, асосан, ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан (1000 дан зиёд) тайёрланган дорилар б-н даволанилган, шунингдек, парҳез буюрилган. Замонавий тиббиёт фанида Т.т. га турлича қаралади.

ТИБЕТ ТИЛИ — *хитой-тибет тиллари* оиласидаги тибет-бирма тармоғига мансуб тиллардан. Лама ибодатхонаси (дини)нинг тили ҳисобланган ёзма адабий Т. т. асосан Хитойнинг Цинхай ва Ички Монголия ҳудудларида, Монголия Республикасида, қисман РФнинг Бурятия ва Тува республикаларида тарқалган. Унда сўзлашувчилар 5 млн. кишига яқин. Ёзма Т. т. ва лхаса лаҳжаси бутун Тибет ҳудудида қабилалараро алоқа ҳамда иш юритиш тиллари ҳисобланади. Ўрта асрдаги Т. т. б-н ҳозирги Т. т. ўртасида сўз ясалиши ва морфология соҳасида бирмунча фарқлар бор. Адабий тилнинг пайдо бўлиши ёзувнинг пайдо бўлиши (энг қад. ёзма ёдгорлик 7-а.га мансуб) ва Тибетга буддавийликнинг кириб келиши б-н боғлиқ. Адабий тил санскритдан муқаддас диний китобларни таржима қилиш жараёнида (8-а.) шаклланиб, кейинроқ бой тарихий, диний, бадиий адабиёт яратилиши б-н ривожланиб борган. Т. т. фонетик жиҳатдан ўзаро фарқланувчи бир неча лаҳжага эга. Товуш тизимида 16 унли ва 36 ундош фонема мавжуд. Сўзлар ўзакларнинг қўшилиши ва такрорланиши орқали ҳосил қилинади. Сўзлар ва иборалар ўртасидаги грамматик муносабат юкламалар, ёрдамчи сўзлар ва гапдаги сўз тартиби б-н ифодаланади. Ҳоз. адабий Т. т. қад. даврлардан бошлаб анъанавий имлони сақлаб қолган, грамматика ҳам айтарли ўзгармаган, ўзгариш ва янгиликлар, асосан, лексикада содир бўлган. Тибет ёзуви қад. ҳинд ёзуви *браҳми*дан келиб чиққан (5-а.).

ТИБЕТ ТОҒЛИГИ — Марказий Осиё, асосан, Хитойда. Ер шаридаги энг катта ва баланд тоғлардан. Майд. 2 млн. км², бал. 4000—5000 м, баъзи тизмаларнинг бал. 6000—7000 м. Ҳимолай, Қоракурум, Куньлун, Сина-Тибет тоғлари б-н чегараланган. Т. т. нинг шим. ва марказий қисми (маҳаллий номи Чангтан) бир оз тўлқинсимон ёки ясси текислик бўлиб, кенглик бўйлаб чўзилган ва қия ён бағирли тоғ тизмаларидан иборат. Айрим чўққиларининг рельефи альп типли. Тангла, Кайлас ва б. тизмаларида музликлар бор. Тоғлик чеккаларидаги тизмаларнинг ён бағрилари тик, рельефи кучли парчаланган, дарё водийлари тоғларни 2—3 минг м чуқурликкача ўйиб тушган.

Т. т. Ўрта денгиз геосинклиналь минтақасида жойлашган. Унинг турли қисмида геологик ривожланиш тарихи ҳар хил. Кайнозой ўрталаригача Т. т., асосан, чўккан, кўп қисмида чўкинди жинслар тўпланган. Кайнозой охирларидан ёппасига кўтарила бошлаган. Кучли зилзилалар бўлиб туриши, ёш вулкан конуслари ва қайноқ булоқларнинг мавжудлиги тоғ ҳосил бўлиш жараёнининг давом этаётганлигидан дарак беради. Фойдали қазилмалардан олтин, касситерит, полиметалл рудалар, тошкўмир конлари топилган. Оқмас кўлларда сода ва б. минералларнинг катта захиралари мавжуд.

Т. т. материк ичкарисида жойлашганлиги ва жуда баланд бўлганлиги сабабли иқлими кескин континентал ва совуқ. Чангтанда ўртача йиллик т-ра 0—5°, қиш узоқ давом этади, —32° гача совуқ бўлади, ёғин кам ёғади. Ёз эса салқин, июлда ҳам баъзан тупроқ қатлами музлайди. Т. т.нинг жан.да иқлим нисбатан иликроқ, янв. ойи-

Тибет тоғлигидаги кангринбоче чўққиси.

нинг т-раси 0° дан —20° гача, июлники 5—15°. Тогликнинг жан. ва шарқидаги тизмалар океандан келадиган нам ҳаво массаларини тўсиб туради, аксари қисмида йиллик ёғин 100—200 мм (асосан, қор шаклида), жан.да ёзги муссон таъсирида 500—700 мм ёғади. Иқлимининг қуруқлиги натижасида қор чизиғи 5000—6000 м баландликдан ўтади. Т. т.нинг муссон таъсиридаги қисмидан Хуанхэ, Янцзи, Меконг, Салуин, Браҳмапутра, Ҳинд каби йирик дарёлар бошланади. Дарёлари, асосан, қор ва музликлардан, жан.да эса ёмғирдан сув олади. Гидроэнергия захирасига бой. Т. т. да кўл кўп, улар тектоник ботиқларда жойлашган. Йирик кўллари: Намцо, Селлинг, Данграюм. Кўллари саёз ва суви шўр, нояб.дан май ойигача музлайди. Т. т. нинг тупроқлари баланд тоғ дашти ва чўлига хос шағал аралаш тупроқ, кам чириндили. Айрим жойларда тупроқ қатлами ва ўсимликлар умуман йўқ. Чекка қисмида унумдор тоғ ўтлоқ-дашт ва тоғ-ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Катта майдонларни баланд тоғ чўли ва чала чўли қоплаган, сийрак ўт ва буталар ўсади. Дарё водийлари бутазор ва тўқайзор. Чорвачиликда, асосан, яйлов сифатида фойдаланилади.

ТИБЕТ-БИРМА ТИЛЛАРИ — *хитой-тибет тиллари* оиласининг 2 асосий тармоғидан бири; асосан, Мьянма (собиқ Бирма), Хитой, Ҳиндистон ва Непалда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 70 млн. кишига яқин (1990-й.лар ўрталари). Бир неча асосий гуруҳларга бўлинади (у ёки бу гуруҳга мансуб бўлмаган тиллар ҳам бор): лоло-бирма гуруҳи Хитой ва Мьянмада тарқалган бирма, и, лису, хани, лаху, наси ва б. тилларни ўз ичига олади; тибет гуруҳи *тибет тили* ва унинг лаҳжалари, таманг-гурунг тилларини қамраб олади; кукинага гуруҳи *манипури*, лушей каби тиллардан иборат, карен гуруҳи бодо, гаро, типера, качин каби кўплаб тилларни қамраб олади; шарқий ҳимолай гуруҳига Непал шарқидаги лимбу, сунвар каби тиллар, ғарбий ҳимолай гуруҳига эса Шим. Ҳиндистондаги канаури, рангкас ва б. тиллар киради.

Т.-б.т. бўғинли аморф тиллардан бўлиб, муайян даражада агглютинацияга мойиллиги бор. Морфемалар, одатда, бир бўғинли бўлса ҳам, баъзан истиснолар учрайди. Бўғинлар барқарор қурилишга эга, сўз бошида қўшалоқ ундошлар бўлиши мумкин. Сўз ясалишида ўзакларни қўшиш устунлик қилади. Гапда сўзлар ўртасидаги муносабатлар сўз тартиби асосида ва ёрдамчи морфемалар орқали ифодаланади. Ёрдамчи морфемалар кўпинча постпозитив ҳолатда бўлади; кесим гапнинг охирида келади.

Айрим Т.-б.т. идеографик ёки бўғинли ёзувга эга бўлса (наси, и ва ўлик тангут), баъзилар қад, ҳинд ёзувидан келиб чиққан алифболардан фойдаланади (тибет, бирма, невар, ронг, карен тиллари). Хитойдаги ва Мьянма шим.даги баъзи тиллар учун яқиндагина лотин алифбоси асосида ёзувлар яратилган. *Тибет* ва *бирма* тилларидан бошқа Т.-б.т. яхши ўрганилмаган.

ТИБЕТЛАР, тибетликлар (ўзларини — пёба деб атайдилар) — халқ. *Тибет*нинг асосий туб аҳолиси. Т.нинг деярли барчаси ХХР (Тибет автоном р-ни, Ганьсу, Цинхай, Сичуань, Юньнань вилоятлари)да, бир қисми Ҳиндистон, Непал, Бутанда яшайди. Умумий сони 4,83 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). *Тибет тили*нинг турли шеваларида сўзлашади. Динлорлари, асосан, буддавийлар. Мил. 7-а.нинг 1-ярмидан Т. ёзувга эга. Қадимдан китоб босиб чиқариш (ксилография) мавжуд. Т.нинг аждодлари жун ва цян қабилалари (мил. ав. 2-минг йиллик охиридан маълум) бўлган; цянлар Т. этногенезининг асосий негизини ташкил қилиб, турли даврларда хитойлар, туркийлар, саклар ва б.га мансуб этник гуруҳларни ўзига сингдирган. Машғулот турига қараб Т. тоғлик ўтроқ деҳқонлар (Т. нинг ярмидан ортиғи), яримўтроқ деҳқон-чорвадорлар ва кўчманчи-чорвадорларга (асосан, як, от, қўй ва эчкилар) бўлинади. Ҳунармандчилик (кулолчилик, тўқимачилик, металлни қайта ишлаш) тараққий этган. Т. орасида яқин вақтларгача *полиандрия* ва *полигиния* сақланиб қолган.

Тибетлар. Аёлларнинг анъанавий кийими.

ТИБР — Апеннин я.о.даги энг катта дарё. Уз. 405 км, ҳавзасининг майд. 16,5 минг км². Апеннин тогларидан бошланиб, Маремма текислигидан оқади. Майд. 250 км²га тенг дельта ҳосил қилиб, Тиррен денгизига қуйилади. Асосан, ёмғирдан тўйинади. Қишда тўлиб оқади, баъзан тошади. Ўртача сув сарфи 260 м³/сек. Дарё сувидан суғоришда фойдаланилади. Бир нечта ГЭС қурилган. Қуйи оқимида кема қатнайди. Т. бўйида Италия пойтахти — Рим ш. жойлашган.

ТИВ (ўзларини мунши деб аташади) — Нигерия (2,7 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари) ва Камерун (300 минг киши)даги халқ. Тив тилида сўзлашади. Аксарияти анъанавий эътиқодларга сиғинади, христиан ва сунний мусулмонлар ҳам бор. Асосий машғулоти — деҳқончилик.

ТИВА (Тува), Тива Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Осиё марказида, Шарқий Сибирь жан.да жойлашган. Майд. 170,5 минг км². Аҳолиси 305,5 минг киши (2002). Пойтахти — Қизил ш. Маъмурий жиҳатдан 16 туман, 5 шаҳар, 2 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — республика. Давлат бошлиги — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Олий хурал (парламент), ижрочи ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Т. тоғли мамлакат (бутун ҳудуднинг 82% тоғлардан иборат). Марказий ва ғарбий қисмларидаги Ғарбий Саян, Олтой, Танну-Ола тоғ тизмалари ва Шарқий Тува тоғлари оралигида Тува сойлиги бор. Жан.-ғарбдаги Монгун-Тайга массиви — республиканинг энг баланд жойи (3970 м). Шарқда Шарқий Саян жан.-ғарбий ён бағирлари, Тожин сойлиги, Шарқий Тува ва Сангилен тоғликлари жойлашган. Фойдали қазилмалари: тошкўмир, рангли ва нодир металл, темир рудалари, асбест, кобальт, олтин, симоб, бинокорлик материаллари ва б. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, шим. сойликларда қор кам ёғади, тоғда ёз илиқ, сойликларда иссиқ. Янв.-нинг ўртача т-раси —28° дан —35° гача, июлда 15—20°. Йиллик ёғин сойликларда 150—400 мм, тоғли жойларда 400—600 мм дан 800—1000 мм гача, ёзи серёғин. Ҳамма дарёлари *Енисей*га қуйилади. Унинг 2 ирмоғи — Катта Енисей (Бий-Хем) ва Кичик Енисей (Ка-Хем) Т.дан бошланади. Жан. дан оқиб ўтадиган Тес-Хем дарёси Убсу-Нур кўлига қуйилади. Улар катта гидроэнергия захирасига эга. Тожин сойлигида Тожин, Нойонхўл, Манихўл ва б. кўллар, минерал булоқлар бор. Сойликлардаги қизғиш, қўнғир тупроқларда дашт ўсимликлари, тоғ ён бағирларидаги кулранг ўрмон ва подзоллашган тупроқларда тилоғоч, кедр, қарағай, арча ўсади. Ҳаммаси бўлиб 8,5 млн. гектар ўрмон бор. Даштларда тулки, бўри, тоғли тайғаларда соболь, сувсар, буғу, қўнғир айиқ, силовсин,

баланд тоғларда тоғ эчкиси ва б. ҳайвонлар яшайди. Т. ҳудудида Азас, Убсунур сойлиги қўриқхоналари ташкил этилган.

Аҳолиси. Тива, рус, хакас ва б. яшайди. Давлат тили — тива тили; рус тили республика ҳудудида умум федерал давлат тили ҳисобланади. Шаҳар аҳолиси 51,7%. Динлорлар ламаизмга эътиқод қилади. Шаҳарлари: Қизил, Шагонар, Чадан, Оқ Довурак.

Тарихи. Т. ҳудудида юқори палеолит даврига мансуб археология ёдгорликлари топилган. Мил. ав. 2-а.нинг охиридан мил. 12-а.гача бўлган узоқ давр мобайнида Т. ҳудуди турли қабила ва давлатлар, жумладан, Турк ва Уйғур хоқонликлари, Енисей қиргизлари давлати ҳукмронлиги остида бўлган. 1207 й. Т.ни Чингизхон қўшинлари босиб олди; 13—14-а.ларда Хитойда ҳукмронлик қилган Юань мўғул сулоласи қўл остида бўлди. 16-а. охиридан 17-а.нинг 2-ярмигача Олтинхонлар ғарбий мўғул давлати таркибига киритилган. 16—17-а.ларда Т.да *ламаизм* расмий дин сифатида қарор топди. 17-а. охирларида Т. ҳудудининг талайгина қисмини жунгарлар босиб олди. 1757—1912 й.ларда Т. манжур ва хитой ҳукмдорларига қарам бўлди. Т. арат (деҳқон-чорвадор)ларининг миллий озодлик ҳаракати натижасида 1912 й. чет эл ҳукмронлиги барҳам топди. 1914 й. Т. Урянхай ўлкаси номи б-н Россия протекторатига айлантирилди. 1918 й. 16 мартда Т.да совет ҳокимияти ўрнатилди. 1921 й. 14 авг.да Таъсис хурали Танну-Тува халқ республикаси тузилганини эълон қилди, 1926 й.дан Тува Республикаси деб атала бошлади. 1944 й. 11 окт.да республика РСФСР таркибига мухтор вилоят сифатида киритилди. 1961 й. 10 окт.да мухтор республикага айлантирилди, 1991 й. окт. дан РФ таркибидаги Т. Республикаси расмий номини олди.

Хўжалиги. Ялпи маҳсулотда саноатнинг улуши 13,5%, қ.х.ники 18,8%, қурилишники 3,5 %, транспортники 2,2%, савдоники 13,1% ни ташкил этади.

Саноатининг асосий тармоқлари орасида кончилик (рангли металлар, асбест ва б. қазиб чиқариш) етакчи ҳисобланади. Озиқ-овқат (гўшт, сут, ун-ёрма корхоналари), ўрмон ва ёғочсозлик корхоналари мавжуд. Бинокорлик материаллари (гишт, темир-бетон конструкциялари, деворбоп материаллар), металлсозлик, электр энергетика, машинасозлик ва енгил саноат (кўнчилик) ривожланган. Қизил иссиқлик электр ст-яси ишлайди. Йилига ўртача 0,1 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Кўп саноат корхоналари Қизил ва Оқ Довурак ш.ларида жойлашган.

Убсунур сойлиги.

Қишлоқ хўжалигида етакчи тармоқ — чорвачилик. Салкам 2,5 млн. гектар ернинг 159,1 минг гектари (6,4%) ҳайдалади, қолган қисми пичанзор ва яйлов. Майин жунли қўйчилик, гўшт-сут чорвачилиги, чўчқачилик ва паррандачилик ривожланган. Йилқи, туя, эчки, буғу қадимдан боқиб келинади. Деҳқончиликда, асосан, ғалла (бугдой, арпа, сули, тариқ) ва ем-хашак экинлари етиштирилади. Мўйначилик ва даррандачилик муҳим аҳамиятга эга.

Транспорти. Автомобиль йўллари уз. —2472 км. Қизил — Минусинск — Абакан ва Қизил — Оқ Довурак автомагистраллари республикани бошқа республикалар б-н боғлайди. Катта Енисей ва Кичик Енисей дарёларида кема қатнайди, ёғоч оқизилади. Ички сув йўллари уз. 1000 км дан ортиқ. Қизил ш.да аэропорт бор. Т. четга асбест, гўшт, жун, мўйна, чарм, дори-дармон хом ашёси юборади.

Тиббий хизмати. Т.да ҳар 10 минг аҳолига 36 врач тўғри келади. 10 га яқин санаторий-курорт ва дам олиш муассасаси бор (Уш-Бельдир, Чедер курортлари ва б.).

Маорифи ва илмий муассасалари. Маорифи ва ҳунар-техника таълими РФда қабул этилган тизимга мувофиқ ташкил қилинган. 163 умумий ўрта таълим мактабида 61 минг, 5 ўрта махсус ўқув юртида 3,7 минг ўқувчи, 1 олий ўқув юрти (Тива ун-ти)да 2,8 минг талаба таълим олади. Тил тарихи ва адабиёт и. т. институти, Россия ФАнинг Сибирь бўлими филиали, 164 кутубхона бор.

Адабиёти миллий ёзув пайдо бўлгандан (1930) кейин бой халқ шеърий ижодиёти асосида вужудга келди. 30-й.ларда С. Сариг-оол, Б. Ховенмей, С. Пюрбюларнинг илк шеърлари нашр этилди. С. Пюрбюнинг «Чечак» достони (1941) назм жанрининг дастлабки йирик асари эди. Кейинчалик С. Токанинг ҳикоя ва очерклари пайдо бўлди. А. А. Пальмбах, В. Кок-оол, С. Тока Т. драматургиясини яратдилар. 2-жаҳон урушидан сўнг С. Токанинг «Арат сўзи» трилогияси халқ қаётини ҳаққоний акс эттирди. Инсон руҳиятини кўрсатувчи драмалар, тарихий қиссалар боси-

Каа-Хем дарёси.

Шарқий Саян тоғлари.

либ чиқди. О. Сагаи-оол, С. Сюрюн-оол, К. Кудажа романлари, М. Кенин-Лопсан, Р. Кюнзегеш достонлари машҳур.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Т. ҳудудида палеолит ва неолит даврига оид турар жойлар, неолит ва жез даврига мансуб нақшли сопол идишлар топилган. Скифлар давридан фил суяги ва жездан ясалган ҳайвон ҳайкалчалари, ов манзаралари тасвирланган тошлар сақланган. Тивалар, асосан, кигиз ўтов («кидисёг»)ларда яшаганлар. Ўтовнинг ички ранг-баранг нақшли ёғоч сандиқ ва каравотлар б-н жиҳозланган, деворларига содда геометрик нақшин намат-гиламлар осилган. 1940 й.дан дастгоҳ рассомлиги ва графика тез ривожланди. Г. Л. Торлук, С. Ланза каби рассомлар, И. Салчак, Ю. Курский каби график рассомлар етишиб чиқди. 20-а.нинг 2-ярмидан кўчманчи аратлар ўтроқликка ўтиш б-н қишлоқларда ёғоч ва тошдан уйлар, мактаблар қурила бошлади. Қизил, Шағонар, Оқ Довурак ш.ларида замонавий жамоат бинолари, маданий марказлар, турар жойлар барпо этилди (Ҳукумат уйи, драма театри, ун-т биноси ва б.).

Мусиқа санъати қадимдан маросим ва муҳаббат қўшиқлари, лапарлар, қаҳрамонларга аталган мадҳиялардан иборат бўлган. Халқ мусиқаси ўзига хос оҳанглар, метрик ва ритмик тузилишларнинг хилма-хиллиги б-н ажралиб туради. Чолғу асбоблари: торли-камонли допшулуур, бизаанчи, игил; чертма созлардан чадаган шанзи, шелер-хомус, кулузун-хомус; пуфлама созлардан мургу, шоор ва б. 20-а.нинг 2-ярмидан анъанавий мусиқа жанрлари б-н бирга кантата, симфония ва б. пайдо бўлди. 1936 й. мусиқали драма театр-студияси ва 1941 й. унинг қошида халқ чолғу асбоблари оркестри, 1947 й. хореография бўлими, ўша йили мусиқа мактаби, 1960 й. мусиқа билим юрти очилди. Таниқли композиторлари — А. Аксёнов, А. Чиргал-оол, Р. Кенденбиль, Д. Хуреш-оол, хонандалари — К. Мунзук, Н. Ользей-оол. Т.да радиотелевидениенинг симфоник оркестри (1966), филармония (1969), «Саян» ашула ва рақс ансамбли (1970), «Аян» фольклор ансамбли (1980) бор.

Театри. Т. халқ ўйинлари ва фольклор асарларида, миллий маросимларда театр санъати унсурлари бўлган. 1920-й.лар ўрталарида илк ҳаваскор драма тўгараклари тузилиб, бир пардали пьесалар намойиш этилган. 1936 й. Қизил ш.даги ўқув к-тида театр студияси очилиши профессионал театрга асос солди. Давлат бадиий театри (1940) й.дан Давлат мусиқали драма театри) очилди. 1947 й.дан миллий театр ишлай бошлади. В. Б. Оскал-оол раҳбарлигидаги дорбозлар 1945 й.дан фаолият кўрсатган.

ТИВАЛАР, тувалар (ўзларини тива деб аташади; эски номлари — сойотлар, урянхайлар, танну — Т.) — халқ. Тиванинг асосий аҳолиси (198,4 минг киши), РФда жами 206,2 минг киши. Умумий сони 207 минг киши (1990-й.лар ўрталари); шунингдек, Монголия ва Хитойда ҳам яшайди. Тива тилида сўзлашади. Диндорлари — ламаистлар. Т. — чорвачилик, деҳқончилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади.

ТИВИТ — қўй, эчки, туя, қуён ва мўйнали ҳайвонларнинг ингичка ва майин жуни. Аксарият жун қатламининг терига яқин қисмида ҳосил бўлади. Т. толаси ингичкалиги 15—30 микрон. Баъзи қўй (меринос), эчки ва қуён зотлари жуни фақат Т.дан иборат бўлади. Т. ҳайвонлар жунини қирқиш (йилига 1—2 марта), тараш ёки туллаш пайтида сидириш йўли б-н олинади. Қўй Т.идан энг яхши жун мато тўқилади, эчки Т.идан, асосан, рўмол, туя ва қуён Т.идан эса гилам, трикотаж буюмлар тайёрланади (яна қ. *Жун*).

ТИВИТХЎРЛАР, юнгхўрлар (Trichodectidae) — пархўрлар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Уз. 10 мм гача. Қанотсиз танаси қора қалин қобиққа ўралган. 200 дан, жумладан, Ўзбекистонда 10 дан ортиқ тури бор. Сут эмизувчилар юнгида паразитлик қилади. Терини мугуз қисми б-н озиқланиб жароҳатлайди. Айрим турлари (мас., ит Т.и, мушук Т.и) муайян ҳайвонда паразитлик қилишга мослашган. Т. — тасмасимон чувалчанглар оралиқ хўжайини.

ТИГЕЛЬ (нем. Tiegel) — 1) турли материаллар (металл, шиша ва б.) ни қиздириш ва эритиш учун ишлатиладиган махсус идиш. Т. цилиндр ёки кесик конус шаклида бўлади. Қийин эрийдиган металларни эритишда ишлатиладиган Т. шамот, графит ва ўтга чидамли гиллан; баъзи рангли металларни эритишда пўлат ва темирдан; лаб. Т.и эса чинни, платина ва б.дан ясалади; Т. металл қотишмалар ва ойна (шиша) қуришда, металл буюмларни термик ишлашда, лаб.ларда моддаларни қиздиришда қўлланилади; 2) босмахонада босма станок ёки босма машинанинг металл плитаси (ёстиғи). Қоғозни бўёқли босма қолипга сиқиш учун ишлатилади.

Лаборатория тигеллари.

ТИГЛАТПАЛАСАР (оссурийча Тукультиапал-Эшарра) — *Оссурияларги* шоҳлар номи. Энг машҳурлари:

Т. I (мил. ав. тахм. 1076 й. в. э.) — шоҳ (мил. ав. тахм. 1114 — мил. ав. тахм. 1076). Нанри (Урмия ва Ван кўллари атрофи), Кичик Осиё, Сурия, Финикияга бир неча зафарли юришлар қилган, Бобил б-н тенгма тенг кураш олиб борган. Оссурияга бостириб кирган оромий қабилаларини Фрот дарёси ортига суриб чиқарган.

Т.III (мил. ав. 727 в.э.) — шоҳ (мил. ав. 745—727). Мамлакатдаги ички аҳволни турғунлаштиришга қаратилган ислоҳотлар ўтказган: ноибликларни йириклаштириб, ноибларни марказий ҳокимиятга бўйсундирган, шоҳ қарамоғида бўлган мунтазам ёлланма қўшин тузган ва б. Оссурияниинг босқинчилик сиёсатини давом эттирган. Гарбда 743—740 й.ларда суриялик, финикиялик ва Кичик Осиёдаги ҳукмдорларнинг Арпад коалициясини тор-мор келтирган, 734—732 й.ларда Дамашқ ва Исроил подшолик-лари, Тир, Филистим ш.лари, Арабистон я.о.даги князликлар ва Эдомни бирлаштирган коалиция устидан галаба қозонган. 737 й. Гарбий Мидияда ўрнашиб олган. Шим.га, Урарту (738 ва 735) ва Бобилга 2 марта (подшолигининг бошида ва охирида) юриш қилган. Бобилдаги ҳокимиятни халдей сардорлари эгаллаб олишга ҳаракат қилмоқда эди. 729 й. шаҳсий уния асосида Т. III Пулу номи б-н Бобил подшоси бўлган. Босиб олинган ҳудудларнинг аксариятида Оссурия вилоятлари тузилган, бир қисм ерлар Оссурияга тобе давлатларга айлантирилган. Т.III даврида халқларни босиб олинган бир ҳудуддан бошқасига ёхуд Оссурияга кўчириш амалиётидан фойдаланилган.

Қўшмас Абдуллаев.

ТИГРАЙ, тигриния — *сом тиллари* оиласининг эфиоп-сом тармоғига мансуб тил; Эфиопия ва Эритрея давлатларида тарқалган. Эритреянинг расмий тили. Унда 6 млн.дан ортиқ киши сўзлашади. Ўзаро яқин аккеле гузай, адуа, хамасин, танбен, атаме лаҳжаларининг қоришмасидан иборат. Фонетик тизими умумий сом консонантизмидан айрим ўхшаш ундошларнинг бир ундошга бирлашиб кетганлиги б-н фарқланади. Т. лексикаси ва синтаксисига *кушит тиллари* ҳамда геэз, *амхар* тиллари кучли таъсир кўрсатган (мас. кесим кўпчилик сом тилларида гап бошида келса, Т.да гап охирида келади). Т.да ўзига хос адабиёт ва матбуот 20-а.нинг 40-й.ларидан ривожлана бошлади; эфиоп ёзувидан фойдаланади.

ТИГРАЙЛАР — Эфиопия ва Эритреядаги халқ. Умумий сони 4 млн. киши Эфиопияда 2,2 млн. киши ва Эритреяда 1.8 млн. киши. Тиграй тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, христиан-монофисийлар, сунний мусулмонлар ҳам бор. Т. ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ б-н шуғулланишади.

ТИГРАН II Буюк — Арманистон подшоси (мил. ав. 95—56). Ҳукмронлигининг дастлабки даврида Софена, Атропатена, Мидиянинг ғарбий қисмини салтанатига қўшиб олган. Кавказ Албанияси ва Иберия шоҳлари унга тобе бўлганлар. Т.II Понт подшоси Митридат VI б-н ҳарбий ва сиёсий иттифоқ тузиб, қариндошчилик ришталарини боғлаган, сўнгра салавкийларнинг Суриядаги ерларини эгаллаб олган. Оронт дарёси бўйидаги Антиохия ш. эса, Арманистон пойтахтларидан бирига айланган (бошқа пойтахт шаҳарлар — Т.II асос солган Тигранакерт ва Арташат). Мил. ав. 69 й. Т.II қўшинларни Тигранакерт яқинида Рим саркардаси Лукулл бошчилигидаги қўшин томонидан тор-мор келтирилган. 66 й. Т.II Рим вассалига айланган. Мил. ав. 77 й. *Тигран II* томонидан асос солинган. Мил. ав. 69 й. римликлар томонидан вайрон қилинган. Мил. 6-а.да юнонча Маритрополь деган номи бўлган. 7—8-а.ларда араблар томонидан Майофарикин деб аталган.

ТИГРЕ — Эритреядаги халқ (1,2 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). Тигре тилида сўзлашади. Диндорлари, асосан, сунний мусулмонлар, бир қисми христианлар. Асосий машғулоти — чорвачилик, деҳқончилик.

ТИГРЕ — *сом тиллари* оиласининг эфиоп-сом тармоғига мансуб тил; Эритрея ва Судан давлатларида тарқалган. Унда 1,2 млн. дан ортиқроқ киши сўзлашади. Асосий лаҳжалари: менса, богос, логго ва б. Фонетика ва морфология соҳасида сом тилларига хос умумий хусусиятларни сақлаб қолган бўлса-да, бир қатор товушларнинг йўқолиши, позицияси ва талаффузининг ўзгариши, айрим юкламаларнинг пайдо бўлиши б-н ажралиб туради. Морфологиясининг асосий белгиларидан бири отларнинг флексия орқали ҳосил бўладиган синик кўпликнинг жуда кўп қолиплари мавжудлигидир. Ёзуви тўлиқ шакланмаган, баъзи зарур ҳолларда эфиоп ёзувидан фойдаланилади.

ТИЕС — Сенегалнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Тиес вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 216,4 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т.й. устахоналари, ўғитлари ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик к-ти, ёғочсозлик корхоналари мавжуд. Қ.х. (ер ёнғоқ, донли экинлар, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Шаҳар яқинида фосфорит конлари бор.

ТИЖОРАТ (араб. — савдо-сотиқ)— савдо ва савдо-воситачилик фаолияти. товарлар ва хизматларни сотишда ниятирок этиш ёки сотишга кўмаклашиш. Кенг маънода *тадбиркорлик* фаолияти.

ТИЖОРАТ БАНКИ — корхоналар, ташкилотлар, фуқароларга универсал банк хизматлари (ҳисоб-китоб, тўлов операциялари, қўйилмаларни жалб этиш, омонатларни сақлаш, ссудалар бериш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар) кўрсатадиган йирик кредит муассасаси. Т.б. банк ҳаракатларини амалга ошириш учун пул маблағларини, асосан, қўйилмалар (омонатлар), банклараро кредитлар, ўз акция ва облигацияларини чиқариш ҳисобига шакллантиради. Ўзбекистон-да дастлабки тижорат банклари Россия ўрта Осиёни босиб олганидан кейин, 19-а. охирларида рус капитали иштирокида пайдо бўлган ва 1917 й.даги Октябрь тўнтаришига қадар фаолият кўрсатган. 20-а.нинг 90-й.лари республикадан, мустақилликдан кейин республика Т.б.лари қайта пайдо бўлди.

Ўзбекистонда Марказий банк Т.б. фаолияти учун лицензия беради ва унинг ишини назорат қилади. Т.б. лари мулкчилигининг турли шаклларни асосида давлат иштирокидаги, давлат-акциядорлик, очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари тарзида ташкил этилган. Республика ҳудудида 33 та Т.б., фаолият кўрсатади (2003). Улардан 2 таси давлат банки, 3 таси давлат-акциядорлик Т.б. 12 таси хусусий банк, 4 таси чет эл капитал иштирокидаги банклар ва 1 таси шўъба банкдир. Мазкур банкларнинг республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган 800 дан ортиқ филиаллари ва 690 дан ортиқ мини-банклари бор. Республикада 7 чет эл Т.б.лари, 4 халқаро молия ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатади. Т.б.и фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (1996, 25апр.) қонунига мувофиқ тартибга солинади.

Файзулла Мулламухитов.

ТИЖОРАТ СИРИ — корхоналар, ташкилотларнинг ўз и.ч., савдо, молия, илмий-техника фаолияти тўғрисидаги маълумотларни сир сақлаш, ошкор этмаслик ҳуқуқи. Т.с. рақобат кураши воситаси. Корхона Т.с. корхона, фирма, консорциум ёки якка ишлаб чиқарувчи ўз товарларини арзонга тушириши, уларнинг сифатини ошириши, қимматроқ сота билиши, катта фойда кўриб, гуллаб-яшнашнинг шарти. Сир и.ч., технология, бошқариш, молиявий, янги материалларни қўлаш, бошқаларда бўлмаган, ҳаётий цикли узун бўлган товарларни ўзлаштириш ва б. фаолият б-н боғлиқ бўлиши мумкин. Т.с. харидорлар, умуман, мижозлар б-н бўлган алоқага ҳам тааллуқли. Келишилган битишувлар суммаси, сотиш шартлари ва нархлар ҳам сир сақланади. Т.с. ва уни ошкор этиш, ўгирлаш бўйича жавобгарлик қонун йўли б-н амалга оширилади.

Т.с. деярли барча мамлакатлар қонунчилиги б-н муҳофаза қилинади. Т.с. ошкор бўлиб, бошқалар томонидан ўзлаштириб олинса, сир эгаси бундан кўрилган зарарини суд орқали товон ундириб олиши мумкин. Т.с.ни сақлаш мақсадида корхоналар, фирмалар, ташкилотлар махсус хавфсизлик хизмати ташкил этадилар, бу хизматлар корхона мулки бўлган янгиликларни рақибларнинг иқтисодий жосуслигидан ҳимоя қилади.

Аҳмаджон Ўлмасов.

ТИЗИМГУЛ, доривор тизимгул (Verbena officinalis L) — тизимгуллошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Поясн тик ўсади, шохланган. Бўйи

Тизимгул.

30—100 см. Барглари тухумсимон, чўзиқнаштарсимон, йирик (4—8 см), гуллари майда, оқ, поя устида рўваксимон тўпгул ҳосил қилади. Апр.дан сент. гача гуллайди, меваси июндан пиша бошлайди. Т. Ўзбекистоннинг чўл ва баланд тоғли қисмидан ташқари ҳамма ерида учрайди. У, айниқса, бог, экин ораси, ариқ бўйлари ва йўл ёқаларида кўп ўсади. Таркибида вербеналин ва аденозин гликозидлари бор. Поя ва баргларидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида турли хил шишлар ва тери касалликларини даволашда ишлатилади.

ТИЗИМГУЛДОШЛАР, тизимгуллилар (Verbenaceae) — икки уруғпаллалилар синфига мансуб ўсимликлар оиласи. Дарахт, бута ва ўтлардан иборат 90 туркуми ва 2900 га яқин тури бор. Асосан, тропик ва субтропик минтақаларда тарқалган. Ўзбекистонда 2 туркумга мансуб 4 тури ўсади. Пояси 4 қиррали, барглари қарама-қарши ёки ҳалқасимон ўрнашган; ёнбаргсиз, гуллари зигоморф, тўпгулли барг қўлтиғи ёки поя учида жойлашган; гултожбарглари бир-бири б-н қўшилиб, туби най, учи эса иккита лаб ҳосил қилади; чангчилари 4 та, уругчиси битта; тугунчаси устки, 4 хонали; меваси 4 га бўлинадиган данак. Доривор, эфир мойли, зиравор, қиммат-баҳо ёғоч берадиган ва озиқ-овқат (сабзавот) сифатида ишлатиладиган турлари бор.

ТИЙИН — *танга* шаклидаги пул бирлиги. Қиймати *сўм*нинг юздан бир улушига тенг. 1994 й. 1 июлдан миллий валюта — сўм муомалага киритилган кундан бошлаб 1, 3, 5, 10, 20, 50 Т.лик тангалар чиқарилди. Тангалар пўлатдан тайёрланиб, қиймати 1, 3, 5 Т. бўлганлари жез б-н (сариқ рангда) ва қиймати 10, 20, 50 Т. бўлганлари эса, никель б-н (оқ рангда) қопланган.

Барча номиналдаги тангаларнинг юзи (аверси) марказида танганинг қиймати ва зарб қилинган йили рақамлар б-н кўрсатилган, унинг тагида бир хил катталикдаги босма ҳарфлар билан «ТИЙИН» сўзи ёзилиб, тагига чизиқ тортилган. Тангаларнинг орқа томонида (реверсида) Ўзбекистон Республикаси герби, герб атрофида 12 та юлдузча ва доира бўйлаб «Ўзбекистон Республикаси» ёзуви туширилган.

ТИЙУЛ, тиул (қад. туркийча тегмак феълидан) — Эрон, Озарбайжон ва Арманистонда ер эгалиги шакли (15—19-а.лар). Мовароуннаҳрда *танҳо* деб аталган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, ҳарбий арбобларга озиқ-овқат учун берилган маош Т. деб аталган. 16-а.да *Сафавийлар давлатида* давлат хизматчиларига маълум ҳудуддан солиқ (тўлиқ ёки қисман) олиш ҳуқуқи берилиши Т. деб аталган. 16-а.нинг 2-ярмидан Т. ерни иньом этиш маъносида тушунилган. Т. баъзан маълум мансабдорларга уларнинг муайян хизматни бажариб турган даврлари мобайнида, бошқа ҳолларда эса шахсий хизмати учун умрбод берилган. 18-а.да шахсий Т.лар амалда меросий мулкка айланиб кетган.

ТИК (франц. tic — учиш, пирпираш), мускул учиши — айрим ёки бир гуруҳ мускулларнинг ихтиёрсиз тез-тез такрорланадиган қисқариши. Аксари юз, бўйин, қўл мускуллари, баъзан тил мускуллари ва диафрагма ҳам учади. Турли кишиларда Т.нинг ташқи аломатлари турлича, бироқ битта кишининг ўзида, одатда, бир хил намоён бўлади, яъни ҳар бир такрорланган хуружда ўша бир хил мускулларнинг ўзи учади. Мас., кишининг юз мускуллари учганда тўсатдан пешонасини тириштиради, қошларини чимиради, кўзини қисади, бурнини қимирлатади, лабини чўччайтиради, бу хилдаги қисқариш юз мускулларининг ярмида ёки ҳаммасида рўй бериши мумкин; бўйин мускуллари Т.ида бемор бошини кўйлак ёқаси сиққандек буради ёки елкаларини эгнига ўхшовсиз ўтирган кийимни тузатгандек ҳаракатлантиради. Оғиз мускуллари ва ҳиқилдоқ Т.ида тилини тақиллатади, лабини чўлпиллатади, ялайди, чайналади. Т. нафас мускулатурасига тарқалганда бемор томогини қириб йўталади, пишиллайди ёки тумовдаги каби бурни б-н тез-тез нафас олади. Баён этилган ихтиёрсиз ҳаракатлар кўпинча боши шикастланиб ёки бош мияси ҳамда пардаси яллигланиб тузалган одамларда учрайди. Бироқ Т. қаттиқ изтироб чекиш, болаларда ёки катталарда кучли қўрқиш, узоқ вақт толиқиш ва дармонсизланиш ёки сурункали касаллик, невроз оқибатида келиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда юзнинг тайриихтиёрий ҳаракатлари уч шохли нерв невралгиясида оғриқ хуружи вақтида пайдо бўлади, бу оғриқли Т. дейилади. Бундай Т.ка уч шохли нерв қўзғалишининг юз нервига таъсир этиши сабаб бўлади.

Т.ни келтириб чиқарган сабабига кўра врач даволайди.

ТИКАЛЬ — Гватемаладаги индейс *майя*ларнинг қад. шаҳар-давлати (мил.ав. 6-а. — мил. 9-а.). Т. харобаларида археологик қазиш ишлари 20-а. бошидан АҚШ ва Гватемала олимлари томонидан олиб борилмоқда. Т. ўрнида юзлаб ибодатхоналар (бош ибодатхонанинг бал. 71 м га етган), зодагонлар саройлари (улардан бири — 5 қаватли бўлган) ва б. меъморий ёдгорликлар, безакли ва битикли устунлар (стелалар), меҳроблар, амалий безак санъати, ёғоч ўймакорлигининг ажойиб намуналари топилган. Энг муҳим обидалар қисман таъмирланган.

ТИКАН, тиканак (ўсимликларда) — ўсимликдаги учи ўткир қаттиқ ўсимта; барг, илдиз ва б.нинг метаморфозга учраши натижасида вужудга келади. Т.нинг ичида ёғоч қисм бор. Т. баргдан (зиркла), барг томиридан (баъзи астрагалларда) ёки гулёнбаргчадан ҳосил бўлади. Поянинг пастки қисмидаги қўшимча илдиздан ҳам ҳосил бўлиши мумкин (баъзи пальмаларда). Т. қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкалардаги ўсимликларда кўпроқ учрайди.

ТИКАНБОШЛИЛАР, акантоцефаллар (Acanthocephala) — бирламчи тана бўшлиқли чувалчанглар синфи (баъзи маълумотларга кўра тип). Гавдаси қопга ўхшаш, уз. 1— 65 см. Кутикуласи остида қалин гиподерма қавати жойлашган. Гавдасининг олдинги учидаги кўп илмоқли хартуми ёрдамида хўжайин танасига ёпишади. Хартуми тана ичига тортилади. Ҳалқа ва бўйлама мускуллари бор. Ичаги бўлмайди (осмотик озиқланади). Айириш системаси протонефридий типида. Нерв системаси олдинги томонда жойлашган бош нерв ганглийси ва ундан кетадиган нервлардан иборат. Айрим жинсли, тухум қўяди. Метаморфоз ва хўжайин алмаштириб ривожланади. Оралиқ хўжайини — қисқичбақасимонлар ва ҳашаротлар. 6 туркум, 14 оила, 500 дан ортиқ тури бор. Асосан, ҳайвонларда, баъзан одамда паразитлик қилиб, акантоцефалёз касаллигини пайдо қилади.

ТИКАНДУМЛИЛАР (Uromastix) — агамасимонлар оиласи уруғи. 15 (баъзи манбаларга кўра 8) тури бор. Шим. Африка, Осиёнинг жан.-ғарбида тарқалган. Танасининг уз. 75 см гача (думи б-н бирга). Думи ўткир учли ва катта тиканли тангачалар б-н қопланган (номи ҳам шундан). 4 м гача узунликда ин қазийди. 4— 20 тухум қўяди. Саҳроларда яшайди. Ўсимлик барги, гули, уруг ва меваларн б-н озиқланади. Гўштини маҳаллий халқ истеъмол қилади.

ТИКАНЛАР, пихлар (ҳайвонларда) — тери устидаги учли қаттиқ тузилмалар. Асосан, ҳимоя функциясини бажаради. Ғовактанлилар тикани кремнозёмли, бир неча нурли бўлиб, таянч скелет функциясини бажаради. *Игнатерилилар* тикани оҳак игналардан иборат. Суяклор балиқларда Т. — сузгич қанотнинг (асосан, четларида жойлашган) бўғимларга бўлинмаган суякли нурлари. Баъзи сут эмизувчилар (*ехидналар*, проехидналар, *типратиканлар*, *жайра* ва ҳ.к.)нинг шохсимон Т.и учли ва йўғон, кўриниши ўзгарган туклардан иборат.

ТИКАНЛИ БАЛИҚЛАР (Gasterosteidae) — тикансимон балиқлар туркуми оиласи. 5 уруғи, 10 га яқин тури бор. Атлантика, Тинч океан ва Шим. муз океани ҳавзаларига мансуб денгиз ва чучук сувларда тарқалган. Танасининг уз. 3— 20 см. Орқасида 3— 16, қорин томонида битта тикан бўлади (номи шундан). Т.б. 3— 4 йил яшайди, 1 йилда вояга етади. Баҳор ва ёзда увилдириқ ташлайди. 60— 400 тагача тухум қўяди. Т.б.нинг насл тўғрисида гамхўрлиги мураккаб ритуалдан иборат: эркаги ўсимлик парчаларидан уя қуриб, уяга тухум қўядиган бир неча урғочисини ҳайдаб киради; тухумлари ва тухумдан чиққан балиқчаларни қўриқлайди. Т.б. майда қисқичбақасимонлар, ҳашаротларнинг личинкалари, бошқа балиқларнинг

Тиканли балиқ.

увилдириқ ва чавоқлари б-н озиқланиб, балиқчиликка қисман зарар етказади. Хўжалик аҳамияти кам, фақат 3 игнали Т.б. овланади.

ТИКАНЛИ ЎСИМЛИКЛАР — метаморфоз натижасида баъзи органлари ўткир учли қаттиқ ҳосила, яъни тиканга айланган ўсимликлар (мас., дўлана, зирк, ёввойи олма, ёввойи нок ва б.). Т.ў. қуруқ ва иссиқ иқлимли ерларда кўп учрайди. Кўпинча барг ва новдаси тиканга айланиб, сув буғлатувчи юзани, яъни транспирацияни камайтиради.

ТИКУВ МАШИНАСИ — кийим-кечак тикиш, буюмларни безаш (чоклар ҳосил қилиб иақш тушириш), уларни қавиш ва б. мақсадларда ишлатиладиган машина. Т.м.ни биринчи марта 1755 й.да инглиз ихтирочиси Ч.Ф. Вейзенталь ихтиро қилган. Немис ихтирочиси И. М. Зингер Т.м.ни такомиллаштирди (1851), шундан сўнг саноатда кенг қўлланила бошлади. Т.м. чоклайдиган, тугма қадайдиган, тепчийдиган (кўклайдиган) ва ҳ.к., қўлда, оёқда ва электр б-н ҳаракатланадиган, мокили ва мокисиз, бир ва кўп игнали хилларга бўлинади. Ишлаш принципига қараб, универсал (турли операцияларни бажарадиган) ва махсус (битта операцияни бажарадиган) Т.м. бўлади (мас., тугма қадаш машинаси).

Универсал Т.м.нинг энг кўп тарқалгани бир игнали, мокили чокловчи машинадир. Булар саноат ва уй-рўзғорда кенг ишлатилади. Кўп игнали Т.м.лари ичида икки игналиси кўпроқ қўлланилади. Чокларни пайвандлаб ва елимлаб бириктирувчи Т.м.лари ҳам бор. Т.м.дан тикувчилик, трикотаж, пойабзал, галантерия саноати ва уй-рўзғорда фойдаланилади.



Тикув машинаси (схема): *1* — игна; *2* — асосий вал; *3* — енг (корпус); *4* — маховик; *5* — плавформа; *6* — ип тарангланг; *7* — мокиз; *8* — рейка.

ТИКУВЧИЛИК — касб-ҳунар тури; кийим-кечак: кўрпа-тўшак ва б. буюмларни тикиш касби. Т. воситалари, материал ва техникаси турли даврларда турли халқларнинг моддий ва маданий савияси, иқлим шароити, эҳтиёж ва имкониятлари, урф-одатлари заминида тараққий этган (қ. *Кийим*). Археологик қазишлар натижасида жаҳоннинг турли мамлакатлари ҳудудидан топилган Т. воситалари, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари бу касбнинг барча халқларда қадимдан маяжудлиги, ўзига хос тараққиёт босқичларини ўтаганлигини кўрсатади. Т. буюмлари деҳқончилик б-н шуғулланадиган халқларда кўпроқ ўсимлик толаларидан тўқилган газламалардан, чорвадор халқларда аксарият жун газлама ва теридан тикилган.

19-а.гача барча халқларда, жумладан, Ўрта Осиё халқларида ҳам Т. ишлари қўлда бажарилган. Баъзи соҳаларда бу касб намуналари юксак санъат даражасига кўтарилган (мас., *гулкўрпа*, *зарбоф тўн*, *чойшаб*, *жияк* ва ҳ.к.). Турли даврларда Т.дан мустақил касб сифатида *этикдўзлик*, *маҳсидўзлик*, *пўстиндўзлик*, *дўппидўзлик*, *каштадўзлик*, *гиламчилик* ва б. кўплаб касб турлари ажралиб чиққан. 19-а. 2-ярмидан Европа мамлакатларида Т.да махсус тикув машиналари кенг қўлланила бошлади, кейин бошқа ҳудудларга, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам тарқалди (қ. *Тикув машинаси*). Т. тараққиётининг ҳамма даврларида бичиқчилик унинг ажралмас қисми бўлган. Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда Т. ҳунармандчиликдан енгил саноатнинг йирик тармоғига айланди. Замонавий техника б-н ускуналанган корхоналар ташкил этилди, маҳаллий тикувчи, косиб ва б. ҳунармандлар Т.нинг янги техникасини ўзлаштирдилар (қ. *Енгил саноат*).

ТИКУВЧИЛИК САНОАТИ — қ. *Енгил саноат*.

ТИЛ — одам ва умуртқали ҳайвонлар оғиз бўшлиғидаги мускулли орган. Балиқларда Т. шиллиқ парда бурмасидан иборат бўлиб, висцерал скелет б-н ҳаракатланади. Қуруқликда яшовчи умуртқалиларда Т. ҳаракатчан, у овқатни тутади, оғиз бўшлиғига суради, нафас йўлини беркитади ва ҳ.к. Т.да кўпгина безлар ва таъм билиш рецепторлари ривожланган. Сувда ва қуруқликда яшовчиларда эса шиллиқ парда бурмасидан ташқари, Т. таркибига кирадиган безлар ҳам бор. Судралиб юрувчилар Т.нинг шакли ва ҳаракатланиши турлича (мас., тошбақа ва тимсоҳлар Т.и кам ҳаракатланади; кўпчилик калтакесак ва илонлар Т.и узун ва ҳаракатчан). Қушлар Т.нинг шакли ҳар хил, одатда, шох қатлами жуда ривожланган, кам ҳаракат. Сут эмизувчилар Т.и яхши тараққий этган, ҳаракатчан, безлари ҳамда сўрғичлари кўп ва овқатни чайнаш, ютиш, таъм билиш, баъзан овоз чиқаришда ҳам иштирок этади.

Одам тили — шиллиқ парда б-н қопланган мускулдан иборат. Овқатни чайнаш, ютиш ва гапиришда қатнашади. Т. 3 қисм: тор қисми — тил учи, бирмунча кенг ва қалинроқ қисми — тил негизи (илдизи), бу 2 қисм ўртаси — тил танасига бўлинади. Т.нинг оғиз бўшлиғи б-н ҳалқумга томон қисми ўртасида кўр тешик, ундан тил учига томон йўналган тил юзасини иккига ажратиб турувчи ўрта эгат бор. Т.нинг

Тилнинг устки юзаси. *1* — ҳиқилдоқ дақлизи чегараси; *2* — ноксимон бўшлиқ; *3* — ҳиқилдоқ усти; *4* — тил-ҳиқилдоқ усти бурмаси; *5* — тил илдизи; *6* — танглай муртаги; *7* — тил муртаклари; *8* — чегара ариқча; *9* — тарновсимон сўрғичлар; *10* — тил танаси; *11* — тилнинг ўрта ариқчаси.

пастки юзаси шиллиқ қавати анча нозик бўлиб, унда 2 та симметрик бурмалар, устки юзаси, яъни орқасида ҳар хил сўрғичлар бор. Сўрғичлар кўр тешиклан 2 ёнга йўналган чегараловчи чизиқдан олдинда ва Т.нинг ён томонларида жойлашган. Жумладан, ипсимон сўрғичлар Т. олдинги учининг 2 қисмида бўлиб, овқатни қабул қилиш, чайнаш, ҳалқумга йўналтиришга хизмат қилади. Ипсимон сўрғичлар орасида коник сўрғичлар, ҳар иккала сўрғичда, асосан, огриқни, иссиқ-совуқни сезувчи рецепторлар бор. Т. учи ва ёнларида замбуруғсимон сўрғичлар, кўр тешикнинг икки ёнида, чегараловчи чизиқнинг олд томонида тарновсимон сўрғичлар, Т. чеккаларида бир-бирига ёндош баргсимон сўрғичлар мавжуд. Бу сўрғичлар таъм билиш вазифасини бажаради. Т. шиллиқ пардаси қаватида тил муртагини ҳосил қиладиган кўплаб лимфоид фолликулалар, шиллиқ парда ости ва мускуллар орасида майда (шиллиқли, серозли ва аралаш) сўлак безлари жойлашган.

Т.нинг асосий қисмини чин ва скелет мускуллари ташкил этади. Чин мускуллар узунасига, кўндаланг ва вертикал йўналишда. Т.ни суякларга бириктирадиган скелет мускуллари эса жуфт энгак-тил, энгак-тил ости ва бигизсимон ўсиқ мускулларидан иборат бўлиб, Т.нинг осон ҳаракат қилишига ёрдам беради. Тил артерияси шохчалари Т.ни қон б-н таъминлайди. Т.ни тил нерви, тил-ҳалқум нерви ҳамда тил ости нерви *иннервация* қилади. Энгак ости, қисман жаг ости ва чуқур бўйин лимфа тугунлари Т.нинг регионар лимфа тугунларидир.

ТИЛ — 1) кишилар ўртасида, жамиятда алоқа ва ўзаро фикр алмашишнинг муҳим воситаси; тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти; борлиқдаги нарса, ҳодисаларга ва уларни онгда акс эттиришга хизмат қиладиган, нутқ аъзолари томонидан аслидагидай тикланадиган ва муайян жамият доирасида ҳаммага маълум ва мақбул бўлган товуш белгилари мажмуи, шунингдек, ушбу белгиларнинг фикр ифодалаш жараёнида бирга қўшилиши, бирикиши ҳақидаги қоидалар тўплами. Т. — ижтимоий ҳодиса, кишилар, жамоалар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситаси эканлиги асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарб олиму шоирлари, мутафаккирлари томонидан таъкидлаб келинади.

Т. конкрет нутқ ҳодисалари (айрим гаплар, ҳикоялар, бир неча кишининг суҳбати ва ш.к.), жумладан, оғзаки ёки механик усулда такрорланадиган ва ёзув орқали қайд этиладиган нутқ ҳодисаларида мавжуд бўлади. Кўплаб нутқ ҳодисаларининг структур хусусиятларини таҳлил қилиш, қиёслаш ва умумлаштириш муайян тилда мавжуд бўлган элементлар ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмуини яхлит мураккаб белги тизими сифатида англаш ва тавсифлаш имконини беради. Ҳоз. даврда турли миллат, элат ва қабилаларга тегишли 2500 дан 5000 тагача (баъзи манбаларда 3000—7000 оралиғида) жонли тил борлиги маълум (қ. *Жаҳон тиллари*). Уларнинг ҳар бирида барча тиллар учун умумий бўлган баъзи универсал структур хусусиятлар кўзга ташланади. Лисоний тизим нуқтаи назаридан Т.нинг бундай универсал хусусиятлари сифатида барқарорлашган кўплаб тил белгилари — сўзларнинг ва улардан фойдаланиш бўйича умумий (грамматик) қоидаларнинг мавжудлиги; сўзлар таркибида Т.нинг энг қисқа (кичик) товуш бирликлари — *фонема*ларнинг ажратилиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Айрим олинган сўз доирасида фонемалар бир ёки бир неча бўғинга бирлашади. Т.нинг камроқ умумий бўлган структур хусусияти алоҳида сўзлар доирасида янада кичикроқ фонетик-семантик қисмлар — *морфема*ларнинг ажралишидир. Нутқ жараёнида ҳар қандай нутқ ҳодисасининг гаплар ташкил этиши ҳар қандай товуш Т.нининг универсал хусусияти ҳисобланади. Умумий хусусиятлар доирасида турли хил Т.ларда уларни ташкил этувчи элементларнинг чексиз вариантлашуви ва бу элементларнинг нутқ жараёнидаги ўзаро муносабати кузатилади (қ. *Грамматика, Семасиология, Синтаксис, Лексика*).

Т. меҳнат ва ижтимоий онг б-н биргаликда бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган, инсонни ҳайвондан фарқловчи 3 та энг муҳим хоссалардан бирини ташкил этади. Ушбу ҳоссалар ичида меҳнат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у жамият мавжудлигининг моддий асоси ҳисобланади.

Т.нинг тафаккур, ижтимоий онг б-н алоқаси ниҳоятда узвий, чамбарчаслир. Т. белгилари — сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар — моддий шакллар бўлиб, уларда онгнинг идеал маҳсуллари — аниқ тасаввурлардан тортиб энг мавҳум ва умумлаштирувчи тушунчалар ёки ҳукмларгача объектив тарзда ўз аксини топади. Шундай қилиб, Т. нафақат фикрни ифодалаш ёки фикр алмашиш воситаси, балки ижтимоий онгда фикрларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш воситаси ҳам ҳисобланади. Т. — жамият бойлиги, у жамият аъзоларининг ўзаро алоқасини амалга оширади, инсоннинг моддий ва маънавий турмушида рўй берадиган барча воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимларни жамлайди ва улардан хабардор қилади; Т. айни маънода асрлар мобайнида шаклланади ва мавжуд бўлади. Тафаккур Т. га қараганда бирмунча тезроқ ривожланади ва янгиланади, лекин Т.сиз тафаккурни тасаввур этиб бўлмайди: Т.да ифодаланмаган фикр ноаниқ, тушунарсиз бир нарса бўлиб, инсонга борлиқ воқеа-ҳодисаларини англаб етишида, фанни ривожлантириш ва такомиллаштиришида ёрдам бера олмайди. Тафаккур Т. сиз мавжуд бўлмас экан, Т. ҳам тафаккурсиз яшай олмайди. Биз ўйлаб туриб гапирамиз ва ёзамиз, ўз фикрларимизни Т.да аниқроқ ва тушунарлироқ баён этишга ҳаракат қиламиз. Демак, фикрлар Т. негизида пайдо бўлади ва унда мустаҳкамланади; Т. б-н тафаккур бир бутунликни ташкил этади.

Т. нинг, дастлабки Т.нинг пайдо бўлиши масаласи инсониятни қад. замонлардан бери қизиқтириб келади. Қад. даврлардан бошлаб Т.нинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб назариялар, таълимотлар пайдо бўлди. Лекин бу назария ва таълимотлар Т.нинг келиб чиқиш масаласини ҳанузгача узил-кесил ҳал қилиб бера олгани йўқ.

Қайд этилганидек, жаҳон Т.лари ўз грамматик қурилиши, луғат бойлиги ва б. жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, лекин шу б-н бирга улар барча тиллар учун муштарак бўлган умумий қонуниятлар асосида ривожланади. Т. давр б-н, замон б-н ҳамоҳанг равишда ўзгариб боради (ўзбек Т.нининг қад. туркий Т. даври б-н ҳоз. кўриниши чоғиштирилса, бундай ўзгаришлар қай даражада бўлганлиги яққол сезилади) ва баъзан, турли ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар оқибатида, муомаладан чиқиб кетиши ҳам мумкин. Мас., ўтмишда жаҳон маданияти ривожига катта ҳисса қўшган греклар ва римликлар сўзлашган қад. грек ва лотин Т.лари даврлар ўтиши б-н муомаладан чиқиб, *ўлик Т.лар*га айланиб қолган.

Т.даги ўзгаришлар табиати ҳамда Т. тараққиётидаги йўналишлар 2 та бошқа-

бошқа омил — жамият ҳаётидаги тарихий ўзгаришлар ҳамда Т. тараққиётининг муайян босқичида унинг структурасидаги конкрет хусусиятлар б-н белгиланади. Т. тарихининг жамият тарихи б-н алоқадорлиги тилнинг ички структураси ўзгаришларида (асосан, *лексика* ва *фразеология* соҳасида), шунингдек, муайян Т. нинг тарқалиш миқёслари ўзгаришида (жумладан, унинг функционал услублари тараққиётида) ва унинг лаҳжаларга бўлиниши (дифференциацияси) даражасида намоён бўлади. *Фонетика* ва *морфология* соҳаларидаги ўзгаришлар ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари б-н бевосита боғлиқ эмас. Т. структурасининг жиддий ўзгаришлари Т.ларнинг ўзаро таъсирлашуви жараёнларига боғлиқ бўлади. Жамият тарихий тараққиётининг турли босқичларида Т.ларнинг лаҳжавий фарқланиши даражасидаги тафовутлар Т. тарихининг жамият тарихи б-н алоқадорлигини белгиловчи хусусият ҳисобланади. Жамиятнинг айрим ҳудудий қисмларга иқтисодий ва сиёсий парчаланиши жараёнлари иқтисодий ва сиёсий бирлашиш жараёнларидан устун бўлганда, яхлит, бир бутун Т.лар ҳудудий лаҳжаларга бўлиниб кетади. Аксинча, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий бирлашиш жараёнлари ҳудудий парчаланиш жараёнларидан устунлик қилган даврларда, лаҳжавий дифференциация б-н бир қаторда, адабиётда адабий тил сифатида мустаҳкамланиб қолувчи ягона умумхалқ Т.ини яратишга имкон пайдо бўлади. Умумхалқ миллий Т.нинг шаклланиши тегишли миллатнинг шаклланиши даврида рўй беради (яна қ. *Суный тиллар, Нутқ, Тилшунослик, Адабий тил, Миллий тил*); 2) ҳар қандай белги тизими, мас., имо-ишора Т.и, махсус рамзлар қўлланадиган математика Т.и, кино Т.и ва б.; 3) айнан услубнинг ўзи (роман Т.и, газета Т.и).

Ад.: Усмонов С., Умумий тилшунослик, Т., 1972; Будагов Р. А., Человек и его язык, М., 1974; Березин Ф. М., Головин Б. Н., Общее языкознание, М., 1979; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1998.

Абдунаҳоб Мадвалиев.

ТИЛ БЕЛГИСИ — предмет, хосса ва муносабатни ифодаловчи моддий-идеал ҳосила; икки жиҳат —ифода ва мазмун жиҳатига эга бирлик. Т.б. мажмуи белгили тизим — *тил*ни ташкил қилади. Т.б.нинг ифода (ташқи, моддий, ифодаловчи) ва мазмун (ички, маъно, ифодаланувчи) жиҳатлари диалектик муносабатда бўлиб, асимметрия қонуни доирасида амал қилади. Т.б. деганда, сўзни эмас, балки гапни тушунмоқ керак. Чунки гапгина нисбатан тугал фикрни ифодалайди. Шунга асосланиб, гапни тўлиқ белги, сўзни эса нотўлиқ (ярим белги) дейиш мумкин. Тилнинг тўлиқ белгиси (гап) ҳам, нотўлиқ белгиси (сўз) ҳам бошқа белгилардан (мас., йўл ҳаракати белгиларидан) деярли фарқ қилмайди, бироқ тил семантик тизим сифатида бошқа белгилардан ифода жиҳатига кўра ҳам, мазмун жиҳатига кўра ҳам тубдан фарқ қилади. Ўзининг кўп маънолилиги б-н ажралиб туруччи нотўлиқ белги — сўзларнинг чекланган миқдоридан бир маъноли тўлиқ белги (гап) — фикрларнинг чекланмаган миқдори ҳосил қилинади.

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти (ТАИ) — ўзбек тили, адабиёти ва фольклорининг тарихи, ҳоз. ҳолати, бошқа халқлар тиллари ва адабиётлари б-н алоқаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борувчи илмий муассаса. 1934 й. янв.да Маданий қурилиш и.т. ин-тининг (1931—33) филол. бўлимлари асосида ташкил топган. 1937 й. рус шоири А.С.Пушкин номи берилган. 1939 й.да Тил, адабиёт ва тарих ин-ти тарзида қайта ташкил этилган. 1940 й.дан СССР ФА Ўзбекистон филиали, 1943 й.дан Ўзбекистон ФА таркибидаги ин-т.

Ин-т негизида 1943 й.да Тарих ин-ти, 1967 й.да Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, 1968 й.да Ўзбек совет энциклопедияси Бош таҳририяти ташкил топди. 1991 й.да ин-т 2 мустақил ин-тга — Адабиёт ва Тилшунослик ин-тларига ажралди. 1991 й.да Адабиёт ин-тига Алишер Навоий номи берилди. 1998 й.да бу ин-тлар бирлаштирилиб, ҳоз. номидаги ин-т ташкил топди.

Ин-тга турли йилларда О.Ҳошимов (1934—37), И.Аҳмедов (1937), Ф.Камолов (1938), С. Хусаинов (1938—40), М. Йўлдошев (1940), В. Зоҳидов (1941), Амир Нажиб (1942—44), Х.Зарифов (1944—48), И.Султонов (1948—50), Ойбек (1950), Ю.Султонов (1951—52), В.Решетов (1953—55), С.Қосимов (1955—58), А.Қаюмов (1958—61), Х.Қурбонова (1962—64), Қ.Хоназаров (1964—71), Ш.Шоабдураҳмонов (1971—74), М.Нурмуҳамедов (1974—75), М.Қўшжонов (1975—86), Б.Назаров (1986—90), Т.Мирзаев (1998 й.дан) раҳбарлик қилдилар. Ин-т фаолияти Фитрат, Элбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғози Олим, Олим Шарафиддинов, Х.Зарифов, М.Афзалов, Иззат Султон, М.Алавия, З. Хусаинова, Фахри Камол, Қаюм Рамазон, Олим Усмон, З.Маъруфов, С.Иброҳимов, Ф. Абдуллаев, Ғ. Каримов, Ж. Шарипов, В.М. Жирмунский, Е.Э .Бертельс, А.Н.Кононов, Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетов,

Тил ва адабиёт институти жойлашган бино.

П.Шамсиев, Холид Расул, Ҳ.Сулаймонов, Ҳ.Ёқубов, Ғ.Абдураҳмонов, А.Ҳожиев, Н.Каримов, Б. Назаров, Э.Бегматов, Э.Фозилов, П.Қодиров, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, С.Ғаниева, М. Қўшжонов, У.Тўйчиев, С. Акобиров, Н.Маматов каби атоқли ёзувчи ва олимлар фаолияти б-н боғлиқ; ин-т таркибида 10 бўлим бор: фольклор, мумтоз адабиёт тарихи, 20-а. адабиёти, ҳоз. адабий жараён, адабиёт назарияси, адабий алоқалар ва таржима назарияси, ҳоз. ўзбек тили, ўзбек тили тарихи ва диалектологияси, терминология, лексикология ва лексикография. Ин-тда 20 дан ортиқ фан д-ри, 40 га яқин фан номзоди бор.

Ин-т олимлари бир неча авлодининг илмий-ижодий фаолияти туфайли Ўзбекистонда асослари маърифатпарварлик ва жадидчилик мафкурасига бориб тақаладиган янги адабиётшунослик, фольклоршунослик ва тилшунослик юзага келди. Ўзбек тили тарихи, фонетикаси, лексикаси, грамматикаси, стилистикаси ва терминологияси масалалари ҳар томонлама тадқиқ этилди, турли даврларда ўнлаб лексикологик ва терминологик луғатлар яратилди. Булар орасида «Ўзбек диалектологияси», 2 ж.ли «Ўзбек тили грамматикаси», «Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси», 3 ж.ли «Ўзбек адабий тили тараққиёти», «XIII—XIV асрлар туркий адабий ёдгорликлари тили», 1 ва кўп ж.ли Ўзбекча-русча ва Русча-ўзбекча луғатлар, 2 ж.ли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 1 ва 4 ж.ли «Навоий асарлари луғати», «Ўзбек халқ шевалари луғати», «Ўзбек тилининг имло луғати» каби асарлар бор.

Адабиёт ва фольклор меросини тўплаш, нашр этиш, ўрганиш, ҳоз. адабий жараён, адабиёт назарияси ва адабий алоқаларни тадқиқ этиш соҳаларида ҳам жиддий ютуқларга эришилди.

5 ва 2 ж.ли «Ўзбек адабиёти тарихи», 2 ж.ли «Адабиёт назарияси», 3 ж.ли «Болалар адабиёти тарихи» 3 ж.ли «Ўзбекистонда таржима тарихи», 7 ж.ли «Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар» туркуми, 3 ж.ли «Ўзбек фольклори очерклари» каби китоблар нашр этилди. Алишер Навоий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби шоир ва ёзувчилар асарларининг кўп жилдли академик нашрлари тайёрланди. 2 ж.ли «Ўзбек мақоллари», 37 ж.ли «Ўзбек халқ ижоди» намуналари чоп этилди.

Истиқлол шарофати б-н ўзбек адабиёти, фольклори ва тилини ўрганиш том маънода янгиланди. Аввало, ўзбек адабиётининг шўро даврида ўрганилмаган, чала ёхуд нотўғри талқин қилинган қирраларини тадқиқ этишга киришилди. Жумладан, тасаввуф адабиётининг Яссавий, Боқирғоний, Машраб, Ҳувайдо, Сўфи Оллоёр сингари етакчи намояндалари ижоди ҳар томонлама тадқиқ этилди. Ҳусайн Бойқаро, Убайдий, Феруз, Умархон сингари ҳукмдор-ижодкорлар ҳаёти ва ижодини ўрганишга киришилди.

Ин-тда ўзбек халқининг минг йиллик оғзаки ижоди намуналарининг тўла ва мукаммал нашрларини тайёрлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллиги муносабати б-н достоннинг академик нашри биринчи марта тўла ҳолда амалга оширилди. Ин-тда ўзбек фольклори ва адабиётининг энг қад. даврлардан бугунги кунгача бўлган тараққиётини кўрсатувчи 12 жилдли тарихини яратишга киришилди.

Мустақиллик йилларида ин-тнинг халқаро алоқалари кенгайди. «Алпомиш» достони Германия ва Туркияда нашр қилинди, ин-т олимлари тадқиқотлари Хитой, Германия, Россия ва Туркиядаги нуфузли жур. ва тўпламларда чоп этилмоқда, шунингдек, АҚШ, Япония, Корея, Туркия мамлакатлари фуқаролари ин-тда илмий иш олиб бормоқда.

Ин-тда аспирантура ва доктарантура таълими йўлга қўйилган. Ин-т ҳузурида докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича 2 ихтисослаштирилган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Ин-тда 1958 й.дан *«Ўзбек тили ва адабиёти»* жур. нашр этилади.

Тўра Мирзаев.

ТИЛ ТИЗИМИ — ҳар қандай табиий тилнинг ўзаро муносабатлар б-н боғланган, муайян бирлик ва бутунликни ташкил этувчи лисоний унсурлари мажмуи. Т.т.нинг ҳар бир таркибий қисми алоҳида-алоҳида эмас, балки тизимнинг бошқа таркибий қисмларига қарама-қарши қўйилгандагина мавжуд бўлади.

Тил мураккаб бутунлик бўлиб, унинг таркибий қисмлари сифатида фонологик, лексик (семантик), морфологик, синтактик ва услубий (функционал) сатҳлар ажратилади. Тил тизим (бутунлик) табиатига эгалиги боис унинг таркибий қисмлари ҳам шундай характерда бўлади.

Тилнинг тизим сифатида изоҳланиши Ф.де *Соссюр*, В.*Гумбольдт* ва б. тилшуносларнинг асарларидан бошланган. Т.т. ҳақидаги ҳоз. замон тасаввури эса ўз ичига ўзаро алоқалор бўлган тил сатҳлари, тил бирликлари, парадигматик ва синтагматик муносабатлар, тилнинг белгилар тизими эканлиги, тилда шакл ҳамда вазифа (функция), структура ва субстанция, тилнинг ички ва ташқи алоқалари, синхрония ва диахрония, анализ ва синтез, доимийлик ва муваққатлик каби тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Т.т.ни ташкил этувчи таркибий қисмлар бир-бирини тақозо этади. Сўзлар иштирокида сўз бирикмаси, гаплар шаклланади ва нутқ ҳосил бўлади. Бунда грамматик қурилиш воситалари (аффикс, ёрдамчи сўзлар, синтактик воситалар) ҳамда сўз тартиби, инверсия, супплетивизм, тавтология сингари воситалар ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Тил ўта мураккаб қурилишли ижтимоий ҳолиса бўлиб, унинг негизини ташкил этувчи тил бирликлари тизимлари асосида тил қурилишининг ўзаро боғлиқ босқичлари ажратилади; бу босқичларга хос бирликлар тизими тилшуносликнинг турли соҳаларида ўрганилади.

Ад.: Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. М., 1977; Солнцев В.М., Язык как системно-структурное образование. 2-изд., М., 1977.

Илҳом Мадраҳимов.

ТИЛАК Балгангадҳар (1856.25.6, Ратнагири, Махараштра — 1920.1.8, Бомбей) — Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати раҳбари, мутафаккир. 1879 й. Пуна ш.даги Декан коллежини тугатган, ҳуқуқшунослик фанлари бакалаври. 1880 й. Пунада дўстлари б-н мустақил коллеж ташкил қилиб, унда ўқувчиларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим берган. 19-а.нинг 80—90 й. ларида Т. мамлакатдаги миллий озодлик ҳаракатининг демократик оқимига раҳнамолик қилган. Ҳиндистон Миллий конгресси (ҲМК) сўл демократик оқими ташкилотчиси ва раҳбари. Унинг таъсирида мамлакатнинг йирик шаҳарларида митинг ва намойишлар, иш ташлашлар бошланган. Инглизлар Т.ни террорчиликда айблаб, бир неча марта (1882, 1897, 1908) қамашган. 1914 й. турмадан озод этилгач, гомрул деб аталган оммавий-сиёсий ҳаракат (Британия империяси таркибида ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш учун курашни ташкил этган. Т. қад. ҳинд адабиёти *Ведалар* ҳамда ҳинд тамаддунининг келиб чиқишига багишланган илмий асарлар ёзган.

ТИЛЕВМУРОТОВ Кенжабой (1929, Қорақалпоғистон, Мўйноқ тумани — 1997.17.12, Нукус) — Қорақалпоқ халқ бахшиси (1977). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1969). Хужайли шаҳридаги пед. билим юртини (1948), Нукус пед. ин-тини (1954) тугатган. Газ таҳриятларида адабий ходим, махсус мухбир, театрда актёр, мактабда ўқитувчи, директор (1956—60), 1960 й.дан Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали Н.Довқораев номидаги Тарих, тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим. 1976 й.дан Қорақалпоғистон телевидениеси ва радиоси қошидаги «Мухаллес» дуторчилар ансамблига раҳбар.

Т.К. бахшилик сирларини эрта ўрганган. Унга отаси Тилевмурот бахши устозлик қилган. Кенжабой бахши отасидан «Юсуф Аҳмад», «Хирмондали», «Саёдхон ва Ҳамро» каби достонларни, кўплаб халқ қўшиқларини ўрганган. Халқ достон, терма ва қўшиқларига ўзига хос йўналишда куй басталаган. Унинг мусиқий репертуарида соф чолғу куйлари б-н бир қаторда, айтим (норма) куйларининг чолғу вариантлари ҳам ўрин эгаллаган. Москва, Тошкент, Олмаота, Ашхобод, Уфа каби шаҳарларда ўтказилган фольклор фестивалларни ҳамда адабиёт ва санъат декадаларида иштирок этган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1986).

Насриддин Маматазаров.

ТИЛЕНХИДЛАР (Tylenehida) — тўгарак чувалчанглар (*нематодалар*) синфига мансуб ҳайвонлар туркуми. Уз. 0,8 мм дан — 3 см гача. Санчиб сўрувчи органи — стилетининг уз. бир неча мкм дан 11 мм гача, 10 дан ортиқ оиласи, бир неча минг тури бор. Кўпчилик Т. — ўсимлик паразитлари; айрим турлари йиртқич ёки ҳашаротларда паразитлик қилади. Сабзавот ва полиз экинларига *бўртма нематодалар*, галла экинлари (бугдой, шоли)га ангвиналар, картошкага гетеродералар ва картошка поя нематодаси катта зиён етказади. Т. стилети ёрдамида ўсимлик ҳужайралари (асосан, ер ости қисми) ширасини сўриб озиқланади. Ўсимлик тўқимаси ичида ёки органлар сиртида паразитлик қилади. Махсус тухум халтачасига, тупроққа ёки ўсимлик тўқималарига тухум қўяди. Личинкалари тупроқ, сув ва ўсимликлар ниҳоли орқали тарқалади.

ТИЛЛА БАЛИҚ — қ. *Олтин балиқ.*

ТИЛЛА КАМПИР (18-а.нинг охири — Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Қўрғон қишлоғи — 19-а.нинг 1-ярми) — ўзбек достончи-шоираси. Эргаш шоирнинг отаси *Жуманбулбул*нинг момоси. Асарлари ёзиб олинмаган. У ҳақида айрим нақлар, асарларидан баъзи парчалар бизгача етиб келган. Айтишларича, Т.к. «Ойсулув» достонини юксак санъаткорлик б-н куйлаган. Бир нақлга кўра, шоира ёш вақтида эри ўлган, қўлида ёш боласи қолган. Худди шу вақтда унинг қўлига куйдирги яраси чиққан. Шунда шоира шундай куйлаган экан:

Куйдирги мени куйдирди,
Кузимнинг ёшин қуйдирди,
Қаддимни ёйдай эйдирди,
Эли-халқимни жийдирди,
Кўкдан кийим кийдирди.

Жуманбулбул ўгли Эргашга шундай деган экан: «Биз билмай қолибмиз, қишлоғимизда икки чечан кампир бор экан, ўлиб кетди. Улардан сўзни ўрганиб қолмабмиз. Ёшлик қилдик. Тилла кампирдан гап — қўшиқ ўрганмадик. Биримиз — Жиссоқ, шоирларнинг устоди, биримиз — Булбул. Булбул б-н қўшиқ айтишганда, ўртадагилар бизникини қилади маъқул. Тилла кампирнинг ҳам топгани шул, — деб бердик. Сўнг билсак, биз той эканмиз, у — тулпор, биз жилга эканмиз, у — булоқ, биз дарёмиз деганда, у денгиз экан».

Ад.: Булбул тароналари [5 ж.ли], 5-ж., Т., 1973.

Тўра Мирзаев.

ТИЛЛА ҚЎНҒИЗЛАР (Buprestidae) — қўнғизлар оиласи. Танасининг уз. 3—100 мм. Кўпинча ялтироқ тусда. Т.қ. ёзнинг иссиқ ойларида учади. Ўсимликлар танаси, барги ва гулларида (айрим майда турлари) учрайди. Ўсимлик тўқималари б-н озиқланади. Личинкалари оқ рангли, оёқсиз; пўстлоқ остида, бута ҳамда дарахтлар ёғочида ва ўтларда ривожланади. 12 мингдан ортиқ тури бор. Ўзбекистонда 120 тури учрайди. Ер юзида (айниқса, тропик мамлакатларда) кенг тарқалган. Кўпчилик Т.қ. (катта қарағай Т.қ.и, кўк Т.қ., терак Т.қ.и) ўрмон ўсимликларини, қора Т.қ. мевали дарахтларни зарарлайди. Бухоро Т.қ.и, тўқай Т.қ.и Ўрта Осиё эндемиги. Тўқай Т.қ.и ва Сулаймон Т.қ.и Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ТИЛЛАБАРГАК — қ. *Бирғак.*

ТИЛЛАКОРИ (форс. — тилла б-н ишланган) — амалий безак санъатида буюмларни безатиш усули, зарҳаллаш. Шу усулда безатилган буюмлар ҳам Т. деб аталади. Олтин парралари эритилиб, буюмлар сиртига едирилади, зарҳалланади. Меъморликда бино безаклари — нақшлар зарҳал

Тиллакори мадрасанинг тиллакори усулида ишланган ички безаклари (17-а.).

б-н Т. безатилган. Жумладан, Самарқанддаги *Тиллакори мадрасанинг* номи ҳам шундан.

ТИЛЛАКОРИ МАДРАСА — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик. *Регистон ансамблида* Улуғбек даврида бунёд этилган Мирзойи карвонсаройи (15-а.) ўрнида Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий Баҳодир мадраса ва жоме масжид қурдирган (1641—46). Карвонсарой асоси устига мадраса (шим. шарқий қисмида), ҳужралар ўрнида пештоқ гумбазли масжид (тарбида) жойлашган. Дастлаб «Ялангтўшбий кичик мадрасаси» деб номланган. Кейинчалик масжид безагида бошқа бир обида қурилишига етадиган миқдорда олтин сарфлангани учун «тиллакори» (тилладан ишлов берилган) деб юритила бошлаган. Т.м.дан шаҳар жоме масжиди ва мадраса сифатида фойдаланилган. Шунинг учун масжиди (63×22 м) катта ва серҳашамлиги б-н бошқа мадрасалардан ажралиб туради. Мадраса (70×70 м) га ғарбий пештоқ орқали кирилади. Пештоқ чуқур равоқли, 2 қанотининг олди равоқли, 2 қаватли ҳужралар, бурчакларини тенг ҳажмдаги гулдаста-мезаналар эгаллаган. Масжид хонақоҳи (10,8×10,8 м)нинг пойгумбази баланд, узоқдан кўзга ташланиб туради. Унинг гумбази ниҳоясига етказилмаган. Хонақоҳ тўрига мармардан меҳроб ва зинапояли минбар ишланган. Ўз даврида зарҳал нақшлар б-н жозибадор безатилган хонақоҳнинг 2 ёнини олди равоқли, гумбаз томли айвон (йўлак)лар эгаллаган. Пештоқ равоғидаги мармар тахтачада безак ишлари 1659—60 й.ларда бажарилганлиги ёзилган.

Т.м. бир неча бор таъмир қилинган. 1817 й.да амир Ҳайдар буйруғи б-н зилзиладан зарар кўрган пештоғи қайта тикланиши жараёнида шакли бузилган. 1885 й.даги таъмир вақтида зарҳал нақшлар оддий бўёқлар б-н алмаштирилган. Т.м.да Самарқанд таъмирлаш устахонаси ташкил этилиб (1930), кошинларнинг қад. рангини топиш йўлида тадқиқот ишлари олиб борилган. Т.м.даги йўқолиб кетаёзган ноёб зарҳал нақшларни усталар илмий ўрганиб, қайта тиклади (1970). Бинокорлар мадрасанинг Регистонга қараган пештоғини *Шердор мадраса* ва *Улуғбек мадрасаси* б-н мослаштириб қайта қурди. Пештоқ равоғи ва равоқ ичидаги қалқонсимон бағали, гулдастаси ҳамда хонақоҳ гумбази, ичидаги тилла ҳалли бўртма нақшлари қайта жилоланди (1974). Баланд пойгумбази устига феруза ранг кошин б-н қопланган гумбаз ўрнатилди. Бош тарзидаги безак мавзуларининг бойлиги, ички ва ташқи нақшларнинг серҳашамлиги, пештоқ қаноси ва токчасидаги ироқи каштани

Тиллакори мадраса.

Сержило нақшинкори безаклари.

эслатувчи безаклар, бўртма ёзувлар ўзига хосдир. Равоқ бурчаклари, безакли тоқиларни тўлдиришда кошинпаз усталар турли усулларни қўллашган (гиштларнинг майда нақшлари кошинларнинг ҳаласлиги ва ишлимий нақшлари б-н мослаштирилган). Кошинкори равоқларда яшил тангачалар, сариғиш ялпоқлар ва феруза поялар акс эттирилган. Хонақоҳ изораси кошин-намоён, девори, гумбази ва бағали кундал услубидаги серҳашам нақшларга бой. Меҳроб равоғи ва балғали муқарнас косачалар б-н тўлдирилиб, зарҳал берилган ҳамда Қуръон оятларидан олинган бўртма ёзувлар б-н ҳошияланган.

Эшиклар мураккаб нақш ва ёзувлар б-н ёғоч ўймакорлигида пардозланган. Ҳовли саҳни (50×50 м)га мармар ётқизилган. Атрофидаги ҳужраларга эшик, тобалонига панжаралар ишланган. Ҳужралар ёз кунлари ҳам салқин бўлади. Т.м.да музей ташкил этилган бўлиб, унда мадрасани таъмирлашга оид нарсалар сақланган.

Ад.: Самарқанд, Т., 1986; Ўзбекистон ислом обидалари, Т., 2002.

ТИЛЛАКЎЗ ПАШШАЛАР (Chrysopa) — сўналар оиласига мансуб пашшалар уруғи. Уз. 1—2 см. 200 тача, жумладан Ўзбекистонда 7 тури маълум. Кўпчилик турлари ўрмон минтақаси учун хос (айниқса Сибирда кўп учрайди). Личинкалари, асосан, сув ҳавзалари қирғоғида яшаб, органик қолдиқлар б-н озиқланади. Ургочиси йирик сут эмизувчилар қонини сўради; эркаги гул ширасн б-н озиқланади. Т.п. уй ҳайвонлари ва одамларга тўлақонсиз, қуидирги ва б. касаллик қўзғатувчиларини юқтиради.

ТИЛЛАКЎЗЛАР (Chrysopidae) — тўртқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Кўзи бўртиб чиққан, тиллақимсон яшил (номи ҳам шундан), мўйловлари ипсимон, узун, қаноти ёйилганда 4 см гача. Тухумини ўсимликнинг барги ва пояларига қўяди. Ер шарининг Янги Зеландиялан бошқа ҳамма қисмида учрайди. Характерли вакили — оддий тиллакўзнинг танаси 1 см гача, яшил тусда. Личинкалари йиртқич, ҳар хил ўсимликлар орасида яшаб, шира билан, кокцидлар, трипслар ва каналарнинг ёш личинкалари ҳамда ҳашаротларнинг тухуми б-н озиқланади. Т.дан ўсимликлар зараркунандаларига қарши биологик кураш усулида фойдаланилади.

ТИЛЛАР ОИЛАСИ — келиб чиқиши жиҳатидан ўзаро қариндош, тузилиши ва айрим лексик-грамматик хусусиятларига кўра ўхшаш тиллар мажмуи. Т.о.ни ташкил этувчи тилларнинг бир-бирига яқин ёки узоқ қариндошлиги тилшуносликда қиёсий-тарихий метод орқали белгиланади. Оила тушунчаси терминологик жиҳатдан ҳажман ўзгарувчандир. Қариндош тилларнинг айни бир мажмуаси гоҳ гуруҳ деб, гоҳ оила деб аталиши мумкин. Мас., эроний тиллар ўз ички бўлиниши нуқтаи назаридан оила деб, ҳинд-европа тиллари оиласига мансублиги жиҳатидан эса гуруҳ деб аталиши мумкин. Аниқланиши қийин ва ўзаро анча узоқлашиб кетган тилларнинг оилалари (мас., индейс тиллари) учун «макрооила», «филия», «фила» терминлари ҳам қўлланади.

Ҳар бир Т.о. бир неча ўнлаб тилларни ўз ичига олади ва улар, ўз навбатида, бир-бирига яқинлигига қараб, тармоқларга (шохобчаларга) бўлинади. Тармоқлардаги тилларнинг ўзаро яқинлиги ҳам бир хил бўлмайди. Шунга кўра, улар гуруҳларга, гуруҳлар эса гуруҳчаларга бўлиниб, тасниф ва тавсиф этилади. Мас., ўзбек, уйғур, қирғиз, қозоқ, тува, қарайм, татар, бошқирд, туркман, озарбайжон, турк, гагауз, чуваш сингари 20 дан ортиқ тил туркий Т.о.ни ташкил этади. Ушбу оила, ўз навбатида, 6 та гуруҳ ва гуруҳчаларга бўлинади (А.Н.Самойлович таснифи).

Жаҳон тилларини 200 й.дан бери қиёсий-тарихий метод асосида талқиқ этиш натижасида Т.о.нинг генеалогик (келиб чиқишига кўра) таснифи яратилган. Лекин айрим *ўлик тиллар* ва жонли тиллар (мас., япон, корейс, аин, баск тиллари ва б. тиллар) етарли даражада ўрганилмаганлиги туфайли, уларни бирор тил оиласига киритиш қийин. Тилларни аниқ, батафсил ўрганиш, талқиқ этиш Т.о.ни тўғри белгилашга ёрдам беради. Ке-йинги йиллардаги талқиқотлар туфайли ҳом Т.о. йўқлиги, балки битта сом-ҳом (афроосиё) Т.о. борлиги аниқланган. Бир қатор тилшунослар мўғул, тунгус-манжур ва туркий тилларни (буларнинг ҳар бири алоҳида Т.о. ҳисобланади) бир умумий Т.о.га — олтой Т.о.га бирлаштирадилар. Бошқа гуруҳ тилшунослар эса олтой, ҳинд-европа, сом-ҳом, урал, дравид каби тиллар (жуда қад. замонларда) қариндош бўлган деб, уларни битта Т.о.га бирлаштирганлар (қ. *Ностратик тиллар*). Лекин бундай фаразлар ҳозирча ўз исботини топгани йўқ.

Америка ва Африкадаги маҳаллий аҳолининг тиллари жуда кўп ва хилма-хил бўлса-да, уларнинг аксарияти яхши ўрганилмаган. Уларнинг кам ўрганилганлиги ҳамда маҳаллий тилларнинг борган сари камайиб бораётганлиги ушбу ҳудудларда Т.о.ни тўғри белгилашга имкон бермайди. Шундай бўлса-да, индейс тилларининг Шим. Америкада 7 та, Мексика ва Марказий Америкада 3 та, Жан. Америкада 20 дан ортиқ оиласи борлиги аниқланган. Ҳар бир оила 15—20 тадан 100 тагача тилни қамраб олган. Мас., Марказий ва Жан. Америкада кенг тарқалган чибча Т.о., ўз навбатида, 20 гуруҳга бўлинади ва жами 70 га яқин тилни қамраб олади.

Ҳоз. жаҳонда тилларнинг умумий сони 2500 тадан 5000 тагача деб тахмин қилинади. Бироқ тиллар ва Т.о.нинг аниқ миқдорини айтиш қийин, чунки турли-туман тиллар ва бир тилнинг лаҳжалари ўртасидаги тафовутлар кўпинча шартли хусусиятга эга. Бир қатор тилларнинг ҳақиқатан мустақил тилми ёки лаҳжами эканлиги аниқ белгиланмаган. Айрим чалкашлик ёки олимлар ўртасидаги келишмовчиликларга қарамай, *тилларнинг генеалогик таснифи* 2000 дан ортиқ тилни бир неча Т.о.га (ҳинд-европа, фин-угор, туркий, мўғул, сом-ҳом, тунгус-манжур, хитой-тибет, дравид, папуас, индейс, нигер-конго, судан ва б. Т.о.-та) бирлаштиради.

Ад.: Иванов В.В., Генеалогическая классификация языков и понятие языкового родства, М., 1954; Теоретические основы классификации языков мира, М., 1980; Реформатский А.А., Введение в языковедение, М., 1998.

ТИЛЛАР ТАСНИФИ — тилларнинг муайян белгилар асосида ҳамда талқиқотнинг умумий мақсадидан келиб чиқадиган қарашларга мос келувчи маълум таснифий бўлимлар бўйича гуруҳларга ажратилиши. Т.т. муаммоси уларни қиёсий ўрганиш вақтида пайдо бўлади ва баъзан қиёсий ўрганишнинг провард мақсади деб тасаввур этилади. Т.т.нинг 2 асосий тури мавжуд: тилларнинг генеалогик таснифи ва тилларнинг морфологик (типологик) таснифи. Улар орасидаги асосий фарқ шундаки, таснифларнинг биринчиси тилларнинг қариндошлиги тушунчасига асосланади; у қиёсий-тарихий тилшунослик пайдо бўлгандан кейингина рўёбга чиққан. Бунда қариндош тиллар қариндошлик даражаларига қараб оилаларга (мас., ҳинд-европа, фин-угор, туркий, сом-ҳом ва б. тиллар оилалари), бир оила доирасидаги яқин қариндош тиллар эса гуруҳ ва гуруҳчаларга (мас., ҳинд-европа оиласининг славян гуруҳидаги шарқий славян тиллари гуруҳчаси ёки туркий тиллар оиласининг шарқий ва ғарбий гуруҳлари) бириктирилади. Оилалар каттароқ таснифий бирликлар (тил оилалари тўплами, макрооила ва б.)ни аниқлаш, белгилашга уринишлар ҳам мавжуд.

Тилларнинг морфологик таснифи эса типологик ва грамматик хусусиятларга асосланади. У ўзгармас луғавий бирликларга эга бўлган тиллар ҳамда ўзаро бирикиб, ўзгаришларга учровчи луғавий бирликлари бўлган тилларни қиёслаш асосида пайдо бўлган. Немис олими А.В.Шлегель Т.т.нинг ушбу принципини тилларни грамматик қурилиши ли тиллар ва грамматик қурилишсиз тилларга ажратган ҳолда ривожлантирди. Тилларни аморф тиллар, агглютинатив тиллар, флектив тиллар ва полисинтетик тилларга ажратиш ҳам шу таснифга асосланади. Мазкур турларнинг бирортаси ҳам соф ҳолда учрамайди: дунёдаги барча тилларнинг хусусиятлари бирдан иккинчисига ўтувчан характерга эга. Немис олими Г.Штейнталь, австриялик Ф.Мистели ва америкалик Э.Сепирнинг 19-а.да морфологик (типологик) таснифни такомиллаштириш йўлидаги уринишлари бирмунча сода, умумий тарзда бўлган.

Т.т.нинг учинчи хили — ареал ёки географик тасниф ҳам мавжуд. Бу таснифга мазкур икки таснифга нисбатан қўшимча, ёрдамчи мавқеда бўлиб, тилларнинг ёки бир тил доирасидаги лаҳжа ва шеваларнинг географик жойлашувидан келиб чиқади (яна қ. *Лингвистик география*). Умуман, Т.т. дунёдаги қўплаб хилма-хил тилларни яхшироқ ўрганиш, талқиқ этишда катта ёрдам беради.

Ад.: Теоретические основы классификации языков мира, ч. 1—2, М., 1980—82; Реформатский А.А., Введение в языковедение, М., 1998.

ТИЛЛАРНИНГ ГЕНЕАЛОГИК ТАСНИФИ — тилларнинг келиб чиқиши ва қариндошлигини аниқлашга асосланган тасниф. Дастлабки, илк асос тиллдан келиб чиққан тиллар ўзаро қариндош тиллар ҳисобланади (мас., ҳоз. 20 дан ортиқ туркий тиллар дастлабки қад. туркий тилнинг, ҳоз. славян тиллари эса дастлабки умумславян тилининг макон ва замондаги вариантларидир). Тилларнинг генетик қариндошлиги тиллар ўртасидаги фонетик, грамматик ва лексик ўхшашликлар тизимини аниқлаш орқали белгиланади. Т.т.нинг илк манбалари, асослари сифатида М.Кошғарийнинг туркий лаҳжа(тил)лар бўйича, бир қанча араб олимларининг сом тиллари бўйича изланишларини кўрсатиш мумкин. Т.т.нинг майдонга келиши қиёсий-тарихий тилшуносликнинг пайдо бўлиши (19-а.) б-н боғлиқ. Бу таснифда қариндош тиллар кичик гуруҳчаларга, гуруҳларга, оилаларга, баъзан эса ундан каттароқ бирликларга — макрооилаларга ёки тил формацияларига (мас., урал-олтой тиллари) бирлаштирилади (мас., Т.г.т.га кўра, ўзбек тили туркий тиллар оиласининг шарқий гуруҳига, рус тили эса ҳинд-европа тиллари оиласининг славян гуруҳидаги шарқий славян гуруҳчасига мансуб). Аксарият тилларни генеалогик жиҳатдан тасниф қилиш ва уларни у ёки бу оилага киритиш кўпинча мунозарали бўлади. Мас., кавказ тиллари оиласининг мавжудлигини ҳамма олимлар ҳам тан олган эмас (яна қ. *Тиллар таснифи. Лингвистик география. Тилларнинг морфологик таснифи*).

Ад.: Бенвенист Э., Классификация языков [В кн.: Новое в лингвистике, вып. 3], М., 1963; Теоретические основы классификации языков мира, ч. 1—2, М., 1980—82; Реформатский А.А., Введение в языковедение, М., 1998.

Абдуваҳоб Маҳмудов.

ТИЛЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК (ТИПОЛОГИК) ТАСНИФИ — тилларни грамматик шакл ҳосил қилиш усулларида фарқ қилишига кўра гуруҳларга ажратиш; тилларни типологик таснифлашнинг бир тури. Бу таснифга кўра, тилларнинг қуйидаги турлари ажратилади: аморф (ўзак) тиллар, мас. хитой, бамана, аннам, Жан.-Шарқий Осиё мамлакатлари халқларининг талай тиллари. Бу тилларнинг лугат таркиби, асосан, бир бўғинли сўз-ўзаклардан иборат бўлиб, уларда турланиш, тусланиш хусусиятлари йўқ. Шу боис ушбу тилларда сўз ясовчи аффикслар, ёрдамчи сўзлар вазифасини бажарувчи юкламаларгина мавжуд. Ўзак тилларда сўз тартиби муҳим аҳамият касб этади.

Агглютинатив тиллар (турк., банту, мўғул, фин-угор тилларида) сўзлар ўзак ва унга бирикиб келадиган аффикслардан иборат бўлади ҳамда сўзнинг морфологик тузилиши (ўзак ва аффикс) аниқ ажралиб туради. Бунда ҳар бир аффикс бир маъно, вазифа б-н қатнашади. Мас., туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ясама сўзлар ва сўз шаклларн асосга муайян изчиллик б-н аффикслар қўшиш орқали ҳосил қилинади ва бунда аффиксларнинг ҳар бири ўз маъноси б-н қатнашади: тер-им-чи-лар-имиз-га.

Флектив тиллар аффиксларнинг ўзак б-н бирикиб, унга сингиб кетиши б-н тавсифланади. Бундай тилларда грамматик маънолар флексия йўли б-н ифодаланади: мас., араб тилида китоб (бирлик) — кутуб (кўплик) ёки рус тилида друг (бирлик) — друзья (кўплик), уларга ҳинд-европа ва сом тиллари оилалари киради. Флектив тиллар синтетик ва аналитик тилларга ҳам ажратилади. Синтетик тилларда грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) шакл ясовчи аффикслар воситасида ифодаланади (мас., рус, немис тилларн). Аналитик тилларда эса грамматик маънолар сўз шакллари (шакл ясовчи қўшимчалар) воситасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, оҳанг ёрдамида ифодаланади (мас., инглиз, француз, испан тиллари).

Полисинтетик тиллар (Шим. Америка индейслари тилларида асосий нутқ бирлиги сўз-гапдир. Таснифэтилган тиллар орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди, чунки бир тилда учрайдиган айрим тил ҳодисалари бошқаларида ҳам учраб қолиши мумкин. Мас., Океания тилларини ҳам аморф тиллар, ҳам агглютинатив тиллар сифатида тавсифлаш мумкин.

Т.м.т. дунё тилларини муайян морфологик хусусиятларга кўра гуруҳлаш, уларнинг умумий чизмасини яратиш жиҳатларидан муҳим, шу боис у ҳозир ҳам ўз эътиборини йўқотмаган.

Ад.: Кузнецов П.С., Морфологическая классификация языков, М., 1954; Теоретические основы классификации языков мира, ч.1—2, М., 1980—82.

Ҳилол Маҳмадиев.

ТИЛЛАРНИНГ ЧАТИШУВИ — муайян бир тил ёки лаҳжа тизимидаги унсурларнинг иккинчи бир тил ёки лаҳжа тизимидаги унсурлар б-н қўшилиб кетиши; маълум тарихий даврларда ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ғолиб бўлган халқнинг тили б-н мағлуб бўлган халқ тили ўртасидаги муносабатлар мажмуи. Бунда баъзан ғолиб халқнинг тили мағлуб халқ тилидан устунлик қилади ва мағлуб тил, муайян из қолдирган ҳолда, ғолиб тилга сингиб кетади, баъзан ғолиб халқ тили, маълум из қолдирган ҳолда, мағлуб халқ тилига сингиб кетади. Мас., мил. ав. 2—1-а.ларда римликлар Галлия, Иберия каби ҳудудларни бўйсундирганларида, бу ҳудудлар аҳолисини ўз тилларини (халқона лотин тилини) ўрганишга мажбур қилганлар. Аксинча, герман қабилаларидан франклар Франциянинг шим. ҳудудларини босиб олганларида, ўзлари «французлашиб», уларнинг тиллари мағлуб тил бўлиб қолган. Туркийзабон булғор қабилалари 10-а.да Болқон славян қабилаларини бўйсундирган («Болгария» атамаси ҳам шу қабила номидан олинган), лекин Т.ч. туфайли ўз тилларини йўқотиб юборган. 13-а.даги мўғул истилосидан сўнг мўғул тилининг Ўрта Осиёдаги ҳолати ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Т.ч.да 2 тушунча: *субстрат* ва *суперстрат* ўзаро фарқланади; уларнинг ҳар иккаласи ҳам мағлуб тилнинг ғолиб тилдаги унсурларини англатади.

Т.ч.ни оддий сўз ўзлаштиришдан, тилларнинг ўзаро бир-бирини бойитишидан фарқлаш керак. Чунки бошқа тилдан сўз ўзлаштирган тиллар ўзига хос хусусиятларини сақлаб, ички имкониятлари асосида ривожланади: бу ҳолатда маълум тил лексикасининг бойиши ҳақида гапириш мумкин. Хусусан, ўзбек, уйғур, озарбайжон, татар тилларига ислом дини, Қурьон матнини ўрганиш муносабати б-н кўплаб арабча луғавий бирликлар кириб ўзлашган бўлса-да, бу тиллар ўзига хос хусусиятларини, асосан, тўлиқ сақлаб қолган. Т.ч.да эса тиллар ривожининг ички қонуниятлари бузилади ёки батамом йўқолади; фонетика ва грамматика соҳаларида бир қатор туб ўзгаришлар содир бўлади.

ТИЛЛАРНИНГ ҚАРИНДОШЛИГИ — қ. *Тилларнинг генеалогик таснифи.*

ТИЛЛАТЕПА — Шим. Афғонистондаги Шибиргон ш.дан 5 км шим.да жойлашган манзилгоҳ (мил.ав. 10—9-а.лар) ва қабристон (мил. ав. 1-а.). В.И.Сарианиди раҳбарлигидаги археологик экспедиция томонидан 20-а.нинг 70-й.ларида топилган ва тадқиқ этилган. Т. айлана тарҳли (диаметри 100 м), бал. 4 м бўлиб, археологик қазишмалар натижасида ундан мил. ав. 9—7-а.ларга оид улкан бино; қизил, қора бўёқлар б-н узига хос нақш солинган сопол идишлар, тош ёрғучоқ (ёрматош)лар ва уларнинг дасталар ҳамда 6 та қабр топилган. Шундан 5 таси аёллар қабри (мил. ав. 1-а. — мил. 1-а.га оид) бўлиб, қабрлардан, асосан, олтиндан ишланган 20 мингта буюм чиққан. Марҳумлар ёғоч тобутга ётқизилиб, тобут устига тилла ва кумуш безаклар б-н қадама қилиб ишланган ёпинчиқ ёпиб қўйилган. Марҳумларга юзлаб майда тилла қадама безаклар, тақинчоқлар қалаб безатилган қимматбаҳо зардўзи либослар кийлирилган. Топилмалар ичида 2 шохли аждарҳонинг оёғидан ушлаб турган маъбуда тасвири туширилган тақинчоқ (шокила), отга ҳужум қилаётган бўрилар акс эттирилган қоплама, қанотли маъбуда ҳайкалчаси, шер устида ўтирган маъбуда тасвири бор, феруза тошлар б-н безатилган тилла тўқа, дельфинда савлат тўкиб ўтирган «амурлар» тасвирланган тугмалар, Арес (юнонларнинг уруш худоси) сурати акс этган тақинчоқ, узуклар ва билагузуклар, ҳар хил ҳайкалчалар, идишлар, ханжарлар, Парфия ва Рим подшоҳлари (Митридат II, Фраат IV, Рим императори Тиберий ауреуси)нинг мил. ав. 16—21-й.лар давомида Луглунумда зарб қилинган тангалар диққатга сазовордир. Буюмлар таркибининг таҳлили эллинизм дунёсининг кучли таъсири сак-парфия ва ҳинд-парфия, шунингдек, Бақтрия, маданияти элементлари уйғунлашиб кетганлигини кўрсатади.

Эдвард Ртвеладзе.

Тиллатепа топилмаларидан: *1* — дельфин минган «амурлар», *2* — бақтриялик Афродита; *3* — тог эчкиси ҳайкалчаси.

ТИЛЛАХОНОВ Салимхон (1898, Тошкент — 1931.23.4, Москва) — педагог, Ўзбекистонда миллий истиқлол ҳаракати намояндаларидан бири, «*Миллий иттиҳод*» ташкилоти Сирдарё вилояти раҳбарларидан. 1914—16 й.ларда бошланғич мактабларда ўқитувчи, «Турон» труппасида актёр. 1916—17-й.ларда Боку педагогика ин-тида ўқиган. Тошкент эски шаҳар маориф бўлими мудири. Маориф ин-ти директори, «Нашри маориф» уюшмаси муассисларидан бири (1923). С. Ўрта Осиё ун-тида ҳам ўқиган ва ўқитувчилик қилган (1924—25). Тошкент округ молия курсини ташкил этиб, унга раҳбарлик қилган (1925—29). «Молия фани асослари» асарини ёзган. 1929 й. нояб.да Давлат сиёсий бошқармаси (ГПУ) томонидан қамоққа олиниб, кейин отиб ташланган. 1989 й. оқланган.

Ад.: Абдурашидхонов М., Танланган асарлар, Т., 2003.

ТИЛЛАҚОШ — заргарлик буюми; аёлларнинг бош кийими устидан пешонага тақиладиган тақинчоғи. Тилла ёки тилла суви юғуртирилган кумуш ва б. металлардан ясалади. Т. асосини қайрилма қош шаклидаги бир-бири б-н туташадиган 2 бўлак ҳосил қилади, бўлаклар туташган жойга бир дона лаъл қаладади, бўлаклар юзаси нақшлар б-н безатилиб, юқори чети феруза кўзлар б-н ҳошияланади; қайрилма қош шаклининг юқорисига панжарали нақшлар ишланади ва Т. учбурчак шаклидаги тож кўринишига эга бўлади, панжарали гуллар ўртасига феруза кўзлар б-н ҳошияланадиган маржон ва б. қадамалар ўрнатилади. Т.нинг қуйи қисмига ўзаро алмашиниб келадиган майда мунчоқ ва япроқчалар терилган бири калта, бири узун занжирлар осилади. Т.нинг юқори қисмининг маркази (учи) ва икки чеккасидан занжирлар чиқарилиб, улар марказда бирлашади ва илгак б-н якунланади. Бир хил бадиий усулда безатилган Т. *гажак, исирға, зебигардон* б-н бирга ансамбль ҳосил қилади. Т. шаклига ўхшаш пешонага тақиладиган зийнат буюми Фарғона водийсида *барғак*, тепа қисмидаги панжарали нақшлари бўлмаган тури Бухорода боло абру деб ҳам аталади, Хоразмнинг *осматузи* тақинчоғи ўзига хос безатилиши б-н Т.дан фарқ қилади. Қадимдан келин ҳамда ёш аёлларни ҳимояловчи тумор вазифасини бажарган. Т. ҳозир, асосан, тўй маросимида ва раққосаларнинг миллий либосининг таркибий қисми сифатида қўлланилади.

Тиллақош (19-а. охири, Тошкент).

ТИЛЛИТЛАР (инг. tillite, till — валун гили) — музлик ётқизиқлари, моренадар. Зичлашган, сараланмаган ҳосилалар бўлиб, дағал чақиқ жинслардан таркиб топган, баъзан метаморфизмга учраган. Т. таркибида *валунлар* бўлган майда донадор массадан иборат. Денгиз чўкиндилари ва музнинг тарқалиши натижасида ҳосил бўладиган денгиз Т. (акватиллитлар) ва пастки қатламдаги туб жинсларнинг ҳаракатдаги музларида уларнинг таркибида акс этадиган континентал Т. фарқ қилинади. Т. қад. музланишнинг қолдиқлари бўлиб (қ. *Палеоиқлимшунослик*), улар эрта протерозойдан ва деярли ҳамма континентларда кечки протерозой қатламларигача маълум. Т.нинг горизонтлари Шарқий Европа платформасининг юқори рифей қатламлари, Африка, Австралия, Хитой, Ўрта Урал ва Тяньшаннинг кечки протерозой қатламларида учрайди. Т.нинг қалинлиги ўнлаб ва юзлаб м га етади. Т. дан стратиграфия, палеогеография муаммоларини ечишда ҳамда чўкинди фойдали қазилмалари (темир рудаси) конларини башоратлашда фойдаланилади.

ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ — қ. *Лексика.*

ТИЛОВАТ — асосан Қурьон оятларини ўқиш (қ. *Қироат*).

ТИЛОҒОЧ (Larix) —қарағайдошлар оиласига мансуб игнабаргли дарахтлар туркуми. 20 га яқин тури бор. Европа Осиё ва Шим. Америкада ўсади. Бир уйли, айрим жинсли ўсимлик. Бўйи 20—25 м (50 м гача, диам. 1 м гача етади), барглари қишда тўкилади. Игналари юмшоқ, силлиқ, узун новдаларда 20—40 тадан спиралсимон жойлашган. Уругли қуббалари думалоқ ёки чўзиқроқ (ёшлигида қизғиш ёки яшил), калта новдалар учида жойлашган. Т. игнабарг чиқариши б-н гуллайди, қуббаси ва уруглари ўша йилдаёқ кузда ёки баҳорда экилади. Очилган қуббалари дарахтда 2—3 йилгача туради. Уруғи майда, қанотчали, шамол ёрдамида тарқалади. Т. совуққа ғоят чидамли, жой танламайди, ёругсевар. Тог ён бағирларини мустаҳкамлашда, дала иҳота дарахтзорлари ҳосил қилишда ва жойларни кўкаламзорлаштиришда Т.нинг аҳамияти катта. Унинг Гмелин ёки даурия Т. (L. gmeliniia) ва Сибирь Т. (L.sibirica) турлари кўп тарқалган. Ёғочи пишиқ, мустаҳкам, қаттиқ, сув ости иншоотлари қуришда; мебель, қоғоз тайёрлашда ишлатилади.

Тилоғоч: *1* — Сибирь тилоғочи дарахти; *2* — етилган қуббаси.

ТИЛШУНОСЛИК, лингвистика — тил ҳақидаги, унинг ижтимоий табиати, вазифаси, ички тузилиши, таснифи, муайян тилларнинг амал қилиш (фаолият) қонунлари, тарихий тараққиёти ҳақидаги фан. Мақсади, вазифаси ва ш.к.га кўра, Т.нинг бир неча йўналишлари (соҳалари) бор: умумий Т. — тилни умуман инсонга хос ҳодиса сифатида ўрганувчи, асосий вазифаси дунё тилларига хос энг умумий белги-хусусиятларни аниқлаш ва ёритиш бўлган соҳа, хусусий Т. — айрим бир тил белги-хусусиятларини ўрганувчи соҳа; амалий Т. — тилдан фойдаланиш б-н алоқадор амалий масалаларни (эксперименталфонетика, лексикография, лингвостатистика, транскрипция, транслитерация ва б.) ҳал қилиш методларини ишлаб чиқувчи йўналиш; *математик лингвистика, структураний тилшунослик, қиёсий-тарихий тилшунослик* ва б. Паралингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, социолингвистика каби соҳалар сўзловчи (шахс)нинг жамиятдаги фаолияти б-н алоқадор тил хусусиятларини ўрганади.

Мазкур йўналишлардан ташқари Т.нинг ҳар бир тилдаги муайян сатҳлар ва бирликларни ўрганувчи кўплаб тармоқ ва бўлимлари бор: *семасиология* тил бирликлари маъноларини ўрганади; *фонетика* ва *фонология* тилнинг товуш қурилишини текширади; *лексикология* ва *фразеология* тилнинг луғавий материалини тадқиқ этади. Сўз *ясалиши*нинг тадқиқот объекти сўзларнинг ясалиш усуллари ва ушбу усулларнинг маҳсулдорлиги бўлса, *грамматика* (морфология ва синтаксис) сўз ўзгаришларини ва сўзларнинг гаплар ва сўз бирикмалари сифатида бирикиши қонуниятларини ўрганади. Т. нинг ҳар бир бўлимида янада кичикроқ (майдароқ) махсус бўлимчалар бўлиши мумкин. Мас., лексикология доирасида *ономастика* бўлимчаси бўлиб, у, ўз навбатида, *антропонимика, топонимика* ва б.га бўлинади. Муайян тилнинг ҳудудий фарқланиши (дифференциацияси)ни *диалектология* ўрганади. Мазкур бўлимларнинг ҳар бирида тилнинг ҳоз. аҳволи ва унинг тарихий тараққиёти тадқиқ этилади (қ. *Диахрония, Синхрония*). Жаҳон тиллари, уларнинг оилалари ва гуруҳларини ўрганувчи Т. тармоқлари: арабистика (арабшунослик), германшунослик, туркийшунослик, славяншунослик, фин-угоршунослик ва б. Тилларнинг ўзаро таъсирлашуви, ёрдамчи халқаро тилларни яратиш назарияси ва амалиёти, шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш муаммоларини *интерлингвистика* ва таржима назарияси ўрганади.

Т. фан сифатида она тили ва хорижий тилларни ўрганишда, терминологияни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, лисоний матнларни илмий шарҳлашда, *машина таржимаси*да муҳим аҳамиятга эга; мавжуд ва хаёлий нарсалар (моддийлик ва ғоявийлик)нинг ўзаро алоқадорлиги муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий онгни ва ижтимоий мавжудот бўлмиш инсоннинг ўзини тўғри тушуниш учун назарий хулосалар чиқаришга имкон берди. Тил ва тафаккурнинг, лисоний ва мантиқий бирлик (катталик)ларнинг ўзаро алоқаси муаммоси Т. ва фалсафа томонидан баравар, бир вақтнинг ўзида ўрганилади. Асосий лингвистик методлар сифатида тавсифий (қиёсий, конфронтатив, контрастив, типологик), тарихий (қиёсий-тарихий, компаратив) ва норматив-стилистик (меъёрий-услубий) методларни кўрсатиш мумкин. Т.да яна махсус тадқиқот усуллари — лисоний ҳодисаларни куза-

тиш, лисоний эксперимент, лингвистик моделлаштириш, лингвистик талқин усуллари ҳам мавжуд. Т. фалсафа ва филол. фанлари туташган чегарада пайдо бўлган.

Т. муаммоларини ўрганиш дастлаб қад. Ҳиндистондан бошланган. Қад. ҳинд Т. мил. ав. 6-а.дан олдин яратилган *ведаларни* тил нуқтаи назаридан шарҳлаш натижасида вужудга келади ва мил. ав. 5—4-а.ларда яшаган Панининнинг грамматикаси туфайли юксакликка кўтарилди. Бу асар назмда ёзилган 3996 та қоидадан иборат бўлиб, унда санскрит фонетикаси ва грамматикаси тавсиф этилган. Юнонистонда тил мантиққа боғлиқ ҳолда, шунингдек, унинг грамматик қурилиши нуқтаи назаридан ўрганилган (Гераклит ва Демокритнинг қарашлари, Платон ва Аристотелнинг асарлари, Фракиялик Дионисийнинг «Грамматика»си ва б.). Сўзларни туркумларга ажратиш Аристотелдан бошланган (мил. ав. 4-а.). Қад. юнон Т.нинг камолоти Искандариядаги, қисман Перган (Кичик Осиё)даги юнон тилшуносларининг фаолияти б-н боғлиқ. Искандария грамматика мактаби (мил. ав. 3—2-а.лар) вакиллари томонидан юнон тили грамматикаси ёзилди. Юнон Т. асосида лотин Т. вужудга келди (М. Т. Варрон, Э. Донат, Присциан ва б.нинг асарлари).

Кейинчалик араб (Багдод, Куфа. Басрадаги грамматика мактаблари), қад. яҳудий, оромий (Андалусия филологларининг 9—12-а.лардаги асарлари) ва туркий (Кошғарий ва Замахшарий асарлари) тиллари илмий тавсиф манбаи бўлади. Ўрта асрларда тилшуносликнинг ривожи араб, шунингдек, араб тилида ижод этган араб бўлмаган филологлар номи б-н боғлиқ. Араб Т.нинг ривожланишида Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Замахшарий, Жавҳарий сингари ўртаосиёлик олимларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Ибн Сино товушларни фонема нуқтаи назаридан текширган бўлса, Жавҳарий, Кошғарий ва Замахшарийлар лексикология ва лексикография соҳасида жаҳон тилшунослигига катта янгиликлар киритдилар. Маҳмуд Кошғарий ва Замахшарий ўзларининг «Девону луғотит-турк», «Муқаддимат ул-адаб» асарлари б-н туркий лаҳжаларни ҳамда бошқа-бошқа оилаларга мансуб тилларни қиёслаш ва чоғиштириш б-н Т.да қиёсий-тарихий метод ва типологиядан фойдаланган дастлабки тилшунослар сифатида ном қозонганлар. Филологик фанлар Узоқ Шарқда, хусусан, Хитой ва Японияда ҳам ривожланди. Россияда Т. 15—16-а. лардан бошлаб тараққий қилди. М. В. Ломоносовнинг «Рус грамматикаси» асарида рус адабий тилининг фонетик, морфологик, қисман синтактик хусусиятлари биринчи марта изчил баён қилинди.

Уйғониш даврида антик дунё маданий меросига бўлган қизиқиш классик филологиянинг ривожланишига ҳам туртки бўлди. Шу б-н бир қаторда, янги, замонавий европа тилларини мантиқий асосда ўрганиш бошланди. Қиёсий методика ва тарихийлик тамойилининг қўлланиши қиёсий-тарихий Т.ка асос солдики, бу соҳа тилларнинг қариндошлигини ўрганишда, *тилларнинг генеалогик таснифини* ишлаб чиқишда, қариндош тилларнинг, тиллар оилаларининг, асосан, ҳинд-европа тиллари оиласининг тарихий тараққиётини ўрганишда, тилларнинг қад. ҳолатини қайта тиклашда ва б.да муваффақиятларга эришди. Т.даги қиёсий-тарихий йўналишнинг ривожланишига немис олимлари Ф. Бопп, Я. Гримм, А. Ф. Потт, А. Шлейхер, А. Диц, даниялик Р. К. Раск, чехиялик Й. Добровский, австриялик Ф. Миклошич, рус олими А. Х. Востоков ва б. катта ҳисса қўшдилар. Умумий Т. асослари, тилни «фаолият» ва «фаолият маҳсули» сифатида тушуниш, тилнинг ташқи ва ички шакли ҳақидаги таълимот, *тилларнинг типологик таснифи* ва б. муаммолар немис олими В. Гумбольдт томонидан ишлаб чиқилди. Унинг фикрлари 19—20-а.лар ғарб Т.нинг бир қанча йўналишлари ривожига катта таъсир кўрсатди. Гумбольдт Т. мантиқийликдан қутулиши ва ўз методига эга бўлиши кераклигини, тилнинг тизим хусусиятига эгалигини, унинг 2 жиҳати — товуш ва маъноси борлигини ҳамда ижтимоий ҳодисалигини асосли баён қилди. 19-а. ўрталарида А. Шлейхер Т.да биологик назарияларни қўллашга уриниб кўрди.

Лингвистик натурализмни танқид қилиш негизида ёш грамматикачилар (немис олимлари А. Лескин, К. Бругман, Г. Остхоф, Б. Дельбрюк, Г. Пауль ва б.) мактаби шаклланиб, у асосий эътиборни жонли тилларни ўрганишга қаратди. Ушбу мактаб вакиллари қиёсий-тарихий Т.нинг ривожини янги босқичга олиб чиқдилар. 19-а.да ҳинд-европашуносликнинг асосий тармоқлари (эллинистика-юноншунослик, романистика, германистика, славяншунослик, кельтшунослик ва б.) батамом шаклланиб бўлди. Ҳинд-европа тиллари учун ишлаб чиқилган қиёсий-тарихий метод тамойиллари ушбу оилага кирмайдиган бошқа тилларга ҳам татбиқ этилди. Шу тариқа семитология, туркийшунослик, финугоршунослик, африкашунослик каби соҳалар шаклланади. Т.нинг 20-а. бошларидаги ривожланишида Фердинанд де *Соссюрнинг* асарлари, биринчи навбатда, «Умумий тилшунослик курси» (1916) муҳим роль ўйнали. Соссюр тилнинг белги назариясини яратди, *синхрония* ва *диахрония*, ички лингвистика, ташқи лингвистика ва б. муаммоларни тадқиқ қилди. Ф. де Соссюр гоялари кейинроқ пайдо бўлган лингвистик структурализм мактабларида: Прага лингвистик мактаби — функционал тилшунослик, Копенгаген лингвистик тўгараги (глоссематика), Женева мактаби, Америка дескриптив (тавсифий) Т.да янада ривожлантирилади.

Структурал оқимлар б-н бир қаторда бошқача йўналишлар ва қарашлар ривожлана бошлади: психологик йўналиш (немис олимлари Х. Штейнталь ва В. Вундт асарлари; рус олими В. В. Потебня ҳам ушбу йўналишга қўшилади), нейролингвистика ва б. Материалистик дунёқарашнинг кенг ёйилиши б-н экспериментал фонетика ва *лингвистик география* ҳам ривожлана бошлади. Кейинчалик Т.да янги йўналиш ва бўлимлар: *психолингвистика, социолингвистика*, этнолингвистика, семиотик лингвистика, трансформацион лингвистика, мати лингвистикаси ва б. пайдо бўлади. Ҳоз. хорижий Т.да материалистик назариялар б-н бир қаторда идеалистик тамойилларга асосланган назариялар ҳам (мас., лисоний нисбийлик назарияси ёки янги гумбольдтчилик) мавжуд.

Ўзбек Т. тарихи Маҳмуд Кошғарий ва Замахшарийларнинг изланишларидан бошланиб, узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди. 15-а.дан 20-а. 20-й.ларигача ўзбек тилини ўрганишнинг амалий жиҳатларига алоҳида эътибор берилди (қ. *Лексикография, Луғат*), кўплаб икки тилли (ўзбекча-форсча, ўзбекча-туркча, ўзбекча-русча ва аксинча тартибда) луғатлар тузилди — Т.нинг лексикология ва лексикография бўлимлари ривожланди. Ўзбек тилини ҳоз. маънода ўрганиш 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланган. Шўро даврида олиб борилган тил сиёсати, рус тилининг жамиятдаги мавқеини ҳаддан зиёд ошириб кўрсатиш оқибатида тилни, тил ҳодисаларини ўрганиш, тавсиф ва тадқиқ этишда (айниқса, ўзбек тили грамматикасини ўрганишда) муайян камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилган бўлса-да, ўзбек Т. ривожланиб, маълум ютуқларга эришди. Ўзбек Т. ривожига Фитрат, Қ. Рамазон, Отажон Ҳошим, С. Иброҳимов, Олим Усмон, З. Маъруфов, Фахри Камол, А. Ғуломов, Ф. Абдуллаев, Ш. Шоабдураҳмонов, F. Абдураҳмонов, А. Рустамов, М. Асқарова, Х. Донпёров, Ш. Шукуров, Ш. Раҳматуллаев, М. Миртожиев, Э. Бегматов каби олимларимиз, рус тилшуносларидан Е. Д. Поливанов, А. К. Боровков, К. К. Юдахин, А. Н. Кононов, А. М. Шчербак, В. В. Решетов ва б. катта ҳисса қўшдилар. Ўзбекистонда Т. муаммолари Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги *Тил ва адабиёт институти*, шунингдек, олий ўқув юртларининг тилни ўргатиш б-н боғлиқ кафедралари томонидан ўрганилади, махсус *«Ўзбек тили ва адабиёти»* жур. нашр этилади.

Ад.: Общее языкознание. Формы существования, функции, история языка, М., 1970; Общее языкознание. Внутренняя структура языка, М., 1972; Общее языкознание. Методы лингвистических исследований, М., 1973; Березин Ф. М., История лингвистических учений, 2-изд., М., 1984; Реформатский А. А., Введение в языковедение, М., 1998; Нурмонов А., Ўзбек тилшунослиги тарихи, Т., 2002.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Ибодулла Мирзаев.

ТИЛҚИЯР (Hierochloe) — бугдойдошлар (галладошлар)га мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. Ер юзида 15 тури, Ўзбекистонда бир тури (H. odorata) тарқалган. Асосан, мўъталил ва совуқ иқлимли ерлардаги сернам ўрмонларда учрайди. Тўпгули — рўвак. Май — июнда гуллаб мева тугади. Т. таркибида кумарин моддаси бор. Т. экстракти вино ва б. ичимликлар тайёрлашда ишлатилади.

ТИМ (форс.-тож.) — усти ёпиқ *бозор*, савдо растасининг баланд томи, гумбази. Т.лар қадимда асосан йирик шаҳар марказларида, кўчалар кесишган чорраҳа, *чорсу*, гузар майдонида, *карвонсаройлар* яқинида жойлашган. Усти улкан гумбаз б-н қопланиб, бир неча ҳунармандлик дўконлари ва савдо расталарини ўз ичига олган. Т.лар шаҳар меъморий қиёфасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Сугдларнинг шаҳар ичидаги бозорлари ва савдо расталари араб манбаларида «сук» деб, чорраҳада жойлашганлари «чохорсук» ёки чорсу деб юритилган. Кейинчалик 4 томони кесишган кўча марказида жойлашган савдо тармоқлари *тоқлар* қурилган. *Наршахай, Клавихо*, Э.Жекинсон ва б.нинг эсдаликларида Т.лар қурилиши ҳақида маълумотлар сақланган. *Абдуллахон тими, Оллоқулихон карвонсаройи ва тими* каби ноёб меъморий ёдгорликлар ҳоз. кунда маҳаллий савдо марказлари сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ТИМАН КРЯЖИ — Шарқий Европа текислигининг шим.-шарқидаги қирлар. Шим.-ғарбда Баренц денгизининг Чеша қўлтиқчасидан жан.-шарқда Вичегда дарёсининг бошланиш еригача чўзилган (РФ Коми Республикаси ва Архангельск вилоятида). Уз. 900 км га яқин. Т.к. гранит, сиенит, кристалли сланец каби жинслар б-н, ер усти эса антропоген даври қуруқлик ва денгиз ётқизиқлари б-н қопланган. Энг баланд жойи 471 м (Четласский Камень).

Т.к.нинг шим. қисми тундра ва ўрмонли тундра, жан. қисми тайга зонасида (қорақарағай, оққарағай, қарағай ўсади). Титан минераллари (Ярега), боксит (Четласский Камень), нефть ва газ (Ус, Вуктиль ва б.) конлари бор.

ТИМИРЯЗЕВ Климент Аркадьевич [1843.22.5(3.6), Петербург — 1920.28.4, Москва] — рус олими, табиатшунос-дарвинист, *ўсимликлар физиологияси* мактабининг асосчиси. Петербург ФА мухбир аъзоси (1890). Д. И. Менделеев бошчилигида ўсимликларни озиқлантириш устида иш олиб борган. Германия ва Франциядa бўлиб, физика, кимё, ботаника, агрокимё ва б. фанлар б-н шуғулланган (1868—70). Т. Петров номидаги Деҳқончилик ва ўрмончилик академиясида ботаника ўқитувчиси (1870—92), ординар проф. 1875, Москва ун-тида проф. (1878 й.дан).

Т. замонавий *фотосинтез* таълимотининг асосчиси. Ўсимликлар физиологиясининг долзарб масалалари устида ҳам тадқиқот ишлари олиб борган. Москва Қишлоқ хўжалик академияси ва Россия ФА Ўсимликлар физиологияси ин-тига Т. номи берилган.

Ас.: Сочинения, т. 1—10, М., 1937—40.

ТИМИШОАРЕ — Руминиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Бега дарёси бўйида. Тимиш жудецининг маъмурий маркази. Аҳолиси 324,3 минг киши (1998). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Машинасозлик (жумладан, электротехника ва радиоэлектроника, кон саноати учун жиҳозлар, қ.х. машиналари и.ч.), нефть кимёси, мебель, тўқимачилик, тикувчилик, кўнпойабзал, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, театрлар, музейлар бор. Шаҳар 13-а.дан маълум. Меъморий ёдгорликлардан Янош Хуньяди қасри (14—15-а.лар), барокко услубида қурилган черков ва монастирлар (18-а.) сақланган.

ТИМОР — Малай архипелагидаги Кичик Зонд о.лари гуруҳига мансуб энг катта орол. Майд. 34 минг км². Рельефи, асосан, тоғли, энг баланд жойи 2963 м. Балчиқли вулканлар бор. Иқлими субэкваториал, муссонли. Соҳилида т-ра йил давомида 25—27°. Йиллик ёғин 1500 мм. Саванна ва тропик ўрмонлар бор. Кофе, кокос пальмалари, каучукли дарахтлар ўстирилади. Шоли, маккажўхори экилади.

Т. сиёсий жиҳатдан 2 қисм: Шарқий Тимор (Тимор Лоросае) ва Ғарбий Тиморга (Индонезиянинг Шарқий Нуса Тенгера провинцияси таркибида) бўлинади. Т.ни 1520 й.да португаллар эгаллаган. 1613 й.дан унинг шарқий қисми голландлар қўл остига ўтди. 1812—15 й.ларда Т.да инглизлар ҳукмронлик қилган. 1860 ва 1893 й.лардаги шартномаларга асосан, Шарқий Т. (Португалия) ва Ғарбий Т. (Нидерландия) ўртасидаги чегара узил-кесил ўрнатилган. 1945 й.да Ғарбий Т. Индонезия таркибига кирди. 1975 й.да Индонезия Шарқий Т.ни ҳам эгаллади ва 1976 й.дан Индонезиянинг 27-провинцияси мақомини олди. Чорак аср давом этган озодлик учун курашдан сўнг 2002 й. Шарқий Т. мустақилликка эришди (қ. *Шарқий Тимор*).

ТИМОР ДЕНГИЗИ — Ҳинд океанининг чекка денгизи. Австралия б-н Тимор о. оралигида. Майд. 432 минг км². Акваториясининг 1/2 қисмининг чуқ. 200 м гача, энг чуқур жойи 3310 м (Тимор ботиги). Юза қисми сувининг т-раси 25° дан 29° гача. Шўрлиги 34—35‰. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади, бал. 3—4 м. Жан. соҳилида Дарвин порти (Австралия) бор.

ТИМОФЕЕВА Нина Ивановна (1910.16.1, Смоленск — 1982.16.1, Тошкент) — актриса, реж., педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Ленинграддаги саҳна санъати ин-тини тугатган (1932). 1931—37 й.лар Россиянинг турли театрларида, 1937—47 й.лар Тошкент рус ёш томошабинлар театрида актриса, 1947 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида актёрлик маҳоратидан дарс берган (1970 й.дан доцент). Лиза («Ақллилик балоси»), Мария Антоновна («Ревизор»), Пелагея Егоровна («Камбағаллик айб эмас»), девона («Шаҳзода ва девона»), Варя («Исён») каби ролларни ижро этган.

ТИМПАН — меъморликда *пештоқ*нинг учбурчакли тепа қисми. Бино бош тарзига (дераза ва эшик тепасига) равоқсимон, учбурчак ёки найзасимон шаклда ишланган безак. Европа меъморлигида Т. бўртма ҳайкал, тасвирий расм, нишон кўринишида амалга оширилган. Ўзбекистонда 50—60 й.ларда асосан, маданият уйлари, мактаб ва б. бинолар бош тарзида Т.дан фойдаланилган (яна қ. *Қанос*).

ТИМПАНАЛ ОРГАНЛАР (юн. tympanon — тимпан — ногора) — ҳашаротлар (тўғри қанотлилар, жизилдоқлар, айрим капалаклар, тўрқанотлилар)нинг овоз чиқариш органлари; ўз тури ва айрим йиртқичлар (мас., кўршапалаклар эхолокация) сигналларини қабул қилади. Т.о. тимпанал мембраналар ва уларга ёки трахеяларга бириккан сезгир хордотонал сенсиллалардан иборат. Улар сони 2—4 дан (танга-

чақанотлилар) бир неча ўнта (тўғри-қанотлилар), ҳатто бир неча юзтагача (жизилдоқлар) бўлади. Т.о. олдинги оёқларнинг болдир қисмида темирчаклар, чирилдоқлар, бузоқбошилар, кўкракда (сув қандалалари) ёки қанотларда (тўрқанотлилар) жойлашган. Тўғри қанотлилар Т.о.и 0,2—100 кГц, жизилдоқлар 0,2—20 кГц, тангачақанотлилар 1—240 кГц частотали диапазондаги товушларни қабул қилади. Т.о. эшитиш органи бўлган ҳашаротларда яхши ривожланган.

ТИМСОҲЛАР — сувда яшовчи судралиб юрувчилар туркуми. Танаси калтакесакка ўхшаш, уз. 2—7 м, боши яссилашган, тумшуғи узун. Кўзлари ва бурун тешиклари боши устидан бўртиб чиқиб туради. Бурун ва қулоқ тешиклари сувда ёпиладиган клапанлар б-н таъминланган. Оғиз бўшлиғида иккиламчи танглай бўлади. Тишлари йирик. Тили оғиз тубига ёпишган. Думи узун ва баланд (икки ёндан яссилашган). Орқа оёқлари бармоқлари орасида сузгич пардалари бор. Териси қаттиқ ва қалин, мугузсимон йирик пластинкалар б-н қопланган. Мугуз пластинкалар остида суяк пластинкалар жойлашган. Т. юраги 4 камерали бўлиши б-н бошқа судралиб юрувчилардан фарқ қилади. Ўпкаси яхши ривожланган. Эркаклари клоакаси орқа

Тимсоҳлар: *1* — аллигатор; *2* — гавиал; *3* — Нил тимсоҳи; *4* — кайман.

қисмида тоқ жинсий орган жойлашган. *Аллигаторлар, гавиаллар* ва ҳақиқий тимсоҳлар оилаларига бўлинади.

Т. оиласига 3 уруг ва 15 га яқин тур киради, жумладан, нил Т.и (уз. 7 м гача) тропик Африка дарё, кўл ва ботқоқликларида; тароқли Т. (уз. 6 м гача) Жан.-Шарқий Осиё, Малайя архипелаги ороллари, Шим. Австралия ва Янги Гвинеядаги дарёларнинг қуйилиш жойлари ва денгиз соҳилларида тарқалган. Т. ҳаётининг кўп қисмини сувда ўтказади; асосан, тунда фаол. Балиқлар, сут эмизувчилар, қушлар ва сув умуртқасизлари б-н озиқланади. Нил Т.и ва тароқли Т. одам учун хавфли. Ургочи Т. қирғоқлаги қум ёки чириётган барглар орасига 20—100 тухум қўяди; насли тўғрисида гамхўрлик қилади. Т. гўшти ейилади, терисидан қимматбаҳо тери-галантерея буюмлари тайёрланади. Кўплаб овланиши туфайли сони камайиб кетган. 26 тури ва кенжа тури (жумладан, 15-ҳақиқий Т.) Халқаро Қизил китобга киритилган. Бир қанча мамлакатлар (АҚШ, Куба, Япония, Кения)да Т.ни кўпайтирадиган питомниклар мавжуд.

ТИН — бог ичкарисидаги устун, айвон ва очиқ болхоналари бўлган енгил қурилмали, кўркам иморат-шийпон, *кўшк, павильон*. Асосан, ёгоч ва қамишдан қурилган. Хитой, Корея, Япония *боғ-тузиш саньатида* Т.нинг ўзига хос турлари мавжуд.

ТИНБЕРГЕН (Tinbergen) Николас (1907.15.4, Гаага — 1988.21.12) — Голландия-англиялик зоопсихолог ва этолог. Лейден ун-ти биол. бўлимида ўқиган. Лейден ва Оксфорд ун-тлари, Вольфсон коллежида (проф., 1966) ишлаган (1949 й.дан). Илмий изланишлари асаларилар, арктика қушлари ва сут эмизувчиларнинг хатти-ҳаракат инстинктлари, уларнинг онто- ва филогенездаги ривожланишига, *этологияга* бағишланган.

Индивидуал ва ижтимоий юриш-туришнинг тузилиши ва шаклланиши б-н боғлиқ кашфиётлар қилган. Нобель мукофоти лауреати (К. фон Фриш ва К. Лоренц б-н ҳамкорликда).

ТИНБЕРГЕН (Tinbergen) Ян (1903.12.4, Гаага — 1994, Роттердам) — голланд иқтисодчиси, ҳоз. замон

Сиху кули (Хитой)даги тин.

математик экономия вакилларидан бири, Нидерландия ФА аъзоси. 1933 й.дан Роттердамдаги Нидерландия иқтисодий фанлар мактаби проф., 1945—55 й.ларда Марказий режалаштириш бюроси раҳбари, 1965—70 й.ларда БМТнинг режалаштириш бўйича қўмитаси раиси. Илмий ишлари иқтисодий сиёсат назарияси, иқтисодий ривожланишни динамик моделлаштириш, «хуфия» нархлар концепцияси, циклик иқтисодий тебранишлар масалаларига бағишланган. Т. «капиталистик самарадорлик» ва «социалистик тенглик»ка асосланган «оқилона тузум» гоясини олга сурган. Асосий асарлари: «АҚШдаги иқтисодий цикллар. 1919—1939 й.лар» (1939), «Иқтисодий сиёсат назарияси», 1952; «Ривожланишни режалаштириш», 1968; «Сиёсат ва даромадлар тақсимоти таҳлили», 1975 ва б. Иқтисодиёт соҳасидаги биринчи Нобель мукофоти лауреати (1969; Р. *Фишер* б-н бирга).

ТИНГ (Ting) Сэмюэл (Тин Чжаочунь; 1936.27.1, Мичиган штати, Анн-Арбор) — америкалик физик. Мичиган ун-тини тугатган (1959). 1963 й.да Европа ядро тадқиқотлари ин-тида (Женева), 1964 й.дан Колумбия ун-тида, 1967 й.дан Массачусетс технология ин-тида (1969 й.дан проф.) ишлаган. Асосий илмий ишлари элементар зарралар физикасига оид. 1974 й.да Б. *Рихтердан* мустақил тарзда янги оғир мезон — биринчи жозибали кваркли мезонни очган. Нобель мукофоти лауреати (1976; Б. Рихтер б-н биргаликда).

ТИНДАЛЬ ЭФФЕКТИ — бир жинсли бўлмаган хира оптик муҳитда *ёруглик нинг сочилиши*. Мас., шишадан ясалган куб шаклидаги кюветка (ваннача)га сут аралаштирилган сув солиб, унинг асосидан ёруглик туширилса, бу ёруглик нурининг изи аниқ кўриниб турали. Агар кюветканинг ён томонидан қаралса, сочилаётган ёруглик ҳаво ранг конус (Тиндаль конуси) кўринишида, кюветкадан ўтаётганда эса қизгиш бўлиб кўринади. Кюветка ён томонидан кузатилаётганда ёруглик нинг ҳаво ранг кўринишда бўлиши *Рэлей қонуни* асосида тушунтирилади. Муҳит зарралари улчами ёруглик тўлқин узунлигидан кичик бўлса, Т.э. яхши кузатилади. Бу ҳодисани инглиз физиги Ж. Тиндаль (Tyndall) урганган (1868), шунинг учун унинг номи б-н юритилади. Каллоид зарралар ва макромолекулаларнинг ўлчами, шакли ва концентрациясини аниқлашнинг баъзи оптик усуллари Т.э.га асосланган.

ТИНДИРГИЧ (сув хўжалигида) — оқим тезлиги насайганда суюқликдаги муаллақ аралашмалар чўкадиган резервуар, ҳовуз, камералар. Гидротехника ва суғориш системаларида Т. каналлардаги лойқа, насос ва турбина парракларини шикастлайдиган оқизиқларни чўктиришга мўлжалланган. Одатда, Т. сув олгич (чиқаргич) иншоотлари таркибига киради ёки алоҳида қилиб қурилади. Конструкцияси бўйича Т. бир ёки кўп камерали; унга чўккан оқизиқларни чиқариб ташлаш усули бўйича эса узлуксиз ёки вақт-вақти б-н ювиб туриладиган, механик усулда тозаланадиган (землесос снаряди, каналқазгич, гидромониторлар ёрдамида) ва аралаш усулда ишлайдиган турларга бўлинади. Даврий ювиб туриладиган кўп камерали Т. кенг тарқалган (камераларни истеъмолчига сув беришни тўхтатмаган ҳолда тозалаш мумкин). Т.да сувнинг оқим тезлиги 0,2—0,4 м/с. Т.дан сув тозалаш ст-яларида оқинди сувларни тозалашда ҳам фойдаланилади.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ — муайян тилда ёзма нутқни тўғри, ифодали, мантиқли баён қилишда, уни ихчамлашда, ёзма нутқ қисмлари (гап бўлаклари)нинг ўзаро мантиқий-грамматик муносабатларини кўрсатиш учун хизмат қиладиган муҳим график воситалар. Т.б. марказий, асосий белгилар тизимига (ҳарфлар ва Т.б.) мансуб бўлиб, у қўшимча, ёрдамчи белгилар тизимидан (рақамлар, турли фанларга оид илмий белгилар, босмахона белгилари) маълум жиҳатлари б-н фарқ қилади. Т.б. нинг ёзувда қўлланиши ўзига хос тизимга эга. Бу тизим — Т.б. миқдори, қўйилиш тартиби ва қўлланиш принциплари йиғиндиси — *пунктуацияни* вужудга келтиради. Булар ёзувнинг бошқа воситалари (ҳарфлар, рақамлар, диакритик белгилар) ҳамда тил бирликлари (сўзлар, морфемалар) б-н кўрсатиш мумкин бўлмаган турлича фикрий муносабатлар ва психологик ҳолатларни ифодалашда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ёзма нутқнинг тушунилишини осонлаштиради. Т.б. нинг асосий вазифаси нутқнинг мазмуний бўлинишини кўрсатиш, шунингдек, унинг синтактик тузилиши ва интонацион жиҳатини аниқлашга ёрдам беришдир.

Ҳоз. ўзбек ёзувида Т.б. сони 10 та: *нуқта, сўроқ белгиси, ундов белгиси, вергул, қавс, тире, кўп нуқта, нуқтали вергул, қавс, қўштирноқ*. Уларнинг аксарияти 19-а. 2-ярмида айрим газ. ва тошбосма китобларнинг нашр этилиши б-н пайдо бўлган.

Т.б. ўз вазифасига кўра, 2 га бўлинади: а) чегараловчи Т.б. — муайян синтактик тузилманинг ёки умуман гапнинг чегарасини билдириш, бирон-бир гап бўлагини интонацион-мазмуний жиҳатдан ажратиб кўрсатиш, нутқ қаратилган шахс ёки предмет номи қамраб олинган, шунингдек, ёзувчи (сўзловчи)нинг субъектив муносабати ифодаланган синтактик тузилма чегарасини кўрсатиш учун хизмат қилувчи Т.б.: қавс, қўштирноқ, ягона қўшалоқ белги сифатида қўлланувчи вергул, айни шу вазифадаги тире; б) ажратувчи Т.б. — мустақил гапларни, уларнинг қисмлари (бош ва эргаш гаплар, боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларнинг предикатив қисмлари)ни, гапнинг уюшган бўлакларини, биргалик эргашишли қўшма гапларни, гапнинг ифода мақсадига кўра турларини, нутқнинг бўлинганлигини кўрсатувчи Т.б.: нуқта, сўроқ ва ундов белгилари, вергул, нуқтали вергул, икки нуқта, тире, кўп нуқта. Баъзи Т.б. ҳам чегаралаш, ҳам ажратиш вазифаларини намоён эта олади.

Т.б. тузилиш жиҳатдан ҳам 2 га бўлинади: а) бир элементли Т.б. — вергул, тире, нуқта; б) кўп элементли Т.б. Бу гуруҳ, ўз навбатида, 2 элементли (сўроқ ва ундов белгилари, икки нуқта, нуқтали вергул, қавс), 3 элементли (кўп нуқта) ва 4 элементли (қўштирноқ) Т.б. га ажралади. Қўлланиш ўрнига кўра, Т.б. 3 гуруҳга бўлинади: гап охирида қўлланадиган Т.б. (нуқта, сўроқ ва ундов белгилари), гап ўртасида қўлланадиган Т.б. (вергул) ва аралаш, яъни гапнинг турли ўринларида қўлланиладиган Т.б. (тире, икки нуқта, қўштирноқ, қавс, кўп нуқта).

Т.б. нинг қўлланиш усули ва тартиби пунктуациянинг мантиқий-грамматик, услубий ва дифференциация (фарқлаш) принциплари асосида белгиланади.

Ад.: Абдураҳмонов Ғ., Пунктуация ўқитиш методикаси, Т., 1968; Назаров К., Ўзбек тили пунктуацияси, Т., 1976.

Абдураҳоб Мадвалиев, Неъмат Маҳкамов.

ТИНИШБОЕВ, Тинишпаев Муҳаммаджон (1879.12.5, Еттисув вилояти — 1938.20.4) — давлат ва жамоат арбоби, тарихчи олим. *Туркистон мухторияти* ҳукуматининг 1-бош вазири (1917 й. нояб.—дек.) ва ички ишлар вазири (1917 й. нояб. — 1918 й. фев.). *Алаш Ўрда* ҳукуматининг ички ишлар вазири (1917 й. дек.—1920 й. март). Петербург т.й. транспорти муҳандислари ин-тини тугатган (1906). 2-Давлат думаси депутати (1907 й.дан). Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети аъзоси (1917). Туркистон Республикаси сув хўжалиги бошлиги (1922). Ер суғориш бўлими бошлиги (1924). Тошкентдаги қозоқ халқ маориф ин-тида туркий халқлар тарихи, мат., кимё ва физикадан дарс берган (1920—25). Еттисув губерниси (области) ижроия комитети т.й. бўлими бошлиги (1926). Туркистон — Сибирь (Турксиб) магистралида турли давозимларда ишлаган (1927— 30). 1930 й. 3 авг.да совет режими томонидан қамоққа олинган, 3 йилга сургун қилинган (1932—35). Гурьев — Кандигач т.й.да ишлаган (1935— 37). Тошкентда қайта қамоққа олиниб (1937 й. 21 нояб.), отиб ташланган. 1959 й.ўлимидан сўнг оқланган. Т. туркий халқлар тарихига оид кўплаб асарлар, жумладан, «Қирғиз-қозоқ халқи тарихига оид материаллар» (рус тилида, Т., 1925), «Турк-мўғул тарихи» (1923) ва б. муаллифи.

ТИНТИКИТ (АҚШнинг Юта штатидаги Тинтик деган жой номидан) — минерал; темир, фосфор ва сув бирикмаларидан таркиб топган. Табиатда кам учрайди. Т. 1963 й. Ўзбекистон тарби (Қизилқум)да топилган ва ўрганилган. Ушбу Т.нинг рентгенограммаси Юта штатидаги Т. никига яқин. Унинг кўриниши гил минералларни эслатади. Кимёвий таркиби $Fe_3[(OH)_2(PO_4)_2]\cdot 3H_2O$, унда Fe_2O_3— 48,18%, P_2O_5— 30,7%, H_2O— 19,51%, Al_2O_3— 1,48%, Na_2O_5— 0,08%, K_2O— 0,03% мавжудлиги аниқланган. Ранги оқ-сариқ, яшил тусли. Қаттиқлиги 2—2,5, зичлиги 2,8 г/см³, ялаб кўрилса тилга ёпишади. Т. гиперген минерал бўлиб, лимонитлашган гематитда 5 см гача бўлган томирчалар шаклида, оксидланиш зонасидаги олтин-сурма руда намоёнларида вужудга келади. Т. гепатит, натроярозит, алунит, олтин б-н ассоциацияда учрайди.

ТИНТОРЕТТО (Tintoretto, асли Робусти, Robusti) Якопо (1518.29.9— Венеция— 1594.31.5) — итальян рассоми. Сўнгги Уйгониш даври Венеция мактаби намояндаси. Бонифацио Веронезе, *Тициандан* таълим олган.

Тинторетто. «Иоанн Крестителнинг туғилиши» (тахм. 1550).

Т.нинг илк асарларидаёқ унинг мураккаб ракурслари, кескин нур самарасини, хилма-хил ҳаракатларни маҳорат б-н бера олиши намоён бўлди («Иоанн Крестителнинг туғилиши», 1540-йлар охири, Эрмитаж). Оммавий саҳналардаги кишиларнинг ҳолати, уларнинг ҳайратини маҳорат б-н тасвирлаши («Авлиё Маркнинг мўъжизаси», 1548, Академия галереяси, Венеция ва б.) уни тўла шаклланган ижодкор сифатида намоён қилди, соф, нурли бўёқлар улкан таъсирчан қудратга эга бўлиб борди («Марияниинг ибодатхонага кириши», тахм. 1555, Сант-Мария дель Орто черкови, Венеция). Т. асосий иши — Скуола ди Сан-Рокко учун яратган намоёнлар туркуми (1565—88)да христиан афсоналарини теран демократик кайфиятда талқин қилади, унда халқ, серташвиш, романтик кайфият бахш этувчи манзара тасвирига алоҳида эътибор беради; баталь жанридаги «Зара яқинидаги жанг» (тахм. 1585, Дожлар саройи, Венеция), «Махфий кечалар» (1592— 94, Сан-Жоржио Маджоре черкови, Венеция) асарлари маҳобатлиги б-н диққатга сазовор. Т. яратган портретлар ўта содда ва нозик руҳияти б-н Рембрандт асарлари б-н рақобатлашади («Автопортрет», тахм. 1590, Лувр ва б.).

ТИНТУВ — жиноий иш бўйича далилларни олишга қаратилган *тергов* ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 158-моддасига кўра, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, и.ч. биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда Т. ўтказишга ҳақлидир. Т. қидирилаётган шахсни, шунингдек, мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Т. суриштирувчи ёки терговчининг асослантирилган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси б-н ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда Т. прокурорнинг санкциясисиз ўтказилиши мумкин. Лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган Т. ҳақида 24 соат ичида прокурорга хабар қилинади. Т. ўтказилаётганда холислар иштирок этиши шарт. Т. умумий ва шахсий бўлади. Умумий Т. объектига бино, ҳовли ва очиқ жойлар, шахсий Т. объектига фуқаролар киради. Шахсий Т. ва олиб қўйиш қуйидаги ҳолларда алоҳида қарор ёки ажрим чиқарилмасдан ўтказилиши мумкин: жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган милиция ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда; гумон қилинувчи милиции ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниб, қонунга асосан уни ушлаш ҳақида баённома тузилганда; айбланувчига нисбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти унинг ёнида қурол, шунингдек, сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида; олиб қўйиш ёки Т. ўтказилаётган бинода ёки бошқа жойда турган шахс олиб қўйиш ва Т. ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга кўра олиниши зарур бўлган нарса ёки ҳужжатларни ўз ёнида яширинча сақламоқда деб ўйлаш учун етарли асослар бўлганида. Шахсий Т. тинтилаётган шахс б-н бир жинсдаги суриштирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилиши мумкин. Т. натижасида қўлга киритилган нарса ва ҳужжатлар Т.ла иштирок этаётган шахсларга кўрсатилади, баённомада тўлиқ акс эттирилади. Баённоманинг нусхаси тинтилган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларига, улар бўлмаган тақдирда эса, тегишли ҳокимлик ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Зарур ҳолларда олиб қўйилаётган ҳужжатларнинг нусхалари берилади.

Марғиноҳуф Рустамбоев.

ТИНЧ ОКЕАН, Буюк океан — Дунё океанининг бир қисми, катталиги ва чуқурлиги жиҳатидан Ер шарида 1-ўринда.

Т.о. ғарбдан Евросиё ва Австралия, шарқдан Шим. ва Жан. Америка, шим.дан Чукотка ва Сьюард п.о.лари ўртасидаги йўлак, жандан Антарктида б-н четараланган. Майдони денгизлари б-н бирга 178,6 млн. км², денгизларсиз 148,3 млн. км², сувининг ҳажми 710 млн.км³. Ўртача чуқ. 3980 м, энг чуқур жойи 11022 м (*Мариана ботиғи*). Қирғоқларининг аксари қисми фьорд типли ва емирилган, ғарбдаги тропик кенгликларда маржонли, баъзи жойлари тўсиқ рифли. Антарктидалари қирғоқлар, асосан, шельф музликлари б-н қопланган. Денгизлар, кўпроқ, Т.о.нинг шим.-ғарбий ва ғарбий чеккаларида жойлашган. Ярим ёпиқ денгизлар: Беринг, Охота, Япон, Шарқий Хитой, Сариқ ва Жан. Хитой, Ички Япон; ороллараро денгизлар: Австралия-Осиё Ўрта денгизлари деб умумий номланади; чекка денгизлар: Маржон ва Тасман денгизлари, жанда Антарктида соҳили яқинидаги Амундсен, Беллинсгаузен ва Росс денгизлари.

Т.о. оролларининг кўплиги (тахм. 10 минг) ва умумий майдони (3,6 млн. км²) бўйича океанлар ўртасида 1-ўринда. Материк оролларн — Сахалин, Япон, Тайвань, Малай архипелагининг йирик оролларн, Янги Зеландия Т.о.нинг ғарбий чеккасида, шарқида оролларнинг катта қисми Шим. ва Жан. Америка қирғоқлари яқинида жойлашган. Алеут, Курил, Рюкю, Гавайи, Самоа, Маркиз, Табуан, Галапагос ва б. оролларн вулкан отилиши натижасида келиб чиққан. Каролина, Маршалл, Тудмоту, Гилберт — маржон оролларн. Т.о.нинг марказий ва жан.-ғарбий қисмидаги оролларн *Океания* деб номланади.

Рельефи ва геологик тузилиши. Т.о. туби тектоник жиҳатдан ўзига хос тузилишга эга, бошқа океанлардагига нисбатан бу ерда вулкан, сув ости тоғи ва атолл кўп. Т.о. ҳамма томондан ҳаракатдаги вулканлари бўлган бурмали тоғлар б-н ўралган. Бошқа океанлар тубига нисбатан Т.о. туби рельефининг жуда ҳам парчаланганлиги ва шельфнинг унча ривожланмаганлиги (умумий майдонининг 1,7%) унинг умумий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Чеккаларининг чуқ. 150 м дан 500 м гача бўлган шельф (уз. 800 км гача) Беринг, Шарқий Хитой, Жан. Хитой ва Ява денгизларида, кенг шельф Австралиянинг Квинсленд штати яқинида бўлиб, маржон қурилмалари кўп. улар шарқдан дунёда энг йирик Катта



Тўсиқ рифи б-н ўралган. Шим. ва Жан. Америка қирғоғи яқинидаги шельф нисбатан камбар (бир неча ўн км). Материк ён бағирлари тик, кўпинча зинапоясимон, канъонлар (Монтерей, Беринг) б-н ўйилган. Т.о.нинг Аляска я.о.дан Янги Зеландиягача бўлган ғарбий қисмида чекка денгизлар сойлиги системаси (чуқ. 3000 дан 7000 м гача), ороллар ёйи ва уларга туташ океан новлари — Алеут (7855 м), Курил-Камчатка (9717 м), Филиппин (10265 м), Мариана (11022 м) бор. Т.о.нинг чегарасида йирик кўтарилмалар б-н ажралган кенг сойликлар (чуқ. 4000 м дан 7000 м гача бўлган Шим.-Шарқий, Шим.-Ғарбий, Марказий, Жан. Перу ва ҳ.к.) мавжуд. Т.о.нинг йирик рельеф структураси — Шарқий Тинч океан кўтарилмаси Дунё океани ўрталиқ тоғ тизмалари таркибига киради, бироқ у сув ости тоғ системасининг бошқа тизмаларидан фарқ қилиб, океанни 2 асимметрик қисмга ажратади ва унда рифт водийлари аниқ акс этмайди. Энг муҳим вулкан марзалари ва тизмалари: Лайн, Гавайи, Шим.-Ғарбий, Меркус-Неккер ва б. Т.о.нинг шарқий қисмини ва Шарқий Тинч океан тизмасини жуда кўп ёриқлар зонаси кесиб ўтган.

Океан тубидаги чўкинди жинслар таркиби тектоника ва океан туби рельефи б-н боғлиқ. Терриген нураш материаллари ва гилли чўкиндилар материкларнинг сув остидаги чеккаларида, денгизлар тубида ва чуқур сув ости новларида кўпроқ тўпланган. Чўкиндилар қалинлиги океан қаърида ва новларда 2—3 км, бу эса Т.о.ни энг қад. океанлардан бири эканлигини кўрсатади. Кремнийли (диатом ва диатом-радиолярийли) чўкиндилар фитопланктонга бой зоналарда 3 та кенглик минтақасини ҳосил қилади. Пелагиаль қизил гиллар 4500—5000 м дан зиёд чуқурликларда учрайди. Т.о. ғарбий қисмининг тубида чўкиндиларга вулкан жинслари аралашган. Океан тубида фойдали қазилмалардан нефть, нодир металлар рудалари, қалай, темир ва титан-темир қумлари, олтин, темир-марганец ғуддалари ва б. учрайди.

Гидрологик режими. Т.о.нинг катта қисми субэкваториал, тропик, субтропик ва мўътадил иқлим минтақаларида ва қисман экваториал ва субантарктика минтақаларида жойлашган. Шим.дан жан.га катта масофага чўзилганлиги туфайли иқлими ҳам хилма-хил. Т.о. устидаги атмосфера циркуляцияси 4 та асосий атмосфера босими области: Алеут минимуми, Шим. Тинч океан, Жан. Тинч океан ва Антарктида максимумларига боғлиқ. Океан устида вужудга келадиган атмосфера циркуляцияси натижасида юзаки оқимлар субтропик ва тропик кенгликларда антициклонал, шим. ўртача ва жан. юқори кенгликларда циклонал айланма ҳаракат қилади. Натижада тропик ва субтропик кенгликларда шим.-шарқий, жан.да жан.-шарқий шамоллар — пассатлар (бошқа океанлардагига нисбатан кучсизроқ ва шарқида ғарбдагига нисбатан кучлироқ) ҳамда мўътадил кенгликларда кучли ғарбий шамоллар эсади. Тропик минтақалар ғарбида тез-тез довуллар — тайфунлар бўлиб туради. Т.о.нинг шим. қисмида атмосферанинг муссонли циркуляцияси ҳукмрон. Ҳавонинг ўртача т-раси экваторга яқин жойларда фев.да 26—27°, авг.да 26—28°, Беринг бўғизида фев.да —20°, авг.да 6—8°, Антарктида қирғоқлари яқинида фев.да —10°, авг.да —25°. Т.о.да ёғин миқдори сувнинг бугланишига қараганда кўпроқ. Йиллик ўртача ёғин экватор ёнида 3000 мм дан зиёд, ўртача кенгликларнинг ғарбида 1000 мм, шарқида 2000— 3000 мм, энг кам ёғин субтропикларнинг шарқий чеккаларида ёғади (200—300 мм).

Т.о.нинг шим. қисмида илиқ Шим. Пассат — Куросио ва Шим. Тинч океан ҳамда совуқ Калифорния оқимлари айланма оқимни келтириб чиқаради. Шим.даги мўътадил кенгликларнинг ғарбида совуқ Курил оқими, шарқида илиқ Аляска оқими мавжуд. Т.о. экваториал циркуляциясида Пассатлараро терс оқими муҳим аҳамиятга эга. Бу оқим Т. о.ни ғарбдан шарққа қараб ғарбда 150—300 м,шарқда 250— 300 м чуқурликда, 500—600 км кенгликда кесиб ўтади. Оқим тезлиги 5,4 км/соат. Океаннинг жан.да Жан. Пассат, Шарқий Австралия илиқ оқимлари ва Ғарбий Шамоллар ва Перу совуқ оқимлари антициклонал циркуляцияни юзага келтиради.

Сувнинг шўрлиги шим. ва жан. субтропик кенгликларда 35,5‰ бўлиб, экваторга томон камайиб боради (34,5 ‰) ва шим. мўътадил кенгликларда 30—31 ‰ га камаяди. Сув зичлиги экватордан юқори кенгликларга қараб бир маромда (1021 кг/см³ дан 1027 кг/см³гача) ошиб боради.

Т.о. сув сатҳининг кўтарилиши ҳар ярим суткада (Аляска қўлтиғида 5,4 м, Охота денгизида 12,9 м), Соломон о.лари атрофида ҳар суткада такрорланади (бал. 2,5 м). Шамол таъсирида кучли тўлқинлар, ер қимирлаш таъсирида цунами (50 м гача) бўлади. Музлар Т.о.нинг шим.-ғарбий (Беринг, Охота, Япон, Сариқ) денгизларида ва Аляска қўлтиғи шим.да ҳамда Антарктида соҳиллари яқинида ҳосил бўлади. Музларнинг асосий қисми ва сузувчи музлар юқори жан. кенгликларда қишда 61—64° ж.к., ёзда 70° ж.к.да кўп бўлади. Ёз охирида айсберглар 46—48° ж.к.да ҳам учрайди.

Ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси. Т.о.нинг флора ва фаунаси жуда бой ва хилма-хил. 100 минглан ортиқ ҳайвон тури, 380 дан ортиқ фитопланктон тури маълум. Шельф зонасида турли-туман қўнғир, фукус, ламинар сувутлар, моллюскалар, чувалчанглар, қисқичбақасимонлар, игнатанлилар ва б. организмлар яшайди. Тропик кенгликларда маржон рифлари жуда ривожланган. Балиқларнинг тропикларда 200 тури, мўътадил кенгликларда 800 тури мавжуд. Шим. мўътадил ва жан. юқори кенгликларда сутэмизувчилардан денгиз мушуги, кашалот ва б., морж, лахтак, сивуч, қисқичбақа, креветка, устрица, бошоёқли моллюскалар жуда кўп. Т.о. фаунасининг аксари қисми эндемик.

Тадқиқ қилиниш тарихи. Т.о.ни ўрганиш тарихи 3 давр: қад. саёҳатлардан 1804 й.гача, 1804 й. дан 1873 й.гача ва 1873 й.дан кейинги даврни ўз ичига олади. Биринчи даврда Ер шарининг шу қисмида сув ва қуруқликнинг тақсимланиши ўрганилган. Т.о.нинг чегаралари, бошқа океанлар б-н боғлиқлиги аниқланган. Бу давр Буюк географик кашфиётларни ўз ичига олган. Иккинчи даврда Т.о. сувининг физик хоссалари, чуқур жойлари ўрганилди. Бу даврда дунё айлана саёҳатлар бошланди. Учинчи даврда махсус экспедициялар ва соҳиллаги ст-ялар комплекс океанологик тадқиқотлар олиб борди. Океанологик ва илмий муассасалар ва халқаро бирлашмалар ташкил этилди. Халқаро геофизика йили ва халқаро геофизика ҳамкорлиги дастурлари асосида Т.о. тубининг рельефи мукаммал ўрганилди, янги бариметрик ва денгиз навигацияси хариталари яратилди. Т.о. давлатлараро океанографик комиссия дастурлари асосида ишлайдиган халқаро экспедициялар томонидан янада чуқурроқ ўрганилмоқда.

Иқтисодий географик очерк. Т.о.нинг жаҳон хўжалигида тутган ўрни унга туташ мамлакатларда яшайдиган аҳоли сони ва ишлаб чиқарадиган саноат ҳамда қ.х. маҳсулотларининг ҳажми, океаннинг бой ва турли-туман табиий ресурслари ва муҳим транспорт йўллари б-н белгиланади. Океанлардан овланаётган денгиз маҳсулотлари ва балиқнинг 60%га яқини Т.о.га тўғри келади. Энг кўп овланадиган балиқлар: лососсимонлар, сельдсимонлар, трескасимонлар, скумбрия, сардина, сайра, денгиз олабуғаси, тунецлар, камбаласимонлар. Океаннинг шим.-ғарбий қисмида лососсимон балиқларнинг асосий дунёвий захираси тўпланган. Умуртқасизлардан турли моллюскалар ва қисқичбақасимонлар овланади. Т.о. турли сувутлар, ламинария, юстера денгиз ўти ва б.нинг 90%ни беради. Жаҳон миқёсидаги аквакультура маҳсулотининг 3/4 қисми шу океанга тўғри келади. Т.о. ҳавзасида балиқ овлаш бўйича бир неча халқаро конвенция тузилган. Улар океаннинг биологик бойликларидан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган.

Рутил ва цирконнинг жаҳон бўйича энг йирик конлари Т.о.да Австралиянинг шарқий ва жан.-шарқий қирғоқлари яқинидаги қисмида, ильменит-цирконли қумлар Шим. Американинг Аляскадан Калифорниягача бўлган ғарбий қисмида, касситеритнинг бой сочма конлари Жан.-Шарқий Осиёда, титан-магнетитли қумлар Япониянинг қирғоқ бўйи қисмида жойлашган. Алясканинг соҳилбўйи денгиз қисми олтин ва платинага бой. Т.о.нинг чуқ. 3000 м дан зиёд бўлган қисмида, асосан, 6° ва 20° ш.к. ва тахм. 180 ва 120° г.у. оралиғидаги майд. 6 млн. км² га тенг зонада темир-марганец конкрецияларнинг йирик конлари бор. Океанда 120 дан ортиқ нефть ва нефть-газ конлари разведка қилиниб, 70% ишга туширилган. Асосий нефт-газ р-ни — Калифорниянинг жан. шельф қисми, Кук, Гуаякиль қўлтиқлари, Япониянинг ғарбий шельф қисми, Бохайвань қўлтиги, Басс бўғози, Малай архипелаги, Янги Зеландия, Бруней, Таиланд, Малайзия, Индонезия, Перуда. Япония қирғоқлари яқинида океандан тошкўмир олинади.

Т.о. океанда ташиладиган юклар ҳажми ва уларнинг ўсиш суръати бўйича 2-ўринда. Океанда энг кўп нефть, ёғоч материаллар, металл рудаси, озиқ-овқат маҳсулотлари ташилади. Энг муҳим транспорт йўллари АҚШ ва Канада портларини Япония портлари б-н боғлайди. Сув йўли орқали Японияга тошкўмир, ўрмон маҳсулотлари, буғдой, руда ва б. юклар олиб борилади, орқага автомобиль, электр аппаратуралари, матолар, балиқ ташилади. Америка-Австралия йўналишида ҳам катта ҳажмда юк ортилган кемалар қатнайди. Жан. Америка мамлакатларини АҚШ ва Канаданинг Т.о. ва Атлантика океани (Панама канали орқали) портлари б-н боғловчи йўналиш бўйича қора ва рангли металл рудалар, селитра ва б. хом ашё, кон саноати учун машиналар, дастгоҳлар ташилади. Йирик портлари: Владивосток, Находка (Россия), Вонсан (КХДР), Тяньцзинь, Шанхай, Гуанчжоу (Хитой), Йокохама, Кавасаки, Тиба, Кобе, Осака, Токио (Япония), Хайфон, Хошимин (Вьетнам), Сянган (Сянган), Сингапур (Сингапур), Сидней, Мельбурн (Австралия), Уэллингтон (Янги Зеландия), Ванкувер (Канада), Лос-Анжелес, Сан-Франциско-Окленд, Сиэтл, Портленд (АҚШ), Кальяо (Перу), Уаско (Чили).

ТИНЧ ОКЕАН ГЕОСИНКЛИНАЛЬ МИНТАҚАСИ — Тинч океанни ўраб турган, Ер пўстининг ҳоз. замон геосинклиналь зоналари ва турли ёшдаги бурмаланиш областлари мажмуасини ифодаловчи Ернинг энг йирик геосинклиналь минтақаларидан бири. Анд, Кордильера, Юқори Яна-Чукотка области, Тинч океаннинг ороллар ёйи зонасини ўз ичига олади. Баъзан Т.о.г.м иккига бўлинади: Шарқий Т.о.г.м. (Кордильера) ва Ғарбий Т.о.г.м. Океан қаъридан Т.о.г.м. чуқур сувли новлар — Алеут, Курилл, Камчатка, Мариана, Тонга, Кармадек, Перу, Чили, Гватемала ва бошқалар б-н ажралган. Минтақанинг ташқи чегараси Сибирь, Хитой-Корея, Жан. Хитой, Австралия, Антарктида, Жан. Америка ва Шим. Америка қад. материк платформаларининг океанга қараган чеккаларидан иборат. Т.о.г.м., асосан, юқори палеозой, мезозой, кайнозойнинг ҳоз. замон ётқизиқларини ўз ичига олади. Минтақанинг ташқи ҳалқа бўйича уз. 56000 км атрофида; эни бир неча юз км дан 3— 5 минг км гача.

Т.о.г.м. атрофларида 2 хил структуравий қисм: улардан бири ортдаги — Ер пўстининг материкли тузилиши б-н характерланади ва геосинклиналь бурмаланиш областларида ҳосил бўлади; бошқаси эса, рўпарадаги — океан қаърини ўраб олган структурали зоналардан ҳосил бўлган, уларда материк пўсти ҳали шаклланмаган. Океан ўзанига яқинлашган сари тектоник зоналар ёшариб боради ва шунга мувофиқ материкли областларнинг ўсиши юзага келади. Т.о.г.м. атрофларида Ернинг «оловли ҳалқаси» жойлашган бўлиб, ёш вулканлар ҳалқаси андезит таркибли вулкан отилишининг маҳсули; уларга сейсмик жараёнларнинг кучли намоёнлари, жумладан, эпицентри 700 км чуқурликда бўлган ер қимирлашлар тўғри келади. Т.о.г.м.ларида фойдали қазилма конларини концентрацияси Ер пўстининг туташ участкаларидагига нисбатан кескин кўтарилган бўлади. Т.о.г.м. нинг материк қисмида олтин, кумуш, қалай, вольфрам, полиметалл, океан олди қисмида эса, мис, темир, хромит, никель, платина ва олтин рудалари конлари тарқалган. Симоб конлари вулканик минтақалар б-н боғлиқ. Т.о.м.г.га йирик нефть-газ конлари ҳам тўғри келади. Уларнинг бир гуруҳи минтақа чегарасида қад. платформалар туташган жойларда (Юқори Яна букилмаси, Шим. ва Жан. Америка букилмалари), бошқаси — қуйи кайнозой чўкиндилари б-н тўлдирилган чуқур букилмалар (Сахалин, Калифорния, Калимантан ва б.)да жойлашган. Нефть-газ ресурсларининг катта қисми чекка денгиз сувлари остига яширинган. Т.о.г.м. Ернинг энг фаол ҳаракатдаги сейсмик ва вулканли минтақаси.

ТИНЧ ОКЕАН БУРМАЛАНИШИ — мезозой эрасининг тектогенез даври мобайнида юзага келган Ер пўсти тоғ жинсларининг бурмаланиши. Т.о.б. Тинч океанга мустақил равишда ёндашган областлар (Шарқий Осиё, Кордильера ва Анд)да намоён бўлади.

ТИНЧЛИК — Навоий вилоятидаги шаҳарча (1978 й.дан). Навоий шаҳар кенгашига қарашли. Т.й. станцияси. Аҳолиси 3,2 минг киши (2003). Умумий таълим мактаби, т.й. таъмирлаш устаҳоналари, алоқа бўлими, тиббий пункт, дорихона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

ТИНЧЛИК, халқаро тинчлик — халқлар ва давлатлар ўртасида зўрлик ишлатмасдан ташқи сиёсат олиб боришга, ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга ва одатда, *халқаро шартномаларда* мустаҳкамлаб қўйилган мажбуриятларга риоя этишга асосланадиган муносабатлар: давлатлар ўртасида уюштирилган қуролли кураш (яъни *уруш*)нинг йўқлиги. Дунё, жамият ривожланиб борган сари халқаро муносабатларнинг субъектлари ўртасида вужудга келадиган можаролар, низолар, келишмовчиликларни ҳал қилишнинг замонавий йўллари, усуллари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Бунда қуйидаги ҳолатлар ҳисобга олинмоқда: 21-а. бошларида можароларнинг сабаблари ва манбалари; можароларнинг иштирокчилари; можароларнинг характери ва мазмуни; бу можароларни ҳал этувчи халқаро

ташкилотлар фаолияти ўзгараётганлиги. Т.ни сақлаш учун можароларнинг олдини олиш, уларни тугатишда дипломатик методларнинг роли маълум даражада камайиб, иқтисодий ва молиявий воситаларнинг кучайиб бориши кузатилмоқда. Шунингдек, низоларни тинч йўл б-н ҳал қилишда гуманитар операциялар сезиларли роль ўйнамоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён жаҳонда ва Марказий Осиё минтақасида Т. ва барқарорлик зарурлигидан келиб чиқиб ўз ташқи сиёсатини амалга оширмоқда. Мамлакатимиз дунёда Т.ни сақлашнинг барча халқаро ҳуқуқий меъёрларига амал қилади ва уларга содиқ қолади.

Сайфиддин Жўраев.

ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — энг оғир халқаро жиноятлар. Халқаро ҳарбий трибунал устави квалификацияси бўйича, агрессив урушни режалаштириш, унга тайёргарлик кўриш, бундай урушни очиш ва олиб бориш ёки халқаро шартномалар, битимлар, аҳдлашувларни бузган ҳолда урушда бирон-бир тарзда қатнашиш тинчликка қарши жиноят ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 й. 3 нояб.даги резолюциясига кўра, урушни тарғиб қилиш ҳам шундай жиноят ҳисобланади. Халқаро ҳуқуққа кўра, тинчликка қарши жиноят учун жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш мумкин эмас (яъни, белгиланган вақт ўтгандан кейин ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди).

Инсониятга қарши жиноятлар миллат ва давлатларнинг яшаш асосларига, уларнинг прогрессив тараққиёти ва тинч халқаро алоқа қилишига хавф солишда ифодаланади. *Мустамлакачилик, геноцид, апартеид,* атмосфера ёки денгизларни ёппасига ифлослантириш (экоцид) шундай жиноят сирасига киради. Давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар инсониятга қарши жиноят субъектлари ва бундай жиноятни қилганлик учун жавобгарлик субъектлари бўлиши мумкин. Т. ва и.қ.ж. учун давлатлар сиёсий ва моддий жавобгарликка, конкрет жисмоний шахслар эса — якка тартибда жиноий жавобгарликка тортиладилар.

ТИНЧ-ТОТУВ ЯШАШНИНГ БЕШ ПРИНЦИПИ (ҳиндча панча шила) — 1) ҳудудий бутунликни ва мустақилликни ўзаро ҳурмат қилиш; 2) ҳужум қилмаслик; 3) бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик; 4) тенглик ва ўзаро манфаатдорлик; 5) тинч-тотув яшаш. Дастлаб (1954 й. апр.да) Ҳиндистон б-н Хитойнинг Тибет р-ни ўртасидаги савдо ва алоқалар ҳақида, Ҳиндистон ва Хитой томонидан тузилган битимнинг кириш қисмида ифодаланган. Бу принциплар Бандунг конференцияси (1955) қарорлари ва б. халқаро ҳужжатларда акс эттирилган.

ТИО... (юн. theion — олтингугурт) — айрим кимёвий бирикмаларнинг номларини билдирувчи ўзлашма қўшма терминларнинг биринчи қисми; шу бирикмалар таркибида олтингугурт борлигини англатади (мас., *тиокислоталар, тиокарбамид*).

ТИОИНДИГО — нил ранг органик бўёқ, *нил бўёқ*нинг аналоги, таркибида олтингугурт бўлади. Ип, жун газламаларни бўяш, гул босиш ва мўйналарни бўяшда қўлланади.

ТИОКОЛ — 1) полисульфид каучуклар (қ. *Полисульфидлар*); 2) гваяколсульфокалий тузи; тиббиётда балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади.

ТИОМОЧЕВИНА, тиокарбамид, $H_2NC(S)NH_2$ — тахир таъмли, оқ кристалл кукун. Суюқланиш т-раси 180—182°, зичлиги 1405 кг/м³. Сувда, спиртда, пиридинда эрийди. Баъзи ўсимликлар таркибида топилган. Кимёвий хоссаларига кўра мочевинага ўхшаш. Асослар б-н туз, металл тузлари б-н комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Турли органик бирикмалар, жумладан, дори препаратлар синтезида қўлланади.

ТИОСПИРТЛАР, тиоллар — қ. *Меркаптанлар.*

ТИОСУЛЬФАТ КИСЛОТА ВА ТИОСУЛЬФАТЛАР, тиосульфат кислота, $H_2S_2O_3$ — 2 асосли беқарор кислота; сульфат кислота ҳосиласи. Сульфат кислотадаги 1 та кислород атоми олтингугурт атомига алмашиниши натижасида ҳосил бўлади. Тиосульфат кислота ўз тузлари — тиосульфатларга кислоталар таъсир эттирилганда оралиқ маҳсулот сифатида ҳосил бўлади ва сувли эритмада парчаланади:

$$S_2O_3^{2-} + 2H \rightarrow H_2O + SO_2 + S.$$

Тиосульфат кислота эфир эритмасида анча барқарор, лекин қиздирилганда парчаланади: $H_2S_2O_3 \rightleftarrows H_2S + SO_3$; бу қайтар реакция, шунинг учун тиосульфат кислотани H_2S ва SO_3 дан синтезлаб ҳам олиш мумкин.

Тиосульфатлардан фақат бир қаторининг вакиллари — $Me_2S_2O_3$ (бу ерда Me — ишқорий металл) таркибли тузлар маълум. Тиосульфатлар жуда барқарор, рангсиз, сувда яхши эрийди. Булардан натрий тиосульфат амалий аҳамиятга эга (қ. *Натрий*).

ТИОФЕН, C_4H_4S — бензол ҳидли рангсиз суюқлик. Мол.м. 87,04. Суюқланиш т-раси — 38,3°, қайнаш т-раси 84,1°, зичлиги 1064,4 кг/м³. Сувда оз, углеводородлар ва б. органик эритувчиларда яхши эрийди. Т. ароматик бирикмаларнинг хоссаларини намоён қилади. Осон галогенланади, сульфидланади ва алкилланади. Т. асосида алифатик карбон кислоталар, оксикислоталар, юқори спиртлар, кетонлар, ацеталлар, оддий эфирлар, аминлар, аминоспиртлар, турли аминокислоталар ва лактамлар ҳамда юқори циклоалифатик бирикмалар олинади. Нефть углеводородлари фракцияси, олтингугурт ёки унинг оддий бирикмалари (SO_2 ва H_2S) Т. олиш учун манба ҳисобланади. Т.дан юзлаб бирикмалар (биологик фаол бирикмалар, полимерлар учун ёрдамчи моддалар, элементларни ажратиш реагентлари ва ҳ.к.) синтезланган.

ТИОЭФИРЛАР, диалкил ёки диарил сульфид, RSR' — оддий эфирларнинг сульфидли аналоглари (R ва R' углеводород радикаллари). Қуйи алифатик Т. эфир ҳидли рангсиз суюқликлар, сувда эримайди, органик эритувчиларда эрийди. Диметилсульфид, диэтилсульфид, дипропилсульфид, диизопропилсульфид, дибутилсульфид, дифенилсульфид, этиленсульфид, тетраметиленсульфид (тиофан) ва б. Т. жумласидандир. Уларнинг суюқланиш, қайнаш т-раси ва зичлиги турлича. Симметрик алифатик Т. баъзан сульфидли алкиллар деб ҳам аталади, улар анорганик сульфидларни алкиллаб олинади. Аралаш Т. меркаптидларни алкиллаб олинади. Т. мотор ёнилғилари, сурков мойлари ва латексга антиоксидант, стабилизатор сифатида қўшилади. Баъзи Т. доривор моддалар, бўёғичлар, детергентлар, эритувчилар сифатида ишлатилади.

ТИП (юн. typos — из, нусха, намуна, образ) — 1) бирор нарсанинг муҳим белгиларга эга бўлган шакли, тури, намунаси, модели; 2) *типологияда* тадқиқ этилаётган реал нарсанинг бўлаги. 3) характерли хусусиятларга эга бўлган одам, ўз гуруҳининг, аксарият, маълум қатламнинг, миллат ёки даврнинг ёрқин вакили.

ТИП (phylum) (ҳайвонлар систематикасида) — юксак таксономик категориялардан бири. Т. даражаси берилган муайян ҳайвонлар гуруҳи (таксони). Т. ўзаро қариндош бўлган синфларни бирлаштиради; кўпинча синфдан йирикроқ таксонлар — Т.ларга бўлинади. Битта Т.га киралиган организмларнинг умумий тузилиш белгилари ўхшаш бўлади.

Француз палеонтологи Ж. *Кювье*нинг ҳайвонларни 4 шох (умуртқалилар, юмшоқтанлилар, бўғимлилар, нурлилар) га ажратиш тўғрисидаги таклифига асосланиб, француз зоологи ва анатоми А. Бленвиль (1825) «Т.» тушунчасини фанга киритади. Ж.Кювье фикрича, Т. ўзгармас, бири иккинчиси б-н боғланмаган. Рус олимлари А.О.Ковалевский ва И.И.Мечниковлар кўп ҳужайрали организмларнинг барча Т.и эмбриогенези умумийлигини аниқлади. Ҳозир Т.га муайян гуруҳга мансуб организмлар келиб чиқишидаги умумий ствол сифатида қаралади. Ҳайвонот оламидаги Т.лар сони ва номи тўғрисида ягона фикр йўқ. Ҳар хил системаларга қараганда ҳозир ҳайвонот дунёсида 10 дан 33 гагача (кўпинча 18—25) Т. мавжуд. Мас., Ж.Кювье давридан бошлаб айрим зоологлар ҳалқали чувалчанглар б-н бўғимоёқлиларни ягона бўғимлилар Т.ига бирлаштиришни ёки яқингача Т. ҳисобланган энг содда ҳайвонларни бир неча Т.га бўлишни таклиф этишади. Т.лар таркибий жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Мас., пластинкалилар Т.и 2, погонофоралар 150, бўғимоёқлилар бир млн.дан кўпроқ турни ўз ичига олади. Шунингдек, Т.нинг кенжа Т.га бўлинишида ҳам мунозарали фикрлар мавжуд.

Систематик номенклатурада Т. (typus) — муайян таксон номининг тавсифи б-н боғлиқ бўлган ўсимлик ёки ҳайвон нусхаси (голотип); агар голотип нусха сақланмаган бўлса, эталон сифатида шу seriядаги бошқа нусхалар (паратип) ёки типик материал олинган жойдан йиғилган янги нусхалар (лактотип), баъзан Т.нинг оригинал тавсифи ёки расми эталон сифатида қабул қилинади. Уруғ Т.и — шу уруғ тавсифи учун асос бўлган тур; Т. оиласи — Т. уруғи.

...ТИПИЯ (юн. typos — из; нусха) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; полиграфия усулида нашр, чоп этиш б-н алоқадорликни билдиради (мас., *фототипия, автотипия*).

ТИПОЛОГИЯ (*тип* ва ...*логия*) — объектларни мавҳум, умумлашган модел (тип)лар ёрдамида илмий тасниф қилиш усули. Бунда ўрганилаётган объектларнинг энг муҳим структур (таркибий) ва функционал хусусиятлари қайд этилади. Т.нинг асосий хусусияти шундаки, у нафақат ўрганилган, билиб олинган объектларни таснифи қилиш, балки у ёки бу даврдаги фанга ҳали маълум бўлмаган объектларнинг мавжуд бўла олишини аввалдан кўрсатиш (аниқлаш)га ҳам имкон беради (мас., Д.И.Менделеевнинг элементлар даврий системаси). Илмий тафаккурнинг универсал усулларидан бири бўлган Т. ўрганилаётган объектлар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутни очиб беришга, уларни айнан ўхшатиш, тенглаштириш йўлларини топишга асосланади ва кўплаб фан соҳаларида қўлланади, бироқ хилма-хил хоссали объектлари кўп бўлган биол. кимё, геогр. тилшунослик, психология каби фанларда самарали фойдаланилади.

Тилшуносликда Т. — умуман тил тузилишининг муҳим белгиларини алоҳида, айрим олинган тиллар қурилишини ўрганиш ва уларни ҳар томонлама таққослаш асосида аниқловчи ва умумлаштирувчи тилшунослик бўлими. Типологик методлар турли-туман тилларнинг *фонологияси, морфологияси, синтаксиси* ва *лексикаси*даги ўхшашликлар ва тафовутларни аниқлашга, лингвистик универсалиялар, шунингдек, тилларнинг типлари — тил қурилиши табиати ҳақидаги умумлашган, мукаммал ҳолдаги тушунчаларни белгилашга қаратилган. Тилларнинг типлари грамматикада тушунчаларни англатиш усулига, муносабатларни ифодалаш техникасига ва бирикиш, боғланиш даражасига қараб аниқланади. Типологик тадқиқотлар тил тизимининг алоҳида, айрим кичик тизимлари асосида ҳам олиб борилади, шу туфайли фонологик, морфологик, синтактик ва семантик Т.лар фарқланади. Икки ёки ундан ортиқ қариндош ёки қариндош бўлмаган ҳар хил тизимдаги тилларнинг айрим хусусиятларини қиёсий Т. ўрганади. Аниқланадиган типологик белгилар маълум бир кичик тизимнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради, лекин тил қурилишида улар турли нисбатларда бирикади, шунинг учун мазкур белгилардан бири асосий, етакчи ҳисобланади. Сўзнинг таркибий тузилиши асосида *тилларнинг морфологик (типологик) таснифи* яратилди, бироқ тадрижий тараққиёт натижасида тилнинг типи ўзгариши мумкинлиги сабабли тилларнинг типлари соф ҳолда учраши исботланмаган. Тилшунослик соҳасидаги типологик тадқиқотлар немис олими Ф.Шлегель асарларидан бошланган. Кейинчалик тиллар Т.си бўйича немис олимлари А.В.Шлегель, В.Гумбольдт, Х.Штейнталь, А. Шлейхер, америкалик Э.Сепир, чех В.Скаличка, француз А.Мартине, руслардан Ф.Ф.Фортунатов, И.И.Мешчанинов, Б.Успенский, Ю.В.Рождественский, В.Н.Ярцева ва б. тадқиқотлар олиб борганлар. Ўзбекистонда ҳам А.Абдуазизов, Ж.Бўронов, Қ.Тойметов ва бошқалар Т. масалалари б-н шуғулланганлар.

Ад.: Успенский Б.А., Структурная типология языков, М., 1965; Теоретические основы классификации языков мира, М., 1980.

Абдуазиз Мадалиев.

ТИПОМЕТРИЯ (*тип* ва ...*метрия*) — матбаада босма қолиплари (шрифт, пробель материаллар ва б.) элементларини ўлчаш тизими. Т. асосида 1/72 *дюйм* (0,376 мм)га тенг босмахона *пункти* ётади; йирик элементлар *квадрат*да ўлчанади. *Литер,* қатор, пробель (оралиқ) материалларнинг чизиқли ўлчамларини аниқлашда ишлатилади. Пункт б-н квадрат ўртасида оралиқ бирликлар бор: *нонпарель* (1/8 квадрат), *петит* (1/6 квадрат), *цицеро* (1/4 квадрат) ва б.

ТИПРАТИКАНЛАР, кирпилар (Erinaceidae) — ҳашаротхўр сут эмизувчилар туркуми оиласи. Оёқлари кўпчилигида 5 бармоқли; 1-юқори, баъзан пастки курак тишлари йирик, йиртқич тишларига ўхшаш. Тери ости мускуллари яхши ривожланган; улар қисқариши туфайли Т. гавдаси шарсимон шаклга киради. 12—15 тури маълум. Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. Ўзбекистонда 2 тури: қулоқдор Т., қора игнали Т. учрайди. Қулоқдор Т. (танаси 15—19 см, қулоғи узун, қорни майин оқ жун б-н қопланган) Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида тарқалган. Қора игнали Т. (танаси 22—27 см, думи 23—37 мм, тиканлари 4 см ча, пешонаси тикансиз) Ўзбекистон жан.да — Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида учрайди. Қишки уйқуга ётади. Асосан, ҳашаротлар, шунингдек, майда умуртқали ҳайвонлар (илонлар), камдан-кам ўсимлик маҳсулотлари б-н озиқланади.

Типратикан.

Қ.х. зараркунандалари—ҳашаротларни еб фойда келтиради.

ТИПУ СУЛТОН (1750—1799) — Майсур давлатининг ҳукмдори, инглиз босқинчиларининг Жан. Ҳиндистондаги сиёсатига қарши кураш раҳбари. Отаси Ҳайдар Али (1761—82) ҳукмдорлиги даврида Майсур қўшинларига қўмондонлик қилиб Полилур (1790) ва Анегунди (1782) яқинидаги жангларда инглизларни мағлубиятга учратган. 2-инглиз-майсур уруши (1778—84) айни авж олган чоғда тахтга чиққан. 1783 й. Беднурда Мэтьюс армиясини қуршаб олиб, асир олган. Инглизлар-

га қарши курашда моддий базани яратиш мақсадида эҳромлар ва мулклар ерлари ҳисобига давлат ерларини кўпайтирди, мунтазам интизомли армияни тузди, аскар ва зобитларга маош тайинлади, армия хизматига катта тажрибага эга бўлган француз зобитларини жалб этди, артиллерияни вужудга келтирди, разведка ишини яхши йўлга қўйди. Бу тадбирлар орқали хазинани тўлдирди, кучли армияни тиклади. Франция, Туркия, Афғонистон б-н инглизларга қарши иттифоқ тузиш ниятида самарасиз музокаралар олиб борган. 4-инглиз-майсур уруши (1799) даврида Майсур пойтахти Серингапатамни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган.

Ад.: Гиёсов Т.Ғ., Ҳиндистоннинг янги тарихи, Т., 1999.

ТИР — Финикия (ҳоз. Ливандаги Сур ш.)даги денгиз бўйи шаҳар-давлати. Мил. ав. 4-минг йилликда асос солинган. Мил. ав. 1-минг йилликда равнақ топган. Мил. ав. 3—2-минг йилликда муҳим ҳунармандчилик ва савдо маркази. 2-минг йилликда (танаффуслар б-н) Миср таъсирида бўлган. Т.ликлар Ўрта денгиз ороллари (Кипр, Сицилия ва б.), Шим. ва Ғарбий Африка ва Испанияда бир қанча колониялар (мансилгоҳлар) барпо этганлар. Мил. ав. 10-а.да Т. гегемонлиги остида вужудга келган Тир-Сидон подшолиги Финикиянинг бутун денгиз соҳили устидан ҳукмронлик қилган. Мил. ав. 8-а.да Т. Оссурияга, мил. ав. 6-а. бошидан Янги Бобил подшолигига, мил. ав. 6-а.нинг 2-ярмидан Ахоманийлар давлатига қарам бўлган. Мил. ав. 332 й. узоқ муддат денгиз ва қуруқликдан қамал қилингандан кейин Т. *Александр* томонидан эгалланган. Эллинизм даврида Т.Птолемейлар, Салавкийлар давлати таркибида, мил. ав. 64 й.дан Римнинг Сурия провинциясига ички мухториятини сақлаган ҳолда кирган. Араблар истилосига қадар (7-а.) Шарқий Ўрта денгизининг йирик савдо маркази бўлиб қолган. Т.да археологик қазиш ишлари француз археологи Э. Ренан (19-а.нинг 2-ярми), А.Пуалебар (20-а.нинг 40-й.лари) томонидан олиб борилган. Т. *Жаҳон мероси* рўйхатига киритилган.

ТИР (франц. tir — отмоқ) — қўлда ўқ отар ёки пневматик қуроллан ўқув-машқда ва мусобақаларда нишонларга хавфсиз отиш учун мўлжалланган спорт иншооти. Ёпиқ, ярим ёпиқ ва очиқ (лала) Т.лари бўлади. Т.да ўқ отиш марраси бор, отиш галереяси, ўқ отиш зонаси (узунлиги ўқ отиш масофасига тенг), ўқ қабул қилгич, ёрдамчи ва ўқув биноларн, қурол ва патронлар омборлари бўлади. Т.да 10 м дан 300 м гача масофада ўқ отиш мумкин. Шунингдек, пневматик ёки кичик калибрли қуроллардан ўқ отиладиган аттракцион Т.лар ҳам бўлади.

ТИРАНА — *Албания* пойтахти. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Адриатика денгизидан 40 км масофада, тог оралиғидаги водийда жойлашган. Тирана регионнинг маъмурий маркази; алоҳида маъмурий бирлик. Аҳолиси 245 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Иқлими субтропик, июлнинг ўртача т-раси 24°, январники 4–5°. Йиллик ёғин 1350 мм дан зиёд.

Т. — транспорт йўллари тугуни. Т.и. орқали Дуррес порти б-н боғланган. Шаҳар яқинида Ринес аэропорти бор. Т. ва унинг атрофидаги корхоналарда мамлакат саноат маҳсулотининг 1/5 қисми ишлаб чиқарилади. Асосий саноат тармоқлари: тўқимачилик, металлсозлик, машинасозлик, озиқ-овқат. Шунингдек, ойна-керамика ва кўн-пойабзал саноатлари ҳам ривожланган. Т. — ёғоч, кумуш, керамикага бадиий ишлов бериш маркази.

Т. кўлёзмаларда кичик маизилгоҳ сифатида 15-а.дан тилга олинган. 17-а. бошида шаҳар барпо қилинган. 1920 й.дан Албания пойтахти. Т. бинолари қад. Шарққа хос услубларда қурилган эски ва замонавий янги қисмдан иборат. Искандарбек майдони атрофида ҳукумат идоралари, маъмурий бинолар жойлашган. Меъморий ёдгорликлардан масжид (17-а.) ва минора сақланган. Ун-т (1957), Албания ФА, ин-тлар, миллий тарих музейи, тасвирий санъат галереяси ва б. бор. Т. яқинидан кўмир қазиб олинади.

Тирана шаҳрининг умумий манзараси.

ТИРАНА УНИВЕРСИТЕТИ — Албаниядаги етакчи олий ўқув юрти ва и.т. маркази. 1957 й. ташкил этилган. Табиий фанлар, тиббиёт, тарих, филология, иқтисодиёт, геол., технология, ҳуқуқ бўйича мутахассислар тайёрлайди. Бир қанча и.т. институтлари, кутубхонаси (500 мингга яқин асар) бор. 12 мингга яқин талаба таълим олади.

ТИРАСПОЛЬ — Молдавиядаги шаҳар. Днестр дарёсининг чап соҳилида. Т.й. станцияси. Пристань. Аҳолиси 186 минг киши (1990 й.лар ўрталари). Шаҳар 1792 й.да А.В.Суворов томонидан қад. молдаван қишлоғи Старая Суклея ўрнида қалъа сифатида барпо қилинган. 1929—40 й.ларда Молдавия Мухтор Республикаси пойтахти. Озиқ-овқат (консерва, мева-сабзавот, виноконьяк з-длари ва б.), машинасозлик (шу жумладан, электр техникаси), енгил (тўқимачилик, тикувчилик), кимё, ёғочсозлик саноатлари ривожланган. Университет, драма театри, ўлкашунослик музейи, картиналар галереяси бор. Нефтқлик электр ст-яси ишлаб турибди.

ТИРАТРОН [юн. tyra — эшик, кириш ва (*электрон*] — *анод* ва *катоддан* ташқари бир ёки бир неча бошқариш тўри бўлган уч электродли *ион асбоб*. Совуқ катодли (тутовчи разрядли) ва чўғланма катодли (ёй разрядли) бўлади. Т. инерт газлар, симоб буғлари ёки водород тўлдирилган герметик (ҳаво кирмайдиган) баллонли. Турда кучланиш музйян қийматга етганда ёй разряд вужудга келади. Разряд ҳосил бўлиши пайтида тўрнинг потенциал иморасига (катодга нисбатан) қараб, Т.лар манфий ва мусбат ишга туширши характеристикали хилларга бўлинади. Манфий характеристикали (тўғрилагичли, релели, релакцион ва б.) Т.да анодининг электр майдони катодга тўр орқали ўтиб келади. Бундай Т.ларда анод токи тўр кучланишига боғлиқ бўлмайди. Тўр токи анод токининг 1% ини ташкил этади. Тўр токи анод токини бошқаришда ишлатилади. Мас., Т. ёрдамида ўзгармас ток кучланишини ростлаш, ўзгарувчан ток кучланишини ўзгармас ток кучланишига ўзгартириш, импульсли техникада ишлатилади.

Тиратрон (газ тўлдирилган).

бошқариладиган вентиль сифатида ишлатилади. Т. кучли импульсли электр занжирларида (коммутатор сифатида), асбобларнинг акс эттириш қурилмаларида (*индикатор* сифатида) ва б.да қўлланади. Молибден ёки никель симлардан ясалган Т. газ тўлдирилган. Т. газ тўлдирилган Т.ларга қараганда ишончлироқ ва узоқ ишлайди.

ТИРЕ (франц. tirer — чизиқча; чўзиқ нарса) — ҳоз. ўзбек тилида кенг қўлланиладиган, горизонтал чизиқча (—) шаклидаги тиниш белгиси. Т. рус ёзувида 18-а.дан, ўзбек ёзувида эса 19-а.нинг 70-й.ларидан қўллана бошлаган. Арабларда ҳозда, яъни танишни бошида ва ўртасида, шунингдек, якка ва такрор (қўшалоқ) ҳолда қўлланувчи тиниш белгиларидан. Т. якка ҳолда қўлланганда, гапдар ва ган бўлакларини ажратиш, такрор (қўш Т.) ҳолда ишлатилганда эса, маълум бўлакларни четаралаш, четаралаган бўлакнинг маъносини таъкидлаш, бўрттириш, эмоционалликни ошириш каби вазифаларни бажаради.

Ҳоз. ўзбек тилида Т. содда ва қўшма гаплар таркибида қўлланиб, қуйидаги вазифаларни бажаради: а) гапларни, гап бўлакларини ажратади; б) гаплар, гап бўлаклари ва айрим синтактик тузилмаларни четаралайди; в) турли хил мақсадлар — эмоционал—экспрессив ҳолатларни ифодалайди; г) туширib қолдирилган айрим бўлаклар ўрнини қоплайди (Яхшидан от қолар, ёмондан — дод). Грамматик ва интонацион жиҳатдан мустақил гап бўлаклари ҳар икки томондан Т. б-н ажратилади. Бунда ажратилган бўлакнинг ҳар икки томонидан қисқа пауза бўлади (Тоғаларим — Эгамберди ва Раҳимберди — мени бир-бир қучоқлаб, ишга бериладилар, — Ойбек). Т. икки ёки ундан ортиқ атоқли отнинг бирикувидан тузилиб, бирон ташкилот, муассаса, таълимот, нарса-ҳодисалар номини англатувчи сўзлар орасида (Карпов — Каспаров матчи, Бойль—Мариотт қонуни), шунингдек, макон, замон ва миқдор четарасини билдирувчи икки ёки ундан ортиқ сўзлар (рақамлар) орасида ҳам (30—40-й.лар, XIX—XX а.лар) қўлланади.

ТИРЕОТОКСИКОЗ (лот. thyreoidea — қалқонсимон без ва *токсикоз*) — қ. *Буқоқ*.

ТИРЕОТРОП ГОРМОН, ТТГ, тиротропин, тиреостимулловчи гормон — одам ва умуртқали ҳайвонлар *гипофиз* безининг олдинги бўлагида ишланадиган гормон. *Қалқонсимон без* фаолиятини бошқаради; унинг асосий гормонлари — тироксин ва трийодтиронин ажралиши ҳамда синтезига таъсир этади. Кимёвий табиатига кўра, гликопротеид, мол. м. 28000—30000. Т.г. қалқонсимон без фолликулаларида тиреоглобулин парчаланишини ҳамда қонга *тироксин* ва трийодтиронин ажралишини кучайтиради. Фолликулар ҳужайралар кўпайишига, йод ютилиши ва тироксин синтезига таъсир этади. Т.г. синтези ва секрециясини марказий нерв системаси рецепсияси *гипоталамус* бошқаради. Қонда ҳамда *гипоталамус* ва *гипофиз* безида тиреоид гормонлар миқдори ошганда Т.г. секрецияси тормозланади, натижада тироксин ва трийодтиронин кам ажралади. *Адреналин* ва *кортикостероидлар* Т.г. секрециясини камайтиради.

Лар Т.г. секрециясини камайтиради.

ТИРИК ТАБИАТ — қ. *Органик дунё*.

ТИРИК ТУҒИШ, вивипария — ҳайвонларда насл қолдириш хили. Т.г.да эмбрион она организмида ривожланади, одатда, йўлдоши орқали бевосита унинг қонидан озиқланади ва ондан бирмунча ривожланган, тухум пўстидан халос бўлган бола ҳолида туғилади. Т.г.нинг акси — тухум тутиш ҳисобланади. Т.г. ва тухум тутиш тарихий ўзаро боғлиқ; бунинг далили сифатида тухумларида вегетатив куртаклар ривожланиб, улар она ўсимликдан ажралмасдан ўсади ва ёш ўсимликка айланиб тўкилади, сўнгра нормал кўкаради. Бундай ўсимликлар кўпинча шим. ҳудудларда, тоғлар, қуруқ дашт ва чўлларда ўсади, чунки бундай ерларда вегетация даври қисқа бўлгани учун пишиб улгурмайди. Бир қанча Т.г.ўғ. (бриофиллюм, баъзи тропик қирққулоқлар ва б.) баргида меристема ҳужайралари тўпланиб, янги ёш ўсимликка айланади.

ТИРИКЧИЛИК МИНИМУМИ — муайян давр (йил, ойда кишининг тирикчилигини қуйи даражада таъминлаш учун зарур бўлган неъматлар, ҳаёт воситалари тўплами қийматн; амалда Т.м. кўрсаткичларидан энг оз иш ҳақи миқдори ва пенсияларни белгилаш, шунингдек, иқтисодий тўловлар миқдорларини ўзгартиришда, ижтимоий ёрдамга мухтожликни ва бепул ижтимоий хизмат кўрсатишни аниқлашда база тарзида фойдаланилади (қ. *Истеъмол савати*).

ТИРИСТОР (юн. thyra — эшик, кириш ва *регистор*) — электрик вентил хоссасига эга бўлган кремний монокристалл асосидаги яримўтказгич асбоб. Яримўтказгич элементи кремний (бир оз бор, *алюминий* ва *фосфор* қўшилган) монокристалл диск (пластинка)дан тайёрланади. Ишлаш принципи кремний монокристалларнинг электронтешикли ўтиш (электрон *n* ўтказувчанликдан тешикли *p* ўтказувчанликка ўтиш) хоссасига асосланади. Бу хосса асбобнинг вентилли ўтказувчанлигини таъминлайди. Т.нинг триодли (тринистор; учта ташқи чиқиш — катод, анод, бошқарувчи электрод) ва диодли (динистор, бошқарувчи электродсиз) турлари бор. Вазифасига кўра, бир томонлама ва икки томонлама ўтказувчан, юқори частотали, импульсли, икки операцияли ва махсус хилларга бўлинади. Фоторезисторлар, галлий арсенид асосидаги Т.лар ҳам бор.



Тиристор (тузилиши): *А* — анод; *Б* — бошқарувчи электрод; *К* — катод; *n*—*p*-тип ўтказувчанлик соҳаси; *p*—*p*-тип ўтказувчанлик соҳаси.

Т. электр ўзгартиргичларида вентил, автоматик бошқариш тизимининг ижрочи ва кучайтирувчи элементлари, турли электрон қурилмаларда хотира калити ҳамда элементлари ва б. сифатида ишлатилади.

ТИРИТАКА (юн. Tyritake) — *Боспор подшолиги* шаҳри. Пантикапей (ҳоз. Керчьдан жанда жойлашган. Мил. ав. 6-а.да юнонлар томонидан асос солинган. Мил. 1—3-а.ларда йирик балиқ овлаш маркази. Археологик қазишлар

натижасида шаҳар мудофаа деворлари, турар жой қолдиқлари, хўжалик ва маиший буюмлар ва б. топилган. Мил. 4-а.нинг 2-ярмида Т. афтидан гуннлар ҳужуми оқибатида вайрон бўлган, бироқ, ундаги ҳаёт илк ўрта асрларга қадар давом этган.

ТИРИЧМИР — Ҳиндукуш тоғ системасининг энг баланд чўққиси. Покистоннинг шим.да. Бал. 7690 м. Кристалл жинслардан тузилган. Ён бағирларида музликлар ва *фирнли* майдонлар бор.

ТИРИШИШ — мускулларнинг тўсатдан ғайриихтиёрий равишда қисқариши. Т. нерв системаси касалликларида (тутқаноқ, *қоқшол, неврозлар*), *заҳарланиш, моддалар алмашинуви* ва ички секреция безлари иши бузилганда рўй беради. Келиб чиқиш сабабига кўра, Т. эпизодик, тасодифий бўлиши ёки ҳафта, ой, йил давомида маълум вақтда бир неча марта такрорланиб туриши мумкин. Баъзи беморларда Т. ташқи таъсиротлар (тўсатдан келган қаттиқ товуш, баданга нина санчилиши) натижасида, чуқур нафас олганда, дим хонада, ичкиликни суиистеъмол қилганда тутиб қолади ёки зўраяди. Т. битта мускулда ёки бир гуруҳ мускулларда содир бўлиши мумкин.

Кучли тиришиш (тоник Т.) қисқа вақт давом этиши мумкин, бунда кўпинча қаттиқ огриқ пайдо бўлади. Бундай Т. аксари узоқ юрилганда болдир мускулида, шунингдек, соппа-соғ одамда чўмилиш пайтида рўй беради. Қуруқ жойда юрган пайтда пайдо бўлган Т.ни оёқ кафтини бир қўл б-н ёзиб ва айни вақтда болдир суягини иккинчи қўл б-н уқалаб йўқотиш мумкин. Ётганда ёки ўтирганда томир тортишиб қолганда тезда ўриндан туриб, огриқ оёқнинг кафти б-н қаттиқ тираниш керак. Чўмилаётган пайтда сувда оёқ томири тортишиб қолганда оёқни ҳаракатлантирмай, оёқ панжасини соғ оёқ б-н ёзиш керак. Т.га мойил одамлар сувда узоқ сузмаганлари маъқул. Т. клоник бўлиши, бунда мускуллар гоҳ тез-тез қисқариб, гоҳ қисқа муддатга бўшашиши мумкин.

Умумий Т.да, мас., тутқаноқ хуружида одам ҳушидан кетиши ва йиқилиб тушиши мумкин. Бундай ҳолларда врач чақириш зарур. Т., одатда, касаллик аломати бўлиши мумкин, шу боисдан унинг сабабини аниқлаш ва даволаш учун врачга мурожаат қилиш шарт.

ТИРКАМА — двигателсиз галдиракли транспорт воситаси. Двигателли транспорт воситаси (автомобиль, трактор)га тиркаб ишлатилади (номи шундан). Оддий ва махсус, бир, икки ва кўп ўқли турлари бўлади. Оддий 2 ўқли Т.

Пахта ташиш учун мослаштирилган тиркама.

берк кузов ёки бортли платформа б-н жиҳозланади. Махсус Т.га муайян юкни (мас., пахтани) ташиш учун мослаштирилган кузов ўрнатилади. Узун юклар (трубалар, тахталар ва б.) учун махсус 2 гилдиракли (бир ўқли) Т.-уламадан фойдаланилади. Бундай Т. шатакчи машинага юкнинг ўзи орқали туташтирилади. Т. га турли жиҳозлар (мас., компрессор ст-ялар)ни ўрнатиш ҳам мумкин. Оддий бир ўқли Т.нинг юк кўтарувчанлиги 2 т дан, икки ўқлиники 8 т дан ошмайди; бўлинмайдиган йирик юкларни ташиш учун мўлжалланган Т.ники —20—25 т. Т.ларнинг барчаси ёритиш асбоблари, габарит чироқлари, таниш белгилари б-н таъминланади.

ТИРНОҚ, чангал — бармоқларни ҳимоя қилувчи шохсимон тузилма. Одам, маймун ва чала маймунлар бармоқлари учида ҳосил бўлади. Т. бармоқ болиши устидан чиққан эркин қисм, тана ва илдизлан иборат. Т. ўрнининг илдиз ва чуқурча б-н қопланган қисми матрица дейилади, шу матрица ҳужайраларининг кўпайиши туфайли Т. учига қараб аста-секин ўсиб боради. Т. бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 0,1—0,2 мм ўсади; тахм. 100 кунда тўлиқ янгиланади. Т. ўсиши кишининг ёши, жинси, организмнинг умумий ҳолати ва б. омилларга боғлиқ, мас., болалар тирноғи катталарникига нисбатан тезроқ ёки қишда ёздагидан секинроқ ўсади. Т. уз. 10—15 мм, эни 10—17 мм, қалинлиги 0,30—0,37 мм, аёлларда кичикроқ ва юпқароқ бўлади. Соғлом кишининг тирноғи бир оз бўртиб чиққан, силлиқ, тиниқ ва рангсиздир.

Сувда ва қуруқликда яшовчилар тирноғи эпидермис шохсимон қаватининг қалинлашувидан ҳосил бўлади. Чин Т. кўпчилик судралиб юрувчиларга, барча қушларга ва талайгина сут эмизувчиларга хос. Т. ҳаракатланишда ёрдам беради, шунингдек, ҳимоя ва ҳужум органидир. Айрим сут эмизувчилар (мас., отлар)да кўриниши ўзгарган Т. — *туёқ* бор.

Т. касалликларига кислота, ишқор таъсири, шикастланиш, инфекция (бактерия, замбуруглар) ва б. сабаб бўлади. Оних ва Т.ни ўраб турган тўқиманинг яллигланиши — паронихия кўпроқ учрайди. Паронихия Т. атрофида пайдо бўлган «сочиқ»лар, моддалар алмашинуви касалликлари, мас., қандли диабет, шикастланишлар оқибатида келиб чиқади. Турли касалликларда Т.нинг рангі ўзгариб, мўрт, увалануvчан бўлиб қолади. Трихофития, микроспория, эпидермофития, кандидоз, кал замбуруглари Т.нинг замбуруг касалликларини вужудга келтириши мумкин. Сурункали инфекцион касалликлар — сил, мохов; тери касалликлари — псориаз, экзема, нафас йўли (бронхоэктазия), юрак-томир, ички секреция ва нерв системаси касалликларида ҳам Т. да ўзгаришлар кузатилади. Пойабзал тор бўлиб, оёқ бармоқларини қисиши, Т.ларнинг зарбдан шикастланиши оқибатида Т. ичга ўсади, бунда Т. болиши яллигланади. Т.да ўзгаришлар рўй берганда мутахассис врачга учрашиш лозим.

ТИРНОҚГУЛ (Calendula officinalis), доривор тирноқгул — мураккабгулдошлар оиласига мансуб икки йиллик манзарали ва доривор ўсимлик. Бўйи 30 — 50 см. Поясн шохланган, тукли. Илдиз бўғзидаги барглар тескари-тухумсимон, йирик, узун бандли, поядагилари чўзиқ-тескари-тухумсимон ёки чўзиқ наштарсимон. Тўпгули саватча, диаметри 2—5 см. Гуллари сариқ, тўққизил-сариқ, баъзан қат-қат. Меваси йирик, тирноққа ўхшаб ичкарига қайрилган (номи ҳам шундан). Май ойидан сент.-гача гуллаб, мевалайди. Ўзбекистонда гулзорларга экилади. Гулдасталар ясалади, гулларидан олинадиган бўёқ озиқ-овқат саноатида ишлатилади.

Тирноқгул.

ТИРОЗИН, α-амино-β- (*n*-оксифенил)-пропион кислота, $C_9H_{11}NO_3$—кристалл модда, D-T, L-T ва D, L-T шаклида бўлади. D-T нинг суюқланиш т-раси 310—314°, L-T ники 290—295°, D, L-T ники 290—295°. Т. 270°гача қиздирилса, декарбоксилланиб терамин, ишқор б-н *n*-оксибензой кислота ҳосил қилади. Деярли барча оқсиллар таркибига киради. *n*-оксибензальдегид ва гиппурат кислотадан синтезлаб олинади. Т. — алмашинадиган аминокислота. Организмда Т.дан турли муҳим моддалар синтезланади.

ТИРОКСИН, 3,5,3',5'-тетрайолтирозин — одам ва ҳайвонларнинг асосий тиреоид гормони. *Калқонсимон без* фолликулаларида ишланади. *Тирозин* ҳосиласи.

Т. сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳамда баъзи суякли балиқлар (мас., камбала)да *метаморфозин*, иссиқ қонли ҳайвонлар ва одамда моддалар алмашинувини, иссиқлик ишлаб чиқарилиши, тўқималарнинг ўсиши ва янгиланишини кучайтиради. Т. синтези ва секрециясини гипофизнинг *тиреотроп гормони* (ТТГ) бошқаради. Қонда Т. миқдори кўпайса, ТТГ ажралиши тормозланади ва Т. кам ажралади. Т. концентрацияси камайганда ТТГ ажралиши кучаяди ва Т. мувозанати тикланади. Т.нинг ажралишига ташқи муҳит омиллари (т-ра ва стресс), овқат (йод) ва б. ички секреция безлари таъсир этади. Т. мувозанати бузилиши турли касалликлар (*гипертиреоз, гипотиреоз, буқоқ, кретинизм, микседема*)га олиб келади.

ТИРРЕН ДЕНГИЗИ — Ўрта денгизнинг бир қисми, ярим ёпиқ денгиз. Апеннин я.о. ва Сицилия, Сардиния, Корсика о.лари оралиғида жойлашган. Ўрта денгизнинг бошқа қисмлари б-н Корсика, Бонифачо, Сардиния ва Мессина бўғозлари орқали боғланган. Майд. 214 минг км². Энг чуқур жойи 3830 м. Денгизнинг жан.-шарқида Липари о.лари жойлашган. Сувининг т-раси юза қисмида ёзда 22—24,5°, қишда 13—14°. Шўрлиги 37,2—38,2‰. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади (бал. 0,5 м). Балиқ овланади. Йирик портлари: Неаполь, Палермо, Кальяри (Италия), Бастия (Франция).

ТИРСАК — қад. узунлик ўлчов бирлиги. Узатилган қўл бармоқларининг учидан тирсагигача бўлган масофа. Т. кичкина (тахм. 0,5 м) ва катта, яъни шоҳ Т.(тахм. 81,28 см)ларга бўлинган.

ТИРСАКЛИ ВАЛ — поршенли двигателлар, насослар, компрессорлар, темирчилик-пресслаш машиналари ва б. қурилмалардаги *кривошипли механизм*нинг айланувчи звеноси. Битта ёки бир нечта тирсакли (номи шундан) ҳамда бир нечта ўқдош ўзак бўйинлари, ҳар бир тирсагида 2 та шчека ва 1 та бўйин бўлади. Бўйинлар ўзак бўйинлар ва шатун бўйинларга бўлинади. Ўзак бўйин подшипникка таянади, шатун бўйинга шатун бириктирилади. Шатун бўйинларнинг ўқи Т. в. нинг айланиш ўқига нисбатан бироз силжиган (нарироқда) бўлади. Поршенли машиналар (мас., автомобиллар)да Т.в. тирсакларининг сони цилиндрлар сонига тенг бўлади. Тирсакларнинг қандай тартибда жой-

Тирсакли вал: *1* — ўзак бўйин; *2* — тирсак; *3* — шатун бўйин; *4* — шчека.

лашиши машинанинг иш циклига, цилиндрларнинг жойлашишига қараб белгиланади. Т.в. углеродли ёки легирланган пўлат ёки мустаҳкам чўяндан яхлит, қуйма тарзда ёки болғалаш усулида ясалади.

ТИРУВАНАНТАПУРАМ, Тривандрам — Ҳиндистоннинг жан. қисмидаги шаҳар, Малабар соҳилида. Керала штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 525 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг савдо ва саноат марказларидан. Тўқимачилик, ёғочсозлик, резина-техника, кимё-фармацевтика, полиграфия саноати корхоналари бор. Каучук ва копрага ишлов берилади. Бадний ҳунармандчиликда фил суяги, қора ёғочдан турли буюмлар тайёрланади. Ун-т бор. Т. қадимда Траванкур рожалигининг пойтахти бўлган. Туризм ривожланган. Т. яқинидаги Тумбу и.т. марказидан Ҳиндистоннинг биринчи сунъий йўлдоши учирилган.

ТИРУЧЧИРАППАЛЛИ — Ҳиндистоннинг жан. қисмидаги шаҳар, Тамилнад штатида. Аҳолиси 712 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Кавери дарёси қуйилиш жойидаги транспорт йўллари тугуни. Металлсозлик, тўқимачилик, кўн-тери, тамаки, озиқ-овқат саноати корхоналари, энергетика жиҳозлари з-ди бор. Қимматбаҳо тошларга ишлов берилади. Шаҳар яқинидан слюда, гипс қазиб олинади. Т. 10—17-а.ларда Тамил давлати пойтахти бўлган. Шаҳар четидаги қояда 7-а.да қурилган қалъа ва ибодатхона-айвонлар сақланган.

ТИСА, Тисса — Европадаги дарё, Украина, Венгрия, Сербия ва Черногория ҳудудларидан (қисман Украина б-н Руминия ва Венгрия б-н Словакия чегараларидан) оқади. Дунайнинг энг катта чап ирмоги. Уз. 966 км. Ҳавзасининг майд. 157,1 минг км². Ўрмонли Карпат тоғлари (Украина ҳудуди)дан бошланади. Кўп қисми Ўрта Дунай текислигидан оқади. Қор ва ёмғирдан сув олади, баҳорда серсув, ёзда баъзан тошади. Суви кўпайганда қуйи қисмида сув сатҳи 4—5 м кўтарилади. Ўртача сув сарфи қуйи қисмида 810 м³/сек. Қиш совуқ келган йилларда 1—2,5 ой муздайди. Т.дан ёғоч оқизишда (юқори оқимида) ва суғоришда фойдаланилади. Тисакарад ш.гача (Венгрия) кема қатнайди. Т. бўйида Хуст (Украина), Тисафюред, Сольнок, Сегед (Венгрия) ш.лари жойлашган. Т.да сув омбори, Тисалёк ва Кишкере (Венгрия) гидроузеллари қурилган.

ТИСЕЛИУС Арне Вильгельм Каурин (1902.10.8, Стокгольм — 1971. 29.10, Упсала) — швед биокимёгари. Швеция Қиролдик ФА аъзоси (1939 й.дан). Упсала ун-ти проф. (1938 й.дан), Биокимё ин-ти директори (1951 й.дан). Табиий фанлар соҳасидаги тадқиқотлар бўйича Швеция давлат кенгаши раиси (1946—50). Асосий илмий ишлари адсорбция ва электрофорез тадқиқотларига оид. Адсорбцион хроматография усулини кашф этган (1931—35) ва ундан фойдаланиб, таркибида аминокислоталар, пептидлар, углеводлар бўлган аралашмаларни сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилган. Иммуноэлектрофорез усули б-н қон нормал зардобининг оқсил тузилишини ўрганишга асос солган. Кимё бўйича Нобель қўмитаси президенти (1960—71). Нобель мукофоти лауреати (1948).

ТИСС (Taxus) — зарнобдошлар оиласига мансуб игнабарғли, доим яшил, икки уйли, камдан-кам бир уйли ўсимликлар туркуми. Игнабарғлари кетма-кет жойлашган; тўқ яшил, ялтироқ бўртиқ ўзакли. Чангчили бошоқчалари битта, шарсимон. Қуббаси ҳам битта; унда резавор мевага ўхшаш бир дона уруғ бўлади. 10 тури маълум. Европа, Кичик ва Шарқий Осиё, Кавказ, Шим. Америкада тарқалган. Ўзбекистонда резавор ёки чиримайдиган дарахт (T. baccata) ўстирилади. Т.нинг ёғочи қизғиш-жигарранг, ялтироқ ўзакли, мустаҳкам, қаттиқ, оғир, яхши силлиқланади, смола йўли бўлмайди. Фанера тайёрлаш, сув иншоотлари қуриш ва машинасозликда ишлатилади.

ТИССАГЕТЛАР (юн. Thyssagetai) — антик давр муаллифлари асарларида қайд этилган қад. қабилалар. *Геродот* ва б.нинг гувоҳлик беришига кўра, Т. будинлар ва *савроматлар*дан Шарқ ва Шим.-Шарқ томонда, улардан 7 кунлик масофадаги ҳудудда яшаганлар. Т. ўрмонларда яшаб, овчилик б-н шуғулланишган, ҳайвон гўштларини еб, суякларини маъбудларга қурбонлик келтиришган. Волгаорти, Уралнинг ғарбий туманлари (Кама, Вятка, Белая, Чусовая дарёлари соҳили бўйлаб) нинг ўрмон зонасида яшашган. Т.нинг Шарқий Европанинг шим.даги қад. фин-угор қабилалари б-н қардошлиги ҳақида тахминлар мавжуд.

ТИТ Флавий Веспасиан (Titus Flavius Vespasianus) (39—81) — Рим императори (79—81); флавийлар сулоласидан. Веспасианнинг ўғли ва вориси. 73—79 й.ларда Веспасианнинг тахтдоши сифатида сенатдаги аристократлар оппозицияси б-н кураш олиб борган. Император бўлгач, сенат б-н келишиб ҳокимиятни бошқарган. 80 й.да Римда содир бўлган ўлат ва ёнғин, 79 й. 24 авг.да Везувий вулқонининг отилиши (унинг натижасида Помпея, Геркуланум ва Стабия шаҳарлари йўқ бўлган) оқибатларини тугатиш ҳамда турли мақсадлар учун тарқатиладиган совғалар, томошалар ва жамоат бинолари қурилиши (Колизей, Термалар қурилиши тугалланган ва б.) учун катта маблағ сарфлаган.

ТИТАН (Titanum), Ti — Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 22, ат. м. 47,88. Т. оралиқ металларга киради. Т. масса сонлари 46 (7,95%), 47(7,75%), 48(73,45%), 49(5,51%), 50(5,34%) бўлган 5 та барқарор изотоплан иборат. Унинг бир неча сунъий радиоактив изотоплари ҳам маълум.

1795 й.да немис кимёгари М. Клапрот TiO_2 (рутил) номаълум элементнинг оксиди эканлигини аниқлаган ва ўша элементга Т. номини берган [Т. номи юн. афсонасидаги титанлар — Уран (Осмон) ва Гея (Ер)нинг болалари номидан олинган]. 1925 й.да Нидерландия олимлари Ван-Аркел ва де Бур титан (IV)-йодидини чўғ ҳолатидаги вольфрам симда парчалаш йўли б-н соф Т.олдилар. Т. Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,57% ни ташкил қилади. Т. табиатда титан (IV)-оксид TiO_2 (рутил, анатаз, брукит), темир титанат (ёки ильменит) $FeTiO_3$, кальций титанат (ёки перовскит) $CaTiO_3$ ҳолида учрайди. Ильменит кўпинча магнетит б-н қўшилиб $FaTiO_3 \cdot nFe_3O_4$ таркибли титан магнетитлар ҳосил қилади. Бу минерал Т.нинг муҳим рудаларидан.

Т. пўлат каби ялтироқ қаттиқ металл. Суюқланиш т-раси 1668±5°, қайнаш т-раси 3227°, зичлиги 4,51 г/см³. Т. мустаҳкам ва пластик, осон болғаланади ва ёйилади (прокатланади), одатдаги т-рада жуда кучсиз қайтарувчи. Т. сиртида оксид парда ҳосил бўлганлигидан коррозияга бардошлилиги жиҳатидан занглямас пўлатдан ҳам устун туради. У ҳавода оксидланмайди, денгиз сувида занглямайди, агрессив кимёвий муҳитларда ҳам ўзгармайди. Т. суюқланиш т-расида энг фаол металлар қаторига ўтади. Қиздирилганда деярли барча элементлар б-н бирикади. Металлар б-н қаттиқ эритмалар ва интерметаллик бирикмалар ҳосил қилади. 600° дан юқори т-рада ҳаво кислороди б-н оксидланиб, Т. (IV)-оксид TiO_2 га ўтади. 700°дан юқори т-рада азот б-н Т. нитрид TiN ҳосил қилади. 300°дан юқори т-рада водород хлорид б-н реакцияга киришиб, Т. (IV)-хлоридга айланади. Т. концентрланган сульфат кислота б-н реакцияга киришиб, Т. сульфат $Ti(SO_4)_2$ ва сульфит ангидрид SO_2 ҳосил қилади. Т.нинг H_2TiO_3 ва H_2TiO_4 таркибли кислоталари H_4TiO_4 ва H_2TiO_5 таркибли пероксокислоталари маълум. Т. ўз бирикмаларида 2 валентли бўлиши ҳам мумкин.

Металл ҳолидаги Т. анча мураккаб усулда олинади. Аввал Т. (IV)-оксид Т. (IV)-хлоридга ўтказилади. Сўнгра Т. (IV)-хлоридни аргон ёки гелий атмосферасида магний ёки натрий б-н қайтарилиб, металл Т. олинади. Соф Т. эса Т. (IV)-йодидни парчалаб ҳосил қилинади. Саноатда олинадиган Т.нинг асосий қисми авиация, ракета ва кемасозлик техникасига зарур қотишмалар тайёрлаш учун кетади. Т.нинг никель ва темир б-н ҳосил қилган қотишмалари пўлатга қўшилади. Т. заҳарли эмас. У ўсимлик ва ҳайвон организмида доим бўлади. Умуртқали ҳайвонларнинг шох ҳосилалари, талоқ, қалқонсимон безларида учрайди. Киши организмига бир кеча-кундузда озиқ моддалар ва сув б-н 0,85 мг Т. киради.

Титан бирикмалари. Т. (IV)-оксид TiO_2 — оқ кукун, қиздирилганда оч сариқ тусга киради, совитилганда ранги йўқолади. Табиатда 3 хил кристалл: рутил, анатаз, брукит шаклида учрайди. Суюқланиш т-раси 1850°, қайнаш т-раси 3000° га яқин, зичлиги 4,18—4,25 г/см³. Т. (IV)-оксид органик ва суюлтирилган минерал кислоталарга, H_2S ва SO_2 га чидамли, ишқорларда бир оз эрийди. Пластмассалар, сирлар, сунъий толалар и.ч.да, қоғоз, резина, чарм, тўқимачилик, металлургия ва лок-бўёқ саноатида қўлланади.

Титанатлар — метатитанат, ортотитанат ва полититанат кислоталарнинг тузлари. Барча титанатлар юқори т-раларда суюқланади, сувда ва суюлтирилган кислоталарда эримайди, фақат концентрланган кислоталарда эрийди. Кўпчилик титанатларнинг диэлектрик киритувчанлиги юқори бўлгани сабабли конденсаторлар, ультратовуш қурилмалари, электрон схемалар, термокомпенсаторлар ва б. ишлаб чиқаришда қўлланади. Ўзгарувчан таркибли мураккаб титанлардан армолколит Ойдаги тог жинсларида топилган.

Титан галогенлар б-н бирикиб TiX_2, TiX_3 ва TiX_4 (бу ерда X — галоген) таркибли галогенидлар ҳосил қилади. Титан галогенидларини амалий аҳамиятига кўра қуйидаги кетма-кетликка жойлаштириш мумкин: хлоридлар, йодидлар, бромидлар, фторидлар.

Титан тетрахлорид $TiCl_4$ — ўткир ҳидли суюқлик. Суюқланиш т-раси — 23°, қайнаш т-раси 136°, зичлиги 1,72 г/см³ (20°да). Сувда гидролизланиб титан оксихлорид $TiOCl_2$ ёки титан гидроксид (метатитанат кислота) H_2TiO_3 ҳосил қилади. Концентрланган хлорид кислота таъсирида хлортитанат кислота H_2TiCl_6 комплексини беради. Титан тетрахлорид саноат кўламида ишлаб чиқарилиб, ундан асосан (магний ва натрий б-н қайтариб) титан олинади.

Титаннинг қуйи хлоридлари $TiCl_3$ ва $TiCl_2$ — беқарор моддалар; ҳавода оксидланади, гигроскопик. $TiCl_4$ ни водород, рух, алюминий ёки титан б-н 700—1000°да қайтариб ҳосил қилинади. Органик бирикмаларни полимерлаш жараёнида катализатор сифатида қўлланади.

Титан тетрайодид, TiI_4 — металл каби ялтироқ қизил-қўнғир тусли кристаллар. Суюқланиш т-раси 150—156°, қайнаш т-раси 377°, зичлиги 4,27—4,40 г/см³. Сувда гидролизланади. Қуюқ ҳолидаги титанга 170—200°да йод таъсир эттириб олинади.

Титаннинг қуйи йодидларидан TiI_3 (тўқ бинафша тусли қаттиқ модда; суюқланиш т-раси 1030°) ва TiI_2 (тўқ жигарранг қаттиқ модда; суюқланиш т-раси 1050°) олинган.

Титан тетрабромид $TiBr_4$ — сариқ рангли кристалл модда: суюқланиш т-раси 38°, қайнаш т-раси 232°, зичлиги 3,24 г/см³. Сувда гидролизланади. Титан карбид ёки TiO_2+C аралашмани бром буги остида қиздириш ёхуд Ti ва бромни юқори т-раларда бириктириш йўли б-н олинади.

Титаннинг қуйи бромидлари $TiBr_3$ ва $TiBr_2$ — беқарор, осон оксидланадиган ва гидролизга учрайдиган моддалар. $TiBr_2$ ни қайтариш йўли б-н олинади.

Титан тетрафторид TiF_4 — оқ рангли қаттиқ модда. 284°да суюқланмасдан қайнайди, зичлиги 2,8 г/см³, юқори т-ра (427°) ва босим остида суюқланади. Ўта гигроскопик, сувда гидролизланади. Титанга, титан карбидга ёки TiO_2+C аралашмага фтор таъсир эттириб олинади. Фторид кислота б-н комплекс фтор титанат кислота H_2TiF_6 ҳосил қилади. Унинг тузлари — фторгитанатлар K_2TiF_6, Na_2TiF_6 — барқарор моддалар, технологик амалиётларда қўлланади.

Титаннинг қуйи фторидлари TiF_3 ва TiF_2 ҳам олинган.

Ад.: Корнилов И. И., Титан, М., 1975; Цвиккер У., Титан и его сплавы, пер. с нем., М., 1979.

Комил Тожиев

ТИТАН — *Сатурн* сайёрасининг энг катта йўлдоши, диаметри тахм. 5150 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 1,2 млн. км. Сатурн атрофини тахм. 16 суткада айланиб чиқади. Т. Қуёш системасидаги катталиги бўйича *Юпитер* йўлдоши *Ганимед*дан кейинги иккинчи йўлдош. Массаси анча катта ($1,4 \cdot 10^{23}$ кг) бўлгани учун Сатурнинг бошқа йўлдошларига таъсир этади. Т. метан ва аммиакдан иборат атмосферага эга. 1655 й.да Х. *Гюйгенс* кашф этган (яна қ. *Сайёралар йўлдошлари*).

ТИТАН РУДАЛАРИ — таркибида саноатда фойдаланиш учун техник томондан қулай ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бирикма ва концентрацияларда титан бўлган табиий минерал ҳосилалар. Асосий минераллари: *ильменит* (TiO_2 43,7—52,8%), рутил, анатаз ва брукит (94,2—99%), лейкоксен (62—98%), лопарит (38,3—41%), титанит (33,7—40,8%), перовскит (38,7—58,9%), *титан-магнетит*. Т.р. магматик, экзоген ва метаморфоген конларга бўлинади. Магматик конлар таркибида 7—32% TiO_2 бўлган ўта асосли, асосли ва ишқорли тог жинслари б-н боғлиқ. Қатламли ва томирсимон шаклга эга хол-холли ва яхлит Т.р. учрайди. Уларнинг таркибида ильменит б-н бирга титан-магнетит ва гематит ҳам мавжуд. Йирик магматик конлар Россия, Канада, АҚШ, Норвегия, ЖАР ва Ҳиндистонда маълум. Т.р.нинг экзоген конлари орасида: нураш пўстидаги ильменитли ва рутилли (TiO_2 3—30%); ильменитнинг эллювиал-делювиалли ва аллювиалли сочмалари (TiO_2 0,5—25%); ильменит, лейкоксен, рутилнинг (TiO_2 0,5—35%) денгиз-қирғоқ бўйи (қад. ва ҳоз.) сочмалари ҳамда циркон, монацит ва б. бор. Денгиз-қирғоқбўйи сочмалари Т.р.нинг асосий саноат тури. Улар қатламли ва линзасимон уюмлар кўринишида бўлиб, қалинлиги бир неча ўн м га, узунлиги бир неча ўн км га, эни эса бир неча минг м га етади. Йирик сочмалар Россия, Австралия, Ҳиндистон, Бразилия, Янги Зеландия, Малайзия ва Шри-Ланкада маълум. Метаморфоген конлар орасида қумтошлар лейкоксен б-н (TiO_2 8—10%); ильменит-магнетитлилар амфиболитларда (TiO_2 — 12,2%); рутиллилар гнейсларда, хлоритли сланецларда ва б.да фарқ қилинади. Т.р.да, одатда, Ti дан ташқари Fe, V, Zr, TR, Sc лар ҳам мавжуд. Т.р.ни бойитиш учун гравитацион ва магнит сепарацияси, флотация қўлланилади. Т.р. титан металл ва унинг қотишмаларини олишда, бўёқ, локлар тайёрлашда ишлатилади. Ўзбекистонда Қурама, Чатқол ва Шим. Нурота тоғларида ильменит борлиги аниқланган.

ТИТАН ҚОТИШМАЛАР — таркибида муайян миқдорда легирловчи элементлар [алюминий Al (8%), молибден Mo(30%), ванадий (V 16%), марганец Mn (8%), темир Fe (5%) ва б.] бўлган *титан* асосидаги материаллар. Мустаҳкамлиги юқори, унча зич эмас. Криоген т-ра (—250°С) дан юқори (300—600°С) т-раларда денгиз суви ва б. емирувчи муҳитларда занглаш (коррозия) ва емирилишга турғун. Антифрикцион (ишқаланишга қарши) хоссалари паст бўлганлиги учун Т.қ.дан тайёрланган деталларнинг ишқаланувчи сиртларини мойлаб туришга тўғри келади. Т.қ. самолётсозлик, ракетасозликда, энергетика машинасозлиги, кемасозлик, кимё саноати ва б. соҳаларда ишлатилади.

«ТИТАНИК» («Titanic») — 20-а. бошларидаги энг катта йўловчилар кемаси. Буюк Британияда 1911 й. қурилган. Саутгемптон (Буюк Британия)дан Нью-Йорк ш. (АҚШ)га биринчи сузиши даёқ (1912 й., апрель) айсберг б-н тўқнашиб чўкиб кетган. Турли маълумотларга кўра, ҳалок бўлганлар сони 1400 дан 1517 гача кишини ташкил этган (кема бортида жами 2200 киши бўлган). «Т.»нинг ҳалокати 20-а.даги энг йирик ва мудҳиш денгиз фалокатларидан бири ҳисобланади. 1985 й. Америка-Франция экспедицияси чўккан «Т.» қолдиқларини Ньюфаундленд оролининг жан.-шарқ томонидан 800 км нарироқда топган.

ТИТАНИТ, сфен — оролли силикатлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби Ca $TiO[SiO_4]$ бўлиб, Fe^{2+}, Fe^{3+} ҳамда 12% гача (Т.нинг кейльгауит хили), (Ce, Y)$_2O_3$, Mn, Sn, Nb, Cr аралашма ҳолида учрайди. Т. моноклин сингонияда кристалланади. Зич призмалар кўринишидаги якка кристаллар ҳамда доналор агрегатлар ҳосил қилади. Ранги сариқ, жигарранг, яшил баъзан қора ва қизғиш бўлади. Олмосдек ялтирайди. Қаттиқлиги 5—6, зичлиги 3,3—3,6 г/см³. Т. магматик тог жинсларининг кенг тарқалган акцессор минерали, одатда, ишқорли тог жинсларида, баъзан метаморфик гнейсларда ҳамда гидротермал ҳосилаларда учрайди. Т. титан олинадиган хом ашёдир.

ТИТАНИЯ — *Уран* сайёрасининг йирик йўлдошларидан бири. Диаметри 1580 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 435,9 минг км. Уран атрофини тахм. 9 суткада айланиб чиқади. Т. орбитасининг текислиги Уран орбитаси текислиги б-н деярли перпендикуляр. Т. юзасида кўплаб кратерлар ва тектоник ёриқлар мавжуд. 1787 й.да инглиз астрономи В. Гершель кашф этган (яна қ. *Сайёралар йўлдошлари*).

ТИТАНЛАР — 1) юнон мифологиясида худолар, олти ака-ука ва олти опасингил (*Уран* ва *Гея*нинг фарзандлари). Зевс бошлиқ *Олимп* худоларига қарши кураша Т. маглубиятга учрайди ва *Тартар*га ташланади. Кейинги даврларда яратилган афсоналарда Т.ни титанлар б-н тенглаштиришган. Т.нинг болалари ва набираларини титанидлар (баъзи ҳолларда Т.) деб ҳам атаганлар; 2) кўчма маънода Т. — фавқулодда истеъдоди б-н ажралиб турадиган одамлар.

ТИТАНЛИ ТЕМИРТОШ — қ. *Ильменит*.

ТИТАН-МАГНЕТИТ — мураккаб оксидлар синфига мансуб минерал — таркибида кўп миқдорда TiO_2 нинг қаттиқ эритмаси бўлган *магнетит* тури, $Fe(Fe^{3+}, Ti)_2O_4$. Fe, Ti ва V ларнинг комплекс рудаси. Унда Fe 50—55%; Ti 8—12%; V—0,5% гача бўлади. Табиатда ильменитли компонентлари кўп (37% гача) бўлган магнетитлар — титан-магнетитлар жуда кўп тарқалган. Т.-м.ларда Al^{3+}, V^{4+}, Cr^{3+}, Mn^{2+} ва б. аралашмалар ҳолида учрайди. Октаэдрик кристаллар, донадор агрегатлар, қора рангли массалар шаклида бўлади. Қаттиқлиги 5—5,5; зичлиги 4,8—5,3 г/см³. Т.-м. конлари, асосан, магматик бўлиб, ўта асосли жинслар, асосли ва ишқорли тог жинслари б-н боғлиқ; сочмаларда ҳам учрайди. Т.-м.нинг йирик конлари Россия, Ҳиндистон, Канада, АҚШ ва Норвегияда мавжуд. Т.-м.дан темир, титан, ванадий олинади (яна қ. *Темир рудалари, Титан рудалари*).

ТИТИКАКА — Марказий Анд тоғларидаги кўл, Перу ва Боливия чегарасида. Жан. Америкада энг катта. Ер шарида энг йирик баланд тог кўли (3812 м баландликда). Майд. 8,3 минг км². Уз. 150 км, кенглиги 70 км, энг чуқур жойи 304 м. Кўл ўрни тектоник сойлик бўлиб, қирғоқлари эгри-бугри, баъзи жойлари тик ён бағирли. Қамишзорлар б-н қопланган. Т.га 45 та дарё ва ирмоқлар қуйилади, кўлдан Десагуадеро дарёси оқиб чиқиб, Поопо кўлига қуйилади. Март ойида суви кўпайиб, май.—дек.да камаяди. Қирғоқлари яқинида суви музлайди. Т. — қад. сув ҳавзаси қолдиғи. Кўлдан балиқ овланади. Кема қатнайди. Кўл бўйидаги энг йирик шаҳар ва порт — Пуно (Перу). Т.нинг жан.-шарқий соҳилида ва оролларда индейсларнинг қад. маданий ёдгорликлари сақланган.

ТИТИШ МАШИНАСИ (тўқимачиликда) — пахта, жун, каноп, зигир ва б. толаларни йигиришга тайёрлаш мақсадида хас-чўп ва нуқсонли толалардан тозалаш ва ёйиб юмшатиш қурилмаси. Йигирувчилик ва толали

материалларга дастлабки ишлов беришдаги технологик қурилмалардан бири. Мас., пахта толасини титиш учун мўлжалланган Т.м. таъминлаш бункери, валик (жўва) лар, титиш органи (қозиқли барабан), панжара (колосник), вентилятор, тўрли барабанлар, титкич-савагичдан иборат. Титиладиган толалар уюми таъминлаш бункерига солинади, валиклар ва таъминлаш цилиндрлари уларни қозиқли барабанга бир хил қалинликда узатиб туради. Барабан айланганда қозиқлари толаларни титади, шунда хас-чўп ва нуқсонли толалар асосий массадан ажралиб, колосник орқали чиқиндилар камерасига тушади. Вентилятор ҳосил қиладиган кучли ҳаво оқими титилган ва тозаланган толаларни тўрли барабанларга узатади. Бу ердан толалар қатлами титкич-савагичга ўтади. Бу ерда яна титилиб ва тозаланиб, навбатдаги машина (йигириш машинаси)га узатилади. Т.м.нинг иш суръати толалар узунлиги бирлигига ёки толалар массаси қатламига тўғри келадиган зарблар б-н белгиланади.

ТИТО (Броз Тито) (Broz Tito) Иосип (1892.25.5, Кумровец, Хорватия — 1980. 4.5) — Югославия президенти (1953 й.дан), ЮСФР Президиуми раиси (1971 й.дан), маршал (1943). 1915 й. ҳарбий асир сифатида Россияда бўлган. 1920 й. ватанига қайтиб Югославия компартияси (ЮКП)га аъзо бўлиб кирган. 1934 й.дан ЮКП раҳбариятида. 1935—36 й.ларда Москвада, Коминтернда ишлаган. 1937 й. дек.дан Югославияда ЮКПни бошқарган; Югославия Коммунистлар союзи (ЮКС) раиси (1966 й.дан; 1940—66 й.ларда бош котиб). Югославиядаги халқ озодлик уруши даври (1941—45)да Югославия халқ озодлик армияси бош қўмондони. 1945 й. Югославия ҳукумати бошлиғи. 1948 й. СССР ва Югославия ўртасида давлатлараро ва партияларо муносабатлар узилгандан сўнг, Т. ўзининг социалистик жамият қуриш моделини илгари сурган. *Қаршилик кўрсатиш ҳаракати* раҳбарларидан бири бўлган.

ТИТОВ Константин Герасимович (1898.21.5, Гомель вилояти, Белоруссия — 1970.21.8, Тошкент) — педиатр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1955), тиббиёт фандари д-ри (1939), проф. (1941). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1944). Ўрта Осиё ун-тини тугатгач (1928), шу ун-тда ординатор (1928—30), ассистент (1930—34), доцент (1934—38), Тошкент тўқимачилик ф-касига қарашли болалар касалхонасида (1938—40), ТошТИ даволаш ва санитария ф-ти болалар клиникасида кафедра мудири (1940—68), Гематология ва қон қуйиш н.т. институтида илмий раҳбар (1968—70). Асосий илмий ишлари болалар касалликлари, уларнинг олдини олиш ва даволашга оид.

Ас.: Лейкозы у детей, Т., 1954; Практическое и теоретическое значение исследования ретикулоэндотелиальных клеток костного мозга в клинике и эксперименте, Т., 1958; Болезнь Боткина у детей, Т., 1958.

ТИТР (франц. titre — сифат, тавсиф) — аналитик кимёда 1 мл эритмадаги эриган модда миқдори. Эритманинг нормаллиги, яъни 1 л эритмадаги эриган модданинг грамм-эквивалент миқдори б-н ифодаланади. $T=P/V$ формула бўйича ҳисобланади. Бу ерда T-эритманинг титри, г/мл, P — модда массаси, — V — ўлчов колбаси ҳажми, мл. Т.и маълум эритмалар (стандарт эритмалар)дан *титриметрик анализ*да фойдаланилади.

ТИТР (кинематографияда) — фильмлардаги ёзув. Сарлавҳа, оралиқ Т.лари, шунингдек, кадр ичидаги Т. (субтитр)ларга бўлинади. Сарлавҳа Т.ларида киностудия ва фильмнинг номи, чиқарилган йили, уни яратишда қатнашган ижодкорларнинг исм, фамилиялари кўрсатилади. Оралиқ Т.ларда фильм сериясн, қисмлари, новелла ёки лавҳанинг номи берилади. Баъзи фильмларда тушунтириш матнлари ҳам учрайди. Кадр ичидаги Т.лан эса чет эл фильмларидаги реплика ва диалоглар таржимасини беришда, шунингдек, ўқув фильмларини тушунтиришда фойдаланилади. Т.лар, айниқса, овозсиз кино даврида муҳим роль ўйнаган.

ТИТРИМЕТРИК АНАЛИЗ — аниқланаётган модда миқдорини шу модда б-н ўзаро реакцияга киришиш учун сарфланган реактив миқдорига қараб аниқлашга асосланган миқдорий анализ усули (яна қ. *Ҳажмий анализ*). Т.а. да аниқлаш учун вазний анализга қарағанда кам вақт сарфланади. Бундан ташқари, Т.а.да кислота-асос, оксидланиш-қайтарилиш, комплекс ҳосил қилиш каби кимёвий реакцияларни ҳам аниқлаш мумкин. Т.а.нинг барча аниқлаш усулларида титрлаш эквивалентлик нуқтасигача, яъни стандарт титрланган эритманинг миқдори реакция тенгламасига мувофиқ, модда миқдорига қатъий эквивалент бўлган пайтгача ўтказилади. Шу сабабли титрлаш тугаганлигини билдирувчи индикаторларнинг Т.а. да аҳамияти муҳим.

Аниқлаш усулига кўра, тўғри (бевосита), қолдиқли, билвосита ва дифференциал Т.а. фарқланади. Қолдиқли усул аниқланаётган модда стандарт, титрланган эритма б-н реакцияга киришмаганда ёки реакцияга жуда суст киришганда қўлланади. Билвосита усулда модда стандарт титрланган эритма б-н бевосита реакцияга киришмаганда амалга оширилади. Дифференциал усул бир вақтда 2 моддани аниқлашда қўлланади.

Кимёвий реакциялар жараёнига қараб Т.а. кислота-асос, оксидланиш-қайтарилиш, комплексометрия, чўкмага тушириш усулларига; титрлашнинг охирги нуқтасини индикациялаш усулига кўра, рангли индикатор, потенциометрик, амперметрик, кондуктометрик титрлашга бўлинади.

ТИТРЛАШ — маълум концентрацияли реактив эритмасини аниқланаётган модда эритмасига реакция тугагунча оз-озлан, аста-секин қўшиш. Т.нинг охири *индикатор* рангининг ўзгариши, эритманни лойқаланиши, лойқалигининг йўқолиши ёки текширилаётган эритманинг бошқа физик-кимёвий хоссаларининг ўзгаришига қараб аниқланади (қ. *Ҳажмий анализ*).

ТИФ (юн. tyhos — тутун, дуд, эс-ҳушнинг хиралашуви) — иситмалаш, интоксикация ва эс-ҳушнинг хиралашуви б-н кечадиган ўткир инфекцион касалликларнинг умумий номи. «Т.» термини баъзи кўринишлари ўхшаш, лекин келиб чиқиши ҳар хил бўлган бир қанча юқумли касалликларни бирлиради (қ. *Ич терлама, Тошмали терлама* ва ҳ.к.).

ТИФЛОПЕДАГОГИКА (юн. typhlos — кўр ва *педагогика*) — *дефектологиянинг* кўр ва заиф кўрувчи болаларни ўқитиш, тарбиялаш ҳамда уларни меҳнатга тайёрлаш масалаларини ишлаб чиқувчи соҳаси. Болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиришни, умумий ўрта маълумотга эга бўлишларини, ҳаёт ва меҳнатга тайёрлашни мақсад қилиб қўяди. Т. кўр ва заиф кўрувчи болалар учун таълимни такомиллаштириш йўлларини, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш методларини, махсус мактаб ҳамда мактабгача муассасалар тузилмасини, уларнинг таълим-тарбиясининг ташкилий шаклларини ишлаб чиқади. Т.нинг энг муҳим вазифаси болаларда сақланиб қолган кўриш имкониятларидан ўқиш жараёнида тўғри фойдаланиш ва уни ривожлантириш, кўриш имкониятларини сақлаш учун шароит вужудга келтириш, таълимнинг техника воситаларини қўллашдан иборат.

Т. умумий ва махсус пед., психология, физиологик оптика, офтальмология, педиатрия, мактаб гигиенаси, олий нерв фаолияти физиологияси, тилшунослик, тифлотехника фани маълумотларига суянади. Ўзбекистонда 2002/03 ўқув йили кўрлар учун 8 (1,4 мин ўқувчи), заиф кўрадиган болалар учун 3(0,6 мин ўқувчи) мактаб ишлади.

ТИФЛОТЕХНИКА — кўрлар, кўзи ожизлар ва кўр-карларни ўқитиш, меҳнат фаолиятига тайёрлаш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, кўзи ожизларнинг кўриш қобилиятини кучайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган махсус асбобсозлик соҳаси. Т. олий нерв фаолияти физиологияси, офтальмология, кўриш нейрофизиологияси, электрофизиология, физиологик оптика, кўриш гигиенаси, эргономика, умумий, муҳандислик ва тиббий психология, тифлопедагогика, тифлопсихология, алоқа назарияси, электроника, ахборотлар назарияси ва б. соҳаларга асосланади. Электрон Т. нарсалар, визуал жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисида кўрларга объектив ахборот беради. Кўрлар ва кўзи ожизларнинг одатдаги китоб, жур., газета ва б.ни «ўқишлари» учун оддий ҳарфларни овоз, тактил, тактил-титрама сигналларга айлантириб берувчи «ўқиш» машиналари ишлаб чиқилган. Махсус аппаратлар мактаблар ва б. билим юртларида ўтказиладиган лаб. ишларида кўр ва кўзи ожизларнинг атрофдаги нарсалар, жараёнлар ва ҳодисалар тўғрисида муайян тасаввур олишларига имкон беради. Кўрларнинг кўча-куйда мўлжал олишларини осонлаштириш учун товуш ёки тактил сигнализацияли электрон асбоблар яратилган, махсус электрон ҳассалар ишлаб чиқарилган.

Кўрлар ва кўр-карларнинг ёзишларн учун Л. *Брайл* тизимида турли асбоблар ва махсус ёзув машинкалари ишлаб чиқарилган. Кўзи ожизлар учун махсус линзалар, проекцион аппаратура, ўқиш мосламалари, мактаблардаги фронтал машғулотлар учун берк тизимдаги телевизион қурилмалар мавжуд. Бундай воситаларнинг янги турларини ишлаб чиқиш борасида и. т. ишлари олиб борилмоқда.

Кўзи ожизларнинг кўриш қобилиятини кучайтириш ва тиклаш учун турли-туман оптик асбоблар яратилган. Кўрлар ва кўзи ожизларнинг меҳнат фаолиятига кўмаклашиш учун иш унумдорлигини оширишга ёрдам берадиган, меҳнат хавфсизлигини таъминлайдиган қурилмалар ишлаб чиқарилган. Т. кўз ва қулоғида камчиликлар бўлган одамларнинг ҳаёт кечириши ва меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

ТИХОНОВ Николай Семёнович [1896.22.11(4.12), Петербург — 1979] — рус ёзувчиси, жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоири (1974). 1-жаҳон уруши (1914—18), фуқаролар уруши (1918—20) ва 2-жаҳон уруши (1941—45) қатнашчиси. СССР Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби (1944 й.дан). 20-й.ларда «Серапион муридлари» адабий тўгараги ташкилотчиси. Илк достони — «Сами» (1920). Т. 20—30-й.ларда Грузия, Арманистон ва Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган. Таассуротлари асосида «Вамбери» (1925), «Денгиздан денгизгача» (1926), «Уруш» (1931) қиссаларини, «Хавф-ли одам», «Ҳарбий отлар» (1927), «Абадий транзит» (1934), «Кўчманчилар» каби ҳикоялар ва очерклар китобларини (1931), «Кавказ ҳақида шеърлар» (1935) тўпламини ёзган. «Грузия баҳори» туркум шеърлари (1948)да урушдан кейинги Кавказнинг мафтун кор табиати, кишиларининг тинч турмуши, халқлар дўстлиги ифодаланган. Тинчлик учун курашувчиларнинг халқаро ҳаракатида кўп йиллар иштирок этиши, Шарқ ва Ғарб мамлакатларига қилган саёҳатлари унинг «Дўст сояси» (1936), «Икки оқим» (1951), «Тинчлик тарафдорларининг иккинчи умумжаҳон конгрессида» (1953) каби туркум шеърларида, «Оқ мўъжиза» (1956), «Яшил зулмат» (1966) каби қиссалари ҳамда «Қўш камалак» (1964) китобида акс этган. Асарлари ўзбек тилида нашр қилинган. Ғ. Ғулом, Ойбек, Зулфия ва б. ўзбек шоирларининг шеърларини рус тилига таржима қилган.

Ас.: Поэзистон ҳақида ҳикоялар, Т., 1953; Вамбери [қисса], Т., 1963; Яшил зулмат [қиссалар], Т., 1972.

ТИХУАНА — Мексиканинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Қуйи Калифорния штатида, АҚШ чегарасига яқин ерда. Аҳолиси 1,2 млн. киши (2000). Транспорт йўллари тутуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Деҳқончилик р-нининг савдо маркази. Озиқ-овқат, пахта тозалаш, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари бор. АҚШ б-н бўладиган савдо маркази. Курорт шаҳар, туризм маркази.

ТИЦИАН (асли Тициано Вечеллио, Tiziano Vecellio) (1476/77 ёки 1480 й.лар, Пьеве-ди-Кадоре, Венеция — 1576.27.8, Венеция) — италян рассоми. Уйғониш даври Венеция мактабининг энг йирик намоиндаси. Ўсмирлик давридан Венецияда. Жованни Беллини устахонасида таълим олган. Жоржоне б-н яқин бўлган, унга Венециядаги биноларни деворий расмлар б-н безашда ёрдам берган (парчалари сақланган). Асосан Венецияда, шунингдек, Падуя (1506), Мантуя (1536—37), Феррара (1516—23), Урбино (1542—44), Рим (1545—46) ва Аугсберг (1548,1550—51)да ишлаган. Т. ижодида Уйғониш даврининг инсонпарварлик ғоялари акс эттирилган бўлиб, унинг ҳаётбахш санъати серқирра, ҳаёт воқеаларини кенг қамровли қилиб олиши, даврнинг драматик воқеаларини теран очиб бериши б-н ажралиб туради. Илк асарларида Жоржонеининг таъсири сезилади («Исо ва гуноҳкор аёл», «Исо ва Магдалина», 1510-й.лар боши ва б.). 1510-й.лар ўрталаридан Рафаэль ва Микеланжело ижодини ўрганганидан сўнг ўзининг мустақил услубини ишлаб чиқди: сокин ва шодон образлари ҳаётбахш туйғуларнинг ёркинлиги, ички нурланганлиги б-н алоҳида аҳамиятга эга («Дунёвий муҳаббат ва илоҳий муҳаббат», тахм. 1515—16; «Флора», тахм. 1515; «Венеранинг байрами», 1518; «Тобутга қўйиш», 1520 ва б.), диққатини кўпроқ монументал, кўтаринки руҳ ва динамика б-н ишланадиган композицияларга қаратган («Марямнинг осмонга кўтарилиши», тахм. 1515—18, Санта-Мария Глориоза деи Фрари черковида ва б.).

Якка ва гуруҳ портретларида замондошларини, улардаги ҳислатлар (ўзига ишонч, гурур, шубҳа, иккиюзламачилик, ёлғон ва ҳ.к.)ни ўта синчковлик б-н тасвирлайди, тасвирланаётганларнинг муносабатлари моҳиятини

Тициан. «Тавба қилаётган Мария Магдалина» (1560-й.лар).

ни, ҳолатдаги драматизмни аёвсиз фош қилади, ҳар бир образ учун ўзига хос қиёфа, кийим, ҳолат, композиция, замин танлайди: «Ипполито Медичи» (1532—33), «Ла белла» (тахм. 1536), «Папа Павел III Алессандро ва Оттавио Фарнезе б-н бирга» (1545—46), «Карл V» (1548) ва б.

16-а. ўрталаридан Т. ижодининг сўнгги даври бошланди, бу даврда у рангтасвирда маҳорат чўққисига кўтарилди, мифологик ва диний мавзулар талқинида ҳам чуқур тераникка эришди: «Даная» (1554), «Венера ва Адонис» (1554), «Европанинг ўғирланиши» (тахм. 1559), «Тобутга қўйиш» (1559), «Тавба қилаётган Мария Магдалина» (1560-й.лар), «Авлиё Себастьян», «Исога мотам» (1573—76) ва б. Т. кўплаб дадил рангтасвир усули б-н ажралиб турувчи расмлар яратган, шакл ва манзаралар уларда енгил, аниқ, майин нурсоя кескинлигида бажарилган. Т. рангтасвирда яратган эркин ишлаш усули жаҳон рангтасвирининг кейинги тараққиётига кучли таъсир кўрсатган. Турли даврларда турли мамлакатлар рассомлари Т. ижодига мунтазам мурожаат қилдилар, асарларини синчиклаб ўргандилар (Веронезе, Тинторетто, Н. Пуссен, П. Рубенс, Д. Веласкес, Рембрандт, Э. Делакруа, Э. Мане ва б.).

ТИЧИНА Павло (Павел) Григорьевич [1891.15.(27).1, ҳоз. Чернигов вилояти, Украина — 1967.16.9, Киев] — украин шоири, давлат ва жамоат арбоби. Украина ФА акад. (1929). Украина Олий Мажлиси раиси (1953—59), СССР Олий Совети Миллатлар Совети раиси ўринбосари (1954—62). 1918 й. «Қуёшли кларнетлар» шеърий китоби нашр қилинган. «Украинадан эсган шамол» (1924), «Чернигов» (1931), «Ягона оила туйғуси» (1938), «Пўлат ва нафосат» (1941) каби шеърий тўпламларида ватанпарварлик ва тинчлик мотивлари ифодаланган. «Котовский қиличи» (1938), «Шевченко ва Чернишевский» достонлари (1939) муаллифи. «Енгмоқ ва яшамоқ» (1942), «Дўстни дафн этиш» (1943) шеър ва достонлари 2-жаҳон урушига бағишланган. Урушдан кейинги даврда долзарб мавзудаги шеърий асарлар, болалар учун эртаклар ҳамда адабиётшунослик масалаларига оид мақолалар ёзган. «Танланган асарлари» (1957.3 жилдли) учун Т. Г. Шевченко номидаги Украина Давлат мукофоти берилган (1962). Айрим шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган.



ТИШ — одам ва кўпчилик жағ-оғизли умуртқали ҳайвонлар оғиз бўшлиғи (баъзи балиқлар ҳалқумидаги сузиқ тузилма; овқатни тишлаб уиб олиш, чайнаш ва тутиб туриш учун хизмат қилади. Одамда бундан ташқари, баъзи товушларни талаффуз этишда ҳам қатнашади. Эмбриональ ривожланиш даврида Т. эпителиал бурмалар — тиш пластинкаларидан ҳосил бўлади. Ҳомиладорликнинг 5-ҳафтасидаёқ ҳомилада Т. шакллана бошлайди.

Т.лар кетма-кет жойланиб, тиш ёйи ёки қаторини ҳосил қилади. Катта ёшдаги кишиларда ҳар бир тиш қаторида шакли ва илдизлар сони б-н бир-биридан фарқ қиладиган 16 та Т.: 4 та кесувчи, 2 та қозиқ, 4 та кичик жағ ва 6 та катта жағ Т. жойлашган. Юқори ва пастки Т. қаторлари маълум муносабатда жипслашади. Одатда, сут ва доимий Т.лар бўлади. Сут Т.лар доимий Т.лар шаклига ўхшаш, лекин кичик ва илдизи бирмунча калтароқ; улар эмизикли ёшда ёриб чиқади ва доимий Т.лар б-н алмашгунча, яъни 12—13 ёшгача туради. Болалар Т.ининг шаклланишида аёлнинг ҳомилалорлик даврида сифатли овқатланиши ва болаларни тўғри овқатлантириш (қ. *Гўдак*) муҳим аҳамиятга эга.

Тиш тузилиши. Т. коронка, бўйин ва илдиздан иборат; коронка ва илдизни Т. бўйни чегаралаб туради. Т. бўйни торайган бўлиб, унинг атрофидаги шиллиқ қават милк б-н ўраб олинган. Коронка ва илдиз ичида Т. бўшлиғи ҳамда илдиз каналлари бор. Канал илдиз охирида тешик орқали Т. бўшлиғига очилади, бу тешик орқали Т. бўшлиғига қон томирлари ва нерв толалари ўтади. Т.нинг асосий қисмини дентин ташкил этади. Коронка қисми эмаль, илдизи суяк тўқима (цемент) б-н қопланган. Т. илдизи ва суяк катакчаси орасида уни ушлаб турувчи бойламлар (пайлар) бор; уларни илдиз қобиғи ёки периодонт дейилади. Периодонтдан Т. бўшлиғига Т.ни озиқлантирувчи томирлар ва неркалар киради. Т. ичидаги бўшлиқда Т. эти ёки пульпа б-н тўлган илдиз канали бор. Пульпа говак бириктирувчи тўқима, томирлар, нервлар ва ҳар хил ҳужайралардан тузилган; пульпада Т. даги қаттиқ тўқималарнинг моддалар алмашинувига ёрдам берадиган ҳужайралар — одонтобластлар бор; улардан каналчалар орқали дентин ичига кириб борувчи шохчалар (тармоқчалар) чиқади.

Т. курагида биринчи дентин, кейин эмаль ҳосил бўлади. Аввал улар, асосан, органик моддалардан иборат ўзига хос тўқимадан тузилган бўлиб, кейинчалик ҳомилалорликнинг 5-ойи охирига келиб, бу ораниқ моддаларга минерал моддалар, асосан, кальций тузлари сингиб боширлайди. Минерал тузлар кристалл ҳолида ўтириб, эмаль ва дентинга қаттиқлик беради. Сут ҳамда доимий Т.ларнинг дентин ва эмалдан тузилган коронкаси Т. чиқишидан олдиноқ шаклланиб бўлган бўлади. Эмаль жуда қаттиқ бўлиб, таркибида 96% гача, дентинда эса 72% ча аноргаиик (минерал) моддалар бор.

Тиш чиқиши маълум муддат ва тартиб асосида бўлади. Болаларда биринчи бўлиб пастки, кейин юқори кесувчи Т.лар чиқади (6—8 ойлача); бола 8—12 ойлигида аввал пастки ён, кейин юқориги ён кесувчи Т.лар чиқади. Сўнгра тартиб б-н биринчи жағ (12—16 ой), қозиқ (16—20 ой) ва иккинчи жағ Т. (20—30 ой) чиқади. Соғлом болаларда бу муддат бир оз илгарироқ ёки кечроқ кечиши мумкин. Кўпинча бола 2 яшарлигида 20 та сут Т. чиқиб бўлади. Т. чиқиши физиологик жараён бўлиб, одатда, оғриқ б-н кечади; бу даврда бола иситмалаши, милки яллигланиб, қичиниши мумкин; у безовта бўла бошлайди ва қаттиқ нарсалар (қошиқ, суякдан қилинган ва б.)ни милкига ишқалагиси келади; сўлак безларининг фаолияти тезлашганлиги туфайли кўп сўлак ажрала бошлайди, болада бетоблик аломатлари пайдо бўлса, дарҳол врачга кўрсатиш зарур.

Доимий Т.лар 5—6 ёшдан чиқа бошлайди; дастлаб биринчи катта жағ Т. (сут жағ Т.лар орқасидан) чиқади. 6—8 ёшда марказий кесувчи Т. (олдин пастки, кейин юқориги); 9—10 ёшда ён кесувчи Т.лар, 12—14 ёшда қозиқ ва кичик жағ Т. сут Т.лар ўрнига алмашиниб чиқади. Иккинчи катта жағ Т. 14 ёшда, ақл Т. эса, одатда, 16 дан 25 ёшгача чиқади. Доимий Т.лар чиқишидан олдин сут Т.лар илдизи сўрила боширлайди; бу чиқиб келаётган доимий Т.лар коронкаси тегиб турган ердан бошланади.



Катта ёшли одам тишлари қатори (схема): *1* — кесувчи (курак) тишлар; *2* — қозиқ тишлар; *3* — кичик жағ тишлар; *4* — катта жағ тишлар.

Одатда, Т. овқатни узиб олиш ва чайнаш функциясини бажаради. Чайнаш овқат ҳам қилишнини бошланиши бўлиб, овқатни Т. б-н майдалаш ва сўлак б-н аралаштиришдан иборат. Сўлак таркибидаги ферментлар таъсирида оғиз бўшлиғида овқатни ҳазм қилиш бошланади. Овқатни оғизда яхшилаб майдалаш меъёда унинг тўла ҳазм бўлишига имкон беради. Т. бутунлиги бузилса ёки огрийдиган бўлиб қолса, овқат ҳазм қилиш ҳам ёмон чиқади.

Тиш аномалияси (Т.нинг қийғир-қийшиқ ўсиши) ҳар хил бўлади: айримлари фақат ҳунук кўринса (косметик нуқсон), бошқаларида чайнаш бузилиши мумкин. Мас., бир тўғри Т.нинг тугма бўлмаслиги юз тузилишини ўзгартириб юборади. Баъзан айрим доимий Т. шаклланиб бўлган бўлишига қарамай, чиқмасдан жағ ичида қолиб кетади (ретинирланган Т.). Кўпинча қозиқ ёки ақл Т. шундай бўлади. Т. шаклланишининг бузилиши ҳомилалорлик даврида иотўғри овқатланиш б-н боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Болалар жағининг бир оз ўсмай қолишига чиқиш сут Т.ларни эрта олиб ташлаш ёки доимий Т. курагининг сут Т. атрофидаги илдизланиш оқибатида ириб, йўқолиб кетиши сабаб бўлади. Баъзан «ортиқча» Т. чиқади ёки яч жойлашиб қолади, кўпинча марказий кесувчи Т. орасида катта оралиқ — диастема бўлади; агар Т. ўрни бўлмаса Т.лар ўз қатори ташқарисидан чиқади.

Т.нинг жуда эрта ёки кеч чиқиши Т. чиқиши бузилганлигидан далрак беради. Т.нинг кеч чиқиши кўпроқ наимжон (меъда-ичак функцияси бузилган, зотилжам, рахит бўлган) болаларда кузатилади. Кўпинча жағ суяғининг ўсиши тутаганда ақл Т. чиқиши қийинлашади. Бунда тўлиқ чиқиб улгурмаган Т. коронкасини қоплаб турган милк яллигланади, ўз вақтида даво қилинмаса, яллигланиш жағ суяги пардасига тарқалади (қ. *Периостит*). Т.нинг шаклланиши ва чиқиши даврида ўзгаришлар бўлса, болани стоматолог врачга кўрсатиш зарур, у касалланиш сабабини аниқлаб, тегишли даво тайинлайди; лозим бўлса, соҳа мутахассислари жалб этилади. Т. пайдо бўлиши ва шаклланиши даврида бола организмида моддалар алмашинувининг бузилиши (ўткир инфекция, тўлиқ овқатланмаслик) натижасида Т.нинг қаттиқ тўқимаси тўла ривожланиб улгурмайди (бу эмаль гипоплазияси деб аталади).



Юқори жағ тишлари: *А* — доимий тишлар: *1* — кўрак тишлар; *2* — қозиқ тишлар; *3* — премолярлар; *4* — молярлар; *Б* — сут тишлар; *1* — кўрак тишлар; *2* — қозиқ тишлар; *3* — озиқ тишлар; *4* — доимий тиш муртаги.

Баъзан дентин эмаль б-н қопланмай қолади. Бундай тиш, одатда, «оғримайди», лекин чириган бўлади, шунинг учун бодани вақт-вақти б-н стоматолог врачга кўрсатиб турган маъқул.

Тиш шикастларидан унинг қимирлаб қолиши (тушиши), коронкасининг бир қисми четиаши, илдизи синиши кўпроқ учрайди. Бунда Т. қаттиқ оғриб, атрофидаги тўқималар шишади. Т. шикастланганда ўз вақтида стоматолог врачга мурожаат қилиш керак. Т. янги шикастланганда даво қилинса, унинг илдизи сақлаб қолинади.

Тиш касалликларидан энг кўп тарқалгани унинг чиришидир (қ. *Тиш чириши*). Т. касалликларининг олдини олиш ва ўз вақтида даволаш имконини беради; йилда 2 марта стоматолог врачга кўриниб, у тавсия этган турли профилактик чора ва давони бекаму кўст бажариш Т. ҳолатини яхши сақлашда муҳим роль ўйнайди.

Ад.: Ахмедов Н., Содиқова З., Нормал анатомия ва физиология, Т., 2004.

ТИШ КАСАЛЛИКЛАРИ — қ. *Тиш.*
ТИШ ОҒРИҒИ — қ. *Тиш.*
ТИШ ПРОТЕЗИ — қ. *Ясама тиш.*
ТИШ ТОШИ — тишлар сиртидаги сарғиш ёки кулранг (кашандаларда жигарранг, ҳатто қорамтир) қатлам. Милк устида ва милк остида, тиш бўйинида ҳосил бўлиб, тиш коронкаси илдизини, айниқса, тиш овқат чайнашда иштирок этмаса (тиш ковак бўлса) ҳамда тиш тўғри парвариш қилинмаса, тишнинг бутун юзасини қоплаб олиши мумкин. Т.т. тўсатдан пайдо бўлмайди. Дастлаб тишда оқимтир карашлар кўзга ташланади, улар кўчган эпителий, овқат қолдиқлари, бактерия ва шиллиқ моддалардан ташкил топади, тишни тўғри тозалаб юганда ёки каттиқроқ овқат чайнаганда осонлик б-н кўчиб тушиши мумкин. Т.т. тишнинг ички юзасини қоплаб эмаль қисмига сингиб кетади, уни кўчириш анча қийин. Баъзан болалар ва ўсмирлар тиши бўйнида кўкимтир қатлам (ҳошия) пайдо бўлади. У тиш эмалига бирикиб кетганлиги учун кўчириб олиш жуда қийин, бунга, асосан, тиш эмалига микроорганизмлар кириши сабаб бўлади. Тишдаги юмшоқ карашлар ўз вақтида даволанмаса, унга оҳак тузлари ўтириб, Т.т. га айланади. Т.т. аста-секин милкни эзиб қўяди; бунда милк қонайди, қичишади, оғиздан қўланса ҳид келади, йиринг ажралиб, милк шиллиқ пардасининг яллигланиши (*гингивит*)га, шунингдек, *пародонтоз*га сабаб бўлиши мумкин.

Т.т. тиш тўқималарига зарарли таъсир этмайди. Уни фақат врач олиб ташлайди (махсус асбоб ёки ультратовуш аппарати ёрдамида).

Т.т. пайдо бўлишининг олдини олиш учун овқатни нормал чайнаш (ҳамма тишлар б-н), суви қочган нон, сухари, сабзи, олма еб туриш, касал тишларни даволатиш; йўқ тишлар ўрнини тўлдириш (ясама тишлар б-н), яллигланган милкни даволатиш лозим. Овқатдан сўнг оғизни чайқаш, вақт-вақти б-н стоматолог врач кўригидан ўтиб туриш лозим.

ТИШ ЧИРИШИ, тиш карниси — тиш қаттиқ тўқималарининг зарарланиши; тиш эмали (дентин)нинг астасекин емирилиб, ковак ҳосил бўлиши. Болаларда кўп учрайди. Кўпинча болаларнинг биринчи катта жағ тишлари (олтинчи тиш) чирийди. Т.ч. овқатланиш тартибининг бузилиши; ҳамир овқат ва ширинликларга ружу қилиш; овқат таркибида калий, фосфор ва витаминлар етишмаслиги, шунингдек, овқатда ҳўл мева ва сабзавотлар

бўлмаслиги ҳамда тишларни нотўғри парвариш қилиш оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Болалар тишининг чиришига ҳомиладор аёлларнинг овқатланиш режими, болани нотўғри овқатлантириш ва б. маълум даражада таъсир этади. Ичимлик сув таркибида фтор кам бўлган жойларда бу касаллик кўп учрайди (асосан, болаларда). Оғир инфекцион касаллик б-н оғриган болаларда, айниқса, уларнинг балоғатга етиш даврида (хусусан, қизларда) Т.ч. тез авж олиб кетади. Т. ч. кўпинча ҳомиладорликда ҳам кузатилади, чунки бу даврда ҳомила скелети шаклланиши учун зарур бўлган кальцийга талаб ошиши натижасида она организмида ички секреция безлари фаолияти ва моддалар алмашинувининг бузилиши каби физиологик ўзгаришлар рўй беради.

Т.ч. сезиларсиз бошланади. Дастлаб тиш эмали хираланиб, ғадир-будурлашади, оқиш ёки сарғимтир доғ пайдо бўлади (қ. *Тиш*); кейинчалик бу жой юмшаб қолади, бу — юза Т.ч. дейилади; бунда тиш чўтка б-н тозаланганда, ширин, нордон нарсалар ейилганда оғрийди. Чириган тиш коваги астасекин чуқурлашиб, эмалдан дентинга ўтади, ана шунда ўрта Т.ч. келиб чиқади, ўткир кечганда механик, кимёвий ёки иссиқ-совуқ таъсирида бир оз оғриқ пайдо бўлади. Т.ч. жараёни дентин тўқимасининг ичига ўтиши натижасида пульпа устида юмшаб юпқалашган дентин қолади; бунда чириган тиш ковагига овқат кириши (иссиқ, совуқ сув ва б. таъсир этиши) б-н кучли оғриқ пайдо бўлиб, таъсирот йўқолганда дарров тўхтайди; бу — чуқур Т.ч. деб аталади. Агар ўз вақтида даво қилинмаса, микроб тишнинг юмшоқ тўқимаси (пульпа)га кириб, уни яллиғлантиради — пульпит вужудга келади; бора-бора тиш илдизи атрофидаги тўқималар ҳам яллиғланиши мумкин, Т.ч. ни стоматолог врач даволайди. Тиш ковагини тозалаб пломбаланади.

Олдини олиш учун организм эҳтиёжига зарур минерал тузлар (айниқса, кальций, фосфор), витаминлар, ёғлар, углеводлар ва ҳ.к.га бой овқатлар еб туриш, овқатланиш режимига риоя қилиш, оғиз бўшлиғини соғлом сақлаш керак.

ТИШ ЧИҚИШИ — қ. *Тиш*.

ТИШЛЕР Александр Григорьевич [1898.14(26).7, Мелитополь —1980] — театр рассоми, график, ҳайкалтарош; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Киев бадиий билим юртида таълим олган (1912—17). Т. асарлари мажозий образлари, безакдорлиги б-н ажралиб туради. Т.нинг «Аёл ва аэроплан» картинаси (1927), «Гражданлар уруши» (1922—55), «Махночилик» (1922—65), «Фашизм» (1966—68) туркумлари, кичик шакллари ҳайкаллари бор. Т. ўзбек театр декорацияси санъатига ҳам ҳисса қўшди: Ҳамза театрида «Муқанна» (1943), опера ва балет театрида «Кармен» операси (1943—44) ва б.

ТИШЛИ БИРИКМА, шлицали бирикма — ариқчалари (ўйиқлари) ва унга мос тишлари (чиқиқлари) бўлган икки деталь (вал) бирикмаси. Тишларнинг шаклига қараб, тўғри ёнли, эвольвентали, майда тишли (учбурчак); иш шароитига кўра, қўзғалувчан (сирпанувчан) ва қўзғалмас хилларга бўлинади. Т.б. автомобиль ва станокларнинг узатмалар қутисида, редуктор ва б. механизмларда ишлатилади.

ТИШЛИ КИТЛАР (Odontoceti) — китларнинг кенжа туркуми. Танасининг уз. 1,2—20 м. Т.к. *тишсиз китлардан* 1—240 тагача тиши бўлиши б-н фарқ қилади. Бурун тешиги битта. Бош суягининг юз қисми асимметрик бўлиб, пастки жағ калла суягидан калта, унинг олдинги қисми ҳаракатсиз бириккан. Т.к.нинг асосий мўлжал олиш (чамалаш) усули — *эхолокация*. Эшитиш ва товуш органлари яхши ривожланган. Эхолокация ва эшитиш орқали ўзаро боғланади, озигини топади ва сув остида мўлжал олади. Т.к. мураккаб товуш сигналларидан ҳам фойдаланади. 74 тури ва 4 оиласи: кашалотлар, ўткир тумшуқлилар, дарё дельфинлари, *дельфинлар* бор. Кўпчилиги гала бўлиб яшайди. Деярли ҳамма денгиз ва океанларда тарқалган. 2—6 ёшда жинсий етилади. Балиқ, бош оёқли моллюскалар ва қисқичбақасимонлар б-н озиқланади. Баъзи турлари овланади. *Кашалот, косатка*, оқ биқинли дельфин ва б.нинг ёғи, спермацети ҳамда гўштидан фойдаланилади. Кўпгина турларининг сони кескин камайган. Бир қанча турлари Халқаро Қизил китобга киритилган.

ТИШЛИ УЗАТМА — айланма ҳаракатни илгарилама ҳаракатга ёки аксинча айлантириб берадиган, ё бўлмаса, айланма ҳаракат узатадиган 3 звеноли механизм. Унинг 2 звеноси қўзғалувчан тишли ғилдирак (шестерня) лар (ёки шестерня ва рейка)дан иборат бўлиб, қўзғалмас звено (корпус) б-н айланма ёки илгарилама ҳаракат узатувчи жуфтликни ҳосил қилади. Т.у.нинг цилиндрик, конуссимон, гипоид, тўлқинсимон ва б. шаклли турлари бўлади. Кўпгина машина ва механизмларда ташқи илашишли, яъни тишлари ташқи сиртига ўйилган Т.у., камдан-кам ҳолларда ички тишлашишли (ғилдираклардан бирининг ичига тишлар ўйилган) Т.у. ишлатилади.

Тишли узатма: *а* — тўғри тишли; *б* — қийшиқ тишли; *в* — шеврон шаклли; *г* — конуссимон шаклли.

Кичик ва ўртача тезликларда, оғир ҳолда ёки тезликлар қутисида ишлаши учун тўғри тишли; ўртача ва юқори тезликларда, муҳим узатмаларда фойдаланиш учун қийшиқ тишли; оғир ишларни бажарадиган машиналарда катта момент ва қувватларни узатиш учун шеврон тишли; эвольвента илашишли; барча муҳим конуссимон Т.у.лар учун доиравий тишли ғилдираклардан фойдаланилади.

Т.у. механик узатманинг энг самарали ва кенг тарқалган тури. Улар жуда кичик кВт дан бир неча минг кВт гача қувватни, граммнинг бир неча улушидан 10 МН (1000 т куч) гача айланма кучни узатишга қўлланилади. Т.у. бошқа узатмаларга қараганда ихчам, ф.и.к. юқори, кўпга чидамли, валга кам юк тушиши б-н фарқ қилади. Иш вақтида шовқин чиқариши ва тайёрлашда юқори аниқлик талаб қилиниши, тишларнинг сиқилиши, толиқиб емирилиши, ейилиши ва б. омиллар Т.у.нинг камчилиги ҳисобланади. Т.у. оддий бир погонали узатма кўринишида ва бир неча узатмадан иборат бирикма кўринишида машиналарга ўрнатиб ёки алоҳида агрегат тарзида ишлатилади (яна қ. *Дифференциал механизм, Планетар узатма, Редуктор*).

ТИШЛИ ҒИЛДИРАК, шестерня — бир валдан иккинчи валга ҳаракат узатиш учун мўлжалланган деталь; *тишли узатма*нинг асосий детали. Цилиндр ёки конуссимон сиртларга тишлар кесилган дисклан иборат. Бир Т. ғ. тишлари иккинчи Т.ғ. тишлари б-н илашиб ҳаракат узатади. Т.ғ. термик ёки кимёвий-термик ишлов берилган *легирланган пўлат*, пластмасса, ёғоч, текстолитдан тайёрланади. Цилиндрик, эвольвента, циклоидал ва б. шаклларда ясалади. Цилиндрик Т.ғ. тишлари

ташқи ва ички бўлади. Тишлар тўғри винтсимон, шеврон ва қийшиқ қилиб ясалади. Т.ғ. шестерня деб ҳам аталади. Мас., редукторсозликда тишлар сонидан қатъий назар кичик Т.ғ.лар шестерня, катталари тиллирак дейилади. Машина, асбоб, аппарат, ҳисоблагич ва б. механизмларда турли шаклдаги Т.ғ.лар ишлатилади.

ТИШСИЗ КИТЛАР, мўйловли китлар (Mysticeti) — китлар кенжа туркуми. Тишлари тутилмасдан олдин йўқолиб кетади (номи ҳам шундан). Улар ўрнида юқориги жағларда «кит мўйлови» деб аталган узун (20—450 см дан) шохсимон пластинкалар (360—800 та) ривожланади. Пластинкалардаги қиллар ўзаро туташиб, сизгирувчи тўр аппарат (элак) ҳосил қилади. Озиқ (майда умуртқасизлар, планктон организмлар, майда балиқлар ва б.) шу тўрдан сизилиб ўтади. Тумшуги устида бурун тешиги жойлашган. Бош симметрик тузилган, узун тумшуқ (рострум) ҳосил қилади. Пастки жағлар бош қутисидан узуноқ. ён томонлари букилиб, юқори жағларни ўраб олади. Т.к. ҳозирги сут эмизувчиларнинг йириги (мас., кўк китнинг уз. 33 м, оғирлиги 160 т гача). Т.к. 3 оила (силлиқ китлар, йўл-йўл китлар, бўз китлар) 10—11 турга ажратилади. Океанларда кенг тарқалган, тропик океанларда, одатда, учрамайди. Мунтазам миграция қилиб туради. Кўпчилик Т.к. 3—5 та ҳайвонлардан иборат кичик тўда бўлиб яшайди. Т.к. га *гренландия кити*, жануб кити, бўз кит, буқри кит, финвал, сейвал, *кўк кит* ва б. киради. Кўплаб овлаш натижасида (ёғи, мўйлови саноатда ишлатилади) Шим. Атлантикада Т.к. деярли қолмаган. Ҳоз. Тинч океан ва Жан. ярим шарларидаги денгизларда учрайди. 1957 й.дан гренландия кити, жануб кити ва бўз китлар, 1967 й.дан эса кўк китни овлаш ман этилган. 5 тури Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган.

ТКАЧУК Роман Денисович (1932.31.8—1994.9.1, Москва) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1964). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1955). 1953—58 й.лар Туркистон ҳарбий округи драма театрида, 1958—65 й.лар Рус академик драма театрида, 1965 й.дан Москва Сатира театрида ишлаган. Саҳнада яратган Присипкин («Қандала»), Клим Самгин («Бўмбўш қалб тарихи»), Болаганов («Олтин бузоқча»), Раскольников («Жиноят ва жазо»), Ҳидоятхон («Майсаранинг иши»), Тодорос («Ёлғончи даркор»).

Роман Ткачук Ҳидоятхон ролида («Майсаранинг иши»).

Азамат («Номаълум киши»), Самед («Ромео, менинг қўшиним»), Часовников («Денгиз») каби образлари б-н танилган. «Ажойиб қотишма» (В.Кирпиченко), «Ой сонатаси» (А.Тур), «Ёлғончи даркор» (Д.Пеафас) каби спектакларни саҳналаштирган.

ТЛАСКАЛА — *Мексикадаги штат. Майд. 3,9 минг км²*. Аҳолиси 962,6 минг киши (2000). Маъмурий маркази — Тласкала ш. Мексика тоғлигининг жан.да жойлашган. Рельефи бал. 2000—4000 м ли вулканик платодан иборат. Штатнинг жан.-шарқида Малинче сўнган вулкани (4461 м) бор. Иқлими тог тропик, кўргоқчил иқлим, йиллик ёғин 600 мм чамасида. Ўртача ва ойлик т-ралар 10—12° дан 16—18° гача. Ксерофит ўсимликлар ўсади. Т. иқтисодий жиҳатдан нисбатан қолоқ штатлардан. Қ.х.да маккажўхори, дуккакли экинлар, сабзавотлар экилади, эчки ва қўй боқилади. Т.ф. орқали Мехико ва Пуэбла ш.лари б-н боғланган.

ТМК-22 (Тошкент, Москва, Куба номлари бош ҳарфларидан) — ўртапишар помидор нави. Ўзбекистон саб-завот, полиз экинлари ва картошкачилик ин-тида Ўзбекистон, Россия ва Куба олимлари ҳамкорлигида Хейнц 1-178 навларини чатиштириб яратилган (Е.Ермолова, В.Ф.Пивоваров, С.Т.Песцова, Г.И.Кленова, 1986). Дурагайларининг 1—2-авлоди синовларидан ва танлаш Тошкентда, 3-авлодини синаш Кубада, 4—7-авлоди синовлари Тошкентда ўтказилган. Тупи, шохланиши ўртача, бал. 65—70 см, меваси йирик (120—145 г), чўзиқ юмалоқ, юзаси силлиқ, пўсти ва эти қаттиқ, ранги қизил, ташишга чидамли. Тупида узоқ туриб қолса ҳам сифати бузилмайди. Таркибида қуруқ модда 5,6%, қанд 3,2%, С витамини 27 мг %.

Уруғи иссиқхоналарда фев. 3-декадасида сепилиб, кўчати Тошкент вилоятида апр. 2-декадасидан майнинг 2-декадасигача 90×25 ёки 110×70×20 см схемасида экилади. Уруғи униб чиққач меваси 120—125 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 450—700 ц/га. 1990 й.да давлат реестрига киритилган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари, Қирғизистон, Тожикистонда экилади. Узоқ масофаларга ташишга чидамли.

ТМУТАРАКАНЬ — Тамань я.о.даги Тамань станицаси яқинидаги қад. рус шаҳри. 8—9-а.ларда Т. ўрнида *Хазар хоқонлиги*га тобе бўлган Таматарха қишлоғи жойлашган. Хазар хоқонлиги 965 й. Киев князи Святослав Игоревич томонидан тор-мор этилгач, Таматарха ўрнида Т. вужудга келган. У бу ерда ташкил топган Тмутаракань князлигининг сиёсий маркази бўлган. Т. йирик савдо шаҳри сифатида рус князликлари, Шим. Қавказ халқлари ва Византия б-н сиёсий ва иқтисодий алоқалар олиб борган. Т.да қасоғлар, греклар, аланлар, руслар ва арманлар яшаган. 10-а.да Т. гиштдан ишланган мустаҳкам мудофаа девори б-н ўраб олинган. 1023 й. Т.да ҳукмронлик қилган князь Мстислав Владимирович Богородица черковини қурдирган. 12-а.да половецлар (қипчоқлар) зарбалари остида Т.нинг рус ерлари б-н алоқаси узилган. Т.да археологик қазиш ишлари 19-а.дан 20-а. ўрталаригача олиб борилган.

ТОБА — мил. 4-а. охирига қадар ҳоз. Ички Монголия (ХХР) ҳудудида яшаган кўчманчи қабила. 3-а. ўрталаригача *Сяньби* қабила иттифоқига кирган. Қабила оқсоқоли Ливэй ҳукмронлиги даврида (220—277) фаол сиёсий роль ўйнай бошлаган. Хитой б-н мустаҳкам алоқалар ўрнатган. 4-а. бошида Хитойдаги Ғарбий Цзинь империяси б-н биргаликда Т.лар ҳуннуларининг Шим. Хань давлати б-н кураш олиб боришган. Бунинг эвазига Хитой императори 310 й. Т.ларга Дайцзюнь вилоятини, 315 й. эса, Чаншань вилоятини (ҳоз. Хэбей вилояти) инъом этган. Т.лар Цзинь империяси б-н ҳарбий иттифоқда бўлсалар-да ундан мустақил эдилар. 2—3-а.ларда Т.ларда уруғчилик муносабатлари сақланиб қолган. 3-а. охири —4-а. бошларидан меросий ҳокимият вужудга келган. 4-а. охирида Т.лар ўзларининг Тоба Вэй (Шим. Вэй) давлатини барпо этишган. 4-а. охиридан Т.лар ўтроқ ҳаёт тарзига ўтишган, хонаки чорвачилик б-н бир қаторда деҳқончилик б-н ҳам шуғулланган. Кейинчалик бошқа халқлар б-н аралашиб кетган ва 7-а.дан бошлаб Т.лар номи тарих саҳифаларида учрамайди.

ТОБАГО — Атлантика океанидаги орол, *Тринидад* о.дан шим.-шарқда, шу орол б-н бирга *Тринидад ва Тобаго* давлати таркибига киради. Майд. 300 км².

Аҳолиси 54 минг киши (2000). Бош шаҳри — Скарборо. Оролга европаликлардан биринчи бўлиб Х.*Колумб* 1498 й.да борган.

Т. материк бўлаги. Ер юзаси тогли, баланд жойи 579 м. Вулканоген ва гранит жинсларидан тузилган; жан.-гарби оҳактошли плато. Иқлими субэкваториал, иссиқ ва сернам. Доим яшил ўрмонлар, какао ва кокос пальмалари плантациялари бор.

ТОБАДОН — халқ меъморлигида қўлланиладиган эшик, дераза тепасидаги кичик *дарча*, панжарали туйнук. Мақбара, мадраса ҳужралари ва б. бинолар эшиги тепасига тўртбурчакли, равоқчали ва б. шаклларда ишланиб,

Тобадон.

ганч ёки ёғоч ўймакорлигида тайёрланган *панжаралар* ўрнатилган. Хона ичкарисини шамоллатиш, ёритиш учун хизмат қилади.

ТОБЕЛАНИШ — тобе синтактик муносабатда бўлиш; сўз бирикмаси ёки гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро тенг бўлмаган, синтактик жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунувчи муносабати. Синтактик жиҳатдан бири иккичисига бўйсунадиган, бири иккинчисига тобе бўлган бирликлар орасида тобе алоқа мавжуд бўлади. Тобе алоқада бир узв иккинчисига нисбатан тобе, иккинчиси эса унга нисбатан ҳоким вазиятда бўлади. Мас., аниқловчи — аниқланмиш, тўлдирувчи — кесим, эга — кесим алоқалари тобе алоқадир: гўзал ҳаёт, ҳунарни севмоқ, далалар яшнамоқда каби. Эга — кесим муносабатида ҳоким қисм, қолган турлаги бирикувларда эса тобе қисм олдин келади. Тобе алоқанинг 3 хил тури бор: бошқарув, мослашув, битишув. Бошқарув алоқасида тобе сўз ҳоким сўзнинг талаби б-н маълум грамматик шаклга киради, шу шакл орқали тобеланади: бозорга бормоқ, қалам б-н ёзмоқ. Мослашув алоқасида тобе сўз ўз шаклини ҳоким сўзнинг шаклига мослайди, ҳоким сўзнинг шакли ўзгариши б-н тобе сўз ҳам унга мос ҳолда шаклини ўзгартиради: мен айтаман, сен айтасан; менинг китобим, унинг китоби каби. Битишув алоқасида тобе сўз ҳоким сўзга грамматик шакл ёрдамида эмас, балки тартиб ва оҳанг орқали боғланади: мусаффо осмон, тез гапирмоқ каби.

Ад.: Ўзбек тили грамматикаси. 2-ж., Синтаксис, Т., 1976.

Илҳом Мадраҳимов.

ТОБЕЪИНЛАР (араб. — қарам, издош) — ислом тарихида *саҳобалар*дан кейин уларнинг ишини давом эттирган илоҳиётчилар қатлами. Т.дан кейинги даврдаги илоҳиётчилар Т.нинг тобеъинлари деб аталган.

ТОБИН (Tobin) Жеймс А. (1918 — Шэмпейн ш. АҚШ — 2000) — америкалик иқтисодчи. Гарвард ун-тини тугатган (1940), 1946 й.дан Гарвард ун-тида ўқитувчи, 1950 й.дан Йель ун-ти проф. Т. талқиқотлари *Ж.М.Кейнс* назариясини янада такомиллаштириш, макроиқтисодий ва пул назарияларини мукаммалроқ ишлаб чиқишга бағишланган. Молия бозорлари назарияси ва уларнинг истеъмол, инвестиция қарорлари, и.ч., бандлик ва нархларга таъсири муаммоларига бағишланган асарлари муҳим аҳамиятга эга. Р.Солоу, А.Ойкен, К.Эрроу каби таниқли иқтисодчилар б-н бирга АҚШ президенти Ж.Кеннединнинг иқтисодий маслаҳатчилар қўмитаси аъзоси ҳам бўлган (1961—1962); монетаризм ва рейгономика танқидига бағишланган мақолалари б-н ҳам машҳур. Нобель мукофоти лауреати (1981).

ТОБИН — туркий халқлар таркибига кирган қабила. Бошқирдлар таркибидаги йирик қабилалардан бири. Қозоқ уруғларидан бирининг номи ҳам, шунингдек, Тожикистон лақай ўзбеклари (қ. *Лақайлар*) таркибида ҳам Т. бўлган. Т.ларнинг этногенези ҳақида аниқ маълумот йўқ. *Мўғуллар истилосига* қадар Т.лар йирик қабила бўлиб, Урал тоғларининг этаклари ва Ғарбий Қозоғистон чўлларида кўчиб юришган. 13-а.да мўғуллар ҳужумидан сўнг айрим гуруҳларга бўлиниб, ҳоз. ўзбек, қозоқ ва бошқирд халқларининг таркибига кирган.

ТОБЛАШ (металлургияда) — материал (асосан, металл) ларга термик (иссиқлик) ишлови бериш; материал (мас., пўлатни юқори т-рагача (мас., 1600° гача) қиздириб, шу т-рада маълум вақт тутиб туриш ва тез совитиш. Материалнинг юқори т-рага хос ҳолатини сақлаб қолиш ёки уни секин совитилганда юз бериши мумкин бўлган зарарли жараёнларнинг олдини олиш (сўндириш) учун амалга оширилади. Т. юқори т-радаги барқарор ҳолати паст т-радаги барқарор ҳолатидан фарқ қиладиган (мас., кристалл структуралаги) материаллар учун ярайди. Т. натижасида ҳосил бўладиган структуралар фақат нисбий жиҳатдангина барқарор бўлади, қиздирилганидан кейин барқарорроқ ҳолатга утади. Металлар (шу жумладан, эскиртирилган металлар), уларнинг қотишмалари, шиша, суюқ ҳолатдаги моддалар ва б. табиий шароитда ёки муайян технологик жараёнларда тобланади. Материаллар ичида энг кўп тобланадиган металл *пўлат* ҳисобланади (қ. *Пўлатни тоблаш*).

ТОБОЛ — Қозоғистоннинг Қўстанай вилояти, РФнинг Курган ва Тюмень вилоятларидаги дарё. Иртишнинг чап ирмоги. Уз. 1597 км. Ҳавзасининг майд. 426 минг км². Тўрғай платосидан бошланиб, асосан, Ғарбий Сибирь текислигидан ўтади. Асосий ирмоқлари: чапда — Уй, Исеть, Тура, Тавда; ўнгда — Убаган. Асосан, қордан тўйинади. Окт.—нояб.да музлаб, апр.—майда музи эрийди. Ёғоч оқизилади. Қуйилиш жойидан 437 км масофада кема қатнайди. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 805 м³/сек. Т. бўйида Лисяковск, Рудний, Қўстанай, Курган, Ялуторовск ш.лари бор. Т.да (сув б-н таъминлаш ва суғориш учун) сув омборлари қурилган.

ТОБОЛЬСК — РФ Тюмень вилоятидаги шаҳар. Иртишга Тобол дарёси қуйилишига яқин ердаги пристань. Яқин т.й. станцияси — Тобольск (14 км). Аэропорт бор. Аҳолиси 97,8 минг киши (1998). Т. 1587 й.да вужудга келган. 1610 й.дан ҳоз. ўрнида. Кемасоз-

Тобольск Кремли.

лик корхонаси, кема таъмирлаш з-ди, нефть кимёси, иод к-тлари, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари, мебель, гилам ва суякка бадиий гул солиш ф-калари, пед. ин-ти, драма театри, тарихий-меъморий музей қўриқхонаси бор. Меъморий ёдгорликларидан Сибирдаги биринчи тош Кремли (17-а. охири), София-Успение собори (17-а.), Карвонсарой (Гостиний двор) ва «Швед палатаси» (18-а. бошлари сақланган).

ТОБУЛҒИ, тубулга (Spiraea L.) — раъногуллошларга мансуб буталар туркуми. Шим. ярим шарда 100 дан ортиқ тури ўсади. Буйи 0,15—2,5 м ча. Шох-шаббаси гуж, барг чиқарганда сўнг май-июнда гуллайди, гули оқ ёки оч пушти, тўпгули шода ёки рўваксимон. Меваси олмасимон, Ёруғсевар, қурғоқчиликка ва совуққа чидамли, тупроқ танламайди. Уруғидан, илдиз ва ер устки бачкиларидан кўпаяди. Т. чўл ва ўрмонларда кўп учрайди. Ўзбекистоннинг тогли минтақаларида япон Т.си (S.japonica L. fil.), ўртанча Т. (S. media Schmid.), далачойбарг Т. (S. hupericifaolia L.), гуклор Т. (S. piosa Franch.) турлари ўсади. Т.нинг баъзи турлари жарликлар ва тог ёнбағирларини мустаҳкамлашда экилади. Т.

Тобулги.

жуда кўп ва чиройли гуллагани сабабли толбарг Т. (S. salicifolia) тури қимматли манзарали ўсимлик ҳисобланади. Тогли ён бағирлардаги арчазор, бутазорларда, дарё бўйларида ўсади.

ТОБУТ — Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларида марҳумни қабрга элтиш учун ишлатиладиган мослама. Усти очиқ, 4 оёқчали, бош томони кенгроқ, оёқ томони торроқ, уз. 2—2,5 м. Кафанланган мурда солингандан кейин Т. махсус нарвонча устига ўрнатилади ва уни 4 киши кўтаради. Баъзи халқларда, мас., русларда Т. қопқоқли бўлиб, марҳумнинг жасади б-н бирга гўрга қўйилади. Қад. Ўрта Осиё халқларида ҳам олий табақага мансуб марҳумни йироқ ердан олиб келишда қопқоқли ёғоч Т. ишлатилган. Мас., Амир Темур ва унинг набираси Муҳаммад Султон тут ёғочидан ясалган қопқоқли Т.да гўрга қўйилган. Тош Т.да, яъни *саркофаг* (Европада аталиши)да олий табақа жасадлар кўмилган.

ТОВА (форс.) — рўзгор буюми. Таом тайёрлашда фойдаланилади. Асосан чўян, алюминий, сопол ва б. дан ясалади. Қадимда чўяндан қуйилган. Тарелкасимон икки палладан иборат бўлиб, асосан, кўчманчи халқлар унинг ёрдамида нон пиширишган. Палланинг биттасига хамир зуваласи солиниб, иккинчи палла унинг устига тўнкарилган ва Т. чўққа кўмиб қўйилган.

Алюминий това.

Электр това.

ТОВАР (рус.) — 1) и.ч.-иқтисодий фаолиятнинг моддий-буюм шаклидаги ҳар қандай маҳсулоти; 2) сотувчилар ва харидорлар ўртасида олди-сотди, бозор муносабатлари объекти. Т. бозорда сотиш, айирбошлаш учун ва шу орқали бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқариладиган меҳнат маҳсулотидир. Т. фақат моддий шаклга эга бўлмай, у турли хизматлар, маънавий неъматлар ва б. кўринишларда ҳам бўлиши мумкин. Т. шаклини олган маҳсулот икки ёқлама хусусиятга эга бўлиши, яъни бир томондан, у фақат сотиш учун ишлаб чиқарилган, иккинчидан, кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондира олиши керак. Иқтисодиётда Т.нинг бу икки ёқлама хусусияти — истеъмол қиймати, унинг меҳнат маҳсули эканлиги *қиймат* тарзида ўрганилади.

Т.ларнинг истеъмол қиймати уларнинг бошқа товарлар б-н алмаштириш имконини беради. Шунинг учун товар ишлаб чиқарувчиларни товарнинг алмашув қиймати қизиқтиради. Товарларни сотишдаги уларнинг нарх кўрсаткичи алмашув қийматини кўрсатади. Т.нинг алмашув қиймати — бирор турдаги истеъмол қийматнинг бошқа турдаги истеъмол қийматга айирбош қилинадиган миқдорий нисбатдир. Товарларнинг алмашув қийматига қарашларда турлича таълимотлар мавжуд бўлиб, улардан бири «қийматнинг меҳнат назарияси» деб ном олган. Бу назария асосчилари А.*Смит*, Д. *Рикардо*, У.*Петти* ва б. фикрича, товарларнинг табиий хусусиятларидан бирортаси — оғирлиги, шакли, ҳажми кабилар алмашув қийматига асос бўла олмайди, унинг асосини товарга сарфланган меҳнат, алмашишнинг зарур шартини эса айирбошланадиган товарнинг ҳар хил истеъмол қийматлари (хусусиятлари) ташкил этади. Лекин ҳар хил товарларнинг истеъмол қиймати сифат жиҳатидан турлича бўлиши мумкин. Бу қараш тарафдорларининг фикрича, товарларни миқдор ва сифат жиҳатлардан солиштириш, яъни баробарлаштириш асоси фақат унга сарфланган меҳнат бўлиши мумкин. Т.да мужассамлашган ижтимоий меҳнат унинг қийматини ташкил қилади.

Австрия иқтисодиёт мактаби намояндалари фикрича, айирбошлаш мутаносиб товарларнинг истеъмол учун қай даражада фойдалилиги, яъни нафлилиги (қ. *Нафлилик*) б-н белгиланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида Т.да гавдаланган меҳнат ва унинг нафлилиги Т. қийматини вужудга келтиради.

Муталлиб Йўлдошев.

ТОВАР АЙЛАНМАСИ — 1) товарнинг муомала соҳасида пулга айирбошланиш ва и.ч.дан истеъмолга ўтиши б-н боғлиқ ҳаракати; 2) муайян давр давомида сотилган ва сотиб олинган товарларнинг пул ифодасидаги ҳажми.

ТОВАР БИРЖАСИ — марказлаштирилган товарлар бозори. Т.б.лари дастлаб 19-а.да пайдо бўлган, ҳозир эса улар ихтисослаштирилган биржалар сифатида кенг тарқалган. Ҳоз. замон товар биржаларида, асосан, стандартлаштирилган товарлар, кўпроқ уларнинг намуналари ёки стандартлар асосида уни етказиб бериш тўғрисидаги битимлар сотилади. Энг йирик товар биржалари Нью-Йорк, Бомбай ва Ливерпул (пахта), Чикаго ва Нью-Йорк (дон), Лондон (металл)да жойлашган. Ўзбекистонда 1991 й.дан «Ўзбекистон» республика универсал агросаноат биржаси «Улгуржибиржасавдо», 1994 й.дан «Тошкент» Республика товар-хом ашё биржаси, ва б. биржалар фаолият кўрсатади (яна қ. *Биржа*).

ТОВАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ — товарнинг рақобатли бозор талабларига, бозорга чиқарилган худди шундай товарларга нисбатан харидорлар

эҳтиёжларига жавоб бериш қобилияти. Рақобатбардошлик, асосан, товар сифати, унинг техника даражаси, истеъмол хусусиятлари ҳамда энг муҳими — товар сотувчиси томонидан қўйиладиган нархи б-н белгиланади. Шунингдек, рақобатбардошликка мода, сотиш ва сотишдан кейинги сервис хизмати, реклама, ишлаб чиқарувчининг овозаси (имиж), бозордаги вазият, талаб тебранишлари ҳам таъсир кўрсатади.

ТОВАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ — товарнинг бозорда сотилиб, сотувчига фойда келтириб туриш даври; Т.ҳ.ц. товарни яратиш ғояси ва намуна нусхасининг яратилиши, харажатлар ва фойда кўламини ҳисоб-китоб қилишдан бошланади. Т.ҳ.ц.нинг асосий босқичлари: 1) товарнинг оммавий сотиш учун бозорга кириб келиши; 2) товарга талабнинг ортиши натижасида сотиш ҳажмининг ўсиши; 3) товар мавқеининг юксак босқичга кўтарилиши ва максимал сотиш ҳажмига эришиш; 4) бозорнинг товарга тўйиниши, талабнинг пасайиши, сотишнинг камайиши; 5) сотиш ҳажмининг кескин пасайиши, фойданинг камайиши ва товарнинг бозордан чиқиб кетиши. Юқоридаги босқичларга монанд равишда товарнинг сотилиши ва ундан келган фойда дастлаб орта бориб, ўз чўққисига етади, сўнгра пасайиб, минимал даражага келади. Т.ҳ.ц. узун ёки қисқалиги товарнинг сифатига, бозор талабини қондира олишига, нархи, реклама, сотилиш шароитларини ўзгартириш ва б.га боғлиқ.

ТОВАР-ХОМ АШЁ БИРЖАСИ — қ. *Биржа.*

ТОВКАТТЕПА — Тошкент ш.даги археологик ёдгорлик (1—8 ва 11—15-а.лар). Атрофи мудофаа деворлари б-н ўралмаган, марказида қўрғон бўлган манзилгоҳ. 1949 й. А.А.Потапов томонидан қайд этилган ва ўша йили И.Баишев, В.Массон, 1957 й. В. Белоусов, Ю.Буряков текширган. 1970 й.да Г.Зильпер ва 1978—79 й.ларда Тошкент археология экспедицияси (Ш.Пидаев, О.Папахристу) қазиш ишларини олиб борган. Т. қалъа ва шаҳристондан иборат. Майд. 6,5 га. Ёдгорлик *Қовунчи маданияти*га мансуб. Дастлаб марказидаги қалъа вужудга келган, унинг бал. тахм. 9 м., майд. 60×30 м. бўлган. Кейинчалик кичик тепалик устида хом ғишт ва пахсадан қурилган мураккаб мажмуа кўринишидаги қўрғон шаклланган. 8-а. 1-чорагида араблар истилоси вақтида бузилган ва ёндириб юборилган. 11-а.да унинг харобалари устида янги қишлоқ вужудга келган ва 15-а.гача мавжуд бўлган. Қазиш вақтида хум, кўза, коса, товоқ, юпқа тилла тугма ва б. ашёлар топилган.

ТОВЛАМАЧИЛИК — мулкий жиноятлардан бири. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқига кўра, Т. жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш б-н қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий хусусиятдаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчининг ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш демакдир. Т.да фақат моддий бойликларгина эмас, балки мулкий мақомдаги ҳужжатлар, қарз (тилхат), меросдан воз кечиш тўғрисидаги ҳужжат, моддий бойликларни олиш учун ишонч қоғози, санаторийларга йўлланма ва ҳ.к. ҳам тажовуз буюми бўлиши мумкин. Т. жиноятни тамагирлик мотиви б-н содир қилинади. Т.да мулк зўрлик ишлатиб тортиб олинмайди, балки унинг эгаси томонидан ўз ихтиёри б-н берилади. Шунингдек, Т.да жабрланувчига нисбатан қўлланиладиган дўқ-пўписа, агар жабрланувчи товламачининг талабини бажармаса, кейинчалик амалга оширилиши назарда тутилади. Кўпгина ҳолларда Т. шантаж, рэкет номи б-н ҳам аталади. Лекин шантаж ҳам, рэкет ҳам Т.дан фарқ қилади. Шантаж—шахсий шармандали қиладиган маълумотларни ошкор этиш б-н қўрқитиб, бирон бир ҳаракатини содир эттиришга бўлса, рэкет бир неча шахслар томонидан дўқ қилиш, зўрлик ишлатиш ва қўрқитиш орқали амалга ошириладиган қилмишдир. Т. учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 165-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган.

Мирзоюсуф Рустамбоев.

ТОВОН ТЎЛАШ — фуқаронинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган моддий зиённи ёхуд унинг ўзига етказилган *маънавий зарар*нинг ўрнини қоплаш. Т.т. ва *зарарни* қоплаш иборалари Ўзбекистон Республикаси ФКда деярли бир хил маънода қўлланилади. Айни вақтда шуни ҳам эътироф этиш лозимки, зарарни қоплаш тушунчаси товон тўлаш тушунчасидан кенгроқдир. ФКнинг 1033-моддасида зарарнинг ўрнини қоплаш зарарни аслича (натура шаклида) қоплаш (яъни, зарарланган, шикастланган ашё ўрнига худди шундай турдаги ва сифатдаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ашёни тузатиб бериш ва ҳ.к.) ёхуд етказилган зарарни тўлаш (пул б-н) кўринишида бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Т.т. *контрибуция* маъносида ҳам ишлатилади (яъни, ўзаро урушда мағлуб давлатнинг ғолиб давлатга Т.т. и). Баъзи адабиётларда Т.т. етказилган зарар миқдорини, ҳажмини ўрнини имкони бўлмаганда суд томонидан белгиланган ёхуд жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасида келишув асосида тайинланадиган, ҳуқуқбузар томонидан жабрланувчига тўланадиган тўлов маъносида ҳам қўлланилади.

Т.т. миқдорини белгилаш, ўзгартириш усуллари, мезонлари, тўловни амалга ошириш тартиби ФКнинг 57-боби («Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солувчи нормалар»)да белгилаб қўйилган.

ТОВОҚ — юза ёйиқ, бир оз кенг (ялпоқ) коса шаклидаги чуқурроқ идиш. Турли катта-кичик шаклларда сопол, чинни, мис, баъзан мармардан тайёрланади. Таом, озиқ-овқат маҳсулотлари солишда фойдаланилади. Ўрта Осиёда сирланган, безакли ва безаксиз сопол Т.лар кенг тарқалган; мис Т. деярли барча халқларда бор. Фарғона водийси ва б. бир қанча жойларда лаганни Т. деб аташади.

ТОВОҚСОЙ — шакли товоққа ўхшаш ботиқ жой, ер юзасида ҳамма томондан баландликлар б-н ўралган ёки дарё оқиб ўтса, у келадиган ва чиқиб кетадиган жойда ташқари б-н йўлак (водий, дара) орқали туташган бўлади. Шакли ва вужудга келишига кўра, тектоник, музлик, эрозион бўлиши мумкин. Рельефи ана шундай бўлган жойларда географик ном сифатида ҳам учрайди (мас., Тошкент вилоятидаги Товоқсой қишлоғи).

ТОВОҚСОЙ ГЭС — Чирчиқ — Бўзсув ГЭСлари каскадидаги ст-я. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компанияси таркибига киради. Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Чирчиқ-Бўзсув суғориш энергетика трактининг бош қисмида, Товоқсой қишлоғи яқинида жойлашган. ГЭС қурилиши 1934 й.да бошланган ва унинг 2 гидроагрегатдан иборат биринчи навбати 1941 й. 1 июлда ишга туширилган. 3-агрегат 1952 й.да, 4-си 1957 й.да фойдаланишга топширилган. Гидроагрегатларнинг умумий қуввати 72 МВт. Чирчиқ ш. ва Бўстонлиқ туманидаги саноат корхоналари ва аҳолини электр энергияси б-н таъминлайди. Қувватлар 110, 55 кВда узатилади.

Ст-яда и.ч. жараёнлари автоматлаштирилган. 2003 й.да 452,3 млн. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилди.

ТОВОҚСОЙ ЗИЛЗИЛАСИ — Товоқсой қишлоғи яқинида 1977 й. 6 дек.да содир бўлган. Зилзиланинг ўчоғи Пском-Тошкент сейсмоген зонасида 15 км

чуқурликда жойлашган, кучи 7 балл, магнитудаси 5,1. Сейсмик тўлқинлар Чирчиқ, Ғазалкентда — 7, Чорвоқда — 5, Тошкентда — 6, Янгийўлда — 4, Оҳангаронда 3—4 баллга етган. Товоқсой, Оҳалбош, Искандар ва б. жойларда бир қанча иморатлар шикастланган. Ер устида тарқалган эпицентрал зонанинг йўналиши Қоржантов-Тошкент ер ёриғи бўйича шим.-шарқдан жан.-ғарбга чўзилган. 3 балли изосейста майдони 65700 км² ни ташкил қилган.

ТОВОҚТИЛЛИ БАҚА, лаппактилли бақа (Discoglossus pictus) — *думсиз амфибиялар* туркумининг бир тури. Танасининг уз. 7,5 см гача. Ранги ўзгарувчан. Ноғора пардаси тери остига яширинган. Тили юмалоқ (номи ҳам шундан). Йил давомида кўпаяди; йилига 5—6 марта 6 минггача тухум қўяди. Итбалиғи 2 ойда бақага айланади. Жан.-Ғарбий Африкада тарқалган. Ҳашаротлар, чувалчанглар, шиллиққурт ва б. б-н озиқланади.

ТОВУС — осмоннинг Жан. ярим шарида жойлашган юлдуз туркуми. Биринчи марта Т.нинг номи немис олими И. Байернинг (17-а.) «Уранометрия» деб номланган атласида учрайди. Т.да оддий кўз б-н кўриш мумкин бўлган 10 та энг ёруғ юлдузларининг кўринма юлдуз катталиклари 2 дан 4,5 гача боради. Горизонтдан баландга кўтарилмаслиги сабабли, Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

ТОВУС ТУРНА, тожли турна (Balearica pavonina) — *турнасимонлар* туркумига мансуб қуш. Оддий турна катталигида. Кулранг, қанотлари оқ-қора. Бошида қаттиқ, сарғиш тусли патлардан иборат кокили (тожи) бор. Тўда (кўпайиш даврида жуфт) бўлиб дарё воҳаларида ўтроқ ёки ярим ўтроқ яшайди. 2 та тухум қўяди. Асосан, майда сувда ва қуруқликда яшовчилар, ҳашаротлар, шиллиққуртлар, чувалчанглар, шунингдек, ўсимликлар уруғи ва яшил қисмлари б-н озиқланади. Тутқунликда боқилганда ҳам кўпаяди.

Товус турна.

ТОВУСКЎЗЛИЛАР (Attcidae ёки Saturniidae) — тунги *капалаклар* оиласи. Қаноти ёйилганда 7,5—24 см. Қанотининг ўртасида очиқ рангли чизиқлар б-н ўралган йирик кўзсимон доғ бор (номи ҳам шундан). 1000 дан ортиқ тури маълум. Баъзи турлари ипак олиш учун кўпайтирилади, баъзилари эса қ.х.га зарар етказади.

ТОВУСЛАР (Pavo) — *товуқсимонлар* туркуми, *қирғовуллар* оиласига мансуб қушлар уруғи. 2 тури бор. Оддий Т. танасининг уз. 100—125 см, думи 1,5 м гача. Оғирлиги 4—4,2 кг. Боши, бўйни ва кўкрагининг бир қисми яшил, орқаси кўк, танасининг ости қора. Ҳиндистон ва Шри Ланкада тарқалган. Ўрмонинг бутазорлар қисмини хуш кўради. Уясини ерда чуқурча шаклида ясайди. 4—7 та тухум қўйиб, урғочиси 30 кун босади. Яшил қанотли Т. Ҳиндихитой ва Индонезияда тарқалган. Бутазорлар, дарё қирғоқлари ва б. ерларда яшайди. Т. ўсимлик, ҳашарот ва майда умуртқалилар б-н озиқланади. Гўшти мазали. Оддий Т. тутқунликда яхши кўпаяди. Т. товуқсимонларнинг йирик, чиройли ва жозибадор вакилларидан; ҳайвонот боғларида боқилади.



Товус.

ТОВУШ (мусиқада) — мусиқанинг ифода кучига эга энг кичик таркибий қисми. Мусиқий Т.лар маълум мусиқий тизимни ташкил этиб, муайян баланд-пастлик (*лад*), узун-қисқалик (*ритм* ва *метр*), *динамика* ва *тембр*га эга бўлади. Одатда, мусиқада 16 гц — 4500 гц (C_2—d^5) орасидаги, 0,015 сек—2-3 мин. узунлигидаги Т.лардан фойдаланилади. Шунингдек, мусиқада муайян баландликка эга бўлмаган (*алеаторика*, *сонористика*, *усул*) Т.лардан ҳам қўлланилади. Мусиқий Т.ларнинг ўзига хослиги, шунингдек, бадиий талқин жараёнлари (агогика, *артикуляция*, *сурьат*, *мелизмлар* ва б.) хусусиятлар б-н белгиланади (яна қ. *Нағма*, *Тон*).

Ад.: Назайкинский Е., Звуковой мир музыки, М., 1988.

ТОВУШ (тилшуносликда), нутқ товуши — кишининг мураккаб артикуляцион фаолият натижаси ҳисобланган, муайян акустик (эшитилиш) ва перцептив (идрок этилиш) хусусиятлари б-н ажралиб турадиган энг кичик нутқ бирлиги. Талаффуз усулига мувофиқ ҳолда Т.нинг акустикаси, артикуляцияси ва перцепцияси ҳақида фикр юритилади. Ҳар бир нутқ товуши артикуляцион жиҳатдан талаффуз аъзоларининг мураккаб ҳаракати натижасида пайдо бўлади. Акустик жиҳатдан эса, ҳар қандай бошқа товуш сингари, ҳаво муҳити орқали тарқаладиган тебранма ҳаракат сифатида таърифланиши мумкин. Нутқ товушларини ҳосил қилувчи восита (тебрантирувчи куч) ўпкадан нафас йўли орқали чиқиб, аввал бўғизга ва ундан оғиз бўшлиғига, баъзан бурун бўшлиғига ўтадиган ҳаво оқимидир. Овоз (ун), асосан, бўғизда ҳосил бўлади. Унда кўндаланг жойлашган эластик, юпқа товуш (ун) пайчалари мавжуд бўлиб, сўзлаш пайтида ўпкадан чиқаётган ҳавонинг кучи б-н титрайди ва овоз ҳосил қилади. Унлилар, сонорлар ва жарангли ундошлардаги овоз ана шунинг натижасидир. Бўғиз орқали ўтган ҳаво оқими тил, танглай, тиш ёки икки лабнинг тўсқинлигига дуч келиб, шовқин пайдо қилади, натижада жарангсиз ундошлар ҳосил бўлади.

Т.лар сўз ва грамматик кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда уларни бир-биридан фарқлаш, ажратиш учун хизмат қилади. Бундай хусусиятли Т.лар *фонема* деб юритилади, бироқ барча Т. ҳам фонема бўла олмайди. Т. (фонема)лар бир неча жиҳатдан тасниф қилинади. Овоз ва шовқиннинг иштирок этиш даражасига кўра, улар аввало 2 га бўлинади: унли товушлар ва ундош товушлар (қ. *Фонема*, *Ундош товушлар*, *Унли товушлар*).

ТОВУШ (физикада) — кенг маънода — газсимон, суюқ ёки қаттиқ муҳитда тўлқин шаклида тарқаладиган эластик муҳит зарраларининг тебранма ҳаракати. Тор маънода — одам ва ҳайвонларнинг махсус сезги органлари орқали қабул қилиш-эшитиш ҳодисаси. Эшитиладиган ва эшитилмайдиган Т. бор. Частотаси 16 Гц — 20 кГц гача бўлган тўлқинлар инсон қулоғида Т. сезгисини уйғотади. Частотаси 16 Гц дан кичик бўлган эластик тўлқинлар *инфратовуш* деб аталади. Частотаси ν=20 кГц ÷ 1 ГГц бўлган тўлқинлар ультратовуш ва частотаси ν>1ГГц дан юқори бўлган тўлқинлар *гипертовуш* дейилади. Инфра-, ультра- ва гипертовушларни инсон қулоғи эшитмайди. Газ ва суюқликлардаги Т. тўлқини фақат бўйлама тўлқин, қаттиқ жисмларда тарқаладиган тўлқинлар эса ҳам бўйлама, ҳам

кўндаланг бўлиши мумкин. Т. тезлиги қуруқ ҳавода 15° т-рада 0,34 км/с, суюқликда 1÷2 км/с, қаттиқ жисмда 5÷6 км/с (олмосда 18 км/с) бўлади.

Инсонлар қабул қилган Т.ларни уларнинг юксаклиги, тембри ва қаттиқлигига қараб бир-биридан фарқ қилади. Ана шу ҳар бир субъектив баҳога Т. тўлқинининг аниқ физик характеристикаси мос келади.

Ҳар қандай реал Т. оддий гармоник тебраниш эмас, балки маълум частоталар тўпламига эга бўлган гармоник тебранишларнинг йиғиндисидан иборат. Берилган Т.да иштирок этувчи тебранишлар частоталари тўплами Т.нинг акустик спектри деб аталади. Агар Т.да маълум интерваллаги барча частотага эга бўлган тебранишлар иштирок этса, у ҳолда спектр туташ спектр дейилади. Агар Т. бир-биридан чекли интерваллар б-н ажралиб турувчи дискрет частотали тебранишлардан ташкил топган бўлса, спектр чизиқли спектр дейилади. Шовқинлар, мас., дарахтларнинг шамолда шитирлаши туташ спектрга, чолғу асбоблари Т.лари эса чизиқли спектрга эга бўлади.

Юза бирлиги орқали вақт бирлигида Т. тўлқини олиб ўтаётган энергия Т. интенсивлиги деб аталади. Эластик муҳит бўйлаб Т. тарқалганда у тарқалмаган пайтдагига нисбатан ортиқча босим ҳосил бўлади, уни Т. босими дейилади. Т. интенсивлиги Т. босимининг амплитудасига ҳамда муҳит хоссасига ва тўлқин шаклига боғлиқ. Т. интенсивлиги *Халқаро бирликлар тизимида* Вт/м² ларда ўлчанади. Т. интенсивлиги ва частотасига боғлиқ бўлган Т. қаттиқлиги харакатеристикаси ҳам мавжуд. Одам қулоғи 1 — 5 кГц частота соҳасида жуда сезгир бўлади. Бу соҳада эшитиш бўсағаси, яъни энг кучсиз эшитилувчи Т.ларнинг интенсивлиги 10^{-12} Вт/м², унга мос Т. босими 10^{-5} Н/м² катталикка тенг. Одам қулоғи эшиталиган Т.нинг энг юқори интенсивлиги 1 Вт/м² га тенг. Ультратовуш техникасида бундан ҳам юқори (10^4 кВт/м² гача) интенсивликка эришилган. Ультратовушнинг бу хусусиятидан техника, биол. ва тиббиётда кенг фойдаланилади.

Ад.: Красильников В. А., Звуковые и ультразвуковые волны в воздухе, воде и твёрдых телах, М., 1960; Челд Г., Звук, пер. с англ., М., 1975.

ТОВУШ БОСИМИ — товуш тўлқини суюқ ёки газсимон муҳитдан ўтаётганда уларда вужудга келадиган қўшимча *босим*. Т. б. босимнинг ўзгарувчи қисми, яъни частотаси товуш тўлқинининг частотасига тенг бўлган босимнинг ўртача қийматдан ўзгаришидир. Т.б. товушнинг асосий миқдорий характеристикаси ҳисобланади. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да *паскальда* ва бирликлар тизимига кирмаган *барда* ўлчанади.

ТОВУШ ЁЗИБ ОЛИШ (техникада) — товуш (нуқт, мусиқа, қўшиқ ва б.) ни товуш элтгич (магнит лента, граммофон пластинкаси, диск ва б.) га ёзиб олиш жараёни. Акустик ва электроакустик усуллар б-н амалга оширилади.

Акустик усулда товуш тебранишлари ёзув (товуш) элтувчи моддага таъсир қилувчи асбобни бевосита бошқаради. Электроакустик усулда товуш тебранишлари микрофон воситасида электр тебранишларига айлантирилади ва кучайтирилгандан кейингина товуш элтгичга туширилади.

Т.ё.о.нинг механик, фотографик ва магнит тизимлари мавжуд. Механик тизимда нина ҳаракатланаётган товуш элтгични босиб, унинг сиртида товуш тебранишлари шаклига мос келувчи ариқчалар чизади. Товушни тиклаш (қайта эшитиш) да граммофон нинаси шу ариқчалар бўйлаб ҳаракатланиб, ўша тебранишларни такрорлайди ва уни мембранага узатади. Механик усулда ёзиб олишни 1877 й. америкалик ихтирочи Т. А. Эдисон биринчи бўлиб қўллаган. Механик тизими граммофон пластинкалар и.ч.да кенг қўлланилади. Фотографик тизимда ҳаракатланаётган киноплёнкага кучи ёки шакли товуш тебранишларига мос ҳолда ўзгараётган ёруглик нури тушади. Натижада товуш «суратга олинган»дек бўлади. Тизимни 1901 й. немис олими Э.Румер қўллаган. Фотографик тизим, асосан, овозли кинода қўлланилади. Магнит тизимда товуш тебранишларига мос ҳолда магнит майдонида ҳаракатланаётган лентанинг айрим қисмлари магнитланиб боради. Магнит майдон эса магнит каллаги ўрамидан микрофоннинг кучли электр токи ўтганда ҳосил бўлади. Товушни қайта тиклашда магнит фонограммаси ҳаракатланиб, магнит каллаги ўрамида электр сиг-



Товуш ёзиб олиш (магнит тизим): *а* — ёзиб олиш; *б* — эшитиш; *1* — микрофон; *2* — электр тебранишларни кучайтиргич; *3* — магнит каллак; *4* — каллакнинг магнит майдони; *5* — товуш элтгич (лента); *6* — магнит фонограмма; *7* — радиокариай (стрелка ёзув йўналишини кўрсатади).

наллари ҳосил қилади (яна қ. *Магнитофон*). Магнит тизимни 1898 й. даниялик муҳандис В. Паульсен таклиф қилган. 20-а. 80-й.ларидан Т.ё.о.нинг рақамли усули ҳам қўллана бошлади. Т.ё.о. радиоэшиттириш, телевидение, таълим-тарбия ишлари ва б. соҳаларда муҳим аҳамиятга эга.

ТОВУШ ЛОКАЦИЯСИ — объектга бўлган йўналишни ва шу объект тарқатаётган товушни таҳлил қилиш йўли б-н объектнинг турган жойини аниқлаш; объект ҳосил қилаётган товуш майдони (суст локация) ёки махсус қурилмалар воситасида ҳосил қилинадиган товушнинг ундан қайтиши (фаол локация) бўйича амалга оширилади.

Фаол Т.л.да импульсли ва узлуксиз товуш манбаларидан фойдаланилади. Импульсли режимда объектгача бўлган масофа ундан қайтган акс садо — сигналнинг кечикиш вақти бўйича аниқланади. Узлуксиз режимда объектгача бўлган масофа унга юборилган ва ундан қайтган частоталар фарқи б-н аниқланади. Товуш чиқарувчи объектларнинг суст локацияси товушни тор йўналишда йўналтирувчи қабул қилгичлар б-н (тор частота полосасида ишлаганда) қабул қилишнинг ёки корреляцион усул б-н (кенг полосали манбалар б-н ишлаганда) амалга оширилади. Т.л. инфратовушдан ультратовушгача бўлган частота диапазонидаги товушни ҳавога, ерга ва металлга тарқатишда кенг қўлланилади.

Барча тирик жон, жумладан, одам ва ҳайвонларда Т.л. мавжуд. Баъзи жониворлар, мас., кўршапалак, дельфин, кит ва қушлар ўз эволюциясида фаол локацияга мослашиб қолган. Кўршапалак бир неча м/с даги товуш импульсларини нурлатади. Кўр кишилар бирор тўсиққа яқинлашганини оёқ ёки хассаси товушининг тўсиқдан қайтиши б-н сезиб олади.

ТОВУШ ТЕЗЛИГИ — товуш тўлқининг белгиланган бирор фазасининг тарқалиш тезлиги. Т.т. муайян ташқи шароитда мазкур модда учун ўзгармас бўлиб, тўлқиннинг частотаси ва амплитудасига боғлиқ эмас. Товуш тўлқини газ ва суюқликларда адиабатик тарқалаётганда Т. т. қуйидагича ифодаланади:

$$c = \sqrt{K_{ад}\rho} = \sqrt{1/\beta_{ад}\rho} = \sqrt{\gamma/\beta_{ад}\rho},$$

бунда $K_{ад}$ — ҳажмий сиқилишнинг адиабатик модули; ρ — зичлик; $\beta_{ад}$ — адиабатик сиқилувчанлик; $\beta_{ад}$ — изотермик сиқилувчанлик; $\gamma = C_p/C_v$ — ўзгармас босим C_p ва ўзгармас

ҳажм C_v даги иссиқлик сиғимлари нисбати.

Газларда т-ра ва босим ортиши б-н Т. т. ортади, суюқликларда (сувдан ташқари) эса т-ра ортиши б-н, яъни суюлтирилганда Т.т. камаяди. Сувда т-ра ошиши (74° гача) б-н Т. т. ҳам ортади. Т-ра бундан юқорига кўтарилган сари Т. т. камая боради.

Газ ва суюқлик аралашмаларида Т. т. ундаги компонентларнинг концентрациясига боғлиқ. Изотроп қаттиқ жисмларда Т. т. модданинг зичлиги ва эластиклик модули б-н аниқланади. Т. т. қаттиқ жисмларда суюқликлардагидан, суюқликларда эса газлардагидан катта. Мас., Т. т. 20° да ҳавода 331 м/с га, сувда 1450 м/с га, пўлатда 5000 м/с га тенг.

ТОВУШ УСУЛИ — қ. *Усули сантия.*

ТОВУШ ЮТИЛИШИ — товуш тўлқини энергиясининг бошқа тур энергияларга, хусусан иссиқлик энергиясига қайтмас ўтиши ҳодисаси; ютилиш коэффициенти α б-н характерланиб, см$^{-1}$ да, яъни непер/см ёки децибел/м [1 дб/м=[1,15·10^{-1} см$^{-1}$] ларда ифодаланади.

Газларда Т.ю. газ босимига, суюқликларда, асосан, ёпишқоқликка боғлиқ. Қаттиқ жисмларда Т.ю., асосан, муҳитнинг ички ишқаланиши ва иссиқлик ўтказувчанлиги б-н белгиланади. Т.ю. модданинг кристаллик ҳолатига, дефект, аралашма ва дислокацияларнинг бор-йўқлигига, материалга дастлабки ишлов беришга боғлиқ. Металл ва яримўтказгичларда Т.ю. диэлектриклардан доим катта, чунки товушнинг ўтказувчанлик электронлари б-н ўзаро таъсири натижасида қўшимча ютилиш бўлади.

Муҳитда моддалар ҳар хил жинсли бўлганда Т.ю. ортиб кетади. Турли ғовак ва толали моддаларда Т.ю. юқори бўлганлигидан улардан товушни пасайтирувчи ва изоляцияловчи восита сифатида фойдаланилади.

ТОВУШ ЎЗГАРИШЛАРИ — қ. *Фонетик ўзгаришлар.*

ТОВУШҚАТОР — муайян мусиқа тизимидаги барча *товуш*ларнинг тартиблашган мажмуаси (мас., *лад* товушларининг изчил тузилмаси, *гамма*). Турли мусиқа услубларида Т. аҳамияти ҳар хил бўлади. Мас., *додекафония* услубидаги асарларда Т.дан кўра *интерваллар* изчиллигининг моҳияти баланддир. *Оғзаки анъанадаги мусиқа*, жумладан, ўзбек халқ ва мумтоз мусиқа ижодида Т.ларнинг бир нечта тарихий — услубий кўринишлари ажратилади. Мас., *мавсум маросим қўшиқларига* хос тор (кварта-квинта) ҳажмдаги Т.лар, халқ лирик ва рақс қўшиқ-куйларда асосий ўрин тутган октава диапазонидаги Т.лар, *мақом* Т.лари ва б. Баъзи (йиғи, алла, қиссахонлик каби, композиторлик ижодида эса — *сонористика*, *электрон мусиқа* ва б. йўналишидаги) мусиқа шаклларида муайян Т. тизими ўрнига товушларнинг эркин муносабатлари асосий ўрин тутади.

Ад.: Вахромеев В., Музыканинг элементлар назарияси, 2-нашри (махсус муҳаррир Т. Гафурбеков), Т., 1980.

ТОВУҚ, уй товуқлари — товуқсимонлар туркумига мансуб парранда, қ.х. паррандаларининг энг кўп тарқалган тури. 5 минг йил муқаддам Ҳиндистонда қўлга ўргатилган ёввойи *банкив товуғидан* тарқалган. Т.ларнинг ўзига хос хусусияти — бошларида қизғиш тожи, қулоқ солинчаги, оёқлари (хўрозларида) пихининг мавжудлигидадир. Патларининг ранги ҳар хил, кўпинча, оқ. Кўпчилик Т. зотларининг тумшуги ва оёқ кафти сариқ, қисман оқ-қизғиш, қора ва б. бўлади. Тухум пўчоги оқ ёки оч қўнғир.

Берадиган маҳсулотига қараб. Т.лар тухумдор (серпушт), тухумдор-гўштдор (тухум-гўшт учун боқиладиган) ва гўштдор зотларга ажратилади. Шунингдек, Т.ларнинг даканг (уришқоқ) ва кўркам турлари (саноат аҳамияти йўқ) ҳам бор.

Т.лар ташқи кўриниши ва тузилиши б-н ҳам бир-биридан фарқ қилади. Серпушт Т.лар кичкина, тез вояга етадиган, тухумдор-гўштдор Т.лар йирикроқ бўлиб яхши ривожланади. Гўшт учун ажратилганлари алоҳида шароитда боқилади. Серпушт Т.лар 1,7—2,2 кг, хўрозлари 2,7—3,0 кг, тухумдор-гўштдорлари 2,5—4,0 кг, гўштдорлари 3,0—4,5 кг гўшт беради. Серпушт зотлар йилига 220—250 та, айримлари 365 тагача тухум қилади. Зотдор Т.лар селекция йўли б-н кўпайтирилганда серпушт бўлади. Т. 5—6 ойликдан тухумга киради. Дастлабки тухуми 40—50 г, 1 ёшга яқинлашгач, 55—65 г. Тухумдор-гўштдор зотлар тухуми майда. Т. туллаганда тухум қилмайди. Туллаш 2—3 ҳафта, баъзиларида 2 ой ва ундан ортиқ давом этади.

Товуқ: *1* — корниш; *2* — род-айленд; *3* — урушқоқ товуқ зоти.

Т. 10 йилгача тухум қилиши мумкин (10—12 й. умр кўради). Саноат мақсадида тухум етиштириладиган хўжаликларда Т.лар тухумга киргандан кейин уларни фақат бир йил сақлаш иқтисодий фойда келтиради, чунки тухум Т.нинг ёшига қараб, йилига 10—15% камаяди, наслчилик хўжаликларида фақат сермаҳсул Т.лар 2—3-йилга қолдирилади. Боқилаётган наслдор Т.ларнинг 50—60% 1 ёшга етмаган, 30—35% 2 ёшли ва 10% 3 ёшли бўлади. Жўжа очиришга тухум олишда 8—12 та товуқ учун 1 та хўроз қўйилади. Хўрозлар 2—3 й. сақланади. Жўжалар *инкубаторда* очирилади. Т. *паррандахоналарда* дон, сабзавот, минерал озиқалар, витамин ва б. б-н боқилади.

Ўзбекистон қ.х. илмий-и. ч. марказининг Паррандачилик илмий марказида селекциянинг янги ва жадал усулларини амалда қўллаб, Т.ларнинг юқори маҳсулдор, йилига 240—250 (дурагайлари 270) донадан тухум қиладиган, касалликларга чидамли ва маҳаллий шароитга мослашган икки тизимли «Ўзбекистон» кросси (Ўз-1 ва Ўз-2 тизимлари, Ўз-12 дурагайлари) яратилади (2002).

Ўзбекистон паррандачилик хўжаликларида тухум-гўшт йўналишидаги *леггорн*, *нью-хемшир*, род-айленд, товуқ зотлари, *бройлер* етиштириш учун корниш, плимутрок зотлари урчитилади (яна қ. *Паррандачилик*).

Сайфиддин Азимов.

ТОВУҚ ЙИЛИ— мучал йил ҳисобида ўнинчи йил номи (қ. *Мучал*).

ТОВУҚСИМОНЛАР (Galliformes) — қушлар туркуми. Икки катта оила (кракслар ва *қирғовуллар*), беш оила (кракслар, хастовуқлар, қирғовуллар, куркалар, қурлар)га мансуб 250 тури мавжуд. Т. Антарктидадан бошқа ҳамма жойда тарқалган. Танаси 12 см дан (бедана) — 235 см гача (*арғуслар*), огирлиги 80—120 г дан (*бедана*) — 16 кг гача (*карқурлар*). Тумшуги қисқа, мустаҳкам. Оёқлари бақувват. Қанотлари катта, лекин ёмон учади. Пати қалин, пари сийрак. Т.нинг нари модасига нисбатан йирик ва рангдор. Баъзи турларининг юз қисми патсиз, этли ўсмалари бўлади. Кўпчилик турлари ўтроқ яшайди ёки кўчиб юради. Айрим турлари (мас., бедана) қишда учиб кетади. Кўпчилик турлари полигам (қ. *Полигамия*). Содда уясини, асосан, ерга ясайди. Одатда, йилда бир марта 2—25 та тухум қўяди; 12—30 кун босади. Хастовуқлар тухумини қум ёки чириётган баргларга кўмиб қўяди. Асосан,

ўсимликлар уруғи, куртаги, меваси ва барги б-н озиқланади. Ҳашаротлар, чувалчанглар ва б. майда ҳайвонларни ҳам ейди. Т. овчилик ва наслчилик ишларида катта аҳамиятга эга. Тут-кунликда яхши кўпаяди. Ноёб ва камайиб бораётган турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи ва бир қанча мамлакатлар Қизил китобига, Зарафшон қирғовули Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

ТОГО (Togo) Того Республикаси (Repudlique Togolaise) — Ғарбий Африкадаги давлат. Майд. 56,8 минг км². Аҳолиси 5,3 млн. киши (2002). Пойтахти — Ломе ш. Маъмурий жиҳатдан 5 вилоят (reqion)га бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — республика. Амалдаги конституцияси 1992 й. 27 сент.даги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи—президент (1967 й.дан Гнасингбе Эйадема). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис (парламент), ижрочи ҳокимиятни президент б-н ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Т. Гвинея кўлтиғининг шим. соҳилида жойлашган ва денгиз бўйи аккумулятив пасттекислигидан, марказий қисми текислик ва 200—400 м баландликдаги платодан иборат. Энг баланд жойи Того тоғидаги Бауман чўққиси (986 м). Шим.-шарқда Атакоро тизмаси бор. Шим.-ғарбий чеккасида Оти дарёси водийси жойлашган. Фойдали қазилмалардан темир рудаси, олтин, мармар, ош тузи, фосфорит, хромит, боксит бор. Иқлими субэкваториал. Ўртача ойлик т-ра 20—25° дан 28—32° гача, йиллик ёғин соҳилда 600—800 мм дан текислик ва марказий платода 1200—1700 мм гача. Йирик дарёлари: Моно ва Оти ёғингарчилик мавсумида сершув. Того кўли гоят хушманзара. Баланд ўсадиган саванналар, дарё водийларида доим яшил ўрмонлар бор. Йирик ҳайвонлардан фил, арслон, қоплон, кийик, чиябўри, жирафа, бегемот, тимсоҳ ва б., ўрмонда маймун, илон кўп. Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун Кве, Керан миллий боғлари, Фазао, Мальфакаса ва б. қўриқхоналар ташкил этилган.

Аҳолиси. Т.да 45 га яқин халқ ва этник гуруҳ бор; мамлакат жан. ва марказий қисмида ква тилларида сўзлашувчи халқлар (эве, йоруба, мина ва б.), қирларда ва айниқса Гана б-н чегарага яқин жойларда того, шим.да чокосси халқлари, Т. шим. ва марказий қисмида гур тилларида сўзлашувчи халқлар (кабре, гурма, тем, сомба, котоколи, басари ва б.), шунингдек француз ва ливанликлар ҳам яшайди. Расмий тил — француз тили.

Того герби.

Аҳолининг армидан кўпроғи маҳаллий анъанавий динларга, қолгандари христианлик ва ислом эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 30,8%. Йирик шаҳарлари: Ломе, Сокоде, Воган, Кпалиме, Атакпаме.

Тарихи. Археология топилмалари Т. ҳудудида одам қадимдан яшаганлиги ва моддий маданият даражаси юқори бўлганлигидан дарак беради. 15-а. ўрталарида португалияликлар бу ерга келиб, қора танли кулларни Америкага сотиш учун олиб кета бошлаганлар. 17—18-а.ларда қул савдоси авж олиши натижасида Т.нинг жан.да аҳоли камайиб, бу ҳол мамлакат тарихий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. 19-а.нинг 2-ярмига келиб, йирик давлат уюшмалари (жан.да Эве уюшмаси, шим.да котоколи ва чокосси мусулмон қабилалари уюшмаси) пайдо бўлди. 19-а. охирида Т. ҳудудини мустамлакачилар босиб ола бошлади. 1884 й. Германия комиссари Нахтигаль Того кўли ёнидаги Эве уюшмасининг ҳукмдори Мпла III б-н протекторат ҳақида битим имзолади. Натижада Т. ҳудудининг катта қисмида Германия ҳукмрон бўлиб олди. 1891—1901 й.ларда мамлакат жан.да мустамлакачиларга қарши кўзғолонлар бўлди. 1-жаҳон урушида Германия маглубиятга учраши натижасида Буюк Британия Т.нинг ғарбий қисмини, Франция шарқий қисмини идора қилишга мандат олди. 1946 й. Шарқий ва Ғарбий Т. БМТнинг Буюк Британия ва Франция бошқарувидаги васийлик ҳудуди деб эълон қилинди. 2-жаҳон урушидан кейин француз Т.сида миллий мустақиллик ҳаракати кучайди, унга Т. Бирлик қўмитаси бошчилик қилди. 1956 й. француз Т.си Франция Ҳамжамияти таркибида ўзини ўзи бошқарувчи республика деб эълон қилинди. Британия Т.си 1956 й. референдум натижасида инглизларнинг Олтин Қирғоқ (1957 й.дан мустақил Гана давлати)га қўшилди. 1960 й. 27 апр.да Т. мустақил республика деб эълон қилинди. Т. — 1960 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1993 й. 10

Того байроғи.

нояб.да тан олган. Миллий байрами — 27 апр. — Мустақиллик куни (1960).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Т. халқи бирлашмаси партияси, 1969 й. тузилган; Янгиланиш учун ҳаракат қўмитаси партияси, 1991 й. ташкил этилган; Адолат ва демократия йўлидаги иттифоқ партияси, 1991 й. асос солинган; Демократия ва тараққиётни қўллаб қувватлаш бирлашмаси партияси; Янги кучларни мувофиқлаштириш партияси, 1993 й. тузилган. Т. меҳнаткашлари миллий конфедерацияси, 1973 й. асос солинган.

Хўжалиги. Т. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 32%, саноатники 23%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 45%.

Қишлоқ хўжалигида аҳолининг 3/4 қисми банд. Қ.х.га яроқли ерлар 3,5 млн. гектар. Ҳудудининг 41% ҳайдалаётган ер ва кўп йиллик экинзорлар, 36%га яқини ўтлоқ ва яйлов. Қ.х.нинг асосий тармоғи — деҳқончи-



лик. Ички эҳтиёж учун маниок, ямс, маккажўхори, тариқ, оқ жўхори, шоли, экспорт учун кофе, какао, ҳам ички эҳтиёж, ҳам четга сотиш учун пахта, мойли экинлар, кокос пальмаси, ер ёнғоқ, канакунжут ва б. етиштирилади. Чорвачилик сust ривожланган. Оз миқдорда қорамол, қўй ва эчки, чўчқа, уй паррандаси боқилади. Денгиз, кўл ва дарёларда балиқ овланади. Ёввойи меваларни териш ва овчиликнинг аҳамияти катта.

Саноатининг янги тармоқлари мустақиллик йилларида (кончилик, кимё, тўқимачилик, металлургия, цемент) вужудга келди, саноат ялпи маҳсулотлари ошди. Асосан, майда корхоналар мавжуд, ҳунармандчилик ривожланган. Ломе пойтахт зонаси, шу жумладан денгиз порти зонаси асосий ялпи м. марказидир. 70-й.ларнинг охиридан Т.нинг шим.-шарқий қисмида ҳам саноат ривожлана бошлади. Мамлакат жан.даги Хахотоэ, Акумапе, Кпогаме атрофларида фосфорит, Гнаулу атрофида доломит, мармар, денгиз соҳилидаги Анехо ш. яқинида ош тузи қазиб олинади. Йилига ўртача 93 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Ялпи м. саноати кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-пойабзал, пўлат қуйиш, металл ишлаш ва б. майда корхоналардан иборат. Ломе яқинида йилига 1 млн. тонна нефтни қайта ишлайдиган з-д бор. Бундан ташқари, цемент, металлургия, пластмасса буюмлар, кислород ва ацетилен, гугурт, лок-бўёқ ялпи м. заводлари қурилган. Атакпаме яқинида йигирув-тўқув к-ти ишлайди.

Транспорти. Т.й. узунлиги 395 км, автомобиль йўллари уз. 12 минг км, Ломе ш.дан 9 км узоқликда йирик денгиз порти мавжуд. Ҳаво транспортида халқаро йўловчилар ва почта ташилади. Ломе ш. яқинида Токуэн халқаро аэропорти бор. Т. четга фосфорит, цемент, қ.х. маҳсулотлари чиқаради, четдан машина ва ускуна, қандшакар, гуруч, сут маҳсулотлари олади. Асосан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, жумладан, Франция ҳамда Кот д' Ивуар, Нигерия ва б. мамлакатлар б-н савдо қилади. Пул бирлиги КФА франки.

Маорифи ва илмий муассасалари. Т. мустақиллиги эълон қилингандан кейин 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди. Бошланғич мактаб 6 й.лик, умумий ўрта таълим мактабида ўқиш муддати 7 й.: тўлиқсиз ўрта мактаб (коллеж)да 4 й. ва тўлиқ ўрта мактаб (лицей)да 3 й. Ҳунар-техника таълими бошланғич мактаб негизида, ўрта техника таълими тўлиқсиз ўрта мактаб негизида 3—6 й. давомида амалга оширилади. Бошланғич мактаб ўқитувчилари 2 пед. (нормал) билим юртида 1—3 й. давомида, ўрта мактаб ўқитувчилари эса педагогика ин-тида тайёрланади.

Олий таълим Ломедаги Бенин ун-ти (1965 й.дан коллеж, 1970 й.дан ун-т) да олинади. Ун-т таркибида тиббиёт-биол. ф-ти, адабиёт мактаби, тиббий фанлар мактаби, ҳуқуқ ва бошқарув олий мактаби, иқтисодиёт ва бизнес олий мактаби, олий муҳандислик мактаби, олий қ.х. мактаби, соғлиқни сақлаш ва биол. фанлари ин-ти, тиббиёт мактаби, миллий педагогика ин-ти, олий журналистика ин-ти бор. Тўлиқсиз олий маълумот берадиган бир қанча коллежлар: Кпалимеда агрономия соҳасида касб таълими мактаби (1901), Ломеда меъморлик мактаби (1975), Миллий маъмурий мактаб (1958), Сокодеда Техника коллежи ҳам бор.

И.т.лар Бенин ун-ти, Демография муаммолари талқиқот ин-ти, Африка халқаро ҳуқуқ ин-тида, Ломедаги Тўқимачилик ва пахта тадқиқот ин-ти (1948), Миллий илмий тадқиқот ин-ти (1965), Илмий техника тадқиқот бюроси (1949), Тропик агрономия тадқиқот ин-тида олиб борилади. Миллий кутубхона, ун-т кутубхонаси, Миллий музей ҳам бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Т.да нашр этиладиган газ. ва журнал: «Журналь офисьель де ла Репюблик Тоголез» («Того Республикасининг расмий газетаси», ҳукуматнинг француз тилидаги кундалик ҳарбномаси), «Того-пресс» (француз, эве ва кабре тилларида чиқадиган кундалик газ., 1962 й.дан), «Того диалог» (ҳукуматнинг ойлик жур.), «Эвей дю Травайер Тоголэ» («Того меҳнаткашларининг уйғониши» (1 ойда 2 марта чиқадиган газ.). Т. матбуот агентлиги 1975 й. ташкил этилган. Т. (Халқаро) радиоэшиттириши — Ломе радиосига 1953 й., Т. (Миллий) радиоэшиттиришига 1979 й. асос солинган.

Ломе шаҳри кўчаларида.

томли уйлар учрайди. Тоғли ва жан. вилоятларда уйлар ёғочдан тўрт бурчакли, томи ясси ёки икки томонга нишаб қилиб, лагуна соҳилларида эса қозиқ оёқлар устига қурилади. Шим.-да атрофи девор б-н ўралган, бир неча 2—3 қаватли уйлардан иборат кўргонлар қурилади. Ломе, Анехо, Кпалиме, Сокоде, Сансанне-Монго ш.ларида маъмурий марказлар ва янги турар жой мавзеларида европача бинолар замонавий материал ҳамда конструкциялардан қурилган.

Т. жан.да яшовчи халқлар ёғоч ўймакорлиги соҳасида гўзал санъат асарлари яратганлар. Аждодларнинг сиймолари, «ибежи» деб аталган жуфт ҳайкалчалар шаклининг майинлиги ва юзиклиги б-н ажралиб туради. Темир, ёғоч, лойдан ясалган ҳайкаллар (уруш ҳудоси Гунинг тасвири) ва муқаддас ҳайвонларнинг тасвирлари машҳур. 1960-й.лардан миллий рассомлик мактаби вужудга кела бошлади. Европада ва маҳаллий рассомлик мактабларида таълим олган рассом ва ҳайкалтарошлар (П. Айи, Ф. Самбиани, Д. Гбеньон, Э. Дабля, Р. Далакена, Л. Ф. Тогбуну, Д. Хунис ва б.) ўз асарларида халқлар турмуши ва ҳаётий муаммоларни акс эттирадилар. Бадиий ҳунармандликда ёғоч, металл ва фил суяги ўймакорлиги, бадиий каштачилик, сават тўқиш кенг тарқалган.

Того — Атлантика океани соҳили.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Т. қишлоқлари кўпинча қир ён бағирларига жойлашган бўлиб, муайян режасиз қурилган. Ўрмонлар орасида донра шаклида лойдан қурилган конуссимон похол

Ажа раққослари.

Театр санъати Т. халқларининг маданий мероси, чунончи анъанавий урф-одат ва маросимлар, халқ байрамлари асосида шаклланган. Гриотлар — сайёр бахшилар, хонанда ва созандалар ижоди халқ театрини вужудга келтириш ва ривожлантиришда бой манба бўлиб хизмат қилди. Уларнинг кўнгилочар ҳажвий томошаларида хасислик, ёлгончилик, риёкорлик мазах қилинарди. 20-а.нинг 40-й.ларида замонавий театр ривожланди. Мактабларда ҳаваскорлик тўгараклари ташкил этилди. 60-й.ларда ҳаваскор театр жамоалари пайдо бўлди. 1963 й. драматурглар М. Айтнард ва Д. Анану раҳбарлигида Т. ёшларининг театр ва фольклор гуруҳи фаолият бошлади. Ломедаги «Агоколи» ярим профессионал труппаси 70—80-й.ларда айниқса машҳур бўлди. 1974 й. давлат кўмаги б-н театр, балет ва мусиқа секцияларидан иборат профессионал Т. миллий труппаси тузилди. 1970 й.дан драма санъати ва халқ қўшиқлари кўрик-фестиваллари ўтказилади.

ТОДД Александер (1907.2.10, Глазго — 1997.10.1) — инглиз органик-кимёгари. Манчестер ун-ти кимёвий лаб.-лари директори (1938—44). Кембриж ун-ти проф. (1944—71). Илмий сиёсат бўйича Буюк Британиянинг давлат маслаҳат кенгаши раиси (1952—64). Асосий илмий ишлари нуклеотидлар, нуклеотид коэнзимлар ва нуклеин кислоталар кимёсига оид. Рибозанинг фуран шаклини ва гликозид марказининг β-конфигурациясини аниқлаган (1939—41). Дезоксиуридин ва барча рибонуклеозидларни (1941—44), шунингдек, нуклеотидаденил кислотани (1947) синтез қилган, таркибида 3^1-5^1-нуклеотидлараро боғи бўлган динуклеотид синтезини илк бор амалга оширган (1955). Лондон кимё жамияти президенти (1960—62). Нобель мукофоти лауреати (1957).

ТОДЗИО ХИДЭКИ (1884.30.12— Токио — 1948.23.12) — Япониянинг бош ҳарбий жиноятчиларидан бири, генерал. 1915 й.дан япон армиясида раҳбарлик лавозимларида. 1937—38 й.ларда Япониянинг Квантун армияси штаби бошлиғи. 1938—39 й.ларда ҳарбий вазир муовини. 1940 й. июль — 1941 й. окт.да ҳарбий вазир. 1941 й. окт. — 1944 й. июлда бош вазир ва айни вақтда ҳарбий вазир. Япониянинг фашистлар Германияси ва Италия б-н иттифоқининг тарафдори бўлган. Фашистлар Германиясининг СССРга қарши урушида фаол ёрдам берган. 1941 й. Тинч океанидаги урушнинг очилишида катта роль ўйнаган. Узоқ Шарқ учун ташкил этилган Халқаро ҳарбий трибуналнинг қарорига кўра, қатл этилган.

ТОДОРОКИТ (Todoriki — Япониянинг Хоккайдо о.даги кон номидан) — минерал. 1963 й. Марказий Қизилқумда топилган. Кимёвий таркиби (Ca, Na, Mg^{2+}, K), (Mn^{4+}, Mn^{2+},Mg)$_6$ $xO_{12}\cdot 3H_2O$; асосий қисмни ташкил қилувчи Mn дан ташқари 16 кимёвий элемент (Mg, Ca, Na, K, Zn, Fe, Al, Si, Ba, Hg, Cd, Co, Ni, Sr, Mo, Cu) аралашмаси бор. Ромб ёки моноклин сингонияда кристалланади. Кўриниши сферолит-буйраксимон. Қаттиқлиги 1,5 — 2, зичлиги 3,7—3,8 г/см^3. Ранги қора, ярим металлдек ялтирайди, электромагнитли. Т. гиперген минерал бўлиб, олтин конларининг оксидланиш зонасидаги энг кечки шаклланиш босқичида вужудга келган. Ўзбекистонда Мурунтов, Томдитов ва Бўкантовда учрайди.

ТОЖ — 1) ҳукмдорнинг мавқеи даражаси, мартабасини билдирган, қимматбаҳо тошлар қадалган бош кийим; 2) монархия давлатларида давлат ҳокимияти белгиси; 3) баъзи паррандаларнинг бошидаги этдор ўсимта; 4) Қуёш атрофидаги, кун тутилиш пайтларида яхши кўринадиган ёриқ гардиш — Қуёш тожи дейилади; 5) гупчакка ёки бошқа асосга ўрнатиладиган гардишсимон қисм.

1. Бобурийларнинг тожларидан бири.
2. Россия императорларининг катта тожи.

ТОЖ РАЗРЯД — қ. *Электр разряд.*

ТОЖ СУЯКЛИ ҚУШЛАР (Carinatae) — қушлар катта туркуми. Тўш суяк тожи, учиш патлар елпиғичи яхши ривожланган; аптериялари (терисининг патсиз жойлари) бор; суяклари пневматик. Фақат айрим турлари иккиламчи марта тўш суяги тожи, аптерияси ва суяклар пневматикасини йуқотган. Ўмров ва б. елка камари суяклари ривожланган. *Кўкрак тожлилар, туяқушлар* ва кивилардан ташқари барча қушлар 24 га яқин туркумни ва 9000 га яқин турни ўз ичига олади.

ТОЖ СУЯКСИЗ ҚУШЛАР, югурувчи қушлар (Gradientes, яъни Ratitae) — учолмайдиган қушлар гуруҳи. Илгари катта туркум ҳисобланган. Кўпчилик Т.с.қ. қанотлари яхши ривожланмаган, оёқлари узун ва кучли. Патлари танасида бир текис тарқалган (аптерийлари бўлмайди). Патлари солда тузилган, ўсиқчалари ўзаро тигиз бирикмаган; тўш суяги унча катта эмас; тўш тожи бўлмайди. 4 туркум: туяқушсимонлар, нандусимонлар, казуарсимонлар, кивисимонларга ажратилади.

ТОЖИБОЕВ Акрам Ашурович (1944.29.12, Галлаорол тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУ (1969) ва Сирдарё педагогика ин-ти (1978)ни тугатган. 1969 й.дан Пайариқ, Гулистон туманларидаги мактабларда инглиз тили ўқитувчиси, интернат мактабда ўқув бўлими мудири. Пайариқ туман халқ таълими бўлимида усулиётчи, назоратчи, 1992 й.дан Челак туман халқ таълими бўлимида усулиёт кабинети мудири, 1995—97 й.ларда 26-мактаб директори.

ТОЖИБОЕВ Маҳмуджон Ғозиевич (1957.25.11, Қува тумани) — хонанда ва созанда (танбур, сато), Ўзбекистон халқ ҳофизи (2000). Нозик дидли, лардли, кенг диапазонли овоз соҳиби. Тошкент консерваториясини тугатган (1984). Қўшиқ айтишни дастлаб Э. Маматов, F. Ҳожиқуловдан, кейинчалик ҳофизлик анъаналарини О. Отахонов, О. Алимаҳсумов, О. Ҳотамов ва Ф. Мамалалиевдан ўзлаштирган, созандалик сирларини Т. Алиматовдан ўрганган. Ю. Ражабий номидаги *«Мақом» ансамбли* яккахони (1984 й.дан), Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти (2000 й.дан). Репертуаридан Шашмақом («Сарахбори Наво», «Сарахбори Дугоҳ», «Мўғулчан Сегоҳ», «Наврўзи Сабо», «Нимчўпоний» ва б.) ва Фарғона—Тошкент мақом йўллари («Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Шаҳнози Гулёр», «Баёт» ва б.), катта ашула («Ёввойи Чоргоҳ», «Ёлгиз», «Эй дилбари жононим» каби), мумтоз («Топмалим», «Асирий» ва «Алоий», «Чорзарб», «Бозургоний») ва 20-а. бастакорлари («Келдик», «Наззора қил», К. Жабборов; «Кезарман», F. Тошматов; «Жоним эрурсан», М. Мурғазоев; «Дилраболар», О. Нуриддинов; «Бу оқшом», О. Ҳотамов ва б.) асарлари ўрин олган. Т. шоирнафас ҳофиз бўлиб, ижро услуби вазминлиги, лирикага мойиллиги, овоз ва чолгу мутаносиблиги б-н ажралиб туради. Осиё, Америка, Европа ва Шим. Африка мамлакатларида гастролда бўлган. Юнус Ражабий номидаги Республика мақом ижрочилари танлови голиби (1987).

Бақо Тожиев Умурзоқ ролида («Холисхон»).

ТОЖИЕВ Бақо Ҳамидович (1913 — Самарқанд — 1989.1.9) — актёр, реж., Ўзбекистон халқ артисти (1978). Т. характерли роллар устаси сифатида танилган. Яратган образларини ёрқин бўёқларда кўрсатиш, ижрода кучли драматизм, ифода воситаларини тўғри ва аниқ танлаш, саҳна маданиятини ўз меъёрида ушлаб туриш унинг ижодига хосдир. Т.нинг йирик характерлаги таъсирчан образлари театр санъатига катта ҳисса бўлиб қўшилди: Шоди (У. Исмоилов, «Ҳоди ва Шоди»), Умурзоқ, Холмат, Рўзи аълам (Ҳамза, «Холисхон», «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши»), вазир Қорахон (С. Ҳайитбоев, Х. Раззоқов, «Нодира»), Шопур (Навоий, «Фарҳод ва Ширин»), Маҳкамбой (Ш. Саъдулла, Д. Зокиров, «Далада байрам»), Болтабой, Ўргилсин тоға (Д. Файзий, «Зарафшон қизи», «Атласхон»),Родриго (У. Шекспир, «Отелло»), Прамод (П. Дос, «Бузилган бола»), Агностоз (Г. Фигейредо, «Эзоп»), Сулаймон (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Фарҳод (Х. Мухторов, «Муҳаббат гули») каби фожиавий ва ҳажвий, драматик роллари б-н танилган. Реж. сифатида «Муҳаббат гули» (Х. Мухторов), «Фарзанд», «Оналар» (Соли Исмоилзода), «Нурхон», «Гулсара» (К. Яшин), «Ким айбдор?» (О. Толипов), «Аяжонларим» (А. Қаҳҳор), «Беш кунлик куёв» (Шуҳрат), «Кампирнинг макри» (Г. Стефанский) каби спектаклларни саҳналаштирган. Т. бир қанча фильмлар («Помир болалари», «Қора кўланкалар», «Улуғбек юлдузи», «Ҳамза», «Фарзандлар» каби)да ҳам суратга тушган.

ТОЖИЕВ Жўра (1911— Тошкент — 1995.12.6) — Ўзбекистон халқ артисти (1967). Ижодий фаолиятини 1928 й.да Ёш томошабинлар театрида бошлаган. 1930 й.дан Ҳамза театрида ишлаган. Асосий роллари: Алижон (К. Яшин, А. Умарий, «Ҳамза»), Борис Григорьевич (А. Островский, «Момақаллироқ»), Ҳакимжон (Уйғун, «Навбаҳор»), Добчинский (Н. Гоголь, «Ревизор»), Шобарот (А. Қаҳҳор, «Тобутдан товуш»), Граф Кент (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Валер (Мольер, «Зўраки табиб»), Раҳмон (К. Яшин, «Ёндирамиз»), Розенкранц, Родриго (У. Шекспир, «Ҳамлет», «Отелло»), Аброр, Тошпўлат (Уйғун, «Парвона», «Парвоз»), Жамол (А. Қаҳҳор, «Аяжонларим»), Жўра (С. Аҳмад, «Куёв») ва б. Қаҳрамонларининг ташқи қиёфасига, юриш-туришига, мимикасига кўпроқ эътибор бериш, дилкаш ва оддий кишилар қиёфасини бўрттириб кўрсатишга интилиш Т. ижодига хосдир. Айниқса, «Отелло» трагедиясидаги Родриго образи унинг ижодида алоҳида ўрин тутади.

ТОЖИЕВ Мирсодиқ Маҳмудович (1944.25.3 — Тошкент — 1996.8.6) — композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1981). Тошкент консерваториясини тугатган (1970). Тошкент мусиқа билим юртида ўқитувчи (1965—70), «Гўзал» ва «Шодлик» ансамбллари, Ўзбек давлат филармонияси бадиий раҳбари (1971—1979), Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раиси (1982—1987), Тошкент консерваторияси ўқитувчиси, доцент (1971—1996). Т. ўзбек мусиқа мероси (жумладан, мақом анъаналари) негизида бадиий етук асарлар яратишга муваффақ бўлган. Т. ўзининг 3-, 9-, «Сомон йўли» трилогияси (15—17-) ва «Қаҳрамонлик» (19-) симфониялари б-н миллий *симфонизм* ривожига катта ҳисса қўшган. Шунингдек, «Шоир муҳаббати» симфоник поэмаси, камер оркестр учун ёзилган 7-, 8-, 12-, 18-симфониялари, «Ўзбекистон» поэма-фахрия (Б.Бойқобулов), «Кўҳна Самарқанд юраги» нурли-товушли мусиқали панорама каби асарлари машҳур. Т. яратган мусиқий-саҳнавий асарлари орасида «Чоллар ва кампирлар» (Ҳ. Шарипов), «Қайдасан, жон болам» мусиқали комедиялари, «Кумуш» (Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида) операси ва б. Камер мусиқа, халқ чолғулари оркестри учун «Тантана», «Сарафроз» ва б. асарлар муаллифи. «Композитор Мирсодиқ Тожиев» ҳужжатли фильми суратга олинган (2000, реж. А. Фатхуллин). Айрим асарлари грампластинкаларга ёзилган, 3-(М., 1989), 7—8-(Т., 1986) симфониялари нашр этилган.

Жўра Тожиев Аброр ролида (чапда, «Парвона»).

ТОЖИЕВ Тўлқин Жўраевич (1936.13.4, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1988). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1959). 1959—96 й.лар Ҳамза театрида актёр. Асосий роллари: Бобчинский ва Хлестаков (Н. Гоголь, «Ревизор»), Эдгар, Яго (У. Шекспир, «Қирол Лир», «Отелло»), Мансур ва Жомий (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Ориф (И. Султон, «Имон»), Абдуллатиф (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Жонтой (Ч. Айтматов, «Сарвқомат дилбарим») ва б. Яго — унинг саҳнадаги энг мураккаб, айни вақтда энг муваффақиятли ролларидан бири. У яратган образларида ҳар бир қаҳрамонга хос характер, унинг ташқи кўриниши ва ички кечинмаларини очиб беришда актёр маҳоратининг баркамоллиги кўзга таш-

Тўлқин Тожиев Яго ролида («Отелло»).

ланади. Чуқур психологик талқин, ижтимоий характернинг ўткирлиги, ёрқин миллий колорит Т. ижодига хос. Т. кинодаги роллари б-н ҳам танилган: Журжоний («Абу Али Ибн Сино»), Ҳаким («Иккинчи баҳор»), Маҳмуд («Маҳаллада дув-дув гап»), Қуддус («Беш оғайнилар»), Омон («Бу ердан чегара ўтади», 3 қисмли), Тогаев («Сиз кимсиз?»), Қодиров («Қора балиқ изи», беш қисмли, «Ленфильм»), Ҳасанов («Ҳаёт сенинг қўлингда») ва б. Т. дубляж санъати усталаридан. Радиода «Табассум» эшиттириши, «Қармоқ» сатирик радиожурналининг бошловчиси сифатида танилган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

ТОЖИЕВ Фуат Ҳусаинович (1913.13.9, Каттақўрғон — 2001.13.5, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Техника фанлари д-ри (1967), проф. (1969). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1937). Маҳаллий саноат и.т. институтида илмий ходим (1937— 41), уруш қатнашчиси (1941—43). Ўрта Осиё индустриал ин-тида катта ўқитувчи (1944—46), ТошПИ кимётехнология ф-ти силикатлар технологияси кафедраси мудири (1947—91). Асосий илмий ишлари Ўзбекистон ҳудудидаги маҳаллий тупроқ, гил ва хом ашёларнинг технологик хоссаларини систематик тарзда ўрганиш ва уларни қурилиш керамикаси и.ч.да қўллашга оид. Т. раҳбарлигида илк бор Ангрен каолининнинг технологик хоссалари чуқур ўрганилган ва унинг асосида керамик қоришмалар, сирлар, хўжалик ва электротехник чинни, оловбардош ва кислотабардош материаллар олинган.

Ас.: Анорганик моддаларнинг физик-кимёвий анализи (ҳамкорликда), Т., 1977.

ТОЖИЕВ Қодир (1921.5.10 — Тошкент — 2001.1.2) — диктор. Ўзбекистон халқ артисти (1990). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1938). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—43). 1947—91 й.лар Ўзтелерадиокомпаниясида диктор. Т.нинг дикторлик услуби юксак актёрлик маҳорати, кўтаринки жозибаси, маънодор интонацияси, таъсирчанлиги, содда ва тушунарлилиги б-н ажралиб туради. 3 мингдан ортиқ ҳужжатли фильмга овоз берган. Мумтоз ва замонавий шеърият намуналарини ифодали, ўзига хос, алоҳида маҳорат б-н ўқиган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1998), «Жасорат» медали (1994) б-н мукофотланган.

ТОЖИК ТИЛИ — ҳинд-европа оиласидаги эроний тиллар гуруҳининг жан.-ғарбий гуруҳчасига мансуб тил. Асосан, Тожикистон ва Шим. Афғонистонда, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг айрим туманларида, қисман Эронда тарқалган. Т.т.да жами 10 млн.дан ортиқ (мас., Тожикистонда 4 млн.дан, Ўзбекистонда 1 млн.дан ортиқ, Афғонистонда 4 млн.га яқин) киши сўзлашади (2001).

Фонетик тизимида 6 унли ва 24 ундош фонема бор. Урғу динамик хусусиятга эга, кўпинча сўзнинг охирги бўғинига тушади. Грамматик қурилиши агглютинатив-флектив хусусиятга эга. От, сифат, сон туркумларидаги сўз ўзгаришининг қадимда ривожланган тизими ҳозирда йўқолган. Жинс ва келишик категориялари мавжуд эмас. Келишик муносабатлари синтактик усулда ифодаланади. Изофа отлар алоқасида энг кенг тарқалган воситалардандир. Феъл соҳасида кўплаб аналитик шакллар ва бирикмалар учрайди. 4 та майл (аниқлик, буйруқ, шарт ва эҳтимоллик) бор.

Алабий Т.т. қад. форс-тожик тили (9—15-а.лар)га — форс, тожик ва дари тилларида сўзлашувчилар учун умумий манбага бориб тақалади. 20-а.да алабий тилнинг сўзлашув тили б-н яқинлашуви натижасида унда, айниқса, лексикада, жиддий ўзгаришлар рўй беради.

Т.т.даги илк ёзма ёдгорликлар 9-а.га мансуб. Тожикистон Республикасидаги Т.т.да 1929 й. гача араб, 1940 й.гача лотин, 1940 й.дан рус графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланилади.

ТОЖИКИСТОН (Тоҷикистон), Тожикистон Республикаси (Ҷумҳурии Тоҷикистон) — Ўрта Осиёнинг жан.-шарқида жойлашган давлат. Майд. 143,1 минг км². Аҳолиси 6578,5 минг киши (2002). Пойтахти — Душанба ш. Маъмурий жиҳатдан Тоғли Бадахшон мухтор вилояти, 2 вилоят ва 45 туманга бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — республика, унитар демократик ижтимоий-ҳуқуқий давлат. Амалдаги Конституцияси 1994 й. 6 нояб.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1994 й.дан Э. Раҳмонов), у Т. фуқаролари томонидан 7 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлиси Оли, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигида Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Т. тоғли мамлакат, ҳудудининг 93% ини 300 м дан 7495 м баландликкача бўлган тоғлар, шунингдек, Ўрта Осиёнинг энг йирик тоғлари — Тяньшан ва Помир системасига киралиган тоғлар эгаллайди. Ҳудудининг қарийб ярмини 3000 м дан баланд бўлган тогликлар ташкил этади. Дарё водийларининг кенгайган жойлари ва тоғ оралигидаги сойликлар текисликлардан иборат. Шим.да Қурама тизма тоғлари (Бобоноб тоғи, бал. 3769 м) ва Мўғултоғ тоғлари (1624 м) жойлашган. Т. марказий қисмида Олай тизма тоғлари (ғарбий қисми, 5539 м), Туркистон (5509 м), Зарафшон (5489 м, Чимтарга тоғи), Ҳисор ва Қоратегин тизма тоғлари (4643 м) ва Зарафшон водийси (Туркистон ва Зарафшон тизма тоғлари орасида), жан.-ғарбий қисмида (Ҳисор-Олай тизма тоғларининг жан.да ва Помирнинг ғарбида) унчалик баланд бўлмаган Бобо-тоғ, Оқтоғ, Қоратоғ, Тераклитоғ, Сарсарак, Рангонтоғ, Илонлитоғ ва б. бор. Ушбу тоғлардан айримлари жан. ва жан.-ғарб томонга пасая бориб, Панж ва Амударё қирғоқларигача қўшилиб кетган текисликлардан иборат. Юқоридаги тизма тоғлар оралигида Ҳисор, Вахш, Ёвон, Қуйи Кофарниҳон, Сурхоб (Қизилсув) ва Яхсув водийлари жойлашган. Т. жан.-шарқий қисмида Помир тоғлари қад. кўтарган (Т.нинг энг баланд жойи — 7495 м). Унинг марказида Музкўл тизма тоғлари ва жан.-ғарбда Шим. ва Жан. Аличур тизма тоғлари жойлашган.

Т. ҳудудида Ўрта ва Жан. Тяньшан, Помир бурмали тизимлари ҳамда 2 йирик тоғлараро ботиқ (Фарғона ва Тожикистон депрессиялари) бор. Помир ва Ҳисор-Олай тизма тоғларида тоғ биллури, олтин, кумуш, симоб, сурма, мишьяк, вольфрам, молибден, тоштуз, асбест, кўмир, нефть, табиий газ, темир, рух, қимматли тошлардан лаъл, ложувард, мармар конлари мавжуд. Ўнлаб минерал булоқлар, шу жумладан, Гармчашма шифобахш булоғи машҳур. Иқлими континентал. Янв.да ўртача т-ра водий ва тоғ ён бағирларида 2° дан —2° гача, Помирда —22°. Июлнинг ўртача т-раси водийларда 30°, Помирда 10°, энг юқори т-ра 48° гача (Вахш водийси ва

Тожикистон герби.

Қуйи Панжда). Йиллик ёғин миқдори Ҳисор тизма тоғларининг шим. ён бағирларида 1600 мм гача. Т. маркази ва жан.да ёз ва кузда қуруқ иссиқ шамол ва қисман гармсел, жан.да *афғон шамоли* эсади. Асосан, Помир ҳудудида мингдан ортиқ катта-кичик музликлар бор. Дарё кўп, уз. 10 км дан ортиқ бўлган дарёлар 947 та. Улар, асосан, Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёси ҳавзаларига мансуб. Фақат Шарқий Помирдаги Оқжилга, Қоражилга ва Музкўл дарёлари берккўл — Қоракўлга қуйилади.

Т.да 930 кўл бўлиб, аксарияти Помир ва Ҳисор-Олай тизма тоғлари этагида жойлашган. Сарез, Яшилкўл, Искандаркўл, Каттакўл кўллари, Қайроққум, Норак, Фарҳод, Каттасой, Мўминобод ва б. сув омборлари бор. Т. жан.-ғарби ва шим.даги паст-текисликларда оч кулранг, тоғ ён бағирларида табиий кулранг, тўқ кулранг ёки жигарранг тупроқлар учрайди. Шим. ва Ҳисор-Олай этаклари тупроқлари оч жигарранг, юқорироқда табиий жигарранг тупроқлар. Ғарбий Помир сойликларида тўқ кулранг, Шарқий Помирда эса чўл тупроқлари мавжуд. Т. ҳудудида ўсимликларнинг 4,5 мингдан ортиқ тури ўсади. Тоғ ён бағирларида, шунингдек, Қурама, Зарафшон, Ҳисор тизма тоғларида бутазор ва арчазор, Данғара, Мўминобод, Ховалинг, Чубек ва Фархор атрофидаги тоғ ва тоғ ён бағирларида писта, ёнғоқ, анор, олча, ўрик, нок, тут, бодом, дўлана, жийда, арча ва б. ёввойи мевали дарахтлар ўсади.

Ҳайвонот дунёси бой. Сут эмизувчиларнинг 84, қушларнинг 346, судралиб юрувчиларнинг 44, ҳашаротларнинг 10 мингдан ортиқ, балиқларнинг 40 тури мавжуд. Ёввойи ҳайвонлардан тўнғиз, ёввойи эчки, архар, кийик, айиқ, сугур, қушлардан товушқон, каклик, чил, қирғовул, бедана ва б. мавжуд. Жан.-шарқ ва шим. даги тоғларда қоплон, бўри, тулки, жайра, қашқаллоқ, илон, ёввойи мушук, тоғ эчкиси, кийик, паррандалардан бургут, ўрдак, лайлак ва б. жониворлар учрайди. Табиатни қўриқлаш мақсадида Полвонтўқай, Ромит, Даштижум қўриқхоналари ва ботаника боғлари ташкил этилган.

Аҳолиси. Асосий аҳолиси — тожиклар; ўзбек, рус, қирғиз, туркман ва б. ҳам яшайди. Давлат тили — тожик тили. Диндорларнинг аксарияти сунний мусулмонлар. Шаҳар аҳолиси 28,3%. Йирик шаҳарлари: Душанба, Хўжанд, Қўрғонтепа, Кўлоб, Уструшона, Хоруғ ва б.

Тарихи. Ўрта Осиё, жумладан, ҳозирги Т. ҳудудидан сўнгги палеолит даврига оид қуроллар топилган. Қадимда Бақтрия давлати вужудга келди. Кейинчалик Т. ҳудудида Ахоманийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. 329 й.да македониялик Александр қўшинлари бостириб келди, халқ унга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Натижада Т. ҳудудининг бир қисми *Салавкийлар* давлати таркибига, сўнг ҳудуднинг аксарият қисми Юнон-Бақтрия подшолиги таркибига кирди. Кушонлар даврида йирик суғориш каналлари қурилди, шаҳарсозлик, ҳунармандчилик юқори даражага кўтарилди, айниқса, қўшни мамлакатлар б-н савдо-сотиқ ва ижтимоий алоқалар ривожлана борди. Юнон ёзуви асосида кушон ёзуви пайдо бўлди.

5—6-а.ларда Ўрта Осиёнинг шарқий қисмини кўчманчи хионий қабилалари, сўнгра *эфталийлар* эгаллаб олди. 6-а. 2-ярмида Т. ҳудуди *Турк хоқонлиги* таркибига қўшиб олинди. 8-а. ўрталарида араблар бостириб келиши натижасида ислом дини жорий қилина бошланди. 9—10-а.ларда Т. ҳудуди *Тохирийлар* ва *Сомонийлар* давлати таркибида, 9—13-а.ларда *Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Ғурийлар, Қорахитойлар,* Хоразмшоҳлар давлатлари таркибида бўлган. Т. ҳудудига бостириб кирган Чингизхон қўшинлари (1219—21) аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келди (Хўжандда *Темур Малик* бошчилигидаги халқ қаршилиги ва б.). Мўғуллар истилоси иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётга жиддий зарар етказди. 14-а.нинг 2-ярмига келиб, хўжалик қайтадан тиклана бошлади. Т. ҳудуди бу даврда *Амир Темур* ва *темурийлар,* 16-а.да эса Шайбонийлар салтанати таркибида бўлди. Сўнгра Бухоро амирлиги қўл остига ўтиб, 19-а.нинг бошларида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида тақсимланди. 19-а.нинг 2-ярмида подшо Россияси томонидан забт этилди. Россияда Окт. тўнтариши (1917)дан сўнг аҳолининг жиддий қаршилигига (Иброҳимбек, Эшон Султон, Давлат мандбий, Фузайл Махсумлар бошчилигида) қарамасдан, Т. большевиклар томонидан босиб олинди. 1917 й. нояб. — 1918 й. фев.да Шим. Т.да шўро ҳокимияти ўрнатилди ва у Туркистон

Тожикистон байроғи.



АССР таркибига кирди. Т.нинг қолган ҳудуди Бухоро амирлиги таркибида бўлди. 1920 й. Бухоро босқинидан кейин БХСР ташкил этилди. 1924 й. Ўрта Осиё республикаларини «миллий-давлат чегараланиши» деб аталган бўлиб ташлаш натижасида Т. Ўзбекистон ССР таркибида мухтор республика, 1929 й. эса СССР таркибида иттифоқдош республикага айлантирилди. 1991 й. 9 сент.да мустақиллик тўғрисида декларация эълон қилинди ва «Тожикистон Республикаси» номи тасдиқланди. Иттифоқ тугатилиб, Т. 1991 й. сент.да мустақилликка эришгач, турли этник, диний ва маҳаллий уруг-аймоқчилик гуруҳлари ўртасида қуролли тўқнашувлар бошланди, бу эса мамлакат сиёсий ҳаётида беқарорликка олиб келди. Ниҳоят, 1997 й.да ўзаро мухолиф кучлар миллий муросага келиб, тинчлик ўрнатилди. Т. — 1992 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1992 й. 6 янв.да тан олган ва ўша йил 1 окт.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 9 сент. — Мустақиллик куни (1991).

Сиёсий партиялари ва ҳаракатлар. Т. халқ-демократик партияси, 1994 й. халқ партияси номи б-н таъсис этилган, 1997 й.дан ҳоз. номда; Т. коммунистик партияси, 1924 й. тузилган, 1992 й. янв.да тугатилиб, март ойида қайта ташкил этилган; Т. уйғониш ва миллий бирлик ҳаракати; Адолатхоҳ партияси, 1996 й. тузилган; Аграр партия, 1999 й. таъсис этилган; Т. ислом уйғониш партияси (Ҳизби наҳзати исломии Тоҷикистон), 1978 й. яширин равишда ташкил этилган, 1991 й.дан ошкора фаолият юритали; Т. демократик партияси, 1990 й. тузилган; Т. социалистик партияси, 1996 й. таъсис этилган.

Хўжалиги. Т. аграр-индустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 25%, саноатники 35%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 40%.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 4,3 млн. гектар, шундан экинзорлар 827631 гектар, яйловлар 3,2 млн. гектар. Қ.х.нинг асосий тармоғи — деҳқончилик бўлиб, жами қ.х. маҳсулотининг 65% ни берали. Унда пахтачилик, айниқса, ингичка толали пахта етиштириш етакчи ўринни эгаллайди. Боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик ривожланган. Мойли экинлар, ингир, картошка, сабзавот-полиз экинлари, ем-хашак экинлари экилади, галла ва шоли ҳам етиштирилади. Тоғ олди ва тоғ минтақаларининг суғориладиган ерларида тамаки, Ҳисор ва Вахш водийларида ёронгул экилади. Цитрус мевалар етиштириш яхши йўлга қўйилган. Т.нинг барча ҳудудларида, айниқса, тоғ ён бағирларида чорвачилик ривожланган: қорамол, қўй, эчки, парранда, йилқи боқилади.

Саноатининг етакчи тармоқлари: енгил (пахта тозалаш, ип газлама, шойи, тикувчилик, гилам тўқиш), озиқ-овқат (мева консерваси, ёг-мой ва б.), рангли металлургия (рангли ва ноёб металл рудалари қазиб чиқариш ва бойитиш, алюминий и.ч. ва б.), кончилик, кимё саноати (минерал ўғит, пластмасса и.ч.), машинасозлик, металлсозлик. Т.да ош тузи, қўнгир кўмир, нефть, газ қазиб олинади; қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Электроэнергетика саноати ривожланган: Норак, Роғун ва б. ГЭСларда электр энергияси ҳосил қилинади (йилига ўртача 17 млрд. кВт-соат).

Т.й. узунлиги 490 км, автомобиль йўллари уз. 13 минг км. 1991 й.да ташкил этилган «Тожикистон» авиация компанияси самолётлари мунтазам равишда МДҲ мамлакатларининг Москва, Самара, Новосибирск, Олмаота, Бишкек, Ашхобод ва б. шаҳарларига ҳамда БАА (Шаржа), Покистон (Карочи), Афғонистон (Кобул), Эрон (Машҳад), шунингдек, Хужанд ва Хоруғга учали. Душанба ва Хужанд ш.ларида халқаро аэропорт бор.

Ташқи савдода дунёнинг 66 мамлакати, хусусан, МДҲ давлатлари, Афғонистон, Хитой б-н ҳамкорлик қилади. Т. четга алюминий, пахта, электр энергияси, ноёб металл ва тошлар, рангли рудалар, ҳўл мева ва сабзавот, тери, жун чиқаради. Четдан истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, транспорт воситалари олади. Пул бирлиги — сомоний.

Тиббий хизмати. 90-й.лардаги сиёсий бошбошлоқлик бу соҳага ҳам жиддий таъсир қилди. Мутахассисларнинг бир қисми республикани тарк этганликлари боис, ушбу соҳа жиддий зарар кўрди. Айни пайтда халқаро ҳамжамиятнинг кўмаги асосида республикада тиббиёт соҳаси ривожлана бошлади. «Зумрад» (Исфара), Обигарм, Хўжаобигарм, Шамбари, Қоратоғ, Хавотоғ, Гармчашма санаторий ва курортлари муҳим шифобахш масканлардир.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Маорифи бошланғич, тўлиқсиз ўрта, умумий ўрта таълим мактабларидан, ўрта махсус ва олий ўқув юртларидан иборат. Йирик олий ўқув юртлари: Тожикистон ун-ти, политехника, қ.х., санъат, тиббиёт, пед. ин-тлари, Кўлоб ва Хўжанд пед. ин-тлари. Бундан ташқари турли вазирликларга қарашли илмий муассасалар (ветеринария, деҳқончилик, эпидемиология ва гигиена ин-тлари кабилар) бор.

Республикадаги и.т.лар Фанлар Академияси таркибидаги и.т. институтлари ва марказлар доирасида амалга оширилади.

1999 й. Т.даги 8 йирик олий ўқув юртларининг ташаббуси б-н тузилган Фан ва маорифни ривожлантириш уюшмаси и. т. муассасалари, олий ва ўрта ўқув юртлари жамоаларини бирлаштирди. У янги ахборот технологияларини ишлаб чиқиб уни олий ва ўрта таълим тизимига жорий этиш, и.т.ларни ривожлантириш, халқаро таълим андозаларини Т. олий ва ўрта таълим тизимига жорий этишга, бу соҳада халқаро тажриба айирбошлашга кўмаклашиш каби ишлар б-н шуғуллана бошлади. Т.да Фирдавсий номидаги Т. давлат кутубхонаси, Т. Фанлар академиясининг Марказий илмий кутубхонаси ва мингдан ортиқ оммавий кутубхона; 15 давлат музейи (Душанбада Тарих-ўлкашунослик ва тасвирий санъат музейи, С. Айний номидаги адабиёт музейи, Панжакентда А. Рудакий номидаги республика тарих-ўлкашунослик музейи ва б.) бор.

Варзоб дараси.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Т.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Асосийлари: «Жумҳурият» (тожик тилида чиқадиган газ., 1925 й.дан «Или тожик», 1955—91 й.ларда «Тожикистони Совети» номида чиққан), «Халқ овози» (ўзбек тилида чиқадиган газ., 1929—91 й.ларда «Совет Тожикистони» номи б-н чиққан), «Садои мардум» («Халқ овози», газ., 1992 й.дан), «Бизнес и политика» («Бизнес ва сиёсат», газ., 1994 й.дан); адабий-бадиий жур.лар: тожик тилида «Садои Шарқ» («Шарқ овози»), «Маданияти Тожикистон» («Тожикистон маданияти»), рус тилида «Памир» («Помир») ва б. Т. ахборот агентлиги (ҳоз. «Ховар» ахборот агентлиги) 1933 й.да ташкил этилган. Т.да радиоэшиттиришлар 1928 й.дан, Душанба телевизион маркази 1959 й.дан ишлай бошлаган.

Адабиёти. Тожик халқининг адабиёти ва маданияти жуда қад. ва бой тарихга эга. Тожик ёзма адабиётининг манбалари ҳоз. Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яратилган қад. халқ оғзаки ижодидан бошланади. 9—15-а.ларда форсий (дарий) тилидаги мумтоз адабиёт тожик ва форсий халқлар тарихий-маданий тараққиётининг ҳосиласи эди. Тожик адабиёти бир неча даврни ўз ичига олади: 1-давр — форслар ва тожиклар учун умумий бўлган форс тилидаги 9—15-а.лар адабиёти; 2-давр — асосан, Ўрта Осиё ҳудудида 16—19-а.нинг 1-ярмида мавжуд бўлган тожик адабиётини; 3-давр — 19-а.нинг 2-ярмидан 20-а.нинг 30-й.ларигача бўлган тожик адабиётини; 4-давр — 20-а.нинг 30-й.ларидан ҳозиргача бўлган тожик адабиётини ўз ичига олади.

9—10-а.ларда форс-тожик тилидаги адабиёт, айниқса, тез ривожланди, шу сабабли бу давр ҳақли равишда тожик мумтоз шеъриятининг «олтин асри» ҳисобланади. Сомонийлар давлатининг маркази Бухорода форс тилидаги шеърият асосчиси Абу Абдуллоҳ *Рудакий* ижод қилди. Шеърий, насрий, фалсафий-таълимий асарларда қад. халқ анъаналари ва қаҳрамонлик воқеалари, адолатли шоҳлар образлари қаламга олина бошлади. Абу Шукур *Балхий*, Абулҳасан Кисоий, *Дақиқий* ижодларида инсопарварлик ва адолат ғоялари тарғиб қилиниб, зулм қораланди. 10-а. охири ва 11-а. бошларида форс-тожик шоири Абулқосим *Фирдавсий* ўзининг ўлмас «Шоҳнома»сини яратди. 10-а. охирида Эрон ва Ўрта Осиёга суфизм ғоялари кириб келиб, шу асосда диний-фалсафий таълимотлар, жумладан, исмоилийлар оқимининг адабиётга таъсири кучайди. Исмоилийларнинг ғоялари шоир ва мутафаккир *Носир Хисрав* ижодида акс этди.

13-а. бошларида мўғуллар босқини адабий ва фалсафий ғояларнинг ривожига 2 аср давомида катта зарба берган бўлсада, Ҳиндистоннинг шим. (Хусрав Деҳлавий), Эроннинг жан. (Саъдий ва унинг замондошлари), Кичик Осиё (Жалолиддин Румий)да форс-тожик тилидаги адабиёт ривожи давом этди. 15-а.га келиб Ўрта Осиёда адабий-фалсафий ҳаёт астасекин тиклана борди. Ҳирот маданий ва адабий ҳаёт марказига айланди. Бу ерда, айниқса, темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги йилларида атоқли шоир ва адиблар тўпланган эди. Адабий ҳаракат бошида форс-тожик шоири Абдураҳмон *Жомий* ва ўзбек шоири *Алишер Навоий* турар эдилар.

16-а.дан тожик адабиёти форс тилидаги адабиётларнинг умумий оқимидан ажралиб, мустақил ривожланди. 19-а.нинг 2-ярми — 20-а. бошларида тожик адабиётида маърифатпарварлик оқими вужудга келди. Бу оқимнинг асосчиси тожик ва ўзбек халқларининг мутафаккири *Аҳмад Дониш* эди. Шоир ва ёзувчилардан Раҳматулло *Возеҳ*, Шамсиддин Шоҳин (1859—93), Муҳаммад Ҳайрат (1878—1902) ғоявий жиҳатдан Аҳмад Донишга яқин эдилар. Тожик маърифатчилик адабиётида янги жанрлар (реалистик ҳикоя, фалсафий-романтик қисса ва б.) пайдо бўлди, адабий тил халқ тилига яқинлаша бошлади. 20-а.нинг бошларида Садриддин *Айний*, Тошхўжа *Асирий*, *Сирож Ҳаким* каби ёзувчилар маърифатчилик адабиёти анъаналарини давом эттирибгина қолмасдан, адабиётни халқ ҳаётига яқинлаштиришда катта ишлар қилдилар. 1920—30 й.ларнинг бошларида Абулқосим *Лоҳутий* ижоди муҳим ўрин эгаллади. Бу даврда С. Айний «Одина» (1924), «Дохунда» (1930) каби насрий асарларини яратди. 30-й.лар бошида адабиётга Мирзо *Турсунзода*, Жалол *Икромий*, Абдусалом *Деҳотий*, Раҳим Жалил, Ҳаким Карим, Мирсаид *Миршакар*, *Сотим Улуғзода* ва б. кириб келди. 2-жаҳон уруши йилларида тожик адабиёти ҳам бутун кучини фашизмга қарши курашга қаратди. Урушдан кейинги йилларда М. Турсунзоданинг «Ҳиндистон қиссаси» шеърий мажмуаси (1947—1948), «Ҳасан аравакаш» (1954), «Осиё садоси» (1956), «Жонгинам» (1960), «Гангадан Кремлгача» (1970) достонлари, Мирсаид Миршакарнинг «Жиловланмаган Панж» (1949), «Тоғлик қизнинг ишқи» (1961—62), «Муҳаббатнинг варақлари» (1975) тўпламлари ва «Ватан фарзандлари» пьесаси, Фотеҳ Ниёзийнинг «Вафо» (2 қисмдан иборат, 1949—58), «Қуролсиз сарбозлар» (1985), Сотим Улуғзоданинг «Янгиланган ер», Раҳим Жалилнинг «Шўроб» романлари нашр этилди. 1980—90 й.лар адабиётга ёзувчи ва шоирларнинг янги авлоди кириб келди. Бу даврда Мўмин Қаноатнинг «Сино бешиги» (1980), «Оловли муҳаббат» (1985) достонлари, Лоиқ Шералининг «Оқ кун» (1984), «Дил уйи» (1986), «Офтобборон» (1988), «Мозор тоши» (1996) шеърий тўпламлари, Бозор Собирнинг «Тун киприги» (1981), «Офтобниҳол» (1982), «Татиб, туйиб» (1987) шеърий мажмуалари, Гулназар Келдиевнинг «Лангар» (1984), «Дарё ўзани» (1986), Гулрухсор Сафиеванинг «Ихлос» (1980), «Суғд алангаси» (1981), «Бохтар руҳи» (1987) шеърий тўпламлари ва «Сабзабаҳор аёллари» романи (1991) яратилди. 1990-й.лардан кейин адабиётга кириб келган Фарзона, Искандари Хатлоний ва яна кўплаб ёш қаламкашлар тожик адабиётининг ривожида муҳим ўрин тутади.

Ҳисор тарихий-меъморлик музей-қалъаси.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Тожик халқининг бадиий маданияти қўшни халқлар, айниқса, ўзбеклар маданияти б-н ўзаро боғлиқликда ривожланган. Т. ҳудудидан топилган тасвирий санъат ёдгорликларининг энг қад.си Шарқий Помирдаги мезолит (мил. ав. 15—10-минг йилликлар) даврига оид қоятош суратларидир. Жумладан, Панжакентдан топилган қоя суратида арфа чалаётган қиз тасвирланган (7—8-а.лар). 5—8-а. бошларида Т. ҳудудида девор ва миноралар б-н шаҳристонга эга бўлган шаҳарлар пайдо бўлди. Минтақада ислом дини тарқалгач, Т. меъморлигида масжид ва мадрасалар, минора, мақбара ва хонақоҳ-

лар қад. кўтарди. 9—10-а.лардан қурилишда пишиқ гишт ишлатила бошланди. 11—12-а.ларда Мозори Шарифда Муҳаммад Башаро мақбараси, 14—15-а.ларда Уструшонада Кўк гумбаз масжиди, 11—12- ва 15-а.ларда Конибодомда Муслиҳиддин мақбараси барпо этилди. 14-а. охири — 15-а.ларда монументал безак санъатида ёғоч ва ганчга нақш ўйиш, сирланган ва сирланмаган сопол, ёғоч ва ганчга тухумли *темпера* б-н нақш солиш, зардўзлик ва б. кенг тарқалди. Т. меъморлиги 1 қават пахса ёки хом гиштли уйсозликдан бош режа асосида қурилаётган шаҳарларгача бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтди. 1930-й.ларда Душанба, Хўжанд, Кўлоб, Конибодом ш.лари бош режа асосида қурила бошлади. 1930—40-й.лар бошларидаги шаҳарсозликда Ўрта Осиё меъморлиги элементлари бўлган классицизм шакллари устунлик қилди. 50-й.ларнинг 2-ярмида шарқ анъаналарини ўзида мужассамлаштирган бинолар пайдо бўла бошлади. 1960-й.лардан сўнг Т. меъморлари кичик мавзелар барпо этишга ўтдилар. Саноат ривожланиши туфайли Қўрғонтепа, Турсунзода, Норак, Ёвон сингари янги замонавий шаҳарлар қад. кўтарди. Душанбадаги «Тожикистон» меҳмонхонаси (1975, меъмори А. И. Онишченко), киноконцерт зали (1985, меъмори С. М. Сутягин) каби замонавий муҳташам бинолар барпо қилинди.

Т.да замонавий тасвирий санъат 20-а.нинг 20-й.ларида вужудга кела бошлади. Илк рассомлар сиёсий ва ташвиқий плакатлар, ҳажвий жур.лар учун безаклар яратиш, ўқув дарсликлари ва бадиий асарларни безаш б-н шуғулландилар. 2-жаҳон уруши даврида графика, плакат ва, айниқса, карикатура ривожланди. 40-й.лар охири ва 50-й.ларда тасвирий санъат жанрлари кўпайди, рассомлар маҳорати ошди. 1947 й. Республика тасвирий санъат музейининг очилиши бунга яхши шароит яратди. Пейзаж жанрида И. Абдураҳмонов, Ф. Солмонов, С. Захаров салмоқли муваффақиятга эришдилар. Кейинчалик етишиб чиққан рассомлар И. Раҳимов, Х. Хушвақтов, З. Ҳабибуллаев, А. Аминжонов, ҳайкалтарошлар А. Ғаниев, К. Жумагазин, график рассомлар К. Туренко, Х. Расулов, Д. *Сафоевлар* ҳаётий мавзуларда ижод қилдилар. Х. Хушвақтовнинг «Хоруғ», «Олай водийси», «Помир тоғларида», З. Ҳабибуллаевнинг «Ғижжак», «Яйловда баҳор» асарлари зўр маҳорат б-н яратилган.

1990-й.лар Т. тасвирий санъатида миллий анъаналарни, замонавий бадиий

Душанба шаҳридаги миллий кутубхона.

гояларни чуқурроқ сингдиришга асосий аҳамият берилди. Чунончи, рассом С. Қурбонов ижодига тожик халқининг тарихи, миллийлик илдизлари, урф-одатлари гўзал шаклларда романтик бадиий услубда акс эттирилган. Т. халқининг кўп асрлик тасвирий ва амалий санъатида безак асосий йўналиш бўлган. М. Хушмуҳамедов, А. Ҳайдаров, А. Камелин, А. Раҳимов, М. Бекназаровлар миллий мерос анъаналарини бирмунча янгилаган ҳолда мана шу йўналишда ижод қилмоқдалар. П. Фальбов, С. Шарипов, А. Сайфиддинов каби рассомлар бу соҳада янги йўналиш яратиш йўлига тушиб олдилар. Л. Ирисметова, М. Носирова, М. Қолирова, М. Қурбонова, З. Давлатшоева, Д. Мамажонова, Н. Ҳамидова, С. Саидова сингари истеъдодли аёл рассомлар етишиб чиқди. Т. замонавий ҳайкалтарошлиги (А. Бикасиён, В. Одинаев, Ж. Тошматов асарлари)да ҳам янги йўналиш бошлангани сезилади. А. Лоҳутий (ҳайкалтарош И. Милашевич), Мирзо Турсунзода (ҳайкалтарош А. Бикасиён) ҳайкаллари, Б. Ғафуров бюсти (ҳайкалтарош И. Иванов), Душанба ш.даги «Ваҳдат» мемориали (1999), Қўрғонтепадаги Исмоил Сомоний ҳайкали (1999) шундан далолат беради.

Амалий санъат соҳасида — кулолчиликда А. ва Б. Мавлоновлар, С. ва С. Соҳибовлар, М. Мирзоев; наққошликда М. Олимов, К. Гаюров; ёғоч ўймакорлигида Ю. Баратбеков, А. Йўлдошев, А. Яҳёев; каштачиликда З. Бахриддиновалар самарали ижод қилмоқдалар. 1998 й. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Т. рассомларининг бадиий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Т. истиқлол даври тасвирий санъати кенг намойиш этилган. Т. Меъморлар уюшмаси 1936 й., Рассомлар уюшмаси 1933 й. ташкил этилган. Т. бадиий санъат ходимлари Душанбадаги Давлат Бадиий коллежида тайёрланади. Кўпгина тожик санъаткорлари Ўзбекистон санъат ин-тлари ва билим юртларида таълим олган.

Мусиқаси. Анъанавий мусиқа маданияти бой ва хилма-хил. У бир неча маҳаллий услубдан ташкил топган. Сугд вилоятида азалдан ёнма-ён яшаб келган тожик ва ўзбек халқларининг мусиқа анъаналари ўзаро қоришиб кетган. Иккала қардош халқ мусиқа ижодида меҳнат, маиший ва *маросим қўшиқлари* («Майда», «*Ёр-ёр*», «Нақш» «Алла», «Бойчечак», «Садр», «*Марсия*» каби), лирик қўшиқлар («мухаммас», «байт» ва б.), *лапарлар*, бастакорлар ашула ва куйлари (Содирхон ҳофиз Бобошарифов ва б.), халқ ва профессионал созлардан дутор, ғижжак, чанг, най, сурнай, қўшнай, доира ва б. асосий ўрин тутади (яна қ. *Фарғона-Тошкент мусиқа услуби*). Хатлон вилоятида «Фалак» («Фалаки») қўшиқ туркумлари лирик-фалсафий мазмундаги форсча шеърларга яккахон хонанда томонидан соз жўрлигида айтилади. Шу ерда яшаётган ўзбек (лақай)ларнинг мусиқа анъаналари Ўзбекистоннинг *Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услуби*га яқин: *достон* ва *терма* жанрлари, *дўмбира*, *чангқўнғиз*, чўпон най ижрочилиги ва ҳ.к. Тоғли Балахшон мухтор вилоятида истиқомат қилаётган ванчлик, язғулемлик, рушонликлар каби элатларда ўйин қўшиқ ва куйлари («Аспакбози», «Рупшак базай» каби), мусиқий томоша («Бобо сафар» «Мўғулбози»), «Деҳқоннома» каби меҳнат қўшиқлари, «Чорбайтхо», «Ғазалхо» каби лирик қўшиқлар, аёллар ижодида — «Булбулик», «Даргилак» каби лирик айтимлар, чолғулардан эса сўрнак (чўпон най), ванч дутори, помир рубоби, бландзиком ва б. машҳур. Мумтоз мусиқа (мақом, ашула йўллари, чолғу куйлар) асосан шаҳар (Хўжанд ва б.)ларда шаклланган. 20-а. ўрталаридан *Фарғона-Тошкент мақом йўллари* б-н бирга Бухоро *Шашмақоми* ижрочилиги ҳам ривож топган (Ф. Шаҳобов, Ш. *Соҳибов*, Б. *Файзуллаев* ва б.). Т.да дастлабки мусиқа ўқув юртлари 1929 й. Хўжандда, 1934 й. Душанбада ташкил этилиб, 1939 й.да биринчи тожик операси «Восе кўзғолони» (композитор С.А. Баласанян) намойиш қилинди. Т.да Сугд вилоят мусиқали комедия театри, давлат филармонияси, «Гулшан» эстрада ансамбли (1966 й.дан), Борбад номидаги концерт саройи фаолият кўрсатади. Бастакорлардан Аҳмад *Бобоқулов*, Боймуҳаммад Ниёзов, Маъруфхўжа Баҳодуров, хонандалардан Зафар Нозимов, Ҳанифа *Мавлонова*, Шоҳиста *Муллажонова*, Жўрабек *Муродов*, Жўрабек *Набиев*, Нигина Раупова, Мастона Эргашева, Давлатманд Холов, Далер

Назаров, Афзалшо Шодиевларнинг тожик санъатини ривожлантиришдаги ҳиссалари катта.

Театри. Европача типдаги тожик театри дастлаб 1919 й.да Хўжандда, кейинчалик Конибодом, Ўратепа ва Исфарада ҳаваскорлик театрлари тарзида пайдо бўлди. 1929 й. Душанбада ҳаваскорлик тўгарагида Тожик давлат драма театри номи б-н 1-профессионал театр (ҳоз. Лоҳутий номли театр) ташкил этилди. 1932 й. Хўжандда мусиқали драма театри иш бошлади. Уларда замонавий мавзудаги асарлар саҳналаштирилди. А. Усмоновнинг «Кураш», К. Яшиннинг «Ёндирамиз», Ж. Икромийнинг «Душман», М. Турсунзоданинг «Ҳукм», М. Аминзоданинг «Шараф» пьесалари кўрсатилди. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосидаги «Рустам ва Суҳроб», жаҳон мумтоз драматургиясининг «Отелло», «Макр ва муҳаббат» асарлари Лоҳутий номли театр саҳнасида намойиш этилди. Актёрлардан М. Қосимов, Л. *Зоҳидова*, Т. Фозилова, А. Бурҳонов, Х. Раҳматуллаев, Г. Валламатзода, Б. Тожибоева, балет раққосаси М. *Собирова* ва б. машҳур. Рудакий номидаги Хоруғ ва С. Вализода номидаги Кўлоб мусиқали драма театрлари жамоалари Т.да театр санъатининг ривожига муҳим ҳисса қўшдилар.

Киноси. Т. кинематографияси 1929 й. вужудга келди. Душанбага 1-поезд келишига бағишланган киножурнал суратга олиб кўрсатилди. 1930 й. «Тожиккино» бирлашмаси ташкил этилди. 1932 й. «Амирлар ўлган чоғда» биринчи бадиий фильми яратилди. 1939 й. «Бог» (реж. Н. В. Досталь), «Дўстлар қайта учрашганда» (реж. К. *Ёрматов*) номли дастлабки овозли бадиий фильмлар яратилди. 40-й.ларда ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги ҳужжатли фильмлар («Темурнинг қасами», «Тожикистон фарзанди» ва б.) суратга олинди. 1957 й. реж. Б.А. Кимёгаров С. Айнийнинг «Дохунда» тарихий қиссасини, сўнг М. Турсунзоданинг «Ҳасан аравакаш» достонини экранлаштирди. Шундан сўнг бир қатор бадиий фильмлар — «Дўстим Наврўзов» (реж.лар Ш. Қиёмов, Н. Литус), «Тоғдаги чироқ» (реж. Б. Долинов), «Бир қизни учратдим» (реж. Р. Я. Перельштейн), «Ўғлим уйланмоқчи» (реж. Т. Собиров) бадиий фильмлари яратилди. 1960—70 й.ларда етишиб чиққан М. Қосимов, М. Орипов, С. Ҳамидов, В. Аҳадов, Б. Арабов каби реж.лар кинематографияга янги мавзу ва услублар олиб кирдилар. Уларнинг «Ниссо», «Тоғларда юрагим қолди», «Кўҳна масжид ёнидаги учрашув», «Жўра саркор», «Учинчи қиз» каби фильмлари муваффақият қозонди. 1970—1980 й.ларда қатор бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинди. Д. Худоназаров («Ёшликнинг биринчи тонги»), Ю. Юсупов («Жиноятчи ва оқловчи») каби реж.лар машҳур бўлди. Тожик киносини ривожлантиришга реж.лардан К. Ёрматов, Н. Тиллаев, артистлардан М. Қосимов, З. Дўстматов, М. Воҳидов, сценарийчилардан М. Турсунзода, С. Улуғзода, М. Миршакар ва б. катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон — Т. муносабатлари. Тожик ва ўзбек халқларининг яшаш шароити, урф-одатлари, турмуш тарзи бир-бирига ниҳоятда яқин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, ўзбек ва тожик халқлари икки тилда гаплашадиган бир халқ. Бу 2 халқнинг ўтмишда биргалашиб, ўз озодлиги, эрки учун курашгани, ўлмас меъморий ёдгорликлари ва санъат дурдоналарини яратгани тарихдан маълум. Асрлар давомида кўпгина тожик ва ўзбек санъаткорлари бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиб ижод қилиб келишган.

Икки буюк арбоб — Жомий б-н Навоийнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги тожик ҳамда ўзбек адабий ва маданий алоқалари тарихидаги ёрқин саҳифадир. Жомий ва Навоий бошлаб берган зуллисонайнлик анъаналарини Машраб, Турди, Нодира, Фурқат, Завқий, Анбар отин, Асирий, Айний, Ҳамза ва б. давом эттирдилар. Ҳамза тожик тилида ҳам ғоявий бадиий жиҳатдан етук шеърлар яратиши б-н баробар ўзининг драма труппаси б-н Т.нинг шаҳар ва туманларида томошалар кўрсатди.

С. Айний «Қуллар» романини ўзбек тилида яратди ва тожик ҳамда ўзбек тилида самарали ижод қилиб, ўзининг ҳам бадиий, ҳам илмий асарлари б-н 2 халқ маданиятини ривожлантиришда катта роль ўйнади.

20-й.лар охиридан Т. театрларида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», К. Яшиннинг «Гулсара», F. Зафарийнинг «Ҳалима», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», кейинроқ С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра», Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий», Туйғуннинг «Муҳаббат» ва б. пьесалари саҳналаштирилди. Айни вақтда тожик драматургларидан С. Улуғзоданинг «Гавҳари шамчироқ», С. Ғанининг «Тўй», F. Абдуллонинг «Шарқ садоси» каби пьесалари ўзбек театрлари саҳналарида намойиш қилинди.

Тожик-ўзбек маданий ва адабий алоқаларнинг равнақ топишида бадиий таржимачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга. С. Айнийнинг 8 жилдли асари, А. Лоҳутийнинг «Девон»и, М. Турсунзоданинг деярли барча асарлари, Миршакарнинг «Биз Помирдан келдик», «Олтин қишлоқ», «Тоғ қизининг ишқи», Ж. Икромийнинг «Олов қизи», «Бухоронинг ўн икки дарвозаси», С. Улуғзоданинг «Ёшлигимиз тонги», «Восъе», Р. Жалилнинг «Пўлод ва Гулрў», «Шўроб», Ф. Ниёзийнинг «Вафо» асарлари ва б.нинг шеърий, насрий асарлари ўзбек тилида нашр этилган. Айни вақтда Ҳамза, А. Қодирий, F. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ғайратий, Ҳ. Олимжон, Ш. Рашидов, Зулфия, А. Мухтор, Р. Файзий, С. Абдулла, Э. Воҳидов, А. Орипов, Г. Жўраева, Б. Бойқобилов ва б.нинг асарлари тожик тилига таржима қилиниб, Т.да нашр этилган. Ўзбек-тожик адабий ва маданий алоқаларининг равнақ топишида Т.да яшаб ўзбек тилида ижод қилган шоир ва ёзувчилар: Аширмат, М. Тўлқин, М. Остон, Ў. Жамол, Ж. Тошматов, З. Дўстматов, Қ. Мамажонов, Ш. Саттор, А. Усмон, Х. Қурбонова, С. Нишонова, Ж. Эргаш, У. Умаров, А. Зуҳур ва б.нинг ҳам ҳиссаси бор.

Ушбу ижтимоий-тарихий анъана ҳар 2 давлат миллий мустақилликни қўлга киритгач, янгича мазмун касб этди. Ўзбекистон Т.даги ҳарбий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришда ва уни ижобий ечимини топишда сезиларли

Искандаркўл.

мавқени эгаллади. ЎзР Президенти И.А. Каримов 1992 й. сент.да БМТ нинг Бош котибига мурожаатнома йўллаб, халқаро ҳамжамият эътиборини Т. муаммоларига қаратиб бу муаммоларни тинч йўл б-н ҳал этишга чақирди. Т.да тинчлик жараёнининг амалга ошиши ва аҳдлашувларнинг барча босқичида Ўзбекистон расмий кузатувчи сифатида иштирок этди. 2000 й. 14—15 июнда И. А. Каримовнинг расмий ташриф б-н Душанба ш.да бўлиши, Э. Раҳмоновнинг Тошкентда бўлиши ўзбек-тожик муносабатларининг янги поғонага кўтарилишидан далолат эди.

1998 й. ёзда Ўзбекистонда Т. Республикасининг маданият кунлари бўлиб ўтди. 1995 й. Тошкент ш.да Т. Республикасининг, 2000 й. Душанба ш.да ЎзР элчихонаси очилиб, улар давлатлараро сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни мувофиқлаштириш йўлида хизмат қилмоқда.

Кейинги вақтда ЎзР билан Т.нинг савдо-иқтисодий алоқалари бирмунча ривожланди. ЎзРнинг ташқи савдо айланмасида Т.нинг улуши 2003 й.да 2002 й.га нисбатан 24,7% ошди ва 2,2% ни ташкил этди.

Насриддин Маманазаров.

ТОЖИКИСТОН ДЕПРЕССИЯСИ — *Ҳисор-Олай, Помир* ва *Ҳиндукуш* тоғлари орасидаги тектоник ботиқ. Мезозой, палеоген ва неоген чўкиндилари б-н тўлган.

Т.д. Ҳисор-Олай тоғ тизмаси жанубида, Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон ҳудудларида жойлашган. Ғарбда Кўҳитанг, шарқда Помир, жан.да Ҳиндукуш ва Банди Туркистон тоғларигача чўзилган. Орографик жиҳатдан 2 қисмга бўлинади. Шим. қисмида Ҳисор водийси, жан. қисмида Тожикистоннинг паст ва ўртача баландликдаги тизмалари ўрин олган. Ҳисор водийси Ҳисор тизмасининг жан.дан бошланиб, жан.-ғарбда Бобоғоғ тизмасигача чўзилган. Т.д.нинг замини токембрий жинслари, палеозой—қуйи триаснинг терриген-карбонат, вулканик чўкинди ва интрузив жинсларидан таркиб топган. Структураси мезо-кайнозойда жиддий ўзгармаган. Неоген охири — антропоген бошларида букилма ҳамда кўтарилмалар дислокацияга учраган ва мураккаб бурмали Тожикистон виграцияси вужудга келган. Мезо-кайнозой жинсларидан нефть, табиий газ, ёнувчи сланец, тоштуз, қурилиш материаллари конлари топилган. Кучли зилзилалар, табиий географик жараёнлар (тоғ қулаши, сурилмалар, сел) содир бўлиб туради.

Иқлими кескин континентал, қиши илиқ, ёзи иссиқ. Янв.нинг ўртача т-раси —6° дан 3,6° гача, июлники 23,2° дан 32,4° гача, энг баланд т-ра 49,5°. Йиллик ёғин 119—154 мм, тоғларда 700 мм гача. Йирик дарёлари: Панж, Вахш, Кофарниҳон, Қизилсув, Сурхондарё, Қундуз, Бўз. Тупроғи аллювиал-ўтлоқ ва б. тупроқлар. Субтропик чўл, чала чўл, тоғ-дашт, ўрмон, ўтлоқ-даштли ерларда эфемер, шувоқ-эфемер, бута, арча, баланд бўйли ўтлар ўсади. Ҳайвонлардан бўри, тулки, буғу, қамишзор мушуги, ҳар хил илонлар, қушлар яшайди.

Қазилма бойликлардан нефть, газ, тузлар, кўмир, қурилиш материаллари, минерал-термал сув манбалари бор. Ингичка толали пахта етиштириш, боғдорчилик, токчилик, субтропик ўсимликлар учун иқлим шароити қулай. Гидротехник иншоотлардан ГЭС, сув омборлари (Норак, Жан. Сурхон) қурилган, туннель барпо этилган. Палангдара (Тигровая балка), Рамит, Дашти Жуш каби қўриқхоналар ташкил этилган.

ТОЖИКИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ — Тожикистондаги етакчи ва йирик олий ўқув юрти. 1948 й. Душанба ш.да ташкил этилган. Физика, мат., кимё, биол., тарих, филол., ҳуқуқ ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонасида 1 млн.га яқин асар бор. Илмий асарлар нашр этади. 10 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ТОЖИКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Тожикистон Республикасининг олий илмий муассасаси. 1951 й. СССР ФАнинг Тожикистон бўлими (1941) негизида Душанба ш.да ташкил этилган. Академиянинг физика ва техника; мат., сейсмология ва сейсмологик қурилиш; геол.; кимё, ботаника; ўсимликлар физиологияси ва биофизикаси; зоол. ва паразитология; Помир биол.си; тарих, эти. ва археология; шарқшунослик ин-тлари ҳамда табиий ва меҳнат ресурсларини тадқиқ этиш бўлими, 30 ҳақиқий, 55 мухбир аъзоси бор. ФА муассасаларида 5 мингга яқин илмий ходим ишлайди. «Дониш» нашриёти бор. 3 илмий жур. нашр этилади. Президенти — 1995 й. июндан Ўлмас Мирсаидов.

ТОЖИКИСТОН ҚЎЙ ЗОТИ — ярим дағал жун берадиган думбали қўй зоти. 1947—64 й.лар давомида Тожикистон қишлоқ хўжалиги и.т. ин-тининг Даҳанакиник экспериментал хўжалигида акад. Ғ.А.Алиев раҳбарлигида ва қиюр чорвадорлар иштирокида ҳисори совлиқларини саражи қўчқорлари б-н чатиштириш ва олинган саражи-ҳисори дурагайи қўчқорлари б-н линкольн-ҳисори дурагайи совлиқларини чатиштириб чиқарилган. Ҳисори қўйига хос йириклик, мустаҳкам конституция, эрта етилувчанлик, юқори гўштдорлик-ёғдорлик каби қимматли хўжалик белгиларини сақлаб қолиш б-н биргаликда, қўйларда жун маҳсулотини ошириш ва сифатини яхшилаш каби қўшимча кўрсаткичлар ҳам ўз ифодасини топган. Қўчқорларининг тирик вазни 90—100 (баъзан 140), совлиқлари 70—75 кг. Қўчқорларидан 3,5—4,0, совлиқларидан 2,5—2,7 кг жун олинади. Жуни кокилсимон тузилишга эга, сал тулкисимон, ялтироқ, ингичкалиги, қайиш-қоқлиги ва эластиклиги б-н ажралиб туради. Кокилларининг узунлиги қўчқорларида 18—21, совлиқларида 15—16 см. 65—72% тоза жун чиқади. Серпуштлиги 100 она қўйдан 100—110 қўзи олинади.

Тожикистон қўй зоти.

Бу зот қўйлари, асосан, Тожикистонда ва қисман Ўзбекистонда кўпайтириб боқилади. Ўзбекистонда мазкур зотдан дағал жунли думбали жайдари қўй зотларини яхшилаш учун фойдаланилади.

Ад.: Воробьев П.А., и др., Овцеводство, козоводство и технология производства шерсти и мяса, М., 1989; Васильев Н.А. и др., Овцеводство и технология производства шерсти и баранины, М., 1990.

Абдусаттор Аширов.

ТОЖИКИТ — нодир ер элементлари ва бор гуруҳига мансуб минерал. Илк бор Ўрта Осиёда Зарафшон дарёсининг ҳавзасида топилган. Кимёвий таркиби Ca, TR_2, Ti, B_4, Si_4O_{20}. Жигарранг, шишадек ялтирайди. Қаттиқлиги 5,5—6, зичлиги 3,8 г/см^3. Қоратегиннинг шарқидаги альбитлашган пегматитларда эвдиалит ва тиньшанит б-н ассоциацияда учрайди. Нодир ер элементлари ва борнинг бошқа минералларини қидириб топишда даракчи ҳисобланади.

ТОЖИКЛАР — Марказий Осиёдаги қад. халқлардан бири. Тожикистон Республикасининг асосий аҳолиси (4 млн. 898 мингдан ортиқ, 2001). Ўзбекистонда (1 млн. 165 мингдан ортиқ, 2000; асосан, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент ш.да), Афғонистонда (3 млн. 700 минг), Хитойнинг шарқида, Эрон Хуросонида, РФда, Қозоғистонда ва Туркманистонда, шунингдек, Покистонда яшайдилар. Т.нинг умумий сони 10 млн.дан ортиқ. Асосий қисми тожик-дарий тилида сўзлашади. Тоғли Бадахшон Мухтор вилояти ҳамда Ягноб аҳолисининг асосий қисми шарқий эрон тиллари гуруҳи оиласига кирувчи махсус шеваларда сўзлашади. Т., асосан, ислом динининг сунний мазҳабига, Бадахшон аҳолисининг аксарияти эса шиа мазҳабининг исмоилия оқимига эътиқод қилади.

Т.нинг этник майдонда шаклланишига Марказий Осиёда яшовчи бир қатор этник гуруҳ ва қабилалар, чунончи суғдийлар, бақтрияликлар, тохарлар, кўчманчи сак ва скифлар катта таъсир кўрсатган.

Тожикистон Т.и шим. ва жан. Т.га бўлиниб, ҳар 2 гуруҳ геоҳудудий келиб чиқишига қараб яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Чунончи: хўжандлик, кўлоблик, ғармлик, помирлик, дарвозлик, ромитлик, вахонлик, ғозималиклик, ёвонлик ва ҳ.к. Помирда яшовчи Т., турфа диалектларда сўзлашишларига қарамасдан, улар ҳам ўзларини Т. нинг ажралмас қисми сифатида эътироф этадилар.

Т.нинг хўжалик машғулоти қадимдан, асосан, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва боғдорчилик ҳисобланиб, чорвачилик ҳам муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, ҳунармандчилик: ёғоч ўймакорлиги ва ганчкорлик, каштачилик, чўпгарошлик (товоқ, чўмич ва қошиқлар ясаш) кенг ривожланган.

Ад.: Бартольд В.В., Таджики, т. 2,(I), М., 1963; Вамбери А., Очерки о Средней Азии, М., 1868; Шишов А., Таджики: Этнографическое и антропологическое исследование, Т., 1910.

Насриддин Маманазаров.

ТОЖИМУРАТОВ Аленбой (1930, Мўйноқ тумани — 1992, Нукус) — Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси (1990). Филол. фанлари номзоди (1966). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967). Хўжайли пед. билим юртини (1946), Нукус пед. ин-тини тугатган (1952). Қорақалпоқ Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1963—65). Н. Довқораев номидаги Тил ва адабиёт инститида илмий ходим (1965—68), Нукус пед. ин-тида ўқитувчи (1968—77), Ўзбекистон пед. и.-т. ин-ти Қорақалпоғистон филиали директори (1977 й.дан). Илк шеърлар тўплами — «Тинчлик карвони» (1957) болаларга бағишланган. «Энг қадрли сўзлар» (1959), «Суҳбатлар» (1960), «Умри боқий чол» (1963) тўпламларига кирган ҳикояларида, «Саркопли ботир» (1961), «Мақсад» (1974), «Сулувхон» (1980) қиссалари ва «Ойдинлар» (1976) шеърий тўпламида қорақалпоқ халқи ҳаёти акс этган. Т. 1966 й. қорақалпоқ халқ қўшиқларини йиғиб, нашр эттирган. «Қорақалпоқ халқ қўшиқлари» монографияси қорақалпоқ адабиётшунослигида муҳим ўрин тутади. «Қорақалпоқ фольклори» (1979) тадқиқ муаллифларидан бири. Р.Тагорнинг «Ҳалокат» романи, А.Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссаси, Ч.Айтматовнинг «Қизил дуррачали дилбарим» қиссаси асосидаги пьеса, Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романини қорақалпоқ тилига таржима қилган. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима этилган.

Ас.: Саркопли ботир, 1963.

ТОЖИПОЛВОН Алоев (1890 — Тошкент — 1964.3.4) — Ўзбекистон халқ полвони (1946). Камбағал деҳқон оиласида туғилган. 14 ёшида пахта заводида юк ташувчи бўлган. Фарғонача кураш б-н шуғулланган. Кураш йўлларини устози *Аҳмад Полвондан* ўрганган. 1919 йили Туркистонда ўтказилган классик кураш баҳсида 1-ўринни эгаллаган. 1930 й.дан давлат цирклари марказий бош-қармасида, 1942 й.дан ўзбек циркида ўз маҳоратини намойиш қила бошлади. Кейинчалик «Пахтакор» спорт жамиятида бир неча марта кураш мусобақаларини ўтказган. Кўплаб курашчи полвонлар тайёрлаган.

ТОЖМАҲАЛ — Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласи даврига оид меъморий ёдгорлик (1631—52). Агра ш. яқинидаги Жамна дарёси бўйида *Шоҳ Жаҳон* суюкли хотини Аржумандга (*Мумтоз Маҳал бегим*, Мумтоз Бибика Рауза номлари б-н машҳур бўлган) атаб вафотидан (1631 й. 7 июль) сўнг қурдирган. Кейинчалик ўзи ҳам шу ерга дафн қилинган.

Мақбара (лойиҳа меъмори Усто Аҳмад Лаҳорий) турк меъмори Муҳаммад Исохон афанди бошчилигида бунёд этилган. Т. мураббa тарҳли, 3 қаватли, 5 гумбазли. Мармар супа (104×104×7 м) устига қурилган. 4 бурчагидаги ингичка миноралар (бал. 45 м) мақбарага ўзгача ҳусн бағишлаган. Деворлари оқ мармар б-н қопланган, турли рангдаги қимматбаҳо тошлар (ҳақиқ, марварид, садаф, қаҳрабо, зумрад, ёқут, фил суяги ва б.)дан қадама нақшлар ишланган. Бош тарзи (эни 56,7 м) пештоқ равоқли. Мақбаранинг олд томонига 2 қатор дарахтлар экилган, фавворали ҳовуз, гулзорлаштирилган узун йўлка бор. Зинапоялар б-н мармар супага чиқиб, ўйма нақшли эшикдан мақбарага кирилади. Ўртадаги катта гумбазли хонада қора мармарли сағана (Шри Ланкадан келтирилган) қўйилган. Т.нинг беқиёс ҳусни боғнинг жан. дарвозаси орқали кўзга яққол ташланади. Маҳобатли бино қурилишида на фақат Ҳиндистон, балки Ўрта Осиё, Эрон, Византия меъморларининг ўзига хос услублари ўз ифодасини топган. Мақбара қурилишида ғишт терувчи қандаҳорлик Муҳаммад Ҳаниф, мултонлик Муҳаммад Саийд, минорада маҳаллий уста Исмоилхон Румий, самарқандлик Муҳаммад Шариф, лаҳорлик Козимхонлар ҳамда кўпгина наққош ва хаттотлар қаторида бухоролик ота Муҳаммад ва Шукур наққошлар қатнашган.

ТОЗ — илк ўрта асрларда йирик туркий қабилалардан бири. Т.лар 10—12-а.ларда қипчоқлар таркибига кирган. Ўзбекларнинг қурама, нуроталик туркманлар, қатағон, манғит, кесамир каби қабила бирлашмалари таркибида

Тожиддин.

бўлган. Ўзбек қатагонлари таркибидаги (тас)лар човчи, болғабосган каби тармоқларга ҳам бўлинган. Т.лар кейинчалик бир қанча гуруҳларга бўлиниб, бошқирд, қозоқ, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари таркибига қўшилиб кетган.

ТОЗАБОҒЁП МАДАНИЯТИ — Хоразмдаги жез даврига оид археологик маданият (мил. ав. 2-минг йиллик ўрталари ва 2-ярми). Тозабоғёп канали номи б-н аталган. 1938 й. С.П.Толстов ушбу канал яқинидан бу маданиятга оид манзилгоҳларни топган. Кейинчалик Я.*Ғуломов*, М.А.Итина, А.*Асқаров*лар ўрганган. Т.м. Жан. Оролбўйи ҳудудида маҳаллий (*Сувёрган маданияти* аҳолиси) ва Жан. Уралолдидан келган (ёғочбанд маданияти ва Андроново маданияти аҳолиси) қабилалар аралашувидан шаклланган. Келгинди қабилалар таъсири антропологик типларда (мас., *Кўкча—3*) ва тозабоғёпликларнинг моддий маданиятида кўзга ташланади. Улар томи қамиш б-н ёпилган кулба ва ертўлаларда яшаганлар. Т.м. Амударё дельтаси, Қуйи Зарафшон ва Қайроққум чўл зонасида тарқалган. Бу ҳудудлардан юзлаб макон ва 10 га яқин қабристон аниқланган. Асосий машғулотлари — суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвачилик, меҳнат ва ҳарбий қурол-аслаҳалар жездан, баъзан тошдан ясалган. Ойболта қуйиш учун тайёрланган қолиплар топилган. Тувак-

Тозабоғёп маданияти. Анғқа-*1* манзилгоҳидан топилган сопол парчалари.

симон сопол идишларнинг таги ясси, қўлда ясалган, ўйма ва қолипли геометрик нақш берилган. Т.м. кишилари уруғчилик жамиятида яшаганлар, матриархат анъаналари сақланган.

Ад.: Толстов С.П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962.

ТОЗАЛИК СИНФЛАРИ — металларга ишлов беришда уларнинг сирти тозалиги (силлиқ ва ғадир-будирлик даражаси)ни ҳисобга олиш учун белгиланадиган меъёрлар; ишлов берилган сиртларнинг сифат кўрсаткичи. Ишлов берилган сиртларнинг рельефи (қиёфаси)ни ҳосил қилувчи нотекисликлар мажмуи сирт ғадир-будирлиги деб аталади. Т.с. металлар сиртидаги микронотекисликларнинг ғадир-будирлик ўрта чизиғидан оғиши ва нотекисликлар баландлиги б-н ифодаланади. Ўзбекистонда 14 Т.с. белгиланган. Т. с. стандартлаштирилади (қ. *Стандарт, Стандартлаштириш*).

ТОЗИЛАР (лот. Canis Venatic) — осмоннинг Шим. ярим шарилаги юлдуз туркуми. *Катта Айиқ*, Ҳўкизбоқар ва *Аждар* юлдуз туркумининг остида кўринади. Т.да биргина ёруг юлдуз бўлиб, у «Карл юраги» деб аталади. Т.да М-51 деб номланган машҳур галактика жойлашган. Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

ТОИРОВ Ҳаким (1947.8.8, Шофиркон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Бухоро педагогика ин-тининг филол. факультетини тугатган (1974). 1974 й.дан Шофиркон туманидаги 15-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Дарсни янги педагогик технологиялар асосида ўтади. «Атамалар тўплами», «Мушоира дарси», «Ўқитувчининг луғат дафтарчаси» каби услубий қўлланмалар муаллифи.

ТОИФ, Ат-Тоиф — Саудия Арабистонининг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳижоз тогларида, 2000 м баландликда жойлашган. Аҳолиси 250 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Шоссе йўл орқали Ар-Риёд ва Макка ш.лари б-н боғланган. Қ.х. (чорвачилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик) районининг савдо маркази. Кустарь усулида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ҳукуматнинг ёзги қароргоҳи жойлашган.

ТОИФИ, Тойфи, Сайфи Ғуломи — кечпишар хўраки узум нави. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Ватани — Арабистон. Ўрта Осиёда қадимдан экилади. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистонда кенг тар-

Тоифи узум нави.

қалган. Оқ Т., ва Пушти Т. хиллари бор. Уларнинг фарқи асосан узуми рангида. Пушти Т. кўпроқ экилади. Тупи кучли ўсади. Барглари ўртача, тўғарак ёки узунасига салгина чўзиқ (диаметри 14—16 см), беш бўлмали, пастга қараган томони тукли. Гули икки жинсли. Узум боши катта (2,5—6,5 кг гача). Ғужуми йирик, чўзиқ, уч томони ўйиқли, кунгай томони пушти. Таркибида 22—25% қанд, 4—5% кислота бор. Пўсти қалин, эти серсув, карсиллайди. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 3640° бўлганда 151—188 кунда — сент. охирида тўлиқ етилади. Новдалари яхши пишади. Ҳосиллорлиги 160—280 ц/га (350 ц гача боради). Узуми сақлашга ва узоқ жойларга юборишга чидамли. Янгилигида истеъмол қилинади, майиз солинади. Т. баланд ишкомларда ва кўп зангли елпиғичсимон шакл бериб ўстирилса, юқори ҳосиллорлик таъминланади. Тупроқ шароитларига талабчан эмас. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-илаштирилган.

ТОЙ — отнинг 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган боласи. Тойлик даври *қулунлик* ва *ғўнон*лик даврлари ўртасига тўғри келади. Т.лар сутдан ажратилганидан кейин онасидан ҳамда эркаги урғочисидан ажратилган ҳолда боқилади. Т.ларда жинсий уйғониш 1,5 ёшдан бошланади, 2,5 ёшида сараланади ва йилқи уюрларини янгилаш ва тўлдиришга жалб этилади.

ТОЙ — катта тўп қилиб, тахлаб ёки босиб боғланган маҳсулот ва шу тарздаги маҳсулот ўлчови. Пахта ва матоларни ўлчашда қўлланилади.

ТОЙБУҒО, Тайбуға — Сибирь хонлари сулоласининг афсонавий асосчиси; чингизийларга мансуб бўлмаган маҳаллий зодагонлардан. 1495 й. шайбонийлардан Ибоқхон ўлдирилгач, «Тойбуғо хонадони»дан чиққан Мамат (Маҳмет) туркий улусларнинг сиёсий иттифоқига раҳбарлик қилган (қ. *Сибирь хонлиги*). 16-а.нинг 1-ярмида Т. сулоласидан бўлган хонлар Қозон хонлари б-н қудачилик алоқалари ўрнатганлар. Ёдгорхон ва Бекбулатхон ўзларини Москва вассаллари деб тан олганлар (1555). 1563 й. Сибирь тахтини шайбоний *Кучумхон* эгаллаши б-н Т. сулоласи барҳам топган.

ТОЙЛОҚ — Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги қишлоқ, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Самарқанд (10 км). Аҳолиси 8,3 минг киши (2004). Туманнинг асосий корхоналари Т.да жойлашган. Т.даги 22 и.ч. корхонасидан 3 таси йирик корхона (мева, консерва ва вино з-длари). Бундан ташқари 2 та қўшма корхона (шу жумладан, «Тонигрин» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси) ҳам бор.

Т.да туман ҳокимияти биноси, 3 умумий таълим мактаби, марказий касалхона, марказий поликлиника, марказий дорихона ва 6 та шахсий дорихона фаолият кўрсатади. Шунингдек, «Савдогарбанк», «Халқ банки», «Пахтабанк» бўлимлари мавжуд. Марказий кутубхона ва унинг тармоғи, Мустақиллик майдони, маданият ва истироҳат боғи, болалар спорт мажмуаси, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Олимпия захиралари» коллежи бор. Т.да Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот ин-ти жойлашган.

ТОЙЛОҚ — ўзбек уруғи. Ўзбекларда Т.ларнинг оқтойлоқ, қоратойлоқ каби тармоқлари мавжуд бўлган. Т. топоним бўлиб, шу асосда уруғ номи вужудга келган. Т. жой номларида ва кишилар исмларида ҳам учрайди.

ТОЙЛОҚ ТУМАНИ — *Самарқанд вилоятидаги* туман. 1992 й. 9 апр.да ташкил этилган. Вилоятнинг жан.-шарқий қисмида. Шим.дан Жомбой ва Булунғур, жан. ва шарқдан Ургут, ғарбдан Самарқанд туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,28 минг км². Аҳолиси 134,3 минг киши (2003). Т.да 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Адас, Боғизагон, Жумабозор, Ғулба, Маданият, Сочакиболо, Тепақишлоқ, Тойлоқ, Қўрғонча) бор. Маркази — *Тойлоқ* қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди Зарафшон дарёсининг ҳоз. давр қайирлари ҳамда кўҳна қайир (терраса)ларидан иборат бўлиб, асосан, текислик. Зарафшон дарёси келтирган оқинди (қум, шағалтош, лойқалар)дан таркиб топган. Улар устини 5—10 м қалинликдаги лёсс ётқизиқлари қоплаган. Туман ҳудудидан Марказий магистрал, Дарғом каналлари ва Зарафшон дарёси, Қорасув сойи оқиб ўтади. Тупроғи бўз, ўтлоқ-бўз, ўтлоқ-ботқоқ ва аллювиал тупроқ. Фойдали қазилмалари, асосан, шағалтош, қум ва лёсслардан иборат. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 25,9°, янв.ники 0,2°. Вегетация даври 215—230 кун оралигида. Йилига 320—350 мм ёғин тушади.

Туман ҳудудидаги қайирларда тўқайзорлар мавжуд бўлиб, бу ерда ёввойи

жийда, тол, қамиш, туранғил ўсади. Туман ҳудудидаги экин экилмаган ерларда ажриқ, юлғун, шувоқ, бугдойиқ, янтоқ, ялпизлар учрайди. Қушлардан майна, чумчуқ, қарға ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги 1 км²га 480 киши.

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.х. маҳсулотларини етиштириш ва уларни қайта ишлашга ихтисослашган. Саноатида таъмирлаш, алоқа ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, мева консерва з-длари бор.

Т.т.да йирик, ўрта, кичик корхоналар ҳамда микрофирмалар фаолият кўрсатиб турибди. Мева консервалари, нон, қандолатчилик ва шароб маҳсулотлари, салқин ичимликлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Тумандаги ихтисослашган микрофирмалар томонидан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш (автомобиль, музлаткич, радио, телевизорларни таъмирлаш ва б.) ишлари амалга оширилади. 2 та қўшма корхона, шу жумладан, Ўзбекистон—АҚШ «Адас—Агро Инвест» (узумни қайта ишлайди), Ўзбекистон—Россия «Тонигрин» (мевани қайта ишлайди) маҳаллий хом ашё асосида ишламоқда.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Туманда 5620 га ерга ғалла, 1994 га ерга сабзавот, 307 га ерга картошка, 2697 га ерга озуқа экинлари экилади. Кўп йиллик дарахтзорлар 4686 га (шундан, боғлар 1446 га, токзорлар 2490 га, тутзорлар 692 га). Бўз ерлар ва яйловлар 2336 га (2003).

Т.т.да 11 ширкат, 482 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 63,2 минг қорамол (шу жумладан, 29,4 минг сигир), 18,9 минг қўй ва эчки, 70,7 минг парранда, 300 дан зиёд йилқи боқилмоқда (2003).

2003/04 ўқув йилида тумандаги 55 умумий таълим мактабида 40,4 минг-дан зиёд ўқувчи, «Олимпия захиралари» коллежида 512 талаба таълим олди. 31 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи мавжуд. Т.т.да 9 касалхона, 23 фельдшер-акушерлик пункти, 12 қишлоқ даволаш бўлимлари ва б. тиббий муассасаларда 202 врач ишлайди. 1994 й.дан «Қўшчинор» туман газ. чоп қилинади (адади 2000).

ТОЙНБИ (Toynbee) Арнолд (1852. 23.8, Лондон — 1883.9.3, Уимблдон) — инглиз тарихчи-иқтисодчиси. Оксфорд ун-тини тугатган, шу ерда 1878 й.дан сиёсий иқтисод ва иқтисодиёт тарихидан дарс берган. Т. нинг «18-а.да Англияда саноат тўнтариши» асари (1884) капиталистик индустриялаш жараёнларига бағишланган. «*Саноат тўнтариши*» тушунчасини илмий муомалага Т. киритган. Т. меҳнат ва капитал ўртасидаги муносабатларга давлатнинг аралашуви, корхоналарда синфий низоларнинг олдини олиш учун ижтимоий қонунчилик ва «келишув тадбирлари» тарафдорларидан, ишчи кварталларида маърифат марказлари ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлган.

ТОЙНБИ (Toynbee) Арнолд Жозеф (1889.14.4, Лондон — 1975.22.10, Йорк) — инглиз тарихчиси, файласуф ва социолог. Олий ўқув юртида ўқитувчи ва ташқи ишлар вазирлигида хизматчи бўлиб ишлаш б-н бирга жуда кўп сафарларга чиқиб ибтидоий жамиятни ўрганиш б-н шуғулланган. 1922 й.дан инсоният маданияти тараққиёти умумий тарихи устида ишлади. Асосий асари 12 ж.ли «Тарих тадқиқоти»ни яратди (1934—61). У бир-бирининг ўрнига келувчи маҳаллий цивилизациялар «чархпалаги» ҳақидаги назарияни илгари сурди: мазкур цивилизацияларнинг ҳар бири вужудга келиш, ўсиш, таназзулга кетиш ва емирилиш босқичларини ўтайди; улар ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучи ўз ортидан «лоқайд кўпчилик»ни эргаштирувчи «ижодий элита»дир; инсоният тараққиёти маънавий баркамолликда, оддий анимистик эътиқодлардан универсал динлар орқали келажакнинг ягона дини сари бўладиган эволюциядадир. Т. жамиятдаги зиддият ва низоларга маънавий янгиланиш барҳам беради, деб ҳисоблади.

ТОЙОН — 17-а.да сахалар (якутлар)да қабила бошлиғи унвони. Сибирь Россия таркибига киритилгач, Т.лар рус маъмуриятининг таянчига айланган. 19-а.нинг 2-ярмида Т.дан миллий савдо сармоядорлари шаклланган.

«ТОЙОТА» — Япониянинг «Тойота» молия-и.ч. гуруҳига кирувчи энг йирик автомобиль компанияси. Жаҳонда АҚШнинг «Женерал моторс» ва «Форд мотор» компанияларидан кейин 3-ўринда туради. Бош идораси Тойота ш.да. «Т.» автомобиль компанияси дастлаб 1935 й.да тўқимачилик машиналари ишлаб чиқариладиган з-днинг бир бўлинмаси сифатида саноатчи Кипчиро Тойода томонидан ташкил этилган. 1937 й.дан «Тойота мотор» компанияси. 1947 й.дан «Тойота» енгил автомобили ишлаб чиқарилди. 1950 й.дан янги конструкциядаги автомобилларнинг тури ва сони йил сайин ортиб борди. Шунингдек, олд ва орқа ўқлари орқали ҳаракатланадиган, ҳар қандай йўлда юра оладиган «Ланд Крюзер» моделини и.ч. йўлга қўйилди.

1954 й.да «Т.» автомобиллари Бразилия ва Австралияда ишлаб чиқарила бошлади, Жан. Африка, Таиландда шўъба компаниялар ташкил этилди, бошқа мамлакатларда «Т.» автомобилларини сотиш б-н шуғулланувчи ваколатхоналари кўпайтирилди. 1957 й.да «Т.» автомобиллари АҚШга экспорт қилина бошланди.

«Т.»нинг 1962 й.да жами 1 млн., 1972 й.да 30 млн., 1986 й.да 50 млн., 1996 й.да 90 млн. ва 1999 й. 100 млн. signal автомобили конвейердан чиқди. 1966 й.да «Королла», 1970 й.да «Керина», «Спринтер», «Карина», 1978 й.да «Теркел» моделлари яратилди. 1989 й.дан АҚШнинг «Женерал моторс» компанияси б-н ҳамкорлик қилади. 1992 й.дан Британия, 1996 й.дан Россияда ўз корхоналарини очган. 1997 й. Тошкентда «Т.»нинг ваколатхонаси очилиб, компания автомобилларни сотиш бошлади.

«Т.» автомобиллар ва кўплаб б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ўз тизимига жуда кўп компанияларни олган, энг замонавий техника, технология б-н жиҳозланган. Автомобилларни йиғиш жараёни 98% роботлаштирилган, и.ч. жараёнлари компьютер ёрдамида бошқариладиган энг йирик корпорация ҳисобланади.

ТОК — қ. *Электр токи.*

ТОК (Vitis) — узумдошлар оиласига мансуб кўп йиллик дарахтсимон лианалар туркуми, ресмлар мева экини. Марказий ва Жан. Европа, Осиё ва Шим. Америкада 60—70 тури маълум. Узоқ Шарқ, Кавказ, Ўрта Осиё ва Жан. Европада 7—8 тури кенг тарқалган. Маданий Т. (V.vinifera) барча қитъаларда етиштирилади. Жаҳон бўйича токзорлар майд. 7426 минг га, ҳосилдорлик 81,7 ц/га, ялпи ҳосили 60687 минг т. Франция (871 минг га), АҚШ (350 минг га), Испания (1,16 млн.га), Италия (880 минг га)да катта майдонларда етиштирилади (1999). Ўзбекистонда токзорлар майд. 140 минг га, ялпи ҳосил 516,4 минг т, ҳосилдорлик 51,0 ц/га (2003).

Т. Ўрта денгиз атрофлари ва Ғарбий Осиёда минг йиллар илгари бир неча минг йиллар илгари етиштирилган. Маданий Т. ёввойи ўрмон Т.и (V. silvestris) ва б. ёввойи турларидан келиб чиққан. Экиладиган навларнинг кўпчилиги шу турга мансуб. Шимолий Америка Т. турлари V.labrusca, V.riparia, V.rupestris ва б.ҳам экилади. Амур Т.и (V. amurensis) — манзарали ўсимлик. Тянь-шан ва Помир-Олай тоғларида ўсувчи ҳисор узуми (V.hissarica) Қизил китобга киритилган.

Маданий Т.нинг бақувват илдизи 7 м ва ундан ортиқ чуқурликкача боради. Т. танаси — лиана. Унинг кўп йиллик новдалари (енг ва маленг) турли кўринишда бўлади. Бир йиллик новдалари узун (3—5 м) ва нишчка бўлиб, бўғимида барг, барг қўлтиғида куртаклар ривожланади. Новданинг пастки, асосан 3—5-бўғимларида гул тўплами, устидаги бўғимларида жингалак (баргнинг қарама-қарши томонида) пайдо бўлади. Барглари яхлит, панжасимон, асосан, 3 ва 5 бўлакли, навбат б-н жойлашган. Шўрлари шокила ёки рўвaксимон. Гуллари майда, кўкимтир-сариқ, маданий турлариники, асосан, икки жинсли, айримлариники бир жинсли. Хашаротлар, шамол ёрдамида ва ўз-ўзидан чангланади. Ғужуми (узуми) резавор, 1—4 уруғли, эти, сершира ёки қовжун. Уруғсиз навлари (кишмишлар) ҳам бор. Ғужумлари турли шакл ва рангда, шингилга тўпланган.

Т. иссиқсевар, ёруғсевар, соркқа чидамли, асосан, вегетатив йўл б-н кўпайтириладиган ўсимлик. Қўчатлари қаламчаларидан, пайванд қилиш орқали, селекция мақсадида уруғларидан кўпайтирилади. 2-, 3- йили ҳосилга киради. Т.нинг кўпчилик навлари —18°, —20°, айримлари —28°, —30° гача совуққа чидайди. 25—30° да яхши ўсади, 40° дан юқори ҳарорат ёмон таъсир кўрсатади. Т. ёғинлар миқдори 300 мм дан кам бўлганда суғориб етиштирилади. Т. ерда ер танламайди, шағал қумоқ тупроқли, суғориладиган, унумдор ерларда яхши ўсади. Т. 30—300 йил яшайди, ўз илдизига эга туплари 60—80 й., пайванд қилинганлари 30—40 й. ҳосил беради. Ўртача ҳосилдорлиги 70—400 ц/гача беради. Т.нинг узуми ейилади, қайта ишланади (консерва қилинади, турли винолар, коньяк, қиём, шинни, шарбат, компот тайёрланади, майиз солинади ва б.). Узум таркибида 65—85% сув, 33% гача қанд, 0,5—1,4% органик кислоталар, 0,15—0,9% оқсил, 0,3—1,0% пектин, 0,3—0,5% минерал моддалар, шунингдек, C, B_1, B_2 витаминлар, провитамин A, ғужум пўстида ошловчи ва бўёқ моддалар, лектин ва б., уруғида 4—19% мой, 1,8—8% ошловчи моддалар бор.

Туши билан ток новдалари: *а* — хинг; *б* — 2 ёшар маҳсулдор; *в* — икки ёшар новда; *г* — бир йиллик новда; *д* — новда энгидаги куртаклар; *е* — барг қўлтиғидаги куртак; *ж* — шпора.

Т., асосан, текис, шунингдек, қиялик ерларда (террaса солиб) ҳам экилади. Экишдан олдин гектарига 30—40 т чириган гўнг, 800—1000 кг суперфосфат, 150 кг калийли ўғит солинади, ер плантаж плуг б-н 60 см чуқурликда ҳайдалади. Т.нинг бир йиллик ёки икки йиллик кўчатлари кўкламда 15—40 см узунликда қаламчалар экилади, кўчатзорларда кўчат етиштирилади. Т.нинг бир йиллик кўчатлари нави, тупроқ-иқлим шароити, ўстириш усулига қараб қатор оралиғи 2—3, 4—5, туп оралиғи 2—3—4 м қилиб, куз ва баҳорда экилади. Новдалари ёзнинг 2-ярмида чеканка қилинади. Келгуси йили баҳордан тупларга шакл берилади. Т. новдаларини кўтармай (ертоқ) ёки новдаларини сўри, симбағаз, ишкомга кўтариб етиштирилади. Камдан-кам ҳолларда айвонча (дарахтларга чирмаштириб) қилиб ўстирилади. Ўзбекистон шароитларида кузда кесилиб, новдалари кўмиб қўйилади (ҳалқа тупроқ ёки барг б-н), кейин баҳорда очилиб, маҳкам ва новдалари кўтариб боғланади.

Т.нинг ўсиши ва ҳосилдорлигини оширишда токнинг учларининг 1—2 см чилпиш (гуллашдан олдин), новдаларини кесиш (қ. *Ток кесиш*) каби агротехника усуллари б-н парвариш қилинади. Ҳар гектар токзорга ҳар 2—3 й.да 20—30 т чириган гўнг, ҳар йили 300—400 кг аммиакли селитра, 400—500 кг суперфосфат, 60—90 кг калийли ўғит солинади. Ер шароитига қараб, гектарига 600—1000 м³ нормада 2—6 марта суғорилади, қишда 1—2 марта 1500—2000 м³ нормада яхоб суви берилади. Ҳосилдорликни ошириш учун Т. навлари (Нимранг, Чарос, Ҳусайни б.) хушмача чангланади. Қариган ёки совуқ урган Т. тупларининг устки қисмини кесиб ташлаш б-н ёшартирилади, кесб навларини *нешна пайванд* йўли б-н кўпайтириш мумкин.

Т. навлари эртапишар (120—130 кунда), ўртапишар (135—140 кунда), кечпишар (150—170 кунда) навлар туркумларига бўлинади. Ўзбекистонда 250 га яқин узум навлари районлаштирилган. 21 а. бошида республикада экиладиган ва давлат реестрига киритилган 40 га яқин узум навлари (2004) 3 гуруҳга бўлинади: 1) х ў р а к и (*Нимранг, Паркент, Чарос, Катта-қўрғон, Тайфи, Сурхоний, Қора жанжал, Катта сурхони, Ҳусайни, Қора ...*, Ҳалилий, *Чиллаки, Дамий, Ризамат*, (Оқ Хўжа Алиорий ва б.); м а й и з б о п (Оқ кишмиш, Қора кишмиш (шивиргони), *Пушти кишмиш*, Шакарангур, Сувтоний, Каттақўрғон, Нимранг ва б.); 3) винобоп (*Баянширей, Ачетико, Тарнау*,

Баян ширей, Мускатлар, Рислинг, Бахтиома, «*БИР*», *Саперави* ва б.) навлари.

А с о с и й з а р а р к у н а н д а л а р и: узум барг ўровчиси, ўргимчаккана, ғалвиракана, бужғомоқ, куртлар.

К а с а л л и к л а р и: *рак*, кул. *милдью*, доғли *антракноз*, *церкоспороз* ва б.

Ад.: Темуров Е., 1957; Рыбаков А.А., Горбач В.И. ва б., Ўзбекистон узумчилиги, Т., 1969; Мирзаев М.М., Собиров М.К., Ўзбекистонда токчилик, Т., 1979; Жавакянц Ю., Горбач В., Виноградарство Узбекистана, Т., 2001.

Ортиқ Бойқобилов.

ТОК БАРГ ЎРОВЧИСИ (Polychrosis botrana) — барг ўровчилар оиласига мансуб капалак, токнинг хавфли зараркунандаси. Қанотларини ёзганда 10—13 мм. Олдинги қанотлари чипор, зайтун-қўнғир, сарғиш, кўкимтир-кўнғир доғлари бор. Ғарбий Европа, Украина, Жан. Кавказ, Закавказье ва Ўрта Осиёда тарқалган. 1 йилда 3, Ўрта Осиёда 4 марта насл беради. Ғумбаклари пўстлоғи остида, поя ёриқларида қишлайди. Капалак баҳорда ғунчаларга, ёзда ғужумларга тухум қўяди. Қурти, асосан, шира, ғўра, ғужумни зарарлайди. Зарарланган мевалари *кулранг чириш* ривожланади.

К у р а ш ч о р а л а р и: касалликка чидамли навлар экилади, ток туплари *ишкол* ва сўрига кўтарилади, токларга *инсектицидлар* б-н ишлов берилади, эски пўстлоқлар олиб ташланади.

ТОК КЕСИШ — токнинг ўсишини, ривожланишини ва ҳосилдорлигини тартибга солиб туриш учун ҳар йили амалга ошириладиган агротехник тадбир. Т.к. навларнинг ситилдаштирилган, ёруғлик ва иссиқликдан унумлиқини тўла фойдаланишини таъминлайди, илдиз б-н ер устки қисмининг ўзаро мутаносиблигини тартибга солади. Токка тегишли шакл бериш мақсадида ўтказилган йилидан бошлаб ҳар йили кесилади. Ток тупларида новдалар етарли бўлмаса,



Ток кесиш. Ток тупига елпиғичсимон шакл бериш: *1* — кўчатлар экилган 1-йили; *2* — 1-йили охирида; *3* — 2-йили баҳорда; *4* — 3-йили баҳорда; *5* — 4-йили баҳорда



Асосий ғишли кесиш схемаси (Ризамат Мусамуҳамедов услуби бўйича): *а* — 17-20; *б* — 14-16; *в* — 12-14; *г* — 10-12; *д* — 6-8; *ж* — 4-6 куртакли кесиладиган новдалар; 1, 2, 3, 4 — кейинги 1-, 2-, 3-, 4-йиллардаги ...; a_1, $б_1$, $в_1$, $г$ — ўринбосар новдалар.

топиб кетади, яхши пишиб етилмайди, ҳосил ва унинг сифати пасаяди, кейин ҳосил ва унинг сифати пасаяди, улар сует ўсадиган ортиқ қолдирилса, улар суст ўсади, ҳосил кам ва сифатсиз бўлади, касалликларга чидамсиз. Т.к. қолдирилган новдалар кучли ўсган бўлса шунда узун қолдирилади ва аксинча. Новда куртак устидан кесилади; кесилгандан кейин юқори томонига қия қилиб кесилади, ишлатилган ёки ишлатилмай тўплами бўғиндан олиб ташланади. Т.к. навни, новдаларнинг ўсиш кучи ва ҳосил бериш хусусиятини ҳисобга олиб амалга оширилади. Т.к. ҳосил берган новдалар кесиб ташланиб, ўринбосар новдалар қолдирилади. Ўсиб чиққан навлар новдаларининг устки қисми, пастки ўринбосарнинг устки қисми кучли ўсса, новдаси сифатида кесилади; кучли ўсган ток тупларида ҳар икки ҳосил новдаси билан 3—4 куртакли ўринбосар новда қолдирилади; ўринбосар новдадан аниқ новдадан чиқмаса ёки устки новдадан ўринбосар новда бўлиб, ҳосил берадиган новда бўғиндан энг гиёҳ ҳосил берадиган новда бўғиндан энг кўп новда қолдирилади. Токка эски новдалари шаклланганидан кейин бериладиган шакл кўп бўлиши зарур. Ҳар бир тупда 4—6 та кўп йиллик занг қолдирилади. Шунингдек узум навларининг новдалари 6—8 й., хўраки узум навларининг 10—12 й.да ёшартириб турилади.

Ҳар бир ток тупида ер шароитига қараб, нечтадан куртак (кўз) қолдирилишини ўта аниқлаш зарур. Мас., кесиш катта аҳамиятга эга. Мас., кучли ўсадиган ток навлари (*Нимранг*, *Ҳусайни*, Тайфи, Қора кишмиш ва б.) сўриларда ўстирилганда бир тупида 400—500 та, ишкомларда 300—350 та, симбағазларда 150—200—250 тагача куртак қолдириб кесилади. Ҳар бир ҳосил берадиган новдада навига қараб 5—15—20 тагача, ўринбосар новдаларда 1—4 тагача куртак қолдирилади.

Ток қишда кўмиладиган минтақаларда баҳорда очиш пайтида синган ёки қишда совуқ урган новдалар ўрнини тўлатиш учун 15—20% ортиқроқ куртак қолдирилади.

Т.к.да 1, 2, 3 йиллик ток новдаларни кесиш қоидаларига амал қилиш лозим. Тўғри шакл берилган ток 4-йили тўла ҳосилга киради. Ўзбекистонда кўп занглы елпиғичсимон шакл кенг тарқалган. Тупларга кўпинча экилаётганда шакл бериш эътиборга олинади. Шакл беришда кесиш, ўтган йилги ва шу йилги новдаларни сўриларга боғлаш, чилпиш ва ортиқча новдаларни олиб ташлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жамолиддин Файзиев.

ТОК МАНБАЛАРИ — ҳар хил энергия турларини электр энергиясига айлантириб берувчи қурилмалар. Шартли равишда кимёвий ва физик Т.м.га бўлинади. К и м ё в и й Т.м.да оксидланиш-тиклаш реакцияси натижасида электр энергияси ҳосил бўлади. Бундай Т.м. жумласига *гальваник элементлар*, электр-кимёвий генераторлар ва б. қурилмалар киради. Ф и з и к Т.м. иссиқлик, механик, электромагнит энергияни, шунингдек, радиацион нурланиш (мас., Қуёш нурлари) ва ядровий парчаланиш реакцияси энергиясини электр энергиясига айлантириб беради. Электромагнит генераторлар, термоэлектр генераторлар, қуёш батареялари ва б. шулар жумласига киради.

Атом электр станцияси (АЭС), *гидроэлектр станция* (ГЭС), *иссиқлик электр станциялари* (ИЭС), шаҳол энергетика қурилмаси ва б. ҳам Т.м. ҳисобланади.

ТОК ТРАНСФОРМАТОРИ — қ. *Трансформатор.*

ТОК ШИЛЛИҚҚУРТИ (Helix pomatia) — қориноёқли моллюскалар синфига мансуб ўпкали қуруқлик ҳашарот. Европада, Олд Осиё ва Шим. Африкада тарқалган. Ўрмон четларида, парк ва бутазорларда яшайди. Тупроқ қатламида қишлайди. Барг б-н озиқланади. Т.ш. Жанубий ва Жан.-Ғарбий Европада истеъмол қилинади. Кўпайтириш учун махсус фермер хўжаликлари ташкил қилинган. Қ.х. экинларига қисман зарар келтиради.

ТОКАМАК (рус. «тороидал», «камера», «магнит», «катушка» (ғалтак) сўзларининг қисқартмаси) — термоядро реакторларида плазма т-расини ниҳоятда юқорига (10 млн. градус ва ундан юқоригача) кўтариш учун ишлатиладиган магнит тутқичли қурилма. У тороидал вакуум камерадан иборат. Унинг устига кучли (бир неча тесла) тороидал магнит майдони ҳосил қилувчи ғалтаклар жойлаштирилган. Темир ўзакка кийдирилган ғалтакли камера трансформаторнинг иккиламчи ўрами вазифасини ўтайди. Ўзакка ўралган бирламчи чулғамдаги ток кучи ўзгарганда камерада уюрма электр майдони пайдо бўлиб, камерани тўлдирган иш газини ионлаштиради ва бўйлама электр токини

тороидал плазма шнури вужудга келади. Бу ток плазмани қиздиради, унинг магнит майдони эса ғалтакнинг майдони б-н бирга плазмани деворлардан термоизоляциялайди. Плазманинг т-раси кўтарилиши б-н унинг электр қаршилиги ортмайди, аксинча, камая боради ҳамда маълум ток кучида шнурнинг қизиши камаяди. Т.да ток кучини бирор чегара қийматдан орттириб бўлмайди. Агар токнинг магнит майдони ғалтакнинг тороидал майдонига нисбатан жуда катта бўлиб қолса, шнур эгила бошлайди ва деворга ташланади. Шу сабабли, плазмани 10 млн. градус ва ундан юқори т-рагача қиздириш учун Т.да плазмага тез атомлар (зарядланган зарралар камерага магнит майдонга кўндаланг равишда учиб киролмаган бўлар эди) дасталарини инжекциялаш ёки камерага юқори частотали электромагнит майдон киритиб ҳосил қилинадиган қўшимча қиздириш усулларидан фойдаланилади. Шу тарзда Т.даги плазмани 70 млн. градусгача қиздириш мумкин.

Т. гояси 1950 й.да *бошқариладиган термоядро синтези* муаммоси масаласини ҳал этиш мақсадида И.Е. *Тамм* ва А.Д. *Сахаров* томонидан тақдим этилган. Л.А. *Арцимович* раҳбарлигида бир нечта рус олимлари Т. типидаги тизимларни ўрганиш ва уларни такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшдилар. 1956 й.дан бошлаб И.В. *Курчатов* номидаги Атом энергияси ин-тида бу тизимлар устида тажриба йўли б-н тадқиқот олиб борилди.

ТОКАНТИНС — Бразилиядаги дарё. Уз. 2850 км, ҳавзасининг майд. 770 минг км². Мараньян ва Алмас дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бразилия ясситоғлиги ва Амазонка пасттекислигидан оқади. Пара дарёсига (Амазонка дарёсининг дельтасидаги ўнг тармоғи) эстуарий ҳосил қилиб қуйилади. Йирик ирмоғи — Арагуя (чапдан). Қуйилиш жойидаги ўртача сув сарфи 16,8 минг м³/сек, окт.дан март—апр.гача суви кўпаяди. Сув омбори қурилган. Қуйилиш жойидан 350 км масофада кема қатнайди.

ТОКАНТИНС — Бразилиядаги штат, Токантинс дарёси ҳавзасида, мамлакатнинг шим. штатларидан. Майд. 278,4 минг км². Аҳолиси 1,15 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Пальмас ш. Бразилия ясситоғлигининг шим. ён бағрида жойлашган. Иқлими тропик иқлим, ўртача ойлик т-ралар 24—28°. Ҳудудининг катта қисмини саванна, ўрмонлар эгаллаган. Т. — аграр штат. Шаҳарлар атрофида деққончилик б-н шуғулланилади. Шоли, маккажўхори, дуккакли экинлар, маниок экилади. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, қўй ва эчки боқилади. Асосий саноат тармоқлари: озиқ-овқат, қурилиш материаллари тайёрлаш, ёғочни қайта ишлаш. Йирик шаҳарлари: Пальмас, Арагуаина.

ТОКАРЛИК СТАНОГИ — 1) машина-асбозликда — асосан, доиравий сиртли буюмларга йўниб ишлов берадиган станок; металл кесиш станокларининг асосий гуруҳини ташкил қилади. Т.с. ёрдамида сиртларни йўниш, сиртларда ички ва ташқи резьбалар очиш, пармалаш, зенкерлаш (пармаланган тешикларга тозалаб ишлов бериш), тешикларни йўниб кенгайтириш, плашка ҳамда метчиклар б-н резьба очиш, бир-бирига ишқалаб маслаш мумкин. Асосий ҳаракатни заготовка (хомаки деталь), қўшимча ҳаракатни кесувчи асбоб — *кескич* бажарали. Заготовка поводокли, кулачокли, гидравлик ёки пневматик *патрон* орқали станок шпинделидан айланади; шпиндель эса тезликлар қутисидан ҳаракатланади. Кескич суппортнинг салазкаси б-н биргаликда суриш валидан ёки суриш винтидан (резьба очишда) сурилади. Суриш вали ва суриш винти Т.с.нинг суришлар механизмидан айланади. Т.с.нинг марказловчи, резьба очиш, токарлик-револьвер (айланма каллакли), бир шпинделли ва кўп шпинделли карусел (шпиндели тик жойлашган), кўп кескичли ва б. турлари бор.

Т.с. оддий, универсал, рақамли дастур бўйича бошқариладиган автомат ва ярим автомат турларга ҳам бўлинади. Оддий ва универсал Т.с.лар деталларни доналаб ва кичик сериялаб и.ч.да, автомат ва ярим автомат Т.с.лар кўплаб (кўп сериялаб) и.ч.да қўлланади. Т.с.нинг асосий қисмлари: қиринди ва совитувчи суюқлик тўпланадиган тўғрасимон туб; станина, суппорт ва кетинги бабка (қўзғалувчан) ҳамда уларни йўналтиргич; шпиндел ва *тезликлар қутиси* жойлашган кўзалмас олд бабка; узатмалар қутиси; фартук; суппорт; каретка; кўндаланг салазкалар; кескич ўрнатиладиган бурилма қисм; элекр двигатель. Каретка ва кўндаланг салазкалар қўлда ёки автоматик тарзда сурилади. Т.с.нинг электр двигатели бир ёки кўп тезликли асинхрон двигателдан иборат. Баъзан, бошқа юритмалар (мас., гидравлик юритмалар) ҳам қўлланиши мумкин. Ҳозир йирик корхоналарда, асосан, дастурли автомат ва ярим автомат Т.с.лари ишлатилади (қ. *Карусель станок*, *Револьвер станок*); 2) ёғочга ишлов бериш станоги ҳам худди металлга ишлов бериш станогига ўхшайди. Унда айланма сиртли ёғоч буюмларга йўниб ишлов берилади. Унинг буюм марказига маҳкамланадиган ва ён томонига маҳкамланадиган турлари бор.

ТОКДОШЛАР (Vitaceae) — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Дарахтсимон, илашувчи лианалар. Баргдари оддий, панжасимон мураккаб, навбатланиб жойланган, ёнбарғчали. Новдасида поянинг ўзгаришидан ҳосил бўлган тажаклар бор. Тўпгулларн кичик, рўвак. Гуллари икки жинсли ёки бир жинсли, майда, кўкимтир. Меваси резавор ёки жуда қуруқ. Т.га 12 туркум, 700 тур киради. Қўшимча субтроник ва троник мамлакатларда ўсади. Муҳим иқтисодий аҳамиятга эга йирик туркумларидан бири ток (узум) ҳисобланади (яна қ. *Ток*).

ТОКЕМБРИЙ — Ер тарихида биринчи геологик формациялар пайдо бўлишидан *кембрий системаси (даври)*гача ўтган давр. Т. Ер тарихининг 6/7 қисмини ташкил қилувчи вақтини ва Ер пўстининг шу даврда ҳосил бўлиш қал. қатламларини ўз ичига олади. Бу даврнинг геологик тарихи узоқ вақт фанга номаълум бўлиб келган. Фақат 20-а.нинг бошларигагина Т. стратиграфияси ва *геохронологиясини* ўрганишда радиометрик методлар қўлланила бошлади. Т. бизга маълум бўлган 3500 млн. ёшга яқин қал. геологик жинслар ҳосил бўлган даврдан то кембрий даври бошланишига қадар 2900 млн. йиллан ортиқ вақт давом этган. 19-а.нинг 2-ярмида Шим. Америкада тарихий геологик маълумотлар, жинсларнинг метаморфизм даражаси ва б. белгилари асосида Т.ни архей ёки археозой ва протерозойга бўлиш таклиф этилган. Улар орасидаги чегара, бундан 2500—2700 млн. йил илгари йирик бурмаланиш ва гранитланиш даврига тўғри келади.

Т. бўлимлари			Бўлимлар охири (млн. й.)
Протерозой	Юқори (рифей)	Венд	570
PR		Юқори	680
		Ўрта	1100
		Қуйи	1400
			1600
	Ўрта		1900
	Қуйи		2500-2700

Т. ётқизиқлари барча қитъаларда: Шарқий Европа, Сибирь, Жан. Хитой ва Хиндистон, шунингдек, Шим. Америка, Африка, Австралия ва Антрактиданинг қал. платформаларида тарқалган. Юқори Т. ҳосилалари, қўпинча, қал. платформалар чўкиндн қопламининг қуйи қисмини ташкил қилади. Улар, таркибида, ҳатто кўчсиз метаморфизм таъсирида емирилувчи *глауконит* ва б. минераллар сақланган, камроқ ўзгарган жинслардан таркиб топган. Қуйи Т. ҳосилалари гнейс, мигматит, турли кристалли сланецлар, амфиболитлар, қисман жеспилит, кварцит ва мармарлардан иборат. Улар қалин қатламларни ташкил қилади. Бу эса, қатламларда қуйи Т.да барча материкларда кенг тарқалган ҳаракатчан ривожланиш (*геосинклиналь*)дан далолат беради. Қуйи Т. охирида платформа типидаги формациялар пайдо бўлган. Юқори Т. формацияларн турига кўра, палеозой формацияларн турига яқин туради, улар кварц қумтошлари ва кварцитлар, гилли сланецлар ва филлитлар, турли вулканоген жинслар, строматолитли доломитлар ва оҳактошлардан таркиб топган қалин қатламлардан иборат. Т.нинг энг охирида молассаларга ўхшаш жинслар қатлами пайдо бўлган. Т. ётқизиқларида фанерозойнинг стратиграфик шкаласини тузишда асос бўлиб хизмат қиладиган скелетли ҳайвонлар йўқ, шунга қарамай органик ҳаёт излари кўп. Кўк-яшил сувўтлар (строматолитлар) ва бактериялар (онколитлар)нинг ҳаёт маҳсулотлари мавжуд. Т. қатламларида илгари спора деб ҳисобланган сувўтлардан келиб чиққан жуда майда (50 µ ўлчамли) юмалоқ таначалар («акритарх» ёки «сфероморфид»лар) учрайди.

Ҳайвонот дунёси ўсимликларга қараганда кам тараққий этган. Т.нинг кўпгина тошқотган жинслари етарлича аниқланмаган. Австралия, Жан. Африка қумтошларида камдан-кам учрайдиган ноёб топилмалар венднинг ҳайвонот дунёси анча бой бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта Осиё, Қозогистон, Узоқ Шарқ букилмали системаларида ҳам Т. даврига мансуб жинслар аниқланган. Бу ерларда қуйи Т., шунингдек, рифейга оид ётқизиқлар мавжуд бўлиб, улар чўкинди ва вулканоген геосинклиналь қатламларни ташкил этади. Ўзбекистонда Т. мажмуаси қуйи ва юқори протерозой ётқизиқларидан ташкил топган. Қуйи протерозой Кўсон-Қоратерак (Тераксой, Семизсой свиталари) р-нида, Бойсунтогда (Қоратош, Хужабўзбарак, Айлангар, Шотут свиталари), Томдитогда (Учқудуқтог, Юргантог свиталари), Бўкантогда (Чолчаратог ва Кумлоқ свиталарининг қуйи қисми). Улар гнейс, кристалли сланец, амфиболит, кварцит, мармарлардан таркиб топган.

тирик мавжудот қолдиқлари топилмаган. Ўзбекистон ғарбида ўрта ва юқори рифей ётқизиқлари топилган. Турли хил қимёвий элементлар (олтин, уран, селен, ванадий, молибден ва б.)нинг концентрацияси юқори. Бу эса шу регионда саноат объектларини шакллантиришга сабабчи бўлади. Ўзбекистоннинг Т. кесмаларида топилган рифей биотаси қолдиқларининг бой мажмуи ва биргаликда топилган турли гуруҳлар узоқ ўтмишнинг геологик воқеалари тўғрисида жуда қизиқарли илмий маълумотлар беради. Бу эса, ли илмий маълумотлар беради. Бу эса, Жан. Тяньшаннинг қад. геологик ривожланиши тарихини янгича талқин қилишга имкон яратади. Ўзбекистонда Т. қатламлари борлигини илк бор геолог олим М. А. Аҳмаджонов аниқлаган.

Т. фойдали қазилмаларга жуда бой. Бу давр ётқизиқларида темир рудалари (темир кварцитлари, жеспилит), алюминий хом ашёси (кижеспилит), алюминий хом ашёси (кианит, силлиманит), марганец, олтин ва уран, мис, никель, кобальт рудалари, кўргошин-рух, слюда (мусковит), керамика хом ашёси ва нодир металлар (Т.нинг энг кейинги ҳосилаларида қад. нефть конлари) бор.

ТОКИО — *Япония*нинг пойтахти. Мамлакатнинг иқтисодий, молиявий ва маданий маркази. Аҳолисининг сони ва саноатининг ўсиш суръатлари бўйича дунёдаги йирик шаҳарлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Хонсю о.нинг жан-шарқий қисмида, Канто текислигида, Эдогава, Аракава, Сумида, Тама дарёларининг Токио қўлтигига қуйилиш ерида жойлашган. Иқлими субтропик, муссонли, энг совуқ ойи — янв.нинг ўртача т-раси 3,1°, энг иссиқ ойи — авг.ники 25,6°. Йиллик ёғин 1343 мм. Серёғин мавсумда тез-тез тайфун бўлади. Т. сейсмик фаол зонада жойлашган.

Аҳолиси 8,1 млн. киши (2000). Пойтахт префектураси (Сютокен) ёки Катта Т. таркибига 4 та префектуранинг шаҳар ва шаҳарчалари киритилади, аҳолиси 28 млн. кишидан зиёд. Мамлакат миллий даромадининг 1/5 қисми Т.га тўғри келади.

Т.га 15-а.нинг ўрталарида асос солинган. 1457 й.да Эдо қасри қурилган бўлиб, унинг атрофида савдогар ва ҳунармандларнинг уйлари қўпайиб борди. 1590 й.да Эдо ш. Токугава сулоласининг қароргоҳига айланди. Японияннинг расмий пойтахти эса ўша вақтда Киото ш. эди. 18-а.да Эдо жаҳоннинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланди. 1869 й.да ҳокимият бошқа сулола вакили император Муцихито қўлига ўтгач, пойтахт Эдога кўчирилди ва Т. («шарқий пойтахт») деб аталди. 19-а.нинг 2-ярмида Т.да ипак, лок-бўёқ,



Токио шаҳрининг умумий манзараси, орқада Фужияма вулқони.

чинни саноатлари, 19-а.нинг охиридан машинасозлик ва кемасозлик саноатлари ривожлана бошлади. 1923 й. 1 сент.даги зилзила ва унинг оқибатларида келиб чиққан ёнғин туфайли Т.нинг кўп қисми вайрон бўлди. 2-жаҳон уруши вақтида Т. АҚШ авиацияси томонидан бомбардимон қилинган.

Т. — транспорт йўлларининг йирик тугуни. Денгиз порти (йилига 70 млн. т дан ортиқ юк ортиб-туширилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Метрополитен қурилган. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик (хусусан, электротехника, умумий машинасозлик, транспорт жиҳозлари и.ч., аниқ механика) ва металлсозлик. Кимё, полиграфия ва озиқ-овқат саноатлари ҳам ривожланган. Нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси, қурилиш материаллари ва енгил саноат (тўқимачилик, заргарлик ва ёдгорлик буюмлари и.ч.) корхоналари мавжуд. Саноати, асосан, чет эллардан келтирилган хом ашё ҳисобига ишлайди. Саноат корхоналарининг катта қисми майда ва ўрта корхоналардан иборат. Т. — йирик савдо-тақсимот мар-

Токио. Парламент биноси.

кази. Шаҳарда товар ва фонд биржалари, савдо фирмаларининг ваколатхоналари, йирик банклар, сугурта идоралари жойлашган. Т. да ун-тлар, Япония ФА, Санъат академияси, театрлар, 30 дан ортиқ музей (шу жумладан, Генри галереяси, Брижстон санъат музейи, замонавий санъат миллий музейи, Токио миллий музейи ва б.), кутубхоналар, концерт заллари бор. Меъморий ёдгорликларидан шаҳар марказида атрофи боғ б-н ўралган император саройи (1869 й.гача Эдо қасри, 15—17-а.лар), сарой мажмуаси (1600), манзарали боғ (17—18-а.лар) сақланган. Унинг атрофида ҳукумат бинолари, Тосёгу ва Мэйдзи ибодатхоналари жойлашган. Соҳа ун-ти ҳудудида 2004 й. 26 мартда Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди (ҳайкалтарош Ж.Миртожиев). 1964 й.да Т.да 18-Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

ТОКИО УНИВЕРСИТЕТИ — Японияннинг энг қад. ва йирик олий ўқув юрти. 1877 й. Сохейко (1790 й. асос солинган, конфушийчиликни ўрганиш маркази), Кайсейго (1855, ғарб маданияти), Игакусо (1863, ғарб тиббиёти) ўқув юртларининг бирлашуви натижасида Токио миллий (император) унти сифатида ташкил этилган. Ҳуқуқ, иқтисодиёт, филол., муҳандислик-технология, пед., табиий фанлар, қ.х., тиббиёт бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонаси (1877 й. ташкил этилган)да 4 млн.дан ортиқ асар бор. 20 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ТОККАТА (итал. toccata — тегиш, зарб) — асосан, клавишли мусиқа чолғулар учун ёзилган *виртуоз* мусиқа асари. 16-а.да Италияда пайдо бўлиб, дастлаб бадиҳа шаклидаги *прелюдия* (А. ва Ж.Габриели ва б.), кейинчалик концерт асари сифатида (И.Фробергер, Д. Букстехуде ва б.) ривож топди. И.С.Бах ижодида қад. Т. жанри ўз бадиий чўққисига кўтарилди (орган учун — ре минор Т. ва фугаси машҳур). 20-а.да фортепиано (К.Дебюсси, С.Прокофьев, Ф.Бузони, А.Хачатурян ва б.) ва орган (М.Регер ва б.) Т.лар б-н бирга оркестр (А.Малявскин), скрипка ва оркестр (И.Стравинскийнинг скрипка ва оркестр учун концертининг 1-қисми) пайдо бўлди. Ўзбекистонда И. Акбаров, Х.Исомов, Г. Мушель ва б. фортепиано, орган учун Т.лар яратганлар.

ТОКОФЕРОЛ (юн. tokos — авлод, урут, phero — ташимоқ ва лот. oleum — ёғ) — қ. *Витаминлар*.

ТОКСИКОЗ (юн. toxikon — заҳар) — организмга экзоген токсинлар (мас., микроб токсинлари) ёки зарарли эндоген моддалар (мас., *ҳомиладорлик токсикози*, тиреотоксикоз) таъсирида рўй берадиган касаллик ҳолати.

ТОКСИКОЛОГИЯ (юн. toxikon — заҳар ва *...логия*) — тиббиёт соҳаси; заҳарли моддаларнинг физик ва кимёвий хусусиятлари, уларнинг тирик организмларга таъсири механизми, заҳарланиш аломатларини ўрганади. Заҳарланишнинг олдини олиш ва даволаш воситаларини, шунингдек, заҳарларнини кичик дозаларда даво таъсирига эга эканлигини аниқлаш ва ундан фойдаланиш йўлларини излаб топиш ишлари б-н шуғулланади.

Т.нини асосий мақсади, асосан, этиологияси кимёвий омил ҳисобланадиган иозпидемик касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, олдини олиш ва даволаш ҳамда моддаларнинг инсон организмига узоқ муддат давомида зарарли таъсирини ўрганиш ва бартараф этишга қаратилган.

Т. коммунал гигиена фанининг асосий бўлимларидан бўлиб, тиббиёт олий ўқув юртларининг тиббий профилактика ф-тларида ўқитилади. Т.нинг фан сифатида ривожланишида Ш.Т.Отабоев, Т.И. *Искандаров* ва б.нинг ҳиссаси катта.

Ўзбекистон олимлари томонидан қайвонлар устида ўтказилган тажриба натижаларига асосланиб моддаларнинг заҳарлилиги ва хавфлилигини баҳолаш бўйича тасниф ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ, заҳарли моддаларнинг организмга тушиш йўллари, ўлимга олиб борувчи ўртача дозаси (концентрацияси) ва б.ни бир-бирига боғлаган ҳолда хавфлилик синфларига бўлиш тавсия қилинган.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунга асосан, ҳукуматимизнинг токсикология соҳасидаги мутахассис олимлари (Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот ин-ти, II ТошТИ коммунал гигиена кафедраси ва Марказий илмий тадқиқот лаб. токсикология бўлими ходимлари) томонидан барча янги кимёвий моддаларнинг заҳарлилик ва хавфлилик даражалари ўрганилади. Мас., фосген кислотаси бирикмаларининг заҳарлилик даражаси, уларнинг кимёвий тузилишига боғлиқлик қонуниятлари аниқланди (Г.Т. Искандарова). Мазкур қонуниятларга мувофиқ, кимётар ва биолог олимлар ҳамкорлигида кам заҳарли ва юқори самарали дефолиантлар ишлаб чиқилди.

ТОКСИКОЛОГИЯ, ветеринария токсикологияси — заҳарли моддалар хусусиятлари ва уларнинг қайвонлар (қ.х. қайвонлари, овланадиган ва боқиладиган ёввойи қайвонлар, балиқлар, асаларилар) организмига таъсирини, пестицидлар қолдиқлари ва б. заҳарли моддалар б-н ифлосланган озуқаларни ветеринария-санитария жиҳатидан баҳолаш, заҳарли ўсимликлар, микроскопик замбуруғлар, сув ўтларидан заҳарланиш ва уларнинг олдини олиш, заҳарланган қайвонларни даволаш, озуқаларда, хом гўшт маҳсулотларидаги заҳарли кимёвий бирикмаларнинг рухсат этилган қолдиқ миқдорини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва б. масалалар б-н шуғулланади.

Ветеринария токсикологияси соҳасида 20-а.нинг 70-й.ларида Ўзбекистон *ветеринария институти* токсикология бўлимида, *Самарқанд қишлоқ хўжалик институти* ветеринария ф-ти кафедраларида и.т.лар амалга оширилди. Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган заҳарли ўсимликлардан кампирчопон, мингдевона, бангидевона сингари ўсимликлар, галлани зарарловчи қоракуя, чорва озуқасида ишлатилувчи кунжара, шелуха, чигит сингари пахта чиқиндилари таркибидаги *госсипол* моддалари, шунингдек, кимёвий пестицидлар б-н қишлоқ хўжалик қайвонларининг заҳарланишини ташхис қилиш, озуқа ва чорвачилик маҳсулотларини ветеринария-санитария жиҳатидан баҳолаш масалалари бўйича муҳим илмий ишлар олиб борилди. Ветеринария Т.си ривожланишига ўзбекистонлик олимлардан Х.З. Ибрагимов, Н. Х. Шевченко, Ф.И.Ибодуллаев, Р.Х.Хаитов, Т.Б.Боймуродов, Қ.Норбоев, Н. Давлатов, В.Р.Хаитов, Д.Ш.Мурзатов ва б. муҳим ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария хизмати тизимига кирувчи Республика ветеринария лаб.да, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент ш. ветеринария лаб.ларида кимё-токсикология бўлимлари мавжуд бўлиб, улар томонидан қайвонлар заҳарланишида диагностик текширишлар, шунингдек, пестицидлар қолдиқларини сақловчи чорвачилик маҳсулотлари ҳамда озуқаларни ветеринария-санитария экспертизаси ўтказилади.

Ад.: Радкевич П.Е., Ветеринарная токсикология, М., 1972.

Ҳомид Нуриматов.

ТОКСИНЛАР — микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятида ҳосил бўладиган заҳарли моддалар. Қайвонлар ва одам организмига тушганда уларни касаллантириш ёки ҳалок қилиш хусусиятига эга. Бактериялар пайдо қиладиган Т. анча тўла ўрганилган. Бактериал Т. экзотоксинлар (бактериялар токсинини ташқи муҳитга ажратиб чиқаради) ва эндотоксинларга (улар бактерияларнинг структура компоненти бўлиб, бактерия ҳужайралари емирилгандан кейин атроф-муҳитга тарқалади) бўлинади. Экзотоксинлар ва эндотоксинлар ўз хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Экзотоксинлар жуда заҳарли. Тозаланган Т. бир неча юз марта фаол бўлади. Экзотоксинларнинг организмга таъсири маълум яшириш даврдан сўнг юзага чиқади. Эндотоксинлар анча тез таъсир қилади, лекин уларнинг заҳарлилиги экзотоксинларникича эмас. Кўпчилик экзотоксинлар 60—80° да 10—20 минут давомида парчаланади. Эндотоксинлар иссиққа анча юқори т-рада жуда чидамли — анча узоқ вақт қайнатилганда парчаланади. Т. музлатилганда ва муздан тушириланда кучи қирқилмайди. Улар қуритилган ҳолатда ҳам яхши сақланади. Формалин ва иссиқ таъсирида эзотоксинларнинг заҳарлилик хусусияти йўқолади, бироқ бунда иммунитетнинг кучайтириш хусусияти сақланиб қолади. Бир қанча инфекцион касалликларнинг олдини олиш ва даволашда қўлланадиган анатоксинларни олиш шунга асосланган.

Экзотоксинлар организмга киритилганда кучли ўзига хос хоссага эга бўлган антителолар (қ. *Иммунитет*) пайдо қилиш хусусиятига эга. Ана шу хусусият даволаш ва профилактика мақсадида ишлатиладиган зардобни олиш ва қўллаш имконини беради.

Ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинадиган бир қанча маҳсулотларнинг биологик хусусиятлари бактериал Т.га жуда яқин, мас., ўсимлик заҳарлари, илон, чаён, қоракурт заҳари ва б.

ТОКСОПЛАЗМАЛАР (Toxoplasma) — кокцидиялар туркумига мансуб энг содда паразит қайвонлар уруғи. Битта Т. gondii тури маълум. Узунлиги 7 мкм гача. Т. мушук ва б. мушуксимонлар ингичка ичагида мураккаб ривожланиш циклини ўтиб, ундан 2 та спорали ооцистспорозоитлар ҳосил бўлиши б-н тугайди. Етук ооцистлар эса мушуксимонларни қайтадан зарарлаши мумкин. Ооцистлар бошқа сут эмизувчилар (мас., сичқонлар) ёки одам ҳамда қушларга ўтиб, жиноссиз урчийди. Т. — сут эмизувчи қайвонлар ва одам паразити; *токсоплазмоз* касаллигини қўзғатади.

ТОКСОПЛАЗМОЗ — ички аъзо ва системалар функциясини издан чиқарадиган паразитар касаллик; бир ҳужайрали содда қайвон — токсоплазмалар қўзғатади. Одам, қайвон (чўчқа, қуён, қорамол, қўй, қийик, тулки, олмахон, юмронқозиқ) ва паррандалар (товуқ, ўрдак, каптар)да учрайди. Касаллик манбаи, асосан, итлар, мушуклар ва Т. б-н оғриган бемор ҳисобланади; улар ўзларининг сўлаги, сийдиги, нажаси, сути, бурун шилимшиғи орқали ташқи муҳитга кўплаб касаллик қўзғатувчисини тарқатади. Токсоплазмалар одамга овқат маҳсулотлари (хом гўшт, пиширилмаган сут, хом тухум) орқали, шунингдек, бевосита касал қайвонлар б-н мулоқотда бўлганда (чорвачилик хўжаликлари ва гўшт к-ти ходимлари ёки терига ишлов берувчилар) юқиши мумкин. Уй шароитида, айниқса, айлар қийма таъмини тотиб кўрганида ҳам токсоплазма юқади. Токсоплазма шиллиқ пардалар (оғиз, бурун, кўз шиллиқ пардаси) ёки чақаланган терига тушиши, шунингдек, трансмиссив ва б. йўллар б-н юқиши мумкин. Одам организмига тушган токсоплазма қон томирлар орқали турли аъзолар (мия, кўз, жигар, талоқ, юрак ва лимфа безлари)га тарқалади ва шу аъзоларнинг зарарланишига сабаб бўлади.

Туғма ва орттирилган Т. фарқ қилинади. Туғма Т.да касаллик она организмидан қон орқали ҳомилага ўтади. Т. ҳомилага дастлабки ойларда юқса, бола тушади ёки ўлик, ёхуд мажруҳ бўлиб туғилади. Орттирилган Т. ўткир ва сурункали кечади. Ўткир Т.да бемор иситмалайди, боши, мускуллари оғрийди; лимфа безлари, кўз, тери, мия қобиқлари ва ички аъзоларига путур етади. Сурункали Т. йиллаб чўзилиши мумкин. Бунда беморнинг т-раси юқори бўлади, боши оғрийди; қувватсизлик, асабийлашиш кузатилади; кўриш, хотира ва иш қобилияти пасаяди; жигар, талоқ ва лимфа безлари шишади; гепатит, миокардит, зотилжам юзага келиши мумкин.

Касалликнинг олдини олиш учун касал уй қайвонларини аниқлаш ва уларни ажратиб қўйиш; болаларни ит, мушук б-н ўйнашларига йўл қўймаслик лозим. Истеъмол қилинадиган гўшт, сут маҳсулотларини албатта яхшилаб пиширish ёки қайнатиш керак.

ТОКУГАВА — Японияда сёгунлар сулоласи (1603—1867). Токугава Иэясу томонидан асос солинган. Давлатни мустаҳкамлаш учун Т. ҳукмдорлари бир неча бор ислоҳотлар ўтказишган. Ху-

сусан, ҳар бир табақанинг мажбурияти ва ҳуқуқи қатъий белгилаб берилган; деҳқонлар ерга бириктириб қўйилган; савдо-судхўрлик капитали тараққиёти чекланган, князлар устидан қатъий сиёсий назорат ўрнатилган. Мамлакатдаги тартибларни ўзгаришсиз сақлаб қолиш, шунингдек, ташқи хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида Т. ҳукумати 17-а.нинг 30-й.ларида Японияни ташқи дунёдан ажратиб қўйган. 18-а. охирида Т. давлати таназзулга учраган. 1853 й. АҚШ ҳарбий кемалари мамлакатга бостириб кирган. АҚШ ва Европа давлатлари Т. ҳукуматининг Японияни ташқи дунёдан ажратиб қўйиш сиёсатини бекор қилишга мажбур қилиб, 1854—58 й. ларда у б-н тенгсиз Ансэй битимларини имзолашган. 1867—68 й.лардаги *Мэйдзи исин* инқилоби натижасида Т. ҳокимияти барҳам топган.

ТОКЧА — хона деворига ишланган, уйрўзғор буюмлари териб қўйиладиган махсус жой. Ўрта Осиё турар жой меъморлигида меҳмонхона тўрининг 2 ёнига (ўртасига *тахмон*), ётоқхонанинг ўртасига кийимлар тахлаш учун (2 ёнига сандиқ қўйилиб кўрпа-ёстиқ тахланган) ишланган. Т.нинг эни ва бўйи тахланадиган буюмларнинг шаклига қараб, 3—5 поғонали бўлиб, турли нақшинкори безаклар б-н пардозланган. Ганчкори безаклар б-н безатилган косамон Т.лар хонага алоҳида кўрк бағишлайди. Ҳоз. жавон ва шкаф кабилардан фойдаланилмоқда.

ТОЛ (Salix) — толдошларга мансуб дарахтлар ва бута, чала буталар туркуми. 300 тури маълум. Асосан, мўътадил минтақада, Европа ва Шим. Америкада тарқалган. Ўрта Осиёда 22 тури бор. Дарахтларининг ходаси йўғон, пўсти дағал, барглари навбат б-н жойлашган. Баъзилари барги ёзилгунча, бошқалари барги ёзилгандан кейин ёки барги ёзилиши б-н бир вақтда гуллайди. Икки ёшли новдалари кучала чиқаради. Гуллари икки уйли, бир жинсли, март—

Тол: *1* — қоратол; *2* — гули; *3* — эркак ва *4* — ургочи кучаласи.

апр. ойларида гуллайди. Меваси кўсакча. 25—30 кунда етилади. Уруги майда, очиқ ва нам ерда тез, яъни 5—10 соатда униб чиқади. 15—20 кундан кейин униш қобилиятини йўқотади. Қаламчасидан, поя (хода)сидан, пархишдан яхши кўпаяди.

Ўзбекистонда оқ Т., қора Т., игнабарг Т., *мажнунтол*, сувтол, турон Т.и каби турлари тарқалган. Оқ толнинг (S.alba) бал. 10—15 м. ёгоч танаси пўстлоги тўқ кулранг, сур. Танасининг диаметри 1,5 гача, Қора толнинг (S.excelsa Gmel.) дарахт новдалари ранги қўнгир-қизгиш. Тез ўсади. Иссиққа чидамли, шўрхок ерларда ҳам яхши ўсади. Қаламчаси ва пояси экиб ўстирилади. Ободонлаштириш ва хўжалик эҳтиёжлари учун кўп экилади. Игна баргли тол (S.acutifolia) — ларё бўйларида, кичик-кичик сув ҳавзалари, ариқлар, хонадонлар атрофида ўсади. Қурғоқчиликка, шўрхокка чидамли. Новдалари нозик ва ингичка. Бал. 2—4 м; мажнунтол (S.babulonica) — бал. 8—10 м га етади. Манзарали дарахт сифатида ўстирилади; сувтол ёки Вильгелмс толи (S.wilhelmsiana Bieb.) — бута, новдаси ингичка, узун, чўл, адир, тоғ зоналаридаги тўқайзорларда учрайди. Ольга толи (S.olgae Rgl.) — йирик бута, новдалари ранги қорақизил ёки сариқ; Недзвецкий толи (S.niedzwiecku Goerz.) — паст бўйли дарахт, пишган новдалари қизгиш ёки қўнгир. Дарё соҳилларида ўсади. Турон толи (S.turanica Nas.) — тоғ ва тоғ олди тўқайларида тўп-тўп бўлиб ўсади. Катта бута, бал. 5—6 м. Барглари уз. 12 см, новдаси оч сариқ. Новдаларидан ҳар хил саватлар тўқилади. Қўқаламзорлаштириш, ободонлик, иҳота ўрмонзорлари ташкил этиш, ёгоч ва хода олиш учун экилади. Қадимдан Т. ёгочидан қурилиш материаллари, тоқи, ишком, сўри, ҳар хил буюмлар, бешик, болалар ўйинчоқлари, кетмон ва белкурак дасталари ясашда фойдаланилади.

Фаргона (19-а.) турар жойидаги токча.



Ад. Аниферов Г.И., Ива, М., 1984.
Абдешукур Хоназаров.

ТОЛ — қ. *Тринитротолуол.*

ТОЛА — 1) ингириш, газлама тўқиш ва б. мақсадлар учун ишлатиладиган ингичка, пишиқ табиий ёки сунъий ашё (қ. *Тўқимачилик толалари*); 2) турли электр қурилмаларнинг қилсимон ингичка ток ўтказувчи қисми (мас., электр лампанинг чўгланма Т.си); 3) кокил, зулф (мас., соч Т.си).

ТОЛА ОПТИКАСИ — ёруғлик ва маълумотларни оптик диапазондаги нур ўтказгичлар (нур толалари) да тарқалишини ўрганадиган оптика бўлими. Т. о. 20-а.нинг 50-й.ларида вужудга келиб, 70-й.ларнинг бошида спектрнинг кўринувчи ва инфрақизил соҳаларида сўниш коэффициенти 20 дБ/км дан кам бўлган кварц шишаси олиниши б-н жадал ривожлана бошлаган. Нур тола синдириш кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилувчи цилиндр шаклидаги шиша ёки пластик ўзак ва уни ўраб турувчи қобиқдан ташкил топган. Ўзакнинг синдириш кўрсаткичи қобиқникидан катта бўлгани учун, улар чегарасида ёруғликнинг тўла ички қайтиш ҳолисаси юз бериб, ўзак ичига киритилган нур ташқарига чиқиб кетмасдан нур тола ичида тарқалади. Нур тола ўзагининг диаметри бир неча микрондан юзлаб микронгача, қобиқ қалинлиги ўнлаб микрондан юзлаб микронгача ўзгариши мумкин.

Т.о. соҳасида олиб борилган тадқиқотлар нур толаларнинг кенг кўламда оптик алоқада қўлланилишига олиб келди. Ҳоз. кунда анъанавий симли алоқа кабеллари ўрнини ахборот узатиш имкониятлари катта бўлган нур толали кабеллар эгалламоқда. Атлантика ва Тинч океанлари сув остидан ўтказилган нур толали алоқа кабеллари Осиё ва Европа давлатларини Америка қитъаси б-н боглаб турибди.

Оптик тасвир муайян тартиб б-н жойлаштирилган нур толалар дастаси орқали узатилади. Дастадаги толалар сони бир неча минг, ҳатто, миллионларни ташкил этиб, даста учларига махсус ишлов берилади. Нур толалар дастаси тиббиётда одам ички аъзоларини ёритиш ва кўришда (эндоскоп), тезкор кинога олишда, ядро зарралари

рининг юқори тезлик (трек) ларини қайд қилишда ва б. соҳаларда кенг қўлланилади.

ТОЛАЙ ТОВУШҚОНИ, қум товушқони (Lepus tolai) — қуёнлар оиласига мансуб сут эмизувчилар тури. Гавдаси қумранг-қўнгир тусда (номи шундан), кичик. Уз. 54 см гача, вазни 2,5 кг гача. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ҳудудларида, хусусан пастгекисликлар, воҳалар, тоғ ва тоғ олди зоналари, тўқайлардаги чакалакзорларда, тоғ арчазорларида учрайди. Ҳар хил ўт ва буталар б-н озиқланади. Йил давомида фаол ҳаёт кечиради. Йилда бир нечтадан 2—5 марта болалайди. Гўшти ва мўйнаси учун овланади. Тартибсиз овланиши ва яшаш муҳитининг бузилиши туфайли бир қанча ҳудудларда йўқолиб кетган ёки сони кескин камайган.

Толай товушқони.

ТОЛАЛИ ЎСИМЛИКЛАР — тола ёки йигирув хом ашёлари, материаллари олинадиган бир ва кўп йиллик ўтсимон, бута ва дарахтсимон ўсимликлар. Ўсимликлар дунёсидаги 292 оиладан 125 таси Т.ў.лар ҳисобланади. Т.ў.нинг аҳамияти тўқималари таркибидаги луб толалари (склеренхимали толалар) ва лимбриформлар (мустаҳкам ёгочланган толалар) миқдорига боғлиқ.

Тола ўсимликларнинг қайси органларида ҳосил бўлишига қараб Т.ў. 3 гуруҳга ажратилади: 1) толаси уруғида ривожланадиган Т.ў. — *гўза* (қ. *Пахта толаси*); 2) толаси поясида ривожланадиган Т.ў. — *каноп, жут, наша*, толали *зиғир, кендир*, сида; 3) толаси баргида ривожланадиган Т.ў. — толали *банан, агава*, юкка, янги зеландия зиғири.

Биологик хусусиятлари хилма-хил бўлган Т.ў. Ер юзида турли тупроқ — иқлим шароитларида етиштирилади.

Т.ў. ҳар хил ботаник оила ва турларга мансуб. Шунинг учун морфологик ва биологик хусусияти бўйича бир-биридан фарқ қилади. Тола сифатининг асосий кўрсаткичлари: узунлиги, диаметри, эгилувчанлиги ва пишиқлигидир. Тола ўсимликдан ажратилган пайтда оқ, сариқ, ва кулранг бўлади. Тўқимачилик саноатида Т.ў. толасининг майин ёки дағаллигига қараб ҳар хил газмоллар ишлаб чиқарилади. Жаҳон тўқимачилик саноатида пахта толасидан майин газламалар, луб толали ўсимликларнинг толасидан дағал газламалар, қоп, қанор, арқон, чўтка, қоғоз каби маҳсулотлар ва б. буюмлар ишлаб чиқарилади. Т.ў. уруги 18—42% мой бўлади. Мой озиқ-овқатда, техникада, локбўёқ саноатида, совун тайёрлашда ва б. йўналишларда қўлланилади.

Ҳалима Отабоева.

ТОЛДИҚ — Олай тизмасининг шарқий қисмидаги довон (Қирғизистонда). Олай водийси б-н Гулча дарёсининг бошланиш жойида. Бал. 3615 м. Т. довони орқали Ўш — Хоруғ автомобиль йўли ўтади.

ТОЛДИҚЎРҒОН — Қозоғистон Республикаси Олмаота вилоятидаги шаҳар (1944 й.дан), Олмаота вилояти маркази. Қоратол дарёси бўйида. Жунғария Олатови этакларида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 94,2 минг киши (2003). 19-а.нинг 2-ярмида Гавриловка қишлоги (1920 й.дан Т.) ўрнида вужудга келган. 1930 й.дан Қозоғистоннинг Олмаота округи, Толдиқўрғон тумани маркази. 1967 й.дан — 1998 й.гача Толдиқўрғон вилояти маркази. Т.да аккумулятор, мева, консерва з-длари; тикувчилик, пойабзал, мебель ф-калари, қурилиш материаллари к-ти, пед. ин-т, тарих-ўлкашунослик музейи, театр бор. Аэропорт, автовокзал ишлаб турибди.

ТОЛДОШЛАР (Salicaceae) — икки уйли ўсимликлар оиласи. Дарахт, бута ва баъзан яримбута. Барги оддий, спиралсимон жойлашган; гуллари бир жинсли, тўпгули кучала. Барг ёзилгунча ёки ёзилгандан кейин кучала ҳосил қилади. Гуллари ён баргчалар қўлтиғида. Чангчиси 8 тагача. Шамол ва ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Меваси бир уяли, кўп уруғли кўсакча, икки-уч паллага бўлинади, уруғининг тубида кумуш ранг туклари бор. Уруғлари шу туклар ёрдамида, ҳаво ва сув орқали тарқалади. Уруғидан ва қаламчасидан кўпаяди. Шим. ярим шарнинг мўътадил зонасидаги дарё, кўл бўйларида нам ерларда ўсади. Т.нинг 3 туркуми, 400 дан ортиқ тури бор. Ўрта Осиёда 70 тури бўлиб, 40 таси маҳаллий, 30 таси интродукция қилинган. Мелиорация мақсадларида ва декоратив ўсимлик сифатида ўстирилади. Ёгочидан мебель, тахта, гугурт и. ч., уйжой қурилишида фойдаланилади.

ТОЛЕДО Манрике Алехандро (1946.28.3, Кабенья-де-Анкаш ш. часи) — Перу давлат арбоби. Станфорд ун-ти (АҚШ)ни тугатган. Гарвард ун-ти (АҚШ)да и.т. билан шуғулланган, жаҳон банкида маслаҳатчи бўлиб ишлаган. «Перунинг келажаги учун» партияси етакчиси. 2001 й.дан Перу Республикаси президенти.

ТОЛЕДО — Испаниянинг марказий қисмидаги шаҳар. Тако дарёси бўйида. Толедо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 61 минг киши (2000). Ҳунармандчилик (металл буюмлар, коррида учун анжомлар, керамика, ипак ва жун газлама тайёрлаш)нинг қад. маркази.

Қадимда Т. карпетанларнинг иберий қабиласи манзилгоҳи бўлган, мил. ав. 2-а.да уни римликлар эгаллаган. 6-а. ўрталаридан Вестготлар давлати пойтахти. 1085 й.да Альфонс VI томонидан эгалланиб Кастилия ва Леон пойтахтига айланди. 1479 й.дан бирлашган Испания пойтахти. Араблар кўл остида бўлган даврдан бошлаб ҳунармандчиликнинг, хусусан, совуқ қуроллар и.ч. ва терига ишлов бериш марказига айланди. 14—15-а.ларда мовут, ипак матолар, керамика ва зарғарлик буюмлари и.ч. айниқса ривожланди. 16-а. охири ва 17-а. бошларида (пойтахт Мадридга кўчирилгач) Т.нинг иқтисодий ва сиёсий мавқеи пасайди.

Меъморий ёдгорликлардан рим даврида қурилган цирк қолдиқлари, акведук, шаҳар дарвозалари, черковлар, ратуша, собор, кўприклар ва б. сақланган. 20-а.да Т. қад. меъморликнинг миллий қўриқхонаси деб эълон қилинган. Шаҳар ўрта аср қиёфасини сақлаб қолган, замонавий қурилишлар қилинмайди. Туризм ривожланган.

ТОЛЕРАНТЛИК (лот. tolerantia — сабр-тоқат), бағрикенглик — ўзгаларнинг турмуш тарзи, хулқ-атвори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш. Ҳоз. дунёда Т. ўта муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва янада мобиллашуви, коммуникацияларнинг тез ривожланиши, интеграция ва ўзаро боғлиқлик, кенг миқёсли миграция ва аҳолининг кўчиб юриши ва б. жамиятда Т. тамойилининг аҳамиятини кучайтиради. Бағрикенглик тамойили ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлақлаштиришдан воз кечишни англатади ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларни тасдиқлайди. Бу тамойилга кўра, ҳар ким ўз эътиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. Бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас. Т.ни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар

намоён қилиши лозим. Т.ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ЮНЕСКО «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси»ни қабул қилган (1995 й. 16 нояб.). Жамиятда турли халқлар, миллатлар ва динларнинг ўзига хос хусусиятларига нисбатан Т. муносабатини Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Мамлакатимизда турли тоифадаги одамлар, сиёсий кучлар ва партиялар ўртасидаги ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тамойили ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир. Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмаган ва бу халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. 10 дан зиёд конфессияга мансуб дин вакиллари юртимизда ҳамкор, ҳамжиҳат яшаб келаётгани эса динлараро Т.нинг яққол намунасидир.

Ад.: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2001.

ТОЛЕРАНТЛИК (иммунологик толерантлик — барча антигенларга иммунореактивлик хусусиятини сақлаган ҳолда организмнинг муайян антигенга нисбатан иммунологик жавобининг йўқолиши ёки сусайиши. «Т.» термини инглиз олими П. Медавар (1953) томонидан кўчириб ўтказилган бегона тўқимага нисбатан организм иммун системаси «чидамлилигини» кўрсатиш мақсадида таклиф этилган. «Иммунологик фалажлик», «реактивлик», «антиген оғирлиги» каби терминлар Т. нинг ҳар хил шаклларига мос келади. Соғлом организмнинг иммун тизими ўзининг антигенларига нисбатан толерант бўлиши туфайли организм тўқима ва ҳужайраларига зарар етказиши мумкин бўлган антителоларни ишлаб чиқармайди. Ҳомиланинг аллоантигенларга нисбатан толерантлигининг физиологик ҳолати ҳомиладорлик пайтида вужудга келади, деган тахминлар мавжуд. Қон ҳосил қилувчи (плазматик) ҳужайраларнинг она қорнида бўладиган алмашинувлари натижасида ҳар хил тухумли эгизакларда ҳам қонининг гуруҳланган (қ. *Қон гуруҳлари*) антигенларига нисбатан ўзаро физиологик Т. пайдо бўлиши мумкин.

Бактерия ва вируслар нисбатан Т. латент, яъни яширин инфекция юққанида (мас., одамда зардоб гепатити вируси) кузатилади. Орган ва тўқималар трансплантацияси (кўчириб ўтказиш) да трансплантантнинг тақдири реципиентда донорнинг гистоўриндош антигенларига нисбатан ҳосил қилинаётган Т.нинг қанчалик тўлиқ ва узоқ бўлиши б-н аниқланади. Хусусий антигенларга нисбатан Т.нини бузилиши автоиммун касалликларни келтириб чиқаради. Т. тўлиқ ёки иммун жавобнинг бирон шаклига тааллуқли бўлиши мумкин (мас., антигенлар ҳосил қилиш қобилиятини йўқотганда ҳужайра иммунитетини сақлаб қолиш). Т.нинг мураккаб табиати, бу ҳолатни ўрганиш учун тажрибалар ўтказиш вақтида очилади. Иммунокомпетент ҳужайралар маълум клонлари ҳаёт фаолиятининг пасайиши ёки бутунлай тўхташи натижасида қайтмас Т. вужудга келиши кузатилган. Бундай ҳолат иммун система пишиб етилмаган даврда, айниқса, организмга кўп миқдорда антигенлар киритилганда пайдо бўлади (ҳомиланинг она қорнида ривожланиши даврида ёки бола туғилгандан кейинги дастлабки кунларда).

Вояга етган организмларда Т.ни, ионловчи нурлар ёки иммуноденпрессантлар ёрдамида иммунокомпетент ҳужайраларни тўлиқ бўғиш б-н вужудга келтириш мумкин. Организмга кичик дозалаги эрувчан антигенлар киритиб, қайтар Т. ҳосил қилса бўлади. Бундай антигенларнинг молекулалари лимфоцитлар мембранасига жойлашган иммуноглобулинларнинг молекулалари б-н бирикиб, уларни тўсиб қўяди, деб тахмин қилинади. Қайтар Т.ни антиген-антитело комплекси ҳам ҳосил қилади. Т-. В- лимфоцитлар ҳамда фагоцитларнинг иммун жавобини тўхтатиб турувчи махсус Т-лимфоцитлар мавжуд. Бундай Т-лимфоцитлар (супрессорлар) хусусий антигенларга нисбатан физиологик Т.ни сақлаб туриши мумкин. Антителоларнинг бир меъёрда ҳосил бўлишини амалга оширувчи Т. шакли ҳам мавжуд; бу жараёнда вужудга келган барча антителолар тўқималардаги антигенлар б-н боғланади. Т.ни организмга кўп миқдорда антителолар киритиш орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бу антителолар антиген молекулаларини лимфоцитларга етказмасдан ушлаб қолади ёки антигенни иммунокомпетент ҳужайралардан тўсиб туради. Организмнинг ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига чидаши ҳам Т. деб аталади.

Ўсимликларда Т. ҳимоя реакциясининг бир тури, юқтирилган касалликка жавобан ўзига хос чидамлиликнинг намоён бўлиши. Турда Т.нинг пайдо бўлиши танлаш натижаси б-н боғлиқ бўлиб, табиий популяциялардаги эволюцион жараёнда ўсимлик б-н патоген ўртасида узоқ вақт давом этган ўзаро таъсирлар натижасида вужудга келади. Маданий ўсимликлар Т. туфайли эпифитотия (ёппасига зарарланиш) шароитида ҳам қониқарли ҳосил беради. Т.нинг намоён бўлиши экологик шароитларга (ҳарорат, ҳаво, тупроқ), ёш усимлик онтогенези фазаларига ва б.га боғлиқ. Барча навларга мансуб бўлган усимликлар Т.и қулай шароитларда ўстирилганда (озиқлантириш, агротехника) ошади. Толерант навлардан кенг миқёсда фойдаланиш хавфли, чунки улар бошқа ўсимликларни зарарловчи манба бўлади; касаллик қўзғатувчи янги микроорганизмларнинг пайдо бўлишига қулай шароит яратади.

Фармакология ва токсикологияда Т. заҳарли ва фармацевтик моддалар (мас., наркотиклар)га нисбатан сезувчанликнинг пасайишини англатади. Узоқ вақт давомида организмга кичик дозаларни киритиш натижасида кучли таъсир этувчи заҳарларга қўникиш митридатизм деб аталади (қ. *Иммунитет, Иммунология*).

Абдукарим Закиров.

ТОЛИБ МАХСУМ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик. Хива хонининг мирзоси Толиб Маҳсум мабламига қурилган (1910). Усталардан Худойберган ҳожи ва Қаландар Кочум қатнашган. Мадраса тўғри тўртбурчак тарҳли (18,8×16,55 м), атрофида 1 қаватли ҳужралар жойлашган. Пештоқ шарафасига силлиқланган гиштлар 2 қатор қилиб терилган, данданаси яшил ранги кошин б-н безатилган. Бош тарзидаги гумбазли миёнсарой (дарвозахона) орқали ҳовлига ўтилади. Дарсхона ва масжид миёнсаройнинг 2 ёнида жойлашган. Ҳовли (10,75×8,0 м) бурчакларидаги хоналарга эшик очилмаган. Атрофидаги ҳужралар томи балхи гумбазли, уларнинг олдини унча чуқур бўлмаган равоқлар эгаллаган. Ҳужраларга равоқлардаги эшиклар орқали кирилади. Мадрасанинг дарсхонаси ўрнига чорси хона (шим.-ғарбий бурчагига) қурилган. 1977 йда таъмирланган.

ТОЛИБОВ Мусо Иброҳимович (1950.3.3, Шофиркон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд педагогика институтини тугатган (1972). 1972 йдан Шофиркон туманидаги 4-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

ТОЛИПОВ Обид (1918.7.11 — Тошкент —1994.15.12) — Ўзбекистон халқ артисти (1978). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Лоҳутий номидаги ўзбек давлат театр техникумини тугатган (1937). 1937 йдан Ёш томошабинлар театри актёри. «Етим ва етима» (Ғ. Зафарий) спектаклидаги Етим роли Т.нинг сахнадаги илк образидир. «Оқариб кўри-

Обид Толипов Конгирбек роли да («Алломанинг ёшлиги»).

шар ёлғиз елкан»даги Нетя, «Насриддиннинг кечмишларида» ўғри, «Том тоғанинг кулбаси»да Жон, «Оппоғим»да Дик, «Уч мушкетёр»да Людовик, «Ўқитувчи»да Рамазон қори, «Алломанинг ёшлиги»да Конгирбек, «Олтин тулпор»да Қирол, «Ким айбдор»да Абдусамат каби ролларни ўйнаган. Т. драматург сифатида И. Аҳмедов б-н ҳамкорликда «Сирли сандиқ», «Қимирлаган қир ошар», «Зумрад ва Қиммат», «Тўғри ва Эгри» каби эртак-пьесалар ёзиб ёш томошабинларга тақдим этган.

ТОЛИПОВ Шукур Толипович (1908.5.1, Янгийўл, Тошкент вилояти — 1990.28.5, Тошкент) — кимёгар олим. Қозоғистон ФА акад. (1967 й.дан) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1950), кимё фанлари д-ри (1948), проф. (1949). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1935), шу ун-тда кафедра мудири (1938 й.дан), декан (1949 й.дан). Уруш қатнашчиси (1941—45). Айни вақтда 1967 й.дан Чимкентдаги Қозоғистон кимё-технология ин-тида илмий маслаҳатчи.

Асосий илмий тадқиқотлари нодир ва тарқоқ элементларнинг аналитик кимёсига оид. Фторидлар ва турли органик реактивлардан фойдаланиб, анализ қилиш усулларини таклиф этган. Органик реагентлар сифатида табиий бирикмалар (анабазин, госсипол, папаверин, пилокарпин ва б.) ва уларнинг синтетик ҳосилаларини ўрганган. Нодир элементлар ва биологик фаол бирикмаларни аниқлашнинг фотометрик, комплексонометрик, люминесцент ва электрокимёвий усулларини ишлаб чиққан.

ТОЛИШ ТИЛИ — *эроний тилларининг* шим. -ғарбий гуруҳига мансуб тил. Озарбайжон жан. ва Эрон шимолида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 200 минг кишига яқин (1979). Асосий шевалари: ленкоран, астара, лерик, массали. Фонетикасида 7 унли фонема, тил ўрта ва тил орқа ундошлари оппозицияси (к'-к, ғ' -ғ) мавжуд; морфологиясида отлар 2 келишик б-н ўзгаради, кўпчилик феълларнинг ҳоз. ва ўтган замон шакллари бир хил, феъллар 8 замон, 4 майл ва 2 нисбат шаклларига эга. Синтаксисда аниқловчи аниқланмишдан олдин келади. Лексикасида озарбайжон тилидан ўзлашган сўзлар анчагина. 20-а.нинг 30-й. ларида Озарбайжон толишлари учун ёзув яратилган бўлса-да, у оммалашмаган.

ТОЛИШ ТОҒЛАРИ — Кавказнинг жан.-шарқидаги ўртача баландликдаги тоғлар (Озарбайжон б-н Эрон чегарасида). Каспий денгизининг жан.-ғарбий соҳилида барпо этилган. Асосчиси — Саид Аббос, маҳаллий мулкдорлардан бўлган. Унинг вафотидан сўнг ўғли Гара тахтга ўтирган (1747—86). Иқтисодиёти асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган; хонлик пойтахти Ленкорань савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. Эрон томонидан қилинаётган доимий тажовузлар туфайли Т.х. ташқи сиёсатда Россия б-н яқинлашишга ҳаракат қилган. 1795 й. хон Мир Мустафо Россиядан ҳомийлик қилишини сўраб мурожаат қилган. 1802 й. Т.х.ни Россия ўз васийлигига олган. 1828 й.ги Туркманчой битимига кўра, эса Россия Т.х.ни бутунлай ўз ҳудудига қўшиб олган.

ТОЛИШЛАР, талишлар — Озарбайжоннинг жан.-шарқи (21,1 минг киши, 1989 й.) ва Эроннинг шим.даги (100 минг киши, 1990-й.лар ўрталари) халқ. *Толиш тилида* сўзлашади. Диндорлари — шиа мусулмонлар, бир қисми — сунниилар.

ТОЛИШ-МУҒОН МАДАНИЯТИ — жез ва илк темир даврига оид археологик маданият (мил. ав. 14—7-а.лар). Озарбайжоннинг Толиш тоғлари ва Муғон даштида тарқалган. Қабристонларни қазишда маълум бўлган. Т.-М.м.нинг тоғли зоналарида бир неча эркак ва аёллар жасади бирга дахмаларга дафн этилган. Жуфт ва якка қабрлар ҳам учрайди. Жасаллар гужанак ёки чўзиқ ҳолда кўмилган. Т. -М.м.нинг паст текислик зоналарида тупроқ қабрлар очилган. Улардан жез ва темир қуроллар, ҳар хил сопол идишлар, тилла ва жез безаклар ҳамда жездан ясалган ҳайвон шакллари топилган. Т.-М.м.ни яратган қабилаларнинг асосий машғулоти деҳқончилик, тоғларда эса чорвачилик ва металлсозлик бўлган. Дафн жиҳозлари ва маросимлари патриархал уруғ жамоаларида мулкий табақаланиш бошланганини акс эттиради. Ғарбий Осиё мамлакатлари б-н алоқаси бўлганлиги кузатилади.

ТОЛМАСОВ Михаил Жўрабекович (1887, Бухоро —1969.30.3, Самарқанд) — мақомчи хонанда, созанда (танбур, дутор, доира). Ўзбекистон халқ артисти (1936). Оти Жалол Носиров, Левича ҳофиз Бобохонов лардан Шашмақомнинг ашула ва чолғу йўлларини ўрганган. Овози жуда ёқимли бўлиб, ашулаларни мақом ижрочилигидаги мумтоз услубда маҳорат б-н айтган.

Турли ансамблар (1920—33), Самарқанддаги маҳаллий яҳудийлар театри, Бухоро маҳаллий яҳудийлар труппаси (1933—38)да хонанда ва созанда, Бухоро вилояти санъат бошқармаси раҳбари (1938—41), Ўзбек давлат филармонияси қошидаги тожик ашула ва рақс ансамблида хонанда, бадиий раҳбар (1941—48). Ю. Ражабий Т. ижросида «Савти Ушшоқ», «Савти Наво», «Мўғулчаи Дугоҳ», «Мўғулчаи Сегоҳ» (шохобчалари б-н) нотага олиб, Шашмақом нашрларида келтирган. Т. ижролари грампластинкаларга ҳам ёзилган. Бастакор сифатида «Нажот», «Зулми амир» мусиқали комедияларга куй басталаган.

ТОЛМЕН (Tolman) Эдуард Чейс (1886—1959) — америкалик психолог, необихевиоризм назариётчиси. *Бихевиоризм, гештальтпсихология* ва *фрейдизм* ғояларини бирлаштириб, янги илмий тизимни ишлаб чиққан. Бихевиоризм асосчиси Ж. Уотсоннинг ғоясига қарама-қарши ўлароқ, у ҳайвонларнинг ҳам, инсонларнинг ҳам хулқи «стимул — реакция» типидаги бирликлардан иборат тузилишга эмас, балки яхлит хатти-ҳаракатлар тизимига эга, деб ҳисоблайди. Ушбу тизим ўз ичига мотив, мақсад, ашёлар хусусиятлари ва уларнинг тузилмавий муносабатларини фарқлаш, фараз ишлаб чиқиш ва уни текшириш кабиларни қамраб олади. Т. мазкур ички руҳий ҳолатларни «оралиқ ўзгарувчанлик» тушунчасига бирлаштирган. Ижобий ўзгарувчан реакцияларни Т. психологик эмас, балки жисмоний реакциялар деб баҳолайди. Асосий асари «Ҳайвонлар ва одамларда мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракат» (1932).

ТОЛМОЗОР АДИРИ — Фарғона ботиғининг жан. қисмидаги адир (Фарғона вилояти ҳудудида). Шим.да Аравон — Шаҳрихон дарёлари ёйилма конуслари, жан.да Ёрмозор адирорти ботиғи б-н чегараланган. Ғарбда Қопчиғай, шарқда Полвонтош адирлари б-н туташиб кетади. Энг баланд жойи 712 м. Шим. ён бағри узун ва қияроқ, жан. ён бағри қисқа, тикроқ. Ён бағирлари кўплаб қуруқ сойлар ва жарликлар б-н кесилган. Тектоник жиҳатдан брахиантиклиналь структура. Палеоген, неоген ва тўртламчи давр конгломерат, гил, қумтош, мергель, шағал тошларидан ташкил топган. Улар баъзи жойларда лёсс жинслари б-н қопланган. Адир янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган. Иқлими континентал, ёзи иссиқ. Йиллик ёғин 200—300 мм. Тупроғи бўз тупроқ. Ранг, қўнғирбош, шайтонковуш ва б. ўсимликлар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан каламуш, қўшоёқ, бўрсиқ, жайра, тулки, илонлар, калтакесаклар ва б. учрайди. Адир ҳудуди яйлов сифатида фойдаланилади.

ТОЛСТИХ Прасковья Алексеевна (1934.5.11, Воронеж вилоятининг Воробьёвка тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент чет тиллар педагогика интини тугатган (1956). 1956 й.дан Денов туманидаги 2-, 1964 й.дан 74-мактабда инглиз тили ўқитувчиси. Ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланади.

ТОЛСТОВ Сергей Павлович (1907.25.1, Петербург — 1976.28.12, Москва) — археолог ва этнограф. Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари тарихи, этн. ва археологияси бўйича мутахассис, проф. СССР ФА мухбир аъзоси (1953), Ўзбекистон ФАнинг фахрий акад. (1956). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби. Тожикистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган фан арбоби. Москва ун-тини тугатган (1930), СССР халқлари музейида илмий ходим (1929—36). Москва ун-ти тарих ф-тининг этн. кафедраси мудири (1939—51). СССР ФА Этнография ин-ти директори (1942—66), кўп жилдли «Жаҳон халқлари» («Народы мира») китоби муаллифларидан бири ва муҳаррири. *Хоразм археология-этнография экспедициясининг* ташкилотчиси ва раҳбари (1937—69). Ўрта Осиё халқлари археологияси, ибтидоий, қад. ва ўрта аср дин тарихи, ижтимоий тузуми, этногенези бўйича 300дан кўпроқ илмий иш муаллифи. Т. антропология ва этн. фанлари Халқаро иттифоқининг вице-президенти, Буюк Британия Қироллиги антропология ин-ти ва б. кўпгина чет эл илмий ташкилотлари фахрий аъзоси.

Ас.: Ўзбекистоннинг қадимги маданияти, Т., 1944; Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования, М., 1948; По следам древнехорезмийской цивилизации, М — Л., 1948; По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962; Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964.

ТОЛСТОЙ Алексей Николаевич [1882.29.12(1883.10.1), ҳоз. Саратов вилояти, РФ — 1945.23.2, Москва] — рус ёзувчиси, жамоат арбоби. СССР ФА акад. (1939). Петербург Технология ин-тида ўқиган (1901—07). 1918—23 й.ларда Парижда яшаган. Илк тўплами — «Лирика» (1907). «Ғалати одамлар» насрий тўплами (1911) ва «Оқсоқ бой» (1912) романида зодагонлар ҳаёти акс этган. «Аэлита» (1922—23) ва «Инженер Гариннинг мўъжизаси» (1925—27) илмий-фантастик романлари бор. «Сарсонлик — саргардонликда» трилогияси («Опа-сингиллар», 1922; «Ўн саккизинчи йил», 1927—28; «Булутли тонг», 1924—41) рус зиёлилари ҳақида. «Улуг Пётр» тарихий романи (1-китоб, 1929—30; 2-китоб, 1933—34; 3-китоб тугалланмаган)да Пётр I замонининг ижтимоий-тарихий воқеалари акс этган. Т. шу мавзуда пьеса (1934—1938) ва киносценарийлар ҳам ёзган. Итальян фольклори мотивлари асосида «Олтин калит ёки Буратинонинг

бошидан кечирганлари» китоби (1936) болаларга бағишланган. 2-жаҳон урушининг бошланиши б-н аксар рус, украин ва белорус ёзувчилари қатори, Т. ҳам 1941 й. нояб.да Тошкентга келган. У шу ерда «Иван Грозний» дилогиясининг 1-қисмини тугатиб, ушбу дилогиянинг 2-қисми «Машаққатли йиллар» (1942)ни ва «Ёвуз куч» пьесасини ёзган. «Буюк Пётр» романи ва «Сарсонлик — саргардонликда» трилогиясига эса сайқал берган. Шунингдек, совет ахборот агентлигининг мухбири сифатида марказий ва республика газ.лари учун, жумладан, ўзбек халқининг уруш йилларидаги ҳаётига бағишланган публицистик мақолалар ёзган. Шу йилларда Ўзбекистондаги адабий ҳаётда фаол иштирок этган. *Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Иззат Султон, Яшин* ва б. б-н ижодий алоқада бўлган.

Ас.: Рус халқ эртаклари, Т., 1951; Ҳикоялар, Т., 1954; Сарсонлик — саргардонликда [трилогия], Т., 1949—53; Олтин калит ёки Буратинонинг бошидан кечирганлари, Т., 1955; Инженер Гариннинг мўъжизаси [роман], Т., 1961; Аэлита [илмий-фантастик роман], Т., 1982, Улуг Пётр [роман], 1—2-китоб, Т., 1973—74.

Ад.: Векслер И. И., Алексей Николаевич Толстой. Жизненный и творческий путь, Л., 1948; Петелин В. В., Судьба художника. Жизнь, личность, творчество А. Н. Толстого, М., 1982.

ТОЛСТОЙ Лев Николаевич [1828.28.8(9.9), Тула губерняси Ясная Поляна қишлоги — 1910.7(20). 11, Липецк вилояти, ҳоз. Лев Толстой бекати; Ясная Полянада дафн этилган] — рус ёзувчиси. Россиядаги қадимий дворянлар сулоласидан, граф. Петербург ФА мухбир аъзоси (1873), фахрий акад. (1900). 1844—47 й.ларда Қозон ун-тининг араб-турк ва ҳуқуқшунослик ф-тларида ўқиган. 1851—53 й.ларда Кавказда бўлиб, жангларда иштирок этган. 1854 й. Дунай армиясига юборилган; илтимосига кўра, қамалдаги Севастополга ўтказилган. Қрим урушида қатнашган. Т. 1855 й.да Петербургга бориб, Н. А. *Некрасовнинг* «Современник» («Замондош») жур. ва журнал атрофидаги ёзувчилар (И. С. *Тургенев*, И. А. *Гончаров*, Н. Г. *Чернишевский* ва б.) б-н ҳамкорлик қилган. Болалик кезларида рус ва араб халқ

эртаклари, А.С.Пушкин шеърлари, шунингдек, Юсуф ҳақидаги Инжил ривояти таъсирида шеърлар ёзган. Биринчи йирик асари — «Инсон камолотининг турт даври» автобиографик асари («Болалик», 1852; «Ўсмирлик», 1852—54; «Ёшлик», 1855—57; «Йигитлик», ёзилмай қолган). Уруш лавҳалари ва аскарларнинг маиший турмуши Т.нинг «Севастополь ҳикоялари» (1855) тўпламига кирган ҳикоя ва очеркларида ўз ифодасини топган.

50-й.лар Т. руҳий ҳаёт лавҳалари ва маиший турмуш тафсилларини тарихий воқеаларнинг кенг манзараси, ҳаётнинг ахлоқий-фалсафий асослари тасвири б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Т. ижодида шакллана бошлаган бу ижодий тамойил «Казаклар» қиссаси (1863)да, айниқса, яққол кўринади. Бу асарда ўз иньикосини топган халқ ҳаёти мавзуи ва воқеликнинг эпик тасвири Т.нинг 60-й.лар ижодида янада теранлашади.

Рус ва жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган «Уруш ва тинчлик» (1863—69) эпопеяси Т. нинг 60-й.ларда ижодий камолотга эришганидан шаҳолат беради. Айрим совет адабиётшунослари гарчанд бу асарни Т.нинг ўз даври муаммоларидан қочиши, деб баҳолаган бўлсалар-да, ёзувчи «Уруш ва тинчлик» романи б-н ўз даврида рўй берган ва ўзи шахсан гувоҳ бўлган воқеаларга фаол муносабат билдирган. Энг муҳими, у Наполеоннинг 1805—07 ва 1812—14 й.лардаги ҳарбий юришлари мавзуига мурожаат этиб, кўплаб қаҳрамонлар иштирок этган эпик воқеалар б-н бирга қаҳрамонларнинг руҳий тасвирлари илк бор катта маҳорат б-н уйғунлашган тарихий роман жанрини яратди. Ҳолбуки, 19-а. ўрталарида эпик асарлар даври ўтди, деган фикрлар кенг тарқалган, 60-й.ларда рус жамиятида куч ола бошлаган синфий зиддият ва курашлар эса «Уруш ва тинчлик»дек эпопеянинг майдонга келиши учун унумли замин бўла олмас эди. 1812 й.да Россиянинг Наполеон қўшинлари томонидан босиб олиниши мумкинлиги бир-бири б-н келиша олмаган турли табақа ва синфларни душманга қарши кураш шиори остида бирлаштирлики, Т.нинг рус халқи онгидаги ана шу уйғонишга мурожаат этиши «Уруш ва тинчлик» романининг юзага келиши учун ҳаётбахш замин вазифасини ўтади.

Т.нинг 70-й.лар ижодида «Анна Каренина» романи алоҳида мавқега эга. «Уруш ва тинчлик»дан бу романни ёзгунига қадар бўлган даврда Т.нинг рус жамиятидаги ижтимоий тенглик ва адолат тўғрисидаги орзуумидлари рўёбга чиқмади. 60-й.лардаги пелоҳот ёзувчи кутган натижани бермади. Мазкур романда Т.нинг жамият ҳаётида кечаётган нохуш жараёнлар ҳақидаги изтиробли ўйлари акс этди. Романда Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат 3 оиланинг бир-бири б-н чатишган, аммо мустақил сюжет чизигига эга бўлган тарихи тасвир этилган. Т., аксар рус ёзувчиларидек, насроний динига катта эътиқод қўйган, ҳаётда рўй бераётган воқеаларга ва кишиларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам шу дин нуқтаи назаридан ёндашган. Унинг диний қарашлари жамият ва шу жамиятда яшовчи кишиларга, бинобарин, у ёки бу қаҳрамонига бўлган муносабатига, шак-шубҳасиз, таъсир ўтказган. Т.нинг оила масаласига, чуноичи, Каренинлар оиласида содир бўлаётган воқеаларга ёндашувида ҳам диний қарашлари сезилади. У жамият аъзоларида қандай чиркин хислатлар мавжуд бўлмасин, кишилар диний қонун-қоидалар доирасида ҳаракат қилишлари лозим, акс ҳолда жамият ҳалокат сари боради, деган фикрдан келиб чиқиб, қаҳрамонлар образини яратади.

70-й.ларда руҳий изтироб иқлимида яшаган Т. ўз ҳаёт йўлини қайта назардан ўтказди ва шу жараёнда ижтимоий келиб чиқиши, тарбияси ва ҳаёт йўли б-н боғлиқ жамият қатламининг маънавий асослари ёлғонга асосланган, деган хулосага келди. Унинг бундай қарашлари «Иқрорнома» (1880) ва «Эътиқодим нимада?» (1884) асарларида ўз ифодасини топди. Т.нинг шу даврда ёзган асарлари орасида «Иван Ильичнинг ўлими» (1886), «Крейцер сонатаси» (1889) қиссалари, айниқса, эътиборга лойиқ.

Т. 80-й.ларда драматургия жанрларида ҳам ижод қилиб, «Зулмат ҳокимияти» (1886) драмаси ва «Маърифат мевалари» (1890) комедиясини ёзади. Бу асарларда қишлоқ аҳлидаги жаҳолат, шаҳар маданиятининг қишлоққа кўрсатаётган салбий таъсири катта бадиий куч б-н тасвирланган.

Т. дунёқарашида тобора кучайиб бораётган зиддиятлар унинг сўнгги йирик асарларидан бири — «Тирилиш» романи (1889—99)да ўз аксини топди. Ҳаётда бўлиб ўтган оддий воқеа — бир суд жараёни асосида яратилган бу асарда Т. ижтимоий адолатсизликка асосланган жамиятнинг ички, маънавий асосларини очиб ташлайди. Мазкур асардаги кишилар тақдири б-н воқеаларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги масаласи «Ҳожимурод» (1896—1904) қиссасининг ҳам асосини ташкил этган.

Т. диндор ёзувчи сифатида кишилар руҳиятидаги зиддиятларни тасвир этибгина қолмай, ўзи ҳам жамият ва кишилар ҳаётидаги бундай зиддият ва майллардан жароҳатланиб яшаган. Ёзувчидаги мураккаб руҳий ҳолат унинг сўнгги асарлари («Тирик мурда», 1890; «Балдан сўнг», 1903 ва б.) да ҳам акс этган. Т. ҳаётининг Ясная Полянадаги сўнгги кунлари руҳий изтироблар пўртанасида кечди. У яқин кишилари тўқиган игво ва фасод тўридан қочиб, 1910 й. Ясная Полянадан бош олиб чиқиб кетади ва йўлда шамоллаб, вафот этади.

Ўзбекистонда Т. ижодига қизиқиш у ҳаёт пайтлардаёқ бошланган. Унинг «Одамлар нима билан тирик?», «Худо ҳақиқатни кўрса ҳам тезда айта олмайди» мақолалари 1887—1902 й.ларда «Туркистон вилоятининг газети»да ўзбек тилида нашр этилган. Т. ҳақидаги «Россия мамлакатининг машҳур ёзувчиси» деган мақола эса 1889 й. шу газ.да таниқли маърифатпарвар Сатторхон Абдуғаффоров таржимасида босилган. Т.нинг болалар учун ёзган қатор ҳикоялари Саидрасул Азизий («Устоди аввал», 1902), Алиасқар Калинин («Муаллими соний», 1903), Абдулла Авлоний («Биринчи муаллим», 1909; «Иккинчи муаллим», 1912) сингари жадид маърифатпарварларининг ўқув қўлланмалари ва дарсликларида эълон қилинган ҳамда усули савтия мактабларида ўқитилган.

Т. нафақат буюк ёзувчи, балки адолатпарвар ва халқпарвар инсон сифатида ҳам ўзбек жадидларининг эътиборини ўзига жалб этган. Биринчи ўзбек адвокати Убайдулла Хўжаев 1909 й.да Т.га унинг ёмонликка ёмонлик б-н жавоб бермаслик ҳақидаги таълимоти юзасидан хат ёзиб, ўша йилнинг 5 июнида ундан жавоб олган. Ислом динининг таниқли арбобларидан бири Абдувоҳид Қориев эса 1910 й. Ясная

Полянага махсус бориб, Т. б-н бир неча марта мулоқотда бўлган. Аммо ўзбек халқининг Т. ижоди б-н яқиндан танишиши 20-а.нинг 30-й.ларидан бошланган ва унинг барча асосий асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—22, М., 1978—86; Асарлар, 1—5-ж.лар, Т., 1978—80; Икрорнома, Т., 1998.

Ад.: Каримов Э. А., Человек в изображении Толстого, М., 1967; Храпченко М. Б., Толстой как художник, 3-изд., М., 1971; Ломунов К., Жизнь Толстого, М., 1981.

Наим Каримов.

ТОЛУКА, Толука-де-Лердо — Мексиканинг марказий қисмидаги шаҳар, Толука тоғ оралиғи ҳавзасида, 2680 м баландликда жойлашган. Мехико штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 665,6 минг киши (2000). Транспорт йўлари тугуни. Тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, электротехника, кимё, тўқимачилик, кўнпойабзал, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, музейлар бор. Курорт ва туризм маркази. Шаҳарга индейсларнинг қад. шаҳри ўрнида асос солинган, 1520 й.дан шаҳар мақомига эга.

ТОЛУОЛ (испанча tolu — Толу бальзами — шундан илк бор Т. олинган), метилбензол, $C_6H_5CH_3$ — ароматик углеводород; ёнувчан, рангсиз суюқлик, бензол ҳиди келади; қайнаш т-раси 110,6°; зичлиги 870 кг/м³ (20° да). Кўпчилик органик эритувчилар б-н аралашади. Т. баъзи нефтлар, тошкўмир смоласи ва кокс газида бўлади. Саноатда нефть фракциясини термик ишлаш маҳсулотларидан олинади.

Иссиққа чидамли. Пиролиз натижасида мураккаб углеводородлар (бензол, дитолил, нафталин, антрацен) ҳосил бўлади. Т.ни радиолизлаб, дитолил, бензилтолил, дибензил олинади. Т.ни 500—700° да водород босими (40—60 атм) остида диметиллаб, ундан саноатда бензол ишлаб чиқарилади. Т.ни каталитик оксидлаб, бензил спирт, бензальдегид, бензой кислота, малеин ангидрид ҳосил қилинади.

Т. капролактам бўёқлар, портловчи моддалар (тринитротолуол), фармацевтик ва турли ярим маҳсулотлар олишда ишлатилади. Пластмассалар, локбўёқ, типография бўёқлари олишда, резина саноатида эритувчи сифатида қўлланади.

ТОЛЬ (франц. tole — темир лист) — том ёпиш ва изоляция учун ишлатиладиган гидроизоляция материали. Картонга қора мой шимдириш йўли б-н тайёрланади. Т.нинг бир томонига минерал маҳсулот, иккинчи (ташқи) томонига йирик қум сепиб ишлов берилади. Т.нинг пастки томони қийин эрийдиган мум ва баъзан майда қум б-н қопланади. Т.нинг қумсиз хиллари ҳам бўлади. Т.нинг битумли ёпмаларга қараганда чидамлилиги кам, асосан, иншоотларни вақтинча ёпишда, қурилиш конструкцияларини сув ва бугдан изоляциялашда ишлатилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган Т.нинг эни 750, 1000 ва 1025 мм, ўрама (рулон) тарзида тайёрланади.

Тольятти шаҳрининг марказий кўчаси.

ТОЛЬЯТТИ (1964 й.гача Ставрополь) — РФ Самара вилоятидаги шаҳар. Волга дарёсидаги порт. Т.й. станцияси. Куйбишев сув омборининг чап соҳилида. Аҳолиси 716,3 минг киши (1998). 3 шаҳар тумани бор. Т.га 1737 й. асос солинган. Волга ГЭС сув омборига сув тўлдирилиши муносабати б-н (1950 й.лар ўрталарида) шаҳар бутунлай янги жойга кўчирилди. 1964 й.да П. Тольятти номига қўйилди.

Волга автомобиль з-дининг қурилиши (1967—72) шаҳар тараққиётига муҳим таъсир кўрсатди. Машинасозлик ва металлсозлик («Автоваз» бош корхонаси) етакчи ўринда; трансформаторлар ишлаб чиқарилади, кема таъмирлашмеханика з-ди фаолият кўрсатади. Кимё саноати (минерал ўғитлар, синтетик каучук ва б.) ривожланган. 2 илмий тадқиқот ин-ти, политехника ин-ти, театр, ўлкашунослик музейи бор.

ТОЛҚОН — 1) овқат тури. Т. қўқонжўхори, маккажўхори, бугдой, оқишоқ, қотган нон, мева қоқиларидан тайёрланади. Тайёрлаш усули: қовурилган дон, қуритилган нон ёки мева қоқилар ўғир ёки ҳовончада туйилади, сўнгра элаб олинади; зарур ҳолларда шакар қўшиб истеъмол қилинади. Тўқтутар ва парҳез маҳсулот; 2) умуман туйилган нарса, кукун.

ТОМ — бинонинг устини ёпиб турувчи қисми. Деворлар ва бинонинг ичини ёғин-сочиндан асрайди. Юк кўтарувчи (ферма, сарров, стропил, хари ва б.) ҳамда тунука, шифер, толь синғари ёпувчи қисмлардан иборат. Шаклига кўра, Т.лар бир нишабли, икки нишабли, тўрт нишабли, кўп нишабли, шатр (қубба) шаклли, чордоқли ёки чордоқсиз (ясси), баланд чордоқли-мансарда кўринишида бўлиши мумкин.

Эни кенг саноат биноларида табиий ёритиш ва ҳаво алмаштириш мақсадларида Т. ўртасига фонар (ойнаванд туйнук) ишланади. Бундан ташқари Т.ларнинг гумбазли, пирамидасимон, конуссимон ва қобиқсимон хиллари ҳам бўлади. Гумбазли Т.лар Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда қадимдан кенг тарқалган. Булар ҳозир ҳам қурилади (қ. *Гумбаз*).

Ўзбекистонда оддий уй-жойлар қадимда, асосан, ясси Т.ли бўлиб, уй деворига тўсинлар ташлаб, уларнинг устига тоқи (васса) терилган, устига бўйра, қамиш ёки похол тўшалган, тупроқ солиб текисланган, кейин сомонли лой б-н сувалган. Айрим жойларда ҳозир ҳам шундай Т.лар бор. Аксар турар жой бинолари нишабли қилинади. Олдин стропила ишлаб олиниб, устига ёпиш материали (тунука, шифер ва б.) қопланади.

Ёпиш материалларининг хоссалари ва ҳудуднинг иқлимий шароитига қараб Т.нинг нишаби ҳар хил (тунука, толь ва рубероидлар учун пастроқ; асбоцемент, черепица ва шиферларда — тикроқ) олинади. Бир нишабли Т.лар, асосан, ёрдамчи хўжалик биноларига қурилади. Икки нишабли Т.лар энг кенг тарқалган. Кўп нишабли Т. энг мураккаб ҳисобланади.



Том турлари: *А* — умумий кўриниши; *Б* — ён томондан кўриниши; *В* — планда кўриниши; *1* — бир нишабли том; *2* — икки нишабли том; *3* — тўрт нишабли том; *4* — қубба кўринишидаги том; *5* — кўп нишабли том.

Ўзбекистон ҳудудида мансардали (чордоқли қисми хонага мосланган) уйлар кам қурилади, уй-жой масаласи танқис бўлган ҳолларда уларнинг аҳамияти катта.

ТОМАС Эдуард Донналл (1920) — америкалик гематолог, онколог. Илмий ишлари қон яратилиши бузилганда кўмикни кўчириб ўтказиш муаммоларига оид; кўчириб ўтказилган аъзо ёки тўқималар кўчиб кетишининг олдини олиш учун иммунитетни сусайтириш усули (иммунодепрессия программаси)ни таклиф этган. Биринчи бўлиб одамда кўмикни кўчириб ўтказишга муваффақ бўлган (1956). Нобель мукофоти лауреати (1990, Ж. Э. Марри б-н ҳамкорликда).

ТОМАС ЖАРАЁНИ — суюқ фосфорли чўянни қисилган ҳаво ёки бошқа оксидловчи газ аралашмаси муҳитида *конвертерда* қайта ишлаб пўлатга айлантириш. Инглиз металлурги С. Ж. Томас (1850—85) таклиф қилган (1878). Т. ж. таркибида 2% гача фосфор (Р) бўлган чўянни қайта ишлашга имкон берган. Олинган томас пўлати таркибида азот ва фосфор *мартен пўлати*дагига нисбатан камлиги туфайли 20-а. бошларида *мартен печида* пўлат олиш усули Т.ж.ни сиқиб чиқара бошлади. 70-й.ларда Т.ж. ўрнини кислородконвертерли жараён эгаллади.

ТОМБУКТУ, Тимбукту — Малидаги шаҳар, Нигер дарёсининг чап соҳилида. Транспорт йўллари тугуни. Туз, тамаки ва хурмо савдоси маркази. Ҳунармандчилик корхоналари мавжуд. Иссиқлик электр ст-яси қурилган. Ўлкашунослик музейи, араб ёзма манбаларини ўрганувчи ин-т бор. Шаҳарга карвон йўлидаги манзил сифатида 11-а.да асос солинган. 13—16-а.ларда Мали ўрта аср давлатининг иқтисодий ва маданий марказларидан бўлган. 13—15-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари (масжид, мақбаралар) сақланган.

ТОМДИ ТУМАНИ — Навоий *вилояти*даги туман. 1927 й. 3 июлда ташкил этилган. Жан.дан Конимех, Нурота туманлари, шим.дан Қозоғистоннинг Қизилўрда, шарқдан Жанубий Қозоғистон вилоятлари, жан.-шарқдан Жиззах вилояти, ғарбдан Учқудуқ тумани б-н чегарадош. Майд. 42,4 минг км². Аҳолиси 26,4 минг киши (2004). Туманда 7 қишлоқ фуқаролар йиғини (Керегетов, Кориз, Оққудуқ, Оқтов, Сўкитти, Томдибулоқ, Шели) бор. Туман маркази — *Томдибулоқ* қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди Қизилқум чўлида жойлашган. Қад. палеозой (герцин) паст тоғлари — Томдитов, Оқтов, Олтинтов, Етимтоғ, Қуюқтов, Ўғиз, Бўкантов, Бўканмерей, Улиқизил, Жаманқизил даштлари, тоғ этакларида булоқлар (Томди, Жингилди ва б.) бор. Тоғлардан олтин қазиб олинади. Ботиқ кўп (Мингбулоқ — денгиз сатҳидан 12 м паст). Тоғлар атрофи текислик, қатор қум тепалари ва кўзанак қумлар бор. Иқлими кескин континентал. Янв. нинг ўртача т-раси —4,1°, энг паст т-ра —31°. Июлнинг ўртача т-раси 30°, энг юқори т-ра 40°. Йиллик ўртача ёғин 108 мм. Дарё ва кўллар йўқ. Тупроқлари қизил, қум тупроқлар. Саксовул, каврак, туяқорин, селин, ранг, арпағон ва б. ўсади. Оқ қуйруқ (сайғоқ), жайран, архар, тулки, қобон, қуён, юмронқозиқ, бургут, қарға, калтакесаклар, эчкемар, бўғма илонлар, каклик ва б. бор.

Аҳолиси, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқлар, шунингдек, туркман, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 0,6 киши.

Хўжалиги. Қ.х.нинг асоси — яйлов чорвачилиги. Асосан, қоракўл қўйлари боқилади. Туя, от ҳам кўпайтирилмоқда. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 1402 қорамол (шундан 710 сигир), 363,9 минг қўй ва эчки, 3,5 минг от, 2,5 минг туя боқилади (2003.) Туманда 279 хўжалик юритувчи субъектдан 7 ширкат, 47 фермер хўжалиги, 88 деҳқон хўжалиги, 65 хусусий корхона ва фирма, 3 акциядорлик жамияти, 4 масъулияти чекланган жамият, 2 и.ч. кооперативи ва б. фаолият кўрсатади (2003). Хўжаликларнинг умумий сонидан 245 таси микрофирма, 6 таси кичик 7 таси ўрта ва 21 таси йирик корхонадир.

Туманда 34 умумий таълим мактаби, қ.х. касб-ҳунар коллежи мавжуд (2004). 25 кутубхона, 11 клуб муассасаси, 1 театр, 2 музей бор. Касалхона, поликлиника, туғруқхона, дорихоналар, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасалари фаолият кўрсатади.

Т.т.даги йирик қишлоқлар орасида автобуслар қатнайди.

ТОМДИБУЛОҚ — Навоий вилояти *Томди тумани*даги қишлоқ. Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Қизилқудуқ (65 км). Аҳолиси 10 минг кишига яқин (2004). Артезиан қудуғидан сув олади. Ҳудудида туман ҳокимияти, туман давлат ва маъмурий ташкилотлари, умумий таълим мактаблари, кутубхона, клуб муассасалари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, алоқа бўлими, марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар бор. Т.дан тумандаги йирик аҳоли пунктларига автобус қатнайди.

ТОМДИТОВ — Марказий Қизилқумдаги тоғ, деярли кенглик бўйлаб чўзилган. Шувоқтов, Оқтов, Буздуастов, Мурунтов, Қоратов каби тизмалардан иборат. Булардан энг баланди *Оқтов тизмаси*. Сувайирғич қисмида (Оқтов) текисланган юзалар бор, ён бағирлари тик, вақтинча сув оқувчи қисқа, баъзида дара шаклидаги ўзанлар б-н кесилган этаклари тизмалардан емирилиб тушган шлейф ётқизиқлари б-н қопланган. Горст — антиклиналь структурага эга. Турон плитасининг герцин бурмаланиши даврида шаклланган пойдеворининг ер юзасига чиқиб қолган ва янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган қисми бурмаланган ва метаморфизлашган палеозой даври сланец, оҳактош, доломит, гранитларидан тузилган. Иқлими кескин континентал, қуруқ ва иссиқ. Йиллик ўртача т-ра 19°, янв.нинг ўртача т-раси —3,6°, энг паст т-ра —33° гача, июлники 27—30°, энг юқори т-ра 46—48° га кўтарилади. Т.нинг ён бағирлари ва этакларида бўз, қўнғир, қумли чўл тупроқларида асосан, шувоқ, боялич, арпағон ва б. ўсимликлар ўсади. Улардан яйлов сифатида фойдаланилади. Т.да оҳактош, мармар, боксит, олтин ва б. қазилма бойликлар очилган.

ТОМИЗМ — *Фома Аквинский* таълимоти ва у асос солган католицизм фалсафаси ва илоҳиётидаги йўналиш. Христианлик ақидаларини Аристотель фал-

сафаси б-н бирлаштирган. Т. 13-а.да Европада (схоластикада) ҳукмрон мавқени эгаллаган. Августин платонизмини сиқиб чиқарган ва *аверроизм*га қарши турган. Кейинчалик унинг таъсири бўшашиб қолди. 19-а. охиридан *неотомизм* шаклида қайта тикланиб, католик черковининг расмий фалсафий таълимоти деб эълон қилинди.

ТОМИР (анатомияда) — 1) одам ва ҳайвонларда қон (қон томири) ва лимфа (лимфа томири) ҳаракатланадиган ковак найча (қ. *Артериялар, Веналар, Лимфа системаси*). Ўсимликларда — ксилеманинг узун ковак найча шаклидаги ўтказувчи элементи.

ТОМИР ЖИНСЛАР (петрографияда) — Ер пўстида томир ва дайкалар шаклида ётган магматик тоғ жинслари. Т.ж. буткул мустақил ҳолатда ёки интрузив массивлар б-н боғлиқ бўлиши мумкин. Т.ж. кимёвий ва минерал таркиби жиҳатидан отқинди тоғ жинсларига қисман ўхшаш. Интрузив жинсларга яқин бўлиб, таркиби жиҳатидан улардан ажратиб бўлмайдиган ашхист ва маълум даражада ажратса бўладиган диашхист Т.ж. деб аталади. Диашхист Т.ж., ўз навбатида, тўқ рангли минералларга бой (меланократ жинслар ёки лампрофирлар), шунингдек, оч рангли минералларда тузилган (лейкократ жинслар — аплитлар) турларга бўлинади. Баъзан бундай жинслар йирик ёки гигант зонали бўлиб, пегматит томирлар дейилади. Интрузив тоғ жинсларининг деярли ҳар бир турига мос Т.ж. нинг турлари — лейкократ ёки меланократ жинсларга тўғри келади. Т.ж., одатда, порфирсимон структурали, асосий массаси тўлиқ кристалланган бўлади, баъзан шишасимонлари ҳам учрайди.

ТОМИР ТОРТИШИШИ — мускулларнинг гайриихтиёрий қисқаришини халқ ўртасидаги номи (қ. *Тиришиш*).

ТОМИР УРИШИ — қ. *Пульс*.

ТОМОГРАФИЯ (юн. tomos — қаватма-қават ва *...графия*), биотония, ламинография — мураккаб рентген текшириш усули: Т.да текширилаётган аъзонинг қаватма-қават сурати олинади. Т. патологик жараённинг жойлашган ўрни, чуқурлиги, беморни ётқизиш ва тегишли қаватни ҳисоблаш, техник шароитларни аниқлаш ва суратлар олишдан иборат. Т. рентген трубка б-н плёнка жойлашган кассетанинг бир вақтда бир-бирига нисбатан қарама-қарши ҳаракат қилиши (силжиши)га асосланган; бунда бемор қимирламай ётиши лозим. Икки қават орасидаги масофа — томографик қадам ҳажми объектнинг қалинлигига боғлиқ, мас., ўпка учун бу қадам 0,5 дан 2 см гача ва ундан кўпроқ бўлиши мумкин. Т. тўғри, ён ва кўндаланг ҳолатларда ҳамда нотиник ҳолатда қилинада, у патологик жараённинг жойлашган ўрни, шакли, катталиги, тузилиши ва унинг атрофидаги аъзолар ҳамда тўқималар б-н муносабати тўғрисида тўла-тўкис маълумот беради. Т.да кўп қаватли (симултан) кассета ишлатилиши ифоланинг бир йўла бир неча қаватини олишга имкон беради, текшириш вақтини қисқартирали ва беморнинг нурланиш дозасини анчагина камайтиради. Т. нафас аъзолари, юрак-томир, скелет системаси, қорин бўшлиги ва б. аъзоларда учрайдиган ўсмалар ҳамда турли касалликларни аниқлашда кенг қўлланади. Ҳоз. компьютер Т. ва магнит-резонанс Т. кенг расм бўлган, бу касаллик ўчоги қайси қаватда жойлашганлигини аниқ белгилаш имконини беради.

ТОМОНАГА Синъитиро (1906.31.3 — Киото —1979.8.7) — япон назариётчи физиги. Квант электродинамика асосчиларидан бири. Киото ун-тини тугатган (1929). Физика ва кимё и. т. ин-тида ишлаган (1932 й.дан). Ўз билимини Лейпциг ун-тида такомиллаштирган (1937—39). Токио ун-ти проф. (1941 й.дан). Илмий ишлари *квант электродинамика, майдон квант назарияси*, мезонлар назарияси, ядро физикаси, космик нурлар физикаси ва б.га оид. Мезоатомлар мавжудлигини башорат қилган (1940), квант-механик коллектив ҳаракат назарияси (1955) ва б.ни ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1965; Р. Фейнман ва Ж. Швингер б-н ҳамкорликда).

ТОМОҚ — оғиз бўшлигини ҳалқум б-н боғлайдиган тешик. Юқоридан юмшоқ танглай б-н, пастдан — тил орқаси ва ён томонларидан — танглай ёйчалари орасида жойлашган муртак безлари б-н чегараланади.

ТОМСЕН (Thomsen) Вильгельм Людвиг (1842.25.1 — Копенгаген — 1927. 12.3) — даниялик тилшунос, тарихчи. Копенгаген ун-ти проф. (1887—1913). Дания Қироллиги илмий жамияти президенти (1909 й.дан). Петербург ФАнинг хорижий мухбир аъзоси (1894). Биринчи бўлиб Урхун-Енисей ёдгорликларини ўқиган (1893) ва уларнинг қад. туркий тилларга оидлигини аниқлаган. Қиёсий-тарихий тилшунослик, фин-угор ва туркий тилларни ўрганишга оид илмий асарлар яратган. Дания тили лаҳжалари лугатини ва швед тили лугатини тузишда қатнашган. «19-аср охиригача булган тилшунослик тарихи» монографияси муаллифи (1902, 1927; 2-нашри, 1938 й.да рус тилига таржима қилинган). Бу асарида умуман тил ҳақидаги билимнинг тараққиёти жараённи қамраб олишга, уни даврлаштиришга, лингвистик тафаккур ривожидаги асосий тамойилларни кўрсатиб беришга эришган. Шунингдек, Т. «Қуталғу билиг» нинг Вена кутубхонасида сақланаётган уйғур ёзувидаги қўлёзмаси асосида асар номининг ҳоз. транскрипциясини таклиф этган. Бу транскрипция кўпчилик томонидан, жумладан Ўзбекистонда ҳам қабул қилинган.

ТОМСК — РФ Томск вилоятидаги шаҳар (1782 й.дан), вилоят маркази. Томь дарёсининг ўнг соҳилида. Дарё порти. Т.й. станцияси, дарёдан т.й.га, темир йўлдан дарёга юк ортиладиган пункт. Аэропорт бор. Аҳолиси 478 минг киши (1998). 3 шаҳар тумани мавжуд.

Т. 1604 й.да вужудга келган. 1804—1925 й.ларда губерния маркази. Шаҳар 19-а.нинг 30-й.лари охиридан, Томск ва Енисей губерняларида кўплаб олтин қазиб олина бошлаши муносабати б-н, Сибирнинг муҳим савдо, ҳунармандчилик ва транзит маркази бўлиб қолди. Т.да 1880 й.да Россиянинг Осиё қисмида биринчи ун-т, 1896 й.да Сибирда биринчи олий техника ўқув юрти — технология ин-ти очилган. 1880-й.дан Т. полшо Россиясининг сургун жойи эди.

Т.да машинасозлик ва металлсозлик (приборсозлик, электротехника саноати, подшипниклар, асбоблар ва б.), кимё, ёгочсозлик, озиқ-овқат, енгил саноатлари ривожланган. Қурилиш материаллари корхоналари бор. Шаҳарда Россия ФА Сибирь бўлимининг илмий маркази; 6 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 3 театр, музейлар (шу жумладан, Томск ун-ти музейи), Ботаника боғи мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан: Воскресенская черкови (18-а. охири — 19-а. бошлари), савдо расталари (18—19-а.лар) сақланган.

ТОМСК ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1944 й. 13 августда ташкил этилган. Майд. 316,9 минг км². Аҳолиси 1046 минг киши (2002). Асосан, руслар (88,2%), шунингдек, украин, татар, немис, белорус, чуваш, шимол халқлари (шу жумладан, селькуп, ханти ва б.) яшайди. Шаҳар аҳолиси 68,4%. Таркибига 16 маъмурий туман, 6 шаҳар, 1 шаҳарча киради. Маркази — Томск ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Стрежевой, Асино.

Т.в. Ғарбий Сибирнинг жан.-шарқида. Обь дарёсининг ўрта оқимида жойлашган. Ҳудудининг асосий қисмини Ғарбий Сибирь текислигининг ясси, кучли ботқоқлашган ҳудудлари эгаллаган. Фақаттина, жан.-шарқда вилоят ҳудудига Кузнецк Олатовининг (бал. 211 м гача) шим. тармоқлари кириб борган. Шим.дан 58° ш.к.да рельефининг музлик шакллари — морена қатор тепалари, кул—музлик ботиқлари ва б. жойлашган. Обь дарёсининг кенг водийси вилоят ҳудудини ботқоқлашган Васюганье текислиги ва сал кутарилган ўнг соҳилга бўлади. Фойдали қазилмалардан темир руласи, нефть, газ, қунгир кўмир, қурилиш материаллари конлари ва б. топилган. Торф, ер ости сувлари ва иссиқ минерал сувлари захиралари кўп.

Иқлими континентал. Қиши қаттиқ ва давомли. Январнинг ўртача т-раси —19° дан —21° гача. Ёзи илиқ, қисқа. Июлнинг ўртача т-раси 17—18°. Йиллик ёғин 450—770 мм. Вегетация даври 125 кунга яқин. Асосий сув тармоқлари — Обь дарёси ва унинг ирмоқлари (Томь, Чулим, Кеть, Тим, Чая, Парабель, Васюган). Кўл кўп. Т.в. ўрта ва жан. тайга ва қисман аралаш ўрмонлар зонасида жойлашган.

Тупроқлари, асосан, чимли-подзол ва торфли-ботқоқ, жан.-шарқида бўзўрмон тупроқ. Ўрмонлар (сибирь кедри, оққарағай, қарағай, қайин, тоғтерак) вилоят ҳудудининг 54% ни эгаллайди. Бўри, силовсин, тулки, шимол бугуси, лось, елик, бурундуқ, олахуржун яшайди. Тийин, соболь, ондатра овланади.

Хўжалигининг етакчи саноат тармоқлари—машинасозлик ва металлсозлик. Приборлар, электротехника асбоблари («Сибэлектромотор»), подшипниклар («РолТом»), кончилик асбоб ускуналари («Томский инструмент»), («Сибкабель») ишлаб чиқарилади. Нефть қазиб олинади, кимё («Нефтехимический комбинат», «Полипропилен» ва «Завод резиновой обуви»), ўрмон ва ёгочсозлик («Томсклеспром», қалам ф-каси) корхоналари бор. Озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Асосий саноат марказлари — Томск, Асино, Колпашево, Стрежевой; Самусь шаҳарчаси.

Бугдой, арпа, картошка, сабзавот, зиғир, ем-хашак экинлари экилади. Чорвачилик (қорамол, чўчқа, қўй ва эчки), паррандачилик ривожланган. Балиқчилик, мўйнали ҳайвонларни овлаш ва даррандачилик б-н ҳам шуғулланилади. Асосий транспорт воситалари сув ва автомобиль транспорти. Обь, Томь, Чулим, Кеть, Чая, Парабель, Васюган дарёларида кема қатнайди. Т.й. узунлиги 346 км. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 3,4 минг км. Ҳаво транспорти ривожланган. 1 халқаро ва 6 маҳаллий аҳамиятдаги аэропортлар мавжуд. 6 олий ўқув юрти, 2 музей, 2 театр бор. 20 га яқин санаторий-курорт ва дам олиш муассасаси фаолият кўрсатади.

ТОМСК УНИВЕРСИТЕТИ — Сибирь ва Узоқ Шарқдаги қад. олий ўқув юрти. 1880 й. ташкил этилган. Мат., физика, кимё, биол., тарих, геол., иқтисодиёт, геогр., ҳуқуқ, филол. ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Илмий кутубхонасида 3 млн.дан ортиқ асар бор. 9 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ТОМСОН (Thomson) лорд Кельвин Уильям (1824.26.6, Белфаст — 1907.17.12, Ларгс, Глазго яқинида; Вестминстр аббатлигида дафн этилган) — инглиз физиги, *термодинамика* ва *газлар кинетикаси назарияси* асосчиларидан бири. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1851 й.дан) ва президенти (1890—95). Кембриж ун-тини тугатган (1845). Илмий хизматлари учун унга 1892 й.да лорд Кельвин (Kelvin) унвони берилган. Илмий ишлари физика, мат. ва техниканинг турли соҳаларига оид. У тасвир олишнинг электр усулини ишлаб чиққан (1845). Физикага мутлақ т-ра ва унинг номи — Кельвин шкаласи номи б-н аталувчи *термодинамик температура шкаласи* тушунчаларини киритган (1848), Р.Клаузиусдан мустақил равишда термодинамиканинг иккинчи қонунини таърифлаган (1851) ва энергиянинг сочилиши иборасини фанга киритган. Коинотнинг «иссиқлик ҳалокати» гипотезасини айтган. *Термоэлектр ҳодисаларнинг* термодинамик назариясини яратган, Ж.П.Жоуль б-н бирга Жоуль — Томсон эффектини (1853—54), *Томсон эффектини* кашф этган (1856). 1870 й.да тўйинган буг эластиклигининг суюқлик сирти шаклига боғлиқлигини аниқлаган. Т.нинг илмий ишлари, шунингдек, гидродинамика, астрофизика, геофизиканинг турли масалаларига оид. Идеал суюқликда циркуляциянинг сақланиш қонунини яратиб, уюрмали ҳаракат назариясига асос солган.

Т. кўпгина кашфиётлар қилган: квадрант ва мутлақ электрометрлар ҳамда денгиз асбобларини яратган; магнит компаси, кўзгу гальванометри ва б. асбобларни мукаммаллаштирган. Трансатлантик кабель орқали телеграф алоқани узатишни амалга ошириш қатнашчиси.

ТОМСОН (Thomson) — ота-бола инглиз физиклари. 1) Жозеф Жон (1856.18.12, Читем-Хилл, Манчестер яқинида — 1940.30.8, Кембриж) — инглиз физиги, металларнинг электрон назарияси асосчиларидан бири. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1884 й.дан) ва президенти (1915—1920). Манчестердаги Оуэнс коллежини (1876) ва Кембриж ун-тининг Тринити коллежини (1880) тугатган. 1884—1919 й.ларда Кембриж ун-ти проф ва Кавендиш лаб. раҳбари. 1897 й.да *электронни* кашф этиб, унинг зарядини ва массасини аниқлаган. 1903 й.да атомнинг биринчи моделини таклиф қилган. Рентген нурининг узлуксиз спектрини тушунтириб берган. 1911 й.да параболалар усулини ишлаб чиққан, бу усул кейинчалик масс-спектрометрия соҳасининг яратилишига олиб келди. Т. изотопларни очишда катта роль ўйнади. Газлардаги электр разрядларини ўрганди. Нобель мукофоти лауреати (1906).

2) Жорж Пажет (1892.3.5 — Кембриж — 1975.10.9) — инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1930 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1914). Илмий ишлари атом ва ядро физикаси, квант механика, аэродинамика ва б.га оид. Электронлар дифракцияси ҳодисасини кашф этиб (1926—27; америкалик физик Л.Жермер (1896—1971) ва К.Ж.Девиссондан мустақил равишда), уларнинг тўлқин табиатга эга эканлигини амалда исбот қилган. Нобель мукофоти лауреати (1937; К.Ж.Девиссон б-н ҳамкорликда).

ТОМСОН ЭФФЕКТИ — *термоэлектр ҳодисалардан* бири; токли ўтказгич бўйлаб т-ра грандиенти мавжуд бўлганда, иссиқликнинг занжирда *Жоуль—Ленц қонуни*га асосан ажралаётган иссиқликдан ташқари, яна маълум миқдорда иссиқликнинг ажралиш ёки ютилиш ҳодисаси (ток йўналишига қараб). Ажралган ёки юритилган иссиқлик миқдори Томсон иссиқлиги дейилади ва қуйидагича ифодаланади:

$$Q = \tau I \Delta T t,$$

бунда Q — ток кучи I га, т-ралар фарқи ΔT га, токнинг ўтиш вақти t га, ўтказгич материалига, Томсон коэффициенти τ га пропорционал. Томсон иссиқлиги ток йўналишига боғлиқ. Пельтье (қ. *Пельтье эффекти*), Томсон ва Зеебек коэффициентлари ўзаро $S=\Pi/\tau$

қўринишда боғланган, бу ерда S — Зеебек коэффициенти, $П$ — Пельтье коэффициенти.

Ток кучининг квадратига пропорционал бўлган Жоуль — Ленц иссиқлиги ва Томсон иссиқлигининг ҳосил бўлиши бир-биридан тубдан фарқ қилади. Т-ра градиенти мавжуд бўлган ўтказгичдаги электронлар совуқ ўтказгичга ўтганда кинетик энергияларини атомларга беради ва панжара атомлари ҳаракатга келиб, иссиқлик (Томсон иссиқлиги) ажралади. Ток йўналиши ўзгартанда совуқ ўтказгичдаги электронлар т-раси юқори бўлган ўтказгич атомларининг энергияси ҳисобида энергияларини оширади, яъни иссиқлик ютилади. 1856 й.да У. *Томсон* (Кельвин) назарий жиҳатдан кашф этган.

ТОМЧИ (физикада) — айланма сирт б-н чегараланган ва мувозанат ҳолатда турган кичик ҳажмли суюқлик. Т. суюқликнинг тор тешикдан оқиб чиқишида, бирор сиртнинг чеккасидан оқиб тушишида, уни майда зарраларга айлантиришда ҳосил бўлади. Шунингдек, қаттиқ жисмнинг ҳўлланмайдиган сиртида ва газсимон муҳитнинг конденсация марказ (ион, чангларида бугни конденсацияланиши натижасида ҳам Т. ҳосил бўлади; атмосферада — суюқликнинг сферик кўринишга эга бўлган зарраси. Метеорологияда, одатда, шудринг, булут, туман, ёмғир ва шивалама ёмғирлардаги сув Т.лари тушунилади.

ТОМЧИ АНАЛИЗ — сифат ва ярим миқдорий кимёвий анализ усули. Т.а.да текширилаётган эритма ёки модда бир неча томчи миқдорида олинади. Муайян сонларни аниқлаш учун фильтр қоғози, юпқа шиша, томчи пластинкаси ва микротигелда ўтказиладиган рангли реакциядан фойдаланилади. Т.а.да сезгирлиги ва селективлиги юқори моддалар қўлланади. Шу туфайли, аниқланаётган ионлар текширилаётган эритмадаги бошқа моддалар иштирокида топилади. Ярим миқдорий аниқлаш усули (томчи колориметрия) фильтр қоғозида пайдо бўлган доғ рангини стандарт рангга солиштиришга асосланган. Т.а. усули органик ва анорганик моддаларнинг софлигини назорат қилишда; руда ва минералларни анализ қилишда, биокимёвий анализда ва б.да қўлланади.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ — сувни махсус қувурлар ёрдамида бевосита ўсимликларнинг илдизлари атрофига кичик меъёрларда томизиб суғориш. Томчилатиш учун қувурларда махсус томизгичлар — микроғовак деворлар ёки махсус тешикчалар қилинади. Сув сарфи, одатда, солтига 4—5 *л* атрофи-



Томчилатиб суғориш: *1* — суғориш қувурлари. *2* — томчилатгичлар. *3* — намланиш контури.

да бўлади. Сув б-н бирга эритилган ўғит ва пестицидлар бериш ҳам мумкин. Суғориш қувурлари орасидаги масофа ўсимликларнинг қатор оралари ўлчамига боғлиқ бўлиб, 0,8 м дан (дала экинлари учун) 6 м гача (боғлар учун) ўзгариши мумкин. Уз. эса одатда 200 м дан ошмайди. Томизгичлар орасидаги масофа эса тупроқ шароитларига боғлиб бўлиб, 0,5—1,0 м атрофида. Тарқатувчи қувур ёпиқ усулда жойлаштирилади, суғориш қувурлари эса ҳар йили суғориш мавсуми олдидан ўрнатилиб, мавсум охирида йиғиштириб олинади. Т.е.нинг афзалликлари: сув сарфини 30—50% га камайтиради, экинлар ҳосилдорлиги ортади, бегона ўтлар камаяди (суғориш қувурлари ўрнатилмаган қатор оралари қуруқ бўлиб, бегона ўт чиқмайди), меҳнат сарфи камаяди.

ТОМЧИСОЙ — Сурхонларё вилоятидаги сой. Боботоғнинг ғарбий ён бағридаги булоқлардан бошланади (1200 м). Уз. 26 км, ҳавзасининг майд. 84 км². Ўртача йиллик сув сарфи 1,4 м³/сек. Ёмғирдан, булоқ ва ер ости сувларидан тўйинади. Баҳорда суви кўпаяди. Ҳавзаси ёғин кам ёғадиган пастак тоғларда бўлганидан камсув. Т.дан Сариосиё туманидаги айрим қишлоқлар сув ичади.

ТОМЬ — РФ Хакасия Республикасидаги дарё, Обь дарёсининг йирик ўнг ирмоғи. Уз. 827 км, ҳавзасининг майд. 62000 км². Абакан тизмасининг ғарбий ён бағридан бошланади. Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 1110 м³/сек. Окт.—декабрь бошларидан апр. охиригача музлаб ётади. Йирик ирмоқлари: чапда — Мрас-Су, Кондома, Унга; ўнгда — Уса, Тайдон ва б. Т.нинг қуйилиш жойидан Томск ш.гача кема қатнайди. Ёғоч оқизилади. Т. ҳавзасида Кузнецк кўмир ҳавзаси мавжуд. Т. бўйида Новокузнецк, Кемерово, Томск ш.лари жойлашган.

ТОН (tonos — кескинлик, кучланиш) — 1) *акустикада* мураккаб товуш спектрининг энг кичик бўлаги, бўлак тон (обертон, ундертон). Мусиқий товушдан фарқи уларок одий тебранишлар натижасида ҳосил бўлади; 2) мусиқий *интервал*лар катта-кичиклигини белгиловчи ўлчов (мас., катта секунда — бутун Т., кичик секунда — ярим Т.); 3) муайян баланд-пастликка эга бўлган товуш, мусиқа товуши, *лад* поғонаси (мас., I поғона асосий ёки бош Т., тоника), *аккорд* товуши, куйининг энг кичик элементи (яна қ. *Нағма*).

ТОНАЛ ТИЛЛАР — лексик ва (ёки) грамматик маъноларни фарқлаш учун хизмат қилувчи тонларга эга бўлган тиллар. Фонологик жиҳатдан тон — лексик ва грамматик маъноларни фарқлаш учун қўлланилган фарқловчи товуший воситалардан бири. Т.т. Жан.-Шарқий Осиё (хитой, вьетнам, лаос, бирма тиллари), Африка (нилот тиллари, ква, банту ва б. тиллар) ва Америкада (миштек, мишатек, трике ва б. тиллар) тарқалган. Баъзи Т.т. (мас., хитой-тибет тилларида) тонлар, асосан, лексик маънодорликка эга бўлса, бошқаларида грамматик фарқларни (отларда сон ёки жинс, феъл замони, инкор ва ш.к.) ҳам ифодалаши мумкин. Аксарият Т.т. учун тонлар ва сўз ургусининг ўзаро муносабати масаласи мунозаралидир; баъзи Т.т. учун эса ургунинг мавжудлиги ва вазифаси ҳақида ишончли далиллар мавжуд эмас. Шуни айтиш керакки, ургу бир сўзда бирдан ортиқ бўлмайди, тон эса бир сўзда 4 тагача (хитой тили) бўлиши мумкин.

ТОНАЛЛИК (*тон* сўзидан) — *лад*нинг баланд-пастлик ҳолати (мас., «Ре мажор» — мажор ладининг «ре» товушидан, «ми минор» — минор ладининг «ми» товушидан бошланишини белгилайди); 2) муайян баланд-пастликдаги лад тизими (лад—Т.); 3) тор маънода — гармоник Т., яъни *мажор-минор* лад тизимини белгиловчи, *консонанс* аккорд асосида қурилган функционал тизим. 16—19-а.лар композиторлик ижодида ривож топиб, 20-а.да Т. хусусиятлари мураккаблаша борган, муайян Т.ни инкор этувчи политонал, *атонал*, *мусиқа*, *додекафония* каби ижодий йўналишлар юзага келган.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» — болалар ва ўсмирлар газетаси. Муассис — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. Ҳафтада 2 марта чиқади. Биринчи сони 1929 й. 1 авг.да Самарқандда «Ленин учқуни» номи б-н чиққан (3000 нусхада); 1931 й.дан Тошкент ш.да чоп этилади. 2-жаҳон уруши йиллари газ.ни нашр этиш вақтинча тўхтатилган. 1946 й. 1 июлдан яна нашр қилина бошлаган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Газ.га турли даврларда Ҳотам Қирғиз, Й.Шамшаров, Санжар Тилла, Рамз Бобожон, F.Жаҳонгиров, С. Йўлдошев, Ж. Раззоқов, А. Кучимов, А.Бердимуродов ва б. муҳаррирлик қилишган. Саҳифаларида Ўзбекистондаги мактаб ўқувчилари ҳаётига оид мақола ва хабарлар, улар ижодидан намуналар, болалар учун бадиий асарлар ва б. босилади. Адади 50.000 (2004). Муҳаррири Умида Абдуазимова (1995 й.дан).

ТОНГА (Tonga), Тонга Қироллиги (The Kingdom of Tonga) — Тинч океанининг жан.-ғарбий қисмидаги ва Полинезиядаги Тонга архипелагида жойлашган давлат. Майд. 748 км². Аҳолиси 106,1 минг киши (2002). Пойтахти — Нукуалофа ш. Маъмурий жиҳатдан 6 округ (districtlra бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — конституцияли монархия. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка киради. Амалдаги конституцияси 1875 й.да қабул қилинган, кейинчалик унга қўшимча ва тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — қирол (1965 й.дан Тауфа'ахау Тупоу IV). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Қонун чиқарувчи ассамблея, ижрочи ҳокимиятни қирол ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Тонга архипелаги (Дўстлик ороллари) Тинч океанининг жан.-ғарбидаги ва Полинезиядаги вулкан ва маржонлардан ҳосил бўлган бир қанча ороллардан иборат. Уларнинг таркибида уч асосий гуруҳ: Тонгатапу, Хаапай, Вавау о.лари ҳамда бир қанча майда ва одам яшамайдиган ороллар бор. Тонга архипелаги ороллари 2 параллел сув ости тизмасида жойлашган бўлиб, ғарбий тизма (уз. 700 км дан кўпроқ) тоғли вулканик ороллардан (энг баланд жойи Као о.да, 1030 м), шарқий тизма унча баланд бўлмаган маржон ороллардан иборат. Ҳаракатдаги вулканлар,



шу жумладан, сув ости вулканлари бор. Иқлими — тропик, денгиз иқлими. Дек.—апр. иссиқ, нам, май—нояб. салқин ва қуруқ ойлар. Январнинг ўртача т-раси 26°, авг.ники 20°. Йиллик ёғин 2000 мм. Тупроғи унумдор қизил тупроқ, ороллар намсевар тропик ўрмонлар б-н қопланган. Ҳайвонот дунёси илон, калтакесак ва қушларнинг 30 га яқин тури, қалamуш ва сичқон, томбақа, денгиз моллюскаларидан иборат; балиқ кўп.

Тонга герби.

Аҳолисининг аксарияти (98%) — тонгалар. Бошқа ороллардан келган полинезлар ва европаликлар ҳам бор. Диндорларнинг кўпчилиги протестант; католиклар ҳам бор. Расмий тил — тонга ва инглиз тиллари. Аҳолининг 43% шаҳарларда яшайди.

Тарихи. Мил. ав. 2-минг йилкла оролларга полинезлар кўчиб келган. Мил. 10-а.да давлат уюшмалари пайдо бўлган, уларни қабила бошлиқлари идора қилган. Бу ерга 17-а.да голланд денгизчи саёҳатчи етиб борган. 1845 й. Хаапай о.лари қабила бошлиғи ороллар гуруҳини бирлаштиришга эришди. Т.ни эгаллаш учун Буюк Британия, Германия ва АҚШ ўртасида кескин кураш бўлиб, натижада 1900 й. Т. Буюк Британия протекторати остидаги ўзини ўзи идора қилувчи давлат деб эълон қилинди. 1967 й.ги Буюк Британия — Т. битими Буюк Британиянинг ороллар устидан назоратини чеклади. 1970 й. 4 июнда Т. мустақилликка эришди. Т. — 1999 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 4 июнь — Мустақиллик эълон қилинган кун (1970).

Сиёсий партиялари. Инсон ҳуқуқлари ва демократия учун ҳаракат; Халқ партияси, 1994 й. тузилган. Т.да касаба уюшмалари йўқ.

Хўжалиги. Т. — иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асоси қ.х. (ялпи ички маҳсулотнинг 32%). Аҳолининг 90% шу соҳада банд.



Тонга байроғи.

Экспорт учун банан, ананас, кокос пальмаси (копра), цитрус мевалар, маҳаллий эҳтиёж учун батат, ямс, маниок, таро етиштирилади. Қорамол, чўчқа, эчки, уй паррандаси боқилади, балиқ овланади, ёғоч тайёрланади.

Саноати қ.х. хом ашёсини қайта ишлайдиган ва тахта тиладиган майда корхоналар, тикув ф-касидан иборат. Автомобиль йўллари уз. — 650 км дан зиёд. Асосий денгиз портлари (савдо марказлари) — Нукуалофа ва Неиафу. Т. четга копра, банан, тропик мевалар, денгиз маҳсулотлари, қовун, ваниль, помидор чиқаради, четдан машина ва ускуна, озиқ-овқат (қанд, чой, кофе ва б.), саноат моллари олади. Янги Зеландия, Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Япония б-н савдо қилади. Пул бирлиги — паанга.

Маорифи. Бошланғич таълим бепул, 6—14 ёшдаги болалар учун мажбурий. Бошланғич мактаб ўқитувчилари пед. коллежида тайёрланади. Океан соҳилидаги оромбахш пляжлар ва Нукуалофадаги қирол саройи Т.нинг диққатга сазовор жойларидир.

Матбуоти ва радиоэшиттириши. «Тонга кроникл» («Тонга воқеалари», инглиз ва тонга тилларида чиқадиган ҳукумат ҳафтаномаси, 1964 й.дан), «Тонга Таймс», («Тонга вақти», инглиз ва тонга тилларида чиқадиган ҳафтанома, 1989 й.дан); «Келе'а» («Чиғаноқ», тонга тилида йилига 6 марта чиқадиган сиёсий-иқтисодий жур., 1986 й.дан). Т. радиоэшиттириш комиссияси ҳукуматга қарашли бўлиб, 1961 й. ташкил этилган.

Тонгалар копра йиғимида.

ТОНГА, тонгаликлар — Тонганинг асосий аҳолиси. 105 минг кишига яқин (1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Австралияда ҳам яшашади. Полинезия гуруҳига мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — христианлар (асосан, методистлар), бир қисми католиклар. Т. ўзига хос маданиятларини сақлаб қолганлар. Асосий машғулоти — деҳқончилик.

ТОНГА, тонка, батонга — Замбия ва Зимбабведаги банту гуруҳига мансуб халқ. 1,65 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Диндорларининг аксарияти анъанавий эътиқодларга сиғинади. Христианлар, сунний мусулмонлар ҳам бор. Асосий машғулоти — деҳқончилик, қисман чорвачилик.

ТОНЗИЛЛИТ (лот. tonsilla — муртак безлари) — муртакнинг яллигланиши. Ўткир (қ. *Ангина*) ва сурункали Т. фарқ қилинади. Сурункали Т.га тез-тез ангина б-н оғриш, шунингдек, бурундан қийналиб нафас олиш, бурун ёндош бўшлиқларининг яллигланиши, чириган тишлар (қ. *Тиш чириши*) сабаб бўлади. Бемор томоғига бирор нарса қадалгандек сезади, томоғи оғрийди, ачишади, баъзан оғриқ қулоққа ўтади. Сурункали Т.да иситма (37,3—37,5° гача) узоқ (ҳафталаб, ҳатто ойлаб) давом этиши, шу б-н бирга бемор ланж бўлиб, боши оғриши, иш қобилияти пасайиши мумкин. Т.ни фақат мутахассис врач даволайди: дезинфекцияловчи эритмалар б-н томоқ чайилади, муртак каналлари ювилади, сўнг йодглицерин аралашмаси суртилади ва физотерапевтик муолажалар буюрилади. Сурункали Т. тез-тез қўзиб туради. Касалликдан юрак ва буйрак функцияларининг бузилиши ҳамда бўғимларда оғриқ пайдо бўлиши каби асоратлар қолиши мумкин. Бундай асоратлар юз бермаслиги учун лозим бўлганда операциялар қилиб, муртаклар олиб ташланади.

ТОНИК ШЕЪР ТИЗИМИ (юн. tonos — урғу) — мисралардаги урғу миқдори б-н ўлчанадиган шеър тузилиши, унда урғусиз сўзлар миқдори ихтиёрий бўлади. Т.ш.т. ҳам *силлабик шеър тизими* каби энг оддий шеър шаклларидан ҳисобланади. Силлабик шеър тизими қўшиқбоп ва куйбоп шеърларда қўлланса, Т.ш.т. турли халқларнинг насрий шаклларида, кўпроқ мақол, матал, топишмоқлар ва б.да ишлатилади. Тоник шеър насрга яқин бўлади, у, одатда, аллитерацияли, қофиядош мисралар уйғунлигини ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади. Қофияланмаган Т.ш.т. қофияланган тоник шеърлардан кескин фарқланади, яъни у мисралараро урғуларнинг бир хиллигига қатъий амал қилади. Агар урғули бўғинлар б-н урғусизлари маълум тартибда келса, Т.ш.т. б-н силлабик-тоник шеър ўртасидаги оралиқ шеър шакли вужудга келади. Бунда шеърий ўлчов ҳам иштирок этади. Ҳозирда рус шеъриятида Т.ш.т. ҳам, силлабик-тоник шеърлар ҳам баравар яратилмоқда. Рус шоирларининг ўзбекча таржима қилинган асарларида Т.ш.т. қоидаларига риоя қилинади.

ТОНЛЕСАП, Сап — Камбоджа текислигидаги кўл. Ҳиндихитой я.о.да энг катта. Майд. 2,5—3 минг км² дан (қишда) 10 минг км² гача (ёзда), мавсум бўйича ўзгариб туради. Чуқурлиги ҳам тегишлича 1—2 м дан 10—14 м гача. Қирғоқлари паст, ботқоқлашган. Тонлесап дарёси Т.ни Меконг б-н боғлайди ва унинг оқимини қисман тартибга солиб туради. Балиққа бой. Шолипояларни суғоришда фойдаланилади, соҳил қисмида аҳоли зич. Т. яқинида Камбоджа маданияти ёдгорлиги мажмуаси — *Ангкор* жойлашган.

ТОННА (лот. tunna, франц. tonne — бочка) — 1) массанинг тизимга кирмаган ўлчов бирлиги. Ҳақиқатан ҳам каттароқ бочканинг сиғими 1 м³ атрофида бўлса, унга тахм. 1 т сув сигади. 4°да 1 м³ ҳажмдаги сувнинг массаси 1 т га тенг. Т.нинг 1000 кг га тенг метрик Т.; 1016,05 кг га тенг британия узун Т.си; 907,18 кг га тенг британия қисқа Т.си хиллари мавжуд; 2) юк жойлаштириладиган бинонинг ҳажм ўлчови (кемачиликда). 2,83 м³га мос келувчи Т. Буни реестр Т. дейилади; 3) *тринитротолуолнинг* ядровий эквиваленти; $4{,}2 \cdot 10^9$ Ж га тенг; 4) Германияда юза ўлчов бирликларидан бири. 1 Т.=0,5466 га =5466 м².

ТОНУС (юн. tonos — таранглик) (физиологияда) — нерв марказлари, мускул тўқималари ва артериолалар деворидаги мускул толаларининг толиқмай, узоқ вақт қўзғалган ҳолатда бўлиши. Нерв марказлари Т. ида бош ва орқа мия қисмларидан эфферент нервлар орқали импульслар узлуксиз юборилиб, орган ва тўқималарни маълум функционал ҳолатда анчагача сақлайди. Мускуллар Т.ида узоқ вақт таранглашади ёки қисқаради, бунда тананинг мувозанати, скелет мускуллари тонуси, қовуқ, бачадон ва ҳазм аъзолари бўшлиқларининг босими ҳамда қон босими (силлиқ мускуллар тонуси) маълум даражада сақланади. Контрактил ва пластик Т. бор. Контрактил Т.да мускуллар, айниқса, скелет мускуллари кескин таранглашади, моддалар алмашинуви кучаяди, энергия сарфланиши ортади. Пластик Т.да мускуллар кучсиз таранглашади ва бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин. Моддалар алмашинувининг тезлиги кескин узгармайди, кўп энергия сарф бўлмайди. Мускуллар Т.ини бошқаришда узунчоқ миянинг ретикуляр формацияси, вестибуляр ядролари, мияча ҳамда гуморал омиллардан адреналин, карбонат ангидрид катта роль уйнайди.

ТОПАЗ (юн. topazos — Қизил денгиздаги орол номидан) — оролли силикатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Al_2[SiO_4][OH,F]_2$, Fe^{2+}, Fe^{3+}, Ti, Cr, V ва б. аралашмаларга эга. Ромб сингонияда кристалланади. Рангсиз, оч сариқ, оч ҳаво ранг, пушти бўлиб, нур таъсирида ўзгаради. Т.нинг 60—80 кг дан 120 кг гача бўлган кристаллари маълум. Қаттиқлиги 8, зичлиги 3,4—3,6 г/см³. Т. асосан, рангли пегматит ва пневмотолит конларида дала шпати, кварц, турмалин, берилл, вольфрамит, касситерит б-н бирга, баъзан эса сочмаларда учрайди. Т.нинг пикнит, физалит (пирафизалит) каби турлари мавжуд. Шаффоф Т. — учинчи тартибли қимматбаҳо тош. Т.ли жинслар (грейзенлар) оловбардош материал сифатида ишлатилади. Т. конлари Украина, РФ (Урал), Бразилия, Мадагаскар ва Японияда мавжуд. Ўзбекистонда Қурама, Чатқол ва Марказий Қизилқум тоғларидаги грейзенларда учрайди.

ТОПИВОЛДИЕВ Мамадали (1919.20.9 — Фарғона вилояти Риштон туманидаги Пандигон қишлоғи — 1969.7.5) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 й.дан фронтда. Борисов ш. яқинидаги жангда яраланган ва асирга тушиб қолган. 1942 й. асирликдан қочган. Белоруссиядаги партизанлар бригадасида разведка бўлинмаси командири. Т. Могилёв вилояти Круглое р-нидаги жангларда алоҳида жасорат кўрсатган. 1944 й. авг.да Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Армия сафидан бўшатилгач, қишлоғида к-з раиси бўлиб ишлаган. Риштон туманидаги Зодиён қишлоғида бюсти ўрнатилган. Фарғона, Риштон, Ҳамза ш.лардаги кўчаларга, Риштон тумани қишлоқ кенгашига номи берилган. Пандигон қишлоғида уй-музейи бор. Могилёв вилоятининг Круглое шаҳарчаси Т. номи б-н аталган.

ТОПИКА — АҚШнинг марказий қисмидаги шаҳар. Канзас дарёси бўйида. Канзас штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 122,3 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Полиграфия, озиқ-овқат, машинасозлик саноати корхоналари, ун-т бор.

ТОПИНАМБУР, ернок (Helianthus tuberosus L.) — мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик ўсимлик, туганак мевали ем-хашак экини. Ватани — Шим.

Топинамбур: *1* — иллизи ва туганаклари; *2* — пояси ва тўпгули.

Америка. Европага 17-а. бошларида келтирилган. Россияда 18-а.да тарқалган. Ўзбекистонда силосбоп экин сифатида экилади. Поясининг кўриниши *кунгабоқарни* эслатади. Ер ости поялари 20—70 га ноксимон (ернок номи шундан), чўзинчоқ, урчуқсимон ва сирти силлиқ ёки бурушиқли туганак ҳосил бўлади. Иллизи попуксимон, тупроққа 2—3 м кириб боради. Бўйи 1,2—2,5, баъзан 4 м гача. Барглари бандли, тухумсимон, гуллари саватчатўпгулга йиғилган. Меваси писта, 1000 дона пистаси вазни 7—8 г.

Т.нинг ер усти пояси —6°, ер ости поясидаги туганаклар —20° га чидайди. Шўрланмаган тупроқларда ўсади, озиқага талабчан. Ўсув даври 120—200 кун. Т. айни пайтда техник ва озиқ-овқат ўсимлиги ҳисобланади. Туганаги озиқ-овқатга ҳам ишлатилади. Таркибида 2,3% оқсил, 0,2% мой, 17,9% азотсиз моддалар, 1,3% кул ва б., шунингдек, 16—18% *инулин* [ундан қанд (фруктоза), спирт ишлаб чиқарилади], B_1, С витаминлар, 100 кг палагида 22,5 озуқа бирлиги ва 1,8 кг ҳазм бўлувчи *протеин* бор. Т.дан тиббиётда ҳар хил дори-дармонлар тайёрланади. Т. етиштириш учун 25—50 г ли туганаклари экилади (йириклари фақат баҳорда кесиб экилиши мумкин). Экиш схемаси: 70×70, 60×60, чуқ. 10—15 см. Пояси ёз ўртасида ўрилади, кузда туганаги кавлаб олинади. Кўкати ўрилмаса туганак ҳосилдорлиги юқори бўлади. Ҳосилдорлиги: кўк масса бўйича 350—500 ц/га, туганаги бўйича 200—250 ц/га. Туганаги ер остида яхши сақланади, шу сабабли уни заруратга қараб кавлаб олинади.

Касалликлари: иллиз чириш, некроз. Зараркунандалари: тунламалар, узунтумшуқ, симқурт.

Ҳалима Отабоева.

ТОПИШМОҚ, топмача, жумбоқ, матал — халқ оғзаки поэтик ижодининг энг қад. ва оммавий жанри. Жаҳондаги барча халқлар фольклорида учрайди. Т.ларда халқ ҳаёти, турмуш даражаси маданияти, урф-одатлари маълум даражада ўз ифодасини топади. Т.да ечилиши мумкин бўлган сўроқ мажозий шаклда ифодаланиб, унинг маъноси яширинча бўлади. Т.да нарса ёки ҳодиса бошқа нарса ёки ҳодисага ўхшатиш, ўзаро қиёслаш, таққослаш орқали гавдалантирилади. Т.лар баъзан насрий, кўпинча шеърий шаклда, композицион ва ритмик жиҳатдан ихчам, содда ва оҳангдор бўлади. Мас., «Бир парча патир, оламга татир» (Ой); «Оппоқ дастурхон ер юзини қоплаган (қор); «Паст осмондан қор ёгар» (элак). Айрим Т.лар мақол хусусиятига ҳам эга бўлади. Мас., «Ҳаммага тўн тикаман, ўзим ялангоч» (игна). Т.да метафора, ўхшатиш, муболаға, сифатлаш, такрор каби ифода воситалари кенг фойдаланилади. Мас., «Ўзи бир қарич, соқоли қирқ қарич» (игна), «Ер тагида олтин қозиқ» (сабзи), «Зил-зил гилам, зил гилам, зилдан ҳам оғир гилам» (ер) каби.

Т. айтиш, асосан, болаларнинг сўз бойлигини ошириш, ҳаёт ва унинг ҳодисалари ҳақидаги тушунчалари ва тасаввурларини, идроки ва мулоҳаза қобилиятини кенгайтиришда тарбия воситаси ҳисобланади. Т.дан достон ва эртакларда кенг фойдаланилади. «Ошиқ Ойдин», «Ошиқ Алванд», «Хирмон Дали», «Ёзи б-н Зебо», «Алпомиш» ва б. достонларда, «Подшо б-н донишманд чол» эртагида Т. намуналари бор. Т. б-н боғлиқ масалалар фольклоршуносликда тадқиқ этилади.

Ад.: Хусаинова З., Ўзбек топишмоқлари, Т., 1966.

ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ — аъзоларнинг ўзаро жойлашуви ва уларнинг қон томири ҳамда нервларга нисбатан муносабатини ўрганадиган фан. Амалий аҳамиятга (хирургияда) эга. Т.а. танани айрим соҳаларга ажратиб ўрганади. Т.а.да нормал анатомия усулларидан ташқари, мурдани қаватма-қават кесиб очиш, музлатилган танани арралаш, рангли бўёқлар юбориб томирларни тўлдириш, рентгенографик, рентгеноскопик ва ҳ.к. усуллар ҳам қўлланади.

Т.а.нинг аҳамияти фақат оператив хирургия фани доираси б-н чегараланиб қолмайди. Тиббиётнинг ҳар қандай соҳасига, хирургия каби, топографик-анатомик маълумотлар ҳам зарур. Мас., ички касалликлар шифокори (терапевт) аъзоларнинг патологик ҳолати тўғрисида фикр юритиш учун уларнинг акс-тасвири (чегаралари)ни, физиологик силжиш ҳудудларини, аъзолар шакли ва тутган ўрнининг турли ёш ва жинслардаги, ҳар хил қоматли кишиларда қандай бўлиши мумкинлигини билиши, асаб шифокори эса бирор патологик жараённинг (ўсма, қон қуйилиши) ўрнини аниқлаш учун бош ва орқа мия ҳамда уларнинг ўтказувчи йўллари топографиясини билиши зарур ва ҳ.к.

Т.а.ни дастлаб, 18-а.да рус анатоми П.А. Загорский (1789—1846), сўнг хирург И. В. Буяльский (1789— 1866) ўрганди. 19-а.да Н. И. *Пироговнинг* тадқиқотлари Т.а.ни фан сифатида шакллантирди. Ўзбекистонда Т.а. соҳасидаги дастлабки и.т. 20-й.ларда бошланди; 1920 й.да Туркистон ун-ти тиббиёт ф-ти қошида ташкил этилган биринчи кафедрада проф. В. Ф. Войно-Ясенецкий бошчилигида йирингли жарроҳлик, кейинчалик Б. А. Стекольников раҳбарлигида коллатерал қон айланиши ва ички аъзолар иннервацияси тажрибада ўрганилди. 60-й.ларда проф. Ф.Ф. Амиров бошчилигида кекирдак ва бронхларни пластик операция қилишга оид тадқиқотлар олиб борилди ва у клиник амалиётга татбиқ қилинди. Меъданинг сурункали яллигланиш модели ишлаб чиқилди, биринчи бўлиб гастроскопия қўлланилди, яллигланиш касалликларида марказий ва периферик нерв системаларининг ўзгариши чуқур ўрганилди (С. А. Долимов). 70-й.лардан Тошкент тиббиёт ин-тида пульмонология, юрак - томир патологияси, жарроҳлик тикиш материалларининг янги турлари ўрганилди ва татбиқ этилди (Н. Ҳ. Шомирзаев), Самарқанд тиббиёт ин-тида диафрагманинг топографик анатомияси ва жарроҳлиги (В. Я. Бараков), Андижон тиббиёт ин-тида ички аъзоларнинг ёшга боғлиқ топографияси (И. Қ. Қосимхўжаев), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида новокаинли блокадаларнинг турли хил усуллари (А. F. Мирзамуҳамедов), Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тида ёшга қараб тавич-ҳаракат аппаратининг ўзгариши ўрганилди (Ш. М. Аҳмедов).

ТОПОГРАФИК ПЛАН — жой контурлари ва рельефининг кичрайтириб, ўзига ўхшаш ҳолда, Ер сфериклигини ҳисобга олмай қоғозда тасвирланган горизонтал проекцияси. Т.п.да жойнинг предмет ва контурлари *топографик шартли белгилар* б-н, рельеф эса горизонталлар б-н тасвирланади. Т.п.да масштаб ўзгармас, контурлар тасвири эса, уларни жойдаги ҳолати (қиёфаси) б-н ўхшашлигини сақлаган бўлади. Т.п. 1:5 000, 1:2 000, 1:1 000, 1:500 масштабларда, асосан, жойнинг *топографик съёмкасини* бажариш б-н ёки айрим ҳолатларда харитаграфик материаллар асосида тузилади.

Т.п. вазифаси хилма-хил бўлиб, асосан, шаҳар ва аҳоли яшаш жойларининг бош планини ишлаб чиқиш, ер кадастрини олиб бориш ва б. мақсадлар учун топографик асос сифатида хизмат қилади.

ТОПОГРАФИК СЪЁМКА — топографик план ёки харита асл нусхасини яратишда бажариладиган ишлар. Бу ишлар жой топографик элементларининг планли ўрнини ва баландлигини геодезик асос пунктларига нисбатан аниқлаш ва уларни қоғозда шартли белгилар б-н тасвирлашдан; аҳоли яшайдиган жойлар, дарёлар, кўллар ва б. номларини аниқлашдан, планда тасвирланадиган жойнинг топографик элементлари — дарёлар суви оқимининг йўналишини, ўрмон дарахтларининг тури ва ўлчамларини ва б.ни аниқлашдан иборат.

Ҳоз. кунда Т. с. стереотопографик, қўшма аэрофототопографик (фотопланда бажариладиган съёмка), ер усти фототопографик ва мензула съёмкалар усулларида бажарилади. Стереотопографик ва қўшма аэрофототопографик съёмка энг асосий Т. с. усуллари ҳисобланади. Ер усти фототопографик съёмка тоғли ҳудудларда мустақил равишда ҳамда аэрофототопографик съёмка усули б-н бирга қўлланиши мумкин. *Мензула съёмкаси* аэрофотосъёмка материаллари бўлмаган ҳолларда қўлланади. Съёмкалар бошқа (тахеометрик съёмка, теодолит съёмка) усулларда ҳам бажарилиши мумкин; бунда тузиладиган топографик планларнинг аниқлиги ва мазмуни белгиланган талабларга жавоб бера олиши шарт.

ТОПОГРАФИК ХАРИТАЛАР — асосий табиий ва ижтимоий-иқтисодий объектларни тасвирловчи, мазмуни, безаги ва математик асоси ягона бўлган муфассал умумгеографик хариталар. Қатъий геодезик асосда барқарор шартли белгилар системаси ёрдамида яратилади. Уларда географик ландшафтнинг ташқи кўриниши ва унинг асосий элементлари — рельеф, гидрография, ўсимлик, тупроқ-грунт қоплами, аҳоли пунктлари, йўллар ҳамда саноат, қ.х. ва б. ижтимоий инфраструктура объектлари бир хил аниқликда ва мукаммалликда тасвирланади (499- бетдаги рангли харитага қ.). Т. х. 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000 ва 1:100 000 масштабларда тузилади.

Ҳар бир Т. х.нинг номи унинг масштаби б-н юритилади. Мас., масштаби 1:10 000 бўлса, ўн мингли, 1:25 000 бўлса — йигирма беш мингли Т.х. дейилади. Қуйидаги жадвалда Т.х. масштаблари берилган.

Хаританинг номи	Сонли масштаби	Масштабнинг сўз б-н ифодаланиши	Масштаб аниқлиги
Ўн мингли	1:10 000	1 см да 100 м	1 м
Йигирма беш мингли	1:25 000	1 см да 250 м	2,5 м
Эллик мингли	1:50 000	1 см да 500 м	5 м
Юз мингли	1:100 000	1 см да 1000 м	10 м

Т.х. элементларини умумлаштириб, 2 гуруҳ — математик ва географик элементларга бўлиш мумкин. Математик элементларга хаританинг тури, масштаби, рамкаси, варақларга бўлиниши ва номенклатураси ҳамда геодезик таянч пунктлари киради. Географик элементларга Т.х.да тасвирланадиган ер юзаси тафсилотлари киради. Т.х.элементлари бир-бири б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар махсус турғун шартли белгилар ва ёзувлар ёрдамида тасвирланади. Т.х.дан жойни тўла ўрганиш ва текширишда, турли иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда, аниқ ўлчаш ва ҳисоблаш каби муҳандислик ишларини бажаришда, жойда ориентирлашда, ҳарбий мақсадларда кенг фойдаланилади.

Барча топографик ва обзор Т.х. немис олимлари Гаусс ва Крюгерларнинг тенг бурчакли кўндаланг цилиндрик проекциясида тузилади. Т.х.да тасвирланадиган ҳудуд маълум катталикдаги қисмларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири алоҳида варақда тасвирланади. Топографик ёки обзор Т.х. нинг ҳар бир варағи меридиан ва параллел чизиқлар б-н чегараланади ва трапеция шаклига эга бўлади. Кўп варақли харитани алоҳида варақларга бўлинишига графаларга бўлиш ва уларни маълум система бўйича белгиланишига номенклатура дейилади. Ҳамма Т.х.нинг номенклатураси 1:1 000 000 масштабдаги халқаро хаританинг графаларга бўлиш ва номенклатурасига асосланган. Халқаро номенклатура системаси 1909 й. Лондон ва 1913 й. Парижда ўтказилган халқаро географик конгрессларда қабул қилинган. Бу системага кўра, 1:1 000 000 масштабли харита варағининг кенглиги меридиан бўйича 4° ва параллел бўйича 6° га тенг. Экватордан қутбларга томон ҳар 4° дан параллеллар ўтказилиб қаторлар, 180° ли меридиандан бошлаб ҳар 6° дан меридианлар ўтказилиб колонналар ҳосил қилинади. Қаторлар экватордан ҳар иккала қутб томон лотин алфавитининг бош ҳарфлари б-н (A дан Z гача), колонналар эса соат мили ҳаракатига тескари йўналишда ўсиб бориш тартибида 180° меридиандан бошлаб араб рақамлари б-н 1 дан 60 гача белгиланади. Шундай қилиб, 1:1 000 000 масштабли харита ҳар бир варағининг номенклатураси қаторни белгиловчи ҳарф ва колонна номерини кўрсатувчи рақамдан иборат бўлади. Мас., Тошкент ш. жойлашган варақнинг номенклатураси K—42, Москва ш.ники N—37 деб белгиланади. Қуйидаги жадвалда Т.х. бир варағи (трапециясининг ўлчами ва номенклатураси берилган:

Харита масштаби	Варағининг ўлчами: меридиан бўйича	Варағининг ўлчами: параллел бўйича	Номенклатураси
1:100 000	20'	30'	K—42—102
1:50 000	10'	15'	K—42—102—Б
1:25 000	5'	7'30"	K—42—102—Б—г
1:10 000	2'30"	3'45"	K—42—102—Б—г—2

Т.х. барча ташкилотларда бир хил стандарт масштаблар, шартли белгилар ва йўл-йўриқлар асосида тузилиб нашр қилинади.

Ад.: Қутибоев Т., Топография асослари, Т., 1965; Эгамбердиев А., Геодезия асослари ва топографиядан тестлар, Т., 1999.

Аслиддин Эгамбердиев.

ТОПОГРАФИК ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР — план ва хариталарда жой объекти ва улар тўғрисидаги тафсилотларни графиқ тасвирлаш тизими; улар ёрдамида объект ва тафсилотларининг ўрни, сифати ҳамда соний тавсифлари кўрсатилади.

Т.ш.б. бир нечта асосий турларга бўлинади. Ўз ўлчамлари бўйича план масштабида ҳақиқий нисбатлари сақланган ҳолда тасвирланиши мумкин бўлган объектлар масштабли шартли белгилар б-н берилади; план масштабида ташқи кўриниши (контури)ни тасвирлаш имкони бўлмаган ёки тасвирлаганда ҳам кичиклигидан нуқтага айланиб кетадиган объектлар масштабсиз шартли белгилар б-н берилади. Бу белгилар объектлар ўрнашган жойни, уларнинг сифат ва соний тавсифини кўрсатиш имконини беради. Бунда объектлар ўрнашган жой шартли белгининг бирон бир нуқтаси б-н кўрсатилади; чизиқли объектлар — дарёлар, йўллар, алоқа симлари, чегаралар ва ҳ.к. чизиқли шартли белгилар б-н кўрсатилади. Бу белгилар объектларнинг ўрнини, уларнинг бўйлама ўқи бўйича кўрсатиш имконини беради.



Бирор объект плани унинг вазифаси ва масштабига қараб, масштабли ва масштабсиз шартли белгилар б-н тасвирланиши мумкин. Мас., йирик масштабли топографик планларда ҳамма аҳоли яшайдиган жойлар масштабли белгилар б-н кўрсатилади. Майда масштабли хариталарда эса улар, одатда, масштабсиз белги — пунсон б-н кўрсатилади. Т.ш.б. тузиладиган харитани мақсад мазмунига қараб ишлаб чиқилади.

ТОПОГРАФИЯ (юн. topos — жой ва ...*графия*) — Ер сирти (қуруқлик табиий сирти элементлари ва унда жойлашган инсон фаолиятига боғлиқ объектлар)ни геометрик жиҳатдан ўрганиш, уларни план ва хариталарда тасвирлаш б-н шуғулланадиган илмий-техник фан.

Т. йирик масштабли *топографик хариталарни* тузиш б-н боғлиқ дала ўлчаш ва ҳисоб-чизма ишларини; жойда съёмка базаси тармоғини қуриш; оддий асбоб ва усулларда бажариладиган съёмка ишларини, аэрофототопографик усулда бажариладиган съёмка ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш; топографик хариталар тузишнинг ҳамма босқичларида таҳририй ишларни таъминлаш; топографик хариталар учун шартли белгиларни ишлаб чиқиш ва уларни мукаммаллаштириш каби масалалар б-н шуғулланади.

Ер табиий сиртини ўрганишда Т. табиий ва иқтисодий географияга асосланади; Ер сиртининг тасвирини қоғоз (текислик)да ҳосил қилиш (топографик харитани яратиш)да эса у *геодезия* ва *харитаграфия* маълумотларидан фойдаланади. *Топографик съёмка* асосида яратилган топографик хариталар умумгеографик хариталарнинг негизи ҳисобланади.

ТОПОЗЕРО — РФ Карелия Республикасининг шим. қисмидаги кўл. Майд. 986 км². Чуқ. 56 м гача. 109 м баландликда. Шим. ва шим.-ғарбдан жан. ва жан.-шарққа чўзилган. Т.да 150 га яқин орол бор (умумий майд. 63 км²). Музлик-тектоник йўл б-н ҳосил бўлган. Канал ва Поньгома дарёси орқали Оқ денгиз б-н туташган. Асосан, қордан тўйинади. Т. суви тиниқ ва чучук. Окт. охири — нояб.да музлаб, май ойида эрийди. Сатҳи июнда энг юқори, апр.да энг паст. Кум ГЭС қурилганидан кейин (1966) Кум сув омборининг таркибий қисми бўлиб қолди. Ёгоч оқизилади. Балиқ овланади.

ТОПОЛОГИК ФАЗО — бирор йўсинда нуқталари б-н қисм тўпламлари ўртасида яқинлик тушунчаси киритилган фазо, *топологияни*нг ўрганиш объекти. Т.ф.ни таърифлашнинг табиий йўли — нуқтанинг атрофи тушунчасини асос қилиб олиш. Ҳозир, одатда, Т.ф. очиқ тўплам тушунчаси орқали аниқланади: ихтиёрий X тўпламни Т.ф.га айлантириш учун унинг айрим қисм-тўпламлари «очиқ» деб эълон қилинади. Бунда барча очиқ тўпламлар оиласи (уни одатда, Т.ф.нинг топологияси деб айтилади) қуйидаги хоссаларга эга бўлиши лозим: 1) чекли сондаги очиқ тўпламлар кесишмаси ҳар доим очиқ тўплам; 2) ихтиёрий оила ташкил этувчи очиқ тўпламлар бирлашмаси ҳар доим очиқ тўплам. Бу икки аксиомадан хусусий ҳолда қуйидаги, одатда, алоҳида аксиомалар деб қараладиган 2 хосса келиб чиқади; 3) X тўплам (яъни бутун фазо) очиқ; 4) бўш $\varnothing$ тўплам очиқ.

Ҳоз. замон мат.сида ўрганиладиган объектларнинг деярли ҳаммаси: чизиқлар, сиртлар ва уларнинг умумлашмалари, сонлар тўпламлари, метрик ҳамда функционал фазолар ва ҳоказолар. Т.ф.нинг аксиомалар тизими ихчамлигига қарамай кўпдан-кўп, хусусан, ниҳоятда чуқур ва кенг хосса ҳамда тушунчаларни аниқлаш, теоремаларни исботлаш, йирик назариялар яратиш ва ривожлантиришга имкон беради. Мас., бир Т.ф.нинг иккинчисига акслантиришида ҳар бир очиқ тўпламнинг прообрази (асли) очиқ бўлса, у узлуксиз деб аталади; агар очиқ тўпламлардан иборат исталган қопламадан чекли қоплама ажратиш мумкин бўлса, Т.ф. компакт дейилади; компакт Т.ф.да аниқланган узлуксиз сонли функция чегараланган бўлади; Т.ф.ни иккита бўш бўлмаган очиқ тўпламларга ажратиш мумкин бўлмаса, у боғланган (туташ) бўлади ва ҳ.к.

ТОПОЛОГИЯ (лот. topos — жой, ўрин ва ...*логия*) — мат.нинг исталган табиатли объектлар шакли б-н боғлиқ энг умумий хоссаларни ўрганувчи соҳаси ҳамда шу соҳанинг энг муҳим тушунчаларидан бири.

*Геометрия*нинг бир неча минг йиллик тарихий ривожланиши давомида кўплаб тайин чизиқлар ва сиртлар хоссалари ўрганиб келинган бўлса, 19-а.нинг сўнгги чорагида, бир томондан, Б. *Риман*, С. *Ли* каби математиклар чизиқ ва сирт тушунчаларини умумлаштириш натижасида анча кенг геометрик образ — қурама (кўпхиллик ҳам дейилади) тушунчасини киритдилар; иккинчи томондан, функцияларнинг турли синфларини ўрганиш натижасида француз математиклари А. Лебег (1875—1941), Э. Борель (1871—1956) ва б. ишларида analisis situs (ўрин-жой таҳлили) деб номланган йўналиш шакллана бошлади. Худди шу даврда италиялик математик Э. Бетти (1823—98) купёқлилар ҳақидаги Эйлер теоремасини умумлаштириб, кўп ўлчовли купёқсимон (ҳоз. атамага кўра, чизиқли бўлакли) қурамаларнинг мураккаблик даражасини белгиловчи кўрсаткич — Бетти сонларини киритди. Бир оз кейин Ж. А. *Пуанкаре* яна ҳам умумийроқ гомологик ва фундаментал группа тушунчаларини қуллаш натижасида Т. мат.нинг кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнашини башорат қилди. 20-а. бошларида немис математиги Ф. Хаусдорф (1868—1942) *топологик фазо* тушунчасига таъриф берди. Шундан сўнг Т.нинг жадал сурьатлар б-н ривожланиш даври бошланди. 20-а.нинг ўрталарига келиб Т. алгебра б-н бир қаторда бутун мат.нинг пойдеворини ташкил қилиши, мат. соҳалари у ёки бу даражалаги нисбатда олинган алгебра б-н Т. тушунча ва гояларининг синтезидан иборат бўлиши эътироф этилди.

Агар исталган табиатли X тўплам ўз ҳолича қаралса, унинг элементлари орасида ҳеч бир муносабат бўлмайди. Агар X тўплам *метрик фазо* бўлса, у ҳолда нуқталар орасида масофани ўлчаш ва шу б-н боғлиқ тушунчаларни ўрганиш имконияти туғилади. Бунга нисбатан гоят кенг тушунча — нуқтанинг қисм-тўпламга яқинлиги ёки нуқтанинг атрофи тушунчасидир. Мас., математик анализнинг асосий гояси — функцияларнинг локал (яъни нуқтанинг атрофидаги табиати билангина белгиланадиган) хоссалари ва улардан келиб чиқадиган натижаларни ўрганишдан иборат. Бунда a нуқтанинг $(a-\varepsilon, a+\varepsilon)$ кўринишдаги интерваллар мажмуаси асосий роль ўйнайди. Агар X тўпламнинг ҳар бир нуқтаси учун қуйидаги аксиомаларни қаноатлантирадиган атрофлари мажмуаси кўрсатилган бўлса, X топологик фазо бўлади: 1) ҳар бир нуқта ўзининг ихтиёрий атрофига тегишли; 2) агар U нуқтанинг атрофи ҳамда $U \subset W$ бўлса, у ҳолда W ҳам шу нуқтанинг атрофи. Шундай қилиб, топологик фазо — бирор йўсинда Т. б-н таъминланган тўпламдир. Бунда ана шу мажмуалар тизими X фазонинг Т.си дейилади. Мас., X тўплам $[a, b]$ кесмада аниқланган узлуксиз функциялардан ташкил топган бўлса, $f(x)$ функциянинг атрофи қандай функциялардан тузилишига қараб хоссалари бир-биридан фарқ қиладиган топологик фазолар ҳосил бўлади.

Одатда, бир тўплам бир неча усулда топологик фазога айлантирилиши мумкин. Бунда уларнинг топологиялари нуқталар атрофлари мажмуалари бойлигига қараб ўзаро таққосланади — бир

Т. иккинчисига нисбатан кучлироқ (бойроқ), иккинчиси эса кучсизроқ деб аталади. Мас., барча x нуқта учун биттагина атроф X нинг ўзидан иборат бўлса, энг кучсиз Т., аксинча x ни ўз ичига оладиган исталган тўплам унинг атрофи деб эълон қилинса, энг кучли (дискрет) Т. ҳосил бўлади. Шунингдек, Т. атрофлар ўрнига очиқ тўпламлар, ёпиқ тўпламлар, чегара, ёпилма, тўпламнинг очиқ ядроси, атрофлар базаси каби хилма-хил усулда аниқланиши мумкин — уларнинг бари ўзаро тенгкучлидир. Исталган тўпламда турли усулда хилма-хил Т. киритиш мумкинлиги Т. мат.нинг универсал соҳаси эканлигидан далолат беради.

Т.нинг энг муҳим тушунчаларидан бири — бир топологик фазонинг иккинчи топологик фазога узлуксиз $f: X \to Y$ акслантмасидир. Бунда f нинг x_0 нуқталаги узлуксизлиги шундай таърифланади: $f(x_0)$ нинг ихтиёрий V атрофи учун x_0 нуқта $f(U) \subseteq V$ шартни қаноатлантирувчи U атрофга эга. Т. татбиқларида бунга нисбатан тескари ёнлашув ҳам кўп қўлланади: агар $f: X \to Y$ акслантириш берилган бўлиб, X (ёки Y) топологик фазо бўлса, у ҳолда Y да (мос равишдан X да) f акслантириш узлуксиз бўладиган энг кучсиз (мос равишда энг кучли) Т. киритиш мумкин. Бу усулни умумлаштириш йўли б-н топологик фазолар ва узлуксиз акслантиришлар устида қисм-фазо, Декарт кўпайтмаси, топологик фазоларни елимлаш каби муҳим амаллар аниқланади.

Шундай қилиб Т. — топологик фазолар, уларнинг узлуксиз акслантмалари ҳамда улар б-н бошқа математик объектлар орасидаги муносабатларни ўрганувчи фандир. Агар X ва Y топологик фазолар ўртасида ўзи ҳам, тескариси ҳам узлуксиз бўлган ўзаро бир қийматли акслантириш ўрнатиш мумкин бўлса, X ва Y гомеоморф фазолар дейилади. Бундай фазолар Т. нуқтан назаридан бир-биридан фарқ қилмайди — бирига оид хоссалар иккинчисида ҳам ўринли бўлади. Шунинг учун мана шундай, яъни гомеоморф акслантиришда ўзгармайдиган хоссалар топологик инвариантлар дейилади. Топологик фазонинг компактлиги, ўлчами, туташ (боғламли) компоненталар сони, бир нуқтага йиғиштирилиши, сиртларнинг бир ёки икки томонлилиги, уч ўлчовли фазодаги чизиқларнинг туғилган ёки туғилмаганлиги топологик инвариант намуналаридир. Т.да инвариантлар воситасида мураккаб муаммолар ҳал этилади.

Топологик фазолар, уларнинг акслантиришлари ва инвариантларининг хилма-хиллиги туфайли 20-а.нинг 2-ярмидан Т. тармоқланиб ривожлана бошлаган. Умумий (назарий абстракт) Т.да топологик фазолар қўшимча аксиомалар б-н ўрганилади. Комбинаторик (чизиқли-бўлакли) Т. триангуляцияланадиган фазоларни текширади. Алгебраик Т.да топологик масалаларни алгебра масаласига келтиришга асосланган усуллар ривожлантирилади. Дифференциал Т.да дифференциал геометрия ва Т. чегарасидаги масалалар, махсусликлар назариясида силлиқ акслантиришларнинг хусусиятлари, К-назарияда Т.нинг дифференциал операторларга татбиқи ўрганилади. Т., шунингдек, назарий ва квант механикаси, нисбийлик назарияси каби соҳаларда муҳим татбиқларга эга.

Ad.: Понтрягин Л. С., Основы комбинаторной топологии, М., 1976; Александров П. С., Введение в топологию, М., 1980.

Абдулла Авзамов.

ТОПОНИМИКА (юн. topos — жой ва onyma — исм, ном) — *ономастиканинг* жой номлари (географик атоқли номлар)ни, уларнинг пайдо бўлиши ёки яратилиш қонуниятларини, ривожланиш ва ўзгаришини, тарихий-этимологик манбалари ва грамматик хусусиятларини, уларнинг тузилишини, тарқалиш ҳудудлари ҳамда аталиш сабабларини ўрганувчи бўлими. Муайян бир ҳудуддаги жой номлари мажмуи — топонимия, алоҳида олинган жой номи эса топоним деб аталади. Топонимлар ҳам, тил лексикасининг бир қисми сифатида бошқа ҳамма сўзлар сингари тил қонуниятларига бўйсунади, лекин ўзининг пайдо бўлиши ва баъзи ички хусусиятлари жиҳатидан жамиятнинг кундалик моддий ва маънавий ҳолати, иқтисодий турмуши, орзу ва интилишларига алоқадор бўлиб, маълум даражада бошқа гуруҳ сўзлардан фарқ қилади. Шу б-н бирга, топонимларда миллий тилимизга хос бўлган қадимий фонетик, лексик ва морфологик элементлар кўпроқ сақланган бўлади. Жойнинг табиий географик шароити (рельеф), аҳолининг этник таркиби, кишиларнинг касби ва машғулоти, қазилма бойликлар, тарихий шахслар ва воқеалар топонимлар вужудга келишининг асосий манбалари ҳисобланади.

Т. геогр., тарих, этн. билан чамбарчас алоқада ривожланади. Топонимия тил тарихи (тарихий лексикология, диалектология, этимология ва б.)ни тадқиқ этишда муҳим манба ҳисобланади, чунки баъзи топонимлар (айниқса, гидронимлар) архаизм ва диалектизмларни ўзгартирмасдан барқарор сақлаб қолади, кўпинча муайян ҳудудда яшаган халқларнинг субстрат тилларига бориб тақалади. Т. халқларнинг тарихий ўтмиши хусусиятларини жонлантиришга, уларнинг жойлашиш чегараларини белгилашга, тилларнинг ўтмишдаги тарқалиш ҳудудларини, маданий ва иқтисодий марказлар, савдо йўллари ва ш. к. географиясини тавсифлашга ёрдам беради. Топонимларнинг амалий транскрипцияси, уларнинг дастлабки асоста кўра ҳамда бир хил ёзилиши, бошқа тилларда берилиши Т.нинг амалий жиҳати ҳисобланади.

Топонимлар йирик ёки майда объектларнинг номлари эканлигига қараб макротопонимлар ва микротопонимларга ажратилади: макротопонимлар — кенг ҳудудлар, катта объектлар (материклар, океанлар, тоғлар, чўллар, дарёлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва ш.к.)нинг атоқли отлари; микротопонимлар — кичик объектлар (жарликлар, тепаликлар, қудуқлар, кўчалар, кўрғонлар ва ш.к.) нинг атоқли отлари. Лекин топонимларни бундай тасниф қилиш шартли, чунки кўпинча макротопоним б-н микротопонимни фарқлаш қийин.

Турли хил географик объектларни атовчи номларнинг категорияларига мувофиқ равишда Т.нинг қуйидаги бўлимлари ажратилади: гидронимика — сув ҳавзалари: дарё, канал, сой, ариқ, булоқ, кўл кабиларнинг номларини ўрганувчи соҳа; ойконимика — аҳоли яшаш масканлари ва уларнинг қисмлари: қишлоқ, маҳалла, гузар, кўча, овул, қўрғон номларини ўрганувчи соҳа; оронимика — ер юзасининг рельеф шакллари: тоғ, чўққи, қоя, қир, тепа, қия номларини текширадиган соҳа; урбанонимика — шаҳар ичидаги ҳар қандай объектлар номларини ўрганувчи соҳа; космонимика — Ердан ташқаридаги объектлар (осмон жисмлари) номларини ўрганувчи соҳа ва б.

Сўнгги 40—45 й. ичида Т.нинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилди, Т. соҳасида бир қанча тадқиқотлар майдонга келди. Бунда рус олимларидан В. А. Никонов, А. В. Суперанская, А. П. Дульзон, Э. М. Мурзаев, В. Н. Топоров, О. Н. Трубачев, ўзбек номшуносларидан Ҳ. Ҳасанов, Э. Бегматов, Т. Нафасов, С. Қораев, З. Дўсимов ва б.нинг хизматлари катта бўлди. Ўзбекистон топонимияси 20-а.нинг 60-й.ларидан илмий асосда ўрганила бошланди: Қашқадарё, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд, Марғилон, Қўқон, Бухоро, Бойсун, Мирзачўл, Шаҳрисабз, Нурота ҳудудларидаги жой номлари тадқиқ этилди.

Т.га оид бир неча луғатлар, рисола ва монографиялар нашр этилди. Ҳ. Ҳасановнинг «Ер тили» (1977), С. Қораевнинг «Географик номлар маъноси» (1978), З. Дўсимовнинг «Хоразм топонимлари» (1985), Т. Нафасовнинг «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати» (1988), Н. Охуновнинг «Жой номлари таъбири» (1994) ва б. шулар жумласидандир.

Ад.: Никонов В. А., Введение в топонимику, М., 1965; Мурзаев Э. М., Очерки топонимики, М., 1974.

Эрнст Бегматов, Носиржон Охунов.

ТОПОНИМЛАР (юн. topos — жой ва onyma — ном) — қ. *Географик номлар.*

ТОПОРНИН Дмитрий Сергеевич (1885.25.8 — Тошкент — 1976.9.4) — математик, техника фанлари д-ри (1942), проф. (1931). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1944). Петроград Артиллерия академиясини тугатган (1911). Тошкент кадет корпусининг (1912—14), Тошкент ҳарбий билим юртининг (1914—18) мат. ўқитувчиси. Туркистон халқ ун-тининг илмий котиби (1918—20). Ўрта Осиё ун-тининг (1920—29), Ўрта Осиё Пахтачилик-ирригация ин-тининг (1929—31), ТошПИ нинг (1931—63) мат. кафедраси мудири. Ўрта Осиё электромеханика ин-тининг ректор ўринбосари (1931—33), Ўрта Осиё индустриал ин-тининг умумтехника ф-ти декани (1934—36), мат. кафедраси проф. (1963—65). Илмий ишлари квадрат базис ва унинг қўлланишига оид. Илмий ва методик қўлланмалар муаллифи.

ТОПОЦЕНТРИК КООРДИНАТАЛАР — координаталар тизимида кузатилаётган нуқта ёки б. объект (йўлдош, самолёт ва б.) ларнинг фазодаги вазиятини аниқловчи уч катталик; бунда унинг бошланиши Ер сирти (топоцентр) даги кузатиш пункти б-н мос тушади. Астрономия, астрометрия, геодезия ва йўлдош геодезияда кузатув натижаларини ишлаб чиқишда қўлланилади. Асосий координата текислигининг танланишига кўра, экваториал, горизонтал ва орбитал Т.к. хиллари бор.

ТОПШИРИҚ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома турларидан бири. Унга кўра, бир тараф (вакил) 2-тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Бинобарин, вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади. Т.ш. ёзма шаклда тузилади. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартноманинг ўзида назарда тутилган бўлса, топшириқ берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт. Т.ш. иккала тараф ёки улардан биринин тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши б-н боғлиқ бўлса, топшириқ берувчи, агар шартномада бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт. Вакил ўзига берилган топшириқни топшириқ берувчи кўрсатмаларига мувофиқ бажариши керак. Ишнинг ҳолатларига кўра, топшириқ берувчининг манфаатлари учун унинг кўрсатмаларидан четга чиқиш зарур бўлса, вакил бу ҳақда топшириқ берувчидан олдиндан сўрай олмаган, ўз сўровига оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, у топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқишга ҳақли. Бундай ҳолларда вакил хабар бериш имкон тугилиши биланоқ йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топшириқ берувчига хабар қилиши шарт. Топшириқ берувчи тижорат вакили сифатида иш олиб боралиган вакилга топшириқ берувчининг манфаатларини кўзлаб олдиндан сўров юбормаган ҳолда топшириқ берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқиш ҳуқуқини бериши мумкин. Шартноманинг мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил қилади. Шартноманинг ҳуқуқий белгилари 2 томонлама, консенсуал, ҳақ эвазига ҳам, ҳақсиз ҳам бўлиши мумкин. Т.ш. нинг бекор бўлиши, Т.ш.да ҳуқуқий ворислик ва б. масалалар Ўзбекистон Республикасининг ФК да белгилаб қўйилган (817-модда).

Икром Зокиров.

ТОР (лот. todus — қавариқлик, тугун) — ёпиқ доиранинг шу доира текислигида ётувчи ва доирани кесмайдиган ўқ атрофида айланишидан иборат жисм. Мат.да бу жисм сирти ҳам Т. дейилади ва T^2 кўринишида ёзилади. Топологик нуқтаи назардан Т. иккита айлананинг тўғри кўпайтмасидан иборат ва икки ўлчовли евклид текислигининг қисми деб қаралса, Т. T^2 тўрт ўлчовли евклид фазосида

$$\begin{cases} x_1^2 + x_2^2 = a^2 \\ x_3^2 + x_4^2 = b^2 \end{cases}$$

тенгламалар ёрдамида берилади. Мат.да икки ўлчовли Т.дан ташқари n ўлчовли Т. тушунчаси ҳам киритилган. Бу тор T^n кўринишида белгиланади. У n та айлананинг тўғри кўпайтмасига гомеоморф кўп хилликдир. Ҳар бир айлананинг модули бирга тенг комплекс сонлар туплами сифатида қаралса, Т. *Ли* группасига айланади.



Тор.

ТОР — 1) баъзи мусиқа чолғу асбоблари (танбур, тижжак, чанг, скрипка, рояль ва б.)да товуш манбаи сифатида ишлатиладиган таранг тортилган ип, сим ва ҳ.к. Т. қанчалик қисқа, ингичка ва материали пишиқ (зич) бўлса, унинг тебраниш тезлиги (товуш йўғон-ингичкалиги) шунча юқори бўлади. Ҳозирги мусиқа чолғуларида металл (пўлат), баъзан ипак, шойи ва синтетик тола (капрон, нейлон)дан қилинган Т.лар қўлланилади. Кўпинча паст (йўғон) товушқатор ҳосил қилиш учун қўлланиладиган Т.ларнинг устидан бир ёки икки қават сим ўралади; 2) торли-мезробли мусиқа чолғу асбоби. Қад. Т.да 4—6 сим тортилган. Ҳоз. Т. 19-а. ўртасидан Эрон, Кавказ халқлари (озарбайжон, арман ва б.) орасида кенг тарқалган. Т. кенг техника имкониятлари, ёрқин ва жозибали тембр, кучли динамикаси б-н ажралиб туради. Унда 11 та сим тортилган бўлиб, энг пастки (ўртада жойлашган) симдан ташқарилари жуфтланган тарзда бўлади ва кварта интервали оралиғида созланади. Т.нинг замонавий тури 20-а. 30-й.ларидан бошлаб Ўзбекистон (Бола бахши *Абдуллаев*, кейинчалик Комилжон *Отаниёзов* ва б.), сўнг Тожикистон мусиқа маданиятига ҳам сингиб кетди. Т. чаноги (косахонаси) 8 рақами шаклида бўлиб, асосан, тут ёғочидан (баъзида ёнғоқ) ўйиб ишланади. Чаноқнинг устки очиқ қисми тери б-н қопланади. Дастаси узун (800—900 мм). Даста бўйлаб 22 асосий ва 2—3 (чаноқ б-н даста уланган жойида) хас пардалар ёпиштирилади. Озарбайжон Т.ида ним пардалар ҳам бўлади. Эрон, озарбайжон, арман (*дастгоҳ, муғом*, куй, ашула ва б.) мумтоз мусиқа намуналари ижросида якка ва турли ансамбллар таркибида етакчи чолғу сифатида кенг қўлланилади. Т. ижрочиларидан Содиқ Асад ўғли, М. Мансуров, Б. Мансуров, А. Боқихонов, К. Примов ва б. машҳур.

Тор.

ТОРА — қ. *Таврот.*

ТОРАЖЛАР — Индонезиядаги (Сулавеси о.нинг марказий қисми) халқлар гуруҳи (саданглар, посо, коро, палу ва б.). 1,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Индонез тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, сунний мусулмонлар ва христиан-протестантлар. Асосий машғулоти — деҳқончилик, буйволлар боқиш.

ТОРБЕРНИТ, мис.уранли слюдка (швед минералоги Торберн Бергман номидан) — оддий сувли фосфатлар кичик синфга мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Cu(UO_2)_2[PO_4]_2 \cdot 12H_2O$. Тетрагонал сингонияли. Оч яшил, шишадек ялтироқ, кучли радиоактив. Қаттиқлиги 2—3, зичлиги 3,2—3,6 г/см³. Уран рудалари конлари оксидланиш зонасида кенг тарқалган минерал. Пегматитли гранитларда ҳам учрайди. Т. уранинг фосфатли ва силикатли бирикмалари ҳамда темирнинг гидрооксидлари б-н бирга учрайди. Юқори т-рали тури метаторбернит ($Cu(UO_2)_2[PO_4]_2 \cdot 8H_2O$). Йирик уюмлари — уран рудаси. Уран рудаларини қидиришда даракчи ҳисобланади.

ТОРБУРУН МАЙМУНЛАР, эски дунё маймунлари (Catarhina) — одамсимон приматлар гуруҳи. Қазилма қолдиқлари неоген даври — тўртламчи даврнинг 2-ярмидан бошлаб Шарқий ярим шарда маълум. 4 оила: мартишкасимонлар, гиббонсимонлар, понгидлар ва гоминидларга бўлинади. 100 га яқин тури бор. Т.м. (йўғон гавдалилардан ташқари) бурун бўшлиги тўсиғи тор, бурун тешиклари ўзаро яқинлашган ва пастга қараган. Жун қоплами ва танасининг айрим қисмлари баъзан рангли. Бош мияси яхши ривожланган. Дарахтда ва ерда яшайди. Ўсимликхўр ёки ҳаммахўр.

Торбурун маймунлар: *1* — мандрил; *2* — гелада.

Оила ёки тўда бўлиб ҳаёт кечиради. Кўпчилик турлари тутқунликка тез кўникади.

ТОРЕВТИКА (юн. toreutikos — металлга санъаткорона ишланган *рельеф;* toreuo — ўяман сўзидан) — бадиий металл буюмларга қўлда рельеф ҳосил қилиб ишлов бериш санъати. Буюмларга кўпинча *кандакори* ёки босма усулда ишлов бериш Т. номи б-н аталади. Баъзан «Т.» атамаси орқали қуйма буюмларни пардозлаш ҳам ифодаланади (яна қ. *Рихтагарлик*).

ТОРИЙ (лот. Thorium), Th — Менделеев даврий системасининг *актиноидлар* туркумига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 90, ат. м. 232,0381. Табиий радиоактив элемент; *радиоактив қаторларнинг* 1-элементи. Табиий Т. битта узоқ мавжуд бўлувчи изотоп $^{232}Th(T_{1/2}=1{,}41 \cdot 10^{10}$ й.) ва 4 та қисқа муддат мавжуд бўлувчи изотоп ^{234}Th, ^{230}Th, ^{231}Th, ^{227}Th дан иборат. Т.ни Й.Я.*Берцелиус* 1828 й.да Норвегиядаги *сиенитларнинг* бири таркибида топган. Элемент Скандинавия афсонасидаги момақалдироқ худоси — Тор номи б-н аталган. Т. табиатда *лантаноидлар* б-н бирга монацит қумида, уран рудаларида ва цирконий минералларида учрайди. Монацит (Ce, La, Th) PO_4 да торий (IV)-оксид ThO_2 нинг миқдори 2—2,5% (баъзан бундан ортиқ), торит, яъни торий силикат $ThSiO_4$ таркибида 77%, торианит минерали $(Th,U)O_2$ да 45—93%. Т. Ер пўстининг масса жиҳатидан $8 \cdot 10^{-6}$% ни ташкил қилади.

Т. кумушсимон оқ металл, зичлиги 11,72 г/см³. Суюқланиш т-раси 1750°, қайнаш т-раси 3500—4200°. Т. совуқда деформацияланадиган пластик металл, одатдаги т-рада оз оксидланади; қайноқ сув таъсирида сирти юпқа ҳимоя парда б-н қопланади. Т.га сув бути таъсир этганида ThO_2 ва водород ҳосил бўлади. Кислоталарда Т. суст эрийди, ишқорларда эримайди. Юқори т-рада галогенлар, кислород, олтингугурт, азот ва углерод б-н шиддатли реакцияга киришади. Т. водородни ютиш хоссасига эга, у ўз бирикмаларида, асосан, 4 (баъзан 2,3) валентли бўлади.

Т. олишда асосий хом ашё монацит концентрат ҳисобланади. Монацит концентрат олиш учун эса монацит минералини 200° да концентрланган сульфат кислота ёки натрий гидроксид б-н реакцияга киритилади. Монацит концентратни ишқор б-н ишлаш натижасида торий гидроксид $Th(OH)_4$ ва лантаноидлар чўкмага тушади. Т. турли ва махсус усуллар б-н лантаноидлардан ажратилади. Металл ҳолдаги Т. олиш учун торий (IV)-фторид (ThF_4) дан фойдаланилади. Уни металл ҳолдаги кальций б-н қайтариш ёки суюқлантирилган натрий хлорид б-н калий хлорид аралашмасида эритиб электролизлаш натижасида Т. олинади.

Т., асосан, ядро техникасида ишлатилади, чунки табиий Т.ни нейтронлар б-н бомбардимон қилганда уран-233 га айланади. Бу уран эса уран-235 ва плутоний-239 б-н бир қаторда ядро ёқилги ҳисобланади. Ундан ташқари, никель, кобальт, мис ва темир қотишмаларига оз миқдор Т. қўшилганида қотишмалар мустаҳкамлиги ортади. Бу қотишмалар реактив двигателлар, бошқарилувчи снарядлар, электрон ва радар қурилмаларининг деталларини ишлашда қўлланади. ThO_2 — оловбардош материал. Т. ўсимлик ва ҳайвонлар тўқимасида доим бўлади. Т., асосан, жигар, талоқ, илик, лимфа ва буйрак усти безлари орқали сингийди. Одам бир суткада озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув б-н 3 мкг Т. олади. Т. организмдан сийдик ва ахлат б-н чиқиб кетади. Т. унча заҳарли эмас, лекин радиоактив элемент бўлганлигидан организмни нурлаши мумкин.

ТОРИЙ РУДАЛАРИ — таркибидаги Th саноатда фойдаланиш учун техник томондан қулай ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бирикма ва концентрацияларда бўлган табиий минерал ҳосилаларнинг шартли номи. Th нинг хусусий конлари номаълум: одатда, полиметалл рудалар мажмуидан Nb, Ta, Zr, U, камёб ер элементлари ва бошқалар б-н биргаликда йўл-йўлакай қазиб олинади. Бундай рудаларда Th нинг миқдори 0,01 дан 0,1% гача бўлади. Уларнинг барчаси ишқорли магматик жинслар б-н алоқадор. Асосий минераллари: *монацит* (ThO_2 28% гача), *торит* (ThO_2 77% гача), торианит [$(Th,U)O_2$ 45—93%]. Торийли конларнинг генетик типлари орасида эндоген ва экзоген конлар фарқ қилинади. Эндоген конлар гуруҳида пегматит (Банкрофт — Канада), карбонатит (Маунтин-Пасс—Калифорния), гидротермал (Стинкампскрааль — ЖАР), альбитит, скарн ва магматик конлар маълум. Экзоген конлар турли (эллювиал, аллювиал, замонавий ва кўмилган денгиз-қирғоқ — бўйи) монацитли сочмалардан ташкил топган. Улар торийнинг асосий манбаси ҳисобланади. Йирик денгиз-қирғоқбўйи сочмалар Ҳиндистонда ва Бразилияда маълум.

ТОРИТ — ороллли силикатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $ThSiO_4$. Т.нинг турлари: оранжит (тўқ сариқ рангли шаффоф тури); ураноторит (UO_2 10% гача); торогуммит (H_2O 15% гача); ферриторит (Fe_2O_3 13% гача); кальциоторит ва фосфор таркибли Т — ауэрлит. Ундан ташқари, Т. таркибида аралашма сифатида (ThO_2 77% гача), Al, Ti, Mn, U, TR, Fe, Ca, P ҳамда камёб ер элементлари мавжуд. Тетрагонал сингонияда кристалланади. Одатда, донадор агрегатлар кўринишида бўлади. Кўпчилик Т.лар метамикт минерал (қ. *Метамикт минерал-*

лар). Ранги қора, қизғиш-қўнғир, тўқ сариқ. Қаттиқлиги 4,5—5, зичлиги 4,1—6,7 г/см³. Кучли радиоактив (қ. *Радиоактив минераллар*). Т. шаффоф, анизатроп, мўрт, ёғдек ялтирайди. Гранитларда, баъзан ишқорли тог жинсларида, пегматитларда ва гидротермал томирларда акцессор минерал тарзида учрайди. Т.лар, одатда, катта уюмлар ҳосил қилмайди, касситерит, циркон б-н бирга сочмалардан олинади. Торий рудаси (қ. *Торий рудалари*). Ўзбекистонда Чатқол-Қурама регионининг гранитоидларида акцессор минерал ҳолида учрайди.

ТОРКЛАР, узлар, ғузлар — Марказий осиёлик ўғузлар қабила уюшмасидан ажраб чиқиб, Волгабўйи ва Жан. Русь даштларига бориб жойлашган кўчманчи туркий қабила. Русь йилномаларида торки (турклар) деб юритилган ушбу қабила номи Византия манбаларида уз шаклида учрайди. Шунингдек, рус йилномаларида Т. «черные клобуки» («қора қалпоқлилар») тарзида ҳам тилга олинади. Т. 860—870 й.ларда Волгабўйи-Жан. Русь даштларида ҳукмрон бўлган туркий печенег (бижанақ)ларни енгиб уларнинг ўрнини эгаллайди ва Киев Руси давлатига катта таҳлика туғдиради. 9-а. охирларида улар Дон дарёсидан Днепргача чўзилган Қора денгиз бўйидаги кенг даштларни эгаллайди. Баъзан торк хонлари Киев Руси б-н иттифоқчиликда қўшни қабилаларга қарши ҳарбий юришларда қатнашган. Жумладан, князь Владимир б-н бирғаликда 985 й. Волга булғорларига қарши жангда иштирок этганликлари рус йилномаларида қайд этилади. 1036 й.да печенегларнинг енгилиб, Жан. Россия даштларидан чекинишларида Т.нинг хизмати катта бўлади. 1048 й.дан бошлаб эса Т.нинг бир қисми Киев Русининг иттифоқчиси сифатида Киев атрофларига кўчган. Бироқ, рус князлари бирлашиб, Т.ни бу ердан сиқиб чиқаришга муваффақ бўлади. 1060 й. тўсатдан уюштирилган ҳужум натижасида маглубиятга учраган Т. ғарбга чекинади. Баъзи Византия тарихчилари уларнинг 600 минг киши бўлганлигини қайд этади. Т. 1065 й.да Византия ва Дунай булғорлари қаршилигини синдириб, Дунай дарёсини кечиб ўтади ва Болқондаги Тракия ва Македонияни талон-торож қилиб, Салоники ва Пелопоннесгача етиб боради. Лекин, ўша пайтда юз берган қаттиқ совуқдан қирилган. Т. устига-устак печенегларнинг ҳужумлари натижасида катта йўқотишга учрайди. Бир қисм Т. 1068 й. Венгрияга қарши ҳаракат қиладилар. Ортиқ сиёсий куч сифатида аҳамиятини йўқотган Т.нинг бир қисми Византия қўшинига олинади. Улар қисман Болқонда турли жойларга тарқаладилар, бир қисми эса Жан. Русга қайтиб, Киев атрофида жойлашади. Улар бу ерда асрлар давомида славянлашиб кетади. Шарқий Европада торк этноними б-н боғлиқ кўплаб жой номлари сақланиб қолган. Жумладан, Торчев, Торческ шлари, Торки, Торчин, Торчицы, Торков, Торкин қишлоқлари, Торч, Торча ирмоқлари ва шунга ўхшаш бошқа жой номлари торк (турк) қабиласи б-н алоқадордир.

Т.нинг бир қисми Марказий Осиёда қолиб (улар бу ерда уз деб юритилади), бу ердаги бир неча туркий халқлар шаклланишида иштирок этади. Жумладан, улар ўзбек халқи этник шаклланишида қатнашиб, кейинги асрларгача ўз этник номини сақлаб қолади. Хусусан, уз этноними «92 ўзбек уруги» рўйхатидан жой олган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида (Қашқадарё, Самарқанд) уз уруги вакиллари яшайдиган қишлоқлар вужудга келган.

Ғайбулла Бобоёров.

ТОРЛИ МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИ, хордофонлар — *мусиқа чолғу асбоблари* гуруҳи; товуш манбаи сифатида *торлар* қўлланилади. Товуш чиқариш усулига қараб торли-камонли (камон ёки смичок б-н чалинадиган скрипка, гижжак каби), торли-мезробли (мезроб ёки *ноҳун* ёрдамида чалинадиган танбур, уд, рубоб), торли-чертма (дутор, дўмбира, қонун), торли-урма (чанг, фортепиано) каби асосий турларга ажратилади.

ТОРМОЗ (юн. tormos — ғилдиракни айлантирмай қўядиган мих тиқиладиган тешик) — машина ёки механизмнинг ҳаракат тезлигини пасайтириш ёки бутунлай тўхтатиш учун, кўтариш-ташиш машиналарида эса юкни осилган ҳолатда тутиб туриш учун мўлжалланган қурилма. Ишлаш усули бўйича механик (фрикцион, ишқаланма), гидравлик (суюқликли) ва электр (электромагнит, индукцион ва б.); тузилишига кўра, колодкали, тасмали (лентали), дисксимон, конуссимон ва б. турларга бўлинади. Машиналар ва механизмлар (кўтариш-ташиш машиналари, станокларнинг механизмлари, т.и. вагонлари)да ташқи колодкали, автомобилларда ички колодкали Т.лар, қул Т.лари ишлатилади. Бундай Т.ларда колодкалан ташқари барабан, шарнир, тортиш пружиналари (ричаг тизимлари) бўлади. Тасмали Т.да колодкалар ўрнига барабанни қамраб турувчи тасма (лента) ишлатилади. Бундай Т.лар кўтариш-ташиш машиналарининг кўтариш, суриш ва буриш механизмларида қўлланади. Дискли Т.ларда механизм вали б-н бирга айланувчи дискларнинг бошқа қўзғалмас дискка қисилиши туфайли тормозланиш юз беради. Бундай Т.лар транспорт машиналарининг турли механизмларида, металл кесиш станокларида ишлатилади.



Дискли тормоз механизми: *а* — йиғилган; *б* — қирқим; *1* — тормоз диски; *2* — шланглар; *3* — буриш ричаги; *4* — олдинги осма устунли; *5* — мойдан сақлаш диски; *6* — ҳаво чиқариш клапани; *7* — колодкаларни маҳкамлаш шпилькаси; *8, 9* — скоба бўлаклари; *10* — тормоз колодкаси; *11* — суюқлик канали; *12* — кичик поршень; *13* — катта поршень.

Оғир транспорт машиналари, мас., юк автомобилларида диск-колодкали Т.лар ишлатилади. Бунда тормозланиш диск ён сиртининг фрикцион колодкалар б-н ишқаланиши ҳисобига юз беради. Кўтариш машиналари, конвертерлар, синов қурилмалари ва б.да тезлик (тезликни чеклаш) Т.лари ишлатилади. Бундай Т.ларнинг марказдан қочма, динамик (гидравлик), уюрма (индукцион) ва б. турлари бўлади. Т.ларни бошқариш учун механик, гидравлик, пневматик, электр-гидравлик, электр-механик ва б. юритмалардан фойдаланилади. Мас., енгил автомобиллар ва кўтариш кранларида гидравлик бошқариш тизими, юк автомобиллари, автобуслар, трамвайлар, т.й. поездларида, самолётларнинг шассисида пневматик тизим қўлланади.

Т.нинг электр юритмасида махсус доимий ёки ўзгарувчан ток электромагнитларидан фойдаланилади. Булар электр транспорт (электровозлар, трамвай, троллейбус ва б.)да қўлланади.

Авиация ва космонавтикада аэродинамик тормозлаш усули (тормоз парашютлари, самолёт қанотидаги механизация элементлари ёрдамида), машина двигателининг иш режимини тормозлаш усули (мас., автомобилдаги секинлаштирувчи тормоз ёрдамида) ҳам қўлланади.

Тормоз. Колодкали тормоз схемаси: *1* — барабан; *2, 4* — колодкалар; *3* — шарнир; *5* — қўзғалмас ўқ; P_1 — колодка *2* ни барабан *1* га қисувчи куч; P_2 — колодка *4* га колодка *2* томонидан таъсир этувчи куч ($P_2 > P_1$).



ТОРМОЗ ЙЎЛИ — транспорт воситаси (автомобиль, трамвай ва б.) га тормоз берилган пайтдан бошланиб, токи бутунлай тўхтагунча ўтган масофа. Т. й. транспорт воситасига қараб ҳар хил катталикда бўлади. Т.й.нинг катта-кичиклиги тормоз механизмларининг самарадорлигига, юритма ва тормозларнинг ишга тушиш вақтига, транспорт воситасининг ҳаракат тезлигига, ғилдиракларнинг йўл қопламаси (ёки рельслар) б-н тишлашиш (илашиш кучига), йўл (рельс)нинг сирпанчиқлик даражаси, ҳайдовчининг реакцияси ва б. баъзи омилларга боғлиқ бўлади.



Тормоз йўли графиги (автомобиль учун): P_1 — тормозлаш кучи; j — секинлашиш; t_1 — ҳайдовчининг реакцияси вақти; t_2 — тормозлаш юритмасининг кечикиш вақти; t_3 — кечикишнинг ўсиш вақти; t_4 — тўлиқ тўхташ вақти; t_5 — тормозни қўйиб юбориш вақти (эслатма: тормоз йўли $L=t_2+t_3+t_4$).

ТОРМОЗ НУРЛАНИШ — зарядланган зарраларнинг электр майдонида ёйилиши жараёнида уларнинг кинетик энергиясини электромагнит тўлқинлар энергиясига айланиши. Т.н. зарраларни (электрон, протон ва б.) моддалардан ўтиш жараёнида, космик фазода юқори энергияли зарраларни ўзаро тўқнашувларида, электр ва магнит майдонларидаги ҳаракатида ва б. жараёнларда ҳосил бўлади.

Т.н. жадаллиги (интенсивлиги) ҳажм бирлигидаги атомлар сонига, зарра тезланиши квадратига, модда ядроси заряди квадратига тўғри, зарранинг тинч ҳолатдаги массаси квадратига тескари пропорционал. Шунинг учун бу жараён енгил зарраларнинг катта электр зарядли атом ядролари майдонида тормозланиш учун ўринли. Мас., электроннинг Т.н. и протонникидан млн. марталаб кучли бўлади (протон массаси 1836 электрон массасига тенг). Т. н. олишда оғир ядроли моддалар (Pb, Au, Pt, W ва б.) қўлланилади.

Рентген трубкасидан чиқадиган рентген нурлари, элементар зарралар емирилишида ҳосил бўладиган γ-квантлар, шунингдек, зарядланган зарралар тезлаткичнинг магнит майдонида ҳаракатланганида улар чиқарган фотонлар Т.н.га мисол бўла олади. Зарралар тезлиги ёруглик тезлигига яқинлашганда Т.н. жадаллиги кескин ошади; бу зарраларга юқори энергияни беришни қийинлаштиради. Т.н. Ернинг магнит майдонида ҳаракатланаётган космик зарраларнинг энергиясини камайтиради.

Т. н. спектри узлуксиз. Паст частотали Т.н. интенсивлиги модда ядроси зарядига ва электронларнинг бошланғич энергиясига деярли боғлиқ эмас. Т.н. спектрал зичлиги, частотанинг қиймати $\omega=mc^2/h$ бўлганда кескин нолга интилади. Т.н. интенсивлигининг бурчаклар бўйича тақсимланиши, $\vartheta = \frac{\omega c^2}{E}$ ва 0° орасида тақсимланган бўлади. Амалиётда Т.н.нинг ультрабинафша, рентген спектрлари кенг қўлланилади.

Ад.: Соколов А. А., Тернов И. М., Релятивистский электрон, М., 1974; Берестецкий В. Б., Лифшиц Е. М., Питаевский Л. П., Квантовая электродинамика, М., 1990.

ТОРМОЗЛАНИШ (физиологияда) — қўзғалиш таъсирида органлар, тўқималар ёки ҳужайралар нерв марказлари фаолиятини сусайтирадиган нерв жараёни. Одам ва ҳайвонлар марказий нерв системасида Т. жараёнлари мавжудлигини илк бор И. М. *Сеченов* (1863) аниқлаган. И. П. *Павлов* олий нерв фаолиятига тегишли барча мураккаб жараёнларда қўзғалиш б-н бирга Т. содир бўлиб туришини кўрсатиб берган. Марказий нерв системасининг бирон бўлимида Т. пайдо бўлиши унинг функционал ҳолати, хусусияти ва қўзғатувчининг кучи (интенсивлиги)га боғлиқ. Т. жараёни келиб чиқиш жойига кўра, периферик Т. (бевосита мускул ёки без элементларида юз беради) ва марказий Т. (*марказий нерв системасида амалга ошади*) тафовут қилинади. Ҳар қандай нерв фаолияти ўзаро боғланган 2 жараён: Т. ва қўзғалишдан иборат. Бу икки жараённинг ўзаро таъсири натижасида қон айланиш, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, ҳаракатланиш каби организмнинг энг муҳим функциялари бошқариб турилади. Айрим нерв касалликлари (*эпилепсия* ва б.) ва бир қанча заҳарли моддалар (мас., стрихнин) таъсирида марказий нерв системаси фаолиятининг бузилиши *тиришиш*га олиб келади.

ТОРНАДО — атмосферада вужудга келадиган, тез-тез такрорланиб турадиган жуда кучли *қуюн*нинг америкача номи. Тезлиги секундига бир неча ўнлаб м ни ташкил этади. Т., асосан, АҚШнинг шарқий, жан.-шарқий қисмида кўпроқ кузатилади. Т.нинг бал. 800—1500 м га етиб соат милига қарши ҳаракатланиб, диаметри қуруқликда юзлаб, денгизда ўнлаб м ни ташкил этади ва у 40—60 км масофани босиб ўтади.

ТОРОБ — Бухоро вилояти Жондор туманидаги қад. қишлоқ. Илк ўрта асрларда Т. қишлоғида муҳаддислардан Абу Фазл Маҳдий ибн Ишкоб ат-Торобий туғилган ва Абу Ражо Аҳмад ибн Яъқуб ал-Пойкандий ат-Торобий яшаган. Бу қишлоқда *Маҳмуд Торобий* туғилган ва 1238 й.да *Маҳмуд Торобий қўзғолони* бошланган. Т. қўзғолончиларнинг дастлабки таянч манзили бўлган. Бухоро амирлиги даврида Т. Хайробод тумани таркибига кирган.

Ад.: Абдулкарим ас-Самъоний, Насабнома (Ал-Ансоб), Бухоро, 2003.

ТОРОБИЙ — қ. *Маҳмуд Торобий.*

ТОРОЛ — қ. *Бақа жўхориси.*

ТОРОН (Polyganum coriarium Grig.) — *торондошлар* оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Илдизи йўғон, бақувват, пояси сершох. Гули оқ, йирик тўпгулда жойлашган. Ошловчи моддалар олинадиган энг яхши ўсимлик. Илдизида кўн саноатида ишлатиладиган таннин бор. Т. тоғлар (Жунгория Олатови, Тяньшан, Помир-Олай)да денгиз юзасидан 1400—2800 м баландликда ўсади. Экилмайди.

ТОРОНДОШЛАР (Polygonaceae) — икки уруғпаллалилар синфига мансуб ўт, бута ва яримбута ўсимликлар оиласи. Барглари кетма-кет ўрнашган, текис қиррали. Гуллари, асосан, икки, баъзан, бир жинсли, майда, тўпгули шингилсимон, бошоқсимон. Гулқўрғони 3—6 бўлакчали бир ёки икки қават. Чангчиси 3—9 та, уруғчиси 2—4 устунчали. Меваси — уч қиррали ёнғоқча. 30—35 туркуми, 1000 тури маълум. Ўрта Осиёда 7 туркуми бор. Ҳаммасининг таркибида таннин мавжуд (мас., *торон, отқулоқ* ва *ровоч*).

ТОРОНТО — Канаданинг шарқий қисмидаги шаҳар. Онтарио провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,4 млн. киши (2001, шаҳар атрофи б-н 4,6 млн. киши). Транспорт йўллари тугуни. Онтарио кўли соҳилидаги порт, океан кемалари ҳам кира олади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим савдо-саноат, молия ва маданий маркази. Катта Т.да мамлакат саноат маҳсулотининг 1/4 қисми ишлаб чиқарилади. Асосий саноат тармоқлари: умумий машинасозлик, металлсозлик, электротехника, радио-

Торонто шаҳрининг марказий қисми.

электроника, полиграфия, кимё, техник-резина. Шунингдек, фармацевтика, кўн-пойабзал, тикувчилик, озиқ-овқат саноатлари ҳам ривожланган. Метрополитен қурилган. 2 ун-т, Онтарио қироллик музейи, бадиий галерея бор.

Т. ўрнида 17-а.да индейслар қишлоғи, 18-а.да французларнинг савдо манзилгоҳи, кейинроқ форт бўлган. 1793 й.да инглизлар келиб ўрнашган (1834 й.гача Йорк деб аталган). 1793—1841 й.ларда инглизлар мустамлакаси Юқори Канаданинг маъмурий маркази. 1837—38 й.ларда мустамлакачиларга қарши қураш маркази бўлган.

Меъморий ёдгорликларидан ёғоч деворлар ва Йорк қалъаси қолдиқлари, суд бинoси ва б. сақланган. Замонавий бинолардан 72 қаватли бино ва бал. 553 м ли телеминора қурилган.

ТОРОНТО УНИВЕРСИТЕТИ — Канададаги йирик олий ўқув юртларидан бири. 1827 й. ташкил этилган. Саноат технологияси, санъат ва фан, ўрмон хўжалиги, тиббиёт, стоматология, пед., ҳуқуқ, фармакология бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонасида 2 млн.га яқин асар бор. 50 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ТОРОҒИЗ БАҚАЛАР (Brevicipitidae) — думсиз сувда ва қуруқликда яшовчилар туркумига мансуб ҳайвонлар оиласи. 260 тури бор. Дарахт устида, ерда, тупроқни ковлаб яшовчи турлари мавжуд. Ташқи кўриниши ва тузилиши жуда хилма-хил. Танасининг уз., одатда, 2—4 см, айрим турлариники 10 см дан ортиқ. Ургочиси нисбатан йирик. Т.б. нинг оғзи тор (номи шундан). Тунги ҳайвон. Ҳашаротлар, асосан, чумолилар ва термитлар б-н озиқланади. Сув ҳавзаларида кўпаяди. Кўпаниш даврида баланд овоз б-н сайрайди. Қуруқлик муҳитига мослашув натижасида айрим Т.б. ривожланишида итбалиқлари йўқолган. Жануби-Шарқий Осиё, Австралия, Жан. Африка, Мадагаскар ва Американинг тропик қисмида тарқалган.

Тороғиз бақа.

ТОРОҒИЗ ИЛОНЛАР (Leptotyphlopidae) — илонлар кенжа туркуми оиласи. Кўриниши чувалчангсимон, майда, уз. 30—37 см, 40 (баъзи манбаларда 47) тури бор. Т.нинг ташқи кўриниши Ўзбекистонда учрайдиган кўрилонга ўхшаш. Танаси 14 қатор жойлашган тўғарак тангачалар б-н қопланган. Чаноқ камари скелети рудименти сақланиб қолган. Юқори жағида тишлари йўқ. Пастки жағларида 2 қатор майда тишлари бор. Оғзи катта очилмайди (номи ҳам шундан). Т.и. ер остида яшайди. Африка, Жан.-Ғарбий Осиё, Жан. ва Марказий Америкада тарқалган. Тупроқда, тошлар остида ва термитлар уясида яшайди. Шомла фаол. Т.и. термит, чумоли ва майда ҳашаротлар б-н озиқланади. 4 тагача тухум қўйиб кўпаяди.

ТОРРЕОН — Мексиканинг шим. қисмидаги шаҳар, Мексика тоғлигида. Насос дарёси бўйида, Коауила штатида. Аҳолиси 529 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Рангли металлургия саноати ривожланган. Пахта тозалаш, ип газлама, кимё, цемент, озиқ-овқат, қ.х. машинасозлиги саноати корхоналари бор. Мамлакатнинг асосий деҳқончилик (пахта, бутдой) р-нларидан бирининг савдо маркази. Шаҳарга 1893 й.да асос солинган.

ТОРРИЧЕЛЛИ (Torricelli) Эванжелиста (1608.15.10, Фаэнца — 1647. 25.10, Флоренция) — италъян физиги ва математиги. Г. *Галилей*нинг шогирди — Б. Кастелли қўлида таълим олган. «Қаттиқ жисмларнинг ҳаракати ҳақида трактат» (1641) китобида Г. Галилейнинг ҳаракат ҳақидаги ғоясини ривожлантирди. Галилей вафотидан сўнг унинг вориси сифатида герцог Тосканеский саройида математик, айни пайтда Флоренция ун-тида математика проф. (1642). Т. 1643 й.да тажриба йўли б-н симобли барометрни кашф қилган (қ. *Барометр*).

Т. усти очиқ идиш деворидаги тешикдан суюқликнинг оқиб чиқиш тезлиги Т. формуласи: $v = \sqrt{2 \cdot g \cdot h}$ ни келтириб чиқарган, бунда: h — тешик марказидан суюқлик сатҳигача бўлган баландлик, g — оғирлик кучи тезланиши. Бунга биноан, сатҳлари бир хил бўлган ҳар қандай суюқлик идиш тешигидан бир хил тезликда чиқади, деган хулосага келган.

ТОРТИШИШ (гравитация, гравитацион ўзаро таъсир) — ҳар қандай жисмлар орасида вужудга келувчи универсал ўзаро таъсир. Агар ўзаро таъсир кучсиз ва жисм ёрутликнинг вакуумдаги тезлигига қараганда жуда кичкина тезлик б-н ҳаракатланаётган бўлса, И. *Ньютон*нинг бутун олам Т. қонуни ўринли бўлади. Ўзаро таъсир кучи ва жисм ҳаракатининг тезлиги ёругликнинг вакуумдаги тезлигига яқин бўлган ҳолларда эса, А. *Эйнштейн* яратган умумий нисбийлик назарияси Т.ни тўғри ифодалайди.

Ньютон ўзининг «Табиат фалсафасининг математик принциплари» (1687) асарида Т. қонунига биринчи бўлиб тўлиқ таъриф берди. Ньютон таърифига биноан, икки моддий заррa (m_1 ва m_2)нинг ўзаро Т. кучи уларнинг массаларига тўғри пропорционал, орасидаги масофанинг квадратига тескари пропорционал ва уларни бирлаштирувчи тўғри чизиқ бўйича йўналган:

$$F = \gamma \frac{m_1 m_2}{r^2}, \qquad (1)$$

бунда γ — пропорционаллик коэффициенти; Т. доимийси *(гравитацион доимий)*. Т. кучини тажрибала ўлчаб, γ нинг қийматини биринчи бўлиб Г. *Кавендиш* аниқлаган (1798):

$$\gamma = 6{,}6720(41) \cdot 10^{-11} \text{Н} \cdot \text{м}^2/\text{кг}^2;$$

r — моддий нуқталар орасидаги масофа. (1) формула шарсимон шаклдаги, бир жинсли ихтиёрий массага эга бўлган жисмлар учун ҳам ўринли. Т. қонунидан фойдаланиб, мас., Ер сиртига яқин жойлашган m массали жисмнинг эркин тушиш тезланишини аниқлаш мумкин. Бу жисм б-н Ер орасидаги ўзаро Т. кучи қуйидагича ифодаланади:

$$F_{mr} = \gamma \frac{mM_{Er}}{R^2_{Er}}, \qquad (2)$$

бунда m — Ер сиртидаги жисм массаси, M_{Er} — Ер массаси, R^2_{Er} — Ер шари радиуси.

Ньютоннинг иккинчи қонунига асосан, m массали жисм Т. кучи таъсирида Ер б-н боғлиқ бўлган саноқ тизимига нисбатан бирор a тезланиш б-н ҳаракатга келади:

$$F_{тор} = ma. \qquad (3)$$

(2) ва (3) ни ўзаро тенглаб, Ернинг Т. кучи таъсирида қўлатилаётган жисмнинг олган тезланишини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$a = \gamma \frac{M_{Er}}{R^2_{Er}}. \qquad (4)$$

Формуладаги катталиклар ўзгармас қийматга эга эканликларини эътиборга олсак, жисм ҳаракатига қаршилик кўрсатувчи кучлар мавжуд бўлмаган ҳолдардаги Ер сиртига яқин баландликларда ҳар қандай жисм бир хил тезланиш б-н тушади, деган хулосага келинади.

Осмон механикаси Ньютоннинг Т. қонунига асосланган. Космосда табиий ёки сунъий жисмларнинг ҳаракатларини текширишда шу қонунга амал қилинади. Кўпгина ҳолларда Ньютоннинг Т. қонуни туфайли янги сайёралар, йўлдошлар аниқланди, астрономия қатор янги юнуқларга эришди. Шу б-н бирга, бу қонун тушунтириб беролмаган *Меркурий*, *Венера*, *Марс* сайёралари перигелийларининг ҳаракати каби айрим ҳодисалар ҳам маълум эди. Шу каби учрайдиган чигалликларни бартараф қилиш мақсадида олимлар Ньютон Т. қонунининг математик ифодасига турли қўшимчалар киритишга уринадилар. Аммо бундай уринишлар натижа бермади. Кучли гравитацион майдонларга (ҳар қандай физик объектларнинг ҳосил қиладиган майдони гравитацион ёки тортишиш майдони дейилади. Гравитацион майдон Эйнштейннинг умумий нисбийлик назариясида 4 ўлчовли тензор потенциали орқали баён қилинади) ва бу майдонларда ёруғлик тезлигига яқин тезликлар б-н ҳаракатланувчи жисмларга татбиқ қилишда Ньютон Т. қонунининг бутунлай ожизлиги аниқланди. Бундай ҳолларда Эйнштейн яратган Т. назариясидан фойдаланиш жуда яхши натижа беради.

ТОРТИШМАЧОҚ — ўйин тури; қад. замонлардан болалар, ёшлар ва катталар ўртасида кўлланиб келинган. Арқон тортиш, арқон талашиш, тортишув, белашув номлари б-н ҳам аталади. Наврўз байрами, халқ сайиллари, тўйлар ва б. маросимларда Т. бўлган. Т.нинг, асосан, 2 тури бор. Биринчисида, майдончанинг ўртасидан кўндаланг чизиқ ўтказилади. Ёши, кучи ва жинси жиҳатидан бир хил икки жамоа тузилиб қарама-қарши томонга туради. Улар майдонча ўртасида сертугун арқонни ўз томонларига тортишга шай туришади. Ҳакам ҳуштак чалиши б-н ҳар бир томон куч б-н арқонни торта бошлайди. Арқоннинг ўртасидаги рангли таёма (лента)нинг кўпроқ қисмини ўз чизигидан ўтказган жамоа голиб ҳисобланади. Т.нинг 2-турида арқон ишлатилмайди. Майдончанинг қарама-қарши томонларига параллел 2 чизиқ ўтказилади. Жамоалар ичидан бақувват ўйинбошчилар тайинланади. Улар қўлларига қилар тайинланади. Улар қўлларига қилар йиқча-белбоғни маҳкам боғлаб олишади. Жамоа аъзолари эса кетма-кет бўлиб олдиндаги шеригининг белидан маҳкам қучоқлаб шайланиб туришади. Ҳакамнинг ишораси б-н жамоалар Т. бошлайдилар. Қайси жамоа 1-бўлиб ўртадаги 2 та чизиқдан рақиб ўйинчиларни ўзига тортиб ўтказа олса, ўша жамоа голиб саналади.

Талант Усмонхўжаев.

ТОРФ (нем. torf) — ботқоқлик ўсимликларининг ўта намгар ва ҳаво киришининг қийин бўлган шароитда табиий чириши ва чала парчаланган қолдиқларининг тўпланишидан ҳосил бўладиган фойдали қазилма, ёқилғи. Т.нинг органик массаси турли даражада парчаланган ўсимлик қолдиқларидан иборат. Т. ер устида ёки минерал ётқизиқлар қоплами остида биринчи (гумус) Т.га қорамтир ранг беради. Кимёвий таркиби Т. ҳосил қилувчи ўсимликларнинг кимёвий таркибига ва Т.нинг парчаланиш даражасига боғлиқ бўлиб, унда 50—60% углерод, 5—6,5% водород, 30—40% кислород, 1—3% азот, 0,1—1,5% олтингугурт бор. Т.га хос хусусиятлар: табиий шароитда жуда кўп нам (88—96%) сақлаш, говаклик (96—97% гача) ва б. Т.нинг текстураси бир жинсли, баъзан қатламли, структураси, одатда, толасимон ва пластик. Ранги сариқ ёки қўнғир-қора. Т.нинг қуруқ ҳолатда зичлиги (0,3 г/см³ гача), иссиқлик ўтказиш коэффициенти кам, газ ютиш хусусияти эса кўп бўлади. Т.нинг дунёдаги захираси 500 млрд. т бўлиб, конларининг майдони дунё бўйича 176 млн. га. Т. тез увланиши узоққа ташиб бориш қийин. Шунинг учун маҳаллий ёқилғи сифатида фойдаланилади. Брикетланган ҳолда ишлатилади. Т. йирик электр ст-ялари, иссиқлик электр марказлари ҳамда э-д ва ф-ка қозонхоналарида ёқиш учун ишлатилади. Т.дан қурилиш материаллари (плиталар) ҳам тайёрланади. Газлаштириш ва чала кокслаш йўли б-н кимёвий моддалар олинади. Қ.ҳ.да ва оҳак аралашмасини тайёрлашда торф-аммиакли ўғитлар и.ч.да, сабзавотчилик ва гулчиликда биологик ёқилғи, чорвачиликда тўшама сифатида, тиббиётда даволаш муолажаларида ишлатилади. Т. конлари барча материкларда: Шим. ярим шарда — Ғарбий Сибирь ва ғарбга томон Атлантика океанининг соҳилларигача ҳамда Шим. Америкaнинг шим.-шарқий қисмида бор. Жан. ярим шарда эса Жан.-Шарқий Осиё оларидагина топилган.

ТОРҚАНОТЛИЛАР (Oedemeridae) — қўнғизлар туркуми оиласи. Уз. 5—20 мм. Қанотлари ингичка (номи шундан), гавда қопловчи юмшоқ. 600 га яқин тури бор; кенг тарқалган; айниқса, тропик иқлимда кўп учрайди. Ўзбекистонда 10 дан ортиқ тури бор. Асосан, дарахтлар пўстлоғи остидаги бошқа ҳашаротлар қазиган йўлларда, баъзан ўсимлик қолдиқлари ва замбуруғларда яшайди. Чириндихўр ёки пўстлоқхўр қўнғизлар ва улар личинкалари б-н озиқланади. Йиртқич. Белбоғли торқанот кенг тарқалган (уз. 2,6—3,5 мм).

ТОРҚОПЧИҒАЙ — Қашқадарё вилояти ва Туркманистон жан.-ғарбидаги сой. Ҳисор тизмасининг Каттапой тармоғи ён бағридаги булоқлардан бошланади. Оқбоштоғ ва Қорабаланд тоғларини кесиб ўтади. Қарши чўлига етмасдан тугайди. Уз. 205 км. Баҳорда тошади (сув сарфи 1 м³/сек. чамасида), ёзда қуриб қолади. Тепақўтон калийли туз конларидан оқиб ўтгани учун суви шўр. Т.дан Деҳқонобод туманидаги Торқопчигай қишлоғи аҳолиси ва хўжаликлари сув олади.

TORFOK, чўл торғоқ (Chettusia gregaria) — балчиқчилар кенжа туркумининг ржанкалар оиласига мансуб қуш. Танасининг уз. 32 см гача, оғирлиги 190 г га яқин. Патлари қора, оқ ва сарғиш холли қўнғир кулранг тусда. Т. — чўл қуши. Илгари Россия, Украина ва Қозоғистоннинг чўл минтақаларида анча кенг тарқалган эди. Ҳоз. Шим.-Шарқий Африка, Покистон жанда, Ҳиндистоннинг шим.-ғарбида қишлайди. Инини ерга ясаб, 4—5 та тухум қўяди. Тухумини 25 кун босади. Ҳашаротлар, баъзан ўсимлик уруғлари б-н озиқланади. Чўлларнинг ўзлаштирилиши, чорва моллари Т. уларини

Торғоқ.

босиб кетиши сабабли сони камайиб бормоқда. Ўзбекистонда миграция даврида учрайди. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

ТОТАЛИТАРИЗМ (лот. totalis — яхлит, тўлиқ) — 1) давлат бошқарув шаклларидан бири (тоталитар давлат). Т.да жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлатнинг ялпи, тўла (тотал) назорати ўрнатилади, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар тугатилади, бир шахс, ижтимоий гуруҳнинг (мас, ҳарбийларнинг ёки бир партиянинг) яккаҳокимлигига сўзсиз бўйсунилади, муҳолафат ва ўзгача фикрловчилар қатагон қилинади (мас., 20-а.нинг 20-й.лари охиридан бошлаб фашистлар Италиясидаги, нацистлар Германиясидаги Т.нинг турли шакллари, СССРдаги коммунистик режим, Испаниядаги франкизм ва б.); 2) *этатизм, авторитаризм*ни оқловчи сиёсий тафаккур йўналиши, 20-а.нинг 20-й.ларидан Т. Германия ва Италиядаги фашистларнинг расмий мафкурасига айланган.

ТОТЕМИЗМ (Шим. Америка индеецларининг ожибве қабиласи тилидаги «ототем» — «унинг уруғи» сўзидан) — ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шаклларидан бири. У кишиларнинг маълум гуруҳи б-н ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари (баъзан табиат ҳодисалари, жонсиз нарсалар) ўртасида ғайритабиий алоқа, қон-қариндошлик бор деган эътиқодга асосланади. Ҳайвонлар, ўсимликлар, жонсиз предметлар тотем ҳисобланган. Тотемлар (кўпинча ҳайвонлар) ов қилинмаган, ўлдирилмаган, гўшти ейилмаган, улар гўё кишиларнинг қудратли ҳимоячиси ҳисобланган. Қабила, уруғ ҳар бир аъзосининг ҳаёти ва фаровонлиги тотемга боғлиқ деб қаралган. Улар ўз тотемини қариндоши, акаси, отаси, дўсти деб ҳисоблаган. Ҳар бир қабила, уруғ ўз тотемининг номи б-н аталган. Тотемистик эътиқод ва маросимлар муайян кўринишда кўп халқларда, айниқса, Австралиядаги қабилаларда сақланиб қолган.

ТОТИЛА (Totila) Б а д у и л а (? —552, Тагина яқинида, ҳоз. Гуальдо-Тадино) — *остготлар* қироли (541 й.дан). Италияда византиялик истилочиларга қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракати раҳбари. Византияга қарши курашда Византия ҳукумати сиёсатидан норози бўлган қуллар, колонлар, римлик-италиялик деҳқонлар қўзголонларидан фойдаланган. Т. даврида остготлар Византия армияси устидан бир неча галабаларга эришган ва 542—551 й.ларда деярли бутун Италияни озод қилган. Бироқ Т. император Юстиниан томонидан юборилган Нарсес бошчилигидаги армияга қарши тура олмаган. Тагина яқинидаги жангда ярадор бўлиб, вафот этган.

ТОТИМ (Rhus) — пистадошлар оиласига мансуб доим яшил ўсимликлар туркуми. Бир ёки икки уйли: дарахт, буталардан, баъзан, дарахтсимон лианалардан иборат. Бўйи 0,5—12 м (баъзан 20 м гача). Барглари кетма-кет жойлашган. Гуллари майда, гўнгулларга йиғилган. Меваси кичик данакча. 60 (баъзи маълумотларга кўра, 250) тури маълум. Июнь-июлда гуллаб, сент.-окт.да мева тугали. Асосан, Шим. Америка, Шарқий Осиё, Африка ва Жан. Европада тарқалган. Ошловчи Т. Крим, Кавказ, Помир, Олай ва б. тоғларда ўсади. Барғида 13—25% ошловчи модда — таннид бор. Т. бўёқ ва доривор моддаларга бой. Ўсимликнинг мум ва лок берадиган, заҳарли, манзарали ва б. турлари бор. Барглари, илдизлари, пўстлоги, ёш новдалари ва мевалари бўз, тери, жун ва ипакни бўяш учун ишлатилади. Ўзбекистонда 1 ёввойи ва 3 та маданий тури бор.

Тотим.

ТОТОНАКЛАР — Мексикадаги индейс халқи. 200 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Пенути тилларига қардош тилларда сўзлашади. Диндорлари — католиклар. Қадимда Т. Мексиканинг Атлантика океани соҳилларида яшашган. Веракрус штатидаги Тахина маданиятини (2-минг йиллик боши) яратувчилари Т. деб ҳисоблашади. 14-а.дан ацтеклар қўл остида бўлиб уларга ўлпон тўлашган. 16-а. бошида испанлар томонидан бўйсундирилган. Асосий машғулоти — деҳқончилик.

ТОФАЛАР (ўзларини т о ф а, т о х а деб аташади, илгариги номи — карагаслар) — РФнинг Иркутск вилояти, Нижнеудинск р-ни (Уда, Бирюса, Кан, Гутара, Ия ва б. дарёлари бўйи)да яшовчи халқ. 0,7 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Туркий тилларнинг уйғур гуруҳига мансуб тофа тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар, лекин, шомонлик ҳам қисман сақланган. Т.нинг шаклланишида Жан. Сибирнинг кет, туркий, мунгул ва б. қабилалари иштирок этган. Бу жараёнда асосий ролни туркийларнинг тоба (дубо) қабилалари ўйнаган. Т. шарқий туваликларга — тожинликларга қариндош бўлиб, фақат 1757 й.дан кейин улардан ажралган. 19-а.га келиб алоҳида халқ сифатида шаклланган. 20-а. бошларигача Т. қуйидаги уруғларга бўлинган: каш, сариқ-каш, чоғлу, қора-чоғлу, чептей ва б. Машғулоти — овчилик ва кўчманчи бугучилик бўлган. 20-а.да Т. ўтроқ ҳаётга ўтган. 1980-й.лардан бошлаб Т.да ўз тарихини ўрганиш ва маданиятини қайта тиклашга интилиш кучайган.

ТОХАР ТИЛЛАРИ — ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб қариндош *ўлик тиллар* гуруҳи; «тоҳар А» ва «тоҳар Б» деб аталувчи тилларни ўз ичига олади (баъзи адабиётларда улар «шарқий тохар» ва «ғарбий тохар» тиллари ёки ёзма манбалар топилган жойга нисбатан «қарашар тили» ва «куча тили» деб ҳам аталади). «Т.т.» шартли атама бўлиб, у 1907 й. немис олими Ф. Мюллер томонидан фанга киритилган. Унинг шартлилиги шундаки, Т.т. да сўзлашувчилар ўз даврида қандай аталганлиги номаълум ҳамда уларнинг мил. ав. тохарлар (Тохаристон халқи)га алоқаси йўқ. Шу б-н бирга, Т.т. нинг қад. туркий тил ва шарқий эроний тиллар б-н яқин алоқада бўлганлигини кўрсатувчи далиллар ҳам бор.

Т.т.да (ҳар иккаласида) ёзилган матнлар 5—8-а.ларга мансуб бўлиб, улар 19-а. охири — 20-а. бошларида Шарқий Туркистон (ХХР нинг Синьцзян вилояти)нинг Куча ш., Турфон ва Қарашар воҳаларидан топилган. Матнлар яратилган даврда тохар А тили туркийзабон халқлар ҳамда тохар Б тилида сўзлашувчи халқ ўртасида кенг истеъмолда бўлмаган, фақат буддавийлик ибодатлари ўтказиладиган ёзма адабий тил ҳисобланган. Тохар А тилининг Турфон ва Қарашар воҳаларидан топилган матнларига тохар Б тилида, шунингдек, қад. туркий-уйғур тилида ёзилган тушунтириш белгилари шундан далолат беради. Тохар Б тилидаги матнлар ҳам Синьцзяннинг турли ҳудудларидан — Куча шаҳридан, тохар А матнлари учраган шарқий вилоятлардан топилган. Тохар Б тилидаги айрим қўлёзмалар ўртасида диалектал тафовутларнинг мавжудлиги ушбу тилнинг қўлёзмалар яратилган даврғача ҳам кенг истеъмолда бўлганлигини кўрсатади.

Т.т. фонетик тизими бир қанча ундош фонемаларнинг қаттиқлик-юмшоқлик зиддиятида бўлиши, урғусиз

унлиларнинг редукцияга учраши б-н тавсифланади. Морфологиясида отларнинг 3 грамматик жинс категориясига, 3 хил сон — бирлик, иккилик, кўплик сонларга эгалиги, 9 келишик б-н ўзгариши, феълларнинг 3 шахс, 3 хил сон, 3 замон ва 4 майл шаклларига эга бўлиши кузатилади. А ва Б Т.т. тилнинг ҳар бир сатҳида ўзаро ўхшашликлар б-н бир қаторда муайян тафовутларга ҳам эга бўлган.

Т.т. нинг ёзма ёдгорликлари қад. ҳинд ёзуви *брахмининг* Марказий Осиёда тарқалган алоҳида (қия) шаклида битилган. Дастлабки ёдгорлик 1892 й. Россияда С. Ф. Ольденбург томонидан нашр этилган. Кейинчалик (19-а. бошидан 50-й. ларигача) немис олимлари Э. Зиг ва В. Зиглинг тохар матнларини атрофлича ўрганиб, бу тилларнинг ҳинд-европа тилларига мансублигини кўрсатиб бердилар, ёзма ёдгорликлар тўпламларини нашр этдилар.

Аннар Исмоилов, Абдунаҳоб Мадвалиев.

ТОХАРИСТОН, Т ў х о р и с т о н — ҳоз. Жан. Ўзбекистон, Жан. Тожикистон, Шим. Афғонистонни ўз ичига олган тарихий вилоят. Шим.да Ҳисор тоғлари, Жан.да Ҳиндукуш, Ғарбда Мурғоб ва Ҳерируд дарёлари, Шарқда Помир б-н чегараланган. «Т.» номи мил. ав. 2-а.да Юнон-Бақтрия подшолигини тугатган кўчманчи қабилалардан бири — тохарлар номидан олинган. Форс ва араб тарихчи, географлари (9—13-а.лар) «Т.» атамасини 5-а.дан 13-а.гача қўллаган. Т. мил. 1—4-а.ларда *Кушон подшолиги* таркибига кириб, унинг ўзагини ташкил қилган. Кушон подшолиги парчаланган, Т. алоҳида мулкларга бўлиниб кетган. 7-а. бошида *Сюань Цзан*нинг сўзларига кўра, Т. 27 та алоҳида мулк: Балх (Бақтриянинг собиқ пойтахти), Қундуз (Шим. Афғонистонда), Термиз, Чағониён, Хуттал ва б.дан иборат бўлган. 5—6-а.ларда Т. мулклари *эфталийлар*га, 7-а.да *Турк хоқонлиги*га тобе бўлган. 618 й. турк хоқони Тун ябгу (618—630) Т.ни тўнгич ўғли Тардушодга топширган. У ябгу унвони б-н Т.да ҳукмронлик қилган туркий сулола асосчиси бўлган. 8-а.нинг 1-ярмида Т.ни араблар забт этган. Кейинчалик у Тоҳирийлар, Саффорийлар, Сомонийлар, Ғурийлар давлати таркибига кирган. 13-а. бошида Т. мўғуллар истилоси натижасида вайрон қилинган. Ўзбек ва тожик археологлари, Франция, Италия, Япония ва б. мамлакатларнинг олимлари олиб борган тадқиқотлар Т. Ўрта Шарқнинг йирик иқтисодий ва маданий маркази бўлганлигини кўрсатди. Т. Ўрта Осиёнинг бошқа вилоятлари, Ҳиндистон, Яқин ва Узоқ Шарқ б-н савдо-маданий алоқалар ўрнатган. Кушонлар ва илк ўрта асрларда Т. Марказий Осиёда буддавийлик, шунингдек, *монийлик*нинг ривожланиши ва тарқалишида муҳим роль ўйнаган. 9—13-а.ларда Т. ислом маданияти ва илмининг марказларидан бири бўлган.

Ад.: Б а р т о л ь д В. В., Тохаристан, Сочинения, т.3, М., 1965; К а м а л и д д и н о в Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начало XIII вв., Т., 1996.

Гайбулла Бобоёров.

ТОХАРЛАР, т ў х о р л а р — Марказий Осиёнинг қадимий этносларидан бири. Илк маротаба юнон-рим манбаларида тохар, тагур (мил. ав. 1 — мил. 1-а.лар), кейинроқ эса, илк ўрта асрларда ҳинд манбаларида тукхара, хитой йилномаларида тухоло, қад. турк манбаларида тоқар (тўқар), тохри (тўхри) шаклларида қайд этилади. Кўпчилик олимлар (Э. В. Ртвеладзе, Ю. А. Зуев) Т.ни ҳинд-европа тиллари оиласининг алоҳида тармоғи ҳисоблайдилар. Баъзи тадқиқотчилар (Г. В. Байле, В. Геннинг) эса уларни ҳинд-европа тил оиласининг эрон гуруҳига киритадилар. Юнон манбаларидан маълум бўлишича, Т. мил. ав. 2-а. ўрталарида бир гуруҳ кўчманчи қабилаларнинг Шарқий Туркистондан чиқиб, жан.-ғарбда *Юнон-Бақтрия подшолиги*ни босиб олишида иштирок этадилар ва Амударёнинг юқори ҳавзасида жойлашиб қоладилар. Птолемей (мил. 1-а.) Т.ни «Бақтриянинг энг катта халқи» сифатида тилга олади. Илк ўрта асрларда Бақтрия ўлкасининг *Тохаристон* номи б-н юритила бошланиши ҳам уларнинг милоднинг илк асрларидан бошлаб Бақтрия аҳолисининг кўп сонли ва ҳукмрон табақасини ташкил этганлигини кўрсатади. Бақтрия ўлкаси қад. Хитой йилномаларида Дася шаклида қайд этиладики, тадқиқотчилар унинг тохар сўзининг хитойча талаффузидир, деб ҳисоблайдилар.

Т.нинг илк ватани масаласи баҳсли. Бир қисм тадқиқотчилар фикрича, уларнинг илк она юрти Шим. Қора денгизбўйи ёки Волгабўйи даштлари бўлиб, мил. ав. 3-минг йилликда Олд Осиё орқали шарққа, Ўрта Осиё орқали Шарқий Туркистонга бориб жойлашганлар. Бошқа тадқиқотчилар фикрига кўра, Т.нинг илк ватани айнан Шарқий Туркистон бўлиб, улар бу ернинг автохтон (туб жой) аҳолиси бўлган ва мил. ав. сўнгги асрларда Ўрта Осиё ва Бақтрияга кўчиб ўтишган. Бир қанча тадқиқотчилар қад. Хитой йилномаларидаги юэчжи ва юнон-рим манбаларидаги Т.ни битта халқ деб, ҳисоблашади ва улар дастлаб ҳоз. Хитойдаги Гансу (Кенгсув) вилоятида яшаганликларини таъкидлайдилар. Айнан Шарқий Туркистон ҳудудида Т.га мансуб брахмий хатида битилган кўплаб қад. ёзма ёдгорликлар топилган. Ушбу ёзма асарларнинг асосий қисми мил. 5—10-а.ларда яратилган бўлиб, аксарияти буддавий асарлар ва матнларнинг тохарча таржималари ёки қайта ишланмаларидир. Бундан ташқари, Лобнор кўли атрофидан топилган Крорайна давлатининг мил. 3—4-а.ларга мансуб пракрит тилидаги ҳужжатларида тохарча сўзларнинг учраши тохар тилининг ушбу даврғача тарқалганлигини кўрсатади.

3. *Валидий* фикрича, улар асли урал-олтой халқларига мансуб бўлиб, кейинчалик тохар этноними Шарқий Туркистонга кўчиб келган ҳинд-европаликларнинг бир гуруҳи учун қўлланила бошлаган. Хусусан, тохар этнониминнинг ясалиши урал-олтой тилларига хосдир. Ушбу тил оиласига мансуб халқларда —ар (эр) «одам» от ясовчи қўшимчаси асосида кўплаб этник номлар вужудга келган. Жумладан, авар, мажар (можор), булғар (булғор), татар, хазар, сабар каби. Тохар этноними ҳам худди шу шаклда пайдо бўлган, яъни тохар=«тох+ар».

Шунингдек, Дунхуандан топилган илк ўрта асрларга тааллуқли «Сак-Хўтан-Брахма» ёзувли «қавмлар ва географик номлар рўйхати»да шарқий туркларнинг беш тардуш уруғидан бири тугара этнонимини тохар б-н тенглаштирадилар. Ўғузларнинг бир уруғи бўлган тўғар (дўкер) номини ҳам тохар этноними б-н боғлайдилар. Булар қаторига турк-мўғул қабиласи бўлмиш жалойирларнинг бир уруғи тохрауг, Олд Осиёда яшаган оққўюнли туркларнинг тухарлу сингари этнонимларини қўшиш мумкин. Бундан ташқари, форс тил гуруҳига мансуб осетинларнинг яна бир номи дигор деб юритиладики, тадқиқотчилар уни тохар этнониминнинг изларидан бири ҳисоблашади.

Ад.: Р т в е л а д з е Э. В., Великий шёлковый путь, Т., 1999; З у е в Ю. А., Ранние тюрки: очерки истории и идеологии, Алматы, 2002.

Гайбулла Бобоёров.

ТОШ — 1) тарози ёрдамида жисмлар массасини ўлчаш, тортиш учун мўлжалланган, турли шакл ва оғирликдаги юк, қадоқ тарози тош, яъни оғирлик ўлчови; одатда, шайинли тарозида ўлчаниб, қуйидаги тўплами қўлланилади: 10 мг, 20 мг, 50 мг, 100 мг, 200 мг, 500 мг, 1 г, 2 г, 5 г, 10 г, 50 г, 100 г, 200 г, 500 г. Савдо-сотиқда ва б.

мақсадларда фойдаланиладиган тарозиларда булардан катта массали Т.лар ҳам қўлланилади; 2) масофа ўлчов бирлиги, амир (ёки подшо) нинг чопарлари йўл узунлигини ўлчаётганда ҳар бир 8000 қадамга бир Т. қўйиб кетишган. Агар 1 қадам =0,75 м бўлса, унда 1 Т. = 80000·0,75 м=6000 м = 6 км бўлган.

ТОШ ДАВРИ — инсоният тараққиётидаги энг қад. давр. Бу даврда меҳнат қуроллари ҳамда қурол-яроглар, асосан, тош, ёғоч ва суяклан ясалган. Т.д. қад. (*палеолит*), ўрта (*мезолит*) ва янги (*неолит*) даврларга бўлинади. Т. д. бундан тахм. 2 млн. йил олдинроқ бошланиб, Ўзбекистонда 4 минг йил бурун тугаган (айрим ҳудудларда узоқроқ давом этган). Т.д. одамлари теримчилик, овчилик, балиқ овлаш б-н шуғулланган; неолит даврида мотига б-н деҳқончилик қилиш ва чорвачилик пайдо бўлган. Ижтимоий муносабатлар «ибтидоий одамлар тўдаси»га, сўнгра ибтидоий уруғдошлик тузумига хос бўлган.

Т.д.нинг қад. даври — палеолит 3 даврга бўлиниб ўрганилади: қуйи палеолит, ўрта палеолит, юқори палеолит. Қуйи палеолит даври илмий хулосаларга кўра, одам илк бора меҳнат қуролларини ясаган вақтлардан бошланган. Бу жараён ер шарининг турли жойларида турли вақтларда содир бўлган (мас., Африкада бу жараён 3 млн. йил аввал бошланган, Европанинг жан. ва Осиёда тахм. 2 млн. йил аввал). Аммо қаерда ва қачон бошланганидан қатъи назар, қуйи палеолит инсониятнинг энг узоқ давом этган тарихини акс эттирган. Тош асри техникасининг такомиллашуви натижасида диск шаклидаги (рапидасимон) *нуклеуслар*ни вужудга келиши

Тош даври. *1* — қўл чопқи; *2* — япроқсимон тош қурол; *3* — тош парракча; *4* — нуклеус.

Чақмоқтош ўқ учлари.

1 — мунчоқлар; *2* — сопол илиш парчалари.

ва улардан ўткир учли учбурчаксимон учириндиларни юзага келиши б-н қуйи палеолит ўрнини ўрта тош даври, яъни мустье даври (қ. *Мустье маданияти*) олади. Мустьедан сўнг юқори палеолит даври бошланади. Европанинг жан.да, Осиёда, жумладан, бизнинг Ўрта Осиёда ўрта палеолит ҳоз. кунимизлан 200 минг йил аввал бошланиб, ўрта ҳисобда 160 минг йил давом этади ва ўрнини 50 минг йил аввал прогрессивроқ бўлган юқори палеолит даврига бўшатиб беради. Юқори палеолит даврида, асосан, реалистик санъат ривожланади. Ўша давр одамлари ҳайвонларни овлаш жараёнини қандай кўрган бўлсалар, шундай равишда гор деворларига расмлар чизганлар. Чизганда ҳам қизил ва қора табиий рангларда чизганлар. Бу нарса одамларнинг онгини ривожланганлигини кўрсатади. Меҳнат қуролларини ясаш техникаси бўйича қуйи ва ўрта палеолитга нисбатан жуда юксак кўтарилган юқори палеолит даври, ўз навбатида, бундан 12—10 минг йил аввал прогрессивроқ бўлган *мезолит* даври б-н алмашди. Т.д.нинг сўнгги босқичи бўлган *неолит* бундан 5—4 минг йил аввал *жез даври* б-н алмашди.

Ўткир Исломов.

ТОШ МАЪБУДЛАР — қ. *Болболлар.*

ТОШ МЕТЕОРИТЛАР — таркиби бўйича ер тоғ жинсларига яқин, темир, кремний ва магний оксидларига бой бўлган метеоритлар. Т.м.нинг 85% га яқини хондралар (ўлчами 1 мм гача бўлган сферасимон жисмлар)дан ташкил топган бўлиб, улар хондритлар, қолганлари эса ахондритлар деб аталади (қ. *Метеоритлар*).

ТОШ ТУЗИ, галит, ош тузи — 1) галит минерали, кимёвий таркиби NaCl (Na—39,3%, Cl —60,7%). Куб сингонияда кристалланади. Табиатда турли катталикдаги донадор кристалл агрегатлар шаклида учрайди. Соф ҳолда рангсиз ва тиниқ, лекин кўпинча гил, органик моддалар, темир оксиди ва бошқалар б-н аралашмаси кулранг, жигарранг, қизил, пушти. Шишадек ялтироқ, қаттиқлиги 2, зичлиги 2,2 г/см³. Сувда осон эрийди; 2) чўкинди тоғ жинси, асосан, (99 %) галитдан иборат. Сувда эрийдиган бошқа тузлар каби. Т.г.нинг асосий массаси арид зоналарининг ҳавзаларида экзоген жараёнлар мобайнида ҳосил бўлади. Т.г., айниқса, шўр кўллар тубида кўп бўлади. Т.г. чўкинди тоғ жинслари орасида катта қалинликдаги қатламлар кўринишида бўлиб, ўнлаб км² га тарқалади, бошқа жинсларда қатламчалар, линзалар, уячалар, хол-хол доначалар ҳосил қилади. Т.г. қатламлари барча геологик давр ётқизиқларида учрайди. Энг йирик ётқизиқлари кембрий, девон, пермь ва неоген қатламларида жойлашган. Йирик конлари Белоруссия, Украина, Каспий бўйи ботиғи ва унга туташган Бошқирдистон ҳамда Оренбург-Оқтўба туз ҳавзаларида мавжуд. Т.г.

Хўжаикон туз кони.

Ўзбекистон ва унга туташган ҳудудларда кенг тарқалган бўлиб, Бойбичекан, Оқбош, Тубегатан, Хўжаикон ва Кўрғошинконда топилган.

ТОШ ЧОРШАНБА ЎҒЛИ (1909 — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Кунчиқар қишлоғи — 1967) — достончи. Тоғаси ва амакиси бахши ўтган. Улардан достончилик сирларини ўрганган. Репертуарида 20 дан ортиқ ўзбек халқ достони бўлиб, улардан «Алпомиш», «Гўрўғлининг туғилиши», «Авазхон», «Нурали», «Келиной» каби достонлар, кўпгина терма, эртак, мақол, топишмоқлар ёзиб олинган. Т. Ч. ў. 1960 й.да жаҳон шарқшуносларининг Москва конгрессида иштирок этиб, «Алпомиш» достонидан парчалар куйлаб берган.

ТОШ ЎЙМАКОРЛИГИ — *ўймакорлик* тури; амалий безак санъатининг кенг тарқалган соҳаси. Т.ў.да безатиладиган

Ҳаким Термизийнинг тош ўймакорлигида нақшланган қабртоши (15-а., Термиз).

буюм сиртига ўйиб, баланд ёки ясси бўртма ҳосил қилиб ёзув, нақш, тасвир ишланади. Бунда юмшоқ (гипстош, оҳактош ва б.), ўртача (малахит, мармар ва б.) ҳамда қаттиқ (нефрит, лазурит, яшма ва б.) тошдан фойдаланилади. Тош турлари *инкрустация* қилиниши, ўзаро бириктирилиши, зичлаб-қалаб мустаҳкамлаб, кейин Т.ў. б-н безатилиши мумкин. Ўзбекистон ҳудудидан топилган Т.ў.нинг илк намуналари неолит, энеолит, жез даврларига мансуб. Ўртаосиёлик усталар қадимдан минерал ва тоғ жинсларининг хоссалари, ишлаш усулларини яхши билган; ясси бўртма (рельефли) Т.ў. ривожланган. Ҳозир Т.ў.нинг асосий қисми механизациялашган (яна қ. *Тошторошлик*).

ТОШБАҚАЛАР (Testudenes, яъни Chelonica) — судралиб юрувчилар туркуми. Танаси суяк-мугуз ёки суяк-тери совут б-н қопланган. Совут орқа (карапакс) ва қорин (пластрон) қалқондан иборат. Кўпчилик Т.нинг тузилиши қад. даврдан ҳозиргача деярли ўзгармаган. Совутининг уз. 12 см дан 2 м гача. Т. кўзи ва ҳид билиш органлари яхши ривожланган, лекин ёмон эшитади. Тишлари бўлмайди, жаги тумшуққа ўхшаш мугуз пластинкалар б-н қопланган. Умуртқа погонаси — бўйин ва дум бўлимлари ҳаракатчан, бошқа қисмлари карапакс б-н бирлашиб кетган. Совутнинг бўлиши туфайли оёқлар камари суяклар, қовурғалар остига силжиган. 250 га яқин тури бор. 2 кенжа туркум (яширин бўйинлилар ва ёнбош бўйинлилар)га ажратилади. Яширин бўйинлилар (Cryptodira) 8 оила: каймансимон Т., чучук сув Т.и, қуруқлик Т.и, денгиз Т. и, терили Т., юмшоқ танали Т. ва б.ни; ёнбош бўйинли Т. пеламедузасимонлар ва илон бўйинлилар оилаларини ўз ичига олади.



Тошбақалар: *1* — ботқоқ тошбақаси; *2* — фил тошбақа.

Экологик жиҳатдан Т. денгиз ва қуруқлик Т.ига ажратилади. Қуруқлик Т.и Антарктикадан ташқари барча қитъаларда ва кўпчилик о.да, денгиз Т.и дунё океанининг тропик ва субтропик ҳудудларида, қисман, бареал қисмида тарқалган. Қуруқлик Т.и совуқ тушганда қишки, қурғоқчилик пайтида ёзги уйқуга кетиши мумкин. Қуруқлик ва денгиз Т.и, асосан, ўтхўр, чучук сув Т.и, одатда, этхўр (балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, умуртқасизлар б-н озиқланади). Т. бир неча ой озиқланмасдан яшаши мумкин. Қуруқликда жуфтлашади. Айрим турлари йил давомида 3 мартагача ва ундан ҳам кўп марта бир неча 100 тагача тухум қўяди. Тухумлари шарсимон ёки эллипссимон; қуруқлик Т.ида тери оҳак пўчоқ, денгиз ва чучук сув Т.ида пўст б-н қопланган. Кўпчилик турларининг инкубация даври 2—3 ой (фил тошбақасиники 6—7 ой). 2—3 й.да жинсий воята етади. Т.нинг ўсиши чекланмаган, фақат воята етган даврида секинлашади. Бир неча ўн йил, баъзан 150 йилгача яшайди. Баъзи Т.нинг гўшти, ёғи, тухуми, баъзан мугуз қалқонидан фойдаланилади. Айрим мамлакатларда Т.ни кўпайтириб боқадиган фермалар бор. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда чўл Т.и Testudo harsfieldi тарқалган. Чўл Т.и баҳор ойлари уйқудан уйғонади; ўсимлик майсалари б-н озиқланиб, қисман экинларга зиён етказади. Иссиқ ёз ва совуқ қишда уйқуга кетади. Куз қуруқ келганида ёз уйқуси қиш уйқусига уланиб кетиши мумкин. Т. сони камайиб бораётганлиги сабабли муҳофаза қилинади. 38 тури ва кенжа тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

ТОШБАҚАТОЛ (Haplophyllum perforatum) — тошбақатолдошлар оиласига мансуб кўп йиллик бадбўй ўт. Нуқтасимон қора безлар б-н қопланган. Бўйи 30—70 см, пояси юқори қисмидан шохланган. Барги толнинг баргига ўхшаш узунчоқ, текис қиррали. Гули сариқ, поя ва шохлар учида қалқонсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси 4 чаноқли очилмайдиган кўсакча. Май — июлда гуллайди, авг.да уруғи пишади. Т. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги адирлар, тоғ этаклари ва ўрта қисмидаги ён бағирларда ўсади. Таркибида 0,050—0,21% эфир мойи, баргида 0,1—1,2%, поясида 0,075—0,14%, илдизида 0,025%, уругида эса 1,6% алкалоид (хаплоперин, ихохаплоперин, скимманин, хаплофин, хаплофилидин ва перфорин) бор. Пояси ва баргларидан тайёрланган қайнатма ва дамламалар тиш оғриги ва ҳар хил тери касалликларини даволашда қўлланади.

Тошбақатол.

ТОШБЕКОВ Қодир (1935.20.12, Фориш тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1968). 1963 й.дан Сирдарё туманидаги 43-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ҳамда тарих, 1970 й.дан Фориш туманидаги 2-мактабда, 1989 й.дан 30-интернат мактабида тарих ўқитувчиси.

ТОШБУЛОҚ — Наманган вилояти *Наманган туманидаги* шаҳарча, туман маркази. 1989 й. 18 окт.да ташкил қилинган. Наманган ш.дан 10 км гарбда. Яқин т.й. станцияси — Наманган (10 км). Аҳолиси 13947 киши (2003).

Т.да «Тошбулоқ-Тола» акциядорлик жамияти, «Райҳон-Тола» пиллани қайта ишлаш корхонаси, «Тошбулоқ-Текстиль» тўқимачилик корхонаси фаолият кўрсатади. Автокорхона, деҳқон бозори, маданият саройи, маданият уйи, марказий кутубхона ва унинг шохобчалари, «Ёшлар маркази» ишлаб турибди. Умумий таълим, болалар мусиқа мактаблари, 2 касб-ҳунар коллежи, мақом ва хор жамоалари, «Олвализор гуллари» ашула ва рақс халқ ансамбли бор.

Стадион, 2 теннис корти, 2 та болалар спорт мактаби мавжуд. Марказий касалхона, катталар ва болалар поликлиникалари, тез тиббий ёрдам илмий маркази бўлими, марказий дорихона, 5 хусусий дорихона, 2 хусусий касалхона аҳолига хизмат кўрсатади.

ТОШДАРАХТ, қатранғи, туғдона (Celtis L.) — қайрағочдошлар оиласига мансуб барг тўкадиган, доим яшил дарахтлар туркуми. Бўйи 10 м дан ошади. Шохлари қўнғир ёки қизғиш-қўнғир. Барг пластинкаси тухумсимон, тишли, юзасида 3 та томири бор, уз. 3—7 см, эни 2—4 см. Гуллари кўримсиз, полигам, гулкосаси оддий, 5 бўлакли. Меваси — данакча, қўнғир ёки тилларанг. Апр.да гуллаб, сент.да уруғлайди. Шим.

ва Жан. ярим шарларнинг тропик ва қуруқчил минтақаларида 50 га яқин тури маълум. 2 тури — Кавказ Т.и (C. caucasica Wild.), бўйи 20 м ча, барги кулранг-яшил, момиқли, Кавказ ва Ўрта Осиёда ўсади; силлиқ Т. (C. glabrata) — бўйи 4—6 м, Қрим ва Кавказнинг тошли қуруқ қояларида тарқалган. Асосан, тоғлардаги йирик ва чағир тошли ёнбағирларда ўсади. Т. кўкаламзорлаштириш учун экилади. Меваси ейилади, ёш барги молларга берилади, пўстлоғидан ошловчи моддалар олинади. Ёғочи қаттиқ, мустаҳкам, дурадгорлик ва ускунасозликда ишлатилади.

ТОШДАРВОЗА — Хивадаги меъморий ёдгорлик (18—19-а.лар). Ичан қалъанинг жан. дарвозаси. Дош дарвоза, Кўҳна бозор дарвозаси номи б-н ҳам машҳур. Дарвоза 6 бўлмали, тарҳи 19,7× ×17,0 м, бал. 10 м, ўтиш йўлида 2 гумбазли бўлма, 2 ён томонларида кичик гумбазли хоналар (3,2×3,2 м) ўзаро равоқлар орқали бурждар б-н (жан. ён хоналар) бирлаштирилган. Бурждарда соқчилар хонаси бор. Дарвоза пештоғидаги қанос ва икки ёнидаги бурждар тепаси тенглаштирилган. Дарвоза табақалари ёғочдан. Ташқи ва ички томонлари безаксиз, содда, гумбазлари бузилган. Дарвозанинг ўтиш

Тошдарвоза.

йўли кенглиги 4,83 м. Бурждар тепасига шим. пештоқдаги бурамасимон зинапоя орқали чиқилган. Т. бош тарзи маҳобатли. Тарзи ва ички томони безаксиз.

Ад.: Маньковская Л., Булатова В., Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978.

ТОШЁРАР (Saxifraga) — тошёрардошларга мансуб ўтлар туркуми. Кўп йиллик илдизпояли, баъзан бир йиллик ўсимликлар, пояси битта ёки бир нечта, тик ёки ётиқ. Гули оқ, кўкимтир, саргиш ёки қизғиш. Косачабарглари ва гултожбарғчалари бештадан, чангчилари ўнта. Меваси кўсакча. 250 тури бор. Шим. ярим шарининг совуқ ва мўътадил минтақаларида тарқалган. Арктикала ва тоғли р-ларнинг шағалли, тошли ён бағирларида ва

Сибирь тошёрари.

қояларида ўсади. Ўзбекистонда Сибирь тошёрари (S. sibirica) Фарғона вилояти Ҳамзабод қишлоғи атрофидаги тоғларининг салқин жойларида ўсади; айрим турлари манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

ТОШКАКРА, ёйиқ бўтакўз (Centaurea squarrosa Willd.) — мураккабгуллошлар оиласи бўтакўзлар туркумига мансуб кўп йиллик бегона ўт. Бўйи 20—60 см, пояси бир нечта, қиррали. Барглари майда, яшил; илдиз бўғзидаги барглар патсимон қирқилган, бўлаклари қалами, тикансимон ўрама барғчалар б-н ўралган. Май — июль ойларида гуллаб уруғлайди. Уруғидан кўпаяди. Асосан, лалми экинзорларда кенг тарқалган. Адир ва тоғ зоналарида учрайди.

ТОШКАНБОЕВЛАР — ўзбек дорбозлари сулоласи. Ўзбек циркининг шаклланиши ва миллий дорбозлик санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган цирк санъаткорлари. Тошканбой Эгамбердиев (1866.3.3 — Асака — 1963.9.2) — сулола асосчиси. Ўзбекистон ва Россия (1939) халқ артисти, Меҳнат Қаҳрамони (1937). Фаолиятини 7 ёшидан бошлаб, отаси Эгамберди ҳожи б-н халқ байрам ва сайилларида, шаҳар майдонларида дорбозлик ўйинларини намойиш этишган. 19-а.нинг 80-й.ларидан бошлаб мустақил ишлаган, дорбозлик ва симбозлик санъатини мукаммал эгаллаган. 5—6 м баландликдаги симдор устида 20 дан ортиқ машқлар ижро этган, жумладан, баландга ёки узунасига сакраш, оёгига пичоқ, лаган, мис қозон, ёғочоёқ боғлаб ёки баланд пошнали пойабзал кийиб сим устида юриш, бошда қайнаётган самовар олиб ўтиш ва б. Шунингдек, 25—30 м баландликда тортилган қия дор устида мураккаб машқларни ижро этган, чиғириқда гимнастика унсурларини бажарган. 1908 й. Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон саноат ва ҳунармандчилик кўргазмасида қатнашиб, «энг яхши дорбоз ва симбоз» деб топилган, олтин медаль ва қимматбаҳо совғалар б-н мукофотланган. 1920—30-й.лар Ўрта Осиё давлат ва хусусий цирклари ишлаган. 1935 й.да Санкт-Петербург циркида унинг раҳбарлиги ва иштирокида «Дорбозлар» миллий дастури яратилиб, дор ўйинлари илк бор очиқ майдондан цирк гумбази остига кўчирилади. 1942 й. ўзбек цирки жамоасини ташкил

этди ва унга раҳбарлик қилди. 1947 й. 81 ёшида сўнгги марта дорга чиқди. 1950—56 й.ларда Тошкент циркининг бадиий раҳбари.

Эгамбердиевнинг фарзандлари: Тошканбоев Қодиржон (1889.15.4 — Асака — 1972.15.8) — дорбоз. Ёшлигидан миллий цирк санъатининг турли жанрларини — бесуяк, муаллақчилик, чиғириқ ўйини, дорбозлик, симбозлик, масхарабозлик, ёғочоёқ ва б.ни эгаллаб, 1920—30 й.ларда отаси б-н биргаликда давлат ва хусусий циркларда ишлаган. 1935 й.дан эса «Дорбозлар» дастурида қатнашган. Тошканбоев Шокиржон (1906.1.5, Асака — 1965.13.4, Тошкент) — дорбоз. 1950 й. унинг раҳбарлигида Тошкентдаги «Саҳиадаги цирк» бирлашмаси қошида «Ўзбек дорбозлари» гуруҳи ташкил этилди ва бу гуруҳ қад. дорбозлик санъатини янги погонага кўтарди. Илк бор дорда муҳофаза воситаси — «лонжа»ни ишлата бошлади ва натижада анъанавий репертуар бир қатор янги мураккаб машқлар б-н бойиди. Хусусан, очиқ ҳаводаги дор устида «кўприкча» шаклида туриш, елка б-н дорга тираліб, оёқларини тепага чўзиш каби трюкларни биринчи маротаба Шокиржон ижро этди. Рафиқаси Фахриддинова Марьям (1910—Тошкент — 1963.9.11) — Ўзбекистондаги биринчи дорбоз аёл, раққоса. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1939). 1935—50 й.лар «Дорбозлар» дастурида қатнашган. Тошканбоев Обиджон (1915.1.1, Асака — 2004.31.3, Тошкент) — дорбоз. Ўзбекистон халқ артисти (1961). 1949 й.дан «Дорбозлар» дастурининг раҳбари. 1960—69 й.лар ўзбек цирки жамоасининг бадиий раҳбари. 1962 й.дан Акром *Юсупов* б-н бирга қизиқчи-дорбоз сифатида фаолият кўрсатган. 3—7 киши томонидан ижро этиладиган бир қатор мураккаб дор ўйинларининг муаллифи ва иштирокчиси (мас., «Иккиталик шпагат», «Учталик шпагат», «Обкаш», «Уч погонали пирамида», «Тўрт кишилик устун» ва б.). Анъанавий дор симларда сальтоморталенинг биринчи ижрочиси.

Тошканбоев Шокиржоннинг фарзандлари: Тошканбоев Эркин (1929.18.7, Тошкент) — дорбоз, акробат, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1966). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1974). 1935 й.дан «Дорбозлар» дастурида хизмат қилган. 1969 й.дан «Саҳиадаги цирк» бирлашмасида аввал артист, сўнг бош реж. (1974), директор (1975—2002). 1991—2000 й.лар «Ўзбекакласатцирк» Республика бирлашмасининг бош директор ўринбосари. 30 дан ортиқ цирк спектаклларини саҳналаштирган: «Яхши одам ва баджаҳл хон ҳақида эртак», «Сеҳрли кўл», «Олими камалаги», «2000 йиллик Тошкент — 1500 йиллик Киевга», «Қизил лола», «Гулла, яшна жонажон Ўзбекистон», «Дўстлар учрашуви» ва б. Анъанавий ва замонавий ўзбек цирки акс эттирилган бу спектакллар хорижий мамлакатларнинг саҳналарида — маданият саройларида, стадионлар, цирклларда намойиш этилди. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2004). Тошканбоев Эркиннинг фарзандлари: Тошканбоев Пўлат (1960.3.1, Тошкент) — циркшунос, реж. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1982). Санъатшунослик фанлари номзоди (1993). 1982 й.дан «Саҳиадаги цирк» бирлашмаси реж. и, 2002 й.дан директори. Тошканбоев Мурод (1964.16.6, Тошкент) — дорбоз, симбоз, акробат. Акробатика бўйича спорт устаси (1981). Тошкент жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1985). 1987 й.дан «Саҳиадаги цирк» бирлашмасидаги «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳининг раҳбари ва иштирокчиси.

Тошканбоева Анорхон (1935.9.1, Тошкент) — дорбоз, раққоса, журналист. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1958). 1943—50 й.ларда «Дорбозлар» дастурида иштирок этган. «Дорбозлар» бадиий фильми сценарийсининг ҳаммуаллифи (Я. Илёсов б-н). Ўғли Юсупов Жалол (1969.19.8, Тошкент) — дорбоз, акробат, театр ва кино актёри. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (2002). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1990). Акробатика бўйича спорт устаси (1981). 1990 й.дан Ёшлар театри актёри. Театрда Труфальдино («Маликан Турандот»), Жеронд («Зўраки табиб»), Тевье сутчи («Томдаги камончи»), Насриддин афанди («Ўйинчи қиз Шарора»); кинода Зокир («Чинор остидаги дуэль»), Турсунбой («Сувончи»), Акмал («Ҳаво пиёдалари»), Руфат Қудратов («Рингга чақирилади») ва б. ролларни ижро этган. Тошканбоев Зокиржон (1946.7.9, Тошкент — 2002.14.5) — дорбоз, акробат, мусиқачи. Тошкент маданият ин-тини тугатган (1985). 1963 й.дан «Ўзбек дорбозлари» гуруҳи қатнашчиси. Ўғли Тошканбоев Шокиржон (1975.24.1, Тошкент) — дорбоз, акробат. Республика эстрада-цирк санъати студиясини тугатган (1991). 1991 й.дан «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳининг қатнашчиси.

Тошканбоев Обиджоннинг фарзандлари: Тошканбоева Донохон (1938.10.11, Тошкент) — дорбоз, акробат. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1964). 1947 й.дан «Дорбозлар» дастурида қатнашади. 1959—75 й.ларда «Вольтижёр-акробатлари», «Ҳаво гимнастлари» дастурларида иштирок этган. 1985 й.дан Республика эстрада-цирк санъати студияси педагоги. Қизи

Обиджон Тошканбоев раҳбарлигидаги гуруҳ.

Тошканбоева Малика (1961.31.1, Тошкент) — акробат. Москва эстрада-цирк билим юртини тугатган (1979). 1979 й.дан «Акробатика этюди» ижрочиси; ўғли Тошканбоев Махсум (1974.9.1, Тошкент) — дорбоз, акробат. Республика эстрада-цирк санъати студиясини тугатган (1991). 1991 й.дан «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳининг қатнашчиси.

Тошканбоева Мамлакат (1940.18.11, Тошкент) — дорбоз, акробат. Ўзбекистон халқ артисти (1987). 1954 й.дан «Дорбозлар» дастурида, «Ҳаво гимнастлари», «Партердаги учиш» томошасининг иштирокчиси. 1959 й.дан турмуш ўртоғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роман Блей б-н «Акробатика этюди»ни ижро этган. 1973—95 й.ларда «Шарқ жилолари» туя устида акробатлар аттракциони раҳбари ва иштирокчиси. Аттракцион шарқона усулда безатилган бўлиб, унда чопаётган туялар устида бир қатор мураккаб акробатик машқлар ва пирамидалар ижро этилган. Дастурда қизи Тошканбоева Жамила (1963.6.3, Тошкент) иштирок этади.

Тошканбоев Олимжон (1945.17.1, Тошкент) — дорбоз, акробат. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1980). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1989). «Партердаги учиш» номерининг раҳбари ва иштирокчиси (1964). 1975 й.дан «Ўзбекдавлатцирк» Республика бирлашмаси қошидаги «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳининг раҳбари ва иштирокчиси. Дастурда қизи Жарита (1967.3.8, Тошкент) ва ўғли Рустам (1975. 27.4, Тошкент) иштирок этишади. Гуруҳ Халқаро цирк санъати фестивалларида иштирок этиб, «Маҳорат ва жасорат» кубоги (Бельгия, 2001) ва махсус совриғи (Голландия, 2002) б-н мукофотланган.

Тошканбоев Жумабой (1949.25.2, Тошкент) — дорбоз, акробат, масхарабоз, ҳаво гимнасти. 1963 й.дан «Дорбозлар» дастурининг, 1973 й.дан «Ҳаво гимнастлари» томошасининг иштирокчиси. Дастурда қизи Лола (1973.3.12, Тошкент) қатнашади.

Тошканбоев Алишер (1954.18.4, Тошкент) — дорбоз, акробат. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1987). 1965 й.дан «Дорбозлар» дастурининг иштирокчиси. 1975 й.дан Тошканбоева Мамлакат раҳбарлигидаги «Шарқ жилолари» туя устида акробатлар аттракционининг қатнашчиси. 2000 й.да Санкт-Петербург цирки қошида «Шарқ жилолари» аттракционини қайта тиклаб, туялар устида ижро этиладиган мураккаб акробатика машқлари б-н бойитди. Дастурда ўғли Синдбад (1980.11.3, Тошкент) қатнашади.

Тошканбой Эгамбердиевнинг набираси (Барнохон Тошканбоеванинг ўғли) Тошканбоев Камолиддин (1927.28.10 — Асака — 1991.13.10) — дорбоз, симбоз, акробат. Ўзбекистон халқ артисти (1980). Дорбозлик ва симбозлик санъатини бувасидан ўрганган. 1935 й.дан «Дорбозлар» дастурининг қатнашчиси. 1965—1991 й.ларда «Саҳиадаги цирк» бирлашмаси қошидаги «Ўзбек дорбозлари» гуруҳининг раҳбари ва қатнашчиси. Анъанавий дорбозлик репертуарига бирмунча ўзгаришлар киритди. Қия тортиладиган дор ўрнига горизонтал дор ишлатилганлиги натижасида якка машқлар б-н бир қаторда, 2—4 киши ижро этадиган мураккаб ўйинлар ҳам киритилган. Хусусан, «Обкаш», «Уч кишилик устун», «Бош устида шпагат», дорда ўмбалоқ ошиш, дорда ўтирган дорбоз устидан сакраб ўтиш каби машқлар очиқ ҳавода илк бор намойиш этилди. 2 ва 3 погонали дор устида турли машқлар ўзлаштирилди. Симбозлик санъатининг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган ва симдор ўйинларини ижро

Камолиддин Тошканбоев раҳбарлигидаги дорбозлар гуруҳи.

этган. Ўғли Тоҳир (1961.9.2, Тошкент) — дорбоз, симбоз, акробат, 1991 й.дан «Ўзбек дорбозлари» гуруҳининг раҳбари ва иштирокчиси. 1995 й.да Тошкентда 1-Марказий Осиё ўйинларини тантанали очилиш маросимида қатнашиб, спорт тарихида биринчи марта олимпия машъалини дор устидан олиб ўтди.

Т. сулоласи вакиллари ўз санъатларини Европа, Осиё, Америка ва Африканинг 30 дан ортиқ мамлакатларида намойиш этишди. Тошкент давлат цирки ва Асака маданият ва истироҳат боғига Тошканбой Эгамбердиев номи берилди. Миллий цирк санъатини ривожлантириш ва уни жаҳон майдонига олиб чиқиш мақсадида 1995 й. Тошканбой Эгамбердиев номидаги Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Т. «Иккинчи хотин» (1927), «Мардлар майдони» (1953), «Дорбозлар» (1965), «Икки дил достони» (1966), «Ҳаво пиёдалари» (1980), «Тўйлар муборак» (1982) фильмларида қатнашган. Т. ҳақида «Саҳнада — ўзбек цирки» (Германия), «Майдонда — миллий цирк» (Россия), «Дорбоз Тошканбоевлар», «Ўзбек цирки», «Томоша давом этади» ҳужжатли фильмлари ишланган. Ҳоз. кунда Т. сулоласининг бешинчи ва олтинчи авлоди фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ад.: Обидов Т., Дорбозлар қиссаси, Т., 1966.

Пўлат Тошканбоев.

ТОШКЕНТ — шаҳар, Ўзбекистон Республикаси пойтахти, Тошкент вилояти маркази. Марказий Осиёнинг йирик саноат-транспорт чорррахаси ва маданият марказларидан. Республиканинг шим.-шарқий қисмида. Тяньшан тоғлари этакларида, 440—480 м баландликда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Иқлими континентал, йилик ўртача т-ра 13,3°, янв. нинг ўртача т-раси —1,1°, энг паст т-ра —29°. Июлнинг ўртача т-раси 27,5°, энг юқори т-ра 42°. Йилига 360—390 мм ёғин ёғади. Чирчиқ дарёсидан чиқарилган ва бутун шаҳар бўйлаб ўтадиган Бўзсув, Салор, Анҳор, Қорасув, Оққўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш ва б. каналлар унинг микроиқлимига ижобий таъсир кўрсатади. Майд. 327,9 км². Аҳолиси 2157,8 минг киши (2004 й.; 1977 й. —1689 минг киши, 1970 й. — 1385 минг киши, 1959 й. — 927 минг киши, 1939 й. — 556 минг киши, 1926 й. — 314 минг киши, 1897 й. — 156 минг киши). Шаҳарда 11 туман (Акмал Икромов, Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Сергели, Собир Раҳимов, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой, Ҳамза), 1 шаҳарча (Улуғбек) бор (2004).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Т.да Ўзбекистоннинг бошқа вилоят ва шаҳарларида бўлгани каби бошқарувнинг тарихий-миллий шакли — ҳокимлик ўрнатилди. 1991 й. 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳри мақоми ва давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Т.да ҳоким лавозими жорий этилди. Т. шаҳар ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда Халқ депутатлари шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳардаги туманларнинг ҳокимлари шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади.

Т. 2000 йилликдан ортиқ тарихга эга. Бу давр ичида у мудофаа девори б-н ўралган қалъадан жаҳондаги йирик шаҳарлардан бири, Ўзбекистон Республикасининг пойтахтигача бўлган йўлни босиб ўтди. Асрлар давомида шаҳар ўзининг тинч ҳаётидаги муҳим воқеаларни ва суронли жангу жадалларни,. юксалиш ва инқироз даврларини бошидан кечирди. Неча бор шаҳар вайрон бўлиб, қайта қад кўтарди. Қад. ўрнидан неча бор силжиб, номи ҳам бир неча марта ўзгарди. *Хожа Аҳрор Валий*, Шайх Умар Боғистоний, Абу Бакр Шоший, Абу Сулаймон Банокатий, Ҳофиз *Кўҳакий* каби буюк алломалар шу ҳудудда яшаб, ижод этганлар.

Т.нинг узоқ ўтмиши ва у қад кўтарган қад. Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда хилма-хил ҳамда узуқ-юлуқ тарзда акс этган. Зардуштийларнинг қад. муқаддас китоби *Авестода* Сирдарё ҳавзасидаги мамлакат «Турон», аҳолиси эса «тур»лар деб юритилган. Бу ўлкада тур қавмлари уруг ва қабила оқсоқолларининг линий ва сиёсий қарорғоҳи — Қанғха (Қанга) шаҳри борлиги тилга олинади.

Т. ҳақидаги дастлабки аниқроқ маълумотлар мил. ав. 2-а. — мил. 5-а.ларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти қалимда Лоюени, Юни, сўнгра Чжеше, Чжечжи, Чжеси ва Ши деб номланган. Бу атамалар (аввалги иккитасидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охирги «Ши» топоними хитойчада «тош» маъносини англатган.

Мил.ав. 3-а.да қад. Чоч вилоятида ташкил топиб, милоднинг 3-а.ларигача ҳукм сурган «Қанг» («Қанга» ёки «Қангха») давлати Хитой ёзма манбаларида «Кангкия» («Кангзюй») номлари б-н тилга олинади. Қад. тохарлар тилида «қанг» сўзи ҳам «тош» маъносини англатган. Бу давлатнинг пойтахти — Битянь ш. бўлиб, у Иоша-Хасарт дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган. Битянь ш. *Даван* (Фарғона водийси)дан 1510 ли (528 км) масофада бўлган. Битянь ш.нинг бизгача сақланиб қолган харобалари маҳаллий аҳоли ўртасида «Қанқатепа» номи б-н машҳур (қ. *Қанқа*). У Т.дан 70 км жан.да — Сирдарёга яқин ерда, Оҳангарон дарёсининг қуриб қолган қад. ўзани бўйида жойлашган. Археологик маълумотлардан маълум бўлишича, Қанқатепа мил. ав. 3-а.даёқ атрофи мудофаа девори б-н ўралган ҳамда аркли катта шаҳар бўлиб, майд. 160 гектарга тенг бўлган. Қад. Қанг давлатининг фуқаролари ҳам «қанғар», «қанзар», кейинчалик «қанҳи», «қангли» ёки «қаъни» деб номланган. Улар (қанқалар) ҳиндларнинг қад. китоби «Маҳабҳарата»да саклар ва тохарлар номлари қаторида тилга олинган.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Т.нинг қад. номи «Чоч» бўлган. Т. араб-

Шоштепа. Сопол идиш (мил. ав. 3—2-а.лар).

лар тасарруфига ўтгач, араб алифбосида «ч» ҳарфининг йўқлиги боис арабий асарларда «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат аш-Шош», «*Бинкат*» ва «Таркан» деб номланган. Т. ҳақидаги дастлабки маълумотлар маҳаллий олимлар (Хоразмий) ва тарихчи-географлардан *Табарий*, *Истахрий* асарларида учрайди. Истахрийнинг «Китоб ал масолик вал мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар тўғрисидаги китоб»)ида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилади. 10-а.да ёзилган (муаллифи номаълум) «Ҳудуд ул-Олам» («Оламнинг чегаралари») китобида «Чоч бу катта вилоят, халқи жанговар ва саҳийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айни вақтда подшонинг қарорғоҳидир», деб таърифланади. Фирдавсийнинг «*Шоҳнома*» асарида Чоч ўзининг камони Шоший (ўқ-ёйлари) б-н машҳурлиги ҳақида мисралар бор.

Шаҳар «Тошкент» номи б-н даставвал 11-а.нинг машҳур алломалари — Абу Райҳон *Беруний* ва Маҳмуд *Кошғарийнинг* асарларида тилга олинади. Беруний «Ҳиндистон» асарида Тошкент номининг келиб чиқиши тўғрисида сўз юритиб, «Тош» сўзи асли туркча бўлиб, Шош кўринишини олган. «Тошканд — тошли қишлоқ демакдир» (Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар, Т., 1963, 2-ж., 232-б.), деб изоҳлайди. Маҳмуд Кошғарийнинг маълумоти бўйича, Т. 11—12-а.ларда «Таркан» деб ҳам юритилган. Заҳириддин Муҳаммад *Бобур «Бобурнома»* да Т. номи устида тўхталиб, «...асарларда Тошкент номини Шош, баъзан Чоч ёзадилар» деб қайд этади. Бироқ 16-а. охири ва 17-а. бошларида Тошкент топоними шуҳрат топиб, унинг қад. Чоч, Шош ва Бинкат номлари аста-секин муомаладан тушиб қолди. 17-а.да яшаган тарихчи олим Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: «Шош — Сайхун (Сирдарё)нинг у томонига жойлашган шаҳар ва Туркистон (вилоят)га қарайди... Уни Чоч атайдилар. Бироқ ҳоз. вақтда у Тошкент номи б-н машҳурдир».

Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиб, шаҳарнинг қад кўтариши шу ўлкада яшаган қад. чорвадор ва деҳқонларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги улкан тарихий жараён бўлиб, бу жараён шубҳасиз ўлканинг ўзлаштирилиб, обод этилиши, айниқса, унда чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларининг ташкил топиши ҳамда ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривожланиш тарихи б-н узвий боғлиқдир. Бу жараённинг тарихий манзараси ниҳоятда кенг бўлиб, у ёзма манбаларга нисбатан кўпроқ археологик тадқиқотлар воситаси б-н тикланмоқда. Шунинг учун ҳам Т. ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг натижалари қад. ва ўрта асрларга оид манбалардаги маълумотларни тўлдириб, уларга аниқлик киритмоқда.

Географик жиҳатдан қулай, иқлими мўътадил бўлган Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида узоқ ўтмишдаёқ чорвачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган аҳоли яшаган. Археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, мил. ав. 2-минг йилликнинг охири ва 1-минг йилликнинг бошларида кўчманчи чорвадор аҳолининг ўтроқлашуви кучайиб, деҳқончилик кенгая бошлаган. Ҳали суғорма деҳқончилик ва ирригация иншоотлари қуриш имконияти бўлмаган Т. нинг дастлабки деҳқонлари, гарчи дарёнинг асосий оқимидан сув боғлаб олишга қурбилари келмаган бўлса-да, лекин, дарё тошқинлари ва адирлардан келган сувлардан ҳосил бўлган ирмоқлар бўйида, табиий захоб ерларда деҳқончилик қилганлар. Ҳоз. Т.нинг Қорасув, Салор ва Жўн ариғидан суғориладиган жан. қисмида шундай ибтидоий деҳқончилик маданияти ташкил топган. Т.нинг бу ибтидоий деҳқончилик маданиятининг излари даставвал шаҳардан 30 км жан. да Бурганлисой ёқасида топилиб, тадқиқ этилгани туфайли тарих фанида у *Бурганли маданияти* номи б-н машҳур бўлган.

Мил. ав. 6—4-а.ларда Қорасув, Салор ва Жўн ариғи ёқаларида дастлаб илк қишлоқлар қад кўтарган. Шулардан бири Жўн ариғи бўйидаги Шоштепанинг остки қатламидан қазиб очилган қалъа харобасидир. 1980—82 й.ларда олиб борилган қазиш ишлари унинг мил. ав. 6—4-а.лар ва 2—1-а.лардаги ривожланиш босқичларини аниқлашга имкон берди. Бир томони Жўн ариғига ёндошган бу қад. жой атрофи даставвал тупроқ, марза б-н ўралиб, қалъа, истеҳком қиёфасини олган. Шоштепанинг қад. аҳолиси чорвачилик (қорамолчилик, йилқичилик, қўйчилик ҳамда туячилик) б-н шуғулланган. Қад. шоштепаликлар жез ва темирдан қурол-яроғ ва асбоблар ясашни, кулолчилик ҳамда тўқимачиликни яхши билган. Шубҳасиз, бу қишлоқларда, кейинчалик Т. воҳасида шаҳар маданияти шаклланиб, қад. Т. нинг астасекин қад кўтаришига замин бўлди.

Мил. ав. 2—1-а.ларда Шоштепада қад. шаҳар белгилари пайдо бўлди. Қад. қишлоқ харобалари устида атрофи қалин айланма девор б-н ўраб олинган доира шаклидаги қалъа (қўрғон) қад. кўтарди.

Мил. 1—2-а.ларда суякдан ясалган ёзув таёқчаси (стиль) қад. Шошда ясалиб ишлатилган. 15 см ли бу суяк қаламнинг бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчи ўчиргич томони эса қийшиқ кўп бурчак шаклида куракча қилиб ясалган. Бу топилма милод бошларидаёқ Т. воҳасида ҳам хаттотлик мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Шоштепадаги археологик обидалар шаҳарнинг мустаҳкам мудофаа девори, ҳашаматли меъморий мажмуоти, ҳунармандчилик буюмлари, хат-савод ва савдодан далолат берувчи топилмалар милод бўсағасида Т. воҳаси-

Чочда зарб қилинган тангалар намуналари (7—8-а.лар): 1—6—Чоч ҳокимлари тангалари; 7—10— Қабарқа ҳокимлари тангалари; 11—13— Фаранкат ҳокимлари тангалари; 14—16—Номаълум ҳокимлар тангалари; 17—21— Чочнинг номаълум кичик мулклари ҳокимлари тангалари.

да шаҳар маданияти ривожланиб, Шоштепадаги қад. қишлоқ шаҳар қиёфасини ола бошлаганини кўрсатади. Шоштепани ўрганиш Т. ҳудудидан шаҳар маданияти тарихи худди шу даврдан бошланган, яъни унинг ёши 23 асрдан кам эмас деб баҳолашга имкон берди.

Мил. нинг 1-а.ига келиб Чирчиқ, Салор, Қорасув бўйларидаги воҳанинг қарийб ярмидан кўпроги ўзлаштирилиб обод этилган. Салор ёнида жойлашган Чоч шаҳри бу даврда ҳар томонлама етакчи мавқега эга бўлиб, уни муаррихлар ҳақли равишда милоднинг бошларидаги Т.нинг асоси деб ҳисоблайдилар. *Буюк ипак йўлида* жойлашган Т. Европа мамлакатларининг Ҳиндистон ва Хитой б-н олиб борган турли алоқаларида муҳим роль ўйнаган. Бу шаҳар 6—8-а.ларда, айниқса, равнақ топган. Шаҳарнинг *Турк хоқонлиги* таркибига кириши, унинг Қорамозор тоғларидаги конлар яқинида жойлашганлиги, ҳунармандчилик маҳсулотларига доимо муҳтож дашт кучманчиларининг ёндошлиги, шунингдек, асосий карвон йўллари, хусусан, Буюк ипак йўли воҳанинг шим. ҳудудларидан ўтиши уни тезда Чоч давлатининг пойтахти бўлиб қолишига имкон берди. Шаҳар атрофи кучли мудофаа деворлари б-н ўраб олиниб, махсус сарой-қалъа қурилган. Археологик қазишмалар вақтида топилган и.ч. қуроллари ва уйрўзғор буюмлари бу ерда юксак маданият бўлганидан далолат беради. Манбаларга кўра, шаҳар, ичида сарой, ибодатхона бўлган арк, амалдорларнинг уйлари жойлашган шахристон, ҳунармандлар маҳаллалари ўрнашган ички ва ташқи рабодлардан иборат бўлган.

Шаҳар атрофида озод жамоаларнинг кенг экинзорлари, қишлоқлари, илк заминдорлик деҳқонларининг қўрғон ва боғ-роғлари, истеҳкомлари пайдо бўлган. Экинзор ерлар ва боғлар чеккасида — кучманчилар даштига туташ чегараларда мудофаа истеҳкомлари қурилган. Араб манбаларида бу шаҳар Чочнинг пойтахти — «Мадинат аш-Шош» (Шош шаҳри) деб аталган.

Чоч пойтахти ҳунармандлари металлдан меҳнат қуроллари, ярог-аслаҳалар, зеб-зиннат ва рўзғор буюмлари ясашган, кунчилик б-н шуғулланишган, пахта ва жун-шиша идишлар, заргарлик буюмлари ясаб, ички ва ташқи савдони таъминлашган.

Шаҳар қизгин савдо маркази ҳам бўлган. Ғарбда Византиядан тортиб, шарқда Хитойгача бўлган давлатларнинг Т. ҳудудидан топилган тангалари шундан далолат беради. Чоч ҳокими ҳам ўз тангаларини зарб қиллирган. 4—8-а.ларда Чочда кумуш тангалар чиқаралиган зарбхона бўлган. Қад. Чоч ҳукмдорлари олд томонига мулкдорнинг сурати, орқа томонига ҳужумга тайёрланиб турган қоплон тасвири ёки сулолавий айри тамга туширилган пулларни зарб этган. Чочнинг худди шу даврда зарб этилган баъзи тангалари орасида ҳукмдор б-н ёнма-ён турган малика тасвири туширилган пуллар ҳам учрайди. Бу шубҳасиз, Чочнинг илк ўрта аср ижтимоий ва иқтисодий, айниқса, сиёсий ҳаётида ҳукмрон табақа аёлларининг юқори нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади. Улар «Шўрхон хотун» ва «Кабачхотун» (уй маликаси) каби шарафли номлар б-н улуғланиб, шаҳар ташқарисида жойлашган сўлим қароргоҳда истиқомат қилганлар. Бундай ойимлар яшаган жой «Ачабат» (Катта она қўноғи) деб юритилган. Савдосотиқ ва ҳунармандчилик б-н бирга маданият ҳам юксалган. Манбаларга кўра, тасвирий санъат ва, айниқса, мусиқа ривож топган.

Араб қўшинлари Чочга илк бор 713 й.да бостириб келишган. Табарийнинг ёзишича, Чочни забт этиш учун араблар 20 минг кишилик қўшин тортган. Шаҳар аҳолиси арабларга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатган. Лекин, араблар кўп ўтмай Чочни босиб олганлар ва талонторож қилиб катта ўлжа б-н қайтганлар. Араб истилочилари томонидан вайрон этилган шаҳар ўзини ўнглай олмади. Фақат 9-а.га келиб, аввалги ўрнидан 4—5 км шим.-ғарброқда, Бўзсув каналидан чиқарилган Кайковус (Колкоҳдиз) ариғи ёнида янгитдан вужудга келди ва яна Чочнинг пойтахтига айланиб, жадал тараққий эта бошлади. Бу янги шаҳар араб манбаларида *Бинкат* (узоқдан кўриниб турувчи ёки қуйи шаҳар) деб тилга олинади. Бу ном 9—10-а.ларда зарб этилган кумуш ва чақа тангаларда Шош ва Мадинат аш-Шош номлари б-н бир қаторда учрайди. Бу шаҳарда ҳам ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ тез ривож топди. Араблар даштлик чорвадор қабилалар ҳужумидан ҳосилдор ерларни муҳофаза қилиш мақсадида 8-а.нинг 70-й.ларида Чирчиқ воҳасининг шим.-ғарбий чегаралари бўйлаб Сойлиқ қишлоғи ёнидаги тоғлардан то Сирдарёгача девор қурдирганлар. Унинг харобалари *Кантирдевор* номида сақланиб қолган. 9—10-а.ларда Шош *Сомонийларга* тобе бўлган.

Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, Бинкат ш.нинг кейинги асрлардаги ўрни Т. нинг тўрт даҳасида, асосан, учтаси — Себзор, Кўкча, Бешёғоч ҳудудида жойлашган бўлиб, у алоҳида қалин деворлар б-н ўраб олинган 4 қисм: арк (ўрда), шаҳристон (шаҳарнинг асосий қисми) ҳамда и ч к и (рабоди доҳил) ва т а ш қ и (рабоди хориж) рабодлардан иборат бўлган ва бир неча қатор мудофаа девори б-н ўралган. Шу даврдаги арк (майд. 3 га) ва шаҳристон (майд. 15 га ча) шаҳар марказида ҳоз. Шайхонтоҳур тумани ҳудудидаги Эски жўва бозори ва ундан шарқдаги катта тепаликда жойлашган. Қалъада ҳукмдор саройи ва зиндон бўлган. Саройнинг бир дарвоза (қопқа)сидан шаҳристонга, бошқасидан шаҳарнинг ички рабодига чиқилган. Шаҳар марказида бозор бўлган, у «Жўба» деб юритилган. Марказ б-н шаҳар дарвозалари кўчалар орқали боғланган. Бир ва икки қаватли пахса ёки синчкори деворли ҳовлили қилиб турар жойлар қурилган. Ички ва ташқи рабод деворлари оралиғи 4 км бўлган. Шаҳарда кулолчилик, ўқ-ёй, газлама, гилам, чодир ҳамда чарм маҳсулотлари и.ч. ривожланган.

10-а. охири — 12-а. ўрталарида Чоч *Қорахонийлар* давлати таркибига кирди. 1214—15 й.ларда *Муҳаммад* Хоразмшоҳ қорахитойлар қўшини ҳамда *найманлар* хони *Кучлуқ* б-н жанг қилиб, Шош вилоятини улардан тортиб олди ва вилоят душманлар қўлига ўтмаслиги учун Шош маркази аҳолисини кўчиртириб юборди. Шу боис мўғуллар 1220 й.да шаҳарни қаршиликсиз қўлга киритган бўлиши мумкин. *Жувайнийнинг* мўғуллар босқини ҳақидаги хабарида Тошкент ш. тилга олинмаган. 13—14-а.нинг 1-ярмида

Шайх Ҳованди Тоҳур масжиди (20-аср бошлари; тарихий сурат).



Эски шаҳар кўчаларида.

Эски шаҳарнинг ҳозирги қиёфаси.

Тошкент вилояти *Чиғатой улуси* таркибида, 14-а.нинг 2-ярми — 15-а. нинг 80-й.ларигача Т. *Амир Темур* ва *Темурийлар* таркибида бўлди. 1404 й. да Улутбек ихтиёрига мулк тарзида берилди. Бу даврда шаҳар воҳа б-н дашт чегарасидаги кучли қалъага айланди, унинг ҳудуди кенгайди, и.ч., савдо-сотиқ, маданият ривожланди. Регистон, Шайхонтоҳур ансамблидаги мақбаралар, Жоме масжиди ва б. қурилди. Археологик топилмалар, меъморий обидалар маҳаллий анъаналарнинг қўшни Шарқ мамлакатлари маданияти б-н уйғунлашиб кетганлигини кўрсатади. Темурийлар ўртасида бошланган тахт учун кураш натижасида Т. 1485 й.да Мўғулистон хони *Юнусхон* ихтиёрига ўтди ва унинг қароргоҳига айланди. Лекин, у кўп ҳукмронлик қилмай, 1487 й.да Т.да вафот этди. Юнусхондан кейин тахтга унинг ўғли *Султон Маҳмудхон* ўтирди. Унинг ҳукмронлиги ҳам кўпга бормади. Т. 1503 й.да *Шайбонийхон* ва *Кўчкунчихон* тасарруфига ўтди. 16-а.да Т. яна ободонлашиб, Туркистоннинг ҳунармандлик, савдо-сотиқ ва маданий марказларидан бирига айланди. Шаҳар янги девор б-н ўралди. Меъморлик обидалари қад кўтарди, уларнинг айримлари (Шайх Хованди Тоҳур мақбараси, *Кўкалдош мадрасаси*, *Бароқхон мадрасаси*) бизнинг давримизгача етиб келган. Ҳунармандликнинг тараққиёти савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайишига олиб келди. 1558 й.да Т. қирғиз-қайсоқлар қамалига бардош берди.

16-а.нинг 2-ярмида Қозон ва Астрахон хонликларининг Рус давлатига бўйсундирилиши натижасида Т. б-н Москва ўртасида савдо алоқаси ривожланди, ҳар икки томон бир-бирига элчилар юборди. 1579 й.да Т.ни Бухоро хони *Абдуллахон II* босиб олди. 1588 й. да шаҳар аҳолиси Абдуллахон II нинг ноиби, Тошкент вилоятининг ҳокими Ўзбекка қарши исён кўтарган. Лекин, кўп ўтмай исён бостирилди. 1597 й.да шаҳарни *Тавакkалхон* (1598 й. в. э.) босиб олди. Оз фурсат ўтмай Т. яна Бухоро хонлигига ўтди. Аштархонийлардан *Имомқулихон* қозоқларни тор-мор келтириб, 1611 й.да ўғли Искандарни Т.га ноиб қилиб тайинлади. Бироқ шаҳар аҳолиси исён кўтариб, қочиб кетаётган Искандарни тутиб ўлдирди. Бундан ғазабланган Имомқулихон Т. аҳолисидан шафқатсиз ўч олиб, уларни қирғин (қатлиом) қилди.

1723 й.да Т. Жунгар хони Галдан-Цирен қўлига ўтди. Бу даврда Т. аҳолиси токчилик, боғдорчилик ҳамда полиз экинлари, буғдой, тариқ, арпа, сули, зиғир, кунжут етиштириш б-н шуғулланарди. Шаҳар расталарида ипак мато, ип газлама, зарбоф кийимлар кўп бўлган. Рус савдогарлари Т.га мовут, қунлуз териси ва турли бўёқлар келтиришган. Т. б-н Балх, Хива, Бухоро, Самарқанд, Кўлоб, Шаҳрисабз ва б. шаҳарлар ўртасида савдо-сотиқ ривожланган. Пул муомаласи бу даврда ҳам ҳали яхши тараққий қилмаган эди. Т. аҳолисига дон ва қорамол б-н тўланадиган махсус солиқ (ҳосилнинг 1/10—1/5 улуши) солинган. Т. Жунгария хонлиги барҳам топгандан кейин (1758) Катта Ўрда ва қалмоқларнинг ҳужумлари натижасида кўп зарар кўрди.

18-а. ўрталарида гарчи шаҳар қўлдан-қўлга ўтиб турган бўлса-да, Т. 4 даҳа (қисм)га — *Шайхонтоҳур*, *Себзор* (Қаффоли Шоший), *Кўкча* (Шайх Зайниддин), *Бешёғоч* (Зангиота) даҳаларига бўлиниб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Т. тарихида бу давр *Чорҳокимлик* деб аталган.

Шаҳарни бошқариш бўйича барча маъмурий лавозимларга Т.нинг бой савдогар ва аслзолалари томонидан кўрсатилган шахслар тайинланган.

Ҳокимлар ташқи босқинларга қарши курашиш учун навбат б-н қўшин ажраттандар. Муҳим масалалар ҳам биргаликда ҳал қилинган. Ҳокимликлар ўртасида шаҳарда ҳукмрон бўлиш учун баъзан тўқнашувлар бўлиб турган. Бундай тўқнашувлар сабабли юзага келган нотинчлик даври деярли чорак аср давом этган. Айрим вақтларда бутун шаҳар ҳудуди жанг майдонига айланган. Лекин, 4 даҳа ҳокимларининг ўзаро тўқнашувлари асосан, шаҳарнинг Жангтоҳ, Лабзак ариғи бўйида («Жангоб») бўлган. Ўзаро тўқнашувларга шаҳар аҳолиси ҳам жалб этилган. Фақат Эски жўва бозори бетараф жой ҳисобланиб, нотинчлик вақтида ҳам савдо-сотиқ давом этган. Чорҳокимлик даврида Т. аҳолиси атрофдаги шаҳар ва қишлоқлар, Дашти Қипчоқнинг чорвадор аҳолиси ҳамда Сибирь б-н савдо алоқаларини узмаган. Россия б-н савдо-сотиқни ривожлантириш мақсадида 1779 й.да Тошкентдан Тобольск ш.га элчилик миссияси жўнатилган. Бироқ, бу даврда Т.даги ички зиддиятлар ва нотинчликлардан фойдаланган кўчманчилар шаҳарга бир неча марта ҳужум қилдилар. Натижада шаҳар атрофидаги боғлар, деҳқончилик далалари пайҳон қилинди. Умуман олганда чорҳокимлик даври Т. ҳаёти хўжалигининг тушкунлик даври бўлди. Шу боис савдо-ҳунармандчилик аҳлининг илғор фикрли вакиллари ўртасида шаҳарни ягона ҳоким қўл остида бирлаштириш ғоялари вужудга келди. Шу даврда шаҳар яхлит ташқи девор б-н ўралган ва унинг уз. 14 км, дарвозалар сони 12 та эди.

1784 й. Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими *Юнусхўжа* қолган 3 даҳа ҳокимлигини ҳам ўз тасарруфига олиб, мустақил Т. давлатини ташкил этди. Бир неча ҳарбий юришлардан кейин у Катта Ўрдадан Т. атрофидаги қишлоқларни қайтариб олишга, Т. аҳолисига тинчлик бермаётган кўчманчи жуз қабилаларини бўйсундиришга муваффақ бўлди. 1799 й.да Қўқон қўшинлари Т.ни қамал қилди, аммо тошкентликларнинг кучли зарбасига учраб орқага қайтди.

Т. давлати ташқи кучлар, айниқса, Қўқон хонлари тазйиқида бўлса-да, 20 й.дан зиёд умр кўрди.

Т. давлати марказлашган давлат сифатида бўлиб, унинг маъмуриятини «волий вилоят» лавозими б-н Юнусхўжа бошқарди. Кейинроқ Юнусхўжа «Хазрати Эшон» унвонини олиб, айни пайтда «хон» деб ҳам юритилди. Юнусхўжа ҳузурида тузилган «хон кенгаши»га 4 даҳа мингбошилари, оқсоқоллари ва б. киритилган. Кенгашда, асосан, даҳа ва улус бошқаруви ҳамда ҳарбий масалалар муҳокама этилиб бир ечимга келинган. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини девонбеги, қози ва раислар амалга оширгандар. Ўта жиддий масалалар: ўғирлик, қотиллик ва б.ни Юнусхўжанинг ўзи ҳал этиб, айбдорга тегишли жазо берилган; қотилларга эса ўлим жазоси қўлланилган. Хорижий давлатлар б-н дипломатик алоқаларни ҳам Юнусхўжанинг ўзи олиб борган.

Анҳорнинг ўнг тарафида хон фармони б-н баланд ва қалин девор ўралган Ўрда, яъни давлат маҳкамаси бино қилинган. Унда Юнусхоннинг қароргоҳи ва девонхонадан ташқари зарбхона жойлашган. Ўрдани қўриқлаш ва муҳофаза этиш учун 2 минг кишилик махсус ҳарбий қисм («*қорақозон*») ташкил этилган.

Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳнинг маълумотига кўра, оталиқ — девонбеги лавозимига Рустамтўра, парвоначи лавозимига Одилтўра, бош ҳарбий амир лавозимига Саримсоқтўра, қўшин бошлиги лавозимига Бобохонтўралар тайинланган. Давлатнинг молия ишлари б-н бошчихўжа шуғулланган. У ички ва ташқи савдо ишларини назорат қилган.

Юнусхон шим.да Т.га туташган Дашти Қипчоқ ҳудудини ҳам тасарруфига олиб, аҳолисига зиддиятли вақтларда зарурий сондаги лашкар тўплаб бериш мажбуриятини юклаган. Чимкент ва Сайрам ш.лари, кейинчалик Туркистон ш. ҳам Т. давлати таркибига киритилган. Ниёзбек, Олтинтепа, Қорабулоқ, Сарапон, Темир мавзелари ва б. ўнлаб қишлоқлар Т.га тобе бўлган.

1800 й.да Тошкент давлатининг чегараси жан. ва гарбдан Сирдарё бўйлаб, шим.дан Туркистон ва Қоратоғ ён бағирлари орқали ўтган. Шарқда Сайрам тизмаси ва Угом дарёсининг ўнг соҳили, жан.-шарқда Чатқол-Қурама тоғ тизмаларини ёқалаб Сангир қишлоғигача чўзилган. Унинг шим. ва гарбий ҳудудларида, асосан, чорвадор кўчманчи аҳоли яшаган. 1797 й. маълумотларига қараганда, барча солиқ ва мажбуриятлардан озод, ер ва сув б-н таъминланган 2 минг доимий қорақозондан ташқари Юнусхон ихтиёрида 50—70 минг атрофида лашкар бўлган. Махсус гуруҳлардан тузилган қорақозон ва лашкар навкарлари пилтали милтиқ, ўқ-ёй, қилич ва қалқон б-н қуролланган. Юнусхон қўшинида 20 га яқин тўп бўлган. Ўқлар асосан, Т.нинг ўзида Ўқчи маҳалласида қуйилган.

Т.нинг икки минг йиллик тарихи давомида ўрни алмашди, ҳудуди ҳам кенгайиб борди ва ундаги аҳоли жойлашуви кичик маъмурий қисмлар — маҳаллалар шаклини олган. Маҳаллалар, одатда, катта-кичик кўчалар, ариқ ёки жарлик каби табиий тўсиқлар орқали чегараланган ҳамда жамоа бўлиб яшаш зарурияти ёки касб-кори, ижтимоий ҳолати, этник таркиби каби белгилари асосида шаклланган.

Тошкент герби.

Қад. ва ўрта аср Т. маҳаллалари ҳақида ёзма маълумот жуда оз. Т. ҳудудида 9-а.даги шаҳар — Бинкат (11-а.дан Тошкент)нинг кейинги асрларда кенгайиб бориши б-н унда маҳаллалар сони ҳам кўпайиб борган ва булардан баъзиларининг номлари ёзма манбаларда учрайди.

18-а.га келиб Т. маъмурий ҳудудий жиҳатдан 4 қисм — даҳаларига бўлинган. Даҳалар ўз навбатида бир қанча маҳалла ва гузарлардан ташкил топган; даҳаларда маҳаллалар сони ва уларнинг катта-кичиклиги турлича бўлган. Баъзи йирик маҳаллалар бир ном б-н аталса ҳам унинг кейинроқ пайдо бўлган қисмлари тартиб рақами б-н (мас., 1-, 2-, 3-, 4-Эшонгузар) ёки ҳудудига қараб аталган (мас., Катта Камолон ва Кичик Камолон). Аҳоли сони ўсган сайин маҳаллалар кенгайган ёки янгилари пайдо бўлган. Маҳалла маъмурий ҳолати жиҳатдан ўз ички тартиб-қоидаларига эга жамоа ташкилоти саналган ва уни маҳалла аҳолиси томонидан сайланган бошлиқ (оқсоқол) бошқарган, 20-а. бошларига келиб улар юзбоши мавқеида кўрилган. Оқсоқолларга маҳалланинг жамоат ишлари, маросимлари, йиғинларини бошқариш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати берилган.

19-а.нинг 2-ярмига оид ёзма манбаларда Т. маҳаллалари ҳақида статистик маълумотлар мавжуд. Уларда қайд этилишича, бир маҳаллада 50 тадан 150 тагача хонадон бўлган. 1910 й. Т.да 146 минг аҳоли яшаган, хонадонлар сони 21 мингга етган. Шаҳар марказидаги маҳаллалар чеккаларидагига нисбатан қад. бўлиб, аҳоли ҳам зич яшаган. Баъзи маҳаллаларнинг номлари ўша жойда ривожланган касб-ҳунарни англатган (Пичоқчилик, Дегрез, Этикдўз); бошқалари этник атамалар (Ўзбекмаҳалла, Тожиккўча, Мўғулкўча) ёки жойнинг рельефи (Сассиқховуз, Чуқуркўприк, Баландмасжид ва ҳ.к.) орқали ифодаланган.

Маҳаллаларнинг масжиди ва чойхонаси унинг гавжумроқ ерида жойлашган, аҳолининг турли маъракалари учун зарур умумий мулки сақланган. Бир нечта маҳаллага бир умумий марказ — гузар, унда масжид, ҳунармандчилик устахоналари, чойхона, ноивойхона, дўконлар ҳамда бозорча хизмат

Тошкент шаҳар ҳокимияти биноси.

Хадра майдони.

Тошкент метрополитени. «Мустақиллик майдони» бекати.

кўрсатган. Гузарлар, одатда, катта кўчалар ёки чорраҳаларда жойлашган.

Т. маҳаллалари ҳақида аниқроқ ёзма маълумотлар даҳалардаги қозилик дафтарларида, 19-а.нинг 2-ярмида эса русча нашрларда қайд этилган. Шунга кўра, 1865 й. Т.да 140 та маҳалла бўлган, аҳолиси 76 минг киши. Туркистон ўлкаси статистикаси йилномасида (1876) Т.да 149 та маҳалла (Шайхонтоҳур даҳасида 48 та, Себзор даҳасида 38 та, Кўкча даҳасида 31 та, Бешёғоч даҳасида 32 та) бўлганлиги таъкидланган. Н. Г. Маллицкий 1927 й. нашр этган рўйхатда эса Т.да 280 та маҳалла ва шаҳар аҳолисига тегишли 171 та мавзе номи бор (қ. план-схема). Мавзелар, одатда, шаҳарликларнинг шаҳар ташқарисида жойлашган экинзорлари ва боғларидан иборат бўлган; шўролар даврида мавзелар давлат томонидан мусодара қилиниб жамоа хўжалигига айлантирилган.

Т.нинг энг гавжум қисми, унинг бозорлари ҳисобланган. Эски жува, Чорсу ва Кўкалдош мадрасаси оралиғида Регистон, Чорсу ва Каттақўрғон (галла) бозорлари жойлашган. Регистон бозорида ҳинликларда ишлаб чиқарилган матолар б-н бир қаторда Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Кошғар, Хитой ва Россиядан келтирилган матолар ҳам сотилган. Т. дан савдо карвонлари дашт орқали Сибирь шаҳарлари, Кошғар, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон томон қатнаган. Тошкент давлати ташқи ва ички савдони ривожлантириш мақсадида олд томонида «Муҳаммад Юнусхўжа Умарий» деб ёзилган, сиртига лочин ёки йўлбарс тасвирлари туширилган ўз тангаларини зарб этиб, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритган. Юнусхўжа, айниқса, Россия б-н муттасил савдо алоқалари олиб бориш ва уни кенгайтиришга интилган. 1792 й. Юнусхўжа рус подшосига хат юбориб унга Катта жуз бийлари б-н иттифоқ тузганлигини, Т.дан Россияга ўтадиган карвон йўлларидаги талончиликлар тўхатилганлигини хабар қилади. 1802 й.нинг кузида Юнусхўжа вазири аъзам Муллажон Охунд Маҳзум б-н Ашурали Баҳодир мингбошини Санкт-Петербургга элчи қилиб юборади. Элчиликдан мақсад, фақат савдо алоқаларини кенгайтиришгина эмас, балки Россиядан қурол-яроғ, чўян ва мис рудаларини сотиб олиб, ўз ҳарбий кучини мустаҳкамлаш ҳамда Россиядан тўп қуювчи уста ва кончиларни Т.га таклиф этиб, бу ерда тўпчилик ҳунармандчилигини ривожлантириш ва конларни ишга солиш ҳам кўзда тутилган эди. 1803 й. март ойида Т. элчилари император Александр I ва давлат канцлери ҳамда ташқи ишлар вазири граф А. Воронцов қабулида бўлдилар.

Т.нинг қалъа девори 19-а. бошларида Юнусхон фармони б-н даҳалар маҳаллаларининг барча эркаклари оммавий ишларга жалб қилиниб таъмирланди. Лашкар Қўпбети даврида шаҳар атрофи бутлаб Қўймас, Кўкон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кукча, Самарқанд, Камолон ва Бешёғоч каби 12 дарвоза бор эди. Муҳаммад Солиҳнинг ёзишича, девор бўйлаб ҳар минг қаламда биттадан «борд» (мўла), ҳар 4 минг қаламда эса биттадан бурж (минораълар қурилган. Шаҳарнинг шарқий дарвозасидан то тарбий дарвозасигача 8500 қадам, шимолдан жанубга эса 8100 қадам масофа ҳисобланган. Ҳар бир дарвозадан шаҳар маркази — Регистон бозорига элтувчи кўчалар ва улардан эса кўплаб тор кўчалар шохлаб кетган.

Юнусхўжа вафот этгач (1803), унинг ўғли Султонхўжа Т. ҳокими бўлди. Юнусхўжанинг ўлимидан фойдаланган Кўқон хони Олимхон ўз укаси Умархон кўмондонлигида қўшин тортиб, Т.ни эгаллади ва унга Султонхўжанинг укаси Ҳамидхўжани ҳоким қилиб тайинлади. Ҳамидхўжа Кўқонга бўйсунмай қўйди. Натижада Олимхон шахсан ўзи қўшин тортиб, Т.ни Кўқон хонлигига узил-кесил қўшиб олди. Шундан бошлаб, Т.га нойиб сифатида фақат Кўқон хони томонидан беклярбеги тайинланадиган бўлди. Бу даврда шаҳарнинг ҳудуди 16 км²ни, аҳолиси 80 минг (баъзи манбаларда 100 минг) кишини ташкил этарди. Шаҳарда ҳунармандчилик, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги, дегрезлик, темирчилик, кўнчилик, кошибчилик, кулолчилик ва б. ривожланган. Кўплаб нонвойхоналар, чойхоналар, дўконлар бўлган. Шаҳар ҳунармандчилигининг деярли барча соҳалари маҳаллий хом ашё ҳисобига ишларди. Кўпчилик маҳалла аҳолиси қишда биror касб-ҳунар б-н шуғулланиб, ёзда шаҳар ташқарисидаги ер (мавзе)ларида деҳқончилик ва боғдорчилик қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси.

19-а. ўрталарида Россия подшо ҳукумати ўзининг стратегик мавқеига эга бўлган Т.ни босиб олиш мақсадида ҳарбий юриш бошлади. Бу вақтда Т. ва Тошкент вилояти Кўқон хонлиги таркибида эди. 1864 й. 1 окт.да М. Г. *Черняев* бошчилигидаги рус қўшинлари Чимкент шаҳридан келиб Оққўрғон тепалигига ўрнашдилар ва шаҳарни қамал қилиб тўпдандан ўққа тутдилар. Тошкентликлар шаҳарни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Кўқондан хонлик лашкарбошиси Мулла *Алимқул* мингбоши кўп мини кишилик қўшин б-н Т.га етиб келгач, Черняев қўшинлари б-н Чимкентга чекинишга мажбур бўлди. Бироқ 1865 й. 27 апр.да Черняев қарийб 2000 кишилик қўшин б-н яна Т. томон йўлга чиқиб, Чирчиқ дарёси бўйидаги Ниёзбек қалъасини эгаллайди ва шаҳарни сувсиз қолдириш мақсадида Кайковус ариғи (Бўзсув канали) сув оладиган тўғонни буздириб ташлайди. Лашкарбоши Алимқул ҳам ўз қўшинлари б-н Кўқондан Т.га етиб келади. *Султон Саидхон*, Алимқул ва тошкентлик акобир-уламолар бошчилигида шаҳарни ҳимоя қилишга катта тайёргарлик кўрилади. Черняев 7 майда қўшинлари б-н Т.га яқинлашади. Душман қўшинлари Салор ариғини кечиб ўтиб, Тарҳон-Сайёд (ҳоз. Дарҳонота) ариғининг ўнг соҳили (ҳоз. Пушкин кўчаси)да муқобил турган Т. ҳимоячиларига қарата тўпдан ўт очадилар (қ. *Дарҳон жанги*). 9 май куни шаҳарнинг шим.-шарқидаги Шўртепада Т. ҳимоячилари б-н рус босқинчилари ўртасида яна қаттиқ жанг бўлади. Жангда Алимқул оғир яралар бўлгач, ҳимоячилар ўртасида парокандалик ва вахима бошланади. Кўқон хонлиги аскарлари Алимқул хазинасини олиб ўз юртларига жўнаб кетдилар. Т.да Кўқон хонлигининг 60 йиллик ҳукмронлиги барҳам топди. Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликлари Т. ҳимоячиларининг ёрдам сўраб қилган мурожаатларига рад жавобини бердилар. Черняев фурсатни бой бермаслик учун Т.ни қамал қилди. Шаҳар аҳолиси сувсиз қолди, озиқ-овқат захираси ҳам тугади. 14 июнда душман аскарлари шаҳарга бостириб киришга муваффақ бўлди, улар дўкон ва уйларга ўт қўйдилар. Шаҳар мудофаасида фаол қатнашган тошкентлик тарихчи *Муҳаммад Салиҳ* «Жадидан тарихи Тошканд» асарида ёзишича, тошкентликлар душманга қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Босқинчилар биринчи галда Ўрда саройини ёндирдилар, кейин портлатдилар. Уч кун давом этган мислсиз жангдан сўнг 42 кун сувсиз қолган ва очликдан гинкаси қуриган Т. ҳимоячилари 17 июнда эрталаб таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Черняев шаҳар аёнларидан Т.нинг 12 дарвозаси рамзий олтин калитларини топширишини талаб қилди. Жўда кўп одам қурбон бўлди. Черняев буйруғи б-н уйлар ёндирилди, эгалари отиб ташланди ёки милтиқ найзаси б-н санчиб ўлдирилди. Ҳеч кимга шафқат қилинмади. Шундай қилиб, подшо Россияси қўшинлари б-н Т.ни босиб олишга махсус отряди б-н Т.ни босиб олишга муваффақ бўлди. Т. ва унга қарашли атроф ерларда рус давлатининг ҳукмронлиги ўрнатилди. Т. Россиянинг кейинроқ Туркистон хонликларини босиб олиши учун таянч пунктига айлантирилди. Черняев, ўз босқинчилигини оқлаш учун Т. тўё ихтиёрий равишда Россия тобелигига ўтганлиги ҳақида шаҳар аёнлари номидан қалбаки ҳужжат тайёрлади. Бу ҳужжатни имзолашдан бош тортган *Салорбек Охунд* ва яна аёнлардан 6 киши Сибирнинг Томск ш.га сургун қилинди. 1865 й. сент.да Оренбург генерал-губернатори Крижановский Т.га келиб шаҳарни Россия империяси тасарруфига ўтганлигини эълон қилди. 1866 й. авг.да Россия империясининг Т.ни Россия тобелигига олинганлиги ҳақида расмий фармони эълон қилинди. Т. 1867 й.да ташкил этилган *Туркистон генерал-губернаторлиги*нинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлиб қолди. Анҳорнинг чап соҳилида мустамлакачи мамурлар ва ҳарбийлар учун Янги шаҳар қурила бошлади. 1865 й. авг.— окт. ойларида руслар Т.нинг Қўймас дарвозаси рўпарасидаги тепаликда *Тошкент Тупроққўрғони* ҳарбий қалъасини барпо этишди. Янги шаҳар ҳудудида маъмурий идора ва маҳкамалар жойлашди. Анҳорнинг ўнг соҳилидаги қад. Т. Эски шаҳар деб атала бошлади. Т.нинг Россия империяси томонидан босиб олинишн бутун Туркистонни босиб олинишини тезлаштирди.

1892 й.да тошкентликлар мустамлака зулмига қарши қўзғолон кўтардилар (қ. *Тошкент қўзғолони*). 1899 й. Закаспий т.й. Тошкентгача узайтирилди. 1906 й. эса Т.ни Россия маркази б-н боғловчи энг яқин йўл Оренбург — Тошкент т.й. қурилди. Т. асосий т.й. тугуни, савдо ва транзит пунктига, Туркистон ўлкасининг маъмурий-сиёсий марказига айланди. Шаҳарда янги саноат корхоналари ҳамда савдо муассасалари вужудга келди. Аҳолиси ҳам, асосан, европаликлар ҳисобига тез ўсиб борди. 1913 й.да Т.да 111 саноат корхонаси, жумладан, 15 пахта тозалаш з-ди, 3,5 мингдан ортиқ ҳунармандчилик устахонаси, 22 рус ва чет эл савдо фирмаларининг бўлимлари, 186 та катта-кичик дўкон бўлган. Т. аҳолиси, асосан, ҳунармандчилик, деҳқончилик, боғдорчилик ва савдо-сотиқ б-н шуғулланган. Т.нинг Янги

Халқлар дўстлиги саройи.

шаҳар қисмида европаликлар қурган саноат ва транспорт корхоналари (пахта тозалаш, ёг-мой, вино-арақ, гишт, пилла ва б. корхоналар, т.й., трамвай ва б.)да маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам ишлай бошлади. Т.даги Бош т.й. устахонасининг 800 ишчисидан 120 таси маҳаллий миллат вакили бўлган. Трамвай транспорти ва электр-энергетика корхоналарида 1000 дан зиёд ишчи ишлаган. 20-а. бошларида Т.да 280 га яқин маҳалла, 170 мавзе бўлган.

1916 й. июлда Т. меҳнаткашлари оқ подшонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармонига қарши қўзғолон кўтарди (қ. *Мардикорлик*).

Россияда Октябрь тўнтариши ҳақидаги хабар Т.га етиб келгач, большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятни зўравонлик йўли б-н эгаллаш учун курашдилар. 1917 й. 28 окт.да Бош т.й. устахонасининг маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган ишчилари ҳамда аскарлар қўзғолон бошладилар. Улар т.й. депоси, товар омборлари, 1-Сибирь полки казармаларини ишғол қилдилар. Шаҳар маркази қўзғолончилар қўлига ўтди. 1 (14) нояб.да Тупроққўрғон ҳам ишғол қилингач, Т.да шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Шу тариқа Т.да Россиядан бадарга қилинган большевиклар 1917 й. 1 нояб.да т.й. мастеровойлари ёрдамида тўнтариш ўтказиб ҳокимиятни эгалладилар. 1918 й. 30 апр. дан Т. Туркистон АССРнинг пойтахти деб эълон қилинди. 1924 й.да Ўзбекистон пойтахти Самарқандга кўчирилди. 1930 й.дан Т. яна пойтахт бўлди.

Совет ҳукумати йилларида Т. маҳаллалари бошлангич маъмурий бирлик шаклида сақланиб қолди, бироқ уларнинг вазифалари кўп томондан чеклаб қўйилди.

Молия маркази.

2-жаҳон урушигача бўлган даврда Т.да бир қанча саноат корхонаси — тикувчилик, тамаки, пойабзал ф-калари, тўқимачилик к-ти, металлсозлик, машинасозлик з-длари ва б. қурилди. Бўзсув, Қодирия, Бўрижар ГЭСлари бунёд қилинди. 2-жаҳон уруши йилларида Т. саноати бутунлай фронтга хизмат қиллирилди. Саноат 1943 й.да 1940 й.дагига нисбатан 3 баробар кўп маҳсулот берди. Уруш йилларида немислар оккупация қилган вилоятлардан эвакуация қилинган 300 минг киши, шу жумладан, 200 мингга яқин бола Т.га жойлаштирилди. 1930—40- й.ларда Т.да асосан, қ.х.ни техника билан таъминлашга қаратилган оғир саноат тармоқлари тез суръатлар б-н ривожлантирилди. Йирик саноат корхоналари — «Ўзбекқишлоқмаш», экскаватор з-ди, «Тоштекстильмаш», «Тошнахтамаш», «Тошкенткабель», ёг-мой к-ти, карборунд з-ди, машинасозлик, электр лампа ва электр механика з-длари, йирик панелли уйсозлик к-ти ва б. қурилди.

1966 й. 26 апр.да Т.да юз берган зилзила натижасида шаҳар жиддий шикастланди. Зилзила оқибатлари қисқа муддат (3,5 й.)да тугатилди (қ. *Тошкент зилзиласи*). Шаҳар қиёфаси бутунлай ўзгарди. Т. ҳудуди атрофга бог ва экинзорлар ҳисобига тез ўсди, кўплаб турар жой массивлари, жамоат бинолари, метрополитен қурилди. 1983 й.да шаҳарнинг 2000 йиллик тўйи ўтказилди.

1991 й. 31 авг.да Т.да Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳоз. Т. Ўзбекистон Республикасининг сиёсий маркази ҳамдир. Бу ерда Ўзбекистон Президентининг қароргоҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, ижтимоий ҳаракат ва партияларнинг ва б. жамоат ташкилотларининг марказлари, чет эл элчихоналари, БМТ га қарашли ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган. Т. чет эллардаги биродарлашган шаҳарлар б-н дўстона алоқаларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда, Т. бир қанча хорижий шаҳарлар б-н биродарлашган.

Т.нинг энг муҳим хусусиятлари шаҳар герби (рамзи) да акс этган. У узоқ тарихга эга. Илк ўрта асрлардаёқ Т.нинг ўзига хос рамзи юзага келган. 8-а.да Чоч (Шош) ш.нинг нишони қоплон (тоғ барси) бўлган. Буни 8-а. биринчи ярмида ҳукмдорлик қилган Ябгу Тарновча номи б-н зарб қилинган тангаларнинг олд томонида қоплон, орқасида эса қанғарларнинг айри тамғали ва сугд ёзувида «Тарновча» деб битилган муҳри тасвирида кўриш мумкин. Т. ҳукмдорлари кўпинча ўз валиаҳдларига ҳам тогнинг энг кучли ва эпчил жонзодига қиёсан Элбарсхон, Белбарсхон каби исм қўйганлар. Т.нинг Ўзбекистон мустақиллиги давридаги герби 1996 й.да тасдиқланган, 2003 й.да герб тасвирига қисман ўзгартиришлар киритилган (519-бетдаги расмга қ.).

Т.да жаҳон мамлакатлари, БМТ ташкилотлари ва Марказий Осиё давлатларининг турли муҳим мавзулардаги семинар, симпозиум ва қурултойлари ўтказиб турилади. 1998 й.да ЮНЕСКО ташкилоти Ижроия Кенгашининг 155-сессияси, 1999 й. 19—20 июлда Афгонистон муаммосини ҳал этиш бўйича 6+2 гуруҳининг БМТ ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий Тошкент декларацияси қабул қилинди. 2000 й. сент.да ЮНЕСКО ҳомийлигида «Динлараро диалог ва дунё маданияти» мавзуидаги халқаро конгресс, 2003 й. 14 майда «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Марказий Осиё 20-асрда: ҳамкорлик, шериклик ва мулоқот» мавзуида халқаро конференция, 2004 й. июнь ойида Шанхай ҳамкорлиги ташкилотининг конференцияси ўтказилди.

Т.да мустақиллик шарофатидан келиб чиқиб ҳам иқтисодиёт, ҳам маънавият соҳасида туб ислоҳотлар қилина бошлади. Иқтисодиёт соҳасида бозор муносабатларига ўтилиши талаблари асосида бизнес, ишбилармонликни, хорижий сармоялар киритишни рағбатлантириш, янги банк-кредит системасини барпо этиш, мулкни хусусийлаштиришга доир бир қанча амалий тадбирлар кўрилди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар ишбилармонлари б-н ҳамкорликда қўшма корхоналар, фирмалар очиш ривож топа бошлади.

Шаҳар қиёфасига шарқона тус берилишига аҳамият берилди. 1991 й. 1 сент.да Т.даги Марказий майдонни Мустақиллик майдони деб аташ

ҳақида Ўзбекистон Президенти фармони эълон қилинди. Кўчалар, майдонлар, ташкилотлар, туманлар қайта номлана бошлади. Шаҳар марказидаги энг катта хиёбон Амир Темур номи б-н аталиб, Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилди ва темурийлар даври тарихи давлат музейи қурилди. Шаҳарнинг олимлар яшайлиган даҳасидаги майдонлардан бирига Мирзо Улуғбекка ҳайкал қўйилди ва ҳ.к.

Т.ни оболонлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Шаҳарга керак бўлмаган, унинг табиий муҳитини бузадиган корхоналар, ташкилотлар ёпилди ёки шаҳардан ташқарига кўчирилди. Т.нинг Эски шаҳар қисмида жойнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, асосан, 1995 й.дан бутун инфраструктурани комплекс ривожлантиришга киришилди. Маҳаллалараро алоқаларни сақлаб қолиб, шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва оболонлаштириш йўлида катта ишлар қилинди. Жумладан, Эски шаҳарнинг Қорасарой, Сағбон, Бобожонов, Форобий кўчалари кенгайтирилиб, қайта очилди. Бу кўчаларда транспорт қатнови яхшиланди. Фарғона йўли, шунингдек, Т.ни Қозоғистон б-н богловчи Келес кўприги ва б. қайта қурилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ислом ун-ти, «Туркистон» саройи, Республика Биржа маркази, «Тата» («Quality») меҳмонхонаси, «Тошкентленд» истироҳат боги ва б. иншоотлар фойдаланишга топширилди. «Олай», «Эски жўва», «Фарҳод», «Бешёғоч», «Миробод», «Асака», «Отчопар», «Паркент», «Кўкча» бозорлари деярли қайта қурилди. Т. метросининг Юнусобод йўналиши ишга туширилди. Т.даги бир қанча хашаматли бинолар, Ўзбекистон миллий боги, Япон боги, Ғафур Ғулом номидаги бог, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқаро бизнес маркази, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Интерконтинентал Тошкент», «Le Meridian otel Tashkent Palace», «Radisson-SAS Tashkent» меҳмонхоналари, «Юнусобод», «ЖАР», «Гольфклуб» спорт мажмуалари, энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган Ўзбекистон миллий банки спорт мажмуаси, шаҳарнинг бир қанча жойларида қурилган кўприклар ва кичик халқа йўли, «Шаҳидлар хотираси» мажмуи, «Хотира» майдони, Ўзбекистон тасвирий санъати галереяси ва б. Ўзбекистон пойтахтининг тараққий қилиш бош режасининг энг кўзга кўринган босқичлари холос. Бу ўзгариш ва қурилишларнинг муаллифи ва ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовдир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги фармони (1998) ва қонуни (1999), «Обод маҳалла йили» дастури (2003) асосида Т. маҳаллалари ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Уларнинг фаолият доираси кенгайди. Маҳаллалар юридик шахс сифатида ўз мулкига, молиявий бюджетига банкдаги ҳисоб рақами — жамғармасига эга бўлди, раҳбарият (раис, котиб)нинг нуфузи ортди, вазифалари аниқ белгиланди. Маҳаллалар ўз ҳудудларида савдо ва маиший хизматни, санитария ва экологик ҳолатларни яхшилаш, тўловлар системасида иштирок этиб, маҳалла ва аҳоли аҳволини яхшилашга кўмаклашиш кабиларда фаол қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Шаҳарда 493 фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи — фуқаролар йиғини (маҳалла қўмитаси) ишлайди (яна қ. *Маҳалла*).

Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси.

Т. — Республиканинг энг йирик саноат маркази. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 30% га яқини пойтахт ҳиссасига тўғри келади. Шаҳар саноатида 14 тармоққа мансуб 300 дан зиёд асосий корхоналар ишлаб турибди. Саноат и.ч. таркибида электр энергетикаси, машинасозлик ва самолётсозлик, металлга ишлов бериш, бинокорлик материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноати каби тармоқлар салмоқли ўринни эгаллайди. Т. тўқимачилик к-тида ип газлама маҳсулотининг асосий қисми ишлаб чиқарилади. Авиация и.ч. бирлашмаси, Тошкент трактор з-ди, «Алгоритм», «Зенит» и. ч. бирлашмалари, электроника з-ди, «Тонг», «Малика», «Юлдуз» тикувчилик ф-калари, бинокорлик корхоналарининг кенг тармоғи ишлаб турибди. Бу корхоналар ўз маҳсулоти б-н ташқи дунёга чиқмоқда. Авиация и.ч. бирлашмасининг жаҳон андозаларига жавоб берадиган «Ил-76», «Ил-114» самолётлари ишлаб чиқарилмоқда.

Т. корхоналари Германия, Сянган, Венгрияга мис сими, бир қанча мамлакатларга пахта териш машиналари,

Себзорнинг бугунги қиёфаси.

Юнусобод даҳаси. Амир Темур кўчаси.

Бельгия, Швейцария, Франция, Германия, АҚШ, Сербия ва Черногорияга пахта толаси ва б. маҳсулотларни экспорт қилади. Т.да 80 дан зиёд хорижий мамлакат фирма ва компаниялари б-н биргаликда ташкил этилган 1423 қўшма корхона ва фирмалар фаолият кўрсатмоқда (2004). Жумладан, Туркиянинг «Шайхонтоҳур текстиль», «Сағбонтекстиль», Жан. Кореянинг «UZ-Omega-Tex», Германия ва Швейцариянинг «Хобас тапо», АҚШнинг «Безак» қўшма корхоналари Т. иқтисодиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. 2003 й. нодавлат секторида саноат маҳсулотларининг ҳажми 88,6% га етди.

Т. Ўрта Осиёдаги энг йирик транспорт чорраҳаси, аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Шаҳарда т.й. вокзали, 2 аэропорт, автовокзал, 5 автостанция ишлайди. Бу ердан Т. — Оренбург — Москва, Т. — Туркманбоши, Т. — Наманган — Андижон ва бошқа т.й. ўтган. Т. — Янгийўл, Т. — Хўжанд, Т. — Самарқанд, Т. — Гулистон йўналишида электр поездлари қатнайди. Т.дан МДҲ дан ташқари Лондон, Франкфурт Майн, Тель-Авив, Жидда, Деҳли, Карочи, Истанбул, Бангкок, Пекин, Нью-Йорк, Амстердам, Шаржа (БАА), Куала-Лумпур, Теҳрон, Афина, Сянган ш.ларига мунтазам ҳаво йўллари, Ҳалаб, Сеул, Осиё ва Европанинг кўпгина шаҳарларига чартер йўловчилар ташувчи рейслар ўтган. Шаҳардан бир неча муҳим автомобиль йўли бошланади, уларнинг энг йириги — *Катта Ўзбекистон тракти. Тошкент ҳалқа автомобиль йўли* мавжуд. Шаҳар йўловчилар ички қатнови метрополитен, троллейбус, автобус, трамвай, такси орқали амалга оширилади.

2003/04 ўқув йилида Т.да 362 умумий таълим мактаби бўлиб, 378,9 минг ўқувчи, 11 гимназияда 17,1 минг ўқувчи, 23 академик лицейда 9,3 минг ўқувчи, 30 мусиқа ва 25 спорт мактабида 19,2 минг ўқувчи таълим олди. Т.да 30 олий ўқув юрти (жумладан, Ўзбекистон миллий ун-ти, I ва II Т. Тиббиёт ин-тлари, Педагогика ун-ти, Иқтисодиёт ун-ти, Ислом ун-ти, Техника ун-ти ва б.) бўлиб, уларда 107,8 минг талаба таълим олди (2004). Т.да 1998 — 2003 й.ларда 47 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлари бинолари ишга туширилди. Улар замонавий дастгоҳ ва техника б-н жиҳозланди. Шаҳарда 31 касб-ҳунар коллежида 29,1 минг ўқувчи ўқийди.

Т.да 16 музей (Ўзбекистон давлат санъат, Адабиёт, Ўзбекистон кино санъати, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш, Антиқа ва заргарлик буюмлари ва б. музейлар) бўлиб, уларда 800 мингга яқин экспонат қўйилган, 166 жамоат кутубхонаси (13,8 млн. нусха асар), 9 маданият саройи, 65 маданият уйи бор.

Т.да 13 театр (Ўзбек миллий театри, Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет катта театри, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри, Аброр Ҳидоятов номидаги ёшлар театри, Йўлдош Охунбобоев номидаги Ўзбек давлат республика ёш томошабинлар театри, Тошкент давлат рус академик драма театри, қўғирчоқ театри, Рус давлат республика ёш томошабинлар театри, оперетта театри ва б.) мавжуд.

Т. циркида 1940 й.дан бошлаб машҳур ўзбек дорбозлари— *Тошканбоевлар* сулоласи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Т.да 16 маданият ва истироҳат боғи бор. Шулардан бири марказий, 5 таси болалар боғи (шулардан бири шаҳар боғи), 10 таси маданият ва истироҳат боғи. Айниқса, Алишер Навоий номидаги миллий бог, Ғафур Ғулом, Фурқат, Бобур номидаги, «Боғи эрам», «Аквапарк» боғлари машҳур. Ундан ташқари дендрапарк, ботаника боғи, ҳайвонот боғи, Гагарин боғи фаолият кўрсатади. Амир Темур хиёбони ва б. бор. Т.даги зиёратгоҳ жойлардан Шайх Зайниддин, Чўпонота, Каффол Шоший, Хўжа Аламбардор мақбаралари мавжуд.

Т.да 18,6 минг ўринли (10 минг кишига 86,8 ўрин) 99 касалхона муассасасида 16,5 минг врач, 25,2 минг ўрта маълумотли тиббий ходим ишлайди. Шаҳарда 115 поликлиника, 594 дорихона фаолият кўрсатади. Республика аҳамиятидаги шошилинч тиббий ёрдам, урология, кўз микрохирургияси, кардиология, жарроҳлик, онкология марказлари Т.да жойлашган.

Т.да 5 санаторий, 19 та санаторий-профилакторий, дам олиш уйи бор. шулардан, Чинобод санаторийси, Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий тадқиқот ин-ти қошидаги даволаш клиникаси ва болалар стационари ва б. фаолият кўрсатади. Т. яқинида Тошкент минерал суви бальнеологик курорти жойлашган.

1994 й.да Т.да «Юнусобод» теннис саройи қурилиб, унда ЎзР Президенти соврини учун теннис бўйича катта халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Шаҳарда Олимпиада ўринбосарлари билим юрти, «Пахтакор» спорт-машғулот бирлашмаси, «Қибрай» ўқув-машғулот марказлари, енгил атлетика бўйича «Янгиобод» ўқув-машғулот базаси жойлашган. «Ёшлик» спорт аренаси, «Пахтакор» марказий стадиони ва б. халқаро спорт талабларига жавоб берадиган спорт иншоотлардир. Шу боис Т.да катта халқаро спорт мусобақалари ўтказиб турилади. 1995 й. сент.да 1-Марказий Осиё ўйинлари, 1998 й. нояб.да «сув париси» синхрон сузиш бўйича 1-халқаро турнир, 1999 й. 7 июнда «Динамо» теннис кортида «Tashkent open» хотин-қизлар турнири бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг «Пахтакор» футбол жамоаси ўз стадионида жаҳон ва Осиёнинг нуфузли жамоалари б-н учрашувлар ўтказиб келмоқда. Машҳур ўзбек кураши бўйича ҳам Т.да халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. 2004 й. июль ойида тошкентлик Рустам *Қосимжоновнинг* шахмат бўйича жаҳоннинг энг кучли шахматчиларини енгиб Жаҳон чемпиони унвонини олиши ўзбек шахмат спортининг буюк ғалабасидир. Т.да спорт мавзусига бағишланган бир қанча жур. ва газ.лар чиқади. Шулардан «Спорт», «Ўзбекистон футболи» ва б.ни



айтиш мумкин. Ўзбекистонда спорт кадрларини, асосан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ин-ти тайёрлайди. Ин-т қошида 1993 й.дан Ўзбекистон Олимпия академияси фаолият кўрсатади.

Т.да 19 номда республика газ.лари, 2 вилоят газ. (*«Тошкент ҳақиқати»*, *«Ташкентская правда»*), 2 шаҳар газ. (*«Тошкент оқшоми»*, *«Вечерний Ташкент»*), 44 кўп тиражли газ. нашр этилади. Республикада нашр этиладиган 67 номдаги журналнинг 62 таси Т.да чиқади (қ. *Матбуот*). Т.да 4 та *информацион агентлик* фаолият кўрсатади. Ўзбекистондаги нашриётларнинг асосий қисми Т. шаҳридадир (қ. *Ноширлик*). Ўзбекистон радиоэшиттиришларида Т. радиоси етакчи ўринни эгаллайди. Т. шаҳри ва вилоят радио тингловчилари учун ҳар куни Т. шаҳар ва Т. вилоят радиоэшиттириши бош таҳририятида тайёрланган эшиттиришлар берилади (1971 й.дан). Бош таҳририятда ахборот ва ижтимоий-сиёсий бўлимлар бор (қ. *Радиоэшиттириш*).

Тошкент телевидение студиясининг Т. шаҳри ва Тошкент вилояти аҳолиси учун мўлжалланган кўрсатувлари бош таҳририяти махсус кўрсатув туркумларини тайёрлайди (қ. *Телевидение*).

Т. даги тарихий меъморий ёдгорликлардан: *Кўкалдош мадрасаси* (16-а.), *Шайх Зайниддин бобо мақбараси* (13—14-а.лар), *Хўжа Аламбардор мақбараси* (тахм. 10-а.), *Абулқосим шайх мадрасаси* (19-а.), *Юнусхон мақбараси* (15-а. охири), *Шайх Хованди Тоҳур мақбараси* (15-а.), *Қалдиргочбий мақбараси* (15-а.нинг 1-ярми) ва б. сақланган.

«Хотира» майдони.

Тошкент шаҳри туманлари

Акмал Икромов тумани — Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1977 й. Чилонзор ва Октябрь (ҳоз. Шайхонтоҳур) туманларини ихчамлаштириш мақсадида, улар ҳудудида ташкил этилган. Давлат арбоби Акмал *Икромов* номига қўйилган. 1977 й.дан ҳоз. чегарасида жан. ва жан.-шарқдан Заргарлик ва Қатортол кўчалари б-н бошланиб, гарб ва шим.-гарбда автомобиль ҳалқа йўлига туташади. Майд. 2797 га, жумладан, кўкаламзор ерлари — 1124 га. Аҳолиси 228,3 минг киши (2004). Кўчалар сони 424 тани ташкил этиб, шундан 8 таси марказий ҳисобланади. Асосий автомагистраллари: Лутфий, Ҳамроқул Турсунқулов, Фарҳод, Султон Сегизбоев, Уйғур, Назарбек, Зиё Саид, Тўқимачи кўчалари ва Кичик ҳалқа йўл. Туманда 50 та маҳалла мавжуд.

Туман ҳудудида қуйидаги саноат корхоналари: заргарлик з-ди, булка-кондитер, сут к-тлари, «Тошкентсут» акциядорлик жамияти, «Фонон» з-ди, «Осиё-Фуд» нон маҳсулотлари корхонаси, «Чевар» тикувчилик и.ч. бирлашмаси, «Газавтоматика» корхонаси, «Тошинтерм» Ўзбекистон — Хитой, «Шайхонтоҳур-текстиль» қўшма корхоналари, Тошкент механизация воситалари ва жиҳозлари ҳамда станоксозлик тажриба-эксперименталь механика з-ди, тўқимачилик к-тининг 4-йигирув-тўқув ф-каси, 13 автотранспорт ва 5 қурилиш ташкилоти мавжуд. Туманда Жаҳон тиллари ун-ти, Давлат солиқ академияси, юридик коллежи, санъат интернат мактаби, 3 та академик лицей, 5 касб-ҳунар коллежи, 37 умумий таълим мактаби, 53 болалар боғчаси ва яслиси, 8 даволаш яслиси, 6 даволаш-профилактика муассасаси, 22 поликлиника, 6 оилавий поликлиника, 5 касалхона ва диспансер бор. Туман аҳолисига 512 озиқ-овқат ва 550 саноат моллари дўкони, 420 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат қилади. 2 маданият уйи, 8 жамоат кутубхонаси, «Ватан» кинотеатри, Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғи бор. Турар жой фондининг умумий фойдали майд. 3486 минг м² (2004). Туманда қурилиш ишлари 1966 й.дан бошланган. Т. ни реконструкция қилиш ва ривожлантириш Бош планига мувофиқ туманда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда: 70, 72- АТС, стоматология поликлиникаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Карвонсарой бозори», «Ўрикзор», «Гулистон» турар жой массивлари, болалар боғчалари, мактаблар қурилиб ишга туширилди. Фарҳод ва Уйғур кўчалари кенгайтирилди.

Бектемир тумани (1990 й. гача Наримонов) — Т. даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1960—81 й.лар Бектемир шаҳарчаси: 1973—90 й.ларда шаҳар, 1981—90 й.ларда давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Наримон Кербалай Нажаф ўғли Наримонов (1870—1925) номи б-н юритилган. 1990 й. дан Т. таркибидаги Бектемир тумани. Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида. Бу дарё Бектемир туманини бошқа туманлардан ажратиб туради. Майд. 1,83 минг га, шу жумладан кўкаламзорлаштирилган ҳудуди 0,012 минг га. Аҳолиси 29,9 минг киши (2004). Кўчалар сони 45 та. Асосий йирик кўчалари: Ҳусайн Бойқаро, Оҳангарон шоҳкўчаси, Бектемир. 12 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида «Ўзсматана», «Агрокерамика», «Мирмакс» қўшма корхоналари, 17 саноат корхонаси, шу жумладан, Тошкент мотор, «Иргидромаш» ва б., 9 транспорт муассасаси, «СредазВНИИ-гидромаш» и. т. институти, 5 умумий таълим мактаби, мусиқа мактаби, болалар спорт мактаби, 13 болалар боғчаси, 16-тиббиёт-даволаш муассасаси, 4 поликлиника бор. Туманда 522 йирик ҳамда кичик ўрта бизнес-субъектлари фаолият кўрсатади, шундан 44 таси хорижий инвестициялар иштирокида тузилган корхоналардир. Туман аҳолисига 11 озиқ-овқат, 4 саноат моллари, 7 аралаш моллар дўконлари, универмаг, 30 овқатланиш корхонаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмат қилади. 5 жамоат кутубхонаси, клуб, маданият уйи, кинотеатр, 10 дан зиёд болалар спорт майдончалари, теннис корти, 2 футбол майдони бор.

Туманда Ўрта Осиёда ягона бўлган «Гольфклуб» ташкил этилган.

Мирзо Улуғбек тумани (1935 й.гача — Пролетар тумани, 1992 й.гача Куйбишев тумани; 1992 й. майдан Мирзо *Улуғбек* тумани) — Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1929 й. ташкил қилинган. Ҳоз. чегараси 1978 й. дан буён ўзгармаган. Т.нинг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Т. маркази (Амир Темур хиёбони)дан бошланиб, шим.-шарқий томонга, Тошкент автомобиль ҳалқа йўлигача борали. Феруза мавзеси, Тошкент трактор з-ди, Улуғбек шаҳарчаси ҳам туман ҳудудига киради. Майдони 3,2 минг км², шу жумладан, кўкаламзорлаштирилган ҳудуд — 0,579 минг га. Аҳолиси 247,6 минг киши (2004). Туман ҳудудида тарихий ва маданий ёдгорликлардан Кирха (1892) сақланган. Кўчалар сони 532 та. Асосий магистраллари: Пушкин, Паркент, Темур Малик, Оққўрғон кўчалари, Буюк ипак йўли шоҳкўчаси, Ҳабиб Абдуллаев кўчаси, Кичик ҳалқа йўл. 49 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 377 йирик корхона, шундан 28 саноат корхонаси (шу жумладан, «Тошкенткабель», трактор з-длари, «Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги», лок-бўёқ з-длари.), 3119 кичик ва ўрта бизнес субъектлари бор. 27 и.т. институти, 10 лойиҳа ин-ти, 4 олий ўқув юрти (Маданият ин-ти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти ва б.) ҳамда умумқўшин қўмондонлик билим юрти, ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти, ёзувчилар, композиторлар, меъморлар ижодий уюшмалари ва театр жамияти, 33 умумий таълим мактаби, 12 касб-ҳунар коллежи, 4 болалар мусиқа мактаби ва санъат мактаби, 10 касалхона ва диспансер, «Она ва бола» маркази, 11 оилавий поликлиника, 2 тиббий-санитария қисми ишлаб турибди.

Аҳолига 176 озиқ-овқат дўкони, 244 саноат моллари дўкони, 304 умумий овқатланиш-корхоналари, 517 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат қилмоқда. Мухтор Ашрафий, Сергей Есенин уй-музейлари, 28 жамоат кутубхонаси, 3 маданият уйи ва саройи, 3 маданият ва истироҳат боғи, ҳайвонот боғи ва б. ишлаб турибди. Турар жой фондининг умумий фойдаланиш майд. 2579 минг м².

Миробод тумани (1992 й.гача Ленин тумани) — Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1929 й. Шайхонтоҳур тумани б-н биргаликда ташкил этилган. Ҳоз. чегараси 1977 й. дан буён ўзгармаган. Туман Т.нинг жанубий қисмида жойлашган. Шим. да Амир Темур хиёбонидан ҳалқа йўлигача чўзилган. Майд. 1,71 минг га, шу жумладан кўкаламзорлаштирилган ҳудуди —0,356 минг га. Аҳолиси 123,8 минг киши (2004). Кўчалар сони 103 та, шундан 8 таси марказий кўча ҳисобланади. Буларга Фитрат, Мовароуннаҳр, Нукус, Космонавтлар кўчаси, Т. Шевченко, Фарғона йўли ва б. киради. 39 та маҳалла мавжуд. М.т. жанубдан Бектемир, шарқдан Ҳамза, шим.дан Юнусобод, шим.-гарбдан Яккасарой, жан.-гарбдан Сергели туманлари б-н чегарадош. Туман чегаралари Шароф Рашидов, Истиқлол, Охунбобоев, Фарғона йўли, Тошкент Катта ҳалқа йўли, Бешкент, Фитрат, Турғунбоева,. Оқ йўл, Кичик Бешёғоч, Нукус, Кунаев кўчаларидан ўтади. Тошкент метрополитенининг «Ойбек», «Тошкент» станциялари М.т. ҳудудидадир. Туман ҳудудидан 4 та канал (Баратхўжа, Қорасув, Салор, Толариқ) оқиб ўтади.

М. т.да 3167 корхона ва ташкилот фаолият кўрсатади, шундан 349 таси йирик, 818 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Тошкент ш. бўйича саноат и.ч. умумий ҳажмидаги туманнинг улуши 10,5% ни ташкил этади. «Ўзэлектроаппарат», «Ўзкимёфарм», «Фотон», «Тонг» акциядорлик жамиятлари, «Ўзтемирйўлмаштаъмир», «Учқун» каби йирик саноат корхоналари республика аҳамиятига эга.

М.т.да асосий доирадаги саноат корхоналари сони 31 тани ташкил қилиб, саноатнинг 8 та тармоғи бўйича фаолият юритадилар, булар енгил саноат, озиқ-овқат, тиббиёт, матбаа саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш соҳаси, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз и.ч. саноати, кимё ва нефть кимёси саноати, қурилиш ашёлари и.ч. тармоқларидан иборат. Халқ истеъмоли моллари и.ч. ҳажмларининг энг юқори ўсиш суръатлари енгил, озиқ-овқат саноат соҳаларида кузатилади.

Туман экспорт салоҳиятининг асосий қисми «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияларига тўғри келиб, Тошкент ш. бўйича экспортнинг 1/3 қисми туман улушига тўғри келади.

Тумандаги ўзида чиқарилган маҳсулот экспорти б-н шуғулланувчи корхоналар «Ўзэлектроаппарат», «Фотон» акциядорлик жамиятлари, «Кварк», «Ўзтемирйўлмаштаъмир», «Ташэлектроаппарат» корхоналари ва б.дир.

М.т.да Миробод бозори, аэропорт, т.й. вокзали, 17 умумий таълим, 2 мусиқа, 3 спорт мактаби, 8 касб-ҳунар коллежи, 3 академик лицей, 6 олий ўқув юрти (Тошкент Вестминстер ун-ти, Тошкент давлат авиация, Тошкент фармацевтика, Тошкент темир йўллари транспорти муҳандислари, Тошкент шарқшунослик, Тошкент автомобиль ва йўллар ин-тлари), 5 ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатади. Аҳолига 778 савдо ва 180 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат кўрсатади. Улардан 108 озиқ-овқат, 55 саноат моллари дўконлари, 227 овқатланиш, 160 ноозиқ, 160 аралаш, 58 ностационар савдо шохобчаларидир.

Тошкент шаҳар, вилоят ҳокимиятлари, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик опера ва балет катта театри, Тошкент давлат рус академик драма театри, шунингдек, 4 маданият уйи, 2 маданият ва истироҳат боғи, Le Meridian otel Tashkent Palace, «Пойтахт» меҳмонхоналари, 7 кутубхона, Санъат, Темир йўл техникаси, Тиббиёт музейлари, Ўзбекистон БА Марказий кўргазма зали мавжуд. Туманда 1- клиник шифохона, болалар касалхонаси, шаҳар клиник руҳий касалликлар шифохонаси, 2-туғруқ мажмуаси (4- ва 5- сонли), 40 оилавий поликлиника, Темир йўл, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий консультатив ташҳис поликлиникалари, стоматология поликлиникаси (7-сонли), шаҳар жисмоний тарбия диспансери, тери-таносил касалликлари диспансери (1-сонли), Тошкент шаҳар йўловчи-транспорт тиббиёт санитария қисми, шаҳар болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси ва санаторий ишлаб турибди. Турар жой фондининг умумий майд. 1432,1 минг м².

Тошкент «Гольф клуб»и.

«Кабул—Ўзбек» қўшма корхонасининг йигирув цехи.

Сергели тумани — шаҳардаги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1967 й.да ташкил этилган. Т. шаҳрининг жан.-ғарбий қисмида. С. т. ҳудуди марказий т.й. трассасидан Чирчиқ дарёси қайирларигача бўлган ерларни, жан.-ғарбда Чоштепа, Нўғайқўрғон, Тошкент аэропорти атрофи, Қўйлиқ 5—7, *Сергели* 1—8, Спутник (Йўлдош), Дўстлик, Қурувчилар мавзелари, Эски Сергели, Саноат зонасини қамраб олади. Шим.-ғарбдан Тошкент вилоятининг Зангиота, жан.-шарқдан Янгийўл туманлари б-н чегарадош. Майд. 5,19 минг га, шу жумладан, кўкаламзор ерлар 0,347 минг га. Аҳолиси 154,4 минг киши (2004). Маҳаллалар ва уй-жой ширкатлари сони 33 та бўлиб, 14 та мавзе ва Йўлдош (Спутник) шаҳарчасидаги (1966 й.да ташкил этилган) 17 та кичик мавзедан иборат. Кўчалар сони 147 та. Асосий магистраллари: Тошкент автомобиль ҳалқа йўлининг жан. қисми, Янги Сергели, Чоштепа, С. Толипов, Қипчоқ кўчаси; Тошкент— Ангрен т.й. ҳам туман ҳудудидан ўтади.

С.т.да 1101 корхона бўлиб, шулардан 167 таси йирик, 252 таси кичик ва б. корхоналардир. 330 та саноат корхонасида: мебель, иккиламчи қора ва рангли металл, поршень, гигроскопик пахта, асфальт, резина ва пластмасса буюмлари, ёгочни қайта ишлаш, чарм ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. «Файз» холдинг компанияси, «Мебель» корхонаси, авиация таъмирлаш з-ди, «Новатор» (трактор поршенлари), «Баракат-Альфа» (гигроскопик пахта), «Гринворд» (болалар озиқ-овқати, мева шарбатлари), Тошкент темир йўл масофаси (контейнерлар жўнатади) корхоналари, Қуёшдан ҳимоялаш буюмлари з-ди (пластмасса ромлар ва б.), «Тошкент» халқаро аэропорти, Сергели авиаотрядлари, 3 автокомбинат, «РАФ» автокорхонаси (йўловчиларга кичик автобусда хизмат кўрсатилади), 4-, 12-автобус саройлари мавжуд. Шунингдек, 973 та тадбиркор фаолият кўрсатади. Туманда 27 умумий таълим мактаби, 5 та мактабдан ташқари таълим маркази, 6 касб-ҳунар коллежи, 2 болалар спорт мактаби бор. Соғлиқни сақлаш системасида 491 ўринли 3 та шаҳар касалхонаси, 5 поликлиника, туғруқхона, тери-таносил касалликлари диспансери, 33 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади.

С.т. да Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодиёт миллий банки, Саноат қурилиш банки, «Асакабанк», Уй-жой жамғарма банки, Халқ банки бўлимлари мавжуд. Шаҳарлаги энг йирик савдо мажмуаларидан деҳқон бозори, Сергели, «Автомакон» бозори, Пойтахт Сергели савдо маркази ишлаб турибди. 8 кутубхона, 3 маданият уйи, Усмон Носир ва Янги Сергели маданият ва истироҳат боғлари, мусиқа мактаби бор. 106 спорт иншооти, шу жумладан, стадион, 5 сузиш ҳавзаси, 43 спорт зали, 51 спорт майдончаси, 4 соғломлаштириш спорт мажмуаси мавжуд.

Туманда қурилиш ишлари, асосан, Тошкент зилзиласи (1966 й.)дан кейин бошланган бўлиб, 1 ва 2 қаватли ёгоч уйлар қурилган. Сергели турар жой даҳасидаги 4 ва 9 қаватли бинолар 1980—90 й.ларда қад кўтарган. С.т. турар жой фондининг умумий фойдали майд. 2718,5 минг м² (2004).

Туманнинг асосий йўналиши — умумшаҳар маркази б-н боғлайдиган Янги Сергели кўчаси. Туман ҳудудида Чоштепа ва Нўғайқўрғон археол. ёдгорликлари бор.

Собир Раҳимов тумани — Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1970 й.да ташкил қилинган. Собир *Раҳимов* номи б-н аталган. 1980 й.дан ҳоз. чегарасида. Т.нинг шим.-ғарбида жойлашган. Шим.-ғарбда Тошкент вилояти Зангиота тумани, шим. ва шим. -шарқда Тошкент тумани, шарқда Юнусобод тумани, жан. ва жан.-ғарбда Шайхонтоҳур тумани б-н чегарадош. Майд. 3,4 минг га, шу жумладан кўкаламзор ерлари 1,01 минг га. Аҳолиси 283,6 минг киши (2004). Кўчалар сони 290 та. Асосий магистраллари: Беруний, Ниёзов, Кичик ҳалқа йўл, Форобий, Зиёмов, Чимбой, Уста Ширин, Тансиқбоев, Ҳасанов, Ойбек ва Қорасарой кўчалари. 58 та маҳалла мавжуд.

Туман ҳудудида «Колорфлекс», «Империал», «Осиё-батарея» қўшма корхоналари, 30 саноат корхонаси, шу жумладан, «Тошкентмармар» и.ч. бирлашмаси, «Миконд», агрегат, тажрибамеханика, экскаватор таъмирлаш, «Компрессор», «Оникс» ва чинни з-длари, «Тошкент мебель» и. ч. бирлашмаси, «Тола» (пиллакашлик) корхонаси, бош кийимлар ф-каси, 10 автотранспорт ва 10 қурилиш ташкилоти фаолият кўрсатади. Туманда 19 илмий тадқиқот ин-ти, 4 лойиҳалаш ташкилоти («Ўзгазлойиҳа», «Ўзқишлоқхўжалик лойиҳа», Халқ таълими Вазирлигининг лойиҳа-конструкторлик бюроси, «Таш. ЗНИИЭП»), 3 олий ўқув юрти (ЎзМУ, ТошДТУ, 2-Тошкент тиббиёт ин-ти), 1 лицей, 1 касб-ҳунар коллежи, 37 умумий таълим мактаби, 1 санъат, 1 та мусиқа мактаби, 60 та мактабгача тарбия муассасаси бор. Туман аҳолисига 47 оилавий поликлиника, 20 та касалхона, 8 маданият уйи ва саройи, 10 та кутубхона, ёш томошабинлар театри, табиат музейи, 3 та бозор, 5 та стадион, 6 та сузиш ҳавзаси, 57 спорт зали, 10 та теннис мажмуаси хизмат кўрсатади. Туман ҳудудида «Оймомо» маданият ва истироҳат боғи, бир неча кичик дам олиш масканлари, «Ўзэкспомарказ» халқаро кўргазмалар мажмуи, «Олимпия» меҳмонхонаси фаолият кўрсатади. 110 озиқ-овқат ва 51 саноат моллари дўкони, 196 умумий овқатланиш корхонаси, 467 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд.

Мустақиллик йилларида Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари кенгайиб, Мойқўрғон, Бешқўрғон мавзелари ташкил қилинди, уз. 1 км дан зиёд кўприк бунёд этилди.

Туман ҳудудида меъморий ёдгорликлардан Бароқхон мадрасаси, Қаффол Шоший мақбараси бор. Беруний, Фурқат, Собир Раҳимов ва Л. Б. Шастри, Бердақ, А. Қодирийга ҳайкал ўрнатилган. Шаҳар метрополитенининг Беруний метро ст-яси туман ҳудудида жойлашган.

Чилонзор тумани — Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1963 й.да ташкил қилинган. Топонимистларнинг фикрича туман номи чилон (жийда) ўсимлигидан олинган. Т. зилзиласи (1966) дан кейин туманда қурилиш ишлари авж олди. Т.нинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. Шим. да Оқтепа канали, шарқда Бўрижар канали, жан.-ғарбда Ўрта Осиё т. й. бўйлаб Т. автомобиль ҳалқа йўли ва Бобур кўчасигача давом этган. Майд. 2994 га, шу жумладан, кўкаламзорлаштирилган майдонлар 1,334 минг га. Аҳолиси 217,1 минг киши (2004). Кўчалар сони 262 та. 45 та маҳалла мавжуд. Тумандаги баъзи жойлар Т. тарихи б-н боғлиқ, Чилонзор Оқтепаси археологик ёдгорлиги (4—8-а.лар, 10—11-а.лар), Абулқосим Шайх мадрасаси, Хайробод Эшон меъморий мажмуаси каби меъморий ёдгорликлар шу туман ҳудудида жойлашган.

Асосий магистраллари — Халқлар дўстлиги, Муқимий, Чўпонота, Фарҳод, Гавҳар, Чилонзор, Қатортол, Ал-Хоразмий кўчалари. Ҳудудида қўшма корхоналар («Совпластитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси, «Ўзбегиминтернешнл» қўшма корхонаси ва б.), 24 саноат корхонаси (шу жумладан, 3 пойабзал и. ч. бирлашмаси, кўрлар жамиятининг и. ч. комбинати, «Реле ва автоматика», «Алгоритм» корхоналари, электр рўзғор буюмлари з-длари); 8 и.т. институти, 8 лойиҳалаш ин-ти, конструкторлик бюроси, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти, 38 умумий таълим мактаби, 20 академик лицей ва коллеж, 65 мактабгача ёшдаги болалар муассасаси; 9 касалхона ва 31 та поликлиника бор. Аҳолига 152 озиқ-овқат, 64 саноат моллари дўконлари, 121 умумий овқатланиш корхонаси, 96 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Чилонзор буюм бозори хизмат қилади. Муқимий номидаги мусиқа ва драма театри, Давлат мусиқали комедия (оперетта) театри, 2 кинотеатр, Навоий номидаги Миллий боғ, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Халқлар дўстлиги саройи фаолият кўрсатади. 4 стадион, 101 спорт зали, 166 спорт майдончалари, 6 сув ҳавзаси, отчопар мажмуаси бор. Турар жой фондининг умумий фойдали майд. 3178 минг м².

Шайхонтоҳур тумани — Т. даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1929 й. Октябрь тумани номи б-н тузилган. 1992 й.да Шайхонтоҳур *(Шайх Хованди Тоҳур)* тумани деб ўзгартирилган. 1978 й.дан ҳоз. чегарада. Шим.-ғарбда Зангиота тумани, шим.да Собир Раҳимов, шим.-шарқда ва шарқда Юнусобод, жан. да Чилонзор ва Яккасарой, ғарбда Акмал Икромов туманлари б-н чегарадош. Майд. 2,73 минг га, шу жумладан кўкаламзорлаштирилган майдонлар 0,832 минг га. Аҳолиси 263,1 минг киши (2004). Кўчалар сони 622 та. Асосий магистраллари: Абдулла Қодирий, Навоий, Ўзбекистон, Беруний шоҳкўчалари, Фурқат, Уйғур, Самарқанд дарвоза кўчалари, Халқлар дўстлиги, Ҳалра, Чорсу, Оқтепа майдонлари, 48 та маҳалла бор.

Туманда 3379 корхона ва ташкилот мавжуд. 9 саноат корхонаси, шундан «Шарқ гули» бадиий, Тошкент тикувчилик, «Орзу» и. ч. бирлашмалари, Тошкент матбаа к-ти, кўн-мўйна з-ди ва б. ишлаб турибди. 3069 кичик ва ўрта бизнес субъектлари қайд этилган. Ш. т. да 18 вазирлик, давлат қўмиталари ва йирик идоралар, меъморлик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси, 11 лойиҳалаш ин-ти, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Навоий номидаги адабиёт музейи, Сейсмология, Полимерлар кимёси ва физикаси, Микробиология ин-тлари, Архитектура ва қурилиш, кимётехнология ин-тлари, 16 ўрта махсус ўқув юрти, 42 умумий таълим мактаби ва б. муассаса, ташкилотлар бор. 10 та оилавий ва стоматология шифохонаси, 18 поликлиника ва амбулатория, 8 касалхона хизмат кўрсатади. Мустақиллик йилларида туман ҳудудида Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ислом университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти қошидаги академик лицей қурилди, Ўзбек миллий академик драма театри, «Чорсу» савдо маркази бинолари ҳамда Эски жўва бозори қайта таъмирланди.

Энг йирик гузарлари: «Гулзор», «Ипакчи», «Кўкча», «Исломобод». Туманда «Янги Камолон», «Ҳувайдо», «Боғкўча», «Чўпонота», «Ипакчи» маҳаллаларида катта спорт майдонлари мавжуд. 562 озиқ-овқат, 346 саноат моллари дўконлари, 174 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Чорсу» савдо маркази туман аҳолисига хизмат кўрсатади.

Ўзбек миллий академик драма театри, Аброр Ҳидоятов номидаги *Ўзбек давлат драма театри*, Сатира театри, Рус ёш томошабинлар театри, цирк, «Санъат саройи», «Ўзкўргазмасавдо» саройи, 9 маданият уйи ва муассасаси, Кино уйи, 22 жамоат кутубхонаси, 4 кинотеатр ва б., «Пахтакор» стадиони, «ЖАР» спорт мажмуи, «Шарқ», «Ҳадра», «Ёшлар уйи», «Sun Shine Tyron» меҳмонхоналари ишлаб турибди. Туман ҳудудида меъморий ёдгорликларидан Кўкалдош мадрасаси (16-а.), Юнусхон (15-а.), Шайх Зайниддинбобо (13—14-а.лар) мақбаралари сақланган.

Юнусобод тумани — Т. даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1936 й.да Киров тумани номи б-н ташкил қилинган. 1992 й. май ойидан Юнусобод тумани деб аталади.

Юнусобод номининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар бор. Айрим тадқиқотчилар (акад. А. Муҳаммаджонов) фикрича, жойнинг номи жуда қад. бўлиб, асли «Юнусработ» деб аталган. Бу ўринда «работ» карвонсарой маъносида қўлланган (қ. *Работ*). Шим. томондан шаҳарга кирувчилар шу жойда қўниб ўтишган. Маҳаллий зиёлиларнинг фикрича, жойнинг номи себзорлик тадбиркор Юнусҳожи Нодирҳожи ўғли (19-а., Юнусобод Оқтепасида боғ-роғлари бўлган) ҳақидаги ривоятлар б-н боғлиқ. Туман шаҳарнинг шим. қисмида жойлашган. Амир Темур хиёбонидан бошланиб шим. томонга, Тошкент катта ҳалқа йўлигача давом этади.

Майд. 4,14 минг га, шу жумладан, кўкаламзорлаштирилган майд. 1,073 минг га. Аҳолиси 289,0 минг киши

Эски жўва бозори.

Шайх Зайниддин масжиди.



(2004). Кўчалар сони 441 та. Асосий магистрал кўчалари: Шараф Рашидов, Амир Темур, Аҳмад Дониш, Хуршид, Ғани Мавлонов, Жаҳон Обидова, Гвардия полковниги Хўжаев. 50 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 3547 корхона ва ташкилот бўлиб, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг саноат и. ч. даги улуши 36,3%, қурилишда 64,2%, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 50,9% ни ташкил этади. Улар орасида 155 та қўшма корхона фаолияти и. ч. ва аҳолига хизмат кўрсатишга йўналтирилган.

Саноат корхоналаридан «Ўзбекқишлоқмаш», «Юлдуз» тикувчилик, «Асбобсоз», «Раупхон» корхоналари; вагон таъмирлаш з-длари, китоб-журнал ф-каси, «Ўзбекэнерготаъмир» и. ч. бирлашмалари ва б. ишлаб турибди. Чет эл инвестициялари иштирокида фаолият кўрсатаётган «Дилек интерпрайс», «Айлин Гида Санайи», «Азия Силк» шўъба корхоналари, «Растр», «Супертекстиль» корхоналари, шунингдек, мебель ишлаб чиқарувчи 3 та қўшма корхона бор.

20 га яқин и. т. институти, лойиҳалаш ин-тлари, 6 лицей, 6 касб-ҳунар коллежи, 4 олий ўқув юрти, 42 умумий таълим мактаби, 3 мусиқа мактаби, 70 мактабгача тарбия муассасаси, 8 та касалхона, 40 поликлиника ва амбулатория муассасалари, 1 санаторий бор. 2 кинотеатр, «Туркистон» киноконцерт залн. Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, ҳайвонот боғи, «Интерконтинентал», «Dedeman Silk Road», «Шератон» меҳмонхоналари, Шаҳидлар хотираси мажмуаси, 5 маданият уйи, 12 кутубхона, 186 спорт иншоотлари, Олай, Юнусобод бозорлари, 1785 та савдо, 356 та умумий овқатланиш ва 467 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибти. Т.нинг асосий телевизион минораси туман ҳудудида жойлашган. Турар жой фондининг умумий фойдали майд. 5223 минг м². Ю.т. ҳудудида Т. метрополитени Юнусобод йўналишининг Юнус Ражабий, Абдулла Қодирий, Минор, Ҳабиб Абдуллаев ст-яларидан электр поездлар қатнайди. 2005 й.гача яна 3 ст-я (Ф. Хўжаев, «Юнусобод», «Туркистон»)ни ишга тушириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Яккасарой тумани — Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1936 й. Фрунзе тумани номи б-н ташкил қилинган. 1992 й. майдан Я.т. деб аталди. Туман Т. нинг жан. ва қисман марказий қисмида жойлашган. Шим.да Ўзбекистон кўчасидан жан.да Ўрта Осиё т. й. линиясигача чўзилган. Майд. 1,39 минг га, шу жумладан, кўкаламзорлаштирилган ҳудуди 0,144 минг га. Аҳолиси 112,3 минг киши (2004). Кўчалар сони 156. Асосий магистраллари: Бобур, Усмон Носир, Нукус, Ўзбекистон, Шота Руставели, Афросиёб кўчалари. 17 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 24 саноат корхонаси ва 32 қурилиш ташкилоти жойлашган. 3 автотранспорт корхонаси, юк ортиш-тушириш т. й. ст-яси, автовокзал ишлаб турибди. Йирик саноат корхоналаридан «Тоштўқимачи» к-ти, «Тошкент еточни қайта ишлаш з-ди», Темир-бетон маҳсулотлари з-ди, «Азмаз» корхонаси, пойабзал, Санкт-индустрия бирлашмалари ва б. фаолият кўрсатади. 26 и. т. институти, лойиҳалаш ташкилотлари ва конструкторлик бюроси, 4 олий ўқув юрти (Низомий номидаги Педагогика ун-ти, Тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти, Миллий Уйғур номидаги Санъат ин-ти, Тошкент Хореография олий мактаби), 6 та касб-ҳунар коллежи ва лицейлар, 19 умумий таълим, 2 спорт, 2 мусиқа мактаблари, 8 кутубхона мавжуд. Туман аҳолиси саломатлиги муҳофазасини 14 даволаш муассасаси ва 5 та оилавий шифохона таъминлайди. «Тўқимачи» стадиони, 4 сузиш ҳавзаси, 29 спорт зали, 89 корхона ва муассасаларга қарашли спорт майдончалари, 2 меҳмонхона, 1 кинотеатр, 9 кутубхона, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Республика Байналминал маданият маркази-кўғирчоқ театри, Амалий санъат музейи, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар зали мавжуд. Аҳолига 97 озиқ-овқат, 60 саноат молларн дўкони, 188 умумий овқатланиш корхонаси, 129 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси. «Аския» деҳқон бозори хизмат кўрсатади.

Тумандаги кўп қаватли бинолар асосан, «Бошлиқ», «Қушбеги» турар жой массивлари ва йирик магистраллар бўйлаб жойлашган.

Ҳамза тумани — Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1968 й.да ташкил қилинган. *Ҳамза* номига қўйилган. Фарбда Амир Темур хиёбони ва Йўлдош Охунбобоев кўчасидан бошлаб шарқда Оҳангарон йўлигача давом этади. Ҳудуди 3,46 минг га шу жумладан, кўкаламзорлар — 172 га. Аҳолиси 208,7 минг киши (2004). Кўчалар сони 220 та. Асосий магистраллари: Жарқўрғон, Лисунов, Ҳамза, Йўлдош Охунбобоев кўчалари ва Фарғона, Оҳангарон йўллари. Ҳ.да 50 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 2152 та ташкилот, шу жумладан, 34 саноат корхонаси (Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошқишлоқмаш», «Тошмаргёг», «Тошкентвино», «Ўзбек қоғози», «Ўзбекистон шампани», «Тошдонмаҳсулот», «Тошкентгуруч» акциядорлик жамиятлари корхоналари ва б.); 168 қурилиш ташкилоти; т.й. транспорти корхоналари — темир йўл вокзал ва вагон деполари, Тошкент юк ортиш-тушириш т.й. станцияси бор. Шунингдек, туманда 37 транспорт ва алоқа корхоналари жойлашган.

Кейинги йилларда ташкил қилинган «Фарм Гласс» Ўзбекистон—Британия, «Туфни» Ўзбекистон—Исроил, «Лок-Колор-Синтез» Ўзбекистон — Швейцария, «Хобас-Тапо» Ўзбекистон—Германия—Швейцария, «NWA» — Ўзбекистон—Россия қўшма корхоналарида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар и. ч. йўлга қўйилган.

Ҳ. т. да Ўзбекистон Республикаси ФА Президиуми, 3 и. т. институти, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, 25 умумий таълим мактаби, 50 та мактабгача тарбия муассасаси, 5 мусиқа, мактаби, 4 касб-ҳунар коллежи, Тошкент биринчи тиббиёт ин-ти ва бизнес мактаби бор. 9 касалхона, 30 поликлиника ва амбулатория муассасаси, 1 қон қуйиш станцияси фаолият кўрсатади. Аҳолига 359 озиқ-овқат, 595 саноат моллари дўконлари, 197 умумий овқатланиш, 324 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмат қилади. 16 жамоат кутубхонаси, 4 кинотеатр, 2 маданият саройи, 4 маданият уйи, «Бахт-Роҳат» дам олиш зонаси бор. Турар жой фондининг умумий майд. 2,5 млн.м² га яқин.

Ад.: Тошкент [энциклопедия]. Т., 1992; Азадаев Ф., Ташкент во второй половине XIX века, Т., 1959; Соколов Ю. А., Ташкент, ташкентцы и Россия, Т. 1965; Добросмыслов А. И., Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Т., 1912; Бартольд В. В., Сочинения, 3-т.; М., 1965; Мукминова Р. Г., Филановнч М. И., Ташкент на перекрестке истории, Т., 2001; Ўринбоев А., Бўраев О., Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида, Т., 1983; Бейсембиев Т. К., «Та'рих-и Шаруҳи» как исторический источник, Алма-Ата, 1987; Мухиров К., Ирисов А., Носиров А., Тошкент тарихида баъзи сиймолар, Т., 1983; Содиқова Н. С., Буряков Ю. Ф., Қадимги ва ҳозирги Тошкент, Т., 1965; Булатова В. А., Маньковская Л., Памятники зодчества Ташкента (XIV—XIX), Т., 1983, Муҳаммаджонова А. Р., Қадимги Тошкент, 2002; Тошкент атласи, М., 1984.

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ

— авиация ва космик соҳалар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1995 й.да ТошТУнинг самолётсозлик ф-ти, Киев халқаро фуқаро авиация ин-тининг Тошкент ш.даги филиали, Тошкент авиация техникуми ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ўқув-машғулот маркази негизида ташкил қилинди. Ин-тда 5 ф-т: умумтехника, авиакосмонот, фуқаро авиацияси, сиртқи ва малака ошириш ф-тлари бор. Унда 23 та кафедра, компьютер технологияларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш ва масофавий таълим тизимини шакллантириш муаммолари б-н шуғулланадиган «Ахборот таълим маркази» ва Ўзбекистон Республикаси авиация соҳасининг муаммолари устида и.т.лар олиб борадиган 4 та марказ: «Авиация илмий-техника маркази», «Маркетинг тадқиқотлари маркази», «Ўқув-илмий и.ч. маркази» ва «Тил маркази» мавжуд. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон ва жаҳон бозорини чуқур маркетинг таҳлили асосида ўрганиш, технологик жараёнларни янги замонавий тадқиқотлар асосида автоматлаштириш, корхоналар мутахассисларининг малакаларини ошириш курсларини ташкил қилиш, консалтинг хизматларини ташкил қилиш, ин-тда ўқув ва и.т. фаолиятини такомиллаштириш борасида янги ўқув, услубий ва илмий ишларни ривожлантиришдан иборат.

Ин-т қошида авиалицей фаолият кўрсатмоқда. Ин-т 3 та биносининг ҳар бир ф-тида кутубхоналар мавжуд (300 мингдан ортиқ асар). Ин-т 9 йўналиш бўйича бакалаврлар, 9 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди; 2003/04 ўқув йили ин-тда, 1,8 минг талаба ўқиди, 175 ўқитувчи, шу жумладан, 21 фан д-ри ва проф. ишлади. Ин-т хорижий мамлакатлар — АҚШ, Германия, Франция, Жан. Корея, Украина, Россия, Япония б-н илм-фан, таълим ва б. соҳаларда ҳамкорлик қилади. Ин-тда енгил русумли учиш аппаратларини лойиҳалаш ва и.ч.га жорий қилишга доир ишлари олиб борилади. Ин-т педагог-олимлари «Ўзбекистон авиация индустриясини 2010 йилгача ривожлантириш стратегияси» миллий дастурини ишлаб чиқишди. Ин-тда 200 та талабага мўлжалланган талабалар уйи фаолият кўрсатади. Ин-т фаолияти О. У. *Салимов*, Х. Г. Саримсоқов, Г. И. Якубин, К. Б. Усмонов, Ш. Ф. Ғаниҳонов, М. А. Икромов ва б. олимлар номи б-н боғлиқ. Ин-тда 2004 й.гача 3000 дан ортиқ мутахассис тайёрланди.

«ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ,

В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси — авиация саноатининг самолётсозлик соҳасидаги йирик корхонаси. 1972 й.да ташкил этилган. Тошкент авиация з-ди (бош корхона), Андижон механика з-ди, Фарғона механика з-ди ва Тошкент кислород з-дини ўз ичига олади. Бирлашмада самолёт йиғилади, унинг турли деталь ва узеллари тайёрланади, шунингдек, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

2-жаҳон урушн йилларида (1941 й. 14 окт.) Москва вилояти Химки ш.дан кўчириб келтирилган з-д асосида Тошкент авиация з-ди барпо этилди. Дастлаб ПС-84 самолётлари ишлаб чиқарилган, кейинчалик бу самолёт ЛИ-2 (Лисунов-2) номи б-н чиқарила бошлаган. 1953 й.дан ИЛ-14, 1958 й.дан турли типдаги транспорт самолётлари чиқарилди. 1966 й.дан АН-22, 70-йлар бошларидан ИЛ-76 самолётлари ишлаб чиқарила бошлади. 90-й.ларда ҳам унинг асосий маҳсулоти ИЛ-76 МФ транспорт самолётлари бўлди. 1992 й.дан маҳаллий ҳаво йўлларида қатнашга мўлжалланган ва 64 ўринли Ил-114 самолётларини и.ч. ўзлаштирилди. 3-да АН-70, «Мрия», «Руслан» самолётлари қанотлари ва б. қисмлари тайёрланган. 1996 й. май ойидан очиқ турдаги давлат акциядорлик жамияти. Корхонанинг йигувчи слесари Э. Ҳ. *Аминҳамедов*га Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган (1995).

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

— автомобиль хўжалиги, автомобилсозлик з-длари,

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «ИЛ-76» МФ самолёти қанотини йиғиш.

Тошкент автомобиль-йўллар институти.

йўл корхоналари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент политехника ин-ти автомобиль ва йўллар ф-ти негизида 1972 й. ташкил этилган. Ин-тда автомобилсозлик, автомобиль транспорти, автомобиль йўллари қурилиши, автомобиль йўллари иқтисоди ва бошқаруви, иқтидорли талабалар б-н ишлаш ва магистратура ҳамда сиртқи таълим ф-тлари бор. Ин-т қошида лицей, тайёрлов бўлими, тармоқ мутахассисларининг малакасини ошириш курслари мавжуд. Ин-тда 9 йўналиш бўйича бакалаврлар, 11 йўналиш бўйича магистрлар тайёрланади. Ин-тда 34 та кафедра, 17 та и.т. гуруҳлари, аспирантура ва докторантура бўлимлари, кутубхона (400 мингдан зиёд адабиёт) бор. И.ч. корхоналарида кафедра филиаллари фаолият кўрсатади. Ин-т ташкил этилганидан бери 31000 дан зиёд олий малакали мутахассис етиштирилди. Ин-тда дунёнинг 26 мамлакатидан келган 450 талаба таълим олди. 2003/04 ўқув йили ин-тда 4100 талаба ўқиди.

Тошкент аграр университети.

Ин-т Россия, Украина, Германия, Франция, Англия, Хитой, Ҳиндистон, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва б. мамлакатларнинг олий ўқув юртлари ва фирмалари б-н ҳамкорлик қилади. Ин-т фаолияти О.У. *Салимов*, А. А. Муталибов, С. П. Пўлатов, С.М. Қодиров, Н.Р. Рашидов, Н.С. Абрамов, О. А. Ғанихўжаев ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

ТОШКЕНТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ — қ.х. учун мутахассислар тайёрлайдиган йирик олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида. Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган. 1930 й.да Ўрта Осиё ун-тининг қ.х. ф-ти негизида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ин-ти ташкил этилди, бу ин-т 1934—91 й.ларда Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти номи б-н фаолият кўрсатди, 1991 й.нинг апр.да Тошкент давлат аграр ун-тига айлантирилди.

Ун-тда (2004): агрономия, агрокимё ва тупроқшунослик; ўсимликлар ҳимояси; мева-сабзавотчилик ва ўрмон хўжалиги; зоомуҳандислик ва ипакчилик; иқтисодиёт; бухгалтерия ҳисоби; касбий таълим; сиртқи таълим; магистратура ф-тлари, 35 кафедра фаолият кўрсатди, музей (1980), илмий кутубхона (1 млн. дан ортиқ асар), қ.х. кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази бор. 32 га ҳайдаладиган ер ва 1 га иссиқхона майдони бўлган ўқув-тажриба хўжалиги, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида 2480 га ҳайдаладиган ер, 4 га иссиқхона майдони, чорвачилик фермаси ва бошқа и.ч. объектлари бўлган ўқув-тажриба хўжалиги; агроэкология илмий маркази, биотехнология лаб., этномофагларни кўпайтириш бўйича биолаборатория, фунгимарказ каби илмий и.ч., тадбиркорлик-илмий бўлинмалар фаолият кўрсатади. 1992 й.да бакалавриат босқичида мутахассислар тайёрлайдиган Нукус филиали ташкил этилган. 2003/04 ўқув йилида 5321 талаба, шу жумладан, кундузги бўлимда 3047, сиртқи бўлимда 2040 бакалавр, 236 магистр талабалар ўқиди, 457 проф.-ўқитувчи, шу жумладан, 53 фан д-ри ва 166 фан номзоди ишлади.

Ун-т фаолияти Р.Р. *Шредер*, Н.Р. *Дамо*, В.С. *Малышев*, В.В. *Яхонтов*, Н.Г. *Запрометов*, С. Н. *Алимуҳамедов*, Р.А. *Олимжонов*, М.А. *Панков*, А.М. *Шлейхер*, А.И. *Автономов*, Е.Н. *Михайлов*, В.А. *Шчекин*, А. А. *Рибаков*, А. В. *Гвоздиков*, М.Б. *Доничанов*, М.*Бахрадиров*, П. В. *Протасов*, А. И. *Имомалиев*, В.И. *Зуев*, Э.Т. *Шайхов* каби олимлар номлари б-н боғлиқ. Ун-т ташкил топганидан бери қ.х. фани ва и.ч.нинг турли тармоқлари учун 55 мингдан ортиқ мутахассис кадрлар тайёрлади. Ун-т қишлоқ хўжалиги таълими муассасалари ва и.т.лар бўйича Жаҳон консорциуми аъзоси, хориж мамлакатларининг 37 та ун-ти ва 6 и.т. институти б-н ҳамкорлик қилади.

Ҳасан Бўрнев.

ТОШКЕНТ АРТЕЗИАН ҲАВЗАСИ — Тошкент ш. яқинилаги тог олди букилмасида жойлашган ҳавза; жан.да Фарғона, ғарбда Қизилқум ва шим.да Чимкент (Арис) артезиан ҳавзалари б-н туташ. Шарқда Чатқол-Қурама бурмаланиш области тог олдилари б-н чегараланади. Ҳавза ўрамидаги юра ётқизиқларининг қалинлиги 100—150 м гача бўлиб, тарқалиши чекланган. Бўр ётқизиқлари кенг майдонни эгаллаган ва юпқа қатламчали оҳактошлар қўшилган терриген чўкиндилари (конгломерат ва қумтош)дан иборат. Бўр ётқизиқларининг қалинлиги 50—100 м дан 900 м гача ўзгариб турали. Палеоген ётқизиқлари жуда кенг тарқалган, улар оҳактош, қумтош, конгломерат ва гиллар бўлиб, умумий қалинлиги 150 м гача. Неогеннинг континентал қатлами 300 м дан 1600 м гача бўлган терриген ётқизиқлардан иборат. Тўртламчи давр ётқизиқлари эса 600 м гача бўлган аллювиал, пролювиал, ёки делювиал ва элювиал чўкиндилардан таркиб топган. Регионда тектоник структураларнинг ҳар хиллиги гидрогеологик шароитнинг хилма-хиллигини белгилайди. Асосий антиклиналь структуралар (тогли зонада) палеозой ётқизиқларининг дарзлик ва дарзлик-карст сувлари тарқалган жойларидир. Синклиналларда водий ва тог олди қисмлари тўртламчи давр ётқизиқларида босимли чучук сувлар, неоген, палеоген, қуйи бўр ва юра тог жинсларида шўр сувлар ҳамда юқори бўр ётқизиқлари (сеноман ва турон)да чучук минерал термал сувлар тарқалган. Юқори бўр қатламларидаги минерал сувларнинг ёши 0,2 дан 3,5 млн. йилгача, «ёш» сувлар (0,2 млн. йилгача) Т.а.ҳ.нинг шим. ва шарқий қисмида бўлиб, жан.-ғарб томонга уларнинг ёши 2—3,5 млн. й.гача ошиб боради. Ҳавзанинг ботиқ (чўккан) жойларида дейтерий концентрациясининг ўрганилиши инфильтрацион ва седиментацион сувларнинг силжиганлигини ва Тошкент минерал сувларининг кўплаб фойдаланилганлиги оқибатида сувнинг сифати ёмонлашиб, захираси камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ҳавзанинг турли пунктларида U^{234}/U^{238} лар муносабатининг ўзгаришига қараб юқори бўрга мансуб ер ости сувларининг ҳаракат тезлиги чекка қисмларда йилига 8—10 см, марказий қисмда йилига 1 см гача эканлиги аниқланди. Ер ости сувларининг умумий оқими ғарбий, жан.-ғарбий йўналишига эга бўлиб, ҳавзанинг чекка қисмларида ҳаракат тезлиги марказдаги (Тошкент ш. ҳудули)га нисбатан кўпроқ.

Ад.: Султанходжаев А. Н., Дусходжаев Х. Р., Сырдарьинский артезианский бассейн, Т., 1973; Султанходжаев А. Н., Латипов С. У. и др., Гидросейсмологические предвестники землетрясений, Т., 1983.

ТОШКЕНТ АРХЕОЛОГИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ, Ўзбекистон ФА Археология институтининг Тошкент археология экспедицияси — Тошкент ш. ҳудудида археологик қазишлар ва кузатувлар олиб борувчи илмий ходимлар жамоаси. Акад. Я. F. *Ғуломов* ташаббуси б-н 1967 й. тузилган. Тошкент зилзиласи (1966)дан сўнг шаҳарда қурилиш ишлари авж олгач, Т.а.э. (раҳбарлари В. А. Булатова, 1967—68, 1971—74; М. Т. Аминжонова, 1969—70; М. И. Филанович, 1974 й.дан) кенг кўламда тадқиқот ишларини бошлаб юборди. Археологик тадқиқотлар б-н бирга Чочдаги нумизматика, палеоантропология ва этногенетик жараёнларга оид, геоморфология, палеозоология, палеотупроқшунослик ва палеоиқлимга оид тадқиқотлар Тошкент атрофи р-нларида кишилик жамияти ривожининг дастлабки босқичини ўрганиш б-н бирга қўшиб олиб борилди. Т.а.э.нинг қазишлар ва кузатувлари натижасида Тошкент ш. маданияти ёшини аниқлаш ва шаҳар ривожининг қад. босқичларини тиклашга имкон берадиган материаллар мажмуи жамланди. Тошкентдаги ёдгорликларнинг археологик стратиграфиясини ўрганиш фаннинг айрим мунозарали масалаларига аниқлик киритди, яъни Бурганли ва Қовунчи маданиятларининг аниқ даврлари аниқланди; Чочнинг қад. ва ўрта асрлардаги пойтахтлари, бу р-ннинг тарихий топографияси, экономикаси ва аҳолининг гоявий дунёқарашларини ўрганишга оид фактик материаллар тўпланди.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ — олий ўқув юрти, 1991 й. 6 майда Тошкент политехника ин-тининг архитектура, саноат ва фуқаро қурилиши ҳамда муҳандис қурилиш ф-тлари негизида ташкил этилган.

Ин-т бакалавиатурасининг кундузги ва сиртқи бўлимларида 14 йўналиш бўйича 476 бакалавр, 20 мутахассислик бўйича 88 магистр мутахассислар битириши мўлжалланган (2004). Аспирантура, номзодлик ва д-рлик илмий кенгаши, шунингдек, архитектура, қурилиш материаллари ва қурилмалари, бино ва иншоотлар мутахассисликлари бўйича ихтисослашган кенгашлар фаолият кўрсатади. Ин-тда 4 та ф-т (меъморлик, саноат ва фуқаро қурилиши, муҳандис қурилиш ва иқтисод), 27 та кафедра, 322 проф.-ўқитувчи (жумладан 1 академик, 29 фан д-ри ва проф., 117 фан номзоди ва доцент), 168 ўқитувчи-ассистентлар ишлайди (2004). Ин-тда, шунингдек, «Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази», Малака ошириш ф-ти, «Қурилиш соҳасида менежерларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш маркази», лицей (1996), бизнес мактаб (1999) фаолият кўрсатади. 200 дан ортиқ компьютерлар тармоққа уланган. Интернет орқали хорижий давлатлар б-н алоқалар ўрнатилган. 13 та чет эл олий ўқув юртлари б-н шартномалар бўйича ўқув ва илмий ишлар олиб борилади. Ин-т қошида маънавият ва маърифат маркази бор. Ин-т ҳаётини акс эттирувчи музейда ўқитувчи ва талабаларнинг иш кўргазмалари ташкил этилиб турилади. Кутубхона фонди 200 мингдан ортиқ китобга эга бўлиб, электрон каталог дарсларидан фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган.

А. *Ашрабов*, А. *Бобохонов*, М. Ўрозбоев, В. Қобулов номли стипендиялар таъсис этилган.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ — ин-форматика ва ахборот технологияси, почта хизмати, радиоэшиттириш ва телевидение, телекоммуникациялар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент электротехника алоқа ин-ти номи б-н 1955 й.да ташкил қилинган. 2003 й.дан ҳоз. номи б-н аталади. Ун-тда 8 ф-т: телекоммуникация тармоқлари ва коммуникация тизимлари, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение, ахборот технологиялари, фундаментал фанлар ф-ти, иқтисод, сиртқи, малака ошириш ва махсус ф-тлар бор. Унт-да 5 йўналиш бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрланади. Ун-тда 28 кафедра, 40 олий ўқув лаб., 20 и.т. лаб., кутубхона (80 мингдан зиёд асар) фаолият кўрсатади. Ун-т қошида и.т. сектори, интернат-лицейи, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи мавжуд. 2002/03 ўқув йили ун-тда 3,5 мингга яқин талаба ўқиди. Ун-т Германия, Англия, Бельгия, Хитой, Ҳиндистон, Корея, Россия, Украина каби давлатлар б-н илмий ҳамкорлик қилади. Ун-т фаолияти Ж. А. *Абдуллаев*, Т. Д. Ражабов, М.С. Юнусов, Т. С. *Йўлдошбоев*, Ф. Б. *Абуталиев*, С. С. Колесов, М. Н. Орипов, В. М. Сон, Ю. С. Саъдуллаев, В. В. Яковлев, Х. К. Орипов, С.С. Қосимов ва б. олимлар номи б-н боғлиқ. Ун-т ташкил қилингандан бери 30 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис тайёрланди.

ТОШКЕНТ БИРИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ — умумий амалиёт шифокори ва стоматология йўналиши бўйича таянч олий ўқув юрти. 1920 й. Туркистон ун-ти негизида ташкил топган. 1931 й. Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-ти Ўрта Осиё тиббиёт ин-тига айлантирилди. 1935 й.дан Тошкент давлат тиббиёт ин-ти деб аталади. 1990 й.да Тошкент тиббиёт ин-ти 1- ва 2-тиббиёт ин-тларига бўлинди. Дастлаб унда даволаш, санитария-гигиена, педиатрия ва стоматология ф-тлари бўлган. Ҳоз. ин-т асосида *Тошкент фармацевтика институти*, *Самарқанд тиббиёт институти*, *Андижон тиббиёт институти*, *Тошкент иккинчи тиббиёт институти* ҳамда республиканинг қатор и.т. институтлари ташкил топди. 1972 й. педиатрия ф-ти мустақил *Тошкент* (дастлаб Ўрта Осиё) *тиббиёт педиатрия институти*га айлантирилди. 1992 й.да ин-тнинг Урганч филиали ташкил этилди, унда даволаш ва педиатрия ф-тлари бор.

Ин-тда 4 ўқув ф-ти (даволаш, стоматология, тиббий педагогика, олий маълумотли ҳамшира), 60 кафедра, аспирантура, марказий и.т. ва марказий клиник лаб., клиника (1200 ўринли), илмий-тиббий ахборот бўлими, музей, акад. лицей, кутубхона (600 мингдан ортиқ асар), босмахона бор. 3250 дан зиёд талаба, шунингдек, магистратура йўналишида 34 тор мутахассислик бўйича 300 дан зиёд резидент таълим олади (2004). Ин-тда ўқиётган хорижий талабалар (жумладан, Осиё, Африка, Лотин Америкаси) учун барча имкониятлар (хорижий адабиётлар кутубхонаси, хориж кутубхонаси б-н электрон почта алоқаси) мавжуд. Ин-т Тошкент ш.даги йирик касалхоналар ҳамда тиббиёт и.т. ин-тларида қўшимча клиник базаларга эга.

Ин-тда 450 дан ортиқ ўқитувчи, шулардан 7 Ўзбекистон ФА ва

халқаро академиялар акад. (Н.М. *Мажидов*, Қ.Ж. *Миразизов*, Т. О. *Даминов* ва б.), 100 дан ортиқ фан д-ри ва проф., 210 фан номзоди ва доцентлар фаолият кўрсатади. Институт д-рлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоясини қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ин-т илмий тўплам ва услубий қўлланмалар нашр этади.

ТОШКЕНТ БОРОВИНКАСИ — ёзги олма нави. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида қадимги рус Харламов боровинкаси нави клонидан чиқарилган (Р.Р. Шредер, А. Р. Шредер, А. Г. Шредер). Дарахти кучли ўсади (бал. 7 м гача), бир оз тарвақайлаган, шохлари ўртача қуюқ, новдалари кўнгир. Самарқанд олмаси, Симиренко, Голден Делишес каби навлардан яхши чангланади. Меваси июль охирида пишади, йирик (140—200 г), пўсти кўкиш, оч сариқ, пушти, қизил тарамлари бор, эти оқ, хушбўй, нордон-ширин. Кўчати экилгандан кейин 4—5-йили ҳосилга киради. 6—7-йили тўла ҳосил бера бошлайди. 20 ёшида тупидан 500 кг гача ҳосил олинади. 1959 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-нлаштирилган (яна қ. *Олма*).

Тошкент боровинкаси.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1967 й. Тошкент вилоятининг Ангрен ш.да очилган. Ин-тда 6 ф-т (мат. ва касбий таълим, бошланғич таълим методикаси, тарих, филол., хорижий тиллар, тиббиёт-геогр.), сиртқи ф-т ва бўлим, 29 кафедра, 17 ўқув лаб., 21 бўлим ва марказ, жумладан, ўқув, магистратура, ички назорат ва мониторинг, маркетинг, маънавият ва маърифий ишлар, иқтидорли талабалар б-н ишлаш бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ин-т бўлими, ахборот технологияси ва масофадан ўқитиш маркази, кутубхона (85 мингдан ортиқ асар) мавжуд. Ин-тда 18 таълим йўналиши (мат.-информатика, касбий таълим, пед.-психология, мактабгача тарбия ва болалар спорти, тарих, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, кимё ва экология, геогр. ва иқтисодий билимлар асослари, биол. ва инсон фаолияти хавфсизлиги, ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз тили, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, физика-астрономия, бошланғич таълим) бўйича бакалаврлар, 3 мутахассислик (ўзбек тили, биол., кимё) бўйича магистрлар тайёрланади. 2003/04 ўқув йили ин-тда 4633 талаба таълим олди, 360 ўқитувчи, жумладан, 5 фан д-ри ва проф., 68 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т фаолияти И. Т. Ёрматов, Д. Т. Тухлиев, У. Абдиев, Г. Парлаев, М. Б. Бобоев, Ш. Эргашев, М. Миркомилов, Г. Б. Ниёзов каби проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ин-тда «Чотқол зиёкори» газ. нашр этилади (2002 й.дан). 2004 й. гача ин-т 1,4 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. Республиканинг шим.-шарқида. 1938 й. 15 янв.да ташкил қилинган. Шим. ва шим.-гарбдан Қозоғистон Республикаси, шим.-шарқдан Қирғизистон Республикаси, шарқдан Наманган вилояти, жан.дан Тожикистон Республикаси, жан.-гарбдан Сирдарё вилояти б-н чегарадош. Майд. (Тошкент ш. майдонисиз) 15,3 минг км². Аҳолиси (Тошкент шаҳри аҳолисисиз) 2,4 млн. кишидан зиёд (2004). Вилоят таркибида 15 та туман (Бекобод, Бўка, Бўстонлиқ, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Қўйи Чирчиқ), 17 шаҳар (Ангрен, Бекобод, Бўка, Дўстобод, Келес, Олмалиқ, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Тўйтепа, Чиноз, Чирчиқ, Янгийўл, Янгиобод, Ғазалкент), 18 шаҳарча (Алимкент, Бўзсув, Гулбаҳор, Зафар, Искандар, Красногорск, Нуробод, Олмазор, Салор, Туябўғиз, Чигириқ, Чорвоқ, Эшонгузар, Янгибозор, Янгичиноз, Янгиҳаёт, Ўртаовул, Қибрай), 146 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — *Тошкент* ш.

Табиати. Вилоятнинг шим. ва шим.-шарқий қисмлари Ғарбий Тяньшан тоғлари ва унинг тармоқлари (Қурама, Писком ва Угом тоғлари) б-н банд. Энг баланд жойи Писком тизмасидаги Аделунг тоғи (4301 м). Чатқол ва Қурама тоғлари орасида Оҳангарон дарёси кесиб ўтган, Оҳангарон платоси жойлашган. Вилоят ҳудудининг катта қисми Сирдарё томон қияланиб борадиган тоғ олди текислиги (Чирчиқ—Оҳангарон водийси)дан иборат. Оҳангарон дарё водийси, Қурама тоғи, Ангрен—Олмалиқ атрофида фойдали қазилмалардан мис, полиметалл рудалари, олтин, кумуш, кўрғошин, алюминий хом ашёси, қўнгир кумир, молибден конлари, плавик шпати ва дала шпати, турли хил қурилиш материаллари бор. Термал ва минерал сув захиралари кўп. Вилоят кучли сейсмик зонада жойлашган. Айниқса, Чирчиқ ва Оҳангарон ҳавзаларида аниқ сезиладиган зилзилалар бунинг ифодасидир. Жуда кучли зилзила 1868 й.да Тошкентда бўлиб ўтди ва 1966 й.да такрорланди. Турли интенсивликлари ер ости силкинишлар вақт-вақти б-н ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Иқлими кескин континентал. Қиши нам, нисбатан илиқ, ёзи узоқ, иссиқ ва қуруқ. Янв.нинг ўртача т-раси — 1,3°, —1,8°, энг паст т-ра —34° (текисликда), —38° (тоғ этакларида), июлнинг ўртача т-раси 26,8°, энг юқори т-ра 43—47°. Текислик қисмида йилига 250 мм, тоғ олдиларига 350—400 мм, тоғларда 500 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг кўп қисми баҳор ва қишда ёғади. Қор тоғлардагина узоқроқ сақланади. Вегетация даври текислик қисмида 210 кун. Дарёлари Сирдарё ҳавзасига мансуб (Сирдарё — ўрта оқими, уз. 125 км ва унинг ирмоқлари — Чирчиқ, Писком ва Оҳангарон). Булар Тяньшан тоғларидан бошланади ва сувидан электр энергия олишда ва суғориш ишларида фойдаланилади. Суғориш каналлари: Бўзсув, Қорасув, Далварзин, Тошкент ва б. *Тузбўғиз сув омбори* («Тошкент денгизи»), *Чорвоқ сув омбори*, *Оҳангарон сув омбор*лари бор.

Тупроқлари: текисликда бўз тупроқ, тоғ этакларида (500—600 м баландликкача) типик бўз тупроқ, ундан баландроқда чим-қўнгир, юқорироқда ўтлоқи-дашт тупроқ, дарё террасаларининг қуйи қисмида, ер ости суви юза жойларда ўтлоқи ва ботқоқ тупроқ, дарё водийларида аллювиал тупроқлардан иборат. Т.в.нинг текислик қисми тўла ҳайдалган. Сирдарё бўйларида кичик тўқайлар (терак, тол, жийда, ҳар хил буталар) мавжуд. Тоғ этаклари ва тоғларда (1200—1400 м баландликкача) тоғ даштлари, юқорироқда сийрак арчазорлар, 2000 м дан баландда субальп ва альп ўтлоқлари бор. Дарё водийларида терак, тол; тоғ этаклари ва тоғларнинг ўртача баландликларида олмазор ва ёнгоқзорлар учрайди, тоғолча ўсади. Текисликларда сариқ юмронқозиқ, қўшоёқ, калтакесаклар, чўл тошбақалари, қалқонтумшуқ илон ва б., Сирдарё тўқайларида чиябўри, толай қуёни, қобон; тоғ этаклари ва тоғларда айиқ, тулки, тоғ қўйи, жайра, бўрсиқ, каклик, тўрғай, арча болтатумшуғи ва б., тоғ дарёлари ва жилғаларда қора балиқ, осман, лаққача учрайди. Вилоят ҳудудида «Чимён», «Бурчмулла», «Боғистон», «Хумсон», «Оқтош» каби болалар оромгоҳлари, иқлимий курорт ва дам олиш уйлари бор. Тошкентдан 20 км узоқликда «Тошкент минерал сувлари» бальнеологик курорти жойлашган. Т.в.да Угом-Чатқол миллий боғи (майд. 574 минг га) ташкил этилган. Бошқизилсой бўлимида метеорология ст-яси (1956 й.дан) фаолият кўрсатади.

Т.в. қадимдан Буюк ипак йўлидаги илм-фан, ҳунармандчилик, маданият тараққий этган маконлардан бири бўлган. Хўжакент яқинидаги гордан топилган тош даврига мансуб одам суягининг қолдиқлари ва қоялардаги суратлар бу воҳада қадимда ибтидоий одамлар яшаганлигидан далолат беради.

Воҳанинг иқлим шароити, серсувлиги, дарё бўйи ва тоғ олди минтақаларининг ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига бойлиги қад. тош даврида ёқ одам яшаши учун қулай имконият яратган. Т.в.нинг қад. аҳолиси тўғрисида мил. ав. 5—2-асрларга оид Юнон, Хитой ва б. Шарқ манбаларида бази маълумотлар сақланиб қолган. Ўлкани археологик жиҳатдан 19-а.да Н. И. Веселовский, А. А. Диваев, Н. П. Остроумов, Е. Т. Смирнов ва б. ўрганилар. 1920—30 й.ларда М. В. Воеводский, Г. В. Григорьев, В. Д. Жуков ва А. И. Тереножкинлар, 1941 й.дан М. Е. Массон раҳбарлигида Ўрта Осиё ун-ти археология кафедраси аъзолари, 1950 й.дан Ўзбекистон ФА-нинг археолог олимлари Я. Ғ. Ғуломов, Ў. Исломов ва Р. Ҳ. Сулаймоновлар вилоят ҳудудида текширув ишлари олиб бордилар. 1958 й.дан Т.в.нинг ўрта аср шаҳарлари ва қад. конларини Ю. Ф. Буряков, 1966 й.дан Тошкент ш.ни В. А. Булатова раҳбарлигидаги гуруҳ илмий равишда ўрганган.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида Т.в. археологик харитасига 760 га қад. манзилгоҳ, шаҳар ва қишлоқ харобаси, қад. конлар, қабристонлар, мудофаа ва ирригация иншоотлари туширилди. Т.в.да ибтидоий одамлар қолдирган дастлабки излар палеолит даврига тўғри келади. Бу даврга оид одамлар яшаган горлар ва очиқ манзилгоҳлардан бири *Кўлбулоқ макони*дир. Кўлбулоқ яқинидаги Қизилолмасой ва Қўшсойдан қад. тош қуроллар ясалган устахона топилган. Мустье даврига оид манзилгоҳлар *Обираҳмат гори*дан, Хўжакент қишлоғи яқинидан, Чирчиқ воҳасида эса Қорақамиш ва Шўралисойдан топилган. Янги тош даври (неолит)га оид ашё Тошкент ш.нинг ғарбида Қўшилиш деган жойдан топилган. Бу даврда қуроллар майдалашган ва сони кўпайган. Т. в.нинг жез даври (мил. ав. 2-минг йиллик) топилмалари Андроново, Тозабоғён маданиятига оиддир. Тош ва тўкма тупроқдан қилинган қабристон қўрғонлар Чирчиқ ва унинг ирмоқлари бўйида, Обираҳмат, Бурчмулла (қ. *Бурчмулла хазинаси*) қишлоқлари, Искандар шаҳарчаларида очилган. Қабрлардан Андроново маданиятига хос қўлда ясалган сопол идишлар, билагузук, марварид ва маржонлар топилган. Жез давридан бошлаб рангдор ва қимматбаҳо металлар тоғ ён бағридаги конлардан қазиб олина бошлаган. Темир даврида вилоят ҳудудида скиф қабилаларнинг сак-массагет иттифоқига кирган элатлар яшаган. Уларга тегишли ёдгорликлар мил. ав. 6—4-асрларга оиддир. Бу давр қабристонларидан (Бурчмулла яқинида) тирнаб безалган сопол идишлар, тош ва кумушдан ясалган зеб-зийнат буюмлари топилган. Чирчиқ водийсида Бурганлисойдан темир даврига оид сопол, металл, тошдан ясалган уй-рўзғор буюмлари, жумладан, чойнаксимон тумшуқли ва қулоқли қозонлар ва меҳнат қуроллари топилиб ўрганилган. Идишлар думалоқ шаклда бўлиб, сиртига ангоб бўёғи берилган. Мил. ав. 1 — мил.нинг 1-а.ларида Т.в. ҳозирги ҳудуди Қанғ давлати таркибига кирган. Т.в. ўтроқ халқларининг маданияти қўшни кўчманчи чорвадор халқлар маданияти б-н чамбарчас алоқада бўлган. Кўчманчи чорвадор халқлар ёдгорликларидан Қовунчитепа яхши ўрганилган. Оҳангарон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Қанқа (қ. *Харашкат*) харобаси энг қад. шаҳарлардан бири бўлган. Шаҳар мил. ав. 3—2 а.ларда вужудга келган. 1-а.га оид шаҳарлар Сирдарё водийсида Банокат, Оҳангарон-Оққўрғон оралигида Киндиктепа ва Қовунчитепалар бўлган. Бу ерлардан Тошкент ҳокимлигининг биринчи танга пуллари топилган. Бу даврда ҳамма майда шаҳар ва қўрғонлар Шош (Чоч) ва Илоқ (Элоқ)қа бирлашган. 7-а.да қалъалари ва майда шаҳарчалари кўплиги учун Шошни минг қалъали давлат деб таърифлаганлар. Шулардан бири Тошкентнинг шим.-да (ҳоз. шаҳар ҳудудида) жойлашган Оқтепа қўрғони бўлиб, у мустаҳкам мудофаа деворлари б-н ўралган. Илк ўрта аср шаҳарларининг арки ва шаҳристони бўлган.

Шаҳарларда ҳукумат уйлари, савдо ва ҳунармандчилик расталари тартиб б-н жойлашган. Уларнинг майд. 20 га дан 65 га гача етади. Атрофдаги тоғлардан олтин, кумуш, мис қазиб олиш натижасида ҳунармандчилик юксалган. Кулолчилик ва чорвачилик ривожлан-

Тошкент вилоят ҳокимлиги биноси.

Тоғларда баҳор манзараси.

Бўстонлиқ тумани. Табиат манзараси.

ган. Шош ва Илоқ давлатлари ўз номларидан танга пуллар зарб қилган. Тангаларнинг юз томонига ваҳший ҳайвоннинг расми (силовсин ёки барс), орқа томонига паншахага ўхшаш тамға туширилган.

Илк ўрта асрларда аҳоли ўртасида оташпарастлик кенг ёйилган. Оссуарийга одам суяклари солиб кўмилган қабрлар Тўйтепа, Қорахитой ва Туябўгиздан (қ. *Туябўгиztепа*) топилган. Оссуарийлар тухумсимон шаклда бўлиб, қопқоғига ҳайвон суратлари солинган.

9—10-а.ларда Т.в. Сомонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврда шаҳарлар ҳар томонлама ривожланган. 10-а. араб географлари Истахрий, Муқаддасий ва б. кўрсатишича, Хуросон ва Мовароуннаҳрда Шош вилояти энг кўп шаҳарли (40 тага яқин) ўлка бўлган. Энг йирик шаҳарлардан вилоят пойтахти Бинкат, Илоқ (Элоқ) давлатининг пойтахти Тункат ва йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари Харашкат, Шутуркат, Нужкат бўлган.

Қад. шаҳар харобаларида ўтказилган қазилмалар шаҳарларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва кенгайиши ҳар хил тарзда кечганлигини кўрсатади. Шаҳарлар пойтахт бўлгани, карвон йўллари устига жойлашгани, конлардан яхши фойдаланган ва чорвадор кўчманчи халқлар б-н алоқада бўлгани учун ривожланган. Шаҳарларнинг майд. 20 га дан 200 га гача бўлган. Т.в. ҳудудидан ўтган 2 машҳур карвон йўлининг биринчиси Сирдарё, Бинкат, Харашкат, Худойкат орқали, иккинчиси бир оз шимолроқдан Чинозкат, Шутуркат, Дафинганкат, Исфижоб орқали ўтган. 9—10-а.ларда кончилик ишлари, металл эритиш, кулолчилик ва тўқимачилик тараққий этган. 10-а. географларининг маълумотларига кўра, Шош, Илоқдан ҳар хил матолар, гиламлар, теридан ишланган ашёлар, ҳарбий қуроллар, эгарлар, металл буюмлар, чорвачилик маҳсулотлари ва галла ташқарига чиқарилган.

Бекобод шаҳри ёнидан Сирдарёнинг кўриниши.

Тошкент ҳунармандлари томонидан ясалган ҳунармандчилик ва зарғарлик буюмлари, қурол-аслаҳалар бутун шарқда шуҳрат қозонган.

Тошкент воҳаси ўз тарихида тақдирнинг кўп синовларини, шаҳар ва қишлоқларни вайронга айлантирган мўғуллар босқини каби оғир даврларни бошидан кечирган. Тарихий манбалардан маълум бўлишича, фақат Амир Темур даврига келиб, воҳада қайталаб ривожланиш бошланган. Кўплаб шаҳар-қишлоқлар янгидан қад ростлаб, обод бўлган. Вилоят ҳудудидаги машҳур *Занготта мажмуаси* Амир Темур томонидан қурилди. Бу ёдгорлик мажмуининг қуриб битказилиши кейинчалик Мирзо Улуғбек томонидан охирига етказилган.

Тарихдан маълучки, соҳибқирон Амир Темур Тошкент ғ. ва Тошкент воҳасига кўп марта ташриф буюрган. Сирдарё бўйидаги мўғуллар вайрон қилган Банокат ш.ни қайта тиклаб уни ўғли Шоҳрух номига Шоҳрухия деб атаган.

Аҳолиси. Т.в.даги аҳолининг зичлиги ўртача 1 км² га 157 кишини ташкил этди, асосан, ўзбеклар (60,9%), шунингдек, рус (8,1%), қозоқ (14,3%), татар (2,5%), тожик (5,0%), корейс (2,8%), украин (0,6%) ва б. миллат вакиллари яшайди (2004). Чорвоқдан тортиб Сирдарёгача вилоят аҳолиси зич жойлашган. Аниқса, бир қанча йирик шаҳарлар ҳамда ҳозирги ташкил топган Тошкент агломерациясида аҳоли жуда кўп. Т.в.даги кўпчилик шаҳарлар пойтахтни ўзкан шода шаклида ўраб олган.

Хўжалиги. Т.в. мамлакатнинг саноати юқори даражада ривожланган вилоятлардан биридир. Унинг географик ўрни иқтисодиётининг равнақ топишига имкон беради. Вилоят хўжалик комплекси, асосан, пойтахт хўжалик комплексини ташкил этади. Унда вилоят республика саноат маҳсулотининг 20%ини, электр энергиясининг 45%ини, кўмирнинг 98%ини, цементнинг 43%ини, пўлат ва металл прокатининг 100%ини, рангли металлларнинг асосий қисмини ишлаб чиқаради. Вилоятда 190 та саноат, 160 дан ортиқ қўшма, 20 мингдан ортиқ фаолият кўрсатади. Энг муҳимлари: «Ғишт-чи» (Ангрен), «Агат ва Фарҳод» (Бўстонлиқ тумани), «Металлургремонт» (Бекобод), «Орион» (Қибрай тумани).

Саноатининг етакчи тармоқлари — энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, кон металлургияси, кимё саноати, пойабзал, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик ҳамда қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш.

Вилоятда саноат корхоналаридан Бекободдаги Ўзбекистон металлургия, Олмалиқдаги кон-металлургия, Янги Ангрен, Тошкент иссиқлик электр ст-ялари ҳамда Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эриладиган металлар к-ти ишлаб турибди.

Чирчиқдаги «Электрикмёсаноат», Олмалиқдаги «Аммофос» ва Ангрендаги «Ўзбекрезинатехника» и.ч. бирлашмалари Республика кимё саноатидаги йирик корхоналардан ҳисобланади. Бу корхоналарда қ.х. ва б. тармоқлар учун азотли ва фосфорли ўғитлар, аммиакли селитра, капролактам ишлаб чиқарилади. «Ўзбеккимёмаш», «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги», «Трансформатор» корхоналарида қ.х. учун зарур бўлган пахта сеялкалари, культиваторлар, подборщиклар ва эҳтиёт қисмлар ва б. ишлаб чиқарилади.

Вилоятдаги «Тошкент-тибтехника» (Қибрай тумани), «ЎзБМЗ» (Тошкент тумани), «Гидравлика», «Ускуна қурувчи» (Зангиота тумани), Далварзин таъмирлаш заводи (Бекобод тумани), Тоғ транспорти ускуналарини таъмирлаш заводи, «Ангренгазмаш» (Ангрен ш.,) корхоналари йирик корхоналардан ҳисобланади.

Вилоятда, шунингдек, «Оҳангарон-цемент», «Сантехкўйма», «Оҳангарон-шифер», «Оҳангаронлинпласт», «Бекободцементтаъмир», «Ғазалкентойна» каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ва қайта ишланадиган корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда цемент, шифер, керамика, ойна, гишт, линолеум, темир-бетон конструкциялари каби маҳсулотлар тайёрланади.

Озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Бунда, асосан, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот тайёрланади. Бу саноат гўшт-сут, ёғ-мой, ун-қандолат, вино-арақ, тамаки ва б. тармоқларни ўз ичига олади.

Озиқ-овқат саноати пахтачилик маҳсулотлари, богдорчилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва б.га асосланади. Вилоятда 4 ун з-ди, консерва, вино, арақ, нон ва нон маҳсулотлари з-длари, шоли тозалаш корхоналари бор. Янгийўл ш. вилоят озиқ-овқат саноатининг марказларидан бири. Бу ерда ёғ, консерва, вино ва спирт з-длари, қандолат ф-каларн мавжуд. Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Бекобод, Қибрай, Зангиота, Тошкент, Бўстонлиқ туманларида ҳам озиқ-овқат корхоналари кўп.

Қишлоқ хўжалиги нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, богдорчилик, токчилик, полизчилик; тоғ этакларида ландшафт деҳқончилик (асосан, бўғдой ва арпа етиштирилади). Айниқса, мустақиллик йилларида соҳада иқтисодиётнинг кўп тармоқли турлари шаклланиб борди. Т.в.да 50 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги ва 7,5 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Бугунги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларининг ялпи маҳсулотдаги салмоғи 72%ни ташкил этади (2004).

Сўнгги 10 йилда пахта уруғчилигини ривожлантиришга эътибор ортиб борди. Вилоят пахта селекцияси ва уруғчилик соҳасида илмий изланишлар натижасида жаҳон талабларини қондирувчи тола, юқори ҳосилли ва тез пишар навлар яратилмоқда.

Т.в. 1990-й.ларгача СССРда каноп етиштириладиган ягона регион эди. Сирдарё ва Чирчиқ соҳилларида шоли етиштирилади. Кейинги йилларда вилоятда қ.х. экинлари структурасини ўзгартиришга алоҳида аҳамият берилияпти. Пахтачилик, галлачилик асосий ўринларни эгаллайди. Т.в.да шунингдек, картошка, мева ва резавор мевалар, узум етиштириш ҳам йил сайин ортиб боряпти. Пиллачилик б-н шуғулланилади. Чорвачилик ривожланган. Т.в.да 168 ширкат хўжалиги, 8 паррандачилик ф-каси бор. Чорвачилик гўшт-сутга ихтисослашган.

Т.в.даги барча жамоа ва хусусий хўжаликларида 425,5 минг бош қорамол (шу жумладан, 190,3 минг сигир), 20,2 минг чўчқа, 446,1 минг қўй ва эчки, 4018,2 минг парранда бор (2003).

Чирчиқ — Оҳангарон водийси обикор деҳқончилигининг асосий р-нидир. Вилоятдаги барча экин майд. 315 минг га, шу жумладан, ерининг 108,0 минг гектарига пахта, 135 минг гектарига бошқали дон экинлари, 5,8 минг гектарига техника экинлари, 17,4 минг гектарига картошка, сабзавот ва полиз, 39,7 минг гектарига ем-хашак экинлари экилади. Боғ, токзор 30,8 минг га ва 8,5 минг га ўрмонзорлар б-н банд, пичанзор ва яйловлар 198,5 минг гектарни эгаллайди (2003). Экинларни суғоришда, асосан, Чирчиқ дарёси, қисман Оҳангарон ва Сирдарёдан фойдаланилади.

Т.в. республика пойтахти аҳолисига сут, гўшт, тухум, мева-сабзавот етказиб беради. Картошка ва сабзавот, асосан, Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Ангрен ш.лари атрофидаги хўжаликларда экилади. Зангиота ва Қибрай туманлари Тошкент ш. аҳолисини картошка ва сабзавот б-н таъминлашга ихтисослашган. Вилоятда токчилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Боғларда асосан, нок ва олма ўстирилади. Боғларнинг асосий қисми Бўстонлиқ, Қибрай, Янгийўл, Паркент, Оҳангарон, Зангиота, Тошкент, Қуйи Чирчиқ туманларида жойлашган. Чирчиқ туманларида жойлашган. Шарқий тоғли ва тоғ этакларидаги туманларда, асосан, қўй ва эчкилар боқилади. Эчкиларнинг 40% ангор эчкилари, қўйлар эса ҳисор ва жайдари қўйлардир.

Вилоятда Қуйи Чирчиқ «Балиқчи» тажриба намунавий балиқчилик бирлашмаси, Зангиотада Дамачи балиқчилик к-ти, Янгийўл балиқ чавоқлари етиштириш давлат хўжалиги, Ихтиопатология маркази (Тошкент) ва б. бор.

Транспорт. Т.в.даги т.й. узунлиги 354,2 км. Вилоят ҳудудидан Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларни Шарқий Европа шаҳарлари б-н боғлайдиган т.й. линияси (шу жумладан, Москва — Тошкент — Туркманбоши) ўтади. Ангрен ш. ва Чорвоқ шаҳарчаси йўналишлари т.й. тармоқлари Тошкентдан бошланади. Тошкент атрофидаги т.й.лар электрлаштирилган. 2004 й.дан бошлаб Тошкент — Самарқанд йўловчилар ташувчи электр поезди қатнай бошлади. Вилоятда автомобиль йўлларининг тармоғи зич. Вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг умумий уз. 6,6 минг км (шу жумладан, қаттиқ қопламали — 5,9 минг км). Муҳим автомобиль йўллари: *Қатта Ўзбекистон тракти, Тошкент—Андижон—Ўш—Қашқар автомобиль йўли.*

Бўзсув канали.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт.

2003/04 ўқув йилида вилоятда 897 умумий таълим мактабида 519,8 мингга яқин ўқувчи таълим олди, 2 меҳрибонлик уйи (264 тарбияланувчи) фаолият кўрсатди.

Вилоятда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида янги таълим тизими шаклланмоқда. 2000 й.да вилоятнинг 45 нафар ўқувчиси «Умид» жамғармаси орқали чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртларига жўнатилди. 2004 й.да Бўстонлиқ туманидаги 38-мактаб қошида АҚШ USAID ташкилотининг Ўрта Осиё ва Қозоғистонда спорт ва

Оҳангарон тумани. Қишлоқ йўлида.

Тошкент—Паркент йўли.

соғломлаштиришни тарғибот қилиш дастури асосида мактаб ўқувчилари б-н спорт ҳафталиги ўтказилди. Т.в.нинг барча шаҳарларида ҳамда Қибрай, Пискент туманларида «Боғча-мактаб» мажмуалари ташкил этилган. Бу мажмуаларда болаларга чет тили, компьютер саводхонлигини ўргатиш, алифбосиз ўқишга эътибор берилган. «Меҳр ва мурувват йили» муносабати б-н Олмалиқ ш.даги 80-сонли махсус интернат мактаби биносини мукаммал таъмирлаш учун Олмалиқ тоғ-металлургия к-ти томонидан 350 млн сўм миқдорида маблағ ажратилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. 1998—2003 й.ларда янги қурилиш ва қайта таъмирлаш ҳисобига 29 та касб-ҳунар коллежи, 4 академик лицей фойдаланишга топширилди. Т.в. ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 4 академик лицей ва 67 та касб-ҳунар коллежи мавжуд бўлиб уларда 57,4 мингга яқин ўқувчи таълим олмоқда. 2004 й.да Тўйтепа ш.да ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ўқув-лаборатория жиҳозлари ва ускуналари б-н таъминлаш, турли мавзуларда илмий-амалий семинар ўтказиш лойиҳалари бўйича танловлар ташкил қилиш борасида Жан. Корея, Германия давлатлари б-н ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бўйича 2003 й.да Америка ҳамкорлик ташкилоти (АКСЕЛС) иштирокида «Аъло таълим учун мукофот» дастури асосида лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорлари, инглиз тили ўқитувчиларининг тақдимот семинарлари ўтказилди.

2004 й.да 757 ўқувчи ўқишни имтиёзли диплом б-н тугатди. Вилоятда 2 олий ўқув юрти (Тошкент аграр ун-ти, Тошкент вилоят педагогика ин-ти) бор. Уларда 10,1 минг талаба таълим олди (2004).

Т.в.да энг йирик и.т. институтлари, боғдорчилик, токчилик ва виночилик, ғўза селекцияси ва уруғчилиги, пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик ва ўрмон хўжалиги, суғориш техникаси и.т. институтлари, қ.х.гини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё ин-ти, Ўрта Осиё рангли металлургия лойиҳалаш, Шоликорлик и.т. институти ва б. жойлашган.

Т.в.да 4 ўлкашунослик музейи, 501 оммавий кутубхона (7141,6 минг нусха асар), 169 клуб муассасаси, 35 болалар мусиқа ва санъат мактаби (6323 ўқувчи), маданият уйлари, 746 бадиий ҳаваскорлик жамоалари, 3 маданият ва истироҳат боғи бор. Т.в. ва Тошкент ш.дан *Тўйчи ҳофиз*, *Зокировлар*, *Ражабовлар* сулолалари, ака-ука *Шожалиловлар*; Ўзбекистон халқ ҳофизлари: Муҳаммаджон *Каримов*, Фахриддин *Умаров*, Очилхон *Отахонов*; Ўзбекистон халқ артистлари: Турғун *Алиматов*, Ориф *Алимахсумов*, Нуриддин *Ҳайдаров*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Матқаримов ва б. етишиб чиқдилар. Вилоятда халқ ҳунармандчилиги ривожланган.

«Чиноз тўқимачи ЛТД» корхонаси йигирув цехида.

Соғлиқни сақлаш. Т.в.да 10361 ўринли 96 касалхона муассасаси, 42 дорихона, вилоят тез тиббий ёрдам маркази бўлимлари, 334 амбулатория-поликлиника муассасаси ишлаб турибди. Шулардан 174 қишлоқ врачлик пункти, 43 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 11 стоматология поликлиникаси, талабалар поликлиникаси ва 195 фельдшер-акушерлик пункти ва б. тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатади.

Т.в.да ўтган 1996—2003 й.лар мобайнида 174 қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. 119 қишлоқ шифокорлик амбулаторияси ва фельдшер-акушерлик пунктлари қишлоқ шифокорлик пунктларига айлантирилди. 1999—2003 й.ларда вилоятда 150 ўринли вилоят клиник шифохонаси, 170 ўринли вилоят туғруқ мажмуаси, 90 ўринли вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, 60 ўринли наркология диспансери, 120 ўринли вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансери, 100 ўринли вилоят силга қарши кураш диспансери, аёллар репродуктив саломатлигини тиклаш маркази, Юқори Чирчиқ туманида 40 ўринли «Нуроний» шифохонаси, Бекобод, Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Қибрай туманларида янги туғруқ мажмуалари ишга туширилди. Улар замонавий тиббиёт аппаратлари, асбоб-ускуналар б-н жиҳозланди. Т.в.даги барча тиббий муассасаларда 5032 дан зиёд врач, 22106 ўрта тиббий ходим ишлайди. Вилоят ҳудудида 95 та болалар оромгоҳлари, 5 та дам олиш зоналари, 10 санаторий, 14 та санаторий-профилакторий, 3 дам олиш уйлари, 7 та пансионат, 2 болалар санаторийси фаолият кўрсатади. Тошкент ш.дан 90 км шим.-шарқда Чатқол тоғ ён бағирларида «Чимён» дам олиш зонаси жойлашган.

Дўстобод шаҳри. Хотира хиёбони.

Спорт. Вилоятдан спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, сув полоси, мини футбол, қўл тўпи, шахмат ва б. бўйича спортчилар мамлакат мусобақаларида иштирок этиб келмоқдалар. Т.в.да 49 стадион, спорт мажмуаси, 16 сузиш ҳавзаси, 38 теннис корти, отчопар, велотрек, 624 спорт зали, 45 отиш тири, 683 баскетбол, 994 волейбол, 359 қўл тўпи, 667 футбол майдони бор. Бугунги кунда 1701 та жисмоний тарбия ва жамоаларида 600 мингга яқин киши жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланади.

Ўтган давр мобайнида вилоятда ўндаб жаҳон, Осиё, республика чемпионлари етишиб чиқди. Д. Мансуров эркин кураш, Р. Саидов ва И. Альбораовлар бокс, Э. Акбаров, С. Зокиров, А. Бобожонов ва М. Каликуловлар дзю-до, М. Иноятова стол тенниси, Д. Турчин, М. Тарасов, Ю. Борзова, Д. Стрижковлар байдарка ва каноэ, В. Смирнов енгил атлетика, С. Цой сузиш бўйича Афина 2004 Олимпиадасига йўлланмаларни қўлга киритишди. Катар давлати пойтахти Доха ш.да бўлиб ўтган стол тенниси бўйича Осиё чемпионатида А. Дюгай олтин медалга сазовор бўлди. 2004 й. май ойида Доғистоннинг Махачқала ш.да ўтказилган йирик халқаро турнирида Д. Мансуров 1-ўринни эгаллади. Вилоят жамоаси республика миқёсида улоқ, енгил атлетика, бокс, дзюдо, стол тенниси, қўл тўпи, волейбол ва б. спорт турлари бўйича 1- ва совринли ўринлар соҳиблари бўлишди.

Чирчиқ шаҳрида 1941—45 й.лардаги уруш қурбонлари хотирасига ўрнатилган «Турналар» ёдгорлиги.

Вилоятда спорт турлари орасида футбол тобора оммавийлашмоқда. Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг олий лигасида «Дўстлик» (Тошкент вилояти), «Металлург» (Бекобод), «Кимёгар» (Чирчиқ), «Семург» (Ангрен) жамоалари вилоят шарафини ҳимоя қилмоқдалар. «Дўстлик» командаси икки бор мамлакат чемпиони ва бир марта билур соврини соҳиби бўлди.

Т.в.да халқаро тоифадаги спорт усталари, спорт усталигига номзодлар, 1-тоифадаги спортчилар тайёрланди.

Адабиёти. Тошкент воҳаси Шарқ адабиётининг қад. марказларидан. Шайх Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзилган асарида Мавлоно Лутфийнинг она ватани Тошкент бўлган, деган фикр илгари сурилган. 14—16-а.ларда шоир Бадриддин Чочий, машҳур тарихчи, ҳуқуқшунос, таржимон *Зайниддин Восифий Кўҳакий*, 16-а.да Хожа Аҳрор Т.да яшаб ижод қилганлар. *Жомий* ҳам таклифи б-н Тошкентда зиёрат бўлган ва улуғ мазоротларни зиёрат қилган. Тошкентлик тарихчи ва географ олим *Муҳаммад Солиқ* «Тарихи жадидаи Тошканд» асарини ёзди. Дилкашлар Гулшан, Алмаий, Камий каби шоирлар вояга етди. *Акмалий*, *Низомхонтўра*, Мирмухсин Шермуҳамедов, *Сидқий Хондайлиқий* (Шавкат), Хислат, Мисканий, Таваллоо каби истеъдодлар етишиб чиқди. Шоир Акмал етук олим сифатида ҳам ном чиқарган. Дилафгорнинг тошбосмада девони чоп қилинган. Элбек туркolog-тилшунос, таржимон ва журналист сифатида ижод қилди. 20-а.нинг 20—30-й.ларидаги Тошкент адабий ҳаётида Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Боту, Зиё Саид, Ойдин, Зулфия, Ғайратийларнинг ўрни катта. Т.да В. Ғафуров, А. Убайдуллаев, Музайяна Алавия, М. Самадов, Усмон Умрзоқлар ижод қилдилар. Ўзбекистон халқ шоири *Рауф Парфи*, ёзувчи Ҳ. Султонов, шоирлар Абдулла Шер, Ш. Салимова, М. Тоиров, О. Отахоновлар Т.в.да туғилиб камол топган адабиёт намояндаларидир.

Оҳангарон туманидаги «Пайғамбар ота» зиёратгоҳи.

Матбуот, радио ва телевидениеси. Т.в.да 2 та вилоят («Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда»), 16 туман, 9 шаҳар газ. чиқади. Вилоятда, шунингдек, 17 тармоқ, 7 жамоат газ. ва 1 жур. нашр этилади. 38 матбаа корхонаси фаолият кўрсатади.

Т.в.да (Тошкент ш.да) тажриба радиоэшиттиришлар дастлаб 1926 й. бошланган. 1927 й. 11 фев.да қуввати 2 кВт бўлган оммавий радиостанция ишга туширилиб, мунтазам радиоэшиттиришлар олиб борилган. 1929 й.дан бошлаб мунтазам радиогазета эшиттиришлари берилган. 1930 й.дан қуввати 20 кВт бўлган РВ радиостанцияси ишлай бошлаган.

Республика миқёсидаги эшиттиришлардан ташқари, Тошкент ш. ва вилоят радио тингловчилари учун ҳар куни Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят радиоэшиттириш бош таҳририяти тайёрлаган эшиттиришлар берилади (1971 й.дан). Шунингдек, «Ориат-Доно», «Ориат-FM» радиостанциялари фаолият кўрсатади.

Телевизион эшиттиришлар 1956 й. 5 нояб.дан бошланган. 1971 й.дан рангли телевизион кўрсатувлар берилмоқда. Тошкент ш. ва Т.в. учун мўлжаллангли кўрсатувлар бош таҳририяти «Ўзбекистон» ахборот дастури, «Шаҳар юмушлари», «Давра суҳбати», «Мулоқот», «Ҳамшаҳарлар», «Шаҳар портрети», «Оила», «Мезон», «Олтин бешик», «Баҳс» каби кўрсатув туркумларини тайёрлайди. Вилоятда, шунингдек, «Олмалиқ—ТВ», «Пўлат», «Чирчиқ—ТВ», «Бекобод ойнаи жаҳони», «Орбита ТРК» телестудиялари ишлаб турибди.

Меъморий ёдгорликлари. Вилоят ҳудудида илк ўрта асрларда бунёд этилган шаҳар, кўшк ва саройлар хароба ҳолида тупроқ остида қолиб кетган. Ўрта асрларга оид йирик меъморий биноларнинг аксари қисми Тошкент ш.да бунёд этилган. Улардан 14—19-а.ларда қурилган мақбара ва мадрасаларнинг айримларигина ҳозиргача сақланган.

Зангиота мажмуаси Т.в.даги энг машҳур, Ўрта Осиёдаги ноёб меъморий ёдгорликдир. Зангиота қишлоғида жойлашган мазкур ёдгорлик 15—20-а.лар давомида қурилган. Зангиота мақбараси, пештоқли айвон, зиёратхона, гўрхоналардан иборат. Мажмуа таркибида *Анбар биби мақбараси* ҳам бор.

Бекобод туманида Қизилмозор мақбараси жойлашган. Т.в.даги туман марказларида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига, жумладан Чирчиқ ш.га кираверишда, Бўзсув канали соҳилида, Янгийўл ш.да, Паркент ш.даги ёдгорликлар ўрнатилган.

528—529....-бетлар орасидаги Тошкент вилоятининг табиий ва иқтисодий рангли харитасига қ.

«ТОШКЕНТ ВИНО КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — вино саноатининг йирик корхонаси. Узум виноси, арақ маҳсулотлари, хом спирт ва тозаланган спирт, узум ва олма шарбати, қайта ишлаш учун вино маҳсулотлари ишлаб чиқаради «Ўзмевасабзавот узум саноат» холдинг компанияси таркибида. 1867 й. Тошкентда рус савдогар ва саноатчиси И. И. Первушкин асос солган. 1914 йилга келиб 60 минг дал вино ишлаб чиқарган.

Октябрь тўнтаришидан кейин национализация қилиниб, «Турквино» трести таркибига кирди. 1927 й.да «Ўзбеквино»га 7-завод бўлиб қўшилди. Паркент ва Қибрайда вино хом ашёси тайёрланадиган пунктлар очилди. 30-й.ларда з-д кўп тармоқли хўжаликка айланди. 1962 й.да з-д вино комбинатига айлантирилди. 70-й.ларда қуввати 3 млн.дал вино қўйишга мўлжалланган цех, қуввати 3 млн. дал арақ маҳсулотлари тайёрловчи цех, қуввати 450 минг дал бўлган спирт цехи ишга туширилди. 1994 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти. Маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади. Корхонада тайёрланган «Ҳосилот», «Алоатико», «Буваки», «Херес», «Фарҳод», «Офтоби» каби ичимликлар, «Тошкент» арағи халқаро кўргазмаларда олтин, кумуш ва бронза медаллари б-н тақдирланган. 2003 й.да (минг дал) арақ — 825, вино — 1298, спирт — 725 ишлаб чиқарди.

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ — Ўзбекистоннинг шим.-шарқий қисмидаги воҳа. Тошкент вилоятининг катта қисмини эгаллайди. Ғарб ва жан.-ғарбда Сирдарё б-н чегараланади, шарқда Чирчиқ ва Оҳангарон водийлари бўйлаб, Ғарбий Тяньшан системасидаги Қоржонтов, Угом, Писком, Чатқол ва Қурама тизмалари оралигига кириб боради. Т.в. қалимдан (7—11-а.лар) йирик деҳқончилик р-ни ҳисобланган. Воҳа, асосан, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари б-н суғорилади. Т.в.ни суғориш учун Захариқ, Бўзсув, Қорасув, Салор, Жўнариқ, Шим. Тошкент, Юқори Тошкент каби каналлар ва кўплан-кўп ариқлар, Туябуғиз, Чорвоқ каби сув омборлари қурилган.

Т.в.нинг мутлақ баландлиги ғарбида 250 м, шарққа томон эса 1000—1100 м га кўтарилади. Воҳа, асосан, адирлар, тоғ олди текисликларидаги дарё терраса (кўҳна қайир) ларидан иборат. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари Сирдарёга қуйилгунгача 5 та терраса ҳосил қилади. Уларнинг усти лёсс ва лёссимон говак жинслардан ташкил топган. Водий бўйлаб тоғлар ичкарисига кириб борган сари террасаларининг сони ортиб боради. Оҳангарон дарёси водийсида (Турк қишлоғидан юқорида) 12 та, Писком дарёси водийсида (Нанай қишлоғи яқинида) 20 та терраса аниқланган. Палеозой эрасига мансуб қаттиқ отқинди жинслар (порфир, порфирит ва туфлар) тоғ тизмаларининг ён бағирларидагина очилиб қолган. Палеоген ва неогенга хос бўлган оҳактош, қумтош, гил ва мергель ётқизиқлари кенг тарқалган.

Т.в. иқлими мўътадил континентал. Ўртача йиллик т-ра 12°—13°, янв.да ўртача т-ра 0, энг паст т-ра —30°, — 35°. Июль ойининг т-раси 27—28°, баъзан, 40—42°. Йиллик ёғин 245—280 мм; тоққа яқинлашган сари (Кўкорол, Бўзсув, Тошкент, Тўйтепа) 310—350 мм, ҳатто 380 мм. Мутлақ баландлик б-н бирга ёғин миқдори ҳам ортиб боради. Чирчиқ ва Паркентда 500—550 мм. Турк қишлоғи ва Чорвоқ яқинида 600—700 мм га етади. Ёгиннинг 40% баҳорда, 30—35% қишда, 16—17% кузда, 5—9% ёз фаслида тушади. Воҳада ер ости суви кўп, геологик ётқизиқларга боғлиқ ҳолда турлича чуқурликда, сувайирғич жойларда, дарёларининг юқори террасаларида 20—25 м, дарё бўйларида, жарликларда 1,5—2 м чуқурликда учрайди.

Т.в., асосан, тоғ олди бўз тупроқлар минтақасида жойлашган. Дарёларнинг қайирларида ва қуйи террасаларда ўтлоқ аллювиал, ўтлоқ-ботқоқ, ботқоқ тупроқлар учрайди. Бу тупроқларда чиринди миқдори 2—6%, 7—8%. Воҳанинг суғориладиган ерларида пахта, каноп, сабзавот ва полиз экинлари, баҳорикор ерларда бошоқли дон экинлари (бугдой, арпа, шоли, сули), маккажўхори, хашакли усимликлар етиштирилади. Қайрағоч, мажнунтол, сада, чинор, теракнинг бир неча тури; оқ акация, эман каби 900 хилга яқин дарахт ва бута турлари; олма, нок, беҳи, анор, анжир, ўрик, шафтоли, бодом, ёнғоқ, олхўри, жийда, олча, гилос каби мевали дарахтлар усади. Ҳайвонлардан бўрсиқ, тулки, чиябури, бури ва б. сут эмизувчилар учрайди. Типратикан, тошбақа, юмронқозиқ, курсичқон, қўшоёқлар, судралиб юрувчилардан калтакесак, кўлвор илон, сувилон, қушлардан тувалоқ, суфитургай, тасқара, зарғалдоқ, тустовуқ, загизғон, қарқунoқ, майна, саъва, каклик, бедана кўп.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ — врачлар малакасини ошириш, ихтисослаштириш ва илмий кадрлар тайёрлаш муассасаси. 1932 й.да ташкил этилган. Дастлаб Ўрта Осиё врачлар малакасини ошириш ин-ти деб номланган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Ин-тда 4 ф-т (терапия, хирургия, педиатрия, тиббиёт профилактикаси ва умумий амалиёт шифокори), 4 курсни ўз ичига олган 48 кафедра, 11 и.т. институти, илмий марказлар, 13 кўп профилли касалхона, 6 поликлиникада база, марказий илмий талқиқот лаб., аспирантура, кутубхона ва б. бор (2004). Ин-тда 287 ходим, жумладан 65 проф., 151 фан номзоди, 6 Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, 12 Республикада хизмат кўрсатган врач унвонли ходим фаолият кўрсатади (2004). 60 тиббиёт мутахассислиги бўйича малака оширилади. 1992 й.дан бошлаб ин-тда ҳар йили 8—10 минг мутахассис ўқийди. Ин-т бирламчи амбулатория-поликлиника тизимида ишлаётган терапевт ва педиатрларни умумий амалиёт мутахассислиги бўйича қайта тайёрлашнинг узоқ муддатли дастурини амалга оширади. Ин-т проф. ўқитувчилари йирик халқаро анжуманларда иштирок этиб, хорижий давлатларда ўз малакаларини оширадилар. Ин-т *Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти*нинг олий тиббий мутахассислар тайёрлайдиган базаси ҳисобланади. Ин-тда Халқаро семинар ва симпозиумлар ўтказилади. Ин-т монография, дарслик, услубий қўлланмалар ва илмий ишлар тўплами нашр этади.

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ — ўрта асрларда шаҳар мудофаа деворига ўрнатилган дарвозалар. Т.д. тарихий манбаларда *Бинкат* дарвозаларидан маълум. *Ибн Ҳавқал*нинг ёзишича, Бинкат арк, шаҳристон, ички ва ташқи рабоддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мудофаа девори б-н ўраб олинган. Аркнинг 2 дарвозаси, шаҳристоннинг Аббос (Абул Аббос), Кеш (Қаср) ва Жунайд (Гунбаз) деб аталган 3 та дарвозаси бўлган. Ички рабоднинг Работи Ҳамдейн (Хумдон), Оҳанин (темир қопланган), Мир (амир), Фаркон (Анҳор бўйи), Суркада, Карманж, Кўйи Сахл, Рошидизак, Кўйи Хоқон, Кўшки Деҳқон деб аталган 10 та дарвозаси, ташқи рабоднинг эса Фағкат (Паркат), Хаскат (Хушкат), Сандижак (Сангдизак), Оҳанин, Бакрдизак, Сакрак, Сағрбод (Бофарид) деб аталган 7 дарвозаси бор эди.

Шаҳар ҳудудининг кенгайиши б-н шаҳар девори ҳам, у бўйлаб ўрнатилган дарвозаларнинг ўрни ва номлари ҳам ўзгариб турган. Шаҳар ягона мудофаа девори б-н ўраб олиниб, мустаҳкам истеҳкомга айланган. Тарихчи *Муҳаммад Солиҳ*нинг ёзишича, 14-а. охирида шаҳарнинг 12 дарвозаси [Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чиғатой, Суъбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон, Қангли, Бешоғоч, Қатағон] бўлиб, уларни қўриқлаш маълум бир қабила вакилларига топширилган, шу туфайли дарвозалар қабила номлари б-н аталган.

Тошкентнинг рамзий калитлари.

Абдуллахон II 1580 й. Тошкентни қамал қилганда шаҳарга 6 тарафдан ҳужум қилишга фармон берган. «Абдулланома» да шаҳарнинг Фаркат, Шибли, Кўкча, Туркистон (янги қурилган), Самарқанд, Регистон каби дарвозалари бўлганлиги қайд этилган. Кейинги асрларда шаҳар мудофаа девори ташқи душманлар ҳужумлари таъсирида вайрона ҳолига келган. *Юнусхўжа* даврида қайта тикланган. *Қўқон хонлиги* Тошкентни хонликка қўшиб олгач (1810), *Лашкар қушбеги* томонидан шаҳар девори қайта таъмирланиб, ҳар ер, ҳар ерда миноралар қурилган, янги дарвозалар ўрнатилган.

Тошкент подшо Россияси томонидан босиб олинган вақтда (1865), унинг қуйидаги 12 дарвозаси бўлган: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар. Бундан ташқари, Қорасарой дарвозасидан шарқроқда бир отлиқ ўтишига мўлжалланган Тешик қофқа (Дарвишак қофқа) жойлашган бўлиб, у Дарвишхон (16-а.) замонида очилиб, дарвоза ўрнатилган; яна бир қофқа Бешоғоч ва Камолон оралигида бўлган.

Дарвозаларни қўриқлаш дарвозабонларга топширилган, улар тонгда дарвозаларни очиб, қоронғи тушиши б-н ёпиб қўйганлар. Т.д.нинг ҳар бирининг алоҳида рамзий калити бўлган.

19-а.нинг 70—90-й.ларида шаҳар ҳудудининг кенгайиши ва Т.д.га эҳтиёж бўлмагани сабабли улар бузиб ташланган. Ҳоз.да Т.д. жойлашган ерларни аниқлаш ва рамзий дарвозалар ўрнатиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент дарвозалари (19-а.нинг 2-ярми).

Тошкент ёғ-мой комбинати маҳсулотлари.

Ад.: Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Абдулланома, 1 ва 2-ж., Т., 1999—2000; Ўринбоев А., Бўриев О., Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида, Т., 1983; Муҳаммаджонов А., Қадимги Тошкент, Т., 2002.

Машҳура Шарипова.

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ — қ. *Туябўғиз сув омбори.*

«ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — йирик ёғ-мой корхоналаридан бири, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси таркибида. Пахта чигитини қайта ишлаш негизида маргарин, озиқ-овқат ёғлари, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш учун ишлатиладиган ёғлар, қадоқланган ва салат ёғлари, майонез, тозаланмаган ёғ, саломас ёғи ишлаб чиқаради. И.ч.нинг иккиламчи маҳсулотлари — шулха ва кунжарани чорвачилик хўжаликларига сотади.

Корхонанинг маргарин ишлаб чиқарувчи 1-навбати 1965 й.да, пахта ёғи ишлаб чиқарадиган (и.ч. қуввати суткасига 360 т чигит) 2-навбати 1971 й.да фойдаланишга топширилди. 1992 й. йиллик қуввати 22,4 минг т бўлган қуйма маргарин з-ди қуриб ишга туширилди. 1994 й.да корхона очиқ турдаги «Тошмарёг» акциядорлик жамиятига айлантирилди. 2003 й.дан акцияларининг 62,4%нин сотиб олган Лихтенштейнинг «Беглан инвестмен» компанияси иштирокидаги қўшма корхона. 2003 й.дан корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини яхшилаш учун четдан пальма, кокос, кунгабоқар, соя ёғлари сотиб олади.

2003 й.да 19901 т озиқ-овқат саломаси, 17650 т маргарин маҳсулотлари, 25 т майонез, 786 т қадоқланган мой, 3447 т ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлари экспорт қилинади.

ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ — Тошкент ш. сейсмик жиҳатдан фаол зона (8—9 балли сейсмик р-н)да жойлашган. 1866—68 й.лар ва 1966 й.даги зилзилалар кучли зилзилалар сирасига киради. 1866 й. 26 апр.дан 27 апр.га ўтар кечаси содир бўлган зилзила оқибатида мозор ва жоме масжидларининг гумбазлари, жумладан, Хожа Аҳрор жоме масжиди гумбази, аҳоли яшайдиган иморатлар қулаб, кўплаб қурбонлар бўлган. Бу ҳақда 19-а.да яшаган тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жалидаи Тошканд» асарида ҳикоя қилган. Ундан ташқари, Тошкентда 1868 й.нинг 4 февраль ва 4 апрель, 1886 й.нинг 29 ноябрь, 1924 й.нинг 7 июнь, 1946 й.нинг 3 ноябрь кунларида 7 ва 8 балли зилзилалар бўлган. Бу зилзила ўчоқлари Тошкентдан ташқарида жойлашган бўлиб, кучи 8—9 баллга етган. 1966 й. 26 апр. соат 5 дан 22 мин. ўтганда Тошкентда кучли зилзила содир бўлди. Зилзила ўчогининг чуқ. 8—10 км бўлиб, энергияси 10^{14} жоулга тенг, эпицентрда (собиқ Қашқар маҳалласи ва Лабзак ўрнида) вертикал зарблар кучли бўлиб, силкиниш 8 балл. Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 5,3, максимал вайроналик майдони — 10 км² га етди. Бу майдон шим.-гарбдан жан.-шарққа чўзилган. Зилзилага сабаб бўлган Қоржонтов тектоник дарзлиги шу йўналишда 8—10 км чуқурликни қамрайди. Бу зилзилани ер юзидаги 100 дан ортиқ сейсмик ст-ялар қайд қилди. Биринчи кучли зарбадан сўнг силкинишлар сони 500 дан ортган, улардан бир нечтасининг кучи 7 баллга яқинлашган. Айниқса, 1966 й.нинг 7, 9, 24 май, 4 июнь, 29 июль кунлари содир бўлган тебранишлар уй-жойларни вайрон қилган. Асосий тебраниш 1966—68 й.лар мобайнида юз бериб турган бир қанча афтершоклар б-н давом этди. Зилзиланинг қайталаб туриши 2000 дан ортиқ бўлганлигини Марказий сейсмик ст-я қайд қилган. Тошкент ш. геологик жиҳатдан Тяньшан тог тизмаси гарбидаги Тошкент — Мирзачўл тог олди чукмасига жойлашган. Т.з. тектоник характерга эга. Зилзила ўчоги палеозой, мезозой-кайнозой тог жинслари ёнлашган зонада жойлашган. 1957 й.дан бошлаб, Тошкент минерал иссиқ сувлари (1300—1400 м чуқурликда) таркибидаги радон гази миқдори орта борди. 1965 й.нинг ўрталарида 2 баробар кўпайди ва Т.з.гача шу миқдор сақланди. Зилзила рўй бергач, радон миқдори ластлабки ҳолатга қайтди. Демак, 1965 й. ўрталарида чуқурликдаги тог жинсларининг зичлашиш жараёни тўхтаб, деформация бошланган. Бунда зилзила ўчогидаги тог жинсларининг ҳажми ўзгарган, сўнгра жинслар массасининг узилишига олиб келган. Радон зилзила даракчиси эканлиги исботланди. Зилзила натижасида 2 млн. м² дан ортиқ турар жой, 236 маъмурий бино, 700 га яқин савдо ва умумий овқатланиш жойлари, 26 коммунал хўжалик корхонаси, қарийб 180 ўқув юрти, шу жумладан, 8 минг ўринли мактаб, 36 маданий маиший муассаса, 185 тиббий ва 245 саноат корхонаси бинолари зарар кўрди. 78 минг оила, 300 минг киши бошпанасиз қолди, 8 киши ҳалок бўлиб, 150 га яқин киши жароҳатланган. Зилзиладан зарар кўрган Тошкентга қўшни республикалардан гамхўрлик кўрсатдилар. Бошпанасиз қолганларни жойлаштириш, саноат ва савдо корхоналари ишини қайта ташкил этиш ва б. талбирлар белгиланди. Зилзила оқибатида вайрон бўлган уй-жойлар ўрнида зилзилабардош янги бинолар қад кўтарди. Қисқа вақт ичида шаҳар қиёфаси ўзгарди. Тошкент гўзал, замонавий шаҳарга айланди. Тошкент зилзиласини синчиклаб ўрганиш натижасида бу жойларда бир қанча сейсмоген зоналар аниқланган ва уларнинг харитаси тузилган. Кейинги пайтларда шу зоналарда бир қанча кучли зилзилалар содир бўлган. 1977 й. Янгийўл яқинида, 1977 й. Товоқсойда, 1980 й. Назарбекдаги зилзилалар шулар жумласидандир. Т.з. Ўрта Осиёда сейсмология фанининг ривожланишига сабаб бўлди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қиргизистонда сейсмология илмий тадқиқот ин-тлари очилди. Ўзбекистон ФА қошидаги *Сейсмология институти* ходимлари зилзилани олдиндан айтиб бериш, унинг сабаб ва оқибатларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Тошкентда зилзила бошланган вақт.

Ад.: Ташкентское землетрясение 26 апреля 1966 г. Т., 1971; Ибрагимов Р. Н., Сейсмогенные зоны Среднего Тяньшаня. Т., 1978.

Рашод Ибрагимов.

ТОШКЕНТ ИККИНЧИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ — умумий амалиёт шифокори ва тиббий профилактика йўналиши бўйича таянч олий ўқув юрти. 1990 й. Тошкент тиббиёт ин-ти 1- ва 2- тиббиёт ин-тларига бўлинди. Т.и.т.и.нинг Фарғона филиали мавжуд, унда тиббий профилактика йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.

Ин-тда 4 ўқув ф-ти (даволаш, тиббий профилактика, тиббий педагогика, олий маълумотли ҳамшира), 64 кафедра, аспирантура, марказий и.т. ва марказий клиник лаб., 2 клиника (жами 1120 ўринли), илмий-тиббий ахборот бўлими, музей, акад. лицей, кутубхона (200 мингдан зиёд асар), нашриёт ва босмахона бор. 3200 дан зиёд талаба, шунингдек, магистратура йўналишида 21, тор мутахассислик бўйича 250 дан зиёд резидент таълим олади (2004). Ин-т Тошкент ш.даги йирик касалхоналар ҳамда тиббиёт и.т. институтларида қўшимча клиник базаларга эга.

Ин-тда 505 ўқитувчи, шулардан 3 киши Ўзбекистон ФА акад. (Ш. И. *Каримов*, М.С. *Абдуллахўжаева*, Т. И. *Искандаров* ва б.), 113 фан д-ри, проф., 250 фан номзоди ва доцентлар фаолият кўрсатади. Т.и.т.и. д-рлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоясини қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ин-т илмий тўплам ва услубий қўлланмалар нашр этади.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ — йирик олий ўқув юртларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида. Ин-т 1934 й.да Ўрта Осиё ирригация инженерлари ва техниклари ин-ти ҳамда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ин-ти асосида ташкил этилган. 2004 й.нинг март ойигача Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ин-ти номи б-н фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 30 мартдаги қарори б-н Тошкент ирригация ва мелиорация ин-тига айлантирилди.

Тошкент иккинчи тиббиёт институтининг ўқув корпуси.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти.

Ин-тда: гидромелиорация; сув хўжалиги иншоотлари; сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш; бошқарув ва иқтисодиёт; ердан фойдаланиш ва ер кадастри ф-тлари, магистратура ва сиртқи бўлим бор, уларда сув хўжалиги ва мелиорация; сув хўжалиги иншоотлари; экология ва атроф муҳит муҳофазаси; сув ресурслари ва уларни бошқариш; сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш; сув хўжалигида автоматлаштириш ва телемеханика; касб таълими; иқтисодиёт; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; менежмент; ер тузиш ва ер кадастри каби йўналишлар бўйича бакалаврлар ҳамда магистратура бўлимида 31 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида майд. 1609 га бўлган ўқув тажриба хўжалигига эга. 2003/04 ўқув йилида ин-тда 5 мингдан ортиқ талаба ўқиди. 30 дан зиёд кафедраларда 500 га яқин проф. ўқитувчилар, шу жумладан 41 фан д-ри, проф.лар 200 га яқин фан номзоди ва доцентлар ишлади. Шунингдек, ин-т таркибида ўқув, ўқув-услубий, малака ошириш, халқаро алоқалар, илмий тадқиқот, нашриёт, аспирантура ва докторантура бўлимлари, кутубхона (630 минг асар) бор. Ин-т ҳузурида Буюк Британиянинг Лондон ш.даги «Интернэшнл Хаус-Лондон» лицейи таъсисчи бўлган иқтисодиёт ва хорижий тиллар йўналиши бўйича «Интернэшнл Хаус — Тошкент» ва табиий фанлар йўналишидаги академик лицейлар фаолият кўрсатади. Ин-тда А. Н. *Аскоченский*, Е.А. *Замарин*, *Янишевский*, Т. Н. *Қори-Ниёзий* каби йирик олимлар ишлаган. Проф. лар Ш.У. *Йўлдошев*, А. А. Рачинский, Э. Ф. Файзибоев, Ш. Муродов, Т. С. Худойбердиев ва б. олимлар фаолият кўрсатмоқдалар. Ин-т ташкил этилгандан буён халқ хўжалиги тармоқлари учун 52 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Ин-т ҳузурида номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш ишлайди. Ин-т бир неча нуфузли олий ўқув юртлари, и.т. ин-тлари АҚШнинг Вашингтон, Айова, Нидерландиянинг Вагенинген, Буюк Британиянинг Лисфаси, Германиянинг Гамбург ун-тлари б-н илмий алоқа ўрнатган ва талабалар, профессор-ўқитувчилар алмашиниш, и.т. грантлари олиш йўлга қўйилган.

Толибжон Худойбердиев.

ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИ, Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент ислом институти — олий диний ўқув юрти. 1969 й. ташкил этилган. 1971 й. окт.дан фаолиятини бошлаган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида. Динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, ислом дини асосларини ўзлаштирган, араб тилида сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлайди. Дарслар ўзбек ва араб тилларида ўқитилади. Инглиз, форс ва рус тиллари ҳам ўргатилади.

Республикамиз истиқлолига қадар собиқ Иттифоқда ягона олий ислом ўқув юрти бўлган, унда Закавказье, Шим. Кавказ, СССР нинг Европа қисми ва Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идоралари учун диний ходимлар тайёрланган. 2003 й. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарори б-н ин-т битирувчиларига бакалавр дипломи берилади.

Ин-тда 130 талаба таҳсил олади (2004).

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ — қ. *Ислом университети.*

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ — Ўзбекистондаги йирик иссиқлик электр ст-ялардан бири. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги шўъба корхона. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган. Ст-я қурилиши 1961 й. январда ускуналарни очиқ ҳолда жойлаштириш б-н бошланган. 1-энергоблоки 1963 й.да, охирги — 12-блоки 1971 й.да ишга туширилган. Унга босими 140 атм., ҳарорати 545° бўлган 500 т/соат буг ишлаб чиқариш қувватига эга агрегатлар ўрнатилган. Ҳар бир агрегатнинг қуввати 160 МВт, ст-янинг умумий қуввати эса 1860 МВт. 1975 й.да ст-я саноат эксплуатациясига қабул қилинди. Асосий ёқилғи — Бухоро гази, резерв ёқилғи — мазут. Сув б-н таъминлаш системаси — канал, соҳил насос ст-ялари, босимли қувурлар ва ишлатилган сув чиқариб юбориладиган ёпиқ каналлардан иборат. Сув *Бўзсув* каналидан олинади. Ст-я Тошкент ш. ва унинг атроф ҳудудлари истеъмолчиларини электр энергияси б-н таъминлайди; Ўрта Осиё «Энергия» бирлашган энергетика тизимига уланган, электр тизимга 110, 200, 500 кВ кучланишда узатилади. 2003 й.да 9345,7 млн. кВт-соат электр энергия ва 273,9 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқарди.

ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ — йирик олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таркибида. 1931 й. 13 авг.да Ўрта Осиё молия-иқтисод ин-ти ташкил этилган, кейинчалик Тошкент молия иқтисодиёт ин-тига айлантирилди, бу ин-т 1962—91 й.ларда Тошкент халқ хўжалиги ин-ти

Тошкент иссиқлик электр станцияси.

Тошкент иқтисодиёт университети.

номи б-н фаолият кўрсатди. 1991 й. 19 июндан иқтисодиёт ун-ти. Ун-тда иқтисодиёт ва статистика; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; тижорат; менежмент, информатика ва иқтисодий таълим педагогикаси; халқаро иқтисодий муносабатлар; халқаро бизнес; халқаро туризм ф-тлари, 46 та кафедра бор. Ун-т қошида Иқтисодиёт, бизнес, малака ошириш ва ходимларни қайта тайёрлаш ин-ти, Келажак илми экспериментал халқаро бизнес мактаби, иқтисодиёт касб коллежи, Республика иқтисодиёт академик лицейи, иқтисодий гимназия, қимматбаҳо қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш маркази, ихтисослаштирилган олий бизнес мактаби, ҳисоб ва аудит ресурс маркази, техномаркет, бизнес инкубатори, кутубхона (800 минг асар), ун-т тарихи музейи фаолият олиб боради. Ун-тда иқтисодиёт (халқ хўжалиги тармоқлари бўйича), менежмент, маркетинг, касбий таълим, информатика ва ахборотлар технологияси, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия, солиқлар ва солиққа тортиш, бизнес, божхона иши, туризм, сервис (туризм), статистика йўналишлари бўйича бакалаврлар ҳамда 24 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. 2003/04 ўқув йилида ун-тда 7804 талаба ўқиди, 535 проф.-ўқитувчилар, шу жумладан 54 фан д-ри ва 218 фан номзоди ва доцлар ишлади.

Ун-т фаолияти И. И. *Искандаров*, М.Ш. *Шарифхўжаев*, С. С. *Ғуломов*, В. В. *Ким*, М. М. Қориев, Э. А. Акромов, Ш. Ш. Шодмонов, А. У. Ўлмасов, А. Э. Ишмуҳамедов ва б. олимлар номлари б-н боғлиқ.

Ун-т дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи ун-т ва илмий марказлари б-н халқаро алоқалар ўрнатган. 1991—2003 й.ларда ун-тда 100 дан ортиқ хорижлик талабалар таҳсил олди, 500 дан ортиқ хорижлик проф.-ўқитувчилар ишлади. Ун-т АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Малайзия, Венгрия, Корея, Япония, Нидерландия, Бельгия, Россия, Қозоғистон, Украинадаги 50 га яқин нуфузли ун-тлар, ин-тлар, илмий мактаблар б-н алоқаларга эга. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий ишлар тўпламлари, «Иқтисодиёт ва таълим» журнални нашр этади.

Сайдаҳрор Ғуломов.

ТОШКЕНТ КАНАЛИ, И. А. Полвонов номидаги Тошкент канали — Чирчиқ дарёсидан сув оладиган Чапқирғоқ Қорасув дарёсида қурилган магистрал канал. 1940 й.да халқ ҳашари йўли б-н қурилган. 1958—65 й.ларда канал тубдан реконструкция қилинган. Каналга Чапқирғоқ Қорасув дарёсининг 36 км дан сув олинади, умумий уз. 62 км, бош қисмидаги сув сарфи —87 $м^3$/сек. суғориш майд. 70 минг га. Дарёнинг чап томонидаги қўриқ ерларни суғоришга имкон беради. Канал кам сувли Оҳангарон тизимини Чирчиқ дарёсининг суви б-н тўйинтиради.

Каналда Шим., Жан., Бўржар, Чилисой, Ўнг қирғоқ ва Чапқирғоқ каби тармоқларига сувчиқаргичлар, кўприклар, иккита сув тўсқич, Т.к. б-н Оҳангарон дарёси кесишган жойда 145, 94 ва 100 м узунликдаги 3 та дюкер, ўнг қирғоғида йўл қурилган. 1-дюкердан *Туябўғиз сув омбори*га Оҳангарон дарёси орқали сув ташланади. Асосий сув тақсимлаш узеллари электрлаштирилган ва телефон алоқаси б-н таъминланган. Каналнинг 1941 й.да қурилган, ўнг ва чап тармоқлари энг йирик тармоқлар ҳисобланади. Ўнг тармоқ уз. 38 км, сув ўтказиш имконияти 12 $м^3$/сек, унда 30 га яқин шаршара, тезоқар ва сувчиқаргичлар мавжуд. Чап тармоқ 20-а.нинг 60-й.ларда реконструкция қилинган. Уз. 25 км ва сув ўтказиш имконияти 26 $м^3$/сек. 1969 й.да Т.к.га Ўзбекистонда ирригация қурилиши ва сув хўжалигининг фаол раҳбарларидан бири Илёс Полвонов (1905—1969) номи берилган.

Зиёмиддин Артукметов.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ — кимё ва озиқ-овқат саноати соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент политехника ин-тининг кимё технология ф-ти асосида 1991 й.да ташкил этилган. Ин-тда 6 ф-т (фундаментал фанлар, информацион технологиялар, тест ва б.), 39 кафедра мавжуд, уларда кимёвий технология, нефть ва нефть-газни қайта ишлаш, ёғочни қайта ишлаш технологияси, машина ва жиҳозлари, биотехнология, озиқ-овқат технологияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, касб-ҳунар таълими, менежмент, маркетинг, информатика ва информацион технология йўналишлари бўйича 2000 дан ортиқ талаба таълим олади (2004). Ин-тда марказлашган таҳлил лаб., лицей, кутубхона (149 минг асар), спорт мажмуаси, компьютер хоналари, интернет хизмати ва б. бор. 235 ўқитувчи, шулардан 5 акад., 47 фан д-ри, 167 фан номзоди ва доцент ишлайди.

Ин-тда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш, экологик хавфсиз, импорт



ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган технологияларни ишлаб чиқиш, энергияни тежовчи маҳаллий минерал хом ашё базаси ташкил қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, нефть ва газлардан олинадиган маҳсулотлар турларини кўпайтириш устида и.т. ишлари олиб борилади.

Ин-т фаолияти К.С. *Аҳмедов*, М. Н. *Набиев*, А. С. *Султонов*, Ҳ. Р. *Рустамов*, М. А. *Асқаров*, М. И. *Ниёзов*, Ф. М. *Мирзаев*, Ф. Х. *Тожиев*, С. *Тўхтаев*, Б. М. *Беглов*, А. И. *Глушенкова* ва б. номи б-н боғлиқ.

ТОШКЕНТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ — қ. *Ўзбекистон консерваторияси.*

ТОШКЕНТ КУРАНТИ — Тошкентдаги тарихий меъморий ёдгорлик. 2-жаҳон урушида қозонилган ғалаба шарафига шаҳар марказида қурилган (1947, меъмори А. Муҳамедшин; безагида *Уста Ширин* қатнашган). Минорасига ўрнатилган соатни А. Айзенштейн, В. Солиҳов, Л. Маликов, А. Хишан, Г. Стрельцовлардан иборат соатсозлар бригадаси 4 циферблатли қилиб Т.к. минорасига ўрнатишган. Зилзила (1966) натижасида соат бузилган, зудлик б-н таъмирланиб, ишга туширилган. Т.к. шаҳар меъморий ансамблининг Марказий хиёбонидаги таркибий қисмидир. Т.к. қурилишида миллий меъморлик ва амалий безак санъати анъаналари қўлланилган. Ғозғон мармари б-н қопланган ва жездан ишланган металл қисмлари ўзаро уйғунлашган. Миноранинг қуйи қисмига ўзбекистонлик қаҳрамонлар номи битилган мармар лавҳа ўрнатилган. Т.к. ҳар чорак, ярим ва бир соатда занг уриб туради. 1991 й.да таъмирланган.

Тошкент куранти.

«ТОШКЕНТ ЛОК-БЎЁҚ ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — кимё саноати корхонаси. Саноат ва қурилиш, қ.х. машинасозлиги, мебель, паркет ва б. учун лок-бўёқ маҳсулотлари, локлар, бўёқлар, пигментлар, қуруқ рух оқ бўёғи ва б. ишлаб чиқаради. 1945 й.да минерал хом ашёни қайта ишлайдиган артель негизида ташкил этилган. 1948 й.дан з-днинг янги биноси қурила бошлаган. 1950 й.да смола қуюлтириш цехи, 1953 й.да эмаль ва қуюлтирилган смолага аралаштирилган бўёқ, 1962 й.да қуруқ рух белиласи, 1965 й.да сув-эмульсия бўёғи, 1968 й.да сариқ темир оксидли пигмент ишлаб чиқарувчи

Тошкент лок-бўёқ заводи маҳсулотлари.

цехлар ишга туширилди. 1965 й.да з-днинг ишлаб чиқариш қуввати 40 минг т га етди.

1999 й.дан «Тошкент лок-бўёқ заводи» очиқ акциядорлик жамияти. Устав фондидаги хорижий инвесторлар улуши 33%ни ташкил этади. З-дда асосий 5 та цехда — конденсация қилинган қатрондан лок тайёрлаш цехи, халқ металл идишлар тайёрлаш цехи, сир-истеъмоли молларини и.ч. цехи, сир-бўёқ ва қотирувчи моддалар и.ч. цехи, темир оксидли (ранг берувчи) ва қуруқ рух оқ бўёғини и. ч. цехлари фаолият кўрсатади.

Корхонада 2000 й.дан бошлаб Фарғона ёғ-мой к-ти ишлаб чиқарадиган глицерин асосидаги лок ва сир-бўёқнинг янги хиллари ўзлаштирилади; «Навоийазот» корхонасида ишлаб чиқариладиган акрил эмульсияси асосида сувли-дисперсия бўёқларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 3-дда соя ва пахта ёғи асосида «оксал» алифмойини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилди. Темир купороси эритмасини и. ч. бўйича янги технология, шунингдек, маҳаллий хом ашё турлари — ёғ кислоталари, бўр, охрадан фойдаланиб, лок-бўёқ маҳсулотларини и.ч.нинг янги технологиялари ишлаб чиқилди. Маҳсулоти чет элларга экспорт қилинади. Ўзбекистон — Россия «OXIDE» қўшма корхонаси ташкил этилган (2003). Россия (Омск, Уфа)да корхонанинг савдо уйлари очилган.

ТОШКЕНТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ — қ. *Маданият институти.*

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ — Тошкент шаҳар йўловчилар транспорти корхоналари уюшмаси таркибида. Т.м. қурилиши 1973 й.да бошланган, биринчи линиясининг 9 ст-ядан иборат, уз. 12,2 км биринчи навбати («Собир Раҳимов», «Чилонзор», «Мирзо Улуғбек», «Ҳамза», «Ёшлик», «Халқлар дўстлиги», «Пахтакор», «Мустақиллик майдони», «Марказий хиёбон» бекатлари) 1977 й. 6 нояб.да, иккинчи навбати («Ҳамид Олимжон», «Пушкин», «Буюк ипак йўли» бекатлари, уз. 4,6 км) 1980 й. 18 авг.да фойдаланишга топширилди, бекатлар сони 12 тага етди.

Т.м.нинг умумий уз. 8 км бўлган иккинчи линиясининг биринчи навбати («Алишер Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар», «Ойбек», «Тошкент» бекатлари) 1984 й. нояб.да, иккинчи навбати («Машинасозлар», «Чкалов» бекатлари) 1987 й. нояб.да ишга туш-



Тошкент метрополитенининг Собир Раҳимов — Буюк ипак йўли линиясида Бўржар канали кўприги устидан ўтган очиқ қисми.

ди. Шу линиянинг учинчи навбати 1989 й. нояб.да («Ғафур Ғулом», «Чорсу» бекатлари, уз. 2,2 км), тўртинчи навбати («Тинчлик» ва «Беруний» бекатлари, уз. 3,2 км) 1991 й. 30 апр.да ишга тушди. Бу линиянинг умумий уз. қарийб 15 км га етди.

Т.м.нинг шаҳар марказини Юнусобод турар жой массиви б-н боғлайдиган (умумий уз. 14 км) учинчи линиясининг биринчи навбати («Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатлари) 2001 й. 26 октябрда ишга тушди.

Т.м.да қатнайдиган поездларнинг ўртача тезлиги 39 км/соат, максимал тезлиги 65 км/соат. Т.м.да суткасига ўртача 270—300 минг йўловчи ташилади. Йўловчиларга қулайлик яратиш учун баъзи бекатларда эскалаторлар ўрнатилган. Метродаги «Чилонзор», «Ҳамза» бекатлари гумбазсимон, «Мустақиллик майдони» йиғма-монолит конструкцияли колонна типида, бошқа бекатлар эса колонна типида қурилган. Ҳар бир бекатнинг бадиий меъморлик ҳамда ҳайкалтарошлик нуқтаи назаридан безатилиши рамзий равишда шу бекат номини акс этдиради. Уларда маданий, монументаль декоратив ва амалий санъатнинг миллий анъаналари ўз аксини топган. Бекатларга безак беришда, асосан, ЎзРда чиқадиган қора, қизил, кулранг гранитлар, турли хил мармар, керамика, стомалит, ёгоч, ойна, турли хил металл ва б. фойдаланилган.

Т.м. 9 балли зилзилага бардош беради. Т.м.нинг умумий уз. 38,25 км, бекатлар сони 29 та (2004). Метро қурилиши ва навбатдаги йўл ҳамда бекатларни лойиҳалаш ишлари давом этмоқда.

ТОШКЕНТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ — балет артистлари ва раққос(а)лар тайёрловчи махсус олий ўқув юрти. 1947 й. Хореография билим юрти сифатида ташкил бўлган. 1997 й.дан ҳоз. номда. Ташкилотчиси ва биринчи директори Матюсуф *Харратов* (1947—58). И. Довгелли, Л. Засс, Р. Каримова, М. Тургунбоева ва б. биринчи педагоглардир. Олий мактабда ўрта махсус таълим тизими сақланган ҳолда, олий бўғинда олий маълумотли бакалаврлар тайёрланади. «Хореография педагогикаси», «Балетмейстер-режиссёр», «Хореография жамоалари раҳбарлари» мутахассисликлари бўйича талабалар таҳсил олади. Мактабда мумтоз рақс, ўзбек рақс, халқ саҳна рақси фанлари, «балет артисти» бўлимида дуэт мумтоз рақс чуқур ўргатилади. Осиё қитъасидаги шу соҳа бўйича ягона олий ўқув юрти ҳисобланади. Ўтган давр мобайнида мактабдан Қ. *Миркаримова*, Р. *Каримова*, Г. *Ҳамроева*, Г. *Маваева*, Ю. *Исматова*, Д. *Жабборова*, В. *Оқилова*, Ф. Солиҳова, Ў. Муҳамедова, З. Мадраҳимова каби республикамизнинг етук рақс усталари етишиб чиққан. Франция, Япония, Туркия, Германия, Лотин Америкаси мамлакатлари, Жан. Корея, Россия, Қозоғистон каби хорижий давлатлар б-н ўзаро ҳамкорлик, маданий-ижодий алоқалар ўрнатилган. Уларнинг йирик хореографлари, балет мактаблари б-н тажриба алмашув, «Мастер класс»лар ўтказиш йўлга қўйилган. Р. Каримова, Қ. Миркаримова, Г. Маваева, И. Киборкова, А. *Мўминов* кабилар мактабнинг етакчи педагогларидир.

ТОШКЕНТ МИНЕРАЛ СУВИ — Тошкент атрофи артезиан ҳавзасига мансуб, махсус хосса ва компонентларга эга бўлган минерал сув. Юқори бўр — сеноман ярусидаги гравелит ва қумтош қатламларида жойлашган. Дастлаб 1948 й. Эшонқўрғон структураси (Қозоғистоннинг Жан. Қозоғистон вилояти, Сариоғоч ш.)да топилган. Тошкент ш. атрофидаги сеноман ярусида ўнлаб бурги қудуғи ковланган. Бу қудуқлардан сув босим остида чиқиб, улар фонтан режимида 1,35 л/сек.дан 10,6 л/сек. лебит б-н ишлаган. Т.м.с. 1100 м дан 2345 м гача бўлган горизонтда топилган. Бу азот-ишқорли иссиқ сув бўлиб, 0,6—1,14 г/л минералланишга эга. Сувнинг жойлашиш чуқурлигига қараб, т-раси 36° дан 71° гача. Таркиби гидрокарбонат-натрийли, сульфат-гидрокарбонат-натрийли, баъзан хлорид-сульфат-гидрокарбонат-натрийли бўлиб, унда радон концентрацияси 4—9° эман, баъзи микроэлементлар (Si, Al, Fe, Ti, Mo, V) ҳам мавжуд. Гелий-аргон методи б-н аниқланишича, Т.м.с.нинг ёши 60 минглан 3,5 млн. йилгача. Т.м.с.да гелий 0,2—1,6, аргон 0,5—1,7, CO_2 1,2—1,3 ҳажмли фоизларда эриган. Сув таркибида (4,8—8,12) 10^{-6} г/л уран, (1,4—9,9) 10^{-12} г/л радий; газлардан 89,6% эриган азот, 12—18,6% кислород, 0,5—8,9 карбонат ангидрит бор. Сувнинг умумий қаттиқлиги 7,2—8,2. Шифобахш омиллари — юқори тралилиги, таркиби кремний кислота (30—40 мг/л)га бойлигидир. Т.м.с. ҳоз. вақтда *Тиббий тиклаш ва физиотерапия илмий тадқиқот институти* ва бир қанча физиотерапевтик шифохоналар: «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Чатқол», ва б.да фойдаланилади. Минерал сув таянч-ҳаракат органлари, нерв системаси, гинекологик, экзема, нейродермит, ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланади. Ундан ташқари, 1952 й.дан «Тошкент минерал суви» шифобахш ичимлик суви сифатида истеъмол қилинади. Т.м.с.дан кўплаб фойдаланиш оқибатида бурги қудуқларидан сувнинг табиий босим остида чиқиши (1 л/сек. ёки ундан кам) кескин камайиб, пьезометрик сатҳнинг мунтазам равишда пасайиши кузатилмоқда. Шунинг учун, Т.м.с. қатъий назорат остида — бальнеологик мақсадларда ҳамда идишларга қўйилиб ичимлик суви сифатида ишлатилиши лозим.

Ад.: Султанходжаев А. Н., Стойнов Т.Ф., Основные типы месторождений минеральных вод, Т., 1974.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ — молия-кредит соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган йирик олий ўқув юрти. 1931 й.да Тошкент ш.да Ўрта Осиё молия-иқтисод ин-ти ташкил этилган, унга кейинроқ Тошкент молия-иқтисод ин-ти, 1962 й.да Тошкент халқ хўжалиги ин-ти номи берилган. 1991 й. 13 майда Тошкент халқ хўжалиги ин-ти (қ. *Тошкент иқтисодиёт университети*)нинг молия-иқтисод ва ҳисоб-иқтисод ф-тлари негизида ташкил этилган.

Ин-тда 7 та ф-т (молия-иқтисод; кредит-иқтисод; ҳисоб-иқтисод; бошқарув; сиртқи молия-иқтисод; сиртқи кредит-иқтисод; сиртқи умум иқтисод) ва магистратура, 25 кафедра, академик лицей, солиқ лицейи, банк коллежи, бизнес мактаби, малака ошириш ин-ти, иқтисодий билимларни тарқатиш маркази ва б. бўлимлар фаолият кўрсатади. 2003/04 ўқув йилида ин-тда 6833 талаба таълим олди; 354 проф.-ўқитувчи, жумладан, 38 фан д-ри ва проф., 154 фан номзоди ва доцент ишлади.

Ин-т молия, банк иши, солиқ, сугурта, менежмент, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, лойиҳаларни молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, касбий педагогик таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ҳамда 19 иқтисодий мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди.

Ин-т фаолияти М. М. Қориев, Ю. Е. Шенгер, Н. Н. Шабанова, Х. Р. Собиров, М. *Шарифхўжаев*, А. Ўлмасов, З. Йўлдошев, Е. Абдуллаев, каби олимлар номлари б-н боғлиқ.

Институт мустақиллик йилларида 13500 дан ортиқ мутахассис кадрлар тайёрлади. Ин-тда аспирантура ва докторантура бор. АҚШ, Англия, Франция, Германия, Жан. Корея, Япония каби ривожланган чет эл давлатларининг турлош ун-тлари б-н ўқув-илмий соҳаларда ҳамкорлик қилади.

Мурод Шарифхўжаев.

ТОШКЕНТ НОКИ — халқ селекциясида чиқарилган кечпишар нок нави. Тошкент ш. ва шаҳар атрофида кўп экилади. Дарахти бақувват, бал. 15 м га боради. Шох-шабба кенглиги 8—9 м, сербарг. Новдалари кучли ўсади, тўқ жигарранг. Барглари йирик, тухумсимон, чўзиқ, тўқ яшил, ялтироқ, апр.нинг биринчи ярмида гуллайди. Меваси ўртача, воронкасимон, вазни 200—250 г (айримлари 300—400 г га боради). Эти оқиш-сариқ, серсув, хушбўй, сал нордонроқ. Таркибида 10,4% қанд, 16,6% қуруқ модда, 0,33% кислота бор. Уруги йирик. Кўчати экилгандан сўнг 4—5- йили ҳосилга киради. Кучли ўсадиган пайвандтагда яхши ривожланиб, мўл ҳосил беради. Окт. ойининг биринчи декадасида терилади. Ҳосилдорлиги юқори, лекин солкаш. Ҳар тупидан 500—600 кг гача ҳосил беради. Қурғоқчиликка чидамли. Меваси янв.гача яхши сақланади (яна қ. *Нок*).

ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИ — олий махсус ҳарбий маълумотли офицерлар тайёрлайдиган ўқув юрти. 1918 й. 12 июлда Туркистон совет командирлари курси сифатида ташкил этилган. 1919 й. Туркистон ҳарбий инструкторлар мактаби деб ўзгартирилган. 1922 й.дан Туркистон командирлар таркибини тайёрлайдиган бирлашган мактаб, 1943 й.дан Тошкент пиёда аскарлар билим юрти номи б-н юритилган. 1958 й.дан Умумқўшин командирлари олий билим юрти номи б-н аталган. 1991 й.дан ҳоз. номда. 1992—2003 й.лар мобайнида 2,5 минглан ортиқ офицер тайёрланган. Билим юртида Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари учун юқори малакали, олий махсус ҳарбий билимга эга офицерлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича тайёрланади: мотоўқчилар бўлинмаси командирлари; мотоўқчи қўшинлари командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари; қўшин разведкаси тактик командирлари. Билим юртида тингловчиларнинг таълим жараёни амалий ва назарий тайёргарликлардан ташкил топиб, улар босқичма-босқич амалга оширилади.

ТОШКЕНТ ОПЕРЕТТА ТЕАТРИ, Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри — Ўзбекистонда ягона *оперетта* театри. Дастлаб Самарқандда очилган (1938); 1940 й. Тошкентга кўчиб, 1948 й.гача фаолият кўрсатган. 1973 йил қайта ташкил этилиб, А. Гинзбург саҳналаштирган «Қувноқ уруш» (И. Штраус) спектакли б-н очилган. Дастлаб театрда Н. Пасикова бош балетмейстер, В. Спектр бош дирижёр бўлиб ишлаган. Т.о.т. репертуаридан дастлаб «Чанита бўсаси», «Тбилиси осмони остида», «Монмартр бинафшаси», «Сильва», «Цирк маликаси», «Гўзаллик танлови», «Донна Люция» каби замонавий ва мумтоз оперетталар ўрин олган.

80-й.лар театрнинг ижодий юксалиш даври бўлди. Театрни Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби К. Васильев (бош режиссёр), Б. *Расулов* (бош дирижёр)лар бошқарган, артистлар Л. Бессарабова, Ю. Летов, И. Шаломаев ва б. фаолият кўрсатган. Улар мумтоз («Марица», «Мистер Икс», «Лўли премьер», «Баядера», «Кўршапалак», «Лўли барон», «Вальс қироли», «Қувноқ бева», «Фраскита» ва б.) ҳамда замонавий («Малиновкада тўй», «Аёллар исёни», «Ширин мева», «Севастополь вальси», «Гусар уйланиши» ва б.) оперетталар б-н театр репертуарини бойитишган. 1981 й.да театрда биринчи ўзбек опереттаси («Қувноқ гуноҳкор», К. Васильев, Э. Солиҳов) саҳналаштирилди. 1990-й.ларда Т.о.т. жамоасига ёш истеъдодли актёр ва реж.лар қўшилди (реж.лар М. Хачатуров, А.Кудрявцев, артистлар И. Бухандзе, Н. Лапкова, К. Митрофанов, Б. Мискин, К. Измайлов, С. Ортиқов ва б.). Ўзбек композиторларининг театр б-н ижодий ҳамкорлиги кучайди (А. Эргашевнинг «Чақалоқ», Э. Солиҳовнинг «Тентак қиз» мюзикли, Э. Қаландаровнинг «Темир хотин», А. Икромовнинг «Бевалар овунчоғи» ва б.). Бу даврда «Менинг соҳибжамол маликам» (Ф. Лоу асари, реж. А. Казинер), «Голландиялик қиз» (И. Кальман, К. Васильев), «Фигаронинг уйланиши» (Бомарше асари асосида, В. Моцарт ва Ж. Россини мусиқаси, реж. В. Володченко) каби спектакллар саҳналаштирилди. «Гўзал Елена», Б. Зокиров хотирасига бағишланган «Арабча танго» (реж. М. Хачатуров), «Хонума», «Кунлардан бир кун Нью-Йоркда» (И. Берлин) сингари спектакллар сўнгги йиллар маҳсулидир. Ҳозирда театрнинг бош дирижёри — Б. Расулов, бош балетмейстер — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф. Исаева, бош рассом — А. Батиков. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Д. Миняева, З. Соловей, Ф. Мақсудов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Театр жамоаси Россия, Украина, Болтиқбўйи, Ўрта Осиё мамлакатларида гастролда бўлган.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИ — от спорти бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар, турли маросимлар ўтказиладиган, улоқ чопиладиган, отлар б-н машқлар олиб бориладиган спорт иншооти. Тошкентда расмий от спорти мусобақалари дастлаб 20-а. бошларида ўтказилган. Шаҳарда 1976 й.гача *отчопар* (ипподром) Қўйлиқ мавзеи яқинида бўлган. 1976 й. республикада энг йирик отчопар — Т.о. қурил-

Тошкент оперетта театри: 1 — «Хонума», 2 — «Сильва» спектакларидан кўриниш.

Тошкент отчопари. Тўсиқлардан сакраб ўтиш мусобақаси.

ди (Акмал Икромов тумани ҳудудида, майд. 70 га, меъморлар: Р. У. Асанов, Э. И. Гусарова). Т. о.да чавандозлик, от пойгаси, от чоптириш, йўрттириш, отларни синаш ва совитиш, машқ қилдириш майдонлари, тўсиқли йўлкалар, ветеринария лазарети, карантин хоналари, ҳовуз ва б. бор. Т.о.да мусобақалар, пойгалар ўтказиб турилади, от спортига доир машқлар бажарилади ва б. маросимлар уюштирилади. 2004 й. 30 сент. —1 окт. кунлари Т. о.да От спорти жаҳон кубогининг саралаш босқичи ўтказилди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «Вечерний Ташкент» — Тошкент ш.да кечқурун чиқадиган кундалик шаҳар газ. Муассиси — Тошкент шаҳар ҳокимияти. 1966 й. 1 июлдан чоп этила бошлаган. Ўзбек («Т.о.») ва рус («Вечерний Ташкент») тилларида нашр этилади. Шаҳар ҳаётини ёритади. Газ. саҳифаларида ижтимоий-сиёсий янгиликлар, корхона, қурилишларнинг илгор тажрибалари, тадбиркорлик, республика пойтахтининг маданий ҳаёти ва спорт кундалиги ҳақида мақолалар бериб борилади. Адабий-бадиий материаллар, ҳикоялар, очерклар, суҳбатлар босилади. Адади 25000 (2004).

ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети — малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти. 1935 й. 14 сент.да Ўрта Осиё давлат ун-тининг пед. факультети негизида педагогика ин-ти сифатида ташкил этилган. 1953—98 й.ларда Тошкент педагогика ин-ти деб номланган. 1998 й. 24 фев.да ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори б-н унга ун-т мақоми берилган. 1947 й.дан озарбайжон шоири ва маърифатпарвари Низомий номи б-н аталади. Ун-тда 12 ф-т (мат.-физика, табиий фанлар, мусиқий таълим, бадиий-графика, пед. ва психология, бошланғич таълим ва дефектология, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, чет тиллар, рус ва корейс филол. си, чақириққача ҳарбий таълим, касб таълими), шунингдек, магистрлар тайёрлаш бўйича 2 ф-т (ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассисликлари, табиий фанлар мутахассисликлари), малака ошириш ва мутахассисларни қайта тайёрлаш бўйича 2 ф-т (малака ошириш, амалий психологларни қайта тайёрлаш), 55 кафедра, ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш, инновацион технологиялар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари б-н алоқа марказлари, таълим жараёнини таъминлаш ва олий таълим муассасаларига илмий-методик ёрдам кўрсатиш ўқув бўлими, педагогик амалиёт, олий ўқув юртлараро ўқув-методик бўлим, мониторинг ва ички назорат каби 18 бўлим бор. Кутубхонасида 900 мингга яқин асар сақланади. Ун-т мат. ва информатика, физика ва астрономия, кимё ва экология, биол. ва инсон ҳаёт фаолияти муҳофазаси, геогр. ва иқтисодий билим асослари, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, пед. ва психология, касб таълими, мусиқий таълим, ўзбек тили ва адабиёти, она тили ва адабиёти (рус, қозоқ, корейс), чақириққача ҳарбий таълим, хорижий тиллар ва адабиёт, миллий истиқлол гояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш, мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, меҳнат таълими йўналиши бўйича бакалаврлар ҳамда шу йўналишларга кирган 37 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди. Ун-тда аспирантура ва докторантура ҳамда номзодлик ва д-рлик диссертацияси ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. 2003/04 ўқув йили ун-тда 13269 талаба таълим олди, 779 ўқитувчи, жумладан, ЎзР Фанлар академиясининг 3 ҳақиқий аъзоси, 40 фан д-ри ва проф., 450 фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т республикада педагог кадрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун таянч олий мактаб ҳисобланади. Ун-т фаолияти Ш. Ш. Абдуллаев, М. Асқарова, М. Г. Давлетшин, Н.М. Маллаев, Р. Х. Маллин, З. Р. Нуриддинов, С. Ражабов, Ҳ. Сулаймонов, Ҳ.Т. Турсунов, М. Шайхзода, Э. Ю. Юсупов, Я. Ғуломов, Ҳ. Ҳомидий ва б. проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ун-тда «Педагогик таълим» (1999 й.дан), «Ахборот технологиялари» (2002 й.дан) жур.лари, «Маърифат йўлида», «Педагог» кўп тиражли газ. лар нашр этилади. 2004 й.гача ун-т 74 мингга яқин мутахассис тайёрлаган. 2004 й. 23 мартда ун-т олдидаги майдонда Низомий Ганжавий ҳайкали (меъмори Валерий Аконжанян, ҳайкалтароши Илҳом Жабборов) ўрнатилди. Мазкур ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва Озарбайжон Республикаси Президенти И. Алиев иштирок этди.

Тошкент педагогика университети.

ТОШКЕНТ ПРАВОСЛАВ СЕМИНАРИЯСИ — олий диний ўқув юрти. Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси таъсис этган. 1990 й.да православ билим юрти сифатида ташкил этилган. Рус черкови Муқаддас Синодининг 1998 й. 9 апр.даги қарори б-н билим юрти семинарияга айлантирилган. Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Туркманистон давлатларидаги православиега эътиқод қиладиган фуқаролар диний эҳтиёжларини қондиради. Рус православ черкови қоидаларига мувофиқ, епархия бошқарувчиси митрополит семинария ректори ҳисобланади. Ўқиш кундузги ва сиртқи бўлимларда олиб борилади. 2003/04 ўқув йилида жами 95 нафар талаба таълим олди. Семинарияда диний билимлар б-н дунёвий фанлар, шу жумладан, ўзбек ва инглиз тиллари, Ўзбекистон тарихи, география ва б. фанлар ўқитилади.

«ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ — қимматли қоғозлар савдосини амалга оширадиган биржа. «Т.»р.ф.б. 1994 й. 8 апр.да ташкил этилган. Унинг фаолияти республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва хусусийлаштирилган давлат корхоналари негизида очиқ акциядорлик жамиятларини ташкил қилиш сиёсати б-н узвий боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётида пул гушумлари қайта тақсимланишининг янги тизими ҳисобланади. Биржанинг барча вилоятларда филиаллари ва 84 та брокерлик идораси бор (2004). 1994 й.да қимматли қоғозлар биржа савдолари йиллик айланмаси 30 млн. сўмни, 1996 й.да 2,8 млрд. сўмни ташкил этди, жаҳон стандартларига мос биржа стандарти қабул қилинди. 1998 й.да савдолар ҳажми 3,5 млрд. сўмга етди, *листинг* тартиби қабул қилинди. «Бухоротекс» акциядорлик жамияти Ўзбекистоннинг биринчи листинг корхонаси сифатида қайд этилди, шунингдек, «Бухоротекс», «Пахтабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ўзбекистон металлургия комбинати» ва «Ғаллабанк» акциядорлик жамиятлари расмий биржа рўйхатига киритилди. 1999 й.да чет эл инвесторларига эркин муомаладаги валютага акциялар сотиш савдо майдончаси иш бошлади.

2003 й.да қимматли қоғозлар б-н операцияларни амалга ошириш бўйича йиллик айланма ҳажми 35,7 млрд. сўмни ташкил қилди, эркин муомаладаги валютага 8,3 млн. АҚШ доллари миқдорида акциялар савдоси амалга оширилди. 2003 й.да унинг савдо майдонларида 1617 та акциядорлик жамиятларининг акциялари б-н 6933 та битим ва 10 та эмитентнинг корпоратив облигациялари бўйича битимлар амалга оширилди, шунингдек, умумий ҳажми 32,1 млрд. сўмлик 30,9 млн. дона акциялари сотилди.

Биржа 1995 й.да «Евросиё» фонд биржалари федерацияси (FEAS)га аъзо бўлди, 1999 й.дан Истанбул фонд биржасига, 2001 й.дан МДҲ биржалари ассоциациясига аъзо, Франкфурт фонд биржаси б-н ҳамкорлик ва ахборот алмашиш ҳақида битимлар имзоланган. Энг нуфузли халқаро биржалар (Лондон, Нью-Йорк) листингидан жой олиш бўйича алоқалар йўлга қўйилган.

Бахтиёр Ражабов.

ТОШКЕНТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ — қ. *Санъат институти.*

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗИОН МИНОРАСИ — Тошкентдаги радиотелевизион узатиш ст-яси, меъморий иншоот. Тошкентдаги 1-телевизион минора металл фермалардан (бал. 180 м) қурилган (1956; Навоий кўчаси, 69). Телекўрсатувлар кўламининг кенгайиши муносабати б-н кучли радио-телевизион узатиш ст-яси қуришга эҳтиёж туғилгач, Бўзсув каналининг ўнг соҳилида 375 м бал.да 2- Т.т.м. (Амир Темур кўчаси, 99) қурилди (1978—85; меъморлари: Ю. Семашко, Н. Терзиев-Царуков, муҳандислар Е. Морозов, М. Мушеев). Ўзаги 3 конуссимон қурилма тиргакка ўрнатилган. Ўз ўқида эркин турувчи иншоот 9 балли зилзилага бардош беради. Т.т.м.да «Коинот» ресторанининг «қизил» ва «зангори» залари (180 ўринли) ва томоша (кузатув) майдончалари бор (бал. 100 м). 220 м баландликда эса радио-телевизион ст-яси қурилган. Улар доирасимон шаклда бўлиб ташқи ва ички томонига панжара, ганч ўймакорлиги ва б. меъморий анъаналар асосида ишланган. Миноранинг ўртасида лифт, зина, ёрдамчи хоналар, метеорологик ст-я ва муҳандислик жиҳозлари жойлашган. Энг юқори қисмида 5 дастурли кўрсатувларга мўлжалланган антенна ўрнатилган.

Тошкент телеминораси.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ — т. й. транспорти ва унга тегишли асосий хизматлар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Ўрта Осиё т.й. транспорти муҳандислари ин-ти сифатида 1931 й.да ташкил этилган. 1937 й.дан ҳоз. ном б-н аталади. Ин-т таркибида 5 ф-т: ташиш ишларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими, иқтисодиёт, электромеханика, т. й. қурилиши ва сиртқи ф-тлар, магистратура маркази бор. Ин-т қошида интернат лицей фаолият кўрсатади. Ин-тда 17 йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланади. Ин-т қошидаги аспирантурада 5 та мутахассислик бўйича илмий ходимлар тайёрланади. Кафедраларнинг и.т. ишларида, лойиҳа-конструкторлик бюролари, транспорт ва қурилиш корхоналари ишларида талабалар фаол қатнашади. Ин-тда 27 кафедра, 60 лаб., тайёрлов бўлими, кутубхона (600 мингдан зиёд асар) бор. 2002/03 ўқув йили ин-тда 2800 дан ортиқ талаба ўқиди. Ин-т ташкил қилинганидан бери 50 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис етказиб берилди. Ин-т қошида талабалар уйлари, маданият саройи, поликлиника ва профилакторий, спорт иншоотлари, болалар боғчаси бор. Ин-т РФ, Польша, Литва, Украина каби мамлакатлар б-н ҳамкорлик қилади. Ин-т фаолияти А. Глушченко, А. Лаврик, Э. А. Одилхўжаев, А. Гофман ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ (ТошТУ), Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети — халқ хўжалиги, и.т., лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари учун техник ва технологик йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1918 й.да очилган Туркистон халқ ун-ти техника ф-ти заминида Ўрта Осиё пахтачилик ирригацияси политехника ин-тига 1929 й. асос солинган. 1933 й. унинг негизида Ўрта Осиё индустриал ин-ти ташкил қилинган. 1949 й. Ўрта Осиё политехника ин-тига айлантирилган, 1961 й.дан Тошкент политехника ин-ти номи б-н аталган. Ин-т негизида 1989 й. Машинасозлик ин-ти ҳам ташкил топган. 1991 й.да Политехника ин-ти ва Машинасозлик ин-ти негизида ТошТУ, *Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Тошкент кимё-технология институти* ва Самолётсозлик ф-ти ташкил қилинди. Ун-тда энергетика, электроника-автоматика ва ҳисоблаш техникаси, механика-машинасозлик, кон-геология, иқтисод-муҳандислик, нефть ва газ, фундаментал фанлар, гуманитар таълим ҳамда бизнес-бошқарув ф-тлари бор. Бизнес-бошқарув ф-ти Малайзиянинг RENONG BERXAD компанияси б-н ҳамкорликда 1994 й.да ташкил этилган. Ун-тда 93 кафедра, шу жумладан, ҳарбий кафедра, тайёрлов бўлими, 27 и.т. лаб., аспирантура, д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун 5 та ихтисослаштирилган илмий кенгаш бор. Ун-тда 1992 й.да иқтидорли ўқувчилар учун техник йўналишдаги интернат-лицей ва 1995 й.да махсус гимназия ташкил қилинди. Ун-тнинг бош кутубхонаси таркибида 7 тармоқ кутубхонаси бор (1 млн. 307 минг нусха асар). Ун-тда 33 йўналиш бўйича бакалаврлар, 66 йўналиш бўйича магистрлар тайёрланади. 2002/03 ўқув йили 11 мингга яқин талаба ўқиди, 1000 дан ортиқ ўқитувчи, шу жумладан, 70 фан д-ри ва проф. ишлади.

Тошкент техника университети.

Ун-тда техник ва технологик йўналишлар бўйича и.т. ишлари олиб борилади. Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатларининг қатор ўқув юртлари б-н ҳамкорликни кучайтириш. Россия, АҚШ, Япония, Франция, Германия, Корея каби мамлакатларнинг илм-фан, техника соҳаларидаги ютуқларини ўрганиш, иқтидорли ёшларни ўқишга юбориш, проф.-ўқитувчилар малакасини Европа андозаси асосида оширишга доир ишлар қилинмоқда. Ун-т қошида талабалар уйи, қишки ва ёзги спорт заллари, тиббиёт шохобчалари, дам олиш масканлари бор. Ун-т фаолияти Х. М. *Абдуллаев*, К. С. *Ахмедов*, Ҳ. Н. *Бойметхамедов*, У. *Орипов*, В. Р. *Рахимов*, О. У. *Салимов*, А. С. *Уклонский*, Ҳ. Ф. *Фозилов*, М. Т. *Ўрозбоев*, В. Қ. *Кобулов*, М. З. *Хомидхонов* ва б. олимлар номи б-н боғлиқ. Ун-тда илмий асарлар тўплами, дарсликлар, ўқув қўлланмалари нашр этилади. Ун-т фаолияти давомида ундан 15 та олий ўқув юрти, 3 та техник коллеж ажралиб чиққан, баъзи хорижий мамлакатларда техника олий ўқув юртлари ташкил этилишида фаол қатнашган.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ — педиатр врачлар ва болалар хирурглари тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1972 й. Тошкент тиббиёт ин-ти ҳамда Андижон тиббиёт ин-ти педиатрия ф-тлари негизида ташкил топган. 1988 й.гача Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия ин-ти деб аталган. 1989 й.дан қоз. номида. Т.т.п.и. таркибига Нукус ш.даги филиал ҳам киради. Ин-тда 3 ф-т (педиатрия, тиббий педагогика, олий маълумотли ҳамшира), 46 кафедра, 300 ўринли клиника, аспирантура, магистратура, клиник ординатура, марказий и.т. лаб., 5 ўқув музейи, кутубхона (360 минг асар), 5 ўқув зали, акад. лицей бор (2004).

2003/04 ўқув йилида 2930 талаба ва 155 магистр ўқиди. Ин-тда 428 ўқитувчи, жумладан, 50 дан ортиқ фан д-ри ва проф., 220 фан номзоди ва доцентлар фаолият кўрсатди (2004). Ин-тда д-рлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган кенгаш ташкил этилган (1977 й.дан). Ин-т б-н *Сеул* ш.даги Ёнсе ун-ти ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, мунтазам равишда ўқитувчилар ва талабалар тажриба алмашиниб туради. Ин-т илмий тўплам ва услубий қўлланмалар нашр этади.

ТОШКЕНТ ТОНГИ — эрта ўртапишар помидор нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз ва картошкачилик и.т. ин-тида Дас ва Темнокрасний навларини чатиштириш йўли б-н яратилган (Е. Е. Ермолова, 1996). Т.т.нинг стелиш муддати — уруғи униб чиққандан то биринчи теримгача 112—115 кун. Тупи паст бўйли —50 см, баргланиши ўртача, баргининг юзаси бир оз бурмали, орқа томони тукли. Меваси юмалоқ, юзаси силлиқ, қизил, вазни 115—125 г, эти ширин, суюқ. Таркибида 5,3% қуруқ модда, 3,0% қанд, С 27 мг %. С витамини бор. Ҳосилдорлиги 450—500 ц/га. 2000 й.дан Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида етиштириш учун р-ланштирилган.

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — йирик саноат корхонаси. «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» холдинг компанияси таркибига киради. Универсал чопиқ тракторлари, пахтачилик тракторлари, пахта ташиш пирамалари ишлаб чиқаради. Ўқ.-дори ишлаб чиқарилган з-д сифатида 1942 й.да ташкил қилинган. 1945 й.да озиқ-овқат машинасозлиги з-ди («Ташпролмаш») га айлантирилиб, озиқ-овқат саноати учун ускуналар ва машина хўжалик моддаси ишлаб чиқарилган. 1950 й.дан Пахтачилик машинасозлиги з-ди деб аталиб, унда пахтага дастлабки ишлов бериш учун машиналар, қуритиш-тозалаш цехлари учун ускуналар тайёрланган. 1957 й. дан пахта ташийдиган транспорт воситалари ва ГАЗ-51 автомашинаси эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилган «Ташавтоман» з-дига айлантирилган. 1967 й. да реконструкция қилинган; 1969 й. дан трактор з-ди. 1970 йдан Россиядаги Владимир трактор з-дида ишлаб чиқарилган тайёр агрегат ва узеллардан пахтачилик учун мослаштирилган (пахта модификациясидаги) Т-28Х4 тракторлари йиғилган. 1972 й. дан з-днинг ўзида тайёрланган узеллардан тракторлар ишлаб чиқарила бошлади. 1976 й. да пахта модификациясидаги анча қувватли ва тежамкор МТЗ-80Х тракторини н.ч. ўзлаштирилди. 1995 й.дан ҳозирги номда. 1997 й. дан АҚШ нинг «Кейс» фирмаси б-н ҳамкорликда трактор ишлаб чиқарадиган «Ўзбеккейстрактор» қўшма корхонаси ташкил этилди.

Тошкент тиббиёт педиатрия институти.

«Тошкент трактор заводи». Йиғув корхонаси.

Тошкент трактор заводи. Тайёр маҳсулотлар майдони.

Мустақиллик йилларида з-дда кенг кўламли савдо ишлари йўлга қўйилди. 2001 й.да Россия (Новшек, Златоуст, Қозон ва б.), 2002 й.да Туркия, Қозоғистонда савдо уйлари очилди. 2001 йдан ХХР б-н ҳамкорликда 30 от кучига эга бўлган 2 моделдаги кичик тракторлар ишлаб чиқарила бошланди, унинг кўпгина деталь ва узеллари маҳаллийлаштирилган. Корхона ТТЗ-80 ва ТТЗ-100 русумли уч гилдиракли пахтачилик ва тўрт гилдиракли универсал чопиқ тракторлари ишлаб чиқаради (2004).

ТОШКЕНТ ТУМАНИ — *Тошкент вилоятидаги* туман. 1975 й. 25 ноябрда ташкил қилинган. Шимдан Қозоғистон, шарқдан Қибрай тумани, жанубдан Тошкент ш., ғарбдан Зангиота тумани б-н чегарадош. Майд. 0,16 минг км². Аҳолиси 133,1 минг киши (2004). Туманда 1 шаҳар (Келес), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулистон, Кўктерак, Кўксарой, Масалбой, Чоштепа, Чувалачи, Юнусобод, Қизғалдоқ, Ҳасанбой) бор. Маркази — *Келес ш.*

Табиати. Туман ҳудуди Чирчиқ ва Келес дарёлари водийсида жойлашган. Рельефи, асосан, паст-баланд текислик-дан иборат. Иқлими континентал. Йиллиқ ўртача т-ра 13,3°. Январнинг ўртача т-раси —0,9°, —1,1°, энг паст т-ра —29°. Июлнинг ўртача т-раси 26,7°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин 370—390 мм, асосан, қишнинг 2-ярми ва баҳорда ёғади. Вегетация даври 235 кун. Фойдали қазилмалардан ўтга чидамли гил, шағал, қум ва иссиқ минерал сув булоқлари бор. Экинларни суғоришда Келес дарёси ва Захарик ҳамда Бўзсув каналларидан фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, рус, татар, қирғиз, кореис, уйғур ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 832 киши. Аҳолининг 24,4% саноат корхоналарида ишлайди.

Ҳўжалиги. Қ.х., асосан, чорвачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик ҳамда токчилик яхши ривожланган. Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади. Т. т. саноати қ. х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Жуними қайта ишлаш ф-каси (Келес), гишт з-ди, қурилиш материаллари, озиқ-овқат и. ч. корхоналари ва б. дан иборат.

Тумандаги жами корхоналарнинг ярмисини хусусий корхона ва фирмалар, масъулияти чекланган жамиятлар, қўшма ва жамоа корхоналари ва б. ташкил этади. «Келес-Жун» ф-каси, «ASTRA-FARIM» корхонаси, «GANJ-BAYJON» — Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналари, сутни қайта ишлаш, Ўзбекистон-Чехия насос и.ч., Ўзбекистон-Туркия мебель и. ч. корхоналари саноат фаолият кўрсатмоқдалар. Ихтиёрий бозорлари бор.

Т.т. да 12 ширкат, 72 фермер, 80 деҳқон хўжаликлари мавжуд. Қ.х. ерлари умумий экин майд. 6169 га, шундан 2630 гектар ерга буғдой, 1490 га ерга картошка, сабзавот, 1814 гектар ерга озуқа экинлари экилади. 1206 га ер тоқзор, 90 га ер ўрмон ва манзарали дарахтлар б-н банд.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 13,3 минг қорамол, 5,2 минг қўй ва эчки боқилади, 3 паррандачилик фермаси бор. Шредер номидаги боғдорчилик, токчилик ва виночилик и.т. институти, ўрмон хўжалиги и. т. институти тасарруфидаги тажриба и. ч. хўжалигида ўрмон б-н қопланган ерлар 86,14 га. 22 хил кўчат турлари етиштирилади. Туманда 20 та йўналишда автобус қатнайди. Автобус йўллари 146 км, ички хўжалик йўллари 417 км, т. й. эса 12 км. (Тошкент—Москва т.й.).

2-жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

31 мактабда 31 минг ўқувчи таълим олади (2004). 35 кутубхона, 2 маданият уйи, 30 та клуб муассасаси, «Аквапарк» бор. 3 стадион, сув ҳавзаси, 3 теннис корти, 31 спорт зали, 52 футбол, 45 баскетбол, 25 кўл тўпи, 36 футбол майдонлари мавжуд. 4,6 минг бола спортнинг 15 тури б-н, 12,9 минг киши оммавий спорт тури б-н шуғулланилар. Т.т. да 5 касалхона (440 ўрин), 12 қишлоқ врачлик пункти, 5 поликлиника ва б. тиббий муассасаларда 276 врач хизмат кўрсатади. Мустақиллик йилларида марказий поликлиника, стоматология поликлиникаси, туман марказий туғруқхонаси (130 ўрин) ва яна бир қанча қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тумандаги 60 маҳалланинг ҳар бири ўз гузарига эга. «Алишер Навоий», «Шамсиобод» ва «Ғиштқўприк» маҳаллалари Республика миқёсидаги кўрик танлови голиби ҳисобланади.

1977 й.дан «Истиқлол нури» туман газ.си чоп этилади (адади 6000 га яқин).

Эркан Ғуломов.

Тошкент тумани ҳокимияти биноси.

ТОШКЕНТ ТУПРОҚҚЎРҒОНИ — Анҳор каналининг чап соҳилида, шаҳар қалъа деворининг Қўймас (Қатағон) дарвозаси ташқариси (ҳоз. Ўзбекистон проспекти ёни)даги тепаликда 1865 й. барпо қилинган. Бу тепаликда илк ўрта асрларда қурилган Қўймас истеҳкоми бўлган, унинг қолдиқлари кейинчалик Тали Қўймас, яъни Қўймастепа деб аталган. 1865 й. июнда Тошкент подшо Россиясининг генерал Черняев бошчилигидаги қўшинлари томонидан босиб олингач, бу тепаликда зудлик б-н ҳарбий қалъа қуришга киришилди. Қалъанинг тарҳи 6 бурчакли бўлиб, баланд тупроқ кўтармалари б-н ўралган, бурчакларида мустаҳкам бастион (бурж)лари бўлган. Кўтармаларнинг айрим жойларига гиштдан деворлар ишланиб ўт очиш учун шинаклар қилинган. Ички қисмида 6 пиёдалар ротаси учун казармалар, офицерлар учун бино, лазарет (150 ўринли), ўқ-дори, кийим-бош ва озиқ-овқат омборхонаси ва порох учун ертўла қурилган. Асосий кириш йўли (шарқий дарвоза) гиштдан ҳашамдор ишланган. Кейинчалик тупроққўрғон ташқарисида устахона, аслаҳахона ва пиёда аскарлар батальони учун 2 казарма қурилган. Тошкентда европалик аҳоли учун Янги шаҳарнинг қурилиши шу тупроққўрғонни бунёд этишдан бошланди. Тупроққўрғон яқинида ҳоз. Мустақиллик майдонида губернатор саройи — «Оқ уй» қурилди. Тепаликда жойлашган қалъа Эски шаҳар устидан назорат қилиб туриш ва айни вақтда мустамлакачилар яшайдиган Янги шаҳарни кўриқлаб туриш имконини берган. 1867—83 й.ларда Т.т.дан ҳар куни соат 12 да тўп отилган. Қалъада солдатлар большевиклар ташвиқоти таъсирида бир неча марта қўзғолон кўтарганлар. 1917 й. 1 ноябрда Т.т.да шўро ҳукуматининг байроғи ўрнатилган. Ҳозир Т.т. ўрнида Республика Президенти қароргоҳи бинолари мажмуаси жойлашган.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ — пахта саноати, тўқимачилик, енгил саноат, матбаа ва қоғоз и. ч. соҳалари учун бакалавр ва магистрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент тўқимачилик ин-ти номи б-н 1932 й.да ташкил этилди, 1968 й.дан ҳоз. номи б-н аталади. Ин-т таркибида 6 ф-т: пахта технологияси ва механика, механик технология, енгил саноат технологияси, мухандис-педагогика, сиртқи, малака ошириш ф-тлари, тест синовларига тайёрлов бўлими бор. Ин-тда замонавий дастгоҳ ва ускуналар, компьютерлар б-н жиҳозланган ўқув лаб., «CENTEXUZ» сертификация лаб., тест маркази, 30 та кафедра, «Гейдельберг» фирмаси б-н ҳамкорликдаги матбаа ўқув маркази фаолият кўрсатади. Кутубхона (900 мингга яқин асар) бор. Ин-тга докторлик ва номзодлик диссертацияларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган. Ин-тда 9 йўналиш бўйича бакалаврлар, 18 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. Ин-т ташкил топгандан бери 40 мингдан ортиқ мутахассис етишиб чиқди. 2003/04 ўқув йили 3,5 мингдан ортиқ талаба таълим олди, 350 га яқин проф., ўқитувчи, шу жумладан, 35 фан доктори ва проф. ишлади. Ин-т йўлланмаси б-н 250 ёш олим чет элларда малака оширди (2004). Ин-т Халқаро тўқимачилик академияси (1995), Халқаро олий ўқув юртлари уюшмаси (1996), Халқаро ипак уюшмаси (1997) аъзоси. Ин-т олимлари Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳаларига молик пахта, ипак, тўқимачиликнинг техника-технологиялари, чиқиндисиз технология каби мавзуларда и. т. ишлари олиб боради. Ит-т қошида 5 та талабалар уйи, замонавий спорт заллари, санаторий-профилакторий, соғломлаштириш маскани, иқтидорли ёшлар академияси, талабалар конструкторлик бюроси, модалар театри фаолият кўрсатади. Ин-т фаолияти З. А. Абдуллаев, Ҳ. А. Алимова, М. Ф. Аҳмедов, А. К. Иноятов, Ф. С. Кунгурцова, С. Н. Нусратов, А. Раҳматуллаев, Т. Р. *Рашидов*, Н. И. Трусевцев, Ҳ. Ҳ. *Усмонхўжаев*, М. Т. *Ўразбоев*, М. А. *Ҳожинова* ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ, ТошДУ —қ. *Ўзбекистон миллий университети.*

ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ (1966) — Ҳиндистон б-н Покистон ўртасида 1965 й. рўй берган қуролли тўқнашувни ҳал қилиш мақсадида Покистон президенти М. Айюбхон б-н Ҳиндистон ҳукумати раҳбари Л. Б. Шастрининг учрашуви (1966 й. 4—10 янв.). Учрашув СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косыгин иштирокида ўтган. Т.у.да Тошкент декларацияси имзоланиб, унда икки мамлакат ўртасидаги жанжалли масалаларни тинч йўл б-н ҳал қилишга келишилган.

Тошкент фармацевтика институти.

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ — олий маълумотли фармацевтлар, саноат фармацияси учун муҳандис технологлар, фармацевт-педагоглар, доривор ўсимликларни парваришлаш технологияси агрономларини тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1937 й.да ташкил этилган. Ин-тда дастлаб 1 ф-т ва 10 кафедра бўлган. Ҳоз. 5 йўналиш: фармация, фармацевт педагог, саноат фармацияси, биотехнология, агрономия; 3 ф-т: фармация, саноат фармацияси, провизорлар малакасини ошириш; 22 кафедра, марказий и.т. лаб., кутубхона (450 минг асар), шунингдек, Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш маркази ва ҳ.к. бор (2004). 2003/04 ўқув йилида ин-тда 1220 талаба ўқиди, 500 дан зиёд мутахассислар малакасини оширди. Ин-тда 190 проф. ўқитувчи, жумладан, 30 фан д-ри ва проф., 100 дан зиёд фан номзоди ва доцент фаолият кўрсатади. Т.ф.н. даги илмий тадқиқотлар, асосан, маҳаллий табиий ўсимлик ва минерал хом ашёлардан дори олиш, самарали технологиялар яратиш, замонавий стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, фармация ишини ташкил этиш, дорилармонлар маркетингини ўрганиш муаммосини аниқлашга қаратилган. Ин-т таркибидаги дори воситаларини стандартлаш илмий марказида дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш, фармако-токсикологик изланиш лаб., шунингдек, тиббий маҳсулотларни сертификациялаш органи, замонавий таҳлил усуллари бўйича ўқув тренинг маркази, «Ахборот-патент ва илмий услубий бўлим» мавжуд. Ин-тда «Коамид», «Ферамид», «Кобальт-30», «Купир», «Навбахтит», «Тозаланган мумиё» ва б. дорилар ихтиро қилиниб, амалиётга татбиқ этилган. Ин-т фаолияти М. А. Азизов, Ё. Х. *Тўрақулов*, Х. Х. Ходжаматов, А. И. Генгриневич, Л. Т. Икромов, М. Н. Маҳсумов, Э. Р. Тошмуҳамедов, С. И. Аминов, А. Н. Юнусхўжаев ва б. олимлар номи б-н боғлиқ. Ин-тда илмий тўпламлар, услубий қўлланмалар ва «Фармацевтика» журнали чоп этилади.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ — фильм ва иштирокчилар сони жиҳатидан энг йирик кинофестивалдлардан. Фильмлар расмий ва информацион дастур асосида намойиш этилади. 1968 й.дан «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида ўтказилади. Дастлаб конкурссиз, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кино соҳасидаги ютуқларини намойиш қилиниши б-н бошқа кинофестивалдлардан фарқ қилган. Фестиваль доираси киноси ривожланган Япония, Ҳиндистон, Туркия каби давлатлар б-н бир қаторда миллий киноси энди шаклланаётган давлатларга ҳам мўлжалланган. Сенегаллик реж. Сембен Усмон, марокашлик Сухайл Бен Барқаларнинг фильмларининг кўриги илк бор Т.х.к.да намойиш этилди. Фестиваль давомида матбуот конференциялари, ижодий баҳслар ўтказилади. Кундалик матбуот бюллетенлари ва «Кинофестиваль йўлдоши» газ.-жур.лари фестивалнинг кундалик фаолиятини ёритиб боради. Кинофестиваль 1988 й. (10-фестивалдан бошлаб)дан конкурсли бўлди ва 5 хил мукофот таъсис этилди: энг яхши фильм учун бош совриn «Олтин семург»; энг яхши режиссёрлик иши учун «Кумуш семург»; энг яхши аёл роли учун «Олтин лола»; энг яхши эркак роли учун «Олтин арча»; миллий анъаналар сақланган фильмлар учун «Ҳўжа Насриддин» совринлари. Биринчи бош совринга «Хеч қаерга саёҳат» номли ҳинд фильми сазовор бўлди. Мустақил бўлган Т.ҳ.к. «халқаро» мақомига эга бўлиб, барча хоҳловчи давлатлар қатнашиши мумкин. 1992 й. 11-Т.ҳ.к. «Ассалому алайкум» шиори остида ўтказилди. Бош соврин австралия реж.и Марк Нофесрин фильми («Спотвуд») га берилди. 12-Т.ҳ.к. 1997 й. Чингиз Айтматов раҳбелигида ўтказилиб, бош соврин «Алвидо, азизим» (Жан. Корея) фильмига берилди.

Тошкент цирки биноси.

ТОШКЕНТ ЦИРКИ — ўзбек ва бошқа давлатлар цирк артистларининг чиқиш санъатини намойиш этувчи йирик стационар цирклардан бири. Олим ва сайёҳларнинг эсдаликларида Тошкентда цирк томошалари муаллақчи, найрангбоз, ёввойи ва уй ҳайвонларини ўргатувчи кишилар маҳорати б-н боғлангани ҳақидаги тафсилотлар, ривоятлар сақланган. Халқ сайилларида, боғ-роғларда дорбоз ва симбозлар, жонглёрлар, полвон ва бесуяклар ўз санъатларини намойиш этганлар. Айниқса, дорбозлик кенг ривож топган. 19-а. охирида Тошкентда гастролда бўлган Ф. Юпатов, В. Соболевский, А. Фаррух, Р. Канито, Е. Гамкрелидзе ва б.нинг антрепренёр труппалари муваққат биноларда томоша кўрсатган. Тошкент ярмаркаларида бир вақтда 3—4 та цирк томошаси, жумладан, ўргатилган ҳайвонлар б-н ҳам томоша кўрсатилган. Эски шаҳарда 10 минг томошабинга мўлжалланган очиқ цирк ишлаб турган. 1913 й.дан цирк труппаларининг томошалари «Колизей» биносида кўрсатила бошланган. 1914 й. охирида Воскресенье бозори ҳудуди (ҳоз. Навоий майдони) яқинида Ф. Юпатовнинг ёғочдан ишланган стационар цирк биноси қурилди. Бу ерда европалик ва рус артистлари б-н бирга ўзбек артистлари, жумладан, *Юсуфжон қизиқ* Шакаржонов, акробатчи, раққоса, чавандоз Е. Юпатова (Гўзал Елена) ва б. ҳам томоша кўрсатганлар. Т.ц.нинг биринчи бадиий раҳбари ва директори — А.В. Лапшадо (асл фамилияси Королёв). 1928 й. Карим Зарифов «Қизил Шарқ» (кейинроқ «Кооператив») цирк труппасини ташкил этди. 1930 й. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон цирклари бирлаштирилган давлат цирклари марказий бошқармаси тузилди. 1941—44 й.лар Т.ц. қошида Абдулла Гиматулин раҳбарлигидаги акробатика студияси ишлади. 1942 й. октябрда ўзбек цирки жамоаси тузилди. Бу ерда Юсуфжон қизиқ, дорбозлар — *Ташканбоевлар*, чавандозлар — *Зарифовлар*, Раҳмоновлар, Ҳўжаевлар, гимнастлар — Мадалиевлар, кейинроқ қизиқчи ва акробат Юсуповлар, рус масхарабозларидан Г. *Заставников*, П. Боровиков ва б. ишладилар. 1950—56 й.ларда Т.ц. бадиий раҳбари — Эркин Тошканбоев, 1976—90 й.лар Обиджон Тошканбоев. Тошкент зилзиласи (1966)дан кейин вақтинчалик шапито цирки ишлаб турди.

1975 й. Хадра майдонида 2597 ўринли янги Т.ц. биноси қуриб битказилди (арх. Г. Александрович, Г. Масягин; муҳандислар С. Беркович, Р. Муфтахов). Цирк биноси икки қисмдан иборат: томоша зали ҳамда унинг атрофида жойлашган вестибюль, фойе, гардероб, буфетлар ва хизмат хоналари. Бино ечимида анъанавий устун — тўсинли устун ўрнига ҳошия — ҳалқали қурилма услубининг қўлланилиши фойенн устунларидан холи қилишга ва томошабинлар учун қулай шароит яратилишига имкон берди. Шу б-н бирга фойе икки хил баландликда қурилган; юқоридагиси 7 метрли ҳалқа консоль ёрдамида тўла айлана ҳосил қилиб, катта буфет б-н бирлаштирилган. У серҳашам зинапоялар орқали пастки сатҳи б-н туташтирилган. Фойе интерьерлари цирк санъати мавзуига оид ёркин нур таратувчи рангли витраж безаклар ёрдамида вазмин оқиш тус кўринишига эга. Фойе, залга кириладиган йўлакчалар миллий анъанавий ганч ўймакорлиги, эшиклар ёғоч ўймакорлиги услубида ишланган.

Ҳайвон ўргатувчи Рустам Матчонов.
Цирк масхарабози Тўйчи Тожибоев.

1991 й.да Т.ц.га ўзбек циркининг машҳур намояндаси, дорбозлар сулоласининг асосчиси, Ўзбекистон ва Россия халқ артисти Тошканбой Эгамбердиев номи берилди. Мустақиллик шарофати б-н Т.ц. фаолиятида янги давр бошланди. Янги дастур ва аттракционлар циркнинг барча замонавий жанрларида яратилди ва улар репертуарга ўзига хос янгилик олиб кирди. Хусусан, 1991—2004 й.лар мобайнида 100 дан ортиқ цирк томошалари, 10 та цирк аттракцион ва 20 дан ортиқ мавзули томошалар саҳналаштирилди. Уларни тайёрлашда Обиджон Тошканбоев, Карима Зарипова, Эркин Тошканбоев, «Ўзбекдавлатцирк» Республика бирлашмасининг бош директори Баҳром Мажидов, саҳналаштирувчи реж.лар Эдуард Арзуманов, Нисо Алиева, Раъно Рўзихўжаева ва б. фаол иштирок этишган. Т.ц. артистлари жаҳон бўйлаб ўз санъатларини намойиш этиб келади. Халқаро кўрик ва фестивалларда турли мукофотларга сазовор бўлганлар. 1999 й. Т.ц. биноси қайта таъмирланиб, замонавий техник ускуналар б-н жиҳозланди.

Пўлат Тошканбоев.

ТОШКЕНТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ — шарқшунос кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1991 й. 15 июлда Тошкент университетининг шарқ ф-ти асосида ташкил этилган. Бакалавриатларнинг 8 та ва магистратуранинг 12 та йўналиши (жумладан, Шарқ тиллари ва адабиёти бўйича филологлар, Шарқ фалсафаси, шунингдек, исломшунослик, минтақашунослик ва халқаро муносабатларга тааллуқли ихтисосликлар) бўйича юқори малакали мутахассислар етказиб беради. Ин-тда 4 та ф-т: шарқ филологияси, иқтисодиёт, тарих, Қурияшунослик; малака ошириш ва тил ўқитиш махсус маркази, 34 та кафедра (жумладан, араб, эрон-афғон, хитой, япон, корейс филологияси, шарқ тиллари-ни ўқитиш методикаси, Марказий Осиё халқлари тарихи, манбашунослик ва матишунослик, хорижий мамлакатлар тарихи, исломшунослик, халқаро муносабатлар, менежмент ва маркетинг, хорижий мамлакатлар иқтисоди, халқаро иқтисодий муносабатлар ва б.), шунингдек, фундаментал, амалий ва инновацион йўналишларлаги 10 та илмий гуруҳ (шарқ мумтоз адабиёти тарихини ўрганиш, исломшунослик ва иқтисодиёт бўйича) ва замонавий ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатади. Ин-тда 3000 дан ортиқ талаба, 370 проф.-ўқитувчи (улардан 30 таси хорижликлар), жумладан 54 проф. ва фан д-ри, 140 доц. ва фан номзоди ҳамда 3 Ўзбекистон ФА акад. ишлайди (2004). Ин-т муассислигида «Шарқ машъали» («Маяк Востока») илмий-оммабоп жур. ва «Шарқшунослик» («Востоковедение») илмий жур. нашр этилади. Ин-т кутубхонасида 200 мингта яқин китоб жамланмаси ва 1000 га яқин ноёб қўлёзма асарлар заҳираси мавжуд.

Ин-т қошида 2 та ихтисослашган кенгаш фаолият олиб боради. Шунингдек, ин-тда Иқтидорли талабалар маркази ва Ёш олимлар кенгаши иш юритмоқда.

Ин-т дунёнинг 40 дан ортиқ хорижий мамлакатлари (жумладан, Миср, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея, Франция, Германия ва б.) университетлари ўқув юртлари ва и.т. муассасалари б-н кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш ва малака ошириш соҳаларида ҳамкорлик қилади.

Ин-тда Н. Иброҳимов, Ш. Шомуҳамедов, F. Аблураҳмонов, А. Рустамов, О. Шоматов, А. Қуронбеков, Т. Мухторов, Т. Гиёсов, F. Аҳмаджонов, М. Бобохўжаев, Т. Сатторов, М. Аҳмедова, Қ. Содиқов, Қ. Маҳмудов, М. Исҳоқов, Р. Хўжаева, А. Мўминов, С. Ғаниева каби йирик олимлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тошкент шарқшунослик институти.

ТОШКЕНТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ — халқ хўжалигининг барча соҳалари учун юрист-ҳуқуқшунослар тайёрловчи олий ўқув юрти. Тошкент ун-ти юридик ф-ти негизида 1991 й. ташкил топган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфида. Ўқув жараёни 2 босқич: бакалавриат ва магистратура босқичларида амалга оширилади. Ин-тда 3 та ҳуқуқ ва иккинчи мутахассислик ф-ти ҳамда магистратура маркази, 12 та махсус кафедра, 9 та ижтимоий кафедра бор. 3370 талаба ўқийди. 200 дан ортиқ проф.-ўқитувчилар фаолият кўрсатади (2004). Ин-тда демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантириш, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий тарғиботни кучайтиришни кўзда тутган муаммоларга оид тадқиқотлар олиб борилади. Юридик фанлари д-ри ва номзоди илмий даражасини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатади. 300 минг асарга эга бўлган асосий кутубхона, 2 мингдан ортиқ китоб жамланган ҳуқуқий ахборот хонаси бор. Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш клиникалари ташкил этилган, улар аҳолига бепул хизмат қилади. Бу клиникаларда 60 дан ортиқ талаба, ўқитувчи, амалиётчи фаолият олиб боради. Клиника аъзолари Польша, Венгрия, Россия ва б. давлатлардаги юридик клиникаларда малака оширадилар.

Ин-тда «Давлат ва ҳуқуқ», «Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили» юридик жур.лари ва «Ҳуқуқий маърифат» газ. чоп этилади. 1999 й.да ин-т қошида академик лицей ташкил қилинган.

ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛОНИ (1847) — Тошкент аҳолисининг Қўқон хонининг ноиби Азиз Парвоначи зулмига қарши кўтарган қўзголони. Қўзголонга ноибнинг Тошкент ва унга тобе ерлар аҳолисидан урушлар натижасида бўшаб қолган хазинани тўлдириш учун қўшимча 4 минг тилла солиқ йиғиш тўғрисидаги фармойиши сабаб бўлган. Қўзголон шаҳарнинг Парчабоф ва Сағбон маҳаллаларида рамазон ойининг жумага ўтар кечаси бошланиб, сўнг бошқа маҳаллаларга тарқалган, оммавий тус олган. Кўчалар ғовлар б-н тўсилган. Қўзголончилар қаттиқ қаршилик кўрсатганлар, хонлик лашкарлари уларга тўп ва милтиқлардан ўт очганлар. Қўзголонда ҳунармандлар, майда савдогарлар, камбағаллар иштирок этган. Шойи тўқиш устахонасининг эгаси Муҳаммад Юсуф-ҳожи (Маюсуф) қўзголон раҳбарларидан бири бўлган. Қўзголончилар Азиз Парвоначини ҳокимиятдан четлатиш, ортиқча солиқларни бекор қилишга эришганлар. Тошкент ш. ва унинг атрофидаги ерлар аҳолисига солиқлар борасида ўтказилган жабр-зулмлар, бунга қарши кўтарилган қўзголонлар Муҳаммад Солиҳнинг «Тарихи жадидан Тошканд» асарида батафсил ёритилган.

ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛОНИ. Вабо исёни (1892.24.6) — подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмига қарши кўтарилган қўзголон. 1892 й. май ойида Жиззахда вабо касали тарқалган. Июнь ойида Тошкентда ҳам вабо тарқалгани маълум бўлган. Янги шаҳарда 417, Эски шаҳарда 1462 бемор аниқланган. Подшо ҳукумати маъмурлари унинг фожеали оқибатларининг олдини олиш учун шошилинч чоралар кўра бошлади: 7 июнда шаҳар маъмурияти 12 эски қабристонни ёпиб, янги 4 қабристон очилишини, шаҳардан чиқиш чекланганини эълон қилган. Лекин мустамлака маъмурияти бу тўғрида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормаган, мусулмончилик одатлари, маросим қонун-қоидаларини ҳисобга олмаган. Ваъда қилинган 4 та янги қабристон ўрнига фақат биттаси очилган. Вабодан ўлганларни врачнинг рухсатисиз кўммаслик буюрилди ҳамда уларни шаҳар ичидаги мозорларга дафн этиш тақиқланди. Касал бўлиб вафот этганлар қайси кийимда бўлса, ўша кийими б-н чуқур қазилган қабрга қўйилиб, устидан оҳак сепиб белгилаб қўйилди. Бунинг устига ўлганларга жаноза ўқиш, яқин қариндошларнинг мозорга бориши ҳам тақиқланди. Марҳумларни урф-одатга кўра, кўмиш тоят мушкул юмушга айланди. Одамлар ўликни эски қабристонларга олиб бориб кўмишга мажбур бўлдилар. Полиция бундайларни топиб ҳибсга ола бошлаган. Бу сабр косаси тўлиб турган халқни қўзголон кўтаришига туртки бўлди. Халойиқ (мингта яқин киши) эшонлардан Азизёр, Абулқосимхўжа, бозор оқсоқоли Зиёмуҳаммад ва б. таниқли кишилар бошчилигида 24 июнда таёқ, кетмон, тош ва ҳ.к. б-н қуролланиб шаҳар бошлиги маҳкамасига бостириб борди. Бу ерда Тошкент ҳокими С. Р. Путинцев ва оқсоқол Муҳаммад Ёқубга қарши ҳужум қилдилар. Оқсоқол халққа дағдаға қила бошлагач, унинг бошига тошлар ёғилган. Машҳур «Тошотар воқеаси» бошланган. Оқсоқол ҳокимнинг идорасига яширинган. Халқ Путинцевдан оқсоқолни тутиб беришни талаб қилган. Путинцев тўппончасини чиқариб дағдаға қилишга ўтган. Сабр косаси тўлган халқ Путинцев ва унинг миршабларини дўппослаган, маҳкамани остин-устун қилган. Шу онда Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродеков бошчилигидаги аскарлар келиши туфайли қўзголончилар чекинишга мажбур бўлдилар. Рус аскарлар қўзголончиларнинг орқасидан қува бошлагач, ноилож қолган оломон Анҳор сувига ўзини ташлади. Эртасига Анҳордан 80 кишининг ўлиги топилди.

Қўзголончиларнинг қолган қисми Эски шаҳарга қочиб борди. Жоме масжиди олдида тўпланган оломон бу ерга кетма-кет етиб келган Гродеков бошчилигидаги аскарларни тошбўрон қилди. Бунга жавобан ўқ узилди ва 10 киши ҳалок бўлди, кўпчилиги яраланди. Шу равишда қўзголон бостирилди. Қўзголончиларнинг бир қисми оқсоқол Муҳаммад Ёқубнинг шаҳар ҳовлисини ва боғини ёқиб юборди.

Рус маъмурияти қўзголон қатнашчиларидан 60 кишини судга бериб, 3 кишини ўлимга ва 20 кишини турли муддатлар б-н қамоқ жазосига ҳукм қилди. Қўзголон вабо тарқалиши ва унга қарши ҳукумат чоралари амалга оширилаётган пайтда юзага келганлиги учун тарихий манбаларда «Вабо исёни» номида юритилган. Аслида эса у подшо ҳукуматининг мустамлакачилик ва миллий зулмига қарши қаратилган халқ ҳаракати эди.

Тошкентдаги бу қўзголон тарихда ўзбек халқининг ўз мустақиллиги ва эркинлиги учун олиб борган йирик қўзголонларидан бири бўлиб қолган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Туркистон Русия босқини даврида, Андижон, 1995.

Хуршида Юнусова.

ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛОНИ (1916) — қ. *Ўрта Осиё қўзголони.*

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ — маърифий ва и. т. ишлари олиб борадиган муассаса. 1924 й.да 3 га майдонда Ўрта Осиё ун-ти биолог олимлари ташаббуси б-н собиқ подшо генерал-губернаторининг шаҳар чеккасидаги дала ҳовлисидаги кичик ҳайвонот бурчаги негизида ташкил этилган. 40-й.лар охирида 200 турдан ортиқ ҳайвонлар жамланган ҳайвонот боғига айланди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорига кўра, 1994—97 й.ларда Т.ҳ.б. учун барча замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган янги ҳайвонот боғи қурилди. *Ботаника боғи* яқинида жойлашган мазкур ҳайвонот боғига 1997 й. 1 сент.да Т.ҳ.б. кўчиб ўтди. Умумий майд. 22,7 га. 349 турдаги 3000 дан ортиқ жониворлар, шу жумладан, сут эмизувчиларнинг 58 тури, қушларнинг 74 тури, рептилиялар ва амфибияларнинг 26 тури, балиқларнинг 191 тури (2141 дона) сақланади (2004). Аквариум бўлимида денгиз аквасистемаси барпо этилган бўлиб, унда денгиз жониворлари, акула ва балиқлар, полиплар ва б. яшаш учун шароитлар яратилган. Ҳайвонот боғи йиртқич қушларни кўпайтиришга ихтисослашган (қорақуш, калхат, болтаютар, кондор ва б.). Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонлар

Тошкент ҳайвонот боғи дарвозаси.

Йўлбарслар сақланадиган кўра.

турларини кўпайтириш бўйича илмий ишлар олиб борилади. Чет эллардаги 86 музей б-н ҳайвонлар ва илмий ахборотлар алмашиш бўйича ҳамкорлик қилади. 1998 й.дан Европа—Осиё зоопарклар ва аквариумлар минтақавий уюшмасига аъзо. Т.ҳ.б. Ашхобод, Термиз, Душанбе, Олмаота ҳайвонот боғларини ташкил топишида бевосита иштирок этган.

ТОШКЕНТ ҲАЛҚА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ — умумдавлат аҳамиятидаги йўл. Катта ва кичик ҳалқа йўллардан иборат. Катта ҳалқа автомобиль йўлини лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари 1959—68 й.ларда бир неча босқичларда қисмларга бўлиниб амалга оширилган. Умумий уз. 67 км, қаттиқ тўшамали (48 км цемент-бетон, 19 км асфальт-бетон), I-тоифали. Транзит юкларининг Тошкент ш.ни четлаб ўтишини таъминлаш, шаҳар ичидаги транспорт қатнови хавфсизлиги ва экологияни яхшилаш мақсадларига хизмат қилади. Бу йўл халқаро аҳамиятли 3 та (М-34; М-39; А-373), 7 та умумдавлат, 10 та маҳаллий йўллар ва кўплаб шаҳар кўчалари туташадиган, умумий уз. 3372 м бўлган 22 та кўприк ва йўл ўтказгичлар, жами уз. 6125 м бўлган 160 та қувур ва б. меъморий иншоотлар барпо этилган мураккаб муҳандислик иншоотидир. Йил давомидаги ўртача кунлик транспорт ҳаракати жадаллиги 38500 автомобиль/кунни ташкил этади (2004).

Кичик ҳалқа автомобиль йўли Тошкент ш.нинг ҳудудий кенгайиши, транспорт воситалари сонининг кўпайиб бориши ва шаҳар кўчаларидаги транспорт ҳаракатини оқилона ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзр Президенти И. А. Каримов ташаббуси б-н қурила бошланди. Мазкур йўл Тошкент ш. ҳокимлигининг 2001 й. 2 июндаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 14 ноябрдаги фармойиши асосида барпо этилди. Тошкент ш. ҳудудидаги бир қанча кўчаларни бирлаштиради; қаттиқ асфальт-бетон тўшамали, уз. 32,2 км, ўртадаги ажратиш тасмасининг кенглиги 1—2 м. Қатнов қисмлари 8 тасмали бўлиб, кенглиги 32,0 м. Кунлик транспорт қатнови жадаллиги 35000—45000 автомобиль/кун.

Тоҳирҳон Мирзаев.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — Тошкент вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. Муассиси — Тошкент вилояти ҳокимлиги. Тошкент ш.да ҳафтада 5 марта чиқади. Дастлаб 1928 й. 11 дек.да «Шарқ ҳақиқати» номи б-н «Тошкент округ фирқа қўмитасининг, округ ижроия қўмитасининг ва округ касаба союзлари шўросининг нашр афкори» сифатида чоп этилган (жами 519 сони чиққан). 1930 й. 23 сент.дан «Қизил Ўзбекистон» газ.га қўшилган. 1954 й. 9 фев.дан ҳоз. номда. Газ.га турли йилларда Р. Алимов, Э. Исмоилжонов, З. Есенбоев, М. Қориев, А. Исмоилов, Н. Насимов, Ф. Муҳиддинов ва б. муҳаррирлик қилишган.

Газетнинг ташкил топишида ва дастлабки сонларидан бошлаб спесий-иқтисодий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ҳисобларига ҳозиржавоб газ. сифатида намоён бўлишида ўша даврнинг таниқли ёзувчи ва журналистлари — Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Сотти Ҳусайн, Комил Алиев, Ориф Аюповлар катта ижодий ҳисса қўшганлар. 2001 й. 7 июлдан «Т.Ҳ.» ва «Ташкентская правда» газ.ларининг бирлашган таҳририяти ташкил этилди. Газ. саҳифаларида бозор иқтисодиётини ривожлантириш, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, тадбиркорлик ҳаракати миқёсларини кенгайтириш муаммоларига доир мавзулар ёритиб борилади. Баркамол инсон тарбияси, ватанпарварлик ва юксак ахлоқий-маънавий фазилатларни шакллантириш, ҳуқуқ-тартибот масалалари газда етакчи мавзуларга айланган. Адади 12000 нусха (2004).

ТОШКЕНТ — АНДИЖОН — ЎШ — ҚАШҚАР АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ — халқаро аҳамиятли йўл, умумий уз. 940 км. Ўзбекистон (408 км), Қирғизистон (272 км), Хитой (260 км) ҳудудларидан ўтади. Йўлда денгиз сатҳидан турлича баландликда бўлган 6 та довон бор. Шулардан Ўзбекистонда Камчиқ (денгиз сатҳидан 2268 м) ва Резақ (2254 м) довонларида туннеллар қурилган (қ. *Камчиқ довони*). Қирғизистон ҳудудида Чайирчиқ (2406 м), Толдиқ (3645 м), Тоғимурун (3536 м) довонлари оша ўтилади. Қадимда *Буюк ипак йўли*нинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган карвон йўли бўлган. 20-а.нинг 30-й.ларида илк бор муҳандислик иншоотлари кўринишида, уни кесиб ўтувчи дарё ва сойларга кўприк ва қувурлар қурилиб, ер пойининг кенглигини 8 м га етказиб, қатнов қисмига шагал-тош қоплама ётқизилган ва бутун йўл йўналиши бўйлаб йўлни сақлаш хизмати ташкил қилинган, шу даврдан бошлаб халқаро аҳамиятли автомобиль йўлига айланди.

1960—70-й.лар оралиғида йўлдаги транспорт қатновининг ортиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, йўлнинг параметрлари (кенглиги) III—IV тоифага (10—12 м)га келтирилиб, тегишли зарурий қисмларига асфальт-бетон ва қора тўшамалар ётқизилиб, қайта таъмирланган.

20-а. охирига келиб йўлнинг халқаро аҳамияти кучайди. 1997 й. 24—28 апр.да Тошкент ш.да 18 мамлакат иштирокида йўлни таъмирлаш.

Тошкент кичик ҳалқа автомобиль йўлининг бир қисми.

ундан фойдаланиш ва шу йўналишда т.й. қўриш масалаларига бағишланган халқаро кенгаш ўтказилди. 1998 й. 19 февдa Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой ҳукуматлари ўртасида Т. — А. — Ў. — Қ. а.й.да халқаро автомобиль транспорти қатнови тўғрисида битим имзоланиб, йўл қурилиши бошланди.

Автомобиль йўлидаги йиллик ўртача транспорт қатнови жадаллиги йўлнинг турли участкаларида турлича: Ўзбекистон ҳудудида Тошкент — Ўш оралиғида 10000—19000 автомобиль/кун; Ўш—Саритош оралиғида 3000—4000 автомобиль/кун; Эргаштом — Қашқар оралиғида 500—5000 автомобиль/кун (2004). Йўлнинг Тошкентдан Қирғизистоннинг Ўш ш.гача бўлган қисми (А-373) асфальт-бетон тўшамали, 292 км —I тоифали, 116 км —II тоифали. Йўлнинг Ўш ш.дан Саритош шаҳарчасигача бўлган қисми (М-41) 184 км асфальт-бетон ва қора тўшамали, II — III тоифали. Саритош шаҳарчасидан — Эргаштом овулигача бўлган қисми давлат аҳамиятидаги йўл бўлиб 78 км ни ташкил қилади, қора шағал тўшамали, IV тоифага киради.

Йўлнинг ХХР ҳудудидаги 260 км ли қисми III—IV тоифали, халқаро аҳамиятли, асфальт-бетон тўшамали.

Тоҳирҳон Мирзаев.

ТОШКЕНТ — ДУШАНБА АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ (М-34) — халқаро аҳамиятли магистрал йўл, Тошкент ш.ни Қўшин Тожикистоннинг пойтахти Душанба ш. б-н боғлайди. Йўлнинг ўтмиш тарихи бундан 5000 йиллар аввалги карвон йўлларидан бошланади. 20-а.нинг 30—40-й.ларида йўлдан фойдаланиш хизмати ташкил қилиниб, автомобиль йўлига айлантирилган.

Умумий уз. 457 км. Шундан 170 км Ўзбекистон, 287 км Тожикистон ҳудудидан ўтади. Йўл Тошкент ш.дан бошланиб, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманлари, Сирдарё вилоятининг Сирдарё, Мирзаобод, Ховос туманлари, Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани орқали ўтади ва Тожикистоннинг Суғд вилоятида Зафаробод, Ўратепа, Шаҳристон туман марказлари орқали Туркистон тог тизмасидан Шаҳристон довони (3378 м.), Зарафшон тог тизмасидан Анзоб довони (3372 м; довонда «Ўштур» тунели қурилмоқда). Ҳисор тог тизмаларидан ўтиб Варзоб ш. орқали Душанбага кириб боради. Йўл ЎзР ҳудудида, асосан I—II тоифали, асфальт-бетонли. Зафаробод — Шаҳристон, Варзоб — Душанба оралиқларида қаттиқ асфальт-бетон тўшамали, II—III тоифали. Йўлнинг 200 км дан ортиқроқ бўлган тог ва довонлардан ўтадиган Шаҳристон — Варзоб оралиғидаги қисми қора шағал тўшамали, IV—V тоифали.

Ўзбекистон ҳудудида йил давомидаги ўртача кунлик транспорт қатнови жадаллиги 7000—15000 автомобиль/кунни, Тожикистон ҳудудида 1000 —7000 автомобиль/кунни ташкил қилади (2004).

Тоҳирҳон Мирзаев.

ТОШКЕСКАНСОЙ — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сой. Чатқол тизмасининг 3380 м баландликдаги музликларидан бошланади. Уз. 26 км. Ҳавзаси майд. 103 км². Ўртача йиллик сув сарфи 4 м³/сек. гача. 6 та ирмоғи бўлиб, улардан 2 таси музликлардан ва қолганлари булоқлардан сув олади. Сой Чатқол кўриқхонасидан оқиб ўтиб, Қорабузуқсойга қуйилади. Баҳор ва ёз ойларида тўлиб оқади. Сувидан Бўстонлиқ тумани экин майдонларини суғоришда фойдаланилади.

ТОШКЎМИР — юксак ўсимликлар органик қолдиқларининг парчаланиши ва атрофини ўраб турган Ер пўсти жинсларининг босими ҳамда нисбатан юқори т-рада ҳосил бўладиган қаттиқ ёқилғи. Қазилма кўмир турларидан бири. Кўнғир кўмирга нисбатан таркибида углероди кўп; зич, тим қора, баъзан кўнғир қора, ёғсимон ялтирайди, ярим ялтироқ ёки хира бўлади. Кўмирга айланиш даражасига кўра, Т. кўнғир кўмир б-н антрацит (кўмирнинг энг тоза хили) оралиғида туради. Одатда, қўлга юқмайдиган йирик ёки майда доналн бўлади. Таркибида 75—97% ва ундан кўпроқ углерод; 0,5—4% олтингугурт; 1,5% гача азот, 42 дан 7—12% гача учувчан моддалар бўлади. Т.нинг намлиги 4 дан 14% гача ўзгариб туради; кули, одатда, 2—4% дан 45% гача. Энг юқори ёниш иссиқлиги 5700 ккал/кг. Т. Ер қобиғи юқори қисмининг ўсимлик қолдиқлари парчаланишидан ҳосил бўлади. Ёнувчи массасида углерод миқдори кўпайиб, кислород, водород, учувчан моддалар камайиб боради; шу б-н бирга унинг ёниш иссиқлиги ва б. хоссалари ҳам ўзгаради. Т. силур ва девон давридан бошлаб барча геологик системаларда пайдо бўлган. Тошкўмир, перм ва юра системалари қатламларида айниқса кўп. У турли қалинликдаги (0,1 м дан бошлаб бир неча ўн м қалинликда) қатлам ҳолида бўлади. Кўмир ер сиртидан бошлаб то 2000—2500 м ва ундан ҳам чуқурда ётади. Т. турли соҳаларда: рўзғорда, энергия ёқилғиси ҳамда металлургия ва кимё саноати хом ашёси сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда Т. Шарғун ва Бойсун кўмир конларида мавжуд.

ТОШКЎМИР — Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидаги шаҳар (1943 й.дан). Норин дарёсининг ўнг соҳилида (Сирдарё ҳавзаси). 600 м баландликда. Фарғона ва Отўйноқ тоғлари б-н ўралган. Шаҳар атрофида кўмир қазиб олинади. Т.дан Қирғизистоннинг шим. ва жан. туманларини бирлаштирувчи катта автомобиль йўли ўтади. Т.й. станцияси. Аҳолиси 23,3 минг кишидан зиёд (1999 й). Кўмир кони бошқармаси, гўшт к-ти, нон, гишт, ярим ўтказгич материаллар, тамаки ферментация з-длари, босмахона, санъат саройи, маданий-маиший бинолар бор.

ТОШКЎМИР КЎМИР КОНИ — Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятида, Фарғона водийсининг шим.да, Норин дарёси бўйида жойлашган. Кон 19-а. охирларидан маълум бўлиб, геологик тузилиши ўша пайтда ва 20-а. бошларида ўрганилган. Т.к.к. 1916 й.да ишга туширилган. Конда кўмир қазиб олиш 1985—95 й.лар мобайнида анча камайган. Т.к.к. юра даври жинслари қатламларидан ташкил топган. Кўмирли қатламнинг қалинлиги 450—550 м. Унда 4 свита мавжуд (кўйидан юқорига): кўмир ости ёки базал свитаси (қалинлиги 40 м гача), кўмирли қатлам (юқори лейас, 100 м гача), кўмир устидаги қатлам (доггер, 30—150—200 м), ранг баранг қатлам (мальм, 120—150 м). Кўмирли свитада 5 кўмирли мажмуа бўлиб, улар орасида аргиллит, алевролит ва қумтош қат-

ламлари мавжуд. Кўмир қатламининг қалинлиги 0,6—4,5 м. Т. к. к. кўмири чиқиндили тошкўмир ҳисобланади. Кўмирнинг кўп қисмидан рангли металлургия к-тида, Ўш ва Фарғона ш.ларидаги иссиқлик электр ст-яларида, коммунал хўжаликларда кенг фойдаланилади.

ТОШКЎМИР СИСТЕМАСИ (ДАВРИ), карбон — Ер тарихи палеозой эраси бошидан 5-геологик давр; девон давридан кейин, пермь давридан олдин ўтган. Бу давр бундан 350 млн. йил аввал бошланиб, 65—75 млн. йил давом этган. Россия, Хитой, Японияда Т.с. 3 бўлимга, Ғарбий Европада 2 бўлимга бўлинади. Т.с. ётқизиқлари барча материкларда тарқалган. Классик кесмалари — Ғарбий Европа (Буюк Британия, Бельгия, Германия), Шарқий Европа (Донбасс, Москва синеклизаси) ва Шим. Америка (Аппалачи, Миссисипи дарёси ҳавзаси ва б.)да мавжуд. Т.с.да платформа ва геосинклиналларнинг ўзаро жойлашуви *девон даврида*гидек сақланиб қолган. Шим. ярим шар платформаларида Т.с.га мансуб денгиз ётқизиқлари мавжуд. Жан. ярим шарда эса, континентал ётқизиқлар ривожланган. Геосинклиналларда лава, туф ва туффитлар, флишлар, чақиқ ва чўкинди жинслар ҳам кенг тарқалган. Геологик жараёнлар хусусиятлари ва палеогеографик шароитларига кўра, Т.с. деярли бутун Ер шарида 2 босқичга бўлинади: 1) дастлабки (қуйи) карбон; 2) ўрта ва юқори карбон. Ўрта палеозой геосинклиналларининг катта қисмида герцин бурмаланиши натижасида дастлабки карбондан кейин денгизлар ўрни қуриган. Шим.-Шарқий Осиё, Шарқий Европа ва Шим. Америка платформаларида янги пайдо бўлган қуруқликлар ўрнини денгизлар эгаллаган. Т.с.да (айниқса, 1-ярмида) трансгрессиялар бўлиб турган. Дастлабки карбонда Европа (Скандинавия ва унга ёндош р-илар)дан ташқари, Осиёнинг катта қисми, Шим. Америка, Жан. Американинг ғарбий чеккаси, Африканинг шим.-ғарби, Австралиянинг шарқий қисми денгизлардан иборат бўлган. Денгизлар саёз бўлиб, уларда кўпгина майда ороллар жойлашган. Ягона йирик қуруқлик *Гондвана* бўлган. Кичикроқ қуруқликлар Скандинавиядан тортиб Атлантиканинг шим. қисми, Гренландия ва Шим. Америка бўйлаб ястаниб ётган. Сибирнинг Лена б-н Енисей зарёлари, Монголия б-н Лаптевлар денгизи оралиғидаги марказий қисми ҳам қуруқликдан иборат бўлган. Ўрта карбонга келиб, деярли бутун Ғарбий Европа, Ғарбий Сибирь текислиги, Қозоғистон, Ўрта Сибирь ва б. районларда денгизлар чекиниб, қуруқликлар пайдо бўлган. Т.с.нинг 2-ярмида герцин орогенези юналари (Тяньшань, Қозоғистон, Урал, Европанинг шим. қисми, Шарқий Осиё, Шим. Америкада тоғ тизмалари кўтарилган. Материклар иқлими турли-туман бўлиб, асрдан-асрга ўзгариб борган. Тропик, субтропик ва мўътадил минтақаларнинг сернам иқлими ҳамма материкларда ўрмон ва ботқоқлик ўсимликларининг кенг тарқалишига имконият туғдирган. Ўсимлик қолдиқлари тўпланиши натижасида, айниқса, торфзорларда кўпдан-кўп кумир ҳавзалари ва кўмир конлари ҳосил бўлган. Еврамерика ёки Вестфалия (мўътадил) фитогеографик областлар фарқланади. Еврамерика области иқлими Т.с. охирига келиб анча қуруқлашган, айрим жойларда субарид иқлим пайдо бўлган. Қолган областларда сернам иқлим Т.с. охиригача эмас, пермь даврида ҳам давом этган, айрим ҳудудлар иқлимигина қуруқ бўлган. Турли минтақалар ўртасидаги кескин иқлим фарқлари ўрта-юқори карбон даврида вужудга келган. Ўрта карбондан бошлаб Балхаш кўли — Енисей дарёси қуйилиш жойидан шарқий қисмининг иқлими ғарбий қисмига нисбатан мўътадил бўлган. Урал, Тяньшань, Қозоғистон, Монголия — Охота ва б., Ғарбий Европа, Осиё, Шим. ва Жан. Америка, Австралия шарқи геосинклиналларида магматик жараёнлар намоён бўла бошлади.

Органик дунёси. Бу давр бошида майда баргли плаунсимон ўсимликлар, очиқ урутли папоротниксимонлар (птеридоспермалар), содда бўтимоялилар ва папоротниксимонлар (асосан, папоротниклар) кўп ўсган. Қуйи карбон давридаёқ оддий плаунсимонлар ўрнини йирик дарахтсимон ўсимликлар эгаллаган ва улар ўрта карбонда кенг тарқалган. Тропикларда (Еврамерика областида) ўрта карбонда баланд бўйли плаунсимонлар, птеридосперма ва б. папоротниклар, каламитлар ва понабаргилардан иборат ўрмонлар ҳукмрон бўлган. Шимолроқ (Ангара области)да қуйи карбонда плаунсимонлар, ўрта-юқори карбонда эса кордаитлар ва папоротниксимонлар кўп ўсган. Гондвана областида бу даврда, чамаси, глоссоптерис флора (айниқса, пермь даврига хос) ривожланган. Мўътадил иқлимли фитогеографик областларда ўрта Т.с.дан эрта пермгача флора анча тараққий этган. Аксинча, тропикларда юқори карбонда иқлим қуруқлашиши таъсирида ботқоқли пастликлардаги ўсимликлар тубдан ўзгарган. Баланд жойларда игнабаргли ўсимликлар кенг тарқалган. Денгизларда кўк-яшил сувўтлар, чунки сувларда кумир ҳосил қилувчи яшил сувўтлар жуда кўп бўлган.

Ҳайвонот дунёси турли-туман. Денгизларда фораминифералар кенг тарқалган, улар шу даврда тез ўзгариб, бир неча ўнлаб уруғ ва минглаб турлари пайдо бўлган. Фузулинидларнинг катта оиласи стратиграфия учун аҳамиятли. Моллюскалар, наутилоидеяларнинг хилма-хил турлари бўлиб, саёз денгизларда елкаоёқлилар кенг тарқалган. Игнатанлилардан, айниқса, денгиз лилуфарлари тараққий этган, айрим жойларда денгиз кирписи қолдиғи, бластоидеялар учрайди. Умуртқали ҳайвонлар, айниқса, балиқлар сезиларли эволюцион ўзгаришни бошдан кечирган. Сумкли балиқлар, акулалар тараққий этган. Қуруқликда амфибиялар, стегоцефаллар ҳукмрон бўлган, судралиб юрувчилар ҳали оз эди. Ҳашаротлар (капалаклар, ниначи, суваракларнинг қолдиқлари топилган, айримлари жуда катта бўлган. Фитогеографик областлар Ангара ёки Тунгуска (Сибирь, Қозоғистоннинг шарқи, Монголия) ва Еврамерика (Шим. Америка, Европа, Шим. Африка, Анадолу, Кавказ, Қозоғистоннинг ўрта қисми, Ўрта Осиё, Хитой, Жан.-Шарқий Осиё) қуйи карбондан бошлаб ажратилган. Қуйи карбон охирида Гондвана области (Жан. Америка, Жан. Африка, Хиндистон, Австралия, Антарктида), юқори карбонда Еврамерика областидан Хитой, Жан.-Шарқий Осиё ажрала бошлаган. Барча зоогеографик районлаштириш схемаларида шим. тропик бўлмаган область (Шим. Осиё ва Арктиканинг бир қисми), жан. тропик бўлмаган область (Австралия, Жан. Американинг бир қисми) ва улар орасида жойлашган тропик область (Тетис) ажратилади. Донецк ҳавзасидаги Т.с. кесмаси ўзининг тўлиқлиги, очиқлиги, хилма-хил палеонтологик қолдиқларга бойлиги б-н классик кесма ҳисобланади. Бу ерда қуйи карбон ётқизиқлари оҳактошлар, ўрта ва юқори карбон ётқизиқлари эса қалин (6—12 км) кўмир қатламларидан иборат.

Фойдали қазилмалари. Тошкўмир ва қўнғир кўмир барча материклар (қуруқликлар)да бир қанча ҳавза ва конларни ҳосил қилади. Донецк (тошкўмир), Москва ёни (қўнғир кўмир), Кузнецк ва Тунгуска (Т.с. ва пермь системаси кўмирлари) ҳавзалари; Украина, Урал, Шим. Кавказ ва б. конлар; Марказий ва Жан. Европа [Польша (Силезия), Германия (Рур), Бельгия, Нидерландия, Франция, Буюк Британия] даги ҳавзалар ва конлар шулар жумласидан. Т.с.да Волга-Урал области, Днепропетровск-Донецк ботиғи ва б. жойларда нефть ва газ конлари ҳосил бўлган. Бу даврга мансуб темир рудаси, марганец, мис (биринчи — Жезқазған), қўрғошин, рух; алюминий (боксит), ўтга чидамли ва керамик гил конлари ҳам маълум. Ўзбекистон ҳудудида Т.с. ётқизиқлари кенг тарқалган. Унинг кесмалари Қизилқум, Нурота тоғларида ва унинг шим. (Писталитоғ) тог этакларида, Чумкартоғ, Қоратепа ва Чақилликалонда, Олай тоғларининг қуйи қисмларида, Қорачатир ҳамда Чатқол, Қурама, Писком, Сандалаш, Угом тоғларида мавжуд.

Тошкўмир ётқизиқлари қар учта бўлимда ҳам тарқалган бўлиб, улар орасида карбонатли (доломит ва оҳактошлар, баъзан кремнийларнинг қалампча ва линзалари), терриген-карбонатли (қумтош, алевролит, сланец ва оҳактошлар), терриген-вулканли типдаги кесмалар мавжуд. Денгиз фациялари даврининг барча бўлимларида топилган.

Зок Абдуғаниева.

ТОШКЎПРИКСОЙ — Сурхондарё вилоятидаги сой. Ҳисор тоғларининг жан. тармоғи (Кетмончопти тоғлари) ён бағирларидан, 2160 м баландликдан бошланади. Уз. 82 км, ҳавзасининг майд. 491 км². Ўртача йиллик сув сарфи 1,67 м³/сек.дан (кўп сувли йилда) 0,190 м³/сек. гача (кам сув йилда). Қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Сойда қиш ва баҳорда сув бўлади. Т. бўйида Бандихон, Оққовғачғай қишлоқлари бор.

ТОШЛОҚ— Фарғона вилояти *Тошлоқ туманида*ги шаҳарча (1974 й.дан), туманидаги шаҳарча (1974 й.дан), туман маркази. 1974 й. 10 дек.да Тошлоқ қишлоғи ўрнида ташкил этилган. Аҳолиси 14,2 минг киши (2001). Яқин т.й. станцияси — Охунбобоев (5 км). Фарғона ш.дан 16 км. Т.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий, давлат ташкилотлари, пахта тозалаш з-ди, Маргилон «Атлас» фирмаси филиали, Маргилон к-ти, тикувчилик ф-каси, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, саёлгоҳ, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 3 умумий таълим мактаби, мусиқа мактаби, марказий кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Т. — Фарғона автобуслари ва йўналиши бўйича автобуслар қатнайди.

ТОШЛОҚ ТУМАНИ — *Фарғона вилоятида*ги туман. 1935 й.да ташкил этилган. 1959 й.да Охунбобоев туманига бирлаштирилган. 1973 й. 12 апр.да қайта тикланган. Ғарбдан Маргилон ш., шим.-ғарбдан Охунбобоев, Ёзёвон, шарқдан Қува туманлари, жан.-шарқдан Қувасой ш. ва шим.-шарқдан Андижон вилояти Бўз тумани б-н чегарадош. Майд. 0,24 минг км². Аҳолиси 134,9 минг киши (2000). Туманда 1 шаҳарча (Тошлоқ), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Арабмозор, Ахшак, Бирлик, Варзак, Киров, Найман, Найманбўстон, Садда, Тўхтабоев, Қумарик, Кўргонча бор. Туман маркази — *Тошлоқ* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудудининг ер юзаси, асосан, текисликдан иборат бўлиб, жан.дан шимолга томон пасайиб боради ва шим.да Фарғона чўлларига туташиб кетади. Ғарбий қисмида қумликлар бор. Иқлими континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 0°—2°, энг паст т-раси —27°, июль ойининг ўртача т-раси 28°, энг юқори т-ра 44°. Вегетация даври 210—215 кун.

Йиллик ёғин 200 мм. Ёғинининг кўп қисми қиш ва баҳорда ёғади. Кўпинча, ғарбий шамоллар («Бекобод шамоли») эсиб туради. Баъзан, тоғлардан шарқий ва жан.-шарқий йўналишда қуруқ ва илиқ шамол эсади. Асосий дарёси — Исфайрам. Жан.дан шим.га оқиб ўтадиган Ёзёвонсой ҳам суторишда муҳим аҳамиятга эга. Туман ҳудудининг шим. қисмидан шарқдан ғарбга томон *Катта Фарғона канали* оқиб ўтади.

Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Шимолроқда аллювиал ўтлоқ ва шўр тупроқлар ҳам бор. Ёвойи ўсимликлардан; ажриқ, итузум, шўра, қўйтиканак, бангидевона, откулоқ, зубтурум, моқаймоқ, юлғун, ялпиз, янтоқ, қурмак, печак, семизўт, оқмия, гулхайри, саксовул, туя пайпоқ, наъматак, ялпанда ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан судралувчилар [(эчкемар, чарх илон (эфа), калтакесаклар)], кемирувчилар (қумсичқон, қўшоёқ, юмронқозиқ, тулки, бўри, қуён, типратикан ва б.) қушлардан чумчуқ, мусича, бедана, жиблажибон, қарқуноқ, кўршапалак, сўфитўрғай, қирғий, қалдирғоч, кўккарға, булбул, саъва, қизилишton, ўрдак, лайлак, зарғалдоқ, сассиқпопишак ва б. бор. Сой ва каналларда ондатра учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 465,2 киши. Шаҳар аҳолиси 14,2 минг киши, қишлоқ аҳолиси 120,7 минг киши.

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш з-ди, тикувчилик ф-каси, МТП, қурилиш ташкилотлари, автокорхоналар бор.

Қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Пиллачилик, чорвачилик, галлакорлик, полиз ва сабзавотчилик ҳам ривожланган. Туманда 11 ширкат хўжалиги мавжуд. Т.т. экин ерларига пахта, дон, сабзавот, полиз, беда, лавлаги экилади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

Туманда 50 га яқин умумий таълим мактаби, кутубхоналар, маданият уйлари, клуб муассасалари, музейлар ишлаб турибди. Марказий касалхона ва унинг бўлимлари, поликлиника, тугруқхона, тиббий пунктлар фаолият кўрсатади. Туман маркази ва Фарғона шаҳри ҳамда тумандаги йирик қишлоқлар орасида автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

ТОШЛОҚ ТУНГУСКА (Юқори қисмида — Катанга). Подкаменная Тунгуска, Чулакан, Ўрта Тунгуска — РФ, Красноярск ўлкаси ва Иркутск вилоятидаги дарё. Енисейнинг ўнг ирмоғи. Уз. 1865 км, ҳавзасининг майд. 240 минг км². Ангара тог кряжидан бошланади. Юқори оқимида водийси кенг, қуйи оқимида тор, ўзанида бир қанча саёзлик ва остоналар учрайди. Қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Окт. охиридан муздаб, май ойи ўрталарида муздан бўшайди. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 1750 м³/сек. Асосий ирмоқлари: ўнгла — Тэтэрэ, Чуня; чапда — Камо, Вельмо, 1146 км масофада кема қатнайди. Т.т. бўйида Ванавара, Байкит, Подкаменная Тунгуска аҳоли пунктлари жойлашган.



ТОШЛОҚИ 862 — ўртапишар қовун нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и.т. ин-тида маҳаллий навдан якка танлаш усули б-н (М.Н.Кулакова, 1956) яратилган. Ниҳоли униб чиққандан кейин меваси 85—90 кунда пишади. Мева шакли цилиндрсимон, вазни 1,6—3,0 кг, юзаси силлиқ, туси оч яшил. Пўсти ўртача қалинликда, этининг ранги оч яшил, қалинлиги 3,5—5,0 см, майин, серсув, ширин, янгилигида истеъмол қилинади. Уруғхонаси ўртача катталикда, уруғлари йирик, уруғхонанинг ярмини эгаллайди. Қуруқ модда миқдори 14,2%, қанд 11,8%. Ҳосилдорлиги 200—220 ц/га. Эти юмшоқ бўлгани учун узоқ сақлаб бўлмайди. 1959 й.дан Ўзбекистоннинг (Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондан ташқари) барча вилоятлари учун р-нлаштирилган.

Тошлоқи қовун нави.

ТОШМА — тери ва шиллиқ қаватларга турли рангдаги доғ, тугунча, пуфакча ва б. тошиши. Терига ташқи таъсиротлар (мас., совуқ, иссиқ, кислота, ишқор) таъсир этганда, баъзи юқумли касалликлар (скарлатина, қизамиқ, қизилча, тиф, захм ва б.)да *интоксикация*, моддалар алмашинуви бузилганда, меъда-ичак йўли, жигар, нерв системаси, ички секреция безлари касалликларида, турли дорилар (антибиотиклар)ни қабул қилганда Т. тошади.

ТОШМАЛИ ТЕРЛАМА (tuphus exanthematicus), тепкили терлама, эпидемик тиф — риккетсиозлар гуруҳига мансуб ўткир инфекцион касаллик, бунда бемор иситмалайди, юрак, қон томирлар, марказий нерв системаси зарарланади, тошма тошади. Провачек риккетсияси қўзғатади, бит орқали юқади. Т.т.нинг кечишида 4 давр фарқланади; яширин даври (ўртача 2 ҳафта), бошланғич, авж олиш ва соғайиш даврлари. Дастлаб беморнинг эти увишиб, иситмалайди (39—40° гача), боши ва мускуллари қақшаб оғрийди, юзи кепчийди, кўзлари қизариб туради, уйқуси бузилади, алаҳлайди. Касалликнинг 3—4 кунида кўз конъюнктивасининг бурмасида ва юмшоқ танглайда доғсимон тошмалар пайдо бўлади. Интоксикация кучлилигидан юрак, нафас йўли ва нерв системаси зарарланади. Касалликнинг 5-кунидан бошлаб бемор баданига ва билакларига қизғиш-пушти тошмалар тошади. Касалликнинг 12—15-кунидан беморнинг аҳволи яхшилана бошлайди. Баъзан Т.т. қайталайди. Сўнгги йилларда бу касаллик Ўзбекистонда деярли учрамайди.

Т.т.нинг олдини олиш учун битга қарши кураш чоралари курилади, дезинфекция ўтказилади ва ҳ.к.

Ад.: Аҳмедова М. Д., Абдуқодиров Ш. Ш., Шоваҳобов Ш. Ш., Юқумли касалликлар ва беморлар парвариши, Т., 2002.

ТОШМАТОВ Мансур Ғаниевич (1954.14.9, Тошкент) — эстрада хонандаси, Ўзбекистон халқ артисти (1995). Ғанижон *Тошматов*нинг ўғли. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1979). «Наво» (1976—79), «Садо» ВИА (1979—81) лари, Жиззах (1982—84) ва Ўзбек давлат филармония (1986—88)си, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлар ашула ва рақс ансамбли (1991—99)да яккахон хонанда, «Ўзбектеатр» бирлашмасида «Файз» қўшиқ театри (1988—91), Б. Зокиров номидаги Эстрада-симфоник оркестри (2003 й.дан) бадиий раҳбари. Репертуаридан чет эл эстрада юлдузлари — Ф. Синатра, Т. Жонс, С. Уандер Э. Жеро, Ўзбекистон (Э. Солиҳовнинг «Умид», Е. Ширяевнинг «Оқ қайинлар», Ик. Акбаровнинг «Қайдасан», «Раъно» ва б.) ва б. композиторлар асарлари, шунингдек, мусиқасини ўзи басталаган қўшиқлари («Ўйнадинг», У. Абдуазимова шеъри; «Ширин хаёл келарми», Ш. Рашидов) ўрин олган. Т. кенг диапазонли, жозибали овоз соҳиби. Ижролари грампластинка («Мансур Тошматов куйлайди», 1978) ва компакт диск («Your favorite songs», 2000)га ёзилган. «Ўзбектелефильм» студиясида Т. ижодига бағишланган 2 фильм ишланган (1984, 1988). Бир неча халқаро эстрада танловлар (жумладан, Болгариядаги «Олтин Орфей», 1978) ғолиби.

ТОШМАТОВ Ғанижон (1913.27.6, Асака — 1994.14.2, Тошкент) — созанда (ғижжак), бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1973). Созандаликни дастлаб отаси Т. Шоматов, акалари Каримшер, Абдулла ва Муҳаммадалилар, кейинчалик С. Сиддиқовдан, куй басталашни Т. Жалиловдан ўрганган. Тошкент консерваториясининг тайёрлов курсида ўқиган (1947—49). Т. дастлаб моҳир созанда сифатида танилган. Андижон (1932—34), Фарғона мусиқали театрларида созанда ва мусиқа раҳбари (1934—39), Муқимий театри (1939—46), Ўзбекистон радиоқўмитаси халқ чолгу асбоблари оркестрида созанда-концертмейстер (1946—67) ва раҳбар (1949—53) бўлиб ишлаган. «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Насри Сегоҳ», «Дуғоҳ», «Фарғона Бузруги», «Сурнай Бузруги», «Чапандози Баёт» каби ўнлаб мақом йўллари, «Яланг даврон», «Нисор», «Муножот», «Танавор», «Тонг оттунча» каби халқ куйларини, ўзи басталаган «Кезарман», «Гулжамол» ва б. мураккаб асарларни ижро этган. Т. Ўзбекистон радиосида Уйғур ансамбли (1967—78), Ўзбек халқ этнографик ансамбли (1978—79), «Дуторчи қизлар ансамбли»нинг ташкилотчиси ва бадиий раҳбари (1979—94, 1996 й.дан Т. номида), «Мақом» ансамбли бадиий раҳбари (1987—88) бўлиб, ўзбек мумтоз мусиқаси ривожига катта ҳисса қўшган. Т. унутилиб кетган кўплаб ашула, ялла, лапарларни тиклаб, концерт дастурларини бойитган. Бастакорликни Фарғона театрида бошлаган. «Лайли ва Мажнун» (1935), «Фарҳод ва Ширин» (1936) каби спектакларга унинг куйлари киритилган. Кейинчалик Б. Зейдман б-н ҳамкорликда «Қари қиз» (Т. Тўла либреттоси, 1965) мусиқали драмасини яратган. Ижодида ўзбек ва уйғур халқлари мусиқа мероси анъаналарини уйғунлаштириб, 400 га яқин асар (асосан, қўшиқ, ялла, чолгу куй ва ашула)ларида ўзига хос қурама услуб яратишга муваффақ бўлган. «Истадим», «Эй, бегим», «Қора зулфинг» (Навоий шеърлари), «Ҳай-ҳай санам», «Ўлдиройин дермисан» (Машраб), «Менга номеҳрибон бўлди» (Ҳувайдо), «Дедимки» (Бедил) каби ашулалари кенг тарқалган. Уйғур ансабли учун куй ва қўшиқлар («Уйғур қизлари» ва б.), «Андижон санами» номли 3 қисмли вокал-

рақс сюита яратган. Уйғур 12 муқомини тиклашда фаол қатнашган. Т. 1930-й.лардан *Юсуфжон қизиқ*, Ж. *Султонов* ва бошқалар б-н *аския* жаирининг усталаридан бўлиб, унинг оммавийлашувига ҳисса қўшган. Т. ижролари Ўзбекистон радио ва телевидениеси фоно ва видеожамғармаларига, грампластинкага ёзилган. «Ўзбектелефильм» студиясида Т. ижодига бағишланган фильм яратилган (1991).

ТОШМУҲАМЕДОВ Бекжон Ойбекович (1935.27.1, Тошкент)— биолог-биофизик олим. Ўзбекистон ФА акад. (1987). Биол. фанлари д-ри (1971), проф. (1973). Атоқли ёзувчи *Ойбек*нинг ўғли. Москва ун-тининг биол.-тупроқшунослик ф-тини тугатган (1958), шу ун-тда аспирант (1958—61), ТошДУнинг биол.-тупроқшунослик ф-тида кичик илмий ходим (1962), биокимё ва биофизика кафедраси доценти (1963—65), Ўзбекистон ФА ядро физикаси (1965—67) ва Биокимё ин-ти (1967—85) биофизика лаб. мудири. 1979—86 й.да ТошДУ биофизика ва атроф муҳит муҳофазаси кафедраси мудири. Ўзбекистон ФА Физиология ин-тида директор (1985—92), бўлим бошлиғи (1998 й.дан). Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси раиси (1992—95). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1995—97).

Асосий илмий ишлари биологик мембраналарнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг бошқарувчанлик роли, токсинлар, гормонлар, пестицидлар, феромонлар, дефолиантлар ва б. биологик фаол моддаларнинг мембранага таъсир қилиш механизмини ўрганишга онд. ЮНЕСКО қошидаги «Инсон ва биосфера» миллий комитети раиси (1998 й.дан). «Ўзбекистон биология журнали» бош муҳаррири (1996 й.дан). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

Ас.: Активный транспорт ионов через биологические мембраны, Т., 1973; Синтез, мембраноактивные свойства и биологические эффекты краун-эфиров, Т., 1987; Нейротоксины в исследованиях биологических мембран, М., 1991.

Ад.: Б.А. Ташмухамедов (биобиблиография)., Т., 1995.

ТОШПЎЛАТОВ Юнус Тошпўлатович (1932.15.8, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981), кимё фанлари д-ри (1971), проф. (1980). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1953). Ўзбекистон ФА Ўсимликлар кимёси ин-тида илмий ходим (1956—59), Ўзбекистон ФА Полимерлар кимёси ва физикаси ин-тида оптика-аналитика лаб. мудири (1959—65), етакчи илмий ходим (1993—97), Кимё саноати вазирлиги қошидаги Пахта целлюлозаси ва технологияси и.т. институти директори ўринбосари (1965—74), директори (1983—92). Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти умумий ва анорганик кимё кафедраси мудири (1974—83), Низомий номидаги Тошкент педагогика ун-ти кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири (1998 й.дан). Илмий ишлари пахта целлюлозаси ва унинг модификацияланган хилларини рентгенографик ва ИК-спектрлар ёрдамида текшириш, улар тузилишини тадқиқ қилиш, маҳаллий хом ашёлардан пишиқ материаллар олишга оид. Т. пахта линтидан целлюлозани ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқди ва амалиётга татбиқ этди. Унинг раҳбарлигида ацетилцеллюлоза тасмаларини мойловчилар ва ип йигиришда ишлатиладиган эритмалар учун зарур қурилмалар тайёрланди ҳамда кимёвий толалар и.ч. корхоналарида қўлланди.

Ас.: Глинит — портландцемент, Т., 1958; Изометрический метод исследования полимерных материалов (в соавторстве), Т., 1989; Процессы и аппараты комплексной переработки вторичного сырья сельхоз продуктов (в соавторстве), Т., 1990.

Ад.: Ю. Т. Тошпўлатов (биобиблиография), Т., 2002.

ТОШПЎЛАТОВА Маҳбуба Зияевна (1952.23.3, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТошДУни тугатган (1974). 1974 й.дан Янгийўл ш.даги мактабларда, 1999 й.дан академик лицейда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси (1982—99 й.ларда 4-мактаб ўқув бўлими мудири, директор ва ўқитувчи). Таълимнинг ўзига хос, замонавий усулларидан фойдаланади; 1988 й. тажриба тариқасида чуқур ўзлаштирувчи синф ташкил этиб, муваффақиятга эришган.

ТОШСОҚА — Хоразм вилоятидаги йирик суғориш канали. Амударёнинг чап қирғоғидан бошланади. Дарёда сувнинг кўп-камлигига қараб сув 2 каналдан: 1939—40 й.ларда қурилган Эски Тошсоқа (уз. 34 км; сув сарфи 285 м³/с) ва 1964 й.да қурилган Янги Туямўйин (210м³/с га мўлжалланган, амалда 90 м³ сув олади) каналлари орқали олинади. Эски Тошсоқа каналининг 34- км да қурилган сувайирғич б-н тугайди. Бу ердан республикалараро Шовот (уз. 150 км, бош қисмида сув сарфи 125 м³/с), Полвон-Ғазовот (уз. 31 км, сув сарфи 170 м³/с) ва хўжаликлараро Хонқаарна канали (уз. 24 км, сув сарфи 11 м³/с) бошланади. Т. суви б-н Хоразм вилоятининг Хонқа, Урганч, Боғот, Шовот туманларидаги 138,4 минг га, Туркманистоннинг Тахти туманидаги 94,1 минг га ер суғорилади.

ТОШТАРОШЛИК, сангтарошлик — ҳунармандлик тури; тошни кесиш, йўниш б-н уни маълум шаклга келтириш касби. Инсон жуда қадим замонлардан бери ўз эҳтиёжлари учун турли-туман табиий тошлардан фойдаланади. Табиий тошлар кенг тарқалган ўлкаларда тош асосий қурилиш материалидир; унинг турли навлари уйрўзгор буюмлари, қурол ва асбоблар, безак ашёлари тайёрлашда кенг қўлланилган. Қимматбаҳо тошлар жаҳондаги деярли ҳамма халқларда безак буюмлари тайёрлашда ишлатилади.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон табиати турли-туман тошларга бой, шунингдек, тошга нисбатан фойдаланишга бир мунча қулай ва осон бўлган ёғоч, ганчга ҳам бой. География шароит тақозоси б-н қурилиш материали сифатида меъморликда тошдан кам фойдаланилган, жонли мавжудотларнинг шаклларини ишлаш — ҳайкалтарошлик ҳам ривожланмаган. Қимматбаҳо тошлардан бадиий ва безак буюмлари тайёрлаш, нодир тошлардан *заргарлик*да фойдаланиш жуда қадимдан ривожланган.

Тошсоқа каналининг бош сув олиш иншооти.

Тошгарошлик. Тошилон (тумор, мил. ав. 2-минг йиллик, Фарғона водийси).

Неолит даврига мансуб Лавлакон — 59 макони (Қизилқумда заргарлик устахонасининг қолдиқларидан феруза тақинчоқлар тайёрлашда фойдаланилган чақмоқтош, кварцит эговлар топилган (мил. ав. 3-минг йиллик). Неолит ва жез даврларида тош бадиий ишланганлигини *Замонбобо маданияти* ва Чустдан топилган археологик топилмалардан ҳам кўриш мумкин; Фарғона вилоятидаги Сўх қишлоғидан топилган қора тошдан ишланган тумор диққатга сазовор.

1—3-а.ларда Ўзбекистоннинг жан.-да биноларининг пойдеворн, устунларида, бино қисмларини безашда мармар ва харсанг тошлардан, биноларни безаш учун рельеф ва ҳайкаллар тайёрлашда (буддизм тарқалиши муносабати б-н) оҳактошдан фойдаланилган. *Айритом*, Фаёзтепа, Қоратепа ва б. биноларининг қолдиқлари биноларни безашда тошдан фойдаланилганини кўрсатади. Т. Ўрта Осиёда 15-а.да янада ривожланди ва такомиллашди, мадраса, мақбара ва б. йирик бинолар қурилишида тошдан кенг фойдаланилди: *Амир Темур мақбараси*, *Бибихоним жоме масжиди*, Аҳмад *Яссавий мажмуи* кабилар жозибали безатилган. 19-а.да — 20-а. бошларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон ва б. шаҳарларда йирик бинолар, ҳовузлар (Лаби Ҳовуз ансамбли, Ситораи Моҳи Хоса ва б.), тегирмонларда харсанг тош ва мармардан кўп фойдаланилган. Нурота, Ғозғон қишлоқларида мармардан лаган, пиёла каби идишлар тайёрлаш ривожланган. 20-а. — 21-а. бошларида (айниқса, Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг) маъмурий ва жамоат биноларини қуриш ва уларни безашда оҳактош, мармар, гранит ва б. тошлардан, тоғ жинсларидан фойдаланишга катта эътибор берилди: Навоий театри, Муқимий театри, Тошкент метрополитени бекатлари, Халқлар дўстлиги саройи, Олий Мажлис, Темурийлар тарихи давлат музейи, Оқсарой ва б.

Ҳозир Т. механизациялаштирилган, тош кесувчи, тошни силлиқловчи ва б. механизмлар кенг қўлланилади.

ТОШТИҚ МАДАНИЯТИ — Жан. Сибирнинг темир даври археологик маданияти (мил. ав. 1-а. — мил. 5-а.). Енисей дарёсининг ўрта ҳавзаси — Минусинск котловинасида, Красноярск атрофи, Кемерово вилоятининг шарқий қисмида тарқалган. Енисей бўйида жойлашган Батени қишлоғи яқинидаги Тоштиқ дарёси соҳилидаги мозорқўрғон номидан олинган. Дафн иншоотларига ўликлар куйдириб қўйилган. Т.м. қабилалари Тагар маданияти аҳолиси (динлинлар) ажлоди бўлиб, мил. ав. 2 — 1-а.ларда Марказий Осиёдан келган туркийзабон гиньгунлар б-н аралашиб кетганлар. Т.м. қабрларидан рангли нақш берилган *ниқоблар*, идишлар ва б. топилган.

Тоштиқ маданияти. Уйбат чаатаси (Хакасия)дан топилган юз ниқоби.

Зодагонлар қабрларидан ҳайвонларнинг ёғочдан ишланган ҳайкалчалари, камбағалларини акс эттирган ҳайкаллар чиққан. Т.м. аҳолисининг машғулоти чорвачилик-деҳқончилик эди. Жамоа ибтидоий муносабатларининг сўнгги босқичида бўлган.

ТОШТУЗ, галит, ош тузи — 1) галит минерали, кимёвий таркибига кўра натрий хлорид NaCl(Na—39,34%, Cl — 60,66%). Куб системада кристалланади. Одатда, табиатда турли катталикдаги донадор кристалл агрегатлар шаклида учрайди. Соф ҳолда рангсиз ва тиниқ, лекин кўпинча гил, органик моддалар, темир оксидлари ва б. б-н аралашмаси кулранг, жигарранг, қизил, пушти. Шиша каби ялтироқ. Қаттиқлиги 2—2,5; зичлиги 2,1—2,3 г/см^3. Сувда осон эрийди; 2) чўкинди тоғ жинси, асосан (99%), галитдан иборат. Фанерозойнинг деярли барча геологик даврлари ётқизиқларида учрайди. Энг йирик ётқизиқлари кембрий, девон, пермь ва неоген қатламларида жойлашган. Т., айниқса, шўр кўллар тубида кўп. Ўрта Осиёда йирик конлари бор.

Т. халқ хўжалигида кенг ишлатилади. Тозаланган Т. озиқ-овқат маҳсулоти сифатида, консервалашда, музлатиш ишларида, кимё саноатида сода, хлор, хлорид кислота ва натрийнинг қатор тузларини олишда, анилин ва лок-бўёқ, ўрмон кимёси, тўқимачилик, фармацевтика, металлургия, тери, нефть саноатларида, пластмассалар и.ч. да, йирик тиниқ кристаллари оптик асбоблар тайёрлашда қўлланади (яна қ. *Натрий хлорид*).

ТОШХЎЖАЕВА Ўктам (1951.18.9, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент чет тиллар педагогика ин-тини тугатган (1973). 1980 й.дан Миробод туманидаги 125-мактабда француз тили ўқитувчиси. Дарсни қизиқарли мулоқара, баҳс-суҳбатлар, сиртқи саёҳатлар усулида ўтказади.

ТОШҚАЗҒАН ГРАФИТ КОНИ — Навоий вилоятидаги кон. Марказий Қизилқумдаги Қулжуқтов тоғлари ғарбий қисмида жойлашган. 1928—29 й.ларда очилган. Кон геологиясини кейинроқ Ҳ. М. Абдуллаев, И. Ҳ. Ҳамробоев ва б. ўрганган. Генезисига кўра, контакт метасоматик турга мансуб бўлиб, габброид интрузиялар б-н девон даврига оид чўкинди метаморфик тоғ жинслари чегарасида ҳосил бўлган метасоматитларда жойлашган. Графит рудалари турли даражада ўзгарган ва графитлашган габбролардан иборат. Одатда, контактнинг бурмаланган жойларида ҳамда габброидларни қамраб турувчи оҳактош қатламлари оралиғидаги таналар б-н боғлиқ ҳолда линзасимон, желваксимон, уячасимон шаклларда учрайди. Руда таналарининг уз. 20—90 м дан 500—600 м гача, қалинлиги 0,5—5 м дан 60—90 м гача. Графитнинг ўртача миқдори 11% бўлиб, у 30—40% гача ўзгариб туради. Руда таркибида Ni, Co ҳамда пирит, пентландит, бравоит каби сульфидли минераллар мавжуд. Сульфидлар таркибида Pt, Pd, Rh, Au, Ag, Cu ва б. элементлар ҳам бор. Т.г.к.да Co минерал таркиби ва ҳамда Ni ва Co нинг миқдори қайта ишлаш технологиясига қараб рудалар икки (оксидланган ва кам ўзгарган) турга ажратилади. Уларнинг бойитиш ва қайта ишлаш технологиялари ҳам анча фарқланади. Т.г.к. Ўзбекистонда маълум бўлган бир неча графит конларидан энг каттаси бўлиб, рудалар юқори сифатли ва катта захирага эга.

ТОШҚАЛЪА — Кўҳна Урганчнинг қалъа қисмида жойлашган ўрта аср шаҳар қалъаси харобаси. С. П. *Толстов* томонидан 1952 й.да ўрганилган. Қазишмалар натижасида шаҳарнинг баъзи жойларида сақланиб қолган Т. деворлари (бал. 5,5 м) аниқланган. Т. ҳудудида пойдевори қулаган қал. минора (11-а.)нинг пойдевори ва унинг ёнидаги ўрта аср масжидининг пишиқ ғиштдан ишланган саҳни ҳамда устунларининг пирамида шаклидаги остки қисми; карвонсарой (14-а.), шунингдек, маҳалланинг бир нечта кўчаси ва ҳунармандларининг ғиштдан қурилган уй қолдиқлари очилган. Баъзи уйларда хитой усулида иситиш тизими борлиги аниқланган.

Минора атрофидан қирғинлардан гувоҳлик берувчи қурол-яроғ парчалари ва одам суяклари, хоналардан Хитойдан келтирилган чинни идиш парчалари ва маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишланган чинни буюмлар топилган. Т. уз. 1 км, эни ундан камроқ бўлган нотўғри кўпбурчак шаклидаги шаҳар сифатида баланд қалъа деворлари б-н ўралган. Қалъа олдидаги чуқур хандақлар унга тўсатдан босиб кириш йўлини тўсиб турган.

Т. Чингизхон юришидан кейин қайта тикланган ва 17-а.да Абулғозийхон Кўҳна Урганч аҳолисини Янги Урганчга кўчиргунича гавжум шаҳар бўлган. И.т.лардан маълум бўлишича, Т.нинг ташқи давлатлар, асосан, Хитой б-н савдо алоқаси кенг йўлга қўйилган. Т. Хоразм пойтахтининг ўрта асрларга оид тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Толстов С. П., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964; Толстов С. П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962; Халимов Н., Памятники Ургенча, Ашхабад, 1991.

ТОШҚИН, дарёларнинг тошиши — дарёда сув сатҳининг нисбатан қисқа вақт ичида тез номунтазам кўтарилиши ва деярли шундай тезликда пасайиши. Т. қор ва музликларнинг шиддатли эриши, ёғин кўп ёғиши, сув омборларидан сув ташлаш, тоғлардаги кўллар, тўғонларни, тўсиқ дамбаларни сув вайрон қилиши ва ҳ.к. натижасида содир бўлади. Баҳорги серсувликдан фарқли ўлароқ, Т. йилнинг турли даврларида рўй беради. Ўрта Осиё тоғларида қор тез ёки секин эриши, шунингдек, ёмғирлар натижасида тоғ дарёларида кетма-кет (баъзида 4—7 маргача) Т. содир бўлади, тоғ дарёлари шу б-н текис ерлардаги дарёлардан фарқ қилади. Т. оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Оддий Т. бутун ҳавзага бир текис тушадиган бир йўла ёққан ёмғир (соатлаб ёки суткалаб) ёки вақт бирлигида эриган қор натижасида содир бўлади. Мураккаб Т. дарёнинг юқори қисмида кетма-кет юз берадиган Т. натижасида рўй беради.

Ўрта Осиёнинг катта дарёлари (Амударё, Сирдарё)да қишда ҳавонинг исиб кетиши туфайли дарёдаги қалин муз қатламлари жадал эриб, Т. юз беради. Бундай Т. да сув муз қатлами остида дарё оқими бўйлаб қуйига ҳаракат қилади, муз ёрилиши натижасида сув сатҳи кескин кўтарилади ва баъзан максимал даражада ортиб кетади.

Катта Т. ерларни сув босишига олиб келиши мумкин. Сув омборлари Т. даврида сувнинг бир қисмини йиғиб олишга, ундан камсув даврларда суғориш ва б. мақсадларда фойдаланишга имкон беради (қ. *Дарё оқимини тартибга солиш*). Т. бўйича прогноз гидрометеорологик тармоқлари ст-я ва постлари маълумотлари асосида тузилади.

Зайниддин Артиқметов.

«ТОШҚИШЛОҚМАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ, «Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи» акциядорлик жамияти — йирик саноат корхоналаридан бири. *«Ўзқишлоқхўжаликмаш холдинг»* компанияси таркибига киради. Пахта териш машиналари, эҳтиёт қисмлар, ем-хашак йиғиштириш техникаси, картошка кавлагич, тупроқ фрезалари, дискали бороналар, гидроцилиндрлар, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаради. 1927 й.да Бош пахта комитети (Главхлопком)нинг Марказий механика таъмир устахонаси негизида ташкил этилган. «Сельмаш» з-дининг 1-навбати 1931 й. 1-майда ишга туширилган. 1931—41 й.ларда з-д ғўза қатор ораларини кўмишадиган ва пахтага дастлабки ишлов бериладиган машиналар ишлаб чиқарган. Уруш йилларида з-д армия учун қурол-аслаҳалар етказиб берди. 1937 дан пневматик пахта териш машинаси, 1949 дан бир қаторли СХМ-48 маркали механик пахта териш машиналари ишлаб чиқарди; 1959 дан бирмунча такомиллашган икки қаторли ХВС-1,2 машиналарини и.ч.га ўтди ва пахта териш машиналари и.ч.га тўла ихтисослашди. Машиналарнинг 11 асосий маркаси ва модернизацияланган 5 тури (бир, икки, тўрт қаторли вертикал шпинделли ва горизонтал шпинделли, қатор ораларн 60 ва 90 см ли; ингичка толали пахтани теришга мўлжалланган; пневматик подборщик ва кичик габаритли тозалагич б-н жиҳозланган пахта териш машиналари) ишлаб чиқарилди. 1994 да з-д акциядорлик жамиятига айлантирилди. Корхонада 1997 й.да АҚШнинг «Кейс корпорейшн» фирмаси б-н ҳамкорликда «Ўзкейсмаш» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонасида «Кейс-2022» горизонтал шпинделли пахта териш машинаси, «Кейс» терим аппарати б-н жиҳозланган ХМГ-04 горизонтал шпинделли пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 2000 й.да 337 дона пахта териш машиналари тайёрланди.

ТОШҚОҒОЗ — қ. *Магзи сохта.*

ТОШҚУДУҚ ГАЗ КОНИ — Бухоро вилояти Ромитан туманида, Бухоро ш.дан 100—110 км шим.-ғарбда жойлашган. Кон 1972 й.да очилган ва 1975 й.да ишга туширилган. Тошқудуқ структураси Газли кўтарилмасининг жан.-ғарбий қисмида бўлиб, кенглик бўйича чўзилган йирик брахиантиклиналь бурмадан иборат. Юқори бўр даврининг сенон яруси ётқизиқлари шипи бўйича Тошқудуқ брахиантиклинали учта ер ёриқлари б-н мураккаблашган. Палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиқларида жаъми 11 разведка қудуғи очилган. Газ, асосан, бўр даврининг ётқизиқларида учрайди. Саноат миқёсидаги газ 7- ва 9-горизонтлар б-н боғлиқ, 7-горизонт сенон яруси ётқизиқларида ажратилган бўлиб алевролит ва гил б-н қаватланган майда заррали қумтошлардан иборат. Уюм қатлами гумбазли типга мансуб, газ сувга тиралиб туради. Уюм ўлчами 7,5×1,5 км, бал. 30 м, газлилик майдони 13,9 км^2. 9-горизонт сеноман ярусининг юқори қисмидаги майда заррали қумтошларда. 530—703 м чуқурликда очилган. Горизонтнинг умумий қалинлиги 122—153 м, уюм қатламли, гумбазли типга мансуб бўлиб бурманинг энг кўтарилган қисмида намоёнланади, газ сувга тиралиб туради. Уюм ўлчами 11,5×3,5 км, бал. 45. Газлилик майдони 30 км^2 га яқин. Кондан фойдаланилмоқда.

ТОШҚУДУҚ ҚУМЛИГИ — Қизилқумнинг шим.-ғарбий қисмидаги қумлик. Ғарб ва шим.-ғарбдан Амударё дельтаси б-н чегарадош, жан.-ғарбда Табақум қумлиги, шарқ ва жан.да Қизилқумнинг б. қумликлари б-н туташган. Т.қ. ғарбдан шарққа 38—40 км, шим.дан жан.га 15—17 км га чўзилган. Баландлиги ғарбий қисмида 70—75 м, шарқида 138 м гача. Шим. ва шим.-ғарб томон пасаяди. Т. қ.да эол рельеф шаклларидан қум марзалари, дўнг қумлар, барханлар, қўзанак қумлар тарқалган, қум марзалари ва дўнг қумлар ўсимликлар б-н мустаҳкамланган. Барханлар кўпинча қудуқлар атрофида учрайди. Шим. қисмида тақирлар, жан.-шарқий қисмида шўрхоклар (Улкан Қорашўр) тарқалган. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи иссиқ (т-ра 44° гача кўтарилади). Ёғингарчилик кам (70—100 мм). Сур-қўнғир қумли тақир тупроқлар ҳосил бўлган. Қумликда чўлга хос ксерофит, псаммофит ва эфемер ўсимликлар (оқ саксовул, жузғун, қуёнсуяк, қум акацияси, қандим, селин, шувоқ ва б.) ўсади. Қудуқлар (Тошқудуқ, Олтинкум, Қўнғиртепа, Қошқудуқ, Саксовулқудуқ ва б.) бор. Ҳудуди яйлов сифатида фойдаланилади.

Мурод Маматқулов.

ТОШҚЎРҒОН, Хулм — Афғонистоннинг шим. қисмидаги шаҳар. Самангон вилоятида. Аҳолиси 35 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Хулм дарёси воҳасидаги савдо-транспорт маркази. Шаҳар атрофида мева, узум, пахта ва бошқа қ.х. маҳсулотлари етиштирилади. Ун тортиш, пахта тозалаш корхоналари бор. Ҳунармандчиликда газлама ва гилам тўқилади, чарм, мис ва темирдан уй-рўзғор буюмлари тайёрланади.

ТОШҲОВЛИ, Оллоқулихон саройи — Хивадаги меъморий ёдгорлик. *Оллоқулихон* қурдирган (1830—38). Халқ усталари Нурмуҳаммад, уста Тожи ва уста Қаландар Хивакий томонидан бунёд этилган. Т. 3 ҳовли, 111 та хонадан иборат: Арз ҳовли (дарвозаси ғарбга), ишрат ҳовли (жан. га), ҳарам (дарвозаси ғарбга қараган). Хоразм маҳаллий турар жой меъморлигига хос услубда, шаҳар ташқарисидаги қўрғон-ҳовли кўринишида бўлганлиги учун Т. деб номланган. Атрофи баланд девор (қалинлиги 1,2—1,5 м) б-н ўралган. Девор тепаси кунгурали, дарвоза ёнлари гулдастали. Дастлаб ҳарам бунёд этилган (1830—32). Тарҳи 80×42 м, ҳовлиси 49×15 м, жан. қисмида 5 та алоҳида-алоҳида айвон (хон ва унинг 4 хотинига мўлжалланган) бор, улардан хоналарга даҳлизлар орқали кирилади. Қабулхона (ишрат ҳовли тарҳи 43×36,5 м) ҳарамнинг жан.-шарқий қисмида қурилган (1832—34). 3 й.дан сўнг жан.-ғарбий бурчагида

Ишрат ҳовли.

Айвоннинг ички кўриниши.

Ҳарам.

арз ҳовли (тарҳи 35×40 м) қад ростлаган (1837—38). Ҳар бир ҳовлида алоҳида хизматчилар хонаси, хўжалик хоналари, отхона бўлган. Ҳовлиларда айвонлар ўзига хос услубда жойлашган. Ҳарамнинг жан.да 2 қаватли бино олдига баланд қилиб 1 устунли айвон ишланган, арз ҳовли ва ишрат ҳовлидаги бинонинг фақат 2-қаватида 1 устунли, панжара тўсиқли айвон бор. Ҳовли марказидаги доира шаклли супага чодир ўрнатилиб меҳмонлар кутилган. Т.нинг ташқи тарзи безаксиз, яхлит деворли. Ҳовли атрофидаги айвон ва хоналар миллий меъморлик анъаналари асосида пардозланган. Девордаги устунгўшалар оралигига намоёнлар ишланиб, чоксиз кўк ва оқ кошин қоплаб, гириҳ парчинлардан нақш ҳосил қилиб терилган. Ишрат ҳовли ва арз ҳовли деворлари намоёнларга ажратилиб, кўк, оқ ва ҳаво ранг кошиндан гилам нусха мужассамот яратилган. Айвон деворларидаги гириҳ ва ислимий нақшлар орасидаги доира шакллар ичида арабий ёзувлар учрайди. Мармар пойустун ва ўймакори ёғоч устунлардаги доира шаклларда Огаҳийнинг Хива хонлари тарихига оид шеърлари, хон айвонидаги шарқий пойустунда 1832 й. ва ишрат ҳовли катта айвон пойустунида, арз ҳовли катта айвон безаклари орасида 1838 й. ҳамда уста Абдулла жин номи сақланган. Т.даги хоналар томи тўсинли, ҳарам ва ишрат ҳовли айвонлари ҳовузакли, хўжалик хоналари томига қамиш бостириб лойсувоқ қилинган, баъзилари васса шифтли. Хона ички безаклари анча сипо, девор ҳошияларида, шаклдор тахмонларда, шифт ости шарафаси, муқарнас косачалари ганчкори безакда, мевали дарахт шохи ва гуллар қора, кўк ва қизил тусда ифодаланган. Т. (ҳарам қисми)да Хива «Ичан қалъа» давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонасининг ҳунармандчилик музейи экспозицияси жойлашган.

ТОШҲОВУЗ (Дашҳовуз) — Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Туркманистоннинг шим.да, Тошҳовуз воҳасида жойлашган. Т.й. станцияси. Т.дан Ашхободгача 635 км. Аҳолиси 165,4 минг киши (1999).

Т. 1816 й.да Хива хонлиги қалъаси сифатида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон I (1806—1825) томонидан қурдирилган. 1873 й.да Хива хонлиги таркибида Россия империяси протекторатига киритилган. 1920 й.дан ХХСРда; 1924 й.дан шаҳар Туркманистон таркибидаги вилоят маркази; 1925 й.дан Туркманистон ССР округ маркази. 1939—63 й.ларда вилоят маркази, 1970 й.дан яна вилоят маркази.

Т. меъморлиги қадим замонларда тошдан ишланган ҳовуз ва унинг атрофида юзага келган қалъа қурилиши б-н боғлиқ. *Оллоқулихон* даврида қалъа кенгайтирилган ва Хива хонлигидаги энг мустаҳкам қўрғонлардан бирига айлантирилиб, сарой барпо этилган. 19-а. охирига келиб, турли урушлар натижасида қалъанинг сарой қисми вайронага айланган. Муҳаммад Раҳимхон II (1864—1910) даврида сарой қайта тикланган. 19-а. охирларида шаҳарда 3 дарвоза (шарқий, жан. ва сарой). 300

га яқин дўкон ва устахона, карвонсарой, 6 масжид ва мадраса бўлган. Бироқ сарой ва б. иморатлардаги кўплаб нафис безаклар, деворий нақшлар тушиб кетиб, қайта тикланмаган.

1950-й.лардан шаҳар Шовот каналининг чап соҳили бўйлаб кенгайтирила бошлади. Эски шаҳарнинг катта қисмини ташкил этган пахсали иморатлар ўрнида гиштин ва темир-бетон бинолар, т.й. вокзали ва б. қурилди.

Т.да пахта тозалаш, ёг-мой, пиво, сут, қ.х. машиналарини таъмирлаш, қурилиш материаллари, темир-бетон буюмлар, графитли электродлар з-длари, гиламчилик, тикувчилик, кондитер ф-калари, гўшт, дон маҳсулотлари к-тлари ишлаб турибди. Аэропорт, қ.х. техникуми, тиббиёт ва пед. билим юртлари, маданият ва истироҳат боғи бор.

ТОШҲОВУЗ ВИЛОЯТИ — Туркманистон таркибидаги вилоят. 1970 й. 14 дек.да қайта ташкил этилган (аввал 1939 й. 21 нояб.дан 1963 й. 10 янв.гача мавжуд бўлган). Майд. 73,6 минг км². Аҳолиси 1165 минг киши (2001), асосан, туркман ва ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 33%, қишлоқ аҳолиси — 67%. Аҳолисининг кўп қисми Амударё водийсида, т.й. атрофларида. Чўлда, аксари, чорвадорлар мавсумий ҳаёт кечиради. Т.в.да 6 маъмурий туман, 2 шаҳар, 7 шаҳарча бор. Маркази — *Тошҳовуз* ш.

Т.в. республиканинг шим. қисмида, Амударё қуйи оқимининг чап соҳилида, Қорақум чўлида жойлашган. Ер юзаси, текислик. Вилоятнинг шим. қисмини Амударёнинг қад. ўзанлари (Кўҳнадарё, Бужуну-Давдон), қад. дельтаси, Сариқамиш сойлиги (Сариқамиш кўли б-н бирга) ва Устюрт платосининг жан.-шарқий чеккаси эгаллаган. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши кам қор ва нисбатан илиқ. Тошҳовузда июлнинг ўртача т-раси 27°, янв.ники —5,5°. Йиллик ёғин 100—150 мм (асосан, қишда ва баҳорда ёғади). Вегетация даври (Тошҳовуз атрофларида) 200 кун. Вилоят ҳудудининг кўпгина майдони қумликлар б-н банд. Бўз тупроқ; қад. аллювиал текисликларда тақирлар, пастликларда шўрхоклар, Амударё қайирида ҳар хил ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Қумликларда оқ саксовул, черкез, қуёнсуяк, бардидошлар, шувоқ, шўра, ҳар хил эфемерлар ўсади. Амударё қайирида ўтлоқ ўсимликлари, тўқай (туранғил, шумтол ва б.) бор.

Амударё ва кўл соҳилларида чий ва қамиш ўсади. Чўлда қарсоқ тулки, бўри, жайран, товушқон, судралувчилар (тошбақа, калтакесак, илон), қушлар учрайди. Амударёдан сазан, лаққабалиқ, судак овланади.

Т.в. Туркманистоннинг асосий пахта етиштириш ва чорвачилик вилоятларидан биридир. Иқтисодиётида енгил ва озиқ-овқат саноати етакчи ўринда. Асосий саноат тармоқлари: пахта тозалаш, ёг-мой, гўшт ва сут, металлсозлик (асосан, таъмирлаш корхоналари), қурилиш материаллари корхоналари. Йирик корхоналари Тошҳовузда жойлашган. Тахта, Илолли, Кўҳна Урганч ва б. туман марказларида пахта тозалаш з-длари, Кўҳна Урганч сут з-ди ишлаб турибди. Вилоят электр энергияни Тахиатош иссиқлик электр ст-яси (Ўзбекистон)дан олади.

Обикор ерларда деҳқончилик қилинади. Амударё сувлари экинзорларга йирик суғориш системалари: Тошсоқа, Қиличниёзбой, Жумабойсоқа, Қипчоқбўзсув шунингдек, эски Шовот ва Ғозовот магистрал каналларидан боради. Тахиатош гидроузели қурилиши муносабати б-н ирригация каналларида сув мунтазам оқа бошлади. Захоб ерларни қуритиш учун қурилган коллекторлар ёрдамида шўр сувлар (Амударёнинг қад. ўзани атрофларидан) Сариқамиш сойлигига ташланади. Экин майдонларига пахта, кўп йиллик ўтлар, ғалла (шоли, арпа, жўхори), кунжут, сабзавот-полиз экинлари, картошка экилади. Боғдорчилик (ўрик, олма, шафтоли, беҳи, нок) ривожланган, токзорлар бор.

Чорвачилик гўшт-жун ва қоракўл тери етиштиришга ихтисослашган. Воҳаларда қорамол ва йилқи, қўй (асосан, қоракўл қўйлар), эчки ва чўлларда туя боқилади. Обикор ерларда пиллачилик ривожланган. Т.й. узунлиги 72 км, автомобиль йўллари 1000 км дан зиёд. Аэропорт бор. Т.в.да мусиқали драма театри, Кўҳна Урганч тарихий-меъморий музей қўриқхонаси, умумий таълим мактаблари, ўрта махсус билим юртлари, клуб муассасалари, кутубхоналар мавжуд.

ТОҚ (араб.) — меъморликда: 1) бинонинг ярим шар шаклида ишланган эшик, дарвоза тепаси ва пештоғидаги равоқ; 2) бино ва иншоотларнинг ярим шарсимон қилиб ишланган томи, гумбаз остидаги раста. Ўрта аср Ўрта Осиё шаҳарларидаги тўрт равоқли (тоқ-равоқли) гумбазли иншоот. Асосий савдо зали, қатор савдо расталари ҳамда ҳунармандлар устахонасидан иборат бўлиб, шаҳар маркази, чорраҳа ва чорсуларида бунёд этилган. Қатор усти ёпиқ бозорлар чорсу, *каппон*, *тим* ва б. номларда аталган (яна қ. *Тоқи заргарон*, *Тоқи саррофон*, *Тоқи телпакфурушон*).

ТОҚ СОН — 2 га бўлинмайдиган бутун сон (мусбат ёки манфий). Мас., 1, 3, 5; —1, —3 ва ҳ.к.

ТОҚ ТУЁҚЛИЛАР (Perissodactyla) — сут эмизувчилар туркуми. Олдинги оёқларида 1,3 ёки 4 та, орқа оёқларида 1 ёки 3 та бармоқ бор. Учинчи бармоғи бошқа бармоқларига қараганда яхши ривожланган; учида туёғи мавжуд. Гавдаси шу бармоққа таянади. Жағ тишлари ўсимлик маҳсулотларини чайнашга мослашган. Калла суягининг юз қисми чўзиқ. Ўмров суяги йўқ. Сон суягида учинчи кўстнинг борлиги б-н жуфт туёқлилардан фарқ қилади. Ошқозони бир камерали. Кўричаги узун. Битта бола туғади. Т.т. Африка, Осиё, Жан. Америкада тарқалган; уй ҳайвонлари сифатида барча қитъаларда бор. Жан. Европада 19-а. охиригача ёввойи ҳолда яшаган. 3 оиласи: отсимонлар, *каркидонлар* ва *тапирлар* мавжуд.

ТОҚИ БЎСТОН — Сосонийлар даври Эрон меъморлик санъати ёдгорлиги (4—5-а.лар). Шоҳларнинг ов қўрғони, чорбоғи. Кермоншаҳ (ҳоз. Бахтаран)дан 5 км шим. -шарқда жойлашган. 2 ра-

Тоқи бўстон (Катта равоқ, тахм. 600 й.).

воқли қоя. Кичик равоқ (тарҳи 5,8×3,6 м) ни Шопур III (383—388), Катта равоқ (тарҳи 7,94×6,79 м) ни эса Пороз (457—483) ёки Хисрав II (590—628) қурдирган. Равоқлардаги бўртма тасвирларда ҳайкалчалар, тўнғиз ва буғу ови тасвири ҳамда ёзувлар сақланган.

Тоқи заргарон. Умумий кўриниши.

ТОҚИ ЗАРГАРОН (форс. — заргарлар тоқи) — Бухородаги меъморий ёдгорлик (16-а.). Заргарлик буюмлари сотиш учун мўлжалланган савдо маркази. Гумбази араблар босқинига қадар қурилган деб тахм. қилинади. *Восифий*нинг 16-а. бошларида ёзган асарида Бухоро чорсуси сифатида тилга олинган. Т. з. Улуғбек мадрасаси ёнида, қад. шаҳристон маркази — 2 катта кўча кесишган чорраҳа устини қоплаб туради. Бино, асосан, 15-а.да қурилган (16-а.да тўла-тўкис таъмирланганлиги сабабли шу йили бунёд этилган деб тахм. қилинади). Улкан гумбаз 8 та тоқига ўрнатилган. Тарҳи 45,4×43,5 м, бал. 16,7 м, гумбазининг асос айланаси 14 м, пойгумбази кўп қиррали, ундаги 16 та дарча орқали бино ичига ёруғлик тушиб туради. Атрофини ўраб турган дўконлар гумбази бал. 5—7 м. Ўтмишда унинг далонларида 36 заргарлик устахонаси ва дўконлар бўлган. Атрофига савдо расталари, омбор, карвонсаройлар қурилган. Т.з. Бухородаги тоқиларнинг энг йириги ва мужассамоти жиҳатидан мураккаби ҳисобланади.

ТОҚИ САРРОФОН (форс. — саррофлар тоқи) — Бухородаги меъморий ёдгорлик (16-а.), пул алмаштирадиган бош савдо маркази. Шаҳристоннинг 2 кўчаси кесишган жойда, қад. Шоҳруд ариғи устида *саррофларнинг* дўконлари қурилган. Т.с. энг кичик гумбаздир. Бино 8 қиррали (тарҳи 25×24 м), гумбазининг ички диаметри 12 м, ташқи гумбаз (бал. 16,55 м) 4 тоқи устига ўрнатилган, шаҳарнинг жан.даги чорраҳа устини беркитиб туради. 16-а. 2-ярмида залнинг 4 кесик бурчакларидан бирига масжид, бошқасига Саррофон ҳаммоми, қолган 2 тасига саррофон дўконлари келиб туташган. Масжидга кираверишда «Бу қурилиш 1534—35 й.лари Убайдулла Баҳодирхон подшолиги даврида якунланди» деган ёзув сақланган. Бу атрофдаги биноларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Шайбонийлар даврида Бухоро хусусий талбиркорлик, қарз бериш ва пул алмаштириш марказига айланган. Бухорода саррофлар номи б-н боғлиқ уйлар, савдо гумбази, карвонсарой, масжид, ҳаммом ва б. мавжуд бўлган.

Тоқи саррафон. Умумий кўриниши.

ТОҚИ ТЕЛПАКФУРУШОН (форс. — телпакфурушлар тоқи) — Бухородаги меъморий ёдгорлик (16-а). Бош кийимлар тайёрлаш ва сотишга мўлжалланган гумбазли бино. Вақф ҳужжатларига кўра, турли томонлардан келиб туташган 5 кўчанинг кесишган жойида қурилган (1570—71). Бино чохарсўки Аханин, Тоқи китобфурушон, Тоқи Хўжа Муҳаммад Паррон каби номлар б-н аталган. Бош гумбази 6 қиррали девор устига ўрнатилган, атрофи — кўча, кўчалардан кириш қисмлари эса кичик гумбазчалар б-н ёпилган. Гумбаз диаметри 38 м, зал шифти 10 м, савдо кўчасининг сақланиб қолган майдони 28 м, кўча кенглиги 14 м. Ўтмишда гумбаз остида бош кийим ва китоб сотувчи муқовасоз усталарнинг дўконлари бўлган.

Тоқи телпакфурушон.

ТОҚТОШ Рафаил Ҳодиевич (1926.26.1, Қозон) — санъатшунос, рассом, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978). Санъатшунослик д-ри (1973), проф. (1996). Москвадаги И. Суриков номидаги бадиий ин-тда (1946—50) ва Петербург БАда (1950—54) таълим олган. Татар адиби *Ҳоди Тоқтош*нинг ўғли. 1932 й.дан Ўзбекистонда. 1960 й.дан Ҳамза номидаги санъатшунослик и. т. ин-тида катта илмий ходим. 1996 й.дан Санъат ин-ти (1997 й.дан Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти)да педагог. Т.нинг илмий фаолияти Ўзбекистон тасвирий санъати масалаларини ёритишга бағишланган.

Т. рассом сифатида яратган асарлари (жумладан, Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодига бағишланган расмлар ва графика туркуми) республика музейларида сақланади. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ас.: Баҳром Ҳамдамий, Т., 1969; Ўзбекистоннинг тасвирий санъати, Т., 1972; Ҳозирги замон Ўзбекистон графикаси, Т., 1972; Ўрол Тансиқбоев, Т., 1978; Александр Волков, Т., 1982; Бадиий танқид этюдлари, Т., 1993.

ТОҒ БОСИМИ — тоғ геомеханикаси фанида умумлашма тушунча бўлиб, Ер қаърида табиий ҳамда сунъий (и.ч. зарурияти натижасида) ҳолда намоён бўладиган турли кучланишлар мажмуаси. Т.б.ни вужудга келтирувчи асосий сабаблардан бири гравитациядир; тарқалиш майдони, таъсир кучи ва вақти турлича бўлган қўшимча сабаблар геотектоник жараёнлар, ер ости ҳамда ер усти иншоотларини қурилиши, фойдали қазилмаларни қазиб олиш жараёнларидир. Тоғ жинслари массивида турли кучланишда ва тезликда намоён бўлувчи Т.б. турли ижобий (фойдали

қазилмаларни қазиб олишни осонлаштиради) ёки салбий оқибатларга олиб келади. Т.б. намоён бўлишини башоратлаш, ўрганиш, унинг оқибатлари оллини олиш — кончилик амалиёти ва фанининг асосий вазифаси. Кон иншоотларини тўғри жойлаштириш, ўтказиш ва уларни таъминлаш Т.б.ни тартибга солишнинг шахталарда кенг қўлланиладиган маҳаллий самарали воситасидир. Т.б. тушунчаси 19-а.да пайдо бўлган. Ўзбекистонда Т.б. ни бошқариш фани М. М. Протодьяконов асарларида ўз аксини топган.

ТОҒ ЖИНСЛАРИ — Ер пўстини ташкил қилувчи, мустақил геологик жисм ҳосил қилувчи доимий таркибга эга бўлган табиий минерал агрегатлар. «Т.ж.» термини ҳоз. маънода 1798 й.дан бери ишлатилиб келинади. Одатда Т.ж. деб фақат қаттиқ жисмларни тушунилади, кенг маънода эса уларга сув, нефть ва табиий газлар ҳам киради. Т.ж.нинг кимёвий ва минерал таркиби б-н бир қаторда, структура ва текстураси ҳам муҳим диагностик белги ҳисобланади. Т.ж.даги минераллар фоизи, уларнинг минерал таркибини аниқлайди. Келиб чиқишига қараб улар 3 гуруҳга бўлинади: магматик (отқинди), чўкинди ва метаморфик жинслар (қ. *Магматик тоғ жинслари, Метаморфик тоғ жинслари, Чўкинди тоғ жинслари*). Ер пўстининг 90% га яқин қисми магматик ва метаморфик, қолган 10% чўкинди тоғ жинсларидан иборат, аммо Ер юзасининг 75% майдонини чўкинди тоғ жинслари эгаллайди. Т.ж.нинг келиб чиқишида минерал таркибидаги фарқи уларнинг кимёвий таркиби ва кимёвий хусусиятларида ўз аксини топган. Асосан, силикатли минераллардан иборат магматик Т.ж.нинг кимёвий таркибида кремний кислота кўп бўлади. Таркибидаги SiO_2 миқдорига қараб магматик Т.ж. нордон (65% дан ортиқ), ўта (55—65%) ва асосли (50% дан оз) жинсларга бўлинади. Бундан ташқари, таркибида SiO_2 жуда кўп бўлган (75% дан ортиқ) ўта нордон ва жуда кам (40% дан кам), лекин, магний оксидига бой — ўта асосли жинслар бўлади. Ишқорли металларга бой жинслар ишқорли жинслар дейилади. Чўкинди Т.ж.нинг кимёвий таркиби магматик жинсларникидан дифференцияланганлиги, жинс ҳосил қилувчи компонентлар таркибининг турлича бўлиши, сув, карбонат кислота, органик углероднинг кўп миқдорда бўлиши б-н фарқланади. Метаморфик Т.ж. таркибига кўра, чўкинди (туб жинс) жинсларга ёки магматик жинсларга яқин туради, қайта кристалланиш ва метасомат жараёнида кўпгина рудали элементлар жамланиб рудали конлар ҳосил қилади. Т.ж. зичлик, эластиклик, пишиқлик, иссиқлик, электр ва магнит хусусиятларига эга. Қуйида уларнинг физик хусусиятлари ўзгариши мумкин бўлган чегаралари келтирилган:

Ғоваклик	60% гача
Зичлик	0,8—8,0 г/см³
Юнг модули	10—200 Гн/м³
Пуассон коэффициенти	0,07—0,38
Сиқилишга чидамлилиги	500 Мн/м² гача
Чўзилишга чидамлилиги	20 Мн/м² гача
Солиштирма иссиқлик ўтказувчанлик	0,1—10 вт/(м·К)
Чизиқли кенгайиш коэффициенти	$1\cdot10^{-6}$—$9\cdot10^{-5}$ 1/°С
Солиштирма коэффициенти	10^{-1}—10^{14} ом·м
Нисбий диэлектрик ўтказувчанлик	2—30
Нисбий магнит ўтказувчанлик	0,9998—4

Т.ж.нинг хусусиятлари уларнинг минерал таркиби, тузилиши ва ташқи шароитига боғлиқ. Ғоваклик ва дарзлик Т.ж. хоссаларини аниқлайдиган муҳим параметрлардир. Ғовакчалар қисман суюқлик б-н тўлган бўлиши мумкин, шунинг учун Т.ж.нинг хоссалари қаттиқ, газсимон ва суюқ фазаларнинг хусусиятлари ва уларнинг нисбий миқдорига ҳам боғлиқ. Ғоваклик ва дарзлик Т.ж.ни нефть ва сув коллектори сифатида баҳолашда, ҳамда уларнинг булоққа, бурғи қудуғи ва б.га оқиб келиш тезлигини аниқлашда муҳимдир. Т.ж.нинг намлик ва газ сиғими, сув ва газ ўтказувчанлиги ҳам уларнинг ғоваклилиги б-н аниқланади. Магматик Т.ж.да газли бўшлиқлар миқдори 60—80% га етади (мас., пемза ва пемза туфлари). Чўкинди Т.ж.да чўкинди ҳосил бўлиш жараёнида ғовакчалар вужудга келиб, цементланиш вақтида беркилиши ёки сақланиб қолиши мумкин. Метаморфик Т.ж.да ғовакчалар кам бўлади, фақат ёриқлар (дарзликлар) бўлиб, улар жинслар совиётганда пайдо бўлади. Т.ж.нинг зичлиги уларнинг ғоваклиги ва минерал таркиби б-н боғлиқ. Рудали минераллар юқори зичликка эга (мас., пиритда — 5000 кг/м³ гача, галенитда 7570 кг/м³гача); чўкинди тоғ жинслари минералларининг зичлиги кам (мас., тош тузининг зичлиги 2,2 г/см³). Т.ж.нинг иссиқлик сиғими, ҳажмнинг иссиқликдан кенгайиш коэффициенти ва б. биринчи галда уларнинг минерал таркиби б-н аниқланади. Т.ж.нинг мустаҳкамлик, таранглик хусусиятлари иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги, асосан, жинсларнинг тузилиши ва айниқса доначаларнинг ўзаро боғланиш кучига боғлиқ. Физик хоссалари қатлам текисликлари йўналишида бир хил бўлса, кўндаланг йўналиш бўйлаб бошқача бўлади. Т.ж.нинг чўзилишга чидаш даражаси, иссиқлик ўтказувчанлик, электр ўтказувчанлик, диэлектрик ва магнит ўтказувчанлик хусусиятлари қатлам йўналиши бўйлаб, сиқилишга чидаш даражаси эса кўндаланг йўналиш бўйлаб кўпроқ бўлади. Майда донадор Т.ж.да мустаҳкамлик юқори бўлса, йирик донадор Т.ж.да паст бўлади. Сиқилишга чидаш даражаси айниқса, толасимон тузилган майда донадор жинсларда юксак (мас., нефритда 500 Мн/м²). Кўпгина чўкинди жинсларда (тош тузи, гипс ва б.)да сиқилишга чидаш даражаси паст. Т.ж., одатда, иссиқликни ёмон ўтказади, ғоваклик ортиши б-н уларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги янада сусаяди. Таркибида ярим ўтказгичлар (графит, темир ва полиметалл рудалари ва б.) бўлган жинсларда иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти кўп бўлади. Т.ж.нинг кўпи диэлектрик ва ярим ўтказгичларга киради. Уларнинг магнитланиш хоссалари, биринчи галда, улар таркибидаги ферромагнит минераллар (магнетит, титан-магнетит, пирротин)га боғлиқ. Т.ж.нинг хоссалари механик (босим), иссиқлик (т-ра), электр, магнит, радиацион (кучланиш) ва моддий (суюқлик, газ ва б.га тўйинганлиги) майдонларнинг таъсирига боғлиқ. Босим таъсирида жинслар зичлашади, ғоваклар эзилади, доначаларнинг контакт майдони кенгаяди, шу тариқа Т.ж.нинг хоссалари ўзгаради. Одатда, босим ортиши б-н электр ва иссиқлик ўтказувчанлик, мустаҳкамлик ва б. ошиб боради. Иссиқлик айрим минералларнинг эриб зичлашиши, парчаланиши, бугланишига олиб келади, натижада Т.ж. хоссалари ўзгаради. Электромагнит майдонларнинг кучланиши ва частотаси Т.ж.нинг электромагнит ва радиотўлқин хусусиятларига катта таъсир кўрсатади. Т.ж.фойдали қазилма сифатида ўзига хос мустаҳкамлик, абразивлик, қаттиқлик, пармаланиш даражаси, портлашга чидамлилиги ва б. технологик хусусиятларга эга. Уларнинг моддий таркиби, физик ва кимёвий хусусиятлари геофизика, геол. (жумладан, муҳандислик геол.си) ва кончилик саноатида информацияларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

ТОҒ ЖИНСЛАРИ ТУЗИЛИШИ — минерал ва минерал агрегатларидан иборат тоғ жинсларининг тузилиш тавсифи. «Т.ж.т.» умумлашма термин бўлиб, тоғ жинсларининг структураси ва текстураси тушунчасини ўз ичига олади. Структура минералларнинг ўлчами, шакли ва ўзаро жойланиши б-н аниқланади; текстура тоғ жинсларининг йирикроқ таркибий қисми (минерал агрегатлар)нинг умумий ҳамда бўшлиқда жойлашиш хусусиятлари б-н аниқланади.

Магматик тоғ жинсларининг тузилиши. Магматик тоғ жинсларининг структураси магманинг таркиби ва унинг совиш шароитларига боғлиқ. Отқинди, томир ва эффузив жинсларда улар турлича бўлади. Отқинди жинслар учун тўлиқ кристалли структуралар хос бўлиб, унда жинсларнинг барча моддалари қайта кристалланади. Магма таркибида учувчи компонентларнинг бўлиши кристалланиш т-расини пасайтиради ва магманинг қайишқоқлигини камайтиради, булар эса кристаллизация жараёнини тўлиқ бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун, нордон магманинг чуқур шароитда, учувчи компонентларни сақлаган ҳолда секин совиши тўлиқ кристалланган донадор жинслар (мас., гранит) ҳосил бўлишига олиб келади. Идиоморфизмнинг турли даражадаги жинс ҳосил қилувчи минераллар йиғиндиси бўлган структуралар — гипидиоморф донадорли (гранит, сиенит ва диоритлар) дейилади. Эритмадан бир вақтнинг ўзида дала шпати ва кварцнинг ажралиши пегматитсимон ёки графиксимон структураларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кристалларнинг нисбий ўлчамига қараб, текис донадор ва нотекис донадор бўлади. Нотекис донадорлари порфирли ва порфир кўринишли бўлади. Порфир кўринишли структураларда тоғ жинсининг массаси майда ва ўрта донали бўлиб, алоҳида минералларнинг йирик порфирли бўлакчаларидан ташкил топади. Отқинди жинслардаги текстуралар орасида энг аввало массивли ёки бир жинсли текстуралар бўлиб, уларда барча минераллар жинс бўйлаб бир текисда тарқалган ва ҳамма майдонларда тахм. бир хил таркиб ва структурага эга бўлади. Ҳар хил жинсли такситли текстуралар ҳам кенг тарқалган. Йўл-йўл ва флюидал текстуралар минералларнинг ориентирли жойлашуви б-н кристалланаётган магманинг ҳаракатлари вақтида вужудга келади. Томирли ва эффузив тоғ жинсларига порфирли структура хос бўлиб, у магманинг совиши ва учувчи компонентларнинг йўқолишига боғлиқ бўлган тез кристалланишини ифодалайди; баъзан бу структура отқинди жисмларнинг чекка қисмларида кузатилади, тоғ жинсларининг асосини ташкил қилувчи зич (афанитли) массасида минералларнинг йирик хол-хол ажратмалари борлиги б-н боғлиқ. Хол-холлиги бўлмаган эффузив жинсларнинг структуралари афанитли деб аталади. Асосий массанинг структуралари орасида шиша ва кристаллар (микролитлар) нисбатига қараб шишали ёки витрофирли, ярим кристалли ва микролитли структуралар фарқ қилинади. Эффузив жинсларнинг кристалланиш даражаси магманинг таркиби ва унинг кристалланиш геологик шароитига боғлиқ. Ер юзасида лаванинг совиши ва учувчи компонентларнинг йўқолиши биргаликда тез содир бўлади. Нордон ва ўртача лавалар (липаритли, андезитли) ярим кристалланган ва асосий массаларида ингичка (мм нинг ўндан ва юздан бир қисми) микролитлар бўлган шишасимон жинслар (обсидиан, пемза) ҳосил қилади. Асосий ва суюқроқ лавалар Ер юзасида ярим кристалланган жинслар кўринишида совийди. Эффузив жинсларнинг текстуралари орасида: массивли, флюидал, йўл-йўл флюидаллилар бўлиб, улар турли рангдаги вулканик шиша, хол-холлилик ва микролитлар параллел чизиқчали жойлашуви б-н боғлиқ бўлади. Лавадаги газли пуфакчаларнинг миқдорига қараб говакли, пуфакчали ва пемзали текстуралар фарқ қилади. Бўшлиқлар иккиламчи минераллар (кварц, опал, цеолит, карбонатлар ва б.) б-н тўлдирилганда бодомтошли текстуралар ҳосил бўлади.

Чўкинди тоғ жинсларининг тузилиши б-н генезиси орасидаги алоқа отқинди жинсларникига қараганда янада яққолроқ кўринади. *Чақиқ тоғ жинслари* доналарининг ўзаро жойлашиши б-н аниқланадиган текстураси 3 хил асосий типда; тартибсиз, қатламли ва флюидалли бўлади. Чақиқ тошлар цементланган (кварц, опал, кальцит) ёки ўзаро боғланмаган бўлиши мумкин. Органоген тоғ жинсларининг тузилиши, айниқса, кенг тарқалган карбонат жинслар (оҳактош, доломит) да хилма-хил бўлади. Бу жинслар таркиб топган органик қолдиқлар яхши сақланганда, структура буткул шу организмларнинг тавсифи б-н аниқланади: бу структуралар биоморфли ва яхлит чиғаноқли деб аталади. Биоген жинслар учун қайта кристалланиш ва метасоматизм структуралари хос. Хемоген тоғ жинсларининг тузилиши турли ўлчамдаги кристалл доналарининг ўсиши б-н тавсифланади. Хемоген тоғ жинсларининг текстураси орасида оолитли, массивли ва қатламлилари кўп тарқалган.

Метаморфик тоғ жинсларининг тузилиши. Метаморфик тоғ жинсларининг структура ва текстураси бирламчи чўкинди ва магматик тоғ жинсларининг қаттиқ ҳолатда катта чуқурликда литостатик босим таъсири остида, т-ралар ва эритмалар (флюидлар) таъсирида кўпинча деформация вазиятида қайта кристалланиши мобайнида минерал доналарининг маълум йўналишда ётиши, гнейсли ва сланецли текстураларга қонуниятли тарзда олиб келади. Метаморфик тоғ жинслари структуралари қаттиқ ёки эгилувчан муҳитда минералларнинг ўсиши натижасида пайдо бўлса, кристаллобластли дейилади. Текис донали ва нотекис донали структуралар бўлиб, улар майда донали жинслар массаси орасида минералларнинг йирик кристаллари кўплиги б-н тавсифланади. Минерал доналарининг шаклига қараб метаморфик жинслар орасида гранобластли ёки донали (кварцитлар, мармарлар), лепидобластли ёки баргсимон шаклга эга бўлган минерал доналаридан таркиб топган (слюдали сланецлар, филлитлар) баргли, лепидогранобластли ёки дона барглилар фарқ қилинади. Агар метаморфик тоғ жинслари бошлангич структурасининг реликти сақланган бўлса, структуранинг номи бирламчи структура номига бласт сўзи қўшилиб (бластпорфирли, бластпсаммитли ва б.) айтилади. Метаморфик тоғ жинслари дастлабки жинслар текстурасининг реликти ҳам сақланиб қолиши мумкин.

ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ БУРМАЛАНИШИ, бурмаланишнинг ҳосил бўлиши — тектоник деформациялар натижасида тоғ жинслари қатламларининг эзилиб, бурмаланиш жараёни. Бурмалар мажмуаси шакли, келиб чиқиши ва ҳосил бўлишининг кинематик шароитларига қараб фарқланади. Т.ж.б. морфологик белгиларга қараб тўлиқ, голоморфли ёки узун, ингичка бурмалардан ташкил топган, қаварик (антиклиналь) ва ботиқ (синклиналь) бурмаланган зоналарни мунтазам тўлдириб турувчи чизиқли (альпинотипли); узуқ-юлуқли ёки алоҳида, тарқоқ, кўпроқ антиклиналь бурмаларга яқин турли шаклдаги (валлар, гумбазлар, нотўғри кўринишли кўтарилмалар) тўғри ётган қатламлар майдонлари б-н бўлинган гуруҳлардан ташкил топган идиоморфли; оралиқ бурмаланишли ва б. типларга бўлинади. Тўлиқ бурмаланишда ҳудуднинг ҳамма майдони антиклиналь ва синклиналь бурмалар б-н банд бўлиб, горизонтал қатламлар учрамайди. Унда, асосан, сурилиш ва ушалиш, тоғ жинсларининг жинслашиши ва метаморфизми содир бўлади. Узуқ-юлуқ бурмаланишга брахиантиклиналь ва брахисинклиналлар, кўтарилмалар, гумбазлар, диапир бурма ва б. киради. Уларда тик тектоник бузилишлар кўп учрайди. Оралиқ бурмаланишлар 2 хил: қиррасимон ва сандиқсимон бўлади. Қиррасимон бурмаланишда жарлик, сиқиқ антиклиналь ва кенг текис синклиналлар навбатма-навбат келади, тоғ олди букилмаларида учрайди. Сандиқсимон бурмаланиш сандиқсимон антиклиналь ва синклиналлардан иборат. Турли даврларда ҳосил бўлган турли ёшдаги бурмаланишлар маълум. Мас., Байкал (токембрий охири — кембрий боши), Каледон (қуйи палеозой охирида), Герцин (юқори палеозойда), Киммерий ёки Тинч океан (юқори юра ва бўр даврларида) ва Альп (кайнозойда) бурмаланишлари. Т.ж.б.ни ўрганиш фақат назарий эмас, балки амалий аҳамиятга эга, чунки бурмали деформациялар фойдали қазилмалар ётишининг тавсифига ва концентрациясига таъсир кўрсатади. Т.ж.б. пайтида нефть, газ ва баъзи бир руда конлари ҳосил бўлади ва тўпланади.

ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ ЁТИШИ — Ер пўстида тоғ жинсларининг шакли ва фазовий жойлашуви. Чўкинди тоғ жинслари бузилмаган ҳолатда дастлаб горизонтал жойлашади. Тоғ жинслари дастлабки ётишининг бузилиши ёки дислокацияси 2 сабаб б-н: эндоген — тектоник ҳаракатлар ва экзоген — кўчки, ўпирилиш, тоғ жинсларининг эришига сабаб бўлувчи ер юзасидаги ва айниқса, грунт сувларининг фаолияти натижасида содир бўлади. Т.ж.ё. чўкинди тоғ жинсларининг тўпланиш шароити бўйича 3 хилга ажратилади: трансгрессив, регрессив ва миграцион ётиш. Т.ж.ё. 3 асосий гуруҳ: бурмаланган ёки пликативли (қатламлар яхлитлиги бузилмаган), узилишли ёки дизъюнктивли (узилиш б-н), магматик массаларнинг сингиб кириши ёки илгари ҳосил бўлган тоғ жинслари қатламларида юқори қайишқоқликка эга бўлган жинсларнинг (тузлар, гипслар) бузилиш шаклларидан иборат. Қатламларнинг турли ёшдаги мажмуалари кўпайганда Т.ж.ё.нинг 2 асосий типи: мувофиқ ва номувофиқ ётиши фарқ қилинади. Бу терминлардан стратиграфик ва структуравий ўзаро муносабатларни аниқлашда фойдаланилади. Магматик тоғ жинслари турли хил шаклларда ётади. Ер юзасига оқиб чиқ-

қан лавалар оқим ва қоплам (эффузив тоғ жинслари) кўринишида совийди; ер юзасидан унча чуқур бўлмаган жойда магманинг совиши натижасида штоклар, томирлар, дайкалар, плитасимон қия жисмлар (силлар), лакколитлар (экструзив ва гипабиссал тоғ жинслари) вужудга келади. Магма 1,5—2 км чуқурликда совиганда штоклар ва батолитлар (интрузив тоғ жинслари) ҳосил бўлади.

ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ МЕТАМОРФИЗМИ (юн. metamorphoomai — ўзгараман) — Ер пўстидаги тоғ жинсларининг минерал ва кимёвий таркиби, структура ва текстураларининг ҳамда чуқур флюидлар (учувчи компонентлар), босим, т-ра таъсири остида мантиянинг жиддий ўзгариши. «Т.ж.м.» термини инглиз геологи Ч. Лайель томонидан 1883 й.да киритилган. Т.ж.м. ҳар доим тектоник дислокациялар (бурмаланиш, чуқур ёриқлар), баъзан магматик массаларнинг кўтарилиши б-н боғлиқ бўлиб, жинслар эримаган кристалл (қаттиқ ёки пластик) ҳолатида (уларга нураш, чўкиндиларнинг диагенези ва цементланиши, ер юзасига яқин жойлардаги жинслашиш жараёнлари тегишли эмас) содир бўлади. Дислокациялар Ернинг чуқур зоналаригача етиб бориб, флюидларнинг юқорига йўналган оқимининг ҳосил бўлиши ва магматизмнинг ривожланишига олиб келадиган т-ранинг кўтарилишини, Т.ж.м.ни, эндоген конларнинг ҳосил бўлишини тезлаштиради. Бу жараёнлар генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлиб, Ер пўсти эволюцияси сурьати давомида жисмларнинг юқорига йўналган миграциясини акс эттиради. Т.ж.м. метаморфик тоғ жинсларининг минерал таркибини аниқловчи омиллар бўлиб, т-ра (T), метаморфизм ривожланишининг чуқурлиги б-н аниқланадиган литостатик босим (Ps) ва баъзан HO_2, H_2, CO_2, CH_4, H_2S, Cl_2, F_2 ва б. флюидларнинг таркибига кирувчи кимёвий газларнинг потенциаллари хизмат қилади. Бу омилларнинг муносабатида (асосан, T, Ps, P_{H_2O}), метаморфик жинсларда (метаморфизм фациялари) энг асосий минералларнинг турғунлик областлари ажралиб туради, унинг асосида метаморфизм даражасини ўрганиш ва барча метаморфик жинсларнинг бўлиниши ётади. Бир ёқламали босим (стресс) Т.ж.м.нинг омили бўлиб хизмат қилмайди, чунки унда янги минераллар ҳосил бўлмайди. Шу б-н бир вақтда метаморфик тоғ жинсларининг текстурасига таъсир қилиб, флюидлар учун жинсларнинг ўтказувчанлигини кўпайтиради. Т.ж.м. учувчи компонентларнинг (H_2O, CO_2, O_2) фақатгина таркиби ўзгарганида, шартли равишда изокимёвий, бошқа компонентларнинг (K_2O, Na_2O, CaO ва б.) ўзгариши б-н боғлиқ бўлганда аллокимёвий; тоғ жинслари кимёвий таркибининг интенсив (жадал) локал ўзгаришларида, компонентларнинг бир қисми буткул ҳаракатдаги таркибга ўтганда Т.ж.м. метасоматизм дейилади. Дастлабки минералларнинг кимёвий таркиби ўзгариши даражаси, изокимёвий метаморфизм — аллакимёвий метаморфизм — метасоматизм жараёнлари б-н бир қаторда ўсиб боради. Т.ж.м. жуда катта ҳажмдаги тоғ жинсларини қуршаб олиши мумкин (тоғ жинсларининг регионал метаморфизми) ёки маҳаллий бўлиб, отқинди жинслар б-н контактда (контактли метаморфизм) ёки ёриқларда (ёриқли метаморфизм) бўлади. Геосинклиналь ривожланиши тарихида эрта (гранитгача) бўлган натрий тавсифидаги (сплитлар, альбит-хлоритли ва глаукофанли сланецлар, эвкогитларнинг ҳосил бўлиши), плагиогранитларнинг шаклланиши б-н боғлиқ (плагимигматитлар, плагигнейслар, альбитли слюдали сланецлар ва б.) ёки нормадаги калий гранитли (мигматитлар, гнейслар, слюдали сланецлар, филлитлар ва б.) Т.ж.м. фарқ қилинади. Геосинклиналларнинг эрта ривожланишида, метаморфик минтақалар эволюциясида метаморфизмнинг натрийли тавсифи, метаморфлашган эритмаларда калийнинг роли кучайиши йўналишида ўзгаради. Т-ра кўтарилганда содир бўладиган Т.ж.м. прогрессивли деб аталади. У туб жинсларда учувчи компонентларнинг йўқолиши мобайнида кузатилади. Т-ра пасайган вазиятдаги тескари жараён тоғ жинсларининг регрессивли метаморфизми дейилади. Такрорий регрессивли метаморфизм диафторез деб аталади (яна қ. *Петрография*).

ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ НАМ СИҒИМИ — маълум миқдордаги сувни ўзига сиғдириб, ушлаб туриш хусусияти. Мутлақ қуруқ жинслардан фоиз ҳисобида ифодаланади. Т.ж.н.с. оғирлиги (сув массасининг қуруқ жинс массасига нисбати) ёки ҳажми (сув ҳажмини жинс ҳажмига нисбати) жиҳатидан фоизда ифодаланадиган нам сиғими коэффициенти б-н тавсифланади. Тоғ жинслари: нам сиғимли (торф, балчиқ, қумоқ тупроқ, гил), нам сиғими кам (бўр, мергель, гилли қум, соф тупроқ жинслари), нам сиғимсиз (яхлит отқинди ва чўкинди жинслар) бўлади.

ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ РАДИОАКТИВЛИГИ — тоғ жинслари таркибида U, Th радиоактив элементларининг ва уларнинг емирилиш маҳсуллари K ва

Rb ларининг мавжудлиги. Радиоактив элементлар $^{238}_{92}U$, $^{235}_{92}U$ радиоактив ҳал аъзолари ва $^{40}_{19}K$ $^{232}_{90}Th$ радиоактив изотопининг миқдори б-н аниқланади. Уран иккала изотопининг Ер пўстидаги (16 км чуқурликкача) миқдори тахм. $2{,}5 \cdot 10^{-4}$% (вазн ҳисобида), торийники $1{,}3 \cdot 10^{-3}$%, калий радиоактив изотопиники 0,29%. Т.ж.р. Ернинг иссиқлик балансида муҳим роль ўйнайди. Магматик жинсларда радиоактив элементлар таркиби уларнинг нордонлилиги ёки ишқорлилиги ортиши б-н ўсиб боради. Отқинди тоғ жинслари орасида нордон жинслар энг катта радиоактивликка (U —$3{,}5 \cdot 10^{-4}$; Th — $1{,}8 \cdot 10^{-3}$), ультраасосли жинслар эса, энг кичик радиоактивликка (U—$3 \cdot 10^{-7}$) эгадир. Отқинди тоғ жинсларда U, асосан, торий- нодир ер элементлари гуруҳини акцессор минералларида изоморф аралашма кўринишида ва жинс ҳосил қилувчи минералларда сочма шаклда учрайди. Th эса, асосан, торий-нодир ер элементлари гуруҳини акцессор минералларида етакчи элемент ёки аралашма ҳолида иштирок этади. K ва Pb минерал ҳосил қилувчи минераллар б-н боғлиқ. Чўкинди тоғ жинсларидаги радиоактив элементлар (U—$3{,}2 \cdot 10^{-4}$ Th—$1{,}1 \cdot 10^{-3}$) таркиби келиб чиқишига боғлиқ. Терриген чўкинди тоғ жинслари радиоактивлиги магматик жинсларникига яқин. Чўкинди тоғ жинслари орасида Uнинг юқори концентрацияси сифатида денгиз фосфоритлари (50—300×10^{-4}%), баъзи бир қора сланецлар (то 100×10^{-4}%) ҳамда балиқларнинг суяк қолдиқлари ва қўнғир кўмир ажратилади. Метаморфик жинсларнинг радиоактивлиги етарли ўрганилмаган. Тупроқдаги Th нинг Ura нисбати туб жинслардагига қараганда анча катта. Нордон жинслар замирида пайдо бўлган тупроқ анча юқори радиоактивлик б-н ажралиб туради. Ойдаги кристалли жинслар (базальтлар, анортозитларда радиоактив элементлар жуда кам. Инглиз геологи Ж. Жоули биринчи бўлиб (1905) Т.ж.р.ни Ер иссиқлик энергияси манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ СУВ ЎТКАЗУВЧАНЛИГИ — тоғ жинсларининг ўзидан сув ўтказиш имконияти. Сув ўтказиш даражаси, ўзаро туташган говак ва дарзликларнинг ўлчами ва миқдорига ҳамда тоғ жинслари доналарининг саралланганлигига боғлиқ бўлади. Сувни яхши ўтказувчи тоғ жинсларига — шағал, майда шағал, йирик донали қумлар, кучли карстланган ва дарз кетган жинслар киради. Деярли сув ўтказмайдиган жинсларга — гиллар, қумоқ тупроқлар, дарзланмаган кристалли, метаморфик ва мустаҳкам чўкинди тоғ жинслари киради. Т.ж.с.ў. фильтрланаётган тоғ жинсининг кўндаланг кесими майдони бирлиги орқали ўтаётган сувнинг миқдорига тенг бўлган фильтрацияннинг тезлиги б-н аниқланиши мумкин. Гидрогеологик тадқиқот ва ҳисобларда сув ўтказиш коэффициенти тоғ жинсларининг фильтрацион хусусиятларининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Т.ж.с.ў. ни ўрганиш ер ости сувларини қидириш ва разведка қилишда зарур бўлиб, улардан сувларни бир жойга жамлашда, гидрогеологик иншоотларини ўрнатишда, турли типлари ер ости сувларини эксплуатация қилишда фойдаланилади.

ТОҒ КОМПАСИ — тоғ жинслари қатламининг ётиш элементлари: ётиш бурчагининг ўлчами, оғиш ва йўналиш томонларини аниқлайдиган асбоб. Тўғри тўртбурчак шаклдаги магнитланмайдиган пластинка тагликка ўрнатилган *компас* ва қиялик бурчагини аниқлашга мослаштирилган ойна кўрсаттичдан иборат. Т.к.нинг шим.—жан. йўналиши (С—Ю ёки N—S) тагликнинг узун томонига параллел ҳолда жойлаштирилган. Шарқ — ғарб томонлари (В—З) ўрни алмаштирилиб ёзилган. Компас доираси — лимби шим. қутбдан бошлаб соат стрелкаси ҳаракатига тескари йўналишда 360° га бўлинган. Т.к. тоғ жинси қатламига унинг ётишига перпендикуляр равишда ёнбоши б-н, «С» ҳарфли томонини эса ётиш йўналиши бўйлаб жойлаштирилганда лимбада шоқул кўрсатаётган кичик бурчак — қатламнинг ётиш бурчаги, компас ёнбоши бўйлаб қатлам юзасидан ўтказилган чизиқ — ётиш чизиги дейилади. Ётиш чизигига перпендикуляр чизиқ, қатламнинг йўналишини кўрсатади. Қатлам азимути унга Т.к.ни горизонтал равишда «С—Ю» йўналишини қатлам йўналиши чизигига мос жойлаштирилганда магнит стрелкасини шим. учи доирасидаги кўрсаткич — қатлам азимути йўналиши бўлади. Т.к.дан геол. қидирув ишларида фойдаланилади.

ТОҒ МАЙНАСИ (Myophonus caeruleus) — *чумчуқсимонлар* туркумининг *шақшақлар* оиласига мансуб қуш. Катталиги зоғчадек, лекин қанотлари калтароқ, думи узун, патлари кўк ёки бинафша тусда. Тумшуги сариқ. Танасининг уз. 350 мм, думи — 150 мм га яқин. Оғирлиги 170—200 г. Ҳиндистон, Мьянма, Хитой, Ўрта Осиёда тарқалган. Тоғлардаги сув ҳавзалари бўйида уя-тоқ ясайди. Увисини тоғлар орасида ва қоялар ёригида қуради. 4—5 та тухум қўяди. Т.м. сув ҳашаротлари, уларнинг личинкалари, моллюскалар, қунғизлар, чумолилар ва ҳар хил мевалар б-н озиқланади. Чиройли, «бахт қуши» ҳисобланади.

Тоғ майнаси.

ТОҒ МУМИ — қ. *Ошерит*.

ТОҒ ТЕРИСИ —қ. *Палыгорскит*.

ТОҒ ХРУСТАЛИ, тоғ биллури — кварц (SiO_2)нинг дейрли аралашмаларсиз паст т-рали модификацияси: одатда, кимёвий тоза тури. Рангсиз, шаффоф, баъзан оч тутун ранг, саргиш хили ҳам учрайди. Тригонал сингонияда кристалланади. Йирик, тоза монокристаллари кам, кўпроқ метаморфик сланецларнинг ёриқ ва бўшлиқларида, турли типдаги гидротермал томирларнинг ёриқларида, кварцли пегматитларда учрайди. Т.х.нинг бир жинси шаффоф монокристаллари оптик асбоблар ҳамда электр ва радиотехникада пьезоэлектрик маҳсулотлар учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади. Т.х. бадиий тош кесиш санъатида, кварцли ойналар ва зарғарлик буюмларини ясашда ҳам ишлатилади. Т.х.нинг

Тоғ хрусталь.

юқори сифатли хили сунъий йўл б-н олинади. Т.х. конлари Россия (Урал, Олтой), Украина, Хитой, Бразилия, Швейцарияда мавжуд. Ўзбекистонда Т.х., асосан, Майдонтол тоғларида топилган.

ТОҒ ЧАНҒИ СПОРТИ — махсус йўлакчалар бўйлаб тоғдан тушиш. *Чанғи спорти*нинг таркибий қисми: унга слалом (чанғида сунъий ёки табиий тўсиқлар оша тепаликдан пастга тез тушиш), улкан слалом, тезлик б-н тушиш ва кўп кураш мусобақалари киради. Мусобақа қоидаларини 1-марта англиялик А. Лунн (20-а.нинг 20-й.ларида) киритган. 1-мусобақа 1923 й. Швейцарияда бўлган; 1930 й.дан жаҳон биринчилиги мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади. 1936 й.дан қишки Олимпиада ўйинлари дастуридан

жой олган. Ўзбекистонда Т.ч.с. мусобақалари, асосан, Бўстонлиқ туманидаги Чимён базаси мажмуасида ўтказилади. Тоғ чанғичилари ҳар йили 2 марта (ёзда ва қишда) республика биринчилиги ва Ўзбекистон кубоги баҳсларида куч синашадилар. «Қишки таътиллар», «Чимён соврини» мусобақалари энг кучли тоғ чанғичиларини тўплайди. Спорт устаси Файрат Эрметов ёшлар ўртасида Осиё чемпионатининг 2 та кумуш медалига сазовор бўлган. 2004 й.ги Ўзбекистон чемпиони Ксения Григорьева аёллар ўртасида етакчи тоғ чанғичисидир. Ўзбекистон Т.ч.с. уюшмаси (1998 й. тузилган) халқаро Т. ч. с. федерацияси (FIS) га қабул қилинган.

ТОҒ ЧЎҚҚИСИ — тоғ тизмалари, массивлари ва алоҳида тоғларнинг энг баланд жойи ёки нуқтаси. Ҳар хил (платосимон, найзасимон ва б.) шаклдари мавжуд. Ён бағирлари тик ёки бир оз ниша, довимий қор ва музликлар б-н қопланган бўлади. Вужудга келиши тектоник тузилиши, таркибидаги тоғ жинслари (нураш жараёнларига чидамлилиги) ва турли денудацион жараёнлар б-н боғлиқ. Т.ч.нинг денгиз сатҳидан баландлиги ҳам турлича. Энг баланд Т.ч. — Жомолунгма (8848 м), Чиричмир (7690 м), Ўзбекистонда Ҳазрати Султон (4648 м).

ТОҒ ЭЧКИЛАРИ (Capra) — қувуш шохли *жуфт туёқлилар* уруғи. Гавдасининг уз. 100—170 см, ятрининдан бал. 65—115 см, вазни 35—150 кг. Серкаси (эркаги) узун «соқоли» ва думи остида ҳид безлари ривожланган. 8 тури бор. Шим. Африка, Евросиёда, жумладан, Кавказ, Ўрта Осиё, Ғарбий Сибирь тоғларида тарқалган. Чиқиш қийин бўлган қояли жойларда яшайди. Ўзбекистон тоғларида 2 тури: бухарма шохли эчки, яъни морхўр (Кўҳитанг ва Боботоғда) ва Сибирь тоғ эчкиси (Туркистон ва Чатқол тоғ тизмаларида) учрайди. Йилда 1—2 бола тугади. 15—17 йил яшайди. Гўшти ва териси учун овланган. 2 тури ҳам Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Сони кескин камайиб кетган. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилоти Қизил китобига 2 тури ва 2 кенжа тури киритилган. Т.э. — хонаки эчкилар насл боши.

Тоғ эчкиси.

ТОҒ ҚАРҒА (Pyrrhocorax pyrrhocorax) — *чумчуқсимонлар* туркумининг *қарғалар* оиласига мансуб қуш. Катталиги қарғадек. Танасининг уз. 45 см ча, оғирлиги 270—370 г. Патлари қора рангда, думи ва қаноти яшил товланади; тумшуги ва оёғи қизил. Марказий ва Жан. Европа, Шим.-Ғарбий Африка, Эфиопия, Ўрта Осиё тоғларида тарқалган. Ўтроқ ҳаёт кечиради. Тоғларининг алп минтақасида яшайди. Қишда гала бўлиб кўчиб юради. Уясини қоя ва жарликларга қуради. 4—5 та тухум қўйиб, 17—18 кун модаси боқади. Ҳашаротлар, чувалчанглар ва умуртқасизлар, баъзан мевалар б-н озиқланади.

Тоғ қарғаси.

ТОҒ ҚУЛАШИ — катта ҳажмдаги тоғ жинслари массасининг узилиши, ён бағир бўйлаб қулаб тушиши. Тик (45—50°) тоғ ён бағирлари, денгиз қирғоқларида, дарё водийларида содир бўлади. Тоғ жинсларининг нураши, ер ости ва юзасидаги сувнинг ҳаракати, гравитация таъсирида вужудга келади. Т.қ. кўп ҳолларда зилзилалар, қурилишлар, кончилик ишларида техника назоратига амал қилмаслик оқибатида келиб чиқади. Т.қ. пайтида тўрли ўлчамдаги тош бўлаклари тўсатдан пастга қулаб, тошлар уюмини ҳосил қилади. Т.қ. натижасида дарё водийлари тўсилиб қолиб, кўллар вужудга келади. 1911 й.да Мургоб дарёсида йирик Усой Т.қ. содир бўлган. Натижада бал. 700—800 м келадиган табиий тўғон ва *Сарез кўли* вужудга келган. Т.қ.ни ўрганиш ва олдиндан айтиб бериш тоғли ўлкаларда турли қурилишлар олиб боришда амалий аҳамиятга эга.

ТОҒ ҚЎШИНЛАРИ — тоғли жойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун махсус ўқитиб тайёрланадиган умумқўшин, артиллерия, муҳандислик қисм ва қўшилмалари ва б. Қовға чиқувчи, от-улови ва б. бўлинмалардан иборат. Ўзбекистон Куролли кучларида тоғ ўқчилари махсус ҳарбий қисмлари мавжуд.

ТОҒ ХОСИЛ БЎЛИШИ — Ернинг ривожланиши б-н боғлиқ жуда мураккаб геодинамик жараён. Унга бир томондан сайёраларо бўладиган гравитацион ва роташион кучлар варианти таъсир этса, иккинчи томондан замин остидаги радиоактив иссиқлик ҳисобига геологик жинсларнинг эришиши б-н боғлиқ бўлган магматик ҳаракат, метаморфизмга учраган қатламларнинг ўзгариб туриши, эндоген ва экзоген жараёнларнинг кучайиши пайтида денудация ва аккумуляциянинг фаоллашиши кабилар катта таъсир кўрсатади. Натижада, Ер пўстидаги чўкинди тоғ жинсларидан иборат бўлган қатламларда гоҳ вертикал, гоҳ горизонтал тектоник ҳаракатларнинг намоён бўлиши ҳисобига тоғлар шаклланади. Бу жараёнда қатламлар сиқилади, бурмаланиш, синиш ҳолатларига учраб, ер ёриқлари бўйлаб магматик жинслар ҳаракатга келади. Антиклиналь ва синклиналь бурмаланиш орасидаги узилмаларнинг бир-бирига нисбатан силжиши кучли зилзилаларга сабаб бўлади. Қотиб қолган Ер пўстидаги қатламлар, тоғ жинслари орасидан ҳар хил газлар, гидродинамик эритмалар ва магмалар отилиб чиқиши ва ер устида совиши геологик даврларда, турли хил баландликдаги тоғларни ҳосил қилган. Бу эса, ўз навбатида кўтарилма ва чўкмаларни, яъни катта-кичик антиклиналь ва синклиналь структураларни пайдо қилган. Ер тараққиёти тарихида бир қанча геологик даврларда Т.ҳ.б. давом этган. Бу жараён узоқ вақт узлуксиз бўлиб, баъзан тезлашган ёки сустлашган. Мас., палеозой эрасигача бир неча марта тоғлар пайдо бўлган. Палеозой эрасида каледон ва герцин Т.ҳ.б. даврлари юз берган. Уларнинг қолдиқларини Урал, Қоратоғ, Тяньшан, Байкал атрофларидаги тоғларда учратиш мумкин. Мезозой ва кайнозой эраларида Марказий Осиёда, Хитой, Кавказда тоғлар ҳосил бўлган. Айниқса, неоген ва тўртламчи даврдан бошлаб Т.ҳ.б. жараёни кучайди. Бунда қитъаларнинг, уларда жойлашган геологик плиталарнинг бир-бири б-н тўқнашиши натижасида ёш тоғлар пайдо бўлди. Булар шарқдан-ғарбга чўзилган Ўрта денгиз Алп тоғлари тизмаси ва Америка қитъасидаги жан.дан шим.гача чўзилган Анд тоғлари ва бир қанча тоғ тизмаларидир. Шунингдек, ўша даврда илгари денгиз бўлган жойда Тяньшан тоғлари қад кўтарди. Чатқол-Қурама, Олай, Фарғона, Туркистон, Нурота тоғлари, Фарғона, Сурхон водийлари, Тошкент, Қашқадарё тоғ олди водийлари шулар жумласидандир. 25—30 млн. йил аввал бошланган Т.ҳ.б. жараёни ҳозир ҳам кескин суръатлар б-н бормоқда, шу сабабли бу ерларда кўплаб кучли зилзилалар бўлиб туради.

ТОҒАЕВ Элмурод Қаландарович (1947.14.11, Иштихон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). ТошДУни тугатган (1973). 1973 й.дан Иштихон туманидаги мактабларда

да. 1997 й.дан 1-лицей мактабида кимё ўқитувчиси. II даражали «Соғлом авлод учун» ордени б-н мукофотланган (1996).

ТОҒАЙ — одам, баъзи умуртқасиз ҳайвонлар ва умуртқали ҳайвонлардаги бириктирувчи тўқима тури; коллаген толалар, ҳужайраларо зич моддадан иборат бўлиб, унда Т. ҳужайралари (хондробластлар ва хондроцитлар) жойлашган. Таянч функциясини бажаради. Одам ва ҳайвонларда Т. ҳамма суякларнинг туташган жойида, қовурғанинг кўкракдаги учида, қулоқда, трахея ва бронхлар деворида ва б. соҳаларда учрайди. Гиалин, эластик ва толали Т. фарқланади. Нафас йўллари, қовурғаларнинг олдинги учлари гиалин Т.; ҳиқилдоқ, ташқи эшитув йўли, қулоқ супраси эластик Т.дан иборат. Умуртқалар танасининг ораси толали Т. дан тузилган. Эмбрионда Т. скелетнинг кўп қисмини ташкил қилади, вояга етган организмда (Т. ли балиқлардан ташқари) суякларнинг бўғим юзасининигина қоплаб турали ва қовурғалар, ҳиқилдоқ, кекирдак, бронхлар, қулоқ супраси, бурун ва б. жойларда учрайди.

ТОҒАЙ МУРОД (тахаллуси; асл исм-шарифи Менгноров Тоғаймурод) (1948.3.2, Сурхондарё вилояти Денов тумани Хўжасоат қишлоғи — 2003.27.5, Тошкент) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1999). Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1972). Республика радиосида муҳаррир (1972—75), «Ўзбекистон физкультурачиси» газ. да (1976—78), «Фан ва турмуш» жур.да (1982—84) адабий ходим. 1984—86 й.ларда Москвада Олий адабиёт курсида ўқиган. Дастлаб кичик ҳикоялари, очерклари эълон қилинган. Биринчи йирик қиссаси — «Юлдузлар мангу ёнади» (1976). «От кишнаган оқшом» (1979), «Ойдинда юрган одамлар» (1980), «Момо Ер қўшиғи» (1985) қиссаларида қишлоқ ҳаётига хос манзаралар акс этган. Уларда ҳалол, оқкўнгил, тўғрисўз, мард ўзбек кишиларининг бетакрор образлари яратилган. Ўзбек адабиётининг ютуғи сифатида эътироф этилган бу қиссалар тилининг шоирона жозибадорлиги, характерларнинг ёркинлиги, миллий руҳи б-н ажралиб турали. Т.М. ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши анъаналарини муваффақият б-н давом эттирган. «Отамдан қолган далалар» (1993) романида Ўзбекистоннинг мустамлакага айланиши ва туну кун меҳнат қилиб, яшаётган ўзбек деҳқонларининг мустабид тузум йилларидаги оғир ҳаёти, изтироблари

ҳаётий лавҳаларда ҳаққоний чизиб берилган. Асардаги Деҳқонқул ўзбек меҳнаткашларининг умумлашган образи даражасига кўтарилган. У бошига ёғилган минглаб мусибатларга чидаб яшашга мажбур бўлсада, ўз инсоний шаъни, қадр-қимматини баланд тутади, мустамлакачиларнинг югурлакларини аёвсиз фош этади. Асар асосида бадиий фильм яратилган (2001). «Бу дунёда ўлиб бўлмайди» романида ҳам ўз ижодий мезонларига шиорларга алданиб, ҳаётини елга совурган собиқ фирқа раҳбарларининг мажозий образларини ҳажвий бўёқларда тасвирлаган.

Жек Лондоннинг «Бойнинг қизи» драмаси ва ҳикояларини, Э. Сетон-Томпсоннинг «Ёввойи йўрға» қиссасини ўзбек тилига таржима қилган. Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1994).

Ортиқбой Абдуллаев.

ТОҒАЙЛИ БАЛИҚЛАР (Chondrichthyes) — *умуртқалилар* синфи. Уз. 6 см дан 20 м гача. Скелети тоғай, териси плакоид тангачалар б-н қопланган ёки тангачалар бўлмайди. Жабра ёриқлари 5—7, баъзан 4 жуфт, ташқарида бўлмайди. Сузгич пуфаги йўқ. Ичагида спирал клапан, юрагида артериал конус бор. Анал ва сийдик чиқариш тешиги қорин сузгичлари асосида. Ички уруғланади. Копулятив органлари жуфт, қорни сузгичлардан ҳосил бўлади. Тирик туғади, тухумдан тирик туғади ёки увилдириқ ташлайди. Тана суюқлиги ташқи муҳитга нисбатан гипертоник. Чучук сувларда Т.б.нинг қон босими пасайиб кетиб, тезда ҳалок бўлади. Чучук сув Т.б.и юқори осмосийдик ажратиб чиқаради.

Т.б. пластинка жабралилар ва яхлит бошлилар кенжа синфларига бўлинади. 650 га яқин тури бор. Денгизларда, бир неча тури чучук сувларда яшайди. Акулалар ва скатлар катта туркумлари турлари кенг тарқалган; делярли барча денгизларда учрайди.

ТОҒ-ВОДИЙ ШАМОЛЛАРИ — тоғли жойлардаги ўз йўналишини суткада икки марта ўзгартирувчи шамоллар. Кундузи водий шамоли водий ва ён бағир бўйлаб юқорига, кечаси тоғ шамоли пастга томон эсади. Т.-в.ш. тоғ тепаси б-н атрофдаги текисликлардаги атмосферанинг исиши ва совиши ўртасидаги тафовут натижасида вужудга келадиган маҳаллий циркуляциялар. Кундузи ҳаво тоғ ва водийларда ушбу баландликлари текисликларидагига нисбатан кўпроқ исийди ва кўпроқ кенгаяди. Шу сабабли тепада тоғдан текисликка томон босим пасаяди ва ҳаво оқими ҳам ушбу томонга ҳаракатланади. Ҳавонинг тепадан текисликка қараб шундай оқиши орқасида пастда текисликдан тоғ томонга қараб босим пасаяди ва натижада юқорига водий шамоли эсади. Кечаси т-ра ва босим аксинча ўзгаради ва шу сабабли тоғ шамоли пайдо бўлади. Тоғлар ва водийлар ўртасидаги бу алланма ҳаракат б-н бирга кечаси совиган ҳаво тоғ ён бағирлари бўйлаб пастга тушади, кундузи эса исиган ҳаво юқорига кўтарилади. Т.-в.ш. тезлиги катта бўлмайди, баъзан 10 м/сек.га етиши мумкин. Т.-в.ш. ўртача кенгликларда, асосан, ёзда эсади, қуйи кенгликларда эса, йил бўйи давом этиши мумкин. Баъзан фақат кундузги (водий) ёки фақат тунги (тоғ) шамол эсади. Баланд тоғларда Т.-в.ш. атмосферанинг 1 км ва ундан қалин қатламини ўз ичига олади. Ундан тепада тескари шамол эсади. Т.-в.ш. суткалик намлик, булут миқдори ва ёғингарчиликка катта таъсир кўрсатади (яна қ. *Шамол*).

ТОҒЖАМБИЛ (Thymus L.) — лабгуллошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда 3 тури: Зарафшон Т.и (T. zeravshanicus Klok.) ва сохта Т. (T. insertus), оддий Т. (T. vulgaris) учрайди. Зарафшон Т.и Тошкент, Самарқанд вилоятларида, сохта Т. фақат Фарғона тоғларининг ўрта ва юқори қисмидаги тошлоқ ерларда ўсади. Сершох, паст бўйли (5—10 см), ўрмалаб ўсувчи чала бутача. Барглари оддий, майда, тескари тухумсимон, ёки чўзиқ, қарама-қарши жойлашган. Гули майда, пушти ва қизғиш, хушбўй, тўпгул ҳосил қилади. Июнь—сент. ойларида гуллаб уруғланади. Меваси косачабарглари б-н қўшилиб ўсган 4 та ёнғоқча. Т. эфир мойли ва ширали ўсимлик ҳисобланиб, табобатда ишлатилади.

ТОҒЖУМРУТ (Rhamnus) — чинлонжийдадошлар оиласига мансуб барг тўкувчи, доим яшил дарахтлар ёки буталар туркуми. Европанинг, Африка, Шим. Америкада ўсадиган 150 га яқин тури бор. Ўрта Осиё, Кавказ, Жан. Сибирь, Узоқ Шарқда дарёлар, кўллар қирғоқларида, жарликларда, тоғ ён бағирларида, тоғ ўрмон минтақаларида 19

Тоғжумрут. Меваси шоҳчаси

лари оддий, юмалоқ ёки чўзиқ. Гуллари икки жинсли. Май—июнь ойларида гуллаб, июль—авг.да мева тугади. Меваси ширали, данакли, сершув, қора, эти яшил ёки бинафша ранг. Ёғочи сариғимтир-қизғиш, қаттиқ, тиғиз, оғир. Т.нинг тикани (R. cathaticus), Паллас (R. pallasii) ва б. турлари кўкаламзорлаштиришда, яшил девор учун экилади. Пўстлоғи, барги, меваси ва бўёқ моддалари бор. Имертин Т.и. (R. imertinus) меваси сурги дори сифатида қўлланилади. Урути ва қаламчасидан кўпайтирилади.

ТОҒЗИРА — қ. *Алкор.*

ТОҒЗОҒЧА (Pyrrhocorax graculus) — *чумчуқсимонлар* туркумининг *қарғалар* оиласига мансуб қуш. *Тог қарғага* ўхшайди, лекин кичикроқ. Оғирлиги 260—280 г. Пати қора ялтироқ, тумшуғи сариқ, бир оз қайрилган. Оёғи қизил. Жан. Европа, Кавказ, Шим. Эрон, Ўрта Осиё, Олтой, Тибет ва Ҳимолай тоғларида тарқалган. Ўтроқ ҳаёт кечиради. Тоғларда али минтақасида тог қарғалан ҳам баландроқда яшайди. Қишда пастроққа кўчади. Колония бўлиб, қоя ва жарликлардаги ёриқларга уя қурали. Май—июнда 4—5 та тухум қўяди. Ҳашаротлар, чувалчанглар, ўсимлик меваларини ва уруғлари б-н озиқланади.

Тоғзоғча.

ТОҒЛАР, тоғли ўлкалар — ер юзасининг теварак-атрофдаги текисликлардан якка ёки қатор кўтарилиб турган баланд жойлари. Т. турли йўналишда, ҳар хил масофада тўғри чизиқ шаклида (Урал, Катта Кавказ, Кордильера, Олай, Зарафшон ва б.) ёки ёйсимон шаклда (Альп, Карпат ва б.) чўзилган бўлади. Тоғли ўлкалар Ер пўстининг бурмали ва бурмали-палахсали структурага эга, баландлиги денгиз сатҳидан бир неча мин м гача кўтарилган ва ўз доирасида баландликлари кескин фарқ қилувчи кенг (бўйи минглаб, эни юзлаб км га чўзилган) ҳудудларидир. Тоғли ўлкаларда тог тизмалари, якка-якка тоғлар, *водийлар*, кенг *сойликлар* ҳам мавжуд. Тог тизмалари ҳар икки томондаги ён бағирлари тик бўлган, узунасига чўзилган йирик рельеф шаклларидир. Т.нинг баландлиги денгиз сатҳидан 200 м дан (қирлар, адирлар) бошлаб бир неча км га етиши мумкин. Мас., Ер шарининг энг баланд нуқтаси Ҳимолай тоғларидаги *Жомолунгма* чўққиси (8848 м). Т. ён атрофидаги текисликлардан тог этаги, баъзан адирлар ё-н ажралиб туради. Тог этаги Т. шаклининг гурига қараб ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Т. рельефининг таркибий қисмлари — тог занжирлари, уларнинг айрим тармоқлари — тизмалар, улар орасидаги тектоник чўкмалар, қад. денудацион кўтарилмалар ва ҳ.кдан иборат. Морфологик жиҳатдан қар чизигидан юқори кўтарилган баланд ёки алп типидаги (бал. 3000—5000 м дан зиёд) Т. алоҳида ажралиб туради. Бундай Т. рельефи тик, музлик ҳосил қилган рельеф шакллари: қирлар, пирамидасимон чўққилар, ўткир қирали тог тепалари, тогорасимон водийлардан иборат бўлади. Буларга Кавказ, Помир, Тяньшан, Ҳимолай, Альп, Кордильера тогларини мисол қилиш мумкин. Альп типли тоғлардан фарқли равишда, ўртача баландликдаги (бал. 2000—3000 м) Т.нинг тепалари юмалоқроқ, ён бағирлари қияроқ. Копетдог, Ўрта ва Шим. Урал, Карпат, Шварцвальд тоғлари ўртача баландликдаги Т. дир. Ташқи омиллар, ички ва ташқи кучлар таъсирида Т. емирилиб, пасая боради, чўкиндилар кўпроқ тўпланади, рельеф шакллари силлиқланади. Баландлиги денгиз сатҳидан 1000 — 2000 м гача кўтарилган бўлса паст Т. дейилади: *Қозогистон паст тоғлари*, Чу-Или, Жан. Тожикистондаги Т. паст тоғларидир. Табиатда Т. тўла равишда емирилмай

Тиньшаннинг қорли чўққилари.

туриб, яна кўтарила бошлайди ва бундай ўзгаришлар бир неча марта такрорланади.

Келиб чиқишига кўра, тектоник, эрозион ва вулканик Т. фарқ қилинади. Тектоник Т. Ер пўстининг кучли дислокацияга учраган, асосан, геосинклиналь системалар, баъзида платформаларнинг жалал сўръатларда кўтарилиши натижасида вужудга келади, бунда мувофиқ равишда эпигеосинклиналь ва эпиплатформалар ҳам шаклланади. Улар бурмали ва палахсали (узилмали) Т.га бўлинади. Бурмали Т. Ер пўстининг ҳаракатчан зоналарида пайдо бўлади. Палахсали Т. бурмаланган зоналарда Ер пўсти бурмаланмасдан айрим палахсаларга ажралган, уларнинг бир қисми кўтарилиб горст-

Бойсун тоғлари.

Чимён тоғларида.

лар ҳосил қилган, иккинчи қисми чўкиб, грабенларга айланган. Шунинг учун тектоник Т. бурмали-палахсали Т. деб юритилади. **Эрозион Т.** денгиз сатҳидан баланд кўтарилган ва оқар сувлар таъсирида чуқур ўйилиб кетган, горизонтал ётган тоғ жинсларидан таркиб топган майдонлар, яъни парчаланган плато ва ясситоғликлардан иборат. **Вулканик Т.**, асосан, тектоник асос, ёш тоғли ўлка ёки қад. платформалар устида ётган ва кенг майдонларга ёйилган вулкан конуслари, лава оқимлари ва туф ётқизиқларидан юзага келади.

Тоғларнинг ёши **геологик** ёш ва **морфологик** ёшга ажратилади. Т.нинг геологик ёши деб, унинг геосинклиналдан дастлаб кўтарилган вақти тушунилади. Жумладан, каледон ёки герцин бурмаланишидан ҳосил бўлган Т. альп бурмаланишидаги Т.дан геологик жиҳатдан кексароқ ҳисобланади. Морфологик ёш рельефнинг геологик ривожланиши тарихи тўғрисида фикрлаш имконини беради. Кўтарилаётган Т. «ёш» ҳисобланади.

Денгиз сатҳидан баланд кўтарилиб турган Т.да атмосферанинг турли қатламлари жойлашганидан, тоғ ён бағирларида иқлим вертикал тарзда алмашиниб боради ва шу йўсинда тоғли ўлкалар ландшафти вертикал минтақаларга ажралиб туради. Ландшафт минтақалари сони, уларнинг хусусияти, изчиллиги ва баландлик чегаралари турли тоғли ўлкаларда турлича бўлиб, географик кенглигига, шунингдек, Т.нинг баландлигига боғлиқ. Т.ни ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга.

ТОҒЛАРАРО БОТИҚ — тектоник келиб чиқишга эга бўлган, бурмаланган тоғлар орасидаги ботиқлик. Т.б. тоғлар пайдо бўлиш жараёнида жуда жипслашган букилмали пойдевор заминида вужудга келади, бу пойдевор атрофидаги тектоник р-нлар кўтарилиб, тоғларга айланади ва улар ўртасидаги жой ботиқ шаклини олади. Тоғли жойлар ўстан сари, ботиқ чўкиб боради. Вақт ўтиши б-н тоғ жинслари емирилиб, турли омиллар воситасида букилма ҳудудига етиб келган ҳамда тоғлар ўсишида ҳосил бўлган чақиқ жинслар, чўкинди, чўкинди-вулкан жинслар ҳисобига ботиқлик тўлиб бораверади. Т.б. турли катталик ва қалинликдаги тоғ жинслари б-н қопланган бўлиб, унинг қаърида фойдали қазилма конлари бор. Мас., Ўзбекистоннинг катта қисмини эгаллаган Фарғона Т.бда нефть, газ, кўмир, олтингугурт, озокерит ва б. конлар мавжуд.

ТОҒЛИ БАДАХШОН МУХТОР ВИЛОЯТИ — Тожикистон Республикаси таркибидаги мухтор вилоят. 1925 й. 2 янв.да ташкил этилган. Вилоят республиканинг шарқий қисмида жойлашган. Шим.дан Қирғизистон, шарқдан Хитой, жан. ва ғарбдан Афғонистон, шим.-ғарбдан республикага қарашли туманлар ва Хатлон вилояти б-н чегарадош. Майд. 63,7 минг км². Аҳолиси 206 минг киши (2001), асосан, тожиклар, шунингдек, қирғиз, ўзбек, рус, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Вилоятда 7 туман, 1 шаҳар (Хорут), 42 қишлоқ бор. Маркази — Хорут ш.

Вилоят ҳудудида қадимдан аҳоли яшаб келган. Мил. ав. 6—4-а.ларда сак қабилалари, мил. ав. 2-а.да эса тохарлар ва б. халқлар яшаган. Вилоят (ёки унинг бир қисми) узоқ ўтмишдан турли давлатлар ва сулолалар — эфталит (ҳайтал)лар давлати (мил. 5-а.), Турк хоқонлиги (6-а.дан), Сомонийлар (9—10-а.лар), Ғурийлар (12-а.), мўғуллар (13-а.), Темурийлар (15—16-а.лар), Шайбонийлар (16-а.нинг охири) ва Аштархонийлар таркибида бўлиб келди. Сўнг Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги тасарруфига ўтган. 1274 й. Бадахшондан ўтган *Марко Поло* маълумотларига кўра, бу ерда кумуш, лаъл ва б. қимматбаҳо тошлар қазиб олинган.

1923 й. июлида Тоғли Бадахшон вилояти сифатида Туркистон Мухтор Республикаси таркибига қўшилиб, 1925 йил Тожикистон Мухтор Республикаси таркибига киритилган.

Вилоят ҳудуди *Помир* тоғларида жойлашган. У тарбий (кичик) ва шарқий (катта) қисмларга бўлинади. Ғарбий қисми пастроқ бўлиб, парчаланиб кетган. Панж дарёси ўзи ирмоқларининг чуқур тор водийлари тарбдан шарққа кесиб ўтади. Уларни водий туби билан 3000—4000 м баландликдаги тизмалар ажратиб туради. Шарқий қисми баланд текис тоғлик бўлиб, ясси водий ва сойликлар устидан кўтарилиб туради. Ғарбий қисмида энг паст жойлар 1500 м дан, шарқий қисмида 3600 м дан паст эмас. Ғарбий қисмининг иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси — 19,6°, июлники 13° (Мургоб), йиллик ёғин — 60—70 мм. Ғарбий қисмининг асосий дарёлари: Панж ва унинг ирмоқлари (Ванж, Язгулом, Бартанг, Ғунт (Шохдара б-н бирга). Шарқий қисмининг дарёлари: Мургоб (Оқсув б-н бирга), Аличур. Кўл кўп эмас. Шарқий қисмида оқмас кўллардан Қоракўл (энг йириги), Шуркўл, Рангкўл ва б. Оқар кўллардан — Сарез кўли, Яшилкўл ва Зўркул. Ғарбий қисмининг тупроқ-ўсимлик қоплами ҳамма минтақаларида ҳам ксерофит хусусиятга эга: қуйи минтақаларда — чўл-дашт тупроқларда шувоқ, чалов, бетага, тог чўққилари яқинида ёстиқсимон ўтлар (акантолимонлар), барлдошлар, кобрезия

Хорут шаҳри яқинидаги Ботаника боғи.

усали. Дарё четларида тол, терак, жийда, ёш ёнғоқларда сиирак ҳолда арчалар бор. Шарқий қисмида — баланд тог чўл тупроқларида тереккен ва ёстиқсимон ўтлар учрайди. Ёввоий ҳайвонлардан бўри, тулки, тошўшқон, барс, тог яклиси, тўқ думли сутор, ширак ширгақич қушлар бор. Ғарбида силовсин, жайра, қобон, шарқида арқар яшайди. Дарё ва кўлларда балиқ кўп. Хорут ш. яқинида 1933 й.дан Помир Ботаника боғи фаолият кўрсатади.

Фойдали қазилмалардан: тог биллури, олтин, кумуш, симоб, вольфрам, молибден, ош тузи, асбест, кумир; қимматбаҳо тошлардан лаъл, лажувард ва б.; мармарнинг бир неча тури бор. Ўнлаб булоқлар бўлиб, улар орасида Гармчашма шифобахш булоғи республикадан ташқарида ҳам машҳур.

Вилоят иқтисодиётида қ.х. энг ўрин катта. Вилоят тарбида аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик, шарқидаги аҳолиси фақат чорвачилик б-н шуғулланади. Кўтос етиштирувчи ҳудудлар ҳам мавжуд. Галлачилик ва шолгачилик ривожланган. Боғдорчилик, картошка ва сабзавотчилик ҳамда тамакичилик б-н ҳам шуғулланилади. Ҳунармандчиликда гилам тўқилади ва кигиз босилади.

Саноатининг энергетика (Хорут, Қатлон Хумб, Ванж, Оқсув ГЭСлари), енгил, озиқ-овқат (нон, сут, гўшт з-длари) тармоқлари ривожланган. Ун тузи, олтин, тог биллури ва б. қимматбаҳо тошлар конлари аниқланиб, айримларида қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Асосий автомобиль йўли Хорут — Ўш (697 км) ва Душанбе — Хорут (528 км). Душанбе — Хорут ҳаво йўли мавжуд. Рудакий номидаги вилоят мусиқали театри, кутубхоналар ишлаб турибди.

Насриддин Маматназаров.

ТОҒЛИ ШОРИЯ — РФ Кемерово вилоятининг жан. қисми, асосан, шорликлар яшайди. Саёлир қатор тепаси. Абакан тизмаси ва Кузнецк Олатови тармоқларини ўз ичига олади. Паст ва ўртача баландтог рельефига эга. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи илиқ, ёғини, асосан, ёзда ёғади. Т.ш. ҳудуди тоғтерак, оққарагай ўрмонлари б-н қопланган. Тошкўмир, темир, олтин, марганец, рух: Таштагол, Шерегеше магнетит руда ва б. конлари бор. Темир руда қазиб олиш ва ёғоч саноати ривожланган. Т. Ш. — Новокузнецк металлургия з-дларининг руда базаси. Ҳудудидан Новокузнецк — Таштагол ва Новокузнецк — Абакан т.йлари ўтади. Олтойнинг энг қад. халқларидан бўлган биргина шорликлар дарё водийларида яшайди. Асосий аҳоли яшайдиган жойлари: Междуреченск ш., Мундибаш, Темиртов, Таштагол қишлоқлари.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒ — Закавказьедаги тарихий ҳудуд. 1923 й. Тоғли Қорабоғ ҳудудида Озарбайжон таркибидаги Тоғли Қорабоғ Мухтор вилояти ташкил қилинди. Майд. 4,4 минг км². Аҳолиси 194 минг киши (1990- йлар ўрталари), асосан, арманлар ва озарбайжонлар, шунингдек, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Вилоятда 5 маъмурий туман, 2 шаҳар ва 7 шаҳарча бор. Маркази — Хонкенди ш. Йирик шаҳарлардан Шуша ш. ҳам бор.

Т. Қ. асосан, Кичик Кавказнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Шўла Мурованг тизмаси (энг баланд жойи 2725 м) бор. Шим.-шарқ ва шарқи — текислик. Фойдали қазилмалари: полиметалл рудалари, литография тоши, исландия шпати, мармар, графит, асбест ва б. Минерал сувли бўлоқ кўп. Ҳудудининг кўп қисмида иқлими мўътадил (қиши қуруқ), ғарб ва жан.-ғарбий тоғли қисми салқин ва сернам (қиши қуруқ). Текислик ва ўртача баландликдаги тоғларда январнинг ўртача т-раси 3°дан —2°гача; июлники текислик ва ўртача баландликдаги тоғларда 20°—26° ва баланд тоғларда 10°—14°. Йилига текислик ва паст тоғларда 400—600 мм, баланд тоғларда 900 мм гача ёғин тушади. Энг йирик дарёлари — Тертер, Хачинчай, Каркачай (Кура ҳавзаси), Кенделанчай, Ишханчай (Араке) ҳавзаси.

Текислик ва паст тоғларда каштан тупроқ, ўртача баландликдаги тоғларда қўнғир тог ўрмон тупроғи б-н бирга тог қора тупроғи учрайди, ундан юқорида тог-ўтлоқи тупроқлари бор. Текисликларда, асосан, шўра ва шўра бошоқдошлар, тог этакларида ва паст тоғларда ярим ксефорит бута чангалзорлари, ундан юқорида кенг баргли ўрмонлар, субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд. Ўрмон (дуб, қора қайин, заранг) ва бутазорлар вилоят ҳудудининг 32%ни эгаллайди. Каспий улари, безоар эчкиси, елик, қўнғир айиқ, жайра, альп зоғчаси, тог қарғаси, қизилқуйруқ, қон калтакесаги яшайди.

Саноати маҳаллий хом-ашё асосида ишлайди. Озиқ-овқат саноати етакчи ўринда (вилоят саноат маҳсулотининг 65,5%). Вино з-длари (Хонкенди, Гадрут, Мартуни, Мардакерт, Аскеран ва б.), мой-сир, нон з-длари; ипак к-ти пойабзал, гилам ва тикувчилик ф-калари бор. Хонкенди электротехника з-ди вилоят иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Ўрмон ва ёғочсозлик саноат тармоқлари ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Асосий саноат маркази — Хонкенди ш.

Қ.хнинг етакчи тармоқлари: токчилик, мевачилик, сабзавотчилик, тамакичилик. Озуқа экинлари: галла, лон-дуккаклилар, картошка ҳам экилади. Тут меваси муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилик гўшт-сут ва гўшт-жунга ихтисослашган. Қорамол, қўй, чўчқа боқилади. Пилла етиштирилади. Асосий автомобиль йўллари: Евлах—Агдам—Хонкенди—Шуша—Лачин, Евлах—Мардакерт—Келбажар. Шуша курорти, Туршсу бальнеологик иқлимий даволаш жойи, санаторий, дам олиш уйлари бор. Қизил империя парчаланиб, «иттифоқдош» республикалар ўз мустақилликларини қўлга киритгач, вилоят статусини белгилаш бўйича Т. Қ. арманлар б-н озарбайжонлар ўртасидаги анча вақт қуролли тўқнашув зонаси бўлиб келди.

ТОҒ-МЕЛИОРАЦИЯ ЎРМОНЛАРИ — қ. *Сув муҳофаза ўрмонлари.*

ТОҒОЛЧА (Prunus divaricata) — ўсимликлар оиласи олхўрилар туркумига мансуб мевали дарахт. Болқон мамлакатлари, Кичик Осиё, Эрон, Ўрта Осиё ва Кавказда ёввойи ва маданий ҳолда тарқалган. Бўйи 3—10 м, сершох. Гуллари оқ, якка-якка жойлашган. Март—апр. ойларида гуллайди, четдан чангланади. Меваси июль—авг.да пишади, оғирлиги 2—12 г, думалоқ, чўзинчоқ ёки ясси, сариқ, қизил, бинафша ранг ёхуд қора. Кўчати 6×6м, 6×8 м схемада ўтқазилади. 2—3-йили ҳосилга киради. Дарахтидан 300 кг гача ҳосил олинади. Таркибида 10% гача қанд, 1,5—4% олма ва лимон кислоталари, 0,3—1,5% пектин, 16 мг% С витамини ва 2,8 мг% про-

Тоғолча

витамин А бор. Т., асосан, уруғидан кўпайтирилади. Шафтоли, олхўри, ўрик учун пайвандтаг сифатида фойдаланилади. Меваси хўллигича ва консерва (компот, қиём, шарбат ва б.) ҳолида истеъмол қилинади. Т. ер танламайди. Совуққа ва шўрга чидамли. **Зараркунандалари:** олма қизилласи, қора ва сариқ тиллақўнғизлар, **касалликлари:** клястероспориоз ва б.

ТОҒРАЙҲОН (Origanum L.) — лабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда кўпроқ майдагул Т. (O. tythanthum Gontsch.) учрайди. Бўйи 30—60 см. Пояси бир нечта, тик ўсади. Тепа қисмидан шохланади. Барглари чўзиқ-тухумсимон, асоси кенг понасимон. Гуллари бошоқсимон, чала соябонларга тўпланган ва улар каллакчали тўпгул ҳосил қилади. Гултожиси бинафша ранг. Июнь—сент. ойларида гуллаб уруғлайди. Асосан, тоғ ён бағирларида ўсади.

Тоғрайҳон.

ТОҒТЕРАК, ансол (Populus tremula) — толдошлар оиласига мансуб барг тўкувчи *терак* тури. Ғарбий Европа, Шарқий Осиё, Шим. Африка (Жазоир)да тарқалган. Ўрта Осиёда Ғарбий Тяньшан, Ғарбий Помир-Олай тоғларининг тошли ва шағалли тупроқларида, тоғ воҳилларида ўсади. Бал. 35 м, диаметри 1 м га боради. Шох-шаббаси узун, қалин, яшил, Барглари тухумсимон, кулранг-яшил. Барг ёзгунга қадар гуллайди, ҳамма теракlар каби икки уйли. Меваси кўсак, ёзда етилади. Илдизи мустаҳкам, совуққа қурғоқчиликка чидамли, ёруғсевар. Тўнкасидан ёки илдизидан ўсиб чиққан новдаларни, бачкилари ва уруғидан, қаламчасидан кўпаяди. Т. тез ўсади (40 ёшли дарахтининг бал. 20 м гача) боради. 80—90-й.гача яшайди. Ёғочи тугурт ва целлюлоза, турли буюмлар тайёрлашда ишлатилади.

Тоғтерак: *1* — дарахти; *2* — оталик ва оналик кўчаласи; *3* — баҳорги бўртган куртаклари; *4* — барги.

ТОҒТОЛ (Salixcutifolia) — толдошлар оиласига мансуб, йирик бута ёки пакана дарахт. Табиий ҳолда Сибирь, Ўрта Осиё ва Шим. Кавказда ўсади. Шохчалари эгилувчан, ранги қизғиш-кўнғир ёки қизил; барглари энсиз наштарсимон, учи ингичка, уз. 10—15 см, эни 0,7—1,2 см, туксиз, тўқ яшил, ялтироқ, банди сарғиш-қизил. Март—апр.да гуллайди, сўнг барг ёзади. Кучаласи оқ туклар б-н қопланган. Т. иссиқ ва совуққа чидамли, ер танламайди. Қаламчасидан кўпайтирилади. Мангарали ва иҳота дарахт сифатида кўп экилади. Пўстлоғида ошловчи модда — таннин бор (қ. *Тол*).

ТОҒТОШ — Қашқадарё вилоятидаги довон. Ҳисор тизмасида, Қашқадарё водийсининг тоғли қисми б-н Зарафшон дарёсининг чап ирмоғи, Магиёндарё водийси оралиғида жойлашган. 2900 м баландликка. Довондан от-уловда ёки пиёда ўтиш мумкин.

ТОҒТУРБИД (Dictamnus) — рутадошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. Поя ва гуллари қорамтир безчалар б-н қопланган, ҳидли. Барглари тоқ патсимон, мураккаб. Пояси остидаги барглари оддий. Гуллари йирик, икки жинсли, пушти ва тўқ қизил. Меваси кўсакча, беш уяли. Ўзбекистонда 2 тури — энсиз баргли Т. ва Тожикистон Т.и учрайди. Таркибида диктамнин ва б. алкалоидлар, 0,5% эфир мойи, уруғида 18—21% ёғ бор. Т.нинг барча турлари одам терисига теккан жойини куйдиради. Куйган жой қизариб, яра пайдо бўлади. Т.ни қайвонлар емайди. Т. манзарали ва ширали ўсимлик. Халқ табобатида фойдаланилади. Айрим ҳудудларда «куйдирги ўт» деб аталади.

Тоғтурбид.

ТОҒУЗУМ — хўраки, ўрталишлар маҳаллий узум нави. Ёввойи узумнинг маданийлашган авлоди бўлиши мумкин. Тупи ўртача ўсади. Гули икки жинсли. Барги ўртача (диаметри 18—20 см), беш бўлмали, четн арра тишли. Узум боши узунчоқ, сочоқ, оғирлиги 250—300 г. Ғужуми ўртача (16—18 мм), думалоқ, оқиш-кукимтир, офтобга қараган томони сарғаяди, сершира, пусти жуда юпқа, ичи суюи, июль охирида пишади. Ҳосилдорлиги ўртача. Совуққа ва касалликларга чидамли. Асосан, Тошкент шда кўпроқ учрайди.

Тоғузум.

ТОҒЧУМЧУҚ, сариқтомоқ чумчуқ (Petronia petronia) — *чумчуқсимонлар* туркуми *тўқимачилар* оиласига мансуб қуш. Катталиги ва рангига кўра Ғарбий Европа, Ўрта Осиё ва Шим. Африкада тарқалган. Тоғ қояларида, тупроқли ва тошли жарликларда яшайди. Ўясини қояларга, тош уюмлари орасига ва б. жойларга қуради. 4—6 та тухум қўяди. Қишда тўдаи бошиға кўчади. Ҳашаротлар, ўсимлик уруғлари ва меваларн б-н озиқланади.

«ТОҲИР ВА ЗУҲРА» — ўзбек халқ достони. Ўрта Осиё, Волгабўйи, Озарбайжонда Тоҳир ва Зуҳра номи б-н афсоналар кенг тарқалган. Шу афсоналар асосида халқ эпослари, достонлари яратилган. Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам «Т. ва З.» номли халқ эпослари ва достонларининг бир неча варианти учрайди. «Т. ва З.» достонида икки ёш — Тоҳир ва Зуҳра ўртасидаги фожиали муҳаббат тасвирланади. Тоҳир ва Зуҳра сюжети асосида *Сайёҳий* (17—18-а.лар) ижоди номда ва *Мулланафас* «Зуҳра ва Тоҳир» достонларини яратганлар. Шунингдек, *Собир Абдулла* «Т. ва З.» мусиқали драмасини ёзган (1938), «Ўзбекфильм» киностудияси шу номда кинофильм яратган (1945).

ТОҲИР ибн ҲУСАЙН (775/776 — 822) — Тоҳирийлар давлати ва сулоласи асосчиси (821—822). Араб халифалигида қарши Моваройуннаҳрда кўтарилган *Рофе ибн Лайс қўзғолони*ни бостиришда қатнашган. *Ҳорун ар-Рашид* вафотидан кейин халифалик тахтига эгалик қилиш учун бошланган курашларда *Маъмун* қўшинни қўмондони. Маъмун халифалиги даврида Жазира (Месопотамия) нонби ва Бағдод ҳарбий гарнизони бошлиғи (соҳиб аш-шурот). 821 й. Хуросон нонби этиб тайинланган. Хуросонни халифаликдан ажратиб олиш мақсадида *аббосийлар*га бўйсунишдан бош тортган. Маъмун юборган фитначилар томонидан заҳарлаб ўлдирилган.

ТОҲИР МАЛИК (таҳаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович) (1946.27.12, Тошкент) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2000). Ўзбек адабий *фантастика*сининг асосчиларидан бири. Тошкент ун-тининг кечки журналистика ф-тини тугатган (1969). Қурувчи (1963—64), мактабда ўқитувчи (1965—66) бўлиб ишлаган. «Ленин учқуни» газ., «Гулистон» (1975—78), Ғафур Ғулом номидаги нашриётда муҳаррир (1981—82), «Чўлпон» нашриётида бош муҳаррир (1985—87), «Шарқ юлдузи» (1982—85), «Ёшлик» (1989—91) жур.ларида адабий ходим, масъул котиб, бош муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиб (1988—90). Биринчи йирик асари — «Ҳикмат афандининг ўлими» (1972). «Заҳарли губор» (1974), «Фалак» (1975), «Сомон йўли элчилари» (1978), «Чорраҳада қолган одамлар» (1982), «Бир кўча, бир кеча» (1983), «Адвидо, болалик» (1989), «Сўнгги ўқ» (1990), «Ов» (1995) каби илмий-фантастик, саргузашт қиссалари машҳур. «Сўнгги ўқ» қиссаси асосида 7 қисмли телефильм (1994) яратилган. «Қалдирғоч» (1987) ясин асари Абдулла Авлоний тақдири мисолида 20-йлар ўзбек зиёлиларининг шаклланиши ҳақида баҳс юритади.

«Шайтанат» романи (1-китоб, 1992; 2-китоб, 1995; 3-китоб, 1997; 4-китоб, 2000) Т.Малнинг йирик асарларидан. Асар асосида кўп серияли телефильм яратилди. Романда турли қиёфадаги замондошларимизнинг образлари ёркин даврларда катта маҳорат б-н чизилган, муҳим маънавий-ахлоқий муаммолар кўтарилган. Асарда жиноят оламидаги воқеалар фонида асосий эътибор асар қаҳрамонларининг руҳий дунёсини таҳлил этишга қаратилган. Кишиларни жиноятнинг разил оламидан эҳтиёт бўлишга чақирувчи ушбу огоҳлантирувчи асар мазмуни Т.Малнинг «Жиноятнинг узун йўли» (2004) илмий-таҳлилий рисоласида давом эттирилган. «Меҳмон туйғулар» (2003) номли ҳикоялар тўплами, ёдномаси, адабий мақолалар тўпламлари ҳам адабий жараёндаги муаммолар акс этган. Т. М. нинг ёзувчи Мирзакалон Исмоилий ижодий фаолиятини ёритувчи «Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги» (1988), Асқад Мухтор ижодини таҳлил этувчи «Собир» (2003), Ўлмас *Умарбекатувчи «Собир» (2003), Ўлмас Умарбек*нов ижодига бағишланган «Қиёмат қарз» (2002) ҳамда Абдулла Қодирий романлари таҳлил этилган «Ибрат мактаби» (1993) бадиалари ҳам бор. Т.М. ҳужжатли кино соҳасида ҳам фаолият кўрсатган. Унинг «Амир Темур даври адабиёти» (1998), «Варахша» (1999), «Унвони инсон» (1999), «Соҳилсиз денгиз» (2000), «Зулмат салтанати», (2001), «Мошгабиб» (2002) сценарийлари асосида ҳужжатли фильмлар ишланган. Рус ёзувчиси Ф.М. Достоевскийнинг «Маъсума» қиссасини, шунингдек, жаҳон адабиёти намояндаларининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: Танланган асарлар, 1—2-ж.лар, Т., 2004.

ТОҲИРБОЙ-3 — мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмига оид қишлоқ хароба. Мари вилояти (Туркманистон)даги Байрамали ш.дан 12 км шим.да жойлашган. Т.-3 маданий қатламининг қалинлиги 2,5 м гача бўлиб, 20 га яқин ҳудудни эгаллаган. 1954—56 й.ларда В.М. Массон раҳбарлигидаги археологик гуруҳ қазиш ишлари олиб борган. Натижада хом гиштдан қилинган кўп хонали уйлар очилиб, ҳар хил шаклдаги сопол идишлар, гулдонлар, қадаҳлар, хумчалар, товалар, шунингдек, пайконлар, суякдан ишланган маъбуда ҳайкалчалари, кўмирга айланган бўғдой доналари ва б. ашёлар топилган. Т. 3 дан топилган сопол буюмлар, Намозгоҳ 6 сопол идишларига ўхшайди. Сопол идишлар кулоллик чархида маҳорат б-н ясалган бўлиб, хумдонларда яхши пиширилган. Хоналар тагидан ва яқинидан бир неча қабрлар очилган. Марҳумлар қабрларга 2 шаклда: ғужанак қилиб чап ёнбоши б-н ёки чалқанча ётқизилган ҳолда; жасад ярим куйдирилиб, чалқанча ётқизиб кўмилган. Марҳумларнинг боши ва оёқ қисмидан сопол идишлар, безак буюмлари топилган. Мурғоб водийсидаги илк деҳқончилик б-н шуғулланувчиларнинг ўтроқлашишини ўрганишда Т.-3 ни текшириш катта аҳамиятга эга.

ТОҲИРИЙЛАР — Хуросондаги *Тоҳирийлар давлати*да ҳукмронлик қилган сулола (821—873). Расман *аббосийлар* вассали ҳисобланган. Сулолага 821 й. *Тоҳир ибн Ҳусайн* асос солган. Т. ҳукмдорлари: Тоҳир ибн Ҳусайн (821—822), Талҳа ибн Тоҳир (822—828), Абдуллоҳ ибн Тоҳир (828—844), Тоҳир II ибн Абдуллоҳ (844—862), Муҳаммад ибн Тоҳир (862—873). 873 й. Хуросонда Т. ҳукмронлиги тугатилиб, янги *Саффорийлар давлати* ташкил топган.

ТОҲИРИЙЛАР ДАВЛАТИ — Аббосийлар халифалиги парчаланиши муносабати б-н Хуросонда ташкил топган давлат (821—873). Асосчиси — *Тоҳир ибн Ҳусайн*. 821 й.да Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросон ва Моваройуннаҳрнинг нонби этиб тайинланган. У халифаликдан мустақил бўлишга ҳаракат қилган. Хутбадан халифа номи чиқартириб ташланган. Шундай қилиб, Хуросон ва Моваройуннаҳр бошқаруви *тоҳирийлар* хонадонига мерос бўлиб қолган. Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғли Абул Аббос Абдуллоҳ нонблиги (828—844) даврида маъмурий марказ Марвдан Нишопур ш.га кўчирилган.

Тоҳирийлар даврида Сомонхудот авлодлари Моваройуннаҳр шаҳарларида маҳаллий нонб эдилар. Тоҳирийлар уларни ўзларига тобе сифатида тан олганлар. Тоҳирийлар расман ўзларини халифага тобе деб кўрсатсалар-да амалда мутлақо мустақил иш юритганлар. Улар дастлаввал сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашга ва қ.х.ни тартибга

сохасида ҳаракат қилишган. Деҳқончилик воҳаларининг сув таъминотини яхшилаш учун янги каналлар қазилган. Тоҳирийлар давлат бошқарувида фуқароларга муносабат, айниқса, солиқ тартибларига алоҳида аҳамият беришганлар. Мулклор деҳқонларнинг жабрзулмидан, оғир солиқлардан безор бўлган аҳоли мамлакатда исёнлар кўтариб турган. 9-а.нинг 60-йилларида Хуросонда гозийлар фаоллигида халқ қўзғолони авж олиб кетган. 873 йилда Тоҳирийлар ҳукмронлигига тугатилиб, янги *Саффорийлар давлати* ташкил топган. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришлар сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлган.

ТОҲИРОВ Карим Хожиевич (1907.30.11 — Тошкент — 1987.25.9.) — болалар хирурги. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979). Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган врач (1944). ТошТИ ни тугатган (1933), шу ин-т хирургия кафедрасида аспирант (1933—35), ассистент (1935—41). Уруш қатнашчиси (1941—42). ТошТИ хирургия кафедрасида доцент (1942—47), педиатрия ф-ти болалар хирургияси кафедраси мудири (1947—72). 1972 й.дан Ўрта Осиё, ҳоз. Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти болалар хирургияси кафедраси мудири. Илмий фаолияти болалар хирургияси, асосан, Ўзбекистонда болалар сийдик тоши касалликларига оид.

ТОҲИРОВ Ҳолиёр Жумаевич (1944.20.9, Термиз тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1969). 1969—80 й.ларда Термиз туманидаги 22-мактабда мат. ва чизмачилик ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, мат. ўқитувчиси. 1980 й.дан Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасида мудир. 1987 й.дан Термиз туман халқ таълими бўлимида методист.

ТОҲИРХОН (тахм. 1533 й. вафот этган) — *Жўжихон* авлодидан бўлган *Қозоқ хонлиги* хони. Одиқ султоннинг ўғли, *Жонибекнинг* набираси. Т. ҳокимияти турли даврларда Марказий Қозоғистон, Еттисув, Қирғизистон, Или ўлкасига қадар ёйилган. 1524 й. Т. манғитлар томонидан Дашти Қипчоқдан сиқиб чиқарилган, ўз навбатида, Еттисув ва Қирғизистондан мўғулларни қувиб юборган. 1526 й. Т.нинг марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсатидан норози бўлган қозоқлар қўзғолон кўтариб уни тарк этган лар. Т. қирғизлар б-н қолган ва Қирғизистонда қўлтиқтарга қарши жанглар қаршисида курашган. 1529 й. унинг ҳукмронлиги остида яна 20—30 минг қозоқ бўлган. Т.нинг вафоти 1533 йилда манбаларда қайд этилган *Бўйдашхон* бўлган.

Ад.: Материалы по истории казахских ханств XV—XVIII вв., Алма-Ата, 1969.

ТРАБЗОН, Трапезунд — Туркия нинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Қора денгиз бўйидаги порт. Трабзон вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 215 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Озиқ-овқат, кемасозлик, қурилиш материаллари, замаки саноати корхоналари бор. Ҳунармандчиликда ипак ва жундан турли буюмлар ишлаб чиқарилади. Ун-т. аэропорт мавжуд.

Т. мил. ав. 8-а. ўрталарида барпо қилинган. Муҳим порт ва савдо маркази бўлган. Мил. ав. 2-а.да римликлар босиб олган. 1204—1461 й.ларда Трапезунд салтанатининг пойтахти. 1461 й.дан турклар қўл остига ўтган. Меъморий ёдгорликлардан жоме масжидлари, черковлар, қалъа (13-а.) ва б. сақланган.

ТРАВЕРТИН — қ. *Оҳактошли туф.*

ТРАВМА (юн. trauma — шикаст) — ташқи муҳит таъсирида организм тўқималари ва органлар фаолиятининг бузилиши. Шикастловчи омилларга кўра механик, кимёвий, электрик, термик, шунингдек, психик Т. бўлади. Шикастловчи омилнинг таъсир этиш вақтига кўра, ўткир ва сурункали Т. Т.га сабаб бўлган ҳолатга ва шарт-шароитга асосан, и.ч., спорт, турмуш, транспорт ва б. травмаларга ажратилади.

Ўткир Т.да организмдаги бирор орган ёки тўқима (турли даражада) шикастланади; оғирлик ҳолларида травматик шок, ҳатто ўлим рўй беради. Сурункали Т. организмга ташқи муҳитнинг аста-секин узоқ вақт зарарли (мас., вибрация, ишқаланиш, босим ва б.) таъсир этишидан келиб чиқади. Механик Т.да очиқ ва ёпиқ суяк синиши, мия силкиниши, суяк чиқиши, ички аъзоларнинг ёрилиши, мия, юрак, ўпка, қорин бўшлиғи аъзолари шикастланиши, эзилиши, узилиши мумкин. Бунда қон кетиши, шок, яллиғланиш, некроз — тўқималарнинг ўлиши кабилар юз бериши мумкин. Термик Т.да организм тўқимаси юқори т-ра (куйиш) ва паст т-ра (совуқ олиш) таъсирида зарарланади. Кимёвий Т. тўқиманинг турли кимёвий моддалар (кислота, ишқор ва б.) таъсирида куйишидан пайдо бўлади. Психик Т. кўпинча тўсатдан рўй бериб, инсон руҳиятида жароҳатлар. Кучли ҳаяжон, бахтсиз ҳодиса, ваҳима, асаб бузилиши оқибатида келиб чиқади. Бунда ҳушдан кетиш, узоқ вақт асабийлашиш, неврозлар, депрессия ҳам вужудга келиши мумкин.

Беморга ўз вақтида биринчи тиббий ёрдам бериш б-н Т. асоратларининг олдини олиш мумкин (яна қ. *Травматология*).

ТРАВМАТИЗМ — кишиларда содир бўладиган *травмалар* мажмуи; 2 гуруҳга бўлинади: и.ч. (саноат ва қ.х.) Т. ва, и.ч.дан ташқари Т., яъни транспорт, кўча, турмуш, спорт, болалар Т.и ва ҳ.к.

Ишлаб чиқариш Т.и кўпроқ саноатда меҳнат шарт-шароитининг бевосита таъсири (мас., хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазасидаги камчиликлар, меҳнатнинг нотўғри ташкил этилиши ва б.) ишчининг малакасизлиги, руҳан, жисмонан толиққани ёки қаттиқ чарчаш, тоб қочиши ва ҳ.к.) оқибатида, шунингдек, қ.х.да мураккаброқ машиналар б-н ишлашда ишчи техник билимининг етарли эмаслиги, бошқа механизатор[illegible] қоидаларига риоя қилмаслик ва б.лар юзага келади. Ишлаб чиқаришдан ташқари Т. (кўча Т.и) кўпроқ шаҳар транспорти, алкоголизм ва ҳ.к. сабаб бўлади. Турмушда уй меҳнати б-н шуғулланаётган (уй йиғиштириш, электр асбобларидан фойдаланиш) вақтда содир бўлади. Спорт машғулотларининг нотўғри усулда олиб борилиши ва ташкил этилиши, шуғулланувчининг бетоблиги ёки қўполлиги, машғулот майдони ва спорт асбобларининг носозлиги ва б. оқибатида рўй бериши мумкин. Болалар Т.и кўпроқ уйинда, бу болалар шўхлиги, тажрибасизлиги, электрдан шикастланиш, кўчада эса транспорт серқатнов жойларда ўйнаши, назоратсиз учиши ва ҳ.к.дан келиб чиқади.

ТРАВМАТОЛОГИЯ (юн. trauma — яра, жароҳат, шикастланиш ва ...*логия*) — аъзо ва тўқималарнинг механик шикастланиши, уларнинг олдини олиш ва даволаш йўлларини ўрганадиган фан. Т. *хирургиянинг* тармоқлари (*нейрохирургия*, кўкрак хирургияси) ҳамда организм таянч ва ҳаракат аъзолари (суяк, бўғим, мускул, пайлар) ва тери шикастларини ва б. масалаларни ўз ичига олади. Т. *ортопедия* б-н бирга мустақил фан ҳисобланади.

Инсоният тарихида тиббиёт аввало жароҳатларни даволашдан бошланган.

шунинг учун Т.нинг тиббиётнинг барча соҳалари ичида энг қадимгиси дейиш мумкин. Қад. Миср мумиёлари ва б. археологик топилмаларнинг ўрганилиши шуни кўрсатадики, эрамиздан бир неча минг йил илгари инсон синган суякларни маҳкамлашнинг содда усулларини билишган. Т.нинг илк илмий асослари *Гиппократ* асарларида келтирилган. Мас., у елка суяги чиққанларини жойига солишнинг бир неча усулларини, суяк синганда репозиция ва иммобилизация қилиш йўлларини таклиф этган. Ўрта асрларда Т.нинг ривожланишига Абу Али ибн Сино ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Унинг «Тиб қонунлари» асарида тананинг турли жароҳатларини, суяк синишлари ва чиқишларини даволаш ҳақида батафсил ёзилган. Француз олими Амбруаз Паре ҳам Т.нинг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган. 18—19-а.ларда Т.нинг ривожи Ғарбий Европа врачлари Ж. Мальгень, Г. Дюпюитрен, Т. Кохер, Л. Бёлер, Г. Кюнчер, рус врачи Н. И. Пирогов номлари б-н боғлиқ.

Ўзбекистонда бу соҳа фан сифатида 20-а.ларда ривожлана бошлади. 1926 й.да Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тида суяк синиш ва ортопедия доцентлик курси жорий этилиди. 1930 й.да Физиотерапия ин-тида ортопедия клиникаси очилиши, унинг 1932 й.да Ортопедия, травматология ва суяк сили и.т. институтига айлантирилиши травматология ва ортопедия муаммоларини устидаги тадқиқот ишларининг ривожланишига имкон берди.

Ин-т уруш даврида ёпилди, 1940 й.да *Травматология ва ортопедия институти* сифатида ташкил этилди.

20-а.да Ўтган бир неча уруш даврида Т.ни ва ўнқа-ўзига даволаш усулларининг кўлланилишига, илмий-техник ютуқлар эса жароҳатларни аниқлаш ва даволаш учун янги аппаратлар ва материаллар кашф этилишига сабаб бўлди. Интра- ва экстрамедулляр остеосинтез, стерженли ва спицали компрессион-дистракцион аппаратларнинг яратилиши, стабил-функционал остеосинтезнинг қўлланилиши, техника ютуқларидан кенг фойдаланиш замонавий Т.нинг ривожланишига асос бўлди.

Рентген нурларининг кашф этилиши Т.нинг жадал ривожланиши учун туртки бўлди, ҳозирги рентген Т.да асосий текшириш усули ҳисобланади.

Қадимдан жароҳатларни даволашда табиблар Шарқ табобати усулларидан фойдаланиб келишган.

Урушдан кейинги йилларда олиб борилган илмий ишлар, асосан, ҳарбий жароҳатлар ва уларнинг остеомиелити, сохта бўғим, чўлтоқ каби асоратларни даволаш, протезлаш соҳаларига тааллуқли бўлди.

Ўзбек олимлари томонидан чўлтоқликларни ва жароҳатларни даволашда суяк пластикаси қилиш (Н. М. Шоматов), жароҳатларни даволашда Шарқ табобати усулларини қўллаш, мусаллас, мумиё асл б-н синиқ ва яраларни даволаш (О. Ш. Шокиров), сакрал ва ҳ.к.ларда травматизм муаммоларини ўрганиш (Б. Н. Бердишев, И. Д. Исабоев), пиод касаллиги асоратларини даволаш (Н. Х. Эшонхўжаев, Н. Ф. Файзуллаев) йўлида ишлар олиб борилган. Кўлпоёқларнинг куйишдан кейинги чандиқ уларидаги тери пластикаси ёрдамида даволаш (Б. М. Мирзаимов), болалар перебрал фалажи ва суяк синишлари (У. С. Исломбеков), остеомиелит касалликни (Ш. Ш. Ҳамраев) даволаш бўйича қилинган илмий ишлар Республикада Т. ва ортопедия фанининг ривожланишига катта роль ўйнади. Ҳоз. мавжуд бўлган барча тиббиёт ин-тларида Т. кафедралари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар фаолият кўрсатади.

Замонавий Т.нинг асосий вазифаси шикастланган тўқима ва органларнинг узилишлар патогенезини ўрганиш, жароҳатлари диагностика қилиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш, янгилари ишлаб чиқиш ҳамда асоратларнинг олдини олишдан иборат.

Муродилло Каюмов.

ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институти — Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассаса. 1932 й.да Тошкентда Ортопедия, травматология ва суяк сили и.т. институти очилиб уруш даврида ёпилган эди. 1946 й.да ҳоз. номда қайтадан ташкил этилган.

Ин-тнинг 200 ўринли касалхонасида 8 клиник (катталар ва болалар ўткир жароҳатлари, компрессион-дистракцион остеосинтез, катталар, ўсмирлар ва болалар ортопедияси, вертебрология, анестезиология ва реанимация) ва 3 илмий бўлим, 9 лаб., клиник ординатура, илмий кутубхона, травматологик тез ёрдам пункти ва б. бор (2004). Ин-т ходимлари катталар ва болаларда суяк чиқиқларини жойига солиш, синган суяк бўлакларини улаш (остеосинтез қилиш), жароҳатланган пайлар ва мускулларни тиклаш, шунингдек, бирик бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касалликлари, суяк кайталиги ва қийшиқлиги, умуртқа жароҳатлари ва касалликлари, болаларда учрайдиган туғма касалликларни даволаш усулида энг сониб борасан. Ин-т фаолияти М. С. *Астров*, И. И. Орлин, О. Ш. *Шокиров*, Н. М. *Шоматов* ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

Мустақиллик йилларида ин-тда йирик бўғимларни эндопротезлаш, тизза бўғими артроскопияси, умуртқанинг реконструкцияси ва транспедикуляр фиксацияси, стерженли остеосинтез каби энг замонавий даволаш усуллари, компьютерли ва магнитрезонансли томография, ультратовуш текшируви сингари нсоб диагностика усуллари кенг татбиқ қилинган. Шунингдек, оғир жароҳатларда бемор гомеостазини ўзгаришлар, остеопороз ва қаринларда суяк мўртлиги муаммоси бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказилган. Бириш бўғимлар артрози ва ревматоид артритни ортопедик даволаш, умуртқа нестабиллигини тўғрилаш, болаларда сон суягининг туғма ва патологик чиқишларида реконструктив операциялар, суяклар деформациясини тўғрилаш, калта суякларни чўзиш, сон суяги проксимал қисмининг, узун суяклар диафизининг, бўғимлар ичидаги бўғимлардаги жароҳатларида стабил функционал остеосинтез қилиш каби долзарб мавзуларда ишлар ўтказилган.

Ин-тнинг консультатив поликлиникасида суяк бўғимлар жароҳатлари ва касалликлари бўйича тиббий маслаҳат ёрдами кўрсатилади. Рентгенология, клиник-биокимё, электрофизиология ва биомеханика лаб.лари замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган. Ин-тнинг методик ташкилий бўлими Ўзбекистонда травматология ва ортопедия хизматининг ҳолатини доимий мониторинг қилади ва такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқади.

Ин-тда 70 дан ортиқ малакали травматолог-ортопед олимлар, шу жумладан, 10 фан д-ри ва проф., 30 фан номзоди хизмат қилади (2004). Ин-т илмий тўплам, монография, қўлланма ва оммабоп рисолалар нашр этади, илмий анжуманлар ва амалий семинарлар уюштиради.

ТРАГЕДИЯ (юн. tragos — эчки, ode — қўшиқ; tragodia — эчки қўшиғи) — драматик тур жанрларидан бири. Т. қаҳрамонлар ўртасидаги кучли зиддиятлар асосига қурилади; унинг қаҳрамонлар тақдири фожиа б-н якунланади. Т.да воқелик аниқ жиддий, ички қарама-қаршиликлар ўткир шаклда тасвирланади; конфликт шиддатли ва кескин тус олади. Т. башарийатга ифодаловчи қаҳрамонлар характерининг

ёрқинлиги, ички ҳаракатнинг юксаклиги ҳамда персонажлараро конфликтнинг кучлилиги б-н ўзига хослик касб этади. Т.нинг жанр хусусиятлари трагик конфликт, трагик ҳолат ва трагик қаҳрамон тушунчалари б-н белгиланади. Т. жаҳон адабиёти тарихида мавжуд барча ижодий методларда жанр сифатида ўз моҳиятини сақлаб қолди; айни чоғда янгидан-янги имкониятлари юзага чиқди. Гарчанд Т.да қаҳрамонларнинг тақдири фожиа б-н якун топса ҳам, ушбу моҳиятида Т. оптимистик пафос, адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши, юксак инсоний туйғуларнинг маромига етказиб тараннум этилиши б-н ажралиб туради.

Т.нинг пайдо бўлиши антик давр маросимларига бориб тақалади. Юнонлар «маъбуд» Дионис шарафига эчки сўйиб, байрам томошалари ўтказганлар. «Т.» сўзидаги «эчки қўшиғи» деган луғавий маъно ўша маросимларга дахлдор. Мил. ав. 5-а.га келиб, юнон Т.си камолат босқичига кўтарилди: Эсхил («Занжирбанд Прометей»), Софокл («Шоҳ Эдип»), Еврипид («Электра») каби антик давр адабиёти намояндалари Т. ривожига улкан ҳисса қўшдилар.

Ғарбда Т. Уйғониш ва ундан кейинги асрларда ҳам ривож топди. Хусусан, Лопе де Вега, Кальдерон (Испания), В. Шекспир (Англия), Л. Корпел, Ж. Расин, Вольтер (Франция), Ф. Шиллер, И. В. Гёте (Германия), А. С. Пушкин (Россия) каби ижодкорлар ижодида Т. жанрлари ўзининг юксак имкониятларини намоён қилди. Ўзбек адабиётида эса Т.нинг гўзал намуналари А. Фитрат («Адулфайзхон»), М. Шайхзода («Жалолиддин Мангуберди», «Мирзо Улуғбек») лар томонидан яратилди.

ТРАГИКОМЕДИЯ — *трагедия* ва *комедия*га хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган драматик жанр. Т.да ҳаёт ҳақидаги барча мезонлар нисбий характерга эга бўлади. Бунда трагедия ва комедия учун одатий ҳол бўлган ўлчовлар мутлақо инкор қилиниши мумкин. Воқеликни трагикомик тарзда қабул қилиш ва тасвирлашда инсоннинг кундалик турмушидаги қатъий ахлоқий қоидалар бузилади. Бу жанрда ижод қиладиган санъаткор воқеликни трагикомик тарзда қабул қилади. Санъаткор мавжуд ижтимоий тузум ва урф-одатларни танқид остига олиши, киноя, пичинг, юмор ва сатирадан фойдаланиб, мавжуд фожиавий-ижтимоий иллатлар устидан истеҳзоли кулиши мумкин. Т.да ҳар иккала жанрга хос хусусиятлар ўзаро алмашиниб, бири иккинчисининг мавжудлиги шартига айланади. Фожиавий ҳолатлар б-н комик персонажлар бир пайтда саҳнага чиқади. Ушбу жанрдаги воқелик тасвири охир-оқибатда фожиавийлик ўрнини кулги ва кулгили ҳолатлар ўрнини фожиа эгаллаши б-н якун топади. Т. ўзаро зид жанрларнинг диалектик бирлигидан юзага келадиган куллириб йиғлатиш ва йиғлатиб куллириш ҳолатлари асосига қурилади. Бу жанрдаги асарлар ўқувчи ёки томошабинни куллирали ва айни пайтда чуқур тафаккур учун манба бўлиб, ичдан йиғлатади. Инсонни ўз моҳиятига ёки ўзи яшаб турган жамиятга теран назар б-н қарашга ўргатади. Т.да воқелик тизими тубдан ўзгариши, кутилмаган муболағали ёки аллегорик эпизоллар ўртага чиқиши мумкин.

Т.нинг дастлабки намуналари *Еврипид* ижодида учрайди.

19-а. охири ва 20-а. 1-ярмидаги Европа адабиётида, хусусан, Г. Гауптман, А. П. Чехов, Г. Лорка, Э. Ионеско, С. Беккет ижодида Т. намуналари мавжуд. Ўзбек адабиётида Ш. Бошбековнинг «Темир хотин» асари Т.га мисол бўлади. Санъатшунос олимлар Ч. Чаплин суратга тушган фильмларда трагикомик унсурлар мавжудлигини таъкидлайдилар.

Баҳодир Каримов.

ТРАЕКТОРИЯ (лот. traectorius — ҳаракатга оид) — фазода ҳаракатланаётган моддий нуқта ҳосил қилувчи чизиқ. Моддий нуқталардан иборат тизим ҳаракатланганда унинг ҳар бир нуқтаси ўзининг Т.си бўйлаб ҳаракат қилади. Моддий нуқталар тизимининг ҳолати ҳолатлар фазосида нуқта ҳисобланади ва унинг Т.си ҳолат Т.си деб аталади. Мат.нинг дифференциал тенгламалар ва динамик тизимлар каби соҳаларида Т. тушунчаси асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Дифференциал тенгламалар ва динамик тизимлар назарияларида баъзан Т. чизиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки ҳаракатланаётган нуқтанинг координаталари бир ўзгарувчили функциялар бўлиб, улар дифференциал тенгламалар тизимининг махсус нуқтаси (мувозанат ҳолат) бўлса, бу нуқтадан ўтувчи траектория шу нуқтанинг ўзидан иборат бўлади.

ТРАКАЙ (Trakai) (1917 й.гача расмий номи Троки) — Литвадаги қад. шаҳар. Тракай тумани маркази. Тракай кўллари ўртасида жойлашган. Вильнюслан 28 км ғарбда (автобуслар қатнайди). Яқин т.й. станцияси — Лентварис (9 км). Аҳолиси 6,2 минг киши (1995). Ландшафти муҳофаза қилинади. Тарихий музей бор. Т.га 1341 йилда асос солинган. 14—15-а.ларда буюк Литва князлигининг муҳим сиёсий маркази ва Литва князлари қароргоҳи. Мудофаа мажмуаси (шу жумладан, Гальва кўлидаги оролда жойлашган қаср, 14—15-а. боши), Витуато черкови (15—18-а.лар), атрофида ёгочдан ишланган караимлар иболатхонаси (19-а.нинг 1-ярми) каби меъморий ёдгорликлар сақланган.

Тракай. Қадимги қаср (14—15-а.лар).

Т.да ҳар йили халқаро сув спорти мусобақалари бўлиб ўтади. Туризм ривожланган.

ТРАКТОР (инг. tractor, лот. traho — тортаман, ташийман) — двигатель ёрдамида ҳаракатланувчи ғилдиракли ёки гусеницали (занжирли) ўзиюрар машина. Т. қурилиш, қ.х. ишлари ва б. ишларни бажариш, тиркама, ўрнатма ва ярим ўрнатма жиҳозларни тортиш ва ҳаракатлантириш, муқим (стационар) машиналарни ишга тушириш учун мўлжалланган.

Буғ машинаси ўрнатилган биринчи ғилдиракли Т. 1830 й.да Англия ва Францияда пайдо бўлган, транспорт ва ҳарбий ишда ишлатилган. 1890 й.да АҚШ да қ.х. ишларида қўлланилган. Гусеницали Т.ни Россияда Д. А. Загряжский (1837) ва А. П. Костиков-Алмазовлар (1889) ихтиро қилишган. 1988 й.да рус механиги Ф.А. Блинов буғ машинаси ўрнатилган гусеницали Т. ясаб синовдан ўтказган. 1895 й.да рус ихтирочиси Я. В. Мамин ички ёнув двигатели ўрнатилган ўзиюрар ғилдиракли арава ихтиро қилган. АҚШдаги «Харт-Парр» (Hart-Parr) фирмаси 1901 й.дан бошлаб *ички ёнув двигатели* ўрнатилган ғилдиракли Т. ишлаб чиқара бошлади. 1912 й.дан АҚШда, кейинчалик Германия ва б. мамлакатларда гусеницали Т. ишлаб чиқарила бошланди. Ўзбекистонда 1967 й. Тошкент трактор з-дида пахтага модификация қилинган ғилдиракли Т. лар ишлаб чиқарила бошлади.

Юриш қисмининг типига қараб, қ.х. ва саноатда ишлатиладиган Т.лар фарқланади. Т.ни яратиш ва и.ч. типаж (намуна) тизими буйича амалга оширилади. Стандартга мувофиқ, типаж тизими қуйидаги тортиш синфлари (моделлари)га бўлинган: 0,2; 0,6; 0,9; 1,4; 2; 3; 4; 5; 6; 8; 10; 15; 25; 35; 50. Бундан 0,2—8 гача тортиш синфлари Т.лар, асосан, қ.х.да қолганлари саноатда ишлатилади. Улар орасида аниқ фарқ қилинмайди, чунки саноат Т.ларининг айримлари қ.х. Т.лари асосида ишлаб чиқарилади. Қ.х. Т.ларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар қ.х.даги технологик жараёнларнинг агротехник талабларига мос бўлади; саноат Т.ларининг ўзига хос хусусияти экинларни суғориш ва ботқоқликларни қуритиш ҳамда йўллар қуриш ва б. ишларида ишлатиладиган махсус жиҳозлар (бульдозер, трелёв ўрнатиладиган ва б.)нинг мавжудлиги ҳисобланади.

Гусеницали Т.нинг юриш қисми ўрмаловчи гусеница (занжир) б-н жиҳозланган. Гусеницаларнинг таянч сирти катта, тупроққа солиштирма босими кам, тупроқ б-н яхши тишлашади. Шу туфайли тортиш кучи катта, кам шатаксирайди, ўтиш қийин жойларда юра олади. Бироқ ғилдиракли Т.га нисбатан манёврчанлиги ҳамда тургунлиги паст бўлади. Ғилдиракли Т. манёврчан, универсал, енгил, ишлатиш осон. Унинг йўл тирқиши катта бўлгани учун экинларга зарар етказмай юра олади. Экин қатор ораларига қараб бир ўқдаги ғилдираклар орасини ўзгартириш мумкин. Тўрт ғилдиракли Т.ларда 2 та ёки 4 та ғилдирак етакчи, уч ғилдиракларда 2 та ғилдирак етакчи бўлиши мумкин.

Қ.х. Т.лари умумий ишларга мўлжалланган (тупроққа ёппасига ишлов бериш, экиш ва б. учун), универсал чопиқ (эгатлар орасига ишлов бериш учун); махсус (боғ-полиз, токзор ва б. учун) хилларга бўлинади. Умумий ишларга мўлжалланган Т. ер ҳайдаш, экин экиш, ёппасига культивация қилиш, йиғимтерим ва б. оғир ишларда қўлланилади. Двигатели кучли, тортиш кучи катта, йўл тирқиши кичик бўлади. Универсал-чопиқ Т., асосан, чопиқ қилиш ва ҳосилни йиғишда ишлатилади. Тортиш кучи умумий ишларга мўлжалланган Т.ларникидан кичик, йўл тирқиши анча катта бўлади. Узатмалар сони кўп, ғилдираклар орасини қатор ораларининг кенглигига мослаб ўзгартириш мумкин. Махсус Т. универсал-чопиқ ёки ҳайдов Т.лари асосида яратилади ва, асосан, юриш қисмининг тузилиши б-н фарқланади. Мас., пахтачиликка мослаштирилган ТТЗ-60.11 ёки ТТЗ-80.11 типидаги Т.ларда битта олдинги ва иккита етакчи кетинги ғилдираклар бўлади, кетинги кўприк эса телескопик қилиб ясалади.

Т. қисмлари: остов (кўтарувчи қисм), двигатель, трансмиссия, юриш қисми, бошқариш механизми, иш ва ёрдамчи жиҳозлар. Дизелли ички ёнув двигатели (қ. *Дизель*) ўрнатилган Т. кўп тарқалган. Бунда дизель ёнилгисининг иссиқлик энергияси тирсакли вални, ундан бутун машина-трактор агрегатини ҳаракатга келтиради. Трансмиссия двигателнинг механик энергияси (айлантирувчи момент, айланиш частотаси) ни ҳаракатлантиргичлар (енгил ғилдираклар ёки юлдузчалар) га узатади. Трансмиссиянинг асосий элементлари: тишлашиш муфтаси, *узатмалар қутиси*, асосий ва охирги узатмалар, буриш механизми. Тишлашиш муфтаси ёрдамида двигатель трансмиссиядан ажратилади ва унга охиста уланади. Узатмалар қутиси ҳаракат тезлиги ва тортиш кучининг катталиги ҳамда йўналишини ўзгартиради. Асосий узатма бўйлама валлардан ҳаракатни кўндаланг валларга узатади ҳамда умумий узатиш сонини оширади. Охирги узатма (цилиндрик редукторлар) айланиш частотасини охиригача пасайтиради ва етакчи ғилдираклар ёки юлдузчаларга узатилаётган айлантирувчи моментни оширади, керакли йўл тирқишини ҳосил қилишга ёрдам беради. Т.нинг буриш механизми (ғилдиракли Т.да — дифференциал, гусеницали Т.да — фрикцион муфталар ёки планетар механизмлар) юриш қисмининг етакчи элементларига турли тезликларда айланиш имконини беради; бу эса Т.га эгри-бугри йўлларда ҳаракатланишга имкон беради. Юриш қисми айланма ҳаракатни илгариланма ҳаракатга айлантиради, шунингдек, Т.дан тушган юкни тупроққа узатади ва бу б-н Т.нинг манёврчанлигини оширади. У йўналтирувчи ғилдираклар ёки занжирни ҳаракатлантиргичлар ва юриш қисмларини Т.нинг остовига бириктирувчи элементлардан иборат. Бошқариш механизми (руль бошқармаси, тормозлар) алоҳида агрегатларни ҳам, бутун Т.ни ҳам бошқаришни таъминлайди. Замонавий Т. ҳайдовчининг меҳнатини енгиллаштириш учун гидравлик, пневматик ва механик кучайтиргичлар б-н жиҳозланган; шунингдек, иш ўрнида керакли санитария-гигиена шароитлари яратилган. Иш жиҳозларига тиркаш қурилмалари, ўрнатма тизимлар, қувват олиш вали, ҳаракатлантириш шкиви, ҳаракат тезликларини камайтириш учун секинлаштиргич, дифференциални блокировкалаш тизими, ёритиш тизими ва сигнализация, етакчи ғилдиракларни вазминлаштиргич, текшириш-ўлчаш аппаратлари ва б. киради. Т.нинг конструкциялари материаллар ҳажмини камайтириш, двигателнинг қуввати ва иш тезлигини ошириш, Т.нинг тортиш сифатини, шунингдек, механизаторларнинг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш бўйича такомиллаштирилмоқда.

Тошкент трактор з-дида қисмлар комплекти Хитойдан келтириб йиғиладиган қуввати 30 о.к.га тенг бўлган двигатель ўрнатилган BY-304-02 ва BY-300 русумли, қуввати 80 о.к.га тенг бўлган двигатель (Белоруссиядан келтириладиган) ўрнатиладиган ТТЗ-80-10 ва ТТЗ-80-11 русумли, қуввати 60 о.к.га тенг бўлган двигатель (Владимир ш.дан келтириладиган) ўрнатиладиган ТТЗ-60-10 ва ТТЗ-60-11 русумли, қуввати 100 о.к.га тенг бўлган двигатель («Каменс» фирмасидан келтириладиган) ўрнатиладиган ТТЗ-100К-10 ва ТТЗ-100К-11 русумли Т.лар ишлаб чиқарилмоқда. BY-300 ва BY-304-2 русумли Т. деҳқон ва фермер хўжаликлари

1

2

3

Трактор. 1. ТТЗ-80-10 универсал-чопиқ трактори; 2. ТТЗ-80-11 пахтачилик трактори; 3. BY-304-2 кичик габаритли қ.х. трактори.

титерминатор оқсиллар ва оқсил синтези аппарати компонентлари қатнашади. Эукариотларда рибосомал, информацион ва транспорт РНК синтези учун алоҳида РНК-полимераза ферменти мавжуд. Т. бирлиги скриптон ёки оперонлар ўзаро функционал боғланган бир неча генлардан иборат. Эукариотларда бу генлар ҳар доим моноген бўлади. Шиш ҳосил қиладиган онкорусларда тескари транскриптаза (ревертаза) ферменти ёрдамида ахборот РНК дан ДНК га ўтказилиши мумкин. Бу жараён тескари Т. дейилади.

ТРАНСКРИПЦИЯ (мусиқада) — мусиқа асарини бошқача тарзда (мас., бошқа созга мослаб) ифодалаш (*аранжировка*) ёки виртуоз руҳда эркин қайта ишлаш (концерт Т.си). Европада 16—17 а.ларда пайдо бўлган. 19-а.дан (асосан, фортепиано Т.лари) энг оммабоп концерт жанрларидан бирига айланган (Ф. Лист, К. Таузиг, М. Балакирев, Ф. Крейслер, С. Рахманинов ва б.). Шарқ халқлари бастакорлик ижодида муайян куйлар асосида асарлар яратишда анъанавий усуллардан биридир. Мас., «Ушшоқ» куйи асосида яратилган «Самарқанд Ушшоғи», «Ушшоқи Содирхон», шунингдек «Қўқон Ушшоғи», «Тошкент Ушшоғи», «Умрзоқ Полвон Ушшоғи», «Фаттоҳхон Ушшоғи».

ТРАНСЛИТЕРАЦИЯ (*транс...* ва лот. littera — ҳарф) — бир график тизим (алифбо) асосида ёзилган матнлар ёки алоҳида сўзларни бошқа бир график тизим (алифбо) воситалари б-н ҳарфма-ҳарф акс эттириш. *Транскрипция*дан фарқли равишда Т. муайян тилнинг график тизимига асосланиб иш кўради. Бирон-бир алифбога асосланар экан, Т. ҳарфларни шартли қўллашга, қўшимча ҳамда диакритик белгилар киритишга йўл қўяди. Т. дастлаб 19-а.да Пруссия қироллик кутубхоналаридаги лотин, кирилл, араб, ҳинд ва б. ёзувли тилларда ёзилган асарларни ягона каталогга киритиш эҳтиёжидан келиб чиққан. Ушбу кутубхоналар учун тузилган йўриқномалар 20-а.да лотинча бўлмаган ёзув тизимларини лотинчага ўгириш амалиётининг асоси бўлиб хизмат қилди. Ҳоз. Т.га оид тавсиялар Халқаро стандартлар ташкилоти — ISO (International Standard Organisation) томонидан ишлаб чиқилади. Т. ўзининг универсаллиги туфайли кўп томонлама халқаро муносабатларнинг амалий масалаларини ҳал қилишнинг ягона стандарти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Т.ни амалий транскрипциядан фарқлаш керак. Т. халқаро бўлиши мумкин ва бўлиши керак, чунки у бирон-бир миллий алифбога асосланмайди, амалий транскрипция эса бирон бир белгили алифбога, унинг ҳарф ва ҳарф бирикмаларини тегишли тилда қабул қилинган ўқиш қоидаларига таянади. Т. қад. қўлёзма ёдгорликлар, жаҳон халқлари тарихи, тили ва адабиётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

ТРАНСЛОКАЦИЯ (лот. trans — орқали, locatio — жойлашиш) — хромосомалар бир қисмининг ўша хромосоманинг бошқа қисмига ёки иккинчи хромосомага ўтиб қолиши; хромосомалар қайта қурилиши (хромосома аберрациялари)дан иборат мутация хилларидан бири. Агар хромосоманинг узилган қисми ўша хромосоманинг бошқа жойига уланса, хромосома ичидаги Т., бошқа хромосомага ўтиб қолса хромосомалараро Т. дейилади. Мас., Даун синдромида 15- ва 21- хромосомаларнинг кичик қисмлари ажралиб, ўринларини алмаштириб жойлашади. Т. асосида хромосомаларнинг ногомологик қисмлари ўртасидаги алмашинув ётади. Т.да генлар миқдори ўзгармаган ҳолда уларнинг ўрни ўзгаради. Т. оғир ирсий касалликларга олиб келади.

ТРАНСЛЯТОР — 1) *трансляция* жараёнини амалга оширишда фойдаланиладиган аппаратлар, жиҳозлар, кўчма техника воситалари мажмуи; 2) информатикада (ахборотшуносликда) — *дастурни* бошланғич бир *программалаш тили*дан иккинчисига, хусусан, *машина тили*га автоматик тарзда ўтказиш учун мўлжалланган ЭҲМ (компьютер) дастури (компилятор). Программалашни автоматлаштириш учун қўлланади.

ТРАНСЛЯЦИЯ (лот. translatio — узатиш) — 1) воқеа юз бераётган жой (театр, концерт зали, стадион, байрам маросимлари)дан радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни студиядан ташқарида бевосита эшиттириш ёки кўрсатиш, шунингдек, бошқа шаҳарлардан халқаро алоқа линиялари бўйича келадиган дастурларни маҳаллий радиостанция ёки телестанциядан узатиш. Радио Т.да воқеа юз бераётган жойга микрофон ўрнатилади, ундан келаётган радиосигналлар студиядан ташқаридаги махсус аппаратхона (транспункт)да қайта ишланиб, эфирга узатилади. Аппаратхонада кучайтирувчи, овоз ёзиб олувчи, коммутацияловчи (қ. *Коммутация*), ўлчовчи аппаратлар ва б. жиҳозлар бўлади. Телевизион Т. кўчма телевизион ст-я орқали амалга оширилади. Баъзи объектларда, худди радио Т.даги каби, телевизион транспунктлар ташкил қилинади; 2) электр алоқада (ретрансляция) алоқа трактининг оралиқ пунктларида сим орқали келаётган электр сигналларни ёки радиосигналларни қабул қилиб ва қайта ишлаб, [illegible] сигналларни кучайтириш ҳам мумкин. Бундай Т., асосан, узоқ масофали алоқани (мас., ердаги ст-ялар орасида космик алоқани, ердаги ст-ялар б-н космик кема орасидаги алоқани) ташкил қилишда фойдаланилади. Бунда оралиқ кучайтирувчи қурилмалар, ретрансляторлар ва б. қурилмалар қўлланилади; 3) алоқанинг масофасини ошириш учун электр сигналларни узатиш занжирига уланадиган оралиқ қурилма (мас., телеграф алоқада — регенератив Т.); 4) сим ва радио эшиттиришни [illegible]; 5) ЭҲМ (компьютер) учун тузилган дастур бошланғич бир программалаш тилидан иккинчисига, мас., *машина тилига* ўтказиш; 6) физ. ёки мат. объектни фазода ўзига параллел равишда тўғри чизиқ (Т. ўқи) бўйлаб маълум масофага кўчириш.

ТРАНСЛЯЦИЯ (биологияда) — генетик код асосида информацион РНК асосида оқсил полипептид занжирлари синтези; тирик ҳужайраларда ирсий ахборот амалга оширилишининг 2 босқичи. Т. жараёнида иРНК молекуласида нуклеотидлар кетма-кетлиги шаклида ёзилган оқсил молекуласи тўғрисидаги ахборот нуклеотидлар кодидан синтезланадиган оқсил молекуласидаги аминокислоталарнинг муайян кетма-кетлиги ҳолатига ўтказилади. Бошқача қилиб айтганда, иРНКдаги ахборот нуклеотидлар тилидан аминокислоталар тилига ўтказилади. Т.да иРНК дан ташқари рибосомалар, транспорт РНК (тРНК), оқсилларнинг аминоацил—тРНК-синтетаза, инициация (бошловчи), элонгация (полипептидни давом эттирувчи), терминация (тамомловчи) ва б. омиллардан иборат мураккаб макромолекуляр комплекс иштирок этади. Аминокислоталарни РНК рибосомаларга олиб боради. Т.нинг инициация босқичида рибосоманинг кичик суббирлиги, тРНК ва инициация омили иРНК даги кодон-инициаторни таниб олади. Шундан сўнг рибосоманинг катта суббирлиги қўшилиб, оқсил синтези бошланади. Бу синтез 3 босқич: тРНК нинг қўшилиши, пептид боғ ҳосил бўлиши ва рибосоманинг 3 нуклеотидга силжиши — *транслокация* орқали боради; шундан сўнг бирч цикл яна такрорланади. Кодон-терминаторларни таниб олишда терминациянинг оқсил омиллари полипептид занжирининг рибосомадан ажралишини катализлайди. Оқсил синтезида иРНК полирибосома таркибига киради. Ҳар бир полирибосомада бир вақтнинг ўзида 100 тагача рибосомалар синтезни олиб боради. Прокариотларда полирибосомалар *транскрипция* жараёнида иРНК ва ДНКдан ажралмаган ҳолда ҳосил бўлади. Эукариотларда оқсил синтези цитоплазмада боради.

ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯ (ТМК) — хорижий активларга эга бўлган, операцияларининг камида 1/4 қисмини мамлакат ташқарисида, ўз филиаллари орқали чет мамлакатлардаги ишлаб чиқаришдан олувчи корпорация. Ташкилий жиҳатдан бош компания асосий капиталининг шуъба корхоналар капиталида қатнашуви тамойилига асосланади. ТМК ички ва ташқи ўсиш ҳамда интеграциялашув сиёсати, фирма, компанияларнинг бир мақсадни кўзлаб қўшилишини (қўшилиш, сотиб олиш, молия-саноат гуруҳларини ташкил қилиш) ҳисобига пайдо бўлади. Ихтисослашувига кўра, саноат, хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ, банк, суғурта ва б. тармоқларда фаолият олиб боради.

Дастлабки ТМКлар 20-а. бошларида пайдо бўлган. 2-жаҳон уруши (1939—45) дан кейин уларнинг роли яна ошди. 21-а. бошида жаҳон ишлаб чиқаришининг катта қисми ТМК қўлида тўпланган. Американинг, Ғарбий Европа ва Канаданинг, бир қанча ривожланаётган мамлакатларда ўз корхоналари тармоқларига эга бўлган ТМКлари фаолият кўрсатади. Мас., «Форд» автомобиль концернининг 30 та мамлакатда филиаллари бор. Йирик нефть компаниялари («Бритиш петролеум», «ИКИ» ва б.), Германия («Херст», «Сименс» ва б.), Голландиянинг «Филипс» концернлари ТМКлардир. ТМК фаолияти ҳам миллий (ички), ҳам ташқи бозорга йўналтирилади. Одатда, ТМК кучли илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлади. Мас., «Форд мотор»нинг АҚШ Детройт ш.да 100 мингдан кўпроқ муҳандис-техник ходимлар, олимлар, технологлар, дизайнерлар ишлайдиган илмий-техника маркази бор. ТМК ўз таркибини ва фаолияти йўналишларини мунтазам янгилаб туради. Уларнинг асосий мақсади бозорларнинг бир сегментини эмас, балки жаҳон бозорларида мустаҳкам устуворликни эгаллашдан иборат.

20-а.нинг 90-йилларидан бошлаб Ўзбекистон саноатининг кўп тармоқларида жаҳондаги кўпгина ТМКлар иштирокида қўшма корхоналари ташкил топди. «ЎзДЭУ авто» (қ. *Асака автомобиль заводи*), *Зарафшон-Ньюмонт*, «*Кабул текстайлз*», «*Кока Кола*», «*Нестле*», «*Кейс Корпорейшн*» ва б. шулар жумласидандир.

Содир Салимов.

ТРАНСМИССИВ КАСАЛЛИКЛАР — бемор (ёки бактерия ташувчи)дан ёки касал ҳайвондан бўғимоёқлилар, мас., қон сўрувчилар орқали соғлом кишиларга юқадиган инфекцион касалликлар. Бу гуруҳга мансуб касалликларнинг қўзғатувчилари соғлом одам организмига тери орқали тушади ва, асосан, қонда бўлади. Одатда, терида тошмалар пайдо бўлиши ва майда томирлар жароҳатланиши б-н кечади. Риккетсиозлар Т.к.нинг катта қисмини ташкил этади. Кўпинча маълум ҳудудларда қайд қилинади ва ўша жойнинг номи б-н аталади. Т.к. 5 гуруҳга бўлинади: тошмали терлама гуруҳи, кана доғли иситмаси гуруҳи, қизил танагили кана иситмаси, [illegible] (нафас йўллари жароҳатланади) риккетсиозлар ва [illegible] риккетсиозлар. Касалликлар, асосан, бит, бурга ёки каналар чаққанда юқади. Тошмали терламада одам, бошқаларда каламуш, сичқон ва б. кемирувчи ҳайвонлар, айримларида ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳамда қушлар резервуар ҳисобланади.

ТРАНСМИССИЯ (лот. transmissio — узатиш, ўтиш) — двигателдан иш машиналари (станоклар, майдалагичлар ва б.) га ёки машиналарнинг ижро механизмларига айланма ҳаракат узатиш учун мўлжалланган қурилма. Т. валлардан иш машиналарига айланма ҳаракат узатиш, одатда, қурилма тасмалар (контрприводлар) орқали амалга оширилади. Кенг маънода — Т. деганда двигатель валидан машинанинг иш органларига айланма ҳаракат узатувчи барча қурилмалар мажмуи тушунилади. Мас., *автомобиль* ёки *тракторда* механик Т. таркибига куч узатгич, илашма (сцепление), карданли узатма, дифференциал механизм ва б. қурилмалар киради. Кемалар, тепловозлар, юк автомобиллари, тракторларда гидромеханик (гидротрансформатор ва механик узатмалар қутиси), гидроҳажмий (гидромоторли гидроцилиндрлар) ва электромеханик (генератор ва электр двигателлар) Т.лардан фойдаланилади.



Трансмиссия (автомобилда): 1 — дифференциал; 2 — бош узатма; 3 — илашма; 4 — ярим ўқ; 5 — карданли узатма; 6 — узатмалар қутиси.

ТРАНСПИРАЦИЯ (лот. trans — орқали ва spiro — нафас оламан, нафас чиқараман) — ўсимликларнинг сув буғлатиши. Муҳим физиологик жараёнлардан бўлиб, ўсимликнинг тўқималари нам ҳолда туришига ёрдам беради, тупроқдан минерал тузларнинг келиб туришини таъминлайди, тўқималар ҳарорати, *тургор* даражаси ва протоплазманинг [illegible] бошқариб туради. Асосий Т. органи барг бўлиб, ундаги мезофилл ҳужайралари ҳужайралар оралиғига доим сув буғини ажратиб, сўнгра уни барг оғизчалари (оғизча Т.си) ёки кутикула (кутикула Т.си) орқали атмосферага тарқатади. Т. кескинлиги ташқи муҳит шароитлари — ёритилганлик, тупроқ ва ҳаво ҳарорати, намлиги, шамол кучи, шунингдек, [illegible] даражаси ўсимлик тури ва навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ. Ташқи муҳит шароитлари Т.нинг суткалик ва мавсумий жадаллигига таъсир кўрсатади. Максимал Т. мавсумнинг энг иссиқ даврларида ва куннинг ярмигача, минимал Т. саҳарда ва кечада кузатилади. Т. жадаллиги турли сув ва озиқ режимларида ўсимликларнинг сув б-н таъминланиши даражасини ва уларнинг маҳсулдорлигини тавсифлаб беради. У 1 дм² барг сатҳидан маълум вақт бирлигида (мг. дм²/соат) буғланган сув миқдори б-н аниқланади. 1 л сув сарфланганда ўсимлик ҳосил қиладиган қуруқ модда миқдори Т. унумдорлиги, 1 г қуруқ модда ҳосил қилиш учун ўсимлик сарф этадиган сув Т. коэффициенти дейилади. Мас., 1 г қуруқ модда ҳосил қилиш учун ғўза 400—700, кузги буғдой 500 г гача, сули 415—500, тариқ 200—280 г сувни буғлатади. Шу сабабли тупроқда намликни сақлашга мўлжалланган агротехника тадбирлари б-н бир қаторда майдон бирлигига тўғри келадиган экин туплари қалинлигини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга (яна қ. *Ўсимликларнинг сув режими*).

Ад.: Слейчер Р., Водный режим растений, М., 1970; Либберт Э., Физиология растений, М., 1976; Саимов Х.С., Водный режим и продуктивность хлопчатника, Т., 1979.

Абдуқодир Закиров.

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ — одам ва ҳайвонларда патологик жараён натижасида шикастланган ёки олиб ташланган тўқималар ва органлар ўрнига соғломини кўчириб ўтказиш. Хирургия усули сифатида қадимдан маълум. Тери, мускул, нервлар, кўзнинг мугуз пардаси, ёғ ва суяк тўқимаси, юрак, буйрак ва б. органлар кўчириб ўтказилади. Қон қуйиш — Т.нинг алоҳида тури

Кўчириб ўтқазиладиган тўқима ёки орган кимдан олинганига қараб трансплантантлар қуйидагича фарқланади: аутотрансплантант — беморнинг ўзидан, аллотрансплантант — одамдан одамга, ксенотрансплантант — бошқа индивиддан. Ҳоз. буйрак Т.си жуда кенг йўлга қўйилган. Бошқа органлар: юрак, жигар, эндокрин безлар, ўпка ва б. органларни кўчириб ўтқазиш махсус клиникаларда бажарилади.

ТРАНСПОРТ (лот. transporto — ташийман) — ижтимоий моддий и.ч. тармоғи, юкларни ва йўловчиларни бир жойдан иккинчи жойга элтишни, мамлакат вилоят ва туманлари, корхоналари, халқ хўжалик тармоқлари ўртасида шунингдек, мамлакат ичида айирбошлаш ва алоқани таъминлайди.

Қуйидаги Т.лар мавжуд: ер усти Т. и (т.й., автомобиль, қувур йўллари), сув Т.и (денгиз ва дарё), ҳаво Т.и (авиация). Вазифасига кўра ички и.ч. (саноат) Т.ига ва умумий фойдаланиладиган Т.га бўлинади. Бу Т. турлари б-н бир қаторда махсус фойдаланиладиган автотранспортлар ҳам мавжуд. Вазифаси хусусиятига кўра, Т. йўловчилар ва юк ташувчи Т.га бўлинади. Ички и.ч. транспорти бевосита моддий неъматлар и.ч. жараёнига хизмат қилади ва корхона и.ч. воситаларининг таркибий қисми ҳисобланади. Умумий фойдаланиладиган Т. (ер усти, сув ва ҳаво) ижтимоий и.ч.да муҳим соҳани ташкил этади. Умумий фойдаланиладиган Т.нинг моддий и.ч. тармоғи сифатида пайдо бўлиши *саноат тўнтариши* б-н боғлиқ.

Мамлакатлар ўртасида ташқи савдонинг ўсиши денгиз кемачилигининг ривожланишига туртки берди. Автотранспорт 19-а.нинг охирида пайдо бўлди, 20-а.нинг 20-й.ларида қисқа масофага юк ва йўловчилар ташишни амалга ошириб, т.й. ва дарё Т.и. б-н рақобат қила бошлади. Фуқаро ҳаво Т.и 20-а.нинг 1-чорагида вужудга келди.

20-а.да жаҳон транспорти тизими жуда юксалди. Ривожланган мамлакатларда Т. тизимларининг барча Т. турлари (АҚШ, Канада) ёки айрим Т. турлари (Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония)нинг юксак даражада ривожланганлиги б-н тавсифланади.

20-а. бошларига қадар Ўзбекистонда юк ва йўловчилар, асосан, т.й., отуловт.ларида, туя, хачир ва б. юк ташувчи ҳайвонларда ташилган. 20-а.нинг 20-й.ларидан автомобиль ва ҳаво Т.и. йирик саноат корхоналари қурилиши б-н саноат Т.и вужудга келди. 80-й.лар охирига келиб республика Т.нинг моддий-техника базаси бирмунча яхшиланди. Саноат ва қ.х.да и.ч.нинг ўсиши, кенг миқёслаги капитал қурилиши ва транспорт моддий-техника базасининг юксалиши б-н юк ва йўловчилар ташиш ҳажмлари ҳам орта борди.

Республика мустақилликка эришганидан кейин Т.нинг халқ хўжалигига ва аҳолига хизмат кўрсатишини тубдан яхшилаш ва Т.ни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадларида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (1992 и. 28 янв.), «Ўзбекистон автомобиль транспорти давлат-акциядорлик корпорацияси (1993 и. 8 янв.), «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси (1994 и. 7 нояб.) ва б. идоралар ташкил этилди. Мамлакатда Т. корхоналари давлат интирокидаги акциядорлик, очиқ турдаги акциядорлик, масъулияти чекланган жамиятларга, жамоа корхоналарига айлантирилди. Республика автотранспорт воситаларининг бир қисми (автобуслар, юк ва енгил машиналар) жамоа хўжаликлари, фуқароларнинг мулкига айланди.

Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи Т.нинг барча тури —т.й., автомобиль, авиация, шаҳар электр транспорти (трамвай,. троллейбус, метрополитен), дарё Т.и, қувур йўллари транспорти, шунингдек, умумий фойдаланидмайдиган (саноат) транспорти турлари — т.й, автомобиль, тасмали транспорт, осма арқон транспорти ривож топган (яна қ. *Автомобиль транспорти, Дарё транспорти, Денгиз транспорти, Ҳаво транспорти, Темир йўл транспорти, Шаҳар транспорти*).

Ўзбекистонда транспорт турларининг асосий кўрсаткичлари

	2000	2002	2003
Жами транспорт турларида ташилган юклар, млн.т.	795,1	728,1	703,2
шу жумладан:			
т.й.транспортида	42,4	44,2	45,1
автомобиль транспортида	691,4	622,2	592,8
қувур йўллари орқали	61,3	61,7	65,3
ҳаво транспортида (минг.т)	15,2	12,4	5,9
Ташилган йўловчилар, млн.киши	3570,5	3384,6	3351,5
шу жумладан:			
т.й. транспортида	14,5	14,9	15,3
автомобиль транспортида	3246,0	3103,3	3121,0
ҳаво транспортида	1,5	0,9	0,8
шаҳар электр транспортида	308,5	265,5	214,4

Республиканинг Т. тизими т.и., автомобиль йўллари, замонавий ускуналар б-н жиҳозланган т.и. вокзаллари, ст-ялари, бекатлари, юк омборлари, пристаплар, ҳаво флотининг йирик аэровокзалларн ва б. инфратузилма бўлинмаларини қамраган халқ хўжалиги комплексини ташкил этади.

ТРАНСПОРТЁР (лот. transporta — ташиман) — 1) машинасозликда — *конвейернинг* иккинчи номи; родикли Т. ролькли, ванна Т. шнек деб аталади; 2) қ.ҳ.да — маҳсулотларни унча узоқ бўлмаган масофага узлуксиз ёки муайян маромда ташиш (узатиш) учун мўлжалланган машина. Маҳсулотлар (картошка, сабзи, лавлаги, шолғом ва б.)ни транспорт воситаларидан тушириб, омборхонага узатиш, далалаи ёки омборхоналаи транспорт воситаларига ортиш; қуй жунини ювгарошнинг ишчиларни тарози аппарати турган жойгача узатиш учун мўлжалланган Т.лар бўлади. Т. тизимининг асосий қисмлари: қабул бункери, қуракли кутарни транспортёри, бурилувчи юклаш транспортёри, рама (юриш қисми б-н), гидроцилиндр, ҳаракатлантиришни узатмаси, электр двигатели ва бошқариш пульти. Жун узатиш Т.и электр двигатель, редуктор, пупалтирувчи пилиндр, узлуксиз тасма ва каркасдан иборат. Бундай Т. тасмасининг кенглиги 55 см гача, тасма ш қисмининг уз. 45 ва 25 м бўлади. Юнг Т. и чорвачиликда кенг қўлланади.

ТРАНСПОРТИР (франц. transporteur, лот. tranporto — кўчираман) — чизмаларда турли бурчакларни ясаш (чизиш) ва ўлчаш учун мўлжалланган чизмачилик асбоби. Чизгич ва 0 дан 180° гача даражаларга бўлинган ярим доирадан иборат. Т.нинг ўлчами қанча катта бўлса, аниқлиги шунча юқори бўлади. Жуда аниқ ясашлар ва ўлчашлар учун мўлжалланган Т. (мас., навигация Т.и)



Транспортир.

марказ атрофида айланувчи бурчак ўлчаш нониуси (верньер) бор шаффоф (орқаси кўриниб турадиган) чизгич б-н таъминланади.

ТРАНСУРАН ЭЛЕМЕНТЛАР — *Менделеев даврий системасида* ураидан сўнг жойлашган (ат. рақами $Z \geq 93$ бўлган) кимёвий элементлар. Т.э. нисбатан тез радиоактив парчаланиши туфайли Ер пўстида айтарли миқдорда сақланиб қолмаган. Ернинг ёши $5 \cdot 10^9$ й.га яқин, энг узоқ яшовчи Т.э. изотопларининг ярим емирилиш даври эса 10^7 й.дан

кичик. Ер қурраси пайдо бўлишидан бошлаб нуклеосинтез жараёнида ҳосил бўлган Т.э. е бутунлай парчаланиб битган ёки улар миқдори кескин камайиб (10^{17} мартабача) кетган. Энг узоқ мавжуд бўлувчи Т.э. дан ҳисобланган плутоний (^{244}Pu)нинг табиий минералларида нисбатлар кичик миқдори топилган. Балки у Ер қурраси пайдо бўлган пайтдан бошлаб сақланиб қолгандир. Уран рудаларида нептуний (^{237}Np) ва плутоний (^{239}Pu) изқлари топилган.

Дастлабки Т.э. 20-асрнинг 40-й.ларида АҚШ да Э. *Макмиллан* ва Г. *Сиборг* бошчилигида бир гуруҳ олимлар томонидан синтезлаб топилган. Т.э. нейтронни нейтрон оқими ёки ядроларни зарраларни б-н нурлатиш пули б-н олинади. Агар нишон сифатида уран U ишлатилса, кучли нейтрон оқими ёрдамида Fm ($Z=100$) гача бўлган барча Т.э. ни олиш мумкин. $Z=101$ (менделеевий) элементи 1955 й.да $^{253}_{99}$Es (эйнштейний) элементини тезкор α-зарралар б-н нурлатиб кашф қилинди. $Z>101$ бўлган элементлар зарядланган заррачалар тезлаткичида (Бирлашган ядро тадқиқотлари ин-ти циклотрони (ОИЯИ; Дубна, Россия) ва оғир ионлар чизиқли тезлаткичи «Хайлак» (Беркли, АҚШ)да олинди.

ТРАНСФЕРАЗАЛАР — ҳар хил атомлар гуруҳини бир органик бирикма молекуласи (донорлар)дан иккинчиси (акцепторлар)га кўчирилиши қайтар жараёнини катализлайдиган ферментлар синфи. Бу ферментлар интирокида катализланадиган реакциялар қуйидаги умумий схема б-н ифодаланади:

$$R - A + R' - B \rightleftarrows R - B + R' - A.$$

Т. энг катта синф бўлиб, уларнинг 500 га яқин индивидуал хиллари аниқланган. Кўчирилаётган гуруҳларнинг турига қараб, булар аминотрансферазалар, фосфотрансферазалар, гликозилтрансферазалар ва б. га бўлинади. Т.нинг кўпчилиги фақат кофермент (қ. *Коферментлар*) иштирокида каталитик фаоллигини кўрсатади, аммо кофермент тавсифи кўчирилувчи гуруҳ томонидан белгиланади. Мас., амин гуруҳларнинг кўчирилишида пердоксаль фосфат, шакарлар қолдагининг кўчирилишида нуклеотидлар кофермент бўлади. Т. табиатда кенг тарқалган бўлиб, оралиқ моддалар алмашинувида муҳим аҳамиятга эга.

ТРАНСФЕРТ, трансфер (франц. transfert — ўтказиш, кўчириш) — 1) чет эл валютаси ёки олтинни бир мамлакатдан бошқасига ўтказиш; 2) номи ёзилган қимматли қоғозларга эгалик ҳуқуқини бир шахс томонидан бошқа шахсга бериш; 3) битишувларга доир тўловларни бир ҳисоббарақдан бошқасига утказиш; 4) марказий ҳокимият томонидан ундирилган солиқларнинг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш. Амалиётда ўтказма тўловлар, яъни давлат бюджетидан ижтимоий эҳтиёжлар учун аҳолига тўланадиган *пафқа* ва *пенсиялар*, талабномаларга тўланадиган *субсидиялар*, давлат қарзи бўйича тўланадиган фоизлар ҳам Т. («трансферт тўловлари») деб аталади.

ТРАНСФОРМАТОР (лот. transformo — ўзгартираман) — техникада — энергия ёки объектларнинг бирон бир муҳим хоссаси (мас., ток кучи, кучланиш ва б.)ни ўзгартириш учун мўлжалланган қурилма. Электр Т., гидро-трансформатор, фототрансформатор, ЎЮЧ (ўта юқори частота) Т.и ва б. хиллари бўлинади. Электр Т. ўзгарувчан ток кучланишини ўзгартириш (кучайтириш ёки пасайтириш) учун мўлжалланади. Унинг ишн *электромагнит индукция* ҳодисасига асосланади. У битта бирламчи чулғам, битта ёки бир неча кўп иккиламчи чулғам ва асосан бёрк типдаги ферромагнит ўзак (магнит ўтказгич) дан иборат. Барча чулғамлар ферромагнит ўзакка ўралади ва бир-бирига индуктив боғланган бўлади. Бирламчи чулғам учлари (Т. кириши) ўзгарувчан ток кучланиши манбаига, иккиламчи чулғам учлари (Т. кириши) ўзгарувчан ток кучланиши манбаига, иккиламчи чулғам (ёки чулғамлар) учлари (Т. чиқиши) истеъмолчиларга уланади. Электр Т.ни биринчи марта П. Н. *Яблочков* 1876 й. электр ёритиш тармоғида ишлатган. М. О. *Доливо-Добровольский* 1890 й. уч фазали электр Т.ни яратган. Кейинчалик бошқа олим ва ихтирочилар Т. ни такомиллаштириш, қувати ва ф.и.к.ни ошириш, изоляциясини яхшилаш, ишчаплантириш ва б.га доир ишлар олиб боришган.

Электр Т.нинг энг кенг тарқалган тури куч Т.ларидир. Улар электр узатиш линиялари (ЭУЛ)га ўрнатилади. Бундай Т.лар электр ст-яларнинг генераторлари ишлаб чиқарган ток кучланишини 10—15 кВ дан 220—750 кВ гача кучайтириб беради. Т.ларнинг чулғамлари мисдан, магнит ўтказгичлари совуқлайин прокатлаб ишлаб чиқарилган электротехника пўлатидан тайёрланади. Электр Т.нинг қуруқ ва мойли турлари бор. Қуруқ Т. ҳавода мойсиз совитилади. Мойли Т.нинг магнит ўтказгичи ва чулғамлари минерал мой тўлдирилган бакка жойлаштирилади. Мой изоляция ва совитувчи вазифасини ўтайди.

Қуч Т.ларидан ташқари ўлчаш Т.и, кучланиш Т.и, ток Т.и, импульсли Т., радиочастотали Т. каби Т.лар ҳам мавжуд.

Трансформатор схемаси.

Ўзгарувчан ток тармоғида кучланишни кучайтириш ёки пасайтириш ҳамда электр энергияни истеъмолчиларга тақсимлаш учун мўлжалланган мажмуа кичик Т. ст-яси (подстанцияси) деб аталади. Унда куч Т. и, тақсимлаш қурилмалари, автоматик бошқариш ва ҳимоя қурилмаси, қўшимча иншоотлар бўлади. Юқори кувватли баъзи пасайтириш Т. подстанцияларида кучли, лаб.да уй-рўзғорда ишлам автотрансформаторлар ишлатилади.

ТРАНСФОРМАЦИЯ (лот. transformatio — қайта ўзгариш, қайта ҳосил бўлиш) (генетикада) — ҳужайрага ёт ДНК кирнши натижасида унинг ирсий хусусиятлари ўзгариши; прокариотларда генетик материал алмашинуви усулларидан бири. Биринчи марта инглиз олими Ф. Гриффит (1928) пневмококкларда кашф этган. Ф. Гриффит патоген пневмококкларни қиздириб ўлдиргапда улар сичқонларни зарарламаслигини, лекин бактерияларни патогенлик хусусиятига эга бўлмаган тирик бактериялар б-н бирга сичқонларга юборилганда нопатоген бактериялар патогенлик хусусиятига эга бўлишини аниқлаган. АҚШ олими О. Эйвери ва унинг ходимлари (1944) нопатоген бактериялар патоген бўлиб қолиши (трансформацияланиши)нинг сабаби патоген бактерия штаммидан ажралган ДНК б-н боғлиқ эканлигини аниқлади. Т. кейинчалик ҳар хил турқум ва турларга мансуб бактериялар — стрептококк, гемофилл бактериялар, пичан таёқчаси ва б.да аниқланган. Т. ҳодисаси компетентлик хусусиятига эга бўлган айрим ҳужайралар б-н боғлиқ (ҳужайранинг ёт ДНК ни боғлаш хусусияти махсус оқсил молекуласи синтезланиши б-н тушунтирилади). Трансформацияланадиган ДНКнинг мол. массаси 300000 дан кам бўлмаслиги, 2 спирали ва кимёвий тоза бўлиши лозим. Ҳужайрага донор ДНК синнинг бир бўлаги ўтиб, ҳужайра хромосомаси б-н рекомбинацияланади ва унинг хоссасини ўзгартиради.

Т.дан бактерияларни генетик анализ қилишда ва генетик инженерия соҳасидаги тажрибаларда фойдаланилади. Т ҳужайранинг кашф этилиши ва ўрганилиши натижасида ДНК-препаратини

моддий асоси эканлиги аниқланди. Т.дан зукариот ҳужайраларга ёт ДНК ни киритишда ҳам фойдаланилади (яна қ. *Генетик инженерия*).

Ад.: Прозоров А. А., Генетическая трансформация и трансфекция, М., 1980; Тўрақулов Ё. Х. ва б., Умумий биология. Т., 1999.

ТРАНСЦЕДЕНТ ФУНКЦИЯЛАР — алгебраик бўлмаган аналитик функциялар. Мас., логарифмик кўрсаткичли ва тригонометрик функциялар Т.ф.дир. Комплекс ўзгарувчили Т.ф. қутб ва чекли тармоқланиш нуқталаридан ташқари махсус нуқталарга эга бўлади. Мас., e^z, $\sin z$ лар учун $z = \infty$ нуқта, $\ln z$ функция учун $z = 0$, $z = \infty$ нуқталар чексиз тартибли тармоқланиш нуқтаси бўлади. Т.ф.нинг умумий назарияси аналитик функциялар назариясига асосланган.

ТРАНСЦЕНТЛИК (математикада) — алгебраик хоссага эга бўлмаган объектлар: трансцендент сонлар — коэффициентлари бутун сонлардан ташкил топган алгебраик тенглама илдизи бўла олмайдиган сонлар (π, e, $2^{\sqrt{2}}$ кабилар); трансцендент функциялар — кўпҳадлар орқали алгебраик тенглама б-н боғлаб бўлмайдиган функциялар ($y=\sin x$, $y = 2^x$, $z = e^{x+y}$ кабилар); трансцендент тенгламалар, одатда, алгебраик бўлмаган тригонометрик, кўрсаткичли, логарифмик ва уларнинг ҳам мураккаброқ тенгламалар.

ТРАНСХИМОЛАЙ ТОҒЛАРИ — Тибет тоғлигининг жан. қисмидаги тоғ системаси (қ. *Гандисишань*).

ТРАПЕЗУНД ИМПЕРИЯСИ — Кичик Осиёнинг шим.-шарқидаги давлат (1204—1461). Пойтахти — Трапезунд (ҳоз. Трабзон). Византия императори Андроник I нинг набиралари Алексей ва Давид Комнинлар томонидан барпо этилган. Уларга Грузия маликаси *Тамара* ҳомийлик қилган. 1243 й. мўғуллар истилоси даврида Т. и. салжуқийлар ва Никея империяси б-н иттифоқ тузган, лекин иттифоқчилар тор-мор келтирилган. Т.и. мўғулларга ўлпон тўлаш мажбуриятини олган. 14-а. бошида Т.и. *Оқ қўйюнлилар* б-н кураш олиб борган. 1456 й. Т.и. усмонийларга ўлпон тўлаган, 1461 й. султон Меҳмед II қўшини Т.и.ни босиб олиб, уни Усмонли турк империясининг бир вилоятига айлантирган.

ТРАПЕЦИЯ (юн. trapezion — столча) — икки қарама-қарши томони параллел тўртбурчак. Одатда, қолган икки томони параллел эмас деб ўрганилади. Т.нинг параллел томонлари Т.нинг асослари, параллел бўлмаган томонлари эса унинг ён томонлари дейилади. Ён томонларининг ўрталарини туташтирувчи кесма Т.нинг



Трапеция

ўрта чизиғи дейилади. У Т. асосларига параллел ва ҳоссалари йиғиндисининг ярмига тенг. Т. асослари орасидаги масофа Т.нинг баландлиги h дейилади. Ён томонлари тенг бўлган Т. тенг ёнли Т. дейилади. Тенг ёнли Т.га ташқи айлана чизиш мумкин. Тенг ёнли Т. симметрия ўқига эга. Т.нинг юзи асослари узунликлари йиғиндисининг ярми б-н баландлигининг кўпайтмасига тенг: $S = \frac{a+b}{2} \cdot h$, бунда a, b — Т.нинг асослари узунлиги, h - Т.нинг баландлиги. Т. ён томонларининг давомлари кесишган нуқтани унинг диагоналлари кесишган нуқта б-н туташтирувчи тўғри чизиқ Т.нинг асосларини тенг иккига бўлади.

ТРАПЕЦИЯ ФОРМУЛАСИ — аниқ интегралларни тақрибий ҳисоблаш формуласи. $f(x)$ функция аниқланган $[a,b]$ кесма узунлиги $h = \frac{b-a}{n}$ бўлган n та $[x_i, x_{i+1}]$, $i = 0, 1, \ldots, n-1$, кесмаларга бўлинади ва $f(x)$ нинг $[x_i, x_{i+1}]$ кесма бўйича интегралини берувчи эгри чизиқли трапециянинг юзи асослари $f(x_i)$, $f(x_{i+1})$, баландлиги h бўлган трапециянинг юзи б-н алмаштирилади:

$$\int_{x_i}^{x_{i+1}} f(x)dx \approx \frac{h}{2}[f(x_i) + f(x_{i+1})].$$

Натижада

$$\int_a^b f(x)dx \approx h\left[\frac{f(a)+f(b)}{2} + f(x_1) + f(x_2) + \ldots + f(x_{n-1})\right] = K_n(f) \quad (1)$$

Т.ф. ҳосил бўлади, бунда $x_i = a + kh$, $k = 0, 1, \ldots, n$. Интеграл б-н квадратура йиғинди орасидаги фарқ

$$R_n(f) = \int_a^b f(x)dx - K_n(f)$$

айирма Т.ф.нинг хатолиги дейилади. Агар $f(x)$ функция $[a, b]$ да иккинчи тартибли ҳосилага эга бўлса, у ҳолда

$$R_n(f) = -\frac{(b-a)^3}{12} \cdot \frac{1}{n^2} f''(\theta), \; a \le \theta \le b.$$

ТРАПП (швецча trappa — зина) — траппли формациялар деб аталадиган, погонали кўринишга эга катта майдонларни эгаллайдиган (шафиз, габбродиабаз, габбро, долерит) асосли магматик тоғ жинслари гуруҳининг номи. Т. қалинлиги тахминан мингдан... метргача; ...да Сибирь платформаси, Ҳиндистон, Жан. Африка ва Жан. Америка... Т.нинг ... тоғ жинслари... Т. билан ... мис-никель конлари (мас. Норильск рудали р-ни), олмоснинг рудаси конлари (Жан. Африка) ва б. боғлиқ.

ТРАСЕКА, TRACECA (Transport Corridor Europe Caucasus Asia) — қ. *Европа — Кавказ — Осиё транспорт йўлаги.*

ТРАСОЛОГИЯ (франц. trace — из ва ...логия) — *криминалистика* бўлими. Изларни ўрганиш ва уларни аниқлаш, қайд қилиш, олиш ва текширишнинг усуллари, йўллари, илмий-техникавий воситаларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Инсон, жонзот қуроллари, асбоб-ускуналари, и. ч. механизмлари, транспорт воситалари кабиларнинг излари фарқланади. Объектни трасологик идентификациялаш унинг умумий ва хусусий белгиларини изда ҳосил бўлган белгилари б-н қиёслаш орқали амалга оширилади. Агар бевосита қиёслашнинг имкони бўлмаса, экспериментал излар ясалади. Т.да моделлаштириш, яъни объектик ва изни уларнинг моделлари (табиий, олтик ва ҳ.к.) бўйича таққослашдан фойдаланилади. Трасологик экспертиза одамни — қўл, оёқ, тиш излари бўйича; пойабзални — унинг излари бўйича; жиноят воситалари ва қуролларни — бузиш, кесиш, чопиш ва б. излари бўйича; и. ч. механизмларини — ом... ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлардаги излар бўйича; транспорт воситасини юриш қисми, чиқиб турган деталларидан қолган излар бўйича идентификациялашга имкон беради. Трасологик идентификация тадқиқотининг турларидан бири бутунни унинг қисмлари бўйича аниқлашдир. Мас., йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойда топилган фара қисми текширилаётган транспорт воситаси фарасидан топилган парчалар б-н қиёсланади. Идентификация пайтида фарқли равишда трасологик диагностика белгилари излар қолдирилган объект механизми шароитларини аниқлаш учун ўтказилади. Бу текширишлар ... объектнинг ҳолатини (мас., йоқда жойлашган қулфни ...), қирқилганликнинг сабабини аниқлашни (мас., транспорт воситасидаги излар ... сабабларини ...), тўқнашган ... ўзаро ... ва ҳ.к. изларнинг мумкин бўлган (мас., ... қандай ... бўлганлиги), излари қолдирилган жисмларнинг ... кетма-кетликда ... аниқлашга имкон беради.

Гафур Абдумажидов.

ТРАССА (нем. Trasse — линия, йўл йўналиши) — 1) узоқ масофага чўзилган қатнов йўли ёки йўл, канал, электр узатиш ёки алоқа линияси, қувур ва б. жуда узун иншоотнинг бўйлама ўқини билдирувчи чизиқ. Т.нинг лойиҳадаги трассасини деб аталади. Трассалашда бўладиган тўсиқлар, жойнинг унга хос геологик ва гидрологик хусусиятлари ва б. омиллар ҳисобга олинади. Т. ни иложи борича тўғри ўтказишга ҳаракат қилинади; 2) транспорт самолётларининг муайян пунктлар орасида мунтазам учишлари учун мўлжалланган тасдиқланган маршрут. Самолётларнинг Т.да хавф-хатарсиз учишини таъминлаш учун ерда тегишли жиҳозлар ва аэропортлар бўлиши лозим; 3) ўқ ва снаряднинг ҳавода учиш йўналиши. Ўқ ва снаряднинг Т. бўйлаб учишни кўриниб туриши учун пиротехника таркиби деб аталадиган махсус моддалар (мас., магний, металл нитрати, сунъий смола ва б. ингредиентлар) дан фойдаланилади.

«ТРАСТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК БИРЖА БАНКИ — Ўзбекистондаги акциядорлик биржа банки. 1994 й. 21 июнда банк операцияларини амалга оширишга лицензия олган. Бошқаруви идораси Тошкент ш.да. «Пойтахт» ва «Тошкент» филиаллари бор. Асосан, юридик ва жисмоний шахсларга жорий ва валютадаги ҳисобварақлар очиш ва юритиш; миллий ва чет эл валютасидаги маблағларни кредит, депозит ва халқаро банк амалиётида қабул қилинган бошқа шаклларда жалб қилиш ва жойлаштириш; давлат гўлов ҳужжатларини ва б. қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш ва сақлаш, чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш, *факторинг*, лизинг хизматлари каби 12 турдаги амалиётларни бажаради. Капиталининг етарлилиги бўйича республикадаги 3 та биринчи ўрта банклар гуруҳида туради. Банкнинг жами активлари (млн. сўм) 10221,0 устав капитали 2047,4 кредит портфели 3802,5, фойда 130,7, захира капитали 778,6. Жорий ликвидлик коэффициенти 72,3%, капитал етарлилиги коэффициенти 34,0% (2003).

ТРАСТ-КОМПАНИЯ — корпорациялар ва айрим шахсларнинг мол-мулки ҳамда қимматли қоғозларини васийлик бўйича бошқариш учун ташкил этиладиган муассаса, молмулкни ишончли бошқариш жараёни. Т.-к. активлари компаниянинг ўз акциялари ва мижозлари ҳисобидан, ... қайд этилган (бошқарувга васиятнома бўйича қабул қилинган) жамғармалари, мерос ва атаганлик фондлари, траст-фондларга бўлинади.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар б-н боғлиқ бошқарув операциялари орасида мижознинг талаби бўйича активларини бошқариш, яъни унинг ҳисобидан қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотиш; қимматли қоғозлар чиқарилишида ва уларни жойлаштиришда воситачилик қилиш; акционерлар реестрини юритиш ва мижознинг қимматли қоғозлари б-н туманли битимларни рўйхатдан ўтказиш; акционерларга дивиденд тўлаш, акциялар ва б. қимматли қоғозлар бўйича қайта ҳисоблаш, ... тўлаш; депозитар хизмат кўрсатиш ва ҳ.к. кенг тарқалган.

Т.-к. хизмати тегишли давлат идоралари томонидан лицензияланади. Ўзбекистонда дастлабки Т.-к. 1996 й.да пайдо бўлди. Ишонч билдирилган мулклар ҳар чоракда бир марта траст муассасига ҳисобот ва баланс тақдим этиши керак. Траст шартномаси фақат суд қарори б-н тўхтатилади.

ТРАТТА (итал. tratta — ўтказма вексель) — ташқи савдодаги асосий ҳисоб-китоб ҳужжати. Кредиторнинг қарздорга (одатда, банкка) ёзма буйруғи. Унда банкнинг учинчи шахс (ремитент — тақдимчи) га ёки Т.ни тақдим қилганга муайян суммадаги пулни тўлашни кўрсатилади.

ТРАУЛЕР (инг. trawler, trawl — ёйма тўр) — балиқ ва б. денгиз жониворларини трал (конуссимон тўр қоп) ёрдамида овлаш ва уларга биринчи ишлов бериш (ёриб ичини тозалаш, юмшатиш ва б.) учун мўлжалланган кема. Т. трал чиғирлари (лебёдкалари) б-н жиҳозланади. Чиғир барабанига 4 минг метргача арқон (ваер) ўралиши мумкин, натижада 2 км гача чуқурликдаги балиқларни овлашга имкон туғилади. Чиғир двигателининг қуввати 450 кВт гача етади. Т.да балиққа ишлов бериш учун махсус машина ва механизмлар мажмуи, уни музлатиш учун совитиш қурилмалари, бошқариш асбобускуналари бўлади. Балиқларни трал ёрдамида овлайдиган чиғирсиз қайиқлар ҳам бор. Уларда ёйма тўрни сувга балиқчилар ташлайди ва йиғиб олади.

ТРАФАЛЬГАР ЖАНГИ — Франция б-н 3-антифранцуз коалицияси ўртасида Кадис ш. (Испания) яқинида, Трафальгар бурнида содир бўлган жанг (1805.21.10). Адмирал Г. Нельсон қўмондонлигидаги инглиз флоти адмирал П. Вильнёв қўмондонлиги остидаги франциз-испан флотини тор-мор келтирган. Бу ғалаба инглиз флотининг денгизлардаги ҳукмронлигини таъминлаган.

ТРАФАРЕТ — нақш, ҳарф, сон, топографик белгилар, машина ва қурилмаларнинг шартли графиқ белгилари ва б. андаза; пластинка қоғоз ёки нақшнинг шаклланишида унинг у ёки бу қисмини кўп марталаб такрорланишига мўлжалланган мосламаси. Т. ўзига хос тешиклари бўлган металл, ёғоч картон, пластмасса ва б. пластинка бўлиб, шу тешиклар орқали нақш ёки тасвир белгиланган сирт (юза)га бўёқлар ва б. суртиб туширилади. Ҳалқий каштадўзлик, тўқимачилик ва қоғоз и. ч.да, бинолар қурилишида бўёқлиларни трафарет босма усулида безашда кенг қўлланилади. Чизмачилик — графика, бўёқчилик ва б. ишларда такрорий расмлар ёки мураккаб шакллар ҳосил қилишда ҳам ишлатилади.

ТРАХЕИДЛАР (*трахея* ва юн. eidos — тур), найсимон ҳужайралар — ўсимликларнинг ёғочланган узун ҳужайралари; сув ва унда эриган моддаларнинг ўсимлик бўйлаб ҳаракатланишига хизмат қилади. Барча юксак ўсимликларнинг кенглемасида учрайди, фақат баъзи ёпиқуруғлиларда бу функцияни томир ёки трахеялар бажаради. Т.дан ёғоч толалар ривожланади.

ТРАХЕИТ (*трахея* ва itis — яллиғланиш) — трахея шиллиқ пардасининг яллиғланиши. Совқотиш, юқумли касалликлар (грипп, қизамиқ, кўкйўтал, шунингдек, юрак, ўпка касалликлари, болаларда эса аксари раҳит, экссудатив диатез ва ҳ.к. оқибатида пайдо бўлади. Асосан, баҳор ва кузда кўп учрайди. Ўткир ва сурункали кечади. Ўткир Т., одатда, тумов ва бурун-ҳалқумнинг яллиғланиши б-н бошланиб, тезда трахеяга ўтади. Бемор йўталади (йўтал айниқса, кечаси ва эрталаб зўрайди). Бадани оғрийди (касалликнинг бошланиш даврида болган қийин ажралади), томоқ ва тўш соҳасида оғриқ пайдо бўлиб, бемор йўталганда кучайди. Томоқ қирилиб, ачишади, қиздироқ яллиғланишини ҳам кўпинча оғиз бўғилиб, бутунлай овози чиқмай қолади (қ. *Ларингит*). Беморда қирмоссизлик, бош оғриғи, иситма каби аломат-

лар кузатилади. Ўз вақтида даво қилинса, ўткир Т., одатда, 1—2 ҳафталан кейин ўтиб кетади, акс ҳолда сурункали тус олади, бунда касаллик вақтвақтида қўзиб, узоқ давом этади.

ТРАХЕОМИКОЗ (юн. tracheia — ҳалқум ва mykes — замбуруг) — ўсимликларда замбуруғлар қўзғатадиган томир касалликлари (қ. *Ўсимликларнинг томир касалликлари*).

ТРАХЕОТОМИЯ (*трахея* ва юн. tome— кесилган) — трахея (кекирдак) деворини кесиб, унинг ичини очиш ва махсус найча қўйиш. Бунда трахея деворининг кесилган чеккаси бўйиннинг кесилган терисига қўшиб тикилади. Юқориги ва пастки Т. ажратилади. Юқориги Т. қалқонсимон без бўйинчасидан юқорида, пастки Т. эса қалқонсимон без бўйинчасидан пастда қилинади. Операция трахея йўли бекилиб, ундан ҳаво ўтмай қолганда қўлланади.

ТРАХЕЯ (юн. trachys — дағал, ғадир-будур) — қ. *Кекирдак*.

ТРАХЕЯЛИЛАР, трахея б-н нафас олувчилар, чала мўйловлилар (Tracheata, Atelocerata) — қуруқликда ёки иккиламчи сувда яшовчи бўғимоёқлилар кенжа типи. Бирламчи қуруқликда яшашга ўтган ҳалқали чувалчангларга ўхшаш аждодлардан келиб чиққан. Қуруқликда яшашга ўтган Т. да эволюция натижасида бош бўлими ажралиб чиққан; тана бўғимлари ва оёқлари ихтисослашган; улар сони доимий бўлиб қолган. Т. боши танадан аниқ ажралиб туради; мўйловлари бир жуфт (антеннулалар гомологи); 2-жуфт антеннаси бўлмайди. Трахея, баъзан тери ёки трахея-жабралар (тана девори ўсимталари орқали) нафас олади. Т. кенжа типи кўп оёқлилар ва ҳашаротлар синфларига ажратилади.

ТРАХИТ (юн. trachys — ғадир-будир) — одатда, порфирли, кайнотип тоғ жинси. Порфирсимон структурали, таркибидаги минераллари, асосан, санидин, оз миқдорда плагиоклаз, биотит, пироксен ёки амфиболлардан иборат. Т. *сиенит*нинг эффузив аналоги бўлиб, нисбатан кам тарқалган тоғ жинси. Унда 60% гача кремний кислота ва 10% гача ишқор бўлади. Зичлиги 2,5 г/см³. Ғадир-будир кўринишга эга. Шишали Т. (обсидиан, пемза) ва Т.ли туфлар мавжуд. Ранги оч кулранг, сариқ ва қизғиш. Чиройли рангли турлари декоратив ва безак тошлар сифатида ишлатилади. Т. Кавказ, Италия, Франция ва б. жойларда учрайди.

ТРАХОМА (юн. trachus — ғадир-будир) — кўз шиллиқ пардасининг сурункали яллиғланиши б-н кечадиган юқумли касаллик. Т.ни chlamydia trachomatis қўзғатади. Бемор касалликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Соғлом кўзга кир қўл ёки уй-рўзғор буюмларидан (кўнчилик битта ёстиқ, сочиқ, алёл ва б. дан фойдаланганда) юқади. Болалар богча ва яслиларда ўйинчоқлар орқали зарарланиши мумкин. Т. сезиларсиз бошланиб, аста-секин зураяди. Аввалига кўзга бир нарса қадалганлек, қовоқлар оғирлашганлек туюлади. Юқори қовоқ шиллиқ пардасида шиш ва фолликулалар — доначалар пайдо бўлади, кўз қизаради ва қовоқлар торая боради. Бемор яқинда уйқудан турганлек ёки чала ухлаганлек бўлади. Касаллик авж олганда кўз мугуз пардасида ҳам доначалар пайдо бўла бошлайди. Бунда кўз ёшланади, бемор кузини очолмай қолади. Қовоқ четидаги киприклар ўзаги чанлиқланиб, улар нотўғри ўсиб чиқади ва кўз мугуз пардасига таъсир этиб, унга қадалаверади. Қовоқ шиллиқ пардасида чанлиқлар пайдо бўлиши натижасида пастки қовоқ чети ичига қайрилади. Касаллик енгил, ўртача ва оғир кечиши мумкин. У кўп жиҳатдан бемор организми ҳолатига боғлиқ бўлиб, организмда моддалар алмашинувининг бузилиши касалликлари, витаминлар етишмаслиги, маҳаллий касалликларнинг қўшилиши ва б.да бирмунча жиддий кечади.

Т. ўз вақтида аниқланиб даволанмаса, 5—10 йиллаб давом этиб, бемор бутунлай кўр бўлиб қолиши мумкин, чунки кўз мугуз пардасини намлаб турадиган кўз ёши йўллари чандиқланиб, бекилиб қолади, натижада мугуз парда қаҳраб, оппоқ оқариб, садафга ўхшаб кўринади.

Касалликнинг олдини олишда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, аҳолининг маданий турмуш даражасини ошириб бориш катта аҳамиятга эга. Т.га гумон қилинганда дарҳол врачга кўриниш лозим; бемор тўғри ва мунтазам даволанса, бутунлай соғайиб кетиши мумкин. Ҳоз. Т. деярли учрамайди.

ТРАЯН (Traianus) (53—117) — Рим императори (98 й.дан). *Антонинлар* сулоласидан. Т.нинг босқинчилик урушлари натижасида Рим империяси чегаралари ниҳоятда кенгайган: Дакия (106), Арабистон (106), Буюк Арманистон (114), Месопотамия (115) эгалланган. Кейинчалик *Адриан* даврида Арманистон ва Месопотамия империядан ажраб чиққанлар. Т. даврида Рим ва (Траян форуми, Траян устуни ва б.) провинцияларда (йўллар, кўприклар, каналлар) фаол қурилиш ишлари олиб борилган.

ТРЕК (инг. track — из, йўл) — велосипед ва мотоцикл спорти бўйича машқ ва мусобақалар ўтказиладиган спорт иншооти. Ёғоч, бетон, асфальт ётқизиб қурилган Т. йўлкаси қия бурилишлар — виражлар б-н бирлашган 2 тўғри қисмдан иборат. Т. очиқ ва ёпиқ бўлади. Т. йўлакларининг узунлиги, одатда, 250—500 м, кенглиги 6—8 м, қўшма мотовелотрек йўлаклари уз. 500—666,7 м, кенглиги 8—10 м (ёки ундан кўп) бўлади. Замонавий велотреклар ёпиқ, ихтисослаштирилган ва йўлаклари ёғочдан қопланган. Мотовелотреклар эса очиқ ҳолатда бўлиб, йўлаклари асфальт б-н қопланади. Токио, Мехико, Мюнхен ш. яқинидаги, Монреаль, Москва (Крилатское) даги олимпиада Т. лари машҳур.

ТРЕК (физикада) — муҳитда ҳаракатланаётган зарядланган зарранинг унда қолдирган изи. Т. куриниши зарранинг табиати ва хоссаларига боғлиқ. Т.ни трек асбоблар — *пуфак камера*, *Вильсон камераси*, *диффузион камера* ёрдамида кузатилади. *Позитронлар*, *мезонлар*, *гиперонлар* ва б. *элементар зарралар* уларнинг излари орқали топилган. Т.ни ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

ТРЕМАТОДАЛАР (Trematoda) — ясси чувалчанглар синфи (қ. *Сўрувчилар*).

ТРЕМАТОДОЗЛАР — одам ва ҳайвонларда учрайдиган гижжа касаллиги; *гельминтлар*дан трематодалар қўзғатади. Қўзғатувчилар одамнинг жигари, меъда ости бези, ичаги, ўпкаси, қонида паразитлик қилади ва шу аъзолар фаолиятини бузади. Т.нинг айрим тури, мас., *фасциолёз* кўпроқ кузатилади. Гижжалар одам ва ҳайвон (асосий хўжайин) организмига сув орқали ўтади. Бошқа хил трематодаларнинг (описторхоз, клонорхоз, метагонимоз, нанофиэтоз ва б.) личинкалари оралиқ хўжайиндан ташқари, балиқ, қисқичбақа, чумоли ва ҳ.к. қўшимча хўжайинлар организмида ҳам етилади. Соғлом кишиларга эса бу гижжалар личинкаси хом таомлар ёки янги тузланган балиқ ва қисқичбақа орқали ўтади. Т.да бемор иситмалайди, иштаҳаси йўқолиб, кўнгли айнийди, қусади, жиғилдони қайнайди. Қорни санчиб оғриб, қабзият рўй беради ёки ичи кетади. Бемор Т. турига қараб даволанади.

Олдини олиш учун ташқи муҳитни ифлослантирмаслик, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, гўшт маҳсулотларини етарли пишириб истеъмол қилиш зарур.

ТРЕМОЛИТ (Швейцариядаги Тремола водийси номидан) — моноклин амфиболлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Ca_2Mg_5[Si_4O_{11}](OH,F)_2$. Рангсиз, кулранг, шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 6—6,5, зичлиги 3 г/см³ атрофида. Игнасимон кристаллар, радиал-нурсимон агрегатлар ҳосил

қилади. Зич яширин кристалли тури *нефрит*, ингичка толали агрегатлари *асбест* деб аталади; винчит, гексагонит, мангантремолит каби турлари ҳам мавжуд. Доломит ва оҳактошларнинг контактли узгаришининг эрта босқичида ҳосил бўлган метаморфик минерал. Т. метаморфик кристалланган оҳактош, доломит, сланец ва бошқалар б-н бирга учрайди. Т.-асбест конлари Италия (Ломбардия) ва Корсика о.да топилган. Ўзбекистонда Т. Чатқол-Қурама регионида ва Ғарбий Ўзбекистонда тарқалган.

ТРЕНАЖЁР (инг. train — ўргатиш, машқ қилдириш) — машина ёки механизмларни бошқариш техникаси маҳоратини ўрганиш ва такомиллаштириш учун ўқув-машқ қурилмаси. Т. турли касб ишчиларига касбга оид билим беришда, учувчи ва космонавтларни тайёрлашда, қуролли кучларнинг шахсий таркибининг жанговар тайёргарлик кўришида ва б.да фойдаланилади. Т.нинг содда ва мураккаб хиллари бор. Содда Т.да иш маҳорати ва фаолиятининг айрим элементлари ўзлаштирилади. Мураккаб Т.да комплекс ҳаракатлар ўрганилади. Космонавтлар учун ердаги ва кема бортидаги Т.дан фойдаланилади. Мас., космик кемаларни туташтириш, космик кемаларни ерга қўндиришда уларни бошқариш, турли борт тизимларининг ишлашини назорат қилиш бўйича операцияларни ўзлаштириш учун ердаги Т.да; космонавтларнинг бир космик кемадан бошқасига ўтишни машқ қилишларида самолёт фюзеляжига ўрнатилган борт Т.да; космик учишда космонавтларнинг мўлжал олиши, навигация ҳисоблашлари, кемани бошқариш маҳоратларини ўрганишни ўзлаштириш учун космик кема бортидаги кичик габаритли борт Т.дан ўрганилади.

ТРЕНЕР (инг. train — тарбияламоқ, ўргатмоқ) — қ. *Спорт устози*.

ТРЕПАНАЦИЯ (юн. trypanon — парма, трепан) — суяк бўшлигини тешиб очиш операцияси. Дастлаб миядаги ўсма ёки гематомаларни олиб ташлаш мақсадида калла суяклари Т. қилинган. Ҳоз. тиббиёт амалиётида калла суяклари Т.си б-н бирга *остеомиелит*да найсимон суяклар, *мастоидит*да чакка суягининг сўргичсимон ўсимтаси Т. қилинади. Тиш бўшлигини очиш, кўз оқи операцияси, шунингдек, кўмикдан текшириш учун олиш (трепанобиопсия) ҳам Т. деб юритилади.

ТРЕПАНГЛАР (малай тилида tripang) — *денгиз бодринглари* (голотуриялар) синфига мансуб игнатерили умуртқасиз ҳайвонларнинг бир неча уруглари йиғма номи. Овқат учун ишлатилади. Асосан, Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларида овланади. Узоқ Шарқ Т.и қўнгир гусла, уз. 40 см гача, Япон денгизи, Тинч океанинг Япония соҳилларида тарқалган. Приморье ўлкаси соҳилларида овланади. Гавда девори мускуллари овқат учун ишлатилади.

ТРЕПЕЛ (нем. Tripel — Шимолий Африкадаги Tripoli — Триполи ш. номидан) — говакли, цементлашган, жуда енгил чукинди тоғ жинси. Физик-кимёвий хусусиятлари бўйича *диатомит*га ухшаса-да, жуда кам миқдорда органик қолдиқларга эга. Одатда, таркибида майда квари бўлакчалари, дала шпати, слюда, глауконит мавжуд. Ранги оқдан қўнгир, қизил, қорагача. Қаттиқлиги 1—3, зичлиги 2—3 г/см³, говаклилиги 60—64%. Т. бўр, тошкўмир ва учламчи давр ётқизиқларида учрайди. Ундан изоляцион, абразив материаллар сифатида ҳамда цемент олишда фойдаланилади.

ТРЕСКАСИМОНЛАР (Gaditae) — балиқлар оиласи. 21 уругга бирлашган 53 тури бор. Атлантика океанининг илиқ қисмидаги денгизларда кўп. Тинч океан шим.да, Арктика денгизларида, Жан. ярим шарнинг мўътадил зонасидаги сувларда камроқ, бир тури Европа, Шим. Осиё ва Шим. Американинг чучук сувларида тарқалган. Йирик Т. (треска, мерлуза, сайда) йирт-

Треска.

қич. Асосан, балиқлар, майда Т. (сайка) планктон қисқичбақасимонлар, баъзилар (пикша) сув губидаги умуртқасиз ҳайвонлар б-н озиқланади. Кўпчилик Т. тўда-тўда бўлиб озиқ излаб ёки кўпайиш жойларига кўчиб юради; йилнинг совуқ даврида кўпаяди. Т. муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Гўшти ёғсиз, жигарида тўпланган мойдан витаминга бой балиқ мойи тайёрланади. Т. дунё миқёсида овланадиган балиқларнинг 15% ини ташкил этади. Кенг тарқалган тури тресканинг уз. 180 см гача, оғирлиги 40 кг ча. Бир нечта кенжа тури бор, шундан атлантика Т.и Шим. Норвегия, Гренландия, Баренц денгизлари ва б.да, болтиқ Т.и Болтиқ денгизида, оқ денгиз Т.и Оқ денгизда, тинч океан Т.и Тинч океаннинг Осиё ва Шим. Америка қирғоқларида учрайди. Т., одатда, 300 м ча чуқурликда яшайди. Овланади. Муҳим хўжалик аҳамиятига эга.

ТРЕСТ (инг. trust) — корхоналар, фирмалар бирлашмаси. Саноат монополияларининг 20-й.лардаги эн юқори шакли. Т. таркибига кирган иштирокчилар ўз ишлаб чиқариш-савдо мустақиллигини йўқотади ва бу соҳалардаги фаолиятида марказий бошқарма қарорига амал қилади. Ўзбекистонда 1930—90 й.ларда қурилиш, автомобиль транспорти, тайёрлов, қ.х.нинг ташкилий тузилмалари (мас., совхозлар Т.и).

ТРЕСТЛАРГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК — *рақобат*ни ривожлантириш, монополияларни чеклаш ва тақиқлашга йўналтирилган, монополистик тузилмалар ва бирлашмаларни ташкил этишни, монополистик фаолиятни тақиқлайдиган қонунлар ва ҳукумат қарорлари. Т.қ.қ. биринчи марта 1890 й.да АҚШда қабул қилинган (Шерман акти) (қ. *Монополияга қарши қонунчилик*).

ТРЕТЬЯКОВ ГАЛЕРЕЯСИ — Россиянинг етакчи илмий-бадиий ва маданий-маърифий марказларидан, жаҳондаги энг йирик рус санъати музейи. Москвада 1856 й. П.М. Третьяков томонидан хусусий тўплам сифатида асос солинган, 1892 й. укаси С. М. Третьяков коллекцияси б-н бирга Москвага совга қилинган. 1917 й.дан бошқа музейларнинг фондидан, шахсий коллекциялардан тўпланган асарлар, 11—17-а.лар қад. рус икона санъати, 18—20-а.лар тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, графика санъати усталари асарларининг бой коллекцияси б-н тўлдирилган. Рус савдогарлари Третьяковларнинг собиқ уйида жойлашган. 1985—95 й.лар Т.г. реконструкция қилинган. 1991 й.дан «Третьяков Давлат галереяси» музей бирлашмаси деб юритилади. Т.г.да ўзбекистонлик рассомлар (П. Беньков, А. Волков, А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, Р. Аҳмедов ва б.) асарларидан намуналар қўйилган. 2003 й.да Ўзбекистон БА ва Т.г. ўртасида илмий, ижодий кўргазма алмашиш шартномаси имзоланган.

ТРИАДА (юн. triados — учлик) — борлиқ ва тафаккур тараққиётининг 3 босқичлилигини билдирувчи тушунча. Платон ва неоплатонизм, айниқса, Прокл томонидан ишлаб чиқилган. Немис классик идеализми вакиллари, хусусан, Гегель уни асосий диалектик ривожланиш тамойили сифатида талқин этган. Гегель фикрича, ҳар қандай ривожланиш жараёни 3 босқични ўтайди: тезис (дастлабки ҳолат), антитезис (қарама-қаршиликка ўтиш, инкор қилиш), синтез (қарама-қаршиликларнинг янги бир бутун ҳолга келиши).

ТРИАЛЕТИ — Грузиядаги жез даврига оид археологик ёдгорликлар мажмуи (мил. ав. 2-мин йиллик). Т. тизмасининг жан.даги Палка платосида жойлашган

Зовагоналар ва қўшила сақлорлаш лайи аниқлаш бой мотоприборлар топилган. Бошлиқ жиҳатдан юксак аштангли қимматбаҳо бўлмалар 4олтин ва кумуш қазилар ва б.) маҳаллий зергарларнинг Ғарбий Осиё ва Кичик Осиё б-н яқинлан алоқада бўлганлиги далолат беради.

ТРИАНГУЛЯЦИЯ (лот. triangulum — учбурчак) — геодезик таянч шоҳобча нуқталари планли ўрнини учбурчаклар тизими ёрдамида аниқлаш усули. Бошланиши деб пталувчи Т. нуқталиридан бирининг координаталари ва бошланғич ориентирлаш томони (базис) нинг азимути астрономик кузатишлар орқали аниқланади. *ABC* учбурчакнинг *AB* томони (расм. *а*) ва барча ички бурчаклари маълум бўлса, қолган томонлари учунлигини синуслар теоремасига асосан ҳисоблаб чиқарилади, *BCD* учбурчакнинг *CD* ва *BD* томонлари эса *BC* томон ва ички бурчаклар қийматларидан топилади ва ҳ. к. Учбурчаклар тизими қаторлар ёки ялпи учбурчаклар тармоғи кўринишида қурилади (расм, *б*).

Давлат Т. тармоғи бурчак ва масофа ўлчаш аниқлиги, учбурчак томонларининг узунлиги ва шоҳобчаларни ҳосил қилиш тартиби бўйича бир-бирини фарқ қиладиган 1-, 2-, 3- ва 4-синфларга бўлинади. Т. қуриғ умумийликдан хусусийликка, катта учбурчакларни кичикларига ўтиш принципига асосланади. Давлат Т. тармоғининг юқори аниқликка эга бўлган 1-синфининг асосий вазифаси қуйи синфлардаги Т. тармоқларини ривожлантиришга ва улар пунктлари координаталарининг ягона тизимда ҳисоблашни таъминлашдир. 1-синф Т. шоҳобчалари томонлари 20—25 км ли қатор учбурчаклар ва бу томонлар текис, меридианлар ҳамда параллеллар бўйлаб йўналган ва 800—1000 км периметрли ломпион кўринишида қурилади. Давлат Т. тармоғининг 2- ва қуйи синфларини ривожлантиришда



Триангуляция: а) учбурчаклар қатори тизими; б) ялпи учбурчаклар тармоғи

ялпи маҳсал. қаноатни боқичларда геодезик ва топографик ишлар учун бутун давлат ҳудудида геодезик пунктлар тармоғини яратиш ҳисобланиб, 35 мин. пункт лардан иборат. 2-синф Т. ли томонлари 18—20 км ли учбурчаклардан ва бу томонлар 1-синф полигонини қирлайдиган шоҳобчалар ҳўлинишида қурилади. 1- ва 2-синф Т. шоҳобчалари асосида 3- ва 4-синф пунктларини аниқланади.

Ялпи бурчаклари тенглаш б-н учбурчакнинг барча томонининг узунлиги ўлчаш ишларини ўлчаш ёки ҳисоблаш йўли б-н ўлчанади.

Давлат Т.си 1-, 2-, 3- ва 4-синфларга пунктларининг умумий зичлиги ҳар 50 км² да қичида битта пунктни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирда 1942 йилда қабул қилинган геодезик координаталар тизими (СК-42) амал қилади.

Айни пайтда Ўзбекистонда Давлат Ер бўлғоши геодезия тармоқлари (ДЕЙГТ) тармоқ бошланғич бўлиб, уларни ривожлантириш умумдан айримга ўтиш принципига асосланади. Ер йўлдошлари радионавигация тизимлари NAVSTAR (АҚШ) ва ГЛОНАСС (Россия) ҳамда қосмик геодезиянинг бошқа усулларидан фойдаланиб қурилаётган ДЕЙГТ ўз ичига қуйидагиларни олади: референц геодезик пунктлар тизими (РГТ); 0-синф Ер йўлдоши геодезик тармоғи (ГЕЙГТ-0); 1-синф Ер йўлдоши геодезик тармоғи (ГЕЙГТ-1). ДЕЙГТ пунктларининг ўрни ҳозирги навигация тизимларининг икки тизимида — умумер ва референц ларнималарни аниқлашда. Ҳар иккала тизимларнинг орасида бир-бирлаш параметрлари ўтиш параметрлари орқали алоқа боғланади.

Т. Ернинг шакли ва ўлчамларини аниқлашда. Ер қатламининг тригонометрик ҳаракатини ўрганишда, кема ишлаш ва аналий ва аналитик аҳамиятга эга, топографик-геодезик ишлар учун геодезик асос вазифасини ўтайди.

ТРИАГИЛМЕТАН БЎЯГИЧЛАР, трифенилметан бўяғичлар — асосли ва кислотали бўяғичлар, триарилметан ҳосилалари. Т.б. қизил, бинафша, кўк ва ишил рангда бўлади. Т.б. қоғозруечилар таъсирида рангсиз карбинол бирикмаларга айланади. Асосли Т.б. қоғоз, тери, пластмассаларни бўяшда, снёҳ, полиграфия ва штемпел бўёқлар тайёрлашда ишлатилади. Кислотали Т.б. тери, жун, ипакни бўяшда қўлланади. Т.б. *нейтрофиллар, кетонлар, альдегидларни* ароматик аминлар ёки фенолдар (лейкотиллар) б-н конденсаллаш йўли б-н олинади.

ТРИАС СИСТЕМАСИ (лавр.; лот. trias — уч, учлик) — *мезозой* ерасининг биринчи даври. Давоми 234 млн. йил илгари бошланиб, 35 млн. йил давом этган. Бу система перм системасидан қатламлар орасидаги дисгармоник ётқизиқлар (Шим. Африка, Шим. Америка, Европа, Австралия, Шим.-Ғарбий Осиё ва ларуна ётқизиқлари (Ғарбий Европа, Жан. Америка, Шим. Африка, Шарқий Гренландия) кенг тарқалган. Бу даврда тектоник ҳаракатлар нисбатан кучсиз кечган. Ўрта Т.да Кавказ шим., Япония ва Хитойда тектоник ҳаракатлар бўлиб. Кечки Т.да Хитойнинг шим.-шарқий, Добруджа, Шим. Америка, Жан. Африка (Кап тоғлари). Приморье, Байкалорти, Қалкасда интенсив ҳаракатларни кузатиш мумкин. Тинч океан штрихлари (Сибирь платформаси, Корнтьера, Ала тоғларни бўйлаб вулканлар отилган.

Триас системаси (даври)нинг бўлинши. (Геохронологик шкала, 1993)

Бўлинмалар		Яруслар
Кечки		Норий
		Карний
Ўрта		Ладин
		Анизий
Қуйи		Оленек
		Хинд

Т.да ўсимликлардан декгоп ва чучук сувли ҳавзаларда турли сувўтлар, қуқили қирғоқларда дариктсимон пакуллар, маълумларда гимнотитик, шкалофит, папоротниксимон, хордаит ва игнабарглилар кенг тарқалган. Т.с.

оғир ҳайвонлар устеолитлар мезозой ҳаётларида ўзгаши бўлган.

Ҳайвонот дунёсида перм даврининкидан кескин фарқ қилади. Бу даврда бошқариса келиб чиқибтилар. 4 турли марказий ғорларни кириниб ётган Лепитозаврлар ҳукмронлик қилган, шунларидан бошқасы мезозаврлар кенг тарқалган. Ота ирсий марказий-ларнилар, бўлутлар, ихтиозаврлар, денгиз пидуйкалари ва денгиз ипритенакулларга пуҳутга келган. Умуртқалиларан бақалар, амфибиялар, рептилиялар ялпи-ган. Динозаврлар, птерозаврлар, тошбақа ва қисқичбақасимонлар ҳам Т.с. учун хос. Қуйи триасда шарпи йўлак, сарпоя ва қурғоқ-қуруқ тропик сарпоя, шўрхок бўлган.

Ўрта Осиё, Жанубий, Ўзбекистонлари Т.с. ётқизиқлари денгиз ва континентал ҳосилалардан иборат. Улар Помир, Дарвоз, Ҳисор тоғларида, Фарғона водийсида, Ферғона ғарбларида учрайди. Т.с. ётқизиқларида фосфатли конлар, Марказий Қизилқум, Бешкўмир, кўмир ҳўлир ҳамда бокситлар, гил, ёнар тузлар, темир рудалари, кенг, гипслар ва б. бор.

ТРИБОЛЮМИНЕСЦЕНЦИЯ (лот. tribein — ишқаланмоқ ва *люминесценция*) — баъзи бир кристаллар (шиша, *люминофорлар*) ни ишқалаш, янчиш ва бўлиш (синдириш) пайтида ҳосил қилувчи люминесценция. Т. бўлинаётган кристаллар-нинг электронлари потенциалнинг ҳужала қолдирган электр разряд ғайдаги ҳосил бўлади. Кристалл люминофор бўлмаган электр разрядининг ёруғлиги таъсирида *фотолюминесценция* кузатилади.

ТРИБУНАЛ (лот. tribunal — суд қилиши жойи, алоҳида суд) — 1) 18-а. ёзларишда Буюк француз инқилоби даврида Францияда сиёсий жиноятларга доир ишларни кўрган фавқулодда судлар; 2) совет қонунчилигининг дастлабки йилларидаги махсус судлар — инқилобий Т.лар; 3) айрим капиталистик давлатлар; ўзаро Куролли кучларидаги ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматни ўташган шахслар хизмат вақтидаги жиноят ишлари ва бошқа бир бошқа ишларни кўриб чиқувчи судлар. Яна қ. *Халқаро ҳарбий трибунал*.

«ТРИВИУМ» (лот. trivium — уч йўлнинг кесишган жойи) — ўрта асрлардаги *«етти эркин санъат»*нинг бошланғич ва асосий ёзкичи. Унда грамматика, риторика, диалектика ўқитилиб, таълим олувчилар нисбатан чуқурроқ — квадривиум босқичига тайёрланган. Т.да ўрганиладиган 3 та квадривиумда ўқитиладиган 4 фан (арифметика, геом., астрономия, музика) четги эркин санъатни ташкил этган ҳамда таълим олувчиларга энциклопедик билим беришни назарда тутган.

ТРИГОНОМЕТРИК ТЕНГЛАМАЛАР номаълум аргументни тригонометрик функцияларига нисбатан олинган тенгламалар. Т. т. энг содда Т. т.ла келтириб ечилади. Энг содда Т. т. кўринишлари: 1. $\sin x = a$; 2. $\cos x = a$; 3. $\operatorname{tg} x = b$; 4. $\operatorname{ctg} x = b$. Агар $|a| \le 1$ бўлса, 1- ва 2- Т. т. ечимга эга. $a > 1$ бўлса, $1 - \Gamma$. т. $x = (-1)^n \arcsin a + \pi n$, ечимга; 2- Т. т. эса $x = \pm \arccos a + 2\pi n$ ечимга эга. 3 ва 4- Т. т. эса ихтиёрий b да ечимга эга: $x = \operatorname{arctg} b + \pi n$ ва $x = \operatorname{arcctg} b + \pi n$, бунда $n = 0, \pm 1, \pm 2, \ldots$. $\sin x = b \cos x = c$ кўринишдаги Т. т. ўрганиш бурчак $\varphi = \operatorname{arctg} \frac{b}{a}$ киритиш йўли б-н ечилади:

$$\sin x = \frac{a}{\sqrt{a^2+b^2}}, \quad \cos x = \frac{a}{\sqrt{a^2+b^2}}.$$

бўлгани учун $\sin x \cos \varphi + \cos x \sin \varphi = \frac{a}{\sqrt{a^2+b^2}}$.

Т. т.га келади.

ТРИГОНОМЕТРИК ФУНКЦИЯЛАР — функцияларнинг муҳим синфларидан бири. Радиусли 1 га тенг айлана ва унинг 04 радиуси (1-расм) ўтказилади. Ox ўқ б-н 04 радиус орасидаги бурчакни x билан, 4 нуқтанинг (x, y) координаталарини қараб чиқилади. Синус ва косинус Т.ф. $\sin x = y$, $\cos x = x$ каби тавсифланади. Келган Т. ф. $\sin x$, $\cos x$ ёрдамида аниқланади:



Тригонометрик функциялар. 1-расм.

$$\operatorname{tg} x = \frac{\sin x}{\cos x}, \quad \operatorname{ctg} x = \frac{\cos x}{\sin x},$$

$$\sec x = \frac{1}{\cos x}, \quad \operatorname{cosec} x = \frac{1}{\sin x}.$$

2-расм.



Т.ф. даврий функциялардир. Улар аниқланиш соҳасида узлуксиз ва ихтиёрий тартибли ҳосилага эга. Т.ф.дан $y = \sin x$ ва $y = \cos x$ ларнинг графиклари келтирилади (2-расм). Т.ф. математикада муҳим роль ўйнайди.

ТРИГОНОМЕТРИК ҚАТОР —

$$\frac{a_0}{2} + \sum_{k=1}^{\infty} (a_k \cos kx + b_k \sin kx). \qquad (1)$$

кўринишдаги қатор.

Т.қатор комплекс шакли $\sum_{k=-\infty}^{\infty} c_k e^{ikx}$.

бўлади. a_k, b_k, c_k сонлар Т. қ. коэффициентлари дейилади. (1) Т. қ. нинг коэффициентлари

$$a_k = \frac{1}{\pi} \int_0^{2\pi} f(x) \cos kx\, dx,$$

$$b_k = \frac{1}{\pi} \int_0^{2\pi} f(x) \sin kx\, dx$$

формулалар б-н аниқланса. (1) Т.қ. $f(x)$ функциянинг Фурье қатори дейилади; a_k, b_k сонлар эса Фурье коэффициентлари деб аталади. Бирор $\varphi(x)$ функциянинг Т.қ. кўринишда тасвирланиши Т. қ.ни шу $\varphi(x)$ га яқинлашиш шартларини Т.қ.лар назариясининг асосий масалаларидан ҳисобланади. Т.қ. назариясининг баъзи муҳим натижалари: 1. Ўлчовли ва деярли ҳамма ерда чекли $f(x)$ функция учун $\varphi(x)$ га деярли ҳамма ерда яқинлашувчи Т.қ. мавжуд. 2. Фурье коэффициентлари квадратлари интегралланувчи функциялар мавжуд. 3. Ҳар бир узлуксиз $f(x)$ функция учун $\varphi(x)$ га ўлчовли яқинлашувчи Т.қ. мавжуд. Т.қ. назариясининг асосий масалаларидан ҳисобланади. Т.қ. назариясининг баъзи муҳим натижалари: 1. Ўлчовли ва деярли ҳамма ерда чекли $f(x)$ функция учун $\varphi(x)$ га деярли ҳамма ерда яқинлашувчи Т.қ. мавжуд. 2. Фурье коэффициентлари квадратлари интегралланувчи функциялар мавжуд. 3. Ҳар бир узлуксиз $f(x)$ функция учун $\varphi(x)$ га текис яқинлашувчи Т.қ. мавжуд. Т.қ. назариясининг асосий масалаларидан ҳисобланади. Т.қ. назариясининг баъзи муҳим натижалари: 1. Ўлчовли ва деярли ҳамма ерда чекли $f(x)$ функция учун $\varphi(x)$ га деярли ҳамма ерда яқинлашувчи Т.қ. мавжуд. 2. Фурье коэффициентлари квадратлари интегралланувчи функциялар мавжуд. 3. Ҳар бир узлуксиз $f(x)$ функция учун $\varphi(x)$ га текис яқинлашувчи Т.қ. мавжуд.

ТРИГОНОМЕТРИЯ (юн. trigonon — учбурчак ва ...метрия) — математиканинг тригонометрик функцияларининг хоссалари, учбурчакнинг томонлари ва б-н бурчаклари орасидаги муносабатларни ўрганувчи бўлими. Синуслар, косинуслар, тангенслар теоремалари Т.нинг асосий натижаларидан ҳисобланади. Т. кенг амалий татбиқларга эга. Учбурчакнинг томонлари узунликлари a, b, c бу томонлар қаршисидаги бурчаклар, мос равишда A, B, C, $p = \frac{a+b+c}{2}$ бўлса γ ҳолда тригонометриянинг татбиқ этиб, учбурчакнинг юзи S учун ушбу формулалар олинган: $S = \frac{1}{2} ab \sin C$.

$$S = \frac{a^2 \cdot \sin\alpha \cdot \sin\gamma}{\sin(\alpha+\gamma)}, \quad S = r^2 \operatorname{tg}\frac{\alpha}{2} \operatorname{ctg}\frac{\beta}{2} \operatorname{tg}\frac{\gamma}{2}.$$

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Боттоний, Абул Вафо, Насириддин Тусий асарларида Т.га асос со-

линган. Региомонтан ривожлантирган. Л. Эйлер асарларида ҳозирги белгилашлар ва баён услуби шаклланган.

ТРИДИМИТ (юн. tridymos — уч қўшалоқ) — минерал, кремний-2 оксиднинг (SiO_2) юқори т-рада, гексагонал сингонияда кристалланадиган модификацияси. Fe, Al, Na ва б. аралашмалари мавжуд. Ранги оқ, рангсиз. Пластинкасимон кристаллар, сферик агрегатлар, найзасимон қўшалоқлар, кўпинча уч қўшалоқ, гулбаргсимон агрегатлар ҳосил қилади. Кам учрайдиган минераллар, олатла, нордон эффузивларнинг дарзликлари ва говакларида, туфларда; метеоритлар ва Ой жинсларида ҳам топилган. Т. — ўтга чидамли модда (динас)ларнинг асосий таркибий қисми. Ўзбекистонда Ангрен кўмир кони р-нида топилган.

ТРИЕСТ — Италиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Фриули-Венеция-Жулия вилояти ва Триест провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 209,5 минг киши (2001). Триест қўлтиги соҳилидаги порт. Албаниянинг Дуррес ш.га паром қатнайди. Кемасозлик, кема двигателлари и.ч., нефтни қайта ишлаш, кимё, цемент, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ингольштадт (ГФР) ш.га нефть қувури ўтказилган. Ун-т ва музейлари бор.

Т. — қад. шаҳар. 20-а. бошларигача турли давлат ва князликлар таркибидаги муҳим саноат маркази бўлган. 1947—54 й.ларда инглиз-америка ҳарбийлари назорати остидаги «Эркин ҳудуд» қилиб ажратилди. 1954 й.ги Италия б-н Югославия битимига кўра, Т. ва унинг гарбидаги ерлар Италияга, шарқидаги ҳудуд Югославия (ҳоз. Словения)га ўтди. Меъморий ёдгорликлардан Рим даврига оид бинолар, Сан-Жусто ва Буюк Михаил черковлари, венеция қалъаси (14-а.) ва б. сақланган.

ТРИКАРБОН КИСЛОТАЛАР ЦИКЛИ, лимон кислота цикли, Кребс цикли — ўсимлик ва ҳайвонларда ёғлар, оқсил ва углеводородларнинг парчаланишида оралиқ моддалар сифатида ҳосил бўлувчи ди- ва трикарбон кислоталарнинг оксидланиб ўзгариш жараёни. Инглиз биокимёгарлари Г. Кребс ва В. Жонсон топган (1937). Т.к.ц. турли ферментлар таъсирида катализланиб амалга ошувчи кетма-кет реакциялардан иборат. Бошқача қилиб айтганда, озуқа маҳсулотларининг биокимёвий ўзгариши ўлароқ организмда А-ацетил-коферменти, *L*-кетоглутар кислота ва оксалат-сирка кислота ҳосил бўлиб, кейин Т.к.ц.гача оксидланади. Мазкур реакцияларда ана шу ҳоллаги сирка кислота қолдиги углерод диоксид б-н сувгача оксидланади. Натижада мазкур циклнинг 1-айланишида сирка кислота қолдиги бутунлай парчаланиб кетади, оксалат-сирка кислота эса тикланади ва 2- янги айланиш циклида иштирок этади. Қолдиқ сирка кислотанинг Т.к.ц.га оксидланишида 2 молекула углерод диоксиднинг ажралиши ва 4 марта дегидрогенланиши б-н содир бўлади. Биологик оксидланишда Т.к.ц.нинг оксидланишга берилувчи субстратдан ажралиб чиқувчи водород атоми оралиқ ташиттичлар орқали кислородга ўтказилади, бунинг натижасида сув ҳосил бўлади. Шу боисдан мазкур цикл организмда модда ва энергия алмашинуви умумий системасида марказий ўринни эгалловчи муҳим жараёнлардан ҳисобланади. Гликолиз жараёнида ёг кислоталарининг оксидланиш реакцияларида улар энергиясининг $^1/_3$ қисми ажралса, Т.к.ц. реакцияларида барча энергия ажралиб чиқади. Т.к.ц. ферментлари ўсимлик, ҳайвон ҳамда микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Бунда лимон кислота Т.к.ц. да ҳам, глиоксилат циклида ҳам баравар иштирок этади. Т.к.ц. ферментлари ҳужайрада махсус мембраналарда — *митохондрия*ларда локализацияланади.

ТРИКО (франц. tricoter тўқимоқ) — 1) жун, ярим жун, пахта толалари ва кимёвий толалар аралашмасидан қалин қилиб тўқиладиган костюмбоп газлама. Йўл-йўл, катак ва майда гул ҳосил қилиб (саржа ўрилишда) тўқилади. Т., асосан, эркаклар костюмлари ва енгил пальтолар тикиш учун ишлатилади; 2) *трикотаж* ўрилишнинг асосий бир тури; 3) трикотаждан тикилган, баданга яхши ёпишиб турадиган спортчилар кийими.

Триест шаҳри кўчаларида.

ТРИКОТАЖ (франц. tricoter — тўқимоқ) — бир ёки бир неча ипдардан ҳалқалар ҳосил қилиб, уларни ўзаро бириктириш туриш натижасида олинадиган мато ёки буюм. Т. ипларнинг таркибига, ишлатилиши, пардозлаш усули ва тузилишига қараб турларга бўлинади. Таркибига қараб, пахта ипи, жун, ипак ва кимёвий тола аралашган ипдардан тўқилган хилларга бўлинади. Ишлатилишига қараб, Т. буюмлар ёки матоларга бўлинади. Т. буюмларига костюм, жемпер, кофта, пальто, қўлқоп, кўйлак, ички кийим, пайпоқ ва б. матоларига сунъий мўйна, сунъий чарм кирали; булар техник мақсадларда ва турли хил кийимлар тайёрлашда ишлатилади. Пардозлаш усулига қараб, дагал, оқартирилган, текис ва бўялган хилларга бўлинади. Т.нинг асосий физик-механик хоссалари унинг тузилишига, ҳалқаларнинг шакли ва ўлчамига, ипнинг йўғон ва ингичкалигига, қалинлиги ва пишиқлигига боғлиқ. Тузилиши (структураси)га қараб, кундаланг тўқилган, танда ўрилишли, бир қаватли ва икки қаватли бўлади. Т. юмшоқлиги, эластиклиги, гижимланмаслиги, енгиллиги, осон ювилиши б-н бошқа тўқима матолардан устун туради. Т. ўрилиш бошқа оддий газламалар ўрилишидан фарқ қилади. Бир ёки бир неча узлуксиз ип ҳалқаларини бир-бирига бирлаштириб ҳосил қилинади. Т. ҳалқаларининг қандай ҳосил бўлишига қараб, кўндаланг тўқилган (кулир) ва бўйлама (танладан тўқилган) Т. фарқланади.

Кўндаланг тўқилган (кулир) Т. матодаги ҳамма ҳалқалар қатори битта ипнинг бирин-кетин эгилиб-букилишидан ҳосил бўлади. Бўйлама (танладан тўқилган) Т.да эса ҳар бир ҳалқа



Трикотаж. Кўндаланг тўқийдиган трикотаж машинаси.

алоҳида ипдан ҳосил бўлади. Т. ўрилиш бир қаватли ва икки қаватли бўлиши мумкин. Бир қаватли Т.нинг ўнг томони бир томонда, тескари томони бошқа томонда жойлашади. Икки қаватли Т.да эса иккала ўнг томони ёки иккала тескари томони бир ёқда жойлашган бўлади. Икки қаватли Т. қалинроқ, пишиқроқ ва огирроқ. Т. ўрилиш асосий, ҳосилавий ва гулли ўрилишга бўлинади. Асосий ўрилишлар гуруҳига бир хил ҳалқа берадиган оддий ўрилишлар кирали. Бундай ўрилишларга кулир тўқимаси, трико занжир, атлас мисол бўла олади. Ҳосилавий ўрилиш асосий ўрилишни ўзгартириш йўли б-н ҳосил қилинади. Бундай ўрилишларга ҳосилавий кулир тўқимаси, мовут ва б. мисол бўлади. Гулли ўрилишлар гуруҳига асосий ўрилишлар базасида гул шакли ҳосил бўладиган ўрилишлар кирали; буларни тайёрлаш учун машинага қўшимча механизм киритилади ҳамда ҳосил қилиш жараёнини ўзгартириш йўли б-н мато сиртида гул ҳосил қилинади. Бундай ўрилишларга прессли, арқоқли, жаккард, футер ва б. гулли ўрилган Т. мисол бўлади.

Т. трикотаж машинасида тўқилади. У лумалоқ ва текис Т. машиналарига бўлинади. Т. машинасининг асосий детали ҳалқа ҳосил қилиш механизмининг игнаси ҳисобланади. Игнанинг тилли, илгакли, ўйиқли ва б. турлари бор. Игналар пўлат сим ёки лентадан 25—100 мм узунликда, 0,3—1,0 мм йўғонликда ишлаб чиқарилади. Игнанинг йўғон-



Трикотаж. *Тўқиш игнаси: а — тилли; б — илгакли; в — ўйиқли; 1 — игна чети; 2 — танаси; 3 — тилча; 4 — илгак; 5 — чуқурча; 6 — ёпқич.*

ингичкалиги Т. ҳалқаларининг ўлчамига қараб танланади: ҳалқалар қанча майда бўлса, шунчалик ингичка игна олинади. Т. машиналари, асосан, Т. саноати учун ишлаб чиқарилади, лекин маиший қўл машиналари ва аппаратлари ҳам бор.

ТРИКОТАЖ САНОАТИ — *тўқимачилик саноати* тармоги. Т.с. корхоналарида трикотаж полотнолар, жумладан, техник полотнолар, пайпоқ буюмлари, ички ва устки трикотаж кийимлар, қўлқоплар, бош кийимлар, шарфлар ҳамда саноат ва тиббиётда қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Трикотаж буюмлари и.ч.да пахта, жун ва кимёвий толалардан тайёрланган ипдардан кенг кўламда фойдаланилади. Т.с 18-а. охири ва 19-а. бошларида Буюк Британия ва Францияда, 19-а. охирларида Россияда вужудга келди.

Трикотаждан тайёрланган кийимлар садмоги мунтазам ортиб бормоқда. Бу трикотаж буюмларининг хизмат вазифасининг юқорилиги ва иқтисодий тежамлиги б-н боғлиқ. Кимёвий толалар, айниқса, синтетик ипдар и.ч.нинг мунтазам ўсиб бориши, трикотаж и.ч. техникасининг тез ривожланиши Т.с.нинг тараққиётига катта ёрдам берди.

Трикотаж и.ч. техникаси ва технологияси тараққиётининг асосий йўналишлари полотно ва пайпоқ и.ч. учун автоматлаштирилган узлуксиз линиялар яратишдан, ускуналарни янада унумлироқлари б-н алмаштириш орқали и.ч. жараёнларини жадаллаштиришдан, органик эриттичлар қўллаб полотноларга узлуксиз ишлов бериш; турли хиллаги буюмлар и.ч. бўйича корхоналарни ихтисослаштириб боришдан иборатдир.

Т.с. Ўзбекистонда 30—40-й.ларда шаклланди. 1939 й.да Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Қўқон пайпоқ ф-каси (1943 й.дан к-т) ишга туширилди. 1945 й.да Тошкент тикувчилик ф-каси негизида трикотаж ф-каси ташкил этилди. Унда 1960 й.да 4572 минг дона ички ва 1597 минг дона устки трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, республикада Тошкент устки трикотаж кийимлар ф-каси (1960), Самарқанд (1950), Бухоро (1961), Андижон (1968) трикотаж ф-калари қурилиб, маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Тармоқдаги энг йирик корхона — Тошкентда 1941 й.да ишга туширилган «Малика» трикотаж и.ч. бирлашмасида эркаклар, аёллар ва болаларнинг 200 хилдан ортиқ устки ва ички трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилди.

80—90-й.лар бошида трикотаж корхоналари янги ускуналар б-н жиҳозланди, янги корхоналар қурилди. «Малика», Бухоро, Самарқанд, Қўқон пайпоқ-тўқув к-ти тубдан реконструкция қилинди, Олтинкўл трикотаж матолар ф-каси, Қорасув ва Жиззах пайпоқ ф-калари ишга туширилди. Хўжаобод (1985), Шаҳрихон (1986), Чортоқ (1986), Шаҳрисабз (1993)да трикотаж-тикувчилик ф-калари қурилди. Республика Т.с.да 1500 дан ортиқ номда маҳсулот ишлаб чиқарилади. (2004).

Асосий йирик трикотаж корхоналари Андижон (Шаҳрихон «Нафис», «Олтинкўл», «Қорасув пайпоқ фабрикаси» акциядорлик жамиятлари), Фарғона (Қўқон «Улуғбек», «Учкўприк» тикувчилик-трикотаж бирлашмаси акциядорлик жамиятлари), Самарқанд («Бофанда» акциядорлик жамияти), Жиззах («Зилолатекс» акциядорлик жамияти), Қашқадарё (Шаҳрисабз «Садо» акциядорлик жамияти, «Каштекс» қўшма корхонаси), Хоразм («Гурлан») вилоятлари ва Тошкент ш.да («Малика» акциядорлик жамияти) жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Т.с.да 2003 й.да 28649 (2000 й.да 38887, 2002 й.да 32858) минг дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Нуриддин Мусаев.

ТРИЛАТЕРАЦИЯ (лот. trilaterus — уч томонли) (геодезияда) — таянч геодезик пунктларни аниқлаш усули. Муайян жойда бир-бири б-н кетма-кет ўзаро боғланган учбурчаклар занжири ёки тармогини ясаш ва бу учбурчакларнинг ҳар бирида барча уч томонни ўлчашдан иборат. Бу учбурчакларнинг бурчаклари ва чўққиларининг координаталари тригонометрик ҳисоблашлар орқали топилади. Учбурчакларнинг томонлари радио узоқлик ўлчагичлар ёки электр-оптик узоқлик ўлчагичлар ёрдамида ўлчанади. Т.нинг вазифаси ҳам худди *триангуляция*никига ўхшайди.

ТРИЛЛИОН — мингта миллиард, ўнлик саноқ системасида 1 ва 12 та ноль б-н ифодаланувчи сон, яъни 10^{12}, баъзи мамлакатларда Т. 10^{18} сонидан иборат.

ТРИЛОБИТАЛАР (Trilobita) — қирилиб кетган қадимги бўғимоёқлилар синфи. Илк кембрий даври денгизлари чўкмаларидан маълум; палеозойда қирилиб кетган. Т. кембрий ва ордовик даврида кенг тарқалган; барча денгизларда яшаган. Гавдаси 10—800 мм. Танаси бўғимларга бўлинган; овалсимон яси. Ҳар бир бўғими қорин томонида бир жуфтдан икки шохли оёқлари бўлган. Оёқлар асосида жойлашган жабралар ёрдамида нафас олган. Боши устки томонидан қалқон б-н қопланган. Фасеткали кўзлари яхши ривожланган. Т. бўғимоёқлилар эволюциясини тушунтиришда, уларнинг қазилма қолдиқлари эса палеонтология ва стратиграфияда катта аҳамиятга эга. Қадимда яшаган Т.нинг 10000 тури маълум.

ТРИЛОГИЯ (юн. tri — уч, logos — сўз) — умумий мазмуни, гояси, асосий қаҳрамонлари, сюжет чизигининг ўзаро алоқадорлиги, боғлиқлиги б-н бир бутунликни, яхлитликни ташкил этувчи уч мустақил асар. Т. характеридаги асарларнинг энг дастлабкилари Юнонистонда юзага келган. Эврипид, Эсхил, Софокл каби юнон трагедиянавислари илк драматик Т.лар яратганлар. Мас., «Занжирбанд Прометей», «Орестея», «Фиванинг етти душманисингари асарлар шулар жумласидандир. Кейинчалик жаҳон адабиётида

(Бомарше, Ф. Шиллер, Л. Н. Толстой, С. Т. Аксаков ва б.) драматик ва насрий Т. ларнинг хилма-хил намуналари яратилди.

Ўзбек адабиётида ҳам Т. жанрида асарлар яратилмоқда. М. Исмоилийнинг «Фаргона тонг отгунча», Саид Аҳмаднинг «Уфқ» («Қирқ беш кун», «Ҳижрон кунлари», «Уфқ бўсағасида») асари Т. жанрининг намуналаридир. Лирик асарларга нисбатан «Т.» термини кам қўлланади.

ТРИММЕР (инг. trimmer — тартибга солмоқ) — 1) авиацияда — учиш аппарати (мас., самолёт) рули (ёки элерон)нинг қуйруқ қисмидаги кичкина оғдирувчи қисм. Аппаратни бошқариш тизимидаги зўриқиш (куч)ни камайтириш учун хизмат қилади; 2) ирғитувчи *конвейер*; кўчма юк ортиш-тушириш машинаси. Юк ортиш ёки тушириш пайтида Т. ротори парраклари, диск ёки ҳаракатлантирувчи лента юк (тупроқ, дон ва б.) га кинетик энергия узатади, натижада юк анча (30 м гача) масофага ирғитилади. Т. шахталарда, Т.й. кўтармалари қурилиш, кемалар, омборлар, вагонларга юк ортиш-туширишда ишлатилади; 3) радиотехникада — кичик ўзгарувчан сиғимли электр *конденсатор*. Радиоэлектрон қурилмалар, резонансли тебранма контурларнинг созловчи элементи сифатида ишлатилади. Тузилиши жиҳатидан Т. ўзгарувчан сиғимли, битта статор, битта ротор пластиналари ясси конденсаторлардан иборат. Баъзан, икки (ва кўпроқ) коаксиал керамик цилиндр ёки металл пластина (ҳаво тирқишли), металлаштирилган керамик найча ва ўзакдан иборат тизим ҳам бўлиши мумкин. Т.нинг сиғими ва унинг ўзгариш диапазони, одатда, бир неча *пф* (пикофарада) ёки бир неча ўн *пф* ни ташкил қилади.

ТРИМУРТИ (санскритча — уч образ, қиёфа) — *ҳиндуийлик*да олий худолар — *Брахма, Вишну, Шиванинг* ягона намоён бўлиши; битта бош ва уч қиёфали қилиб тасвирланади.

ТРИНИДАД — Атлантика океанидаги орол, Жан. Американинг шим.-шарқий қирғоқлари яқинида. *Тринидад ва Тобаго* давлатининг асосий қисми. Майд. 4,8 минг км². Т. материкдан ажралиб чиққан. Рельефи шим.да тоғли (энг баланд жойи 940 м), қолган қисми тектоник. Шарқий қисмида ботқоқликлар, жан.да балчиқ вулканлари бор. Иқлими субэкваториал, ўртача ойлик т-ралар 25—27°. Йиллик ёғин 1200—3800 мм. Дарёлари қисқа, сершув. Доим яшил ўрмонлар б-н қопланган. Фойдали қазилмалардан табиий асфальт, нефть ва газ конлари топилган. Шакарқамиш, тамаки, шоли экилади. Кофе, какао, цитрус мева-лар плантациялари бор. Оролга европаликлардан биринчи бўлиб, 1498 и. Х. *Колумб* етиб борган, шундан кейин Т.ни мустамлакага айлантириш жараёни бошланган.

ТРИНИДАД ВА ТОБАГО (Trinidad and Tobago), Тринидад ва Тобаго Республикаси (Republic Trinidad and Tobago) — Кариб денгизидаги Тринидад ва Тобаго о.ларида жойлашган давлат. Майд. 5,1 минг км². Аҳолиси 1,16 млн. киши (2002). Пойтахти Порт-оф-Спейн ш. Маъмурий жиҳатдан 9 графлик (county)га бўлинади.

Тринидад ва Тобаго герби

Давлат тузуми. Т. ва Т. — республика. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1976 й. қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2003 йдан Максуэлл Ричардс). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (сенат ва вакиллар палатаси), ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати ҳақида *Тринидад* ҳамда *Тобаго* мақолаларига қ.

Аҳолисининг 60% негр ва мулатлар, 37% ҳиндлар, 1% хитойлар, 1% европаликлар. Расмий тил — инглиз тили. Аҳолисининг кўпчилиги христиан; ҳиндлар ҳиндуизмга ибодат қилади. Шаҳар аҳолиси 71,8%. Йирик шаҳарлари: Порт-оф-Спейн, Сан-Фернандо, Арима.

Тарихи. Тринидад ва Тобаго о.ларида қадимдан индейслар яшаб келган. 15-а.да оролларга етиб келган испанлар бу ерни мустамлакага айлантирди, маҳаллий аҳолининг деярли ҳаммасини қириб ташлади. 1797 й. инглизлар Тринидадни босиб олди ва у 1802 й.дан расман Буюк Британия мустамлакасига айланди. 1814 й. Тобаго ҳам инглизлар мулкига айланди. Шакарқамиш плантацияларида ишлатиш учун Африкадан қоратанли қуллар келтирилди. 1834 й. қулчилик бекор қилингач, қоратанлилар плантацияларни ташлаб кетишди. Уларнинг ўрнини тўлдириш учун Ҳиндистон, Хитой, Португалия ва б. мамлакатлардан шартнома асосида ишчилар келтирила бошлади. 1866 й. Тринидадда нефть конлари очилиши туфайли саноат ривожлана бошлади, ишчилар ташкилотлари тузилди. 1899 й. Тобаго маъмурий жиҳатдан Тринидадга бирлаштирилди. 2-жаҳон уруши даври ва ундан кейин оролларда миллий озодлик ҳаракати кучайди. 1950 й. Т. ва Т.га ички ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи берилди. 1958—62 й.ларда мамлакат Буюк Британия тузган Вест-Индия Федерацияси таркибида бўлди. 1962 й. 31 авг.дан Т. ва Т. Ҳамдўстлик таркибида мустақил давлат. 1976 й. 1 авг.да республика деб эълон қилинди. Т. ва Т. — 1962 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 31 авг. — Мустақиллик куни (1962).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Халқ миллий ҳаракати, 1956 й. тузилган; Қайта қуриш учун миллий иттифоқ, 1986 й. асос солинган; Бирлашган миллий конгресс, 1989 й. ташкил этилган. Миллий касаба уюшма маркази, 1991 й. тузилган.

Хўжалиги. Т. ва Т. индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 44%, қ.х. нинг улуши 2,2%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 53%.

Саноатида нефть қазиб чиқариш ҳамда нефтни қайта ишлаш иқтисодиётнинг асосини ташкил этади (ўз нефтидан ташқари Венесуэла, Саудия Арабистони ва б. мамлакатлардан келтирилган нефтни қайта ишлаб, нефть маҳсулотлари ва конденсат ишлаб чиқарилади). Табиий газ, асфальт ва гипс қазиб олинади. Металлургия, нефть кимёси, кимё, фармацевтика, полиграфия, цемент, ойна, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат (шакар-қанд и.ч.) корхоналари бор. Пўлат ва алюминий ишлаб чиқарилади. Йилига ўртача 4,2 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Қишлоқ хўжалиги сует ривожланган ва у мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Шакарқамиш, какао, кофе, тамаки, кокос пальмаси, банан, цитрус мевалар экилади. Асосий озиқ-овқат экини — шоли. Қорамол, чўчқа, эчки боқилади. Балиқ овланади. Қимматбаҳо

Тринидад ва Тобаго байроғи

ман ётоқ тайёрланади. Автомобиль йўллари уз. 8,2 минг км. Асосий денгиз порти — Пуэнт-а-Пьер. Хорижий туризм ривожланган. Четга нефть ва нефть маҳсулотлари, қанд-шакар чиқаради, четдан озиқ-овқат, саноат моллари, хом нефть, машина ва ускуналар олади. АҚШ, Буюк Британия, Кариб ҳавзаси мамлакатлари б-н савдо қилади. Пул бирлиги — Т. ва Т. доллари.

Маорифи, маданий-маърифий муассасалари. Т. ва Т.да давлатга қарашли мактаблардан ташқари хусусий мактаблар ҳам бор. Давлат мактабларида ўқиш бепул. Дарслар инглиз тилида олиб борилади. Замонавий таълим тизими 7 йиллик бошлангич мактаб ва 5 йиллик ўрта мактабдан иборат. Бошлангич таълим—мажбурий. Порт-оф-Спейн якинида Вест-Индия ун-тининг Тринидад бўлими бор. Порт-оф-Спейн ва Сан-Фернандода политехника ин-тлари очилган. Порт-оф-Спейнда Т. ва Т. Марказий ва Оммавий кутубхонаси, Вест-Индия ун-ти Тринидад бўлимининг кутубхонаси, миллий музей ва галерея мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Йирик газ.лари: «Тринидад гардиан» («Тринидад пособни», кундалик газ., 1917 й.дан), «Тринидад энд Тобаго газетт» («Тринидад ва Тобаго газетаси», ҳукумат ҳафтаномаси, 1882 й.дан), «Тринидад энд Тобаго экспресс» («Тринидад ва Тобаго шошилинч хабарлари, кундалик газ., 1967 й.дан), «Ньюсдей» («Кун янгиликлари», кундалик газ., 1993 й.дан), «Санди гардиан» («Якшанба пособни», ҳафтанома, 1917 й.дан). Миллий агентлиги йўқ. Радиоэшиттириш 1947 й. дан («Нэшнл бродкастинг нетуорк лимитед» ҳукумат мақамаси, 1957 й. ташкил этилган), телекўрсатув 1962 й.дан («Тринидад энд Тобаго телевижн компани лимитед» тижорат ҳизмати, 1962 й. ташкил этилган) олиб борилади.

Порт-оф-Спейн шаҳри.

Адабиёти. Тринидад инглизларининг фольклори ҳозиргача деярли сақланиб қолмаган. Негрларнинг бу ерда тўқилган ва ижтимоий мазмун б-н суғорилган «калипсо» қўшиқлари халқ оғзаки ижодининг намуналаридир. Замонавий адабиёт инглиз тилида вужудга келди. 2-жаҳон урушидан кейин миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши адабиётнинг камол топишига самарали таъсир қилди. Р.де Буассьер ва С. Селвонининг ижтимоий мавзудаги романлари дастлабки салмоқли асарлардир. Таниқли ёзувчи В. С. Нейполнинг «Эльвирдаги сайлов» (1958), «Тақлидчилар» (1967), «Мистер Бисвасга аталган уй» (1961), «Партизанлар» (1975), «Дарё ўзани» (1979) каби романларида Вест-Индиядаги воқеликни заҳарханда б-н танқид қилади. Мустақиллик йилларида И. Хан, М. Энтони, Э. Даалес каби истеъдодли адиблар адабиётга кириб келди. Г. Телемак, Э. Роуч, Д. Уолкотт (1970-йилардан намоён ижод қилган) каби шоирлар машҳур. Д. Уолкотт, Э. Хилл, Э. Жон эса драматургияни ривожлантирдилар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Мустамлака даври меъморий ёдгорликларидан Тобаго о.да европаликлар қурган Жеймс қалъаси (1666) харобаси сақланиб қолган. 19-а. бошларидан классицизм ва қоришиқ меъморлик услубидаги жамоат бинолари, хос уйлар, черковлар қурилди (Порт-оф-Спейндаги Епископ саройи, Олл Сентс собори ва б.). 20-а. нинг 20-йиларида ҳинд ва мусулмон ибодатхоналари (Сент-Жофер ш.даги масжид) барпо этилди. Шаҳарларда пастқам ёғоч уйлар кўп учрайди. Тасвирий санъат 19-а. нинг 2-ярмидан ривожлана бошлади. 20-а. нинг таниқли рассомлари орасида Ж. М. Казабон, А. Коллъо, М. Уайк, Ж. Фаррел, Ж. Крамвелл, К. Чанглар бор. Қад. халқ ҳунармандчилигида Аравак индейсларининг керамика, газмол, безак буюмлари сақланган, анъанавий карнавал байрамларига либослар тайёрлаш одати давом этиб келади.

ТРИНИТРОТОЛУОЛ, тротил, тол, $C_7H_5O_6N_3$ — *портловчи модда;* рангсиз, лекин сақланганда сарғаядиган кристалл. Мол. м. 227,13. Ацетон ва бензолда яхши, сувда оз эрийди; суюқланиш т-раси 80,85°, зичлиги 1641 кг/м³ (25° да).

Кимёвий барқарор, узоқ вақт мобайнида парчаланмайди ва портлаш хусусиятини йўқотмайди. Портлаганда кўп миқдорда заҳарли углерод (II)-оксид (CO) ҳосил бўлади. Т. толуолни нитрат ва сульфат кислота аралашмаси б-н нитролаб ҳосил қилинади. Т. ўқ-дориларда ва портлатиш ишларида қўлланади.

ТРИНИТРОФЕНОЛ, пикрин кислота, $C_6H_3O_7N_3$ — сариқ рангли кристаллар. Мол. м. 229,11. Суюқланиш т-раси 122,5°, зичлиги 1760 кг/м³. Портловчи модда, портлаш хоссаси жиҳатидан *тринитротолуол*га яқин. 20-а.нинг 1-чорагидан бошлаб ўқ-дориларга кўплаб ишлатилган. Механик таъсирларга жуда сезгирлиги туфайли ишлатилиши чекланган. Фенолдисульфокислотани нитрат ва сульфат кислота аралашмаси б-н нитролаб олинади.

ТРИО (лот. tria — уч) — 1) уч созанда ёки хонандадан ташкил топган ансамбль (мас., скрипка, виолончель ва фортепианодан иборат ансамбль ёки «Сетора» гуруҳи); 2) шу ансамблга мўлжалланган мусиқа асари, *камер мусиқа* жанри. Дастлаб трио-соната шаклида (17—18-а.лар, А. Вивальди, А. Корелли ва б.), кейинчалик *соната* туркуми тарзида (Л. Бетховен, Ф. Шуберт, И. Брамс, П. Чайковский, Д. Шостакович ва б.) ривож топди. Ўзбекистонда М. Бурҳонов, Ик. Акбаров, Г. Мушель, И. Ҳамроев, У. Мусаев, В. Сапаров, А. Эргашев ва б. турли Т.лар ёзишган; 3) баъзи чолғу асарлари (марш, скерцо ва б.)нинг ўрта қисми.

ТРИОД [юн. tri — уч ва (элек)трод] — термоэлектрон катод (бевосита ёки билвосита қизийди), бошқарувчи тўр ва анодлардан иборат 3 электродли электрон лампа. Оддий Т.да цилиндрик анод (қийин эрувчи металл — Ni, Mo ёки Та дан ясалади) ичига спиралсимон тўр (ўша металлдан қилинади) жойлаштирилади. Анод ва тўрнинг умумий ўқига катод (ванадий W дан тайёрланади) жойлаштирилади. Вазифасига кўра, Т.ларнинг конструкцияси ва кўрсаткичлари қиймати турли-туман, Т. қабул қилувчи-кучайтирувчи лампа, генератор лампа сифатида ишлатилади. Т. юқори кувватли электр тебранишлари генераторларида, юқори радиацияли ва ўзгарувчан т-рали шароитда ишлайдиган радиоприёмникларда қўлланади.

ТРИПАНОСОМАЛАР (Tripanosoma) — кинетобластидлар туркумига мансуб паразит хивчинлилар уруғи. Уз. 15—

40 мкм. Гавдаси дукеимон, ядроси битта. Хивчини танасининг кейинги қисмида жойлашган базал таначадан бошланиб, танаси бўйлаб ўтган ва юпқа мембрана ёрдамида пелликула қобиқ б-н туташган. 10 дан ортиқ тури бор. Бўйига бўлиниш орқали жинссиз кўпаяди. Умуртқали ҳайвонларнинг қони, орқа мия суюқлиги ва б. тўқималарида паразитлик қилади. Осмотик озиқланади. Айрим турлари қонга эритроцитларни емирувчи токсинлар ажратади. Т. ҳашаротлар (не-не пашшаси, сўналар), каналар ва б. ташувчилар орқали юқади. Одамда оғир уйқу ва чағас, уй ҳайвонларида «сув оғриқ» (от, туя, ғил, кучук) ва нагана (қорамоллар), куйиқиш (от) касалликларини тарқатади.

«ТРИПИТАКА» [санскритча — қонуниинг уч савати), пали тилида «Типитака» — *буддизм* ёзувлари тўплами. Пали тилидаги «Т.» — *ҳинаянанинг* муқаддас асари; унинг бир неча қондалари Рожагрихдаги 1-будда йиғини (мил. ав. 5-а.)да баён қилинган; тугал таҳрири мил. ав. 3-а. га мансуб. Санскрит тилидаги «Т.» *маҳаянанинг* муқаддас асари бўлиб, мил. ав. 80-а. ёзилган, тўлиқ сақланмаган, унинг айрим қисмлари хитой тили ва Шарқий Осиёдаги бошқа тилларга қилинган таржимаси орқали етиб келган.

ТРИПОЛИ, Тарабулус ал-Ғарб — Ливия пойтахти. Ўрта денгиз соҳилида. Аҳолиси 595 минг киши (1999-й.лар бошлари). Иқлими субтропик, қуруқ. Ўрта денгиз атрофига хос иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 12°, июлиники 27°. Йиллик ёғин 370 мм.

Т. — мамлакатнинг энг йирик шаҳри, савдо-саноат ва молия маркази. Йирик денгиз порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Т.да мамлакат саноат корхоналарининг 3/4 қисми жойлашган. Тўқимачилик, кўн-тери, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат (ун тортиш, балиқ консервалаш, тамаки, ёғ-мой) саноати корхоналари бор. Ҳунармандчиликда гилам, кийим, пойабзал, бадиий буюмлар тайёрланади. Денгиздан балиқ овланади. Ун-т, табиат тарихи ва археология музейлари, театр бор. Т.да ҳар йили халқаро ярмарка ўтказилади.

Қалимда Т. ўрнида финикияликларнинг колонияси Эа ш. бўлган. Уларнинг Эа, Сабрата ва Лептис-Магна колониялари «Тринполис» (юн. «Уч шаҳар») деб аталган. Кейинчалик Эа шу ном б-н атала бошлаган. Мил. ав. 105 йилан Рим, мил. 5-а.да вандаллар, 6—7-а.ларда Византия қўл остида бўлган. 643 й.дан арабларга ўтган. 1551—1911 й.ларда Усмонли турк салтанати таркибида бўлган. 1911 й.да Италия қўшинлари босиб олган. 1943 й.да шаҳарни инглизлар эгаллаган. 1951 й. декда Ливия мустақилликка эришгач, Т. унинг пойтахти.

Меъморий ёдгорликлардан Марк Аврелий зафар арки (164 й.), қалъа (16-а.), қирол саройи, масжидлар сақланган.

ТРИПОЛИ, Тарабулус аш-Шом — Ливаннинг шим. қисмидаги шаҳар. Шим. Ливан муҳофаза.сининг маъмурий маркази. Аҳолиси 240 минг киши (1994). Ўрта денгиз соҳилидаги порт. Четга цитрус мевалар, пахта чиқарилади. Ироқдан нефть қувури ўтказилган. Нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Денгиздан балиқ овланади.

Т. финикияликлар томонидан мил. ав. 2-минг йилликда бунёд этилган. 636 й. дан араблар қўл остига ўтган. 1916—1918 й.ларда Усмонли турк салтанати таркибида бўлган. 1920 й.дан Ливанга қўшилган. Т. — Ливандаги сунний мусулмончилик мусулмончиларнинг асосий диний маркази. Меъморий ёдгорликлардан Катта масжид (13-а.), Бургасия масжид-мадрасаси (14-а.), Сакракия масжид-мақбараси, карвонсаройлар, бозорлар сақланган.

Триполи шаҳри. Миллий меъморчилик бинолари.

Триполи шаҳрининг соҳил қисми.

ТРИПОЛЬЕ МАДАНИЯТИ — *энеолит* даврида ови археологик маданият. Киев вилоятида Триполье қишлоғи номи б-н аталган. Шарқий Карпат ени ва Ўрта Днепр ўзанларида тарқалган. Румынияда Кукутени маданияти деб юритилади. Т.м. ёдгорликларини 19-.асинг охирида археолог В. В. Хвойко очган. Археолог Т.С. Пассекнинг даврлаштиришни бўйича Т.м. 3 та босқичга: илк (мил. ав. 4-минг йиллик), ўрта (мил. ав. 4-минг йиллик охири —3-минг йилликнинг 1-ярми), сўнги (мил. ав. 3-минг йилликнинг 2-ярмига бўлинади. Т.м. қишлоқлари доира ёки тухумсимон шаклда жойлашган бўлиб, марказида қолган очиқ жой моллар учун қўтон вазифасини ўтаган. Турар жойлар кўпланг тусиқлар б-н алоҳида хоналарга ажратилган. Хоналардан дон янчаётган аёл ҳайкалчаси, ёғувчоқ, бўғу шомидан ясалган мотига (кетмонсимон асбоб), ғарчқ хумлар, тандир ва б. хўжалик анжомлари, нақш солинган сопол идишлар, мис буюмлар (болта, ўрғ қирғоли бигиз, қармоқ, ҳанжар) топилган. Т.м. вакиллари миснн Болқон я.о.дан олиб келишган. Т.м. вакиллари, асосан, чорвачилик, деҳ-қончилик, шунингдек, овчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланган.

Триполье маданияти. Лойдан ишланган аёллар ҳайкалчалари.

Нақш солинган идишлар.

ТРИПСИН — овқатни ҳазм қилдирадиган фермент; гидролазалар синфига киради. Т. меъда ости безида ҳосил бўлади. Ичакда оқсилни парчалайди. Т.нинг мол.м. тахм. 22680. Т. препаратлари жароҳатланганда, куйганда, тромбоз ва б.ни даволашда баъзи фермент ва антибиотиклар б-н бирга қўлланади.

ТРИПСЛАР (Physopoda, яъни Thysanoptera) — ҳашаротлар туркуми (қ. *Пуфакоёқлилар*).

ТРИПТАН, 2,2,3-триметилбутан, пентаметилэтан, $(CH_3)_3CCH(CH_3)_2$ — тунинган углеводород. Мол. м. 100,2. Рангсиз суюқлик, камфора ҳиди келади. Қайнаш т-раси 80,9°. Зичлиги 690 кг/см³ (20°да). Т. баъзи нефтларда, шунингдек, нефтни қайта ишлашда бензин фракциясида учрайди. Пропиленга изобутан таъсир эттириб олинади. *Октан сони* барча углеводородларникидан юқорилиги (130) туфайли бензинининг навини оширишда ишлатилади.

ТРИПТИХ (юн. triptychos — уч қават, уч бўкланган) —умумий бадиий ғоя, мавзу ёки сюжет б-н бирлашган 3 қисмдан ташкил топган тасвирий санъат асари (*картина, рельеф*, расм ва ш.к.).

ТРИПТОФАН, β-(3-индолил) -аланинпропион кислота, $C_{11}H_{12}N_2O_2$ —муҳим табиий *аминокислоталардан* бири. L- ва D-оптик фаол ҳамда DL-рацемик шаклари бор. *Гемоглобин, фибриноген, казеин* ва б. оқсиллар таркибида оз миқдорда L-Т. бўлади. L-Т. алмаштириб бўлмайдиган аминокислота. Одам овқат б-н (катталар бир кеча-кундузда 0,25 г, 7 ёшгача бўлган болалар 1 г та яқин) L-Т. олиши керак. Т. *триқарбон кислоталар* циклига киради. Кишида тутма оқсидлайдиган Т. ферменти — триптофан-пирролаза бўлмаса, ақли заифлик кузатилади. Т. алмашинувининг бузилиши оғир касалликлар (сил, саратон, диабет)га олиб келади. Синтетик Т. индол, пироузум кислота ва аммиакдан ферментатив синтезлаб олинади.

ТРИПУРА — Ҳиндистоннинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 10,5 минг км². Аҳолиси 3,2 млн. киши (2001), аксари қисми бенгаллар. Маъмурий маркази ва энг катта шаҳри — Агартала.

Т. Ганг-Брахмапутра дельтаси ҳавзасида жойлашган. Шарқий ва жан. қисмида Лушай тоғлари тармоқлари бор. Иқлими тропик, муссонли иқлим. Тоғлар доим яшил ва барг тўкувчи тропик ўрмонлар б-н қопланган. Аҳолиси, асосан, деҳқончилик б-н шуғулланади. Шоли, жут, пахта, шакарқамиш экилади. Чой плантацияларн бор. Қимматбаҳо ёғоч тайёрланади. Қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи майда корхоналар мавжуд.

ТРИСТАН-ДА-КУНЬЯ — Атлантика океанининг жан. қисмидаги 4 вулкан оролидан иборат ороллар гуруҳи. Буюк Британия мулки. Энг катта ороли —Тристан (майд. 117 км²) вулкан конусидан иборат бўлиб, базальт ва трахит ётқизиқларидан тузилган. Бал. 2060 м гача. 1961—62 й.ларда кучли отилган. Аҳоли балиқ овлаш б-н шуғулланади. Асосий аҳоли пункти — Эдинбург. Оролга европаликлардан биринчи бўлиб 1506 й.да португалиялик денгизчи сайёҳ Тристан да Кунья борган. Ороллар унинг номи б-н аталган.

ТРИТИЙ (юн. tritos, лот. Tritium), Т. (ёки H) — водороднинг масса сони 3 бўлган радиоактив изотопи. 1934 й.да инглиз олимлари Э. *Резерфорд*, М.Л. Олифант ва П. Хартеклар кашф қилишган. Т. ядроси 1 та протон ва 2 та нейтрондан иборат. Т. β-фаол, ярим емирилиш даври $T_{1/2}$=12,26 й. Табиатда атмосферанинг юқори қатламларида космик нурлар нейтронларининг азот атомларига таъсир этишидан ҳосил бўлади ва ёмғир б-н ер юзига тушади. Т. ядро реакторларида литий ^6Li ни нейтронлар б-н нурлатиб олинади ($^6_3Li + ^1_0T \rightarrow ^4_2He$). Т. термоядро синтези реакцияларида муҳим компонент сифатида, шунингдек, кимёвий, биологик ва гидрологик тадқиқотларда ишлатилади (қ. *Изотоп индикаторлари*).

ТРИТИКАЛЕ (Triticum — буғдой, Secale — жавдар) — буғдой-жавдар дурагайи — икки хил ўсимлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ўсимлик; талла экини. Т.нинг кузги ва баҳорги шакллари мавжуд.

Буғдой ва жавдарнинг дастлабки дурагайини 1875 й.да Шотландия олими Вильсон яратган. 1881 й. Германияда Римпау унинг доимий дурагайини ажратиб олган. Кейинги йилларда октаплоид (56 хромосомали), тексаплоид ва октаплоид (42, 56 хромосомали) дурагайлари яратилган.

Т. морфологик белгилари б-н буғдой ва жавдардан фарқ қилади. Илдизи яхши ривожланган, тупроққа 1,5—2,0 м гача кириб боради, муртак илдизлари 6 та, пояси нисбатан баланд (90—150 см), бошоғи узун (10—15 см), дони йирик. Бошоғининг ташқи гул қобиғида қилтаноқ ўсади. Т. 5° ва ундан юқори ҳароратда уна бошлайди, 20° муқобил ҳисобланади. Кузда экилади. Экилгандан кейин 5—7 кунда униб чиқади. Тупланиш даври кузда бошланиб, баҳорда давом этади, қишда 18—20° совуққа чидаши мумкин. Ўзбекистонда

Тритикале.

экиладиган навларининг амал даври 165—200 кун, ўзидан ва четдан чангланади. Т. ёруғсевар, узун кун, намсевар ўсимлик. Униш пайтида, най ўраш, донланиш ва тўлишиш даврларида сувни кўп талаб этади. Т. тупроқ унумдорлигига талабчан эмас, ер танламайди, лекин шўрланган, ботқоқланган тупроқларни ёқтирмайди. Қора тупроқли ерларда юқори ҳосил беради. Т. дони тўйимлилиги бўйича буғдой ва жавдарга нисбатан юқори. Донида 11—12%, пичанида 10—11% оқсил бор. Т.дан дон, кўкат, пичан, пичан уни, силос, сенаж тайёрланади. Нон пишириш учун сифати буғдойдан паст ҳисобланади.

Ўзбекистонда Т.нинг Праг, Серебристий, Узор навлари р-нлаштирилган. Ҳосилдорлиги: кўкат ҳосили 400—500 ц/га, дон ҳосили 50—80 ц/га (кўкати бошоқланиш даврида ўрилади). Замбуруғли ва вирусли касалликларга бардошли.

Ад.: Мирзаев О. Ф., Худойбердиев Т. С., Ем-хашак етиштириш, Андижон, 2003.

ТРИТОН — *Нептун* сайёрасининг йўлдошларидан бири, диаметри 2700 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 355 минг км. 1846 й.да инглиз астрономи У. Лассел кашф этган. Т. сайёра атрофида унинг айланишига тескари томонга ҳаракатланиб, унинг атрофини тахм. 5 суткада айланиб чиқади (қ. *Сайёралар йўлдошлари*).

ТРИТОНЛАР (Triturus)— саламандрасимонлар оиласига мансуб думли амфибиялар уруғи. 9 тури маълум. Танасининг уз. 18 см ча. Европада Осиёнинг Европа б-н чегарадош жойлари ва Шим. Америкада тарқалган. Асосан, ўрмонларда, одатда, тошлар, йиқилган дарахтлар тагида ва б. ерларда қишлайди, баҳорда оқмайдиган ёки секин оқадиган сув ҳавзаларига ўтиб, тухум қўяди. Сувдаги майда қисқичбақасимонлар, моллюскалар, сув ҳашаротлари, бақа увилдириғи б-н, қуруқликда эса ўргимчаклар, ҳашаротлар ва б. б-н озиқланади. Ўрта Осиёда учрамайди, айрим турлари (мас, Тароқли Т.) аквариумда боқилади.

ТРИУМВИРАТ (лот. tres — уч ва vir — эркак) — Қад. Римда фуқаролар уруши даврида (мил. ав. 1-а.) атоқли сиёсий арбоблар ва саркардаларнинг давлат ҳокимиятини эгаллаш учун тузган иттифоқи. 1-Т. мил. ав. 60 (ёхуд 59) — 53- й.ларда Ю. Цезарь, Г. Помпей ва М. Красс ўртасида, 2-Т. мил. ав. 43—36- й.ларда (расман 31 й.гача) Октавиан (Август), М. Антоний ва М. Лепид ўртасида тузилган.

ТРИУМФ (лот. triumphus) — 1) Қад. Римда музаффар саркарданинг қўшин б-н пойтахтга (Марс майдонидан Капитолийдаги Юпитер ибодатхонасигача) тантанали кириб келиш маросими. Т. сенат қарори б-н ўтказилган ва саркарда учун энг олий мукофот саналган. Т. маросимини сенаторлар бошлаб беришган, уларнинг кетидан созандалар ва қўшиқчилар кузатувида 4 та оқ от қўшилган жанг аравасида ғолиб саркарда (триумфатор) борган. Жангчилар ўлжа ва бадавлат, зодагон асирларни олиб ўтганлар. Т. Римнинг зафарли урушлари даврида (мил. ав. 3—1-а.лар) 2—3 кун давом этган. Империя даврида Т. лик шарафига император ва унинг яқин қариндошларигина сазовор бўлишган; 2) кўчма маънода — ажойиб муваффақият, буюк ғалаба.

ТРИХИНАЛАР, трихинеллалар (Trichinella) — трихинеллалар оиласига мансуб нематодалар уруғи. Эркагининг уз. 0,6—1,6 мм, урғочиси 1,3—4,4 мм. 2—3 тури бор. Спирал Т. кўп учрайди. Вояга етган даврида йиртқич ва ҳаммахўр ҳайвонлар, жумладан, одам ингичка ичаги бўшлиғида яшайди. Оталанган урғочи Т. ичак деворига кириб олиб, микроскопик личинкалар тугади. Личинкалар қон орқали барча органларга тарқалади. Капиллярлардан мускулларга ўтиб, бир оз ўсгач, спиралланади ва оҳак капсулага ўралади. Капсулада бир неча вақт тирик сақланади. Ҳайвонлар зарарланган гўштни еб, Т.ни юқтиради; ана шундан сўнг Т. ингичка ичакка тушиб вояга етади. Одам яхши пиширилмаган чўчқа ёки бошқа ҳайвон гўштини еб зарарланади. Т. *трихинеллёз* касаллигини келтириб чиқаради. Сохта трихинелла қушларда паразитлик қилади.

ТРИХИНЕЛЛЁЗ — одам ва ҳайвонларда учрайдиган гижжа касаллиги; юмалоқ чувалчанглар синфига мансуб трихинеллалар қўзғатади. Етук трихинеллалар 1,5—4 мм катталикда бўлиб, одам ёки ҳайвоннинг ичак шиллиқ қаватида паразитлик қилади, урғочиси ингичка ичакда тирик личинкалар тугади ва улар ичак шиллиқ қаватидан қон томирларига ўтади, қон айланиш системаси орқали кўндаланг-тарғил мускулларга жойлашади; шу жойда спиралга ўхшаб ўралиб олади, ўсиб, оҳакли капсула ҳосил қилади. Соғлом кишилар касалланган ҳайвон гўштини чала пишириб истеъмол қилганда зарарланади. Одамга Т., асосан, чўчқа ёки ов ҳайвонлари (айиқ, морж, бўрсиқ) гўшти орқали юқиши мумкин.

Инкубацион даври 2—3 ҳафта. Касаллик юққанда дастлаб беморнинг т-раси кўтарилади, кўзи қизаради, ёругликдан қурқади, мускуллари, баъзан қорни оғрийди, ичи кетади ва ҳ.к. Қовоқлар, юз салқийди, баъзан кўз бутундан юмилиб қолиши мумкин. Шунинг учун Т. халқ орасида «юз салқиши» деб юритилади.

Бемор касалхонада даволанади. Т. нинг олдини олиш учун чўчқаларни санитария-гигиена қоидалари асосида боқиш, уларнинг ўлимтик кемирувчилар ейишига шиҳор йўл қўймаслик зарур.

ТРИХОГРАММА (Trichogramma) — пардақанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар уруғи; экинлар ва ўрмонзорларга зарар келтирувчи хавфли зараркунанда ҳашаротлар тухумлари кушандаси. Бутун дунё фаунасида Т.лар авлодига кирувчи 143 тур мавжуд. Ўзбекистонда эса Т.ларнинг 15 тури топилган, 6 тасининг биоэкологияси чуқур ўрганилган. Қ.х.да экинлар зараркунандаси бўлган тунлам капалакларнинг тухумларини йўқотишда асосий биологик восита сифатида ишлатилади. Танасининг уз. 0,3—0,9 мм. Т.нинг қисқа қанотли ва қанотсиз турлари мавжуд. Мўйлови 5—9 бўғимли, қанотлари кенг ҳошияли, олдинги қанотлари қисқа пюкилади. Орқа жуфт қанотлари ингичка. Урғочисининг мўйлови қисқа, бир ҳалқали, хивчини икки бўғимли. Эркаклари кўпинча қанотсиз ёки қаноти соддалашган. Т. полифаг бўлиб, 200 га яқин турдаги ҳашарот тухумини зарарлайди. Асосий ва бош хўжайинга эга. Фақат личинкаси текинхўрлик (паразитлик) қилади. Етук ҳашаротлар гул шираси ва шудринг б-н озиқланади. Урғочи Т. хўжайин организмнинг янги қўйилган тухуми ичига ўз тухумини қўяди. Тухумдан чиққан Т. личинкаси хўжайин тухуми ичидаги моддалар б-н озиқланиб ривожланади. Озиқланиб бўлган Т. личинкаси шу ерда ғумбакка айланади. Ғумбакдан шаклланган етук индивид тухум пўстини тешиб ташқарига чиқади; эндигина учиб чиққан жинсий етук урғочи ҳашарот дарҳол эркак Т. б-н жуфтлашиб, тухум қўя бошлайди.

Т.нинг ривожланиш даври ҳаво ҳарорати 25—30° ва намлиги 30—70% бўлганида 7—35 кун давом этади. Етук ҳашаротлар 3—18 кун яшайди. Шу давр мобайнида бир урғочи ҳашарот 25—92 дона тухум қўйиши мумкин. Табиатда Т. турлари Ўзбекистоннинг барча маданий деҳқончилик зоналарида ва, шунингдек, тоғлардаги еввоши ўсимликларда, чўл, чала чўлларда ҳам учрайди. Табиий шароитда 14—15 авлод беради. Т.дан ҳашаротларга (*тунламлар, парвоналар, эдимчилар* ва б.) қарши курашда фойдаланилади. Махсус биолабораторияларда кўпроқ pintoi Voegele тури тунлам тухумларини йўқотиш учун кўпайтирилади (қ. *Биофабрика*). Далалардаги кемирувчи тунламларга қарши уч марта ҳар гектарига 200 минг донадан етук Т. тарқатиш тавсия этилади. Мас., туза тунламининг ҳар бир авлодига қарши гектарига 60+80+60 минг дона етук Т. ҳисобида (тухум қўйиш бошланишида ва 4—5 кун оралатиб яна 2 марта) тарқатиш яхши самара беради. Т.ни зараркунанда ҳашаротнинг тухум қўйиши бошланган даврда эрталаб ёки кечки салқин пайтда тарқатиш мақсадга мувофиқ; бир текисда тарқалиши учун бир гектар майдоннинг 100 та нуқтасига, яъни ҳар 10 м да қўйилади.

Турсунов Отамирзаева.

Трихограмма: *1* — етук ҳашарот; *2* — тунлам тухумини зарарлаётган трихограмма.

ТРИХОМОНОЗ — сийдик-таносил аъзоларининг яллиғланиш касаллиги; қин трихомонадалари қўзғатади. Касаллик қўзғатувчиси соғлом кишиларга жинсий йўл б-н ўтади. Қин трихомонадалари ташқи муҳитнинг турли омилларига нисбатан беқарор бўлиб, улар (мас., қуёш нури) таъсирида тезда нобуд бўлади. Қиз болага Т. бемор онаси ёки бошқа аёл б-н бир ўринда ётганида юқиши мумкин. Т. эркакларда ҳам, аёлларда ҳам кузатилади; одатда, касаллик эркакларда билинар-билинмас кечади. Қин трихомонадалари эркакнинг сийдик чиқариш каналига кириб, уни яллиғлантиради (трихомонад *уретрит*); озгина шиллиқ чиқинди келиши мумкин, лекин касаллик ҳеч қандай аломатларсиз ўтади. Фақат беморни синчиклаб текширганда трихомонадалар топилади. Касалликнинг аниқ аломатлари бўлмаслигидан қатъи назар, трихомонадалар топилган кишилар, албатта, даволаниши шарт. Ўз вақтида даво қилинмаса, мояк ортиқлари яллиғланиши (қ. *Эпидидимит*), касаллик сурункали шаклга ўтиши ва *бепуштликка* сабаб бўлиши мумкин. Т. б-н оғриган аёлларда кўпинча қин зарарланади. Қиндан қўланса ҳидли чиқинди ажралади ва ташқи жинсий аъзолар қичишиб, ловуллаб туради. Турли нохуш омиллар оқибатида организм чидамининг пасайиши (мас., организмнинг совқотиши, шамоллаш касалликлари, айниқса, туғруқдан ва абортдан кейинги касалликлар), шунингдек, ҳайз кўриш даври яллиғланишнинг бачадон ва б. аъзоларга тарқалиб кетишига сабаб бўлади (қ. *Андексит*). Эр ёки хотинда касаллик топилган вақтда уларнинг ҳар иккаласи ҳам даволаниши шарт. Т. б-н оғриган беморлар батамом соғайгунча даволанишлари зарур, акс ҳолда касаллик йиллаб чўзилиши, вақт-вақти б-н қузиб туриши мумкин.

Т.ни даволаш даврида *шахсий гигиена* қоидаларига қатъий амал қилиш; жинсий алоқадан ўзни тийиш керак. Даво тугагач, 2—3 ойгача врач назоратида бўлиш лозим. Т.нинг олдини олишда шахсий ва жинсий гигиена қоидаларига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

ТРИХОФИТИЯ (юн. trichos — қил, соч ва phyton — ўсимлик), қирма темиратки (мойхўрак) — замбуруғлар қўзғатадиган юқумли касаллик. Т. ни паразит замбуруғларнинг бир неча тури қўзғатади. Улардан айримлари фақат одамда паразитлик қилиб, Т.нинг юзаки шаклини келтириб чиқаради. Бошқалари, асосан, ҳайвонлар (сичқон, каламуш, сигир, от, қўй ва б.)да паразитлик қилади; Т. б-н зарарланган одамларда унинг чуқур шакли пайдо бўлади.

Юзаки Т. б-н, асосан, болалар, айрим ҳолларда катталар, айниқса, аёллар касалланади. Бунда тери ва бошнинг сочли қисми, камроқ соқол ва мўйлов касалланади. Касаллик соғлом одамга бемордан ёки унинг буюмлари (бош кийим, тароқ ва б.)дан ўтади. Замбуруғ тушган терида 5—7 кундан сўнг думалоқ қизил яллиғланган доғ пайдо бўлиб, тезда катталашади ва қипиқланади. Бошнинг сочли қисмидаги замбуруғлар теридан тезда сочга ўтади. Соч толаларининг туси ўзгаради, мўртлашади, зарарланган жойдаги толалар тўкилиб кетади, тирноқлар ҳам зарарланади.

Чуқур Т.да одам баданида ва бошнинг сочли қисмида, соқол, мўйловларда йирингли яра (қ. *Абсцесс*) пайдо бўлади. Улар оғриб, беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, баъзан т-раси кўтарилади. Агар вақтида даволанмаса, соч тўкилиб кетади. Т.нинг чуқур шакли кўпинча сут соғувчилар ва чўпонларда кузатилади. Ҳоз. жинсий йўл б-н юқадиган қов соҳа Т.си ҳам аниқланган. Т. б-н оғриган бемор касалхонада даволанади. Тери Т.си қисқа вақт ичида тузалиб кетади. Соч ва тирноқ Т.си узоқ даволанишни тақозо этади.

Чуқур Т.нинг олдини олиш учун сичқон ва каламушларга қарши кураш олиб борилади.

ТРИХОЦЕФАЛЁЗ (юн. trichos — қил, соч ва kephale — бош) — қилбош гижжалар қўзғатадиган юқумли касаллик. Гижжалар, асосан, йўғон ичакда паразитлик қилади. Қилбош гижжа одам ичагида йиллаб (5 й.гача) яшаши мумкин. Урғочи гижжа қўйган тухум ташқи муҳитга нажас орқали тушади. Гижжа тухуми ташқи муҳитда 2 ҳафтада етилиб, личинкага айланади. Личинкалар соғлом одамга сабзавот, мева ва сув орқали ўтади. Улар одам ичагида 30—35 кунда етилади. Касалликнинг асосий манбаи бемор ҳисобланади. Кўпинча у касаллик бошланишида ҳеч қандай аломатлар сезмаслиги мумкин. Баъзан иштаҳа пасайиши, бош оғриши, бош айланиши, ич қотиши каби аломатлар пайдо бўлади. Т.ни аниқлашда бемор нажаси текширилади. Бемор фақат касалхонада даволанади. Касаллик тарқалишида аҳоли яшайдиган уй-жой атрофининг одам ахлати б-н ифлосланиши катта хавф туғдиради. Одам нажасининг сув ва тупроққа тушишига йўл қўймаслик, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, овқатланиш олдидан қўлни ювиш, мева ва сабзавотларни қайнаган сувда ювиб истеъмол қилиш, сувни қайнатиб ичиш ва б. касалликнинг олдини олишдаги муҳим чоралардир.

ТРИЭДР (юн. tri — уч, hedra — ёқ, асос) — бир нуқтадан чиқувчи, бир текисликда ётмайдиган учта нурдан иборат геометрик шакл.

ТРОИЛИТ (италиялик олим D. Troili номидан) — сульфидлар гуруҳига мансуб минерал, FeS. Гексагонал сингонияда кристалланади. Кристаллик структураси гексагонал пирротиннинг структурасига яқин. Металлсимон ялтирайдиган бронза-сариқ рангли юмалоқ ажратмалар ҳосил қилади. Ёпиқ кристалли агрегатларининг ранги қора. Қаттиқлиги 4, зичлиги 4,6—4,8 г/см³. Метеоритларнинг асосий минерали. Ерда кам бўлиб, туғма темир, мис рудалари ва ўта асосли тоғ жинслари б-н боғланган хромитларда аралашма ҳолида учрайди.

ТРОИЦА — қ. *Муқаддас учлик.*

ТРОЛЛЕЙБУС (инг. troley — контакт сими ва bus — автобус) — контакт тармоғи (кўчаларга тортилган сим)дан 2 «шохи» (дугаси) орқали ток б-н таъминланадиган рельссиз шаҳар электр транспорти. Т. яратиш ва ундан фойдаланиш ишлари 19-а. 80-й.ларида Германияда олиб борилган. Т.ни ишлаб чиқишда контакт тармоғидан ток олиш масаласи анча қийин бўлган. Т. дастлаб 20-а. 30-й.ларида Европа мамлакатларида қатнай бошлаган. Тошкентда Т. қатнови Т.й. вокзали — Эски жўва маршрути бўйича 1947 й. бошланган.

Троллейбус.

Манёврчанлиги, шовқинсизлиги ва рельссиз ҳаракатланиши Т.нинг *трамвайдан* афзаллиги, контакт осмасининг мураккаблиги камчилигидир. Арзон электр энергиядан фойдаланиши, газ чиқармаслиги, ишлатишнинг оддийлиги ва ишончлилиги б-н *автобус*дан устун туради. Т. двигателининг қуввати 120 кВт, контакт тармоғидаги кучланиши 500—600 В.

Кўпчилик Т. 2 ўқли, 2 ёки 3 эшикли қилиб ишлаб чиқарилади. Катта шаҳарларда кўп ўқли Т.дан фойдаланилади. Т.нинг тезлиги 65—70 км/соат, ўртача 50—70 киши сиғади. Асосий электр жиҳозлари: ўзгармас ток электр двигатели, вентилятор, компрессор ва паст кучланишли асбоблар, ёритиш ҳамда сигнал аппаратураларини таъминловчи генераторларни айлантирадиган ёрдамчи электр двигателлар. Механик қисмлари: трансмиссия, юриш қисми, бошқариш органлари. Трансмиссия карданли узатма ва дифференциал узатмадан иборат. Юриш қисми (рессора осмаси, гилдирак гупчаклари ва б.) кўп ўринли автобус ва оғир юк машиналариникига ўхшаш. Оёқ тормози — пневматик, қўл тормози — механик. Рул бошқармаси механизмлари автомобилларникига ўхшаш. Т.дан шаҳарлараро маршрутларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистонда Т. Олмалиқ, Самарқанд, Тошкент, Тўрақўрғон, Фарғона ш.ларида ва Урганч — Хива йўналишида қатнайди. Тошкент ш.да 15 та Т. маршрути бор (2004).

ТРОЛЛЕЙВОЗ (инг. trolley — контакт сими ва русча возить — ташимоқ) — махсус қурилма (троллей қурилмаси) орқали контакт тармоқ (кўчаларга тортилган сим) дан ток б-н таъминланадиган транспорт воситаси. *Троллейбус* қатнаши учун контакт тармоғи яхши ривожланган шаҳарларда қўлланади. Т.дан муайян маршрут бўйича юк ташиш учун асосан кечаси (троллейбус юрмайдиган пайтларда) фойдаланилади. Мустақил ишлаши (симсиз юриши) учун баъзан *ички ёнув двигатели* б-н таъминланади. Электр-куч тизимининг тузилиши бўйича троллейбусга, юриш қисми, рул бошқармаси ва тормоз тизими автомобилникига ўхшайди. Т.нинг тезлиги 60 км/соат гача, юк кутарувчанлиги — 5—8 т. Дизель-Т.лар ҳам бор.

ТРОМБ (юн. thrombos — лахта) — организм тириклигида томир ёки юрак бўшлиғида ивиб қолган қон. *Қон кетиши* натижасида томирдан ташқаридаги қон лахтаси ва лимфа томирларида лимфанинг ивиб қолиши ҳам Т. дейилади. Т. ҳосил бўлиши *тромбоцитлар* агглютинанияси, фибриноген коагуляцияси, *эритроцитлар* агглютинанияси ва қон плазмаси оқсиллари *преципитацияси* каби босқичлардан иборат. Оқ, қизил, аралаш ва гиалин Т. ажратилади. Оқ Т. тромбоцитлар, фибрин ва *лейкоцитлар*дан таркиб топиб, қон тез оқишида (аксари артерияда) секин ҳосил бўлади. Қизил Т., асосан, эритроцитлар (камроқ лейкоцитлар)дан иборат, секин қон оқишида (кўпроқ венада) тез юзага келади. Қизил ва оқ Т.нинг қат-қат аралашмасидан тузилган, юзаси гофрирли аралаш Т. кўп учрайди. Гиалин Т. томир капиллярларида вужудга келиб, гомогенлашган оқсил массасидан таркиб топган. Томир девори Т.и (томир деворида ҳосил бўлиб, аммо унинг бўшлиғини беркитмаган) ва тиқилган Т. (томир бўшлиғини беркитиб қўйган Т.) бўлади. Томир девори Т. и *эндокардит, юрак пороклари* ва б.да, аксари юракда, *атеросклерозда* йирик артерияларда, *тромбофлебитда* вена томирларида вужудга келади. Бу хил Т. катталашса (тиқилган Т.) томир бўшлиғини беркитиб қўяди. Димланиш Т.и (томирда қон димланиб қолишидан келиб чиқади, кўпроқ юрак фаолияти етишмовчилигида учрайди) ва томир бўшлиғига қараб тез ўсадиган Т. ҳам бор. Т. сўрилиши ёхуд бириктирувчи тўқимага қўшилиб кетиши, йиринглаб, *сепсис*га олиб келиши мумкин.

ТРОМБИН — гидролазалар синфига мансуб фермент. Қон ивишида иштирок этадиган муҳим компонент. Т. *фибриногенни фибрин*га айлантиради. Қонда ўзининг етилмаган шакли — протромбин ҳолида учрайди ва протромбиназа (актив тромбопластин) иштирокида фаоллашади. Т. кимёвий жиҳатдан гликопротеид, мол. м. 40000. Таркибида 5% га яқин углевод бор. Донорлар қонидан олинади. Капиллярлардан ва паренхиматоз аъзолардан қон кетганда Т. эритмасидан фойдаланилади. Бунда қон кетаётган жароҳатга Т. эритмасига шимдирилган тампон қўйилади.

ТРОМБОЗ — тирик организмда томир ичида пайдо бўладиган қон лахтаси (*тромб*), эритроцит, тромбоцитлар ва фибриндан иборат лахта томир деворига епишиб, қон оқимига халақит беради. Томирлар деворининг шикастланиши (атеросклерозда, яллигланишда), қон оқишининг секинлашуви, қоннинг ёпишқоқлиги ва ивишининг кучайиши Т. га сабаб бўлади. Периферик веналар Т.и (*қ. Тромбофлебит*) кўп учрайди. Артерия Т.и қон оқимига тусқинлик қилиши сабабли қон б-н таъминланувчи органларда ишемия ва инфаркт (мас., миокард инфаркти), юрак бўшлиқлари ва веналар Т.и эса тромбоэмболия ҳосил қилиши б-н хавфлидир.

ТРОМБОКИНАЗА, тромбопластин — *қон ивишида* иштирок этадиган оқсил модда. Протромбинни *тромбин*га айлантиради. Одам ва ҳайвон организмида учрайди. Турли аъзо ҳужайралари ва қоннинг шаклли элементлари мембраналарида тўпланади. Тўқималар шикастланганда Т. қонга тушади. Мия ва ўпка тўқималари, айниқса, юқори тромбопластик фаолликка эга.

ТРОМБОН (итал. trombone — катта *труба*) — мис-пуфлама мусиқа чолғу асбоби. Найи (уз. 300 см) 2 марта қайрилган, оғзи конуссимон шаклга эга. Чалиналиган учида ичи чуқур мундштуги бор. Узайтириб-қисқартириладиган (найи сурилувчан, пуг-тромбон) ва вентиль механизмли турлари мавжуд. 16-а.дан оркестр таркибига кирган. Товуши кучли. Тенор, бас каби турлари мавжуд. Хроматик товушқаторга эга. Якка, ансамбль ва симфоник, пуфлама созлар, эстрада оркестрларида кенг қўлланилади. Ўзбекистонда Т. ижрочилиги ва таълим тизимида А. Морозов, С. Қозоқбоев, А. Вергилесовлар танилган.



Тенор-тромбон.

ТРОМБОФЛЕБИТ (юн. trombos — лахта ва plebos—вена) — вена деворининг яллигланиб, унда тромб ҳосил бўлиши. Т.да кўпроқ оёқ веналари зарарланади. Т. айрим инфекцион касалликлар (терлама) ёки веналар шикастланиши оқибатида, баъзан туғруқдан кейинги асорат сифатида пайдо бўлиши мумкин. Т. га қон оқиши сусайиб, қон ивишининг кучайиши ва веналар деворининг ўзгариши сабаб бўлади. Т. жиддий касаллик бўлиб, оғир асоратларга олиб келади. Айниқса, юзлаги Т. хавфли, чунки бунда яллигланиш жараёни бош мияга тарқалиб кетиши мумкин; чаноқ веналари Т.и эса кўпинча жигарнинг

зарарланишига олиб келади. Ўткир ва сурункали, веналарнинг жойлашишига қараб юза ва чуқур Т. фарқ қилинади. Оёқ чуқур веналарининг ўткир Т.и тусатдан бир неча соат ичида бошланади. Зарарланган вена бундаб атрофидаги мускуллар оғрийди, оёқ шишади, беморнинг умумий аҳволи ёмонлашиб, ҳарорати кутарилади (39° ва ундан юқори), эти увушади. Касалликнинг ўткир хуруж даври пасайгандан кейин сурункали шаклга ўтиб кетиши мумкин. Баъзан веналар йўлининг тусилганча қолиши оёқда қон оқишини қийинлаштириб, шиш пайдо бўлиши, *веналарнинг варикоз кенгайиши*га олиб келади.

Юза веналарнинг ўткир Т.ида тери ости веналари қаттиқ оғрийди, оёқ шишмаслиги ҳам мумкин. Яллигланган венада оғриқли, қаттиқ тутунча ҳосил бўлиб, шу жой териси қизарали; гавда т-раси кўтарилади; лимфа безлари катталашади. Иложи борича барвақт ва тўғри даво қилинса, бемор тезда тузалиб кетади. Кечиктирилган ҳолларда абсцесс, флегмона каби оғир асоратлар пайдо бўлиши ёки касаллик сурункали тус олиши мумкин. Ўткир Т.га хос аломатлар пайдо бўлганда мутахассис врачга кўриниш лозим. Массаж қилиш (уқалаш) ёки мазь суртиш ярамайди. Даво касаллик босқичи ва шаклига боғлиқ ҳолда олиб борилади; оғирроқ ҳолларда операция қилинади.

ТРОМБОЦИТЛАР (юн. thrombos — лахта ва kytos — ҳужайра) — қондаги шаклли элементлардан бири. Т. диаметри 2—5 мкм келадиган таначалар бўлиб, улар қон пластинкалари деб аталади. 1 куб мл қонда 180—320 минг Т. бўлади. Улар кўмикда ишланиб чиқади. Қон пластинкалари осонлик б-н емирилади ва қоннинг ивишида иштирок этади. Қон томирлар жароҳатланганда Т. худди шу жойга тўпланади ва ўзаро бирикиб, қонни қуюлтирадиган махсус модда ажратади; натижада лахта қон (тромб) ҳосил бўлади ва қон оқиши тўхтайди. Қон кетгандан, операциядан кейин организмнинг ҳимоя реакцияси сифатида қонда Т. сони ортади (тромбоцитоз). Баъзан Т.нинг ортиши юрак бўшлиқларида ва қон томирларда тромб ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин; бундай ҳолат кўпроқ *веналарнинг варикоз кенгайиши* ёки уларнинг яллигланишида кузатилади (*қ. Тромбофлебит*). Т. сони камайиши ҳам мумкин (тромбоцитопения), мас., айрим дориларга нисбатан сезувчанлик юқори бўлганда, баъзи кимёвий моддалардан заҳарланганда Т.нинг кўплаб емирилиши кузатилади, бунда салга қон оқаверади. Т.нинг камайиши физиологик бўлиши ҳам мумкин, мас., киши ухлаганда, овқатдан кейин, ҳайз кўрганда Т. камаяди.

...ТРОН (*электрон* сўзининг қисқарган шакли) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми: баъзи электровакуум асбоб-ускуналар, жиҳозлар номларининг анъанавий тугалланмаси (мас., *бетатрон, газотрон, синхрофазотрон*).

ТРООСТИТ (металлургияда) — пўлат ва чўяннинг таркибий қисмларидан бири. Француз олими Л. Ж. Труст (L.J. Troost; 1825—1911) номи б-н аталган. *Перлит*нинг юқори дисперсли тури. *Аустенит*нинг 600° дан паст т-рада парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Электр микроскоп ёрдамида Т.нинг пластинали тузилишда эканлигини кўриш, оптик микроскопда Т.нинг ёруг мартенсит соҳалари фонидаги қора соҳаларни кузатиш мумкин. Т.даги пластиналар орасидаги масофа <0,1 мкм. Т.нинг қаттиқлиги *перлит* ва *сорбит*никидан юқори.

ТРОП (юн. tropos — нутқнинг ўзгариши, бошқача тус олиши) — нутқнинг ифодавийлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида сўз ва ибораларнинг кўчма маънода қўлланишидан иборат поэтика ва стилистика тушунчаси; шундай маънода қўлланган сўз ва ибораларнинг умумий номи. Бунда одатий тарзда маълум бир предмет (ҳодиса, жараён, хусусият ва б.) номини атовчи сўз, сўз бирикмаси муайян нутқ вазиятида бошқа предмет (воқеа, жараён ва б.) ни билдириш учун қўлланади; ҳосила сўз, яъни кўчма маънодаги сўз ўзининг келиб чиқишига асос бўлган сўз (сўз бирикмаси) б-н ўхшашлик ёки алоқадорлик жиҳатдан боғлиқ бўлади. Улар орасида маълум даражада миқдорий ёки сифатий тафовутлар бўлиши мумкин. Мас., «бургут» сўзи қушнинг номи бўлиш б-н бирга, шу қушнинг одатий сифатлари, хусусиятлари (шиддаткорлик, кўзи ўткирлик, қўрқмаслик)га эга бўлган кишининг тавсифи сифатида ҳам қўлланади. «Стадион голибларни олқишлади», «тирноққа зор бўлмоқ» ибораларидаги «стадион» ва «тирноқ» сўзлари ҳам асл маъносидан бошқача маънода қўлланган. Т.нинг кўп тарқалган турлари: *истиора* (метафора), *метонимия, синекдоха, мажоз* (аллегория), *киноя, сифатлаш* (васф, эпитет), *кичрайтириш* (литота), *муболаға* (гипербола), *жонлантириш* (ташхис, интоқ), *перифраза* ва б. «Т.» термини дастлаб юнон файласуфи Аристотель томонидан айрим Т.ларни, хусусан, метафорани ўрганиш жараёнида *силлогизм* шаклини ифодалаш мақсадида қўлланган (мил. ав. 4-а.). *Структуравий тилшунослик*, мати лингвистикаси каби тилшунослик тармоқларининг юзага келиши Т.га бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Натижада Т. семантик транспозиция (маъновий кўчиш)нинг ҳосиласи тарзида ўрганиладиган бўлди. Ўзбек тилшунослигида Т.нинг мазкур кўринишлари алоҳида-алоҳида талқиқотларнинг манбаи бўлиб, бадиий матилар асосида атрофлича ўрганилган.

Ад.: Лингвистика и поэтика, М., 1979; Ўзбек тили стилистикаси, Т., 1983.

Ибодулла Мирзаев.

ТРОПИЗМ (юн. tropos — бурилиш, йўналиш) — физик, кимёвий ва б. қўзгатувчиларнинг бир ёқлама таъсирида ўсимлик аъзоларининг бурилиб ўсиши. Т. қўзгатувчиларнинг таъсирига қараб фототропизм (бир томонлама ёритилиши туфайли), геотропизм (Ернинг тортиш кучи таъсирида), гидротропизм (тупроқ намланишининг ёки ҳаво муҳитининг ҳар хиллиги туфайли) ва б. га бўлинади. Т.ни келтириб чиқарган таъсирот йўқотилганда ўсимлик илгариги ҳолатига қайтишга ҳаракат қилади (*қ. Автотропизм*). Ўсимлик таъсирот томонга бурилиб ўсса — мусбат, унинг акси бўлса — манфий Т. дейилади.

ТРОПИК ЙИЛ — *Қуёш* диски марказининг *баҳорги тенг кунлик* (21 март) нуқтасидан кетма-кет 2 марта ўтиши орасидаги давр (*қ. Йил*).

ТРОПИК КАСАЛЛИКЛАР, иссиқ мамлакатлар касалликлари — асосан, тропик ва субтропик минтақаларда тарқалган ҳар хил касалликлар гуруҳи. Бу касалликларга инфекцион (юқумли) ва паразитар касалликлар (асосан, *Трансмиссив касалликлар*), вирусли (мас., сариқ иситма), бактерияли (мас., мелиоидоз), замбуруғли (мас., кокцидиомикоз), содда ҳайвонлар қўзгатадиган *безгак, лейшманиоз*, уйқу касаллиги ва б.; *гельминтозлар* (шистосоматоз, филяриатоз) киради. Т.к.га иссиқ иқлим таъсири (мас., дерматитлар), овқат таркибида оқсил ва витаминлар етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликлар (мас., квашиоркор, *бери-бери* ва б.), шунингдек, заҳарли илонлар, балиқлар, ўргимчаклардан заҳарланишлар киради.

ТРОПИК МИНТАҚАЛАР — Шим. ва Жан. ярим шарларда субтропик ва субэкваториал минтақалар оралигида жойлашган 2 географик минтақа. Т.п.нинг материк қисми учун чўл ва чала чўл ландшафти, океанларга эса сувнинг

шўрлиги (37‰) ва юқори т-раси хос. Т.м.да қуёш нурлари тик тушгани ва булутнинг кам бўлганидан қуёш радиацияси кўп. Натижада ҳарорат йил бўйи юқори бўлади. Энг иссиқ ойнинг ўртача т-раси қуруқликларда 30—35°, энг совуқ ойники 10° дан пастга тушмайди. Йиллик ёғин 50—200 мм (фақат шарқий океан бўйи муссонли зонасида 1000—2000 мм гача). Материкларда Т.м.нинг қуйидаги секторлари: сернам ўрмон ландшафтли шарқий океанбўйи, сийрак ўрмон ва бутазорлардан иборат шарқий ўтиш, чўл ва чала чўл ландшафти устун бўлган материк ичкарисидаги ва ғарбий океанбўйи секторлари фарқ қилинади. Шарқдан ғарбга борган сари ўсимликлар дунёси ҳам ўзгариб боради: аралаш (доим яшил ва барг тўкувчи) ўрмонлар, муссонли ўрмонлар (қ. *Тропик ўрмонлар*), сийрак ўрмон ва саванналар, қуруқ ўрмон ва ксерофил буталар, чала чўл ва чўл ўсимликларига ўтиб боради. Мувофиқ равишда фаунаси ҳам ўзгаради. Океан ва денгиз сувларида бўғланиш кўп бўлганлиги сабабли кислород ва планктонлар сийрак. Т.м.даги кўпчилик ерлар хўжалик жиҳатидан кам ўзлаштирилган, аҳоли сийрак.

ТРОПИК ЦИКЛОН — *тропикларда* юзага келадиган довул тезлигидаги шамол ва жала ёғинларга бой бўлган паст босимли атмосфера ғалаёни. Т.ц. иккала ярим шарнинг 5 ва 25° кенгликларидаги *циклонларга* нисбатан кичик кўламли (диаметри 80—1000 км) бўлиб, шамоллари ва муттасил ёғиб турувчи ёмғирлари б-н характерланади. Т.ц.нинг тропик довул (шамол тезлиги 32,6 м/с гача) ва тропик *бўрон* (шамол тезлиги 80—100 м/с ва ундан юқори) хиллари (қ. *Тўфон*) мавжуд. Т.ц. 2 суткадан 3 ҳафтагача давом этади. Ҳар йили Ер юзида 100 дан ортиқ бўлиб, кўпинча ёзнинг охири — кузнинг бошида кузатилади. Ҳалокатли селлар ва момақалдироқлар б-н бирга келиб катта вайронагарчиликларга олиб келади.

Т.ц.лар ёзги ярим йилликда тропик конвергенция (бир-бирига ўхшаш) зонаси экватордан анча узоқ тропик океанлар томонига силжиган жойларда келиб чиқади.

ТРОПИК ЎРМОНЛАР — экваториал, субэкватериал ва тропик минтақаларда 25° ш.к. ва 30° ж. к. оралиғида тарқалган ўрмонлар. Т. ў. кўп ярусли бўлиб, хилма-хил ўсимликлар, аксари баланд бўйли дарахтлар (60—80 м гача), улар тагида соя-салқинни севувчи майда дарахтлар, буталар ўсади. Хилма-хил чирмовуқлар дарахт таналарини ўраб олади. Т.ўл.да катта-кичик ҳар хил ҳайвонлар яшайди. Иқлими нам, доим, аҳоли сийрак. Т.ў. Жанубий Америка, Экваториал Африка, Малай архипелагида айниқса, кенг майдонни эгаллайди (яна қ. *Тропик ўсимликлари*).

ТРОПИК ЎСИМЛИКЛАР — Ер шарининг тропик минтақаларида ўсадиган ўсимликлар. Тропик минтақада қўнғирбошлар, луккакдошлар, шғирдошлар, сутламадошлар, соябонгулдошлар, лабгулдошлар, шўрагуллилар ва б. ботаник оилаларга мансуб ўсимликлар мавжуд. Қ.хда экиладиган ўсимликлар: дон экинлари — *бўғдой, арпа, шоли, маккажўхори, тариқ, жўхори*; луккакли дон экинлари — *ловия, соя*, долихос, каптар ловияси, канавалия; мойли экинлар — *махсар, шғир, ерёнғоқ, кунжут*; эфирмойли — *кашнич, арпабодиён*, қора *шия*, оқ зира, ажгон — ҳинд қора зираси, *ялпиз, райҳон*, маврак, лаванда; мойли экинлар — *атиргул, ёронгул*, йирикгулли исмин; туганакмевали экинлар — *картошка, батат, маниок, ямс*, таро; техника экинлари — *шакарқамиш, ғўза*, толали *наша, жут, каноп*, сизал, *тамаки*, пиретрум; дарахт ва бутасимонлар — *чой, кофе, пальма*; каучукли экинлар — гевея; цитрус мевалилар; ем-хашак ўтлар.

Т. ў.нинг айрим биологик хусусиятлари, жумладан, иссиқсеварлиги, намсеварлиги, қисқа кунли ва аксарият ҳолда нордон тупроқларда ўсиши ўзаро ўхшаш.

Халима Отабоева.

ТРОПИК ҲАВО МАССАЛАРИ — йил давомида тропик ва субтропик кенгликларда уюшиб, қуйи кенгликлардан юқори кенгликларга ҳаракатланадиган ҳаво массалари. Ҳарорати ёзда юқори, материклар устидаги ҳавоси қуруқ, юқори босимли 30° ш.к. ва 30° ж. к. атрофида кузатилади. Ёзда Ўрта Осиёда, Қозогистоннинг жан.да уюшадиган ҳаво Т. ҳ. м. ҳисобланади. Т. ҳ. м. эгалланган жойларда атмосфера босими юқори ҳавонинг пастлама ҳаракати устун бўлади, йил бўйи ҳаво жуда иссиқ ва ёғин кам ёғади.

Денгиз ва қуруқликдаги Т. ҳ. м. фарқланади. Денгиздаги Т. ҳ. м. нисбатан юқори т-раси ва нисбий намлиги, бекарор стратификацияси ва майдалаб ёғин ёғиши б-н изоҳланса, қуруқликдаги Т. ҳ. м. ёзда ўзининг юқори т-раси, нисбий намлигининг пастлиги ва барқарор стратификацияси, ниҳоят чангининг кўплиги б-н ажралиб туради.

ТРОПИКЛАР (юн. tropikos (kyklos) — бурилиш доираси, мадорлар — ер юзасида экватордан 23°27′ шимол ва жан.да ўтказилган фаразий параллел доиралар. Экватордан шим.да Шимолий Тропик Саратон мадори, жан.да Жанубий Тропик Жадий мадори жойлашган. Қуёш ҳар бир Тропик фақат бир марта: шим. тропикда 22 июнда, жан. тропикда 22 дек. да кечида тик тепада туради. Т. орасидаги жойларда Қуёш йилда 2 марта кечилан ўтади. Шим. тропикдан шимол ва жан. тропикдан жанубда Қуёш ҳеч қачон кечига келмайди. Т.дан қаранг.

...ТРОПИЯ (юн. tropos — бурилиш, ўзгариш) — ўсишга қўшма сўзларнинг иккинчи қисми: бурилиш, бирор томонга йўналганлик маъноларини билдиради (мас., *анизотропия, изотропия*).

ТРОПОПАУЗА (юн. tropos — бурилиш, ўзгариш, pausis — тўхташ, туташ) — *тропосфера* ва *стратосфера* орасидаги ўтиш қатлами. Т.нинг қуйи чегараси сифатида ҳаво т-расининг вертикал градиенти шартли равишда 0,2°/100 га тенг ва ундан кичик бўлган сатҳ қабул қилинган. Т. баландлиги арктик кенгликларда —8—10 км, мўътадил кенгликларда —10—12 км, экватор устида —16—18 км ни ташкил қилади. Т. вертикал қалинлиги бир неча 100 м дан 2—3 км гача тебранади. Т. баландлиги ёзда юқори, қишда эса пастроқ бўлади. Т. баландлиги *антициклон* ва *циклон*ларининг ўтиши б-н ҳам тебраниб туради. Антициклонда баланд, циклонда паст бўлади. Одатда, субтроник тез ҳаво оқимида кузатиладиган паст қутб Т.си б-н юқори троник Т.си орасида узилиш содир бўлади. Кўпинча Т.нинг узилишида ҳар хил баландликларда жойлашган икки Т.ни учратиш мумкин.

ТРОПОСФЕРА (юн. tropos — бурилиш ва *сфера*) — атмосферанинг Ер юзаси тазсири яққол сезиладиган қуйи, асосий қисми. Бунда т-ра юқорига кўтарилган сари баландлик бўйича ҳар 100 м да 0,65° га пасаяди. Т.нинг баландлиги қутбий кенгликларда 8—10 км, ўртача кенгликларда 10—12 км, экваторда 16—18 км гача етади. Унда атмосфера ҳаво массасининг бешдан тўрт қисмидан кўпроғи жойлашган. Сув бугининг асосий қисми Т.га тўғри келади. Шу сабабли, булутлар ҳам, асосан, шу ерда ҳосил бўлади.Т. қатламида турбулент ва конвекция жараёнлари анча ривожланган. Бу қатламда т-ра вертикал градиенти қуруқ ва нам адиабатик градиентлари орасида ўзгаради. Шунга қарамай, Т.нинг ерга яқин қисмида, шунингдек, эркин атмосферада *температура инверсияси* ҳам учраб туради. Т.да булутлар ҳосил бўлиши, ҳаводаги турлари вужудга келади. Халқ хўжалиги фаолиятига таъсир этувчи сезги, туман, момақалдироқ, ер устидаги қор бўрони — изғирин ва бошқалар Т.да содир бўлади. Т.нинг қуйи қатламлари учун ҳавонинг кучли чанглашиши хосдир. Т.да ҳаво массалари ҳаракати, фронтлар ташкил топади. Циклон ва антициклонлар ривожланади. Қ. *стратосфера*, Т. қатлами б-н даражаси ҳ. *Атмосфера*).

ТРОХОИДА (юн. trochos — тиллирак, eidos — кўриниш, шакл) — кузатилмас ғилдиракнинг текис йўлдаги ҳаракатида ғилдиракнинг марказидан *h* масофада жойлашган нуқта чизиб чиқадиган текис эгри чизиқ. Агар *h* масофа ғилдиракнинг радиусига тенг бўлса, у ҳолда Т. циклоидага ёки гипоциклоидага айланади. Агар доира қўзғалмас айлананинг ташқи томонида ғилдираса, Т. эпитрохоида деб, агар доира қўзғалмас айлананинг ички томонида ғилдираса, Т. гипотрохоида деб аталади. *h* = *r* бўлганда Т. узайтирилган Т. деб *h* < *r* бўлганда Т. қисқартирилган Т. деб аталади. Саноатларининг Ерга нисбатан ҳаракати тахминан Т.га ўхшаш бўлади. Механизмлар кинематикасида (хусусан, тишли ғилдираклар)га тиш очишда) аҳамияти катта.

ТРОЦКИЙ (ҳақиқий фамилияси Бронштейн) Лев Давидович (1879.26.10, Херсон губернияси, Яновка қишлоғи — 1940.21.8, Мексиконинг Койоакана чорбоғи) — сиёсат ва давлат арбоби. 1896 й.дан социал-демократик ҳаракатда. 1904 й.дан большевиклар ва меньшевиклар фракцияларини бирлаштириш учун курашди. 1905 й. «перманент» (узлуксиз) инқилоб назариясини ишлаб чиқди. Т.нинг фикрича, Россия пролетариати буржуа инқилобини амалга оширгач, инқилобнинг социалистик босқичини бошлайди, бу инқилоб жаҳон пролетариатининг ёрдами б-н-на галаба қозонади. РСДРПнинг энг радикал қанотига мансуб бўлган. 1908—12 й.ларда «Правда» газ. муҳаррири. 1917 й. Петроград ҳарбий инқилобий комитети раиси сифатида *Октябрь тўнтаришини* амалга оширишнинг асосий ташаббускори ва раҳбарларидан бири. РСФСР ташқи ишлар халқ комиссари (1917. 25.10—1918.22.2). Қизил армиянинг асосчиларидан, Фуқаролар урушининг кўп фронтларида бу армиянинг ҳаракатларига шахсан раҳбарлик қилган, репрессияларни кенг қўллаган. 1917—27 й.ларда МК ни кенг қўллаган. 1917 й. окт. ва 1919—26 й.ларда аъзоси. 1917 й. окт. ва 1919—26 й.ларда МК Сиёсий Бюроси аъзоси. Етакчи бўлиш учун И.В. Сталин б-н кечган кескин кураш Т.нинг мағлубияти б-н тугаган (1924 й.). Т.нинг қарашлари (троцкизм) РКП(б)даги «майда буржуа оғиш» деб эълон қилинган. 1927 й. Т. 75 нафар фаол тарафдори (Л. Б. Каменев, Г. Е. Зиновьев ва б.) б-н бирга партиядан ўчирилган. Олмаотага сургун қилинган, 1929 й. чет элга чиқариб юборилган. Туркия (1929—32), Франция (1933—35) Норвегия (1935—37), Мексика (1937—40)да яшаган. И.В. Сталинга қарши ғоявий кураш олиб бориб, уни 1938 й. 4-Интернационал тузиш ташаббусчиси б-н чиққан. Асосий асарлари: «Янги йўл» (1924), «Ленин ҳақида» (1924), «Октябрь сабоқлари» (1924), «Рус инқилоби тарихи» (1931—33), «Перманент инқилоб» (1928—29), «Адабиёт ва инқилоб» (1923), «Менинг ҳаётим» (1930), «Сталин» (1940) ва б.

НКВД агенти Р. Меркодер (испан) томонидан ўлдирилган.

Т. Туркистонни советлаштиришга алоҳида эътибор қаратган шўро арбобларидан эди. У Фарғона вилоятига келгач (1922 й. 10 июнь), нетиқдолчиларга қарши бошланган қизил армиянинг жанг ҳаракатларини шахсан бош-қариб, қўрбошиларга қарши шафқатсиз жазо чораларини қўллатган. Т.нинг буйруғи б-н истиқдолчиларни тор-мор этиш учун Қўқонли кучлар Олий бош қўмондони С. С. Каменев Фарғона водийси ва Бухорога (1921—23 й.), С. М. Будённый Андижонга (1922 й. авг.) юборилган. Т.нинг Туркистондан сўнг Афғонистон орқали Ҳиндистонни босиб олиш ва Шарқда оммавий инқилоб уюштириш ғояси бор эди.

Лит.: Архив Троцкого [Коммунистическая оппозиция в СССР (1923—1927)], т. 1—4, М., 1980; Дойчер И., Троцкий в изгнании, М., 1991; Васецкий Н. А., Троцкий. Опыт политической биографии, М., 1992.

ТРОШКОВ Александр Данилович (1904, хоз. Беруний ш. — 1946.13.4) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1943 й.дан фронтда. 2-Украина фронти 46-армиянинг 99-ўқчи дивизиясида пулемёт наводчиси бўлган. Эрчи ш. инқинида 1-бўлиб Дунай дарёсидан ўтган. Пулемётдан ўт очиб душманнинг 3 ўт очиш нуқтасини ўчирган ва роғани дарёдан ўтишини таъминлаган. 1945 й. 24 мартда Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Беруний ш.даги кўчалардан бири ва ўрта мактаб унинг номига қўйилган.

ТРОЯ (Илион) — Кичик Осиёнинг шим.-ғарбидаги қад. шаҳар. Юнон эпоси орқали маълум. Немис археологи Г. Шлиман томонидан 1870-йилларда Гиссарлик тепалигидаги қазишмалар натижасида топилган. 19-а.нинг охиридан мунтазам қазиш ишлари олиб борилган, натижада Т.нинг илк жез даври (мил. ав. тахм. 3000 й.) дан бошланган турли қатламлари очилган.

Жез даврида Т. йирик марказ ва кичик подшолик пойтахти бўлган. Т. тепалик ён бағрига жойлашган, атрофи буржли мустаҳкам девори б-н ўралган. Тепаликда арк, унинг атрофида зодагонларнинг уйлари бўлган. Мил. ав. тахминан 1260 й.да *Троя уруши* натижасида *ахейлар* томонидан босиб олиниб, вайрон қилинган. Ахейлар кетгач, шаҳар қад. маданий анъанасини сақлаб қолган, лекин илгариги мавқеини тиклай олмаган. Мил. ав. 1190 й. Болқон п.о.нинг шим. вилоятларидан кўчиб келганларнинг янги гуруҳи ўзлари б-н жез қурол-аслаҳалари ва сопол буюмларининг янги шаклларини олиб келишган. Мил. ав. 1100 й. Т. босқинчилик қурбони бўлиб, вайрон қилинган, фақат 400 й. ўтгач, мил. ав. 700 й. юнонлар Т. ўрнида Янги Илион номли янги шаҳар барпо этишган.

ТРОЯ ОТИ — юнон ривоятларига кўра, ёғочдан ишланган улкан от; унинг ичига яширинib олган юнонларнинг сара аскарлари Троянга киргандар (қ. *Троя уруши*). Трояликлар юнонларнинг бу ҳийласидан ғафлатда қолишган ва шаҳар деворн олдида турган отни шаҳарга олиб киришган. Тунда юнонлар отнинг ичидан чиқиб қалъа дарвозасини очганлар ва қолган қўшинни шаҳарга киришига имкон берганлар. «Т.о.» ибораси мажозий маъно (душманни ҳалок этиш мақсадида унга туҳфа бериш) касб этган.

ТРОЯ УРУШИ — юнон эпослари «Илиада» ва «Одиссея»да баён қили-

«Енғидан ишланган Троя оти». Ж. Б. Тьеполо. 1757—62. Миллий галерея.

нишича, Микен шоҳи — *Агамемнон* бошчилигида ахейлик шоҳлар иттифоқининг *Троя*га қарши олиб борган 10 йиллик уруши. *Ахейлар*нинг Трояни забт этиши б-н тугаган. Троядa олиб борилган археологик қазиш ишларининг кўрсатишича, мил. ав. тахм. 1260 йл шаҳар узоқ муддатли қамални бошидан кечирган ва вайрон қилинган. Шундай қилиб, юнон афсоналаридаги маълумотлар тасдиқланган. Энос маълумотларига кўра, троялик шаҳзода Парис томонидан Спарта шоҳи Менелайнинг қизи — гўзал Еленани ўғирлаб кетилиши Т.га сабаб бўлган. Менелай ва унинг биродари Агамемнон юнон давлатлари шоҳларини ёрдамга чақириб катта флот б-н Троя соҳилларига йўл олган. Троя шоҳи Приамга фригиялик, ликиялик, фракиялик иттифоқчилар ёрдам берган. Юнонлар Трояни 10 йил қамал қилганлар ва қийла б-н уни эгаллаганлар (қ. *Троя оти*). Асосан, буюк жангчиларнинг яккама-якка олишувидан иборат бўлган ҳарбий ҳаракатларда юнон-ахейлардан Ахилл, икки Аякс, Патрокл, Агамемнон, Одиссей ва б., трояликлардан — Гектор, Главк, Сарпедонт ва Эней шуҳрат қозонишган. Трояликларнинг мағлубияти *дарёлар* томонидан Юнонистондан сиқиб чиқарилган ахейларнинг бир қисмини Кичик Осиёга кўчиб ўтишини енгиллаштирган.

ТРОЯЛИКЛАР (астрономияда) — Қуёш атрофида айланувчи астероидларнинг физик боғланган гуруҳи. Т. *Юпитер*га нисбатан ҳар вақт ±60° га ўртача эклиптик узунлик бўйлаб ҳаракатланади. Қуёш, Юпитер ва Т.лар фазода деярли тенг томонли учбурчак ташкил этади. Т.ни ўрганиш катта қизиқиш уйғотади, чунки уларнинг ҳаракати *уч жисм масаласи*га тахм. мос келади. Т.да ўрта ҳисобда 15 та астероид кузатилган. Т. орбиталари эксцентриситетининг ўртача қиймати 0,096 га, эклиптика текислигига қиялиги 16,4° га тенг.

Т.нинг Қуёш атрофида айланиш даври, шунингдек, Қуёшдан ўртача узоқлиги *Юпитер*нинг айланиш даври ва Қуёшдан ўртача узоқлигига деярли тенг. Бундай майда сайёраларни *Троя уруши*нинг қаҳрамонлари номи б-н аташга келишилган. «Т.» атамаси шундан келиб чиққан.

ТРУБА (қад. нем. trumba — қувур) — юқори регистрли мис-пуфлама соз; ёркин ва кучли овозга, кенг техник (виртуоз) имкониятларга эга. Найи бир айлана букилган, каналининг уз. 1500 мм атрофида. Қадимдан маълум бўлиб, ўрта асрларда ҳарбий, сигнал мусиқа чолғуси сифатида кенг тарқалган. Жез ёки мис ва рух қотишмасидан ясалади. 19-а. бошидан помпа ёки вентил механизмли Т.лар пайдо бўлган. Ҳозирда, асосан, си бемоль (in B) ва до (in C) *тон*идаги Т.лар қўлланилади. Якканавоз, ансамбль ва оркестр сози сифатида ишлатилади. Ўзбекистон Т. ижрочилиги ва таълим тизимида В. Пўлатов, В. Веригин, М. Муҳиддиновлар танилган. Ўзбек композиторларидан С. Каримҳожаев (2 та — 1967, 1968), М. Бафоев (1979), П. Холиқов (1987) ва б. Т. учун концертлар яратишган.

Труба.

ТРУБА — диаметри узунлигига нисбатан анча кичик бўлган ичи бўш буюм; бино, иншоот ва машиналарнинг найсимон шаклли қисми. Асосан, суюқлик, бут, газ, айрим ҳолларда сочилувчан қаттиқ жисмларни бир жойдан иккинчи жойга этиш учун ишлатилади. Т. машинасозлик, асбобсозлик, қурилиш, кон саноати, гидротехника иншоотларида кенг қўлланади. Т. қора ва рангли металл, бетон ва темир-бетон, сопол, асбоцемент, ёғоч, пластмасса, шиша, чинни (фарфор) ва б. материаллардан тайёрланади. Пўлат ва чўян Т.лар кенг тарқалган. Чўян Т. қуйиш йўли б-н, пўлат Т. эса прокатлаб ёки пайвандлаб тайёрланади. Т.ларнинг кесими айлана, тўғрибурчак, овал ва б. шаклларда бўлади. Айлана (доира) кесимли Т.лар кўпроқ ишлатилади. Т.лар чоксиз ва чокли қилиб ишлаб чиқарилиши мумкин. Т. диаметри: *d* — пўлат Т.лар (ташқи диаметри) — кичик (114 мм гача), ўрта (114—480 мм) ва катта (480—2500 мм ва бундан катта); *б*— чўян Т.лар (ички диаметри) — 65 — 1000 мм ва бундан катта.

Водопровод Т.си пўлат, чўян, темир-бетон, асбоцемент ва пластмассадан турли диаметрларда ишлаб чиқарилади. Қайси материаллдан тайёрланган Т.ни танлаш водопроводнинг қандай шароитда ишлашига, ички босимга, ташқи юклар ва б. омилларга боғлиқ. Пўлат ва чўян Т.лар шомоллатлар ажралиб чиқиши ёки ичидагининг ўзгартириш учун тройниклар (уч тармоқлари), крестлар (хочлар), отвод ва шаклдор қисмлардан фойдаланилади. Металл Т. занглamaслиги учун сиртига қора мой (гудрон) суркалади.

Бут, газ ва ҳаво ўтказувчи Т., асосан, пўлатдан тайёрланади. Канализация Т.си учун, сопол, асбоцемент, бетон, темир-бетон, гиштдан ясалган ғоваклари ишланади. Тутун Т.си (мўриlar) гишт, темир-бетон ва металлдан ишланади. Пластмасса Т.лар, асосан, сув б-н таъминлаш ва канализация тизимларида қўлланади. Асбоцемент ва темир-бетон Т.лар суторин ва қурилиш тизимларида ҳам ишлатилади. Шиша ва чинни Т. (найлар кимё, озиқ-овқат, фармацевтика саноатларида қўлланади. Кумир, металлургия ва энергетика саноатлари тармоқларида тошдан қуйиб тайёрланадиган Т.лар ишлатилади. Бурилган ишларида пўлат Т.лар қўлланади.

ТРУБА ПРОКАТЛАШ АГРЕГАТИ — металл қуймалар ёки думалоқ заготовка (чала маҳсулот)лардан чоксиз металл трубалар олиш (прокатлаш — босим остида валлар орасидан ўтказиш) учун мўлжалланган машиналар тизими (прокатлаш стани). Бир-бирига боғланган бир нечта мустақил машиналарни ўз ичига олади. Уларда чала маҳсулот (қуйма ёки заготовка) ни омборлан ташиб келиш, трубалар тайёрлаш, уларнинг сифатини текшириш ва тайёр трубаларни истеъмолчиларга жўнатиш ишлари бажарилади. Т. п.да бажариладиган асосий операциялар: металл қуйма ёки заготовкани печда қиздириш, махсус станда босим б-н бўйлама тешиклар очиш (гильза ҳосил қилиш), гильза (калта турба) ни узайтириш ва деворини юпқалаштириш учун узайтириш станидан ўтказиш, калибрлаш (валлар орасидан ўтказиб, зарур диаметрга келтириш), трубани тўғрилаш, уларнинг текислаб қирқиш ва тайёр маҳсулот сифатини текшириш. Бу операциялар бажарилишдан олдин машиналар ишга тушириш автоматлаштиришга имкон берадиган мосламалар б-н ўзаро боғланган.



Труба прокатлаш агрегати (ўзгартирилган): *1* — селекцияли ўтин печларида чала маҳсулотни қиздириш; *2* — қайчида қирқиш; *3* — махсус станда бўйлама тешиклар очиш; *4* — узлуксиз станда трубани прокатлаш; *5* — калибрлаш станидан ўтказиш; *6* — редукцион стандан ўтказиш; *7* — тайёр трубани совитиш; *8* — қия валли машиналарда трубани тўғрилаш.

Т.ни ишлаб чиқариш учун дастлабки бошланғич ашё — металл қуймалар ёки заготовка (чала маҳсулот)ларни тайёрлаш ва уларни трубага айлантириш технологияси ишлаб чиқилади. Бу технология ишлаб чиқариладиган Т.нинг ўлчамлари, ишлатилиш шароитлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва б. омилларга боғлиқ. Т.ни ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилгандан сўнг, унинг ишончлилиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, Т.нинг сифатини ошириш ва таннархини камайтириш ишлари олиб борилади.

Т.ни ишлаб чиқариш асосини ҳозирги замон йирик Т.ни ишлаб чиқарувчи заводлар ташкил этади. Бундай заводларда ишлаб чиқариладиган Т.нинг ассортименти ўлчамлари, ишлатилиш шароитлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва б. омилларга боғлиқ. Т.ни ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилгандан сўнг, унинг ишончлилиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, Т.нинг сифатини ошириш ва таннархини камайтириш ишлари олиб борилади.

Т.ни ишлаб чиқариш асосини ҳозирги замон йирик Т.ни ишлаб чиқарувчи заводлар ташкил этади. Бундай заводларда ишлаб чиқариладиган Т.нинг ассортименти ўлчамлари, ишлатилиш шароитлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва б. омилларга боғлиқ. Т.ни ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилгандан сўнг, унинг ишончлилиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, Т.нинг сифатини ошириш ва таннархини камайтириш ишлари олиб борилади.

Т.ни ишлаб чиқариш асосини ҳозирги замон йирик Т.ни ишлаб чиқарувчи заводлар ташкил этади. Бундай заводларда ишлаб чиқариладиган Т.нинг ассортименти ўлчамлари, ишлатилиш шароитлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва б. омилларга боғлиқ. Т.ни ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилгандан сўнг, унинг ишончлилиги ва иқтисодий самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, Т.нинг сифатини ошириш ва таннархини камайтириш ишлари олиб борилади.

Трускавец шаҳрининг умумий кўриниши.

ТУАПСЕ — РФ Краснодар ўлкасидаги шаҳар (1896 й.дан). Қора денгиз бўйидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 65,8 минг киши (1998).

Т. 1838 й.да Вельяминовский истеҳкоми сифатида вужудга келган. 1896 й.дан Туапсе номини олган, уруш даврида (1942 й. сент.) Т. ҳаво ҳужумидан жиддий шикастланди, лекин, урушдан сўнг шаҳар тезда қайта тикланди. Машинасозлик, кема-механика, кема таъмирлаш, нефтни қайта ишлаш, темир-бетон буюмлар з-длари, пойабзал ф-каси, озиқ-овқат саноати корхоналари, тарихий-ўлкашунослик музейи, денгиз гидрометеорология техникуми, пед. билим юрти бор. Туапсе ҳудуди — курорт зонаси (санаторий, пансионат, турбазалар мавжуд.).

ТУАРЕГ ТИЛЛАРИ — сом-ҳом тиллари оиласининг барбар-ливия гуруҳига мансуб тиллар. Жазоир Сахрои Кабири, Мали, Буркина-Фасо, Нигер, Нигерия, шунингдек, Ливия ва Чадда яшовчи ва умумий сони 1,2 млн. (1990-й.ларнинг охири) бўлган туареглар (барбарлар гуруҳига мансуб халқ) тили. Т.т., ўз навбатида, 2 гуруҳга: шим. ва жан. гуруҳларга бўлиниб, уларнинг ҳар бири яна ўнлаб тил ва лаҳжаларни ўз ичига олади (гхат, ахнет, тамахак, аир, шарқий ва ғарбий тауллемат, тадҳак, танеслент ва б.). Т.т. ўзига хос фонетик, лексик-грамматик хусусиятлари б-н бошқа сом-ҳом тилларидан фарқланади. Унли фонемалар тизими ихчам ривожланган (мас. ахаггар лаҳжасида 9 та унли мавжуд). Отларда аниқлик категорияси, феълларда ясовчи қўшимчаларнинг мавжудлиги, юкламаларнинг фаол қўлланиши, эргаштирувчи боғловчиларнинг кўплиги Т.т.нинг грамматик ўзига хосликларидир. Лексикасида араб, хауса ва сонгай тилларидан ўзлашган сўзлар кўп. Т.т.даги баъзи матнлар араб ёзувининг алоҳида кўринишида ёзилган. Ҳужалик ва ибодат ёзишмаларида лотин ёзуви вариантларидан бири — тифинаг қўлланади.

ТУАРЕГЛАР (ўзларини — имошаг деб аташади) — Мали, Нигер, Буркина-Фасо, Жазоир ва Ливиядаги барбарлар гуруҳига мансуб халқ. 1,15 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, Малида 610 мингдан ортиқ киши яшайди. Т. тилларида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Асосий машғулоти — деҳқончилик, қисман чорвачилик.

ТУБ ЖИНСЛАР — нураш жараёнига учрамаган (ёки кам учраган), таркиби, структураси, текстураси ўзгармаган жинслар; дастлабки жойида қолган магматик, метаморфик ва чўкинди тоғ жинсларининг умумий номи.

ТУБ КОНЛАР — ер юзасига яқинроқ жойлашган ва ўзгаришга учрамаган фойдали қазилма конлари. Улар *сочма конлар*нинг акси бўлиб, минерал хом ашёнинг қатламли, томирли жисмларини ҳосил қилади ҳамда *туб жинслар* орасида жойлашган бўлади. Т.к. асли сочма конларнинг манбаи, улар б-н ёнмаён жойлашган бўлади. Бундай ҳолат, айниқса, олтин, платина, олмос, вольфрам ва қалай конлари учун хос.

ТУБ СОНЛАР — 1 дан ва ўзидан бошқа бўлувчиларга эга бўлмаган, 1 дан катта бутун мусбат сонлар: 2, 3, 5, 7...; 1 дан катта ҳар қандай бутун сон ягона усулда Т. с. кўпайтмасига ёйилади. Т.с.нинг чексиз кўп эканлигини биринчи марта *Евклид* исботлаган. Л. Дирихле *a* ва *b* ўзаро туб сонлар бўлганда $a+bn$(n=0, 1, 2,...) арифметик прогрессияда чексиз кўп Т.с. борлигини кўрсатди (1837). 1 б-н *n* орасидаги Т.с.лар сони $\frac{n}{\ln n}$ нисбатга яқин. Йирик математиклар уринишлари б-н Т.с.га оид кўплаб натижалар олинганига қарамай бир талай муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

ТУБА (лот. tuba — қувур) — 1) дастлаб Қад. Рим мусиқа сози, *труба*. Ҳарбий ва диний маросимларда кенг қўлланилган. Олимлар фикрига кўра, Оссурия, Қад. Миср созларидан келиб чиққан; 2) ҳозирда энг йўғон товушли (паст регистрли) мис пуфлама мусиқа чолғу асбоби. Қайрилган цилиндр ва конуссимон трубалардан ясалган, мундштук, вентиль механизми б-н жиҳозланган. 1835 й.да Мориц ва Винрехт немис усталари томонидан кашф этилган. Диапазони A_1 (ля контроктава) — as^1 (биринчи октава ля- бемоль) ёки E_1 (ми контроктава) — f^1 (биринчи октава фа). Товуши жуда кучли ва тула. Айни пайтда, секин чалганда юмшоқ тембрга эга. Ўзбекистонда Т. ижрочилигида Т. Фозилов, Ж. Сабуровлар танилган.

Туба.

ТУБАН ЎСИМЛИКЛАР, таллом-лилар (Thallophyta) — содда тузилган ўсимликлар. Танаси илдиз, новла ва барга ажралмаган ўсимликлар.

ТУБЕРКУЛЁЗ (лот. tuberculum — дўмбоқча) — *қ. Сил.*

ТУБЕРКУЛИН — *сил* диагностикасида қўлланиладиган препаратлар. Одам ва ҳайвон организмида аллергик реакция ҳосил қилиб сил инфекцияси бор-йўқлигини аниқлаш учун қўлланади. Биринчи марта немис олими Р. Кох олган. Суюқ Т. ёки Кох альт-туберкулини сил бактерияси ўстирилган суюқликни буглатиб олинади; қуруқ тозаланган Т. (ППД) бактерия фильтратига оқсилларни чўкмага туширувчи кимёвий моддалар қўшиш ва уни кейин тозалаш йўли б-н; суюқ тозаланган Т. (ППД-л) қуруқ тозаланган Т.ни бир хилда эритиб ҳосил қилинади. Аҳолини силга қарши ялпи текширувдан ўтказишда Т. (*қ. Манту синамаси*)дан фойдаланилади.

ТУБУАИ, Острал ороллари — Тинч оксандаги ороллар гуруҳи, 5 та оролдан иборат. Франция Полинезияси таркибида. Майд. 174 км². Ороллар-нинг кўпчилиги вулкан ороллари, энг баланд жойи 435 м. Мария — маржон ороли. Иқлими тропик, пассатли иқлим. Кокос пальмаси, банан плантациялари бор. Европадан сабзавот келтириб экилади. Оролни 1777 й.да инглиз денгизчи сайёҳи Ж. *Кук* илк бор европаликларга маълум қилган.

ТУВА (ТИВА) СОЙЛИГИ — Енисейнинг юқори ҳавзасида, Жан. Сибирь тоғлари орасидаги сойлик. Тива Республикасида. Ғарбий Саян, Олтой, Танну-Ўла тоғ тизмалари ва Шарқий — Тува (Тива) тоғлари б-н ўралган. Ғарбий — Хемчик ва Шарқий Улуғ-Хем сойлигига бўлинади. Уз. 400 км, эни 25—70 км. Ер юзаси паст-баланд текислик, кам ўйилган. Бал. 600— 900 м. Тош-шағалли каштан тупроқларда бошоқли-шувоқ дашт ўсимликлари ўсади. Қисман ҳайдалиб, экин экилади (буғдой, арпа, тариқ). Чорвачилик (асосан, гўшт-жун қўйчилиги) ривожланган. Т.с.да Чода, шунингдек, Ак-Довурак ва б. шаҳарлар бор. Тошкўмир (Улуғ-Хем ҳавзаси) қазиб олинади.

ТУВА ТИЛИ — туркий тиллар оиласига мансуб, асосан, РФнинг Тува (Тива) Республикасида, қисман Монголия ва Хитойда тарқалган тил. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 250 минг кишига яқин (1990-й.ларнинг охири). Т.т. марказий (алабий тилга асос бўлган), ғарбий, шим.-шарқий ва жан.-шарқий лаҳжаларга бўлинади. Т.т.нинг фонетик хусусиятлари: кучли ва кучсиз унлошлар оппозицияси, қисқа, чўзиқ ва фарингал (бўғиз) унлиларининг мавжудлиги (ат — исм, аат — отмоқ, босиб чиқармоқ, аат — уй ҳайвони; хаар — қор) ва б. Морфологик хусусиятлари: жўналиш келишигининг махсус шакли (дагже — тогга), шарт майлининг мураккаб шакли (барзымза — агар мен борсам), чегара майли, биргалик равишдош шаклларининг мавжудлиги ва б. Синтаксиси от кесимнинг қад. шакли қўлланиши б-н ажралиб туради (мен билир кижи мен — мен биламан, билагонман). Лексикасида мўғул тилидан ўзлашган сўзлар кўп. Алабий Т.т. 20-а.нинг 30—50-й.ларида шаклланган. Ёзуви 1930—41 й.ларда лотин графикаси асосида бўлган, 1941 й.дан рус графикаси асосида шакллантирилган.

ТУВАЛОҚЛАР (Otididae) — турнасимонлар туркумининг бир оиласи. Бўйни ўртача узунликда, оёғи бақувват, бармоқлари калта (орқа бармоги йўқ), қалоқсимон ёстиқчалари бор. Думи нисбатан калта, ёг безлари йўқ. Яхши югуради. 11 уруғга мансуб 24 тури бор. Африка, Европа, Австралия, Осиёнинг дашт ва чўлларида урчиш даврида жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Ўтроқ ҳаёт кечирувчи ва миграция қилувчи турлари мавжуд. Ерга уя қуради. 2—5 та тухум қўяди. 20—30 кун босади. Ўсимликлар, ҳашаротлар, майда судралиб юрувчилар б-н озиқланади. Овланади. Кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши ва тартибсиз овланиши натижасида сони камайиб бормоқда. Ўзбекистонда 3 тури (тўхтатувалоқ, бизғалдоқ, йўрға тувалоқ) учрайди. Кўрсатилган турлари Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобларига киритилган.

Тувалоқ.

ТУВАЛУ (Tuvalu) — Океанияда, Тинч океаннинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 26 км², аҳолиси 11,15 минг киши (2002). Пойтахти — Фунафути. Аҳолисининг кўпчилиги тувалулар. Расмий тил — инглиз тили, шунингдек, полинезия тилларидан бири — тувалулар тили ҳам қўлланилади. Диндорларнинг аксарияти протестантлар.

Давлат тузуми. Т. — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлат (Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари анжуманларида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас). Амалдаги конституцияси 1978 й. қабул қилинган. Давлат бошлиги — Буюк Британия қироличаси, унинг номидан генерал-губернатор давлатни бошқаради; у бош вазир тавсиясига биноан, Т. фуқаролари орасидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 1 палатали парламент, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Т. маржонлардан ҳосил бўлган 9 та оролда жойлашган. Ер юзаси пасттекислик; фақат бута ва майда дарахтлар ўсади. Иқлими илиқ ва нам, кучли тўфон бўлиб туради. Ўртача йиллик т-ра 27°, йиллик ёғин миқдори 2500—3300 мм. Ҳайвонот дунёси қушлар ва ҳашаротлардан иборат.

Тарихи. Т. оролларига мил. 1-минг й.лик ўрталаридан полинезлар кўчиб кела бошлаган. Оролларга европаликлардан дастлаб 1568 й. испанлар борган.

Фунафути шаҳрининг соҳил қисми.

Тувалу герби.

1850—75 й.ларда қул савдогарлари Т. аҳолисининг бир қисмини Австралияда ишлатиш учун олиб кетганлар. Қул савдоси ва юқумли касалликлар сабабли аҳоли 10 баравар камайиб кетган. 1892 й. Т. оролларини Буюк Британия эгаллаб олиб, Гилберт о.лари б-н бирга Британия протекторатига бирлаштирган, 1916 й. Гилберт ва Эллис о.лари номи б-н мустамлакага айлантирган. 2-жаҳон уруши вақтида Т.да Америка қўшинлари жойлашиб, Гилберт архипелагини босиб олган японларга қарши курашган. 1974 й. референдум натижасида Т. аҳолисининг кўпчилиги Гилберт о.ларидан ажралиб чиқиш учун овоз берди. 1975 й. Т. Британиянинг алоҳида мустамлакаси бўлди, 1978 й. 1 окт.да Ҳамдўстлик таркибидаги мустақил давлат деб эълон қилинди. Т.да сиёсий партия ва касаба уюшмалари йўқ. Т. — 2000 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 1 окт. — Мустақиллик куни (1978).

Хўжалиги. Т. аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асоси — қ.х. Кокос пальмаси, таро, пулака (таронинг бир тури), нон дарахти, банан ўстирилади, сабзавот экилади. Чўчқа ва товуқ боқилади. Балиқ овлаш б-н шуғулланилади. Кокос ёнғоғининг бир қисмидан копра ажратиб олинади. Ҳунармандчилик (чиганоқдан безаклар ясаш, сават тўқиш ва б.) ривожланган. Енгил саноат корхоналари бор. Транспорти унчалик ривожланмаган. Фунафути о.да денгиз причали бор. 6 орол ўртасида авиация қатнови йўлга қўйилган. Четга кийим, пойабзал, копра, мева ва сабзавот чиқаради. Четдан машина ва ускуна, озиқ-овқат ва саноат моллари, энергия ресурслари олади. Ташқи савдода Фижи, Австралия, ЖАР б-н ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — австралия доллари. Т. радиоси ишлайди (1975 й. ташкил этилган).

Тувалу байроги.

ТУВЕРҚИР, Туарқир — Туркманистоннинг Болхон вилоятидаги паст тоғли ҳудуд. Шим.-шарқда Учтаган қумлиги, жан.-ғарбда Чилмамедқум, шим.-ғарбда Қораб-ўғозбўйи текислиги ва жан.-шарқда қад. Ўзбўй ўзани орасида. Бу ерда Бегендзаалиқир (300 м), Қўйматтоғ (305 м), Туверқир (295 м), Бегиарслон (460 м), Ирсираебобо (274 м), Оққир (435 м), Такежик (356 м) ва б. тоғлар бор.

Чўл зонасида. Йилига 95—100 мм ёғин тушади. Янв.нинг ўртача т-раси −2, −4°, энг паст т-ра −24°. Июлнинг ўртача т-раси 30°, энг юқори т-ра 45°. Т.да бўз-қўнғир қумоқ ва қумлоқ тупроқлар, онда-сонда шўрхок, қумли чўл тупроқлари, тақир ва кўчма қумлар учрайди. Тетир, шувоқ, биюргун, боялич, қумларда юлғун, черкез, оқ саксовул, ранг, сарсазан ўсади.

ТУГАНАК (tuber) — ўсимлик илдизпоясининг ер остидаги йўғонлашган қисми. Т.нинг барги редукцияланган (жуда майда), тез тўкиладиган қипиқ (тангача)ли; барг қўлтиғидан чиқадиган куртаклари кўзчалар деб аталади. Кўпинча, илдизнинг йўғонлашган қисми илдиз Т. деб юритилади (картошкагул). Т.да озиқ моддалар, кўпинча, крахмал ва углеводлар, баъзан, мой тўпланади. Туганаги истеъмол қилинадиган ёки саноатда ишлатиладиган ўсимликлар (картошка, топинамбур, батат ва б.) туганак мевалилар дейилади.

ТУГАНАК БАКТЕРИЯЛАР (Rhizobium) — дуккакли ўсимликлар (*беда, берсим, нўхат* ва б.) ниш илдизларда тўпланадиган ва ҳаводаги *азот*ни ўзлаштириш хусусиятига эга бўлган аэроб бактериялар туркуми. Тупроқни азот б-н бойитади. Ёш Т.б. илдиз тукчаларига кириб, уларни азот б-н таъминлайди, илдиз ҳужайраларининг жадал бўлинишига таъсир кўрсатади, ўсимликлардан углерод ва минерал моддалар алмашинуви маҳсулотларини олади. Т.б. молекуляр азотни тез бириктирадиган бактериодлар ҳосил қилади, йўғонлашади, тармоқлашади. Илдизида туганаклари бўлган дуккакли ўсимликлар ҳаводан бир га майдонда йилига 10 кг дан ортиқ азот тўплайди. Тупроқни Т. б. б-н бойитишда қўлланиладиган махсус бактериал ўғит — нитрагин шу бактериялар негизида ишлаб чиқарилади. Туганаклар яхши

ҳосил бўлиши учун маданий ўсимликлар уруғлигига Т.б. юқтирилади (яна қ. *Азот тўпловчи микроорганизмлар*).

ТУГАНАК УЗУНБУРУН ҚЎНҒИЗЛАРИ — қ. *Туганак филчалари*.

ТУГАНАК ФИЛЧАЛАРИ, туганак узунтумшуқ қўнғизлари, туганак узунбурун қўнғизлари (Sitona Germ.) — узунтумшуқ қўнғизлар оиласининг уруғи. 45 га яқин тури мавжуд. Узунчоқ танаси 4—8 мм, асосан, кулранг тупроқ тусда. Тухуми овал шаклда, ялтироқ, оқ тусда бўлиб, кейинчалик қорayди. Личинкаси оқ рангли, оқиш сийрак тукчалар б-н қопланган, танасининг уз. 6—8 мм. Ғумбаги оқ. Т.ф. кенг тарқалган бўлиб, дуккакли экинлар зараркунандасидир. Асосан, бедазорларда учрайди. Айниқса, йўл-йўл Т.ф., торпешона Т.ф., илдиз Т.ф. ва б. кўп зарар келтиради. Т.ф. бедазорларда тупроқнинг юза қатламида, ўсимлик қолдиқлари тагида қишлайди. Қўнғизлари эрта кўкламда кунлар илиши б-н пайдо бўлади ва барглар б-н озиқланади, майсадаги уруғпалла, биринчи барг ҳамда ўсиш нуқтасини еб қўяди. Тухумини тупроқ юзасига тарқоқ ҳолда, камдан-кам ўсимликка қўяди. Ургочиси 600—800, айрим турлари эса 1000 тагача ва ундан ортиқ тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкаларининг беда илдизида ривожланиш даври 30—35 кун. Т.ф.ни чумолилар (тухум ва личинкаларини ташиб кетиб), трипслар (тухумини сўриб) ва мускардина замбуруғи (қўнғиз ва личинкаларини касаллантириб)ни йўқ қилади.

Кураш чоралари: уруғлик бедазорни кузда 25—28 см чуқурликда плуг б-н (чимқирқарни қўймасдан) қайта ҳайдаш, экиш олдидан беда

Беда туганак филчаси: *1* — қўнғиз; *2* — ғумбаги; *3* — личинкаси; *4* — қўнғиз чиқастлаган беда пояси; *5* — чиқастланган илдиздаги туганаклар.

уруғларини 10% ли намланувчи кварк кукуни б-н упалаш, тупроққа донадор фосфамид (50 кг/га) солиш.

ТУГАНОВА Зуҳра (1947.1.8, Панариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1971). 1971—97 йилларда Оқдарё туманидаги 19-мактабда кимё ўқитувчиси.

ТУГМАЧАГУЛ (Malva L.) — гулхайридошлар оиласига мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўтлар туркуми; бегона ўт; Ғарбий Европа, Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой ва Шим. Африкада ўсади. Ўзбекистонда Т.нинг бир неча тури: бефарқ Т. (M. neglecta Wall.), мавритания Т.и (M.mauritana L.), ўрмон Т.и (M. silvestris L.), бухоро Т.и (M. bucharica Iljin.) учрайди. Пояси ер бағирлаб, баъзан ердан бир оз кўтарилиб ўсади. Шохланган, бўйи 10—40 см. Илдизи ўқ илдиз. Барглари узун бандли, 5—7 бўлакли. Гуллари 3—4 талаб барг қўлтиғида жойлашган. Меваси тугмачасимон, думалоқ, майин туклар б-н қопланган, 14 (12—16) та данакчали тўпмева. Апр.дан окт.гача гуллаб мевалайди. Бир туп

Тугмачагул.

Т. йилига 300—500 дона уруғ беради. Табобатда қўлланилади. Барги Кавказда овқатга ишлатилади.

ТУГРИК — Монголия пул бирлиги. 1925 й. дан муомалага киритилган. 1 Т.= 100 мунгу. Халқаро ифодаси MNT.

ТУГУН (адабиётда) — *фабула* ривожидаги воқеа. Асар қаҳрамонлари ўртасида *конфликт*нинг пайдо бўлиши ёки бошланишини ифодалайди. Ҳаракатни белгилайди, воқеалар ривожига туртки бўлади — уларга аниқ йўналиш беради. Кўпчилик асарларда асосий воқеалар Т.дан сўнг юз беради. Т. китобхонни тасвирланажак воқеалар ичига етаклайди, қаҳрамонлар тақдирига қизиқтиради, асар мавзуини тўғри тушунишига ёрдам беради.

Т. бадиий асарнинг турли ўринларида келиши мумкин: Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироқлари» романлари *сюжети* асарнинг Т.идан бошланади. Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» асари охирида Чичиковнинг «ўлик жонлар»нини сотиб олишга аҳд қилиши асар сюжетининг Т.ини ташкил қилади.

ТУДУН, тутун — Турк хоқонлиги бошқарувидаги ўнвонлардан бири. Хоқон томонидан мансуб ва бўйсунтирилган вилоятлардаги ҳокимлар фаолиятини назорат қилиб, ўлпон ва солиқлар йиғишни ташкил этиш мақсадида тайинланган нойб унвони. Т. қад. турк битиктошларида, хитой, суғд, араб, форс, юнон манбаларида, суғдин, бақирий ёзувли тангаларда учрайди. Хитойнинг Тан-шу йилномасида 7-асрнинг 40-йилларидан то 8-асрнинг 40-йилларигача ҳукм сурган Чоч ҳукмдорлари Т. унвони б-н қайд этилади. Ушбу йилномада Чочнинг турли йилларда идора қилган 4 нафар Т. ҳақида сўз боради. Чоч ҳукмдорларининг унвони Т. бўлганини бошқа тиллардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди (мас., *Мут қагна ҳужжатлари*). Араб-форс манбаларида ҳам Чоч ҳукмдорлари Т. унвонида тилга олинади.

Ад.: Исҳоқов М., Уйғурлар подшолиги ҳақида, Т., 1992.

ТУЁҚ — баъзи сут эмизувчилар (асосан, *туёқлилар*) бармоғи учидаги мугуз тузилма. Т. қуруқликда ҳаракатланишга мослана бориш жараёнида тирноқнинг ўзгаришидан келиб чиққан. Юмшоқ ерда яшайдиган ҳайвонлар туёғи кенг ва ясси (мас., шимол бугуси), тоғларда ҳаёт кечирадиган ҳайвонлар туёғи эса ингичка ҳамда мустаҳкам (мас., эчки). Филлар туёғи бармоқнинг фақат олдинги қисмини ўраб туради.

ТУЁҚЛИ — ўзбекларнинг юз қабиласидаги энг йирик уруғларидан бири. 19-а.да, асосан, Зарафшон водийсида яшаган. Бу ерга улар Сирдарё бўйларидан тахм. 17-а.да кўчиб ўтишган. 18-а.нинг охири — 19-а.нинг бошида Т.лар ўтроқ ҳаётга ўтганлар. 19-а.нинг 70-й.ларида улар Ўрта Зарафшон водийсининг 47 қишлоғида истиқомат қилган. Уларнинг сони 12 мингдан 20 мингтача бўлган. Т.лар қуйидаги майда уруғларга бўлинган: чубот, урай, молакесеки, мирза-кесеки, чангал, гурач. 1921 й. маълумотларига қараганда, Т.лар ўз ичига қуйидаги уруғларни олган: аламон, жабой, юмалоқбош, урай. Т.ларнинг бир қисми Зарафшон водийси қипчоқларининг таркибига кирган. Ҳозирда Т.ларнинг авлодлари, асосан, Самарқанд вилоятининг Булунғур-Жомбой ва Ургут туманларида, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Баҳмал туманларида, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ва Тожикистоннинг Панжакент туманида яшайди.

Ад.: Шониёзов К. Ш., К этнической истории узбекского народа, Т., 1974.

ТУЁҚЛИЛАР (Ungulata) — сут эмизувчи ҳайвонларнинг катта туркуми. *Тоқ туёқлилар, жуфт туёқлилар, филлар, сиреналар* ва *даманлар* туркумларини ўз ичига олади. Оёқ бармоқлари туёқ б-н қопланган. Одатда, 2- ва 4- бармоқлари (тоқ туёқлиларда 3-бармоқ) яхши ривожланган. Асосан, ўсимликхур. Австралия ва Австралиядан бошқа барча қитъаларда тарқалган. Қазилма Т. оиласидан Евроия Т. ун ҳайвонлари — от, сигир, қўй, ўқи, чучқа, туя, эшак, бўту ва б.нинг аждоди.

ТУЗ ГУМБАЗЛАРИ — қ. *Туз тектоникаси*.

ТУЗ КЎЛИ — Анадоли ясси тоғликларидаги оқмас шўр кўл. Туркияда. Денгиз сатҳидан 899 м баландликда жойлашган. Майдони қиш ва баҳор ойларида 1600—2500 км², чуқ. 2 м гача. Ёзда қуриб қолади ва кўл туби 2 м гача қалинликда туз б-н қопланади. Сувининг 34% ҳажми туз (асосан, NaCl)дан иборат. Кўлдан ош тузи олинади. Жан. ва ғарбий қирғоқлари яқинида шурмоқлар бор.

ТУЗ ТЕКТОНИКАСИ — Ер пўсти чўкинди қатлами деформацияларининг бўрмаланган тури бўлиб, уларнинг асосида ёки кесимининг ўрта қисмида етарли даражадаги пирик (100 м ва ундан кўп) туз ётқизиқлари (тош тузи, калийли тузлар) мавжуд. Туз қатламларини қоплаб ётган тог жинслари нотекис (ҳар хил қалинликда) бўлганлиги сабабли, нотекис босим остида туз қатламлари эгилиши, чўзилиши ва бир жойдан иккинчи жойга силжиши мумкин. Тог ҳосил бўлиш жараёнида, улар орасида туз қатламлари ҳам ўзига хос гумбазсимон букилмалар ҳосил қилади. Катта қалинликдаги туз қатламини қоплаб ётган қатламнинг нотекис босим остида сиқилиши натижасида у пластик ҳолатга ўтади ва босим кўп томондан кам томонга сурила бориб, ҳажми бир неча км³ га етади, цилиндр шаклида юқорига қараб бир неча км га кўтарилиб боради. Т.т. ривожланишининг биринчи босқичида туз горизонтал йўналишда ҳаракат қилади ва гумбазсимон шаклни олади. Бу шакл «туз ёстиғи» дейилади. Туз ҳаракати давом этиб, «туз ёстиғи», уни қоплаб турган тог жинсларининг чўзилиши натижасида синади ва турли ёстиқчалар пайдо бўлади. Булар туз ҳаракатини енгиллаштиради ва туз горизонтал йўналиш ўринга шу ёриқлар орқали юқорига қараб ҳаракат қилади. Бу жараёнда тог жинсларини ҳам ўзи б-н кўтариб юборади ва туз гумбазларини ҳосил қилади. Тузнинг пластик ҳолда чўзилиб юқорига кўтарилиши натижасида туз остидаги тог жинслари эгилиб, конседиментацион бўшлиқлар ҳосил қилади. Т.ларнинг мукаммал ободларига Каспий ёни ботиғи ҳамда Мексика қўлтиғи ва соҳиллари ботиғи киради. Т.т. намоёнлари турли даврлар: кечки тебембрий (Жан. Австралия) — неоген (Тожикистон депрессияси) ётқизиқларида кузатилади. Ўзбекистон ҳудудларида ҳам Т.т. жой-жай, жан. ва жуда катта (1500 м гача) қалинликдаги туз қатламларининг устки рельефи сойлик ва тепаликлар бўлганлиги учун Т.т. бу жойларда жуда яхши ривожланган. Т.тни ўрганиш туз остида ишланиб етган газ ва нефть конларини қидириб топишда муҳим аҳамият касб этади.

ТУЗКОН — Жиззах вилоятидаги кўл. Жиззах шаҳридан 56 км шим.-ғарбда. Нурота тизмасининг тармоғи — Пистали тоғидан шарқроқда. Кўл суви ва шамол таъсирида пайдо бўлган; шим. ва шим.-ғарбий томонга бир оз чўзиқ. 1969 й. июль ойида Арнасой суви сатҳининг кўтарилиши натижасида Т. тор бўғоз орқали Айдар кўли б-н қўшилиб, унинг майд. 400 км²га етган. Кўлга Қизил дарёси ва Оқбўлоқ коллектори қўйилади; сув оқиб чиқмайди. Майд. 705 км². Энг чуқур жойи 20 м. Қирғоқлари, асосан, текис. Ғарбий ва шарқий соҳилларида тепаликлар учрайди. Жан. ва жан.-шарқий соҳилларидан ботқоқлик ва қамишзор.

Кўл суви нинг т-раси йил давомида ўзгариб туради. Ўртача т-ра январда 0,2°, апр.да 13,2°, июлда 27,5°, окт.да эса 16,4°. Суви кучли минераллашган: шим. қисмининг суви таркибида 4,0 г/л, жан. қисмида 4,9 г/л туз бор. Балиқчилик ривожланмоқда.

ТУЗКОН МАДАНИЯТИ — *неолит* даврида балиқ овлаш, овчилик ва теварида ғалла ўсган қабилалар ғарбчилик б-н шуғулланган қабилалар маданияти (мил. ав. 4—3-минг йиллик). Тузкон манзилгоҳлари Моҳондарё археология экспедицияси аъзоси Ў.И. *Исломов* томонидан топиб ўрганилган (1960—61). *Моҳондарё* Зарафшон дарёсининг қад. ўзани бўлиб у Бухоронинг Қоракўл тумани орқали Қизилқумдан ўтиб Амударёга қуйилган. У ўз йўлида бир қанча кўллар ҳосил қилган. Неолит одамлари шу кўллар атрофида манзилгоҳлар қуришиб шу ерда ҳаёт кечиришган. Бу ердан 36 та манзилгоҳ топилиб, шундан 2 тасида мазкур қатламлар ва чайла қолдиқлари топилган. Кейинги жез даврига келиб Моҳондарё сувлари камайиб, ҳосил қилинган кўллар тузконларга айланган. Ҳозир бу жойлар Кичик Тузкон ва *Катта Тузкон маконлари* номлари б-н юритилади (қ. *Қалтаминор маданияти, Дарвозақирғичлар чайласи*).

ТУЗЛАР — кимёвий бирикмалар синфи; одаий шароитда ионли тузилишга эга бўлган кристалл моддалар. Электролитик диссоциация назариясига мувофиқ, Т. эритмада мусбат зарядланган ионлар — катионлар (асосан, металлар) ва манфий зарядланган ионлар — анионларга диссоциланадиган кимёвий бирикмалардир. Т. қуйидаги турларга бўлинади: ўрта (ёки нейтрал) Т., нордон (ёки гидро) Т., асосли (ёки гидроксо) Т., аралаш Т., қўш Т., комплекс Т.

Ўрта Т. кислоталаги водород атомларининг металларга батамом алмашинишидан ҳосил бўлади: мас., Na_2SO_4 — натрий сульфат, $K_4P_2O_7$ — калий пирофосфат, CH_3COONa — натрий ацетат. Нордон Т. ҳосил бўлганида кислоталаги водород атомлари металлга батамом алмашинмайди: мас., $NaHSO_4$ — натрий гидросульфат, $Ca(HCO_3)_2$ — кальций гидрокарбонат. Асосли Т. ҳосил бўлганида асосининг барча гидроксил гуруҳлари металлга тўлиқ алмашинмайди: мас., ZnOHCl — рух гидроксохлорид, $[Fe(OH)_2]SO_4$ — темир (III)-гидроксосульфат. Асосли Т.дан ташқари оксотузлар ҳам маълум. Улар асосли Т.ни сувсизлантириш натижасида олинади: мас., магний гидроксохлорид MgOHCl сувсизлантирилса, магний оксохлорид $MgOCl_2$ ҳосил бўлади. Аралаш Т. — асос гидроксидларининг бошқа-бошқа кислота қолдиқларига алмашинишни натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлар, мас., $Ca(OH)_2$ даги OH^- гуруҳларининг бирини хлор иони Cl^- га, иккинчисини ClO^- га алмаштирилса, аралаш Т. Ca(OCl)Cl келиб чиқади. Қўш Т. — бирор кислотадаги водород атомларининг турли металларга алмашиниш маҳсулотлари; мас., $KNaCO_3$, $KAl(SO_4)_2$. Буларни $Na_2CO_3 \cdot K_2CO_3$, $K_2SO_4 \cdot Al_2(SO_4)_3$ шаклида ҳам ёзиш мумкин. Агар бирор қўш Т. таркибидаги металлардан бири анион таркибига кирса, бундай қўш Т.ни комплекс Т. деб қараш керак; мас., агар $KCl \cdot MgCl_2$ таркибидаги магний металли анион таркибига кирса, $K[MgCl_3]$ шаклли комплекс Т., $3NaF \cdot AlF_3$ таркибидаги алюминий металли анион таркибига ўтса, $Na_3[AlF_6]$ шаклли комплекс Т. келиб чиқади. Умуман қўш Т. б-н комплекс Т. орасида аниқ чегара йўқ. қўш Т. ацидокомплекслар жумласига киритилади.

Т. таб. усулида *кислота ва асослар*ни бир-бирига таъсир эттириб олинади. Т.нинг тавсифли хоссаларидан бири унинг қутбли эритмаларда, айниқса, сувда эрувчанлигидир. Табиатда Т. кўл, денгиз ва океан сувларига йиғила бо-

ради. Сув ҳавзалари қуриганида ўша жойларда ош тузи (NaCl) ва бошқа Т. конлари пайдо бўлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларидаги туз конлари 1943—48 й.ларда илк ўзбек кимёгарларидан С. Муқимов (1899—1956) раҳбарлигидаги илмий экспедиция томонидан ўрганилди. «Денгизкўл» (Бухоро), «Тузкон» (Жиззах), «Шўркон» (Фарғона), «Хўжакон» (Сурхонларё) шўр сув ҳавзаларининг минерал, тузли эритмаларнинг гидрокимёвий таркиби, тузли қатламларнинг ҳосил бўлиш қонуниятлари аниқланди. Бу ҳавзалар ош тузи б-н бир қаторда қимматли натрий сульфат, шунингдек, калийли, магнийли ва бромли Т.га бой эканлиги, тузли қатламларда натрий хлориддан ташқари, таркибида магний ва натрий бўлган астрахонит ва энсолит кўринишидаги минераллар борлиги кўрсатиб берилди. Тажрибалар натижасида тузли конлардан амалда фойдаланиш, тузли эритмалар ва сув ҳавзалари тубидаги балчиқларни маҳаллий шифохоналарда муолажалар учун қўллаш тавсия этилди.

Т. табиат ва техникада жуда катта аҳамиятга эга. Т. ҳайвон ва ўсимлик организмининг муҳим таркибий қисмидан бири. Ош тузи қадим замонлардан бери овқатга ишлатиб келинади. Тиббиётда ҳам турли Т. ишлатилади. Металлургия, шиша, тўқимачилик, кўн, лок-бўёқ саноатларида, қишлоқ хўжалиги ва б. соҳаларда Т. кенг қўлланади. Баъзи Т. (мас., аммоний нитрат, калий нитрат, калий сульфат) минерал ўғитлар сифатида ишлатилади.

Мукимов С. М., Исследование взаимодействия в расплавах сульфатов натрия, калия, магния и кальция (в соавторстве), Т., 1949; Парпиев Н. А., Муфтахов А. F., Раҳимов Ҳ. Р., Анорганик кимё [3 қисм], Т., 2000—2003.

Рустам Маъруповъ.

ТУЗЛАР, табиий тузлар — чўкинди туз конларини ҳосил қилувчи, сувда тез эриш ҳусусиятига эга бўлган, шўр ва аччиқ-шўр таъмли минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби — хлоритлар ва натрий, калий, магнийнинг сульфатлари. *Тош тузи* (галит), сильвин, карналлит, каинит, полигалит, лонгбейнит, мирабилит, тенардитлар муҳим тузлар сирасига киради. Ҳосил бўлиш вақти ва шароитига қараб Т. конлари 3 типга бўлинади. Ер юзасидан озми-кўпми чуқурликда жойлашган қаттиқ Т.нинг йирик қатламлари ёки шток ва гумбазсимон ётқизиқлари бўлиб, илгариги геологик даврлар мобайнида ҳосил бўлган чўкинди қазилма конлари. Дунё бўйича Т. қазилмаларининг 30% шу типдаги конларга тўғри келади. Чуқурликдаги табиий Т.нинг ер ости сувлари таъсирида эриб чиқиб кетиши натижасида ҳосил бўладиган тузли манбалар ва намакоблар. Бу конлардан чўктириш йўли б-н тош тузининг 50% дан ортиғи қазиб олинади. Замонавий туз конлари (шўр кўл, қўлтиқ ва лагуналар) Ер юзида кенг тарқалган бўлиб, бу типга ҳоз. замон денгиз ва океанлари ҳам киради. Т. нинг 20% шу типдаги конлардан қазиб олинади.

ТУЗЛАШ — маҳсулотларни *консервалаш* усулларидан бири. Гўшт, тухум, балиқ, турли сабзавотлар махсус усулларда тузланади. Гўшт Т. — гўшт катта-катта қилиб тилимланиб, намакоб б-н ювилади ва ҳар қайси тилимни майда тузга ботириб, ипга тизилади ва кечки салқин тушгандан то эрталабгача шабада тегиб турадиган жойга осиб қўйилади. Кундузги иссиққа қолдирмай гўшт йиғиб олингач, тоғорага солиниб, устидан дока ёпилади ва салқинроқ жойда сақланади. Таом тайёрлашдан олдин тузланган гўшт илиқ сувда ювилади ва овқат туз солинмай пиширилади. Бодринг Т. — бодрингни майда-йириклари ажратилгач, совуқ сув б-н яхшилаб ювилади ва сирланган идиш ёки бочкага терилади. Бочкага яна укроп, саримсоқ, қизил қалампир, кашнич уруғи, райҳон ва б. кўк ўтлар солинади. Бочка тўлгач, қопқоғи ёпилиб, устига оғирроқ нарса қўйиб бостириб қўйилади. Сўнгра қопқоқдаги махсус тешикчадан совитилган намакоб қуйилади. 10 кг бодринг учун: 500 г саримсоқ, 300 г укроп, 8—10 дона қизил қалампир, 2 ош қошиқ кашнич уруғи, 1 туп райҳон шохлари; намакоб учун: 10 л сувга 700 г туз солиб қайнатилади. Бодрингли бочка хона ҳароратида 1—2 кун сақлангач, совуқроқ жойга олиб қўйилади. Карам Т. — тозаланган карам боши майдалаб тўғралади, туз ва йирик қирғичдан чиқарилган қизил сабзи аралаштирилади, бочка ёки сирланган кострюлкага зичлаб босилади, сўнг устига ёғоч қопқоқ, унинг устига оғирроқ юк (ёки йирик тош) бостириб қўйилади. Идишдан чиққан сув карамни кўмиб туриш лозим; карамни тузлашда унда сут кислотали бижғиш жараёни содир бўлиб, хушбўй маза беради. Карамнинг бижғиши ҳароратга боғлиқ, ҳарорат 16°—18° да 10 кунда тайёр бўлади. 10 кг карамга 200 г туз, 2—3 дона сабзи, 3—5 дона дафна япроғи, 50 г янчилмаган мурч керак бўлади.

ТУЗЛИ МОМИҚ — қ. *Майин шўрхок.*

ТУЗОҚ — қуш ёки бошқа овланадиган ҳайвонларни тутиш учун қўлланадиган мослама. Т. ерга, дарахтлар ва буталар устига, ўтлар орасига, ариқларга, қушлар юралиган йўлкаларга қўйилади. Паррандалар тутишда Т.лар от ели ёки думи қилидан, ингичка ипак, мис ва капрон ипдардан тайёрланади. Улар оддий лой қотишмалари ёки бошқа оғир нарсаларга, қозиқларга, ўсимликлар пояларига маҳкамлаб қўйилади (яна қ. *Киркик, Матрап*).

Тузоқ турлари: 1 — тулки тузоқ; 2 — қуён тузоқ; 3 — бедана тузоқ

ТУЙДУК — туркман халқ пуфлама мусиқа чолгуси. 3 та тури мавжуд. Гарги Т. (қарға — қад. туркийча — қарғалаш, инс-жинсларни ҳайлаш сўзидан) — тўғри ушлаб чалинадиган *най*. Қозоқ *сибизғаси*, бошқирд қурайига яқин. Қамишнинг махсус туридан ишланади. Уз. 750—800 мм, диаметри — 18-20 мм. Товуши кучли эмас, ўзига хос хирароқ тусга эга; асосий товуш б-н бирга қўшимча шипиллайдиган товуш эшитилади. Олдинги даврларда табобат (даволаш), жолу маросимларида кенг қўлланилган (номи шундан).

Ҳозирда муайян мавзули куйлар, афсона ва достон куйлари ижро этилади. Дилли Т. (тилчали Т.) — тилчали най. Уз. 160 мм атрофида, диаметри — 6-8 мм. 3—4 та тешиги мавжуд. Ўткир ва пингиллаган овозга эга. Халқ қўшиқлари, оддий куйлар ижро этилади. Гоша-дилли Т. (қўшалоқ тилчали Т.) —ўзбек *қўшнай*ига яқин.

ТУЙНУК — бино девори, шифтига махсус ишланган тешик: тўртбурчак, доира шаклида бўлади. Т. хона ичига ёруглик тушишини, ҳаво алмашиниб туришини таъминлайди. Айрим кулба, ўтовларда ҳамда маҳаллий ошхона, тандирхоналарда шифтга, деворнинг юқори қисмига ишланган Т.лар тутун чиқишига хизмат қилади. Масжид, мадраса, тим, тоқи каби биноларда Т. *панжара* б-н безатилган. Ҳарбий истеҳком ва қалъа деворларида Т. дан ўқ отиш, душманни кузатиш ва б. мақсадларда фойдаланилади.

ТУЙҒУ — қ. *Ҳиссиёт.*

ТУЙҒУ ОРГАНЛАРИ, туйиш органлари — тери, таянч-ҳаракат аппарати (мускуллар, пай ва б.), баъзи шиллиқ қаватлар (лаб, тил ва б.) даги махсус *рецепторлар*. Т.о. ёрдамида организм ташқи муҳит турли омилларининг комплекс таъсири (механик таъсирот, т-ра, оғриқнии қабул қилади. Т.о. терида нотекис тарқалган; сезиш хусусияти юқори бўлган соҳалар (одам қўлининг бармоқлари, лаб, жинсий аъзолар ва б.) да улар кўп. Эркин *нерв охирлари* Т.о.нинг энг кўп тарқалган туридир. Т.о.нинг турли-туманлиги, улар сатҳи ва муваққат қўзғалишининг ўзига хослиги организмнинг хилма-хил таъсиротларни сеза олишига имкон беради.

ТУКАЛ ХОНИМ (? — 1408) — Амир Темурнинг хотинларидан бири. Мўғулистон хони Хизрхўжанинг қизи. 1397 й. Соҳибқирон Конигилда катта тўй қилиб, Т.х.ни ўз никоҳига киритган. Т.х. ҳарамда (хон қизи бўлгани туфайли) Сароймулкхонимдан кейинги ўринда, яъни «кичик хоним» деб аталган. 1397 й. Соҳибқирон Т.х. шарафига Самарқандда «Боғи дилкушо»ни барпо қилган.

ТУКАН — осмоннинг жан. қисмида жойлашган юлдуз туркуми. Энг ёруг юлдузи 2,8 кўринма юлдуз катталигига тенг. Т.да Галактикамизнинг йўлдошларидан бири — Кичик Магеллан Булути жойлашган. Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

ТУКАНЛАР (Rhamphastidae) — қизилиштонсимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи. 37 турни бирлаштирган 5 уруғи бор. Энг катта вакили — катта тукан уз. 60 см ча; тумшуғи —15—17 см. Патлари турли рангда ва жуда чиройли. Моногам қуш. 1—4 та тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси навбат б-н босади. Болалари 6—8 ҳафтада учирма бўлади. Марказий ва Жан. Америкадаги тропик ўрмонларда яшайди. Т., асосан, мевалар, қисман умуртқасиз ҳайвонлар, майда судралиб юрувчилар, қушлар тухуми ҳамда боласи ва б. билан озиқланади.

ТУКАНО (бетойя) — индейс халқлари гуруҳи (корегуахе, кутео, макуна ва б.) Колумбия, Бразилия, Перу ва Эквадорда яшайди. 51 минг киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, 30 минг киши Колумбияда истиқомат қилади. Тукано тилларида сўзлашади. Диндорларининг аксарияти анъанавий эътиқодларга сиғинади, христианлар ҳам бор.

ТУКЛИ АРИЛАР (Bombys) — асаларисимонлар оиласига мансуб ҳашаротлар уруғи. Уз. 3,5 см гача, танаси қалин ва узун туклар б-н қопланган. Туклар сариқ, қора ёки оқиш белбоғ ҳосил қилади. 300 га яқин тури бор. Африка ва Антарктиладан ташқари барча қитъаларда, асосан, тоғли ва тоғ олди ҳудудларда учрайди. Жамоа бўлиб яшайди; уясини қуруқ ўсимликлар, йўсинлар ва б. б-н аралашган мумдан ерга қуради. Оиласи бир йиллик, битта йирик ургочи ва бир қанча майда ургочи ишчилардан иборат. Эркаги ёз охирида пайдо бўлиб, ургочисини уруглантирғандан кейин ҳалок бўлади. Уругланган ёш ургочиси қишлаб қолади; баҳорда уя қуриб, янги оилага асос солади. Ёш ургочи қўйган тухумлардан фақат ишчи Т.а. чиқади. Воята етган ишчи Т.а. ин қуришни давом эттиради; қуртлар учун нектар ва чанг йиғади. Оиладаги Т.а. сони бир неча ўнтадан минггача, тропик ҳудудларда 2500 гача етади. Т.а. асосий ем-хашак экинлари (қизил себарга, беда ва б. дуккаклилар)нинг чангластувчилари.

ТУКЛИ БЕШБАРМОҚ [Digitaria sanguinalis (L.) Scop.] — бошоқдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси сершох, бўйи 10—70 см. Барглари узунчоқ-наштарсимон. Тўпгули чочоқ рўваксимон. Меваси майда дон. Илдизи попук илдиз. 40 см гача чуқурликка кириб боради. Уруғидан кўпаяди. Апреллан июнгача ниҳоллари кўкараверади, июль — окт. гача гуллайди ва мевалайди. Бир тупи 5000 тагача уруғ беради. Уруглари осонгина тўкилади, асосан, сув орқали тарқалади. Уруғи 20—35° ҳароратда униб чиқади. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида кенг тарқалган. Беда, гўза ва б. чопиқталаб экинлар орасида, шунингдек, суғориш шохобчалари бўйлари, йўл ёқаларида учрайди.

Кураш чоралари: экинлар орасини юмшатиш, мотигалаш ва культивация қилиш; пахта майдонларида экишгача трефлан (4—6 кг/га) ёки прометрин (4—6 кг/га) ишлатиш ва б.

Тукли бешбармоқ

ТУКУМАН — Аргентинанинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Саладильо дарёси водийсида. Тукуман провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 525,8 минг киши (2001). Транспорт йўллари тугуни. Аргентина шим.- ғарбий қисмининг йирик иқтисодий маркази. Шакар-қанд, кимё, машинасозлик, металлсозлик, пойабзал, тикувчилик саноати корхоналари; ун-т бор. Шаҳарга 1565 й.да асос солинган. 1816 й.да Т.да мамлакат мустақиллиги эълон қилинган.

ТУКУРИНГРА — РФ Амур вилоятидаги тоғ тизмаси. Юқори Зея текислиги б-н Амур-Зея платоси оралигида. Уз 230 км, ўртача бал. 800—1200 м, энг баланд жойи 1605 м. Эни 40—70 км. Сувайирғич қисми ясси бўлиб, гумбаз шаклидаги чўққилар кўтарилган. 700—800 м баландликда текисланган юзалар бор. Ён бағирлари тик, уни кесиб ўтувчи дарёлар чуқур даралар ҳосил қилган. Қад. музлик рельеф шакллари сақланган. Мезозой бурмаланиши даврида шаклланган.

Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, узоқ давом этади, ёзи илиқ. Ён бағирларида тилоғоч, оқ қайин, қора қарағай ўрмонлари, жан. ён бағирларида қора қайин, монголия эмани ҳам ўсади. Баланд қисмларида пакана кедр чангалзорлари, тоғ тундрасидан иборат, анча қисми тош қурумлари б-н қопланган. Шарқий қисмида Зея қўриқхонаси бор.

ТУКҚАНОТЛИЛАР — қ. *Булоқчилар.*

ТУЛ, есир, бева — эри вафот этиб, болалари б-н қолган аёл. Т. шариат бўйича эридан қолган мулкнинг (меросхўрлар ва болаларнинг оз-кўплигини ҳисобга олиб) 1/4 — 1/8 миқдорини (ҳаштияк) олган, агар қайта турмуш қурмоқчи бўлса, идда муҳлатини ўтказгандан сўнг эрга теккан. Баъзи ҳолларда ёш болаларни етим қилмаслик ҳамда мулкнинг бўлиниб кетмаслигини кўзлаб вафот этган кишининг укаси ёки қариндоши Т.га уйланган.

ТУЛА — РФ Тула вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази, қаҳрамон шаҳар, Упа дарёси (Ока ирмоғи) бўйида. Москвадан 193 км жан.да. Т.й. тугуни. Аҳолиси 519 минг киши (1998). Шаҳар 4 маъмурий туманга бўлинган.

Т. 1146 й.дан маълум бўлиб, Рязань князлиги таркибида эди. 1503 й.дан Москва давлати таркибида. 16—17-а.ларда Рус давлатининг жан. чеккасидаги муҳим мустаҳкамланган истеҳком. 17-а.да маҳаллий темир рудаси асосида Т. темирчилик саноатининг маркази бўлиб қолди. 1712 й.да Пётр I буйруғи б-н Т.да Россияда дастлабки қурол-ас-

Тула Кремли. Одоевский дарвозалари.

лаҳа з-ди қурилди. 1777 й.дан Т. Тула наместничествоси маркази, 1796 й.дан губерния маркази, 19-а.да Т.да қурол-аслаҳа и.ч. ривожланган. Т. 1929—37 й.ларда Москва вилояти таркибида. 1941 й.нинг окт.— дек. ойларида Т. немис фашистларидан қаҳрамонона мудофаа қилинди. 1976 й. 7 декда Т.га қаҳрамон шаҳар фахрий унвони берилди.

Т. — РФнинг йирик саноат маркази. Саноатининг асосий тармоқлари: қора металлургия, машинасозлик ва металлсозлик (комбайн з-ди, машинасозлик, кончилик ва транспорт машинасозлиги, қурол-аслаҳа з-длари мотороллер ва самоварлар ишлаб чиқариладиган «Штамп» з-ди), кимё (кимё толалари, пластмасса ва б.), енгил, озиқ-овқат саноатлари, қурилиш материаллари ва мусиқа асбоблари и.ч. 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 3 театр, ўлкашунослик, бадиий, қурол-аслаҳа (1724 й.дан) музейлари, цирк, филармония мавжуд.

ТУЛА ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. Россия Европа қисмининг марказида жойлашган. Майд. 25,7 минг км². Аҳолиси 1675,7 минг киши (2002), асосан, руслар (95,4%), шунингдек, украин, белорус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 81,4%. Таркибида 23 маъмурий туман, 21 шаҳар ва 49 шаҳарча бор. Маркази — Тула ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Новомосковск, Узловая.

Т.в. Ўрта Россия қирларининг (бал. 293 м гача) шим.да жойлашган. Ер юзаси қия тўлқинсимон текислик. Қўнғир кўмир, темир руда, олтингугурт колчедани, гипс, тош тузи, фосфоритлар, қурилиш материаллари конлари мавжуд; минерал булоқлар бор.

Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси — 10°, июлники 19°. Йилига 500 мм гача ёғин тушади. Вегетация даври 180—190 кун. Дарёларининг кўп қисми Ока ҳавзасига (Зуша, Иста, Упа, Чернеть, Осётр ва б.) мансуб. Дон дарёсининг юқори оқими вилоят ҳудудидан ўтади. Т.в. кени баргли ўрмон ва ўрмон-дашт зонасида жойлашган. Тупроқлари шим.-ғарбида чимли-подзол, марказий қисмида бўз ўрмон, жанубида айниган қорatупроқлар. Ўрмонлари (асосан, дуб, қарағай) ҳудудининг ярмига яқинини эгаллади. Шимда 20%, жанубдаги 70% гача ерлари ҳайдалади. Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (Т.вда Россия кўприк кранларининг 37%, ҳамда саноат жиҳозлари, қ.х. машиналари, мудофаа маҳсулоти, мотоцикл ва мотороллерлар ва б. ишлаб чиқарилади), электроэнергетика, кимё (минерал ўғитлар, синтетик каучук, кимё толаси), қора металлургия, енгил ва озиқ-овқат саноатлари; қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Қўнғир кўмир қазиб олинади («Тулауголь» и.ч. бирлашмаси). 3 иссиқлик электр ст-яси ишлаб турибди.

Халқ бадиий ҳунармандчилиги: бадиий тўр тўқиш (Белёв ш.) ва лойдан нақшинкор ўйинчоқлар ясаш (Филимоново қишлоғи) ривожланган.

Йирик корхоналари: «Комбайновий завод», «Туламашзавод», «Кран» (Узловая), «Азот» (Новомосковск), «Химволокно» (Щёкино), «Тулачермет» акциядорлик жамиятлари, «Штамп» машинасозлик з-ди, патрон з-ди (Тула), синтетик каучук з-ди (Ефремов). Асосий саноат марказлари — Тула, Новомосковск, Щёкино, Узловая, Ефремов, Донской ш.лари.

Қ.х. галлачилик-чорвачилик йўналишда. Сут-гўшт чорвачилиги, парандачилик, чўчқачилик ривожланган. Галла (буғдой, гречиха, жавдар) экилади, шунингдек, озуқа экинлари, қанд лавлаги, картошка етиштирилади. Сабзавотчилик, богдорчилик ҳам ривожланган. Т.й. узунлиги 1103 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 5076 км. Вилоят ҳудудида автомобиль йўллари зич. Ока дарёсида кема қатнайди (Алексин ш.дан). Вилоятда 49 санаторий-курорт муассасалари бор. Кранинка бальнеобалчиқ курорти машҳур. Т.в.да Поленово ва *Ясная Поляна* музей-усадьбалари фаолият кўрсатади. 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 7 музей, 4 театр ишлаб турибди.

ТУЛЕНОВ Жондор (1928.12.1, ҳоз. Жан. Қозоғистон вилоятининг Сайрам тумани — 2002.29.12, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978). Фалсафа фанлари д-ри (1962), проф. (1963). ТошДУ ҳузуридаги Озод ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институти проф. (1971—72), 1972 йдан Тошкент педагогика ин-ти фалсафа кафедрасининг мудири, дини пайтда 1977—85 йларда ин-тнинг илмий ишлар бўйича проректори. Илмий ишлари диалектика, билиш назарияси, ижтимоий фалсафа масалаларига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1981). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

Ас.: Ҳаёт фалсафаси. Т., 1993; Қадриятлар фалсафаси. Т., 1997; Маънавиятимиз ниҳоятда қадрли. Т., 1999; Фалсафий маданият ва маънавий камолот. Т., 2000; Диалектика назарияси. Т., 2001.

Ад.: Ташпулатов А., Бурдбаев М., Академик Жондор Туленов (философия жанри ва творчестви). Алматы, 2002.

ТУЛИЙ (юн. Thule — Туле, қалимги географлар Ернинг ним, четараси деб ҳисобланган ярим афсонавий мамлакат номидан олинган; лот. Thulium). Tm — Менделеев даврий системасининг III гуруҳидаги *лантаноидлар*га мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 69, ат.м. 168,9342, ячейки 9,33 г/см³, суюқланиш т-раси 1545°, қайнаш т-раси 1730°. Ер пўстининг масса жиҳатдан $2{,}7\cdot10^{-4}$% ни ташкил этади. Сунъий усулда олинган радиоактив изотопи ^{170}Tm тиббиётда рентгенодиагностикада, техникада юпқа деворли деталларни ёритишда қўлланади.

ТУЛИХОН, Тули, Тулуй (тахм. 1192—1230) — *Чингизхон*нинг кенжа ўғли, отасининг ҳарбий ишлар бўйича бош маслаҳатчиси, саркарда. *Мўғуллар давлати*нинг 4 улусидан бирининг эгаси. Т. улуси 50 минг хонадондан иборат бўлган. Т. «йеке(балиғ)нўён» (улуг жаноб, хожа) ва «ездан» (ҳукмдор) каби унвонлар б-н аталган, у отаси мулки(юрт)га меросхўр бўлган. 1211—15 й.ларда Чингизхоннинг Шим. Хитойга қилган юришларида акалари (Жўжи, Чиғатой, Ўқтой) б-н бирга қатнашган. *Мўғуллар истилоси* даврида отаси б-н Бухорони эгаллаган (1220). 1220 й. Тароғочор нўён б-н 80 минг кишилик қўшинга бош бўлиб Хуросоннинг Марв, Нишопур, Ҳирот каби шаҳарлари, Тус, Сабзавор, Жожарм, Нисо, Обивард, Сарахс, Қоф вилоятларини 3 ой давомида босиб олиб вайрон қилди. Сунгра отаси фармонига кўра, Толиқон, сўнг Балхнинг вилоятлари сари йўналиб отаси урдусига келиб қўшилди. Чингизхон вафотидан сўнг (1227) 129 минглик мўғул қўшинидан 104 минг нафари ҳамда Мўғулистон, Хитой, Қир-гизлар ери Т. ихтиёрига берилди. 1229 йдаги мўғул қурултойи, шунингдек, кўрултойи Чингизхоннинг 3-ўғли Ўқтойни бўюк қаон (хон) этиб тахта ўтиришининг қонунийлаштирилишига Т. отасининг ўлими — Хитой-Мўғулистонни бошқарган. 1229—30 йлар Хитой юришидан қайтишда йўлда касал бўлиб вафот этган. Мўғул тилида «тули» — қўзу маъносини билдиради. Т. вафотидан сўнг «қўзу» атамасини қўллаш тақиқланган, унинг мулкига мотини Сўрқўтқани (ҳеробий малика, ҳристиан динида бўлган) эгалик қилган. Т. мўғуллар орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган. Бу авлод вакилларидан улуғ қоонлар чиққан (1248—1634). Тининг ўғли Ҳалоқў Эрондаги ал-монийлар сулоласига асос солган. Ички Мўғулистонда ҳануз ҳам Тининг мақбараси деб ҳисобланадиган кўҳна иморатлар мавжуд.

Манба: Рашид ад-дин, Сборник летописей, т. 1—3, М., 1952—1960; Карпини П., История монголов, М., 1957.

Ад.: Бартольд В. В., Сочинения, т. 2(1), М., 1963; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1994.

Фазлиддин Ҳасанов.

ТУЛКИЛАР (Vulpes) — бўрисимонлар оиласига мансуб сут эмизувчилар уруғи; танасининг уз. 40—90 см, думи 60 см ча. Танаси чўзиқ, оёқлари нисбатан калта. Узун думидаги мўйнаси бароқ. Жуни сариқдан то кумуш-кизғиш (деярли қорамтир) тусгача. Т.да мавсумий ва географик диморфизм кучли намоён бўлади. 6—11 тури маълум. Евросиё, Африка, Шим. Америкада тарқалган. Австралияга ҳам олиб келинган. Ўзбекистонда 2 тури (оддий тулки, *корсак*) учрайди. Уларнинг озиқланиш ва яшаш жойи хилма-хил: ўрмон-тундарадан бошлаб саҳро минтақасигача. Ин қуради. Асосан, кемирувчилар, сут эмизувчилар ва қушлар б-н озиқланади. Одатда, 4—6 та, баъзан 17 тагача бола туғади; энг йирик вакили оддий тулки. Танасининг уз. 90 см гача, думи 60 см ча. Кечқурун қорони тушишдан олдин фаол бўлади. Мўйнаси мўйна саноатининг асосий хом ашёси ҳисобланади. Т.нинг қорамтир рангли мўйнаси айниқса юқори баҳоланади. Т. овчилик ва паррандачилик хўжаликларига бирмунча зиён етказади. Улар кемирувчи зараркунандаларни камайтириб, қ.х. ва тиббиётга катта фойда келтиради.

Тулки.

ТУЛКИҚУЙРУҚ (Prangos Lindl.), юган — соябонгуллдошлар оиласига мансуб ўсимликлар уруғи. Ўзбекистонда Оҳангарон воҳаси ва Чимён тоғларида кўпроқ ҳашаккоп (P.pabularia) ва Т. ёки шашир (P.tschimganica B. Fedtsch.) Чимён Т.и (P.tschimganica B. Fedtsch.) учрайди. Ҳашаккоп Т.нинг бўйи 2 м га боради. Илдизи йўғон, силиндрсимон, поясининг юқори қисми қалқонсимон, шохланган; шохлари қарама-қарши ёки ҳалқасимон жойлашган. Япроқлари 40 см ача, эллипссимон, 4—5 марта патсимон қирқилган. Соябони 10—20 нурли, соябончалари 10—15 гулли. Ўрама барг ва барғчалари 5—10 та, қалами-бигизсимон. Май-июль ойларида гуллаб ўруғлайди. Дой тупроқли тошлоқ ерларда, бутазор орасида ўсади.

ТУЛЛАШ, жун тўкилиши (ҳайвонларда) — сут эмизувчи ҳайвонларда терининг ташқи қопламини ҳосил қилувчи жунлар (тивит ва қисман қилтиқ толаларининг тўкилиши ва янгиланиши жараёни. Т. ҳайвонларда эскирган тана қопламини тиклаш, ташқи муҳит шароитига мослашиш б-н боғлиқ мавсумий хусусиятга эга. Уй ҳайвонларисумий хусусиятга эга. Уй ҳайвонларида, айниқса, дағал жунли қўйлар, сигир, эчкиларда, туяларда мавсумий Т. баҳор бошланиши б-н содир бўлади. Т. тезлаштиради. Т. жараёнида жун қопламини сийраклашади, тери орқали ҳаво алмашинуви эркинлашади. Кеч куз ва қиш мавсумларида янги тивит ва қилтиқ толалари ўсиб чиқади. Паррандаларда Т. ривожланиш босқичи б-н эмас, балки мавсумий ўзгаришлар б-н боғлиқ. Уларда ёруғлик шароитини сунъий ўзгартириб, Т.ни бошқариш мумкин. Т. даврида ҳайвонларда модда алмашинуви, терининг озиқланиши кескин бузилади қичима (кўтир) аломатлари авж олади ва ҳайвон жун қопламини ёпишига тўкилади.

ТУЛПОР — чопқир зотли от. Т.лик сифатлари отнинг кучи, чопқирлиги, ҳушёрчимлиги ва б. белгиларига қараб аниқланади. Чопқир Т.лар синови, одатда, халқаро майдонларда, кўрик-танлов, кўргазмаларда, ипподромларда ўтказилади ва уларга сертификат берилади. Ўзбек халқ эртакларида қанотлари бўлган афсонавий учар отлар Т. деб аталган.

ТУЛУ — Ҳиндистондаги халқ. Асосан, Тамилнад штатининг ғарбида яшайди. 1,9 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Дравидий оиласига мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — ҳиндуизмга эътиқод қилишади. Машғулоти — кокос пальмасини етиштириш, пальма шарбатини йиғиш, қопрадан буюмлар тайёрлаш ва б.

ТУЛУЗА — Франциянинг жан. қисмидаги шаҳар. Юқори Гаронна департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 398,4 минг киши (1999). Транспорт йўллари тутуни. Гаронна дарёси бўйидаги порт. Авиация, ракетасозлик, радиоэлектроника, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, рассомлик ва ҳайкалтарошлик музейлари бор. Космик тадқиқотлар маркази. Меъморий ёдгорликлардан 11—18-а.ларга оид бинолар, хусусан, роман черкови (11—13-а.лар), романготика соборн (12—16-а.лар) ва б. сақланган. Т. ўрнида мил. ав. галлар қабиласининг манзилгоҳи бўлган.

ТУЛУЗ-ЛОТРЕК (Toulouse - Lautrec) (асли Тулуз-Лотрек-Монфа, Toulouse-Lautrec Monfa) Анри Мари Раймон де (1864.24.11, Альби — 1901.9.9, Малроме, Бордо яқинида) — француз рассоми, постимпрессионизмнинг йирик намояндаси. 1881 й.дан асосан Парижда яшаган, Л. Бонн ва 1884 й.дан Ф. Кормондан таълим олган. Э. Дега, япон гравюрасидан таъсирланган. Илк асарларидаёқ ўта индивидуал образлар яратди (Э. Бернар портрети, 1885, Тейт галереяси, Лондон). 1880-й.лярнинг 2-ярмидан зиёлилар, олдий кишиларнинг ҳаёти ва эрмакларини, Париж театрлари, рақс залари, кабаре, цирк лавҳаларини яратди, портрет ва композицияларида кинояли, ўта фош этувчанлик руҳи намоён бўлди: «Мулен-де-ла-Галеттдаги бал», 1889; «Мулен-Руждаги рақс», 1890; «Мулен-Руж-да», 1892; «Хонанда Ивет Гильбер», 1894; «Де-Мулен кўчасидаги салонда», 1894—95 ва б. Унинг қаламтасвирининг

А. Тулуз-Лотрек. «Хонанда Иветт Гильбер» (1894).

ўткирлиги театр афишаларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, қаламтасвирининг енгил ва ўйноқилиги, танланган ранглар ёрқинлиги б-н эътиборни тортади («Аристад Брюан ўз кабаресида», 1892; «Жанна Авриль», 1893 ва б.). Услубий изланишлар Т.-Л.ни модернизмга яқинлаштирди, бу графика асарлари (айниқса, рангли литографиялар)да кўзга ташланади. Кўплаб расмлари ва литография туркумлари жонли, таъсирчанлиги, муболағали шаржлари б-н диққатга сазовор. Альби ш.да Т.-Л. музейи ташкил қилинган.

ТУЛУНИЙЛАР — Мисрдаги сулола (868—905). Асосчиси — *аббосийлар*нинг Мисрдаги ноиби Аҳмад ибн Тулун. Византияликлар устидан бир неча марта галаба қозонган. 878 й. Сурияни тобе эттиришган. Т. даврида Миср аббосийлардан амалда мустақил бўлиб ажралиб чиққан. 903 й. Т. қарматлардан маглубиятга учрашган, 905 й. аббосийлар томонидан тор-мор келтирилган.

ТУЛЯРЕМИЯ (АҚШ Калифорния штатидаги Туляре деган жой номидан олинган, дастлаб шу ердаги зарарланган юмронқозиқлардан топилган) — ҳайвонлар (кўпроқ қўй, мўйнали ҳайвонлар) ва одамда учрайдиган табиий ўчоқли ўткир инфекцион касаллик; ҳайвонларда касаллик кўпинча яширин кечади; одамда ўпка, лимфа тугунлари (бубон — шиш ҳосил қилиб), ичак зарарланиши б-н ўтади. Т. касал кемирувчилардан юқади. Касаллик одамдан одамга юқмайди. Қўзғатувчилари организмга шикастланган тери, кўз шиллиқ қавати, нафас йўллари, меъда-ичак йўли орқали киради. Касалликнинг яширин даври (қ. *Инкубацион давр*) 3—7 кун (баъзан 21 кунгача). Касаллик тўсатдан бошланади, ҳарорат 38—39° гача кўтарилади, эт увишиб, бош, мускуллар оғрийди, бемор қайт қилиши, алаҳлаши, бурни қонаши мумкин. Касалликнинг биринчи кунидан бошлаб бемор дармонсизланади, бўшашади, лоқайд бўлиб қолади, кўп терлайди. Қўзғатувчилар одам организмига зарарланган тери (шилинган, кесилган ва тирналган жойдан), кўз шиллиқ пардаси орқали тушганида унинг ўрнашган жойи яқинидаги лимфа тугунларида (қ. *Лимфа системаси*) яллигланиш жараёни рўй беради ва бубон пайдо бўлади. Қўзғатувчилар нафас йўллари орқали ўтганда бронхит, ўпка яллигланиши, ҳазм йўлининг шиллиқ қавати орқали кирганида кўнгил айниб, қоринда кучли оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Т.га шубҳа бўлган жойларда кемирувчилар ва қон сўрувчи бўғимоёқлиларни йўқотиш чоралари кўрилади, ичиладиган ва хўжалик сувлари зарарсизлантирилади.

ТУМАН — томчи ҳолидаги суюқ дисперс фазали *аэрозоллар*. Ўта тўйинган буғлардан конденсация натижасида ҳосил бўлади. Атмосферадаги Ер сирти қатламларидаги сув буғларининг тўйинишидан ҳосил бўлган сув томчилари ёки муз кристаллари тўпламидан иборат. Т. 1 км дан камроқ масофага горизонтал кўринишни хиралаштиради. Т. Ерга яқин ҳаво қатламининг совиши ёки унинг намланиши оқибатида юзага келади. Совиш натижасида пайдо бўладиган Т. қуйидагиларга ажралади: 1) Ер юзаси салбий радиация баланси натижасида бунёдга келадиган ва Ер юзасидаги ҳаво қатламини совитадиган радиацион Т., бундай Т., одатда, сал шамол бўлиб аёз тунда, қишда эса кундузи ҳам бўлиши мумкин; 2) совуқ Ер устига иссиқ ҳавонинг *адвекцияси* натижасида пайдо бўладиган адвектив Т.; булутлар паст бўлиб совуқ шамол турганда сутканинг ҳар қандай пайтида ҳам юзага келиши мумкин; 3) атмосфера фронти устидаги ёмғир томчиларининг бугланиши ҳисобига пайдо бўладиган фронтал Т. Қишда қаттиқ совуқ адвекцияси пайтида денгизлар устида, ёзда ва кузда эса қиргоқдан кечаси совиган ҳавонинг оқиб келиши оқибатида сув ҳавзалари устида кузатилади. Кўп вақт Т. юқорида айтиб ўтилган жараёнларнинг биргаликдаги ёки кетма-кет таъсири остида ҳам пайдо бўлади.

ТУМАН (туркий-мўғулча — ўн минг) — 1) 7—18-а.ларда Марказий Осиё, Хуросонда 10 минг кишидан иборат ҳарбий қисм, дивизия. Туркийда битилган ёдгорликлардан илк бор *Култегин битиктоши* ва *Билга хоқон битиктоши*да қайд этилган. Қўшин Т.и, ўз навбатида, минглик (ҳазора), юзлик (сада) ва ўнлик (даҳа) қисмларидан ташкил қилинган. Т.ларга нўён, туман оқоси, туман бегилар қўмондонлик қилган. Амир Темур қўшинидаги Т.ларга соҳибқироннинг ўғиллари, набиралари ҳамда Шайх Нуриддин, Ҳожи Сайфуддин, Шоҳмалик, Аллоҳдод, Жаҳоншоҳ сингари номдор беклар раҳбарлик қилган; 2) Эрон (13—16-а.лар) ва Ўрта Осиё (13—19-а.лар)да 10 минг ва ундан ортиқ аскар етказиб бериш имкониятига эга бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик. *Бобур*нинг «Бобурнома»да таъкидлашича, 16-а.да Самарқанд вилоятига Сугд, Шовдор каби Т.лар тегишли бўлган. Кобул вилояти 14 та Т.дан ташкил топган. Андижон ва Қашқарда Т. ўрнида «ўрғин», Ҳиндистонда «паргана» истилоҳлари қўлланилган; 3) ўрта асрлардан Эронда муомалада бўлган пул бирлиги — 10000 динор; 4) Ўзбекистон Республикасида — маъмурий-ҳудудий бирлик. Қ. *Туман* (ЎзРда).

ТУМАН (ЎзРда) — маъмурий-ҳудудий бирлик. Ўрта асрлардан маълум. Шарқда, жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида маъмурий-ҳудудий бўлиниш; уезд маънолларида ишлатилган. Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибига кирган даврда Т.ларни «район» деб аташ расм бўлган. Ўзбек тили давлат тилига айланиши муносабати б-н тарихий «Т.» сўзи қайта тикланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига мувофиқ, Т. маъмурий-ҳудудий бўлиниш погоналаридан бири. Т. давлат юқори органларининг кўрсатмалари, қарорларини ҳаётга татбиқ этувчи ва бажарувчи асосий маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб, вилоят таркибига киради. Шунингдек, йирик шаҳарлар таркибида шаҳар Т.лари ташкил этилиши мумкин (мас., Тошкент ш.да 11 та Т. бор). Т.ларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари — Т. ҳокимлари ва халқ депутатлари Т. Кенгашлари бошқарали. Туманларни ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги б-н амалга оширилади. Т.ларга тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланадиган ҳамда туман халқ депутатлари Кенгашида таслиқланадиган Т. ҳокими раҳбарлик қилади.

ТУМАН ОҒО БЕГИМ (1366—?) — Амир Темурнинг суюкли хотинларидан бири. *Сароймулкхоним*нинг акаси амир Мусонинг Орзумулк оғодан туғилган қизи. 1378 й. да 12 ёшида Амир Темурга никоҳ қилинган. Т.о.б. ҳусида беназир бўлган. Амир Темур ушбу завжасини беҳад ҳурмат қилган ва унинг шарафига Самарқандда махсус «Боғи беҳишт» ни барпо этган. Амир Темурнинг бир қатор юришларида Т.о.б. Сароймулкхоним ва б. маликалар қатори ўғруқ (обоз)да юрган. Соҳибқирон вафотидан сўнг тахтни қўлга киритган *Халил Султон* 1406 й.да амир Шайх Нуриддин б-н бўлган жангда маглубиятга учраб, сулҳга мувофиқ Т.о.б. ни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беришдан ўзга чора тополмайди. 1411 й.да амир Шайх Нуриддин амир Шоҳмалик кўрсатмасига биноан ўлдирилгач, Т.о.б. ни Ҳиротга жўнатишади.

Т.о.б.нинг Амир Темурдан фарзанд кўрган ёки кўрмаганлиги хусусида манбаларда маълумот учрамайди.

Ад. Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1966; Файзиев Т., Темуриллар шажараси, Т., 1995.

ТУМАН ОҒО МАЖМУАСИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (14—15-а.лар). *Шоҳизинда* ансамбли таркибида. Мажмуа Амир Темурнинг хотини *Туман оғо бегим*, номи б-н боғланган. Т.о.м. мақбара, масжид, ҳужралар ва чортоқдан иборат, турли даврларда бунёд этилган. Безаклари 15-а. бошларида ишланиб, унинг яхлитлигини таъминлаган. Мақбара хочсимон тарҳли, мовий гумбазли, пойгумбази баланд қилиб қурилган. Изораси ёрқин яшил рангли, 6 қиррали кошин гиштлар б-н якунланган, тилла ҳалли қилиб пардозланган. Тарзи ўйма кошин, ислимий ва гириҳ нақшлар б-н безатилган, ёзувлар б-н тўлдирилган. Ёзувларни «сулс» хатида уста Шайх Муҳаммад ибн Ҳожи Бандгир ат-Туғро Табризий бажарган. Ички безагида кўк, оқ ва қизил рангли нақшлар манзарали расмлар б-н уйғунлаштирилган. Мақбаранинг жан. да 3 гумбазли масжид жойлашган. Унинг меҳроби ёрқин рангли парчин б-н қопланган. Шоҳизинда ансамблининг юқори гуруҳида жойлашган ушбу ёдгорликларга юқори чортоқ орқали кирилади. Чортоқнинг ички гумбази муқарнас косачалар б-н тўлдирилган. Пештоғи гишт ва йигма кошин б-н қопланган. Ҳужрага кираверишдаги ёзувда масжидга амир Мусо қизи Туман ого асос солганлиги қайд қилинган. Умумий тарҳи 5,7×6 м.

Туман ого мақбарасининг бош тарзи.

ТУМАН ХОҚОН, Туман тангриқут — 1) ҳунлар давлати ҳукмдори (мил. ав. 240—210 й.лар). Хитой манбаларида Туман (Тоуман) шаньюй деб аталади. Қадим замонда «шаньюй» деб ўқилган 2 иероглиф танйи, танжиу деб талаффуз этилган бўлиб, улар тангри сўзининг хитойча транскрипцияси эди. Т.х. ҳунлар давлатини империяга айлантирган, Т.х. халқини илк бирликка келтирган ва мил. ав. 210—174 й.ларда тахтга ўтирган Ботир-тангриқутнинг (Маодун, Модэ), яъни Ўғузхоннинг отасидир. Т.х. ўғли томонидан ўлдирилган. Бунга асосий сабаб Т.х. даврида Рузие (Юэжи, Юэцзи) давлати катта қудратга эга бўлган ва ушбу давлат б-н тинчлик муносабатини сақлаш мақсадида у тахт вориси бўлган катта ўғли Ботир-тангриқутни гаров сифатида Рузие хоннинг ҳузурига юборган ва тахтга кичик хотинидан бўлган ўғлини ўтқазмоқчи бўлган. Бундан норози бўлган Ботир-тангриқут гаровликдан қочиб, ватанига қайтиб боргач, қўшин қўмондони этиб тайинланган. Ушбу имкониятдан фойдаланиб отаси ва ўгай онаси, ундан бўлган болаларни йўқ қилиб тахтни қўлга олган (Яна қ. *Моде хоқон*); 2) *Турк хоқонлиги*нинг асосчиси *Бумин* хоқоннинг Хитой манбаларидаги номи.

ТУМАНБОШИ — 10 минг жангчидан иборат ҳарбий қисм, дивизия қўмондони. Туркий манбаларда нўён, туман оқоси, туманбеги каби маънодошлари ҳам қайд этилади. *Чингизхон* армиясида мўғул аристократиясининг кўзга кўринган вакиллари — нўёнлар Т. вазифасини ўтаган. Улар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳ.к. ҳаётнинг муҳим масалалари ҳал қилинадиган қурултойларда қатнашиш ва ўз фикрини очиқойдин ифода этиш ҳуқуқига эга бўлган. Т., одатга кўра, йўлбарс тасвири туширилган олтин пайза боғлаб юрган ва бу лавозим наслдан наслга мерос сифатида ўтган. *Амир Темур* қўшинида туманларга бошчилик қилган шахсларга алоҳида талаблар қўйилган. Ғаним кучларини тор-мор қилган ёки унинг ҳудудларини забт этган Т. туғ ва довул б-н тақдирланган ҳамда «баҳодир» фахрий унвони б-н сарафроз этилган. Соҳибқирондан бирор чегара вилоятни бошқариш учун суюрғол тарзида қабул қилган. Т. машварату кенгашларда қатнашиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Т.га мингбеги, юзбеги ва ўнбегилар бевосита бўйсунган. Т. лавозими, асосан, адади бир неча 10 ёки 100 мингдан иборат қўшинлар таркибида кўпроқ кўзга ташланади. *Бобур* қўшинида Т. лавозими мавжуд бўлмаган, чунки қўшиннинг сони 12 мингдан ортиқ эмас эди.

ТУМАНЛИКЛАР — юлдуз тўдалари ёки бутун юлдуз системалари (*галактикалар*)дан, шунингдек, газ ва чангдан ташкил топган булутлар (қ. *Галактик туманликлар*).

ТУМАНЯН Ованес Тадевосович [1869.7(19).2. — Арманистон ҳоз. Туманян тумани Десеҳ қишлоғи — 1923.23.3, Москва] — арман ёзувчиси ва жамоат арбоби. Тбилисидаги арман диний консисториясида, сўнг арман нашриётлар жамияти идорасида (1887—93), «Аскер» болалар жур.да (1905) ишлаган. Арман ёзувчиларининг Кавказ жамияти (1912—21), Арманистонга ёрдам кўмитаси раиси (1921—22). Т. миллатлараро қонли тўқнашувларга (1905—07) қарши чиққан, 2 марта (1908, 1911) қамалган. 1899 й.да Т. раҳбарлигида Тбилисида «Вернатун» адабий тўгараги ташкил қилинган. «Шеърлар» тўпламлари (1—2-ж.лар, 1890—92) нашр этилган. 90-й.ларда яратган қатор шеър, достон ва балладаларида ижтимоий-психологик конфликтлар, арман халқи урф-одатлари фольклор анъаналарида акс эттирилган. Достонлари деҳқонлар ҳаёти ҳақида («Маро», 1887; «Лореци сако», 1889; «Ануш», 1890 ва б.). «Сосунлик Довуд» достони (1902), «Охтамар» (1892), «Парвона» (1903), «Асал томчиси» (1909), «Шоҳ ва хабарчи» (1917) балладалари арман ва шарқ афсоналари асосида яратилган. Болаларга бағишлаб бир қанча асарлар ёзган («Мушук ва кучук», «Бахтсиз савдогар» ва б.). Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Менинг қўшиғим», «Шеърлар», «Поэмалар», 1962, «Охтамар», «Афсоналар», 1972 ва б.).

ТУМОВ, ринит — совқотиш, инфекция, аллергия натижасида бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши. Мустақил касаллик ёки инфекцион касалликлар (мас., грипп, дифтерия, қизамиқ ва б.) белгиси бўлиши мумкин. Т.да бурун ёки томоқ шиллиқ пардаси шишиб, ачишади ва қуруқшайди; 3—4 кундан кейин бурундан кўп миқдорда суюқ тиниқ шилимшиқ келади. Беморнинг умумий аҳволи айтарли ўзгармайди, ҳарорати, одатда, нормал ёки бир оз кўтарилади (37—37,5°), боши оғирлашиб, иш қобилияти пасаяди; бурундан нафас олиш қийинлашади, баъзан, кўз шиллиқ пардаси яллиғланганлиги туфайли ёш оқади, ҳид билиш пасаяди. Т. хусусан эмадиган болаларда оғир кечади. Уларнинг бурун йўллари жуда тор бўлиб, бурун шиллиқ қаватининг озгина бўлса-да шишиши бурундан нафас олишни қийинлаштиради. Натижада жиддий ўзгаришлар: тажанглик, уйқу бузилиши,

эммай қўйиш, жуда озиб кетиш ва б. кузатилади. Баъзан яллиғланиш бурунхалқум ва эшитув найи шиллиқ пардасига, ҳатто ҳиқилдоқ, бронх ва ўпкага ҳам ўтиб кетади. Шунинг учун Т.ни зўрайтириб юбормаслик керак.

Касаллик аломатлари пайдо бўлиши б-н врачга мурожаат этиш лозим. Асал ёки малина мураббоси солинган иссиқ чой ичиш, врач тавсия этган томир торайтирувчи томчиларни бурунга томизиш керак, бу — шиллиқ парда шишини пасайтиради, натижада бурун оқиши камаяди, бурун очилиб, нафас олиш яхшиланади. Врач буюрган даво чораларини қатъий бажариш лозим, акс ҳолда яллиғланиш жараёни сурункали шаклга ўтиб кетиши мумкин. Т. ҳамма вақт ҳам совқотиш ёки инфекцион касалликлардан келиб чиқавермайди. Кўпинча (асосан, асаби тез қўзғалувчан кишиларда) аллергик ёки вазомотор Т. ҳам учраб туради: касаллик хуруж қилганда бемор тинмай акса урали, бурнидан суюқ шилимшиқ, кўзидан ёш оқади, бурун ва қовоқлари қичишади; Т.нинг бу шакли баъзан бир кунда бир неча марта хуруж қилади. Аллергик Т.нинг алоҳида бир тури — пичан тумови, асосан, бошоқли ўсимликлар гуллаган даврда учрайди.

Ўткир Т. тез-тез қайталаб турса, сурункали Т.га айланиб кетиши мумкин. Сурункали Т. бурун бўшлиғи шиллиқ пардасининг ўсиб, қалин тортиши (гипертрофия) ёки унинг юпқалашиб кетиши (атрофия)га олиб келиши мумкин, натижада нафас олиш қийинлашади. Шунинг учун Т.нинг сурункали шаклга ўтиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Т.нинг олдини олишда *организмни чиниқтириш* жуда муҳим.

ТУМОР —1) диний тасаввурларга кўра, кўз тегишидан, турли офат, бало, инсжинс ва ш.к.дан сақлайдиган буюм. Т. ичига Қуръон оятлари битилган қоғоз ҳамда илоҳий қудратга эга деб билинган нарсалар солинган. Дуо ёзилган қоғоз уч ёки тўртбурчак қилиб буклаб, чарм ёки матога ўраб тикилган. Т., одатда, бўйинга, қўлтиққа, сочга тақилади ёки кийимнинг ички қисмига тикиб қўйилади; 2) аёлларнинг бўйин ва қўлтиқларига тақиладиган тақинчоғи, безаги. Т. шакли бир-бирининг устини қоплаган 2 бўлак (қутича ва қопқоқдан иборат қутича бўлиб, асосан, қопқоқ қисми безатилади. Тилла, кумуш ва б. металлардан учбурчак, тўртбурчак, наича (цилиндр) шаклида ясалиб сирти нақшлар б-н ҳамда қимматбаҳо тошлар қалаб безатилади, шокилалар осилади. Тақилиши ва шаклига кўра фарқланади: *бозубанд, дуотуш, бўйинтумор*, кўкрак Т., қўлтиқ Т. ва б.



Тумор (19-а., Тошкент).

ТУН ЯБҒУ — Ғарбий *Турк хоқонлиги*нинг ҳукмдори (618—630). У Шеғунхон вафотидан сўнг тахтга чиққан. Т.Я. қабилаётган саркарда ва давлат бошлиғи бўлиб, фаол ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. Жан. Тохаристон (ҳоз. Афғонистон) ва қисман Гибин (ҳоз. Покистон) ерларини забт этди. Бу даврда Ғарбий Турк хоқонлиги таркибига деярли бутун Ўрта Осиё, Қозоғистоннинг катта қисми, қуйи Волга бўйлари, Шим. Кавказ ерлари кирган. Давлат пойтахти Суяб ш. (ҳоз. Тўқмоқ ш. яқинида) эди. Т.Я. марказий ҳокимиятни кучайтириш мақсадида давлатда маъмурий ислоҳот ўтказган. Вилоятларда назоратни кучайтириш учун ўз вакиллари — *туфу*ларни юборган. Маҳаллий ҳукмдорларга туркий унвонлар инъом этган. Ўғли Тардушдони Тохаристонга юбориб қилиб тайинлаган. Т.Я. хоқон Эронга қарши Византия б-н иттифоқ тузган. 627 й. ғарбий турклар тузилган шартномага асосан, Эронга қарам бўлган Кавказорти ҳудулига ҳужум қилган. 627 йили Чор (Дарбанд). 628 й. эса Тифлис (ҳоз. Тбилиси) забт этилган. 630 й. Т.Я. амакиси Қул Баҳодур томонидан ўлдирилган.

Ад.: Гумилёв Л. Н., Древние тюрки, М., 1967; История Востока, т. 2, М., 1995.

ТУНБОШ (Lepidium) — карамгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Бир йиллик, икки йиллик ўт, баъзан чала бута. 150 га яқин тури маълум. Ўрта Осиёда кўпинча далаи ерларда учрайди. Ўзбекистонда қоратундлак, *бақажўхори*, зарқулоқ турлари тарқалган. Гули майда, тўпгулли шингил; гулбарги оқ, баъзан гулбаргсиз. Меваси икки уруғли кўзоқ. Ўткир қўланса ҳидли бўлгани учун қандалага қарши ишлатилади.

ТУНГ (Aleuites), мойли дарахт — сутламадошлар оиласига мансуб барг тўкувчи дарахтлар туркуми. Ватани —

Фарғ. тунгининг тунгуни, барги ва меваси.

Хитой, Япония, АҚШ ва Грузияда экилади. Дарахти сербарг, бал. 15—20 м га боради. Сершох, барглари узун бандли, навбатма-навбат жойлашган. Меваси данакмевали, уруғи пирпирак, лагал қобиқ б-н қопланган, таркибида 60% мой бор. Уруғидан қуйилади. Егочи ҳомиқ, сариғ. Икки тури — фарғ Т.и ёки хитой Т.и (A. fordii) ва япон Т.и (A. cordata) Кавказнинг Қора денгиз бўйида, нам субтропик р-нларда иқлимлаштирилган. Т. 40—50 ёшида бал. 5—10 м га боради. 4—6 ёшидан бошлаб 30—35 й. мева беради. Мозуккa Т.и гури данакларидан мазали озиқ-овқат мойи олинади. Т. мойидан юқори сифатли эмаллар, бўёқлар, лок тайёрланади.

ТУНГУСКА — РФ Хабаровск ўлкасидаги дарё. Амурнинг чап ирмоғи Урми ва Кур дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Қуйи Амур пасттекислигидан оқади. Уз. 86 км (Урми б-н бирга 458 км). Ҳавзаси майд. 30,2 минг км². Асосан, ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи қўшилиш жойидан 37 км да 380 м³/сек. Ноябрда музлаб, апрда муздан бўшайди. Николаевка посёлкасигача ёғоч оқизилади. Т.да мунтазам равишда кема қатнайди.

ТУНГУСКА МЕТЕОРИТИ, тунгус метеорити — Ер б-н тўқнашган энг катта метеорит. 1908 йил 30 июнда *Тунгуска* дарёси (Сибирь) яқинига тушган. Шу пайт кўкни кўр қиладиган даражада ёруғ болид жан.-шарқдан шим.-ғарбга томон бир неча секунд давомида ҳаракатланган. Болид ҳаракат йўлида кучли чангли из қолдирган. Бу из 800 км радиусли катта ҳудуддан бир неча соат давомида кўриниб турган. Ёруғликдан сўнг 1000 км масофада портлаш эшитилган. Атроф жойларда ер қимирлашига ўхшаш кучли тебраниш бўлган. Т.м. тушгандан сўнг бир неча кун Сибирь ва Европа тунлари ниҳоятда ёруғ бўлиб турган. 20 йиллан кейин юборилган экспедиция 30 км радиусда ўрмон поймол бўлган ва қисман ёнганлигини қайд қилган. Бу ва бундан кейинги 10 га яқин экспедициялар Т. м.ни поймол қилган ўрмонда осмондан тушган жисм (метеорит)ларга хос жинсларни топа олмади. Метеорит жинсларини қидириш муваффақиятсиз якунланди. Т. м. га икки хил қараш мав-

жуд. Т.нинг Ер юзасидан бир неча километр баландликда портлаб кетган комета ҳосил қилган, Т.м. портлашидан олдин Ернинг ички қатламларидан атмосферага кўтарилган нефть чанги, газ ва метан гидратларидан иборат аралашма зарраларининг электрик потенциали аралашмани портлатиб юборган. Тунгус ҳодисасини ўрганиш ҳозирга ча давом этмоқда.

ТУНГУСЛАР — *эвенк*ларнинг 20-асрнинг 20—30-й йиларича бўлган номи.

ТУНГУС-МАНЖУР ТИЛЛАРИ, манжур-тунгус тиллари — Сибирь ва Узоқ Шарқдаги яқин қариндош тиллар гуруҳи. Айрим тилшунослар фикрича, Т.-м.т. *олтой тиллари* оиласига киради. Ушбу тиллар РФнинг Ўрта ва Шарқий Сибирдаги гайта ҳудудларида, Хитойнинг шим.-шарқида, Синьцин-Уйғур мухтор районида, Монголиянинг Барги гумани гаймогида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 70 минг (РФ да 60 минг) кишидан ортиқ (1998-й.лар). Т.-м.т. нинг нисбатан яқинлиги ва нисбатан жиҳатдан ута тарқоқлиги уларни мустақил тил сифатида ажратиш ва таснифлашни қийинлаштиради. Шунинг учун бир таснифда улар 11 тармоққа, иккинчисида 5 тармоққа, яна бирида 3 тармоққа ажратилади. Мас., 3 тармоққа таснифда сибирь ёки шим., амур ёки нанн ва жан. ёки манжур тармоқлари фарқланади ва бу тармоқлар эвенк, эвен, нанай, удегей, манжур каби тилларни ва бир қанча лаҳжаларни қамраб олади.

Т.-м.т. фонетик белгиларидан унлилар оҳангдошлиги, сўз ўртасида ундошларнинг қатор келиши, урғунинг сўз охирига тушиши (эвенк ва эвен тилларида кучли урғуси, нанай ва удегей тилларида мусиқий урғу) кабиларни кўрсатиш мумкин. Морфологик белгиларидан эса бу тилларнинг суффиксал-агглютинатив типдаги тилларга мансублиги; аналитизм белгиларининг кучлилиги (манжур тили); отларнинг сон (бирлик ва кўплик), эгалик (3 хил шакл), келишик (8 та) категорияларига эгалиги; феълларда сифатдош шаклининг предикат вазифасида қўлланиши, нисбат категориясининг (улар 5 та) ривожланганлиги, кўмакчиларнинг фаол, кўп қўлланиши кабиларни кўрсатиш мумкин. Лексикада бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар кўп: РФ даги Т.-м.т. да рус тилидан, эвен ва эвенк тилларида саха тилидан, манжур тилида хитой тилидан, барча Т.-м.т. да мўғул тилларидан ўзлашган сўзлар учрайди.

Т.-м.т. га мансуб ёзик журжен тилида яратилган ва журжен ёзувида битилган ёдгорликлар 12—16-асрларга мансуб. Манжур тили ёзуви 1599 йда мўғул ёзуви асосида яратилган ва 1632 йда такомиллаштирилган. Бошқа Т.-м.т. учун 20-асрнинг 20-йиллари охирида лотин графикаси асосида, 1936 йдан рус графикаси асосида ёзувлар ишлаб чиқилди ва 1931—32 йларда эвенк, эвен ва нанай тилларида адабиётлар нашр этила бошлади.

ТУНДРА (финча тиштиқ — ўрмонсиз, яланғ қир) — Шим. ярим шарнинг юқори кенгликларидаги йўсин ва тамбўрут, кўп йиллик ўт ҳамда бутлар ўсадиган ерлар. Жан.да ўрмонлар, шим.дан Арктика муз саҳролари ҳамда ўз-ро чегараланган. Т. доим тўнғиз ётган совуқ иқлимли ва совуқ гупроқли ўлка. Скандинавия, Урал, Сибирь, Аляска, Канада шим.лари тоғларда тоғли Т. тарқалган. Т.да кўп йиллик ўсимликлар, йўсинлар, лишайниклар, ҳар хил ўтлар, барг тўкувчи ва доим яшил буталар, пакана қарағай ва митти қорақарағай кўп ўсади, бўту боқилади, овчилик қилинади. Т. зонасининг катта қисмини субарктика, Т. ва чекка шимолда арктика Т.си ташкил этади.

Тундра ландшафти.

ТУНДРА ЗОНАЛАРИ —асосан, Шим. ярим шардаги табиат зонаси. Жан. ярим шарда Антарктида яқинидаги оролларда кичикроқ майдонларда учрайди. Т.з. субарктика ва арктика минтақаларида жойлашган. Шим. ярим шарда Т.з. Арктика муз саҳролари зонаси б-н жан.да ўрмон тундраси оралиғида. Евросиё ва Шим. Америкасининг шим. соҳили бўйлаб (эни 300—500 км) чўзилган. Радиация баланси паст, қиши 8—9 ой давом этади (янв.нинг ўртача т-раси —40°, —50°), 60—80 сутка қутб туни бўлиб туради. Ёзи қисқа (июлнинг ўртача т-раси 5—10°). Вегетация даври 50—100 кун. Йиллик ёғин текисликларда 150—350 мм, тоғларда 500 мм гача. Ёзда тупроқнинг 0,5—1,5 м қалинликдаги устки қисмигина эрийди. Ботқоқлик ва кўл кўп. Иқлими совуқ бўлгани учун органик дунёси ҳам камбағал. Ҳайвонот дунёси ўзига хос: оқ каклик ва тундра каклиги, шимол бугуси, бўри, лемминг, қутб тулкиси кўп. Ёзда жуда кўп сув паррандалари учиб келади. Ҳашаротлари хилма-хил. Аҳоли бутучилик, балиқ, мўйнали ва денгиз ҳайвонларини овлаш б-н шуғулланади.

ТУНИС. Тунис Республикаси (Ал-Жумҳурия ат-Тунисия) — Шим. Африкада жойлашган давлат. Майд. 164,2 минг км². Аҳолиси 9,8 млн. киши (2002). Пойтахти — Тунис ш. Маъмурий жиҳатдан 25 вилоятга бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — республика. Амалдаги конституцияси 1959 й. 1 июнда қабул қилинган, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1987 й.дан Зайн ал-Обидин бин Али), у умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва яна 2 муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимияти Депутатлар палатаси (бир палатали парламент), ижрочи ҳокимиятни президент б-н ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ер юзасининг аксари қисми текислик, айрим жойларда қирлар учрайди. Шим. ва шим.-ғарбий қисмини *Атлас тоғлари*нинг шарқий тармоқлари (Тел-Атлас, Тунис тизмалари ва б.) эгаллайди. Тунис тизмасининг ғарбий қисмида мамлакатдаги энг баланд нуқта — Шамби чўққиси (1544 м) бор. Тоғлар оралиғида платолар, шим.да Тунис пасттекислиги ва жан.-ғарбда Тунис соҳили, Т.нинг марказий қисмида Шотт деб аталган шўрхок ботиқ жойлашган. Фойдали қазилмалардан фосфорит, темир, қўрғошин, марганец ва рух рудалари, симоб, магний ва калий туз конлари бор. Саҳрои Кабирда нефть ва газ захиралари аниқланган. Иқлими Ўрта денгиз атрофига хос субтропик иқлим, ёзи иссиқ ва қуруқ,

Тунис герби.

қиши нисбатан салқин, нам; чекка жан.да тропик чўл иқлими, Саҳрои Кабирдан гармсел (сирокко шамоли) эсиб туради. Ўртача т-ра янв.да 10°, июлда 26°, жан.да янв.да 21°, июлда 33°. Йиллик ўртача ёғин 400—1500 мм, Тунис тизмасидан жан.да 100—200 мм. Дарё кам, йирик дарёси — Мажарда (уз. 460 км). Тупроқ ва ўсимликлари, асосан, Ўрта денгиз атрофига хос. Тоғлардаги қўнғир ўрмон тупроқларида аралаш ўрмонлар, қолган ҳудуддаги кулранг ва жигарранг тупроқларда чўл ва чала чўлга хос ўсимликлар ўсади. Ҳайвонот дунёси: шим.да қоплон, тўнғиз, алқор, чала чўлларда қорақулоқ, гепард, чиябўри, сиртлон, тулки, ёввойи мушук бор; қушлар, судралиб юрувчилар кўп. Ҳашаротлардан, айниқса чигиртка қ.х. экинларига зарар етказади. Ўрта денгиздан балиқ овланади. Ашкёл, Жабель-Бу-Хедма ва б. миллий боғлари, қўриқхона ва резерватлар ташкил этилган.

Аҳолисининг 97% дан кўпроғи тунислик араблар, 1%дан ортиғи барбарлар, озроқ европалик (француз, итальян ва б.)лар. Расмий тил — араб тили. Француз тили ҳам тарқалган. Диндорлари — сунний мусулмонлар. Шаҳар аҳолиси 61%.



Йирик шаҳарлари: Тунис, Сфакс, Сус, Бизерта, Қайрувон.

Тарихи. Т. ҳудудида илк палеолит давридан одам яшаб келади. Мил. ав. 4—2-минг йилликларда деҳқончилик ва чорвачилик тараққий этиб, истеҳкомли манзилгоҳлар вужудга келган. Мил. ав. 12-а.да Т.га юнонлар, кейинроқ финикияликлар кириб келди. Финикияликлар томонидан Т.да асос солинган шаҳарлар ичида *Карфаген* йирик шаҳар-давлатга айланган. Мил ав. 264—146 й.лардаги *Пуни урушлари* натижасида Карфаген давлати барҳам топган. Т. Рим империясининг Африкадаги мулкига айланган. 439 й. барбарлар ва қўзголончи деҳқонлар кўмагида Карфагенни *вандаллар* босиб олган. 534 й. Т. Византияга тобе бўлган. Т. туб аҳолисининг озодлик курашига 647 й. Т. ҳудудига кириб келган мусулмон араб қўшини ёрдам берган. 670 й. араблар Қайрувон ш.га асос солдилар (кейинчалик бу шаҳар Шим. Африкага ислом динини ёйиш маркази бўлиб қолди), 698 й. улар Карфагенни, 703 й. эса Т.ни бутунлай эгалладилар. 800 йил Т. *Аббосийлар* халифалигидан ажралиб чиқиб, *Ағлабийлар* сулоласи ҳукмронлигидаги мустақил давлатга айланди. 909 й. барбар қабилаларининг қўзголони натижасида Т.да исмоилийларнинг Фотимийлар давлати барпо этилди.

1535 йил Т.ни Испания босиб олди. 1574 й. турклар испанларни қувиб чиқариб, Т.ни Усмонли турк империяси таркибига қўшиб олди. Бироқ турк султонлари Т.ни номигагина идора қилар эди. 1591 й.дан Т.ни Тунис дейлари, кейинчалик Муродийлар сулоласи (1612—1702) бейлари бошқарди. 1705 й. Ҳусайнийлар сулоласи бейлари мустақил Т. давлатини барпо этдилар. 1861 й. Тунис либерал ислоҳотчиси Хайриддин ат-Тунисий ташаббуси б-н дастлабки конституция (Дустур) қабул қилинди. 1881 й. француз қўшинлари Т.ни босиб олди. 1934 й. Ҳабиб Бурғиба ватанпарвар кучларни бирлаштириб, Янги дустур — сўл миллатпарвар партиясини тузди, шу партия миллий озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилди. 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45) ва ундан кейин Т.даги миллий озодлик ҳаракати кучайди. 1952—54 й.ларда шаҳарлардаги умумий иш ташлаш шароитида Т. озодлик армияси (1952 й. Янги дустур партияси томонидан тузилган) ҳаракат бошлади. 1954 й. 31 июлда Франция Т.га ички мухторият беришга мажбур бўлди. 1955 й. 3 июнда имзоланган конвенцияга биноан Т.ни идора қилиш миллий ҳукумат қўлига ўтди. 1956 й. 20 мартда Франция Т. мустақиллигини тан

Тунис байроги.

олди. 1957 й. монархия тугатилди ва республика эълон қилинди. Ҳ. Бурғиба президент этиб сайланди. Т. — 1956 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 26 дек.да тан олган ва 1992 й. 26 нояб.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 20 март — Мустақиллик куни (1956).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Янгиланиш ҳаракати партияси, 1939 й. тузилган, 1993 й.гача Т. коммунистик партияси деб аталган; Демократик конституциявий бирлашма партияси, 1934 й. Дустур партиясининг парчаланиши натижасида тузилган, 1964 й.гача Янги дустур, 1988 й.гача Социалистик дустур партияси деб аталган; Халқ бирлиги партияси, 1973 й. ташкил этилган; Демократ социалистлар партияси, 1977—78 й.ларда асос солинган; Демократик бирлашув иттифоқи, 1988 й. тузилган; Социал-либерал партия, 1988 й. ташкил этилган. Т. умумий меҳнат бирлашмаси касаба уюшма маркази, 1946 й. асос солинган.

Хўжалиги. Т. — кончилик ва қайта ишлаш саноати ривожланган аграр мамлакат. Табиий ресурс захиралари оз бўлишига қарамай, Африкадаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига киради. Ялпи ички махсулотда қ.х. ва балиқ овлашнинг улуши 11,7%, кон саноатининг улуши 4%, и.ч. саноатининг улуши 18,5%.

Қишлоқ хўжалигида аҳолининг 60% банд. Қ.х.га яроқли ерлар 8 млн. гектарга яқин. 3,2 млн. гектари экинзор, 2,6 млн. гектари яйлов, 150 минг га ер суғорилади. Ғалла етиштириш ва яйлов чорвачилиги муҳим аҳамиятга эга. Асосий экинзорлари мамлакатнинг шим. ва шим.-шарқида жойлашган. Буғдой, арпа, цитрус мевалар, зайтун, хурмо, сабзавот, узум, бодом, қанд лавлаги, тамаки етиштирилади. Чорвачиликда қўй, эчки, қорамол, эшак, хачир, туя боқилади. Паррандачилик саноат асосида ташкил этилган. Тел тоғларида ўрмон маҳсулотлари, айниқса, пўкакли дарахт пўстлоғи, жан.да қоғоз саноатида ишлатиладиган альфа ўти йиғилади. Ҳаммомот ва Қобис қўлтиқларида, Қарқанна о.лари соҳилида балиқ овланади.

Саноатида кон, электротехника, тикувчилик, туқимачилик, чармпоиабзал тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган. Озиқ-овқат, металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё корхоналари бор. Кон саноатида нефть, фосфорит, темир, рух рудаси қазиб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. И.ч. саноати корхоналарининг аксарияти мамлакатнинг шим.-шарқий қисмида барпо этилган. Чекка р-нларда цемент и.ч. иулга қуйилган. Йилига ўртача 6,7 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Ҳунармандчилик (гилам ва сават туқиш, кулолчилик, мис ва жезлан безак буюмларни ясаш) ривожланган. Т.и. узунлиги 2,2 минг км, автомобиль йуллари уз. 22,5 минг км. Асосий денгиз портлари: Тунис, Сфакс, Бизерта, Қобис, Сехира. Тунис ш. яқинида халқаро аэропорт бор. Т. четга нефть ва нефть маҳсулотлари, газмол, зайтун ёғи, вино, фосфорит чиқаради. Четдан машина ва ускуна, озиқ-овқат ва кенг истеъмол моллари олади. Франция, АҚШ, Германия, Италия, Испания б-н савдо қилади. Пул бирлиги — тунис динори.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли даволаш муассасалари б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам бор. Аҳолининг 90% бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Врачлар 3 олий тиббиёт ўқув юртида тайёрланади. Тиббий ҳамшира, доя, лаборант ва б. тиббий ходимлар тайёрлаш учун махсус мактаблар очилган. Миллий онкология ин-ти (1969), Пастер ин-ти (1906), Оилани режалаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш маркази, Тунис ун-ти ҳузуридаги Миллий кардиология ин-ти тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар б-н шуғулланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Таълим тизими французча услубда ташкил этилган. Кейинги йилларда уни араблаштиришга ҳаракат қилина бошлади. Бошланғич мактаб 6 й.лик (6—12 ёшли болалар учун мажбурий), умумий ўрта таълим мактаби 7 й.лик бўлиб, у 3 й.лик қуйи ва 4 й.лик юқори ўрта мактабдан иборат. Бошланғич мактаб негизида 4 й.лик ҳунар-техника таълими ташкил этилган. Мамлакатда 50 га яқин ф-т ва олий ўқув юртлари бор. Энг йириклари: Пойтахтдаги Тунис ун-ти (1960), Миллий маъмурий мактаб (1949), Миллий мусиқа, рақс ва халқ санъати консерваторияси, Санъат, меъморлик ва шаҳарсозлик техника ин-ти, Миллий агрономия ин-ти. Илмий муассасаларнинг аксарияти пойтахтда жойлашган. Тунис ун-ти таркибида иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар маркази, Илмий ва техник тадқиқотлар ин-ти (1969), Ядро тадқиқотлари маркази (1966), Миллий техника ин-ти (1969), Миллий онкология ин-ти (1969), Миллий пед. тадқиқотлари ин-ти (1971) бор. Бундан ташқари, Миллий археология ва санъат ин-ти (1957), Миллий агрономия тадқиқотлари ин-ти (1914), Миллий ветеринария тадқиқотлари ин-ти, Миллий океанография ва балиқчилик ин-ти (1924), Денгиз сувларидан фойдаланиш ва ирригация маркази (1963), Миллий ўрмончилик ин-ти ва б. илмий муассасалар мавжуд. Кутубхоналари: Миллий кутубхона (1883), Оммавий кутубхона (1965). Музейлар: Бардо миллий музейи (1888), Карфаген миллий музейи (1964), Ислом санъати музейи ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Т.да кўпгина газ. ва жур. лар нашр этилади. Йириклари: «Ас-Сабоҳ» («Тонг», араб тилида чиқадиган кундалик газ., 1951 й.дан), «Ар-Райи» («Фикр», араб тилида чиқадиган ҳафталик ижтимоий-сиёсий газ., 1977 й.дан), «Ренуво» («Янгиланиш», француз тилида чиқадиган кундалик газ., 1932 й.дан), «Ат-Тариқ ал-Жадид» («Янги йўл», араб тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1981 й.дан), «Ал-Ваҳда» («Бирлик», араб тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1981 й.дан), «Ал-Ҳуррия» («Озодлик», араб тилида чиқадиган кундалик газ., 1934 й.дан), «Диалог» («Мулоқот», француз тилида чиқадиган ижтимоий-сиёсий ҳафтанома, 1974 й.дан), «Ал-Фикр» («Тафаккур», араб тилида чиқадиган ойлик адабий жур., 1955 й.дан), «Ал-Мараа» («Аёл», араб ва француз тилларида ойига 2 марта чиқадиган жур., 1961 й.дан). Тунис Африк Пресс (ТАП) ахборот агентлиги, Т.даги етакчи газ.лар, радио ва телевидениенинг акциядорлик жамияти, 1961 й. асос солинган. Радиоэшиттириш 1936 й.дан, телекўрсатув 1966 й.дан олиб борилади. Уларни Т. радиоэшиттириш ва телевидение давлат маҳкамаси назорат қилади.

Адабиёти Т. ҳудудида мил. ав. 1-минг й.ликда пуни, сўнг лотин тилида ривожланган. Апулей, Августин каби машҳур адиблар Шим. Африкадан чиққан бўлса-да, Т.нинг ўз адабиёти фақат мусулмон араб ҳукмронлиги даврида араб тилида вужудга келди. 10—11-а.ларда Ибн Хани ал-Андалусий ва Али ат-Тунисий Иброҳим ал-Хусрий, Иброҳим ар-Ракик ва Абдулазиз ал-Таърифий каби шоир ва ёзувчилар. 14—15-а. бошларида атоқли мутафаккир Ибн Халдун ижод қилдилар. 15-а.да суфийлар адабиёти вужудга келди. 15—16-а.ларда араб тилининг Тунис шевасида назм жанри устун бўлган халқ адабиёти шаклланди. 19-а. адабиётида миллий озодлик кураши руҳи сезила бошлади. Муҳаммад аш-Шодли Хазнадар ижодида бу руҳ, айниқса, яққол намоён бўлди. 20-а. бошларида Т. адабиётида дастлабки романлар (Салоҳ Сувисийнинг «Ал-Хайра ва Сирож ал-Лайла» романи) пайдо бўлди. 20—30-й.ларда ҳоз. замон Т. адабиётининг асосчиси шоир Абулқосим аш-Шоббий, ҳикоянавис Али-ад-Дуъажий, шоир ва публицист Тоҳир Ҳаддад асарлари машҳур бўлди. Маҳмуд ал-Месадий, Муҳаммад ал-Ларуси ал-Мутвий, Муҳаммад ал-Марзукий каби ёзувчи ва драматурглар адабиёт ривожига баракали ҳисса қўшдилар. Т. мустақилликка эришгач, шоир, ёзувчи ва драматург Мустафо ал-Форсий ижоди камол топди. 1960-й.ларда Т. адабиётига араб ва француз тилларида ижод қилувчи ёзувчи ва драматурглар кириб келди. 20-а. охирларида Ҳасан Наср («Ёмғирли тунлар» ҳикоялар тўплами), Иззеддин Меданий («Ноль инсон» романи, «Ғаройиб ҳодисалар» ҳикоялар тўплами), Маҳмуд Тунсий (ҳикоя ва лирик шеърлар), Муҳаммад Салоҳ ал-Жабрий («Замира ҳаётидан бир кун» қиссаси), Абдураҳмон Амар («Севги ва инқилоб» қиссаси, «Беш қаҳрамон» пьесаси) ва б. ёзувчи ҳамда драматурглар ижоди диққатга сазовор.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Т. ҳудудидан *капса маданияти* санъат ёдгорликлари (қоятошларга ишланган жонивор ва одам тасвирлари, ов манзаралари, сопол идишлар) топилган. Финикийлар даврида ибодатхона, дахма ва биноларнинг, римликлар даврида шаҳар харобалари (Дугга, Тубурбо-Майус ва б.) сақланиб қолган. Уларда театр, амфитеатр, ҳаммом, цирк, турар жой, оромгоҳлар бўлганлиги се-

Тунисдаги қишлоқлардан бирида кўча бозор.

Тунисниинг шимоли-гарбида шоли экин майдони.

зилади. Ўрта асрларда мусулмон меъморлиги (масжид, минора ва сарой бинокорлиги) шаклланди. Қайрувон, Сфакс, Сус, Монастир, Тунисда минорали масжидлар, шоҳ саройлари қурилди, истеҳкомлар, шаршаралар, сув омборлари барпо этилди (Қайрувондаги Сиди Оқба масжиди, 9-а., Тунисдаги Баб ал-Жадид, Баб ал-Минора тош дарвозалари, 13-а.). 11—15-а.ларда меъморлик испан-магриб, 16—19-а.ларда турк санъати оқимида ривожланди. 20-а.да шаҳарсозликка француз меъморлари бошчилик қилди, улар маҳаллий бинокорлик анъаналарини Европа рационализми тамойиллари б-н уйғунлаштиришга интилди. Мустақиллик йилларида етишиб чиққан О.К. Какуб, Х. Амара ва б. тунислик меъморлар замонавий конструкция ва материаллар (темир-бетон, шиша, металл, пластмасса ва ёгоч)дан фойдаланиб уй-жой ва жамоат биноларининг лойиҳаларини туза бошладилар. Тунис ш.даги янги турар жой бинолари, «Дю Лак», «Африка» меҳмонхоналари, Монастир ш.даги «Пальма» меҳмонхонаси, айниқса, муваффақиятли чиққан.

Т. замонавий тасвирий санъатига 12-а.нинг 90-й.ларида асос солинди. 20-а.нинг 20—30-й.ларида Яхё Туркий, Ҳоди Ҳаёший, Амар Фарҳод каби мусаввирлар шаклан мукаммал, мазмунан миллий санъат асарлари яратдилар. Ҳоз. замон тасвирий санъатида реалистик ва модернистик оқимлар мавжуд. Реализм йўналишидаги рассомлардан Али бин Салим, Ҳоди Туркий, Ҳотам Меккий, графикачи Иброҳим ал-Дахак, модернизм оқимидаги ҳайкалтарош Ҳоди Селмий, рангтасвирчи ва график Зубайр Туркий ва б. машҳур. Т. замонавий амалий безак санъатининг асосий турлари гилам тўқиш, каштачилик, тўр тўқиш, кулолчилик, заргарлик ва кандакорликдан иборат.

Мусиқаси узоқ йиллар давомида финикий, юнон, рим, айниқса, араб ва турк маданияти таъсирида ривожланиб келди. Т.мусиқаси Магриб мамлакатлари маданиятида алоҳида аҳамиятга эга. Балавийлар анъаналари негизида маросим ва меҳнат қўшиқлари, шоир-бахшилар ижоди ривож топди. Мумтоз мусиқаси Андалусия (Зирёб) мактаби таъсирида қарор топган. Туркумли жанр нуъба муайян *мақам* (лад)ларга асосланиб, чолгу бадиҳавий муқаддима (истифтах), маълум усулларда ижро этилаётган вокал (авъят, бтайхи, баруэль, таушийя, дардж ва б.) ҳамда чолгу (мсаддар, дхоул каби) қисмлардан иборат. 24 мумтоз нуъбадан ҳозирда Т. да 13 таси сақланган. *Қасида, мунашшах*, шунингдек, диний мусиқа шакллари — зажал, *зикр*, турк маданияти таъсирида башраф (чолгу куй) лар кенг ўрин олган. Миллий созлари: *уд*, торли-камонли рабаб, *қонун*, найсимон касба, зурна (*сурнай* тури), доирасимон тар ва бендир, тўртбурчак даф, дарбука, тбала (*барабан* турлари). Мустақилликка эришилганидан сўнг мусиқа маданиятига эътибор кучайди. 60-й.ларда симфоник оркестр, миллий ансамбллар ташкил этилди. Тунис фольклор ансамбли, Бизерта мумтоз мусиқа ансамбли, «Рашидия» жамияти оркестри (ҳоз. радио оркестри) ишлай бошлади. Анъанавий мусиқа б-н бирга мусиқа маданиятининг европалашган шакллари ёйила борди. Мусиқа кадрлари олий ва ўрта мусиқа ўқув юртлари, жумладан, Тунисдаги Миллий мусиқа, рақс ва халқ санъати консерваторияси, Сфаксдаги консерваторияда тайёрланади. Бастакор, ижрочи ва мусиқашунос Салоҳ ал-Маҳдий, бастакор ва удчи М. ал-Жамусий, хонандалар У. Карим, Ш. Алавий, Абдулҳақ Тариалар машҳур. Ҳар йили ўтказиладиган Карфаген мусиқа фестивали фольклор санъатининг жаҳон марказига айланди.

Монастир шаҳри яқинидаги қалъа.

Театри. Халқ ўйинлари ва байрамларида, сайёр қизиқчиларнинг санъатида театр унсурлари бўлган. 13-а.дан соя ва қўтирчоқ театрлари ёйилди. 1826 й. Италиядан келган труппа тунислик томошабинларни Европа театри б-н таништирди. 1860—75 й.ларда дастлабки театр бинолари қурилди. 1893 й. ливанлик драматург Шуқри Ганимнинг «Антара» спектакли саҳналаштирилди. 1908 й. Сулаймон ал-Кардахий биринчи Т. театрига асос солди. 1913 й. у «Аш-Шахама ал-Арабия» ва «Ал-адаб» жамоаларига бўлиниб кетди. 1921—22 й.ларда мисрлик реж. Жорж Абид «Араб театри»ни ташкил этди. 1955 й. иш бошлаган Муниципал театри доимий труппа ва катта репертуарга эга эди. Мустақилликка эришилгач (1956), 1959 й. ташкил этилган театр мактаби (раҳбари Ҳасан Эмерли) тез орада Драма маркази (раҳбари Муҳаммад Азизана, 1982 й. Драма санъати ин-тига айлантирилди. 1960—70 й.ларда Сус, Сфакс, Бизерта, Ал-Қоф, Қайрувон, Қафса ш.ларида театрлар ишлай бошлади. 1960 й.дан Монастир ш.да Магрибдаги барча театрларнинг фестиваллари, Ҳаммомотдаги театр марказида (1964 й. ташкил этилган) ва кўҳна Карфаген харобаларида Халқаро театр фестиваллари ўтказилади.

Киноси. 1897 й. Ш. Шикли дастлабки киносеансларни ташкил этди. 1907 й. доимий кинотеатр очилди. 1922 й. Ш. Шикли қисқа метражли «Зуҳра», 1924 й. эса тўлиқ метражли «Оҳу кўзлари» фильмларини суратга олди. Мустамлакачилик даврида гаройиб-саргузашт фильмлар — «Этиклўз Маъруф» (1921, реж. Р. Дессор), «Ясмина» (1926, реж. А.Югон), «Қайрувонлик телба» (1939, реж. Ж.А. Крези, араб тилидаги биринчи фильм), «Бим» (1949, реж. А. Ламорис) ва б. яратилди. 1946—54 й.ларда Т.да «Африка» киностудияси ишлади. Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин Т. фильмлар и.ч. ва прокат қилиш акциядорлик жамияти тузилди (1957), қисқа метражли хроника фильмлари б-н бир қаторда миллий озодлик курашига ва ижтимоий масалаларга бағишланган «Тонг» (1966), «Қўзголончи» (1967), «Фаллоҳлар» (1970) каби бадиий фильмлар яратилди. 70—80-й.ларда яратилган фильмлар орасида ишчилар ҳаёти ва курашини тасвирловчи «Сежнан» (реж. А. Бин Аммар), Франциядаги араб муҳожирлари тақдирига оид «Элчилар» (реж. Н. Хтарий), кичик қишлоқ ҳаётининг ўзгариши тўғрисидаги «Сиртлон қуёши» (реж. Р. Бахий), тунислик аёллар ҳаётидан олинган «Азиза» (реж. А. Бин Аммар), шунингдек, «Кечув» (реж. М.Б.Маҳмуд), «Фаришталар» (реж. Р. Бахий) каби фильмлар бор.

ТУНИС — *Тунис* пойтахти. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Тунис вилоятининг маъмурий маркази. Ўрта денгизнинг Тунис бухтаси гарбий соҳилида жойлашган. Иқлими субтропик денгиз иқлими, ўртача ойлик т-ралари янв.да 10,2°, июлда 25,6°. Йиллик ёгин 450 мм чамасида. Аҳолиси 702,3 минг киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Йирик порт, четга темир рудаси, фосфорит, вино, мева-сабзавотлар чиқаридали. Озиқ-овқат, тўқимачилик, металлсозлик, кимё, цемент, ойнашиша, полиграфия, рангли металлургия саноати корхоналари мавжуд. Тунис ун-ти, Миллий консерватория, и.т. муассасалари, ин-тлар, кутубхона, театр, Бардо музейи, Ислом санъати музейи ва б. бор.

Т. *Карфаген* ш.нинг йўллош шаҳри сифатида мил. ав. бунёд этилган. 7-а. охири —8-а. бошларида Карфагенни араблар эгаллаганидан сўнг, Т. Шим. Африканинг йирик иқтисодий ва маданий маркази сифатида ривожланди. 13—16-а.ларда Хафсидларнинг шарқий магриб давлати пойтахти. 1535 й.да испан қўшинлари томонидан эгалланиб, хонавайрон қилинган. 1574 й.дан Усмонли турк салтанати таркибида. 1891—1956 й.ларда Франция протекторати маъмурий маркази. 1956 й. 20 мартдан мустақил Тунис пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан Катта Масжид (Жоме ал-Зайтуна; 8-а.), Ал-Қаср масжиди (12-а.), 17—19-а.ларда қурилган саройлар, Т. шаҳридан 12 км шим.-шарқда, денгиз соҳилида Карфаген ш.нинг харобалари сақланган.

ТУНИС БЎҒОЗИ. Сицилия бўғози — Ўрта денгиздаги бўғоз. Сицилия ороли б-н Тунис қирғоқлари оралигида. Энг тор жойининг эни 148 км, бўғозни шим.-гарбдан жан.-шарққа кесиб ўтувчи новидаги чуқ. 300—800 м, энг чуқур жойи бўғозга кираверши қисмида, 1000—2000 м. Саёзлик кўп. Т.б.да Пантеллерия о. бор.

ТУНИСЛИКЛАР. Тунис араблари — халқ. Тунисниинг асосий аҳолиси (8,2 млн. киши). Умумий сони 8,6 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Араб тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, сунний мусулмонлар. Т. мамлакатнинг туб аҳолиси барбарлар б-н Тунис давлати барпо этилиши жараёнида Африканинг шим.-гарбига кириб келган (7-а.дан) араблар аралашувидан шаклланган. Франция мустамлакачилиги (1881—1956) га қарши миллий озодлик ҳаракати Т.нинг миллат бўлиб уюшувида ва Республика эълон қилингач (1957), Тунисниинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнади. Т.нинг аксарияти деҳқончиликда банд, ярим кўчманчи ҳаёт тарзини сақлаб қолган чўлда яшайдиганлари — чорвадорлар.

Тунис шаҳар манзараси.

ТУНКА СОЙЛИГИ — Бурятия Республикасининг гарбидаги тоглараро пастлик. Тунка Голецлари (шим. да) ва Хамар-Дабан тизмалари (жан.да) орасида. Уз. 200 км, эни 20—50 км. Бир қанча мустақил сойликлардан иборат. Тўп-тўп тилоғоч ўрмонлари учрайди. Ўрмонли дашт қисмида ўтлоқ ўсимликлари, кичик майдонларда қайин, тог терак, тилоғоч ўрмонлари бор. Ғалла етиштириш ва сут чорвачилиги ривожланган. Минерал булоқлар мавжуд.

ТУНКАТ — ўрта аср шаҳар харобаси (мил. 5—12-а.лар). Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган. М. Е. *Массон* (1929—34) ва Ю. Ф. *Буряков* (1959—62) томонидан археологик қазишма ишлари олиб борилган. Умумий майд. 50 га. Арк, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлиб, атрофи мудофаа девори б-н ўралган. Т. ўрнидаги қишлоқ 5-а. бошларида чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашиши туфайли вужудга келган. 6-а.га келиб қишлоқ шаҳарга, 6-а. охирида эса *Илоқ* пойтахтига айланган. Қорамозор тогларида олтин ва кумуш конлари мавжудлиги Т.нинг тез тараққий этишига имкон берган. Т. аркида ҳоким саройи, масжид қурилган. Шаҳристон ва рабоддан кўплаб металл, шиша ва сопол буюмларнинг топилиши, Т.да ҳунармандчилик ривож топганидан дарак беради. Т.дан, шунингдек, зеб-зийнат буюмлари, қуролярогдар ва кўплаб тангалар топилган. Т.нинг ўз зарбхонаси бўлган. *Қорахонийлар* б-н кураш, қазилма бойликларининг тугаб қолиши ва Т.нинг савдо йўлидан четга чиқиб қолиши натижасида 11-а.нинг 2-ярмидан шаҳар таназзулга учраган. 12-а.дан Т. кимсасиз, ташландиқ ҳолга келиб қолган.

Ad.: Массон М. Е., Ахангеран. Археолого-топографический очерк, Т., 1953; Буряков Ю. Ф., Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса, Т., 1982.

ТУНЛАМЛАР, тунги капалаклар (Noctuidae) — тангақанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. 25 минга яқин тури маълум. Капалаклари ўртача ва майда (3—5 см), қорамтир, олдинги қанотларида бир хил нақши бор, қорни туклар б-н қопланган. Капалакларнинг огиз аппарати сўрувчи, қуртларинники кемирувчи типда. Қуртларининг кўпчилиги яланғоч, ғумбаги қизғиш-жигарранг ёки кўнғир. Капалаклари гул ва дарахт шираси б-н озиқланади. Янги қўйган тухуми саргимтир-оқиш. Қуртларида 3 жуфт кўкрак оёгининг биринчи бўғимида ва 10 жуфт қорин оёгининг 1—8 бўғимида нафас олиш тешиги жойлашган. Т., асосан, кечаси учади. Ўсимлик қолдиқлари ёки тупроққа 300 тагача тухум қўяди. Баъзи Т. қуртлари тупроқда яшаб, ўсимлик илдизлари ёки поясининг илдиз бўғизларини кемиради (мас., кўк қурт тунлами, ундов тунлами). Айримлари ўсимлик барги, шонаси, гули, кўсагига зарар етказади (мас., *карадрина, кўсак қурти, беда тунлами* ва б.).

Ҳаммахўр Т.дан карам тунлами карам, лавлаги, нўхат ва б. экинларни; жан.-да тарқалган кўсак қурти ва карадрина ғўза, маккажўхори, нўхат, помидор ва б.ни; Узоқ Шарқ ва Ўрта Осиёнинг жан.ида тарқалган ўтзор тунлами, асосан, турли экинларни, марказий р-ларда учрайдиган *гамма тунлами* зиғир ва лавлагини; *кузги тунлам* қанд лавлаги ва кузги галла экинларини; жануб ёки *ёввойи тунлам* — сабзавот ва б. экинларни зарарлайди. Ўрта Осиёда учрайдиган мингдевона Т.и, шувоқ Т.и, жануб поя Т.и ва б. экинларга кўп зарар келтиради.

Кураш чоралари: бегона ўтлар йўқотилади, ер чуқур ҳайдалади, ўсимлик қатор оралари юмшатилади, алмашлаб экиш жорий этилади, уруглар экишдан аввал дориланади, энтомафаглардан фойдаланилади, қуртларга қарши экинлар инсектицидлар б-н ишланади ва ҳ.к.

Ад.: Хўжаев Ш. Т., Ғўза тунлами ва унга қарши кураш, Т., 1982; Адылов З. К., Применение трихограммы для борьбы с совками на хлопчатнике в условиях Узбекистана, Т., 1986.

ТУННЕЛЬ, тоннель (инг. tunnel — қувур) — транспорт юриши, сув ўтиши, коммуникациялар жойлашиши ва б. мақсадларга мўлжалланган, ётиқ ёки қия жойлашган ер ости ёки сув ости сунъий иншооти. Узунлиги кўндаланг ўлчовларидан бирмунча катта бўлади. Вазифаси, ер юзасига нисбатан жойлашиши, чуқурлиги ва қуриш усуллари бўйича турларга бўлинади. Вазифаси бўйича — алоқа йўлларидаги (метрополитен, т.й., автойўл, пиёдалар ўтиш жойлари ва б.), гидротехник, коммунал, кончилик саноати, махсус мақсадларда қурилган (мудофаа иншоотлари, ер ости электр стялари ва б.); ер юзасига нисбатан жойлашиши бўйича — тоғ ости, сув ости ва текисликдаги; жойлашиш чуқурлиги бўйича — саёз ва чуқур жойлашган; қуриш усуллари бўйича — очиқ, ёпиқ ва махсус усулларда қуриладиган Т.лар мавжуд. Т.ларнинг кўндаланг кесими доира, тухумсимон ва тўғри тўртбурчак шаклда бўлиши мумкин. Т. қазиш ишлари ер ёки тоғ қатламининг гидрогеологик шароитига қараб турлича усулда амалга оширилади.

Т. бўшлиги, одатда, сунъий мустаҳкамлашни, яъни қоплама қуришни талаб қилади. Қопламалар металл (пўлат ёки чўян), табиий ва сунъий тошлар, бетон ва темир-бетондан қилиниши мумкин. Металл қопламалар йиғма элементлар — тюбинглардан йиғилади,



Тошкент метрополитенининг бекат (*а*) ва темирйўл (*б*) туннелларни схемаси.

бетон ва темир-бетон қопламалар махсус қолипларга қуйилиб тикланади. Кейинги йилларда сунъий бўшлиқни ўраб турган тоғ массивига анкерлар ва сим тўрлар ёрдамида маҳкамланадиган сачратма-бетон қолиплар кенг қўлланмоқда.

Т. ҳавоси, одатда, ортиқча намланган ва юқори т-рага эга бўлади. Унинг ҳавоси таркибини меъёрий ҳолатга келтириш, зарарли газлар ва юқори т-ранинг одамга таъсирини камайтириш ва Т.даги кўринишга таъсир қиладиган тутун босимини йўқотиш мақсадида Т.ни шамоллатиш тизими қўлланилади. Уз. 50—60 м гача бўлган Т.ларда табиий шамоллатиш, катта узунликдаги Т.ларда эса марказдан қочирма ва марказий ўқ бўйлаб таъсир кўрсатувчи вентиляторлардан фойдаланилган сунъий шамоллатиш қўлланади.

Т. қуриш ишлари, бўш, чўкувчан грунтлар шароитида амалга оширилганда, музлатиш ва кимёвий бириктириш, ер ости сувлари сатҳини пасайтириш усулларида грунтлар сунъий мустаҳкамланиши мумкин.

Т. қуриш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мил. ав. Бобил, Миср, Юнонистон ва б. мамлакатларда фойдали қазилмалар олиш, сув таъминоти мақсадида қурилган Т.лар метин, лом ёрдамида қазилган. Кейинчалик кемалар қатнайдиган биринчи Т. (160 м га яқин) Францияда (1679—81), биринчи темир йўл Т.и (1190 м) Буюк Британияда (1826—30) қурилган. Энг узун

Метрополитен туннелининг ички кўриниши.

Т. («Сэйкон») Хонсю ва Хоккайдо о.лари оралигидаги Цугару бўғози остидан 1988 й.да утказилган (уз. 53,85 км, сув остидаги қисми 23,3 км). Портлатувчи моддалар ва утиш қалқонлари яратилиши муносабати б-н т.и. ва гидротехник Т.лар қурилди. 20-а. ўрталарига келиб автойўл Т.лари ва метрополитенлар, сув ости (мас., *Ла-Манш* бўғози остидан, умумий уз. 52,5 км) Т.лари қурилди.

Ҳоз. пайтда т.й., автойўл, гидротехник ва метрополитен Т.ларини лойиҳалаш ва қуриш ишлари катта кўламда олиб борилмоқда. Мас., Эроннинг Исфаҳон ш.да 68 бекати бўлган 123 км ли метрополитен лойиҳаланмоқда, Хитойда умумий уз. 2500 км бўлган 5300 га т. й. туннелидан фойдаланилмоқда; улардан 22 та Т.нинг уз. 5 км дан ортиқ. Келажакда Пекин ва Шанхай шаҳарларида умумий уз. 408 км бўлган метрополитен ва 562 км бўлган тезюрар трамвай қуриш кўзда тутилган. Катта ҳажмлаги Т. қуриш ишлари Японияда ҳам олиб борилмоқда (2004).

Ўзбекистонда мавжуд тўғонлар ва ГЭС ларда гидротехник Т.лар қурилган, Камчиқ ва Резак довонларида умумий уз. 2,5 км бўлган замонавий Т. қурилди (қ. *Камчиқ довони*). Тошкент ш.да жами уз. 38 км бўлган метрополитен ва транспорт Т.ларидан фойдаланилмоқда. Тошкент метрополитенини лойиҳалаш ва қуришда, метро қурилишида биринчи марта йирик ҳажмли йиғма темир-бетон элементлардан йиғиладиган йўл юриш ва бекат метро Т.ларининг янги, зилзилабардош конструкциялари яратилди ва амалда жорий этилди.

Ад.: Храпов В. Г. и др., Тоннели и метрополитены, 1989; Рашидов Т. Р., Ишанходжаев А. А., Сейсмостойкость тоннельных конструкций метрополитена мелкого заложения, Т., 1993.

Абдураҳмон Эшонхўжаев.

ТУННЕЛЬ ЭФФЕКТ — микрозарралар (электрон, атом ва б.) нинг потенциал тўсиқ (зарранинг потенциал энергияси унинг тўлиқ энергиясидан катта бўлган соҳа)дан ўтиш ҳодисаси. Т.э. тўсиқ соҳасида зарра импульслари (ва энергиялари)нинг сочилиши деб тушунтириш мумкин бўлган квант эффектидир. Квант табиатга эга бўлган микрозарранинг тўлиқ энергияси потенциал энергиясидан кичик бўлса-да, унинг тўсиқдан ўтиш эҳтимоллиги нолдан катта зарраларнинг тўлқин хоссаларига асосланган. Агар микрозарра кенглиги *r* бўлган потенциал ўрада *v* тезлик б-н ҳаракатланса, у ҳар секундда ўртача *v/r* марта ўра деворига яқинлашади. Т.э. тўсиқнинг шаффофлик коэффициенти б-н изоҳланиб, унинг со-

дир бўлиш эҳтимоллиги *v/r* катталикнинг тўсиқнинг шаффофлик коэффициенти *D* га кўпайтмасига тенг. *D* потенциал тўсиқнинг кенглиги ва баландлигига боғлиқ бўлиб, тўсиқдан ўтган зарралар сонининг тўсиққа ичкаридан урилаётган зарралар сонига нисбати орқали аниқланади. Потенциал тўсиқ қанча тор ва зарра энергияси тўсиқнинг баландлигига қанча яқин бўлса, Т.э. эҳтимоли шунча юқори бўлади. Т.э. туфайли *автоэлектрон эмиссия* ҳодисаси, қаттиқ жисмнинг электрон ўтказувчанлиги, *термоядро реакциялари* ва б. содир бўлади. Т.э.ни ўрганиш ярим-ўтказгичли туннель диодларини яратишга ва амалда қўллашга имкон беради.

ТУНУКА — металлни прокатлаб тайёрланадиган юпқа юмшоқ пўлат лист. Листнинг қалинлиги, эни ва узунлиги бўйича стандартлаб қўйилади (қ. *Стандартлаш*). Қалинлиги одатда 0,21—0,30 мм ва 0,30—0,48 мм, 0,45—1,0 мм бўлади. Ташқи кўринишига кўра, рухланган оқ ва рухланмаган қора Т.лар фарқланади. Т. листлари иссиқ ҳолатда 8 тадан, совуқ ҳолатда 4 тадан қўйиб прокатланади. Листларни совуқлайин прокатлаш усули кенг тарқалган. Т.ни занглаш (*коррозия*) дан асраш учун сиртига ҳимоя қатлами (рух, хром, махсус лок ва б.) қопланади. Т.лар иморат томларини ёпишда, турли рўзғор буюмлари (манти қасқон, самовар карнай ва б.) тайёрлашда ишлатилади.

ТУНУКАСОЗЛИК — томларга тунука қоқиш, тунукадан турли асбоб-анжомлар (печлар, дудбуронлар, уларга қалпоқлар ва б.) ясаш б-н шуғулланиш касби; ҳунармандликнинг бир тури. Томга тунука қоқувчи уста тунукачи, тунукачилик устахоналарида тунукадан турли асбоб-анжомлар ясовчи мутахассис тунукасоз деб аталади. Одатда, моҳир тунукачи Т. қилиб ҳам кетаверади ёки аксинча.

ТУНШАПАЛАКЛАР (Myotis) — *кўршапалаклар* кенжа туркумининг бир уруғи. 60 дан ортиқ тури бор. Арктика, Антарктика ва баъзи ороллардан ташқари ҳамма жойларда тарқалган. Танасининг уз. 3,5—8 см, юнги қўнгир-жигаррангда. Қулоғи узун ва учли. Тунда фаол. Ҳашаротлар б-н озиқланади. Кўпчилиги ғорларда, баъзилари коваклар ва қоя ёриқларида яшайди. Ўзбекистонда 5 тури, жумладан, ўткир қулоқли Т. Тошкент атрофида, Нурота тоғ олди ҳудудлари, Қашқадарё ва Сурхондарё водийсида; узун бармоқли Т. Амударёнинг қуйи оқими ва Нукус ш. атрофида; мўйловли Т. Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида; узун думли Т. Самарқанд ш. атрофида; 3 хил рангли Т. Чирчиқ ва Сурхондарё водийсидаги горларда колония бўлиб яшайди.

ТУПАЙЯЛАР (Tupaiidae) — приматлар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. *Лемурларга* яқин, бироқ содлароқ тузилган, баъзи белгилари б-н узуноёқлиларга ўхшайди. Шунинг учун баъзи олимлар Т.ни *ҳашаротхўрларга* киритишади. 5 уруғни ва 13 турни бирлаштирувчи 2 кенжа оиласи: асл Т. ва пат думли Т. бор. Асл Т. думи бароқ, патдумлиларники тақир, учида бир тутам туклари бўлади. Т. танаси 10—25 см, думи 20 см ча. Ташқи кўриниши *олмахонларни* эслатади, фақат тумшуғи чўзиқроқ. Мўйнаси қалин, юмшоқ, тўқ қўнгир, сарғиш-жигаррангда. Тишлари 38 та, 1—4 бола туғади. Ҳиндистон, Ҳиндихитой, Хитой, Филиппин ва Малайя архипелагида тарқалган. Ўрмонларда яшайди. Асосан, ҳашаротлар ва б. умуртқасиз ҳайвонлар б-н озиқланади.

ТУПАК АМАРУ (Tupac Amaru) — Перуда испан босқинчиларига қарши кураш раҳбарлари: 1) Т.А. (1544—72) — *инклар* давлатини тиклаш мақсадида кўтарилган индейслар курашига бошчилик қилган; 2) Перудаги индейсларнинг йирик қўзғолони (1780—83) раҳбари Х.Г.Кондорканки (тахм. 1740—81) Т.А. номини олган.

ТУПИ-ГУАРАНИ — индейс халқлари гуруҳи (гуарани, каингуа, гуаяки, тупинамба, мундуруку, сирионо ва б.). Парагвай, Бразилия, Боливия, Перу, Гайана ва б. давлатларда яшайдилар. 150 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Тупи-гуарани тилларида сўзлашади. Анъанавий диний эътиқодлар сақланган.

ТУПИ-ГУАРАНИ ТИЛЛАРИ — Жан. Америкадаги индейс тилларининг энг йирик оилаларидан бири. Бразилия, Парагвай ва Боливияда, қисман Аргентина ва Гвианада тарқалган 50 дан ортиқ тилни қамраб олади. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 4 млн.га яқин кишини ташкил этади. Т.-г.т. оиласи 7 асосий гуруҳга бўлинади: тупи-гуарани, юруна, арикем, тупари, рамарама, монде ва пурубора. Ушбу тиллар фонологик тизими унли товушларнинг кетма-кет келиши кам учраши б-н ажралиб туради. Т.-г.т. морфологияси аг-глютинатив хусусиятга эга, суффиксацияга нисбатан префиксация ривожланган. Отларда сўз ўзгариши чегараланган, келишик б-н ўзгариш мавжуд эмас. От ясалиши феъл ясалишига қараганда устунлик қилади. Синтаксисда феъл кесим кенг қўлланади. Сўз тартиби субъект—объект — предикат кўринишда бўлади. Лексикасида испан тилидан ўзлашган сўзлар кўп.

Дастлабки ёзма ёдгорликлари 17-а. бошларига мансуб (гуарани тилидаги каттагина матн 1607 й.да лотин графикасида ёзилган). Тупи тили учун ҳам лотин графикаси асосида ёзув яратилган. 20-а. ўрталарида Бразилиядаги ушбу оилага кирувчи бир қанча майда тиллар учун ёзув яратиш йўлидаги уринишлар кутилган натижа бермади. Т.-г.т. ни ўрганиш 16—17-а.ларда бошланиб, тупи, гуарани, мекенс, сирионо, кокама, камаюра тиллари бошқаларига нисбатан яхшироқ ўрганилган.

ТУПОЛЕВ Андрей Николаевич (1888.29.10, Калинин вилояти — 1972.23.13, Москва) — рус авиаконструктори, акад. (1953), генерал-полковник-муҳандис (1968), 3 марта Меҳнат Қаҳрамони (1945, 1957, 1972), Москва олий техника билим юртини тугатган (1918). Н. Е. *Жуковский* б-н бирга Аэродинамика ин-тини ташкил қилган (1918), шу ин-т таркибида самолётлар, торпеда катерлари ва аэрочаналар яратиш б-н шуғулланувчи тажриба конструкторлик бюросини тузган (1922) ва уни бошқарган. Т. раҳбарлигида 100 дан ортиқ типдаги ҳарбий ва фуқаролар самолётлари, шу жумладан, АНТ-25, ТУ-104 самолётлари (биринчи реактив фуқаро самолёти), ТУ-114, ТУ-144 (товушдан тезучар фуқаролар самолёти) яратилган. Т. самолётсозликка дуралюминийни татбиқ қилиш ишларига раҳбарлик қилган (1922—24). Т. самолётларида 78 жаҳон рекорди ўрнатилган, 28 ноёб учиб ўтишлар (шу жумладан, АНТ-4 самолётида «Челюскин» пароходи экипажини қутқариш, АНТ-25 самолётида В. П. Чкалов ва М. М. Громовнинг Шим. қутб орқали АҚШ га қўнмай учиши) бажарилган.

ТУПРОҚ — литосфера юза қаватларининг сув, ҳаво ва тирик организмлар таъсирида ўзгаришидан шаклланадиган ва генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ горизонтлардан ташкил топган табиий тузилма; Ер пўстининг юза ва унумдор қатлами. Т.нинг нураган тоғ жинсларидан фарқ қиладиган энг муҳим хусусияти — унумдорлигидир (қ. *Тупроқ унумдорлиги*). Т.ни ўрганиш ва унинг таснифини тузиш, таркибини яхшилаш ҳамда унумдорлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш сингари масалалар б-н *тупроқшунослик* фани шуғулланади. Т. ҳосил қилувчи асосий омиллар: иқлим, тупроқ она жинси, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, ҳудуднинг рельефи ва геологик ёши ҳамда одамнинг хўжалик фаолияти.

Ер юзасига чиқиб турган тоғ жинслари ёғин-сочин, карбонат ангидрид, кислород, ҳаво ҳарорати, механик

кучлар, сув ва унда эриган моддалар, ҳаво, микроорганизмлар ва тубан ўсимликлар (йўсин, лишайниклар) таъсирида емирилади (нурайди). Нураган жинслар майдаланиб, говак қатлам ҳосил қилади. Бу қатлам вақт ўтиши б-н янги хусусият — *нам сиғими*га ва ўсимликлар ўзлаштира оладиган бир оз миқдордаги озиқ моддаларга эга бўлади. Вужудга келган янги муҳитлаги микроорганизмлар ўз ҳаёт фаолияти туфайли ўсимликларнинг ўсиши учун шароит яратади, ўсимликлар тупроқдан ўз ҳаёти учун зарур озиқ моддаларни ўзлаштиради ва ўзида тўплайди. Нобуд бўлган ўсимликнинг бир қисми микроорганизмлар таъсирида парчаланиб, минерал моддаларга, қолган қисми эса мураккаб биокимёвий жараёнлар натижасида чиринди (гумус)га айланади. Бу жараёнларнинг барчаси узлуксиз давом этадиган *нураш* шароитида содир бўлиб, ўсимлик илдизлари ажратган нордон моддалар ҳамда органик қолдиқлар таъсирида янада тезлашади. Натижада Ер пўстлоғининг сиртида унумдор говак қатлам — Т. пайдо бўлади. Иқлим, тупроқ она жинси, ўсимлик ҳамда ҳайвонот олами, ҳудуд рельефи каби омилларнинг Т. ҳосил бўлиш жараёнига таъсири турлича бўлганлиги туфайли ҳар хил табиий зоналарда ўзига хос Т. типлари вужудга келади. Мас., тайга зонасида чимли подзол Т., даштларда қора ва каштан Т., чўлларда эса сур тусли қўнгир Т.лар ва б (қ. *Тупроқ зонаси*).

Оламнинг хўжалик фаолияти ҳам Т. ҳосил бўлиш жараёнининг баъзи омилларига, мас., ўсимликларга, шунингдек, ерга ишлов бериш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, органик ўғит солиш ва б. билан тупроққа бевосита таъсир кўрсатади. Бу таъсир кўрсатиш тўғри мутаносибликда олиб борилганда Т. ҳосил бўлиш жараёнини ва хусусиятларини мақсадга мувофиқ ўзгартириш мумкин.

Т. қаттиқ, суюқ, газ ҳолатидаги ва тирик таркибий қисмлардан ташкил топган. Уларнинг бир-бирига нисбати турли Т.лардагина эмас, балки бир Т. типининг ҳар хил қатламларида ҳам турлича. Т. қаттиқ қисмини минерал моддалар ташкил қилади. Табиий жойланишда қаттиқ зарралар Т. массасининг маълум қисмини эгаллайди, қолган қисмини эса зарралар ва уларнинг агрегатлари оралиғидаги ҳар хил катталик ҳамда шаклга эга бўлган коваклар (говаклик) ташкил қилади. Бу бўшлиқларнинг умумий йиғиндиси Т. говаклиги дейилади. Т. говаклиги капилляр ва нокапилляр бўлади. Капилляр говакли Т.нинг майда зарралари капилляр оралиғидаги ҳажмга, нокапилляр говаклик эса макроструктура элементлари оралиғидаги йирик коваклар ҳажмига тенг. Т.нинг минерал қисмидаги говаклиги 40—60%, боғқоқи ва глейланган Т.ларда эса 27% атрофида бўлади. Говаклик Т.нинг солиштирма ва ҳажм оғирлигига боғлиқ. Коваклар Т.нинг суюқ қисмини ташкил қилувчи, таркибида эриган моддалар — *тупроқ эритмаси* бўлган тупроқ нами ҳамда Т.нинг газ ҳолатидаги қисмини ташкил этувчи тупроқ ҳавоси бўлади. Т. таркибидаги сув ва ҳаво миқдорининг нисбати атмосфера ёғинлари, суғориш ва *грунт сувлари* ҳамда сувнинг сарфланиши, яъни тупроқ қатламидан оқиб чиқиб кетиши, бугланиши ва ўсимлик илдизлари орқали шимилиши ва б. билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Мана шу шароитлар тупроқнинг сув ва ҳаво режимини белгилайди. Т.даги ҳаво таркиби атмосфера ҳавосидан (O_2—20,96%, CO_2—0,03%) фарқ қилади (тупроқ ҳажмига нисбатан % ҳисобида: O_2—20,3%, CO_2—0,65%), азот миқдори деярли тенг.

Т.нинг ҳаво ўтказувчанлиги ундаги ҳаво миқдорига тўғри пропорционал катталик бўлиб, Т. тузилиши, структураси ва сувга чидамлигига боғлиқ.

Т.нинг солиштирма массаси маълум ҳажмли Т. қаттиқ қисми оғирлигининг 4° да олинган хулди шундай ҳажмдаги сув оғирлигига бўлган нисбати б-н белгиланади. Т. минерал қисмларининг солиштирма массаси минералогик таркиб ва ундаги органик моддалар таркибига боғлиқ (2,50—2,80 г/см³ гача бўлади). Қовушмаси бузилмаган Т. зичлиги деб табиий ҳолатдаги 1 см³ Т. оғирлигининг грамм ҳисобидаги вазнига айтилади ва Т.нинг говаклиги ва қаттиқ фазанинг ўртача зичлиги б-н белгиланади. Унумдорлик даражасини белгиловчи тупроқнинг кимёвий таркиби, физик-кимёвий, физик-механик ва б. хусусиятлари маълум даражада ундаги сингдирувчи комплекс табиати ва таркибига боғлиқ. Тупроқнинг ана шу сингдирувчи комплекси хусусиятларига қараб ерларни яхшилаш талбирлари белгиланади.

Т.нинг тирик таркибий қисми тупроқ микроорганизмлари (қ. *Микрофлора*), умуртқасиз ҳайвонларнинг кўпгина гуруҳлари — энг содда ҳайвонлар, чувалчанглар, моллюскалар, ҳашаротлар вакилларидан ҳамда ерни ўювчи умуртқалилар (юмронқозиқ, сичқон, каламуш) ва ҳ.к.дан ташкил топган.

Моддаларнинг табиатда айланиши ҳамда қайта жойланиши асосида Т. морфологияси, таркиби ва хусусиятлари профиль бўлиб юқоридан пастга томон маълум қонуниятга биноан ўзгариб боради ва тупроқ горизонтларининг навбат б-н алмашинишида намоён бўлади. Шунинг учун бу жараёнларни билмай туриб инсоннинг ҳаёт кечириш муҳитини ташкил этувчи омиллардан бири бўлган Т. қонламидан нотўғри фойдаланиш *тупроқ эрозиясига*, унинг шўрланиши ва ботқоқланишига олиб келади. Т.нинг ифлосланишини камайтириш учун қ.ҳ.да *пестицидлар*дан фойдаланиш қоидалари жорий қилинган (яна қ. *Тупроқ таснифи*, *Тупроқ унумдорлиги*).

Ад.: Прасолов Л. И., Почвы Туркестана, Л., 1925; Баҳодиров М., Расулов А., Тупроқшунослик, Т., 1975; Генусов А. З., Почвы и земельные ресурсы Средней Азии, Т., 1983; Почвы Узбекистана, Т., 1984; Конобеева Г. М., Почвы Узбекистана, их районирование и качественная оценка, Т., 1985; Азимбоев С., Тупроқ ва унинг турлари, Т., 1986.

Жўрақул Сатторов.

ТУПРОҚ БОНИТИРОВКАСИ (лот. bonitas — сифатлилик) — тупроқ унумдорлигини қиёсий баҳолаш. Т.б. 100 баллик шкала бўйича ифодаланади. Т.б.нинг асосий мақсади тупроқларни унумдорлигига қараб таснифлашдир. Т.б. тупроқ унумдорлигини характерловчи табиий, яъни қ.х. экинлари ҳосилдорлиги б-н чамбарчас боғлиқ бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Шунингдек, Т.б.да даланинг ўлчами, геометрик шакли, нишаблиги, иқлим шароити ва б. ҳам ҳисобга олинади. Т.б. ерни иқтисодий баҳолаш, ер кадастрини юритиш, мелиорация ҳамда деҳқончилик системасини такомиллаштириш ва б. учун зарур.

Табиий хоссалари экининнинг энг юқори ҳосилдорлигини таъминлайдиган тупроқлар аъло баҳоланади. Бунда суғориладиган ерларда тупроқнинг маданийлик даражаси, қадимдан суғориб келинганлиги, генетик типи баҳо мезонлари ҳисобланади. Тупроқларнинг деҳқончилик учун ноқулай хусусиятлари (шўрланиш, эрозия даражаси, ботқоқланиш ва б.) бонитировка коэффициентини пасайтиради. Мас., кам шўрланган тупроқлар — 0,75, ўртача шўрланганлари — 0,70, кучли шўрланганлар — 0,60 коэффициентга эга. Экстенсив деҳқончилик системасида, мас., лалмикор ғаллачиликда оддий агротехника, минерал ўғитларни чегараланган миқдорда қўллаш туфайли экинларнинг ҳосилдорлиги Т.б.нинг интеграл ифодаси ҳисобланади.

Ад.: Конобеева Г. М., Почвы Узбекистана, их районирование и качественная оценка, Т., 1985.

ТУПРОҚ БОТҚОҚЛАНИШИ — қ. *Ботқоқланиш*.

ТУПРОҚ ГЕОГРАФИЯСИ — *тупроқшунослик* фанининг бўлими; тупроқларнинг Ер юзида тарқалиш қонуниятларини тупроқ-географик р-нлаштириш мақсадида ўрганади. Аниқланган қонуниятлар асосида ҳар хил тупроқ типлари, турлича табиий ва самарали унумдорликка эга бўлган ерлар миқдорий инвентаризация қилинади (қ. *Тупроқ бонитировкаси*). Умумий ва махсус (минтақавий) Т.г.га бўлинади. Умумий Т.г. тупроқ пайдо бўлиш омилларини ўрганади, уларнинг турли типларига таъриф беради ва географик жойланишининг умумий ҳамда хусусий қонуниятларини аниқлайди. Махсус Т.г. эса тупроқ р-нлаштириш масалаларини ўрганади ва маълум ҳудуддаги тупроқларни таърифлаш ҳамда хариталарини тузиш б-н шуғулланади. Т.г. тупроқларнинг географик жойланишини асосий тупроқ пайдо қилувчи омиллар б-н боғлиқликда қиёсий-географик усулда ўрганади. Т.г. маълумотлари *тупроқ харитасини* тузишда назарий асос бўлиб, қ.ҳ.да асосий и.ч. воситаси бўлган ердан унумли фойдаланишда катта аҳамиятга эга.

ТУПРОҚ ГОРИЗОНТИ, тупроқ қатлами — тупроқнинг ривожланиш жараёнида табиий шаклланган ва ажралиб турган қатлами. Маълум қалинликка эга горизонтлар бир-биридан морфологик белгилари, шунингдек, физик хоссалари, механик, кимёвий ҳамда минералогик таркиби б-н фарқ қилади. Ҳар бир қатлам тупроқнинг ҳосил бўлиш ва ривожланиш тарихини ўзида яққол акс эттиради. Тупроқ қатламлари мажмуи тупроқ кесмаси (профили)ни ҳосил қилади. Т.г. бош ҳарфлар — А, В, С, горизонтча (қатламча)лар эса индексли ҳарфлар б-н белгиланади. Чиринди моддалари асосан, устки чириндили қатламда (чириндили-аккумулятив ёки элювиал горизонт деб аталиб, А ҳарфи б-н белгиланади) ҳосил бўлиб, тўпланади ва баъзи тупроқларда сувда эрийдиган минерал ҳамда органик моддалар бу қатламдан ювилади, тупроқнинг минерал қисми емирилади. Бундан пастда ўткинчи — шимилма (В; иллювиал ёки метаморфик) қатлам жойлашган бўлиб, унда элювиал қатламдан емирилган минерал модда маҳсулотларининг ювилган маълум қисми тўпланади. Тупроқ профили она жинс горизонти (С) б-н чегараланади.

ТУПРОҚ ЗОНАСИ — зонал ва унга ёндош интразонал тупроқлар эгаллаган ҳудуд. Тупроқ типлари шим.дан жанубга, шунингдек, текисликдан баландлик (тоғлик)ка кўтарилиш б-н аста-секин ўзгариб боради ва ҳар қайси жойда ўзига хос типдаги Т.з.ни ҳосил қилади. Т.з. тушунчаси тупроқ типлари, тупроқ-иқлим ва қ.х. экинларини ҳудудда р-нлаштиришда қатъий бирлик сифатида қўлланилади. Ер юзида Т.з.лари маълум табиий қонун асосида тарқалган. Ҳар бир Т.з. муайян бир географик зонада учрайди. Тупроқнинг бу хилда жойлашганлигини дастлаб В.В. *Докучаев* ва Н.М.Симбирцев аниқлаган. Тупроқ горизонтал ва вертикал зоналлик қонунлари асосида ҳосил бўлган, лекин тупроқ типларининг зоналлик қонуни асосида тарқалиши маҳаллий шароитлар — тоғлар, гидрогеологик ва геологик хусусиятларга кўра, қисман ўзгариши мумкин. Т.з. жуда катталиги ва бир зонанинг турли қисмларида биоиқлим шароити турлича бўлганидан ҳар бир зонада тупроқ қоплами бир хил эмас. Тупроқнинг интразонал қонун асосида тарқалиши маҳаллий шароитга хос турли табиий омиллар таъсирига боғлиқ. Мас., сур тупроқ зонасидаги гидрогеологик омиллар таъсирида пайдо бўлган ўтлоқи, шўрхок ва ботқоқи тупроқлар интразонал тупроқлардир. Ер юзида Шимолий ярим шарда (шим.дан жан.га) қуйидаги горизонтал тупроқ зоналари учрайди: тундра тупроқлари; подзол тупроқлар; ўрмон-дашт тупроқлари; қора тупроқлар; каштан тупроқлар; чўл тупроқлар; сур тупроқлар; қизил тупроқлар. Ҳар қайси зонада интразонал тупроқлар ҳам бор.

ТУПРОҚ МИКРООРГАНИЗМЛАРИ — қ. *Микрофлора*.

ТУПРОҚ НАМ СИҒИМИ — тупроқнинг нам тутиш хусусиятини характерловчи катталик; тупроқ массаси ёки ҳажмига нисбатан фоизларда ифодаланади. Т.н.с.нинг асосий турлари: тўла (тупроқ коваклари сув б-н тўла); умумий (грунт сувлари чуқур бўлган жойларда ер устидан суғорилганда ва грунт сувлари яқин жойларда сув тупроқ тагидан берилган шароитда тупроқда нам узоқ сақланиб туради); капилляр (тупроқ горизонтларидаги мувозанатда турган намлик тупроқ капилляр ҳошия чегараларида жойлашиб, шу горизонтларнинг грунт сувлар сатҳидан қандай баландликда туришига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради); дала (энг кичик, чегараланган дала, нисбий-капилляр осилган намнинг энг кўп миқдори); максимал молекуляр (тупроқдаги қаттиқ заррачалар юзасида тортишиш кучлари таъсирида ушланиб турган энг кўп намлик миқдори). Дала ва капилляр нам сиғимлари қ.х. экинлари оптимал су-



Тупроқ: 1 — суғориладиган ўтлоқи-сур глейли қумоқли; 2 — суғориладиган оч тусли сур тупроқлар; 3 — типик тақир.

ғориш режимини ҳамда мелиорация учун зарур сув нормаларини ҳисоблаб чиқишда катта аҳамиятга эга. Бу қ.х. экинларининг яхши ўсиши ва ҳосилдорликнинг ошишини таъминлайди. Дала нам сиғими 1 м қалинликдаги гилли тупроқ учун, одатда, массасига нисбатан 25%, оғир қумоқли тупроқда 22%, ўртача қумоқлида 19%, енгил қумоқлида 16%, қумлоқида 13% ва қумлида 10% атрофида бўлади. Мас., гўза тупроқ нами дала нам сиғимининг 65—70% ни ташкил этганда яхши ривожланади.

ТУПРОҚ НОРДОНЛИГИ, тупроқ кислоталилиги — тупроқнинг асосий хусусиятларидан бири; бунга *тупроқ эритмасида* водород ионлари, шунингдек, тупроқ сингдирувчи комплексида водород ва алюминий алмашинувчи ионларининг мавжудлиги сабаб бўлади. Т.н. ўсимликлар ҳаётида, тупроқ микрофлораси ҳаёт фаолиятида, моддаларнинг бир ҳолатдан бошқасига айланишида, моддалар миграцияси ҳамда тўпланишида катта аҳамиятга эга. Водород (Н) ионларининг ҳолатига кўра Т.н. 2 хил: актуал (фаол) ва потенциал (пассив, «яширин») бўлади. Тупроқнинг актуал нордонлиги эритмадаги водород ионлари концентрациясининг тескари логарифмидан иборат бўлган pH катталиги б-н ифодаланади. pH 7 га тенг бўлганда тупроқ эритмасининг реакцияси нейтрал, ундан паст бўлганда нордон, ундан юқори бўлганда ишқорий деб аталади. Тупроқ эритмасининг реакцияси турли тупроқларда ҳар хил (pH 3,5—9 ва бундан юқори). Қора тупроқлар нейтрал актуалга яқин, сур тупроқлар эса, асосан, кучсиз ишқорий реакцияга, шўрхоклар, айниқса, содалилари кучли ишқорий реакцияга эга. Ўсимликлар тупроқ реакциясига турлича талабчан. Кучсиз нордон ёки кучсиз ишқорий реакцияли тупроқлар энг қулай ҳисобланади. Юқори нордонлик кўпгина экинлар ва микроорганизмларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Тупроқнинг оптимал реакцияси бугдойга 6—7, бедага 7—8, гўзага 6—7,3, маккажўхорига 6—7. Тупроқнинг потенциал нордонлиги тупроқ қаттиқ фазаси б-н боғлиқ бўлиб, тупроқнинг тузли эритмалар б-н ўзаро таъсирида туз катионлари водород ҳамда алюминий ионларини сиқиб чиқарадиган шароитларда юзага чиқади. Сиқиб чиқариш тарзига қараб потенциал нордонликнинг алмашинувчи ва гидролитик шакллари бор.

Минерал ўғитлар турини танлашда Т.н. даражасини ҳисобга олиш лозим. Ўрта Осиё тупроқлари карбонатларга бойлиги сабабли, асосан, кучсиз ишқорий реакцияга эга. Шунинг учун физиологик жиҳатдан нордон ўғитларни қўллаш тупроқ реакциясини нордонлаштирмайди. Ортиқча нордонликка қарши тупроққа оҳак, ишқорийлик кучли бўлса гипс солинади.

ТУПРОҚ ОСТИДАН СУҒОРИШ — тупроқнинг ўсимлик иллизи тарқаладиган қатламини ер ости қувурлари орқали намлаш; суғоришнинг истиқболли усулларидан бири. Бу усулни сабзавот, техника экинлари етиштиришда, боғларда, токзорларда ва б.да қўллаш самаралидир. Т.о.с.да сувни анчагина иқтисод қилишга (30—40%) эришилади. Т.о.с.да сув кам меъёрда, аммо тез-тез берилади, бу эса ўсимликларнинг яхши ривожланишига қулайлик туғдиради. Суғоришнинг бу усулида ўсимликларнинг иллиз системалари тарқаладиган зонада нам захиралари энг кўп тўпланади, устки қатлам (0—15 см) эса қуруқ ҳолда қолади ёки бир қадар намланади. Натижада тупроқ бетида қатқалоқ ҳосил бўлмайди, устки қатламдан ҳавонинг яхши ўтиши таъминланади, бегона ўтларнинг ўсиши ва кўпайишига шароит бўлмайди. Т.о.с. учун тупроқ юқори капиллярлик хусусиятига эга бўлиши, сув бериладиган участка текис бўлиши шарт. Бу усулни йирик донадор, тошлоқ ва шўрланган тупроқда қўллаш мумкин эмас. Намлагич сифатида тешикчалари бўлган сопол, пластмасса ва б. қувурлардан фойдаланилади. Сув бериш тарзига қараб Т.о.с. босимли, босимсиз ва вакуумли бўлиши мумкин. Босимли Т.о.с.ни қўллаш бўйича биринчи тажрибалар Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.лар охири — 40-й.ларнинг бошларида СоюзНИХИ нинг Марказий тажриба мелиорация ст-ясида, кейинроқ Оққовоқ агротехника тажриба ст-ясида ўтказилган. 60—70-й.ларда Т.о.с. технологияси ва конструкцияси турли тупроқ типларида ўрганилди. Т.о.с.нинг тажриба — и.ч. тизимлари Мирзачўл ва Жиззах чўлининг ўзлаштирилган ерларида (кам шўрланган сур-ўтлоқи енгил тупроқларда), уларнинг энг йириклари Сирдарё вилоятида 50—200 га майдонда қурилган.



Тупроқ остидан суғориш системаси: *1* — суғориш нови; *2* — сув келтиргич қувурлар; *3* — сурилма қопқоқ; *4* — сув ўлчагич бакча; *5* — тақсимлагич қувурлар; *6* — намлагич найчалар; *7* — экин туплари.

ТУПРОҚ ТАСНИФИ — тупроқларни муайян белгилар асосида таксономик бирликларга бўлиш. Ҳоз. замон генетик Т.т. тупроқ ҳосил бўлиши, ривожланиши, эволюцияси жараёнлари ва хусусиятларини узида акс эттирган тупроқ профилининг тузилишига асосланган. Асосий таснифлаш бирлиги — тупроқ генетик типидир. Ҳоз. замон таснифида 100 дан ортиқ тупроқ типлари ажратилган бўлиб, улар уз навбатида типчалар, туркум, тур ва хилларга бўлинади. Тупроқ диагностикаси, яъни объектив белгилар системаси таснифнинг энг муҳим қисми бўлиб, тупроқни таснифнинг барча таксономик даражаларида ажратишга имкон беради. Тупроқни амалий (аграр, и.ч., мелиоратив, ўрмончилик ва б.) жиҳатдан гуруҳларга ажратиш катта аҳамиятга эга. Ягона халқаро Т.т. ишлаб чиқилмаган. ФАО, ЮНЕСКО томонидан (1968—74) дунё тупроқ харитасини тузишда биринчи дунё тупроқ системасини яратишга уриниб кўрилди.

Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақалари тупроқлари суғориладиган тупроқлар тарзида таснифланади. Янги Т.т.да суғориш таъсирида тупроқ жараёнлари характерининг тубдан ўзгарганлигини ҳисобга олиб, улар алоҳида тупроқ типи сифатида ажратилган. Бунда тупроқнинг зонал жойланиш ҳолати, суғориш таъсирида ўзгарганлик даражаси, автоморфлик ва гидроморфлик шароитлари эътиборга олинади. Зонал жойланиш ҳолати суғориладиган тупроқнинг маълум кенглик зонаси ёки баландлик минтақасига мансублигини кўрсатади. Шунга кўра, Ўрта Осиёнинг текислик қисми сур тусли қўнгир, қумли чўл, тақирли ва тақир, шунингдек, гидроморф шароитда уларга йўлдош ўтлоқи, ботқоқи-ўтлоқи ва ботқоқи тупроқлар тарқалган чўл зонаси сифатида қаралади. Баландлик минтақаси системасининг қуйи қисми — тоғ олди ва тоғ этаги текисликларида оч тусли типик ва туқ тусли сур тупроқлар, даре водийлари ҳамда саздарда эса сур тупроқ минтақасининг гидроморф, утлоқи, ботқоқи-утлоқи ва ботқоқи тупроқлари ривожланган. Бу зона ва минтақалар шароитида ривожланган суғориладиган тупроқлар профилида табиий зонал тупроқнинг баъзи белги ва хусусиятлари сақланади. Шу асосда суғориладиган тупроқларнинг қуйидаги типлари ажратилган (1974): чўл зонасининг утлоқи-воҳа, ботқоқи-воҳа ва тақирли воҳа; сур тупроқлар минтақасининг утлоқи-воҳа; ботқоқи-воҳа, сур воҳа тупроқлари. Воҳа тупроқларининг ривожланиш этапи ёки босқичлари типчалар б-н ифодаланади. Тупроқлар ўзининг табиий тупроқ белгиларини сақлаган ҳолда, яъни тип даражасида суғориладиган сур тупроқлар, суғориладиган сур тусли қўнгир тупроқлар ва ш.к. деб, агар тупроқда янги шароитга хос бўлган белгилар пайдо бўлса, типча даражасига бўз-воҳа, тақирли воҳа тупроқлар ва ш.к. деб аталади. Бундан ҳам кичик таксономик бирликка, яъни туркум ва хилларга шўрланиш, шўртобланиш, тупроқ ҳосил қилувчи она жинс, гранулометрик таркибига қараб ажратилади.

Ад.: Азимбоев С., Тупроқ ва унинг турлари, Т., 1986.

Собиржон Азимбоев.

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ — тупроқнинг ўсимликларни сув, озиқ моддалар ва б. б-н таъминлаш хусусияти. Тупроқ тоғ жинсларидан унумдорлиги б-н фарқ қилади. Унумдор тупроқларда инсонга асосий озиқ-овқат маҳсулотларини берувчи қ.х. ўсимликлари ўстирилади. Ер фақат унумдорлик хусусияти туфайли қ.х.да и.ч. воситасига айланган. Т.у. тупроқ ҳосил қилувчи омиллар: иқлим, рельеф, тупроқ ҳосил қилувчи жинслар, табиий ва маданий ўсимликлар б-н узвий боғлиқ, аммо унумдорлик даражасида, айниқса, ердан фойдаланиш характери катта аҳамиятга эга. Т.у.нинг энг муҳим омиллар: ўсимлик ривожланиши учун зарур озиқ моддалар ва улар турининг етарли миқдорда бўлиши; ўсимлик ўзлаштириши мумкин бўлган намнинг мавжудлиги; яхши тупроқ аэрацияси; тупроқнинг гранулометрик таркиби, структура ҳолати ва тузилиши; заҳарли моддалар (кислота, ишқор, туз ва б.) миқдори; тупроқ реакцияси ва б.дан иборат. Бу хусусиятлар йиғиндиси тупроқнинг маданийлашганлик ҳолати даражасини белгилайди. Унумдорликнинг барча элементлари бир-бири б-н чамбарчас боғлиқ. Бу элементлардан бирортасининг ўзгариши бошқаларига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар хил ўсимликларнинг Т.у.га талаби турлича бўлганлиги сабабли ва ўсимлик биологиясига боғлиқ ҳолда бир тур ўсимлик учун унумдор ҳисобланган тупроқ бошқа тур учун унумдор бўлмаслиги мумкин.

Унумдорлик, асосан, табиий ва самарали турларга бўлинади. Табиий унумдорлик тупроқдаги озиқ моддалар умумий захираси б-н характерланади; унинг шаклланиши эса тупроқ ҳосил бўлиш шароитлари ва омиллари ҳамда генезисига боғлиқ. Самарали (суньий) унумдорликнинг инсон меҳнат фаолияти б-н, яъни ерга ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш, шўрини ювиш каби агрокомплекс тадбирлар б-н бошқаради (қ. *Мелиорация*). Суньий йўл б-н қумлик, тошлоқ, ботқоқлик каби унумсиз ерларда унумдор тупроқлар пайдо қилиш мумкин. Табиий унумдор тупроқлар баъзан кам самарага эга бўлиши мумкин ва аксинча юқори агротехника тадбирларини қўллаш натижасида унумсиз тупроқларда юқори унумдорликка эришиш мумкин. Тупроқдаги озиқ моддалар миқдори (азот, фосфор, калий, кальций, магний, олтингугурт, темир, бор, марганец ва б. микроэлементлар) тупроқ ҳосил қилувчи жинслар ва унинг тағидаги ётқизиқлар (тагзамини) таркибига ҳамда тупроқ ҳосил қилувчи жараёнларга боғлиқ. Ўсимликларнинг микроэлементларни ўзлаштиришига тупроқ реакцияси катта таъсир кўрсатади (қ. *Тупроқ нордонлиги*). Тупроқдаги озиқ моддалар захираси минерал ва органик ўғитлар солиш б-н бошқариб турилади. Тупроқда сувда осон эрувчи тузлар, асосан, натрий, шунингдек, магний, кальций ва б. катионларининг ортиқча миқдорда бўлмаслиги унумдорликнинг муҳим шартидир. Тупроқда тузлар миқдорининг меъёрдан ошиб кетиши — тупроқнинг шўрланиши, асосан, нотўғри суғоришдан вужудга келади, натижада унумдорлик кескин пасайиб кетади. Тупроқ қатламидаги зарарли тузларни йўқотиш учун шўр ерлар ювилади (қ. *Шўр ювиш*). Шўрланишнинг олдини олиш учун эса тупроқ хусусияти ва таркибига қараб *суғориш режими* белгиланади. Қурғоқчилик р-нларида, жумладан, суғорма деҳқончилик зоналарида *суғориш* Т.у.ни тубдан оширади. Т.у.нинг паст бўлиши, кўпинча патоген организмлар мавжудлигига ҳам боғлиқ. Уларни кимёвий (ҳашаротларни бепушт қилиш, фунгицидлар сепиш ва б.) ва агротехник тадбирлар (алмашлаб экиш, тупроққа ишлов бериш) ёрдамида йўқ қилиш тупроқнинг самарали унумдорлигини кескин оширади. Т.у.ни сақлаш учун тупроққа эрозияга йўл қўймайдиган усулларда ишлов берилади, *дала иҳота ўрмонзорлари* барпо қилинади, дарё ва каналлар қирғоғи мустаҳкамланади ва ҳ.к.

Жўрақул Саттаров.

ТУПРОҚ ХАРИТАСИ — муайян ҳудуд тупроқ қатламининг маълум масштабда кичрайтирилган тасвири. Т.х. бир неча хил бўлади. Умумий Т.х.да тупроқ генетик гуруҳларининг географик тарқалиши тасвирланади; тупроқ мелиорацияси хариталарида қўшимча равишда тупроқнинг мелиоратив, яъни фильтрлаш ва б. хусусиятлари ҳам кўрсатилади; тупроқ эрозияси хариталарида тупроқнинг эрозияга учраганлик даражаси, эрозия хавфи бор майдонлар ва ҳ.к. тасвирланади; тупроқ агрокимёси хариталари ўсимлик озуқа моддалари ҳамда микроэлементлар миқдорини ва ўсимликнинг ривожланиши учун бошқа зарур шароитларни акс эттиради. Т.х. тупроқларнинг Ер юзасида тарқалишини (типлари ва келиб чиқиш белгиларига қараб ажратилган бошқа таксономик бирликларни), уларнинг ўзига хослиги ва, тупроқ ҳосил бўлиш шароитига боғлиқ ҳолдаги хусусиятларини кўрсатади; шунингдек, асосий аграр и.ч. хусусиятлари (гранулометрик таркиби, шўрланганлиги, шўртоблиги, эрозияга учраганлик даражаси ва б.) ҳақида маълумот беради. Вазифасига мувофиқ Т.х. ҳар хил масштабли бўлиши мумкин.

ТУПРОҚ ЭРИТМАСИ — тупроқнинг суюқ таркибий қисми; унда минерал ва органик моддалар эриган ҳолда бўлади. Т.э.нинг тупроқ намланганлик даражасига қараб капиляр, гравитацион ва пардасимон шакллари мавжуд. Т.э. жуда ўзгарувчан бўлиб, у ўсимликлар озиқланишида ва тупроқ моддаларнинг айланишида, тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида, физик-кимёвий, биокимёвий реакцияларнинг боришида иштирок этади. Т.э.да ўсимликлар учун зарур озиқ моддалар (аммонийли тузлар, нитратлар, шунингдек, фосфор, калий, кальций, магний ва б. элементларнинг сувда эрувчи тузлари), газлар (O_2, CO_2, N, NH_3) ва органик моддалар мавжуд. Т.э.да тузларнинг кўп бўлиши унинг осмотик босимини ошириб, ўсимликнинг тупроқдан нам ва озиқ моддаларни шимишини қийинлаштиради ва физиологик чанқоқликка сабаб бўлади. Т.э.нинг реакцияси унинг энг муҳим хусусиятидир. Агар тупроқ муҳити жуда нордон ёки ишқорли бўлса, экинларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади. (қ. *Тупроқ нордонлиги*).

ТУПРОҚ ЭРОЗИЯСИ (лот. erosio — емирилиш, нураш) — тупроқнинг энг унумдор юқори қатламлари ва тупроқ ости жинсларининг атмосфера ёғинлари ҳамда суғориш сувлари, шамол ва б. таъсирида емирилиш жараёни. Юз бериш даражасига кўра, табиий ва жадаллашган (емирадиган) турларга бўлинади. Табиий Т. э. нисбатан секин кечиб, тупроқ табиий ҳосил бўлиш жараёнида қайта тикланиб туради. Жадаллашган Т. э. одамнинг хўжалик фаолияти (маданий ўсимликларни ўстиришда ердан нотўғри, уқувсиз фойдаланиш, эрозияга қарши талаб-қоидаларга риоя қилмай ерларни ўзлаштириш, суғориш, чорва молларини боқиш, ўрмонзорларни йўқ қилиш, қурилиш ишларини олиб бориш ва б.) натижасида юз бериб, тупроқ унумдорлигини сезиларли даражада пасайтириб юборади.

Т. э., асосан, рельефи нотекис — паст-баланд, эрозия базиси (маълум бир жойнинг м. ҳисобида денгиз сатҳидан баландлиги б-н сув келиб қуйиладиган ернинг денгиз сатҳидан баландлиги ўртасидаги фарқ) катта бўлган ерларда бошланади. Т. э. ҳосил бўлиш омилларига кўра, сув, шамол, саноат, абразия, яйлов, механик Т. э. ва турларга бўлинади.

Сув эрозиясининг бошланиши ва кучайиши рельефи тузилиши б-н боғлиқ бўлиб, одатда, ер юзасининг нишаблиги 1—1,5° дан ошганда юз бера бошлайди (суғориладиган ерларда суғориш эрозияси юз беради). Сув эрозияси емирилиш жараёнида тупроқ заррачаларининг бўлакларга бўлиниши ва қайта жойлашиш усулига кўра, ювилиш эрозияси, жилға ва жарланиш эрозиясига бўлинади. Ювилиш эрозияси тупроққа сингиб улгурмаган сувнинг оқими таъсирида вужудга келиб, тупроқ қатламининг нисбатан бир текисда ювиб кетилиши б-н тавсифланади. Жилға эрозияси жилға сувининг оқими таъсирида унча чуқур бўлмаган ўйдим-чуқурликлар ҳосил бўлиши ва б-н юз беради ва буни плугдаги ерга ишлов бериш б-н бартараф этиш мумкин. Жарланиш эрозияси сув эрозиясининг бир тури бўлиб, сув оқимининг тор ўзанга тўпланиб оқиши, тупроқнинг вертикал емирилиши ва ювилиши натижасида вужудга келади. Сув таъсирида ернинг юзасида ўпқонлар пайдо бўлади. Бир қанча вақтдан сўнг бу ўпқонлар емирилиб жарликлар ҳосил бўлади.

Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилик минтақасида сув эрозияси намлик б-н етарли таъминланган (йиллик ёғин-сочин миқдори 350—400 мм дан юқори ва лалми ерларидаги йиллик ёғин-сочин миқдори 200—300 мм) лалмикор ерларда ҳамда типик ва тўқ тусли бўз тупроқларда, адир ва тоғ этаги қияликларида (мас., Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида; умумий майд. 969,4 минг га) тарқалган.

Шамол эрозияси (дефляция) 2 хил бўлади: [illegible] кучли шамоллар тупроқ майда заррачаларини учириб кетишидан келиб чиқувчи оддий ва катта тезликдаги шамол туфайли вужудга келувчи тупроқ [illegible] бўрон. Шамол эрозияси суғориладиган ерларга катта зиён етказади (Марказий Фарғона, Бухоро воҳаси, Қарши чўли, Қорақалпоғистоннинг ғарбий зоналарида; ум. майд. 1,8 млн га). Шамол эрозиясига, рельефдан қатъи назар, асосан бир йўналишда эсадиган кучли шамол, тупроқнинг енгил механик таркиби ва шўрланганлиги, суғориладиган ер майдонларининг табиий шароитга номувофиқ йириклиги ҳамда ўрмон ихотазорлари минтақасининг йўқлиги ёки қониқарсиз аҳволдалиги сабаб бўлади.

Т. э. нинг, шунингдек, и.ч. ва одам фаолияти б-н боғлиқ бўлган қўшимча турлари ҳам учрайди: саноат эрозияси — фойдали қазилмаларни қазиш (айниқса, очиқ усулда), уй-жой, и.ч. бинолари ва йўл қуриш, газ ҳамда нефть қувурларини ўтказиш натижасида содир бўлади (қ. *Ер рекультивацияси*); абразия — дарё ва бошқа сув ҳавзалари қирғоқларининг емирилиши туфайли қайдалма ер, яйлов майдонлари ҳисқаради ва сув [illegible] зиён [illegible]. Яйловларда ортиқча чорва боқиш яйлов эрозиясига сабаб бўлади. Механик эрозия ҳар бир зонага хос тупроқнинг қайта тикланиш имконияти даражасини ҳисобга олмай туриб, ўта оғир тракторлардан кенг фойдаланиш натижасида юз беради. Механик эрозия таъсирида тупроқ структураси бузилади, унинг сув-физик хусусиятлари, шунингдек, тупроқ ҳосил бўлишининг асосий омилларидан бўлган биологик фаоллик ёмонлашади.

Ад.: Муҳамедов Т., Тупроқ эрозияси деҳқончилик [illegible] офат, Т., 1973; Мухиддинов К., Ўзбекистонда тупроқ эрозияси ва унга қарши кураш чоралари, Т., 1976; Мирзажонов Қ. ва б., Эрозияга учраган тупроқларда юқори ҳосил олиш, Т., 1980.

Ҳидоят Махсудов.

ТУПРОҚНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ — тупроқдаги минерал, органик, органик-минерал ва баъзи кимёвий элементлар. Тупроқнинг минерал қисми бирламчи (кварц, дала шпатлари, амфиболлар, пироксен, слюда ва ҳ.к.) ва иккиламчи (монтмориллонит, каолинит, гидрослюда ва ҳ.к.) минераллардан ташкил топган. Тупроқнинг органик қисми гумусдан иборат. У гумин, фульво кислоталар ҳамда гумин моддаларидан таркиб топган бўлиб, элементлар таркиби доимий эмас. Оч тусли бўз тупроқларнинг А горизонтидаги гумус миқдори 1—1,5, азот 0,08—0,12% ни, типик бўз тупроқларда эса 1,5—3,5 ва 0,1—0,25% ни, тақирда 0,3—0,8 ва 0,03—0,06% ни, сур тусли қўнғир тупроқларда 1% гача ва 0,07% дан камроқни ташкил этади. Тупроқ эритмасида органик ва минерал моддалар ҳамда газлар бор. Эриган моддалар ион, молекуляр ва коллоид шаклларда мавжуд бўлади. Эритмада минерал бирикма анионлардан HCO_3^-, CO_3^{2-}, NO_3^-, NO_2^-, SO_4^{2-}, Cl^-, $H_2PO_4^-$, HPO_4^{2-}, PO_4^{3-}, катионлардан Ca^{2+}, Mg^{2+}, Na^+, K^+, H^+, газлардан CO_2, O_2 ва ҳ.к., органик бирикмалардан — органик кислоталар, қанд, аминокислоталар, спиртлар, ферментлар, ошловчи моддалар ва б., органик-минерал моддалардан — гумус кислоталари, полифеноллар, кичик молекуляр органик кислоталар ва ҳ.к.нинг бўлиши характерли. Тупроқнинг газсимон қисми (ҳажмий фоизларда) 78,1 N_2, 19—21 O_2, 0,1—1,0 CO_2 дан иборат; қўшимча сифатида аммиак, глейли ва ботқоқ тупроқларда эса водород сульфид, метан ва водород учрайди (яна қ. *Тупроқ*).

Ҳамдам Шаитов.

ТУПРОҚШУНОСЛИК — тупроқ ҳақидаги фан; унинг таркиби, хоссалари, келиб чиқиши, тараққиёти, географик тарқалиши, унумли фойдаланиш усуллари ва унумдорлигини ошириш йўлларини ўрганади. Т. табиий-тарихий фанларга мансуб бўлиб, тупроқни табиат маҳсули, меҳнат предмети, и.ч. воситаси сифатида тадқиқ этади. Т. иқлимшунослик, геоморфология, петрография, ўсимликлар физиологияси каби бошқа табиий фанлар б-н узвий боғлиқ. Қ.х.да тупроқ унумдорлигини ошириш, саноат ўғитларини қўллаш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ эрозиясига қарши кураш ва б. масалаларни ҳал қилишда, айниқса, катта аҳамиятга эга. Тупроқ 18-а. охирларидан ўрганила бошланди.

19-а. ўрталарида тупроқни геологик ҳосила деб қаровчи агрогеологик йўналиш вужудга келди. 19-а. охирларида В.В. Докучаев Россияда тирик ва ўлик табиат хусусиятларига оид [illegible] — тупроқ [illegible] генетик Т. ни яратди. [illegible] тупроқ ва усимлик [illegible] ўзаро боғлиқлик, тупроқ унумдорлиги П.А. Костычев, география Т. нинг (тупроқ қопламининг тупроқ ҳосил бўлиш жараёни б-н боғлиқ ҳолда [illegible]) К.Д. Глинка, Н. М. Сибирцев ва б. ривожлантирди. [illegible] 20-а. бошларида Т. нинг [illegible] кимёвий йўналиши вужудга келди. Бу йўналишни тупроқ коллоид кимёси асосчиси К. К. Гедройц яратди.

20-йилларда В. И. Вернадский тупроқ ҳосил бўлишида тирик организмлар функциясини ўрганиб, Т. да биогеокимё йўналишига асос солди. 30-йилларга келиб тупроқ физик кимёси, физикаси, минералогияси, микробиологияси каби бошқа бўлимлар ҳам шаклланди. Т. нинг шу даврдаги ҳамда кейинчалик ривожланишида Н.А. Димо, И.П. Герасимов, С.П. Ярков, В. А. Ковда, Б.Б. Полынов, Л.И. Прасолов, И. Н. Розов, И.В. Тюрин ва бошқа олимлари сезиларли аҳамиятга эга бўлди.

Т. нинг Ўзбекистонда ривожланиши Туркистон ун-ти қошида Тупроқшунослик ва геоботаника ин-тининг ташкил топиши б-н узвий боғлиқ (қ. *Тупроқшунослик ва агрокимё институти*). Бунгача Ўрта Осиё ҳудуди тупроқларини А. Миддендорф, А.Н. Краснов, Н. Тейх тадқиқ этган. Н. С. Ковалев раҳбарлигида Ер тузиш ва деҳқончилик бош бошқармасининг қ.х. комиссияси (Россия; 1897 й.да ташкил қилинган) томонидан Мирзачўл ва Андижон тажриба далалари тупроғининг кимёвий ва гранулометрик таркиблари тадқиқ қилинди. Бу тадқиқотлар натижасида бўз тупроқларда фосфор, калийнинг кўплиги, гумус (чиринди)нинг эса кам эканлиги ва карбонатларга тўйинганлиги аниқланди. С. С. Неуструев ишларида типик бўз тупроқлар тавсифланган ва шу ишлардаги тупроқлар терминологиясига асос солинган.

Т. нинг географик, кимёвий ва биогеокимё йўналишлари синтези тупроқнинг 4 асосий: қаттиқ, суюқ, газсимон ва тирик қисмлардан иборат эканлигини кўрсатди. Тупроқнинг бу таркибий қисмларида модда ва энергия алмашинуви доимо ўзаро таъсир этиб, узлуксиз кечади. Тупроқда тирик организмларнинг бўлиши уни биосферанинг тирик мавжудотлари қаторига киритиш имконини беради. Шу жумладан тупроқ унумдорлиги, таснифи ва диагностикаси ҳақидаги [illegible] такомиллаштирилади.

Ўзбекистонда Т. ривожида М. Б. *Баҳодиров*, Б. В. Горбунов, В. Б. Гуссак, Н.В. Кимберг, М. А. *Орлов*, М. А. *Панков*, А. М. Расулов, С. П. *Рыжов*, Х. Махсудов, М. У. Умаров, О. *Комилов* ва б. олимлар ҳисса қўшган. Ўзбекистон тупроқшунослари суғорма деҳқончилик минтақалари учун агромелиоратив тадбирлар системаси, [illegible] суғориш, [illegible] ва мелиоратив ҳолатини [illegible] ишлаб чиқдилар. Тупроқшунослик ва агрокимё ин-тида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, кам ўрганилган ва ҳали ўрганилмаган жойлар тупроқлари ҳақида [illegible] тадқиқ [illegible]. Янги маълумотлар тупроқ таснифини назарий томондан қайта кўриб чиқишни ва унинг янги вариантини яратиш имконини берди.

Т. нинг илмий, назарий ва амалий масалалари Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг Тупроқшунослик ва агрокимё ин-ти, Тупроқшунослик ва агрокимё ин-ти ва ЎзМУ нинг қ.х. олий ўқув юртлари ва ЎзМУ нинг тупроқшунослик кафедраларида ва б. илмий муассасаларда ўрганилади. Илмий ишлар натижалари даврий илмий журнал, тўпламларда нашр қилинади.

Ад.: Панков М. А., Тупроқшунослик, Т., 1970; Бахадиров М., Расулов А., Тупроқшунослик, Т., 1975; Расулов А., Эргашев А. К., Тупроқшунослик асослари ва деҳқончилик, Т., 1980.

Ҳидоят Махсудов.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИНСТИТУТИ, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот давлат институти — йирик илмий муассаса. Тошкент ш.да жойлашган. Дастлаб 1920 й.да Туркистон ун-ти қошида ташкил этилган. 1932 й.да Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот ин-ти (СоюзНИХИ) нинг [illegible] ва агротупроқшунослик [illegible]. 1943—[illegible] Марказий [illegible] асосида [illegible]. 60-й.ларда Ўзбекистон ФА нинг Тупроқшунослик ин-ти, 1961—64 й.ларда Ўрта Осиё Пахтачилик давлат қўмитасининг Тупроқшунослик ин-ти, 1965—72 й.ларда ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Тупроқшунослик и.т. ин-ти, 1973—98 й.ларда Ўзбекистон ФА [illegible] Тупроқшунослик ва агрокимё и.т. ин-ти. 1998 й. 24 июлдан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси таркибида. Ин-тда (2004): тупроқлар генезиси ва географияси; йирик масштабли хариталаш; тупроқлар физикаси ва технологияси; тупроқлар кимёси, физик-кимёси ва минералогияси; агрокимё; шўрланган тупроқлар генезиси ва мелиорацияси; тупроқ унумдорлигини бошқариш ва баҳолаш; тупроқлар биологияси; тупроқ информатикаси; аналитик марказ бўлимлари, шунингдек, тупроқ музейи, илмий кутубхона ва тажриба майдончаси фаолият кўрсатади.

Ин-тнинг асосий илмий йўналишлари: тупроқлар эволюцияси ва тупроқ қопламаси ўзгаришларининг генетик-географик хусусиятлари; тупроқ унумдорлиги моделларини ва тупроқ қопламаси ҳақида маълумотлар базасини тузиш, тупроқлар экологик ҳолатининг ўзгаришларини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва уни бошқариш йўлларини ишлаб чиқиш; эрозияга учраган, [illegible], гумус ҳолати ёмонлашган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш; шўрланган тупроқларни шўрсизлантириш усулларини ишлаб чиқиш, қ.х. ерлари тупроқлари мониторингини юритиш ва б. Ин-т фаолияти А.Н. Розанов, М. А. *Панков*, М. А. *Орлов*, А. З. Генусов, Я. М. Носиров, В. Б. Гуссак, С. А. Кудрин, Б. В. Горбунов, Н. В. Кимберг, С. А. *Рыжов*, И. Н. Фелициант, А. А. *Димо*, В. А. *Ковда*, О. К. *Комилов*, Х. Махсудов, Е. К. Круглова, А. М. Расулов, М. У. Умаров, Ж. *Сатторов*, Т. С. Зокиров, И. Т. Турапов, Р.К. Кузиев каби олимларнинг номлари б-н боғлиқ. Ин-тда аспирантура, докторантура бор. Илмий ишлар, монографиялар нашр қилади. Республиканинг олий ўқув юртлари, хорижий мамлакатлар илмий муассасалари б-н илмий алоқаларга эга. Бонн ун-ти (ГФР) б-н ЮНЕСКО доирасида ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш дастури бўйича ҳамкорлик қилади.

Сайфулла Абдуллаев.

ТУПРОҚҚАЛЪА — қад. шаҳар-қалъа харобаси; мил. 3—4-а.лардаги Хоразмшоҳлар қароргоҳи. Ҳоз. Беруний ш. ғарбидаги ҳудудда жойлашган. 1938—50 й.ларда С. П. *Толстов* раҳбарлигидаги Хоразм археологик этнографик экспедицияси томонидан ўрганилган. Т. тарҳи тўғри бурчакли (500×350 м) бўлиб, тумбасимон бўлакли ва буржли мудофаа девори б-н ўралган. Деворнинг мустаҳкам жан. дарвозасидан шимолга томон марказий кўча ўтган. Кўндаланг тушган кўчалар шаҳарни 10 та квартал (маҳалла)га ажратган. Т. нинг маданий қатламидан, мил. бошларидан б-н тангалар бўлган даврга оид ашёвий материаллар чиққан. Т. нинг шим.-ғарбий

Тупроққалъа. Сарой харобаси.

ТУПРОҚҚАЛЪА ДЕВОРИЙ РАСМЛАРИ ВА ҲАЙКАЛЛАРИ — Ўрта Осиё ҳудудида сақланган қад. санъат обидаларидан. *Тупроққалъа*даги Хоразм шоҳлари саройи мажмуаси деворларига ишланган расмлар ва ҳайкаллар мил. 1—3-а.ларга мансуб. Археологлар «Шоҳлар хонаси» (ҳайкаллар гуруҳида ажлодлар илоҳийлаштирилган бўлса керак), «Ғалаба хонаси» (горельефларда шоҳ шон-шавкати ифодаланган), «Аскарлар хонаси» (шоҳлар улкан, жангчилар кичик ҳажмда акс эттирилган) ва б. рамзий аталган сарой хоналари ҳайкаллар, бўртма тасвирлар ҳамда рангтасвир б-н безатилган; рангтасвир ҳайкалтарошлик ҳамда монументал безакларда кенг қўлланилган. Тасвирлар Ўрта Осиёда кенг тарқалган усулда — қуруқ ганч сувоққа минерал бўёқларга елим қўшиб ишланган: тасвир оқ заминни бутунлай қоплаб ишланиб, қора бўёқда тасвирнинг шакли аниқ қилиб чизиб чиқилган, сўнг шакллар ичи керакли ранглар (қора, кўк, зангори, қизил, бинафша, пушти ва б.) б-н бўялган. Т.д.р. ва ҳ., асосан, қуйидагича композиция тузилишига эга: кенглиги 0,5—0,7 м бўлган безак ҳошиядан иборат пастки қисм (мас., мовий сув тўлқини узра сузаётган қизил балиқлар), асосан, табиий катталикда ишланган турли жонзотлар, одамлар тасвирлари, ов манзараларидан иборат асосий қисм ҳамда девор безагини якунловчи ганч безакли фриз кўринишидаги юқори қисм. Асосий қисмда тасвирланган ов саҳналари, одамлар тасвирлари диққатга сазовор, мавзули лавҳалар ўсимликсимон нақшлар б-н уйғунлаштирилган. Яхши сақланган айрим тасвирлар Хоразм рангтасвири (мас., арфа чалаётган аёл тасвирининг ишланишини кушонгандхар анъаналари б-н боғлаш имконини берали, шунингдек, шуйдай қиёфалар ҳам учрайлики, бу қиёфалар Сурия-Миср ёки Шим. Қора денгиз бўйи халқларининг рим даври санъатида учрашини талқиқотчилар аниқлаган. Барча тасвирлар ўта эркинлик ва ҳаққонийлик б-н яратилган бўлиб, Қад. Хоразмнинг юксак балиий маданиятидан дарак берали.

Ад.: Тойрак-кала, Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции, т. XIV, М., 1984.

Тупроққалъа саройи деворига ишланган расм парчаси (2—3-а.лар).

ТУР (Авестода Thura) — қад. эронийларнинг пешдодийлар сулоласидан бўлган шоҳи Фаридун (Траэтаонанинг ўгли. Авестода Ўрта Осиёнинг қад. халқлари — турлар (туронликлар) қайд этилган (қ. *Турон*). Фирдавсийнинг «Шоҳнома»-асарига кўра, Т. туркий халқлар бобокалони, акаси Салм (Силм, Сельм) эса сомий халқлар бобокалони ҳисобланган. Фаридун дунёнинг тақсимланиши ҳақидаги форс анъаналарига кўра, ўз салтанатини ўғиллари Т., Салм ва Эрож ўртасида тақсимлаган. Катта ўғил Салм — бойлик, ўртанчаси Т. — ҳарбий шон-шавкат, кичик ўғли Эрож — қонун ва динни сўраган. Уларнинг илтимосларига кўра, подшо оталари Салмга Рум ерларини, Т.га Туркистон ва чўлу биёбонни, кенжа ўғли Эрожга эса Эрон тахтини ва акалари устидан олий ҳокимиятни топширган. «Шоҳнома»да бу анъана бошқача вариантда сақланган. Фаридун ўз ўғилларини синамоқчи бўлади ва ажларҳога айланиб уларнинг йўлини тўсади. Салм қочиб қолади, Т. курашга бел боғлайди, Эрож эса ўзининг ақл заковати, олийжаноблиги б-н ажларҳони тинчлантиради.

ТУР, ибтидоий буқа (Bos primigenius) — қирилиб кетган ёввойи буқа. Бир неча кенжа турлари бўлган. Бўйи (ягринидан) 2 м ча, вазни 800 кг гача. Тўртламчи даврда Шарқий ярим шарнинг деярли ҳамма жойларида (Австралиядан ташқари), Европада эса 17-а.гача (Польшада) яшаган. Асосан, ўрмон-дашт зонасида тарқалган. Т. — хонаки қорамолларнинг аждоди. Танлаш, дурагайлаш ва б. методларнинг қўлланиши натижасида дастлабки Т.дан ҳар хил қорамол зотлари яратилган. Кавказдаги ёввойи эчкининг бир тури ҳам Т. дейилади.

ТУР ҲОСИЛ БЎЛИШИ — аждод турнинг бир неча янги гуруҳлар (линиялар)га ажралиши орқали янги турлар ҳосил бўлиши жараёни. Т.ҳ.б. муаммосини Ч. Дарвин (1859) ўзининг *дивергенция* концепциясида узил-кесил ҳал қилиб берган. Унинг кўрсатишича, дивергенция тур ичида борадиган кураш шароитида табиий танланиш туфайли дастлабки формадан энг кўп фарқ қиладиган белгига эга бўлган индивидларнинг сақланиб қолиши орқали содир бўлади. Замонавий тасаввурларга қараганда, Т.ҳ.б. дизрунтив танланиш назорати остида борали; бунинг учун тур ичида кескин рақобат бўлиши шарт эмас. Т.ҳ.б.нинг аллопатрик ва симпатрик йўллари бор.

Аллопатрик Т.ҳ.б. муайян тур популяцияларининг ҳудудий алоҳидаланиши б-н боғлиқ. Тур ареалининг ҳар хил қисмида тарқалган популяциялар турли йўналишлардаги табиий танланиш таъсирига учрайди; географик изоляция эса бундай алоҳидаланган популяциялар ўртасидаги генетик информация алмашинувига тўсқинлик қилади. Аста-секин бундай популяцияларда *микроэволюция* жараёнига олиб келувчи генетик дивергенция содир бўлади ва популяция индивидлари дастлабки тур индивидларидан аниқ фарқ қиладиган белгиларга эга бўлиб қолади. Агар бу белгилар аждод турнинг бошқа популяциялари б-н чатишмаслигига олиб келадиган бўлса, у ҳолда ҳосил бўлган форма янги турга айланади. Тур ўз ареалидан ташқарида тарқаладиган бўлса, янги ҳудудда ҳали табиий танланиш таъсирида мувозанат ҳолатига келмаган популяциянинг яшаб қолишига олиб келиши мумкин. Бундай популяция тасодифан танланган индивидлар йиғиндисидан иборат бўладиган янги шароитга мосланишга имкон берадиган табиий танланиш таъсирида генотипик жиҳатдан жуда тез қайта қурилиш («генетик революция»)га сабаб бўлиши мумкин. Кам сонли популяцияларнинг ҳудудий алоҳидаланишида микроэволюцион жараёнларда *генлар дрейфи* асосий аҳамиятга эга.

Симпатрик Т.ҳ.б. популяцияда бир-биридан фарқ қиладиган бир неча формаларнинг бўлиши ва уларнинг битта умумий ҳудудда тарқалиши (полиморфизм) асосида содир бўлади. Полиплоидизация орқали ўсимликларда (баъзан ҳайвонларда) янги турлар пайдо бўлиши симпатрик Т.ҳ.б. нинг ўзига хос усули ҳисобланади. Бунда вужудга келган янги турлар аввал бошдан ота-она популяциядан генетик алоҳидаланган бўлади. Агар улар жинссиз кўпайиш ёки партеногенез хусусиятига эга бўлиб, аждод форма б-н чатишмайдиган бўлса, янги тур сифатида сақланиб қолади.

Баъзан «Т.ҳ.б.» терминидан кенг маънода бир турнинг аста-секин иккинчи турга айланиши (турлар сонининг ошмасдан филетик Т.ҳ.б.), шунингдек, дурагайлаш орқали янги тур ҳосил бўлиши (тўрсимон эволюция) жараёнларини тушунтиришда ҳам фойдаланилади. Т.ҳ.б. нинг бир қанча муаммолари узил-кесил ҳал этилмаган.

ТУРА — Ғарбий Сибирдаги дарё, *Тобол*нинг чап ирмоғи. Уз. 1030 км, ҳавзаси майд. 80,4 минг км². Ёғоч оқизилади. Бошланиш жойидан 635 км гача кема қатнайди. 3 та сув омбори қурилган. Т.да Тюмень ва б. шаҳарлар жойлашган.

ТУРА, туро, тўро (қад. туркча — турмоқ) — одам бўйича келадиган қалқон, сипар. «Т.» атамаси илк бор Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қўлланилган. Темурийлар, Шайбонийлар қўшинида кенг қўлланишда бўлган. Аскарлар Т.ни олдиларида ушлаб, унинг паноҳида душманни камон ёки милтиқдан ўққа тутганлар. Қўрғон ёки қалъаларни олишда Т. айниқса қўл келган. Жангчилар Т. б-н ҳимояланган ҳолда шотилар орқали деворга чиқиб ганимга зарба берган. Аксарият ундан пиёдалар фойдаланган.

ТУРАР ЖОЙ — яшаш маскани, бошпана жой, уй-жой бинолари. Оила истиқомат қиладиган уй, оиланинг маиший ҳаёти ўтадиган муҳит. Т.ж. ибтидоий даврлардаёқ таом тайёрлаш, либос кийиш қаторида пайдо бўлган. Т.ж.лар меъморликда энг кўп тарқалган иншоот тури бўлиб, бошқа турдаги иншоотларнинг шаклланиши ва ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб берган. Т.ж.нинг ташқи ва ички шакллари, турлари ва кўриниши жиҳатидан хилма-хиллиги иқлим, табиий географик шароит тақозоси, ижтимоий муносабатлар хусусияти, иқтисодий моддий-турмуш даражаси, маданий ва миллий анъаналарга боғлиқ ҳолда ривожланиб, мураккаблашиб борган. Т.ж.нинг оддий турлари қад. тош давридан маълум. Т.ж.лар асрлар давомида тоғ ғорлари, табиатдаги оддий бошпана бостирмалардан бошлаб, замонавий кўп қаватли уйларгача мураккаб тараққиёт жараёнини босиб ўтган. Айни вақтда меъморлик шаклу шамойили асосини таъминлаб келган. Тош даврида ғор, чайла, ертўлалар Т.ж. вазифасини ўтаган (қ. *Ибтидоий жамият*). Инсон ўтроқлашган сари Т.ж. шакли ҳам ўзгара борган, ўрмонли жойларда ёғоч уйлар юзага келган (ботқоқ ва сув босадиган ерларга ёғоч, хода қоқиб, устига уй қурилган). Иқлими қуруқ, дарахт ўсмайдиган дашт ва тоғ этакларида неолит давридан бошлаб тош, лой, хом ғишт, *гувала*, сомон каби қурилиш материалларидан фойдаланилган. Осиё ва Африканинг чорвачилик б-н шуғулланадиган ўлкаларида кўчма Т.ж.лар кенг тарқалган. Чодир (ҳайвон териси, матодан; Осиёнинг жан. тоғлик ҳудудларида, эронийлар, араблар), оқ уй, қора уй-ўтов, чайла, капа, олачуқ каби (намат ва ёғочдан) мўғул кўчма уй-жойлари айниқса кўчманчи туркий қавмларда кенг қўлланган, ҳатто арава устига қурилган кўчик (кўшк)лар Дашти Қипчоқдан Шарқий Европагача бўлган ҳудудларда кузатилган. Шим.да эскимосларнинг Т.ж.лари буғу териси ва муздан қурилган.

Жамиятда табақаланиш юзага келгач Қад. *Миср*, Қад. *Рим* ва *Юнонистон*да қулларнинг содда уй, кулбалари б-н бир қаторда қулдорларнинг уй-қўрғонлари, кўп хонали қалъалари барпо этилган. Ғарбий Европа шаҳарларида синчкор фахверкли қурилмадаги Т.ж.лар ҳозиргача сақланган. Шарқий славян (шу б-н бирга рус, украин, белорус) ва ҳудуди уларга яқин халқлар (фин, эстон, литва, румин ва б.)да дастлаб ёғоч қалаб қурилган уйлар (хата ва б.) кенг тарқалган. Кавказ халқларида тоғ қоялари—террасаларда лой ва тошдан устма-уст қурилган кулбалар, минорасимон кўп қаватли уйлар (Тоғли Доғистон ва б.) тарқалган. Ҳиндистонда Т.ж. хом ва пишиқ ғиштдан, томи ясси, баъзан нишабли ясалиб, устига похол қамиш, йирик барглар босилган. Синчли ёғоч ёки бамбукдан сомонли лой б-н сувалган уйлар ҳам бўлган. Шарқий Осиё мамлакатларида (мас. шим. Хитойда) синчли, хом ғишт-

Самарқанд. Эски шаҳар кўчасидаги уйлар.

1. «Шоҳлар хонаси»дан топилган аёл ҳайкали.
2. Лойдан ясалган ҳайкал («Қизил бош»).

Ичан қалъадаги турар жой.

ли девор устидан сувалиб томига похол, қамиш бостирилган. Тез-тез янгиланиб бўлиб турадиган жойларда асосан синчкори енгил уйлар кўп қурилган.

*Уйғониш даври*да Италия шаҳарларида аслзодаларнинг сарой палашюлари, виллалари, боғ-парк мажмуалари ўзига хос меъморий тизим ва услубга эга бўлган (*Дожлар* саройи ва б.).

19-а. охири — 20-а. бошларида ривожланган Англия Т.ж.лари бошқа Европа мамлакатларидаги Т.ж. қурилишига сезиларли таъсир кўрсатди. Унда Ф. Уэбб, Н.Шоу ва Ч. Войси каби меъморлар лойиҳаси маълум бир оила эҳтиёжини пухта ўрганган ҳолда, унинг атроф-муҳитини, иқлим шароитини ва уйнинг жойланиш ўрнини, фойдаланиладиган қурилиш материалларини намойиш этиб, хусусиятини очиб берди. АҚШ, Канада каби саноати ривожланган мамлакатларда Т.ж. саноатида ишлаб чиқарилган бир хил андозадаги йирма ёғоч уйлардан фойдаланиш катта имкониятлар яратиб берди. Европадаги ишчилар уйи қатор яхлит умумий маиший эҳтиёжни оқилона ҳисобга олишни аниқ мисолларда намоён этди. Алоҳида оилаларнинг турли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда бунёд этилган Англия *коттеж*лари, кўпхонадонли оилаларда замонавий қулайликлар яратилган ҳаромлари уйлар меъморларининг қурилишда тўплаган имконият ва услубларини замонавий Т.ж. турини яратишида муҳим роль ўйнади.

20-а.дан ривожланган Европа мамлакатларида янги қурилиш материаллари (металл, темир-бетон, ойна ва б.) замонавий Т.ж. қурилишига талбиқ этилди. Шаҳарларда аҳоли сонининг кескин ошиши натижасида ҳаромлаш келтириладиган уйларнинг кўплаб қурилишига эътибор берилди. Т.ж.лар қурилишида замонавий қулайликлар (водопровод, канализация, газ, лифт ва б.) га эга бўлган, бир-бири б-н туташган секциялар, қаватма-қават такрорланувчи хоналар гуруҳидан иборат кўп қаватли уй-мажмуалар кенг тарқалди.

Ўзбекистондаги дастлабки Т.ж. қолдиқлари *Замонбобо, Жарқўтон, Жонбоскалъа, Далварзинтепа, Термиз, Тупроққалъа* каби шаҳар-қўрғонлар, қалъалардан топилган. Қурилишда ёғоч, лой, *пахса*, гувалдан фойдаланилган. *Варахша, Афросиёб, Болалиқтепа* ва б.лаги сарой деворлари расм, ҳайкал ва бўртма безаклар б-н парлантанган. 6—8-а.лардаги Кеш, Сутд, Тоҳаристон, Чағониён, Шош каби мангиларлаги Т.ж.лар, асосан, суғориладиган серсув ерларда бунёд этилган. Шаҳар атрофидаги мавзеларда ҳунарманд, деҳқонлар яшаган. Қадим Туркистон яйловларида яшаган туркий аҳоли енгил кўчма уйларнинг ажойиб тур ва шаклларини яратган (ўтов, юрт, чодир, хирғоҳ, капа, олачуқ ва б.). Кўчманчиларнинг 2 ёки 4 гилдиракли аравааларга ўрнатилган қамиш уйлари ҳақида сайёҳ ва элчилар - Марко Поло, Плоно Карпини ва б.нинг саёҳатномаларида ёзилган. Хоразмшоҳ Абулғозий Баҳодирхон айтишига кўра қангли арава (кўчма уй)ни дастлаб кашф этган туркий қавм кейинроқ Қангли номи б-н машҳур бўлган. Қангли уйлар милад. 4-а.да ҳам кенг тарқалган. Кўчманчилар ўтроқ ҳаётга ўтганда ҳам чодир, ўтов кабилар ёнроқ қурилмалар ва намат, *жуловир*лар асосида бунёд этилган. Шулар қатори улкан пахса деворли, ҳом ғиштдан терилган баланд деворли қалъа-қўрғонлар, шаҳар деворлари тикланган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида қурилган Т.ж. меъморлиги ўзининг ҳашаматлилиги, муҳандислик илмининг юксаклиги, серҳашам безакларга бойлиги б-н ажралиб туради (қ. *Амир Темур боғлари, Оқсарой*). Тарихий манбаларда сарой, *чорбоғ* ва б. ҳақида қимматли маълумотлар сақланган.

Шаҳар марказларида *маҳалла* ва *гузар*лар шаклланиб, уларда ҳунарманд ва савдогарлар кўплаб дўконлар (чорсу, тим, токлар) қаторида ўзларининг ҳашаматли Т.ж.ларини ҳам қурганлар. Т.ж.лар *ичкари* ва *ташқари* ҳовлили бўлиб, хонадон аъзосининг мавқеига қараб жиҳозланган. Меҳмонхоналар ўзига хос миллий безаклар (*тоқча, тағмон*ли, ошхонаси, *ҳовузак*ли, деворлари *ганчкор*ли нақшлари б-н безатилган. *Гилам, чойшаб, ғўзапа, сандиқ*, кўн, *хонтахта* каби уй-рўзғор буюмлари б-н жиҳозланган.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Тошкент каби кўҳна шаҳарларда, асосан, 18—19-а.ларга оид Т.ж. намуналари сақланган, уларда ўзига хос шаклу шамойил, паст-баландликлардаги мутаносиблик, маҳаллий қурилиш анъаналаридан фойдаланиш, қўёшнинг жазирама иссиғини тўсувчи усулларини ҳамма ҳисобга олинган. Уйларнинг фойзи ҳовлилар орқали намоён бўлган, кўча томондан фақат ўймакор эшик ва дарвоза олдидаги айвончагина кўзга ташланади. Т.ж.ларни *ҳовли*сиз ва айвонсиз тасаввур қилиб бўлмайди (қ. *Тошховли, Ситораи Моҳи Хоса, Нуруллабой саройи* ва б.).

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, анъанавий Т.ж.лар б-н бир қаторда Тошкент, Самарқанд, Коғон, Андижон, Скобелев (Фарғона), Қўқон ва б. шаҳарларда 1—2 қаватли уйлар европача услубда қурила бошланди. Бу биноларнинг меъморий қиёфалари маҳаллий шароитга дастлаб бегона кўринган. 20-а. бошларида ишчилар учун янги арзон,оддий Т.ж.лар Тошкентдаги Темир йўл кўчаси (собиқ Тезиков боғи) даги ишчилар шаҳарчасида қурила бошланди. Бой ва савдогарлар Т.ж.лари — Тошкентдаги *Романов саройи*, А.Половцев уйи, Қўқондаги ака-ука Симхоевлар уйлари, Кнааб уйи, Самарқандда Калонтаров уйи ва б.ни рус ҳарбий муҳандислари И.А.Маркевич, Г.М.Сваричевский, усталари б-н ҳамкорликда қурганлар. 1937 й.дан ун-жой бошқармаларига қарашли 4—5 қаватли Т.ж. бинолари, кенгичалик 9 қаватли (1966 й.дан) йирма темир-бетон Т.ж.лар қурилиши авж олди. Қипчоқ меъморлигида Р.Абдурасулов, А.Маҳкамов, В.Колюмейская каби меъморлар ижодкори асосида 2 қаватли коттеж.лар бунёд этилди. Қипчоқларда 3—4 қаватли уйларнинг жорий этилиши аҳолига анча ноқулайликлар келтириб чиқарди. 70-й.лардан лойиҳачилари томонидан бир хил андозадаги лойиҳаларнинг янги турлари яратилди. 80-й.лардан 16 қаватли ва ундан баланд экспериментал Т.ж.лар бунёд этилди. Шаҳарларда аҳолининг кескин кўпайиши натижасида йирик Т.ж. массивлари (Чилонзор, Сергели, Юнусобод, Яланғоч, Себзор ва б.)даги Т.ж. биноларининг қурилишида 76, 146, 148, 176 туркумли лойиҳаларнинг фойдаланилди. Аммо бу лойиҳалар анча қулайликларга эга бўлиш б-н бирга, аҳолининг маҳаллий эҳтиёж ва талабларини тўла қондира олмас эди. Бу эҳтиёж ва талаблар, асосан, 1—2 қаватли шахсий Т.ж.ларда амалга оширилди.

Т.ж.лар меъморлиги ҳар вақтда турли жиҳатларга кўра таснифланади, жумладан, қурилиш ашёлари бўйича (ғиштли, бетонли), қурилиш технологияси бўйича (йирик блокли, панелли), ўзаро бириқуви бўйича (блокланган, алоҳида қурилган), лойиҳаларини амалга ошириш қирралари бўйича (индивидуал, такрорий-типик), қаватлари бўйича (кам қаватли, кўп қаватли), хонадон (квартира)лар-нинг ўзаро бириқуви бўйича (галереяли, секцияли каби), эгалик бўйича (шахсий, ширкатга қарашли, давлат мулки), ҳовлининг мавжудлиги ва яна б. жиҳатлари бўйича ажратилади. Шаҳардан танқаридаги Т.ж.лар содда-роқ кўринишни б-н фарқланган.

Тошкентдаги замонавий хусусий турар жой.

Тошкентдаги Ҳамид Олимжон майдонида жойлашган кўп қаватли турар жой биноларн.

Т.ж.нинг энг муҳим сифатлари унинг қулайлиги ва кўркамлигидир. Улар кўпроқ меъморий ечим (хилма-хил, баъзан қарама-қарши талабларни ўзаро уйғунлаштирувчи режа, қурилиш ашёларининг конструктив ва бадиий сифатларини тўла очиш ва б.) б-н таъминланади. Маҳаллий аҳоли Т.ж.ларида нақкошлик, ўймакорлик каби безаклар кенг қўлланади. Т. ж.ларда жиҳоз (ховумон), жумладан, ҳо), вақтда муҳандислик таъминоти (иссиқ, совуқ сувлар, газ, электр қуввати), оқова (канализация), шамоллатиш, кондиционерлаш ва б. катта аҳамиятга эга. Турли мебеллар (хонтахта, курси, ювшоқ мебель кабилар) хоналарга шинамлик бахш этади. Маиший техника буюмлари (совутқич, телевизор, компьютер) нетеъмоли кенгайиб бормоқда. Кўпгина жиҳоз буюмларини яратиш санъат даражасига кўтарилган (кулолчилик, кандакорлик, гиламчилик, кашталачилик ва б.).

Ўзбек уй-жойларида кўкаламзорлаштиришга ва сув иншоотларига катта эътибор берилади. Ҳовлининг бир қисмидан ёки алоҳида жойдан боғ ажратилади. Уларда, асосан, мевали, қисман манзарали дарахтлар ўстирилади. Ҳовли саҳнида гулзор ташкил этилиб унга райҳон, шойигул кабилар экилади. Илгари деярли ҳар бир уйнинг ариғидан тоза, ичимлик суви оқиб ўтган. Ҳоз. баъзи ҳовлиларда сув ҳавзаси (ҳовуз), фавворалар қурилмоқда.

Ўзбек Т.ж.ларида асрлар мобайнида шаклланиб келган қўшничилик, маҳаллачилик урф-одатлари ўз аксини топган: уй эгаси том нишабини ҳамиша ўзининг ҳовлисига қаратган, кўшни деворига туташ бўлган бирор қурилма кўтариш ниятида бўлса қурилманинг баландлигини қўшнисининг розилиги б-н амалга оширган ва ҳ.к. Булардан ташқари, қўшничилик муносабатларини «обраҳа», «ҳақраҳа», «шафиқ» каби одатлар белгилаган.

Мустақилликдан кейин Т.ж. меъморлигида янги қурилиш мезонларн ва қоидалари қабул қилинди. Давлат томонидан молияланадиган кўп қаватли ва коттеж Т.ж.лари б-н бир қаторда якка тартибдаги шахсий уйлар, жумладан, ҳашаматли («элита») уйлар қуриш кенг тарқалди. Т.ж.ларда миллий ва «европа» услублари уйғунлашиб, янги қурилиш технологияси ва безаш ашёлари кенг қўлланмоқда.

Ад.: Воронина В.Л.,Народные традиции архитектуры Узбекистана, М., 1951; Адылов С.Р., Турсунов Ф.Ю. и др. Город, рожденный дважды, М., 1970; Асамов Х.А., Боровков И.И., Пластнев И.Е., Жилищно-гражданское строительство Узбекистана за 50 лет, М., 1974; Кадырова Т.Ф., Архитектура Узбекистана, М., 1987.

Йўлдош Зоҳидов, Хайрулла Пўлатов.

ТУРАР ЖОЙ ДАХЛСИЗЛИГИ — фуқароларнинг конституцион шахсий ҳуқуқ ва эркинликларидан бири. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини кафолатлайди (27-модда). Бунга кўра, ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, бировнинг турар жойига кириши, *тинтув* ўтказиши ёки уни қўздан кечириши мумкин эмас. Шунингдек,

Сурхондарё вилояти. Майчалара қишлоғидаги турар жой.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 142-моддасига асосан, турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб бостириб кириш 3 й. гача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 5 й. гача озодликдан маҳрум қилиш б-н жазоланиши кўрсатилган.

Т.ж.д. деганда хусусий мулк бўлган уйлар, квартиралар олиб қўйилиши, мулкдор эса уйга, квартирага мулк ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги ҳам тушунилади. Аммо бир қатор ҳолларда Т.ж.д. га бўлган ҳуқуқ истисно этилади. Жумладан, *гаров* муносабатларида ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилганда, национализация, *реквизиция*, мусодара қилинганда Т.ж.д. четлаб ўтилади.

Миродил Баратов.

ТУРБЕЛЛЯРИЯЛАР (Turbellaria) — ясси чувалчанглар синфи (қ. *Киприкли чувалчанглар*).

ТУРБИНА (франц. turbinus — уюрма) — иш жисми — буғ, газ ёки суюнинг кинетик энергиясини механик ишга айлантирувчи бирламчи двигатель. Иш органи — ротор. Иш жисми оқими ротор парракларига таъсир қилиб, уни айлантиради. Т.нинг актив (фаол) ва реактив, бир ва кўп поғонали турлари бор. Муқим (стационар) буғ ва газ Т.лари электр токи генераторларини (турбогенераторлар), марказдан қочма компрессорлар ва ҳаво ҳайдовчи қурилмаларни (турбокомпрессорлар, турбоҳаво ҳайдагичлар), таъминлаш, ёнилғи ва мой насосларини (турбонасослар) ҳаракатлантириш учун қўлланади. Транспорт буғ ва газ Т.ларидан кемаларда асосий двигатель сифатида фойдаланилади. Газ Т.лари ҳам авиация двигателлари (турбовинтли ва турбореактив двигателлар) сифатида, баъзи ҳолларда (юқори қувватли двигателлар зарур бўлганда) локомотивлар (газотурбовозлар) ва махсус автомобилларда ҳам қўлланади. Гидравлик Т.лар гидроэлектр ст-яларида электр токи генераторларини ҳаракатлантириш учун ишлатилади (гидрогенераторлар). Тежамлилиги, ихчамлиги, ишончлилиги ва катта қувват ҳосил қила олиши туфайли Т.лар энергетикада поршенли буғ машиналарининг ўрнини эгаллади (қ. *Буғ турбинаси, Газ турбинаси, Гидротурбина*).

ТУРБОВИНТЛИ ДВИГАТЕЛЬ — асосий тортиш кучини ҳаво винти, қўшимча (8—12% гача) тортиш кучини реактив соплодан чиқадиган газ оқими ҳосил қиладиган *авиация двигатели*. Товуш тезлигидан секин учадиган самолётлар ва вертолётларда



Турбовинтли двигатель схемаси (вертолёт): *1* — ҳаво винти; *2* — редуктор; *3* — ҳаво олгич; *4* — компрессор; *5* — ёниш камераси; *6* — турбиналар; *7* — соплo (газ чиқади).

ишлатилади. Учиш пайтида унга кираётган атм. ҳавоси олдин ҳаво олиш механизмида, кейин *турбокомпрессор*да сиқилади ва ёниш камерасига ўтади. Бу ерга суюқ кимёвий ёнилғи (одатда, авиация керосини) пуркалади.Ёнилғи ёнганда ҳосил бўладиган газлар турбинада кенгайиб, *компрессор* ва ҳаво винтини айлантиради. Газларнинг узил-кесил кенгайиши реактив соплода юз беради. Турбокомпрессор ротори ва ҳаво винтининг айланиш тезлигини бир-бирига мослаш учун релукторлар фойдаланилади.

ТУРБОГЕНЕРАТОР — буғ ёки газ турбинаси б-н ҳаракатга келтириладиган электр энергия генератори; иссиқлик электр ст-ясининг турбинаси валига бевосита бириктириладиган синхрон генератор. Т. горизонтал вазиятда ишлайдиган электр машина. Унинг уйғотиш чулғами *ротор*да, 3 фазали иш чулғами эса *статор*да жойлашган. Уйғотиш чулғами электр машиналар уйғоткичи чулғамидан ток б-н таъминланади. Статор корпус (тана) ва чулғамлар жойлаштириладиган ўйиқлари бор ўзакдан иборат. Ўзак электротехника пўлати листларидан йиғилган бир неча пакетдан тайёрланади. Ўзак пайвандлаб тайёрланган пўлат корпусга жойлаштирилади. Т. ҳаво ёки водород б-н совитилади. Йирик Т.ларда аралаш совитиш тизими қўлланади. Мас., статор ва ротор чулғамлари сув б-н, статор ўзаги эса водород б-н совитилади. Атом электр ст-яларида икки жуфт қутбли ротордан фойдаланилади (қ. *Генератор*).

ТУРБОКОМПРЕССОР — 1) *компрессор* ва авиация *газ турбинасини* механик тарзда бириктириб ҳосил қилинган агрегат; турбокомпрессион двигателнинг асосий қисми. *Ички ёнув двигатели* поршенига босими атм. босимидан юқори бўлган ҳавони ҳайдаш учун қўлланади (шунда двигателнинг қуввати ортади). Бу ҳолда двигателда «иш бажариб» чиқаётган газ турбинада кенгайиб, компрессорни айлантиради, натижада цилиндрларга бораётган ҳавонинг босими кўтарилади; 2) газларни сиқиш ва узатиш учун мўлжалланган куракли *компрессор*. Газларни марказдан қочма усулда ёки ўқ бўйлаб йўналтириладиган турлари бор. Поршенли компрессорга нисбатан фойдали иш коэффициенти катта бўлишини, газлар (ҳавонинг бир меъёрда (узилиб-узилиб эмас) узатилишини таъминлайди.

ТУРБОРЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЬ — тортиш кучи реактив соплодан чиқаётган газ оқими ҳисобига ҳосил бўладиган авиация газ-турбинали двигатели. Товуш тезлигидан юқори тезликда учадиган самолётларда марш двигатели ёки тикка кўтарилиб-қўнадиган самолётларда кўтариш двигатели сифатида ишлатилади. Учиш пайтида унга кираётган атм. ҳавоси ҳаво олиш механизмида, кейин *турбокомпрессор*да сиқилади. Сиқилган ҳаво ёниш камерасига узатилади, бу ерга айни пайтда суюқ кимёвий ёнилғи (авиация керосини) пуркалади. Ёнилғи аланганланганда ҳосил бўладиган газлар қисман турбинада кенгайиб, *компрессор*ни айлантиради. Турбина ва реактив сопло ўртасига жойлаштирилган форсаж (тезлатиш)камерасида қўшимча ёнилғи ёндириб, тортиш кучини анча (30—40%) ошириш мумкин. Т.лдан ҳавокосмик самолётларнинг биринчи босқичида ҳам фойдаланиш мумкин (қ. *Авиация двигатели*).

ТУРБУЛЕНТ ОҚИМ (лот. turbulentus — жўшқин, тартибсиз) — турбулентлик кузатиладиган суюқлик (газ) оқими (қ. *Турбулентлик*). Т. о.да суюқлик (газ) нинг айрим заррачалари мураккаб траектория бўйлаб тартибсиз, беқарор ҳаракат қилади. Бунда оқимдаги ҳар бир нуқта тезлиги вақт ўтиши б-н ўзгаради ва пульсация (жадал) тусида бўлади. Босимда ҳам пульсацион ўзгариш рўй беради, сиқилаётган суюқликнинг зичлиги эса ўзгаради. Жадал тартибсиз аралашув туфайли Т. о. юқори иссиқлик узатиш, кимёвий реакциялар (мас., ёниш)ни тез тарқатиш, товуш ва электромагнит тўлқинларни сочиш, шунингдек, импульсни узатиш ва шу сабабли қаттиқ жисмларни айланиб оқаётганда уларга юқори куч таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Бунда Т. о.ларда ҳаракатланувчи жисм (зарра, тўлқин)лар анчагина катта қаршиликка учраши сабабли каттагина энергия йўқотишлари содир бўлади. Т.о. лаврида ҳаракат қилаётган суюқликнинг айрим массалари интенсив равишда аралашиб туради.

Кўпчилик атм. ҳодисалари ва жараёнлари — атмосфера б-н сирт орасидаги энергия алмашинувида, иссиқлик ва намликнинг кўчишида, Ер сирти ва ҳавзалардаги бугланишларда,

атмдаги ифлосликлар диффузиясида, денгизда шамол тўқинлари ва шамол оқимларининг вужудга келишида, атм.да қисқа радиотўлқинларнинг сочилиши каби ҳодисаларда атм.нинг турбулентлиги катта роль ўйнайди.

ТУРБУЛЕНТЛИК — суюқлик ва газлар оқимларида кузатиладиган ҳамда бу оқимларда турли ўлчамли қўшалоқ уюрмалар ҳосил бўладиган ҳодиса. Т. туфайли бу оқимларнинг тезлик, босим, т-ра, зичлик ва б. характеристикалари фазода ва вақт давомида тартибсиз ўзгариб туради, яъни хаотик *флуктуациялар* таъсирида бўлади. Шунинги б-н *турбулент оқим ламинар оқим*дан фарқ қилади. Ламинар оқим ўзининг барқарорлигини йўқотганда Т. вужудга келади. Суюқлик ёки газда ҳаракатланаётган қаттиқ жисмларга улар (суюқлик ёки газ) нинг қаршилигини аниқлашда, шунингдек, суюқлик ёки газ ўраб турган жисмлар орасидаги иссиқлик алмашинини ҳисоблашда Т. эътиборга олинади. Т. статистик усуллар ёрдамида ифодаланади.

ТУРГЕНЕВ Иван Сергеевич [1818.28.10 (9.11), Орёл — 1883.22.8 (3.9), Париж яқинидаги Буживал қишлоғи; Санкт-Петербургдаги Волково қабристонига дафн этилган] — рус ёзувчиси. Петербург ун-тининг филология ф-тини тугатган (1837). Т.нинг дастлабки романтик шеърлари ва «Стено» драматик достони (1834) талабалик йилларида ёзилган. Т.Петербургдаги ўқишини тугатгач, Берлинга бориб (1838), фалсафа ва классик филол. бўйича маърузалар тинглаган. 1841 й. Москвага қайтиб келган, Н.В.*Гоголь*, С.Т.Аксаков сингари ёзувчилар б-н танишиб, бадиий ижод б-н шуғуллана бошлаган. Т.нинг шу кезларда ёзган «Параша» достони (1843) ён ёзувчининг романтизмдан узоқлашиб, оддий халқ ҳаётига яқинлашганидан дарак беради.

Т. 1844 й. да «Андрей Колосов» қиссасини, кейинроқ крепостнойлик хулқ-атворини тасвирловчи «Помешчик» достони (1846), «Гайритабиий» ҳисобланган кишининг қип-қизил хулбини эканлигини фош этувчи «Уч сурат» (1846) ва «Бретер» (1847), шунингдек, гоголона ҳажвий руҳ б-н йўғрилган «Петушков» (1848) қиссаларини эълон қилган. Т. 1847 й.дан бошлаб Парижда яшайди. Шу йили «Современник» («Замондош») жур. да чоп этила бошлаган «Овчининг мактублари» асари б-н Т. ижодида янги давр бошланган. Т. туркум ҳикоялардан иборат бу асарида рус деҳқонларига хос эзгу ва олижаноб фазилатларни тасвирлаган. У тасвир этилаётган қаҳрамон ёки воқеанинг мазмунмоҳиятидан келиб чиққан ҳолда маиший очерк, ҳикоя, психологик новелла, лирик этюд сингари насрий жанр шаклларидан унумли фойдаланган. Т. айни пайтда драматургия жанрларида ҳам қалам тебратиб, «Сармоядорлик» (1846), «Йўлбошловчининг сенлик» (1846), «Ерга тушган нонуштаси» (1849 й.да саҳналаштирилган) бир пардали ҳажвий пьесаларини, «Бўйдоқ» комедиясини (1849), «Тенкинўр» маиший драмаси (1849) ва «Қишлоқда бир ой» лиро-психологик драмаси (1850) ни ёзган. Шундан сўнг «Мумў» (1855), «Ортиқча кишининг кундалиги» (1850), «Яков Пасинков», «Карвонсарой» (1855) ва «Ёзишма» (1856) сингари қиссаларини яратган. 1852 й. «Икки авлод» романи устида иш олиб борган, аммо асар ниҳоясига етолиб борган, аммо асар ниҳоясига етказолмаган. Россияга қайтгач (1850), Спасскмлган. Россияга қайтгач (1850), Спасскийда Лутовиново қишлоғида яшаб, энг яхши асарларидан бири — «Рудин» романини(1856) ни ёзиб тугатган. Унбу романда Гегель фалсафасига маҳлиё бўлган жамиятида бошланган руҳий уйғониш жараёнини бадиий кузатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Т. «Оталар ва болалар» романи (1862)да бу ғояни янада ривожлантирган. Бош қаҳрамон

Базаров образида Д.И.*Писарев*га хос ҳурфикрлилик ва нигилизм сари интилиш каби фазилатларни мужассамлантирган. Мазкур асар рус жамиятида илғор синф ҳисобланиб келинган дворянлар синфига қарши қаратилган. Базаров жамиятни шунчаки нолоҳ этиш эмас, балки шу чириб бошлаган жамият пойдеворини таг-тути б-н бузиш ва янгисини барпо этиш тарафдоридир. Т. Базаровдаги ана шу нигилизм (барча нарсаларни инкор этиш)ни тасвирлаш орқали рус инқилобчилигига хос салбий жиҳатларни, биринчи навбатда, тарихий жараён қонуниятлари б-н ҳисоблашмасликни Октябрь тўнтаришидан 55 йил муқаддам башорат қилган. «Оталар ва болалар» романи рус адабиётшунослигида Т. ижодининг чўққиси сифатида талқин этилади. Мазкур асарда рус воқелиги, Т. нинг бошқа асарларига қараганда, айниқса, кенг қамраб олинган.

1861 й.да крепостнойлик нолоҳотининг ўтказилиши рус жамиятини ниқ-кига ажратиб юборди. Чор генераллари ва аристократларидан иборат дворянлар гуруҳи нолоҳотга қарши чиқиб, эски крепостнойлик тартибларининг тикланишини орзу қилди. Т. «Тутун» романи (1867)да зодагонлар муҳитида авж олган ана шу аксилҳаракатни асарга мавзу қилиб олган.

Т. ҳаётининг сўнгги 20 й.и хорижда ўтган: дастлаб Баден-Баденда, сўнгра Парижда яшаган. У шу даврда машҳур француз ёзувчилари ва санъаткорлари б-н яқин ижодий алоқада бўлиб, ҳатто 1878 й.да Парижда ўтказилган халқаро ёзувчилар анжуманига В. Гюго б-н бирга раҳбарлик қилган. 60-й.ларнинг 2-ярми — 70-й.ларда Т. «Бригадир» (1868), «Чўл қироли Лир» (1870), «Баҳор тошқинлари» (1871) сингари қиссаларини, «Кўриқ» (1877) романи ва б. бир қанча асарларини ёзган.

Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Полн. собр. соч. и писем, 2 изд., т. 1—30, М., 1978—93; Танланган асарлар, 1—4-ж., Т., 1967—71;

Ад.: Петров С. М., И.С.Тургенев. Творческий путь, 2-изд., т. 1—2, М., 1983.

Нажм Каримов.

ТУРГОР (лот. turgere — бўртмоқ, тўлмоқ) — ҳужайра қобиғининг таранглик ҳолати. Т. ҳужайра ичидаги суюқлик ва ташқи эритманинг осмотик босими ҳамда ҳужайра қобиғининг эластиклиги туфайли рўй беради. Одатда, ҳайвонлар ҳужайраси қобиғининг таранглиги унча юқори бўлмагинидан (баъзи бўшлиқичлилар бундан мустасно) Т. ҳолати кучли эмас; уларнинг бир бутунлигини фақат *изотоник эрит-*

малар сақлайди. Тирик ўсимлик ҳужайраларида эса ички ҳужайра ширасининг осмотик босими ташқи эритма осмотик босимидан ҳар доим катта, лекин ҳужайра девори целлюлозадан иборат бўлганлиги учун ҳужайра қобиғи ёрилиб кетмайди. Т. туфайли ўсимлик тўқималари таранг ва мустаҳкам бўлади. *Автолиз* жараёни, ўсимликнинг сўлиши ва қариши Т. пасайиши оқибатида рўй беради.

ТУРДИ, Турдий (асл исми ва тахаллуси; форс-тожик шеърларидаги тахаллуси эса Фароғий) (17-а., Бухоро — тахм. 1699/1700, Ҳўжанд) — шоир. Бухоро мадрасаларида таълим олган. *Абдулазизхон* даврида саройнинг амалдорларидан, юз уруғининг кўзга кўринган сиёсий арбобларидан бўлган. *Субҳонқулихон* тахтга чиққач, саройдан узоқлаштирилган. *Аштархонийлар*га қарши 1685—86 йй.ларда кўтарилган халқ исёнида фаол иштирок этган. Исён бостирилгач, Т. Жиззах, сўнг Ҳўжандга бориб, муҳтожлик ва узлуксиз маънавий тушкунликда кун кечирган. Т. ўзбек ва форс тилларини яхши билган. «Дар мазаммати силоҳгари»шеърида ўзининг асосий касб-кори сипоҳийлик («қарбийлик») бўлганини, шу касби б-н узоқ йиллар нималарнидир тамаъ қилиб, шоҳларга хизмат қилганини, лекин охир-оқибатда ҳеч нарсага эриша олмаганини афсус б-н маълум қилган. Лекин ҳарбийлик б-н бир қаторда Т. ўз замонасининг ўқимишли, Шарқ адабиётидан мукаммал хабардор, ҳаёт, жамият ҳақида кенг тушунчага эга кишиларидан бўлган. Унинг жамиятда тутган мавқеи эса ўз атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга фаол аралашишини тақозо этган.

Т. нинг адабий мероси 18 шеърдан иборат бўлиб, улардан 12 таси ғазал, 5 таси мухаммас ва биттаси фард жанрига оид. 434 мисра ҳажмидаги бу меросниг 165 мисраси Субҳонқулихон ҳақидаги машҳур ҳажвияни ташкил этган («Субҳонқулихон тўғрисида ҳажвия», 1691).

Т. ҳам ўз ижодини бошқа шоирлар каби анъанавий ишқ мавзуидан бошлаган. Унинг:

Туркона хиром айлади ул шўхи дилоро,
Дил мулкини бир ғўшаи чашм айлади ягмо.

матлаи б-н бошланган ишқий ғазали лириканинг яхши намуналаридан ҳисобланади. Т. нинг лирик ғазаллари бошқа шоирларникидан ўзининг ниҳоятда ихчамлиги, яъни 3—4—5 байтдан иборатлиги б-н ажралиб туради. Унинг тасаввуфий шеърлари ҳам гоят гўзал ва фалсафий теран мазмунга бой («...Ибрат ила боқ, кўзуни туфроққа тўлмасдан бурун»).

Т. ғазалларининг аксарияти ҳали ҳеч ким қаламга олмаган, ўткир ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий мавзуларга бағишланган. Айниқса, шоирнинг:

Тор кунгулдик беклар, мангман деманг, кенглик қилинг,
Тўқсон икки бўли ўзбек ортидур, тенглик қилинг...

матлаи б-н бошланадиган ғазалида юрини бошқараётган бекларга мурожаат қилиб, уларни кенг феъллик, ўзаро иттифоқ бўлишга, бир-бирини урғучлик белгиларига қараб камситмасликка чақириш унинг ўз даврилаги юксак фикрли, ватанпарвар ва ҳақиқий инсонпарвар киши бўлганлигидан далолат беради.

Субҳонқулихон тўғрисидаги ҳажвий мухаммаси Т. нинг шоҳ асари ҳисобланади. Асарда Субҳонқулихон давлат тепасига келгач, мамлакатда аҳвол ёмон томонга ўзгарганлиги, осойишталик ўрнини тартибсизлик, адлу карам ўрнини ўзаро нифоқ эгаллагани ўз аксини топган. Шоҳнинг айби шундаки, у тахтга ўтириши б-ноқ тажрибали, ишбилармон мулозимларни қувиб, уларнинг ўрнига ўз атрофида давлатни бошқариш ишидан бутунлай хабарсиз, фикр-мулоҳазалари саёз, ахлоқан тубан кишиларни йиғади. Т. бу асарида Субҳонқулихон қиёфасида жоҳил шоҳ тимсолини яратади. Ушбу ҳажвий асари б-н Т. ўзбек ҳажвиётини Алишер Навоийдан кейин янги бир босқичга кўтарган.

Т. ижоди ҳаётий фактларга, теран мулоҳазаларга бойлиги ва услубининг реалистик характери б-н ўзбек адабиёти ривожига самарали таъсир қилган. Махмур, Гулханий каби сатирик шоирлар ижодининг шаклланишида муҳим босқич бўлган. А. Мажидий томонидан топилган ва 1924—25 йй.ларда нашр этилган шеърлар қўлёзмаси Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади (инв. № 1407).

Ас.: Танланган асарлар [2-нашр].Т., 1960; Шеърлар. Т., 1971; Избр. произведения. Т., 1951.

Ад.: Ёқубов Ҳ., Турди ижодиёти, Т., 1941; Абдуллаев В., Ўзбек адабиёти тарихи [2-китоб]. Т., 1967; Антология узбекской поэзии. М., 1950; Маънавият қўлёзмалари. Т., 2001.

Абдуқодир Ҳайитметов.

ТУРДИЕВ Абдураҳим — қ. *Абдураҳим тоштараши.*

ТУРДИЕВ Амин (1910.10.8 — Тошкент — 1978.13.3) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1955). Тошкент педагогика билим юртини тугатган (1927). Москва Бадиий театри Амин Турдиев роли.

қошидаги реж.-лик курсида ўқиган (1947). Интернационалчи «Урфон» мактаби қошидаги драма гуруҳида қатнашиб, «Бахтсиз куёв» спектаклида куёв ролини ижро этган. Актёрлик фаолиятини Ҳамза театри қошидаги Ишчи-сайёр театрида бошлаган (1929—32), сўнг асосий труппага (1932—33) ўтган. «Ҳужум» (Ян. Чўлпонда Сартаров (Эшон), «Ҳалима» (Г.Зафарийда Ҳаммод ва Бибиниса кампир, «Арслон» (Фитратда деҳқон ингич ролларида чиққан. Самарқанд, Наманган вилоят театрларида бадиий раҳбар (1934—37), Андижон театрида бош реж. (1951—52). Ёш томошабинлар театрида бадиий раҳбар (1963—67). Т.нинг ҳаёти ва ижоди Ҳамза театри б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, 1939—51, 1952—63 ва 1967—78 йиллар шу театрда актёр, реж. сифатида фаолият кўрсатган. 2-жаҳон уруши даврида «Жалолиддин» (М. Шайхзода) спектаклида Чингизхон образини яратган. Умуман, актёр сифатида Т.нинг маҳорати салбий ва ҳарактерли образлар талқинида ёркин намоён бўлган. Заргаров (А.Қаҳҳор, «Оғриқ тишлар»), Ҳусайн Бойқаро (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), Кассио (У.Шекспир, «Ҳамлет»), Жон Робертсон (Ю.Кротков, «Жон — тинчлик аскари»), Абдусалом (Э.Воҳидов, «Олтин девор») каби яратган образларида ташқи қиёфасига, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, юриш-туришига, нутқига катта эътибор берган. Саҳна нутқидаги маҳорати туфайли у кўп йиллар Н.*Раҳимов* б-н «Табассум» радиожурналини олиб борган. Реж. сифатида миллий театрда «Бургутнинг парвози» (И.Султон; И.Берсенев б-н ҳамкорликда), «Кечирилмас гуноҳлар» (И. Ўктамов), «Шамсиқамар» (М. Абдиев), «Туркия ҳақида ҳикоя» (Н.Ҳикмат; А.Гинзбург б-н ҳамкорликда) спектаклларини саҳналаштирган. Т. кинода ҳам эсда қоларли образлар яратди (Раис, «Стадионда учрашамиз»; Қодирқул минг-боши, «Бой ила хизматчи»; Бекларбеги, «Фурқат» ва б.).

Ас.: Саҳнам, саҳналовиларим. Т., 1976.

ТУРДИЕВ Жонсаид (1954.20.6, Тошкент вилояти Бўка тумани) — ишлаб чиқариш новатори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). Меҳнат фаолиятини

1970 й.да ўзмалик шидаги 14-автобаза автомобилчи, ҳайдовчи бўлиб ишлашдан бошлаган 1973—76 йиллар да ҳарбий хизмат да бўлган. 1976 йдан буён Ўзмалик комбинатини комбинатининг «Қизилқум» қоши да дастлаб экскаватор машинисти ёрдамчиси, 1982 й.да машинистлик курсини тугатиб, 8 кубометр ҳажми экскаватор машинисти бўлиб ишлай бошлади. Меҳнатсеварлиги туфайли иш режасини муттасил ошириб бажаришга эришди. У техника-энергетика ресурсларни тежамкорлик б-н ишлатишда юқори кўрсаткичларга эришди, ўз экскаватори хизмат вақтини 12 й.дан 18 й.га узайтиришга эришди, кунлаб экскаторни тоғ-тошлар остиқолдирган.

ТУРДИЕВ Қучқор Аҳмедович (1917.1.2, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Дардоқ қишлоғи — 1992.4.8.) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 й.дан фронтда. Жан.-Ғарбий фронт 38-армиясининг 47-тоғўқчи дивизиясида хизмат қилган. Т. 1941 й. 15 окт.да Харьков вилоятининг Краснокутск р-ни Трудолюбовка қишлоғидаги жангда душман даётини портлатиб юборган. 1942 й. 27 мартда Қаҳрамон унвони берилган. 1942 й. кичик лейтенантлар курсини, 1943 й. Гомель ҳарбий пиёдалар билим юртини тугатган. взвод ва ротага командирлик қилган. Урушдан кейин Андижон вилоятининг «Ойим» жамоа хўжалигида сабзавотчилик, кейин шоличилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. Тошкент шидаги 59-мактаб, Андижон вилояти Ойим қишлоғидаги 32-мактаб ва кўчага номи берилган.

ТУРИЗМ (франц. tour — сайр, саёҳат), сайёҳлик — саёҳат (сафар) қилиш; фаол дам олиш турларидан бири. Т. леганда жисмоний шахснинг ломмий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) қақ тўланадиган фаолият б-н шуғулланмаган ҳолда узоги б-н 1 й. муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилади.

Т.нинг тарихи 19-а. бошларига бориб тақалади. Дастлаб Англиядан Францияга уюшган сайёҳлик ташкил этилган (1815 й.). Т.нинг асосчиси ҳисобланмиш инглиз руҳонийси Томас Кук 1843 й.да 1-темир йўл сайёҳлигини ташкил қилди. Шундан сўнг у ўзининг хусусий туристик корхонасини тузди ва 1866 й. дастлабки сайёҳлик туруҳлари АҚШга жўнатилди. Шарқда араб сайёҳи *Ибн Баттута* 21 ёшида саёҳатини бошлаб, деярли барча Шарқ ва Шим. Африка мамлакатларини пиёда кезиб чиқди.

Монароуннаҳрда илк сайёҳларнинг сафарлари Амир Темур ва темурийлар даврида фаоллашган. Амир Темур француз қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV б-н доимий алоқа қироли Генрих IV б-н доимий алоқада бўлган. Унинг элчиси 1403 й. Парижга келган. Испаниялик Клавихонинг «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» китобида Монароуннаҳрдаги ижтимоий ҳаёт ва сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши акс этган.

Хоз. даврда Т. дунёнинг жуда кўп мамлакатларида оммавий тус олган. Одатда, Т. туристик ташкилотлар орқали туристик маршрутлар бўйича уюштирилади. Т.нинг жуда кўп турлари ва шаклари мавжуд (ички, халқаро, ҳаваскорлик Т.и, уюшган Т., якка, сайёҳлик, узоққа саёҳат, бинокли жойга саёҳат, автотуризм, Т., тоққа чиқиш, сув Т.и ва б.). пиёда юришларга Т., спорт Т.и ва б.).

Ўзбекистонда Т. соҳасига раҳбарлик-ни «Ўзбектуризм» миллий компанияси (1992 й. 27 июлда тузилган) олиб боради. Компаниянинг асосий вазифаси Т. инфраструктурасини ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб қилиб замонавий туристик комплексларни барпо этиш, янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизматлар доирасини кенгайтириш ва б.дан иборат.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси саёҳат қилиш турига қараб қуйидаги туристик йўналишларни ишлаб чиққан: классик йўналиш (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент; Тошкент, Самарқанд, Бухоро-Шаҳрисабз, Тошкент). Бу йўналиш энг қад. ёдгорликлар ва б. тарихий-маданий обидаларга таъриф б-н боғлиқ; экологик Т. йўналиши (Чимён, Чорвоқ дам олиш ва даволаниш оромгоҳи, Зомин кўриқхонаси, Бухоро вилоятидаги кўриқхоналар). Бу йўналиш алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва сайёҳлар учун экологик жиҳатдан қулай ҳамда фойдали ҳисобланадиган жойларга таъриф б-н боғлиқ; археологик Т. йўналиши (Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Самарқанд ҳудудлари энг қад. Бу йўналиш Ўзбекистоннинг энг қад. топилмалари ва археологик қазишмалар олиб борилаётган жойлари б-н танишишни мақсад қилиб қўяди; экстремал Т. йўналиши (Чимён, Фарғона водийси, Орол бўйи, Бухоро, Навоий вилояти ҳудудлари бўйлаб); диний Т. йўналиши (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Тошкент) — мамлакатимиздаги тарихий диний обидаларни зиёрат қилиш б-н боғлиқ.

Т. соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, шунингдек, туристлар ва туристик фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган (1999 й. 20 авг.). Шу б-н бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги фармони (1999 й. 15 апр.) соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Т. ташкилотларини такомиллаштириш ҳамда кичик ва ўрта туристик корхоналарнинг хизмат кўрсатиш бозорини фаоллаштириш, шунингдек, хорижий сармояни Т. соҳасига жалб қилиш мақсадида 1998 й. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори б-н Тошкентда «Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси» ташкил этилди. У 300 дан зиёд туристик корхоналар б-н яқиндан алоқада бўлиб фаолият олиб боради. Ўзбекистонда «Кумушкон» туристик базаси ва «Санзар» кемининг мажмуаси мавжуд бўлиб, улар «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг тизими ташкилотлари ҳисобланади. Шу б-н бирга Чорвоқ, Чимён, Беларсой дам олиш оромгоҳлари ва юзга яқин хусусий меҳмонхоналар ишлаб турибди. Ўзбекистонда кўплаб туристларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган меҳмонхоналар сони тобора ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон 1993 й.да ўз сафига 120 дан ортиқ мамлакатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилоти (WTO; 1975 й. тузилган)га аъзо бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон WTO Европа комиссияси раёсатининг ҳам аъзосидир. 2004 й. «Буюк ипак йўли» лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятида Жаҳон туристик ташкилотининг ваколатхонасини очиш кўзда тутилган. Ўзбекистонда Т. соҳасига оид «Буюк ипак йўли» халқаро туристик реклама-ахборот газ. (1994 й.дан), «Бизнес Гайд» жур. (рус ва инглиз тилларида) ва б. оммавий нашрлар чоп этилади.

Ад.: Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т., 2001.

Фарҳодилла Абдуллаев

ТУРИН — Италиянинг шим. қисмидаги шаҳар. По дарёси бўйида. Пьемонт вилояти ва Турин провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 857,4 минг киши (2000). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Мамлакатнинг муҳим саноат ва маданий маркази. Саноатида «ФИАТ» концерни етакчи ўринда. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг 90%, тракторлар, самолёт, двигателлар, т.й. ва электротехника жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, қ.х. машиналари, аниқ механика ва оптика, радиоэлектроника, ҳарбий саноатлар ривожланган. Қора ва рангли металлургия, кимё, резина, фармацевтика, полиграфия, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди. Ун-т (15-а.), санъат, археология ва б. музейлар, картиналар галереяси, Халқаро автомобиль ва техника салонлари бор. Т.— Италияда меҳнаткашлар ҳаракати марказлари.

Шаҳарга мил. ав. 29—28 й.ларда римликларнинг ҳарбий истеҳкоми сифатида қишлоқ ўрнида асос солинган. 1720—1860 й.ларда Сардиния қироллиги. 1860—65 й.ларда Италия қироллиги пойтахти. Т.да антик давр, ўрта асрларга оид ва Уйғониш даври меъморий ёдгорликлари сақланган.

ТУРК, Турк ибн Ёфас, Ёфас ўғли, Туркхин — қад. диний ақидаларга кўра, Ёфаснинг тўнғич ўғли. Отаси вафотидан сўнг, туркий ўлкаларни бошқарган хон. Мирзо Улуғбекнинг ёзишича, Каюмарс шоҳнинг замондоши бўлган. Каюмарс Шарқий Эроннинг 1-ҳукмдори бўлганидек, Т. «Машриқ диёри хоқонларининг биринчи қоони» бўлган. *Абулғозий Баҳодурхон*нинг ёзишича, Т. Ҳазарларга сўнг ерларни юриб кўрди. Таки бир ерни хушлаб, анда ўлтурди. Бу кун ул ерларни Иссиқкўл дерлар». Т. ўз қавми ўртасида хуш расм-русумлар, таҳсинга лойиқ тартиблар ўрнатган. У фаросатли ва донишманд, ҳунарманд бўлган. Ривоятларга кўра «Чин мамлакати сар ҳадидаги, уни Хожжу деб атайдилар, асосий ерлар, мас., Туркистон замин мамлакати чегараларигача унинг ҳукумати қўли остида эди. Жаҳонда турклар орасида илиқ ҳилаш (одатини) ...ўрганиш улумини ўрнатди. Одил ва комил, кўнгилчан ва иродали бўлган. Т.нинг 5 ўғли: Абилча, Туну, Чигил, Барсхон, Атлоқ бор эди. Тиолги тўн солмоқ, шунингдек, чорва ва ваҳший ҳайвонлар терисидан либос тикиб кийиш ҳам Т. даврида пайдо бўлди». Т. 240 й. умр кўрган («Тўрт улус тарихи», 36—37-б.).

ТУРК, туркийлар — жаҳондаги энг қад. ва йирик этносларидан бирининг номи. Сўнгги даврда жаҳон олимлари, жумладан, ўзбек олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ва қад. Хитой манбаларидаги маълумотларга кўра, ушбу этнос бундан 3,5—4 минг йил муқаддам расмий ...гилар б-н ёнма-ён битикларда «тиек» ва «тиаук» шаклида учрайди. Т. сўзи бақувват, барқамол, етилган каби маъноларни англатади, деган фикрлар мавжуд. Қад. Хитой манбаларида турклар қиёфаси чуқур кўзли, қирра бурунли, басавлат ва серсоқол деб кўрсатилади.

Бир неча минг йилликлар давомида туркий қабилалар кўп марта бирлашган ва парчаланганлиги туфайли уларнинг қабилавий таркиби ўзгариб турган.

Мил. ав. 2-аср — мил. 3-асргача бўлган даврда Т.лар Хун хоқонлиги таркибида бўлганлиги сабабли Хитой манбаларида шюнну, ҳунну деб ҳам аталган. Мазкур хоқонлик емирилганидан кейинги 300 йил яқин давр давомида хитойлар Т.ларни тиекто (тиекто тилда *теле*) деб атаганлар.

6-а.да Т.ларни бўлган Ашина авлоди кучайиб *Турк хоқонлиги*ни барпо этган. Хитой манбаларига кўра, 9-аср бошида аталиб ўтган Т. қабилалари 58 та номга эга бўлган. Шулардан 22 таси уйғур (иттифоқчилари) деб номланган. Уйғур хоқонлиги тугатилгандан сўнг буларнинг катта бир қисми Туркистон ҳудудида жойлашган (қ. *Турк*). Туркий олимлари асарларида Т. қабиласи кўктурк деб ҳам аталади. Тадқиқотларга кўра, кўктурк сўзи тангрига, яъни осмонга ишонган Т.лар, бадавлатлик Т.лари, кўк бўри тотеми бўлган Т.лар каби маъноларни ифодалайди. Марказий Осиёда Т. топоним, этноним, гидроним сифатида кўплаб учрайди.

Абдулҳаким Ҳусаев.

ТУРК — ўзбеклар таркибидаги этник гуруҳлардан бири. Т. 4 йирик қабила (турк, мусобозори, қалтатой ва барлос)дан иборат бўлган. 6—16-а.ларда қоз. Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашган. Қад. ва ўрта асрлардаги туркий қабилаларнинг қолдиқларидан таркиб топган. Т. таркибига туркийлашган мўғул қабилаларнинг айрим гуруҳлари ҳам кирган. Улар, баъзан, чорвачилик ва қисман деҳқончилик б-н шуғулланган. Бурун Т.лар моддий ва маънавий жиҳатдан бошқа ўзбек гуруҳларидан фарқ қилмасада, айрим урф-одатлари ва хўжалик фаолияти б-н ажралиб турган. 20-а.нинг бошларида Т.ларнинг кўпчилиги тоғлардан воҳаларга кўчиб тушганлар. Улар Бухоро хонлиги ҳудудида, Самарқанд вилояти, Фарғона водийсида жойлашган, айрим гуруҳлари эса Ўратепа, Жиззах яқинида ва Тошкент воҳасида яшаганлар. Т. қабилалари Яккабоғ, Қамашу туманлари водийларида, Шаҳрисабз, Кофирниҳон дарёларининг юқори қисмида, Зарафшон тоғининг ғарбий ён бағирларида, айрим гуруҳлари эса Бухоро воҳасида Шофиркон тумани бўйлаб жойлашган. Барлослар Қашқадарё, Сурхондарё ва қисман Зарафшон водийсига ўрнашган. Мусобозорилар Қашқадарё, Қарши воҳаси ва Қашқадарёнинг юқори қисмларида, қалтатойлар эса, асосан, Сурхондарёда яшаганлар.

ТУРК — қ. *Туркмар.*

ТУРК, турк зарб — Ш[ашмақом] ... мусиқа рисолаларида муайян ритм туркумлари, доира усуллари (мас., Туркий асли жадид, Туркий асли қадим, Туркий хафиф, Туркий сариъ; 2) 3 қисмдан иборат халқ куйи. Унинг 1-қисми Чаппандоз (Наврўзийи), 2-си Уфар, 3-қисми Қашқарча усулида ижро этилади. Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарида кўрсатилишича, 15-а.ларда мазкур халқ куйи қачонлари бири туркий деб аталган; 31 мазкур дожлардан бири. Алиш Т., Т[...] деб ҳам юритилади. *Вали Халил* Ибодов хабарига биноан, Т. аслида бундан 380 й. муқаддам яшаган Наврўз Али исмли ҳофиз яратган. Т. Шашмақом шўъба йўлларида, йирик шаклдаги халқ куй ва ашулаларида кўплаб учрайди. Т. алоҳида халқ композиция бажариб, мусиқа асарини шаклан кенгайтириш ва мазмунан бойитишда муҳим роль ўйнайди. Унинг куй тузилишининг мураккаб, у ёқимли, уча лирик кайфиятни баён этади. Шашмақомда Бузрук мақомининг Наврўзийи, Савти Сарвиноз (5 қисми) шўъбаларида, Навоийнинг Савти Наво (5 қисми), Сегоҳнинг Наврўзи Хоро, Муғулчаи Сегоҳ шўъбалари ва Фитон-1, -2. Ниммчўпонийи қисмлари ва б. да учрайди. Уларнинг таркибида Т. кенгайтирилган ёки қисқа шаклларда келади, турли доира усулларига тушириладиган турлари тусига кирили. Т. фольклорнинг жуда кучли бўлиб, кўпинча куй давомида VII погонадан ўтилади. Бастакор ва композиторлар асарларида ундан кенг фойдаланилган: Каримқулбек («Каримқулбеги»), Хожи Абдулазиз («Гулузорим»), Ризқи Ражабий («Оворамган», «Янги ...суни»), К.Жабборов («Этмасиндин») ва б.

Ад.: Успенский В.А., Научное наследие. Воспоминания современников. Письма. Т., 1980.

«ТУРК СЎЗИ» — ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва адабий турк газетаси. 1918 й. майда Тошкентда [illegible] нашр [illegible] ... маънавий ўрта босмахонасида чоп қилинган. Ҳафтада 2 марта чиққан. Газ. «Тошкентда турк ўрмоқлари» жамиятининг нашри ҳисобланган. Бош муҳаррири — Темурбек Ҳасанхонов. «Т.с.» «Сўз ва ҳаётдан ўз пассифлиганини [illegible] ватан остида фаолият кўрсатган. Газетанинг асосий мақсади миллатни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий кўтаришга бўлган. Аммо большевиклар даврида Туркистон ўлкасида миллий матбуотга бўлган салбий муносабат оқибатида ушбу газ. ҳам ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. «Т.с.» да Қуқонлик Муҳаммад Саид (Азарий), Тўхтуи ва б. зиёлиларнинг мақолалари бериб борилган.

ТУРК ТИЛИ — *туркий тиллар*дан бири. Асосан, Туркияда, шунингдек, Ироқ, Сурия, Эрон, Руминия, Болгария, Греция, Россия, Германия, Нидерландия, Франция, Кипр ороли, Македония ва б. мамлакатларда тарқалган. Туркия Республикасининг ва Кипр Республикасининг (грек тили б-н бирга) расмий тили ҳисобланади. Ўтган аср охирларида сўзлашувчиларнинг умумий сони 55 млн. га яқин (Туркиянинг ўзида 50 млн. дан ортиқ) кишини ташкил этган. Диалектал жиҳатдан Туркияда Шарқдаги, айниқса, Анатолия шим.-шарқидаги минтақа озарбайжон тилига ўхшашлик белгилари б-н ажралиб туради. Анатолиянинг бошқа қисми ҳамда шарқий Фракия шевалари, шунингдек, бошқа мамлакатлардаги Т.т. лаҳжалари ўзаро унчалик фарқ қилмайди.

Т.т.нинг фонетик ўзига хосликлари: сўз бошидаги ва ўртасидаги ĝ ундошининг қаршилиги туркий тилларга тўғри келибошқа ўхшаш товушларга тўғри келибошқа ўлан, сўз бошидаги p-в, t-d, k-g жуфтлари, сўз бошидаги p-в, t-d, k-g жиҳати, сўз бошидаги ва жарангсизларнинг ...тизимлари ва сингармонизмнинг фарқланиши ва сингармонизмнинг мавжудлиги. Бир қанча сўзларда портловчи ундошлар ўрнида сирғалувчи у ундошилорни ў ўрнида сирғалувчи у ундошининг келиши; бошқа туркий тилларнинг келиши; бошқа туркий тиллардаги «ол» феълининг «ol» тарзида қўлланиши ва б. Морфологик белгилари: -mış шакли сифатдошнинг -ган шакли сифатдошининг ... -dik шаклидан қад. хорижий ... -dik шакли, -yor шакли аниқ ҳоз. замон феълининг фаол қўлланиши ва б.ни кўрсатиш мумкин.

Адабий Т.т. ҳоз. шаклида 19-а. ўрталарида шакллана бошлайди. Бу даврларда ўрта аср адабий тили (эски турк ёки усмонли турк тили) арабча, форсча элементларга бой бўлган. 20-а.нинг 20-й.ларидаги ислоҳотлардан сўнг адабий тил умумхалқ сўзлашув тили б-н яқинлашди. Эски Т.т.нинг араб ёзувида битилган ёдгорликлари 13-а.дан бошлаб маълум. Дастлабки ёдгорликларда шарқий туркий (қорахоний-уйғур) адабий тилининг белгилари тилсири бор. Ҳоз. ёзуви 1929 й.дан лотин графикасига асосланган.

ТУРК ХОҚОНЛИГИ — Марказий Осиё минтақасида ва унга туташ бир неча ўлкаларни ўз ичига олган йирик салтанат (6—8-а.лар). Т. х.га доир маълумотлар Урхун-Енисей битиктошлари, хитой йилномалари, юнон (Византия), арман, сурёний, сўғд, араб, форс, тибет, бақтрий манбаларида сақланиб қолган.

6-а.нинг 2-ярмида Т.х. вужудга келгунга қадар минтақада 2 йирик давлат: Эфталийлар ва *Жужанлар* давлати ҳукм сурган. Т. х.нинг асосчилари бўлмиш туркий *ашина* қабиласи эса бу пайтда Олтой тоғларининг жан. ён бағирларида истиқомат қилар ва Жужанлар давлатига тобе эди. Жужанлар қўл остидаги ашина турклари кучайиб 545 й. *теле* қабилаларини, 551 й. эса жужанларни енгадилар. Шу тариқа олимлари Бумин ва Истами 552 й. Т. х.га асос соладилар. Бумин ўзини хоқон деб эълон қилади (қ. *Бумин хоқон, Истами хоқон*). 555 й.га келиб Марказий Осиёнинг шим.-шарқидаги қабилалар, Узоқ Шарқдаги кидан (қорахитой), татаби, лишей каби манжур ва мўғул қабилалари, Енисей бўйидаги туркий қабилалар ҳам Т. х. қўшинлари томонидан тобе этилиб, 555 й.дан Шарқий Туркистоннинг катта қисми Т. х. қўл остига ўтади. Турк хоқони *Муған* (553—572) Хитойга 556—557 й.ларда юришлар қилиб, бу ерлардаги Ғарбий Вэй (Тоба) сулоласи ўрнига келган Шим. Ци (550—577) ва Чжоу (577—581) сулолаларини ўз таъсир доирасига олади. Т. х. 565 й. эфталийларга Нахшаб ш. (ҳоз. Қарши ш.) яқинидаги *Еркўрғон* ҳарбасига отрофида оғир зарба беради. Т. х. эфталийларга қарашли Чоч, Фарғона, Уструшана, Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Кеш ва Насафни қўлга киритган бир пайтда хоқонликнинг эфталийларга қарши иттифоқчиси *Сосонийлар* Эрони ҳукмдори *Хусрав I Ануширвон* эса Эфталийлар таркибида бўлган Тохаристон, Кобулистон, Забулистон (Шим. Афғонистон) вилоятларини эгаллайди. Сосонийлар б-н бевосита қўшни бўлиб қолган хоқонликнинг Эронга юборилган элчилигининг ўлдирилиши ва сўғдий Маниак бошчилигида ипак тижоратини Кўпга кўниш мақсадида ратини Кўнга кўниш ... бўлланган элчиларга Эрон шоҳининг кўпол муносабатда бўлиши, ҳатто улар келтирган ипак матоларни ёқишга буюриши Т. х. ва Сосонийлар ўртасидаги иттифоққа раҳна солади. Т. х. Эрон б-н алоқани узиб, Византия империяси яқинлашиш, у б-н савдо-сотиқ, асосан, ипак тижоратини ривожлантириш учун унга 567 й. мазкур Маниах бошчилигида элчилик ҳайъатини юборади. Шу пайтдан бошлаб икки давлат ўртасида иттифоқ вужудга келади. Эрон — Византия ўртасида 571 й. жанг бошланиб, ҳарбга қаршилик давоми эттирилган Истами ... билан Шим. Кавказдаги Кубан ҳавзаси ҳавзаси ва Озарбайжонни қўлга киритади. Бошқа тарафдан эса 567 й.дан Сосонийларга қарши Амударё йўналишида бўйлаб юриш уюштира бошлаган Истами бу жабҳада катта муваффақиятлар қозониб, Тохаристонни олади, Т. х.нинг жан.-ғарбий чегараси Амударё бўйлаб қолади. 6-а.нинг сўнгги чорагида Кобулистон (Кобул), Забулистон ва Хуросоннинг катта қисми хоқонлик таркибига ўтади. 576 й.да Т.х. билан Византия орасида ихтилоф пайдо бўлади ва хоқонлик шу йили Қримдаги Боспор (Керчь)ни босиб олади ва 581 й.да Херсонесни қамал қилади. Шарқий Европада хоқонлик ҳудуди бу пайтда келиб Қора денгиз соҳиллари, шарқда Корея бўғози, шим.да Урал тоғлари, Енисей ва Байкалбўйи, жан.да Афғонистон ва Шим. Ҳиндистон ҳудудларини ўз ичига олар эди.

580-й.ларга келиб хоқонликда ички низолар, тахт талашувлар авж олади. Бу ишга Хитойнинг Суй сулоласи ҳам аралашади. Шундан сўнг хоқонлик бир муддат Олтой тоғларининг шарқидан то Узоқ Шарққача бўлган ҳудудни, яъни Жан. Сибирь, Урхун ҳавзалари (Мўғулистон), Шим. Хитой ҳудудларини ўз ичига олувчи Шарқий Т. х. ва Олтой тоғларининг ғарбидаги хоқонликка қарам ўлкаларни ўз ичига олувчи маркази Еттисув бўлган Ғарбий Т. х. га бўлиниб кетади.

Маркази Ўтукан водийси (Мўғулистон) бўлган Шарқий Т. х. Шибир хоқон (609—619) даврида Хитой (Суй) империясига қарши жанг олиб боради. У 615 й.да Хитойга юриш қилиб Яймэн (Ордос) вилоятида императорни Яндини қуршовга олади. Яймэндаги 41 қалъадан 39 таси Т. х. қўлига ўтади. 618 й.да Суй сулоласини ағдариб, унинг ўрнини эгаллаган Тан сулоласининг ... лашларига ҳам Шибир хоқон аралашади. У бу пайтгача шарқда кидан ва

шивей қабилаларини. Жан.-Ғарбда Тугухун (Тогон) давлати ҳамда Турфон ўлкасини бўйсундиргач, Хуанхэ дарёсини кечиб ўтиб, Хитой ҳудудига кирган вақтда вафот этади. Тахтга Эл-хоқон (хитой манбаларида Хйелихан; 620—630) ўтирали ва 10 йил давомида, асосан, Хитой б-н кураш олиб боради. 2 марта, 624—626 й.ларда пойтахт Чаньанни қуршаб олади. Унинг ўлимидан сўнг Шарқий Т. х. 50 йилга яқин Хитойга қарам бўлиб қолади.

Ўз даврида «Ўн Ўқ хоқонлиги» деб юритилган Ғарбий Т. х. Истамининг ўғли Тарду хоқон (576—603) Сосонийлар Эронига қарши жанглар олиб бориб, ғарбда ўз ҳокимиятини кучайтирди. Унинг ўғли Шегуй хоқон (610—618) даврида хоқонлик қўшинлари жан.-ғарбий ҳудудларда фаол ҳаракат юрита бошлайди. У Эроннинг шим.-шарқий вилоятларига ҳужум уюштириб, сосонийлар устидан йирик ғалабага эришади ва Исфаҳон, Рай каби шаҳарларни қўлга киритади. Унинг иниси *Тун* ябғу (Тун-шэху; 618—630) хоқонликнинг ғарбдаги нуфузини янада мустаҳкамлайди. У ҳукмронлик қилган даврда Т. х. нинг чегараси ғарб ва жан.-ғарбда, Жан.-Шарқий Европа даштлари, Кавказ, Волгабўйи, Гургон, Марв, Ҳинд дарёсининг юқори ҳавзалари, Шим. Ҳиндистон ва Афгонистоннинг аксарият вилоятларини ўз ичига оларди. Унинг шад унвонли ўғли бошчилигидаги хоқонлик қўшинлари Византия императори Ираклий б-н биргаликда 627—628 й.ларда Жан. Кавказга сафар уюштирали ва бу ердаги сосонийлар қўшинини енгиб, Тбилиси ш.ни қўлга киритади. Тун ябғу ғарбий ҳудудларда ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида қарорғоҳини Шош воҳасининг шим.даги Мингбулоқ (хитойча Цянь-цюань) мавзесига кўчиради ва бошқарувда ислоҳотлар ўтказиб қарам ўлкаларга туркий тудун ва элтабар унвонли вакиллар жўнатади.

630-й.ларга келиб Ғарбий Т. х. ҳам бир муддат Хитойга қарам бўлиб қолади. Бироқ тез орада ўз қудратини тиклаб олади. Хитой манбаларида қайд этилишича, Эл-билга Ишбара ябғу (630—641) нинг қўл остида Шарқий Туркистондаги Куча, Шаншан, Черчен, Харашар (Қорашаҳар) ҳокимликлари ва Ши (Шош), Шиъ (Кеш), Хэ (Кушония-Каттақўрғон), Му (Марв), Кан (Сугд) ва Тохаристон ўлкалари бўлган. Хоқонлик Истамининг бешинчи бўғин авлоди бўлмиш Улуг Ишбара (Хэлу Шаболо; 651—657) хоқон ҳукмронлиги даврида Хитойга қарши бир неча йил кураш олиб борали.

Қапаган хоқон (691—716) даврида хоқонлик минтақалаги энг йирик давлатга айланади. У жиянлари Қутлуг Элтариш хоқоннинг ўғиллари *Билга* ва *Култегин* ҳамда Тўнюқуқ б-н биргаликда Хитойдаги Хуанхэ дарёси ҳавзалари ҳамда Шаньлун ўлкасига юриш қилиб, 23 га шаҳарни қўлга киритади, 699 й.да жан.-ғарбга, собиқ Ғарбий Т.х. ҳокимиятини қўлга киритган тургашларга ва Тохаристон ўлкасига юриш қилади. Қапаган хоқон 700 й. Тангут ўлкасига, 701 й. Хитойнинг шим.-ғарбидаги «Олту Чуб Сугдақ» ўлкасига, 703 й.да басмилларга, 705—706 й.ларда байирқуларга, 709 й.да чик ва азларга, 710 й.да *қиргизлар* ва *тургашлар*га қарши қўшин тортиб уларни қайтадан ўз таркибига қўшиб олади. Т.х. Мовароуннаҳрга бостириб кирган араб истилочиларига қарши 710 й.да қўшин юборади ва Сугд, Шош, Фарғона ҳокимларининг арабларга қарши курашида қатнашади. Билга хоқон (716—734) ҳукмронлиги даврида Т.х. минтақанинг энг қудратли давлатларидан бирига айланди. 716 й.да Селенга дарёси ҳавзасида истиқомат қилувчи *уйғурлар*га, 717 й.да *ўғузлар*га, 718 й.да *қарлуқлар*га қарши жанг қилиб, уларни хоқонликка бўйсундиради. Бу даврда хоқонлик ҳудудлари шарқда Сирдарёнинг шарқидан то ғарбда Хинган тоғлари ёнбағирлари (Манжурия), Шаньлун ўлкаси (Хитойнинг шим.-шарқи, Сариқ денгиздаги Бохай кўрфазигача бўлган ерлар)ни, жанубда Тибетнинг шимоли, Шарқий Туркистон, Хитойнинг шим. вилоятларидан то шим.да Енисей дарёси ва Байкалбўйини ўз ичига олганлиги маълум бўлади. 740-й.ларга келиб Т.х. ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятларга дуч келади. Билга хоқоннинг ўғиллари ҳукмронлиги даврида хоқонлик заифлашади. 742—744 й.ларда уйғур, қарлуқ ва басмил қабилалари бирлашиб, хоқонликка ҳужум уюштиришади. 745 й.да иттифоқчилар Т. х.нинг сўнгги ҳукмдори Баймей хоқонни ўлдиришади ва хоқонлик тахти уйғурлар қўлига ўтади.

Т.х.ни дунёнинг энг йирик давлатлари қаторига қўшишда хоқонлар Бумин (551—552), Муқан (553—572), *Таспар* (572—581), Тўнга Турон (588—600), Шиби (609—619), Эл-хоқон (620—630), Қутлуг Элтариш (680—691), Бекчўр Қапаган (691—716), Билга (716—734) ва бош вазир Тўнюқуқ (680—726), шаҳзода Култегин (Кўл Тегин) (684—731) ҳамда Ўн Ўқ бошқаруви ҳукмдорлари Истами ябғу (552—576), Тарду (576—603), Тун ябғу (618—630) қабилар муҳим роль ўйнадилар. Улар даврида Т.х. томонидан Хитой, Сосонийлар Эрони, Византия каби дунёнинг кучли давлатларига қарши юришлар уюштирилади.

Т.х.нинг бошқарувида 2 хил тизим мавжуд эди: бўйсундирилган баъзи ўлка ва вилоятларда мавжуд маҳаллий сулолалар сақланиб қолган ва улар хоқонликка ўлпон тўлаб турганлар; тобе ўлка ва вилоятларнинг айримлари бошқарувига тайинланган ҳукмдор хонадонга мансуб вакиллар ҳокимияти.

Бу пайтда Сирдарё ва Амударё оралиги ҳамда туташ ҳудудлар Т.х. таркибида бўлиб, бу ердаги Шошда тулунлар, Фарғонада ихшидлар, Уструшонада афшинлар, Сугдда ихшидлар, Бухорода бухорхудотлар, Хоразмда афригийлар, Тохаристонда ябғулар ҳокимияти мавжуд эди. Уларнинг баъзиларининг келиб чиқиши Т. х. ҳукмдор сулоласига мансуб бўлишган. Жумладан, Шош тулунлари, Тохаристон ябғулари ва ҳ.к.

Ад.: Гумилев Л. Н., Древние тюрки, 1967; Насимхон Раҳмон, Турк хоқонлиги, Т., 1993; Кычанов Е. И., Кочевые государства от гуннов до манчжуров, М., 1997; Асадов Ф. М., Арабские источники о тюрках в раннем средневековье, Баку, 1993; Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.

Ғайбулла Бобоёров.

«ТУРК ЭЛИ» — 1917 й. сент.дан «Туркистон Мусулмон Марказият шўроси» ва «Турк Адам Марказият фирқаси»нинг нашр органи сифатида чиқа бошлаган газ. «Т.э.» нинг асосий мақсади Туркистон мухториятини муҳофаза қилишдан иборат бўлган. Газ.да Муҳаммад Амин Афандизода, Шокиржон Раҳимий, Бурҳон Ҳабиб, Рафиқ Мўминий ва б.нинг мақолалари, шунингдек, зиёлиларнинг фаолиятларига оид маълумотлар бериб борилган. Сиёсий тузум ўзгариши б-н газ. фаолияти тез орада тўхтатилган.

ТУРКАН ОҒО МАҚБАРАСИ, Шодимулк оғо мақбараси — Самарқандлаги меъморий ёдгорлик (1372). *Шоҳизинда* ансамбли таркибида. Амир Темурнинг опаси Туркан оғо вафот этган қизи Шодимулк оғо (1370—71)га атаб қурдирган. 1383 й.да Туркан оғонинг ўзи ҳам қизи ёнига дафн этилган. Мақбара (8,65х9,85 м) бир хонали, гумбази қобиргали, ташқи томонлари безаксиз. Пештоги ва ички томони сиркори гиштчалар, ўймакор сирли парчин безаклари феруза рангда нафис безатилган. Ичкарисидаги изора ва намоёнлари, гумбази серҳашам безакларга бой. Шипи 8 бўлакка бўлиниб, 8 қиррали юлдузчалар ичи нақшлар б-н тўлдирилган ва ҳар бирига алоҳида турунж ишланган. Муқарнаслар юзаси ва пештоқ устунида самарқандлик Шамсиддин, Бадриддин ва бухоролик Зайниддин усталарнинг номлари ёзилган. Мақбара 1954 й.да илмий ўрганилиб, таъмирлаш ишлари олиб борилган. Мақбарада 14—15-а.лардаги халқ усталарининг меъморлик ва наққошликда эришган ютуқлари юксак маҳорат ила акс этган.

Туркан оғо мақбараси: бош тарзи ва бурчак устуни.

ТУРКАШ ХОҚОНЛИГИ — илк ўрта аср туркий давлатларидан бири (699—766). 7-а.нинг охирида Ғарбий Тяньшанда кўчиб юрган туркаш қабилаларининг бошлиги Уч-элиг (699—706), Еттисувдаги Тан империяси гумаштаси Хусрав Буришодни қувиб чиқарди ва Чочдан Жунгориягача ўз ҳокимиятини ўрнатди. Натижада янги туркий давлат ташкил топди. Уч-элиг 2 қарорғоҳга асос солди. Бири Навокат ш. Чу дарёси бўйида, иккинчиси Кунгут ш. Или дарёси бўйида жойлашган эди. Давлат 20 туман — *тутуқ*ликдан иборат эди. Ҳар бирини ҳоким — тутуқ бошқарарди. Уч-элиг ғарбий турклар ҳукмдорларининг собиқ «ўн ўқ эли хоқони» унвонини қабул қилди. Шу б-н бирга у «туркаш хоқон» унвонини ҳам жорий этди. Туркаш хоқонлари ўз тангаларини зарб қилганлар. 711—715 й.ларда Т.х. Шарқий Турк хоқонлигига қарам бўлиб турди. 715 й. Сулук Чобиш-чурхоқон (715—737) давлат мустақиллигини қайтадан тиклади. У асосан, босқинчи араб қўшинлари б-н урушлар олиб боришга мажбур бўлган. Унинг вафотидан кейин (737) Т.х.да «сариқ» ва «қора» туркаш қабилалари ўртасида ўзаро урушлар бошланиб кетган ва 766 й. давлат *қарлуқлар* томонидан тугатилган.

Ад.: Гумилёв Л. Н., Древние тюрки, М., 1967; История Востока, Т., 1995.

ТУРКАШЛАР, тургаш, тургэш — илк ўрта аср туркий халқларидан бири. Қозоғистонлик тарихчи Ю.А.Зуевнинг фикрича, Т.нинг қад. аждодларидан бирини юечжи қабилалари ташкил қилган. Т. тўғрисида илк маълумотлар 7-а.нинг 2-чорагидан учрайди. Улар, асосан, Еттисувда яшаган. Бу даврда Т. Ғарбий Турк хоқонлиги ҳудудида яшаган дулу қабилавий иттифоқига кирган. 7-а.нинг охирида Т. ўз давлати — Туркаш хоқонлигини барпо этди. Т. 2 катта гуруҳ — қора ва сариқларга бўлинган. Улар ўртасида вақт-вақти б-н ўзаро келишмовчиликлар бўлиб турган. *Ғардизий*нинг маълумотига қараганда, Т. 2 уруғ: тухси ва азларга бўлинган. 766 й. қарлуқлар кучайиб Туркаш хоқонлигини тугатдилар ва Т.нинг асосий қисмини ўзларига бўйсундирдилар. Т.нинг қолган қисми уйғурларга қарам бўлди. Л.Н.*Гумилёв*нинг фикрича, бу воқеадан сўнг Т. халқ сифатида тугатилди. Уларнинг бир қисми қарлуқ номини қабул қилди, қолгани эса уйғурлар таркибига сингиб кетди. Аммо, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Т.нинг номи 9-а.да ҳам манбаларда учрайди. Аз ва тухси уруғларининг номи эса кейинги асрларда ҳам манбаларда тилга олинган.

Ад.: Зуев Ю. А., Ранние тюрки: очерки истории и идеологии, Алматы, 2002.

Азим Маликов.

«ТУРКЕСТАНСКАЯ ТУЗЕМНАЯ ГАЗЕТА» — қ. «*Туркистон вилоятининг газети*».

«ТУРКЕСТАНСКИЕ ВЕДОМОСТИ» («Туркистон ведомостлари») — Туркистондаги илк даврий матбуот, рус истилочилари томонидан ташкил этилган дастлабки газ. Туркистон генерал-губернатори Кауфман томонидан чоп этилган. 1870 й.дан Тошкентда (1872 й. июль — 1873 й. фев.да Петербургда) рус тилида нашр қилинган. Дастлаб газ. бир маромда чиқмаган. 1870 й.да фақат 17 та сони чоп этилган. Кейинги йилдан бошлаб ҳафтасига 1 марта, 1903 й.дан ойига 3—4 марта, 1907 й.дан кундалик газ. сифатида чиқа бошлаган. Газ.нинг 6406 сони босилган. «Т. в.» фаолиятига бевосита генерал-губернатор хизматидаги ҳарбийлар раҳбарлик қилишган. Пиёда қўшинлар офицери Н.А.Маев 1892 й.га қадар муҳаррир бўлган.

«Т. в.» подшо Россияси ҳукуматининг Туркистондаги мавқеини мустаҳкамлашга, ўлкада чоризм сиёсатини ўтказишга, маҳаллий аҳолини чор ҳукмдорлари ва амалдорларига итоатгўйлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган. Газ.да, асосан, Туркистон генерал-губернаторлигининг буйруқ ва фармонлари, турли хил расмий маълумотлар босилган. Шунингдек, ўлка тарихи, хўжалиги, табиати ва бу ерда яшовчи халқларнинг этнографияси, фольклори, адабиёти, урф-одатларига доир қизиқарли материаллар ҳам бериб борилган. Мазкур материаллар ўлка халқ хўжалиги ва маданияти тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Газ.да ўлка ҳаётининг барча жабҳаларини ёритувчи «Ички хабарлар», «Хабар ва янгиликлар», «Маҳаллий хроника», «Санкт-Петербург» бўлимлари фаолият кўрсатган.

«Т.в.»да В.В.Бартольд, Л.С.Берг (1876—1950), Н. А. Северцев (1827—85), А. Н. Федченко (1844—73), И.В. Мушкетов (1850—1902), В.Ф.Ошанин (1844—1917) каби машҳур олимлар, шарқшунослар ҳамкорлик қилишган. Мазкур олимларнинг фаол иштирокида газ.нинг публицистик руҳи кучайган. Газ.да маҳаллий халқ вакиллари ҳам иштирок этган. Жумладан, Сатторхон Абдуғаффоровнинг Қўқон хонлигидаги аҳвол хусусидаги очерки газ. мухлисларини жалб этган. Газ. ўлка ҳаётидаги кўплаб салбий ҳолатларни кўрсатмасликка ҳаракат қилган.

Газ.нинг Москва, Петербург, Владивосток ва б. шаҳарларда доимий мухбирлари бўлган. Дастлаб «*Туркистон вилоятининг газети*» ушбу газ.га илова тарзида чиқарилган. Газ. фаолияти Туркистон ХКС нинг 1917 й. 15 дек. даги қарорига мувофиқ тўхтатилган

(сўнгги сони 1917 й. 15 декабрда босилган). Дастлабки даврда тах. 100 нусха, 1909 йилдан эса 853 нусхадан иборат бўлган.

Ад.: Азшарова М. Н., 1870—1917 йиллардаги Туркистон рус вақтли матбуоти, Т., 1959; Эргашаров Т. Э., Туркистонда вақтли матбуот (1870—1924), Т., 1959; Эргашарова Т. Э., Акбаров А. И., История печати Туркестана, Т., 1976; Абдуазизова Н., Туркистон матбуоти тарихи (1870—1917), Т., 2000.

Норали Очилов.

ТУРКИЙ ТИЛЛАР — ҳоз. ва қад. туркий халқлар ва элатларнинг тиллари. Асосан, Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россия Федерацияси, ХХР, Афғонистон, Эрон, Тожикистонда, шунингдек, Болгария, Руминия, Украина, Германия, Кипр, Македония, Албания, АҚШ, Саудия Арабистони ва б. бир қанча мамлакатларда тарқалган. Ўтган аср охиридаги маълумотларга кўра, Т.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 130 млн. кишидан ортиқ.

Баъзи олимлар Т.т.ни мўғул тиллари ҳамда тунгус-манжур тиллари б-н бирга қўшиб, *олтой тиллари* оиласига бирлаштирадилар. Е.Д.*Поливанов*, Г.Й.*Рамстедт* каби тилшуносларнинг фикрича, ушбу тиллар оиласи корейс ва япон тилларини қўшиш ҳисобига кенгайиши мумкин. Олтой назариясига кўра, Т.т.нинг тарихи олтой тиллари бир тил бўлиб ташкил топган қад. замондан — олтой давридан бошланади. Олтой бобокили (асос тил) дастлаб 2 га — тунгус-манжур ва турк-мўғул тилларига, сўнгра турк-мўғул тили ҳам 2 га — турк ва мўғул тилларига ажралган. Лекин Т.т.нинг олтой тилларига генетик алоқадорлиги ҳақидаги масала ҳамон фараз даражасида қолмоқда.

Т.т. деганда, Сибирдан Болқон ярим оролигача бир чизиқ бўйлаб чўзилган улкан географик ҳудудда тарқалган ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, саха (ёқут), тува, хакас, олтой, карагас, шор, туркман, озарбайжон, турк, гагауз, татар, бошқирд, чуваш, қўмиқ, ноғай, қорачой-болқор, тофалар, чулим каби 25 дан ортиқ тил тушунилади. Т.т. ҳоз. тарқалиш географиясига кўра, қуйидаги минтақаларга ажратилади: Ўрта ва Жан.-Шарқий Осиё, Жан. ва Ғарбий Сибирь, Волга-Кама ҳавзаси, Шим. Кавказ, Закавказье ва Қора денгиз бўйи. Т.т.нинг генетик, лисоний хусусиятлар жиҳатидан ўзаро муносабати масаласига қизиқиш жуда қадимдан давом этиб келади. Т.т.ни биринчи марта таснифлаганлардан олим Маҳмуд *Кошғарий* бўлиб, Т.т. таснифи б-н қизиқиш 19-а. охири ва 20-а.да қайта авж олди ва ҳоз.гача кўплаб таснифлар вужудга келди (рус олимлари И.Н.Березин, В.В.Радлов, Ф.Е.Корш, А.Н.Самойлович, В.А.Богородицкий, Н.А.Баскаков, Б.А.Серебренников, турк олими Р.Р.Арат, фин олимлари Г.Й. Рамстедт ва А.М.О.Рясянен, немис олимлари И.Бенцинг ва К.Г. Менгесларнинг таснифлари). Бу таснифлар методи, олдинга қўйган мақсади нуқтаи назаридан хилма-хилдир. Шунинг учун бу таснифларнинг бирида бирон бир гуруҳга мансуб деб ҳисобланган тил иккинчисида бошқа бир гуруҳга тушиб қолиши мумкин. Т.т.ни таснифлашнинг ўзига хос қийин томонлари бор. Бу қийинчилик, аввало, Т.т.нинг ўзаро фонетик, лексик, грамматик жиҳатдан яқинлигидан келиб чиқади. Иккинчидан, алоҳида олинган ҳар бир туркий халқнинг мураккаб топонимида турли хил қабилаларнинг иштирок этганлиги ва бир қабила бир пайтнинг ўзида бир неча туркий халқнинг шаклланишида иштирок этганлиги б-н изоҳланади. Мас., В.А.Богородицкий ўз таснифида Т.т.нинг географик тарқалиш хусусиятини асос қилиб, уларни 7 гуруҳга ажратади: шим.-шарқий (саха-ёқут, карагас ва тува тиллари), хакас (минтақадаги хакас аҳолисининг шевалари); олтой (олтой ва телеут тиллари, бир қанча лаҳжалар); ғарбий сибирь (сибирь татарларининг барча лаҳжалари); волгабўйи-уралолди (татар ва бошқирд тиллари); ўрта осиё (ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари); жан.-ғарбий (туркман, озарбайжон, қўмиқ, гагауз, турк тиллари ва чуваш тили). Бу таснифда туркий халқлар ва тилларнинг тарихий тараққиёти ҳисобга олинмаган, ҳаттоки чуваш каби тиллар эътибордан четда қолган. В.В.Радлов томонидан Т.т. қуйидагича таснифланган: шарқий гуруҳ (Олтой, Обь, Енисей туркийлари ва Чулим татарларининг тил ва лаҳжалари, карагас, хакас, шор ва тува тиллари); ғарбий гуруҳ (Ғарбий Сибирь татарларининг лаҳжалари, қирғиз, қозоқ, бошқирд, татар ва қорақалпоқ тиллари); ўрта осиё гуруҳи (ўзбек ва уйғур тиллари); жан. гуруҳ (туркман, озарбайжон, турк, қрим татар тиллари). Бу тасниф-га Т.т.нинг фонетик хусусиятлари асос қилиб олинган бўлса-да, баъзи фонетик белгилар муайян бир гуруҳга эмас, бир неча гуруҳ тилларига хос эканлиги сезилади. Бошқа таснифлар ҳам у ёки бу даражада камчиликларга эга. Таснифлар орасида Т.т.нинг ҳам тил хусусиятларини, ҳам тарихий тараққиётини, ҳам генетик қариндошлигини атрофлича ҳисобга олган ҳолда Т.т.нинг барчасини тўлиқ қамраб олган тасниф Н.А.Баскаков томонидан таклиф этилган ва у кўпчилик туркийшунослар томонидан тан олинган.

Т.т. оиласи учун хос бўлган *сингармонизм* (ҳоз. ўзбек адабий тили бундан мустасно), сўз бошида ундошларнинг кетма-кет кела олмаслиги, унлининг деярли ўзгармаслиги, гап бўлакларининг жойлашиш тартиби каби хусусиятлар уни бошқа тил оилаларидан фарқлаб туради. Т.т.ни бир тил оиласига бирлаштирувчи ва б. тил оилаларидан фарқловчи хусусиятлардан бири луғат таркибининг бир-бирига жуда яқинлиги ва грамматик қурилишининг ўхшашлигидир. Шунинг учун ҳам чуваш ва ёқутлардан бошқа ҳамма туркий халқлар вакиллари ўз она тилларида гаплашганларида бир-бирини муайян даражада тушуна олади.

Т.т. умумий генетик ва типологик белгиларга эга: фонетикада иккиламчи белгилардан ташқари унли ва ундошлар оппозицияси мавжуд. Ҳоз. Т.т.да унли ва ундош товушлар миқдори бир хил эмас. Унлилар миқдори баъзи Т.т.да (тува, гагауз, чулим-татар тилларида) 20 дан ортиқ бўлса, кўпчилигида 8 та (ҳоз. ўзбек адабий тилида 6 та). Ундош товушлар миқдорида ҳам бунчалик катта фарқ йўқ. Махсус адабиётларда ундошлар миқдори 20 дан кам кўрсатилмаганидек, 30 дан ортиқ ҳам қайд этилмайди. Баъзи Т.т.да сўз бошида жарангсиз ундошлар (к, п, т) ишлатилса, бошқаларида айни ўринда жарангли ундошлар (г, б, д) қўлланади; сўз бошида сонор ундошлар (л, м, н, р) деярли учрамайди. Морфология соҳасида агглютинациянинг шакл ва сўз ясалишининг асосий усули ҳисобланиши, грамматик жинс категориясининг йўқ, префикс ва олд кўмакчилар мавжуд эмас (кўмакчилар фақат кўлланади), бир турдаги турланиш ва бир турдаги тусланишнинг мавжудлиги; синтаксис соҳасида гап бўлаклари ўзининг мунтазам жойлашиш тартибига эга (аниқловчи аниқланмишдан, эга кесимдан олдин жойлашади), боғловчилар деярли йўқ (уларнинг аксарияти араб ва форс тилларидан ўзлашган), сифатдошли, равишдошли тузилмалар кенг қўлланади, икки от ёки отлашган сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган ва туркий изофа деб аталувчи аниқловчили сўз бирикмалари барча Т.т.ни

учрашы ва ҳ.к.) ҳам мавжуд, лексик, аффиксацияда фонетик, мувофиқлик, сўз ясаш қиёсий диалектик ва б. хусусиятлари ҳам бор.

Энг қад. туркий ёзма ёдгорликлар гуруҳи енисей ёзуви 7—11-а.ларга мансуб бўлиб, улар, асосан, қабртошлар тарзида Шим. Монголия, Қирғизистонда, Енисей дарёсининг юқори қисми, Талас водийсида ва б. жойларда топилган. *Брахми* ва *суғд ёзувларида* битилган қад. туркий ёдгорликлар ҳам учрайди (Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё). Кейинчалик уйғур ва араб алифболари асосидаги туркий ёзув шаклда (Қашқар, Ўрта Осиё, Олтин Ўрда ҳудуди, Византия) ва ғарбда (салжуқийлар давлатида, Озарбайжон, Туркия ва б. ҳудудларда) ривожланди. Хитойда яшовчи уйғурлар 11-а.дан ҳоз.гача араб алифбоси асосидаги ёзувдан фойдаланадилар. Қад. ёзувга эга бўлган туркий халқларнинг аксарияти (ўзбек, уйғур, турк, озарбайжон, туркман, татар, бошқирд каби) 20-а.нинг 20-й.ларигача араб алифбоси асосидаги ёзувга эга бўлган. Турк тили 1929 й.дан лотин алифбоси асосидаги ёзувга ўтган. Собиқ СССРдаги барча Т.т. учун 20-й.лар ўрталарида лотин графикаси асосида алифболар ишлаб чиқилди ва улар 1930 й.гача ихтиёрий-мажбурий тарзда аста шу ёзувга ўтказилди; 1938—40 й.ларда эса айни шу тартибда рус графикаси асосидаги ёзувга ўтказилди. СССР парчаланиб кетгандан кейин 1991 й.да Озарбайжон ва Туркманистонда, 1993 й.да Ўзбекистонда лотин ёзувига асосланган алифбо жорий этиш ҳақида қарор қабул қилинди ва бу қарорлар амалга оширилмоқда. Т.т.нинг ўрганилиши ҳақида қ. *Туркийшунослик*.

Ад.: Баскаков Н. А., Введение в изучение тюркских языков, 2 изд., М., 1969; Кононов А. Н., История изучения тюркских языков в России, Л., 1972; Серебренников Б. А., Гаджиева Н. З., Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков, Баку, 1979; Кучкартаев И., Исабеков Б., Туркий филологияга кириш, Т., 1984.

Абдуазоб Мадвалиев, Исроқ Носиров.

ТУРКИЙШУНОСЛИК, туркология — туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг тиллари, этнографияси, маданият тарихи, адабиёти, фольклори, маданиятини ўрганувчи гуманитар фанлар мажмуи. Дастлаб Т., асосан, филологик фан сифатида ривожланди. Т.нинг энг муҳим манбалари: 7—11-а.га мансуб урхун-енисей ёзув (битик)лари, уйғур ёзуви ёдгорликлари, ўрта асрларда ёзилиб, араб, форс ва туркий тилларда ижод этган муаллифларнинг асарлари ва б. Туркий қабилалар ҳақида Маҳмуд Кошғарий томонидан тўплаб тартибга солинган энг қад. маълумотлар тўплами — «*Девону луғотит турк*» ва Абулғози Баҳодирхоннинг тарихий ва этнографик асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ғарбий Европа туркийлар б-н 11—13-а.ларда, Византия ҳамда салибчиларнинг салжуқ туркларига қарши курашли пайтида танишди. Турклар томонидан Константинопол (ҳоз. Истанбул)нинг босиб олиниши уларга бўлган қизиқишни янада орттирди. Европа адабиётида Усмонли турк империясининг дастлабки таснифи 15—16-а.ларга мансуб. Ғарб шарқшунослигида Т.нинг 17—18-а.лардаги бош йўналиши Усмонли турк империясининг, унинг сиёсий ва ҳарбий қудрати негизларини ўрганишдан иборат бўлган. Европадаги дастлабки тадқиқот объектларидан яна бири *турк тили* дир: 1533 й.да дастлабки кўлёзма кўлланмаси, 1612 й.да Иероним Мегисернинг илк босма грамматикаси яратилди. Усмонли турк тили бўйича юқоридаги ва б. асарлар, айниқса, Ф.Менинскийнинг турк тили грамматикаси ва луғати (17-а.нинг 2-ярми) Ғарбий Европа ва Россияда 18-а. охири — 19-а. бошида туркий тилларни илмий ўрганишга замин ҳозирлади.

Россияда Т. б-н мунтазам шуғулланиш (18-а.нинг 2-ярмидан) И.Гиганов ва С.Халфинларнинг номи б-н боғлиқ. Т. Россияда 19-а.да ва 20-а. бошларида сезиларли тараққиёт даражасига эришади ва комплекс фан сифатида шаклланади (Х.Д. Френ, И.О.Сенковский, М.М.Казимбек, О.Н.Бётлингк, Л.З.Будагов, П.М.Мелиоранский, Ф.Е.Корш, В.В.Григорьев, Н.Я.Бичурин, В.В.Вельяминов-Зернов, Н.В.Ханыков, И.Н.Березин, Н.И.Веселовскийларнинг туркий халқлар тиллари, адабиёти ва тарихини, қисман нумизматикасини ўрганишга бағишланган асарлари). 19-а. 60-й.ларида Н.И.Ильминский ва В.В.Радловларнинг асарлари б-н туркий тилларни ўрганиш (айниқса, қад. ва ўрта туркий ёзув ёдгорликларини ўрганиш, тилларни қиёсий ўрганиш, умумтуркий луғат яратиш ва б.) тарихида янги босқичга асос солинди. Л.Будаговнинг 2 жилдли «Туркий лаҳжаларнинг қиёсий луғати» (1869—71), В.В.Радловнинг 4 жилдли «Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси» (1888—1911) луғатлари туркий лексикографи тарихида муҳим воқеа бўлди. Ўрта Осиё халқлари тарихини, унинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ўрганиш (19-а. охири) эса В.В.*Бартольд* номи б-н боғлиқ. 19-а. охири — 20-а. бошларида Т.нинг ривожланишига туркий халқларнинг ўзларидан етишиб чиққан баъзи олимлар ҳам (Ч.Валихонов, Қ.Носирий, М.Ф.Охундов, Исҳоқхон Ибрат, И.Олтинсарин, Н.Ф.Катанов ва б.) ҳисса қўша бошладилар. 19-а. охири — 20-а. бошларида лингвистик Т. мактаблари Ўрта Осиё ва Кавказда ҳам пайдо бўлди. Н.П.Остроумов, Н.Н.Пантусов, В.П.Наливкин, И.А.Беляев, С.Лапин, И.Будзинский, Л.Афанасьев, Н.Д.Ягелло, И.М.Букин, И.Олтинсарин кабилар Ўрта Осиёдаги туркий тилларни, Н.В.Ханыков, Л.Лазарев, В.Х.Кондарпки, М.А.Усмонов, О.Заатов, М.Г.Афнасьев, Н.А.Караулов лар Кавказдаги туркий тилларни ўрганиш б-н шуғулландилар. Шўро даврида тарих ва тарихшунослик, тил ва адабиёт соҳаларидаги бир томонлама сиёсат ва мафкура тазйиқи сезилиб турса-да, шарқшунослик ва Т. ижобий анъаналарга асосланган ҳолда ривожланишда давом этади. Бунда ўз ишоларини чор Россияси давридаёқ бошлаган В.В.Бартольд, В.Д.Смирнов, В.А.Богородицкий, А.Н.Самойлович, С.Е.Малов, Н.И.Ашмарин, А.Е. Крымский, А.П.Ковалевский, Н.Я. Марр, И.А.Орбели ва б. олимлар алоҳида ўрин эгаллайди (Н.Ф.Катанов 48 та туркий тил ва лаҳжаларнинг чоғиштирма грамматикасини ёзди, Н.И.Ашмарин чуваш тилига оид 17 жилдлик асар яратди). 1926 й.да Бокуда Бутуниттифоқ туркийшунослар қурултойи бўлиб, унда, биринчидан, Т.нинг муаммоларини ўртага ташлаб, бу соҳадаги келажак вазифалар муҳокама қилинди, иккинчидан, СССР да яшовчи туркий халқлар ҳамда ёзувга эга бўлмаган бошқа халқ ва элатлар учун уларнинг фонетик қурилишини тўлароқ акс эттирувчи алифболар яратиш масаласи кўриб чиқилди. Натижада тил қурилиши соҳасида жадал ишлар бошланиб, Н.Ф.Яковлев, Л.И.Жирков, А.Н.Самойлович, Б.Чўпонзода, Е.Д. Поливанов, А.А.Пальмбах, А.М.Сухотин, К.К.Юдахин ва б. туркийшунослар томонидан СССРдаги туркий тиллар учун янги алифболар ва имлонинг илмий асослари яратилди. Қад. ёзув анъаналарига эга бўлган ўзбек, озарбайжон, уйғур, туркман, татар, бошқирд, қозоқ ва б. туркий халқлар 1927—30 й.ларда лотин графикаси асосидаги алифболарни қабул қилдилар. Бу жараённинг ижобий (савод чиқаришнинг осонлашуви) ва салбий (қад. дан ўз ёзувига эга бўлган ўзбек, озарбайжон, уйғур ва б. халқларнинг қарийб

минг йиллик ёзма ёдгорликларидан, маданий меросидан маҳрум қилиш) оқибатлари илмий жамоатчиликка яхши маълум. Айни шу даврда (ўтган асрнинг 30-й.лари ва ундан кейин) Т.ка, жумладан, туркий тилларни ҳар томонлама ўрганишга Б. Чўпонзода, Н.К.Дмитриев, А.П.Попелуевский, И.А.Батманов, К.К.Юдахин, Э.К.Пекарский, Х.Жубанов, Н.Сауранбоев, С.Аманжолов, Б.М.Юнусалиев, Т.Н. Харитонов, А.К.Боровков, С.Муталлибов, Fози Олим Юнусов, А.Н. Кононов, А.М.Шчербак, С.Н.Иванов, В.В.Решетов, Е.И.Убрятова, М.Ш.Шералиев, А.Р. Тенишев, Ф.Абдуллаев, А.Fуломов, Ш.Ш.Шоабдураҳмонов, М.З.Закиев, F.Абдураҳмонов, Ж.Киекбоев, Н.К.Баскаков ва б. муносиб ҳисса қўшдилар. СССР ҳудудида яшовчи туркийзабон халқлар тарихи, этнографияси ва археологияси эса В. В. Бартольд, А.Ю.Якубовский, С.И.Руденко, Н.П.Диренкова, С.В.Киселёв, В.А.Шишкин, М.Е.Массон, С.П.Толстов, А. П. Окладников, Я. F. Fуломов, А.Х. Маргулан, Т.А.Жданко, Л.Н.Гумилёв, А.Д.Грач, Л.Р.Кизласов ва б. томонидан ўрганилди. Туркий халқлар адабиётларини ўрганишда ҳам муайян ютуқларга эришилди (В.Д.Смирнов, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс, В.А.Гордлевский, В.М.Жирмунский, Абдурауф Фитрат, А.Саъдий, М.Авезов, Ҳ.Орасли, М.Fайнуллин, Ҳоли Зарифов, Иззат Султон ва б.нинг асарлари).

40-й.лардан бошлаб ҳоз. туркий тиллар ва уларнинг лаҳжаларини ўрганиш б-н бир қаторда тарихий ва қиёсий-тарихий фонетикасини, грамматикасини ўрганиш бошланади, лексикология ва лексикография, диалектография ва диалектология ривожланади, 50-й.лардан эса туркий ёзув ёдгорликларини лингвистик жиҳатдан ўрганиш кенг йўлга қўйилади. С.Е.Малов ёдгорликларнинг матнларини ҳамда «Қад. туркий ёзув ёдгорликлари» номли умумлаштирувчи асарини нашр эттиради (1951). 10 кишидан иборат туркийшунослар гуруҳи томонидан «Қад. туркий тил лугати» (1969), Э.В.Севортян ва шогирдларининг 4 жилдли «Туркий тилларнинг этимологик лугати» (1974—89), Амир Нажибнинг «Туркий тилларнинг тарихий-қиёсий лугати» (1-жилд, 1979), ўзбек лугатчиларининг 4 жилдли «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» (1983—85) каби лугатларнинг нашр этилиши, ҳоз. қозоқ, туркман, озарбайжон, ўзбек, татар, қиргиз, қорақалпоқ тиллари изоҳли лугатларининг яратилиши ҳам Т. ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистонда Т. муаммолари б-н шуғулланиш ва шу соҳада мутахассислар тайёрлаш ишлари Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт, Шарқшунослик, Тарих, Археология ин-тларида, Қорақалпоғистон бўлимида, Тошкент шарқшунослик ин-тида, ЎзМУ ва б. ун-тларнинг тегишли ф-тларида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Т.нинг тил, адабиёт, фольклор, тарих, этнография йўналишлари нисбатан ривожланган. Хусусан, лингвистик Т. ривожида Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Элбек, Қаюм Рамазон, С.Муталлибов, С.Иброҳимов, Олим Усмон, А.Fуломов, Ф.Абдуллаев, У.Турсунов, И.Қучқортоев, Қ.Каримов, Ш.Шукуров, F.Абдураҳмонов, Ш.Шоабдураҳмонов, А.Рустамов, М.А.Асқарова, Э.Фозилов, Қ.Маҳмудов, А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Э.Бегматов, Э.Умаров ва б.нинг, рус олимларидан Е.Д.Поливанов, А.К. Боровков, К.К.Юдахин, А.Н.Кононов, В.В.Решетов, А.М.Шчербакларнинг ҳиссалари катта.

20-а.нинг 2-ярмидан ҳоз. кунларгача Т. муаммолари барча туркий тилли давлатлар фанлар академияларига қарашли Шарқшунослик ин-тларида ёки шарқшунослик бўлимларида, ун-тлар ва ин-тларнинг шарқшунослик ва туркийшунослик ф-тларида, Россия Федерацияси ФА Шарқшунослик ин-ти ва унинг Ленинград (ҳоз. Санкт-Петербург) бўлими, Тилшунослик, Этнография, Археология ин-тларида, минтақавий бўлимлари ва илмий марказларида ўрганилмоқда ва ҳал қилинмоқда, уларда Т. бўйича етук мутахассислар тайёрланмоқда.

Туркияда бу соҳалаги и. т.лар (ўрта асрларни ўрганиш, манбаларни нашр этиш) 20-а. бошларидагина пайдо бўлди. Истанбул ун-ти ва б. муассасаларда нафақат Туркия тарихи, балки Т.нинг янада кенгроқ муаммолари — туркий халқлар тарихи ва адабиёти ўрганила бошлади (А.Рафиқ, М.Ф. Кўпрулу, А.Асим ва б.) нашр этилди.

Т. нафақат туркий халқлар яшайдиган мамлакатларда, балки улар муқим яшамайдиган Европа мамлакатларида ва АҚШда, Корея ва Японияда ҳам ривожланмоқда. Шарқий Европанинг бир қанча мамлакатларида Т. тарихфилология, баъзан соф тилшунослик соҳалари бўйича ривож топган. 19-а. — 20-а. бошларида венгер олимлари И.Кунош, Г.Вамбери, Г.Куун, Б. Мункачи ва б. асосан, қад. ва ҳоз. туркий тиллар лексикаси, тарихи ва грамматикасига оид асарлар ёздилар. Уларнинг ишини Д.Немет, Л.Лигети, К.Ласло, Д.Хазаи, А.Рона-Таш, Д.Кара, Э.Шютцлар давом эттирмоқдалар. Айни шундан ишлар Польшада Т.Ковальский, А.Зайончковский, В.Зайончковский, Э.Триярский ва б., Руминияда М.Губоглу, В.Дримба, Т.Лабель, М.Банеску ва б., Болгарияда С.Чилингиров, С.Великов, П.Живкова, Д.Гажанов, Г.Гилибов, С.Младенов, Н.Тодоров, М.Моллова ва б., Чехия ва Словакияда Я.Ринка, И.Иречек, Ч.Трухелка, И.Блашкович, Й.Кабрда ва б., собиқ Югославия республикаларида Г.Елезович, Х.Хажибегич, Х.Шабанович, А.Шкалич, Б.Журжев ва б. томонидан амалга оширилди. Австрия, АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Дания, Италия, Финляндия, Франция, Швейцария, Швеция ва б. мамлакатларда ҳам Т.нинг умумий ва хусусий масалалари б-н шуғулланган ва шуғулланувчи олимлар анчагина. Булар—немис олимлари Г.Винклер, К.Броккельман, Г.Якоб, В.Банг, А. фон Габен, М.Хартман, Б.Флемминг, Г.Дёрфер; фин олимлари М.Кастрен, Г.Рамстелт, М.Рясянен, П.Аалто; швед олимлари Г.Ярринг, К.Нильсон, Д.Юхансон; даниялик В.Грёнбек, К.Грёнбек, В.Томсен; австриялик М.Битткер, А.Титце, Ф.Миклошич, Г.Мейер; англиялик Э.Гибб, Денисон Россе, Ж.Клоусон; франциялик Паве де Куртейль, С. де Саси, Ж.Дени, Л.Базен; италиялик Л.Бонелли, Э.Росси, А.Бомбаччи; япониялик Шира Хаттори, Нобуо Ямада, И.Мурояма, Масао Мори, Ш.Исави, Т.Хаяши ва б. кўзга кўринган туркийшунослардандир. АҚШда Т. 20-а.нинг 30-й.ларида пайдо бўлиб, 50—60-й.ларда жадал ривожлана бошлади. Бу ривожланиш, асосан, Европа ва Туркиядан жалб этилган туркийшунослар ҳисобига бўлиб, Колумбия, Гарвард, Лос-Анжелес, Индиана ун-тларида туркий тилларни ўқитиш-ўрганиш ишлари йўлга қўйилди (ҳозирда ҳам ушбу ун-тларнинг ходимлари, тингловчи ва талабалари Ўрта Осиё туркий халқлари тиллари, адабиёти, тарихи, этнографиясини ўрганиш мақсадида Ўзбекистонда илмий сафарларда бўлмоқда). Индиана ун-ти 1960 й.дан «Uralic and Altaic series» тўпламини нашр этади, унда урал ва олтой тиллари б-н бир қаторда туркий тиллар бўйича ҳам материаллар чоп этилади. Америкалик К.Менгес, О.Прицак, Д.Синор, Халаши Кун, Стэнфорд Шоу, Р.Х.Девисон, Р.Девере, Ш.Мардин, В.Х.Микнейл ва б. АҚШда Т.нинг тил, адабиёт, тарих соҳалари ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Т. бўйича талқиқотларни тартиб қилиш, оммалаштириш мақсадида СССР даврида «Советская тюркология» («Совет туркийшунослиги») жур. (1970 й.дан Бокуда) ва «Тюркологический сборник» («Туркология туплами», 1970 й.дан Москвада) мунтазам нашр этилиб турган, лекин 90-й.лар ўрталарида мазкур жур.ни «Туркология» номи б-н нашр этишга уринишлар бўлса-да, кейинчалик бу жараён тўхтаб қолди. Т. муаммоларини ёритувчи жур. ва бюллетенлар Лондонда (Asia Major»), Истанбулда (Tьrk Dili»), Анқарада (Tьrk Dili Arastirmalari yilligi», «Tarih Arastirmalari Dergisi»), Парижда («Turcica»), Тошкентда («Шарқ машъали», «Шарқшунослик», «Ўзбек тили ва адабиёти») ва б. жойларда нашр этилиб келмоқда. Қозоғистонда Аҳмад Яссавий номидаги Қозоқ-турк халқаро ун-тида «Туркология» жур. нашр этилмоқда (2003 й.дан).

Ад.: Кононов А. Н., Тюркская филология в СССР, 1917—1967, М., 1968; Баскаков Н. А., Введение в изучение тюркских языков, 2 изд., М., 1969; Кононов А. Н., История изучения тюркских языков в России, Л., 1972; Лунин Б. В., Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки, Т.,1974; Қўчқортоев И., Исабеков Б., Туркий филологияга кириш, Т., 1984.

Абдунаҳоб Мадвалиев.

ТУРКИСТОН — Марказий Осиёнинг ўрта аср тарихий-географик адабиётларда учрайдиган номи. Манбаларда *Турон* ва Туркистон атамалари ўрнида қайд этилган. 639 й. Турфонда тузилган сугд ҳужжатида Ўрта Осиё минтақасининг номи сифатида ишлатилган. «Т.» атамаси «Ўрта Осиё» ва «Мовароуннаҳр» номларидан фарқли равишда нафақат географик, балки этно-географик тушунчани англатиб, шунингдек, сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Араблар истилосидан сўнг «Т.» топоними ўзининг сиёсий-ҳуқуқий маъносини йўқотмаган. Унинг сиёсий сарҳадлари Узоқ шим. ва шарққа, Араб халифалиги, Қарлуқ ва Уйғур хоқонликлари б-н чегарадош бўлган ерларгача ёйилган. Айни мана шу давлатлар эндиликда Т. номи б-н араб тарихчи-географлари асарларида (8—10-а.лар) қайд этилган. Марказий Осиёнинг марказий ва жан. вилоятлари (Амударё ва Сирдарё оралиги) *Мовароуннаҳр* деб атала бошлаган.

Қорахонийлар давлати барпо этилиши б-н «Т.» топонимининг аҳамияти яна қайта ўзининг собиқ ҳудудлари доирасида деярли тикланади, унинг жан. сарҳадлари Амударё б-н белгиланади. «Мовароуннаҳр» атамаси эса, Т.нинг бир қисми сифатида, яъни Қорахонийлар, сўнгра Хоразмшоҳлар, Чиғатойлар, Темурийлар ва Шайбонийлар давлатининг бир қисми сифатида қарала бошлаган. *Маҳмуд ибн Валининг* ёзишича, «Туркистон — бу кенг ва кўнгилли юртдир... бу юртнинг узунлиги Сайҳун дарёсининг қиргогидан Қорамурун дарёси қиргогигача бўлиб, бу ерни Мўғулистон номи б-н атаганлар». Муаллиф Т.нинг яна бир номи — бу Турон ва унинг аҳолиси турклар деб ёзади. Шу даврдаги Мўғулистон Шарқий Туркистон, Еттисув ва Олтойни қамраб олган. 19-а. ўрталарида Т. ҳудуди (3 млн. кв. км дан ортиқ) гарбда Урал тоғлари этаги ва Каспий денгизи, шарқда Олтой тоғлари ва Хитой, жан.да Эрон ва Афғонистон, шим.да Томск ва Тобольск губернялари б-н чегарадош бўлган. Т. шартли равишда Fарбий (Қозоғистоннинг жан. қисми, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ҳудудлари), Шарқий (Синьцзян-Уйғур мухтор райони) ва Афғон Т.и (Афғонистоннинг шим. қисми)га бўлинган. Россия империяси босиб олган Fарбий Т. ҳудудида 1867 й. *Туркистон генерал-губернаторлиги* ташкил қилинган. 1886 й.дан расман Туркистон ўлкаси деб атала бошлаган. Октябрь тўнтаришидан сўнг, 1918 й. апр.да Fарбий Т. ҳудудида *Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси* (ТуркАССР) тузилган. Шўро ҳокимияти ягона ва мустақил Т.ни қайта тиклаш гояси тугилишидан хавфсираб 1924—25 й.ларда шошилинч суратда «Т.халқларининг миллий-давлат чегараланиши» деб аталмиш тадбирни ўтказган. Натижада, ўша пайтда сиёсий аҳамият касб этган «Т.» атамаси сунъий равишда истеъмолдан чиқарилиб, ўрнига расман «Ўрта Осиё» географик термини жорий қилинган.

Ад: Бартольд В. В., История Туркестана, Сочинения, Т. II(1), М., 1963; Сагдуллаев А. С., Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда, Т., 1996.

Шамсиддин Камолиддинов.



Туркистон шаҳри, олдинда Аҳмад Яссавий мақбараси.

ТУРКИСТОН — Қозоғистон Республикаси Жан. Қозоғистон вилоятидаги шаҳар. Сирдарёнинг ўрта оқимида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 95,5 минг киши (2004). Т. қад. шаҳар. Муҳим ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири. Араб географлари асарларида келтирилган маълумотларга кўра, 4—10-а.ларда Т. ўрнида Шавгар (Шоважар) ш. мавжуд бўлган. 12—16-а.ларда эса Ясси деб аталган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида Т. қишлоқ (қарьят) тарзида берилган. «Т.» номи 16-а.дан маълум. Ўша даврда шаҳар Ҳазрати Туркистон номи б-н ҳам машҳур бўлган. Амир Умархон даврида Т. Қўқон хонлиги таркибига кирган. 1864 й.да Россия босиб олган (Чимкент уездидаги шаҳар, 1867 й.дан Сирдарё вилоятидаги шаҳар).

Т.да темирчилик-пресслаш жиҳозлари, «Сана», «Техоснастка» саноат корхоналари, пахта тозалаш, қурилиш материаллари, чорва молларига бериладиган антибиотиклар з-длари бор. 4 ун-т, 72 умумий таълим мактаби ва коллежлар фаолият кўрсатади. Шаҳарда Амир Темур қурдирган *Яссавий мақбараси мажмуаси* (14-а. охири) сақланиб қолган. 2000 й. окт. да Т.нинг 1500 йиллик юбилейи нишонланди.

«ТУРКИСТОН» — ижтимоий-сиёсий газета. Муассиси: Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. 1-сони 1925 й. 8 февр.да «Қизил Ўзбекистон» газетаси 51-сонига илова тарзида чоп этилган. 1925 й. 18 апр.дан «Ёш ленинчи» номи б-н Ўзбекистон ЛКСМ ташкилот бюросининг органи сифатида ҳафтада 1 марта (8000 нусхада) мустақил чиқа бошлаган. 1992 й. 1 янв.дан ҳоз. номда. 1929—35 й.лар номунтазам, 1936—66 й.ларда ҳафтасига 3 мартадан чиққан. Газ. 1929—30 й.ларда Самарқандда нашр этилган. «Т.» нинг газ. сифатида шаклланишида ташкилотчилардан Владимир Глазков, Эргаш Гайдонбоев, қаламкашлар Комилжон Алимов, Аюб Аъзамов, Зиё Саид, Абдусалом Ниёзов ҳамда ўзбек эрлар билим юртининг талабалари ва б. ижодкорларнинг ҳиссаси катта бўлган. Саҳифаларида ўзбек адабиётининг таниқли намояндалари Ғафур Ғулом, Миртемир, Ғайратий, Яшин, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Зиё Саид, Назир Сафаров, Ойдин, Анқабой ва б.нинг шеър, ҳикоялари тез-тез чиқиб турган.

2-жаҳон уруши йилларида газ.нинг чиқиши вақтинча тўхтатилган. 1946 й.дан яна нашр этила бошлаган. «Т.»га турли даврларда Боис Қориев (Олтой), Акмал Пўлат, Сотволди Йўлдошев, Ғани Жаҳонгиров, Абдулазал Ваҳобов, Рустам Шоғуломов, Жаббор Раззоқов, Ғаффор Ҳотамов, Абдуқодир Ниёзов ва б. муҳаррирлик қилишган. Газ.да Ўзбекистон ёшлари б-н боғлиқ муаммолар ва улар эришган ютуқлар ҳақида мақолалар бериб борилади. 2003 й. июнда «Т.» ва «Молодёжь Узбекистана» газ.ларининг бирлашган таҳририяти юзага келган. Адади 17000 (2004).

ТУРКИСТОН АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ (ТАССР) — Туркистон ўлкасида совет тузуми ўрнатилгандан кейин большевиклар томонидан тузилган ва РСФСР га кирган автоном республика (1918—24). Майд. 1.324.994 кв. верста. Аҳолиси 5 млн.дан зиёд киши (1922). Пойтахти — Тошкент ш.

Туркистон ўлка советларининг 5-съезди (1918 й. 20 апр.-1 май)да 30 апр. куни Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси (қисқача ТСР) деган ном б-н ташкил топди. Съездда олий органлар: Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитаси (Туркистон МИҚ) ва Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Совети (Туркистон ХКС) тузилган. ТСР маъмурий жиҳатдан Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув, Закаспий, кейинчалик Амударё (Туркман) вилоятларига бўлинган. Республика ҳудуди БХСР, ХХСР, Қозоғистон АССР, Афғонистон, Эрон, Хитой давлатлари б-н чегарадош бўлган. Туркистон Республикаси Советларининг фавқулодда 6-съездида РСФСР Конституцияси андозасида ТСР Конституцияси қабул қилинган. 9-съездда янги Конституция қабул қилиниб, ТСРнинг номи Туркистон Совет Социалистик Республикаси (ТССР) деб ўзгартирилди.

Республика сиёсий ҳаётида Туркистон Коммунистик партияси — ТКП (1918 й. июнда Тошкентда тузилган) муҳим роль ўйнаган. Ҳокимиятнинг олий қонун чиқарувчи органи ТССР МИҚ ҳисобланган. Ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган ТССР ХКС саналган. Бироқ амалда ҳокимият РСФСР нинг Тошкентдаги фавқулодда органлари, Туркистон Комиссияси, РКП(б) МҚ Туркистон бюроси (Туркбюро), кейинчалик РКП (б) МҚ Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро), Туркистон фронти қўлида бўлган. Сўнгра маҳаллий ҳокимият РСФСРнинг турли комиссарликларига бўйсундирилган. 1920 й.гача маҳаллий миллат вакиллари республика олий раҳбарияти таркибига киритилмаган. Кейинчалик Т.Рисқулов, Н.Тўрақулов, Қ.Отабоев, А.Раҳимбоев, И.Хидиралиев, Р.Исломов, Н.Айтоқов ТССР раҳбарлари бўлишган.

1918 й. баҳорда совет ҳокимияти томонидан ТССРда саноатнинг етакчи тармоқлари (пахта тозалаш, ёғ-мой и. ч., кўнчилик ва б.) ҳамда банклар мусодара қилинди, т.й. давлат тасарруфига ўтказилди. Озиқ-овқат тақсимоти (продразвёрстка) натижасида деҳқонлар қўлидаги озиқ-овқат маҳсулотлари тортиб олинди. 1921 й.дан озиқ-овқат солиғи (продналог) жорий қилиниб, етиштирилган ҳосилнинг катта қисми совет органларига мажбурий топширтирилган. Ҳунармандлар, савдогарлар ва тадбиркорлардан ҳам катта миқдорда солиқ олинган. Совет режимининг халққа қарши сиёсатидан норози бўлган миллий кучлар қўлга қурол олиб, қизил армияга қарши курашганлар.

ТССР иқтисодиётига ҳарбий ҳаракатлар катта зарар келтирган. Қ.х. издан чиқиб, оғир аҳволга тушиб қолган. Экин майдонлари қисқариб 1915 й.даги 3 млн десятинадан 1921 й.да 1,7 млн десятинага тушиб қолган. Чорва молларининг сони 24 млн бошдан 8 млн. бошгача камайган. Республика саноати ҳам вайрон бўлган эди. 1921 й.да янги иқтисодий сиёсат (НЭП)га ўтилган, маҳаллий корхоналарни қайта тиклаш б-н бир қаторда янги корхоналар ҳам қурилган. Бироқ Туркистон саноатида давлат сектори асосий ўринни эгаллаган.

ТССР да маданият миллатчилик тарзда ривожланган. Бир томондан, янги ҳокимият совет мактаблари, газ. ва журналлар, маданий-маърифий муассасалари (клублар, маданият уйлари, қизил чойхоналар) ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиб, маҳаллий аҳоли онгига коммунизм ғояларини сингдиришга ҳаракат қилган. Иккинчи томондан, миллий зиёлилар (*Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Мунавварқори* ва б.) миллий манфаатларни ҳимоя қилиб, совет ҳокимияти б-н муроса қилган ҳолда халққа маърифат тарқатиш б-н ҳам шуғулланганлар. 1918 й. 12 майда Ўрта Осиёдаги дастлабки олий ўқув юрти — Мусулмон халқ дорилфунуни (қ. *Ўзбекистон миллий университети*)га асос солинган.

1920 й. августда ТССРнинг Еттисув вилояти, Сирдарё ва Закаспий вилоятларининг бир қисми янги ташкил қилинган Қозоғистон АССР (РСФСР таркибида; 1936 й.дан Қозоғистон ССР) таркибига киритилган. 1924 й. ноябрь ойининг охирида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида ТССР тугатилиб, унинг ҳудуди янги тузилган Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон АССР (Ўзбекистон ССР таркибида; 1929 й.дан Тожикистон ССР), шунингдек, Қорақирғиз (Қирғизистон) мухтор вилояти (РСФСР таркибида; Қирғизистон ССР), Қорақалпоқ мухтор вилояти (Қозоғистон АССР таркибида; кейинчалик Қорақалпоғистон АССР, 1936 й.дан Ўзбекистон ССР таркибида) таркибига киритилди.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида), Т., 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924 й.), Т., 2002; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001.

Қаҳрамон Ражабов, Ортиқ Каримбоев

«ТУРКИСТОН АЛЬБОМИ» — фотосуратлар ва ранги расмлардан тузилган альбом. Туркистон генерал-губернатори К.П. *Кауфман* топшириғига биноан этнограф, шарқшунос олим А.Л.Кун (1840—88) томонидан 1871—72 й.ларда тайёрланган. «Т.а.» 447 варақдан иборат бўлиб, 1262 фотосуратлар ва бўёқли расмлардан тузилган. Этн., ҳунармандчилик, археология ва тарих бўлимларидан иборат. «Т.а.»да 19-а.нинг 2-ярмидаги ҳунармандчилик, хўжалик турлари, урф-одат ва турли маросимларга ўлкадаги ўзбекларнинг антропологик типлари, шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, шаҳарлар, иншоотларнинг манзаралари акс эттирилган. Аксарият тасвирларда маҳаллий халқни ҳаққоний ва уни қизиқ қилиб кўрсатиш мақсади мужассамлашган. «Т.а.» 7 нусхада тайёрланган. Бир нусхаси Ўзбекистон миллий кутубхонасининг нодир китоблар бўлимида сақланади.

ТУРКИСТОН АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТЎГАРАГИ — Туркистон ўлкашунослари томонидан тузилган илмий-жамоатчилик ташкилоти. 1895 й. Тошкентда ташкил этилган. Асосий вазифаси ўлкадаги қад. ёдгорликлар, шарқ қўлёзмалари, нумизматика ва этнографияга оид материалларни қайд қилиш ва ҳисобга олишдан иборат бўлган. Тўгарак аъзолари, шунингдек, қад. ашёлар харобаларини текшириб, дастлабки археологик қазиш ишларини олиб борганлар. Туркистон ўлкасининг тарихи ва маъмурий тузуми бўйича Ўрта аср шарқ қўлёзма манбалари, халқ афсоналари, мақоллари, маталлари, урф-одат, фольклорга оид материалларни тўплаган. Шу б-н бирга тўгарак аъзолари халқимизнинг нодир қўлёзма ва маданият бойликларини Россияга жўнатишга ҳам кўмаклашганлар. В.В.*Бартольд* тўгарак асосчиларидан бўлиб, унинг фаолларидан ҳисобланган. Тўгарак аъзолари қаторида, шунингдек, М.С.*Андреев*, А.А.*Диваев*, Н.С.*Ликошин*, Н.Г.*Маллицкий*, Н.П.*Остроумов*, А.А.*Семёнов* ва б. бор. Тўгарак 1917 й. тарқалиб кетган.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ — тарихий маъмурий-ҳудудий бирлик. Ўрта Осиёни Россия босиб олиш жараёнида, 1865 й. 2 февр.да ташкил қилинган. Ҳудуди дастлаб Қўқон хонлигидан босиб олинган ерлар (Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлар, Қозоғистоннинг жан. туманлари ҳамда Қирғизистоннинг шим. ҳудудлари) дан иборат бўлган. 1865 й. 6 авг.да Т.в.ни бошқариш тўғрисида Муваққат низом эълон қилинган ва вилоятнинг ҳарбий ва фуқаролик ишларини бошқариш Оренбург генерал-губернаторига топширилган. Т.в. маъмурий жиҳатдан 3 га: 1) ўнг қанот ёки Сирдарё тумани (Аралск, Казали, Қизил Ўрда шаҳарлари б-н биргаликда); 2) марказ (Туркистон ва Чимкент туманлари) ва 3) сўл қанот (Авлиёота (ҳоз. Тароз), Мерки, Пишпак (ҳоз. Бишкек), Тўқмоқ шаҳарлари жойлашган ҳудудлар) га бўлинган. 1865 й. 16 июнда Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар «Тошкент тумани» номи б-н Т.в.га қўшиб олинди ва Тошкент шаҳри Т.в.нинг маъмурий марказига айланди. 1866 й. охирларида эса Эржар ва Зомин бўлимлари ҳамда Хўжанд (ҳоз. Суғд вилояти) ва Жиззах туманлари ташкил қилиниб, улар ҳам Т.в. таркибига киритилди. Подшо амалдорлари Т.в.нинг ташкил қилинишини вақтинча тадбир деб ҳисоблаб, унинг чегараларини расмий равишда белгиламаган эди. 1867 й.дан Т.в. *Туркистон генерал-губернаторлиги* таркибига киритилди.

«ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ» — Туркистонда 1870 й.да рус истилочилари томонидан нашр этилган маҳаллий тилдаги илк босма газета. Туркистон генерал-губернаторлигининг нашри. «*Туркестанские ведомости*» газ.нинг ўзбекча варианти. Дастлаб шу газ.га илова тариқасида чиқарилган. 1883 й.дан мустақил газ. «Т. в. г.» биринчи вақт (1872 й. ноябрдан 1873 й.нинг февралига қадар) Петербургда нашр этилган. 1885 й.дан газ.нинг бир томони «Туркестанская туземная газета» номида рус тилида чиққан. Февралгача 1917 й.да тўхтатилган. «Т. в. г.»га 1871—1883 й.ларда генерал-губернатор таржимони Шоҳимардон Иброҳимов, 1883 й. дан Муҳаммадҳасан Чанишев, 1883 й.дан 1917 й.га қадар Н.П.Остроумов муҳаррирлик қилган. Саҳифаларида асосан Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати тарғиб қилинган, маҳаллий аҳолиникига оид подшо ва унинг Туркистондаги амалдорлари фармонларининг сўзма-сўз таржимаси чиққан. Газ.да расмий материаллардан ташқари, пахтачилик, деҳқончилик ҳақида, фан, техника, адабиёт ва санъатга доир материаллар ҳам эълон қилинган. Газ.да Сатторхон Абдуғаффоровнинг сиёсий публицистик мақолалари, Фурқат ва Муқимийнинг маърифатга ундовчи шеърлари ва ҳажвий асарлари чоп этилган. Шунингдек, рус ёзувчилари И.А.Крылов, А.С.Пушкин, Н.В. Гоголь, И.С. Тургенев, Л. Н.Толстой асарларидан ҳам таржималар босилган.

«Т. в. г.» 500—700 нусхада нашр этилган. «Т. в. г.» нусхалари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланади. Газ.даги материаллар 19-а. охири ва 20-а. бошларида Туркистон халқлари ҳаёти, маданиятини ўрганишда муҳим манба саналади.

Ад.: Аъзамова М. Н., 1870—1917 йилларда Туркистонда рус даврий матбуоти, Т., 1959; Эргашев Т. Э., Туркистондаги вақтли матбуот (1870—1925), Т., 1959; Эргашев Т. Э., Акбаров А. И., История печати Туркестана, Т., 1976; Абдуазизова Н., Туркистон матбуоти тарихи (1870—1917), Т., 2000.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ — маъмурий-ҳудудий бирлик. Россия империяси босиб олган Ғарбий Туркистон ҳудудида Россия императори Александр II фармони б-н ташкил этилган (1867 й. 11 июль). Ҳудди шу йили Туркистон ҳарбий округи ҳам тузилган. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори этиб рус подшосининг яқин мулозими генерал-адъютант К.П. фон *Кауфман* тайинланди. У 14 йил мобайнида (1867—81) Туркистон ўлкасини қаттиққўллик б-н бошқарган. Кавказ, Болтиқбўйи ўлкаларидаги озодлик ҳаракатларини бостиришда тажрибали маъмур ва уста сиёсатчи эканлигини кўрсатган фон Кауфманни «Туркистоннинг бунёдкори» деб улуғлашган. У Тошкент жамоатчилиги вакиллари йиғилиши (1868 й. 22 янв.)да биринчи бор русларни Туркистон халқларининг «ота оласи» деб атаган.

Россия императори фон Кауфманга ўлкани бошқаришда чекланмаган ҳуқуқ ва ваколатлар берган, натижада уни халқ «ярим подшо» деб билган. Ички ва ташқи сиёсатда унинг эркин иш юритишини мумкинлиги император томонидан берилган «Олтин ёрлиқ»да ўз аксини топган.

1868—80 й.лар давомида ҳарбий истилолар натижасида дастлаб 2 вилоятдан иборат генерал-губернаторликка яна 3 вилоят қўшилди. 19-а.нинг охирларида Т.г.-г. Сирдарё, Еттисув, Самарқанд, Фарғона ва Закаспий каби 5 вилоятдан иборат бўлиб ҳудуди Европа Россиясининг ⅓ қисмига тенг эди. Т.г.-г.нинг бирча ҳудуди 1.779.618 чақиримга тенг бўлган. Россия ҳукмдор доиралари

Туркистонни империянинг таркибий қисмига айлантириш ва халқларини руслаштириш учун барча воситаларни ишга солди. Ўлкадаги сиёсий, маъмурий, иқтисодий ва маданий ислоҳотлар ана шу мақсадга қаратилган эди.

Асрий миллий давлатчиликни йўқотиб русча идора усулини қўллаш учун Санкт-Петербургнинг олий сиёсий доиралари қонунлар мажмуасини ишлаб чиқди. У тарихга «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом» номи б-н кирган. Низомга кўра, ўлка ҳокимияти «ҳарбий-халқ бошқаруви» деб номланди. Т.г.-г. вилоятлар (области), туман (уезд), жабҳалар (участка), бўлислар (волость) ва оқсоқолликларга бўлинди.

Вилоятлар, туманлар ва жабҳаларни рус офицер-генераллари, бўлис ва оқсоқолликларни эса маҳаллий халқ вакиллари бошқарган. Вилоятларга ҳарбий губернаторлар, туман — уезд бошлиқлари, жабҳаларга эса участка приставлари тайинланган.

Мустамлакачилар маҳаллий бошқарув идораларига масъул шахслар тайинланишида ниҳоят хушёр иш тутиб, илғор, тараққийпарвар ва миллатпарвар кишилар бўлис бошқарувчиси, оқсоқол, қозилик каби ёки қози сифатида сайланиб қолса, уларни лавозимга тасдиқламаслик учун турли хийла-найрангларни ишга солганлар.

Туркистонда мустамлака идораси 1895 й.гача «ҳарбий-халқ», ундан кейин эса «маъмурий-полиция бошқаруви» деб аталган бўлса ҳам унинг моҳияти мазмунан ўзгармаган, барча ваколатлар рус маъмурияти қўлида жамланган.

Туркистондаги сиёсий идора тизими «туб аҳоли ўртасида ҳар қандай норозиликни таг-туги б-н шафқатсиз бостириш, бирон-бир душманлик ҳолати сезилса, албатта унинг кучайишига йўл қўймай дўқ-пўписа қилиш, тартиббузарлар ва уларнинг маслакдошларига тегишли сабоқ бериш ва уларга рус қудратини кўрсатиб қўйиш учун ҳар қандай чора-тадбирлар кўриш» руҳи б-н суғорилган.

Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш, истиқлол учун курашга қодир шахсларнинг «зарарсизлантириш» режаси ишлаб чиқилиб, уни ижро этишга барча мустамлака арбоблари жалб этилган.

Рус дворян-помешчиклари ўлкани руслаштиришнинг иқтисодий томонини кўплаб, Давлат думасида Туркистон ўлкасидаги «ортиқча» ерлар ни мусодара қилишни талаб қилиб чиқдилар. 1910 й. 7 апрелда Давлат думаси «Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом»нинг 270-моддасини «Туркистон кўчманчиларининг ортиқча ерларини колонизация эҳтиёжлари учун мусодара этишга рухсат берувчи қўшимча» б-н тўлдириш масаласини муҳокама қилди. Рус мустамлакачи шовинистлари товуш бериши натижасида қонун лойиҳаси қабул қилинди ва 1910 й. 19 декабрда қонун кучга кирди. Тўққиз йил ичида ана шу қонунга кўра, Сирдарё-Фарғона кўчирувчилик р-ни бўйича туб аҳолининг 744,9 минг десятина ери руслар тасарруфига берилди. Подшонинг мустамлакачилик сиёсати ўта шафқатсизлик б-н давом эттирилди.

Империя ҳукмрон доиралари Туркистон ўлкаси рус ва туб аҳолиси учун махсус сиёсат дастурини ишлаб чиқди.

Ҳарбий мустабидлик руҳи Т.г.-г. сиёсий тузумида ўзининг яққол ифодасини топди.

Туркистон генерал-губернатори бир вақтнинг ўзида ўлка бош ҳокими, округ қўмондони, бош прокурор ва бош мирзабоши вазифаларини бажарган.

1867 й.дан 1917 й.гача Т.г.-г.ни бошқарганлар: К.П.фон Кауфман (1867—81), Г.А.Колпаковский (1881—82), М.Г.Черняев (1882—84), Н.О.Розенбах (1884—88), А.Б.Вревский (1889—98), С.М.Духовской (1898—1901), Н.А.Иванов (1901—04), Н.Н.Тевяшов (1904—05), Д.И.Субботич (1905—06), Н.И.Гродеков (1906—08), П.И.Мищенко (1908—09), А.В.Самсонов (1909—13), Флуг (1913—15), Мартсон (1915—16), А.Н.Куропаткин (1916—17).

Т.г.-г. 1917 й. 31 мартда тугатилиб ўрнига «Туркистон қўмитаси» тузилган (1917 й. апр.—нояб.).

Ад.: Абрамов Ф., Положение об управлении Туркестанского края, Т., 1916; Садыков Х., Политико-административное устройство Туркестанского генерал-губернаторства, Т., 1972; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000 й.

Ҳайдар Содиқов

ТУРКИСТОН ДАВЛАТ НАШРИЁТИ — қ. *«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.*

ТУРКИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ — қ. *Ўзбекистон Миллий университети.*

«ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИ» — Туркистон тараққийпарварлари пинҳона ташкил этган сиёсий ташкилот (1921—42). Асосий мақсади Туркистон минтақасининг тўлиқ мустақиллигига эришиш, ягона давлат тузиш бўлган. Дастлаб «Ўрта Осиё миллий мусулмон жамиятлари федерацияси» номи б-н ташкил қилинган (1921 й. авг.). Валидий унинг Марказий Қўмитаси (МК) раиси этиб сайланган. МК таркибига Туркистоннинг нуфузли сиёсий арбоблари кирган. Ташкилотнинг дастури ишлаб чиқилган. «Т.м.б.» бутун «Миллий иттиҳод» ташкилоти ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатган. Унинг Самарқандда бўлган 1-конгресси (1921 й. 5—7 сент.)да 24 бандлик иборат Низомда Туркистон миллий байроғи қабул қилинган. Мазкур конгресс Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг тоғвий жиҳатдан жипслашувига хизмат қилди. «Т.м.б.»нинг 2-конгресси (Тошкент ш., 1922 й. 18—20 сент.) Валидийга хорижий фаолиятида халқаро жамоатчилик эътиборини қаратиш ва чет элда унинг бўлимларини тузиш учун хорижга боришни топширди. 1923 й. сентябрдан унинг аъзолари асосан чет элларда фаолият кўрсатган. Унинг Европадаги 2 та конгресси (1924 й. 23 нояб., 1925 й. 1 май, Берлин) бўлган. «Янги Туркистон» (муҳаррири Усмон Хўжа, 1927 й. июнь — 1932 й. сент.; Истанбул ва Берлин) ва «Ёш Туркистон» (муҳаррири Мустафо Чўқай, 1929 й. дек. — 1939 й. авг.; Париж ва Берлин) журналлари «Т.м.б.» органи ҳисобланган.

Ад.: Валидий З., Бўлинганни бўри ер [Хотиралар], Т., 1997; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Зиёев Ҳ., Туркистон миллий озодлик ҳаракати, Т., 2000.

ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ — Туркистон минтақасидаги дастлабки демократик ҳукумат (1917 й. 27 нояб. — 1918 й. 19 февр.).

Қўқонда бўлиб ўтган Бутун Туркистон мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойи (1917 й. 26—28 нояб.)да ташкил топди. Қурултой Туркистон ўлкасини Россия Федератив Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди. Шунингдек, Таъсис Мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимиятни Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон Миллий [Миллат] Мажлиси қўлида бўлиши керак деб ҳисобланди. Маркази — Қўқон ш.

Қурултойда Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан Т.м. ҳукумати (8

кишидан иборат) тузилди. Европалик аҳоли вакиллари орасидан номзодлар кўрсатилмагани учун уларга ҳам яна 4 ўрин ажратилди. Ҳукумат таркибига Муҳаммаджон *Тинишбоев* (бош вазир ва ички ишлар вазири), Исломбек Султон Ҳожи Шоаҳмедов (бош вазир ўринбосари), *Мустафо Чўқай* (ташқи ишлар вазири), Убайдуллахўжа *Асадуллахўжаев* (ҳарбий вазир), Ҳидоятбек Юргули Агаев ва сув бойликлари вазирлиги, Обиджон Маҳмудов (озиқ-овқат вазири), Абдураҳмон Ўразаев (ички ишлар вазирининг ўринбосари), С.А.Герцфельд (молия вазири) киритилди. Кейинчалик ҳукумат таркибида айрим ўзгаришлар юз берди. М.Тинишбоев *Алаш Ўрда* Мухторияти фаолиятида қатнашиш учун Оренбургга жўнаб кетгач (1917 й. дек.), Мустафо Чўқай бош вазир лавозимини бажаришга киришди. И. Шоаҳмедов молия вазири (С. Герцфельд ўрнига), Носирхон озиқ-овқат вазири (О. Маҳмудов ўрнига), О. Маҳмудов адлия вазири, *Носирхон Тўра* маориф вазири. Саидносир *Миржалилов* ҳукумат хазиначиси лавозимларини эгаллади. Совдепи большевик комиссарлардан фарқли равишда ҳукумат аъзолари чуқур маълумотли тараққийпарвар зиёлилар бўлиб, улардан 5 нафари ҳуқуқшунос эди.

Туркистон Миллат Мажлиси 54 нафар (36 мусулмон, 18 европалик) аъзодан иборат бўлиши кераклиги белгиланди. Қурултой жараёнида 32 кишидан иборат Миллат Мажлиси сайланди.

Туркистон Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар тез орада эълон қилинди. Шунингдек, янги ҳукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун танқидий ҳуқуқшунослари жалб қилди. 1917 й. 26 декабрда Т.м.нинг Миллий байроғи қабул қилинди. «Эл байроғи», «Бирлик туғи», «Свободный Туркестан», «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» каби ҳукумат газеталари ўзбек, қозоқ, рус тилларида нашр қилина бошланди. Авлоншунос «Улуғ Туркистон» ва «Ҳуррият» газеталари ҳам ўз саҳифаларида мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин ажрата бошлади. Нашр ишларини ташкил этиш учун О. Маҳмудовнинг босмахонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди. Т.м. миллий қўшинни ташкил қилишга киришди. 1918 й. бошида уларнинг сони 2000 аскарга етди. Бундан ташқари Қўқонда тахм. шунча мирғазаблар бор эди. Ҳукумат иқтисодий асоси 30 млн. сўм миқдорида ички заём чиқаришни кўзда тутди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари очлик тантанасида қолган Туркистон аҳолисига Оренбург орқали ғалла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун амалий қадамлар ташлади.

Т.м. ҳукумати қисқа муддат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти бутун Туркистон минтақасида яшовчи туб ерли халқлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Ўлка большевиклари Т.м. ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва крестьян депутатларининг фавқулодда 4-съезди (Тошкент ш., 1918 й. 19—26 янв.)да мухториятга муносабат масаласи асосий ўринда турди. Съезд Т.м. ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолда деб ҳисоблаб, ҳатто вазирларни қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди. 1918 й. 30 янв.да Туркистон ўлкаси ХКС Т.м.ни тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Тошкентдаги большевиклар бунинг учун хориж партиялар отрядлари ва арман дашнокцаки дружиналари («Дашнакцутюн»)дан кенг фойдаланди. Миллий матбуотнинг ёзишича, 31 янв. (янги ҳисоб б-н 13 февр.)да жанглар бошланди. Туркистон ўлкаси ХКС 1918 й. 14 февралда (янги ҳисоб б-н) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди.

Дастлабки жангда мухториятнинг миллий қўшинидан ташқари Қўқоннинг тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, пичоқ, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10.000 кишига етди. Шунга қарамай, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон ш.га қилган ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтардилар. Шу орада мухториятчилар сафида парокандалик юз берди (18 февр.да улардан бир гуруҳи ...). Мустафо Чўқай истеъфога чиқди ва баъзи вазирлар сингари Қўқонни тарк этди. Айрим вазирлар (Х.Агаев ва б.) жангда ҳалок бўлди. Ҳукуматнинг бошқа аъзолари (О.Маҳмудов, Носирхон тўра, С.Герцфельд, У.Асадуллахўжаев, И.Шоаҳмедов) эса кейинчалик большевиклар томонидан қатағон қилинди.

Қўқон ш. ҳарбий мирғазаблари бошлиғи Кичик Эргаш 18 февр.дан бошлаб шаҳарда Т.м. ҳукуматининг раҳбари деб эълон қилинди. 19 февр.да ўзгар кечаси Тошкентдан Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлиқ ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон қўшин етиб келди. 19 февр.дан бошлаб 3 кун давомида қизил аскарлар шаҳар устига тўплардан ёндирувчи снарядлар ёғдиришди. Шаҳар бутунлай вайрон бўлди ва ўт-олов ичида қолди. Қўқоннинг ўзида 3 кун давомида 10 мингдан зиёд киши ўлдирилди. Мухторият қўшинининг омон қолган қисми Кичик Эргаш бошчилигида (200—300 йигит) Қўқон округидаги Бачқир қишлоғига чекинди ва мудофаа истеҳкомларини қуриб, душман ҳужумини қайтарди. Қизил гвардиячилар Қўқон ва унинг атрофларидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдиришни авж олдиришди. Совет режими Т.м. ҳукуматини 19 февр.да қурол кучи б-н ағдариб ташлади.

1918 й. 22 февр.да Қўқон ш.даги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган «тинчлик шартномаси» имзоланди.

Т.м. ҳукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса ҳам, у эркесевар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқлол учун курашга даъват этди. Бу ҳукуматнинг ағдарилиши туркистонликлар томонидан совет Россиясининг Туркистонга нисбатан тажовузкор режалари мавжудлигининг яна бир далили сифатида қабул қилинди. Туркистонликлар тинч йўл (парламент) б-н миллий давлатчиликни қайта тиклаш мумкин эмаслигини тушуниб, 1918 й. февр. ойининг охирида қўлларига қурол олган ҳолатда Туркистонда совет режими ва большевикларга қарши қуролли ҳаракатни бошлаб юборишлар. Совет тузуми даврида Т.м.нинг моҳияти сохталаштирилиб, у тор маънодаги Қўқон мухторияти б-н алмаштирилди.

Ад.: Алимхўжаев С., Туркистон мухторияти, Т., 2000; Раджабов К.К., Мустақил Туркистон фикри учун курашганлар, Т., 2000; Алимова Д., Голованов А., Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари, Т., 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Очерки по истории государственности Узбекистана, Т., 2001.

Саидакбар Аъзамхўжаев, Қаҳрамон Ражабов.

ТУРКИСТОН ОКСИЛЮНИ (Turkestanioxyloni) — игнабаргли ўсимликларга мансуб туркум. Қазилма ҳолида топилган. 1971 й.да ўзбек палеоботаниги Р. Худойбердиев Туркистон тоғининг шим. қисмидаги юқори бўр қатламидан бу ўсимликнинг тошга айланган ёғочини топган. Унинг анатомик тузилишига қараб Т.о. деган янги туркумни тавсиф қилди. Т.о. ҳозирги

«Туркистон» саройи.

metasequoia ва Sequoiа туркумларига ўхшаш дарахтсимон ўсимлик бўлиб, бу ҳудудда 90 млн. йил олдин ўсган.

«ТУРКИСТОН» САРОЙИ — Тошкентдаги Мустақиллик майдони шим.да Анҳор бўйидаги концерт зали биноси. Дастлаб «Туркистон» кинотеатри деб номланган (1992, меъморлари Ю.Халдеев ва Ф.Турсунов), кейинчалик ёзги театр сахнаси (1993, меъмори В.Акопжанян) да халқ анъанавий байрамлари, театрлаштирилган томошалар ўтказилиши муносабати б-н ҳоз. номи б-н юритила бошлаган.

Бино олдидаги кенг саҳнли майдонча кўкаламзорлаштирилган. 3 погонали, мармар б-н қопланган фавворалар ишланган ҳамда ҳумо қуши тасвири туширилган (рассом Б.Жалолов эскизи) ёдгорлик ўрнатилган. «Т.»с.га зинапоялар орқали кўтарилади. Бош тарзи муқарнас безакли. Бинонинг пастки қаватида касса, техник хизмат хоналари жойлашган.Вестибюлга кираверишда Туркистоннинг тарихий шаҳарлари панорамаси ҳаво рангда, баъзи қисмлари сариқ рангда акс эттирилган. Йирик-йирик қилиб тахланган қизил мармар тош сирли сопол идишлар, ўсимликлар б-н уйғунлаштирилган ҳолда фойенинг чап қанотида дам олиш бурчаги ташкил қилинган. 2-қават вестибюль ён ойнасидан Б.Жалоловнинг «Умар Хайём тушлари» асари ўрин олган. Томоша зали муқарнаслар, ганчкори безаклар, тухумсимон гумбаз ва кундал нақшлар б-н пардозланган.

Ёзги театр (3200 ўринли) қад. театр майдонига хос услубда қурилган. Марказий арена қурилмаси қия тирак ва чамбарак тож шаклида бўлиб, дорбоз ва курашчиларнинг чиқишлари учун, замонавий томоша ва концертлар учун мослаштирилган. Йирик ўлчамли ёруғлик техникаси ва акустик жиҳозлар, махсус меъморий қурилмалар б-н жиҳозланган. 200 ўринли қаҳвахонаси бор.

ТУРКИСТОН ТИЗМАСИ — Ҳисор-Олай тоғ системасига кирувчи тоғлар. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида жойлашган. Сирдарё ва Зарафшон оралиғида сувайирғич. Шарқдан ғарбга Мастчоҳ тоғ тугунидан Зарафшон дарёсининг ўрта оқимигача 350 км га чўзилган, эни 60 км дан ошмайди. Шарқда, Сўх дарёсининг бошланиш қисмида, Олай тоғларидан Мастчоҳ тоғ тугуни орқали ажралади, ғарбда Пармонтепа қалъаси яқинида тугайди. Т.т. шарқда Фарғона водийсини, ғарбда Мирзачўлни ўраб туради. Шарқий қисми баланд (5000—5400 м), қор ва музликлар б-н қопланган. Ғарбий қисми (Чумқартов) паст (2600—3400 м). Энг баланд жойи шарқда 5680 м (Пирамида чўққиси), ғарбда Бозорхоним чўққиси (3405 м), шим.-ғарбий қисми *Молгузар* тоғларидан иборат. Булар бир-биридан Сангзор дарёси водийси б-н ажралган. Нурота тоғларини ҳам Т.т.нинг давоми деб ҳисоблайдилар. У Молгузардан Илонўтти тоғ йўлаги орқали ажралган. Т.т.да кўплаб довонлар мавжуд. Шахристон довонидан Уструшона — Душанба автомобиль йўли ўтган.

Т.т.нинг шим. ён бағри қия, қир ва адирларга туташиб кетади. Шим. ён бағрининг шарқида Бўрган, Бисмонлиқ, Оқсув, Лайлак, Исфара каби сойлар қор ва музликлардан сув олади. Ғарбда Сангзор дарёсининг чап ирмоқлари: Ғуралаш, Бойқунғир, Кўкжар, Тангатопди, Жумжум, Бахмасар сойлари қор ва баҳорги ёмғир сувларидан тўйинади. Дарелари маълум қисмларга қуйилмасдан, текисликка чиққач, бутунлай суғоришга сарфланади; Зомин, Жиззах сув омборлари барпо этилган.

Т.т. ғарбий бурмаланишида кўтарилиб, кейинчалик емирилган ва учламчи даврда қайта кўтарилиб ҳоз. қиёфага келган. Палеозой эрасига хос бўлган қумтош, сланец, гранит, диорит ва қисман оҳактошлардан, неоген конгломератлари ва тўртламчи давр лёсс ётқизиқларидан ташкил топган. Иқлими континентал, турли қисмларида турлича хусусиятга эга. Тоғ олди текислиги ва тоғ олдида иқлим иссиқ ва қуруқ. Йиллик ўртача т-ра 13,1°—12,2°. Январнинг ўртача т-раси 0,2°, июлники 25°, 26°, °. Энг юқори т-ра 45°. Баланд қисмида иқлим анча салқин, ўртача йиллик т-ра —1° га яқин, янв. ники — 11,4°. Энг паст т-ра —34°. Йиллик ёғин 600—700 мм дан ошмайди. Ёғинининг бир қисми қор шаклида тушади. Қорнинг қалинлиги 15—30 см, айрим жойларда 1 м гача бўлиб, март ойигача, баландроқ жойларда май ойигача эримайди. Шамолнинг ўртача тезлиги 2,0—3,2 м/сек., баъзида 28 м/сек.га етади.

Т.т.нинг шарқий қисмида музлик кўп. Уларнинг умумий майд. қарийб 150 км². Жан. қисмида *Зарафшон музлиги* жойлашган. Тоғ олди текислиги ва тоғ оралиғида 1500—1800 м баландликда типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар ифлосланган, шувоқ ҳамда буғдойиқ усади. Ғарбий қисмининг 1800—3000 м баландликларида тоғ ўрмон-дашт минтақаси жойлашган. Бу ерларда жангрғил, қизилўрик тупроқларда арча, писта, бодом, дўлана, ёбўрғун, ёрғоқ, бадиян ёввойи дарахтлари ўсади. Тизманинг ғарбий қисмида 2800—3400 м, шарқида 3000—3500 м баландликларда субальп минтақаси бўлиб, тоғтўлоқ-дашт тупроқлар қизғиробий, рашт, оқсўхта, бетага, тақтақ, қўйсуяк каби ҳар хил ўтлар ўсади. 3500 м дан юқори қисми алп минтақасидан иборат. Т.т.нинг ўрмон ва бутазорларида қобон, оқ тиризак айиқ, какликлар, жайра, сутқорлар, баланд тоғларда қийиқ, ёввойи эчки, тоғ қўйлари учрайди. Тоғ ёнбағирларидан чорвачиликда кенг фойдаланилади. *Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси* ва *Зомин халқ боғи* ташкил этилган. Тоғ ён бағирларида табиий бойлик кўп, иқлими ва суғлари шифобахш. Мевали ва доривор ўсимликлар ўсади.

Мурод Маматқулов.

Туркистон тизмаси чўққилари панорамаси.

«ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ», «Ўрта Осиё ва хусусан Туркистон ўлкасига оид асар ва мақолаларнинг Туркистон тўплами» — Ўрта Осиё тарихи, этн., иқтисоди, ботаникаси, археологияси, геол. си, халқининг турмуши ва маданиятига оид ноёб библиографик асар. Ўрта Осиё ҳақидаги алоҳида китоблар, газ. ва жур. қирқимларидан тузилган бўлиб, жами 594 жилддан иборат. Унинг 1867—87 й.ларга оид материалларни ўз ичига олган 416 жилди библиограф В.И.*Межов* томонидан тайёрланган. У матбуотда Ўрта Осиё ҳақида эълон қилинган барча маълумотларни киритишга ҳаракат қилган. Тўпламни нашр этиш ишлари 1888 й.да Туркистон маъмурияти кўрсатмаси б-н тўхтатилган, фақат 1907 й.га келиб давом эттирилган. «Т.т.»нинг давомини тузишга Ўрта Осиё ҳақидаги адабиётлар бўйича мутахассис Н.В. Дмитревский, этнограф А.А.Диваев, Туркистон халқ кутубхонасининг мудири И.П.Зиков, шарқшунос олим Ю.Ф.Бонч-Осмоловскийлар жалб этилган. Улар ҳамкорлигида (асосан, газ. материалларидан иборат) тўпламнинг яна 127 жилди тузилган. Библиограф ва кутубхонашунос А.А. Семёнов 1911—16 й.ларда «Т.т.»нинг 48 та жилдини тузди. Бу тўплам тузилиш жиҳатдан илгаригилардан юқори туради. Библиограф Е.К.Беттер таҳрири остида 1939 й. «Т.т.»нинг сўнгги 3 жилди тузилган. Бу жилдлар М.А.Терентьевнинг 1917 й.гача тайёрланган «Ўрта Осиёнинг босиб олинишн тарихи» асари, унинг харита ва планларидан ташкил топган. «Т.т.»нинг ҳамма жилдларида муаллифлар томонидан алифболи кўрсаткич тузилган. «Т.т.» Ўрта Осиёга доир кўп талқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Тўпламнинг барча жилдлари Ўзбекистон миллий кутубхонаси фондида сақланади.

Ад.: Межов В.И., Библиографии Азии, 1—2-жилд. Т., 1981—94.

ТУРКИСТОН ФРОНТИ (Туркфронт) — РСФСР Қуролли кучларининг Олий бош қўмондони С.С. Каменевнинг директивасига асосан 1919 й. 15 авг.да Самара, Астрахон, Оренбург губерниялари ва Урал вилояти ҳудудида Шарқий фронтнинг Жан. гуруҳ армиялари асосида ташкил қилинган фронт (1919—26). Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатига қарши кураш мақсадида тузилган. Т.ф.га дастлаб 1-, 4-, 11-армиялар киритилган. 1919 й. 25 авг.да Туркистон Республикасидаги барча қизил аскар қисмлари ҳам унга бўйсундирилди. Т.ф.ни ҳарбий ва партиявий жиҳатдан Инқилобий ҳарбий кенгаш (Реввоенсовет) ва Снёсий бошқарма бошқарган. М.В.*Фрунзе* Т.ф.нинг 1-қўмондони бўлган (1919 й. 15 авг. — 1920 й. 10 сент.).

1919 й. 20 ноябрда Т.ф. ҳарбий штаби Самарадан Тошкентга келиб ўрнашган. М.Фрунзе Тошкентга келгач (1920 й. фев.), ҳарбий ҳаракатларда бевосита қатнашган. Россия марказидан доимий равишда катта миқдордаги қизил аскарлар Туркистонга юборилган. Мас., 1919 й. ёзида Туркистон Республикасидаги қизил армия қисмларида 35.378 жангчи бўлган бўлса, Т.ф. ташкил қилингандан кейин 71.751 жангчи ва 185 та пулемёт Россиядан Туркистонга ташланган. 1920 й. 1 сент.да қизил аскарларнинг сони 182.800 кишига етган. Т.ф. жангчилари истиқлолчиларга қарши курашларда истиқлолчиларга қарши курашларда ва 2 сент.да Бухорода Хивада хонлик ва 2 сент.да Бухорода амирлик тузумини агдариб ташлаб, бу давлатлар ҳудудини ҳам босиб олган (қ. *Бухоро босқини*).

Т.ф.га М.Фрунзедан ташқари Г.Сокольников (1920—21), В.Лазаревич (1921—22), В.Шорин (1922), А.Корк (1922—23), С.Пугачёв (1923—24), М.Левандовский (1924—25), Авксентьевский (1925—26) қўмондонлик қилган.

1920 й. 4 июнда Т.ф. асосида Ўрта Осиё ҳарбий округи тузилган.

Ад.: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости Т., 2000; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

ТУРКИСТОН ХАЛҚ КОНСЕРВАТОРИЯСИ — Ўрта Осиёда биринчи мусиқа ўқув юрти. 1918 й. Тошкентдаги Туркистон халқ университети қошида ташкил топган (ташкилотчиси Е.Черняевский, директор В.Карелин). Фортепиано, скрипка, хонандалик каби ихтисосликлар бўйича бошланғич таълим берилган. 1919 й. унинг Эски шаҳар бўлими очилган (В.*Успенский*). Фаолияти ёшларга мусиқа ўргатиш б-н бирга концерт-ижрочилик, тарғибот ишлари б-н боғлиқ бўлган. Т.х.қ.га ўхшаш кейинчалик Бухоро, Самарқанд, Фарғона халқ консерваторияларн очилган. Булар негизида 1920-й.лар ўртасида мусиқа билим юртлари ташкил топган.

ТУРКИСТОН ХАЛҚ КУТУБХОНАСИ — қ. *Ўзбекистон миллий кутубхонаси.*

ТУРКИСТОН ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ — Ўрта Осиёда рус олий таълимига асос бўлган илк ўқув маскани. Туркистон ХКСнинг 1918 й. 16 мартдаги қарори б-н шу йил 21 апр.да Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги Озодлик уйи (ҳоз. Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонаси)да очилган. Ун-тнинг ташкил топишида «Олий таълим тарафдорлари жамияти» (1918 й. фев.)га уюшган А.В.Попов (1918 й. апр. — дек.да университет ректори), Г.Н.Черданцев (1918 й. дек. — 1920 й. дек.да университет ректори), проф.лар В.И.Романовский, А.А.Семёнов, Р.Р.Шредер ва б.нинг хизмати катта бўлди.

Т.х.у. қуйидаги ташкилий тузилишга эга бўлган: 1-юқори босқич — олий курс [ижтимоий-иқтисод., физика-мат., адабиёт-фалсафа (кейинроқ тарих-филол.), техника ф-тлари]; 2-ўрта босқич — амалий курслар (электромонтёрлар, автомобиль иши, темир йўлчилар, чизмачилик, ўрмон техниклари, ер-сув қўмитаси, болалар боғчаси йўриқчилари, чет тиллари, бичиш-тикиш, пойабзал иши, сузишни ўрганиш); 3-қуйи босқич — таълим-тарбия бериш курслари (11 бошланғич мактаб, 8 болалар боғчаси). Шунингдек, таркибида *Мунавварқори* Абдурашидхонов ташаббуси б-н 1918 й. 12 майда ташкил этилган Мусулмон халқ дорилфунуни (қ. *Ўзбекистон миллий университети*) ҳамда Туркистон халқ

кутубхонаси (ҳоз. *Ўзбекистон миллий кутубхонаси*), Туркистон халқ музейи (ҳоз. *Ўзбекистон санъат музейи*), *Туркистон халқ консерваторияси*. Шарқ ин-ти каби мустақил ташкилотлар бўлган. Т.ҳ.у.нинг тегишли курсларига маълумот даражасига қараб ўқишни хоҳловчи рус тилини билган кишилар имтиҳонсиз қабул қилинган. Дастлабки кунларданоқ Самарқанд, Фарғона, Андижон, Ашхобод ва б. шаҳарларда ун-т шўъба (филиал)лари очилган. 1918 й. кузда Мусулмон халқ дорулфунуни 2-даражали ташкилот сифатида тугатилган, ўрта ва қуйи босқичлари курслар ва мустақил ташкилотлар ун-тдан ажратилган. 1918/19 ўқув йили ун-тнинг 5 ф-тида 60 проф.-ўқитувчи ишлади, 500 га яқин талаба таълим олди. Буларнинг ҳаммаси руслар ёки рус тилида сўзлашувчи бошқа миллат вакиллари эди. Маҳаллий мусулмон миллат вакиллари рус тилини билмаганлиги сабабли бу ун-тдан баҳраманд бўла олмадилар. Совет ҳукумати уларнинг манфаати ва хоҳиш-истагини эътиборга олмади. Совет тарихчилари бу ҳақиқатни бутунлай тескари талқин қилишга мажбур бўлдилар. Совет даврида чоп этилган тарихга оид адабиётларда бу ун-т коммунистик партия ва совет ҳукуматининг маҳаллий аҳолига кўрсатган беҳад катта ғамхўрлиги, халқпарварлиги туфайли пайдо бўлди, деб кўрсатиб келинди.

Т.ҳ.у.ни тўла маънодаги олий ўқув юрти деб бўлмасди. 1919 й. дек.да у ҳақиқий давлат ун-ти мақомини олди ва Туркистон давлат ун-ти деб номланди. Т.ҳ.у.да 1918 й. 20 апр.дан рус тилида «Халқ университети» (Народный университет») газ. ва махсус илмий оммавий тўплам нашр этилди.

Ад.: Холбоев С., Миллий университетнинг тарихий илдизлари ва ташкил топиши, Т., 2003.

Сотимжон Холбоев.

ТУРКИСТОН ШОХ ИЛОНИ, туркистон шиллиқ қурти (Agrolyma xagritis vas. turanicus) — моллюскалар типига мансуб чиғаноқсиз шиллиқурт. Танасининг узунлиги 30 — 60 мм. Усти тери парда б-н қопланган кичкина пластинка кўринишидаги чиғаноқ қолдиғи сақланган. Сариқ, оқ-сариқ, сарғиш-пушти тусли. Қорамтир йўл ёки доғчалари бор. Ўзидан рангсиз шилимшиқ модда ажратади. Сернам дарахтзор ва очиқ ерларда яшайди. Маданий ўсимликларга зарар келтиради.

ТУРКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ — маҳаллий шароитларда қ.х. экинларини етиштириш усуллари ва селекциясини ўрганган и. т. муассасаси. 1898 й. да Тошкент яқинида Россия Ер ишлари бўлими томонидан очилган. Дастлаб далачилик ва боғдорчилик бўлимларидан иборат бўлган, шунингдек, агротехника даб. ҳам ташкил этилган. 1902 й. дан ст-яда тезпишар ғўза навлари, токчилик, полизчилик бўйича тадқиқот олиб борилган, *анак қурти* ўрганилган, маҳаллий сув ва тупроқ таркиби ҳамда уларнинг бир-бирига таъсири тадқиқ қилинган. Ст-яга проф. Ф.М.Гарнич-Гарницкий (1898—1903), Р.Р.*Шредер* (1903—25) раҳбарлик қилган. 1925 дан ст-я Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тажриба ст-яси (ҳозирги акад. Р.Р.Шредер номли *Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти*)га айлантирилган.

ТУРКИСТОНДА СОВЕТ РЕЖИМИГА ҚАРШИ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ — Ўрта Осиё халқларининг большевиклар ҳукмронлиги ва босқинчи қизил армияга қарши олиб борган кураши (1918—1935). Т.с.р.қ.қ.ҳ. — Ўрта Осиёдаги миллий озодлик ҳаракати тарихида алоҳида босқич бўлиб, кураш кўлами ва шиддати унинг мураккаб ва шиддатли эканлиги б-н ажралиб турали.

Бу ҳаракат ўз жутрофий доирасига кўра, 3 ҳудудга бўлинади: Туркистон АССР, Бухоро Республикаси ва Хоразм Республикаси ҳудудлари. У кейинчалик Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ССРда ҳам давом этди. Қуролли кураш ўз ривожланиш жараёнига кўра, 2 даврни босиб ўтди: 1918—24 ва 1925—35 йиллар.

Т.с.р.қ.қ.ҳ.нинг 1-даври, дастлабки қуролли гуруҳларнинг ташкил топиши Кичик *Эргаш* ва Катта *Эргашнинг* номлари б-н узвий боғлиқдир. *Туркистон мухторияти* ҳукумати қўшинига бошчилик қилган Кичик Эргаш 1918 й. 19—21 февд Қўқон шд.да бўлган уруш натижасида мағлубиятга учраб, Қўқон уезддаги Бачқир қишлоғига чекинди. 26 февд.да Бачқирга қизил гвардиячилар ва арман дашноқлари (қ. *«Дашнакцутюн»*)нинг 5 та отряди ҳужум қилди. 27 февд.да бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш ҳалок бўлгач, Катта Эргаш Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши кураш бошлади. Тез орада ҳаракат бутун Фарғона водийси ва Самарқанд вилояти ҳудудларига тарқалди.

Т.с.р.қ.қ.ҳ.нинг бош сабаби большевикларнинг ўлкада юритган мустамлакачилик ва шовинистик сиёсати бўлди. Большевиклар томонидан амалга оширилган дастлабки социалистик тадбирлар (корхоналарнинг давлат ихтиёрига ўтказилиши, хусусий мулкнинг тугатилиши, озиқ-овқат тақсимоти ва талла монополияси, ислом динининг чекланиши ва атеизм тарғиботи, масжид, мадраса, хусусий мактаб ва қозихоналарнинг бекитилиши, вақф ерларининг тортиб олиниши, мажбурий меҳнатнинг жорий қилиниши, бойларнинг сиқиши ва б.) ҳамда қизил армия жангчиларининг талончилик ва босқинчилик сиёсати ҳаракатга алоҳида кескинлик ва кулфат бағишлади. Бу ҳолсалар курашнинг тобора кенгайиши ва ривожланишига олиб келди.

Қуролли кураш унинг ҳаракатлантирувчи кучлари (деҳқонлар, чоракорлар, ҳунармандлар, косиблар ва мардикорлар, тўқ бадавлат оилаларнинг вакиллари — савдогарлар, бойлар ҳамда уламолар) ва ташкилий тузилишини жиҳатидан ҳам аҳолининг барча гуруҳлари ва ижтимоий қатламларини ўзига қамраб олган ҳаракат ҳисобланади.

Курашчиларнинг миллий таркиби, асосан, туб жой аҳоли — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, қисман уйғурлардан иборат бўлган. Шунингдек, руслар ва *Валидий* томонидан юборилган айрим бошқирд ва татар ҳарбийлари, Туркия ва Афғонистондан келган оз миқдордаги ҳобитлар ҳам бор эди. *Мадаминбек* қўшинлари б-н Жалолободда турган К. Монстровнинг *крестьянлар армияси* ўртасида совет режими ва қизил армияга қарши биргаликда курашиш учун ўзаро битим тузилган (1919.02.09.).

Қизил аскарлар томонидан босқинчилик ва талончиликларнинг кучайиши уларга қарши ҳаракатни янада кучайтирди ва курашнинг сафига мунтазам равишда аскарлар (*йигитлар*) қўшилиб турди ва янгидан-янги гуруҳлар ташкил топди.

Валидийнинг Туркистонга келиши ва кураш майдонига чиқиши, *«Туркистон миллий бирлиги»* ташкилотининг қарор топиши (1921.2.8) б-н жанглар бутун минтақада авж олиб кетди. Бошқа яширин миллий ташкилотлар (*«Миллий иттиҳод»*, «Миллий истиқлол») ҳам тузилиб, улар ҳаракатни фаол қўллаб-қувватлашди.

Туркистон жамиятида ўша пайтда етакчи мавқега эга бўлган уламолар ҳам ҳаракат мафкурасини тайёрлашда муайян даражада хизмат қилдилар. Аммо ҳаракат айрим мутаассиб руҳонийларнинг амаллари оқибатида кўпгина ҳолларда фақат ислом

тамоилларига синиқ келди ва шу ё-н чекланиб қолди.

Курашчилар фақат жанг ҳаракатлари олиб бориш ё-н чекланмасдан Мадаминбек бошчилигида Муваққат Фарғона ҳукумати (1919.22.10) номли ҳукуматни ҳам тузишди.

1920—24 йилларда Бухоро ва Хоразм республикаларида миллий мухолифат олиб борган озодлик кураши ўзига хос алоҳида хусусият ва хусусиятга эга бўлиб, ўта мураккаб ва шиддатли якунини ё-н Туркистон Республикасидаги бу ҳаракатдан ажралиб туради. Большевиклар қизил аскарларга ташланган ҳолда 1920 й. 1 февд.да *Хива хонлиги*га ва 1920 й. 2 сентд.да *Бухоро амирлиги*ни қўролли куч ё-н ағдариб, ҳокимиятни Бухородаги асосан, *Ёш бухоролилар*, Хоразмда эса *Ёш хивачилар* фирқаларининг аъзоларидан иборат демократик кучлар қўлига беришди. Лекин, бу жойларда ҳокимият учун курашаётган бошқа кучлар ҳам мавжуд бўлиб, натижада миллий кучлар ўртасида ҳокимият масаласида ўзаро ихтилоф вужудга келди.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ва *Хоразм Халқ Совет Республикаси*да 1920 йилда юзага келган қўролли мухолифат шу сабабли бир йўла 2 кучга қарши: биринчидан, бу давлатлар ҳудудида жойлашган босқинчи қизил армия қисмларига қарши мустақиллик кураши; иккинчидан, большевиклар ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб олган кучларга, яъни Ёш хивачилар, Ёш бухороликларга қарши мухолифлик урунини олиб бордилар. Бу ҳаракатнинг Туркистон Республикаси, хусусан, Фарғона водийсидаги қўролли курашдан фарқли жиҳати ҳам ана шунда.

1924 й. охирида Туркистон минтақасида миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилиши натижасида қўролли курашнинг 1-даври якунланди. Унинг 2-дари эса яна 10 й. давом этиб, ўзининг характери ва кучлар нисбати жиҳатидан аввалги даврга нисбатан анча фарқ қилади. Бу даврда, асосан, Фарғона водийси, Шарқий Бухоро ва Хоразм воҳасида жанглар давом этди. 30-й.ларнинг ўрталарига келиб қўролли ҳаракат мағлубиятга учради. Тирик қолган курашчиларнинг аксарияти хорижий давлатларга муҳожир бўлиб жўнаб кетишга мажбур бўлди.

Т.с.р.қ.қ.ҳ.нинг энг заиф томони унинг Ўрта Осиё минтақасида ягона марказ остида тўлиқ бирлаша олмаслиги, ҳаракатнинг бошидан то охиригача мафкуравий асос бўлиб хизмат қилувчи ягона миллий дастурнинг яратилмаганлиги ҳамда баъзи етакчи шахслар орасидаги келишмовчилик ва низолар, айримларининг тор дунёқараши ва б. бўлди. Айрим шахслар (Холмўжа Эшон, Ғуломалихон Баҳодир ва б.) ҳаракатга фақат ўзлари раҳбарлик қилишни ўйлаб, ягона қўмондонликка бўйсунмади. Шунингдек, қўролли курашга дахлдор бўлмаган баъзи гуруҳлар талончилик ва босқинчилик ё-н шуғулланиб, кўпдаб бегуноҳ кишиларни ўлдиришди. Бундан қизил армия қўмондонлиги ва большевиклар устомонлик ё-н фойдаланишди. Улар махсус хуфиялар ва жосуслар, турли айғоқчилар ёрдамида ҳаракат ичидаги бирликни парчалаш, баъзи гуруҳ раҳбарлари ўртасидаги тарқоқлик ва ўзаро ихтилофларни янада авж олдиришга уринишлар. Ниҳоят, Совет ҳукумати бир неча ислоҳотлар ўтказиши (хусусан, халқ таълими соҳасида ва янги иқтисодий сиёсатни тадбиқ этиб, халқ учун бироз енгиллик туғдиргандан сўнг) ва турли-туман тарғиботлар натижасида ҳаракат қатнашчиларини меҳнаткашлар қўллаб-қувватлашдан қайтара олди.

Ад.: Раҳбарова Р. Е. ва б., Ўзбекистон тарихи (1917—1993 й.й.), Т., 1994; Валидий, Бўлинганнинг бўри ер (Хотиралар), Т., 1997; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб, [Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Алимова Д., Голованов А., Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари, Т., 2000; Зиёева Д., Туркистон миллий озодлик ҳаракати, Т., 2000; Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш, Жалолобод, муаллимлик институти, 2001; Раҳимов Қ., Ватанпарварлик, ватанпарастлик, ватанфурушлик, Т., 2001; Раҳмонов Қ., Бухорога қизил армия бостириб кирган йиллар, Т., 2001; Раҳабов Ж., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002; Раҳабов ва унга қарши кураш, Т., 2002; Раҳабов М., Туркистон тарихи (1917—1924 й.й.), Т., 2002.

Қаҳрамон Раҳабов.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС» — нодавлат ахборот агентлиги; ёпиқ акциядорлик жамияти. Агентликка ҳукуматга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотларидан иборат ташаббускор гуруҳ томонидан 1998 й. 25 сент.да асос солинган. Республика «Матбуот тарқатувчи» жамияти, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришни ва қўллаб қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси (ҳоз. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси), «Ўзбекистон ҳаво йўлларини» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва б. ташкилотлар томонидан таъсис этилган.

«Т.-п.» илк нодавлат ахборот агентлиги сифатида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иқтисодиёти ҳамда демократик тамойиллар асосида ислоҳ этишни кучайтириш мақсадида ташкил этилган. Шунингдек, агентлик республика ҳаёти ҳақидаги холис ахборотларни дунёга тезкор тарқатиш тизимини яратиш, Ўзбекистон фуқароларининг халқаро ҳаётга дахлдор ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўла қондиришни кўзда тутади.

Агентлик томонидан 30 дан зиёд дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистондаги йирик компаниялар учун ҳафталик хабарномалар тайёрланади. Бундан ташқари, агентлик ўз мухбирлари томонидан тайёрланаётган ахборотларни халқаро миқёсда тарқатишни ҳам йўлга қўйган. Агентлик Ўзбекистоннинг барча минтақаларида ўз мухбирларига эга. 2000 йдан агентлик ўз нашри — «*Мохият*» газ.ни чоп эта бошлади. Шунингдек, унинг таркибида «Туркистон-полиграф» корхонаси ҳам фаолият кўрсатади.

ТУРКИСТОН-СИБИРЬ ТЕМИР ЙЎЛИ, Турксиб — «Қозоғистон темир йўллари» компаниясига қарашли т.й. Қозоғистоннинг шарқий қисми бўйлаб Семипалатинск (шим.да)дан Оламота орқали Луговая (жан.да) ст-ясигача давом этади. Уз. 1452 км. 1927—31 й.ларда катта иқтисодий ва давлат аҳамиятига эга бўлган энг йирик умумхалқ қурилишларидан бири тарзида барпо этилган (қидирув-лойиҳа ишлари 1906—07 й.ларда олиб борилган). Турксиб Луговая—Арис т.й. тармоғи орқали Ўзбекистон темир йўллари б-н, Семипалатинск-Новосибирск т.й. тармоғи орқали Ғарбий Сибирь т.й. б-н боғланади. Турксиб орқали Новосибирсклан Арисга қадар йўлнинг уз. 2531 км, бу Челябинск ва Оренбург орқали ўтган эски йўлдан 1000 км қисқа. Турксиб ғалла, ёғоч ва кўмирга бой Сибирни Жан. Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг пахтакор минтақалари б-н боғлади, бу минтақада пахтачиликни ривожлантиришга, шунингдек, Марказий Осиё республикаларини ёғоч, кўмир, дон б-н таъминлашда муҳим аҳамият касб этган эди.

ТУРКИЯ (Tьrkiye, Туркия Республикаси (Tьrkiye Cumhuriyeti) — Осиёнинг ғарбий қисми ва Европанинг жан.-шарқий қисмида жойлашган давлат. Ҳудудининг 97% Кичик Осиё я.о. (Анадолу)да, 3% Европа (Шарқий Фракия)да. Шим.дан Қора денгиз, ғарбдан Эгей денгизи, жан.-дан Ўрта денгиз б-н ўралган. Эгей денгизидаги бир қанча орол ҳам Т.га қарашли. Майд. 814578 км². Аҳолиси 69,6 млн. киши (2003). Пойтахти — Анқара ш. Маъмурий жиҳатдан 81 эл (вилоят)га, эллар элчаларга бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — республика. Амалдаги конституцияси 1982 й.да қабул қилинган (бир неча марта тузатиш ва қўшимчалар киритилган). Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Ахмет Неждет Сезер), у Буюк Миллат Мажлиси томонидан яширин овоз бериш йўли б-н 7 й. муддатга сайланади ва яна 1 марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи олий парламент — Т. Буюк Миллат Мажлиси. Олий ижроия ҳокимияти хукумат бўлиб, уни Бош вазир (Бош боқон) бошқаради. Бош вазирни президент депутатлар орасидан тайинлайди.

Табиати. Т. табиати ниҳоятда рангбаранг ва жозибадор. Рельефининг аксари тоғ ва ясситоғлик; шим. ва жан. соҳилларга параллел равишда ястанган тоғ тизмалари орасида кенг ва очиқ текислик, қир, кўл, плато ва дарёлар мавжуд. Шим.да Қора денгиз соҳилига ёндош равишда Шим. Анадолу ясситоғлари, жан.да Торос тоғлари, Мармар денгизи томонда Сомонли, Улутоғ, Истранжа ва Текиртоғлар, Эгей денгизи томонда Қозақ, Юнт ва Ойдин тоғлари, Ўрта Анадолуда Қизилтоғ, Раман ва Сўф тоғлари, Шарқий Анадолуда Агри тоғлари (бу тоғда Т.нинг энг баланд нуқтаси бўлган Буюк Агри чўққиси — 5137 м) қад кўтарган. Т. ҳудуди сейсмик жиҳатдан фаол зонада жойлашган. Т. ер остида хромит, борат, боксит, вольфрам, симоб, сурма, мис, тошкўмир, нефть, марганец, темир ва б. бор. Иқлими субтропик, ғарбий ва жан. соҳиллари илиқ, ёғин кўп, ички минтақада ёз иссиқ ва қуруқ, қиш совуқ, қор кўп ёғади. Янв.нинг ўртача т-раси пасттекисликларда 5—10° дан ички ясситоғликларда —15° гача, шарқдаги тоғликларда —35° гача совуқ бўлади. Июлнинг ўртача т-раси денгиз соҳилларида 22—32°, Жазира платосида 30° (гоҳо 40° дан иёд). Йил-

Туркия герби.

Туркия байроғи

лик ёғин ўртача 1000—3000 мм. Йирик кўллари: Ван, Туз, Бейшеҳир, Эйирдир. Дарёлари: Қизил Ирмоқ, Фурот, Сақария, Аракс, Дажла, Яшил Ирмоқ, Жейҳан. Тупроғи ички ясситоғликларда чўлларда асосан бўз ва оч қўнғир тупроқдан, қуруқ даштларда каштан, соҳилларда жигар рани тупроқ, ботиқлар туби эса шўрхок тупроқдан иборат. Тавр ва Шарқий Понтия тоғларида доим яшил ва игна барглн ўрмонлар, тоғларининг баланд қисмида алып ўтлоқлари мавжуд. Жазира платоси шувоқ-бошоқли ўтлар ўсадиган чала чўлдан иборат. Тоғларда ёввойи қўй-эчкилар, тўнғиз, бўри, чиябўри, айиқ ва б.лар яшайди. Соҳилга яқин сувларда турли-туман балиқ кўп. Т.да 12 миллий боғ бор. Йириклари: Олимпос-Бейдағлари, Мунзур-Водийси, Кёпрюлю-Каньон.

Аҳолисининг 90% — туркlар. Курд, араб, ўзбек, алигей, убих, чечен, осетин, лезгин, грек, арман, лаз, грузин, озарбайжон, туркман, болгар, албанлар ҳам яшайди. Аҳолисининг асосий қисми ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қилади. Расмий тил — турк тили. Шаҳар аҳолиси 69%. Йирик шаҳарлари: Истанбул, Анқара, Измир, Кўния, Бурса, Ғозиантеп, Диёрбакир, Анталия, Адана, Эдирна.

Тарихи. Ҳозирги Т. ҳудудида жуда қадим замонлардан бошлаб юксак маданиятга эга бўлган давлатлар бўлган. Анадолу *Хетт подшолиги, Лидия, Мидия, Ахоманийлар давлати*, македониялик *Александр* империяси, *Салавкийлар давлати, Понт подшолиги*, Пергам, Қад. *Рим, Византия* таркибида бўлган. Туркий элатлар бу ҳудудга 11-а.дан кўчиб кела бошлаган. Ўғуз-туркман қабилаларининг йўлбошчилари бўлган *Тўғрулбек* ва *Чағрибек* бошчилигида *Салжуқийлар давлати*га асос солингач, ислом дини тарқала бошлаган. Султон *Алп Арслон* 1071 й.да Малазгирт жангида Византия императори Роман IV Диоген армиясини тормор этганидан сўнг, Салжуқийлар давлати ниҳоятда кенгайди. Султон *Маликшоҳ* замонида (1072—92) салтанат тузилиб ғарбда Византия, шим.да Қипчоқ ерларигача чўзилди. Салжуқийлар давлатининг пойтахти Исфаҳон ш. бўлган. Давлат бошқарувида *Низомулмулк* ва *Ғаззолий* каби йирик давлат арбоблари ва олимлар фаолият кўрсатган. Давлат ҳарбий ва иқтисодий қудрати ошиб, Византия ва Кичик Осиёдаги бир қанча ерлар Салжуқийлар давлатига қўшилган. Лекин 12-а.нинг 2-ярмидан бошлаб давлат инқирозга юз тутди. Султонлар ўртасида тахт учун курашлар кучайиб, давлат парчаланиб кетди. Натижада Салжуқийлар давлати 1157 й. Кичик Осиёдаги мулкларини Салжуқийлар султонлиги, Эрон ва Ироқдаги мулкларини Ироқ Салжуқийлари султонлиги деб аталган мустақил давлатларга ажратиб берди. Салжуқийлар султонлиги 1243 й. Кусатоғ жанги оқибатида мўғуллар бу давлатга барҳам бериб, ўлкани истило қилдилар. 13-а.нинг охирларига келиб, мўғуллар заифлашгач, бир қанча мустақил бейликлар (бекликлар) ташкил топди ва мамлакат тараққиётга юз тутди. 14-а.нинг бошларида Усмон I бошчилигидаги Усмон бейлиги кўпгина бейликларни бирлаштириб, пойтахти Бурса бўлган марказлашган кучли давлатни — Усмонли турк империясини барпо этишга муваффақ бўлди. Усмонийлар тез орада Европага ўтиб, Византия империяси ҳудудини ишғол бошладилар. *Анқара жангида* мағлубиятдан сўнг ўзини ўнглаб олган усмонли туркlар Султон *Меҳмед II* Фотиҳ бошчилигида Константинополь (ҳоз. Истанбул)ни эгаллаб (1453 й. 29 май), Византия империясини тугатишди. Султон Салим I Явуз ва *Сулаймон I Қонуний* даврида салтанат ҳудудлари яна ҳам кенгайди. Бироқ 17-а.дан империянинг ҳарбий ва иқтисодий қудрати аста-секин заифлана бошлади. Аср охирларига келиб, Европа мамлакатлари Т.га қарши биргаликда уруш ҳаракатларини бошладилар. 1683 й.да Вена ш. яқинидаги жангда турк қўшини Польша, Австрия ва герман қўшинларидан енгилди. 1684 й.да Т.га қарши Австрия, Польша, Венеция (1686 й.дан Россия) «Муқаддас иттифоқ» тузdилар. Иттифоқчилар Т.га бир неча бор қаттиқ зарба бердилар. Бироқ Т. 1711 й.да Прут жангида *Пётр I* бошчилигидаги рус қўшинини тор-мор қилди. Қуршовдаги Пётр I ваздалар эвазига қутулишга муваффақ бўлди. Аср охирида империя шарқда Озарбайжон, Догистон, Жибал, ҳатто Гилондаги мавқеини йўқотди, ғарбда Дунай жан. га чекинишга, шим.да Астрахонга қадар бўлган ерларни Россияга топширишга мажбур бўлди ва жаҳон сиёсатидаги мавқеини йўқота бошлади. 18-а.да янада кўпроқ талофотлар берилди. 1768—74 й.лардаги Россия-Т. урушидан кейин Т. Қора денгиз ва Болқон я.о.даги мавқеини бой берди. 1774 й.ги Кучук-Қайнаржа сулҳ шартномасига мувофиқ Қрим хонлиги Т.дан ажратиб олиниб, мустақил деб эълон қилинди. Бироқ 1783 й. Россия Қримни босиб олди. 1787—91 й.лардаги урушда Т. яна Россиядан енгилди, натижада Россия четараси Днестр дарёсигача кенгайди. Т. Молдова ва Валахиянинг Россия ҳомийлигига ўтганлигини тан олишга мажбур бўлди.

Султон *Салим III* (1789—1807 й.лар)да империяни бошқарган) давлат ташкилотларини замонавийлаштириш, энг аввало, ҳарбий ислоҳотлар ўтказиш ҳаракатини бошлади. Янги Низом («Низоми жадид») деб номланган бу ислоҳотлар натижасида бошқарув, молия, савдо, қ.х., илм-фан ва б. соҳаларда янгиликлар жорий этишга киришилди. Бироқ ислоҳотларга жаҳолатпарast уламолар, армиядаги нуфузини йўқотишдан қўрққан яничарлар ва б. қаршилик кўрсатиб, 1807 й. 15 майда кўтарилган исён натижасида Султон Салим III ни тахтдан агдариб ташладилар. Тахтга чиққан Мустафо IV нинг фаолияти «Низоми жадид» туфайли кўлга киритилган ютуқларни йўқ қилишга қаратилди. Бироқ ислоҳотчилар ўз тарафдорини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар ва 1808 й. 28 июлда Султон *Маҳмуд* II ни тахтга ўтқазdилар. Маҳмуд II яничарларни йўқ қилди ва армияни қайта ташкил этди, бошқарув, молия, ҳуқуқ ва б. соҳаларда ижобий ўзгаришларни амалга оширди. Бироқ ўзгаришларни амалга оширди. Бироқ унинг ислоҳотлари Усмонийлар империясининг инқирозини тўхтата олмади. Грецияси инқирозини тўхтата олмади. Грецияси ва Сербияда қўзғолонлар кўтарилиши ва Сербияда қўзғолонлар кўтарилиши ва 12 й.ларда бўлиб ўтган уруш оқибатида Россия сарҳаддлари Прут дарёсигача кенгайди. 1828—29 й.ги урушда ҳам Россия голиб чиқди ва Т. Грецияга мухторият мақомини беришга мажбур бўлди. Т.нинг Европа капиталига иқтисодий қарамлиги ортди. Қарамликдан қутулиш учун Т. ҳукмрон синфи 1839 й. янгидан ислоҳот (танзимат) ўтказиб, турк зиёлиларининг шаклланишига имкон яратди. 1853—56 й.ларда Россияга қарши олиб борилган *Қрим урушида* Т. галаба қозонди. Россия 1856 й. 30 мартда Париж сулҳ шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Ушбу шартномага кўра, Дунай дарёсида кемалар эркин қатнайдиган, Қора денгиз барча мамлакатлар савдо кемалари учун очиқ, бетараф деб эълон қилинди, «Усмонийлар империясининг бутунлиги ва дахлсизлиги» тан олинди.

Бу даврда Т.да Европа маданияти, иқтисодиётига қизиқиш кучайди, банклар очилди, саноат ривожлана бошлади. Тараққийпарвар зиёли, журналист, ёзувчи, маъмур ва б. етишиб чиқди. Султон Абдулазиз салтанати даври (1861—76)да Танзимат ҳаракати қийинчилик б-н бўлса-да, давом эттирилди. Бу даврда Усмонийлар давлати бирон-бир халқаро урушда қатнашмади. Бироқ империянинг Болқон я.о.даги ҳудудларида исёнлар юз берди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, конституциявий тузум ўрнатиш ғояси тарафдори бўлган Ёш усмонийлар ҳаракати кенгайди. Бу даврга келиб китоб, журн. ва газ.лар чоп этила бошланди. Султон *Абдулҳамид* II (1876—1908 й.ларда бошқарган) тахтга чиққан йили илк Асосий Қонун эълон қилинди (1876 й. 23 дек.). Султон ҳукматини танқид остига олган парламентни 1879 й. фев.да тарқатиб юборди, ёш усмонийларнинг кўпчилигини таъқиб остига олди. 1877—78 й.лардаги Россия-Т. урушида Т.нинг енгилиши б-н Болқон я.о.да Т. ҳукмронлиги тугатилди. 1881 й. Франция Тунисни, 1882 й.да Буюк Британия Мисрни босиб олди. Мамлакатда ёш туркlар ҳаракати тобора кучайди, улар томонидан тузилган яширин «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотининг кучли таъсири остида Султон 1908 й. 23 июлда яна конституциявий тузум ўрнатишини эълон қилишга мажбур бўлди. 1914 й.дан бутун ҳокимият ёш туркларнинг йўлбошчилари бўлган Меҳмет *Талъат пошо* (1874—1921), Аҳмад *Жамол пошо* (1872—1922) ва ҳарбий нозир *Анвар пошо* (1881—1922) қўлига ўтди. 1-жаҳон урушида Усмонийлар давлати Германия томонида туриб урушди. 1918 й. 30 окт.да Т. Антанта давлатларига таслим бўлди. Антанта давлатлари Т.ни ишғол қилдилар. Турк халқи орасида миллий озодлик ҳаракати бошланди. Т.да Озодлик уруши (Қутулиш савaши) деб аталган бу умуммиллий ҳаракатга Мустафо Камол пошо (*Отатурк*) бошчилик қилди. Озодлик уруши авж олди. 1921 й.ги Инўнў ва Сақария жанглари натижасида Греция қўшинлари устидан галаба қозонилди. 1922 й. 9 сент.да Измир озод қилинди. 1922 й. 1 ноябрда Т. Буюк Миллат Мажлиси (ТБММ) султонликни бекор қилиш ва халифаликни салтанатдан ажратиш тўғрисида қонун қабул қилди. Лозанна сулҳ шартномаси (1923 й. 24 июль)га мувофиқ, Т.нинг чегаралари белгиланди, Т.нинг сиёсий, иқтисодий мустақиллиги эътироф этилди. 1923 й. 29 окт.да Т. республика деб эълон этилди. 1924 й. 3 мартда эса халифалик бекор қилинди. 1924—34 й.ларда давлат қурилиши, ҳуқуқий муносабатлар, маданият ва турмушга оид қатор ислоҳотлар ўтказилди, жумладан, Конституция қабул қилинди, араб алифбосидан лотин алифбосига ўтилди. Энг аввало, давлат ва дин бир-биридан ажратилди, мактаб ва таълим-тарбия ишлари давлат ихтиёрига олиниб, шариат судлари бекор қилиниб, янги суд тизими шакллантирилди, қонунлар янгидан ишлаб чиқилди, аёлларга сайлов ҳуқуқи берилди. Иқтисодиёт соҳасида ҳам ўзгартиришлар амалга оширилди.

2-жаҳон уруши (1939—45) даврида Т. Франция ва Англия б-н шартнома тузиб, иқтисодий ёрдам олишга муваффақ бўлди. У Совет Иттифоқининг Т.га қарши ҳужум қилиш хавфини олдини олиб, 1941 й. 25 мартда СССР б-н шартнома имзолади. Германия б-н ҳам у Совет Иттифоқига ҳужум қилишидан бир неча кун олдин худди шундай шартнома тузилди. 1945 й. февралда Т. АҚШ, Англия ва СССРга қўшилиб, Германия ва Японияга қарши



Анталия шаҳри.

уруш эълон қилди. 1945 й. 5 мартда Т. Сан-Франциско конференциясига таклиф этилди ва БМТ ни барпо этган аъзолар қаторидан жой олди.

Т. 1952 й. НАТО га аъзо бўлди. Бу даврда Т. Корея урушида иштирок этди. 1954 й.дан кейин иқтисодий аҳвол оғирлашиб, инфляция кучайди, талабалар намойишлари бўлиб ўтди, танглик ортди. Вазиятдан хавфсираган ҳарбийлар 1960 й. 27 майда давлат тўнтариши қилди. 1961 й. 9 июлда демократик эркинликларни кўзда тутган янги конституция қабул қилинди. 1965 й.ги сайлов натижасида Сулаймон Демирел ҳокимият тепасига келди. 1971 й.дан коалицион ҳукуматлар даври бошланди, ҳукуматлар кетма-кет алмашиниб турди. Мамлакатда иқтисодий танглик, озиқ-овқат, ёнилғи танқислиги рўй берди, террор авж олди. Бу вазиятда генерал Кенан Эврен бошчилигидаги ҳарбийлар 1980 й. 12 сент.да ҳокимиятни эгаллаб, ТБММ ва ҳукуматни тарқатиб юборди, қамал ҳолати эълон қилди, партия раҳбарларини назорат остига олди. 1982 й. 7 нояб.даги референдум натижасида янги Конституция қабул қилинди. Кенан Эврен президент бўлди. 1983 й. 24 апр.дан сиёсий партиялар фаолиятига рухсат берилди. Ўша даврдан сиёсий фаолиятини бошлаган Турғут Ўзал Она ватан партиясини тузди. Бу партия 1983 й. 24 нояб.даги сайловда муваффақият қозониб, ҳокимият тепасига келди. Турғут Ўзал қатъий ислоҳотлар ўтказиб, иқтисодиётни тараққиёт йўлига олиб чиқди. Экспорт ва импорт эркинлаштирилди, экспортни рағбатлантирувчи очиқ иқтисодий сиёсат олиб борилди. Натижада ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,7%, қ.х. ники 14,4%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 56,9% бўлди. ланди. 1991 й. Совет Иттифоқи тугатилгандан сўнг Кавказ ва Ўрта Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар б-н яқин ва дўстона муносабатлар урнатилди. Турғут Ўзал вафоти (1993)дан сўнг Сулаймон Демирел президент этиб сайланди. Т. ЎзР суверенитетини 1991 й. 16 декдан олган ва 1992 й. 4 мартда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами —29 окт. — Республика куни (1923).

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Адолат ва ривожланиш партияси, 2001 й. тузилган; Она ватан партияси, 1983 й. ташкил этилган; Жумҳурият халқ партияси, 1923 й. асос солинган; Тўғри йўл партияси, 1983 й. тузилган; Миллиётчи ҳаракат партияси, 1983 й. қайта ташкил этилган; Демократик сўл партия, 1985 й. асос солинган; Демократик партия, 1994 й. тузилган; Буюк Бирлик партияси, 1993 й. асос солинган; Демократик Туркия партияси, 1997 й. ташкил этилган. Т. Ишчи касаба уюшмалари конфедерацияси («Турк-Иш»), 1952 й. ташкил этилган; Т. Инқилобий ишчилар касаба уюшмалари конфедерацияси, 1967 й. «Турк-Иш»дан баъзи уюшмаларнинг ажралиши натижасида тузилган; Т. Ҳақ ишчи касаба уюшмалари конфедерацияси («Ҳақ-Иш»), 1976 й. барпо этилган.

Хўжалиги. Т. — индустриал-аграр мамлакат. 1980 й. иқтисодиётда туб бурилишни кўзда тутган кенг қамровли дастур жорий этила бошланди. Экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари пайдо бўла бошлади. Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида марказдан бошқарув ўрнига бозор механизмига ўтилди. Созиқ масаласида бир қанча қулайликлар яратилди, сармоя жамғармалари тез суръатлар б-н кўпайди, чет эл сармояси эркин келишига қулай имконият яратилди. Чет эл сармояси ва технологиясини жалб этишни тезлаштириш учун 1985 й.да «Эркин минтақалар қонуни» кучга кирди. Бундай минтақалар 1987 й.да атиги 2 та (Мерсин ва Анталия) бўлган бўлса, 2002 й.га келиб уларнинг сони 21 га етди. Ана шулар натижасида ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,7%, қ.х. ники 14,4%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 56,9% бўлди.

Саноати. Т. хромит ич.ы экспорт қилишда дунёда етакчи (турпичиқ ўрнида туради (40 млн. тонналик хромит ҳамираси бор). Шунингдек, таб. нефть, тошкўмир, темир, марганец, мис ва б. рангли металлар қазиб олинади. Саноат кормоллари асосан мамлакатнинг ғарбий ва марказий қисмида жойлашган. Кейинги йилларда мамлакат шарқий қисмини ривожлантириш учун чора-тадбирлар курилди. Т. саноатида автомобилсозлик, электроника, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, ўсимлик ёғи ич. етакчи ўрин тутади. Автомобиль саноатидаги 15 фирма 2001 й. 270685 енгил автомобиль ва юк машинаси ишлаб чиқарди. Кейинги даврда Т.да электроника саноати жадал ривожланди. Кимё саноатида 970 ф-ка фаолият кўрсатади. Т. тўқимачилик саноати моллари экспортида дунёда 15-, тайёр киим экспортида эса 7-ўринда туради. Т.да электр энергия и.ч.да анъанавий ўтин, тошкўмир, нефть, табиий газ, гидро ва ноанъанавий энергияси сингари манбалардан ташқари қуёш ва шамол энергиясидан ҳам фойдаланилади. Йилига ўртача 125 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Қишлоқ хўжалиги. Т. ҳудудининг 16% ни ўтлоқ, 26% ни ўрмонлар ташкил этади, 35% да, яъни жами ҳудуднинг ⅓ қисмида деҳқончилик қилинади. Т.да талла, пахта, тамаки, қанд лавлаги, шғир, каноп ва б.лар етиштирилади. Т. ёнғоқ (фундук), анжир ва урик етиштиришда дунёда 1-, сабзавот, узум ва тамаки етиштиришда 4-, бугдой ва пахта етиштиришда эса 7-ўринда туради. Беда, кунгабоқар, мева ҳам етиштирилади. Сўнги йилларда сугорма деҳқончиликка эътибор кучайди. 2000 й. чорвачиликда 11 млн. қорамол, 28,4 млн. қўй-эчки, 250 млн. товуқ бўлган. Балиқ овланади.

Транспорти. Автомобиль йўллари уз. 63167 км, т.й. узунлиги 10940 км. Мамлакат ичкарисида йўловчиларнинг 95% автомобиль транспортида, мамлакат ташқарисига йўловчилар, асосан, ҳаво йўллари, юклар эса, асосан, денгиз йўли орқали ташилади. Т. денгиз савдо флоти 3157 кемадан иборат бўлиб, у экспорт юкларнинг 72%, импорт юкларнинг 95% ни ташийди. Асосий портлари: Истанбул, Мерсин, Измир, Трабзон, Искандарун, Самсун, Анқара, Истанбул, Измир шаҳарида халқаро аэропортлар бор. Босфор бўғози устида осма кўприк

қурилган. Ташқи савдосининг асосий қисмини нефть ва нефть маҳсулотлари ташкил этади. Т. нефть импортининг 70% ини Ироқ нефтини жорий қилиш муносабати билан Россия ва Озарбайжон нефтини ташиб келтиради. Т. нефть импортининг 70,9 млн. тоннаси Ироқ нефтини жорий қилиш муносабати билан Россия ва Озарбайжон нефтини ташиб келтиради.

Ташқи савдоси. Т. четга қора ва рангли металл рудалари, пулат, тайёрлов, ҳўл мева, тамаки, чарм буюмлар, кимевий маҳсулотлар, электроника ва рўзғор буюмлари чиқаради, четдан нефть, машина ва ускуна, саноат хом ашёси ва тайёр буюмлар олади. Германия, Италия, АҚШ, Франция, Россия, Кавказ ва Ўрта Осиё мамлакатлари б-н савдо қилади. Т.да туризм ривожланган. 2002 й. Т.ни 13 млн. хорижий сайёҳ шарт қилди, туризмдан тушган даромад 10 млрд. АҚШ долларига етди. Пул бирлиги — турк лираси.

Тиббий хизмати. Т.да ўртача умр 69 ёшни ташкил этади. 1989—2002 йиллар да касалхоналардаги ўринлар сони 133 мингдан 178315 та, касалхоналар сони 1156 тага етди. Врач, ҳамшира ва фармацевтлар сони йилдан-йилга купаймоқда. 1995 йдан бери ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида оила врачи моделига ўтиш, Т. соғлиқни сақлаш хизматини Европа даражасига олиб чиқиш мўлжалланган.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Т.да бепул мажбурий ўрта таълим жорий қилинган. Миллий таълим тизими 3 қисм (асосий таълим, ёрдамчи таълим—курслар ва очиқ, яъни сиртқи таълимдан иборат. Асосий таълим мактабгача тарбия, бошланғич, ўрта ва олий таълим муассасаларини ўз ичига олади. Ёрдамчи таълим ўқув юртларидан ташқарида ташкил этиладиган курслар фаолиятини қамраб олади. 2002/03 ўқув йили асосий таълим тизимида 52692 таълим-тарбия муассасаси ишлади, жумладан мактабгача таълим муассасаларида 320 минг бола тарбияланди, бошланғич мактабларда 10,3 млн., ўрта мактабларда 3 млн. ўқувчи, олий ўқув юртларида 1,7 млн. талаба таълим олди. Ёрдамчи, яъни кенг халқ таълими тизимида 3 млн. киши машғул бўлди.

Бошланғич таълим (6—14 ёшлаги болалар учун) 8 й. Ўрта таълим камида 3 й.лик бўлиб, ўқувчиларга умумий ўрта таълим, касб-ҳунар ва техника таълими беришга мўлжалланган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар хусусий тарбия тизимида ўқийдилар. 2002/03 ўқув йили бу тизимдаги 325 мактабда 19,4 минг ўқувчи таълим олди. 2002/03 ўқув йили Т. олий таълим тизимидаги 76 ун-т, кутаб ин-т, консерваториялар, касб олий ўқув юртларида 1 млн. 894 минг киши таълим олди. Олий ўқув юртларида ўқиш пулли. Йирик ун-тлари: Истанбул ун-ти (1453), Анқара ун-ти (1946), Ўрта Шарқ техника ун-ти (1956), Эгей ун-ти, Отатурк ун-ти, Корадениз техника ун-ти, Босфор ун-ти, тиббий мутахассислар тайёрланадиган Ҳажеттепа ун-ти.

Сиден ороли.

Маданият вазирлиги тизимида 1440 кутубхона ва 92 музей бор. Йирик кутубхоналар: Анқарадаги миллий кутубхона, Анқара ва Истанбул ун-тлари кутубхоналари, Анқарадаги ТБММ кутубхонаси. Йирик музейлар: Турк археологияси ва этн.) музейи (1923), Истанбулдаги Тўпқопи саройи (1927), Этн. музейи (1930), Аё София ибодатхонаси музейи (1934).

Т.да илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш учун Илм ва Технология олий жамияти тузилган. 1993 й. Фанлар академияси ва Турк Патент ин-ти барпо этилди. Стандартлар (1960), Мармар денгизини илмий ва технологик тадқиқ этиш (1972) и.т. институтлари, кимё, биол., электрорадиография, микробиол., ветеринария, геол., тарих, тилшунослик, иқтисодиёт, фалсафа жамиятлари бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. 2003 й. Т.да 3450 газ., жур. ва б. матбуот нашрлари чоп этилди. Энг йирик кундалик газ.лари: «Ҳуррият» (1948 й.дан), «Миллиёт» (1950 й.дан), «Сабоҳ» (1985 й.дан), «Жумҳурият» (1923 й.дан), «Янги насл» (1970 й.дан). Энг йирик жур.лари: ҳафтанномалар — «Экономист», «Актуал», «Ото хабар», «Темпо», «Нуқта»; ойномалар — «Сўфра», «Космополитен», «Туркия», «Капитал», «РС Магазин» ва б. Анадолу агентлиги (АА) Т.нинг етакчи ахборот агентлиги; 1920 й. ташкил топган. Бир неча хусусий агентлик ҳам бор. Т. Радио ва телекўрсатув жамияти 1964 й. 1 майда ташкил этилган. Радиоэшиттиришлар 1927 й.дан, телекўрсатувлар 1968 й.дан бошланган. Мамлакатда 36 миллий, 103 минтақавий ва 951 маҳаллий радиост-я, 16 халқаро, 15 минтақавий ва 227 маҳаллий телемарказ фаолият кўрсатади.

Адабиёти. Т. оғзаки ижодига хос бўлган қаҳрамонлик достонлари, жумладан, «Ўғузнома» туркумида дунёнинг яратилиши ва одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги исломгача бўлган афсоналар баён этилган. Тарихий қаҳрамонлик достонларидан «Эрганакон», Кўрўғли (Гўрўғли) туркуми ва Дада Қўркут китоби машҳур. Анадолуда турк тилида яратилган дастлабки ёзма асарлар тасаввуф мазмунида бўлиб, 13-а. ўрталарига мансуб. Сарой адабиёти вакиллари аруз вазнида ижод қилганлар. Ўша давр анъанасига кўра, кўпчилик шоирлар ўз асарларини форс тилида ёзганлар. Бу даврнинг ижодкорлари орасида Жалолиддин Румий, Юнус Эмра, Ҳожи Бектоши Валий ижоди айниқса ажралиб туради. Турк тилида биринчи марта Ошиқ Пошо (1271—1332) тасаввуфона руҳда шеър ва достонлар битди. Унинг 12 минг байтлик «Ғарибнома» достони ва «Фақирнома», «Васфи ҳол» асарлари бор. 14-а.да Деҳҳоний, Қози Бурҳониддин, Насимий ва Аҳмадий каби шоирлар ижод қилди. 15-а.дан турк шеърияти ривожлана бошлади. Бу тараққиёт 17-а.гача давом этди. Ҳамди Чалабий (1449—1503) турк тилида «Хамса» яратди. Аҳмад Доий, Фузулий, Хаёлий, Зотий, Боқий, Умар Нафиъ, Надим каби шоирлар етишиб чиқди. 18-а.дан сарой адабиёти халққа яқинлашди. Шоирларнинг кўпи оддий халққа содда ва равон услубда, шеърлар учун жимжималар ва мураккаб услубда асарлар битдилар. Ошиқ Пошшозода, Ошиқ Чалабий, Акиф Чалабий, Наима, Кўчибей ва Маржимак Аҳмад ўз даврининг етук адибларидир. 19-а.да Ғарб адабиёти таъсирида янги адабиёт шакллана бошлади, илк роман, пьеса, танқидот шиорлари пайдо бўлди. Танзимат даври ёзувчилари адабий тилни халқ тилига яқинлаштирдилар. Иброҳим Шино-



айлади. 1991 й. Совет Иттифоқи тугатилгандан сўнг Кавказ ва Ўрта Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар б-н яқин ва дўстона муносабатлар ўрнатилди. Турғут Ўзал вафоти (1993)дан сўнг Сулаймон Демирел президент этиб сайланди. Т. ЎзР суверенитетини

С
қили
ўрин
мин
нефт
мис
нали
лака
да ж
лака
рин
сано
ника
махс

ноати. Т. хромит и. ч. ва экспор
нида дунёда етакчи ўринни
да туради (40 млн. тонналик хро-
захираси бор). Шунингдек, газ,
ь, тошкўмир, темир, марганец,
ва б. рангли металлар қазиб оли-
. Саноат корхоналари асосан мам-
тнинг ғарбий ва марказий қисми-
ойлашган. Кейинги йилларда мам-
т шарқий қисмини ривожланти-
учун чора-тадбирлар кўрилди. Т.
атида автомобилсозлик, электро-
, кимё, тўқимачилик, кўнчилик
улотлари, қурилиш материалла-

қурилган. Т.нинг энг муҳим нефть қувури тармоғи йилига 70,9 млн. тонна Ироқ нефтини Жейҳан денгиз терминалига етказиб беради.

Ташқи савдоси. Т. четга қора ва рангли металл рудалари, пахта, газлама, қуруқ мева, тамаки, чарм буюмлар, кимёвий маҳсулотлар, электроника ва рўзғор буюмлари чиқаради. Четдан нефть, машина ва ускуна, саноат хом ашёси ва тайёр буюмлар олади. Германия, Италия, АҚШ, Франция, Россия, Кавказ ва Ўрта Осиё мамлакатлари б-н савдо қилади. Т.да

6 ун-т, [illegible] ин-т, консерватория ва б. Олий ўқув юртларида 1 млн. 894 мингдан зиёд талаба ўқиган. Олий ўқув юртларида ўқиш пулли. Йирик ун-лари: Истанбул ун-ти (1453), Анқара ун-ти (1946), Ўрта Шарқ техника ун-ти (1956), Эгей ун-ти, Отатурк ун-ти,

Кекова оролидаги археологик топилмалар.

сий (1826—71), Номиқ Камол (1840—88), Шамсиддин Сами (1850—1904), Режаизода Маҳмуд Акрам ва б. янги реалистик адабиёт асосчилари бўлдилар. Турк романчилиги асосчиси Холид Зиё Ушоқлигилнинг «Мовий ва Қора», «Тақиқланган ишқ» романлари, Меҳмет Рауфнинг «Сентябрь» номли илк психологик романи дунё юзини кўрди.

1-жаҳон урушидан сўнг Ёқуб Қадри Қораусмонўғли, Холида Эдип, Рашод Нури Гунтекин ва Рафиқ Холид Қарай, Т. мадҳияси муаллифи Меҳмет Акиф Эрсўй, Нажиб Фозил Қисакурак сингари ёзувчилар шуҳрат қозонди. *Нозим Ҳикмат Ран* сарбаст усулда шеърлар битиб, янги оқимга асос солди. 1940-й.ларда Сабоҳиддин Али, Саид Фойиқ Абасиёник асарларида жамият муаммоларининг шахс ички дунёсига таъсирини ёритишга ҳаракат қилинганини кўриш мумкин. Сабоҳиддин Алининг «Ичимиздаги шайтон» (1940) ва «Мўйна пўстинли Мадонна» романларида маданий ўзгаришларнинг жамият турли тоифаларига кўрсатган таъсири психологик таҳлил қилинган. Тариқ Бугро, Ўқтой Ақбал, Жавод Шокир Қабаоғочли, Халдун Танэр, Жавдат Қудрат ва Самим Хўжакўз каби ёзувчилар ҳам реалистик йўлдан бордилар.

2-жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган асарларнинг кўпида қишлоқ ҳаёти муаммолари тилга олинди. Бу адабиётга қишлоқдан чиққан бир гуруҳ ёзувчиларнинг кириб келиши б-н изоҳланади. Яшар Камолнинг «Инжа Мамад» романида қишлоқ аҳли тортаётган машаққатлар тасвирланган бўлса, *Азиз Несин* асарларида кундалик турмушда учрайдиган иллат ва нуқсонлар ҳажв қилинди. 1960-й.ларда Явуз Бюлент Бакилар, Усмон Атилла, Айхан Инал ва б. шоирлар адабиётга кириб келди. Улар ижодида инсоннинг ўз виждони, жамият олдидаги масъулияти каби мавзулар ёритилди. Бу даврда ижод қилган Суот Дарвишнинг «Фосфорли Жаврия» романи машҳур бўлди. Бу асар асосида кинофильм ҳам яратилди. 70-й.ларда адабиётга кириб келган Четик Алтан, Пинар Кур, Томрис Уяр, Айла Қутли ва б. ижодида психологик таҳлил чуқурлашганлиги кўринади.

1980-й.лардаги жамиятда сиёсатдан бегонасираш кайфиятлари кучайиши адабиётга ҳам таъсир ўтказди. Бу даврда Ўрхон Памуқ асарлари эътибор қозонди. Сўнгги йилларда Надим Гурсел, Муродхон Мунган, Парихон Майден ва Элиф Шафақ олдинги сафда туриб ижод қилмоқдалар. Турк ёзувчиларидан Рашод Нури Гунтекининг «Чолиқуши», Яшар Камолнинг «Инжа Мамад», Суот Дарвишнинг «Фосфорли Жаврия» романлари, Азиз Несин ҳикоялари, Нозим Ҳикмат шеърлари, Явуз Баҳодирўглининг «Хоразм ўт ичида» ва «Алвидо, Хоразм» тарихий романлари, Нажиб Фозил Қисакурак шеърлари ва б. кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилган.

Меъморлиги. Т. ҳудудида мил. ав. ва милоднинг илк даврларига тааллуқли меъморий ёдгорликлар кўп (қ. *София ибодатхонаси*). Юнонистон, Византия, Араб мамлакатлари, Ўрта Осиё давлатларининг меъморий тажрибаларини ижодий ўзлаштирган салжуқийлар ва усмонийлар империялари меъморлари муҳташам, гўзал бинолар қурдилар. 12—19-а.ларда империянинг турли шаҳарларида ҳашаматли сарой, масжид, мадраса, мақбара, гумбазли ҳаммом, гўзал фавворалар (мас., Истанбулдаги Султон Аҳмад фаввораси) бунёд этилган. 15—16-а.ларда меъмор *Хожа Синон* (1490—1588) янги композициялар яратиб, ҳайратга сазовор 400 дан зиёд бино барпо этди. Истанбулдаги *Сулаймония масжиди, Аҳмадия масжиди, Салимия масжиди* улар орасида энг машҳурларидандир. Усмонийлар империясининг инқирози даври меъморлиги маҳобатлилиги б-н ажралиб турали. 20-а.нинг 20-й.лари охиридан шаҳар қурилишини режали тарзда олиб боришга киришилди, айрим шаҳарлар (Анқара ва б. шаҳарлар)нинг бош режаси таслиқланди. 30-й.лардан замонавий бинолар қуриш учун хориждан меъморлар жалб қилинди. Кейинчалик халқаро тажрибани миллий анъаналар б-н уйғунлаштиришга эришган миллий кадрлар етишди. Маҳаллий қурилиш маҳсулотлари индустрияси ривожланди. Бу даврда таниқли меъморлардан Седат Ҳаққи Эллан яратган иморатларнинг лойиҳалари ўзига хос меъморий ечими б-н ажралиб турали. Кейинги даврда бутун жаҳонда оммалашаётган меъморий услублар Т.га ҳам кириб келди. Аммо бу ерда уй-жойларни намунавий лойиҳалари оммалашмали. Катта шаҳарларда маҳобатли осмонўпар бинолар қуришга, меъморликда турли-туман услуб ва йўналишларни жорий этишга киришилди. Жумладан, Анқарадаги Камол Отатурк мақбараси (маъморлари Э. Онат, О. Арла), Туркия тарих жамияти биноси (меъмори Т. Жонсевар), «Стад» меҳмонхонаси (меъмори М. Хепгюлер), «Олеон» концерт зали, Халқ банки, Истанбулдаги «Хилтон» меҳмонхонаси (меъмори Седат Ҳаққи Эллан), Измирдаги осмонўпар бинолар барпо этилди. Баҳруз Чинижи, Чингиз Бектош, Дўғон Пекали, Аффон Ятман ва Шавқи Ванли каби меъморлар машҳурдир.

Тасвирий санъати. Т. ҳудудида Қад. Шарқ, Эллин, Рим, Византия санъати ёдгорликлари сақланиб қолган. Тасвирий санъат ўрта асрларда миниатюра жанрида ривож топди. 16-а.да бу санъат гуллаб яшнади. Бадиий тўқиш, гиламдўзлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги ривожланди. 17—18-а.ларда дастгоҳ рангтасвири юзага келди. Замонавий тасвирий санъат 19-а.дан бошлаб шаклланди. 1910-й.ларда бир гуруҳ рассомлар — Иброҳим Чалли, Ҳикмат Ўнат, Номиқ Исмоил, Авни Лифиж, Файхаман Дуран Европада таълим олдилар ҳамда импрессионизм ва символизм йўналишида асарлар яратдилар. 1929 й. рассомларнинг «Мустақиллар» номли жамияти, 1933 й. «Д гуруҳи» тузилди. Рангтасвирчилар Заки Фаиқ, Изер, Нуруллан Берк, Элиф Наси, Кемал Толлу, Абидин Дино ва ҳайкалтарош Зухту Мурилоғли импрессионизм йўналишини тарк этган ҳолда, янги йўналишни яратдилар. Янги усул анъанавий маданиятнинг муҳим элементларини 20-а. Европа санъатининг тоялари б-н уйғунлаштиришдан иборат эди. 1936 й. Истанбулдаги «Санони нафиса мактаби» «Нафис санъатлар академияси»га айлантирилди. Т. рассомлик санъатида турли оқим ва йўналишлар ривожланган. 1949—50 й.ларда «Янги гуруҳ» деб номланган ижодий гуруҳ ташкил қилинди. Бу гуруҳ «Д гуруҳи»дан кейин энг маҳоратли гуруҳга айланди. Бу гуруҳ рассомлари янги усул ва янги техник воситалар б-н экспериментлар ўтказди. Гуруҳ аъзолари 1955 й.гача ижтимоий ҳаёт мавзуларида ижод қилдилар.

1950-й.ларда Т. санъатида дастлабки абстракт рассомлар ижод қила бошлади. Улар қаторида Аднан Кокер, Лутфу Гунай, Семси Арел, Сабри Беркел каби рассомлар бўлган. Мурод Морова, Зоҳид Буюкишлаен, Исмат Дўғон кабилар ҳоз. даврнинг таниқли рассомлари ҳисобланади. Янги асарлар 1977 й.дан буён ҳар йили Истанбулда бўлиб ўтадиган «Янги тенденциялар» деб номланган Санъат фестивалида намойиш этилади. Монументал ҳайкалтарошлик, графика ҳам ривожланган. Абстракционизм йўналишида Қузгун Ажар халқаро танловларда совринлар олишга сазовор бўлди. Дастлабки ҳайкалтарошлик соҳасидаги таълим чет эл рассомлари томонидан ва чет эл бадиий таълим ин-тларида амалга оширилган. 1937 й.да немис ҳайкалтароши Рудольф Беллинг Т. Давлат Бадиий академиясининг ҳайкалтарошлик бўлимини бошқарган, кўп шогирд тайёрлаган. У Истанбулдаги аксарият маҳобатли монументлар муаллифи. Ҳайкалтарошлик кўргазмаларининг энг каттаси Р. Беллинг бошчилигида Истанбул Техника унтида ўтказилган.

20-а.нинг 2-ярмида Р. Беллингнинг шогирдларидан Ҳаққи Атамулу, Явуз Горей, Комил Сўнад, Илхан Кўман, Ҳусайин Гезер ва Тургут Пура абстракционизм йўналишида асарлар яратишди. Фарид Ўзшен, Салим Бугай, Мерич Хизал, Рамзи Саваш, Аюб Ўз, Юнус Тўнқуш каби ҳайкалтарошлар ҳам халқаро кўргазмаларда қатнашиб, Т. санъатини дунёга танитаётган ижодкорлардир. Амалий безак санъати соҳасида кулолчилик, гиламдўзлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик ғоят ривожланган.

Эфесдаги Буюк театр.

Измир шаҳридаги соатли минора.

Мусиқаси. Анадолуда салжуқийлар давридан бошлаб ҳоз. даврга қадар турк мусиқаси турли йўналишларда ривожланган. Турк анъанавий мусиқаси 2 қатламга — халқ ва профессионал мусиқа турларига ажратилади. Халқ мусиқасида туркулар (бармоқ вазнидаги шеърларга асосланган халқ қўшиқлари), шунингдек, турли мавзудаги лапарлар кенг ўрин тутади. Уларнинг куйларига асосий поғоналардан юқори ва пастга силжишлар, ритмикага — синкопалар хосдир. Халқ қўшиқ куйлари «узун куй» ва «қисқа куй» шаклида бўлади. Кенг диапазонли ва эркин ритмга асосланган узун куйли қўшиқлар асосан севги (бозлақ) ва мотам (агит) мавзуларида бўлади. Аниқ ўлчовли ва қисқа ҳажмли оҳанг тузилмаларига риоя қилинган қўшиқлар асосан ўйин, рақс ва айтишув (моне)ларда намоён бўлади. Турли (маросим, меҳнат, рақс) чолғу куйлар боғлама, квал (най турлари), сурнай, замбир (қўшнайга ўхшаган), торли камонча ва соз, урма довул, даф, дарбука каби чолғуларда ижро этилади. Турк мумтоз мусиқаси 15-а.дан Анадолуда ижод эта бошлаган *ошиқ*лар фаолияти б-н боғлиқ. Улар турк бахши (ўзон) анъаналарини давом эттириб, турли терма ва қўшиқларини соз, боғлама, қўбиз жўрлигида бадиҳа шаклида ижро этган. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқасида *мақам*лар асосий ўрин тутади. Шунингдек, туркум шаклига эга фасл (вокал-чолғу асар) жанри кенг тарқалган. Созлардан най, тамбур, уд, қонун кенг қўлланилади. Диний мусиқа жанрларидан илоҳия, шарқия, мавлавия каби айтим шакллари мавжуд. Бастакорлардан Марокий, Исмоилдада афанди, Ҳофиз Пўст, Султон Салим III (Усмонийлар ҳукмдори), Контемир ўғли ва б. машҳур.

Кўп овозли композиторлик мусиқа Т.да республика барпо этилгандан кейин қарор топди. Кўп овозли мусиқанинг халқ мусиқасига, миллий оҳангларга асосланиши борасида кўп изланишлар олиб борган Аҳмад Аднан Сайгун мусиқани жаҳон миқёсида танитишда катта хизмат қилди. Композиторлик мусиқанинг кенг ёйилишида «Президент симфоник оркестри»нинг роли катта. Бу оркестр АҚШ, Европа ва Жан. Кореяда концертлар берган. Истанбул, Измир, Анталия ва Чуқурова давлат симфоник оркестрлари ҳам фаолият юритади. Улардан ташқари Билкент симфоник оркестри, Борусан Истанбул филармонияси оркестри, Оқбанк оркестри сингари хусусий жамоалар бор. Халқ мусиқаси йўлида ижод қилаётган Наримон Олтинтоғ Туфакчи, Аҳмад Ғози Ойхон, Муса Эрўғли, Белқис Оққала халқ ўртасида машҳур. 1960-й.лардан рок мусиқа йўналишларига қизиқиш пайдо бўлди. Ҳоз. пайтда поп-мусиқасида Иброҳим Татлисас, Сезан Ақсу, Нилуфар, Теоман, жазда Карам Гўрсев, Илхан Эршаҳин, Нукҳет Руажан каби санъаткорлар машҳур. Бастакор, мусиқачилар Истанбул (1923), Анқара (1936), Измир (1951) консерваторияларида тайёрланади. Анқара оперетта театри (1928), Опера театри (1950) ва Истанбул опера театри (1960)нинг очилиши мусиқа санъати ривожида муҳим аҳамият касб этди. 1948 й.да Истанбулда очилган академик балет мактаби (1950 й.дан Анқарада) миллий кадрлар тайёрлайди. Давлат опера ва балет бош дирекцияси томонидан 1998 й.дан буён ҳар йили халқаро фестиваллар, Истанбулда халқаро мусиқа фестиваллари ўтказиб келинади.

Театри. Т.да театр санъати узоқ тарихга эга. Халқ ижодининг анъанавий шакллари — қўғирчоқ ва чодирхаёл театри (қорагўз), майдончаларда намойиш этиладиган ўрта ўйин томошалари профессионал турк театрининг тамали бўлди. Танзимат даврида ғарб моделидаги те-

Кекова оролидаги археологик топилмалар.

сий (1826—71), Номиқ Камол (1840—88), Шамсиддин Сами (1850—1904), Режаизода Маҳмуд Акрам ва б. янги

га кириб келди. Улар ижодида инсоннинг ўз виждони, жамият олдидаги масъулияти каби мавзулар ёритилди. Бу даврда ижод қилган Суот Дарвишнинг «Фосфорли Жаврия» романи машҳур бўлди. Бу асар асосида кинофильм ҳам яратилди. 70-й.ларда адабиётга кириб келган Четик Алтан, Пинар Кур, Томрис Уяр, Айла Қутли ва б. ижодида психологик таҳлил чуқурлашганлиги кўринади.

1980-й.лардаги жамиятда сиёсатдан бегонасирам кайфиятлари ...

нилар империясининг инқироз давр меъморлиги маҳобатлилиги б-н ажралиб турали. 20-а.нинг 20-й.лари охиридан шаҳар қурилишини режали тарзда олиб боришга киришилди, айрим шаҳарлар (Анқара ва б. шаҳарлар) нинг бош режаси таслиқланди. 30-й.лардан замонавий бинолар қуриш учун хориждан меъморлар жалб қилинди. Кейинчалик халқаро тажрибани миллий анъаналар б-н уйгунлаштиришга эришган миллий кадрлар етишди. Маҳаллий қурилиш маҳсулотлари индустрияси ривожланди. Бу даврда таниқли меъморлардан Седат Ҳаққи Эллан яратган иморатларнинг лойиҳалари ўзига хос меъморий ечими б-н ажралиб турали. Кейинги даврда бутун жаҳонда оммалашаётган меъморий услублар Т.га ҳам кириб келди. Аммо бу ерда уй-жойларни на-

рон Европада таълим олдилар ҳамда импрессионизм ва символизм йўналишила асарлар яратдилар. 1929 й. рассомларнинг «Мустақиллар» номли жамияти, 1933 й. «Д.гуруҳи» тузилди. Ранггасвирчилар Заки Фаиқ, Изер, Нуруллан Берк, Элиф Наси, Кемал Толлу, Абидин Дино ва ҳайкалтарош Зухту Муридогли импрессионизм йўналишини тарк этган ҳолда, янги йўналишни яратдилар. Янги усул анъанавий маданиятнинг муҳим элементларини 20-а. Европа санъатининг тоялари б-н уйгунлаштиришдан иборат эди. 1936 й. Истанбулдаги «Санойи нафиса мактаби» «Нафис санъатлар академияси»га айлантирилди. Т. рассомлик санъатида турли оқим ва йўналишлар ривожланган. 1949—50 й.ларда «Янги гуруҳ» деб

Чой терими.

атр фаолият бошлади. Бу даврда турк ёзувчилари ҳам пьесалар ёзишга киришдилар. Иброҳим Шиносийнинг «Шоирнинг уйланиши» номли комедияси турк театри учун бурилиш нуқтаси бўлди. 1908 йдан сўнг профессионал ва ҳаваскорлик театрлари ташкил қилина бошлади. Истанбул, Измир, Бурса, Адана ва Анқара ш.ларида театр бинолари қурилди. 1914 й. Истанбулда «Дорулбадияи усмония» номли театр очилди. У турк театр санъатининг ривожига катта туртки берди. 1927 йдан бу театрга раҳбар бўлган Муҳсин Эртуғрул биринчи болалар театрини ҳам тузди. 1949 й. барпо этилган Давлат театрининг Анқара, Истанбул, Измир ва Бурса ш.ларида 18 та доимий саҳнаси мавжуд бўлиб, йилига 100 га яқин асарни саҳналаштиради. «Кичик саҳна» номли илк хусусий театр 1951 йда очилган. Ундан кейин Чийир саҳна, Чўнтак театри, Муаммар Қорача театри, Истанбул оперетта си сингари хусусий театрлар иш бошлади. 1982 йдан Истанбулда Ҳоди Чаман Едитепа ўйинчилари, Энис Фосфорўғли театри, Хўдри Майдон маданият маркази, Анқарала Анқара Санъат театри фаолият кўрсатади.

Киноси. 1914 й. оператор Фуад Узкинай «Аястефоносдаги рус обидасининг йиқилиши» номли илк ҳужжатли фильмни суратга олган. 1917 й. Седад Симави суратга олган «Панжа» фильми биринчи бадиий фильм ҳисобланади. 1919 й. Камол ва Шокир Седанлар «Камолфильм» кино студиясини ташкил этдилар. 1922 йдан шу киностудияда режлик қила бошлаган Муҳсин Эртуғрул «Оловли кўйлак» (1923), «Анқара почтаси» (1929), «Истанбул кўчаларида» (1931), «Бир миллат уйғонмоқда» (1932), «Фожиали йўл» (1933), «Тош парчаси» (1939) фильмларини суратга олди. 1950 йдан кино санъати ривожлана бошлади. 1956 й. «Гиламчи» номи б-н 1-турк рангли фильми яратилди. 1960 й. 60 кинофильм суратга олинди. Ундан кейинги даврда турк киноси янада жонланди. Метин Эрксан, Халид Рафиг, Эртем Гўреч, Лутфи Умар Акад, Атиф Йилмаз, Уемон Седан, Дуйгу Сайирўғли, Невзат Песен ва Мамдуҳ Уи каби реж.лар ижтимоий муаммоларни, инсоннинг ўз қадр-қиммати, шахси учун кураши мавзуини ёритдилар. Метин Эрксаннинг қишлоқ ҳаёти муаммоларини ёритган «Сувсиз ёз» (1964) фильми Берлин халқаро кинофестивалида бош совринга сазовор бўлди. 1970—75 йларда 1383 бадиий фильм суратга олинди. 1970-йларда етишган Йилмаз Гюней, Сурайё Дуру, Зеки Ўктан, Шариф Гёрен ва б. реж.лар даврнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий муаммоларини акс эттирган кинофильмлар яратдилар. Й. Гюнейнинг «Ота» (1972), «Бетоқатлик» (1975) фильмлари эътибор қозонди. Туркон Шўрай каби таниқли артистлар халқаро мукофотлар соҳиби бўлдилар. Реж. Й. Гюнейнинг «Пода» фильми (1978) Локарнодаги, реж. О. Ковурнинг «Юсуф ва Кенан» фильми (1980) Миландаги, реж.лар Ш. Гёрен ва Й. Гюнейнинг «Йўл» фильми (1981) Каннлаги кинофестивалларда бош совринга эга бўлди. 20-а.нинг 90-й.лари турк киносининг сифат жиҳатидан энг муваффақиятли даври ҳисобланади. Бу даврда кино санъатидан таълим берувчи олий ўқув юртларининг кўпайиши, моҳир реж. ва киноартистларининг етишиб чиқиши, кинотелекўрсатув рақобатининг жадаллашуви ва халқаро майдонда эришилган муваффақиятлар Т. киносини ривожлантирган омиллар бўлди. Т.да 650 кинотеатр мавжуд (2003). Анқара, Истанбул, Измирда халқаро кинофестивал лар, халқаро Узоқ Шарқ фильмлари, Европа фильмлари, Аланада Олтин кўсак маданият ва санъат фестивал лари, шунингдек, 1998 йдан буён ҳар йили Анқарада «Учар супурги» аёллар фильмлари фестивали ҳам ўтказиб келинади. «Учар супурги» фестивалида аёл реж., артист, киночилар ижодий учрашувлар ўтказишади.

Ўзбекистон — Т. муносабатлари. Т. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олиб, икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган. 1992 й апрда Туркиянинг Тошкентдаги эчхонаси, 1993 й. январда эса ЎзР нинг Анқарадаги елчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Истанбулда ЎзР нинг Бош консулхонаси очилди.

ЎзР Президенти И. А. Каримов 1991 й. дек., 1994 й. июнь ва 1997 й. мартда расмий ташриф б-н Т.да бўлди. 1998 й. окт.да Т. Республикасининг 75 й.лигига бағишланган тантаналарда иштирок этди. Ўз навбатида, Т. Президентлари Т. Ўзал, С. Демирел ва б. давлат арбоблари бир неча бор расмий ташриф б-н Ўзбекистонда бўлдилар. Ана шу ташриф ва мулоқотлар натижасида икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон билан Т. ўртасида «Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар, терроризм ва наркотик моддалар савдосига қарши кураш, ҳуқуқий ёрдам, солиқни сақлаш, транспорт, санёҳлик, маданият ва б. соҳаларда 78 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 2000 й. сент.да Т. Президенти А. Сезер б-н БМТ нинг «Минг йиллик» саммити доирасидаги учрашуви икки томонлама алоқаларда муҳим аҳамият касб этди. 2003 йда Т. Бош вазири Ражаб Таййип Эрдўғон Ўзбекистонга келди. Ташриф давомида яна бир қанча ҳужжат имзоланди. Жумладан, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун виза ларни бекор қилиш ҳақида ҳукуматлараро битим тузилди. Ўзаро алоқалар халқаро ташкилотлар доирасида икки давлатнинг парламентлари ва вазирликлари ўртасида ҳам давом этди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар б-н мувофиқлаштирилди. Икки томон ўртасида божхона тўловларига нисбатан энг кўп қулайлик бериш тартиби кучга кириши туфайли 2002 й. Ўзбекистон билан Т. ўртасидаги товар айланмаси 1,7% ўсиб, 190,48 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2003 йда 2002 й.га нисбатан 41,3% ошди, умуман Ўзбекистоннинг ташқи савдо товар айланмасида Т.нинг улуши 4% ни ташкил этади. Т. Ўзбекистондан рангли металл ва ундан тайёрланган буюмлар, ип газлама, трикотаж мато, пахта толаси, озиқ-овқат (мева ва ёнғоқ) олади ва Ўзбекистонга механик ускуналар, ер ости транспорт воситалари, оптик жиҳоз ва ускуналар, мебель, электр асбоблар, пластмасса буюмлари, кимёвий моддалар, пилик ва б. юборади. Ҳажми жиҳатидан умумий қиймати салкам 1 млрд АҚШ долларига тенг бўлган юк алмашинуви ҳажмининг Т. Эксимбанки берган 16 йиллик бирламчи кредитлар ҳисобидан амалга оширишга киришилди. Чунончи, ҳар йили ишлаб чиқариш, маиший жиҳозлар ва шу каби ларни ишга яроқсиз ланган «Кўсонсой-Текмен» қишлоқ хўжалик комбинатини барпо этиш лойиҳа қиймати 76 млн АҚШ долларини, Хоразм вилоятида пахтачилик ҳудудларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси қиймати 7,7 млн. АҚШ долларини, шаҳар ичидаги қатновни ривожлантириш лойиҳаси қиймати 82,2 млн АҚШ долларини ташкил этади. Ўзбекистондаги бир қанча меҳмонхоналарни қайта қуриш ва таъмирлашда Т.нинг «Ал-Сеғ», «Улус иншаат», «Ўқан мелдинг», «Эмсеҳ» фирмалари иштирок этди. Ўзбекистон Республикасида Т. сармояси иштирокидаги 351 қўшма корхона бор, уларнинг 71 таси 100% турк сармояси б-н ташкил этилган корхоналар. Қўшма корхоналар орасида «СамКочавто» (автобус ва юк машиналари ишлаб чиқариш), «Панфен» (пахта толасидан ип йигириш), «Кохис» (савдо-воситачилик фаолияти), «Метро-Маркет» (супермаркетлар), «Шарқ-Мир ЛТД» (чакана савдо), «Межик Пласт» (пластик ошхона ромлари ишлаб чиқариш), якка тартибдаги корхоналар орасида эса «Бета Алгоритм» (чоп қилиш), «Дилек Интерпрайсес», «Айлин гида санаи ва аноним ширкати» (иккони қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш) энг йирик лари ҳисобланади. Ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарнинг 70% га яқини республика ички бозорида савдо-воситачилик фаолиятини олиб боради, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва ҳамда техник мақсадга мўлжалланган маҳсулотларни Ўзбекистонга киритиш ва сотиш б-н шуғулланади. 25% дан зиёд корхоналар эса тўқимачилик ва кўнчилик, озиқ-овқат саноати, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва б. соҳаларда ишлаб чиқаришни амалга оширади. Корхоналарнинг қолган қисми хизмат кўрсатиш б-н шуғулланади. Т.да ўзбек сармояси иштирокида 2 корхона фаолият кўрсатади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик ҳам самарадир. Чунончи, хорижлик ҳамкорлар б-н биргаликда Орол денгизининг қуриган қисмида ўрмончиликни ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳада турк томони ҳам ўзининг иштирок этишини билдирди. Мазкур лойиҳани амалга оширишга ҳисса қўшиш учун Т. 2 дона MB Trac 1100 Mersedes трактори ва б. техник жиҳозлар жўнатди. Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Т. ўртасида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим (1991 й. 19 дек.), маданий алоқалар тўғрисида ҳамкорлик битими (1993 й. 22 июль), илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим (1995 й. 9 июль) асосида ривожланиб бормоқда.

1993 й. Т.да Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилди ва унда республикамизнинг 60 нафар маданият ва санъат вакиллари иштирок этди. 1994 й. окт.да 48 кишидан иборат туркиялик санъаткорлар гуруҳи «Турк дунёси маданияти ва шодлиги кунлари» доирасида Ўзбекистонга ташриф буюриб, Тошкент ва Самарқанд ш.ларида концертлар берди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг б-н Анқарадаги Билкент ун-ти ўртасида малака ошириш, тажриба ва мутахассислар алмашиш, қўшма концертлар ташкил этиш борасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган. Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида туркиялик санъат усталари ҳам мунтазам қатнашиб келмоқдалар. Ўзбекистонда «Ўзбекистон — Туркия» дўстлик жамияти бу соҳадаги ишларга самарали ҳисса қўшмоқда.

Фан ва техника соҳасида Ўзбекистон Фан ва технологиялар маркази билан Т.нинг фан ва техник тадқиқотлар кенгаши ўртасидаги икки томонлама алоқалар муваффақиятли ривожланмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистонлик олимлар ядро физикаси, биол., экология, қ.х. каби соҳаларда Т. илмий марказлари томонидан ўтказиладиган конференция ва симпозиумларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда.

Бейзохон Муҳаммад Шариф.

ТУРКЛАР — халқ. Туркиянинг асосий аҳолиси (50 млн. киши). Умумий сони 53,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Турк тилида сўзлашади. Диндорлари — суннийМусулмонлар. Т. антропологик жиҳатдан жан. европеоид ирқининг Ўрта денгиз гуруҳига мансуб. Этник жиҳатдан Т. 2 асосий компонент: 11—13-а.ларда *салжуқийлар* ва мўғуллар истилоси даврида Ўрта Осиё ва Эроидан Кичик Осиёга кўчиб келган кўчманчи турк-чорвадор қабилалари (асосан, *ўғузлар* ва *туркманлар*) ва маҳаллий (Кичик осиёлик) аҳолидан таркиб топган. Т.нинг бир қисми (*ўғлар* ва *бижанаклар*) Болқон н.о. орқали Кичик Осиёга кириб келган. Т. маҳаллий аҳоли (греклар, арманлар, грузинлар ва б.) б-н аралашиб, уларнинг бир қисмини ўзига сингдириб олди, уларнинг ҳудудлари ва маданиятининг жуда кўп белгиларини ўзлаштирди. Этногенезида, шунингдек, араб, курд, жан. славян, румин, алб. ва б. элементлар ҳам қатнашган. 14—16-а.ларда Т. Болқон н.о. ва Кипрни эгаллаганлар. Турк халқи тахм. 15-а.да таркиб топди. Т. таркибида ярим кўчманчи этнографик гуруҳлар: ворюклар, туркманлар, тахтажилар, абдаллар ва б. бор. Ярим кўчманчилар ўтроқлашиб, Т. таркибига сингиб бормоқда. Ҳоз. Т.нинг кўпчилиги (65%) қ.х.да (деҳқончилик ва чорвачилик), мин.дан ошиқроғи саноатда банд.

Анъанавий кийимдаги турк аёли.

ТУРКМАН — қ. *Туркманлар*.

ТУРКМАН — ўзбек уруғларидан бири. Т. ҳозирги Туркманистон ҳудудида яшовчи Т. халқидан тил, антропологик тузилиши ва этник таркиби б-н фарқ қилган. Ўзбек Т.лари кейинги минг йиллар давомида Нурота тог тизмаларида шаклланган. Т. 2 катта гуруҳ (йигирма уруғ ота ва беш ота манғишлов)га, бу гуруҳлар ҳам, ўз навбатида, бир неча қабила ва уруғларга бўлинган. Т.лар чорвачилик, деҳқончилик б-н шуғулланганлар.

ТУРКМАН ТИЛИ — *туркий тиллар*дан бири. Асосан, Туркманистонда, шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон республикаларининг айрим туманларида, РФнинг Ставрополь ўлкасида, Афғонистон, Туркия, Эрон, Ироқ ва б. мамлакатларда тарқалган. Туркманистоннинг расмий тили. Ўтган аср охирларида сўзлашувчиларнинг умумий сони 4,8 млн. (жумладан, Туркманистонда 2,5 млндан ортиқ, Ўзбекистонда 130 минг, Афғонистонда 400 минг, Эронда 300 минг га яқин) кишидан иборат бўлган. Асосий лаҳжалари: така, ёвмут, эрсари, гўклан, сариқ, салир, човдур ва б. Ставрополдаги Т.т. лаҳжаси *грухмен тили* деб аталади.

Т.т. ғарбий ўғуз қабиласи (уруғ) тиллари негизида шаклланган, лекин ривожланиш жараёнида қипчоқ гуруҳидаги турки тилларга мос хусусиятларга ҳам эга бўлган. Т.нинг асосий ўзига хос бели-

лари: бирламчи (қад.) чўзиқ унлиларнинг мавжудлиги, тишлараро талаффуз қилинадиган ç ва ʒ ундошларининг (бошқа туркий тиллардаги одатий с ва з ўрнига) мавжудлиги, лаб уйғунлиги гармониясининг ривожланганлиги; келаси замон гумон феъли инкор шаклининг -р туғалланмали вариантининг (бошқа туркий тиллар учун умумий бўлган -мас шакли б-н бирга) қўлланиши ва б. Лексикасида араб, форс, рус тилларидан ўзлашган сўзлар учрайди.

Эски адабий Т.т., асосан, шеърият тили ҳисобланган. Ҳоз. адабий Т.т. эса 20-а. нинг 20-й.ларидан туркман лаҳжаларининг така лаҳжаси негизида бирлашуви натижасида шаклланган. 1928 й.гача араб, 1929—40 й.ларда лотин, 1940—90-й.ларда рус графикасига асосланган ёзувдан фойдаланилган. 1991 й.дан яна лотин графикаси асосидаги ёзув жорий этилди.

ТУРКМАНБОШИ (1993 й. гача Красноводск) — Туркманистондаги шаҳар (1896 й.дан). Каспий денгизининг шарқий соҳилидаги йирик порт. Кубадоғ тизмаси этакларида. 1962 й.дан денгиз т.й. пароми орқали Боку б-н боғланган. Аҳолиси 58,9 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т. рус армияси ҳарбий истеҳкоми сифатида Қизилсув (туркманча «Гызылсу») қишлоғи ёнида вужудга келган ва русча Красноводск деб аталган. Нефтни қайта ишлаш, кема таъмирлаш з-длари, қурилиш материаллари, озиқ-овқат (балиқ консервалаш ва б.) саноати корхоналари, тикувчилик ф-каси мавжуд. Бир неча ўрта махсус билим юрти, музей бор.

ТУРКМАНИСТОН — Ўрта Осиёнинг жан.-ғарбида жойлашган давлат. Майд. 488,1 минг км². Аҳолиси 4,7 млн. киши (2002). Пойтахти — *Ашхобод* ш. Маъмурий жиҳатдан 5 вилоятга, вилоятлар этрап (туман)ларга бўлинади.

Давлат тузуми. Т. — бетараф давлат. 1995 й. 12 дек. Т. бетарафлиги куни. Амалдаги конституцияси 1999 й. 18 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1990 й.дан С. Ниёзов). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлис (парламент), ижрочи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Т. ҳудудининг аксарияти текисликдан иборат бўлиб, қарийб ⁴/₅ қисми *Турон текислиги* (Қорақум чўли)да жойлашган. Фақат жан.да тепаликлар ва ўртача баландликдаги тоғлар бор. Каспий денгизининг Т.га қарашли жан. қирғоқлари кам парчаланган, шим.да Қорабўғозгўл, Красноводск, Туркман қўлтиқлари, Красноводск, Даржа, Челекен я.о.лари ва қум тиллари бор. Денгиз соҳили паст, қумли. Т. жанубида *Копетдоғ* тоғлари (энг баланд жойи 2942 м — Ризо чўққиси), ундан шим.-ғарбда Кичик Болхон (777 м гача) ва Катта Болхон (1881 м гача) тоғлари жойлашган. Жан.-шарқдаги *Бодхиз қирлари* (энг баланд жойи 1267 м) ва Қорабел қирлари (энг баланд жойи 984 м) ўртасидан Мурғоб дарёси оқиб ўтади. Чекка жан.-шарқда Ҳисор тизмасининг Кўҳитанг тармоғи (бал. 3139 м — Т.нинг энг баланд нуқтаси) бор. Т.нинг ғарбида Красноводск платоси, шим.-ғарбида Устюрт платосининг жан. чеккаси, ундан жан.да эса Орқа Ўзбўй бурмали р-ни ётади. Каспий бўйи пастекислигида Небитдоғ (39 м), Боядоғ (134 м), Қумдоғ, Манжуқли (27 м) ва б. қирлар кўтарилиб туради. Копетдоғ текислигидан шим. ва шим.-шарқда Қорақум чўли, Амударё ва Тажан дарёлари оралиғида Жан.-Шарқий Қорақум чўли жойлашган. Т.нинг жан. қисмида тез-тез зилзила бўлиб туради. Муҳим қазилма бойликлари — нефть ва газ; кўмир, мирабалит, олтингугурт, қора ва рангли металл, мис, алюминий, симоб, молибден конлари аниқланган.

Туркманистон герби

Иқлими кескин континентал, қурғоқчил иқлим. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши юмшоқ, қор кам ёғади. Янв.нинг ўртача т-раси шим.-шарқда —5° дан Атрек дарёси атрофида 4° гача, баъзи йилларда Тошҳовуз вилоятида абсолют минимал т-ра —32° гача. Июлда шим.-шарқда 28°, жан.да 32°, абсолют максимал т-ра 49,9° гача. Т. ҳудудининг 80% да доимий оқар сув йўқ; жан. ва шарқий ҳудудлардагина дарёлар бор. Энг катта ва серсув дарё — *Амударё*. Бу дарёнинг суви Қорақум канали орқали Баҳарденгача борган —900 км. Кўлларнинг аксарияти шўр. Чучук сувли Ясхан кўли Небитдоғ ш.ни ичимлик сув б-н таъминлайди. Тупроқлари — Устюрт, Красноводск, Орқа Унгуз платоларида сур-қўнғир, тоғ этаклари, тоғ ён бағирларининг қуйи қисмида, тоғ олди текисликларида, тоғларнинг қуйи минтақасида бўз тупроқ, юқорироқда тўқ бўз, тоғ тепаларида тоғ-қўнғир тупроқлар тарқалган. Қорақум чўлининг аксариятини қум эгаллаган; пастқам жойларда тақир, шўрхок, дарё водийларида ўтлоқи-бўз ва аллювиал-ўтлоқи тупроқлар бор. Т. ҳудудининг тахм. 2% суғорилади. Т.нинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хил. Қумли чўлларда оқ ва қора саксовул, қандим, черкез, қуёнсуяк, астрагал каби буталар, шўрхок ерларда юлғун, сарисазан, шоҳилак ва б., дарё водийларидаги тўқайларда бачки терак-тол ва жийдазорлар. Копетдоғ олди чўлларида ва қирларда шувоқ ва ҳар хил эфемер ўтлар, тоғларнинг 1500 м дан юқори қисмида арча. Ғарбий Копетдоғ дараларида ёввойи ток, олма, олча, бодом, анор, ёнғоқ, анжир, писта дарахтлари ўсади. Ҳайвонот дунёси — чўлда қуён, бўри, тулки, чиябўри, жайран, тоғларда қоплон, архар, морхўр, Амударё водийсида тўнғиз, кийик, қирғовул ва б. яшайди. Дарё ва сув омборларида балиқ кўп. Т. ҳудудида Бадхиз, Красноводск, Репетек ва б. қўриқхоналар бор.



Туркманистон байроғи

Туркманистон табиати манзараси.

Қизилқум тепаликлари

Аҳолисининг аксарияти туркманлар; шунингдек, рус, ўзбек, қозоқ, татар, украин, арманлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 45%. Расмий тил — туркман тили. Диндорлари, асосан, сунний мусулмонлар. Йирик шаҳарлари: Ашхобод, Туркманобод, Тошҳовуз, Мари, Туркманбоши.

Тарихи. Т. ҳудуди қадимда *Аҳомонийлар давлати*, *Александр* истилосидан сўнг вужудга келган *Салавкийлар давлати*, *Парфия*, *Юнон-Бақтрия подшолиги*, *Эфталийлар*, *Турк хоқонлиги*, *Араб халифалиги*, *Тоҳирийлар давлати*, *Сомонийлар*, *Салжуқийлар давлати*, *Хоразмшоҳлар давлати*, *Мўғуллар давлати* таркибида бўлган. 14-а.нинг 70—80-й.ларидан Т. ҳудуди *Темурийлар* тасарруфига ўтган. 16-а. охири — 17-а.да Хива ва Бухоро хонликларига қарам бўлди, бир қисми Эрон таркибига ўтиб қолди. 1869—85 й.ларда Т. ҳудудини Россия босиб олди. 1917 й. нояб. —дек.да совет ҳокимияти ўрнатилди, 1918 й. 30 апр.-да Туркистон мухтор совет социалистик республикаси ташкил этилгач, Т.нинг асосий қисми (Закаспий вилояти, 1921 й. авг.дан Т. вилояти) унинг таркибига кирди. 1924 й. Ўрта Осиёда «миллий давлат чегараланиши» деб аталган бўлиб ташлаш сиёсати натижасида 1924 й. 27 окт.да Туркманистон ССР ташкил топди ва СССР таркибига киритилди. Шундан кейинги йилларда туркман халқи КПССнинг қ.х.ни жамоалаштириш, мамлакатни индустриялаш сиёсати ва қатағонлар азоб-уқубатларини тортди. 1991 й. окт.да Мустақиллик ҳақида декларация қабул қилинди, мамлакат Туркманистон деб атала бошлади. Т. —1992 й.дан БМТ аъзоси. 1993 й. 7 январда ЎзР суверенитетини тан олган ва дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 27 окт. — Мустақиллик куни (1991).

Сиёсий партияси. Расмий равишда 1 партия рўйхатга олинган: Туркманистон демократик партияси (собиқ Коммунистик партия негизида 1991 й. тузилган).

Хўжалиги. Т. — аграр-индустриал мамлакат. Миллий даромад таркибида саноатнинг улуши 50%, қ.х.ники 18%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 32%.

Саноатининг етакчи тармоқлари: газ ва нефть қазиб чиқариш, энергетика, кимё, машинасозлик, енгил (қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш), озиқ-овқат (ёғ-мой, виночилик), бинокорлик материаллари саноати. Бузмайин ГРЭС, Туркманбоши, Небитдоғ, Туркманобод, Мари, Гуғуртлоғда иссиқлик электр ст-ялари барпо этилган. Йилига ўртача 10,5 млрд. кВт соат электр энергия ҳосил қилинади. Нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш Т.нинг ғарбий р-нларида олиб борилади, Челекен ғарбида денгиз тубидан нефть қазиб олинади. Асосий газ конлари: Газўчоқ, Наип, Шатлик, Гугурдоғ ва б. Нефтни қайта ишлаш тармоғида бензин, керосин, дизель ёнилғиси, мазут, битум, электродли кокс, кир ювиш воситалари, кимё саноатида натрий сульфат, йод, бром, олтингугурт, минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, суперфосфат, фторли алюминий ишлаб чиқарилади, машинасозлик ва металлсозлик корхоналарида тепловоз ва автомобиллар таъмирланади, марказдан қочирма нефть насослари, культиватор, электр кабели, газ плиталари, озиқ-овқат саноати учун ускуналар ишлаб чиқарилади. Енгил саноат пахта, жун, пиллани дастлабки қайта ишлаш, ип газлама, жун ва ипак газлама, трикотаж и.ч., қоракўл ошлаш, гиламчилик, тикувчилик, кўнчилик, пойабзал корхоналаридан иборат. Ёғочсозлик, полиграфия, шиша саноати ҳам муҳим ўрин олади. Асосий саноат марказлари: Ашхобод, Тошҳовуз, Туркманобод, Мари, Туркманбоши, Небитдоғ, Байрамали ва б.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Унда пахтачилик асосий ўрин эгаллайди. Воҳаларда ва тоғ ён бағирларида етиштирилади (асосан, ингичка толали пахта). Донли экинлардан буғдой, арпа, шоли, оқ жўхори ва маккажўхори, ем-хашак экинлари, полиз экинларидан қовун, тарвуз етиштирилади. Боғ ва токзорлар бор. Атрек дарёси ва унинг ирмоқлари бўйларида субтропик экинзорлар (анор, зайтун, анжир, бодомзорлар) бор. Чорвачилик қ.х.нинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Тоғли жойларда қорамол, қўй, эчки, йилқи боқилади, текисликларда қоракўлчилик ва туячилик. Туркманобод, Ашхобод, Мари вилоятларида пиллачилик, сув ҳавзаларида балиқ хўжалиги ривожланган.

Транспорти. Т.й. узунлиги 2,12 минг км, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари уз. 13,6 минг км, жумладан, қаттиқ қопламали йўллар уз. 11,6 минг км. Асосий денгиз порти



Қадимги Ниса шаҳри харобалари.

— Туркманбоши. Туркманбоши — Боку, Бекдаш — Боку йўналиши бўйича т.йли денгиз пароми мавжуд. Амударё ва Қоракум каналида кема қатнайди. Трубопровод транспорти мавжуд. Нефть ва газ қувурлари, жумладан, Вишка — Туркманбоши, Челекен — Туркманбоши нефть қувурлари мавжуд. Т. четга табиий газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, пахта, минерал ўғит ва б. чиқаради. Четдан машина ва ускуналар, қора металлар, транспорт воситалари, кийим-кечак, пойабзал, дон, қанд-шакар олади. Россия, Украина, Ўрта Осиё мамлакатлари ва Козогистон б-н савдо қилади. Т.нинг ЎзР б-н ташқи савдо айланмаси 2003 й.да 2002 й.га нисбатан 17,3% ортди ва ЎзР нинг ташқи савдосидаги улушининг 1,3% ни ташкил этди. Пул бирлиги — манат.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли тиббиёт муассасалари б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам бор. Врачлар Ашхобод тиббиёт институтида тайёрланади. Машҳур курортлари: Байрамали, Феруза иқлимий, Арчман бальнеология ва Муллақора балчиқ б-н даволаш санаторийлари.

Ашхобод шаҳридаги бозор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Маорифи бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва умумий ўрта таълим мактабларидан иборат. Ўрта махсус таълим юқув юртлари турли касбларни ўргатади. Т.да бир қанча олий ўқув юрти, жумладан, Ашхободда Т. университети, политехника, қ.х., пед., санъат, тиббиёт, халқ хўжалиги ва б. институтлар, Туркманободда пед. институти мавжуд. Илғор унинг тармакибидаги ин-тлардан ташқари Сиз касалликлари ин-ти, Кўз касалликлари ин-ти, Неврология ва физиотерапия ин-ти, Радиология ва рентгенология ин-ти, Онкология ин-ти, Чорвачилик ва ветеринария ин-ти, Тупроқшунослик ин-ти ва б. илмий муассасаларда олиб борилади.

Т.да Т. давлат кутубхонаси бир қанча театр, цирк, 15 давлат музейи, шу жумладан, Ашхободда Т. тарихи музейи, тасвирий санъат музейи, «Ниса» тарихий-маданий қўриқхона ва б. маданий-маърифий муассасалар мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. Т.да 20 та газ. ва жур., жумладан, рус тилида «Нейтральный Туркменистан» («Бетараф Туркманистон»), туркман тилида «Туркменистан» газлари нашр этилади. Т.давлат ахборот агентлиги (ТУРКМАН-ПРЕСС), Т. миллий телерадиокомпанияси фаолият юритади. Т.да мунтазам радиоэшиттириш 1927 й.дан, телевизион кўрсатувлар 1959 й. ноябрдан бошланган.

Адабиёти халқ оғзаки ижодиётидан бошланган. Ўрта Осиё халқларининг муштарак асари бўлмиш «*Китоби дадам Қўрқут*» ўғуз эпоси ҳаётини тасвирлайди. «Шоҳсанам-Фариб», «Саёт ва Ҳамро», «Гўрўғли», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» каби достонларнинг туркман вариантлари кенг тарқалган. 18-а.да туркман шоирлари назм тилини халқ тилига яқинлаштирдилар. *Маҳтумқули* адабиётда янги йўналишни бошлаб берди. 18-а. охири — 19-а. бошларида Дурди Шоир, Сандий, Зилолий, Мисқинқилич, *Андалиб*, Шайдоий, *Озодий*, Ғойибий, *Камина* туркман адабиёти равнақига катта ҳисса қўшдилар. 19-а.да яшаб ижод этган туркман шоирлари ижодида лирика етакчи жанр бўлди. Аст муҳаббатни мадҳ этувчи «Ҳирқо ва Тоҳир» достонининг муаллифи *Мулла Нафас* туркман адабиётидаги лирика жанрининг ерқин намояндасидир.

20-а. 20-и.ларида баднин насрчилик ривожлана бошлади. Шоир ва ёзувчилардан Ёқуб Носирзи, Б. *Кербобоев*, Н. Сариҳонов, А. Дурдиев, Х. *Деркев*, драматурглардан А. Карлиев, Б. Омонов ва б. алиблар ҳикоя, қисса, роман ва пьесаларида халқ ҳаёти, қувноқ ва таниқшиларини ҳаққоний тасвирлашга интилдилар. 1934 й. Т. ёзувчилар уюшмаси ташкил этилди. 1928 й.дан ёзувчиларнинг ойлик адабий-бадиий жур. нашр этила бошлади. 2-жаҳон уруши йиллари туркман алибларн босқинчиларга қарши халқ нафратини ифодаловчи пазмий ва насрий асарлар яратдилар. Жумладан, Е. Носирзининг «Лейтенантнинг қизи», Н. Нурбердиевнинг «Ватанпарвар чол» достонлари, К. Сейтлиевнинг пьесалари, Д. Ходдурдининг «Оқ халатли қиз» достони ва б. асарларда уруш ва туркман халқининг фронт орқасидаги фидоийлиги ўз аксини топган. Урушдан кейинги туркман адабиётида тинчлик учун кураш, одамлар ўртасидаги муносабат асосини мавзу бўлди. 50-и.ларда А. Отажонов, М. Сапаров, К. Қурбоннасров, А. Хайдов ва б. адабиётга кириб келдилар. 60—70-йиллардан ўприк насрий асарлар адабиётда етакчи ўрин эгаллади. Қилич Қулиевнинг «Қора карвон», Беки Сейтқовнинг «Биродарлар», Х. Деркевнинг «Қисмат» романлари ва б. яратилди. Б. Кербобоев, Х. Исмоилов, М. Гарриев, К. Тангриқулиев, А. Бойморадовлар болалар адабиётига қизиқарли асарлари б-н ҳисса қўшдилар.

20-а.нинг 2-ярмида ўприк насрий асарлар адабиётда етакчи ўрин эгаллади. Б. Худойназаров, А. Қурбонов, О. Оқмамедов, Я. Маметиев, Т. Жумагелдиев ва б. алибларнинг романлари босилиб чиқди. А. Муродов, У. Абдуллаев, Ж. Аллаков, Р.Ражабовлар адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида баракали ижод қилдилар. Бошқа халқлар адиблари, жумладан, ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарларини туркман тилига таржима қилишга катта аҳамият бериб келинди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Т.ҳудудида қад. манзилгоҳлар (Ашхобод яқинидаги Жайтун ва Пассажиктепа) қолдиқлари сақланиб қолган. Бундан ташқари, ўприк қишлоқларнинг қолдиқларини ҳам учратиш мумкин (*Намозгоҳтепа*, Улуғтепа, *Олтинтепа*). Туркм.лар.да мустаҳкам девор ўй-н ураган шаҳарлар (Марв.даги Эрқалъа, Қавшут яқинидаги Элкентепа ж.ида кенг. Мил. 5—7-а.ларда ҳам гинт ва пахсадан қурилар. 2 қават қилиб қурилган 11—12-а.ларга шаҳарларда масжид, мадраса, карвонсарой, гимлар, мақбаралар, турар жой маҳаллалари бориб етган (*Сўнг Сапат мақбараси, Бўврат мақбараси ва б.*). Пишиқ гиштдан мажобатли иморатлар қурилиб, томи гумбоз шаклида ишлана бошлади. 12-а.да биноларни безашда бир томони сирланган гишт ва кошинлари фойдаланиш расм бўлди. Мақбаралар учун хос меъморий шаклга эга бўлган. Марвдаги *Султон Санжар мақбараси*, Кўҳна Урганчдаги *Нажмиддин Кубро мақбараси*, *Фахриддин Розий мақбараси*, Сўлтон *Такаш мақбараси* ва б. сирқорлик ва пишиқорлик усулида серуғлам безатилган. Марвдаги Ҳоразмга бориш йўлидаги Оқчақалъа, Чоншақалъа, *Дандақон қирғонсаройи* ички ҳовлисининг 4 томони пештоқли қилиб қурилган. 14—15-а.ларга гемурилдар даври меъморчилига хос мажобатли ва пештоқли биноларқурила бошлади. 19-а. 2-ярмида Красноводск, Ашхобод, Чоржуй, Байрамали, Қизларвоз каби янги шаҳарлар пайдо бўлди. Аммо кучманчи қабилалар ҳамон кигиз уловда яшар эди.

20-а.нинг ўрталаридан туркман меъморлари уй-жой қурилишида иссиқ иқлим шароитини ҳисобга ола бошлаган бўлсалар, 1948 й. Ашхобод иллосасидан сўнг шаҳарсозликнинг Т. учун алоҳида усулларини ишлаб чиқдилар. 60—70-йилар меъморлигида соддалашқларга интилиш кучайди, 70—80-й.ларда меъморлик б-н бевосита санъатнинг бирга қўшиб, атрофдаги манзарага мослашув тамойиллари устунлик қила бошлади (А. Аҳмедов ва Ф. Аҳмедов раҳбарлигида ижодий жамоалар лойиҳалаган «Ашхобод» меҳмонхонаси, «Айна» ресторани. Давлат банки, Қурилиш банки бинолари).

Бадиий ҳунармандликда қулолчилик (8-а.дан қолипсиз нақшланган сирсиз сопол идишлар), бадиий тўқув, зардўзлик, гиламдўзлик ривожланган. Айниқса, 18—20-а.ларда геометрик шаклли нақшлар б-н безатилган қизил, жигарранг, тақа, салор, ёмут гиламлари бадиий қиммати б-н машҳур бўлган.

Замонавий тасвирий санъат Т.да 19-а.нинг 2-ярмида пайдо бўла бошлади. Н.Н.Каразин, К.С.Мишин, Назар Евмутий туркманлар турмушининг ижтимоий жиҳатларини ифодалашга ҳаракат қилдилар. 20-а.нинг 20-й.ларида «Шарқ санъати ҳарбдор мактаби» очилиб, Т.да профессионал бадиий таълим йўлга қўйилди. Шу мақсадда таҳсил олган Б. Нурали, С.Н.Бекларов, кейинчалик уларнинг сафига қўшилган Ю.П.Данеливар, П. Кичиев, А. Хожиев, А. Кулиев, Н. Ҳусаймуҳаммедов, А. ва Ч. Омонгелдиевлар тасвирий санъатни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшдилар. 20-а.нинг 2-ярмида туркман бадиий санъатида графика, дастгоҳ тасвироси, пейзаж, автопортрет, тезда ва катта ёзмачилиги каби жанрлар ривожланди.

Ашхобод шаҳри.

Истиқлол йиллари Т. тасвирий санъатида миллийликка эътибор кучайди. Дастгоҳ рангтасвири, графика, мажобатли ҳайкалтарошлик ривожланди. Кекса авлод вакилларидан П. Кичиев, А. Аймамедов, шунингдек, Ш. Акмуҳаммедов, А. Муҳаммедов, Я. Байрамов, Ж. Амандурдиев, Ч. Амандурдиев, Г. Гусейнов, А. Мурадалиев, К. Нурмуродов ва б. самарали ижод қилмоқдалар. Чунончи, Ш. Акмуҳаммедов ижодида ўтмиш ё-н ҳоз. кунининг узвий боғлиқлигини кўрсатиш, миллий эстетик тамойилларни ифодалаш, Я. Байрамов ижодида дадил новаторлик, атроф муҳитни, умуман ҳаётни фалсафий талқин қилишга интилиш сезилади. 1939 й. Т. Рассомлар уюшмаси ва 1994 й. Миллий Бадиий академия ташкил этилган.

Мусиқаси. Анъанавий шаклдари қад. пронний эпатлар мусиқа ижоди ҳамда турк-ўғуз қабилаларининг мусиқа анъаналари негизида қарор топган. *Парфия* пойтахти Нисо, *Марғиёна* пойтахти Марв, Самарқан топилган археологик ёдгорликлари исломгача бўлган мусиқа маданияти (мусиқа чолғулари) ҳақида тасаввур беради. Салжуқийлар давлати даври (11—12-а.ларда туркманларнинг мусиқа маданияти равнақ топди. Туркман халқ қўшиқлари орасида деҳқон жамоалари ҳаётига хос мавсум маросим қўшиқлари («Йилан ойин», «Чемче гелин», «Химмит», «Хешелле» ва б.), шунингдек, оилавий маросим ва маиший («Хунрой», «Эдем-экрем», «Ўлан», «Азади», «Чапак», «Зикир», «Хувди», «Аги») қўшиқлари, байрам ва сайилларда ёллар ижро этадиган «Ляле», «Мавриче» каби жанрлар кенг ўрин олган. Мусиқа чолғулари орасида қад. хилдавук, жуп-жуп, гопуз (чангқўбиз) ҳамда пуфлама *тўйдуқлар*, доирасимон депрек, дутор ва гижжак-лар мавжуд. Айниқса, туркман дутор куйлари (Қирқлар, Салтиқлар, Муқамлар) шакли мураккаблиги, ноталарда ёзилиши б-н ажралиб туради. Миллий профессионал мусиқа йўналиши туркман *бахши* ва созандалар ижодида намоён бўлади. Бахшилар дутор (дутор ва гижжак, баъзида гарғи-гўпуқлар) жўрлигида қаҳрамонлик ва ишқий маҳзундаги («Гўрўғли», «Нежеб ўғлон», «Саёт ва Ҳамро», «Шоҳсанам ва Фариб» каби) достонларни маҳорат б-н, махсус куйлаш усулларидан кенг фойдаланиб ижро этадилар. 1929 й. Ашхободда биринчи театр мусиқа бўлими б-н бирга очилди (1935 й.дан мусиқа билим юртига айлантирилган). Илк туркман композиторларидан А. Кулиев, В. Муҳатов, Д. Овезклар етишиб чиқди. 1929 й. симфоник оркестр, 1934 й. хор, 1941 й. Опера ва балет театри ташкил этилди. 1941—45- й.ларда «Зуҳро ва Тоҳир», «Шоҳсанам ва Фариб» опералари, «Аллар кўса» балети яратилди. Композитор А. Шапошников б-н В. Муҳатовнинг «Камина ва Кўзи» ҳажвий операси, М. Равел б-н Н. Муҳатовнинг «Зуҳра табиб» балети, А. Кулиев, А. Шапошников, В. Аҳмедовнинг оркестр учун ёзган концертлари 50—60-й.ларда туркман мусиқасининг ютуғи бўлди. 70—80-й.ларда туркман мусиқаси услуби янги силжиш содир бўлди. Композиторлардан Ч. Нуримов («Гармселнинг ўлими», «Қўҳитанг фожиаси» балетлари, симфоник концертлари), Н. Ҳотамедов (вокал қўшиқлари), А. Агаджиков («Сўна» ва «Таҳликали тун» опералари, «Феруза» балети), Р. Оллаёров (оратория ва симфониялари) янги ифода усулларидан фойдаландилар. Ч. Ортиқов, Д. Нуриев каби ёш композиторлар ижод қила бошлади. Ижрочилар орасида дирижёр Х. Аллаяров, хонандалардан А. Аннақулиева, М. Кулиева, М. Шахбердиева, раққоса ва раққосалардан Г. Мусаева, А. Пурсияновлар машҳур.

Ашхобод ва Тошҳовузда мусиқали драма театрлари. Ашхободда Миллий консерватория, Ашхобод, Мари

Ашхобод шаҳридаги савдо мажмуаси.

ва Туркманободда мусиқа ва санъат билим юртлари, турли шаҳарларда мусиқа мактаблари бор.

Театри. 1918 й.дан ҳаваскор театр тўгараклари тузила бошлади. 1926 й. дастлабки миллий драма студияси ташкил этилди. Унда драматурглар К. Бурунов, А. Каушутов, реж. Ю. Алимзода дарс берди-лар, Сурай Муродова, А. Кулмамедов, К. Бердиев, О. Дурдиева, К. Кулмуродов ва б. актёрлар таҳсил олдилар. 1929 й. шу студия негизида туркман театри (ҳоз. Муллanафас номидаги драма театри) барпо этилди. Унда Б. Кербобоевнинг «Юксалиш», А. Карлиевнинг «Айна» пьесалари ва чет эл драматургларининг асарлари саҳналаштирилди. Мари, Карки, Қизиларвот ва б. шаҳарларда янги театрлар очилди. 20-а.нинг 2-ярмида туркман театрларида Г. Мухторов, К. Сейтлиев, Б. Омонов, Қ. Қулиев, А. Н Островский, У.Шекспир пьесалари қўйилди. Театр жамоалари орасида Ашхободдаги ёш томошабинлар театри, Маридаги Камина номли драма театри, Туркманободдаги мусиқали драма театри, санъат арбобларидан Б. Омонов, А. Дурдиев, М. Черкезов, М. Кириллов, С. Отаева, Т. Ғафурова, Н. Суюнова, М. Аймедовалар машҳур.

Киноси. 1926 й. кинофабрика ташкил этилди, кейинчалик у «Туркманфильм»-га айлантирилди (ҳоз. А. Карлиев номидаги киностудия). Шу ерда дастлабки ҳужжатли фильмлар — «Оқ олтин» (1929, реж. А. Владичук), «Чўлда биринчи» (1932, реж. М. Бистрицкий), «Мисли кўрилмаган воқеа» (1936) яратилди. Дастлабки бадиий фильмлар — «Унутиб бўлмайди» (1931, реж. Д. Познанский), «Етти юрак» (1935, реж. Н. И. Тихонов), «Мен қайтаман» (1935, реж. А. Ледашчев), «Дурсун» (1940, реж. Е. Иванов-Барков) экранга чиқарилди. 40—50-й.ларда яратилган фильмлар («Олисдаги келин», «Кекса Аширнинг ҳийласи», «Оила номуси», «Биринчи имтиҳон») муваффақият қозонмади ва танқидга учради. 60-й.ларда воига етган Х. Нарлиев, К. Ярмонов, М. Курбонклычев, Я. Саидов, М. Суюнхонов каби ёш реж.ларнинг изоли кинематографиянни жонлантирди. Б. Б. Мансуровнинг «Мусобақа» фильми (1964) гоявий етуклиги, ифода воситасининг таъсирчанлиги б-н ажралиб туради. Унда мураккаб инсоний муаммолар тарихий воқеалар асосида ҳал этилган бўлса, ўша реж.нинг «Чанқовни босиш» фильмида (1967) мазкур муаммо замонавий воқеликда ифодалаб берилган. «Махтумқули» (1968) ва «Мақом сирлари» (1974) фильмлари тарихий шахсларга бағишланган. Х. Нарлиевнинг «Қорақум, соя-да 45°» (1983) фильмида газчиларнинг ҳаёти тасвирланган. Ёш реж. Х. Какабоевнинг «Отам қайтганчи, кўрасан», Х. Нарлиевнинг «Жамол даракти» фильмлари туркман кинематографиясининг сўнгги йиллардаги ютуқлари жумласига киради.

Ўзбекистон — Т. адабий ва маданий алоқалари. Ўзбек ва туркман халқлари азалдан иқтисодий, маданий ва адабий алоқада бўлиб келганлар. Алишер Навоийни туркман халқи Мир Али номи б-н таниган, унинг асарлари шоир ҳаёт чогидаёқ туркманлар орасида машҳур бўлган. Навоий ғазалларини туркман бахшилари ҳоз. кунгача ҳам куйлаб келадилар. Хива мадрасаларида таҳсил олган туркман мумтоз шоирлари Озодий, Махтумқули, Андалиб Навоийни ўзларига устоз деб билганлар. Айни пайтда Махтумқулининг шеърларини билмаган ва куйламаган ўзбек ҳофизи йўқ деса бўлади. Андалиб ўзининг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» достонларини Навоий ва Дурбек асарларидан таъсирланиб ёзган.

Махтумқулининг танланган шеърлар тўпламин ўзбек тилида бир неча марта нашр этилди. Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоев, Абдулла Қаҳҳор ва Беки Сейтоқов, Зулфия ва Товшан Эсенова, Асқад Мухтор ва Қора Сейтлиев каби ўзбек ва туркман ёзувчи-шоирлари ўртасидаги дўстлик адабий алоқалар тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Б. Кербобоевнинг «Дадил қадам», «Ойсултон», «Небитдог» романлари, Х. Дерьяевнинг «Қисмат» роман-эпопеяси, Муллanафас, Андалиб, Камина, Б. Кербобоев шеърлари, Ота Каушутовнинг «Небитдог этакларида» романи, Қ. Қулиевнинг «Қора карвон» романи, Т. Тоғановнинг «Дурдар хазинаси» қиссаси ва б. асарлар ўзбек тилига таржима қилинган. Туркман драматургиясининг «Махтумқули» (Б. Кербобоев), «Оила номуси», «Ким айблор?» (Х. Мугдзов) сингари намуналари ўзбек театрларида саҳналаштирилган. Ўз навбатида, Х.Х.Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи», А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» пьесалари туркман театрларида намойиш қилинди. Туркман адибларининг (Б. Кербобоев, Ж. Оразов, Б. Сейтоқов, О. Отажонов ва б.) Ўзбекистон, ўзбек шоир ва адибларининг (Ғ.Ғулом, Шайхзода, Миртемир) Туркманистон мавзуидаги асарлари муҳим.

ТУРКМАНИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ, Махтумқули номидаги Туркманистон давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1950 й. Ашхободда педагогика ин-ти асосида ташкил этилган. Мат., физика, биол., кимё, геогр., тарих, филол., ҳуқуқ, пед. ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 10 мингга яқин талаба таълим олади. Кутубхонасида 500 мингдан ортиқ асар сақланади. «Илмий ахборотлар» нашр этади (1954 й. дан).

Туркманистон университети.

ТУРКМАНИСТОН-ХУРОСОН ТОҒЛАРИ — Эроннинг шим.-шарқий ва Туркманистоннинг жан. қисмидаги тоғлар, ғарбда Эльбурс ва шарқда Паропамиз тоғлари оралиғида. Уз. 600 км дан зиёд, эни 250 км. Бал. 1500—2500 м, энг баланд жойи 3314 м (Кеш-кинк чўққиси). Атрек ва Кошафруд дарёларининг бўйлама чўзилган водийи ва сойликлари Т.-Х.т.ни *Копетдоғ* ва *Нишопур тоғларига* бўлиб юборган. Жан.да Альп геосинклиналь областининг шим. чеккасини ташкил этади. Т.-Х.т. Одамс-Биналуд мегантиклинорийси, Кучан-Машҳад плиосинклинорийсининг ёткизиклар қоплаган бўкитмаси ва Копетдоғ мегантиклинорийси мавжуд бўлган ёйсимон палахсали-бурмали системасидан иборат. Альпгача бўлган асоси токембрийнинг геосинклиналь метаморфик жинсларидан, палеозойнинг субплатформа ва юқори палеозойнинг эффузив-чўкинди формацияларидан тузилган. Т.-Х.т. сейсмик фаол зонада. Фойдали қазилмалардан тош-кўмир, полиметалл рудалар, қурилиш материаллари, тоғ этакларида газ конлари топилган.

ТУРКМАНЛАР — халқ, *Туркманистоннинг* асосий аҳолиси (2537 минг киши, 1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Ўзбекистон, Шим. Кавказ, Астрахон вилояти ва РФнинг бир нечта шаҳарларида, Афғонистон, Эрон ва Туркияда яшайди. Умумий сони 4,6 млн. киши. *Туркман тилида* сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

Т.нинг этногенезида маҳаллий даҳ-массагетлар, шунингдек, сарматлар, аланлар қабилалари, қисман қад. Марғиёна, Парфия ва Хоразм давлатлари аҳолиси қатнашган. 1-минг йиллик ўрталарида Каспий бўйи чўлларида туркий қабилалар, 9-а.да *ўғузлар* пайдо бўлган. Улар Т.нинг этногенезида муҳим роль ўйнаган. Ўғузларнинг асосий гуруҳи 11-а.да шим.-шарқдан келиб, маҳаллий аҳоли б-н аралашиб кетган. 15-а.да туркман элати шаклланган, 20-а.гача Т.да қабила-уруғларга ажралиш сақланган. Улардан энг йириклари: такалар, ёвмутлар, эрсари, солурлар, сариқлар, гёклан ва чоудорлар бўлган.

Туркманлар. Гилам тўқувчи қизлар.

ТУРКМАНОБОД (1924 й. гача ва 1927—93 й.ларда Чоржўй, 1924—27 й.ларда Ленинск) — Туркманистоннинг Лебап вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Амударёнинг чап соҳилида. Йирик т.й. тугуни ва дарё порти, аэропорт бор. Аҳолиси 203 минг киши (1999). Шаҳар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар араб тарихчиси Балозурийнинг (9-а.) асарида келтирилган. Шаҳарнинг дастлабки номи Амуй бўлиб, кейинроқ араб тили таъсирида Амул шаклини олган.

Араблар Амулга илк бор 651 ва 655 й.ларда (Марвни босиб олганларидан кейин) ҳужум қилдилар. Бу тўғрида-ги маълумотлар Хитой манбаларида келтирилган. 672 й.да Амул аҳолиси ва арабларнинг Хуросондаги ноиби Абдуллоҳ ибн Зиёд аскарлари ўртасида жанг бўлиб ўтган. Шундан кейин у сулҳ тузиб Марвга қайтиб кетган. 8-а. бошида шаҳарни араб ноиби («амил») бошқарган.

Ўрта аср Амул ш. харобалари Чоржўй т.й. станциясидан 9 км шим.-шарқда жойлашган. 1-а.да вужудга келган шаҳар 150 га майдонни эгаллаб, арк (0,5 га), шаҳристон (9 га) ва ташқи шаҳардан иборат бўлган. Арк шаҳристондан 33 м баландликдаги тепаликда жойлашган. Шаҳристон кушон даври шаҳрининг ўзаги бўлиб, шаҳар катта рабод б-н ўралган. Кушон даврида рабод 50 гектар майдонни эгаллаган.

10-а.да Амул кичкина бўлса-да, аҳолиси зич жойлашган. Шаҳарнинг жоме масжиди баланд ерда ўрнашган, бозорларининг усти ёпиқ бўлган.

Шаҳар 1221 й.да мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Мўғуллар истилосидан кейинги манбаларда у қишлоқ сифатида тилга олинади. 15-а.дан аввалги «Амул» номи б-н бирга шаҳарнинг янги «Чоржўй» номи ҳам истеъмолга кира бошлайди ва аста-секин бу ном эскисини сиқиб чиқаради.

Ҳозирги Т. 19-асрнинг 80- й.лари-да эски шаҳар (Чоржўй) яқинида руслар қалъаси сифатида вужудга келган. Маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлигига қараган.

1886 й.дан шаҳар (Янги Чоржўй) Ўрта Осиёнинг савдо ва транспорт марказларидан (Чоржўй орқали 1888 й.да Ўрта Осиё т.й. ўтган) бири бўлиб қолди. 1924 й.дан Туркманистон ССР таркибида. 1937 й.дан Чоржўй деб аталди. Чоржўй 1939—63 ва 1970 й.дан Чоржўй вилояти маркази. 1993 й.дан Лебап вилояти маркази.

Шаҳарда нефтни қайта ишлаш, металлсозлик саноати корхоналари, ипак, гўшт к-тлари, жун, йигирув-тўқув, тикувчилик, пойабзал, мебель ф-калари, қоракўл, пахта тозалаш, сут, вино, қурилиш материаллари, суперфосфат, таъмирлаш з-длари ишлаб турибди. Пед. институти, бир қанча ўрта махсус билим юртлари, театр, тарих-ўлкашунослик музейи, Туркманистон тажриба ипакчилик ст-яси, мелиоратив ст-я бор.

ТУРКОН ХОТУН (асли Теркан — «олий насабли», «зодагон оилага хос», «хотун» — малика) (? — 1232/33. 18/6.10) — *Ануштегин* асос солган хоразмшоҳлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Алоуддин *Муҳаммад* хоразмшоҳ (1200—20)нинг онаси. *Жувайний*нинг таъкидлашича, Т.х. қанглы уругидан бўлган қипчоқ хони Акраннинг қизи эди. Тарихий манбаларда таъкидланишича, Султон Муҳаммад ҳукмронлиги даврида Т.х. салтанат ишларида етакчи мавқени эгаллаган, унинг фармойишлари ва маслаҳатлари ўғли томонидан сўзсиз бажарилган. Т.х.нинг раҳнамолигида саройаҳли, зодагонлар бир неча гуруҳга бўлиниб, ўзаро адоват қилганлар. Қипчоқлардан ташкил этилган олий мартабали саркардалар Т.х. б-н яқин бўлиб, аксарият саройда султонга қарши бўлиб турган бирон-бир гуруҳга бошчилик қилганлар. Салтанат ишлари деярли Т.х. томонидан бошқарилган. Кўп ҳолларда Муҳаммад хоразмшоҳ тарафидан эълон қилинган ҳукм ва фармойишлар Т.х. томонидан ҳеч қандай асоссиз, кенгашсиз бекор қилинар эди. Жувайнийнинг ёзишича, Гурганч (Урганч) Т.х.нинг хос пойтахти ҳисобланган, унинг хос саройи ва иқтоси мавжуд бўлган. Т.х. нафақат султон, балки молиявий ишлар, арконн давлат ва сарой амалдорлари устидан ҳам ҳукмронлик қилган.

*Ибн ал-Асир*нинг қайд этишича, Т.х. 1220 й. Илол қалъасида мўғулларга асир тушади ва хизматкорлари б-н биргаликда Толиқонда турган Чингизхон ҳузурига етказилади. Асирлар сафида бўлган вазир Малик Носируддин Ҳазорасипий қаттиқ қийноқларга солинади ва султоннинг фарзандлари қатори қатл этилади. Мўғулистон томон отланган Чингизхон бир неча кун Самарқандда тўхташга қарор қилади ҳамда Т.х. ва султоннинг омон қолган хотинларига хоразмшоҳлар салтанати

учун аза очиш, яъни мўғул аскарлари олдига чиқиб баланд овоз б-н йиғлашни буюради. Чингизхон кўрсатмасига биноан, Қорақурумга келтирилган Т.х. қишлоқларида умр кечирали ва шу ерда вафот этади.

Ад.: Шихаб ад-Дин Муҳаммад ан-Насавий. Жизнеописание Султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Баку, 1973; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., 1994.

Ҳамидулла Дадабоев.

ТУРК-РУНИК ЁЗУВИ — қ. *Орхун-енисей ёзувлари.*

ТУРКСАНФ — Турк хоқонлигининг ғарбий қисми (Оролбўйи) ноибларидан бири. У Турк хоқонлиги асосчиларидан бири Истами хоқонининг ўғли бўлиб, хитой йилномаларида Танхон, Византия манбаларида Т. шаклида қайд этилади.

ТУРКТОЗ — от қўйиб, тўсатдан ҳужум қилиб талон-торож қилиш усули. Ушбу ҳарбий тактик усул, асосан, туркий халқлар томонидан ҳарбий ҳаракатлар чоғида қўлланган. Т.дан асосий мақсад ғаним қалбига гулғула солиш, шаҳар, қишлоқларга кўққисдан ҳамла қилиш, душман кучларини пароканда қилиш, зарур бўлганда, «тил» олиш, турли шакллари ўлжани қўлга киритиш ва ҳ.к. ҳисобланган. Т. аксарият енгил қуролланган, миқдоран унча катта бўлмаган суворий гуруҳлар томонидан амалга оширилган. Мазкур амалиётни бажарувчи суворийлар тўдаси *қорахонийлар* армиясида ақинчи (селдай тез келадиган, ҳужум қиладиган), *темурийлар* қўшинида чопқунчи, шайбонийлар лашкарида юртовул истилоҳлари б-н юритилган.

ТУРКУ, Або — Финляндиянинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Турку-Пори лянининг маъмурий маркази. Аҳолиси 172,1 минг киши (2000). Балтиқ денгизининг Ботник қўлтиғи соҳилидаги порт. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Т.дан Швецияга паром қатнайди. Мамлакатнинг савдо-саноат ва маданий маркази. Машинасозлик (хусусан, кемасозлик, электроника), тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, музейлар бор. Т. 12-а. ўрталарида финларнинг шведлар эгаллаган савдо қишлоғи ўрнида бунёд этилган. Т. ҳақидаги илк ёзма маълумотлар 1154 й.га оид араб манбаларида учрайди. 13-а. ўрталарилан 1809 й.гача шведлар маъмурияти маркази. 1809—12 (амалда 1819 й.гача) Т. — Финляндия Буюк князлиги пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан роман собори (13—15-а.лар) ва қаср (1280, 16—17-а.ларда қайта қурилган) сақланган.

ТУРКУМ (genus) — 1) ботаникада филогенетик жиҳатдан яқин тақровий турларни бирлаштирувчи асосий таксономик категория. Зоологиядаги *уруғ* ботаникадаги Т. та тўғри келади. Мас., лўлананинг (Crataegus) ҳар хил турлари (сариқ, қизил ва б.) лўлалар Т. ига бирлаштирилади. Т.нинг илмий номи битта лотинча сўз б-н ёритилади. Т.лар битта, бир неча, ўнлаб, ҳатто юзлаб турлардан ташкил топади. Ҳар бир Т. (уруғ) бирор оила таркибига киради. 2) тоолотнида ҳайвонлар систематикасидаги таксономик категория, бир неча оилани бирлаштиради. *Систематикада* кўпинча Т. синфларга бевосита эмас, балки оралиқ категориялар (ўстўркум, инфрасинф, кенжа синф) орқали бирлаштирилади.

ТУРКУМ — муштарак ғоявий ният, умумий мавзу, қаҳрамон ва муайян композициион яхлитликка эга бўлган бадиий асарлар мажмуи. Т. асарлар адабиётнинг барча жанрларида мавжуд. Мас., Бальзакнинг «Инсон комедияси» ёки Золянинг «Ругон — Маккарлар»ини ташкил этувчи асарларини романлар Т.и дейиш мумкин. Шунингдек, ҳикоялар, очерклар ва ҳатто мақолалар Т.лари ҳам бўлади. Т., аниқроқ, шеъриятда кенг тарқалган.

Ўзбек шеъриятида лирик ҳамма шоирлар Т. асарлар яратганлар. Миртемирнинг «Қорақалпоқ лафтари», Зулфиянинг «Водий туҳфаси», Ҳ. Ғуломнинг «Қитъалар уйғоқ», Шуҳратнинг «Кавказ лафтари» каби Т. асарлари мавжуд. Т.ни ташкил этувчи ҳар бир асар мустақил бадиий қимматга эга бўлади, бироқ улар бирлашиб, ҳаётнинг бирор томони ҳақида мукаммал тасаввур берувчи тугалланган яхлит асарни вужудга келтиради.

ТУРЛАНИШ (тилшуносликда) — отнинг, аксарият олмошларнинг ҳамда ҳаракат номи ва отлашган сифатдошларнинг келишик шаклари б-н ўзгариши: китоб — китобнинг — китобни — китобга — китобда — китобдан каби. Т. кенг маънода отлардаги сўз ўзгаришини билдиради. Шу маънода отларнинг эгалик аффикслари олиб ўзгаришини ҳам Т. дейиш мумкин. Т. қондалари эса флектив ва агглютинатив тиллар морфологиясининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Т. тизими турли тилларда бир хил эмас (келишиклар, турланиш типлари миқдорининг ҳар хиллиги ва б.) ҳамда тилларнинг тарихий тараққиёти жараёнида ўзгариб турали.

Отнинг Т.и маъно талаби асосида юз беради, чунки от келишик шаклида қўлланиб, гапда бошқа сўзлар б-н грамматик алоқага киришади, маълум синтактик вазифани бажаради. Мас.: Мусиқа дунёни ҳам, кунгилларни ҳам сеҳрга, тотли тушларга тулдиради.

Ўзбек тилида ҳар бир келишик бир неча маънони ифодалайди, шунга кўра, маълум бир келишикдаги сўз гапда ҳар хил ғап бўлаги вазифасида келади. Лекин келишик маъноларидан бири асосий бўлиб, келишик шу асосий маънога кўра номланади. Келишиклар бунича Т., асосан, отнинг феъл б-н, отнинг от б-н грамматик алоқасини курсатади.

Иззат Мавлонов.

ТУРМА, қамоқхона — *озодликдан маҳрум қилиш* тариқасидаги *жазони ижро этиш муассасасининг* бир тури. Ўзбекистон Республикаси ЖИК га кўра, Т.га қамаш тариқасидаги озодликдан маҳрум қилиш жазосини муайян қисми, лекин 5 йдан кўп бўлмаган муддатга ўта хавфли рецидивистларга ва оғир ёки ўта оғир жиноят учун 5 йдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд томонидан тайинланиши мумкин. Шунингдек, Т.лар умумий ва қатиқ тартибли колонияларидан жазони ўташ тартибини аралаш бузганлик учун ўтказилган шахсларни сақлашга мўлжалланган. Т.ларда маҳкумлар умумий камераларда сақланади. Алоҳида ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлигининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни 1 кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади. Т.да маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 75 фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. Улар ҳар муддати 1 соатлик сайр қилиш ва йил мобайнида 2 марта қисқа муддатли ҳамда 1 марта узоқ муддатли учрашув, 2 марта телефон орқали сўзлашув, 2 та посилка ёки йўқлов, шунингдек, 2 та бандероль олиш ҳуқуқига эга. Т.ларда маҳкумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитида муддатдан олдин ўтказишга йўл қўйилмайди, маҳкумни соғлигига кўра тегишли тиббий хулоса асосида ўтказиш ҳоллари бундан мустасно. Ҳомиладор аёллар ва ёнида эмизикли боласи бор аёллар, шунингдек, 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари Т.ларда жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Мирзоюсуф Рустамбоев.

ТУРМАЛИН (нем. Turmalin, сингалезча тормалли — сердоликдан) — минерал, занжирли силикатлар синфига мансуб мураккаб ва ўзгарувчан таркибли, борли алюмосиликат. Таркиби ва рангига кўра, Т. қуйидаги турларга бўлинади: темирли Т.: шерл ёки эфирини (қора), варелит (пушт, индиголит (тўқ кўк), магнезиал Т.: дравит (қўнғир-сариқ); литийли Т.: эльбаит (ок бинафша ранг, пушти), рубеллит (тўқ пушти); марганецли Т.: телланит ва б. Тригонал сингония-да кристалланади. Кристаллари чўзиқ, устунсимон; призмалар, дипирамидалар ҳосил қилади. Шпилясимон ялтирайди. Қаттиқлиги 7—7,5, зичлиги 3—3,2 г/см³. Т. скарнларда, гранитли пегматитларда учрайди. Тиниқ шаффоф, тиниқ, чиройли хиллари зарғарликда, йирик кристаллари радиотехникада ишлатилади. Туркистон, Қоратепа. Помир тоғларининг жан. қисмида шерл кристаллари топилган. Зирабулоқ, Нурота тоғларининг жанубсимон Т.нинг тим қора томирлари ёриб ётади. Нуротада биринчи марта ванадийли тўқ жигарранг Т. топилган. Т. конлари хорижда РФ (Урал, Байкал орти), Бразилияда, Мадагаскар ва Шри Ланка оларида мавжуд.

ТУРМУШ ТАРЗИ — шахс, ижтимоий гуруҳ, элат, миллат, халқнинг кундалик ҳаётини ифодаловчи тушунча. Т.га турли жиҳатлар: фалсафий, социологик, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-гуруҳий ва б. нуқтаи назардан ёндошилади. Шахс, ижтимоий гуруҳ Т.т. муайян давр шарт-шароитларининг бутун мажмуаси б-н белгиланади. Т.т. ижтимоий категория. У турмуш даражаси деб аталадиган иқтисодий категорияга нисбатан кенгдир. Турмуш даражаси, асосан, миқдор кўрсаткичига эга бўлса, Т.т. нинг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлиш шакллари кўп ҳолатда кишиларнинг ҳаёт кечиришни, меҳнати, соғлиги ва ҳатто хулқ-атвори б-н ифодаланади. Муайян элат, миллат ва халқнинг Т.т. уларнинг ишлаш жойлари б-н боғлиқ ҳолда шаклланиб ўзгариб боради. Ўзбек халқи ўз ҳаёт фаолиятида камтарлик, катталарга ҳурмат, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, софдиллик каби ахлоқий хислатларга алоҳида эътибор беради. Ўзбек халқидаги бундай фазилатлар миллий урф-одат ва анъаналарда, кундалик ҳаёт тарзи ва миллатлараро муносабатларда акс этган. Халқимиз ҳаётида одоб-ахлоқ меъёрлари асосидаги расм-русумлар, анъаналар ва одатларнинг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб яшаб, маҳалла, қўшничилик удумига қатъий риоя қилган. Оилада туғилган ҳар бир гўдакка яхши ният б-н исм қўйилган, савобхши ният б-н ишга қўйилган, савобни чиқариш учун уни устоз-мураббийлим қўлига топширилган. Фарзандларни ҳунарли ва уй-жойли қилиш ота-оналар фаолиятининг энг муҳим вазифасига айланган. Одамларнинг, хусусан, ёшларнинг юриш-туриши, улар амал қиладиган тамойиллар ҳамиша жамоа назарида бўлади.

Акбар Ўтамуродов.

ТУРМУШДАГИ ЖАРОҲАТЛАНИШ — ҳодимнинг иш фаолияти б-н боғлиқ бўлмаган тарздаги жароҳатланиши ва майибланиши. Т.ж. туфайли меҳнат қобилияти бутунлай йўқолган ёки жиддий равишда пасайган шахсларга Тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг ногирон деб топиш ҳақидаги хулосаси асосида муайян шартлар мавжуд бўлганида ногиронлик пенсияси тайинланади. Т.ж. туфайли вақтинча меҳнат қобилияти йўқотилганда «Вақтинча меҳнатга қобилиятсизликни даволаш профилактика муассасаларида экспертиза қилиш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ текширилиб, белгиланган тартибда касаллик варақаси ёки маълумотнома берилади. Ходим мастлик ёки спиртли ичимликлар (гиёҳванд моддалар)ни суиистеъмол қилиши, суд қарорига кўра, *мажбурий даволаш* юборилганлиги туфайли олинган жароҳатлар оқибатида вақтинча меҳнатга яроқсиз бўлиб қолса, бу ҳақда унга маълумотнома берилади. Т.ж. туфайли меҳнат қобилияти вақтинча йўқолганида тиббий даволаш профилактика муассасаси томонидан берилган вақтинча меҳнатга яроқсизлик варақаси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорда вақтинча меҳнатга яроқсизлик нафақаси берилади. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ҳақида маълумотнома берилган ҳолларда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тайинланмайди. Иш жойларида юз берган Т.ж. белгиланган тартибда текширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Турсунов.

ТУРНА (лот. Grus) — осмонининг Жан. ярим шаридаги йолдуз туркуми. Унинг йолдузлари туташтирилганда учаётган йолдузни эслатгани учун шундай ном олган. У *Жанубий балиқ, Микроскоп, Феникс* ва Ҳиндий йолдуз туркумлари орасида жойлашган. Ўзбекистон ҳудудида унинг асосий қисми, жан.да атиги 10—15° гача кўтарилади ва шунинг учун ҳам яхши кўринмайди. Т.да оддий кўз б-н ҳаммаси бўлиб 30 га яқин йолдузни кўриш мумкин.

ТУРНАБУЛОҚ, Қизил, Қургашакосой — Қашқадарё вилоятидаги Ҳисор тизмасининг Яккабог тоғларидан (2500 м) бошланади. Яккабог қишлоғи яқинида (4 км) Яккабогдарёга қуйилади. Уз. 35 км, ҳавзасининг майд. 186 км². Тоғлар орасидан чуқур даралардан сўнг кенг водий бўйлаб оқади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 1,35 м³/сек. Баҳорда тошади. Март — июнь ойларида суви кўпаяди, ёз охири ва кузда камаяди. Экин майдонларини суғоришга сарфланади.

ТУРНАЛАР (Gruidae) — турнасимонлар туркуми оиласи. 4 уруғга бирлашган 15 тури мавжуд. Йирик, оёқлари ва бўйни узун, қанотлари нисбатан кенг. Европа, Осиё, Шим. Америка, Австралияда тарқалган. Суволди ёки ўта нам экосистемаларда яшайди. Мавсумий миграция даврида қишлаш жойларига катта гала бўлиб учиб кетади. Унинни ерга ўсимликлардан ясайди. 3—6 ёшида вояга етади. Насл учун иккала жинс ҳам ғамхўрлик қилади. 2—3 та тухум қўяди, 1 ойга яқин босади. Болалари 2—3 ой ўтгач, учирма бўлади. Жуфти доимий, узоқ сақланади. Ёш қушлар ота-онаси б-н қишлов жойига учиб кетади; баҳорда уя қуриш жойларига қайтиб келгандан сўнг алоҳида яшай бошлайди. Ўсимликлар уруғи, куртаги, меваси, ҳашаротлар, майда кемирувчилар, балиқлар, моллюскалар ва б. б-н озиқланади. Ўзбекистонда оқ турна, қуранг турна ва кичик турна учиб

Турналар: *1* — қарнама; *2* — ғузал турна.

ўтиш даврида учрайди. Жан. вилоятларда қуранг турна қишлаб ҳам қолади. Оқ турна Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобларига киритилган.

ТУРНЕПС, хашаки шолғом (Brassuca гара гара) — карамдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик, ем-хашак экини. Европада ёввойи туридан келиб чиққан. Ер шарининг барча деҳқончилик минтақаларида фақат экма ҳолида тарқалган. Экилган йили илдиз бўғизи барг бандлари ҳамда йирик илдизмева ҳосил қилади. 2-йили экилган илдизмева-

Турнеп.

нинг бош қисмидаги куртаклардан гулпоя, тўпгул ва уруғли мевалар ривожланади. Меваси кўп уруғли қўзоқча, уруғи майда, ранги қора ёки жигарранг. 1000 дона уруғи вазни 2,5—3,0 г. Илдизмеваси ва барги сершира, минерал тузлар ва витаминларга бой. 100 кг илдизмевасида 9 озуқа бирлиги ва 0,7 кг ҳазм бўлувчи протеин, 100 кг поясида 11,4 озуқа бирлиги, 1,8 кг ҳазм бўлувчи протеин бор. Совуққа анча чидамли. Т. уруғи Ўзбекистон шароитида эрта баҳорда ва такрорий экин сифатида ёзда кенг қаторлаб экилади. Уруғлик экиш меъёри 2,3—3,5 кг/га, чуқ. 1,5—2,5 см. Қатор ораси 60,70, 90 см. Илдизмева ҳосилдорлиги 400—500 ц/га (суғориладиган ерларда 1000 ц/га ва ундан юқори), барг ҳосилдорлиги 150—200 ц/га.

ТУРНИР (нем. Turnier) — 1) ўрта асрларда Ғарбий Европада рицарларнинг ҳарбий мусобақаси. Унинг мақсади рицарларнинг жанговарлик қобилиятини намойиш қилиш бўлган. Кўп мамлакатларда 16-а.да тўхтатилган; 2) 2 тадан ортиқ спортчи иштирок этадиган шахсий ёки жамоа биринчилиги мусобақаларини ўтказиш шакли. Давра (ҳар бир қатнашчи бошқа қатнашчиларнинг ҳаммаси б-н бир ёки бир неча мартадан учрашади), олимпиада ёки кубок (навбатдаги турда маглуб бўлганлар чиқиб кетаверади) тартиблари фарқланади. Шунингдек, швейцарча деб ном олган тартиб ҳам бор. Унда учрашувлар сони қатнашчилар сонига нисбатан бир неча марта кам бўлади. 1-турда рақиблар қуръа ташлаб аниқланади, кейинги турларда эса тенг очко олганлар орасида қуръа ташланиб жуфт аниқланади. Бир мусобақа давомида босқичма-босқич турлича тартиблардан фойдаланиш мумкин.

ТУРОБ ТЎЛА (тахаллуси; фамилияси Тўлахўжаев, 1918.24.12 ҳоз. Жанубий Қозоғистон вилоятининг Турбат қишлоғи — 1990.20.4, Тошкент) — шоир, драматург ва кинодраматург. Ўзбекистон халқ шоири (1988). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Тошкент театр билим юртида (1934—38), Тошкент пед. ин-тининг тил ва адабиёт ф-тида (1938—41) ўқиган. «Ёш ленинчи» газ.да адабий ходим (1935—41), Ўзбекистон Давлат радиоэшиттириш қўмитасида муҳаррир ва диктор (1935—48), «Қизил Ўзбекистон» газ. таҳририятида адабий котиб (1948—49), партия идораларида инструктор (1949—51), Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир (1953—57), «Ўзбекфильм» киностудиясида сценарий бўлими бошлиги (1957—62), Киночилар уюшмасида котиб (1962—67), Маданият вазирлиги қошилаги Санъат ишлари бошқармасида бошлиқ (1967—76), Ҳамза театрида директор (1977—79), Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлими ва Адабиётни таргиб этиш марказида раҳбар (1980—90). Дастлабки «Шеърлар» тўплами 1939 й.да нашр этилган. Шундан кейин шоирнинг «Шодлигим» (1941), «Табассум» (1944), «Бахт тонготари» (1948), «Муборакбол» (1949), «Болалар достони» (1950), «Қанотлан, қўшиқларим» (1955), «Танланган асарлар» (1958), «Оромижон» (1961), «Гулёр» (1968), «Офтоб найзада» (1974) сингари шеър, қўшиқ ва достонлардан иборат тўпламлари эълон қилинган.

Т.Т.нинг шеърий ижоди лирик шеър, қўшиқ, баллада ва достонлардан иборат. Асосан, қўшиқ жанрида самарали ижод қилган («Ҳаё билан», «Сумбула», «Кўчалар», «Дўппи тикдим», «Сартарош қўшиғи» ва б.).

Т.Т. «Ҳамият» (1948), «Шаҳло», «Замон ҳукми» (1968), «Суюк момо» (1975), «Трамвайда топилган дафтар» (1978) сингари достонларида меҳнатсевар замондошлари ҳаётига мурожаат этиш б-н бирга тарихий ўтмиш саҳифаларини ҳам варақлаш ва мозийда рўй берган муҳим воқеаларга ҳоз. давр нигоҳи б-н қарашга интилган.

«Қизбулоқ» (1968), «Қувваи қаҳқаҳа» (1969) ва б. пьесалар ёзган. 1969—70 й.ларда Ф. Шиллернинг «Мария Стюарт» трагедиясини ўзбек тилига таржима қилгач, машҳур ўзбек шоирасининг фожиали ҳаётига бағишланган «Қувваи қаҳқаҳа» драмасини қайта ишлаб, уни «Нодирабегим» номи б-н саҳнага олиб чиққан (Ҳамза, Муқимий ва б. театрларда қўйилган). Т.Т. айни пайтда ўзбек ва қардош халқлар адабиётидаги сара асарларнинг саҳна вариантини яратиш мақсадида Ч. Айтматовнинг «Момо ер» қиссаси асосида шу номдаги мусиқали драма, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида «Зулматдан зиё» опера либреттосини, Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул ва Бахтиёр» достони асосида шу номдаги шеърий драма (1979)ни, «Маликаи айёр» ўзбек халқ достони асосида шу номдаги опера либреттоси (1987)ни яратган. Ғ.Зафарийнинг 20-й.ларда республика театрлари саҳналарида катта муваффақият б-н ўйналган «Ҳалима» мусиқали драмасини қайта тиклаб, Муқимий театрида саҳналаштирган. Булардан ташқари, ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган «Самарқанд афсонаси» балети либреттоси ҳам бор. «Мафтунингман» (1958), «Фурқат» (М. Мелкумов б-н ҳамкорликда, 1960) кинофильмлари ва «Шашмақом» видеофильми сценарийси муаллифи. Т.Т. ўзига замондош бўлган ўзбек адабиёти ва санъати арбоблари ҳақида қатор адабий портрет, очерк ва хотиралар ёзган («Нафосат», 1967; «Камалак» 1972). У. Шекспирнинг «Қийиқ қизнинг қўюлиши» комедияси, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.А. Некрасов, Т. Шевченко, А. Тўқай, С. Муқонов асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ас. Асарлар [3 ж.ли], 1—3-ж.лар, Т., 1978—80; Етти юғора, Т., 1981.

Ад. Алиев М., Туроб Тўла, Т., 1969; Муминова Д., Даврими қўшиқлари, Т., 1977.

ТУРОБОВ Камол (1921.1.7, Тошкент) — кулол, Ўзбекистон халқ рассоми (1974). Ҳунарни отаси уста Туроб *Миралиев*дан ўрганган. Тошкент бадиий ўқув-и.ч. к-тининг кулоллик бўлимида ўқиган (1935—38). Тошкентдаги «Қизил кулол» артелида уста (1939—41, 1946—49), 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45), Ўзбекистон Маҳаллий саноат министрлиги Давлат махсус конструкторлик технология бюроси кулоллик бўлимининг мудири (1968—95). Т. яратган бадиий идишлар сифатли ва нафис, паргари, ислимий нақшлар б-н чизма усулда безатилган. Т. тайёрлаган идиш ва буюмлар халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. «Жасорат» медали б-н мукофотланган (1995).

К. Туробов ишларидан намуналар.

ТУРОН — тарихий-географик атама. Ўрта асрлар адабиётларида (Табарий, Беруний, Фирдавсий) Эрон ва Т. ҳудудий чегаралари Амударё орқали белгиланади. Дастлаб Авестода қайд этилган «тур» этнонимн кейинчалик Марказий Осиё дашт ва тоғ ерларида яшовчи чорвадор аҳоли б-н боғланган. Олимларнинг фикрига кўра, «турлар» тушунчаси — бу сак-массагетларнинг дастлабки номи бўлиши мумкин. Сак-массагетлар ва уларга яқин қариндош қабилалар мил. ав. 6—4-а.ларда Олтой ва Жан. Сибирь даштларигача тарқалган. Бу ҳақда археологик маълумотлар ҳам далолат беради ва Шинжон-Уйғур ўлкасида сақлар ёзувларининг тарқалиши ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Маҳмуд Кошғарийнинг таъкидлашича, Уйғуристоннинг Қашқар туманида «кансак» тили сақланган эди. Шарқий Туркистондаги Хотан воҳасидан топиб текширилган ёзувлар «хотансак» ҳужжатлари номи б-н аталган. Демак, Т. — фақат Ўрта Осиё ҳудудининг қад. атамаси деган хулоса баҳслидир. «Турон», «туронликлар» юрти тушунчасини кенг ҳудудлар б-н боғлаш мумкин. Ўрта аср муаллифлари ҳам «Турон» географик тушунчасини турлича тасдиқлайдилар. Баъзи тарихчи ва географларнинг айтишича, Турон — бу турклар, туркий қабилаларнинг юрти деган маънони билдириб, кейинчалик «Туркистон» тушунчасига айланган.

Акад. А. *Муҳаммаджонов*нинг фикрича, «Т.» атамаси суғдча — ер, тупроқ, дала ва дашт каби маъноларни билдирган. Шунга кўра, «Т.» топоними пасттекислик, далаю даштликлар, яъни кенг яйловлар деган маънони англатган.

«ТУРОН» — адабий-сиёсий газета, 1917 й.да Абдулла *Авлоний* муҳаррирлиги остида Тошкент ш.да ҳафтасига 3 марта чоп этилган. Мирмуҳсин Шермуҳамедов Бухоро уламоларини танқид қилиб газ.нинг 2-сонида ёзган мақоласидан сўнг, 1917 й. июлида нашр ишлари тўхтатилган. Газ. 1917 й. 14 сент.дан Низомиддин Исомиддин ўғли ва Муҳаммад Амин Афандизодаларнинг муҳаррирлигида яна бир қанча муддат нашр этилган. «Т.» саҳифаларида Низомиддинқори, Муҳаммад Амин Афандизода, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Шокиржон Раҳимийларнинг мақолалари бериб борилган. Газ.нинг 15 сони Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ноёб китоблар бўлимида сақланади.

«ТУРОН» — Бухоро жадидлари томонидан чиқарилган газета. Янги Бухоро (ҳоз. Когон) ш.да 1912 й. 14 июлдан 1913 й. 2 янв.гача ўзбек тилида дастлаб ҳафтасига 2 марта, сўнгра 3 марта нашр қилинган. Жами 49 сони чоп этилган. *«Бухоройи шариф»* газ. б-н биргаликда, Россия императорлигининг Бухородаги сиёсий агентлиги томонидан тақиқланган. Газ. саҳифаларида Бухоро амирлигидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт тасвирланган, амирликда иелоҳот ўтказиш зарурияти таъкидланган. Садриддин *Айний*нинг ёзишича, «Т.» фақат Бухоро мамлакатида эмас, бутун Туркистонда шуҳрат қозонган. Газ.ни моддий жиҳатдан йирик савдогар Муҳиддин Мансуров ва маърифатпарвар *Сирож Ҳаким* қўллаб-қувватлаб турган. Газ.ни гоявий жиҳатдан *«Тарбияи атфол»* жамияти бошқарган. «Т.»га бухоролик Ғиёс махсум Ҳусайний муҳаррирлик қилган.

Ад.: Садриддин Айний, Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1996; Эргашев Б. Х., Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате, Т., 1991.

«ТУРОН» — театр труппаси. Жадидларнинг 1913 й. Тошкент ш.да очилган биринчи театр труппаси. Труппанинг бадиий раҳбари — Абдулла *Авлоний*, маънавий ва моддий ҳомийси *Мунавварқори* Абдурашидхонов ва б. Тошкентнинг мўътабар кишилари бўлган. Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, Шокиржон Раҳимий, Муҳаммаджонқори Пошшахўжаев, Фузаил Жонбоев, Ҳасанқори, Самеъқори Зиёбоев, Қудратилла Юнусий ва б., 1916 й.дан Маннон Уйғур, Ғулом Зафарий, Сулаймон Хўжаев кабилар труппанинг асосий кучлари ҳисобланган. Труппа ўз фаолиятини 1914 й. 27 фев.да Тошкентдаги «Колизей» театри биноси (2000 томошабинли)да «Падаркуш» (М. Беҳбудий) спектакли б-н бошлаган. Бош ролларни Абдулла Авлоний, С. Зиёбоев, М. Пошшахўжаев, Б. Аъламовлар ижро этганлар. Спектаклни озарбайжонлик актёр ва реж. Алиасқар Асқаров қўйган. 1915 й. шу спектакль Н. Хўжаев томонидан қайта саҳналаштирилган. Кетма-кет Н. Қудратилланинг «Тўй», А. Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», А. Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?» каби асарлари саҳналаштирилган. Озарбайжон актёри ва реж.и *Руҳилло* Сидқи 1914—16 й.лар Тошкентга ижодий сафари давомида «Т.» театри аъзолари ўртасида мусиқали драма жанрига қизиқиш уйғотган. Озарбайжонларнинг «Лайли ва Мажнун» спектаклида «Т.» труппаси аъзолари ҳам бирга роль ўйнаганлар.Театр муҳим мавзу ва жанр доираси асосида кенг репертуар яратиш имкониятига, Тошкентнинг эски ва янги шаҳар қисмида ўзининг қишлик ва ёзлик биносига эга театр жамоаси даражасига кўтарилган. «Пинак» (А. Авлоний), «Мазлума хотин» (Х. Муин), «Ўликлар» (М. Қулизода) каби спектакллар б-н ўз репертуарини бойитган. 1917 й. Октябрь тўнтаришидан сўнг «Т.» театри ҳукумат ихтиёрига олиниб, унга давлат театри мақоми берилган. Турли даврда турли номлар б-н юритилган. Маннон Уйғур театрнинг етакчиси, бадиий раҳбари бўлган (қ. *Ўзбек миллий академик драма театри*).

Тошпўлат Турсунов.

«ТУРОН» КУТУБХОНАСИ, Тошкент вилояти «Турон» илмий универсал кутубхонаси — Республикадаги энг йирик кутубхоналардан бири, илмий-маърифий муассаса. 1918 й. Тошкент ш.да мустақил оммавий кутубхона сифатида очилган. 1919 й.да «Турон» номи берилган (1928—93 й.ларда «Октябрь» номи б-н аталган). Кутубхона жойлашган бинода дастлаб 1913 й. да маърифатпарвар Абдулла *Авлоний* бошчилигида *«Турон»* театр труппаси тузилган. Тошкент ш. маърифатпарварларининг «Турон» жамияти ташаббуси б-н ва уларнинг шахсий китоблари ва совға қилган жамғармалари заминида шу бинода кутубхонага ҳам асос солинган (1913). «Т.»к. *Мунавварқори* Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, *Абдулла Қодирий*, *Чўлпон*, Ғулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Маннон *Уйғур* каби тараққийпарвар зиёлиларни бирлаштирган ҳамда Ватан, миллат озодлиги учун курашда юксак ўрин тутган маънавий муҳит шу ерда шаклланган.

Дастлаб 4 минг китоб бўлган кутубхона фондида 400 мингдан зиёд асар мавжуд (2004). Ноёб нашрлар орасида Октябрь тўнтаришига қадар нашр этилган асарлар, 1918 й.дан нашр қилинган газ.лар жамғармаси бор; ҳоз. кунда чоп этилаётган 100 га яқин даврий нашрлар ва б. асарлар б-н кутубхона фондини тўлдириб боради. «Т.»к.да 8 бўлим — илмий методик, китоб фондини бутлаш, адабиётларга кутубхона усули б-н ишлов бериш, китоб сақлаш, маълумот-библиография, китобхонларга хизмат кўрсатиш (ўқув заллари б-н), алмашув фонди, ахборот ва замонавий технология бўлимлари бор. Кутубхона китоб кўргазмаларини, маданият меросига бағишлаб турли тадбирлар, таниқли олимлар, адиблар б-н ижодий учрашувларни мунтазам ташкил қилади, библиография методикаси бўйича қўлланмалар нашр этади. 1938 й.дан вилоятдаги 500 дан ортиқ кутубхоналар учун методик марказ ҳисобланади, вилоят кутубхоналари ходимларининг

малакасини ошириш курслари ташкил этади, семинар-тренинглар ўтказади.

«Т.»к.да автоматлаштириш кенг йўлга қўйилган: Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб кутубхона жамғармасидаги 75 минг нусха ўзбек тилидаги адабиётларнинг электрон каталогини тузиш якунланди. Ҳуқуқий ахборотлар б-н таъминловчи марказ, интернетга уланган компьютер хонаси ва б. техник воситаларга эга.

Вазира Собирова.

ТУРОН ТЕКИСЛИГИ, Турон пасттекислиги — Ўрта Осиёнинг шим.-ғарбий ва марказий қисми ҳамда Қозоғистоннинг жан.-ғарбида жойлашган текислик. Шим.-ғарбда Устюртнинг шим.-ғарби бўйлаб Шарқий Европа текислиги (Каспийбўйи пасттекислиги), Жан. Урал (Мугожарнинг шарқий чеккаси, Уралорти пенеплени), шим.да Ғарбий Сибирь (Тўрғай платосининг шим.-шарқий тик ён бағри бўйлаб), Қозоғистон паст тоғлари б-н (унинг ғарбий чеккаси бўйлаб), шунингдек, Бетпакдала чўли, Балхаш-Олакўл ботиғининг шим. чекка қисмлари бўйлаб чегараланади. Жан.-шарқда ва жан.да Ўрта Осиё тоғлари (Жунгария Олатовининг шарқий, Тяньшаннинг шим., Олай-Ҳисор тоғларининг ғарбий, Паропамиз ва Копетдоғ тоғларининг шим. этаклари), ғарбда Каспий денгизи б-н чегаралош.

Т.т. берк ҳавза, унинг марказий қисмида Орол денгизи ботиғи жойлашган. Майд. 1,5 млн. км². Ўртача бал. 150—200 м. Ғарбий қисми (Каспийбўйи пасттекислиги) денгиз сатҳидан 28 м пастда, баъзи бир ботиқлар (мас., Қорагиё ботиғининг туби) —132 м. Шарққа томон текисликнинг баландлиги ортиб боради.

Т.т.да Ўрта Осиёнинг йирик қумли, гилли, тошлоқ, лёсс-гилли чуллари (Қорақум, Катта ва Кичик Бурсиқ, Балхаш бўйи) жойлашган.

Т.т. ер юзасининг тузилиши хилма-хил, келиб чиқиши, шакли ва ёши жиҳатидан ҳар хил орографик шакллар: пасттекисликлар, платолар, паст тоғлар, қирлар, ботиқлар, қад. дарё ўзанлари, дельталар тарқалган. Т.т.нинг марказий қисмини Турон пасттекислиги эгаллаган. Ундан ҳар томонга баландлик ортиб боради. Бир қанча платолар (Устюрт, Мангистов, Красноводск, Шагирай ва б.) бор. Улар ичида энг йириги — Устюрт. Платолар ҳамма томондан тик ён бағир (чинк)лар б-н ўралган. Паст тоғлар Т.т.нинг ғарбий қисмидаги Мангистов я.о.да — Қоратов (556 м), Шим. ва Жан. Оқтовлар, Қизилқумдаги Султон Увайс тоғи (485 м), Бўкантов (500 м), Етимтоғ (622 м), Томдитов (922 м), Аристонтов (698 м), Овминзатов (649 м), Қулжуқтов (785 м), Қозоқтов (613 м), Балхаш кўлининг жан.-ғарбида Желтов, Ойтов (1052 м) ва б. Булар палеозой тог жинсларидан ташкил топган, сувайирғич қисми турли тузилишга эга (қояли, текисланган юзалар), ён бағирлари кўпинча тик, қояли, кўплаб қуруқ сойлар б-н кесилган. Т.т.да мезокайнозой тог жинсларидан тузилган бир қанча қирлар (Болхиз, Қорабел, Қорабовур, Оқтумшуқ ва б.) мавжуд. Уларнинг ён бағирлари нишаброқ, атрофидаги текисликлар б-н аста-секин туташиб кетади, бал. 1000 м гача. Т.т.да бир қанча ботиқлар (Борсакелмас, Аскаовдан, Мингбулоқ, Қорахотин, Оёқоғитма ва б.) бор. Уларнинг уз. 40 км гача, эни 20 км гача (Қорагиё) етади. Ботиқлар тубида баҳор фаслида вақтинчалик кўллар ҳосил бўлади. Баъзиларда (мас., Сариқамишда) доимий кўл бор.

Т.т.да Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари: Амударё, Сирдарё, Зарафшоннинг тўртламчи даврда тентираб оқиши натижасида келиб чиққан қад. ўзанлари (Ўзбўй, Жанадарё, Ақчадарё, Мохондарё ва б.) сақланиб қолган. Баъзи ўзанларнинг, мас., Ўзбўйнинг уз. 500 км дан шед, эни 300 м, чуқ. 40—50 м га етади. Т.т.да тугайдиган кўпчилик дарёлар (Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Тажан, Мурғоб ва б.) йирик дельталар ҳосил қилган. Уларнинг текис жойларида катта майдонга эга бўлган тақирлар, шўрхоклар вужудга келган. Каспий денгизининг шарқий, Орол денгизининг жан.-шарқий қисмларида денгиз текисликлари вужудга келган. Т.т.нинг катта қисмида эол жўякли қумлар, жўяк-қовак қумлар, барханлар, баъзи қисмларида (Устюрт, Каспий денгизи соҳилларида) карст рельеф шакллари тарқалган.

Т.т. Турон плитасида жойлашган. Унинг палеозой чукинди, метаморфик ва магматик тог жинсларидан ташкил топган пойдевори ҳар хил чуқурликда ўрнашган, баъзи ҳудудларда, мас., Марказий Қизилқумда ер юзасига чиқиб, янги тектоник ҳаракатлар таъсирида паст тоғлар ҳосил бўлган. Плитанинг пойдеворини мезо-кайнозой ётқизиқлари қоплаган. Иқлими кескин континентал, шим. қисмида муътадил, жан.да субтропик иқлим. Қиши, шим. қисмида совуқ, ёзи иссиқ, ҳавоси қуруқ, кам булутли. Янв. нинг ўртача т-раси, шим. қисмида —17°, —18°, жан. қисмида эса 2°, 4°. Энг паст т-ра, шим. қисмида —35°, —40°, жан.да — 20°, —25°. Июлнинг ўртача т-раси 25°, 35°, шим. қисмида 21°, 22°. Энг юқори т-ра 50° гача кўтарилади. Текисликнинг катта қисмида 200 мм дан кам ёғин тушади, энг кам ёғин (80—100 мм) Амударёнинг қуйи қисмида. Шим. томонга ёғингарчилик кўпайиб, 300—400 мм га етади.

Т.т.да доимий оқар дарёлар йўқ, тоғлардан бошланувчи дарёлар (Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Или, Чу, Мурғоб, Тажан ва б.) текислик ҳудудига етиб келади. Тектоник, антропоген кўллар (Орол, Балхаш, Сариқамиш, Айдаркўл, Денгизкўл ва б.) мавжуд. Т.т. ер ости сувларига бой, лекин, уларнинг катта қисми шўр. Чучук ер ости сувлари Турон плитасининг пойдевори ва баъзи қум массивларида ҳосил бўлган. Унинг ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёларда сув омборлари (Туямўйин, Тажан, Сариёз, Ҳовузхон, Йўлўтан) ва каналлар (Қорақум, Аму-Бухоро ва б.) барпо этилган. Тупроқлари кулранг-қўнғир, бўз, қумли, тақир, ўтлоқ, шўрхок, агроирригацион тупроқлар. Уларнинг кўпчилиги шўрланган, чириндига бой эмас. Ўсимлик қоплами сийрак, қурғоқчилик шароитида субстрат таркибига мослашган, вегетация даври қисқа бўлган шувоқ, шўра, жузгун, қум акацияси, эфемер ва б. тарқалган, воҳаларда маданий ўсимликлар ўстирилади. Ҳайвонот дунёси ҳар хил, ҳайвонлар қурғоқчил шароитда яшашга мослашган. Бир қанча қўриқхоналар (Амударё, Балайтўқай, Болхиз, Борсакелмас, Ҳасанкўли, Репетек, Устюрт, Қизилқум, Қоплонқир) ташкил этилган. Т.т. турли табиий бойликлар (иқлими, фойдали қазилмалар, чорвачилик озуқаси, ер)га эга. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, олтин, фосфорит, қурилиш материаллари бор.

Мурод Маматқулов.

Турон текислигидаги чўл ландшафти.

«ТУРОН» ЯККА КУРАШИ — миллий спорт тури. Туркий халқлар жанг қилиш санъати намунаси сифатида қадимдан машҳур бўлган. Бу турдаги яккама-якка курашиш усули Амир Темур даврида такомилига етган. «Т.» я.к.нинг замонавий қонун-қоидаларини халқаро миқёсдаги спорт устаси Б. Саидов ишлаб чиқди (1991). Курашчилар пешонабанд белбог боғлаб, яктак, кенг иштон кийиб мусобақалашадилар. Рақиблар майдонга чиққанда қўлларини юқорига кўтариб, бир-бирларига кафтларини кўрсатишади. Бу «кўриб қўй, қўлимда ҳеч нарса йўқ, ҳалол курашаман» деган маънони билдиради. «Т.» я.к.нинг икки: жанг ва эркин машқ йўналиши бор. Жанг йўналиши бўйича беллашув 2 қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисми 5 мин.дан бўлади, катта ёшдаги спортчилар учун 1 раунд 5 мин. ни ташкил қилади. Қолган ёшдагилар учун 1 раунд 2—3 мин. давом этади. Бу йўналишда ғалаба ва соф ғалаба бор. Ғалаба рақибига кўп зарба бериб энг кўп балл йиққан ўйинчига, соф ғалаба эса рақиби зарба олганда ғангиса, беҳол ҳолатга тушиб қолса ёки бўгма усули б-н ютганда берилиши мумкин. Эркин машқ йўналиши битта ва бир неча спортчи (жамоа) б-н бажариладиган машқлар бўлиб, 1,5 мин. давом этади. Машқлар буюмсиз ва буюмлар б-н бажарилади. Энг кўп балл тўплаган ўйинчи ёки жамоа голиб чиқади. Қилич, гимнастика таёғи, арқон каби буюм б-н бажариладиган кўргазмали машқлар б-н чиқишлари мумкин. У спортчининг техник усулларни қанчалик эгаллаганлиги ва жисмоний чиниққанлигини намойиш этади. Бу чиқишлар ҳам балл б-н баҳоланади.

Ўзбекистонда «Т.» я.к. федерацияси тузилган (1995). Ҳар йили Тошкент ш. биринчилиги ва Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилади. «Т.»я.к. *«Алпомиш ўйинлари» фестивали* дастуридан жой олган. Бу спорт тури бўйича Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ киши мунтазам шуғулланади. 5 халқаро спорт устаси, 30 дан ортиқ спорт устаси тайёрланди (2004). «Т.» я.к. халқаро миқёсда тан олинмоқда. АҚШ, Германия, Исроил, Нидерландия, Украина, Латвия, Молдавия, Белоруссия ва б. мамлакатларда «Т.»я.к. спорт секциялари очилган. 1-расмий халқаро турнир ўтказилиб (1996, Тошкент), унда А. Кенжабоев (Қозоғистон), Ч. Мергенов (Туркманистон), Т. Фаттоҳов, А. Рабинович (Ўзбекистон), Д. Журавлев (Россия) голиб бўлганлар.

«ТУРОНБАНК» — Ўзбекистондаги йирик акциядорлик-тижорат банки. 1990 й. 6 окт.да акциядорлик-тижорат бирлаштирув банки тарзида ташкил этилган. 1993 й.дан очиқ акциядорлик жамияти. Бошқаруви Тошкент ш.да, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, савдо, тайёрлов ва қурилиш соҳаси ташкилотларининг қайта ишловчи корхоналарига, шунингдек, халқ хўжалигининг турли тармоқ корхоналари, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари ва аҳолига банк хизматлари кўрсатади. «Т.» кенг тармоқли универсал банклардан бири ҳисобланади. Тошкент ш. ва вилоятларда банкнинг 16 та филиали, 37 та мини-банклари мавжуд. «Т.» фаолияти давомида Жиззах вилоятида Арнасой, Наманган вилоятида Кенкулсой, Резаксой сув омборлари қурилишини, Чодак даҳасидаги ерларни ўзлаштириш, Бухоро вилояти Денгизкўл, Хоразм вилоятида кўл коллекторлари реконструкциясини, Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги Бўстон канали қурилишини молиялаштирди. Т.нинг жами активлари 23,6 млрд. сўм, ўз капитали 3,4 млрд. сўм, захира капитали 974 млн. сўмни, баланс фойдаси 0,6 млрд. сўмни ташкил этди; жорий ликвидлик коэффициенти 0,599, капиталнинг етарлилик коэффициенти 0,155 (2004 й., 1 янв.)

Донцёр Орифжонов.

«Турон» якка кураши.

ТУРОНОВ Холмирза (1942.14.5, Ғаллаорол тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). СамДУни тугатган (1965). 1966—99 й.ларда Ғаллаорол туманидаги 27-мактабда биол. ўқитувчиси.

ТУРОНТОШ — *Чағониён* ҳукмдори (7-а. 2-ярми). Унинг исми Самарқанддаги Афросиёб деворий расмларидаги битикларда қайд этилган. Илк ўрта асрларда Чағониён вилояти Тохаристонга бўйсунар эди. Тохаристон эса, ўз навбатида, Турк хоқонлиги (552—745) таркибида эди. Бу пайтда Тохаристонда хоқонликка мансуб туркий ябғулар сулоласи мавжуд бўлиб, Тохаристоннинг аксарият вилоят ва туманларида туркий ҳокимликлар вужудга келган эди. Хусусан, хитой роҳиби Сюань Цзаннинг маълумот беришича, 640-й.ларда Чағониённи туркий ҳоким бошқарарди. Шунингдек, *Табарий* 710-й.ларда Чағониёнда шад унвонли туркий ҳукмдор бўлганлигини қайд этади. Бу эса 7—8-а.ларда Чағониёнда туркий сулола ҳукм сурганлигини кўрсатади.

Т. исми ҳам туркий бўлиб, у мазкур сулолага мансуб бўлган.

Ад.: Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В., Северная Бактрия-Тохаристан. Очерки истории и культуры. Древность и средневековье, Т., 1990.

ТУРОҚ — бўғинларнинг мисралар бўйича такрорланиб келган муайян бўлаги. Т. силлабо-тоник шеър тизимида урғули ва урғусиз бўғинларнинг шеър ўлчовини белгилайди. Бармоқ тизимида шеър мисраларидаги ритмик бўлак ҳисобланади, шеърнинг ритмини, мусиқийлигини вужудга келтиради. Т.лар *арузда* рукн деб юритилади; рукнлар ҳижоларнинг миқдори ва сифатига қараб характерланади. Шеърий мисралар икки, уч ва ундан ортиқ Т.дан ташкил бўлади. Бармоқ вазни шеърларидаги ҳар бир мисрада 2—3 Т., ҳар бир Т.да 2—3—4 ва ундан ортиқ бўғин бўлади.

Т.лар мисрада 2 катта туруҳга бўлиниб келади, бунинг натижасида бош

Т. пайдо бўлади. Қуйидаги мисолда бош Т. 2 чизиқ б-н кўрсатилган:

Дарё тўлқин, / сувлар тошқин// ўтолмайман,
Отим ориқ,/ манзилимга// етолмайман.
Оттинамни/ориқ қилган//— шу майда тош,
Рангтинамни/сариқ қилган//—шу қалам қош.
(Ўзбек халқ қўшиғи).

ТУРП (Raphanus sativus L.) — карамдошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. 5 минг йил муқаддам Қадимги Миср, Юнонистон ва Римда экилган. Ҳоз. пайтда дунёдаги барча мамлакатларда экилади. Биринчи йили кесикли, тукли барглардан иборат тўп-барг ва илдизмева ҳосил қилади. 2-йили, экилгач, гулпоя чиқариб, 35—40 кунда гуллайди. Гуллаши бир ойгача давом этади. Гул тўплами — шингил. Гули 4 тожбаргли, 2 жинсли, оқ пушти, бинафша ёки оч-сариқ рангда, четдан ҳашаротлар, асосан асаларилар ёрдамида чангланади. Маданий Т. редиска ва ёввойи Т. б-н осон чатишади. Меваси очилмайдиган урчуқ ёки цилиндрсимон қўзоқдан иборат. Уруғи юмалоқ, овал шаклда, оч, тўқ жигарранг (редиска уруғига ўхшаш), 1000 донаси вазни 9—14 г, унувчанлиги (1 тоифа уруғларда 85%) 4—5 йилгача сақланади.

Т. фақат очиқ ерда етиштирилади. Уруғи 2—4°да униб чиқади. 13—20°да яхши ривожланади, ҳарорат 20°дан юқори бўлса илдизмеваларининг ўсишига салбий таъсир қилади. Т. намсевар ўсимлик. Намлик етишмаса илдизмеваси яхши ўсмайди. Илдизмеваси йирик, 200 г дан 4—5 кг гача. Таркибида ўртача 1,92% оқсил, 1,58% қанд, 1,55% клетчатка, 8—29 мг % витамин С ва б. бор. Асосан, янгилигида, айрим вақтларда доривор сифатида истеъмол қилинади. Шунингдек, унда лавшага қарши витамин бор, модда алмашинуви, овқат ҳазмини яхшилайди.

Марғилон турпи нави.

Т. Ўзбекистоннинг марказий вилоятларида июль охири — авг. бошида, жан. минтақаларда, авг. 2- ўн кунлигида, 2—3 см чуқурликка экилади. Майса кўкариб чиққунча тупроқ доимо нам ҳолда тутилади. Кейинги парвариш ўташ ва яганалашдан, ўз вақтида суғориб ва культивация қилиб туришдан иборат. Ўзбекистонда Т.нинг Марғилон ва Андижон-9 тезпишар навлари давлат реестрига киритилган. Ҳосилдорлиги: Марғилон нави 350—360 ц/га; Андижон-9 нави 480—500 ц/га.

Ад.: Пивоваров В. Ф., Аромов М. Х., Турдикулов Б. Х. и др., Овощные и бахчевые культуры в Узбекистане, М., 2001; Останақулов Т. Ў., Сабзавот экинлари биологияси ва уларни технологияси., Т., 1997.

ТУРСУНБОЕВ Абдумутал (1856—Тошкент—1930) — ёғоч ўймакори, дурадгор. Ҳунарни уста Тошпўлат *Аминбўжаевдан* ўрганган, айниқса, *наргари* нақш усулини пухта эгаллаган. 19-а. охирларидан Тошкентда очилган мебель устахоналарида ишлаган рус усталари таъсирида мебелларни бўртма тасвирлар ва калама (инкрустация)

А. Турсунбоев. Наргари усулда ишланган сакиз қиррали курсининг устки қисми (1923).

усулида садаф, суяклар б-н безаб, шкаф ва жовон устаси сифатида танилган, миллий ёғоч ўймакорлигини янги усул б-н бойитган. Т. тайёрлаган ва безаган буюмлар кўпгина кўргазмалар (жумладан, Москвада уюштирилган 1-Бутун Россия Қ.х. ва саноати кўргазмаси ва б.)да намойиш этилган, юксак мукофотлар б-н тақдирланган. Т.нинг ишларидан намуналар республика ва хорижий мамлакатлар музейларида сақланади.

ТУРСУНЗОДА — қ. *Мирзо Турсунзода.*

ТУРСУНЗОДА (1978 й.гача — Регар) — Тожикистон Республикасидаги шаҳар (1952 й.дан). Турсунзода туманининг маъмурий маркази. Тожик шоири Мирзо Турсунзода номига қўйилган. Республиканинг жан.да, Ҳисор водийсининг ғарбий қисмида. Душанба ш.дан 57 км ғарбда жойлашган. Душанба — Термиз т.й.даги (Регар) станция. Аҳолиси 378 минг киши (2001).

Т.да рангли металлургия (1980-й.ларда алюминий з-ди қурилган), чинни з-ди, озиқ-овқат, енгил саноат (пахта тозалаш з-ди), қурилиш материаллари саноатлари мавжуд. 10 га яқин умумий таълим мактаби, интернат мактаби, спорт, мусиқа мактаблари, кутубхона, маданий муассасалар, маданият ва истироҳат боғи, стадион, касалхона ва б. тиббиёт муассасалари мавжуд. 1981 й.да Мирзо Турсунзодага ҳайкал урнатилган. Шаҳар четида Хўжа Нақшбанд мақбараси (10—11-а.лар меъморий ёдгорлиги сақланган.

ТУРСУНМУҲАМЕДОВ Саттор Позилҳақович (1929.11.1, Туркистон в.) — фалсафа олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979), фалсафа фанлари д-ри (1970), проф. (1972). Тошкент молия-иқтисод ин-тида ўқитувчи, доцент, кафедра мудири (1955—76). ТошДУ ҳузуридаги Олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш ин-ти директори (1976—79), 1985—93 й.ларда шу ин-тда ижтимоий-сиёсий муносабатлар кафедрасининг мудири. Тошкент педагогика ин-ти ректори (1979—83), 1983—85 й.ларда Тошкент халқ хўжалиги ин-тида фалсафа кафедрасининг мудири. ТошДУ ҳузуридаги Олий педагогика ин-ти директори (1993). 1995 й.дан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-тида сиёсатшунослик кафедраси проф. Илмий ишлари саноат ва қ.х. меҳнати, ижтимоий гуруҳлар, табақалар, мулкдорлар синфининг шаклланиши, ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик соҳаларига бағишланган.

ТУРСУННАЗАРОВ Йигитали (1941.13.3, Фарғона вилоятидаги Рапқон қишлоғи) — рангтасвир устаси. Ўзбекистон БА акад. (1999). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1973). 1973 й.дан Беруний номидаги Республика рассомлик билим юртида, 1999 й.дан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-тида педагог. Т. романнавис рассом — эпик асарлар устаси сифатида танилган. Теран фикрли замондошлари образларини яратди. «Хаёл», «Абдураззоқ ота Икромов», «Сўнгги мактуб», «2-жаҳон уруши қатнашчиси Аҳмаджон Шукуров», «Шоира», «Замондошларим», «Сув қақида достон» учлиги шулар жумласидан. Мустақилликдан сўнг буюк аждодлар сиймоларини яратди (жумладан, «Соҳибқирон Амир Темур» учлиги; «Соҳибқирон портрети» — Швецияда чоп этилган Амир Темур ҳақидаги китоб муқовасидан ўрин олган). Т. асарлари республика ва хорижий мамлакатлар (Россия, Ҳиндистон, Англия ва б.)даги кўргазмаларда намойиш этилди.

Й. Турсунназаров. «Хаёл» (1974—75).

шахсий кўргазмалари ташкил қилинган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

ТУРСУНОВ Муҳаммадали (1938.27.7, Қўрғонтепа тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Андижон педагогика ин-тини тугатган (1967). 1967 й.дан Қўрғонтепа туманидаги 35-мактаб ўқитувчиси. Бошланғич синф хонасини техника воситалари ва диапозитив аппаратлари б-н жиҳозлаган. «Сеҳрли кубиклар», «Сеҳрли квадратлар», «Сеҳрли китобча» ихтиро қилган ва таълим жараёнида улардан фойдаланади. «Ҳумо» алифбо дарслиги муаллифи.

ТУРСУНОВ Ориф (1912 — Тошкент — 1986.14.1) — ҳужжатли кино оператори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). 1930-32 й.лар киностудияда ёритувчи бўлиб ишлаган. Фаолиятини 1935 й. Ўзбекистон илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида оператор ёрдамчилигидан бошлаган. 1937 й.дан кинохроника ва ҳужжатли фильмлар оператори. Республика ҳаётига оид бир қанча киносюжетлар муаллиф-оператори. «Ўзбекистон далалари», «Тинчлик ва дўстлик кинофестивали», «Вьетнам, менинг Ватаним», «Оқ олтин машаққати» каби тўла метражли, «Бизнинг кунлар дугоналари», «Тошкент баҳори», «Икки кўча» каби қисқа метражли фильмлар шулар жумласидан. 60-й.лардан муаллиф-реж. сифатида ҳам фаолият кўрсатди. «Илғор маҳалласи», «Юнус Ражабий», «Оққўрғон репортажи», «Ғўзани ўгитлаш» ва б. ҳужжатли фильмларни яратган.

ТУРСУНОВ Сайфуддин Юнусович (1939.28.2, Андижон вилояти Избоскан тумани Пойтуғ қишлоғи) — терапевт олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), тиббиёт фанлари д-ри (1981), проф. (1983). Андижон тиббиёт ин-тини тугатган (1962). Ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида ординатор (1962—64), ассистент (1964—68), курс мудири (1968—70), кафедра мудири (1975—98), педиатрия ф-ти терапия кафедраси мудири (1970—72), госпиталь терапия кафедраси доценти (1972—73), эндокринология кафедраси курс мудири (1973—75), 1998 й.дан ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири. Илмий фаолияти юрак, қон-томир касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш ва асоратларини йўқотишга онд. Т. профилактик (привентив) кардиология мактаби асосчиси. Т. дарслик, ўқув-методик қўлланмалар муаллифи.

ТУРСУНОВ Тошпўлат (1932.7.5, Тошкент) — театршунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1992). Санъатшунослик фанлари д-ри (1985), проф. (1986). Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби (1995). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954). Шу ин-т қошидаги методика бўлимининг мудири (1954 — 55), 1955 — 58, 1961 — 64, 1969 — 73й.ларда Санъатшунослик ин-тида турли илмий лавозимларда ишлаган. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги репертуар-редакцион коллегиясининг бош муҳаррири (1964 — 69). Театр ва рассомлик санъати ин-тининг сиртқи ўқув бўлимининг декани (1973 — 74), илмий-ижодий ишлар бўйича проректори (1974 — 77), ректори (1987 — 96). Айни вақтда театршунослик кафедраси мудири (1974 — 98), 1999 й.дан кафедра проф. Т.нинг илмий фаолияти Ўзбекистон театрлари тарихи, театр ва драматургия, саҳна санъати, актёр маҳорати масалаларини ўрганишга бағишланган. «Дарбадар», «Алпомиш» пьесаларини ёзган. «Бандан гумроҳ» (Б. Брехт), «Консул ўгирланди» (Г. Мдивани), «Яраланган юраклар» (И. Афандиев), «Дунёга ружу қилсанг» (Д. Валеев), «Суд олдидан» (К. Амиров), «Чет эллик куёв» (А. Папаян), «Метродаги ҳодиса» (Н. Баэр), «Оқ эртак, оппоқ эртак» (В. Петросян) каби асарларни таржима қилган.

Ад.: Карим қизиқ Зарипов, Т., 1960; Турғун Азизов, Т., 2004.

ТУРСУНОВ Улуғ Тошмуҳаммедович (1905.9.1, Қўқон — 1971.20.6, Самарқанд) — тилшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), проф. (1958), филол. фанлари номзоди (1941); 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941 — 45). Фарғона пед. техникумини (1924) ва Ленинград шарқшунослик ин-тини (1930) тугатган. Марғилонда мактаб ўқитувчиси (1924—25), Қўқонда болалар уйи ўқув бўлими мудири (1925 — 27). 1930 — 32 й.ларда бир пайтнинг ўзида Тил ва терминология қўмитасида илмий ходим, Ўрта Осиё ун-тида ўқитувчи ва Тожик агропедагогика ин-ти (Тошкент) да кафедра мудири, 1933 — 34 й.ларда Ўзбекистон маданий қурилиш н.т. ин-тида сектор мудири, 1934 — 36 й.ларда Тил ва адабиёт ин-тида директор ўринбосари ва сектор мудири, 1936 — 71 й.ларда Самарқанд ун-ти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири.

Т.нинг илмий асарлари ўзбек тили лексикологияси, терминологияси, грамматикаси, диалектологияси ва ривожланиш тарихига, умуман, ўзбек тилининг илмий-назарий, амалий ва методик масалаларига бағишланган.

Ас.: Ўзбекчада феълларнинг ясалиши, Т., 1930; Ўзбек терминологияси масалалари, Т., 1933; Ҳозирги замон ўзбек тили [Морфология] (ҳаммуаллифликда), Т., 1960; Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков (в соавторстве), Самарқанд, 1962; Ўзбек тили лексикасининг баъзи масалалари (ҳаммуаллифликда), Самарқанд, 1971; Ўзбек адабий тили тарихи, Т., 1982; Ҳозирги ўзбек адабий тили [Лексикология, Морфология], 3-нашри, Т., 1992.

ТУРСУНОВ Фарҳод Юсупович (1931.30.10, Чимкент) — меъмор, проф. (1985). ТошПИ ни тамомлаб (1957), шу ерда ўқитувчи (1957 — 62), Лойиҳалаш и.т. ин-тида лойиҳаловчи ва лойиҳа бош меъмори (1962 — 66), Тошкент ш. ижроия қўмитаси Архитектура планлаштириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари (1966 — 69), Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси раиси (1968 — 80), Бош план ин-ти директори (1969 — 85), Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти раисининг 1-ўринбосари (1985—88), 1988—91 й.лар Тошкент политехника ин-ти архитектура ф-тида, 1991 й.дан Архитектура ва қурилиш ин-тида дарс беради. Қурилишда миллийлик, тарихий меъморий анъаналарни табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда замонавий меъморликка уйғунлаштириш Т. ижодига хос.

Т. шаҳар қурилиши мажмуасидаги Тошкент ш. маркази лойиҳаси ва қурилиши (1969—74, Давлат мукофоти, 1975), «Пахтакор» метро ст-яси (1977), «Халқлар дўстлиги» мажмуаси (1982), «Туркистон» саройи (1992), Республика биржа маркази (1996), Тошкент ш. ҳокимияти биноси (1998) ва б. қурилишларда меъмор сифатида иштирок этган. Ҳайкалтарошлик ва меъморликка оид илмий рисолалар муаллифи. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1991).

ТУРСУНОВ Ҳабиб Турсунович (1913.9.5 — Тошкент — 1987.13.5) — тарихчи олим. Ўзбекистон ФА акад. (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972), тарих фанлари д-ри (1963), проф. (1964). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1930). Маориф ва партия ишларида ишлаган (1930 — 42). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942 — 45). Ўзбекистон маориф вазири ўринбосари (1946 — 47); Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори (1952 — 55), катта илмий ходим (1955 — 56); Тошкент электротехника алоқа ин-тида каф. мудири (1956 — 66). ТошДУ ҳузурилаги Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш ин-тида каф. мудири (1967 — 69), шу ин-т директори (1969 — 76). Тошкент пед. ин-ти ректори (1976 — 79). Партия тарихи ин-ти директори (1979 й.дан). Асарлари давлат тузилиши масалалари ва Ўрта Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракатига бағишланган.

Ад.: Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане, Т., 1962.

ТУРСУНОВА Саидахон Эргашевна (1956.28.1, Чиноз ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент вилоят педагогика ин-тини тугатган (1977). 1977 й.дан Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-мактабда мат. ўқитувчиси, 1986 й.дан 36-, 16-мактабларда директор.

ТУРСУНХЎЖАЕВ Зикрулла Саъдуллаевич (1912.20.7, Тошкент) — агроном олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном (1969), қ.х. фанлари д-ри (1973), проф. (1974). С. *Турсунхўжаев*нинг ўғли. Ўрта Осиё пахтачилик ин-тини тугатган (1934), Бутуниттифоқ пахтачилик и. т. ин-ти (Союз НИХИ)да аспирант (1934 — 37), илмий ходим (1937 — 41), Пахтаорол тажриба ст-яси директори (1941 — 58), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА Деҳқончилик ин-ти директори, Қишлоқ хўжалиги ФА бўлим мудири (1958 — 60), Бутуниттифоқ пахтачилик и. т. ин-ти директори (1960 — 63), лаб. мудири, директор ўринбосари (1963 — 78), 1978 — 92 й.ларда илмий маслаҳатчи. Илмий ишлари гўза агротехникаси масалаларига ва суғорма деҳқончиликнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Ас.: Научные основы севооборотов на землях Голодной степи, Т., 1972. Производительная способность сероземов в севообороте и при монокультуре хлопчатника (в соавторстве), Т., 1977. Научные основы хлопковых севооборотов (в соавторстве), Т., 1987.

ТУРСУНХЎЖАЕВ Саъдуллахўжа (1891 — Тошкент — 1938.4.10) — давлат ва жамоат арбоби. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан бири. Рус-тузем мактабида ўқиган (1898 — 1901). «Тараққийпарвар» ташкилотининг аъзоси сифатида жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган (1908 — 17). Абдулла *Авлоний*, *Мунавварқори*, Низомиддин Хўжаев ва б. б-н ҳамкорлик қилган. Туркистон ўлкаси Озиқ-овқат халқ комиссарлигининг Москвадаги вакили (1917 — 18), Тошкент Эски шаҳар Совети ижроия қўмитаси раиси ўринбосари (1918), Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918 — 19), Миллий ишлар халқ комиссари, Ташқи ишлар халқ комиссари (1919), Туркистон Компартияси МК котиби, айни пайтда Бухоро Компартияси МК масъул котиби (1920 — 21), БХСРнинг Савдо ва саноат халқ нозири (1921), Туркистон АССР Марказий халқ хўжалиги Кенгаши раиси ўринбосари (1921 — 22), Помир области инқилобий қўмитаси раиси (1922 — 23), ХХСР Ижтимоий таъминот, савдо ва саноат халқ нозири (1923 — 24), ХХСР Нозирлар Шўроси раиси ўринбосари, Давлат режа комиссияси раиси, ХХСР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси (1924), Хоразм вилояти инқилобий қўмитаси раиси (1924 — 25), Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгашининг Ўзбекистон ССР бўйича вакили (1925 — 26), Ўрта Осиё сув хўжалиги қурилиши ташкилоти бошлиғи (1927), СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили (1928 — 34), Қозоғистон ССР Сув хўжалиги Бош бошқармасининг бошлиғи (1935 — 37). Т. «Миллий иттиҳод» Марказий қўмитаси аъзоси (1920 — 21) сифатида БХСРда катта ташкилотчилик ишларини олиб борган.

Подшо Россияси ва совет режимига қарши сиёсий фаолияти учун Т. бир неча марта қамоққа олинган (1911 й. Қўқон; 1922 й.; 1937.27.4, Олмаота). Тошкентда бўлган СССР Олий Суди ҳарбий коллегиясининг мажлисида отишга ҳукм қилинган ва ўша куни отиб ташланган. 1957 й. 1 авг.-да оқланган.

Ад.: Азизхода Л. Янги ҳаёт курашчилари, Т., 1977; Валидий, Бўлинганни бури ер [Хотиралар], Т., 1977; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

ТУРСУНХЎЖАЕВА Мунира Саъдуллаевна (1921.19.11 — Тошкент — 1976.7.4) — терапевт, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968). Тиббиёт фанлари д-ри (1956), проф. (1957). С. *Турсунхўжаев*нинг қизи. ТошТИ ни тугатгач (1941), шу ин-т госпиталь терапия клиникасида ординатор (1941—44), даволаш ф-ти ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида ассистент (1944—51), доцент (1951—57), проф. (1957—60), стоматология ф-ти ички касалликлар кафедраси мудири (1960—69), даволаш ф-ти госпиталь терапия кафедраси (1969—71), ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси (1971—76) мудири. Илмий ишлари Ўрта Осиёнинг иссиқ иқлим шароитида учрайдиган ичак касалликлари, атеросклероз ва б.да моддалар алмашинувининг ўзгаришларини ўрганишга ҳамда гериатрия ва геронтологиянинг турли долзарб масалаларига оид. Тошкентдаги тиббиёт коллежларидан бирига Т. номи берилган.

Ас.: К витаминотерапии атеросклероза в условиях Узбекистана, Т., 1974.

ТУРСУНҚУЛОВ Ҳамроқул (1892, ҳоз. Фарғона тумани Водил қишлоги — 1965.9.8, Тошкент вилояти Янгийўл тумани Шўралисой қишлоги; Тошкент ш.да Чигатой қабристонига дафн этилган) — қ.х. ишлаб чиқариши ташкилотчиси. 3 марта Меҳнат Қаҳрамони (1948, 1951, 1957). Фарғона вилояти Чимён волость ижроия қўмитаси раиси (1922—23), Чимён р-н «Қўшчи» уюшмаси раиси (1925), Фарғона вилояти Олтиариқ туманида «Бирлик» ва «Меҳнат» қ.х. артелларини тузган (1929). Тожикистонда давлат хўжалиги директори (1930—35). 1935 й.дан то умрининг охиригача Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Шарқ юлдузи» к-зи (ҳоз. Ҳ. Турсунқулов номидаги ширкат хўжалиги) раиси бўлган. Т. раҳбарлигида к-з республикада илгор хўжаликлар қаторига кўтарилиб, деҳқончилик ва чорвачиликда юқори кўрсаткичларга эришган. Шўралисой қишлогида Т. музейи бор. Фарғона вилояти Фарғона туманида ширкат хўжалиги, Тошкент ш.даги кучалардан бири Т. номига қўйилган.

ТУРУМТОЙ (Falco columbarius) — лочинсимонлар оиласига мансуб қуш. Танасининг уз. 80 см ча. Нарининг усти туқ кулранг, қорни сарғиш, модасининг усти қўнғир. Европа, Осиё, Шим. Американинг ўрмон ва ўрмон тундра қисмида, шунингдек, Осиё чўлларида тарқалган. Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Ўрта денгиз атрофида қишлайди. Ўрта Осиёда марказий осиё Т.и кенжа тури ўтроқ яшайди. Қоялларга уя қуради, баъзан дарахтлардаги эски инлардан фойдаланади. 3—5 та тухум қўяди. Асосан, майда қушлар, камдан-кам кемирувчилар ва ҳашаротлар б-н озиқланади.

ТУРУНЖ (араб. — лимон) — нақш тури; ҳошия ва асосий майдондан тузиладиган нақш мужассамоти марказига ишланади. Шакли лимонга ўхшаганлиги учун шундай аталган. Наққошлик тараққиёти давомида Т. шакл жиҳатидан бойиб ва мукаммаллашиб борган: тухумсимон, доира, ромб, 5—10 ва ундан ортиқ қиррали юлдуз шакллари кўп учрайди. Марказига Т., четига рута ва б. ҳошия нақшлар ишланадиган тўртбурчакли мужассамот кенг тарқалган. Т. *ахтаси* қоғозни 4, 8, 16 та буклаб, бир бўлагига нақш чизиб тайёрланади; сўнг нақш безатиладиган сиртга туширилади.

Турунж (20-а., Тошкент).

Амалий безак санъатининг барча соҳалари (наққошлик, гиламчилик, айниқса, зардўзлик ва б.)да кенг қўлланади.

ТУРУХТАН (Philomachus pugnax) — балчиқчилар туркумига мансуб қуш. Танаси 26 см ча. Нарининг қаноти 17,5—19 см, оғирлиги 184 г ча, модасининг қаноти 14—16,5 см, оғирлиги 108 г ча. Урчиш даврида нарининг бўйин ва боши орқасидан ранг-баранг тусда узун патлар ўсиб чиқади. Модаси бир оз одмироқ. Урчиш даври тугагач, иккала жинс бир-бирига ўхшаш тусга киради. Европа ва Осиёнинг шим. ҳамда мўътадил минтақаларида уя қуради. Жан. ва тропик Африкада, шунингдек, Жан. Осиёда қишлайди. Т. — полигам қуш. 4 та тухум қўяди. 22—23 кун босади. Майда умуртқасиз ҳайвонлар, ўсимлик уруглари б-н озиқланади. Гўшти мазали. Овланади. Ўзбекистонда миграция даврида учрайди.

Турухтан.

ТУРУШДОШЛАР — қ. *Ачитқидошлар*.

ТУРФОН, Тулуфон — Хитойнинг шим.-гарбий қисмидаги шаҳар, Синьцзян-Уйғур мухтор р-нида, Турфон сойлиғининг шим. чеккасида жойлашган. Аҳолиси 200 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Нефтни қайта ишлаш ва озиқ-овқат, цемент, саноати корхоналари бор.

Мил. ав. 2-а.да Т. ҳунларга тобе бўлган, 6-а. охиридан Турк хоқонлиги таркибида, кейинчалик Уйғур хонлиги пойтахти. 1209 й.да мўғуллар эгаллаган. Мўғулистон хони Вайсхон даврида (1418—25) Т. иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча юксалган. 15—17-а.ларда Чигатой хонлари қарорғоҳи бўлган. 1758 й.да хитойлар босиб олган ва Т. аҳолисининг кўпчилиги Уч шаҳри (Учтурфон)га кўчирилган.

ТУРФОН СОЙЛИГИ, Турфон ботиги — Тяньшан тоғларининг шарқий тармоқларидаги тектоник ботиқ, Хитой ҳудудида. Уз. 200 км, эни 70 км чамасида. Т.с.нинг энг чўккан қисми денгиз сатҳидан 154 м пастда, бу Осиёнинг қуруқлик қисмидаги энг паст жой. Ер юзаси текислик. Мезозой ва кайнозойнинг қум-гил ётқизиқларидан, тоғ олди чақиртош қатламларидан тузилган. Тубининг бир қисми аччиқшўр сувли кўл. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 33°, энг юқори т-ра 47,6°), қиши совуқ (янв. нинг ўртача т-раси —9,6°). Йилига 20 мм гача ёғин ёғади. Ўсимликлар вақтинча оқар сойлар ўзанида учрайди. Т.с.нинг кўп қисми чўлдан иборат, шўрхоклар, чеккаларида воҳалар бор. Т.с.да *Турфон* ш. жойлашган.

ТУРФОН СУЛТОНЛИГИ, Турфон давлати — маркази *Турфон* ш. бўлган давлат номи. Турфон *Буюк ипак йўлида* муҳим ўрин тутган жой бўлганлиги сабабли, бу заминда 2 та давлат мавжуд бўлган. Улардан дастлабкиси Турфонда топилган тош битикларда Қўчў (Кужу), Хитой манбаларида Гаочан давлати деб номланган. Мазкур давлатнинг ташкил топган вақти 460 й.га, йўқ қилинган вақти 9-а.нинг ўрталарига тўғри келади. Бу давлатда Будда дини юксак даражада ривожланган. Шу сабабли гарбга сафар қилган Хитой роҳиблари бу заминни зиёрат қилмай ўтмаган. Қўчў давлати Хитойга яқин бўлганлиги сабабли доим ушбу мамлакатнинг таҳдиди остида турган. Хитой императорлари эса Турфонни ўз назорати остига олишга ҳаракат қилган. Турк хоқонлиги даврида Қўчў туркларга тобе бўлган. Қўчў давлатининг пойтахти ҳоз. Турфон ш.нинг шарқий томонида ва 40 км нарида жойлашган Қора-қўчў бўлган. Ҳоз. кунда унинг фақат харобаларигина сақланиб қолган.

Иккинчи Турфон давлати 9-а.нинг ўртасида ташкил топган бўлиб, унинг номи тарихда Турфон идиқутлиги деб ҳам аталади. Мазкур давлат Хитой манбаларида Гаочан хуэгугуо, Шичжоу (Сичжоу) хуэйгу гуо деб номланган. Бу Турфон ёки Ғарбий ўлка уйғур давлати маъносини англатади. Ушбу давлат ҳудудига ҳоз. Синьцзян-Уйғур мухтор р-нининг Кўчар, Қорашар, Жимуса, Урумчи, Кумул (Хами) вилоятлари кирган. Турфон ш. юксак маданият ва халқаро савдо марказларидан бирига айланган. Ушбу давлат қорахонийлар хоқонлиги ташкил топганидан сўнг унинг ҳудудига қўшиб олинган.

ТУРШАК — данаги б-н офтобда қуритилган ўрик. Данаги этидан қийин ажраладиган, *барга*кка яроқсиз, майда ўрик навлари (Қандтак, Бобоий, Оқнуқул ва б. мевалари) Т. қилинади. Ҳосил йиғилгач, тозаланиб ювилади, сават ёки бордонларга ёйиб, қуритилади. Ҳар 4—5 кунда ағдариб турилади. 8—15 кунда қуриб, Т. бўлади. Айрим жойларда Т.га қурт тушмаслиги учун ўрикни қуритишга тайёрлашда уни савати б-н анжир барглари солинган қайноқ сувга бир муддат ботириб олинади. Олтингугурт б-н (ҳар 1 кг мевага 2—2,5 г дан) 1,5—2 соат мобайнида дудлаб қуритилганда ранг киради, сифати ортади. Т. таркибида 40—90% қанд, 1,2—6,9% кислота бор.

ТУРҒАР — Сугд (Самарқанд) ҳукмдори (738—750). *Ғурак*нинг ўғли. Унинг исми ўзи зарб қилдирган тангаларда *twry'r* («Турғар»), хитой йилномаларида Ду-ге (Tou-ho), араб манбаларида Турхар ёки Язид шаклларида қайд этилади. Шунингдек, у араб манбаларида «ал-Мухтор» («Танланган») лақаби б-н ҳам зикр этилади. Т. отаси ўрнига

арабларга вассал сифатида 738 йлда Самарқанд тахтига ўтирган ва мусулмонча Язид исмини олган. Бу пайтгача у Иштихон ҳокими бўлган. Жумладан, Тан-шу номли хитой йилномасида Кан (Суғд) ҳукмдори У-лэ-та (Ғуракнинг 731 й. Ду-гэ исмли ўғлини Цао (Иштихон) ш.га, Мочжо исмли 2-ўғлини Ми (Маймурғ) ш.га ҳоким этиб тайинланганлиги ва унинг отасининг ўлимидан сўнг Самарқанд ҳукмдори бўлганлиги қайд этилади.

Т.нинг ёшлик йиллари араб босқинлари ва уларга қарши отаси Ғуракнинг олиб борган курашлари даврига тўғри келган. У арабларнинг вассали сифатида Суғд ихшиди бўлиб турган даврда ҳам арабларга қарши зимдан кураш олиб борган. Хусусан, унинг 740, 750 йларда Хитойга элчилар юборганлиги маълум.

Т.нинг авлодлари ҳалқишунос олимлар бўлиб, ат-Туркий ан-Насафий нисбаси б-н ижод қилишган. Жумладан, улар орасида Абу Аҳмад Толиб ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Турхар аш-Ширакасий ан-Насафий (вафоти 900 й.) ва 10—11-а.ларда яшаган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Абу Али Муҳаммад ибн Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Амр ибн Солиҳ ибн Турхар ан-Насафий ат-Турхарий каби насафлик ҳадишшунослар учрайди.

ТУРҒУНБОЕВА Мукаррам (1913, 31. 5, Фарғона — 1978.26.11, Тошкент) — раққоса, балетмейстер, ўзбек оммавий саҳна рақсининг асосчиси. Ўзбекистон халқ артисти (1937). Фарғона пед. билим юртида ўқиб, ҳаваскорлик тўгарагида қатнашган. 1928 й. конкурс асосида этнографик ансамблга қабул қилинган. 1929 й. М. *Қориёқубов* ёрдамида Самарқанд давлат мусиқали театрининг ёрдамчи гуруҳига ишга кирган. 1929—33 й.ларда театр актрисаси, ҳам театр қошида ташкил этилган студия тингловчиси сифатида фаолият кўрсатиб, халқ рақси, мумтоз рақс, ашула, актёр ижрочилиги асосларини ўрганган. Осиё, Зебо (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Ойниса, Холжон хола (F. Зафарий, «Ҳалима»), Асалхон (К. Яшин, «Ичкарида») каби роллари б-н актёрлик маҳоратини намойиш этган. Бироқ Т.ни мусиқали драмаларда кўпроқ рақслар қизиқтирган. *Уста Олим* Комилов ва Тамарахонимнинг махсус рақс машғулотларида қатнашиб, миллий рақс асосларини ҳамда «Дучава», «Катта ўйин», «Усмония», «Садр», «Ўфори сохта» номли умумий рақсларни, «Дилхирож» якка рақсини ўзлаштириб олиб, ижро эта бошлайди. Кўпгина спектакллар («Ўтдан парчалар», «Кимга», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» ва б.)нинг рақсларини ижро

этади. 1935 й. «Пахта» балетини саҳналаштирди (Уста Олим ва К. Бек б-н ҳамкорликда). 1935 йдан ўзи мустақил рақслар ярата бошланди. Бу иш «Гулсара» (К. Яшин; Т. Жалилов, Н. Миронов) мусиқали драмасидан бошланган. 1937 й. Уста Олим Комилов б-н бирга «Гулсара» (К. Яшин; Т. Жалилов, Т. Содиқов, Р. Глиэр), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид; В. Успенский, Г. Мушель, С. Цвейфель) спектакларига рақслар саҳналаштиради. 1937 й. Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати декадасида қатнашиб, раққоса ва балетмейстер сифатида юқори баҳо олади. 1939 йдан Навоий номидаги опера ва балет театрида ишлайди. Балет бўйича А. Томский, И. Арбатов, В. *Губская*, П. *Йоркин*лардан таълим олади. «Шоҳида» (Ф. Таль) балетини саҳналаштириб, ўзи бош ролни ижро этади. Гуландом (Е. Брусиловский, «Гуландом»), Оқбилак (С. Василенко, «Оқбилак»), Зарема (Б. Асафьев, «Боқчасарой фавворași»), ҳинд вакиласи (Г. Мушель, «Валерина») каби образларни яратишда Т. европа балети усулларидан (оёқ учида юриш ва б.) ижодий фойдаланди. Бир қатор операларда балетмейстерлик қилди. 2-жаҳон уруши йилларида концерт бригадалари б-н Закавказье фронтларида бўлди. Якка ва умумий рақслар яратди: «Уйгурча рақс», «Жонон», «Роҳат», «Раққоса», «Танавор», «Ногора», «Бухороча», «Гулсара» ва б. 1947 й. Уста Олим б-н Тамарахонимнинг «Дойра дарси»ни қайта тиклайди. «Дилбар», «Андижон полкаси», «Пилла» рақсларини яратади. «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла; Т. Жалилов, Б. Бронкин), «Гулсара» (К. Яшин; Р. Глиэр, Т. Содиқов) операларига балетмейстерлик қилади. 1951, 1959 й.ларда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашган. П. Йоркин б-н биргаликда «Озода чеҳра» балетини саҳналаштиради.

Т. 50-й.ларнинг бошларига келиб, Ўзбекистоннинг ин машҳур раққосаси ва етакчи балетмейстери даражасига кўтарилади. Якка рақсларининг мохир ижрочиси, оммавий ўзбек рақсларининг ижодкори сифатида танилади. Ушур, тожик, ҳинд, афғон, мўғул, корейс халқлари рақслари асосида ўнга яқин саҳнавий рақслар саҳналаштиради. Рақс санъатида ярим асрлик ижодкорлик Хитой, Корея, Албания, Италия, Австрия, Афғонистон, Ҳиндистон, Камбоджа, Таиланд мамлакатларида намойиш этди. Айниқса, Т. тавсияси дастур, Қ. *Маркаряшова* («Шилла»), Ф. Кайдани («Гулсара»), Т. *Юнусова* («Баҳор») рақслари ҳамда Т. ижросидаги «Танавор», «Жонон», «Андижон полкаси» чет эл томошабинларида чуқур таассурот қолдиради.

1955 й. Т. ўзи педагогик қилган Тошкент хореография билим юрти қошидан 12 тасини ажратиб олиб, рақсқоса қизлар гуруҳини ташкил қилади. 1957 й. шу гуруҳ асосида «Баҳор» ансамблини тузади. Т. Навоий театрида балетмейстерлик қилиш б-н бирга «Баҳор» ансамблида балний раҳбар, бош балетмейстер вазифаларида фаолият кўрсатади.

Айниқса, «Баҳор» ансамблининг шаклланишида хизматлари беқиёсдир. Ансамбль учун 15 та концерт дастурини тузди: «Баҳор», «Ўфори санам», «Қўғирчоқ», «Фарғона рубоиси», «Ўйнасин», «Муножот», «Ўзбек вальси», «Гулноз», «Айланма», «Бешқарсак», «Ғайратли қиз», «Етти гўзал», «Тошкент пиёласи», «Шабадалар», «Эй, шўх жонон», «Алёр», «Қари наво», «Баёт», «Заиг», «Шўх қиз», «Хоразм-

Мукаррам Турғунбоева («Ғайратли қиз» рақси).

ча», «Пахта», «Катта ўйин», «Учрашув», «Лазги», «Дилдор», «Жонон», «Дилбар» каби умумий, якқахон ва дуэт рақслар яратди. 1957 й. ансамбль Жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалининг олтин медалини олишга муваффақ бўлди. 1960 й. «Баҳор»га Давлат ансамбли мақоми берилиши муносабати б-н Т. ансамблни иқтидорли ёш раққосалар б-н мустаҳкамлаб бориш, уларнинг маҳоратини ошириш, янги рақс ва рақс дастурларини яратиш, балний савиясини ҳамиша баланд ушлаб туриш, гастроль сафарларини юқори даражада ўтказиш, шу мақсадда ўзбек рақс мероснни ўрганиш, жаҳон халқлари рақсларини саҳналаштириш масалалари б-н умрининг охиригача шуғулланиб келди. Ансамбль б-н Германия, Швеция, Венгрия, Чехословакия, Польша, Миср каби мамлакатларда гастролда бўлган. 1947 йдан Тошкент миллий рақс ва хореография билим юртида педагогик қилган.

«Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасига, Тошкент кўчаларидан бирига Т. номи берилган. Т. ҳаёти ва ижодига бағишланган «Салом, Баҳор» (1962), «Санъатга бағишланган умр» (1971), «Муқаррама она ва қирқ гўзал» (1977) фильмлари ишланган. 1993 й. 10 сент. да Т. музейи очилди. Музей Т.нинг ижодий мероси ва фаолиятини сақлаш ва тарғиб қилиш б-н шуғулланади. 1993 й.дан Т. номидаги ёш ижрочи-раққосалар танлови ўтказилмоқда. Давлат мукофоти (1946, 1951, 1973) ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1976) лауреати. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

Ад.: Майя Меркель, Мукаррама опа и сорок красавиц, Москва, 1980; Авдеева Л. А., Балет Узбекистана, Т., 1973; Танец Мукаррамы Тургунбаевой, Т., 1989.

Муҳсин Қодиров.

ТУРҒУНЛИК (математикада) — дифференциал тенгламаларнинг сифат назариясидаги бошлангич ёки чегаравий шартларни қаноатлантирувчи ечимлари. Дифференциал тенгламалар ва уларнинг тизимлари учун бошланғич ва чегаравий ҳамда тескари масалалар ечимларининг Т.и текширилади. Қуйидаги

$$\frac{dy_i}{dt} = f_i(t, y_1, y_2, \ldots, y_n) \quad (i = 1, 2, \ldots, n) \quad (1)$$

оддий дифференциал тенгламалар тизимининг барча $y_i=y_i(t)$ (i=1, 2, ..., n) ечимлари $0<t<\infty$ интервалда бошланғич шарт $y_i(0)=y_{i0}$(i=1, 2, ..., n) нинг текис узлуксиз функциялари бўлса, бу ечимлар турғун деб аталади. Бошлангич шартларнинг кичик ўзгаришига ечимнинг ҳам кичик ўзгариши мос келади. Хусусан, ўзгармас коэффициентли чизиқли дифференциал тенгламалар тизими ечимлари турғун бўлиши учун характеристик тенгламалар ҳақиқий илдизлари манфий бўлиши зарур. Т. механика ва техникада муҳим татбиқларга эга.

ТУРҒУНОВ Абдуллахон (1948.29.5, Наманган ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Андижон педагогика ин-тини тугатган (1971). 1971— 78 ва 1981— 92 йларда Наманган ш.даги 28-мактабда, 1992 йдан вилоят аниқ ва табиий фанлар интернат лицейида кимё-биол. ўқитувчиси. 1978— 81 йларда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ин-тида кимё кафедраси мудири. Дарсларни янги педагогик технология асосида ўтади. Намунали кимё дарслари ва «Ёш кимётар» тўгарагини ташкил этган.

ТУРҒУНОВ Тўлқинбой Бултуралиевич (1977.6.2, Қорасув ш.) — боксчи, «Ўзбекистон ифтихори» (1999), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2000). Андижон давлат ун-тини тугатган (2000). 1997 йдан «Динамо» спорт жамиятида йўриқчи. 57 кг вазнда Ўзбекистон чемпиони (1997—2000), икки карра Осиё чемпиони (1997, Куала-Лумпур; 1999, Тошкент), Осиё ўйинлари (1998, Бангкент), Осиё кубоги (1998, Чонг-Гинг кок), жаҳон кубоги (1998, Хьюстон) ва жаҳон чемпионатида (1999, Хьюстон) иккинчи ўринни эгаллаган.

ТУСИЙ Носириддин (тўлиқ исм-шарифи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Носириддин Тусий) (1201.17.2, ҳоз. Эрон ҳудуди-Тусий) — (1274.25.6, Бағдод) — ўрта осиёда — 1274.25.6, Бағдод) — ўрта осиёлик астроном ва математик олим. Т. Эрон Кўҳистонининг исмоилийлар саройҳокими Насриддин Муҳташам сарбозларида хизмат қилган. «Ахлоқи Носирий», «Тажрид» каби асарлари Шарқ-рий», «Тажрид» каби асарлари Шарқда кенг тарқалган. Т. 1256 й.да Эронга бостириб кирган мўғул истилочилари бошлиғи Ҳулоку саройига хизматга бошлиғи Ҳулоку саройига хизматга олинди. Т. ўзининг мавқеидан фойдаланиб, Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. 1259 й.да *Марога расадхонаси* қурилишига раҳбарлик қилди, атрофига турли мамлакат олимларини тўплаб, Марога илмий мактабини яратди. Бу расадхонада ўша даврнинг мукаммал астрономик жадвалларидан бири «Зижи Элхоний» тузилган.

Т. мат. фанига ҳам катта ҳисса қўшган олим. «Тахрири уқлидис» (Евклид «Негизи»ларига қўшимчалар) асарида *Евклид*нинг 5-постулатини исботлашга уриниб, ноевклид геометриянинг айрим теоремалари ва аксиомаларини таърифлади. «Шаклу-л-қитта» (Тригонометрия асослари) асарида тригонометрияни мустақил соҳа сифатида баён қилди. Бу асар тригонометриянинг Европага тарқалишида асосий ўрин тутди. Т.нинг минералогия, тиббиёт, физика, мантиқ (логика), фалсафа ва б. соҳаларга оид асарлари ҳам маълум. У кўпгина юнон олимлари асарларини араб тилига таржима қилган. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида Т. асарларининг 20 дан ортиқ нодёб нусхалари бор.

ТУСЛАНИШ (тилшуносликда) — феълнинг шахс-сон шаклларида ўзгариш: ўқиянсан, ўқияпти(лар); шарт майлининг Т. шакли: келсам, келсанг, келса, келсак, келсангиз, келса(лар) ва б. Тусланган феъл шаклида ҳаракатни бажарувчи шахс ифодаланади. Ҳаракатнинг бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ёки ўзга шахс бўлади. Бир аффикс бажарувчининг миқдорини ҳам кўрсатгани учун у шахс-сон аффикси дейилади. 1-шахс тусловчиси ҳаракатнинг бажарувчиси — сўзловчининг ўзи эканлигини, 2-шахс тусловчиси эса сўзловчининг нутқи қаратилган шахс — тингловчи эканини билдиради. Улар фақат кишиларга нисбатан ишлатилади. Бунда эга кишилик олмошлари б-н ифодаланади ва у яширинб келиши ҳам мумкин. Мас.: ёздим — ёздик, ёздинг — ёздингиз. 3-шахс тусловчиси нутқда қатнашмаган, лекин нутқ ўзи тўтрисида бўлган шахсни кўрсатади. Бу шакл кишиларга ва предметларга бирдай қўлланган сабабли кўпинча эганинг бўлишини тақозо этади: кетди — у кетди. Анвар кетди. Поезд кетди.

Феъллар ҳам Т. тизимига бўлган муносабатига қараб 2 асосий гуруҳга бўлинади: туслапишли феъллар, туслапишсиз феъллар. Туслапишли феъл албатта шахс-сон жиҳатдан шаклланган бўлади. Бироқ шахс-сон кўрсаткичларига эгаликнинг ўзи туслапишли феъл дейиш учун асосий белги бўла олмайди. Майлининг бирор турига мансуб бўлишлик Т.ли феълнинг асосий белгисидир. Т.ли феъл гапда кесим вазифасида келади. Бундай феъллар шахс маъносига эгалиги туфайли якка ҳолда ҳам мустақил гапни ташкил эта олади. Мас., Келди (у келди). Шу хусусиятига кўра, Т.ли феъл предикативликка мослашган феъл шакли ҳисобланади. Туслапишсиз феъл Т. тизимига эга бўлмайди, майл, шахс-сон, замон маъноларини ифодалай олмайди ва шу маъноларни ифодаловчи шакларга ҳам эга бўлмайди. Булар ҳаракат номи, сифатдош ва равишдош шакларидир.

Илҳом Мадраҳимов.

ТУСТОВУҚЛАР — қ. *Қирғитўзлар.*

ТУТ (Morus) — тутдошлар оиласига мансуб дарахтлар туркуми; мевали дарахт; Ўзбекистонда 5 тури ўстирилади. Оқ Т. (M. alba) ва қора Т. (M. migra) меваси истеъмол қилинади. Сершох Т. (M. multicaulis), кагаямаТ. (M. Kagayame) ва ипак қурти Т.и (M. bonabycis) турларидан, асосан, *ипак қурти* боқишда фойдаланилади. Т. тез ўсади, қурғоқчилик ва совуққа чидамли. Шох-шаббаси зич, кенг юмалоқ, овал ва пирамида шаклида. Бўйи 15—18, баъзилариники 20—25 м, йўғонлиги 1,5 м гача. Катта ёшдаги баланд танали Т. дарахтларидан 20—40 кг гача барг, 50—60 кг мева ҳосили олинади. Т. нинг эгри-бугри (илонўт) ва пастга қараб ўсалиган (мажнун Т.) хиллари ҳам бор. Дарахти 300, айримлари 500 йил яшайди.

Оқ Т. (қ. *Балхи тут*) ва *шотут* меваси ширин, шифобахш, ҳар хил витаминларга бой. Ўзбекистонда Т. қадимдан экиб кўпайтирилади. Янгилигида истеъмол қилинади, шинни, мураббо, майиз, спиртли ичимлик тайёрланади. Барги тут ипак қурти боқишда ишлатилади. Т. икки уйли ўсимлик. Гуллари бир жинсли. Т. уруғидан, қаламчасидан, пайванд ва пархиш қилиб кўпайтирилади.



Тут: *1* — Балхи тут дарахти; *2* — меваси ва барги.

Қурт боқиш учун экиладиган Т. навлари барг ҳосили мўл, бўйи баланд, кўп каллакли ёки бута шаклида ўстирилади. Т. новдалари кесилганда тезда янги новда чиқаради. Ҳар йили қурт боқиш учун кесилганлиги туфайли 60—70 й.да қариб, ҳосилдан қолади. Бундай Т. ёшартирилади. Т. танаси мустаҳкам чидамли. Т. ёғочидан бочкалар, бешиклар, новдаларидан саватлар, замбиллар, кажавалар, енгил стуллар ясалади. Ипак қурти боқиш учун Т. ниҳоллари ва кўчатларини етиштириш, тутзорлар барпо этиш — тутчилик *паллачилик*нинг муҳим соҳаси ҳисобланади. 1970—91- й.ларда *Ипакчилик институтида* ипак қурти боқишга мўлжалланган Т. нинг 9 нави (Манкент, Пионер, САНИИШ-33, Сурхтут, Ўзбекистон ва б.) ва 3 дурагани чиқарилган ва р-нларштириш учун давлат реестрига киритилган.

Касалликлари: *бактериоз, шилт, илдиз чириши*, пукакланиш ва б.

Зараркунандалари: *тут оқимчиси, тут парвонаси, Колесток қурти, кузги тунлам, трипслар*, бўртма нематодлар, *симқуртлар, ўрмачаскана.*

Ўсмас Қўчқоров, Давронбек Хотамов

ТУТ ИПАК ҚУРТИ — қ. *Ипак қурти.*

ТУТ ОДИМЧИСИ (Aprocheima cinerans Easch.) — капалаклар туркумининг одимловчилар оиласига мансуб ҳашарот; тут баргининг ашали зараркунандаси. Каналаги сарғиш. Қанотларини ёйганда 25 мм. Т.о. бир йилда 1 авлод беради, шундан 9 ойини ер тагида гумбак ҳолда ўтказади. Эрта баҳорда уруғчи каналаги 800—1000 донагача тухум қўяди. Қурти мартнинг 2-ярми ёки апр. бошларида чиқа бошлайди. Ҳаёти давомида 5 ёшни ўтайди. Қуртлар янги тут куртаги ва барглари кемириб, уни бутунлай йўқ қилади. Ҳар бир қурт ўртача 1,5 кг барг истеъмол қилади (ипак қуртига қараганда 8 марта кўп). 30—40 кундан сўнг (май ойи бошларида) 20—30 см чуқурликда ўзига ин ясаб, гумбакка айланади ва шу жойда қишлайди.

Тут одимчиси қурти.

Т.о. қуртини йўқотиш учун комплекс агротехник (тут дарахтлари тагини кузда ва баҳорда юмшатиш, кузда тут қатор оралариии чуқур ҳайдаш, бегона ўтларни йўқотиш) ҳамда кимёвий курош (тутнинг кўкариб турган куртакларига карбофос, Би-58, циперфос, суми-альфа препаратларидан бирининг 0,1—0,3% эритмаси пуркаш) чоралари тавсия этилади.

ТУТ ПАРВОНАСИ (Glyphodes pylaialis Walker.) — қурти фақат тут барги б-н озиқланадиган зараркунанда ҳашарот. Айниқса, тут дарахтлари, ниҳоллари, баргига жиддий зарар келтиради. Тўлиқ ривожланадиган ҳашарот. Катта ёшдаги қуртлари дарахт пўстлоқлари тагида махсус ипакдан тўқиган беланчаги ичида қишлаб чиқади. Баҳорда гумбакка айланади, 15—20 кундан сўнг ундан капалаклар учиб чиқади. Капалаги майда, қанотлари ёзилганда 15—17 мм, қанотларида қўнғироқсимон доғлари бор. Ҳар бир капалак (тут барғига 2—3 тадан) ўртача 50—60 та тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлар тут барги тукималарини еб ишкаслайди. Зарарланган дарахт новдалари қурийди, совуққа чидамлилиги пасайиб кетади. Йил давомида 6—7 марта авлод беради. Охирги авлодининг қуртлари окт.-нояб. ойларида қишлашга ўтади.

Тут парвонаси: 1 — капалак, 2 — қурти зарарлаган тут барги.

1994 й.дан Ўзбекистонда дастлаб Афғонистон орқали Сурхондарё вилоятида, кейинги йилларда Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилоятларида тарқалган. Т.га қарши биологик кураш усуллари яхши самара беради.

ТУТАНХАМОН (тахта ўтиргандаги номи — Небхепрура) — Миср.да Янги подшолик даври (18-сулола)да мил. ав. тахм. 1347—1337 й.ларда ҳукм сурган фиръавн. Фиръавн *Аменхотеп IV* (Эхнатон)нинг *Нефертити*дан туғилган 3-қизи Анхесенпаатонга уйланган. Эҳтимол Аменхотеннинг укаси ҳам бўлган. Тахм. 12 ёшида Тутанхатон (Атоннинг жонли образи дегани) номи б-н тахтга утириб, 20 ёшга тўлмасдан вафот этган. Ҳокимият амалда вазир Эйе ва б. амалдорлар қўлида бўлган. Т. даврида Эхнатоннинг диний ислоҳотлари бекор қилинган. Амон культига сажда қилиш тикланган. Т.нинг ўзи Т. немидан воз кечиб, фиръавн қароргоҳини Эхетатондан Фивага қайтарган.

Т.нинг шоҳлар водийсидаги мақбараси 1922 й. инглиз археологи Г. Картер томонидан топилган. Мақбара ўғри-қароқчилар томонидан талаиманган. Ундан Т.нинг олтин саркофагидан ташқари, ёш фиръавн тириклигида яхши кўрган санъат асарлари ва унинг қурол, буюмлари: олтин ниқоби,

Тутанхамон ниқоби (Қоҳира, Миср музейи).

рафиқаси Анхесенпаатонинг тасвири, фиръавн 2 тилларакли жанг аравасн устида акс эттирилган ҳайкаллар, олтин, ганч, қора ва қизил ёғочлардан ишланган ҳайкалчалар, ук-ен, ҳанжар, қутича, уриниқ ва б. буюмлар топилган. Бу ноёб санъат асарлари жаҳонниинг кўпгина мамлакатларида намойиш этилган.

ТУТАШ ИДИШЛАР — пастки томонлари ўзаро бирлашган идишлар. Идишларнинг қисми шаклларидан қатъи назар улар бир хил суюқлик б-н тўлдирилса, иккала идишда ҳам суюқлик сатҳи бир-лан бўлади. Агар идишлар ҳар хил



Туташ идишлар

суюқликлар б-н тўлдирилса, ичимликлари турлича бўлганлиги учун уларнинг сатҳи ҳар хил баландликда жойлашади, чунки баландлик ичимликка тескари мутаносиб ($\rho_1 h_1 = \rho_2 h_2$, бунда ρ_1 ва ρ_2 — ичимликлар, h_1 ва h_2 — баландликлар). Агар Т.и.нинг бир тирсаги берк бўлса, суюқликлар сатҳлари орасидаги фарқ унча берк тирсакдаги босимга боғлиқ бўлади. Манометрлар, бўғ қозонларининг сув ўлчаш асбоблари, суюқликларнинг ичлигини ўлчаш асбоблари ва б. асбобларда қўлланади.

ТУТАШ МУҲИТЛАР МЕХАНИКАСИ — *механика*нинг газлар, суюқликлар, плазма ва деформацияланувчи қаттиқ жисмларнинг ҳаракати ҳамда мувозанатини ўрганувчи бўлими. *Гидродинамика, эластиклик назарияси, пластиклик назарияси*, шунингдек, қатор бошқа назарияларни ўз ичига олади. Т.м.м. модданинг дискрет (атом, молекулар) тузилишини ҳисобга олмайди, уни яхлит, узлуксиз муҳит деб қарайди. Муҳитнинг ҳаракати ва мувозанати тенгламалари, узилмаслик тенгламаси, энергиянинг сақланиш қонуни, шунингдек, кучланишлар, деформациялар, деформация тезликлари ва б. орасидаги боғлиқлик муносабати Т.м.м.нинг асосини ташкил этади. Муҳит характеристикалари т-ра ва б. физик-кимёвий параметрларга боғлиқ бўлиши мумкин. Аниқ бир масала ечилаётганда юқорида санаб ўтилган тенгламалардан ташқари муҳитнинг хусусиятларига боғлиқ бошланғич ва чегаравий шартлар ҳам берилиши шарт. Т.м.м. усуллари фан ва техникада кенг қўлланади.

ТУТАШТОЖБАРГЛИЛАР — икки уруғпаллали ёпиқ уруғли ўсимликларнинг кичик синфи. Баъзи ўсимлик гулларининг туби бир оз, айримлариники тўлиқ, яна бошқаларининки ўзунасига қўшилиб ўсади. Қўнғичлик Т.нинг қўшилиб ўсган қисми узун най, юқори қисми эса ҳар хил гул бўлакчалари ёки тишчалар ҳосил қилади. Немис ботаниклари дан А. Браун (1864), А. Энглер (1892) Т.ни айиротожлилардан фарқлашни таклиф қилган. Баъзи ботаниклар, жумладан, Н. И. Кузнецов, Н. А. Буш, А. Тахтажян икки уруғпаллалилар синфини айрим тожбаргсизларга ва туташбаргсизларга бўлишни тан олишмайди.

ТУТДОШЛАР (Moraceae) — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Сут ширали дарахт, бута, баъзан сут ширасиз ўт ўсимликлар. Барглари навбатланиб ёки қарама-қарши жойлашган, бутун, ўйилган ёки қайчибарг, ёнбаргли. Тўпгуллари — кучала, бошоқ, барғли. Тўпгуллари ёки бўш шарсимон. Гулларининг айрим жинсли, бир ёки икки уйли. Гулқўрғони оддий одатда, 4 бўлакли. Чангчиси тўртта, уруғчиси бўлакли. Чангчиси ёнбошида, 1000 га яқин тури бор. Барги турли шаклда, ёнбаргли, кўпинча тўкилувчан. Ғунчабарги, кўпинча тўкилувчан. Ғунчабарги анжир (F. carica) узоқ кўслардан анжир (F. carica) узоқ шимолий дарахт. Барглари оддий, 3—5 бўлакчали, тўкилувчан. Гуллари тўпгулининг ичида ўрнашган. Т. нинг яна бир йирик туркуми *тут* (Morus) Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақаларида тарқалган.

Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экиладиган (асосий ватани Хитой, Япония) меваси анжирга ўхшаш қотоз дарахти, Шим. Америкада ўсувчи тиканли дарахт — маклюра, фақат тропик мамлакатларда ўсадиган меваси ажойиб нон дарахти. Малайя архипелагида тарқалган сут шираси гоят заҳарли садалган сут шираси гоят заҳарли садолатли дарахт — заққум ҳам Т.га мансуб.

ТУТМЕС — қад. миср ҳайкалтароши; мил. ав. 14-а.да ишаган. Фиръавн Аменхотеп IV (Эхнатон) саройида «ҳайкалтарошлар бошлиғи» мақомида бўлган. Миср.нинг қад. пойтахти — Ахетатон (ҳоз. Амарна)да ишлаган. Т. асарлари (ҳоз. Қоҳира музейи, Берлин давлат музейи ва б.да) ҳайкаллари шаклининг ўта новаторлиги, қиёфаларининг ҳаяжонли улуғворлиги б-н диққатга сазовор.

Тутмес. Қадимги Миср маликаси Нефертити (мил. ав. 14-аср, Берлин музейида).

ТУТУҚ — *Турк хоқонлиги* бошқарувидаги унвон. Қад. турк битиктошлари, хитой, суғд манбаларида учрайди. Т. Турк хоқонлигида ҳарбий маъмурият бошлиғи учун қўлланилган бўлиб, хитойча *дуду* — волий, вилоятнинг ҳарбий ҳокими сўзидан олинган деб ҳисобланади. Лекин, баъзи талқиқотчилар, шу жумладан, ўзбек олимлари Т. унвони тутмоқ феъли асосида шаклланган унвон эканлигини таъкидлашади. Ўрхун-Енисей битиктошларида Ўнг Т., Буқай Т., Эл Тўтон Т., Алп Урунғу Т., Чўкул Т., Кунч Т., сингари амалдорлар номи акс этган. Битиктошларда қайд этилишича, хоқонлик бўйсундирилган қабилаларга Т.лар тайинлаган. Турк хоқонлиги даврида Фарғона водийсида Т. унвонли сулола бўлган. *Муғ қалъа ҳужжатлари*да Суғд ҳукмдори Деваштичнинг 719 й.да Турк хоқонига, Шош тудуни ва Фарғона ҳукмдорига ёрдам сўраб юборган мактубини элтган Фатуфарн исмли элчи Деваштичга ёзган хати бўлиб, унда Фатуфарн «Хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим», деб қайд қилади. Бу эса 7—8-а.ларда Фарғонада ихшидлар бошқаруви б-н биргаликда Т.лик бошқаруви ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, 7—8-а.ларга оид Қува тангалари орасида суғдий ёзувда «Алпу хоқон тутуқ» ибораси акс этган тангалар учрайди. Бундан Фарғона Т.ларининг Турк хоқонлари номидан пул зарб қилдирганликлари аён бўлади. *Уйғур хоқонлиги* даврида хоқонлардан бири Хитойга Т. унвонли нонб тайинлайди. Араб географлари асарларида 10-а.да Иртиш бўйида яшовчи Кимак номли туркий қабила ҳукмдорининг унвони Т. деб қайд этилади.

Ад.: Исҳоқов М., Унутилган подшоликдан хатлар, Т., 1992

Ғайбулла Бойқобилов

ТУШЬ (нем. Tusche) — вақт ўтиши б-н ранги ўзгармайдиган қора бўёқ. Сув қўшиб суюлтирилса, кулранг тус олади. Ёғоч, *ўсимлик мойлари, нефть* ва б. қурумидан тайёрланади. Бўёқ ҳосил қилувчи тошкўмир моддаларидан тайёрланадиган қизил, яшил, кўк ва б. рангли Т. ҳам бўлади. Шарқ мамлакатларида, айниқса, Хитой, Корея, Японияда қадимдан фойдаланилган. 15—17-а.ларда Европага тарқалган. Т. чизмачиликда, графика асарларини бўяшда, хат ёзишда ишлатилади.

ТУЮҚ — туркий халқлар мумтоз шеъриятидаги лирик жанр. Т. 4 мисрали шеър бўлиб, арузнинг рамал баҳрида ёзилади; аваба, баъзан абаб тарзида ва фавқулодда ҳолларда — аааа ўлчовида қофияланади. Т. сўз ўйини асосида *ташнис* қофиясида берилади. Ташнис-сиз Т.лар ҳам бор. Т.нинг дастлабки намуналари халқ оғзаки ижодида учрайди. Бизгача етиб келган Т.лар Бурҳониддин Сивосий (14-а.) қаламига мансуб. «Қутадғу билиг» да ҳам тажнисли тўртликлар бор, бироқ улар мутақориб баҳрида ёзилган. Алишер Навоий «*Мезон ул-авзон*» асарида Т.ни биринчи марта жанр сифатида белгилаб ўтган ва шакллантирган. Бобур ўзининг «Аруз рисоласи» асарида Т.ни туркий шеърият шаклларидан бири сифатида баҳолаган. Т. ҳоз. шеъриятда бирмунча бошқачароқ номларда учрайди. Хусусан, озарбайжонларда баёт, туркманларда маъни, туркманларда лаъли. Мумтоз адабиётда Лутфий, Навоий, Бобур, 20-а. шоирларидан F. Ғулом, *Ҳабибий*, *Чархий*, Собир Абдулла ва б. ижодида Т. жанрининг етук намуналари мавжуд.

Ад.: Орзибеков Р.. Лирикада кичик жанрлар, Т., 1976.

ТУЯ (Thuja), туйя, биота — сарвдошлар оиласига мансуб доим яшил бир уйли ўсимликлар туркуми. 5 тури Шарқий Осиё тоғларида (Ғарбий Хитой, Корея, Япония) ва Шарқий Америкада тарқалган. Дарё қирғоқлари пастликларида ва ботқоқликларда ўсади. Дарахти бал. 12—18 м, баъзида 45—60 м га боради. Шох-шаббалари пирамидасимон ёки конуссимон. Шохлари ётиқ ёки тик кўтарилган. Новдалари нозик, қаттиқ барглари б-н бирга тўкилади. Барглари тангасимон. Уруғлари ялпоқ, қанотли, смолали. Икки тури — ғарб Т.си (T. occidentalis; бўйи 12 м гача, июнда гуллайди, 100 й.дан ортиқ яшайди) ва улкан Т. (T. plicata; бал. 45—60 м, шох-шаббаси тиғиз пирамидасимон, ёғочи қимматбаҳо) шаҳарларни кукалам жойлаштиришда экилади.

Туя.

ТУЯ (Camelus) — тўсмоқлилар оиласи, қалоқ оёқлилар туркумига мансуб жуфт туёқли сут эмизувчи ҳайвон. 2 мустақил тури бор: бир уркачли (C. dromedarius — *дромедар* — тез чопувчи) лўк Т.лар, бўйи 210 см гача, қизғиш-кулранг, икки уркачли (C. bactrianus — *бактриан* — айри) тўлалар, пастроқ, тўқ қунғир тусла. Т.лар эволюцияси жараёнида қуруқ чўл ва даштларда яшашга мослашган (тоғли жойлар ва нам иқлимли ерларда яшай олмайди). Улар чўл ва даштларда дағал ўт ва ҳашаклар, яшоқ, саксовул б-н озиқланади, сувни кам ичади (шўр сувни ҳам ичаверади). Юқори жағида 2 та қирқиш тиши борлиги б-н бошқа кавш қайтарувчилардан ажралиб туради. Ёттанда гавдасининг ерга тегиб турадиган қисмларида, кўкраги, тирсаги ва тиззасида қалоқли тўлимлар бор. Шу туфайли иссиқ (70°гача қизиган) ерда ҳам ёта олади. Бу икки тур Т.лар ўзаро чатиштирилганда урчишга қобилиятли дурагайлар беради. Биринчи бўғин дурагайлари (ўзбеклар, қозоқлар уларни нор Т., урғочиларини нор моя, туркманлар инерлар, деб атайдилар) йирик гавдали, кучли ва ишчан бўлади. Аммо улар насл бериш жиҳатидан ўзларининг соф зотли ота-оналаридан паст турали (шу боис нор Т. зарни бичиб қўйиш тавсия этилади).

Т. милоддан 2000 й. муқаддам хонакилаштирилган. Т.лар 35—40 й. яшайди, улардан 20—25 йил фойдаланилади. Катта ёшдаги Т. вазни 500—800 кг, 2—3 ёшида жинсий етилади, урғочилари 3—4 ёшида қочирилади, эркаклари 4—5 ёшга тўлгач, қочиришга қўйилади. Қочириш мавсуми — янв.-май ойлари. Бўғозлик даври дромедаларда 13 ой (388—389 кун), бактрианларда 14 ой (414—415 кун). Урғочи Т. (моя) 2 й.да 1 марта бўталайди. Т.ларнинг яил тутиш ҳолати кузатилмаган. Бўталоқлар 18 ойлигида ажратилади (сутдан). 2000 кг гача (гелилиги 5,4%) сут беради. 20—25 ёшли ва қари Т.лар семиртирилиб сўйилади, гўшти истеъмол қилинади, консерва ва дудланган колбасалар тайёрланади. Ёш, семиз Т.лар гўшти туямлилиги жиҳатидан қорамол гўштидан қолишмайди. Икки уркачли Т.лардан 5—10 кг, бир уркачлилардан 2—4 кг жун қирқиб олинади, жунидан мовут, гиламтаж, гилам, ҳар хил кийим-бош, пайпоқ, румол, адел каби буюмлар, сутидан шифобахш *қимрон* тайёрланади.

Т.лар ўз вазнининг ярмига тенг — 250—300 кг юкни кутара олади, вазнига нисбатан 10—12°ў оғирликдаги юкни тортиш кучига эга. Соатига 10—12 км тезликда, кунига 35—40 км масофани босиб ўтади. Т.лар қадимдан юкчи ҳайвон бўлган. Қадимда ва ўрта асрларда *Буюк ипак йўли*да ҳам асосий юк ташиш воситаси Т.лар эди.

Туя кўчманчи халқлар ҳаётида қадимдан муҳим роль ўйнаган. Айниқса, оқ туялар қўпроқ қадрланган. Бойбадавлат ва юқори мартабали кишиларнинг ўтовлари оқ туя жунидан бостирилган кигизли пиклавалининг б-н қора ўтовлардан ажралиб турган. Ўзбекистон ҳудудларида, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий вилоятларида туячилик ҳозир ҳам яхшигина ривожланган. Ўзбекистон туячилик хўжаликларида, шунингдек, хусусий хўжаликлар, ширкатлар ва фермаларда 25 мингдан ортиқ туялар боқилади (2004).

Абдусаттор Аширов.

ТУЯБЎЙИНЛАР (Raphidioptera) — тўр қанотли ҳашаротлар туркуми. 100 тури маълум. Шим. ярим шарда тарқалган. Танаси 15—20 мм. Қаноти тиниқ. Олдинги кўкрак бўтими чўзилиб, туя бўйнига ўхшаб қайрилган (номи шундан). Тухумини нам ўрмонларда пўстлоқ, қуруқ ўрмонларда эса бари тўшамалари остига қўяди. Личинкалари дарахтлар пўстлоғи ёриқларида ва пўстлоқ остида яшайди. Ҳашаротлар қуртлари, тенгсиз ипак қуртлари.

Бир уркачли туя.

пустлоқхўр қунғизлар, ширалар тухумларини еб, зарарчиликка фойда келтиради. Т. гумбаз ҳаракатли.

ТУЯБЎҒИЗ — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги шаҳарча. 1957 й. ташкил топган. Тумбўғиз сув омбори «Тошкентдениз»нинг шим.-ғарбий соҳилида жойлашган. Яқин т.й. станцияси (Тошкент—Анрен т.й.) — Кучлик (4 км). Аҳолиси 5431 киши (2004). Шаҳарчада темир-бетон ва асфальт-бетон з-длари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 2 умумий таълим мактаби, маданият уйи, кутубхона, поликлиника, касалхона, тиббий пункт ва б. тиббий муассасалар бор.

ТУЯБЎҒИЗ СУВ ОМБОРИ. Тошкент денгизи — Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида барпо этилган гидротехника иншоотн. 1962 й.да қурилган. Дарё сувини мавсумий тартибга солади. Умумий ҳажми 250 млн.м³, фойдали ҳажми 224 млн. м³ ни ташкил этади. Сув юзаси майд. 20 км². Ўртача чуқ. — 12,5 м. Кўтарма тупроқ тўғон, чап ва ўнг қирғоқ сув чиқаргичлар ва сув ташлагичдан иборат. Тўғонининг уз. 2,4 км, икки чеккаси қумоқ тупроқдан қурилган. Омбор гидроузели 1,9 км узунликдаги дамбага туташган. Тўғон устидан Тошкент — Бекобод автомобиль йўли ўтади. 440 м узунлик ва сув сарфи 760 м³/сек бўлган тезоқар кўринишидаги сув ташлагич сувни 34 м пастликка узатади. Сув ташлагичнинг емирилишини бартараф этиш учун ундан 600 м узоқтараф этиш учун ундан 600 м узоқликда умумий бал. 40 м бўлган очиқ типдаги икки босқичли шаршара қурилган. Сув омборидан Қорасув дарёсига ва Туябўғиз чанқирғоқ каналига сув берилади.

Сув омбори атрофида дам олиш зонаси ташкил этилган. Сув омбори Тошкент вилоятининг Бўка, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларида суториладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилашга имкон беради.

Туябўғиз сув омбори.

ТУЯБЎҒИЗТЕПА — илк ўрта асрларга мансуб дахмали генадиклар (мил. 5—8-а.лар). *Туябўғиз сув омбори* (Тошкент денгизи)нинг шим.-ғарбий қирғоғи яқинида, Ўртабоз деган жойда жойлашган. 1959—61-й.ларда (Т. Аъзамхўжаев) ўрганилган. Дахмалар генадик кўринишида, бўйи 2 м, диаметри 15—20 м бўлган. Баъзи дахмалар катакомбали иншоотлар бўлиб, 2,6×2 м ли хоналарга ажратилган. Меҳнат қуроллари, сопол идишлар, темир пичоқ, танга, маржон, чиғаноқлар чиққан. Баъзи дахмалардан науслар очилган. Улардан тартибсиз суратда қўйилган, силиндр шаклидаги оссуарий ва скелетлар топилган.

ТУЯМЎЙИН ГЭС — Туямўйин гидроузелида қурилган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослашган бирлашмаси таркибида. Хоразм вилояти Хазорасп тумани Питнак ш. яқинида жойлашган. Тошкент ш.даги «Гидропроект» лойиҳа ин-ти лойиҳаси асосида қурилган. 1983 й.да ишга туширилган.

Ст-яда Туямўйин сув омборида тўпланадиган сувнинг дарё ўзанига ташланадиган қисмини турбиналардан ўтказиб арзон ва экологик тоза энергия олинади. Ст-я Туямўйин гидроузели тўғонининг пастида жойлашган. Унда Санкт-Петербург ш.даги «ЛМЗ» корхонасида ишлаб чиқарилган 6 та гидротурбина ва Екатеринбург ш.даги «Уралэлектротяжмаш» корхонасида тайёрланган ҳар бирининг қуввати 25 минг киловатт бўлган гидрогенераторлар ўрнатилган.

ГЭСнинг ишлаш режими Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўрнатиладиган ирригация режимига бўйсундирилган. Ишлаб чиқариладиган электр энергияси миқдори Амударёда йил давомида қуйи қисмга етиб келадиган сув миқдорига боғлиқ, йилига ўртача 400—600 млн. кВт· соатни ташкил этади. Ҳосил қилинган электр қуввати Ўзбекистоннинг ягона энергетика тармоғига узатилади.

Ҳасанов Ғуломжон.

ТУЯМЎЙИН ДАШТИ — Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудидаги дашт. Ғарбда Муяи ва Арсиф, шимда Қорачатир тизмалари, шарқда Улуғтоғ, жанда Қизилқия адирлари оралиғида. Геологик жиҳатдан адирлар оралиғидаги ботиқ. Уз. 36—38 км, эни 28 км. Палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиқлари кенг тарқалган. 1—5 км чуқурликда бўр даври ётқизиқлари учрайди. Устки қисми тош-шағал жинслардан тузилган. Ғарбга томон қия. Иқлими континентал. Июлининг ўртача т-раси 28°, энг юқори т-ра 40°. Қиши илиқ, январнинг ўртача т-раси —2°, энг паст т-ра —16°. Вегетация даври 180 кун. Йиллик ёғин 200—250 мм, асосан, баҳор ойларида ёғади. Тупроғи типик бўз тупроқ. Ўсимликлари шувоқ, бурган ҳамда эфемерлардан иборат. Даштнинг ўзлаштирилган қисмида тамаки, маккажўхори экилади, боғдорчилик б-н шуғулланилади.

ТУЯМЎЙИН СУВ ОМБОРИ — Амударёнинг қуйи оқимидаги Туямўйин тор дарасида қурилган йирик гидротехника иншоотн. Дарё сувини ирригация ва энергетика мақсадларида мавсумий ростлаш учун хизмат қилади. Гидроузел қурилиши 1970 й.дан бошланган. 1978 й.да 1-навбати ва 1983 й.да тўлиқ ишга туширилган. Умумий ҳажми 7800 млн. м³. Сув омбори 4 та — 1 та ўзанли ва чап соҳилдаги табиий чуқурликларда барпо этилган, сув узатилиб тўлдириладиган 3 та омбордан (Капарас, Султонсанжар, Қўшбулоқ) иборат. Гидроузел Амударёнинг чап ва ўнг соҳилларига сув чиқаришни таъминлайди. Т.с.о. тўғонлари сувни дамлаб, сатҳини кўтаришга олиб келади. Бунда юқори ва пастки бьефлардаги энг

Туямўйин ГЭС.

катта фарқ 18—24 м га етиб боради. Султонсанжар пастлигини сув б-н тўлдириш учун Туямўйин гидроузелидан гарб томонга қараб 2,5 км узунликда сарфи 50 м³/сек бўлган канал қурилган. Т.с.о. *Туямўйин ГЭС*нинг барқарор ишлашини таъминлайди. Амударёдан Т.с.о.га ҳар йили оқиб келадиган 200 млн.т лойқа-оқизиқларни чиқариб юборадиган иншоотлар барпо этилган.

Ўнг қирғоқда кема қатновини таъминловчи 18×80 м ўлчамдаги шлюз қурилган, унинг юк ўтказиш қобилияти 535 минг т ни ташкил этади. Т.с.о.нинг қурилиши б-н Хоразм вилояти, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани ҳамда Туркманистоннинг Тошҳовуз вилоятида янги ерларни ўзлаштириш, суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш имконияти яратилди. Гидроузел зонасида дарёнинг ўнг қирғоғида Пахтаарна, Қозоқёб, Бештом, Найман ва Қизилқалъа, чап қирғоғида Тошсоқа, Қиличниёзбой, Қипчоқ-Бўзсув, Хоразм вилоятида Питнакарна, Урганчарна ва б. каналларга сув чиқаргичлар барпо этилган.

Зиёмиддин Артукметов.

ТУЯСИМОНЛАР (Camelidae) — қадоқоёқлилар туркуми оиласи. Оёқлари 2 бармоқли, ён бармоқлари редукцияга учраган. 3- ва 4-кафт ва товон суяклари бирга қўшилган. Юқори лаби айри, ошқозони мураккаб («кавшовчи»). Эритроцитлари овал шаклда бўлиши б-н бошқа сут эмизувчилардан фарқ қилади. 2 уруг (*туялар* ва *ламалар*)ни ўз ичига олади.

ТУЯТИШ — хўраки, майизбоп узум нави. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача кертикли, юзаси силлиқ. Гули икки жинсли. Узум боши катта (бўйи 20—25 см), ўртача вазни 800—1000 г, цилиндрсимон, ғужумлари зич жойлашган. Ғужуми йирик, думалоқ, сарғиш-яшил. Сент.да етилади. Таркибида ўртача 23,4% қанд, 3,2% кислота бор. Гектаридан 120—160 ц ҳосил олинади. Узумидан майиз солинади. Майизи йирик, сершира. Ўзбекистоннинг барча минтақаларида ўстирилади.

ТУЯТОВОН (Zygophyllum L.) — туятовондошлар оиласига мансуб кўп йиллик илдизпояли ўсимликлар туркуми; ўт, бута, чала буталардан иборат. Пояси қаттиқ, сершох. Бўйи 30—70 см. Барги серсув, қарама-қарши, бир, баъзан 2—4 жуфтдан жойлашган. Гуллари 1 ёки 2 тадан, тожбарглари оқимтир-сариқ, таги қизил доғли, чангчиси 8—10 та. Ёз давомида гуллаб уруглайди. Уруғидан кўпаяди. Уруғи 20—30° ҳароратда униб чиқади. Меваси бир ёки бир нечта учли кўсакча. Илдизи ўқ илдиз. Ер шарининг чўл ва даштларида тарқалган. 250 дан ортиқ тури бор. Ўзбекистонда 13 тури учрайди. Ғунчаси сабзавот сифатида овқатга ишлатилади. Бегона ўт сифатида ҳамма экинлар орасида учрайди. Дарё водийлари, воҳалардаги бир оз шўртоб ерларда ўсади.

Кураш чоралари: ерни чуқур ҳайдаш, чопиқ, культивация ва б.

ТУЯЧИЛИК — *чорвачилик*нинг туяларни кўпайтириш ва улардан фойдаланиш б-н шуғулланувчи тармоғи; туялар биологияси, селекцияси, зоотехникаси, хўжалик аҳамиятини ўрганадиган фан. Т. хўжаликлари чўл, чала чўл ва қуруқ дашт минтақаларида жойлашган. Иссиқ иқлимга мослашган *дромедар* (бир ўркачли) туялар Ўзбекистоннинг жан. минтақалари, Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Африка мамлакатларида, совуққа чидамли *бактриан* (икки ўркачли) туялар Ўзбекистоннинг шим. қисмида, Қозоғистон ва Қирғизистон, Россиянинг Астрахон вилояти, Қалмиқ чўлларида, Тува, Олтой ўлкасида, Монголия, Хитойнинг ғарбий минтақаларида етиштирилади ва улардан фойдаланилади.

Европа мамлакатларидан Испанияда ҳам туялар бор. Уларни 8-а.да маврлар Африкадан олиб ўтган. 1886 й.да туялар Австралияга ҳам келтирилган, қуруқ дашт иқлими, шўрхок чўллари туфайли туялар бу ерда яшаб кетган.

20-а.нинг 30—40-й.ларида Тошкент йилқичилик, туячилик, хачирчилик ва б. юкчи ҳайвонлар тажриба ст-ясида туя ресурсларини ўрганиш, Т.да наслчилик ишларини ташкил этиш, уларни асраш, парвариш қилиш, улардан сифатли маҳсулотлар олиш каби мавзулар бўйича талқиқот ишлари олиб борилди (проф.лар В. А. Шчекин, И. И. Лакоза). Ҳоз. пайтда Т. соҳаси бўйича илмий-амалий ишлар республика чорвачилик ва қоракўлчилик и.т. ин-тларида олиб борилади. Олий ва ўрта махсус қ.х. ўқув юртларида Т. мустақил фан сифатида ўқитилади.

Абдусаттор Амиров.

ТУЯҚОРИН (Heliotrapium lasiocarpum L. et. M.) — кампирчопондошларга мансуб бир йиллик заҳарли ўт; бўйи 30—60 см, сершох. Илдизи ўқ илдиз; суст шохланади. Барглари навбатма-навбат жойлашган, иккала томони дағал туклар б-н қопланган. Гуллари майда, оқ, тўпгул ўқига бир томонлама урнашган. Уруғи оқ туклар б-н қопланган, ҳар мевада 4 тадан етишади. Апр.да унади, май ойида гуллайди; уруғи июлнинг 2-ярмида пишади. Уруғидан кўпаяди. Ниҳоллари апр.да кўкариб чиқади. Сент. охирида қурийди. Т. йўл ёқаларида, уват ва марзаларда, айниқса, баҳорикор экинлар орасида кўп ўсади. Поя ва барглари 0,4%, уруғида эса 1% га яқин заҳарли алкалоидлар (гелиотрин ва лазиокарпин) бор. Етилган уруглари аста тўкилиб тупроқни, айниқса, ҳосили кеч йиғиштирилган донни ифлослайди. Т. уруғи аралашган буғдой, арпа, тариқ ва б. донларни истеъмол қилиш натижасида одам ва ҳайвонлар заҳарланиши мумкин. Ўрта Осиёда тарқалган. Ташландиқ ерлар, ўтзор, боғ ва узумзорларда ўсади.

Туяқорин.

Кураш чоралари: уруглик материал тозаланади; экинлар ўтоқ қилинади; галла экинларига 2,4—Д типидаги гербицидлар пуркаланади.

ТУЯҚУЙРУҚ (Carduus albidus MB.) — мураккабгуллошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси якка, тик ўсади, чочоқ, сершох, поясининг юқориги шохлари қалин, оқ туклар б-н қопланган, бўйи 15—60 см. Барглари этли, кенг наштарсимон ва патсимон-шапалоқ, тиканли, бандсиз. Гуллари тўқ қизил, чочоқ, саватсимон тўпгулга йиғилган. Меваси уруғча. Май — июлгача гуллайди ва мевалайди. Уруғидан кўпаяди. 10—25° ҳароратда уруғи униб чиқади. Илдизи ўқ илдиз. Ўзбекистоннинг барча ҳудудида, жумладан, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган. Ғўза, беда, дон ва б. барча экинлар орасида учрайди. Қўриқ, ташландиқ ерларда, суғориш шохобчалари

Туяқуйруқ.

яқинида, йўл ёқаларида, боғ ва токзорларда ўсади.

Кураш чоралари: бедани Т. уруғи етилгунча уриб олиш; галла экинларига 2,4-Д типидаги гербицидлар пуркаш.

ТУЯҚУШЛАР (Struthioniformes) — кукрак тожсиз қушлар туркуми. 1 оила, 1 уруг ва 1 тури — африка туяқуши бор. Ҳиндистон, Хитой, Монголия, Эрон, Украина ва Грециядан қазилма қолдиқлари маълум. Ҳоз. Африкада 3 кенжа тури тарқалган. Бўйи 270 см, оғирлиги 80—90 кг. Учолмайди; оёқлари бақувват; кўриш, эшитиш органи яхши тараққий этган; соатига 70 км гача югуради. Уясини ерга ясайди; 7—9 та тухум қўяди. Тухуми йирик, уз. 150 мм, оғирлиги 1,5, баъзан 2 кг гача. Тухумини кечаси нари, кундузи модаси 40 кун босади. 3 ёшда вояга етади. Асосан, ўсимликлар, ҳашаротлар, майда умуртқали ҳайвонлар б-н озиқланади. Гўшти ва тухуми мазали; патлари чиройли. Бир қанча мамлакатларда тутқунликда кўпайтирилмоқда.

Туяқуш.

ТУҚСОБА, тўқсабо (эски ўзбекча — ўз туғига эга бўлган) — ҳарбий қисм саркардаси, туқсабоши. 1) 16—19-а.ларда Бухоро амирлигида эшикоқо боши, чиғатой беги сингари мансаблардан кейинги, мирохурдан олдинги рутба ҳисобланиб, унинг эгаси амир саройига отда кириш, лекин ҳукмдор қабулида ўтириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсни англатган. Бу мансабдор идишларга овқат сузиш, косаларга ичимлик, қатиқ, муздек сув ва ҳ.к. қуйиш, уларни хизматкорлар орқали машварат ёки кенгаш аҳлига етказишга масъул ҳисобланган. У, шунингдек, Ҳарқонруд туманини ва у ерда сув тақсимотини бошқарган; 2) Амир томонидан катта қалъа ва қўрғонлардаги ҳарбий гарнизонни бошқариш учун тайинланган ҳарбий мансабдор. Қўқон ва Хива хонлигида Т., асосан, бир полкдан ташкил топган ҳарбий қисм қўмондони. Рутба жиҳатдан чор ҳукумати армиясининг полковник унвонига тенг келган.

ТУҒ — 1) қалимдан Шарқ мамлакатларида ҳукмдорлик, вазирлик, беклик ва ҳ.к. белгиси. Т. ҳўкиз ёки от думидан ясалган. Т. мозийда Осиёнинг бир қанча давлатларида (Хитой, Ҳиндистон) қўтос ҳамда тибет ҳўкизи думидан ясалган бўлса, турклар уни, асосан, от қуйруғи қилларидан тайёрлаганлар. «Т.» атамаси илк марта бир уйғур хоқони шаънига битилган Шине-усу (8-а. ўртаси) ёдномасида кўзга ташланади. 1202 й. Чингизхон Ўнан (Онон) дарёси бўйида 8 туғни тиккан ҳолда салтанат ташкил топганлигини эълон қилади. Ислом дини қабул қилингандан кейин ҳам туркий давлатларда Т. қўлланишда давом этди. Чингизхон салтанатида, Салжуқийлар, Мамлуклар, Қорахонийлар, Усмонийларда бўлгани каби, Т. Темурийларда ҳам мавжуд эди. Туман беги «баҳодир» фахрий унвони қатори Т. довул ҳамда тумантуғ ва чортуғлар б-н шарафланган.

Усмонийлар салтанатида санжақбейлар битта, бейларбейлар 2 та, вазирлар 3 та, шайхулисломлар 2 та, қози аскарлар битта, яничери бошлиқлари битта, подшоҳлар эса 6 та Т.га эга бўлганлар. Подшоҳ Т.лари туғи шоҳий ёки туғи ҳумоюн деб юритилган. Ҳарбий сафарлар чоғида Т.ларни кўтариб юрувчи шахслар туғчи атамаси б-н ифодаланган; 2) *байроқ*, алам.

ТУҒДИРА ОЛМАСЛИК — қ. *Бепуштлик.*

ТУҒДОНА — қ. *Тошдарахт.*

ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА, метрика — боланинг туғилганлиги, унинг ота-онаси ким эканлигини тасдиқловчи ҳужжат. Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органида амалга оширилиши лозим. Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида берилиши зарур. Туғилганликни қайд этиш учун: тиббиёт муассасасининг бола туғилганлиги тўғрисидаги тиббий маълумотномаси, ота-оналарининг паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома ёки оталикни белгилаш ҳақидаги ариза тақдим этилади. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилгач, ариза берувчига Т.ҳ.г. ҳамда суғурта кассасига топшириш учун маълумотнома берилади. Эгизак (2 ва ундан ортиқ) болалар туғилганда уларнинг ҳар бири учун туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома тақдим этилиши керак, улар асосида туғилганлик ҳақида алоҳида-алоҳида далолатнома ёзувлари, уларнинг ҳар бирига алоҳида Т.ҳ. г. берилади. Ўлик туғилган боланинг туғилганлигини, шунингдек, ҳаётининг 1-ҳафтасида ўлган (перинатал ўлим) болаларнинг туғилганлигини ва ўлимини қайд этиш тиббий муассаса аризасига биноан, шу ҳудуддаги ФҲДЁ органида 24 соат ичида амалга оширилади. Ушбу ҳаракатлар ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 171-сонли қарори (1999 й. 1 апр.) 1-иловаси б-н тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари асосида бажарилади.

Шоира Йўлдошева.

ТУҒИЛИШ (демографияда) — янги туғилганлар ҳисобига аҳолининг янгиланиб бориш жараёни; муайян аҳоли гуруҳи ўртасида бола туғилиб туриш суръати: бир йил давомида ҳар минг киши ҳисобига тўғри келадиган тирик туғилган болалар сони. Т. ўлим жараёни б-н бирга аҳоли табиий ўсишининг асосини ташкил этади. Т.ни ифодаловчи бир нечта кўрсаткичлар мавжуд: Т.нинг умумий коэффициенти — 1000 кишига нисбатан туғилган болалар сонини ифодалайди ва промилледа белгиланади; Т.нинг махсус коэффициенти — ҳар 1000 та 15—49 ёшли аёлларга нисбатан туғилган болалар сони; Т. нинг ёш гуруҳлари бўйича коэффициенти — ҳар 1000 та маълум ёш гуруҳидаги (15—19, 20—24, 25—29, 30—34, 35—39, 40—44, 45—49) аёлларга нисбатан туғилган болалар сони; Т.нинг йиғинди коэффициенти — туғилиш даражасини энг аниқ ифодаловчи кўрсаткич, унда маълум авлодга тегишли ҳар бир аёлнинг ҳаёти давомида туққан болалари сони ифодаланади. Кўпчилик давлатларда Т. даражасини ўрганиш ва уларни таққослашда Т.нинг умумий коэффициентидан кўпроқ фойдаланилади. Демограф олимлар Б. Ц. Урланис ва В. А. Борисовлар томонидан Т. даражасини шу коэффициент ёрдамида баҳолаш мезони аниқланган. Мезон бўйича ўрганилаётган ҳудуд ёки аҳоли гуруҳида Т.нинг умумий коэффициенти 16‰ дан кам бўлса, Т. даражаси паст, 16—24‰ — ўрта, 25—39‰ — юқори ва 40‰ дан баланд бўлса Т. даражаси жуда юқори ҳисобланади.

Т. — биологик жараён, у инсонларнинг репродуктив майли, яъни фарзанд кўришга бўлган муносабати б-н

боғлиқдир. Репродуктив майл эса инсон ишаётган ижтимоий-иқтисодий муҳит таъсирида ўзгариб боради. Инсоният ўз тарихий тараққиёти давомида бир нечта ижтимоий-иқтисодий босқичларни босиб ўтди ва Т. даражаси жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам бир хил бўлмаган. Ер юзида Т.нинг камайиш жараёни 18-а.нинг 2-ярмида Ғарбий Европа мамлакатларида бошланиб, АҚШ, Канада, Австралия ва Японияга тарқалди. Айниқса, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларда Т. тез камая бошлади. Жаҳонда энг юқори Т. Африка мамлакатларига тўғри келади. 1970—90 й.ларда Т.нинг энг тез камайиши Осиёга мансуб. Осиёнинг энг йирик мамлакатлари бўлган Хитой ва Ҳиндистонда оилада болалар сонини чеклаш давлат дастурига киритилган, яъни Т. давлат томонидан назорат қилинади. Осиё аҳолисининг 70% ини ташкил этган бу давлатларда Т.нинг камайиши бутун Осиё бўйича Т. кўрсаткичларига таъсир қилади. 1970—90 й.ларда Т. Осиёда 40%, Европада 16%, Австралия ва Океанияда 19%, Африкада 5%га камайган. Ривожланаётган мамлакатларда Т. нинг камайиши ривожланган мамлакатлардагига нисбатан секинроқ боради. Т.нинг умумий коэффициенти дунё бўйича (2001, промилледа) — 22, Африкада — 38, Америкада — 20, Осиёда — 22, Австралия ва Океанияда — 31 ва Европада — 10 га тенг. Дунё бўйича энг юқори Т. Малида (50‰) ва энг паст Т. Латвияда (8‰) кузатилмоқда.

Ўзбекистонда туғилишнинг умумий коэффициенти (ҳар 1000 аҳолига нисбатан туғилган болалар сони, ўртача) динамикаси

1870	1900	1930	1960	1990	1995	2002
49,0	49,6	38,7	39,8	33,7	29,8	21,0

Ўзбекистонда Т.нинг нисбатан юқорилиги аҳолининг кўпчилиги қишлоқ турмуш тарзида яшаб келаётганлиги б-н боғлиқ. Шунингдек, қулай демографик вазият ҳам Т.га ижобий таъсир кўрсатади. Никоҳдан ўтиш, оила қуриш ҳолларининг юқорилиги ҳам оилалар сонининг кўпайишига, улар эса, ўз навбатида, Т.нинг ўсишига сабаб бўлади. Ўзбекистонда янги иқтисодий ислоҳотларнинг жорий этилиши, бозор муносабатларининг шаклланиши ва б. ўлканинг демографик вазиятига ҳам маълум даражада таъсир этди.

Ад.: Мулладжанов И. Р., Демографическое развитие Узбекистана, Т., 1983; Бурнева М. Р., Рождаемость в Узбекистане, Т., 1991; Бурнева М. Р., Демография асослари, Т., 2001; Демографический ежегодник Узбекистана, Т., 2003.

Маҳлиқат Бурнева

ТУҒЛОҚИЙЛАР, туғлақиялар — *Деҳли султонлиги* бошқарган сулола (1320—1413). Асосчиси — Фиёсиддин Туғлоқ. Унинг даврида (1320—25) ер солиғи 1/10 га камайтирилди, каналлар қазилди, Туғлоқобод ш. барпо этилди, Деканга юриш уюштирилди. Отасини ўлдириб ўтган Муҳаммад Туғлоқ (1325—51) тахтга чиқади. У ваъдаги саркарда, аммо бешафқат ҳукмдор бўлиб, «Хуни» («Қонхўр») лақабини олганди. Султон деҳқонларга ниҳоятда оғир бўлган қўшимча солиқ солган. Муваффақиятсиз чиққан пул ислоҳоти ўтказган. Пойтахтни Деҳлидан Девагирига (Давлатободга кўчиради). Ферузшоҳ Туғлоқ (1351—88) даврида оғир солиқ ва бождар бекор қилинган, янги каналлар қазилган, ҳарбий бошлиқларга қўшимча ерлар инъом қилинган. Аммо ҳарбий бошлиқларнинг айирмачилик ҳаракатлари барҳам топмаган. Бенгалия б-и Декан салтанатлари ажралиб чиққан. Т.лар энг сўнгиси султон Носириддин Маҳмуд (1394—1413) вафотидан кейин ҳокимият саналар сулоласига ўтган (1414).

ТУҒЛУ ТЕКИН МАҚБАРАСИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (1376). *Шоҳизинда* ансамблининг ўрта қисмида. Шаҳарнинг қад. девориға тақаб, Темур саркардаларидан амир Ҳусайиннинг ўзи ва онаси Туғлу Текин шарафига қурилган. Мақбара (8,5×9,5 м) бир хонали, эшиги ғарбга қараган. Т.Т.м.да ўша давр меъморлик ҳамда кошинкорлик санъатининг ноёб намуналари сақланган. Гул ва япроқлар тасвири, туташган ҳалқалар ҳамда ёзувлар кўк-мовий бўёқларда тўлдирилган. Т.Т.м. остида сағана (3,15×4,15 м) бор. Унга йўлакдан кирилади. Мақбаранинг бизгача етиб келган равоғи ва унга туташ девор қолдиқлари асосида 1960-й.ларда қолган қисмлари қайта тикланган (уста Ш.Исҳоқов, меъмор И.И.Ноткин).

Туғлу Текин мақбарасининг кошинкори безаги.

Ад.: Немцева Н.Б., Шваб Ю.І., Ансамбль Шах-и Зинда, Т., 1979.

ТУҒЛУҚ ТЕМУР (? — 1362 ёхуд 1363) — Мўғулистон давлати асосчиси ва хони (1348 йилдан). Шарқий Туркистонда унинг авлодлари 16-а.нинг 70-й.ларигача ҳукмронлик қилган. *Чиғатой улуси* парчаланиши жараёнида унинг шарқий қисмида Амир Нўғойчи ёрдамида Т.Т. тузган давлат таркибига Шарқий Туркистон, Жан. Сибирь ва Етисув кирган. 1360—136l йилларда ғарбий вилоятлар нойиблиги Т.Т. Моваронаҳрни эгаллаган Т.Т. вафотидан сўнг ўғли *Илёсхожа* б-н бўлган курашларда Соҳибқирон Амир Темур мағлубиятга чиққан Т.Т. ворислари фақат Шарқий Туркистонга эгалик қилганлар, холос.

ТУҒМА КАСАЛЛИКЛАР — эмбрион тараққиётининг бузилишидан пайдо бўладиган касаллик, нуқсонлар. Т.кла организм, айрим органлар тузилиши ва функцияси бутунлай ёки қисман бузилади. Бу, асосан, ҳомила ривожланишида она организмига зарарли ҳар хил омиллар таъсирида келиб чиқади.

Ирсий омиллар таъсирида ота-она жинсий ҳужайралари етилиши (*мейоз*) ва ота-она ёшига қараб жинсий ҳужайраларни хромосома аппарати бузилади. Ирсий омилларга жинсий хусусиятлар (геном)га нонлоничи нурлар ва кимёвий моддалар таъсирида юз берувчи мутацион жараён (қ. *Мутация*) ҳам киради. Ота-онанинг ёши улғайган сари Т.к. б-н туғилувчи болалар сони ҳам кўпайиб боради.

Эмбрион тараққиётига физик (нонлоничи нурлар, механик ва термик таъсирлар), кимёвий (гормонал мутаносиблик, сифатсиз овқатланиш, тератоген заҳарлар) ва биологик (вирус, бактерия, содда ҳайвонлар, гельминтлар) омиллар бевосита таъсир этади. Ҳомила ривожланаётган вақтда онадаги руҳий таъсирланиш ҳам организмда эндокрин система (ички секреция безлари системаси) функциясининг бузилишига олиб келади.

Т.к. натижасида айрим орган ёки системаларнинг чала, баъзан, тўла ривожланмаслиги, мас., қўл ва оёқнинг бутунлай ёки қисман ривожланмаслиги (агенезия, аплазия, гипогенезия, гипоплазия), орган ва системаларнинг одатдагидан кучлироқ ривожланиши, мас., одам терисида шох модда тараққий қилиши (гиперплазия, гипергенезия); органлар сонининг кўпайиши ёки камайиши (мас., қўл ва оёқ бармоқларининг кўп бўлиши — полидактилия); ток қўзилик (циклопия); органнинг одатдаги жойидан бошқа томонда жойлашиши (мас., юракнинг *кекирак кафасида* ўнгга, жигарнинг *қорин бўшлиғида* чапга; талоқнинг эса ўнгда жойлашиши ва б.) кузатилиши мумкин.

Баъзан, туғилган болаларнинг юқори лабида кемтик бўлади ёки юқори танглай ривожланмай очиқ қолади. Бу туғма камчиликлар эмбрионга паразитларнинг салбий таъсири ва ирсий хусусиятлардан келиб чиқади. Туғма камчиликлар айрим орган ва системалар ривожланаётган вақтда ҳосил бўлиши мумкин.

Кўп туғма камчиликлар этилларда симметрик ёки асимметрик ҳолда бўлади.

ТУҒМА КУМУШ — туғма табиий элементлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби деярли соф Ag(1,5% дан кўп бўлмаган аралашмалардан), Au, Hg, Sb, Bi ёки Cu нинг Ag дан табиий қотишмалари орасида ўзгариб туради. Турлари: кюстелит (Au 10% гача), конгсбергит, аргверит, бордошит (Hg мувофиқ равишда 5,13 дан 30%гача), анимикит, алларгентум (Sb 11—15%), чиленит (Bi 5% гача), кумуш (Cu 0,1% гача). Т.к. марказлашган қирқали куб сингонияда кристалланади. Чили (Ханарсильо)да топилган улкан тахта кўринишидаги Т.к.нинг оғирлиги 1420 кг. Ранги оқ бўлиб, кўпинча усти ионқа қора парда б-н қопланган бўлади. Т.к. кам учрайди, металлсимон ялтирайди, юмшоқ, осон болғаланувчан. Қаттиқлиги 2,5, зичлиги 10,5 г/см³. Гидротермал томирларда кўпроқ сульфидли полиметалл конларининг цементланиш ва оксидланиш зоналарида кальцит, флюорит, адулар ҳамда Ag, Co, Ni, Bi, U минераллари ва бошқалар б-н бирга учрайди. Т.к. конлари хорижда Норвегия (Конгсберг), Канада (Кобальт), Германия (Шнеберг ва Аннаберг) ва б. жойларда мавжуд. Т.к. туғма олтин б-н бирга кумуш, колчедан, кўргошин-рух конларининг оксидланиш зонасида учрайди (Урал, Жезқазғон, Потоси ва б.). Ўзбекистонда Қурама тоғларининг рудали конларида кенг тарқалган.

ТУҒМА МИНЕРАЛЛАР — табиатда соф ҳолда учрайдиган кимёвий элементлар. 30 дан ортиқ кимёвий элементлар (хусусан, металлар) Ер пўстимент (хусусан, металлар) Ер пўстида Т.м. ҳолида учрайди. Баъзи газлар ва суюқ ҳолатдаги элементлар (мас., симоб) ҳам шу минераллар қаторига киради. Улар Ер пўсти умумий массасининг тахм. 0,1%ини ташкил қилади, шундан 0,04% азот ва 0,01—0,02% кислород; қолган қисми 0,05%. Баъзи элементлар табиатда кўпинча тутма ҳолда учрайди. Бундай элементлардан гелий, неон, криптон, ксенон, радон, углерод, азот, кислород, олтингугурт, хлор, қалай, темир, кобальт, маргимуш, селен, радий, палладий, осмий, иридий, платина, олтин, симоб, кумуш, висмут асл элементлар дейилади. Т.м. кимёвий хоссаларига қараб 3 гуруҳга ажратилади: металлар — олтин, кумуш, мис, платина, темир, никель ва б.; ярим металлар — маргимуш, сурма, висмут; металлоидлар — углерод, олтингугурт. Т.м.нинг ҳосил бўлиши Ер пўстидаги эндоген ва экзоген жараёнларда содир бўладиган турли физик ва кимёвий шароитларга боғлиқ. Ўзбекистонда олтин, кумуш, углерод (графит), симоб, қалай, қўргошин, темир, висмут каби Т.м. мавжуд.

ТУҒМА ТАБИИЙ МЕТАЛЛАР — рудали ва соч ма конларда учрайдиган табиий яхлит тутма металлар (олтин, кумуш, платина ва б.); одатда, уларнинг ўлчами бу металл зарраларининг ажсари қисмини ташкил қилган массасини ўлчамидан кескин фарқ қилади. Т.т.м. кам учрайди ва массаси, одатда, 1 г дан ортиқ бўлади. Энг йирик тутма олтин Австралияда топилган: «Холтерман плитаси» — унинг оғирлиги кварц б-н биргаликда 285 кг бўлиб, унда соф олтин массаси 83,3 кг ва «Кутилган нотаниш» — оғирлиги кварц б-н биргаликда 70,9 кг, соф олтин — 69,6 кг. Йирик соф тутма платина Уралдаги конларда (0,427 кг) ва сочмаларда (9,639 кг) топилган. Сочмаларда Т.м.нинг кўп қисми руда ҳосил бўлиш жараёнида гидротермал эритмаларда ҳосил бўлган деб ҳисобланади.

ТУҒМА ТАБИИЙ ЭЛЕМЕНТЛАР — габиатда барқарор минераллар шаклида учрайдиган кимёвий элементлар. Т.т.э. неметаллар (углероднинг полиморф модификациялари — олмос ва графит, тутма S, Se, Te), ярим металлар (туғма As, Sb) ва металлар (туғма Au, Ag, Cu, Pt, Pd, Ir, Fe, Ta, Pb, Zn, Hg, Bi)га бўлинади. Одатда, минералогик ва генетик жиҳатдан Т.т.э. б-н узвий боғлиқ бўлган қаттиқ эритмалар, баъзан интерметалл бирикмалар ҳам Т.т.э. ҳисобланади. Мас., *платина* гуруҳидаги минераллар таркибида соф платина б-н бирга ферроплатина, поликсен ва б. бирга ферроплатина, поликсен ва б. бўлади. Табиий шароитда бир қанча газлар: азот, кислород, водород, аргон, гелий, криптон, ксенон, радон ҳам табиий ҳолда учрайди. Кўпчилик Т.т.э. кам учрайди ва баъзи бир ҳолатлардагина йирик тўпламлар (конлар) ҳосил қилади. Металлардан тутма олтин ва платина гуруҳидаги элементлар, айрим турдаги конлар рудаси таркибидаги тутма мис, шунингдек кумуш саноатда муҳим аҳамиятга эга. Нометаллардан олмос, графит, олтингугуртнинг аҳамияти катта. Ой жинслари ва метеоритларда Ер пўстида кам учрайдиган тутма темир ва темир-никель мавжуд. Т.т.э. синфига мансуб айрим минераллар полиморф модификацияларни бўлади. Т.т.э.нинг келиб чиқиши магматик, гидротермал, метаморфик ва гиперген жараёнлар б-н аниқланади ва улар, асосан, *сочма конларда* учрайди. Айрим Т.т.э. йирик тўпламлар ва конлар ҳосил қилади.

ТУҒМАСЛИК — қ. *Бепуштлик.*

ТУҒРО (туркийча) — Шарқ мамлакатларида подшоҳ ва хонларнинг фармонлари бошида уларнинг унвони — ном ва амалларини кўрсатувчи махсус белгили ёзув, рамзий белги, сарлавҳа ўрнидаги сўз, жумланинг безак сифатида ёзилиши. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида тўғра чизғичи шаклида келтирилиб унинг 3 маъноси берилади: 1) ўғузлар тилида подшо муҳри; 2) подшоҳ, сафарга чиқиш олдидан қўшиндаги ҳар бир жангчига берадиган от; 3) ўғузлар тилида муҳр босилган хат. Шу маънода бошқа туркий қавмлар (кейинчалик мўғуллар) томонидан қўлланиладиган *ёрлиқ* сўзи ўғузларга нотаниш бўлган. *Салжуқийлар* даврида давлат маҳкамаси бошлиғи бўлган амалдор тўғрои деб аталган. 4) 19-а. охирида Шим. Ҳиндистон ва Ўзбекистонда алоҳида хатларни турли жониворлар, паррандалар шакли сифатида ёзилиши ҳам Т. хати ёки хатти

Тўғро хати.

Т. дейилган. Хаттотликнинг бу санъат тури б-н Ўзбекистонда Ҳабибулло Солиҳ, Маъруф Салимов, Тўхтамурод Зуфаров ва б. шуғулланмоқда.

ТУҒРУҚ — ҳомиладорликни якунлайдиган мураккаб физиологик жараён. Т.дан ҳомила ва йўлдош тўғруқ йўлларидан ўтиб, ажралиб чиқади. Т. нор-

мас келганида ҳомила 10 акушер (ой календари) ойида туғилади; бу даврда ҳомила етук. Бачадондан ташқарида яшаш қобилиятига эга бўлади.

Ҳомиладор аёлларнинг кўпчилигида Т.дан 2 ҳафта олдин туғруқ нишонаси кўринади: бунда бачадон туби кескин олдинга эгилади, қорин пастга тушади ва аёл енгил нафас ола бошлайди; организмдан ажралган суюқлик ҳисобига вазни бир қадар енгиллашади; бачадон мускуллари вақт-вақти б-н қисқариб таранглашади.

Аёлнинг кўзи ёришига 1—2 кун қолганида қиндан қуюқ чўзилувчан шиллиқ ажралади, баъзан шиллиқ бир оз қон аралаш бўлади (ҳомиладорлик давомида бачадон бўйни каналини тўлдириб турган шиллиқ тиқин ажралиб чиқади), қорин пастида, думғазада, бел соҳасида тарқоқ оғриқ кузатилади. Т. нишонасидан аёл чўчимаслиги, аксинча Т.нинг яқинлашиб қолганлигини ҳис қилиши лозим. Ана шундай белгилар кўринганида аёл уйда бўлиб турганига маъқул, чунки тез орада тўлғоқ кучайиб, уни зудлик б-н туғруқхонага элтиш зарур бўлади.

Баъзи аёлларда Т. нишонаси бошланганида қоғаноқ суви кетиб қолади; бундай белгилар пайдо бўлганида аёлни дарҳол туғруқхонага етказиш керак, акс ҳолда қоғаноқ суви б-н бирга ҳомиланинг киндик ҳалқаси ёки қўли қинга тушиши мумкин. Бундан ташқари, қоғаноқ суви Т.дан олдин кетиб қолса, қин орқали бачадонга инфекция кириши осонлашади. Ҳомиладор аёл туғилишга яқин даврда тута бошлайди (қ. *Дард тутиши*).

Ҳомила ўтадиган туғруқ йўли (туғруқ канали) — кичик чаноқ суяклари ва юмшоқ тўқималардан (бачадон бўйни, бачадон туби мускулларидан) ташкил топган бўлиб, шакли эгилган найга ўхшаш.

Туғруқ каналининг кириш қисми қаттиқ суяк ҳалқадан иборат, эни 13 см, бўйи 11 см. Бу ўлчамлар ҳомила бошининг нормал ўлчамига мос бўлади; ўлчамларнинг бундан кичик бўлиши (тор чаноқ) туғруқни мураккаблаштиради. Бундай вақтда операция қилиб туғдирилади.

Т. биринчи марта туғаётган аёлларда 15–24 соат, такрор туғаётган аёлларда 10—12 соат давом этиши мумкин. Т.нинг қанча давом этиши аёлнинг ёшига (ёши каттароқ аёллар биринчи марта туғаётганида туғруқ узоқ давом этади), ҳомиланинг катта-кичиклигига, чаноқ ўлчамига, бачадон мускулларининг қисқаришига боғлиқ.

Т. уч даврга бўлинади. Биринчи давр узоқроқ (биринчи марта туғаётган аёлларда 13–18 соат, такрор туғаётганларда 6–9 соат) давом этади. Бу даврда бачадон бўйни аста-секин текисланиб, Т. канали кенгаяди. Бачадон бўйнининг ташқи тешиги тўла очилгач қоғаноқ (ҳомила пуфаги) ёрилади. Баъзи ҳолларда ҳомила пуфаги ёрилмай қолса, бола «пардали» туғилади, бу ҳомила учун жуда хавфли, чунки у димиқиб нобуд бўлиши мумкин. Бачадон бўйнининг тўла очилиши ва қоғаноқ сувининг кетиши бачадон мускулларининг қисқаришига ва ҳомиланинг туғилишига имкон беради (иккинчи давр). Бу даврда бачадон мускулларининг ритмик қисқариши олдин кучлироқ ва узоқроқ давом этиб, унга қорин девори мускуллари ҳамда диафрагманинг қисқариши қўшилади, яъни кучаниқ рўй беради. Аёл ҳар кучанганида ҳомила туғруқ канали бўйлаб сурила боради. Бунда ҳомила маълум ҳаракатлар қилиб сурилади, бу эса унинг осонгина туғилишини таъминлайди. Ҳомила боши чаноқнинг катта ўлчамига мосланиб силжийди. Бу даврда ҳомила боши букилади ва энгаги кўкрагига тегади, юзи ўнг ёки чапга қарайди.

Ҳомила Т. канали бўйлаб силжиганда эса қисман б-н олдинга, юзи б-н думғаза томонга ўгирилиб олади. Ҳомиланинг боши чаноқ туби, тўғри ичак ва ташқи чиқарув йўлини босади, бунда аёлнинг ҳожати қистагандек туюлади. Кейинчалик аёл ҳар кучанганида ҳомила боши жинсий орқалиқда кўринади, кучаниқ тўхтаган б-н кўринмай қолади; тез орада шундай пайт келадики, кучаниқ тутмай турганида ҳам ҳомила боши кўриниб тураверади. Бу вақтда туғруқни бошқарувчи акушерка чақалоқнинг туғилишига киришади. Ҳомиланинг туғилиш даврида аёл акушерканинг айтгани бўйича кучаниқни тезлатиши ёки секинлатиши мумкин, бунда бола чиқаётганида туғруқ йўлидаги юмшоқ тўқималар йиртилмай қолади. Ҳомиланинг боши чиқиши б-н танаси кўринади. Шу б-н Т.нинг иккинчи, яъни ҳомиланинг туғилиш даври тугайди. Бу давр биринчи бор туғаётган аёлларда 1,5—2 соат, такрор туғаётган аёлларда ярим соатдан бир соатгача давом этади.

Чақалоқ б-н йўлдошни бирлаштирувчи киндик кесиб боғланади. Чақалоқ туғилиши б-н йиғлайди, нафас ола бошлайди. Энди учинчи давр, яъни йўлдош тушиш даври бошланади, бу ўртача 30 мин.дан 1 соатгача давом этади. Бунда йўлдош бачадон деворидан кўчади ва тушади; бир оз (250 мл.ча) қон кетади. Йўлдош ту[illegible] турса, [illegible] тушмаи. Бирор бўлаги қолиб кетса, қон кетишига сабаб бўлиши мумкин. Йўлдош тушиши б-н [illegible]

ТУҒРУҚХОНА — даволаш-профилактика муассасаси. Аёлларга ҳомиладорлик, туғруқ ва чилла даврларида малакали тиббий ёрдам кўрсатиб ёки стационар шароитда кўрсатиш ҳамда уларга хос гинекологик касалликларни даволаш, шунингдек, чақалоқларни парвариш қилиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боради. 1996 й.дан Ўзбекистонда мавжуд Т.лар туғруқ мажмуи (комплекси) деб юритилади. Улар бошқа даволаш-профилактика муассасалари, МСУЕ, оилавий поликлиникалар б-н узвий боғлиқ ҳолда иш кўради, бу эса оналар ва чақалоқлар саломатлигини мунтазам назорат қилиш имконини беради. Кўзи ёриши[illegible] аёлларнинг туғар жойларидан кўпи зарур ҳолларда туғруқ мажмуида тезлик б-н акушер-гинекологик ёрдам кўрсатилади (яна қ. *Оналар ва болалар муҳофазаси*, *Туғруқ*, *Туғруққа ёрдам бериш*). Ҳозир Ўзбекистонда 54 та туғруқ мажмуи, 1 та перинатал марказ, туман марказий касалхоналари таркибида 185 та туғруқ бўлимлари фаолият кўрсатмоқда; Тошкент ш.да эса 9 та йирик туғруқ мажмуи ва 2 та перинатал марказ ишлаб турибди (2004).

ТУҒРУҚҚА ЁРДАМ БЕРИШ — ҳомиладорлик, туғруқ ва чилла даврида аёллар соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган профилактика ва даво тадбирлари системаси. Т.ё.б. *оналар ва болалар муҳофазаси*нинг муҳим бўлимидир. Ўзбекистонда Т.ё.б. системаси туғруқхоналар, аёллар консультациялари, қишлоқ врачлик пунктлари, касалхоналарнинг акушерлик-гинекология бўлимларида амалга оширилади. Бу ерда аёлларга ўз вақтида юқори малакали ихтисослашган акушер-гинеколог ёрдам кўрсатади. Т.ё.б. ташкилий ва илмий-методик асосларининг бирлиги. Т.ё.б. муассасалари ишлаб чиққан профилактика, даво, диагностиканинг энг янги усулларини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш, тиббиёт кадрлари малакасини мунтазам ошириб бориш аҳолига акушер-гинекологик ёрдам кўрсатишнинг тобора яхшиланиб боришига имкон беради. Ўзбекистонда Т.ё.б. ишини яхшилаш мақсадида туғруқхоналар аёллар маслаҳатхонаси б-н бирлаштирилган, улар врачлик участкаси бўйича иш олиб боради; бу эса гинекологик касалликлар ва ҳомиладорлик асоратларини барвақт аниқлаш, ҳомиладор аёлларни мунтазам кузатиб бориш ва зарурат бўлса, даволаш, кўзи ёриган аёлларни ўз вақтида туғруқхонага ётқизиш, ҳомиладорлик, чилла даври ва бола парвариши гигиенасига оид санитария маорифи ишларини олиб бориш имкониятини беради. Т.ё.б. муассасаси аёлларга оилавий ҳуқуқларининг ҳимоясига асосланган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, шунингдек, ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашда замонавий тиббий-генетика технологияларини олиб боради.

ТЎҒЧИБОШИ — Ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида туғ (ҳарбий байроқ)ни олиб юрувчи ва қўриқловчи ҳарбий қисм бошлиғи (қ. *Туғбеги*).

ТУҲМАТ, бўҳтон — жиноят ҳуқуқида — бирор шахсни обрўсизлантириш мақсадида атайлаб ёлғон ва уйдирма гаплар тарқатиш. Т. қилиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бунда айбдор шахс энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 й.гача ахлоқ тузатиш ишлари б-н жазоланади (Ўзбекистон Республикасининг ЖК, 139-модда, 1-қисм). Агар Т. қилиш нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали содир этилган бўлса, бу оғирлаштирувчи ҳолат сифатида шахсни тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади. Айбдор шахс энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 й.дан 3 й.гача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ б-н жазоланади (Ўзбекистон Республикаси ЖК, 139-модда, 2-қисм). Агар Т. оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда айблаб; оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолда; хавфли рецидивист томонидан; ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда қилинса, айбдор 3 й.гача озодликдан маҳрум этиш б-н жазоланади.

Шунингдек, шахс ўзининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини Ўзбекистон Республикасининг ФК асосида ҳам ҳимоя қилиши мумкин. Фуқаро ҳам ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлаб олмаса, суд йўли б-н раддия талаб қилишга ҳақли. Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Агарда бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки қайтариб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартибини суд белгилайди. Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н ҳимояланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганида уларга ўша оммавий ахборот воситаларида жавоб эълон қилиш ҳуқуқига эга. Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши б-н бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

Мирзажон Рустамбоев.

ТЬЕПОЛО (Tiepolo) Жованни Баттиста (1696.5.3, Венеция – 1770.27.3, Мадрид) — италян рассоми, расм устаси, ўймакор наққош; 18-а. Венеция мактабининг йирик вакили. Г. Лаццаринидан таълим олган. П. Веронезе ва Ж. Б. Пьяццеттадан илҳомланган. Асосан Венецияда, шунингдек, Милан (1731—32, 1732, 1740), Вюрцбург (1750—53), Мадрид (1762—70)да ишлаган. Т. ижоди 16—18-аслар италян монументал санъати тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилади; унинг фрескалари ва картиналари чуқур кенгликлари, туганмас жўшқинлиги ва эркин таъсири, нур-ҳаво таъсирининг мукаммаллиги, бўёқларининг енгил ва шаффофлиги, ракурсларининг фавқулоддалиги б-н жаҳон монументал безак санъатининг чўққиларидан бирига айланди. Т.нинг илк расмларидаёқ ижодига хос бўлган ҳаракатчан шакллар, кескин ракурслар ҳамда бой тасвирлар кўзга ташланади (1725 й.дан сўнг Венециядаги Дольфино саройи учун тайёрланган картиналар туркуми). 1735 й.дан Т. асарлари эркин ва жўшқин тус олди, ранглар ёрқинлашди ва нозик туслар б-н бойиди (Венециядаги Жезуати (1737—39) ва Скальци (1743–44) черковларидаги плафонлар ва б.). Рассом асарларида интерьерларни иллюзияли кенгайтириб ва чуқурлаштириб, безакларни меъморий кенгликка маҳорат б-н уйғунлаштирган. Дастгоҳ асарлари образларининг ёрқин таъсирчанлиги ва маҳоратли усули б-н ҳайратга солади («Амфитританинг зафари», тахм. 1740, Дрезден картиналар галереяси ва б.). Т. портретлар («Арендагил гўзаллар», кўп шаклли композиция, 1748—50 ва б.), ўта таъсирчан график асарлар («Турли хил [illegible]», «Хаёл хазиллари» офортлар туркумлари ва б.) муаллифидир.

ТЭГУ — Жан. Кореядаги шаҳар, мамлакатнинг жан.-шарқий қисмида. Кёнсан-Пукто провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,4 млн. киши (1996). Транспорт йўллари тугуни. Енгил ва озиқ-овқат саноатларининг йирик маркази: ипак ва ип газлама, кўнчилик, қоғоз, тамаки, шоли оқлаш, ун тортиш корхоналари бор. Резина буюмлар ишлаб чиқарилади. Машинасозлик (жуновчи, станоклар, қ.х., транспорт, тўқимачилик, полиграфия саноатлари учун жиҳозлар и.ч.), рангли металлургия, ҳарбий, кимё саноати корхоналари мавжуд. Т. яқинидан тошкўмир ва мис қазиб олинади. Ўрта асрларда қурилган сарой ва ибодатхоналар харобалари, боғлар сақланган.

ТЭЖОН, Тэчжон — Жан. Кореянинг марказий қисмидаги шаҳар. Чхунчхон-Намдо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1996). Транспорт йўллари тугуни. Корея ва енгил саноатининг йирик маркази. Ип газлама, озиқ-овқат, машинасозлик саноати корхоналари, гугурт ф-каси бор. Т. яқинидан вольфрам рудалари қазиб олинади.

ТЭТЧЕР (Thatcher) Маргарет (Хильда) (1925.13.10, Грантем, Линкольншир) — Буюк Британиянинг сиёсат ва давлат арбоби; бош вазир (1979—90), маориф ва фан вазири (1970—74); хазинахонанинг 1-лорди, давлат ишлари бўйича вазир. Консерватив партия томонидан Британия парламенти жамоа палатасининг аъзоси (1959 й.дан). Оксфорд ун-тини (органик кимё ихтисослиги бўйича) тугатган (1947). Кимё корхоналарида ишлаган, ҳуқуқшунослик курсида ўқиб, адвокатлик қилган (1954—57). Нафақалар ва давлат суғуртаси бўйича вазирликнинг парламент котиби (1961—64). Оксфорд ун-тининг Самервилл коллежи ва Қироллик кимё ин-ти фахрий проф., Қироллик жамияти аъзоси. 1975 й.дан Консерватив партия раҳбари этиб сайланган. Т.нинг фалсафаси ва неоконсерватизм тажрибаси жаҳон сиёсий тилида «тэтчеризм» деб ном олган. У сиёсат оламида «Темир хоним» деган ном б-н машҳур.

Буюк Британия тарихида 1-аёл бош вазир лавозимига сайланганига 25 й. тўлгани муносабати б-н қиролича Елизавета II унга баронесса унвонини берган (2004 й., май).

ТЮДОРЛАР (Tudor) — Англиядаги қироллар сулоласи (1485—1603). Қизил ва Оқ гуллар урушилан сўнг ҳокимият тепасига келган. Янги дворянлар ва шаҳар буржуазиясига таянган. Т. ҳукмронлиги даврида абсолютизм шаклланган, инглиз черкови Ватикандан ажраб чиқиб, мустақил бўлган ва қирол ҳокимиятига тобе эттирилган (1534); 1588 й. Атлантика океанидаги савдо йўллари устидан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш учун Испания б-н муваффақиятли уруш олиб борилган (1588 й. испанларни «Енгилмас армада» деб аталмиш флотининг тор-мор этилиши); Русь давлати б-н савдо алоқалари ўрнатилган (1553). Энг машҳур вакиллари: *Генрих VII*, *Генрих VIII*, Эдуард VI, *Мария I Тюдор*, Елизавета I.

ТЮЛЕНЛАР, қулоқли тюленлар, ҳақиқий тюленлар (Phocidae) — куракоёқлилар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. Ҳақиқий Т.ла қулоқ супраси бўлмайди. Оёқлари нисбатан калта, қуруқликда ҳаракатланишда иштирок этмайди. Жунлари дағал, тивитсиз. Т. 13 уруг [йўл-йўл Т., гренландия Т.и, денгиз қуёнлари (ҳар бир уругда биттадан тур), нерпалар, денгиз монахлари, денгиз филлари] ва 18 турни ўз ичига олади. Субтропиклан шимолгача бўлган барча денгизларда ҳамда Антарктикада тарқалган. Монах Т. тропик денгизларда учрайди. Асосан, қиргоққа яқин яшайди. Айрим турлари ички сув ҳавзаларида тарқалган. Кўпчилик турлари миграция қилади. Айрим турлари овланади. Оддий тюленнинг уз. 1,6—1,8 м, вазни 80—100 кг; Узоқ Шарқ кенжа турининг боласи узун ва майин оқ юнгли. Бошқа кенжа турлари туғилган боласининг юнги қора. Вояга етган Т. юнги қорамтир-кулранг

Гренландия тюлени.

доғли. Атлантика ва Тинч океан ҳавзасида тарқалган. Муз устида ва соҳилда боладайди. Асосан, балиқлар б-н озиқланади.

ТЮМЕНЬ — РФ Тюмень вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Тура дарёсидаги порт. Т.й. тугуни. Аҳолиси 501,4 минг киши (1998).

Т. Сибирда руслар эгаллаган дастлабки шаҳар, 1586 й.да мўғуллар шаҳри Чинги - Тура ўрнида (14-а.дан маълум) вужудга келган. 1709 й.дан Сибирь губерняси, 1782 й.дан Тобол ноиблиги таркибида. 17-а.дан Т. Сибирь б-н Хитой савдо йўлидаги муҳим транзит пункти. 19-а.нинг 40-й.ларида Сибирда дарё пароходчилиги очилиши ва 1885 й.да Екатеринбург — Т. темир йўл қурилиши муносабати б-н Т.нинг иқтисодий аҳамияти ўсди. 19-а.нинг 2-ярмида Т.да кемасозлик, ўрмон ва балиқ саноатлари, гилам тўқиш кенг ривожланди. Шаҳар орқали дон, ун, кўн ва б. ташилди.

Тюмень. Ўлкашунослик музейи.

Муҳим саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (моторсозлик и.ч. бирлашмаси; кемасозлик, машинасозлик, приборсозлик, станоксозлик, «Нефтемаш» ва б. заводлар), ёгочсозлик, кимё, енгил, озиқ-овқат саноатлари, қурилиш машиналари, пластмасса, тиббиёт асбоб-ускуналари корхоналари ва б. з-длар ишлаб турибли. Камвол-мовут к-ти, пўстин-мўйна, йигирув-тўр тўқиш, гилам, тикувчилик, пойабзал ф-калари бор. 1960 й.да электр иссиқлик маркази ишга туширилган. Т. — нефть-газ қазиб олиш саноати маркази. Т.дан нефть қувурлари ўтган. Шаҳарда 6 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 2 театр, ўлкашунослик музейи (1879 й.да ташкил қилинган), геол., нефть ва газ музейи, картиналар галереяси фаолият кўрсатади.

ТЮМЕНЬ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1944 й. 14 авг.да ташкил этилган. Асосан, Ғарбий Сибирь шим.да жойлашган, шим.да Кара денгизига туташ. *Ханти-Мансилар мухтор округи* ва *Ямал Ненецлари мухтор округи*ни ўз ичига олади. Уларнинг таркибига Кара денгизининг Белий, Олений, Вилькицкий, Шокальский ва Неупокоев о.лари киради. Майд. 1435,3 минг км². Аҳолиси 3265,7 минг киши (2002), асосан, руслар (73,6%), шунингдек, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 77,4%. Маркази — Тюмень ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Тобольск, Ишим. Таркибига 38 туман, 28 шаҳар ва 40 шаҳарча киради.

Т.в. Ғарбий Сибирь текислигида жойлашган, бал. 285 м (Сибирь Уваллари). Вилоят ғарбида Урал тоғларининг шарқий ён бағирлари (энг баланд жойи 1895 м, Народная чўққиси) ёндош. Т.в. ҳудудида 1950—60 й.ларда нефть ва газ конлари очилди. Уралнинг шарқий ён бағирларида қўнгир кумир, темир рудаси, қурилиш қуми конлари бор.

Иқлими континентал. Шим.да қиши узоқ, совуқ (8—10 ой давом этади). Янв.нинг ўртача г-раси —29°, июлники 4—15°. Йиллик ёғин 200—600 мм. Вилоят шим.да кўп йиллик музлоқ ерлар бор. Вегетация даври жан. қисмида 150—162 кун, Ханти-Мансилар мухтор округида 115—125 кун.

Вилоятнинг асосий дарёси — Обь (1500 км чамасида) ва унинг энг катта ирмоғи Иртиш (900 км чамасида). Вилоятнинг шим.-шарқида Таз ва Пур, Надим дарёлари оқиб ўтади. Ямал я.о. ва Т.в.нинг жан.да кўл кўп.

Асосан, подзолдашган қумоқ ва қумлоқ, шунингдек, торф-ботқоқ, чекка шим.да (Ямал ва Гиден я.о.да) тундра тупроқлари, вилоятнинг жан.да қоратупроқсимон-ўтлоқ тупроқлар, дарё водийлари бўйлаб аллювиал тупроқлар тарқалган. Шим.да тундра, жан.роқда ўрмонли тундра ўсимликлари ўсади. Вилоятнинг каттагина қисми тайга зонаси б-н банд. Жан. ўрмонли дашт зонасида, тундра зонасида шимол бугуси, оқ тулки, оқ товушқон, лемминг, оқ каклик, бурундуқ, қўнгир айиқ, росомаха, колонок, соболь, бўри, тулки; қушлардан карқур, чил, кедр чумчуғи; ўрмонли даштда қур яшайди. Ондатра, норка, баргузин соболи ва қундуз иқлимлаштирилган. Ёзда гоз ва ўрдаклар учиб келади. Дарё ва кўлларда балиқ кўп. Вилоят ҳудудида Верхнетазовский, Малая Сосьва, Юганский қўриқхоналари жойлашган.

Саноатининг асосий тармоқлари: нефть-газ саноати (Т.в.да Россия нефтининг 66%дан зиёди ва газининг 92% қазиб олинади). Нефть конлари: Самотлор, Холмогор, Фёдоров ва б.; газники — Уренгой, Ямбург, Медвежье ва б.). Машинасозлик ва металлсозлик (Россияда ишлаб чиқарилган аккумулятор ва қурғошинли автомобиль аккумулятор батареяларининг 31%дан зиедини, ёгочсозлик станокларининг 9% ҳамда металл кесувчи станоклари; нефть аппаратураси ва жиҳозлари, бургилаш, геология-разведка жиҳозлари, тиббий асбоб-ускуналар, жумладан, бир марта фойдаланадиган ширицлар ва б.), ўрмон ва ёгочсозлик (фанера, йигма деворли уйлар, мебель), кимё ва нефть кимёси (пластмассалар, кимё-фармацевтика маҳсулотлари); қурилиш материаллари и.ч. ривожланган. Суяклан ўймакор бадиий буюмлар тайёрланади (Тобольск ш). Энг йирик корхоналари: «Сургутнефтегаз», «Ноябрьскнефтегаз», «Тюменьнефтегаз», «Юганскнефтегаз» (Нефтеюганск), «Уренгойгазпром» (Новий Уренгой ш.); «Ямбургтаздобыча» давлат корхонаси. Моторсозлик и.ч. бирлашмаси, автотрактор электр асбоб-ускуналари з-ди, «Тюменьмебель», уйсозлик к-ти (Тюмень ш.), «Кросно» (Тюмень ш), «Тоболь нефтехимкомбинат» корхоналари; Сургут иссиқлик электр ст-ялари бор.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи-чорвачилик, асосан, сут-гўшт чорвачилиги ва чўчқачилик. Қўй ва эчкилар ҳам боқилади. Вилоят шим.да бугучилик, ларрандачилик (оқ тулки, соболь, сувсар, ондатра), мўйначилик ривожланган. Вилоятнинг жан. қисмида дон (жавдар, бугдой, сули, арпа) ва озуқа экинлари экилади, картошка ва сабзавотлар етиштирилади.

Т.й. узунлиги 2451 км. Автомобиль йўллари уз. 11458 км, шу жумладан, қаттиқ қопламалиси 9033 км. Обь, Иртиш, Тобол, Тура ва б. дарёларда кема қатнайди. Ҳаво транспорти муҳим аҳамиятга эга. 7 олий ўқув юрти, 7 музей, 3 театр бор. Вилоятда 30 дан ортиқ санаторий, Большой Тараскуль бальнеобалчиқ курорти фаолият кўрсатади.

ТЮРИНГИТ (Германиядаги Тюрингия кони номидан), темирли хлорит — оксидланган хлоритлар (лептохлоритлар) гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $(Fe^{2+}, Fe^{3+})_3[Al_2Si_2O_{10}](OH_2)\cdot(Mg,Fe)_3(OH)_6$. Қаттиқлиги 2—2,5, зичлиги 3,15—3,19 г/см³. Моноклин сингонияда кристалланади. Яширин кристалл массалар ҳолида бўлади. Ранги саргиш яшилдан қорамтир яшилгача. Чўкинди темир конларида йирик тўпламлар ҳолида учрайди: темирли кварцитларда метаморфизм жараёнида ва магматик жинслар темир силикатларининг гидротермал ўзгаришидан ҳам ҳосил бўлади. Йирик кони — Тюрингия (Германия)да. Ўзбекистонда Қурама тоғларида топилган. Темир рудаси сифатида саноат аҳамиятига эга.

ТЮРИНГИЯ, Тюрингия Республикаси — Германия ери. Мамлакатнинг марказий қисмида, Тюрингия сойлиги атрофида, Тюрингия Ўрмонларида жойлашган. Т. 5 та федерал ер б-н чегарадош. Майд. 16,2 минг км². Аҳолиси 2,4 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — Эрфурт ш.

Т. — Германия ҳудудидаги тюрингларнинг қад. вилояти. 1130 й.дан ландграфлик, 16-а. ўрталаридан Саксония қироллиги ва бир қанча князликлар таркибида бўлиб келди. 1918 й.да князликлар барҳам топиб. Т. ери ташкил этилди. 1945 й. фашистлар Германияси парчаланиб, Т. Совет Иттифоқи оккупация зонасига ўтди. 1949 й.дан Германия Демократик Республикаси таркибида 3 округга ажратилди. 1990 й.да Германия бирлашгач, округлари ҳам бирлаштирилиб, Т. Республикаси ташкил этилди.

Т.ни муҳим транспорт йўллари кесиб ўтганлиги сабабли, савдо ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши учун шароит қулай бўлган. Т. қадимдан ҳунармандчиликнинг, айниқса, ов ва спорт қуроллари и.ч. маркази эди. Кончилик, электротехника, керамика, ёгочсозлик, тўқимачилик, тикувчилик, кимё саноатлари ривожланган. Чинни ва шиша буюмлар, ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади. Станоксозлик, оптика-механика, автомобилсозлик корхоналари мавжуд. Т.да 3 ун-т, бир нечта махсус олий ўқув юрти, 50 дан ортиқ и.т. институти ва техник марказлар бор. Қ.х.да донли экинлар, рапс, картошка, қанд лавлаги экилади. Т. — И.В.*Гёте*, И. *Бах* ва б. машҳур шахслар ватани.

ТЮЯМУНИТ, туямуйинит (Фарғона водийси Туямуйин кони номидан) — уранли слюдалар гуруҳига мансуб минерал. *Уран* манбаи. Кимёвий таркиби $Ca[(UO_2)_2V_2O_8]\cdot 5-8,5H_2O$. Ромб сингонияда кристалланади. Майда тангачалардан иборат тупроқсимон масса ҳолида бўлади. Тоғ жинслари бўшлиқларида қобиқ ва гардлар шаклида ҳам учрайди. Сариқ, баъзан яшил, қиғиш рангда товланади. Мўрт. Қаттиқлиги 2, зичлиги 4,3 г/см³. Кучли радиоактив. Уран минераллари мавжуд бўлган конларнинг оксидланиш зонасида ҳосил бўлади. Карнотит, ванадат, барит, гипс ва бошқалар б-н ассоциацияда учрайди.

ТЯМЛАР (чамлар, тьямлар) — Камбоджа, Вьетнам ва Таиланддаги халқ, 290 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Индонез тил гуруҳига мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари, асосан, ҳиндуизмга эътиқод қилади, Камбоджада сунний мусулмонлар бор.

ТЯНЬЦЗИНЬ — Хитойнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий марказларидан. Сариқ денгизнинг Бохайвань қўлтиғи яқинида, Хайхэ дарёсининг Буюк Хитой канали б-н кесишган ерида жойлашган. Атрофидаги туманлар б-н марказга бўйсунувчи мустақил маъмурий бирликни ташкил этади. Аҳолиси 9,05 млн. киши (1998). Транспорт йўллари тугуни, йирик порт. Т. — Пекиннинг «денгиз дарвозаси», Шанхай б-н бир қаторда муҳим савдо-тақсимот пункти; Т.га мамлакат ташқи савдо операцияларининг 1/4 қисми тўғри келади. Пўлат қуйиш, машинасозлик, приборсозлик, кимё, тўқимачилик, радиоэлектроника ва қоғоз саноатлари ривожланган. Гилам, велосипед, соат ва тикувчилик машиналари ишлаб чиқарилади. Ун-тлар бор. Метрополитен қурилган.

Шаҳарга 13-а.да Чжигу балиқчилар қишлоғи ўрнида асос солинган. 1465 й.дан Т. деб аталган. 1725 й.дан округ, 1731 й.дан вилоят маркази. 1856—60 й.лардаги Англия-Франция-Хитой уруши вақтида инглиз-француз қўшинлари босиб олган. 1860 й.даги Англия-Хитой ва Франция-Хитой шартномасига мувофиқ, чет эл савдоси учун очиқ деб эълон қилинган. 1900 й. июль ойида, Ихэтуан қўзғолони вақтида Т. 8 давлат ҳарбийлари томонидан ишғол қилинган. 1937—45 й.лар японлар қўл остида бўлган. 1949 й. 15 янв.да гоминданчилар Т.дан чиқариб юборилган.

ТЯНЬШАН (хитойча — Осмонўпар тоғлар, туркий номи — Тангритоғ) — Ўрта ва Марказий Осиёдаги энг баланд ва узоқ масофага чўзилган тоғ тизмалари системаси. Ғарбий қисми Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда, шарқий қисми эса Хитой ҳудудидадир. Т. бир неча тоғ тизмаларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўпчилиги кенглик бўйлаб, 2550 км дан зиёд масофага чўзилган. Т. шимолда Мўйинқум қумликлари, Или ботиғи, Жунгария Олатови, жан.да Фарғона ва Тарим ботиқлари, ғарбда Сирдарёнинг ўрта қисми, шарқда Гоби чўллари ва Бейшань тоғларигача етиб борган. Шим.да Шарқий Тяньшанга кирувчи Боро-

хоро тизмаси, Жунгария Олатови, Марказий Тяньшанда Қақшалтов тизмаси, жан.-ғарбда Олай тизмаси б-н туташади. Баъзи геолог ва географ олимлар Жунгария Олатови ва Олай-Ҳисор тизмаларини ҳам Т. таркибига киритадилар. Тға кирувчи кўпчилик тизмалар географик кенглик ёки кенгликка яқин йўналиш бўйлаб, баъзи тизмалари эса (Қоратог, Фарғона, Нурота ва б.) меридианал йўналишга яқин чўзилган. Энг баланд жойи Қирғизистон ва Хитой чегарасидаги Ғалаба чўққиси (бал. 7439 м). Унинг яқинида бал. 6995 м ли Хонтангри чўққиси кўтарилган. Тог тизмалари шу чўққилардан ғарб ва шарқ томонга елпиғичсимон тармоқланиб, пасайиб боради.

Т. орографик жиҳатдан Шим. Тяньшан, Марказий (ёки Ички) Тяньшан, Ғарбий Тяньшан ва Шарқий Тяньшанга бўлинади. Шимолий Тға Қирғизистон, Талас Олатови, Орқа Или Олатови, Кунгай Олатов тизмалари ва Чу ҳамда Талас водийлари киради. Шимолий Т. Марказий Тдан берк ботиқлар — Иссиққўл, Қўчқор, Жумғол, Сусамир, Кетмонтепа ботиқлари б-н ажралиб туради.

Марказий (Ички) Т. шимолда Терскай Олатови, жан.-шарқда Қақшалтов ва ғарбда Фарғона тизмаси орасидаги жуда катта майдонни эгаллайди. У шарқда Хонтангри тог тугунига бориб тақалади (баъзи талқиқотчилар, мас., Н. А. Гвоздецкий Т.нинг энг баланд қисми бўлмиш бу тог тугуни ва унинг атрофларини Марказий Т. деб атаб, ундан ғарбдаги тизма ва водийларни Ички Т.га киритадилар). Уларнинг оралиғида тектоник ботиқлар (Норин, Отбоши, Олабуға, Жумғал, Тўқтағул ва б.) жойлашган бўлиб, улар Т. «сиртлари» деб аталади. Тектоник ботиқларнинг баландлиги ғарбий қисмида 2000—2500 м, шарқида 4000 м га етади. Ер юзаси кенг ва текис ясси водийлар бўлиб, дарё ва қад. музликлар қолдирган ётқизиқлар б-н қопланган, дарёлар б-н ювилган. Айрим ботиқларда кўллар (Сунқул, Чатирқўл) ҳосил бўлган.

Ғарбий Т. жан.-ғарбга томон елпиғичсимон тармоқланиб кетган Қоржантов, Утом, Писком, Куксув, Чатқол ва Курама тог тизмаларидан иборат. Булар бир-биридан Писком, Чорвоқ, Юқори Чатқол, Чирчиқ тог оралиғи ботиқлари орқали ажралган. Шарқий Т. — тог системасининг Хитой ҳудудидаги қисми. У деярли кенглик бўйлаб йўналган икки гуруҳ тог тизмаларидан иборат. Шим. гуруҳга Борохоро, Ирен-Хабирга (энг баланд жойи 5500 м), Санжи Мустог, Богдошан (Богдо-Ўла тоғи —5445 м), Барқултог, Мечинўла, Қарлиқтог тизмалари; жан. гуруҳга — Холиқтов, Кўктекетов, Борохотан, Қуруқтог ва Қизилтог киради. Шарқий Тяньшаннинг тог этагида Турфон (чуқ. — 154 м) ботиғи жойлашган.

Т.нинг баландтог қисми серқирра ва қояли, қад. ва ҳоз. замон музликларининг иши натижасида келиб чиққан алп типидаги рельеф шакллари (трог, цирк, карлар), уларнинг ён бағирларида эса қурумлар, водийлар тубида морена (музлик ётқизиқлари) уюмлари кенг тарқалган. 3200—3500 м дан юқори қисмларида кўп йиллик музликлар тарқалган бўлиб, уларнинг қалинлиги 20—30 м дан ошмайди. Фақат Оқсой — Чўтирқўл ботиғининг баъзи қисмларида 100 м дан зиёд. Денгиз сатҳидан анча баландда жойлашган ботиқларда гидролакколитлар, торф дўнглари ҳосил бўлган, ён бағирларида солифлюкация (юзлама сурилмалар) бўлиб туради. Яқин геологик ўтмишда қад. музликлардан бўшаган ботиқларда ҳар хил катталикдаги кўллар, баъзиларида ботқоқликлар вужудга келган. Ўртача баландликдаги ва паст тоғли қисмларида оқар сувларнинг иши, гравитацион жараёнлар натижасида келиб чиққан рельеф шакллари (дара, терраса, сурилма, конуссимон ёйилма ва б.) кенг тарқалган.

Тнинг бу қисмида турли баландликларда текисланган юзалар, тизмаларнинг этакларида адирлар, айрим конуссимон ёйилмалар, бир неча ўнлаб км га чузилган пролювиал шлейфлар учрайди. Тдаги тог тизмалари кучли бурмаланган токембрий, палеозой чўкинди, метаморфик ва отқинди тог жинслари—сланец, қумтош, оҳактош, мармар, гнейс, гранит, гранодиорит ва б.дан ташкил топган, ботиқлар, дарё водиллари, адирлар, қисман, тизмалар ен бағирлари мезозой ва кайнозой даврлари чўкинди тог жинслари б-н тулган. Т. турли тектоник структуралар (антиклинорий, антиклиналь, синклинорий, синклиналь) шаклида каледон ва герцин бурмаланишни босқичларидан ҳамда янги тектоник ҳаракатлар (горст, грабен) таъсирида вужудга келган. Шу боис Тда икки йирик структура: каледонитлар ва герцинидлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан чуқур ер ёриқлари орқали ажралган. Каледонитларга Шим., қисман Марказий ва Шарқий Тдаги тизмалар (Кетмон, Қирғиз, Орқа Или Олатови, Кунгай Олатов, Терскай Олатов, Талас Олатови, Сусамир, Богдо-Ўла ва б.), герцинидларга Қоратов, Утом, Писком, Чатқол, Курама, Қақшалтов, Холиқтов, Фарғона ва б. тизмалар киради.

Герцин бурмаланишни босқичидан кейин Тдаги тизмалар тектоник ҳаракатларнинг жуда сусайиши натижасида яссиланиб текисланган (пенепленга айланган). Мезозой эраси, палеоген даврида ва неогенниинг бошланишида Т. платформа босқичини ўтаган. Неоген даврининг охири ва тўртламчи давр мобайнида Тда янги тектоник ҳаракатлар бошланиб, улар ҳоз. ҳам давом этмоқда. Мазкур тектоник ҳаракатлар натижасида Тнинг ҳоз. рельефи шаклланмоқда, каледон ва герцин бурмаланишлари даврларида пайдо бўлган антиклинорий, антиклиналь ва горстлар ўрнида тог тизмалари, синклинорий, синклиналь ва грабенлар



ўрнида эса мезозой, палеоген, неоген ва тўртламчи давр чўкинди ётқизиқлари ён-н қопланган тог оралиғи ботиқлари вужудга келган. Янги тектоник ҳаракатлар дифференциал хусусиятга эга бўлиб, уларнинг амплитудаси 8—10 км дан зиёд бўлган.

Т. нисбатан қуйи географик кенгликларда ва Евросиё материгининг ичкарисида жойлашганлиги, деярли ҳамма томондан чўллар ён-н ўралганлиги, рельефининг мураккаблиги, кўп қисми катта баландликларга кўтарилганлиги, тизмалар ён бағирлари турли экспозицияга эга бўлганлиги сабабли иқлими умуман континенталдир. Т.нинг асосий қисми мўътадил иқлим минтақасида жойлашган. Жан.-ғарбий ва жан. қисмлари субтропик иқлим минтақаси чегарасида жойлашганлиги сабабли унинг қуйи баландликларига қуруқ субтропикларнинг таъсири сезилади. Т.га нам ҳаво оқимлари ғарбдан келади. Рельефининг мураккаблиги ва кучли парчаланганлиги унинг ҳудудида иссиқлик ва намликнинг ҳар хил тақсимланишига сабаб бўлган. Тизмаларнинг этакларидаги водийларда июлнинг ўртача т-раси 20°—25°, ўртача баландликдаги водийларда 15°—27°, баланд тоғли қисмларида 5° ва ундан ҳам паст. Энг юқори т-ра 30°—35° га етади. Ўртача баландликдаги водийларда январнинг ўртача т-раси —6° дан паст, айрим водийларда —16°, —20°. Қинида баланд қисмларида (музлик ва доимий қорлар тарқалган) т-ра —30° гача пасаяди. Тда ёғинининг тақсимланишида тизмаларнинг баландлиги, йўналиши, ён бағирларининг экспозицияси катта роль ўйнайди. Тизмалар этакларидаги текисликларда йиллик ёғин 150—300 мм, тизмалар этаклари ва паст тоғларда 300—450 мм, ўртача баландликдаги қисмида эса 800—1600 мм. Тог оралиғи ботиқларида ёғингарчилик кам (100—400 мм). Тда энг кўп ёғин тизмаларнинг шим., шим.-ғарбий, жан.-ғарбий ён бағирларида (2000 мм ва ундан зиёд). Ёғиннинг асосий қисми Тнинг катта қисмида ёз ойларида, жан. қисмида эса баҳор ойларида тушади. Ёғиннинг кўп қисми қор шаклида ётади ва узоқ вақт сақланиб туради. Қор қоплами тизмасақланиб этакларида 2—3 ой, ўртача баландлик қисмида 6—7 ой, баланд тоғли қисмида эса 9—10 ой сақланади. Тог оралиғи ботиқларида қор қоплами қалин эмас.

Тда қор чизиғи шим.-ғарбида 3600—3800 м дан, марказида 4200—4450 м баландликдан ўтади. Унда доимий қор ва музликлар кўп (энг каттаси Марказий Тдаги *Инилчек* музлиги). Музликларнинг энг катта марказлари Хонтангри, Терскай Олатови, Қақшалтов тог тугунларидир.

Тяньшан тоғлари манзараси.

Т. — Ўрта Осиёнинг ички сувлари шаклланадиган ҳудудларидан бири. Дарёлари, асосан, музлик-қорларнинг эришидан, ёмғир, ер ости сувларидан тўйинади ва берк ҳавзаларга (Орол, Иссиққўл, Балхаш ва б.) қуйилади, ёки текислик, тоғолди ва атрофидаги чўлларга чиқиб, ерга сингиб кетади ва турли хўжалик мақсадлари учун сарфланади. Тнинг йирик дарёларига Сирдарё ва унинг ирмоқлари (Норин, Қорадарё, Оҳангарон, Чирчиқ, Келес, Арис ва б.), Чу ва ирмоқлари (Жувонариқ, Қўчқор), Талас ва ирмоқлари (Текес, Кунгес, Қош, Чарин ва б.), Жуука, Жеттиўғуз, Туп, Тарим ва ирмоқлари (Оқсув, Тавкандарё, Сарижаз) ва б. киради. Т. дарёларида бир қанча гидротехник иншоотлар: сув омборлари, гидроэлектр станциялари — Тўқтағул, Учқўрғон, Қайроққум, Чорвоқ ва б. барпо этилган. Тда кўл кўп. Уларнинг энг йириклари тектоник кўллар: Иссиққўл, Саричелак, Сўнқўл, Баграшкўл, Чў-тирқўл. Улардан ташқари дарё ён бағирларининг қулаши, сурилиши, музликларнинг иши натижасида вужудга келган кўплаб кичик кўллар (Аралаш, Қуғала, Ихнач, Тойчоқ, Жасилкўл ва б.) мавжуд. Тда кўплаб музликлар бор. Музликларнинг умумий майд. 10,2 минг км² чамасида. Шарқий Тда ҳам музлик кўп, уларнинг умумий майд. 2,7 минг км² дан зиёд, Ирен-Хабирга ва Холиқтов тизмаларида улар, айниқса, кенг тарқалган. Тда музликларнинг дарахтсимон, водий, карр, цирк, осилиб турувчи, эгар, текис юзали, шлейф каби типлари тарқалган. Ҳоз. даврда иқлимнинг глобал ўзгариши натижасида музликлар узунлиги, майдони қисқариб бормоқда.

Т. тупроқ-ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси, табиий ландшафтларига кўра, 4 географик областга бўлинади. Бу областлар, асосан, орографик бирликларга тўғри келади.

Шимолий Т. — геологик жиҳатдан энг қад., иқлими кескин континентал. Тупроқ-ўсимлик қоплами ва ҳайвонотида бореал табиатнинг таъсири бор; типик тог-ўтлоқ ва қора тупроқсимон тупроқлар кўп учрайди. Область учун сибирь оққарағайи, Т. қорақарағайи ва турли ўт-бошоқли ўсимликлар хос. Сут эмизувчилардан: ўткиртиш, узун-бурунча, кутора, ҳар хил сичқонлар; қушлардан — қизилиштон, кедровка, қироңқора ва қирғий кўп. Қорақарағай ўрмонларида силовсин, қўнғир айиқ, бўри, тулки, оқ сичқон яшайди. Баландлик минтақалари: 700—900 м — шувоқ-бетагачалов ўсадиган қирғоқчил даштлар; 900 — 1700 м — бошоқли ўтлар тарқалган тог олди даштлари; 1700 — 3000 м — қорақарағай ўрмонлари, бутазорлар, баланд бўйли ўтлар, ўтлоқ даштлар ҳамда тог бошоқли даштлари; 3000 — 3500 м субальп ўтлоқлари ва ўтлоқ даштлар ҳамда тог бошоқли даштлари; 3500 — 4000 м альп ўтлоқлари ва ўтлоқ-даштлари, кобрезия ялангликлари; 4000 — 5000 м ҳоз. замон музликлари минтақаси.

Марказий Т.да континенталлик янада кучаяди, йиллик ёғин миқдори камаяди, совуқсиз давр қисқа. Сиртлар кенг тарқалган. Тог қоратупроғи, тог ўтлоқи-дашт, сиртларда — даштўтлоқи тупроқлари кенг тарқалган. Ўсимлик қопламда тог совуқ чўли ва даштларнинг ксерофит ўсимликлари хос. Тог чўли ва даштларда қоплон, архар, дашт сассиққўзани, қўшоёқ, олахуржун ва тувалоқлар яшайди. Пастдан юқорига томон қуйидаги ландшафт минтақалари алмашиниб бора-

ди: чала чўл; қуруқ ва турли ўт-бошоқлилар ўсадиган даштлар; субальп бутазорлари, ўтлоқлари, ўтлоқ даштлари ва даштлари; альп ўтлоқлари, баландтоғ ўтлоқ даштлари, даштлари ҳамда чўллари; нивал минтақа.

Ғарбий Т. рельефининг ниҳоят даражада парчаланганлиги, ёғин миқдорининг ортиши, Ғарбий Осиёга хос ҳайвон ва ўсимликларнинг кўп учраши б-н ажралиб туради; табиатида субтропикларга хос хусусиятлар мавжуд. Баландлик минтақалари ҳам ўзига хос (Фарғона тоғ тизмасининг жан. ён бағрида) 600 — 800 м дан 1500 м гача — тоғ этаги текисликлари; 1500 — 2000 м — сийрак арчазорлар б-н ксерофил бутазорлар учрайдиган бўз-лойиқ-шувоқ-бетагали даштлар, 2000 — 3000 м кенг ўрмонлар; 3000 — 3500 м баланд бўйли субальп ўтлоқлари; 4000 — 5000 м — нивал минтақа.

Шарқий Т.да Марказий Осиё тоғларига хос ландшафтлар тарқалган. Континенталлик жуда кучли. Намлик кам. Тоғ ботиқлари ҳам қуруқчил; шўрхоқлар учрайди. Шим. тизмаларидагина йиллик ёғин миқдори 300 мм гача, марказий ва жан. тизмаларда 50—100 мм. Ёзги т-ра 20° — 25° гача; янв.нинг т-раси тоғ водийларида —7°, —10°, тоғ тепаларида эса —25°гача; қиши узоқ давом этиб, қуруқ келади. Тоғ этаклари даштва чала чўллардан иборат, ён бағрларида (1800 — 3000 м) қарағай, қорақарағай, тоғ-терак ва қайрагоч ўрмонлари бор. 3000 м дан баланд жойлари ёзги яйлов. Ҳайвонлардан марал, тоғ эчкиси, архар, қобон ва барс яшайди. Ўрмонлар ва дарё бўйларида қуш кўп. Фойдали қазилмалардан мис, қўрғошин, иодир металлар, тошкўмир конлари бор. Рангли металл конларидан Олмалиқ мис кони, Кансой, Аччисой қўрғошин конлари машҳур. Қурама тоғларидан вольфрам ва мишьяк, Қоратовдан фосфорит қазиб олинади. Қурилиш материаллари, тузлар, термал ва минерал сувлар мавжуд.

Т.да бир қанча қўриқхоналар: Иссиққўл, Олмаота, Оқсув-Жабағли, Саричелак, Чатқол тоғ-ўрмон қўриқхоналари, шунингдек, бир қанча буюртма ҳудудлар (жумладан, Жан.-Ғарбий Т.нинг ёнғоқ-мева ўрмонлари) бор.

Ад.: Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002; Шульц В.Л., Машрапов Р., Ўрта Осиё гидрографияси, Т., 1969; Шульц С.С., Анализ новейшей тектоники и рельеф Тянь-Шаня, М., 1948; Мавлонов Ғ.О., Маматқулов М.М., Ўрта Осиё тоғларининг қалими муниқлари, Т., 1972; Корнев М., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 1968; Гвоздецкий Н.А., Михайлов Н.М., Физическая география СССР (Азиатская часть), М., 1987; Чупахин В.М., Физическая география Тянь-Шаня, Алма-Ата, 1964; Шчукин И.С., Геоморфология Средней Азии, М., 1983; Гвоздецкий Н.А., Голубчиков Ю.Н., Горы, М., 1987.

Мурод Маматқулов

ТЯНЬШАН ЗИЛЗИЛАСИ — ер юзида содир бўлган энг даҳшатли ер қимирлашларидан бири. 1976 йилнинг 27 июлида Хитойнинг Тяньшан вилоятида бўлиб ўтган. Зилзила марказидан тарқалган тебраниш кучи 9—10 балл, магнитудаси 8 га етган. Иморат ва иншоотлар бутунлай яксон бўлган, 650 мингга яқин одам ҳалок бўлиб, 780 мингга яқини жароҳатланган деб тахмин қилинади. Зилзила ўчоғидан тарқалган тўлқинлар радиуси 500 — 600 км келадиган жойларда ҳам кучли сезилган ва жуда катта иқтисодий зарар етказган.

ТЯНЬШАНИТ (*Тяньшан* тоғлари номи б-н аталган) — минерал. 1967 йда топилган. Кимёвий таркиби $Na_2BaMn TiB_2Si_4O_{20}$. Қаттиқлиги 6—6,5, зичлиги 3,3 г/см³. Мўрт. Гексагонал сингонияда кристалланади. Нотўғри шаклдаги йирик (5×6 см) кристаллар ҳолида бўлади. Ранги яшил, шишалек ялтироқ. Т. ишқорли сиенит увомини кесиб ўтган пегматит томирида пирохлор, астрофиллит, бафертисит, лампурит, батолит, таленит, сфен, кальций б-н бирга учрайди.

ТЎҒАРАК ОҒИЗЛИЛАР (Cyclostomata) — жағсизлар катта синфига мансуб сувда яшовчи тубан умуртқали ҳайвонлар синфи. Илонбалиққа ўхшаш танаси шилимшиқ ажратувчи ҳужайраларга бой қалин тери б-н қопланган. Скелети тоғайдан иборат. Жуфт сузгич қанотлари йўқ. Жабра орқали нафас олади. Воронкасимон оғзини (номи шундан) ҳалқа тоғай тутиб туради; тиши мугузлан иборат; тили пармаловчи. Ҳид билиш органи халтасимон. Бош мияси барча умуртқалиларга ўхшаш бўлимлардан иборат. Айириш органлари — мезонефрос буйраклар. Жинсий безлари тоқ, махсус йўли бўлмайди. Тухумлари сувда уруғланади. Т.о. — балиқлар йиртқичи ёки эктопаразитлар. 2 туркум: *миногалар* ва *миксиналарга* бўлинади.

ТЎҒАРАК ЧУВАЛЧАНГЛАР, нематодалар (Nematoda) — бирламчи тана бўшлиқли чувалчанглар синфи. Танаси ипсимон, луксимон, баъзан ипсимонсимон, бочкасимон, кулгалани кесими ўгарак шаклда тиони шунлан. Эркин яшовчи Т.ч. майда (0,05 мм дан 5, баъзан 50 мм гача), паразит турлари, одатда, майда, лекин бир қанча турлари 20 — 40 см га, баъзан 8,4 м га етади (кашалотлар ҳазмидан топилган гигант планеттонема).

Т.ч. аирим жинсли, тухум қўяди ёки аирим турлари тирик тўтиб қўяди. Эркин яшовчи Т.ч. бактериялар, сувўтлар, детрит б-н, аирим турлари йиртқичлик қилиб озиқланади. Т.ч. орасида қул турлари ҳайвонлар, ўсимлик замбуруглари ва одамда паразитлик қилади. 20000 дан ортиқ тури бор. Ер юзида жуда кенг тарқалган; тупроқ, денгиз ва чучук сувларда ҳайвон ва ўсимлик ўқималарида учрайди. Одам ва ҳайвонларга *аскаридалар, ришта, трахина* ва б., қ.х. экинларига бўртма нематодалар, картошка, шоли, буғдой нематодалари ва б. зиён келтиради. Ўзбекистонда сабзавот ва полиз экинлари *бўртма нематодалар* б-н кучли зарарланади.

ТЎДАКЎЛ СУВ ОМБОРИ — Навоий вилоятидаги сув омбори. Бухоро шаҳридан 26 км шарқдаги табиий сойликда. Қуйимозор сув омборининг жан.-ғарбида барпо этилган. 1968 йда ишга туширилган.

1977 йда реконструкция қилинган. Тўлиқ ҳажми 800 млн. м³. Сув юзасининг майд. 17,5 км², ўртача чуқ. 4,8 м. Тутони бал. 4 м, максимал сув чиқариш имконияти 46,0 м³/сек. Ўртаўғил канали орқали Зарафшон дарёсининг ортиқча сувларини жамгаради. *Амў-Бухоро машина канали* орқали Амударёдан тўлдирилади. Каналнинг этак қисмидаги ерларни қўшимча сув б-н таъминлайди. Туташтирувчи канал орқали Қуйимозор сув омборига сув беради. Т.с.о. суви қисман минераллашган. Т.с.о.да балиқчилик хўжалиги бор.

ТЎЁНА — кечинишар қовун нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и.-т. институтида Қуйбош ва Кутана навларини чатиштириб (А.С.Шчукина, С.Т. Песнова, А. С. Ҳакимов, С. Халилов) яратилган. Ниҳоллари униб чиққандан кейин қовуни 105—115 кунда пишади: ўртача катталикда, вазни 4 — 6 кг, юзаси текис, туси қунғир-қулранг, етилганда сарғиш-қунғир туста киради, тури дағал. Меваси таркибида 9—10% қанд бор. Ўртамонаси ўртача, уруғлари иприк. Қишда яхши сақланади. Ҳосилдорлиги 300—400 ц/га. 1991 йда давлат реестрига киритилиб, Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экиш учун тавсия этилган.

Туёна қовун нави

ТЎЗИШ — шамол таъсирида зот жинсларининг ёшланиши ва уларнинг бўлакланган қисмлари шунингдек бошқа жойга кўчирилиши. Т., аинақса, чўлларнинг қаттиқ шамол эсадиган қисмларида кучли бўлади (мас., Қорақум чўлининг жан. қисми). Т. ва фаник нураш жараёнлари биргаликда *тайшат ёлғизликлари*, устун ва минора қўринишидаги ёшилган қисларни ҳосил қилади.

ТЎЗОНЛИ БЎРОН — миллионлаб тонна қум ва чангни бир неча минг км гача учириб бориши кучи (20 м/сек ва ундан ортиқ) шамол; хавфли гидрометеорологик ҳодиса. Т.б., одатда, чўл, чала чўл ва ўзлаштирилган даштларда тупроқ қуриб кетганда, ўсимликлар яхши ривожланмаган ёки бутунлай ўсмаган ерларда, қум саҳроларида пайдо бўлади. АҚШ, Хитой, Миср, Қозоғистон ва б. мамлакатларда, шунингдек, Ўрта Осиёда хам бериди. Т.б., одатда, йилнинг илиқ фаслида вужудга келиб, кунинча қум ва чанг тўзонини учириб келтиради. Ўрта Осиё ҳудудида Т.б. кунлари кўпроқ Марказий Қорақумда ва Копетдоғ тоғ олди минтақаларида кузатилади (йил давомида 100 кунгача, баъзан ундан ортиқ). Т.б. (йил давомида 50 кундан ортиқ) Орол денгизининг қуриган губи ҳамда, Ўзбекистоннинг жан. минтақалари (Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг айрим туманларида, Марказий Фарғонада, Тожикистоннинг жан. ва б. жойларида кузатилади. Т.б., кўп ҳолларда, 3 соатдан кўп давом этмайди, лекин баъзанда бир неча суткага чўзилиши мумкин (1950 й. 6—9 майда Небитдоғда 73 соат давом этган). Т.б.нинг қаршли тадбирлари *дала ҳимоя ўрмонзорлари* барпо этиб камайтириш мумкин. Бундан ташқари, қумларни мустаҳкамлашнинг турли усуллари қўлланилади (қ. *Мелиорацияси*). Шунингдек, катта майдонларни дашт ва чала чўл массивларини хўжалик мақсадларида ўзлаштиришда, йирик суғориш системалари, обод ва кўкаламзорлаштирилган посёлка, шаҳарлар (Жан. Мирзачўл, Амў-Бухоро, Қорақум, Қарши каналлари зоналари ва б.да) қурилиши, қумларни мустаҳкамлайдиган чора-тадбирлар қўлланилиши сабабли бу жойларда Т.б. эсалиган кунлар анча камайди.

Ҳамидулла Абдуллаев

ТЎЙ — базм-томоша ва зиёфат б-н нишонланадиган халқ маросимларининг умумий номи. Ўзбекларда *никоҳ тўйи, бешик тўйи, хатна тўйи*, ҳовли тўйи ва б. турдаги Т.лар ўтказилади.

Т.ларни ўтказиш жараёнида инсонпарварлик, иззат-икром, меҳрибонлик, меҳмонпазлик, иноқлик каби олижаноб фазилатлар ёркин ўз ифодасини топади. Инсон зотини қадрлаш, ҳурматлаш ва улуғлашда Т.лар беқиёс қимматга эга. Т. бир кишининг шахсий иши бўлмай, у кенг жамоатчилик ташаббуси ва иштироки б-н ўтадиган тантаналар. Шунинг учун Т.ларни замон талаби даражасига кўтариш доимо муҳим ҳисобланади. Т.ларни ўзига хос байрам тарзида ташкил этиш, уларни ҳар томонлама тартибга солиш, ихчамлаштириш, айниқса, бадиий жиҳатдан бойитиш ҳоз. давр талабидир.

ТЎЙ ҚЎШИҚЛАРИ — маросим фольклори сирасига кирадиган ва тўй маросимларида ижро этиладиган қўшиқлар. Т.қ. никоҳ тўйи, суннат тўйи, бешик тўйи, хатна тўйи каби тизимларга эга. Ўзбек Т.қ.нинг асосий қисмини никоҳ тўйи қўшиқлари ташкил этади. Никоҳ тўйлари хилма-хил ирим-сирим, раем-русумларга бой бўлиб, уларнинг ҳар бир узвида махсус айтим ва қўшиқлар муҳим аҳамиятга эга. Ёр-ёр, ёр-ёр ёрон-эй, келин салом, куёв салом, ўлан, тўй олқишлари Т.қ.нинг етакчи жанрлари ҳисобланади. Ўзбек Т.қ. алоҳида бир тизим бўлиб, ундаги ҳар қайси жанрнинг умуммаросим таркибида муҳим ўрни ва вазифаси мавжуд.

ТЎЙБОЕВА Софья Эржоновна (1913.30.1, Қозоғистон, Ғазали ш. — 1996.25.10, Душанба) — актриса, тожик миллий театри асосчиларидан. Тожикистон халқ артисти (1941). 20-йилларда Бухородаги мактаб ҳаваскорлари, кейинроқ маҳаллий ўзбек театри спектакилларида қатнашган. 1929—31 йилар Ҳамза театрида, 1931 йдан Лоҳутий номидаги драма театри актрисаси. Жульетта («Ромео ва Жульетта»), Луиза («Макр ва муҳаббат»), Дездемона («Отелло»), Любовь Яровая («Любовь Яровая»), Ши Пин («Тайфун»), Сарвара («Она ҳукми») каби роллари б-н танилган. Кинода Меҳринисо хола («Мен бир қизни учратдим»), Бону («Шоир қисмати»), Сандабону («Ўғлим уйланиш ёшида»), она («Зумрад»), Ходима («Кул остидаги чўғ»), Нитороййм («Меҳроблан чаён», «Ўзбекфильм») ва б. образлар яратган. 1968—84 йлар Тожикистон театр жамияти раиси бўлган.

ТЎЙИНГАН БУҒ — суюқлик (ёки қаттиқ жисм) б-н бир хил кимёвий таркибга эга ва у б-н термодинамик мувозанатда бўлган буғ. Суюқлик б-н унинг Т.б.и ўртасида динамик мувозанат мавжуд: вақт бирлиги ичида суюқликдан чиқаётган буғ молекулалари сони шу вақт ичида суюқликка қайтиб тушаётган буғ молекулалари сонига тенг. Суюқликнинг буғ б-н термодинамик мувозанатда бўлиш т-раси ва босимида ҳар бир босимга Т.б. т-расининг аниқ қиймати тўғри келади. Т.б. босимининг т-рага боғлиқлигини ифодаловчи эгри чизиқ қайнаш (ёки конденсатланиш) т-расининг босимга боғлиқлигини ҳам ифодалайди. Суюқлик б-н Т.б.нинг зичликлари ҳам бир-бирига боғлиқ. Т-раниг ортиши б-н Т.б. босими ва зичлиги ортади, суюқликнинг зичлиги эса камаяди.

ТЎЙИНГАН УГЛЕВОДОРОДЛАР, алканлар, парафинлар — углеводородларнинг гомологик қатори, умумий формуласи C_nH_{2n+2}, *ациклик бирикмалар* синфига мансуб; энг оддий вакили — метан CH_4; бу қатордаги ҳар қайси кейинги аъзо ўзидан олдинги углеводороддан CH_2 гуруҳ (гомолог) б-н фарқланади. Қаторнинг бошланғич 4 аъзосининг номи — *метан* CH_4, *этан* C_2H_6, *пропан* C_3H_8, *бутан* C_4H_{10}; кейинги гомологларнинг номи юнонча саноқ сонлар б-н ифодаланади, мас., C_5H_{12}— *пентан*, C_8H_{18}— *октан*, $C_{10}H_{22}$—*декан*, $C_{16}H_{34}$—*цетан*. Барча Т.у. нинг номига «ан» қўшимчаси қўшиб айтилади. Т.у.нинг молекулаларидаги углерод атомлари бир-бирига оддий боғ б-н боғланган. Бутангача бўлган Т.у. ва неопентан — рангсиз газ, C_5H_{12} дан то $C_{17}H_{36}$ гача —суюқлик, ундан кейингилари қаттиқ моддалардир. Т.у. сувда эримайди, кўпчилик органик эритувчиларда яхши эрийди. Т.у. кимёвий жиҳатдан инерт, шунинг учун ҳам уларга парафинлар деб ном берилган. Лекин нисбатан қаттиқ шароитда улардаги водород атомлари бошқа атом ва гуруҳларга алмашиниши мумкин; ана шу реакциялар асосида кўпгина муҳим саноат маҳсулотлари олинади: чунончи: Т.у.ни хлорлаб, метилхлорид, метиленхлорид, хлороформ, нитролаб—нитропарафинлар; куйи Т.у.ни оксидлаб спирт, альдегид, кетон ва кислоталар олинади. Т.у.ни каталитик дегидрогенлаб олефинлар (пропилен,

бутенлар), диолефинлар (бутадиен, изопрен), изомерлаб изобутан ва изопентан ҳосил қилинади. Т.у. тошкўмир, ёнувчи сланецларни ҳайдаб ҳам олинади. Т.у. нефтда (5—60%), ўсимликларда, асалари мумида бўлади. Озокерит деярли юқори Т.у.дан иборат; табиий газда 99% гача метан бор. Т.у. пластмассалар, синтетик каучук ва толалар, ювувчи моддалар олишда муҳим хом ашё ҳисобланади; эритувчилар сифатида қўлланади.

ТЎЙИНГАН ЭРИТМА — маълум шароитда (т-ра ва босимда) эриган моддалар б-н барқарор мувозанатли эритма. Мас., тузнинг сувдаги эритмасида айни тузнинг кристаллари мавжуд бўлган эритма; газнинг сувдаги эритмасидан ушбу газ ўтказилган эритма. Эритманинг маълум масса миқдорида ёки маълум ҳажмида эриган модда миқдори эритманинг концентрацияси дейилади. Т.э. концентрацияси, яъни ундаги эриган модда миқдори унинг эрувчанлиги деб аталади.

Маълум шароитларда сувда ёки эритувчида модданинг эриши давом этса ва шу модда кристаллари ҳосил бўлмаса, яъни эриган моддалар миқдори Т.э. концентрациясидан кам бўлган эритма тўйинмаган эритма дейилади. Эритма аста-секин совиганда унда эриган моддаларнинг кристалланиши солир бўлмаслиги мумкин, у ҳолда ўта тўйинган эритма ҳосил бўлади. Ўта тўйинган эритмада Т.э.га қараганда эриган модда кўпроқ; бундай эритмага жуда оз миқдорда эриган модда кристаллари киритилса, эритмада кристаллларнинг чўкиши рўй беради.

ТЎЙИНМАГАН УГЛЕВОДОРОДЛАР — занжирида бир ёки бир неча углерод-углерод каррали боғлари бўлган углеводородлар. Т.у. га умумий формуласи C_nH_{2n} (мас., *этилен* $CH_2=CH_2$, *пропилен* $CH_3CH=CH_2$) бўлган *олефинлар* ёки алкенлар; умумий формуласи C_nH_{2n-2} бўлган углеводородлар: 1) алкинлар деб аталувчи уч боғли Т.у. (*ацетилен* $CH\equiv CH$ ва унинг гомологлари); 2) қўш боғли *диен углеводородлари* (*бутадиен* $CH_2=CH-CH=CH_2$ ва б.) ва кумулирланган қўш боғли углеводородлар (*аллен* $CH_2=C=CH_2$ ва унинг гомологлари); 3) циклоалкенлар (қўш боғли нафтенлар, мас., циклогексан ва б.) киради.

2 ва 3 боғли енинлар C_nH_{2n-4}, полиенлар ҳам мавжуд. Умумий формуласи C_nH_{2n-6} бўлган ароматик қатор Т.у.и. оддий Т.у.дан хоссалари жиҳатидан фарқ қилади, шунинг учун уларни ароматик бирикмаларнинг алоҳида синфига ажратилади (қ. *Ароматик углеводородлар*).

ТЎЙТЕПА — Тошкент вилояти *Ўрта Чирчиқ туманилаги* шаҳар (1973 и.дан), туман маркази. Тошкентдан 37 км. Яқин т.й. станцияси — Чигириқ (5 км). Аҳолиси 25,3 минг киши (2004).

Қад.да Т. *Мингтепа, Нукат* номлари б-н маълум бўлган. Шаҳар тўғрисилаги дастлабки маълумотлар унинг ривожланган даври (10—12-а.ларга) тўғри келади.

Шаҳарда 8 саноат корхонаси фаолият кўрсатади. И.ч. бирлашмалари, металл конструкциялари, пахта тозалаш з-длари, дон қабул қилиш корхонаси ишлаб турибди. 3 та енгил саноат корхонаси, 2 та ўқув-тажриба корхонаси ва б. бор. Қўшма корхоналардан Корея Республикаси б-н ҳамкорликлаги «Ҳусайн Мирзо», «Кабул—Тўйтепа ЛТД» ин йигирув-тўқув, Ўзбекистон — Туркия «Бурсел» (эркаклар кўйлаклари тикилади) қўшма корхоналар машҳур. Т.да 200 дан ортиқ давлат ва хусусий тижорат корхоналари фаолият кўрсатади. 4 умумий таълим мактаби, катталар ва болалар кутубхоналари, маданият уйи, 3 касалхона, 3 поликлиника бор.

Т. автомобиль йўллари орқали Тошкент ш. ва б. шаҳарлар б-н боғланган. Т. яқинидан Тошкент — Ангрен т.й. ўтади. Шаҳарнинг жан.-гарбида *Туябўғиз сув омбори* («Тошкент денгизи») жойлашган.

ЎЗМЭ 8-ЖИЛДИ МАҚОЛАЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ*

Биология, тиббиёт ва кимё илмий таҳририяти

Абдуллаев Магди
Абилов Ўрол
Азизов Мирҳаким
Азимов Жалолиддин
Аляви Анис
Аминов Собиржон
Арифов Саидқосим
Асадов Дамин
Ахмеров Қудрат
Аҳмедов Носир
Бақоев Савриддин
Баҳриев Иброҳим
Баҳромов Саиджалол
Бекназаров Жуманазар
Ботиров Бешим
Ваҳобов Абдурасул
Далаев Сайдулла
Далахонова Гулчеҳра
Даминов Турғунпўлат
Ёдгорова Клара
Жалилов Абдулаҳат
Зарипов Бакриддин
Зокиров Муҳсим
Зокиров Ўзув
Зокиров Ҳосил
Ибодов Комил
Ибрагимова Салтанат
Исабоев Зикрилла
Искандарова Гўзал
Исломов Эркин
Исмоилов Исроил
Исмоилов Сайдиғани
Йўлдошхонова Озода
Каримов Анвар
Каримова Сурайё
Комилов Холиджон
Лаханов Жаббор
Мавлонов Очил
Маърупов Рустам
Миразизов Қўчқор
Миркомилова Муҳаббат
Муродхўжаев Наримон
Мўминов Боқижон
Нарчаев Жамшид
Нишонбоев Кураш
Отақўзиев Темиржон
Парпиев Нусрат
Пратов Ўктам
Саидқориев Бердимурод
Сиддиқов Жаҳонгир
Собиров Жўра
Солиев Мурод
Сулаймонов Эргаш
Тожиев Комил
Туробжонов Садриддин
Тўйчиев Сайфулло
Тўрабеков Шарифжон
Тўхтаев Анвар
Убайдуллаев Абдулла
Умаров Эҳсон
Усмонов Миржалол
Халилов Мирқобил
Хўжаев Омонулла
Хўжаев Саидаҳмад
Шакарбоев Эркинжон
Шаропов Жамол
Шахобиддинов Зияхўжа
Шерназаров Элмурод
Шоваҳобов Шоносир
Шомирзаев Нажиулла
Шомирзаев Эркин
Эргашев Аҳмадқул
Эргашев Норқўзи
Эркаев Ахтам
Эшбоев Эгамберди
Эшова Холниса
Қодиров Йўлдошхон
Қодирова Муҳаррам
Қосимов Алишер
Қосимов Эркин
Қосимова Сталина
Ҳамраев Аловиддин
Ҳамраев Сайфулла

География, геология ва геофизика илмий таҳририяти

Абдуазимова Зоя
Абдуназаров Ўктам
Абдураимов Тоир
Абдураҳимов Абдуқаюм
Абидов Асрор
Акрамов Бахшилло
Аминов Эркинжон
Асроров Абдумутал
Аҳмедов Эркин
Ботиров Исмоил
Бўриева Мамлакат
Ёрмуҳаммедов Акбар
Жумабоев Тошпўлат
Зокиров Шуҳрат
Ибрагимов Шавкат
Иброҳимов Рашод
Иванов Юрий
Исаҳожиев Бахтиёр
Маматқулов Мурод
Пасилов Баҳодир
Раҳматуллаев Шафоат
Султонхўжаев Абдумўбди
Тоиров Маҳмуд
Эгамбердиев Асомберди
Эргашев Йўлдошбой
Қурбонов Ҳолли
Ғуломов Потиҳкамол
Ғуломов Эркин
Ҳайдаров Муродилла
Ҳикматов Фазлиддин

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти

Аббосов Абдулазиз
Абдуллаев Абдумавлон
Абдуғаниева Матлуба
Азимбоев Собиржон
Азимов Ботир
Азимов Сайфиддин
Акбаров Фарҳод
Акмалхонов Талъат
Алимов Олимжон
Алимуҳамедов Султон
Алиқулов Эрлис
Амиров Абдусаттор
Артукметов Зиёмиддин
Болтабоева Муяссар
Боқиев Машариф
Гончаров Геннадий
Ёрматова Дилором
Ёқубов Рисқивой
Жўраев Рихсивой
Зикирёев Абдукарим
Ишмуратова Рисолат
Йўлдошев Муталлиб
Махсудов Ходимат
Мирзаев Тоҳиржон
Муллажонов Файзулла
Мусаев Нуриддин
Набиев Ҳамидулла
Ниғматов Муҳаммаджон
Номозов Хушвақт
Норматов Баҳодир
Носиров Убайдулла
Нурмаматов Ҳошим
Отабоева Ҳалима
Отамирзаева Турсуной
Раззоқов Абдухалил
Расулов Мухтор
Раҳимова Барно
Салимов Садир
Сатторов Жўрақул
Содиқов Аббос
Турсунхўжаев Пўлат
Тўхлиев Нурислом
Файзиев Жамолиддин
Холматов Неъмат
Холназаров Султон
Хоназаров Абдушукур

*Муаллифлар номи «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти илмий таҳририятлари бўйича (фақат бир жойда) кўрсатилди.

Шамсудинтов Баҳодир
Шеннаев Хўжаёр
Эрмаматов Шоназар
Эшматов Изатулла
Юсупов Қозиржон
Ўлмасов Аҳмаджон
Қаландаров Ўроззамжел

Қозиров Анвар
Қурбонов Фарҳод
Ғанихўжаева Рафиқа
Хакимов Рафиқжон
Хамроқулов Рустам
Хасанов Рустам

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти

Аширбоев Самихон
Ашуров Рашган
Ахмедов Нуриддин
Бабашев Фарҳод
Бекмирзаев Ислом
Йўлдошев Қозоқбой
Келгиёров Рўзмон

Мажидов Абдурашид
Маманазаров Насриддин
Мўминова Лола
Раҳимова Ойдин
Сулаймонов Асқарали
Тоиров Собит

Маданият ва санъат илмий таҳририяти

Абдуллаев Неъмат
Абдуллаев Рустам
Асқаров Бахтиёр
Аширова Мохина
Беков Олимжон
Бўлатов Саидакбар
Габитова Аида
Лурдиева Гавҳар
Жабборов Аҳмаджон
Жўраев Фрунзе
Заргаров Одилбек
Зоҳидов Пўлат
Иброхимов Оқил
Исломов Бурҳон
Исмоилова Эльмира
Кабиров Абдужаббор
Машрапов Абдумажид
Матёқубов Ботир
Маҳкамова Сайёра
Маҳмудов Жўра
Мирҳайдарова Закия
Ойдўжаева Шаҳноза
Островский Владимир
Пўлатов Хайрулла
Расулметов Жасур

Раҳимова Ойдин
Раҳмонов Абдусафий
Сабитова Фарида
Саматов Шомат
Собирова Вазира
Солиҳова Муҳаббат
Султонов Хайрулла
Тарлавская Татьяна
Тешабоев Жўра
Тошканбоев Пўлат
Турсунов Тоштўлат
Турғунов Баҳодир
Файзиева Феруза
Фахретдинова Дилора
Хўжаева Саодат
Хўжанёзова Олмахон
Юнусов Равшан
Уринов Эсон
Қодиров Мухсин
Қозирова Дилафрўз
Қозирова Тўлқинной
Курбонов Қалмирза
Кўзиев Турсунали
Ғафурбеков Тўхтасин
Хайитметова Сабоҳат

Тиёев Ҳамид
Исломов Ўткир
Исроков Мирсолиқ
Камолиддинов Шамсиддин
Каримов Бахтиёр
Каримов Иброхим
Кафоматов Ҳабибулло
Маматқулов Абдумажид
Матқосимов Адҳам
Матбобоев Ботқожон
Матрасулов Шоназар
Мустафаева Назира
Муҳаммаджонов Абдулҳамид
Норқулов Нодир
Охунжонов Собиржон
Пислаев Шокиржон
Пиримқулов Шоломқул
Полвонов Неъмат
Ражабов Қодиржон
Раҳимов Муҳаммаджон
Раҳмонов Комил

Рзаев Гасан Кязим
Сабуров Сирожиддин
Сотиқулов Ҳамидулла
Тиллабоев Сотибалди
Турғунов Жовли
Турғунов Сайфулло
Фозилов Хуршид
Ҳужаев Абдулҳай
Шарипова Мавлуда
Шоабдуллаев Рипьи
Эргашев Фатхулла
Эшов Баҳодир
Юнусова Хуршида
Қозиматбоев Орзиқул
Қорабоев Усмон
Ғиссов Бобур
Ғиссов Темур
Ҳамдамов Мирсолиқ
Ҳанифов Шодмон
Ҳасанов Фахриддин

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти

Абдуллаев Орзиқбой
Абдумажар Ҳабиб
Аминов Мурсежон
Баракаев Раҳматулла
Бегматов Эрнст
Давлатова Манзура
Жўраев Қудрат
Иброҳимов Алексей
Игамқулов Раҳматулла
Исмоилов Анвар
Исомиддинов Зуҳриддин
Исоқова Матлуба
Йўлдошев Саидулла
Каримов Баҳодир
Каримов Наим
Комилов Эргаш
Мадиаттаев Абдувоҳоб
Мадраҳимов Илҳомжон
Маҳкамов Неъмат
Маҳмудов Нишомиддин
Мингноров Абдухолиқ
Мирзаев Абдулла
Мирчаев Тўра

Мўминова Улфатхон
Назиров Хамидуллохон
Носиров Исҳоқ
Орзимбетов Қаҳрон
Орзибеков Раҳматқул
Очилов Носиржон
Очилов Нормурод
Очилов Эргаш
Пўлатов Нормат
Раҳмонов Насимхон
Саидов Азиз
Саматов Шомат
Сатдуллаев Жўра
Тожибоев Рустам
Турдимов Шоназар
Умаров Баҳодир
Умаров Эргаш
Хулоқкулов Мухтор
Ҳўжаева Тамара
Шарафиддинов Озод
Қосимов Бегали
Ҳайитметов Абдуқодир
Ҳожиев Азим

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти

Абдулла Шер
Абдуллаева Фарангиз
Абдумажидов Ғафур
Азимов Абдукаюм
Аликулов Ҳайдар
Люпик Абдулла

Ахмедов Сирожиддин
Баратов Миродил
Бобоқулов Сотволди
Жўраев Нарзулла
Жўраев Сайфиддин
Зокиров Икром

Иброхимов Эшқор
Иноятов Анвар
Инатомаматова Зумрад
Исломов Кийикбой
Йўлдошев Сайдулла
Йўлдошева Шамра
Комилов Наҳмиддин
Мансуров Абдулҳай
Маҳкамова Гулчеҳра
Муслев Содиқ
Муминов Асрор
Назаров Нурали
Назаров Қайюмиддин
Нарзиев Пиримали
Носиров Расул
Обиҳужаева Мубориз
Обиҳужаев Сайтор
Окилов Озод
Раҳмжанов Дурбек
Рустамбоев Мирзаюсуф
Саидов Акмал

Саидов Баҳодир
Тоҳиров Фарҳод
Турсунов Йўлдош
Тўлқинов Абдужаббор
Туров Бахтиёр
Уматов Убайдулла
Усмонхужаев Талъат
Фозилов Ойбек
Хойбеков Абдували
Халлоров Тургунбой
Шорахмедов Дилшод
Эргашев Иброҳулла
Эшанкулов Асқарбек
Яралиев Комилжон
Ўтамуролов Акбар
Қозиров Бекзод
Қозиров Муҳаммаджон
Ғозиев Эрали
Ҳайдаров Ўткир
Ҳасанов Ахтам
Ҳусниддинов Зуҳриддин

Алларов Турсун
Алимова Ҳалима
Акбаров Абдулла
Акпаров Нўъмон
Бақоров Акбар
Болиров Назмиддин
Давлатов Рустамат
Ёқубов Эркин
Жовлиева Феруза
Зиҳонов Рашид
Икромов Аҳад
Илёсов Собит
Иноятов Эргаш
Йўлдошев Назар
Каримов Озод
Комилов Эркин
Латипов Абдусалом
Маҳмов Сайд
Маматалиев Маматмусо
Мирбобоев Вохид
Мирбобоев Миркомил
Мирахмедов Мирфозил
Мирзожиева Қаромат
Мубораков Ҳамидхон
Мухторов Тоҳир

Низиров Дилшод
Нормонов Абдуғаффор
Нишонбоев Носир
Нуритдинов Салоҳиддин
Нўъмонхўжаев Аброр
Ошпўлатов Анвар
Олимбоев Эркин
Ришитов Турсун
Ситторов Исроил
Тўраев Назар
Усмонова Наргиза
Файзиев Мирҳақим
Хусайбердиев Сайдулла
Шомонов Зоир
Шарипов Анвар
Шопақулов Баҳодир
Қозиров Сапар
Қосимов Эркин
Қурбонов Сайд
Ғанихўжаев Носир
Ғанихўжаев Осмонулла
Ҳайдаров Қудрат
Ҳакимов Рихситалла
Ҳусниддинов Аслам
Ҳобилов Ботир

Ў-28 **Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** 8-жилд. Солнома — Туйтепа. Таҳрир ҳайъати А. Азизхужаев, М. Аминов, Т. Даминов ва б. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004 — 704 б.
ББК 92

№ 252—2004
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

11120.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
8-ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
Тошкент — 2004.
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.

З.Т. Исажонов, Д.А. Букреев, Р. Мусаев, К.Т. Мансуров, Ш. Усмонов, Ф. Чанышева, Б. Х. Туёқов, Б. Шарипов, З. Дадабаева, Т. Ҳамидов, В. Панфилов.
Комбинат манзили: Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Фотографлар: Б. И. Дьякин, А. Е. Зуев, А. Д. Михайлов, А. Сулаймонов, В. П. Телегин, Р. З. Яруллин.
Соҳа харита муаллифлари: Р. Х. Галиулина, С. Салоҳиддинова, А. Эгамбердиев.
Рангли хариталар Узгеодезкадастрнинг «Картография» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тузилган ва босилган.
Харита чизувчи: М. М. Мирзиев.

ЎзМЭ 8-жилди 2004 йил 18 мартда теришга берилди.
2004 йил 23 сентябрда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими $84\times108^{1}/_{16}$. Офсет қоғозда босилди. 125,53 нашриёт-ҳисоб табоғи.
74,0 шартли босма табоқ. Адади 2000.
Баҳоси шартнома асосида. 15-913-буюртма.